
УЗ
М



ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

92
Ў—28

БОШ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ

Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ
Бобир АЛИМОВ
Муроджон АМИНОВ
Турғунпўлат ДАМИНОВ
Тўрабек ДОЛИМОВ
Шуҳрат ЁВҚОЧЕВ
Неъматулла ИБРОҲИМОВ
Наим КАРИМОВ
Нажмиддин КОМИЛОВ
Жўра МУСАЕВ
Элшод НАБИЕВ
Абдулла ОРИПОВ
Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Нурислом ТЎХЛИЕВ
Даврон ШОРАҲМЕДОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Турсунали ҚЎЗИЕВ
Азим ҲОЖИЕВ

Ў $\frac{1500100000}{358-2005}$ – 05

ISBN 5—89890—103—5

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2005

Ўз 92.
Ўз -28

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

55-85-65

11

ҚИЗИЛҚУМИТ — ҲЎРМУЗ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
ТОШКЕНТ

ФАН СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШЛАРИ АЪЗОЛАРИ*

Адабиёт. Б. ВАЛИХЎЖАЕВ, Т. МИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Э. ОЧИЛОВ, О. ШАРАФИДДИНОВ, А. ҲАЙИТМЕТОВ. **Амалий ва тасвирий санъат.** Н. АБДУЛЛАЕВ, Б. Ф. ЖАЛОЛОВ, К. ОҚИЛОВА. **Астрономия, геодезия ва космонавтика.** С. П. ИЛЁСОВ, А. А. ЛАТИПОВ, М. М. МАМАДАЗИМОВ, К. Т. МИРТОЖИЕВА, Н. НИШОНБОЕВ, С. Н. НУРИТДИНОВ, И. САТТОРОВ. **Биология.** Ж. АЗИМОВ, О. АШУРМЕТОВ, О. МАВЛОНОВ, Ў. ПРАТОВ, Б. О. ТОШМУҲАМЕДОВ, Ж. Ҳ. ҲАМИДОВ. **География, геология ва геофизика.** Қ. Н. АБДУЛЛАБЕКОВ, А. А. АБИДОВ, Ш. С. ЗОКИРОВ, Б. А. ИСАҲОЖИЕВ, А. СОЛИЕВ, П. Н. ҒУЛОМОВ. **Дин тарихи.** А.А. АЗИМОВ, Ш. ИСМОИЛОВ, А. МАНСУРОВ, А. Қ. МЎМИНОВ, Д. О. РАҲИМЖОНОВ, А. А. ҲАСАНОВ. **Жисмоний тарбия ва спорт.** А. ИМОМХЎЖАЕВ, Т. С. УСМОНХЎЖАЕВ, К. ЮСУПОВ, К.Д. ЯРАШЕВ. **Журналистика.** Х. ДЎСТМУҲАММАД, Б. ДЎСТҚОРАЕВ, А. МЕЛИБОЕВ. **Иқтисодиёт.** С. САЛИМОВ, М. ШАРИФХЎЖАЕВ, Ш. ШОДМОНОВ, А. ЎЛМАСОВ, А. ҚОДИРОВ, С. ҒУЛОМОВ. **Кимё.** С. Н. АМИНОВ, Қ. АХМЕРОВ, И. ИСМОИЛОВ, Т.ОТАҚЎЗИЕВ, Н. ПАРПИЕВ, С. ТЎХТАЕВ. **Математика.** Т. АЗЛАРОВ, А. АЪЗАМОВ, Ш. А. АЮПОВ, Ш. ЁРМУҲАМЕДОВ, Т. ЖЎРАЕВ, М. САЛОҲИДДИНОВ, А.САЪДУЛЛАЕВ, Б. ШОИМҚУЛОВ, Ж. ҲОЖИЕВ. **Меъморлик.** П. Ш. ЗОҲИДОВ, Х. ПЎЛАТОВ, Э. В. РТВЕЛАДЗЕ, М. ЮСУПОВА. **Мусиқа.** О.Н. АЗИМОВА. Р. Ю. ЮНУСОВ, Т. Б. ҒАФУРБЕКОВ. **Педагогика.** Қ. ЙЎЛДОШЕВ, А. СУЛАЙМОНОВ, М. ҚУРОНОВ, К. ҲОШИМОВ. **Тарих.** Д. АЛИМОВА, А. АСҚАРОВ, О. БЎРИЕВ, Ҳ. ДАДАБОЕВ, А. ЗИЁЕВ, Ҳ. ЗИЁЕВ, М. ИСҲОҚОВ, Ш. ҚАМОЛИДДИНОВ, А. Р. МУҲАММАДЖОНОВ, Ш. ПИРИМҚУЛОВ, Қ. РАЖАБОВ, Т. ҒИЁСОВ. **Театр, кино, цирк, хореография, балет.** О. РИЗАЕВ, Ж. ТЕШАБОЕВ, Т. ТУРСУНОВ, М. Х. ҚОДИРОВ. **Техника.** Ф. АБДУЛЛАЕВ, Э. ЁҚУБОВ, Р. ЗОҲИДОВ, Т. РАШИДОВ, Р. ТОЖИЕВ, Х. ХУДОЙНАЗАРОВ, Т. ШИРИНҚУЛОВ, С. ҚОДИРОВ, Э. ҚОСИМОВ. **Тиббиёт.** С. АРИФОВ, С. БАҲРОМОВ, Ў. Б. ЗОКИРОВ, Н. М. МАЖИДОВ, Ш. Ш. ШОВАҲОБОВ, Н. Ҳ. ШОМИРЗАЕВ, Э. Й. ҚОСИМОВ. **Тилшунослик.** А. ДАВЛЕТОВ, Н. МАҲКАМОВ, Н. МАҲМУДОВ, А. НУРМОНОВ, Қ. СОДИҚОВ, Э. УМАРОВ, О. ШОМАТОВ. **Фалсафа.** Ў. АБИЛОВ, Ҳ. АЛИҚУЛОВ, Қ. Н. НАЗАРОВ, Б. О. ТЎРАЕВ, М. ҚОДИРОВ, Э. ҒОЗИЕВ, Ў. ҲАЙДАРОВ. **Физика.** К. МУҚИМОВ, А. С. НЎЪМОНХЎЖАЕВ, Ў. Ҳ. РАСУЛОВ, Н. Й. ТЎРАЕВ, Қ. Ғ. ҒУЛОМОВ, П. Қ. ҲАБИБУЛЛАЕВ. **Халқаро муносабатлар ва сиёсатшунослик.** Р. З. ЖУМАЕВ, С. А. ЖЎРАЕВ, М. Ҳ. РАҲМОНҚУЛОВ, А. Х. САИДОВ, А. М. ҚОСИМОВ. **Қишлоқ хўжалиги.** Б. Ж. АЗИМОВ, Ш. АКМАЛХОНОВ, С. Н. АЛИМУҲАМЕДОВ, У. НОСИРОВ, А. А. ХОНАЗАРОВ. **Ҳуқуқ.** Ғ. А. АБДУМАЖИДОВ, А. ИНОЯТОВ, Ҳ. Р. РАҲМОНҚУЛОВ, А. ТЎЛАГАНОВ, М. М. ФАЙЗИЕВ.

---

* Бош таҳрир ҳайъати аъзолари рўйхатга киритилмади.

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор — Н.ТЎХЛИЕВ.

Директорнинг биринчи ўринбосари — Д.А. ШОРАҲМЕДОВ.

Директор ўринбосарлари — М. Н. АМИНОВ, А. НИЁЗОВ.

Илмий-методика ва сўзлик бўлими. М.ИСЛОМБЕКОВА (етакчи илмий муҳаррир), С. МИРЗАБЕКОВА (1-тоифали илмий муҳаррир), Ф. ШАМСИЕВА (2-тоифали илмий муҳаррир).

Биология ва кимё илмий таҳририяти. Ҳ.ЗОКИРОВ (мудир), О. МАВЛОНОВ, Р.МАЪРУПОВ (етакчи илмий муҳаррирлар).

География ва геология илмий таҳририяти. А.АБДУРАҲИМОВ (мудир), Ҳ.АЛИМУҲАМЕДОВА (етакчи илмий муҳаррир), И.КАРИМОВ (1-тоифали илмий муҳаррир), О. ИСАҲОЖИЕВА (2-тоифали илмий муҳаррир).

Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги илмий таҳририяти. С. ХОЛНАЗАРОВ (мудир), Б. АЗАМОВА (1-тоифали илмий муҳаррир), Н.ЮСУПОВА (2-тоифали илмий муҳаррир).

Комплекс мақолалар ва педагогика илмий таҳририяти. А.МАЖИДОВ (мудир).

Маданият ва санъат илмий таҳририяти. М.АШИРОВА (мудир), О. БЕКОВ, М. ҒАФФОРОВА (етакчи илмий муҳаррирлар).

Тарих ва миллий мерос, қадриятлар илмий таҳририяти. Ф. ҲАСАНОВ (мудир), Г. ХЎЖАЕВА (етакчи илмий муҳаррир), З. КАРИМОВА, И. МЕЛИҚУЛОВА (1-тоифали илмий муҳаррирлар).

Тиббиёт илмий таҳририяти. С. ИБРОҲИМОВА (мудир), Ш. ИНОҒОМОВА, З. ҒУЛОМОВА (1-тоифали илмий муҳаррирлар).

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти. А.МАДВАЛИЕВ (мудир), Ҳ.АБДИЕВ (етакчи илмий муҳаррир).

Фалсафа ва ҳуқуқ илмий таҳририяти. С.МУСАЕВ (мудир), Н.МУТАЛОВ (етакчи илмий муҳаррир), Р. БАРАТОВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

Физика, математика ва техника илмий таҳририяти. Э.ИНОҒОМОВ (мудир), М. МИРБОБОЕВ (етакчи илмий муҳаррир), Ж. ЮНУСОВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими. И.Р.ҲОДИЕВ (бошлиқ), А.БУРҲОНОВ (бош рассом), М.ОЛИМОВ (етакчи техник муҳаррир), А. ЭГАМБЕРДИЕВ (етакчи илмий муҳаррир), А. ЁҚУБЖОНОВ (етакчи илмий программист), А. СУЛАЙМОНОВ (суратчи), М. АБДУЛЛАЕВА, С.ИСЛОМОВА, Д. ҲАСАНОВА (операторлар).

Қ

ҚИЗИЛҚУМИТ (Қизилқумда топилган, номи шундан) — мураккаб оксидлар гуруҳига мансуб янги минерал. 1981 йилда топилган. Таркиби шрейдит ($V_2Ti_3O_9$)га ўхшаш. Альбитланиган углеродли-кремнийли жинсларда учрайди. Қ. кремнийли сланецларнинг ўта ингичка ўзаро кесишган томирчаларида хлорит, пирит, рутил б-н биргаликда учрайди. Қ. доначалари призматик табиатуста эга, уз. 0,01 мм дан 0,2 мм гача. Шаффоф эмас. Ранги қора, ялтироқ шиша каби, баъзан мумсимон кўринишгача ялтирайди. 320—390° да қиздирилганда рутилга айланади.

ҚИЗИРИҚ ТУМАНИ — Сурхондарё вилоятидаги туман. 1975 й. 6 мартда ташкил этилган. Ғарбдан Шеробод, жан.дан Ангор, шим.дан Бандихон, шарқдан Жарқўрғон, шим.-шарқдан Қумқўрғон, шим.-ғарбдан Музработ туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,33 минг км². Аҳолиси 78 минг киши (2004). Тарихибола 1 шаҳарча (Сариқ), 5 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бўстон, Меҳнатобод, Пахтакор, Янгийўл, Янги Ҳаёт) бор. Маркази — Сариқ шаҳарчаси.



Табиати. Рельефи текислик, адир ва тог олди қисмларидан иборат. Фойдали қазилмалардан ош тузи, оптингугурт, ёнувчи сланец, қурилиш материаллари конлари бор. Иқлими қуруқ субтропик иқлим. Йиллик ўртача ҳ-ра 15°. Январнинг ўртача т-раси текислик, чўл ва адирларда 3,6°, тоғларда —6°, энг паст т-ра —20°. Июлнинг ўртача т-раси 32,1°, энг юқори т-ра 48°. Йиллик ёғин 150 мм. Вегетация даври 260 кун. Текисликда оч ва тўқ бўз, адирларда ярим, тоғларда сур тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан арпа, майрак, кийикўт, тоғрайҳон, қоврак, шувоқ ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, жайра, кўрсичқон; тўқайзорларда тўқай мушуги, қоплон, чиябўри; қушлардан: қаклик, майна, қалдирғоч, сўфитўргай, чил, ғоз, ўрдак; судралиб юрувчилардан ўқилон, тексон, кўзойнакли илон ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, туркман, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 236,4 киши. Шаҳар аҳолиси 9,3 минг киши, қишлоқ аҳолиси 68,7 минг киши (2004).

Хўжалигида қ.х. соҳалари — пахтачилик, ғаллачилик етакчилик қилади, шунингдек, чорвачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, токчилик ҳам ривожланган. Туманда пахтанинг, асосан, ингичка толали навлари экилади. Пахта тозалаш, ғишт з-лари, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, деҳқон бозори, МТП, дон к-ти, вино таёрлаш корхонаси, тажриба хўжалиги бор. Кичик, ўрта бизнес ва йирик корхоналар, микрофирмалар фаолият кўрсатади. Ширкат, деҳқон, фермер хўжаликлари мавжуд. Суғориладиган майдонларга пахта, дон, полиз, сабзавот, озуқа экинлари экилади. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

44 умумий таълим мактаби (18 мингдан зиёд ўқувчи), болалар мусиқа мактаби, лицей, касб-ҳунар коллежлари бор. Туман марказий кутубхонаси, маданият уйи, 7 клуб муассасаси, 8 ашула ва рақс халқ дастаси, шу жумладан, «Қўнғирот» фольклор-этнографик, эстрада вокал-чолғу дасталари фаолият кўрсатади. Стадион, спорт майдончалари, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари бор.

Туман марказий касалхонаси, 2 поликлиника, 50 та якун фельдшер -акушерлик пункти, 7 врачлик амбулаторияси, 7 дорихона ва б. тиббий муассасаларда 115 врач, 436 ўрта тиббий ходим ишлайди.

Туман ҳудудидан Тошкент — Душанбе халқаро автомобиль магистрали ўтади. Шунингдек, бир неча йўналишда автомобиль йўллари ўтган. Туман марказидан Термизга автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

Жамил Турсунов, Машҳура Рўзиева.

ҚИЗИРИҚЛАРА ЧЎЛИ — Сурхондарё вилоятининг жан.-ғарбий қисмида жойлашган ясси текислик. Сурхон—Шеробод водийсида. Жан.да Шеробод чўли б-н туташ. Заминн 25 м чуқурликкача қумлоқ, унинг тагида гил ва қум аралашмасидан иборат қатлам ётади. Сизот сувлари шим.да 40 м, жан.да 5 м чуқурликда жойлашган, кимёвий таркибига кўра, сульфат-хлорид — натрийли ёки магнийли. Минераллашиш даражаси марказий қисмида 1 л сувда 5—10 г, ғарби ва шарқида 10—25 г. К.ч.да, асосан, ўрта ва кучли даражада шўрланган тақирсимон тупроқлар тарқалган. Чўлда ефемероид ва шўрадошлар,



Қизириқ туманига кириш йўли.



Қизиқиш туманидаги пахта тозалаш заводи.

шўрланган ерларда сеть кўпрок учрайди. Дашт жайлов сифатида фойдаланилади. Қиш суториш учун анча қулай.

ҚИЗИҚИШ — шахснинг ўзи учун қимматли ва ёқимли бўлган муайян *нарса ва ҳодисага муносабати*. Бунда инсоннинг ўзига хос хусусияти бевосита мужассамлашади. Қ. билимларни онгли, пухта, барқарор, англаган ҳолда ўзлаштиришда, кўникма ва малакаларни шакллантиришда қўл келади, шахс қобилияти, зеҳни, уқувчанлигини ривожлантиришга, оламни мукаммалроқ тушунишига ёрдам беради. Қ. инсонда интилиш, фаоллик, ички тортки, эҳтиёжни рўёбга чиқариш манбаи вазифасини бажаради. Қ. шахснинг борлиққа танлаб муносабатда бўлишида, ўзига хос қарор қабул қилишида, ўзини ўзи назорат эта билишида, мақсадга интилувчанлигида, юзага келган тўсиқларни енгишида ифодаланади. Қ.лар шахсий ва ижтимоий, бевосита ва билвосита, кенг ва тор, бекарор ва барқарор бўлади. Қ. сиёчкинлик, қизиқувчанлик, билишни ўз ичига олади. Оламларни шакслй Қ.ини идора қилишга ўргатиш, *бу йўналишда машқлантириш*, тренинглар, тестлардан фойдаланиш интилувчан, толиқмас ижодкорни шакллантиришга ёрдам беради.

ҚИЗИҚЧИЛИК — ўзбек анъанавий театр тури. Қ. театри, асосан, Кўқон хонлиги ҳудудида (айниқса, Фарғона водийси ва Тошкентда) расм бўлган, ижрочиси қизиқчи (қизиқ), тўда бошлиғи ва иш юритувчиси корфармон деб аталган. Унинг репертуарини танқид ва мухаллил жанрларидаги ҳажвий ва юмористик комедиялар, кулки-ҳикоя ташкил этган. Қ. оғзаки адабиятурғинга асосланган; бунда кўпгина*тилдаги тимсолларнинг фабуласи*, сюжети, айрим барқарор савол-жавоблари маълум бўлиб, қизиқчилари томонидан олдиндан ўзлаштирилган ва шу асосда ижод ва ижро қилинган. Қизиқчилар ўз ижодларида кўпрок сўз санъатига таянган, халқ поэтик ижоди, тил бойлиги, асқиячи, мумтоз адабиёт намуналаридан усталик б-н фойдаланганлар; муайян ролда ўйнаганда характерга яраша либосларни чиқара-да, одатда, қизил, сариқ, ёки жигарранг матодан тикилган ёки қурок қамзул кийган. 19-а.да қизиқчиларнинг труппалари (мас., *Бидиёрхон, Зокир Эшон* бошчилигидаги тўдалар) фаолият кўрсатган. *Зокирхон қизиқ* тўдасига 20 дан зиёд қизиқчи уюшган бўлиб, юзга яқин танқид, мухаллид, куйки-ҳикоялар ва латифалар намойиш этишган. 20-а.нинг 1-ярмида *Юсуфхон қизиқ* Шакархонов бошлиқ 50 га яқин қизиқчи Қ. меросини сақлаб, янги шароитларда бақолицудрат яхоз қилиб, ўз билим ва тажрибаларини ёш ижрочиларга синдиримб келдилар. 20-а.нинг 2-ярмида қизиқчиларнинг янги авлоди майдонга келди. Улар анъанавий театр мероси, ижро маданиятидан ташқарида бўлсалар-да, Қ.ни миллий анъаналарга танган ва жозон кули усталари ижодидан таъсирланган ҳолда ўз дастурларини ўзлари тўзиб, ўзлари ижро этадилар. Бу тарихий жараён Зайнобийлар *Жўнус, Муҳаддин қизиқ* Дарвешов, Жўрахон Пўлатов каби қизиқчилар фаолиятидан бошланган. Мустақиллик даврида Мирзобек Холметов, Обид Асомов ва улар тузган Қ. театри шуҳрат қозонди. Шунингдек, «Мирзо», «Обид-А», «Қадрия», «Хаҳолак» каби Қ. труппаларининг ташкилида телевидение муҳим роль ўйнади.

Ад.: Қодиров М., Ўзбек театри тарихи, Т., 2003.

Мухтор Қодиров.

ҚИЗҚЕТГАН — Қорақалпоқистон Республикасидаги шаҳарча (1958 й.дан). Нукус шаҳар Кенгашига қарашли. Амударё соҳилида, Нукус — Тахиатош автомобиль йўли устида, Нукусдан 10 км нарида. Аҳолиси 23,9 минг киши (2003). Ғишт, маргал, асфальт-бетон з-лари, 3 қурилиш ташкилоти, қурилиш к-ти, автокорхоналар бор. Умумий таълим мактаблари, маданият уйи, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар мавжуд.

ҚИЗҚЕТГАН — Қорақалпоқистон Республикасидаги магистрал канал. Амударёдан сув олади. Уз. 38,2 км, сув ўтказиш имконияти 320 м³/с. Нукус, Кегейли, Қораўзак, Бўзатов, Чимбой туманларидаги 130,2 минг га ерни суторади. Каналнинг бош иншооти 1935 й.да қурилган; 1959 й.да каналнинг охирида Кегейли (115 м³/с), Кўшнибазарна (110 м³/с), Стахановна (25 м³/с) каналларига сув бериш утуни *сувайиргич қурилган; этак қисмларги* 1 км масофада канал ўзани 117 м га кенгайтирилди ва 5 м гача чуқурлаштирилди (тинлариги валифсини ўтайди ва тармоқ каналларига чўкиндиларнинг ўтишини камайтиради). 1965 й.да Қ.га қўшимча сув олиш мақсадларида Тахиатош тўғонининг шесткн бъефида Каттагор насос ст-яси (сув сарфи 54 м³/с) ва Кегейли каналига уланган 18 км ли канал қурилди. Натижада канал сувн б-н 218 минг га дан кўпроқ ерни суғориш мумкин бўлди.

«ҚИЗЛАР САЙЛИ» — ўзбекларда Наврўз (ҳамал) ойи охирларида ўтказиладиган қад. маросим. Фарғона водийси, Тошкент, Жиззах ва б. вилоятларда удум бўлган. Асосан, қиз-жувонлар қатнашган. «К.с.» ҳар йили ўрик гуллаб, майиз катталигида довучча тукқан вақтда ўтказилган. Сайлгга байрам либосларига, дутоналарнинг биринниг дала-боғига арвоналар чиқарилган. Қизлар ўзлари 6-9 чангқовуз, дутор ва чилдирма олиб, боғда ўйин-кулги уюштиришган, тамо пишириб еб, кечга якин гул тераб, довучча ўнтиб яна арвоналарга уйларига қайтганлар. «К.с.» Фарғона водийсида, Тошкент вилоятининг кўпгина қишлоқларида ҳозгача давом этиб келмоқда. Эндиликда бу маросимга барча ёшдаги аёллар ҳам қатнашмоқда. Фақат айрим ерларда (мас. Қўқон ва Наманган шаҳрида) бу маросим ҳамон қиз-жувонлар сайли сифатида кечмоқда. Ҳоз. «К.с.» кўпгина жамоа боғларида ёки дала шийпонларида ўтказилмоқда.

Усмон Қорабоев.

ҚИЗҚУШ (Vanellus vanellus) — балиқчилар кенжа турқумига мансуб қуш. Европа ва Осиёда тарқалган. Россиянинг гарбий тегарасидан Приморье ўлкасигача бўлган жойларда учрайди. Ўрта Осиё ва Закавказьеда қишлайди. Танаси 30 см чи, оғирлиги 200 г ча. Устн ва кўкраги яшил, қизил тусда товланади. Ўтлоқ, ботқоқликлар, яйлов, дала ва б. жойларда колонияя бўлиб уя яайди. 4—5 та тухум қўяди. Тухумини, асосан, модаси 27—29 кун босади. Ҳашаротлар, баъзан ўсимликлар уруги б-н озиқланади.

ҚИЗҚЎРҒОН ҚЎРҒОШИН-ҚАЛАЙ КОНИ — Самарқанд вилоятидаги Зарафшон тизмасининг жан. ён бағридаги кон. 1951 й.да Г.Ф.Шендерей очган.

Кон геологиясини Ҳ.Н.Боймуҳамедов, Э.А.Усмонов ўрганган. Коннинг геологик тузилишида силур даврининг мармарлашган оҳактош ва доломитлари б-н юқори карбон — қуйи пермь отқинди жинслари иштирок этган. Отқинди жинслар гранодиорит, лейкократ, гранит ва лампрофир, аплит дайкаларидан иборат. Кон Зирабулоқ антиклиналининг жан. қанотига бириккан бўлиб, унда шим.-шарқий ва шим.-ғарбий йўналишлардаги тектоник дислокациялар мавжуд. Конда қўрғошин-қалайли магнезиал скарнлар, гидротермал ўзгарган зоналар ва томирлар ажратилади. Рудали скарнлар гранодиорит ва гранит-аплит дайкалари б-н доломитли оҳактошларнинг туташган жойлари ҳамда карбонат жинслар ичида ҳосил бўлган. Оҳактошларда гидротермал ўзгарган зоналар ва томирлар ривожланган. Кон рудаларидаги асосий фойдали қазилмалар — қўрғошин минерали — галенит б-н қалай минераллари — касситерит, станин, тиллит, франкит. Норуда минераллардан пироксен, амфибол, кварц, кальцит бор. Қ.қ.-қ.к. қўрғошин-қалайли скарн гидротермал конларга киради.

ҚИЙИН ЭРИЙДИГАН МЕТАЛЛАР, қийин суюқланувчи металлар — суюқланиш т-раси 1650—1700° дан юқори бўлган металлар; 1000° дан юқори т-рада механик хоссаларини, пухталигини йўқотмайди. Қ. э. м.га титан Ti, ванадий V, хром Cr, цирконий Zr, ниобий Nb, молибден Mo, технеций Tc, рутений Ru, гафний Hf, тантал Ta, вольфрам W, рений Re, осмий Os, иридий Ir, родий Rh металлари киради.

Қ. э. м. атомларининг электрон тузилиши бир-бирига яқинлиги ва уларнинг ўзгарувчан валентлиги кўп турда кимёвий бирикмалар олишга имкон беради; улар қийин суюқланувчан металлсимон қаттиқ бирикмалар ҳосил қилади (қ. *Кукун металлургияси*).

Қ. э. м.нинг баъзилари, мас., Cr, V, W ни соф ҳолда ажратиб олиш осонроқ бўлганлиги учун қўпроқ тарқалган бўлса, баъзилари, мас., Rh, Re, Ir, Os ва Ru сийрак металлардир.

Қ. э. м. уларнинг тузларидан қайтариш ва *электролиз* йўли б-н олинади. Қ. э. м. легирловчи элементлар сифатида, соф ҳолда, қотишмалар ҳолида ишлатилади. Мас., Rh агрессив моддалар таъсирига жуда чидамли, мустаҳкамлик чегараси 560 МН/м², родий лентаси юқори т-ра ҳосил қиладиган ва оксидловчи муҳитда ишлайдиган электр печларининг қиздириш элементлари учун ишлатилади, 60% Rh б-н 40% Ir қотишмаси 2300° гача бўлган т-раларни ўлчашда фойдаланиладиган термопаралар учун, Hf электротехника ва радиотехникада, гафний карбиди эса кескичлар, штамп матрицалари тайёрлашга кетадиган қаттиқ қотишмаларга қўшиш учун ишлатилади ва ҳоказо. Қ. э. м.дан қотишмаларнинг хоссаларини яхшиловчи қўшимча сифатида, тигеллар тайёрлашда, коррозиябардош қопламлар учун, турбиналар, ядро реакторлари, электрон асбоблар, ракеталар, космик кемалар ва б.да кенг фойдаланилади.

ҚИЙИҚЧА — кашта тикиб безатилган *белбоғ* тури; эркаклар кийимининг таркибий қисми.

ҚИЙМАТ — 1) товар нархи; 2) пулнинг харид қобилияти, муайян бозор нархлари даражасида пул бирлиги ҳисобига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори; 3) инглиз классик сиёсий иқтисоди (*А.Смит, Д.Рикардо*), шунингдек, марксизм (*К.Маркс*)нинг иқтисодий категорияси, товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарда гавдаланган ва унда *моддийлашган* ижтимоий меҳнати. Қийматнинг меҳнат назариясига кўра, Қ. товар и.ч. негизини ташкил этади, капитал ҳаракати ва ривожланишининг жами қонунларини белгилаб беради. Қ. назарияси уч элементни ўз ичига олади: а) Қ. асосида ижтимоий меҳнат туради; б) Қ. меъёрини зарурий меҳат сарфлари ташкил этади; в) *айирбошлаш* Қ. асосида юз беради. Товар қийматининг меъёри уни и. ч. учун зарур бўлган ижтимоий зарурий меҳнат миқдори б-н белгиланади, *ижтимоий нормал шароитда* мамлакат бўйича ўртача меҳнат маҳорати ва интенсивлиги даражасида товар и. ч. учун кетадиган ижтимоий зарурий иш вақти б-н ўлчанади. Ижтимоий зарурий иш вақти и. ч. нинг мавжуд ижтимоий меъёрдаги шароитида ва шу жамиятда меҳнат маҳорати ва жадаллигининг ўртача даражасида бирон *истеъмол қийматини* яратиш учун талаб қилинадиган иш вақтидир. Товар қиймати меъёри уни тайёрлашга кетган меҳнат миқдорига тўғри пропорционал, меҳнат унумдорлигига эса тескари пропорционалдир. Бозор муносабатларининг ривожланиши б-н нархларнинг таркиб топиши такомиллашиб, улар борган сари товарга сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат харажатларига яқинлашади. Лекин улар ўртасидаги фарқ айрим товар турларига нисбатан *талаб ва таклиф*, бозор конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда сақланиб қолади (қ. *Классик сиёсий иқтисодий мактаблари*).

Аралаш иқтисодиёт шароитларида (20-а.) иқтисодий назарияларда *нафлилик* тобора муҳим аҳамият касб этди, бу эса ҳозирги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг классик капитализмга нисбатан тубдан фарқ қилишини кўрсатади.

ҚИЙШИҚ БЎЙИН — бўйин юмшоқ тўқималари ва мускулларининг бир томонлама тортишиши, умуртқа поғонаси бўйин қисмининг қийшайиши ёки касалланиши натижасида бошнинг бир томонга қийшайиб қолиши. Кўпинча ҳомиланинг она қорнида нотўғри ривожланиши ёки туғруқ вақтида бола бўйинининг юмшоқ тўқимасига шикаст етиши оқибатида пайдо (туғма Қ.б.) бўлади. Киши куйганда, жароҳатланганда, яллиғланиш жараёнларидан сўнг бўйинда чандиқ ҳосил бўлганда ҳам бўйин қийшайиб қолиши мумкин. Туғма Қ.б.да бўйин бир томонга (шикаст етган мускул томонга) қийшайиб қолади, энса ўша томонда елкага яқин туради, ияк эса кўтарилган ва қарама-қарши томонга бурилган бўлади. Чандиқланиш натижасида пайдо бўлган Қ.б.да бўйиннинг қийшайиши чандиқнинг жойлашиши ва катта-кичиклигига боғлиқ. Бола бошини бемалол қимирлата олмаса-да, оғриқ сезмайди. Туғма Қ.б.да бўйиннинг қийшиқлиги бола туғилган кунидан бошлаб билинади. Ўз вақтида даволанмаса, унга иккиламчи нуқсонлар — умуртқа поғонаси бўйин қисмининг қийшайиши қўшилади. Кўпинча чақалоқ боши узунчоқ ва ён томонлари гўё ясси бўлиб кўринади. Туғруқ туфайли бош шаклининг бу хилдаги ўзгариши кейинчалик йўқолиб кетади. Бироқ бундай бола доимо бошини бир томонга қийшайтириб ётади, бу эса Қ.б.нинг ривожланишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, болалар энсаси остига бош тўғри турсин учун юмшоқ пахта чамбар қўйиш тавсия этилади. Она болада салгина, ҳатто вақтинчалик ўзгариш сезса, дарҳол врачга мурожаат этиши керак.

Баъзи ҳолларда Қ.б. операция қилинади. Операциядан сўнг ота-она врач назоратида даво гимнастикаси ва массаж қилиб туришлари керак.

ҚИЛЖАҒЛИЛАР (Chaeognatha) — денгиз умуртқасиз ҳайвонлари типи. 6 уруғ, 30 тури маълум. Танаси (5 мм — 9 см гача) тиниқ, чўзиқ. Ён ва дум сузгич қанотлари бор. Бошидаги ўроқсимон қили (номи шундан) ёрдамида ўлжасини тутади. Гавдаси, иккиламчи тана бўшлиғи қўндаланг тўсиқлар б-н бош, тана ва дум қисмларига бўлинган. Қон айланиш ва айириш системаси йўқ. Нерв системаси ҳалқум усти нерв тугуни ва толалар б-н туташган

қорин ганглисидан иборат. Гермафродит (қ. *Гермафродитизм*). Йиртқич планктон 6-й ошқозонидан.

ҚИЛИЧ — тегиш ёки санчиш 6-й ёғоз шикаст етказадиган тиғли қурол. Биринчи бор қад. туркий Урхун-Енисей битикларида қайд этилади. Дастлабки Қ. ханжарсимон бўлиб, учи ўткир, 2 тиғли қилиб ясалган. Қ. дастасидан ушлаганда қўл тиғ томонга ўтиб кетмаслиги учун даста 6-н тиғ ажратиб қўйилган. Қининг қад. турлари суккили ясалган, сиртига чақмоқтошлар қопланган ва у фақат санчиш учун яроқли бўлган. Кейинчалик жез ва темирдан, тайёрланган Қ. ҳам санчиш, ҳам чопиш учун қулай қилган. 6—7-а.лларда Шарқ мамлакатларида бир томонлама тиғли эгри Қ. ясалган. Унинг уз. 80—90 см, эни 3—3,5 см бўлиб,



Қилич.

қинда сақланган. Маълага ишлов беришнинг ривожланиши оқибатида Қ., сифати ҳам ошиб борган. Шарқ давлатларида Дамашқ пулатидан ишланган Қ., Ислоҳот Қ.и шуҳрат қозонган. Ҳукмдорлар, лашкарбошилар, беклар ва бадавлатлар учун ясалган Қ.лар олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлар 6-н зийнатланган.

ҚИЛИЧБАРДОРЛАР ОРДЕНИ — немис католикларининг диний-рицарлик ҳарбий ташкилоти. Шарқий Болтиқбўйи ерларини босиб олиш мақсадида 1202 й. Рига епископи Альберт ҳамда Рим папаси Иннокентий III қамкорлигида барпо этилган. Рицарларнинг оқ чакмонларида крест (хоч) 6-н қизил қилич тасвири бўлганлиги учун шундай аталган. 1236 й. литвалар ва земгалларнинг бирлашган кучлари Қ.о. қўшинларини тор-мор келтирганидан сўнг, 1237 й. орденнинг қолган-қутган қисми *Тевтон ордени* 6-н бирлашиб, Шарқий Болтиқбўйида *Ливон ордениги* ташкил этган.

ҚИЛИЧБОЗЛИК — спорт тури, қинда асосида тиғли спорт қуроллари — рапира, қилич, шамшир (шпага) воситасида яккама-якка тўқнашадиган мусобақа. Спортчилар махсус тўрли никоб, ҳимоя воситаси бор оқ кийим ва қўлқоп киядн. Берилган тургон(укол) ларни қайд этиш учун рапира ва қилич мусобақасида кийим, шамшир мусобақасида шамширнинг ўзи электрон тизимга уланади. Рапира (уз. 110 см; оғирлиги 500 г) мусобақасида кийилган металл нимчага, қилич (105 см; 500 г) мусобақасида гавданинг белдан юқори қисмига; шамшир (110 см; 770 г) мусобақасида гавданинг барча қисмити туртки берилади. Мусобақалар эни 2 м, уз. 14 м бўлакса 3 минлан 3 давра (танаффус 1 мин.дан) 5—15 тўрткигачча олиб борилади. Даврада ҳисоб тенг бўлиб қолса, қўпи ташланади ва қўшимча *белгиланган 1 мин. вақт ичида* биринчи тургки берган спортчи голиб саналади. Агар томонлар тургки бера олмаса, голиб ташланган қўрьага кўра аниқланади.



Қиличбозлик.

Қ. қадимдан кишилик жамияти турмуш тарзининг бир қисми бўлган, спорт тури сифатида эса 15—16-а.ларда Испания ва Италияда шаклана бошлаган. 1517 й. италияллк А.Мароцци Қ. бўйича илк ўқув қўлланмасини яратди. 17-а. охирларида Францияда Қ. қоидалари ишлаб чиқилган ва мусобақалар ўтказилган. 1896 й.дан Қ. олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. 1913 й.да Халқаро Қ. федерацияси (FIE) тузилди, унга 120 давлат (Ўзбекистон 1992 й.дан) аъзо (2005). 1937 й.дан Қ. бўйича жаҳон чемпионати ўтказиб келинади. Қ. АҚШ, Венгрия, Германия, Италия, Польша, Россия, Руминия, Франция, Хитой каби давлатларда кенг ривожланган.

Ўзбекистонда Қ. спорт тури сифатида 20-а.нинг 50-й.ларидан оммалашди. 1954 й.дан Қ. бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилади. Республикада Қ.нинг ривожланишида Ксения Тожиева, Иосиф Маркин, Дмитрий Ипенко, Пўлат Абдураззоқов, Игорь Артишкин, Шавкат Турдикулов каби мураббийлар катта ҳисса қўшишди. Собир *Рўзиев*, Александр Пирахин, Виталий Логвин, Валерий Захаревич, Светлана Филимонова, Анжела Петрова, Бахтиёр Ғаниев, Дилором Каримқулова сингари қиличбозлар олимпиада ўйинларн, жаҳон чемпионатн ва б. нуфузли мусобақаларда совриндор бўлишган. Ҳоз. кунда Ўзбекистондаги 13 та Қ.ка ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ва тўгаракларда 46 нафар мураббий қўл остида 648 киши (189 нафари аёл) Қ. билан шуғулланади (2005).

Лит.: Тишлев Д.А., Булочка К.Т., Фехтование. М., 1967; Абдураззокова Г.Б., Сидликов М.Э., Книга тренеров по фехтованию, Т., 1991.

ҚИЛИЧЕВА Саодат Зиёдуллаевна (1950.15.1, Қаттақўрғон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СаъдиЗуни тутатган (1973). 1973 й.дан Қаттақўрғон туманидаги 13-, 1974 й.дан Нурота туманидаги 27-, 1976 й.дан 18-мактабда ўзбек тили ва адабиётн ўқитувчиси.

ҚИЛИЧНИЁЗБОЙ — Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти ҳудудидан ўтадиган давлатлараро канал. Амударёдан сув олади. Икки тармоқ — Қиличниёзбой ва Гурландан иборат. Каналнинг умумий уз. тармоқлари 6-н бирга 102 км. Бош қисмида сув ўтказиш имконияти 120 м³/с. Канал ва унинг шохобчалари 1939—42 й.ларда қазиш йўли 6-н қурилган. Қе-

ҚИЛИЧНИЁЗБОЙ КАНАЛИ



йинги йилларда бир неча марта реконструкция қилинган. 1965 й.да магистрал каналнинг янги бош участкаси қурилди. 1969 й.да қабул этиш ҳажми 1,5 млн. куб.м ни ташкил қилган 2-навбати ишга туширилди. Ҳозирги кунда Қ. 70 км ни ташкил этади. Қ. дан Ғарбий Қозоғистон, Қуйи Волга ва Ўрта Осиё ҳудудларига сув узатилади. Қ. дан ичимлик ва саноат сувини таъминлашда фойдаланилади. Қ. дан ҳосил қилинган сувнинг 1 м³ ига 0,5 кг гача коагулянт қўшилади. Қ. дан ажратиб олинган лой ҳавзаларга чиқарилади. Қ. дан ажратиб олинган лой ҳавзаларга чиқарилади. Қ. дан ажратиб олинган лой ҳавзаларга чиқарилади.

ҚИЛТИРАШ — *Қ. Ранг.*

ҚИЛТИРАШ — *Қ. Ранг.*

ҚИЛТИРАШ — *Қ. Ранг.*

Қ.т. ёзма ёдгорликларгагина сақланиб қолган. Мўғул боскинигача бўлган Қ.т. ҳақидаги маълумотлар юз бўлиб, улар Маҳмуд Қошғарий луғати материаллари, 13-а.гача бўлган рус солномаларида учрайдиган айрим отлар ва топонимлардан иборат. Мўғул истилосидан кейинги ёзма манбалар сифатида 13—14-а.ларда Мисрда тузилган, муаллифи номаълум туркийча-арабча луғатни («Таржумони турки ва аъжами ва мутаҳи»), Абу Ҳайённинг «Китоб ул-идрок лилисон ул-атрок» («Туркий тилларни ўрганиш китоби», 1313), Жамолиддин Туркийнинг «Китобу булғот ул-муштоқ физ-зуғот ит-турк вал-қипчоқ» («Турк ва қипчоқ тилларини хоҳловчилар учун мукаммал китоб», 14—15-а.лар), номаълум муаллифнинг «Китоб ат-тухфа ул-закиййа фил лугат ит-туркиййа» («Туркий тил ҳақида ноёб туҳфа», 14-а.) каби луғатларни кўрсатиш мумкинки, улар Қ.т.ни ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Қ.т.нинг энг йирик ёдгорлиги — италъян ва немис мозаикалари томонидан тузилган ва фанда «Кодекс Куманикус» деб ном олган, 2994 сўзли лотинча-форсча-қипчоқча луғат. «Янги аҳд»дан парчалар ҳамда дуолар арабча ва 50 та тўпшимоқдан иборат бўлган асарлар 1294 й. яратилган бу асарни 1880 й.да Будапештда Г.Кун нашр эттирган.

Қ.т. замонавий қорачой-болқор, қарайм, қримтатар ва қўмиқ тилларига яқин, ўзаш бўлган. Шу б-н бирга, фонетик ва морфологик ўзига хосликларга эга, лексикасида араб, форс, грек тилларидан ўзлашмалар мавжуд бўлган.

Ад.: Грунин Т. И., Документы на половецком языке XVI в., М., 1967; Баскаков Н. А., Введение в изучение тюркских языков, 2-изд., М., 1969; Чечулов А. А., Язык «Codex Cumanicus» и его отношение к современным западно-кипчакским языкам. М., 1975; Қўчқортоев Ё., Йўлбарсов Б., Туркий филологияга кириш, Т., 2004.

ҚИПЧОҚ ТИЛЛАРИ — туркий тиллар ондасининг ғарбий хун тармоғига мансуб бир қанча ўлик ва жонли тиллар гуруҳи. Қ.т., ўз навбатида, 3 гуруҳчага бўлинади: 1) соф қипчоқ гуруҳчаси — қад. қипчоқ (куман) ўлик тилини (қ. *Қипчоқ тили*) ҳамда ҳоз. жонли қарағанли, қорачой-болқор, қримтатар, қўмиқ тилларини ўз ичига олади; 2) қипчоқ-булғор гуруҳчаси — ўрта асрларда амалда бўлган ғарбий олтин ўрда (ўлик) адабий тилини ҳамда ҳоз. жонли татар ва бошқирд тилларини ўз ичига олади; 3) қипчоқ-ўғай гуруҳчаси — фақат ҳоз. жонли ўғай, қозоқ, қорақалпоқ тилларини, шунингдек, ўзбек тилининг қипчоқ шеваларини қамраб олади.

Қ.т.нинг ривожланиш тарихида 3 давр фарқланади: мўғуллар боскинигача бўлган давр, мўғуллар боскинидан кейинги хонликлар (Олтин Ўрда, Қозон, Астрахан, Қрим, Сибирь) даври ҳамда Ғарбий Осиё ва Шарқий Европанинг катта қисмини, жумладан, мазкур хонликлар ҳудудини Россия босиб олгандан кейинги давр. Бу даврлар қипчоқларнинг турли ҳудудларда турли халқлар б-н кўшни бўлиб яшашлари, турли диндларни қабул қилишлари туфайли Қ.т. лексикасида рўй берган ўзгаришлар, қисман фонетик-грамматик ўзгаришлар б-н ажралиб туради. Мас., татар ва бошқирдлар ислом дини ва араб ёзувини қабул қилганликлари сабабли татар ва бошқирд тилларида арабча ва форсча лексик бирликлар; қарамлар яҳудийлик дини ва қад. яҳудий ёзувини қабул қилганликлари туфайли қарам тилида қад. яҳудий тили унсурлари учрайди.

Ҳоз. жонли Қ.т.нинг ҳар бири ўзига хос фонетик, грамматик, лексик хусусиятларга, ўз ёзув тарихига эга (қ. *Бошқирд тили*, *Ўғай тили*, *Татар тили*, *Қарамлар тили*, *Қозоқ тили*, *Қорақалпоқ тили*, *Қорачой-болқор тили*, *Қримтатар тили*, *Қўмиқ тили*). Мазкур тилларда ҳоз. даврда 20 млн.дан ортиқроқ киши сўзлашади.

Абдуқодир Маджидий, Йўлдош Тўлағанов

ҚИПЧОҚЛАР (рус маълумотларида — половецлар, Европанинг манбаларида ~ куманлар) — туркий халқларнинг энг йирик қабилалардан бири; ўзбек халқи этник таркибидаги асосий компонентлардан бири. Қ. нафақат ўзбек халқи этногенезида, балки қатор бошқа туркий халқлар — қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, туркманлар, татарлар, бошқирдлар, олтойлик-лар ва Шим.Кавказдаги айрим халқлар (ногойлар, қўмиқлар, қорачойлар ва б.) шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Қ.га хос этник белгилар усмонли туркилар, венгерлар ва б. қатор халқлар таркибида ҳам мавжуд. Қ. мил. ав. 3-а. — мил. 4-а.да Шим.-Ғарбий Олтойда яшаганлар. Қ.нинг илк аждодларидан бир қисми б-а.да Ғарбий Олтойдан чиқиб, ҳоз. Мўғулистон ва Тува ерларига келиб ўрнашадилар. 2-қисми эса Иртиш дарёси ирмоқларига дашт-лардан кўчиб ўтиб, *кимакларга* тобе бўлган. 6—12-а.ларга келиб Қ. *Дашти Қипчоқ* чўлларида яшаган пайтларида уларнинг таркибига тил жиҳатдан қариндош бўлган қўплаб этник гуруҳлар келиб қўшилган. 8—9-а.ларда Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг сийрак ва энг экин ҳаритасида жилғий ўзгаришлар юз берган. 10-а.нинг охири — 11-а. бошларида ғарбий қипчоқлар, кимаклар Мирзатай ва Ғарбий Қозоғистон ҳудудидаги бошқа қабилаларни ҳамда Уралбўйи ва Волганинг ўрта оқимидаги туркийлашган угорфин қабилаларини ҳам ўзларининг таркибига қиратганлар. Шундай қилиб, ғарбий қипчоқлар 11-а.да Урал ва Волганинг ўрта оқимида яшовчи финн-угр элементлари ҳисобига кўпайган. Улар маданий тараққиёти даражасига кўра ўзларининг ҳукмдорлари ҳисобланган мўғуллардан юқори даражада бўлган. Олтин Ўрда хонларининг бошқарув тизимида қипчоқ-ўғуз лаҳжасига асосланган адабий тил етакчи мавқеини эгаллаб олди.

15-а.нинг 1-ярми—16-а.да қўплаб туркий халқлар сингари ғарбий қипчоқларнинг асосий қисми ирқий-этник ўзгаришлар ўтказди. Қ.нинг Моваройуннаҳр маданий минтақаларига яқин кўчиб келиши *Шайбонийхон* даврида 16-а.да ва кейинчалик 17-а.да *аштархонийлар* даврида юз берган. Шунингдек, Қ. 16-а.нинг 2-ярми — 18-а. нинг бошларида, жуз-ларининг Қозоғистоннинг жан. ҳудудларига бостириб кириши жараёнида ҳам Зарафшон воҳаси ва Фарғона водийсига кўчиб келганлар. Қорақалпоқлар, қозоқлар 6-и бирга Қ.нинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши 2 йўналишда бўлиб, *уларнинг бир қисми Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб* Тошкент воҳаси ва Мирзачўл зоналарида жойлашган. Қ.нинг иккинчи қисми эса Ўрта Зарафшон бўйлаб кетган. 18-а.нинг 20—30-й.ларида Қ. Шим. Фарғонанинг тог олди минтақаларига келиб ўрнашганлар. Фақатгина маълум миқдордаги Қ.нинг Тошкент воҳасида қолиши. Бу даврда Қ. 4 та асосий гуруҳга: қора қипчоқ, сариқ қипчоқ, хитой қипчоқ ва қўлон қипчоқларга бўлинган. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, майда гуруҳларга бўлинган. Қ.нинг айрим гуруҳлари 20-а.бошларигача ўзларининг уруғ-қабилавий бўлинишларини сақлаб қолганлар.

Қ. 20-а. бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, ўзлари учун аньанавий бўлган чорвачиликни деҳқончилик б-н қўшиб олиб боришган.

Статистик материаллардан Қ.нинг ўзбек ва қирғизлар б-н қўшилиб кетиши 19-а. охири — 20-а. бошларида анча жадал кечганлиги маълум. Мас., агар 19-а.нинг 90-й.ларида Фарғона водийсидаги Қ. сони 70 минг нафарга, 1917 й.га келиб, 44 минг нафарга тенг бўлса, 1926 й.га келиб эса уларнинг водийдаги сони 33,6 минг нафарга тушиб қолган.

Фарғона Қ.нинг асосий қисми Андижон уезидида, Андижонсой, Норин дарёсининг қуйи қисми, Мойлисув ва Қорадарё атрофидаги қишлоқларда яшаган. Уларнинг маълум қисми Наманган уезди Косонсой, Сумсар, Чодак, Полвон-Ота, Норин, Ғова каби дарё ва сой қазиларида ҳамда Янгиариқ каналн атрофидаги мансилоқзарда жойлашган. Фарғона уезди ҳудудидаги Шаҳонсой ва Аравонсой, Қўқон уезидаги Сўх ва Исфара дарёси ўзанларида ҳам бир неча қишлоқ ташкил этган. Қ.нинг ўтроқ қисми Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Ўш, Ўзган, Жалолобод, Исфара, Чуст, Ҳазорасп, Ғова, Ҳайдарқон, Ҳамза, Ҳамза, Ҳамза

ва қимматбаҳо нашрлардан ҳам) фойдаланишни мумкин бўлган махсус жиҳозлангани хона. Қ.да китоб б-н ишлаш учун зарур шарт-шароитлар (қулай мебель, ёруғлик ва тинчлик), микрофильмларни ўқиш учун, аудиовизуал материаллар б-н ишлаш учун махсус аппаратлар бўлиши зарур. Йирик кутубхоналарда алоҳида китобхонлар гуруҳлари учун (мас., илмий ходимлар, талабалар, мактаб ёшидаги болалар учун ва ҳ.к.), билим соҳалари бўйича (жаҳонни «ёйиб», техника, қ.х. ва ҳ.к.) ва нашр турлари бўйича (газета, мусиқа-нота, микрофильмлар, харитографик нашрлар ва ҳ.к.) залар бўлиши мумкин. Қ.нинг ўзида кўп сўраладиган адабиётлардан ёрламчи фонд ташкил этилади.

КИРОВ — аёзли, ҳаво очиқ ва соқин (шамолсиз) туналарда тупроқ, ўт ва ердаги нарсалар устида ҳосил бўладиган муз кристаллари. Қ. зарралари қор учқунларига ўхшайди, лекин улардан фарқли равишда жимжимадор бўлмайди. Қ. ҳам *жуфтак* сингари, ҳавонинг совиши, маълум вақт ичида сув бугининг тўйиниши ва 0° дан паст т-рада қотиши оқибатида пайдо бўлади. Кўпинча, қишдузи эриб кетади.


ҚИРОЛ (король сўзининг ўзгаргани; аслн Буюк Карл номидан) — монархия давлати, қироллик бошқаруви. Ўрта асрларда айрим Ғарбий Европа давлатларида (Германия, Франция, Англия, Италия ва б.) мутлақ ҳукмдор. Ҳозирда Қ.лар расман давлат бошқаруси фаолиятларида, мамлакатни бевосита идора этиш парламент сайловларида голиб чиққан партия ёки партиялар блоки вакилларидан тузилган ҳукумат кўзита ўтган. Мас., Англияда қирол Георг I давридан (1714 й.дан) бошлаб Қ.лар мамлакатни идора этиш ишларига бевосита аралашмайди (яна қ. *Давлат бошлиғи, Монарх, Монархия*).

ҚИРОЛИЧА МОД ЕРИ — Шарқий Антарктиданинг 20° г.у. ва 45° шк.у.лар оралиғидаги қисми. Шим.дан Лазарев, Рисер-Ларсен ва Космонавтлар денгизлари ўраб туради. Ер юзаси 3500 м қалинликдаги муз б-н қопланган. Соҳилбўйи қисмида бал. 3000 м ва ундан юқори бўлган алоҳида тог чўққилари учрайди. Россия, Германия, Ҳиндистон, ЖАР, Япония давлатларининг илмий ст.-ялари ишлаб турибди. 1930 й.да норвегларнинг Рисер-Ларсен экспедицияси томонидан кашф қилингани ва Норвегия қироличаси номи б-н аталган.

ҚИРОЛИЧА МЭРИ ЕРИ — Шарқий Антарктиданинг 92°03′ ва 100°04′ шк.у.лар оралиғидаги қисми. Ғарбда Вильгельм II, шарқда Уилкс Ери б-н чегараланн. Ғарбқисмини Дейвис ва Моусон денгизлари ювиб туради. Ҳудудининг аксарн қисми қалинлиги 2500—3000 м ли муз б-н қопланган, соҳил қисмида тоғ жинслар қисман очилиб қолган. Д. Моусон бошчилигидаги Австралиянинг Антарктика экспедицияси томонидан 1912 й.да кашф қилинган ва инглиз қироличаси номи б-н аталган. Ҳудудда обсерватория ишлаб турибди.

ҚИРОЛИЧА ШАРЛОТТА ОРОЛЛАРИ — Тинч океанидаги архипелаг, Шим. Америка (Канада, Британия Колумбияси) қирғоқларн яқинида. Майд. 10,3 минг км². Йирик оролларн: Грейам ва Морсби. Ғарбий қирғоқлари тоғли, ферд кўп, энг баланд жойи 1250 м. Шим.-шарқи кенг пасттекислик. Иқлими мўътадил, сернам. Игна барглн ўрмонлар б-н қопланган. Тошкўмир конлари бор. Ёғоч таёрланади, балиқ овланади. Оролларга илк бор 1774 й.да Х.Перес бошчилигидаги *испан экспедицияси* борган ва картага туширган, Ж.Ванкувер томонидан инглиз қироличаси номи б-н аталган.

ҚИРСИЛДОҚ ҚЎНҒИЗЛАР (Elateridae) — қаттиққанотлилар турқумига мансуб қўнғизлар оиласи. 10 минга яқин тури учрайдн. Қўнғизларнинг тана уз. 10—20 мм, бошн кичкина, мўйлови аррасимон ёки тароқсимон. Олд елка қисмининг орқа бурчаги тикансимон тўртбў чиққан. Олдкўкрак ўсимтаси ўрта кўкрак чуқурчасига кирган бўлиб, тўнкарилгн қолган қўнғизлар шу мослама ёрдамида ҳаракатланиб (шунда қирсилларн овоз чиқади; номи ҳам шундан) ағдарилади. Қанотлари яхши ривожланган. Уруғочиси тупроққа 150—200 та тухум қўяди. Тухуми оқ, бир оз овалсимон, силлиқ. Личинкаси сариқ, чўзиқроқ ва қаттиқ.




1 — дала қирсилдоқ қўнғизи; 2 — дашт қирсилдоқ қўнғизи; 3 — личинкаси (симқурт); 4 — зарарланган ўсимлик илдизи.

симга ўхшайди (шунинг учун симқурт дейилади), 3 жуфт оёқлари бор. Личинкаси тупроқда ёшайди (ривожланиш даври 3—4 йил). Ивинзи уруғлар, ўсимлик ниҳолларн қолдиқларн ва б. билан овқатланади. Қўнғизи ва личинкаси қишлайди. Қўнғизлар апр.-май ойларида тупроқ юзасига чиқади. Ўсимлик барглари, гул ва б.ни ейди. Зараркунандаининг 15 тури маълум бўлиб, асосан, ламинкор ва тог олди ҳудудларидаги экинларни шикастлайди.

Қураш чоралари: қузги шудгор, ўсимлик қолдиқларини йўқ қилиш, асосан, аммиакли минерал ўғитлар, нордон тупроқларга оҳак солиш, қатор ораларига чуқур ишлов бериш; экишдан олдин уруғликни дорилаш.

ҚИРСИҚКОНЛАР (Microtinae) — кемирувчилар турқумига мансуб суг эмизувчи ҳайвонларнинг кенжа оиласи. Баъзи олимлар фикрича, мустақил оила. 40 га яқин уруғи маълум. Шим. ярим шар материклари ва қўшгина оролларида. Шим. Африка, Ҳиндистон, Япония, Қурил, Командор оролларн, шунингдек, Мексиканинг Шим. қисмигача бўлган жойларда тарқалган. Танасининг уз. 10—12 см, баъзиларники 36 см гача. Думи танасининг яр-



1 — оддий қирсиқкон; 2 — Зикистий қирсиқкони.

мича. Ранги — кўнгир ёки кулранг. Жағ тишлари доим ўсиб туради. Кўпчилик тури колонияларни бўлиб яшайди. Йил бўйи фаол ҳаёт кечиради. Ўсимликларнинг ер устки қисмларн б-н озиқланади. Йилда 4—6 марта 4—8 талаи бола туғади. Кўпгина қ.х. экинларининг хавфли зараркунандаси. *Туляремик, лептоспироз* каби касалликлар қўзғатувчиларининг табиий манбаи. Йирик турлари (мас., *ондатра*) мўйнаси учун овланади. Ўзбекистонда оддий К., закаспий қирсиқкони, жамоатчи К. ва б. тарқалган.

ҚИРҚ — ўзбек халқи тарихнбнга кирган йирик қабилалардан бири. Тарқоқ ҳолда Самарқанд атрофида, Панжикентнинг жан.да, ҳоз. Ғаллаорол, Жиззах, Зомин ва Ўратепа ҳудудларида яшаганлар. Кўпинча ўзбек халқи тарихнбнга кирган қабилалардан бири — ноғлар б-н аралашган ҳолда ҳам. Шунинг учун ҳам кўпчилик манбаларда «қирқ ноғ» номи б-н ҳам маъ-

дум. Қирқ. юз ва минг қабилалари марҳа леган умумий ном 6-н ататган. Қларнинг этногенези Дашти Қипчоқ ўзбеклари 6-н боғлиқ. Қлар ўтмишда бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари: оқ-қўйли, қора-қўйли, қора-сирак, қорача, ламасаяк, чапаришли ва б. Улар 20-а.нинг бошларига қалар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, чорвачилик б-н, бир қисми тог ён бағрида, алирларда яшаб ламиқор ва суғорма деҳқончилик б-н шуғулланган.

ҚИРҚ ЧИЛТОН — қ. *Чилтон.*

«ҚИРҚ ҚИЗ» — қорақалпоқ халқ қаҳрамонлик эпоси. Қорақалпоқ халқининг маданий ёдгорлиги. *Курбонбой бахши* Тожибой ўғлидан ёзиб олинган (1939—40). Асарда тасвирланишича, Оллобўр бойнинг ягона қизи Гулойим қирқ дутонаси ва ўз ошиғи Арслон б-н Эрон шоҳи Нодиршоҳ ва қалмоқ хони Сурташша ҳукумидан юртини қимоя қилишга отланади. Асар эрксевардик, ватанпарварлик ва гуманизм ғоялари б-н суғорилган. Ундаги Гулойим, Олтинной, Ўтбосган, Арслон, Сарвиноз каби образларда жасурлик, ватанга садоқат, *инсонийлик*, душманни шафқатсизлик ғоялари мужассамлашган. Асарнинг сюжет чизиги Тўмарис, сақлар маликаси Зарина ҳақидаги ривоятларга ўхшаб кетади. Асарнинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Қорақалпогистон филиали қутубхонасида сақланади. «Қ.қ.» ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз ва рус тилларида нашр қилинган. Эпос ҳақида В.М.Жирмунский, Қ.Мақсетов, Н.Довқораев ва б.нинг тадқиқотлари бор. Асар сюжети асосида А.Ҳалимов «Қ.қ» симфоник достонини яратган (1940).

ҚИРҚБЎЙИМ (*Equisetum*) — қирқбўғимдошларга мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Ўзбекистонда дала қирқбўғими (E.arvense L.) ва тарновчўп Қ. (E. ramosissimum Desf.) турлари учрайди. Поясн қаттиқ, тик, бўғимли, қобиртали, сершох. Бўйи 40—60 см. Бўғимларидан гуж шохчалар чиқади. Қизғиш-қўнир новдалари учида спорали бошоқ ҳосил бўлади. Илдизпоялари ва споралари кўпаяди. Қ. бедазор, пахта майдонлари, шолипоялари, шунингдек, *суғориш шоҳобчаларн бўйлари*, зах ва ботқоқ ерларда ўсади.

Қ у р а ш ч о р а л а р и: ерни чуқур қайлаш; тупроқни комплатинг; гербицидлар туркази.

ҚИРҚБЎҒИМДОШЛАР (Equisetaceae) — қирқбўғимнамолларга мансуб ўсимликлар оиласи. Ягона қирқбўғим туркумидан иборат. Поясн ясил, одлий, бўғимларга ажралган. Барглари ривожланмаган, майда, тумончасимон, пастки қисми қўшилиб ўсиб, бўғимининг тагида халқа бўлиб жойлашган. Поясн учида спорали болоқ (стробила) ҳосил қилади. У ўзак ва унда халқа бўлиб жойлашган халқон шаклидаги спорофиллардан иборат. Спорофиллар ичида 5—10 та спорангий, улар ичида эса споралар етилади. Споралардан ривожланган эркак гаметофитларда антеридий, урғочи гаметофитларда эса архегоний ҳосил бўлади. Антеридийда кўп хивчинли сперматозоидлар, архегонийда эса тухумҳужайра шувалга келади. Уруғланишдан сўнг гаметофит бир ёки бир неча жинссиз насл (спорофит) беради. Жинссиз ва жинсий бўғимлар галланади. Қ.нинг қозиғи ҳақида яшаб турган қирқбўғим туркуми, уруғи қўриб биттан экзистетитес туркумининг *схизонеура* *турн ва б.* маълум.

ҚИРҚМА — халқ селекциясида чиқарилган кечикиб қовун навн. Шакли эллипссимон, йирик, учи тўмток, уз. 30—36 см, оғирлиги 4—6 кг. Дум томони сал бурнштан, уч қисми деярли



Қирқма қовун навн.

текис. Тури тўлиқ, йирик, нозик. Туси жигарранг-сариқ. Устидаги гулдари шнгичка. Пўсти қаттиқ, эти оч яшил, қалинлиги 4,5—5 см, ўртача толади, сершув, ширин. Узпш ҳақтида тарқалишда 7,4% қанд (шу жумладан, сахароза 3,9%), 8,7% қуруқ модда бор. Сақланиш даврида шираси ортади. Уруғхонаси ўртача катталикда, уруғи йирик. Уруғи унпб чиққандан кейин ҳосили 100—110 кунда пишиб етилади. Ҳосилдорлиги 240—280 ц/га. Узоқ вақт асраш ва ташишга чидамли. Тошкент вилоятида кенг тарқалган.

ҚИРҚОЁҚЛИЛАР, скалопендроморфа) (Scolopendromorpha) — лабоёқлилар кенжа синфига мансуб қўпоёқлилар туркуми. 900 га яқин, жумладан Ўзбекистонда 10 га яқин турн бор. Уроғочи ўзи қўйган тухумлари ва улардан чиққан болаларнпн йиртқичлардан қимоя қилади: танаси 6-н улар-



1 — оддий қирқоёқ; *2* — геофил.

ни ўраб олиб ётади. Асосан, майда умуртқасизлар, айрим йирик Қ. майда умуртқалилар (кўрбақалар, калтакесаклар, қушлар) б-н озиқланади. Кўпчилик Қ. тропик, субтропик ва мўътадил минтақаларда яшайди, турлари Қ.н Европанинг чўл ва ўрмон зонасида тарқалган. Қ. туркумига 2 оила киради. Криптопидлар, асосан, тупроқда яшайди, сўқир. Сколопендралар — энг йирик Қ. (уз. 30 см гача). Қ. одамни чаққанда оғритади. Йирик тропик Қ.нинг чақиши одам ҳаётн учун хавфли. Қ. ҳундузи, одатда, тошлар остига, ёриқлар ва б. пана жойларга бекинб олади. Кечаси она чиқади. Ўзбекистон фаунасида уз. 10 см га яқин бўлган қалқали Қ. учрайди.

ҚИРҚҚАЛЪА — Туркистадги шаҳар, Анадолу ясснотглнгнинг марказий қисмида. Аҳолиси 205,1 минг кишн (2000). Ҳарбий саноат маркази: қуролярог, ўқ-дорилар ишлаб чиқарилади. Пўлат эритиш з-ди, кимё ва машинасозлик корхоналари мавжуд.

ҚИРҚҚИЗ ҚАЛЪАСИ — Сурхондарё вилоятидаги меъморий ёдгорлик (9—10-а.лар); Термиз тумонида (вайрона ҳолида сақланган). Нима мақсадда қурилганлиги (қалъа, қаровул, хонақо, қарвонсарой) ҳақида маълумот йўқ. Ўрта асрларда Термиз ш.нинг ташқарисида жойлашганлиги қалъа шаҳар ташқарисидаги қўрғон вазифасини ўтаганлигини кўрсатади. У *дунё томонларига* мослаб қатлий мужассаматда бунёд этилган. Қалъа тўртбурчак тарҳли (53,3х54,8 м), 1 қаватли, фақат йўлаклар умумий балнндлнкда 2 қаватли бўлиб, хом гишт (30х30х5—5,5 см)дардан қурилган, тоқ ва равоқларида шу ўлчамдаги пишиқ гиштлар ҳам ишлатилган; қалин девор б-н ўралган (ташқи девор қалинлиги 2—



Қирқбўғим.



Қирққат қалъаси харобаси.

2,5 *м*), *бурчаклари* ҳажмдор *бурғлар* 6-н мустаҳкамланган; бурғлар орқали-гида тоқлар 6-н ёпилган айвонлар жойлашган, тарғларига бир маромда тақ-рорланувчи туйнуклар ишланган. Қалъа-нинг барча хоналари ва марказлаги сақи (11,5х11,5 *м*) ўзаро йўлакдар 6-н боғланган; марказий сақи ҳовли ёки гумбазли зал бўлган деб тахмин қилина-ди. Айвон ва йўлаклар бинони 4 қисмга бўлган. Булар: 2 та бир хил ту-зилган (5 хона ва 3 томонидан ўраган йўлак, эни 2,1 *м*) шим.-ғарбий ва шим.-шарқий ҳамда 2 та жан.-ғарбий (2 та йўлакча 6-н боғланган 5 та хона) *ва жан.-шарқий (йўлакча 6-н боғлан*-ган 2 та хона ва 3 устунли катти мех-монхона) қисмлардир. Йўлаклар ва хо-налар девордаги туйнуклар орқали ёри-тилган. Қ.к. ёпмасида балки ҳамла ке-сиқлари гумбазсимон тоқлар, бошқа турларидаги сўрилар, тоқлар ва ра-воқлар қўлланилган.

Олғаки маълумотларга кўра, халқ достонларида зикр этилган душман-лар ҳужумини қайтара олган қаҳра-мон қал Гулойим ва унинг 40 дугоо-наси айнан шу ерда яшаган. Шунинг-дек, 20-а.гача халқ томонидан Қ.қ. манзилги «Шаҳри Сомон» деб ҳам аталган.

ҚИРҚҚУЛОҚ (Dryopteris Adans) — *қирққулоқдошлар*га мансуб ўсимликлар туркуми. Ўзбекистонда Қ.нинг ботқоқ Қ.и ёки ботқоқ папоротниги (*D. thelypteris* (*L.*) A Gnin.) ва эркак Қ. ёки эркак папоротник (D.filix-mas (L.) Schott.) тури ўсади. Ботқоқ Қ.и нинг илдиз-пояси *ингичка*, қорамтир, эски барг бандлари 6-н ўралган. Барглари *15—60 см*, икка-икка жойлашган, барг пластинкаси қалами, икки карра тақсимон қирқилган. Август—сент.да спора ҳосил қилади. Чўл, адир ва тог ю-наларида учрайди. Ботқоқликларда, ариқ ва дарё бўйларида ўсади. Эркак Қ.нинг илдизпояси йўғон, эски *барг бандлари 6-н ўралган. Барглари* тўп-тўп бўлиб жойлашган. Барг пла-стинкаси узунчоқ, эллипссимон, икки карра патсимон қирқилган. Авг.-сент. да спора ҳосил қилади. Тиббиётда лентасимон гиҳжалларни даволашда фойдаланилади. Тог зонасида майда *тошли тупроқларда, даразз ва тош*-ларнинг соясида, зах жойларда ўсади.

ҚИРҚҚУЛОҚДОШЛАР (Athyriaceae Alst.) — қирққулоқсимолар ёки цистеинамолар қабиласига мансуб оила. 50 га яқин туркуми, 1500 га яқин тури маълум. Қ. Ер юзида кенг тар-қалган. Оила вакилларининг илдиз-*поялари йўғон, айримларининг поя*-лари шохланган ва ташқи томонидан қўнғир рангли тангачалар б-н қопланган. Барглари мураккаб патсим-мон. Овал ёки думалоқ шаклдаги спо-руслари барглариниг остки томонида жойлашган. Юмшоқ, серэт ва ширин илдизпоясининг глюкозид, олма кислотаси ва сапонинлар бўлади. Барги ва илдизпоясининг қайнатмаси тиббиётда ишлатилади. Оиланинг баъзи *турлари барглари учун манзарали* ўсимлик сифатида гултувакларда ўстирилади.

ҚИРҒИЗ МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ — Қирғизистонлари биринч олий ўқув юрти. Илмий ва педагог кадрлар тайёрлайди. 1992 й. Қирғизистон давлат ун-ти (1951) негизида ташкил этилган. Бишкек ш.да жойлашган. Мат., физика, биол., кимё, геогр., тарих, филол., иқтисодиёт, ҳуқуқ ва б. иқтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Ботаника боғи, зоол. музейи, кутубхонаси (1 млн.га яқин асар) бор. «Илмий асарлар тўплами»-ни нашр этади (1968 й.дан). 13 минг талаба таълим олади.



1 — ботқоқ қирққулоғи; 2 — эркак қирққулоқ.

ҚИРҒИЗ ТИЗМАСИ — Шимолий Тяншандаги тизма. Асосан, Қирғи-стон ҳудудида жойлашган. Унинг ғарбий қисмининг шим. ён бағри Қозо-стон Республикаси ҳудудида. Уз. 380 км. Кенглик бўйлаб ғарбда Тароз ш.дан, шарқда Чу дарёсининг Бўём дарасн-гача чўзилган. Энг баланд жойи 4857 *м* (Ғарбий Аламуддин чўққиси). Қ.т. калелон бурмаланиши даврида шакл-ланган ва янги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилган антиклинорий. Палеозой даври гранит, гранодиорит, порфирит, оҳактош, конгломерат, қумтош каби жинсларидан тузилган. Шим. ён бағри қия, жан.да Чу водий-сининг ўз ичига олган. Ён бағрларида 2500 *м* гача дашт, ўрмонлар (қорақа-рағай, арча), ундан юқорирокда суб-алп ўсимликлари бор. 3700 *м* баландлик-дан қор ва музликлар бошланади (музликларнинг умумий майд. 223 км²). Тиз-мада Чу водийсининг Марказий Тяншаи ва Жан. Қирғизистонни боғ-ловчи бир неча довон (Тёс-Ашуу, бал. 3586 *м*, *Шамси*, *бал.* 3570 *м* ва б.) мавжуд. Тёс-Ашуу довонидан Бишкек ва Ўш ш.ларини боғлов-чи автомобиль йўли ўтган. Термал булоқлар бор.

ҚИРҒИЗ ТИЛИ — туркий тилларнинг қирғиз-қипчоқ гуруҳига мансуб *тилларидан*, Қирғизистон Республика-сининг давлат тили. Асосан, Қирғи-зистонда, шунингдек, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозогистон, Хитой, Афғонистон, Рф, Покистон ва б. ҳудудларда тарқалган. Қ.да сўзлашувчилар-нинг умумий сони 2,5 млн. киши-дан, Қирғизистонинг ўзида 2 млн. 330 минг кишидан ортиқроқ (ўтган *асрнинг 90-й.лари ўрталари*). Қ.т. 2 та-шим. ва жан. лаҳжа гуруҳларига бўли-ниб, бу лаҳжалар, асосан, фонетика ва лексика соҳаларида ўзаро фарқла-нади; айни жизғатдаги б-н бошқа тур-кий тиллардан ҳам ажралиб туради. Жан. лаҳжага ўзбек тилининг таъсири кучли.

Қ.т.нинг фонетик хусусиятлари: 8 та қисқа унли фонемага қарама-қар-ши 8 та чўзиқ унлининг мавжудли-ги, сингармонизмнинг изчил сақла-ниши, сўз бошида ж (жон сўзида-ги) ундошининг (бошқа туркий тил-ларда й ёки ж) қўлланиши ва б. Морфологик белгилари бошқа тур-кий тиллардагига ўхшаш. Сингармо-низм мавжудлиги туфайли аффикс-*ларнинг фонетик вариантлари кўп*. Қирғиз адабий тили шим. лаҳжа асо-

сида шаклланган бўлиб, унинг лексикасида соф қирғизча ва туркий сўзлар қатламидан ташқари мўғул, рус, араб ва эроний тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам мавжуд.

Қирғиз миллий ёзуви дастлаб, 1924 йилга араб алифбоси асосида, 1926 йилдан лотин графикаси асосида яратилган; 1940 йилдан эса рус графикаси асосидаги қирғиз ёзуви жорий этилган.

Ад.: Юнусалиев Б. М., Киргизская лексикология, Фрунзе, 1959; Батманов И. А., Современный киргизский язык, изд. 1, Фрунзе, 1963; Баскаков Н. А., Введение в изучение тюркских языков, 2-изд., М., 1969; Киргизско-русский словарь (сост. К. К. Юдахин), М., 1965.

КИРГИЗИСТОН (Қирғизистон), Қирғиз Республикаси (Қирғиз Республикаси) — Ўрта Осиёнинг шим.-шарқидаги давлат. Майд. 199,9 минг км². Аҳолиси 5 млн. 12 минг киши (2003). Пойтахти — *Бишкек* (ил. Маъмурий жиҳатдан 7 вилоят, 40 р-н, 23 шаҳар, 28 шаҳарчага бўлинади.

Давлат тузуми. Қ. — суверен, унитар, демократик республика. Амалдаги конституцияси 1993 й. 5 майда қабул қилинган; 1996, 1998, 2001 ва 2003 йларда ўзгартиришлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (2005 йилдан К. Бакиев). У умумий тенг, тўғри ва ошкора овоз бериш йўли билан 5 й. муддатга сайланади. Бир шахс кетма-кет икки мартадан ортиқ президент этиб сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимияти парламент — Жўкорғу Кенеш, ижроия ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Қ.нинг кўп қисми *Тяншан* тоғларида, қолган қисми Помир-Олай тоғларида жойлашган. Мамлакат ҳудудининг 94% денгиз сатҳидан 1000 м дан баланда. $^1/_3$ қисми 3000—4000 м баландликлар орасида. Параллел тоғ тизмалари, асосан, кенглик бўйлаб йўналган. Шарқида (Хитой б-н чегара яқинида) Галаба чўққиси (7439 м) бор. Ички Тяншан тоғ тизмаларининг рельефи ялпи типли бўлиб, улар водий ва сойликлар б-н ажралган. Терскей Олатов б-н Кунгай Олатов тизмалари орасида *Иссиққўл* сойлиги бор. Қ.нинг ғарбий қисмида Ғарбий Тяншан тоғлари жойлашган (Талас водийси, Талас Олатови ва Чаткол тизмалари). Қ.нинг жан.-ғарбий қисмига Фарғона сойлигининг шим., шарқий ва жан. чекка-лари киради. Жан. да Туркистон тизмасининг шим. ён бағри, Олай тизмаси, Олай водийси ва Орқа



Қирғизистон гербн.

Олай тизмаси шим. ён бағри Қ.га қарашли.

Фойдали қазилмалардан нефть, газ, қўнғир кўмир ва тошкўмир, олтин, темир, алюминий, вольфрам, мис, қалай, симоб, қўғошин-рух, сурма рудаларн конлари бор.

Иқлими континентал иқлим, ёғин миқдори ўртача, ҳаво қуруқ ва кам бўлутли. Рельефи тоғли ва баланд-ликлар фарқи катта бўлганлиги учун иқлими қуруқ субтропик иқлимидан баланд тоғ тундраси иқлимигача ўзгариб боради. Янв.нинг ўртача т-раси водий-ларда —1° дан —8° гача, тоғларда —8° дан —27° гача; июлда водийларда 20°—27°, баланд тоғларда 5° ва ундан паст. Йиллик ёғин Тяньшан шарқида 180—250 мм дан Фарғона тизмасининг жан.-ғарбий ён бағрида 900—1000 мм гача. Тоғ ғовакларида музликлар бор. Уларнинг йириклари мамлакат шарқий чеккасидаги Жан. Иншчьек ва Шим. Иншчьек музликларидир. Дарёлари Орол денгизи, Тарим, Иссиққўл ва Балхаш кўли ҳавзаларига мансуб. Йирик дарёлари: Норин, Чу, Талас. Қ.да 1923 кўл бор. Йирик-лари: *Иссиққўл*, *Сонқўл*, *Чатирқўл*. Тупроқлари чўл ва ярим чўл ерларда бўз тупроқ, дарё қайирлари ва кўл соқилларида аллювиал, ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар. Тоғларнинг чўл-дашт минтақасида қўнғир тупроқлар, қуруқ даштли минтақада


Қирғизистон байроғи.

каштан тупроқлар, тоғларнинг сернам ён бағирларида қора тупроқлар, тоғ теп-аларида тоғ-ўрмон тупроқларининг ҳар хил турлари тарқалган.

Қ.да ўсимликларнинг 3,5 мингдан зиёд тури ўсади. Мамлакат ҳудудининг 4% дан ортиғи ўрмон. Ёнғоқзор-мевазор ўрмонлар майд. 265 минг га. 3600—4000 м баландликлар совуқ чўл ва тоғ тундраларидан иборат.

Ҳайвонот дунёси бой. Чўл ва дашт-ларда ҳар хил кемирувчилар, судралиб юрувчилар, қушлар; ўрмонларда қўнғир айиқ, силовсин, тўғиз, бўри, ўрмон суғсари, тоғларда тог тақасн, қор қоплони, улар, тог суғсари, ирмоғи-қозик ва ҳ.к. яшайди. Сув ҳавзаларида балиқнинг 60 дан ортиқ тури учрайди. Мўйнали ҳайвонлар иқлимлаштирилган. Ҳудудида Иссиққўл, Саричелак, Бешқорол қўриқхоналари, Ола-Арча табиий миллий боғ бор.

Аҳолиси, асосан, қирғизлар (67%). Шунингдек, ўзбек, дунган, уйғур, рус, украин, татар, қозоқ, тожик ва б. ҳам яшайди. Давлат тили — қирғиз тили; рус тилига расмий тил мақоми берилган. Динлорларнинг аксарияти мусулмон-суннийлар. Шаҳар аҳолиси 35,2%. Йирик шаҳарлари: Бишкек, Ўш, Жалолобод, Тўқмоқ.

Тарихи. Қ.да топилган археологик ёдгорликлар бу ҳудуда тахм. 300 минг йил илгари одам яшаганлигидан дарак беради. Мил.ав. 3-минг йиллик охири — 2-минг йиллик бошларида ан-



вал мис, кейинчалик жезден ишланган қуролдар тарқалган. Қлнинг шим.-да *сакслар* қабила иттифоқи (милад. 7—3-а.лар), кейинчалик улар ўрнида *усунлар* (милад. 2-а. — мил. 2-а.) қабила иттифоқи мавжуд бўлган. Жанубий р-нлар милад. 2—1-а.ларда *Давон* давлати, кейинчалик мил. 1—4-а.ларда *Кушон подшолиги* таркибида бўлган. 5-а.ла Қ. шим.даги кўчманчи қабилалар ўтроқлашиа бошлади. 6—7-а.ларда Қ. *Турк хоқонлиги* таркибида бўлди. Қ. Ғарбий Турк хоқонлигининг маркази бўлиб, хоқонлик пойтахти — Суёб ш. Чу водийсида (Тўқмоқ ш. ўрнида) жойлашган. Шим. Қ.да ўтроқ ҳаётнинг ривожланишида Ўрта Осиёнинг деҳқончилик воҳаларидан кўчиб келган аҳолининг роли катта бўлган. 6—8-а.ларда кўчманчи туркий қабилалар Урхун-Енисей ўзувидан, ўтроқ аҳоли суғд ёзувидан фойдаланган. Қ. ҳудудида шомонийлик, зардуштийлик, буддавийлик ва христиан динлари тарқалган. 8-а.нинг бошида Қ.даги сиёсий ҳокимият турғун зодагонлари қўлига ўтган. 8-а. ўрталарида Олтойдан Тяньшанга қадар қарлуқлар келиб, бу ердаги ҳокимиятни эгаллаб олишган. Қарлуқлар ҳукмронлиги 10-а. ўрталаригача давом этган. Тяньшанда қирғиз қабилалари яшаган ҳақидаги илк ёзма манбалар 10-а.га оиқлар. Бу даврда Чу ва Талас водийларида шаҳар ва қишлоқлар сони кўпайган. Улар Иссиққўл қирғоқларида ҳам вужудга келган. Шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси — Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятлари 6-н бог-



Сариғчалак қўли қишлоқ.

лиқ бўлган ҳунармандлар ва савдогарлар кўчманчилари ип-газлама, чарм, ёғоч, сопол, металл буюмлар, ғалла, қуруқ мева ва б. билан таъминлаб туришган.

Кўчманчилар шаҳарларга чорвачилик маҳсулотларини етказиб беришлар. Қарлуқлар мулкининг асосини — Чу водийси оққали *Буюк ипак йўли* ўтган. 10-а. ўрталаридан тахм. 12-а. ўрталаригача К. ҳудудида *Қорахонийлар давлатининг* асосий қисми жойлашган. Чу водийсида давлат пойтахти — Боласоғун (хоз. Бўрона ш. харобаси) бўлган. 10—12-а.ларда Талас водийси кумуш ва б. металлар ишлаб чиқарилишининг йирик маркази ҳисобланган. Қуплаб шаҳарлардаи (Боласоғун, Ўзган ва б.) ҳунармандчилик, савдо ва маданият тараққий этган. 13-а. бошида бошланган *мўғуллар истилоси* қирғиз халқи шаклланишни жараёнини узоқ муддатга тўхтатиб қўйган, қўплаб шаҳар-қишлоқлар (14-а. бошига келиб) вайрон бўлган, ўтроқ деҳқончилик хўжаликлари таназзулга юз тутган. Шим. Қ.да шу даврдан бошлаб ярим кўчманчи чорвадорлик хўжалигининг етакчи тармоғига айланган. Ўрта Осиёга мўғуллар 6-н бирга қўплаб кўчманчи қабилалар кўчиб келган. Тяньшанининг бир қисми ва Шарқий Туркистон *Чиғатой* улуси таркибига кирган. Чиғатой улусининг парчаланиши (1348) натижасида Қашқар, Еттисув ўлкаси ва Или воҳасида Мўғулистон давлати ташкил топган. Чиғатой хонларидан *Муборакшоҳ* ва *Бароқхон* қўл остидаги қабилалар 6-н Еттисувдан Мовароуннаҳрга кўчиб ўтадилар. Муборакшоҳ Оқинтарон воҳасига, Бароқхон эса Чағониёнга келиб ўрнашади. Бу ҳол Чиғатой улусининг иккита бўлиниб кетишига сабаб бўлган. Шу вақтдан бошлаб, улусининг шарқий ва шим.-шарқий қисмида қолган туркий ва мўғул қабилалари ўзларини мўғуллар, мамлакатни эса Мўғулистон деб атай бошладилар. 1348 й. Чиғатой наслидан бўлган *Туғлуқ Темур* Мўғулистон хони қилиб кўтарилган. Амир *Қазағандан* ҳукмронлиги даврида Амир Темур унга қарши 1370—90 й.ларда 7 марта қўшин тортиб борган ва уни ўзига тобе этган. Амир Темур вафотидан сўнг темурийлар даврида Ўзлубек 1425 й. Мўғулистонга зафарли юриш қилган. 15-а.нинг охирида Мўғулистон майда-майда қисмларга ажралиб кетган. 15-а.нинг 2-ярмида Шим. Қ. ҳудудида қирғиз қабилаларининг бирлашуви натижасида дастлабки мустақил хонлик вужудга келган, унинг аҳолисини бу даврга келиб шаклланган қирғиз халқи ташкил этган.

16-а.нинг 1-ярмида қирғизлар ойратлар босқинига қарши узоқ муддат қураш олиб борганлар. 17—18-а. бошларида Шарқий Туркистоннинг сиёсий ҳаётида қирғизларнинг иштироки кучайган. 18-а. охири —19-а. бошларида қирғизлар Россиядан паноҳ излай бошладилар. Бунга уларни мураккаб ташқи сиёсий вазият, ички аҳволнинг турғун эмаслиги ва ўзаро савдо-сотиқдан манфаатдорлик мажбур қилган. 1814 й. ва 1824 й. дарё Иссиққўл қирғизлари делегацияси Россиянинг Ғарбий Сибиридаги маъмурлари ҳузурига боришган. 19-а.нинг 1-чорагида *Қўқон хонлиги* қўшинларининг қирғизлар устига ҳарбий юришлари рус-қирғиз муносабатларини тўхтатган. Қирғизлар Қўқон хонлиги таркибига киришган. Бу даврда қўқонликлар томонидан Пишпак (хоз. Бишкек), Тўқмоқ, Дарахтқўрғон ва б. қалъалар қурилган. 19-а. нинг 60—70-й.ларида бутун Қ. Россия империяси таркибига қўшиб олинди; аввал Туркистон вилояти (1865—67), сўнг Туркистон генерал-губернаторлиги (1867—1917) таркибида бўлди. 1917 й. нояб. — 1918 й. июнда совет ҳокимияти ўрнатилди. 1918 й. апр.да Қ. янги тузилган Туркистон АССР таркибига кирди. 1921—22 й.ларда ер-сув ислоҳоти ўтказилди. 1924 й. Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши натижасида 1924 й. 14 окт.да РСФСР таркибида Қорақирғиз мухтор вилояти ташкил этилди. 1925 й. 25 майда Қорақирғиз мухтор вилояти Қирғиз мухтор вилоятига, 1926 й. 1 февдан Қирғизистон АССР га, 1936 й. 5 декдан СССР таркибидаги иттифоқдош республикага айлантирилди. 1990 й. декдан Қ. Республикаси деб аталди. 1991 й. 31 авг. да республика Олий Кенгаши Қни мустақил, суверен, демократик давлат деб эълон қилди. 1993 й. 5 майдан Қирғиз Республикаси деб номланди.

2005 й. мартда Қ.да юзага келган иқтисодий-ижтимоий вазият амалдаги президент А. Акаевни ўз лавозимидан кетишга мажбур этди. Қ. — 1991 й. 31 декдан МДҲ таркибида. 1992 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 31 авг. — *Давлат мустақиллиги куни* (1991).

Асосий сиёсий партия ва касаба уюшма бирлашмалари. Қ. аграр партияси, 1933 й. ташкил этилган; Қ. аграр-меҳнат партияси, 1994 й. асос солинган; «Ар-Намис» («Ор-Номус») *партияси*, 1999 й. тузилган; Қ. хотин-қизлари демократик партияси, 1994 й. таъсис этилган; Қ. демократик ҳаракати, 1993 й. ташкил этилган; Қ. Коммунистик партияси, 1999 й. асос солинган; «*Мамлакатим*» *ҳаракати партияси*, 1998 й. ташкил этилган; «Манас-эл» («Манас халқи») маънавий тикланиш партияси, 1998 й.тузилган; Қ. коммунистлари партияси, 1992 й. асос солинган; «Эркин Қирғизистон» *прогрессив-демократик партияси*, 1991 й. тузилган; «Ата-Мекен» («Ватан») социалистик партияси, 1992 й. таъсис этилган. Қ.касаба уюшмалари федерацияси, 1925 й. тузилган.

Хўжалиги. Қ. аграр-индустриал мамлакат. *Ялпи миллий маҳсулотда саноат* 20,5%, қ.х. 38,4%, хизмат кўрсатиш тармоғи 12%, савдо 10,1% ни ташкил этади.

Саноатининг етакчи тармоқлари: машинасозлик (қ.х. машиналари, металл кесувчи *станоклар*, *электротехника* буюмлари, приборлар ва б.), рангли металлургия (симоб, сурма ва кўргошин-рух рудаларини қазиб олиш ва бойитиш), нефтни қайта ишлаш, енгил (ип-газлама, жун, ипак матолар, *трикотаж*, *кўн-пойабзал*, *тикувчилик буюмлари н.ч.*, *гилам тўқиш*; асосий марказлари — Ўш, Бишкек), озиқ-овқат (гўшт-сут, ун-ёрма ва б., йирик корхоналар Бишкек ш.да жойлашган) саноати. Қўмир, газ ва нефть қазиб олинади. Қурилиш материаллари (цемент, шифер, девор панеллари) ишлаб чиқарилади. Йилига 12,9 млрд. *кВт·соат электр энергияси* ҳосил қилинади (ГЭС ва иссиқлик электр станциялари). *Норин дарёсида Тўқтағул, Учқўрғон, Қирпсой, Тошқўмир ГЭС-лари, Аламалин ГЭСлар каскади ишлайди.* Бишкекда йирик иссиқлик электр ст-яси мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар майд. 10,1 млн. гектар (мамлакат ҳудудининг 50,9%). 1 млн. гектар ер суторилади. Қ.хнинг етакчи тармоғи — чорвачилик (ялпи маҳсулотнинг 55%), асосан майин ва ярим майин жунли қўйчилик; сут-гўшт чорвачилиги, иссиқчилик ҳам ривожланган. Мамлакатда 988 минг қорамол, 88 минг чўчқа, 3765 минг қўй ва эчки, 360,7 минг йилқи, 2100 минг уй паррандаси бор (2002). Деҳқончиликнинг асосий тармоғи — пахта, тамаки, эфир мойли экинлар етиштириш; шунингдек, ем-хашак экинлари, ғалла (бутдой, арпа, маккажўхори), картошка, сабзавот, полиз экинлари экилади. Мевачилик, токчилик ва богдорчилик ривожланган. Қанд лавлаги ва беда уруғи олинади.

Транспортининг асосий тури — автомобиль транспорти. Автомобиль йўлларининг умумий уз. 28 минг км (19 минг км умумий фойдаланиш йўллари). Т.я.лар узунлиги 417 км (2002). Иссиқ-кўлда муниталм кема қатнайди. Ички сув йўллари уз. 460 км. «Қирғизэстон аба жолдору», «Итек Эйр», «Алтын Эйр» миллий авиация компаниялари самолётлари дунёнинг бир қанча мамлакатларига учади. Қ. ҳудудидан Бухоро —Тошкент—Бишкек — Олмота газ қувури ўтган; Майлисой—Жалолобод—Ўш газ қувури мавжуд.

Четга олтин, пахта толаси, озиқ-овқат, енгил саноат маҳсулотлари, электр энергияси, тамаки, металл, жиҳозлар ва б. чиқаради; четдан саноат жиҳозлари ва буюмлари, кенг истеъмол моллари олади. Ташқи савдода Россия, Ўзбекистон, *Хитой*, Германия, Қозоғистон, Туркия, АҚШ б-н қамқорлик қилади. Пул бирлиги — сом.

Тиббий хизмати. Республикада 30 минг ўринли 250 дан зиёд касалхона муассасаларида 15 минг врач, 30 минг-дан ортиқ ўрта тиббиёт ходими ишлайди. Врач ва ўрта тиббиёт ходимлари Тиббиёт ин-т ва билим юртларида тайёрланади. Республика ҳудудида 24 санаторий, 21 санаторий-профилакторий, 57 дам олиш пансионати, 11 дам олиш уйи, 43 болалар соғломлаштириш маҳмуаси ва б. дам олиш масканлари бор (2002). Машҳур курортлари: Оқсув, Жетиғўғуз, Чўлпонота, Жалолобод, Жирадан.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 19-а.нинг 2-ярмида Қ. ҳудудида диний мактаблар — мактабхона ва мадрасалар бўлган. Қ. Россияга қўшиб олингач, дастлабки рус бошланғич мактаблари. 19-а.нинг 80-й.ларида рус-тузем мактаблари очилди. 1911 й. хотин-қизлар прогимназияси, 1912 й. эрлар гимназияси ташкил этилди; бу гимназия 1917 й.гача Қ. ҳудудидаги ягона ўрта ўқув юрти бўлган. 1923 й. Қ.даги 327 мактабда 20 мингдан ортиқ ўқувчи ўқиган. Қ.да 2002 й.да 2056 умумий ўрта таълим мактабида 1168,1 минг, 113 гимназияда 72,2 минг, 50 лицейда 18,2 минг, 75 ўрта ҳунар ўқув юртида 31178 ўқувчи, 49 олий ўқув юрти (жумладан, 16 нодавлат олий ўқув юртида 214173 талаба таълим олди. Йирик олий ўқув юртлари: *Қирғиз миллий университети*, гуманитар ун-т, пед. университети, тиббиёт академияси, политехника, санъат, қ.х. институтлари (ҳаммаси Бишкек ш.да). И.т.-лар *Қирғизистон миллий Фанлар академияси* ин-т ва муассасаларида, 15 ун-т ва б. олий ўқув юртлари; тармоқ вазирлик ва муассасаларининг н.т. ин-

Бишкек бозори. «Пазар» офис маркази.





Бишкек — Ўш автомобиль йўли.



Бишкек шаарынын умумий көрүнүшү.

ституттарында олиб борилади. 2002 й. республикада 4623 илмий кодим (илмий педагог кадрлар б-н биргаликда), жумшалан, 345 фан д-ри ва 1051 фан номзоди и.т.лар олиб борди. 2002 й. мамлакатда 1035 кутубхона (19 млн. 790 минг асар) фаолият кўрсатган. Улар-нинг энг йирги — Миллий кутубхона (900 мингдан зиёд асарлдир. Йирик музейлари: Ўлкашунослик давлат музейи, Тасвирий санъат миллий музейи, Тарих музейи.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. 2002 й. Қда 183 газ. ва 83 жур. нашр этилди. Йирикларис: «Асаба» («Байроқ», кирғиз тилида ҳафтада 2 марта чиқадиган газ., 2001 й.дан), «Вечерний Бишкек» («Бишкек оқшоми», рус тилидаги кундалик газ., 1974 й.дан), «Кызыл Туусу» («Қизил байроқ», кирғиз тилида ҳафтада 2 марта чиқадиган газ., 1924 й.дан), «Литературный Кыргызстан» («Қирғизистон адабиёти», рус тилида йилига 4 марта чиқадиган жур.), «Слово Кыргызстана» («Қирғизистон сўзи», рус тилида ҳафтада 3 марта чиқадиган газ., 1925 й.дан), «Эркин Тоо» («Эркин тоглар», қирғиз ва рус тилларида ҳафтада 2 марта чиқадиган ҳукумат газ., 1991 й.дан). «КАБАР» қирғиз миллий ахборот агентлиги 1937 й. янв.да ташкил этилган. Қирғиз Республикаси телерадиоэшиттириши давлат корпорацияси (1937 й. асос солинган), «Алмаз» хусусий радиост-яси, КООРТ радио ва телевидениеси (1992 й. тузилган), «Пирамида» телерадиокомпанияси (1991 й. асос солинган) мавжуд. Радиоэшиттиришлар 1931 й.дан, телекўрсатувлар 1958 й.дан бошланган.

Адабиёти халқ оғзаки ижодининг турли жанрлари — эртак, достон, кўшик, риваятлар («Курманбек», «Кожожаш», «Эр-Тёштук», «Жаниш Байиш») ва «Манас» монументал қаҳрамонлик эпоси негизида ривожланган. Шоир *Тўқтағул* Сотиғлонов ижоди 1917 й.га-ча бўлган халқ шеъриятини замонавий шеърият б-н боғловчи халқа бўлди. Барпи Алиқулов (1884—1949) шеърларида ижтимоий адолатсизлик, эксплуататнянга қарши норозилик туйғулари ўз ифоасини топди. *Тўғалоқ Мўлдо* ўз шеърларида қирғиз жамиятининг турмушини баён этди. Қирғиз миллий ёзма адабиёти асосчиси шоир Аалн *Тўқтамбоевдир*; унинг дастлабки шеърлари 1924 й. биринчи қирғиз газ. да босилиб чиққан. 1920-й.ларда дастлабки драма, қисса, дос-тонлар яратилди. Қирғиз адабиётидаги биринчи драматик асар М.Токобоевнинг «Бечора Какей» пьесаси (1927 й. саҳналаштирилган), биринчи насрий асар К.Баалиновнинг «Ажар» қиноси (1928)дир. 30-й.ларда адабиётнинг барча жанр ва турлари ривожланди. Т. *Сидиқбеков*, К. Жонтошевларнинг насрий, М.Элебоев, К. Маликов, Т. Уметалиев, А. Осмонов, дунган шоири Я.Шивазанинг шеърий, Ж.Турусбеков, Ж.Боконбоевнинг драматик асарлари босилиб чиқди. 2-жаҳон уруши йиллари (1939—45) қирғиз ёзувчилари ватанпарварлик руҳида асарлар ёздилар (Ж. Боконбоев, М.Элебоев, А. Тўқтомбев, К. Маликов, Т.Сидиқбеков, К. Баялинов, А. Осмонов, Т. Уметалиев ва б.). Қирғиз адабиёти урушдан кейнини йилларда янада ривожланди. Адабиётга янги номлар: биринчи қирғиз шоираси Н.Жетикашкаева, адиблар Ч.*Айтматов*, К.Бобулов, Ш.Абдираманов, С.Эралиев ва б. кириб келди. Ёзувчилардан Н.Бойтемиров, Ш.Бейшеналиев, Т. Косимбеков ва б., шоирлардан Т.Абилқосимова, Т.Кожомбердиев, О. Султонов, Ж. Абдиқаликов, С.Абикодирова, Р. Рискулов ва б., драматурглардан Р. Шукурбеков, Т. Абдумўминов, Б.Жақиев, М.Байжиев, Б.Омуралиев ва б. машҳур. Қирғиз адибларининг кўп асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Меъморлиги. Қ. ҳудудидан мил.ав. 4—1-а.ларга оид манзилгоҳлар топилган; улар ёнбағлан қирғинан уйлардан, мудофаа деворлари ва миноралардан иборат бўлган. Қирғизларнинг анъанавий турар жойлари ярим ўтов ва ҳом ғиштдан қурилган одий уйлар. 5—10-а.ларда шаҳарлар пайдо бўлган, қўрғон ва қасрлар, ибодатхона, работ, карвонсаройлар бунёд этилди. 10-а. ўрталари — 12-а.да масжид, миноре (Узган минораси), мақбара (пештоқ-гумбазли; Узганлаги 3 мақбара) каби монументал бинолар қурилди. 13-а.дан монументал мақбара (*Манас мақбараси*, 14-а.) ва карвонсарой (Тошработ карвонсароли, 15-а.),кўшклар (Ўш ш. яқинида бобур қурдирган кўшк, 16-а. бошн) қурила бошлади. Қ. Россияга қўшиб олингандан кейин шаҳарлар ривожи тоза бошлади. Пишпак (ҳоз. Бишкек), Қорақўл, Тўқмоқ каби шаҳарлар режа асосида (бир қаватли, пахса ва ҳом ғиштлан) қурила бошладн. 20-а.нинг 20-а.ларидан эски шаҳарлар қисман тикланди, янгта режа асосида янги шаҳар (Жалалобода, Қизилқия, Кўкўнгок, Талас) ва шаҳарчалар (Кўктош, Қорасув ва б.) барпо этилди. 30-й.ларнинг охирдан биноларда миллий безаклардан кенг фойдаланилди (Бишкекдаги Ёзги театр, меъмор Г.А.Градов). 40-й.ларнинг охирларидан маҳаллий шароит ҳисобга олинган ҳолда йирик шаҳарларнинг бош режалари ишлаб чиқилди, шаҳарлар шу режа асосида қурила бошлади. 1960—70 й.ларда бинолар йигма темир-бетон ва шишадан барпо этила бошлади (Қирғизистон ФА биноси, 1960-й.лар; Рус драма театри, 1971; Спорт саройи, 1974, меъмор М.Марухов; Тасвирий санъат музейи, 1972, меъморлар Ш.Жекшенбеев, В.Назаров, Д.Ирисқулов, ҳаммаси — Бишкек ш.да; Ўш ш.даги «Семетей» кинотеатри, 1976). Курортлар қурилишига эътибор берилди (Иссиққўл атрофида йирик курорт р-ни барпо этилди). Мамлакатда биринчи йирик панелли тўққиз қаватли уй 1975 й., уч икки қаватли уй 1982 й., уч саккиз қаватли уй 1985 й.қурилди.

Тасвирий санъати. Қ. ҳудудидан топилган қад. санъат асарлари намуналари неолит даврига мансуб (Оқ чўнқир қоятош расмлари, *Соймалитош расмлари*). Жез даврида қирма ва қолипдан нақшли сопол идишлар тайёрланган. Қнинг шим. ҳудудларн ва Тяньшандан қўтос, эчки, шер, қолдонларнинг бронзадан қуйилган қайкалчалари топилган (мил.ав. 7-а. — мил. 5—10-а.лардa қадрлар ҳунармандчилиги ривожланган. Шоир

5-аларга мансуб суғдийлар қўрғонлари лойдан қўйиб, ҳар хил рангга бўяб ишланган Буда ҳайкали (бўйи 12 м дан ортиқ) топилган. Ўтроқ ҳаёти ўртасида сирланган сопол идишлар, ўймакорлик ва бадиий ишлов берилган суякдан тайёрланган ўқ-ёйлар, кўчманчи турмуш қобиғидан ташқари, ўтроқ ҳаётнинг қисмларини металлдан безаб тайёрлаш ривожланган.

Қадимги тасвирий санъат ривожида рассомлар В.В.Образцов, С.А.Чуйков, қайдаттарош О.М.Мануилова катта роль ўйнади. 1930-йилардан қирғиз миллий рассомлигининг асосчиларидан бири Ғ.Айтиев самарали ижод қилди. 1935 й. Бишкекда биринчи студия (1939 й.дан Бадиий билим юрти) очилди. 1930-йиллар рассомликда манзара жанри ривож топди (С.А.Чуйков, Ғ.Айтиев, С.Оқмолбоков ва б.). 1930-йилларнинг охирларида графиклардан Л.А.Ильина, А.И.Михалёв, А.А.Сгибнев ва б. самарали ижод қилдилар. 2-жаҳон уруши йилларн ташвиқот ва сатирик графика (плакат, карикатура) юксалди, уруш қаҳрамонларига бағишланган рассомлик асарлари, қайкалташ ижод қилинди. 1950-й.ларда портрет ва манзара жанрлари ривожланди (Ғ.Айтиев, С.Оқмолбоков). 1950-й.ларнинг охири — 60-й.ларда А.Усубалиев, С.Ишенов, Д.Жумабоев, А.Усмонов каби рассомлар етишди. 1960-й.ларда ҳайкалтарошлардан Т. Солиқов, А.Муқдалиев самарали ижод қилдилар.

Халқ санъатида тилламўчилик, кигиз босиш, каштадўзлик, чарм буюмлари тайёрлаш ва уларни безаш, қулолчилик каби анъанавий тармоқлар ривожланган.

Мусиқаси. қирғизларнинг эқлаш давомида оиқланиб келган, кўчманчи чорвачиликка асосланган ҳаёт шароитида ривож топган. Шу боис анъанавий мусиқасида ансамбль ҳамда жамоа ижрочилиги шакллари деярли учрамайди, якка хонандалик ва созандалик йўллари асосий ўрин тутади. Халқ қўшиқ (ирлари маросим («қошоқ» - йиғи, «жараназа», «бешик ири» ва б.), меҳнат («бекбекей», «ширидин», «ой майда»), лирик («Сакетбай», «қўйтен», «армон»), ўйин («селкинчек»), шунингдек, «баллар ири» (болалар қўшиқлари), «қизлар ири» ва б.дан иборат. Қирғиз шомон-бахшн (бахши, қуччу, бюбу, эмчи ва ҳ.к.)лар томонидан афсун-жозу ва табобат айтимлари ижро этилган. Бошқа туркий халқларда бўлгани каби оқин, манасчи, жомокоу (терма ижрочилари)нинг ижоди кенг тарқалган. Оқинлар насрат («ырғу ир», «санат»), бағишлов («арнао», «мақтоо»), қутлов («кутучтоо») қўшиқлари, манасчилар «Манас», «Семетей», «Сейтек» туркумлари, «Курманбек», «Кожожаш», «Кедейхон» каби қаҳрамонлик достонларини ижро этган. Мусиқа чолғулари орасида қад. дилдирек, жекесан, пиалдирек, қўнғироқ, ооз қўмуз (*чанқобиз*) каби *идиофонлар*, пуфлама сибизға, чоор (най), торли *қиёқ*, қўмуз ва б. мавжуд. Айниқса, қўмуз ва б. чолғуларда ижро этиладиган йирик шаклдаги куйлар («қамбаркин», «кербе», «ботой» ва б.) оммалашган. Халқ орасида манасчилар Сагимбой Орозбаков, Саякбой Қаралаев, оқинлар Тўқтагул Сотиболов, Калик Акиев, Олимжул Усенбоев, ирғолар Атай Отомбаев, Муса Баётов, қўмузчилар Музооке Жўманқараев, Куренкей Белеков, Карамолло Орозов, Ибрай Туманов, Самарбюбю Тўхтахунова, қиёқчилар Муратали Куренкеев, Сапа Бекмуротов ва б. машҳур. Анъанавий мусиқа намуналарини тўплаш ва ўрганиш ишлари, асосан, 1920—30-йилларда бошланган (А.Затаевич, В.Виноградов ва б.). Шу даврдан бошлаб миллий композиторлик мактаби ҳам шакллана бошлади, А.*Мадибаев*, М.Абдраев, А.Тулеев, А.Омонбоев каби профессионал қирғиз композиторлари етишди. Мусиқали драмалар («Олтин қиз», А.Власов, В.Фере, 1937; «Ўлим эмас, ҳаёт», Власов, Молдибоев, Фере, 1938)нинг саҳнага қўйилиши опералар яратилишига йўл очди, балет, симфониялар ижод қилинди. «Манас» эпоси асосида биринчи қирғиз операси («Ойгўзал», 1939, Власов, Молдибоев, Фере) яратилди. Власов ва Фере «Анор» (1940), «Аргимчоқ» (1943) биринчи қирғиз балетларини, қирғиз халқ куйлари асосида илк симфоник асарларни (Н.Раков 6-ч) ижод қилишган. Власов, Молдибоев, Фереларнинг «Манас» (1946), «Тўқтағул» (1958) ва б. опералари, А.Омонбоев, С. Л. Германовнинг «Айзар ва Ойша» (1952), А.Абрасевнинг «Бўрон олдида» (1974) ва б. операларда қирғиз халқининг эрк ва бахт учун кураши акс этди. Истеъдодли ижрочилар етишди. Хонандалардан Халқ артистлари С.Қийизбоева, А.Молдибоев, А.Мирзабоев, Б.Минжилкиев, Х. Мухторов, К.Сартбоев, Т.Сеитбаев, Қирғизистон халқ артистлари К.Чодронов, М.Мустаева, М.Маҳмутова, дирижёрлардан Халқ артистлари А.Ҳумаҳматов, К.Муллабасанов ва б. машҳур. Опера ва балет театри (1942), филармония (1936), Қ. радио ва телевидениесининг катта симфоник оркестри (1970), Миллий консерватория (1993), Санъат ин-ти (1967), Бишкек ва Ўшда мусиқа билим юртлари, 100 га яқин мусиқа мактаби, халқ ижоди марказн мавжуд. 1939 й.да Қ. Композиторлар уюшмаси ташкил топган. Мўзадасаноинини «Момо ер» балет-ораторияси (1975), Омонбоевнинг «Бўйлоқлар» (1961), Н.Давлесовнинг «Ўғлимга бўлинг, келин» (1970) ва б. мусиқали драмалари, Тулеев, А. Жонибеков, Э.Жўмабоевнинг симфониялари замонавий қирғиз мусиқаси ютуғи бўлди.

Театри. Драма театри саҳналарида турли маросимлар, халқ ўйинлари, оқинлар айтишуви, манасчи, қўмузчи ва қизиқчиларнинг фасллари ўн-ён боғлиқ равишда қадим замонлардан бошланган. 1918 й. Қорақўлда қизилларнинг халқ театри ташкил этилди. 1920 й. Пишпек, Қорақўл ва Норин уездларида фақат қизилларнинг театрлари ишлади. Профессионал театр 1920-й.ларда вужудга келди. 1926 й.да Мусиқали драма студиясн ташкил этилди. 1930 й. у профессионал драма театрига айлантирилди, 1936 й.дан мусиқали драма театри деб номланди; 1942 й.дан Қирғиз опера ва балет театри. Қирғиз тилида драматик спектакллар Ёш томошабинлар театри саҳнасида қўйилди (у 1936 й. ташкил қилиниб, 1941 й.гача ишлаган). 1941 й. Фрунзе (ҳоз. Бишкек)да Қирғиз драма театри труппаси тузилди. 1960- йиллари қирғиз халқининг ҳаёти акс эттирилган кўпгина спектакллар яратилди («Отанинг қисмати», Б.Жақиев; «Қичан», Ш.Бейшеналиев; «Янги келин», М.Тўйбоев; «Юзма-юз», «Момо ер», иккаласи ҳам Ч.Айтматов қиссалари асосида). Қадим театр-

Қирғизистон опера ва балет театри.



лардa кыргыз вa жaҳон дрaмaтургия-сынынг энг яхшы нaмунaлaри aсосидa кўргизнa спектaкллaр нaмойиш этилди. Мaмлaкaтдa 15 профессионaл театр, жумлaдaн, *Бишкек шҳа Кыргыз академик драма театри*, Рус дрaмa театри, Ўшшa ўзбек мусиқли дрaмa (1929), кыргыз дрaмa (1972) теaтрлaри. Нюрин шҳа Тянь-шaн мусиқали дрaмa театри, Бишкекдa кўгирчоқ театри (1938) вa б. ишлaб-дилар. Театр сaнъaти устaлaридaн Д.Кулюкова, Б.Кулкисеева, М.Рисқулов, С.Балқибекова, С.Жaмaнов, А.Жонқўрозова, С.Кумушaлиева, А.Куттибоева б. мaшҳур.

Кинoси. 1939 й. Фрунзе (ҳоз. Бишкек)да кинохроникaнинг мухбирлик пункти ташкил этилди. 1942 й. унинг негизидa Фрунзе кинохроникa студияси (*«Кыргизистон 2-жaҳон уруши дaврида» фильми*, 1944, реж. Д.Эрмaн вa б.)га aсос солинди, 1956 й. ҳужжaтли вa бaдиий фильмлaр студиясигa aйлaнтирилди, 1961 й.дaн «Кыргизфильм» киностудияси деб номлaнди. *1950-й.лaрдaн бaлиий кинемaтогрaфии* ривож топa бошлaди. Биринчи бaдиий фильм «Салтaнaт» (1955, реж. В.П.Пронин, «Мосфильм» киностудияси б-н ҳaмкорликдa)дaн кейин «Менделi хaтолик» (*1958*), «Олис тоғлaрдa» (1959), «Тянь-шaнлик қиз» (1960), «Чўлпон — тонг юлдузи» (1960, «Ленфильм» киностудияси б-н ҳaмкорликдa), «Тўқтaғул» (1961) кaби бaдиий, «Улaр Тянь-шaндa тутилгaнлaр» (1958), «Тоғлaр дaрёси» (1960) *кaби ҳужжaтли фильмлaр яратилди.* 1960-й.лaрдaн миллий aдaбиёт нaмунaлaри, хусусaн, Ч.Aйтмaтов aсaрлaри экрaнлaштирилиши қыргиз кинo-сини диққaтгa сaзовор иш бўлди. Ч Aйтмaтов aсaрлaри aсосидa ярaтилгaн «Довон» (1961), «Сaрaтон» (1963), «Биринчи ўқитувчи» (1965), *«Жaмилa» (1969, «Мосфильм» киностудияси* б-н ҳaмкорликдa) вa б. фильмлaр кыргиз кино сaнъaтининг ютуғидир. «Кaрaш довонидaги ўқ овози» (1968), «Иссиқкўл лoллaри» (1972), «Оқ кемa» (1977), *«Илк турнaлaр»* (1979, ҳaммaсининг реж. Б.Шaмшиев), «Ёшлигимиз ocмoни» (1966), «Уркуя» (1970), «Улaн» (1978; ҳaммaсининг реж. Т.Океев) кaби бaдиий, «Нюрин кундaлиги» (*1971*, реж. A.Видутирис), «Почтa» (1972, реж. Б.Абдиллдaев) ҳужжaтли фильмлaри ҳaлқaро кинофестивaллaрдa мукофотлaргa сaзовор бўлгaн. Кино aктёрлaридaн М.Рисқулов, Д.Кулюкова, Б.Кидикеева, Т.Турсунбоева, С.Чўкaморов вa б. мaшҳур.

Ўзбекистон — Қ. мунoсaбaтлaри. Ўзбекистон мустaқилликқa эришгaч, 1993 й. ижкала давлaт ўртaсидa дипломaтия мунoсaбaтлaри ўрнaтилди. 1992 й. июлдaн Тошкентдa Қ. элчихонaси, *1998 й. oкт.дaн Бишкекдa Ўзбекистон* элчихонaси фaолият юритмoқдa. 2000 й. сент.дa Ўзб Президенти И.Кaримовнинг Бишкеккa, 1996 й. дек. вa 1998 й. нoяб.дa Қ. Президентининг Ўзбекистoнгa ташрифи бўлиб ўтди. 1996 й. 24 декa икки дaвлaт ўртaсидa имзoлaнгaн «Aбaдий дўстлик тўғрисидa»ги шaртнoмa дaвлaтлaр ўртaсидaги мунoсaбaтлaрнинг шaртнoмaвий-ҳуқуқий aсoси ҳисoблaнaди. Дaвлaтлaр ўртaсидa гумaнитaр сoҳдaги ҳaмкoрлик мaнa шу шaртнoмa, 1994 й. 16 янв.дa имзoлaнгaн Мaдaният, сoғлиқни сaқлaш, фaн, тaълим, туризм вa спoрт бўйичa ҳaмкoрликни чуқурлaштириш тўғрисидaги ҳукумaтлaрaрo битим, 1996 й. *24 дек.дa имзoлaнгaн Мaдaний ҳaмкoрлик* тўғрисидaги мудссaлaрaрo битимгa мувoфиқ aмaлгa oширилди. *2005 й.гaчa икки* дaвлaт ўртaсидa икки тoмoн учун aҳaмиятли бўлгaн 181 ҳужжaт имзoлaнгaн. *2004* й. Ўзбекистoн Республикaси б-н Қ. ўртaсидaги тoвaр aйлaнмaси 68,1 млн. АҚШ дoллaрини, жумлaдaн, экспoрт 43,6 млн. АҚШ *дoллaрини*, импoрт 24,5 млн. АҚШ дoллaрини ташкил этди.

КЫРГЫЗИСТОН МИЛЛИЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, Кыргыз Республикаси миллий фанлар академияси — Кыргызистоннинг олий илмий муассасаси. 1954 й. 20 дек. да СССР Фанинг Кыргызистон филиали асосида ташкил топган. Академия Президиуми Бишкек шҳа жойлашган. 42 киши(акад.), 38 мухбир аъзоси бор. Фан тармоқ ва йўналишлари бўйича 3 бўлими (физика-техника, мат. ва кон-геол. фанлари; ижтимоий фанлар; кимё-технологияи, тиббиёт-биол. ва қ.х. фанлари) ҳамда Жaн бўлими, 23 н.т. институти, иқтисодий, ижтимоий тадқиқотлар марказлари, Ботаника боғи бор (2005). Академия таркибидаги институтлар йўналишлари: ядерот-телекоммуникация технологиялари, электроника ва ямалий мат. муаммолари; энергетикaнинг физика-техника мaсaлaлари; мaшинaлaр мaзaрисси вa бошқaрув, технологик жaрaёнлaри вa тизимлaрни aвтoмaтлaштириш; тaбиaтдaн oқилoнa фойдaлaнини вa тaбиий сув-энергетика ресурслaри; тoғли р-ларда тaбиий вa тaбиий-техноген жaрaёнлaрни комплекс тaдқиқ этиш вa фaлoкaзиялaрни oлдиндaн aйтиш; янги мaтериaл вa кимёвий технoлoгиялaр; биoхилмa-хиллик вa экoлoгия; тoғ экoлoгии тизимни мaсaлaлaри вa тoғ пoпулязиясининг бaрқaрoр тaрaққиёти; *молекулaр биол. вa биотехнoлoгия*; Кыргыз Республикaсининг бaрқaрoр сиёсий, иқтисoдий вa ижтимoий тaрaққиёти мaсaлaлaри; Қ. хaлқлaрининг милли тилли, сиёсий вa мaдaний *шaкллaнишн, этногенези. Академия «Ахборот»* (1966 й.дaн) вa. бир қaнчa илмий журлар нешр этaди. Президенти — Ж.Ж.Жўмбоев (1997 й.дaн).

КЫРГИЗЛАР — хaлқ. Кыргизистoннинг aсoсий aҳолиси (2,23 млн. кишн). Ўзбекистoн (175 минг кишн), Тожикистoн (64 минг кишн), РФдa (42 минг кишн, 1990-й.лaр ўртaлaри), шунингдек, Хитойдa (150 минг кишн, 1987 й.) *яшaйди. Кыргиз тилидa* сўзлaшaди. Динлoрлaри — сунний мусулмoнлaр.

Кыргиз номи илк бор тезгунь шaклидa хитойчa «Хaнцзу» («Хaн сулoлaси тaрихи»; мил. 1-a.) *йилнoмaсидa мил. aв. 203 й.гa вoқеaлaр бaёнидa* тилгa олинди. Қ.нинг келиб чиқиши ҳaқидa турли қaрaшлaр мaвжуд, хусусaн улaрнинг Енисей қыргизлaри деб aтaлмиш ҳaлқдaн тaркaлгaнни мaсaлaси *мунoзaрaли. Қ.нинг илк этник тaрихи* қдл. қaбилa иттифoқлaри (хуллaр, динлинлaр, сaқлaр вa усунлaр) б-н бoғлиқ. Турк хoқoнлиги вa кўчмaчи дaвлaт уюшмaлaри дaвридa (6— 10-a.), *кейинчaлик Қ.* тaркибигa кирган қaбилaлaр Сaян-Oлтoй, Иртиш бўйи, Шaрқий Тянь-шaннинг туркий aҳoлиси oрaсидa *шaкллaнгaнлaр. Қ.нинг бир қис-*



Жетигўз қурoғи.



Қырғызлар ақсағанай киімінде.

ми 9—12-а.ларда, катта қисми эса ўрта асрлар давомида гарбга кўчиб, Иссиқкўл атрофлари, Еттисув ҳавзаси, Тяньшан (Тангритоғ) ён бағирлари, Фарғона водийсининг тоғолди ҳудудлари ва Дашти Қипчоқ ўзакларига бориб жойлашган.

Қ.нинг асосий қисми Тяньшан ва Иссиқкўл оралиғини макон тутиб, бу ерлари бир неча туркий қабилалар б-н биргаликда ҳоз. қирғиз халқини ташкил қилган. Қирғиз халқи таркибига, шунингдек, Еттисув ва Мовароуннаҳрнинг туркий қабилалари, жумладан қарлуқлар ва ўйғурлар, кейинроқ мўғул қабилалари, 16—17-а.да эса келиб чиқиши қозоқ-ноғайлар б-н боғлиқ қабилалар кирган. Қ.нинг бир қисми бошқа туркий халқларнинг этногенезида қатнашган. Хусусан, 92 ўзбек уругига оид шажараномаларнинг барчасида қирғиз этнонимни қайд қилинган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бир неча вилоятларида қирғиз номи этнотопоним сифатида сақланиб қолган.

Қ. кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик, айрим туманларда деҳқончилик б-н шуғулланган (ота қ. *Қирғизистон*).

ҚИРҒИЙ ЯПАЛОҚҚУШ (Surnia ulula) — япалоққушлар оиласига мансуб парранда. Шим. Америка, Европа ва Осиёда тарқалган. Ўрта Осиёнинг шим.-шарқий қисмида учрайди. Танасининг уз. 35—40 см, қаноти ёйилганида 70—80 см, оғирлиги 250—370 г. Модаси паридан йирик, ранги ўхшаш. Орқаси тўқ, кўнгир, оқ ҳолли, қорни қисми оқ, қоратмтир-кўнгир ҳолли. Умсини даражалари ясайди ёки бошқа қушларнинг уясидан фойдаланади. 3 талаи 13 та гача тухум қўяди, 4 ҳафтача босади. Кемирувчилар, баъзан қушлар б-н озиқланади.



Қирғий япалоққуш.


ҚИРҒИЙБУРГУТ (Aquila fascista) — йиртқич қуш. Жан. Европа, Африка, Жан. Осиё (жумладан, Ўрта Осиёда тарқалган. Қаноти 46—52 см, оғирлиги 1,5—2,5 кг. Усти қўнғир-кулранг, қорни оқ ёки пуштироқ, майда қора ҳоллари бор. Тумшуғи қора, оёғи сариқ. Панжаси бақувват, тирноқлари мустаҳкам. Асосан, тоғли ҳудудларда яшайди. Уясини дарахт ёки қоядарга ясайди. Февда 1—3 та тухум қўяди. Тухумини инкубация жараёни давомида 6-и 40 кун босади. Каклик, товалоқ, қуён, каламуш, судралиб юрувчилар ва балиқлар б-н озиқланади. Овчилик хўжаликлари ва уй паррандаларига зарар етказади.



Қирғийбургут.

ҚИРҒИЙДАР, қарчигайлар (Accipiter gentilis) — *қирғийсимонлар* оиласига мансуб йиртқич қуш. Европа, Осиё, Шим. Америкасининг ўрмон, Африкасининг шим.-ғарбий қисмидаги тог зоналарида тарқалган. Танасининг уз. 52—70 см, оғирлиги 0,55—1,8 кг. Модаси паридан йирик. Қаноти қисқа ва кенг, думи узун. Усти кўкимтир-кулранг, қорни кўндаланг йўлли оқ ёки сарғиш. Уясини дарахтларга ясайди. 3—4 та тухум қўяди, 35 кунча босади. Қирғовул, каклик, ўрдак, қуш, қўён, олмахон ва б. билан озиқланади. Овчилик хўжаликларига бир оз зарар етказади.

ҚИРҒОВУЛЛАР, тустовуқлар (Phasianus) — *қирғовулсимонлар* оиласига мансуб қушлар уруғи. 2 тури маълум. Танасининг уз. 85 см, оғирлиги 1,7—2 кг. Модаси паридан кичик. Нари ёркин тусда, металлдекялтирайди. Модаси кулранг-сарғиш. Олдий қирғовулнинг 30 га яқин кенжа тури маълум. Кавказдан Японияга бўлган жойларда тарқалган. Ўрта Осиёда Каспийнинг жан.-шарқий қисмидан Иссиқкўлгача бўлган ҳудудларда учрайди. Зарафшон бугуртмахомаси, шунингдек, овчилик хўжаликларида Қ. кўп. Ўрмон ҳамда экин майдонлари атрофидаги, дарё ва кўл қирғоғидаги чакалакзор тўқайларда яшайди. Уясини ерга ясайди. 8—18 та тухум қўяди, 24—25 кун босади. Уруғ, мева, куртак, ҳашарот, чувалчанг ва моллюскалар б-н озиқланади. Гўшти ва пари учун овланади. Қ. кўпгина овчилик хўжаликларида кўпайтирилади. Кўплаб овланиши сабабли жойларда Қ. сони камайиб кетган. Бироқ Қ.га шароит яратилса, сонини тез тиклаш хусусиятига эга. Японияда яшил қирғовул тарқалган.



Қирғовул.

ҚИРҒОВУЛСИМОЙЛАР (Phasianidae) — *товуқсимонлар* туркумига мансуб қушлар оиласи. 165 тури маълум. Европаиё, Америка ва Африкада тарқалган. Ўзбекистонда *бедана, каклик, улорлар* ва б. турлари учрайди. Чўл, ўтлоқ, бутазор, қояларда, ўрмон ва текисликларда яшайди. Қ., асосан, ўтроқ ёки кўчиб юриб (фақат белана мавсумий) ҳаёт кечиради. Одатда, уясини ерга, баъзилари дарахтга ясайди. 2—20 та тухум қўяди. Ўсимлик маҳсулотлари, ҳашаротлар ва б. умуртқасизлар б-н озиқланади. Қ. овланиши. Европани товуққа қонқа товуқ зотларининг насл бошидир, товуслар қонқаликлаштирилган, қирғовуллар овчилик хўжаликларида, беланалар фермаларда кўпайтирилади. 21 тури ва 2 кенжа тури. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китобига киритилган.

ҚИРҒОҚ — сув ҳавзалари (океан, денгиз, кўл ва сув омборлари) ва оқар сувлар (дарё, ариқ) оқар сувлар) б-н қуруқлик туташган ҳамда ўзаро таъсир рўй бериб турадиган қамбар ер. Қ.ларнинг қуруқлик томонидаги чегараси — *қирғоқ чизиғи* дейилади. Қ.нинг таркиб топиши ва хусусиятлари тўлқинларга, оқар сувларда оқим ҳаракатига боғлиқ. Қ.нинг ўзга-

Термобрызма киргок.





Тўлқин таъсирида юзага келган қирғоқ

рининга тектоник ҳаракатлар ҳам таъсир кўрсатади. Қ. қўриниши, тузилиши, ўзгаришн ва ҳолатига кўра хилма-хил бўлади. Денгиз Қ.лари баландлиги, парчаланганлиги, геологик тузилиши, шакли, ёши ва б.га кўра турларга ажратилади: 1) эндоген ва экзоген жараёнлар натижасида пайдо бўлган ёш Қ.лар. Ўзлари дастлаб текис бўлиб, кейин парчаланган тектоник ва эрозион-тектоник, эрозион, мустақил, шамол таъсирида пайдо бўлган қамда вулканик Қ.лар киради; 2) тўлқиндан бошқа жараёнлар таъсирида пайдо бўлган Қ.лар денгиз суви кўтарилиб қайтганда ҳосил бўлган, денудацион, органик қолдиқлардан ҳосил бўлган Қ.лардан иборат; 3) тўлқинлар таъсирида вужудга келган Қ.лар. Улар абразия ва аккумуляция таъсирида, яъни денгиз тўлқинларя таъсирида вужудга келади ва жуда кўп учрайди. Йирик дарёларнинг қуйилиш жойларида дельта Қ. шакланади (қ. *Дельта*). Қ. типлари шаклланишида ва тарқалишида табиий географик зоналлик аниқ кўринади. Мас., термобарзия Қ.лар қутбий зоналарга,



Лагуна типли қирғоқ

маржонли ва манграли Қ.лар тропик ва экваториал минтақаларга хос. Ҳозз. замон тектоник ҳаракатларя ҳам денгиз Қ.ларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Мустақ дарёлардан кейинги трансгрессия кўтарилган майдонлардагига нисбатан тектоник чўкаётган соҳилбўйи р-ларда қурқлик ичкарисига ҳича кириб боради. Учала турдаги Қ.лар фьорд, шхера, лальманна, риас, пампасимон, лиман, орол, денгиз типлари, маржонли, фитоген, абразион-бухтали, лагунали, қум тилли каби типларга бўлинади. Оқар сувларининг Қ.лари ривожланишида ўзан оқими муҳим омил ҳисобланади. Дарё Қ.лари тог ва текисликларда бир-бирндан кескин фарқ қилади. Дарёлардаги оқим фаоллиги Қ.ларнинг эрозияси, ўзанининг ҳосилда жойлашида оқизиқларнинг тўпланишида назоёён бўлади. Катта дарёлар Қ.ларининг шаклланишда сравнительно жараёнлари (суриллма, кўчки, сочилма) муҳим аҳамиятга эга. Сув босадиган (қайирли) ва сув босмайдиган (туб, террасали) дарё Қ.лари фарқ қилинади (қ. *Водий, Терраса*). Қ.ларнинг келиб чиқиши, ўзгариши, морфологиясини ўрганиш порт ва кўприклар қурилиши, Қ.ларни мустаҳкамлаш ишларида, кема қатновида, рекреация зоналари ташкил этиш, фойдали қазилма конларини ўрганишда, сув омборлари қуришда катта аҳамиятга эга.

ҚИРҒОҚ ЧИЗИҒИ — океан, денгиз, кўлларнинг юзаси б-н қурқлик юзаси туташиб турган чизиқ. Сув қатлаги б-н қурқлик чегараси ҳисобланади. Сув ҳавзаларининг сатҳи баландлиги сув қалқиши, шамол, оқим, тўлқинлар ва ҳаво босимига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Шу сабабли, сувнинг кўп йиллик ўртача сатҳига қараб Қ.ч. шартли равишда ўтказилади. Дарёларда Қ.ч. доимий бўлмай, тез-тез ўзгаради. Қадимий Қ.ғли ўрганиш орқали сиқил, умуман, сув ҳавзасининг ривожланиш тарихи аниқланади ва ер пўсти вертикал ҳаракатлари қандай суръатлар б-н кечгани ҳақида хулоса қилиш мумкин бўлади.

ҚИСИР ҚОЛИШ — ёш чорва моллариниг жинсий вояга етганда ёки катта ёшдаги урғочи ҳайвонларнинг туқ-қандан кейин маълум физиологик мулатларда уруғланмай қолиши. Қ.қ.га чорва моллариии *қочириш* ва сунъий уруғлантириш ишларини ташкил қилиш ва ўтказишдаги камчиликлар, сперма олиш вақтида ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилмаслик, сунъий уруғлантиришни техникасининг нотўғрилиги (яхши ишламаслиги), чорва моллариии уруғлантириш режасининг мўлдалгани, ҳайвонлар бўғоз бўлган ёки қисир қолганлигини ўз вақтида текширмаслик, ҳайвонлар кубикан даврида уларни қочирмш ва уруғлантириш мудлатларига эътибор бермаслик ва б., шунингдек, мустаҳкам озуқа базасининг йўқлиги, чорва моллариня асраида нюқлай шароит, ҳайвонлар жинсий органларининг касалликлари, тўғма аномалиялари ва б. ҳам сабаб бўлади. Янги туққан сигирлар 80—85 кунлик сўғи қочирилиши лозим. Ушбу мудлат оптимал сервис даври деб қабул қилинган. Бу даврнинг ҳар бир куни (чўзилиши) Қ.қа олиб келади. Оптимал мудлатлари сервис даврдан қочирилганда ҳар 100 сигирдан бнл даномида 100 бузоқ олинади. Агар оптимал сервис давря 120 кунга чўзилса, унда қисирлик мудлати 40 кунни ташкил этади ва ҳар 100 бош сигирдан 86 та бузоқ олинади.

Таналарнинг оптимал (17—18 ой) қочириш ёши 1—2 ой кечиктирилганда уларнинг ҳар биридан соғилалиган сут миқдори 300—600 кг га камайиб кетиши мумкин.

Убайдулла Носиров.

ҚИСМАТ — *Тақдир.*

ҚИССА — бадиий адабиётда эпик жанр турларидан бири. Ғарбий Европа ва Америка адабиётида повесть маъносидаги Қ. тушунчаси йўқ, насрнинг *роман*дан бошқа барча жанрлари «новелла» термини орқали ифодаланади. Рус ва Ўзбек адабиётларида Қ.нинг ҳоз. ва қадимги маъноларн ўртасида фарқ бор. Мас., қадимги рус адабиётида ҳар қандай насрий асар повесть (Қ.) деб аталган. Ўзбек адабиёти тарихида ривоят усулида наср ёки назмда ёзилган тарихий-афсонавий асарлар Қ. деб юритилган. Мас., «Қиссаи Сайфулмулук», «Қиссаи Рабғузий» ва б. Ҳоз. маънодаги ўзбек Қ.си рус адабиётидаги «повесть»

терминига тўғри келади ва, асосан, роман 6-н ҳамон оралиғидаги ўртача ҳажмли насрий жанрни ифодалайди.

Қ., одатда, бир ва бир неча шахслар тақдирига оид турли воқеаларни ўзига асос қилиб олиши 6-н эпик турнинг ҳамда, ҳажми ва мазмунининг нисбатан чекланганлиги 6-н *романдан* фарқ қилади. Қ. қаҳрамонларининг ҳикоя нисбатан кентроқ, характер ҳамда воқелик кўламини романга қараганда камроқ қамраб олади. Қ.да у ёки бу шахс ҳаётининг маълум бир даври хроникал тарзда баён қилинади. Қ.да ларнинг ҳикоя ва романдагидан кучлироқ бўлиши мумкин.

Роман каби Қ.нинг ҳам *автобиографик* (Ойбек, А.Қаҳҳор, Н.Сафиров), *тарихий* (Миркарим Осим, Я.Идэбо ва б.), *фантастик* (Т.Малик, Ҳ.Шайхов, М.Маҳкамов ва б.) турлари бор. Ҳозирда Қ. насрнинг энг фаол жанрларидан бўлиб, унда ёш ёзувчилар ҳам самарали ижод қилмоқдалар.

Ад.: Аброров А., Ўзбек повести, Т., 1973, Гемофея Л., Основы теории литературы, 3-изд., М., 1976; Норматов У., Ғазаллик билан учрашув, Т., 1976.

ҚИССАХОН — афсона, ривоят ва достонларни ифодали қилиб айтиш ёки баланд ҳуш маҳоратига эга бўлган профессионал ижрочи. Қ.лар турли ёшлардан ёки маҳсус уюштирилган спектаклларда кечаларида халқ достонларини, қизиқарли таржима ҳикояларни, мумтоз адабиёт намуналарининг «фольклорлаштирилган» вариантларини ҳар хил жанрномаларни ёддан ёки матн асосида ўзига хос оҳангда ўқийдилар. Қ. репертуари жанр ва мавзуий-тематик жиҳатдан ранг-баранг бўлган.

ҚИССАХОНЛИК — афсона, ривоят, халқ достонлари ва қиссалар айтиш ва эшитиш анъанаси. Ўтмишда Қ. учун маҳсус кеча ва йиғинлар уюштирилган. Уларда халқ достонларининг қайта ишланган вариантлари («Ҳикоити Гўрўғли султон», «Юсуфбек билан Ахмадбек»), мумтоз адабиёт намуналари асосида тузилган ҳикоялар («Баҳром ва Гуландом», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин»), таржималар («Рустами достон», «Қиссаи Жамшид», «Вомиқ билан Узро») ўқилган. Қ. репертуарида «Ларқум», «Муҳаммад Ҳанафия», «Саид Баттол Ғози», «Бобо Равшан» каби диний асарлар ҳам бўлган.

Қисса тузиш ва Қ. 13—14-а.лардан шакллана бошлаган, 16—17-а.лардa жадал ривожланган, 19-а.нинг 2-ярмида фавқулодда авж олган. Бу жараён, дастлаб Хоразмда, кейинчалик Оренбург, Тошкент, Хива, Коғон ва б. шаҳарларда қиссаларнинг қўлбола нашр этилиши 6-н ҳам боғлиқ бўлган.

Қ., асосан, шаҳар, шаҳарга яқин йирик қишлоқ ва туман марказларида кенг ривожланган бўлиб, 20-а.нинг 30-й.ларигача давом этган. Қ. оммa орасида маърифат тарқатиш воситаларидан бири, адабиёт ва санъат индивидуалларининг ўнгинлари сифатида ўтишида муҳим аҳамият касб этган. Ҳоз., радио, телевидение, матбуот, театр, кино ва б. маданий-маърифий воситаларининг ривожи, кенг тарқалганлиги боис Қ. анъанаси инқирозий ва маиший қаётдан батамом чиқиб кетди.

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ДАВЛАТ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ — қ. *Давлат облигациялари.*

ҚИСҚА ТУТАШУВ — электр занжири ўтказгичларида ҳосил бўладиган ғарарли электр контакти; *ўзгармас ток* тармоғида фазаларининг Ер 6-н туташуви натижасида (1 фазали), *ўзгарувчан ток* тармоғида қутблар орасида ёки қутб 6-н Ер орасида содир бўлади. К.т. электр қурилмалари ўтказгичларининг изоляцияланмаганлигидан, ток занжирида электр токининг ҳаддан ташқари ортиб кетишидан келиб чиқади ва электр қурилмаларининг бузилишига олиб келади. К.т. релей муҳофазаси ёки осон эрувчан сақлагичлардан фойдаланиб бартараф қилинади.

ҚИСҚА ТЎЛҚИНЛАР — тўлқин узунлиги 10 м дан 100 м гача (30—3 МГц) диапазонда бўлган радиотўлқинлар. К.т.нинг тарқалиш тарзига Ер атмосфераси кучли таъсир қилади. К.т. қисқа (~500 км) масофаларга ер тўлқинлари (Ер сиртига яқин бир жинсли атмосферада тарқалувчи радиотўлқинлар) кўринишида, ўта узоқ масофаларга, хусусан, Ер шари атрофида ионосфера тўлқин ўтказгичлар бўйлаб тарқалиши мумкин. К.т.нинг уфқ орқитида тарқалиши асосан уларнинг ионосферадан ёки ионосфера ва Ер сиртидан кўп марта қайтиши туфайли амалга ошади.

К.т.нинг ионосферадан қайтиш частотаси уларнинг ионосферага тушиш бурчагига ва қайтиш сатҳидаги электронлар концентрациясига боғлиқ. Тушиш бурчагининг маълум критик қийматидан кичик қийматларида К.т. ионосферадан қайтмайди ва радиоалоқада сукунат (жимжитлик) зонаси юзага келади. Маълум узунликка эга радиотрасса учун радиоалоқада фойдаланилаги максимал частота мавжуд. Трассанинг узунлигини, сутканинг вақтига ва геофизик шароитларга қараб, бу частота амалда К.т.нинг бутун диапазони бўйича ўзгариши мумкин.

К.т.лан радиоалоқада, Ер ва сайёралараро ионосфераларини, Қуёш тожининг ташқи қатламларини ва б. радиоастрономик объектларни тадқиқ қилишда фойдаланилади.

ҚИСҚА ҲАЖМЛИ ФИЛЬМ — ҳажми 4—5 қисмдан оошмайдиган, 40—50 минутли бадиий, 1, 2, 3 қисмли ҳужжатли фильм. Кўп қисмли бадиий ва ҳужжатли фильмлар бўлса-да, К.ҳ.ф. ҳам кино санъатининг мустақил намунаси сифатида ривожланди. Кўпроқ кинохроника, киножерлар, илмий-оммабоп фильмларни, шу б-н бирга бадиий, мультипликацион ва телевидение фильмларни ўз ичига олади.

ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР — барқарор сўз бирикмалари компонентларининг бош ҳарфларини ёки маълум қисмларини олиб қўшиш б-н ҳосил қилинган сўзлар. Мас., ИИВ — Ички ишлар вазирлиги, ХТБ — Халқ таълими бошқармаси, физика — филология факультети. Қ.с. нутқда ихчамликка эришиш зарурати б-н дастлаб ёзма нутқда пайдо бўлади ва фаол қўлланиши натижасида кейинчалик оғзаки нутққа ҳам ўтади.

Қ.с., асосан, от туркумига маисуб бўлиб, қуйидаги ўзлари б-н ҳосил қилинади: 1) сўз бирикмаси компонентларининг биринчи ҳарфларини олиб қўшиш б-н (ҲДП — Халқ демократик партияси, ДТМ — Давлат тест маркази, ОАК — Олий аттестация комиссияси); Қ.с.нинг бу тури илмий адабиётларда *аббревиатура* деб ҳам аталади; 2) сўз бирикмаси таркибидаги 1-сўзнинг 1-бўғинини, қолган сўзларнинг 1-ҳарфларини олиб қўшиш б-н (ЎзМУ — Ўзбекистон миллий ун-ти, «ЎзАС» «Ўзбекистон алоқаси» ак-ёпиқ акц. ж.); 3) сўз бирикмаси таркибидаги сўзларнинг бош ҳарфларини олиб қўшиш б-н (биофак — биология факультети, журфак — журналистика факультети); 4) сўз бирикмаси таркибидаги 1-сўзнинг 1-бўғинини, қолган сўзларни қисқартирмай қўшиш б-н (Ўзбонмаҳсулот, Ўзгазлойиҳа); 5) аралаш йўл б-н (Ўзбектелеком, Ўзтелерадиокомпания, Ўзавтойўл) ва б.

Қ.с. халқаро ташкилотлар (БМТ, ЮНЕСКО), мамлакат ва давлатлар (ХХР, РФ, АҚШ), сиёсий партиялар, харбий уюшмалар (Ўзлидп, НАТО), илмий-ўқув муассасалари (ЎзР ФА, ЎзДЖТУ, ФарДУ), вазирлик, идора, муассаса, ташкилот, корхоналар (ХТВ, ДТМ, Ўзмашхолдинг, Тошшаҳарйўловчи), машина, асбоб-ускуналар ва иншоотлар (ЭҲМ, АТС, ГЭС) ва б.нинг номларини билдиради. Қ.с. тайёр ҳолда бошқа тиллардан ўзлаштирилиши (ЮНЕСКО, ФИФА, ФИДЕ, НАТО, АЭС) ёки муайян тил, мас.,

ўзбек тили материаллари асосида ҳосил қилиниши мумкин. Кейинги турга мансуб ўзбекча *Қ.е.нинг ёзқаранғи* рус тилидаги сўз бирикмалари ва улар асосидаги Қ.е.нинг калькалари ҳисобланади, мас., БМТ<ООН, ДАН< ГАИ, ОАВ (оммавий ахборот воситалари)< СМИ (средства массовой информации), ЭҲМ< ЭВМ каби.

Носирхон Отахон.

ҚИСҚИЧБАҚАСИМОН ТУМАНЛИК — *Саар* юлдуз туркумидаги NGC 1952 туманлиги. 1054 й.да араб, хитой ва япон олимлари кузатишган. *Ўта янги юлдузлар* чақнаши натижасида вужудга келтанс, унгача бўлган масофа 1700 *парсек*. Тўла нурланиш энергияси 10^{46} *эрг·с*$^{-1}$; Қ.тда анча тартибланган ва кучланиши 10^{-5} *эрстед* магнит майдони мавжуд; унда толасимон қобиқ ва аморф ипсимон структуралардан иборат ички қисм фарқланади. Қобиқдаги т-ра 17000° К. Қобиқнинг нурланиш спектри оддий газ туманликларига ўхшаш бўлиб, ички қисмининг нурланиши радиотўлқинлар, кўзга кўринадиган, ультрабинафша ва рентген тўлқинларда кузатилади. *Бу қисмнинг ипсимон структуралари релятивистик* (энергиялари 10^9 *эв* дан зиёд) электронлар оқимларидан иборат. Бундай юқори энергияли манбаи Қ.т. марказида якин жойлашган ўта янги юлдузнинг қолдиғи бўлган нейтрон юлдуз бўлиб, бу юлдуз даври 0,033 сек га тенг PVP 0532 номерли пульсардир. Қ.т. унга нисбатан радиал йўналишда кенгаймоқда.

ҚИСҚИЧБАҚАСИМОНЛАР, қисқичбақалар (Crustalla) — *бўғимоёқлилар* типининг синфи. 30000 га якин тури бор. Уз. мм нинг бир бўлагидан 80 см. бўлгунча тирлари (мас., япон краби) оёқлари ёйилганида танасининг кенглиги 3 м га етади. Танаси бўғимларга бўлинган, одатда, 3 бўлим: бош, кўкрак ва қорин фарқ қилинади; хитин совут 6-и қопланган. Бир хил Қ.нинг яхлит бош капсуласи (синцефалон) антеннулаларга эга бўлган бош усимтаси ва 4 бош бўғимидан иборат. Бош бўғимларида антенналар, бир жуфт юқори жағ, 2 жуфт пастки жағ жойлашган. Бошқа Қ.нинг якрон ва антеннал бўғимдан иборат бирламчи бошш (протоцефалон) жағ бўғимлари (гнатоцефалон) 6-и ҳаракатчан қўшилган. Одатда, Қ. кўкрагининг бир неча бўғимлари бош Қ.и кўшилиб, бошкўкракни ҳосил қилади, уларнинг усимталари эса озиқни майдалови ва оғизга сурувчи оёқ жағларга айланади. Кўтчилик Қ. бошининг кейинги қисми ва кўкрак бўлими ён ва устки томонидан қалқонсимон, якки тавақали ёки ярим шилиндр шаклидаги хитинлашган совут 6-и қопланган. Айрим Қ. (мас., шоҳлар мўйловлилар) бошн чўлиқ пастга эгилган тумшуқ — рострумга айланган. Қ.нинг турли гуруҳларида кўкрак ва қорин бўғимлари сони ва оёқларининг тузилиши ҳар хил. Тубан Қ. кўркак оёқлари ҳаракатланиш, нафас олиш ва озиқни оғизга суриш вазифасини бажаради. Бирмунча юксак тузилган Қ.ла бу вазифаларни қир хил оёқлар бажаради. Фақат юксак Қ. учун хос бўлган қорнионёқлар нафас олиш, уруғлантириш, тухумларни олиб юриш, баъзан ҳаракатланиш вазифасини бажаради. Оқирги қорнионёқлар (уроподлар) кўпинча анал бўлаги 6-и бирга дум сузгич — тельсонни ҳосил қилади. Кўтчилик Қ. тельсонида айри ўсимта бўлади.



Қисқичбақасимонлар: 1 — дафния; 2 — циклоп; 3 — халхалъ; 4 — креветка; 5 — камчатка краби.

Қ. нерв системаси бош мия ва қорин нерв занжиридан иборат. Кўриш органи, одатда, фасеткали кўз; кўпинча оддий науплеус кўзи ҳам сақланиб қолади. Баъзи Қ.нинг кўзи бўлмайди. Оиқкозони чайноғчи, жигари ўрта ичакка очилади. Қ. жабра, баъзи майда турларн тана юзаси орқали нафас олади. Қон айланиш системаси очиқ, юраги орқасида; баъзан бўлмайди. Айирши органлари — максиллар ва антеннал безлар.

Қ. цефалокаридлар, жабраоёқлилар, чиганоқлилар, эвлакоёқлилар, карпэйдлар, мўйловоёқлилар, ўноёқлилар кенжа синфларига бўлинади. Асосан, денгизлар, чучук сувларда, айрим турлари қуруқликда яшайди ёки паразит ҳаёт кечиради. Бир ҳужайрали организмлар, детрит, органик моддалар, ўсимлик ва ҳайвонлар, ўлаксалар б-н озиқланади.

Кўтчилик Қ. айрим жинсли, бир қанча турлари *партеногенез* йўли б-н кўпаяди. Тухумларини кўпинча уруғчилари олиб юради ёки махсус чиқариш камерасида ривожланади. Қ. метаморфоз орқали ривожланади. Тухумдан чиққан науплеус личинкаси ривожланиб метанауплеус даврига ўтади. Баъзан личинкасининг дастлабки даврлари тухум ичида кечади ва тухумдан кейинги даврига ўтган личинка (мас., крабларда зоэа) ривожланиб сувга чиқади. Қ. айниқса, зоопланктонни ташкил этувчи турлари сув ҳавзаларидаги озиқ занжирининг асосини ташкил этади. Бир қанча Қ. (креветкалар, крабар, лангустлар, омарлар ва б.) истеъмол қилинади ва қўлдан оқланади.

Ад.: Мавлонов О., Хурмамов Ш., Умуртқалилар зоологияси, Т., 1998; *Жизнь животных*, т. 2., М., 1969.

Отақ Мавлонов.

ҚИТИР ПАШШАЛАР, қитирлар (Asilidae) — *қисқа мўйловли икки қанотлилар* оиласи. Бу оиладан Палеарктикадаги энг йирик пашша — улкан қитирнинг уз. 50 мм га етади. 5500 дан ортиқ тури бор. Ўзбекистонда 300 га якин тури тарқалган; асосан, дашт ва тўғи минтакаларида учрайди. Вояга етган Қ.п. фақат ҳаёт кечиришган қонсирпган. Ҳашаротлар, ўргимчаклар, канялар б-н озиқланади. Улжасини, асосан, қанота тутиш. Қўртлари ҳам йиртқич; 2—3 йилда ривожланади. Қ. зарарқунанда ҳашаротлар: қўнғизлар, чигирткалар ва б. сонини чеклаб туради; баъзан асаларичилар тутиб еб, энен келтиради.

ҚИТЪА — Ер юзидаги қуруқликларнинг атрофидаги оролдар б-н бирга шартли равишда ажратилган қисмлари. Қуруқликни Қ.ларга бўлишнинг *материклашуви*; баъзан ташкари, *Эски Дунё* ва *Янги Дунёга* бўлинишдан фарқлаш керак. Қ.ларнинг баъзилари материкларга тўғри келади. Европа ва Осиё Қ.лари 1 та материк, Америка Қ.си эса 2 та материкдан иборат (жадвалга қ.). Айрим олимларнинг фикрича, *Тинч океанининг жан.-гарбида жойлашган барча оролдар* — Океания ҳам баъзан 7-Қ. деб қаралади.

Қитъалар	Материклар	Майд., млн.км²
Европа Осиё	Европа	53,4 10,0 43,4
Африка	Африка	30,3
Америка	Шим.Америка Жан.Америка	42,5 24,5 18,1
Австралия ва Океания	Австралия ва Океания	8,9 7,6 1,3
Антарктида	Антарктида	14,0

ҚИТЪА (араб. — бўлак, қисм, парча) — мумтоз адабиётда лирик жанр. Шеърий шакл сифатида *касида* ва *газал*дан олдин пайдо бўлган. Тузилишига кўра, газалга яқин туради, лекин Қа матлаъ қофияланмайди (аб. вб, гб...), ҳажми ҳам қатъий эмас, мазмун талабига кўра, икки байт ва ундан ортиқ (хатто 19 байтгача) бўлиши мумкин. Ҳар бир Қ. ҳолат асар бўлиб, бирон мавзуга бағишланади. Бошқа лирик жанрларга нисбатан Қ.да шакл ва мазмун эркинлиги устун, мақсу доираси ҳам кенг. Унда ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий ахлоқий-таълимий ва б. мазмундаги фикрлар ҳажв ва ҳазил-мутойиба тарзида, шоир қаҳрининг турли лаҳзаларини б-н боғлиқ қайд ва мулоҳазалар сифатида ўз ифодасини топиши мумкин.

Форс-тожик адабиётида Қ.нинг дастлабки намуналари *Рудакий* ижодида кўринади. Унинг жанр тараққиётя ва такомилида форс шоири Анварий (1110 й. в. э.) ва Ибн Ямин Фарюмодийнинг хизмати катта.

Ўзбек адабиётида Қ.нинг илк намуналари «Девону луготит турк»да, Хоразмий, Юсуф Амирий, Гадоий, Лутфий ва б. ижодида учрса-да, унинг тараққиёти Алишер Навоий ижоди б-н боғлиқ. Қ. дан ҳеч ким Навоийчалик самарали фойдалана олган эмас. У энг кўп Қ. ёзган Ибн Ямининг илғор анъаналарини ўз даври шароитига боғлаб ривожлантирган, Қ.ни ўзбек адабиётида мустақил жанр даражасига кўтарган. 16—19-а.ларда Бобур, Пошшохожа, Мунис Хоразмий, Шавқий Каттақўрғоний, Шукурий Фарғоний, Огаҳий, Мирий, Аваз Утар, Ажмаий ва б. шоирлар Навоий анъаналарини давом эттирдилар. Ўзбек қитъанавислигига ҳисса қўшдилар. Ҳабибий, Собир Абдулла, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Чустий, Чархий, Э. Воҳидов ва бошқалар Қ.лар яратишган. Ҳозир Қ.лар бармоқ вазнида ҳам ёзилмоқда.

Ад.: Орзибеков Р., Лирикада кичик жанрлар, Т., 1976; Адабий тур ва жанрлар [3 жлд], 2-ж., Т., 1992.

ҚИЧИМА, пуруғи — бадиана таркибек майда, учи пуфакчали, пушти ранг ёки соғлом тери рангидаги тошмалар тошиши б-н кечадиган касаллик. Тошмалар қўл ва оёқларнинг ёзилувчи юзаларида, думбада пайдо бўлади. Ирсий омиллар, баъзи озиқат маҳсулотлари, дори-дармонларнинг организмга аллергик таъсири ва бошқалар Қ.нинг пивожланишига сабаб бўлади. Болалар ва катталарда учрайдиган ҳамда тутуячали Қ. бор. Болалар Қ.сида баданнинг қаттиқ қичиши туриши боланинг уйқуси б-н иштаҳасини бузади, у ниҳоят бўлиб қолади. Бадан терисининг қизларнинг тирнаши оқибатида иккиламчи пиодермия қўшилиши мумкин; бунда касаллик сурункали давом этади. Катталар Қ. сида тошмалар бел, қорин ва б. соҳаларга тошади, улар қаттиқ қичишади ва бемор қашинганда пуфакчалар ёрилиб, эрозияга айланади. Ундан ажралган суюқлик қотиб, қизғиш пўстлоқлар ҳосил бўлади. Касаллик сурункали кечиши ва қайталаниб туриши натижасида тери қалинлашиб, унда қорамтир доғлар юзага келади, қашинганда тирналган жойлар оқариб, чандиқланади. Кўпинча касалликка иккиламчи инфекция б-н мураккаблашади, бунда беморнинг умумий аҳволи ўзгариб, асабий ҳолат вужудга келади. Болалар Қ.си кўпроқ *экссудатив-катарал диатез* б-н оғриёдган болаларда (бальзан, болаликдан тошган эшакем кейинчалик Қ.га айланади) кузатилиб, одатда, юз ва соч зарарланади. Бальзи кексаларда учрайдиган Қ.да баданга ҳеч нарса тошмайди, фақат қашинган жойда тирноқ излари қолади. Қ.да беморнинг нерв системаси бузилади, уйқуси йўқолади, териси қуруқлаб, лимфа тугунлари катталашади.

Давоси. Қ.ни мутахассис врач даволайди. Даво жараёнида болалар, шунингдек, катталар овқатига алоқида эътибор бериш лозим. Болаларни қўшимча овқатлантиришга, албатта, врач б-н маслаҳатлашиб олиш зарур. Очиқ ҳавода сайр қилиш, ёз кунлари офтобда тобланиш, денгизда чўмилиш тавсия этилади. Бола қаттиқ қашинмаслиги учун тирноғини бот-бот олиб туриш, терининг йирингли касалликларига хос аломатлар пайдо бўлса, албатта, врачга кўриниш керак. Қ.нинг олдини олиш учун парҳез сақлаш, ширинликлар, аччиқ, шўр, дудланган овқатлар истеъмол қилмаган маъқул. Беморга антигистаминлар, тинчлантирувчи дорилар, парҳез буюрилади; Қ.га қарши кортикостероид малҳам суртилади, санатория ва курортларда даволаниш тавсия этилади.

ҚИЧИМА ҚАНАЛАР, қўтир каналар (Sarcoptoidea) — шаклиформ каналар турқумининг катта оиласи. Уз. 0,15—0,3 мм. Урғочиси эркагига нисбатан йирикроқ, 20 та икки тури бор. Сут эмизувчилар териси остида паразитлик қилади. Ҳужайинининг териси устида уруғчаҳ, эркаги ҳалок бўлади. Тери тўқималари б-н озиқланади. Терининг мугуз қатламини еб, йўлдар очгач, ўша йўлларга тухум қўяди. Қ.к. чорва молдари терисида қўтир, бир тури эса одам терисида, айниқса, қўл бармоқлари ораси ва тирноқлар остида қичима пайдо қилади.

ҚИЧИТҚИ ЎТ, тавсияда (Urtica dioica L.) — ғазанлардошлар мансуб кўп йиллик ўсимлик тури. Пояси оддий ёки шохланган. Бўйи 60—100 см. Баргдари тухумсимон ёки тухумсимон-ромбсимон, четлари арра тишли. Чангчи ва уруғчи гуллари тўрт баргли гулқўрғончага эга. Уруғчи гулқўрғончаларининг ички-таси ўсимлик гуллаганда катталашади. Чанчилари 4 та, уруғчиси 1 та. Май-авг. оларида гуллаб уруғлайди. Меваси ёнғоқча. Доривор ўсимлик. Барглардан олинадиган суюқ модда (экстракт) қон тўхтатиш хусусиятига эга. Баргдари таркибида С, кам миқдорда К витамини ва каротин бор. Ёш ўсимлик баргдари овқатга ҳам ишлатилади. Соя-салқин ерларда, жар-ликларда, шаршаралар атрофида ўсади.


Қичитқи ўт.

ҚИШ — йил фасилларидан бири. Мўътадил минтақаларда (шу жумладан, Ўзбекистонда) декабрь, январь ва февраль ойларини ўз ичига олади. Қ. фаслининг астрономик давомийлиги ўртача 89,0 суткадан иборат. Қ.нинг бошланиши деб Қўёшнинг қишки тўриш нуқтасидан ўтиши кунлари (21—22 декабрь) қабул қилинган. Ўзбекистонда Қ. фасли хийла совуқ келади. Энг совуқ ой — январнинг ўртача т-раси текисликларда (Ўстюрт, Чўрук ст-кси) —10°, жан. шарқда (Темир, Шеробод) 2—3°, мутлақ паст т-ра жан.да —25°, —30° ва шим. -тарафда —35°, —38°. Ленгор текисликларда Қ.да ҳам 15—20°, тоғларда 5—10° гача иліқ кунлар бўлиб турали (қ. *Йил фаслилари*).

ҚИШКИ ОЛИМПИАДА, қишки олимпиада ўйинлари — спортнинг қишки турлари бўйича жаҳон миқёсида ўтказиладиган туркум мусобақалар. 1924 й.дан *Халқаро олимпиада қўмитаси* томонидан ҳар 4 йилда ўтказилади (1940, 1944 й.ларда ўтказилмаган). 1908 ва 1920 й.ларда муз устида фигурали учиш, 1920 й.да шайбали хоккей *Олимпада ўйинлари* дастурига киритилган. Қ.ола *биатлон, бобслей, кёрлинг*, конькида учиш (500 м дан 10000 м гача пойга, муз устида фигурали учиш), *чана спорти, чанги спорти*, шайбали хоккей (қ. *Хоккей*) бўйича мусобақалар уюштирилади.

Қ.е. ўтказилган йиллар ва жойлар: I Олимпияда ўйинлари — 1924, Шамони (Франция); II ва V — 1928 ва 1948, *Санкт-Мориц (Швейцария)*; *III ва XIII* — 1932 ва 1980, Лейк-Плэсид (АҚШ); IV — 1936, Гармиш-Партенкирхен (Германия); VI — 1952, Осло (Норвегия); VII — 1956, Кортина д'Ампеццо (Италия); VIII — 1960, Скво-Вэлли (АҚШ); IX ва XII — 1964 ва 1976, Инсбрук (Австрия); X — 1968, Гренобль (Франция); XI — 1972, Саппоро (Япония); XIV — 1984, Сараево (Югославия); XV — 1988, Калгари (Канада); *XVI — 1992, Альбервиль* (Франция); XVII — 1994, Лиллехаммер (Норвегия); *XVIII — 1998, Нагано* (Япония); XIX — 2002, Солт-Лейк-Сити (АҚШ).

Ўзбекистон спортчилари Қ.о.ларда 1994 йилги иштирок этиб келади. Лина *Черязова*, Сергей Бренер (фристайл), Татьяна Малинина (муз устида фигурали учиш), Комил ва Эльмира Урумбоевлар (чанги спорти) каби спортчилар Қ.о.ларда мувафаққиятли қатнашган.

ҚИШКИ САРОЙ — *Санкт-Петербург* шаҳари меъморий ёдгорлик (1754–62, меъмори В.В.Растрелли); барокко услубида қурилган. 1917 й.гача Россия императорларининг қароргоҳи бўлган; *1918 й.да қисман, 1922 й.да бутунлай* бино. *Эрмитаж* экспозицияси берилган. Бино тўртбурчак шаклида ички ҳовлили; тарзлари Нева дарёси, Адмиралтейство ҳамда Сарой майдонига қаратган. *Маҳобатли бино ҳашамдор ва бир* ўк йўналишида жойлашган; ўзгармаслари (1000 дан ортиқ хона) ва тўрлича кўринишдаги ҳовлилари, ўткир чиқиб турган қисмлар, зинапоясимон бурчаклар, узунбўйлаи маромдаги устунлар унга қудратли шакл, салобатлилик ва кўркамлик бахш этган; ўймакорлик, ганчкорлик б-н ишланиб, зарҳалданганлиги биноннинг тантанаворлигини оширган. Интерьерлари бир қанча мартоба қайтадан ўзгартирилган (мас., 1837 й.даги ёнғиндан сўнг тарзлари ва тантаналар зали тиклангандан).

ҚИШКИ ЎҚЕШ ТУРИШИ — Қуёш *гардишининг осмон гумбазидаги йиллик кўринима ҳаракати давомида гардиш марказининг экваториниинг энг жан. нуқтасидан ўтиши пайти. Бу пайтда Қуёшнинг огиш бурчаги = 23°27′ бўлади. Қ.к.т. пайтига якин кунларда* Қуёшнинг кўринима ҳаракати экваторга деярли параллел бўлади, натижада унинг тун пайтидаги баландлиги бир хил бўлиб, кун узунлиги ўзгармайди. *Тропик йил (365,2422 сутка) б-н* календарь йили (365 ёки 366 кун) тенг эмаслиги сабабли, Қ.к.т. календарь сутканинг бошланишига нисбатан турли вақтларга мос келади, оралиқ йилларда 5 соат 48 *мин. 46 сек. кечроқ, кабиса* йилида эса 18 соат 11 мин. 14 сек. олдинроқ келиши мумкин. Ҳозирги пайтда Қуёш Қ.к.т. нуқтасидан 21 ёки 22 дек.да (астрономик қиш бошланади, чилла киради) ўтади. Қуёш Қ.к.т. бўлгунда Шим. ярим шарда энг қисқа кун ва энг узун тун, Жан. ярим шарда эса аксинча бўлади.

ҚИШЛИҚ (рус манбаларида Кашлик), *Сибирь хомилининг* пойтахти (*15-а.нинг охиридан*). Тобольск шаҳри 17 км юқорида, Иртиш дарёсининг ўнг қирғоғида. Сибирка ирмоғининг қуйилиш жойида жойлашган. 14-а. бошларидан маълум. 16-а.да Қ. аҳолиси савдо ва ҳунарманчилик (темирчилик, тўқимачилик, этикдўзлик, *мўйнадўзлик*, сунқдан буюмлар ясаш), балиқ овлаш, деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланганлар. Қ. атрофида ястекқомли бир қанча маҳалла шаҳарчалар бўлиб, уларда хон ва унинг қариндошлари яшаган. *1582 й.* кузида *Ермак* қўшинлари томонидан босиб олингандан сўнг Қ.да ҳаёт сўнган. Қа.да (Искар шаҳар харобасида — татарча Эски ер) 1915 й. В.Н.Пигнятти қазишма ишлари олиб борган.

ҚИШЛОҚ — аҳолиси, асосан, деҳқончилик, чорвачилик ва қ.х.нинг бошқа соҳаларида банд бўлган аҳоли манзилгоҳи. Қ. фақат аҳолисининг машғулоти б-н эмас, балки ижтимоий-иқтисодий, маданий, табиий шароити ва турмуш тарзи б-н ҳам шаҳардан фарқ қилади. Қ. — Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишидаги энг қуйи бўғин. Қ.нинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятн аҳолини ердан қай даражада фойдаланиши, жойнинг табиий-географик *шарт-шароитлари б-н* боғлиқ. Шу билан Қ.лар тарихан катта-кичик бўлиши, турар жойлар ҳам шунга қараб жойлашган. Текис, серсув ва тупроғи серунум, умуман, табиий шароити қулай жойларда йирик Қ.лар жойлашиб, аҳоли анча сонжум яшаган, асосан, деҳқончилик, боғдорчилик б-н шуғулланган. Текис, лекин суви кам бўлган жойларда (чўл ва даштларда) аҳоли кўпроқ чорвачилик б-н машғул бўлган. Бундай жойларда Қ.лар кичик, бир-биридан анча узоқда, асосан, қудуқлар атрофида жойлашган. *Тоғли* ҳудудларда Қ.лар кўпроқ сой, булоқлар бўйида тарқоқ тоғлан.

Қ.лар умумий бир марказга — қишлоқ фуқаролик йиғинларига эга *бўлган*, *иқтисодий ва ижтимоий* жиҳатдан бир-бирига узвий боғланган кичик аҳоли манзилгоҳларига ҳам бўлиниши мумкин. Улар Ўзбекистонда маҳаллаларга ажралган. Тарихда маҳаллаларнинг бир Қ.га *бирлашиши* аҳолининг деҳқончилигининг муайян турн б-н шуғулланиши, бир қабилага мансублиги, бир ариқдан сув ичиши, ҳовлир, тўй ва маъракаларни бирга ўтказиши ва ш.к.ла боғлиқ бўлган.

Қ. кишиларнинг ижтимоий ва тарихий тарзий тонган бирлигидир. Уларнинг шаҳзда келиши жамоат тараққиёти ва ҳудудий меҳнат тақсимотидаги ўзгаришлар б-н боғлиқ бўлади. Саноатнинг ривожланиши ва *урбанизация* муносабати б-н дунёда *қишлоқ аҳолиси салмоғи* камаймоқда. Ўзбекистон Қ.ларилари аҳоли салмоғи оғтмоқда. Бунинг асосий сабаби Қ.ларда аҳолининг тақрор барпо бўлиш жараёнининг шаҳарлардагига нисбатан бир қадар жадал кечишидадир. 1970–90 *й.ларда* Ўзбекистон аҳолисининг 60% Қ.ларда яшаган. Республикада туғилишнинг нисбатан юқорилиги маълум даражада оилаларнинг кўпчилиги Қ. шароитида, Қ. турмуш тарзида яшаб келаётганлиги б-н боғлиқ. Мас., 1990 й.да Қ.ларда ҳар 1000 кишига 39 та бола туғилган бўлса, шаҳарларда 26 та бола туғилганлиги қайд этилган. Мустақиллик йилларида аҳоли турмуш тарзида ижтсодий-ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди. 1995 й.да Ўзбекистон Қ.ларида туғилишнинг янгинди коэффициенти 4,12 ни ташкил этиб, аҳоли тақрор барпо бўлишининг кенгайган турига мансуб бўлса, 2001 й.да бу кўрсаткич 2,75 га тушди ва аҳоли тақрор *барпо бўлишнинг оддий (нормал)* турини ташкилмоқда. Бу ҳолат Ўзбекистон Қ. оилаларида кўп болалиликдан ўртача болалиликка ўтиш жараёни рўй бераётганини кўрсатади.

Қ.нинг *Қ.лар аҳолиснет* максумий манзилгоҳларидан ташкил топган. Ўзбекистон ҳудудлари Қ.лар дастлаб кишиларнинг қон фамилда истиқомат қилаларн жойи сифатида вужудга келган («К.» номи ҳам шундан). Одатлар асосан деҳқончилик б-н шуғулланиб, ўтроқлик даврига ўтган. Қ.лар кўпинча ва кенгайли. Ибтидоий жамият даврида шаклланган *уруғ* бирлашмалари ўтроқлик даврида ҳам сақланиб, бир уруғ бир Қ.да ўрнашган. Ҳоз. айрим Қ.лар ўша уруғ номи б-н юритилади. Кейинчалик уруғларнинг қабилаларга бирлашиши натижасида йирик ёки бир-бирига яқин жойлашган Қ.лар пайдо бўлди. Мас., Кенагас, Манақ, Мангит, Минглар, Найман, Митан ва б. Қ.лардаги *даврда кўп маҳалкатларда қизларнинг* ерларида ишлайдиган кишилар-

нинг бир жойга ўрнашиши 6-и ҳам Қ пайдо бўлган. Бу Қ.лар шу ер эгасининг номи 6-и ёки жойнинг географик ҳолатига қараб аталган. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши 6-и ҳам янги Қ.лар вужудга келиб, кенгайиб борди. Карвон йўлларида, дарёларнинг кечув жойларида ҳам Қ.лар келган: Еттиқечув, Қизилқечув, Қоракечув, Лангар ва б. Ҳунармандчилик ва савдо ривожланиб, деҳқончилик ажралиб чиқа бошлагач, шаҳарлар юзага келди. Илк ижтимоий формацияларда аҳолининг кўпчилиги Қ.ларда яшаганлиги учун жамиятнинг асосий ижтимоий-иқтисодий ва маданий хусусиятлари Қ. ҳаёти 6-и белгилаган. Дастлабки даврларда Қ. жамоа бошлиғи, кейинчалик сайланадиган жамоа оқсоқоли ёки жамоа йиғини томонидан бошқарилган. Қ.ларнинг ташқи кўриниши, қурилиши ҳам даврдан-даврга ўзгариб борган. Мас., Хоразм ҳудудида, Суғдда 6—7-а.лардаёқ янги типдаги Қ.лар — катта-катта бой оилалар яшайдиган қаср-кўрғонлар бўлган, оддий деҳқонлар эса майда кўрғончаларда яшарганлар. Ҳар бир қаср-кўрғоннинг атрофи мудофаа девори 6-и ўралган бўлиб, ўртасида кўшки бўлган. Темурийлар даврида ҳам Ўрта Осиё ҳудудида Қ.ларни обаполиаштиришга, эриқ ва каналлар қазиб, боғ-роғлар барпо қилишга аҳамият берилган. Европа мамлакатларида саноат, ҳ.ч. нинг ривожланиши Қ. ҳаётида ҳам кучли таъсир кўрсатди. Қ.лар 20-асрнинг 2-ярмида янги ривожланди. Қ. аҳолисининг турмуш тарзи изчиллик. Қ.лардаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт тарзи тубдан ўзгарди. Сўнгги даврда Қ.лар камайиб, шаҳарлар салмоги ортиб борди. Ҳозда Қ. аҳолиси жаҳон аҳолисининг қарийб 53%-ни ташкил этади.

Юридик маъноси. «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ҳудудий тузилиш, тоponимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги»ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 й. 30 августдаги қонунида Қ.лар, овулларни тузиш ва тугатиш, чегарасини ўзгартириш, аҳоли пунктларини бирлаштириш, маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш, ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш ва б. вазифалар тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади дейилган.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ — мамлакат жами аҳолисининг вилоят ва туманлардаги қишлоқ-овулларда яшайдиган қисми. Қ.ларнинг аҳоли қисми, асосан, деҳқончилик, чорвачилик ёки қ.х.нинг бошқа турлари б-н машғул бўлган. Мамлакат иқтисодий ривожланган сари саноатда ишловчилар салмоги ортиб, бутун аҳоли таркибида Қ.л. салмоги камайиб борди (қ. *Шаҳар аҳолиси*). 19-а. бошларида қишлоқларда жаҳон аҳолисининг 95—97%, 20-а. бошларида қарийб 85% яшаган бўлса, 1970 й.да 65% дан камроғи истиқомат қилди. Айниқса, ривожланган мамлакатларда Қ.л. салмоги янча паст. Мас., Буюк Британияда 11%, Германияда 12%, АҚШда 21% га яқин. Баъзи мамлакатларда шаҳарларнинг экологик шароити оғирлашиб бориши ва транспортнинг ривожланиши натижасида аҳоли шаҳарлардан қишлоқларга кўчиб ўтиши жараёни кузатилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг ўсиш суръати пасайиб кетди. Қ.л.нинг шаҳар аҳолисига нисбатан жадаллроқ кўпайиши натижасида Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг улуши пасайиб боряпти. Республикада Қ.л.нинг ўсишига аҳоли табиий кўпайиши кўрсаткичлари (асосан, туғилиш)нинг кўпайиши ҳам сабаб бўлмоқда. Мас., 1991 й.да мамлакат аҳолисининг 59,5% ни қишлоқ, 40,5% ни шаҳар аҳолиси ташкил этган бўлса, 2004 й.да бу кўрсаткич мос равишда 63,5% ва 36,5% дан иборат бўлди, яъни Қ.л. салмоги 4,0% га ошган. Ҳозирда Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида туғилишнинг умумий коэффициенти (ҳар 1000 кишига нисбатан туғилганлар сони) 22,4 ни, туғилишнинг махсус коэффициенти (ҳар 1 та 15—49 ёшдаги аёлга нисбатан болалар сони) 2,75 ни ташкил қилади. Ўзбекистонда янги иқтисодий ислоҳотларнинг жорий этилиши, бозор муносабатларининг шаклланиши ва б. Қ.л.нинг демографик вазиятига маълум даражада таъсир этди.

Нафиса Мажидова.

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ (ҚВП) — давлати-профилактика муассасаси, маълум ҳудудга бириктирилган аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 й. 21 май «Қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришнинг 1996—2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги 182-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1996 й. 30 май 464-сонли буйруғига асосан ташкил қилинган. Шунга кўра, ҚВП 1500 ва ундан ортиқ аҳоли яшайдиган жойларда ташкил қилинади. Ҳоз. кунда фаолият кўрсатаётган ҚВП аҳоли сонига қараб 4 тоифага бўлинади, уларни врачлар ҳамда ўрта тиббий ходимлар шунга мувофиқ белгиланади:

— аҳолиси 1500 — 2500 гача I тоифали;
— 2500 — 3000 гача II тоифали;
— 3000 — 5000 гача III тоифали;
— 5000 — 7000 ва ундан ортиқ IV тоифали.

ҚВП қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

— бириктирилган аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш; *аҳоли ўртасида* касалланиш, жароҳатланиш, ўлим ва ногиронликнинг олдини олиш чора-тадбирларини ўтказиш;

— аҳолини санитария-гигиена кўникмаларн бўйича билим савиясини ошириш, *рационал овқатланиш, соғлом* турмуш тарзи, жисмоний тарбия ва спорт б-н шуғулланишни тарғиб қилиш; зарарли одатлар (чекиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик)нинг олдини олиш, уларга қарши кураш тадбирларини ташкил қилиш;

— эмлаш ишлари, аҳоли яшайдиган жойлар, ташкилот, муассасалар, корхоналарнинг тозалиги, ичимлик суви таъминотини назорат қилиш, уларда жорий санитария назорати ўрнатиш;

— ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш; оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани режалаштириш, болалар орасида тўлиқ нуқсонлар ва наслсаслликларини камайтириш;

— аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни вақти-вақти б-н тиббий кўрикдан ўтказиш, диспансер назоратига олиш;

— сил, тери-таносил, саратон (рак), руҳий, ички секреция безлари касалликлари ва б.га қарши курашни бўйича даволаш-профилактика чора-тадбирларини ўтказиш;

— аҳоли ўртасида касалланишни, ишчи ва хизматчиларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик сабабларини аниқлаш ва камайтириш мақсадида кўзаликлар, ташкилотлар, корхона раҳбарлари б-н биргаликда тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— аҳолига кўрсатилаётган тиббий ва профилактик ёрдамнинг сифати ва самарадорлигини ошириш;

— касалликларни вақтида аниқлаш, шифохонга ётқизишга тегишли даволаш-профилактика муассасаларига юбориш, врачлар маслаҳатини ташкил қилиш;

меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик экспертизасини ўтказиш;

замбил юкумли касалликлар, захарланишлар каби фавқулодда ҳодисалар рўй берганида юкори (вилоят, туман маркази) касалхоналарига даволаш муассасаларига хабар бериш;

аҳоли соғлигини сақлашга қаратилган бир қатор режа-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказишда жамоа ташкилотларини жалб этиш. ҚВП ва врач фахрбарлик қилади.

Республикада 1996 й. 307 та ҚВП ташкил қилинган бўлиб, уларда 237 нафар врач фаолият кўрсатган бўлса, *2004 й. улар сони 2566 тани, врачлар* сони эса 6174 тани ташкил этди. Ҳоз. уларнинг барчасида махсус тайёргарликдан ўтган умумий амалиёт врачлари фаолият кўрсатмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ — моддий ишнинг асосий тармоқларидан бири. Деҳкончилик ва чорвачилик маҳсулотлари олиш учун экинлар экиш ва чорва молларини кўпайтириш б-н шуғулланади, *аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари* ва халк хўжалигининг бир қанча тармоқларини хом ашё б-н таъминлайди. Қ.х. ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларини дастлабки қайта ишлашнинг турли тармоқларини ҳам ўз ичига олади. Моддий ишлнинг бошқа жами соҳаларидан фарқ қилган ҳолда Қ.х. жуда катта майдонларда ва ҳудуднй хилма хил шароитларда олиб борилади. Унда *ер* (асосий ишлаб чиқариш воситаси), ёруғлик, иссиқлик, сув ва тирик организмлар — ўсимлик ва ҳайвонлардан фойдаланилади. Қ.х.нинг ишлаб чиқариш даври иш даври б-н мос тушмайди. Қ.х.нинг асосий тармоқлари — *деҳончилик* ва *чорвачилик*. Улар ҳам ўз навбатида бир қадар кичикрок *тармоқларга бўлинади* (деҳкончиликка — дағалчилик, *сабзавотчилик*, полизчилик, *боғдорчилик*, *ўрмон хўжалиги* ва б.; чорвачиликда — *қорамолчилик*, *қўйчилик*, *йилкичилик*, *чўчқачилик*, *паррандачилик*, *асаларичилик*, *пиллачилик* ва б.); Ўз навбатида, деҳкончилик ва чорвачилик тармоқлари экилаётган экинлар (галлачилик, *шоликорлик*, *пахтачилик*) ва чорва молларн турлари (*қорамол*, *қўй*, *от*, *туя*) бўйича туруҳланади.

Қ.х. — инсон кўкалик фаолиятининг дастлабки турларидан бири. Унинг келиб чикиши тош даври охирига бориб такалади. Бу даврда инсон ўзкалик ва б. эҳтиёжларини қондириш учун ерни оддий қуролдар б-н ишлаган, баъзи ҳайвонларни хонакилаштира бошлаган. Асрлар давомида турли шароитлар таъсирида *деҳончилик тизими* ўзгарган ва такомиллашган; ҳайвонларнинг фойдали хусусиятлари парваришланган, кўплаб зотлари етиштирилган.

Жаҳон Қ.х.да дунёдаги иқтисодий фаол аҳолининг 45,2% (1316,7 млн. киши) банд. Қ.х.да фойдаланиладиган ерлар 13387,0 млн. га, жумладан, ҳайдаладиган ерлар 1380,8 млн. га, жами суғориладиган ерлар *271,4 млн.га (1998)*. 1999 й.да жаҳон Қ.х.да 583,6 млн.т бугдой, 596,4 млн. т шоли, 600,4 млн. т маккажўхори, 130,0 млн. т арпа, 294,3 млн. т картошка, 444,6 млн. т мевалар, шу жумладан 66,6 млн. т узум етиштирилди. Чорвачиликда 225,9 млн. т гўшт, 562,4 млн. т сут тайёрланди. 1338,2 млн. бош қорамол, 912,7 млн. чўчка, 1068,6 млн. қўй ва 709,9 млн. бош эчки, *14139,0 млн.* товук боқилган.

Дилдора Саидова.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ГЕОГРАФИЯСИ — *қ.х.ни* ҳудудий ташкил этиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганилиган фан соҳаси, иқтисодий ва ижтимоий географня тармоғи. Турли мамлакат ва районлар қ.х.ни мажмуали ўрганиш ва бошқарт қилиш, табиий шароит ва ресурсларни қ.х. нуқтаи назаридан баҳолашга доир тадқиқотлар олиб боради. Қ.х. иқтисодиётнинг тармоғи сифатида аҳолининг қ.х. маҳсулотларига, саноатнинг хом ашёсига бўлган эҳтиёжларини қондириши хизмат қилади. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқ қилиб, қ.х. жойнинг агроиқлимий ресурслари б-н чамбарчас боғлиқ, шунингдек, ер қ.х. ишлаб чиқаришда меҳнат воситаси ҳамда предмети ҳамдир. Қ.х. тармоқларининг жойлашуви ва ривожланишга жойнинг табиий шароити (асосан, рельефи ва иқлими), ресурслари (ер, сув, ўсимлик ва ўсимликлари), *иқтимоий-иқтисодий*, *транспорт*, *экологик* ва б. омиллар бевосита таъсир кўрсатади.

Қ.х.г. олиб борадиган тадқиқотлар ер фонди ва ундан фойдаланиш ҳамда хариталаштириш, қ.х. экинларининг тарқалиши, *агроиқтисодий* тармоқлари ва уларнинг корхоналарини ҳудудий ташкил этиш, ривожлантириш, қ.х.ни районлаштириш масалаларини ўз ичига олади.

Ўзбекистонда чорвачилик (Қ.А. Абирқулов), аграр-саноат мажмуини (А.Р.Рўзиев ва А.М.Солиқов) ўрганиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган. Қ.х.ни турли регионлар ва тармоқлар *бўйича ташкил этиш муаммолари* б-н З.М.Акрамов, Р.А.Ҳодиев, Т.Э.Эгамбердиев, Т.Тожимов, С.С.Саидкаримов, Т.Жумаев, К.К.Курбонов, Ш. Азимов, Р.У.Усмонов ва б. шуғулланганлар. **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИ** — хўжаликлар томонидан ж.ч. воситаси сифатида ажрали ва узлуксиз фойдаланиладиган ер участкалари ва массивлари, экинзорлар (ҳайдалма ерлар), кўп йиллиқ экинзорлар (боғлар, резавор мева майдонлари), пичанзорлар, яйловлар ҳамда кўриқ-бўз ерлар. Сунъ ғорма лесқончилик мингтакаларида *К.х.е.га ҳайдалма ерлар*, *кўриқ ерлар*, томорқа ерлари, иқота ўрмон минтакалари, кўп йиллик экинзорлар, пичанзорлар, яйловлар киради. Кўп йиллик экинзорлар — экилган дарахтзорлар, бутазорлар ва ўсимлон ўсимликлар (боғлар, узумзорлар, резавор мевали майдонлар) б-н банд бўлган ер участкалари. Пичанзорлар — ўт-ўланн пичан учун ўриладиган ер майдонлари. Пичанзорлар қўлоб, қирқ ва ботқоқланган турларга бўлинади. Хўжаликлар ерлари донасида пичанзорларнинг бўлиши ва уларнинг турлари ҳудудннинг тузилиши ва табиий шароитлари б-н белгиланади. Яйловлар — моллар ўзлатиб боқиладиган ер майдонлари. шунингдек, пичани ўриб олинмайдиган ва кўрик ҳисобланмайдиган ерлар ҳам яйловга киради. И.ч.ни интенсивлаш ва хўжаликнинг ички ер резервлари ўзлаштирилиши натижасида К.х.е.нинг тузилмаси такомиллашади. *Фойдаланилаиган ер киссаси ошади*. Шўрланган ерлар мелиорацияси, тупроқ эрозиясига қарши кураш тадбирлари, суғориладиган маданий яйловлар барпо этиш ва б. К.х.е.дан фойдаланишнинг яхшиланишига ёрдам беради. Ўзбекистонда ҳами К.х.е. 26,7 млн. га, шундан асосий қ.х. экинларнинг умумий майдони 3785,1 млн. га ни ташкил қилди (2004; яна қ. *Ер фонди*).

Қосимжон Раҳимов.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕТЕОРОЛОГИЯСИ — қ.х. учун аҳамиятли *бўлган иқлим*, *метеорологик*, *гидрологик* ва тупроқ шароитлари билан қ.х. ишлаб чиқаришн объектлари ва жараёнлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аломадорликда ўрганувчи фан. *Агрометеорология*, *агроиқлимшунослик*, *агрогидрология*, қ.х. фенологияси агрометеорологик хизмат кўрсатишни ўз ичига олади. Қ.х.м. физика, геогр., биол., тупроқшунослик ва б. қ.х. фанлари б-н чамбарчас боғлиқ. Қ.х.м.нинг асосий вазифалари: қ.х. ишлаб чиқаришдаги метеорологик ва иқлим шароитлари шакланиш қонуниятларини географик ва вақт жиҳатларидан ўрганиш; метеорологик омилларнинг агробиологияга таъсирини ва вақт жиҳатларидан ўрганиш; метеорологик информацияни агробиологияга ривожи, ҳолати ва мақсадларигига, қ.х. экинлари зараркунандалари ва касалликларининг ривожланиши ва тарқалишига таъсирини тадқиқ қилиш; иқлим ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадларида қ.х. экинларини жойлаштириш ва уларни парваришлаш қилишнинг

агротехник тадбирларни агрометеорологик асослаш; агрометеорологик прогноз усуллари ва тавсиялар ишлаб чиқиш; об-ҳаво ва иқлимнинг нокулай ҳодисаларини ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ва б.

Қ.х. экинзорларнинг ривожланиш шароити ва ҳосилдорлигини белгиловчи ташқи муҳитдаги асосий ва иккинчи даражали омилларнинг миқдорий қийматларини аниқлаш учун Қ.х.м.да қуйидаги тадқиқот усуллари қўлланилади: *муддатларни оралатиб экиш* — экин муайян бир пунктда ҳар хил муддатларда (5—10 кундан оралатиб) экилади; *географик экиш* — муайян ўсимлик навлари иқлим шароитлари турлича бўлган пунктларда экилади; *экспериментал дала усули* — дала тажриба майдонларида ўсимликни парваришлаш қилинишнинг агрометеорологик шароитлари ўзгартирилади; *дистанцион (ноконтакт) ўлчаш* — вертолёт, самолёт ва бошқа ўзиюрар қўрилмалар ўрнатилган асбоблар ёрдамида катта майдонлардаги экинлар ва тупроқнинг ҳолати аниқланади; *фитотрон усули* — сунъий иқлимкамералда ўсимликларнинг гидрометеорологик омилларнинг турли комплексида реакциясини ўрганишга имкон беради (қ. *Фитотрон*); *математик (динамик) статистик моделлаштириш* — математик аппарат ёрдамида метеорологик омилларнинг ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ўрганилади.

Қ.х.м. амалий фан сифатида 19-а.нинг 2-ярмида пайдо бўлди. Ўрта Осиёда дастлабки агрометеорологик тадқиқотлар 20-а. бошларидан олиб борилди. 1921 й.да Тошкентда Туркистон метеорология ин-ти (Туркмет; ҳоз. *Гидрометеорология институти*) ташкил этилди. Ғўза, ғалла, бедa, сабзавот, полиз ва б. экин майдонлари, боғ, токзор, яйловларнинг микроиқлими, радиацион ва иссиқлик балансини ўрганилди, уларнинг шакланиш қонунларини Б.А.Айзенштат, Е.А.Лопухин, И.В.Зуев, В.В.Карнаухова, Ф.А.Мирзаев, Б.Е.Милькис, Г.А.Аҳмедов, Э.А.Иброҳимова, А.И.Костенко, А.Г. Торопова, А.Ш.Жалилов ва б. олимларнинг асарларида ёритиб берилди. 60-й.лардан бошлаб, қ.х. ишлаб чиқаришнинг янги талабларн асосида қ.х. экинларининг ҳолати ва уларнинг ҳосилдорлигини ҳудуллар миқёсида баҳолаш ва прогнозлаш методикаси ишлаб чиқилди, қисқа муддатда катта майдонлардаги экинларнинг ҳолати ва ҳосилдорлигини авиация ёрдамида фотометрик усул б-н баҳолаш амалга оширилди. Сунгги йилларда қ.х. экинларининг биологияси, экологияси, биометрияси асосида «об-ҳаво — ҳосилдорлик» прогноз моделлари тадқиқ қилинмоқда (қ. *Агрометеорологик хизмат кўрсатиш, Агрометеорологик кузатишлар, Агроиқлимшунослик*).

Ад.: Хамзин К.С. Қишлоқ хўжалиги метеорологияси асослари: [Қўлланма]. Т., 1986.

Хамдулла Абдуллаев

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИ ҲАРИТАСИ — қ.х. ишлаб чиқаришнинг жойлашуви, ҳолати ва истиқболини, шунингдек, қ.х.ни бошқаришнинг иқтисодий ва ташкилий-техник шароитларини акс эттирувчи махсус географик карта. Қ.х. ишлаб чиқаришни режалаштиришда, қ.х.ни бошқаришнинг амалий масалаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, ердан оқилона фойдаланиш, унинг сифати ва мелиорация ҳолатини доимий ҳисобга олишда маълумотномалардан кенг фойдаланилади. Хариталар қишлоқ хўжалиги ерлари, ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларини, маъмурий ва ҳўжалик чегараларни, йўлларни ва б. элементлар тасвирланади. Харита асрофотосъёмка материаллари асосида тайёрланади. Масштаби қ.х. зоналарига қараб 1:25000 — 1:200000, суғориладиган зоналар учун 1:25000, лалми яйловлар учун 1:50000 ва ундан кичик. Қ.х.х. сериями ҳам мавжуд, буларга ерлан фойдаланиш, тупроқ эрозиясига қарши кураш, яйлов типлари, қ.х.ни р-нлаштириш ва ихтисослаштириш, қ.х. экинларининг *тарқалиши, қ.х.ни механизациялаш*, агроиқлим ва б. хариталар киради.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭНТОМОЛОГИЯСИ — умумий *энтомология*нинг бир соҳаси; ҳашаротларнинг тана тузилиши, органлари фаолияти, ҳаёти тарзи, ташқи муҳит б-н ўзаро муносабати, зарарли ва фойдали тоифаларни б.ин ўрганади. Қ.х.э., асосан, *ҳашаротлар* — қ.х. экинлари, жумладан, *ўсимликлар зараркунандаларини*, уларга қарши кураш чораларн ҳамда улар қўпайиши прогнози усулларини ишлаб чиқишни, зараркунандаларнинг табиий қушандалари — энтомофагларни, чангланувчи ҳашаротлар, асаларн (*асал беради*), ғўт ва эман ипак қурти (ипак учун), лак берувчи червецлар, тупроқ ҳосила бўлишида иштирок этувчи ҳашаротлар ва б.ни муҳофаза қилиш ва самараларлигини ошириш йўлларини, шунингдек, ҳашаротлардан ташқари бошқа зарарли умуртқасиз ҳайвонлар — нематодалар, моллюскалар ва каналарни ҳам таъқиқ этади. Қ.х.э. ёки сифатида зоология, умумий энтомология ва агрономия асосида шаклланди. Унинг мустақил фан бўлиб (19-а. 50-й.ларида) ривожланиши ҳашаротларнинг инсон ҳаётида тутган аҳамият аҳамияти б-н *боғлиқ*. Қ.х.э.нинг илмий ва н.ч. вазифалари экинлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг янада самарали усулларини топиш, ўсимлик зараркунандаларини йўқ қилиш, фойдали ҳашаротларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан самараларок фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборат.

Зараркунанда турларнинг маланий ўсимликлар ва муҳитнинг бошқа омиллари б-н ўзаро мураккаб муносабати, улар миқдорининг кескин ўзгариб туриши ҳамда табиатда моддалар айланишлари кенг иштироки ҳар томонлама экологик н.т. ишлари олиб боришни тақозо этади.

19-а. бошларида зараркунандаларга қарши фаол кураш чоралари ҳали қўлланмаган даврда экинлар ҳосили 10—40% гача камайган. Агроэкологик, кимёвий ва б. қарши кураш чораларининг ривожланиши туфайли баъзи жуда хавфли ҳашаротлар — чигиртка, тунлам ва б. кенгтарқалган зарар кескин камайди. Қ.х. ва ўрмон энтомологиясига оид дастлабки ишлар 19-а.да пайдо бўлган. Бир қанча мамлакатлар (Франция, Англия, Россия)да *илмий энтомологик жамиятлар* ташкил қилинган. Зараркунанда ҳашаротлар *тайёқчаси, чигиртка ва б. ҳақида* к.э.га келтирган катта зарари н.т. ишларини марказлаштириш ҳамда зараркунандаларга қарши кураш чораларини давлат даъват миқёсида олиб бориш зарурлигини тақозо этди. Шундай қилиб, кўпгина мамлакатларда ўсимликларни зараркунандаларидан ҳимоя қилиш бўйича давлат энтомологик хизмати вужуд келди. *Ҳашаротлардан илмий асосда* ўрганишни Ўрта Осиёда А.П.Федченко, В.Ф.Ошанин ва б. бошлаб берган. Тошкентда биринчи энтомологик ст-я 1911 й.да очилган (ҳоз. Ўзбекистон *ўсимликлари ҳимоя қилиш институти*). Унинг вазифаси қ.х.га катта зиён келтирадиган жуда хавфли зараркунандалар (чигиртка, кемирувчилар, тунламлар, *каналар ва б.*)ни, касалликларни (*қоракуя, занг, вилт, гоммоз* ва б.) ўрганишдан иборат эди.

Ўрта Осиёда энтомология фани ривожига ҳамда зараркунандаларга қарши кураш чора-тадбирларини иш-

лаб чиқишга Н.*Запрометов*, М.*Каримов*, *М.* Кособуцкий, Н.Мирзўятова, К. *Мирзўятов*, В.Николький, Р. *Ольмезовов*, М.Сонина, Ф.М.*Устенский*, С.Харин, В.В.*Яконтов* ва б. катта ҳисса қўшди. Ташкилий-ҳуқуқий, агротехник, кимёвий ва биологик қарши кураш усулларини ўзида мужассамлаштирган ўсимликларни интеграл ҳимоя усули системаси ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда галла, техника ва б. экинлар зараркунандалари энтомофагларини кўпайтиришдаги 725 дан ортиқ биолабораториялар ҳамда биофабрика бор (2004). Қ.х.ш. соҳасидаги ишлар ва энтомолог кадрлар тайёрлаш бюджет аграр ун-ти ва б. бир қанча ин-тларда олиб борилади.

Ад.: Яконтов В.В., Экология насекомых. 2-изд., М., 1969; Ольмезов Р.О., Энтомология. Т., 1977; Мигулин А.А., Осмоловский Г.Е., Сельскохозяйственная энтомология, М., 1976; Муродов С.А., Умумий энтомология курси, Т., 1986.

Султон Азимўтаевич.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КИМЁЛАШТИРИШ — қ.х. ишлаб чиқаришни жараёнларида кимёвий моддалардан қўллаш; кимё, биокимё, микробиология ва агрокимё фани ютуқларидан фойдаланган ҳолда кам меҳнат ва маблағ сарфлаб олинадиган маҳсулот ҳажмини қўпайтириш ва сифатини яхшилашга қаратилган комплекс тадбирлардан бири. Қ.х.ни «кимёлаштириш» атамаси 20-а.нинг 30-й.ларда турли зоналарда ўғитлар тизимини қўллаш туфайли рус олими Д.Н.Прянишников (*1865—1948*) томонидан таклиф қилинган. Ўғитлардан фойдаланиш, тупроқни кимёвий мелиорациялаш (оҳаклаш, гипслаш), ўсимликларни бегона ўтлардан, зараркунандалар ва касалликлардан муҳофаза қилиш; дефолиация ва десикация; ўсимликларнинг ўсиш ҳамда ҳосил беришини бошқариш; чорвачиликда озуқа ва доривор воситалар ишлатиш, қ.х. маҳсулотларини консерваллаш, мелорациянинг қ.х. қурилиши ва Б.да синтетик материаллардан фойдаланишни ўз ичига олади. Ўғитлардан фойдаланиш Қ.х.нинг асосий йўналишидир. Ўғит ҳосилдорликни оширади. Минерал ўғитлар ишлатилганда ҳосилнинг қай даражада ортиши кўпгина омиллар (тупроқ, иқлим, ташкилий-иқтисодий шароит, экин навлари, экиш технологияси, ўғитнинг сифати ва б.)га ҳамда биринчи навбатда, деҳончилик маданиятига боғлиқ. Ўғитларни илмий асосда қўллаш нафақат қосилдорликнинг ошиши, балки қ.х. маҳсулотлари, мас., лоида оқсил миқдорининг ҳамда унинг аминокислота таркибини яхшиланишини таъминлайди. Қ.х. экинларини экишда интенсив технологияларнинг ўзлаштирилаётганлиги, ҳосилдорликни программалаштириш натижасида ўғитлар роли кескин ўсмоқда. *Пестицидлар* қ.х. экинларини бегона ўтлардан, зараркунанда ва касалликлардан қимоялаш кучи ёки сифати. Уларнинг қўлланишида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва аралаш (интеграл) усули ишлаб чиқилган. Пестицидлардан оптимал меъёрларда ва керакли муддатда фойдаланиш қ.х. экинларини интенсив технология асосида етиштириш элементларидан биридир.

Ўсимликшуносликда ўсимликларнинг ўсиши ва ҳосилга киришини бошқарувчи моддалар — гиббереллинлар, ауксинлар, мутагенлар ва б., ҳамда дефолиантлар, десикантлар қўлланилади. Полиплоидлар олиш учун мутагенлардан фойдаланилади.

Чорвачиликда турли *минерал озуқалар* — фосфоритлар, карбамид, премикслар, витаминлар қўшилган емлардан фойдаланилади. Бундай қўшилмалар қ.х. қайвоналарининг тўлиқ ўсиши, озиқланиши ва маҳсулдорлигини таъминлайди. Улардан тўлиқ рационли аралаш ем н.ла фойдаланилади. Чорвачиликда озуқа ва доривор воситалар сифатида қайвонларга зарур минерал моддалар: макроэлементлар ва микроэлементлар; минерал қўшимча сифатида ош тузи, бўр, оҳак, фторсизланмаган фосфат, сувқ уни ва б. берилади. Тупроқда микроэлементлар кам р-нларда қайвонлар рационига темир, кобальт, мис, йод, марганец бирикмалари қўшилади. Ҳам бўладиган протеин етишмаганда чорва молларга рационга корбамид (мочевина) б-н тўлдирилади. Ветеринария амалиётида кимёвий синтез асосида олинган дори воситалари қўлланилади. Қ.х.га азотли, фосфорли ва калийли минерал ўғитлар, мураккаб ўғитлар етказиб берилади. Суюқ ўғитлар, айниқса, азотли ўғитлар ҳамда микроўғитлар қўлланилиши чиқарилмоқда ва ишлатилмоқда.

Бактериал ўғитлар (*азотобактерин, нитрагин, энтобактерин* ва б.) дуккакли ўсимликлар илдизида азот тўпловчи туганаклар ҳосил бўлишига ва тупроқда азот тўпловчи микроорганизмлар кўпайишига ёрдам беради.

Ўсимликларни бегона ўтлар, касалликлар ва зараркунандалардан кимёвий йўл б-н муҳофаза қилиш кенг йўлга қўйилган, бу мақсадда хлорорганик бирикмалар, фосфорорганик бирикмалар, олтингугуртнинг органик бирикмаларидан фойдаланилади. Бегона ўтларни йўқотиш учун ишлатиладиган кимёвий воситалар (*гербицидлар*), шунингдек, дефолиантлар ва десикантлар илгда ҳам янгигина муваффақиятларга эришилди.

Қ.х.к.ни амалга оширишда кимёвий воситалардан фойдаланиш ишларини механизациялаштириш катта аҳамиятга эга. Ўғитларни тайёрлаш ва солиш учун машиналар (культиваторлар, қўюк ва суюқ ўғитлар сочадиган машиналар), пурковчи (ерда) ва чангловчи (авиода—авиация), эрувчиликни доривлочи ва б. мосламалардан кент фойдаланилади. 2004 й.дан бошлаб қ.х.га хизмат кўрсатадиган «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ва уларнинг туман бўлимлари «Ўжимсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига таркибига ўтказилди. Ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш Республика миқёсида ва унинг вилоят марказлари ҳамда барча туманларда отрядлари (160 та яқин) ташкил этилди.

Ўзбекистон кимё саноати қ.х. учун жами 607,34 минг т (100% озиқ модда ҳисобида) минерал ўғитлар, жумладан, 463,77 минг т азотли, 117,16 минг т фосфорли, 26,48 минг т калийли ўғитлар етказиб берди (2004).

Расулбой Ёқубов.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ — қ.х.га инсоннинг жисмоний (қўл) меҳнатини машина ва механизмлар б-н бажариш. Қ.х. ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда *ҳамда меҳнат шароитларини яхшилаш* ишлари энг муҳим масалалардан бири. Қ.х.нинг маҳсулдорлиги селекция, кимёлаштириш ва б. билан бир қаторда барча турдаги қ.х. ишларини механизациялаш даражаси б-н белгиланади. Қ.х.ни тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири — меҳнатнинг энергия б-н қуролланиши [ч.қ. жараёнда меҳнатнинг барча турдаги (электр, механик ва ассосдиқ) энергия б-н таъминланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткич]. Қ.х.ш. даражаси меҳнатни механизациялаш босқичи б-н, яъни механизациялаштириш меҳнат самарасининг қ.х. маҳсулоти ишлаб чиқаришга сарфланган умумий харажати б-н белгиланади.

20-а.нинг 20-й.ларига қадар Ўзбекистон қ.х., асосан, майда ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлиб, қ.х.да қўл меҳнати ва одий иш қуролдари (кетмон, омоч, ўт, ўроқ) ва б.з ишлатилган. 20-й.лар ўрталаридан қ.х. асбоб-ускуналарини ижарага берилиши давлат

пунктлари, 1924 й. «Трактор маркази» ташкил этилди, чет эллардан сотиб олинган тракторлар ва б. техника воситалари дастлабки жамоа хўжаликларига (колхозларга етказиб берилди. 1929 й. республикада 400 дан ортиқ трактор, *3611 автомашина*, *3897 плуг*, *1660 дона* отга қўшиб ишлатиладиган экиш секялкаси, 1244 культиватор, *1262 очар* (ўқучиник), *187* молотилка (янчич), 87 минг*дан* ортиқ арава, 26 минг бричка (тўрт ғилдиракли мужик арава) ва б. ишлатилди. 1930 й.га келиб давлат томонидан жамоа ва деҳқон к.х. корхоналарига техник хизмат кўрсатадиган, ўзининг модерн-техника резервлари, механизатор кодмолларга, таъмирлов ва таъминот базасига эга бўлган машина-трактор ст-нлари (МТС) ташкил этилди (қ. *Машинасозлик саноати*). 1940-й.лар бошида республикада 180 та МТС ишлади. Кейинги йилларда МТСларнинг сифат таркиби ўзгарди, у янги конструкциядаги машиналар б-н тўлдирилди. Ўзбекистон қучли қувватга эга тракторлар, жумладан пахта ва ғалла экиладиган майдонларда кенг фойдаланиладиган универсал-пахтачилик тракторлари, шунингдек, бир қаторда бир қанча операцияларни бажарадиган машиналар б-н қуроллантирилди. Ер қазийдиган, мелиорация машина ва қуроллари, замонавий юк автомобиль ва трактор прицеплари, махсус автотранспортлар и. ч., уларни қ.х.га етказиб бериш йил сайин кўпайиб борди. 1990-й.лар бошига келиб республика қ.х.да 182 минг трактор, 30,5 минг юк автомобили ва б. қ.х. машиналари ишлади. Қ.х.ни электрлаштириш юқорида. Чорвачилик ва паррандачиликда саноат типидаги ферма ва иктисослаштирилган фермалар қурилиб электр б-н ишлайдиган машиналар технологияси жорий қилинди. *Электр энергиясидан суғоришда* (насос ст-нлари), чорвачиликда, омборхоналар ва совуқхоналарда ва б. *тармоқ*лардан фойдаланилмоқда. Қ.х.да асосий зарал ишлари (ер ҳайдаш, экиш, культивация б-н бирга ўғитлаш, *дон экинларини ниҳоятда озиқа ва б.*) тўлиқ, экин қатор оралариға ишлов бериш, пахта териш каби ишлар юқори даражада механизациялаштирилди. 2001—2005 й.ларда республикага чет эллардан қ.х. техникаси («Кейс» ғалла ўриш, пахта териш комбайнлари, тракторлар) келтирилди, қ.х. корхоналарига хизмат кўрсатадиган 184 туман машина-трактор парклари (МТП) ва деҳқон-фермер ва б. хўжаликлар уюшмаларига қарашли 1007 мукобил машина-трактор парклари ташкил этилди.

Аминжон Сирожиддинов.

«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» — оммавий ижтимоий-иқтисодий газета. 1974 й. 1 янв. дан «Қишлоқ ҳақиқати» (1974—89 й. ларда русчага ўгирилиб «Сельская правда») номи б-н ўзбек ва рус тилларида чоп этилган. 1993 й.дан ҳозиргача. Тошкент ш.да нашр этилади. Республика қишлоқларининг иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаёти, аграр сиёсат, қишлоқларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, жалонда аграр соҳалари фан-техника ютуқлари, *деҳқон ва фермер хўжаликларининг* ҳаёти, музаффарлик, уруғчилик ва селекция, деҳқончилик, чорвачилик масалалари ёритилади. Таҳририятнинг «Ниғоҳ», «Таҳлил», «Бунн қаёт дейдилар», «Қишлоқдаги дув-дув гап», «Бунга нима дейсиз», «Ҳалқнома», «Гуруҳ» ва б. рукналари оммабоплиги б-н ажралиб туради. 1999 й. дан бош муҳаррир Ўткир Раҳмат. Адади 18—25 минг нусха.

ҚОБИЛ ВА ҲОБИЛ — яҳудий, христиан ва ислом дини ривоятларига кўра, Одамотонинг икки ўғли. Қ. ва Ҳ. *Библияда Каин ва Авел деб тилга* олинган. Ривоятга кўра, Одамдго ҳар фарзанд кўрганида 1 ғўлп ва 1 қиз *туғилар эди. Иагари туғилган ғўлп* фарзандига 2-вақтда туғилган қизни олиб бериш, шу тарзда инсонлар кўпаяр эди. Қобил 1 қиз б-н, Ҳобил ҳам 1 қиз б-н эгиз туғилдилар. Одамато қиларга кўра, Қобил б-н туғилган қизни Ҳобилга бермоқчи бўлди. Лекин Қобил эътироз билдирди. Шунда Одамато, инсонингиз Аллоҳ йўлида қурбонлик қилинглар, қайси бирингизнинг қурбонлигингиз қабул бўлса, қизни ўшанга никоҳлаб бераман деди. Қобил деҳқончилик касбидан топган арзимас нарсасини ҳуло *аулига атайди. Ҳобил эса қўйлари* орасидан энг яхши бир қўчқорни танлаб қурбонлик қилади. Шунда Қобилнинг *қурбонлиги қабул қилинмаган* маълум бўлади. Бундан газабга келган Қобил ўз иягисини ўлдиради. Қобил ўлимга яқин тутаётган бўлса-да, ақасига қарши қўл кўтармаслигини, қотилни Аллоҳ шубҳасиз ўзлаш б-н жазолашини айтади. Воқеа баён этилган «Мовда» сурасидаги оятларда (5:27/30 —32/35) бир кишини ноҳақ ўлдириш бутун жамиятни ўлдириш, бир кишини қутқазган сақлаб қолиш эса бутун жамиятни асраб қолишдир, деб таъкидланган.

ҚОБИЛИЯТ —инсоннинг индивидуал *салоҳияти, имкониятлари*. Қ. *билимдон* кеекин фарқланади, билим муталла натижаси ҳисобланади, Қ. шахснинг психологик ва физиологик тузилишининг хусусияти саналади. Қ. *кўникма, малакадан* фарқ қилади. Ақсарият илмий манбаларда моҳирлик билан Қ. айнанлаштирилади. Қ. нисон томонидан кўникма ва малакаларнинг эгалланиши жараёнида такомиллашиб боради. Ҳар қандай Қ. турн шахсга тегишли мураккаб психологик тушунчадан ташкил топган бўлиб, у фаолиятнинг талабларига мутаносиб хусусиятлар тизимини ўз ичига олади. Шунинг учун Қ. деганда бирорта хусусиятнинг ўзини эмас, балки шахс фаолиятининг талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга имконият берадиган хусусиятлар синтезини тушунмоқ лозим. Барча Қ. учун таянч хусусият — кузатувчанлик, яъни *инсонни фақатгина, объектдан у ёки бу* ҳодисаларни кўра билиш, ажрата олиш кўникмасидир. Қ.нинг етакчи хусусиятларидан бири — нарса ва ҳодисалар моҳиятини изоҳий тасаввур қилишдир. У шахснинг шакллашиши ва ривожланиш натижаси бўлиши б-н бирга, табиий манбага ҳам эга. Бу табиий манба кўпинча эсда тутувчаи ёки ҳотирламадн. Эсда муайян бир фаолиятга ёки кўпгина нарсаларга нисбатан оптимум қизиқувчанликда, мойиллнкда, интилишда намоён бўлади. Эсда нишоналари деганда К. ички имкониятларнинг *табиий асосини тушуниш лозим.* У шатиёқ, мойиллик, механтсеварлик, шунчалик, талабчанлик кабиларнинг мажмуидир. Қ. умумий ва махсус турларларга ажратилади. Умумий К. деганда юксак ақлий имконият ва тараққиёт тушунилади. Қ. табиий равишда шакллашиши ва муайян режа асосида ривожлантирилиши мумкин. Қ.ни маълум фаолиятга мойиллик ёки интилиш орқали, табиий эсда нишоналарни ишқлаш, мутахассис раҳбарлигида узлуксиз фаолиятга жалб этиш, Қ.ни такомиллаштиришнинг махсус воситаларини қўллаш, шахснинг фаолиток аломатларини максимал даражада ривожлантириш, инсон шахсига алоқида ғиднушни умумий талаблар б-н уйғунликда олиб бориш ва б. орқали ривожлантириш йўллари мавжуд. Қ.нинг юқори даражаси *истеъдод* ва *дарёнлик* (қ. *Дарё*)да намоён бўлади.

Эргаш Ғозиев.

ҚОБИҚ техника ва эластиклик назариясида) — иккита эри чизиқ сирт б-н чегараланган қаттиқ жисм; сиртлар орасидаги масофа бошқа иккита ўзгачамига нисбатан кичик бўлади. Шаклига қараб доиравий, цилиндрик, эллиптик, конуссимон, торсимал ва б., сирт геометриясига қараб мусбат (сферик

ва эллипсоидал), манфий (гиперболоид, параболоидлар) ҳамда ноль (цилиндрик ва конус) эгрилиқдаги хилларга; *материалига қараб, изотропи ёки анизотропли* хилларга бўлинади. Қ. темир-бетон, пўлат, ёғоч, енгил қотишмалар, пластмасса ва б. қурилиш материалларидан ишланади. Қ. биноларнинг ёпма ва ораёпмаларида, учиш аппаратлари, кемалар, суюқлик резервуарлари, машина қисмлари ва б.да қўлланилади. Физикада атом электрон қобиғи (қ. *Атом*).



ҚОБИҚЛИЛАР, урохордалилар, туникатлар, личинкахордалилар (Urochordata, Tunicata) — хордалилар кенжа типи. Қ.нинг аждодлари сувда сузиб юрадиган бирламчи хордалилар бўлганлиги, ундардан айримлари ўтроқ ёшашга ўтганлиги ҳақида тахмин қилинади. Уз. 0,3 см дан (аппендикулярияларда) *30 м гача. Танаси эпителий ҳужайралар* ишлаб *чиқарилган* тиниқ *эпителий қобиқ* — туника қобиқ (номи шундан) ёки қуюқ мантия б-н қопланган. Хордаси фақат личинкаларда *бўлади (аппендикулярияларда*н ташқари). Целом қолдиғи бор. Ички сиртмоққа ўхшаб эгилган, орқа ичаги жабра олди бўшлиғига очилади (аппендикуляриялар). Қон айланиш системаси юрак халтаси ва лакуналар тўридан иборат. Нерв системаси мия ганглийи ва ундан кетадиган орқа нерв ноқисидан ташкил топган. Сезги органлари кучсиз ривожланган. Личинкаларида думи бор. Кўпчилик Қ. қуртакланиб кўпайиб, колония ҳосил қилади. 5 синф: асцидиялар, оловтаниалилар, салпалар, бочкасимонлар, аппендикулярияларга бўлинади. 1500 га яқин тури бор. Денгизда ўтроқ яшайди, якка ёки *колония* бўлиб сузиб юради. Майда ҳайвонлар, сувўтлар ва органик қолдиқлар б-н озиқланади.

ҚОБУЛОВ Анатолий Зуҳурович (1934.14.2, Тошкент — 2003.29.7, Москва) — реж., актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1987). Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1957). 1958—63 йлар «мусиқали драма» кафедрасини бошқарган. Айни вақтда Ўзбек давлат эстрадаси бош реж.и. Ҳамза театрининг саҳналаштирувчи реж.и сифатида фаолият юритган. Ҳамза театрида «Имон» (И.Султон), «Олма гуллаганда» (О.Ёқубов), «Шубҳа» (Уйғун), «Асалом, *жолғузлар*», «*Фоуст ва ўлим*» (*Левада*) каби спектакллар, Ўзбекистон рус драма театрида «*Тош ув*», Берлак номидаги театрда «Левизияга орбитада» спектакларини *саҳналаштирган*. 1964—88 йлар «Ўзбекфильм» да реж., 1988—98 й. ларда «Иштар» са-



тирик киножурналида бош муҳаррир, реж., актёр. 1996—2002 й.лар Тошкент санъат ин-ти проф. «Уйимга кир», «Ёз *ёмғири*», «*Сен менинг кўшиғимсан*», «Буйсунмас», «Жонтой қасами» каби бадиий, «Янги йил билан»телевизион, «Ҳалима Носирова» каби ҳужжатли фильмлар яратган. «Раҳим ва кўнгил», «Довюрак мусиқа» каби мультипликацион *фильмларнинг сценарийсини*, «Ғолбия ким», «Чўпон ва гўзал малика ҳақида эртак» ва б. пьесалар ёзган. «Фидоий», «Ойлик саҳифа», «Чинор» каби фильмларда суратга тушган. Суз устаси сифатида ҳам фаолият юритган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1983).

ҚОБУЛОВ Восил Қобуловнч (1921.5.9, Тошкент) — математик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1966), физика-мат. фанлари д-ри (1961), проф. (1964). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1977). Тошкент темир йўл муҳандислари ин-тини тугатган (1949). Чоржўй — Кўнғирот т. й. қурилишида ишлаган (1949—50). Ўзбекистон ФА Ишлоблар ин-тида аспирант, илмий ходим (1950—57). Ўзбекистон ФА Математика ин-тининг ҳисоблаш техникаси бўлими мудири (1957—63). Ўзбекистон ФА Механика ин-ти ва ҳисоблаш маркази директори (1963—66). Ўзбекистон ФА Кибернетика ин-ти директори *(1966—77), ин-т* Ўзбекистон ФА нинг «Кибернетика» илмий ч.м. бирлашмасига айлантирилгач, унинг бош директори (1978—92).



Илмий ишлари ҳисоблаш техникасини фан, техника ва халқ хўжалигининг турли соҳаларига жорий этишга б-н боғлиқ.

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1971). «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган *(1998).*

Ас.: Алгоритмизация в теории упругости и деформационной теории пластичности, Т., 1966; Ақл мўъжизаси, Т., 1974; Функционал анализ ва ҳисоблаш математикаси, Т., 1976; Алгоритмлашнинг ва механик силлиқлик сред., Т., 1978.

Ад.: Ўзбекистон кибернетиклари, Т., 1996.

ҚОБУЛОВ Жаббор Тиллаевич (1911— Самарқанд — 1995) — ботаник олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1973), биол. фанлари д-ри (1971), проф. (1972). ЎзДУни тугатгач (1937), Бухоро педагогика ин-тида ўқитувчи (1937—40), ЎзДУ аспиранти (1940—41, 1945—48), уруш йилларида ўрта мактаб директори (1941—44), ун-т ботаника кафедрасида катта ўқитувчи (1948—53), доцент (1953—60), 1960 й.дан юксак ўсимликлар кафедраси, 1986 й.дан ўсимликлар физиологияси ва микробиологияси кафедраси мудири. Илмий ишлари шуларга-доширлар биологиясини ўрганишга оид.

Ас.: Бегона ўтлар ва уларга қарши қурош чоралари, Т., 1976; Ўрта Осиё шуяклилардир, Т., 1978; Шуяги ва ҳокл., Т., 1981.

ҚОБУЛОВА Саодат (1925.15.12, Марғилон) — эҳтуначи, опера хонандаси (*лирик-колоратурали сопрано*), Ўзбекистон халқ артисти (1957). 1959 й. СССР халқ артисти унвонига сазовор бўлган. Москвадаги Ўзбек опера студиясини (1954) ҳамда Тошкент консерваториясини (1969) тугатган. Қ. миллий хонандалик санъати ва мусиқа меросини намуналарини, асосан, Ж. Сулаймонов, Т. Жалилов, Х. Тўхтасинов, Э. Бараевлардан ўзлаштирган.



Қ. гўзал тембрли, ёрқин ва шираздор, жилодор ва таъсирчан овозга эга; Ўзбек хонадонлик санъатида янги давр бошлаб берганлардан — унинг ижро услубида Европа хонандалик хусусиятлари миллий анъаналарни йўлдан б-н уйғунлашиб кетган. Қ. санъатдаги фаолиятини Марказий кўғ-с-с театрида бошлаган (1939). Мукимий театрида *(1941—48)* Қамар, Моҳим, Нурхон (С.Абдулла; Т. Жалилов мусиқаси, «Тоҳир ва Зуҳра»; Х.Ясини, «Нурхон») ролларини ижро этган; асосан, концерт ижросининг б-н шуғулланган. 2-жаҳон уруши йилларида ҳарбий қисмлар, госпиталларда жа данний хизмат қилган. 1954—86 йларда Навоий театри якканон хонандаси. Қ. ижодий кўпроқ Ўзбек операларида яратган Жамила, Лайли (Т.Содиқов, Р.Глиэр, «*Лайли ва Мажнун*»), *Зуҳра*

(Т.Жалилов, Б.Бровцин, «Тоҳир ва Зуҳра»), Асал (Т. Содиқов, Р.Глизр, «Гулсара»), Хури (Т.Содиқов, Б.Зейдман, Ю.Ражабий, Д.Зокиров, «Зайнаб ва Умон»), *Диларом (М.Ашрафий, «Диларом»)*, Ойхон (С.Юдаков, «Майсарининг иши»), Санобар (С.Бобоев, «Ҳамза»), Гулнор (Р.Ҳамроев, «Зулматдан зиё») каби образларида намоён бўлди. Бундан ташқари Ҳури, Ойхон, айниқса, Диларом партиялари Қ. ижодининг чуқурлиги билиб, ҳам саҳнавий, ҳам вокал ижроси жиҳатидан мукаммалларга б-н ажралиб туради. У ўзбек опера конидаларидан биринчилар қаторидан чет эл мумтоз операларида Лейла (Ж.Бизе, «Марварид изловчилар»; ўзбек ва рус тилида), Виолетта, Жильа (Ж.Верди, «Травиата», «Риголетто»), Малам Баттерфлай (Ж.Пуччини, «Чио-Чио-сан»), Розина (Ж.Россини, «Севилья сартароши»), Мими (Ж. Пуччини, «Богема») ва б. партияларнинг мохир ижрочиси сифатида ҳам танилган.

Концерт ижрочилиги Қ. ижодий фаолиятининг ажралмас қисмини ташкил қилади. Унинг репертуаридан ҳалқ ашулалари, ўзбек мумтоз мусиқа намуналари («Ғалаба», «Наврўз», «Баёт-1, 2, 3, 4, 5», «Сарахбори Ороминхон», «Талқини Баёт», «Самарқанд Ушшоғи», «Бухоро Ироғи», «Дутор»), ўзбек композиторларининг асарлари («Лутфиналар», «Дарё қўшиғи», С.Юдаков «Бахор», Т. Содиқов: «Келса ногоҳ», М.Бурҳонов; «Кашмирда», М.Ашрафий ва б.) асосий ўрин олган. Қ. Д.Зокировнинг «Қирмалим», «Эй сабо», «Булбул»,



Саодат Қобулова Ойхон ролида («Майсарининг иши»).

Х.Тўхтасиновнинг «Қора кўзлар», «Айлагач», Ғ.Тошматовнинг «Карвон келди» ва б. асарларининг биринчи ижрочиси. У, шунингдек, чет эл классик композиторларининг романслари, Европа ва Осиё халқлари (рус, украин, чех, тожик, озарбайжон, арман, мўғул, тай, ҳинд ва б.)нинг қўшиқларини ҳам ижро этган. К. 1972 йдан ҳоз. Ўзбекистон давлат консерваториясида вокал синфи педагоги, проф. (1986), кафедра мудири (1988—97) сифатида кўплаб шогирдлар тарбиялаган. Жаҳон ёшлари фестивали (Москва)нинг лауреати (1957). *Ижролари 2 грампластинка*, ўзбек радиоси фонотекасига ёзилган, «Ўзбектелефильм» студияси томонидан К. ижолига бағишланган 2 фильм ишланган («Саодат», «Саодат Қобулова куйлайди», 1991). Осиё, Европа, Америка мамлакатларида гастролда бўлган. «Дўстлик» (1998), «Буюк хизматлари учун» (2001) орденлари б-н мукофотланган.

«КОБУСНОМА» — Шарқ ва Марказий Осиё халқларя орасида кенг тарқалган ахлоқий-таълимий асар, форс-тожик бадиий наспининг биринчи ва йирик ёдгорлиги (11-а.). Табаристон (Мозандарон) ҳукмдори Шамс ал-Маолий Қобусининг набираси *Унсур ал-Маолий* (Кайковус, 1021—98) томонидан форс тилида ёзилган (1082—83) ва «Насиҳатнома Кайковус» деб аталган. «К.» шу асарнинг ўзбекча таржимасидир. Муаллиф асарни ўғли *Гилоншоҳга* бағишлаган.

«К.» асосини Қуръони карим сураларн, *Муҳаммад (саллоҳи* фаолияти ва кўрсатмаларини ифодаловчи ҳадислар, ҳикматли ҳикоятлар ташкил этади. Асар 44 бобдан иборат. Дастлабки 4 боби Ҳақни таниниқ, Пайғамбарларнинг хилқати (яратилиши), Аллоҳ неъматига шукур қилиқ ҳақида бўлиб, қолган 40 боби ота-онани ҳурматлаш, илмий билимларни, санъатни эгаллаш, қарб, савдо, деҳқончилик ишлари ва ҳунарни ўрганиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, фарзанд тарбияси, саховат ва жувонмардлик каби кўплаб масалаларни ўз ичига олади. Асарда ҳунар ва илм жамият тараққиётининг асосий омиллари деб қаралади. Одамлар 3 гуруҳга бўлиниб, уларнинг жамиятда тутган *ўрни белгиланади; одоб*ларнинг фазилатлари ҳам 3 гуруҳга бўлинади: ақлилик, ҳақгўйлик, жувонмардлик.

Кайковус дунёдаги маъжудотни бир-бири б-н боғлиқ ва муросасиз деб талқин қилади. У киши руҳиятни ҳам 2 гуруҳга бўлади: жисмоний сезгини модда, руҳий ҳиссиётни эса «жон» б-н боғлайди ва бу борларнинг бирини модий, иккинчисини руҳий қаёт маҳсули деб кўрсатади. Унинг фикрича, дунёдаги ҳамма нарсалар ҳаракиши ва моҳият эътибори б-н *илоҳийлар. Зеро, инсон* Аллоҳни танимоқ учун авваламбор ўзини билмоғи, яъни «созга қараб созандани билмоғи лозим», дейди. Бу каби масалалар китобда ихчам ҳикоятлар, ривоятлар, шеър ва латифалар, мақол ва ҳикматлар ёрдамида баён қилинади.

«К.» рус ва Ғарб шарқшуносларининг, Шарқ олимлари ва педагогларининг диққатини ани чалан бери ўзига тортиб келади. Асар турк (1432, 1705), уйғур (1786—87), немис (1811), ўзбек (1860, *Олдинги* томонидан), татар (1881), француз ва рус (1886) тилларига таржима қилинган. Оғаҳий таржимасининг 2 қўлёзма нусхаси Ўзбекистон *ФА Шарқшунослик* ин-тида, яна бир қўлёзма нусхаси Санкт-Петербургда Салтиков-Щедрин номидаги Халқ кутубхонасида сақланади. «К.»нинг Субутой Долимов томонидан ҳоз. ўзбек тилига ўгирилган нусхаси Тошкентда 3 марта нашр қилинган.

Нашри: Унсур ал- Маолий, Қобуснома, Т., 1973 [тўлдирилган 3-нашри], Т., 1994.

Ҳабиб Абдулҳақ.

ҚОВОҚ (Cucurbita L.) — қовоқдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми, полиз экини. 13 тури маълум. Ватани — Шим. ва Жан. Америка. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда қадимдан экиб келинган. Тупроққазлда археологик қазилмаларида топилган қовоқ қолдиқлари (мил. ав. 7—8-асрлар) буни тасдиқлайди. К.нинг йирик мевали К. (*C. maxima Duch.*), *мускатсимон К.* (C. moschata Duch.) ва қаттиқ пўстли К. (C. pepo L.) каби 3 тури кўп тарқалган. Илдизи ўқилдоқ, уз. 2 м га боради. Пояси ётиб, чирмашиб ўсади. Барглари (турига қараб) йирик, тукли, барг қўлтиғида жинғалаклари бор. Гули икки жинсли, йирик (майда), сариқ, четдан чангланади. Меваси турли шакл ва рангда, эти оч сариқдан тўқ сариққача. Меваси таркибида 15—18% қуруқ модда, 4—11% қанд, аскорбин кислота, каротин, тиамин, рибофлавин, азотли бирикмалар, 0,7% бириктирувчи



Қовоқ: *1* — гули ва палаги; *2* — меваснинг кўндаланг кесими (уруғи 6-ю); *3* — Палов каду; *4* — Испан 73 навори; *5* — носковоқ; *6* — сувқовоқ; *7* — томошақовоқ.

тўқима, 0,5% оқсил, 0,2% ёғ, 0,6% кул модаси, уруғида 20—40% ёғ бор. Қ. қайнатиб, димлаб, қовуриб истеъмол қилинади, турли пиширикдар, семсалар, нонлар, мураббо ва шарбат тайёрланади. Хашаки Қ. моллара дагал озуқа 6-ш бирга бераладн. 100 кг меваснда 12 озуқа бирлиги ва 1 кг қазм бўладиган протеин бор. Юқори ҳароратга ва қурғоқчилнкка чидами паст. Меваси ва уруғи атеросклероз, ошқозон-ичак, буйрак, подагра касалликларнда даволашда, тижжаларни тушириувчи (уруғи) восита сифатида ишлатилади. Уруғи апр. охири — май бошларида гектарига 4—6 кг миқдорида экилади. 10—15° да униб чиқади, 20—30° да нормал ривожланади. Экиш схемаси 2—2,5×1 м. Ўсув даврида палак уғлари чилпилади, қатор ораларига ишлов берилади, суғорилади. Навларини қариб 110—140 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 200—450 ц/га. Сақланга ва ташишга чидамлилиги ҳар хил. 1 т мевасндан 0,8—12 ц уруг олинади. Ўзбекистонда ёнрик меваси Қ. турининг Испан 73 (картошка Қ.), мускатсимон Қ. турнинг Палов каду 265, Қашқар 1644 (ойна Қ.). Нон каду навлари хўп экилади ва барча вилоятларда экиш учун (Нонкаду фақат Самарқанд вилоятида) р-нлаштирилган. Шунингдек, конадон хўжаликларида сувқовоқ, носковоқ, томошақовоқ каби турлари ҳам етиштирилади.

Касалликлари: сўлиш, оқ пахак ва б.

Зараркунандалари: полиз шираси, полиз кўнғизи, тунламлар.

Лит.: Аширов И.М., Тыквы Узбекистана. Т., 1979.

Абдумалик Аббасов.

ҚОВОҚДОШЛАР (Cucurbitaceae) — икки уруғпаллали ўсимликлар оиласи. Бир йиллик ва кўп йиллик ўрмалаб ёки илашиб ўсувчи, бир ёки икки уйли ўсимликлар. Битта туркуми (Dendrosicyos) дарахтсимон. Барглари оддий, навбатлашиб ўрнашган, баъзан бўлакларга бўлинган ёки ўйилган. Енбарғчалари бўлмайди. Гулдари барг қўлтиғида биттадан ёки тўп бўлиб жойлашади, бир жинсли, кўпинча туташ тожбаргли. Меваси резавор ёки қовоқ (ташқи қавати қаттиқ, дағал, ичи этли сersув, сersувуч), 100 та якин туркуми, 900 тури қўлнчча тропик ва субтропикларда ўсади. Кўп турларининг меваси озиқатга ишлатилади. Шу сабабдан бир қанча турлари (бодринг, қовун, қовоқ, таррак, тарвуз ва б.) ҳамма қитъаларда палакли экин сифатида қадимдан экилади. Айрим турлари (абужақл тарвузи, сиртан) дорнвор, мансаралы турлари (эшакбодринг, печчакдоши ва б.) ҳам бор.

ҚОВОҒАРЛАР (Vespa) — ҳақиқий арилар оиласнга мансуб уруг. Энг йирик (40 мм гача бўлган) арилари ўт ичига оладн. 20 та якин тури Жан.-Шарқий Осиёда кўп учрайди. Ўзбекистон ҳудудида бир неча тури бор; айниқса, шарқ қовоғарнси кенг тарқалган. Дарахтлар коваги, деворлар ёрнигга уя қурали. Қўнгларини қовоқ катакларда бокади; ҳар хил ҳашаротлар, жумладан, асаларилар б-н озиқланади. Асалариларни ейиши б-н бирмунча зарар етказади. Одамни чақнганда ачнйди.

ҚОВУН (Cucumis melo) — қовоқдошлар оиласи бодринг туркумига мансуб бир йиллик ўт ўсимликлар тури; полиз экини. Айрим ҳолларда мустақил туркум (Melo)га ажратилади. Евнойи ҳолда Жан.-Гарбий Осиё ва Африкада учрайди. Маданий навларининг ватани — Кичик ва Ўрта Осиё (2 минг й. дан бери экилади). Қ. Жан. Европада, Осиёнинг кўпгина р-нларида, Шим. Америка (АҚШ) ва б.да етиштирилади. Марказий Осиёда Қ. экиладнган майдони жиҳатидан полиз экинлари орасида 1-ўринда туради. Қ.нинг маданий кенжа турлари: Ўрта Осиё Қ.и [ssp. rigidus (Pang.) Fil.], Кичик Осиё Қ.и (ssp. orientales Sageret), Европа Қ.и (ssp. europaeus Fil.); арим маданий кенжа турлари: илонсимон Қ. [ssp. flexuosus (L.) Grebensc.], хитой Қ.и [ssp. chinensis (Pang.) Fil.]; евнойи ҳамда итқовунлар [ssp. sponianeum (Pang.) Fil.] бор. Илдизи ўқсимон, уз. 1 м гача боради. Палаги нигичка, ётиб ўсали. Жуда қулдаб ёп шохлар чиқаради. Барглари узун бандли, палакда кетма-кет жойлашган. Гултожи сарик, одатда, беш тожбаргли, отаниклари бешта, чангдонлари икки уяли, бир уйли, айрим жинсли. Қ. меваснинг шакли турлича (юмалоқ, овалснмон, чўзинчоқ ва б.). Пўсти қалин (1,5—2 см), ўртача (1—1,5 см), юпқа (0,5—1,4 см), қаттиқ; эти жуда юмшоқ, юмшоқ, қуврак, сersув, сершира, қумоқ, базилдарнинки толали, ранги оқ, қизил, сариқ, яшилроқ. Уруги оқ, оч сарик ва сарик, 1000 дона уруги вазни 30—45 г. Навига қараб Қ. вазнида эти 63—84, пўсти 10—30, уруги ва уруғтутқичлари 3,1—7,7% ни ташкил этали. Меваси таркибида 8—20% қуруқ модда, 18% қанд (сахароза), 0,1—0,7% клетчатка, 0,2—35,2 мг% С, РР витаминлари, фолат кислота, калий, натрий, кальций, магний, темир, фосфор, олтингугурт ва б. микроэлементлар бор.

Қ. иссиқсевар, ёруғсевар ўсимлик, қурғоқчилнкка ва тупроқ шўрланишига



Қовун: *1* — гули ва палаги; *2* — меваснинг кесими; *3* — Байтқўрғоний (М. этит); *4* — Ширин бишак (М.indf.); *5* — Урганжий (М. chandalak); *6* — Қора гурвак (М. cmubo) навлари.

чиқаси. Жаҳонда энг яхши Қ.лар Ўзбекистонда етиштирилади. Халқ селекциясида унинг 150 дан ортиқ нави яратилган. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик институтида илмий селекция асосида чиқарилган ва яхшиланган 50 дан ортиқ нав р-нлаштирилган. Ўзбекистонда экиладиган қовун навлари тўрт ботаник турга мансуб: ҳандалак (M.chandalak), амири (M.amet), кассаба (M.cassaba) ва зарс (M.zard). Ҳандалак турига деярли барча эртапишар Қ. навлари — Қўқча, Ҳандалак, Сариқ ҳандалак, Замча ва б. кирали. Амири турига барча ёзда пишадиган Қ. навлари — Давлатбой, Тошлоқи, Дағбели, кассаба турига Бўрикалла, Гурвак, зард турига қишки Қ. навлари (*Эмбоқий, Қуйбош, Гулобий* ва б. кирали. Уруғи тупроқ ҳарорати 14—15° га етганда уна бошлайди (13° дан паст ҳароратда уруғ чирийди). Экилгандан кейин 5—7 кунда майса униб чиқади. Қ.нинг эртапишар, ўртапишар, кечпишар навлари бор. Эртапишар навлари 55—65, ўртапишарлари 67—70, кечпишар навлари 80—90 кунда етилади. Қ. янгилигида ейилади, қоқи солинади. Шинни, мураббосар қилинади. Тиббиётда бодбеланги, сил, камқонлик, энқилафас, жигар ва буйрак касалликларини даволашда тавсия этилади. Сепкил, лор ва бошлаги қалоқини йўқотишда фойда қилади. Халқ табобатида полагра (никриз) та даво, пешоб ҳайдовчи, қабзиятдан холи қилувчи, асабни тинчлантирувчи омил сифатида қўлланилади. Қ. Ўзбекистонда 3 муддатда: эртапишар навлари 10—30 апр.да, ўртапишар навлари 20 апр. — 15 майда, кечпишар навлари 10—30 майда, пушта-кенглиги 2,8—3 м, туплар оралиғи 70×90 см қилиб, дорилаб 2—3 қун ивитилган уруғлар 3—4 тадан 3—6 см чуқурликка (айрим ҳўжаликларда ҳанжуфар қилиниб) экилади. Чопиқ пайтида ғовлар қилиб битталаб ўсимлик қолдирилади. Ўсув даврида қатор оралари 2—3 марта юмшатилади (чопиқ қилинади). Тупроқ шароитига қараб 5—6 марта суторилади. Ҳосилдорлиги 250—300 ц/га. Ўзбекистонда Қ.нинг 36 дан ортиқ нави р-нлаштирилиб, давлат реестрига киритилган (2004). Энг кўп экиладиган навлари: *Оқуруг, Асати, Бўрикалла, Қизтанна, Қўқча, Чўғари, Қизилуруг*; маҳаллий сариқ ҳандалак, *Оби новвот, Шакарпалак* ва б.

Эрта ҳосил олиш учун иссиқхоналарда ёки очиқ далада пленка остида кўчатидан экиб етиштирилади.

Зараркунандалари: полиз бити, ўргимчаккана, қовун пашшаси, кўк қурт тунлами ва б.

Касалликлари: оқпалак, қовун бактериози, макроспориоз ва б.

Ад.: Ўзбекистон қовунлари. Т., 1962; Ермохин В.Н., Каримов А.К., Ўзбекистон қовунлари. Т., 1969; Остонақулов Т.Э., Сабзавот экинлари биологияси ва ўстириш технологияси. Т., 1997; Бўриев Х.Ч., Ашуралиев О.А., Полиз экинлари биологияси ва етиштириш технологияси. Т., 2001; Хакимов Р.А., Хакимов А.С., Тошмуҳамедов А., Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги. Т., 2003.

Абдуғаниз Абдосов.

ҚОВУН ДАРАХТИ, папайя (Carica papaya) — папайядошларга мансуб доим яшил мевали дарахт. Африка ва Жан.-Шарқий Осиёда кўп тарқалган. Бал. 4—7 м. Барглари йирик, панжасимон қирқилган, 5—7 бўлакли, узун бандли. Шох-шаббаси, танасининг учида гужгуж ўрнашган барглари соябонга ўхшаб осилиб туради. Гуллари сариқ ёки оқ, икки жинсли. Меваси сариқ тусда, оғирлиги 3—6 кг, уз. 30 см, қовунга ўхшайди (номи шундан). Қ.д. тез ўсади, лекин узоқ яшамайди, совуққа чидамсиз. Тропикларда ўстирилади. Меваси истеъмол қилинади. Ундан папаин ферменти олинади. Уруғидан кўпайтирилади.


Қовун дарахти.

ҚОВУН ПАШШАСИ (Myiopardalis pardalina) — тангачақанотлилар оиласига мансуб қандарот, қовоқдошларга мансуб ўсимликлар (қовун, тарвуз, бодринг, қовоқ ва б.) заараркунандаси. Ўрта денгиз атрофи, Осиёда тарқалган. Ички карантин объекти. Танасининг уз. 5—6 мм, оч сариқ, қанотларида 3 та сариқ ўғли бор. Уруғчилари тухумларини (120 тагача) қовун гулбандларига, ўсимлик поясларига, кесакларга остига якка-якка қилиб қўяди. 3—5 кун ўтгач, оқиш рангли личинкалар тухумдан чиқиб қовун хамакларини тешиб кирган ва уруғларини кемиради. 10—15 кун қовун ичида яшагач катта ёшли личинка қопунни тешиб чиқиб, тупроқ тагида 5—7 см чуқурликда ғумбакка айланади. Қ.п.нинг личинкалари тешган қовунларда узун чуқур йўллар пайдо бўлади ва улар чирийди. Қ.п. 2—3 (5) км гача учиб боради, бундан ташқари, улар қовун мевалари б-н ҳам тарқалади. 4—5 марта авлод беради.


Қовун пашшаси: *а* — кўк пашша; *б* — қурти.

Уруғ чоралари: зараргинган қовунлар ва ўсимлик қолдиқларни тезликда йиғиб, кўмиб юборилади, ер кеч кузда чуқур ҳайдалади, қиш ойларида сугориб музлатилади. Экишдан олдин уруғлар дориланади. Уруғлар униб чиқиши, гулдаши ва хамаклаш даврида инсектицидлар эритмалари пуркалади.

Абдуғаниз Абдосов.

ҚОВУНЧИ МАДАНИЯТИ — мил. ав. 2-а. — мил. 6-а.га оид археологик маданият. Ўрганилган жой дастлаб *Қовунчитепа* қаробаси бўлгани учун номи шундан. Қ.м. Тошкент воҳаси, Сирдарёнинг ўрта оқими ва Фарғонанинг шим.-ғарбий қисмида тарқалган. Археолог Г.В.Григорьев 1934—37 й. ларда Қ.м. мажмуаларида қазиш ишлари олиб борган. *Шоштепани* ўрганиш натижасида 1-марта маданий қатламларнинг аниқ стратиграфиси белгиланди. Бу эса Қ.м.нинг аниқ даврини (Қовунчи I мил. ав. 2—1-аср; Қовунчи *II* 2 боскичга бўлиниб, унинг 1-боскичи мил. 1—4-асрлар, 2-боскичи 5—6-асрларга) белгилашга асос бўлган. Қ.м. Тошкент воҳасидаги қад. деҳқончилик б-н шуғулланган туб аҳоли маданияти (*қ. Бурғулик маданияти*) асосида «халқларнинг буюк кўчиши» даврида Тошкент воҳасига кириб келган сармотлар, қунғар ва б.


Қовунчи маданияти. Сопол идишлар.

халқларнинг этник маданияти таъсирида ривожланган. Тошкент воҳаси Қ.м. шаклланишининг асосий маркази бўлган. Мажмуаларда мезморлик хактабининг маҳаллий анъаналарига асосланган, юксак музофда ишлоотларига эга бўлган шаҳарсозлик, сопол идишлар ва ҳайкалчалар шаклининг ўзига хос хусусиятлари таркиб топган. Қ.м. воҳада шаҳар маданияти пайдо бўлиши ҳамда ирригация тизимининг такомиллашиши асосида деҳқончиликнинг янада ривожланиш даврида тарқалган. Қовунчи мажмуалари асосида Тошкент ш. маданияти пайдо бўлган ва ривожлана боошлаган. Ўша даврдаги арк ва унинг атрофида 1 ёки 2 қишлоқдан иборат аҳоли пунктлари бўлиб, уларнинг ибримлари мудофаа девордари б-н ўралган. Шаҳарлар ҳунармандчилигининг ва савдо-сотишнинг асосий тавянч пунктли ҳисобланган. Металлга ишлов бериш (темирчилик, жез асбоблар қуйиш) анча ривожланган. Қўлдончилик да сопол идишлар ясаш асосий ўрин эгаллаган, уларнинг тури, шакли кўпайган. Сопол идишларнинг таги текис бўлган. Қовунчи I да кўкча, товоқ, қизғиш ёки бўзғч қўнғир ранг берилган сопол идишлар, Қовунчи II да қулоқли хурмачалар, банлари ҳайвон шаклидаги турли идишлар ва хурмачалар учрайди. Қ.м.га хос идиш қопқоқлари, кўралар, диний маросим буюмлари, 2 бошли кўчқор ёки шохли қўчқи бошлари шаклида ясалган учоқ пой-тагликлари топилган, улардан тутатқи сопланларни ва қурбоилик қилинадиган идиш сифатида ҳам фойдаланилган. Қовунчиликлар деҳқончилик ва айлов чорвачилиги б-н шуғулланишган. Улар деҳқончилик маъбудалари, одоб ва ажлодларга сиғинишган. Милоднинг дастлабки асрларида Қ.м. жанубга томон тарқалиб, Сирд., Қашқадарё ҳудудлари маҳаллий маданий мажмуаларга таъсир эта бошлаган. б-а.а келиб, Ўрта Осиёнинг марказлашган воҳалар б-н иқтисодий ва савдо алоқаларининг кучайиши ҳамда умумсуғд маданияти таъсирида Тошкент воҳасида Қ.м. ўзига хос ҳамда ўзига хос аломатларини йўқотган, секин-аста бутун Мовароуннаҳрга хос ягона маданият вужудга кела боошлаган.

Абдусаид Мухаммеджонов.

ҚОВУНЧИТЕПА — археологик ёдгорлик (мил. ав. б-а. — мил. 8-а. ва 15—16-а.лларга оид шаҳар харобаси). Тошкент вилоятининг Янгийўл ш.лари Қуркудак каналининг чап соҳилида жойлашган. Археолог Г.В.Григорьев қазиш ишлари олиб борган (1934—37), бу ердан кулолчилик ва қурилиш муҳандислигига мансуб буюмлар топилган. Кейинчалик Ўзбекистон ФА Археология ин-ти (Ю.Ф.Буряков раҳбарлигида) томонидан ўрганилган (1970, 1976, 1978). Майд. 25 га. Қ. баланд. арк (50×50 м), тўғри тўртбурчакли шахристон (150×100 м) ва работдан иборат. Маданий қатламлар (4—12,5 м қалинликда) *Бурғанли маданияти* ва *Қовунчи маданиятига* оид меъморлик-қурилиш қолдиқларидан ташкил топган. Арқнинг остки қатламларида ертўлалар, кузхона, қўлда ясалган лагал сопол идишлар Бурғанли даври (мил. ав. 6—3-а.лар)га тегишлидир. Қазиш натижасида туби юмалоқ, тумшуқли қозонлар, ярим юмалоқ тоғорачалар, юза косалар, туби текис хумчалар топилган. Айрим идишларга қизил, жигарранг ангоб б-н кенг чизиқ ёки ромб шаклида нақшлар берилган. Қовунчи даври 2 босқичга бўлинган. Мил. ав. 2-а.— мил. 2-а.да хом гишт ва пахсадан истеҳком ҳамда турар жой бинолари қурилган. Мил. 3—8-а.ларда шаҳар ва работда ҳаёт анча ривожланган. Моддий маданиятга Сирдарёнинг қуйи қисмида ишлаган қад. аҳолининг маданияти катта таъсир қилган. 8-а.нинг 1-ярмида арабларнинг Чочга қилган босқинчилигидан сўнг Қ. ташландиқ ҳолга келган. 15—16-а.га келиб, унда ҳаёт қайта тикланган.

ҚОВУНҚОҚИ — пишиб етилган қовундан тайёрланадиган қоқи; қовуннинг қуритилган эти. Қ. қимматли озиқ-овқат маҳсулоти. Қовун таркибидаги глюкоза, фруктоза ва сахароза, клетчатка ва темирелементлар, шунингдек, пектинлар сақланади. Қовунни офтобда олдин усул ёки



Қовунқоқи тайёрлаш.

махсус қуритгич шкафларда қуритилади. Қ. ни қамма навларидан тайёрлаш мумкин, қовун этининг тигизлик даражасига қараб, қуритиш ва қирқишнинг турли усуллари фойдаланилади. Эти тигиз бўлган Қизилқурут, Оқ урут, Кўкча, Гулоби ва б. навлари олдин усулда ялмоқларда, эти бўш, юмшоқ эган (Босволян, Тошлоқи, Гурвак ва б.) навларни сўкчакларга ёйиб 2—3 кун қуритилади, сўнгра яхши қуриб етилиши учун зангламайдиган симларга осиб қўйилади.

Қ.ни об-ҳаво шароити ва қовун тилмларининг қалинлигига кўра, қуритиш 6—12 кунга боради. Тайёрлаш усули: қовун ўртасидан тенг иккита ажратилиб, урғи олинади. Палладан эни 3—4 см қилиб тилмланади, пичоқ б-н пўстидан ажратилади ва ўртаси охиригача кесилмай бир жуфт қилиб осиб қўйилади. Шираси ўртача навлардан 4,5—5,5, жуда ширин навлардан 7,5—10,1% (ўртача 7%) қоқи тушади. Таркибида умумий қанд миқдори 38—75,7%, қуруқ моддалар 76—91%, 15,4—83,7 мг% С витамини бор. Намлиги 20% атрофида бўлади. 1 т Қ. учун 11,7—15,2 т қовун талаб этилади. Асосан, қиш ва баҳор фаслларида истеъмол қилинади.

ҚОВУРДОҚ — 1) гўшт, картошка, тухум, гуруч ва б.дан тайёрланадиган таом. Қизиган ёғда ўртача катталикдаги картошкани 2 га бўлиб қизартириб қовуриб олиб қўйилади. Гўшт қовурилади, сўнгра қовурилган картошка, пиёз, зира, туз аралаштирилиб қовурилиш давом эттирилади. Қовурма устига гуруч аралаштирилган қайнаган тайёрланган дўлмалар тераб озроқ қайнок сув қуйилиб, лимлаб қўйилади. Алоҳида идишда тухумлар битталаб чаларок қовуриб олинади. Дастурхонга гўшт, картошка, дўлма, тухум қўйиб қўкатлар сепиб тортилади. Бу таом асосан, кўёв йўқлар, чақалоқли йўқлаш, бешик тўйи ва б. маросимларда тайёрланади;

2) янги сўйилган қўй, эчки, бузоқ, қорамол ёки қийик, тог эчкиси каби қайноолар гўштини узок сақлашнинг қадимий усули. Гўшт сувқлари б-н лўпа-лўпа (50—60 см) қилиб чопилиб ихшилаб тузланиб, зиралаб доғланиш ёғда қовурилади. Яхши қовурилган гўшт хум, кўза ёки сирланган қопқоқли идишга жойланади ва устига ёғи қуйилади (ёғ гўштни кўмиб тўриши шарт). Қ. сузок ва қуюк таомларга ишлатилиши, салат, сабзавотлар ва нон б-н яхши овқат сифатида истеъмол қилиниши мумкин.

ҚОВУРҒА — умуртқа поғонасы б-н бирикқан, ёйсимон қайрилган жуфт суяклар. Сударлиб қорувчилар, қушлар, сут эмизувчилар ва одамда тўш суяги б-н бирлашиб, кўкрак қафасини ташкил этади. Қ.ларга мускуллар бирикқан бўлиб, у нафас олиш ва чиқаришда кўкрак қафасининг кенгайиб-торайиб туришига имкон беради.

Одамда XII жуфт Қ. бор. Ҳар қайси Қ. икки қисмдан, яъни орқа қисми суяк ва олдинги қисми гохайдан тузилган. Қ.нинг орқа қисми бойламлар ёрдамида кўкрак умуртқаларига туташали. Суяк қисми узун, камбар, ёйсимон қайрилган пластинкага ўхшаш. I–VII жуфт Қ. (чин қовуғралар) тогай қисми орқали бевосита тўш суягига бирикади. VIII—IX—X жуфт Қ.нинг (сохта Қ.) олдинги қисмлари бевосита тўш суягига ёпишмасдан, ўзидан юқорида жойлашган VII қовурғанинг тогайига туташади. Қолган XI—XII жуфт Қ. тогайлари ҳеч қаерга бирикмай, корин мускуллари орасида эркин жойлашган, шу сабабли у жуда ҳаракатчандир; уларни етим Қ.лар дейилади. Қ.ларнинг олдинги, орқа учлари ва буларнинг оралиқ қисми, таноси бор. Кўпчилик Қ. ички юзасининг пастки чеккасида яқин жойда, Қ. эгатчаси бўлиб, унда қон томирлар ва нерв толалари жойлашади. Қ.ларнинг шакли ва узунлиги кўкрак қафасининг тузилишига ва шаклига боғлиқ: уларнинг узунлиги 1-Қ.дан 7-Қ.гача ортиб бориб, 8-Қ.дан охиргиси 12-Қ. гача қисқариб кемаяди.

ҚОВУРҒА, қобурға — *I) биноларни мустаҳкам туришни учун хизмат қиладиган бўртма меъморий қисм; 2) гумбаз ичидаги кўндаланг тиргак деворлар; 3) синчли деворнинг ёғоч қисми; 4) ўтовни ташқил этувчи асосий конструктив ўқировчи.*

ҚОВУШҚОҚЛИК — *қ. Ёпишқоқлик.*

ҚОВУҚ, сийдик пуфаги — одам, баъзи умуртқасизлар ва кўпчилик умуртқалиларнинг ичи бўш халтасимон аъзоси, унда *сийдик йиғилади*; сиғими 500—700 мл. Бўш Қ. пучайган ҳолда бўлиб, ичида сийдик борйўқлигига қараб, шакли ўзгариб туради. Кичик чаноқда қов бирикмаси ортида ётади; унинг туби, таноси ва учи тафовут қилинади. Қ. деворида кучли мускул қавати бўлиб, у қисқарганида Қ. бўшлиғи кичраяди. Сийдик найлари Қ.га очиладиган жойда ва сийдик чиқариш каналининг ички тешиги атрофида айлана *мускул тутамлари сфинктерлар* ҳосил қилади, улар сийлакнинг Қ.ға тушишини ва Қ.дан чиқишини ростлаб туради. Аёллар қовуғининг орқасида *бачадон* ва қин, эркакларда эса уруг пуфакчари ва уруг чиқариш йўллари бўлади. Қ.нинг олд томонида қовуқ б-н қон суяклари орасида уларни ажратиб турувчи оралиқ бор, шунинг учун Қ. эркин ҳаракат қила олади. Қ. сийдик б-н тўлганда чанок бўшлиғидан кўтарилиб, қов бирлашмасидан юқорига, ҳатто киндикгача боради.

Сийдик марказий рефлектор орқали, бунда қовуқни бўғадиган мускуллар қисқариб, сийлак чиқариш каналининг *сфинктерлари* бўшашади. Сигим одам қовуғида 250—300 мл сийдик тўпланганида сийгиси қистайди. Нормал шароитда одам бир суткада 4—6 марта сияди. Соғлом киши суюқликни *кўп истеъмол қилса*, тез сияди; қурук овқат еса ёки йилнинг иссиқ фаслида сийдик миқдори камаяди.

ҚОВУҚ ЙЛЛИҒЛАНИШИ — қ. *Цистит.*

ҚОВРА (лот. Aquarius) — эклиптикадаги 12 *буржнинг* бири. Арабча *дало* (*сувчи*) деб аталади (қ. *Зодиак*).

ҚОДИР БАХШИ (тахаллуси; асл номи Абди Раҳимов) (1937.16.4 — Деҳқонобод тумани Чалка *қишлоғи* — 1986.29.8) — бахши. Бухоро педагогика ин-тини тугатган (1966). Бахшилик сираларини дастлаб бобоси Турди бахшидан ўрганган. Сўнг Умир шоир Сафар Ўзлига шогирд тушган. 18 ёшида мустақил достончи бўлиб *етишган* Қ.б. 60-йилларда Қашқадарё ва Сурхондарёда, Тожикистон ва Туркманистонда яшаётган кекса бахшилар даврасида бўлиб, улар репертуарини, достон ижрочилик маҳоратини, дўмбира чертиш санъатини эгаллаган. Унинг репертуари *бой* ва ранг-баранг. «Алпомиш», «Ёдгор», «Кунтуғмиш», «Широн б-н Шакар», «Рустам», «Муродхон», «Юсуф б-н Аҳмад», «Юсуф ва Зулайҳо», *«Гўрўғлининг туғилиши»*, «Зайдиной», «Гўрўғли ва Юнус пари», «Шаҳлнома» сингари 70 га яқин достонлар, қўплаб терма ва эртакларни ижро этган. Аммо у билган достонларнинг жуда оз қисми ва бир неча термалар ёзиб олинган.

Қ.б. фақат репертуарнинг бойлиги б-н эмас, балки ёқимли, ширадор овози, айниқса, мусиқа асбобларини яхши чала олиш иқтидори б-н ажралиб турган. У дўмбирадан ташқари, дутор, рубоб, тор, гижжак, кўбизда моҳирлик б-н кўплар ижро этиб, достон ёхуд терма айтаверган б., яхшиси, бошқа чолғу асбобларидаги *куйларни дузбирала* ижро этган. Қ.б. республика бахшилар кўрик-танловининг 5 марта голиби, Москва (1971) ва Париж (1974)да ўтган халқ ижодкорлари *конгрессларининг* лауреати. Қ.б.нинг «Ойчанор» (1984), «Жорхун мастон» (1989) достонлари, «Норгулой» достонидан парча ва қатор термалари чоп этилган. Унинг ҳамда кинотеатр, мактаб бор. Деҳқонободда уй-музейи ташкил этилган.

Ад.: Муродов М., Эргашев А., Алимшонова. I-китоб, Т., 1999.

ҚОДИРИЛАР — тасаввуф тариқати. 13-а. охирида Ироқда ташкил топган. Абдулқодир *Гелоний* (1077—1166) асос солган деб ҳисобланади. Абдулқодир Гелонийнинг ўзи суфий бўлган, лекин унинг мақбурлигидан тасаввуф йўлини йўлашнинг ғоя ва тажрибаларини оммага сингдиришда *фойдаланилган*. Қ. ахлоқида гуруҳлардан ташқил топган, қаршиларни жиҳатдан суннийликка мансуб. Қ. тасаввурига кўра, тариқат асосчисининг тариқатга аъзолиги давом этаверади, у тариқат тарафдорларини воситачи орқали бошқаради. Қ.да қамма аъзолар учун мажбурий бўлган тасаввуф йўли йўқ. Тариқатни бошқариш анъана ва бўйича наслдан наслга ўтади. Қ.нинг иқтимоий таркиби ҳар хил бўлган. Улар жамоа бўлиб (*само*, хадра, дайлаҳ), овоз чиқармасдан алоҳида ҳолда (зикри хафий) ҳамда баланд овозда (зикри жаҳрий) умумий зикр тушишган. Тариқат аъзолари бошларига кигиз телпакча кийиб юрган. Телпакчага Қ.нинг тимсоли — уч қатор лузбарсин ялпоқ гул бор. Абдулқодир Гелоний шарафига ҳар йили бўладиган ўзитаналар — *уларнинг асосий байрамидир*. Абдулқодир қабри устига мадраса, *работ*, масжид қурилган бўлиб, Багдоднинг асосий ҳаджгоҳларидан бири ҳисобланади. Ҳоз. вақтда Шарқий ва Шим. Африкада, Судан, Ироқ ва Покистонда Қ.нинг майдон кучли (Ироқ ва Покистондаги Қ. гуруҳи Багдоддаги *масканни тариқатининг* маркази деб эътироф этади).

ҚОДИРИЯ ГЭС — Тошкент вилояти Қибрай тумани Қибрай ГЭС қошилигида жойлашган. *Чирчиқ-Бўзсув суғоришлараро трактида* қурилган дастлабки электр ст-ялардан бири, унинг тармоқлари ва ирригация тизимлари 1933

й. 1 майда ишга туширилган. ГЭС нинг умумий қувати 13,2 – МВт. Ст-ядa қар бирининг қуввати 3,3 МВт дан иборат бўлган 4 та тик гидроагрегат ўрнатилган. ГЭС гидроузели таркибига узунлиги 19 м, баландлиги 6 м, умумий ҳажми секундига 100 м³ сув ўтказишга мўлжалланган бош тўғон, уз. 5049 м, секундига 65 м³ сув ўтказишга мўлжалланган деривация канали ҳамда босим ст-я иншооти киради. Ўзбекистонда биринчи ишга туширилган 35 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи 1933 й.да ст-ялан Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводига тортилган.

2003 й.да 105,3 млн. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

ҚОДИРОВ Аюб (1918.10.5, Бухоро — 1981, Тошкент) — созанда (най), Ўзбекистон халқ артисти (1970). Тошкент консерваториясини тугатган (1956). Бухородa Маъруфхон Тошпўлатов, Остонақул Нурқонов ва Уста Тоҳир–созгарлардан най чалиш усулларини, ўзбек ва тожик мумтоз куйларини ўрганган. Бухоро мусиқа билим юртида ўқитувчи ҳамда Ёш томошабинлар театрида мусиқа раҳбари (1934–36), Ўзбек давлат филармониясида халқ чолғу оркестри (1936–38, 1950–56, 1968–74), *Тимараганам* ансамбли (1938–46) ларни созанда, «Шодлик» ансамблида мусиқа раҳбари (1956–57, 1966–68), Тошкент мусиқа билим юртида педагог (1978 й.дан). Ижро услуби мукаммал техникаси, асар мазмунини чуқур ҳис қилиши, най ифода воситаларидан кент фойдаланиши, ижро эркинлиги б-н ажралиб туради. Репертуаридан «Фаргонача», «Субқидам», «Чўли ироқ», «Чамани алла», «Сегоҳ», «Қайтарма», «Тонг ороми», «Чоргоҳ» каби халқ ва мумтоз куйлар ўрин олган. Ossиё ва Европа мамлакатларида гастролда бўлган.



Лит.: Олимбаева К. ва б., Ўзбекистон халқ созандалари, 2-китоб, Т., 1974.

ҚОДИРОВ Аҳмаджон (1936.23.2, Амударё тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУ ни тугатган (1960). 1960 й.дан хоз. Янгибозор, Амударё туманларидаги мактабларда, 1964 й.дан Урганч ш.даги 5-, 1990 й.дан 21-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. «Маърифатпарвар хон», «Абулгози Баҳодирхон шажараси» рисолаларни муаллифи.

ҚОДИРОВ Воҳид (1925.10.1 — Тошкент — 1992.5.8) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1980). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1948). 1948–92 йлар Ёш томошабинлар театрида ишлаган. «Пулат қандай тобланди» (А.Островский) спектаклидаги Климка унинг сарида яратган илк образидир. Кейинчалик Мистер Томас (В.Любимов, «Оппоғим»), Чиранчок қуёнча (С.Михалков, «Чиранчоқ қуёнча»), Журжон ҳокими (Ҳ.Олимжон, «Ойгул билан Бахтиёр»), Маисур (И.Ахмедов, О.Тодипов, «Ким айбдор»), Қоковқпой, Конфетвой (П. Мўмин, «Қоковқпой ва Чаноқпой», «Суқатой Конфетвой»), Сарибой (Г.Fулом, «Шум бола»), Икром (Алп Жамол, «Меҳрибонлар») каби турли характерлари роллари б-н танилди. Қ. драматик, комик, сатирик ва эстрада жанрларидаги роллар устаси сифатида ҳамда ўзига хос услуби б-н танилган.

Реж. сифатида «Тайёрга айёр» (Э. Раҳимов), «Суқатой Конфетвой» (П.Мўмин), «Меҳрибонлар» (Алп Жамол) каби спектакларни саҳналаштирган. Қ. кинода ҳам бир қанча роллар: Пардозчи («Мафтунингман»), Сарибой («Шум бола»), Амалдор («Осиё устида бўрон»), Милиционер («Чинор остидаги дуэль»), Хон («Акмал ва аскалхо») ва б. ижро этган. «Оталар сўзи – акдинг кўзи», «Телевизион



Воҳид Қодиров Бойғози ролида («Шум бола»).

миноторалар театри», «Экран ҳандаси», «Шунчаки саргузашт» каби телевизион кўрсатувларнинг фаол иштирокчиси бўлган.

ҚОДИРОВ Воҳидхон (1955.28.8, Тўрақўрғон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фаргона пед. институтини тугатган (1980). 1972 й.дан Тўрақўрғон туманидаги 24-мактабда лаборант, 1976 й.дан умумий техника фанлари ўқитувчиси.

ҚОДИРОВ Давлатохун (1888, Андижон — 1953, Тошкент) — созанда (дутор), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944). Ҳамза раҳбарлигидаги Ўлка сайёр сиёсий труппаси (1918—20), М.Қорийқубов раҳбарлигидаги Ўзбек давлат сайёр концерт этнографик труппаси (1926), Ўзбекистон радиохумитаси халқ чолғу асбоблари оркестри (1929—53)да созанда. Қишлоқ хўжалиги кўргазмаси (1923, Москва), Ўзбек санъати ва адабиёти декадалари (1937, 1951, Москва)да қатнашган. Репертуаридан Тошкент-Фаргона воҳаларн ҳамда машҳур ўзбек, тожик ва уйғур халқ мусиқа намуналари асосий ўрин тутган. Қ., айниқса, «Роҳат», «Ўйини Баёти», «Ўйини Дутори», «Баҳор», «Сарахбори Ороминхон», «Дилхираш», «Чертмак», «Танавор», «Фарғоначо» каби куйларни мохорат б-н ижро этган. Уйғур мусиқа чолғу йўлларининг кўпини ёдлаи билган.

ҚОДИРОВ Муҳсин Халилович (1932.10.3, Шаҳрисабз) — театршунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1978). Санъатшунослик д-ри (1976), проф. (1980). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1955). Қашқадарё вилоят маданият бошқармасида катта мутахассис (1955—57). Тошкентдаги Санъатшунослик ин-тида илмий ходим (1957—58), катта илмий ходим (1961—64, 1966—76), илмий котиб (1964—66), 1976 й.дан бўлим мудири. 1962 й.дан Санъат ин-тида дарс беради (1996—98 йлар ин-т ректори). Илмий фаолияти ўзбек халқи томоша санъатлари (анъанавий театр, рақс, цирк, майдон томошалари ва байрамлари)ни ўрганишга бағишланган. Қ.нинг «Ўзбек халқ озгаки драмаси» (1963), «Масхарабоз ва қизиқчилар санъати» (1971), «Халқ кўғирчоқ театри» (1972), «Ўзбек театри анъаналари» (1976), «Ўзбек халқ томоша санъати» (1981), «Навоий ва саҳна санъати» (2000) каби китоблари алоҳида қимматга эга. К. «Танбур ноласи» (Фаргона театрида қўйилган), «Сеҳрли узук» (Рус ёш томошабинлар театрида, Каттақўрғон, Қашқадарё, Сурхондарё театрларида қўйилган), «Кенжа қиз», «Сирли най» (Республика кўғирчоқ театрида), «Бахт қуши»

(Муқимий театрида саҳналаштирилган), «Сусанбил» (Хоразм кўғирчоқ театрида қўйилган), «Самар ва қанд қиссаси» (Самарқанд вилоят кўғирчоқ театрида саҳналаштирилган) каби пьесалар ёзган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (2003).

Ас.: Юсуфхон қизлик. Т., *1991*; *Темур ва темурийлар* даврида томоша санъатлари, Т., 1996; Ўзбек театри тарихи, Т., 2005.

Ад.: Исмоил Бақиқизи умр, Т., 2002; Кумушхон Н., Мусиқи Қодировнинг илмий тадқиқотчилик фаолияти, Т., 2002.

ҚОДИРОВ Набижон Ўзмасович (1957.26.2, Риштон тумани) — кулол, риштон кулолчилик мактабининг йирик вакили. Ўзбекистон халқ устаси (2001). 1969 й.дан уста кулол Йўлдошали Эргашевга шогирд тушиб ҳунар ўрганган. 1978 й.дан мустақил уста, тумандаги *кулолчилик э-дида* уста-рассом. Қ. маҳаллий кулолчилик анъаналарида буюмлар яратади, Риштон кулолчилик мактабида кичик *шаклли хайкалтарошлик асарлари* (дойлан кичик мавзули эътиодлар, ўйинчоқлар, мужассамотлар) яратишни бошлаб берди ҳамда уларни анъанавий (лаган, бодия) буюмлар б-н уйғунлаштиришга эришди: «Хорднк», «Новвой», «Деҳқон», «Чойхона», «Чорғу», «Бодомгул», «Ҳаштпул», «Аскиа» каби қўплаб кулолнк мужассамотлари ва б. Қ. ҳақида «Риштон мўъжизаси» номли ҳужжатли фильм



Н. Қодиров яралларидан намуна.

яратилган (1999). Қ. оилавий кулоллар сулоласига асос солди: уқалари *(Нозир, Шавкат, Акрор, Аброр)*, сингиллари (Замира, Зиёда), ўғиллари (Асрор, Сайёд) ва б. шогирдларя б-н бирга меҳнат қилиб, Риштон кулоллик мактабини янги анъаналар б-н бойитмоқда.

Қ. асарлари б-н республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этади.

ҚОДИРОВ Очил (1910 — Самарқанд вилояти Қўшрабод тумани Себистон қишлоғи — 1945) — 2-жаҳон урушн қатнашчиси, оддий аскар. 1941 й.дан фронтда. 1348-ўқчи полки (1-Белоруссия фронти 4й-армиясинг 399-ўқчи дивизиси) пулеметчиси. Польшанинг Ружан ш. яқинидаги жангда жасорат кўрсатган ва шунда оғир яраланган, Армия сафидан бўшатилган. Вафотидан сўнг Қаҳрамон унвони берилган (1945.24.3). Ўзи тугилган жамоа хўжалигида бюсти ўрнатилган ва ўрта мактабга номи берилган.

ҚОДИРОВ Пиримқул (1928.25.10, Тожикистон Республикаси Шахристон тумани Кенгкўл қишлоғи) — ёзувчи, адабиётшунос олим. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1988), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1978). Ўрта Осиё *ун-тининг шарқшунослик* ф-тини (1951) тугатган. СССР Ёзувчилар уюшмасида ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи (1954—63). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим (1963—83), Ўзбекистон Республикаси Адабиёт, санъат ва меъморлик соҳасидаги Давлат мукофотлари қўмитаси раиси (1989—94).

Дастлабки ижодиси — «Студентлар» (1951). Шундан кейин Қ. ёшлар ҳаёти ҳақидаги «Уч илдиз» (1958, роман), мустабид тузум шароитида ижки эркинн йўқотган, мигитлик дардига гирифтор бўлган қаҳрамонлар ҳаёти акс эттнн «Қадрим» (1961) ва «Эрк» (1968) қиссаларини ёзган. Замонавий мавзуларга багишланган бу ва б. асарларида Қ. 2-жаҳон урушн йилларида кечган машаққатли ҳаёти фактлари ҳамда шу давр ҳақидаги таассурот ва мушоҳадаларидан самарали фойдаланган. Замонавий мавзуларга багишланган «Қора кўзлар» (1966) ва «Олмос камар» (1976) романларида Қ. маънавий-ахлоқий масалалар б-н бирга воқеликка, хулқ-ат-вор, қишлоқ ҳаётида мавжуд бўлган жиддий муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратган.

Шуро мафкураси 70-йилларда тарихий мавзунинг ёритилишига қатгиқ қаршилик кўрсатганига қарамай, Қ. Абдулла Қодирий, Ойбек, Шайхзода, Миркарим Осим анъаналарини давом эттириб, «Юлдузли тунлар» (1979) романини ёзди. Ёзувчи бу асарида ўзбек халқи тарихининг муҳим саҳифаларидан бири — буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад *Бобур сиймосига мурожаат* этиб, унинг мураккаб ва машаққатли ҳаёт йўлини тарихан ҳаққоний гавдалантириб берди. Кейинчалик ушбу асарнинг давоми — «Адолатлар довони» (1989) романнинг нашр этди. Қ. «Юлдузли тунлар» («Бобур») ва «Адолатлар довони» романларида Бобур, Ҳумоюн ва Акбарнинг ҳаёт йўлини кузатиш орқали Бобурийлар салтанатининг вужудга келиши ва равнақ топишини ёркин тасвирлашга эришган. У узоқ ўтмишда ва ўзга мамлакатда рўй берган воқеаларни тасвирлашда ўз фантазиясига эмас, балки ўзи эътироф этганидек, «тарих фантазиясига», яъни чинлан содир бўлган воқеаларга кўпроқ асосланган ҳар иккала асар ҳам кенг китобхонлар тарафидан самимий кутиб олинганига қарамасдан, шуро мафкураси томонидан *асскин танқид* қилиниб, муаллиф ўтмишни идеаллаштиришда айбланди.



Пахта яккаҳокимлиги даврида ўзбек халқи бошига тушган жабру жафолар ўзбек адабиётида илк бор «Мерос» (1974) қиссасида ўз ифодасини топди. Қ. шу даврда қисса жанрида самарали ижод қилиб, болалар ва ёшлар ҳаётидан олинган «Акрамнинг саргузаштлари» (1974), «Яйра институтга кирмоқди» (1979), шунингдек, маънавий-ахлоқий масалаларга багишланган «Нажот» («Бағдодлар ва ботирлар», 1980) қиссаларини ҳам эълон қилди. «Она зочин нилоси» (2000) романида 15-аларн Моворауннаҳрнинг ижтимоий-маданий ва маънавий ҳаёти кенг акс эттирилган. Ёзувчи сўнгги йилларда «Қалб кўзлари (балиқлар, ўйлар, эсдаликлар)» (2001) китобини чоп этиб, шу йўналишдаги янги бадиий-эссеистик устоза иш олиб бормоқда.

Қ. адабиётшунос олим сифатида ўзбек тили ва адабиётининг илмий-назарий масалалари б-н шуғулланиб, «Тил ва дил» (1972), «Халқ тили ва реалистик проза» (1973), «Тил ва аз» (2005) рисолаларини ҳамда 2 жилд «Адабиёт назарияси» учун «Адабий асарнинг тили» ва «Адабий жанрлар» бобларини ёзди.

Қ.нинг «Қадрим» қиссаси асосида «Сенинг изларинг» (реж. Р.Ботиров) бадиий фильми, «Юлдузли тунлар» романи ва «Жон ширин» ҳикояси асо-

сида кўп серияли видеофильмлар (реж. М.Юсупов) суратга олинган. Унинг «Бобур» пьесаси (реж. Б. Йўлдошев) узоқ йиллар мобайнида қозирги Ўзбек миллий академик драма театрида, «Нисоф» пьесаси эса вилоят театрлари саҳналарида қўйилган. Асарлари рус, украин, қозоқ, урду, турк, уйғур, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида нашр этилган.

Ўзбекистон Олий Кенгаши (Маданият ва маданий мерос қўмитаси раиси; 1991–95), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари; 1997–2000) депутати.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981), «Шуҳрат» медали (1994) ва «Эл-юрт ҳурмати» (1998) ордени б-н мукофотланган.

Ас.: Сайланма, 1–3-жлар, Т., 1987–89; Она ернинг нидоси, Т., 2001; Қалб қўзлари, Т., 2001; Тиз ва эл, Т., 2005.

Ад.: Шермуҳамедов П., Пикримкул Қодиров, Т., 1963; Каримова Ю., Эрк жозибаси, Жиззах, 2004.

Нашр Каримов.

ҚОДИРОВ Таваккал (1926.24.4, Қува тумани — 1996.13.4, Фарғона) — хонанда (лирик тенор), Ўзбекистон халқ артисти (1989). Фарғона мусиқа билим юрти (1961) ва Фарғона пед. ин-ти (1990) ни тугатган. Дастлаб қувалик Турсунбой Каримовдан доира ва ғижжак (скрипка) чалишни, «Дутоҳ», «Сегоҳ» каби мумтоз чолғу куйларини, Ғ. ва Е.Ҳошимовлардан ашула йўлларн («Елғиз», Т.Жалилов; «Ўлтирсуи», Ж.Султонов ва б.)ни ўрганган. Кейинчалик К.Отаниёзов, Ж.Султоновдан ўзбек мумтоз ва замонавий бастакорлар ашулаларини ўзлаштирган. Қува тумани маданият уйида бадиий раҳбар (1951–59), Фарғона театри (1959–78), Фарғона вилоятларара филармониясида якқахон хонанда (1978–91), директор (1978–83), Фарғона ун-тида проф. (1991 й.дан). Бастакор, ширали, жарангдор ва тиниқ, ниқоятда кенг ва юқори диапазонли овоз соҳиби. 1955 й.дан Ж. Оқунов б-н ҳамнафасликда қилган. Репертуаридан *Фарғона-Тошкент мусиқа усулби* намуналари («Кўқон Ушшоғи», «Тошкент Ироғи», «Ғазавор», «Насруллойи» ва б.), Хоразм йўллари («Сувора», «Феруз», «Сегоҳ»), замонавий бастакорлар («Тўй мубораки», Фахр. Содиқов; «Бизни тақдирлаб», «Фарғона тонг отгунча», М.Муртазоев; «Дострон», К.Отаниёзов; «Ўлмасин», Ж.Султонов ва б.) ҳамда мумтоз ва замонавий шоирлар ғазалларига ўзи яратган («Ўхшайдику», Ҳамза шеъри; «Шунчамидия», О.Ҳакимов; «Жамолларингдан», Нақший; «Кеча ойдин», Миртемир; «Ўйнасин», Ҳабибий ва б.) ашула ва йлларлар кенг ўрин олган. Ижро услуби баланд авазларни кенг ишлатилиши, равонлик, кенг нафас, қар бир сўзини дона-дона қилиб айтиши б-н ажралиб туради. Ижодига бағишланган 2 телефильм (1963, 1992) ва видеофильм (1991) суратга олинган. Ижролари бир неча грампластинка ва ўзтелерадиокомпанииси фонотекасига ёзилган. Н. *Хамроқулов*, Н.*Ҳайдаров*, С.*Маннопов*, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист А.Каримов ва б.га устозлик қилган. Фарғонада санъат коллежи ҳамда кўчаларидан бирига Қ. номи берилган.

Ад.: Малиновп С., Таваккал Қодиров, Фарғона, 1994.

ҚОДИРОВ Эркин (1932.28.12, Тошкент) — цитолог, гистолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1990), биол. фанлари д-ри (1982), проф. (1984). ТошТИни тугатгач (1961), Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўлка тиббиёт и.т. институти ординатори (1961–62), аспиранти (1963–66), катта илмий ходим (1968), Тошкент ун-ти биологик-тупроқшунослик ф-тида катта ўқитувчи (1968–79), доцент (1979), кафедра мудири (1983 й.дан). Илмий ишлари кўзбоғисон заҳари турли дозаларнинг қаламушлар ички секрецин безлари: гипофиз, қалқонсимон без ва буйрак усти безлари ҳужайраларн морфологик тузилиши ва вазифаларига таъсирида рўй берадиган морфофункционал ўзгаришларни ўрганишга, шунингдек, илон чаққанида даволаш мақсадида юборилаётган «Антитюрза» зардобини захарсизлантиришни динамикасини морфофункционал усуллар ёрдамида ёритишга бағишланган.

Ас.: Злокачественный зоб, Т., 1967; Умумий гистологиядан амалий машғулотлар учун қўлланма, Т., 1983; Гистология [Дарслик], 1994; Одам анатомияси [Дарслик], Т., 2003.

ҚОДИРОВ Ғафур (1917.1.2 — Тошкент — 1985.12.11) — композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1983). Тошкент консерваториясини тугатган (1945). Тошкент мусиқа билим юрти (1945–59), Тошкент консерваториясида педагог (1959 й.дан), доцент (1969), Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси масъул котиби (1965–71). Симфоник оркестр учун 2 «Рақс сюитаси», «Балет сюитаси», «Ёшлик увертюраси», «Сўзана» поэмаси ва б., Ўзбек халқ чолғулари оркестри учун 4 сюита, «Ёшлар вальси», «Қизлар рақси» ва б. ёзган. Қ. *болалар мусиқаси* соҳасида самарали ижод қилиб «Мактабжон-оftобжон», «Баз ёш ўқувчилар», «Оқ олтин» ва б. вокал-симфоник асарлар, фортепиано, виолончель, кларнет ва б. соллар учун турли пьесалар ёзган. Айниқса, дилкаш оҳангларга бой хор, эстрада ва болалар қўшиқлари оммалашган: «Ўзбекистоним», «Ёшлар марши», «Мирзачўл ёр-ёри», «Баҳор», «Кой-инманг, онажон», «Арча қўшиғи» ва б.

ҚОДИРОВА Маҳбуба Шамсиевна (1919.25.5, Тошкент) — адабиётшунос ва матншунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1995), филол. фанлари д-ри (1975). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1936). Ўзбекистон ФА Тил ва Адабиёт ин-тида стенографистка (1934—36), катта илмий ходим (1956—61), Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида катта (1967—91), етакчи илмий ходим (1992 й.дан). Мумтоз ўзбек шоиралари — Зебуннисо, Увайсий, Нодира, Дилшод Барно, Муслиҳабегим Мискин, Саодат Муштарий, Анбар Отин каби ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодий меросини кенг қўламда ўрганиб, илмий рисолалар, монографиялар ёзган ва уларнинг шеърий тўпламларини нашр қилдирган. «19-аср Ўзбек шоиралари ижодида инсон ва халқ тақдири» асарида (1977) шу давр адабиёти ва, хусусан, шоиралари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Ас.: Нодира ҳаёти ва ижоди, Т., 1965; Надира, Т., 1967, 1980; Дилшод, Т., 1971; Зебуннисо, Т., 1982; Шоира Анбар, Т., 1991; Шоира Мухлиқо, Т., 1992; Шеърият ва маърифат маликаси, Т., 1998.

ҚОДИРОВА Тўлқинной Фозилжоновна (1935.27.7, Тошкент) — мелиор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор (1976), проф. (1996). Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1959). Саньатшунослик ин-тида кичик, катта илмий ходим (1959—80), Ўзбекис-

тоғ меъморлар уюшмаси раиси (1980—92). 1993—98 й.лар «*Камалак—ТВ*» Америка—Ўзбекистон қўшма корхонаси бош директор ўринбосари, 1996 й.дан Тошкент архитектура ва қурилиш институти меъморий муҳитлар дизайни кафедраси проф.; 2005 й.дан меъморлик тарихи ва назарияси кафедраси мудири. Қ. фаолияти шаҳарсозлик, меъморлик тарихи ва назарияси, замонавий меъморликда халқ анъаналаридан унумли фойдаланиш масалаларига бағишланган. Қ. шунингдек, бир қанча тўрар жой, меъморий бинолар ва шаҳарсозлик мажмуалари лойиҳалари муаллифи, Тошкент, Наманган, Қўқон, Бухоро каби шаҳарлар марказларн учун ўтказилган танловлар голиби. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1985). Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутати (1984—85, 1985—90, 1990—95).

Ас.: Архитектор и время, Т., 1982; Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари меъморлиги, Т., 2004.

ҚОДИРХОН ЮСУФ ибн Ҳорун Бутрохон ибн Мусо Туғлиқ элак ибн Сотуқ (? — 1032 й. дек., Қашқар) — Шарқий қорахонийлар давлати хони. *Ўтбий* ва *Ибн ал-Асир* Қ.Юсуф Ҳўтан ҳукмдори деб аташади. Нумизматик маълумотларга кўра, у 1013—14 й.ларда Ёркенд, 1014—15 й.ларда Қашқарда ҳам ҳукмронлик қилган. 1025 й. Қ.Юсуф *Маҳмуд Ғазнавий* бир палитва Мовароуннаҳрга, *Алптегин* устига юриш қилишган. *Тарихийнинг* ёзишича, Самарқанд яқинида Қ.Юсуф Маҳмуд 6-н учратиган, ўртада битим тузилган. Қ.Юсуф Алптегиннинг акаси Тўғонхонни *Баласоғундан* сиқиб чиқарган. Қ.Юсуфнинг мулки 1032 й.га келиб Шарқий Туркистондан ташқари Ёттисув ва Жан. Қозоғистоннинг қамраб олган. Пойтахт Қашқар ш. бўлган. Унинг вафотидан кейин Шарқий Туркистон ва Ёттисув катта ўғли Бутротегин Сулаймонга теккан, у Арслонхон унвонини олган. Талас (Авлиёота) ва Исфижоб (Сайрам) Қ.Юсуфнинг 2-ўғли Ибрагимга Муҳаммадга теккан. У Бугрохон унвони 6-н эгаллик қилган.

Ас.: Бартольд В.В., Сочинения, т.2 (ч.1), М., 1963; Материалы по истории народов Средней и Центральной Азии X—XIX вв., Т., 1968.

ҚОДИСИЯ ЖАНГИ — Сосл ибн Абу Ваққос қўмондонлиги остидаги араб қўшини 6-н Хуросон ҳокими Рустам ибн Фаррухзод қўмондонлигидаги сосонийлар қўшинн ўртасида Хира (Ироқдаги Қодисия қишлоғи яқинида бўлган жанг (636 й., сент.; бошқа маълумотларга кўра, лек. ёки май ойининг охири, иконинг боши). Қ.ж. 3 кеча-кундуз давом этган ва ислом лашкарининг галабаси 6-н тугаган. Арабларга Сурияда 66 минг кишилик (бошқа манбаларга кўра, 10 минг киши) қўшин етиб келган. Бу қўшинни халифа Умар ибн Хаттоб Дамашқ ш.ни эгаллагач юборган. Жангнинг 3-куни ҳар галгилек баҳодирларнинг якқама-якка олишувн 6-н бошланган, сўнгра қўшинлари тўқнаш келган. Жанг тунда ҳам давом этган. 4-куни тонгда гарбдан шамол эсиб форс қўшинни устига чанг-тўзон ёғизган. Араб ҳарбий қисмларидан бири Рустам қароргоҳини бостириб кириб уни ўлдирган. Саркардаларнинг ўлими Эрон қўшинини саросимага туширган ва уни мағлубиятга учрашига сабаб бўлган.

Мусулмонлар қўлига Эроннинг давлат байроғи тушган. Бу байроқ қимматбаҳо тошлар 6-н безатилган бўлиб, уни 1 млн. 200 минг дирҳамга баҳолашган. Қ.жда 6 минг араб жангчиси ва 10 минг форс аскари ҳалок бўлган. Саъд ибн Абу Ваққос жангдан сўнг 2 ой давомида Қодисияда қолиб халифадан кейинги ҳаракат режалари ҳақида тегишли фармон кутган.

Фазриддин Ҳасанов.

ҚОЖАРЛАР — 1) Шим. Эронлари халқ. Қизилбош қабилаларидан бирининг авлодлари. 30 минг киши (1987). Туркий тилларга мансуб тилда сўзлашади. Диндорлари — шиа мусулмонлар, бир қисми — сунний мусулмонлар; 2) Эрон шоҳлари сулоласи (1796—1925). Сулола асосчиси — Оға Муҳаммадхон Қожар. Эрон парламенти — мажлис қарори 6-н сулола тугатилган.

ҚОЗИ (араб. — ижро этувчи, ҳукм чиқарувчи) — мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифасини бажарувчи, судья, шаръий маҳкама раиси. Дастлаб Қ.ларни Муҳаммад пайғамбар, унинг кейин халифа Умар тайинлаган. Хулафои рошидин даврида Қ.лар фақат фуқаролик ишларини кўриб чиқарган, жиноий ишларни ҳал қилиш халифа ёки шунга қобилларнинг ваколатига киларди. Жабобир юқсак мақом эгаси ва ноҳидлари киши бўлганда унга тегишли иш мазолим Қ.си (мазолим вилояти)га топшириларди. Шиқоятлар 6-н шуғулланувчи бу идорага давлат раҳбари ёки у тайинлаган бошқа киши бошчилик қиларди. Мазолим судида даъвогар ва жавобгарлар ташқари Қ.лар, муфтийлар, салоҳиятли қотиб, ички ишлар раҳбарлари, хавфсизлик хизматлари ишгирок этарди. Мазолим Қ.си ҳокимлар, давлат мулозимлари, солиқчилардан шикоятлар бўйича ишларни, зўравонлик 6-н тортиб олинган шахсий мулк ёки вақф мулкларига оид ишларни, Қ.лар чиқарган қарорларнинг бажарилмаслиги ҳоллари, кўпчилик манфаатига қарши қилинган тажовузларга доир ишларни кўриб чиқарди. Қ. мусулмон бўлмаган фуқароларнинг ишларини ўзларнинг диний китобларн (Таврот, Инжил) асосида ҳал қиларди. Қ.нинг ҳукми устидан халифага шикоят қилиш мумкин бўлган. 8-а.нинг 2-ярмида аббосийлар даволатида олий Қ. — қозиул-қузот лавозими жорий қилинган.

Амалда Қ. лавозимини ўз обрўсига доғ туширмаган, илму идрокли ва шариат қонунларини етарлича биладиган, яхшн кўринишга турган жисмоний нуқсон бўлмаган соғлом ва одил ҳар бир эркин (қул бўлмаган) мусулмон эгаллаши мумкин эди. Қ. давлат ғазначисидан таъминлаб турилган. Баъзан Қ. умумий ваколатга эга бўлиб, бутун мамлакат бўйича ҳукм чиқара олган, баъзан унинг ваколати бир вилоят ёки шаҳар ҳудуди 6-н чекланган. Қ. ўз шаҳри ёки вилоятидаги барча фуқаролик ва жиноий ишларни олиб бориш, жамоатчилик аҳлоқи сақланишнинн назорат қилиш, зарур бўлган тақдирда одамлар ва мулкка васийликни тайинлаш, вақф мулкларини назорат қилиш, жамоат бинолари ва иншоотлар, йўллар, кўчалар ва майдонларнинг ҳолатини кузатиб турнш, мерос бўлинишини ва васиятга риоя қилинишини, Қ. ҳукмлари тўғри бажарилиши ва тўғри жало белгиланишини кузатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва турма назоратини назорат қилиш, закот, салақа ва б. жамоат маблағлари тўғри йиғилиши ҳамда тақсимланишини кузатиб бориш, зарбхона, байтулмол (давлат хазинаси)ни назорат қилиш каби ишларни бажарарди. Қўшинлар Қ.си қўлга киритилган ҳарбий ўлжани бақолаши ва унинг тўғри тақсимланишини кузатиши керак бўлган. Бунинг учун у ҳарбий ҳуқуқни яхши билиши лозим эди.

Айрим қозиларни ҳисобга олмаганда Қ.лар асосан фақиҳлар орасидан чиққан.

Ўзбекистон ҳудудида, хусусан Тошкент ш.да 20-а.нинг 30-й.ларн бошигача *қозилар суди* мавжуд бўлиб, шариатга тегишли муаммоларни кўриб, ҳал қилиб келган.

Абдуғаффор Жўраев.

ҚОЗИАСКАР, қози ўрду — 1) мусулмон Шарқи мамлакатларида ҳарбий хизматчиларининг қозиси. Хива хонлигида элликбоши ва қўшинлари қонун-қоидалар устидан назорат қилиб, шаръий масалаларни ҳал қилган. Баъзи ҳолларда интимосига мувофиқ *ҳарбий бўлмаган кишиларнинг* ишларини ҳам кўриш учун қабул қилган. Хон сафарга чиққанида Қ. унга ҳамроҳ бўлиб, ўз вазифасига тегишли ишлар *бўйича хонга шахсан ўзи* маълумот берган. Қ. расмий қабул маросимларида хоннинг ўнг томонида қозикалондан кейин, 2-ўринда ўтирган; 2) Усмонли турк империясида (4-н. ўрталаридан ҳарбий-суд табақаси бошлиғи, султон девони аъзоси. Қ. ҳарбий ишлар, 15-в.да шайхулислом мансаби жорий этилгунча эса диний ишлар юзасидан ҳам девонга тушган шикоят аризаларини кўриб ўзининг якуний қарорини чиқарган. 1481 й.дан 2 та Қ. бўлган: — Румэли Қ.и (салтанатнинг Европа қисми учун) ва Анадолу Қ.и(салтанатнинг Осиё ва кейинчалик Африка қисми учун); Румэли Қ.и. рутбаси баландроқ бўлган. Қ.лар-га шартли ер мулки(иқтидлик) ва эҳсонидан маош тўланган. Сулton Маҳмуд II нинг ҳарбий ислоҳотлари натижасида (19-а.нинг 20—30-й.лари) Қ. лар реал ҳокимиятдан маҳрум бўлишган, лекин 1922 й. султонлик *барҳам топгунига қадар олий* диний мартаба сифатида номигагина мавжуд бўлган.

ҚОЗИЗОДА РУМИЙ — қ. *Румий.*

ҚОЗИКАЛОН — бош қози, энг юқори даражадаги қози (олий маҳкама раиси). Ўрта Осиё хонликларида барча қозилар, диндорлар ва мударрислар: бошлиғи, яъни раиси бўлиб, улар устидан назорат қилган. Бош қози ҳам диний, ҳам аллоқачон ишларни бошқарган. Барча мусулмон мамлакатларида бўлгани каби Хива хонлигида ҳам ҳуқуқ масалаларни диннга қарашли, яъни диндорлар қўлида *бўлганлиги сабабли, Қ. барча* ҳуқуқ масалаларда ва қўшин маъмуриятининг ҳам раиси қозикалон.

Қ. фуқароларнинг ғалвоялари, жанжалларн б-н ҳам шуғулланган. Олий жазо талаб қилинадиган жиноий ишлар унинг ваэифасига кирмаган. Бу ишларни хоннинг ўзигина кўрган. 1824—25 й.ларда хонликдаги Қ. нинг 11 та навкари бўлган.

Қ. расмий қабул маросимларида хоннинг ўнг томонида, 1-ўринда ўтирган. Қ. Бухоро амирлигида ҳам худди шундай вазифани бажарган.

Хива хонлиги мутлақ монархия давлати бўлгани учун олий суд юқоридаги хон ихтиёрида бўлса-да, бироқ шунга қарамай Қ. ҳам қатта ваколатларга эга эди. Мас., маош тўланадиган ер-сувлар *бўйича* хонга *шахсан ўзи* маълумот берган. Қ. расмий қабул маросимларида хоннинг ўнг томонида қозикалондан кейин, 2-ўринда ўтирган; 2) Усмонли турк империясида (4-н. ўрталаридан ҳарбий-суд табақаси бошлиғи, султон девони аъзоси. Қ. ҳарбий ишлар, 15-в.да шайхулислом мансаби жорий этилгунча эса девонга тушган шикоят аризаларини кўриб ўзининг якуний қарорини чиқарган. 1481 й.дан 2 та Қ. бўлган: — Румэли Қ.и (салтанатнинг Европа қисми учун) ва Анадолу Қ.и(салтанатнинг Осиё ва кейинчалик Африка қисми учун); Румэли Қ.и. рутбаси баландроқ бўлган. Қ.лар-га шартли ер мулки(иқтидлик) ва эҳсонидан маош тўланган. Сулton Маҳмуд II нинг ҳарбий ислоҳотлари натижасида (19-а.нинг 20—30-й.лари) Қ. лар реал ҳокимиятдан маҳрум бўлишган, лекин 1922 й. султонлик *барҳам топгунига қадар олий* диний мартаба сифатида номигагина мавжуд бўлган.



Қозикалон мадрасаси.

ҚОЗИКАЛОН МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1905); *Ичан қалъа* таркибида. *Жума масжиди* ва *Матниёз Девонбеги мадрасаси* оралигида. Қозикалон Салим Охун томонидан қурилган. Мадраса тўртбурчак тарҳли (32,5 х 23,4 м), пештоқ-гумбазли, дарсхона (тарҳи 4,7 х 4,7 м), ҳужра (16,6 х 9,8 м)дан иборат. Бош пештоғининг 2 бурчагига гулдасталар ишланган (улар ишқи ва кўк кошинлар б-н безатилган); пештоқ орқали миёнсаройга кирилади. миёнсаройнинг 2 ёнида масжид ва мадраса жойлашган; ҳовли атрофини балхи гумбазли 1, 2 ҳонали ҳужралар эгаллаган, жан. томонида қўшимча хоналар ҳам бор. Пештоқ ва деворлари данналарар ранғли кошинлар б-н зийнатланган; деворнинг ташқи ва ички томонининг юқори қисми горизонтал ишлл «бандак»қатори б-н ҳошияланган, деворларига исси равоқлар ишланган. Пештоқ *равоғи китобасида сирқор битиклар* бор.

ҚОЗИЛАР СУДИ — ислом пайдо бўлган даврдан мусулмон мамлакатларидаги айбловчи ва ижро этувчи асосий давлат органи. Уларга халифалар ва ҳукмдорларнинг нойби ҳисобланадиган қозилар бошчилик қилган. Қозилар турли даъво ва жанжалларни *шариат*га асосланиб ҳал қилганлар. Ҳозир ҳам бир қанча ислом давлатлари (Саудия Арабистони, Яман, Ироқ, Эрон, Покистон ва б.)да Қ.с. ўзининг асосий вазифаларини сақлаб қолган.

Ўрта Осиё ҳудудидаги хонликларда ҳар бир даҳда Қ.с. бўлган. Уларда иш қўзғатиш ва дастлабки тергов боскичлари йўқ эди. Чунки ҳоз. кўриниладиган тергов, прокуратура ва адвокатура органларининг ўзи бўлмаган. 1920 й. Бухоро ва Хоразмда Қ.с. тугатилди. Янги ҳалқ судлари ташкил этилди. Совет халқ судлари Бухоро ва *Хоразмининг* рус эмасиси жойларини ҳудудида фаолият кўрсатган бўлса, маҳаллий халқ учун шариатга асосланган қози халқ судлари иш олиб борган. 1924 й. 5 ийн.даги «Суд қурилиши тўғрисидаги низом» БХСРда амалда бўлган суд тизимини қайта тузди ва Қ.с.да халқ маслаҳатчилари қатнашишини жорий этди, бу б-н коллегиал суд тизимини йўлга қўйди.

Туб мусулмон аҳоли учун суд ишларни бу ислоҳот натижасида судининг шакли ўзгарди, энди яккабошчилик *суди коллегиал судга айланди.* Халқ судида судьялар, маслаҳатчилар бўлиб, советга иш юритиш жорий қилинганлигига қарамай, моҳиятан Қ.с.дан фарқи йўқлай эди. Қ.с.ни тугатиш тўғрисидаги қарорни мусулмон руҳонийлари динга тазйиқ сифатида баҳолашлар. Шу сабабли Туркистонда Қ.с.нинг қисман тикланиб боқланди. Бу ҳақда 1921 й. 6 окт.да Туркистон МИКнинг декрети эълон қилинди. 1922 й. 26 майда ТАССР ҳукумати республикаларнинг барча ҳудудида Қ.с.ни қайта тиклаш ҳақида декрет чиқарди. Ана шу асосида Қ.с. яна *бир неча йил иш олиб борди. Ўзбекистон* ССР ХКСининг 1928 й. 18 фев. қарори б-н у Ўзбекистонда ўз фаолиятини тўхтатди.

Шодмонов Эшонқул

ҚОЗИХОНА — юқори томонидан судлов ишларини амалга оширадиган маҳкама. Шариатга кўра, Қ.лар масжид қошида бўлиши керак бўлса-да, кўпгина судлов ишлари қозиларнинг уйларида, бозор кунлари эса бозорларда кўрилган. Ўрта Осиё ҳудудидаги хонликларнинг ҳар бир даҳасида Қ. бўлган. 1917 й.дан кейин Қ.лар халқ судлари назоратида ишлаган. Ўзбекистонда 1925 й.да 87 та, 1926 й.да 27 та, 1927 й.да 8 та Қ. бўлган. 1928 й.да Қ.га эҳтиёж қолмаган. Шарқнинг айрим мусулмон мамлакатларида қозилар ҳам Қ.лар фаолият кўрсатган.

ҚОЗОН — РФ даги шаҳар, Татаристон Республикаси пойтахти (1990 й. дан). Волга бўйининг муҳим саноат ва маданий марказларидан бири. Волга дарёси чап соҳилида. Йирик дарё порти. Т. й. станцияси. Автомобиль йўлларн чорраҳаси. Аэропорт бор. Аҳолиси 1105,3 минг киши (2002). 5 маъмурий туманга бўлинган.

Қ.га 1-минг йиллик охирида Қозон дарёсининг ўрта оқимида булғорлар асос солган. 1399 й.да Москва князи Юрий Дмитриевич қўшинлари томонидан Қ. вайрон қилинди ва 30 — 40 й.дан сўнг қайта тикланди. Кейинчалик шаҳар ўрнида Кремль қурилди. 15-й.дан Ўрта Волга бўйининг йирик акгисодий ва савдо маркази. 1438 й.дан Қозон хонлигининг пойтахти. 1552 й.да рус подшоси Иван Грозний қўшинлари томонидан босиб олинган. 1708 й. дан Қозон губерниси марказн. 19-а.да Қ.да саноат корхоналари пайдо бўла бошлади. 1804 й.да ун-т очилди. Қ. 1920—90 й.ларда Татаристон АССР пойтахти.

Машинасозлик (авиасозлик, моторсозлик, «Теплоконтроль», вакуум техникаси и. ч. бирлашмалари; компрессор, электрон-ҳисоблаш техника маҳсулотлари и. ч. ва б.) ва металлсозлик, кимё ва нефть кимёси («Казаньоргсинтез», «Тасма», кимё-фармацевтика корхоналари; синтетик каучук, уй-рўзғор кимёси маҳсулотлари ва

Сумбека минораси (17-а.).



Татар давлат опера ва балет театри.



6.), енгил (мўйна, кўн-тери маҳсулотлари ва б.), озиқ-овқат саноатлари ривожланган. 11 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т, консерватория), 6 театр (опера ва балет театри ва б.), 8 музей (Татаристон Республикаси, тасвирий санъат, М.Горький номидаги музейлар ва б.) бор. Шаҳарда меъморий ёдгорликлардан Кремль ва ёдгорликлар мажмуаси (16—18-а.лар), шу жумладан, Суюмбека минораси (17—18-а. бошлари), Петропавловск собори (18-а., доз. собор бинои — плантирий), Маржонй масжиди (18-а.), губернатор саройи (19-а.), Қозон университети мажмуаси (19-а., классицизм услубида қурилган) сақланган. Қ.да шаҳарнинг бунёд этилганига 1000 йил тўлганлиги муносабати б-н бир йўла 5 минг киши намоз ўқийдиган тўрт минорали Кул Шариф жоме масжиди ўз ўрнида қайта тикланди. Европада энг катта бўлган бу масжид 1552 й. Иван Грозний Қ.ни босиб олган вақтда бутунлай бузиб ташланган эди.

Қозон Кремли ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси рўйхатига киритилган (2000). 2005 й. Қ.нинг 1000 йиллиги нишонланди. Метрополитен ишга туширилди.

Кул Шариф жоме масжиди.



ҚОЗОН — 1) чўян, мис, алюминий ва б. металлардан қуйиб тайёрланадиган рўзғор буюми; таом пиширш, сув қайнатиш ва б. мақсадларда ишлатилади. Унинг қопқоғи (тувоғи) металл ёки ёғочдан ясалади. Археологик текширишлар қадимда Ўзбекистонда сопол, тош (мармар), бронза Қ.лар бўлганлигини кўрсатди. Мас., *Катта Фарғона канали* қазилганда мил. ав. 1-минг йилликнинг охирига мансуб бронза Қ. чиқди: Наманган вилояти ўлкашунослик музейида *Ахсикатлан* топилган, милоднинг 6—7-а.ларига *онд сопол Қ. сақланмоқда.*

Қ.нинг шакли ва ўлчамига қараб, дошқозон, ош Қ., кир Қ. каби турлари бор. Кичкирғи деқча деб аталади; 2) ёқилғи (кўмир, газ ва б.) ёқиб сув бути ёки иссиқ сув олинадиган қурилма. Иссиқлик электр ст-ларининг *бут турбиналсини* бут б-н таъминлаш, бино ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш, иссиқ сув б-н таъминлаш тизимларида фойдаланилади. Турар жой ва жамоат биноларини иситишда чўғидан ишланган, қаттиқ ёқилғи ёқиладиган секцияли сув иситиш Қ.ларидан фойдаланилади. Буларда сув 115° дан юқори т-рагача қизийди. Уларнинг иссиқлик ажратиш қуввати 1,5 Г кал/соат (1 Г кал/соат ≈ 1,163 МВт), босими эса 0,4 МН/м² (4 кгк/см²) гача. Бундай Қ.ларнинг ўчоқ аппаратларини ўзгартириб, қаттиқ ёқилғидан газсимон ёқилғи ёқишга ўтказиш мумкин (қ. *Буг қозони, Буг турбинали электр станцияси*).

ҚОЗОН СОБОРИ — Санкт-Петербурдаги меъморий ёдгорлик (1801—11); классицизм услубида қурилган (меъмори А.Н.Воронихин). Ярим ойлана шаклидаги бино Нева проспектига қаратган. Марказида 6 устунли пештоқ, улкан гумбазли, 2 ён томонлари қаҳмдор устунлар қатори б-н уралган бино салобатли майдон ҳосил қилган. Собор Нева проспектидаги ансамбл-



Қозон собори.

лар тарихбига киради. Бош тарзи ози-дилаган кирчин майдон чўян панжара 6-н ўралган. Интерьери улуғвор устунли зал — сарой ечимига эга; бош нефининг уз. 69 м, умумий бал. 62 м. Ҳайкалтарошлик безаклари И.П.Мартос, И.П.Прокофьев, Ф.Ф.Шчедрин ва б. томонидан бажарилган; деворий расмлар ва иконаларни яратишда В.Л.Боровиковский, А.Е.Егоров ва б. қатнашган. Бинога 1812 й. Ватан урушида қўлга киритилган ҳарбий ўлжалар (Европанинг 17 шаҳар ва 8 қалъаси қалитлари, 105 та байроқ ва б.) жойлаштирилган. 1813 й.да соборга М.И. Кутузов дафн этилган. 1837 й. собор олдига М.И. Кутузов ва М.Б. Барклай де Толли ҳайкаллари ўрнитилган (бронза, гранит; ҳайкалтарош Б.И.Орловский, меъмор В.П.Стасов).

ҚОЗОН УНИВЕРСИТЕТИ — Россиядаги қад. ун-тлардан бири. 1804 й. Қозон шл.да ташкил этилган. Мат., физика, геол., кимё, биол., тарих, геогр., ҳуқуқ, филол., экология ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Тарихибда бир қанча илт. институтлари ва б. илмий муассасалар, музейлар, нашриёт, илмий кутубхона (5 млн.га яқин асар) бор. Ун-тда 11 минглаи зиёд талаба таълим олади, 1000 дан ортиқ ўқитувчи ва илмий ходим ишлайди.

ҚОЗОН ХОНЛИГИ — *Олтин Ўрда* инқирозидан сўнг Ўрта Волга бўйи — Волга-Кама Булғорияси ҳудудида ташкил топган давлат (1438—1552). Қозон хонлари сулоласига Улуғ Муҳаммад (1438—45) асос солган. Маркази — Қозон ш. Қ.х. аҳолиси Қозон татарлари (Волга булғорларининг авлодлари), мари, чуваш, ўзмурд, мордва ва бошқиралардан иборат бўлган. Улар, асосан, деҳқончилик б-н шуғулланган. Шаҳарларида ҳунармандчилик ривожланган. Қ.х. *Рус давлати, Сибирь*, Кавказ ва Шарқ давлатлари б-н савдо алоқалари олиб борган. Ҳокимиятни йирик зодагонлар кенгаши(девон) маслаҳати б-н хон бошқарган. Ширин, бахрин, аргин, қипчоқ уруғ вакиллари — қарачалар, золагонларнинг олий табақасини ташкил этган. Буларлан кейинги ўринда султонлар ва амирлар, мирзолар, уланлар ва аскарлар турган. Мусулмон руҳонийлар катта ҳурматга сазовор бўлганлар. Аҳолининг асосий қисмини қ-қора халқ ташкил этган.

Қ.х. маъмурий жиҳатдан дорулпар (округ) ва улусларга бўлинган. Армияни хонга қарашли гвардия, алоҳида зодагон қўшинлар ва солиқ тўловчи халқ оралидан чиққан қўшгиалилар ташкил этган.

Қ.х. Рус ери-га тез-тез талончилик ҳужумлари уюштириб турган, Рус қўшинлари эса 1467—69 й.ларда Қозон, Вятка ш.ларига юриш қилган, 1487 й.ги юриш натижасида Алихон тахтдан агдарилиб, *унинг ўрнини* акаси Муҳаммад Али (Иван III нинг тумаштаси) эгаллаган. Шу вақтдан бошлаб 1521 й.га-ча Қ.х. Россияга қарам (вассал) давлат бўлиб қолган. 1552 й. рус қўшинлари Қозонни босиб олгач, Қ.х. тугатилган ва Ўрта Волга бўйининг ҳаммаси Россия тарқибига киритилган.

ҚОЗОНҚЕТКАН — *Қорақалпоғистон* Республикаси Кегейли туманидаги шаҳарча (1992 й.дан). Яқин т. й. станцияси — Қўштунгил (60 км). Қ. дан *Нукусгача* 100 км. Аҳолиси 4,2 минг киши (2005). Ғишт з-ди, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, МТП, ҳусусий корхоналар, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Умумий таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежи , болалар мусиқа мактаби, маданият саройи, туман марказий кутубхонаси, туман марказий касалхонаси, зорихона ва б. тиббий муассасалар мавжуд. Қдан Нукус ш.га автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҚОЗОНЛИҚ — Болгариянинг марказий қисмидаги шаҳар, Стара-Планина *тоғларининг жан. этагида*. Қозонлиқ сойлигида жойлашган. Аҳолиси 54 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, ёғ-ёғсизлик саноати корхоналари мавжуд. Мусиқа асбоблари ишлаб чиқарилади. Фракийларнинг антик ёзувли гумбазсимон сағанаси (мил.ав. 4—3-а.лар) сақланган. Шаҳар атрофида дунёга машҳур қозонлиқ атиргули, лаванда плантациялари барпо қилинган. Қ.да эфир мойли ўсимликларнинг тажриба ст-яси бор.

ҚОЗОНЛИҚ ДАХМАСИ — Болгариядаги қад. меъморий ёдгорлик (мил. ав. 4-а. охири — 3-а. бошн); Қозонлиқ ш. яқинидаги қўрғон ости дафн иншоати. 1944 й.да ер остидан топилган. Иншоот ғишт ва тошдан қурилган; дахма айлана тарзда, конус шаклидаги гумбазли ва қисқа йўлакдан иборат. Юнон-фракийлар санъатининг нодир намуналасидир. Гумбаз ости айлана тарзда ишланган деворий расмлар б-н қоп-



Қозонлиқ дахмасидаги деворий расм (мил. ав. 4—3-а.лар).

ланган; унда маиший (мотам маросимлари) ва ҳарбий (аравалар пойгаси ва б.) лавҳалар тасвирланган. Улар нақшли ҳошия безбог б-н 2 яруса ажратилган. Расмлар вазмни ва мутаносиб композицияси, ҳаракатларнинг табиийлиги б-н ажралиб туради. Сонин, *улуғвор мотам муҳити май-*

Қозонкетқан шаҳарчаси. Қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежига кириш йўли.



ин ҳамда қатъий колорит б-н уйғун. *Жазон мероси* руйхатига киритилган.

ҚОЗОНЛИҚ СОЙЛИГИ — Болгариядаги тектоник сойлик, Стара-Планина ва Средна-Гора тог тизмаларн оралиғида. Уз. 100 км чамасида, ўртача кенглиги 10 км, баъз. 350 м гача. Майд. 780 км². К.с.ни Тунжа дарёси кесиб ўтади. Рельефи тубида текис, шарқи сертепа. Иқлими мўътадил илиқ, янв.нинг ўртача т-раси 0° дан —2° гача, июлиники 20°, йиллик ёғини 600 мм. Атиргул плантацияларн, боғлар, токзорлар бор.

ҚОЗОНХОН, Қазон Султон (? — 1347) — Чингатой улуси хони (1332—47). Чингатойхон наслидан бўлган Ясаур ўғлонининг фарзанди. 1332 й. Мовароуннаҳрда хонлик тахтига ўтиради. Қ.нинг ҳукмронлик вақтида зўравонлик ва зулм кучаяди, аҳолининг турмуши ёмонлашади. Амир *Қазағон* улусининг тирик қолган аъёнларн б-н иттифоқ тузиб бош кўтаради ва Солиҳ-Саройда қўшин тўплаб, Қ.га қарши жанга тайёрланади. 1345 й.да Дарайи Занғий қишлоғи яқинидаги даштда ҳар икки қўшин тўқнашади. Бу жангда амир Қазағоннинг қўшини мағлубиятга учрайди. Голиб Қ. Қарши ш. томон йўл олади. Шу йили қишнинг қаттиқ совугида Қ. лашкари уловнинг кўп қисми қирилиб кетади. Амир Қазағон бу ҳолатдан хабар топгач, зудлик б-н қўшин жамлаб, Қ.ни йўқ қилмоқ мақсадида рақибн томон юради. 1347 й.да 2 томон лашкарлари яна тўқнаш келади. Жанг амир Қазағоннинг талабаси б-н якун топади. Қ. жанг майдонида қатл қилинади.

ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, Форобий номидаги Қозоқ миллий университети — Қозоғистондаги энг йирик олий ўқув юрти. 1934 й. ташкил этилган (1993 й.гача Қозоқ давлат ун-ти). Олмаота ш.да жойлашган. 1991 й. *Форобий* номи берилган. Ун-тда 14 ф-т (биол., физика, механика-мат., кимё, журналистика, филол., тарих, фалсафа ва сиёсатшунослик, иқтисодиёт ва бизнес, ҳуқуқ, шарқшунослик, халқаро муносабатлар, геогр., тайёрлов), 104 кафедра, 7 ил.т. институти, аспирантура, талабалар саройи, спорт иншоотн, нашриёт, телерадиостудия бор (2005). 70 иқтисодиёт бўйича д-рлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинадиган 30 та якун илмий кенгаш фаолият юритади. Ун-тда 12 минтга яқин талаби таълим олади, минглаб ортиқ ўқитувчи ва илмий ходим, жумладан, 300 га яқин фан д-ри ва проф., 800 дан зиёд фан номзоли ва доцент ишлайди. Газ. нашр этилн.

ҚОЗОҚ ТИЛИ — туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб тиллардан; қорақалпоқ ва ўғай тиллари б-н биргаликда *қипчоқ тиллари*нинг қипчоқ-ноғай гуруҳчасини ташкил этади. Қозоғистон Республикасининг давлат тили. Асосан, Қозоғистон, Хитой, Ўзбекистон, Россия Федерацияси, Мўғолистон, шунингдек, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Туркия, Украина ва б. мамлакатларда тарқалган. Қ.тил сўзлашувчиларнинг умумий сони қарийб 9,5 млн. киши.

Қ.т.нинг диалектик бўлиниши ҳақида аниқ бир фикр йўқ; баъзи манбаларда 2 та, баъзиларида эса 3 та (шим.-шарқий, жан. ва ғарбий) лаҳжага бўлиниши ҳақида фикрлар мавжуд. Лаҳжалар лексик таркиби ва фонетик хусусиятлари жиҳатлари ўзаро фарқ қилади.

Қ.т.нинг фонетик хусусиятлари: 9 унли фонемага эга, унлилар оҳангдошлиги (даб сингармонизми) ва унлошлар ассимиляцияси мавжуд, сўз ургуси, асосан, динамик хусусиятга эга. Бўғинлар 3 турга ажралади: очиқ, ярим ёпиқ ва ёпиқ. Морфологик хусусиятлари: отлар келишикларн б-н турланади, от ясалишида аффиксация ва композиция усуллари мавжуд бўлса, сифатлар лексик-семантик, морфологик ва синтактик усуллар б-н ясалади; сон ва олмош туркумлари фарқли белгиларга эга эмас. Феъллар морфологик тузилишига кўра, туб ва ясама феълларга бўлинади, феъл туркумида 4 майл (аниқлик, буйруқ, истак ва шарт), 3 замон (ўтган, ҳоз., келаси) фарқланади. Равишлар ясалиш ва нисбий турларга бўлинса, ёрдамчи сўз туркумлари умумтуркий хусусиятларга эга. Синтактик хусусиятлари: 4 хил синтактик алоқа тури (мослашув, муносабатлашув, бошқарув, битишув), 4 хил гап тури (дарак, сўроқ, буйруқ ва ундов) фарқланади. Гап бўлакларн таснифи ва тавсифи, гапда сўзлар тартиби умумтуркий қонуниятларга асосланади. Қўшма гаплар боғловчисиз ва боғловчили турларга бўлинади. Лексик хусусиятлари: Қ.т. лексикасининг ўз қатламини қад. туркий тиллардан семантик ва структур-морфологик ўзгаришларга учраб ўтган умумтуркий қатлам ташкил этади, шунингдек, унда араб, форс, мўғул, ўзбек, татар, рус ва хитой тилларидан ўзлашган сўзлар қатлами ҳам мавжуд.

Араб графикасига асосланган ёзма адабий Қ.т. 19-а. 2-ярмида пайдо бўлиб, таниқли қозоқ маърифатпарварлари Абай Қўнонбоев ва Ибрай Олтинсаринлар фаолияти туфайли 19-а. охирида тўлиқ шаклланди. Ёзуви 1930 й.гача араб графикаси асосида, 1930—40 й.ларда лотин графикаси асосида бўлган. 1940 й.дан рус графикаси асосидаги ёзув жорий этилган.

Ад.: Мусабаев Г. Г., Современный казахский язык, ч.1, Лексика, Алма-Ата, 1959; Мусабаев Г. Г., Современный казахский язык, ч.2, Фонетика и морфология, Алма-Ата, 1962; Томанов М., Қазақ тілінің тарихи грамматикасы. Фонетика, Морфология, Алматы, 1981; Баскаков Н. А., Введение в изучение тюркских языков, 2-изд., М., 1969.

Абдуқодир Мадвалиев, Ибрагим Нўлатов

ҚОЗОҚИ ОҚБОШ ҚОРАМОЛ ЗОТИ — гўшт йўналишидаги қорамол зоти. 20-а.нинг 30—40-й.ларида Қозоғистон ва Россия (Оренбург ва Волгоград вилоятларида Қозоғистон маҳалли ва қисман қалмоқ қорамол зотини гереформ зоти б-н завод усулида чатиштириб чиқарилган. Зот сифатида 1950 й. тасдиқланган. Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистонда гўштдор қорамолчилик ҳудудларида тарқалган. Кескин континентал иқлим шароитларига яхши мослашган. Ёзнинг иссиқ, қишнинг совуқ кунларида ҳам яйлов шароитида боқилади. Туси қизил, боши, кўкраги, қорни, оёқларининг ва думининг пастки қисми оқ. Ёлда жун қоплами калта, силлиқ, ялтирай туради, қишда жунлари узун бўлиб ўсади. Тана тузилиши ўртача, кўкраги кенг, суяклари мустаҳкам. Буқалари вазни 800—900 кг, сигирлариники 500—550 кг. Янги тугилган бузоқларининг вазни 27—30 кг ва 8 ойлигида 220—240 кг га боради. Бу зот тез ўсиши б-н фарқланади. Табиий яйловларда боқилган бузоқлар 13—18 ойлигида вазни 450—470 кг га етади. Сўйим чиқими 65—67%. Ўзбекистонда 1957—60 й.лардан бошлаб Қ.оқ.зли молларнинг репродуктор фермалари шакллантирилган. Қ.оқ.қ. гўшт сифатини яхшилаш мақ-




Қозоқи оқбош қорамол зоти.

садида сут йўналишидаги зотлар б-н чатиштирилади. Бу зот соф қолда учитиб ва маҳаллий қорамоллар б-н чатиштиришда фойдаланиб келинмоқда. Ўзбекистонда наслчилик подалари яратилган. Олинган чатишма авлодлар *Жиззах вилоятининг Зомин туманида*, Хоразм вилоятида ва Қорақалпоғистоннинг Оролбўйи ҳудудларида боқилади.

ҚОЗОҚЛАР — халқ, Қозоғистон Республикасининг асосий аҳолиси (6.54 млн. кишидан иборат), 1990-й.лар ўрталари). Шунингдек, Ўзбекистон (808 минг киши), Туркманистон (87 минг киши), Қирғизистон (37 минг киши), Тожикистон ва РФ (635,9 минг киши)да; ХХР (1115 минг киши, 1990-й.лар ўрталари), Монголия (125 минг киши) ва б. мамлакатларда яшайди. Умумий сони 9,42 млн. киши. *Қозоқ тилида* сўзлашади. *Динлари* — сунний мусулмонлар.

Қ.нинг этногенези турли кўчманчи қабилаларнинг узоқ муддат давомида аралашуви шароитида кечган. Қ.нинг қад. аждодларига *саклар, усунлар* ва б. киргизи. Милодимиз бошларида Орол денгизидан ғарбда Қ. этногенезига таъсир кўрсатган *алонлар* яшаган. 6—7-а.ларда Қозоғистоннинг жан.-шарқида яшаган қабилалар Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида бўлган. Бу даврда шарқдан туркашлар, телеслар, қарлуқлар ва б. келиб қойлашган. 12-а. бошида Қозоғистон ҳудудига қорахитойлар (киданлар) бостириб кирган, улар маҳаллий туркий аҳоли б-н аралашиб кетган. 13-а.бошида мўғуллар истилоси даврида Мўғулистон ва Олтойдан найманлар, кераитлар ва б. қабилалар кириб келган. *Олтин Ўрда* парчаланиши б-н 15-а. ўрталида, Ўзбек хонлигидаги узоқ низолар *натижасида* бу қабилаларнинг катта қисми Жан.-Шарққа, *Мўғулистон* давлати таркибига кўчган. 16-а. бошида ғарбга қайтиб келган қозоқ қабилаларн Қозоқ хонлигига бирлашган (ўзбек қабилалари *Шайбонийхон* бошчилигида Ўрта Осиёга кетган). Шу б-н қозоқ элатининг шаклланиш жараёни тугалланган. Қ.нинг қабила-уруғлари таркиби 3 гуруҳга бўлиниб, алоҳида ҳудудларда



Анъанавий кийимдаги аёл ва эркак.

яшаганлар. Улар *жузлар деб аталган* (қ. *Катта жуз, Кичик жуз, Ўрта жуз*). Асосий машғулоти кўчманчи чорвачилик, фақат жанубий (Сирдарё бўйидаги) баъзи водиларда суғорма деҳқончилик бўлган.

ҚОЗОҚЛИК, қозоқчилик — 15—16-а.ларда ҳокимият учун курашда мағлубиятга учраб, ўз эл-юртидан ажраб бошқа ўлкаларда кун тўплаш учун юрган шахсга ёки ҳукмдорлар «қозоқ», уларнинг шундай юриш-турмуши эса «Қ.» деб аталган (яна қ. *Қозоқлар*).

ҚОЗОҚМОЗОРТЕПА — археологик ёдгорлик. Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги Дутфий кўчасида. Қ. деб аталиши 18-а.да жузларларнинг босқини даврида қозоқларнинг Ўрта Осиёга жадаллик б-н кириб келиши б-н боғлиқ. Қ.дан ҳозир бал. 3 м. диаметрли 12 м ли кичкина тепалик қолган. Тепаликнинг ғарбида ўрта асрларга оид қабристон жойлашган. Ражали археологик қазиш ўтказилмаган. Чилонзорда қурилиш ишлари кетаётганда Тошкент археологик отряди (*В.А.Булатова, Д.И. Зильберг, М.И.Филанович*) томонидан кузатув ишлари олиб борилиб 2 та шурф қазилган ва битиқлар ўрганилган. 9—12-а.ларга оид сопол хум, лаган, қозон, кўза, хурмачалар топилган. Топилмалар ичида аҳамиятлиси сополдан ишланган йирик идиш ва дастурхонларга нақш босадиган штампдир. Археологик тадқиқотларга қараганда, қипчоқ 9—12-а.ларда тўлдаб ишлаган. Ривоятларга қараганда, *Ўзбек* даврида чўпонлар ҳомийси — Чўпон ота кўмилган жойда мақбара қурилган. Ҳозир ҳам бу жой зиёратгоҳдир.

Ад.: Древний Ташкент, Т., 1973.

ҚОЗОҚОВ Ортиқали (1960.27.10, Поп тумани Санг қишлоғи) — рангтасвир устаси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (1998). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1985). Қ. ижодий маҳоратини замонавийлик руҳи ҳамоҳанг; авангард йўналишдаги асарлари б-н танилган рассом асарларида безак ечими, халқ анъаналари, миллий удумлар шарқона талқин этилади. Асарлари: «Бизнинг ҳовли» (1983), «41-йил олмалари» (1985), «Емиздан сўнг» (1990), «Боғлиқ бахори» (1992), «Икки дутоба» (1992), «Сукунат» (1993), «Севишганлар» (1993), «Шарқ келинчаги» (1994),



О. Қозоқов. «Оналик осмони» (2002).

«Бибихоним» (1994), «Соҳибқирон руҳи» (1996), «Буюк ипак йўли бўйлаб» (1996), «Кўк тун» (1997), «Кўҳна наво» (2000), «Оналик осмони» (2002), «Бахт қарвони» (2003) ва б.; Қ., шунингдек, портретлар («Автопортрет», 1983; «Сароймулкхоним», 1996, 2005; «Камолиддин Беҳзод», 1997), натюрмортлар («Натюрморт», 1995; «Наврўз натюрморти», 1995; «Настарин», 1996; «Оқ гуллар», 1997; «Лимонли натюрморт», 2003), манзаралар («Антреи атрофи», 2002; «Қамчик довонида баҳор», 2004) ва б. асарлар муаллифи ҳамдир.

Қ. асарлари б-н республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этади. *Асарлари республика ва хорижий* (АҚШ, Франция, Италия, Испания, Бельгия, Швейцария, Япония, Туркия, Корея ва б.) мамлакатлар галерея, музей ва хусусий тўпламларида сақланади.



Қозоқ уйини.



Қозоқмозортепа топилмаси: сопол хумлар.

ҚОЗОҚТОН — Қизилқумнинг жан.-шарқий қисми (Навоий вилоятидаги тоғ тизмаси. Шим.-ғарбдан жан.-шарққа 60 км га чўзилган. Энг баланд жойи 613 м. Ғарбида Қорахотин ботиғи, шим., шарқий ва жан. қисмларида қумли массивлар бор. Тизманинг сувайиргич қисми ва ён бағирларини нураш натижасида вужудга келган элювий ва делювий ётқизиқлари ёнғ-н қопланган. Ён бағирларини қуруқ сойлар кучли парчаланган. Сойлар этакларида кичик ёйилма конуслар ҳосил бўлган. Тизма тектоник антиклиналь структура, палеозой даври слапец, қумтош, гранит, диорит, ён бағирларининг қуйи қисмида ёғр, палеоген даврлари конгломерат, мергель, гилларидан ташкил топган. Қ. Туроп плитасининг герцин бурмаланиши даврида шаклланиб, ер юзасига чиқиб қолган ва книги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилган қисмидир. Иқлими кескин континентал, қиши совуқ, ёзи иссиқ, ёғин кам. Ён бағирлари ва этакларида сур-қўнғир, қумли тупроқлар тарқалган. Уларда, асосан, саксовул, шувоқ, терескен, боялич ва б. ўсимликлар ўсади. Ҳудудидан айлов сифатида ўтказилган.

ҚОЗОҒИСТОН (Қозоқистон) Қозоғистон Республикаси (Қозоқистон Республикаси) — Европанинг марказий қисмида жойлашган давлат. Ғарбда Каспий денгизи ёнғ-н туташган. Майд. 2724,9 минг км². Аҳолиси 15 млн. киши (2005). Пойтахти — *Остона* ш. Маъмурий жиҳатдан 14 вилоят, вилоятлар аулан (туман)ларга бўлинади.

Давлат тузуми. Қ. — бошқарувнинг президентлик шаклидаги унитар давлат. Амалдаги конституцияси 1995 й. 30 авг. даги референдумда қабул қилинган; 1998 й. 7 октда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (1990 й. апр.дан Н.Ә.Назарбоев), у умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли ёнғ-н 7 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент (Сенат ва Мажлис), ижроия ҳокимиятни ёнғ вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Қ.нинг ҳудуди ғарбда Волга дарёси қуйи оқимилан шарқда Олтойгача ва шим.да Ғарбий Сибирь текислигидан жан.да Тяншан тоғларигача чўзилган. Ғарбда *Каспийбўйи пасттекислиги* ва *Мангишлоқ* п.о. бор; бу ерда денгиз сатҳидан паст ботиқлар (мас., Қорағиё — 132 м) учрайди. Мангишлоқдан шарққа *Устюрт* платоси (бал. 340 м гача) жойлашган. Каспийбўйи пасттекислиги шим.-шарқда Урал тоғларининг жан. тармоқлари ва *Мугоджар тоғи* б-н чегараланган. Мугоджар тоғидан шим.-шарққа Тургай платоси бор. У жан.да Турон пасттекислиги (Қизилқум чўлиғига туташиб кетади. Ороз денгизидан шим.да Катта ва Кичик Бўрсиқ қумли чўллари ва Оролбўйи Қорақум жойлашган. Қ.нинг марказий қисмини *Олтойистон паст тоғлари* (Сарыорқа) эгаллаган. Бу ерда Қизилрай (1565 м), Қарқаралы (1366 м), Улуттов (1133 м) каби алоҳида тог массивлари бор. Қозоғистон паст тоғларидан жан.да *Бетпақдала* чўли, ундан жан.да *Мўйинқум* чўли жойлашган. Бетпақдалалаи шарққа катта майдонни эгаллаган *Еттисув* ҳудуди мавжуд. Қ.нинг шарқи ва жан.-шарқида Олтой тоғларининг жан. тармоқлари, шунингдек, Саура, Тарбағатай, Жунғурия Олатови тизмалари, Шим. ва Ғарбий Тяншанининг айрим тизмалари жойлашган.

Қ.да фойдали қазилмалардан Мугоджар тоғи тожембрий ва палеозой бурмали ва метаморфоллашган қатламлари орасида мис колчедани, Тўрғай бўкилмаси заминида магнетит рудалари (Соколов, Сарбай ва б.) ҳамда қўнғир темиртош (Қўстанай вилояти), қўнғир кўмир, боксит учрайди. Қ.нинг бурмали палеозой заминида рудали ва норуда фойдали қазилмалар (мис, полиметалл ва б.)нинг йирик конлари бор. Шунингдек, тошкўмир (Қарағанда, Экибастуз) ва қўнғир кўмир (Майқуба) конлари мавжуд. Мугоджар тоғининг вулканоген жинсларида хромит, никель, кобальт, олтин, асбест бор. Қ. ҳудудида кўрғошин, рух, молибден, вольфрам, фосфорит, барит, кадмий, висмут, профиллит, нефть, газ, ёнувчи сланец, марганец, титан, ванналий, темир, алюминий, қалай рудалари, олтингугурт, мирабилит, флюорит ҳам бор.

Иқлими кескин континентал. Қиш шим.да совуқ, марказ ва жан.да мўтадил совуқ, чекка жан.да юмшоқ. Январда ўртача т-ра шим.да —18°, текислик қисмининг жан.да — 3°. Шим. ва марказий р-нларда қишда — 45° гача, жан.да — 35° гача совуқ бўлади. Ёзи шим.да илиқ, жан.да иссиқ. Июлда ўртача т-ра шим.да 19°, жан.да 28—30°. Йиллик ёғин лалит ва ўрмоилги дапгларда 250—400 мм, чўл ва чала чўлда 100—200 мм. Балқашбўйи, Оролбўйи Қизилқуми ва Устюрт жан.да 100 мм дан кам. Тог олди ва тоғларда йиллик ёғин 400—1600 мм. Қ. ҳудудининг ҳамма қисмида кучли шамоллар бўлади. Қ. жан.даги тоғларда музликлар бўлиб, уларнинг сони 2700 дан ошёд, умумий майд. 2000 км² чамасида.

Қ.да 85 мингдан зиёд дарё ва сой бўлиб, шундан 328 тасининг уз. 100 км дан ортиқ. Дарёларининг аксарияти ички берк ҳавзалар (Каспий ва Ороя денгизлари, Балқаш кўли ва б.)га оқади. Текисликларидан оқувчи дарёларнинг кўпи ёзда қуриб қолади. Тог дарёлари серсув ва гидроэнергияга бой. Асосий дарёлари — Иртиш, Урал, Чу, Илн, Сирдарё, Чордара, Бухтарма, Қоғочпай ва б. суъ омборлари бор.

Қ.да 48,3 минг га яқин кўл бор; уларнинг умумий майд. 45 минг км² дан ортиқ. Йирик кўллари: Балқаш, Зайсан, Одақўл, Тенгиз, Сассиққўл, Марқақўл ва б.

Тупроқлари шим.да 52° ш.к.гача қоратупроқ, 52—48° ш.к.лар орасида каштан тупроқ, ундан жан.да қўнғир ва бўз-қўнғир чўл тупроқлари б-н бирга қумли ва тақир тупроқлар, тоғларда тог қўнғир, тог каштан, қора тупроқ, бўз ўрмон ва тог-ўтлоқи қорамтир тупроқлар тарқалган. Тог ёнбағирида тог-ўтлоқи субалпи ва альп тупроқлар минтақаси жойлашган.

Қ.да ўсимликларининг 15 минг тури бор. Текислик қисми ўсимлик қопламининг характерига қараб 3 асосий зонага: лалит, чала чўл ва чўл зоналарига бўлинади. Лалит зонасида ҳар хил бошоқли ўсимликлар ўсади, шим.рокда қайинзорлар учрайди. Чала чўл зонасида шувоқ-бошоқли ўсимликлар қўпроқ. Чўл зонаси энг катта майдонни эгаллаган. Қизилқум чўлида қора саксовулзорлар бор. Йирик дарё водийларида тўқай ўрмонлари (жийда, тўранғил, тол, чинғил) ўсали, дарё ва кўл бўйлари қамишзор. Тог этаги текисликлари ва тог оллиларида эфемер ва эфемероидлар, тог ён бағирларида бута-



Қозоғистон герби.



Қозоғистон байроғи.

лар (наъматак, зирк ва б.), ёввойи мевали дарахтлар ўсади. Тоғларининг ўрта минтақаси игна баргли ўрмонлар 6-ни қоплаган, тоғ текаларни субалъ ва алъп ўтлоқларидан иборат.

Ҳайвонот дунёсида сут эмизувчиларнинг 180 тури, қушларининг 500 тури, судралиб юрувчиларнинг 52 тури, сувда ва қуруқда яшовчиларнинг 12 тури, балиқларнинг 104 тури яшайди. Умуртқасиз ҳайвонлар кўп. Кемирувчилар, асосан, чўл ва дашт ерларда тарқалган. Чўл ва чала чўлларда сайғоқ, жайрон, тошларда марал, тоғ такаси, архар, ёввойи чўчқа, йиртқичлардан бўри, тулки, бўрсиқ, тоғ ўрмонларида қўнғир айиқ, қор қоплони, силовсин, росомаха, колонок, тийин ва б. яшайди. Сув паррандаларидан ёввойи гоз, ўрдак, Тенгиз кўлида қизил гоз, қамишзорларда лайлак, бирқозон, турна, даштда бургут ва ҳ.к. бор. Судралиб юрувчилар кўп. Дарё ва кўлларн балиққа бой. Оқсувжабалти, Олмаота, Борсакелмас, Кўрғалжа, Марқакўл, Наурзум қўриқхоналари, Баянаули миллий боғи бор.

Аҳолиси. Қ.да 131 милдат ва элат истиқомат қилади. Асосий аҳолиси *қозоқлар* (55,7%). Шунингдек, рус, украин, немис, ўзбек, татар, уйғур ва б. ҳам яшайди. Давлат тили — қозоқ тили. Шаҳар аҳолиси 56%. Диндорларнинг аксарияти мусулмон-суннийлар, православлар (8,2%), протестантлар (2,1%) ҳам бор. Йирик шаҳарларн: Олмаота, Қарағанда, Чимкент, Павлодар, Семипалатинск.

Тарихи. Ҳозирги Қ. ҳудудида мил. ав. 4—3-минг йилликларда (энеолит даври) яйлов чорвачилиги пайдо бўлди. Мил.ав. 1-минг йиллик ўрталарида кўпгина дашт қабилалари яйлов чорвачилиги б-н шуғуллана бошлади. Бу қабилалар, асосан, кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик б-н шуғулланган, ўнармандчилик ва қисман деҳқончилик ҳам қилган. Мил.ав. 3—1-а.ларда ҳозирги Қ. ҳудудида *Қанг давлати* вужудга келди. Мил. б-а. ўрталарида Турк хоқонлиги, 8-а. бошларида Или ва Чу дарёлари оралигидаги ҳудудларда тургашлар, 766 й. қарлуқ*лар давлати ташкил топди*. Тургашлар, кейинчалик Қарлуқлар хоқонлигида (766—940) ўнармандчилик ва савдо марказлари бўлган шаҳарлар (Тароз ва б.) пайдо бўлди. 8—10-а.ларда Қ. жан. да ислом дини тарқалди. 9—11-а.ларда Қ.нинг ғарбий ва жан.-ғарбий ҳудудлари ўғузлар давлати таркибида бўлган. 8—11-а.ларда шим.-шарқий ва марказий ҳудудларда кимаклар ва қипчоқлар яшаган (бу катта ҳудуд *Дашти Қипчоқ* деб аталган).

10-а.нинг 1-ярмида Еттисувга Шарқий Туркистондан яғмолар бостириб кирди. Уларнинг ҳукуми натижасида Қарлуқ хоқонлиги парчаланиб, унинг ўрнида *Қорахонийлар давлати* пайдо бўлди. 1219—21 й.ларда Қ. мўғуллар томонидан босиб олинибб, Чингизхон *ўғиллари ўртасида тақсимланган*. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Қ. *Олтин Урда* таркибида, у парчаланган, Оқ Ўрда ва Мўғулистон таркибида бўлган. *Амир Темур* 1391 й. *Тўхтамишга* қарши юришн чоғида Қ.ларн *Ҳулугбек* (Улуғтўла)да қароргоҳ қурган ва тошгарошларга сафари ҳақида ҳарсанг тошга битиқ битишга фармон берган. Орадан 200 йил ўтгач, *Абдуллахон II* ҳам Дашти Қипчоққа юришлари ёзгорлиқ сифатида Улуғтоғда масжид қурдирган. Катта ҳудудни бирлаштирган Оқ Ўрда 14-а. охири — 15-а. бошларида бир неча мулкларга ажралиб кетди (асосий ҳудудларни бирлаштирган *Ҳўжай Ўрда* ва Ўзбек хонлиги уларнинг энг йириклари бўлган).

15-а. охирида Еттисувда Қозоқ хонлиги вужудга келди. 16-а. бошларида қозоқ элатининг узоқ давом этган шаклланиши якунига етди. *Қосимхон даври* (1511—23)да Қозоқ хонлиги мустаҳкамланиб, чегараси кенгайди, аҳоли



Чимбулоқ ариқи.

ндзи. Подшо ҳукумати ўлкада мах-
урий ислоҳотлар ўтказди. 1867 й. Тур-
истон генерал-губернаторлиги тар-
кибида Еттисув ва Сирдарё вилоят-
и, 1868 й. Оренбург генерал-губер-
аторлиги таркибида Урал ва Тўрғай
вилоятлари, Ғарбий Сибирь (кевин-
алик Дашт) генерал-губернаторлиги
ркибида Акмолинск ва Семипала-
инск вилоятлари ташкил этилди.
илоятлар уездларга, уездлар волос-
арга, волостлар овулларга бўлинди.
арча ерлар давлат мулки деб эълон
инди. 1867—68 йилардаги ислоҳот-
ар қозоқ жамоаларининг барча таба-
аларида норозилик туғдирди. Нати-
ада мустамлакачилик зулмига қар-
и қўзғолон кўтарилди. У шафқатсиз
остирилди. К. Россия саноати учун ўз
ворларини сотиш бозори ва хом ашё
аъзаси бўлиб қолди.

1-жаҳон уруши йиллари (1914—18)да ҳ. маҳсулотлари ва чорва молларини
амаий равишда тортиб олиш, солиқ-
ларнинг кўпайиши, қимматчилик,
озоқ аҳолисининг мардикорликка са-
ирбар қилиниши (1916) аҳоли ора-
да талабларнинг авж олишига са-
б бўлди. 1916 й.га келиб галаёнлар
нинг бутун ҳудудини қамраб олган
лий озодлик ҳаракатига айланди.
шкча, бу ҳаракат Тўрғай вилоятида
қ лавоз этиб, унга халқ қаҳрамони
Омонгелди Имонов раҳбарлик қилди.
1917 й. ноябр. — 1918 й. февр.да К.да со-
вет ҳокимияти ўрнатилди. К.нинг Сир-
дарё ва Еттисув вилоятлари 1918 й.
апр.да ташкил этилган Туркистон
АССР таркибига киритилди. 1920 й. 26
авг.да РСФСР таркибида Қирғизистон
(Қозоғистон) АССР тузилди. 1920 й.
4—12 окт. да Оренбургда бўлиб ўтган
К. Советларининг таъсис съезди
РСФСР таркибида Қозоғистон АССР
тузилганлигини эълон қилди. 1936 й.
Қозоғистон АССР СССР таркибида-
ги иттифоқдош республикага айлан-
тирилди. 1990 й. 25 окт.да давлат суве-
ренитети тўғрисида декларация қабул
қилинди. 1990 й. 10 дек.да К. Республи-
каси деб номланди. 1991 й. 16 дек.да
республика Олий Кенгаши давлат му-
стақиллиги тўғрисида қонун қабул
қилди. 1991 й. 21 окт.да МДҲ таркиби-
га кирди. К. — 1992 й.дан БМТ аъзоси.
1992 й. 23 окт.да ЎзР суверенитетини
тан олган ва дипломатия муносабат-
лари ўрнатган. Миллий байрами — 16
дек. — Мустақиллик куни (1991).

Асосий сиёсий партиялари ва касаба уюшма бирлашмалари. К. аграр партия-
си, 1999 й. янв.да ташкил этилган; К. фуқа-
ролик партияси, 1998 й. ноябр.да асос
солинган; К. демократик партияси,
2004 й. апр.да ташкил этилган; К. «Ақ
жол» («Оқ йўл») демократик партия-
си, 2002 й. мартда тузилган; К. «Ауыл»
(«Қишлоқ») социал-демократик парти-
яси, 2000 й. янв.да асос солинган; К.
халқ коммунистик партияси, 2004 й.
апр.да ташкил этилган; К. коммунис-
тик партияси, 1991 й. тузилган; «Қо-
зоғистоннинг демократик танлови»
халқ партияси, 2001 й. ноябр.да асос со-
линган; К. ватанпарварлар партияси,
2000 й. ташкил этилган; Республика
«Отан» («Ватан») сиёсий партияси,
1999 й. янв.да асос солинган; «Рух-
ният» партияси, 2003 й. апр.да тузил-
ган. К. эркин касаба уюшмалари кон-
федерацияси, 1991 й. авг.да тузилган;
К. меҳнат конфедерацияси, 2004 й. 2
мартда ташкил этилган; К. Республи-
каси касаба уюшмалари федерацияси,
1990 й. окт.да асос солинган.

Хўжалиги. К. — индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда сано-
ат 22,2%, савдо ва умумий овқатлани-
ш 18,1%, қишлоқ хўжалиги ва
ўрмон хўжалиги 12,7%, транспорт ва
алоқа 11,8% ни ташкил этади.

Саноатида ёнилғи-энергетика, қора ва рангли металлургия, озиқ-ов-
қат, машинасозлик ва металлсозлик, кимё ва нефть кимёси, енгил, қурилиш материаллари саноати етакчи тар-
моқлардир. Қора металлургия саноати марказлари Темиртов, Оқтўба, Қараганда, Оқсув ш.лари. Рангли металлур-





Остона шаҳрининг марказий кўчаларидан бири.

гия саноати мис (Балхаш ва Жезқазған кон-металлургия к-лари), қўрғошин-рух (Усть-Каменогорск, Чимкент), алюминий (Павлодар) саноатини ўз ичига олади; титан-магний ишлаб чиқарилади. Машинасозлик (темир-пресс ускуналари, станок, экскаватор, трактор, қ.х. машиналари и.ч.) корхоналари Қарағанда, Олмаота, Остана, Павлодар, Усть-Каменогорск ш.ларида жойлашган. Кимё саноати корхоналари минерал ўғит, фосфор, пластмасса, синтетик каучук, кимёвий тола ва б. ишлаб чиқаради (Қоратов, Чимкент, Тароз, Атеров). Атеров, Павлодар ш.ларида нефтни қайта ишлаш з-длари бор. Қурилиш материаллари саноатида цемент, оҳак, гишт, темир-бетон конструкциялари и.ч., енгил саноатнинг кўн-пойабзал, тери-мўйна, жун, трикотаж, ип-газлама и.ч. тармоқлари ривожланган. Озиқ-овқат саноатида ўғит, ёғ, қандшакар ва консерва ишлаб чиқарилади. Тошкўмир (Экибастуз), Қарағанда ҳавзалари), нефть ва табиий газ (Мангишлоқ я.о.), темир рудаси (Соколов-Сарбай кони), полиметалл, мис, уран, хром, қўрғошин, никель рудалари, рух, висмут, кадмий, молибден, боксит қазиб олинади. Йилига ўртача 58,6 млрд. кВт·соат электр энергияси ҳосил қилинади (85,7% иссиқлик электр ст-ларида). Иртиш (Усть-Каменогорск, Бухтарма), Сирдарё (Чордара), Или (Қопчиғай) дарёларида йирик ГЭСлар бор.

Қишлоқ хўжалигида мамлакат ҳудудининг 44% дан фойдаланилади; унинг 19% ҳайдалади, 1% га яқини суторилади. 1954—60 йиллар кўрик ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида Қ. ғалла етиштирувчи йирик республикага айланди. Лалми ва суторилаладиган ерларда ғаллачилик б-н бирга гўшт-жун қўйчилиги ва гўшт-сут чорвачилиги ҳам ривожланган. Ғаллачиликда, асосан, буғдой етиштирилади. Шунингдек, пахта, кунгабоқар, тариқ, ем-хашак экинлари экилади. Мевачилик, токчилик, полизчилик ривожланган. Чорвачиликда қорамол, чўчқа, қўй ва эчки, уй паррандаси, туя ва йилқи боқилади.

Транспортида т.й.лар узунлиги 13,5 минг км, автомобиль йўллари уз. 87,4 минг км. Каспий ва Орол денгизлари, Балхаш кўли, Иртиш, Урал, Сирдарё дарёларида кема қатнайди. Трубопровод транспорти ривожланган. «Эйр Қозистон» ҳаво йўллари компанияси мавжуд.

Қ. четга нефть, табиий газ, қора металл, мис, палла, кўмир ва б. чиқаради. Четдан озиқ-овқат ва саноат моллари, машина ва жиҳозлар олади. Ташқи савдо-да Россия, Украина, Қирғизистон, Германия, Хитой б-н ҳамкорлик қилади. Пул бирлиги — теннге.

Тиббий хизмати. 2005 й. Қ.да 50,6 минг врач (10 минг аҳолига 33,9 врач), 104,4 минг ўрта тиббиёт ходими (10 минг аҳолига 74,1 ўрта тиббиёт ходими) ишлади. Врачлар мамлакатдаги изтисослаштирилган 6 олий ўқув юртида тайёрланади. Қ. ҳудудида «Боровое», «Олмаарасан», «Сариоғоч» курортлари, Олатов, Баянаул, Капал-Арасан, Мўғалжин, Янгиқўрғон курорт жойлар бор.

Маърифат, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 19-а. 2-ярмигача Қ. ҳудудида фақат мусулмон мактаб ва мадрасалари бўлган. 19-а.нинг 2-ярмидан дунёвий мактаблар, хусусан, 1850 й. Оренбург чегара комиссияси ҳузурида қозоқ болалари учун 7 йлик мактаб очилди. 1864 й. Тўрғайда қозоқ демократ-маърифатпарвар педагоги И. Алтинсарин ташаббуси б-н қозоқ мактаби ва унинг қошида интернат ташкил этилди. 1879—89 й.ларда Қ.нинг турли уездларида 2 синфли рус-қозоқ мактаблари, 1888 й. Орскда муаллимлар мактаби очилди. 1929 й. дотин алифбоси асосида қозоқ ёзуви яратилди. 1940 й. рус алифбоси асосидаги ёзувга ўтилди. 1992 й. дан таълим тизимида ислоҳотлар амалга оширилди. Умумий ўрта таълим мактаблари кабн ўрта маълумот берилиши лицей, гимназия, ҳунар-техника мактаблари, коллежлар пайдо бўлди. 2003 й. республикада 108 гимназия, 63 лицей, лицей ва гимназия синфлари бўлган 289 мактаб, иқтидорли болалар учун мўлжалланган 30 мактаб ишлади. 312 ҳунар-техника мактабида 89 мингдан зиёд, 382 коллежда 207 мингдан ортиқ ўқувчи ўқиди. Қ.да биринчи олий ўқув юрти — Қозоғистон пед. институти 1928 й. Олмаота ш.да очилган. 2005 й. Қ.да 43 давлат олий ўқув юрти ишлади. Йирик-лари: *Қозоқ миллий университети*, Европа миллий ун-ти, Қозоғистон миллий аграр ун-ти, Қозоғистон миллий техника ун-ти, Қозоғистон миллий *консерватория*си, *Қарағанда ун-ти*, Олмаота технология ун-ти ва б. Қ.да илмий тадқиқотлар *Қозоғистон Республикаси миллий фанлар академияси* н.т. институтлари ва муассасаларида, мамлакат олий ўқув юртлари ҳамда турли *вазирлик*, муассасалар ихтиёридаги соҳа н.т. институтларида олиб борилади. Қ.да бир қанча кутубхона (энг йириги Қ. Республикаси миллий кутубхонаси), клуб муассасаси, *12 музей* (йириклари: Қозоғистон Республикаси давлат музейи, Санъат музейи, Мухтор Авезов уй музейи, Абай Қунонбоев мемориал музейи ва б.) бор.

Матбуоти, радиоэшиттиришн ва телекўрсатуви. Қ.да бир қанча газ. ва жур. нашр этилади. Йириклари: «Ақиқат» («Ҳақиқат», қозоқ тилидаги ойлик жур., 1921 й.дан), «Атамекен» («Ватан», қозоқ тилидаги газ., 1991 й.дан), «Вечерняя Астана», рус тилида ҳафтада 3 марта чиқадиган газ., 1991 й.дан), «Жас алаш» («Ёш миллат», қозоқ ти-



Олмаота шаҳри яқинидаги «Медео» спорт мажмуаси.

лидаги кундалик газ., 1921 й.дан), «Жулдыз» (қозоқ тилидаги ойлик жур., 1922 й.дан), «Қазақстан айелдери» («Козогистон хотин-қизлари», қозоқ тилидаги ойлик жур., 1925 й.дан), «Қазақстанская правда» («Қозогистон ҳақиқати», рус тилидаги кундалик газ., 1920 й.дан), «Народное хозяйство Казахстана» («Қозогистон халқ хўжалиги», рус тилидаги ойлик жур., 1926 й.дан), «Простор» («Кенглик», рус тилидаги ойлик жур., 1933 й. дан), «Қазақстанның ауыл шаруашылығы» («Козогистон қишлоқ хўжалиги», қозоқ тилидаги ойлик жур., 1936 й.дан), «Ара» («Ари», қозоқ тилидаги ойлик жур., 1956 й.дан). «Қозогистон ахборот агентлиги» миллий компанияси, очиқ акциядорлик жамияти, 1921 й. ташкил этилган. «Хабар» агентлиги, акциядорлик жамияти, 1996 й. тузилган. «Козогистон» республика телерадиокорпорацияси, Қ. радиоси (1920 й.дан фаолият кўрсатади) ва «Козогистон» миллий телеканали (1958 й.дан фаолият юритадиган бирлаштиради. «Хабар» телерадиокомпанияси, 1995 й.да ташкил этилган. Қ.да разведкаиттиришлар 1921 й.дан, телекўрсатувлар 1958 й.дан бошланган.

Адабиёти. Қозоқ халқи адабиёти халқ оғзаки ижоди (қўшиқ, эртак, мақол ва матал, қахрамонлик ва лирик-эпик достонлардан бошланади. «Эр Тарғин», «Қамбар батир» ва бошқа қад. достонларда халқ озодлиги, эрки ва мустақиллиги йўлида курашган халқ қахрамонлари мадҳ этилади. «Киз Жибек», «Баян Сулув», «Айман-шолпан» достонларида қозоқ халқининг эрксеварлиги куйланади. Халқ эртакларининг Алдар кўса, Жирениш, Таздша, Аёзбй каби қахрамонларининг сарғузаштлари акс эттирилган эртакдар кенг тарқалган. 15-а.да Асан Кайги, Сипира, Қазғутан, 16-а.да Дўстмамбет, Шалкиз, 17-а.да Жиембет, Маргасқа Жиров, Актамберди, 18-а.да Тетикқора, Бухар каби жирақлар ўз достонлари б-н машҳур бўдалган. 18—19-а.ларда қозоқ халқининг, жумладан, қозоқ адабиёти тараққиётида янги давр бошланди. Жанак, Сорингин, Ўтеш, Шўкш Қаржубай ўғли, Сувонбай Арон ўғли, Шортанбой Қанай ўғли, Мурат Мўнке ўғли, Абубакир Шўқон ўғли ва б. тараққийпарвар халқ оқинларининг асарлари пайдо бўлди. 19-а. ўрталарида Б. Қўкжғлов, А.Найманбоев каби оқинлар, шоира Т.Тансанбекова, *Жанбуз Жабаев* ва б.нинг асарлари оммашади. Бу даврда этнограф ва фольклоршунос Ч.*Валихонов* адабиётда маърифатпарварлик гояларини ёйди. 19-а. 2-ярмида танқидий реализм адабиёти — қозоқ ёзма бадиий адабиёт ривожланди. Унинг асосчиси, шунингдек, миллий адабий тилнинг яратувчиси Абай *Қунонбаев* бўлди. И.Олтинсарин маърифатпарварлик гояларини яратди ва рус графикаси асосида қозоқ алфавитини ишлаб чиқди. 20-а.да ёзувчилардан С.Кубаев, С.Тўрайгиров, С.Дунентаев, М.Сералиев, Б.Кулеев, Б.Утегалеуов, Т.Изтлеуов, Ғ.Қараш, Н.Орманбоев ўғли, Ж.Жумабоев ва б. маърифатчи-демократларнинг реалистик анъаналарини давом эттирдилар. 20-а.нинг 20-й.ларида қозоқ адабиётида *Сакен Сайфуллин* етакчи ўрин эгаллади. Бу даврда шеърият (Жамбул Жабаев, Н.Байганин, Н.Байзаков, Т.Жароков, А.Тожибоев, Ғ.Ўрмонов, А.Токмагамбетов ва б.) ва наср (*М.Авезов, С.Муқанов, Ғ. Мусрепов, Ғ.Мустафин* ва б.) ривожланди. 1930-й.ларда қозоқ адабиётида мавзу кенгайди (С.Сайфуллин, Б.Майлин, А.Абишев, И. Жонсугуров, Ш.Ҳусаинов асарлари). 2-жаҳон уруши йилларя (1939—45)да қозоқ адабиётида қозоқ халқининг жанг майдонидаги қаҳрамонлиги ва мамлакат ичкарисидаги меҳнат жасоратини акс эттирувчи асарлар майдонга келди. С.Муқонов, А.Токмагамбетов, Т.Жароков, Ғ.Ўрмонов, Қ.Абдикодиров, Х.Бекхожин, Ж.Мўлдағалиев, Х.Ерғалиев каби шоирлар, Ғ.Мустафин, А.Нурпеисов, М.Авезов, А.Абишев ва б. адибларнинг ватанпарварлик руҳи б-н суғорилган асарлари яратилди. Урушдан кейинги йилларда ҳам ватанпарварлик мавзуи давом эттирилди ва бу даврда М.Авезов, Ғ.Мусрепов, А.Нурпеисов, Т.Жароков, Ғ.Каирбеков, А.Тожибоев, Ғ. Ўрмонов, Ш.Ҳусаинов, С.Муқонов ва б. самарали ижод қилдилар. 1948 й. С.Муқоновнинг «Сардарё», 1953 й. «Ҳаёт мактаби», 1953 й. Ғ.Мусреповнинг «Уйғонган ўлка», 1952 й. Ғ.Мустафиннинг «Қарағанда» романлари яратилди. 1956 й. М.Авезов «Абайнинг йўли» тетралогиясини ёзиб тугатди (1-китоби 1942 й.да нашр этилган). 1960-й.ларда адабиётга Х.Есенжаков, И. Есенберлин, *А. Олимжонов*, Т.Ахтанов, Ш.Муртазаев, А.Нуршаиков, М.Сундетов, А.Кекилбаев, С.Санбаев, С.Муратбеков, С.Жунусов каби ёзувчилар, Ж.Мўлдағалиев, С.Маавлонов, Ў.*Сулаймонов*, К.Мирзалиев, Т.Мулдағалиев, С.Жинбобов, М.Макатаев, Ж.Нажмиддинов каби шоирлар кириб келди. 1960—90



Олмаота шаҳри. Темир йўл вокзали.

й.ларда И.Есенберлин, Ш. Муртозаев, А.Кекилбоев, А.Олимжонов, С.Жунусов, С.Сматаевларнинг тарихий романлари пайдо бўлди.

Меъморлиги. Қ. ҳудудида яшаган қабилаларнинг жез даврндаги турар жой қолдиқлари (қ. *Андроново маданияти*), мозорқўрғонлар ва қ.к. сақланган. Мил.ав. 1-минг йиллик ва мил. дастлабки асрларда Қ. ҳудудида яшаган қабилалар кўчма кигиз ўтов уйлар б-н бирга пахса, хом ғиштдан ҳам уйлар қурган. Ўрта асрларда шаҳарлар (Испижой (11-а.дан Сайрам), Тароз ва б.) барпо этилди, қалъа ва қўрғонлар қурилди. 8-а.дан ҳоз. Козогистоннинг жан. қисмида ислом дини тарқалиши муносабати б-н масжид, мадраса каби янги типдаги бинолар, сардоба, ҳаммом, карвонсарой, конусимон мақбаралар қурилди. 10-а.дан мемориал иншоотлар (Тароз ш. даги *Бобажи хотин мақбараси*, *Ошаҳоби мақбараси*) барпо этилди. 13-а. 2-ярмидан шаҳарлар (Сиғноқ, Тароз, Сайрам ва б.) қайта тикланди. 14—16-а.ларда шаҳарлар қурши ажо олди, монументал бинолар (Қарағанда вилоятидаги Алаша хон мақбараси, 13-а. 2-ярми; Туркистон ш.даги Аҳмад Ясавий мақбараси — *Ясавий мажмуаси*, 14-а. охири — 15-а. боши) бунёд этилди. 17—18-а.ларда Қ. ҳудуди чегараси бўйлаб ҳарбий истеҳкомлар — Ёйиқ шаҳси (Уральск), Турғай, Орск, Семипалатинск, Оренбург қалъалари қурилди. 19-а.да эклектика руҳида қалъа, маъмурий ва савдо иншоотлари, мақбаралар қурилди. 1920-й.ларда турар жой ва жамоат бинолари меъморлигида миллий анъанавий меъморлик унсурларидан фойдаланилди. Балхаш, Қарағанда, Жезқазған каби янги шаҳарлар барпо этилди. 1920—30 й.лардаги меъморликка конструктивизм гоялари ўз аксини топди. 1950-й.ларнинг 2-ярмидан қурилиш ишлари кенг қўламда давом эттирилди (Олмаотада Ҳукумат уйи). 1960—70 й.ларда кўп қаватли турар жой бинолари нинг қавати сони оширилди, янги меъморий шакллар (*«Медео»* спорт



Орқа Или Олатови.

маҳмуи, 1951, 1971—72 йиларда реконструкция қилинган, меъморлар В.Қашев, А.Қайнарбоев ва б.; Шевченко (ҳоз. Оқсув) шаҳрининг меъморий мажмуаси, Олмаотадаги «Қозоғистон» меҳмонхонаси, 1978, меъморлар Ю.Ратушний, Л.Узоботов] яратилди. 1935 й. Қ. Меъморлар уюшмаси тузилган.

Тасвирий санъати. Қ. ҳудудида энг қад. тасвирий санъат ёдгорликларидан палеолит даврида ҳайвонларнинг қояга ишланган расмлари (Қоратов ва Хонтовда) ва неолит даврига мансуб тер расмлари (Пақлодар вилоятидаги Жасибой ғорида) топилган. Жез давридан Андроново маданиятига мансуб ёдгорликлар: ҳайвон (бўғу, эчки ва б.)лар ҳайкалчалари, ов манзараларининг қояга ишланган тасвирлари (Олмаота вилоятидаги *Тамғалидаги расмлари*) сақланган, сопол идишлар топилган. Қ.нинг ғарб асрларга мансуб тасвирий санъати намуналаридан эркак, аёл ва ҳайвонларнинг тош ҳайкалчалари, аёлларнинг бронза ҳайкалчалари сақланган. Ўша давр амалий безак санъати ёдгорликларидан ўйма, қолипакси нақш б-н безатилган сирсиз ва сирланган сопол идишлар, чарм, металл буюмлар маълум.

19-а.да қозоқлар ҳаёти акс эттирилган тасвирий санъат асарлари яратила бошлади (Ч.Валиханов, Т.Г.Шевченконинг расм ва акварелларн, В.В.Верещагин расмлари). 20-а.нинг 20—30-й.ларида миллий рассом ва графиклар (А.Тошбоев, Ҳ. ва Қ.Хожиков ва б.) етишиб чиқди. 40—50-й.ларда тасвирий санъатнинг барча турлари, жумладан, *рангтасвир санъати ривожланди* (А.Исмоилов, А.Кастеев, А.Черкасский, М.Лизогуб). 1960—70-й.ларда М.С.Кенбоев, К.Т. Телжонов, К.М.Шаяхметов, С.А.Айтбоев, С.Мамбеев каби рассомлар, Ҳ.И.Наврузбоев, Б.А.Тулеков, Т.С.Дўстмаҳамбетов каби ҳайкалтарошлар, Р.Сахи, Е.Сидоркин каби графиклар, Л.Хожиқова, Р.Сансебин каби амалий-безак санъати усталари ва б. етишиб чиқди. 1940 й. Қ.Рассомлар уюшмаси тузилган.

Мусиқаси қозоқ оила ва аймоқларининг тарихан қарор топган турмуш тарзи (асосан, ярим кўчманчи чорвачилик ва деҳқончилик), дунёқараш ва эътиқодлари (*шомонлик, танғричилик* ва б.) асосида ривож топган. Анъанавий мусиқа амалиётида қозоқ бақси (шомон-бахши), терменши, оленши, *жиров, оқын, куйғин, 18-а.дан салгер*э (сайёр ижодий гуруҳлари ташкил этган профессионал созанда, хонандаларнинг ижоди илоҳида ўрин тутади. Ҳар бир бақсининг ўзи ижод этган шахсий *сарин* (куй)лари илоҳий ҳисобланган, одамлар руҳига афсунгарлик қувватини бағишлаган деб ишонган. Халқ қўшиқлари мавсум ва диний («тасаттиқ», «тавриз-олен», «ақарамдан», «саҳар-олен»), тиббобат (бадик, «арбау»), оилавий маросим қўшиқларн («жар-жар», «сиңсу», «бет очдар», «таңису», «қоштасу», «жоқтау» ва б.), инсон ҳаёти турқумига оид «бесик жири», «тусау кесу», «жубату», *«жизирма* бес» ва б., *терме, ғазел, жыдырдық* иборат. Халқ мусиқа чолғулари орасида *бақси ва жирровлар*нинг асосий чолғуси ҳисобланган *қобиз*, чўпчолдар ҳамда профессионал созандалар (Сарматай ва б.) томонидан кенг қўлланилган *сыбызғы* оммалашган. Халқнинг энг севимли чолғуси бўлган *думбира* да турли мазмундаги (ўйноқи «ажакелн», фалсафий «толғау», драматик «қосбосар», лирик «қонір» ва б.) куйлари Биржан-сал, Даулеткерей, Таттимбет, Жаяу-Муса, Курмонғози, Дина Нурпеисова каби созанда ва бастакорлар ижро этган. Қозоқларда, шунингдек, *чанқобыз*, яқин ўтмишда шертер, жетиген (торли-чертма), *қармай, доңыл* каби чолғулар тарқалган.

1930-й.лардa янги (кўп овозли) мусиқа шакл ва жанрлари ривож топа бошлади. 1934 й. Қозоқ халқ чолғуларн оркестри (1944 й.дан Қурмонғози номида), Қозоқ мусиқа театри (1937 й.дан опера ва балет театри), 1935 й. Жамбул номидаги Қозоқ давлат филармонияси, 1939 й. Қозоғистон композиторлар уюшмаси ташкил топди. Е.Брусиловский биринчи қозоқ операларини («Қиз-Жибек», 1934; «Жалбир», 1935, «Эр Таргин», 1937), симфоник асарлар («Сарқе арқа» 3-симфонияси, 1944 ва б.), кантата («Қозоғистон», 1947), В.Великанов биринчи миллий балет («Қалқаман ва Мамир», 1938)ларни яратишган. «Жолдастар» (Р.Елебаев), «Қозоқ вальси» (Л.Хамидн) каби оммавий қўшиқлар ижод этилган. 1944 й. Олмаотада консерватория очилди. Халқ мусиқа ижодини *ўрганиш* ва тўплаш ишларида А.Затаевичнинг хизматлари («Қозоқ халқининг 1000 куйлари», 1925; «Қозоқ халқининг 500 куйлари», 1931) катта.

20-а.нинг 2-ярмида симфония (М.Тўлебоев, К.Кужамьяров, Г.Жубанова ва б.), опера ва балет (С.Мухамеджанов, Г.Жубанова, Е.Рахмалиев, А.Серкебаев ва б.), камер мусиқа (Брусиловский, Жубанова ва б.), қўшиқ (Н.Тлендиев) ва б. жанрлар ривож топди. Мусиқа санъати арбоблари орасида дирижёрлар Ш.Қаҳтанлев, Н.Тлендиев, А.Молодов, Ф.Мансуров, хонандалар Р. Абдулин, К. *Байсеитова*, А. Динщев, Р. *Байланова*, Е.Серкебаев, Б. Тулегенова, Б.Досижанов, дўмбирачилар К.Жонтлеутов, Р.Омаров, К. Ахмадияров, А.Ескалиев, Б.Карабалина машҳур. Ҳозир Қозоғистонда К. давлат филармонияси (1935), Абай номидаги академик опера ва балет театри (1934), симфоник оркестр (1937), хор капелласи (1937), Қозоқ концерт бирлашмаси (*1960*), *Қозоғистон* телевидениеси камер оркестри, «Отрар сози» фольклор-этнографик оркестри (1981), Олмаота консерваторияси ва Остона мусиқа академияси, 10 дан ортиқ мусиқа билим юрти фаолият кўрсатмоқда.

Чемкент шаҳридаги хайбонлардан бири.



Театри. Театр санъати унсурлари қадимдан халқ маросимларида, сайёлларда кўрсатилган томошаларда, масхарабозлик, оқинларнинг айтишувларида мавжуд бўлган. 20-а.нинг 20-й.ларидан Семипалатинск, Қўстанай, Петропавловскда ҳаваскорлик труппалари тузилди. 1922 й. Оренбургда Қозоқ халқ мақориф ин-ти ҳузурида биринчи доимий театр тўгарак ташкил этилди. 1926 й. Қизилўрдада биринчи профессионал *қозоқ театри очилиб*, у 1928 й. Олмаотага кўчирилди (1961 й.дан М.Авезов номидаги Қозоқ драма театри). 1930-й.ларда М.Оқжигоновнинг «Исатой ва Маҳамбет», М.Авезовнинг «Тунги момақалдирок», Ғ.Мусреповнинг «Енликлар» пьесалари, шунингдек, С.Сайфуллин, Б.Майлин, Ж.Шанин, А.Тожибоев, Ш.Хусаинов, А.Абишевларнинг замонавий мавзуда-ги пьесалари саҳналаштирилди. 2-жаҳон уруши йиллари қозоқ *театрлари* саҳналарида ватанпарварлик руҳидаги тарихий, фольклор асарлари намойиш этилди. 1940—50-й.лар қозоқ театри учун махорат ошириш йўлида бети-ним ижланиш даври бўлди, тарихий ва замонавий мавзуларда Ғ.Мустафи-нинг «Миллионер», А.Тожибоевнинг «Яшайвер, чўл», «Майра», С.Муқо-новнинг «Чўқон Валихонов», М.Авезовнинг «Енлик ва Кебек», К.Мухам-маджановнинг «Телпак тагидаги бўри-вачча» асарлари муваффақиятли саҳналаштирилди. Қ. театр санъати ривожига Ш.Айманов, С.Қожамқу-лов, Қ.Қуанишпаев, Р.Қўчўбоева, Х.Букеева, С.Муродова, С.Майқанова, Е.Умирзақов, К.Бадиров, И.Но-гайбоев, Ш.Жандарбекова, Б. Римова ва б. катта ҳисса қўшдилар.

Кинои. 1928 й. Олмаотада «Восток-фильм» трестининг бўлими (киножур. тайёрланган, «Турксиб» ҳужжатли фильми яратилган, *1929*, *реж. В.Ту-рин*), 1934 й. кинохроника студияси ташкил этилган. 1938 й. «Ленфильм» киностудисида қозоқ актёрлари иштирокида «Омонгелди» бадиий фильми (реж. М.Левин) яратилди. 1941 й. окт.да Олмаота бадиий фильмлар студияси ишга тушди, у 1942 й. Қ.га эвакуация қилинган «Мосфильм», «Ленфильм» студиялари 6-н бирга Бирлашган марказий киностудия номи *6-н ишлай бошлади*. 1944 й. «Мос-фильм» ва «Ленфильм» Москва ва Ле-нинградга қайтган, Олмаотада қолган студия кинохроника студияси 6-н *қўшилди (1960 й.дан «Қозкинофильм»* киностудияси). 1950-й.ларда қозоқ ки-нематографчилари турли жанрларда фильмлар яратдилар. Реж. Э.И.Файк «Қинотли совға» (1956), реж. В.П.Вой-тецкий «Сенинг дўстларинг» (1960), реж. М.С.Бегалин «Нотинч баҳор» (1959), «Ерга қайтиш» (1959) фильмларини суратга туширилар. «Қозок-фильм»нинг энг яхши фильмлари: «*Менинг исмим Ҳўжа*» (1963, реж. А.Қарсақбаев), «Алдар кўса» (1964), «Авлодлар ери» (1966, иккаласининг реж. Ш.Айманов), «Машқ тўгрисида қўшиқ» (1970, реж. М.Бегалин), «Қиз Жибек» (1972, реж. С.Хожиков), «Бат-тол» (1973, қирғиз реж. Т.Океев), «Ал-памис мактабга боради» (1976, реж. А.Қарсақбаев), «Транссибирь тезлори» (1978, реж. Э.Уразбоев). Реж. А.Қайда-ров мультипликацион фильмлар, реж. лар О.Абишев, И.Верешчагин ҳужжат-ли фильмлар яратганлар. Қозоқ кино-сининг етакчи актёрлари Е.Умирза-*қов*, *А.Умирзақова*, *К.Кожабеков*, Ф.Шарипова, А.Моллабеков ва б. 1958 й. К. Кинематографчилари уюшмаси тузилган.

Ўзбекистон — Қ. муносабатлари. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1992 й. иккала давлат ўртасида дипло-матик муносабатлари ўрнатилди. 1997, 2001, 2002 й.ларда ЎзР Президенти И.Каримовнинг Қ.га, 1994, 1998 й.ларда Қ.Президенти Н.Назарбо-евнинг Ўзбекистон*га ташрифи бўлиб* ўтди. 1998 й. 31 окт. да икки давлат ўр-тасида имзоланган Абадий дўстлик тўгрисидаги шарт-нома давлатлар ўр-тасидаги муносабат-ларнинг шартнома-ий-ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Давлатлар ўртасида гуманитар соҳа-даги ҳамкорлик мана шу шартнома, 1994 й. 10 январда имзоланган Мадания-т, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, туризм ва спорт бўйича ҳамкорлики-нуқурлаштириш тўгрисидаги ҳукумат-лараро битим, 1998 й. 31 окт. да ЎзР Халқ таълими вазирлиги б-н К. Республи-каласининг Таълим, маданият ва со-глиқни сақлаш вазирлиги ўртасида таълим соҳасида ҳамкорлик тўгрисидаги муассасалараро битимлга мувофиқ амалга оширилади. 2005 й.гача икки давлат ўртасида икки томон учун ҳорижитли бўлган 166 ҳужжат имзолан-ган. 2004 й. ЎзР б-н К. ўртасидаги товар айланмаси 425,9 млн. АҚШ долларини, жумладан, *экспорт* 184,7 млн. АҚШ долларини, импорт 241,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

ҚОЗОҒИСТОН АРҲАРМЕРИНОСИ — тўшт-жун йўналишлари майин жун-ли қўй зоти. 1930—50-й.ларда Қозо-гистонда турларapo дурагайлаш усули б-н чиқарилган. Новокавказ зоти ур-гочи мериносини оналаб ўлдирилган ёввойи *архар* кўчқори уруғи б-н уруғлантириб олинган биринчи чатишма авлодни прекос ва рамбуле қўй зотлари б-н $^1/_2$ архар ва $^1/_4$ майин жунли қўй зоти қонига эга бўлган 3-чатишма авлоди олингунча чатиштирилган. 3-чатиш-


Қозогистон арҳармериноси.

ма авлодини зот ичида уруғитиб қўпай-тирилди. *Чатиштириш* ёш бўйи йўлода бокди, мақсадли танлаш ва саралаш асо-сида олиб борилди. Ушбу зот гавдаси йи-рик, суяклари мустаҳкам. Кўчқорлари 90—115 (150) кг тача, совлиқлари 55—65 (90) кг тача. Жуни, асосан, 60 ра-қамли сифатга эга, уз. 8—9 см. Кўчқор-ларидан 7—8 (10 кг), уруғчиларидан 3,2—3,5 (6 кг тача) кг жун олинади.

Серпуштлилик 110—120%. Қ.а. тез етиладиган зот, тоғолди яйловлари ша-роитларига яхши мослашган. Қозогис-тоннинг Олмаота, Шарқий Қозогис-тон ва Павлодар вилоятларида уруғитиб қўпайтирилади.

ҚОЗОҒИСТОН ПАСТ ТОҒЛАРИ, Сарюрқа, Марказий Қозо-*гистон паст тоғлари* — Қозогистоннинг марказий ва шарқий қисм-ларида жойлашган ҳамда паст тоғлар

Павлодар шаҳри. Шаҳар ҳокимияти ва теле-граф биноси.



ва тизмалари бўлган текислик-қирли ҳудуд. Шим.да Ғарбий Сибирь, шим.-шарқда Олтой тоғлари, Зайсан ботиғи, шарқда Тарбағатой, жан. ва жан.-ғарбда Турон текислиги, Балхаш-Олакўл ботиғи, Бетпақдала чўли, ғарбда Тўрғай платоси 6-н Ўралган. Ушбу ҳудуд илмий адабиётларда «Марказий Қозоғистон», «Қозоғистон бурмали ўлкаси», «Шарқий Қозоғистон пенеплени», «Сарқорқа» номлари 6-н маълум. Ғарбдан шарққа 1500 км га чўзилган. Энн ғарбида 950 км, шарқий қисмида 350—400 км. Ер юзаси текис, фақат 2 тог: ғарбида Улутов (113 м) ва шим.да Кўкчатов қирлари (Синюха тоғи, 947 м) бор. Шарқий қисми баландрок (ўртача 500—1000 м) ва рельефи ўр-қирли. К.п.т.нинг энг баланд жойи — марказий қисмидаги Қарқаралн тоғлари (1565 м). Шарқида Чингизтов тизмаси (1077 м) жойлашган. Паст тоғлар (мутлақ бал. 500—600 м) К.т.ғ.ни ўраб олган. К.п.т. палеозой даврининг метаморфик слансц, кварцит, қумтош ва оҳактошларидан тузилган. Иқлими кескин континентал, ёғин кам, қуруқ. Қиши совуқ, қор қопламн қалин эмас. Ёзи иссиқ, булут кам. Ҳаво *т-раси амплитудаси катта, янв.нинг* ўртача т-раси —14°, —18°, июлнинки 20—24°. Йиллик ёғин 200—300 мм. Энг йирик дарёлари: Ишим (Иртиш ҳавзаси), Нура, Сарисув. Дарёлари қишда музлайди. Кўл кўп. К.п.т.нинг шим. қисми дашт зонасида бўлиб, ҳар хил ўт, бетага-чалов, марказий қуруқ дашт зонасида, тўқ каштан ва каштан тупроқларда *бетага-чалов ўсимликлари*, жан. ва шарқий қисми чала чўл зонасида бўлиб, оч каштан тупроқларда дашт ва чўл ўсимликлари ўсади. Муҳим табиий ҳазилма бойликлари кўмир, темир, марганец, мис, рух, никель рудалари, боксит, қўрғошин, фосфорит, калий ва оп туз конлари-дир. Кўрилган қўриқхонаси ва Барнаул *миллий боғи* ташкил этилган.

Ад.: Джаналиева К.М., Будникова Т.К. и др., Физическая география Казахстана и Средней Азии, Л., 1965; Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А., Ўрта Осиё табиий географияси, Т., 2002.

Мурод Маматқулов.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — Қозоғистоннинг олий илмий муассасаси. 1946 й. 31 майда СССР Фанлар Қозоғистон филиали негизида ташкил этилган. Олимота ш.да жойлашган. Фаолиятининг *асосий йўналишлари* и.т.ларини амалга оширищ ва мувофиқлаштириш, фаннинг муҳим тармоқларини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш, илмий кадрлар тайёрлаш, халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш ва фан тармоқлари тараққиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва б.дан иборат. 56 акад., 143 мухбир *аъзоси бор (2003).* Фан тармоқлари бўйича 6 бўлим (жумладан, 1 минтақавий) ва 300 дан ортиқ и.т. институт ва муассасаси, боғлиника боғи, кутубхонаси (4 млн.дан ортиқ асар) бор. Академия «Хабарлари» (1944 й.дан) ва б. илмий жур. ҳамда асарлар нашр этади. Президенти — Мурат Журинов (*2003 й.дан*).

ҚОЛҒАН ЎЗАН, қолған дарё, қолдиқ ўзан — дарёнинг олдинги ўзанидан бутунлай ёки қисман ажралиб қолган қисми. Дарё ўзанига оқизиқлар тиқилиб қолиши ёки дарёнинг бошқа томонга бурилиб кетиши натижасида ҳосил бўлади. Дастлаб кичикрок кўл, *кейинроқ оқизиқлар* тўлиб ботқоқликка ёки заккаш тўлоққа айланади.

ҚОЛҒАНДАРЁ — Андижон вилоятидаги дарё. Қорадарёнинг Андижон вилояти Балиқчи тумани ва Наманган вилояти Норин туманининг жан. ҳудудидан ўтган қолған ўзани. Дарёнинг чап соҳилига шўр тупроқ ва қумоқ ерга қурилган (1848—50) каналин 1876 й. дан дарё суви ковиб кета бошлаган. 1883 й. сув тошқини натижасида Қорадарё тамоман каналга оқа бошлаган. Дарё ўзани баланда қолиб кетган. Дарё Чинобод қишлоғи яқинида ани эски ўзанига бурнб юборилган. Қорадарёнинг ним.да қолиб кетган 20 км узунликдаги ўзани *Қ. номи 6-н аталган* ва сизот сувлар 6-н тўлган. 20-а. бошларидан бошлаб шоликорликда фойдаланилади ҳамда яйлов хизматини ўтайди. Кўп қисми *экин майдонларига* айлантирилган.

Андижон вилояти шим.дан оқиб келадиган Оқбўра дарёсини Шахрихонсой кесиб ўтган шим. томонидаги қолган ўзани ҳам Қ. деб аталган. *Оқбўра* оқованси Шахрихонсойга қўшилиб, унинг ўзани қурнб қолган. Ҳозирги Қ. ўрни Жалолқудуқ туманининг экинзорлари орасида жойлашган. Энднликда сойиқ ўзандан ариқ оқиб ўтади.

ҚОЛДИҚ — қ. *Чегара.*

ҚОЛДИҚ КОНЛАР — Ер пўстининг *устки қисмида шаклланган фойдали* қазилма ётқизиқлари; тоғ жинсларининг нураш маҳсулидан ташкил топади. К.к. эриган бирикмаларни ва эриш қийин бўлган минераллар (темир, марганец, никель ва каолининг бази конлари) қолдиқлари тўпламларининг сувда оқиб чиқишидан ҳосил бўлади. Муҳим аҳамиятга эга бўлган К.к.га боксит; каолин, марганец оксиллари, тилъе, магнезит уюмлари, титан, қалай, вольфрам, тантал, ниобий, олтин минераллари конлари киради.

ҚОЛДИҚ КЎЛ — қад. йирик сув ҳавзалари — *океан ва денгизларнинг* текислиши натижасида улар ўрнида сақланиб қолган кўллар. Мас., Каспий, Орол, Чад, Эйр кўллари. Дарёлар ўзанларини ўзгартирганда эски ўзанининг чўкур жойларида ҳам кўллар ҳосил бўлади, булар ҳам Қ.к.лар дейилади. Улар, одатда, кичик, кўпинча вақтли бўлади. Сирдарё, Амударёнинг *текисликлардан ўтган* қисмидаги водийларида бундай кўл кўп учрайди.

ҚОЛДИҚ ТОҒ — баланд тоғли ўлканинг узоқ вақт давом этган емирилишидан *қолган* ва, *асосан*, қаттиқ тоғ жинсларидан тузилган якка-якка тог, қир ва тепалар. Иқлим, ясй рельефи, *тоғ жинсларига боғлиқ равишда* нураш Қ.т., юмалма Қ.т.- фарқланади. Ўзбекистонда Қизилқумдаги Томдитов, Бўкантов, Ожмитастов шундай Қ.тлардир (яна қ. *Етимтог*).

ҚОЛДИҚОРАЕВ *Жумагали* (1922, Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳужайли тумани — 1944.26.1, Гомель вилояти Мозир ш.да дафн этилган) — 2-жаҳон урушн қатнашчиси. К.-ҳа ишлаган. 1941 й.дан фронтда. 7-гвардиячи танкка қарши қирувчи дивизия (Марказий фронт 61-армиясининг 7-гвардиячи оғлик аскарлар *корпусининг олдинги* аскари. Гомель вилоятининг Комарин ш.дан 20 км ним.да дарёни кечиб ўтишда ва жанга кўрсатган жасорати учун *Қаҳрамон унвони берилган (1944, 15.1).* Ҳужайли ш.даги ва ўзи ўқиган мактаб унинг номи б-н аталган.

ҚОЛИП — 1) *амалий санъатда* — безак ишини қуйиб (териб), босиб ясаш учун ишлатиладиган махсус шакллаштирмалар; андоза. Ўйма гулли Қ. ни матога гул босишда ишлатилади; *кесиб* қуйишда ишлатиладиган ёғоч ёки ганч шакл; *заргарнинг* зийнат буюмлар юзасида безак яратишда қўлладйиган гул Қ., гиштқ., — хом ғиштқ қуядиган ёғоч мослама; ганч безак қуйишда, кошин парчиларидан терб тайёрланадиган безак. Қ. заргарлик, пичоқчилик, дўппиязўлик, пойабзалчилик, читгарлик ва б.да *ишлатилади*; 2) буюмларга шакл ёки ишлов бериш учун фойдаланиладиган мослама. Металлар ва пластмассалардан қуйиб ёки бошқа материалдар (мас., ёғоч) дан кесиб ясалади. Тайёрланадиган асбоб ёки буюмлар турига кўра шакли ва ўлчамлари турлича бўлади. Қозон, гиштқ, тиш Қ.лари ва б. бор; 3) қуймачилик кор-



Читтирилган қон намуналари.

хоналарида пластмасса ва металл қуйиш учун ишлатиладиган мосламa. Ундан бир ёки кўп марта фойдаланиш мумкин. Қ. кварц қуми, бентонит, лой, металл ва б.лан тайёрланади.

ҚОЛИПАКИ, қолипи босма — зарядларда ўқотилар ва уларнинг беқасларини *қолип* ёрдамида ишлаш; шу усулда яратилган буюм ҳам Қ. деб аталади.

ҚОЛИПКОРИ — 1) *қолип* ёрдамида ясалган безак; 2) ўзаро кесишган *ранг*лардан тузилган безак.

ҚОЛИПТОШ — минерал, қ. *Агальматолит*.

ҚОЛОҚСОЙ, Колаксаис — *скафар бобоқалпоқ Tarpitothinnt кенжа* ўғли. *Геродотнинг* ёзишича, Қ.лан скифларнинг паралатлар қабиласи тарқалган. Бу қабила подшо-скифлар қаримидан бўлган. Ривоятларга кўра, бу даврда скифлар ерига осмондан олтин буюмлар: омоч, бўйинтуруқ, айболта ва қалоқ тушган. Акалари *Липоксой* ва *Арпоксой* уларга яқинлашиа олмаган, Қ. бу буюмларни ердан кўтариб олишга ва ўз уйига олиб киришга муваффақ бўлган. Қ. олтин буюмларга эга бўлгач, скифлар подшоси этиб сайланган. Бу буюмларни скиф подшолари инқирозга учраб қолиб сақлагандан. Ҳар йили уларга атаб қурбонлик қилишган. Қ. скифлар мамлакатини учта подшолиққа бўлиб, 3 йилига тақсимлаб берган. Олтин буюмлар энг катта подшолиққа жўнатган.

«ҚОМУС уз-АЪЛОМ» (араб. — «Машҳур шахслар қомуси») — 1888—99 йларда Истанбулда турк тилида нашр этилган 6 жилдлан иборат универсал энциклопедия. Муҳаррири ва ношири — Ш.Сомий (1850—1904). «Қ.ул.-а.»да ўша даврдаги турли мамлакатларнинг машҳур халифа, амир, вазир, ҳоким, олим, ёзувчи, шоирлари ва б. ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, турли мамлакат, денгиз, тог ва дарёлар тўғрисида ҳам маълумотлар, Марказий Осиё тарихи, географияси ва машҳур шахслар, жумладан, Абу Бакр Хоразмий, Жалолиддин Румий, Зебуннисо ва б. тўғрисида батафсил мақолалар берилган.

ҚОН — одам ва умуртқали ҳайвонларнинг қон айланиш системасида айланиб юрадиган суюқ тўқима; ҳужайра ва тўқималарга етиб бориб, уларнинг ҳаёт фаолиятини ҳамда физиологик функцияларнинг бажарилишини таъминлайди. Эритроцитларнинг таркибидаги *гемоглобин* Қ.га қизил ранг беради. Қ.нинг таркиби, осмотик босими ва актив реакцияси (pH) деярли ўзгармайди. Қ. организмда хилма-хил вазифаларни бажаради: у ҳужайраларга кислород етказиб беради ва карбонат ангидрид газини олиб кетади (*нафас функцияси*); *овқат ҳазм қилиш* аъзоларидан озиқ моддаларни бутун организмга тарқатади (*озиқ моддаларни ташиш функцияси*); моддалар алмашинуви маҳсулотини чиқариш аъзоларига (буйракка) олиб боради. Қ. аъзоларнинг гуморал алоқасини юзага чиқаради, у газ алмашинуви, нафас, сув-туз алмашинуви, кислота-ишқор мувозанатида иштирок этади. Қ.да антитоксинлар, лизинлар ва антителолар борлиги, шунингдек, лейкоцитлар микроорганизмлар ва ёт жисмларни ҳамраб кетиш хусусиятига эга бўлганлиги туфайли Қ. организмни зарарли моддалар ва ёт жисмлардан ҳимоя қилади. У гавда т-расини доим *бир меъёрда сақлашда муҳим аҳамият*га эга.

Одамларда 5,2 л ча Қ. бўлади. Қ. суюқ қисм — плазма (55—60%) ва шаклли элементлар (40—45%) дан ташкил топган. Қ.нинг шаклли элементлари Қ. яратиш аъзоларида ишланади; Қ. ва қон яратиш аъзолари — Қ. яратиш системасини ташкил этади.

Қ. меъёс механизмлар орқали регуляция қилинади, шунинг учун соғлом одам қонининг таркиби ўзгармайди. Организмдаги қон қандай ўзгаришларга нисбатан Қ. жавоб реакцияси қайтаради, яъни ўз таркибини ўзгартиради. Айрим касалликларни, хусусан, Қ. системаси касалликларини аниқлашда Қ. *таркибининг ўзгаришн муҳим аҳамият*га эга.

Қ. плазмаси витаминлар, ферментлар, тузлар ва моддалар алмашинувининг охирги маҳсулотларини сақлайди. *Плазмода* эриган оқсиллар, жигар ҳужайралари ва ретикулоэндотелиал система ҳосил бўлади. Плазма оқсиллари транспорт вазифасини бажаради, кислота-ишқор мувозанатини тартибга солиб туради.

Қ.нинг шаклли элементлари асосан *эритроцитлар, лейкоцитлар* ва *тромбоцитлардан* иборат.

Қ. таркибидаги углеводларга глюкоза ва унинг алмашинув маҳсулотлари киради. Қ.да 80—100 мг % гача глюкоза, шунингдек, глюкоген, фруктоза ва оз миқдорда глюкозимин бўлади. Углеводлар ва оқсиллардинг алмашинув маҳсулотлари (глюкоза ва б. моносахаридлар, кислоталар, тузлар ва сув) ичак капиллярларидан оқаётган Қ.га сўрилади. Глюкозанинг бир қисми эзло- ва тўқималарга тарқалади, бошқа қисми эса жигарда гликогенга айланади.

Қ.даги липидлар аралашмаси нейтрал ёғлар, эркин ёғ кислоталари ва уларнинг парчаланиш маҳсулотларидан, эркин ва боғланган холестеринлардан, шунингдек, стероид гормонларидан иборат. Нейтрал ёғлар, глицерин, ёғ кислоталари ичак шиллиқ қаватидан Қ.га қисман сўрилади. Қ. ёғ эмульсиясини ёғ тўқималарига етказади ва у ерда захира ҳолда сақланади. Қ. таркибида минерал моддалар (асосан, натрий ва хлор) ҳам бор. Организмнинг турли *патологик ҳолатларида (касалликларида)* Қ.да қатор ўзгаришлар рўй беради, бу муҳим диагностик аҳамиятга эга. Қ.нинг тузилишн, функциялари, касалликлари ва у б-н боғлиқ бошқа масалаларни *гематология* фани ўрганади.

Ад.: Баҳромов С.М., Қон ва унинг касалликлари, Т., 1996.

Самандаров Баҳром.

ҚОН АЙЛАНИШИ — юрак қисқариши туфайли қонининг қон ўтказиш системасида ҳаракатланиши. Қ.а. организм тўқималари б-н ташқи муҳит орасидаги моддалар алмашинуви ва *гомеостаз* тургунлигини таъминлайди. Қон тўқимага кислород, сув, оқсил, углеводлар, ёғ, минерал моддалар, витаминлар ва б. олиб келади ва тўқималардан карбонат ангидрид ҳамда моддалар алмашинувида пайдо бўлган бошқа чиқинди моддаларни олиб кетади. *Терморегуляция* ва *гуморал регуляция* амалга оширади. *Иммунитетнинг* муҳим омилидир. Қ.а. ни 1628 й. инглиз врачи У.*Гарвей* кашф қилган.

Қўпчилик умуртқасиз ҳайвонларда *очиқ* Қ.а. доираси мавжуд (*гемолимфа* гавда мускуллари ёки томирлар қисқариши туфайли ҳаракатланади). Одам ва айрим юқори даражада ривожланган умуртқасизларда Қ.а. доираси ёпиқ бўлади. Сувда ва қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар, сут эмизувчилар ва қушларда Қ.а. доираси 2 та. Одам, шу жумладан, сут эмизувчилар ва қушларда Қ.а. схемаси бир хил. Юрак чап қоринчасидан чиқиб, тўқималар

орқали ўнг бўлмачага келган томирлар системаси катта, ўнг қоринчани чиқиб, ўпка орқали чап бўлмачага келгани кичик қон айланиш доирасини ташкил этади. Чап бўлмачадан қон чап қоринчага ўтади ва Қ.а. давом этади. Юрак мускулларининг қисқариб-бўшашиши туфайли қон томирларда ҳаракатланади. Юракнинг бир мин.да ҳайдайдиган қон миқдори минутли ҳажм дейилади. Одам тинч тургандаги минутли ҳажм 4—5 л га тенг, эмоционал таъсир ҳолатида эса у 3—4 марта ортади. Юрак қони артерияга поршил б-н ҳайдайди. Қон қайишқоқлиги б-н артериялар девори кенгаяди. *Диастола*да йиғилган энергия артерияларда қон босимини маълум даражада сақлаб, капилярларда узлуксиз қон оқимини таъминлайди. Организмдаги қоннинг фақат 5% и капилярларда бўлади, бироқ Қ.а.нинг асосий функцияси — қон б-н тўқима орасидаги моддалар алмашинуви шу капилярларда амалга ошади. Қоннинг капилярлардаги гидростатик босими сабаби-ли суюқлик, капиллярдан тўқимага филътрланади (қон плазмасининг *онкотик босими* ёр жарёнга тўсқинлик қилади). Қон капилярларда қарийиб-ка учайди, буни сиғишда у энергия йўқотади ва қон босими пасаяди. Бу суюқликни ҳужайралараро бўшлиқдан капилярларга ўтишига сабаб бўлади. *Суюқликнинг бир қисми ҳужайралараро* тирқишдан лимфатик томирларга оқиб ўтади. Суюқлик босими атм. босимига қарағанда (5—10 мм симоб устунига) кам бўлгани учун тўқималардан суюқлик фақат қайдаб турилади. *Тўқималардан* қон вена қон томирига ўтади. Скелет мускулларининг қисқариб-бўшашиши ва нафас ҳаракатлари қоннинг томирларда узлуксиз оқишига шароит яратади. Қ.а. рефлекторлар ва гуморал таъсирлар б-н бошқарилади.

Қ.а.нинг маълумий ва умумий бузилиши фарқланади, унинг маҳаллий бузилишидан *гиперемия, ишемия, стаз-ро-склероз, тромбоз* ва б. бўлиши мумкин. Қ.а.нинг умумий бузилиши аъзо *ва тўқималарга турли сабабларга кўра* етарли қон бормаслиги туфайли юз беради.

ҚОН БОСИМИ, артериал босим — томирларда оқаётган қоннинг шу томирлар девориға кўрсатаётган босими (тазйиқи); юрак иши ва томирлар деворининг қаршилиги туфайли вужудга келади. Артериядаг ичида — артериал, капиллярлар ичида — капиллар ва венадлар ичида — веноз босим бўлади. Қ.б. қоннинг томирлар системаси бўйлаб оқишига имкон беради ва шу б-н организм тўқималарида моддалар алмашинувини таъминлайди. Артериал босимнинг (АБ) юқори ёки паст бўлиши, асосан, юрак қисқаришларининг кучи ва юракнинг ҳар қисқарганда томирларга ҳайдайдиган қон миқдори, томирлар (айниқса, периферик томирлар) деворининг қон оқимига кўрсатадиган қаршилиги ва камрок даражада вақт бирлигида юрак қисқаришларининг сони б-н белгиланади. Айланиб юрадиган (циркуляция қилаётган) *қон миқдори, унинг* ёпишқоқлиги, босимининг нафас олишга боғлиқ бўлган қорин ва кўкрак қафаси бўшлиқларидаги ўзгаришлари ва б. омиллар ҳам АБ нинг юқори ёки паст бўлишига таъсир кўрсатади. Юракнинг чап қоринчаси қисқарганда (систола) АБ максимал даражага етади. Бу жарайёнда юракдан 70 мл қон отиб чиқарилади, бу миқдор қон бирданига майда қон томирлари (айниқса, капиллярлар) орқали ўтиб кетолмайди. Шунинг учун эластик аорта кенгаяди, ундаги босим (систолик босим) эса ортади.

Артерия, вена ва капилярларда Қ.б. турлича бўлади. Юракдан узоқлашган сари Қ.б. пасайиб борали (аорта-дан анча юқори, капиллярларда бирмунча паст, веналарда анча паст бўлади). Катта одамда нормал артериал босим 100—140 мм симоб устуни (*систолик босим*) га ва 70—80 мм симоб устуни (диастолик босим) га тенг. Бу босимлар фарқи пульс босими лейиллади.

Организмдаги бирор-бир иллат ту*файли Қ.б. узоқ кўрсаткичлар кўтарилиши* ёки пасайиши мумкин.

Юрак қоринчаларининг қисқаришлари орасидаги пауза (яъни диастола) вақтида кенгайган қон томирлари (аорта ва йирик артериялар)нинг девори қисқара бошлайди ва қонни капиллярларга ҳайдайди. Қон босими аста-секин пасаяди ва диастола охирида минимал даражага тушади (аортада 90 мм симоб устуни, йирик артерияларда 70 мм симоб устуни атрофида бўлади).

ҚОН БОСИМИНИ ТУШИРУВЧИ МОДДАЛАР, гипотензив моддалар — қон томирлар тонусини пасайтирувчи дорилар. Улар артериал босим (АБ)ни меъёрга тушириб, *нишон-аъзоларда кечаётган ўзгаришларни* камайтиради, *симптомия касаллиги* асоратларининг олдини олади. Тиббиётда амалиётида қон босими ошишининг турли босқичларига таъсир қилувчи юқори самарали дорй воситалари кўп, лекин уларнинг кўпчилиги артериал босимни пасайтириш б-н бирга, сезиларли *равишда* ўзгаровд ва ёғлар алмашинувини бузади, марказий нерв системаси фаолиятини сусайтиради, қон реологисини ва б.ни ўзгаришга олиб келади. Шу боис *амалиётда нозўк* таъсири *камрок* «*биринчи қатор*» препаратлар турухи ажратиб олинган. Булар:

— сийдик ҳайдовчи дорилар (тиазид ва «халқали» диуретиклар), қисман *калий сақловчи* воситалар;

—Са⁺⁺ ioни антагонистлари (нифедипин гуруҳи — амлодипин, нитренднпин ва б.);

— α-адреноблокаторлар;

— β-адреноблокаторлар, жумладан «гибридлар»;

— ангиотензин ўзгартирувчи фермент ингибиторлари;

— ангиотензин «рецепторлари блокаторлари».

Илгари кенг қўлланилган резерпин, безгонтексоний, пентамин, ҳдресснн ва б. қозирда фақат ёрдамчи аҳамиятга эга. Ҳоз. клофелин, фентоламин, празозин, *ирресснн* ва бошқа Қ.б.г.м. қўлланади.

Врач касалликнинг даврига ва организмнинг ҳолатига, шунингдек, дорининг таъсир этишига қараб бирор хил дорини буюради. Қ.б.г.м.ни ўз вақтида ичмаслик керак. Агар уларнинг ёрқин рухсатиси ичилса, таъсири бўлмаслиги ёки юрак фаолиятини зарарлаши, кўнгил айниши, қусиш, қувватсизлик, бош айланиш ва б. қуштлади, шунингдек, *артериал* босим тўсатдан пасайиб кетиб, ҳаёт учун хавфли ҳолат — *коллапс*га олиб келади. Қ.б.г.м.ни фақат врач кўрсатмасига мувофиқ ишлатиш керак.

ҚОН ГРУППАЛАРИ — қоннинг иммунологнстик хусусиятлари, бунда *i* қон группасига эга бўлган индивидлар эритроцитлар, лейкоцитлар, қон плазмаси (қ. *Плазма*), қўтчилик тўқималар ва биологик суюқликларга маълум хил антигенлар бор ёки йўқлиги б-н ажралиб турали. К.г. қоннинг наслдан-наслга ўтадиган белгилари бўлиб, у гемагглютинацня (эритроцитларнинг ётишиши) реакциясн ёрдамида аниқланади. Ана шу белгилар асосида барча одамлар қони (ирқи, ёши ва жинсидан қатъи назар) группаларга бўлинади. Одам қонининг у ёки бу қон группасига мансублиги унинг индивидуал биологик хусусияти бўлиб (оила қорнидаги ривожланиш давридаёқ шакллана бошлайди), кейинги бутун ҳаёт давомида ўзгармайди.

Эритроцитлар (қизил қон ҳужайралари) таркибидаги изоантигенлар — изоантиген А ва изоантиген В, шунингдек, нормада баъзи одамларнинг қон зардобида бўладиган изоантителалар — изоантитела α ва изоантитела β кўп амалий аҳамиятга эга омиллар

ҳисобланади. Одам қонида фақат турли хил изоантигенлар ва изоантителлар (мас., А+β ва В+α) бўлади, чунки бир хил белгидаги изоантигенлар ва изоантителлар учрашса (мас., А ва α) эритроцитлар бир-бирига ёпишиб, одамни ўлимга олиб келади.

Одам қонида А ва В изоантигенлар, шунингдек, α ва β изоантителлар бўлишига қараб уларни шартли равишда ҳарфлар ҳамда рақамлар 6-н ифодалаб, 4 группага бўлиш мумкин. 0αβ(I) фақат, α, β изоантителлари бор қон группаси; Aβ(II) — таркибида А изоантигени ва β изоантителаси бор қон группаси; Bα(III) — таркибида В изоантигени ва α изоантителаси бор қон группаси; AB0(IV) — таркибида фақат А ва В изоантигенлари бор қон группаси.

Қ.г. ҳақидаги таълимот 19-а. охирида юзага келган, у умумий иммунологиянинг муҳим қисми. Қ.г.ни ўрганиш изоантиген А нинг бир хил белгиги эга эмаслигини кўрсатди. Изоантиген В изоантиген А га нисбатан кўпроқ бир хил белгилиги 6-н фарқ қилади. Унлан ташқари, баъзи одамлар эритроцитида Н ва 0 каби специнфик (махсус) антигенлар топилди.

АВО системасида ўз моҳиятига кўра, изоантигенлардан сўнг тиббиёт амалиётида Қ.г.нинг Rh системаси (Rhesus — резус) резус-фактор иккинчи ўринда туради, у Қ.г.нинг энг мураккаб системаларидан бўлиб, 20 дан ортиқ изоантигенлан ташкил топган. 85% одамлар эритроцитларида Rh система антигени — Rh-фактор мавжудлиги, 15% одамларда унинг бўлмаслиги аниқланган. Ана шу факторнинг бор ё йўқлигига қараб одамлар шартли равишда — резус-мусбат ва резус-манфийлик деб ажратилади. Қонида Rh-фактори бўлмаган ода организмида *ривожланаётган хомила*га резус-фактор мусбат отадан ўтган антиген таъсирида унга қарши антителлар ҳосил бўлади, бу антителлар, ўз навбатида, хомила эритроцитларига таъсир этиб, ундан эритроцитлар (эритин)га сабаб бўлади, бу гемолитик анемия кўринишида намоён бўлади, баъзан ўлимга олиб келади ган резус-конфликт (зиддият) келиб чиқади. Қони резус-манфий одамлардан резус-мусбат қон қайта қуйилганда ҳам шундай ҳолат кузатилиши мумкин.

Эритроцитлардаги изоантигенлардан ташқари, қонининг бошқа таркибий элементларида ҳам фақат уларга хос изоантигенлар борлиги аниқланди, бу лейкоцитларнинг 40 дан ортиқ антигенларини бирлаштирувчи лейкоцитар группалар мавжудлигини кўрсатди. Одам қонининг бошқа системаларига оид изоантигенлар АВО ва Rh системаларига қараганда камроқ аҳамият аҳамиятга эга бўлса-да, суд тиббиёти, генетика, антропология соҳалари учун аҳамияти катта.

Қ.г.га хос белгилар ирсий фактор-ген 6-н белгиланади, яъни болалар қонининг антиген хусусиятлари ота-онанинг қон группасига боғлиқ. Бу суд тиббиётида болани ота-онасини аниқлаб бериш масалаларини ҳал қилишга имкон беради.

Қон группаларининг наслдан-наслга ўтиши

Қон группаси фенотипида	
Ота-она	*Фарзанд*
О×О	О
О×А	О, А
О×В	О, В
А×А	О, А
В×В	О, В
А×В	О, А, В, АВ
О×АВ	А, В
А×АВ	А, В, АВ
В×АВ	А, В, АВ
АВ×АВ	А, В, АВ

Қ.г. стандарт зарлобдар ёрдамида эритроцитлардаги изоантигенларни топиш йўли б-н аниқланади. Қ.г. системасини аниқлаш кўпроқ амалий аҳамиятга эга. *Қон қуйишда* Қ.г.нинг бир-бирига мос келиши эътиборга олинади. Ҳайвонлар қони, қайси группага бўлишидан қатъи назар, одам қонига тўғри келмайди.

ҚОН ДЕПОЛАРИ — одам ва юксак даражада ривожланган ҳайвонларда мавжуд қонининг 50% ини захирада сақлайдиган резервуар аъзолар. *Жигар, талоқ* ва *тери* Қ.д. ҳисобланади. Бу аъзоларнинг томир системаси ўзига хос тузилган. Талоқда қонининг бир қисми ҳужайралар орасига тарқалган бўлиб, қон айланишида иштирок этмайди. Талоқ, силлиқ мускулларининг қисқариши туфайли қон умумий қон оқимига қайта қуйилади. Жигар томирларида қон секин оқади. Жигар томирларининг *қисқариши натижасида қон томирлар* бўлаб тарқалади. Терида қон капиллярларда тўпланади. Организмда кислород етишмаганида (мас., оғир жисмоний иш қилганда) ёки қон таркибидаги гемоглобин миқдори камайганда (мас., қўп қон йўқотганда), Қ.д.дан қон умумий қон айланиш системасига чиқади ва миқдори кўпаяди.

ҚОН ИВИШИ — суюқ қонининг кимёвоқ қуйқум (лахта)га айланиш; одам ва ҳайвон организмининг қон йўқотишга қарши физиологик ҳимоя реакцияси. Қон томир зарарланиб, қон оқаётда қон плазмасида эриган фибринотен оқсилининг эримайдиган фибрин ҳолига айланиши ва бу толалар қонининг шаклли элементларя (тромбоцитлар) 6-н ўралиниб қуйқум ҳосил бўлиши натижасида вужудга келади ва у томирнинг шикастланган жойини ўсиб кўяди.

Қ.и. мураккаб ферментатив жараён бўлиб, у босқичма-босқич (3 фазада) кечади. Қ.и. қон ивиши *факторлари* (Қ.И.Ф.) — қон плазмасининг қатор оқсиллари ва Ca^{2+} ионлари иштирокида амалга ошади. Асосий *Қ.И.Ф. 13 та бўлиб, улар рим рақамлари* б-н белгиланади. Бу факторларнинг бир нечтаси қонининг шаклли элементлари таркибида бўлади.

Қ.и.нинг асосий реакциялари қуйидагилар: фаол тромбопластин ҳосил бўлиши; протромбин *тромбинга* айланиши; фибриноген фибринга айланиши; фибриннинг стабилизацияси.

Нормада одам қони томирдан чиққач, 5—12 мин.да ивийди. Айрим патологик ҳолатларда Қ.и. секинланиши ёки тезланиши мумкин, бу *тромбозларга* олиб келади.

Тиббиётда қон ивишини сусайтирувчи (антикоагулянтлар), кучайтирувчи ва *барқарорлаштирувчи* воситалардан кенг фойдаланилади.

ҚОН ЙЎҚОТИШ — қ. *Қон кетиши*.

ҚОН ҚАСАЛЛИКЛАРИ, қон системаси касалликлари — периферик қон ва қон яратувчи аъзолар-нинг патологиянинг б-н кечадиган касалликлар гуруҳи. Қ.к.нинг келиб чиқиш сабаблари ва белгилари хилма-хил, лекин уларнинг ҳаммасида ҳам қон ҳужайраларининг ишланиб чиқиши, функциялари, организмда тақсимланиши ва б. кўрсаткичлари бузилади. Бу ўзгаришлар қон яратилишини идора этадиган нерв-эндокрин система функцияси ҳамда бошқа аъзолар (мас., *жигар*) фаолиятига, организмнинг ирсий хусусиятларини белгиловчи ген аппаратига боғлиқ. Қ.к.га олиб келадиган жарёнлар механизми мураккаб ва хилма-хиллиги сабабли Қ.к.ни шартли равишда патогенетик хусусиятлари ва клиник белгиларига қараб лейкозлар, камқонликлар ва коагулопатияларга ажратилади. Асосан, қизил қон системаси касалликлари, оқ қон системаси касалликлари, тромбоцитлар (қон пластинкалари)нинг касалликлари тафовут қилинади. Буларнинг келиб чиқишида қон

системасида рўй берадиган апластик, гиперпластик ўзгаришлар ва қон яратилишининг бузилишига олиб келадиган бошқа патологик жараёнларнинг аҳамияти катта.

Қизил қон системаси касалликлари. Бунга қизил қон шакли элементлари — *эритроцитлар* камайиши б-н кечадиган турли хил анемиялар, уларнинг ортиқча ишланиб чиқиши б-н ифодаланадиган эритремиялар, оқ қон системаси касалликларига турли хил *лейкозлар*, кўп сонли миелома касаллиги, Ходжкин касаллиги (лимфогранулематоз), лимфосаркома, ретикулосаркома ва б. киради.

Тромбоцитлар касалликлари кўмикда мегакариоцит ҳужайралар ёки тромбоцитлар фаолиятининг сусайиши б-н боғлиқ равишда пайдо бўлади. Буларга идиопатик тромбоцитопеник пурпура, Гланцманн касталиги киради. Қ.к. бир-биридан фарқ қилса ҳам, лекин маълум бир қонуният б-н акс олиб бориб, организмдаги талайгина аъзолар фаолиятининг издан чиқишига сабаб бўлади.

Қ.к. турли, хусусиятдаги ва акс олиш даражасига қараб даво қилинади.

Қ.к.нинг келиб чиқиш сабаблари ва акс олиш механизмларини ўрганиш, даволаш чора-усулларини ишлаб чиқиш масалалари б-н *гематология* шуғулланади.

ҚОН КЕТИШИ, қон оқиши — жароҳатланган томирлардан қон оқиши б-н кечадиган патологик ҳолат. Шикастланишлар ва турли хил касалликлар оқибатида юзага келади. Артериал (артерия томирларидан оч қизил рангдаги қон оғизлаб чиқади), веноз (вена томирларидан қорамтир қон оқади), капиллярлар ва паренхиматоз аъзолар (жигар, талоқ, буйрак ва б.)дан қон кетади. Қ.к. тезлиги шикастланган томирларнинг катта-кичиклиги ва унинг деворлари ҳолатига боғлиқ. Қон бирорта аъзо (меъда, ичак, мия ва б.)га ёки ташқарига оқади. Қон қусиш, *қон туплаш*, қон сийиш, плевра ва қорин бўшлиғига қон тўпланиши, бачадондан қон кетиши ва б. ҳам Қ.к. турларидан. Артериядан Қ.к. жуда хавфли, бунда қон томирдан босим б-н отилиб чиқади. *Болалар ва қариларда қон йўқотиш* айниқса хавфли. Аёлларда қон йўқотиш эркакларга нисбатан енгилроқ кечади. Қон ивишининг пасайиши б-н кузатиладиган баъзи касалликларга (гемофилия, нур касаллиги) дучор бўлган одамларда қон кўп кетмасада, Қ.к. жароҳёғи узоқ давом этиши туфайли хавфли бўлади. Қ.к. ташқи (қон тирқираши жароҳат орқали ташқарига чиқади) ва ички (корин, кўкрак, калла суяги бўшлиқлари ва б.) бўлиши мумкин. Қон тўқима ичига қуйилганда ҳомпоқ тўқималарни суради ва у *ерга тўпланиб*, *гематома* қосил қилади ёки синиғи кетади (қ. *Лат ейиш*). Ташқи Қ.к., одатда, тери ва оғиз, бурун бўшлиғи шиллиқ пардаларининг жароҳатланиши б-н боғлиқ.

Бевосита шикастланишдан сўнг пайдо бўладиган травматик Қ.к. бирдамли, жароҳатланғандан сўнг бир неча кун ўтгач, такрорланган Қ.к. иккиламчи Қ.к. дейилади. Бундай Қ.к.нинг *сабаби кўпинча жароҳатлаги* йиринглаш жараёнлари бўлиб, улар шикастланган томирни беркитиб қўйган қон лахталарининг эриб кетишига олиб келади. Таъсирнинг ёпиқ ёки четларланган бўшлиғига Қ.к., асосан, ички аъзолар (жигар, ўпка ва б.)нинг шикастланиши натижасида юз беради ва бунда қон ташқарига чиқмайди. Бундай Қ.к. *фақат ҳаётни йўқотиш хавфли органлар учун*и умумий ҳолатнинг ўзгариши ва бўшлиққа тўпланган суюқлик белгилари орқали билинишни мумкин. Қорин бўшлиғига Қ.к., асосан, ўткир камқонлик белгилари — рангпарлик, томирнинг кучсиз, лекин тез уриши, чанқаш, уйқучанлик, кўз олди қоронғилаши, ҳушдан кетиш б-н ифодаланади. Кўкрак бўшлиғига Қ.к.да камқонлик симптомлари қисқароқ (қийналиб ва тез нафас олиш) б-н бирга намоён бўлади. Кўкрак бўшлиғига қон тўпланганлигини эшитиб, уриб кўриб ва рентгенологик текширишлар ёрдамида аниқланади. Калла суяги ичига Қ.к.да биринчи ўринда қон йўқотиш симптомлари эмас, балки бош миянинг эзилиш белгилари — эс-ҳушнинг ўзгариши, нафас олишнинг издан чиқиши, фалажлар ва б. неврологик хусусиятлар юз беради. Ички Қ.к.да бўшлиқли (ковак) аъзоларга қон тўпланган сари у табиий чиқарув тешикларн орқали ташқарига чиқа бошлайди, лекин бундай Қ.к.нинг сабабини аниқлаш ҳамма вақт ҳам осон бўлавермайди. Оғиздан қон келиши ўпка, юқори нафас йўллари, ҳалқум, қизилўнгач ва меъдадан Қ.к. б-н боғлиқ. Аҳлатда қон бўлиши меъда-ичак йўлининг *истаган қисмидан* Қ.к.да кузатилади. Сийдикда қон бўлиши буйрак, сийдик йўли ва қовуқдан Қ.к.дан далолат беради. Бундай ҳолларда тўғри диагноз қўйиш учун ажралиб чиқаётган қонининг кўринишн ва ҳолати катта аҳамиятга эга. Оғиздан қип-қизил кўпирган қон келиши ўпка сили учун хос. Кофе қуйқаси рангида қусиш меъдадан ва ўн икки бармоқ ичакдан Қ.к.ни, қорамойсимон ахлат меъда-ичак йўлининг юқори бўлимидан Қ.к.ни билдиради. Тўқ қизил ахлат б-н *бир текис ажралган қон ингичка ичак*дан, ранги ўзгармаган ва ахлат б-н аралашмаган қон йўғон ичакнинг энг пастки бўлимидан Қ.к.дан далолат беради. Аммо ҳамма вақт ҳам бу белгилар Қ.к.нинг сабаби, манбанни аниқлаш имконини бермайди, шунинг учун мураккаб диагностик текширувларлан фойдаланишга тўғри келади.

Қ.к.ни вақтичча ва тамомаи тўхататиш мумкин. *Вақтинча қон тўхататиш* жгут, босувчи боғламлар боғланади, томир торайтирувчи моддалар, муз ишлатилади. Тамомаи қон тўхатишда жарроҳлик усуллари (томирларни боғлаш, тикиш, шикастланган аъзоларни олиб ташлаш), шунингдек, *қон қуйиш*, қон ўрнини босувчи суюқликлар ва дорилар қўлланилади.

ҚОН ПЛАЗМАСИ — қ. *Плазма*.

ҚОН ПЛАСТИНКАЛАРИ — қ. *Тромбоцитлар*.

ҚОН СЎРАР ЧИВИНЛАР (Culicidae) — узунмўйловли *икки қанотлилар* оиласи. Уз. 8 мм гача. Танаси, баъзан қанотларининг бир қисми тангачалар б-н қопланган. Оғиз органлари санчиб сўрувчи хартумдан иборат. 2500 та яқин турн, жумладан, Ўзбекистон фаунасида 25 турн бор. Уртоки К.с.ч., одатда, умуртқалилар қонини сўради, эркаклари ўсимлик шираси б-н озиқланади. Куртлари планктонда, одатда, оқмайдиган сув ҳавзаларн, сув тўпланадиган дарахтлар ковакида, ўйларнинг ертўлаларида, ҳатто сув солинган бочкаларда, асосан, йилнинг илиқ даврида, баъзан қишда ҳам рнвожланади; сувдаги микроорганизмлар б-н озиқланади. К.с.ч., одатда, безгак тарқатувчи (Anopheles урурн) ва безгак тарқатмайдиган (қолган 5 та уруғ) гуруҳларга ажратилади (яна қ. *безгак чивинлари*).

ҚОН СЎРАРЛАР, қон сўрар паяшалар (Hippoboscidae) — донра чокли калта мўйлов икки *қанотлилар* оиласи. Қушлар ва сут эмизувчилар қонини сўрувчи эктопаразитлар (юмои шундан). Кўчли ривожланган оёқлари ва тирноқлари ёрдамида *уя ҳужайинининг* ҳонги ва патларига ёпишиб олади. Қанотли, ката ва қанотсиз (мас., қўй К.с.и) турлари бор. 200 дан ортиқ турн маълум. Кўчманлик К.с. муайян қайвонлар гуруҳида паразит яшашга мослашган. Ўзбекистон фаунасида 11 турн аниқланган. Куртлари уречочисининг бачадонисимон кенгайган тухум йўлида ривожланади;

2 та йирик қўшимча безлар ишлаб чиқарадиган суюқлик («сут») б-н озиқланади; муайян вақт оралиғида битталаб тутилади. Қуртлари гумбак-га айланишдан олдинроқ тутилади. Янги тутилган қуртлар таниси елимсимон модда б-н ҳўлланиш, бир неча соат давомида қурт елим ғилоф ичида гумбакка айланади. Шунинг учун Қ.с.ни гумбаклик даврида тутилувчилар қуруқта киритилади. От, эшак ва сигирларда от Қ.с.н, итларда ит Қ.с.н, қўйларда қўй Қ.с.н паразит ҳолда яшайди. Қ.с. баъзан одамга ҳам ўхшаш қилади. Қ.с. қўйларни безовта қилиб, зиён етказади.

ҚОН ТОМИРЛАРИ — одам ва ҳайвонларда қон ҳаракатланадиган аъзолар (қ. *Артериялар, Веналар*).

ҚОН ТУФЛАШ — йўталганда нафас йўлларидан қон аҳралиши. Ўпкадаги турли илдатлар (яллиғланиш, *сил, ўсма, абсцесс*, инфаркт), баъзи юрак пороклари, *эхинококкоз*, захи ва қон системаси касалликларида бемор қон туфлайди. Нафас йўллари томирларининг ёрилиши, юрак пороклари оқибатида ўпкада қон димланиши ва томирлар девори ўтказувчанлигининг ошиши ҳам Қ.т.га сабаб бўлади. Кўпинча милк ёки бурун қонаши натижасида нафас йўлларига қон оқиб тушиб, сохта Қ.т. ҳосил бўлади. Қон туфлаганда қон аралаш балғам, «тоза қон лахталари» (бўлаклари) ёки балғам ранг-рангида бўлиши мумкин. Қ.т.да қон кўп аҳралиши ўпкадан қон кетишидан далолат беради. Беморни орқасига нарса қўйиб суяб ўтқазиб қўйилади; гаплашиш, ҳаракат қилишга рухсат этилмайди, зудлик б-н врач чақирилиш Қ.т. сабабини аниқлаш ва тегишли даво чораларини кўриш лозим.

ҚОН ТЎҲТАТУВЧИ ДОРИЛАР, гемостатик воситалар — қон оқишини тўхтатувчи моддалар. Маҳаллий таъсир этувчи ва организмга дори сўрилгандан сўнг умумий таъсир кўрсатувчи Қ.т.л. фарқ қилинади; улар ўз навбатида специфик (фибриноген, протромбин комплекси — II, VII, IX ва X факторлари, антигемофия глобулини — VIII фактори, XIII фактор концентрати ва б.) ва носпецифик (адроксон, рутин ва б.) воситаларга бўлинади. Маҳаллий таъсир этувчи Қ.т.л. сифатида одам ва ҳайвонлар қонидан тайёрланган бир қанча моддалар, жумладан, тромбин (капиллярлардан қон оққанда), гемостатик булутча (тарқатиб тромбин, тромбокиназа ва баъзи тузлар бўлган қуруқ говак масса), майда жароҳатларда аччиқтошдан тайёрланган «қон тўхтатувчи қалам»лар қўлланилади. Организмга сўрилгандан сўнг қон тўхтатувчи моддаларга викасол, калъций хлорид, фибриноген ва б. киради. Баъзи ўсимликлар (лагохилус, қичитқи ўт, бўймомадронидан тайёрланган дамламалар ҳам Қ.т.л. сифатида ишлатилади.

ҚОН УЙИ — сўйилган молдан қонни қайта ишлаб тайёрланадиган маҳсулот. Чорва моллари, асосан паррандa, муайяни ҳайвонлар ва ўсимликларни боқишда протеин манбаи сифатида ишлатилади (1-нав Қ.уйа 80% дан ортиқ протеин бор). Намлиги 9% бўлган 1 кг Қ.уйа 1,06 озуқа бирлиги ва 758 г ҳазм бўладиган протеин беради. Чўчқа ва паррандалар озуқа рационининг 10% га қадар қўшилади.

ҚОН ЯРАТИЛИШИ, гемопоэз — қон ҳужайраларининг ҳосил бўлиши, ривожланиши ва етилиши. Одамда ва сут эмизувчи ҳайвонларда *қон яратувчи аъзоларда*, умуртқасиз ҳайвонларда, асосан, бўшлиқлардаги суюқликлар ва қонининг ўзида ёки гемолимфада ҳосил бўлади. Қ.я. узлуксиз жараён бўлиб, қўпчилик қон ҳужайраларининг қисқа ҳаётий цикли туфайли рўй беради.

Одам эмбрионида сариқсиз халтачасидаги мезенхима ҳужайраларида қон яратувчи ҳужайра ҳосил бўлади; ҳомила 3 ойлигидан то туғилгунга қадар қон жигарда ва талоқда, 4 ойлигидан бошлаб эса бир вақтда кўмикда ҳам ҳосил бўла бошлайди, 4-ойдан бошлаб *лимфа тугунларида лимфоцитлар* шакланади.

Уч ойлик ҳомилада қизил қон таначалари — мегалобластлар (ядроли *йирик ҳужайралар) етилиб, йирик* эритроцитлар (мегалоцитлар)га, сўнг эритробластларга айланади, улар астасекин нормобластлар б-н алмашинади. Янги туғилган бола ва катта ёшдаги соғлом организмда бўладиган эритроцитлар ана шу нормобластлардан вужудга келади.

Барча етилган қон ҳужайралари бирбиридан фарқланса ҳам ягона бошланғич (устун) қон яратувчи ҳужайралардан вужудга келади.

Кўмикдаги бошланғич қон ҳужайраларининг етилиб қонининг етук шаклли элементларга айланиши қон ҳосил қилувчи аъзоларда содир бўлади. Қон ўзанига (томирдаги қон оқимига) қонинг барча фулкцияси-ни бажара оладиган етук ҳужайралар тушади.

Соғлом организмдаги қон таркиби ва қон яратиш аъзолари ўзаро динамик мувозанатда бўладиган яхлит битта системани ташкил қилади; емирилган қон ҳужайралари қон ҳосил қилиш аъзоларида узлуксиз янгиланиб туради. Қон яратилишидаги бундай мувозанат марказий ва вегетатив нерв системаси, гормонлар, витаминлар, шунингдек, махсус моддалар — гемопоэтинлар томонидан бошқарилади.

Қон йўқотганда, қонда кислород етишмаганда, яллиғланиш жараёнларида, инфекцион касалликларда қонда эритроцитлар ёки лейкоцитлар ҳосил бўлиши кучаяди; бу организмнинг ҳимоя реакциясидир; бундай ҳолат қонининг реактив ўзгариши деб аталади. Қон ҳосил бўлишининг тезлашуви организмнинг ҳимоя реакциясн бўлганлиги сабабли кишн соғайганда қон яратилиши ҳам нормаллашади. Айрим касалликларда (организмда темир моддаси, витамин B_{12} етишмаганда, талоқ касалланганда, меъда олиб ташланганда, захарли моддалардан заҳарланганда) қон ҳосил бўлиши сусаяди, камқонлик рўй беради. Бундан ташқари, кўмикда турли патологик жараёнлар пайдо бўлиши мумкин, бунда, асосан, қонда ёш (етилмаган) шакли элементлар кўпаяди.

ҚОН ЯРАТИЛИШИ СТИМУЛЯТОРЛАРИ — қон яратилишини кучайтирувчи дори моддалари гуруҳи. Қ.я.с. нинг қимёвий таркиби ва таъсир механизми турлича бўлиб, эритроцитлар (эритропоэз) ёки лейкоцитлар яратилиши (лейкопоэз) ни кучайтиради.

Баъзи витаминлар — фолат кислотаси, цианокобаламин, пиридоксин, нуклеин кислотаси ва лейкоген; стероид гормонлар — глюкокортикоидлар, андроген препаратлар, литий тузлари Қ.я.с. ҳисобланади.

Бўйракда ишлаб чиқариладиган эритропоэтин гормони қизил қон таначалари яратилишини, шунингдек, лейкопоэзни лейкоцитлар ҳосил бўлишини, тромбопоэзни моддаси тромбоцитлар яратилишини фаоллаштиради. Ҳозр, чучқр лейкопения ва тромбоцитопения ҳолатларини даволаш учун Г-КСФ (гранулоцитлр колонии стимулловчи фактор) — нейпоген, ГМ-КСФ (гранулоцит- моноцитлр колонии стимулловчи фактор) деб аталган препаратлар қўлланилмоқда.

ҚОН ЯРАТУВЧИ АЪЗОЛАР — одам ва ҳайвонларда қон ва лимфа ҳужайралари ҳосил бўладиган аъзолар. Одамда ва сут эмизувчи ҳайвонларда қизил кўмик, талоқ, лимфа тугунлари, айрисимон без Қ.я.а. ҳисобла-

нади. Қизил кўмик асосий қон яратувчи аъзо. Қизил кўмикнинг ҳамма тўқимаси қонннинг етилган ҳужайра элементлари б-н тўла бўлади. Қизил кўмикдан фарқ қилиб, сариқ кўмикда ёғ ҳам бўлади. Кўмикда эритроцитлар, лейкоцитларнинг турли шаклларини ва тромбоцитлар шаклланади.

Лимфа тугунлари (қ. *Лимфа системаси*) қон яратилиш ва организмнинг ҳимоя реакцияларида қатнашади, уларда, асосан, *лимфоцитлар* ривожланади. Қон яратиш аъзоларининг асосий вазифаси қон ҳужайраларининг емирилишига қарамай, уларни доимий нисбатда сақлаб туришдан иборат.

ҚОН ЧИҚАРИШ — дава мақсадида қон томирларидан (кўпинча венадан) қон чиқариш; бунда венани тешиб (венепункция) ёки пилиб (венесекция) қон чиқарилади. Ўткир юрак етишмовчилигида юракка келаётган қон оқимини камайтириш ва унинг ишини яхшилашда; ўпка шишганда ўпка томирларидаги қон миқдорини камайтириш мақсадида; оғир гипертония қризларида (қ. *Гипертония касаллиги*) қон босимини тушириш учун; баъзи қон касалликларида, айрим захарланишларда (мас., ис газидан) К.ч. яхши фойда беради. К.ч. *учун баъзан врач гапсираси* бўлиши ва тиббиёт эдукларидан фойдаланилади.

ҚОН ЎРНИНИ БОСУВЧИ СУЮҚЛИКЛАР, инфузион воситалар — даволаш мақсадида қон ёки плазма ўрнига ишлатиладиган воситалар; яъни эритроцитлар, қўп қон йўқотганда, камқонлик, йирингли септик касалликларда, куйганда ва б.да қўлланилади. Таъсир этишига кўра гемодинамик (ноқка қарши), дезинтоксикацион ва парентерал К.ў.ё.с. ажратилади.

Шокка қарши препаратларга декстран асосидаги ўпун молекулали полиглюкин, полифер, полиглюсоль, макродекс, интрадекс, декстран, плазмодекс, хемодекс ва б., шунингдек, қуйи молекулали реополиглюкин, реоглюман, реомакродекс, ломодекс, декстран-40, гемодекс; желатина препаратлари — желатинол, геможель, желофузин, плазможель; гидроксиэтилкрахмал асосидаги препаратлар — оксиамал, волекам, плазмостерил, волекс, 6—ХЕС; полиэтилен гликол асосидаги полиоксидинлар ишлатилади. Дезинтоксикацион (организмни захарли моддалардан тозаловчи препаратлар) таъсир этувчиларга қуйи молекулали поливинилпирролидон асосидаги препаратлар, асосан, гемодез, неогемодез, перистон-Н, сублозан, плазмозан, комидон ва ҳ.к. киради. Улар ҳар хил захарли моддалар б-н комплекс бирикмалар ҳосил қилади ва сийлик орқали организмдан чиқиб кетади. Парентерал овқатлантиришда (овқат сифатида) оқсил маҳсулотлари (плазма, альбумин), шунингдек, оқсил гидролизатлари (казеин гидролизати, гидролизин, аминопептид, фибринозоль ва б.) қўлланилади. Ёғли эмульсиялар (инфузолипол, интралипид, липифизан, липофундин, липозин, инфонутрол, фаттен) ҳам парентерал овқатлантиришда организмнинг қувватини оширишда учун ишлатилади. Комплекс таъсир кўрсатувчи, шунингдек, кислород ташиш фаолиятига эга, сув-туз ҳамда кислота-ишқор мувозанатини бошқарувчи К.ў.ё.с. ҳам мавжуд.

ҚОН ҚУЙИЛИШИ — қон томирлари ўтказувчанлик хусусиятининг ошиши ёки шикастланиб ёрилиши натижасида организм бўшлиқларя ва тўқималарида қон тўпланиши. К.қ. қон томирлари шикастланганда, қонннинг шувчанлиги бузилганда кузатилади*ган ички қон кетишининг оқибатидир.* Қон қуйилганда у тўқималарга сингиши ёки бир жойда тўпланиб *ва гематома* ҳосил қилиб тўқималарни четга суриб қўйиши мумкин. Қуйилган қон тўқималарда иллюзиянинг реакциясини ҳосил қилади, уларни қон б-н таъминловчи майда қон томирларини босиб қўяди, натижада оғриқ рўй беради. Тери ва тери ости клетчаткасининг қонга бўкиши *эхимозлар* пайдо бўлишига олиб келади.

Оз миқдорда қуйилган қон тўла сўрилиб кетади. К.қ.нинг организм учун хавфлилиги унинг жойлашган жойига боғлиқ. Мас., мия тўқимасига қуйилган қон мускуллар, бўғимлар бўшлиғига қуйилган қондан анча кам бўлса ҳам, ниҳоятда хавфлидир. К.қ.ни даволаш унинг жойлашиши ва пайдо бўлиш сабабига кўра (қ. *Гематома, Ишиалгия, Лат еймш*) белгиланади. Қорин бўшлиғидаги қўпайиб борувчи қон тўпланиши К.қ. *эмас*, балки бўшлиқдаги *қон кетиши дейилади, чунки бундай ҳолларда* организм учун хавфли қон йўқотиш (ўткир *камқонлик) б-н боғлиқ бўлган бузилишлар юзага келади.*

ҚОН ҚУЙИШ, гемотрансфузия — даволаш муолажаси; қон ва унинг таркибий қисмлари (қон плазмаси, эритроцитлар, лейкоцитлар ва тромбоцитлар массаси)ни дава мақсадида бемор организмига қуйиш. Қадимда врачлар қон оқаётганнинг ҳаёт қобилиятини ошириш деб тахмин қилиб, *қонни бемартиб* яшаш мақсадида, рухий беморларни даволашда қўлланган, *лекин бундан К.қ. ўрнига* уни беморга ялиқ ҳолда ичириш тавсия этилган. К.қ.га *ўргинолдар* ингичка олимси У.Гарвей томонидан ёпиқ қон айланиш системасининг кашф этилишидан (1628) сўнг бошланди. 19-а.га келиб одамга фақат одам қонини қуйиш мумкинлиги исботланди. *Бироқ К.қ. тиббиёт амалиётида 20-*а. бошларида кишиларда қонннинг 4 *группаси борлиги аниқлангач*, реципиент (қон олувчи) ва донор қонининг мос келиши қонуниятлари ўрганилгандан сўнг жорий қилинди (қ. *Қон группалари*). Донор қонининг ивиб қолишига тўсқинлик қиладиган ва уни узоқ муддат сақлайдиган (консервация) воситалардинг топилиши К.қ.нинг янада кенг тарқалишига имкон берди. К.қ.ди донордан олинган қон, шунингдек, *қон ўрнини босувчи суюқликлар* ишлатилади. *Шок*, қўп қон йўқотиш б-н кечадиган операциялар, ички аъзоларни (мельза, ўпка ва б.) қон кетганда, *анемия*, йирингли жараёнларда, куйганда, захарланганда ва б.да қон қуйилади. Қонда эритроцитлар миқдори камайса эритроцитлар массаси, лейкоцитлар камайганда эса лейкоцитлар массаси қуйилади. Қон бевосита (донордан реципиентга) ва бидвосита (донордан олиниб, консервантли флаконга солиб қуйилган қон ишлатилади) периферик ёки катта веналарга томчилатиб, баъзан қўп қон йўқотилганда оқизиб артерияга қуйилади; қўпинча қон билан мослиги ҳобрилади. К.қ.дан олдин донор ва реципиентнинг қон группалари, *резус-фактора* текширилади. К.қ.да реципиент б-н донорнинг қон группалари ўзаро муносиб бўлишига қатъий амал қилинади. Амалий трансфузиология учун АВО, Rh (резус), Kell (Келл) ва б. антигенлар муҳим аҳамиятга эга. К.қ. чогида беморга қуйилиши лозим бўлган миқдорни бир йўла қуймай, бўлиб-бўлиб (3 маротаба) юборилади, *дастлаб озгина қон тез юборилиб бир* оз кутилади, беморда ҳеч қандай *нохушлик аломатлари пайдо бўлмаса*, муолажа давом эттирилади. К.қ. *асептика* қоидаларига риоя қилган ҳолда врач назоратида бажарилади. Қон қуйганда белда оғриқ туриб, қўлтиқ ости ҳамда *лимфа* тугунлари К.қ. тўхтатилиб, бемор дарҳол ҳайл-

га ўралиб, унги иссиқ чой ичирилади ва врач буюрган дори-дармонлар қилинади.

ҚОНЛИ БИТ, қонли олма бити (*Eriosoma lanigerum*) — ўсимлик битлари оиласига мансуб қанотсиз. Танаси 2,1—2,6 мм. Олманинг хавфли зараркунандаси. Ватани — Америка. Жан. Африка, Европа, Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонда тарқалган. Бир мавсумда 19 марта наел беради. Олма (баъзан нок) танасида, илдизида қишлайди. Қ.б. тўдаларн ўзидан оқ мумсимон ип ажратиб, новда, пок ҳамда илдизни ўрайди ва ўсимлик шарасини сўриб озиқланади. Дарахтнинг зарарланган жойлари йўғонлашади, бўртма ва яралар пайдо бўлади. Ўсиши ҳамда ҳосилдорлигига, айниқса, ёш ниҳолларга зарар келтиради.

Курош чоралари: баҳорда қишловчи личинкаларн ва уғрочи битларга қарши нитрафен пуркаш; биологик қарши курош мақсадида афелинуслан фойдаланилади.

ҚОННИНГ ШАКЛЛАНИШ-ТАРИ — қон ҳужайралари (қ. *Эритроцитлар, Лейкоцитлар, Тромбоцитлар*). **ҚОНТАЛАШ** — юмшоқ тўқималарга қон қуйилиши. Шикастланганда бир неча соат (баъзан бир неча мин.) кейин гида тўқималарнинг юзасида қон қуйилиши б-н вужуд. Қ. олдинига тўқ қизил рангда бўлади; қуйилган қондаги гемоглобиннинг парчаланишидан Қнинг ранги аста-секин ўзгариб, қизғалдоқ ҳосил қилади. Сўнгра яшил. охирига бориб сариқ рангга ўтади ва кейинчалик Қ. бутунлай сўрилиб кетади. Қнинг рангига қараб лат еёнш қачон содир бўлганини аниқлаш мумкин. Оғриқ қоллерлуви воситалар, Қ.нинг сўрилиб кетиши учун бошқа совуқ, кейинчалик иссиқ қилинади.

Чуқур тўқималарга қон қуйилганда шикастланган бир неча кун кейин Қ.нозга келиши мумкин. Баъзан Қ. қаёт учун хавфли ҳисобланади. Мас., бош шикастланиб, кўз қовоқларида Қ. (+кўзойнак» кўринишида) пайдо бўлиш калла суяги синганлигидан далолат беради (қ. *Калла суяги*). Бунда дарҳол врачга мурожаат қилиш керак.

Қон ёки қон томирлари касалликларида, сигиз.лат етганда қан Қ. пайдо бўлади.

ҚОНТЕПАР (Biebersteinia Steph.) — қонтепардошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми. 5 тури ўз ичига олади. Қалин мевали туклар б-н қопланган кўп йиллик ўт. Илдизи йўғон, тузланаксимон. Поясн битта ёки бир неча; тик, бал. 40—60 см. Барглари чўзик тухумсимон ёки ништарсимон, уз. 10—20 см, эни 1,5—5 см, 3 қадра патсимон бўлинган, қалин тукли, тўпгули шингилсимон. Гуллари сариқ, чанчиси 10 та. Апрель — июнда гуллаб, мева беради. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги паст тоғларда, уларнинг пастки ва ўрта қисмларги тошли ёнбағирларда тарқалган.

ҚОНУН (фалсафада) — нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муҳим, зарурий, барқарор, такрорланувчи муносабат. Мазкур муносабат объектив воқелнкка мансуб бўлса, у воқелик Қ.лари деб юритилади. Воқелик Қ.ларининг инсон томонидан ўрганилиб, муайян назарий тизга кўчирилиши фан Қ.лари дейилади. Шу жиҳатдан фан Қ.лари воқелик Қ.ларининг тафаккурда инъикос этилишидир. Фан Қ.лари, ўз навбатида, акс эттирувчи объектига кўра, табиат Қ.лари, жамият Қ.лари, тафаккур Қ.ларига бўлинади. Тасодифий ёки ўткинчи муносабатдар эса Қ.ни асослашга етарли эмас. Зарурийлик Қ.нинг муҳим белгисидир, чунки ундан келиб чиқадиган натижаларнинг юз бериши муқаррардир. Қ. тушунчасининг моҳияти қонуният тушунчасига яқин туради. Қонуният Қ.дан фарқли равишда системанинг ўзгарилларлари барқарор жиҳатларини ва йўналишларни ифодалайди. Шу жиҳатдан, фанда статистик ва динамик қонуниятларга тавсиф юритилади. Динамик қонуниятларда ўрганилаётган жараёнларнинг келажаги аниқ, муайян ва бир хил кўринишда башорат қилинади, яъни системанинг келажагдаги ҳолати унинг олдинги ҳолати б-н ўзаро боғланган алоқадорликлар ичидан рўёбга чиқиши мумкин бўлган эҳтимолларнинг ҳаракатга келиши, яъни бунда бир қанча ўзаро боғланган алоқадорликлар ичидан рўёбга чиқиши мумкин бўлган имконият даражаси эҳтимоллик б-н чамалаб олинади. Қ.лар объектлар ўртасидаги, система ривожланишининг турли ҳолатларн ва босқичлари ўртасидаги алоқадорликларни ифодалайди. Қ.лар ўзининг умумийлик даражаси ва таъсир этиш доирасига кўра, хусусий, умумий ва энг умумий Қ.ларга бўлинади. Хусусий Қ.лар нарса ва ҳодисалар ўртасидаги нисбатан тор доирали алоқаларни функционал тарзда акс эттирали (мас., механикала тезликларни қўшиш Қ.лари). Умумий Қ.лар нарса ва ҳодисаларнинг умумий хоссалари ўртасида муносабатни, энг умумий Қ.лар эса табиат, жамият, тафаккур ривожининг энг умумий муносабатларини, томонларини, тараққиётнна, тенденцияларини ифодалайди. Бутун олам тартибине Қ.и умумий Қ.га, олиманинг ривожланиш Қ.лари эса энг умумий Қ.га мисол бўлиши мумкин. Умумий Қ.лар б-н хусусий Қ.лар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Умумий Қ.лар хусусий Қ.лар орқали амал қилади, хусусий Қ.лар эса умумий Қ.ларнинг бир кўринишни бўлиб, объектнв характерга эга. Қ.лар, биринчидан, нарса ва ҳодисалар ва улар орасидаги муносабатларнинг мотнети, сабаби, келиб чиқиши, ривожланиш тенденциясини тушунтиради; иккинчидан, Қ. ҳодисаларн ривожланиш тенденциясн ва йўналишини акс эттириш орқали жараёнларнинг келажагни башорат қилиш функциясини бажаради. Табиат ва жамият Қ.лари объектив жараёнларни акс эттиради. Агар табиат Қ.лари бизга стихияли тарзда йўлни кўрнпса, жамият Қ.лари эса кишиларнинг онгли фаолиятида намоён бўлади. Қ.ларни билиш асосида келажак ҳақида башорат қилиш, табиий ва ижтимоий жараёнларни бошқариш мумкин. Тафаккур Қ.ларини *мантиқ* фани ўрганади. Қ.лар ҳақида Форобий, Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби мутафаккирлар мақсус рисолалар ёзнпган. Ҳуқуққа доир, хусусан, шариат Қ.ларига оид асарлар ичила Бурҳониддин Маргинонийнинг «Ҳидоя» китоби дунёга танилган. Қ.ларни англаб олиш, билиш оламнинг ривожланиш хусусиятларини билиб олиш ва уни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Баҳтиёр Тўраев.

ҚОНУН (ҳуқуқда) — инсон, жамият ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан энг муҳим ҳаеобланадиган иқтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситаси. Қ. давлат олий вакиллик органларининг энг юқори кучга эга бўлган ҳужжатидир. Қ. давлат ҳуқуқ тизимининг асосини ташкил қилади, давлатнинг бошқа ҳамма органларнинг норматив актларига нисбатан энг катта юридик кучга эга бўлади. Қ. учун уни қабул қилишнинг алоҳида тартиби, бир неча босқичдан иборат мақсус қонун чиқариш жараёни хосдир. Бу босқичлар *қонунчилик ташаббуси*, қонун лойиҳасининг муҳокама қилиниши, Қ.нинг қабул қилиниши ва унинг эълон қилинишидан иборат. Қлар ўзида мужассамлашган нормаларнинг моҳияти бўйича конституциявий, тўғридан-тўғри конституция талаблари асосида қабул қилинадиган

(органик) ва оддий Қ.ларга бўлинади. Оддий Қ.лар, ўз навбатида, қолификация қилинган ва жорий Қ.ларга *бўлинади*. Федератив давлатларда Қ.лар, шунингдек, федерал ва федерация субъектлари Қ.ларига ажратилади. Қ.ларнинг алоҳида тоифасини фавқулодда Қ.лар ташкил этади.

Нормативлик Қ.нинг муҳим белгиси ва хусусияти ҳисобланади. Ҳуқуқий ҳужжатларнинг бошқа шакллари ҳам норматив бўлиши мумкин, лекин улар Қ.чалик қатъий кучга эга бўлмай, қисқа муддат амал қиладиган ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи бўлиши мумкин. Қ.нинг нормативлиги унинг бир хилдаги қоидани барча учун норма, меъёр, мезон даражасига кўтарилишидадир. Қ.да мустаҳкамланган қоида ҳамма ўхшаш ҳолларда бир хилдаги талаб сифатида такрор-такрор амал қилади. Қ.нинг нормативлиги унда ифодаланган давлат иродасининг қатъийлиги, устуглиги ва олийлиги б-н чамбарчас боғлиқлигидир. Айнан шу иродаининг *империатив (буйсундирувчи)* мазмунн Қ. воситаси б-н умумий юриш-туриш ва хулқ-атвор мезонларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Қ.лари қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) Асосий қонун — Конституция; 2) *Конституциявий қонун*; 3) Қонун (кодекслар ва жорий Қ.лар); 4) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва Қ.лари. Қ.лар ва бошқа норматив ҳужжатлар орасида *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосий ўринни эгаллайди*. Ушбу ҳужжат давлат ҳокимиятининг ташкил этилишини ва бошқарув механизми белгилайди, конституциявий тузум асосларини, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий асослари, сиёсий тизимини,инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлайди. Конституция жамият ҳуқуқий тизимининг, бутун қонунчиликнинг ўзагини, юридик замининн ташкил этади. Жорий Қ.ларнинг барчаси конституция қоидаларн ва принципларн асосида ҳамда уларнинг ижроси манфаати йўлида чиқарилади.

Қ.лар қуйидаги ҳолларда кучга киради: расман эълон қилинганлан 10 кун ўтгач; Қ.да ёки уни амалга киритиш тўғрисида махсус ҳужжатда кўрсатилган вақтдан бошлаб. Қ. ўзида кўрсатилган муддат тугаган бўлса ёки бекор қилинишн натижасида (ижтимоий муносабатларнинг шу соҳасини тартибга солувчи янги Қ. қабул қилиниши муносабати б-н) ўз кучини йўқотади.

Қ. замонда амал қилади. Бунинг маъноси шуки, айрим Қ.лар орқага қайтиш кучига эга. Яъни, Қ. эълон қилинмасдан олдин бўлган ишларга шу Қ. татбиқ этилади. Жумладан, Ўзбекистонда жиноят ва маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи Қ.лар орқага қайтиш кучига эга. Қ. маконда ҳам амал қилади. Бунинг маъноси Қ.лар мамлакатнинг барча ҳудудларида амал қилишини билдиради. Давлат ҳудудига кўрқлик, ички сувлар ва ҳудудий денгиз ҳавзалари, ушбу ҳудудлар устидаги ҳаво бўшлиғи ва давлат чегараси доирасидаги ер ости киради. Одатда, Қ.лар ушбу ҳудудлари барча субъектлар, яъни фуқаролар, юридик шахслар, давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Қ.нинг оний юридик кучга эгалиги қўйидагиларда намоён бўлади: Қ.ни уни қабул қилган олий вакиллик органидан бошқа ҳеч ким ўзгартира олмайди, бекор қила олмайди ёки янгисини ўрната олмайди; бош-қа барча норматив-ҳуқуқий актлар Қ.га қатъий мувофиқ ҳолда қабул қилинади ва амалга оширилади; бирон-бир қонуности нормативн-ҳуқуқий акт, яъни, қонунга асосланган ҳужжат Қ.га зид бўлса, у Қ.га мувофиқ ҳолга келтирилади ёки бекор қилинади; Қ.ни қабул қилган органдан бошқа ҳеч ким уни қўшимча тарзда тасдиқлаши ва ҳаракатдан тўхтатиб қўйиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Қ.ларида янгилнаётган ижтимоий тузумнинг, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг *энг муҳим принципларн, ғояснсланиш йўналишлари* ва дастурий *вазифалари* ўз аксини топади.

Ғайрат Абдуқодиров.

ҚОНУН — Ўрта ва Яқин Шарқ халқларн орасида кенг тарқалган тартиб-тартибнама чолғу. Унинг асоси қанотсимон, ясси қути шаклида бўлиб, ёғочдан ишланади. Мазкур қисмнинг устига ёғочдан йўналган қопқоқ қопланади. Қопқоқ устига торларни кўтариб турувчи кўтарғичлар ўрнатилади. Қонуннинг умумий уз. 800—900 мм, эни 380—400 мм атрофида, торлар сони 72 дона (ҳар бир товуш учта тордан иборат) бўлиб, ичак, ҳозирда капрон ва металлдан ишланади. Товушқатори темперация қилинган, умумий диапазони 3 октавадан ошади. Қонун тизлага қўйилган ҳолда, кўрсаткич



Қонун.

бармоқларга кийдирилган махсус мосламалар ёрдамида тирнаб чалинади. Ўрта асрларда Дарвиш Аҳмад Қонуний (15-а.), Жаъфарий Самарқандий (15-а.), Амир Али Акбарий Самарқандий (16-а.) каби машҳур қонунчилар ўтган. Қ. Ўзбекистонда 1930 йиларача ишлатилган, 1980 й. сўнгида (чангчи ва Қ.чи) Абдураҳмон Холтожиев томонидан қайта ижодий аманиётга киритилган. Ҳозирда Қ. ижрочилигида А.Асқаров, Р.Ҳайдарова каби соҳанда-ўқитувчилар *танилган*.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — барча давлат ҳокимияти органлари фаолиятида конституция, қонунлар олий юридик кучга эга бўлиб, уларнинг ҳокимият чиқарадиган бошқа ҳамма меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномалардан устун турнши. Қ.у. жамиятда *демократия* ва *қонунчилик* таъминланишига *кафолат* қилувчи тамойилдир. Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида мустаҳкамланган: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар». Қ.у. тамойили биринчидан, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонунларнинг қатъий ҳукмронлигини *билдиради*, иккинчида таъкидлаганидек, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг конституция ва қонунларга сўзсиз итоат *этишида; иккинчидан, ижтимоий* муносабатларнинг жамият, фуқаро ва давлат манфаатларига мос тарзда тартибга солинганини англатиб, мамлакат *миқёсида барқарорлик, батартиблик* ва қонуний тартибот муҳити ўрнатилганида; учинчидан, ҳуқуқ бузилиши ҳолларининг олдини олиш, шунингдек, ҳуқуқий муносабат иштирокчилари қонунни бузган тақдирда қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун қонунларнинг ҳуқуқий асос вазифасини бажришида намоён бўлади.

Мамлакатда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг реал жорий этилганлиги Ўзбекистонда конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Унга кўра, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўлимлари ўзларининг конституцияда, қонунда белгиланган ваколатлари доирасида фаолият юритадилар. Улар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришда энг олий ҳакам қонундир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, мамлакат президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир (93-модда). Президентнинг бу борадаги фаолияти муҳим сиёсий-юридик аҳамиятга эга. Ў ўз фармонлари, қарорлари б-н конституциявий тамойилларнинг, қонунларнинг мустаҳкамланган қоидаларининг қатъга тўла амалга этилиши учун шуз очади, тегишли ҳуқуқий механизмларни яратади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» фармойиш қабул қилганлиги (2001 й. 4 янв.) жамиятда Конституциянинг мавқеи ва нуфузини кўтаришга қаратилган муҳим тадбир бўлди. Гарчанд, фармойишнинг асосий мақсади аҳоли орасида конституциявий савдоҳонликни, ҳуқуқий маданиятни оширишдан иборат бўлса ҳам, бу пировардида, Конституциянинг эъзозланиши, унга устувор тарзда амал қилишишга пухта замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида (1997 й. 9 окт.) умуммажбурий тусдаги идоравий норматив ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлаш вазифаси Адлия вазирлигига юклатилиб, уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этилган. Расмий тарзда рўйхатдан ўтмаган идоравий норматив ҳужжатлар юридик кучга эга бўлмайди, уларни қатъга жорий этиш мумкин эмас. Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашда прокурор назоратининг роли катталдир. Мазкур вазифа доирасида прокуратура идоралари муайян қонунлар ижросини бевосита бажарувчи вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг масъулларининг оширилган ҳуқуқий бузилишининг олдини олиш, унинг сабабларни ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўрадилар. Қонунни қўпол бузиш қоллари аниқланганда маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Ўзбекистонда конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлаш учун ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар ва юридик механизмлар муттасил такомиллаштирилиб, уларнинг самарадорлигини ошириб бориш лозим.

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ — ҳокимият бўлинишн принципи ва назариясига мувофиқ давлатнинг уч ҳокимият тармоғидан бири. Қ.ч.х. Конституция ва қонунларни қабул қилиш, уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, зарур қолларда уларни белгилангап тартибда бекор қилиш ваколатларига эга бўлади. Федератив давлат тузилиши шаклига эга мамлакатларда қонун чиқариш ваколати федерация субъектларига қам берилиши мумкин. Мас., АҚШда штатлар, Россияда федерация субъектлари қонун чиқариш ваколатига эга. Федерацин субъектлари томонидан қабул қилинган қонунлар федерация Конституцияси ва федерал қонунларга зид келмаслиги керак.

Ўзбекистонда Қ.ч.х. яхлит давлат ҳокимиятининг мустақил бир тармоғи бўлиб, у қонун яратиш жараёнини Ўзбекистон Республикаси парламенти — Олий Мажлиси фаолияти орқали амалга оширади (қ. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси*).

ҚОНУНИЙ ВАКИЛЛАР — муомалага ларёқатсиз, муомала даёқати чекланган ёки муомалага лаёқатли бўлса-да, жисмоний (қарилиги, касаллиги ва б.) ҳолати туфайли шахсан ўз ҳуқуқларини амалга оширя олмайдиган ва бурчларини бажара олмайдиган фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳамма муассасаларда, жумладан, судда ало-ҳида ваколатсиз, қонунга биноан ҳимоя қилувчи шахслар. Қ.в. қонунда белгиланган ҳуқуқ доирасида ўзлари ваколатини олганлар номидан улар манфаатини кўзлаб битим тузади ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бошқа шахслар томонидан суиистеъмол қилинишидан ҳимоя этади.

Ўзбекистон Республикасининг ФПКга кўра, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқларни ва қонуп б-н қўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг К.в.и (ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар, васийлар ёки ҳомийлар) ҳимоя қилади.ар. Қонуний вакил судда иш олиб боришни вакил сифатида Ўзи танланган бошқа шахсга топшириш ҳуқуқига эга (ФПК, 51-модда). Жиноят процессида, қонуний вакил ишда иштирок этишга вонга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади. Ишда К.в. сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмагина ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин. К.в.нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси ЖПК да белгиланган (61-модда).

ҚОНУНИЙЛИК — қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларга барча давлат органлари, мансабдор ва б. шахсларнинг оғишмай амал қилиши. Қ. *демократия* ва *ҳуқуқий давлатнинг* элементларидан бири. Қ.нинг қуйидаги принциплари бор: Қ.нинг бирлиги (мамлакат ҳудудида қонун ва қонунга асосланган ҳужжатлар бир хилда тушунилиши ва қўлланилиши); конституция ва қонунларнинг устуворлиги (барча норматив ва индивидуал ҳуқуқий ҳужжатлар конституция ва қонунлар асосида қабул қилиниши қамда уларга зид келмаслиги); инсон ва фуқаро ҳуқуқ қамда эркинликлари, бурчларининг кафолатланганлиги; Қ.нинг маданият б-н боғлиқлиги (жамият аъзолари юқори даражада маданиятли, жумладан, ҳуқуқий маданиятли бўлгандагина Қ.ва эришиш мумкин); Қ.нинг мақсадга мувофиқлиги (қонун ва қонун ости) ҳужжатлари давлат ва жамиятнинг манфаат, мақсадларига мос келиши. Бунда мақсадга мувофиқлик билан Қ. ўртасида зиддият келиб чиқмаслиги зарур).

Қонун ва қонунга асосланган ҳужжатларга тўла риоя этишни таъминловчи воситa ва шароитлар Қ.нинг кафолатлари ҳисобланади. Бундай кафолатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ташкилий, мафкуравий, махсус юридик жиҳатлари бор. Жамиятнинг иқтисодий ривожланиши даражаси, турли шакллари мулкчилик, жамиятдаги иқтисодий эркинликлар Қ.нинг и ж т и м о й - и қ т и с о д и й кафолати бўлади. Сиёсий қурйқларилик, кўппартиявийлик, давлат тузумининг демократик тамойилларга мослиги Қ.нинг с и ё с и й кафолатини белгилайди. Қонун ва қонунга асосланган ҳужжатларни татбиқ этиш ва уларнинг назоратини таъминловчи самарали механизмнинг мавжудлиги Қ.нинг т а ш к и л и й кафолатидан дарак беради. Аҳолининг ҳуқуқий онги даражаси, аҳолиқи тарбияси Қ.ка м а ф к у р а в и й кафолат беради. Қ.нинг таъминланиши учун амалдаги қонунчиликда мавжуд усул ва воситалар м а х с у с юридик кафолат вазифасини бажаради.

Жамиятда Қ. амалда бўлган қолдагина ҳуқуқий тартибот ўрнатилади.

Олим Хусейнов.

ҚОНУНЧИЛИК — 1) давлатнинг ўз олдида турган вазифа ва функцияларини амалга оширишнинг усулларидани бири. Бу вакилларни давлат органлари (парламент) томонидан давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича *қонунлар қабул қилиш фаолиятида* ифодаланади (қ. *Қонун чиқарувчи ҳокимият*); 2) муайян давлатда амалда бўлган ёки ижтимоий муносабатларнинг барчасини ёхуд маълум бир соҳасини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (мас., *фуқаро қонунчилиги, жиноят қонунчилиги*) йиғиндиси. Қ. *айни пайтда ҳуқуқ нормаларини ўзида ифодаловчи норматив актларнинг олий жамланмаси* бўлмай, балки, уларни юридик куч ва ҳажмитига қараб бир тизимга солишишдир. Қ. тизими 6-и ҳуқуқ тизими ўзаро узвий боғлиқ. Ҳуқуқ тизими *ҳуқуқнинг назмийлиги, унинг ички тузилишини* ифодаласа, Қ. тизими ҳуқуқнинг ташқи шаклини, мавжуд ҳуқуқ нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритадиган, эскиларини бекор қиладиган актларни ҳам ичига олади.

Қ. тизими горизонтал (тармоқ) ва вертикал (потонавий) тузилишдан иборат. Қ. тизимининг *горизонтал тузилиши унинг қандай ижтимоий* муносабатларни тартибга солаётганига боғлиқ ҳолда шаклланади, бунда Қ. тармоғи 6-и ҳуқуқ тармоғи бир-бирига тўла мос келади. Мас., конституциявий ҳуқуқ — конституциявий Қ., меҳнат ҳуқуқи — меҳнат қонунчилиги, жиноят процессуал ҳуқуқи — жиноят процессуал Қ. Қонунчилик тизимининг вертикал тузилиши — *норматив-ҳуқуқий актларнинг юридик кучига қараб поғонаий жойлашувини* ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва *Сенати қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари*, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Ҳукумати қарорлари, республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва б. марказий идораларининг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив тусдаги ҳужжатларидан иборат. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қонунчилиги бутунлай янгидан шаклланди. Қ. тизимида банклар ва банклар фаолиятига доир, хусусийлаштириш, банкротлик, содиқ, божхона, халқаро шартномаларга доир янги Қ. тармоқлари ва йўналишлари вужудга келди.

Қ.да ижтимоий муносабатларнинг муайян бир соҳасини тартибга солаётган норматив актларни ўз ичига олган Қ. тармоқлари *6-и бир қатордан*, мажмуавий тусдаги Қ. йўналишлари шакланмоқда (мас., табиатни муҳофаза этиш, транспортга доир, ҳўжалик қонунчилиги, аҳолининг алоҳида қатламлари, жумладан, аёллар, болаларга оид мажмуавий Қ. тармоқлари). Қ.ни такомиллаштириш мақсадида мамлакат ҳудудида амалда бўлган барча Қ. актларининг Конституцияга мослигини таъминлаш ва шу мақсадда мавжуд Қ.ни қайта кўриб чиқиш, эскирган, самарасиз норматив актларни бекор қилиш, янги қонунлар ишлаб чиқиш, қонун қабул қилишни такомиллаштириш, ҳаям жиҳатдан кattалашиб кетган мажмуавий Қ. тармоқларини мустақил тармоқларга ажратиш зарур (мас., фуқаролик қонунчилиги тармоғидан оила қонунчилигининг ажралиб, мустақил Қ. тармоғига айланиши кабі).

Мақсуд Лутфиддинов.

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ — қонун лойиҳаларини қонун чиқарувчи органлар муҳокамасига *тақдим этиш ҳуқуқи; мажбур органлар қонун лойиҳасини* муҳокама қилишга ва шу лойиҳа юзасидан қарор қабул қилишга мажбур. Замонавий давлатларда Қ.т. ҳуқуқига, одатда, парламент депутатлари, парламент қўмиталари, ҳукумат, давлат бошлиғи ва умумиллий компетенцияли алоҳида идоралар эгадир. Қ.т. ҳуқуқи қандай идоралар ва шахсларга берилиши *Конституцияда белгилаб ҳўйилади*. Мас., Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича, Қ.т. ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси *депутатлари*, Ўзбекистон Республикаси *Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий* суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори ишдирлар ва бу ҳуқуқ Қ.т. ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади (83-модда). Қ.т. ҳуқуқига эга бўлмаган ташкилот ва айрим фуқаролар ҳам муайян қонунлар тайёрланаётганда ўз таклифларини бериши мумкин (улар қонун тайёрланиш жараёнида кўриб чиқилади ва инобатга олинади).

ҚОНЧЎП (*Chelidonium majus*) — кўкпоронодошлар мансуб қисқа илдизпояли ўтсимон усимлик тури. Пояси сербарг, бўйи 30—100 см. Барглари олдий, патсимон кунгирали бўлакчаларга бўлинган. Тўпгулли олдий соябон. Меваси кўп уруғли, қўзоқсимон кўсакча. Май ойидан кузгача гуллайди. Ўрта Осиё, Сибирь ва Кавказда учрайди. Қ. зоҳарли, моллар емайди. Қ.нинг ҳамма қисмида таркибида 20% га якин алкалоид, С ва А витаминлари, эфир мойлари, органик кислоталар ва б. бўлган суттари бор.



Қончўп.

Қ.дан олинган препаратлар тери сили ва б. касалликларни даволашда қўлланилади. Дамламаси сафро ҳайдовчи, жигардаги орнқон қолларувчи восита сифатида ишлатилади.

ҚОПЛАМА ЭКИНЛАР — асосий экинлар орасига экиладиган ва асосий экин устида усадиган қўшимча экин. Мас., *бедага аралаштириб сепиладиган* бугдой, арпа. Қ.э. сифатида дон экинлари: бир йиллик ўтлар, ингир, кам сон берадиган бошқа чопиқ қилинадиган экинлар экилиши мумкин. Беда, мош, ловия учун макkажўхори, беда учун галла экинлари, айниқса, арпа яхши Қ.э. ҳисобланади (1-йили беланинг илдиз отиб, яхши ривожланишига шароит яратади). Қ.э. ва асосий экинлар агротехникаси ва ўсиш шароитлари бир-бирига халақит бермай, *ердан фойдаланиш самарадорлигини* кўтариш имкониятини беради.

ҚОПЛОВЧИ ТЎҚИМАЛАР — ўсимликларни ташқи муҳитнинг ноқулай шароитидан ҳимоя қилиб турадиган тўқималар. Тириш жойлашган ҳужайралардан иборат. Бирламчи Қ.т. (эпидермис) барглар ва ёш новдаларнинг сиртида бўлади. Унинг ҳужайраларнинг сиртқи қисми деворн *кутикула* б-н қопланган, ўсимликни қизиб кетишдан ва сувнинг ортиқча буғланишидан ҳимоя қилади. Ундаги оғизчалар орқали газ алмашинуви ва *транспирация* содир бўлади.

Очиқ уруғлилар ва икки уруғпаллалилар поясн ва илдизида бирламчи Қ.т. ўрнига иккиламчи тўқима-*пўкак* ҳосил бўлади. У сувқ ва газнимон моддаларни *ўтказмайдиган, пўкакланган* ҳужайралардан иборат. Бундай пўкак ўсимликнинг жароҳатланган жойлари, некрозга учраган қисмлари атрофида, дарахтлар пўстлоғи ичида ҳам ҳосил бўлиб, тирик луб қаватини ташқи ғлик ҳужайралардан ажратиб туради.

ҚОПЛОН, *қор қоплони, ирбис* (Uncia uncia) — *мушуксимонлар* оиласига мансуб сут эмизувчи; уруғининг ягона тури. Бальзан йирик мушукисимонлар уруғига киритилади. Гавдасининг уз. 103—130 см, оғирлиги 70 кг гача. Танаси чўзиқ, оёқлари қисқа. Мўйнаси қалин, сарғиш туда, қора халқ доклари бор. Асосан, Марказий ва Ўрта Осиёдаги баланд тоғларда,



Қизилсон.

платэа, 2000 м дан баландроқда доимий қорли тог тизмаларида учрайди. Қишда пастроққа — *ининабарғли* ўрмонлар минтақасигача тушади. Ўрта Осиёда жан.-гарбий Туркистон ва Тожикистоннинг жан.даги тоғларда ишайди. Аккарвит кечкурунлари ов қилади. 4—5 та, кўпинча 2—3 та бола туғади. Асосан, туёқлилар, қўёнлар, сувсарлар ва б.ли овлайди. Сони кескин камайиб кетган. Халқаро Қизил китобга киритилган.

ҚОПЛОНҚИР — Қорақум чўлининг Унгузғри қисмидаги қир. Туркманистон ва Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган. Қ.нинг шим. қисми қисман Устюрт платосига киради. У шим.-гарбдан жан.-шарққа 200 км дан зиёд масофага чўзилган. Эни жан.-шарқдан шим.-гарбга кенгайиб (35 км гача) боради. Энг баланд жойи 305 м. Қорақум қисмининг жан.-гарбий ён бағрида Гўклепқўйи (Қоратўр) ботиги (шўрхоки) жойлашган. Қ.нинг ботиқ қисмидан кўтарилган ён бағри ишлов эа атрофдаги текисликлар б-н туташган. Унинг жан. қисмида Амударёнинг қад. ўзани Ўзбой жойлашган.

Қ., асосан, неоген даври гилллари, мергель, қатламли қумтошлар, гипс ва оҳактошлардан ташкил топган. Жан. ён бағирларида бўр ва палеоген даврларига *мансуб тог жинслари очилиб* қолган. Иқлими кескин континентал, қиши совуқ, ёзи иссиқ, ёғин кам. Тупроқ ва ўсимликлари чўлга хос.

ҚОПЧИҒАЙ — Қозоғистон Республикаси Олмаота вилоятидаги шаҳар. Или дарёси ҳқинида, Қопчиғай сув омбори соҳилида жойлашган. Олмаотадан 80 км шим.да. Шаҳар Қопчиғай ГЭС қурилиши муносабати б-н бунёд этилган. Ҳозирси 31,4 минг киши (2002). Баликчи қайта ишлаш к-ти, кема таъмирлаш устахоналари бор.

ҚОПЧИҒАЙ АДИРИ — Фарғона ботиғининг жан. қисми (Фарғона вилоятидаги адир. Жан.дан Ёрмозор адирорти ботиғи, шим.дан Сўх, Аравон-Шаҳрихон дарёлари ёйилма конусларн б-н ураляан. Жан.-гарбдан шим.-шарққа 20 км га яқин масофага чўзилган, *эни 1—1,5 км.* Энг баланд жойи 735 м. Жан.-гарбга пасайиб боради. Шим. ён бағри қияроқ. Ён бағирларн кўплаб қурук сой ва жарликлар б-н қесилган. Тектоник жиҳатдан брахинантиклиналь структура. Тўртламчи даврда янги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилган. Палеоген, неоген ва тўртламчи давр конгломератлари, гиллари, шағал тошлардан ташкил топган. Булар ёйсимон жисмлар б-н қопланган. Иқлими континентал. Ёзи иссиқ, 200—250 мм ёғин тушади. Буз тупроқлар тарқалган, ранг, қўнғирбош, шайбокарбуш ва б. ўсимликлар ўсади. Ҳайвонларлан қалампуш, қўшоёқ, бўрсиқ, жайра, тулки, илонлар, қалтакесаклар ва б. учрайди. *Адир қушлари* ийлов сифатида фойдаланилади.

ҚОПҚОН — ёввойи ҳайвонлар ва қушларни овлаш (ялинтириш) учун мўлжалланган мослама, қурилма ва аппаратлар. Икки турн: одам иштирок этадиган ва эътиборидан (автоматик) турлари бор. Одам иштирок этадиган К.лар турли-туман тўрлар, тортма сиртмоқлар, матрацлар, қопқоғи арқон ёрдамида тортиб олинадиган чуқурлар ва б.дан иборат. Булар асосан ҳайвонлар ва қушларни тирик тутиш учун ишлатилади. Одам иштирок этмайдиган («автоматик») К.лар жумласига *тузоқлар*, сиртмоқлар, пружинали мослама ва қуролмалар, таранг тортилган чидивига тегиб кетилганда ўз-ўзидан отиладиган ўқ-ёйлар, устига омонатгина ташқи ёпиб қўйилалиган чуқурлар, ичига ҳайвон кирганда ошиғи «ўз-ўзидан» ёпилиб қоладиган узунчоқ ишиклар ва б. киради. Синчқон ва калаймушлар учун мўлжалланган пружинали қисувчи К.лар кенг тарқалган. Айрим К.лар одам учун ҳам хавфли бўлиши мумкин. Ўзбекистонда *тулки, тўнғиз, қуён, бўрсиқ, каклик, бедана* ва б. учун К. ва тузоқлар қўйилади.

ҚОР — ҳаво т-раси 0° дан паст бўлганда булутлардан муз кристаллчалари тарзида ёғадиган ёғин. Муз кристаллчаларн шакли негизинн олти бурчакли пластинка ёки олти қиррали устунча ташкил этади. Кристаллчаларнинг диаметри мм нинг бир неча улушидан бир



Қор кристаллчаларининг шакллари: 1 — пластинка; 2 — устунча; 3 — игначалар; 4 — 6 та пластинкали нурли қордуз; 5 — 6 та игначали нурли қордуз; 6—12 та нурли қордуз; 7 — мураккаб тузилишли пластинка; 8 — устунчали игначалн.

неча мм гача етади. Ҳаво т-раси 0° атрофида бўлганда Қ. учқунлари бирбири б-н ёпишиб, диаметри 1 см.гача етадиган йирик К. пағаларини ҳосил қилади. Айрим Қ. доналарининг ўртача массаси 0,003 г гача, йирик К. пағаларининки 0,5 г гача бўлади. Ўрта ва юқори кенгликларда (шу жумладан, Ўзбекистонда) К., асосан, қишда ёғади.

ҚОР ХАТ — бирнечи қор ёққан куни ўзига яқин қишлоқларга ёзилган мактуб. Қалимдан Қ.х. ёзиш анъана бўлган. Қ.нинг шарти шундан иборатки, қор ёққанини 1-бўлиб кўрган одам ўзига яқин, кўпгина торгган қишлоқ мактуб ёзиб, ўзига сезилмасдан қўлига бериши (ёки чўғатирга солиб қўйиш) ва қочиши керак. Мактубни «билмай» қабул қилган қишлоқ хат муаллифини қуиб етиб, унинг қўлига тутқаза олмаса, у катта ёзилган шартни бажариши керак бўлади. Агар хат дарҳол эгасига қайтарилса, унда хат муаллифининг ўзи мактубдаги шартларни бажаради. 1-қор ёққанидан фойдаланиб, йиғитлар қизларга, ошиқлар ўз маҳбубасига хат ёзишга интилишган.

Қ.х. «сувчиқи» услубида ёпилади. Мулляйимлиги ўзи лат ёмётган жинсини 1-қор б-н табриклайди, унга соғлик, бахт ва ишларига муваффақиятлар тилайди. Сўнг ўзининг истак, шартини баён қилади. Қ.х. ёшилдан мақсад «рақиб»ни эиёфатга туширишдир. Шу сабабли, Қ.х.да эиёфат қичон, қагда, неча кишига берилиши лозимлиги аёбатга ёзилади. Баъзи ҳолларда Қ.х.да эиёфат эмас, балки совға олиб бериш ҳам сўралади. Халқ оғзаки ижоди ва адабиёт-дазиий асарларда «Биринчи қор» ва «Қор хатти» оид қўплаб намуналар мавжуд.

ҚОР ЧИЗИҒИ, қор чегараси — қорларнинг тоғларда эримай қолдириган ва доимий айланган қуйи чегараси. Қ.ч. баландлиги жойнинг географик кенглиги, ҳаво ҳаракати, иқлим, ёғин миқдори, жойнинг орографиси ва ён бағир экспозициясига боғлиқ. Қ.ч.нинг баландлиги иссиқ ўлкалардан совуқ ўлкаларга томон пасайиб боради. Қутбий ўлкаларда денгиз сатҳидан бошланади, Новая Земля о.да 600 м, Альп тоғларида 2200—3100 м, Ўзбекистондаги тоғларда 3800—4200 м, экватор яқинидаги тоғларда 5000 м баландликда жойлашган. Европнинг материгида иқлим қуруқчиликлашган сари, яъни ғарбдан шарққа томон баландлашиб боради. Мас, Альп тоғларида 2200 м, Кавказ тоғларида 3600 м, Олтойда 4800 м ва ҳ.к. Ҳақиқий (ёз охирида энг баланд) ва мавсумий (вақтинча) Қ.ч. фарқ қилинади. Қ.ч.ди ёпилган қор миқдори б-н эришн мумкин бўлган қор миқдори тенг бўлади, ундан юқорида эса қор эриб ўзгармайди ва тўпланиб боради.

ҚОР ЭЧКИСИ (*Oreamnos americanus*) — қинтошсимонлар оиласига мансуб суг эмизувчи. Уруғининг ягона тури. Танасининг уз. 150—175 см, ғарпитидан бўйи 90—105 см. Уруғчи ва эркагининг шохи бир хил узунликда (30 см гача). Юнги қалин, узун ва оқ; юнг остида майин тивит юнглар ҳам бўлади. Америка қитъасининг шим. қисмларн қояли тоғларда (АҚШнинг Шим. штатларигача) тарқалган. Якка ёки кичик гурух бўлиб яшайди. Ўсгдр, бўталар ва дарахтлар новдаси б-н озиқланади. Йилига 1 та (баъзан 2 та) бола туғади. Сони жуда камайиб кетган.

ҚОР ҚЎЙИ, чўбуқ (Ovis canadensis) — тоғ қўйлари уруғига мансуб суг эмизувчи. Гавдасининг уз. 105 см гача, ғирпидан бал. 10,5 см гача, оғирлиги 140 кг гача. Уруғчиси эркагига нисбатан анча кичик. Эркаги шохининг уз. 111 см гача, уруғочисиники — калта. Гала бўлиб яшайди. Полигам. Шим.-Шарқий Осиё ва Шим. Америкада (жан.да Мексикагача) тарқалган. Нояб.-декда кўпайишга киришади. Жан.-Шарқий Осиёда 4 кенжа тури Шарқий Сибирдан Чукотка ва Камчаткагача учрайди. Ўсимликхўр. Йилда 1—2 та бола туғади.



Қор қўйи.

Сони камайиб кетган. Халқаро Қизил китобга киритилган.

ҚОРА АНДИЗ — қ. *Андиз.*

ҚОРА БАЛИҚЛАР, маринкалар (Schizothoraxs) — карпсимонлар оиласига мансуб балиқлар уруғи. Уз. 50—70 см гача (одатда, 25—45 см), вазни 8 кг гача (одатда, анча кам). Орқа сузгичида майда тиғчали тикилари бор; орқа чиқарув тешиги яқинидаги танглчалари бирмунча йирикроқ. Оснё қитъасидаги сув ҳавзаларида, шунингдек, Амударё ва Сирдарёда кенг тарқалган. Майдан августгача 13,5—28 мингтагача увилдириқ ташлайди. Шу даврда увилдириқлари, қорни бўшлиғи ёнлари пардаси заҳарли бўлиши мумкин. Ўзбекистонда тог дарёлари ва сойларда оддий Қ. б. тарқалган. Ёш балиқчалар бентос ҳайвонлари ва ўсимлик б-н озиқланади. Вояга етгач Қ.б. йиртқич.



Қора балиқ.

ҚОРА БОВУР — қ. *Буқадўрткилар.*

ҚОРА ГИЛОС — қ. *Гилос.*

ҚОРА ДЕНГИЗ — Атлантика океанининг материкларарро денгизи, Европа б-н Кичик Осиё н.о. оралиғида жойлашган. Керчь бўғози орқали Азов, Босфор бўғози орқали Мармар, Дарданелл бўғози орқали Эгей ва Ўрта денгизлари б-н туташган. Россия, Украина, Молдова, Грузия, Туркия, Болгария ва Руминия қирғокларини ювиб туради. Майд. 422 минг кв. Денгиз ғарбдан шарққа 1130 км, шимолдан жанубга 260 км гача чўзилган. Энг чуқур жойи 2210 м. Қирғокларининг умумий уз. 4090 км, кам парчаланган. Ғарбий ва шим.-ғарбий қирғоклари паст, шарқи ва жан.да Кавказ ва Кичик Кавказ тоғлари яқин. Крим п-о.нинг жанубий соҳали тоғли. Орол кам. Йирик қўлтиқлари: Каркинит, Каламит ва Феодосия. Қ.д.га Дунай, Днестр, Ингури, Риони, Чорух, Сакор ва б. дарёлар қуйилади.

Қ.д. тубн геологик жиҳатдан бир хил эмас. Шим.-ғарбий қисми материк сайёзлигидан иборат. Чуқур чўкмалари Альп бурмаланиши натижасида ҳосил бўлган. Шарқий қирғокларидаги материк ён бағирларида ёриқ ва қанъонлар учрайди. Айрим сув ости тоғлари 400 м баландликкача кўтарилиб туради. Денгизнинг чуқур ботиқлари ҳоз. ҳам чўкмоқда.

Қ.д.нинг шим. қисми мўътадил зонада жойлашганлиги учун қишн илик, ёзи эса иссиқ, жан. қисми субтропик ва ўрта денгизбўйи субтропик иқлим зонасида бўлиб, энг иссиқ ва совуқ ойларнинг т-расида фарқ кам. Қишда денгизнинг шим.-ғарбий қисми қуруқликдан эсадиган шамоллар таъсирида совуқроқ. Бу ерда январнинг ўртача т-раси —2,6°, —3°. Ёз фаслида денгиз Азор антициклони таъсири остида бўлгани сабабли йилнинг бошқа фаслларига нисбатан қуёшли кунлар кўп бўлади. Июлнинг ўртача т-раси денгизнинг деярли барча қисмида бир хил, 25° гача. Йилдик ёғин нотекис тақсимланган, денгизнинг жан.-ғарбида энг кўп — 2450 мм. Денгиз сув балансида бугланишга нисбатан ёққан ёмғир ва дарё сувларининг киримн кўпроқ, шу сабабли сув сатҳи Ўрта ва Мармар денгизлари сувн сатҳига нисбатан 9—12 см баландроқ. Бу эса Қ.дан Мармар денгизи томон сувнинг доимий оқиб туришини таъминлайди. Денгизда сув кўтарилиши кам кузатилади. Шўрлиги юза қисмида $18‰$ қирғоқлари яқинида $16‰$. 150—200 м чуқурликда $22‰$ гача. Ўрта денгизнинг шўр сув ости оқимлари Босфор бўғози орқали Қ.д.га ўтиб туради.

Езда денгизнинг юза қатламидаги сувнинг т-раси 25°, қирғоқ яқинидаги сёзликларда 28° гача. 150—200



Қрасноцар ўлкасининг Қора денгиз соҳили.



Қора денгиз бўйидаги порт.

н чуқурликларда сувнинг т-раси қам ўзгарувчан, 8—9°. Қишда сувнинг т-раси 8—9°, денгизнинг шим.-шарқий ва шим.-ғарбий қирғоққа яқин сайз қисмлари ҳатто музлайди.

Қ.л.нинг 150—200 м чуқурликкача бўлган қисми ҳаёт мавжуд бўлиши учун етарли кислородга эга. Ундан чуқурлаги сувда олтингугурт бўлиб, унинг миқдори денгиз тубида 11—14 мл/л га етади. Бу зонада фақат бактериялар яшайди. Денгиз суви анча тиниқ, яъкари қисмида тиниқлик 18—21 м дан 30 м гача, қирғоқлар яқинида эса тиниқлик камаяди.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзига хос. Улар денгизнинг юза қисмида (50 м чуқурликкача), қирғоқ бўйида ва қўлтиқларда очиқ денгиз ҳамда денгизнинг чуқур қисмига қараганда кўпроқ учрайди. Қ.л. фитобентоси, асосан, яшил, қўнғир ва қизил сувўтлардан, зообентос эса турли қисқичбақасимон, моллюскалардан иборат. Денгизда балиқнинг 180 тури, дельфиннинг 3 тури яшайди. Ставрида, скумбрия, скат, селъд, сазан, судак, кефаль, таран, лещч, белуга, лаққа балиқ, чўртан балиқ ва б. овланади. Қ.л. транспорт нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга: жаҳоннинг муҳим транспорт йўлларидан бири. Денгиз орқали саноат, қ.х. маҳсулотлари, йўловчилар ташилади. Йирик портлари: Одесса, Ялта, Керчь, Новороссийск, Туапсе, Сочи, Сухуми, Батуми, Констанца, Варна, Бургас, Самсун, Трабзон ва б. Қ.л. бўйи йирик рекреацион ресурсларга ҳам эга. Курорт кўп.

ҚОРА ДЕНГИЗ БЎЙИ ПАСТТЕКИСЛИГИ — Шарқий Европа текислигининг энг жанубий бир оз қия текислик. Қора ва Азов денгизларига ёндош. Ғарбда Дунай дельтаси ва шарқда Кальмиус дарёси оралиғида. Энг баланд жойи 150 м. Палеоген ва неоген даврларининг денгиз ётқизиқлари (оҳактош, қум, гил)дан таркиб топган, устини лёсс ва лёссимон қумоқлар қопланган. Қ.л.б.н.ни Днепр, Жан. Буг, Днестр ва б. дарёларининг кенг водийлари кесиб ўтган. Сувайиргичлари асси. Чуқур лиман ва қум тизмалари кўп. Қора ва тўқ қаштан тупроқларда дашт ўсимликлари ўсади.

ҚОРА ДЕНГИЗ БЎҒОЗЛАРИ — Босфор ва Дарданелл бўғозлари. Қора денгизни Ўрта денгиз б-н бирлаштириб туради. 1936 й.ги Монтрё конференциясида қабул қилинган конвенция асосида ҳукукий томонлари тартибга солинган. Конференциянинг Лозанна конференциясининг (1922—23) бўғозлар ҳақидаги конвенцияси ўрнига бўғозлар режими тўғрисида янги конвенция қабул қилинган. Қора денгиз атрофидаги давлатларнинг тинч даврларда бўғозлардан ўз ҳарбий кемаларини чекланмаган сонда, конвенцияда белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда олиб ўтишдан иборат тартиби ҳам олинган. Қора денгизидан нарида жойлашган мамлакатлар ҳарбий кемаларининг ўтиши уларнинг *синфи, тоннажи ва Қора денгизда* бўлиш муддати б-н чекланган.

ҚОРА ДЕНГИЗ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ — Европадаги давлатлараро минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти. 1992 й. 25 июнда 11 та мамлакат давлат ва ҳукуматлар бошлиқларининг Истанбул учрашувида имзоланган Ҳамкорлик тўғрисида Декларация асосида ташкил топган. Албания, Арманистон, Болгария, Греция, Грузия, Молдавия, Озарбайжон, Россия, Руминия, Туркия, Украина аъзо.

Ташкилотнинг асосий мақсадлари дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш йўли б-н Қора денгизини тинчлик ва барқарқнёт денгизига айлантириш; икки томонлама ва кўп томонлама Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлигини чуқурлаштириш; иқтисодий, технологик ва ижтимоий тараққиётга, шунингдек, эркин тадбиркорликка ёрдам кўрса-



тиш; иштирокчи мамлакатлар, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида турган мамлакатларнинг ўзига хос иқтисодий манфаатларига эътибор бериш; иқтисодчи, саноат, фан, технологиялар, атроф муҳитни муҳофаза қилишда ҳамкорликни ривожлантириш ва диверсификациялаш учун барча имкониятлардан фойдаланиш ва б. Штаб квартираси Истанбул ш. (Туркия)да.

ҚОРА ИЛДИЗ ЧИРИШИ — ўсимликларнинг замбуруг касаллиги, ўсимлик тўқималарини емиради ва қорайтиради. Маданий ва ёввойи ўсимликларнинг 100 га яқин турда учрайди. Паразит замбуруглар ва тупроқ бактериялари қўзғатади. Картошка, помидор, қулупнай, узум, сабзини, тамаки илдизи, пахта толасини зарарлайди. Картошка туганаги қ.и.ч.ни Erwinia phytophthora бактерияси қўзғатади, туганак ўртаси чирийди, пўсти қорояди, ёриқларидан қора суюқлик чиқади. Касаллик далада бошланиб, йиғиб-териб олинганидан кейин ҳам давом этади. Помидор қ.и.ч.ли (Diplodina destructiva замбуруги келтириб чиқаради) кўк меваларида қора доғлар пайдо бўлади. Тупроқда, зарарланган меваларда сақланиб қолади. Ғўза Thielaviopsis basicala (Berket Broome) Ferraris замбуруги б-н зарарланади. Замбуруг ғўза қолдиқларида сапрофит сифатида ривожланади. Иқлим шароити қулай бўлганда илдизнинг зарарланган қисми орқали ичига киради, паразитлик қилиб, ўсимлик ҳаётини оширади. Ғўза ниҳолларини ривожланиш фазасида ҳам зарарлайди. Ниҳоллар сўлиб, ўсишдан тўхтайди, ўсимлик ўлади. Ғўзанинг ҳосилдорлиги 15—20% гача камайтиради.



1 2 3 4

Қора илдиз чириши: *1* — касалланган тўқо; *2* — соғлом пояк; *3* — зарарланган поя; *4* — касалланган қалам пиялаги.

Қуриш чоралари: ўсимликларга *бордо суюқлиги* пуркаш, зарарланган ўсимлик қолдиқларини йўқотиш; ўсимлик поялларини илдизи б-н йиғиб олиш; ерни чуқур шудгорлаш.

ҚОРА ИЛОНЛАР, в и п а р а л а р (Viperidae) — илонлар оиласи. Танаси нисбатан йўғон, уз. 2 м гача. Боши учбурчак ёки трапециясимон. Кўз қорачиғи вертикал жойлашган. Жағларининг олдинги қисмида заҳар ўтказувчи 1—2 тадан йирик найсимон тиши ва 3—5 тадан майда тишчалари бўлади. 11 уруғи, 60 тури Африка ва Европасида тарқалган. Ўзбекистон фаунисида 3 тури: чўл қора илони, қум чарх илони, *кўлборилон* учрайдн. Ёрда яшайди, айрим турлари дарахтга ўрмалаб чиқа олади. Майда умуртқалилар б-н озиқланади. Кўпчилиги тухумдан тирик туғади. Заҳри Қ.и. заҳарли, йирик Қ.и. (мас., кўлборилон)нинг чақиши одам ҳаёти учун хавфли. Заҳридан тиббиётда фойдаланилади. Сони камайиб бормоқда. Бир қанча турлари Халқаро Қизил китобга киритилган.



Чўл қора илони.

ҚОРА КИШМИШ, Шивилгони, Блек манука — маҳаллий эртапишар хўраки ва майизбоп уруғсиз узум нави. Ўзбекистон ва Тожикистонда кенг тарқалган. Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига киради. Тупи ўртача ўсади. Барги ўртача, тўғрлак, ўртача кертикли. Гули икки жинсли. Узум боши ўртачи (бўйи 18—25 см, эни 11—13 см), конуссимон; шингилларн ҳавоз. Ғужуми ўртача тиғиз, тухумсимон, учи тўмтоқ, пўсти қора; ялтоқ, эти ширали, қарсилдайди. Таркибида 24—25% қанд бор, иордонлиги 4;5—5,5%. Ҳосили 130—145 кунда, июль охири — авг.нинг 2-ярмида тўлиқ пишади. *Куз, антракноз, видиум* ва *церкоспоразда* зарарланади. Узумидан сифатли майиз тайёрланади (25—27% майиз чиқади). Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ўстирилади.



Қора кишмиш узум нави.

ҚОРА КОРИНКА, Пассерина неро, Панарити — эртапишар майда тухумли уруғсиз узум нави. Ватани — Греция. Италия, Англия, АҚШ (Калифорния), Австралия, шу жумладан, Ўзбекистонда (коллекцион токзорларда) тарқалган. Қора денгиз ҳавзаси экологик-географик навлар гуруҳига киради. Барги ўртача, 3—5 бўлмали, орқасида оқиш туклари бор. Гули икки жинсли. Узум боши ўртача, шакли цилиндрсимон (бўйи 10—12 *см*), *тухумсимон майда* (*диаметри* 12—13 мм), рангн бинафшасимон-қизил, мумсимон б-н қопланган. Таркибида қанд миқдори 22—26%, нордонлиги 5,5—7%. Эти шираз, пўсти юпқа. Тошкент вилояти шароитида куртаклари бўртгандан кейин 118 кунда — авг. бошида пишиб етилади. Совуққа чидами ўртача. Ҳосилдорлиги 100 ц/га. Юқори сифатли, қандолатчилик саноатида кўп ишлатиладиган хушбўй «Коринка» майизи, винолар тайёрланади.



Қора Коринка узуми нави.

ҚОРА МЕТАЛЛУРГИЯ — металлургия саноатининг соҳаларидан бири. Домна, пўлат эритиш, прокат металлургияси, металл буюмлар и. ч., руда хом ашёсини қазиб олиш, бойитиш, майдалаш, кокс кимёси ишлаб чиқариши, ферроқотишмалар ва ўтга чидамли материаллар тайёрлаш, норуда хом ашё қазиб олиш ва қора металларни қайта эритиш тармоқларини ўз ичига олади. Совуқлнки ёки қиздириб ишланган прокат, пўлат трубалар ва металл буюмлар К. м. маҳсулотларининг муҳим турлари ҳисобланади.

Кишлик жамиятн тараққиётида меҳнат қуроллари ва қурол-яроглар жуда муҳим аҳамият касб этган. Узоқ, асосан, ёғоч, суяк, тош (*қ. Тош даври*) ва темирдан (*қ. Темир даври*)

тайёрланган. Қ. м. халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Кимё саноати, *рангли металлургия*, қурилиш материаллари саноати маҳсулотлари б-н бирга қора металлар машинасозлик ва қурилишда асосий конструкцион материал ҳисобланади. Ўзбекистонда етакчи машинасозлик тармоқлари ишлатадиган конструкцион материалларнинг умумий ҳажмида қора металлар асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда бир неча кичикроқ темир конлари бор. Саноат аҳамиятига молик темир конлари — магматоген генезисли, магнетит-гематит таркибли Суренота (Тошкент вилояти) *ҳамда асосан титан-магнетитли Тебинбулоқ темир кони* (Қорақалпоғистон) шулар жумласидан. Ўзбекистондаги темир конлари ресурслари: Жиззахдаги темир кони — 150 млн. т, Суренота темир кони — 50 млн., т, Тебинбулоқ темир кони — 100 млн. т дан кўп. Ўрта Осиёда биринчи замонавий металлургия комбинати 1944 й. ишга туширилган (қ. *Ўзбекистон металлургия комбинати*). Ўзбекистон металлургия саноатида 500 минг тонната яқин пўлат, 450 минг тонната яқин тайёр прокат ишлаб чиқарилади (2005) (яна қ. *Металлургия, Оғир саноат*).

ҚОРА ОКСОҚ — қ. *Брунелит*.

ҚОРА СИРТ — Ҳисор тизмасининг жан.-ғарбий тармоқларидан бири. Қашқадарё вилоятида. Шим.да Катта Ўрадарё, жан.да Кичик Ўрадарё (Ғузордарё ирмоқлари) оралиғида. Шим.-шарқдан жан.-ғарбга қарийб 40 км га чўзилган. Ўртача бал. 1500—2000 м, энг баланд жойи 2886 м. Сувайиргич қисми ва ён бағирларида текис ясалар учрайди. Ён бағирларни чуқур, дарасимон сой ўзанлари б-н кесилган. Гипсли гиллар, қумтош ва оҳактошлардан ташкил топган жойларида карст жараёнлари ва рельеф шакллари (каррлар, карст воронкалари ва ботиқлари, гордлари) ривожланган. Ёш қуруқ, иссиқ, йиллик ёғин 500—700 мм, асосан, қиш ва баҳор фаслларида ёғади. Тўқ ўғ, жигарранг, қўнғир тоғ-ўрмон, тоғ ўтлоқ тупроқлар тарқалган. Баланд бўйли бошоқли ўтлар, буталар (бодом, писта, пьямитак), арчалар ўсади.

ҚОРА ТОШ (араб. *ҳажар ал-асвад*) — мусулмонлар зиёрат қиладиган тош. Қумуш чамбар б-н бирлаштирилган бир неча бўлакдан иборат. У Кьъба деворидан бирига таққалиши жойлаштирилган. Маккага ҳажга борган мусулмонлар уни табаррук ҳисоблаб ўпадилар ёки қўл текказиб зиёрат қиладилар. Қ.т. Аллоҳнинг амри б-н жаннатдан келтирилган деган ривоят бор (яна қ. *Кьъба*).

ҚОРА ТУПРОҚЛАР — тупроқ типи. Асосан, лёссимон қумоқларда шаклланинг қуруқ мўътадил совуқ иқлимида *ва литрий равишда* ювиладиган ёки ювилмайдиган сув режимида, кўп йиллик ўт ўсимликлар остида шаклланган, гумуси бой. 1896 й.да рус тупроқшунос олими В.В. *Докучаев* тупроқ типи сифатида таърифлаб берган. Карбонатли она жинси, асосан, лёсс ва лёссимон қумоқлар, унчалик давр ичида ётқизиқлари, гилли жинслар, шўрланган жинслар, эллювиал жинслардан иборат. Қ.т. органик моддалар, *жумладан, чиринди (гумус) нинг* кўплиги, донадор структураси, юқори унумдорлиги б-н тавсифланади.

Ўсимликлари ўтмишда ўрмон-дашт зонасининг табиий ўсимликлари, ўрмонлар дашт ўтлоқлари б-н алмашиб турган. Ҳозирги вақтда Қ.т. майдонларининг асосий қисми ҳайдалиб, ўзлаштирилган. Дашглардаги табиий ўсимликлар ҳар йили кўплаб органик масса қолдиради (100—200 ц/га), унинг 40—60% ўсимликларнинг илдизидан иборат; гумусли қатлам юпқа (25 см дан кам) — 120 см дан ортиқ, нордонлиги — pH 5,6—8,0, нам сигими 38—43%. Қ.т. подзолланган, ишқорсизланган, типик, солиқ, жан. кабн 5 та *типчага бўлинади*.

Ер юзида Қ.т. майдони 240 млн. га. Асосан, Европанинг Қ.т. зонаси Европанинг, Европанинг ғарби ва жанубий-шарқи, Монғолия ва Хитойгача давом этади. Шим. Америкада Қ.т. АҚШ нинг баъзи ғарбий штатлари ва Канаданинг жан. провинцияларини эгаллаган; Жан. Америкада Жан. Аргентина ва Чилининг жан. тог этаги р-ларида жойлашган. Молдавия, Украина, Россиянинг марказий вилоятлари, Шим. Қозоқи, Волгабўйи, Ғарбий Сибирда тарқалган. Қ.т.да кузги ва баҳорги буғдой, қанд лавлаги, кунгабоқар, пахта, зигир, бодғорчилик, сабзавотчилик ва токчилик, чорвачилик ривожланган. Қ.т. унумдорлигини оширишда ҳам тўпланг ва ундан унумли фойдаланиш асосий аҳамиятга эга. Қ.т. суғ режимини яхшилаш учун сугориш ўтказилади, иқота дарахтлари экилади ва б.

Хидоятов Мақсудбек.

ҚОРА ЧЕРИК— Бухоро амирлигида мунтазам қўшин б-н биравар уруш ёки тинчлик чоғида хизматда бўлган номунтазам лашкар. Эҳтиёж бўлмаган кезларда Қ.ч. уйларига тарқалиб кетган. Қ.ч.ни тўплаш учун ҳукмлор (амир) фармони чиққан ва у бозорларда жарчилар томонидан эълон қилинган. Ҳар бир қишлоқ, шаҳар, вилоятдан йиғиладиган Қ.ч. миқдори илгаридан аниқ белгиланиши боис, амир буйруғига биноан номунтазам лашкар ғалаён бериндя муаммолар туғилмаган. Мунтазам қўшин отлар б-н таъминланган бир пайтда, Қ.ч., шаҳсий улови б-н ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиши мажбурий ҳисобланган. Қалъа, кўргонларни муҳофаза қилишда мунтазам хизматдаги аскарлар сони камлик қилса, Қ.ч.дан фойдаланилган. Баъзан юришда қатнашаётган қўшиннинг деярли ярмини Қ.ч. ташкил этган.

ҚОРА ЮСУФ *(? — 1429.13.11, Ужон)* — Қора қўюнли туркман қабиласи амири. Қорамуҳаммад туркманнинг ўғли.

Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида қайд этилишича, *Амир Темур* Ғарбий юришлари чоғида Қ.Ю.нинг ҳажга боришолар ва сафда карвонларини талаб, қароқчиликни касб этганини билгач, уни қатиқ таъқиб остига олади. Қ.Ю. Амир Темурга қарши Ироқ ҳокими Аҳмад Жалойир б-н *иттифоқ* тузади, бироқ улар Сохибқирон ҳужумига доим бероламай Миср ва Рум султонларидан паноҳ излайдилар. Амир Темур вафотидан сўнг, Қ.Ю. Табризга қайтади ва тез орада ўзини тиклаб Темурийлар салтанатига хавф туғдира бошлайди.

1408 й. 13 апрда Табриз яқинидаги Шанби Ғозонда мирзо Абубакр ибн Мироншоҳ б-н Қ.Ю. ўртасида қаттиқ жанг бўлади ва Қ.Ю. лашкари тоғлаб кетади. *Мироншоҳ* мирзо шу жангда ҳалок бўлади.

Шундан сўнг Ироқни Ажам, Озарбайжон, Аррон, Муғон, Диёрбакр, Ироқи Арабдан иборат ҳудудлар унинг ҳукми доирасига ўтали ва Қ.Ю. Темурийларга қарашли Султонияга даъвогарлик қилади. *Шоҳрух* мазкур хавфни бартараф этиш ва ақвои Мироншоҳ ўлими учун ҳам қасос олиш мақсадида катта лашкар тў-н Қ.Ю. устига юриш бошлайди. У Райга етиб боргандa Қ.Ю.нинг Ужонда ўтгани ҳақида хабар келади.

Қ.Ю. вафотидан сўнг, унинг ўғилларидан амир Искандар Темурийлар салтанатига тажовуз қилган. Шоҳрух унинг устига катта лашкар тортиб *1429* й. 17—18 сент.да Салмос яқинидаги шиддатли жангда амир Искандар лашкарини тор-мор этган.

«ҚОРА ЎРА» — гравитация (тортилиш) кучи таъсирида жисмнинг ўз маркази томон жуда катта тезликда сиқилиб бориши (гравитацион коллапс жараё-



Қўлалоқ қолдуз системасидаги «қора ўрдак».

ни) натижасида йўқолиб кетади. Бу ҳодиса ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Ҳозирги кунда ҳам ҳар йили ўртача 50 та янги қўш юлдуз кашф этилмоқда. Қўш юлдузлар ҳам ўз навбатида бир-бирини айланиб, ўзаро тортишиш кучи таъсирида ўзаро қўшилиб кетиши мумкин. Бундай ҳодиса ҳозирги кунда ҳам кузатилмоқда. Масалан, Ҳ. Шепли ва Ф. Вилсинг 1925 йилда Ҳ. Шепли ва Ф. Вилсинг 1925 йилда Ҳ. Шепли ва Ф. Вилсинг 1925 йилда

ҚОРАБОВ — Тошкент вилоятидаги сой. Қизилсувга тегишининг жан.-шарқий ён бағирларидан бошланиб, жан. ги оқади. Ангрен ш. яқинида Оҳангарон дарёсига ўнг томонидан қуйилади. Уз. 37 км, ҳавзаси майд. 184 км². Асосан, ёғлоқ суғоришга фойдаланилади, шу боис, сойда йил давомида сув оқади. Ўртача йиллик сув сарфи (Самарчуқ қишлоғи ёнида) 3,2 м³/сек. Қ.да балиқ сел тошқинлари кузатилади. Қ. сувининг ўртача лойқалиги 81 г/м³. Энг катта сув сарфи 1959 й. 8 апр.да 114 м³/сек.га етган. Қ. сувининг 70—75% март — июнь ойларида оқиб ўтади. Сой суви суғоришга сарфланади.

ҚОРАБОВУР — Устюрт платосининг марказий қисмидаги қир. Қорақалпоғистон ва Қозоғистон Республикалари ҳудудида. Шим.-ғарбдан жан.-шаркда қариёб 220 км га чўзилган. Эни ўрта қисмида кенг, 120 км дан ортиқ. Ўртача бал. 200 м, шим.-ғарбида 290 м гача. Ер юзаси текис, ён бағирлари қўрқу сойлар б-н кесилган. Триас, юра, бўр, палеоген ва неоген чўкинди тог жинсларидан ташкил топган. Уларнинг устида сармат даври одоқтошлари тарқалган, одоқтошлар орасида гипсли неогель ва гил қатламлари учрайди. Иқлими кескин континентал. Қишки совуқ т-ри қишда —30° гача, ёзи максимум қуруқ, лавсиман, энг юқори т-ри 44°. Йиллик ёғин 150 мм гача. Карст рельеф шакллари (карст воронкалари, диаметри 30 м гача, чуқ. 16 м гача), остида кўплар мавжуд бўлган ғорлар учрайди. Сув-қўнғир типроқлар тарқалган. Ўсимлик қоплами сийрак, шувоқ, типра ва б. ўсимликлар ўсади. Ҳайвонот дунёси чўлга хос.

ҚОРАБОЕВ Абдумўмин (1947.1.12, Ховос тумани) — Ўзбекистон Республика халқ ўқитувчиси (2004). Тошкент пед. институтини тугатган (1969). 1969 й.дан Боёвут туманидаги 40-мактабда мат. ва чизмачилик фани ўқитувчиси, 1978 й.дан Ховос туманидаги 25-, 1998 й.дан Янгиобод туманидаги 2-мактабда мат. ва информатика ўқитувчиси.

ҚОРАБОЕВ Екубхон Исмоил ўғли (1934.15.6 — Тошкент — 1993.5.2) — чизмачи ва рассом. Ўзбекистон халқ рассоми (1976). Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатган (1958); наққошлик санъатидан уста Ё. *Раҳбов*, *Ж.Хакимов*, *Т.Пўлатхўжаевлардан* ўргатилган; *Ситора Моди Хосе* ёдгорлигини тиклашда қатнашган, 6—10 қирралн қурилларни миллий нақшлар б-н безаган. 1960 й.дан Тошкент чинни з-дида рассом. Қ. самарали ижодий меҳнат қилиб, чинилар учун 200 дан ортиқ янги безак муассасмотларини яратди; шулардан 40 дан ортиғи н.ч.га жорий этилган. «Миллий нақш» (1970), «Бодомгул» (1972), «Исломий пахта» (1976), «Тюльпан» (1978, 1982), «Олимпиада — 80», «Чарос» (1983), «Самарқанд мажмуаси» (1984) ва б. лаган, қока, чойнак, тарелка ва б. пиёладаги иборат шарқона чой ва қаҳва тўпламлари ва б., юбилейлар муносабати б-н тайёрланган кўзалар, совға буюмлар шулар жумласидан. Қ., шунингдек, 30, 40 дона буюмдан иборат чой ва ошхона чинни тўпламлари («Оқ олтин», «Тошкент чинниси» ва б.)га ҳам безак муассасмотлари ишлаган. Қ. 1966 й.да яратган «Пахта гул» («Оқ олтин») муассасмоти чиннисозликнинг миллий мумтоз нақшинга айланди; 1976 й. Германия (Лейпцигдаги Халқаро ярмаркасининг ва б. халқаро ярмарка (Ҳарезмдаларнинг Олтин медаллари б-н мукофотланган. Асарлари республика ва хорижий мамлакатлар (АҚШ, Канада, *Франция*, *Хитой*, *Япония*, *Ирок*, Эрон, Туркия ва б.)нинг музей ва тўпламларида сақланади.



ҚОРАБОЕВ Эшбой (1917.15.5, Самарқанд вилояти Иштихон тумани Бахрин қишлоғи — 1989.23.8) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1941 й.дан армияда. 722-ўқчи полки (Воронеж фронти 47-армиясининг 206-ўқчи дивизияси) автоматчилар ротаси бўлинма командири. Қ. 1943 й. 25 сент.да Черкасси вилоятининг Канаев туманидаги Пекари қишлоғи яқинида биринчилардан бўлиб Днепр дарёсини кечиб ўтишда ва 7 нояб.да Студенец қишлоғи яқинида бўлган жангла кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1944.3.6). Урушдан кейин тутилган қишлоғида яшаган ва ишлаган. Қишлоғида бюсти ўрнатилган, ўрта мактаб ва ширкат хўжалигига номи берилган.

ҚОРАБОЕВА Софья Дусталиевна (1914.12.1, Тўрткўл — 1978.28.4, Нукус) — қорақалпоқ актрисаси. Ўзбекистон халқ артисти (1969). Москва театр санъати ин-тининг қорақалпоқ студиясида таълим олган (1934—35). 1939 й.дан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат театрида ишлаган. Миллий-лиққа интилиш, қаҳрамонлари характерининг ижтимоий ва психологик асосларини очиб бериш, уларни руҳий ғуғазлик ва ҳаётбахш ҳис б-н суғориш Қ. ижодига хос. Васса (М.Горький), «Виссa Железнова»), Майсара (Хамза, «Майсарининг иши»), Марфа Петровна (К.Симонов, «Рус қишилари»), она (Э.Раннет, «Дайди ўғил»), Биябинур (Н.Довқораев, В.Шафранников, «Алпомиш»), Оймерекс (Ж.Оймуратев, О.Халимов, «Ойғул ва Обот»), Оқсулув (А.Шомуратов ва И.Юсупов, «Қирқ қиз»), Ойбике (С.Ҳўжаниёзов, «Талғас»), Тўлғаной (Ч.Айтматов, «Момо ер») каби турли характерлари роллар талқини ва тақлидлари.

ҚОРАБОЛТА — Қирғизистон Республикаси Чу вилоятидаги шаҳар. Тароз — Балиқчи шоҳ йўли ёқасида. Қорабалта дарёси бўйида (Чу ҳавзаси). Қирғиз тизмасининг шим. ён бағрида жойлашган. Бишкекдан 60 км ғарбдаги т.й. станцияси. Аҳолиси 47,2 минг киши (1999). Консерва, шакар-қанд з-длари, ун, нон к-тлари, шаҳар ёнида эфир мойлари з-ди бор.

ҚОРАБОЛҒАСУН, Хара-Балгас — Ўйғур хонлиги пойтахти — Ўрду балиқ қаробаси (8—9-лар). Енисей қирғизлари томонидан 840 й. босиб олиниб, ёндириб юборилган. Ўрхун дарёсининг сўл қирғоғида, Эрдэни-дзу монастири (МХР)дан 15 км шим.да жойлашган. Қ.нинг марказий қисми тупроқ тепалар б-н ўраб олиниб, ғ қалъа ва ярқлан жан.-ғарбда бўлган. Қалъа ва арқнинг истеҳкомлари ва хом ғиштдан ишланган деворлари 10—12 м баландликда сақланиб қолган, арқ ўртасидаги қўрғоқчи минора бал. 14 м. Шаҳар қатъий режа асосида қурилган. Шаҳар атрофида рабод қаробалари, экинзорлар, суғориш каналлари, чорбоғлар, боғлар излари сақланган. Қ.қаробаларнинг рус сайёҳлари Н.М.Ядринцев (1889) ва В.В.*Радлов* (1891) тавсифлашган. 1949 й. С.В.Киселёв раҳ-

яли эритмаларидан К.-Г. туз қатламлари орасидан мирабилит олинади. Сузмаси қазиб олинади ва қайта ишланади.

ҚОРАБОЙЛАР (Phalacrocoracidae) — қуракоқлар қушлар туркумининг бир оиласи. 31 тури маълум. Бир тури (учиш қобилиятини йўқотган) Галапагос оролларида, қолганлари Европа, Шим. Америка, Осиё, Африка, Австралия, Янги Зеландияда тарқалган. Танасининг уз. 55—92 см. Кўпчилиги қора тусда. Ялпоқ сузади ва шўнғийди. К. колонияларини кўпинча, денгизлар, сув ҳавзаларини қирғоғидаги қоя, дарахт, қамишзорда уя асайди. 4—5 та тухум қўяди. Инкубацияни ларвн бир ой давом этади. Полопонлари 7—8 ойлигида уча бошлайди. Асосан, балиқлар


Қоранов.

б-н озиқланиб, балиқчиликка бир оз зарар етказади. Ўзбекистонда катта қоравой ва кичик қоравой каби турлари учрайди. Қ.нинг 3 тури Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китобига киритилган.

ҚОРАГИЛ, Ботир — Қозоистонда-ги энг чуқур ботиқ. Мангишлоқ ярим-ороли-да жойлашган. Оқеан сатҳидан 132 м past. Мангишлоқ платосида. Қаспий денгизининг шарқий соҳилида. Уз. 85 км, эни 10—25 км. Тубн шўрхок.

ҚОРАДАРЁ — Андижон вилоятидаги дарё (бошланиш қисми Қирғизистонда). Сирдарёнинг асосий ирмоқларидан бири. Уз. (Тар дарёси б-н бирга) 318 км, ҳавзасининг майд. 28,6 минг км². Фарғона тизмасининг жан.-шарқий ва Олай тизмасининг шим. ён бағирларидан бошланадиган Тар ва Қоратўпа дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Кампирработ дарасигача кенглиги 0,5 км дан 4—5 км гача бўлган террасали водийда оқади. Дарёга иккита йирик ирмоқ — Ясси ва Қурама дарёлари келиб қўшилади. Кампирработ қишлоғи яқинида водий кескин торайиб дара ҳосил қилади. Сўнг Қ. Фарғона водийсида оқади. Балиқчи қишлоғи яқинида Норин дарёси б-н қўшилиб, Сирдарёни ҳосил қилади. Дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи Учпеша яқинида 136 м³/сек. Шу водий йиллик энг кўп сув сарфи 265 м³/сек га етган (1969 й.), энг кам сув сарфи 68,4 м³/сек (1975 й.). Дарё қор ва музлик сувларидан тўйинади. Йиллик оқимининг 55% март — июль ойларига тўғри келади. Дарё сувининг ўртача лойқалиги 1 кг/м³. Баъзан қишда қисқа муддат қирғоққа яқин қисми музлаб муз ва шовуқ оқиши кузатилади. Фарғона водийсига чиққанидан сўнг дарё суви кўплаб суғоришга сарфланади. Катта Фарғона канали, Шахрихонсой, Андижонсой ва Пахтаобод каналлари Қдан сув олади. Дарё сувидан Андижон вилояти ва Қирғизистоннинг Ўш вилояти экин майдонлари суғорилади.

ҚОРАДАРЁ — Самарқанд вилоятидаги дарё. Зарафшон дарёсининг чап тармоғи. Уз. 111 км. Зарафшон дарёси Самарқанддан 7 км қуйида (Чупонота тепалиги ёнида) иккига — Оқдарё (ўнг) ва Қ. (чап) га ажралади. Янгиработ шаҳарчаси яқинида яна бирлашади. Зарафшоннинг Оқдарё ва Қ.га ажралиш жойида Самарқанд гидроузели қурилган (1974). Зарафшон дарёси сувининг кўп қисми Қ.га оқизилади. Қ. сувидан Каттақўрғон сув омборини тўлдириш учун фойдаланилади. Қдан бир неча каналлар сув олади. Бу каналлар орқали Оқдарё, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи, Навоий вилоятининг Хатирчи туманларининг ерлари сув б-н таъминланди.

ҚОРАДОРИ — қ. *Афюн.*

ҚОРАЕВ Қори Абдулҳаз ўғли (1918.5.2 — Бокў — 1982) — озарбайжон композитори ва жамоат арбоби, Халқ артисти (1959), Озарбайжон ФА акад. (1959), Меҳнат Қаҳрамони (1978). Москва консерваториясини тугатган (1946). Етук асарлари б-н 20-а. озарбайжон композиторлик ижодиети анъаналарини ривожлантириди, энг замонавий ифода воситаларини ёрдамида ўзига хос мусиқий услуб яратди. Озарбайжон консерваториясида педагог (1946 й.дан), ректор (1949—53), проф. (1959), Озарбайжон композиторлари уюшмаси раиси (1953 й.дан). «Етти гўзал» (1952), «Момақалдироқ, сўқмоқларидан» (1958), «Лайли ва Мажнун» (1972) балетлари, «Таскинланиш қизиқ-қон киши» мюзикли (1967) Қ. ижодининг кўзгуси. «Ватан» (Қ. Ҳожиев б-н, 1945), «Нафосат» (1972) опералари, 3 симфоник (3-си, 1965), сюита-лар, «Албанча рапсодия», «Лайли ва Мажнун» симфоник поэмаси (1948), «Дон Кихот» симфоник гравюралари, 2 квтата, скрипка концерти, 2 торли квартет, фортепиано учун 24 прелюдия, спектакль (жумладан, «Антоний ва Клеопатра», Оқунлоп номидаги Озарбайжон Давлат мукофоти, 1965), кинофильмларга мусиқа ва б. мусаллифи. Давлат мукофони (1946, 1948) лауреати. Ижодида турли халқлар мусиқа фольклоридан унумли фойдаланган.

ҚОРАЁҚА (Charadrius dubius) — ржанкалар оиласига мансуб қуш. Европасиёнинг Атлантика қирғоқларидан Япония, Тайван ва Филиппин оролларигача бўлган жойларда тарқалган. Ўрта Осиёда ҳам қўп. Қанотининг уз. 10—12 см, вазни 31—46 г. Дарё ва кўлларнинг кумтошли қирғоқларида яшайди. Унчалик тўшамасиз чуқурчалан иборат. Апрель охирида 4 та тухум қўяди, 6—22—24 кун босади. Ҳаша-ротлар ва уларнинг личинкаси, баъзан ўсимлик уруғлари б-н озиқланади.


Қораёқа.

ҚОРАЖАНЖАЛ, Қорасемиз — халқ селекциясида чиқарилган ўрта кечпишар маҳаллий хўраки ва майизбоп узум нави. Тупи кучли ўсади. Барги ўртача (диаметри 17—22 см), тўпарак, усти ялтироқ, Гузи икки жинсли. Узум боши йирик — 300—400 г (бўйи 16—25 см), кенг конуссимон, зичлиги ўртача. Ғужуми йирик (4,8 г), серэт, шарали, оқиш ёки цилиндрсимон; битафша-қорамтир, пўсти қалин. Таркибида 25—27% қанд бор, нордонлиги 4—7%, сентал пишади. Узумининг сифатлилиги жиҳатидан кўраки навлар орасида 1-ўринларда туради. Янгилигида ейилади, майиз


Қоражанжал узум нави.

солинади (23% майиз тушади). Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ўстирилади.

ҚОРАЙИШ, терининг қорайиши — одам терисининг кўпи нури ёки сунъий манбалар (симобли кварц лампалари) таъсирида қорамтир тус олиши, баданнинг тобланиши; бунда ультрабинафша нурлар таъсирида терининг муғуз қаватлари меланин пигменти тўпланади ва тери қорамтир тусга киради. Ультрабинафша нурлар таъсирида организмда нерв системаси ва ички секреция безлари фаолиятини кучайтиради, биологик фаол моддалар ҳосил бўлади, моддалар алмашинуви яхшиланади, организмнинг

юқумли касалликларга қаршилиги ортади. Бундан ташқари, ультрабинафша нурлар таъсирида ёғ бездаридан чиқаётган ёғ таркибидаги эргостерин моллекуласи витамин Д ҳосил бўлади. Бу витамин сўяк системаси учун жуда зарур бўлиб (у етишмаганда рахит пайдо бўлади), кальцийнинг ичакдан қонга сўрилишини таъминлайди.

Қ. киши организмининг ҳимоя реакцияси бўлиб, ультрабинафша нурлар таъсирида терининг базал қавати ҳужайралари яхши ўсади (қ. *Тери*); мугуз қават қалинланади, натижада у ультрабинафша нурларни терининг ички қаватларига ўтказмайди, ҳужайраларни нобуд бўлишидан ва қуёш нури таъсиридан терини қуйиш ёки офтоб уришидан сақлайди.

Терлаш ҳам кишини офтоб уришидан ҳимоя қилувчи омилдан ҳисобланиб, киши терлаганда тер таркибидаги уроканин кислота ультрабинафша нурларни кўп ютади, натижада организм қуёш нури таъсиридан сақланиб қолади. Қ. *аста-секин амалга ошириладиган* лозим. Биринчи куни офтобда 10—15 мин. ўтиришга ва кейинчалик ҳар куни 10 мин.дан ошириб бориш керак. Офтобда 1—1,5 соатдан ортиқ ўтирмаслик зарур. Иссиқ ва ўртача иқлимда яшовчи кишилар соат 11—12 гача офтобда тобланишлари мақсадга мувофиқ. Бунда бошга рўмол ўраш ёки чети кенг шляпа кийиб, қора кўзойнак тақиб олиш керак. Кўз шиллиқ пардасида қуёш нуридан сақлайдиган қават йўқлигидан улар яллиғланиб қолиши (*конъюнктивит*) мумкин. Қорин очлигида ёки овқатланиш олдидан офтобда тобланишга рухсат этилмайди; кун тигида ухлаш ниҳоятда хавфли. Тез Қ. мақсадида қуёш нурида кўп ўтириш натижасида бетобланиш аломатлари (лоқаслик, асабийлашиш, бош оғриги, уйқусизлик, эт увишиши, ҳарорат кўтарилишидан ташқари тери куйиши ёки офтоб уришидан мумкин.

Агар қуёш нурида тобланишдан кейин тери анчагина қизарса, қизарган жойга қатиқ, атир ёки арақ суртиш, тери асл ҳолига келмагунча қуёш ваннаси қабул қилмаслик керак. Терининг қизариши жойлари ишиши, пуфакчалар пайдо бўлса, яранга мурожаат қилиш лозим. Қ. ҳамма учун ҳам фойдали деб бўлмайди. Кекса кишилар, 2 ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор аёллар, шунингдек, ўпка сили, юрак-томир касаллари, неврастения, қизил волчанка б-н оғриган беморлар қуёш нурида тобланмасликлари маъқул; агар тобланиш зарур бўлса, албатта, врач маслаҳати б-н қилиш керак.



Қорақамар. Митреум (Митрага бағишланган ғор ҳужралари).

ҚОРАКАМАР — Сурхондарё вилоятидаги *Қизил-Шеробод қатор тепаларида* жойлашган тош даври макони. 1875 й.да Н.А. *Мраев* томонидан текширилган. Қ.нинг 3 та горидан одамлар, отлар ва итларнинг қўпол чизилган тасвири топилган. Н.А.Маевнинг тахминича, бу тасвирлар чўпонлар томонидан чизилган. Кейинчалик 1940 й.да Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи (раҳбари Г.В.Парфенов) томонидан текширилган. Текширишлар натижасида бу ерда бутда монастири бўлгани, у Эски Термиздаги *Қирқтепага* ўхшаш эканлиги аниқланган. 1987—88 йларда Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси ва Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи томонидан мукаммал текширилган. Қ. гор маҳкамаси П шаклидаги майдонлаш (55×36) ибодат, бир томони очиқ, қолган томонлари тупроқ б-н ўралган, ўнда 2 ярус (қаватда горлар жойлашган. Пастки қаватда 3 та гор (уз. 10—12 м, кенглиги 4—6 м, бал. 4 м яқин). 2-қаватда унча катта бўлмаган сунъий горлар жойлашган. Унда қайвонлар, яъни 2 ўркачли туялар, қуш, инсон кафти, қалпоқлар, махсус белги — тамға, деворга ёзилган 12, 15, 16-аларга оид араб ёзувлари бор. Қ.да бақтрий, юнон ва рим ёзувлари ҳам топилган.

ҚОРАКОСОВ — илдиз бўғзи ва поя асоси қорайиши б-н кечаладиган ўсимлик касаллиги. *Замбуруғ ва бактериялар* қўзғатади. Асосан, карам, картошка, сабзи, мевали дарахт кўчатлари, дуккакли ем-хашак ва б. экинлар зарарланади. Карам Қ.и карам ва гулкарам, кольраби, редиска ва б.ни зарарланган кўчат нобуд бўлади. Картошка Қ.ини тупроқ бактерияси қўзғатади. Зарарланган ўсимлик барглари сарғаяди, буралади ва сўлийди. Тупроқ устидан ва илдиз бўғзи қорайиб чиришга, касалланган поялар ердан осон суғурилади; туганак ҳосил бўлиши қийин кечади, ҳосил бўлган туганаги ҳам зарарланади.

Курашчораларн: уруғликни дорилаш, сеялом урут, кўчат экиш; зарарланган ўсимликларни суғуриб, даладан чиқариб ташлаш.

ҚОРАҚУРМАК, ш а м а к [Echinochloa crusgalli] — бошоқдошларга мансуб бир йиллик бегона ўт. Пояси ҳавол, бўйи 100 см ча. Барги нштарсимон, четлари гадирпиқ, ўткир қирралн, барг пластинкаси ўртасидан ўтган томир ўтади. Тўпгули — рўвак. Пишиб етилган бошоқлари осон тўкилади. Меваси уни ўткирлашган эллипссимон доначa. Кузда тупроққа тўкилиб, қишлаб чиққан донн баҳорда кечроқ, юқори т-рада уна бошлайди. 1 см дан ортиқ чуқурликка тушган Қ. уруғининг унувчанлиги кескин камаяди. Қ. ниҳолдан кеч кузга қадар гуллаб, меваларйди. Асосан уруғидан кўпаяди. Бир ўсимлик тупланиш даражасига қараб 5—13 минтта янги уруғ беради. Барча суғорилладиган деҳқончилик майдонларида учрайди.



Қорақурмак.

Қураш чораларн: кузги шудгор, алмашлаб экиш, экин агротехникасини сифатли ўтказиш. Пахта далаларига гербицидлардан трефлан, которан, прометрин препаратларининг суюли суспензиясини экиш пақлда лента усулида ерга сепиш.



Қорақосов: *1* — зарарланган картошка ўсимлиги ва туганаги; *2* — зарарланган карам барги.

ҚОРАҚУЗ — замбуруғлар қўзғатадиган ўсимликлар касаллиги. Асосан, баҳорги экинлар касалланиб, қ.ғ.га катта зарар етказади. Зарарланган бошоқ, рўвак, сўта, поя, барг ва илдиз бўйинларин қора споралари массага айланади. Қўйилган тупларн кўп учратган ва айниқса, зарарли: буғдой ва жавдарнинг қаттиқ (қаттиқ бодбўй) қ.си усимлик тугунчасини емирали ва «қорақуз қаттиқлари» ёки алоҳида спори ҳолида уруғларда сақланади. Зарарланган донлари нам ҳавода бадбўй ҳид келади; арпа ва сулининг қаттик, (тоза) қ.си спораларн тугунчани зарарлайди, лекин рўвак ва бошоқдар зарарланмайди, спораларнн қаттик қора массаси бошоқ қобиғининг тешиб ўтади; буғдой, арға, сули, ва маккажўхорининг чанг қ.си бошоқ, рўвак, сўталарни зарарлайди; жавдар ва буғдойнинг поя қ.си поя (ҳамма қисмлари ва барг-дарғини зарарлайди; маккажўхорининг уруғланчаи қолдаги қ.си ўсимликнинг турли қисмида қобиқли ва сохр б-н тўлган гудаллар ҳосил қилади. Қ. замбуруғлари шоли, қўноқ, оқ жўхори, чумиза каби донли экинларда ҳам паразитлик қилади. Касалланган пахтазида пала экинлари ҳосилдорлиги 20—30% камайиб кетади.



Қорақуз: 1 — буғдой қаттик (тоиш) қорақузи; *2* — буғдой чанг қорақузи; *3* — маккажўхори қорақузи.

Кураш чоралари: касалликка чидамли навлар экиш; юқори агротехника, алмашлаб экиш, уруғларни тозалаш ва дорилаш; уруғликни офтобга ёйиш ва б.

ҚОРАҚЎЛ — Бухоро вилояти *Қоракўл туманидаги* шаҳар (1980 й.дан), тум. марказн. Т.й. станцияси. Қ.дан вилоят марказн (Бухоро ш.гача 61 км. Аҳолиси 20,9 минг кишн (2005). Қ.да пахта тозалаш, гилт з-лари, МТП, дон маҳсулотлари акцнядорлик жамиятн, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, нефть базаси бор. Қичик, ўрта бизнес ва йирик корхоналар, шунингдек, «Қоракўлтекс» қўшма корхонаси ишлаб турибди.

Умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, гимназия, лицей, 2 касб-ҳунар коллежлари, туман маркази кутубхонеси, клуб муассасалари, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, Хотира ёдгорлиги бор. Туман маркази касалхонаси, поликлиника, туғруқхона, амбулаторня, дорихоналар, аҳолига хизмат кўрсатиш. Шаҳар ёнидан халқаро йўналишларда т.й. ўтган. Тумаи маркази б-н қишлоқлар ўртасида ва Қоракўл — Бухоро оралигида автобуслар ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҚОРАҚЎЛ — Помирнинг шим. қисмилари оқмас кўл (Тожикистон Республикасида). Майд. 380 км², уз. 33 км. Атрофи баланд токлар б-н ўралган. 3914 м баландликдаги сойликда жойлашган. Икки қисмдан иборат бўлиб, тор бўғозлар орқали боғланган. Чуқурлиги гарбий қисмида 236 м, шарқида 22,5 м. Суви шўрроқ, тиниқ. Ноябрь охиридан апрелгача музлаб ётади. Сувининг т-раси ёзда 12°. Энг йирик ирмоқлари: Қорижилга, Қоработ ва Мулк.

ҚОРАҚЎЗ, *қоракўл термлари* — *қоракўз қўй зотига* мансуб 1—3 кунлик қўзиларни олиндиганлар тери (мўйна маҳсулоти). Нозб ҳом ашё. Қ. хусусиятн тўқи шакл ва ўлчамдаги зич жингалаклар (мас., доиисимон, қалами ва ҳ.к.) ҳосил қилувчи қалин, эластик, ипаксимон, ялтироқ жун қопламидир. Энг қимматлиси қалами гулзилари ҳисобланиб, гулзлари параллел-концентрик, тўғри қаторли жойланиши бўлади. Елка ва думгаза қисми, асосан қалами ва доиа гулзларин иборат бўлиб, бошқа қисмлари унчалик қимматли бўлмаган жингалаклар — гуллар б-н қопланган. Қ. терларининг қимматн жингалак қатламининг техиклиги, ялтироқлиги, ипаксимонлиги, жунининг енгил, майин, чидамлилиги б-н белгиланади. Оқ ва қора тоналарнинг нисбатига қараб қора, оч кўк (сутсимон, пўлатранг); ўрта кўк (ҳаворанг, кумушранг, марваридранг, кўргошинранг); тўқ кўк (оқишранг, салафранг); қора кўк (қора *мерзон*); *сур* (Бухоро сури, тилларанг, кумушранг, олмосранг, оч бинафшаранг); Қорақалпоқ сури (пўлатранг, ўрикгул, шамчироқ, қимбар); Сурхондарё сури (бронзаранг, оқ олтинранг, қахраборанг, тошкўмирранг) ва жун қопламининг рангига қараб *сулаюз, кимбар*, зармалла (тўқ сариқ); оқ, шутури, қўнғир, оқ тусган қора каби терилар ҳам бор.

Ҳамма турлари Қ. терларининг гуруларн узунлиги ва энига қараб қуйидагича бўлинади. Энн бўйича: майдагул — 4 мм гача; ўртагул — 4 мм дан 8 мм гача; каттагул — 8 мм ва ундан зиёд. Уз. бўйича: калтагул — 20 мм гача; ўртача узунликдаги гул — 20 мм дан 40 мм гача ва узун гул — 40 мм ва ундан узун. Ҳар бир ранг ичида гулларининг ва жун толз қопламининг спифатига қараб 3 навга ажратилади.

Шунингдек, қоракўлча (бирор сабаб б-н муддатидан олдин тугилган (120—140 кунлик) ёки суйилган она қўйнинг қорнидаги 134—145 кунлик ҳомиладан олинган қоракўл териси) ҳам Қ.нинг бир турн ҳисобланади. Унинг гуллари текис, нозик бўлганлиги сабабли юқори қадрланади. Жакетлар, ёқалар, бош кийимлар ва б. маҳсулотлар тайёрлида ишлатилади.

Қ. терлари Хельсинки, Копенгаген, Санкт-Петербург, Лондон, Нью-Йорк ва б. халқаро жаҳон бозорларида сотилади.

Сувлон Жўлиев.

ҚОРАҚЎЛ ВОҲАСИ — Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида (Бухоро вилояти) жойлашган воҳа. Шимда Кемирқум қумликлари, гарб ва жан.-гарбда Сандиқли чўли, жан.да Ишакли қумлари, шарқда Қарши чўли б-н чегараланн. Шим.-шарқда К.ғ. Қорақўл платосига туташ. Воҳа шим.-шарқдан жан.-гарбга 40—45 км га чўзилган, энн 30—35 км. Ер юзаси жан.-гарбга нишаб. Ўртача баландлиги шим.-қарнй қисмида 205 м, жан.да 187 м. Асосан, Зарафшон дарёсининг аллювиал-дельта ётқизиқларидан ташкил топган. Шим.-гарбий, гарбий ва жан. қисмларида аллювиал-кўл ётқизиқлари ҳам учрайди. Воҳа атрофида қўриқланган ва ўсимликлар б-н мустаҳкамланган барханлар, дўнг қумлар тарқалган. Иқлими кескин контенинтал. Ўртача йиллик т-ра 14°. Янгликнг ўртача т-раси —0,2°, энг паст т-ра —25°. Июлда ўртача т-ра 27,2°, энг юқори т-ра 48°. Йилнк ёғин 120 мм, асосий қисми сент.—март ойларида ёғади. Қор қопламн жуда кнчк (ўртача 1 см, баъзи йилларн 7 см га етади).

Зарафшон дарёси (Қоракўл платосида) тор йўлакдан чиқиндан сўнг бир қанча радиал тармоқларга бўлиниб дельта ҳосил қилади. Унинг юзаси, асосан, экинзорлар б-н банд. Воҳа ҳудудида шўр кўл, шўрхоклар учрайди. Қ.ла сур-қўнғир, қумлоқ, тақир, шўрлоқ, ўтлоқ-тақир, суғориладиган ўтлоқ, суғорилмайдиган ўтлоқ-аллювиал, ўтлоқ ва ботқоқ гуноқлар тарқалган. Тупроқлари турли даражада шўрланган, уларнинг мелиорация ҳолатини доимо яхшилаб туришни талаб этади. Ўсимликларидан оқ саксовул, жузғун, қуёнсуяк, черакез, илоқ, шувоқ, шўра, боялич, туранғил, тол, чингил, яятоқ, ялтуи ва б. ўсади.

Қ.ҳ.нинг катта қисми экинзорларга айлантирилган. Ҳайвонот дунёси тўлғи хос: қалмуш, қўшоёқ, илон, калтакесак, тулки, бўри, тўқай мушуги, чиябўри ва б. яшайди. Воҳанинг асосий сув манбаини Зарафшон ва Амударё. Воҳада Аму-Бухоро машина канилидан уз. 40 км ли Аму-Қоракўл канали чиқарилган.

Мурод Маматқулов.

ҚОРАКЎЛ ПЛАТОСИ — Зарафшон дарёсининг қуйи оқимилари (Бухоро вилояти) плато, Қоракўл шлари шимолда. Бу ерда Зарафшон дарёси платони кесиб ўтиб, тор (кенглиги 0,5—1,0 км, нисбий бал. 20 м гача) Қоракўл ўйдағини ҳосил қилади. Платo Бухоро ва Қоракўл воҳалари оралиғида. Ер қояси бир оз тўлқинсимон текислик ва шим.-ғарбга нишаб. Бал. 200—226 м орасида. Қоракумга бир оз потона ҳосил қилиб тушган. Плато қояси чағир шағаллар б-н қопланган, шим.-ғарбий қисми қумли, ухар бальи жойларда барҳан тепаларни ҳосил қилади. Чағир шағаллар ва қумлар остида юқори плиоцен ва қуйи тўртламчи давр қумтошлари жойлашган. Плато юзасида кичик қатор тепалар, қирлар учрайди. Сув-кўнир типроқлар тарқалган. Ўсимлиги тўлғи хос.

ҚОРАКЎЛ ТУМАНИ — Бухоро вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сентл.да ташкил этилган. Шим. ва шим.-шарқдан Жондор тумани, жан.-шарқдан Олот тумани, жан. ва ғарбдан Туркманистоннинг Лебап вилояти, шим.-ғарбдан Ромитан тумани б-н чегарадош. Майд. 9,84 минг км². Аҳолиси 125 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Қоракўл), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бандбоши, Жигачи, Зиёрат, Охунбобоев, Саёт, Човли, Янгибозор, Қозон, Қоракўл, Қорауй, Қорақожа) бор. Маркази — Қоракўл ш.

Табиати. Туман ҳудуди Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида, вилоятнинг жан.даги Қоракўл воҳасида жойлашган. Шарқий қисми 200—300 м дан баланд бўлмаган қирлар, шим. ва шим.-ғарбий қисми Қизилқум чўли, Қоракўл ва Моҳонқўл воҳалари б-н банд. Типроқлари, асосан, бўз типроқлар. Қоракўл ва Моҳонқўл воҳаларининг қуруқ ўзанн ўтлоқи бўз, қумоқ бўз типроқлар, аллювиал ётқизиқлардан иборат. Ботиқларда шўрхоклар, тузли массивлар (Замонтов) бор, ғарбий қисмини тақир, қум дюналари ва барханлар эгаллаган. Иқлими кескин континентал. Янв.нинг ўртача т-раси 1,8°, энг паст т-ра —33°, июлнинг ўртача т-раси 28,5°, энг юқори т-ра 45,3°. Вегетация даври 213 кун. Йиллик ёғин 100—150 мм, кўп қисми баҳор ва қишда ёғади. Ёвойи ўсимликлардан эфемер ва эфемероидлар, боялич, коврак, шўра, шувоқ, исириқ, қандим, ялтирбош, ранг, саксовул ва хотун ўсади. Ёвойи ҳайвонлардан юмронқозиқ, эчкемар, қобон, тулки, қўшоёқ, тошбақа, кам бўлса илонлар, чаҳчаҳон ва б. яшайди. Қушлардан қарға, тўрғай, тувалоқ, қакка, мусича, чуғурчиқ учрайди. Ёвойи ҳайвонлар муҳофаза қилинадиган кўриқхона бор. Экин майдонлари Аму-Қоракўл машина насос ст-ясидан суғорилади. Зарафшон дарёсининг қуйи оқими — Қоракўлдаре, асосан, ер ости суларни оқизувчи коллектор-дренажсизими бажаради. Фойдали қазилмалардан гил, қумтош, шағал, тузу, нефть ва газ бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, татар, рус, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 12,7 киши. Шаҳар аҳолиси 20,9 минг киши, қишлоқ аҳолиси 104,1 минг киши (2005).

Хўжалиги. Туманда пахта толаш, гипт э-дири, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона; нефть базаси, дон маҳсулотлари акциядорлик жамияти, деҳқон бозори ишлаб турибди. Кичик, ўрта ва йирик бизнес корхоналари, микрофирмалар, «Қоракўлтекс» қўшма корхонаси фаолият кўрсатади.

Қ.ҳ.нинг асосий тармоғи пахтачилик, галлачилик, чорвачилик, полизчилик. Пиллачилик ҳам ривожланган. Ширкат, деҳқон, фермер хўжаликларн маккуз. Суғорилаган майдонларга пахта, ғалла, картошка, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Мевазор, токзор, тутзорлар бор. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, паррандa, шунингдек, туя боқилади.

Кўлаи 49 умумий таълим мактаби, болалар мусиқа мактаби, касб-ҳунар коллежлари, туман маркази қутубхонаси ва унинг тармоқлари, клуб муассасалари, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, туғруқхона, қишлоқ врачлик, фельшер-акушерлик пунктлари, амбулаториялар, дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатади. Қ.т. орқали халқаро т.й. ва автомобиль йўллари ўтган. Туман маркази б-н қишлоқлар оралиғида ҳамда Бухоро ва Қоракўл шлари ўртасида айтобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

1931 й.дан «Қоракўлтекс садоси» туман газ. чоп этилади (аввали 1125).

Нозим Назаров, Умар Рашидов.





Қоракўл қўй зоти.

ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙ ЗОТИ — мўйнали териси учун боқиладиган дағал жунли думли қўй зоти. Бу зот бир неча юз йиллар олдин ҳол. Ўзбекистон (Бухоро вилояти Қоракўл тумани) ҳудудида жайдари қўйларни халқ селекцияси усулида узоқ вақт танлаш ва чатиштириш натижасида яратилган. Қ.ҳ.з. дунёнинг (Австралиядан бошқа) барча қитъаларида 50 дан ортиқ мамлакатда уруғитлади (15 млн. бош атрофида). Афғонистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Эрон, Жан. Африка Республикаси энг кўп Қ.қ.з. боқиладиган давлатлар ҳисобланади.

Қ.қ.з. думли қўйлар турига мансуб, думининг уч қисмида зотга хос илмоқсимон ўсимта мавжуд. Жун қопламн дағал жун турига мансуб. Кўпчилик Қ.қ.з.лари говкалга, танаси бакувват, думида кўп ёғ тўпланади. Кўзлари қора (80%), қуранг, жигарранг, сур ва б. туси. Бир ярим ёшлаи кейин тумшуғи, қозоқларн ва оёқларидан бошқа жойидаги қора жунлар оқара бошлайди. Катта ёшли она қўйлар шохсиз, вазни 42—45, қўчқорлари йирик, бурама шохли, вазни 55—60 кг, инти тувилган қўзиларнинг ўртача вазни 4—4,5 кг. Серпушлиги 90—95%. Зотни такомиллаштириш борасида асосан қора, кўк, сур, оқ, зармалля, кумушсимон, тилласимон, олмос, қаҳрабо, шамирок, пўлати, платина, бронза, қизғиш, антрацит (қора товланадиган), мустақам (тўлмой) конституцияли, ярим доира қовургасимон ва

яссияд типли қўйлар устида селекция-наслчилик ишлари олиб борилмоқда. Кўп йиллар давомида олимлар ва амалиётчилар ҳамкорлигида олиб борилган селекция-наслчилик ишлари натижасида Ўзбекистонда қорақўл қўйларининг юқори ирсий ва маҳсулдорлик хусусиятларига эга бўлган 27 з-д типи яратилган. Улар Қ.қ.лининг қимматли ирсий генофонди ҳисобланади. Қ.қ.л бошқа зотларни яхшилашда ҳам фойдаланилади. Экстремал шароитли, кам ҳосилли чўл яйловларида урчитилиши ҳисобига зотнинг кўпгина биологик ва маҳсулдорлик хусусияти узоқ йиллар давомида табиий равишда мувозанатлашган.

ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти — қорақўлчилик соҳасидаги йирик илмий марказ. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибида. Самарқанд ш.да жойлашган. 1930 й. 26 окт.да Каттақўрғон ст-яси асосида минтақавий қорақўлчилик тажриба ст-яси ташкил қилинди. 1935 й.да тажриба ст-яси Ўзбекистон қорақўлчилик и.т. институтига айлантирилди, 1939 й.дан Бутунгитифоқ қорақўлчилик и.т. ин-ти. 1992 й. юқоридан Ўзбекистон қорақўлчилик и.т. ин-ти, 2000 й. апр.дан ҳоз. номда.

Ин-т таркибида (2005): қора рангли қорақўл қўйлари селекцияси ва товаршунослик; рангли қорақўл қўйлар селекцияси; зот мониторинги ва маҳсулот и.; қорақўл қўйларни биотехнологияси ва чўл-яйлов ҳайвонлари экологияси, қорақўл қўйларни суъ ғ-и таъминлаш ва озиқлантириш; чўл яйловларининг экологик мониторинги, чўл ўсимликлари интродукцияси, селекцияси ва уруғчилиги, галофит ўсимликлар; чўлда озуқа и.ч., туячилик, эчкичилик; қорақўлчилик менежменти ва маркетинги; марказий тажриб илмий-ахборот лаб.лари, тажриба-конструкторлик бюроси бор. Илмий-техника кутубхонаси, қорақўл терилари музейи, аспирантура бўлими фаолият кўрсатади. Илмий тадқиқотлар шартномалар асосида 30 та наслчилик з-д.лари ва наслчилик хўжаликларида, 1 тажриба ст-ясида, 2 тажриба пунктида ва 4 тажриба далаларида олиб борилади.

Ин-тда селекция-наслчилик тизими, териларнинг товар сифатларини баҳолаш тизими ва уларни навлаш стандартлари, қўйларни қайта уруғлаш биотехнологияси, тўсиқли маданий яйловлар яратиш, қўй гўшти ва қорақўлча и.ч. хўжаликларида қари қўйларни бўрдоқига боқиш технологияси, артезиан сувлари манбаларида ва ҳосилдорлиги юқилганлар ерларда ем-қашак и.ч. технологияси ва б. бўйича муҳим илмий ишланмалар бажарилган. Қорақўл қўйларининг 27 юқори маҳсулдор з-д типлари, чўл озуқа ўсимликларининг 15 нави яратилди. Ин-т ходимларининг илмий ишлари, ютуқлари учун 97 муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар олинган.

Ин-т фаолияти В. М. Юдин, Е.В. Одинцова, М.А.Кошевой, А.М.Лисов, Р.Г.Валиев, М.Д.Зокиров, Р.М.Чалбаш, З.Ш.Шамсутдинов, И.Б.Атакўрбанов, С.Ю.Юсупов, М.Махмудов ва б. олимларнинг номлари б-н боғлиқ. Ин-тнинг қорақўлчиликни ривожлантиришдаги катта илмий ютуқлари учун олимлардан И.Н.Дячков, В.И.Стояновская, Ф.Шарафиддинов, М.А.Кошевой, П.А.Фаленчев ва б. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлган (1970). Ин-тда 62 илмий ходим, шу жумладан, 2 фан д-ри, 32 фан номзоди ишлайди (2005).

Илмий ишлар тўпламлари, илмий-амалий анжуманлар материалларини нашр этади. Ин-т Халқаро қўрғоқчилик минтақаларида к.х. бўйича талқинотлар илмий марказ (ИК АРДА), АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти, Россия чорвачилик, Россия озуқа, Қозогистон қорақўлчилик и.т. ин-тлари б-н илмий ҳамкорлик қилади.

Сурхон Юсупов.

ҚОРАМОЛ — Хитойнинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар, Синьцзян-Уйғур мухтор р-нида. Аҳолиси 174 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Жунғория нефть қазиб олинадиган р-ни маркази. Нефтни қайта ишлаш з-длари бор.

ҚОРАМОЛ — қувушсимонлар оиласига мансуб йирик туёқли, кавш қайтарувчи ҳайвонлар. Қ.га ҳақиқий буқалар (Bos) туркумига мансуб йирик хонаки кенжа турлар — *сигир, буйвол, қўтос ҳамда гаял, бизон, зубр* ва б. киради. Мил.дан бир неча минг йил аввал Европа, Осиё, Америкада тарқалган. Хонаки Қ. (Bus taurus) ёввойи буқа *(тур)* дан келиб чиққан. Ёввойи буқаларнинг охирги авлодлари 17-а. бошларида қирилиб кетган. Қ. 8 минг йил олдин Ҳиндистонда, сўнг Ғарбий Осиё, Ўрта денгиз, Ўрта Европада хонакилаштирилган. Краниологик белгиларига қараб, Қ. тўрт асосий кенжа турга бўлинади: дашт ва текис зона европа Қ.и — узун шохли (B. taurus primigenius); тог ва ўрмон зонаси Қ.и — калта шохли (B. taurus brachyceros); Марказий Осиё Қ.и (B. taurus brachyceros); Жан.Осиё ва Шим. Африка Қ.и — зебу (B. taurus indicus). Қ.лар ёши ва жинси бўйича буюк, *тана, новвос, гунажин, сигир, буқа* ва б. гуруҳларга бўлинади. Маҳсулдорлик турларига қараб сут, сут-гўшт ва гўшт-сут йўналишидаги зотларга ажратилади. Ошқозони тўрт камерали, сўлаги тўрт сўргичли. Сигирлар 20 (35), буқалар 15—20 йил яшайди. Сут йўналишидаги сигирлардан ҳўжаликларда 12—13 йил, зотли буқалардан 5—10 йил фойдаланилади. Қ. 5 ёшгача (айрим сезги ўсадиганлари 6—7 ёшгача) ўсади. Уруғчи буюк 7—9, эркаги 14—18 ойлигида жинсий етилади. Сигирларнинг буюклик даври 285 кун. Сигир, одатда, биттадан буюқлайди, эгизаклари кам учрайди. Уруғчи буюк зотига қараб 18—45, базан 50 кг гача, эркак буюк уруғчи буюқдан 1—3 кг ортиқ тугилади. Сигирлари 200—600, буқалари 300—900 кг. Қ. маҳсулдорлиги унинг зоти ва боқилишига боғлиқ. Сероғ сигирлардан бир кунда 8—40 кг, бир йилда ўртача 3500—4000 кг (17000 кг гача), ёғлилиги 3,6—4% бўлган сут согиб олинади. Сигирларнинг сероғлигига қараб 1 кг сут учун 0,8—1,3 озуқа бирлиги сарфланади. Согим даври 280—320 кун. Гўшт учун боқиладиган Қ. зотларидан согим даврида 1000 кг гача сут согиб олинади. Тез етиладиган зотлардан тўртинчи, кеч етиладигаларидан бешинчи-олтинчи, баъзан еттинчи согим даврида энг кўп сут согиб олинади. Сигир сути олам учун қимматли озиқ-овқат маҳсулоти, озиқ-овқат саноати

Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти биноси. Самарқанд.



учун муҳим хом ашё (*творог, пишлоқ* ва б.). Гўшт учун боқиладиган зотлар-да гўшт маҳсулдорлиги юқори (гўшт чиқими 48–70%), 1,5–2 ёшли буюк-ларнинг тирик вазни 400—450 кг. Мол гўшти юқори калорияли, парҳез озиқ-овқат маҳсулоти. Терисидан турли нав-ли чарм, чиқиндиларя қайта ишлаш-ниб, гўшт-суяк ва *қон уни*, эндокрин препаратлари, стеарини, елим, соя ва б. тайёрланади. Буқа ва ҳўкизлардан иш ҳайвони сифатида фойдаланилади. Деҳқончилик учун муҳим бўлган орга-ник ўғит (гўнг) олинади. Бир шартли бош мол бир йилда 10 т гўнг беради.

Қ. боқиш шароитига яхши мослаша-ди, кўп ҳажмдаги озуқани, дағал ўсимликларни ҳам тез ҳазм қилади. У яйлов ўтлари, силос, илдизмева, ара-лаш ем, шунингдек, протеин, мине-рал ва витаминли озуқалар б-н боқи-лади. Вазни, маҳсулдорлиги, физио-логик ҳолати, озиқланиши, протеин, минерал моддалар ва витаминларни ҳазм қилишига қараб отиқланиш нор-маси белгиланади. Боғлаб (огилхона-ларда) ва яйловларда боқилади (қ. *Чорвачилик, Қорамолчилик*).

Ўзбекистонда етиштирилаётган сут-нинг 98—99% ва гўштнинг 63—65% Қ.лар ҳиссасига тўғри келади. Барча то-ифалари ҳўжаликларда урчитилаётган Қ.лар сони 5873,9 минг бошни, шу жумладан, сигирлар 2556,7 минг бошни ташкил қилди (2004).

Ўзбекистонда боқилаётган асосий зотлар: қизилчўл, бушуев, қори-ола ва швиц Қ. зотлари, шунингдек, қисман жайдари ва зебусимон сигир зотлари ҳам учрайди (ҳна қ. *Қорамолчилик*).

ҚОРАМОЛЧИЛИК — чорвачилик-нинг асосий соҳаларидан бири. аҳолини гўшт, сут маҳсулотлари ҳамда енгил саноатни тери ва б. хом ашё б-н таъминлайди. Қ. чиқиндиси бўлган *гўнг* деҳқончиликда ерлар унумдорлигини оширишда кенг қўлланилади (баъзи мамлакатларда қорамолдан иш ҳайво-ни сифатида фойдаланилади). Қ. ҳўжа-лик тармоғи сифатида ёввойи қорамол турлари қонакилаштирилган пайтдан пайдо бўлган. Дастлаб қорамоллари гўшти учун ҳамда иш ҳайвони сифа-тида фойдаланилган. *Сут истеъмол* қилина бошлагач, оламлар уларни ёғ, пишлоқ ва б. маҳсулотлар тайёрлашни ўрганадилар, натижада сут Қ.нинг аҳамияти ошди, *сут саноати* шакл-ланди.

Қ. қадимдан хоз. Ўзбекистон ҳудуди-да интенсив шароитларда ва яйлов усулида ривожланган. 19-а. охирига қадар Қ.нинг асосий қисмини қаммаҳсул, жуссаси майда жайдари ҳамда зебуси-мон қорамоллар ташкил қилган. 20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб республи-камиз маҳаллий ва зебусимон қора-молларини маданий қора-ола, қизилчўл ва швиц зотлари б-н чатиштириш асо-сида маҳсулдор подалар гуруҳини шакллантиришга ҳамда наслдор соф зот-ли қорамолларнинг репродуктор хўжа-ликларини ташкил этиш, давлат ва кооператив хўжаликлари Қ. сут-товар фермаларини ривожлантириш ва сут-чилик комплексларини ташкил этиш, Қ.ни ихтисослаштириш, концентра-циялаш ва саноат технологиялари асо-сига ўтказиш ишлари амалга оширил-ди. Қ.нинг сут, сут-гўшт, гўшт ҳамда наслчилик йўналишлилари хўжалик-лари, шунингдек э-лларн, хўжаликла-ри ва фермалари ташкил этилди. На-тижада 80-й.ларга келиб қорамоллар зотлорларн 98—99% га етказилди. Насллор сигирларнинг 3800—4100 кг сут бердиган подалари барпо этилди. Гўштчилик комплексларида парварш қилинган новвослар вазни 12—13 ой-лигида *400—420* кг га кўтарилди. Ту-маналарда ташкил этилган хўжаликлар-аро бўрдоқчилик корхоналарида қора-молларни жадал боқиш ва бўрдоқлаш ижобий натижалар берди. Қорамол-чилик амалиётининг тараққий этишида истор тажриба ва фан ютуқлари муҳим роль ўйнади. 1932 й.да чорвачилик тажриба ст-асининг ва 1939 й.да Ўзбекис-тон чорвачилик н.т. институтининг ташкил этилиши чорвачилик ва зотчилик Қ. соҳасида муҳим бурилиш бўлди. Қ. ривожининг типологик, озуқа ва се-лекция асослари ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга кенг жорий қилинди. 1924 й.да қорамоллар сони 1229,4 минг бош-ни, шу жумладан, сигирлар 407,5 минг бошни ташкил қилган бўлса, 1991 й.да *бу кўрсаткичлар тегишлича* 4580,8 ва 1856,4 минг бошга, 2004 й.да 5873 ва 2556,7 минг бошга етган. 1924 й.да гўшт етиштириш (тирик вазнда, минг т) 84,0, 1991 й.да 789, 2003 й.да 935,5; сут етиштириш тегишлича 262,0, 3034,2 ва 4030,3 ни ташкил этди. Си-гирлардан ўртача сут соғиб олиш 1924 й.да 400 кг дан 1990 й.да 1685 кг га, қорамолларни гўштга топшириш вази-ни 150 кг дан 401 кг гача кўтарилди. *Кейинги 14—15 й. мобайнида қорамол-*лар сони ва етиштирилган ялпи чорва маҳсулотлари ҳажми ўсди. Қ. соҳасида ташкил этилган фермер хўжаликларида маҳсулдорлик кўрсаткичлари яхшиланди. 1990 — 2003 й.ларда республи-калл қорамоллар сони 1293,9 минг бош-га ёки 28,3%га, сигирлар сони 700,3 минг бошга ёки 37,7% га кўпайди.

Ўзбекистонда Қ. бўйича илмий тад-қиқот ишлари Ўзбекистон чорвачилик н.т. ин-тида олиб борилади. Қ. фан си-фатида олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг зоомуҳандислик ва ветери-нария ф-тларида ўқитилади.

Хорижий давлатларда гўст йўналишидаги Қ., айниқса, Голландия, Дания, Германия, Ирландия, АҚШ, Канада, Япония ва Янги Зеландияда ривож-ланган (сигирларнинг ўртача сут со-ғиши 8—11 минг кг). Гўштдор Қ. АҚШ *Франция, Англия, Италия, Канада ва* Австралияда ташкил этилган (гўшт олинадиган 14—15 ойлик новвослар вазни 500—550 кг). Дунё мамлакатла-рида урчитилаётган қорамоллар сони 1,33 млрд. бош атрофида (1999). Жаҳонда турли табиий иқлим шаро-итларига *мослашган 250 дан ортиқ* қорамол зотлари боқилади.

Ад.: Носиров Ў.Н., Қорамолчилик, Т., 2001.

Ўбайдулла Носиров.

ҚОРАМЎРУН — Орқатот тизмасидаги довон. Ҳитойнинг тарбий қисмида. Бал. 5578 м. Қ. орқали Қашқар текислигида-ги Чеҳчеи воҳасини Тибетнинг ички р-нлари билан боғловчи йўл ўтган.

ҚОРАМЎЙ, Қоромат [Vaccaria hispanica (Mill.) Rauschert] — чинниҳўз-долларга мансуб бир йиллик бегона ўт. Пояси ялангоч, тик ўсади, юқори қисми серпоя, бўйи 30—100 см. Бар-лари қарама-қарши жойлашган, ба-зисиз тухумсимон-нашатарсимон. Гул-лари пушти ёки оч-қизил қалқонси-мон тўпгулга йиғилган. Меваси кўп уруғли шарсимон қўсақча. Майдон авг.гача гуллаб, мевалайди. Уруғидан кўпаяди. Бир гупи 400—500 уруғ ту-гади. Уруғи 5—10° да кўкаради. Уруғи таркибида заҳарли сапонин модда-си *бор*. Қ. моллларга *берилмайди*. Ўрта Осиёда тарқалган. Сўтори-ладиган ва лалъми дон экинларини, шунингдек, тариқ ва зигир экинлари майдонларини ифлослайди.



Қорамўй.

Қ у р а ш ч о р а л а р и: дон экинлари уруғлари тозаланади; қишлоқ чиқин майсаларини йўқо-тиш учун культивация қилинади; дон экинлари гербицид-лар б-н дорила-нади.

ҚОРА-ОЛА ҚОРАМОЛ ЗОТИ — сут йўналишидаги қорамол зоти. Россияда 18-а.да турли зоналарда урчитилган маҳаллий зотни остфриз, швед қора-ола ва б. шунга ўхшаш зотлар б-н чатиштириб чиқарилган. Ушбу минтақаларнинг аксариятида ўзининг юқори сифатлилиги ва рақобатбардошлилиги бўйича р-ионларида зотлар сақлаш ишларини ташкил этилган. Маҳаллий молдор · б-н чатиштиришнинг дастлабки босқичларида «Тошкент атрофи қора-ола» тусли молларнинг маҳсулдор подалари шакллантирилган.



Қора-ола қорамол зоти.

Бу зотни такомиллаштириш ижобий натижалар берди ва Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва б. вилоят хўжаликларида тез тарқалди ҳамда р-ионларилган зот деб қабул қилинди.

ҚОРАПЎЧОҚ, Қорапўчоқ 3744 — кечиккан қовун нави. Ўзбекистон ўсимликшунослик и.т. ин-тида чиқарилган. Шакли чўзиқ-тухумсимон, уз. 32—45 см, сирти текис, ўртача бўртмали тўрлар б-н қопланган. Туси тўқ яшил, этининг қалинлиги 4—4,5 см, оқ, юмшоқ, бир оз тигиз, ширин. Оғирлиги 4—4,5 кг (9 кг гача). Уруғхонаси ўртача катталикда. Таркибида 9,8% қанд, 11,7% қуруқ модда бор. Сақланиш давомида ширинлиги ортиб боради. Ниҳоли униб чиққандан сўнг биринчи ҳосилни 124 кунда пишади. Ҳосилдорлиги *300—320* ц/га. Яхши сақланади, узоқ жойларга юборишга яроқли. 1949 й.дан Фарғона водийсида, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида экиш учун давлат реестрига киритилган.

ҚОРАСОВУҚ — *ҳавонинг ўртача суткалик т-раси мусбат бўлган ҳолда, ўсимлик қопламини ва тупроқ усти ҳаво қатламининг 0° ва ундан ҳам пасайиши.* Бу ҳодиса ҳар берганда барглар совуқ таъсирида қора тус олади, шунинг учун баҳор ва эрта кузда бўладиган бу совуқни леҳконлар одатда, қора совуқ деб атайдилар. Қ. хавфи унинг бошланиш муддати ва давомийлиги, шунингдек, ўсимлик тури, унинг нави, ривожланиш фазаси ва агротехника шароитларига боғлиқ. Дала экинлари Қ.лярга чидамлилиги қараб бир неча экологик гуруҳларга бўлинади. Қ. тўғрисидаги маълумотлар совуқ хавфи бўлган ҳудудларни белгилаш, экиш муддатларини аниқлаш, иссиққсевар ўсимликларни рационал жойлаштириш масалаларини ҳал қилиш, қ.х. экинларини етиштириш шароитларини агроиқлимий баҳолаш, совуқнинг зарарига қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ва б.да қўлланилади. Қ. ҳосилнинг сифатига ва миқдорига катта зиён етказади. *Қ.лар совуқ ҳаво массаларининг бошқа р-ионлардан (кўпинча Арктикадан) келиши (адвектив Қ.) ёки тупроқ юзаси ва ўсимлик қопламининг тунги радиацион совиши (радиацион Қ.) натижасида вужудга келади.* Деҳончилик учун кеч баҳорги Қ. (айниқса, тупроқ юзасида) жуда хавфлидир, чунки бу вақтда вегетация даври бошланган бўлиб, бундай совуқлар ўсимлик майсаларининг қаттиқ шикастланишига олиб келиши мумкин (ниҳоллар 0,5 дан — 1,5°да шикастланади, барглар қорайиб кетади). Жан. р-ларда (40° шим. кенглик жанубироғида) Қ.лар ўртача олганда март ойининг иккинчи армида тугайди, шимолга борган *сайин унинг тугаш* муддати кечикади. Баҳорга тупроқ юзасидаги энг кечки Қ., асосан, май ойининг биринчи армида кузатилади (Устюрт, 44° шим. кенглиқдан шимолроқда). Қ.нинг қайси муддатларда юз беришига жойнинг рельефи, тупроқ юзасининг хусусияти ва б. омиллар катта таъсир кўрсатади. Баланд жойлар Қ.лар, одатда, кечроқ тугайди. Тупроқ юзасидаги биринчи кузги Қ. Ўрта Осиёнинг жан. текислик қисмида (40° шим. кенглиқкача) 15 окт.га қадар кузатилади. Шимолга борган сари Қ.нинг *ўртача юз бериш* муддати окт. ойининг бошларига, Устюрт платосида эса сент.нинг охирига суриладн. Ҳаводаги Қ., одатда, тупроқ юзасига нисбатан бир неча кун кечроқ кузатилади. Охирги баҳорги Қ. б-н биринчи кузги Қ. орасидаги давр совуқсиз давр деб аталади. Ўзбекистонда совуқсиз даврнинг ўртача кўп йиллик давомийлиги чегаралари жуда катта ва жанубий-шарқий қисмида энг узоқ давом этади. Текисликларда совуқсиз давр 150—250, тоғларда 50—150 кунгача.

Қ. бўлганда экин майдонларини иситиш учун турли усуллар (тутатиш, экинларни қоғоз, плёнка ва б. материаллар б-н ёпиш) қўлланилади. Сугориш деҳончилик минтақаларида экинларни кеч баҳорги ва эрта кузги вақтинчалик Қ.дан сақлаш учун далалар сугорилади. Қ. зарарини бартарафэтишда совуқсиз давр қисқа бўлган ҳудудларда эртапишар навларни экиш, соябўйи чидамли навларни яратиш, шунингдек, агротехника талабларини ўз вақтида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳамидулла Абдуллаев.

ҚОРАСОН — қ. *Гаштрина.*

ҚОРАСУВ — Андижон вилоятидаги шаҳар (1990 й.дан). Т.й. станцияси. Вилоят маркази (Андижон ш.дан 60 км. *Аҳолиси 29,2 минг кишн (2005). Қ.да* бир неча саноат корхонаси, қурилиш

Қорасув шаҳри марказий кўчаси.



Қорашўчоқ, қовун нави.



ташкилотлари, автокорхона, алоқа бўлими, лекҳон бозори, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Умумий таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежи, кутубхона, клуб муассасалари, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи мавжуд. Касалхона, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар фаолият кўрсатади. Қадан Андижон ш.га ва туман марказига автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҚОРАСУВ — Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги сой. Уз. 66 км, ҳавзасининг майд. 1380 км². Нурота тизмасидаги Тўнғизлитов чўққиси (1905 м)нинг жан. ён бағридан бошланади. Олтибосар қишлоғининг шим.-шарқий чеккасида (1,3 км) Зарафшон дарёсининг Оқдарё тармоғига қуйилади. Ўртача қўп йиллик сув сарфи 1,28 м³/сек. Пайариқ туманн экин майдонларини сув б-н таъминлайди.

ҚОРАСУВ — тог этакдари, водийларда ер ости сувларидан тўйинадиган сой, дарёлар. Манбаи қор ва музлар бўлган оқ сувлардан фарқ қилиб, булоқ ва сизот сувлари қ. дейилади. Сабаби булоқ сувидан қисил бўлган сой қорамтир, тогзардан келадиган музлик сувлари эса оқиш рангда кўринади. Қ. баъзан минераллашган бўлади. Қ. захоб ва тўқайдан ҳам оқиб чиқиши мумкин. Сув сарфи фасилларга қараб ўзгармайди. Зарафшон ва Фарғона водийсида кўпроқ учрайди. Ташлама сувлар ҳам Қ. деб юритилади. Туркистон булоқ суви Қ. дейилади. Жой номлари сифатида ҳам учрайди.

ҚОРАСУВ — Қашқадарё вилоятидаги сой. Оқсув дарёсининг ўнг ирмоги. Уз. 33 км, ҳавзаси майд. 139 км². Мавсумий қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 1,43 м³/сек. Кўп сувли йилларда сув сарфи 2,85 м³/сек. (1969 й.), кам сувли йилларда 0,75 м³/сек.гача ўзгаради (1965 й.). Энг кўп сув сарфи (30,6 м³/сек.) 1954 й. 9 апрда қайд этилган. Қ. сувидан экин майдонларини суғоришда фойдаланилади.

ҚОРАСУВ — Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятидаги шаҳар (1960 й.дан). Ўш-Қорасув воҳасида, Бишкек—Ўш автомобиль йўли ёнида жойлашган. Аҳолиси 17,9 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Андижон — Жалолобод т.й. линиясида. Қадан Ўшга т.б. шоҳобчаси ўтган (22 км). Пахта тозалаш, мой экстракция, автомобиль таъмирлаш з-длари, автокорхона, уй мақсулотлари к-ти бор. Автовокзал, маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи ишлаб турибди.

ҚОРАСУВ, Ғарбий Ўрот — Туркиянинг шарқий қисмидаги дарё. Ўрот дарёсининг бош ирмоги. Уз. 470 км, ҳавзасининг майд. 22 минг км². Кўп қисми чуқур дараларда оқади. Арзирум ва Эрзинжон шл.лари ҳудудида водийси кенг. Баҳорда тошади, ёзда суви камаяди. Дарёда ёғоч оқизилади.

ҚОРАСУВ КАНАЛИ, Ўзғирғоқ Қорасув канали — Тошкент вилоятидаги канал. Тошкент вилояти Қибрай туманн ҳудудида, Оққовоқ-2 ГЭСнинг пастки бьефи ўнг қирғоғидан бошланади. Уз. 35 км (шундан 24 км Тошкент ш. ҳудудида), сув ўтказиш имконияти 18м³/сек. Ўртача чуқ. 1,5—2 м, эни 10—14 м. Каналнинг бош тўғонида темир-бетон ётқизилган, 12 м³/сек. сув ўтказади. Қ.к. 4,1 минг га экин майдонини, шунингдек, Тошкент шаҳрининг жанубн ва жанубий-шарқинн сув б-н таъминлайди.

ҚОРАСУҚ МАДАНИЯТИ — археологик маданият (мил. ав. 2-минг йилликнинг охирги чораги ва 1-минг йилликнинг бошлари). Жан. Сибирь, Қозоғистон ва Оби дарёсининг юқори қисмида ишлаган қабилаларнинг маиший-хўжалик ва мозорқўрғонлари. Археолог С.А.Теплоухов 20-й.ларда Хакасияннинг Қорасуқ дарёси воҳасида ўтказган археологик қазишлар натижасида топган. Тошдан ясалган маъбудалар, турли меҳнат ва



Қорасуқ маданиятига оид топилмалар: *1, 2* — пичоқ дасталари; *3* — жездан ясалган пичоқ; *4* — шиҳсимон илгак; *5* — ҳалқа; *6, 7* — ҳумлар.

ҳарбий қуроллар, жимжимадор сопол идишлар, дасталарига қайвони суратлари солинган жез пичоқ ва болталар, билагузук ва б. топилган. Археологик топилмалар Қ.м. қабилаларининг Мўғулистон, Шим.Хитой, Қозоғистон ва Ўрта Осиё аҳолиси б-н иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлигини кўрсатади.

ҚОРАТАНЛИЛАР (Tenebrionidae) — қўнғизлар оиласи. Уз. 2—50 мм, танаси кўпинча қора, баъзан металл рангида товланувчан ёки алвон ранг бўлади. Орқа қанотлари, одатда, бўлмайди; устқаноти қўшилиб ўсган. Кўпчилик турлари ўткир ҳидли суюқлик чиқаради. Куртлари (сохта симқуртлар) танаси чўзиқ, цилиндрсимон, қаттиқ, кўпинча қорни устида тикалари бўлади; қирсилдоқ қўнғизлар куртлари симқуртларига ўхшайди. 15000 дан ортиқ тури бор; кенг тарқалган, айниқса, қуруқчилик минтақаларида кўп учрайди. Ўзбекистон фаунасида 300 га яқин тури маълум. Қ. ва уларнинг куртлари, одатда, ўсимлик қолдиқлари, айрим турлари яшил ўсимликлар тўқимаси б-н озиқланади. Бир қанча турлари озиқ-овқат захирадарига зиён етказади.

Қ. ўрмонда яшаб, чиришган ёғоч ва дарахт замбуруғлари б-н озиқланадилар ҳамда турнос б-н боғлиқ бўлган чўл-дашт ксерофит экологик гуруҳларга ажратилади. Қ.нинг қар хил экинлар, полиз ўсимликлари, баъзан дарахтларни зарарлайдиган турлари ҳам бор. Масс., ўрмон Қ.и (уз. 15—19 мм) дарахтлар чиринднси б-н озиқланади, қум сустканн (уз. 7—10 мм) дала экинларига, уй қўнғизи дон маҳсулотларига зиён етказади.


ҚОРАТЕГИН ТИЗМАСИ — Ҳисор тизмасининг жан. тармоғи. Тожикистон ҳудудида. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа 130 км га чўзилган. Энг баланд жойи 4890 м (Душоқо чўққиси). Тизмада Кофирниҳон ва Вахш дарёлари ҳозирги водийларини белловчи бир қанча довон (Себедара, 2702 м, Заркамар, 3274 м б.) бор. Асосан, вулканик тог жинсларидан (гранит ва б.) тузилган. Ён бағирларида дашт ўсимликлари ўсали, бутазорлар, энг баланд жойларида субъали ва алъи ўтлоқлари бор.

ҚОРАТЕПА — Бодом тор неолитоикондар мажмуаси (мил. 1—5-в.лар). Эски Термизнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. Дастлаб 1926—28 й.ларда Москвадаги Шарқ халқлари маданияти давлат музейн экспедицняси очган. 1937 й.да М.Е.Массон ва Е.Г.Пчелина текширган. 1960-й.ларда археолог Б.Я. Ставиский қазиш ишлари олиб борган. Ҳозирда Ўзбекистон—Япония қўшма археология экспедицняси иш олиб бормоқда.

Обида 3 та табиий дўнгликда қурилган. Умумий майд. 8 га дан зиёд. Жан. дўнгликда 15 дан зиёд тор мажмуси бўлган. Ғарбий дўнгликдаги тор мажмуаси 5 дан ортиқ бўлмаган. Шим. дўнгликнинг шарқий қисмнда ер юзасида жойлашган монументал мажмуа эгалланган, ғарбий қисмнни эса ер юзасига қурилган уйча хилидаги бўлмалн иболатхоналар банд қилган.

Қ.лари ҳамма мажмуаларда турли вақтларда барпо этилган. Кейинчалик авваллариға ёпилиб қилиб қурилган, сўнг улар б-н бир вазифани

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ, табиий харита




БАЛАНДЛИКЛАР ШКАЛАСИ м/денизда

МАСШТАБ 1:1 400 000

км 14 0 14 28 42 56 км

1© жилдаги Қашқадарё вилоятига тегишли харита

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ, иқтисодий харита


УНДИРУВЧИ САНОАТ
Нефть
Нефть ва табиий газ
Табиий газ
Калий тузи
Ош тузи
Доломит
Керамзит хом ашёси
Мармар
Кум-шағалли материаллар
Бентонит гиллари
Гишт-черепица хом ашёси
Цемент хом ашёси
Минерал сув булоқлари
ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
Сугорма деҳқончилик зонаси
Дарахтзорлар, боғлар, ёнғоқзорлар, ёзги яйловлар
Ғўза-ғаллакорлик, ғўза-ғалла-полиз, ғўза-ғалла-чорвачилик

бижариштан. Ҳаммаси бир неча бор таъмирланган ва тарҳи ўзгартирилган. Иболотхоналар ёки бошқа мақсадлас жойлар ички мавзуи (сюжети) ва нақшинкор безак, жой-ганч, ганч, тош ҳайкали б-н безатилган.

Гер иболотхоналарини қуриш қоидалари қандлардан ўзлаштирилган. Аммо кейинроқ қурилганларини режалашда бақтрийларнинг меъморий усулари устун туради.

Қадим дастлабки буддавий иболот иншоотлари, эҳтимол, мил. 1-а.да қурила бошланган. Қанинг энг гуллаган даври мил. 2—3-а.ларга тўғри келиб, бу пайтда иболотхоналар кўплаб қурилган, авлиёлари эса янгиланган ҳамда безатилган. Бу жараёнда кушонлар, уларнинг ноиблари, шаҳар ҳокимлари ва боланват шаҳарликларнинг ҳиссаси ҳамда маблағ муҳим ўрин тутган. Қадр топилган, бағишлов битикларн бўлган сополлар бу ҳолатни яққол кўрсатади. Битикларга кўра, Қадаги айрим мажмуалар Кладевакавиҳара — Подшо монастири, Вхара Гулавхара водй — Гулавхара ўзани (Гандбфар) Виҳарлари, Оқалиқара деб номланган. Қ битикларида роҳиблардан Будданинг, Будда-ламитра, Жнванинда исмлари эслатиб ўтилган. Боб ярқак ва аёл ҳомийлар қийфаси расмларда ҳамда ҳайкалларда сақланиб қолган. Қадан кўплаб будда ҳайкаллари топилган.

Мил. 3-а. охирига келиб Қ. мажмуалари инқирозга юз тутган ёки вайрон этилди. Бу, сосонийларнинг Кушон давлатига қилган ҳарбий юришлари б-н боғлиқ бўлса керак. Айрим мажмуалар кошларига оташкадалар ўрнатилган. Айни мақалда Қ. мажмуаларининг муайян қисми мил. 4-а. охири — 5-а. *бошларга тегишлидир деган. Мил. 4-а.дек* Қадаги кўплаб ташландиқ хоналар ва ғор иболотхоналаридан қабр сифатида фойдаланилган, сўнг кириш жойлари хом ғишт б-н ўраб юборилган. Энг дастлабки қабрлар ёнида кушон-сосонийлар тангалари, Перозз тангалари ва ўнга ташланган ларб қилинган тангалар учрайди, кейинги қабрларда эса мил. 5—6-а.ларгаги Термиз ўқимдорлари тангалари топилган, лангарнинг бир томонида лангар тасвирланган. 7-а.дан 12-а.гача Қ.дати ярим қўмилган айрим хоналар ва ғорлардан зоҳидлар фойдаланишган.

Қдан топилган расмлар, ҳайкаллар ва б. декоратив-амалий санъат буюмларн кушонлар даврида Тармита — Термизда ўзига хос ансана ва йўналишга эга бўлган алоҳида бадний мактаб бўлганидан далолат беради. Бу мактаб қушонлар даврида Бақтрия бўлими маданиятининггина эмас, балки бутун антик маданиятнинг ривожланишида катта роль ўйнайди.

Қазиш пайтида Қдан *Кушон подшолари даврига оид сопол идишлар*, коса ва кўзачалар, мис пуллар, оҳактошдан ишланган меъморлик детаплари, плиталар, сопол чироқдонлар топилган. Топилмалар ичида 70 дан ортиқ сопол идиш синиқларига ҳиндча ёзилган ёзувлар (ҳаҳроштхи ва брахма ёзувлари) ва деворларга чизилган кушон-бақтрия ҳамда форс-пазлавий ёзувлари характерли.

Шокир Пидаев.

ҚОРАТЕПА ТОҒЛАРИ — Зарафшон тог тизмасининг ғарбий қисми. Шарқдан ғарбга 50 км дан зиёд, шим.дан жанубга 35—40 км га чўзилган. Шарқий қисмларн Чақилликалон тизмасидан Тахтақорача довони орқали ажралган. Ўртача бал. 1000—1500 м, энг баланд жойи Қумғазо чўққиси (2197 м). Қ.т.нинг ён бағирлари қўплаб чуқур сой ўзанлари, шим.да Илонсой, Оталик, Оқсой, Сазагонсой ва б., жан.да Қашқадарёнинг бир қанча ўнг ирмоқлари (Макрид, Обқишдарё, Тарагай ва б.) б-н кесилган. Сувайиргич қисмининг баъзи жойларида майдони кичик текисланган ювалар учрайди. Қ.т. йирик гумбазсимон горст-антиклиналь кўтарилма бўлиб, асосан, палеозой лавасининг магматик, метаморфик ва чўкинди тог жинсларидан (гранит, гранодиорит, диорит, сланец, кумтош, оҳактошлардан) иборат. Оҳактошларда карст рельеф шакллари: карралар, горлар (Пулданали, Каптархона, Ҳазрати Довуд, Томчиота, Амир Темур горлари ва б.) ҳосил бўлган. Иқлими баланд қисмида мўътадил, қуйи ва ғарбий қисмларида континентал қуруқ. Йиллик ёғин ғарбий қисмида 400—450 мм, шарқида 700—750 мм. Тогларда типик ва тўқ бўз ҳамда жигарранг тупроқлар тарқалган. Ўсларда қўнғирбоши, корабош, бутлоқник, турли буталар (боломча, наъматак ва б.), арча ўсади.

ҚОРАТЕПАСОЙ — Самарқанд вилояти Ургут туманидаги сой. Уз. 39 км, сув тўпланш ҳавзаси (ирмоқлари Тераксой ва Сеҳасой б-н) 24,6 км². Қоратепа қишлоғи яқинида Омонқўтонсой-га Қўшичисой қўшилиб Қ.ни ҳосил қилади. Дарғом каналига қуйилади. Қор, ёмғир ва бўлоқ сувларидан тўйинади. Водий кенглиги 700 м, бир-бирндан ажралиб турган уч аллювиал террасага эга. Селга қарши қурилиш мақсадида Қоратепа қишлоғидан 2 км қуйида Қоратепа сув омбори қурилган.

ҚОРАТЕРАК (Populus nigra L.) — тополдошларга мансуб дарахт. Россиянинг Европа қисми, Сибирь ва Ўрта Осиёда кўп тарқалган. Икки уйли ўсимлик. Бўйи 25 м гача, диаметри 4 м га етади. Танаси йўғон, қўраси тўғнлок б-н қопланган. Барги узбўрчак, майда аррасимон қиррали, узун бандли, навбатланиб жойлашган. Барг чиқаришдан олдин гулдайдн. Гуллари майда, бир жинсли, кучала тўпгула йиғилган. Меваси кўп



Қоратерак:
1 — дарахт;
2 — гули ва барги.

уруғли, пишганда 2—4 паллага бўзнадигнин кўсакча. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида ёввойи ҳолда учрайди. Қ.нинг барг кўртаги таркибида эфир мойи, смола, органик кислоталар, ташкисидлар, оқсиловчи ва бўёқ моддалар бор. Халқ табобатида Қ.нинг барг кўртагидан тайёрланган дамлама ҳароратни пасайтирувчи, ялқ фаолиятини жадаллаштирувчи, ялқ фаолиятини жадаллаштирувчи восита сифатида ишлатилади. Уруғи, қаламчаси ва илдиз бачкиларидан кўпайтирилади. Дарахтзорлар ва дарё бўйларида ўрмонлар барпо қилишда фойдаланилади. Етиш имкони,



Қоратепа. *1*: Бозда боғон (кальта). *2*: Бозда ҳайкали. *3*: Будда ғўлаги. Ашёлари (чармиқ). *3—4-а.*

ҚОРАТИКАН (*Poiiuna spina*) — ит-жумрутдошларга мансуб сертихан бута, баъзан дарахтча. Ғарбий ва Ўрта Осиё, Кавказ, Қримда тарқалган. Бўйи 2–3 м. Барглари оддий, бандли, серэт, қийшиқ-тухумсимон ёки қийшиқ-эллипссимон. Тўплари икки жинсли, майда, кўкимтир-сариғиш, барг қўлтиғидаги соябонларда жойлашган. Меваси қуруқ, дискссимон, қанотчали, диаметри 15—25 мм, қуруқ, қизғиш-жигарранг. Май ойида гуллаб, меваси июнь—авг.да етилади. Қ. ёруғсевар, қуроқчиликка чидамли. *Пўстлоғи ва меваси таркибида* ошловчи моддалар бор. Илдизи ва барги сийдик хайдовчи дори сифатида ишлатилади. Яшил деворлар ҳосил этиш учун экилади.

ҚОРАТОВ (Мангистов) — Мангишлоқ в.о.даги (Қозоғистоннинг Мангишлоқ вилояти) тог. Уз. 130 км. Энг баланд жойи 556 м (Бестоки тоғи). Юзаси тўлқинсимон плато кўринишида. Ён бағирлари дарасимон қуруқ сой ва жарликлар б-н ўйилган. Тектоник жиҳатдан антиклиналь структура бўлиб, қучли бурмаланган триас, юра, бўр даврларига мансуб қумтош, сланец, оҳактош, мергель, гилларан ташкил топган. Қ.да шувоқ-шўра, баъзи жойларида бута ўсимликлари ўсади, айлов сифатида фойдаланилади. Темир, мис, тошкўмир конлари бор.

ҚОРАТОВ — Таншан тоғларининг шим.-тарбий тармоғи. Уз. 420 км дан зиёд. Қозоғистоннинг Жамбул, Жан. Қозоғистон ва Қирғизистон вилоятлари ҳудудида жойлашган. Шим.-шарқдан Чу-Сарисув, жан. ва жан.-тарбдан Сирдарё ботиқлари б-н ўралган. Энг баланд жойи 2176 м (Бессоз тоғи).

Қ.нинг сувайиргич қисми текисланган ҳозирлардан иборат. Ён бағирлари асимметрик тузилишга эга: шим.-шарқий ён бағри тик. Тизма геринч бўлмаланиши даврида шаклланган ва янги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилаётган гумбазсимон-палахса типидаги антиклинорийдир. Сланец, ҳунтош, конгломерат, гнейс, оҳактош, доломитлардан ташкил топган. Қуйи палеозой даври оҳактошлари, айниқса, кенг тарқалган. Бағрида карст жараёнлари яхши ривожланган бўлиб, карст воронкалари, ботиқлари, ғорлари кўп. *рельеф шакллари ҳосил бўлган.* Қ.да йирик фосфорит ва полиметалл руда конлари (Миргалимсой, Кентов, Ачисой ва б.) очилган ва қазиб олинмоқда.

ҚОРАТОВ (1963 й.гача Чўлоқтов шаҳарчаси) — Қозоғистон Республикаси Жамбул вилоятидаги шаҳар. Қоратов тоғи этагида жойлашган. Тарози ш.дан 90 км шим.-ғарбдаги т.й. станцияси. Қоратов фосфорит ҳавзасининг маркази. Аҳолиси 27,4 минг киши (2002). Фосфорит ҳазиб олиш ва қайта ишлаш кон-кимё к-ти ишлаб турибди.

ҚОРАТОВ — Қорақалпоғистон Республикасидаги шаҳарча (1964 й.дан). Нукус шаҳар кенгашига қарашли. Амударёнинг ўнг соҳилидаги пристань. Нукус т.й. станциясидан (Тошкент — Нукус) 91 км. Аҳолиси 2,2 минг киши (2005). Қўриқлаш материаллари ишлаб чиқарилади. Умумий таълим мактаби, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тиббий пункт, дорихона бор.

ҚОРАТОВ МАҚОНЛАРИ — Аристанди ва Бўрузтоғ (Жан. Қозоғистон) дарёлари оралиғидаги Ушбос-Кўктов водийсида. Қоратов (Таншаннинг шим.-ғарби) тизмаси ён бағрида жойлашган қуйи палеолит даврига оид маконлар мажмуи. Археолог Х.А.Алписсбоев текширган. Қ.м. ичида энг муҳимлари — шелл-ашель даврларига оид бўрқисғлган, Тангиркизган ёдгорликлари ва ашель-мустье даврларига оид Тўқалн—1 ва Тўқалн—5 ёдгорликлари мажмуаларидир. Палеолит қатламлари айрим кичик дўнгликлар ва тог ён бағридаги текис платода жойлашган. Қ.м.дан тош қирғичлар, қирғичсимон асбоблар ва б. топилган.

ҚОРАТОЕВ Муҳаммаджон Қўжасбоевич (1910.22.12, Қизилўтда вилояти Теликўл қиш.си — 1992, Олмаота) — қозоқ адабиётшуноси, ғзувчи ва таржимон. Қозоғистон ФА акад. (1975). Қозоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1974). Филол. фанлари д-ри (1963); *проф.* (1965). Абай номидаги Қозоқ педагогика ин-тини тугатган (1933). Қозоғистон ғзувчилар уюшмасининг масъул котиби (1936—37), раиси (1937—38), Қозоғистон педагогика ин-ти қозоқ адабиёти кафедрасининг мудири (1960). «Жалқин» нашриётида *катта муҳаррир, таҳририят мудири,* бош муҳаррир ўринбосари, директор (1955—60), 1960 й.дан М. Авезов номидаги Адабиёт ва санъат ин-тида бўлим мудири, 1968 й.дан Қозоқ совет энциклопедияси Бош муҳаррияти. Адабий фаолияти 1933 й.дан бошланган. «Жонажон адабиёт қақида ўйлар» (1958), «Сакен Сайфуллин» (1964), «Мухтор Авезов» (1967), «Дўмбирадан китоб-га» (1969), «Адабиёт ва эстетика» (1970), «Истиқбол чўққилари» (1972), «Чўққилар оҳдинда» (1977) каби адабий-танқидий китоблар муаллифи. К., шунингдек, Қримда ўзлаган романлари (1960, К.Н.Алтайский 6-н ҳамкорликда), «Жер-уюкка сиёқат» қиссасини ёзган. М.Горькийнинг "Менинг дорилфунунларим" ва М.Шолоховнинг «Тинч оқар Дон» (3 китоб) асарларини қозоқ тилига таржима қилган.

ҚОРАТОЛ (Salix ayatralior Anders.) — толдошларга мансуб дарахт тури. Бўйи баланд, 20—30 м, танаси пўстлоғи, новдалари жигарранг-қизил, туксиз. Бартлари наштарсимон, қирраларн йирик тишчали. Тўпгули айрим жинсли қучала, барглари чиқиши б-н бир вақтда гуллайди. Меваси икки чаноқли қўсак. Уруғи майда, узун тукли. Дарё бўйларида, шўр тупроқларда ўсади. *Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида* манзарали ўсимлик сифатида экилади, иқота дарахтзорлари барпо этишда фойдаланилади. Новдаси (чивчин)-дан саватлар тўқилади. Қалъмаси ва новдаридан экиб қўпайтирилади.

ҚОРАТОЛ — Қозоғистоннинг Олмаота вилоятидаги дарё. Ўштарак дарёси қуйилгунгача Нуртайўзак деб аталади. Уз. 390 км, ҳавзасининг майд. 19,1 минг км². Ҳунгарна Олатови ён бағридан бошланиб, Бадхан қўлига қуйилади. Юқори оқимида тоғлар орасидан оқди, ўрта ва қуйи оқимида Ётисув текислигини кесиб ўтади. Асосан, муз ва қор сувларидан тўйинади. Декабрда музлаб, мартда музлан бўшайди. Суви суғоришга сарфланади. Қ. бўйида Толдиқўрғон, Ўштўбе шаҳри жойлашган.

ҚОРАТОЛ — ўрта эртапишар *ғўза* нави. Қозоғистон деҳқончилик и.т. институтининг Қоратол тажриба ст-ясида Жоисон навидан якка танлаш усулида чиқарилган (А.И.Хван, С.У.Ким-Хван). Пиёзбошн юмалоқ, баъзан эни ярим тигиз, тепаси ярим ясчик, Пиёзи пиҳоли униб чиққанидан кейин 112 кунда, июль охирида пишиб етилади. Ҳосилдорлиги 300—310 ц/га. Яхши савдаланди, коксерга саноатида қайта ишлашга ярокли. *1967 й.дан давлат* реестрига киритилган. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

ҚОРАТОШ ҲАММОМИ — мезмориий ёдгорлик (15—16-а.лар). *Тошкент археология экспедицияси* томонидан Тошкент ш.нинг Қоратош қўчасида очилган. Қ.қ. даҳлиз, сўпали ечинниш хоналари, миёнсарой, унинг асосий ўқдан ёйсимон бўлиб жойлашган хоналар (бу хоналарда иссиқ ва илиқ сувли ҳовузчалар бўлган) қад. анъанавий шарқ ҳам-

момлари тарқида қурилган. Хоналар сахнага яхлоқ, пишт ётқизилган; оқова сув учун ариқчалар қилинган. Хушбўй ниҳолдар ва кул суви (ишқорли сув) учун мўлжалланган ҳовузлар деворн ва тубига сувга чидамли махсус қоришма «юр» қопланган. Деворлар кулранг ва пушти ранг ганч б-н сувалган, супа тепасидаги деворлар гуллар сирли сопол парчоплар б-н безатилган. Қ.ҳ. шарқининг шу ерида жойлашган Ўрда кишлоқлари маҳмурия қирғин ва нуфузли кишиларга мўлжалланган.

ҚОРАТОҒ ЗИЛЗИЛАСИ — 1907 й.нинг 21 окт.да Ҳисор тоғининг жан. тизмаларида содир бўлган. Зилзиладан авval ер остидан жуда даҳшатли гулдираган товуш эшитилиб, кетма-кет ер қимирлашлар натижасида 100 км масофага 150 дан ортиқ қишлоқ вайрон бўлган, 1500 дан ортиқ киши ўлган. Шунингдек, Сурхондарё сойларида кўчкилар, ўпирилмалар содир бўлган. Дулёдаги энг кучли зилзилалар қаторидан ўрин олган бу зилзила ўнлаб уй жойда 20—25 минут оралиқда содир бўлган. 9—10 балли тебраниш майдони 2000 км² ни ташкил этган. Зилзилалардан ташқарилган сейсмик тўлқинлар 500—600 км масофада ҳам сезилган.

Биринчи зилзила Сурхон водийсининг шим. қисми б-н Мачитли тоғининг орасида жойлашган ер узилмасида 21 окт. соат 4 дан 23 мин. ўтганда 30 км чуқурликда пайдо бўлган. Эпицентрда унинг кучи 9—10 балл бўлиб, магнитудаси 7,5 га етган. Орадан 20 мин. ўтмасдан иккинчи марта ер силкиниб, эпицентри гарбда, 30—35 км келадиган Сурхон тоғи ён бағрида 9 балли кучи б-н, 24 км чуқурликда содир бўлган ва Бойсун атрофидаги қишлоқларни ялсон қилган. Орадан 3—6 мин. ўтар-ўтмас учинчи зилзила шарқ томонда жойлашган Қоратоғ дарёси атрофларида 20 км чуқурликда ҳаракатга келган. Бу зилзилаларнинг кучи 9 балллан ортиқ, магнитудаси 7—7,3 га тенг бўлган. Орадан 6 кун ўтгач, Мачитли тоғининг шим.-шарқида жойлашган Чўянчи қишлоғи атрофида магнитудаси 6,2 бўлган 8—9 балли ер силкинши такрорланди. Зилзила эпицентрларининг иккитаси ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган.

Бу зилзилалар умуман тўртламчи даврдан ҳоз.гача Ҳисор ўзгилмалари бўйича ёшаш-ёшаш б-н бўлиб ўтаётган тектоник ҳаракатларнинг фаоллигини кўрсатади. 1935 (Бойсун), 1943 (Файзобод), 1949 (Хайит) ва 1968 (Бойсун) йилларидаги 8, 9, 10 балл б-н силкинган зилзилалар бу жараённ га мисол бўлади.

Қ.э.дан юзага келган сейсмик тўлқинлар Жиззах атрофларида 5—6, Самарқандда 6—7, Термиз, Панжакент, Хўжанд, Андижонда 4—5, Тошкентда 4 балл б-н сезилган.

ҚОРАТОҒДАРЁ — Сурхондарё вилоятидаги дарё. *Сурхондарёнинг* ўнгирк чап ирмоғи. Уз. 99 км, ҳавзасининг майд. 684 км². Ҳисор тизмасининг жан. ён бағридан бошланади. Тоғлар орасила тор, ён бағирлари тик ва баланд воднйда оқади. Текисликка оқиб чиққач, дарё водийси кенгаяди. Дарё ўзани шағал, тош, қумтош ва б. жинслардан тузилган. Асосий ирмоқлари Ширкент ва Оққарсой. Ўртача йиллик сув сарфи 22,5 м³/сек. Қ йил давомида серсув бўлади. Қор ва музлик сувларидан тўйинади. Йиллик оқимнинг 56,7% март — июнь ойларида, 31,8% июль — сент. ва 11,5% окт. — февраль ойларида оқиб ўтади. Дарёдан бир неча ариқ ва каналлар чиқарилган.

ҚОРАТУМШУҚ — Шарқий Помирнинг жан.-шарқий қисмидаги Оқсув дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган мезолит даврига оид макон (мил. ав. 8—3-минг йиллик). Маконда яшаган қад. одамлар майда тошлардан қуроллар ясашган. Қ.ган 200 дан ошиқ буюмлар (чопқи парчалари, *нуклеусси*мон қуралар, нуклеус-ўроқ, ранда-лар, қирғич ва б.) тошлардан, шулардан 80 таси меҳнат қуролари экани-ги аниқланган. Қ. тошлзмалари ичида, айниқса, қирқувчи қурол-понасимон тиг ажралиб туради. Қуролларнинг анча қисмини кескич буюмлар ташкил қилади. Қуроллар ва тошларга ишлов бериш техникаси ўзига хос характерга эга. Тош қуролдар тайёрлашнинг асосий техник усулдари пилеолит даври қуролларига ўхшаб кетади.

ҚОРАУНГУР — Андижон вилоятидаги дарё. Фарғона тизмасининг шим.-шарқий ён бағридан бошланади. Ҳавзасининг майд. 1244 км². Дарё юқори қисмида тоғлар орасида оқади. Ўртача йиллик сув сарфи 29,5 м³/сек. Музлик ва ёмғир сувларидан тўйинади. Дарё суви баҳорда кўпаяди. Бозорқўрғон қишлоғидан оқиб ўтгач, Тентаксой деб аталади. Қ. Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти ҳамда Пахтаобод туманни экин майдонларини суғ б-н таъминлайди.

ҚОРАУНГУРСОЙ РАСМЛАРИ — *Нурота тоғлари Қоратоғ тизмасининг* жан. ён бағридаги Қораунгурсой қоятошларига ишланган тасвирлар. Навоий вилояти Нурабодор тумани қулўлида. Х.Муҳаммедов топган. Н.Тошқибоев, А.Кабировлар томонидан ўрганилган. Расмлар (250 дан ортиқ)нинг асосий қисми мил. ав. *I-минг* йилликнинг 2-ярмита мансуб, ялк ўрта асрларга оид расмлар ҳам учрайди. Расмлар услуб жиҳатидан ҳар хил бўлиб, бу уларнинг турли даврларда яратилганидан дарак беради. Расмлар қаттиқ жинслардан ўйиб-ўйиб сол, оддий чизиқлар услубидан ишланган. Қоялярда чавандозлар, от, ит, эчки, қўй, тўнғиз, архар, йиртқич ҳайвонлар ва б. тасвирланган. К.р. шу ҳудудда яшаган қад. аждодлар хўжалиги, эътиқоди, маданияти ва санъатини ўрганишда муҳим манба сифатида қимматлидир.



Қораунгурсой расмлари.

ҚОРАХИТОЙ ГАЗ-НЕФТЬ КОНИ — Қашқадарё вилояти Косон туманидаги кон. Қарши шлаи 20 км шим.-шарқда. 1961 й.да очилган. 1965 й.да фойлала-



Қоратоғ тоғининг каробаси.

нишга тошдирилган. Кон рельефи кучсиз табақаланган текисликдан иборат. Қ.г.-н.к. Муборак кўпричтасизининг жан. қисмидаги энг баланд майдонда, 15-горизонт шияли бўйича асимметрик брахиантиклиналь бўрмада жойлашган. Бурма шим.-гарбий йўналишда чўзилган, унинг гумбази қўтарилма-узилма кўринишида. Қ.г.-н.к.да жами 17 та қудуқ қазилган; палеозой эраси, юра, бўр ва неоген, тўртламчи давр жинслари очилган. Саноат миқёсидаги газлидик қуйи бўр даврининг (12-, 13-горизонтлари), нефть-газлилик эса, юқори юра даврининг ётқизиқлари б-н боғлиқ. Газ уюми тўлиқ қопламали, гумбазли, тектоник тўсиқлан типга мансуб. Уюм ўлчами 4,3×2,05 км, бал. 155 м. Газга тўйинган қатлам қалинлиги 23,3 м. Нефть уюми устида газ қопқоғи мавжуд. Нефть юқори олтингугуртли (2,35%), смолали (15,5—30%), парафинли (2,29—4,01%). Қ.г.-н.к. захарисата кўра кичик конлар тоифасига киради. Ҳоз. қудуқ конлари фойдаланилмоқда.

ҚОРАХИТОЙЛАР — киданлар давлати тор-мор этилгач (1125), Ўрта Осиёга келган киданлар ва улардан ажралиб, бу ерга кўчиб келган киданларга (*16 минг оила*) ўрта аср мўғаррилари томонидан берилган ном. 12-а. ўртаси — 13-а. бошларида 18 *ёшга тўлган барча* Қ. Қорахитойлар давлатини тузган Қ. киданларнинг Елюй уруғидан чиққан гурхонларининг кўшинида ҳарбий хизматни ўтаганлар. Қ.нинг асосий қисми Талас ва Чу дарёлари водийсида чорвачилик б-н машғул бўлганлар. Қ.да патриархал-уруғчилик тузуми қолдиқлари б-н уйғунлашиб кетган мулкчилик муносабатлари устувор бўлган, бироқ аёллар катта ҳуқуққа эга эдилар. Қ. будданийлар бўлса-да, осмон, ер ва аждодлар руҳига қурбонлик қилишган. *Чингизхоннинг* маслаҳатчиси *Елюй Чуцай* Қ. орасида бўлганида уларнинг юксак адабий фазилатларда эга достонини ёзиб олган. Кейинчалик Қ. кўшни туркий халқлар таркибига сингиб кетишган. Қирғиз, қозоқ ва қорақалпоқлар таркибида Қ. қабила-уруғ номи учрайди. Қ. моддий маданиятя обидаларидан тадқиқ этилмаган.

ҚОРАХИТОЙЛАР ДАВЛАТИ — ўрта асрларда Шарқий Туркистон, Или ва Чу водийси, Еттисув ва Ўрта Осиёда мавжуд *бўлган давлат (тахм. 1140—1213).* Пойтахти — Чу дарёси бўйида жойлашган Хуси-орда (Боласоғун). *Асосчиси* — Елюй Дашй. У 1124 й. гурхон унвонини қабул қилган. 1125 й. киданлар салтанати чўкувчисидан тор-мор этилгач, бир гуруҳ тарафдорлари б-н Шим.га қочган. Турли қабила жанчилари б-н ўз қўшинини тўлдириб Ғарбга йўл олган ва изгирин бу ўлкалардга келиб жойлашган *киданлар ёрдамида бутун Туркистонни босиб олган (1141).* Гурхонлар киданларга тақлидан тангалар *зарб эттирганлар, лекин мамлакатнинг иқтисодиётя* ва ички ишларига кам аралашганлар, улар фақат вассалларидан (Балх, Хоразм, Ҳўтан, Ғаочан ва б.) солиқ олиш б-н кифояланганлар. Қ.нинг 2 марта аёлдар ҳдора этган. Қ.д. Амударё ва Балхан кўлидан Кунъюн ва Бэйшан тоғларигача қадар ҳудудни эгаллаган. Қ.д.нинг кўлаши мўғуллар томонидан Шарқий Туркистонни босиб олиниши ва 1208 й. улардан қочган наймонларнинг келиши ва 1211 й. Гурхоннинг асир олиниши (2 й.дан сўнг вафот этган) б-н боғлиқ бўлган. 1218 й. наймонлар Чингизхон томонидан бўйсундирилган.

ҚОРАХОНИЙЛАР, хонийлар, хоқонийлар — Қорахоқонилар давлатини бошқарган хоқонлар сулоласи. «К.» нборасн шартли равишда сулола номи. сифатида қўлланилиб, давлат *ҳукмдорлари «қорахон» — буюк хон* унвони б-н юритилган. Шу боис шарқшунос олим В.В.Григорьев сулоласи «К.», *деб ном берган* ва у илмий адабиётларда мустаҳкам ўрнашиб қолган. К.нинг йирик вакилларн: *Абдулкарим Сотуқ Бугрохон (859 — 955),* Мусо ибн Абдулкарим (955—970), Ҳасан ибн Сулаймон (977--992), Аҳмад ибн Али Арслонхон (998—1017); ҳокимият имкон да ушсн Наср ибн Али қўлида бўлган, у Мовароуннаҳрни босиб олган). Мансур ибн Али (1017—26), *Иброҳим ибн Наср* Тамғачхон (1040—70), Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон (1102—30). 1130 й.дан *салжуқийларга,* 1140-й.дан бошида қорахитойларга қарам бўлган. К.нинг сўнгги вакили Усмон ибн Иброҳим 1212 й. *Муҳаммад* Хоразмшоҳ томонидан агдарилиб қата қилинган.

ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИ, Хонийлар ёхуд Хоқонийлар давлати — Шарқий Туркистон, Еттисув ва Тяньшаннинг жан. ён бағрида ташкил топган давлат. *Қорахонийлар* сулоласи бошқарган. К.нинг барпо этилишида қарлуқ, чигил ва ягмо *қабилалари етакчи роль ўйнаган.*

К.нинг салтанат даражасидаги ривожи ва тараққиёти 10-а.нинг 2-ярмида тўхта келади. *Абдулкарим Сотуқ Бугрохон* ҳокимиятни эгаллаб, ўзини «Қорахон» деб эълон қилади. Бугрохондан кейинги барча хонлар ҳам ушбу унвон б-н улуғланган.

Мазкур давлат чегарасида ислом дини кенг ёйилган. Қорахонийлар ўз давлат чегарасини *сомонийлар* сулоласига тегишли ҳудудлар ҳисобига кенгайтириш сиёсатини олиб боришган. Сомонийлар ҳокимияти ёи вақтга келиб, чуқур сиёсий, иқтисодий-иқтисодий инқирозга юз тутиб заифлашиб қолган эди. Ана шундай вазиятда қорахонийлар сомонийлар пойтахти Бухорони девдди қўрилишсиз ишғол этишган. Бироқ, Ҳасан Бугрохон бетобдаги туфайли Бухорода узоқ турмай, Қашқарга қайтишга йўлда вафот этади. 996 й. қорахонийлар яна Мовароуннаҳр сари юриш бошлайди. Газнавийлар б-н олиб борилган музокаралар натижасида ўртада шартнома тузилиб, унга кўра, Сирдарё ҳдоласи қорахонийлар қўлига ўтади. Амударёнинг жан.даги ерларда ва Хуросон ҳудудида *Сабуктегиннинг* ҳукмронлиги ўрнатилади. Сомонийлар инткёрида ҳси Мовароуннаҳрнинг марказий қисмигина қолади. Сомонийлар ҳокимияти тугатилгач, 10-а. охирларига келиб, К.д. Амударёнинг юқори ва ўрта оқимларидан то Еттисув, шарқда эса Торим дарёсигача бўлган катта ҳудудга эгалик қилади. Амударё Қорахонийлар ва *Газнавийлар давлати* ўртасида чегара бўлиб қолади. Лекин ушбу 2 туркий давлат ўртасида ҳам Хуросон ҳудуди учун ўзаро урушлар бўлиб туради. 1006 ва 1008 й.ларда қорахонийлар Хуросонга қўшин тортиб, Балх, Тус ва Нишопур ш.ни забт этади. Лекин Султон *Маҳмуд Газнавий* қорахонийларга зарба бериб, Хуросонни ўз *қўлида сақлаб қолади. Газнавийлар* кейинчалик дастлаб ўзларн ер бериб, ҳомийлик қилган *салжуқийлар* б-н *элдаштя кирпшиб, ўртада катта ҳарбий* тўқнашувлар юз беради. 1040 й.да эса *Данданакон жангида* газнавийлар салжуқийлар томонидан қақшатқич зарбага учраб ўзларини қайтиб ўнглай олмайди. Газнавийлар давлатини бу инқирозидан, қорахонийларнинг маҳаллий ҳукмдори Иброҳим Бўритегин фойдаланиб қолади. У дастлаб Ҳутталон, Вахш ва Чағониённи газнавийлардан тортиб олади. Кейинчалик бутун Мовароуннаҳрни ва Фарғонани ўзига бўйсундириб мустақил сиёсат олиб боради. Оқибатда К.д. 1041 й.га келиб 2 мустақил давлатга: шарқий ва ғарбий қисмга бўлиниб кетади. Шарқий қисмига Еттисув, Қашқар, Тароз, Исфижоб, Шош ва Фарғона Фарғона кирган. Пойтахти Боласоғун, маданий маркази Қашқар бўлган. Ғар-

бий қисм Мовароуннаҳрдан то Фарғона водийсининг ғарбий чегарасигача бўлган ерларни ўз ичига олади. Маркази Самарқанд ҳисобланган.

Ягона Қ.д. бу тарзда иккита бўлинишни ва улар ўртасида сулолавий курашларнинг давом этиши, ердан фойдаланишга *ақто* тартиботининг кенг ёйилиши ва мақоллий ҳокимларнинг кучайиши марказий ҳокимиятни заифлаштириб қўяди. Натижада Қ.д. 1130 й. салжуқийлар ҳукмдори Султон Санжарга тобе бўлиб қолади. 12-аснинг 30-й.лари охирида Қ.д. шарқдан келган янги истилочилар — қироналик *қорахитойлар* ҳужумига дучор бўлиб, парчаланиб кетди. Лекин Қ.д., гарчи тарқоқ ҳолда бўлса-да, 13-а. бошига қадар мавжуд бўлган. 1212 й.да қорахонийларнинг сўнгги вакили Усмон ибн Иброҳимнинг Олоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан қатл этилиши қорахонийларни сиёсий сифатида расман барҳам топишига олиб келди.

Қ.д. ҳуқуқ келган дастлабки вақтда, умиг этник асоси ва ақлоснинг таркибини Ettmcyx, Иефижоб, Шош, Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисми, Фарғонанинг шим.-шарқий ҳудудларда яшовчи қарлуқ, чигил, ялақ, тўхси ва аруғи каби қўшлаб қабилалар ташкил этган. Қорахонийлар кейинчалик Мовароуннаҳр ҳудуди ҳукмронлигини ўрнатгач, ўзакларда қадимдан яшаб келаётган ўтроқ ва кўчманчи аҳолиниг, мазкур ягона давлатнинг умумий чегараларида ўзаро бир-бирига яқинлашиш ва аралашиб бориш жараёни тезлашди. Уларнинг иқтисодий, маданий ҳаёти, бир-бири б-н алоқадорликда ривожлана борди. Туб ерли аҳоли таъсирида ярим кўчманчи ва ярим ўтроқликда яшаб келган этник гуруҳлар ўтроқлашиб деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ б-н шуғулланадилар.

Бу объектив воқеа-ҳодисалар натижасида ўзбек халқининг этник, ҳудудий ва маданий жиҳатдан белгиларида умумийлик қоғзи бўлиб, бу даврда ўзбек халқининг халқ, сифатида шаклланиш жараёнининг якуний босқичи юз берди (қ. *Ўзбеклар*).

Маъмурий-бошқарув тизими. Қорахонийлар давлатчилик тизимини ўзидан олдин ўтган Турк хоқонлиги, Туркия давлати каби турий давлатларнинг давлатчилик тажрибаси ва анъаналарига асосланган. Қорахонийлар сулоласи давлат бошқарувида бу тажрибалардан умумли фойдаланиб, ўз навбатида, уни ривожлантирди, янги тажрибаг босқичига олиб чиқди. Қ.д. давлат тепасида олатда «қорахон» унвони б-н бирга тавғачхон, *арслонхон*, *буғрахон* каби фахрий унвонлар б-н ҳам улуғланган.

Қорахонийлар давлат бошқарувни юқоридан қуйига қараб шакллантирилган бўлиб, давлат вилоятларга бўлиб илора қилинган. Эл-юрт ҳокимлари элоқхон деб номланиб, бу унвон эгаларн «элнинг оқ хони», кўпи «буюк хон» қорахондан нуфуз на даражасига кўра кейинги ўринда турувчи «кичик хон» ҳисобланган. Элоқхонлар хоқон новби бўлишса-да, ўлкада ўз номлари б-н танга-чақалар зарб этиб, ички ва ташқи сиёсатда мустақилликка интилишган. Элоқхонлар орасида, Мовароуннаҳр элоқхони катта обрўга эга бўлиб, у, одатда, Самарқандда турган. Бу даврда вилоятларни «такин» унвонидаги кишилар бошқарган. «Такин» атамаси дастлаб қадим туркийларда хоқон вориси, валиаҳднига нисбатан қўлланилиб, кейинчалик ғарбий лашкарбошилар унвони сифатида ҳам ишлатилган. Сомонийлар ва қорахонийлар даврига келиб «такин» унвонилари ғарбий лашкарбошилар айни вақтда биron-бир вилоят номбанлиги ҳам бошқарган. Қорахонийлар даврида такинларнинг нуфузи ошган. Чунки ғарбий юришлар вақтида улар давлат ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шаҳарлар бошқарувн эса шаҳар ҳокими, раис ва мухтасибдар қўлида бўлган. Улар шаҳарнинг ички ҳаёти ва ижтимоий-иқтисодий равнажи учун масъул ҳисобланган. Диний ҳаётда ислом дини давлат мафкураси даражасига кўтарилган. Давлатнинг мустақиллиги ва тобеий бирлиги учун қорахонийлар руҳонийлар б-н жқин ва дўстона муносабатда бўлишга интилишган. Бу даврда имомлар, саидлар, шайхлар ва садрлардан эътибор қучайиб, уларнинг обрўси нихоятда баланд бўлган. Бу эса давлатнинг сиёсий ҳаётида ҳам муҳим роллар ўйнаш имконини қучайтган ва вақф ерларининг кенгайишига олиб келган.

Маданияти. Қорахонийлар даврида турли ўлкаларнинг бирлашиши ёки ва маданият ривожига ҳам имкон берди. Бу даврда Бухоро, Самарқанд, Боласоғун, Қашқар, Ўзган каби шаҳарлар ҳам маъмурий, ҳам маданий мақкз сифатида аҳамияти ошиб, ичида кенгайиб, ривожланиб борган. Қорахонийлар фан ва маданиятнинг ўлка қайтадаги муҳим ўринини англаб етиш ҳамда қўллаб сарой, масжид, мадраса, минора, работ, мақбара, гим ва карвонсарой каби иншоотлар қорахонийлар даврида қапамалги бинолар қурнш санъати юксак даражада тараққий этганлигини кўрсатади.

Амалий безак санъати — нақшинкорлик, ганчкорлик ва қулолчилик йўналишлари ривожланган. Адабиёт ҳокалган. *Юсуф Хос Ҳожибнинг* «Қутадғу билиг», *Маҳмуд Қошғарийнинг* «*Девону луғотит турк*» каби асарлари шу даврда яратилган.

Ад.: Наршахий. Бухоро тарихи. Т., 1991; Кобзев О., Источка Кавказского кагината X — начало XIII вв., Фрунзе, 1983; Муҳаммаджонов А.Р., Узбекистон тарихи, Т., 1994; Шониёзов К., Қарлуқ давлати ва қарлуқлар, Т., 1999.

Бекмў Маҳмудов.

ҚОРАЧА — 1) ўрта асрларда аҳолининг зодагон бўлмаган табақаси; 2) айрим туркий халқларда уруг номи (мас., қирғиз ва қозоқларда, ўзбекларнинг қитагон, лақай, қипқ, сарой қабилаларн таркибида Қ. уруғи бўлган). 13-а. бошларида Чингизхон давлатидаги оддий қўшинни аҳоли Қ. деб аталган. Сўнгги ўрта асрларга келиб Зарафшон воҳаси ва б. айрим жойларда «Қ.» аслида ўтроқ деҳқончилик б-н шуғулланиб келган, оқсуяк ҳисобланмаган (сапд, хўжа, эшонлар авлоди бўлмаган) аҳолига нисбатан қўлланган.

ҚОРАЧАРВОҚ РАСМЛАРИ — Нурота тоғлари Қоратов тог тизмасининг жан. ён бағридаги Қорачарвоқ қоятошларига ишланган тасвирлар. Навоий вилояти Навбаҳор тумани ҳудудида. 1969 й.да археолог А.Кабиров томонидан топилган ва ўрганилган. Қ.р.нинг энг қадимги мил. ав. 3-минг йилликларга мансуб, шунингдек, мил. ав. 1-минг йиллик ва илк ҳамда кейинги ўрта асрларга оидларни ҳам учрайди. Расмлар қаттиқ бузилмалар ёки уриб-ўйиб сой ва олдий



Қорачарвоқ расмлари.

чизиқлар услубида ишланган; уларда одам, ёввойи буқа, сигир, от, ит, тул, тог ячкаси, буғу, тўнғиз, бўри, қоплон ва б. қайвонлар тасвирланган. Ёввойи қайвонларни овлаш, чорвачилик, қайвонлар жанги 6-н бөглиқ манзара ва даводлар анчагина. Санъат обидаси сифатида Қ.р. шу ерда яшаган қад. ҳалқнинг маданияти, ҳаёти, тарихини ўрганишда қимматлидир.

ҚОРАЧИТТАК (Ранж ағоч) — чумчуксимонлар турқумига мансуб қуш. Европа, Жан. Сибирь, Шарқий ва Жан. Хитой, Эрон, Кавказда, Ўрта Осиёнинг шарқий Тяньшан қисмида тарқалган. Қанот. 55—58 мм, вазни 9—10 г. Бошн, томоғи ва кўкраги қора. Усти тўқ кулранг. Қорни қисми оч жигарранг. Юмшоқ тўпламдан ковакларга уя қуради. Йилига 2 марта 7—11 талаи тухум қўяди, 12—14 кун босади. Полопонларини увсида 20 кун озиқлантиради. Ҳашаротлар тухумлари ва личинкалари ҳамда усимликлар уруғи 6-н озиқланади. Қ. қишга яхши озиқ тўплайди. Ўрмон хўжалиги учун фойдали қуш.

ҚОРАЧИҚ — кўзнинг ён пардасидаги «тирқиш». Ёруғлик шулари Қ. орқали кўз ичига киради. Ўта ёруғда Қ. тораяди, хира ёруғ ёки қоронғида, шунингдек, кишн огриқдан изтироб чекканда ва б. таъсиротларда у кенгаяди. Қ. реакцияларни текшириш муҳим диагностик аҳамиятга эга (яна қ. *Кўз*).

ҚОРАЧОЙ-БОЛҚОР ТИЛИ — туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб тил; асосан, РФнинг Қорачой-Черкасия Республикаси, шунингдек, Ўрта Осиё, Қозогистон, Туркия, Сурия, АҚШда яшовчи қорачойларнинг ҳамда РФнинг Кабарда-Балкария Республикаси ва унга қўшни ҳудудларда яшовчи болқорларнинг тили. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 235 минг (қорачойлар 150 минг, болқорлар 85 минг) кишидан ортиқ (20-а. охирлари).

Қ.-б.т., асосан, фонетик, қисман лексик-морфологик тафовутларга эга бўлган 2 та: «ы» лочни - «ы» лочи (қорачой) ва «и» лочи — «и» лочи (болқор ёки мозғорғ лаҳжаларига бўлинади. Мас., кучук > кучук, бичак > бичак (пичок), жуз > зуз (юз), жил > зил (йил) ва б. Қ.-б.т.нинг ўзига хослиги сифатида яна баъзан сўз бошидаги «й» унлошишнинг тушиб қолиши (йахши > яхши, Йахйа — Ахйа), доно ва тартиб сонлар ҳосил қилишнинг алоҳида усули (бир он — ўн, экн он — йигирма юз он — ўттиз, бир жийирма — йигирма, екн жийирма — қирқ, юз жийирма — саттиш) кабиларни кўрсатиш мумкин. Лексикасида рус, осетин, адигей тилларидан ўзлашган сўзлар мажжуд.

Ўттан асрнинг 20-й.ларида «ы» лочи лаҳжа асосида адабий Қ.-б.т. шаклланди. Ёзувни 1924—26 й.ларда араб графикаси, 1926—37 й.ларда лотин графикаси, шундан кейин рус графикаси асосида шакллантирилган.

Лит.: Баскаков Н.А., Введение в изучение тюркских языков, 2-изд., М., 1969; Алиев У.Б., Синтаксис карачево-балкарского языка, М., 1973; Проблемы семантики и стилистики карачево-балкарского языка, Нальчик, 1987.

ҚОРАЧОЙЛАР (ўзларини қорачайлилар деб аташади) — туркий халқ. Асосан, РФнинг Қорачой-Черкасия Республикаси ва Ставрополь ўлкасида яшайдилар. РФ да 192 мингдан ортиқ (2002). Қ.нинг кичик гуруҳлари Ўрта Осиё, Қозогистон, Туркия, Сурия ва АҚШда яшайди. Қорачой тилида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар. Қ.нинг шаклланишида Шим. Кавказнинг маҳаллий тоғлик қабилалари ҳамда будғор, қипчоқ ва аланлар қатнашган. Сўнгги ўрта асрларда Қ. Катта Кабарда текисрида ўтирганлар. 1828 й. Россия империяси таркибига кирганлар. 1943 й. Қ. ўз юртидан Ўрта Осиё ва Қозогистонга мажбуран кўчирилганлар. 1957 й. Қ. ўз жойларига қайтиб келганлар. Асосий машғулотлари яйлов чорвачилиги ва деҳқончилик бўлган.



Қорачойларнинг анъанавий турар жойи.

Ҳунармандчиликнинг хар хил турлари: зардўзлик, намат и.ч., ёғоч ўймакорлиги, гилам тўқиш, сангтарошлик ва ҳ.к. ривожланган.

ҚОРАЧОЙ-ЧЕРКАСИЯ, Қорачой-Черкасия Республикаси — Россия Федерациясн таркибидаги республика. Россия Европа қисмининг жан. да жойлашган. Майд. 14,1 минг км². Аҳолиси 439,7 минг киши (2002). Пойтахти — Черкесск ш. Маъмурий жиҳатдан 8 р-н, 4 шаҳар ва 7 шаҳарчага бўлинади.

Давлат тузуми. Қ.-Ч. — республика. Олий мансабдор шахс — республика президенти. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Халқ мажлиси (парламент), ижрочи ҳокимиятни раис бошчилигидаги республика ҳукумати амалга оширади.

Табиати. Қ.-Ч. Катта Кавказнинг шим. ён бағрида. Эльбрусннинг ғарб ва шим. да. Шим.-рокда Ён тизма жойлашган бўлиб энг баланд нуқтаси — Эльбрус (5642 м). Фойдали қазилмалари: кўмир, олтин, рангли металлар, ўта чидамли гил. Иқлими баландлик минтақалари бўйлаб ўзгариб боради. Шим.да (тог этакларида) янв.нинг ўртача т-раси — 5°, жан.да (баланд тоғларда) — 10°, июлнинг шим.да (тог этакларида) 21°, жан.да (баланд тоғларда) 8°. Йиллик ёғин 550—2500 мм. Асосий дарёлари — Кубань ва унинг ирмоқлари. Тупроқлари шим.да қорагупроқ, жан.да баланд-лик ортиб боргани сари тог-ўрмон



қўнғир ва тог ўтлоқи тупроқлар тарқалган. Тог этакларида дашт ўсимликлари, тозларда қорақайин, граб, эман, дарё водийларида қарағай, қорақарағай, оққарағай ўсади, тозларнинг юқори қисми субалъп ва алъп ўтлоқларидан иборат. Ўрмон ва баланд тозларда қўнғир айиқ, ўрмон мушуги, қобон, сиволон, сувсар, асл бўғу, қийиқ, ёввойи эчки, қушлардан улар, каркўр яшайди. Хўлудила Теберда қўриқхонаси ва Кавказ қўриқхонасининг бир қисми жойлашган.

Аҳолиси. Қ.-Ч.да қорачойлар (32,2%), черкаслар (9,7%), руслар (42,4%), абазинлар (6,6%), нўғайлар (3,2%), украинлар (1,5%), осетинлар (0,9%) ва б. яшайди. Давлат тиллари — қорачой, черкас, рус, абазин ва нўғай тиллари. Шаҳар аҳолиси 44%. Диндорлари мусулмонсунийлар ва христианлар. Асосий шаҳарлари: Черкесск, Усть-Жегута, Теберда.

Тарихи. Қ.-Ч. ҳудудила одам қадимдан яшаб келган. 10-а.да адигей-черкас, 13—14-а.ларда қорачой элатлари шаклланди. 14—16-а.ларда Қ.-Ч. ҳудудига абазинлар, 17-а.да нўғайлар кўчиб борди. 19-а. 1-ярмида Қ.-Ч. ҳудуди Россияга қўшиб олинди. 1918 й. фев.да совет ҳокимияти ўрнатилди. 1918 й. куздан 1920 й. апр.гача оқгвардиячилар қўлида бўлди. 1922 й. 12 июл.да Қ.-Ч. мухтор вилояти тузилди. 1926 й. Қорачой мухтор вилояти ва Черкасия эмлиий округи (1928 й. 30 апр.дан Черкасия мухтор вилояти)га бўлинди. 1942 й. авг.да Қ.-Ч. немислар томонидан босиб олинди. 1943 й. янв.да озод этилди. 1943 й. окт.да Қорачой мухтор вилояти тугатилиб, аҳолиси СССРнинг шарқий ўлкаларига депортация қилинди. 1957 й. янв.да бирлашган Қорачой-Черкасия мухтор вилояти тузилди. 1992 й.дан Қ.-Ч. Республикаси.

Хўжалиги. Ялпи маҳсулотда саноат 18,4%, қ.х. 29,5%, қурилиш 5,5%, транспорт 1%, савдо 12,5% ни ташкил этади.



Қорачой- Черкасия табиати манзараси.

Саноатининг асосий тармоқлари: кимё ва нефть кимёси, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва металлсозлик, рангли металлургия, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз, енгил саноат. Конруда саноат тармоғи ривожланган. Йилига ўртача 40 млн. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади. Кўп саноат корхоналар Черкесск, Карачаевск шаҳрида ва Медногорск шаҳарчасида жойлашган.

Қишлоқ хўжалигида етакчи тармоқ — гўшт-сут чорвачилиги, қўйчилик, картошка ва сабзавот етиштириш. Қ.х. учун яроқли бўлган 134,5 минг га ернинг 71,4 минг га (53,1%) ҳайдалади. Деҳқончиликда буғдой, маккажўхори, кунгабоқар, қанд лавлаги, арпа, тариқ экилади. Мевачилик ривожланган. Паҳачилик, паррандачилик, асаларичилик б-н ҳам шуғулланилади. Суғориш системаси ривожланган (Катта Ставрополь канали бор).

Транспортида автомобиль транспорти муҳим мавқега эга: қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. 1887 км. Қ.-Ч. ҳудудини Ҳарбий Сухуми автомобиль йўли кесиб ўтган. Т.йлар узунлиги 51 км. Тог туризми, альпинизм ривожланган.

Тиббий хизмати. Қ.-Ч.да ҳар 10 минг аҳолига 34 врач тўғри келади. 10 дан ортиқ санаторий-курорт ва дам олиш муассасаси бор (Теберда, Архиз, Домбай иқлимий курортлари ва б.).

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Маорифи РФда қабул этилган тизимга мувофиқ ташкил қилинган. 180 умумий ўрта таълим мактабида 72 минг, 6 ўрта махсус ўқув юртида 4,5 минг ўқувчи, 2 олий ўқув юрти (педагогика ун-ти, технология ин-ти)да 4,9 минг талаба таълим олади. Иқтисодиёт, тарих, тил ва адабиёт и.т. институти, 170 кутубхона бор.

Адабиёти. Қ.-Ч.нинг туб аҳолиси (қорачой, черкас, абазин ва нўғойлар) адабиёти 20-а.нинг 20-й.ларида шаклланди. 19-а. охири — 20-а. бошларида ўз ёзувини яратиш ва она тилида мактаб дарсликларини яратишга уринишлар бўлган. 20-а.нинг 20-й.ларида қорачой шоирлари И.Каракетов, А.Уртенов, Д.Бойқулов, абазин ёзувчиси Т.Табулов, нўғой ёзувчиси Х.Булатукон ижод қилдилар. 30-й.ларда черкас ёзувчилари Х.Абуков, М.Дишеков романлари, И.Амиров, қорачой ёзувчиси Х.Аппаев қиссалари, қорачой шоирлари А.Боташева, Д.Бойқулов, М.Урусов шеър ва достонлари, нўғой адиби Х.Булатуков пьесалари нашр этилди. Нўғой ёзувчиси Ф.Абдуҳажалилов, черкас адиби Х.Ташоков, қорачой шоираси Х. Байрамукова асарлари халқнинг немис-фашист босқинчиларига қарши курашига бағишланди. 2-жаҳон урушидан кейин қорачой ёзувчи ва шоирлари О.Хубиев, Д.Кубанов, А.Суюнчев, Н.Хубиев, М.Батчаев, черкас адиблари А.Охтов, С. Хатуов, Х. Хапхуук шаҳри кўчаларидан бири.



Теберда қўриқхонаси.



сироков, М.Ахметов, А.Ханфенов, абзаин ёзувчилари Х.Жиров, П.Цехов, К.Жегутанов, Б.Тхайцуков, М.Чикатуев, Д.Лагучев, нўғой алиблари Ф.Абдулжалилов, С.Капиев ва б. самарали ижод қилишлар.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Қ.-Ч. ҳудудида 1—13-а.ларга оид ер устига ўрнатилган саганалар, қад. шаҳарлар (тошдан қурилган мудофаа деворлари харобалари 6-н), византия типидаги унча катта бўлмаган ва фрескали христиан черковлари (Шоин тогидаги ибодатхона; Инжиян Теберда қишлоғи яқинидаги Сентин ибодатхонаси, иккови сан 10—11-а.ларга оид), 17—18-а.ларга оид мудофаа иншоотлари (Адиюх қад. шаҳарчаси минораси, 18-а.нинг 60-й.лари) сақланган. Қорачойлариннг аньянавий турар жойлари девори ёғочдан, томи оғир тупроқдан иборатлиги томонига инишаб қилиб қурилган; черкаслар турар жойлари усти ёпиқ 6-н сувалган четан деворли, қамиш ёки сомон томли уйлар бўлган. Хоз. даврда Черкесск, Карачаевск, Теберда каби замонавий шаҳарлар, қўплаб турар жой биноларн, жамоат ва маданий-маиший иншоотлар мавжуд.

Қ.-Чнинг қад. санъат ёдгорликларн — мил. ав. 3—2-минг йилликка оид жездан ясалган безак ва бадиий керамика; мил. ав. 2—5-а.ларга оид металл ва керамика буюмларидир. Хоз. даврда рангтасвир (И.Г.Акон, М.Х.Чомаев ва б.) ва графика (Я.Г. Крицкий ва б.) ривожга келди. Халқ санъатида ёғоч ўймакорлиги, бўёма тўқиш, заргарлик, каштадўзлик ривожланган.

ҚОРАЧЎРИН — Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмдорларидан 1 бири (576—603). *Истеъмиинг ўғли.* Қ. 576 й. Истъмн вафу вафот этгач, унинг ўрнини эгаллайди. Қ. отасининг яшнин даъвом эттирнб, асосий эътиборни Ғарбга, хусусан, Сосонийлар Эронига қаратади.

Қ. даврида Турк хоқонлиги — Сосонийлар сиёсий муносабатларида хоқонликнинг кўли баланд кела бошлайди.

6-а.нинг охирги чорагида келиб хоқонликнинг шарқий қисмида бошбошдоқлик янк ола бошлади. Тахпар хоқон вафот этгач (581), унинг ворислари орасида тахт талашувлари авж олади. Шарқий Турк хоқонлиги ҳукмдори Ишбара хоқон даврида (581—587) уйғур нлари бўлган шаҳодалар Хитой суполаларн б-н тил бириктира бошлайдилар. Бунга Қ. ҳам тортилади. Хитойдаги Суй суполаси хоқонликнни парчалаш ниятида «Ўн ўқ» бошқарувн ибугси Қ.га эгчи юборнб, уни ягона Турк хоқони сифатида тан олишини билдиради. Натижада, маркази Етмисув бўлган Шим. Қора денгиз бўйлари, Шим. Кавказ, Волгабўйи, Амударё-Сирдарё оралиғи, Хуросон, Шим. Афғонистон, Шарқий Туркистон ҳудудларини ўз ичига олган Ғарбий Турк хоқонлиги ташкил топди.

Суй суполаси Турк хоқонлигининг бир марказга бирлаштиришга ҳаракат қилган Тузи (600—609) тарафини олади. Тўнга Турон ўдирилади (600), фурсатдан фойдаланган Қ. марказий хоқонлигини эгаллайди. Энди Суй суполаси Тулини Қ.га қарши қўя бошлайди. 601—603 й.лар орасида Хитойнинг шим. вилоятларига бир неча сафар уюштириб Тулини бартараф этишга ҳаракат қилган Қ. муваффақиятсизликка учраб, заифлашади. Бунинг устига теле қабилаларининг исёни хоқонликнинг қарши катта зарба бўлади. Қ. хоқонинтнн бой бериб, 603 й.да Нашшан тоғлари атрофида яшовчи тутуҳун (тогоғи) лар ҳузурига қочиб, ўша ерда белдрак кетган.

Ғайбулла Бобобуров.

ҚОРАҚЛОҚЛАР (Turdus) — чумчуқсимонлар турқумн авлодин. 63 тури маълум. Европа, Осиё ва Африкада тарқалган. Танасининг уз. 20—25 см. Ерда сакраб ҳаракатланади. Уясини якка ёки колония бўлиб дарахт, бута, баъзан ерга қуради. Кўпинча лой, ўсимлик барги, новдасидан уя ясалнда фойдаланади. Йилига 1—2 марта 3—7 талан тухум қўяди. Ҳашаротлар, ўргимчаклар, чувалчанглар, моллюскалар ва мевалар б-н озиқланади. Ўзбекистонда 7 тури миграция ва қишлаш даврида учрайди. 1 тури — қора қоровлоқ ёки қорашақшақ ўтроқ яшайди.



Қоровлоқ: *1* — эркаги, *2* — урғочиси.

ҚОРАЎЗАК — Қорақалпоғистон Республикаси Қорақўзак туманидаги шаҳарча (1984 й.дан), туман маркази. Аҳолиси 12,3 минг кишн (2005). Яқин т.й. станцнйси ва Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус ш.дан (72 км). Пахта тозалаш, тикит з-длари, қурилиш ташкилотлари, 2 автокорхона, МТП, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Кичик бизнес корхоналари, микрофирмалар фаолият кўрсатади. Умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, лицей, касб-ҳунар коллежи, маданият уйлари, кўзғолмас болалар мавжуд. Марказий касалхона, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Қдан Нукус ш.гача автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.



ҚОРАЎЗАК ТУМАНИ — Қорақалпоғистон Республикасидаги туман. 1928 й.да тузилган. 1959 й. март ойида Тахтакўпир туманига қўшиб юборилган. 1975 й. 26 ноябрда қайта ташкил этилган. Шим.дан Мўйноқ, ғарбдан Чимбой, Кегейли, Нукус туманлари, жан. ва жан.шарқдан Амударё, Беруний туманлари, шарқдан Тахтакўпир тумани б-н чегаралош. Майд. 5,9 минг км². Аҳолиси 44,2 минг кишн (2005). Туманда 1 шаҳарча (Қорақўзак), 8 овул. фуқаролари йиғини (Маданият, Беркдк, Есимўзак, Оятобе, Қорабўйра, Қорақўл, Қорақўзак, Қўйбоқ) бор. Туман маркази — Қорақўзак шаҳарчаси.

Табиати. Ер юзаси, асосан, текислик. Туманнинг шим.-шарқий қисмини Белтов қумларининг қумликлари, жан. қисмидаги катта қудудни Тошқудуқ қумликлари эгаллаган. Жан. чекқасида Султон Увайс тоғи (энг баланд жойи — Қорачининг 485 м) жойлашган. Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ, қиши совуқ. Янв.нинг ўртача т-раси — 5° дан — 8°гача. Энг паст т-ра —35°, январники 26—28°. Энг юқори т-ра июлда 42°. Совуқ бўлмайдиган давр 195—200 кун. Йиллик ёғин 110 мм, асосан, қиш ва баҳор ойларида ёғади. Туман ҳудудларидан Қувонишжарма канали тармоқлари — Есимўзак, Кўкўлак ва Марказий каналларидан сув олади. Жан. чеккасидан Амударё оқиб ўтади. Тупроқлари ўтлоқи-бўз, ҳамлоқ-бўз, ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ ва ботқоқ тупроқлар. Жан. қисмида катта кўчма ва ярим кўчма қумликлар бор. Табиий ўсимликларидан шўра, ажриқ, бутлоқлик, қамиш; қумлоқ ерларда шувоқ, ранг, жузғун; қумларда саксовуллар, боялич, черкез ва б. ўсади.

Ёввойи ҳайвонлардан судралиб юрувчилар (калтакесаклар, тошбақа, илонлар) ва кемирувчилар (жонивор-қизиқ, каламуш, сичқонлар) яшайди. Шунингдек чиябўри, бўрсиқ, жайрон, тулки; қушлардан хўжасавдогар, бургут, суворилган балиқлар бор.

Аҳолиси, асосан, қорақалпоқ, ўзбек ва қозоқлар, шунингдек, рус, корейс, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 7,5 киши. Шаҳар аҳолиси 12,3 минг киши, қишлоқ аҳолиси 31,9 минг киши.

Хўжалиги. Туманда қурилиш ташкилотлари, ипакчилик, дон қабул қилиш бошқармаси, пахта тозалаш з-ди, 3 пахта қабул қилиш пункти, 2 автокорхона, МТП, савло, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар бор. Электр энергияни Тахиатош иссиқлик электр станциясидан олади. Туман қ.х.нинг асосий тармоғи пахтачилик бўлиб, чорвачилик, шоликорлик, ипакчилик ҳам ривожланган. Қ.т.да 1 чорва ширкат хўжалиги, 1 тажриба хўжалиги, 500 дан зиёд фермер хўжаликлари мавжуд. Умумий майд. 587,1 минг га, шу жумладан, суғориладиган майдонлари 32,1 минг га. Умумий экин майд. 14,8 минг га, шу жумладан, 3,3 минг га ерга пахта, 7,9 минг га майдонга дон экинлари; 127 га ерга сабзавот, 446 га ерга полиз экинлари экилади (2005). Мевали боғлар бор. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларда 17,7 минг қорамол, 47,5 минг қўй ва эчки, 923 йилқи, 226 туя боқилади.

Туманда 32 умумий таълим мактаби ва 1 лицей (10,2 минг ўқувчи), болалар мусиқа мактаблари, қ.х. касб-ҳунар коллежи (450 талаба), 2 маданият уйи, 235 минг китобга эга бўлган 2 кутубхона бор. Тиббиёт соҳаси бўйича 210 ўринли касалхона, 22 фельдшер-акушерлик пункти, 2 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 9 қишлоқ врачлик пункти ва б. тиббий муассасаларда 62 врач, 566 ўрта тиббий ходим ишлайди. Қ.т.дан Халқобод оркали Нукус ш.гача бўлган 72 км ли масофада автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҚОРАЎРДАК (Melanitta fusca L.) — *гоҳсимонлар* туркумининг ўрдаклар кенжа оиласига мансуб қуш. Оёқлари калта, қизил, панжалари йирик. Панжалари орасидаги пардалар кенг. Қаноти нисбатан кичик, думи калта. Нари қора, модаси қора-қўнғир тусли. Европа ва Осиё дарёси ҳавзасида уя қуради. 6—10 та тухум қўяди. Ўрта Осиёда қишлар учиб ўтиши даврида учрайди. Моллюскалар, қисқичбақасимонлар, майда балиқлар б-н озиқланади. Сони камлиги туфайли ҳўжалик аҳамиятига эга эмас.

ҚОРАҚАЙИН (Fagus), бук — қорақайиношларга мансуб бир уйин, барг тўкувчи дарахтлар туркуми. Шим. ярим шарда 10 тури ўсади. Европа ва Шарқ Қ. турлари экилади. Бўйи 50 м, диаметри 2 м, таноси қулранг, силлиқ пўстлоқли. Иссиқсевар, соябардошли дарахт. Ўрта Осиёда ёввойи ҳолда учрамайди. Барглари одий, текис, кўпинча чети ҳошияли. Барглари ёзилиши б-н гуллайди. Шамол воситасида чангланади. 20—40, баъзи турлари 60 ёшида мевага киради. Меваси ёнғочсимон пўст б-н ўралган уч қиррали ёнғоқча. Тошлар-



Қорақайин:
1 — дарахти;
2 — бир йиллик новдаси.

да 2300 м баландликларда ҳам ўсади. 40—100 йил тез ўсади, 350—500 йилгача яшайди. Ёғочи пишиқ, оғир ва яхши силлиқланади. Сув оқин қурилишларида, мебелсозликда ишлатилади, мусиқа асбобларини, фанер ва б. тайёрланади, метил спирти олинади. Меваси таркибида ҳайвонлар учун аҳамиятлигина бор. Ёнғоқчаларидан овқатбоп ва техник мой олинади. Ўзбекистонда манзарали дарахт сифатида экилади. Уруғи ва илдиз бачкисидан кўпайтирилади.

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ — 1990 й. ташкил топган. Театр «Ориқ мерган» (К. Каримов) спектакли б-н очилган. 1991 й. Самарқандда ўтказилган фестивалда театр «Ориқ мерган» ва «Ок такача билан кўк такача» спектакллари, 1993 й. Андижон фестивалида «Керак бўлганнинг керак», 1995 й. Тошкент фестивалида «Бедана ва тулки», 2000 й. Самарқанд фестивалида «Шум эшак» каби спектакларни б-н қатнашиб, совриплли ўринлар эгаллади. 2001 й. Тошкентда ўтказилган «Қорақалпоғистон маданияти кунлари»да театр «Уғирликнинг охири чўрлик» спектакли б-н қатнашди. П.Аймуратовнинг «Оғач айтган афсона» асари асосида ишланган томошабоп, серавза, томоша кейинги йиллар ишланган



Театрнинг етакчи актёрлари ўз қўғирчоқлари билан.

энг яхши спектакллардан. Жубанлиқ Ибрагимов, Роза Пиёзова, Қурбонгул Сапарбаева, Ойбек Есимбетов, Қубланбек Қалиқлиев, Бердимурод Юсупов ва б. театрнинг етакчи актёрларидир. Бош режи ва бадиий раҳбари М. Замзатдинов.

ҚОРАҚАЛПОҚ ТЕАТРИ, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри — Қорақалпоғистоннинг кўҳна театрларидан. 1926 й. «Тонг нури» труппаси асосида ташкил бўлган. Ташкилотчилари Зарип Қосимов, Абдирамон Ўтепов, Қосим Авс-

ров ва Асан Бегимовлар. Биринчи бадиий рэжиссёр — Зариф Қосимов. А. Ўтепов, Ж. Оймурзаев, Г.Убайдуллаев, М.Матжонов, Б.Сеитов, Ж. Сеитова, Т.Сейтмамутовлар театрнинг дастлабки ижодкорларидир. Театр «Тилак йўлида» (*К.Авезов*) спектакли 6-н очилган. Театр фаолиятини «Одекодон», «Ана холос», «Тенгини топган қиз», «Саидмурод ялқов», «Кўз бўямачи вакил», «Бу ким» каби спектакллар б-н бошлади. 1930 й. «Қорақалпоқ давлат театри» мақоми берилади. 1934 й. Москва давлат театр санъати ин-ти қошида Қорақалпоқ студияси очилади. 1939 й. театрга шу ин-тни тугатиб келган 27 актёр ва режиссёр келиб қўшилади. *Буларнинг орасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артистлари Йўлдош Шарипов*, Турсун *Олланазаров*, Холмурод Сапаров, *Йўлдош Матмуров*, Сабирбай Ўтепберgenов, Малрамм *Матжонов*, Ёқут Ўзламуродовалар бор эди. Театр қаётида янги давр бошланди. 1939 й. театрга К.С.Станиславский номи берилди ва театр «Станиславский номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали драма ва комедия театри» деб юритила бошлади. «Васса Железнова» (М.Горький), «Майсаранинг иши» (Хамза), «Камбағаллик айб эмас» (А. Островский), «Салеҳининг найранглари» (Мольер), «Адовмиш» (Н.Довқорлев), «Рус кишилари» (К.Симонов) ва б. спектакллар миллий режиссура ва актёрлик санъати балоғатга етганлигини намоён қилди.

1941—45 й.лар театр жамоаси ўз репертуарини миллий ва қардош халқлар драматургияси намуналари б-н бойитди. «Лейтенант Эламуротов» (Ж.Оймурзаев), «Курбон Умаров» (С.Абдулла, Ҳусний), «Офтобхон» (К. Яшин), «Тохир ва Зуҳра» (С.Абдулла; Т.Жалилов мусиқаси), «Беш сўмлик келин» (Ўрдубоду) каби мусиқали драма ва публицистик йўналишдаги саҳна асарлари шулар жумласидан. 1950 й. театр Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатиб келган беш мутахассислар б-н тўлдирилди. Режлик бўлимини тугатиб келган Т.Оллназаров биринчи қорақалпоқ профессионал режиссёри бўлди.

Урушдан кейинги йилларда театрда О. *Шомуротова*, *Жалоқ Бахши* Шомуротов, Б.Каменев, А.*Халимов*, Г. *Шерозиева*, Т. *Рахимова*, Р. *Сеитов*, С. *Хўжаниёзов*, Г.Дошумов, З. *Зарипов*, С.Ўтепбергенов, Т.Жолимбетова, С.Юсупова, С. *Қорабоева*, Я.Олламуротова, Х.Сапаров, С.Оллламуротова, С. *Авезова*, О.*Давлетова*, О.*Умиткулов* ва б. фаолият кўрсатишган.

Театрнинг кейинги репертуари мавзу ва жанр жиҳатидан бойди. Замонавий, тарихий мавзуларда; миллий драматургия, ўзбек ва қозоқ драматургияси намуналари ҳамда Ғарбий Европа драматургиясининг мумтоз асарлари саҳналаштирилди: «Оғияқ ва Обот» (Ж.Оймурзаев), «Суймаганга суйканма» (С.Хўжаниёзов), «Олтин кўл» (Уйғун; *М.Левиев* мусиқаси), «Шоҳи сўзана» (А.Қаҳҳор), «Отлиқ Ғариб» (Бегимов, Т.Оллназаров), «Тартюф» (Ж. Мольер), «Ўғирланган бахт» (И.Франко), «Ўрлак сирлари» (Б.Раҳимов), «Кўз Қўрпеш Баян сулу» (Г.Мусрепов) ва б. «Бердақ», «Қадрли доктор», «Шеберхоннинг чирмовиғи» (Ж. Оймурзаев), «Талпас», «Зиёда», «Бахт» (С.Хўжаниёзов), «Тошболта ошиқ» (Қ.Ғозов), «Тоға-жиянлар» (Р.Бобожон), «Шубқа» (Уйғун), «Прокурор» (Е. Шукуров) кабилар 50—60-й.ларнинг энг яхши спектакллари бўлди.

60-й.ларнинг охирроғига келиб театрда актёрлар алмашуви натижасида тургунлик даври бошланди. 70-й.лар ўнлаб ижобий театр яна ўз мавқеини тиклаб олди. Театрга келган Қуттабй *Абдрахмов*, Назимаддин *Ансатбоев*, Досберген Раиов, Райҳон *Сапарова*, Жолғас Султабоев, Байрам *Матжонов* ва б. қорақалпоқ театр санъатини янги кучлар ва ечимлар, образ ва мавзулар б-н бойитдилар. «Отелло» (У.Шекспир), «Тартюф» (Ж.Мольер), «Икки бойга бир малай» (*К.Гольдони*), «Она ер, она» (Ч.Айтматов), «Ревизор» (Н.Гоголь), «Ой тутилган тунда» (М. Карим), «Ўн учинчи рейс» (А.Абдуллин), «Тобутдан товуш» (А.Қаҳҳор), «Аризасига кўра» (Ў.Умарбеков), «Андермушлик Алмаздар» (Т.Мингулин), «Хонтуқа» (Шагарела) каби спектакллар қўйилди. 1987 й. театр жамоаси И.Юсупов либреттосига Н. Муҳамеджанов мусиқаси б-н биринчи қорақалпоқ операси «Ажиниёз»ни саҳналаштирди. 1991 й. театрга Бердақ номи берилди. Кейинчалик «Майсаранинг иши», «Алеко» *опералари*, 1996 й. *биринчи* қорақалпоқ балети («Ояжамоз») саҳнага қўйилди.

Мустақиллик ғоялари б-н суғорилган, янги замон қаҳрамони, тарихий шахсларимиз сиймоси тавдалланган, меҳр-мурувват мавзуси, Ватанга муҳаббат ва б. мавзулар акс этган асарлар кейинги йиллар театр саҳнасидан мустаҳкам ўрин олди: «Соҳибқирон» (А. Орипов), «Аҳолата хиёнат» (С. Хўжаниёзов), «Эриязар Олақўз» (А. Утаниёз), «Инжикнинг муҳаббати», «Ёввойи гуллар» (К.Раҳмонов), «Шарпир», «Кечиккан муҳаббат» (К.Матмуротов), «Тирсак» ва б.

Ш.Утемуратов, М.Сапаева, З.Пиёзов, Т.Қайипназарова, О.Қосимбетов, Б.Узоқбергенов, М.Халмуратова, З.Сайипова, Ж.Султабоев, Б.Назаримбетов, Ж. *Сағиндиқова*, Р.Кутекова, З.Айтниёзова, М. Исмайлова, С. Давлетова, Қ.Қаландаров ва б. *театрнинг етакчи* актёрларидир. Театрнинг бадиий раҳбари ва директори Назимаддин Ансатбоев, бош режиссёр — Қуттабй Абдрахмов.

Тешабай Бамбиев.

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИ — туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб тиллардан; қозоқ ва ногай тиллари б-н биргаликда қипчоқ тилларининг қипчоқ-ногай гуруҳчасини ташкил этади. Қорақалпоғистон Республикасининг *давлат тили (ўзбек тили б-н бирга)*. Асосан, Қорақалпоғистонда, шунингдек, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятлари ҳамда Қозоистон ва Туркманистоннинг унга қўшни ҳудудларида, РФ ва Афғонистонда тарқалган. К.т.да сўзлашувчиларнинг умумий сони 425 минг кишидан иборат (ўтган аср-



«Бердақ» спектакли (Бердақ ролида Назимаддин Ансатбоев) ва «Ажиниёз» операсидан кўринишлар.



киши 90-йлари ўртасида), Қ.т., асосан, 2-гр. ним.-шарқий ва жан.-ғарбий лаҳжаларга бўлинади; бу лаҳжалар фонетик жиҳатдан ўзаро фарқланади. Адабий Қ.т. 20-аснинг 1-ярмида ним.-шарқий лаҳжа асосида шаклланган; унгача қорақалпоқлар эски ўзбек адабий тилидан фойдаланишган.

Қ.тилнинг ўзига хос белгилари: унлилар оҳангдошлиги — сингармонизм мавжуд, мас., Атларымыз (отларимиз), қулар — (қуллар); умумтуркий ч унидан ш б-н; ш эса с унидан б-н алмашади, мас., қаш (қош), тас (тош), бас (бош). Айрим сўзларда г унидан ўрнида қ, г унидан ўрнида й ишлатилади, мас., тав (тоғ), тий (тиғ) ва б. Қ.т.да, бошқа кўпчилик туркий тилларда бўлганидек, умумтуркий сўзларни ташқари, араб, эроний, рус тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам анчагина.

Қ.т. ёзуви ислоҳ қилинган араб графикаси асосида 1924 й.да шакллантирилган. 1929—40 й.ларда лотин графикаси асосланган қорақалпоқ ёзуви амалда бўлган бўлса, 1940 й.дан рус графикаси асосидаги ёзув жорий этилган. 1999 й.дан лотин графикаси асосидаги ёзувга ўтиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ад.: Баскаков Н.А., Каракалпакский язык, т. 1—2, М.—Л., 1951—52; Бердимуратов Е., Хазирги замон қарақалпоқ тилининг лексикологиясы, Нукис, 1969; Баскаков Н.А., Введение в изучение тюркских языков, 2-изд., М., 1969; Бердимуратов Е., Умаров А., Бекимбетов П., Қарақалпақский язык (фонетика, морфология, синтаксис), Нукис, 1983.

ҚОРАҚАЛПОҚ УНИВЕРСИТЕТИ. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети — Қорақалпоғистоннинг энг йирик олий ўқув юрти. Илмий ва педагог кадрлар тайёрлайди. 1976 й. Нукус шд.да Қорақалпоқ пед. институти (1934 й. асос солинган) негизида ташкил этилган. 1992 й. 26 янв. да Бердақ номи берилган. Ун-тда 16 ф-т (мат., физика, кимё, иқтисодиёт, молия, хорижий тиллар, муҳандислик-қурилиш, юридик, табиатшунослик, мусиқа ва жисмоний тарбия, тарих, филол., магистратура, сиртқи табиий-иқтисод, сиртқи гуманитар, махсус сиртқи) ва бир бўлим (журналистика), 49 кафедра, 30 дан ортиқ ўқув ва илмий лаб. бор. Ун-тда вилоят конференция ўтказишга мўлжалланган «Лектор» тизими ўрнатилган. Шунингдек, ўқув, илмий, ўқитиш жараёнини техник таъминлаш, иқтисодий талаблар б-н яқлаш, халқаро алоқалар, маркетинг хизмати, мониторинг бўлимлари, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш, ўқув-методик, тест, илғор педагогик технологиялар, ахборот информацион технологиялар ва масофадан ўқитиш, минтақавий ва маърифат, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти марказлари, бахс-мунозара клуби фаолият кўрсатади. Ун-тда санаторий-профилакторий, «Умид» спорт соғломлаштириш оромгоҳи, ўқув-амалиёт базаси, 26 комьютер синфи, Бердақ миллий музейи, археология, ботаника ва зоол. музейлари, малакавий сароғи, теннис корти, спорт мажмуаси, амфитеатр, «Хурлимон» ансамбли, театр-студия, бизнес мактаби, 3 академик лицей, юридик клиника мавжуд. Асосий кутубхонасида 470 мингдан зиёд асар сақланади. Ун-т 36 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, 26 ихтисослик бўйича магистрлар тайёрлайди. Ун-тда 8 мутахассислик бўйича аспирантура (1978 й. ташкил этилган), 2 мутахассислик бўйича докторантура (1993 й. ташкил этилган) фаолият кўрсатади. 2004/2005 ўқув йили ун-тда 6875 талаба таълим олди, 462 ўқитувчи ва илмий ходим, жумладан Ўзбекистон Фанининг 3 акад., 22 фан д-ри ва проф., 163 фан номзоди ва доценти ишлади. 2000—2004 й.лар чет эл грантлари асосида 147 минг АҚШ доллари миқдорида и.т. ишлари бажарилди. Ун-т бир қанча хорижий давлатларнинг нуфузли ун-т ва ин-тлари ҳамда халқаро ташкилотлар б-н ҳамкорлик қилади. Ун-т факултети Ч.А.Абдиров, М.К.Нурмуҳамедов, К. М. Маметбетов, С.К.Камолов, Қ.Ўтениёзов, Ж.Б.Бозорбоев, А.Д.Давлетов, Т.Б.Ешчанов, Ҳ. Ҳамидов, А.Бахиев, Т.Изимбетов, Ҳ. Бобожонов, А.Бекбасов, Ж. Матмуратов, Ж.Қутлимуратов, А.Отаров, Л.Б.Хван, Ю.Пахратдинов, Қ.А. Исмоилов, Н.У. Утегулев, Б.Ж.Матмуратов, К.Заретдинов, Е.Бижанов, С. Қосбергенов, Е.Д. Қўтибоева ва б. проф.-ўқитувчилар номи б-н боғлиқ. Ун-т ташкил топгандан бери 2005 й.гача 20 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади.

Ун-тда «Қорақалпоқ университети» газ. чиқади. Ун-т ўзининг кичик босмахонасига эга бўлиб, умда проф.-ўқитувчиларнинг илмий асар ва ўқув методик адабиётлари чоп этилади.

ҚОРАҚАЛПОҚ ЧЎЛИ — қ. *Ёзёвон чўли.*



Қорақалпоқ университети.

ҚОРАҚАЛПОҚЛАР — Ўрта Осиёдаги халқ; Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасида яшайди (504 301 киши; 2000-йлар ўрталари). Шунингдек, Ўзбекистоннинг Фарғона, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятларида, қўшни Туркманистон, Қозоғистонда, Россияда, Афғонистонда, Эронда бир неча минг Қ. яшайди. *Қорақалпоқ тилида* сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар. Мил. 2-а. охири — 4-а.ларда Орол бўйи чўлларига Шарқдан кунлар, 6—8-а.ларда эса туркийлар келиб маҳаллий қабилалар б-н қисман аралашиб кетган. Мана шу этник негизда Орол бўйи илк ўрта аср халқлари — бижанақлар ва ўғузларнинг шаклланиш жараёни кечган, уларнинг муҳитида 8—10-а.ларда Қ.нинг ҳам шаклланиши бошланган. 10-а. бошида бижанақларнинг бир қисми Ғарбга, Жан. рус чўлларига кетган; Киев Руси қўлидаги келиб жойлашган қабилалар рус йилномаларида «чёрные клобуки» («қора қалпоқлар») деб ном олган. Волга-Урал оралиғида қолган бижанақларнинг шарқий қисми Иртиш ҳавзасидан келган қипчоқлар б-н аста-секин аралашиб кетган, уларнинг тилини қабул қил-



Миллий либосдаги қорақалпоқ қизи.

ган. Манбаларда қипчоқ уруғ-қабила иттифоқида «Қ» атамасига мос келувчи «кора бўркли» этноними учрайди. *Мўғуллар истилоси* даврида Рашидиддин асарида «қавми кулаҳи сиҳ» номи 6-н қайд этилган. *Чингизхон* босқини оқибатида Қ. Ғарбга — Волга бўйларига, Сарықамиш, Ўзбой ва Амударёнинг қуйи оқими бўйларига кўчишга мажбур бўлганлар.

Қ. ярим ўтроқ ҳаёт кечириб, суғорма деҳқончилиги чорвачилик (айниқса, қорамол) ва балиқ овлаш 6-н кўшиб олиб борганлар. Қ.нинг ақсарият қисми 16—18-а.лар ўрталарида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими бўйлари (Туркистон, Жанкент, Чирикработ) ҳамда бир қисми Орол минтақасида (Кўнғирот, Шоҳтемир ш.) яшашган. Бироқ Ейиқ ва Эмба дарёлари бўйларида ҳам Қ. *истиқомат* қилганликлари ҳақида маълумотлар бор. 1743 й. қозоқ хони *Абулхайрхон* Қ.га ҳужум қилган, натижада сирдарёлик Қ.нинг асосий қисми 18-а.нинг 2-ярмида Сирдарёдан унинг ғарбий ирмоғи — Жаналарёга кўчган. 18-а. охирида Хива хонлари Қ.ни тобе этишга фаол ҳаракат қилишган ва оқибатда 1811 й. улар бўйсундирилиб, Қ.нинг асосий қисми Амударё ҳавзасига кўчирилган. Хива хонларига қарши Қ. бир неча марта (1817, 1835—36, 1858—59 йлар) бош кўтарган. 1873 й. Чор Россияси истилоси натижасида ўнг қирғоқ Амударёсини Қ. Россияга қўшиб олинган. Бу ерда *Амударё бўлими* тузилган, *Туркистон генерал-губернаторлигининг Сирдарё вилояти* таркибига киритилган. Сўл қирғоқда ишончли Қ. Хива хонлигини тасарруфида қолган. Ўрта Осиёда шўролар ҳокимияти ўрнатилгач, сўл қирғоқ ва ўнг қирғоқ Қ.и Қорақалпоғистон автоном областини тузган. 19-а. — 20-а. бошида Қ.да ҳўжалик, ижтимоий ва оилавий ҳаётда уруғ-қабила тизими ва патриархал-уруғчилик муносабатлари қолдиқлари сақланиб қолган. Расмий дин — исломдан бошқа кўпгина қад. диний эътиқодлар мавжуд бўлган (ибна к. *Қорақалпоғистон Республикаси*).

Собир Каипов.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН, Қорақалпоғистон Республикаси — Ўзбекистон Республикаси таркибидаги республика. 1924 йил 14 окт.да Туркистон АССР таркибида Мухтор вилоят сифатида ташкил этилган. Майд. *166,6 минг км².* *Аҳолиси 1569,4 минг* киши (2005). Пойтахти — *Нукус* ш. Таркибида 14 туман, 12 шаҳар, 14 шаҳарча ва 124 фуқаролар йиғини бор.



Қорақалпоғистон герби.

Давлат тузуми. Қ. — парламент бошқарув шаклига эга бўлган суверен демократик республика. Қонун чиқарувчи олий давлат ваколатли органи — кўп партиявийлик асосида 5 йил муддатга сайланган депутатлардан иборат Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси (ҚР ЖК). ҚР ЖК раиси республика раҳбари ҳисобланиб, у ЖК депутатлари орасидан 5 йил муддатга сайланади (фақат кетма-кет 2 муддатдан ошмайди). Давлат ҳокимиятининг олий ижро этувчи-бошқарувчи органи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, яъни Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати ҳисобланади. Қ.да Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 6-н бир вақтда Қ. Олий кенгашининг 1993 й. 9 апр.даги 12-чақириқ 12- сессиясида қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига амал қилинади. Қ. ўз давлат рамзлари: герб, мадҳия ва байроғига эга.

Табиати. Қ. қизилқум чўлининг шим.-ғарбий, Устюрт платосининг жан.-шарқий қисми ва Амударё дельтасида жойлашган. Орол денгизининг жан. қисми Қ. ҳудудида. Қизилқумнинг шим.-ғарбий қисми Орол денгизи томон пасайиб борувчи кенг ясси текислик бўлиб, қатор тепа ва қумли барханлар (бал. 75 м дан 100 м гача) учрайди. Алоҳида тог массивлари (энг, йириги — Султон Увайс тоғи, чўққилари 473м ва 485 м) бор. Суғориладиган ерлар ва суғориш каналлари, асосан, дельтанинг ўнг соҳилида. Ғарбда бир неча ботиқли (Борсакелмас, Асаканодон ботиқларининг бал. 29—101 м) Устюрт платоси жойлашган. Плато Орол денгизи ва Амударё дельтасига тик ён бағирли жарлик — чинклар ҳосил қилиб тушган. Устюртдан жан.-шарқда Сарықамиш ойдинининг шим. чеккаси жойлашган.

Фойдали қазилмалардан ош тузи



Қорақалпоғистон байроғи.

ва глаубер тузи, минерал ҳом ашё ҳамда қурилиш материаллари ва б. бор.

Иқлими кескин континентал, ёзи қуруқ ва қиши нисбатан совуқ, қор кам ёғади. Янв. ойининг ўртача т-раси жанубда —4,9°, шим.да —7,6°, июлда жан.да 28,2°, шим.да 26°. Йиллик ёғин 110 мм, асосан, қиш ва баҳор ойларида ёғади. Вегетация даври 194—214 кун. Энг йирик дарёси—*Амударё* (қуйи оқими). Амударё ҳавзаси қад. суғориладиган ҳудуд сифатида маълум. Дарё суви суғоришда фойдаланилади. Нукус ш.да жойлашган сув ҳўжалиги бошқармаси Тахиатош гидроузели, Қипчоқ гидропостидан Орол денгизигача бўлган (283 км) ҳудудлари дарёнинг барча сув чиқариш иншоотларини назорат қилади. Ўрта ва юқори оқимларда дарё суви суғоришга кўп сарфланиши натижасида қоз. Амударё Орол денгизига бевосита қуйилмайди.

Қ.нинг энг йирик кўли — Орол денгизи, шунингдек, Хўжакўл — Қоражар кўллар системаси 6-н богланган Судочье кўл системаси ҳамда Орол денгизининг қуриб қолган қисмида ташкил этилган сунъий сув ҳавзаларида мавжуд. Сўнгги 40 йил ичида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида суғорилаётган ерларнинг кенгайиши натижасида Орол денгизи сув сатҳи 2005 й. бошига 23 м пасайди. Қ.нинг барча сув ҳавзаларидан балиқ овланади, уларда балиқ хўжаликлари ташкил этилган.

Тупроқлари. Амударё дельтасида аллювиал-ўтлоқ, аллювиал ўтлоқ-тўқай, қуриб қолган кўл ва ботқоқликларда типик шўрхок, Устюрт платосида ва Қизилқумда тақир тупроқлар, Қизилқир, Тўқмоқтов ва Устюрт

Нукус шаҳри. Темир йўл вокзали.



платосида қизғанг-қўнғир, Орол денгизининг қуриб қолган тубида қумли чўл тупроқлари тарқалган.

Қ.да юксак ўсимликларнинг 979 тури учрайди. Уларнинг 41 таси маданий турга мансуб. Европа ўсимликларининг 176 таси эндемик, 11 таси қолдиқ (реликт) ва 33 тури маданий ўсимликларнинг европа аждодлари. 7 турдаги ўсимлик Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Қ. ҳудуди тропик бўлмаган чўл зонасида жойлашганлиги сабабли ўсимлик қоплами зоналар бўйича ажралиб туради: Устюрт платоси, Амударё дельтаси, Қизилқум ости.-ғарбий ва қолдиқ тоғ тоғлари табиий географик зонаси. Устюрт ландшафти *гипсли, шўрхок ва қумли чўл* бўлиб, ўсимликлари гипсофит, галофит ва озроқ псаммофитлардан иборат. Бу ҳудудда 400 дан зиёд юксак ўсимлик тури маълум.

Амударё дельтасида 655 турдаги гулли ўсимлик ўсади. Дельтанинг сув ҳавзаларида, аксинча, ўсимлик тури кам, асосан, қалин тўқай ўсимликлари ва қамишзан иборат. Қизилқумнинг ғиж.-ғарбий қисмида катта майдонларда сайрак ўт-бутали чўлга хос ўсимликлар (ксерофил бошоқлилар, қорабош, эфемерлар, ялғун, оқ саксовул) ўсади.

Қолдиқ тоғларда ўсимлик тури нисбатан кўп. Бу ерда 506 турга мансуб юксак ўсимлик учрайди.

Ҳоз. вақтда Қ. табиий ўсимликларидан ем-хашак, ўрмон (тўқай) хом ашёси ва доривордар сифатида, 50% ер майдонидан (9387,7 минг га) яйлов сифатида фойдаланилади. Қ. ўрмон-тўқай фонди 1129 минг га майдонни эгаллайди. Тиқайлар асаларичиликда ҳам аҳамиятя эга. Республикада доривор ўсимликларнинг 364 тури маълум.

Ҳайвонот дунёси ҳам хилма-хил: умуртқали ҳайвонларнинг 500 га яқин, шу жумладан, сут эмизувчиларнинг 68, қушларнинг 300 дан зиёд, судралувчиларнинг 33, сув ва қуруқликда яшовчиларнинг 2, балиқларнинг 50 га яқин тури маълум. Умуртқасиз ҳайвонларнинг 3500 дан ортиқ тури аниқланган. Сўнгги 10 йил ичида Қ. ҳайвонот дунёси анча ўзгаришларга учради. Кўпгина турлар сони қисқарди ва улар ноёб ёки йўқолиб боришган турлар қаторига киритилди. Сут эмизувчиларнинг 10, балиқларнинг 12, қушларнинг 37, судралувчиларнинг 10 тури Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Чўлда судралиб юрувчилардан калтакесак, илонлар; кемирувчилардан жирончозиқ, қумсичқон, қўшоёқ; йирик сут эмизувчилардан жайран, бўри, тулки; қушлардан саксовул сойкаси, бургут, тувалоқ, сўғитўрғай; ўргимчаксимонлардан чаён, фаланга ва б. яшайди. Тўқайларнинг ҳайвонот дунёси нисбатан бой: қирғовул, ўрдак, ғоз, қоравой, лойқўрак; сут эмизувчилардан чиябўри, тўқай мушуги, бўри, тулки, толай қуёни, қобон ва б. Ондатра иқлимлаштирилган. Амударё ва Оролдан пилмай, сазан, таран, лаққа балиқ ва б. овланади. Баъзи турлар йўқолиб кетган ва саноат аҳамитини йўқотган. Шу б-н бирга Қ. сув ҳавзаларида балиқнинг янги 14 тури иқлимлаштирилган.



Қуён Амударё.

Республикада 3 махсус қўриқланадиган табиий ҳудуд: «Балайтўқай» давлат қўриқхонаси, «Сайғоқ» ва «Судочье» буюртма қўриқхоналари ташкил этилган. Қўриқланадиган ҳудудларнинг умумий майд. 1056,5 минг га.

Аҳолиси, асосан, қорақалпоқ ва ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, туркман, рус, татар, кореслар ва б. яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 9,4 киши. Шаҳар аҳолиси 48,5%, қишлоқ аҳолиси 51,5%. Давлат тиллари — қорақалпоқ ва ўзбек тиллари. Диндорлари — мусулмон суннийлар. Йирик шаҳарлари: Нукус (сиёсий аҳамиятя бўйича Тошкентдан кейин 2-ўринда), Тўрткўл, Ташятош, Хўжайли, Кўнғирот, Чимбой.

Тарихи. Қ. ҳудудида одам сўнгги палеолит давридан яшай бошлаган. Мил.ав. 5-минг йиллик — 2-минг йиллик бошларида аҳоли, асосан, Амударё дельтаси ва Орол, Каспий денгизлари ён атрофларидаги чўлларда жойлашган. Мил.ав. 2-минг йиллик охирида бу ҳудудда суғориладиган деҳончилик пайдо бўлган. Мил. ав. 7—6-а.ларда Қ. ҳудудида қад. давлатчилик марказлари юзага келган. Мил. ав. 4-а.да Ахоманийлар салтанати таркибидан ажралиб чиққан, ягона қад. Хоразм давлати ташкил топди. Қўқиришланган-қалъа, Ойбўғир ва Бурлиқалъа ш.лари харобаларини қазиш вақтида қад. ёзма ёдгорликлар (мил. ав. 4-а.га оид). Қўқиришланқалъа ва Оқпошонқалъада қад. тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик ёдгорликлари топилди. Хоразмшоҳларнинг Тупроққалъа (мил. 3—4-а. бошлари) саройи сўнгги антик даврнинг энг улкан ёдгорликларидан бири ҳисобланади. 8-а.да араблар олиб келган ислом дини зардуштийлик ақидаларини сиқиб чиқарди. 12—13-а.ларда буюк Хоразмшоҳлар давлати Ғарбий Осиё ва Ўрта Шарқда энг йирик ва кучли давлат эди. 13-а.да мўғуллар истилосидан сўнг бу давлат парчаланиб кетди. 14-а.да Хоразм Олтин Ўрданинг энг бой ва маданий вилоятига айланди. Қ. ҳудудидан Осиёдаги қўшни мамлакатлар, Дашти Қипчоқ ва Волга бўйига муҳим савдо йўллари ўтган ва халқаро савдода муҳим аҳамиятя эга бўлган.

Тўрткўл йўли.





Нукус шаҳри. Тўрткўл шоҳсупасидаги турар жойлар.

Қорақалпоқларнинг энг қад. этногенези Амударё дельтаси ва Орол-Каспийбўйи ҳудудларида мил.ав. 7—4-а.ларда яшаган сак-массагет қабилаларидан б-н боғлиқ. 6—8-а.ларда маҳаллий аҳоли б-н туркий қабилалар қисман аралашиб кетган. 8—10-а.ларда бижнак (печенег ва ўғизлар муҳитида қорақалпоқ миллати шаклдана бошлади. Чингизхоннинг босқинчилик ҳаракатлари воҳани тўлиқ айлантирган. Амударё қуйи оқими атрофларида яшаган аҳолининг кўплаб кўчиб кетишига сабаб бўлган. Қорақалпоқлар гарбга ўзбўй, Волга ва Урал томонга кўчиб ўтганлар. У ерда Олтин Ўрда таркибида бўлганлар. Улар Рашидуддин асарида «қавми кулоҳи сиёҳ» деб аталган.

Қорақалпоқларнинг аксарият қисми 17 —18-а.ларнинг ўрталарида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида яшаган. 18-а.нинг ўрталарида сиёсий воқеалар, яъни қозоқ хони Абулхайрхон қорақалпоқ ерларига ҳукм қилиши оқибатида улар Сирдарё дельтасидаги гарбий тармоғи — Жаналарё бўйларига кўчиб ўтдилар ва Амударёнинг қуйи оқимида яшовчи қорақалпоқлар орол

Туимўйин — Нукус монтажный водопроводи сув тозалаш станциясидаги тиндиргич.

ўзбеклари б-н бирлашиб, маркази дастлаб Қўнғирот, сўнгра Шоҳтемир (ҳоз. Чимбой) бўлган давлат (Орол мулкини) тузадилар. Қорақалпоқлар асосан, чорвачилик, деҳқончилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланганлар.

1811 й.да қорақалпоқлар Хива хонлигига тобе бўлди. 1873 й.да рус



пошшо қўшинларининг Хивага қилган юришидан сўнг ва Гандимиён шартномаси тузилгач, Амударёнинг ўнг соҳилидаги қорақалпоқлар ясаҳилган ҳудуд Россияга қўшиб олинган ва бу ерда Туркистон генерал-губернаторлигининг Сирдарё вилояти Амударё бўлими ташкил этилган. Амударё бўлими 2 уезд: марказ Тўрткўл қалъаси бўлган Шўракил ва марказ Чимбой бўлган Чимбой уездига ажратилди. Шундай қилиб, қорақалпоқлар яшайдиган ҳудуд 2 га ажратиб ташланди. Чап соҳил қисми Хива хонлиги таркибида қолди. Бу эса қорақалпоқларнинг сиёсий ва миллий бирлашувига тўғ бўлди. Мустамлакачилик зулми 20-а. бошларида ўзгаришга кетди. 1916 й.да Чимбой, Тўрткўл ва б. жойларда пошшо Россияси сиёсатига қарши қўзғолонлар бўлди. 1917 й.да пошшо ҳукумати ағдарилгач, ўнг соҳил қисми Туркистон АССР таркибига кирди. 1918 й.да бу ерда шўролар ҳокимияти ўрнатилди. 1919 й.да Чимбой волостида халқ қўзғолонларни бошланди. 1920 й.да Амударё бўлими Туркистон АССРнинг Амударё вилоятига айлантирилди. 1920 й. апр.да Хива хонлиги ҳудудида Хоразм Халқ Совет республикаси тузилди ва унинг таркибига қорақалпоқлар яшайдиган жойлар ҳам киритилди. 1924 й. апрелда Қозоғистон-Қорақалпоғистон мухтор вилояти тузилди. Ўша йилда чап ва ўнг соҳил бирлашиб, ягона Қорақалпоқ мухтор вилояти мақомида Қозоғистон мухтор республикаси таркибига кирди. 1924 й. окт.да Ўрта Осиё совет республикаларида миллий-давлат чегараланиши давомида Туркистон АССР таркибидаги Қ. мухтор вилояти тузилди.

1929 й.да Тахтакўпирда кўплаб маҳаллий аҳоли колхозлаштириш сиёсатига қарши чиқди. Бу воқеа Қ.ни Россия Федерациясига бевосита қўшиб олиш учун асосий сабаб бўлди. 1932 й. мартда Қ. мухтор вилояти Қ. мухтор республикасига айлантирилди. 1936 й.дан Ўзбекистон таркибида.

Қ. бир қанча репрессияларни бошдан кечирди: 1917—22, 1928—30, 1932—33, 1934—36, 1936—38, аксинча жалон урушн ва урушдан кейинги йилларда. Ўша даврларда анъанавий жамоат, хўжалик ва маданий муносабатлар йўқ қилинди, бир неча ўн минг киши қатагонга учради.

1950—80 й.ларда Қ.да тотализатор бошқарув тизими ҳукмрон бўлди. Пахта якқаҳокимлиги, қ.лдаги маъмурий бўлинмаларнинг сиёсати атроф муҳитнинг бузилиши ва Орол денгизининг қуришига олиб келди. Орол фожиаси регионда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кескинроқ чиқарди, аҳоли соғлигининг ёмонлашувига олиб келди. 1990 й. 14 дек.да Қ. Республикаси суверенитети эълон қилинди. 1991 й. 31 авг.да бу ҳолат «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунда ўз аксини топди. 1993 й. 4 дек.да давлат мадҳияси тасдиқланди. Миллий мустақиллик даврида республика суверенитетининг меъёрий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди, янги маъмурий ҳокимият тузилмалари фаолияти ўрнатилди. Республикада 17 шаҳар ва туман ҳокимияти, фуқароларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ташкил этилди, 200 дан ортиқ жамоат ташкилотлари ишлаб турибди.

Асосий сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва б. жамоат ташкилотлари. Қ.да Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти (1995.25.12), «Адолат» Социал Демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти (1996.27.02), «Фидокорлар» Миллий Демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти (1999.22.01), Ўзбекистон тадбиркорлар ҳаракатининг Либерал Демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти



(2004.23.01) қамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг *Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти* фаолият кўрсатади.

Дастлабки касаба уюшмалари ташкилотлари 20-а.нинг 20-й.ларида ташкил этилган. *1951 й.нинг* авг. ойида Қ. вилоят касаба уюшмалари кенгаши ташкил топган. 2005 й.нинг март ойида касаба уюшмалари кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси деб қайта номланди. Унинг таркибига ишчи-хизматчиларнинг 11 дан ортиқ касаба уюшмаси киритилган: агросаноат мажмуаси, автотранспорт ва пул хўжалиги, алоқа, таълим ва фан, соғлиқни сақлаш, давлат муассасалари, маданият, мебель саноати ва коммунал-хўжалик корхоналари, ёқилғи-энергетика, гео. ва кимё саноати, кичик бизнес, истеъмолчилар кооперацияси, савдо ва таъминотчилар, қурилиш ва саноат қурилиши материаллари.

Ҳўжалиги. Қ. — ўзгалиги ривожланган республика. Қ. ҳудудида фойдали қазилмалардан газ, газ конденсати, нефть, қурилиш ва қоплама тошлар, гипс ва оҳактош, керамзит, цемент, кон-руда ва кон-техника хом ашёси олинади.

Саноатида ишлов берувчи ва хом ашё етказиб берувчи тармоқлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: электроэнергетика; ёқилғи саноати; кимё ва нефть кимёси; машинасозлик ва металлсозлик; ўрмон, *ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз*; ун-ёрма ва аралаш ем; полиграфия саноатлари.

Ташаттиқ иссиқлик электр ст-яси *республика ва вилоятлар*нинг электр энергиясига бўлган талабини қондирада (ст-янинг ўртача йиллик қуввати 443,4 МВт). 1996 й.да Қўнғирот туманида «Устюртгаз» корхонасининг ишга туширилиши б-н ёқилғи саноати вужудга келди. 2004 й.да республика бўйича 1697,1 млн. м³ газ ва 30,4 минг т конденсат етказиб берилди. 1993 й.да «Нукускабель» ишга туширилиши б-н кабель саноати вужудга келди. *Мустақиллик йилларида* Қўнғирот ун з-ди (1993), «Тўрткўл» (1997), кичик новвойхоналар ва макарон и.ч. корхоналари бунёд этилди.

Йирик саноат корхоналари Амударё туманида (пахта з-ди ва ип йигирув ва тўқимачилик ф-каси), Беруний туманида (пахта, ёг-мой з-ддари, тўқимачилик корхонаси), Қўнғирот туманида (пахта, ун-ёрма з-ддари, «Устюртгаз»), Тўрткўл туманида (пахта,



Нукус шаҳридаги «Катекс» қўшма корхонаси.

ун тортиш з-ддари), Хўжайли туманида (пахта, ёг-мой, таъмирлаш-механика ва гишт з-ддари), Чимбой туманида (пахта, ёг-мой, ун-ёрма з-ддари), Элликқалъа туманида (пахта з-ди, «Эътекс» акционерлик жамияти ва «Юнивер» қўшма корхонаси), шунингдек, Нукус ш.да (вино з-ди, полиграфия к-ти, «Катекс», «Нукус нон», «Даунт» корхоналари, ун-ёрма з-ди, 2 та қурилиш саноати корхонаси) ва Тахиатош ш.да (таъмирлаш-механика ва *ун-ёрма з-ддари*) *фаолият кўрсатади*.

Республикада бензин, керосин, дизель ёнилғиси, оҳактош, қоплама материаллар, йирма темир-бетон буюмлари, мебель, ип толаси, пахта, гиламчилик маҳсулотлари, тўқимачилик галантереяси, ўсимлик мойи, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, нон, қандолатчилик ва макарон маҳсулотлари, ун, ёрма ва б. ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Қишлоқ хўжалиги, асосан, пахтачилик, галлачилик (шоли ва бутдой етиштириш) ва чорвачилик (гўшт, сут, қорақўлчилик)дан иборат. Қ.х.нинг ялпи маҳсулоти ҳажмида пахта 22,4%, галла экинлари 22,1%, чорва маҳсулотлари 36,4% *ни ташкил этади*. *2004 й.да* умумий экин майдони 251,2 минг га, шундан 92,9 минг га майдонга донли экинлар, 102,9 минг га ерга пахта, 13 минг га ерга сабзавот-полиз, 34,2 минг га ерга ем-хашак экинлари экилди.

Чорвачилик, асосан, гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган. 2005 й.да барча тоифалаги хўжаликларда 437,7 минг қорамол, 539,9 минг қўй ва эчки, 844,7 минг парранда, 15,8 минг *от боқилди*.

Транспорти. Қ. кенг ва турли-туман транспорт тармоғига эга. Т.ф., ҳаво, автомобиль транспортларидан кенг фойдаланилади. 1994 й.да автомобиль йўлларининг умумий уз. 4295 км, шу жумладан, қаттиқ қопламали йўллар 4235 км бўлган. 1999 й.да Амударёга Нукус ва Хўжайли ш.ларини бирлаштирувчи автомобиль йўлли кўприк қурилди. Қорағзак — Мискин, Мискин—Газўчоқ, Мискин—Бузоқбоши т.й. қуриб ишга туширилди. 2005 й.да т.й. узунлиги 984 км га етди. Нукусда троллейбус қатнови йўлга қўйилган (1991). Нукус аэропорти 1940 й.да қурилиб, 2003 й.да реконструкция қилинган. 1 соатда 200 кишига хизмат кўрсатади. 1998 й.да Қ.да «Ўзузунробита» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасининг уяли телефон тармоғи фаолият бошлаган.

Тиббий хизмати. *Республикада* 70 та тиббий муассаса (9485 ўрин), 246 амбулатория-поликлиника муассасаси, уларнинг таркибида 20 қишлоқ участка врачлик пункти, 6 шаҳар ва маҳалла врачлик пункти, туман марказий

Қорақалпоғистон иловаларида.





Нукус шаҳри. «Пахтабанк» бўлими биноси.



Хўжайли педагогика касб-ҳунар коллежи.

касалхоналарига қарашли 14 поликлиника, 20 республика ва шаҳар ҳамда касалхоналар 6-и бирлашган 20 поликлиника, 3 болалар поликлиникаси, 2 республика муассасаларига қарашли поликлиника бор. 1991–2005 йилларда 61 қишлоқ врачлик пункти; Нукус шаҳрида Республика акушерлик ва гинекология ил-тининг филиали, 2 поликлиника (100 беморни қабул қилишга мўлжалланган) қурилди. Қ.да 3,6 минг врач (ҳар 10 минг аҳолига 23,1 врач, 15,5 минг ўрта тиббий ходим (ҳар 10 минг кишига 98,7) фаолият юритади. Ҳар 10 минг кишига касалхоналарда 60,6 ўрин тўғри келади. Аҳолига Ўзбекистон республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг Нукус шаҳри филиали, шунингдек, 14 туман марказий касалхонаси ва Тахиатош ш. касалхонаси қошидаги тез тиббий ёрдам бўлимлари хизмат кўрсатади. Нукус шаҳрида 2 та шаҳар поликлиникаси «юкламий поликлиника» сифатида фаолият юритади. Кейинги 10 йил ичида республикада қишлоқлик participation бўйича 75 ўрин ташкил этилган. Нукус шаҳрида 1998 йилги Скрининг маркази, 2003 йилдан эса бир сменада 100 Усмирни қабул қилишга мўлжалланган республика ўсмирлар маркази ишлаб турибди. Республика Тошкент педиатрия ил-тининг филиали, 4 тиббиёт колледжи мавжуд. 9 санаторий-профилакторий (1200 ўрин) фаолият кўрсатади.

Спорти. Қ. спортчилари спортнинг кураш, бокс, футбол, оғир атлетика, волейбол, баскетбол, от спорти турлари ва б. бўйича мамлакат мусобақаларида иштирок этиб келмоқдалар. Қ.да 14 стадион, 467 спорт зали, 3159 спорт майдончаси, 3 сузиш ҳавзаси, теннис кортлари ва б. спорт иншоотлари бор. Бир қанча қорақалпоқ спортчилар Ўзбекистон, Осиё, жаҳон спорт мусобақаларида қатнашиб, голибликни қўлга киритганлар ёки совриндор бўлганлари эълон қилинган. Қ. спортчилари «Умид ниҳоллари», «Барқамол авлод», студентлар универсиадаларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Мустақил бўйича 3 карра жаҳон чемпиони Эркин Қўшбоев, оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони Бахтиёр Нуруллаев, Олимпиада ўйинлари кумуш медали совриндори Сергей Сирюковнинг номлари машҳур. 12-Осиё ўйинларида бокс бўйича Алишер Авезбоев, футбол бўйича Бердах Аллаяровлар, эпкак эшиш бўйича Бахтиёр Давлетяровлар тоғлибликни қўлга киритганлар. Республикада халқаро тоифадаги спорт устаси, спорт устаси ва 1-разрядли спортчилар тайёрланади.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 2004/05 ўқув йилда Қ.да 763 умумий таълим мактаби фаолият кўрсатиб, уларда 338 мингдан зиёд ўқувчига 36,1 минг ўқитувчи таълим беради. «Прогресс» таълим ва тараққиёт маркази Ўзбекистондаги 21-а. мактабининг андоза сифатида тан олинди. Ўқитишнинг ноанъанавий услубларидан фойдаланиш, янги йўналишдаги дарсликлар, ўқув дастурлари, аудио ва видеотезисларини қўллаш ўқувчиларга инглиз тилини ўрганишга ёрдам беради. Учинчи фикналарни Қўнғирот, Тўрткўл, Хўжайли туманларида очилган. Ўқувчиларнинг компьютер савиҳонлигини оширишга алоҳида эътибор берилган. 6 ёшдаги болаларни касбий йўналтириш ва уларни мактабдаги ўқишга тайёрлаш мақсадида шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари қошида «Дастлабки мактаб»лари ташкил этилган. 72 касб-ҳунар коллежи, 5 академик лицей бор. Бу ўрта махсус ўқув юртларида 60,6 минг ўқувчи ўқийди. Қ.да *Қорақалпоқ университети, Нукус педагогика институти* ҳамда Тошкент тиббиёт педиатрия ил-ти 6-и Тошкент аграр ун-тининг филиаллари бор. Уларда 9 мингга яқин талаба таълим олмоқда.


35 илмий муассаса, шу жумладан, *ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимига* қарашли 6 та бўлимча (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг табиий фанлар комплекс ил-ти, Биологиянинг ил-ти, Оролбўйи ижтимоий-иқтисодий муаммолар ил-ти, Н.Довқораев номидаги Тил ва адабиёт ил-ти, Тарих, археология ва этнография ил-ти, Қорақалпоғистон клиник ва экспериментал тиббиёт илмий тадқиқот ил-ти), Ботаника боғи ишлаб турибди.

Матбуоти, радиоэшиттириш ва телевидениеси. Қ.да 5 республика, 14 туман, 1 шаҳар (Нукус), 20 тармоқ газеталари, 2 бюллетень ва 9 журнал нашр этилади. Шулардан йириклари: «Ерқин Қарақалпақстан» (1924 й.дан), «Вестн Қарақалпақстана» (1919 й.дан), «Қарақалпақстан жаслари (1931 й.дан)», «Аму тонғи» (1991 й.дан), «Устоз жолы» (1998), «Гарезсизлик хэм ныгым» (1996 й.дан), «Давр кўзгуси» (1978 й.дан), «Маданият хэм спорт» (1997 й.дан), «Амударё» (1932 й.дан), «Вестник» (1960 й.дан), «Арал қизлари» (1991 й.дан), «Илим хэм жумийет» (1991 й.дан), «Саният» (2003 й.дан), «Экономика хэм банк» (2003 й.дан), «Қара-

Элликқала тумани. Оқчақўл манзараси.




ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, табиий харита



БАЛАНДЛИКЛАР ШКАЛАСИ м ҳисобида

МАСШТАБ 1:3 100 000

км 31 0 31 62 93 124 км


ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ИҚТИСОДИЙ ХАРИТА
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ЭНГ КЎП ТАРҚАЛГАН РАЙОНЛАР
ҚОЗОҒИСТОН
ТУРКМАНИСТОН
ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР
САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ
ИШЛОВ БЕРУВЧИ САНОАТ
МАСШТАБ 1:6 500 000

қалпақстан» (2002 й.дан), «Биҳим хэм оқдирис», «Жипек жолы» (1999 й.дан).

Қ. радиосининг эшиттиришлари 1932 й. янв.да бошланган. Дастлаб радиоэшиттиришлар қисқа хабарлатлар тарзида ташкил қилинган, 1935 й.да уларнинг ҳажми 3 соатгача етказилган. Ҳоз. кунда Қ. радиоси кунига 6,5 соат ҳажмда эшиттиришлар олиб боради.

Қ. телевидениеси дастлаб 1964 й. 5 ноябрда эфирга чиқди. Илк фаолият даврида кўрсатувлар кечки пайтда 1,5 соат ҳажмда берилган. Ҳоз. кунда эрталаб 1,5 соат ва кечки пайт соат 19 дан ярим тунгача, дам олиш кунлари телекўрсатувлар олиб борилади.

Адабиёти. Қад. ва бой тарихга эга қорақалпоқ фольклорининг асосини лирик ва эпик асарларнинг барча турлари ташкил этади. Лирик жанр асарларига халқ, маросим қўшиқлари (ёр-ёр, хаужар, жўқлов, ярамзон, тулпасан, бадик ва б.), айтис (айтишув, қўшиқ-беллашувлар), мақол ва мақоллар, масаллар, тез айтиш; эпик жанр асарларига эртак, тўлғов, терма, достонлар киради.

Достонлар қорақалпоқ фольклорининг асосий жанрн бўлиб, 4 тур (қаҳрамонлик, лирик, ижтимоий-маиший, тарихий достонлари)га бўлинади. Қорақалпоқларда кенг тарқалган достон «Алпамис» достони. Шунингдек, «Едиге», «Қўблон», «Қирқ қиз» достонлари машҳур.

Қорақалпоқ мумтоз адабиётининг лирик намоиндаси шоир *Жиен жаровнинг* (1730—84) фаолиятя муҳим аҳамиятга эга. Ўзининг «Улуг тоғ», «Пўстин ел» достонларида қорақалпоқларнинг Хоразмга кўчиб келиш тарихини ёзган. Қорақалпоқларнинг Туркистонлан кўчиб келишига шоирнинг яна бир «Хуш бўлинг, дўстлар» шеъри бағишланган. Яна бир шоир *Қунғўжи* шеърларида ўша ишлаган даврлари халқ ҳаётини тасвирлаган. *Ажинияз*нинг ижоди 19-а.да юкск қилган қорақалпоқ шоирлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Унинг асарлари алоҳида тўпламлар сифатида қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ ва рус тилларида чоп этилган. *Бердақ* шоирнинг лирик, сатирик, дидактик шеърлари, тарихий достонлари диққатга сазовор. Шунингдек, Отеш Алшинбай ўғли (1828—1902), Қулмурот Қурбон ўғли (1845—1926), Омар Сугирнибет ўғли ва б. шоирларнинг шеър, достон ва б. асарлари қорақалпоқ адабиёти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

20-а. бошларида қорақалпоқ адабиётида шеърият етакчилик қилди. Ҳоз. замон қорақалпоқ адабиётининг асосчилари А. Мусаев, С. Мажитов, К. Авезов, К.Ерманов, И. Фозилов, Н.Дожекараев, А. Бегимов, Ж. Аймурзаев, Д. Назбергенов, М. Дарибаев, А. Шомуратов, С. Қурбонниёзов ва б.нинг ижодида маданият ва маърифат, таълим, меҳнат, табиат, халқлар дўстлиги, аёллар тенглиги ва б. умумиинсоний масалалар асосий мавзулардан бўлди.



Амир Темур номидаги Боғотнинг боғи ларидасиз.

20-а.нинг 20—40-йилларидаги қорақалпоқ адабиётида Қози Мавлик Бекмуҳаммад ўғли (1885—1950), А.Дабилов, С. Нуримбетовлар ижодида халқ оғзаки ижодининг бой анъанавий мероси кенг тасвирланган. 1940—45 йилларда қорақалпоқ адабиётида ташвиқот-тарғибот йўналишидаги публицистик асарлар б-н фельетон, очерк, қисқа ҳикоялар яратила бошлади. Балиий асарларнинг асосий мавзуси фашизм устидан галаба қозониш, қаҳрамонлик юксалиш бўлиб, балиий асарларда ҳам уруш қаҳрамонларининг образлари яратилган.

Урушдан кейинги даврда (1946—60) шеърият, проза, драматургия, болалар адабиёти, адабиётшунослик ва адабий танқидчилик ривожланди. Ўша даврда ёзувчи ва шоирлардан И. *Юсупов*, Т.Жумамуратов, Б. Қаипназаров, Б. Исмоилов, Х.Турмибетов, О.Ҳожанёзов, Т. *Қашгбергенов*, К.Султонов, Г.Сейтназаров, Т. *Сейтжонов*, Ж. Дилмуротов, С.Пиржонов ва б. нинг ижоди самарали бўлди. Адабий таржимашунослнкка ҳам кўп эътибор берилди. Қорақалпоқ ёзувчиларининг кўп асарлари, баъзи адиблларнинг тўпламлари ўзбек, рус, қозоқ тилларига таржима қилинди. Ўз навбатида бошқа халқлар адабиёт вакилларининг сайланма асарларилан қорақалпоқ тилига ўгирилган таржималари нашр қилина бошланди.

1960—80 йилар қорақалпоқ драматургиясида П.Тўлегеновнинг «Оналар», «Қўланка», «Инсон тақдири», Ж. Аймурзаевнинг «Бердақ», «Қадрли доктор», С.Хожаниёзовнинг «Суймаганга суйканма», «Ақмоқ подшо», Т. Сейтжонов, И. Юсуповнинг пьесалари (А.Шомуратов б-н биргаликдаги) муҳим аҳамият касб этади. Шу даврда лирик-эпик шеърият мазмуни ва мавзуси, унинг жанр жиҳатлари ўзига хослиги ривожланди ва бойнди.

1970—80 йилар драматургиясида театр саҳналарида қўйилган К.Рамоновнинг (1942—2002) «У дунёга таклиф» трагикомедияси, «Инжиниринг муҳаббати» комедияси, И.Юсуповнинг «Ажиниза» операси либреттоси янги муҳим ҳодиса сифатида тан олинди. Х. Сапаров, Ш. Дилмуротов ва б.нинг шеърий тўпламлари қорақалпоқ болалар адабиётнга қўшилган муҳим ҳисса бўлди. 1970—80 йилларда қорақалпоқ прозаси Г.Бсемуратова, У.Пиржанов, А.Атажанов, Ж. Сейтов, С.Баҳодирова, Х.Ҳамидов, К. Мамбетов, О.Бекбаулов, И. Қурбонбоева, С.Солиев, М.Қайипов каби ёзувчилар б-н бойиди. Ҳоз. замон қорақалпоқ прозасининг ривожланишида Т. *Қамбергенов*нинг ижоди алоҳида ўрин тутади.

Ҳоз. замон қорақалпоқ шеъриятини тоғний-мавзуи балиий-эстетик жиҳатдан бойитишга И.Юсупов салмоқли ҳисса қўшди. 1980-й.лариинг 2-ярмида К.Мамбетовнинг «Ҳуждан», О.Абдурахмоновнинг «Бўсага», А.Отепбергеновнинг «Дўзах ичида», К.Рахмоновнинг «Оқибат», Ш.Сейтовнинг «Халқобод» романлари яратилди. Шеъриятя ўз овозига эга бўлган К.Каримов,



Бўстон шаҳрилари ижтимоий-ижтисодий касбкунар кошлеси.



Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон бўлими биноси.

К.Реймов, И.Торешова, М.Жумаханзарова, О.Сейтаев, О.Сатбаев, Ж.Ўтшиёзов, Х.Даулетназаров, Ж.Избосқанов, Х.Аймбетов каби истеъдодли иҳодкорлар келиб қўшилди.

Театр санъатларида трагедия, комедия, трагикомедия жанрларидаги К. Рақимовнинг «Лаққилар қасалтхонада», С.Жумагуловнинг «Экстрасенс», «Қуёвингни бериб тур», К. Матмуротовнинг «Фирсанд», М.Низомовнинг «Ноёб нусха», Ж. Ҳўжановнинг «Қўшнимнинг қизи» асарлари қўйилди.

Қорақалпоғистон адабиётшунослик фанига 1930-й.лардa Н.Довқораев (1905—53), К.Аймбетов (1908—73), И.Сагитов (1908—93)лар томонидан асос солинган. Уларнинг давомчилари: М.Нурмуҳаммедов (1930—86), Н.Жалақов (1914—75), С.Аҳметов (1929—96), К.Максетов (1927—2003), Г.Есемуратов (1930), Ж.Наримбетов (1937—2004), К.Султанов (1932—2000), К.Мамбетов (1942—2001), Т.Мамбетниязов (1930), К.Байниязов (1934), С. Баҳодирова (1944), А.Пахретдинов (1938) ва б.

Эллиққалъа туманидаги болалар боғчаси.



Меъморлиги ва тасвирий санъати. Қорақалпоқлар санъатини ўрганиш халқнинг узоқ ўтмиши 6-ғ танишишга имкон беради. Унинг изларини антик давр меъморий ёдгорликларида, мас., *Тупроққалъадаги* Хоразм цивилизациясига оид девориy тасвирларда кўриш мумкин. Қорақалпоқлар санъатининг сарчашмалари Шарқий Европа ва Осиё қад. маданияти 6-ғ чамбарчас боғлиқ. Қорақалпоқ орнаментлари Киев яқинидан топилган — кумушдан ясалган тамғали белбоғ қадамалари, фибуллар ва чакка халқаларида ҳам учрайди. Бу тасодифий эмас, чунки «кора кулоҳлар» қабилалари 12-а.да Киев Русининг четларида яшаган. *Чирикработда* топилган зарғалдоқ буюмларидаги мотивларни қорақалпоқ орнаментининг тимсоли деб ҳисоблаш мумкин. Қорақалпоқларда халқнинг ўзига хос этник хусусиятлари гилам ва кашта буюмларида яққол акс эттирилган. Уларга кўшни бўлган халқлар орасидан қорақалпоқларда кўпроқ туркман орнаменти ва нақшларига яқинлик сезилади. Қорақалпоқ кигиз ва наматдарпеч ва безаклар жуда қизиқарли бўлиб, уларга нақш тушириш техникаси ўзига хос, қозоқларникидан фарқли ўлароқ, аппликация йўли б-н туширилади. Ундда безаклар тўлқин кўринишида бўлади, бу жуда қад. орнамент бўлиб, сув рамзини билдиради. Чунки қорақалпоқлар қад. дан дарё ва кўл бўйларида яшаб келганлар. Уларда қадимдан мовут ва физ суяги б-н қадама нақшли ёғоч уймакорлиги ривожланган. Қорақалпоғистон ҳудудида антик, ўрта аср ва янги даврларга оид меъморлик ёдгорликлари мавжуд. Меъморлик ва тарихий ёдгорликлардан 237 таси рўйхатга олинган, улардан 145 таси археология, 25 меъморлик ва 67 таси монументал ёдгорликлардир. Беруний туманидаги Султон Увайс Бобо (11—14-а. лар), Кегейли туманидаги Қалинджардаг (18—19-а.лар), Нөкинскон Бобо (12—14-а.лар) мажмуалари, Ҳўжайли туманидаги Мазлумхон Сулу ва Мидахкон (11—19-а.лар); Қўнғирот туманидаги Белеули (12—14-а.лар), Давут Ота мақбараси; Мўйноқ туманидаги Ҳаким Ота мақбараси ва қабристони, Эллиққалъа туманидаги Аёзқалъа-1 ва Аёзқалъа-2 (7—8-а.лар), Тупроққалъа (3-а.) энг муҳим ёдгорликлардир.

20-а.да Қад тасвирий санъат шакллари ривож топди (И.Савицкий, К.Сопиов, Ж.Исентаев, Ж.Қуттимуродов ва б.). Нукусда *Қорақалпоғистон давлат санъат музейи, Қорақалпоғистон Республикаси ўлкашунослик музейи* фаолият кўрсатмоқда. Қорақалпоқ санъати аньанавий шаклга, чуқур тарихий ўтмишга эга. Бугунги Қ. санъатда ўзига хос миллийлик сақланиб қолган минтақалар. Халқ орасида ўтоқ, ҳовли аньанавий ишлаш жойлари ҳисобланади. Бугунги кунда ҳам санъатдаги аньанавийлик ҳамда миллий ўзига хослик сақланиб қолган ва ўз ривожланишига эга.

Мусиқаси. К. мусиқа маданияти узоқ тарихга эга бўлиб, ҳоз. кунда бой мусиқий фольклор, оғзаки аньанадаги профессионал мусиқа ва шунингдек, 20-а.да ривож топган композиторлик ижодиёти намуналарига эгадир.

Мусиқий фольклор шаклар асосини қўшиқлар ташкил этади. Халқ маросимлари б-н боғлиқ бир қанча жанрлар (шавсум маросим қўшиқлари «Айдар-ай-дар» — шомолни чақириш, диний маросим — «Ярамазан», оилавий маросим ва мавсий- қўшиқлардан «Ярғ-ярғ», «Ҳсужар», «Ўлеп», «Сипсир», «Жоқ,яу» ва б.) унинг энг қад. қатламини ташкил этади. Бадиий мазмунига кўра халқ қўшиқлари ишқий-лирик, тарихий, маросим, аёллар (қизлар), болалар қўшиқларидан иборат. Уларнинг ақсарияти диатоник ладларга асосланиб, оҳанглари мелизматик безакларга бой, куйчанлик хусусиятларга эга. Қорақалпоқларда исломдан олдинги маданият ҳисобланувчи рухларни чақириш, улар ёрдамида бемористани даволаш учун порхан (парихонлар томонидан ижро этилувчи айтимлар ҳам сақланган («бадоқ», «гулапсан»). Фольклор мусиқасида аёллар (қизларнинг чангқубиз мусиқаси, йиғит-қизларнинг театрлашган ўйин-қўшиқлари, лапарлари («яғлы баҳар») мавжуд.

Қорақалпоқларнинг оғзаки аньанадаги профессионал мусиқасининг марказий қисмини достон мусиқаси эгаллайди. Қорақалпоқ достон ижрочилари 3 турга бўлинади: жировлар, бахшилар ва қассахонлар. Уларнинг ҳар бири ўзига хос маълум ижтимоий-сиёсий шароитга хозга келган бўлиб, бир-

бирдай репертуарлари достонлар мазмуни, ижро услуби, достон айтим қуйлари ҳамда мусиқий чолғу жўрнавозлиги жиҳатидан фарқ қилади. Жирчилар фаолияти анъаналий ижодиёт ва ёд қилганлига мансуб бўлиб, қорақалпоқ достонларини («Кўблан», «Шўрэр», «Едиге», «Алпамиш», «Маспатша»), тарихий тўлғоқларни ичқи овозда кўбиз жўрлигида ижро этишдан. Бахши (бақсичилар ишқий-лирик ва қаҳрамонлик достонларини («Юсуф-Зулайҳа», «Зауре-Тайир», «Юсуф-Аҳмет», «Гўрўғлы») ҳамда мумтоз шеърларни асарларини очиқ овозда, дутор ва ғижжак жўрлигида (тоғилча бўламон ҳам қўшилади) ижро этишган. Қўйлар мураккаблиги, ифода воситалар бойлиги б-н жирчилик фарқ қилади. Қарсақчилар кўпинча саводхон шахслар бўлиб, халқ ёдномаларида достон қўшмаларини ўқиб ёки ёддан айтиб беришади. Улар шеърларни фақат ўзига хос, ноўта интонацияга яқин айтим кўй (намоз)ларга сочиб, мусиқий чолғу жўрлигисиз очиқ овозда ижро этишади.

Миллий мусиқа чолғулари қўпорган достончилариинг чолғулари бўламон кўбиз, дутор, ғижжак (ғарақ) ва бўламондан ташқари чангқўбиз, қамон сурнай ва болалар хуштаги («ноқирчоқ») киради. Ўтмишда қорақалпоқларда чилвоза, сурнай, карнай, поғира, дап (доира) каби чолғуларнинг мавжудлиги ҳақида қаҳрамонлик достонларида маълумотлар сақланган. Бўлардан кўбиз ва дутор кенг тарқалган, уларда нозик сезгирлидан томонидан қорақалпоқ мумтоз чолғу куйлари чалинади. Айниқса, дутор куйлари орасида «Мухаллас», «Налиш» каби турқумий куйлар шаклан мураккаб ва ифода воситаларининг бойлиги б-н ажралиб туради. Қорақалпоқ анъаналий мусиқа ривожланишига 20-а.да Нурабўлло жиров, Ерпўлат жиров, Ўтеш жиров, *Жуманбой жиров*, *Жапақ баҳши* Шомуротов, Ёсқан баҳши Қосимбатов, Кенжабой баҳши *Тимошотов*, Қорақалпоғистон халқ артисти Т.Қурбонов ва б. салмоқли ҳисса қўшдилар.

20-а.нинг 2-чирагидан бошлаб миллий композиторлик ижодиёти шакланиш босқичи. Мусиқали драмалар, кичик симфоник асарлар, хорлар, камер асарлар ва ҳ.к. ёзилди. Бу соҳага *Жапақ баҳши* Шомуротов ва О. *Халимовлар* салмоқли ҳисса қўшдилар. 1970–90-й.ларга келиб опера, оратория, симфония, концерт, оҳанга қайи йирик жанрларнинг асарларининг илк тажрибалари пайдо бўлди: Н. *Мухаммедди-*

новнинг «Ажинияз» оперети (1974), «Биринчи қорақалпоқ симфонияси» (1971), биринчи миллий балети «Ойжамол» (1996), Ғ.Демесинованинг 2 симфонияси, фортепиано ва оркестр учун концертлари ва б. О.*Шомуротов*а, Г.Шерзиноза, Р. *Сеитов*, С.*Мамбетова*, О.*Отажуратова*, И.Рафиқова, Д.Каипов ва б. замонавий мусиқа маданиятига салмоқли ҳисса қўшдилар. Республиканинг маданий ҳаётида симфоник оркестр, катта хор жамоаси ва балет труппаси фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, Бердақ номидаги филармония (1946 й.), Қорақалпоқ давлат телерадиокўмитаси қошидаги халқ чолғулари оркестри, «Аяқулаш» ашула ва рақс ансамбли, «Мухаллас» дутор чолғулар ансамбли ва б. мусиқий жамоалар фаолият юритмоқда. Қорақалпоғистон оммавий (эстрада) мусиқаси соҳасида «Ўйинсесин» вокал чолғу ансамбли, «Гулзор», «Саубет», «Мийрас», «Жигитлар» гуруҳлари, З.Хўжаназарова (1961–92), Р.Кутекеева, М.Сапиева, Д. Мамбетуратов, Г.Муниева, М.Отамуродов, Г.Оллабергенова каби эстрада қўшиқчилари машҳур.

Мусиқий билим соҳасида болалар мусиқа мактаблари, Нукусда мусиқа колледжи, маданият колледжи, олий ўқув юртлари (Нукус ун-ти ва б.)да мусиқий кафедралар фаолият кўрсатмоқда.

Театр. Драма ва театрнинг элементларида қорақалпоқ халқининг урф-одатлари ва ўйинларда, халқ достонларида, халқ усталарининг ижодиётида, профессионал сўз усталарининг санъати (Омирбек лаққи, Кампақал-Кампир, Давлат лаққи, Таниқсоқлла мужассамлашган. 19-а.да маскарабозларнинг санъати кент тарқалган. 20-а. бошларига келиб театр профессионал санъат даражасида шаклланди. 1930 й. Турткўлда мусиқали драма театри ташкил этилди, кейинчалик унга К.С. Станиславский, 1990 й.да Бердақ номи берилди. Ундан ташқари Республикада *Қорақалпоқ театри*. 1978 й.да тузилган С. Хўжанёзов номидаги Давлат ёш томошабинлар театри ва 1990 й.да тузилган Давлат қўғирчоқ театри фаолият кўрсатмоқда.

Кинеси. 1970 й. 19 февралда Нукусда Ўзбекистон илмий оммабоп ва ҳужжатли фильмлари Тошкент киностудиясининг Қорақалпоқ филиали очилди. 1970 йилнинг ўрталарига келиб ёш қорақалпоқ кино санъати ривожлана бошлади. 1990 й. апрелда ушбу филиал базасида Нукус ш.да «Қорақалпоқфильм» киностудияси вужудга келди. Т.Калимбетовнинг «Қалпоқча» (1990), «Қайтиш» (1992) каби дастлабки бадиий қисқа метражли фильмлари яратилди. А.Султонов сценарийси асосида «Элим деган ер эди», «Айрилиқ» каби кўжатли фильмлари экранга чиқди. Экология, Афғон уруши, Ҳўжайли архитектураси, МДҲ президентларининг учрашуви мавзуларида фильмлар яратилди. 2002 й.да ипланган «Орол» фильми Бухоро кинофестивалининг махсус мукофотига сазовор бўлди. 2003 й. июль ойида Инсбрук ш. (Австрия)да ўтказилган 32-Халқаро кинофестивалида «Отабеги» ҳужжатли фильми қатнашди. 2004 й. ноябрь ойида Голландияда ўтказилган JDFA халқаро кинофестивалида қатнашган «Кўлоқ» ҳужжатли фильми шу ойнинг ўзида Бильбао (Испания) ш.да ўтказилган Халқаро кинофестивалида фестивалнинг энг яхши режиссура учун кумуш совринига эга бўлди.

Ташқи иқтисодий алоқалари. Республиканинг ташқи савдо айланмаси 2004 й. учун 95559,4 минг АҚШ доллари ёки 2003 й. даражасидан 50,2% ортиқ. Жумладан, экспорт 35160,5 минг АҚШ доллари ёки 2003 й.даражасидан 45,2% ортиқ; импорт 60398,9 минг АҚШ доллари ёки 2003 й.даражасидан 53,3% кўп.

2004 й.да ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажмига нисбатан асосий ташқи савдо ҳамкорлари: Хитой — 33,4%, Германия — 14,6%, Буюк Британия — 8,1%, Швейцария — 6,4%, Австрия — 5,7%, Италия — 4,1%, Франция — 2,9%, АҚШ — 2,5%, Польша —2,3%, Бельгия — 1,7%ни ташкил қилди. Асосий савдо ҳамкорлари бўлиб яқин хориж мамлакатларидан Россия (13,1%) ва Қозоғистон (1,0%) ҳисобланади.



Бўстон шаҳридаги тиббиёт колледжи.

Экспортдаги асосий ўринни пахта толаси эгаллайди, унинг улуши умумий экспортга нисбатан 85,3%, шунлаи узоқ хориж мамлакатларига экспорт 87,1% ва яқин мамлакатларга 12,9%ни ташкил қилади. Импорт структурасида асосий улуш машина ва асбоб ускуналари — 78,3%, қимё маҳсулотлари —6,7%, қора ва рангли металлар — 5,9%, озиқ-овқат маҳсулотлари — 3,2%га тўғри келади.

96—97-бетлар орасидаги Қорақалпоғистон Республикасининг табиий ва иқтисодий рангли харитасига қ.

Ад.: Толстов С. П., По древним дельтам Окса и Яксарта, М., 1962; Камалов С.К., Каракалпаки в XVIII—XIX вв. (К истории взаимоотношений с Россией и среднеазиатскими ханствами), Т., 1968; Нурмухаммедов М.К., Жданко Т.А., Камалов С.К., Каракалпаки. Краткий очерк истории с древнейших времен до наших дней, Т., 1971; Нурмухамедов М.К., Антология Каракалпакской поэзии, Т., 1988.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги шаҳарча (1971 й.дан). Қўнғирот — Бейнов т.й. шоҳобчаси қурилиши муносабати б-н 1971 й. бунёд этилган. Т.й. станцияси. Аҳолиси 3,8 минг киши (2005). 2 умумий таълим мактаби, қурилиш ташкилотлари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари, маданият уйи, касаллхона ва поликлиника мавжуд.

«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН» («Қорақалпақстан») — иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-очмабоп, адабий-бадиий журнал. 2 ойда 1 марта Нукус ш.да чиқади. Муассислари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенеси ва Ҳукумати. Дастлаб «Қизил Қорақалпоғистон» (1930 й. 1 фев.) номида чоп этилган. 2000 й.дан ҳоз. номда. Асосий йўналиши *ўзликни англаш, миллий қадриятларни* тарғиб этиб, халқ онгига сингдириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Республиканинг мустақиллик йилларида қўлга киритган муваффақиятларини тарғиб этиш, Орол муаммоси ҳамда ушбу муаммо *ечими йўлида мавжуд имкониятларни* сафарбар этишни тарғиб этишдан иборат. Офсет усулида 8 босма табоқ ҳажмида қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилади. Бош муҳаррири Табиқан Қанаатов (1998 й.дан).

«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН» («Қорақалпақстан») — Қорақалпоғистондаги нашриёт. Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги тасарруфида. 1928 й. Қорақалпоқ давлат нашриёти номида ташкил этилган. 1964 й. ноябрдан ҳоз. номда. Нукус ш.да жойлашган. Нашриёт жадон адабиёти классиклари асарларини, шунингдек, бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-техник адабиётлар, тиббиёт, ўқув-педагогика соҳаларига оид асарлар нашр этади. 1930—31 й.лар «Қ.»нинг Тўрткўлдаги босмахонаси ҳамда газ. тақризчилари бирлашиб, қорақалпоқ ва қозоқ *тилларида, жами 46* номда китоблар нашр этган. 2004 й. «Қорақалпоғистон» нашриётида 53 номда 141 минг 500 нусхада босма маҳсулот нашр этилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ, И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи — республикадаги йирик музейлардан; Нукус ш.да 1966 й.да ташкил топган, 1984 й.дан И.В.*Савицкий* номи б-н аталади. Музейга И.Савицкийнинг сайёҳ-ҳаваста ва у тўплаган қорақалпоқ халқ амалий санъати асарлари негизида асос солинган. Музейнинг умумий майдони 6,9 минг кв.м. Музей халқ амалий *санъати, қад. ва ўрта асрлар Хоразм* санъати, 1920—30-й.лар ўзбек ва рус тасвирий санъати, қорақалпоқ замонавий рангтасвири ва ҳайкалтарошлиги, илмий-маърифий бўлимлар, кутубхона (10 минг дона асар), фонд ҳамда таъмирлаш устахонасига эга. *Фондида 85 мингдан ортиқ экспонат* мавжуд (2004). Музей фондида 1920—30-й.ларда авангард рассомлар яратган асарлар тўпланган. Қорақалпоқ халқ усталари томонидан яратилган заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, каштадўзлик, тўқимачилик (айниқса, ўзи жаҳозлари) ва б. асарлар амалий санъат бўлимида жамланган. Қад. Хоразм санъати бўлими музейнинг археологик гуруҳлари томонидан қўлга киритилган топилмалар ҳисобига ҳамда бойимокда. *Тасвирий санъат бўлими тўпламлари, айниқса,* серқирра: тўпламни қорақалпоқ рассомлари (И.Савицкий, Қ. *Сопиев, Ж. Куттимуродов, Д.Тураниёзов* ва б.), Ўрта Осиё рассомларининг кекса *авлоди А.Волков, М.Курзин, А.Николаев (Устоз Мўмин), Н.Карахан, У.Таниходжаев* ва б.нинг катта ақлимията эга асарлари ташкил этади. Шунингдек, 1920—30-й.ларда фаол ижод этган рус рассомлари А.Шевченко, Р.Фальк, В.Мухина, И.Грабарь асарлари б-н бир қаторда ижоди деярли ўрганилмаган Р.Мазель, К.Редько, А.Сафронов ва б.нинг асарлари ҳам қўйилган. Музей экспонатлари монографик (этюд, чизгилар тортиб то етук асарлар) тартибида тўпланган



6-н ҳам қимматлидир. Яна музейнинг ўзига хослиги экспонатларнинг зич жойланиши, экспозицияларда тўпламни тўлақонли намойишига эришганлидир. Музей санъат асарларини тўплаш, тарғиб этиш, каталоглар чоп этиш, кўргазмалар ташкил қилиш б-н шуғулланади. Музей қошида гуманитарлик устахонаси ишлаб турибди; «Нукус музейшунослар дўстлари» клуби фаолият олиб боради, кўргазмалар уюштиради. Музей Халқаро музейлар *қўмитаси (ИКОМ) аъзоси.*

Музей 1968—69 й.ларда Москвадаги Шарқ музейида Қорақалпоқ тўпламини илк бор намойиш этди. 1970 й.дан республика ва хорижий мамлакатлар (АҚШ, Франция, Германия, Италия, Япония, Россия ва б.)даги кўргазмаларда иштирок этади.

Ад.: Государственный музей искусств Каракалпакской АССР, М., 1976; Авангард, остановленный на бегу, Л., 1989; Авангард XX века. Из собрания Государственного музея искусств Республики Каракалпакстан, Т., 2003.

Мирзакамол Бобожонович.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДЕҲҚОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ, Ш.Мусаев номидаги Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти — илмий муассаса. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ич. Марказ таркибида. Чимбой ш.да жойлашган. 1958 й.да бугунгитифоқ пахтачилик ил.ити-ти (СоюзНИХИ)нинг Чимбой зонал тажриба ст-яси (1928) базисида ташкил этилган. Ин-тда ғўза селекцияси ва уруғчилиги (ғўза селекцияси ва уруғчилиги, генетика ва ғўза толаси технологияси лаб. б-н), дон экинлари етиштириш технологияси ва уруғчилиги (мойли, ем-хашак экинлари уруғчилиги, агроэкология ва деҳқончилик, *суғориш ва мелиорация лаб. б-н), ўсимликларни* ҳимоя қилиш бўлимларн; Тўрткўл жан. филиали, биокабинет, илмий кутубхона бор (2005). И.т. ўтказиш ва тажрибалар қўйиш учун ин-т экспериментал базасига 250 га ер ажратилган. Тадқиқотларнинг асосий йўналишлари: *ҳозирги Орол бўйидаги экстремал шароитларга мос келадиган,* У-тип тола бе-

Қорақалпоғистон давлат санъат музейи.

радиган, қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган телпиғлар, шўр ва қурғоқчиликка чидамли ғўза навларини яратиш ва жорий этиш; дон, дуккакли, мойли ва ем-хашак экинлари етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш; хўжалик юритишнинг янги ташкилий туизмаларда ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг уйғунлашган усулини такомиллаштириш, қ.х.да қўлланиладиган кимёвий препаратларнинг экологик-иктисодий ва биологик самарадорлигини ўрганиш ва б. Кейинги йилларда ин-тда ғўза, беда, судан ўтининг бир неча истиқболли навлари яратилди. Чимбой-160, Чимбой-3000, Чимбой-4104 ғўза навлари, Қорақалпоғистон (1, 2, 5) беда навлари р-планштирилди. Кўп йиллик илмий изланишлар натижасида Қорақалпоғистон шароитларига мос Чимбой-5 нок нави, Чимбой қизил ёриқ нави, қовунининг витаминларга бой Замча, Қарақиз, Бишак навлари яратилди. 30 мақолали нави тикланди. Ахматлиб экиш схемалари, тупроқни ишлаш усуллари, ўтитлаш системаси, комбинд ва биологик ҳимоя усуллари бўйича илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқилди. Ин-т фаолиятини Й.Р.Кувлиев, У.Торемуратов, З.Тохтабаев, И.Смешов, Д.Шамшетов, А.Ю. Трибунский, А.В.Березникова, М.Азимов, Б.Мамбетниязов, Б.Юсупов, Е.Торенязов ва б. олимларнинг номлари ин-т бошлиғи Ин-т олимлари чет эл инновацияларни ва трантлари бўйича ҳам таклифлар олиб боришмоқда. Чет эл фирмалари, АКШ қ.х. департаменти ин-т илмий адолдаги ўзлига қўйилган.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ, Сапар Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театри — ёшлар ва ўсмирлар учун мўлжалланган театр. 1978 й.дан. қа «Кечикган баҳор» (К.Рахмонов) спектакли б-н очилган. Театрнинг ижодий жамоасини, асосан, Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатиб борган ёшлар (Ж.Абдиллаев, Ж. Жуманов, А.Наврўзова, Д.Кеунимжаев, Н.Хўжамуродов ва б.) ва Берлақ номидаги театрдан ўтган С.Олдомуродова, Х.Сапаров, М.Матчонов, С. Ўтепбергенов, Г.Душимов, Б.Каипбергенов ташкил этди. Театр репертуарининг шакллланиши, жанр ва мавзу нуқтаи назаридан бой ва хилма-хилигини таъминлашда маҳаллий драматурглардан К.Рахмонов, С.Жумагулов, С.Хўжаниёзов, Қ.Мазмуродов ва б.нинг хизматлари катта бўлди. Чорак аср давомида театр репертуари «Хеопс пирамидаси» (Т.Каипбергенов), «Менинг дўстларим» (С.Хўжаниёзов), «Нукус афсонаси» (Т.Сейтжонов), «Тўққиз бемаза тўнғиздок ва бир уддабурон чиқилдоқ» (К.Рахмонов), «Сукунчи» (П. Айтмуродов), «Питонийга саёҳат» (Ж. Хўжанов), «Одамлар нега айинйди» (С.Жумагулов), «Дуторли солдат» (П. Тлетенов) каби замонавий ва афсонавий, достон ва халқ эртакларн асосида яратилган саҳналар, томошабоп спектакллар б-н бойиб борди. Театрга турли йилларда раҳбарлик қилиб келган Н.Аисатбоев, Р.Тўраниёзов, театр рассомларидан Б.Нурмбетов, Д.Казачок, И.Алибеков ва б. қорақалпоқ ёшларнинг қарлони халқлар ва жаҳон драматургиясининг дурдоналари б-н таништириб борадилар: «Кузнинг биринчи куни» (Ў.Умарбеков), «Ота тақдири» (Б.Жакиев), «Болага ота керак» (И.Лазутин), «Икки бойга бир малай» (К.Гольдони), «Скапеннинг найранглари» (Ж.Мольер), «Буратино» (А.Толстой), «Этикли мушук» (Ш.Перо) ва б. А.Наврўзова, И.Айбатов, Қ.Кубесова, А.Худойназаров, А.Ансатбоев, Д.Кеунимжаев, Ж.Абдимов, Д.Холиқназарова, К.Шомуродовалар театрнинг етакчи актёрларидир. Театр директори — М.Эшжонов, бош режи — Р.Айтбоев.

Тешабой Бекиёзов.

«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЁШЛАРИ» («Қарақалпақстан жаслары») — қорақалпоқ тилида чиқадиган ҳафталик газета. Тўрткўл ш.да чоп этилади. Муассислар — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон бўлими. Дастлаб «Қорақалпақ комсомолчылары» *(1931)*, «Жас ленинши» *(1931—92)* номларида чиққан. 1992 й. дан ҳоз. номда. 2-жаҳон уруши йилларида газ. фаолияти вақтинча тўхтатилиб, газ.нинг вазифаси етакчи нашр — «Қызыл Қарақалпақстан» газ. «Комсомол турмысы» («Комсомол ҳаёти») бўлими очилиб, унинг зиммасига юклатилган. 1950 й.нинг 1 июлидан ёшлар газ.си қайта нашр этила бошлаган. Газ. таҳририятида «Мактублар ва оммавий ишлар» ҳамда «Ёшлар ҳаёти ва муаммолари» бўлимлари фаолият олиб борib, ҳар ойда «Замандаш» («Замондош»), «Дерман» («Дармон»), «Ўз-ўзи-ға» («Ҳаққа») клубларн материаллари, шунингдек, «Ёшлар ижодиёти», «Шарқий фикр», «Экология», «Камолот хабарлари», «Ахборинг қалай, қишлоқдош», «Давр ва ёшлар» ва б. рукнларда мақолалар чоп этилади. Адади 6000 нусха (2005).

Нағриддин Назаров.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ — Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати. Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий ижро этувчи-бошқарувчи органи. *Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенеси* томонидан тузилади, унинг олдида масъул ва унга ҳисоб беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг тақдимига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти б-н келишилиб, Жўқорғи Кенес томонидан тайинланадиган Раис бошқаради. У ўз лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

1998 й. 29 янв. янги таҳрирда қабул қилинган «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Вазирлар Кенгаши: Қорақалпоғистонда иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради, мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий қурилишини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади, хўжалик юритишнинг янги шаклларини барпо этишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. Пул-кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбир-



«Тўққиз бемаза тўнғиздок ва бир уддабурон чиқилдоқ» спектаклидан кўринишлар.

ларини кўради. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, шунингдек, республика иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ва уларнинг жорсонини ташкил этади, бошқарув идоралари тизимини такомиллаштиради, ҳар хил вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва ҳўжалик тузилмаларини ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисида республика Жўқорғи Кенгесига таклифлар беради; фан ва техникани ривожлантириш чора-тадбирларини, шунингдек, табиий бойликларни муҳофаза этиш, улардан самарали фойдаланиш бўйича дастурларни амалга оширади; фуқороларни ижтимоий ва ҳўқўқий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳўқўқларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради, соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга ёрдамлашади; республика давлат хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларини кўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, Қорақалпоғистон Республикаси ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастурларга оид ишларни муваффақиштиради, табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларини кўради, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳужматларэро шартномалар, битимлар тузади ва амалга оширади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ — Қорақалпоғистон Республикасининг олий давлат ҳокимияти органи, республика парламенти. 1995 й. 25 декда ташкил этилган. Бунгача Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгэши деб аталган. Республика Жўқорғи Кенгеси ҳудудий сайлов округларидан кўппартиявилик асосида 5 й. муддатга сайланадиган 86 депутатдан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ҳўқўқий мақоми Қорақалпоғистон Конституциясига (1993 й. 9 апр.) ва «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида»ги қонун (1994 й. 24 сент.; янги таҳрирда 1998 й. 28 янв.да белгилаб берилган. Қорақалпоғистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Жўқорғи Кенгеси иш олиб бориш мумкин. Жамиятнинг барон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Қорақалпоғистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

Жўқорғи Кенгесининг мутлақ ваколатларига Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш; унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш; қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, республика Конституциясига шарҳ бериш; иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг давлат стратегик йўналишларини қабул қилиш; шунингдек, республикада давлат қонимияти органларининг раҳбарларини, ўринбосарларини, мансаблар шахсларни лавозимларга тайинлаш ва озод қилиш ҳамда *Конституцияда назарда тутилган* бошқа ваколатлар киради.

Жўқорғи Кенгес раиси Қорақалпоғистон Республикасининг энг юқори лавозимли шахси ҳисобланади. У Жўқорғи Кенгес ишларини ташкил этиш ва б. давлат ваколатларини амалга оширади ҳамда Кенгес депутатлари ичидан ширин овоз бериш йўли б-н Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг вакиллик мулкатига ва қайтарилга 2 муддатгача сайланади (Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, 80-модда). Жўқорғи Кенгес Президиуми Жўқорғи Кенгес фаолиятини ташкил этиш ва б. давлат ваколатларини амалга оширши учун тузилган, унинг таркибига Жўқорғи Кенгес раиси, унинг ўринбосарлари, Жўқорғи Кенгес қўмиталари ва комиссияларининг раислари, Жўқорғи Кенгесдаги партия гуруҳларининг раислари киради. Ҳоз. кунда Жўқорғи Кенгесда 5 қўмита, 1 комиссия, 3 фракция мавжуд.

Жўқорғи Кенгес *Қорақалпоғистон Республикаси Ватарлар Кенгаши* б-н биргаликда 1924 й. ноябрдан чиқалиган «Еркин Қорақалпақстан», 1919 й. июндан чиқалиган «Вести Каракалпакстана» ҳамда 1992 й. 25 июлдан чиқа бошлаган «Аму тонғи» газ.ларининг ҳаммуассисидир.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ — маданий-маърифий муассаса; 1929 й.да Тўрткўл ш.да тарих-ўлкашунослик музейи сифатида асос солинган. 1944 й.дан Нукус ш.да; 1969 й.дан ҳоз. номда. Музейда табиат, археология-этн., амалий санъат, янги тарих бўлимлари ҳамда фонд мавжуд. Фондида 57 мингдан зиёд экспонат бор (2005). Музейнинг шаклланишида олимлардан Н.А.Баскаков, Н.В.Горчинская, К.Аймбетов кабиларнинг хизматлари катта. Я.Гуломов, С.П.Толстов, Т.А. Жданко, А.Л. Мелков, А.С. Морозова ва б. олимлар бошчилигида археология-этн. экспедициялари даврида топилган ҳамда ажралган тўпланган экспонатлар ҳисобига музей фонди бойитилган. Музей экспозициясида ўлка тарихи, халқ ижоди, археологик-этнографиаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, Орол ҳўқисаси, қорақалпоқ халқининг ўзига хос амалий санъати (айниқса, заргарлик, каштачўзлик, кийим, ёғоч ўймакорлиги ва б.)нинг қадимдан ҳоз. даврга бўлган долати ёрқин ифодасини топган. Музей фондини бойитиб бориш, экспонатларни сақлаш, таъминлаш, консервациялаш ишларини амалга оширади; фондини кўргазмалар уюштириш йўли б-н тарғиб қилади. Музей Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ФА ҳамда унинг ин-лари билан, республикадаги ва чет мамлакатлардаги музейлар ва б. ташкилотлар б-н яқин алоқада фаолият юритади.

Светлана Нурабуллаева.



Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси биноси.

ҚОРАҚАНД — кечиндар қовун нави. Шакли тухумсимон, учи тўмтоқ, йирик (уз. 25—30 см, оғирлиги 2,5—4,5 кг). Сиртғи сал таллам-тиллим, тўри йирик, баъзи жойлари тўкилган. Туси жигарранг тобланиб турадиган тўқ яшил. Сиртидаги гуллари туғилган сал фарқ қиладиган декрли қора, тўқ яшил энсиз йўллардан иборат. Пўсти қалтиқ, эти қалин (5,5—6 см), оч-яшил, пўстига яқин жойи яшил. Уруғхонаси унча катта эмас, уруғи йирик. Таркибида 8,3—11,4% қанд, 11—13,5% қуруқ модда бор. Уруғи



Қорақанд қовун нави.


ранг чиқаради сўнг хосили 100—110 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 250—300 ц/га. Озиқ жойларга кўпаришга, сақлашга ва ташишга яроқли. Ушбу нав 1946 й.дан Самарқанд, Сурхондарё, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида экиш учун р-нларга тарқатилган.

ҚОРАҚАРАҒАЙ (Picea) — қарағайлар оиласига мансуб доим яшил игнабарғли дарахтлар туркуми. 36 тури маълум. Европада 27, Шим. Америкада 9 тури тарқалган. Ўзбекистонда о д д и й ёки е в р о п а Қ.и (P.abies) ва Ш р е н к Қ.и (P. schrenkiana) тури ўсади. Оддий ёки европа Қ.ининг бўйи 15—20 (30—50)м, пирамидасимон. Пўстлоғи қизғиш-қўнғир ёки қулранг. Игнабарғлари 15—25 мм, энг жойлашган, ўткир учли, куртаклари тиқинсиз, смоласиз. Новдалари қаттиқ, 5—7 йил давомида сақланиб туради. Алоҳида ўсган дарахтлар 10—15, ўрмонларда эса 25—30 ёшидан гуллайди. Шамол ёрдамида чангланади. Қўббалари т у х у м с и м о н. Уруғи окт—нояб.да пишиб етилади. 250—800 й.гача яшайди, совуққа чидамли. Ёғоч оқ, енгил, қаттиқ, 80—120 й.дан кейин қаркиб фойдаланиш мумкин. Ёғочи қурилишда, целлюлоза-қоғоз саноатида, мебель, мусиқа асбобларида, т е м и р й ў л шпалларида ишлатилади. Ўтин сифатида фойдаланилади, игнабарғларидан эфир мойи, С витамини, пўстлоғидан ошловчи моддалар олинади. Кўпроқ кўкаламзорлаштиришда тоғ ҳудудларида экилади. Уруғидан ва пармиш қилиб ҳамда қаламчалардан кўпайтирилади.




Қорақарағай: *1* — дарахти; *2* — қўббаси чиқарган новдаси.

ҚОРАҚАТДОШЛАР (Saxifragaceae) — икки уруғпаллалиларга мансуб ўсимликлар оиласи. Ўт, бута ва кичик дарахтлардан иборат. Барглари оддий, ён барғчасиз, кетмакет қарама-қарши ёки розетка ҳолида жойлашган. Гуллари иккижинсли, актиноморф, тожбарглари 5, баъзан 4 та, битталаи ёки тўпгулларга йиғилган. Меваси қўсакча, 35 туркуми (600 тури) маълум, асосан, Шим. ярим шарнинг совуқ ва мўътадил минтақаларида, айниқса, тоғларда тарқалган. Ўзбекистонда 4 туркумга мансуб 6 тури ўсади. Булар ичида истеъмол қилинадиган қорақат кенг тарқалган. Қ.нинг *тошбўғар, гортензия, филадельфия* туркуми вакиллари манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. *Бадан* (*Bergenia*) тури таркибида 20% гача ошловчи моддалар бор. Қ.нинг ҳамма турлари асалариялар учун озиқ.



ҚОРАҚИЙ, м а й с а з о р ё й ў т к ў н о г и, а ж р и қ б о ш (Phleum pratense L.) — бошоқлилар оиласи, ўт-қўноқлар туркумига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик тури; ем-хашак экинн. Ғарб. Европа, АҚШ, Канада, Россияда кенг тарқалган. Бўйи 60—100 см. Май — июнь оқирпақаи (гулаб), июлда уруғлайди. Чорва моллари учун яхши озуқа. 100 кг кўк массасида 20—25 озуқа бирлиги ва 1,0—1,5 кг ҳазм бўладиган протеин бор. Қишга чидамли, намталаб ўсимлик. Пичан ўриб олдиндан ўтлоқлар яратиш, ўт-алаалаи алмашлаб экишда кенг қўлланилади. Экилгандан сўнг 3—4 йил ўтгач 70ц/га пичан, 3,5 (10) ц/га уруғ олиш мумкин. Тоғ зонасидаги ўрмонларда, ўтлоқларда ўсади. Қ.нинг бир неча р-нларштирилган селекция навлари бор. Уруғидан экиб кўпайтирилади.


Қорақўноқ.

ҚОРАҚИЯСОЙ РАСМЛАРИ — Қоржонтовнинг жан. ён бағрларн сойнинг чап қирғоғи қоятошларига ишланган тасвирлар; Тошкент ш.дан шим.-шарққа. 1974 й.да археолог А.Кабиров топган; 1981—82 й.ларда археолог М.Хўжаназаров и.т. ишлари олиб борган. 1500 дан ортиқ расмлар тош, металл ва қаттиқ буюмлар б-н ўйиб-чўқичлаб ишланган бўлиб, ишлаш услублари хилма-хил. Кўпроқ сон услуби қўлланилган. Энг қад.ги 2-минг йилликка, кейинтилари мил. ав. 7—1-а.ларга мансуб; улар орасида илк ва сўнгги ўрта асрларга оидлари ҳам бор. Одам, буқа, ит, бўри, оҳу, чўчқа, тог эчкиси, бугу, туя, тулки ва б. ҳайвонлар, шунингдек, қад. 5 та арава, чаванлоз, ўқ-ёй ушлаб турган мерган, тунки етакчаги ёки минган одамлар маҳорат б-н чизилган. Ўзбекистон ҳудудида илк бор жез даврига оид 5 та арава тасвири топилган, уларнинг 4 тасига отлар қўшилгани аниқ, биттасигина отсиз тасвирланган. К.р.да қайиқлар (буқа, чўчқа, тог эчкиси, оҳу ва б.)ни ит-лар иштирокида ўқ-ёй б-н яккама-якка ва қўлашиб ов қилиш ҳолатлари аниқ тасвирланган. Алоҳида ҳолда ўқ-ёй, ҳанжар, эгри ва тўғри қилич, арқон ва қопқонларнинг тасвирлари ҳам чизилган. Кундалик хаётдан олинган манзаралар кўплаб учрайди.

К.р. Ўрта Осиё халқларининг қад. тарихи, маданияти, санъати тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Хужаназаров М. Наскальные изображения Ходжакента в Каракиясах. Самарканд, 1995.

ҚОРАҚОБИҚ, қ о р а қ о н у қ (Ungernia) — чучмомадошларга мансуб кўп йиллик пиёзли доривор ўсимликлар туркуми. Ўзбекистонда Северцев Қ.и ёки Қ. [U. severtzovii (Rgl.) B. Fedsch.] тури ўсади. Пиёзи тухумсимон, усти қора пўст б-н ўралган. Пиёзидан уз. 20 см, эни 1,5 см ча барглар ўсиб чиқади. Июнининг охирида барглари қуриб, авг.да барглиси соябон тўпгулли поя ҳосил қилади. Гуллари воронкасимон, саргиш-қизғиш. Уруғи қора, жиғарранг. Тошкент вилоятининг Сижжак, Бурямулла, Чимён, Заркент қояликларида атрофларида, Қоржантов, Чатқол тизма тоғларининг тошли ва шағалли ёнбағирларида 1700—1900 м баландликларда ўсади. Пиёзи, барги ва уруғидан 12 хил алкалоид ажратиб олинган.

ҚОРАҚОЗОНЛАР — Тошкент ҳокими *Юнусхўжа* даври (18-а.нинг охири — 19-а. бошида қўшин номи. Юнусхўжа 6 минг кишидан иборат қўшин тузиб, аскарларни милта милтик, қилич, найза, қалқон б-н қуроллантирган. Бу қўшин «кора қозон» деб аталиб, унда, асосан, турли шаҳарлардан келган мусофир кишилар ва асирлар хизмат қилган. Юнусхўжа уруш вақтида ўтроқ ва кўчманчи ҳалқлардан 50—60 минг аскар тўплай олган. Қўшин турли рангдаги байроқлар, нотора, карнай ва сурнайлар б-н таъминланган. Уруш боришига қараб, ҳар бир хонадонлан бир-икки кишн қўшинга жалб этилган. К. сонларидан озод қилинган.

ҚОРАҚҰЛОВ Жуман (1921, Қорақалпогистон Республикаси, Тўрткўл тумани — 1944.18.10. Чехословакия, Завала ш.яқин) — 2-жаҳон урушн қатнашчиси. 1942 йдан фронтда. 327-гвардиячи тог ўқчи полкни (4-Украина фронти 1-гвардиячи армнянинг 128-гвардиячи тог ўқчи дивизиясн)нинг гвардиячи оддий аскари. Завала ш.часини озод этишда кўрсатган жасорати учун Қадрномаи унвони берилган (1945.24.3, вафотидан сўнг). Қорақалпогистон Республикасининг Чимбой ш.дати кўча ва мактабга унинг номи берилган.

ҚОРАҚҰЛОҚ, каракал (Filis karakal) — мушуқлар уругига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Танасининг уз. 65—82 см, думи 25—30 см. Ташқи кўриниши қисман силовсинга ўхшайди; қулоғи учида қора тукдари бор, лекин думи тўмтоқ эмас. Юнги калта. Африка ва Осиё ўлкаларида яшайди; Ўрта Осиёда Туркманистон жанд. учрани мумкин. Кўён, майда кемирувчилар (қумсичқонлар) ва қушларни тутиб ейди. 2—4 тадан бола тугади. Илгари Ҳиндистонда К. хонакилаштирилган; у 6-н антилопа, кўён, тулки каби майда ҳайвонларнн овлашган. Сони камайиб кетган. Ҳозирда Қизил китобга киритилган.


Қорақулоқ.

ҚОРАҚУМ — Осиёдаги энг катта қумли чўл. Ўрта Осиёнинг жан.да. Туркманистоннинг асосий қисмини эгаллайди. Шим.да Сариқамиш ботиги, шим.-шарқда ва шарқда Амударё водийси, жан.-шарқда Қорабел ва Болхиз қирлари, жан.да Копетдоғ этаклари, ғарбда қад. дарё ўзани Ўзбой 6-н чегаралош. Майд. 400 минг км². Қ.нинг асосий қисми ёш грабенда жойлашган пасттекисликдан иборат. Ўртача бал. 100 м, жан.-шарқида 200—300 м, шим.-ғарбида эса 30—50 м. Қ.да палеоген даврининг охири (олигоцен)гача денгиз режими сўриз сурган. Денгиз чекингач, адловиал ётқизиқлар тўпланган. Қ.нинг шим. қисмлари Амударё, жан. қисмлари Тажан, Мурғоб дарёларн ва Копетдоғдан оқиб тушган қад. дарё ётқизиқларидан ҳосил бўлган. Қ. табиий географик жиҳатдан уч қисмга: Унгузортн Қ. (шим.да), Марказий (Пасет) Қ. ва Жан.-Шарқий Қ.га бўлинади. Қ.нинг морфоскульптура рельефи жуда мураккаб. Унда тўзима бархан қумлари, барҳан занжирлари, пастак қум тепаларн, ялғиз қумлар, қатор тепа қумлари ва кўзанак қумлар каби эол рельеф шаклларн кенг тарқалган. Пастқам ерларда шўр, шўрхок ва тақирлар учрайди. Қ.нинг 9/10 қисми қумли ерлардан иборат. Қатор тепа қумлари Марказий Қ. б-н Унгузортн Қ.да кенг тарқалган. Улар меридионал йўналган, мустаҳкамланган узун қум тепаларидир. Жан.-шарқ ва марказий қисмларида қатор тепа қумларининг бал. 3—5 м дан 30 м гача, улар орасидаги чуқурлик (жўяқларнинг эни 150—200 м. Қад. Амударёнинг миоцен ва плиоцен гил-қум ётқизиқларидан тузилган Унгузортн Қ.да қатор тепа қумларининг бал. 40—60 м, улар оралиғи эса ўртача 0,5 км бўлган қатор шўрхок сойликлардан иборат. Унгузортн платоси эпигенин плятада жойлашган бўлиб, устини қалин мезозойнозой ётқизиқлари қоплаган. Платонинг кўзаси шсбатан текис бўлиб, кўпроқ палеоген даврининг қумтош, мергель ва гилларидан ташкил топган. Булар орасида гипс ва оҳактутгурт қатламлари учрайди. Марказий (Пасет) Қ. текка бўкиқмада жойлашган бўлиб, палеоген жинсларидан иборат. Амударё Марказий Қ.дан (бундан тахм. 20—30 минг йил аввал) оқиб қўйган. Ҳозир денгизи (тахм. 15—20 минг йил аввал) Марказий Қ.да сатҳи 50 м мутлақ баландликдаги кенг қўлтиқ ҳосил қилганда, унинг суви шўр эди, чунки Амударё Хоразм ботиғи томоні оқади.

Қорақум барханлари.



Қ.нинг иқлими кескин континентал, қурғоқ суткалик амплитудаси жуда катта (50°гача, тупроқда 80°гача). Йиллик ёғин 60 мм дан 150 мм гача (жан.да кўпроқ). Ёғиннинг 70% ноябрь—апр. да ёғади. Ветепшея лаври 220—275 кун. Йилига 30—60 кун *гармсел* эсади. Қ.нинг шим.-шарқий чегарасидан Амударё оқиб ўтади; Тажан ва Мурғоб дарёлари қумга сингиб кетади. Қ. грунт сувларига бой: Амударё иқимида 3—6 м дан (бу дарё Қлаги ҳамма ер ости сувларининг асосий манбаидир). Қорабел қирларида 300 м гача чуқурликда ётади. Қ.да бўз қўнғир (асосан, Унгузортн Қ.да), чўл қум тупроқлари, шўрҳоклар ва тақир тупроқлар тарқалган. Жан. ва жан.-шарқий қисмларида қисман бўз тупроқлар учрайди. Баҳорда Қ.нинг барҳан қумларидан ташқари ҳамма ҳудуди эфемер ва эфемероидлар ё-н қопланади. Ранг (пилоқ) қўйларнинг асосий озуқаси, оқ ва қора саксовул, буталардан қандим, қуёнсунк, чаканда, астрагаллар Қ.нинг тропик ўсимликларидир. Барҳан қумларини мустаҳкамлашда селин, қуёнсунк ва қандим, черкез катта аҳамиятга эга. Сут эмизувчи ҳайвонлардан жайран, қарсак, тулки, бўри, барҳан мушуги, дашт мушуги, кемирувчилар учрайди. Қушлардан бойқуш, тўрғай, чўл қирғаси, чумчуқлар яшайди. Судралувчилардан илонлар (чарх илон, ўқ илон, дашт бўғма илони, кўзойнак илон ва б.), калтакесаклар — агама, геккон, эчкемар (уз. 1,5 м гача), дашт тошбақаси хос. Фаланга, қоракурт ва чаёнлар бор. Чўлнинг кўп қисми кўй ва туклар учун йил бўйи яйдов. Фойдали қазилмалари: олтингугурт, нефть, газ. Қ.нинг жан. қисмидан *Қорақум канали* ўтган. Қ. орқали Ўрта Осиё — Марказ газ қувури ўтказилган. Қ.да экстенсив чорвачилик мавжуд. Дарахтлар ўтказилиш ва кўчма қумларни мустаҳкамлаш ҳамда яйлов ўсимликлари фитомелиорациясн бўйича ишлар амалга оширилган. Жан.-Шарқий Қ.да Туркманистон *Қорақум канали* Репетек қумли чўл и.т. станцияси жойлашган.

Ад.: Федорович Б. А., Дикі пустыни, М., 1954; Бабаев А. Г., Пустыня Каракумы, Ашхабад, 1963; Туркменистан, М., 1969; Петров М. П., Пустыни земного шара, Л., 1973; Пустынн Центральной Азии, М. — Л., 1966—67.

Мурод Маматқулов.

ҚОРАҚУМ КАНАЛИ, Қорақумдарё — Туркманистонининг жанубий-шарқидаги суториш каналн. Жаҳонидаги йирик гидротехника мажмуаларидан бири. Ҳосз. уз. 1100 км. Сув ўтказиш имконияти 502 м³/сек. Амударё суввини Туркманистонининг жан.даги *ер*лар — Мургоб, *Тажан қадзаларн* ва Қопетдоғдан оқиб тушадиган ва б. кичик дарёларнинг камсув қадзаларига чиқариб беради. Амударёнинг чап қирғоғидан, ҳоз. Отамурот шлюзи юқорироғидан бошланади. Туркманистонининг жан. қисмини кесиб ўтади. Суториш майд. 500 минг га дан ортиқ. 5 минг га йўлокса сув беради. Қ.к. ўзи *оқар, кенглиги* 200 м гача, чуқ. 7,5 м гача, бош қисмида 465 км.ялв кемалар қатнайди, балиқчилик ривожланган. *Каналнинг* Амударёдан Мургобгача бўлган 400 км ли 1-навбатяи 1954—59 ййлар қурилган. 100 минг га қ.л.га яроқли ерларни суторган. Мургобдан Тажангача бўлган 140 км ли 2-навбати 1960 ййда қурилиг. Сув сарфи 200 м³/сек. Каналнинг 2-навбати ишга туширишнн натижасида *Тажан воҳасида 70* минг га га яқин янги ер ўзлаштирилди, изғарн суториб келинган 30 минг га ерда суториш ишлари яхшиланди. Тажандан Гўктепагача 300 км узунликдаги 3-навбатн 1961—69 йларда қурилган, бу эса 100 минг га ерни *суториш имкониятини бераги*. 1971 йдан 4-навбатн қурилиши бошланди. Қурилган қисми 1100 км, 2063 йга қадар Барекет шлгага етказилди. Қ.к.да 4 сув омбори, жумладан, Ҳовузхон ва Копетдоғ сув омборлари қурилди. Қ.к. тўла қурилиб битказилгандан сўнг унинг уз. 1435 км, сув ўтказиш имконияти 1000 м³/сек.га етади. Туркманбоши шаҳар атрофи саноат р-ялари сув б-н таъминланди.

Қорақум каналн магистрали.



ҚОРАҚУРТЛАР (*Latrodectus*) — ўргимчаклар уруги. 6 тури маълум. Шим. Африка, Ғарбий Осиё, Жан. Европада, Ўрта Осиё, Молдавиядан Енисейгача бўлган жойлардаги дашгларда, Украинанинг жан.да тарқалган. Ўзбекистонда олдий қорақурт, оқ қорақурт ва Дал қорақурти учрайди. Олдий Қ. урочисининг уз. 10—20 мм, эркатинки 4—7 мм. Қ. усти бахмалсимон, қора тусда. Эркати ва вояга етмаган урғочи Қ. корни орқасида оқ қошиғи қизил нуқталар бор. Ҳашарот (асосий озиғиига бой дашт, ўғл ва чала ўғлларда яшайди. Урғочиси пана жойларга уя ясаб, чиқаверишга ўлжа тутиш учун тўр тўқийди. *Уясига илиб қўйилган* ҳар *бир* тилада (бунинг катталиги кичик ёнғоқдек, умр бўйи 4—7 доназ 200—400 тагача тухум бўлади. Тухумдан чиққан ёш Қ. пилла ичида қишлаб, апрелда пилладан чиқади. Ёш Қ. 6 марта ғуз-лаб, июнда воята етади. Баҳорда куя нисбат б-н урғочи ва эркати вақтинчалик тўр тўқийди. Эркати урғочисини уруглантиргандан сўнг нобуд бўлади. Уруглапган Қ. уя ясаш учун жой қидириб кўчиб юради. *Шу зазрда* Қ. чақиши (*безюта* қилинганда) кўп учрайди. Қ.нинг заҳар безлари бош қўқрагида жойлашган, безлар йўли хелицерага очилади. Заҳари оқсил токсиндан *иборат; нейротоп* таъсирга эга. Қ. заҳари туя ва отларга айниқса кучли таъсир қилиб, ўлимга олиб келиши мумкин. Урғочи Қ.нинг чақиши одам организмининг умумий заҳарланишига, баъзан *ўлимга сабаб бўлиши* мумкин. Бу кўпгинсиз ҳодисанинг олдини олиш учун Қ. заҳарига қарши зардобдан фойдаланилади. Зардоб Тошкент Вакцина ва зардоблар илмий текшириг институтида ишлаб чиқарилади. Қ. заҳари фармацевтика саноатида ҳам қўлланади. Ўзбекистон ФА Зоология институтида Қ. махсус лаб.да заҳар олиш мақсадида кўпайтирилмоқда.



Қорақурт.

ҚОРАҚУРУМ — Марказий Осиёдаги тог системаси, Ҳиндистон (Жамму ва Кашмир штатларида) ва Хитой ҳудудларида. Ер юзидаги энг баланд тог системаларидан бири. Шим.да Помир ва Куньлун, жан.да Ҳимолай ва Гандисишан тизмалари оралигида. Уз. 500 км, шарқидаги Чанчемно ва Пангонг тизмалари б-н бирга 800 км чамасида. Эни 150—250 км. Ўртача бал. 6000 м, энг баланд жойи 8611 м (Чогори чўққиси). Бир қанча чўққиларининг бал. 8000 м дан ошёд. Қ. ялъи бурмаланишида вужудга келган бўлиб, ялонғоч қояли чўққилар, тошлоқ, тик ён бағирли чуқур даралар, қурумлар хос. Заминн гранит, мармар, кристаллн *сланец, гнейс*, вулканоген чўкинди жинсларлан таркиб топган. Иқлими кескин континентал, ўғл иқлими. Жан. ён бағри Ҳинд океани муссонлари таъсирида бир оз сернам. Йиллик ёғин 100—500 мм. Музликлар майд.: 16,3 минг км², йирикларн: Сиачен (уз. 75 км), Балторо, Римо. К. Ҳинд ва Тарим дарёлари ўртасида сувайиргичдир. Дарёлари қор ва музликлардан тўйиниди. Оқмас кўл ва ботқоқликлар бор. 3000—3500 м балапдликкача қарагай, ҳимолай кедри, дарё водийларида тол, терак ўрмонлари ўсади. Шим. ён бағирларн совуқ чўл ва қирқ дашт, жан. муссон таъсиридаги ён бағри дашт ландшафтлари, алъп ўтлоқлари бор. Тог ён бағирларида доялн экинлар экилади, мол боқилади, бог ва токзорлар барпо қилинган.

ҚОРАҚУРУМ (мўғулча Хара-Хорин) — *Мўғуллар давлати* пойтахти. Қ. харобалари Хангай тоғи шарқий этакларида, Урхун дарёси юқори оқими бўйида жойлашган. Қ. ҳақидаги маълумотлар хитой солномалари ва 13-а. Европа сайёҳлари Плано Карпини, Марко Поло (1253), *В.Рубрук, шунингдек, Жувайний, Абулғозий* асарларида қайд этилган. Жувайнийнинг ёзишича, дастлаб Урхун дарёси бошланадиган тоғлар шундай аталган. Қ.нинг уз. 1/2 фарсахни ташкил этган. Шаҳар қисқа муддат равнақ топган даврда кўп қурилиш ишлари олиб борилган. Хитой ва мусулмон усталари томонидан кўплаб саройлар қурилган. Қ.дан 2 фарсах шарқда Тарғутбалиқ (қимматбаҳо мато шаҳри) қасри бўлган.

Г.Рубрукнинг берган маълумотига кўра, Қ.да мусулмонлар ва хитойлик-лар маҳалласи бўлган; мусулмонлар маҳалласида бозор жойлашган, хитойликлар маҳалласида ҳунармандлар яшаган. Қ.да катта саройлар, турли халқларга тегишли 12 та саждагоҳ, жумладан, мусулмонларнинг 2 масжиди

құрылған. Шаҳар пахса девор б-н ўраб олиниб, 4 та дарвозаси бўлган.

Абулхайр Боходирхоннинг ёзишича, Ўқтойхон Хитойдан бинокор уста ва наққошлар келтириб қўпгай уй-жойлар, саройлар, қўшклар қурдирган. Зарғардарга олтин ва кумушдан ёпқи ва шер ҳайкаллар ясаттириб атрофини қоровул қилган. Ёпқи б-н шернинг орзидан қовузларни ичига шароб тўкилиб турган ва б.

Муниҳзон даврида, 1256 й. ўз. 300 қадамдан иборат 5 қаватли катта ступа ҳамда унга тегишли қўшимча бинолар қурилган. Ушбу бинолар ичидаги катта хоналар Буддa ҳайкаллари б-н безатилган, бинолар 1311 й. тамирлатган. 1342 й. Қ.да қайта қурилиш ишлари бошланган, у 4 йил давом этган. Ишлар якунланган, мўғул ва хитой ёзуви битилган стела (устун) ўрнатилиб, унда мўғуллар пойтахтининг қисқача тарихи баён этилган. Ўзбекистон даврида пойтахт Хитой ҳудудига кўчирилиши б-н К.нинг мавқеи инқирозга тушиб кетган. *Юань* сулоласи ҳукмронлиги даврида К. нозир қароргоҳга айланган, бу нозир одатда валиаҳд шаҳзодаларнинг тайинланган. Хитойлари *Мин* сулоласи императорлари б-н мўғул хонлари ўртасидаги ўрушлар натижасида Юань сулоласи барҳам топган. К. Хитой қўшинлари томонидан 1380 й. вайрон қилинган. Орадан 200 й. ўтгач, К. харобалари ёнида мавзеъ *Эрдэни-дзу* будда монастири қурилган. Оқиғ тошлари ва тегирмонтошлар, ўйиқ нозонлар ва арава ғилдираклари ўқи, маҳаллий ва хорижий буюмлар, тангалар ва б. топилган. Қ.дан шаҳрда канал сувлари б-н суғорилган экинзорлар мавжуд бўлган. Шаҳарга асос солинганлиги ёзиб ил. санъати, ҳунармандчилиги, ўзбек қўшиқ, асосан, асир олинган хорижий ҳунармандлар томонидан амалга оширилган.1899 й. рус олими Н.М.Ядринцев томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида К.нинг ўрнашган ери аниқланган. А.М.Позднеев эса тарихий манбалар таҳлилга асосида К. Эрдэни-дзу будда монастири (1585 й. К.нинг бир чеккасида қурилган) ёнида бўлганини таъкидлаган. Шаҳар 1220 й. Чингизхон томонидан бунёд этилган, 16-а.да вайрон этилган. 1948—49 й.ларда С.В.Киселёв раҳбарлиги остида археологик қазиш ишлари олиб борилган. Шаҳарнинг жан.-ғарбий қисмидан Ўқтой қоонининг саройи (55×45 м) харобалари топилган. Сарой остидан ранғли деворий расмлари бўлган бутпарастлар саждагоҳи қолдиқлари (12-а. охири — 13-а. боши) топилган. К.нинг марказий кўчаларида савдо-қунарманднчилик маҳаллаларн, ҳумдонлар ва темирчилик устахоналари қолдиқлари таҳқиқ этилган.


Фитрадинн Ҳасанов.

ҚОРАҚУШ (Aguila nipalensis Hodgs.) — *қарғасимонлар* оиласига мансуб парранда. Энг йирик индивидуал қанотини ўзганда 2 м га етади. Қанотининг уз. 52—64 см. Ерга ва қум тепаларига уя қуради. Апрель — июлда 1—3 та тухум қўйиб, 1,5 ойча босади. Асосан, кемирувчилар б-н озиқланади. Боласини бокишда нари ва модаси қатнашади. Жўжалар уяда 2 ойча бўлиб, сўнгра мустақил яшашга ўтади.


Қорақуш.

ҚОРАҚЎЛ (1889—1921 ва 1939—90 й.ларда Пржевальск) — Киргизистон Республикаси Иссиққўл вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Тёрскей Олатовининг шим. этагида. Қорақўл дарёси бўйида. Автомобиль йўллари чорраҳаси. Аҳолиси 64,3 минг кишн (1999). 1871 й.дан Жетисув вилоятидаги уезд шаҳри. Озиқ-овқат, мева-шароб, гилла маҳсулотлари, ун жумладан, нон, балиқ з-лари, сут, гўшт к-тлари ва енгил саноат (пойабзал ва тикувчилик ф-каллари); электр-техника з-ди, электр иссиқлик маркази, аэропорт бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади (цемкр-бетон қоришмалари, гишт-шагал з-длари). Педагогика институти, Иссиққўл ун-тининг олий ўқитиш коллежи, ўлкашунослик музейи мавжуд. К. атрофида «Ожуу» ва «Жетиўғиз» бальнеологик курортлари жойлашган.

ҚОРАҒОЗ, оқ пешона кичик гоз (Anser erythropus L.) — гозсимонлар турқуми ўрдаклар оиласига мансуб қуш. Европанинг тундра минтақасида тарқалган. Болқон п.о., Закавказье, Япония, Корея я. о. ва Хитойнинг жан.-шарқий қирғоқларида, баъзан Ғарбий Европа. Кичик, Ғарбий Осиё, Каспий денгизининг жан.-шарқида қишлайди. Ўзбекистонда Амударё ва Сирдарё қамзалари, Оролбўйида учиб ўтиш ва қишлаш даврида учрайди. Вазни 1,6—2,5 кг. Тумшуғи асосининг атрофи оқ, қовоғининг чети бир оз бўртган, сариқ тусли. Тумшоғидаги бутазорларда, тог дарёлари қирғоғидаги водийларда, қўл атрофидаги жойларда яшайди. Ўталар орасига, сувга яқин қояларга уя қуради; 4—8 та тухум қўяди. Ўтлар 6-н озиқланади. Оилаш тақиқланган. Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил рўйхатига ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.


Қорағоз.

ҚОРЖОНТОҒ — Гарбий Тяншан тог системасидаги тизма. Асосан, Қозоғистон Республикаси Жан. Қозоғистон вилоятида, фақат гарбий қисмининг жан. ён бағри Ўзбекистон Республикасининг Тошкент вилоятига киради. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа чўзилган. Ўртача баландлиги марказий қисмида 2000 м, жан.-ғарбида 700—800 м. Энг баланд жойи 2823 м (Мингбулоқ чўққиси). Жан.-ғарбда К. пасая борib Қорағатов қирига айланади. Бу ерда Ўзбекистон б-н Қозоғистон чегараси. К.нинг эни 30—40 км, К. шим.-шарқий йўналишда 90 км давом этиб, Угом тизмасининг ўрта қисмига бориб тақалади. Тизманинг жан.-шарқий ён бағри қисқа ва тиқроқ, сойлар б-н чуқур кесилган. Шим.-ғарбий ён бағри Келес дарёсининг чап ирмоқлари б-н кесилган. К.нинг катта қисми палеозой даври ўқлан жинслари, қумтош, слланец, конгломератлардан ташкил топган. Баъзи қисмларида девон ва тошкўмир даврлари оҳактошлари ва доломитлар тарқалган бўлиб, уларда карст рельеф шакллари (каррлар, карст воронкалари, шахталар, горлар) косил бўлган. К.нинг ён бағирлари ҳар хил ўтлар б-н қопланган. Ён бағирларини кесиб ўтган чуқур водийларда қорақарағайзорлар, 1400—2000 м баландликларда ёнғоқзор-мевазорлар учрайди. Қ.дан шим.-ғарбда Жузумсой, Қизилотасой, Уясой, Қоржонсой, Оқпарак, Кўкпаксой ва б., жан. ва жан.-шарқда Ургутсой, Қизилсув, Чилмарам, Оқтош, Озолбош, Товоқсой ва б. дарёлар оқиб тушади.

ҚОРИ (араб. — ўқувчи) — Қуръонни барча сураларини ёд олган ва қироат б-н ўқийдиган киши. Кўзи ожиз, қўр кишиларни ҳам ҳурмат юзисидан К. деб аташ одат бўлган.

ҚОРИ ҚУНДУЗИЙ (тахаллуси; асл исми Имомали Суюнов Муҳаммад) (1786, Кундуз ш., Афғонистон — 1857, Кўқон) — шоир ва тарихчи. Туғма қўр бўлган. Бухородa таҳсил олиб, у ерда «Хофизи Қуръон» бўлиб танилган. Араб тилининг сарф ва нақли, фиқҳ, ҳалис ва адабиёт илмини чуқур билган. *Амир Умархон* (1787—1822) Қўқон тахтига ўтиргач, К.К. ҳам Қўқон ила бутунлай кўчиб

келган. Ўзбек ва форс тилларида ижод қилган. Қўқон шоирлари ва адиблари орасида ҳам юксак эътиборга эга бўлган. *Абдураҳмон Ғиждувоний* ҳам ўзининг «Мажмуаи шоирон» тазкирасида уни «фикру тафсирдан хабардор», «ҳодис мазмуни ва шеър қонунидан бохабар», «каломи мажид маъноларини равшан қилувчи сирлар кушфига тали калит» эканлигини алоҳида таъкидлаган.

К.К. «Мақфий» ва «Комий» тахаллусларн б-н ижод қилган. Ғазал, таъриф ва мухаммаслар ёзган. Асосан, шеърий тазкиралари ўзида жамлаган «Гавҳарнома мансура» («Назмий таъриф лар») асари билгача тула етиб келган. Асар 19-а. *ўзбек мумтоз адабиётининг нодир* ноёнушларидан бўлиш б-н бирга, Қўқон хонлиги тарихини ёритувчи муҳим прнзий асарлардан бири ҳисобланади. Бу асарда асосан, 1822—48 йиларда хонлик тарихида муҳим ўрин тутган зотлар ҳақида маълумотлар берилган. Ҳусусан, Амир Умархон каби подшоҳлар, Адо, Маҳмур, Нозил, Вазир каби шоирларнинг вафот саналари, Нодарбегнем ва Муҳаммад Азизхоннинг Амир Насрулло томонидан расмона ва вақшёна ўлдирилиши, Олохўжахон вафоти, Шерализон, Ҳожихонларнинг тахтга ўтирнлари каби воқеалар шеърий тарзда қаламга олинган. К.К.нинг мумтоз жанрига бағишланган «Халза ул-фароид» (Мумтозларн ёчиш йўллари), шарнат қоидаларига доир «Виқоя» асари асосида «Шарҳи Виқоя» номли китоблар яратнш ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Ас.: Қайюмов П., Тазкирн Қайюмий [1-китоб]. Т., 1998.

Отабек Жўрабеков. Рустамжон Ғозибоев.

ҚОРИЕВ Абдувоҳид, Абдураҳмон Абдувоҳидқори (1855 — Тошкент — 1938.12.1) — жамоат ва дин арбоби, педагог. Дастлаб Кўқон даҳолик мактабдор Ёқуббўжа эшондан эски усулда сабоқ олган. 1870—80 йиларда Эшонқулидолхўжа ва 1880—88 йиларда *Бухородаги Эрназаршоҳ* мадрасаларида таҳсил кўрган. 1888—1906 йиларда Тошкент шт. Шайх Ховандн Тоҳур дарсларини Мирзаабдуллоҳ мадраса-мадрасасида имом, мударрис, шу даҳа қозиси. 1906 й.да Тошкент шт. думаси аъзоси. 1907 й.да Россия Давлат думасининг депутати. У Думага маҳаллий аҳоли номидан Пирмуҳаммад аълам Турсунзуҳаммад ўғли б-н ҳамкорликда ишлаб чиққан талабномасини топширган. Шу йили *ҳаётнинг ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашга* чорловчи «Ҳақиқатлари» ўзбек ва тожик тилида ёзиб тарқатган. Шунинг учун 1909 й.да Тула вилоятига 5 йил сургун қилинган. У рус адиби Л.Н.Толстой б-н шахсан кўришиб, сухбатлашиб, 1910 й.да унинг дафн маросимида иштирок этган.

Қ. сургундан қайтган, 1917 й. апр.гача мударрис, апр. ойидан «Шўройи ислом» раиси, 1918 й.дан «Фуқаро» («Ҳуқуқшунослар») жамиат аъзоси. Ўрта Осиё Маҳкамаи шариа идорасининг раиси. 1923 й.да шу идора делегацияси таркибида Уфага бориб, Усмон Қурьошини олиб келишда иштирок этади. 1926 й.да Маккада ид.да бўлиб ўтган халқаро мусулмонлар конгресси иштирокчиси.

Қ. 1937 й.да асосси равишда қамоққа олинган ва 1938 й. қатлгаклаб ўлдирилган. 1957 й.да оқланган.

ҚОРИЕВ Мақсуд (1926.1.8, Тошкент) — ёзувчи ва журналист. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган *маданият ходими (1968). Тошкент юриклн* ин-тини тугатган (1947). Юридик фанлари номзоди, доцент (1954). «Тошкент ҳақиқати» газ.да мухаррир ўринбосари, бош мухаррир (1954—63), «Совет Ўзбекистони» газ. (1964—84), «Муштум» ж.да бош мухаррир (1984—92). *Журналистик фаолияти* 50-й.ларнинг бошлари, адабий фаолияти эса 60-й.ларнинг 2-ярмида кичик ҳикоялар ёзиш б-н бошланган. К. «Ойдин кечалар» (1968), «Жайда ғалағанда» (1970), «Ой тутилган кеча» (1971), «Кел узатиб борганда» (1972), «Афросиёб гўзали» (1974), «Турналар баланд учади» (1976) қисса ва ҳикоялар тўпламларида ёш замондошлари ҳаётига мурожаат этиб, улар ҳаёти ва руҳий оламида кечаётган ўзгаришларни тасвирлашга алоҳида аҳамият берган. К.нинг кейинги ижодида тарихий ўтмиш мавзуи устувор ик қилади: «Синтамен», (1985), «Ибн Сино» (1995), «Ғазнавийлар» каби тарихий романлар: «Ибн Синонинг болалиги» (2002) қиссаси, «Юлдузларга эли ҳаёли», «Осиё гўзали», «Тожмаҳал» ва Амир Темур ҳақидаги ҳикоялари, «Эзгулнкка интилиб» (1998) эсселар китобини ёзган. К. шунингдек, «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» дарслнги муаллифларидан бири. К.нинг лирик қиссалари асосида «Мирза ва Лола» телеспектакли, «Қалдирғочлар бахорда келади» (режиссёр Ҳ.Аҳмар), «Кел узатиб борганда» (режиссёр У.Назаров) бадиий фильмлари яратилган.

Қ. «Шуҳрат» медали (1996) ва «Эл-юрт ҳурмати» (1998) ордени б-н тақдирланган.

Ас.: Сайланма асарлар [3 жилд], 1—2-ж.. Т., 2000.

ҚОРИЕВ Раҳим Мажидович (1905. 31.12 — Тошкент — 1989.24.8) — театр арбоби. Ўзбекистон (1967) ва Қорақалпоғистон (1957)да хизмат кўрсатган санъат арбоби. Ленинградлаги Герцен номидаги педагогика, Плеханов номидаги Москва халқ хўжалиги, Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тларида таълим олган. Ўзбекистон ХКС дузурндаги *Санъат ишлари* бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ҳамда Ўзбек давлат опера ва балет театри директори (1934—41), 2-жаҳон урўши қатнашчиси (1941—45), 1946—57 й.лар Навоий театри директори, Маданият вазирлиги Санъат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари (1958—62), 1962—85 й.лар Ўзбекистон Театр жамияти президиуми раиси ўринбосари.

ҚОРИЕВА Бернора Раҳимовна (1936.28.1, Тошкент) — балерина, балетмейстер. Р. *Қориевнинг* қизи. СССР халқ артисти (1973), Ўзбекистон халқ артисти (1964). Қирғизистон халқ артисти (1996), проф. (1985 й.дан). Тошкент (1952) ва Москва Катта опера ва балет театри қошидаги академик хореографня билим юртини (1955). Тошкент маданият ин-тини тугатган (1980). 1955 й.дан Навоий номидаги опера ва балет театрида балерина, балетмейстер. 1985—98 й.ларда Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси раиси. 1994—2002 й.лар Навоий номидаги опера ва балет театри директори ва бадиий рахбари. К. репертуари асосини жаҳон мумтоз ва замонавий балетлар ташкил қилади: Мария (Б.Асафьев, «Бокчасарой фавворси»), Шопениана (Ф.Шопен, А.Глазунов, «Шопениана»), Жизель (А.Адан, «Жизель»), Одетта-Одилия (П.Чайковский, «Оққуш кўли»), Фригия (А.Хачатурян, «Спартак»), Хонны (Д.Шостакович, «Хонин ва бехоин») ва б. Мумтоз балет техникасини пухта эгаллаган актриса ҳар бир образга қаҳрамонларининг ички кечинмаларя, ҳис-туйғуларини бериш-



да мохирлик кўрсатади. Бу айникса, замондош композиторлар яратган «Маскарад» (Нина), «Момақалдироқ сўқмоқларида» (Сари), «Дон Жуан» (Донна Анна), «Анна Каренина» (Анна Каренина) каби балетларида ўз ифодасини топди. Миллий репертуарда у гавдалантирган Мехри (М. Лемиев, «Суқайл ва Мехри»), Сохани, Зарринa (М.Ашрафий, «Севги тумори», «Севги ва қалиқ»), Нурхон (А. Козловский, «Танавор»), Наргис (У. Мусаев, «Афсоналар водийсида») образлари маданий ҳаётда катта воқеа бўлди. У «Муҳаббат афсонаси» (Т.Жалилов, Б.Бровцин) опера-балетининг балет партиялари ижодкорижро йўл ларининг I-ярмида Қ. Ҳамза, Бзок, Тургенев асарлари асосида «Зафарли қаёт», «Нотаниш аёл», «Эзгин» балетларини яратишида (композитор Р.Виноградов б-н ҳамкорликда) фаол қатнашиб, ўзи Марьям, Аёл ҳамда Ася Полозова ва Лиза Калитина каби рус аёлларининг драматизмга тўла поэтик образларини яратди. Кетма-кет Жульетта, Офелия (П. Чайковский ., «Ромео ва Жульетта», «Ҳамлет»), Дездемона (Перселл, «Отелло») образларини гавдалантирди.



Бернора Қорнева Жульетта ролида («Ромео ва Жульетта»).

Қ. ижодига багишланган «Бернора Қорнева рақсга тушади» ва «Мен балеринаман» фильмлари ишлаган. Европа, Осиё, Шим. ва Жан. Америка мамлакатларида гастролда бўлган. СССР Давлат (1983) ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотлари (1970, 1982) лауреати. «Дўстлик» ордени (1996) б-н мукофотланган.

Ад.: Авдеева Л., Бернара Карнеки, Т., 1996.

Мухсин Қодиров.

ҚОРИЕВА Маҳсума (1902, Тошкент — 1946.18.4, Москва) — илк ўзбек актрисаларидан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1937). 1918 й.дан М.Уйғур бошчилигидаги труппада ишлаган. Ўзбек, рус ва жаҳон мумтоз драматургияси асосида яратилган спектакларда етук образлар яратган. Маржон (А.Мустафин «Карвоннинг қотиши»), Жамила, Ҳожар, Марямхон, Фотима (Ҳамза, «Бой ила хизматчи», «Хонлисхон», «Заҳарли ҳаёт», «Туҳматчилар жазоси»), Луиза, Амалия (Ф.Шиллер, «Макр ва муҳаббат», «Қароқчилар»), Ксения (Н.Погодин, «Меҳнат дўстим») ва б. Ёқимли овозга эга бўлган Қ. илк ўзбек мусиқали драмаларида ҳам бинг роллари ни ижро этган: Лайли, Ширин (Ҳуршид, «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин»), унга айниқса катта шуҳрат келтирган Ҳалима (Ғ.Зафарий) ва б. Ижоди давомида характерли ролар устаси сифатида ҳам танилган: Адельма (К.Гоцци, «Малика Турандот»), Малика (Лопе де Вега, «Кўзбулоқ»). Орловская (А.Славин, «Интервенция»), Гертруда (У.Шекспир, «Ҳамлет»), Она (Уйғун, «Она») ва б. шулар жумласидан.


ҚОРИҚЎЗОВ Муҳитдин (1896.1.5, ҳоз. Фарғона — 1957.22.2, Тошкент) — ашулачи, опера хонандаси (баритон), актёр, ўзбек мусиқали театри асосчиларидан. Туркистон Республикасининг биринчи халқ хофизи (1923), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1930), Ўзбекистон халқ артисти (1936). Дастлаб эски мактаб, 1912—14 й.ларда мадрасада таҳсил кўриб, қироатни яхши эгаллаган, қори сифатида ном танилган. Ёшлигидан халқ ашулачилик анъаналарини ўзлаштирган Қ., айни пайтда янги санъат шаклларига қизиқиб, Фарғонада маҳаллий созандалардан иборат илк пуфлама созлар оркестрларида иштирок этган, оркестрни ташкил этган (1916). Концертларда фаол қатнашиб, халқ ва мумтоз ашулалар («Йўл бўлсин», «Ғайра-ғайра», «Олмача анор», «Кўка боғи» ва ҳ.к.)ни ижро этган.

Фарғона ўлка мусулмон сиёсий драматик труппасида актёр, реж. (1918—20) ва раҳбар (1921) бўлиб, Фарғона ва Закаспий фронтлари на ҳудудларида маданий хизмат кўрсатган. Бу даврда Солиҳбой, Фотиҳ, Кўрбоши, Қосимжон («Бой ила хизматчи», «Фарғона фожиаси», «Туҳматчилар жазоси», Ҳамза) образларини илк бор саҳнада гавдалантирган. Тошкентда К.Шоршетйн театр-студияси (1919), Москвада театр санъати ин-ти (1922—24)да таҳсил кўрган. *Тамарахоним* б-н «Шарқ кечалари» (Москва), Жаҳон амалий санъат кўргазмаси (1925, Париж), шунингдек Берлин концерт саҳналарида ўзбек қўшиқ, ялла ва лапарларини янгича талқин этиб, замонавий ўзбек санъатини илк бор Европага тарғиб этган.



1926 й. Самарқандда *Ўзбек давлат саёр концерт этнографик труппасини* ташкил қилган, у б-н Россия, Татаристон, Грузия ва б. жойларда гастролда бўлган. Қ. Кўқон ва Андижон мусиқали театрлари шакллашишида ҳам фаол иштирок этган. 1927—28 й.ларда бу театрларда бадиий раҳбар, реж. (*М. Мароқилов* б-н) сифатида ишлаган, театр жамоаларини қайта тузган, ўзи спектакларда бош ролларни ўйнаган: Неъмат («Ҳалима», Ғ.Зафарий), Фарҳод («*Фарҳод ва Ширин*»; *Ҳуршид писанд*, Ш.Шоумаров, Уйғун хофиз ва Ю.Ражабийлар мусиқалаштирган), Султонбек («Аршин мол олон», У. Ҳожибеков) ва б. Концерт-этнографик труппаси замнида *Ўзбек давлат мусиқали театрини* ташкил қилган, унинг актёри, директори ва бадиий раҳбари бўлган (1929—33).

М.Қориқўзов ва Тамарахоним ижросидаги лапар (1925; тарихий суврат).



Ўзбек опера санъатининг шаклланиши ва ривож топишида ҳам Қ. нинг хизматлари салмоқли. *Москва ўзбек опера студиясининг* ташкилотчиси ва раҳбари бўлган, ўзи ҳам шу студияда таълим олган (1934—36). Ўзбек давлат опера ва балет театри очилгач, унинг етакчи якқахон хонандаси (*1939—47*). *Миллий опера*дарда Хусрав («Фарҳод ва Ширин», В. Успенский ва Г. Мушель), генерал-губернатор («Бўрон», С. Василенко, М.Ашрафий), Новфал («Лайли ва Мажнун», Т.Содиқов, Р.Глиэр), Ўзтўбек («Ўзтўбек», А.Козловский), Маҳмуд Торобий («Маҳмуд Торобий», О.Чишко), Эр Тарғин («Эр Тарғин», Е.Брусиловский) ва б. бош партияларни маҳорат ва таъқлиқ қилган. Ўзбек опера жарчилик санъатя шаклланишига катта ҳисса қўшган.

Ўзбек давлат филармонияси ташкил этилишда ҳам Қ.нинг хизмати катта. У 1936 ва 1946—50 йилларда филармониянинг директори ва бадиий раҳбари бўлиб, ўзбек халқ мумтоз ва янги жанрларни тарғиб этувчи ижодий жамоалар (*ашула ва рақс ансамбли, хор капелласи, халқ чолғулари оркестри* ва ҳ.к.)ни юзага келтиради.

Ўзбек филармонияси ҳақ. *Халқ бадиий жамоалар директорлари*га Қ. номи берилган. Унинг қабри ва ижодига бағишланган фильм ишланган. Вафотидан сўнг Қ. «Буюк хизматлари учун» орденн б-н мукофотланган (2000).

Ад.: Қориёқубова Э., Мухитдин Қориёқубов, Т., 1968; Мухитдин Кари-Якубов (документальная монография, автор-составитель Л.Авдеева), Т., 1984; Юлдашбаева Т., Мастера узбекской оперной сцены, Т., 1985.

Бахриддин Носриддинов.

ҚОРИЙ ХЎҚАНДИЙ (тахаллуси; асл исми Мулла Мирмаҳмуд Миршамсиддин ўғли) (1828 — Қўқон ш. Сармозор дараси — 1906) — шоир ва хаттот. 19-а. ўзбек адабиётининг истеъдодли намояндаларидан. Қўқондаги Норбўтабек мадрасасида таълим олган. Араб ва форс тилларини, сарф, наҳв ва луғат илмини чуқур ўзлаштирган. Ҳасанхожи домладан қироат илмини ўрганиб, Қирғин қофияи — қофияик унвонига эришган. Шеърларида ҳам «Қирғин» тахаллусини қўллаган. Қўқоннинг Ўҳқанд даласи Ғозиёлиқ маҳалласидаги катта масжидда узоқ йиллар имомлик қилган. Қ.Х. мукаммал ҳусниҳат эгаси — хаттот ҳам бўлган. Қ.Х.нинг ўзи кўчирган (2 дастхат) «Девон»и, Мажзуб Намангонийнинг «Девон»и, Бахтиёр Нақшбандийнинг рисоласи, Муқимий б-н ҳамкорликда кўчирган катта баёзи ва яна бир неча асарлар бизгача етиб келган.

«Девон»идан ғазал, мухаммас, мувашшаҳ ва таъриҳ жанрлари шеърлар ўрин олган. Ғазаллари ошиқона ва орифона мазмунда бўлиб, соф лирик характерга эга. Мухаммаслари (65 та) ўзбек ва форс тилларида яратилган, *уларнинг аксарияти* форс адабиёти классиклари Ҳофиз *Шерозий*, Абдураҳмон *Жомий*, *Бедил*, Аҳмад *Жомий*, *Осафий*, *Соиб кабиларнинг*, туркий адабиёт классикларидан эса Алишер Навоий, Фузулий, *Амирий*, *Машраб*, *Зализий*, *Гозий*, Увайсий, Азимий каби ижодкорларнинг ғазалларига боғланган тахмислардир. Қ.Х. шеърларе Аллоҳга ҳамд лар, айниқса, пайғамбаримиз Муҳаммад (сав)га бағишланган ниятларнинг кўплиги б-н ҳам ажралиб туради. Шунингдек, унинг ижодида ғўзал маҳбубанинг ёркин тасвири ва унга бўлган муҳаббат ситамлари акс этган мисралардан ташкил топган шеърлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Девони Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида (инв. №2310) сақланади.

Ас.: Девони Қорий, Т., 1912; Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси, 2-ж., Т., 1945; Ўзбек адабиёти, 1-китоб, Т., 1960.

Ад.: Қайюмов Ғ., Тазкираи Қайюмий, 2-китоб, Т., 1998.

Отабек Жўрабоев.

ҚОРИН — қ. *Қорин бўшлиғи.*

ҚОРИН БЎШЛИҒИ — тана ниҳолдачи бўшлиғининг бир қисми; умуртқали ҳайвонларда бўйнак ва кўкракни, сут эмизувчиларда эса бўйрак, юрак ва ўпкадан ташқари ҳамма ички аъзолар жойлашади. Ётук қолатдаги тубан умуртқали ҳайвонларда Қ.б.ни юрак олди бўшлиғи б-н туташтирувчи канаплар сақланади. Кўпчилик балиқларда Қ.б. ташқи муҳит б-н айдонинад тешиклар орқали алоқада бўлади. Тугарак оғизлилар ва балиқларда Қ.б.нинг олдинда юрак олди бўшлиғи жойланади; қурбақасида аъзоларе умуртқаларда у кетинга сурилган ва Қ.б.га кирган. Сут эмизувчиларда кўкрак тўсиғи ёки диафрагма ҳосил бўлиши натижасида юрак олди бўшлиғи ўпкани сақлоени Қ.б.нинг олд қисми б-н бирга унинг қолган қисмларидан ажралиб туради. Одамда Қ.б. қорин деб ҳам аталади, унда меъда-ичак йўли (қизилўнгачнинг *қорин қисмидан тўғри ичакгача*), жигар, меъда ости бези, талоқ, буйрак усти бези ва б. аъзолар жойлашади. Қ.б.даги сероз суюқлик қорин пардани ҳамиша намлаб туради. Шунинг учун Қ.б.даги аъзолар бир-бирига ишқаланиб енгил ҳаракатланади.

ҚОРИН ДАМ БЎЛИШИ — қ. *Ич дам бўлиши.*

ҚОРИН ПАРДАСИ — одам ва ҳайвонлар *қорин бўшлиғи* деворларини *ички томонидан қоплаб*, *унинг ичидаги* аъзоларни ўраб туралиган юпқа сероз парда. Қ.п.нинг ташқи қавати мезотелийдан ҳосил бўлиб, бириктирувчи толали тўқима эса унинг асосини ташкил этади. Қ.п. ички аъзоларни ўраб турувчи висцерал варақ ва қорин деворини ўраб турувчи париетал варақдан иборат. Нормал ҳолатда варақлар ўртасидаги бўшлиқда сероз суюқлик бўлади. Қ.п. шу суюқлик б-н намланиб тургани учун қорин бўшлиғидаги аъзолар бир-бири б-н ишқаланмайди. Қ.п.нинг ташқи бўшлиғида ёғ тўқималари, бўйрак, буйрак усти бези ва сийдик йўли жойлашган. Қ.п. бу аъзоларни фақат олдинги юзасинингина қоплаб туради. Ички аъзолар Қ.п. билан ҳар томонлама (интраперитонеал), ўчала томонидан (мезоперитонеал) ёки бир томонлама (экстраперитонеал) ўралиши мумкин. Қ.п. ичаклар учун тутқичлар ҳосил қилади; улар оралиғида ёғ тўқималари, лимфа тугунлари ва қон томирлари жойлашган. Қ.п. қорин бўшлиғидаги аъзолар олдида ёғ қатлами — *чарвони* ҳосил қилади. Қ.п. кужайралари ҳимоя хусусиятига эга бўлиб, улар бағзи касалликлар (*апендицит*, меъда яраси-нинг ёрилиб кетиши ва б.) да ҳамда операцияларда қорин бўшлиғига тушган микроблариии нобуд қилади. Шикастланишларда, айрим операцияларда (мас., аппендицит) кечиктирилганда Қ.п.нинг илиғланиши — *перитонит* кузатилади.

ҚОРИН ТИФИ — қ. *Ич терлама.*

ҚОРИ-НИЁЗИЙ Тошмуҳаммад Ниёзович (1897.2.9, Ўҳқанд —1970.18.3, Тошкент) — математик олим, педагог, жамоат арбоби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1939). Ўзбекистон ФА акад. (1943), физика-мат. фанлари д-ри (1939), проф. (1931). Ўзбекистон ФАнинг биринчи президенти (1943—47). Меҳнат Қаҳрамони (1967). Фирғона шаҳрида янги типдаги биринчи ўзбек мактабини ташкил қилган (1917), 1920 йилда бу мактаб Қўқон шаҳрги Доирилмуаллимлик таълим-тарбия курси б-н қўшилиб, Фарғона вилоят таълим-тарбия техникумига айлантирилди ва Қ.-Н. унга директор қилиб тайинланди.



Қ.-Н. Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1929), шу ун-т ректори (1931–33), Ўзбекистон Маориф халқ комиссари ва айни пайтда Ўзбекистон ХКС ҳузуридаги Фан қўмитаси президиуми раиси (1937–38). Тош-кент ирригация ва механизациялаш муҳандислари ин-ти мат. кафедраси мудири (1939 й.дан). Ўзбекистон ХКС раиси ўринбосари (1939–43), айни вақтда СССР ФА Ўзбекистон филиали президиуми раиси (1940–43). Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси (1947–62) ва физика-мат. фанлари бўлими раиси (1954–60), «Фан ва турмуш» журнали бош муҳаррири (1939—70).

Қ.-Н. Ўзбекистон халқларининг маданий ҳаёти тарихига доир илмий ишлар муаллифи. Элементар ва олий мат. бўйича ўзбек тилидаги биринчи дарсликлар муаллифи. Қ.-Н.нинг «Ҳаёт мактаби» эсдаликлар китобида республикада фан, маориф ва маданият тараққиёти тарихи ўз аксини топган. Давлат мукофоти (1952) ва Берунийй номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970). Ўзбекистон Республикасининг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002). Ўзбекистон нед. фанлари и.т. институти, Тошкентдаги кўчалардан бири ва 206-мактаб унинг номи б-н аталган.

Ас.: Астрономическая школа Улугбека, М.–Л. 1950; Танланган асарлар, 1–8 т., Т., 1966–70; Размышление о пройденном пути, М., 1970.

Ад.: Усмонов Р., Устоз ва шогирдлар (Қори-Ниёзийнинг педагогик фаолияти), Т., 1969; Султон Акбарий, Устоз (Қори-Ниёзий ҳаётидан лавҳалар), Т., 1970; Соловьев О., Биографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана, т.1, Т., 1976.

ҚОРИНКИПРИКЛИ ИНФУЗОРИЯЛАР (Hypotrichа) — бир ҳужайралилар (*инфузуфошлар*) туркуми. Танаси орқадан қорин томонга ассиланган. Киприклари мураккаб ва ҳар хил жойлашган: орқа томони сийрак ва эластик қиллардан иборат бўлиб, сезги функциясини бажаради; қорин томонида ўзаро ёпишган киприклар муайян тартибда жойлашган цирруслар — пикларни ҳосил қилади. Пиклар ёрдамида Қ.м. ўрмалайди ёки сакраб ҳаракатланади. 400 дан ортиқ турі бор. Асосан, чучук сувларда ва денгизларда тарқалган. Типик вакили — стилонихия кўлмак сувларда кўп учрайди.

ҚОРИНКИПРИКЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР (Gastrotricha) — бирламчи тана бўшлиқли чувалчангсимон синфи. Танаси ясси, уз. 0,05—1,5 мм. Танаси бўйлаб ва унинг кейинги учида ёпишқоқ безли найчалар жойлашган. Киприклари фақат қорин томонида бўлади (номи шундан). Сезги органлари — туйғу қиллар, ҳидлов чуқурчаси ва пигмент кўзлар (фоторецепторлар). Ҳазм қилиш системаси — мускулли қизилўнгач бошланадиган ичак. Айириш системаси — бир жуфт protonefridiy найчалар танасининг ён томонида ташқарига очилади. К.ч. — *гермафродит ёки партеногенетик* уруғчилар. Денгиз ва чучук сув ҳавзаларида яшайди. Бир ҳужайрали сувўтлар ва микроорганизмлар б-н озиқланади. 160 турі маълум. К.н. фаунаси Ўзбекистонда ўрганилмаган.

ҚОРИНОЁҚЛИ МОЛЛЮСКАЛАР, шилик қуртлар (Gastropoda) — *моллюскалар* синфи. Гавдаси асимметрик тузилган; танаси (ички халта), оёқ ва бош бўлимларидан иборат. Кўпчилик Қ.м. танаси ва бошини чиғаноқ ичига тортиб олиш қусусиятига эга. Чиғаноғининг баз. 0,5 мм дан 70 см гача. Ягона ясси оёғи ёрдамида тобоғидаги махсус безлар ажратиб чиқарадиган шилимшиқ модда устида сирпаниб ҳаракатланади. Ички ҳалтаси чиғаноқ ичида буралиб жойлашган бўлиб, мантия б-н ўралган. Бошида 1 жуфт (қўрқлик Қ.м.ида 2 жуфт) пайпаслагичлари, улар асосида (қўрқлик Қ.м.ида пайпаслагичлар учида) бир жуфт кўз ва оғиз тешиги бор. Чиғаноғи хилма-хил конуссимон, спирал ёки косасимон; айрим Қ.м. (*аланғоч шиллиқлар*) да редукцияга учраган. Оғзида 2 та дан 17—16 минг тагача тишчалар б-н қопланган радула (қирғич тилча) бор. Анал тешиги бошқа устида ёки унинг ёнида жойлашган. Нафас олиш органлари сувда яшовчи Қ.м.да битта ёки бир жуфт питиқсимон жабра; қуруқлик ва кўччилик чучук сув моллюскаларида — *ўпка. Нерв системаси* — тарқоқ жойлашган нерв тугунлари, олатда, 5 жуфт.



Қориноёқли моллюскалар: *1* — фиксуреллa мантияси; *2* — сузувчи моллюска; *3* — юк ташувчи моллюска; *4* — бог шиллиғи.

Мувозанат сақлаш (статоцистлар) ва кимёвий сезги органи (осфрадийлар) бор. Гермафродит ёки айрим жинсли. Уруғланиши ички, гермафродит Қ.м. бир-бирини уруғлантиради. Чучук сув ва қуруқлик Қ.м.и ўзгаришсиз, денгиз Қ.м.и *метаморфоз* орқали ривожланади (тухумдан планктон велигер дончика чиқади).

Қ.м.нинг 90000 га яқин тури бор; кенг тарқалган. Ўзбекистон фаунасида 100 га яқин тури маълум. Бегоҳда (к. *Бегоҳ*) яшайди, айрим турлари сувдан. Йирт-қич, ўсимликхўр ёки паразит. Бир қисм қуруқлик ва чучук сув Қ.м. гельминтларининг оралиқ хўжайини. Қуруқликда яшовчи бир қанча Қ.м. маданий ўсимликларга зиён келтиради. Айрим турлари саноат миқёсида овланади.

ҚОРИХОНА ~ мусулмонларнинг зиний ўқув юрти. Унда *ҳужралар* тайёрлашган. Дастлаб араб мамлакатларида, кейинчалик Ўрта Осиёда пайдо бўлган. Қ.лар, одатда, *мактабхоналар* қошида ва катта мозорлар ёнида очилган. Қ.га мактабхонани тугатган 10 ёшдан катта ўғил болалар қабул қилинган. Қ.лар хусусий бўлиб, домлалар даромади болалар ҳисобига бўлган. Қ.да болалар 3—4 й. ўқитилган. Ўқиш жумадан ташқари ҳар куни эрталабдан кечгача давом этган. Диний байрам кунлари машғулотлар тўхтатилган. Қ.лардан, асосан, *Қуръон* суралари ёдлатилган. Қуръонэдлаги барча сураларни ёд айта олдиган бола *Қ.ни* тугатган ҳисобланган. Ўрта Осиёда, айниқса, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқонда Қ.лар кўп бўлган.

ҚОРИХОНА — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1863–77); *Ичан қалъа* тархибида. Паҳлавон Маҳмуд мажмуаси жойлашган кўбрастонди гарброда кўча бўйлаб ёнма-ён жойлашган. Қурьон ўқувчилар (кейинчалик кўрлар) ётоқхонаси. Қ.нинг кўча томондан тарздан ҳажмдаги бинолари меъморлари, қолган қисмлари ҳовлиси турар жойлари меъморлари услубида бунёд этилган. Аломида қурилган 4 бинодан иборат: *1*-Қ. (тарҳи 10×7,9 м) ва ҳовли (5,8×5,2 м); *2*-Қ. (8,8×6,8 м) ва ҳовли (2×3,2 м); *3*-Қ. (9,5×4,4 м) ва ҳовли (2,95×2,65 м); *4*-Қ. (9×9,5 м) ва ҳовли (3,85×1,85 м). Асосий ўқдаги пештоқ, миёнсарой ва очиқ ҳовли айвон б-н ёки тўрибандан-тўғри турар жойлар б-н боғланган. 1, 2, 4-Қ.ларнинг тўртбурчак тарҳли улуғ айвонлари шим.га қараган; энг кичик 3-Қ. — пештоқ — ҳовли — ётоқхона тарзида соддалаштирилган, ён томонларидаги бинолар б-н сиқиб қўйилган умумий тўғри бурчакка кирган. Ҳовлар энлик орқали ёпитилган, ташқи деворларга дераза (туйнуклар

йўқ. Бино балки гумбазлар 6–н, айвонлар текис тоқлар 6–н ёпилган. Пештоқларнинг тепа даражаларини яшил «башқа»лар 6–н безатилган. Ўйимакори эшикларда безакларни қўлланган йилги ёпилган.

ҚОРИХОНА ХОНАҚОҲИ — Фарғона вилоятидаги меъморий ёдгорлик (17–18–а.лар); қорилар (Қуръон ўқувчилар) хонаси. Дастлаб хонақоҳ вазифасини ўтаган Қ.х. ҳовли, ҳужралар, гумбазли хона (замаддихона), сингиз қисқа иккихонадан иборат: ҳужралар қолининг 2 ёнида жойлашган, ҳар оралиқида гумбазли хона қад кўтарган, қолининг жанубий ғарбий ёнида эса 2 м чуқурликда ҳовлисига жойлашган. Қ.х. гумбази хом ғиштдан ўзига хос тузилишли шаклда ишланган. Хонажор тоқ ўчоқ 6–н ишланган.

ҚОРЛИЕВ Олти (1909.6.1 — Ашхобод — 1973.11.12) — туркман актёри, реж., драматург. Халқ артисти (1955). Бокуу театр техникумини тугатган (1931). Туркман драма, опера театрларида актёр, реж. бўлиб ишлаган. 1956—60 йлар «Туркменфильм» директори, 1957 йдан шу киностудия реж., актёр. Нури («Дурсун»), Керим («Узоқдаги келин»), Алдаркўса («Сеҳргар кристали»), чўпон Дурди ва унинг ўғли Қадам («Чўпон ўғли»), Байрам («Оила номуси») каби ролларни б-н туркман киноси ривожига муҳим ҳисса қўшган. Реж. сифатида «Мақсус топшириқ», «Айна», «Дадил қалам», «Мақтумқули», «Дарё орти чегара», «Муқом сирлари» сингари фильмларни суратга олган. 1974 йдан «Туркменфильм» Қ. номи б–н юритилди. Туркманистон Давлат мукофотлари лауреати (1966, 1976).

ҚОРОВУЛ — Хоразм вилояти *Урганч туманидаги* қишлоқ, туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Ургани (4 км). Қ.дан вилоят маркази (Ўрганч ш.) гача 4 км. Аҳолиси 10 минг кишига яқин (2005). Аҳолиси ва ҳужаликлари (Шоҳобот, Кирпичёй ва б. каналлардан сув олади. Пахта толаларини, ипшт э-лари, автокорхона, «Хоразм — Нуртов» ип газлама корхонаси, қурилиш ташкилотлари, сут ва узумни қайта ишлаш цехлари бор. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар ишлиб турибди. Умумий таълим, болалар мусиқа, спорт мактаблари, касб-ҳунар колежи, туман марказий кутубхонаси, маданият уйлари мавжуд. Стадион, спорт майдончалари ва б. спорт иншоотлари бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, *дорихоналар* ва б. тиббий муассасалар пуолига хизмат кўрсатади. Қ.дан Урганчгача автобус ва маршрутли таксилар қатновн йўлга қўйилган.

ҚОРОВУЛ — 1) ҳарбий ҳаракатлар чогида қўшиннинг асосий қисмларидан анча масофада олдинда бориб, ёвнинг хатти-ҳаракатидан хабардор бўлиб турувчи, зарур пайтларда «тил» тутиб келтирувчи махсус суворий сокчи гуруҳ (авангард). Бундай айтоқчи *ҳарбий бўлимга* Турк хоқонлиги чегарига елма истиқлоқ 6–н ифолаланган *ва унинг вазифасига душман* қароргоҳини аниқлаш, унинг ҳарбий кучлари таркиби ва миқдори ҳақида маълумот тўплаш киргзи. *Қорахонийлар* лашкарида айтоқчи гуруҳ тутқч термини 6–н аталган. Салжуқийлар, Чингизийлар, Темурийлар, Шайбонийлар ва уч хонликларда сокчи гуруҳ, тушунчаси Қ. атамаси ёрдамида англашилган; Ўрта Осиё хонликларида қоровуллик хизматини бажарувчи ҳарбий қисмларнинг бошлиғи — қоровулбеги деб аталган. 2) Бухоро хонлигида бирор бир айтоқчи ёки талончининг мамлакат ёки лашкарга қўшилиб киришлари учун йўлларни муҳофазловчи аскарий гуруҳ; 3) бирор объектни қўриқловчи шахс; 4) замонавий армияларнинг аксариятида муҳим ҳарбий объектларни қўриқлаш ва муҳофаза қилиш учун тайинланган қўролли бўлинма (*қоровуллик хизмати*). Қ., одатда, бир суткалик қоровуллик хизматини ўташ учун *масъул ҳисобланади.*

Қ. қисм ва қўшмаларнинг жанговар байроги, техника, ёнилги, ўқдорн, *портловчи* моддалар, аслоб-анжом, озиқ-овқат омборлари ҳамда гауптвахталари бандиларни қўриқлайди. Қ. таркибида Қоровул бошлиғи (зобит ёки сержант), ност ва сменалар сонига қараб Қ.лар зарур топилганда —Қоровул бошлиғининг ёрдамчиси ва Қ.ларни постларга тақсимловчи тайинланади. Қ.нинг шахсий таркиби Қ. формасини кийган ва жангговр қуролланган тайёр ҳолда қуролланган бўлиши шарт.

Ҳарбий гарнизонга давлат ғарбари, Олий бош қўмондон, Мудофаа вазири ташриф буюрнши муносабати б–н фахрий Қ. белгиланади. Аксарият танганали йнгилларга олиб чиқилган байроқ ёнида, муҳим ёдгорликларнинг очилишида, хорижий давлатлар олий даражадаги вакилларини кутиб олиш ва кузатишда, давлат арбобларн ва ҳарбий хизматчиларни лафи этиш маросимларида фахрий Қ. сафғ тортади.

Манба: Бобуриова, Т., 1989; Ниэомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1996.

ҚОРОВУЛБОЗОР — Бухоро вилояти *Қоровулбозор туманидаги* шаҳар (1981 йдан; 1958 йдан шаҳарча), туман маркази. Т.й. станцияси. Вилоят маркази (Бухоро ш.) дан 65 км жан.-шарқда. Бухоро — Қарши т.й. ва автомобиль йўли *ёнида жойлашган. Аҳолиси 9,3 минг* кишн (2004). Шаҳар номи Қоровулбозор сарбозлари номидан олинган. Мақалай ривожга кўра, қадпа сарбоба ёнида карвонсарой қурилиб, кичкина бозорча вужудга келган. Унинг ёнидан тепалнкда Бухоро амири сарбозларининг қоровуллик қнлган бўлиб, ўша тепалнк Қоровултепа, ёнидаги бозорча эса Қоровулбозор деб аталган. Яна бошқа бир ривоят бўйича сарбоба ёнида қора ўтовлар тикилгаи Қора овул вужудга келган. Ўтовлар олдида пайдо бўлган бозор Қоровулбозор деб юритилган. Яна бир тахминга кўра, Бухорога қўшни мамлакатлардан келаётган савдо карвонлари сарбоба ёнидаги карвонсаройда тўхтаб, *уларнинг моллари амирликнинг шу* ерлаги божхона вазнлари томонидан текширилгандан сўнг савдогарларга пойтахтга киришга рухсат этилган. Рухсатнома ололмаган савдогарлар ўз моллариии шу ерлаги бозорда сотиб юборишга мажбур кетишган. Рухсатнома олгунича савдогарлар ўз моллариини маълум муддат ўшарн қўриқлаган.

Қ.да 30 га яқин саноат, қурилиш, транспорт корхоналари мавжуд. 1956 й. да нефть ва табиий газ конларини ишқалаш заводи, 1997 й.да Бухоро (Қоровулбозор) нефтни қайта ишлаш з-дининг ишга туширилиши, оҳак ва гипс олинишн Қ.нинг ривожланишига омил бўлди.

Қ.да қурилиш ташкилотлари, ақтиндорлик жамиятлари, техник жиҳозларни ягнгш ва бутлаш бошқармаси, МТП, деҳқон бозори, новвойхоналар, *савдо, маданий ва маиший хизмат* кўрсатиш шохобчалари бор. 5 умумий таълим, болалар мусиқа, спорт мактаблари, бизнес мактаби, касб-ҳунар колежи, маданият саройи, маданият уйи, 3 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, 2-жаҳон уруши қурбонлари Хотира ёдгорлнги мавжуд. «Обинур» фольклор этнографик дастаси фаолият кўрсатади. «Ғўзаҳ» спорт соғломлаштириш мажмуи, «Деҳқон» стадиои сузиш ҳавзаси, марказий стадион, ва б. спорт иншоотлари бор. Туман марказий касалхонаси, марказий поликлиника, туғруқхона, тез тиббий ёрдам бўлими, *дорихоналар* аҳолига хизмат кўрсатади.

Қ. да меъморий ёдгорликлардан қад. *сарбоба* иншоати (16–а.) сақланган.

Ад.: Солиев Б., Шолиев С., *Сокролги мўъжиза (Қоровулбозор туманн ўтмиши* ва бугуни ҳақида лавсалар), Т., 2000.

ҚОРОВУЛБОЗОР ТУМАНИ — Бухоро вилоятидаги туман. 1993 й. 12 янв.да ташкил этилган. Жанубда Қашқадарё вилоятининг Муборак тумани, ғарбдан Олот, шимолдан Бухоро тумани, шарқдан Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани б-н чегарадош. Т.й. станцияси. Майд. 2,2 минг км². Аҳолиси 13,9 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Қоровулбозор). 3 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бўзачи, Жарқоқ, Навбаҳор) бор. Туман маркази — Қоровулбозор ш.

Табиати. Қ.т. рельефи, асосан, *текислик бўлиб, адир, қир ва қумли* чўл, барханлар, тақир, шўрхоклардан иборат. Тупроқлари ўтлоқи бўз, қумоқ бўз, чўл қумли, сур-қўнғир, тақир бўз тупроқлар. Жанубда шўрхоқлар катта майдонни эгаллайди. Жарқоқ, Саритош, Сеталандепа платолари ҳудудида оч бўз тупроқлар тарқалган. Ер ости сизот сувлари ер юзисига яччи якин. *К.т. ҳудудида ташлама сувлардан* Деҳхона, Хадича кўлдари қосил бўлган. Тумандаги Саритош, Жарқоқ, Сеталандепа каби тектоник кичик бурмаларда газ ва нефть захиралари, қурилиш материаллари (гипс, оҳактош ва б.) бор. Иқлими субтропик белгиларга хос чўл иқлими. Янв. нинг ўртача т-раси 0,2°, энг паст т-ра —22, —24°. Июлнинг ўртача т-раси 29,3°, энг юқори т-ра 45, 46°. Вегетация даври 208 кун. Йиллик ёғин 150—155 мм. Ёвойи ўсимликлардан боялич, исириқ, қирқбўғин, қоқиш, шувоқ, сингрен, саксовул, қандим, ранг, қўнғирбош, катирбош ва б. ўсади. Ёвойи ҳайвонлардан тароқ бармоқли кўшоёқ, қарсоқ тулки, ингичка бармоқли юмронқозиқ, толай қуён, бўри, дашт тошбақаси, малла юмронқозиқ, сўғур, сассиқкўзан, қумсичқон, қум бўғма илони, чарх илон, чўл мушуги; қушлардан тувалоқ, қорабовур, олабовур, қирғовуллар ва б. бор. Туманларо Бухоро машина каналидан сув олади ва Қоровулбозор магистрал канал ларидан суғорилади.


Қоровулбозорлик Бухоро шёлини қайта ишлаш заводи.

Аҳолиси, асосан, *ўзбеклар*, шунингдек, қозоқ, рус, туркман, татар, озарбайжон, арман, белорус ва б. миллат вакилари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 6,3 кишн. *Шаҳар* аҳолиси 9,5 минг киши, қишлоқ аҳолиси 4,4 минг кишн (2005).

Хўжалиги. Туман саноатининг ривожланиши Сеталандепа, Саритош, Ўртабулоқ, Кўқдумалоқ каби газ ва нефть конларининг очилиши б-н боғлиқ. Туманда Бухоро нефтни қайта ишлаш з-ди, техник жиҳозларни биғиш ва бўглаш бошқармаси, 2 автокорхона, қурилиш корхоналари, бир қанча акциядорлик жамиятлари, МТП, нефть қуйиш тармоғи, деҳқон бозори, новвойхоналар бор. 7 ширкат, 2 ижара хўжалиги, 44 фермер хўжалиги фаолият кўрсатали. 6,4 минг гектарда «Қоровулбозор» ўрмон хўжалиги мавжуд. Бу ерда 20 хилга якин мевали, манзарали ва ёғочбоп дарахтлар ўстирилади. Туманда жами 14,3 минг га ер суғорилади, шу жумладан, 6 минг га ерга пахта, 6,5 минг га ерга дон, шунингдек, сабзавот, полиз экинлари экилади. 10 га ер боғлар б-н банд. Туманларо жамоа ва шахсий хўжаликларида 4,2 минг қорамол (шу жумладан, 1,4 минг сигир), 6,8 минг қўй ва эчки, 7,2 минг парранда боқилади. Қоракўл терниси тайёрланади.

7 умумий таълим мактаби (3,2 минг ўқувчи), болалар мусиқа, спорт мактаблари, бизнес мактаби, касб-ҳунар коллежи, малакавт сароии, малакавт уйи, 2 клуб муассасаси, 4 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, ёшлар марказн мавжуд. Ашула ва рақс, *фольклор-этнографик дастлари* мавжуд. «Гўзал» спорт соғломлаштириш мажмуи, марказий стадион, теннис корти, «Дельфин» сузиш ҳавзаси ва б. спорт иншоотлари ишлаб турибли. Туман марказий касалхонаси, марказий поликлиника, 3 қишлоқ врачлик пункти, 2 фельшер-акушерлик пункти, тез тиббий ёрдам пункти, 15 соғломлаштириш пункти, дорихоналар ва б. тиббий муассасаларда 43 врач, 180 ўрта тиббий ходим ишлайди. «Нола» болалар санаторийси бор.

Туман ҳудудидан ўтган т. й. 1916 й. да қурилган. Бу ерлан Когон, Қарши, Китоб, Гузор, Термиз йўналишларида йўловчилар ташувчи поездлар ўтади. Тумандаги автомобиль йўллар уз. 88 км, шу жумладан, халқаро аҳамиятдагиси 53 км. Бухоро — Қарши автомобиль магистрали ўтган. Меъморий ёдгорликларлан Қоровулбозор ва Бўзачидаги қад. сарлобалар (16–а.) сақланган. 1993 й.дан «Қоровулбозор тонги» туман газ. нашр этилади.

Нурия Назарон, Умар Раҳимов.

ҚОРОВУЛТЕПА СУВ ОМБОРИ — Жиззах вилоятидаги сув омбори. Зарафшон дарёсидан *Эски Тўятортар* каналн орқали кеч куз-қиш мавсумида тўлдирилади. Канал ўзанига якин табиий ботиқда қурилган. 1987 й.да фойдаланишга топширилган. Тўлиқ ҳажми 53,6 млн. м³, тўғонининг максимал бал. 40 м, максимал сув ўтказиш имконияти 50 м³/сек. Сувидан Ғаллаорол туманидаги ерларни суғоришда, Сангзор дарёсига сув ташланида фойдаланилади.

ҚОСИМ АЛИ (ёки Қосим ибн Али) Чехрақушлй (15-а. 2-ярми Ҳирот — 16-а. 30-й.лар, Сенстон) — мусаввир, хаттот ва олим; *Ҳирот миниатюра мактаби*нинг йирик вакили. Камолиддин *Бехзод*нинг энг якин шогирди. Алишер Навоийнинг шахсий кутубхонасида тарбия топган ва ижод қилган. Султон Ҳусайн Мирзо ҳукмронлиги даври (1469—1506)да сарой кутубхонасида ишлаган. Ҳиротни 1510 й.да Шоҳ Исмоил Сафавий эгаллагач, мусаввир Сенстонга кетиб, у ерда муддаррислик





Қосим Аля. «Алишер Навоий ва Султон Муҳаммад Мирзо миниатюраси».

мактубн сақланган (Калькуттадаги *Осиё жамиати қутубхонаси*да, Ҳиндистон). Қ.А.нинг «Алишер Навоий ва Султон Муҳаммад *Мирзо*» *асари* машҳур (Мураққалъда, Истанбулдаги *Туркқоғ музейида*); *Навоийнинг* «Хамса» (шоҳсола Бадиуззамон Мирзо учун тайёрланган нусхаси, Оксфорддаги Бодли кутубхонасида, Буюк Британия), Низомий Ганжавийнинг «Хамса» достонлари (Британия музейида, Лондон) ва б. қўлёзмаларни нафис мўъжаз расмлар б-н безаган; расмлар ранга бойлиги, тиниқлиги, китобларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишга интилганлиги б-н диққатга сазовор. Ўзларда «Амали фақир Али», «Амали Қосим Али», «Саварруху Қосим Али» каби ёзувлар б-н қайси муассир иши эканлиги қайд этилган. Қ.А. қаламга олинган расмларидан Ғиёсиддин Хондамир, Мирзо Муҳаммад Хайдар, Ҳожи Аҳмад Қумий ва б.нинг асарларида маълумотлар бўлиб этилган.

ҚОСИМ ШАЙХ, Шайхи Азизон (16-а. боши — Карнана — 1578) — тасаввуф тариқатининг йирик намояндаси, шайх. *Абдулазиз II* нинг пири. Қ.ш. тасаввуфнинг жаҳрия сулукига мансуб. Унинг қамолга етишида *Шайх Ҳудойдод* Валийнинг таъсири катта бўлган.

Шайбонийлар сулоласининг вакиллари Искандархон, унинг ўғли Абдуллахон II ва укаси Рустам Баҳодирхон ибн Жонибек Султон ва б.га Қ.ш.нинг таъсири кучли бўлган. «Абдуллахнома» асарида *ёзилишича, Қ.ш. шайбоний* султонлар ўртасидаги ўзаро урушларни тўхтатиб, *Туркистонни* ягона давлатга бирлаштириш гоясини олдинга сурган ҳамда бу йўлда қатъий сиёсат юритаётган Абдуллахон II ни фаол қўллаб-қувватлаган. У шайбоний султонларни бир неча марта ўзаро яраштирган ва сулҳ тузишга эришган (1554, 1558, 1569 ва б.). Абдуллахон II ҳокимият тепасига келгач (*1557*), Қарнанада шайх учун муҳташам хонақоҳ қурдирган (*1558*).

Замондошлари томонидан Қ.ш. га «*Ҳазрати Эшон*», «*Қутб ул-авлиё*», «Шайхи Азизон» каби унвонлар берилган.

Манба: Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдулланома, 1–2-китоблар, Т., 1999–2000; Ҳасанхожа Нисорий Музаккири ҳабоб. Т., 1993.

Ад.: Иноятов С., Тўраев Ҳ., Саидов М., Қосим Шайх Азизон, Т., 2000.

Қаҳрамон Раҳимбоев.

ҚОСИМ ШАЙХ ХОНАҚОҲИ — Навоий вилоятидаги меъморий ёдгорлик (16—20-а.лар); Қарнанада. Қ.Ш.Х. хонақоҳ, тўрхона, масжид, айвон ва б. хоналардан иборат. Дастлаб *Қосим Шайх* учун хонақоҳ бунёд этилган (1558). Шайх вафотидан сўнг хонақоҳ ёнидаги хонага дафн этилган. Хонақоҳ чортоқ тарҳли, қўш гумбазли (пойтумбаз бал. 14 м), ички гумбаз ости бағаллари ирокли мукарнаслар б-н тўлдирилган. Тарихнинг 3 томони пештоқли; жан. пештоқ ҳашаматлилиги б-н ажралиб туради. *1910 й.да* атрофи девор *б-н ўралиб*, ҳозирга тарзида қўшимча биноларга (*зиёратхона, масжид, айвон ва б. хоналар*) қурилган.

ҚОСИМ ШОШИЙ (*тўлиқ исм-шарифи Абу Али Ҳасан ал-Қосим ибн Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Каффол аш-Шошиий*) (10-а.) — *фақих. Каффол Шошийнинг* ўғли. Қ.Ш.ал Ҳусосн ва Ироқ фақиҳлари таълим олишган. Қ.Ш. «ат-Тақриб фил-фуруъ» («Фуруъга яқинлаштириш») асари туфайли мангбаларда улуғ имомлардан бири сифатида эътироф этилган. *Ибн Халликоннинг* ёзишича, «бу асар шофиий мазҳабидаги мўътабар китоблардан бўлиб, кимнинг ҳузурида бу китоб бўлса, бошқасининг ҳожати йўқдир». *Исломшуносликда Қ.Ш.нинг «ат-Тақриб» асари турли фиқҳий манбаларни ўрганиш ва таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этади.*

ҚОСИМБЕКОВ Тўлаган (1931.15.1, Қирғизистон, Жалолобод вилояти Янгийўл тумани Аҳмўл қишлоғи) — Қирғизистон халқ ёзувчиси (1986). «Йилқичи ўғли» (1956), «Тутилган ер» (1958) китоблари, «Олам бўлғин келади» (1960) қиссалари б-н танилган. «Синган қилич» (1966) романи машҳур. Асарда қирғиз халқининг 19-а. ўрталаридаги ҳаёти тасвирланган. Кўкон хонлиги даврига оид тарихий воқеалар, Ўрта Осиёнинг руслар томонидан забт этилиши, унинг ўзбеклар ва қирғизлар тақдирига таъсири эпик планда кўрсатилган. «Келкел» («Толеъ», 1986) романи — «Синган қилич»нинг мантиқий давоми бўлиб, унда 19-а.нинг 2-ярми ва 20-а.нинг 1-чорагидаги Ўрта Осиё халқлари ҳаёти тўқтатуп, Қурбонжон додхоҳ каби тарихий шахслар тақдири орқали очиб берилган.

Ас.: Синган қилич, Т., 1980.

ҚОСИМЖОНОВ Озимжон (1878 — Тошкент — 1952) — наққош уста, Тошкент наққошлигининг йирик вакили. Ҳунарини уста Шералихўжа Ҳасановдан ўрганган; у б-н бирга ишлаб князь Романов саройи (ҳоз. Ташқи ишлар вазирлиги қабулхонаси), А.Половцев уйи (ҳоз. Амалий санъат музейи)ни безашда қатнашган. 1920-й.лардан кўпгина жамоат бинолари (айниқса, 1923 й. 1-Бутуниттифоқ қ.х. ва ҳунармандлик кўргазмаси; 1938 й. Бутуниттифоқ қ.х. кўргазмасининг Ўзбекистон павильони ва б.)ни безаган. Тошкент бадиий ўқув и.ч. к-тида наққошлик-инструктор бўлиб кўплаб шогирдлар (М. Қосимов, Ж. Ҳакимов, Т. Тухтаҳўжаев ва б.) тайёрлаган. Қ. нақш мужассаматларида ранглар уйғунлигидан маҳорат б-н фойдаланиб жозибадор безаклар

Қосим Шайх хонақоҳи (Карнана).





О.Қосимжонов шогирдлари б-н.

яратган; у безагани ҳонтахта, курси кабн бадиий буюмлар республика ва чет мамлакатлар музейларида сақланади.

ҚОСИМЖОНОВ Рустам Маҳмуқович (1979.5.12, Тошкент) — шахмат чи, халқаро гроссмейстер (1997), 17-жаҳон чемпиони (2004). «Ўзбекистон нефтиҳори» (2000). Қ. 5 ёшида шахмат ўйнашни ўрганди. Александр Грушевский мураббийлигида илк муваффақиятга эришди — Ўзбекистон ёшлар биринчилигида галаба қозонди (1990). Сергей Пинчук мураббийлигида ўсмирлар ўртасидаги Осиё биринчиликларида (1994, Доха), жаҳон биринчиликларида бронза медалларини қўлга киритди



(1994, Сегед; 1995, Гуарупова). Ўзбекистон (1997, 2000) ва Осиё (1998, Тегеран) чемпиони бўлди. ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилиги (1999, Ереван) ва кучлилар ўртасидаги жамоа кубоги (2002, Ҳайдарободда кумуш медаль б-н шарафланди. Қ. 1996 йдан Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, жамоа таркибида Осиё чемпиони (1999, Шэньян), 32—36-жаҳон шахмат олимпиадалари қатнашчиси (1996, Ереван; 1998, Элиста; 2000, Истанбул; 2002, Бледг; 2004, Калькута). Истанбул шахмат олимпиадасида 1-тахтала кўрсатган натижаси учун кичик бронза медали б-н тақдирланган.

Қ. 1999, 2001 ва 2002 й.ларда бўлган шахсий жаҳон чемпионатларида иштирок этди. 2004 й. 18 июнь — 13 июлда Триполи ш. (Ливияда ўтказилган жаҳон чемпионати босқич ўйинларида А.Рамирис (Коста-Рика; ҳисоб — 1,5:0,5), Г.Магати (Эрон; 1,5:0,5), В. Иванчук (Украина; 2,5:1,5), З.Алмаши (Венгрия; 2:0), А.Гришчук (Россия; 3:1), В.Топалов (Болгария; 4:2) ва М.Адамс (Буюк Британия; 4,5:3,5)ни мағлубиятга учратиб, К. ФИДЕ ташкифи бўйича жаҳон чемпиони бўлди (қ. Шахмат). 2004 й. Ўзбекистонда «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб тан олинди. Ўзбекистон миллий ун-тининг компьютер технологияси ф-ти бакалавриатини тугатган (1999), Золитеп ш.нинг «Золитеп» (1999—2004), Бешариқ ш.нинг «Бад-Годесберг» (2004 й.дан) шахмат клуби таркибида Германия бундеслигаси ўйинларида қатнашади. Амир Темур ордени (2004) б-н мукофотланган.

Ад.: Мўминов А., Сезонг кидўзларим, Ватан, Т., 2002.

ҚОСИМОВ Акмалжон (1937.20.2, Шаҳрихон ш. — 2004.23.6, Тошкент) — биокимётар, Ўзбекистон ФА акад. (2000), биол. фанлари д-ри (1978), проф. (1978). ТошДУни тугатган (1961). ТошДУ биофизика кафедрасида ассистент (1964—66), катта ўқитувчи (1966), доцент (1967—73), биол.-тупроқшунослик ф-ти декани (1969—73), усимликлар физиологияси кафедраси мудири (1973—76), Андижон педагогика ин-ти ректори (1976—92), вилоят ҳокими ўринбосари (1992—93), Андижон ун-ти ректори (1993—95), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ўринбосари (1995—2000), ЎзР Халқ таълими вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи (2000—04). Илмий ишлари радиоактив нурланиш, металлларнинг ультрадисперсияли кукуни, паст ҳароратда ва тузлларнинг ҳужайра ҳамда организмлари физиологик ва биокимёвий жараёнларга таъсирини ўрганишга бағишланган.



Ас.: Митохондрия и хлоропласты, Т., 1984 (к соавторстве); Влияние радиации на энергетическую систему растений, Т., 1985; Клетка и клеточные структуры, Т., 1986; Биокимиё [дарслик], Т., 1988 (ҳамкорликда); Биокимёдан амалий машғулотлар, Т., 1989 (ҳамкорликда); Биология [маълумотнома], Т., 1996 (ҳамкорликда).

ҚОСИМОВ Бегали (1942.19.12, Касби тумани Аллот қишлоғи — 2004. 25.9., Тошкент) — адабиётшунос олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (1999), филол. фанлари д-ри (1984), проф. (1986). Тошкент ун-тининг филол. ф-тини тугатган (1963). Шу ун-т филологии ф-тида ўқитувчи (1966—67), катта ўқитувчи (1968—70), доцент (1971—85), проф. (1986 й.дан) лавозимларида ишлаган. «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» кафедраси мудири (1993 й.дан), ун-тнинг ўқув ишлари бўйича проректори (1993—94), филол. ф-ти декани (1994—95).

Қ.нинг илмий тадқиқотлари ўзбек мумтоз адабиёти ва адабий алоқалар, ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси масалаларига, матншуносликкка, жадидчилик ҳамда жадид адабиётини ўрганишга бағишланган. 20-а. ўзбек адабиёти мумтозлари, шу даврнинг намояндалари ҳақида «Мирмуҳсин Шермуҳамедов» (1967), «Абдулла Авлоний» (1979), «Маърифат дарғалари» (У.Долимов б-н ҳамкорликда, 1990), «Исмоилбек Гаспрали» (1992) каби асарлар ёзган. Қ., шунингдек, Яссавий, Навоий, Бобур ҳақида ҳам ил.лар олиб борган. Ўзбек адабиёти» (5-, 7-, 9-, 11-синфлар учун), «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» (бакалаврлар учун) дарсликлари ҳаммуаллифи.

Ас.: Йдил-йдил топганим, Т., 1993; Маслакдошлар, Т., 1992; Миллий уйғониш, Т., 2002.

ҚОСИМОВ Мақсуд (1905—Тошкент — 1965) — ёғоч ўймакори; нақкош уста. Ҳунарини тоғаси уста Мирсоат Исамуҳамедовдан ўрганган. 16 ёшидан дурадгор уста. 1935 й.да Тошкент бадиий ҳуқ ш.ч. комбинатида таълим олган; ёғоч ўймакорлигини А.Абдурахмонов ва С.Ҳожиевлан, нақкошликни О. Қосимжоновдан, панжарасозликни уста Н.Зиёқориевдан ўзлаштирган. Қ. ижодий фаолиятида буюмларни анъанавий нақшлар б-н безагани; ёғоч ўймакорлиги б-н панжара санъатини уйғунлаштириб эшик, стол, курси, қутича каби жозибадор буюмлар тайёрлаган. Қ. шунингдек, Бутуниттифоқ к.х. кўргазмасининг Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон павильонларини безашда қатнашган; Мукимий театрининг ўймакорли эшиклари, Навоий театрлари ўриндиқларини («себарга» нақши б-н)



бошлиғи; Навоий театридаги ганчкорлик ишларида, меъморий обидалар (жумладан, Половшен уйи, ҳоз. Амалий санъат музейи биноси ва б.)ни тиклашда иштирок этган. 1940—42 йилларда Қирғизистон пойтахтидаги қурилишларда ўқув ва ич. комбинатида, 1950-йилларнинг охиридан Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида дарс берган; О. Файзуллаев, Х. Қосимов каби шогирдлар тайёрлаган. К. ишларидан намуналар республика ва чет мамлакатлар музейларида сақланади.

ҚОСИМОВ Миркалол Қўшоқович (1970.17.9, Тошкент) — футболчи. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (1994), «Ўзбекистон ифтихори» (2002). К. ўсмирлар ўртасида жаҳон (1987, Канада), ёшлар ўртасида Европа (1988, Чехословакия) чемпиони, Ўзбекистон кубоги ғолиби (1993, 1997, 2002, 2003), Ўзбекистон (1998, 2002, 2003), Россия (1995), Осиё ўйинлари (1994, Хиросима) чемпиони. К. Тошкентнинг «Пахтакор» (1987—1991, 1993, 1997—1998, 2002—2004), Владикавказнинг «Алания» (1992, 1994—1996, 2004), Самарканинг «Крылья Советов» (1999—2000), Дубайнинг «Ал-Шабаб» (2001), Муборакнинг «Машъал» (2005 й.дан) футбол клубларида ўйнаган. К. ўқувчилар лайтвал жамоаси ўйин ташкил этиш, тўпни шеригига қулай тарзда узатиш, жарима ва бурчак тўпларини маҳорат б-н дарвозага киритиш устаси. К. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-ти (1996) ва Тошкент иқтисодиёт ун-ти (1999)ни тугатган. «Шуҳрат» медали (1994), «Филдокорона хизматлари учун» ордени (2004) б-н мукофотланган.

ҚОСИМОВ Ориф (1909 — Тошкент — 2001.19.2) — созанда (дутор), бастакор. Ўзбекистон халқ артисти (1979). Болалигидан Юнус Ражабий раҳбарлигидаги мусиқа тўгарагида ғой чалишни (1925), Тошкент мусиқа техникумида (1926—27) Абдусоат Жабборов синфида дутор куйларини ва Шорахим Шоумаровдан мумтоз ашула йўлларини ўрганган. Ўзбекистон радиосида миллий мусиқа ансамбли (1927—45), тожик ансамбли (1945—53), халқ чолғулари оркестри (1953—57), «Мақом» ансамбли (1957 й.дан) да созанда. Дастлаб репертуарлари ўзбек халқ ва мумтоз куйлари («Гиря», «Чорсоҳ», «Эшвой», «Илғор», «Кўкончи», «Аскарий», «Қариндош», «Дилхирож» ва б.), мақом йўллари («Таснифи Дугоҳ», «Гардуни Сегоҳ», «Мисқин 1-5», «Наврўзи Ажам» ва б.) ҳамда ўзи яратган куйлар («Қизил карвон», «Юриш марши», «Раққи дутар», «Реза-реза») ўрин олган. Кейинчалик, бевосита дутор имкониятлари б-н боғлиқ «Янгра озим», «Дилдор ўйнасин», «Қизлар раққи», «Хуморингиз», «Черг дуторим» каби асарлар яратган.

К. замонавий дутор ижрочилиги мактаби йирик вакили бўлиб, ижро усулуби нозик қочиримларга бойлиги, зарбларнинг хилма-хиллиги ва равонлиги, ижро техникаси мукаммаллиги б-н ажралиб туради. Созандалик ва бастакорлик иқтидори б-н бирга К. 1930 йилан бошлаб мураббийлик б-н ҳам шуғулланган, бир неча ҳаваскорлик ансамбларига раҳбарлик қилган. «Эллюрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1998).

ҚОСИМОВ Саъдулла Рашидович (1901, Тошкент — 1930) — 1922 й.дан судлов тизимида фаолият кўрсатган. Тошкент вилояти суди (1925—26), сўнгра Ўзбекистон ССР Олий суди-нинг раиси (1926 й. июнь — 1929 й. март). Ўз фаолияти давомида марказнинг шовинистик сиёсатига қарши чиққанлиги шўро ҳукуматига ёқмаган. Лавозимидан бўшатилиб, қамоққа олинган (1929 й. баҳори). Самарқанд (1930 й. март — июнь)да бўлиб ўтган суд жараёнида (суд раиси М.И.Васильев-Южин, қароловчи Р.П.Катанян) К. ва унинг тарафдорлари (7 киши) «буржуа миллатчилари» сифатида, «босмачилар»ни қўллаб қувватлаганликда айбланган. Уларга «қосимовчилик» тамғаси босилган. СССР Олий суди жиноят-судлов коллегияси сайёр сессиясининг қарорига кўра, К. отиб ташланган.

ҚОСИМОВ Сулаймон (1909.6.), Сариосиё тумани — 1976.28.8, Фарғона) — ақтёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1944), 1930 й. Марғилондаги «Қизил санъат» тўгарагининг бошловчиларидан (бу тўгарак кейинчалик 1931 й. Марғилон шаҳар театрига айланган). Бу театрда Темурхўжа («Лойқалар»), Эшон («Ҳужум»), Мели («Ўртоқлар»), Раим ямоқчи («Ҳалима»), Калаф («Малиқа Турандот») каби образлар яратган. Кўқон театрида (1933—34), Фарғона театрида (1934—65) актёр, реж., бош реж., директор, Фарғона вилоят санъат бошқармаси бошлиғи (1943—48). Ҳожим («Бой ила камбағал»), Фарҳодхо («Икки бойга бир малай»), Сулаймон («Аршин мол олон»), Берест («Платон Кречет»), Рустам каби роллари б-н танилган.



Сулаймон Қосимов Рустам ролида («Рустам»).

«Лайли ва Мажнун», «Шоҳсанам», «Нодира», «Ўлим боскинчиларга», «Уйғониш» ва б. спектакилларни саҳналаштирган.

ҚОСИМОВ Эркин Умаралиевич (1935.14.10, Тошкент) — қурилиш соҳасидаги олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1991), техника фанлари д-ри (1981), проф. (1982). Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1958). Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида катта мухандис, Сув иншоотлари ил.т. институтида илмий ходим (1958—62), Тошкент политехника ин-тида катта ўқитувчи, доцент, факультет декани, кафедра мудири (1965—72, 1982—91), Ўзбекистон Олий ва ўрта тахсим вазирлиги Олий ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиги (1978—81). Тошкент архитектура-қурилиш ин-тида проректор (1991—2000), проф. (2001 й.дан). Илмий ишлари қурилиш материалларининг хоссаларини ўрганиш, ма-

халлий хом ашёлардан кенг фойдаланиш, уларнинг и.ч. технологиясини такомиллаштириш ва б. муаммолярга оид.

Ас.: Қўриниш материаллари, Т., 1982; Мактаб болаларига ва ўқитувчиларга тайёрланадиган буюмлар (*санъат ўлгичлари*), Т., 1984; Қўриниш ишлари, Т., 2004.

Адаб.: Умр дафтари, Т., 2004.

ҚОСИМОВЛАР ПОДШОЛИГИ — Москва буюк князи Василий II томонидан татар хонлари учун ажратилган ҳудудда тузилган кичик подшолик (1445—1681).

Қ.п. Ока дарёси бўйлаб (ҳоз. Рязань вилоятининг шим.-шарқий қисмида) татарлар, мишарлар, мордвалар, қисман руслар яшайдиган ҳудудни эгаллаган. Дастлабки подшо Қозон хони Улуғ Муҳаммаднинг ўғли Қосимхон бўлган (тахм. 1445—56). Маркази — Қосимов ш. Подшолик ва шаҳарининг номи ҳам унинг асосчиси Қосимхон исмидан олинган. Хонлик аҳолиси асосан, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик б-н шуғулланган. Хонлик сиёсий ҳаётида мангит, арғин, жалойир, қипчоқ каби туркий уруғлар етакчи роль ўйнаган.

Қ.п. хонлари Москва томонида туриб Қозон хонлигига қарши ҳарбий курашларда қатнашган (1467—69, 1487, 1552). Мас., ака-ука хонлар Шоҳ Али (1516—67) ва Жон Али Қозон хонлигини 1519—21, 1532—36, 1546,1551 йилларда бошқаришган. Шоҳ Али Литвония урушида рус армиясига қўмондонлик қилган (1557—58). Қозон хонлиги Рус томонидан босиб олингач (1552), Қ.п. хонларининг нуфузи анча пасайган. Бироқ хонлар 16-а. охирги ва 17-а.да ҳам рус *дипломатияси учун Усмонли турк* султонлари ва б. ислом давлатлари олдида «мусулмон шоҳлари» сифатида бир дастак вазифасини ўтаган. Саид Бурҳон (ҳукмронлик даври: 1627—79) даврида хонлик аҳолисини мажбуран христиан динига киритиш бошланганлиги учун татарлар қўзғолон кўтаришган (1656). Сўнгги хон Фотима Сўлтон Бегим вафот этгач (1681), Қ.п. ўз фаолиятини тугатган ва у Москва давлатига қўшиб юборилган.

Ад.: Шарифуллина Ф., Касимовские татары, Казань, 1991.

ҚОСИМХОН (*1445—1518-21*) — қозоқ хони, *Жўжихон* авлодидан. Қозоқ хонлигининг асосчиларидан бири. Жонибек султонининг ўғли. Қозиғ онаси Жаҳонбегим Шайбонийхоннинг онаси Оқбўйнибегимнинг синглиси бўлган. 1503 йил ака-ука Адик султон вафотидан сўнг улус бошқарувчи Қ. қўлга ўтган. Тарчи у ўз улусининг султони бўлса-да хонликда юқори нуфузга эга бўлиб, ўша вақтлари қозоқ хони *Бурондой*хондан кейин турувчи 2-шахс ҳисобланган. Унинг қарорий қароргоҳлари муваффақиятли, бошқа қозоқ султонларига ҳам унинг атрофига бирлашувга сабаб бўлди. 1509 й.нинг 2-ярмида амалда бутун ҳокимият Қ. қўлига ўтган. Лекин 1511 й.дагина расман хонлик ёлғизига эга бўлган. Унинг ҳукмронлик йилларида хонлик ҳудуди кенгайиб, қозоқнинг бошқаруви мустаҳкамланган. Қ. давлати таркибига жан.-шарқда Еттисувнинг бир қисми, шим.-ғарбдан Волга дарёсининг ўнг қирғоқлари, шим. ва шим.-шарқда Улутов этакларн ва Балхаш кўли бўйлари, жанубда Сирдарёнинг ўнг қирғоқларга ёйилган ҳудудлар кирган. Қ. шайбоний султонлар б-н доимий равишда Сирдарё бўйи шаҳарлари учун жанг олиб борган бўлса-да, аммо уларнинг Эрон сафавийларига қарши курашини қўллаб-қувватлаган. 1513—14 й. ларда Исмоил Сафавий қўшинларига қарши курашишда унинг шайбонийлар б-н иттифоқ тузган. Шунингдек, Қ. даврида Қозоқ хонлиги Москва, шунингдек, Қрим ва Ёркента хонликлари б-н ҳам турли соҳаларда алоқалар олиб борган. Қ. вафотидан сўнг бирмунча вақт хонлик тахти бўш қолган. Фақат 1522 й.дагина унинг ўғли Мамашхон тахтни эгаллашга муваффақ бўлган. Аммо бу б-н такт учун кураш барҳам топмаган. Оқибатда ички вазият Қ. тикланган давлатнинг инқирозга учрашига сабаб бўлган.

Ғуломжон Султонов.

ҚОСИМХЎЖАЕВ Саидусмон (1915. 15.5 — Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Кавардон қишлоғи — 1994.24.3) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, сержант. 1938 й.дан армияда. 1941 й. авг.дан фронтда. 229-ўқчи полки (Марказий фронт 19-армиянинг 8-ўқчи дивизияси) взвод командири. Черигов вилоятининг Корон туманидаги Ободонъе қишлоғи учун бўлган жангда кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1943.11.9). Урушдан кейин турли раҳбарлик лавозимларда ишлаган. Вафотидан сўнг ўзи ишлаган кўчага номи берилган.

ҚОФИЯ (араб. — эргашиш, изидан бориш) — шеърий *мисраларнинг* мойини ўринда оҳангдош сўзи ёки сўз бирикмаларининг изчил такрорланиб келиши. Қ. шеърнинг мазмуни, жанри, шакли ва композициясида муҳим ўрин эгаллайди. Қ. ҳосил қилувчи сўзларнинг оҳангдошлиги ўзак б-н ўзак ёки қушимча б-н қўшимча ўртасидаги ўйғунлик туфайли юзага келади.

Қ. шеър ритми ва мусиқийлигини таъминлайди. У ритмиклик ва оҳангдошликдан ташқари, яна бир нечта вазифани бажаради. Ана шу вазифаларидан бири Қ.нинг шеър ғоявий мазмуни б-н боғлиқлигидир. Шу боис у шеър мазмунини гўзал ва таъсирчан ифодалашга хизмат қилади. Қофиялатда шеър гоясини ташувчи сўзларни мисранинг шеърхон диққатини ўзига тортадиган ўринга (кўпинча охирига) жойлаштириш тақозо этилади. Шу б-н бирга Қ. бадиий такт вазифасини ҳам бажаради. Бадиий такт эса шеър гоясининг таъсирчан ва жозибали ифодаланишига кўмак беради. Қ.нинг яна бир вазифаси шеър қурилишида композицион уюштирувчиликдан иборат. чунки у мисраларни ўйғунлик, оҳангдорлик б-н бир-бирига улайди, боғлайди, байт ёки банд каби шеърий бирликларни ташкил этади. Қ.нинг вазифаларидан яна бири шунакки, у шеър интонацияснни (оҳангдорлигини) юзага келтиради. Шеърнинг интонатик мазмуни, ундаги сўзлар оҳангдорлиги, ритми, вазни, банд тузилиши б-н узвий боғлиқликда ўзининг интонацион вазифасини бажаради. Қ. ритмик вазифа ҳам бажаради. Бундай Қ.лар шеърда *радиф* бўлмаган қолларда мисралар сўнги (чегараси)ни таъкидлаб, изчил ритмик қаторларни ташкил этишда етакчи вазифани ado этади.

Туркий халқлар ғазаки ижодида Қ.нинг *олдий сўз такроридан тортиб* мукаммал мустақил турларигача бўлган шакллари учрайди. Умуман, ўзбек ғазаки ва ёзма адабиётида Қ.нинг ниҳоятда *кенглиги ғазак* муҳим ўрин тутади. Бунга туркий халқларнинг кўплаб ғазаки ижод турларида, хусусанисей ёдномаларида, 11-а.да Маҳмуд *Кошғарий томонидан яратилган «Девону луғотит турк»* асарида учровчи шеърий парчалардаги Қ.лар мисол бўла олади.

Арабдан истиюслаш кейин туркий халқлар шеъриятига ҳам ғруз шеърий тизими кириб келади. 9—10-а.ларда эса ғарб, форс ва б. халқлар шеъриятида мумтоз Қ. назарияси яратилади. Бу назария монорим (французча monorime — итонг қофия) Қ. ёки тоғушлар ўйғунлигига асосланади. Ушбу назарияга кўра, Қ. итонг товуш (ҳарф)

тикрорига асосланади ва бу ҳарф р а в и ш (араб. — қофиядаги ундош товуш) деб аталади. Равиш сўз ўзагига, яъни сўзларда негиз охиридаги ундош, чўзиқ унли, баъзан эса қисқа унлиларнинг айнан такрорланиши туфайли юзага келади. Мас., «тун-бул-бул» сўзларидаги «н», «тортар-ортар» сўзларидаги охирги «р», «нафо-жафо» сўзларидаги «о», «бахона-ламона» сўзларидаги охирги «а» товуш-ҳарфлари равиш ҳисобланади. Мазкур назария талабларига кўра, равишсиз Қ. вужудга келмайди.

Мумтоз Қ. назариясида Қ.лануъни сўзлар *таркибига қараб равишли* ва равишдан кейин 4 тадан Қ. унсури иштирок этиши мумкин. Равишдан олдин келувчи унсурлар: қ а ъ д — равишдан олдин келган ҳаракатсиз унлидош товуш («балиқ-қанд» сўзларидаги «қ» товуши); р и д ф — ундош равишдан олдин келган чўзиқ унли («шаҳр-сазар» сўзларида «р» равишдан олдинги «а» унлиси); т а ъ с и с — равишдан олдин келган бир ҳаракатли ундошдан *илгари келувчи* чўзиқ унли («ҳамл-қотил» сўзларидаги «о» товуши; *дахил* — равиш б-н тенгсиз оралиқда келувчи ҳаракатли ундош («зобил-қойил» сўзларидаги «й» ундоши). Равишдан кейин келувчи Қ. унсурлари ҳам 4 та: в а с л — равишга воситали ёки воситасиз тиркалган товушлар («ул-фитни-сўбатим» сўзларидаги «м» ундоши ва «булғоғи-кузоғи» сўзларидаги «и» унлиси), х у р у ж — васлдан сўнг такрорланувчи ҳаракатсиз ундош ёки чўзиқ унли; м а з и д — хуруждан кейин келувчи ундош ёки чўзиқ унли; и ш а р а —маълидан сўнг келган унлош ва чўзиқ унли.

20-а. бошларидан ўзбек шеъриятида *бирнеч тизими* етакчилик қила бошлади. Натижада Қ. тарқибини нозик ҳисоб асосли тақсил қилишга имкон берувчи мумтоз Қ. назариясига мурожаат этиш аста-секин камайди. Бу ҳолат Қ. қақида янги — *полирифма назариясини* келтириб чиқарди. Ушбу назарияга кўра, Қ. тиргак товушга асосланади. Тиргак товуш эса равиш синтари янгиқ эмас. Қ.лануъни сўзлар тарқибидаги талаффуз усули ва ўрни ҳисобидан бир-бирига яқин барча товушлар тиргак товуш бўла олади. Полирифма назариясига кўра, Қ.нинг тўлиқ (тўқ), нотўлиқ (оч), содда, мураккаб, очиқ, ёпиқ, тахминий каби шаклари мавжуд.

Қ.лануъни сўзларнинг уйғунлиги, миқдори, мазмуни, ўрни ва фонетик тарқибига қараб, Қ.нинг зулқофиятдан (қўш Қ.лиқлик), тарсеъли (байтнинг ҳар 2 мисрасидаги барча сўзларнинг ўзаро оҳангдош, вазиздош бўлиб келиши), тасвирий, киноявий, қонтраст, метафорик, *тажнисли* каби турлари фарқланади ва уларнинг ҳар бири ўзбек шеъриятида ҳам муҳим эвфоник, семантик вазифа бажаради. Шеърий мисраънинг бошланиши ёки ўртасида, оҳирида келишига қараб эса Қ.нинг анафорик, исқи ва эпифорик турлари фарқланади.

Умуман, Қ. одатда шеърий мисралар охирида келиб, уларни оҳангдошлик, уйғунлик ва мазмуний яхлитлик асосида бирлаштиради. Бугунги кунда ўзбек шеъриятида *сарбасм* тизимининг ҳам кўпроқ мавқе эгалладб борайтганлиги бу хилдаги поэтик асарларда Қ.нинг тутган ўрни, табиати ва ғоявий-бадиий вазифаларини алоҳида ўрганишни тақозо этмоқда.

Ад.: Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т., 1939 (сўнгги нашри — 2005); Саъмойлов Д. С., Книга о русской рифме. М., 1973; Адабиёт назарияси [2 ж.ли], 2-ж., Т., 1979.

Бақодир Сариқсоқов.

ҚОЧИРИМ — ўзбек ижановий мусиқасида оддий ва мураккаб *мусиқа безакларн (бизратлар, сайқал ва б.)*нинг умумий ифоласи. Қ.лар қуйи жило берувчи қисқа товуш (оҳанг)лардан ташкил топади.

ҚОЧИРИШ, у р у ғ л а н т и р и ш — уруғчи чорва моллариии уруғитиш усули; уруғчи моллари эркакларя б-н табиий ёки сунъий ҳужфлашиши уруғлантириш. Уруғчи моллари Қ. уларнинг оптимал жинсий циклида амалга оширилади (қ. *Куйикиш*), жуфтлаш, оитирларда йил давомида туққанидан кейин қисқа циклнинг биринчи (18—30 кундан сўнг) ёки иккинчи (60—80 кундан сўнг) босқичида ўтказилади. Қўй, эчки, йилқи, туя, гўштдор зотли қорамоллар маҳсулий — *қўй-эчкилар окт.-ноябр. ойларида*, от, туя, гўштдор зотли қорамоллар баҳор-ёз ойларида қочирилади. Чучқаларда Қ. йил давомида ўтказилади. Қ. тухум ҳужайраии оталантиришга б-н якунланади.

Ҳайвонлар, асосан, эркин шароитда (эркак ва уруғчи моллар йилова отар ёки қўтонда бирга боқилганда) ҳамда станокда ва сунъий усулда (эркак ва уруғчи моллар бир-биридан ажратиб боқилганда) қочирилади. Станокда ва сунъий усулда Қ. ракала назорат остида эркак моддаи насл олишда фойдаланиш, йил давомида насл олиш вақтини тартибга солиш ҳамда ҳайвонларни танлаш имконини беради. *Қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик*да Қ.нинг энг самарали усули *сунъий қочириш* ҳисобланади.

ҚОЧОҚЛАР ВА КЎЧИРИЛГАН ШАХСЛАР — *бирон-бир ижтимоий* ҳолат (мас., уруш, миллий озодлик ҳаракати) оқибатида ўзининг доимий яшаш жойини ташлаб чиқишга мажбур бўлган шахслар. «Қочоқлар» атамаси халқаро ҳуқуқда 1-марта 1914—18 й.лардаги 1-жаҳон урушидан кейин пайдо бўлиб, уруш даврида душман босиб олиши таъфи бўлган ёки эгалдаб олган ҳудудларни ташлаб чиққан, ё бўлмаса бу *ҳудудлардан ҳарбий, фуқаровий* ҳукумат фармойиши асосида жўнатиб юборилган шахсларни англатиш учун ишлатилган. 1939—45 й.ларги 2-жаҳон уруши даврида гитлерчилар томонидан босиб олинган ҳудудлардан турли ишларда фойдаланиш учун миллионлаб қишилярнинг бошқа мамлакатларга мажбурлаб олиб кетилиши натижасида кўчирилган шахслар деб аталган одамлар тоифаси вужудга келди. *Урушдан кейин Қ. ва к.ш.* муаммоси кескин бўлиб қолди, чунки уларни тезлик б-н ватанига қайтариш керак эди. Ўтган асрнинг 50—70- й.ларида Африкада ҳам қочоқлар б-н боғлиқ масалалар кескин чиқди. Исроилнинг араб мамлакатларига қарши агрессияси (1948—49, 1956, 1967 й.лардаги урушлар) туфайли пайдо бўлган фаластинлик қочоқлар масаласи ёнг кескин тус олиб, *Яқин Шарқдаги вазиятни бир* неча бор чиғаллаштирди. Қ. ва к.ш. муаммолари манфаатдор давлатлар ўртасида махсус шартномалар тузиш ёки халқаро ҳамкорлик натижасида ҳал этилади. Қочоқлар масалалари б-н Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой ҳаракати, БМТ доирасида — Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар шуғулланади.

ҚОШ — *бошнинг* ташқаклар қисми.

ҚОШИҚ — ўзбек, рус ва б. халқларда, асосан, рақслар жўрлигида усул берувчи ҳамда мусиқа чолғуси. 3—5 *(ёки 4, баъзида, бир-бирига* тасма б-н жуфтлаштирилган) ёғоч ош Қ.лан иборат. Товуш Қ.ларни бир-бирига уриш натижасида ҳосил бўлади. Ўзбекистонда 1930-й.ларгача (айниқса, Фарғонада) кенг қўлланилган. Россияда Қ.ни (киртуоз раққос-соқанда)лар ансамблари фаолияти кўрсатган.

ҚОШИҚБУРУН (Platalea leucorodia) — *лайлаксимонлар* туркумининг ибислар оиласига мансуб қуш. Европа, Осиё ва Шим.-Шарқий Африкада тарқалган. Ўзбекистонда Амударё ва Сирдарё воҳаларини сув ҳавзаларида учрайди. Африка ва Жанубий Осиёда қишлайди. Танаси 80 см ча, вазни 1,5 кг ча. Тумшуғи сариқ, асоси, учи қошиқсимон кенгайган. Оёғи қора, *пат ва пардани оқ*, гавдасининг тепаси жойлари сариқ. Вояга етган индивидларининг бошида кокили бор. Дарёларнинг қўйилиш жойларида, кўлларлаги қамишзорларда колония бўлиб яшайди. Қамишлар орасига, *камдан-кам* тол, жийда дарахтларига уя қуради. 3—5 та тухум қўяди. Тухумнинг нари ва моласи навбат б-н 24—25 кун босади. Полвонлари июнь — июль ойларида унсилан учиб чиқади. Қ. суюлари қошиқротлар, уларнинг личинкаси, майда балиқ, моллюска ва б. б-н озиқланади. Овлаш тақиқланган. Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.


Қошиқбурун.

ҚОЙ — қаттиқ туб жинслардан иборат тик кўтарилган чўққи, жарлик, тепа. Асосан, нураш натижасида қаттиқ тог жинсларининг очилиб, ер юзасига чиқиб қолишидан ҳосил бўлади. Жой номлари таркибида ҳам кўп учрайди. Мас., Кукқоя тоғи (Помирда), Қизилқой долзони (Қирғизистонда), Қоякент (Дағистонда) ва ҳ.к.

ҚОЙЛИ ТИЗМА — Қитта бағазининг шим. ён бағридаги тизма. Белая дарёсидан Терек дарёсигача (Кубань ҳавзаси) чўзилган. Баландлиги тарбида 1200—1700 м дан шарқда 3000 м гача, энг баланд жойи Қорақая чўққиси (3646). *К.тизмг жанубий ён бағри тик*, шим. ён бағри қия бўлиб, кўплаб тор дарё водийлари б-н кесилган. Шим. ён бағри кенг бағри ўрмонлар, жан. ён бағри ва ўрмонлан юқорироқ тог даштлари ҳамда ўтлоқлар б-н қопланган. Карст ривожланган.

ҚОЙЛИ ТОҒЛАР — *Шим. Америкадаги тог системаси*, Шим. Америка Кордильера тоғларининг шарқий қисми, Канада ва АҚШнинг тарбида. Шим.-тарбдан жан.-шарққа 3200 км га чўзилган. Эни 700 км гача. Тинч океан б-н Атлантика океани ҳавзалари ўртасида сувайирғич ҳисобланади. К.тлари Миссури, Колорадо, Рио-Гранде, Снейк, Арканзас дарёлари бошланади. К.т. 45° ш.к.да шимолий ва жан. қисмларга бўлинади. Ушоқа чўзилган шим. тизмалари, асосан, гранитлардан тузилган бўлиб, энг баланд жойи 3954 м (Робсон тоғи). Жан. тизмалари қисқа бўлиб, қумтош, гилли сланец, оҳактошлардан тузилган. Энг баланд жойи 4399 м (Эльберт тоғи, К.т.нинг энг баланд нуқтаси). Иқлими континентал, *йиллик ёғин 1000 мм гача. Тизмалар кенг ҳавзалар б-н бўлинган.* Молибден, мис, олтин, кумуш, полиметалл рудалари, нефть, тошкўмир конлари бор. Гейзер ва термал булоқ кўп. Шим.да тог тайга ўрмонлари, тог тайга сийрак ўрмонлари, тог тундра ва плато-лиқлар, жан.да дашт, ўрмон, субальп игна барглн ўрмонлар, альп ўтлоқлари мавжуд. *Ўрмонлар чегараси шим.да 1500 м*, жан.да 3600 м баландликда, ундан юқорися альп ўтлоқлари ва доимий қорлар. Қор чизиғи жан.да 4000 м, шим.да 2500 м баландда. Водийлар ландшафти дашт ва чала чўлдан иборат. Жаспер, Банф, Йохо, Йеллоустон, Рокн-Маунтин ва б. миллий боғлар ташкил этилган.

ҚОЙТОШ РАСМЛАРИ — горлар (*девор ва шиплари*), *қоятошлар* ва алоҳида тошларни ишланган қал. тасвирлар. Расмлар ишланиш хусусиятларига кўра 2 гуруҳга бўлинади: тош, темир, пўлат ёки бошқа қаттиқ буюм б-н уриб чўкичлаш, чизиш, тирнаш, ишқалаш йўли б-н яратилган расмлар (улар фанда петроглифлар деб аталади) қанда табиий бўёқ — охра ва б. б-н чизиб ишланган оқ, қора, сариқ, кўк, қизил, жигарранг расмлар. Рангли расмларнинг ишланиш усули у қадар мураккаб эмас; лекин петроглифларнинг ишланиши анча мураккаб. Қ.р. ишланиш услубига кўра хилма-хилдир: соя, одилий чизиқлар, тарқлн, нақшлар безакли ва б. услуб хусусиятларига эга. *К.р. дунёнинг барча* жойларида маълум бўлиб, палеолитдан то ўрта асрларгача бўлган даврда яратилган. Африка (Сахрои Кабир ва жан. тоғларда), Америка (Аляска, Анд ва б. тоғлар), Европа ва Австралиянинг тоғлик ҳудудларида кўп учрайди; Россия (Амур, Лена, Енисей, Об, Иртиш, Байкал кўли соҳиллари), Қозоғистон, Ўрта Осиё (Қоратог, Бўкантог, Томдитог, Тяньшан, Помир, Нурота ва б.)дан топилган петроглиф К.р. намуналга сазовор. Франция, Испания, Италия, Хиндистон, Россия (Лена, Амур, Байкал кўли соҳиллари, Урал, Дағистон), Ўзбекистон (мас., *Заравшсой расмлари*, Сангишуғмон, Оқсоқолотасой расмлари)да рангли К.р. топиб ўрганилган. К.р. аввало санъат обидаси сифатида ибтидоий ва қад. қабиилаларнинг ижтимоий қаёти ва руҳий оламини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Яна қ. *Сармишсой расмлари, Суратлисой расмлари, Такатош расмлари, Ҳожакент расмлари.*

Лит.: Кабиров Ж., Сармишсойнинг қоятош расмлари, Т., 1976; Хўжаназаров М., Наскальные изображения Ходжакента и Кюрюкесая, Самарқанд, 1995.

ҚОҚИ (форс-тожик. — қуритилган) — айрим озиқ-овқат маҳсулотларини узоқ муддат сақлаш усулларидаи бири; қуритилган сабзавотлар, мева, қовун, гўшт, нон ва б. Олма, нок, шафтоли, ўрик каби мевалар К. қилинган одини ювилади, олма, нок бир неча парракка, данакли мевалар ўртасидан иккита бўлинади, уруғи (данагидан тозаланади ва хирмонда офтобда ёки махсус электр қуритгичларда қуритилади. Помидорни парраклаб (туз сепилади) ёки 2 бўлиб, бақлажонни узунасига 4 га бўлиб К. қилиш мумкин. Қаноп, қозоқ қопларида, қутиларда сақлаш жойда сақланади. Қақи фаслида истеъмол қилинади, компотлар тайёрланади, ивитиб овқатга ишлатилади ёки сабзавот К. ларидан салатлар тайёрланади (*қ. Қовунқоқи*).

ҚОҚИ (Tamjacum L. ex Wigg.) — мураккабгулдошлларга мансуб кўп йиллик сут ширали ўсимлик туркуми. Бўйи 10—40 см, барглари илаиз бўтазлаи чиқаи, ланцетсимон, кўпинча тўпбарг ҳосил қилади. Гулдори сариқ, саватчага йиғилган. Меваси пистача. *Апрелдан июлгача* гуллаб, мева тугади. Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида тарқалган. Ўрл ёқаларн, ариқ бўйлари, боғлар, тоғли жойлар ва далаларда учрайди. Тог қоқи, дорибор қоқи (момақаймоқ), шоҳсиз қоқи, калталдор қоқи ва б. турлари бор. Ипдизида инулин тўпланади. Барглари сабзавот сифатида ишлатилади. К.нинг илдизидан тайёрланган экстракт ёки порошок ингтаза очувчи, овқат ҳазм қилишни яхшилловчи ҳамда ўт ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади.


Қоқи.

ҚОҚИШОЛ — ўткир инфекцион касаллик; мери системасининг қоқшол бактерияларн токсинидан заҳарланиши натижасида органнзмдаги турли мускул гуруҳларининг тортишишлари б-н кечади.

Касалликни Қ. бактерияларн қўзғатади. Ўткўр қайвонларнинг ичаги Қ. бактерияларн учун қулай шароит ҳисобланади. Бу ерда улар вегетатив шаклда бўлади, ташқарига ажралиб чиққач, спораларга айланади; улар ташқи муҳит таъсирига чидамли. Споралар одам организмининг ярасланган, шикастланган жойларн орқали анаэроб шароитга тушгач вегетатив шаклга айланиб, кучли экзотоксин ажратади. У нерв системасининг ҳужайраларига таъсир кўрсатали; *айниқса, бош миянинг ҳаётий зарур* марказлари шикастланади. Чақалоқларга кнндик яраси орқали юқиши мумкин.

Бактерилар 5 кундан 1 ойгача ҳеч қандай касаллик аломатларнни пайдо қилмай организмда яшайверади (инкубацион давр). Баъзан жароҳатнинг тортишиб ортиши, унинг яқинидаги мускулларнинг тортишиб титраши Қ.нинг белгиларидир. Аксарн касалликда дастлаб чайнов мускуллари тортишади (тризм). Бунда бемор огзини очишга қийналади, юзлнн бутунлай оғнлий қолади, худди қулоқ тургандек ўхшайди, қошлари кўтарилади, пешонасида чуқур ажинлар пайдо бўлади. Бошн орқага кетади, танаси ёйлаб эгилиб, фақат бошн ва товонлари б-н тиралиб қолади. Бемор салгина таъсирот (шовқин, ёруғлик, тегиб кетиш, ютишишга уринишлар) дан тиришиб қолади.

Бемор касалхонада даволанади; жароҳатда яхшилаб дано қилинса, бемор қаттиқни сақлаб қолиш мумкин.

Қ.нинг олдини олиш Қ. анатоксинини режали равишда юборишдан иборат (қ. *Эмлаш*).

ҚОҒОЗ — асосан, ўсимлик толаларидан тайёрланадиган юпқа материал. Турли хил жинслари дарахт ёнчи ва бир йиллик ўсимлик целлюлозаси қанча ёнчи массасидан ишланади. Қ. массасига ўсимлик толаларидан ташқари турли қўшимча (тўлдиргич)лар, мас., ок тус бераднган, энч, сиалнк қилдиган, бўёқ олиш хусусиятини яхшилайдиган минерал моддалар (каолин, тальк ва б.); сиёқни ёйилтирмайдиган ёки қогозни пухта ва энч қилдиган елимлонни материаллар (канифол елими, крахмал, смола ва ҳ.к.); бўяғичлар, химёвий толалар ва б. қўшилади.

Қ. дастлаб (2-а.) Хитойда олинган. Цай Лун ўсимлик толаларининг суюли бўтқасини тўрдан ўтказиб, Қ. олишга муваффақ бўлган. Бу усул кўп вақтларгача сир сақлаб келинди, 6-а. бошларида Японияда жорий қилинди. 6—8-а.ларда Қ. ишлаб чиқариш Осиёдаги бошқа мамлакатларга тарқалди. 7-а.нинг бошларидан — 19-а.нинг 1-ярмигача Самарқандда ишлаб чиқарилган Қ. Туркистондагина эмас, балки қўшни мамлакатларда ҳам машҳур бўлган. Кейинчалик Қ. тайёрлаш арабларн орқали Эрон, Шим. Африка ва Кипрга, кейинроқ эса Испания, Марокаш ва б. мамлакатларга ёйилди. Қ. бунгача ёзувда ишлатиб келинаётган *папирус* ва б. материалларнн сиқиб чиқарди. Кейинчалик (тахм. 10-а.да)Қ. ишлаб чиқарнш Испаниядан Европадаги барча мамлакатларга, шу жумладан, Россияга ўтди. 15—16-а.ларда китоб босиш кашф қилинганидан кейин Қ. ишлаб чиқарнш сурьати тезлашди. 17—18-а.ларда мобайнида Голландияда кнги туйиш аппарати — ролл ихтиро қилнди, француз ихтирочиси Н. Л. Робер кўз б-н узлуксиз айлантирнб турнладиган сим тўрли Қ. қуйиш машинасини яратди. Кейинчалик бу содда машинага пресслаш, қуритиш, *каландрлаш* ва рулон қилиб ўраш секцияларн қўшилди.

19-а. 60-йларида Қ. машинаси деярли ҳозирги Қ. машинаси каби қисмлардан иборат бўлган. Кейинчалик Қ. машинасининг барча қисмлари такомиллаштирилди. Қ. ишлаб чиқариш тезлнги ўнларча марта ошнрилди. Латта ҳом ашёси ўрнига ёғоч целлюлозаси толалари ишлатилади. Қалин ва ролл машинаси узлуксиз ишлайдиган туйиш аппаратларига *алмаштирилди. Синтетик* полимер смола ва толалар борган сари кўпроқ ишлатиладиган бўлди ва Қ. ишлаш техникаси такомиллаштирилди (қ. *Целлюлоза*).

Қ.нинг 600 дан ортиқ турн бор. Қ. асосан, ёзиш, дафтар ва китоблар чиқариш учун ишлатилади. Кўпчилик қолларда Қ. ва *картон* тўқимачилик, ёғоч ишлаш ва шиша саноати маҳсулотлари б-н рақобатлашмоқда. Улар турли металл буюмлари ўрнини эгалламоқда, конструкцион, изоляцион-ловчи, қистирма, фильтрловчи, парлозловчи ва ҳ.к. материаллар сифатида ишлатилмоқда.

Қ. қандай мақсадларда ишлатилишига кўра, массаси (1м² да 4—250 г), қалинлиги (4 мм дан 400 мм гача), механик хоссалари (узилиш узунлиги, синиш, эзилиш, титилиш, сиқилиш, буралиш), елим олиши, кулранглиги, намлнлиги, рангя, оқлнлиги, силлиқлиги, синдирнш қобилнти, ҳаво, бўғ, ёғ ўтказмаслиги, диэлектриклиги ва б. хоссаларн б-н ифодаланади.

Халқаро таснифга кўра, Қ. қуйндагиларга бўлинади: Матбуот Қ. (босмахона, офсет, иллюстрация, картография, бўрданган Қ.) — жуда силлиқлиги, оқлнги, босма бўёқни яхши сингдириши б-н ажралади. Газета Қ. б-н гул (обой) Қ. ҳам шу синфга оид. Ёзув Қ. (ёзув, почта, конверт, карточка Қ.) — елим олиши, сингдириш хусусиятининг кичиклиги, жуда силлиқлнги б-н ажралади. Чизмачилик-расмчилик Қ. (расм, чизмачилик, чизмачилик калькаси Қ.) — елимни яхши олади. Электроизоляцион Қ. (конденсатор, кабель, телефон, изоляцион-ўров Қ.) — механик мустаҳкамлиги, диэлектриклик хоссаси яхшилиги б-н ажралади. Папирос Қ. (мундштук, папирос, сигарет, чекмн Қ.) — бу синф Қ.нинг композициясн, хоссаси ва тайёрланиш технологияси турлича. Шимувчи Қ. (фильтр, босма, сингдирувчи Қ.) — фибра, пергамент, санитария-гигиена маҳсулотлари ва б. тайёрланда ишлатилади. Аппарат Қ. (телеграф лентаси, Крид лентаси, перфокарта Қ.) — механик мустаҳкамлнги б-н ифодаланади. Ерутлик сезгир Қ. — механик мустаҳкамлнги, яхши елим олиши б-н ажралади, фотографнка ишлатилади (қ. *Фотографня*). Кўчирнш Қ. (копировка ва кўчирнш Қ.) — маҳсус ишлов бериб тайёрланади. Ўров Қ. — озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат товарларини ўраш учун ишлатилади. Саноат-техника Қ. (патрон, жилвир, диффузор, линофузор ёзиб олиш, ип ўрашда ишлатиладигаи ва ҳ.к.) — пахта толаси, асбест, сузувчи толалардан олинй усулда ишлаб чиқарилади.

Қ. бўтқасини тайёрлаш технологияси тола материалларнни туйиш; толага мос композицня тузиш; суспензия, тўлдиргич, бўяғичлар тайёрлаш; Қ. брақларини қайта ишлашни ўз ичига олади. Қ. қогоз тайёрлаш машинасида олинади. У узлуксиз ишлайдиган кўп секцнонли агрегат. Унда сероун тола суспензнясидан Қ. ва баъзи бир турдаги картон олинади. Қ. тайёрлаш машинаси 2 асосий турга: ясси тўрли (асосий қогоз турлари ишлаб чиқариладиган) ва думалоқ тўрли (баъзи қогоз турлари ва картон ишлаб чиқариладиган) турларга бўлинади.

ҚОҒОЗ САНОАТИ, целлюлоза-қоғоз саноати — турли хилдаги қоғозлар, картон ва улардан маҳсулотлар, целлюлоза, толали ва қаттиқ ёғоч толали плиталар (ДСП) ишлаб чиқарувчи саноат тармоғи. Шунингдек, тармоққа қўшимча маҳсулот тариқасида этил спирти, ем ачитқилари, канифоль, скипидар ва ёғ кислоталари таёрланади. Тўрт Осиёда 20-а.нинг 20-й.ларига қадар Қ.с. корхоналари бўлмаган. Аврим турдаги қоғозлар пахтадан, ипакдан ҳунармандчилик усулида оз миқдорда тайёрланган ҳамда четдан келтирилган (қ. *Қоғоз*).

Ўзбекистонда Қ.с. 30-й.ларда вужудга келди. 1932 й.да Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент қоғоз ф-каси ишга туширилди ва шу йили 1595 т қоғоз ишлаб чиқарилди. 20-а.нинг 60-й.ларида Антреи ш.да иккиламчи қоғоз материаллари (*макулатура*)дан картон қутилар ва идишлар тайёрлайдиган корхона қурилди. 90-й.лар бошида Андижон, Наманган, Самарқанд, Янгиёл ва б. шаҳарларда ғўзапоя, шолипоя ва целлюлозадан қоғоз ишлаб чиқарадиган бир неча ф-ка, ўрта корхона, цехлар ишга туширилди. 1995 й.да «Ўзбекқоғоз саноат» уюшмаси ташкил этилди (2003 й. охирида тугатилди). 2003 й.да Ўзбекистон Қ.с.да 3044 т целлюлоза, 5735 т қоғоз, 3949 млн. дона ғўлу дафтарлари ишлаб чиқарилди. Тармоқдаги энг йирик корхона — «Ўзбек қоғози» акциядорлик жамияти (Тошкент).

Қ.с. чет давлатларда АҚШ (жаҳонда*гя ишлаб чиқарилаяган қоғоз ва картонининг 1/3 қисми*), Россия, Канада, Финландия, Швеция, Япония (*АҚШ, Канада, Россиядан олинаяган хом ашё ҳисобига*), ГФРда ривожланган. Бу мамлакатларда Қ.с. маҳсулотлари экспортнинг муҳим бандини ташкил этади.

ҚОҒОЗГУЛ (Zinnia) — астрадошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимлик ва ярим буталар туркумс; маданий экма гул. Шим. ва Марказий Америкада 15 дан ортиқ, Жан. Америкада 1 тури ўсади. Маданий ҳолда нафис Қ. (Z. elegans) тури ўстирилади. Бўйи 30—90 см, пояси тепадан шохланган, барглари чўзиқ-тухумсимон, кенг пастарсимон, пояни ўраб туради. Тўпгули бирмунча дағал, диаметри ҳар хил. Гулларининг ранги оқ, қизил, сариқ, пушти, новворанг ва ҳ.к. Май ойидан то совуқ тушгуна гуллайди. Уруғидан кўпайтирилади. Уруғи баҳорда ҳаво иссиб бошлагач очиқ ерларга экилади. Ғўзаорларда, ҳовли, боғларда, парклларда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Ўзбекистонда энг кўп тарқалган.

ҚОҒОЗДАРАХТ (Broussonetia) — тутдошлар оиласига мансуб икки уйли барг тўкувчи дарахт ва буталар туркуми. Шарқий Осиё ва Полинезияда 6—8 тури маълум. Қоғоз тут (B. papyrifera) турининг ватани Япония ва Хитой. Бўйи 5—16 м гача, барглари бандли, бутун ёки бўлмали. Асосан, қоғоз тайёрлашда ишлатилади. Пўстлоғидан аъло сифатли қоғоз (қоғоз пуллар, қимматли қоғозлар ва б.) ишлаб чиқарилади, маҳаллий халқ эса кийимкечак ва арқон тайёрлайди. Қрим, Кавказ ва Ўрта Осиёда экиб ўстирилади. Қ.нинг казиноки (B. kazinoki) тури Корея я.о. ва Японияда ёввойи ҳолда учрайди.

ҚОҒОНОҚ СУВИ — она қориндаги ҳомилани ўраб турадиган суюқлик. Ҳомилани ташқи таъсиротлардан ҳимоя қилиб, унинг тўғри ўсишини таъминлайди. Қ.с. физиологик аҳамиятга эга, у ҳомиланинг қимирлашига қулайлик яратади, унга кислород ва озиқ моддалар етказиб туради; ҳомила қиндитини сиқилиб қолишдан сақлайди, тўғруқ вақтида бачадон бўйинининг нормал очилишига имкон беради. Тўғруқ бошланишига қадар Қ.с.нинг кетиб қолиши анча хавфли, бунда иохуш оқибатлар юзага келиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳомилалар ёлғиз туғруқхонага жўнатиш керак. Қ.с.да моддалар алмашинуви жараёнида ҳомила ажратадиган маҳсулотлар бўлади. Шунинг учун Қ.с. таркибини ўрганиш акушерга ҳомиланинг аҳволи тўғрисида анча аниқ тасаввурга эга бўлиш ва зарур бўлганда унга ўз вақтида тегишли ёрдам кўрсатишга имкон беради.

Ҳомилалорлик охирида сув миқдори 1—1,5 л га етади. Қ.с.нинг нормадан кам бўлиши ҳомилада туғма нуқсонлар вужудга келишига, сув кўп бўлиши эса ҳомилалорлик ва туғиш даврида турли асоратлар (мас., дарз тутишининг суст бўлиши, қон кетиши ва б.)га сабаб бўлади. Шунинг учун ҳомилалор аёлда кўп сувлик аломатлари сезилганда дарҳол туғруқхонага ётқизиб текширяш ва даволаш тадбё этилади.




Қоғозгул



Қоҳира шаҳрининг умумий кўриниши.

Ўрта денгиз бўйига хос, ўртачча т-ра янв.да 12°, июлда 27°. Йиллик ёғин 34 мм, апр. — май ойларида 50 кунгача иссиқ қуруқ шамол — хамсин эсади.

Қ. — халқаро ҳаво, манзилгоҳнинг т.й., автомобиль ва дарё йўлларининг йирик чорраҳаси. Қ. ва унинг атрофида машҳур саноат корхоналарининг 1/4 қисми, ф-ка ва ъ-д иморатларининг 1/3 қисми тўпланган. Машинасозлик (шу жумладан, транспорт машинасозлиги) ва металлсозлик, тўқимачилик, кимё, цемент ва озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Шаҳар ақлининг йирик қора металлургия марказлари бор. Қ. — йирик савдо-молия, араб дунёсининг муҳим ишчанлик фаоллиятли марказларидан. Қ.да бозий ҳунармандчилик қалинлари сақланган; тарих, ёёвончан турли-туман бадиий буюмлар тайёрланади. Шаҳарда Миср музейи, ислом санъати музейи, бадиий музейлар, Академик, ун-т, Миср ин-ти ва б. олий ўқув юртлари ва ил-т. муассасалари (тўғи, тропик тебраш, қ.х. институтлари), кутубхоналар, театрлар бор.

Қалинда (тахм. мил.ав. 17-а.да) Қ. ўрнида қишлоқ бўлган. Рим-Византия даврида шаҳар Бобил, кейинроқ Фустат номлари б-н машҳур эди. 861 й.да Ахмад ал-Фарғоний Қ. ақлинидаги Равзо о.да Нил дарёси суви сатҳини ўлчаб турадиган *миқиёс* қурган. Бу ноёб иншоот ҳал. қадар сақланиб турибди. 969 й.да шаҳарнинг шим. чеккасида «Миср ал-Қоҳира» («Ғолиб Миср») номи б-н Фотимийлар ҳокимлари қароргоҳлари қурила бошлади. 641—969 йиларда Қ. Миср, Тулунийлар, Ихшидийларнинг араб пойтахти, 973—1171 й.ларда Фотимийлар халифалиги пойтахти бўлган. Айюбийлар (1171—1250) ва мамлюклар (1250—1517) даврида йирик диний-сиёсий, савдо ва ҳунармандчилик маркази эди. 1517 й.да шаҳарни Усмонли турклар эгаллади. Миср экспедицияси даврида (1798—1801) Қ. француз қўшинлари томонидан босиб олинган. Шаҳар аҳолиси бир неча марта (1798, 1800) босқинчиларга қарши қўзғолон кўтарган. 19-а. да Қ. янча ривожланди, янги турар жойлар, саноат корхоналари қурилди, олий ўқув юртлари ташкил этилди. 1882 й.да Қ.ни инглиз қўшинлари эгаллаб, уни 1914—22 й.ларда Британия протекторати мазмурий марказига айлантирди. 1922 й.дан Миср Подшоҳлиги пойтахти. 1953—58 й.ларда Миср Республикаси, 1958—71 й.ларда Бирлашган Араб Республикаси, 1971 й.дан Миср Араб Республикаси пойтахти.

Шаҳар эски ва янги қисмлардан иборат. Эски Қ.да (Фустат, Бобил) «Трон минораси» (мил.ав. 130 й.), Византия даври черковлари (Авлиё Сергий, Биби Марям, Варвара) ва илк араб даври Амр ибн ал-Ас о мажжиди (7-а.), Ибн Тулун мажжиди (9-а.); фотимийлар давридан шаҳар девори харобалари (11-а.). *Ал-Азҳар* ва б. мажжидлар, Сабъа Банот («Етти қиз», 11-а.), Умм Кулсум (1122) мақбаралари, мажжидлар, Усмонли турклар давридан Синон пошшо (1571), Муҳаммад Али (1930—48) мажжидлари сақланган. Янги шаҳар қисмида кенг кўчалар, кўп қаватли бинолар, хиёбонлар, ҳукумат бинолари, ун-т шаҳарчаси, телемарказ, банк бинолари, саноат р-нлари ва б. қурилган.

ҚРИМ, *Крим мухтор Республикаси — Україна* таркибидаги мухтор республика. Қрим я.о.да жойлашган. Майд. 27 минг км². Аҳолиси 2205,6 минг киши (1996). Пойтахти — *Симферополь* ш. Маъмурий жиҳатдан 15 р-н, 10 шаҳар, 36 шаҳарчага бўлинади.

Давлат тузуми. Қ. — мухтор республика. Республика раҳбари — Олий Кенгаш раиси, ижроия ҳокимият бошлиғи — ҳукумат.

Табиати тўғрисида *Крим ярим ороли* мақоласига қаранг.

Аҳолиси рус, украин, қримтатар ва б. Шаҳар аҳолиси 69,2%. Давлат тиллари — украин, рус, қримтатар тиллари. Диндорларнинг аксарияти православлар ва мусулмон суннийлар. Йирик шаҳарлари: Симферополь, Бокчасарой, Феодосия, Ялта, Севастополь, Евпатория.

Тарихи. Қ.да яшаган қад. одамларнинг суяк қолдиқлари палеолит даврига мансуб. Шунингдек, бу ерда неолит, жез ва илк темир даврларига хос кўплаб археологик ёдгорликлар топилган. Мил.ав. 1-минг йилликда Қ.да киммерий, тавр (Қ.нинг тоғли ва соҳил қисми қад. номи — *Таврика, Тавриа*, Таврида тавр қабиласи номидан келиб чиққан) ва скиф қабилалари яшаган. Мил. ав. 6—5-а.ларда Қ.нинг соҳил қисмида юнонлар ўз колонияларини ташкил этишди. Уларнинг энг йириги Херсонес ва Пантикапей бўлди. Мил.ав. 5-а.да Керчь я.о.да *Боспор подшолиги*, Қ.нинг дашт қисмида Скиф давлати (мил.ав. 3-а.) вужудга келди. Мил.ав. 1-а.нинг 2-ярмида Қ.нинг соҳил қисми Рим томонидан босиб олинди. Мил. 3—4-а.ларда босқинчи қабилалар (готлар, гуунлар) Қ.нинг кўпгина қад. шаҳарларини вайрон қилиб, Боспор ва Скиф давлатларини тутатдилар. Қ.нинг шарқий қисми 10-а.дан Киев Русининг Тмутаракань князлиги таркибига кирди. Бу даврда Қ. аҳолиси скиф, тавр, гот, сармат, алан, хазар, бижанак ва б. халқлар авлодларидан иборат бўлган, соҳилда юнон ва славянлар яшаган. 13-а.да Қ.ги мўғуллар бостириб киргач, бу ерда *Олтин Ўрда*нинг Қрим улуси вужудга келди. 13—15-а.ларда Қ. да генуэзлик савдогарларнинг мулофаа истеҳкомлари бўлган савдо марказлари фаолият кўрсатди. Олтин Ўрда инқирозга учрагандан кейин (1443), Қрим улуси





Бойлар дарасаси.

ўрнида *Қрим хонлиги* ташкил топиб, 1475 й.дан бошлаб Туркия васаллиги айланди. 1783 й.да Қ. бутунлай Россияга қўшиб олинди. *1853—56 й.лардаги* Крим уруши даврида Қ. ҳарбий ҳаракатлар майдонига айланди. 1917 й. фев. инқилобидан сўнг майда жамоат ташкилотлари пайдо бўлди ва улар «Крим *қримликлар учун» шиори б-н чиқиб*, Қ.ни Россиядан ажратиб олишга ҳаракат қилдилар. 1917 й. 16(29) дек.да Севастополда, 1918 й. 13(26) янв.да Симферополда совет ҳокимияти ўрнатилди. *1918 й.* 21 мартда Қ.да Таврия Республикаси тузилиб, У РСФСР таркибига киритилди. Аммо шу *йилнинг ўзида (апр.да) Германия Қ.ни* ишғол қилди. 1918 й. нояб.да Қ.га Антанта қўшинлари туширилди. 1919 й. апр.да улар Қ.ни тарк этди. 1921 й. 18 окт.да РСФСР таркибида Қ. мухтор *республикаси* ташкил этилди. 2-жаҳон уруши (1939—45) даврида Қ. шилдатли жанглар майдонига айланди. 1944 й. майда немислардан озод этилди. 1945 й. 30 июнда мухторият тугатилиб, *Қрим вилояти* ташкил этилди (*у 1954 й.* Украина таркибига ўтказилди);

Никита ботаника боғи.



аҳолисининг бир қисми — қримтатарлар 1944 й. ўрта Осиёга *депортация* қилинди (1967 й. уларнинг конституциявий ҳуқуқлари тикланди). 1991 й. 12 фев.да Қ. Мухтор Республикаси тузилди (Украина таркибида).

Хўжалиги. Қ. — кўп тармоқли қ.х. ва саноат тармоқлари ривожланган ҳудуд. Дам олиш ва даволаниш жойи ҳамда омманвий туризм р-ни.

Саноатида озиқ-овқат (мева-сабзавот, виночилик, эфир мойи ўсимликларини қайта ишлаш), машинасозлик (кема, прибор, телевизор ва б. ишлаб чиқариш), кимё, енгил саноат етакчи тармоқлардир. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Темир руда-си (Камиш-Бурун темир руда к-ти) *ва табиий газ қазиб олинади. Симферополь* йирик туман электр ст-яси ва б. бор. Керч, Ялта, Севастополь, Евпаторияда балиқни қайта ишлаш корхоналари мавжуд.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари — токчилик, боғдорчилик, эфир мойли ўсимликлар маҳсулоти етиштириш, гўшт-сут чорвачилиги. Буғдой, маккажўхори, *арпа, шоли, дуккакли дон экинлари*, кунгабоқар, зиғир, тамаки, эфир мойли экинлар (атиргул, лаванда, мускат шалфейи) экилади. Сабзавотчилик ва *полизчилик ривожланган*. Чорвачиликда қорамол, чўчқа, қўй боқилади. Паррандачилик *б-н шуғулланилади*.

Т.йўлар уз. 700 км га яқин. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. 7 минг км дан зиёд. Керч, Феодосия, Ялта, Севастополь, Евпатория *денгиз портлари* бор.

Тиббий хизмати, маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари Украина ва Қ.даги тиббиёт олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тайёрланади. Асосий *курортлари: Ялта, Мисхор, Алупка*, Симеиз, Гурзуф, Алушта (*Қримнинг жанубий соҳили*), Феодосия, Евпатория.

Қ.да таълим тизими Украина таълим тизими асосида ривожланмоқда. Қ.да Симферополь *ун-ти, тиббиёт, қ.х., прибор*созлик ин-тлари бор. И.т.лар Қрим астрофизика расадхонаси, Никита ботаника боғи, виночилик ва токчилик, демгиз балиқ хўжалиги ва океанография *и.т. институтларига ва б. илмий*-тадқиқот муассасаларида олиб борилади. Қ.да 5 театр, филармония, бир қанча клуб муассасаси ва кинокурилма, музей (йириклари — Қрим ўлкашунослик *музейи*, Боқчасарой *тарих*-археология музейи, «Севастополь мудофааси» панорамаси, «Олтун-Горани штурм қилиш» диорамаси ва б.) ва кутубхоналар бор.

Меъморлиги. Қ. ҳудудида мис-жез даврилари *меъморлар* қолган. Мил. ав. 1-минг йилликда тарлаш томонидан тош истеҳкомлар қурилган. Қад. Херсонес, Пантикапей колонияларининг мудофаа иншоотлари, ибодатхона, мақбара ёдгорликлари харобалари сақланган. Ўрта асрларда Қ.да Византия бадиий маданияти ёдгорликлари — христиан базиликалари (7—8-а.ларда Херсонесда) ва хочли гумбазсимон ибодатхоналар (Керчдаги Иоанн Предтеч черкови, *10—13-а.лар*) қурилган. 6-а.дан Қ. дашти ва тоғолди аҳолиси тоғларда гор шаҳар ва қалъалар барпо этган (Боқчасарой яқинидаги *Чуфут қалъа*, Эски Кермен, Тепе Кермен; Севастополь яқинидаги *Инкерман* ва Мангуп). Қ. ҳудудида арман меъморлиги ёдгорликлари (Феодосия ш.даги Сергий, Стефан черковлари, 14—15-а.лар) мажмуд. Феодосия (1348), Судак (*1345—1414*), Балаклава (*15-а.да* генуяликлар мудофаа иншоотларини яратганлар. Олтин Ўрда ҳукмронлиги ва Қ. хонлиги даврида сержашам масжид, мадрасалар қурилди (Қ. станциясидаги *13-а.га* мансуб *масжид ва 14-а.да* қурилган мадраса, Боқчасаройда 16—18-а.ларда барпо этилган хон саройи мажмуаси, Евпаторияда меъмор *Ҳожа Синон* томонидан 1552 й.да қурилган *Жоме* масжиди ва б.). *18-а.нинг* 80-й.ларидан шаҳар (Севастополь, Симферополь), ибодатхона, сарой, боғлар қурилди (Севастополдаги Петропавловск собори, 1843; *Қора денгиз флоти музейи, 1895*, меъмор А.М. Кочетов; «Севастополь мудофааси»



Боқчасарой шаҳридаги собиқ хон саройининг ташқи кўриниши.

панорамаси биноси, 1902—04, меъмор В.А.Фельмаи; Алупкадаги Воронцов саройи, Ливадиядаги подшо саройи, 1911—13, меъмор Н.П.Краснов). 1920-йиллардан шаҳар, қишлоқ, курорт қурилишлари авж олди (Ялта ш. яқинидаги «Курпати» санаторийси, 1936, меъмор В.Ковальский; Алупталаги дам олиш уйи, 1939, меъмор А.Бекетов). 1960—70 йилларда Гурзуфда халқаро «Спутник» лагери (1962, меъморлар А.Полянский ва б.), «Артек» пионер лагери, Ялтада «Сатурн» кинотеатри (1968, меъмор И.Татиев), Севастополда шаҳар кенгаши биноси (1971—73) ва «Турист» меҳмонхонаси (1974, меъмор И.Фиалко), Симферополда мусиқали драма театри (1976, меъмор С. Афзаметдинова), Алупталда «Чайка» пионер лагери (1979, меъмор Т.Белкова) бунёд этилди.

Тасвирий санъати. Қ.да мил. ав. 3—2-минг йилликларга мансуб қоя тошларга расмлар (хонг лавҳаси; Боқчасарой яқинидаги топилғани), қабр тошларига ишланган нақшлар, қабилар йўлбошчиси, жангчи, чўпон акс эттирилган ясси бўртмали тасвирлар топилган. Милод. 1-минг йиллигининг 2-ярмидан Қ. санъати Қримнинг социал қисмидаги ижтимоий санъати б-н боғлиқ. Бу даврда юнон санъати анъаналари



Ливадия саройи.

б-н муҳаллиф анъаналарининг ўзаро таъсири кучли бўлган. Скифлар Неаполи ва Пантикапейдаги тош дафна расмларида мифологик тасвирлар б-н бирга ҳаётий тасвирлар ҳам акс эттан; Қ. шаҳарларида қайкалтарошлик ривожланган (қабр тошларидаги бўртма тасвирлар, дар хил ҳайкалча ва б.). Херсонесда расмлар б-н безатилган стеллар ва ноёб мозаикалар топилган. Пантикапейда турли рангла вазалар тайёрланган, ёғоч ўймакорлиги ривожланган. Боспор ҳунармандларининг Қ. ва унга қўшни ҳудудлардан топилган олтин ва кумушдан тайёрланган буюмлари жаҳонга машҳур (*Кулобадаги кўза, Гаймановозорқўрғонидаги идиш, Солоҳадан топилган олтин тарақ* ва б.). Ўрта асрларда Қ. санъати маълум даражада Византия таъсирида ривожланди. 7—8-а.ларда базиликали христиан ибодатхоналари интерьери мозаика ва фрескалар б-н безатилди (Херсонеслаги Уваров базиликаси). 12—15-а.ларда Қ. тоғлари ғорларидаги ибодатхоналар ҳам фрескалар б-н қопланган. Кейинчалик монументал рангтасвирда қадрус рангтасвири анъаналари Византия санъати унсурлари б-н қўшилиб кетди (Феодосиядаги Стефан, Керчидаги Иоанн Предтеча черковлари деворий тасвирлари). 18-а.да сарой интерьерлари девордаги тасвирлар ва турли безаклар б-н безатилди (Боқчасаройдаги хон саройи). 19-а. — 20-а. бошларида Қ.да И. *Айвазовский*, Р. Судковский, К. Богаевский, Ф. Васильев, М. Волошин, Н.Самокиш ва б. рассомлар ишлади. Уларнинг кейинги даврдаги рассомлари бўлган Ф.Захаров, К. Прохоров, П. Столяренко, В.Цветкова каби рассомлар фаолияти ҳам Қ. билан боғлиқ.

ҚРИМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ (1945), Ялта конференцияси — 2-жаҳон уруши даврида 3 иттифоқчи давлат бошлиқлари: И.В.Сталин (СССР), Ф.Д.Рузвельт (АҚШ) ва У.Черчилл (Буюк Британия), ташқи ишлар вазирлари, штаб бошлиқлари ва б. мутахассислар иштирокида (1945 й. 4—11 фев.) бўлиб ўтган конференция. Унда иттифоқчи давлатларнинг ҳарбий режалари аниқлаб ва келишиб олинган, урушдан кейин мустаҳкам тинчликни ва халқаро хавфсизлик тизимини барпо этишга қаратилган иттифоқчилар сиёсатининг асосий принциплари белгиланган. Қ.к. қатнашчилари герман милитаризми ва нацизмини тугатиш тўғрисидаги мақсадларини билдирганлар; 3 давлат (шунингдек, роза бўлса, Франциянинг Германияда оккупация зонасини ва иттифоқдош давлатларнинг умумгерман назорат органини тузиш, уруш жиноятчиларини одил жазога тортиш, нацистлар партиясини тақиқлаш, Германиядан товон ундириб олиш, БМТни тузиш ва б. ҳақида қарор қабул қилинган. СССР муайян шартлар асосида, Европада уруш тугагандан 2—3 ой кейин Японияга қарши урушга киришга розилик берган.

ҚРИМ ТОҒЛАРИ — Крим я.о.нинг жанубидаги тоғлар. Уз. 150 км, эни 50 км гача. 3 қатор тизмадан иборат. Жанубий ёқи Бош тизма (энг баланд

Қрим тоғлари.



жойи 1545 м.; Бибутан Яйладаги Роман-Кош тоғи) ва 2 қатор кўкста типидаги тизмалар (шим. ён бағирлари қия, жан. ён бағирлари тик). Бош тизма қатор супасимон тоғлардан иборат бўлиб (уларнинг ясси юқори юзаси «яйла» деб аталади), карст рельеф шаклдари хос. Тог ён бағирлари дуб, қорақайин ва қарағай ўрмонлари, яйлалар ксерофит — тог ўсимликлари ён-ни қопланган.

ҚРИМ УРУШИ, Шарқий уруш — Яқин Шарқда ҳукмронлик қилиш учун Россия ва Туркия ўртасида бўлган уруш (1853—56). 1854 й. фев.да Туркия Россияга қарши Буюк Британия, Франция, Сардиния қироллиги (1855 й.дан) ён ва иттифоқ тузиб урушган. *Асосий воқеалари: 1853 й.* рус қўшинлари Молдавия ва Валахияга кириб борган ва Қавказда газаба қозонган, Синопда турк флотини яксон қилган; 1854 й. иттифоқчилар Қримга қўшин туширган, Болтиқ денгизи қамал қилинган, 1854—55 й.ларда Севастополь мудофаси ўзгартирилган; 1855 й. Россия дипломатик жиҳатдан якқалаб қўйилган. Севастополь таслим бўлган, амалда ҳарбий ҳаракатлар тўхтаган. Россиянинг ҳарбий ва иқтисодий қолоқлиги унинг мағлубиятига сабаб бўлган. Қ.у. 1856 й. Париж сулҳи ён-ни якунланган.

ҚРИМ ХОНЛИГИ — *Олтин Ўрда* давлатидан ажралиб чиққан ва Қрим я. о.ла жойлашган туркий давлат (1443—1783). Қ.х.га Давлат Ҳожи Гарай асос солган. У ўзаро урушлардан сўнг балиқват табақалар ва *Буюк Литва князлиги* ёрдамида мустақил татар давлатини барпо этган (1443). *Пойтахти — Эски* Қрим ш. 16-а. бошларидан то 1736 й.гача *Бохчасарой*. Бу давлатга Қуйи Днепр бўйи ҳам кирган. Аҳоли қуйидаги субэтносларга бўлинган: дашт (*ногай* татарлари), тог олди (татлар), жан. қирғоқ (алибойлсо). *Қримтатар тилида* сўзлашган. *Ислом динининг* сунний мазҳабига эътиқод қилишган. Қ.х. аҳолисининг этник маданий қиёфаси шаклланишида хазар, қипчоқ, ногай ва б. туркий халқлар 6-н биргаликда губ жой аҳоли (*таврлар*, киммерийлар, аланлар ва б.) муҳим роль ўйнаган.

Қ.х.ни гарайлар сулоласи бошқарган. Давлат Ҳожи Гарай вафот этгач (1466), унинг ўғли *Менгли Гарай даврида* Қ.х. Усмонли турк султонлигининг вассалига айланган (1475). Менгли Гарай пойтахтни Бохчасаройга кўчиртирган. Москва улуг князи *Иван III* Васильевич Қ.х. билан Олтин Ўрда ўртасидаги низолардан фойдаланиб, Менгли Гарай 6-н ўзаро иттифоқ тузган. Менгли Гарай қўшини Польша-Литва қироли Казимир IV мулкига ҳужум қилиб, уни Катта Ўрда хони *Аҳмадга* ёрдам беришдан чалгитган. Кейинчалик Қ.х. 6-н Россия ўртасидаги муносабатлар ёмонлашган.



Ялта. «Қалампирчи уяси».

Қ.х. 16-а.да кучайиб, Москва, Тула ва б. рус шаҳарларини бир неча марта қамал қилган. 1613—50 й.ларда 200 мингга яқин кишисини асир сифатида Қримга олиб келган. 18-а.да Россия Қрими босиб олиш учун усмонли турклар 6-н ўзаро тўқнашган. Кучук-Қайнаржа сулҳ шартномасига кўра, Қ.х. Туркия васаллигидан чиқиб, Россия ҳомийлигига ўтган (1774). Шагин Гарай хонлик қилган даврда Қ.х. босиб олиниб, унинг ҳудуди Россия империяси таркибига киритилган (1783).

Ад.:Сафаргалиев М. Г., Распад Золотой Орды, Саратов, 1960.

Қосимов Ризвадин, Ризвай Шигабдинов.

ҚРИМ ЯРИМ ОРОЛИ — Украина жан. даги ярим орол. Майд. 27 минг км². Ғарб ва жан.да Қора денгиз ва шарқда Азов денгизига туташ. Шим.да тор (8 км чамасида) Перекоп бўйни орқали Шарқий Европа текислиги б-н туташган. Қ.я.о.нинг шаркида Қора денгиз ва Азов денгизи оралиғида Керчь я.о. тарбида Қ.я.о.нинг бир қисми — Тарханкут ярими жойлашган.

Қ.я.о.нинг шим.-шарқий соҳили бўйлаб Азов денгизининг кичик қўлтиқлалари (Сиваш ва б.) чўзилган. Шимоли (ярим оролнинг катта қисми) даштли текислик (Даштли Қрим), жануби (майдони жиҳатдан кичик) Қрим тоғлари 6-н банд. Энг баланд жойи 1545 м (Роман-Кош тоғи). Жан.да Қримнинг жан. соҳили бўйлаб кам-бар текислик чўзилган; соҳилнинг у ер-бу ерида лаккозитга ўхшаш магматик жинслар (Аюдоғ тоғи), қад. вулкан массивлари (Қорадоғ тоғи) учрайди. Ойдлари қазилмалари: Керчь темир рудаси, кўлларда туз ва шифобахш лойлар, оҳактош, гил, мергель. Қ.я.о.нинг шимолий қисмининг иқлими мўътадил қуруқ, Қиши илиқ (янв. нинг ўртача т-раси 1°, 2°); ёзи иссиқ (июлнинг ўртача т-раси 24°). Қ.я.о.нинг жан. соҳилида иқлим ўрта денгиз иқлими; ёзи иссиқ (июлнинг ўртача т-раси 24°) ва қиши илиқ (янв. нинг ўртача т-раси 4°гача). Йиллик ёғин ғарбий қисмида 1000—1200 мм, шаркида 500—700 мм, шим.да 300—500 мм. Ярим оролнинг ларёлари камсув; муҳимлари — Чёрная, Белбек, Кача, Алма, Салгир. Шим. Қрим канали, Салгир дарёсида Симферополь сув омбори қурилган. Бир неча йирик шўр кўл бор. Шим. қисмида *каштан, Сиваш* бўйлаб каштан, шўртоб, шўрхок тупроқлар, марказий қисмида қоратупроқ, тог олди ва тоғларда ишқорсизланган қоратупроқ, қўнғир тог-ўрмон, яйловларда қоратупроқсимон тог-ўтлоқ тупроқлар тарқалган. Шим. қисмининг ер юзаси ҳайдалиб экин экилади. Ярим оролнинг шим. қисмида дашт ўсимликлари сақланиб қолган. Тоғларда (айниқса, шим. ён бағрида) дуб, қорақайин-граб, қарағай ўрмонзорлари бор. Қримнинг жан. соҳилида ўрта денгиз атрофига хос ўсимликлар ўсали. Манзарали дарахт ва буталардан иборат

Ялта. «Украина» санаторийси.





Қрымнинг жанубий соҳили.

ҚРИМНИНГ ЖАНУБИЙ СОҲИЛИ — Қрим я.о.нинг ғарбда Айя бурнидан шарқда Қорадоғ массивигача чўзилган Қора денгиз соҳилининг *бир қисми. Уз. 150 км чамасида, эни* 2—8 км. Тиғлй сланец ва оҳактошлардан ташкил топган пастгекисликлар шимд.да Айяла чиқиғи б-н четараро. Қ.ж.с. — *Қрим соҳилининг энг* иссиқ қисми. Иқлими Ўрта денгиз иқлими. Июль ва августнинг ўртача т-раси 24°, янв.никн 4°. Йилига 600 мм ёғин тушади. Қ.ж.с.да Ўрта денгиз бўйига хос ўсимлик турлари б-н бирга кseрофит ўсимликлар ҳам тарқалган, тоғ ён бағирларининг юқори қисмида кент барглн ўрмонлар (қорақайин ва дуб), баъзи жойларда Қрим қарағайзорлари бор. Бог ва парклар кўп. Қ.ж.с.да Алушта, Алупка, Симеиз, Гурзуф, Артек, Мисхор, Кореиз, Форос, Мелас ва б. курортлар, санаторий, дам олиш уйлари, пансионатлар фаолият кўрсатади.

ҚРИМТАТАР ТИЛИ — туркий тиллариннг қипчоқ, гуруҳига мансуб тил. Асосан, Ўзбекистон ва Украинанинг бир қатор ҳудудларида, қисман Россия Федерацияси, Тожикистон, Грузия, Озарбайжон, Руминия ва Туркияда тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 800 минг кишига яқин (1990-й.лар охири).

Қ.т. тарихан типологик жиҳатдан бир текис ривожланмаган. Унда 3 та: шим. (шарқ), ўрта ва жан. лаҳжалар мавжуд бўлиб, уларнинг бирнчиси нўғай тилига, учинчиси ўғуз тилларига яқин туради. Лаҳжавий фарқлар фонетика, морфология ва лексика соҳаларида кузатилади. Фонетик хусусиятлари сифатида лаб ва танглай оҳангдошлигининг 2-бўғинга тасирн, 2-даражали чўзиқ унлиларнинг мавжудлиги, баъзан сўз бошидаги ва оҳирндаги ҳ ундошининг тушиб қолиши (ана<ҳана, с а б а<с а б а ҳ, «тонг») ва б.ин кўрсатиш мумкин. Кишилик олмошларининг қаратқич келишигидаги I-шахс бирлик ва кўплик «менинг, бизнинг» шаклларининг «меним, бизим» тарзида қўлланиши ва б. Қ.т.нинг морфологик белгиларидандир. Лексикасида шу тилнинг ўзигагина хос бўлган «балабан» (катта), «кўранта» (оила) каби сўзлар б-н бир қаторда араб, форс, грек, итальян тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам кўпчилнкни ташкил этади.

20-а.гача бўлган адабий Қ.т. Олтин Ўрда туркий адабий тилидан келиб чиққан ва унда Қрим хонларининг кўплаб фармон ва ёрлиқлари сақланиб қолган. Энг қад. ёдма ёдгорлнги 13-а.га мансуб. 19-а.дан адабий тил бир неча марта ислоҳ қилинган ва сўзлашув тилига яқинлаштирилган. Ҳоз. адабий тил ўтган асрнинг 20-й.ларида Ўрта лаҳжа асосида шаклланган. 1929 й.гача араб графикаси, *кейинчалик лотин* графикаси асосидаги ёзувдан фойдаланилган, 1938 й.дан эса рус графикасига асосланган ёзув жорий этилган.

Ад.: Баскаков Н. А., Введение в изучение тюркских языков, 2-изд., М., 1969; *Меметов А.*, Источники формирования лексики крымскотатарского языка, Т., 1988.

ҚУАНИШПАЕВ Қалибек (1893.25.4, Сариғу — 1968.7.6, Олмаота), — қозоқ актёри. Халқ артисти (1959). 1925 й. биринчи профессионал қозоқ театрни ташкилотчиларидан. 1926 й.дан М. Авезов номидаги қозоқ драма театрида ишлаган. Абай (М.Авезов, «Абай»), шоҳар ҳокимн (Н.Гоголь, «Ревизор»), генерал Панфилов (М.Авезов, Абишев, «Номус ғарбиси»), Болтиста (У. Шекспир, «Қайсар қизнинг қуқолиши») ва б. ролларн б-н танилган. Давлат мукофоти лауреати (1952).

ҚУББА (стробил) — қўпчилик юксак ўсимликлар (қирқбўғимлар, плаунлар, очиқ уруғлилариинг кўпайиш органи; шаклн ўзгарган (йириклашган) новда. К. махсус барглар-спорофиллардан шакланади. *Ногомбарги ўсимликлар* Қ.ларига баъзан Қ.лар мажмуи сифатида қаралади. Ёпиқ уруғлилар тули Қ.нинг бир хили ҳисобланади.

ҚУББА — ярим шар шаклидаги ички бўш қисм: 1) м е ъ м о р и л и к да том тури (ина қ. *Гумбаз*); гумбаз устига ишланган ғўласимон безак ҳам Қ. деб аталади; 2) а м а л и й санъатда нақш бўлаги, безак. Гидамчилик, каштачилик, кандакорлик, заргарлик, зардўзлик ва б.да кент тарқалган. Мас., *кумтон, оftобa каби ишлаларнинг* қопқоғи ички бўш қилиб қавартирнб Қ. ҳосил қилиб ясалади; шунингдек, ишлар қорнига Қ. ёпиштирнб жойбалор безатилади ва ҳ.к.

ҚУБЛА ТОЗАБОҒ САРОЙИ — Хоразмдаги меъморий ёдгорлик (1893—1913); Хива туманида жойлашган. *Муҳаммад Раҳимхон II* нинг ёзги қароргоҳи. Мажмуа ҳар бири 0,5 га қурилиш майдонига эга бўлган 2 қисмдан иборат ҳудудни бирлаштирган; мажмуадаги турли қатламларга 3 қовли атрофи олди айвонли 2 қаватли турар жой ва б. хоналар б-н ўралган. Ҳовлилар ўзаро йўлаклар б-н боғланган. Мажмуа таркибидаги энг қашамдор ҳовлида европача услубдаги катта дарвозали қабулхоналар жойлашган, қовли ўртасида ҳовуз бор. Қабулхоналарнинг асосийсига махобатли гиштин пештоқ орқали кирилади. Пештоқ тарзи кўк ва оқ парчиндор, силлиқланган гиштлар б-н, сарой хоналари зарҳалланган тинч уйлакорлиги б-н безатилган, шифтлари халқ меъморлигининг энг яхши анъаналарида шинланганн.

ҚУБЛА-УСТЮРТ — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги шаҳарча (1964 й.дан). Яқин т.й. станцияси — Қўнғирот (200 км). Аҳолиси 235 кишн (2005). 8 йиллик мактаб, Қубла-Устюрт газ қувурлари бошқармаси, савдо, маданий ва машиий хизмат кўрсатиш шохобчалари, маданият уйи, тиббий пункт бор.

ҚУБОД, Қавад — мелдин ва эрон *давр*ига оид маконлар. Хоразм ҳудудидаги Амударёнинг қад. Оқударё деллаларнинг тарбий қисмида, кўчма қумтепаларнинг шимд.да жойлашган. Хоразм археологик-этнографик экспедицияси томонидан *текширилган. Қалтаминор маданиятига* ўхшайди. Қ. бир неча қатламларга бўлинган, баъзи қатламлари жез даврига оид маконлардир, шуларнинг айримлари анча мукаммал ўрганилган. Қад ишоончлар очилиб, балиқ овлаш ва теримчилик б-н шуғулланган. Қ.-5 қатламидан топилган бўкимлар ярим юмалоқ шаклда тўлқинли ва тўғри чизиқлар б-н безатилган «косалар» ва б. сопол буюм синиқларидан иборат. Бу нақшлар Жонбос қалъа макони идишлари безагига ўхшайди. Қ.-7да қатламнинг маданиятига зос турар жой қолдиги топилган. Турар жойларнинг майд. 40—50 м².

асосан, қамиш ва ёғочдан, қисман лойдан қилинган бўлиб, қўрилишда устуналардан ҳам фойдаланилган. Қазишлар натижасида уйлардан ўчоқ ва кул қолдиқлари, сопол идишларнинг синиқлари, суяк ва чақмоқтош буюмлари топилган. Сопол буюмларнинг сирти бўртма шаклда безатилган. 3 минтақа яқин чақмоқтош қуроллар топилган.

ҚУБОД I, Қавад (? —531) — *Сосонийлар давлати* подш (488—496, 499—531). Зодагонлар ва қозонларнинг сиёсий ва иқтисодий қудратини заифлаштириш мақсадида *маздакийлар ҳаракати*га қўшилган ва ўзларининг дастурига мос келадиган бир қанча ислоҳотлар ўтказган. Тахм. 496 й. зодагонлар Қ.I ни тахтдан агдариб, ўрнига укаси Замаспни ўтқазишган. Қ.I *эфталийлар* ҳузурига кочиб борган, уларнинг ҳарбий ёрдамида тахтини қайтариб олган (499). Шундан сўнг зодагонларга қарши қаратилган сиёсатини давом эттирган, маздакийлик тарафдорларига юқори мансаблар берган. *Византия* қарши муваффақиятли уруш олиб борган (502—505 ёки 506); шим. *ғунналар*нинг босқинини қайтарган. Қ.I даврида бир қанча шаҳарларга асос солинган, суғориш каналлари тармоғи кенгайган ва б., шунингдек Қ.I нинг ўғли Хусрав I Ануширвон даврида инқирозга етган ички ислоҳотларга тайёргарлик ишлари бошланган. Қ.I ҳукмронлигининг охирида маздакийлар б-н алоқасини узган ва 3-ўғли Хусрав (Қ.I нинг катта ўғли — Қовус мазкур ислоҳотларни тарбиясини олган) ёрдамида маздакийлар тарафдорларини қаттиқ қатлиамга тутқазган эттан (528/529). 527 й.дан Византия б-н қайтадан уруш бошлаган; у Қ.I нинг ўғлимидан сўнг ҳам давом эттан.

ҚУБОДИЁН, Қабодиён — Ўрта Осиёдаги тарихий вилоят. Кофирнихон дарёсининг қуйи оқимида, Сағониён б-н Вахш оралиғида, ҳоз. *Кўрғонтепа* вилоятининг Шаартуз тумани (Тожикистон) ҳудудида жойлашган. Хитой манбаларида (7-а.) Ке-хо-йен-на *мулки тарзида келтирилиб, унинг* ҳудуди шарқдан тарбиз томон 2 кунлик йўл экани қайд этилган. Қ.нинг марказий шаҳри Сағониён пойтахтлан қолишмаган. Шаҳарда 3 та будда монастири жойлашган, Ўрта асрларда Қ. номи илк бор *Табарий* асарида 725 й. Асад ибн Абдуллоҳнинг Хуттолонга юришн муносабати б-н учрайди. Қ. 8-а. ўрталарида арабларга томонидан босиб олинган. 9-а.да Қ. маълумий жиҳатдан Хуттолон вилоятига қарагай. 10-а.да эса Сағониён (Чағониён) вилояти таркибида бўлган. Самъонийнинг ёзишича, 12-а.да Қ. Балх вилоятига мансуб обод воҳия эди. Қ. ҳудудини Ромил дарёси *кесиб* ўтган. *Бу ерда арабларнинг* тамим қабиласи яшаган; улар ҳарбий ишда моҳир бўлишган.

Ҳозирда Кўрғонтепанинг жан.-ғарбидаги туман маркази Қабодиён деб аталади. Унинг атрофида Кайкубодшоҳ ва Қалъаи Мир шаҳар харобалари бор, лекин Қ. маркази ўрни Шаартуздан 9 км масофада жойлашган Қизилтепа ёхуд Қизқалъа ўрнида бўлган. Бу ерда ҳаёт кушонлар даврида 13-а. бошига қадар давом этган.

11-а.да Хуросонда рўёи ўсимлигининг «кубоди» номли махсус нави машҳур бўлган. Бу нав Қ.да етиштирилган ва 10-а.да асосий қ.х. экини ҳисобланган; рўёи катта миқдорда *Хиндистонга экспорт қилинган*. Ундан олинган доромаднинг бир қисмини вилоят ҳокими олган. 17-а.да ҳам рўёи Қ.дан четга чиқарилганган асосий қ.х. маҳсулоти саналган, ундан ташқари Қ.дан ажойиб анорлар ва 2 турдаги узум шунинси чиқарилган. Қ. тоғларида 10-а.да нефть, сақич ва битум, шунингдек, феруза конлари бўлган. 12-а.да Самъоний Қ.нинг машҳур шифобахш бузоғи ҳақида ёзган. Бу бузоқ ҳозирда Чалувор чашма деб аталади. Унинг олдида якин вақтларгача эски масжид бўлган, унинг устунларидан бирида масжид қурилган сана (749 й.) кўрсатилган. 19-а. ва 20-а. бошида Қ. Бухоро амирларининг Қубодиён беклигига бўйсунган.

*Мў.*Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начало XIII вв., Т., 1996.

Фазлиддин Ҳасанов.

ҚУБОДҚАЛЪА, Кавадқалъа — ўрта асрларга оид қалъа харобаси. Беруний ш.нинг шим.-шарқида жойлашган. Қ. тўғри тўртбурчак шаклидаги йирик, мустаҳкам 4 та қўрғондан *иборат. Қ. Хоразм археологик этнографик экспедицияси* томонидан текширилган. Қазишлар натижасида серқатлам безатилган хоналар *очилган*. Хоналарнинг ҳажми катта бўлгани учун устунлар ишлатилган, эшикларн ўйма ишлар б-н безатилган. Қ.дан Хоразм маданиятининг юксак тараққиёти ҳақида гувоҳлик берувчи қўплаб археологик материаллар (турли рангдаги нафис сирли сопол идишлар, қандилсифат сопол буюмлар, танга, металл ашёлар ва б.) топилган. Қ. *мўғуллар истилоси* натижасида 13-а. бошларида қаттиқ вайронга айланган.

ҚУБЧУР — уй ҳайвонлари учун олинган солиқ тури. 1235 й. Ўқтой қоон томонидан жорий қилинган. Қ.га биноан 100 бош хонаворлан бири салтанатга солиқ тарзида топширилган. Кимнинг уй ҳайвонлари сони юздан кам бўлса, у Қ.га тортилмаган. Дастлаб Қ., асосан, чорвадорларга нисбатан қўлланган. Кейинчалик у ўтроқ аҳолидан ҳам ундирилган. Кимак Олийда Қ. фақат ворлачилик б-н машғул аҳоли қатламидан олинган. Эҳсонийлар давлатида чорвалорлар ҳам, деҳқонлар ҳам Қ.га тортилган. Қ. араблар томонидан жорий этилган *ҳаражат* мувофиқ келган. Эҳсонийлар салтанатида мўғуллар ва кўчманчи аҳоли кўп истиқомат қилалигаи ўринларда Қ., ва қад. солиқ турлари мустаҳкам мавқега эга бўлган ҳудудларда кирок атамаси истеъмолда бўлган. Олтин Ўрда ва Ўрта Осиё конклзларида 100 бош хонаворан 1% *миқдорда давлат ҳисобига олинилиган* солиқ Қ. нстилоҳи б-н юритилган.

ҚУВА — Фарғона вилояти *Қува тумани*даги шаҳар (1974 й.дан), туман *маркази. Фарғона ш.дан 40 км шим.*-шарқда. Яқин т.й. станцияси Қува (4 км). Аҳолиси 40 минг кишн (2005). Қ. — Фарғона водийсидаги энг қад. *шаҳарлардан бири. Шаҳарнинг ёшидаги* келишн ва номи ҳақида турли ривоятлар мавжуд. «Фарғона тарихи»нинг муаллифи Ибратининг ёзишича, Қ.Кубод (ёки Қубо) деб аталиб, кейинчалик «Қува» шаклини олган. Қ. ва *Давон* давлати тўғрисида дастлабки маълумотлар мил. ав. 2-а.га мансуб Хитой *манбаларида* келтирилган. Ўша даврда Қ. кенгайиб қўҳандиз, шаҳрис-

Қува шаҳри. Ахмад Фаргоний ёдгорлик мажмуаси.





Қува қандолатчилик фабрикаси.

Тарихчи А.Муҳаммаджоновнинг фикрича, шаҳар номи «Қавайбоз», «Қавоғбоз» ёки «Қайбоз» шаклларида талаффуз этилган ва қавайларнинг қарорғоҳи, тождор уруғларнинг қаҳий тахти ўрнатилган қисм ва мамлакатнинг бош шаҳри — пойтахт маъносини англатган. Кейинчалик ўзгариб Қ. шаклини олган.

Қ.да 1956—60 й.ларда Я.Гуломов бошчилигида (В.Д.Жуков, Н.Ахроров, В.А.Булатова, А.Муҳаммаджонов, Ҳ.Муҳамедов, М.Аминжонова) археологик қазишма ишлари олиб борилди. Археологик маълумотларга кўра, ўрта асрларда Қ.нинг умумий майд. 100—120 га ни ташкил этган. Шундан шаҳристон 12 га ва унинг шим.-шарқий бурчагидаги арки ярим 1 га майдонни эгаллаган (шаҳристон ва арк қолдиқлари ҳозгача сақланган). 1998 й. *Ахмад ал-Фарғоний*нинг 1200 й.лик юбилейига тайёргарлик кўриш вақтида Қ.да археологик қазишмалар олиб борилди. Бузинг натижасида шаҳристоннинг жан. мудофаа девори остидан 8 м дан зиёд чуқурликдан мил. ав. 2—1-а.ларга оид моддий маданият буюмлари топилди. 1998 й.даги қазишма ишлари натижасида шаҳарнинг уч дарвозаси ўрни аниқланди, шаҳар харобаси ҳудудидан ғарб жой биноларни мажмуаси ва унинг шим.да 7—8-а.ларга оид будда ибодатхонаси ҳамда у ердаги будда илоҳлари ҳайкаллари топилди.

Қ.дан бир қанча машҳур кишилар, хусусан, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қубовий, Рукниддин Қубовий, Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Қубовий, Абдуқаюм Вахмий, Шоҳрухон Ҳакимий ва б. етишиб чиққан.

Шаҳарда пахта тозалаш, тўқимачилик, мебель, тикувчилик, қандолатчилик ф-калари, дон маҳсулотлари к-ти, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, қурилиш ташкилотлари, йўлларни таъмирлаш ташкилоти, таъмирлаш-қурилиш бошқармаси, «Иссиқкўл», тўқимачилик корхоналари, деҳқон бозори, савдо маркази, анор шарбати ишлаб чиқарувчи цех, автокорхона бор. Ўзбекистон — Туркия «Ахрор» қўшма корхонаси фаолият кўрсатади. 5 умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, лицей, клуб муассасалари, туман марказий, болалар кутубхоналари, маданият ва истироҳат боғи, байналминал жанғчилар, 2-жаҳон уруши қатнашчилари хиёбонлари, Аҳмад ал-Фарғоний ёдгорлик мажмуи, ўлкашунослик музейи, стадион мавжуд. Туман марказий касалхонаси, шаҳар касалхонаси, тиш даволаш поликлиникаси, махсус диспансер, «Она ва бола» реабилитация маркази, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Қ.дан Фарғона, Қўқон, Марғилон, Андижон, Асака, Шаҳрихон, Ўш, Аравон ва б. шаҳарларга автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган.


Лит.: Абдуқолиқ Абдурасул ўғли, Қадимги Фарғона тарихидан [Хитой манбаларида Фарғона ҳақида янги маълумотлар], Т., 2002.

ҚУВА БУДДА ИБОДАТХОНАСИ (7—8-а.лар) — қад. Шаҳристон ёлғонлизимнинг шим. томонидаги рабод қисмида бунёд этилган ибодатхона. Археологик текширишлар натижасида шу аниқландики, 7-а. охири — 8-а. бошларида Шаҳристонда уй-жой ва аҳоли кўпайиб, ундан ташқ. ғарбдаги ҳудудни ўзлаштиришга эҳтиёж туғилган. Ушбу жойда 80 дан ортиқ хона, 5 та кўча ва улар б-н боғлиқ марказий майдон қазиб очилган. Ўзини шим.да эҳт. 7—8-а.ларда фойдаланилган будда ибодатхонаси қолдиқлари қавлаб ўрганилган. Ибодатхона 2 та катта залдан иборат бўлиб, бири сигинши учун, иккинчиси ибодат қилишга мўлжалланган. 1-хонада илоҳ (ҳудо)ларга қурбонликлар (гул, мева-чева ва б.) келтирилиб, ўртадаги тагқурсисига қўйилган ва ибодат қилувчилар айланиб чиқиб кетишган. Ўзини *ёнғончасига асосий ибодат бажариладиган* хона бўлиб, уни ярим сақланган эҳром. Кучли ёнғин натижасида бинолар ва улардаги буюмлар куйиб йўқ бўлиб кетган. Шунга қарамай, 2 отлиқ ва улар ёнидаги жанғчилар ҳайкалларининг парчалари сақланган. Ҳайкаллар, тасвирлар мажмуасида ёнғлиқ илоҳи Мара, яккинчи илоҳи ва будда ҳимоячиси Шриди, Манжушри сиймолари яхши сақланмоқда.

Қ.б.и. Ўзининг меъморий ечими бн Ўрта Осиёдаги Будда ибодатхоналаридан айрим белгиларига кўра бир оз фарқ қилади. Хусусан, Будда ибодатхоналарига хос ва диний маросим



Қува будда ибодатхонаси: *1* — шер ҳайкали (7—8-а.лар); *2* — эгилик мавзусидаги Шри-Дэви ҳайкалининг бош қисми (7—8-а.лар).



«Она ва бола» соғлиқни тиклаш маркази.

ўтказишда фойдаланилган айрим меъморий безакларда бунда учрамайди. Қ.б.и. қурилишида кўпроқ мавжуд шарт-шароит ва маҳаллий қурилиш анъаналаридан фойдаланилган. Яна бу ердан тошлоқи ҳайкаллар тасвирларида, айниқса, юз тузилишида бир оз бўлса-да, туркийлашган қиёфа беришга ҳаракат қилинган. Бу иболатхона ва тошималар мутахассислар томонидан кўплаб тортишувларга сабаб бўлди. Бу иншоот бўлда динидаги мустақил оқим — ваззарияна йўналишига тааллуқли ягона ёдгорлик деб талқин этилмоқда. Бу оқим кўпроқ ҳиндуизм таъсирида бўлиб, Ўрта Осиёда фақат Қ.б.и.да кузатилган.

Қ.б.и. топишмалари Ҳиндистон ва Шарқий Туркистонда аниқланган материалларга ўхшашлиги б-н, ўрта асрлардаги маданий-иқтисодий алоқаларни янада ривожланганини, маданият ва санъатни юксалганини кўрсатади.

Ал.: Кулатова В.А., Древняя Кува, Т., 1972; Ставиский Б.Я., Судьбы буддизма в Средней Азии (по археологическим данным), М., 1998.

Бокижон Матбобоев.

ҚУВА ТУМАНИ — Фарғона вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Жан.-ғарбдан Фарғона, шим.-ғарб ва ғарбдан Тошлоқ туманлари, шим. ва шарқдан Андижон вилоятининг Бўз, Шаҳрихон, Асака, Марҳамат туманлари, жан.-шарқ ва жан.дан Қирғизистоннинг Ўш вилояти б-н чегарадош. Майд. 0,44 минг км². Аҳолиси 187,5 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Қува), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Акбаробод, Байналминал, Баҳор, Деҳқонобод, Иттифоқ, Маданият, Намуна, Тошлоқ Мухтидинов, Туркравот, Янгиқишлоқ, Янгиҳаёт) бор. Маркази — Қува ш.

Табиати. Ер юзаси адир ва адир олди текисликларидан иборат. Жан. дан шим.га пасайиб боради. Иқлими континентал; қиши юмшоқ, ёзи иссиқ. Янв.нинг ўртача т-раси —2,5° дан —3,2° гача, июлники 27—29°, энг паст т-ра —26°, энг юқори т-ра 42°. Йиллик ёғин 170—230 мм. Вегетация даври 210—220 кун. Совуқсиз кунлар 204 кун давом этади. Тупроқлари бўз, ўтлоқи-бўз, ўтлоқи ва тоғ-ўтлоқи тупроқлар. Ҳудудининг кўп қисми ўзлаштирилган, ёввоий ўсимлик кам сақланган. Туманнинг суғориладиган қисмида ажриқ, шўра, тораҳ, тол, жийда ва б.; адирларда қўнғирбош, ранг, қатрон, беда, чалов, шувоқ ва б. ўсади. Ёввоий ҳайвонлардан тулки, қўён, жайра, тошбақа; қушлардан белдана, каклик, каптар, қарға, қалдирғоч ва б., судралар эдр хил балиқлар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, қирғиз ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 426 киши.

Хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. Кичик корхона, микрофирма ва б. корхоналар мавжуд. Саноат корхоналаридан пахта тозалаш з-ди, дон маҳсулотлари к-ти, автокорхона. «Нексиқон» корхонаси, мебель к-ти, мевани қайта ишлаш корхонаси, қандолатчилик ф-каси, тўқимачилик корхоналари ишлаб турибди. Савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатади. 3 қўшма корхона бор.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи — пахтачилик, ғаллачилик. Ширкат, фермер хўжаликлари бор. Туман хўжаликлари Олунбобоев номидаги канал, Жан. Фарғона канали тармоқларидан ва Карқидон сув омбори, шунингдек, шим. қисми У. Юсупов номидаги Катта Фарғона каналидан сув олади. Суғориладиган ерларга пахта, дон, сабзавот, полиз, озуқа экинлари экилади. Боғ ва токзорлар мавжуд. Қува ипори донг тараттан. Туманлараги жамоа ва шахсий хўжаликлари-



Қува тўқимачилик комбинати.


Қува мебель комбинатининг кўргазмалар зали.

да 29,7 минг қорамол, 34,8 минг қўй ва эчки, 48,2 минг ғалла ортиқ паррандa, 417 йилқи боқилади. Пилачилик б-н ҳам шуғулланилади.

67 умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, 3 лицей, 3 гимназия, 2 касб-ҳунар коллежи, клуб муассасалари, маданият уйи, 70 та ягона кутубхона, маданият ва истироҳат боғи бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Фарғона водийсини айланма т.й., шунингдек, Қува ш. орқали Фарғона — Андижон, Андижон — Мартизон — Қўқон ва б. автомобиль йўллари ўтган.

Ҳакимжон Ҳайдаров.

ҚУВАСОЙ — Фарғона вилоятидаги шаҳар. Фарғона ш.нинг жан.-шарқида (22 км). Т.й. станцияси. Аҳолиси 71,5 минг киши (2005). Қ. да кичик корхона, микрофирма ва

Қува ўлкашунослик музейи.







Қувасой шаҳрининг умумий кўриниши.

ҚУВАҚОВ Машариф (1938.13.5 — Хоразм вилояти, Боғот тумани Бешариқ қишлоғи — 2002.2.1) — қ.х. нотиғори, Ўзбекистон Қаҳрамони (1997). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими (1994). *Тошкент халқ хўжалиги* ин-тини тугатган (1966). Меҳнат фаолиятини 1955 й.дан Боғот туманидаги *Нариманов* (*кейинчалик Исканлар Дўсов номидаги*) жамоа хўжалигида ҳисобчи вазифасидан бошлаган. Шу хўжаликда ёшлар ташкилоти етакчиси, *бош иқтисодчи (1968—70)*, «Боғот» с-зи директори (1974—86). Хоразм вилояти агросаноат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари (1986—91). 1991 й.дан «Боғот» (ҳоз. М. Қувақов номидаги) ширкат хўжалиги бошқаруви раиси. Қ. раҳбарлик қилган хўжалик узоқ йиллар давомида пахта, шоли ва бутдойдан юқори ҳосил етиштиришга эришди. Хўжалик ҳамда ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга оид кўплаб ишларни амалга оширган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 12—13-чақириқ депутати. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 й. 29 августдаги фармонига биноан Қ.га Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилган. Ленин ордени (1973), Меҳнат Қизил Байроғи ордени (1971), Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик ордени (1997) ва медаллар билан мукофотланган.



6. турдаги корхоналар фаолият юритмоқда. Қувасой цемент корхонаси, аҳолига замонавий хизмат кўрсатиш к-ти, шиша, ёдгин, тикин, чинни, темир-бетон, уй-рўзғор кимёси з-длари, автокорхона, қурилиш корхоналари ишлаб турибди. 4 қўшма корхона фаолият кўрсатади. Умумий таълим мактаблари, кутубхоналар, маданият уйлари, мазанинят ва истироҳат боғи бор. Марказий касалхона, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар мавжуд. Қ.дан Фарғонага автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

«ҚУВАСОЙЦЕМЕНТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — қурилиш материалларини саноати корхонаси. «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси таркибига киради. Фарғона вилояти Қувасой ш.да. Қурилиш ва саноат индустриясида ишлатиладиган сульфатга чидамли М-400D0, М-400D10, М-500 портландцементи, тампонаж портландцементи, минерал қўшимчали сувбардош портландцемент, олтин қазиб олиш саноатида ишлатиладиган енгилган оҳак, керамика черепицалари, олобардош гипс, шифер, қурилиш гипси ва б. қурилиш материалларини ишлаб чиқаради. 1927 й.да цемент з-ди сифатида қурила бошланиб, 1932 й. 1 фев. да ишга туширилган. 3-й ишга тушган йили 43 минг т цемент ишлаб чиқаришган. 1956—61 й.ларда корхона реконструкция қилинди. 1959 й. и цемент ишлаб чиқарадиган ва айланма печи ўз. 150 м бўлган 2 та янги технологик линия қурилиб, ишга туширилди. 1958 й.да оҳак з-ди, шифер корхонаси б-н бирлаштирилиб Қувасой цемент к-тига айлантирилди. 1974—76 й.ларда эски шифер қолиплаш машиналари ўрнига янги автоматик линиялар ўрнатилди. Клинкерни куйдириш печлари жами жараёнлари компьютерлар орқали назорат қилинади ва бошқарилади. Лагин оҳактоши кони ўзлаштирилди. 1998 й.да ишланган руҳлардан олтин ажратиб оладиган «*Зарафшон-Ньюмонт*» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси эҳтиёжлари учун ҳамда Республика иссиқлик электр марказларида *сунъий* қатламларини (ёқилғини) ёқиш учун тайёрланган туйилган оҳак ва ч. технологияси ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Маҳсулотлари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистонга экспорт қилинади. Маҳсулотлари жаҳон стандартлари даражасида бўлгани учун Мадрид (1994), Женева (1999), Франкфурт-Майн (2004) кўрик танловларида «Сифат учун олтин қалқуви» б-н мукофотланган.

2004 й. корхонада 860,7 минг т турли маркалаги цемент, 28,7 минг т оҳак, 4552 т майдаланган оҳак, 7085 т қурилиш гипси, 150,2 минг дона шартли шифер тахталари ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Шуҳрат Тожибоев.



«Қувасойцемент» акциядорлик жамияти. Клинкер куйдириладиган айланувчи печлар.



Корхона учун зоне ашё бўлган оҳактош карьери.

лика суғориладиган ерлар 3000 гектарга етказилди. Шолидан 1999 й.да 50 ц/га, бугдойдан 65 ц/га, пахтадан 32,3 ц/га ҳосил олинди. Ўзбекистонда республика биринчи бўлиб кузги бугдойдан бўшаган майдонларга шоли ниҳолини ўтказиб экиш усули эвазфақатлари жорий қилинди.

Ширкат хўжалари марказий қўғирчинда бисти ўрнатилган (2004).

ҚУВВАТ — ишнинг шу иш бажарилган вақтга нисбати б-н аниқланадиган физик катталик. Агар иш бир текис бажарилса, $N=A/t$ формула б-н аниқланади; бу ерда A –t вақтда бажарилган иш. Умумий ҳолда $N=dA/dt$; бунда dA — жуда кичик dt вақт ичида бажарилган иш. К. ватт (Вт) ларда ифодаланади. К.нинг тизимдан ташқари от кучи (о.к.) деб аталадиган бирлиги ҳам мавжуд (1 о.к.=735,499 Вт).

Электр токи муайян вақт оралиғида бажарган иш электр токи К. и деб аталади. *Ўзгарувчан ток* занжирида К. кучланиш б-н ток кучи кўпайтмасига тенг. *Ўзгарувчан ток* кучланиши ва ток кучи оний қийматлари кўпайтмаси оний К., шу ўтган вақтдаги ўртача К. фаоп К., ток ва кучланишнинг амалдаги қийматлари кўпайтмаси тўлиқ К., синусоидал ток учун тўлиқ К.нинг ток кучи ва кучланиш орасидаги фазалар силжиши бурчаги синусига кўпайтмаси реактив К. деб аталади.

Муайян юза орқали вақт бирлигида товуш тўлқинлари олиб ўтадиган энергия товуш К.и. бу К.нинг юза бирлигига келтирилган ўртача қийматга товуш интенсивлиги дейилади(қ. *Товуш*).

ҚУВВШШОХЛИЛАР (Bovidae ёки *Cavicorna*) — *жуфт туёқли сут эмизувчилар* оиласи. Ғавдаси ҳар хил катталикда. Эркаги урғочисига нисбатан йирикроқ. Эркакларида, кўпинча урғочиларида ҳам 1 жуфт, баъзан 2 жуфт (4 шохли антилопа) шохи бор. К. шохлари мутуз б-н ўралган; ҳаётга даволикда аҳамиятлидир. 43 уруққа мансуб 125 тури маълум. Австралия ва Антарктидадан ташқари барча қитъаларда тарқалган.

К. — ўтхўр, аксарият полигам. 1–5 та бола туғади. Кўпчилик турлари кичик пода бўлиб яшайди. Айрим антилопалар бошқа қайвонлар (филлар, зебралар, туяқушлар ва б. антилопалар) б-н бирга баъзан катта пода ҳосил қилади. Кўпчилик турларининг сони кескин камайиб боряпти; айрим турлари (жайрон, зубр) фақат миллий боғларда сақланиб қолган. Ўзбекистон фаунасида 5 тури, жумладан, сайғоқ маълум; 4 тури (*архар, жайрон, морхўр,* тог такаси) Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган (яна қ. *Жуфт туёқлилар*).

ҚУДАЧИЛИК — йигит ва қизни уюштириш маросимидан кейин ҳар иккала оила аъзоларининг қариндошлик жиҳати. Қариндошлик алоқалари никоҳ тўйидан кейин икала мустаҳкамланади. Қудалар бир-бирларни б-н яқиндан танишиш учун ишбилан-ишбилан «қуда чақириқ» маросимини ўтказадилар. Бундай ўзаро мулоқотлар 2 оилани, уларнинг фарзандлари туфайли юзага келган қариндошчилигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бир-бирларини икала чуқурроқ ўрганишларига ёрдам беради.

Ўзбек халқида «қудачилик минг йиллик» деган мақол бор. Қудалар ўзаро муносабатларига ўта эҳтиёткорлик б-н ёндошадилар. Ҳар 2 оила аъзолари доимо бир-бирларининг ҳолидан хабар олиб туриши, қуда тараф тўй-маъракаларида фаол иштирок этиши зарур. Қ. муносабатларининг келажакда барқарор бўлиши келин-куёвнинг тарбияси, одоб-ахлоқи ва маънавиятига ҳам боғлиқ.

ҚУДУС, Иерусалим (араб. Ал-Қудс, қад. яҳудий тилида Иерушалаим) — Фаластиндаги шаҳар. Ўлик денгизнинг гарбидаги чала чўлли ясситорликда жойлашган. Аҳолиси 692,3 минг киши (2003). Транспорт йўллари чорраҳаси. Саноат, савдо-транспорт ва маданият маркази. Тўқимачилик, кўн-пойабзал, металлсозлик, фармацевтика, полиграфия, радиотехника саноати корхоналари мавжуд. Олмоста ишлов берилади. Қуёшпарастлилик ривожланган. К. — мусулмон, яҳудий ва христианларда «муқаддас шаҳар» ҳисобланади.

К. ҳақидаги дастлабки маълумотлар мил. ав. 2-минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади. Дастлаб Рушалаимум (Шалим ҳудоси шаҳри), ёзма манбаларда мил. ав. 15-а.дан Урушалим номи б-н тилга олинган. Иерушалаим қад. яҳудий-лар тилида «*тинчлик шаҳри*», *арабча* ал-Қудс — «*муқаддас*» шаҳар маъноларини англатган. Шаҳар қад. ва ўрта асрларда турли давлатлар (Яҳудийлар подшолиги, Рим империяси, Византия, Араб халифалиги, Усмонли турк салтанати) таркибида бўлган. 1920—47 й.ларда Фаластин ҳудудлари инглизлар мандатининг маъмурий маркази. 1947 й. 29 ноябрдаги БМТ қарорига мувофиқ мустақил маъмурий бирлик қилиб ажратилган. 1948—49 й.лардаги араб-исроил уруши натижасида Исроил (ғарбий қисми) б-н Иордания (шарқий қисми) ўртасида иккига бўлинди. 1950 й.да К.нинг ғарбий қисмини Исроил ҳукумати БМТ қарорига зиддир равишда мамлакат пойтахти деб эълон қилди. 1967 й.да Исроил К.нинг шарқий қисмини ҳам босиб олди ва 1980 й. 30 июлда К. ни «абадий ва бўлинмас пойтахт» деб эълон этди. БМТнинг (1967—71) қарорларига мувофиқ К. бўйича барча аннексиялар бекор қилинган.

Шаҳар 2 қисм: эски шаҳар ва янги шаҳардан иборат. Эски шаҳар 16-а.да қалъа девори б-н ўралган. Мусулмон, яҳудий ва христианлар дахалари ажралиб туради. Меъморий ёдгорликлардан эътиборлиси ва рим даври ҳамда араб маданияти ёдгорликларидан Қуббат ас-Сахро, ал-Ақсо масжидлари ва черковлар, қалъалар сақланган. 19-а.нинг 2-ярмидан қурила бошланган янги шаҳарда замонавий бинолар, ун-т мажмуаси, тиббиёт марказлари, миллий музей, яҳудий ун-ти (1918) ва б. бор.

ҚУДУС МУҲАММАДИЙ (Муҳаммаднев Қудус) (1907.25.10 — Тошкент — 1999.22.6) — болалар шоири. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1982). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1957). Қишлоқ хўжалиги техникумини тугатган (1930). Ўрта Осиё давлат ун-ти (1931—32) ва Тошкент тиббиёт ин-ти (1932—37)да ўқиган. Мактабда ўқитувчи (1930—32). Ислом шоир котиби (1941—45). Шеърлари 1928 й.дан «Қудус» тахаллуси б-н матбуотда босилган. Дастлабки шеърлар тўплами — «Ўқувчига эслатиш» (1946) мактаб болаларя ҳаётига бағишланган. «Шеър ва эртак-



Қуддус шаҳри. Қуббат ас-Сахро масжиди.



дар», «Синоб» (1947), «Орзу», «Баҳор келдм» (1948), «Қирқ ўғил, қирқ қиз» шеърий тўпламлари (1951) ҳамда «Янги уй» (1953), «Китоб», «Бу бинони ким қурган?», «Оқ тоғлар», «Гентаксой» каби асарларида инсон меҳнати улуғланган. «Қандай бўлмоғим керак?» (1960), «Жуда қизиқ, жуда чиройли» (1961), «Она-бола меҳри» (1963), «Бола бошидан ўтгон ёшидан» (1964), «Қаҳрли ўртлар» (1978). «Чўпон бобо қўшиғи» (1979) ва б. шеър ва эртаклар тўплами нашр қилинган. К.М. болаларнинг ёшига, савиясига мос қилиб асарлар яратган, адабий-бадиий воситаларни илиб тонгган, кичик, сатира ва юмор унсурларидан унумли фойдаланган. К.М. ижодига хос бўлган асосий хусусият унинг асарларида бадиийлик, назариийлик ва тарбивабийликнинг уйғунлигидадир. Шоир ижтимий ҳаёт воқеалари ва табиат ҳодисаларига теран назар ташлаби, уларнинг ўзига хос ички ва ташқи томонларини, қонуниятларини чуқур идрок этган ҳамда уларни болалар дунёсига таллабларига мувофиқ, яъни жонли ва динамик тарзда гавдалантирган ва бадиий умумлашмалар орқали яратган. «Табиат алифбеси» (5 китоб, 1974—80)да болаларни ўзбекистоннинг бой ва гўзал табиатини сезишга, уни ва ҳавосини мусаффо сақлашга чақирган. «Китоб ва Офтоб» (1986), «Мен сизга бир қисмат айтаман» (1987) каби асарлар муаллифи. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1969).

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1957; Очил дастурхон [Шеър ва эртаклар], Т., 1970; Серобистой тополь, Стихи, М., 1982.

Ад.: Кўшжонов М., Қудуқ Муҳаммадий ва Қудрат Ҳикмат, Т., 1963; Бать Л., Шоир ва педагог [«Ўзбек совет болалар адабиёти» тўпламида], Т., 1969; Ҳўжаева Р., Қудуқ Муҳаммадий, Т., 1980.

Раҳматулла Бараксон.

ҚУДРАТ ҲИКМАТ (1925 — Тошкент — 1968.10.4) — болалар шоири. Тошкент Педагогика ин-ти кечки бўлимини тугатган (1957). Республика газталарида адабий ходим (1950—53). Бадиий адабиёт ва санъат нашриётида бўлим мудири (1960—68). Дастлабки шеърий тўплами — «Менинг Ватаним» (1950). «Бахтли болалар» (1951), «Ободлик» (1953), «Дўстлик» (1954), «Уч ўртоқнинг совғаси» (1957), «Неврага меҳри», «Чирчиқ фарзанди» (1961), «Алишер ва китоб» (1962), «Илонпшоқ ва унинг амаллари ари ҳақида эртак» (1963), «Соатсизнинг соати» (1964), «Тошбақалар ҳужуми» (1965), «Шамол ботир» (1966), «Дайди бола», «Ўғлим билан суҳбат» (1970), «Олмос менинг юрагим» (1983), «Менинг юрагим» (1986) ва б. тўпламларга кирган шеър, эртак ва достонлари Она-ватан мадҳя, табиат ва фасллар тасвири, болалар ҳаёти ҳамда таълим-тарбия муаммоларига бағишланган.

Қ.Ҳ.нинг ватан мадҳидаги «Менинг Ватаним», табиат ва фасллар тасвиридаги «Бу қайси фасл?», «Тог манзараси», «Эрталаб», Янги йил таърифидаги «Яша, Янги йил», «Биз экканларча», халқ оғзаки ижодидаги ўйин қўшиқлари асосида яратган «Оқ теракми, кўк терак?», «Чиллак ўйини» сингари шеърлари ифодасининг соддалиги, сербўёқ ва ёркин манзаралар яратилганлиги б-н ажралиб туради. Қ.Ҳ. тугмы болалар шоири сифатида Ўзбек болалар шеъриятига янги бадиий товланишларни олиб кирган, унинг вазн, банд, қофия тизимини болалар руҳиятидан келиб чиққан ҳолда ижод этган. В.Маяковский, С.Маршак, С.Михалков, А.Сурков, М.Бажан, А.Барто ва б.нинг болаларга аталган шеърларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ад.: Кўшжонов М., Қудуқ Муҳаммадий ва Қудрат Ҳикмат, Т., 1969; Кўшжонов М., Қудрат Ҳикмат, Т., 1978.

Раҳматулла Бараксон.


«ҚУДРАТЛИ ТЎДА». «Янги рус мусиқа мактаби» — 1850—70 йиларда М.Балакирев, А.*Бородин*, Ц.Кюи, М.*Мусоргский*, Н.*Римский-Корсаков* ва б.нинг ҳамкорлиги натижасида юзага келган ижодий йўналиш, композиторлар уюшмаси. «Қ.т.» аъзолари мусиқада халқчиллик, миллий услуб, ғоявийлик учун курашган, М.Глинка ва А.Даргомижский анъаналари ҳамда Ғарбий Европа санъати ютуқларини розижлантириб опера, симфоник мусиқа, қўшиқ ва романс, камер мусиқа соҳаларида самарали ижод қилишган. Улар рус ва б. халқ мусиқа ижоди намуналаридан кенг фойдаланиб, уларни қайта ишлаган, асарларига киритган. Шарқ мавзуларига мурожаат қилиб, мусиқий ориентализм соҳасида ҳам жаҳонпшумул асарлар яратишган (Бородиннинг «Князь Игорь» операси, Римский-Корсаковнинг «Шаҳризода» сюитаси ва б.). «Қ.т.» вакилларн ижоди, айниқса, *халқ қўшиқларни қайта ишлаш* соҳасидаги ютуқлари рус ва жаҳон мусиқа санъати (жумладан, Ўзбекистон композиторлик мактаби шаклланишида катта таъсир кўрсатди.

ҚУДУҚ — вертикал шахта ёки ўра кўринишидаги гидротехника иншооти. Қ.нинг ҳизматн сув б-н таъминлаш ва суғориш учун ер ости сувларни йиғиш мақсадида қурилади.тган сув тўпловчи; ер ости сувларини ер усти сувлари б-н қўшиш ёки ариқлик сувлари ва тиндиришган канализация сувларини йиғиш мақсадида қурилади.ган сув сингдирувчи; дарё, кўл, сув омборларидан олинадиган сувларни ростлаш мақсадида қирғоққа яқин қурилади.ган қирғоқ бўйи хиллари бўлади.

Сув тўпловчи Қ. жуда кенг тарқалган бўлиб, асосан, ичимлик сув олиш учун қурилади. Конструкцияси, қурилиш усули ҳамда деворининг мустаҳкамлигига қараб шахтасимон ва қувурли (бўрилаган) хилларга бўлинади. Шахтасимон Қ. ўзи чуқур жойлашмаган кам босимли сув сақловчи қатламлардаги сувни олиш учун қурилади. Бундай Қ.лар кичик посёлолар, чорвачилик фермалари, дала шийпонлари ва айлоналарни сув б-н таъминлаш мақсадида қазилади, суви истеъ-



Шахтасимон қудуқлар: *а)* ғоваклн; *б)* темир-бетонли; *1* — тепа қисми; *2* — қопқоқ; *3* — вентилация трубаси; *4* — ствол; *5* — шахтанинг сув олиш қисми; *6* — гравитацион филтр; *7* — тагфильтр; *8* — ғовак бетон плита; *9* — ғовак бетонли девор; *10* — плита мустаҳкамловчи скобалар; *11* — тупроқ девор (тирак); *12* — отметка; *13* — пичоқ (темир пластина).



Қувур: 1 — қудуқ бир-бирига кириштирилган қувурлар устунчаси; 2 — фильтр; 3 — тиндиргич; 4 — қудуқ оғзи; 5 — тепа қисми; 6 — шахта (арматура ўрнатилиш учун).

мол учун ариқдан бўлса, махсус тозалаш талаб этилмайди. Уларнинг диаметри (ёки кенглиги) 0,8 дан 1,5 м гача, чуқ. 30—40 м гача (баъзи жойларда 100—300 м гача) бўлади. Шахтасимон Қ.ларга сув фильтрлар ёки говак бетонлан қилинган деворлар орқали ўтади. Шахтасимон Қ.ларнинг кўпчилиги дебети суткасига 5—100м³ атрофида. Деворлари ёғоч, тош ва бетон б-н мустаҳкамланади. Уядаги сув турли сув чиқарувчи қурилмалар ёрдамида олинади. Қувурли (бургиланган) Қ. турли чуқурликда ётган, суви кўп бўлган (босимли ва босимсиз) ер қатламларидан сув олиш учун қурилади. Буларда сув сақловчи қатламлар сатҳидан юқорига, қатгоқи ўз босими б-н ер сиртигача кўтарилиши мумкин (мас., артезиан Қ.лар). Қувурли Қ.ларнинг чуқурлиги 800 м гача боради. Бу турдаги Қ.ларнинг сув марказлаштирилиши сув б-н таъминлаш системасида ишлатилади. Қувурнинг сув сақловчи қатламга етган қисмига фильтр (бетон, керамика, шағал ва б.) ишланади. Қувурли Қ.ларнинг суви марказдан қочирма ўқситирма насослар, эрлифтлар ва сифонлар ёрдамида чиқариб олинади. Сув сингдирувчи Қ. вертикал дренажнинг бир тури сифатида бетк бетонқарнинг захини қочиришда қўлланилади. Қ. воситасида зах босган қатламни сув ютиш қатлам б-н бирлаштириб, ортиқча сувни сув ютгич қатламга ўтказиб юборишга мумкин. Қирғоқ бўйи Қ.и панжаралар б-н бўлинган камералардан иборат бўлиб, сув дарё, кўл ва б. манбаларидан қувур орқали оқиб келади.

Қ. вазифасига кўра грунт, артезиан, дренаж ва кузатиш Қ.га бўлинади (қ. *Артезиан қудуғи, Кузатиш қудуғи, Коллектор-дренаж тармоғи, Карез*).



Сув сингдирувчи қудуқ: 1 — тупроқ қатлами; 2 — шағал; 3 — дренаж қувури; 4 — сув сингдирувчи (ютувчи) қатлам; 5 — ер ости суви.

ҚУЁН (*лот. Lepus*) — омонимнинг жан. ярим шаридаги кичикроқ колдуз турқуми. Эне ғўрт колдузлари 2,6 ва 2,8 колдуз каттазилгила. *Ориолдан жанубда, Эрондан, Якташоқ, Кабутар ва Искана* колдуз туркумлари орасида жойлашган. Ўзбекистонда қишда якши кўринади.

ҚУЁН — товушқоплар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Уй Қ.ларининг аждоди ёввойи Қ.лар (Oryctolagus cuniculus) ҳисобланади. Мадагаскар ороли, Жан. Америкасининг жан. вилоятлари ва Антарктидадан ташқари Ер юзининг ҳамма қисмида тарқалган. Уй Қ.лари ёввойиларига қарағанда анча йирик, тавдаси уз. 70 см гача (ёввойилари 44 см гача). Қ. серпушт, тез етилади, ғўшт ва мўйна, тивит олиш учун урчитилади. Йил мобайнида қўнаи олади. Урғочиси 3—4 ойлигида жинсий етилади, 5—6 ойлигида кочиришди. 28—32 кунда болалайди. Йилига бир Қ. 3—6 марта, ҳар сафар 5—8 (баъзан 15 ва ундан ортиқ) бола туғади. Наслдор Қ. болалари 30—45 кунлик, вазни 800—900 г бўлганда онасидан ажратилади. Тез етилдиган зотлар 65—90 кунлик, вазни 1,8—2 кг, кеч етиладиганлари 90—120 кунлик, вазни 2,8—4 кг бўлганда сўйилади. Ғўшт чиқими 47—60%. Қунги тулашдан кейинги қишки териси энг сифатли ҳисобланади. Жаҳонда 60 дан ортиқ



Қўён: *1* — шиншила; *2* — кулранг; *3* — калифорния; *4* — кора қўён зотлари.

зоти бор. Жун қопламига кўра мўйнали ва тивитли зотларга бўлинади. Қ. 7—10 йил яшайди. Ҳужаликда фойдаланиш даври 2—3 йил. Асосан, қўкат, илдизмевалар, сабзи-карам силоси, майин хашак; дон-дун, омухта ем ва б. концентратлар, ғўшт-суяк ва балиқ уни; минерал қўшимчалар — суяк уни, ош тузи ва бўр б-н боқилади, хоналонларда боқиладиган озиқ-овқат чиқитлари ҳам берилади.

ҚУЁН ЙИЛИ — мучал йили ҳисобида тўртинчи йил номи (қ. *Мучал*).

ҚУЁНСУЯК (*Ammodendron Conollyi Bge*) — дуккакдошлар оиласига мансуб бута ёки дарахт. Қозогистон, Ўрта Осиёда, Ғарбий Сибирнинг жан.-ғарбида ва Хитойда тарқалган. Ўзбекистонда Қизилқум чўлида, Бухоро вилоятида, Қорақалпоғистоннинг қумли ерларида ўсади. Илдизи ўқилдиз. Бўйи 0,5—3 м. Дарахтининг бўйи 8 м га етади. Новдаларни ингичка, осилиб туради. Барглари ялтироқ-кумушранг, майин, уз. 2—3 см. Гуллари ҳаворанг, хушбўй, шингилларга йиғилган. Меваси 2—3 дуккак. Ёгочидан ҳар хил буюмлар тайёрланади, илдизидан бўёқ олинади ва кўчма қумларни мустаҳкамлаш мақсадида экилади. Ўтин сифатида фойдаланилади. Илдизидан қўпланади. 25—30 й. яшайди.



Қуёнсуяк.

ҚУЁНЧИЛИК — чорвачиликнинг қўёнларни урчитиш б-н шуғулланадиган тармоғи. Қ.нинг асосий мақсулоти — ғўшт, тери ва тивит. Қуён ғўшти тўйимли парҳез маҳсулоти; териси мўйна саноати учун муҳим хом ашё; тивити ипсиқлик ўтказувчанлиги жиҳатидан меринос қўйлари жунидан қолишмайди, трикотаж, фетр, духоба ва б. маҳсулотлар тайёрлашда ишлатилади.

Ўзбекистонда 20-а.нинг 30-й.ларидан ривожлана бошлади. Шу даврда наслдор қуёнлар етиштирувчи бир неча давлат, жамоа хўжаликлари ва давлат наслчилик парваришхоналари барпо этилди. Якка хусусий (томорқа) хўжаликларда Қ. ривожланди. Урушдан кейинги йилларда Қ. маҳсулотлари кўпайди. Қ. фермаларида ғўшти, териси ва тивити, айрим хўжаликларда фақат ғўшти учун боқилади. Ғўшт-тери учун қуён боқиладиган фермаларда ҳар бир она қуёндан ўрта ҳисобда (йилига 4 марта 5 талан болалайди) 20 талан бола, яъни йилига 50 кг дан ортиқ ғўшт ва 20 дона тери (микроқўлини бошқариладиган биноларда 30—35 қуён боласи ёки 75—80 кг ғўшт) олинади. Бройлер қуён болаларини семиртириш учун боқувчи фермалар

уларын оналарн 6–н боқиб, ёшн 2–2,5 айлік ва тирик вазнн 2 кг ча бўлганда бошқа ҳўжаликларга сотади. Тавит учун қўён боқиладиган фермаларда ҳар бир катта қўёндан йилига 350–700 г тивит олинади.

Қ. фермаларнни наслдор қўёнлар 6–н тьлимлаш учун наслчилик фермаларн ва наслчилик ҳўжаликларида қўёнларнинг энг яхшн зотлари: шиншилла, катта оқ қўён, катта кулранг қўён, кумушранг, кўк, қора-қўнғир, фландр, *оилар қўён* ва б. зотлари етиштирилади. Ўзбекистонда шиншилла, оқ улкан, мардер, қора-қўнғир, вена зотларнн, оқ калифорния, оқ ҳамда *қизил тивитли каби зотлари* (умумий бош сонн 100 мингдан кўпроқ), асосан, ҳавасқор, шижоат ва фермер ҳўжаликларида парҳез гўшти, момиғи ва жўнаси учун боқилади. Ҳар йили 30 минг дона атрофида қўён териси тайёрланади.

Қўён гўшти энг кўп етиштириладиган мамлакатлар Франция, Италия, АҚШ, шунингдек, Буюк Британия, Венгрия, Польша ва б.

Ад.: Пономтков В.Н., Александров В.Н., Ўчебник кзнеч кролиководства, 2 изд., М., 1985.

ҚЎЁНЧИҚ — қ. *Этиленгл.*

ҚЎЁНҚЎЙРУҚ (Verbascum blattaria L.) — сигирқўйруқдошлара мавсуб икки йиллик бегона ўт. Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Поясн тик ўсади, бўйи 30–120 см, кам шохлайди, илдиз олди барглари чўзинчоқ, пастсимон шапалоқсн, юқоридагилари нштирсимон, арра тишли. Гуллари сариқ, шингил тўпгулга йигилган. *Илдизи ўқдидир.* Май — окт.да гуллаб меваларн беради. Меваси шарсимон кўсакча. Уруғидан кўпаяди. Уруғлари пист ва юқори т-рада ҳам кўкариб чиқаверади. Апр. — майда уруғлан майса, кейнн бўғзидан новдалар пайдо бўлади. Бела, дон экинлари, гўза ва бошқа чопиқталаб экинлар орасида учрайди. Боғларда, узумзорларда, йўл ёқаларида ва ташландиқ ерларда ҳам ўсади.

Кураш чоралари: ерни чуқур ҳайдаш.

ҚЎЁНҚУЛОҚ, *линделофия* (Lindelophia L. M. Pop.) — гинэйдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми. Ўрта Осиёда, Афғонистон ва Эронда тарқалган. *Ўзбекистонда уэун устуунчали* Қ. ёки *кўкгул* [L. macrostyla (Bge) M. Pop.] турн ўсади. Илдизи ўқдилнз. Поясн тик, бўйи 40–80 см. Илдиз бўғзидаги барглари йирик (уз. 25–50, эни 2–5 *см*), тўпгулн рўвакснмон, гулн кўк-ҳаворанг. Июнь — сент.да гуллаб уруғлайди. Меваси ёнғоқча. Тог этаги, дарё, канал ва йўл бўйларида, пахтзорларда ўсади.

ҚЎЁШ — *қўён системасининг* марказий жисми; Ерга энг яқин жойлашган юлдуз. Унда системанинг 99,866% массаси ($M_☉$=1,99·10^{33} г) жойлашган. Қ. қизнган плазмали шардан иборат, радиуси $R_☉$=696000 км. У массаса бўйнча Ердан 332958, диаметри бўйича 109 марта катта. Ўртача зичлнги 1,41·10^3 кг/м^3. Ер Қўёш атрофида ўртача 29,5 км/сек тезлик б-н чўзиқ бўлмаган эллипсоид орбита бўйлаб ҳаракатланади. Ернинг Қўёшдан ўртача узоқлнги 149597870 ±1,6 км *(астрономик бирлик); перигелийда афелийга қарағанда* 5 млн. км камроқ. Қ. сиртидаги тортишлш кучи тезланиши 273,98 м/сек^2. Қ. сиртидаги эффектнв т-ра, унинг тула нурланиши бўйнча 5770 К га тенг. Ернн ўз орбитасида ушлаб турувчи куч 3,6·10^{22} кг. Қ. ўчмаларнга кўра ўртача сариқ юлдуз бўлиб, спектр ёрқинлик *Герцшпрунг—Рессел диаграммасининг* ўрта қисмидан ўрин олади. Қ.нинг спектрал синфи G2V.

Қ. Галактикамиз спирал тармоқларидан бирида, Галактика марказидан 10 кпс (килопарсек) масофада жойлашган (қ. *Парсек*). Қ. Галактика марказн атрофида 200 млн. йил давомида бир марта айланиб чиқади. Ядрн юлдузларга нисбатан Қ. секундига 20 км тезлик б-н ҳаракат қилади. Қ.нинг ёши 5·10^9 йил.

Қ. оптик ва радиотелескоплар ёрдамида текширилади. Космосга учнрилган Қ.нинг Ер атмосфераси ўтказмайдиган қисқа тўлқинли ва корпускуляр *нурланишнни ҳам текширишга йўл* очиб беради.


1611 йнда Г. *Галилей* телескоп ёрдамида Қ.ни биринчи бор кузатиб, *Қўёш доллари* ва ўз ўқи атрофида айланиш даврини аниқлаган. Немис астрономи Г.Швабе эса 1843 йнда Қ. ўзгаришининг сони ёки Қ. фаоллиги даврий ўзгаришини топди, *1814* йнда *Й. Фраунгофер* Қ. спектрида котнлиш чнзиқларини, 1859 йнда немис олимлари Кирхгоф б–н Бунзен бу чизиқлар Қ.нинг ташқи қатламларида, унинг атмосферасида пайдо бўлишини кашф этди. Бу Қ.нинг кимёвий таркибини, физик табиатини текширишда муҳим розғ ўйнади. 1913 йнда америкалик астроном Ж.Хейл Қ. юлдузи Қ. сиртининг *совитган қисмлари экзалнтнни ва фраунгофер чизиқларининг* зееманча ажралишидан Қ. сиртида кучли магнит майдонлари борлигини кашф этди (қ. *Қўёш магнетизми*). 1940 йллар бошида Қ. радиотўлқинлари манбаи эканлиги аниқланди. 1942 йнда швед олими Б.Эдлен ва б. олимлар *Қўёш тожи* спектридаги бир неча спектрал чизиқнн қўй марта ионланган кимёвий элементларнинг спектрал чизиқлари эканнни аниқлаш, шу б–н Қ. тожининг юқори т-рага эгалигини кашф этдн. 20-а.нинг ўрмида магнит гидродинамика ва плазма физикасининг ривожланиши Қўёш физикасининг ривожланишига муҳим туртки бўлди. Космик эранинг бошланишидан сўнг Қ.нинг ультрабинафша ва рентген нурланиши ракеталар, Ер сунъий йўлдошларнта ўрнатилган автоматик орбитал расадхоналар, бортида космонавтлар бўлган космик лаб. лар ёрдамида ўрганилмоқда. Крнм, Пулково ва б. расадхоналарда, кўпгина хорнж мамлакатлари б–н бир қаторда Ўзбекистон ФА Астрономия ин-тида ҳам Қ.ни ўрганиш бўйнча тадқиқотлар олиб борилмоқда (қ. *Астрономия*).



Қўёшнинг оқ нурлан фотосурати.

Қ. уз ўқи атрофида ер сингари мунтазам шарқдан ғарбга томон айланади. Айланиш тезлнги Қ. экваторида 2 км/сек бўлиб, кутблари томон камайиб боради. Экваторда айланиш даври ≈25, кутбларн яқинида эса ≈31 сутката тенг. Қ.нинг тўла нурланиши Қ. зенитда бўлганда Ер сиртига тушадиган ёритилганлик (100 минг люкс) бўйича аниқланади. Ернинг Қ.дан ўртача масофасида масофадан ташқарнлаги ёритилганлик 127 минг люксни; Қ.нинг ёруглик қуввати 2,84·10^{27} шамни ташкил қилади. Қ. нинг тўла нурланиш қуввати *3,83·10*^{26} Вт, ундан Ерга ҳаҳм. 2·10^{17} Вт етиб келади.

Қ. осмонда бурчак диаметри ўртача 1919°26 га тенг диск снигари кўринади. Қ. сиртининг ўртача равшанлнги (*Ер* атмосферасидан ташқарида кузатилганда) 1,98·10^9 нт, Қ. дискининг марказий қисмлари равшанлнги 2,48·10^9 нт га тенг. Қ. дискида равшанликнинг марказидан четга томон камайиш спектрнинг турли қисмлари (тўлқин узунликларида турлича. Қисқа тўлқинларда четга томон ҳнралашнш узун тўлқинларга қарағанда кучли. Қ. дискининг энг четида равшанлик *бир секунд* бурчак нчида ко марта камаяди, шунинг учун



Қуёшнинг схематик тузилиши (ўнгга қирқими).

$K_ю$ диски чети жуда аниқ кўринади. Равшанликнинг $K_ю$ диски марказидан четга томон камайиши $K_ю$ атмосферага эгалигидан далолат беради. $K_ю$ни текширш асосан унинг спектрини ўрганишга асосланган.

$K_ю$ спектри миндан ортиқ ютилиш чизиқлари (Фраунгофер чизиқлари) б-н кесилган туташ спектрдан иборат. $K_ю$ спектрида энергиянинг тақсимланиши 6000°K гача қизиган мутлақ қора жисм спектрининкига асосан мос келади.

Фраунгофер чизиқларининг тўлқин узунлиги ва интенсивлиги лаб. нур манбаларининки б-н таққосланиб, $K_ю$да 69 кимёвий элемент борлиги аниқланган. $K_ю$ асосан, водород ва гелийдан таркиб топган. Ҳар бир 1000 водород атомига 100 та гелий, бир неча ўн кислород, углерод, азот ва б. элемент атоми тўғри келади. $K_ю$ спектрида айрим молекулалар (OH, NH, CH, CO ва б.) нинг ҳам чизиқлари бор.

$K_ю$ атмосфераси табиатига кўра, 3 та асосий қатлам, яъни энг пастки қатлам — *фотосфера*, ўрта қатлам — *хромосфера* ва ташқи қатлам — қуёш тожидан иборат. $K_ю$нинг қарийб барча нурланиш энергияси фотосферадан сочилади. Фотосферанинг модда зичлиги $3·10^{-7}$ г/см³, фотосферага т-ра ташқи қатламларга ўта бориб камаяди ва унинг ўртача қиймати тахм. 6000 К. фотосфера чегарасида даврли 4200 К бўлади. Босими $2·10^4$ дан 10^5 Н/м² гача ўзгариб туради. *Фотосфера остида* қалинлиги 200 минг км конвектив зона жойлашган. У фотосферага таъсир этиб туради, натижада фотосферанинг равшанлиги нотекис донадор (грануляда) тузилишга эга ва у ўзгариб туради. Фотосфера *грануляларининг диаметри* 150—1000 км, «яшаш даври» 5—10 мин. Грануларнинг равшанлиги ўртача *фонлан ~10% га ортиқ*. Фотосферага радиал йўналишида *қаноатдаги тебранишлар* ҳаракати тонилди. Бу тебранишда 2—3 минг км ўлчамдаги майдонларда 5 мин. давр б-н ва 500 м/сек тезлик амплитудаси б-н содир бўлади. Бир неча тебраниш давлардан сўнг сўниб, яна қайта ҳосил бўлиши мумкин.

Фотосферада доғлар ва *машъалалар* деб аталувчи $K_ю$ юзасининг деталлари кузатилади. *Қуёш доғлари кучли* (5000 э) магнит майдонига эга. Одатда, $K_ю$ доғлари жуфт тўрсимон ёруғ майдончалар — машъалалар б-н ўралган. Улар $K_ю$ диски чети яқинида яққол кўринади ва равшанлиги атрофиникидан 18% га ортиқ. Машъалаларнинг т-раси ҳам *атрофиникидан бир неча юз* градуса *ортиқ*. Машъалар устида, хромосферада флокккулалар кузатилади. $K_ю$ доғлари атрофида хромосфера ва $K_ю$ тожида *протуберанецлар* деб аталувчи газ булутлари, сиртмоқсимон газ оқимлари ҳам кузатилади. $K_ю$ атмосферасининг бу деталлари $K_ю$ доғлари б-н биргаликда $K_ю$ юзасининг актив соҳаларини ташкил этади.

$K_ю$ доғларининг ўртача йиллик сони, *фаол соҳаларнинг сони 11 йиллик* давр б-н кўпайиб-камайиб туради. $K_ю$ доғлари $K_ю$ экваторининг иккала томонидан 5° дан 30° гача *гелиографик кенгликларни* ўз ичига олган зонада учрайди.

Фотосфера устида хромосфера жойлашган. Қуёш тўла тутилган пайтда хромосферани махсус телескоп орқали кузатилса, у худди Ой дискини ўраб турувчи қизғиш халқага ўхшайди. Бу халқанинг ташқи томони нотекис бўлиб, ташқи ғилдиракни эслатади. Хромосферадаги бу алоига «тилча»лари спикулалар деб аталади ва уларнинг диаметри 200—2000 км, баландлиги эса 10000 км. Хромосфера телескопи ёрдамида маълум монохроматик нурда $K_ю$ дискида майда (~1000 км) ва йирик (2000—8000 км) ёруғ тугунлардан ташкил топган хромосфера тўри кўзга яққол ташланади. Хромосфера тўри кўзларининг катталиги 30—40 минг км.

Хромосфера спектри бир неча юз эмиссион чизиқлардан таркиб топган. *Хромосфера модда зичлиги пастдан юқорига томон* 1 см³ да 10^{15} атомдан 10^9 атомгача камайиб боради. Хромосфера б-н фотосфера чегарасида т-ра 4500°K. *Хромосфера асосидан бир неча* минг км баландликда эса т-ра ортиб, 15—20 *минг К га етади*. Атмосфера босими фотосферанинкидан кам. марта кам. Монохроматик нурда, олатла, машъалалар устида флокккулалар, водород чизиғи H_2 нурида қора толалар кузатилади. $K_ю$ гардиши яқинида протуберанецлар кўринади. Флокккулалар ва *протуберанецларнинг сони* $K_ю$ фаоллиги ўзгариши б-н ўзгариб туради. Протуберанецларнинг $K_ю$дан ўртача бал. 30—50 минг км, уз. 200 минг км. Протуберанецлар бир неча ой яшаши мумкин. Протуберанецлар т-раси 5000—10000°K, модда зичлиги хромосферанинг ўртача зичлигига яқин. Протуберанецларнинг шакли ва уларгаги ҳаракат хромосфера б-н $K_ю$ тожидаги магнит майдонига боғлиқ.

Қуёш тожининг (ок нурда) равшанлиги $K_ю$ *гардиши марказиникидан* миллион марта кам. $K_ю$ тожида қалқонсимон ва елпиғичсимон ёғду, тож нурлари ва қутб чўткалари деб аталувчи структура элементларини кузатиш мумкин. $K_ю$ тожи $K_ю$ фаоллиги максимум *бўлган йилларда* симметрик, минимум бўлган *йилларда* эса экватор бўйлаб чўзиқ шаклда бўлади. $K_ю$ тожи спектрида кўп марта ионлашган. Fe, Ca, Mg, C, O, S элементлари атомларининг эмиссион чизиқлари бор. $K_ю$ тожида барча *атомлар ионлашган*. $K_ю$ *тожининг* ўртача т-раси 10^6 К дан ортиқ ва тож бўйлаб секин ўзгаради. Хромосфера



Қуёшнинг тўла тутилиш пайтдаги кўриниши.

6-й К. чегарасидаги т-ра 10^5К; 1 $см^3$ ҳажмда 10^7 атом тўри келади. К. тожининг ташқи қатламларидан фазога юқори энергияли зарра (протон, электронлар сочилиб туради ва бу оқим *қуёш шамоли* деб аталади. Фаол соҳалар устидаги тожда радионурланиш, шунингдек, рентген нурланиши ниҳоятда кучли. Қуёшдаги хромосфера чақнашлари водород чизиги H_α да яхши кўринади. Спектрал чизиқлар нафақат бундаги хромосфера соҳаларида т-ра ($1–2)\cdot10^4$ К, ундан юқорида 10^5 К гача кўтарилади. К. чақнашларининг кўлами 10^8 $км^2$ гача бўлиши мумкин. Одатда, чақнашлар тез ривожланаётган К. доғлари атрофида рўй беради. Чақнашлар К.нинг ультрабинафша нурланишини кучайтиради, қисқа мулатлаш кучли радио ва рентген нурланишлари, юқори энергияли (10^{10} эВ) корпускуляр оқимни ҳосил қилади. Айрим чақнашлар юқори энергияли зарра (протон) ларнинг ўта кучли оқими — *космик зўриқиш* беради. Бундай чақнашлар космик фазолаги космонавтлар ҳаётига хавф туғдиради. К.да содир бўлиб турадиган бундай жараёнларни қайд қилиш ва ўрганиш мақсадида қуёш хизмати номли кузатиш постури ишлаб чиқилган. К. сиртида юз берадиган барча ҳодисалар, ўз навбатида, Ер атмосфераси, магнитосферасига ва биосферасида рўй берадиган (ёғинга жараёнларга таъсир кўрсатади (қ. *Қуёш — Ер боғланиши, Қуёш радиошовқини*).

Қуёшни кузатишда катта кўзгули телескоплар ишлатилади. Бу телескоплар оптик қисмларининг кўпи ўзгаларас, қ. нурлари битта (гелиостат, сидеростат) ёки иккита (целостат) оғзи ўқи атрофида айланувчи ўзгу ёрдамида телескопнинг кўзгалмас оптик қисмларига горизонтал горизонтал қуёш телескопи) ёки ярмидан қуёш телескопи) олда йўналтирилади. Одатда, катта телескоплар кучли спектрографлар ва барча ишлатилади. К. спектри асмга олинади ёки фотоэлектрик ячеи асбоблари ёрдамида қайд қилинади. Ер атмосферасини кузатишга зарарли таъсирларни бартараф қилиш мақсадида К. телескоплари эратитлар орбитал радиоҳолдар ёрдамида Ер сатҳидан 20—25 км баландликка кўтариладиган махсус К. елескоплари қўлланади.

Лит.: Зирин Г. . Солнечная атмосфера, пер. с англ., М., 1969; Гибсон Э., Спокойное Солнце, пер. с англ., М., 1977.

Собит Нафсов.

ҚУЁШ БАТАРЕЯСИ — яримўтказгичли фотоэлементларга асосланган ток манбаи; *қуёш радиацияси* энергиясини бевосита электр энергиясига айлантиради. К. б. элементларининг ишлаши ички фотоэффект ҳодисасига асосланган. Дастлабки қуёш элементини 1953—54 йларда АҚШ олимлари Г.Пирсон, К.Фуллер ва Д.Чапинлар ишлаб чиқишган.



Қуёш батареяси. Турар жойни электр билан таъминлаш таъминдаги яримўтказгич қуёш батареяли гелионрилма.

К.б.нинг қуввати яримўтказгич материалига, қуёш элементининг конструктив хусусиятига ва батареядаги элементлар сонига боғлиқ. Қуёш элементлари тайёрланида кремний Si, галлий Ga; мишьяк As, кадмий Cd, олтингугурт S, сурьма Sb, теллур Te асосидаги материалардан фойдаланилади. К.б. одатда устн ялтироқ қопламали ясси панель кўринишидаги қуёш элементларидан тайёрланади. Батареядаги қуёш элементлари сони бир неча минг донагача, панелининг сатҳи ўнлаб $м^2$, ток кучи юзлаб *а*, кучланиши ўнлаб В, генератор қуввати бир неча ўн *кВт* гача боради.

К.б., асосан, *космонавтикада*. Ер сунъий йўлдошлари аппаратларини электр энергияси б-н таъминлашда фойдаланилади. Ерда эса К.б. кўчма автомат радиостанцияларн ва радиоприёмникларда ток манбаи сифатида ишлатилади. Ўзбекистонда қуёш энергиясидан фойдаланиш масалалари б-н Ўзбекистон ФА *Физика-техника институтида* шуғулланилади.

ҚУЁШ ДОҒЛАРИ — Қуёш фотосферасида кузатиладиган тим қора металлар. Қ.д. пора деб аталувчи кичик қора нуқталар (ўлчами 1000—2000 км) кўринишида пайдо бўлади. Дог кун сайин катталашиб, диаметри ~ 5000 км га етгач, яримсон б-н ўралади. Энг катта Қ.д.нинг диаметри 20000 км гача етади. Ҳозиргача кузатилган энг катта доғнинг ўлчами 100000 км га етган. Қ.д. нинг кичиклари бир суткатача яшайди. Қ.д. кўпинча катта ва кичик доғлардан иборат гуруҳларни ташкил қилади. Бу гуруҳлар Қуёш гардишида жуда катта майдонларни эгаллаши мумкин. Гуруҳлар 3 — 4 ҳафта, баъзилари 3—4 ойгача ҳам яшаши мумкин. Қ.д. Қуёш экваторининг иккала томонидан 5° дан 30° гача гелиографик кенгликларни ўз ичига олиб, дог даслаб қуйи кенгламада пайдо бўлади. Қ.д.ни биринчи бўлиб 1611 й.да Г.*Галилей* телескоп ёрдамида кузатган. Немис астрономи Г.Швабе эса 1843 й.да Қ.д.нинг сони ўзгаришини топган. 1913 й.да америкалик астроном Ж.Хейл Қ.д. Қуёш сиртининг совиган қисмлари эканлиги ва *фраунгофер чизиқларининг Зееман эффектидан* ҳам фойдаланиш туфайли Қуёш сиртида кучли магнит майдонлари борлигини кашф қилган. Магнит майдонлари Қуёш қатламлари фотосферага чиқаётган энергия оқимнна камайтиради ва оқибатда, уларнинг юзага чиқиш жойида т-ра пасайиб кетади. Қ.д. ўзаги фотосферадан 5 марта зарра, яримсон эса ўзакдан 4 марта ёруғ. Қ.д. ўзагининг т-раси фотосфера т-расидан 1000—2000 К га паст (4500 К ва ундан кам). Қ.д.нинг ўртача йиллик сони даврий равишда 11 йилда ўзгариб туради. 20-а.га келиб бундан ҳам узокроқ (22, 80, 90, 600 йиллик) даврлар топилган.

ҚУЁШ КАЛЕНДАРИ — қ. *Календарь*.

ҚУЁШ МАГНЕТИЗМИ — Қуёшда магнит майдон мавжудлиги б-н боғлиқ мураккаб ва ўзгарувчан ҳодисалар мажмуи. Қуёш фаоллиги К.м.нинг ўзгарувчан табиатини бевосита намоён қилади. Қуёш магнит майдонини 1908 й.да америкалик астроном Ж.Хейл кашф этган. Қуёш магнит майдонлари *Зееман эффекти* асосида ўзганади.

Қуёш фаол, фон ва умумий соҳалар магнит майдонларини ажратиш мумкин. Фаол соҳалар энг кучли магнит майдонларига эга. Мас., Қуёш доғлари марказида магнит майдон кучланганлиги 2000—3000 Э. Умумаи Қуёш доғлари магнит майдон кучланганлиги 1400 Э дан орти, бўлганда ҳосил бўлади. Фаол соҳалар магнит майдонларида йиғилган энергия жуда катта ва нобарқарор жараёнларга манба бўлади. Баъзи Қуёш чақнашлари пайтида 10^{32} энергия ажралиб чиқади. Фон магнит майдонлари (кучланганлиги 2—6 Э) фаол соҳалар атрофида ±55° гелиографик кенгликларда учрайди, улари якса ва қарама-қарши қутбли магнит соҳа-

лар ташкил этади. Бундан ташқари, уларга катта масштабли тартибланган гигант тизилмалар ҳам киради. Қўёш қутблари яқинида кузатиладиган суст (1–2 Э), кичик масштабли мураккаб структурали иборат магнит майдонлар Қўёшнинг *умумий магнит майдони* деб қабул қилинган. Бу магнит майдон полоидал хусусиятга эга, яъни Қўёш айланиш ўқига нисбатан симметрик ва ҳар бир Қўёш қутбида қарама-қарши магнит қутбийлик устун бўлади. Умумий, фаол ва фон соҳалар магнит майдонлари Қўёш фаоллиги даври 6-н ўзгаради. Фаол соҳалар магнит майдонлари Қўёш сатҳига унинг остки қатламларидан қалқиб чиқади. Умуман фон магнит майдонларини фаол соҳаларнинг кенгайиш натижасида тарқалган магнит майдонларнинг қолдиқлари ва *умумий майдонни эса Қўёш қутбларига қараб кўчган фон магнит майдонлари* ҳосил қилади деб ҳисобланиши мумкин. Хозиргача К.м.нинг табиати муқаммал ўрганилмаган.

ҚЎЁШ НУРИ БИЛАН ДАВОЛАШ, *гелиотерапия* — қўёш нуридан даво-профилактика мақсадида фойланиш (қ. *Хаво ва қуёш ваннолари*).

ҚЎЁШ ПЕЧИ — материалларни қўёш нури ёрдамида эритиш ва уларга қўёш нури иссиқлиги 6-н ишлов бериш учун мўлжалланган қурилма. *Гелиокуязланишнинг* бир тури К.п. қисқа фокусли *гелиоконцентратор*, Қўёш нурини қабул қилувчи қурилма (печь) ва қўёш ҳаракатини кузатиб борувчи автоматик тизим (қурилма ўқини доимо Қўёшга қаратиб ҳаракатга келтириб туради) дан иборат. Қабул қилиш қурилмаси гелиоконцентратор фокусида жойлашган бўлиб, ёруғлик ўтказувчи тубинқли камерадан иборат. Камера ичида вакуум ва инерт газ атмосферасини яратиш мумкин. Кўпгина К.п. Қўёш кетидан бурилдиган ориентатор (қуёш нурини гелиоконцентраторга йўналтириб берувчи асси ойна) 6-н жиҳозланади.

ҚЎЁШ РАДИАЦИЯСИ — Қўёшнинг электромагнит ва корпускуляр (заррa) нурланиши. Қ.р. Ердаги деярли барча жараёнларнинг энергия манбаи ҳисобланади. *Корпускуляр* Қ.р. асосан *протонлардан иборат бўлиб*, Ер яқинидаги тезлиги 300—1500 км/сек, ўртача концентрацияси 5—80 ион/см³. Қўёш фаоллиги максимум бўлганда ва катта чақнашлардан кейин Ер яқинидаги протонлар концентрацияси 10^3 ион/см³ гача етади. Қўёш чақнашлари пайтида катта энергияли ($7 \cdot 10^3$ эВ) заррачалар (асосан, протонлар) пайдо бўлади. Ерга тушаётган умумий космик нурлар чақнашлари Қ.р. кўринишида ифодаланади. Қўёш *электромагнит нурланишининг* асосий қисми спектрнинг кўзга кўринадиган нурлари қисмини ўзида қамраб олади. Қўёш тўла нур энергиясининг Ер атмосферасидан ташқарида (Қуёшдан 1 *астрономик бирлик* узоқликдаги Қўёш нурларига тик бўлган 1 см² юзада 1 минут ичида тушадиган миқдорига қуёш доимийси дейилади. Қўёш доимийси Қуёшнинг умумий энергиясини ҳисоблаш, тадқиқ этиш, унинг Ерга таъсирини ўрганиш мақсадида махсус актинометрик ст-ларда ўлчаб борилади. Қўёш доимийсининг ҳозирги пайтдаги қиймати 1,95 кал/(см²·мин)· ёки 136-106 эрг/(см²·сек.). Қўёш фаоллиги максимумга етганда Қўёш нурланиши бир оз ортади, лекин бу миқдор умумий нурланишнинг 1% дан ортмайди. Қўёшнинг радионурланишлари Ер атмосферасидан тўлиқ ўтмайди, чунки атмосфера радиодиапазонининг бир неча мм дан бир неча м гача қисми учунгина шаффофдир. Радионурланишлар Қўёшнинг фаоллиги 6-н боғлиқ. Қуёш радионурланишлари жуда ҳам кучсиз бўлиб, $Ф \approx 10^{-22}$ Вт/(м² сек·Гц) бирликда ўлчанади. Қўёшнинг қисқа тўлқинли нурланишлари Ер атмосферасида тўла ютилиб қолади. Бу нурланишларга оид маълумотлар асосан, *геофизик ракеталар*, Ер сунъий йўлдошлари ва *космик зондлар* ёрдамида олинади. Қўёшнинг рентген нурланишлари (тўлқин уз. 1Å дан 100 Å гача) туташ ва айрим чизиқларнинг нурланишидир. Бу нурланишларнинг интенсивлиги қўёш фаоллигига мос равишда кучли ўзгаради (Ер орбитасида 0,13—Эрг/см²·сек) ва фаоллик максимумга етганда рентген нурланишлари спектрнинг қисқа тўлқинларида кучаяди. Қўёшнинг рентген ва ультрабинафша нурлари жуда оз (15 эрг/см²·сек) энергия олиб келса-да, бу нурланишлар Ер атмосферасининг юқори қатламларига кучли таъсир қилади. Қўёшда гамма нурланишлари ҳам топилган, лекин у етарлича ўрганилмаган.

ҚЎЁШ СИСТЕМАСИ — Қўёшнинг гравитацион таъсир майдони ичида ҳаракатланувчи *осмон жисмлари* (*Қуёш*, *сайёралар*, *сайёраларнинг йўлдошлари*, кичик сайёралар, кометалар, космик чанглар) мажмуи. К. с. чегарасининг кўринма ўлчами Плутон орбитаси (тахм. 40 а.б., қ. *Астрономик бирлик*) 6-н аниқланса-да, аммо унинг қаҳқаҳи чегараси энг яқин юлдузгача (220 минг а.б. гача) бўлиши мумкин. К.с.нинг узоқ ташқи соҳалари ҳақидаги маълумотлар Қўёшга яқинлашувчи узун даврли кометалар ва шу системани қоплаган космик чангларни кузатишдан олинади. К.с. ҳудудидаги ҳар қандай жисм ҳам К.с.га киравермайди. Қўёшнинг таъсир доирасидаги ҳар бир жисмнинг К.с.га киришни учун аввало унинг мосбет кинетик ва манфий потенциал энергияларининг йиғиндиси, яъни тўла энергияси манфий бўлиши керак. Бунда жисм Қўёшнинг тортишиш кучини енга олмай, К.с. доирасида қолади. Бунинг учун К.с.га тегишли жисмларга Қўёшнинг тортишиш кучи таъсири бошқа юлдузларникига нисбатан *ортиқ бўлиши керак*.

К.с.нинг умумий тузилишини биринчи марта Н.*Коперник* тўғри ифодалаб, Ер ва сайёраларнинг Қўёш атрофида айланишини асослаб берди (16-а.). Унинг *гелиоцентрик системаси* биринчи марта *сайёраларнинг Қўёш ва Ерга*ча бўлган нисбий масофаларини аниқлашга имкон берди. И.*Кеплер* сайёраларнинг ҳаракат қонунларини (17-а. бошлари), И.Ньютон бутун осмон тортишиш қонунини (17-а. охири) кашф қилдилар. Бу қонунлар К.с.даги *жисмлар ҳаракатларини* ўрганувчи фан — *осмон механикаси*га асос бўлди. К.с.га кирувчи космик жисмларнинг физик табиатини ўрганиш, асосан, Г.*Галилейнинг* телескоп кашф қилганидан бошланди. 1609 йилда Галилей ўзи ясаган кичик телескопи ёрдамида *Ой*, *Венера*, *Юпитер* ва *Сатурн*ни кузатиб, жиддий кашфиётлар қилди.

Қ.с. жисмларининг ҳаракатларини бошқарувчи асосий жисм Қўёшдир. Сайёралар, асосан, ички (*Меркурий*, *Венера*, *Ер* ва *Марс*) ва ташқи (*Юпитер*, *Сатурн*, *Уран* ва *Нептун*) гуруҳларга бўлинади ва улар ўз хусусиятлари б-н бир-биридан тўбдан фарқ қилади. Ички сайёраларнинг ўртача зичликлари 4,0—5,6 г/см³, ташқи гигант сайёраларники 0,7—2,3 г/см³ бўлиш уларнинг бошқа-бошқа моддалардан ташкил топганлигини билдиради. Венера, Марс, Меркурий ва Юпитер атмосфералари текширилганда ички сайёралар атмосфералари ташқиларникига қараганда анча *сийрак* эканлиги маълум бўлди. Венерада CO_2 дан иборат жуда зич (сатҳига яқин жойда Ер сатҳидагидан 60 марта зич) атмосфера мавжуд. Марс атмосфераси ҳам, қисман, CO_2 дан иборат. Ташқи сайёралар атмосфераси жуда қалин ва зич бўлиб, асосан, метан, аммиак ва водороддан иборат. Гигант сайёралар ички сайёраларга қараганда ўз ўқлари атрофида жуда катта тезлик б-н айланади. Плутоннинг физик табиати гигант сайёраларникидан тўбдан фарқ қилганлиги учун уни ташқи сайёралар қаторига қўшиб бўлмайди. Сайёралар табиий



Қуёш системасининг схематик тарҳи.

йўлдошларининг 95% га яқини ташқи сайёралар атрофида гуруҳланади; мас., *Юпитер* ва *Сатурн сайёраларининг* ўзлари Қ.с.га ўхшаш кичик системани эслатади. Уларнинг баъзи йўлдошлари (мас., Юпитернинг Ганимеди)нинг ўлчамлари Қ.с.даги айрим сайёралар *(мас., Меркурий)*нинг ўлчамларидан анча катта (қ. *Сайёраларнинг йўлдошлари*). Сатурн сайёрасида ўзининг 20 га яқин йўлдошидан ташқари, жуда майда жисмлардан иборат ҳалқа системасига эга. Бу жисмлар Кеплер қонунига мос равишда ҳаракатланиб, Сатурн «йўлдошлари» ҳисобланади. Булардан ташқари, орбиталари Марс ва Юпитер сайёралари орасида жойлашган минглаб *Кичик сайёралар* мавжуд. Баъзи сайёралар эксцентриситетлари катта бўлгани учун улар Қуёшга Меркурийга нисбатан яқин келиб, ундан Сатурн орбитаси масофасига тенг масофага узоқлашади.

Қ.с.га кируччи *кометаларни биз* фақат Қуёшга 4—5 астрономик бирликкача яқинлашгандан кейин кўра бошлаймиз. Қуёшга яқинлашган сари уларнинг ядроси бўтланиб кома ажралиб чиқиб катталашиш бошлайди, сўнг Қуёш нурларининг босими таъсирида дум ҳосил бўлади. Баъзи кометалар перигелийда Қуёш тожи ичидан ўтиб афелийда 1 парсек узоқликкача боради ва Қуёш атрофида айланиш даври бир неча ўн минг. йил. Ёш бўлиши, ҳатто бошқа юлдузлар тортиш кучи таъсирида орбиталарини ўзгартириши ҳам мумкин. Қисқа даврли кометаларни кузатиш топилган. Уларнинг Қуёш атрофида айланиш даврлари бир неча ўн йилдан ортиқ эмас. Ҳар йили 5—10 тача комета кашф қилинади.

Оптик кузатишлар ёрдамида кўринмайдиган сон-саноқсиз метеор жисмлар ва космик чанг (сайёралараро материя) Қ.с. фазосининг ҳамма жойида мавжуд. Улар ҳам сайёралар каби Қуёш атрофида айланади. Космик чангларга гравитация кучлари таъсиридан ташқари Қуёш радиациясининг босими, шунингдек электр зарядланган зарралар ҳаракатига Қуёш ва сайёраларнинг магнит майдонлари ҳам таъсир этади. Ер орбитаси ичидаги сайёралараро материянинг умумий массаси Ер массасининг юз миллионидан бирини ташкил қилади. *Қуёшнинг таъсир доираси* ичидаги барча диффуз материянинг умумий массаси тахм. Қуёш массасига тенг келади.

Қ.с. Галактика маркази атрофида айланар ва яқин орбита бўйлаб 250 км/сек тезлик б-н айланади, унинг айланиш даври 200 млн. йил. Қ.с.нинг келиб чиқиши ҳақидаги масала ҳозирги замон табиатшунослигининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади (қ. *Космогония*).

Қ.с.даги деярли барча жисмлар учун баъзи умумий қонуниятлар ўринли: барча сайёралар Қуёш атрофидан эклиптикага яқин текисликда бир томонга (оламнинг шимолий қутбидан қаралганда соат милн ҳаракатига тескари томонга) ҳаракатланиб айланади (бу тўғри ҳаракат дейилади). Венера ва Урандан бошқа барча сайёралар ўз ўқлари атрофида тўғри ҳаракат қилади. Космик учишлар Қ.с.ни ўрганишда янги имконият яратди. Учирилган *космик зондлар* Қ.с.даги сайёраларнинг ички тузилишларини жадаллик б-н тадқиқ қилмоқда. Космик зондлар Ой, Венера, Марс ва б. сайёраларга компюк қўнди. АҚШ астронавтлари биринчи марта Ойга қадам қўйди (1969), «Пионер—10» ва «Пионер—11» космик зондлар кичик сайёралардан ўтиб, Юпитер сайёраси яқинида айланди (1972—74). 1997 й. октябрда учирилган «Гюйгенс» космик зонди (НАСА ва Европа космик агентлиги б-н биргаликда лойиҳаланган) Сатурн сайёрасининг йўлдоши *Титанга* туширилди (2005 й. январь). Тадқиқотчилар Титанни Ер б-н таққослашмоқда. Космик учишлар ёрдамида Қ.с.ни янада батафсилроқ ўрганиш учун яқин келажакда бошқа сайёраларга парвоз қилиш, узоқ космосга илмий аппаратлар юбориш, астероид ва кометаларга қўниб, сайёралараро илмий сеҳрат қилиш ишлари мўлжалланмоқда.

Салоҳиддан Неъматҳўжаев.

ҚУЁШ СОАТИ — Қуёш бўйича вақтни аниқлайдиган асбоб. Қ.с. марказига жойнинг географик кенглигига тенг бурчак остида стержень (пластина) ва циферблат ўрнатилган тахтачалан иборат. Қ.с. стержень (ўқи) олам ўқига параллел қилиб ўрнатилади. Циферблат текислигининг ўрнатилишига қараб, Қ.с. экваториал, горизонтал ва вертикал турларга бўлинади. Экваториал Қ.с.да циферблат текислиги осмон экваторига, горизонтал Қ.с. горизонт текислигига параллел қилиб ўрнатилади. Вертикал Қ.с. эса тўғри жанубга қаратилган вертикал текисликларга ўрнатилади. Экваториал Қ.с.да циферблат текислиги *бўлаклларга, горизонтал ва вертикал* Қ.с.ли эса махсус формула ёрдамида ҳисоблаб топилган, тенг бўлмаган бўлаклларга бўлинади.

Офтобли кунда очиқ жойда Қ.с. стерженининг соясн циферблатга тушади ва ҳақиқий қуёш вақтини кўрсатади (яна қ. *Соат*).

ҚУЁШ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛАРИ, сунъий сайёралар — Қуёш атрофидаги орбитага чиқарилдиган космик учиш аппаратлари (ҚУА), Қ.с.й. нинг ҳаракати *Қуёш системаси*даги барча сайёралар ҳаракати сингари Қуёшнинг тортишиш кучи б-н аниқланади. Космик аппарат Қ.с.й. бўлиши учун унга Ерга нисбатан иккинчи космик тезлик (11,2 км/сек) дан катта Қуёшга нисбатан 42,1 км/сек тезлик берилиши керак.

Қ.с.й. 3 турга бўлинади: 1) гелиоцентрик орбиталаги *илмий техник тадқиқот* ўтказиш учун мўлжалланган ҚУА; 2) учиб ўтадиган траекторня бўйлаб ҳаракатланадиган сайёраларни ўрганиш учун мўлжалланган ҚУА. Уларнинг охирги гелиоцентрик орбиталари текширилаётган сайёранинг тортишиш майдони таъсири остида вужудга келади; 3) сайёраларни, сунъий йўлдош орбитасидан тўриб ёки бевосита сайёра сиртига қўниб ўрганиш учун мўлжалланган ҚУА. Булар гелиоцентрик орбиталга чиқарилди, лекин «Ер — сайёра» учиб ўтиш трассасидагина Қ.с.й. режимида учади, Қ.с.й. қуёш активлиги, сайёралараро магнит майдон, қуёш шамоли ва б.ни ўрганишда қўлланилади (яна қ. *«Венера», «Зонд», «Луна», «Маринер», «Марс»*).

ҚУЁШ ТЕЛЕСКОПИ — Қуёшни кузатиш учун мўлжалланган *телескоп*. *Объективининг диаметри* ва фокус масофаси кичикроқ бўлган ихчам Қ.т. қуёш тожини кузатишга мўлжалланган коронографлар, интерференцион-поляризацион фильтрли фотосферани ва хромосферали телескоплар (Қуёшни Нd водород чизиги ёруғлигида кузатишга имкон беради)ни иборат. Йирик Қ.т. Қуёш ёруғлигини кўзгулмас телескопга узатадиган, ҳаракатланувчи икки кўзгудар тизими б-н ҳамда Қуёшни тадқиқ қилиш учун мўлжалланган турли асбоблар (фотоэмерслар, ёруғ

ликни фотоэлектрик қабул қилгичлар, спектрографлар, магнитографлар) б-н жиҳозланади. Оптик ўқининг йўналишига кўра, Қ.т. горизонтал ва минорали турларга бўлинади. Заряд аломада асосланган матрицали Қ.т. анча такомиллашган. Шундай Қ.т. Ўзбекистон ФА *Астрономия институтида* бор.

ҚҮЁШ ТОЖИ — қүёшнинг ташқи, энг кўп чўзилган (Қүёшнинг бир неча диаметрига тенг) қатлами. Қ.т. Қүёш гарлашмалан тахм. миллион марта хира бўлиб, Қүёш тўла тутилиши пайтида яхши кўриш мумкин. Қ.т. Қүёш фаоллиги максимал йилларда симметрик, минимал йилларда эса экватор бўйлаб чўзиқ шаклда бўлади. Қ.т. спектрида кўп марта ионланган Fe, Ca, Mg, C, O ва S элементлари атомларининг эмиссион чизиқлари бор. Қ.т.да барча атомлар ионланган. Қ.т.нинг ўртача т-раси 10^6 К дан юқори ва тож бўйлаб секин ўзгаради. Қ.т.нинг ташқи қатламларидан фазога юқори энергияли заряд (протон, электронлар сочилиб туради ва бу оқим *қүёш шамоли* деб аталади. Қүёшнинг фаол соҳалари устида тож моддаси анча қуюқланиши бўлиб, т-раси 10^7 К гача боради, рентген ҳамда радионурланиш интенсив кучли бўлади. Қ.т. баланд тезларга ўрнатилган махсус телескоплар — коронографлар ёрдамида ҳам кузатилади.

ҚҮЁШ ТОШИ — минерал, гематит ёки слюдани ташқаридан бўлган ярим шаффоф плагиоклаз: олтин каби ялтироқ хусусиятига эга. Қ.т.дан безак тош сифатида фойдаланилади.

ҚҮЁШ ТУРИҒИ — Қүёш гардиши марказининг *эклиптикадаги* энг шим. ёки энг жан. нуқтасидан ўтган пайтлари. Бу пайтларда Қүёшнинг оғишлари мос равишда — *23°27′* ёки *+23°27′* бўлади. Қ.т. пайтларига яқин кунларда Қүёш экватора деярли параллел кўринма ҳаракатланади, натижада Қүёшнинг туш пайтидаги баландлиги деярли ўзгармайди. Тропик йил (365,2422 кун) 6-н календарь йил (365 ёки 366 кун) тенг бўлмаганлиги сабабли Қ.т. календарь сутканинг бошланишига нисбатан турли вақтларга мос келади, одатий йилларда 5 соат 48 мин. 46 сек. кечроқ ёки кабиса йилларда 18 соат 11 мин. 14 сек. олдинроқ келиши мумкин. Ҳоз. вақтда ёзги Қ.т. нуқтасидан календарь йилнинг 21 ёки 22 июнида (астрономик ёз бошланади), қишки Қ.т. нуқтасидан 21 ёки 22 декабрда (астрономик қиш бошланади) ўтади. Шим. ярим шарда ёзги Қ. т. нуқтасида бўлганида, кундузнинг давомийлиги энг узоқ, қишки Қ.т. нуқтасида бўлганида энг қисқа, жан. ярим шарда эса шу кунлари аксинча бўлади.

ҚҮЁШ ТУТИЛИШИ — Қүёшнинг ой гардиши б-н тўсилиши натижасида содир бўладиган ҳодиса; Ой ўз ҳаракати давомида Ер б-н Қүёш орасидан ўтаётиб, маълум пайтларда Қүёш юзасини тўсиб қўяди ва Ой соясн Ернинг маълум ҳудудига тушади. Ўша жойда Қүёшнинг тўла тутилиши кузатилади ва атроф қоронғилашади. Қолган жойларда тутилиш қисман кузатилади. Бир йилда 2 тадан 5 тагача Қ.т. бўлиши мумкин. Ернинг Қүёш атрофидаги ва Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракатлари чўзинчоқ орбиталар бўйлаб бўлгани сабабли улар орасидаги масофа доимо ўзгариб туради. Натижада Қүёш ва Ойнинг кўринма диаметри доим ўзгариб туради. Қ.т. пайтида Ойнинг кўринма диаметри Қүёшникидан етарлича катта бўлса, тўла тутилиш содир бўлади ва унинг максимал фазаси узоқроқ (7,5 мин.дан ошмайди) бўлади. Ой гардиши Қүёш гардишидан кичик бўлса, у Қүёш юзасини бутунлай тўса олмайди ва бу пайтда у осмоида ингичка ёруғ халқа (халқасимон тутилиш) тарзида кузатилади. Ой ўз орбитаси бўйлаб секундига 1 км тезлик б-н ҳаракатланган учун ой соясн ҳам тахм. шундай тезлик б-н ҳаракатланади. Лекин, соя ўз ўқи атрофида айланиб турган Ерга тушади. Ер айланишининг йўналиши ҳам Ой соясининг ҳаракат йўналиши б-н бир хил бўлади. Лекин, Ер юзасидаги маълум нуқтанинг тезлиги Ой соясн тезлигидан камроқ. Ер тезлик экваторда энг катта — секундига 465 м га етади. Ой соясн ўзидан олдинда кутаётган Ер нуқталарини қувиб етиб, катта тезлик б-н ундан ўтиб кетади. Шунинг учун ҳам Қ.т. гарблан бошланиб, шарққа қараб силжийди ва жуда катта масофаларга чўзилиб кетади. Қүёш тўла тутилиши минтақасининг кенглиги 300 км, умумий уз. 10000 км га етиши мумкин. Қолимда кишилар Қүёш тутилишларини олдиндан билганлар. Уларга тутилиш такрорланиб турадиган давр ҳам маълум бўлган. Бу сарос деб аталиб, у 18 йил 11 кун 8 соатга тенг. Ер юзининг маълум жойида тўла Қүёш тутилиши кампан-ҳам такрорланидиган ҳодиса ўрта ҳисобда 300 йилда бир марта кузатилиши мумкин.

ҚҮЁШ ШАМОЛИ — Қүёш плазмасининг сайёралараро фазоги узлуксиз радиал оқиб чиқиши. Аслида Қ.ш. *Қүёш тожининг* ташқи қатламларидан юқори энергияли зарра (протон, электронлар сочилиб туришидир. Қ.ш. терминини биринчи бўлиб америкалик физик Е.Паркер киритган (1958). Қүёш тожининг доимо *1,5—2* млн. К ҳаги қизишш нурланиш орқали сарфланаётган энергия б-н мувозанатда бўлмайди. Қолдиқ энергиями Қ.ш. олиб кетади. Қ.ш плазмаси қүёш тожидаги синтаги асосан протон, электрон ва гелий атомлари ядроларидан иборат. Зарралар зичлиги 1м^3 да тахм. 6 млн.га етади ва уларнинг ўртача тезлиги 400 км/сек. Қ.ш модласи Қүёш магнит майдонларини узоқ б-н олиб кетади. Қ.ш. фазода Ер магнит майдонини чексайди ва Ер орбитаси яқинидаги орбитада ≈5·10^{-5} эрстед.ни ташкил этади. Қ.ш.га ўхшш модда зарраларинг оқиб чиқиши баъзи иолузлардан ҳам кузатилади.

ҚҮЁШ ЭНЕРГЕТИКА ҚУРИЛМАСИ — *қүёш радиацияси* (нури)ни ютиб унинг энергиясини иссиқлик ёки электр энергиясига айлантирувчи қурилма. Иссиқлик ва электр Қ.э.қ. бор. Иссиқлик Қ.э.қ.да иссиқ сув, технологик бут, чучук сув ёки совуқ сувлар ҳосил қилинади. Электр Қ.э.қ. энергини ўзгартириш принципига қараб фотоэлектрик (қ. *Қүёш батареяси*), термоэлектрик, термоэмиссион ёки машина цикли Қ.э.қ. бўлиши мумкин Юқори қувватли (бир неча МВт ли Қ.э.қ. қўпинча Қүёш энергетика ст-яси (қүёш электр ст-яси) деб аталади.

Қүёш т-раси Қ.э.қ.да табиий зичлиги — ~0,8 кВт/м^2 қүёш радиацияси-дан фойдаланилади. Мас., бундай Қ.э.қ ёрдамида олинадиган 60—70° ли иссиқ сув биноларни исгитишда, пастт-рада қайнайдиган суюқликлар (фреон, хлор, этил ва б.) ни бутн махсус турбинадарни ҳаракатлантиришда ва совиткич машиналарида қўлланилади.

Юқори т-рали Қ.э.қ.да қүёш радиацияси зичлиги табиий зичликка нисбатан 10^2—10^4 марта катталаштирилиб бир жойга тўпланади (фокуслаиади) бунинг учун бир ёки бир неча кўзгу ёхуд линзалар тўпламидан фойдаланилади (қ. *Гелиоконцентратор*).

Қ.э.қ. ерда ва космосда қўлланилади. Ердаги Қ.э.қ. тапнарнининг юқорилиги ва иқлим шароитларининг четарлилигиларга тўғайли камроқ ишлатилади. Космик Қ.э.қ.дан ер сунъий йўлоғ-



Қүёш шамоли. Сайёралараро магнит майдонининг америка йўлдоши «1 MP — 1» аниқлаган сектории тузилиши.

лари ва б. космик аппаратларнинг мустақил энергия б-н таъминланда фойдаланилади (яна қ. *Генераторлар*).

ҚУЁШ ҲАЛҚАСИ — Қуёшнинг мос бахболиклардаги кузатиш усули бўйича вақт тузатмаси аниқланадиган асбоб; ички ишлаш металл халқа. Халқа учига ўрнатилган (расмга қ.). Найзадан тахм. 45° масофада тешикча очилган. Тушлаи 2 соат олдин Қуёш тешик орқали ҳосил қиладиган ёруғ нуқтанинг шкала бўлакларидан ўтиш моменти текширилганган соатда белгилаб қўйилади. Кузатиш тушлаи кейин такрорланади. Бу моментлар ёйнавбасининг ярма (ярим минут аниқлигида) ҳақиқий тушлаги соатини кўрсатади. Вақт тенглашмасига қўшиб, ўртача қуёш туи соати ҳосил қилинади; минтақаларнинг географик узунлиги ва соат минтақаси рақами аниқланиб, маҳаллий минтақа вақти, сўнгра соат тузатмаси ҳисобланади.


Қуёш халқаси.

ҚУЁШ — ЕР БОҒЛИҚЛИГИ — Қуёш фаоллигининг Ердаги жараёнларга таъсири. Қуёш тарқатаётган энергия (3,9·10^26 эрг/сек)нинг атиги 5·10^–10 қисми Ерга етиб келади ва у Ердаги деярли барча жараёнларнинг энергия манбаи ҳисобланади. Қуёшнинг рентген, ультрабинафша тўлқинларда нурланиши Ер ионосферасини вужудга келтиради, корпускуляр (зарра) нурланиши, яъни *Қуёш шамоли* Ер магнитосфераси динамикасини белгилайди. Қуёшнинг умумий нурланиши ўзгаришдан 1% дан ошмайди. Бу эса Ернинг иссиқлик мувозанати турғунлигини таъминлайди. Лекин Ердаги барча ҳодисаларга Қуёшдан доимий келаётган энергиядан ташқари, Қуёш фаоллиги б-н боғлиқ бўлган электромагнит ва корпускуляр ўзгаришлар ҳам таъсир этади. Бу ўзгаришлар, асосан, рентген, ультрабинафша ва радиотўлқинлари кузатилиб, Қуёш фаолиятининг 11 йиллик даври ва Қуёшнинг ўз ўқи атрофида айланиш даври бўлган 27 кунлик даврийликларда сезилади. Қуёш чақнашлари вақтида сокин қуёш нурланишига нисбатан рентген тўлқинларда нурланиши 100 марта, ультрабинафша тўлқинларда 50% дан кўпроқ бўлади, радиотўлқинларда нурланиши эса турли чайқалишлардан иборат. Қуёш чақнашлари Қуёш космик нурлари манбаи бўлиб, унда чиқариб ташланган зарралар оқимлари қуёш шамолида узилишлар ва зарба тўлқинларини вужудга келтиради. Қуёш чақнашларининг рентген, ультрабинафша тўлқинларда нурланиши за космик нурлари Ерга 8—30 мин.да етиб келади ва ионосферани қўшимча ионлаштиради, натижада Ер атмосферасида радиотўлқинларининг тарқалиш шароити ўзгаради. Мас., шу пайтларда радиоэтўлқинларнинг ютилиши юз беради, қуёш чақнашлари чиқариб ташланган зарралар оқими ерга 1—2 кунда етиб келиб, магнит бўронлари ва қутб ёруғлари ҳосил қилади.

Қуёш фаоллиги Ер атмосферасининг пастки қатламларни (об-ҳаво ва иқлим) ва *биосферага* бевосита эмас, балки жуда мураккаб йўллар орқали таъсир қилади, чунки қуёш электромагнит ва корпускуляр нурланишида у б-н боғланган чекинишлар Ер атмосферасининг юқори қатламларида юзага келмайди. Кейинги маълумотларга кўра, Ер атмосферасининг юқори ва пастки қатламларидаги шароит бир-бирига боғлиқ бўлиб, Қуёш фаоллигининг *тропосферага* таъсири тўғридан-тўғри етиб

МВт қувватли, Швецариянинг «Нохаб» фирмасида ишлаб чиқарилган 2 та турбинали агрегат); 22-ГЭС Чиноз тумани жойлашган, қуввати 4,4 МВт (2,2 МВт қувватга эга бўлган 2 агрегат). 1954 й.да ишга туширилган. ГЭСлар ишини бошқаришни марказлаштириш мақсадида 1955 й.да улар бир каскадга бирлаштирилиб, К.Б. Г.К. ташкил этилган. Унинг таркибидаги барча ГЭСлар 19-ГЭСдан автоматик бошқарилади.

2003 й.да каскад ст-ялари 233,7 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

ҚУЙИ ДУНАЙ ТЕКИСЛИГИ, Руминия пасттекислиги — Руминия ва Болгариянинг шим. қисмидаги текислик. Шим.да Карпат тоғлари б-н жанубда Болгария платоси оралиғида. Уз. 560 км, эни 40—120 км. Юзаси плейстоцен аллювий ва лёсслари б-н қопланган мезозой ва кайнозой ётқизиқлари б-н тўлган тектоник букилма да жойлашган. Ер юзаси ўр-қирли, дарё водийлари, ясси жар ва жарликлар б-н кесилган. Дунай дарёси дельтаси ва водийсида катта ҳудуллар ботқоқликлардан иборат. Қўл кўп. Иқлими мўътадил, континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —1°, —3°, июлиники 22—23°. Йиллик ёғин 400—600 мм. Дунай дарёси водийсида ўрмонлар сақланган. Қ.Дунайнинг катта қисмидан қ.х.да фойдаланилади. Руминия пойтахти Бухарест ш. жойлашган.

ҚУЙИ ЖАНУБИЙ КАЛИФОРНИЯ — Мексикадаги штат, Калифорния я.о.нинг жан. қисмида. Майд. 73,7 минг км². Аҳолиси 424 минг киши (2000). Маъмурий маркази — Ла-Пас ш. Табиати ҳақида *Калифорния* (ярим орол) мақоласига қ. Ҳўжалигининг асосий тармоғи — қ.х. Суғориб деҳқончилик қилинади: пахта, буғдой экилади, цитрус мевалар етиштирилади. Саноатининг етакчи тармоғи — рангли металлургия. Шунингдек, озиқ-овқат, пахта тозалаш саноати корхоналари мавжуд. Денгизидан маржонлар олинади, балиқ овланади.

ҚУЙИ КАЛИФОРНИЯ ВОДИЙСИ — АҚШ ва Мексикадаги пасттекислик. Калифорния қўлтиғи ботиғининг давоми — тог оралиғидаги тектоник ботиқда жойлашган. Водийнинг жан. қисмидан оқиб ўтган Колорадо дарёси оқизиб келтирган аллювиал жинсларнинг қалин қопламаси б-н тўлган. Қадимда бир неча марта Колорадо дарёси суви босиши натижасида шўр кўллар вужудга келган. Иқлими субтропик қуруқ, иқлим. Йиллик ёғин 100 мм чамасида. *Ўсимлик дунёси креозот буталар, кактус ва б.дан* иборат. Колорадо дарёси б-н Солтон-Си кўли оралиғидаги ерларда суғориб деҳқончилик қилинади, асосан, пахта экилади.

ҚУЙИ САЙЁРАЛАР — Ер орбитаси ичида жойлашган сайёралар — *Венера* ва *Меркурий*. Улар осмон гумбазида Қуёшнинг гоҳ ўнг томонида, гоҳ чап томонида кузатилиб, гўё унинг атрофида тебраима ҳаракат қилаётгандай кўринади.

ҚУЙИ САКСОНИЯ — Германия ери (федератив бирлик). Мамлакатнинг шим. қисмида. Везер, Эмс, Эльба дарёлари ҳавзасида. Шимолий денгизга туташ. Катта қисми Ўрта Европа текислигида жойлашган. Жан.-шарқида Гарц тоғлари бор. Майд. 47,6 минг км². *Аҳолиси 7,9 млн.киши (2001).* Маъмурий маркази — Ганновер ш.

Қ.С. катталиги бўйича 2-ўринлаги ер. Иқтисодиёти индустриал-аграр характерга эга. Фойдали қазилмаларидан нефть, табиий газ, темир рудаси ва рангли металл рудалари, калий ва ош тузи қазиб олинади. Қўнғир кўмир конлари бор. Етакчи саноат тармоқлари: машинасозлик, кемасозлик («Мейер» верфи), пўлат қуйиш ва кимё саноатлари. «Фольксваген» концерни энг йирик корхоналардан бири. Фотоаппарат ва пианино ишлаб чиқарилади. Электротехника, озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари мавжуд. Энг йирик саноат маркази — Ганноверда ҳар йили саноат ва халқаро коммуникация техникаси ярмаркалари ўтказилади.

Ҳудудининг 2/3 қисмидан қ.х.да фойдаланилади. Уларнинг деярли ярми яйлов ва ўтлоқ. Қ.х.нинг етакчи тармоғи — чорвачилик. Асосан, ем-хашак экинлари, илдизмевалилар ва картошка экилади.

Муҳим портлари — Вильгельмсхафен, Эмден, Норденхам, Бракс. Туризм ривожланган.

ҚУЙИ ТУНГУСКА — РФ Иркутск вилояти ва Красноярск ўлкасидаги дарё. Енисейнинг ўнг ирмоғи. Уз. 2989 км, ҳавзасининг майд. 473 минг км². Лена — Ангара сувайиргичидан бошланиб, Ўрта Сибирь асситолизги бўйлаб оқади. Остоналари бор. Асосан, қордан тўйинади. Ўртача сув сарфи қуйилиш жойида 3680 м³/сек. Окт.да музлаб, майда музлан бўшайди. Асосий ирмоқлари: Ўнгда — Кочечум, Вива, Тутончана, Северная; чапда — Непа, Катта Ерёма, Илимпея, Таймура, Учами. Суви ҳўпайганда Тура *шаҳарчасидан қуйилиш жойигача кема* қатнайди. Қуйилиш жойида Туруханск пристани жойлашган. Қ. т. ҳавзасида Тунгуска кўмир ҳавзаси бор.

ҚУЙИ ЧИРЧИК ТУМАНИ — *Тошкент вилоятидаги* туман. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. 1962 й. дек.да Оққўрғон туманига қўшиб юборилган. 1973 й. дек.да қайта ташкил қилинган. 1978 — 91 й.ларда Ғалаба тумани деб аталган. Шим.да Чиноз ва Янгийўл, шарқда Ўрта Чирчиқ, жан.да Оққўрғон туманлари, ғарбдан Сирдарё оралиғи Сирдарё вилояти б-н чегарадош. Майд. 0,36 минг км². Аҳолиси 96 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Дўстобод), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Гул, Истиқлол, Кетмонтепа, Майдонтол, Тошлоқ, Тошовул, Янгиҳаёт, Ўзбекистон, Қўрғончча) бор. Маркази — Дўстобод ш.

Табиати. Туман ҳудуди Чирчиқ ва Оқангарон дарёлари қуйи оқимлари оралиғида жойлашган. Ер юзаси, асосан, ясси текислик, шарқдан ғарбга томон пасайиб боради. Иқлими континентал.

Дўстобод шаҳридаги мотамсаро оппоқ





қиши нисбатан юмшоқ, ёзи узоқ давом этади, иссиқ ва қуруқ. Янв. нинг ўртача т-раси —1° дан —1,5° гача, июлники 26– 27°. Йиллиғ 250–350 мм ёғин тушади. Вегетацион даври 200 — 212 кун. Сугориш каналларни ўтказилган. Тупроғи, асосан, бўз тупроқ. Грунт сувлари ер юзасига яқин ерларда ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ тупроқлар, дарё соҳиларида аллювиал тупроқлар тарқалган. Ёлғир қ. к. да ўзлаштирилганлари табиий ўсимликлар кам. Сирдарё бўйларида баъзи тўқайлар учрайди. Ўсимлиқ дунёси, турангил, ёвойи жийда ва б. ўсади. Ёввойи қайвонлардан тулки, юмронқозиқ, қўшоёқ, кўрсичқон, тошбақа, калтакесак, тўқайларда чиябўри, ёввойи қуён, қушлардан ўрдак, қирғовул, чумчуқ, лойўтар ва б. учрайди. Сувларида сув калампир, бақа, сув илони, балиқлар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, корейс, рус, татар, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолиси нинг ўртача зичлиги 1 км² га 171 киши. Шаҳр аҳолиси 13,6 минг киши, қишлоқ аҳолиси 82,4 минг киши.

Хўжалиги. Туманда 240 га яқин хусусий, 180 кичик корхона ва б. бор. Шулардан йириклари: пахта тозалаш-ти, балиқчилик хўжалиги, «Нисси» қўшма корхонаси (шоли маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган), автокорхона ва б. қ. к.да пахтачилик, галаначилик етакчи ўринда. Пилла ҳам етиштирилади. Тумандаги 11 ширкат хўжалигидан 8 таси пахта ва галла, биттаси шоли етиштиришга, биттаси болдорчиликка ихтисослашган. 387 фермер, 160 деҳқон хўжалиги фаолият кўрсатади. Қ. х. ерларига пахта, галла, шоли, каноп, сабзавот, картошка, озуқа экинлари экилади. Боғлар ва токзорлар мавжуд. Тумандаги жами ва шахсий хўжаликларида 23 минг қорамол (шу жумладан, 11,5 минг сигир), 6,9 минг қўй ва эчки бор, шунингдек, парранда, йилқи ҳам боқилади.

2004/05 ўқув йилида туманда 51 умумий типим мактаби (22,2 минг ўқувчи), 2 касб-ҳунар коллежи (520 ўқувчи) фаолият кўрсатди. 19 кутубхона, 16 клуб муассасаси, 5 стадион, спорт майдончалари ва б. спорт иншоотлари бор. 2 касалхона (240 ўрин), туғруқхона, 2 поликлиника, 15 фельдшер-акушерлик пункти, 16 қишлоқ-врачлик пункти ва б. тиббий муассасаларда 116 врач, 688 ўрта ва кичик тиббий ходим аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудини шарқдан Тошкент — Ангрен т. й. линияси кесиб ўтган. Тошкент — Дўстобод, Тошкент — Оққўрғон автомобиль йўллари ҳам туман ҳудудидан ўтган. Туман марказида Хотира автомобиль вокзали ташкил этилган. 1927 й.дан «Эркин сўз» туман газ. чоп этилади (аладги 1620).

ҚУЙИ ШИМОЛИЙ КАЛИФОРНИЯ — Мексиканинг шим.-ғарбий қисмидаги штат. Асосий қисми *Калифорния* я.о.нинг шим.да жойлашган. Майд. 70,1 минг км². Аҳолиси 2,4 млн. кишн (2000). Маъмурий маркази — Мехикали ш. Иқтисодиётида етакчи тармоқ — қ.х. Суғориб деҳқончилик қилинади. Чорвачилиги ғўшт етиштиришга ихтисослашган. Денгиздан балиқ овланади. Озиқ-овқат, немент, электротехника саноати корхоналари мавжуд. Автомобиль йўллари штатнинг шим.ни унинг жан. қисмлари б-н боғлайди.

ҚУЙИМОЗОР СУВ ОМБОРИ — Бухоро вилоятида Қуйимозор ва Когон т.й. ст-клари оралиғида жойлашган. 1958 й.да Зарафшон дарёсининг этак қисмидаги чуқурликларидан бирининг атрофини кўтариб қурилган. Сув омборининг косаси қумтош аралаш лойқалардан ташкил топган ётқизиқларда жойлашган. Дастлабки сув ҳажми 280 млн. м³, майдони 16,2 км². Энг кенг жойи 5 км, ўртача чуқ 17 м, энг чуқ. жойи 40 м. 1968 й.да сув омбори қосасининг қирғоқларя 2 м дан ортиқ баланд марзалар б-н кўтарилди. Унинг сув ҳажми 350 млн.м³ гача, майд. 17,3 км² га етди. Қ.с.о.га махсус канал (18 км) орқали Зарафшон дарёсидан сув келтирилди, шунингдек, *Амў-Бухоро машина каналидан* 40 м³/с сув қуйилган Қуйимозор насос ст-яси қурилди. Жамғарилган сув ўз. 72 км ва секинда 100 м³/с га қадар сув оқдиган канал орқали иригация шохобчаларига тарқатилади. Сув омборида сув сатҳи ўзгараб туради. Қ.с.о. тармоғига Хорҳўр ва Дуоба гидроузеллари қурилди. 1963 й.дан бери Қ.с.о. Амў-Бухоро машина каналн сувини тартибга солиш мақсадида фойдаланилади. Магистрал канал б-н бирга ликда сув омбори 94 минг га ерни суғаради.

ҚУЙМАЧИЛИК — қ. *Ғиштгарлик.*

ҚУЙМОҚ — тухумга уя чалиб, ёғда қовурнб тайёрланадиган овқат. Чуқурроқ идишга тухум чақиб, қошиқ б-н яхшилаб аталанади, туз б-н ун қўшилади. Оз-оздан ун солиб, қумоқлари йўқолгунча аталанали, сўнгра доғланган ёғда қўймб пиширилади.

ҚУЙМУЧ (лот.ов ischi) — одамда ёнбош суягининг қ. косаларини қосил қилишда қатнашадиган қисми; таянси ва ундан пастга давом этган юқори бутони бор. Ана шу бутоқ бурчак шаклида пастки бутоққа ўтали; Қ. суяги иккала бутогининг ўзаро бирлашган жойи кенгайиб ўтгонлашиш Қ. дўмбочини қосил қилади. Қ. суяги танасининг орқа томонидаги ўткир учли ўсиқ б-н Қ. дўмбоғи орасида Қ.нинг кичкина ўймаси жойлашган. Қ. ҳамда қов суякларининг бутоқлари ўзаро бир-бири б-н қўшилиб, каттагина тўғум шаклидаги ёпқич тешикни вужудга келтиради.

ҚУЙМУЧ НЕРВИ (nervus ischiadicus) — одам ва умуртқали қайвонлардаги энг йирик нерв. Орқа мия ўсиқлари ва орқа мия тутунининг сезувчи толалари (одамда 4, 5-жуфт бел ва 1—3-жуфт думғаза нервлари)дан қосил бўлади. Бу нерв думғаза чигалидан ўзун тармоқлар тарзида ноксимон мускул остн тешити орқали чиқади. Қ.н. битта ёхшт биринктирувчи тўқима пардаси б-н ўралган, катта болдир ва кичик болдирнинг умумий нервларидан иборат. Булардан бири оёқ кафти ва болдир-



Қуйимозор сув омбори.

нинг орқа гурух мускулларини интервацияларини, у тизза, панжа бўғими ва панжанинг кафт териси б-н медиал томондаги терисига тармоқлар беради. Иккинчиси умумий кичик болдир нерви чуқур (дарахатлантирувчи толалар) ва юза (сезувчи толалардан иборат) шохларга бўлинади, товон ва болдирнинг ташқи томонидан терисини интервацияларини, К.и.нинг орқаги клиентларини — ишиас кўприк кузатилади.

ҚУЛБОБО ҚЎҚАЛДОШ, амир Қулбобо, Муҳиббий (тахм. 1534—1598, Бухоро) — давлат арбоби ва ҳарбий сарқарда. Отаси Искандархон ва Абдуллахон II нинг бош сардори бўлган. *Искандархоннинг ўғли Абдуллахон II* нинг қўлқадош (эмиштаси) иниси ва яқин кишиларидан бирига айланган. Отаси вафот этгач (*1581*), К.К. унинг садр лавозимини эгаллаган. Абдуллахон II Бухоро тахтига ўтиргач, К.К. саройда нуфузли мансаб — *кўкалтошлик*ни эгаллаган, девони мушриф раъбарлик қилган ва хонининг кўпгина ҳарбий сафарларида иштирок этган. К.К. йирик сарқарда сифатида Кундуз ва Балахшондаги бошқа шаҳарларни эгаллашга жонбозлик кўрсатган (1584). 1587 й.дан Хирот вилояти нозири. Сафавийлар давлати Хуросонлаги Тус ва Табас шаҳарини босиб олиш учун ҳужум қилганида К.К. ва Динмуҳаммад Султон *қизилбошлар*ни маглубиятга учратган (*1592*). Бирок К.К. нуфузининг ортиб бориши ва Хиротда нозир бўлиб туриши Абдуллахон II ни ташвишга солган. Ўзи ҳам ҳокими валиаҳд *Абдулмўминхон* ўртасидаги муносабатлар ёмонлашувига олиб келган. *Хофиз Таниш Бухорий* ўзининг «*Абдулланома*» асарида К.К.ни «умдат ул-мулк» («подшолик таянчи»), «*нишоми салтанат*», «амир Низомиддин» деган таърифлар б-н улуғлайди. К.К. ўз лавозимини сиёсатни қишлардан бири бўлиб, у шоирлар, олимлар ва санъаткорларни жуда қадрлаган ҳамда уларга ҳомийлик қилган. Ўзи ҳам шоирликда ном чиқариб, «Муҳиббий» тахаллуси б-н шеърлар ёзган. Унинг *Балхда жуда бой кутубхонаси бўлган*. У вазир ва амир сифатида ўзининг шахсий маблағи ҳисобидан Бухоро, Балх, Самарқанд ва Тошкентда 1551—75 йилларда 4-та мадраса қурдирган (қ. *Кўкалдош мадрасаси*). Хусусан, Балхнинг ободончилигига катта эътибор қаратиб, бу ерда жоме масжиди ва работ ҳам қурдирган.

Абдуллахон II вафот этгач, унинг ўғли Абдулмўминхон отасининг яқин кишиларн қаторида К.К.ни ҳам қатл қилдирган (1598).

Манба: Хофиз Таниш аз — Бухорий, Абдуллнома, 1—2-китоблар, Т., 1999—2000.

Ас: Ахмедов Б. А., Историко Балхо, Т., 1992.

ҚУЛДОРИК ЖАМИЯТИ — ижтимоий тарихида *ибтидоий жамият* ўрнига келган тузум. К.ж.да — қулдорлар ва қуллар б-н айни пайтда эркин деҳқонлар, ҳунармандлар ва б. ижтимоий гуруҳлар ҳам мавжуд бўлган. Энг қад. қулдорлик *давлатлари* (*Миср*, Шумер) мил. ав. 4-минг йиллик охири — мил. ав. 3-минг йиллик бошида вужудга келган. К.ж. Юнонистон (мил. ав. 5—4-а.лар) ва Қад. Римда (мил. ав. 2-а. — мил. 2-а.) юксак даражага ривожланган. Давр тўғрили б-н бу жамият ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига тўсиқ бўла бошлагач, Қулдор қўлголонлари қуллорликнинг емирилишини тезлаштирган.

ҚУЛЖҰҒТОВ — Навоий вилоятидаги тог. Қизилқумдаги қоялик тоғлардан бири, Жан. Қизилқумнинг чекка қисмида. Қ. нисбатан паст тог бўлиб, энг баланд жойи 785 м. Геологик жиҳатдан Қ. палеозой даврининг ордовик вулканоген терригени ва қисман, карбонат жинсларидан ҳамда силур, девон, қуйи карбон даврларининг карбонатли, ўрта ва юқори карбонинни вулканоген-терриген ётқизиқларидан ташкил топган. Юза қисми палеозой даврининг гранит, алевролит каби жинслари б-н қопланган. Иқлими кескин континентал. Қ. қурук ва иссиқ иқлим шароитида экзоген жараёнларга кўпроқ дуч келган, натижада емирилиб пасайиб қолган. Унинг шим. ёнбағри қия ва кўплаб қурук ўзанлар б-н кесилган. Баъзида бу ўзандан қисқа муддат сув оқади. Иккала энг юқори т-ри 48°, энг паст т-ри —28,5°. Йиллик ўртача т-ра 15,2°. Йиллик ёғин 104 мм. Фойдали қазилмалардан олтин, графит, волъфрам ва б. бор. Тог этакларида кумлоқ тупроқ ва мустаҳкамланган қум ўсимлиги мавжуд. Шувоқ, боялич, сой этакларида эса калтак учрайди. Ҳайвонлардан қўшоёқ, тулки, *чинбўри*, қалтакесак, *тошбақа*, *чарх илон*, кўзойнакли илон, тог этакларида кемирғичлар яшайди. Қ. ва унинг этагилари ёзлардан чорвачилик учун яйлов сифатида фойдаланилади.

ҚУЛИЕВ Қайсин Шуваевич (1917.1.11 — ҳоз. Қабарда-Балкария Республикаси, Чегем тумани — 1985.4.6) — болқор шоири. 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—44). Москвадаги Театр санъати ин-тини тугатган (1939). Илк шеърлар китоби — «Ассалом, тонг» (*1940*). Асарларида инсон кечимлари, табиат, ватан, озодлик ва турмуш ташвишлари, ўз замонаси ва тарихий ўтмиш воқеаларн акс эттан. «Қўшиқларим» (1939—45), «Даралар қўшиғи» (1960) шеърий тўпламлари ва «Яралар тоши» (1964), «Ер китоби» (1972), «Оқшом» (1974), «Замин чиройи» (1980) каби достонлар муаллифи. Болқор халқи тарихи ва тақдирига бағишланган «Қиш эди» (1985) эпик асари умрининг *охирларида ёзилган. Бир қатор Кавказ* халқлари вакилларн қаторн Ўрта Осиёга сургун қилингач. К. 1944—57. й.ларда Қирғизистонда яшаган. Ўзбекистонда ўтказилган нуфузли адабий тадбирларда муntазим қатнашган. У ўзбек шеъриятини ниҳоятда қадрлаган; Зулфия, Шукрулло, Абдулла *Орипов каби ўзбек шоирларининг* шеърларини болқор тилига таржима қилган. «Гул ва ханжар» (1968), «Кўзларингнн севаман» (*1977*), «Мени ардоқлаган аёлларга» (2004) китоблари ўзбек тилида нашр қилингап.

Ас: Собрание сочинений, в 3-х т., М., 1987.

Ас: Эфендиев Т.. Кайсын Кулиев, М., 1985.

ҚУЛИЕВА Майя (Мамажон; 1920, Ашхобод тумани) — туркман хонанда си (дирик сопрано). Халқ артисти (1955). Москва консерваториясида таълим олган (1938—41). 1941 й.дан Мақтумқули номидаги Туркман опера ва балет театрининг яккахон хонандаси. Моҳим, Шохсанам, Айна (А.Шапошников, «Тоҳир ва Зуҳра», «Шохсанам ва Гариб», «Айна»), Лайли (Ю.Мейтус, Д.Овезов, «Лайли ва Мажнун») каби партияларни катта истеъдод б-н, мумтоз операларидан ҳам кўпгина партияларни муваффақиятли ижро этган (П.Чайковскийнинг «Евгений Онегин»ида Татьяна, Ж.Бизенинг «Кармен»ида Микаэла, *Ш.Гуноннинг «Фауст»ида Маргарита* ва б.). Халқ қўшиқларининг моҳир ижрочиси сифатида ҳам танилган. Бир неча туркман фильмида суратга тушган.

ҚУЛЛИК — эксплуатациянинг тарихан дастлабки ва энг қўпол шакли, унда қул н.ч. қуролдан қаторида, *ўз хўжайини — қуллорнинг мулки ҳисоб*ланган. Қуллорлик тузумига асос бўлган. Қ.нинг манбаи: уруш ёки қароқчилик пайтида асир олинган бегона қабила аъзолари, жиноят қилган

ёки қарзларини тўлай олмаган қабиладошлар, шунингдек, қулларнинг табиий қўпайиши, қуллар савдоси ва б. Қулдорлар жабр-зулми қулларнинг йирик кўзғолонларига сабаб бўлган (қ. Спартак қўзғолони).

Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмон мамлакатларида Қ. бўлганми ёки тарқалганми. Ислом дини мусулмонларни қул қилишни тақиқлагани, шунинг учун ҳудудлар пайтида асир тушган ва Европа, Осиё ва Африка босқинларидан сотиб олинган тайфиларнинг Қ.нинг асосий манбаи бўлган. Мусулмон Шарқи мамлакатларида қуллар оғир ишларда — конларда, қўшинларда хизмат қилишган (қ. Мамлуклар). Осиё, Африка ва Америка мамлакатларининг мустамлака асоратига солинишини муносабати 6–8 (16-а.) Қ.нинг янги босқичи бошланган. 17—19-а.ларда қул савдоси янг ортган. Америкага келтирилган қулларнинг умумий сони 10 млн. кишидан ошиб кетган. Плантацияларда оғир меҳнат қилувчи қулларга яна қўшимча сифатида қаралган. Қуллар қаршилигининг кучайиши ва Қ.ка қарши кенг жамоатчилик ҳаракатининг авж олиши натижасида Қ. бекор қилинга бошланган. Мас., АҚШдаги фуқаролар уруши (1861—65) натижасида Қ. бекор қилинган. Бироқ Марказий ва Жан.-Арабистонда ва Африканинг баъзи мамлакатлари (Эфиопия, Нигерия ва б.)да Қ. 20-а.нинг 50-й.ларигача сақланган. БМТ 1948 й. қабул қилган Инсон ҳуқуқи умумий декларациясининг 4-моддасида Қ. ва қул савдосининг ҳамма турлари тақиқланиши эълон қилинган. 1956 й. Женевада 59 давлат вакиллари Қ. қул савдоси ва Қ.ка ўхшаш одатлар (мажбурий меҳнат ва б.)ни бекор қилишига доир конвенция қабул қилишган. Ўрта Осиё мамлакатларида Қ. классик шаклда намоён бўлмаган. Бу ерда қулларни уй хизматлари (қароллар), *гулом-лар* ва б. сифатида фойдаланилган. Ҳарбий ишга олинган гуломлар баъзан, кейинчалик йирик лавозимларга иришганлар (қ. *Сабуктегин*).

ҚУЛМАМЕДОВ *Омон (1908,31,12, Гиждувон тумани — 1977)* — туркман актёри, реж., туркман миллий профессионал театр санъатининг асосчиларидан. Халқ артисти (1949). Москванги театрни драма студиясида таълим олган (1926—29), 1929 й.дан Мухлланпас номидаги Туркман академик драма театрида актёр, реж., 1963 й.дан директор ва бош реж. Отелло (У.Шекспир, «Отелло»), Мақтумқули ва Чернишев (Б.Кербобоев, «Мақтумқули», «Далил қалам»), Оллон (Г.Мухторов, «Оллонинг онласи»), Шаҳар ҳокими (Н.Гоголь, «Ревизор») ва б. роллари б-н туркман театр санъатида ўчмас из қолдирди. Реж. сифатида «Тоҳир ва Зуҳра», «Бой ила хизматчи», «Хазиналар оролы» сингари спектакларни саҳналаштирган.

ҚУЛМОҚ, *хмель (Humulus)* — тутдошлар оиласига мансуб чирмашиб ўсадиган кўп йиллик ва бир йиллик ўсимликлар туркуми. Мўътадил иқлимли минтақаларда 4 тури тарқалган. Россиянинг зах ва кенг барглн ўрмонларида, дарё қирғоқларида одий Қ., Узоқ Шарқда япон Қ.и ўсади. Ўзбекистонда одий Қ. (H.lupulus L.) тури экилади. Новси чирмашиб ўсади. Бўйи 10 м, барглари бандли, қарама-қарши жойлашган ён барглари. Уруғчи гуллари 30—50 та дан қубба-тўпгулларга йиғилиб барг қўлтиғида жойлашган. Уруғчи гулларида лупулин ажратувчи тилла-сариқ безчалари бор. Эр-



Қулмоқ: *1*— уруғочи тўпгулли шоҳчаси; *2* — эркак тўпгулли шоҳчаси.

как тўпгуллари рўвак. Меваси ёнғоқча. Асосан, уруғчи қубба тўпгуллари учун экилади. Пиво тайёрлашда, нон учун ачитқи сифатида ҳамда тиббиётда (дори воситасида) қўлланилади. Мансарали ўсимлик сифатида ўстирилади. *Илдизпоясини бўлиш йўли б-н кўпайтирилади.*

ҚУЛОҚ — одам ва умуртқали ҳайвонларнинг эшитиш ҳамда мувозанат органи; эшитиш анализаторининг периферик қисми. Ташқи, ўрта ва ички Қ. фарқ қилинади. Ташқи Қ.қа қулоқ суprаси ва ташқи эшитув йўли киради. Қ. суprаси устн тери б-н қоплангнан эластик тоғайдан тузилган. Суprаннинг пастки юмшоқ қисмида тоғай бўлмайди. Ташқи эшитув йўли анча кенг бўлиб, уз. 30—35 мм, ўрта қисми торайган (бўйин). Ташқи эшитиш каналини қоплаган тери сертук бўлиб, ёғ безлари олтингугуртга бой модда (сера) ишлаб чиқаради. Қ. сарнғи деб шунга айтилади, у ҳимоя вазифасини бажаради; *одатда у қаткалоққа айланади ва пайчаси, гапирнш пайтида уз-ўзидан ташқарига ажралиб чиқади.* Қ. сарнғи кўп миқдорда, сера тиқинн (пробкаси)ни ҳосил қилиб, ташқи эшитув йўлини бекитиб қўяди. Бу йўлнинг орд девори пастки жағ бўғими б-н четараллоқ, шунинг учун унинг иллизгланиш касалликларида оғиз очилса, Қ.да оғриқ пайдо бўлади. Ташқи эшитув йўлига пастда Қ. олди бези тегиб туради, Ўрта Қ. ноғора бўшлиғи (ичи ҳаво б-н тўлган), эшитув суякчалари (болтача, сандон, узанги) ва ҳалқум (яткин) б-н туташган. *Евстахий найдан* ташқи томпан, у ўрта Қ. бўшлиғидаги ҳавони алмаштириб, бир мувозанатда сақлаб турши вазифасини бажаради. Ўрта Қ.нинг ташқи девори — Қ. пардаси юпқа, аммо *пишиқ пластинкадан иборат. Кишн яттнганда Евстахий найи очилиб, ҳаво* бирун-ҳалқумдан ўрта Қ.ға ўтади. Ноғора бўшлиғининг девори бош мия, йирик қон томир ва юз нервига яқин жойлашган. Ўрта Қ.дан ичкарида спирал шаклидаги ва ташқи кўринишн чиғаноққа (эшитиш органи) ўхшаш, ярим ҳалқасимон каналлар бор; ички Қ. чакка суягининг пирамида қисми ичида жойлашган бўлиб, суяк ва парда лабиринтдан иборат. Суяк лабиринт б-н парда лабиринт орасилари бўшлиқ перилимфа суюқлиги б-н тўла. Ички Қ. нестибуляр аппарат ва чиғаноқ қисмлари ёрдамида товуш тебранишн ҳамда тавла мувозанатининг ўзгаришини қабул қилиш вазифасини бажаради. Чиғаноқ ичида сезгир эшитув ҳужайралари бор. Қ. суprаси, ташқи эшитув йўли, Қ. пардаси ва эшитув суякчалари бу ҳужайраларга товуш тўлқинларини етказиб бериб, уларни таъсирлайди; таъсирот сезгир эшитув ҳужайраларининг ўсиғидан ташқи топган эшитув нерви орқали бош мия пўстлоғига келади, товуш асосан шу ерда аниқ қилинади ва эшитиш



Қулоқ суprаси: *1* — четки букилма; *2*— қарама-қарши букилма; *3* — қулоқ дўмбоғи; *4* — қарама-қарши дўмбоқ; *5* — ташқи эшитув йўлаг; *6* — қулоқ юмшоғи.

функцияси аҳволга келади. Товуш манбаи қайси қ.қ ишга боғлиқ, шу қ. олдини ва кучли эшитади, шунга қараб товуш манбанини аниқлаш мумкин. Мувозанат аъзоси (вестибуляр аппарат) ярим халқасимон каналлардан ташкил топган; булар турли сатҳда жойлашган бўлиб, ичида эндолимфа суюқлиги бор. Каналларнинг бир учи ампула шаклда кенгайган; ампула ва халтачалар ичида *нерв ҳужайралари жойлашган*; улар фазода тана ўз ҳолатини ўзгартиришда ва бош тез ҳаракат қилинганда таъсирланади. Вестибуляр аппарат ҳолати ҳар кимда ҳар хил. Айрим кишиларнинг вестибуляр аппарати тез қўзғалувчан бўлади, бундай кишилар автомашинада узоқ юролмайди. Баъзи кишиларда, шунингдек, максус машқларни ўтганларда вестибуляр аппарат *ҳатто самолёт* ва космик кемада учишлек кучли таъсирланади *ҳам сust қўзғалади. Вестибуляр* аппарат кўз соққасини ҳаракатлантирувчи, юрак қисқаришп, терлаш каби функцияларни бажарувчи нервлар б-н боғланган.

ҚУЛОҚ КАСАЛЛИКЛАРИ — қулоқнинг турма нуқсонлари, шикастланиши ва касалликлари. Туғма нуқсонларига: ташқи эшитув йўлининг битиб *кетиши (атрезиялар), қулоқ супрасининг* яхши ривожланмаганлиги (микротия), *яъни кемтик бўлиши (халқа* чиноқ дейилади) ёки бутунлай бўлмаслиги (анотия); ўрта қулоқда, асосан, иогора бўшлиғидаги суяк тўқимасининг ўсиб кетиши, эшитув суякчаларн бўлмаслиги ёки уларнинг ўзаро бирикиб кетиши; ички қулоқда корти *органининг йўқлиги* ёки тўла ривожланмаганлиги ва б. киради. Ташқи *қулоқ шикастлари, мас.,* қулоқ супрасининг лат ейиши (аксари спорт травмаси), унинг тери ости ёки тогай парадиси қон қуйилиши (*гематома*) кўп учрайди. Калла суяги оғир жароҳатлинганда, одатда, ўрта ва ички қулоқ шикастланади. Ҳаддан зиёд кучли овоз ёки узоқ вақт шовқин таъсир этиши — акустик травма, шунингдек, *юқори ҳароратли босимнинг бирдан* пасайиши (баротравма) оқибатида ички қулоқ зарарланади. Қулоқ сариғи (қулоқ кири, чирк ҳам дейилади)нинг кўп ажралиши (ҳамда ташқи эшитув йўлига тиқилиб қолиши) ташқи қулоқнинг кенг тарқалган (иллиплапиисиз учрайдиган) касалликларидан. Қулоқ супраси терисида экзема, сариамас, чипқон, *замбуруғ касалликлари* (отомикоз) ҳам қунтлидир; ўрта қулоқ б-н ички қулоқни бирлаштириб турадиган овал дарча соҳасидаги суяк тўқимасининг ўсиб кетиши натижасида эшитиш хусусиати тобора пасайиб бориши мумкин (қ. *Отосклероз*). Ички қулоқнинг яллитланишпси кечадиган касалликлари *интоксикация*, қон айланиши, петератив нерв системаси ва эндокрин безлар фаолиятининг бузилиши оқибатида келиб чиқади. Қулоқнинг яллитланиш б-н ўтадиган касалликлари *отит деб* аталади (қ. *Қулоқ оғриши, Қулоқ шанғиллаши*). Касалликка ўз вақтида даво қилиб, бемор врач буюргапларини қатъий бажарса, у кўпинча тузалиб кетади; аксинча, врач кўрсатмаларига амал қилинмаса ёки ҳар ким ўз билгича лаволаяса, яллитланиш сурункали тус олиши, шунингдек, *менингит, сепсис*, мия тўқимаси *абсцесси* каби *оғир асоратларга* олиб келиши мумкин. Аксарият, инфекцион касалликлар (*ерисп*, менингит, *қизамиқ*, тепки), шунингдек, антибиотикларнпи назоратсиз ишлатиш (асосан, ўз билгичча даволаш), хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилмаслик, индивидуал ҳимоя воситаларидан фойдаланмаслик ва б. қулоқ *оғриғпи ва карликка сабаб бўлади*.

Қулоққа ёт жисмлар — тутмча ва б. тушиши (хусусан, болаларда) ва майда ҳашаротлар кириб, кетиши тез-тез учраб туради. Қулоққа ёт жисмларни фақат врач чиқариб олиши лозим, ўз билгича уринини ёт жисмни ичкарига итариб *юборши ва уни олишни қийинлаштириши* мумкин. Қулоқ шикастланиши оқибида қулоқ супрасини сочиқ уруши кўп учрайди. Қулоқни фақат косметик кабинетда тештириш керак, акс ҳолда қулоқ супрасига инфекция кириб, уни яллигланпшпни мумкин. Қ.қ.нинг олдини олиш ва эшитиш фаолиятини асрашда бурунда нормал нафас олишнинг аҳамияти катта. Шунинг учун айниқса, болаларда аденоид, полип, гайморит ва қ.к.ни ўз вақтида даволаш, бурун тўсиғи қийшпқпни *бартараф этиш зарур*.

ҚУЛОҚ ОҒИРЛИГИ — эшитиш қобилиятининг пасайиши. Болаларда кўпинча ўткир ёки сурункали *отит*, бурун ва бурун-ютқун касалликлари (кўпинча *аденоид*) оқибатида юзага келади. Эшитув нерви ва ички қулоқлари *патологик жараёнлар кўпинча* Қ.о.га сабаб бўлади. Баъзи туғма ва болаликдаги Қ.о. сабабли бола нутқи бузилиши мумкин. Катталарда отосклероз, ички қулоққа қон айланишнинг бузилиши, эшитув нервининг ёшга қараб ўзгариши (кексалик Қ.о.), шунингдек, узоқ вақт кучли шовқин таъсири ва сурункали интоксикация (алкоголь, никотин, симоб, кўргошин ва б. таъсири) ҳам Қ.о.га олиб келади. Қ.о. *енгил, ўртача* ва *оғир* кечади. Давоси: Қ.о. га сабабчи омиллар йўқотилади, турли дори-дармонлар ёки операция йўли б-н даволанади. Кўпроқ эшитув аппаратлари қўлланилади.

ҚУЛОҚ ШАНҒИЛЛАШИ — ташқи товуш таъсирисиз қулоқда шовқин сезилиши. Соғлом кишиларда баъзи *шовқинсиз тинч шароитда ҳам Қ.ш.* (физиологик шанғиллаш) кузатилади, бу ички қулоқнинг майда томирларида қон ҳаракатланишининг *сезилиши натижасида солир бўлади*. Ўрта ёки ички қулоқ, ёхуд эшитув нерви касалланганда, симоб, кўргошин, мишьяк каби баъзи дори моддаларпан заҳарланганда, гипертония, гипотония ва б. касалликларда патологик Қ.ш. рўй беради. Қон босими ўзгарганда, руҳий изтироб, жисмонан зўриқиш, толиқиш ва б.да Қ.ш. кучайиши мумкин. Баъзан ҳомиладорлик, климактерия даврида ҳам вақтинча қулоқ шанғиллайди. Қулоқ шанғилларида *ларқол врачга учрашни лозим*, чунки у қулоқ ва юрак-томир системаси касалликларининг дастлабки белгиси бўлиши ҳам мумкин. Ҳомиладорларда Қ.ш. рўй берса, албатта, аёллар консультациясига кўриниш лозим; бу даврда Қ.ш. ҳомилалор аёл ҳон босимининг кескин ўзгаруванлиги (бекарорлиги) ва ҳомиладорлик токсикози *сабабли бўлиши мумкин* (қ. *Ҳомиладорлик токсикозлари*).

ҚУЛОҚЛАШТИРИШ, «қулоқлар» (рус. кулачество — муштумўр) — мустабид совет режимининг бадавлат ва ўрта ҳол деҳқонларни қишлоқ буржуазиси сифатида тугатиш сиёсати (1929—33). *Улуғ Октябрь ер-сув islohoti* ўтказилиши жараёнида қишлоқдаги бадавлат хонадонларни «муштумўр» («қулоқ») сифатида баҳога қилиш бошланган. Бу исложот даврларида 28 минг йирик ва ўрта мулкдорларнинг хўжаликлари тугатилган ва уларнинг ерлари мусодара қилинган эди. Совет ҳукумати қ.х.ни жамоалаштириш (коллективлаштириш) даврлари бошлаб қулоқларни синф сифатида тугатишга жиддий тайёргарлик кўрган.

ВКП(б)МК Сиёсий бюросининг «Ёппасига жамоалаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва ВКП(б)МК Ўрта Осиё бюросининг «*Қулоқларни синф сифатида тугатиш* б-н боғлиқ тадбирлар тўғрисида»ги кўрсатмалари (1930 й. 26 янв.) асосн-

да Ўзбекистон Компартияси МҚ 1930 й. 17 февр.да «Колхозчиларни ер ва ҳўлоқ ҳўжаликларини тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилган. Ўзбекистон ССРда қўлоқ ҳўжаликларини тугатиш компанияси шу қарордан сўнг авж олган.

Қ. ва ўртаҳол деҳқонларга нисбатан ўрлиқ қилиш республикадаги синфий вазиятни кескинлаштирди. Деҳқонларнинг норозилиги кучайиб, Фарғона ва Зарафшон водийлари, бошқа ҳулуқларда оммавий норозилик намойишлари, совет тузумига қарши исёнлар ва қўроллн чиқишлар юз берди. Баъзи исёнлар қўроллн қўзғолон даражасига кўтарилган. Фақат Қашқадарё округида 1930 й. бошларида деҳқонларнинг 14 та норозилик чиқишлари юз бериб, уларда 3700 киши иштирок этган. 1930 й. март ойида ЎзССРда 240 та, ССССРда 2 минг.дан ортиқ қўроллн чиқишлар қайд этилган.

«Қўлоқлар» сифатида рўйхатга олинган бадавлат ҳўжаликларнинг мол-мулки тўлиқ мусодара қилиниб, уларнинг оилалари ўзга жўрлар (Ўзбекнстон, Шим. Кавказ, Сибирь, Қозогистон, Узоқ Шарқ ва х.к.) га сургун қилинган. Шунингдек, республиканинг ўзида қўлоқлар учун махсус концентрацион лагерлар ва кўчириб келтирилганларнинг мажбурий меҳнат посёлкалари (17 та) ташкил қилинган. Совет ҳокимиятига қаршилик қилган «қўлоқлар» эса қамоққа олинган ва отиб ташланган.

«Қўлоқлар»га қарши кураш ЎзССР да кўп сайин кенгайиб борган. 1931 й. авг.да 3828 та «қўлоқ» ҳўжаликлари тугатилиб, 3871 ҳўжалик «қўлоқ оиласи» сифатида Украина, Сибирь ва Шим. Кавказга сургун қилинган. Расмий маълумотларда кўрсатилишича, 1933 й.да Ўзбекистонда сургун қилинган «қўлоқ» ҳўжаликлари сони 5500 тага етган.

Ўрта Осиё республикаларидаги мажбурий меҳнат кўчиндиларининг сони 1934 й. 1 янв. ҳолатида 29559 кишн бўлса, орадан бир йил ўтгач, уларнинг сони 12039 кишига тушиб қолган (қамайш, асосан, вафот этганлар ва қочиб кетганлар ҳисобидан).

1933 й.да Қ. сиёсати, асосан, амалга оширнб бўлинган. Бироқ 1934—37 й.ларда ҳам кўплаб бадавлат деҳқон ҳўжаликлари «қўлоқ» қилинган.

Совет режими қишлоқда ўз ҳокимиятини тўла ўрнатиб, жамоалаштиришга эналга оширнб бўлгач, сургун қилинган «қўлоқ» ҳўжаликларига нисбатан ўз сиёсатини бир оз «юмшатган». Мас., СССР МИК 1934 й. 27 майда «Собиқ қўлоқларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилиб, унда «қўлоқлар»нинг сайлов ҳуқуқлари тикланган.

Иккинчи жаҳон урушн даврида мажбурий меҳнат кўчиндилари тарқнбн да катта ўзгаришлар юз берган. Урушгача ва урушнинг дастлабки даврида «қўлоқлар» ва уларнинг чақириқ ёшидаги фарзандларини меҳнат сургунидан озод қилиш бошланган эди. Уруш бошланган, бу жараён ҳам тўхтатилди. 1942 й.да СССР ҳулудида меҳнат сургунида бўлган 100 минг кишн (ЎзССРда 1152 кишн) — «қўлоқлар» ҳаракатдаги армия сафига чақирилиб, фронтга жўнатилган.

Совет тузуми даврида қулоқликка тортилиб, сургун қилинганлардан тирик қолганларининг ярмн фуқаролик мақомини олиб, ўз юртига қайтиш жараёни жуда оғир кечиб, у тахм. 20 й.дан кўпроқ вақт (1934—56 й.)ни ўз ичига олади.

«Қулоқ» қилинганлар миқдори тўғрисида тарихий адабиётлар ва архив манбаларида турли рақамлар келтирилади. Фақат 1930—31 й.ларда ССССРдаги махсус посёлкаларга ишлаш учун кўчирнб келтирилган «қулоқлар» сони 1803000 кишн (391 026 ҳўжалик) бўлган. Айрим тадқиқотчилар ҳисобига кўра, «қулоқ» қилинганлар 3,5—9 млн. кишн атрофида эди.

Ўзбекистонда тугатилган ва сургун қилинган «қулоқ» ҳўжаликларининг аниқ миқдори ҳозиргача тўлиқ аниқланмаган. Баъзи маълумотларга кўра, бу даврда 20 минг «қулоқ» ҳўжаликлари (тахм. 80 000 — 100 000 кишн) бадарға қилинган, уларлан 31 700 кишн эса репрессияга учраган. Фақат 1931 й. авг. — 1932 й. май ойлари ичида республикадан 9 651 ҳўжалик (61 872 кишн) «қулоқлар» сифатида сургун қилинган.

Ақ.: Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения 1917—1937 гг., Т., 1992; Аминова Р.Х., Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане, Т., 1995; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Ўзбекистон тарихи (1917—1991 й.), Т., 2000; Шамсутдинова Р., Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари, Т., 2001; Шамсутдинов Р., Қушлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун, Т., 2003.

Рустамбек Шамсутдинов, Қаҳрамон Рижабов.

ҚУЛУН — отнинг бир ёшгача бўлган боласи. Янги туғилган Қ.нинг оғирлиги онасининг вазнига нисбатан 8—11% ни ташкил қилади. Қ.лар онасини 6—7 ойгача (бир кунда 50 мартагача) эмали, 2 ойлигидан онаси 6–8 бирга яйловга қўйилади. 3 ойлигидан бошлаб донли озуқа берила бошлайди. Сутдан ажратиладиган пайтга келиб бир суткада 3 кг гача донли озуқа истеъмол қилади. Қ.ларнинг сут тишлари 6–9 ойлигида чиқади. Уларга сабзи, минерал озуқа сифатида бўр, туйилган оҳак бериш фойдали. Озуқа рационига бир кунда 15—25 г туз қўшиш муҳим ҳисобланади. 1 ёшдан ошган Қ. *тай* деб аталади.

ҚУЛУНДА ЧЎЛИ, Қулунда текислиги, Қулунда — Ғарбий Сибирнинг жанубдаги текислик. РФ Олтой ўлкаси ва Қозогистон Республикасининг Павлодар вилоятида, Обь ва Иртиш дарёлари оралиғида. Қулунда текислиги ботиғлар ва жойбошлари. Ботиқнинг ясаси тўртбурчли давр флювиоглянал, қўл ва дарё ётқизиқлари 6-н қоплаган. Майд. 100 минг км² га яқин. Баландлиги марказий қисмида 100—120 м, жан. ва шарқида 200—250 м. Рельефида узун қирлар — марзалар (50—60 м) хос; уларни дарёлар ва аччиқ-шўр кўллар ажратиб туради. Кўлларда сода, глаубер ва ош тузи захиралари катта. Иқлими континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —17°, —19°, июлники 19—22°. Йиллик ёғин 250—350 мм. Шим.-шарқида бошоқли дашт ўсимликлари ўсади. Қ.н. Ғарбий Сибирнинг муҳим қ.х. райони.

ҚУЛУПНАЙ, ертут (Fragaria) — пармогулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми; резавор экин. Европа ва Америкада 50 тури маълум. Асосан бот қ., (F. ananassa) тури, шунингдек: турмон Қ.и (F.vesca), мускат таъмли Қ. (F. moschata), виргиния Қ.и (F. virginiana) ва чили Қ.и. (F.chilocnsis) — Қ.нинг бирнчи навлари 18-а. да Нидерландияда пайдо бўлган. 2 америка тури — виргиния ва чили Қ.и Европага олиб келинган. К. Ер шарининг турли иқлимли минтақаларида — Қутб доирасидан то субтропикларгача ўстирилади. Ўзбекистонда кўпроқ бог Қ.и тури экилади. Илдизи попук илдиз. Тупи ўртача шохланган, бўйи 10 см гача. Барглари қоракўмсоқ, гулдаги қалқимсимон тўпгулга йиғилган, 2 жинсли оқ ёки оқиш-сариқ, ўзидан чангланали. Май-июнда пиша-



Қулупнай: 1 — түп; 2 — мевасининг кўндаланг кесими; 3 — Дилбар; 4 — Зенга-Зенгана навлари.

ди. Меваси тўқ қизил, баъзи навига қараб оқ (оқиқар), 3—5 г дан 20—40 г гача. Таркибида 80—90% сув, 7—11% қанд, 0,8—1,6% кислота, 1—1,7% пектин, 0,9—1,2% азотли моддалар, шунингдек, клетчатка, кул, А, В, С витаминлари ва б. бор. Янгилигида ейилади, компот, мураббо қилинади, шарбат тайёрланади. Қ. намталаб, ёруғсевар (соя жойда ҳосил бермайди), совуққа чидамсиз ўсимлик. Бир ерда 4—5 йил ўстирилади. 3 йилгача яхши ҳосил беради. Ҳосилдорлиги 80—100 ц/га. Асосан, июль—авг.да илдиз отиб, барг ёзган гажакларн қатор ораси 80 см, туп ораси 25 см ёки 70×70 см схемада кўчат қилиб экилади (кузда ва баҳорда ҳам экиш мумкин, бунда кечроқ ҳосилга киради). Яхши кўчат икки йиллик қулупнайзордан олинади. Қулупнайзор баҳорда, ўсув даврида маълумий ва минерал ўғитлар б-н озиқлантирилади, қатор оралари юмшатилади, сугорилади.

Ўзбекистонда К.нинг Зенга-Зенгана, Кузьвер, Дилбар, Муто, Тошкент, Шредер хотираси, Ўзбекистон навлари экилади.


Асосий зараркунандалари: қулупнай канаси, малина ва қулупнай узунбуруни.

Касалликлари: қулупнай нематодаси, кулранг чириш, оқ-қўнғир доғланиш.

ҚУЛФ — 1) эшик, дарвоза, сандиқ, жавон ва б.ни қулфлаш учун мўлжалланган, калит б-н очилиб-ёпиладиган мослама. Асосан, металлдан ясалади. Дастлаб, Оссурия, Бобил ва Миср даврларида милоддан 2- минг йилликка оралаган. Қ. тузилиши ва механизмининг ишлашига қараб, турли шаклдаги



Суваладиган қулф: 1 — калитнинг суваладиган учун тўпиқлари; 2 — ригель; 3 — қулфнайдиган тиргакка мос кертиклн суваласа; 4 — ўқ; 5 — қулфлайдиган тирғак; 6 — суваласа пружинаси; 7 — тирак штифт.



Аркали тешикдаги қулф (стрелка б-н кўрсатилган).

уларни калит б-н ёки калитсиз очишга имкон берадиган ҳарфли ёки рақамли шифр бўлади. Махсус Қ. турларн (мас., заргарлик буюмларида қўлланиладиган Қ.лар) ҳам бор; 2) мезморлекда — гумбаз, равоқ тепасидаги ўрта қисм.

ҚУЛФСАР — Нурота тоғларининг шарқий этакларида, Жиззах ш.дан 30 км шим.да жойлашган қабристон (қ. *Дальменлар*).

ҚУМ — бир-бири б-н бирлашмайдиган, майда заррачалардан ташкил топган чўкинди тог жинси. Тог жинсларининг майда бўлакча (парча)лари ва турли минералларнинг думалоқ ва қирралн заррачаларидан таркиб топган. Пайдо бўлиш шароитларига кўра Қ. дарё, кўл, денгиз, флювиогляциал, элювиал, пролювиал ва эол Қ.ларга бўлинади. Оддий, Қ.нинг ўлчами 0,05 мм дан 2 мм гача бўлади. Улар майда доначали (0,1—0,25 мм), ўрта доначали (0,25—0,5 мм), йирик доначали (0,5—1 мм) ва жуда йирик доначалидир (1—2 мм). Қ., минералогик таркибига кўра, кварцли, глауконит-кварцли, дала шпати-кварцли ва б. турларга бўлинади. Таркибий қисмига қараб, бир минералли (олигомикт) ва кўп минералли (полимикт) Қ. фарқ қилинади. Қ. конлари кенг тарқалган. Қда олтин, платина, олмос, сапфир, рубин, циркон, рутил, титанит, илъменит ва б. кўпгина қимматбаҳо минераллар мавжуд; бу минералларнинг бир қисми фойдали қазилма сифатида ажратиб олинади. Табиий ва сунъий (тог жинсларини майдалаш йўли б-н олинадиган) Қ.лан қурилишда ва қурилиш материалларн ишлаб; кварцли Қ.дан шиша, чинни, фаянс, қурилиш керамикаси ишлаб, ҳамда қуйма шакллар ясашда хом ашё сифатида фойдаланилади.

ҚУМ — Эромлаги шаҳар. Техрон ш.дан жан.-шарқда. Қум остонининг маъмурий маркази. Аҳолиси 777,6 минг кишн (1997). Трансперт йўлларн чорраҳаси. Озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари мавжуд. Қўлда гилам тўқилади, кулолчилик буюмлари тайёрланади. Шаҳарда 5-а.да сосонийлар подшоҳи Қубод I асрсс солган. Аббосийлар даври (8-а.нинг 2-ярми) да Қ. йирик шаҳарга айланган. Маъмурий ёдгорликлардан Жоме масжиди (11—12-а.лар), шиалар имоми Мусо ал-Козим қизи Фотима мақбараси (16-а.) сақланган. Қ. шиаларнинг Машҳаддан кейин Эрондаги муқаддас шаҳри.

ҚУМ ВАННАЛАРИ, кумга тушиш, псаммотерапия — иссиқ қумдан дано мақсадида фойдаланиш; *иссиқ билан даволаш* усулларидан. Қдаимда қўёшда қизиган иссиқ қум б-н даволаш кенг русум бўлган; араб, юнон, римликлар ва Шарқий Ҳиндистон аҳолиси ўргасида бу усул самарали қўлланилган. Қ.в. ҳақидаги маълумотлар Ибн Сино қўлёзмаларида ҳам қайд этилган. «Агар қумдан мақорат б-н фойдалана олсанғиз, моддалар алмашинувини яхшилашга эришилади. Инсон бакувват бўлиб, кайфияти тетикланади. Ортиқча моддалар тезда эриб, тер б-н чиқиб кетади, у сурункали совуқликни бартараф этади, бош оғриғини қолдиради, инсон мустаҳкамлайди». Қум б-н даволаш ёз ойларида ўтказилади, асосан, кумнинг

юқори қатламидан фойдаланилади. Эрталаб қум майдончаларида медальон шаклида 2×1 м ҳажмидаги «ҳўлчалар» тайёрланади. Ҳар бир «ҳўлча»нинг бош томонига 6—10 см баландликда қумдан тайёрланган ёстиқчалар қўйилади. Беморлар муолажа қабул қилишдан ярим соат олдин келиб, максус сой жойда дам олишади ва иссиқ мунтазам термик шароитга кўникишади. Бу вақтда тиббий ходимлар беморнинг вазни, пульси ҳароратни, қон босимини, пульсни ва ҳ.к.ни ўлчайди. Беморга муолажа ўтказиш олдидан эрталаб тайёрлаб қўйилган ва офтобда қизитилган «ҳўча»ларнинг ўнтача қавати олинади ва тўплаб қўйилади. Бемор жўчага ётгандан кейин унинг бадани қум б-н ёпилади ва энг устки қисми тўплаб қўйилган иссиқ қум б-н кўмилади. Қ.в. умумий ва нафаслий бўлиши мумкин. Умумий Қ.в. ўтказилганда беморнинг танаси ва қўл-оёқлари (юрак соҳасидан ташқари) иссиқ қум б-н ўралади. Махаллий усулда беморнинг қўл ва оёқлари ёки танасининг айрим қисмигина ўралади. Беморнинг бошн устига қўйилган қимоб қилиш учун сомбон қўйилади. Умумий қумли ванналар хатталар учун 20—30, болалар учун эса 10—15 мин давомида қабул қилинади. Махаллий муолажа 40—60 мин., сўнгра иссиқ сувда ювинниш тавсия этилади. Қ.в. пасайида бутун тана бир хилда қизийди, ортиқ қолади. Оргазмнинг оксидланиш жараёнлари кучаяди. Қ.в.ни полнарптнт, периферик нерв системаси касалликлари, аёллар жинсий аъзоларининг сурункали касалликларида буюрилади.

Тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий тадқиқот институтининг Термз филиалида беморларни қум б-н даволаш йўлга қўйилган.

ҚУМ ТИЛИ — денгиз, кўл, океанларнинг қирғоқ ҳудудлари сайёз жойларида тўлқин келтирган қум, шағал, майда тош, чиғаноқлардан ташкил топган, қирғоққа параллел чўзилган паст, камбар қуруқлик. Бир томони б-н қирғоққа туташган бўлади. Уз. 10 км, эни 100 км га чўзилган бўлиши мумкин. Айрим қолларда Қ.т. икки қирғоқ-қирғоқ томонлан қирғоқ бўйлаб келиши мумкин. Қ.т. денгиз томон тортиб чиқиши мумкин, стрелка дейилади, мас., Азов денгизининг Сиваш қўлларидан кертеч тарнови Арабат стрелкаси (уз. 100 км дан зиёд, эни 8 км гача).

ҚУМАРЧИҚ (Agriophyllum arenarium M.B.) — шўрадошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт турн. Бўйи 29—50 см. Барги ёнлама, ипсимон, ёки ланцетсимон. Гуллари кўримсиз, дағал тукли гул тўпламига йиғилган. Гулқўрғони 1—3 бўлакли, чангчиси 2—3 та. Авг. —окт.да гуллаб меваланади. Ўзбекистонда Сурхондарё вилоятида, Қорақалпоғистонининг қумли чўлларида, Бухоро воҳасида тарқалган. Уруғи таркибида 16—17% оқсил, 6—10% ёғ, 60% углевод бор. Гуллаб уруғланувча мавсумдан кейин озуқа. Чала чўл ва чўл ҳамдаларида қумликларни мустаҳкамлаш мақсадида экилади.

ҚУМБУЛ, қунбул, қанбул (мўғулча — «марказни қуршамоқ», «қанот муҳофазачиси») — қушни қанотларини душман ҳужумидан ҳимоя қилувчи суворий қарбий қисм. Маълумки, Амир Темур жаҳон қарбий санъати тарихида 1-бўлиб армияни жанг майдонида 7 қўлга бўлиб жойлаштириш тартибини жорий этган. Сонжбқиронининг қарбий иш ривожига қўшган улкан хизматларидан яна бири лашкар қанотларини жанг пайтида душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва аксинча ғаним қўшларини 2 ён томондан айланиб ўтиб, унга ортдан кучли зарба бериш мақсадида Қ. тузилган. 5 қисмдан иборат жанговар тартибининг ўнг ва сўл қанотлари учта Қ. жойлаштирилган. Бундай янги қарбий қисм тарихнинг гувоҳлик беришича, ўтмишдаги атоқли саркардалар қўшинида бўлмаган.

ҚУМДАРЁ, Қалқамасой — Қашқадарё вилоятининг шимолаги дарё. Уз. 103 км, ҳавзасининг майд. 866 км². Зарафшон тизмаси ғарбий тармоқларининг жан. ён бағирларида, 1880 м балиқликдан бошланади. Чамбил қишлоғидан қуйида (бошланишидан 26 км да) суви суғоришга сарфланади ва Даутоб қишлоғидан қуйироқда (бошланишидан 35 км да) Сузук қишлоғигача (бошланишдан 60 км да) қуриб қолади. Ундан пастроқда, 43 км масофа давомида қуруқ ўзан сифатида кузатилади. Асосий ирмоқлари: Говқанасой, Қуруқсой, Лангар (барчаси ўнг қирғоқдан). Қор, қисман ёмғир сувларидан тўйинади. Тўлиқсув даври яз. — майда бўлиб ўтади. Ўртача йиллик сув сарфи Чамбил қишлоғи ёнида 2,05 м³/сек. Ўртача йиллик сув сарфи 6,08 м³/сек. дан (кўп сувли йилда) 0,750 м³/сек. гача (кам сувли йилда) ўзгаради. Энг кўп сув сарфи 105 м³/сек.гача март — апрда, энг кам сув сарфи 0,42 м³/сек. дан ўзанни қуриб қолишигача июль—дек.да кузатилади.

ҚУМЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ — қум кўчишини бартараф этиш ва ерларни ўзлаштириш, унумдорлигини ошириш мақсадларида қумликнинг физик-механик ва кимёвий хусусиятларини ўзгартиришга қаратилган тадбирлар мажмуи. Кўчма қумлар қ.х. га катта зарар етказади, суторилаётган экинзорлар, боғлар, каналлар, йўлларни босади, яйловлар унумдорлигини пасайтиради. Кўчма қумларни мустаҳкамлаш учун механик, кимёвий ва фитомелиоратив усуллар қўлланилади. Механик ва кимёвий усуллар қумлар кўчишини тўхтатишда, фитомелиоратив усул эса уларни бутунлай мустаҳкамлашда қўлланилади. Механик усул барханларда қамиш, ингток, лух (қўға) ва б. ўсимликлардан тоқ (поя девор) — механик қимоб иншоатлари — тўсиқлар ўрнатишдан иборат. Конструктив хусусиятлари бўйича механик тўсиқлар тик ўрнатиладиган ёки тўшалдиган турларга бўлинади ва улар асосий шамол йўналишига қўндаланг қилиб 2×2 ёки 3×3 м ўлчамда барханларнинг қия ёнбағирларига ўрнатилади. Энг хавфли жойларда бал. 60 см ли катак тўсиқлар қўлланади. Катак тўсиқлар ичига ўт ёки бута уруғлари ёпиштирса, катак девордан 0,5—0,7 см масофада бута қаламчаси ёки кўчатлари экилади. Шамол кучсиз кузатиладиган р-нларда ўт бордонларидан фойдаланилади. Бордон шамол йўналишига қўндаланг ҳолда эни 25—30 см ва 5 см қалинликдаги қум устига тўшалади. Бута қаламчалари ёки кўчатлари тўшама қатор ораларига шамол эсаётган тарафига ўтқазилади. К.м. учун экиладиган ўт, ўсимликлар уруғи аралашмаси махсус тракторларга ўрнатилган сеялкалар ёрдамида экилади. Механик тўсиқлар 2, баъзан 3 йил хизмат қилади. Тўсиқ-



Қумни боғловчи ва сақловчи кўчатларни ёрдамида қўриқ қумларни мустаҳкамлаш. Бухоро вилояти Қоракўл ўрмон хўжалиги.

говлар ўт ва бута ургуларини тутиб қолади, ургулар униб, қумларни мустаҳкамлайди, шунингдек, говлар қандим, чекез, жузғун, саксовул, қорагерак, қўёнсуяк ва б.нинг яхши ўсишига шароит яратади. Қ.м. учун шўрланган қумликларда, шунингдек, трейдер, сўрмада 10—15 м оралатиб чуқур *эгат-марзалар олинади*, уларда кўчма қумлар тутиб қолинади, бу б-н тузга чидамли бута (жийда ва б.) қаламчаларининг тутиб кетиши учун қулай шароит яратилади. Сизот сувлари яқин жойлашган қумликларда турангил, майда мевали жийда, қора ва оқ терак, оқ акация яхши ўсади. Қ.м.нинг кимёвий усуллари дам тобора кенг қўлланмоқда; бунда қум юзасини ҳэрозин, битум эмульсияси, поливакриламид, латекс, куросол ва шунга ўхшаш моддалар сепилади.

Кўчма қумларни мустаҳкамлашнинг энг ишончли ва узоқ вақт хизмат қиладиган воситаси дарахт экишдир. Қумли кўчмаларда ўсишга мослашган қандим, чекез, оқ ва қора саксовул ва ш.к. дарахт ва бута турларидан массивлар, кўп ҳолларда ёки тор қаторли ўрмон минтақалари, иқотя дарахтзорлари ва б. барпо қилинади. Бунинг учун механик тўсиқлар ва кимёвий воситалар б-н мустаҳкамланган қумларга ургулар сепилади, қаламча ва кўчатлар экилади.

Ўрта Осиёда бундан 120 йил олдин Закаспий т.йлғни қум босишдан ўрмон қилиш мунозарали б-н Қ.м. бўйича дастлабки ишлар бошланди. Ушбу даврда В.А. Палецкий раҳбарлигида қандим, чекез ва саксовул экидган эди. 1940-й.ларда Бухоро вилоятидаги сугориладиган далаларни кўчма қумлардан ўрмон қилувчи «Бухоро тўсини» деб аталувчи 120 км узунликдаги ўрмон минтақаси; 50—80-й.ларда Марказий Фарғонанинг кўчма қумларида, Амў-Бухоро каналн, Қорақум каналн ҳамда ва б. жойларда минглаб га майдонларда иқотя ўрмон дарахтзорлари барпо қилинган (қ. *Агрофизм мелиорацияси*). Ўрта Осиёда қумлар ва қумли ерлар 37 млн. га ни, жумладан кўчма қумликлар қарийб 3 млн.га ни эгаллайди. 1960-й.лардан бошлаб 1 млн.га дан кўпроқ қумли ерлар сугорма деҳқончилик учун ўзлаштирилди (Бухоро вилояти, Марказий Фарғона, Қорақум каналн ҳамаги ва б.). Хоз. даврда Ўзбекистон ҳудудида Қ.м. ишлари режали равишда катта майдонларда, айниқса, водийларга туташган чўлларда, магистрал канал трассалари, автомобиль ва т. й.лари бўйлаб, Орол бўйи минтақасида амалга оширилмоқда. Қизилқумда чорвачилик ва чўпонлар эҳтиёжлари учун (артезиан сувлар б-н суғорилиб) ем-хашак ва полиз экинлари, мевали дарахтлар экилмоқда.

Ад.: Леонтьев А.А., Новые приёмы закрепления и обзеленение песков в Средней Азии, Т., 1959; Данилин А.Л., Эффективный способ облесения и закрепления песков, Т., 1979.

Абдушукур Хожаров.

ҚУМЛИ ТУПРОҚЛАР — тупроқ тури; механик таркибида 0,05—1,0 мм *ли қум заррачалари кўп (90—100%)*, 0,01 мм дан кичик заррачалар миқдори 10% га яқин, 0,001 мм дан кичик майда заррачалар 2—4%дан ошмайди. Қ.т. юза қисмида юпқа, юмшоқ (ҳвол) қумли қуруқ қават бўлиб, чуқурлашган сари эфемер ўтлар илдизи аралашиб кетган ўткинчи горизонт ётади. Қ.т. чўл минтақасида шу зонанинг асосан тақирлар, тақирли тупроқлар ва ўтлоқи тупроқлари б-н бир комплексда ҳамда қад. дарё, сойларнинг қуруқ дельталари ва б.да тарқалган. Қ.т., одатда, қатламининг юпқалиги, органик модда (чиринди) миқдорининг камлиги (энг юқори қаватда ҳам 0,5% дан ошмаси), сув сиғимининг пастлиги ва б. ўсимлик ўсиши учун ноқулай хоссалари б-н ажралиб туради; бундай тупроқлар шамол эрозияси (дефляция) га жуда мойил. Қ.т.лан суғорма деҳқончиликда жуда кам фойдаланилади. Марказий Фарғона, Қуйи Амударё ва бошқа р-ионларн чўл Қ.т.нинг кичик-кичик массивлари ўтлар экиш ва б. усуллар ёрдамида ўзлаштирилган.

ҚУМЛИ ЧЎЛ ТУПРОҚЛАРИ — қумда ўсувчи ўсимликлар тагида шаклланадиган тупроқ типи. Илдиз-чирнндили қатламн ўсимлик қолдиқларининг чириши ҳисобига ҳосил бўлади. Қ.ч.т. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари, Фарғона водийси, Қорақалпоғистон, шунингдек, Туркманистон ва Тожикистонда тарқалган. Қ.ч.т. ости қисми (5—6 см)да ҳар жойдан бир ўсимлик поясн ёки илдизи ўсиб чиққан қуруқ сочилувчан қумдан иборат. Бу тупроққа таркибида чиринди миқдори жуда кам (0,1—0,5%) бўлиб, 30—35 см чуқурликкача учрайди. Ялпи шаклдаги азот ва фосфорнинг миқдори жуда кам. Тупроқ профилида карбонатларнинг дог, сочилган ва б. шаклларидаги қосилалари кўриниб туради. Тупроқ реакцнеси кучсиз ишқорли ёки ишқорли. Қ.ч.т. шўрланмаган ёки кучсиз шўрланган (сувда эрийдиган тузлар 2 м ва ундан чуқурда жойлашган; 1,5—2,0%). Кўпинча тузларнинг асосий қисмини сувда кам эрийдиган сульфатлар ташкил этади. Шунинг учун ўзлаштиришнинг дастлабки йилларида бу тупроқлар шўри ювилмайди. Бу тупроқларнинг сингдириш комплекси, асосан, кальций ва магнийдан иборат (сингдирнш сигими жуда кам — 5,0—6,0 мг. экв). Бу тупроқларнинг сув ўтказувчанлиги жуда кучли бўлгани учун суғорнш суви тупроқнинг ўсимлик илдизлари ривожланадиган қисмида ушланмай, эгат бошидаёқ тезда қуйи қатламларга шимилиб кетади. Тупроқларнинг сув ўтказувчанлигини камайтириш учун *кольматаж* (лойқали сув б-н суғориш) қилинади. Шамол эрозиясига қарши курашда қуйи йиллик ўтлар ва ўрмон дарахтлари экишдан ташқари полимер препаратлардан (К-4, латекс ва б.), шунингдек, соз-қумоқли материалларни фойдаланилади.

Ҳабибиддин Мансуров.

ҚУМЛОҚ — хомшок (ҳвол) тўқнинг тог жинси; таркибн 10—20% физик лой (0,01 мм дан кичик заррачалар) ва 80—90% физик қум (0,01 мм дан йирик заррачалардан иборат. Физик лой миқдори кам бўлгани учун Қ.ларнинг сингдирнш, гигроскопиклик хусусиятлари ва нам сиғими унчалик юқори эмас. Лекин сув Қ.ларга жуда юқори тезликда шимилади ва тез сизиб ўтади (фильтрацияланади). Қ.н тупроқларга ишлов бериш ва ўзлардаги зарарли тузларни ювиш осон, суғорилгандан сўнг тез етилади, ортиқча зичлашмайди, қотмайди ва б. Қ.лар кўпинча чўл тупроқлари орасида қумли ва тақирли тупроқлар б-н бир комплексда, шунингдек, дарё оқизиқларида ривожланган ўтлоқи тупроқларда ҳосират далаларнинг ёши ювилмаган кўп учрайди (қ. *Қизил чўл тупроқлари*).

ҚУМЛОҚ СУСТКАШИ (Oparium sabulosum L.) — қора қўнғизлар оиласига мансуб ҳашарот. Олд елканинг ён қирралари ўткир, бармоқлари олдий тирноқли. Ривожланиш цикли бир-икки йил давом этади. Қўнғизлари 4 йилгача яшайди. Қўнғиз ва личинка ҳолида яшайди. Қўнғизлари баҳорда ҳар хил ўсимликлар, жумладан, ғўза, маккажўхори, қанд лавлаги нақлларн ва б. чопиқгача экинлар пойси, барги ҳамда уруғпалаларини кемириб, зарар етказади. Личинкаси бошқа қора қўнғизларнки *каби озиқ-овқатлар* бўлиб, ривожланиши икки ой давом этади. Тупроқда гумбакка айланади.

Ғумбаклик даври 2—3 ҳафта. Қ.е. — қўрқинчсевар ҳашарот. Шунинг учун қурқоқлнкни йил-лари жуда кўпайиб, катта зарар келтиради. Сернам тупроқ улар ривожига ёмон таъсир этади.



Қумлоқ сусткаши


Қўриқ чоралари: тупроқни ишлатиш, ўз вақтида суғориш; хлорофос ёки бошқа инсектицидлар б-н заҳарланган кўракларни сепиш.

ҚУМОЙ (Gyps himalayensis) — йирик сийналар тўдаси, қарчиғайлар оиласига мансуб қуш. Танасининг уз. 1 м дан ортиқ, вазни 10—11 кг, қаноти ёйилганда 3 м га яқин. Етук индивидлари оч қўнғир, бўйинида ингичка, узун қил патлари бор. Қанотларининг ости оқ. Ёшлари оқишроқ. Тумшуғи сарғиш оқ, кўз қорачиғи қизғиш. Ўрта ва Марказий Осиёнинг тоғли ҳудудларида тарқалган. Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.



Қумой.

ҚУМРИ (Steptopelia decaocto) — *каптарсимонлар* туркуми, каптарлар оиласига мансуб қуш. Африка, Осиё (жумладан, Ўрта Осиёда, Европада Болқон ярим оролидан Болтиққ бўйи мамлакатларигача бўлган ҳудудларда тарқалган. Катталиги мусичалек. Усти қўнғирқўранг. Томоғида ярим ойсимон қора йўли бор. Бўйни ва кўкраги қизғиш-пушти, боши ва қорни кўкиш-кулранг. Дум патларининг учи оқ. Қанотлари қаттароқ. Аҳоли пунктларида, шаҳарларда яшайди. Тўрок қаёт кечиради. Унсини дарахт, бинодларга ясаб, 1—2 та тухум қўяди. Тухумини нари ва модаси навбатлашиб 15—16 кун бозади. Жўжаси 15—17 кунда учишга бўлади. Асосан, дон, уруғ, баъзан ҳашаротлар б-н озиқланади. Кейинги йилларда сони кўпайиб бормоқда.



Қумри.

ҚУМРИЎТ — қ. *Чақанак*.

ҚУМСАҚИЧ (Chondrilla L.) — мураккабгулдошлар оиласига мансуб қўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми. Асосан, Европанинг жўъзтадил яқинлари минтақаларида тарқалган. Ўзбекистонда ялпизсимон Қ. (Ch. juncea L.) ва *халқотирут* Қ. (Ch. acerotha K. et K.) турлари учрайди. Яланғоч Қ.нинг илдизи яхши ривожланган. Бўйи 50—80 см, поясн пастдан шохланган. Сатвачалари битта ёки 2—3 тадан, шингилсимон рўвак шаклида тўпгул ҳосил қилади. Саватчалари 2 гулли, гуллари сариқ. Июль—окт.да гуллаб уруғланади. Дарё ўзанларн, шағал-тошли ерлар ва тог ёнбағирларида ўсади. Қ.нинг айрим турлари таркибида паст навли каучук бор.



Қумсақич.

ҚУМСИҚҚЎҒОЛАР (Gerbillinae) — олахўрхўғлар оиласига мансуб кемирувчилар кенжа оиласи. Гавданинг уз. 5 см дан 19 см гача, думи 3 см дан 24 см гача. Кўрнниши каламушга ўхшаш, лекин думининг учида бир тутам узун жунлари бўлиши б-н ундан фарқ қилади. 80 га яқин тури Осиёнинг чўл ва чала чўлларида, Африка саванналари ва тог олди ҳудудларида тарқалган. Ўзбекистон фаунасида катта Қ. ва кичик Қ. уруғларига мансуб катта Қ., қолуғ Қ.н, қизилқум Қ.н, тушки Қ. тарқалган. Кўпчилик турлари кечкурунлари ёки кечаси фаол. Уяда яшайди. Катта Қ. Ўрта Осиё ва Қозоистон чўлларида кенг тарқалган; йилоплар, саксовул ва чўлда-



Қумсичқон.

ги буталарга катта инён келтиради. Қ. ўлат, тери лейпзманози, кана тошмали терламаси ва б. касалликлар қўзғатувчиларини сақловчи табиий манба ҳисобланади.

ҚУМТАРИҚ (Corispermum L.) — рўйнгошлар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми. Европанинг ёвойи ҳолда ўсадиган 60 га яқин тури маълум. Жан. ва Жан.-Шарқий Кавказда, Сибирь, Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқда 37 тури тарқалган. Паст бўйли, барглари узун, гуллари майда, кўримсиз. Қумли ерларда, дарё бўйларида ўсади. Баъзи турлари туя, қўй ва эчкилар учун яхши озуқа.

ҚУМТОШ — чўкинди тог жинси, гилли, карбонатли, кремнийли ва б. материалдар б-н цементлашган қум донадаридан ташкил топган. Қум каби Қ. аксари қисмини ташкил этувчи доначаларининг ўлчамига қараб майда донали (0,1 дан 0,25 мм), ўрта донали (0,25—0,5 мм), йирик донали (0,5 мм) дарға, минерал таркиби бўйича кварцли, аркозли Қ. ва граувакқаларга бўлинади. Зичлиги 2,2 — 2,7 г/см³, говаклилиги 0,69—6,70%, сув шимиши 0,63—6,0% ни ташкил этади. Кремний ва карбонат моддалар ёрдамида цементлашган Қ.ларнинг физик-механик хоссалари юқори, гил ёрдамида бириккан Қ. эса сифатсиз бўлади. Қ.нинг ўта чидамлилиги қар хил; кремнийли модда ёрдамида жипслашган тоза кварцли Қ. энг юқори (1700°гача) оловбардошликка эга. Қурилишда Қ.дан деворий ва қоплама материаллар, харсангтош, шағал (йўл қурилишн ва бетонда тўлдиргич сифатида фойдаланилади. Таркибида 95% дан ортиқ кремнезём (SiO_2) бўлган кварцли Қ.лар динас и.ч.да, мис ва никель қуймада флюс сифатида ҳамда шиша тайёрлашда ишлатилади.

ҚУМТОҒ ЗИЛЗИЛАСИ — 1983 й. 14 март куни Ашхобод вақти б-н соат 17 дан 13 мин. ўтганда Хуросон тоғ этакларида жойлашган Қумтоғ қишлоғидан ўтган чуқурликлари ер ёриқларидан бирида юз берган. Тектоник қўчданишларнинг кескин ўсиб боришн сабабли ер ости тог жинслари ана шу ёриқлар бўйлаб бир-бирига нисбатан силжиб, зилзила ўчогини пайдо қилган. Бу ўчоқ 7—8 км чуқурликда жойлашган, уни Ашхобод ва Болхонобод сейсмик ст-ялари қайд қилган. Зилзиланинг кучи 8 балл бўлиб, магнитуласи 5,6 га тенг бўлган. Натижада 2—3 м ли ёриқлар пайдо бўлган, улардан бир нечтаси қишлоқдаги иморатларлан ўтиб, уларни вайрон қилган. Баъзи жойларда ёриқлар 20—30 см га силжиган. Зилзила натижасида 65 минг км² майдон зарар кўрган.

ҚУМТУПРОҚ, кремний (IV)-оксид, кремний диоксид, SiO_2 — *кремний*нинг кислород б-н ҳосил қилган энг барқарор бирикмаси. Табиатда кристалл ва аморф ҳолида учрайди. Кристалл Қ., асосан, кварц минерали (кварц қум) таркибида бўлади. У нихоятда қатгик модда бўлиб, сувда эримайди; қиздирок газ аланга-сида ёки электр печида юқори т-ра (1723°)да рангсиз суюқликка айланади. Бу суюқлик тез совитилса, шишасимон тиниқ масса — аморф Қ. ҳосил бўлади.

ҚУМҚЎРҒОН — Сурхондарё вилояти *Қумқўрғон тумани*дан шаҳар, тумани марказн (1971 й.дан). Сурхондарёнинг ўнг соҳилида. *Жанубий Сурхон сув омборининг* ўнг қисмида жой-



Қумқўрғон шаҳридаги нон корхонаси.

лашган. Т.йў. станцияси. Аҳолиси 12,3 минг киши (2005).

Қ.га дастлаб 1930-й.ларда Қумқўрғон қишлоғини қазишиш ва шу номдаги кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши муносабати б-н асос солинган. *1950-й.ларда Шеробод — Қизирик* массивида суғориладиган ерларни кенгайтириш мақсадида бошланган *Жанубий Сурхон суғ омбори* қурилиши б-н Қ. кенгайтирилди, ободонлаштирилди. Шаҳарда «Сурхон» к-ти (темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарилади), таъмирлаш-механика, пахта тозалаш з-длари, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, нефтни сақлаш ва цистерналарга қуйиш эстакадаси, нон к-ти ва б. саноат корхоналари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Кичик, ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар фаолият кўрсатади. 3 умумий таълим мактаби, касб-ҳунар коллежи, туман марказий кутубхонаси, маданият уйи ва б. маданият муассасалари, маданият ва истироҳат боғи, стадион ва б. спорт иншоотлари бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар мавжуд.

Қ.дан Тошкент — Душанбе т.йў. ва Термиз — Душанбе автомобиль йўли ўтган. Янги қурилаётган Қ. — Тошгузар — Бойсун т.йў.нинг 112 км қисмида поездлар қатнайди. Қ.дан Термиз ш.га автобуслар ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган.

ҚУМҚЎРҒОН ТУМАНИ — *Сурхондарё вилоятидаги* туман. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1977 й. 24 мартда ташкил этилган. Шим.дан Сариосиё, жан. ва жан.-ғарбдан Жарқўрғон, шарқдан Олтинсой, Шўрчи, *Узун, шим.-шарқдан Денов*, ғарбдан Бандихон ва Бойсун туманлари, жан.-шарқдан Тожикистон Республикаси б-н чегарадош. Майд. 2,2 минг км². Аҳолиси 158,3 *минг киши* (2005). Туманда 1 шаҳар (Қумқўрғон), 1 шаҳарча (Хўррият), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини (Арслонбойли, Жалойир, Кетмон, Оқжар, Оққалпчиқай, Юқори Қакайди, *Ўзбекистон*, Қумқўрғон) бор. Туман маркази — *Қумқўрғон ш.*

Табиати. Туман ҳудуди Сурхон — Шеробод водийсининг марказий қисмида жойлашган, ўрта қисмидан ошм. дан жануб томон Сурхондарё оқиб ўтади. Рельефи, асосан, адирлардан иборат. Сурхондарё водийси ғарбга (Шеробод — Сариқамиш қирлари томон) ва шарққа (Бобогот томон) астасекин кўтарилиб боради. Фойдали қазилмалардан Латмикор нефть кони, турли қурилиш материаллари қазиб олинадиган конлар бор. Иқлими қуруқ субтропик иқлим. Қиши илиқ, қисқа, ёзи иссиқ, давомли. Янв.нинг ўртача т-раси 3°, энг паст т-ра —20°, —22°. Июлнинг ўртача т-раси 30°, энг юқори т-ра 48°. Йиллик ўртача т-ра 16°. Вегетация даври 240—250 кун. Йилга ўртача 190—200 *мм ёғин* тушади. Туман ҳудудидан Сурхондарё ва унинг мавсумий оқимга эга бўлган ўнг ирмоқларидан Оққалпчиғай, *Бандихон* сойлари оқиб ўтади. Асосий суғориш каналлари: Шеробод ва Бобогот машина-магистрал каналлари, Ўзгиғузар насос ст-яси ва б. бор. Дарё терраса-ларидаги дарё ётқизиқлари ва ирригацион ётқизиқлар ёшдан. Дарё бўйларида қамиш, қиёқ, юлғун, янтоқ, қизилмия, адирларида бетага, ширатак, қўнғирбош, шошир, лолақизғалдоқ, кўзғалун, тоғ ёнғоғи, ёввойи бодом, коврак, қийиқўт, сув ҳавзаларида ҳар хил балиқлар яшайди. Туман ҳудудида *Жан. Сурхон суғ омбори* жойлашган.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус ва б.

Пахта терими.


ҚУМҚЎРҒОН ТУМАНИ
1 : 1 500 000
САРИОСИЁ
ДЕНОВ ТУМАНИ
ДЕНОВ
ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИ
ШЎРЧИ ТУМАНИ
ТОЖИКИСТОН
ҚУМҚЎРҒОН
Ҳўжакент
Ҳўжакент
Ҳўжакент



Жанубий Сурхон сув омборида балиқ овлаш.

қурилиш ташкилотлари, автокорхона, нефтни сақлаш ва цистерналарга қуйиш эстакадаси, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Кечик, ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар фаолият кўрсатади. К.х., асосан, галлачилик ва пахтачилик, энгичка толдан пахтачиликка ихтисослашган. Чорвачилик, полизчилик, сабзавотчилик, пиллачилик ҳам ривожланган. Туманда ширкат, деҳқон, фермер хўжаликлари, 3 чорвачилик мажмуаси, «Сайхон» қорақўлчилик-наслчилик хўжалиги мавжуд. Бог ва токзорлар бор. Умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, касб-ҳунар коллежи, туман марказий кутубхонаси ва унинг шохобчалари, клуб муассасалари, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, стадион бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, қишлоқ врачлик ва фельдшер-акушерлик пунктлари, дорихона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Қдан Тошкент — Душанбе т.й. ва Термиз — Душанбе автомобиль йўли ўтган. Янги қурилаётган К. — Тошгузар — Бойсун т.й. нинг 112 км қисмида поезддар қатнайди. Қдан Термиз ш.га автобуслар қатновн йўлга қўйилган. Меъморий ёдгорликлардан Бандихоной устига қурилган қад. мақбара (тошталан) (1558—98 йй.лар) сақланиб қолган.

Жовли Турсунов, Машҳура Рўзиева.

ҚУМҒОН — чой идиш; яни қалай б-н оқартириб мисдан ясалган дастали, қопқоқли (баъзан қопқоқсиз), жўмракли идиш. Сув ичиш; чой қайнатиш учун ишлатилади. Оғзи (бўйни) кенг, хўмраги қисқа (баъзан йўқ), қорни катта (овалсимон); оғзи-бўйни катталиги б-н *обдисмадан* фарқ қилади. Кандакори ўйма накшлар б-н безатилади. Қадимдан сопол К. кенг тарқалган, кейинчалик мисдан болғалаб ишланган. Саноат ривожланиши б-н қуйиб, тегирлаш ишлаб, устидан сирлаб тайёрлана бошланган. Ҳажмига кўра катта К. (4—5 л сув сиғгали), ўрта К. (2—3 л), К.ча (1—1,5 л) деб номланган. Шарқ мамлакатлари, Кавказ ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

Қнинг жозибадор қилиб безатилган намуналари республика музейлари ва хусусий тўпламларда сақланади.

ҚУНДУЗ — Афғонистоннинг шим. қисмидаги дарё, Амударёнинг чап ирмоғи. Кўчибобо тизмасининг шим. ён бағридан бошланади. Уз. 420 км. Тўлинсув даври март—апр. ойларига тўғри келади. Езда тошади. Тоғлардаги қорлардан тўйинади. Дарёга ГЭС қурилган. Қ. бўйида Қундуз ш. жойлашган.

ҚУНДУЗ — Афғонистоннинг шим. қисмидаги шаҳар, Қундуз дарёси бўйида. Қундуз вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 61 минг киши (1985). Қ.да — Қундуз автомобиль йўлининг сўнгги манзили. Пахта тозалаш, ёғ-мой ва б. корхоналари бор.

Қ. илк бор 13-а.га оид қўлёзмаларда учрайди. Баъзи тарихий манбаларга кўра Қ. 10-а.да йирик шаҳар бўлган Валвализ (Валвалиж) ўрнида ёки унга яқин жойда вужудга келган. 13-а.да шаҳар вилоят маркази бўлган. 1505 й.да Қни Шайбонийхон эгаллаган. 1510 й.да Бобурийлар қўл остига ўтган. 1606 й.да Бухоро хони *Вали Муҳаммадхон* Қни Балх вилояти таркибига киритган. 17-а. *ўрталарида Маҳмудий Қатағон Тоҳаристон*, Талиқон, Кешм вилоятларини бирлаштириб Қни унинг пойтахти деб эълон қилган. 18—19-а.ларда Қундуз хонлиги таркибида; 19-а. 2-ярмидан Афғонистон давлати таркибида.



Хоразм. қумғони, 19-аср.

ҚУНДУЗ ХОНЛИГИ — Шим. Афғонистонда мавжуд бўлган ўзбек давлати (18—19-а.лар). Хонлик ҳудудига, шунингдек, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги айрим вилоятлар (Кўлоб, Кубодиён) ҳам кирган. 19-а.нинг 20-й.ларида Муродбек даврида миқоятда кучайган. 19-а.нинг 50-й.ларида афғон амири Дўстмуҳаммад томонидан бўйсундирилган.

ҚУНДУЗЛАР (Lutra) — сувсарсимонлар оиласига мансуб суғ эмизувчилар уруғи. *Европа, Осиё, Шим.–Ғарбий* Африкада чўзлардан бошқа жойларида тарқалган. Гавдасининг уз. 55—95 см, нисбатан ингичка ва эгилувчан, вазни 10 кг гача. Думи 45 см гача. Оёқларн калта, бармоқлари орасида сузгич парда бўлади. Ўзбекистонда 1 тури — қундуз тарқалган. Қ. чучук сув ҳавзалари яқинидаги инларида яшайди. Шунингдинда қулоқ ва бурун тешиклари махсус клапанлар б-н беқилади.



Қундуз.

Кишда сувнинг музламаган жойларида яшайди. Баҳор-ёз мавсумида астасекин тулпайди. Кўшоқ тўзламали ўясини сув ҳавзасининг баланд қирғоқларига ясайди. Бўтозлик даври 8—10 ой. Икки йилда бир марта — апрель — майда, кўпинча 3 та бола туғади. Асосан, балиқ, бақа, баъзан ўрдак ва б. б-н озиқланади. Муйнаси (айниқса, қишки) қимматбаҳо ҳисобланади. Сони кескин камайганлиги учун овлаш тақиқланган.

ҚУНДУЗСИМОН ЕРҚАЗАР (Potamogale velox) — ҳашаротхўр суғ эмизувчилар турқумига мансуб ҳайвон. Ғарбий Африкада тарқалган. Гавдасининг уз. 0,3 м (думидан ташқари). Муйнаси жигарранг, қорин томони оқ. Озгида 40 та тиши бор. Бурун тешиги клапан



Қундузсимон ерқазар.

6-и ётишади. Сувда ҳаёт кечиради, лекин панжаларида сузгич парда йўқ. Асосан, балиқлар 6-и озиқланади.

КУНДУЗСОҚИ (1840/41, Шарқий Бухоро Балхувон беклиги ҳудуди — 1910, Қизилтепа музофоти Дастори қози *қушлоқи*) — соқи. «Гўрўғли» туркумидаги достонларнинг 64 тасини, жумладан: «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғлининг Гуржистонга бориб, Авазхонни олиб келиши», «Юнусларининг Боғи Эрамга сайрга чиқиши», «Боғбонинг Гўрўғлига арз қилиши», «Авазнинг сув парисини олиб келиши», «Ғордаи бир қўлнинг кўриниши», «Авазхоннинг Чамбилдаг ариз лаб, ота юрти Догистонга кетиши», «Гўрўғлининг Санам ва Гавҳар номли қизлари», «Кўктемир», «Авазхон ва Қоракўз», «Авазнинг Гиралоб қўзига сафари», «Гулойимпарз», «Нурали» ва б. достонлар ва халқ қўшиқларини маҳорат 6-и ижро этган. Қ. ларкайларда соқилик мактабининг асосчиси сифатида 20 га яқин шогирдлар етиштирган. Қ.нинг соқилик маҳорати Бухоро амирларча етиб борган; ҳар замонда амир соқини Бухорога таклиф этиб, «Гўрўғли» достонини эшитиб турган. Амир бир неча марта соқини Бухорода қолишга ҳам ундаган, амма соқи бу таклифни рад этган. Қ. амир ва беклар олдида юксак маҳкета эга бўлсада, доимо халқ орасида юриб, тўй ва маъракаларда халқнинг хизматини қилган. У қатнашган даврада йиғилган одамлар соқини суҳбат ва гўрўғлихонликка чорлаган. Соқичилик 6-и бир қаторда йиғилганларга панд-насиҳатлар айтиб, маънавиятни ечиш йўлларини изоҳлаган маслаҳатлар берган.

Насриддин Назаров.

КУНДУЗЧА ЖАНГИ — *Амир Темур қўшинлари 6-и Олтин Ўрда* хони Тўхтамиш қўшини ўртасида ҳоз. Самарқанд 6-и Чистополь шаҳарлари оралигида. Волга дарёсининг шарқий соҳилида жойлашган Кундузча (ҳоз. Кондурча) майдонида содир бўлган жанг (1391.18.6); ўрта асрлардаги энг йирик жанглардан бири. Соҳибқироннинг Эрон, Закавказьелдаги мавқеи ортиб борайётганини тараққийдик 6-и кузатаётган Тўхтамиш Амир Темурга қарши Миср 6-и ислиҳоқ тузишни режалаштиради. У Соҳибқироннинг *Эроналлагидан фойдаланиб*, ҳатто Моваронуноҳрга ҳам бостиндлар уюштиради. Амир Темур Тўхтамишхоннинг ғаниимлик ҳаракатларига чек қўйиш мақсадида 1391 й. унга қарши юришга жазм этади ва умумий сафарбарлик эълон қилади. 200 минг кишилик қўшин Ўтрор томон йўл олади. Қозогистондаги *Ҳужанд* шаҳрида Соҳибқироннинг бу юриши ҳақида ёзиб қолдирган хотира ёзуви сақланган. Унда жумладан шундай дейилган: «Тарих етти юз тўқсон учта, қўй йили ёзнинг ора ой Туронннинг *султони Темурбек* 200 минг черик била ислом учун *Тўхтамишхонни(нг) хонига йўриди*. Бу ерга етиб, белгу бўлсун теб бу йўбани кўпарди. Тангри инсфат бергай, ишшаолоҳ, Тангри эл кишига раҳмат қилай, бизни дуо била ёд қилгайсиз».

*Шарафуддин Али Яздий*нинг ёзишича, Тўхтамишхон қўшини Амир Темурникидан анча кўп бўлган. Қ.жда ҳар икки томондан 500 минга яқин жангчи иштирок этган.


Амир Темур қўшинини жойлашиш тартиб — марказ, сўл ва ўнг қанот қолдиан ўзгача тартибда тузишга эҳд қилади ва жангговар тартибнинг янги усулини қўллайди, қўшин 7 қўлга тақсим этилади. Марказдаги қўлга амалга амир Сулаймоншоҳ қўмондон бўлган. Унинг ортидан Муҳаммад Султон бош бўлган қўл жойлашган, бу қўл кетидан Соҳибқирон *қўл остида бўлган* 20 қўшин (бўлдук) захирадаги қисм сифатида борган. Баронгарга *Мироншоҳ* мирзо, қунбул (қанот)га амир Хожи *Сайфуддин* барлос, жувонгарга *Умаршайх* мирзо, унга қўшилган сифатида амир Бердибек, Сарибухо қўллари жойлашган. Ўтрук ва захира қисмларга қўмондонликни Амир Темур ўз зиммасига олган. Унинг мақоми марказ оргида бўлиб, ким ёрдамга муҳтож бўлса ўшанга кўмак юборишга тайёр турган. Кейинчалик маълум вазиятда жанг тақдирини ушбу ҳарбий қисм ҳал этган.

Тўхтамишхон қўшинини 5 қўлга тақсимлаб, уларга Ёжуж хонаолонига мансуб шаҳзодалар ҳамда энг олий даражалаги амирларни қўмондон қилиб тайинлайди. Икки томон қўшини бир-*бирини кўра олганда* масофага келганда Амир Темур душман кўз ўнгида ўтиб, чодирлар ўрнатишни, тизимлар ёзишни буюради. Бундай намойишкорона совуққонлик душман руҳиятига салбий таъсир этиб, ўни эсанкиратиб қўйиши лозим эди.

Жанг куни эрта тонгда (18 июнь) Соҳибқирон қўшини кўз ўнгида отдан тушиб *Аллоҳдан мадад тилаб* икки ракаат намоз ўқитан. Байрақ ва тутларни кўтарган қўшин нозора чалиб, суроп айтиб, ўзкаи жанг қарнайлари садолари остида жанггоҳ бошлайдилар. Умаршайх қўмондонлиги остидаги сўл қанот Тўхтамиш томонидан берилган зарба *натижасида* мушкул аҳволда қолади, рақиб қўшини сўл қанотини ёриб ўтиб орқа томондан ҳужум уюштиришга эришади. Амир Темур бу пайтда қанотюкларнинг асосий *қисмини таъқиб этмоқда эди, лекин у* захирадаги қисм 6-и ўзининг сўл қанотига ёрдамга келади ва душман уюштириб ташланади. Шундан сўнг Тўхтамиш асосий зарбани Шайх Темур Суддуз раҳ*барлигидаги қисмларга қаратади ва унинг* фаоиини иккки этиб ўртани ёриб чиқади, лекин қаршисидан Умаршайх мирзо қўшини чиқиб муқобилга киришади. Шу тариқа Хожи Сайфуддин барлос *бошчилигидаги қанот қўшинлари* ғаниимнинг жувонларига ҳужум қилиши бошланади, бу ҳужум душман жувонгари қаршилигини синдиради. Тўхтамиш Хожи Сайфуддинга қарши куч ташлайди, бироқ уларга қарши амир Жаҳоншоҳ қисми ташланади. Шайх Темур Суддуз қаторларининг ёриб ўтилиши ҳам тўхтатилган. *Ибн Арабшоҳ*нинг ёзишича, Тўхтамиш қўшинининг бир қисми икки ланкарбошн ўртасида чиққан низо туфайли жанг майдонидан қочган. Қ.ж. Соҳибқирон фойдасига ҳал бўлган. Тўхтамиш қочган, унинг кетидан амирлар, сарқардалар ва қолган-қутган қўшини ҳам эришган. Соҳиб-

Амир Темур ва Тўхтамишхон қўшинларининг жанговар тартиби

Тўхтамишхон қўшини



Амир Темур қўшини

қирон ниҳоят отдан тушиб Аллоҳга ҳамду сано айтди. Амир Темур ҳар ўн отлиқдан эттитасини душманни таъқиб этишга жўнатди. Волга дарёсигача таъқиб этилган Олтин Ўрда жангчилари ўлдирилган ёхуд асир олинган. Бир ойга яқин дам олгани Сиғноқ қирон китга ўзбек ё-н Моваронаҳрга қайтган.

Ад.: Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома, Т., 1997; Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи, Т., 1992; Далабоев Ҳ., Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати, Т., 1996.

Ғофирбобир Далабоев

ҚУРАЙШ, қурайшийлар — араб қабиласи. Макка ш. ҳоқимининг асосий қисмини ташкил этган. 10-та уруғдан иборат бўлган; улардан энг машҳурлари умайя (бани умайя) ва ҳошим (ҳошимийлар). Умайя уруғидан чиққан қўлларлар ва саводгарлар жоҳилият даврида Маккада ҳукмронлик қилишган бўлса, *Муҳаммад* (сав) ҳошимийларга мансуб бўлган. Қ. қабиласидан умавийлар, аббосийлар ва маккалик шарифлар сулоласи чиққан. Сўнгги даврда Ҳошимийлар сулоласи ҳукмдорлари (Ироқда 1958 й.гача ва Иордания) ўзларининг шажараларини Қ.га боғлашади. Қуръонининг 106-сураси Қ. номи ё-н аталади.

ҚУРАМА — ўзбек халқи таркибига кирган этник гуруҳлардан бири. Қ. сўзи «аралашганлар» маъносини билдиради. Қ. қабилавий иттифоқи тахм. 17-а.г ш.ларнинг 19-а. охири —20-а. бошларида ўзбеклар таркибига кирган қурамаликлар Тошкент, Наманган ва Андижон вилоятларида яшаб келганлар. Қ.ликларнинг уруғчилик тизимига уруг, тўп ва ота бўғинлари кирган. Қ.ликлар таркибида ҳар ҳ ўрта яср туркий қабилаларининг: қуйидаги уруг вакиллари бўлган: жалойир, кераит, уйшун, қанжигали, ўнгут, етти уруг, телов, мўғул, қанғли, олчин, чигатой, ўрмон, қалмоқ, тама ва б. Қ.ликлар, асосан, деққончилик ва чорвачилик б-н шуғулланиб келишган. 1926 й. маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда 50 мингдан ортиқ Қ.лик рўйхатга олинган.

Қ.ликларнинг айрим гуруҳлари қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман халқлари таркибига кирган.

Ад.: Файзиев Т., Қурама, Т., 1965.

ҚУРАМА ТИЗМАСИ, Қурама тоғлари (қурама қабиласи номидан) — Тимьшан тог системасининг ғарбий-тя тог тизмаси, Тожикистон б-н Ўзбекистон республикалари чегарасида. Жан.-ғарбда Тожикистон Республикасидаги Бўстон ш.дан бошланиб, шим.-шарққа 170 км давом этади ва Кенсой довони яқинида Чаткол тизмасига туташади. Фарғона водийсини шим.-ғарбдан ўраб туради. Оҳангарон б-н Сирдарё дарёлари ҳавзаларини оралашгани сувайиргичи. Ўртача бал. 2500—3000 м. Энг баланд жойи 3769 м (Бобомоҳ чўққиси). Тизма Камчиқ довонидан жан.-ғарб томонга пасайиб боради. Ғарбида — Олтинтопган ва Қалқонота тизмаларига бўлинади. Бу тизмалар оралиғида Сарлобсой водийси жойлашган. Тизмалар силур ва девон даврларининг сланец, оҳактош, гранит, доломит, гранодиорит, конгломерат, порфир, қумтош каби метаморфик ва отқинди тог жинсларидан ташкил топган. Ён бағирларида мезожайнозой даврлари ёйсслари, ёссимон ётқизиқлари мавжуд. Оҳактошлар ва доломитларда карст релъеф шакллари (каррлар, карст воронка ва горлари) тарқалган, мезо-кайнозой тог жинсларида суғирилмалар солир бўлиб туради. Сарлобсойнинг юқори оқимидан шарққа Қ.т. кўпроқ, тошқўмир ва перм даврларининг эффузив ва интрузив жинсларидан тузилган. Тизма фойдали қазилмаларга бой. Бу ерда тошкўмир, кумуш, флюорит, кўргошин, мис, олтин, рух ва б. полиметалл рудалар конлари топилган. Қ.т. ён бағирларидан жуда кўп катта-кичик жилға ва сойлар, жумладан, шим.-ғарбий ён бағридан Оҳангарон дарёсининг чап ирмоқлари оқиб тушади.

Қ.т.нинг жан.-ғарбий ва ғуйи қисмларида иқлим континентал. Шим.-шарқий ва баланд қисмларида иқлим мўътадиллашади, ёғингарчилик миқдори ортади. Тизманинг шим.-ғарбий ён бағри нисбатан сернам. Ҳар иккала ён бағрида ҳам адир минтақасида тўқ тусли бўз тупроқларда эфемер ва эфемероид ўсимликлар, чуноничи бутдойиқ, юқорирокда ксерофит бутлар, ундан юқорида жигарранг тог тупроқларда йирик арча ўрмонлари, ёввойи олма ва ёнғоқ (шим. ён бағрида), ёнғоқ ўсадиган 2800—3000 м ва ундан баланд жойларида тог яйловлари учрайди.

Мурод Маматқулов.

ҚУРБАҚАЛАР (Bufonidae) — думсиз *сувда ва қуруқликда яшовчилар* оиласи. Ўз. 2—25 см. Қўпчилик Қ.нинг тишлари қисмаи ёки бутунлай редукцияга



Қурама тизмаси.

учраган. Танаси кенг, оёқлари бақалларга нисбатан (қ. *Бақалар*) калта. 21 турури 300 дан ортиқ тури бор. Антарктидадан ташқари барча қитъаларда тарқалган. Улар орасида тропик Африкада тарқалган тирик тугунчи Қ. энг содда тузилган. Қўпчилик (200 га яқин) турлари асл Қ. уруғига киради. Асл Қ.нинг кўз қорачиғи вертикал жойлашган; орқа оёғи бармоқларида сузғич пардалар қолдиги бор; кўзидан кейинроқда йирик қулоқолди, танасининг орқа томони бўйлаб майда зирдор безлари жойлашган. Евросиёнинг ўрмон ва дашт минтақасида уз. 20 см келадиган оддий, яъни кулранг Қ., чўл, дашт, ўрмон ва тоғларида (4800 м гача баландликда) кўп Қ. кенг тарқалган. Ўзбекистон фаунасида фақат кўк Қ. (уз. 14 см гача) учрайди.



Қурбақа.

Ахсарият Қ. — қуруқлик ҳайвонлари, бақаларга нисбатан кучсиз сакрайди ва ёмон сузади; секин қадамлаб қарақат қилади. Оқшомлари фаол ҳаёт кечиради. Турли хил ҳашаротлар ва б. умуртқасизлар б-н озиқланади. Қуруқликда қишлайди. Қўпчилиги сувга, айрим турлари қуруқликка 1200 дан 7000 гача тухум қўяди. Қ. бор ва полиз экинларига зиён келтирадиган ҳашаротларни қириб фойда келтиради. Жан. Америкининг маҳаллий аҳолиси ага Қ.си заҳарини ўқ ёйларга суришган. Қ.нинг б турли *Табиатни муҳофаза қилиш* халқаро иттифоқи Қизил китобига киритилган.

ҚУРБОН СОЗЧИ (*тахаллуси; асл номи* Қурбон Исмоилов) (1866 — Хива — 1946) — бахши, Ўзбекистон халқ шоири (1938). Ҳудойберган Ўтаган ўғли ва Қўчқўр созандининг шогирди. Ёшлигидан мусиқа ва адабиётга қизиққан, халқ ижоди намуналарини, шеър ёзиш қонун-қоидаларини ўргаган.

«Қурбон ота ҳақидаги», «Хоразм тарихи» ва б. термаларини гармон жўрлигида ижро этган. Унга шодли мактаб, ўзи тутилиб ўсган ҳўва, Хоразм вилоятн кутубхонаси бахши номи б-н аталган.

Ад.: Курбон ота Исмоилов. Рассказы, Т., 1939; Хорезм халқ қушиқлари, Т., 1965.

ҚУРБОН ҲАЙИТИ — қ. *Ҳайит.*

«ҚУРБОНБЕК» — туркий халқлар орасида кенг тарқалган достон. Унинг қорақалпоқ версияси Қурбонбой Жовов Тожибой ўғлидан ёзиб олинган (1938) ва нашр этилган (1962). Бир вариантн Матназар Жаббор ўғлидан ёзиб олинган (1967). Достонда Қорабек қизларидан бирининг эл-юртига хиёнат қилиши, Қурбонбекнинг ўз юрти мустақиллиги учун қураши, оби ҳаёт келтириш учун турли саргузаштларни бошидан кечириши ва юртида адолат ўрнатиши тасвирланган. Асарда элюртга хиёнат, босқинчилик ва зўрлик қораланиб, тинчлик, дўстлик ва иноқлик улуғланади. Матназар бахшининг репертуарида «К.» достонининг давоми сифатида «Давронбек ва Зомонбек» достони мавжудлиги қайд этилган.

ҚУРБОНБОЙ жиров Тожибой ўғли (1876 — Тўрткўл тумани Шўрқон қишлоғи — 1958) — Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ достончиси (1956). *Жиенқурай жировнинг* шогирди. Ёшлигидан халқ қўшиқлари ва достонлардан парчаларни ёддаб юрган. Достонларни ўзбек ва қорақалпоқ тилларида қуйлаган. Репертуарида 20 дан зиёд достон бор; шулардан 17 таси ёзиб *олингган («Алпомиш», «Қирқ қиз»,* «Ширин б-н Шакар» ва б.). Улардан баъзилари Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти фольклор бўлими архивида сақланади.

Ад.: Мақсетов К., Қорақалпоқ жиров, бахшилари, Нукус, 1983.

ҚУРБОНГОҲ (ар. Ага) — осмонинг Жин. ярим шаридаги олдуз туркуми. Иккита энг ёруг олдузи 2,8 ва 3,0 визуал олдуз катталигида. Кузатиш учун энг қулай давр — июнь ва июль ойлари. Ўзбекистонда қисман кўринади.

ҚУРБОНЖОН ДОДХОҲ, Қурмонжон Маматқизи, Олай маликаси (1811 — Ўш яқинидаги Моди қишлоғи — 1907.1.2) — чор Россияси мустамлакачилигига қарши кўтарилган қўқолон раҳбари. *Қўқон хонлиги* вазири Олимбек додхоҳ Ҳасанбой ўғли (1800—63)нинг рафиқаси.

Қўқон хонининг ҳарбий сарқардаси Қошқўрдан қайтишда унга уйланган (1832), Қ.д.ни хон саройига олиб келиб, *Нодирабегимга* таништирди (1833). Нодирабегим ва *Умарий* каби ўзбек шоиралари таъсирида Қ.д.нинг дунёқараши шаклланди. Қ.д. 5 ўғил ва 2 қизининг онаси бўлган. Олимбек додхоҳ ҳокимият учун курашларда сарой фитнаси натижасида ўлдирилгач (1863), Қ.д. эри ўрнига маълум муддат Андижон ҳокими бўлган. Сўнгра фарзандларини олиб, ўз овулига жўнаб кетган. У Олай маликаси сифатида ном чиқарган. Бухоро амири Музаффардан жасур ва довюраклиги боис Қурбонжонга додхоҳ унвонини берган. Амир ёрдамида Қўқон тахтини қайта эгаллаган Худоёрхон Қ.д.ни Олай воҳасининг ҳокими қилиб тайинлайди (1865). Унинг катта ўғли Абдуллабек эса Ўш ҳокими қилиб тайинланган. Қ.д. билан Қошқардаги Ёттишаҳар уйғур додахи ҳукмдори *Ёқуббек* ўртасида нэши муносабатлар ўрнатилган.

Қўқонда хон зулми ва чор Россияси мустамлакачилигига қарши кўтарилган *«Пулатхон» қўзолонида* Қ.д. ва унинг фарзандлари — Абдуллабек, Маҳмудбек, Ҳасанбек, Ботирбек ва Қамчибек ҳам қатнашган. «Пулатхон» қўзолони бостирилгандан кейин Олай воҳасидаги аҳоли Қ.д. бошчилигида курашни давом эттиришади (қ. *Қурбонжон додхоҳ қўзолони*).

Қўзолон бостирилгач (1876), Туркистон генерал-губернатори К.П. *Кауфман* томонидан Қ.д. афв қилинади. Олай воҳасидаги ички бошқарувда Қ.д. ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Олай маликасининг довруғи ҳатто Санкт-Петербургдаги императар саройигача етиб борган.

Қ.д. Олай воҳасида, сўнгра Ўш яқинидаги қишлоғида умрининг охиригача яшаган. Қ.д. ҳақида Фарғона водийси аҳолиси ўртасида кўплаб қўшиқлар ва ривоятлар тўқилган. Моди қишлоғида уй-музейи мавжуд. Фарғона ва Ўшда кўчалар, мактаблар унинг номига қўйилган.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Чоратегин Т., Омурбеков Т., Кыргызстон тарихи (XIX аср бошн — 1917 йил), Жалолобод, 2000.

ҚУРБОНЖОН ДОДХОҲ ҚЎЗОЛОНИ — чор Россиясининг мустамлакачилик зулмига қарши кўтарилган халқ қўзолони (1875—76). Бу қўзолонга Олай воҳаси ҳокими, Олай маликаси сифатида машҳур бўлган *Қурбонжон додхоҳ* бошчилик қилган.

«Пулатхон» қўзолони оммавий тус олгач, Қурбонжон додхоҳ ўз ўғилларя б-н қўзолончилар томонига ўтган.

1876 й. март ойида Туркистон генерал-губернатори К.П. *Кауфман* Олай воҳасига янги ҳудудларни босиб олиш ва халқ қўзолонларини шафқатсиз бостиришга б-н ном чиқарган генерал М.Д. *Скобелевни* юбориб, қўзолончилардан 3 кунлик муддат ичида бўйсуниш ва ҳар бир ўтов солиқ тўлашини талаб қилган. Чорвадор қирғизлар ва ўзбеклар босқинчиларга итоат қилмай, уларга қарши Қурбонжон додхоҳ бошчилигида курашга отланган. Скобелев раҳбарларидаги Россия қўшини 1876 й. 21 мартда Ўшга келади. Скобелев айланма йўл орқали ҳужумга ўтиб, қўзолончиларни Сўфиқўрғонгача суриб ташлаган. Абдуллабек қолган йигитлари б-н Қизилорт довони томонга чекиниб, Помир тоғларига чиқиб кетган.

Кауфман буйруғи б-н 1876 й. ёзида Олай воҳасига кирб отрядн жўнатилган. Скобелев бошчилигидаги қўшин 15 июлда Олайга 3 томонлама — Ўш, Учқўрғон ва Гулчадан йўлга чиқишган. Абдуллабек 2 минг кишилик қўшинн б-н Ўшдан 40 чақирим наридаги Ҳоти деган жойда пистирма қўйиб, чор қўшинларини Олайга ўтказмасликка ҳаракат қилган. Полковник Виттенштейн ва қирғиз Шаблон Жонтой ўғли бошчилигидаги қисмлар б-н Абдуллабек қўшинн ўртасида аёвсиз жанглар бўлган. 31 июлда қирғизларнинг бир неча бийи Скобелевга таслим бўлган. Виттенштейн қўшини 1876 й. авг.да Абдуллабек йигитлари ортидан ҳужуб, Помирга хиқиб борган.

8 сент.да Сўхта яқин Айланма деган жойда ҳар 2 қўшин ўртасида сўнгги тўқнашув бўлиб, унда Абдуллабек бошчилигидаги қўзолончилар енгилади. Абдуллабек укалари ва сафдошлари б-н Қорақўлдан Чўнгсув дарасига ўтиб, сўнгра Туюқсув дарасн орқали Қашқар ва Шугнон тарафга, кейинчалик Афғонистонга ўтиб кетган. Абдуллабек ўша йилнёқ Маккага ҳаж сафарига жўнаб, йўлда вафот этган (унинг жасади кейинчалик Гулчага олиб келиниб, дафн этилган).

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Скобелев Ўш уезди ҳокими П.П.Ионов воситачилигида Қурбонжон додхоҳ б-н музокаралар олиб борган. Скобелев б-н Қурбонжон додхоҳ Олайда шахсан учрашишган ва ўртада сулҳ тузилиб, чор ҳукуматига

қўрқатаётган қуролни қаршисинг тўхтатилган (1876 й. охири).

Қурбонжон додхоҳнинг ўғиллари Маҳмудбек, Ҳасанбек, Ботирбек Қобўлдаги қувғинликлари чақирилиб, уларга Олай воҳасида янги тузилган бўлимларга бошчилик қилиш топширилган. Унинг кичик ўғли Қамчибек эса кейинчалик рус мъмурлари томонидан Ўшда дорга осиб ўлдирилган (1895).

Ал.-Бабабеков Х. Н., Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки. *Т.*, 1990; *Народные движения Средней Азии в XIX веке* (По материалам Кыргызстана). Бишкек-Ош, 1998.

Қаҳрамон Ражабов.

ҚУРБОНКЎЛ (Қўрқўл) — Қирғизистон Республикаси Боткен вилояти шим. ва Ўзбекистон Республикаси четарасидаги окар кўл. Фарғона водийсида. Қўқсув дарёсида жойлашган. Шим.дан жан.га чўзилган. Тог қуласидан ҳосил бўлган. Ўртача бал. 1738 *м. Сув йиғиш майд.* 129,5 км². кўлнинг майд. 1,4 км², уз. 866 м, ўртача эни 162 м, энг катта кенглиги 255 м. Ўртача чуқ. 8,6 м, энг чуқур жойи 13,4 м. Суви ялпи ичимлик сифатига эга. Қишда қирғоққа яқин жойлари музлайди.

ҚУРБОНЛИК — худога яқинлашиш ва унинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш учун худо йўлига жонлик сўйиш. Қ. одати қад. замонларда кўп халқлар ва қабилаларда бор эди. Исломдан илгариги арабларда қулларни, ўз фарзандларини қурбон қилиш одати бўлган. Қуръонининг 108-Кавсар сурасида худо жаннатдаги Кавсар ҳовузини ато этгани учун жонлик сўйиб Қ. қилиш ҳақида сўз боради. *Сиффати Замзам* булоғи суви камайиб турганда Муҳаммад (саввнинг бобоси Абдулмуттолиб сувни кўпайтиришни худодан тилаб ўз ўғилларидан бирини Қ.ка атаган ҳақида ривоят сақланиб қолган. Даврлар ўтиши б-н инсон ўрнига ҳайвонни қурбон қилиш одатга айланган. Библия ривоятига кўра, Иброҳим (Аврам) ўзининг ягона эъзозлининг исботлаш учун ўз ўғли Исҳоқ (Исаак)ни қурбон қилишга қарор қилганида худо уни тўхтатиб, болининг ўрнига қўчқор сўйишни буюрган (Библия, Бордиқ китоби, 22-боб, 1—13-бандлар). Бу ривоят Қуръонга айнан ўтган. Фақат Иброҳим ўз ўғли Исҳоқни эмас, балки 2-ўғли Исмоилни Қ. қилишга чоғланган (37-сура, 102—107-оятлар). Ислом динида Қ. ҳаж маросимининг қитъай ва мажбурий қисмларидан бирига айланган. Ҳожда иштирок этмаган мусулмонлар қурбон ҳайити куни имкониятига қараб Қ. қилиши лозим ҳисобланади. Қ. учун сўйиладиган ҳайвон — қўй, мол, туя. Бир қўйни 1 киши, қорамол, туяни эса бир кишидан то 7 кишигача бир бўлиб Қ. қилиши мумкинлиги белгиланган.

ҚУРБОНОВ Абдулла Абдураҳмонович (1925.23.2 — Янгийўл тумани — 2004.28.7) — 2-жаҳон урушн қатнашчиси. 1943 й. *сент.дан фронтда.* 282-гвардиячи ўқчи полки (Дашт фронти 37-*армиясинг* 97-гвардиячи ўқчи дивизияси) мергани. 1943 й. 30 сент.дан 17 окт.гача Кировоград вилоятининг Онуфриевка туманидаги Дериевка қишлоғи учун бўлган жангда кўрсатган жасорати учун Қизрамои унвони берилган (1944.22.2). 1944 йда армия сафидан бўшатилган. Урушдан сўнг Наъбободида яшаган ва турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Вафотидан сўнг ўзи ишлаган мактабга номи берилган.

ҚУРБОНОВ Акобир Собировнч (*1975.29.7, Буҳоро тумани*) — спортчи, «Ўзбекистон ифтихори» (1999). Собир *Қурбоновнинг* ўғли. Самбо бўйича 74 ва 82 кг вазн тоифаларида Ўзбекистон (1995—2005), Осиё (1995, Бишкек; 1997, Улан-Батор; 1998, Тошкент; 1999, Сингапур; 2004, Уральск) ва жаҳон (1995, София) чемпиони, жаҳон кубоги голиби (1997, Кетова; 2003, Уральск). Кураш бўйича 73 кг вазн *тоифасида Ўзбекистон (1999) ва жа*ҳон (1999) чемпиони. Қ. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясини тугатган (1996). 1996 йдан шу академиянинг жисмоний тайёргарлик кафедрасида катта ўқитувчи.

ҚУРБОНОВ Анвар Сарманович (1948, ҳоз. Сирдарё вилояти Гулистон тумани) — қурувчи уста, Ўзбекистон Қаҳрамони (1998). Меҳнат фаолиятини 1969 йдан Гулистон туманидаги *60-сонли қурилиш* ташкилотида гишт терувчилигдан бошлаган, шу тумандаги 3-механизациялашган колоннада қурилиш бригадири (1975—81), «Сирдарёжамқурилиш»га қарашли 49-сонли механизациялашган колоннанинг бригада бошлиғи (1981—98), Гулистон туманидаги 4-сонли қурилиш-монтаж бошқармасида бригада бошлиғи (1998—2000), 2000 йдан шу бошқарма қошида қўмитасининг раиси. Гулистон шаҳари 5-мавзе, «Маънавият ва маърифат» марказн, сузиш бассейни, Алпомиш спорт мажмуаси, Бокс саройи, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вилоят бўлими сингари қўплаб йирик мъморлик иншоотларини *қурилишида фаол қатнашиб*, юқори меҳнат кўрсаткичларига эришган, кўплаб қурувчи шогирдлар етиштирган.



ҚУРБОНОВ Аҳмаджон (1921.10.10, Жомбой тумани — 1945.6.2, Польша, Грудзёндз ш., Шёнайх қишлоғида *дафн этилган*) — *2-жаҳон урушн қатнашчиси.* Урушгача ўқитувчи бўлиб ишлаган. *1940* йдан армияда, Тамбов қарбий билим юртини (1941) ва «Выстрел» курсини (1943) битирган. 128-гвардиячи ўқчи полки (1-Белоруссия фронти 65-армиясинг 44-гвардиячи *ўқчи дивизияси)*нинг батальон командири, гвардиячи майор. 1944 й. 5 сент. да Польшанинг Серощк ш., Кдриевск ҳоқли пункти яқинидаги Нарев дарёсини кечиб ўтишда ва плацдарм учун душман 6-н бўлган жангда қўрсатган жасорати учун вафотидан сўнг Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган (1945.24.3).Ўзи ўқитган мактабга, Жомбой *шаҳри станцня* ва кўчага номи берилган.

ҚУРБОНОВ Йўлдош Раҳимович (1929.20.4, Тўрткўл ш. — 1981.31.1, Тошкент) — Ўзбекистонда хизмат *кўрсатган фан арбоби* (1979), қ.х. фанлари номзоди (1959). Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ин-ти зоотехника-ф-тини тугатган (1953). 1953—55 й.лардa шу ин-тда ўқитувчи, Ўзбекистон чорвачилик ин-тида бўлим мудири, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1958—61), Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги вазири (1961—62), *Қорақалпоғистон деҳқончилик н.т.* институти директори (1962—65), Тўрткўл тумани партия комитети 1-котиби (1965—70), Ўзбекистон КП МК котиби (1970, сент. — 1981). Тўрткўл туманида жамоа хўжалигига, ўрта мактабга, Тошкент шаҳари кўчаларидан бирига Қ. номи берилган.

ҚУРБОНОВ Ражаббой (1933.2.3 — Янгиариқ тумани — 2000, янв.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Хоразм пед. институтини тугатган (1961). 1953 йдан Янгиариқ туманидаги 17-, 1961 йдан 1-мактабда, *1993—2000 й.ларда* 11-лицей интернатда мат. ўқитувчиси.

ҚУРБОНОВ Раҳмат (1944.18.12, Қоғон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Бухоро пед. институтини тугатган (1968). 1968—98 йилларда Қоғон туманидаги 4-мактабда кимё ўқитувчиси; 1989—90 йилларда директор.

ҚУРБОНОВ Собир Ҳайитович (1949.20.1, Бухоро тумани) — спортчи, самбо бўйича жаҳон чемпиони (1975, Минск), хизмат кўрсатган спорт устаси (1976), Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози (1999). Акобир *Қурбоновнинг* отаси ва биринчи устози. Самбо бўйича 74 кг вазн тоифасида Ўзбекистон (1970, 1973), спартакиада (1975, Тбилиси) ва Европа (1974, Мадрид) чемпиони. Шунингдек, кураш бўйича 73 кг вазн тоифасида Ўзбекистон чемпионати (1969, 1970) ва ғолиби. Қ. Бухоро педагогика ин-тини тугатган (1972), Бухоро туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий, директор (1973—87). 1987 йилдан Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси «Динамо» спорт жамиятида катта мураббий.

ҚУРБОНОВ Тоҳиаберди (*1936.8.8*, Пастдарғом тумани) — актёр, реж., Ўзбекистон халқ артисти (1978). Самарқанд ун-ти (1960) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (1975)ни тугатган. Қорақалпоқистон давлат санъат музейида рассом (1960—70), Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг Қорақалпоғистон Мухтор республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудий бўлими раиси бўлган (1970—75); 1975 йилдан Тошкент ш.да яшаб ижод қилади. Қ. ижодининг дастлабки даврида замондошлари (айниқса, *мехнат ахлининг портретларини яратди* («Туркман қизи», 1960; «Хива манзараси», 1961; «Жумагул портрети», «Гулсара портрети». 1967; «Прораб Абдулла портрети» 1979; «Тунқаш», «Чангчи уйини», 1980 ва б.). 1980-йиллари Хоразмнинг қад. тарихи, этнографияси, *маданияти, давлат* арбоблари ва аллоларини рамзий ва мажозий ҳикоялар воситасида тасвирлайди: «Илон ҳайқириғи», «Туп-роққалъа» (1987), «Алвида, Орол!» (1991), «Одилхон мадрасаси» (1991), «Хива. Бозорга», «Жалолиддин жангда» (1991), «Уйғониш» (1993), «Огаҳий», «Нажмиддин Кубро» (1996), «Жалолиддин Мангуберди» (1998, ушбу асар қаҳрамон портретининг намунаси сифатида қабул қилинган), «Маъмун академияси», «Ал-Беруний» ва б.

Қ. асарлари 6-н республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этади. *Асарлари республика ва хорижий мамлакатлар* (АҚШ, Италия, Япония, Ҳиндистон ва б.) музей ва тўпламларида сақланади.



Тоҳиабердн Қурбонов Мирзо Улуғбек ролида («Мирзо Улуғбек»).

ҚУРИЛИШ — моддий и.ч.нинг ўзаро *боғлиқ* соҳаларидан *бири*; *турли* мақсадларга бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш; ишни кўтиш учун фойдаланиладиган ҳудуд б-н бирга қурилаётган бино (иншоот); *кенг маънода қатъувчилик* жараёни. Тугалланган ва фойдаланишга топширш учун тайёрланган и.ч. корхоналари, турар жойлар, жамоат биноларн, иншоотларни ва б. объектлар Қ. мақсулотлари ҳисобланади. Қ.да ишлаб чиқариш цикли инсбатан узун бўлиб (бир неча ойдан бир неча йилгача), и.ч. жараёни турли об-ҳаво шароитида очиқ усулда олиб борилади. Пудрат ва *хўжалик усулидаги* Қ.ни ва *монтаж* ишларини, шунингдек, бино, иншоотларни капитал таъмирлаш ишларни Қурилиш ташкилотлари ва махсус ташкилотлар; лойиҳалаш, лойиҳа-конструкторлик ва қидирув ташкилотлари; фойдаланишга топшириш ва разведка-пармалаш ташкилотлари амалга оширади. Тикландиган объект хусусиятларига кўра саноат, транспорт, *фуқаролик*, сув *хўжалиги*, уй-жой, коммунал, ижтимоий-маданий ва бошқа Қ.ларга бўлинади.

Қ. Ўзбекистон Республикасида моддий и.ч.нинг энг муҳим тармоқ-

Т.Қурёзов. «Хива. Бозорга» (1990-йиллар).



ҚУРБОНОВА Хайрихон Абдулладевна (1940.31.8, Янгийўл ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). Тошкент пед. институтини тугаттан (1967). 1967 йилдан Янгийўл ш.даги 6-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

ҚУРЁЗОВ Собир (1947.17.4, Қўшқўпир тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). Хоразм пед. институтини тугатган (1969). 1969 йилдан Қўшқўпир туманидаги 18-, *1975 йилдан* 17-мактабларда кимё-биол. ўқитувчиси.

ҚУРЁЗОВ Тура (1938.24.2, Хива тумани *Журён қишлоғи*) — *рангтасвир* устаси, Ўзбекистон халқ рассоми (1999). Бенъков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1960) ҳамда Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (1975)ни тугатган. Қорақалпоқистон давлат санъат музейида рассом (1960—70), Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг Қорақалпоғистон Мухтор республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудий бўлими раиси бўлган (1970—75); 1975 йилдан Тошкент ш.да яшаб ижод қилади. Қ. ижодининг дастлабки даврида замондошлари (айниқса, *меҳнат аҳлининг портретларини яратди* («Туркман қизи», 1960; «Хива манзараси», 1961; «Жумагул портрети», «Гулсара портрети». 1967; «Прораб Абдулла портрети» 1979; «Тунқаш», «Чангчи уйини», 1980 ва б.). 1980-йиллари Хоразмнинг қад. тарихи, этнографияси, *маданияти, давлат* арбоблари ва аллоларини рамзий ва мажозий ҳикоялар воситасида тасвирлайди: «Илон ҳайқириғи», «Туп-роққалъа» (1987), «Алвида, Орол!» (1991), «Одилхон мадрасаси» (1991), «Хива. Бозорга», «Жалолиддин жангда» (1991), «Уйғониш» (1993), «Огаҳий», «Нажмиддин Кубро» (1996), «Жалолиддин Мангуберди» (1998, ушбу асар қаҳрамон портретининг намунаси сифатида қабул қилинган), «Маъмун академияси», «Ал-Беруний» ва б.

Қ. асарлари 6-н республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этади. *Асарлари республика ва хорижий мамлакатлар* (АҚШ, Италия, Япония, Ҳиндистон ва б.) музей ва тўпламларида сақланади.

ҚУРИЛИШ — моддий и.ч.нинг ўзаро *боғлиқ* соҳаларидан *бири*; *турли* мақсадларга бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш; ишни кўтиш учун фойдаланиладиган ҳудуд б-н бирга қурилаётган бино (иншоот); *кенг маънода қатъувчилик* жараёни. Тугалланган ва фойдаланишга топширш учун тайёрланган и.ч. корхоналари, турар жойлар, жамоат биноларн, иншоотларни ва б. объектлар Қ. мақсулотлари ҳисобланади. Қ.да ишлаб чиқариш цикли инсбатан узун бўлиб (бир неча ойдан бир неча йилгача), и.ч. жараёни турли об-ҳаво шароитида очиқ усулда олиб борилади. Пудрат ва *хўжалик усулидаги* Қ.ни ва *монтаж* ишларини, шунингдек, бино, иншоотларни капитал таъмирлаш ишларни Қурилиш ташкилотлари ва махсус ташкилотлар; лойиҳалаш, лойиҳа-конструкторлик ва қидирув ташкилотлари; фойдаланишга топширш ва разведка-пармалаш ташкилотлари амалга оширади. Тикландиган объект хусусиятларига кўра саноат, транспорт, *фуқаролик*, сув *хўжалиги*, уй-жой, коммунал, ижтимоий-маданий ва бошқа Қ.ларга бўлинади.

Қ. Ўзбекистон Республикасида моддий и.ч.нинг энг муҳим тармоқ-

ларидан бирини ташкил этади. Республика иқтисодиётида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг кўра Қ. саноат ва қ.х.дан кейин 3-ўринда туради. *2003 й.да ялпи ички маҳсулотнинг* 4,5% (2000 й.да 6,1%), халқ хўжалигининг фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларининг 4,8% (11,9 минг) Қ. ҳиссасига тўғри келади.

Қ. халқ хўжалигининг барча тармоқларига хизмат кўрсатиб, асосий фондларни қайта тиқлор и.ч. учун шароитларни таъминлайди, халқ хўжалигининг моҳбуд тармоқларини барпо этиш, ишлаб чиқаришни кучларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш, *республиканинг янги табиий* бойликларини ўзлаштириш, бўш меҳнат ресурсларини ижтимоий и.ч. га жалб этишга ёрдам беради. Республикада Қ. ишлари пудрат, субпудрат ва ҳисмон хўжалик усулларида олиб борилади.

Қ. индустрияси негизини давлат, акциядорлик, ширкат, хусусий, қўшма ва б. пудрат қурилиш-монтаж ташкилотлари, шунингдек, ўз механизация-техника ва и.ч. базасига, малакали ишчи ва мутахассис кадрларга эга бўлган корхоналар, транспорт ва б. ёрдамчи хўжаликлар ташкил этади. Ўзбекистонда қурилиш-монтаж комплексларини, корпорацияларни, қурилиш акциядорлик жамиятлари ва бирлашмаларни, қўйи пудрат ташкилотларни, кичик корхоналар, қўшма корхоналар, лойиҳа ва илмий ҳамда қурилиш соҳасига мослаштирилган илмий тадқиқот ин-тлари фаолият кўрсатади. *Қурилиш-монтаж ишларининг* даврий барчасини ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари амалга оширади.

2003 й.да республиканинг асосий капиталини кўпайтиришга 1867,4 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди. Бу маблағнинг 1236,1 млрд. сўми (65,1%) и.ч. объектларини қуриш, кенгайтириш, такомиллаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилди. Барча мулкчилик шаклларидаги Қ. ташкилотлари томонидан *жами 808,1 млрд.сўмлик Қ. ишлари* амалга оширилди (шундан 717,4 млрд. сўми ёки 88,8% нодавлат мулкчилик шаклидаги Қ. ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади).

Қ. ишлари умумий ҳажмидан 76,9% янги қурилишлар, фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 23,1% капитал, жорий таъмирлаш ишларига тўғри келади. Ўрта ва кичик бизнесга мансуб қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган Қ. ишлари ҳажми 350,4 млрд. сўмни ташкил этди (республика бўйича бажарилган қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 43,4%).

Республиканинг турли мулкчилик шаклларидаги қурилиш ташкилотлари ва корхоналари ихтисослаштирилган корпорация, компания, акциядорлик бирлашмаларига уюшган. Қ. модулли-техника базасининг муҳим тармоқ ҳисмини қурилиш материалларн саноати ташкил этади (қ. *Қурилиш материаллари саноати*).

ҚУРИЛИШ АКУСТИКАСИ — қ. *Акустика*.

ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ — бино ва иншоотларнинг асосий қисмлари. Қўтарувчи, тўсувчи, кўтарувчи-тўсувчи ва ёпувчи каби турларга бўлинади. Арка, ферма ва рама шаклли ранг *ишлаб кўтарувчи*; *девор* ва *ёпмалар*нинг панеллари, гумбаз ва б. тўсувчи, кўтарувчи ва ёпувчи Қ.к. ҳисобланади. Қ.к.нинг текис (балка, ферма, рама) ва фазовий (гумбаз ва б.) хиллари бор. Қ.к. бетон ва темир-бетон, металл, пластмасса, ёғоч ва гиштдан ишланади.

Қурилишда бетон ва темир-бетон конструкциялар кенг тарқалган. Гидротехника иншоотлари, йўллар, аэродромлар, резервуарлар қуришда яхлит темир-бетон ишлатилади. Махсус бетон ва темир-бетон юқори ва паст т-радр ёки кимёвий агрессив муҳитлар таъсирида бўладиган иншоотларни қуришда қўлланилади. Металл конструкциялар, асосан, кўп қаватли бино ва иншоотларнинг синчлари, цехлар, катта ҳажмли резервуарлар, кўприклар қуришда ишлатилади.

Ғишт, табиий тош, майда блоклар ва б. конструкциялар йирик панелларга қараганда камроқ ишлатилади. Ёғоч конструкциялардан фойдаланишнинг асосий йўналиши слимланган ёғоч конструкцияларга ўтишдир. Қурилишда кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар учун слимланган ёғоч кенг қўлланилади. Индустриал конструкцияларнн асбест-цемент пневматик конструкциялар; енгил қотишмалар ва пластик массалар ишлатиладиган конструкциялар кенг тарқалган. Қ.к.ла қўйиладиган асосий талаблар: тайёрланиши индустриаллаштириш қўлами *(з-д шароитида* тайёрланиши), самарадорлиги (материаллар сарфи ва қиймати бўйича), ташиш ва монтаж қилишнинг қулайлиги.

Ўзбекистон меъморчилигида *қадимдан арка, гумбаз, равоқ* каби Қ.к.да асосан пишиқ ғишт ва ганч ишлатилган (қ. *Арка услуби*). 20-а. 40-йилларидан темир-бетон ва қуйма бетон конструкцияларн кенг расм бўлди. Қурилишда ишлатиладиган темир-бетон конструкциялар асосан 2 усулда: қурилиш объектининг ўзида ва *з-д ёки тажриба майдонларида* тайёрланади. 20-а. 90-й.ларидан пластмасса ва алюминий Қ.к. (айниқса, рама, терраса, дераза ва эшиклар учун) кенг қўлланилмоқда.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ — бинолар (иншоотлар) қуриш ва таъмирлашда ишлатиладиган табиий ва сунъий ашёлар ҳамда буюмлар. Умумий ишлаги мўлжалланган (мас., *цемент, бетон, ёғоч материаллар*) ва махсус (мас., *акустика материаллари*, иссиқлик изоляция материаллари, ўтга чидамли материаллар) хиллари бор.

Технологик ва эксплуатация аломатларига кўра қурилиш асосий гуруҳларга бўлинади. Табиий тош материаллар — механик ишлов берилган тог жинслари (қоплама плиталар, чақиқ тош, шағал ва б.). Керамик материаллар ва буюмлар — тупроқни ҳом ашёлардан қолиплаш, пишириш йўли б-н тайёрланади (қ. *Керамика, Ғишт*). Анорганик боғловчи моддалар — сув б-н аралашганда пластик бўтқага, кейин тошсимон ҳолатга айланадиган кукунсимон материалдар (цемент, гипс, оҳак ва б.). Бетон ва қоришмалар — боғловчи моддалар, сув ва тўлдиргичлар аралашмасидан олинадиган, маълум физик-механик ва кимёвий хоссаларга эга бўлган табиий тош материаллар. Йирик ўлчамли йирма конструкцияларда ва буюмлар *тайёрлашда енгил бетонлар* ишлатилади. Конструкция элементларнинг эгилиш ва тўзилишга мустаҳкамлигини ошириш учун бетон пўлат арматуралар б-н бирга*лиқда* тайёрланади (қ. *Темир-бетон, Темир-бетон конструкциялар*). Металлардан қурилишда, асосан, пўлат прокатлар ишлатилади. Пўлатдан арматуралар, бино каркаслари (синчлари), қувурлар, трубопроводлар, *ёпма* материаллар ва б. тайёрланади. Шу б-н бирга алюминий қотишмаларидан ҳам фойдаланилади. *Иссиқлик изоляция материаллари* (минерал пахта,

пенобетон, асбест, пеносилика, фибролит ва б.) бино, иншоот, саноат жиҳозларининг ўралдиган конструкцияларини ўчун, қувурларнинг изоляция изоляцияси ўчун ишлатилади. Органик боғловчи моддалар ва гидроизоляция материаллари — битумлар, рубероид, толь, асфальт-бетон ва б. *Полимерлар*га синтетик полимерлар асосида тайёрланадиган материалларнинг катта гуруҳи киради. Улар поллларга тўшамда (линолеум, релин ва б.), конструкцион ва пардозлаш материаллари (шишапластлар, безак пленкалар), иссиқлик ва товуш изоляция материаллари (*пенополистирол, шишапластлар*) сифатида ишлатилади. Лок ва бўёқлар — бўяладиган конструкция сиртида безак ва ҳимоя қопламаси ҳосил қилади. Улар органик ва анорганик боғловчи моддалар асосида тайёрланади. Булардан *таянч Қ.м.га диққа (ойна) ва пластмассалар* ҳам киради.

Ўзбекистонда Қ.м.дан соғтупроқ, цемент, алебастр, ганч, қум, шағал, мармар ва ёғоч мавжуд. Қ.м. учун Ўзбекистон Республикаси стандартларида жами 120 талаб кўй стандарт қабул қилинган (2005 й.гача).

Ад.: Строительные материалы [Пол общей ред. В.Г.Микульского], М., 2000; Қосимов Э., Қурилиш шиёлари, Т., 2004.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ — уй-жой қурилиши, саноат, қ.х. ва б.лаги қурилиш соҳалари учун қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноат. Бир қанча тармоқларни ўз ичига олади. Цемент, асбест-цемент шифери, асбест-цемент қувурлари, девор материалари (гишт), оҳак, гипс, дераза ойналари, *комшок* ёпма материаллар, табиий тошларни қоплама материаллар, безак ҳамда пол учун сопол (керамик) плиталар, иситиш радиаторлар ва конвекторлар, чинни-фаянс санитария-қурилиш буюмлари, *линолеум*, йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар, нодуда қурилиш материаллари (майдаланган, чақилган тош, қум, шағал, қум-шағал аралашмаси) ва б. Қ.м.с.нинг асосий маҳсулотлари ҳисобланади.

Қазимда гишт, черепица, сопол плита, сопол водопровод қувурлари, гипс ва оҳакли ёпишқоқ материаллар ва б. қурилиш материаллари маълум эди. 19–а.нинг 1-чорагида механик чиламаларини ишқорга бўлган, сувда қотадиган портландцемент кашф этилиб, қурилишда бетон ва темир-бетон и.ч. ва уларни ишлатишга шароит яратди. 19—20-а.ларда қурилиш ҳажмининг кескин ошиши натижасида Қ.м.с. маҳсулотлари тур таркиби ва и.ч. ҳажмлари ишқорн суръатларда ошди.

Ўзбекистонда табиий ҳом ашёлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, биноларр қурилишида ҳом гишт, гувала, ёғоч сирч, ганч, оддий тупроқ (*лойдан тикланадиган пакса девор*лар диққа асосий қурилиш материаллари бўлиб келган. Ҳамдонларда пиширилган гишт, сопол, чинни кошин, ганч, йўғилган гранит, мармар тошлар сарой, мадраса, масжид, работлар қурилишида кенг қўлланилган.

Республикада қурилиш материаллари саноати халқ хўжалигидаги саноат тармоғи сифатида 20–а. бошларида пайдо бўлди. 1913 й.да ҳоз. Ўзбекистонда жами 20 дан кўпроқ кичик гишт з-длари, оҳак ва алебастр и.ч. корхоналари ишлаган. 20–а.нинг 20–й. ларидан бошлаб пластабкя Қ.м.с. корхоналари (цемент, гишт з-длари) қурилиши бошланди ва қисқа муддатларда *цемент саноати, шиша-ойна саноати, тошга ишлов бериш (тоштарошлик)*, нодуда қурилиш материаллари корхоналари барпо этилди.

21–а. бошида республиканинг кўп тармоқда Қ.м.с.да цемент, асбест-цемент, деворбоп материаллар, комшок тош ва гидроизоляция материаллари, табиий тошлардан қоплама материаллар, полимер ҳом ашёдан қурилиш материаллари ва буюмлар, темир-бетон конструкцияларр ва б. ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланди. Тармоқ корхоналарида 100 дан ортиқ номдаги асосий маҳсулот турлари тайёрланади.

Қурилиш материаллари саноати тармоқлари юксак механизациялашган ва халқ хўжалигининг қурилиш материалларига бўлган талабини тўла қондиради. Хорижий инвесторлар иштирокида янги қўшма корхоналар қурилмоқда, ишлаб турган корхоналар замонавий технология б-н жиҳозланиб кенгайтирилмоқда. 2003 й.да Ўзбекистонда саноат маҳсулоти и.ч.нинг умумий ҳажмида Қ.м.с. салмоғи 4,9% ни ташкил этди. Тармоққа фаолият кўрсатаётган энг йирик ташкилот «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси (1997 й.да ташкил этилганидир. Унинг таркибидаги 80 корхона (23 акциядорлик жамияти, 39 та масъулияти чекланган жамият, 14 та хусусий корхона, 4 қўшма корхона) республикада объектлар қурилишини барча турлари қурилиш материалари б-н таъминлайди.

2003 й.да республика Қ.м.с.да (йирик ва ўрта корхоналар бўйича) 4062,5 минг т цемент, 568,1 минг км² ички девордарни қоплашга мўлжалланган безакли сопол плиткалар, 34,7 млн. м² ювшюқ ёпма (том) материаллари, 313,7 млн. дона шартли тахта шифер, 360 минг м³ плитасимон, 6434,5 минг м² дераза ойнаси (2 мм қалинлик ҳисобида), 41,9 минг т оҳак, 49,2 минг т гипс ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Тармоқ маҳсулотлари чет мамлакатларга экспорт қилинади (2004 й.да 31,7 млн. АҚШ доллари).

Эркин Акрамов.

ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ — қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш учун мўлжалланган механизация воситалари. Қўлладиган бино ва иншоотлар ўрнини тайёрлаш, ер *техникаси* ва қазиш ишларини бажариш, йўл қурилиши, йиғма конструкцияларни монтаж қилиш, бетон қориш, устун-қозиқ қоқиш, арматуралар тайёрлаш ва уларни пайвандлаш, бетон қоришмасини қуйиш, том ёпиш, пардозлаш ва б. ишларни бажариш учун мўлжалланган технологик гуруҳларга бўлинади.

Бино ва иншоотлар ўрнини тайёрлаш ишлари (грунтни юмшатиш, қурилиш майдончасини бутаплар, дарахтлар, тошлардан тозалаш) алмашиладиган иш жиҳозлари ўрнатилган занжирли трактордар негизидаги машиналар б-н; ер *техникаси* ва қазиш ишлари *бир* ва кўп чўмичли экскаваторлар, зовур қазигичлар, бульдозерлар, скреперлар, автогрейдерлар, бир чўмичли юклагичлар ва б. б-н; йўл қурилиши ишлари ер қазиш машиналари, махсус йўл қурилиши машиналари б-н; темир йўл қурилишидаги *ишлар рельс-шпал ётқизиш, балласт* ёпиш, ишларни тўрлаш машиналари б-н бажарилади. Қия грунтларни тайёрлашдаги бургилаш, руда бўлмаган қурилиш ашёларини қазиб олиш, устун-қозиқ ўрнатиш учун қудуқ қазиш ва б. ишлар турли бургилаш машиналари ёрдамида қилинади. Замин тайёрлаш ишлари устун-қозиқ қоқиш жиҳозлари, дизель-болға, буғ-ҳаво болталари, виброботгичг б-н бажарилади. Бетон ва темир-бетон ишлари домкратлар, арматура-пайвандлаш қурилмалари, бетон қоргичлар, автобетонташгичлар, автобетоншасослар, зичлагич (вибратор)лар, *бетон ётқизгичлар*; том қоплама ёпиш ишлари том ёпиш машиналари, мастика ташиш ва узатиш машиналари; пардозлаш иш-

лари қоришма қоргич, қоришма узатиш насоси, суваш-сиплиқлаш, қошиплаш-сиплиқлаш, ғарчлаш-сиплиқлаш машиналари, механизациялаштан кўчма бўёқчилик ст-клари, шпаклёвка қурилмалари б-н қилинади.

Қурилишда юк кўтариш қралплари, кўтариш-ташиш, ортиш-тушириш машиналари, узлуксиз ташиш ва б. машиналардан ҳам фойдаланилади. Қ.м.дан фойдаланиш ишларини компьютерлашган роботлар ёрдамида бошқариш ҳеч-кандан қолмайди.

Ад.: Бозорбоев Н., Хушназаров Б., Қурилиш машиналари, Т., 2001.

ҚУРИЛИШ МЕХАНИКАСИ — иншоотларнинг мустаҳкамлиги, бикирлиги, чидамлилиги ва тебраништебранмаслигини ҳисобга чиқарилиш ва ҳисоблаш б-н шуғулланадиган фан. Асосий объектлари — текис ва фазовий пластинка ва қобиқлардан иборат системалар. Конструкцияларни ҳисоблашда турли таъсирлар, асосан, статик ва динамик нагрузкалар ва т-ранинг ўзгариш ҳисобга олинади. Ҳисоблашнинг мақсад системанинг элементларида пухта қолларнан ички зўриқишларни, айрим нуқталарининг силжишини, системанинг турғунлик ва тебранишу шроитини аниқлашдан иборат. Ҳисоблаш натижалари асосида бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги учун зарур айрим элементлари кесимларининг ўлчами аниқланади. Қ.м.даги назарий ҳисоблашлар назарий механика, *материаллар қаршилиги, эластиклик назарияси, пластиклик назарияси* ва б.га асосланади. Қ.м. иншоотлар назарияси, иншоотлар статистикаси деб ҳам аталади.

Иншоотларни ҳисоблаш учун дастлаб уларнинг ҳисобий схемаси (модели) аниқланади. Шу мақсадда реал иншоотлардан фақат маҳаллий нагрузкаларни қабул қиладиган ва амалда иншоот ишида бутунлай иштирок этмайдиган элементлар фикран олиб ташланади ва иншоотнинг содалаштирилган схемаси тузилади. Ҳисобий схемада иншоот элементлари шартли равишда чизиқ, текислик, қийшиқ юзлар тарзида тасвирланади. Қ.м.да узаро узел ҳилиб туташтирилган алоҳида элементлар ёки стержен-лардан иборат дискрет схема (ферма, рама, арқалар), битта узлуксиз элементдан иборат континуал схема (мас., қобиқ) ва алоҳида стержен-лари (мас., колонна-ларнинг ташувчи қобиқ) бўлган дискрет-континуал схема бўлади.

Ҳисоблашда иншоотлар барча элементларининг ўзаро боғланиши ҳисобга олинади. Амалда учрайдиган иншоотлар системалари фақат статик тенгламалардан фойдаланиб ҳисоблаш мумкин бўлган статик аниқ системалар ва статик тенгламалардан ташқари деформацияларнинг ўзаро боғлиқлик тенгламаларидан ҳам фойдаланиб ҳисоблашдаги-ни статик аниқмас системаларга бўлинади.

Дискрет аниқмас статик системаларни ҳисоблашда куч усули, силжиш усули ва аралаш усуллан фойдаланилади. Куч усули бўйича ҳисоблашда иншоотнинг танданган ҳисобий схемасида боғланишларнинг бир қисми «ташлаб юборилади» (ҳисобга олинмайди). Бу б-н берилган система статик аниқ ва геометрик жиҳатлан ўзгармас системага айлантирилади, «ташлаб юборилган» боғланишлар куч б-н алмаштирилиб, каноник тенгламалар тузилади. Бу тенгламаларни ечишда топилган ортиқча номаълумлар нагрузка б-н бирга асосий системага ташқи кучлар сифатида «қўйилган», сўнгра система элементларидаги ички зўриқишлар ва айрим нуқталарининг силжиши аниқланади. Силжиш усулида берилган системага қўшимча боғланишлар қўйиб, асосий система ҳосил қилинади. Бундан мақсад системани деформацияси ва зўриқишларни олдиндан ўрганишган системага айлантиришдир. Боғланиш ўқналиши бўйича силжишлар ортиқча номаълум деб қабул қилинади. Аралаш усулда куч ва силжиш усулларидан бирталигини фойдаланилади; бунда асосий система баъзи боғланишларни қўшиш, баъзиларини олиб ташлаш йўли б-н ҳосил қилинади. Шунинг учун куч ва силжишлар орқатиқа номаълум бўлади.

Континуал статик аниқмас системаларни ҳисоблашда силжиш функциялари ёки зўриқишлар номаълум деб қабул қилинади. Буларни аниқлаш учун дифференциал тенгламалар тузилади. Тенгламалар ечилгандан сўнг ички зўриқишларнинг қийматн аниқланади. Ҳисоблаш амалиётда компьютерлан фойдаланиш континуал системаларни ҳисоблаш учун дискрет ҳисобий схемалардан ҳам фойдаланишга имкон беради. Бунда континуал система ўзаро бикир ёки эластик боғланишлар б-н бирикадиган системалари ҳисоблашда куч усули ҳам, силжиш усули ҳам қўлланилади. Геометрик чизиқлимас системалар ҳам учрайди. Буларни ҳисоблашда силжиш анча катта бўлганлигидан система геометриясининг ўзгариши ва деформация жараёнида нагрузканинг силжиши ҳисобга олинади. Иншоотнинг турғунлиги ва тебранишини ўрганиш Қ.м. нинг муҳим вазифасидир. Иншоотнинг қанчалик турғун эканлигини ҳисоблашда статик, энергетик ва динамик усуллар қўлланилади. Улар ёрдамида критик параметрлар аниқланали. Ҳозир Қ.м.га доир барча диагностика ва ҳисоблаш ишлари асосан компьютерлар б-н бажарилади.

Қ.м.нинг иншоотларни ҳисоблаш усуллари мат., механика ва материаллар қаршилиги фанларининг тараққий этиши б-н ривожланиб борди. 19-а.гача Қ.м.да график усул б-н ҳисоблаш усули қўлланилди ва бу усул «графостатистика» деб аталди. 20-а.га келиб график усул ўрнини аналитик усул эгалади. 18—19-а.ларда Л. *Эйлер*, Я.Бернулли, Ж. *Лагранж* ва С. *Пуассон* ишлари асосида келиб чиққан аналитик усуллар 19-а. 2-ярмидан т.й. кўприклари, йирик саноат иншоотлари қурилиши натижасида жалдан ривожланди. Юқорида айтиб ўтилган фанларнинг ривожланиши туфайли Қ.м. усуллари ҳам такомиллашиб борди. Ўзбекистон меъморлиги қадимий-лиги, турли-туман меъморий ёдгорликлари б-н машҳур (қ. *Меъморлик*). Қад. миллий бино ва иншоотлар жуда мураккаблиги, геометрик шакллларнинг кўплиги, лозилабардош қилиб қурилганлиги б-н ажралиб туради. Уларни қуришда меъморлар Қ.м. усулларидан фойдаланишган. Ҳозир ҳам Ўзбекистонда замонавий бино ва иншоотлар б-н бирга тарихий меъморлик ансамбларидан ҳам фойдаланилади ва бунда Қ.м. усуллари кенг қўлланилади. Ўзбекистонда бино ва иншоотларни лозилабардош қилиб қуришга алоҳида эътибор берилади. Ўзбекистонда Қ.м.га доир н.т. ишлари, асосан, Тошкент архитектура-қурилиш ин-тида, Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш ин-тида, Тошкент Давлат техника ун-тида, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари ин-тида, Ўзбекистон Республикаси ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги н.т. институтида олиб борилади.

Турсунбой Рашидов.

ҚУРИЛИШ ФИЗИКАСИ — бино ва иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланиш б-н боғлиқ физик ҳарақлар ва ҳодисаларни ўрганиш ҳамда уларга доир муҳандислик ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланувчи илмий фанлар (амалий физика бўлимларн) мажмуи. Асосий соҳалари — қурилиш акустикаси, қурилиш *ёруғлик техникаси*, қурилиш *ис-*

синдик техникаси. Булар товуш ёки ёруғликнинг тарқалиши, иссиқликнинг кўчиши қонуниятларини ўрганиш масалалари б-н шуғулланади. Улар ишлаб чиққан тавсиялар бинолар ва иншоотларда одамнинг сезги органлари учун энг қулай ва гигиена нуқтаи назаридан энг мақбул акустика, ёруғлик ва т-ра-намлик шароитларини яратишда жуда кўл келади. Қурилиш конструкциялари ва қурилиш материалларининг чидамлилиги назарияси, қурилиш иқлимшунослиги ва қурилиш аэродинамикаси бўлимлари ҳам Қ.ф.нинг муҳим соҳалари ҳисобланади. Бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги, бикирлиги ва тургунлиги масалалари амалий физиканинг муҳим бўлими *қурилиш механикаси*да ўрганилади.

Қурилиш иқлимшунослигида бино ва иншоотлар ҳамда уларнинг конструкцияларига ташқи иқлим шароитларининг таъсири ўрганилади. Ҳоналардаги ички иқлимнинг хусусиятлари уларнинг бинола қандай жойлашганлигига ва бинонинг аэродинамик кўрсаткичларига боғлиқ, чунки ҳоналарда т-ра ва намликнинг тарқалиши табиий ҳаво алмашинуви шароитларига қараб ҳар хил бўлади. Қурилиш объектларининг аэродинамик шарт-шароитларини ўрганиш саноат ва жамоат биноларини қар тарафлама қулай қилишга имкон беради. Қ.ф.нинг тараққиёти бу борадаги п.т. ишларида янги усуллар ва воситаларни фойдаланиш б-н боғлиқ. Мас., қурилиш материалларининг структура-механик кўрсаткичлари, уларнинг конструкцияларидаги намлик шароити ва ҳолатини ўрганишда ультратовушлар, лазер нурлари, гамма-нурлар, радиоактив изотоплардан фойдаланилади. Хона ичидаги ҳавони мотиш ва мўътадлашдан қримўткатгичлар техникасини қўллаш мумкин.

ҚУРИЛИШ ҚОРИШМАЛАРИ — боғловчи аралашмалар (цемент, алебастр ва б.) га сув, майда тўлдиргичлар (шағал, чақиқ тош, тошқол ва б.) қўшиб тайёрланадиган қурилиш материаллари. Бир хил боғловчи ишлатилган Қ.қ. одлий, 2—3 хил боғловчи аралашма (цемент, оҳак ва б.) ишлатилгани мураккаб Қ.қ. дейилади. Тўлдиргичларнинг ҳажмий оғирлигига қараб, енгил ва оғир турлари бўлинади. Енгил Қ.қ. учун енгил говакли материаллар (турли шлаклар, керамзит, агломерат ва б.) ишлатилади. Оғир Қ.қ. учун табиий ва тоғ материалларини майдалаб олинган тўлдиргичлар ишлатилади. Оғир Қ.қ.нинг ҳажмий оғирлиги 1500—2500 кг/см³ (қуруқ ҳолда), енгилиники 1500 кг/м³ дан кам.

Қ.қ. деворбоп (типит ва терилган тош, йирик панель, блоклар чокларини тўлдиришга мўлжалланган), пардозбоп (ҳар хил сувоқлар учун) ва махсус (гидроизоляция, акустика, рентген нурларидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган) хилларга; сиқилишга мустаҳкамлигига қараб, 4 дан 300 гача 9 маркага бўлинади. Қ.қ.нинг физик-кимёвий хоссаларини яхшилаш мақсадида уларнинг таркибига 0,1—0,25% ҳар хил қўшилмалар — *кул*, оҳак, шлак, совун, полимер смолалар ва б. қўшилади.


Қ.қ. з-ларда ёки қурилишнинг ўзида қоришгичларда тайёрланади. Қ.қ. қоришгича тайёр ҳолда ва ишлатишдан олдин сув қўшиладиган қуруқ аралашма ҳолида махсус автомашиналарда ёки қувурлар орқали насослар ёрдамида келтирилади.

ҚУРОЛЛАР (*Курсант*) — товуқсимонлар туркумига мансуб қушлар уруғи. 2 та тури бор. Нарининг вазни 2 кг гача, модаси 1 кг гача. Европа ва Осиёнинг ўрмонли ва ўрмонли дашт қисмида тарқалган. Нари қора. Кўк ва яшил товланади, думидаги четки патлар узунроқ, икки четга дарасимон қайрилган. Модаси кичикроқ, қизғиш қора ҳолли. Унсини ғира-шира ёки 4—13 та тухум қўяди, 23—25 кун босади. Жўжалари июнь бошларида тухумдан чиқади. Ўсимлик уруғи, к у р т а ғ и, мева ва б. билан озиқланади. Кавказ К.и фақат Кавказ ва Қримда, Туркия, Эронга хос; бирмунча кичик. Қишда тоғдан воднйга кўчади. Овланади. Ҳозир сони камайиб бормоқда. Кавказ қуш ресурсларидан иборат бўлган. Миср, Юнонистон, Рим ва б. давлатларда ҳарбий-денгиз флоти тузилган. Мулкчилик муносабатлари ривожланган сари ер-ер эксплуатация ва ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этган. Ҳар бир мулкдор мозор жангчи бўлиб, ўз қуролини отрядига ғиз бўлган. Ғарбий Европада ибтидо аскарлар эътиборини йўқотиб, оғир қуролланган отлиқ рицарлар асосий кучга айланган. *Шарқда араблар, туркилар, мўғуллар ва б.нинг давлатларида Қ.қ., асосан, оғир ва енгил қуролланган отлиқ аскарлардан иборат бўлган (қ. Армия).*

18-а. охиридан Европа давлатлари (Франция ва б.)да умумий ҳарбий хизмат мажбурияти жорий этилди. 19-а. охирларига келиб ривожланган давлатлар Қ.қ.и сони кескин кўпайди. 20-а. бошларида янги жанговар техника пайдо бўлди, транспортнинг ривожланиши кадр принципи асосида тузилган армия ва ҳарбий-денгиз флоти яратилишига олиб келди. Кейинчалик қуролланиш пойгаси янг олди ва йирик давлатлар қуролли кучлари жадал кўпая бошлади. Фан ва техниканинг янг янги ютуқларидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга кенг йўлга қўйилди. Янгича қўшин турлари вужудга келди.

Иккинчи жаҳон урушн даврида Қ.қ. ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан ўсди. Қўшинлар механизациялаштирилди ва моторлаштирилди, артиллерия ва танклар сони ортди, реактив артиллерия ва балластик ҳамда қанотли ракеталарнинг дастлабки намуналари пайдо бўлди. Ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳарбий-денгиз флоти ривожланди. Операция бирлашмалари (қуруқликдаги қўшинлар — фронт ёки армиялар гуруҳи, ҳарбий-денгиз флотида — флот) вужудга келди. 1945 й. АҚШда, 1949 й. собиқ СССРда, кейинроқ Буюк Британия, Франция ва Хитойда атом қуроли пайдо бўлди.

Қ.қ. турларига қуйидагилар киради: *қуруқликдаги қўшинлар, стратегия мақсаддаги ракета қўшинлари, мамлакатни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари, ҳарбий-ҳаво кучлари, ҳарбий-денгиз флоти*. Қ.қ. турларн бўлимга, қисм, қўшилма, шунингдек, бирлашма (асосан, уруш даврида)ларга уюшган қўшин турларн ва махсус қўшинлардан ташкил топади. Қ.қ.да агона ташкилий тизим, шахсий таркибни ўқитиш ва тарбиялашнинг, командир кадрларни тайёрлашнинг, хизматни ўташнинг умумий тартиби мавжуд. Тараққий этган давлатларнинг замонавий



Кавказ қури

Қ.к.и энг янги жанговар техника, шунингдек, ракета-ядро қуроли б-н тажминданган бўлиб, юксак тайёргарлика, кенг жанговар имкониятларга эга (яна қ. *Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари*).

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР АНСАМБЛИ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари марказий ашула ва рақс ансамбли — республикада ҳарбий хизматчилардан тузилган етакчи ансамбль. 1939 й. Тошкентда Туркистон ҳарбий округи ашула ва рақс ансамбли номи б-н ташкил топган. 1992 й.дан ҳоз. номда. 2-жаҳон урушн даврида ансамбль ҳарбий қисмларда, госпиталларда, Закавказье фронтида, Эронда концертлар берган (1941—43). Ҳозирги репертуарилан халқ қўй ва қўшиқлари, Ўзбекистон бастакор ва композиторлари (П.Мақаров, А.Назаров, Ҳаб. Раҳимов, Р. Абдуллаев, Ш.Далаженов ва б.)нинг ҳарбий-ватанпарварлик, қаҳрамонлик мавзуларги («Она юрт», А.Назаров; «Жон Ватан», Ш.Далаженов; «Ҳар бахор, ҳар кузда», К.Раҳматов ва б.), лирик («Райҳон», «Куйган кўнгил», «Хайр ёрим»), рақс қўшиқлари (хоразмча «Нега герат» ва б.), вокал-рақс композицияларн (ўзбек мумтоз ашуларидан иборат «Гулларга», турли халқлар қўшиқларидан иборат «Терма ва б.) ўрин олган. Хонанда, созанда ва раққос(а)лар гуруҳлари (жами 70 киши)дан иборат. Ҳозирда бошлиғи ва бадиий раҳбари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор Ш.Далажонов, бош балетмейстери — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти З.Мидрахимова, хормейстер — О. Комилжонов, мусиқа раҳбари — Ф.Азимов, реж. — Туркманистонда хизмат кўрсатган артист А.Голощчапов. Ансамблда хоналалар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Ҳакимов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист К.Раҳматов, О.Назарбекова, И.Искандарова, И. Саидумаров, З.Бобожонов, раққосалар: Ш. Назмиддинова, З.Шамшиҳонова ва б. фаолият кўрсатмоқда. Жамоа Покистон, Афғонистон, АҚШ, Германия, Италияда гастролда бўлган.

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ — уруш олиб бориш воситаларини бутунлай йўқотиш ёки уларни қисман камайтириш ҳамда уруш хавфини бартараф этиш учун *шарт-шароитлар яратиш мақсадида* амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизими. Қ. халқаро ҳуқуқнинг тамойилларидан бири бўлиб, унинг юридик моҳиятини 3 меъёрий белги: умумий характердаги мажбуриятлар (Қ. борасида амалий чораларни ишлаб чиқиш); дастурий характердаги нормалар (қуролдар ва қуролни кучларни тўлиқ йўқ қилиш йўли б-н Қ.га эришиш); кафолат характерига эга бўлган мажбуриятлар (амалдаги шартномалар қоидаларини тўлиқ бажариш) ташкил этади.

Қ. халқаро доирада БМТнинг 2 асосий органи — Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгашига топширилган. БМТ ҳузурида барча ташкилот аъзоларидан *иборат Қ. комиссияси ташкил этилган.* Қ.нинг 2 тури: яппи ва қисман Қ.ни ажратиб кўрсатиш мумкин. *Яппи Қ.* деганда: 1-дан, қуролли кучларни йўқ қилиш, ҳарбий ташкилотларни бартараф этиш, қурол ж.ч.ни тўхтатиш, шунингдек, уларни йўқ қилиш ҳамда тинчлик даврида қуроллардан фойдаланишни ман этиш; 2-дан, ядровий, кимёвий, бактериологик ва б. оммавий қирғин қуролларининг барча захираларини йўқ қилиш ҳамда шу турдаги қуроллари ж.ч.ни тўхтатиш; 3-дан, оммавий қирғин қуролларини *эълон бериш воситаларининг* барча турларини йўқ қилиш; 4-дан, мамлакат ҳарбий фаолиятини ўқотиришни муассасалар ҳамда ташкилотларни бартараф этиш, ҳарбий таълим бериш ишларини тўхтатиш, ҳарбий ўқув юртларини ёпиш; 5-дан, маблағларни ҳарбий мақсадларда ишлатишни тўхтатиш тушунилади. Давлатлар фақат ядровий бўлмаган қуролли кучлар, воситалар ва ташкилотларга сақлаб қолиши мумкин. Улар келишувга биноан ички тартиб-қоида ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш учун *зарурлар. Қисман Қ.* ядровий қуролсизланиш, ядровий қуроллардан фойдаланишни, ядровий қуроллар синовларини ман этиш, ядровий қуролларни тарқатмасликни ўз ичига олади (қ. *Ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги шартнома, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома).* Шунингдек, ядро қуролларидан холи зоналар (қ. *Ядросиз зона*) ташкил қилиш, стратегик қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш, кимёвий ва бактериологик *қуролларни ман этиш ва нейтрал*, олдий қуролларни ва қуролли кучларни қисқартириш ҳам қисман Қ. йўлида самарали ошириладиган чоралар ҳисобланади.

ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАР — душманнинг жонли кучларини, техникасини сафдан чиқариш ва иншоотларини вайрон қилиш учун мўлжалланган қурилма ва воситаларнинг умумий номи. Ибтидоий жамоа даврида ов ва мудофаа эҳтиёжлари учун дастлабки қуроллар: сўйил (бутун тёёқ), чўкмор тош, ўткир учли ёғоч найза (*кейинчалик* темир уч қадалган), сопқон ва найза улоқтириш мосламаси пайдо бўлди. *Мезолит* даврида камон; *неолит* даврида тошболта, тўқмоқ, ханжар ясай бошланди. Темир ишлаш расм бўлгач (мил.ав. 1-минг йиллик бошн) тиғли қуроллар — қилич ва найзалар тайёрлана бошлади. Қад. шарқ давлатлари қўшинларида залвор тош ва тўпларни иргитувчи мослама (*катапульта, манжаниқ* ва б.) *кенг қўлланган.* Порох кашф этилгач, ўтсочар қуроллар ясалди (*мас.,* илк ўтсочар қурол — молфани 12-а.да араб-



Қуролли кучлар ансамбли (2004).

лар яратишган). Кейинчалик (14-, 15- ва 16-асрларда) пилта милтиқ, тўппончa, артиллерия замбараклари пайдо бўлди. 19-а. ўрталаридан ўйинқи стволли артиллерия, карабин милтиқлар, миналар, торпедалар яратилди. 19-а. охирларн ва 20-а. бошларида автомат қуроллар (пулемёт ва б.) пайдо бўлди. 20-а. 10-йиларида авиация бомбалари яратилди, *химёвий қуроллар* ва олов пурковчи (огнемёт)лар расм бўлди. 20-а. 30-йиларн охиридан реактив снарядлар яратилди. 1945 й. августа ойида АҚШ қуроллн кучлари Японияга қарши ядро қуролн қўлдаи. Қ.-н. кейинги пайтларда сифат жиҳатидан такомиллаштириб борилди.

Қ.-я. вазифаси, тузилиши, қўлланиш қўлами ва б. аломатлари бўйича фарқланади. Вазифасига кўра, индивидуал (якка тартибдаги) ва яппи қирғин қуролларига; тузилишига кўра, оддий (механик) ва автоматик қуролларга; қўлланиш қўламига кўра, стратегик, оператив-тактик ва тактик қуролларга бўлинади ва ҳ.к. Ҳозирги Қ.-н.нинг турлари: тиғли ва ўтсочар қуроллар (қ. *Артиллерия*), ракета қуроли, реактив қурол, миналар, торпедалар, ядро қуроли, кимёвий қурол, *бактериологик қурол*. Тиғли қуроллар—пичоқ, қилич, ханжар, милтиқ штыги, найза; ўточар қуроллар — тўппонча, милтиқ, пулемёт, тўп, реактив артиллерия (мас., «Катюша»). Вайронлик келтириш кўламига кўра, ядро, кимёвий ва бактериологик Қ.-я. оммавий (яппи) қирғин қуроллари ҳисобланади, бошқа Қ.-я.ларнинг барчаси оддий қуроллар жумласига киради. Қ.-я.нинг кўлгаламас асосга ўрнатилган муқим (ёпиқ ракета комплекслари тури, қирғоқ ва каземат артиллерияси тўплари ва б.); ҳаракатланувчи асосга ўрнатилган муқим (авиация, танк Қ.-я.лари), ўзиюрар (тўплар, ракета комплекслари ва б.); шатакка олиб юриладиган (артиллерия тўплари, миномётлар), транспортга ортиладиган, индивидуал ва гуруҳ учун мўлжалланган хиллари бор. Артиллерия ўқлари, снарядлар, ракета ва торпедаларнинг жанговар қисмлари, авиация ва сув ости бомбалари, гранаталар, миналар, фугаслар, ядро қуролларн ва б. ўқ-дорилар деб аталади. Қ.-я. ишлатишда авиация, танк, жанговар ракеталар, элтувчи ракеталардан фойдаланилади. Келгусида шу мақсадда ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланиш лойиҳаси ҳам мавжуд.

ҚУРОҚ — майда бўлаклардан узлаб, тўпланб безак яратиш; шу усулда ясалган безак, буюм ҳам Қ. деб аталади. Турли рангli ва шаклдаги майда мато парчаларидан буюм, безак ҳосил қилинади. Амалий санъатда кенг тарқалган; мас., кўрпа, кўрпача, чойшаб, сўзана, дастурхон, тилаш ва б. жиҳозлар қалимдан шу усулда тайёрланиб ажойиб санъат намуналари яратилган (ана қ. *Аппликация*).

ҚУРТ — капалакларнинг личинкалик даври. Чувалчангсимон танаси бош, 3 та кўкрак ва 10 та қорин бўғимларидан ташкил топган; кафтида илгакларн бор, 1—5 жуфт қорин оёғи (1—2 жуфтлари бошқаси) қорин бўғимларига жойлашган. *Ойдинкапа* Қ.и икки жуфт охирги қорин оёқларига эга; бошқа баъзи капалаклар Қ.ида кўпинча қорин, айримларида эса кўкрак оёқлари ҳам бўлмайди. Қ. бошида яхши ривожланган пайпаслагичли устки ва пастки лаб, жуфт жағзардан ташкил топган кемирувчи тишлари оғиз аппарати бор; бошининг ён томонларида 6 талаи оддий кўзчалар жойлашган. Ҳар нўст ташланиш даврида бош гилофи ҳам алмашинади; бироқ гилоф кенглиги ўзгаришсиз қолади; унга қараб қурт-



Қурт: 1 — капалакнинг қурти; *2* — тўза тутламн қурти; *3* — май қўнғизи қурти; *4* — дўлана капалаки қурти; *5* — катта тарвуз қурти.

лар ёшини аниқлаш мумкин. Пастки лабда жойлашган йигирувчи гудда учида ипак ажратувчи без йўлларининг очилишлари Қ. учун хос. Қ.. асосан, ўсимликлар бўлиб, тўрпидан тўрги ўсимлик сиртида ёки тўқималар ичида озиқланади. Кўпгина турлари эканлар зараркунандаси (мас., *тўза тутлами, кузги тунлам, ундон тунлами, капродина* қуртлари), баъзилари фойдали (*тут ипак қурти* ва б.).

ҚУРТ БОҚИШ — қ. *Ипак қурти боқиш*.

ҚУРТ ТУХУМ — қ. *Ипак қурти тухуми*.

ҚУРТАНА (*Sisymbrium loeselii* L.) — карамгулдошларга мансуб бир йиллик бегона ўт. Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончилик минтақаларида тарқалган. Пояси тик, сершох, бўйи 40—150 см. Барглари узун бандли, пастининг кесикли, туклн, пастки ва ўрта барглари бутун, ланцетсимон, учи ўткир, четлари тишсимон, ўрта ва юқорисиники бутун, чизиқсимон. Гулларн ариқчасимон, ўсимтали, 4 тишли, 4 та оқ ёки сариқ, 4 та узун тангачали тўпгулида йиғилган. Меваси қўп узунлиги 2 см гача, ингичка, тўғри, тўрт қиррали қўсақ. Уруғи 1 мм, ясси, сариқ. Июнь—июлда гуллайди ва мевалайди. Уруғидан кўпаяди. Уруғлари 16—24° да кўкариб чиқади. Майсаси март — майда, авг.—сент. да пайдо бўлади ва ҳосилдайди. Қизғи дон экинларини зараркилайди. Сабзавот-полиз экинлари оралиқда, тахта далаларда, беданзорларда, шунингдек, ариқ, йўл ёқаларида, уй-ҳовлилар атрофида, мевазор, токзорларда учрайди.



Қурғана.

Қурғоқ чорасалари: қизғи экинлар баҳорда бороналанади, қишлаётган бегона ўтларнинг майсалари йўқотилади, чопиқ қилинадиган экинлар ораси вақтида юмшатилади, гербицидлар пуркалади.

ҚУРТЛАР — тўлиқ ўзгариш б-н ривожланадиган қанотлар (*капалаклар, қўнғизлар, икки қанотлилар, пардақанотлилар* ва б.)ннг тухумдан чиққан личинкалари. Қ. танаси бўғимларга бўлинган, чўзиқ, чувалчангсимон (номи шундан). Қ.ннинг тузилиши ва ҳаёт кечиришн вояга етган қанотлилардан кескин фарқ қилади. Мас., капалаклар Қ.и бир хилдаги кўп сонли бўғимлардан иборат; 3 жуфт кўкрак оёқлари б-н бирга бўғимларга бўлинмаган 5 жуфт калта сохта қориноёқлари бор. Қорин-оёқлар қориш, кўкрак оёқлар ҳаракатланиш вазифасини бажаради. Қ ичагининг кучли ривожланганлиги, қорин нерв занжирида кўп сонли нерв гангилиларининг бўлиши б-н вояга етган қанотлилардан фарқ қилади. Қ.нинг оғиз органлари кемирувчи типда. Қ. вояга етган қанотлилардан ниспатан бирмунча содда тузилган: муракkаб кўзлари, қанотлари бўлмайди.

Ҳашаротларнинг Қ.и тузилишига биноан бир неча гуруҳга бўлинади: кўкрак оёқлари б-н бирга қорни бўлинмаган ҳам сохта оёқлари бўлдиган Қ. (капалаклар, арраконн арилар, йўлоқчилар);

қўнғиз бўғинларида 3 жуфт оёқлари бўлган чувалачангсимон қуртлар (қўғиз лар); танаси бўғинларга аниқ қўринмайдиган, кўкрак оёқлари бўлмайдиган, лекин бош қисми яхши ривожланган кам ҳаракат Қ. (қўнғизлик *паразакантозидлар, қўғизлар*); оғиз органи редукцияга учраган, субстратнинг ўзида (мас., ҳўжайин танасида) *ривожланадиган (паразит паразакантозидлар)* ёки ошқа етган ҳашаротлар оиласитаркибидаги К. (арилар, термитлар, чумолилар); бошқа ва оёқсиз К. (пашшалар, сўналар, сўқирлар) ҳам ажратилади.

К. 4–5 марта тўлиқ ўрқали ўсади, оқирги тўлиқшдан сўнг ғумбакка айланади. Ғумбак даврида К.нинг органлари емирилиб, янги етган ҳашаротлар учун хос органлар ҳосил бўлади. Бир қанча ҳашаротларнинг К.и. қишлоқ хўжалиги экинларининг хавфли зараркунандаси.

ҚУРТОВА, қуртоба — қурутни қайнатиб сувда эзиб, айроннн қайнатиб тайёрланадиган парҳез таноқ таом. Қурут тўйиниб ёки сувда ивлаб эзилиб эзилган ўтказилади ва қайнаган иссиқ сувда ёғоч қошиқ б-н аралаштириб масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Қозонга солиб сует сиз оловда бир қайнатиб олинади ва эритилган сариёғ (маскат) солиб аралаштирилади. Сариёғ эриши б-н қозонни оловдан олиб, косаларга сузилади.

Қазимда чорвалор қабилаларнинг қиш, баҳор мавсумида тайёрланадиган таоми қисобланган. Ҳоз. даврда асосан, қишлоқларда тайёрланади.

ҚУРТУБА (Куртоба) — Испаниядаги *Кордова* шнинг Шарқ халқларида ишлатилиган номи.

ҚУРТУБА ХАЛИФАЛИГИ — ўрта асрларда Пиреней ю.одаги мусулмон давлати. Пойтахти — Қуртуба ш. 929 й. Қуртуба амирлиги (756 й. умавийлар *дан Абдурраҳмон I асос солган*) ўрнига тушган. 10-а.да анча тараққий этган. 1031 й. майда амирликларга бўлиниб кетган.

ҚУРТХОНА — ут *шак қурти* боқишлашган бино ёки хона. Капитал, ярим капитал ва енгил типларн Қ.ларга бўлинади. Капитал Қ. пишган, оҳаклаш қилиб қурилиб, пол ли ва қум б-н ювилади; ичитиш қурилмалари ўрнатилган. Ярим капитал Қ. каркас типдаги уйлардан иборат, хом ғишт, пахса девордан бўлиб, ичкн ва ташқи ёнлари қуртлар боқилади. Енгил типдаги Қ. каркаси, қамиш, фанера, брезент, полистилен ва б. енгил материаллар б-н ёпилади, катта ёшдаги қуртларга мўлжалланган бўлади.

Ҳар бир Қда 3, 5, 10, 15, 25 қути қурт боқилади. Қ. ер ости суви чуқур, катта йўлдан узоқ (шовқини кам), тут плантацияларига яқин ерга қурилади. Қ. кўп хонали бўлиб, кичик (1-, 2-, 3-) ва катта (4-, 5-) ёнлари қуртлар боқиладиган, етилган пилла сараланадиган, барг тайёрланадиган бўлинмалар, барг вақтинча сақланадиган 1—1,5 м чуқурликда бетонланган ертўла типидаги хоналари ҳам бўлади. Қ.лар зарур анжомлар (сўкичлар, вентилятор, печка ва б.) б-н жиҳозланади. Қурт боқишдан олдин Қ. тозаланади, дезинфекцияланади, шамоллатилади. Айрим жойларда Қ. сифатида ҳўжаликларнинг жамоат бинолари (омбор, қуритиш хоналари ва б.), хонаолонлардаги бўш хоналардан вақтинча фойдаланилади (қ. *Ипак қурти боқиш*).

ҚУРТЧАЛАР — *тенг қанотли сўрувчилар — кокцидлар* кенжа туркумига мансуб ҳашаротлар бир неча оиласнинг умумий номи. Ўзда қўп мум безлари бор. Орқа қалқони 1–2 та личинкалик терилан иборат бўлиб, мум шимдирилган. Сохта Қ.нинг орқа томони пластинкасимон мум б-н қопланган, бошқалари (естествалидлар)нинг орқа қалқони хитинланган. 2000 га яқин тури, асосан, тропик ва субтропик ҳудудларда тарқалган. Қ.нинг бир йилда 1—4 авлоди ривожланади. Личинкаси ва урғочиси ўсимликларга ёпишиб олади. Танаси бўғинларга бўлинмаган, оёқлари ва мўйловлари редукцияга учраган; оғиз органлари] жуфт, оёқлари оралиқ жойлашган. Ўсимликлар шоҳи, танаси, илдизи, баъзан меваси ва баргига ёпишиб олиб, ширасини сўради. Эркаклари қанотли, ҳаракатчан, оғизланмайди. Қўғичлик Қ., жумладан, калифорния қўрғичи мевали дарахтлар ва манзарали ўсимликлар зараркунандаси.

ҚУРУЛДҚ БАҚАЛАР — қ. *Бақакурилиқлар*.

ҚУРУЛТОЙ (туркий-мўғулча — *хуруултай), кенгаш, мажлис*, съезд — туркий халқлар ва мўғул халқида қадимдан мавжуд бўлган турли ҳарбий кенгашлар ва мажлисларнинг умумий номи. 1) Туркий халқларда Қ. ва ҳарбий кенгаш ўтказиш анъанаси қадимдан мавжуд бўлган. У Эфталийлар ва Турк хоқонлиги даврларида пайдо бўлиб, камида 1500 йиллик тарихга эга. Ҳатто айрим манбаларда ёзилишича, Хун хоқонлиги даврида ҳам Қлар ўтказилган. *Салжуқийлар* ва *усмонлилар* сулоласи вакиллари Қда ўз султонларини сайлашган. *Мўғуллар давлатида* (*Чингизхон* ва унинг ворислари даврида) Қ. хокимият бошқарувининг олий шаклига айланган эди. *Амир Темур ва темурийлар* даврига келиб, Қлар ўзининг мукаммал тузилишига эга бўлган. Қда мамлакат ҳаётидаги жиддий сиёсий ва иқтисодий масалалар ҳал қилинган, у мухим ҳарбий юришлар арафасида ўтказилганлиги ўзига хос катта маросимга айланган. «Темур тузуклари»да Қ. (ҳарбий кенгаш) ўтказиш тартиблари ҳақида сўз боради. Қда мамлакат ҳукмлори ва қўшин қўмондони сайланган.

Қ. ўтказиш Низомига кўра, унинг ҳар бир иштирокчиси ўз фикрини эркин равишда билдириши мумкин бўлган. Қ. қатнашчи бўлган амир ва бекларга мўлиш қучлар томонидан тавсия этилаётган номзодлар ҳақида оцкора ва ҳеч қандай монелцксиз фикр-мулоҳаза айтиш қўқуқи берилган. Сайловлар ошкора ва тенг асосларда ўтган. Сўнгра сайловда голиб чиққан номзодни пайгамбар Муҳаммад (сав) авлодларидан бўлган саййидлар қоқ ерга тўшалган оқ киғиз ёнига етаклаб келишарди. Мамлакат ҳукмдори ёхуд ҳарбий қўшиннинг олий бош қўмондони қилиб сайланган шахс шарият қонунларига биноан иш қўриши лозимлиги тўғрисида муқаддас Қўрьони каримни қўлида тутиб, қасамёд этиши керак эди. Сўнгра уни оёқларн уриб бошлиқлари (байлар) оқ киғизга солиб, қўтариб маросимни бажо келтиришган. Бу аньана Ўрта Осиёда хонликлар даврида (20-а. бошларигача) ҳам сақланиб қолган; 2) 1917 й.да Бутун Туркистон мусулмонлари томонидан ўтказилган 4 та анжуман. Уларнинг охиргисида *Туркистон мухторияти* ташкил топган (1917 й. 26—28 нояб.); 3) *Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикасида* олий давлат ҳокимият органи; 4) *Туркистонда совет режимига қарши қўролли ҳаракат* раҳбарлари томонидан ташкил қилинган изора. Туркистон ватанпарварлари Қ.ларда ўз ҳарбий йўлбошчиларини сайлашган, қизил армияга қарши курашган сабоқ ва хулосалар чиқариб, бўлтуси жанг режаларини муҳокама қилишган. Қ.ларда Олий бош қўмондон б-н биргаликда ҳарбий дасталарнинг қўмондонлари — қўрбошилар ҳам сайланган. 5) 20-а. да Ўзбекистон ССРда қ.х. ходимлари — пахтакорлар, чорвадорлар ва б.нинг эски йил якуни ва

яниги йил режалари муносабати б-н ўтказиладиган республика, вилоят ва туман йиғинларининг номи.

Қодиржон Раззоқов.

ҚУРУМ — асосан, углеводдан (зўб дан ортиқ) ташкил топган углеводородлар (*бензол, керосин, нафталин, скипидар* ва бъзи *табиий газлар*)нинг чала ёниши ёки термик парчаланиши натижасида ҳосил бўладиган қора рангли қаттиқ ўта дисперс маҳсулот. Зичлиги 1800–1900 кг/м³, заррачаларининг диаметри 10–350 нм. Қ. — *резина*нинг энг муҳим фаол тўлдирувчиси. Қ., шунингдек, қора бўёқ (тушь, босмахона бўёғи ва б.) н.ч. да пигмент сифатида, электроддар тайёрлашда ва б. ҳолатларда ишлатилади.

ҚУРУМ — тогларнинг ён бағирлари, ясси тепаликлар ва дарёлар ўзанларидаги аланг ияраган тош уюмлари ва сочилмалари. Қаттиқ тог жинсларининг физик ғурааш натижасида ҳосил бўлади. Қ. оғирлик кучи ва сувнинг тошлар орасида музлаб, ана эриши оқибатида тог ён бағирлари бўйлаб пастга силжиб туради. Улар тоғларда юриш учун нокулай, хавфли жой ҳисобланади. Қ.лар сурилиб, тош оқимлари, кўчкиларни ҳосил қилади. Қ.лар юзасининг қиялиги 30–40° чамасида бўлади. «Қ.» атамаси жой номлари тарихида ҳам учрайди, мас., *Марказий Осиёдаги Қоракўрум* тоғлари, Тяншандаги Чақирқўрум довони, Қирғизистондаги Кўрумдан чўққиси ва ҳ.к.

ҚУРУМДИ ЧЎҚҚИСИ — Орқа Олай тизмасидаги чўққи. Тожикистон ва Қирғизистон республикалари чегарасида. Бал. 6610 м. Қ.ч. да музлик кўп. Қурумди музлиги (ўз. 17,2 км, майд. 60,6км²) йирик музликлардан ҳисобланади.

ҚУРТ — сузмани ёпгоқдек-ёпноқдек юмалоқлаб, 2–3 кун офтобга қўйиб, қуритиб тайёрланалиган маҳсулот. Маълум миқдордаги сузма (1 кгга туз *(1 ош қошиқ)* қўшиб яхшилаб аралаштирилади. Айрим жойларда Қ.га қуритилган хушбўй кўкатлар, райҳон, жамбил бартлари, туйилган қизил қалампир қўшилади. Қуритилаётганда Қ.нинг устига чанг тушмаслиги учун дока ёпиб қўйилади. Тайёр Қ.лар сурп ҳалтачаларда сақланали.

Ўтмишда бъзи деҳқончилик ҳудудларида етилиб пишган ширин қовуннинг эти аралаш шарбатига уй солиб қайнатиб пиширилган ва ҳосил бўлган қуюқлик масса қошиқ б-н бўлакланиб, офтобда қуритилган. Бундай ширинлик *қовунқурут* деб аталган.

ҚУРУҚ МУЗ — қ. *Углерод (IV) оксиди.*

ҚУРУҚ СОЙЛАР — ёғинларчилик вақтидагина сув оқадиган сой, сойлик ва водийлар. Чўл зонасида учрайди. Қиш ва баҳорги ёғингарчиликда Қ.с. оқмас, қурқ қавзаларга қуйилади. Узунлиги ҳам турлича, баъзан 100 км га етади. Қ.с. Шим. Африка, Жан.-Ғарбий Осиёда водийлар, Австралияда *крикалар*, Ўрта Осиёда *ўзбўй*, қурқ ўзан деб ҳам аталади.

ҚУРУҚЛИК — Ер юзасининг денгиз *ва океанларлан холи бўлган қисми*. Майд. 149,1 млн. км², бутун ер юзининг 29,22%ни ташкил этади. Қ. материк *(Шимолий Америка, Жанубий Америка, Африка, Европа, Антарктида, Австралия)*, орол ва ярим ороллардан иборат бўлиб, ер шарида нотекис тақсимланган. Шим. ярим шарда Қ. 39% бўлса, Жан. ярим шарда 19%. Ғарбий ярим шарнинг кўп қисми сув, Шарқий ярим шарнинг катта қисми эса Қ.дан иборат. Материкларнинг денгиз тагида давом этган ва чуқ. 200 м гача бўлган қисмлари ҳам Қ.ларга киритилади. Чунки уларнинг тектоник тузилиши Қ.никига ўхшайди. Қ. абадий эмас, Ер пўстининг аста-секин пасайиб бориши натижасида денгиз остига тушиши ёки аста кўтарилиб денгиз ҳудудлари Қ.ка айланиши мумкин. Мас., Ўрта Осиё ҳудуди палеозой эраси бошларида денгиз остида бўлган ва 20 млн. йил илгари Қ.ка айланган.

ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ — *гидрология* соҳаси, материкларлдаги гидрологик шароитларни таҳлиқ этиш б-н шуғулланади. Қ.г. ўрганиш объектига кўра потамология, лимнология, ботқоқшуносликка бўлинади.

ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАР — қуролли кучлар тури. Асосан, қурқлиқда жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун мўлжалланган. Аксарият мамлакатларда Қ.қ. уларнинг ҳарбий қудратининг асосини ташкил қилади. Бир қанча даваатларда Қ.қ. қўшин турлари (*мотоўқчи, танк, ҳаво-десант, ракета қўшинлари* ва *артиллерия*, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари), армия авиацияси, махсус қўшинлар (муҳандислик, кимёвий, радиотехника, алоқа, автомобиль, йўл), фронт орқасидаги қисмлар ва муассасалар қисмларидан иборат.

Ўзбекистон Республикасида Қуролли Кучларнинг ўзагини ташкил этувчи Қ.қ. тажовузкорнинг зарбаларини қайтаришга, эгаллаб турилган ҳинтақалар, марраларни қўлдан бермасликка, шунингдек, лушман қўшинларининг бостириб кирган гуруҳларини *тор-мор қилишга мўлжалланган*. Қ.қ. таркибига мотоўқчи, танкчи ва артиллерия қўшилмалари ва қисмлари, ҳаво десанти, ҳужумчи десант, ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмалари, тез ҳаракат қилувчи кучлар қисмлари, тыл-монт қисмлари ва бўлинмалари киради.

ҚУРУҚСОЙ — Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги сой. Уз. 46 км, ҳавзасининг майд. 296 км². Нурота тизмасининг жан.-ғарбий ён бағридан бошланиб, шим.-ғарбдан жан.-шарқа томон оқади. Тўсунсойга қуйилади. Сой ўзани шағал ва ҳарсанг тошлар б-н қопланган. Асосан, ер ости, шунингдек, қор ва ёмғир суқларидан тўйинади. Баҳорда суви тошади (йиллик оқимнинг 80% оқиб ўтади). Қ.га Қоратепа, Чормитан сойлари келиб қуйилади. *Суви Пайариқ туманининг* экин майдонларини суғоришга сарф бўлади.

ҚУРУҚТОҒ — Хитойнинг ғарбий қисмидаги тог тизмаси, Шарқий Тяншанда. Уз. 350 км, энг баланд жойи 2809 м.

Қуруқликдаги қўшинлар паради.



Қад. кристалли ва метаморфик жинслардан тузилган. Ён бағирларни тик, қояли. Усимликлари тог-ўтл ландшафтига хос. Бута-ўтлардан иборат.

ҚУРШОВ (харбий ишда) — тор-мор қилиш ёки асир олиш учун душманнинг муайян қўшинлар гуруҳини бошқа қўшинлардан ажратиб қўйиш. Ураб олиш. Контратака ва қарши зарба бериш натижасида чекинаётган душман кучларини таъқиб қилиб бориш жараёнида ҳамда баъзан қулай шароитда кучлар тенг келса ҳам К. амалга оширилиши мумкин. Бундай пайтда душман ҳаводан тўсиб қўйилади, денгиз бўйи йўналишидаги душман эса денгиз орқали тўсилади. 2-жаҳон урушида собиқ Совет қўшинлари душманнинг энг йирик қўшинлар гуруҳларини Сталинград жанги, Берлин операцияси (1945) ва б.да муваффақиятли қ.га олганлар ва тор-мор келтиришган.

ҚУРЪОН (араб. — ўқимоқ, қироат қилмоқ) — мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Ислом ғоялари кўра, К. ваҳий орқали Муҳаммад пайғамбарга 610—632 йиллар давомида нозил қилинган Аллоҳнинг каломи (Каломуллоҳ). К. «Китоб» (ёзув), «Фурқон» (ҳақ б-н ботилнинг ораснни айирувчи), «Зикр» (эслатма), «Танзил» (нозил қилинган) каби номлар б-н аталиб, «Нур» (ёруглик), «Ҳудо» (ҳидоят), «Муборак» (баракотли), «Мубин» (очиқ-равшан), «Бушро» (хушхабар), «Ҳазл» (ъзъзолланувчи), «Мажид» (улуғ), «Башир» (башорат берувчи), «Назир» (огоҳлантирувчи) каби сўзлар б-н сифатланган. Ислом оламида К. ҳосилдор ном б-н ҳам машҳур. Уламолар К.нинг 30 хил ном ва сифатларини санаб ўтганлар.

Ислом тарихига оид манбаларда келтирилишича, К. нозил бўлиши мил. 610 й. бошланган. Муҳаммад пайғамбар 40 ёшга Маккa ш. яқинидаги Ҳирро горида чуқур тафаккурга берилиб ўтирган бир пайтда Жаброил фариштa «Иқрa» («Ўқи») деб бошланувчи «Алақ» сурасининг аввалги 5 оятини келтирди. Бу ҳодиса Маккада 13 йил, Мадинада 10 йил, ҳаммаси бўлиб 23 йил давом этган. К.нинг нозил қилинишн ислом ақидаси бўйича рамазон ойининг 27-кунига ўтар кечаси юз берган. Шунинг учун ҳам бу ой муқаддас ҳисобланиб, рўза тутилган кунининг 27-кечаси лайлатул-қадр, яъни қадрли, улуғий кун-тун ҳамда ибодатларнинг бир йиллик тақдири ҳал қилинадиган (қадр — тақдир, ўрнчов) табаррук кеча деб улуғланади.

К. сура ва оятларининг нозил бўлиш тартиби ва қисқаларининг ривожига қараб давом этган. Илк ислом даврида нозил бўлган суралар, асосан, Аллоҳнинг ягоналиги, борлиқнинг мутлақ илоҳи, дунёдаги барча нарсалар унинг борлигидан дарак бериши ҳақида экани, ислом таълимотида белгиланган ақидавий тушунчалар — фаришталар, пайғамбарлар, муқаддас китоблар, охират, жаннат ва дўзахнинг ҳақлиги тўғрисида эди. Пайғамбар ва мусулмонларга оғир келган Макка даврида сабр-бардошга чақирувчи, дин йўлида чекилган машаққатлар учун улуғ ажру мукофотлар борлиги ҳақидаги оятлар нозил этилган бўлса, мусулмонлар жамоаси шаклланган Мадина даврига диний маросим ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишга бағишланган оятлар тўғри келади. Пайғамбарга диний масалалар бўйича берилган саволларга у ваҳий орқали нозил қилинган оятлар б-н жавоб берар эди.



Қуръони каримнинг Усмон Мусҳафи нусхаси (Тошкентда Ўзбекистон мусулмонлари идорасн кутубхонасида сақланади).

К.нинг бўлимлари сура деийилади, уни шартли равишда боб б-н таққослаш мумкин. Ҳар сура оятларга бўлинган. К. 114 сура, 6236 оятдан иборат. Ҳар бир суранинг ўз номи бор. Оятлар эса тартиб рақами б-н берилган. Суралариинг номлари унинг бошида келган сўздан олинган ёки зикри кўпроқ келган нарсалар, воқеалар ёхуд асосий қаҳрамон номи б-н аталган. Кейинчалик ўқиш ва ёдлаш осон бўлиши учун Ироқ ҳокими Ҳажжож ибн Юсуф (ҳижрнчилк йилларн 694—714) қироатчиларга биноан К. 30 қисм (арабча — жуз, форсча — пора)га бўлинтирган. К.да биринчи келган «Фотиҳа» сурасидан кейинги суралар катта, ўртача ва кичик суралар тартибида жойлашган. 2-«Бақара» сураси 286 оятдан, энг қисқа «Кавсар» сураси 3 оятдан иборат. Энг қисқа оятлар «Тоҳо» ва «Ёсин», энг узун оят «Бақара» сурасининг 282-оятидир. Суралар нозил бўлиш вақти ва жойига кўра 2 га: ўзқаладан олдин нозил бўлган суралар — «Макка суралари» (610—622 й.лар, 90 сура) ва ҳижралан кейин нозил бўлган суралар — «Мадина суралари» (622-й.дан, 24 сура) га ажратилади.

К. матнининг кўп қисми Аллоҳ б-н сўзлашиш, ислом душманларн ёки ундан иккиланувчилар б-н мунозара қилиш шаклида берилган.

Муҳаммад (сав) К. оятларини Жаброилдан қабул қилар, бошқа мусулмонлар у кишидан эшитиб, ёзлаб олардилар. Ёзишни биладиган оламлар, жумладан, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб хурмонинг пўстлоғи, япалоқ тош, катта суяк, тери ва шунга ўхшаш нарсаларга К.ни ёзиб боришган. Пайғамбар ҳаётлик чоғида яна ваҳий тушиб қолар, деган умидда К. жамлаб китоб шаклига келтирилмаган. Пайғамбарнинг вафотидан кейин К. кишиларнинг хотирасида ва ёзган нарсаларида қолди. Биринчи халифа Абу Бакр даврида ридда (динидан қайтиш)га қарши олиб борилган қаттиқ жангларда К.ни тўлиқ ёд олган қўллаб қорилар қалок бўлиб, К.нинг келажак авлодга сақланиш йўқолиб кетиш хавфи туғилган пайтда Умар ибн Хаттоб Абу Бакрга К.ни китоб қилиб келтириб, жамлаб қўйиш зарурлигини маслаҳат беради. Абу Бакр бу ишни амалга оширишни Пайғамбар б-н кўп вақт бирга юрган саҳоба, К.ни энг яхши ёд олган Зайд ибн Собитга топширди. Зайд ибн Собит, Умар ибн Хаттоб ва б. Қуръони каримни пухта ёд билишларига қарамай, бу ишнинг ишончли бўлишига қаракат қилиб, масжидда: «Кимнинг қўлида ёзилган К. бўлса ва уни Пайғамбардан тинглаганига иккита гувоҳи бўлса, бизга олиб келсин, К.ни жам қилишга халифанинг буйруғи бўлди», деб эълон қилдилар. Улар масжидда ўтириб, гувоҳлари текшириб, ниҳоятда эҳтиёткорлик б-н 1 й.дан ортиқ вақтда К. саҳифаларини жамладилар.



Қуръони карим намуналари (9-аср).

Сўнг кўпчиликка қўрсатдилар, ҳамма роза бўлди. Шундай қилиб, Зайд ва Умар машаққатли уринишлардан кейин Қ.ни қайтик терисидан ишланган саҳифаларга ёзиб, Абу Бакрнинг уйига қўйдилар. *У оламдан ўтганидан кейин саҳифалар Умарнинг уйида*, у кишидан сўнг эса, қизи — Пайғамбаримнинг хотини Ҳафса бинти Умар ҳузурида ҳолди. Вақт ўтиши б-н ислом дини тарқалган давлатнинг чегараси кенгайиб борди. Кўплаб халқлар исломни қабул қилиб, мусулмонлар *сони кўпайгандан сўнг Қ.ни ўқишда* турли келишмовчиликлар чиқа бошлади. Бунга Қ.нинг «етти ҳарф» (лаҳжада нозил бўлгани ҳам сабаб бўлди. Ҳалкда талқинларнинг, Жаброил Қ. оятларини турли араб қабиладарига тушунарли бўлишни ўтуқ етти хил лаҳжада келтирган. *Бунда айрим сўзлар бошқача шаклда ёзилиши ва ўқилишига тўғри келган.* Бу ҳолатни кўрган халифа Усмон ибн Аффон Ҳафсадан Абу Бакр даврилари саҳифаларни сўраб олиб, ундан бир неча нусха кўчиришга буйруқ берди. Қ. қироатида фарқни бўлган сўзларда қурайш лаҳжасига риоя қилинди.

Нусхалар тайёр бўлгандан сўнг мусулмонлар *кишайдиган лаёрларлари марказий шаҳарларга биттадан* нусхага қори қўшиб жўнатишди, ҳаммага фақат шу нусхадан Қ.ни кўчириш ва шу қоридан қироат ўрганишга буйруқ берилди. Усмон ибн Аффон Маккага ли эканини тасдиқлаш мақсадида *бу* нусха Усмон мусҳафига мувофиқдир», деб ёзиб қўйилганлиги бўлди. Қ. қарфларини ёзиш услуби бир хилдири ҳам сақлаб қолинди. Қ. қарфларига бирор нуқ, тачалик ҳам ўзгартиб кирмасин, деган мақсадда уламолар мусҳаф ичига ҳатто гул, ҳаракат белги ва шунга ўхшаш белгилар ҳам нарсаларни мутлақо қўйиб бўлмайди, акс ҳолда, ўша нарсалар саҳифага *ётишиб қолса, шубҳа пайдо бўлиши* мумкин, деб фатво чиқардилар. Қ.ни ўқишлашни Абул Асвад Дуалий амалга оширди. У нуқта аломатларини қарфларнинг усти, ости ва ўртасига қўйиб чиқди. Вақт ўтиши б-н уламоларнинг қарфлар*нинг* усти, ости ва ўртасига қўйиб чиқди. Вақт ўтиши б-н уламоларнинг Қ.ни хато ўқимасликларга ва ўзининг қироати ҳақида турли илтифотга тушмасликлари учун, уламолар мусҳафларга *лаккретик* белгилар (фитра, касра, замма) қўйиш керак, деган фикрга тўхталдилар. Бу ишни Ироқ ҳокими Ҳажжож ибн Юсуф ҳукмронлик даврида Ҳасан Басрий бажарди. Бунда асл қарфларга заррача ўзгартириш киритмаслик шарти қўйилди. 9-а.га келиб Қ. араб бўлмаган халқлар томонидан ҳам ҳатосиз ўқиш мумкин бўлган ҳолга келди. Тараққиёт даври келиб, Қ.ни техник жиҳозлар воситасида чоп этиш масаласи кўндаланг бўлди. Лекин уламолар аввалига Қ.нинг обрўсига тўғри келмайди, деган фикр б-н бу ишга рухсат бермадилар. Аммо вақт ўтиши б-н мусулмонлар ҳам ишқ ишларини ўзлаштирдилар. Қ.ни чоп этишга эҳтиёж ортиб борди ва уламолар қоракўз шартларни қўйиб, Қ.ни чоп этишга изн бердилар.

Абдуллоҳ ибн Солбин, Шомга Муғийра ибн Шеҳоб ни, Кўфага Абдураҳмон Сулламийни, Басрага Омир ибн Абул Қайсини юборди ва ҳар бирига бир нусхадан мусҳаф берди. Мадинада қолган мусҳафдан одамларга қироат таълими беришни Зайд ибн Собитга топширди. Усмон ибн Аффон да бир нусха мусҳаф қолди. Кейинчалик нусха кўчириш йўлга қўйилиши жараёнида фақатгина Усмон даврида ёзилган нусхаларга суяниш жорий бўлди. Пировардида ҳар бир нусханинг ишончлилиги Усмон мусҳафига мувофиқлиги белгиси бўлиб қолди.

Қ.нинг ҳар бир нусхаси мусулмонлар томонидан эъзозланади. Аммо уларнинг ичида Усмон Қ.ларининг алоҳида ўрни бор. Тошкентда Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасининг *махсус хужрасида сақланаётган Усмон Қ.и бевосита халифа Усмон даврида* (644—656) ёзилган муқаддас қўлёзма деб ҳисобланади. Ҳоз. кунда жаҳонда «Усмон Қуръони» деган ном б-н аталадиган 4 қўлёзма мавжуд. Улардан бири Мадинада сақланаётган асл нусха бўлиб, *илмон манбаларида у «Имом»* деб аталади. Иккинчи нусха Қаҳбада, учинчи нусха Қоҳира (Миср миллий кутубхонасида сақланмоқда. Тўртинчиси Тошкентда Ўзбекистон халқлари тарихи музейида узоқ вақт сақланиб, 1989 й. бошида мусулмонлар қурултойида Ўрта Осиё ва *Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасига сақлаш учун топширилган. Бошқа* тадқиқотчилар (Аҳаджон Ҳасанов ва б.) маълумотига кўра, Тошкентдаги Усмон мусҳафидан ташқари Қоҳира ва Истанбул ш.да (2 та) сақланаётган нусхалари мавжуд. Тошкентда сақланаётган Қ.нинг бу ерга келиб қолиши тарихи ҳақида турли тахминлар бор. Кўпчилик тадқиқотчилар уни Амир Темур Басралан Самарқандга олиб келган, деган фикрни билдирадилар. Бошқа тарихчилар (Ҳамид Зиёев ва б.) Амир Темур Тўхтамишни мағлубиятга учратиб, Олтин Ўрдани эгаллаганидан кейин, ўша Қ.ни қўлга киритиб, Самарқандга келтирган, деган хулосага. Тарихли яна бошқа фаразлар ҳам дуч келинади. Ушбу Қ. 1868 (баъзи манбаларда 1869 й.) Самарқанддан Санкт-Петербургга олиб кетилади ва аввал Россия халқ маорифи вазирлигига, сўнгра шаҳардаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасига берилди. Октябрь тўнтаришидан сўнг, мусулмонлар қурултойининг илтимосига кўра, РСФСР ХКСнинг қарори б-н мусулмонларга қайтариб берилган. Аввал Уфада сақланиб, 1923 й.да Тошкентга келтирилган. Бир неча вақт Самарқандда, кейин Тошкентдаги Республика халқ кутубхонасида, ЎзССР ФА Шарқ қўлёзмалари ин-тида сақланган. 20-а. бошларидаги техникавий кўрсатмасига кўра мусҳафнинг умумий ҳажми 68×53 см ҳисобланиб, 353 варақдан иборат *бўлган. Бу варақларнинг аттиқроқ ва сариғи* рангдори ясо томони яхши сақланиб, уларнинг орқа бети салгина гижимланган, бир оз ўринган каб

кўринар эди. Мусҳафнинг саҳифалари нам тортиши натижасида бир мунча шикастланган ва уларда қон доғлари бор эди. Унинг ўиртиб олинган ёки қаттиқ шикастланган варақларни ўрнига бу та терига ўхшаш қалин ва майин варақлар тикиб қўйилган. Бу варақлар пахта қоғозларан мохирлик б-н ишланган бўлиб, уларни Мусҳафнинг асл саҳифаларидан фарқлаш қийин эди.

Қ.нинг асосий ғояси — Аллоҳ тўғрисидаги таълимотдир. Унинг мавзуси ва моҳияти инсонлар тафаккурида кўтҳудолликка барҳам бериш, якказудолликни тарғиб қилиш ва ислом динини қарор топтиришдир. Шу б-н боғлиқ равишда унда пайғамбарлар, охират, тақдир ва б. ҳақидаги ақидалар баён этилади. Аллоҳ Қ.да ўзининг *Одамато, Нуҳ, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Мусо, Довуд, Исо*, Муҳаммад (ас) ва б. пайғамбарларини зикр этади. Уларга юборилган дин — ислом экани, Таврот, Забур, Инжил ва Қ. ўзи нозил қилган илоҳий китоблар экани, ҳўудийлар, насронийлар ва мусулмонларни «аҳли китоб» деб атаб, уларнинг эътиқодлари ваҳҳонияг эканини Қ. оятларида қайта-қайта уқтиради. Қ.да исломий ибодат талаблари (*намоз, рўза, закот* ва б.) батафсил берилган. Ундаги ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар кейинчалик шакланган *шариатга* асос қилиб олинган.

Қ.да инсониятнинг этник бўлиниши, яҳтимонй табақаланиши, айирмачилик, миллатчилик инкор этилади. Аллоҳ наздида барча тенглир. Инсонлар Аллоҳ томонидан *миллати*, насаби, бойлиги, мътиёзи ва ҳ.к.га қараб эмас, балки уларнинг қалби ва қилган яхши ёки ёмон амалларига қараб ҳукм қилинадилар.

Диний эътиқодга мустаҳкам турини, ҳалолик, эзгулик, савоб ишлар, *мехр-шафқат, инсонпарварлик* ўлуғлаш барча илоҳий китоблар каби Қ.нинг мазмуни-моҳиятини белгилайди. Унда тенгсизўрлик, бировлар ҳақини ейиш, бошқалар ҳисобига яшаш, порахўрлик, ишёқмаслик, *жабр-зулм, ғўрлик, қотиллик, диллозорлик*, фитначилик, кибру ҳаво қораланади. Барча ҳақиқат бир ота-онанинг авлоди экани эслатилади.

Уламолар Қ. оятларини Аллоҳнинг амрлари ва наҳйлар (яъни мўмин бандаларга буюрганлари ва қилмангиар деб қайтарганлари), ваъда ва въидлари (яъни бандаларга дунё ва охиратда савоб амалларн учун яхшилик берурмак деи қилган ваъдалари-ю, дунё ҳамда охиратда гуноҳ ишлари учун азоблайман деб кўрқитишлари), аввал ўтган умматлар, пайғамбарларнинг тарихлари, ҳалол-ҳаром нарсалар, банда қилиши керак бўлган ду о лар каби қисмларга бўладилар.

Қ. *калом илмининг* шаклланиши ва ривожланишида биринчи манба бўлди. Абу Ҳанифа «ал-Фиқҳ ал-акбар», Абу Мансур Мотуридий «Китоб ат-тавҳид», *Абу Ҳафс Насафий «Ақоид ан-Насафий»* асарида олга сурилган ислом таълимотига оид ўз фикрларига далил сифатида Қ. оятларини келтирадилар. Қ. фиқҳий ҳукмларни қабул қилишда асосий ва биринчи манба ҳисобланади. Ундан кейин эса *сунна, ижмо, қиёс* турали. Қ.да келган ҳукм шариатда *фарз* сифатида қабул қилинади.

Араб тили грамматикаси ва адабиётининг ривожланишида Қ.нинг ўрни беқиёс. Қ. услубн ҳофизаларитирилган шеърий проза — *саж'да* ёзилган) кейинги араб адабиётига, умуман шарқ адабиётига катта таъсир кўрсатди. Қ. илмлари ривожланиши жараёнида аниқ грамматик *қоидаларга нисбатан* пайдо бўлган эҳтиёж бу соҳанинг тараққий этишига туртки бўлди. Қ. фақат араб тилида эмас, балки ислом тарқалган мамлакатлар халқларининг тилларида яратилган асарларда ҳам ўз аксини топди. Хусусан, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобир каби адабиёт намояндалари асарларида Қ.дан олинган ибратбоз, ибрат, ҳикоят, зарбулмасалларни учратиш мумкин. Қ. мусулмон халқлар ҳаёти, тарихи, илми, адабиёти, турмуш тарзи, қонун-қоидалари, урф-одатларн ва дунёқарашларида ўзининг салмоқли таъсирига эга.



Ўзбек тилида нашр этилган Қуръони карим намуналари.

Уламолар Қ.ни тушуниш учун зарур бўлган фанлар мажмуасн — Қ. илмларидан носих ва мансух (бекор қилувчи ва бекор қилинган оятлар) (қ. *Наск*), *асбоб ан-нузул* (оятларнинг нозил бўлиш сабаблари), *тафсир* каби соҳаларни санаб ўтганлар.

Тафсир Пайғамбар даврилаёқ вужга келган. *Энг биринчи* муфассир (тафсирчи) Муҳаммад (сав)нинг ўзи бўлиб, у одамларга Қ. маъноларини баён қилиб берарди. *Пайғамбардан кейин Абу Бакр*, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб муфассир бўлган. Шунингдек, Абдуллоҳ ибн Аббос (680 й.в.э.), Абдуллоҳ ибн Масъуд (654 й.в.э.), Убай ибн Каъб (7-а.), Анас ибн Молик (712 й.в.э.) каби саҳобалар ҳам илк муфассирлардан ҳисобланади. Тобеин муфассирлардан Мужоҳид ибн Жабр Маккий (723 й.в.э.), Икрима Абу Абдуллоҳ ал-Барбарий (723 й.в.э.), Саид ибн Жубайр (714 й.в.э.), Ато ибн Аби Рибоҳ (734 й.в.э.) кабиларни зикр этиш мумкин. Саҳоба ва тобеинлар даврида тафсир оғзаки ривоят ва нақл шаклида бўлиб, китоб тарзида ёзилмаган. Муҳаммад ибн Жарир Табарий (923 й.в.э.), Абу Мансур Мотуридий (944 й.в.э.), Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафий (1310 й.в.э.) каби *йирик* муфассир уламолар ўзларининг тафсир китобларини ёзилдар.

Афсуски, исломда пайдо бўлган турли фирқалар Қ.да ўз таълимотларига мос равишда тафсирлар ёза бошладилар, зеро тафсирчилик муфассирнинг дунёқарашн б-н боғлиқдир. Аамо исломнинг соф таълимотига эид бўлган тафсирлар вақт ўтиши б-н йўқолиб, уларнинг номи ва муаллифлари ҳақидаги кларнинг манбаларида сақланиб қолган.

Тарихда Қ.нинг ислом жамиятидаги улкан мавқеидан турли фирқалар ўзларининг тарзини мақсадларида фойда-

лининг ҳолатлари кўплаб кузатилган. Уламолар эса уларнинг бундай нотўғри талқинларига қарши доимий равишда ўзларининг холис фикрларини б-н қураниб келганлар. Қ.ни тарзли талқинлардан холи тугиш бугунги кунда ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Қ. (2-аслн Европа халқлари тилларига, жумладан, лотин тилига таржима қилина бошланган. Франциз шарқшуноси Андре дю Рие томонидан қилинган француз тилидаги таржимаси 1647 й. Парижда чоп этилди. Шу таржима асосида Петр I буйруғига биноан Қ. рус тилига ўгирилди ва 1716 й. Петербургда чоп этилди. Французча таржима кўп тилдаларга ташрлар асос бўлди.

Қ. 18-а. бошларида Европа халқлари тилларидан, 19-а. ўрталарндан арабча асл матндан рус тилига таржима қилинган. Арабчадан Г.С.Саблуковнинг дастлабки русча таржимаси Қозонда 3 марта (1878, 1894, 1907) нашр қилинган. Қ.нинг рус тилидаги адекватик-адабий таржимаси илмий изоҳлари б-н академик И.Ю.Крачковский томонидан амалга оширилган ва унинг нафотидан кейин (1963) нашр қилинган.

Ҳоз. кунга қадар Қ.га 1700 ҳил тафсир ёзилган. Жумладан, Муҳаммад Солиҳ Муҳаммад Юсуфнинг бир неча жилддан иборат «Тафсири ҳилол» номли асари (Тошкент, 1992–2005), Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири» (Тошкент, 2004) ўзбек тилида чоп этилган. Қ. 1000 дан ортиқ тилга таржима қилинган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин Алоуддин Мансурнинг «Қуръони карим»нинг ўзбекча изоҳли таржимаси (Тошкент, 1991), Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» (Тошкент, 2001), Муталлиб Усмон ва б.нинг «Қуръони карим. Таржима ва илмий-тарихий изоҳлар» (1-китоб, Тошкент, 2004) китоблари чоп этилди. Шуниндек, кўзи ожизлар учун Қ.нинг брўтма ҳарфлар (брайл ёзуви)да изоҳида 8 жилдли китоби нашр қилинди (2004).

Ад.: Бобохонов Шамсуддин, Қуръони карим (30-пора), Т., 1991; Усмонов М., Қуръони карим ва ҳанафи Расулуллоҳнинг амаллари, Т., 1992; Каромatов Ҳ.С., Қуръон ва ўзбек адабиёти, Т., 1995; Шайх Исмоил Маҳдум, Тошкентлик Усмон Мусҳафининг тарихи, Т., 1995; Пропоров С.М., Арабская историческая литература в Иране, Иране и Средней Азии в VII—середине X в. Шиитская историография, М., 1980; Резван Е.А., Коран и его мир, Санкт-Петербург, 2001; Резван Е.А., Коран и его толкователи (статьи, переводы, комментарии), Санкт-Петербург, 2000; Ал-Қуръон ал-карим маъноларининг таржимаси ва шарҳлар [Таржимон ва муфассир — Сайёид Маҳмуд ибн Сайёид Назир ат-Тароший ал-Мадоний (Ўзбекистон Туркл), 3-нашр, Т., 2002.

ҚУРЪОҚЧИЛИК — бўғланиш ёғинлардан ортиқ бўлган шароитларда кечадиган узоқ давомли об-ҳаво. Бундай шароитда тупроқдаги сув ҳаҳрасн тез сарфланиб кетали, бу эса қ.з. экинлари ҳамда йилов ўсимликларининг ривожланиши ва маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Текислик ҳудудларидаги Қ.нинг умумий даражаси гидротермик коэффициент (ГТК) б-н аниқланади. ГТК вегетация даврндаги ёғин миқдорини ҳудди шу давридаги т-ра йиғиндисининг 10 марта камайтирилган миқдорига нисбатидан ёки ҳафталикдаги (Г.Т.Селянинов). Суғорма деҳқончилик зоналарида ГТК қийматлари вегетация даврида ёғинлар кам бўлган ҳудудларда 0,06–0,15 дан тогодли зоналарида 0,3–0,4 гача ўзгариб туради. Баланлик ошиши б-н Қ. таъсири сустлашади. ГТКнинг қиймати эса 0,7 га қадар кўтарилади. Қ. тупроқдаги физиодгик ўзлаштириладнган намлик ҳўқдигини ҳаракатдовчи тупроқ Қ.и ҳамда транспирация ва бўгланиш миқдори ошиб кетганлигини ифодалайдиган ҳаво Қ.ига бўлинади. Тупроқ Қ.и Ўрта Осиёда деярли ҳар йили такрорланиб турадиган оддий ҳол ҳисобланади. Унинг бошланиши Ўрта Осиёнинг денгиз юзасидан 200–250 м баландликкача бўлган ҳудудларида апр.нинг 1-декадасига, 300–400 м баландликкача бўлган ҳудудларда майнинг дастлабки кунларига тўғри келади. Ҳаво Қ.и ўсимликларга юқори т-рада ва паст нисбий ҳаво намлигининг биргаликда таъсир қилиши б-н тавсифланади (қ. *Ҳаво намлиги*). Суғориладиган деҳқончилик минтақаларида ҳаво Қ.и кузги-ладиган кунлар, одатда, 10–30 кун орасида ўзгариб туради, гоҳида 50 ва ундан ҳам ортиқроқ кунга етали.

Қ. қишлоқ хўжалигига, айниқса, галлакор ерларда катта зарар келтиради. *Аксарият ҳолларда Қ. гармсел б-н бирга юз беради.* Суғориладиган майдонларда ривожланган суғориш системаларининг мавжудлиги, шунингдек дала ичига ўрмонлардан барпо этиш, Қ.ка чидамли навларни экиш, ўсимлик ҳамда ҳаҳратларнинг борлиги Қ.нинг зарарли таъсирини камайтиради. Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши бунга яхши мисол бўла олади; бу ерда кенг суғориш тармоқлари барпо этилиб, йирик пахтачилик хўжаликлари ташкил топгандан кейин йилига Қ. кузатиладиган кунлар сони 2 баравар камайди (27 ўрнига 13 кун).

Ҳамидулла Абдуллаев.

ҚУСАМ ибн АББОС (таҳм. 624—677) — саҳоба. Муҳаммад (саллиллоҳу алайҳи васаллам) амакивачаси. Халифа Али ибн Абу Толиб даврида Макка волийси бўлган. *Муовия* даврида Хуросон волийси *Сазид* ибн Усмон б-н бирга Ўрта Осиёни фатҳ этишда қатнашган. Манбаларда айтилишича, Сазид динни кучайтирмоқ ва шариат ҳукмларини юргизмоқ мақсадида Қ. ибн Алн *бир неча* исломқўшинн б-н Самарқандда қолдирган. 677 й. суғлийлар Самарқандга ҳужум қилганда Қ. ибн А. шаҳид бўлган. Бапу ножия қабристонида тор ёпиқда (бошқа манбаларда — гозийлар ёпиқда) дафн этилган. Султон Санжар Мозий (1118–1157) замонасида ўша қабристонда «Қусамия» мадрасаси солинган. У Оби машҳад ариғи яқинида бўлган. Амир Темур даврида ушбу мозор устига иморат қилиниб, турли безакдар б-н безатилган. Халқ орасида *Шоҳзинда* («Тирик шоҳ») номи б-н машҳур бўлган бу ёдгорлик Ўрта аср меъморлигининг ноёб обидаларидан саналади.

ҚУСАМ ибн АББОС МАЖМУАСИ — Самарқандлнда меъморий ёдгорлик (11—15-а.лар); *Шоҳзинда* таркибида. Мажмуа турли даврларда қурилган масжид, мақбара ва чилланхонадан иборат. *Қусам ибн Аббос* қабри атрофида бунёд этилган. Мажмуага чортоқнинг



Қусам ибн Аббос мажмуаси. Мақбара эшиги.

шарқий ривожидаги 2 табақали эшик орқали кирилади. Йўлакнинг ўнг томонида юқорини мўъжаз қафасали бежирим минора (бал. 12 м, 12-а.) сақланган. Масжид 3 га бўлинган, ён томонлари девор устунлар ёрдамчи ҳужраларга бирлаштирилган. Ички деворининг изораси сирқоқ ганч юлдузсимон парчинлар б-н безатилган. Намозхонда қўш иқлимий сирқоқ парчинли ҳошия б-н ўралган. Меҳробидаги китобларни қам сирқоқи парчинлардан нақшланган. Масжиднинг шарқида миёнхона бўлиб, унинг жан.-шарқий бурчагидан мақбарага ўтилади. Дастлаб мурабба тарҳли, гумбаз б-н ёпилган тўртхона-сагана, *зиёратхона* ва унинг остида *жойлашган* чилланхоналар ёдгорлик мақбара қурилган. Қусам ибн Аббос сағанаси Амир Темур даврида ўрнатилган: сағана устма-уст қўйилган 3 та тўғри тўртбурчакли ва уларнинг устидаги 1 эгри сиртли, жами 4 қисмдан тузилган, ён томонларининг юзаси зарҳал исломий нақшлар б-н зийнатланган, улар орасига Қуръон оятлари, ҳадислар битилган. Сағанани зиёратхонадан кўриш учун тўғрибурчакли шим. деворига ёпоч панжара ўрнатилган. Кейинроқ масжид ва б. биноларга қурилган. Бино *баналларига мукарнаслар* ишланган, гумбази сирқоқ қолипмага эга. Мажмуадаги эшиклар 2 табақали ўймакор нафис нақшлар, сулс хатидаги китоблар б-н зийнатланган. Мажмуа таркибидаги хоналарнинг тарҳий боғланиши пухта ҳал этилганлиги ён-а ардамзата эга.

ҚУСИШ, қайт қилиш — мезъа, диафрагма, қорин девори ва б. мускулларининг спазматик қисқаришга тайёргарлик ривожида оғиздан ташқарига чиқарилиши. Мезъа ва ичак ъзоолар, марказий қамда перифериқ нерв системасининг таъсирланиши (мас., заҳарланганда) ёки қасалларни оқибатида рўй беради. Қ. мезъа шиллиқ қаватининг таъсирланишига нисбатан организмнинг ҳимоя — мосланиш реакцияси бўлиб, қўшинча ютиб юборилгани ёт жисмлар, сифатсиз оққат ва турли заҳарли моддалар таъсирида содир бўлади. Қ. туфайли организм заҳарли, баъзи қатто ҳаёт учун хавфли моддалардан халос бўлади. Мезъанинг баъзи касалликлари (мас., *ара қасаллиги, гастриттда* Қ.дан олдин қўнғил айниб, олатда Қ.дан сўнг бемор ўзини енгил ҳис қилади. Қ. қорак, ўт пуфаги, аппендикс (*чувалчангсимон ўсимта*), буйрак ва б. ъзоолар функцияси издан чиққанда мезъага рефлектор таъсир этиш натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Қ. бош мия ва унинг пардалари касалликлари (менингоэнцефалит, бош мия ўсмалари ва шикастланишлари), миянга қон айланишининг бузилиши бедиана бўлиши, шунингдек, эпилепсиянда бузилишлар туфайли (мас., баъзи бир нохуш таомлар, қон, қусуқ массалари ва ҳ.к.ни кўрганда) юзага келиши ҳам мумкин. Ҳомиладорларнинг қусиши кўпинча *ҳомиладорлик токсикозларининг* аломати бўлади.

Қ. вақтида, айниқса, оғир ва ҳушсиз ётган беморларга кўз-қулоқ бўлиб туриш керак, чунки бундай ҳолларда қусуқ нафас йўлларига тушиб, бемор бўғилиб қолиши, ўпкаси яллиланиши мумкин. Қайт қилаётган беморни ўтқазиб қўйиш ёки бошини пастга қилиб, ёнбоши б-н ётқизиш лозим. Агар бемор ётган бўлса, унинг бошини ён томонга қаратиб, қусиб бўлгунча шу ҳолатда ушлаб туриш керак, қусиб бўлгач эса унинг оғзини чайдириш, мадорси беморлар оғзини ҳўл тампон б-н тозалаб олиш лозим. Қусуқ таркибида қон бўлса дарҳол врач чақириш зарур. Қ. истеъмол қилинган озиқ-овқат ёки дори воситаларига алоқадор бўлса, уларни қўлламаслик керак. Агар Қ. сабабини ўрта берса, врачга мурожаат қилиб, Қ. ва юз берган ҳолатни тафсилоти ҳамда қусуқ массасини врачга кўрсатиш талаб этилади, чунки унинг таққи кўринишда, таркибы ва б. қусиш сабабларини аниқлашга ёрдам беради. Болаларда Қ. катталарга нисбатан кўпроқ кузатилади. Қинир барча ҳолларида тезлик б-н врачга мурожаат қилиш керак. Фақат тиббий текширишларгина Қ. сабабларини аниқлаш ва уни ўз вақтида олдини олиш ҳамда даволаш имконини беради.

ҚУСТИРУВЧИ ДОРИЛАР — қустириш хусусиятига эга бўлган дори воситалари. Қ.дан бошқа дорилар ҳам ноҳўш таъсир кўрсатиб қустиришга мумкин.

Қ.д. таъсир механизмига кўра марказий ва рефлектор таъсир қиладиган ҳилларга ажратилади: биринчи гуруҳга *узунчоқ миянинг тўртинчи қоринчаси* тубида жойлашган қустириш маркази триггер зонаси хеморецепторларини қўзғатиб қустирадиган воситалар — апоморфин гидрохлорид, *нипер-стинка (ипгишонвагул) препаратлари* ва морфин киради.

Иккинчи гуруҳ Қ.л.га меъдаининг пилорик қисми ва ўн икки бармоқ ичак шиллиқ қаватида адашган нерв афферент толалар учларига қўзғатувчи таъсир кўрсатувчи воситалар киради. Ҳосил бўлган импульслар қустириш марказига етиб бориб, уни қўзғатади. Буларнинг таъсир қустирувчи таъсири асосан, мезъа-ичак йўлидан ёмон сўрилаладиган ёки сўрилмайдиган Қ.л.да намоён бўлади.

Қайт қилиш маркази ва мезъа шиллиқ пардасидаги сезувчи нерв учларига рефлектор таъсир қилувчи Қ.л.га апекакуана илдизи доривор препарати — эметин ҳамда бир қатор Ўсимликлар таркибига кирувчи сапонинлар, шунингдек, аммиак, оғир металл тузлари препаратлари ва б. киради.

Қ.л. таъсирига асосан сўлак секрециясини ва бронхлар шиллиқ ажралиб чиқиши ортади, кўп терлаш, нафас олиш ва қон айланиши ўзгаради, қўнғил айнишига хос диссоциация белгилар кузатилиб, қусиш хуружлари юзага келади. Рефлектор Қ.д.да ушбу босқич маркази таъсир қиладиганларига (апоморфин) кўра дивомлроқ таъсир этади.

Қ.л. жуда зарур қолларидагина, яъни ўткир захарланишда, меъдани ювишни иложи бўлмаганида, сурункали алкоголизмни даволашда шифокор назорати остидагина қўлланилади. Бунда, асосан, апоморфин ва эметинлар фойдаланилади.

Ҳушсиз ётган беморларга Қ.д. қўлланилмайди, чунки қусуқ массаларни нафас йўлларига кетиб қолиб, *асфиксия*га сабаб бўлади.

«ҚУТАДҒУ БИЛИГ» («Саодатга эришувчи билим») — *Юсуф Хос Ҳожиб* асари, туркий адабиётнинг нодир намунаси, 1069—70 йилларда яратилган. Муаллифнинг асар мукаддимасида хабар беришича, бу китоб ўз давридаёқ кенг тарқалиб, машҳур бўлган. Чин (Шимолий хитойликлар унн «Азаб ул-мулук» («Ҳукмдорлар одоби»), мочин (Жанубий хитойликлар «Ойини ул-мамлакат» («Ҳукмдорлик қонун-қоидалари»), Шарқий хитойликлар «Зийнат ул-умаро» («Ҳукмдорлар зийнати»), эронликлар «Шоҳнома» туркий («Туркий «Шоҳнома»), баъзилар «Панднома мулук» («Ҳукмдорлар пандномаси»), туроиликлар эса «Қутадғу билиг» деб атаганлар.

«Қ.б.» достонини яратар экан, муаллиф ўз олдига қорахонийлар давлати *ҳокимиятини мустаҳкамлаш, Тавғачхон* б-н Элоқхонлар ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш, ҳукмрон доираларнинг турли ихтимоий табақаларга муносабатини белгилаш, мақрифат ва *ободончилик учун курош*, яхши хулқ-одобни тарғиб қилиш каби мақсадларни қўйган. Бу б-н Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг йирик мақрифатпарвари ва донишманди сифатида гавдаланади.

«Қ.б.» марказига 4 масала қўйилиб, улар 4 образ воситасида очиб берилган: биринчиси — адолат бўлиб, у подшоҳ Кунтуғди тимсолида, иккинчи-

си — давлат бўлиб, вазир Ойтўлпи, учинчиси — ақл бўлиб, вазирнинг ўғли Ўғдилмиш, тўртинчиси — қиноят бўлиб, унинг қариндоши Ўзғурмиш қаҳфасида тасвирланади. Шунга муносиб равишда кўпгина масаллар воқеалар ривожи, қаҳрамонларнинг ўзаро суҳбати, баҳс-мунозараси, савол-жавоблари, панд-насиҳатлари воситасида ҳал қилинади. Муаллиф баъзи масаллар юзасидан ҳам ахлоқ-одоб, ин, инсонийлик ва адолат доирасида фикр юритади ҳамда пошшоҳ ва амалдорларга тортиб деққону ҳунармандгача — жамиятдаги барча тоифаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиради. Борлиқ қандаги билимларга тўхталган Юсуф Хос Ҳожиб одам билиши мумкин бўлмаган нарса, билим б-н ечилмайдиган жумбоқ йўқ, билим туфайли осмон сари ҳам йўл очилади, дейди: билиш учун эса тинмасдан ўрганиш лозим, деб уқтиради.

«Қ.б.» қорахонийлар ҳокимиятининг ўзига хос пахмай идеомоласи бўлиб, бу рамзий-тимсолий асар юрт эгалари бўлмиш ҳукмдорлар ва катта-кичик амалдорларга атаб ёзилган ва асарда уларга мамлакатни адолат б-н бошқариш, тинчликни сақлаш, раиятга зулм қилмаслик, бидъатс, халқнинг оғирини енгил қилиш, турмушини фаровон айлаш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлаш, илм-маърифатга кенг эътибор бериш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ, бурч, ахлоқ бўйича маслаҳат ва тавсиялар берилган. Ҳукмдорлар адабномаси — «Қ.б.» қорахонийлар судоласи мисолида туркий давлатчилик асослари янги босқичга кўтарилган даврда замон куч тартибига қўйган сиёсий-ижтимоий масалаларни ҳал қилишда асосий дастур бўлган. Шоирнинг у ёки бу масала бўйича панд-насиҳатлари худди ҳикматлай жарангланган, халқ мақолларига ўхшаб кетади — уларнинг бадиий юксаклиги ва маърифий аҳамияти ҳам шунда.

Асар муаллифининг сўнгги тахрирдан ўтган ва Тавғач Буғрохонга тақдим этилган нусхаси наср(и (38 мисра) ва шеърий (77 байт) муқаддима, кириш боблар (390 байт), асосий қисм (68 боб, 5896 байт), хотима (2 қасида ва маснавий бобдан иборат. Жами 6520 байт.

«Қ.б.»нинг 3 қўлёзма нусхаси фанга маълум: улардан бири уйғур ёзувида кўчирилган бўлиб (1439, Ҳирот), Вена Сарой кутубхонасида сақланади; араб ёзувида кўчирилган 2 нусхадан бири Қоҳирада (1896 й. шу ерда топилган), иккинчиси (1913 й. Намангандан топилган ва 1925 й. Фитрат томонидан илмий муомалага киритилган) Тошкентда, ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Асарнинг илк нашри Х.Вамбери томонидан амалга оширилган (1870). Шундан кейин бу асар В.Радлов (1890; 1910), С.Е.Малов (1929; 1951), Р.Р.Арат (1942; 1943; 1947; 1959), К.Каримов (1971), Б.Тўхлиев (1989), уйғур олимлари (1984) томонидан нашр этилди. Асар инглиз, немис, француз, рус, чех, турк, уйғур, хитой ва б. тилларга таржима қилинган. Уни Ж.Амале, А.Фитрат, Р.Арат, Е.Э.Бертельс, Х.Вамбери, В.Радлов, С.Малов, А.Н. Кононов, С.Н.Иванов, Д.Насилов, А.Валитова, Ғ.Абдурахмонов, К.Каримов, Б.Тўхлиев, К.Содиқов ва б. чет эл ва ўзбек олимлари ўрганганлар.

Ад.: Маллаев Н., Ўзбек адабиёти тарихи, Т., 1976; Ўзбек обидалар, Т., 1989; Тўхлиев Б., Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асари, Т., 1991; Билик сийлолар, алломалар, 1-китоб, Т., 1995; Ҳожиаҳмад Ясавий Шарқ зарралари, Т., 1999; Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиқов К., Қадимги ёзма ёдгорликлар, Т., 2000.

Зуҳра Ғуломова

ҚУТАЙБА ибн МУСЛИМ ал-Боҳилий, Абу Ҳафс (660–715, Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани, Кох қишлоғи) — Умавийларнинг Хуросондаги нойби (705–715), Мовароуннаҳрни босиб олган араб саркардаси.

Қ. ибн М. қайс (қайсия) номли шим. араб қабиласига мансуб бўлган. Дадаси*нинг ибн Юсуф* томонидан Хуросон амири (нойби) қилиб тайинланган (705), дастлаб Хуросон ва Тохаристонни тўла равишда арабларга бўйсундирди. Сўнгра у 706–715 йлар оралиғида Мовароуннаҳрнинг катта қисмини (Ромитан ва Пойкендни, 707; Бароҳани, Вардона ва Бухорони, 709; Шуман, Кеш ва Насафни, 710; Хоразм ва Самарқандни, 712; Шош, Фарғона ва Қошғарни, 713–715 йлардаҳ *араб халифалигига* тобе этган. Қ. ибн М. қўшинига Бухоро ва Самарқанддаги суғдийлар ва туркийлар, хусусан, Вардона мулкининг ҳукмдори *Вардонахудот қатғон* қаршилик кўрсатган.

Қ. ибн М. томонидан маҳаллий аҳолини ислом динига киритиш дастлаб *қаттиқ қаршиликка* учраган. Мас., у тўртинчи марта жанг қилиб Бухорони олгач, араблар бухороликлар б-н бирга туриб, уларнинг хатто қабрақаватларидан хабардор бўлиб турсалар бухороликлар заруратдан мусулмон бўлади деган мақсадда Бухоро аҳолисига ўз уйларининг ярмини арабларга беришга ундаб бўйруқ чиқарди. Қ. ибн М. шу йўл б-н Бухоро ва б. шаҳарларда мусулмончиликни ёйишга ҳаракат қилди. Бухородаги биринчи масжидни Бухоро ҳукмдори Тўғшодда қурдирди (712–713). Қ. ибн М. бошқа шаҳарларда ҳам масжидлар қурдириб, зардуштийлик ва буддавийликка қарши аёсизлик кўрсатди.

Бернуайнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида келтиришича, «Қутайба Хоразм хатинги *яхши биладиган, уларнинг хабар ва* ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни далок этиб, бутқул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада ишончи қолди».

Қ. ибн М.нинг янги халифа Сулаймон (ҳукмронлик даври: 715–717)га бўйсунмаслиги, Мовароуннаҳрдаги араб қўшинлари ўртасида унга нисбатан норозилик пайдо бўлиши ва исён кўтарилишига олиб келди. Араблар-нинг шайбон қабиласига мансуб Ҳайён ан-Набатий (унинг 7 минг кишилик қўшини бўлган) ва тамим (тамимий) қабиласи вакили Вақи ибн Абу Суд бошчилигилари исёнчилар Қ. ибн М.нинг чодирига бостириб кириб, у б-н биргаликда Абдурраҳмон, Абдуллоҳ, Солиҳ, Ҳусайн, Абдулкарим номли укаларини, ўғли Касир ибн Кутайба ва жиянларини (жами 11 эркакни) ўлдиришган. Қ. ибн М. Кох қишлоғида Рабғоз Саркант (ҳоз. Мозорбўлма) қабристонида дафн этилган. Унинг шахси ила ўрта асрлардан бошлаб Мовароуннаҳрда ислом уламолари томонидан мукаддаслаштирилган.

Ад.: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1966; Бернуний, Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, т. 1, Т., 1965; История ат-Табари, Т., 1987.

Қаҳрамон Ражабов.

ҚУТАЙБА ибн ТЎҒШОДА (8-а., Бухоро) — бухорхудот (738—753). Қ. ибн Т.нинг отаси Тўғшода 32 й. Бухорода бухорхудот лавозимида турган. Тўғшода мусулмон бўлганидан сўнг тузган ўғлига *Кутайба ибн Муслим* шарафига Кутайба деб исм қўйган. Тўғшода араблар томонидан Самарқандда ўлдирилгач, Бухоро тахтига унинг ўғли Қ. ибн Т. ўтирган (738). Наршахийнинг ёзишича, *Қ. ибн Т. Шарик қўзғолонини* бостиришда араб лашкарбошиси Зайд ибн Солиҳга ёрдам берган. Бироқ Қ. ибн Т. кейинчалик араблarга қарши кураш эълон қилгач

Хуросон ва Movароуннаҳр нонби *Абу Муслим* томонидан ўзи, биродари, онаи аҳолоари ва тарафдорлари б-н биргаликда ўлдирилган (753).

Қ. ибн Тлинг ўлимидан кейин унинг бошқа биродарлари Сукон ибн Тутушда ва Бунёт ибн Тутошла Бухорога бу-ҳорхудот (*тодшоҳ*) бўлганлар.

Манба: Наршахий. Бухоро тарихи. Т., 1966.

ҚУТБ — 1) қ. *Географик қутблар*; 2) *Геомагнит қутблари*; 3) *Олам қутблари*; 4) электр занжири ёки магнитнинг қарама-қарши томонларидан бири (мусбат қутб ёки манфий қутб); 5) кенг маънода — *бир-бирига энг икки хил* парса; қарама-қарши томон.

ҚУТБ (математикада) — 1) координаталар тизимида Қ. координаталар бошн; 2) шарнинг қутби унинг *катта доирасига перпендикуляр бўлган* диаметрнинг учлари; 3) бирор *p* тўғри чизиқнинг иккинчи тартибли *к* чизиққа нисбатан қутби шундай *P* нуқтаки, бу нуқта учун *p* тўғри чизиқ *P* нуқтанинг *к* чизиққа нисбатан полярлик назифасини ўтайди; 4) функция қутби функциянинг ақралган махсус нуқталари. Қ.да *f(z) функция аниқланган эмас, лекин ушбу шарт* бажарилади:

$$\lim_{z \to z_0} f(z) = \infty$$

Функцияларнинг қутби ҳақидаги таълимот комплекс ўзгарувчининг аналитик функцияларн учун ривожланган.

ҚУТБ ЁҒДУСИ — қ. *Шимол ёғдуси*.

ҚУТБ КУНИ — Ернинг Шим. қутб доирасидан шимолроқда ва Жан. қутб доирасидан жануброқда бўлган соҳалардаги кун. Бир суткадан ортиқ давом этади. *Баҳорги тенг кунлик* (21 ёки 22 март), яъни Қуёшнинг огиши δ=0° га тенг бўлганда Ернинг Шим. қутб доирасида Қуёш чиқади, Қ. к. бошланади ва у кузги тенг кунликкача (21 *ёки 22 сент.*) давом этади. Жан. қутб доираси ичидаги Қ.кдари, аксинча, *кузги тенг кунликдан* баҳорги тенг кунликача давом этади. Қуёшнинг огиши орта борнши б-н Шим. қутб атрофидаги Қ.клн соҳалар кўлами ҳам ортиб боради. Соҳа Шим. қутбдан қанча узоқда бўлса, Қ.к. шунча кеч бошланади ва кунининг узунлиги шунча кам бўлади. Қутбларда Қ.к. *ярим йил давом этади*. Шим. ярим шарда Қуёшнинг огишн максимал (δ=+23°27') бўлганда, яъни Қуёшнинг ёзги турнш кунлари (21 ёки 22 июнь) Қ.к. узунлиги ҳам максимал бўлади ва Қуёш шу кули ботмайди. Ҳақиқатда юқорида айтилган қолнса бирмунча бошқачароқ кузатилади: 1) Қуёшнинг чиқиши унинг кўринма гарнзони марказига нисбатан эмас, балки гарнзоннинг юқори чегараси кўриниши б-н аниқланади; 2) Ер атмосфераси *рефракциясининг* таъсирида *Қуёш ҳақиқий чиққан вақтлари олдин* чиқади ва ҳақиқий ботиш вақтидан кейин ботади; 3) Қуёшнинг огиши куи давомида ўзгариб боради. Бундарнинг ҳаммаси Ернинг иккала ярим шарида суткаларнинг ёруг қисмларни узайтиради ва қоронги қисмларни қисқартиради.

Абдусалом Латипов.

ҚУТБ МИНОР — Хиндистон (Деҳли)даги меъморий ёдгорлик (1206—*1220*); *Шарқ меъморлигининг нодёб намунаси*. Деҳлида нафот этган ўнлик дин арбоби Ҳожи Қутбиддин Бахтиёр шарафига бунёд этилган (мақбара минорадан 600 м жан.-гарбда). Минора 5 қатламли (дастлаб 4 қатламли бўлган, 5-қатлами кейин қурилган), тарҳи конуссимон, гаройли; гранит блоклар ганчоқ б-н мустаҳкамлаб қурилган; *бал.* 72,6 м, диаметри асосида 14,74 м, учида 3,05 м. Қуйи 3 қатлам турли рангдаги қумтош б-н, юқори 2 қатлами (яшил уриб пайрон бўлган) 14-а.да ок



Қутб минор.

мармардан деярли безаксиз қайта тикланган. Ичкаридаги айланма зинапоя (379 та) орқали юқорига чиқилади. Минора бепбошга муқарнас пилапларн ишланган, *султонлар тарихи*, уларга мадҳия, Қуръон оятлари ёзиб безатилган. **ҚУТБ ТУНИ** — Ернинг Шим. қутб доирасидан шимолроқда ва Жан. қутб доирасидан жануброқда бўлган тун. Бир суткадан ортиқ давом этади. *Кузги тенг кунлик* (21 ёки 22 сент.да Қуёшнинг огиши 0 га тенг бўлганда Ернинг *шимолий қутб* доирасида Қуёш чиқмайди ва Қ.т. бошланиб, *баҳорги тенг кунлик* (21 ёки 22 март) гача давом этади. Шим. ярим шарда Қуёшнинг огиши минимал (δ=−23°27'), яъни Қуёшнинг қишки турнши (21 ёки 22 декабрь) кунларида Қ.т. узунлиги максимал бўлади. Жан. қутб доирасида (φ°=66°33') Куёш қишки турнш куни ботмайди ва *ёзги Қуёш турнш* куни (21 ёки 22 июнь) чиқмайди. Қ.т. ҳам *қутб* куни каби олдий геометрик кўринишда соҳар бўлмайди. Қуёш гарнзони, *рефракция* ва Қуёш огишининг ўзгариб бориши Қ.т. узунлигига таъсир кўрсатади. Умуман Қ.т. *қутб кунига нисбатан қисқароқ* бўлади.

ҚУТБ ХОРАЗМИЙ (14-а., Хоразм — ?) — шоир, таржимон. Ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи ягона манба унинг «Хусрав ва Ширин» достонидир. Қ.Х.нинг ижодий камолот йиллари Хоразмнинг Олтин Ўрда давлатига қарам бўлган даврига тўғри келади. Достоннни Сигноқ шда ёзган (1330—40). Фақирнинг ящаган Қ.Х. «Хусрав ва Ширин» дек кўп шакт ва машаққатни талаб қиладигаи катта ҳажмли асарни ёзиш учун молдий ёрдам сўраб, Олтин Ўрда хони Муҳаммад Ўзбекхонинг (1312—40) Оқ Ўрдадаги нонби бўлмиш шаҳзода Тинибек ҳузурига боргаи. Тинибек ва унинг давлат ншларида фаол кўмакчиси бўлган хотини Қ.Хзи илиқ кутиб олиб, унинг ижод қилиши учун барча шарт-шароитларни яратиб берганлар. Шоир ўз асарида маликаии «ҳар ишни тарозида ўлчаб, зеҳи б-н *фикр юритувчи* оқила, *комила*» *аёл* сифатида мадҳ этиб, унинг давлат *ншларидаги фаол иштирокини* кўрсатган.

«Хусрав ва Ширин» *Низомий Ганжавий* қаламига мансуб шу номдаги достоннинг эркин таржимасидир. Айрим сабабларга кўра, бу асар ўз даврида кенг тарқалмай, шуҳрат қозонмаган. Достон амир Қутлу Хўжанинг таъснрн б-н 1383—84 йларда Мисрда Берка Фаҳоз ибни Қаровул Зоғу Қипчоқи томонидан кўчирилган. Бу қўлёзма 1914 й.да Парнж Миллий кутубхонасидан (инв. 312) топилиб, илмий муомалага *киритилган ва шарқшуносларга ўртасида* шуҳрат топган. 1940 й.да Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш қўмитаси томонидан унинг фотонусхаси олиниб, Ҳ.Зариф томонидан нашрга тайёрланган. Достон 91 бобдан иборат. Низомий достонн эса 100 бобдан иборат бўлиб, 6 мингдан шёдроқ байтни ўз ичига олади. Таржимон асднят мазмунини, асар сюжети-

ни сақлаб қолиш б-н бирга, уни анча яхши таржима қилган. Жумладан, асар муқаддимасига «Шаҳзода Тинибекхон мадҳи», «Малика марҳума Хонмалик мадҳи», «Китоб нашр қилмоққа сабаб баёнии ижор» бобларини қўшган. Айни пайтда, достоннинг умумий мазмунига алоқадор ҳисобланганлари бўлса ҳам, бир қатор бобларни қисқартирган, айрим бобларни ихчамлаштирган, бир-бирига қўшиб юборган. Шунингдек, Низомий достонидаги 12-а. Озарбайжон ҳаётига оид айрим лавҳаларни тушириб қолдирган, қисқартирган ва тахрир қилган, уларнинг ўрнига Олтин Ўрда ҳаётига доир воқеаларни киритган, туғри ҳил урф-одатлар тасвирини бериб, достонни ўз даврига яқинлаштирган, унга ўзбек халқ мақолларн ва тасбирларини киритган.

Қ.Х. Низомий достони асосида ўзбекча эпостн яратиш ва унинг носитасида ўзбек тилининг бой имкониятларини намойиш қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва у буни муваффақият б-н уддалаган. Бу таржима ўша давр ўзбек тилини ўрганиш учун муҳим манба бўлибгина қолмай, ўзбек тили ва адабиётининг тараққиётида ҳам катта роль ўйнаган.

Қ.Х. таржимасидаги «Хусрав ва Ширин» ўзбек адабиётида маснавийнинг «Қутлуғ билиг» ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ» дан кейинги иккнн намуносидир. У достонни ўз вазнида — ҳозажи мусаммани мақсур (мафъулун фаъилотун фаъилотун фаълун) вазнида таржима қилган. «Хусрав ва Ширин» ўзбек эпик шеърнти тараққиётида ҳам, бадиий таржима ривожида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Ас.: Гулжихт, Т., 1947; XIV аср Хоразм ёзувчилари, Т., 1973.

Ад.: Шарипов Ж., Ўзбекистонда таржима тарихидан, Т., 1965; *Маллоев Н.М.*, Ўзбек адабиёти тарихи, Т., 1976; Ўзбек адабиёти тарихи, 1-ж., Т., 1978; *Қайюмов П.*, Ғазанфар Қайюмий, 1-китоб, Т., 1993.

Эркин Очилов.

ҚУТБ ЮЛДУЗИ — *Қаттa Айиқ* юлдуз туркумининг α си. Оламнинг шимолий қутбидан –1° масофада жойлашган. Равшанлиги 1,95, спектрал синфи К0. Ҳаво очиқ тунларда Қ.ю. ёрқинлиги олам томонларини аниқлаш мумкин.

ҚУТБИДДИН МУҲАММАД (? — 1127) — *ануштегинийлар* сулоласидан бўлган Хоразм ҳукмдори (1097—1127). *Ануштегинийлар* ўғли. Ёшлигида Марвда яхши таълим олган, ислом адаб ва дин илмларини ўрганган. Отаси вафотидан кейин салжуқийларнинг Хоросондаги иқёнқор нонби амир Долбек Ҳабаший томонидан Хоразм нонби этиб тайинланган ва хоразмшоҳ унвонини олган (1097). Ануштегинийлар-хоразмшоҳлар сулоласининг тарихи асилда Қ.М.дан бошланади. 1100 й. салжуқийлар султони Барқиёруқ ва укаси *Санжар* Долбек *Ҳабаший иқёнини* бостирганлар. Санжар Хуросонни қўлга киритгач, Қ.Мнни Хоразмни ҳокимлиги мансабида қолдирнб тасдиқлаган.

Қ.М. султон Санжарга салоқат б-н хизмат қилган, ҳар йили икки мартабада шаҳсан султон саройига бориб турган, Санжар олиб бортан ғаниматларга ўз қўшини б-н қатнашиб, қирғи, ўзлонларни ўз вақтида тўлаб турган. Қ. М. олиму фузалоларга ҳомийлик қилган адолатли ҳукмдор бўлган. Жўржонийнинг табобатига оид «Ҳазинаи хоразмшоҳий» асари Қ.М.га бағишланган.

Ад.: Бартольд В.В., Сочинения, т. 2 (часть 2), М., 1964; Бувайдов З., Ануштегинн Хоразмшоҳлар даласти (1097—1231), Т., 1998.

ҚУТБИДДИН ОЙБОҚ — *Деҳли султонлигининг* асосчиси ва 1-ҳукмдори *(1206—10)*. *Ўғузсойлик* туркийлардан, ўтмишда гулом бўлган. Ғур ҳокими Шаҳобиддин Ғурий (Муҳаммадшоҳ) саройида қулоқ малсабларни эгаллаган. 1192 й. Қ.О. Шаҳобиддин Ғурийнинг Ҳиндистонга қилган юришида қатнашган ва Шим. Ҳиндистонлан бир қанча князликлар (қоқимликлар) тор-мор қилнигач, Ғур ҳукмдорининг Ҳиндистондаги мулкларн нонби этиб тайинланган. Шаҳобиддин вафотидан сўнг Ғазнин мустақил ҳукмдор — султон деб эълон қилган (1206). Давлат пойтахтлари — Лоҳур, сўнгра Деҳли бўлган. Шаҳобиддиннинг Ҳиндистон ва Афғонистон ҳудудларни бошқа гуломлари, шунингдек, қанд рожалари б-н урушлар олиб борган. Унинг даврида Деҳли ва Ажмирда буюк ғотиклик масжидлар қанд-мусулмон меъморлигининг буюк ёдгорликлари ҳисобланади.

ҚУТБИЙ ДОИРА, қутб доираси — Ер шарида экватордан 66°33′ шим. ва жан.дан ўтган параллел. Шим. ярим шарлан ўтган Қ.д. Шимолий Қ.д., Жан. ярим шарлари Қ.д. эса Жанубий Қ.д. дейилади. Шим. ярим шарда қишки Қуёш туриш куни (21 ёки 22 дек.)да Қ.д.дан шимолда Қуёш чиқмайди, ёзги Қуёш туриш куни (21 ёки 22 июнь) Қуёш ботмайди. Жан. ярим шарда эса *аксинча бўлади*. Қуёш ботмайдиган ёки чиқмайдиган кунлар сони қутбга томон орта боради ва қутбда кун б-н тун ярим йилдан *давом этади* (қ. *Қутб куни* ва *Қутб туни*). Нур рефракцияси ҳодисаси натижасида қутб куни қутб туни ҳисобига кўпроқ давом этади ва Қуёш ботмайдиган кунлар сони кўпроқ бўлади. Қ.д. совуқ иқлим минтақалари четараси ҳисобланади.

ҚУТБИЙ ЎЛКАЛАР, қутб ўлкалари — Ер шарининг Шим. ва Жан. қутблари атрофидаги қатиқ табиатли совуқ ўлкалар. Энг илиқ ойнинг ўртача т-раси 5° бўлган изотермалар ўтган жойлар Қ.ў. чегараси ҳисобланади. Йил радиацин балансн 1 см² га 1 ккал. Йил давомида арктика ва антарктика ҳавоси ҳукмрон. Қуёш нурининг кам тушганлигидан иқлим совуқ. Қиш ойларида ўртача т-ра шимолий Қ.ўда –40° гача, жанубий Қ.ўда –60°, –70° га етади, ёз ойларида шим.да 0–5° ва жан.да –20°, –30°. Ер шарининг совуқлик қутби ҳам шу ўлкада — Шарқий Антарктидада бўлиб, ҳаво т-раси –89,2° кузатилган. Ёғин кам, асосан, қор ёғади. Йиллик ёғин шимолий Қ.ўда 150—400 мм, жан.да 100—200 мм. Ер юзасининг катта қисми муз б-н копланган. Қор ва музлан ҳоли жойларда ҳам тупроқ қатлами деярли йўқ. Усимликлардан йўсин ва тошларга ёпишган лишайник учрайди. Денгиз ҳайвонларидан морж, тюлень, балиқлар, қисқичбақа бор. Ёзда «қушлар бозори» бўлади. Йирик ҳайвонлардан оқ айиқ, қутб тулкиси, Антарктидада пингвин бор (яна қ. *Географик қутблар*).

ҚУТБЛАНУВЧАНЛИК — зарралар (атом, ион ва молекула)нинг электр майдонда диполь моментига эга бўлиш ҳоссаси. Электр майдон *(Е)* таъсирида ятом системаларидаги электр зарядлар силжиб, диполь момент *(P)* индукцияланади. Майдон ўчирилгача индукцияланган *p* момент йўқолади. Қ. тушунчаси, одатда, доимий диполь моментга эга бўлган зарраларга, мас., қутбли молекулаларга қўлланилади. Нисбатан заиф майдонларда *p* нинг *E* га боғланиши чизиқли бўлади ва қуйидагича ифодаланади: $p=\alpha E$, (бунда α — ҳажмий ўзгаришлик эга бўлган К.). Баъзи молекулалар учун *K*нинг қиймати *E* нинг ўзгаришига боғлиқ бўлади (аниқроғи К.). Кучли майдонларда *p(E)* боғланиш чизиқли бўлмайди. Майдон ёзилганда *p* бир онда пайдо бўлмайди, унинг тўрғунлик вақти *τ* зарраларнинг табиати ва атроф муҳитга боғлиқ. Статик майдонга К.нинг статик қиймати мос келади. Ўзгарувчан майдонда Қ. тўрғунланиш вақти *τ* ва майдон частотаси ω га ҳам боғлиқ бўлади. Етарлича кичик вақт ва паст ω частоталарда *p* моментнинг ўзгаришлари *E* нинг ўзгаришлари б-н синфаз боғланган ва К. статик К. б-н мос тушади. Жуда юқори ω ва катта *τ* вақтларда *p* момент умуман ҳосил бўлмаслиги мумкин (зарда майдонни «сезмайди»).

К.нинг электрон, ион ва атом хилларн бор. Электрон Қ.га сабаб *E*

майдонда электрон қобиқлар атом ядросига нисбатан силжишидир. И о н Қ. (ион кристаллар) да турли ишорали ионлар чўзилганда вазнитидан қарама-қарши йўналишларда силжийдилар. А т о м Қда молекулалари турли хил атомлар сақланади. Қаттиқ ва суюқ диэлектрикларда физикасида Қ. деганда ўртача Қ., яъни, диэлектрикларнинг битта зарядига ва электр майдонининг бирлик кучланганлигига тўғри келувчи Р қутбланганлиги: $\alpha=P/N$ (бу ерда N — ҳаж бирлигидаги заррадар сони) тушунилади. Қ. тушунчаси диэлектрик-лар физикаси, молекулар физика ва кимёда қўлланилади.

ҚУТБИШОҲЛАР — ўрта асрларда Хиндистондаги Голконда султонлигини идора этган сулола (1512—1687). *Бахманийлар* давлати таназзузга учраши натижасида вужудга келган. 1512 й. Телинганадаги бахманий нойб туркий қавмлари бўлган Қули Қутбшоҳ ўзини мустақил ҳукмдор — султон деб эълон қилган. Унинг ворислари қўшни давлатлар — Бижапур, Вижаянагар, *Бобурийлар* давлати б-н урушлар олиб боришган. 1636 й. Абдулла Қутбшоҳ ўзини *Шоҳ Жаҳоннинг* вассали деб тасдиқлаган. 1687 й. Аврангзеб б-н уруш натижасида Қ. ўз мулкдорлиги ажралишди.

ҚУТИБОЕВ Еркинбой Менлибоевич (1972.28.8, Нукус) — муайтачи, кикбоксингчи. «Ўзбекистон ифтихори» (1999). Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2004), Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2002). Қ. дастлаб спортнинг эркин кураш ва бокс турлари б-н шуғулланган, кикбоксинг бўйича Европа чемпиони бўлди (1994, Римини). Қурашнинг муайтай турида катта шуҳрат қозонди: 91 кг вазнда Ўзбекистон (1997—2004), Осиё ўйинлари (1998, Бангкок), жаҳон (1995, 1997, 1998, 2002, 2004, Бангкок) чемпиони. К. Киев техника университетини тугатган (1994), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бош мутахассиси (1997—2001), Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси (2001—2002), Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Қорақалпоғистон филиали директори (2002—2004), Нукус олимпия захиралари коллежи директори (2004 й.дан). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси (2005). Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати (2005). Ўзбекистон Республикаси Мадания ва спорт ишлари вазирининг 1-ўринбосари (2006 й.дан).

ҚУТЛУҒ НИГОРХОНИМ (? — 1505/1506) — Фарғона вилояти ҳукмдори *Умаршайх мирзонинг* тўнғич қизи. Қ.Н.нинг отаси Юнусхон Чингизхоннинг 2-ўғли Чиғатойхон наслидан бўлган, онаси *Эсон Давлат бегим* туман бекларидан Шер Хонибекнинг қизи эди. Юнусхон Эсон Давлат бегимдан 3 қиз кўрган. Қ.Н. ўртанчи қиз бўлган. Қ.Н. Умаршайх мирзога узатилгач, ундан бир қиз (Хонзодабегим) ва бир ўғил (Заҳириддин Муҳаммад Бобур) кўрган. Доно, оқила, меҳрибон ва вафодор бу аёл Бобурнинг Темурийлар салтанатини инқирозидан сақлаб қолиш мақсадидаги ҳаракатларида мададкор бўлган, ларбадарлик вақтларида ҳамроҳлик қилган. Бобур Кобулни қўлга киритгандан сўнг, 5—6 ой ўтгач, Қ.Н. ич терлама касалига чалинади ва дунёдан кўз юмади. У Улуғбек томонидан қурилган Боғи Наврўзийда дафн этилган.

Ад.: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома, Т., 1989.

ҚУТЛУҒ ТЕМУР (14-ц) — *Олтин Ўрданинг* нуфузли амирларидан. *Ўзбек хоннинг* холавачаси ва энг буюк амири, Ўзбекхоннинг Хоразмдаги волийси (1321 й.дан). Қ.Т.нинг ўғли Ҳорунбек Ўзбекхоннинг қизғин ўғлиларидан. Қ.Т.нинг завжаси Тўрабека-хотун (Тўрабекахонна) бўлган. *Ибн Халдун*нинг ёзишича, Қ.Т. 1321 й. Қрим ноибдони ноибларидан олиниб, Хоразмга юборилган. 1328 й. яна Қримга ноиб этиб тайинланган. 1338 й. бошларида Хоразмда бўлган сайёҳ *Ибн Баттута* Урганчда Қ.Т. саройида қабул қилинган. Қ.Т. Қрим ва Хоразмда қўплаб қўлёқ, сарлова, мадраса, масжид, минора (қ. *Қутлуғ Темур минораси*), саройлар бунёд этган.

ҚУТЛУҒ ТЕМУР МИНОРАСИ — *Кўҳна Урганчдаги* меъморий ёдгорлик (1321—33); Султон Такаш мақбараси яқинида. Ўрта Шарқдаги энг баланд миноралардан (бал. 62 м). Пишиқ ғиштдан қурилган минора юқори томон ингичкалашиб боради; минора мавж усулида терилган ғиштли безбелдор ва қитобалар б-н безатилган. Куйи қисмида *Қутлуғ Темур* ва Олтин Ўрда хони *Ўзбекхоннинг* номи куфий ёзувида битилган. Жоме масжид (сақланмаган) томи орқали эшикдан миноранинг кириб, айлана зинапоя орқали юқорига чиққан. Куйи қисмида муаззин учун ёпиқдан ишланган махсус жой қолдиқлари сақланган.

ҚУТЛУҒ ТУРКОН ОҒО (1331-1383) — *Амир Темурнинг* опаси. Амир Довудбек дуғлатнинг хотини. Соҳибқирон 1360-й.ларнинг бошларида ғанимлари таъқиби туфайли Самарқандга келиб Қ.Т.о. уйида 48 кун турган. 1375 й. Соҳибқирон Ўзганда Дилшод оғога уйланган чоғда Қ.Т.о. нўёнлар ва амирлар б-н тўйга етиб келган. Низомиддин Шомийнинг ёзишича, 1383 й. Дилшод ота вафотидан бир неча кун ўтгач, «Ўзининг хайрли ишлари, инъому эҳсони б-н замонаси хотинларидан ўзган, ўз холис молларидан мадрасалар, хонақоҳлар қурдирган, ҳар нав эзгуликларни ё-жахон халқини фойда етказган ушбу хотун — Амир Соҳибқироннинг опаси» Қ.Т.о. вафот этган. Соҳибқирон бундан қаттиқ изтиробга тушган. Бир неча муддат мамлакат ва давлат ишлари б-н шуғулланмай қўйган. Қ.Т.о. иноҳоятда доно ва заковатли аёл бўлган. Амир Темур барпо этган кўп бинолар унинг маслаҳати б-н ишланган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, «унинг қабрини... Қусам ибн Аббосники мазорига яқин қилиб ва қўйдилар».

ҚУТЛУҒМУРОД ИНОҚ МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1804—12); *Ичан қалъа* таркибида. Олалоқудихонининг тоғаси Қутлуғмурод Иноқ қурдирган; васиятига биноан миёнсарой замини тагига дафн этилган. Мадраса тўртбурчак тарҳли (57×44 м), масжид ва ларксона (тарҳи 5×5 м), ҳужралар (3×3 м), ҳовли (31,8×27,8 м) ҳамда ҳовли ўртасидаги сардоба (диаметри 7,15 м)дан иборат. Қ.И.м. Хивада дастлаб қурилган 2 қаватли мадраса бўлиб, Хива мадрасаларига хос бўлмаган 2 қаватли, 3 очиқ равоқли, бош тарзи очиқ ва маҳобатли қилиб бунёд этилган; бино ғиштдан лой б-н терилган, пойдевори деворидан ёғоч тўсинлар (сарлобаник мармар) б-н ажратилган. Бош тарзидаги пештоқ ва унинг 2 ёни 3 равоқли, бурчакларига гулдаста-талар ишланган; пештоқ орқали



Қутлуғ Темур минораси.



Қуттимурод Иноқ мадрасаси.

миёнсаройга кирилади. Миёнсарой 3 хонали, 2 ёнида мадраса ва дарсхона жойлашган; мажжид ва дарсхона гумбази қалқонсимон бағдодларга боғланган, ёзги масжид пастак гумбаз б-н, жужрадан балхи гумбаз б-н ёпилган; сарабаҳанинг гумбази цилиндрсимон пойгумбазга ўрнатилган, пойгумбазига равоқлар айлана йўлак (бал. 1,65 м, эни 0,6 м) ишланган.

Қ.И.м.: Хивадаги сирланмалари ва босма усулида яратилган бўртма безаклар қўлланган аточа ёғдорликлар; пештоғи, миёнсарой раиғли ўйма ганч б-н зийнатланган, равоқлари мукарнаслар б-н тўлдирилган; сирли кошин ва парчинлар б-н қоплаб безатилган; дераза-эшикларига ганч панжаралар ишланган; ўймакорн эшиклари амалий санъатнинг нодир намуналаридир (нақшлар орасида бино қурилган сана битилган).

ҚУТТИМУРОДОВ Жўлдасбек Жонтоевич (1934.29.8, Кетейли тумани) — қайкалтарош, қорақалпоқ қайкалтарошлиги асосчиси. Ўзбекистон ҲА акад. (1997). Ўзбекистонда (1982) ва Қорақалпоғистонда (1970) хизмат кўрсатган санъат арбоби. Беньков номидаги *Республика рассомлик билим юртини* тугатган (1961). Қорақалпоғистон давлат нашриётида бош рассом (1961–64), 1964 йдан И. Савицкий номидаги *Қорақалпоғистон давлат санъат музейида* таъмирловчи рассом. Қ. асарларида ғўзалик туйғуси эстетик идеал тарзида намоён бўлади, замондошлари қиёфаси, тарихий мавзуларни ўзига хос тарзда талқин қилади, қорақалпоқ эпи ғўзаллигини рамзий образларда ифода этади, бу образлар маълалий табиат манзараларн б-н уйғунлашган; *ҳар бир асари учун ўзига хос янгича усул* излайди, энг асосий нарсани аниқ ва равшан, содда ифодалашга интилади. Ёғоч ва мармардан «Орзу» (1967), «Қиз боланинг бошн» (1967), «Амударё» (1967), «Шамол» (1967), «Келинчак» (1967), «Икки шоҳли Искандар» (1967), «Арслон» (1968), «Ниқоб» (1970), «Берунийй» (1975), «Соҳибжамол» (1977), «Фарҳод» (1981), «Лайли ва Мажнун» (1983), «Тумарис» (1984), «Гулойим» (1984), «Анахита — сув ва ҳосилдорлик худоси» (2000) ва б. яратган асарларининг асосий қисми Қорақалпоғистон музейида. «Меҳнат Қорақалпоғистоним» туркум асарлари учун Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофотига сазовор бўлган (1982). Ўзбекистон Ел. Олтин медали б-н тақдирланган (2000).

Ад.: Тақташ Р.Х., Жолласбек Қуттимуродов, Т., 1985.

ҚУТУРИШ — нейротроп вирус қўзғатадиган ўткир юқумли зооноз касаллик; томир тортишиши, фалажлик, қичқилоқ ва нафас мускулларининг спазми б-н кечади.

Қ. қадимдан маълум, уни сувдан чўчиш касаллиги деб ҳам аташган (қ. *Гидрофобия*). Франциз олими Луи Пастер *19-асрнинг 2-ярмида* Қ. *касаллигига қарши* вакцина қабоҳ этди, шу сабабли Қ.га қарши тадбирларни амалга оширишни барча мусаққалар Пастер станциялари деб юритила бошланди. Уларнинг фаолияти туфайли қутуриш ҳайвон тишлаганидан сўнг вақтида эмланган мисллионлаб *одамлар ҳаётн сақланиб қолинди*. Қ.ланувчини қутуришнинг ёвоий вируси, у нерв ҳужайраларини таналб жароҳатлайди. Вирус совуққа чидамли, мутлатлашда узоқ сақланади. Ташқи муҳитда, шунингдек, қайнатилганда, 3–5% ли дезол, хлорамин эритмаларида ўз зюбуд бўлади.

Касалликнинг яширин даври қўйларда 14–16 кун. Шундан кейин безовталик, *ғиртқичлик, хатти-ҳаракатнинг* ўзгариши, кўп сўлак ажралиш кузатилади. Ҳайвон ҳеч нарса ямлай, емай қўяди. Сўнгра томир тортишиши, фалажлик бошланиб, ҳайвон ўлиб қолади.

Одамга қутуриш вируси касал ҳайвон, асосан, ит, мушук ва б. тишлашганида, ёки сўлаги тери жароҳига тушганида юқади. Одамда Қ. *касаллигининг* яширин даври 15 кундан бир неча ойгача (ўртача 20–30 кун). Қутуриш ит бўйни, юзи тишлаганда бу давр қисқарок, оёқни тишлаганда узоқроқ бўлади.

Касалдик кечишида 3 давр кузатилади: *дарақчи давр* — одатда қасаллик аста-секин бошланади, лоқаслик, бош оғриши, бирор ишгма қўтарилиши кузатилади. Беморнинг кайфияти ўзгаради, ҳеч нарса ёқмай, ёлғизликни истайди; *ювқат* емайди. Тишлаган жойдаги ярса битиб кетган бўлса ҳам ўша соҳада оғриқ пайдо бўлиши муҳим белги ҳисобланади; *қўзғолиш (бесарамжомлик) даври* — нафас олиш азобга айланади. Бемор жонсарак, бекаловат бўлиб қолади. Мускуллари, хусусан, ютқин ва ҳиқилдоқ мускуллари тиришади; салгина шамол ёки бир оз таъсирот туфайли хуруж тақрорланаверади. Нафас олиш қийинлашади, *гидрофобия, аэрофобия* аломатлари пайдо бўлади. Сўлаги кўп оқди. Исгима қўтарилди (39–40° гача). Тиришиш вақтида нафас тўхтаб, *юзи ўлиб қолиши* ҳам мумкин; *фалажланиш даври* — бунда мускуллар фалажланиб, бемор тинчиб қолади, лекин ҳуши сақланади. Фалажланиш пастдан юқорига кўтарилиб боради ва юрак тўхташи, нафас маркази фалажланиши оқибатида ўлим содир бўлади.

Қ.нинг олдини олиш учун қондонда бокдиладиган итлар рўйхатга олиниши ва профилактик тарзда қутуришга қарши эмланиши лозим. Одамни тишлаган ит маълум бўлса, у нетеринар назоратида 10 кун ушлаб турилади. Агар у қутурган бўлса, шу муддат ичида ўлади. Ит тишлаган одамга тиббий ёрдам полнклиникалар қошидаги травматологня пунктида кўрсатилади. Ит тишлаганда дарҳол шу пунктларга мурожаат қилиш, унгача тишланган соҳани дарҳол совунлаб ювиш ва атрофига йодниг спиртли эритмасини суртиш керак. Ҳосил бўлган яра тикилмайди. Иложи борича ярторок Қ.га қарши қутурал вакцина юборишни бошлаш керак, шунда эмлаш бошланганидан 2 ҳафта ўтгач, иммунитет пайдо бўлиши мумкин.



Ж.Қуттимуродов асари. «Анахита — сув ва ҳосилдорлик худоси» (ёғоч, 2000).

ҚУТУРҒУЛАР — қад. туркий қабилалардан бири. Булғор қабилалари гуруҳига кирган. Қ. номи 5-а. охири — 6-а. бошларида манбаларда илк бор учрайди. Бу даврда улар Днепр ва Дон дарёларининг қуйи оқимлари атрофида кўчиб юрган. Византия империяси ҳудудларига тинимсиз ҳужум уюштирган. 558 й. Қ. ҳукмдори Заберган қатто Константинополга юриш қилган. Византия уларга қарши Азов денгизи атрофида кўчиб юрган болғқа булғор қабиласи — *утигурларни* гижгижлаган ва натижада улар ўртасида қирғин узоқ давом этиб ўзаро қирилиб кетишга олиб келган. 560 й. Қ. аварлар томонидан бўйсундирилган ва кейинчалик улар Шарқий, Марказий ва Жан.-Шарқий Европа қабила ва халқлари таркибига сингиб кетган.

Ад.: Артамонов М.И., История хазар, Л., 1962.

ҚУТЧИ — туркий қабила. Қ.ларнинг илк аждодлари Жан. Сибирда, 10—13-а.ларда эса *Қашқар* ва *Еттисувда* яшаган, 13—14-а.ларда Қ.ларнинг катта бир қисми Мовароуннаҳр ҳудудига келиб маҳаллий аҳоли б-н аралашиб кетган. *Бир қисми қирғизлар таркибида ҳам* мавжуд бўлган. Қ.ларнинг озроқ қисми ўз номларини 20-а.нинг бошларигача сақлаб келган. Бухор, асосан, *Зарафшон тизма тоғ этакларида — Ургут* атрофларида, Қашқаларёнинг юқори оқимларида Шаҳрисабз воҳасида жойлашган. Қ. бир неча уруғлар*га бўлинган. Энг йирикларн: шиҳсаёт*, моли, мовар, қашқари. Қ.лар, асосан, деҳқончилик б-н шуғулланишган.

ҚУШБЕГИ, қ у ш ч и — тарихий атама. Ўрта асрларда лашқар ва хонининг овчи қушлари (қушхонаси) ва ов қайвондларининг мутасаддиси; ов беги *(амири шикор). У қуклдорнинг овини* ташкил қилиш ва ўтказишга жавобгар бўлган. Қушчилар қ а р ч и ғ а й ч и деган ном б-н ҳам аталган. *Хива хонлиги Қ. мехтардан* кейин турган. У хонликнинг шим. қисмига мутасаддй бўлган; *Кўқон хонлигида* Қ. ҳарбий қўшинининг бошлиғи бўлиб, бу мансаб ҳарбий юриш ва жанг пайтларида берилган. Қ. *мингбоши* унвонини олишга даъвогар бўлган.

ҚУШЛАР (Aves) — умуртқали ҳайвонлар синфи. Триас даврида яшаган судралиб юрувчиларнинг псевдозухлар турқумидан келиб чиққанлиги тахмин қилинади. Қ.нинг қазилма қолдиқларя жуда кам; дастлабки қазилма қолдиқ — *археоптерикснинг* тошдаги изи ва суякдари юра даврига тегишли. Айрим морфологик белгилар (орқа оёқларидаги мугуз тангачалар, мугуз тумшуқ ва б.) ҳамда физиологик хусусиятлари (тухум қўйишиига кўра Қ. судралиб юрувчиларга ўхшаш), лекин танаси пат б-н қопланганлиги туфайли уларлан фарқ қилади. Патлар қушлар танасида иссиқликни сақлайди; учишда ҳаво қаршилигини камайтириб, ҳавода кўтарши юзасини ҳосил қилади (қанот, дум). Учиш ва ҳар хил ҳаракатланиш (югуриш, сузиш, шўнғиш)га мосланиш Қ. таянч-ҳаракат *системасининг ўзига хос тузилишига сабаб* бўлган. Қанотларнинг пайдо бўлиши б-н оддийга оёқлар, сўнг камари суякларн ва мускулдари шаклланган (кўкрак тож суяги ривожланган, учиш мускуллари тана вазнининг 25% ини ташкил этган); орда 2 оёқда юрганида мураккаб яхлит тузилган думғаза ва орқа оёқлари мускуллари қайта мувозанат сақлаш вазифасини бажаради. Қ.нинг қонуврлари ўзаро ҳаракатчан қўшилган 2 қисмдан иборат бўлиб, нафас олишда кўкрак қафаси ҳажмининг ўзгаришига, яъни эластиклиги кам ўпка тўқимаси орқали ҳавони ҳаво халталарига ва пайсимон суяклар бўшлиғига ўтишига ёрдам беради. Ўпка нафас олиш жараёни ўзига хос кечади. Қ.нинг бронхлари ҳаво халталарн б-н (9—10 тача) туташган. Нафас олиш ҳаво ўпкадан халталарга ўтаётганида ва улардан ноз ўпка орқали қайтиб чиқаётганида содир бўлади. Ҳаво халталари терморегуляцияда иштирок этади; суяқа сузуви Қ.да эса шўнғишда тана оғирлигини ўзгартиришга имкон беради. Овқат хилига мосланиш қизилўнгачининг ихтисослашуви *(айрим Қ.да жиғилдонининг* ривожланиши), мускулли ошқозонининг пайдо бўлиши ва ичакининг узайишига олиб келган. Қ.нинг тўғри ичаги ривожланмаган. *Айрим органлари 2* та йирик буйраклар тана вазнининг 1—2% ини ташкил этади; қовуқи бўлмайди. Ичаги, сийдик чиқариш ва жинсий безлари системаси ёўли клоакага очилади. Қаттиқ пўчоқ б-н қопланган йирик тухум қўйиши туфайли Қ.нинг чаноқ камари суякдари йирикланган. Қ. нарида 2 тадан уруғдон ва уруғ йўли, моласида фақат чап тухумдон ва тухум йўли ривожланган (ипалоққушлар ва йиртқич Қ.да ўнг қисми ҳам бор). Уруғдон ва тухумдонлар ўлчами жинсий пиқл даврига боғлиқ. Мас., ул қурин олдидан уруғдонлар 300—1000 марта катталашади. Қон айланиш системасининг тузилиши ва физиологик хусусиятлари, юрагининг нисбатан йирик бўлиши ва жадал ишлаши,



Қушлар: 1 — тюлень; 2 — тоғдор турна; 3 — гоацин; 4 — Африка илонбўйини; 5 — кокилдор сорема; 6 — ипатка; 7 — кўк пешона тўти; 8 — оддий какку; 9 — банановўт; 10 — калао; 11 — қизилтумшуқ; 12 — сомбонли қуш; 13 — қанка; 14 — бедана; 15 — шарпалдис; 16 — пушти чўтирнук.

Ҳиқрон қон босими нозиллар аломатлари мувиянинг тезлануви 6-н бозаик, Мас., қолибр юраги тана массасининг 2,85% нин ташкил этади; 1 мин.да 1000 мар-тагача қисқаради. Қўриш ўткирлиги ва *ранг ажрата олиш, яхши эшитиш* хусусияти Қ.нинг ян ва узоқдаги нарсаларни тезроқ таниб олишида, тур индивидлари ва турлар ўртасидаги муносабатларда қатта аҳамиятга эга. Қ.нинг товушларни таний олиш ва товуш чиқариш хусусиятлари ривожланган. Бош мия базал ядроларининг ривожланганлиги, кўриш бўлакларн ва миячанинг йириклиги Қ. нерв фаолиятининг судралиб юрувчиларга нисбатан юқори бўлишини олиб келган. Қ. мушт шароитида ўз эҳтиёжига қараб фаол мослаиш (уя қуриш, озиқ гамлаш ва б.) хусусиятларга эга.

Қ. қурқувчи умуртқалилари орасида энг хилма-хил ҳайвонлар. Улар 2 кенжа синф: калтакесак думлилар (1 та қирилиб кетган туркум киради) ва елпигич думлиларга ажратилади. Елпигич думлиларга 34 туркум (жумладан 28 та ҳоз. туркум) ва 9000 га яқин тур киради. Қ. Арктикадан бошлаб Антарктика соҳилларигача бўлган барча табиий минтақаларда, кўпчилик (80% га яқин) турлари тропик минтақаларда тарқалган. Ўзбекистон фаунасида Қ.нинг 19 туркумга оид 440 дан кўпроқ тури маълум.

Яшаш жойига биноан Қ.ни бир неча йирик экологик гуруҳлар, масс., ўрмон Қ.и, чўл ва дашт Қ.и, сув ҳавзалари (сувда сузувчи) Қ., ботқоқ ва соҳил Қ.ига; улар ҳаётининг йил фасллари бўйича ўзгаришига биноан учиб кетувчи, кўчиб юрувчи ва ўтроқ Қ.га бўлинади. Қ.нинг кўпайиш циклик тарзда жинсий безларнинг фаслий ривожланишига мувофиқ ички (гормонал) ва ташқи (кун узунлиги ва б.) омиллар таъсирига боғлиқ. Қ.нинг уя қуриш жойи ва уя қуриш усули хилма-хил. Қ. 1 талаи 20—25 тагача тухум қўйиб, уларни 12 кундан 80 кунгача босиб ётади. Тухумдан чиққан жўжаларнинг ҳолатига биноан Қ. *жши жўжа очувчи қушлар* ва *жўжа очувчи қушлар*га ажратилади. Жши жўжа очувчи қушларнинг тухумдан чиққан болаларнинг кўзи юмуқ, патлари сийрак; жўжа очувчи Қ.нинг тухумдан чиққан жўжаси оиаси орқасидан эргашадиган ва мустақил озиқлана оладиган бўлади.

Қ.нинг табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамияти хилма-хил бўлиб, усимликларни чанглантириш, улар уруғларини тарқатиш, зараркунанда ҳашаротлар ва кемирувчиларни қириш (улар сонини бошқаришдан иборат. Айрим *Қ. боғлар ва донли экинларга зиён* етказади, юқумли касалликлар тарқатади. Қ. овланади; бир қанча турлари хонакилаштирилган. Қ.нинг табиатдаги эстетик аҳамияти айниқса катта; *уларнинг сайраши боғ ва хиёбонларни* жонлантиради; инсонда завқланиш туйғусини уйғотади.

Қ.нинг турлари сони тобора камайиб бормоқда. 17-а. бошларидан буён 100 га яқин Қ. тури қирилиб кетган, бир қанча турлари йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Қ.ни муҳофаза қилишга қаратилган халқаро конвенция, битим, меморандумлар тузилган. Махсус фондлар ташкил этилган. 1851 й. биринчи бўлиб Қ.ни муҳофаза қилиш Одобнон жамияти тузилган. 1872 й. Йеллоустон миллий боғи (АҚШ), 1910 й. Швейцарияда табиатни муҳофаза қилиш жамияти иш бошлаган. 1913 й. табиатни муҳофаза қилиш бўйича биринчи халқаро анжуман ўтказилган.

20-а.нинг 2-ярмидан бошлаб Қ.нинг яшаш жойларини сақлаб қолишга эътибор кучайтирилди. Муҳофаза қилиш ҳудудлари (миллий боғлар, қўриқхоналар) ташкил этила бошланди. 1971 й. сув ва ботқоқлик ҳудудлари муҳофазаси бўйича халқаро конвенция ишлаб чиқилди. Қ. муҳофазаси бўйича халқаро ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1995 й.да «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги, 1997 й.да «Ўсув қопланиши тўғрисида»ги, 1998 й.да «Қўриб қорувчи ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, 2001 й.да «Халқаро аҳамиятга эга, айниқса, сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойлари бўлган сув ботқоқлик жойлар тўғрисида»ги конвенцияларга қўшилди. «Интичка тумшуқли балчиқчи, Сибирь тоқпаси (оқ турна), Африка — Евросиёнинг сувда сузувчи кўчманчи қушларини муҳофаза қилиш тадбирлари юзасидаги ҳамфикрлик меморандумлари» каби халқаро битимлар Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган.

Ад.: Фауна мира. Птицы. М., 1991; Жизнь животных, т. 5, М., 1970; Общая орнитология, М., 1982; Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби, Т., 2003; Сохранение биологического разнообразия национальная стратегия и план действий РУз, Т., 1998; Лаханов Ж.Т., Ўзбекистоннинг умуртқали ҳайвонлари инвентаризи, Т., 1988; Винокуров А.А., Редкие птицы мира, М., 1987.

ҚУШЛАР БОЗОРИ — денгиз қушларининг колония бўлиб уя қурган ва яшайдиган маконлари. Қ.б.ни, асосан, балиқчилар, чистиклар, қайралар, олушалар, қоравойлар, бақлан пингвинлар ва б. денгиз қирғоғидаги тик қояларда ҳосил қилишади. Қ.б. Европа, Осиё, Шим. ва Жан. Америка, Жан. Африка, Янги Зеланд ия ва Жан. ярим шарлари океанлар, оролларда кўпроқ учрайди. Баъзан Қ.б. бир неча ўн км ни эгаллайди ва унда юз минглаб қушлар бўлади. Қ.б.лари қушлар тухум ва болаларини йиртқичлардан биргаликда ҳимоя қилади. Қ.б. денгиз биологик балансини сақланиша катта аҳамиятга эга. Қ.б.дан қуш тухуми (айниқса, қайраники) йиғиб олинади, қушлар эса овланади. Перу ва Чилида гуано (қуш ахлатидан ўғит сифатида фойдаланилади. Кўп мамлакатларда Қ.б. муҳофазага олинган.

Қушлар бозори.



ҚУШХЎРЛАР (Aviculariida) — ўргимчаклар оиласи. Танасининг уз. 10 см гача; тук ёки қопланган. Ўпкаси 2 жуфт, 600 га яқин тури бор. Ҳаётларининг тирноқлари қайрилган. Ўзларга зарар келтира йўли очилади. Жан. Американинг тропик ўрмонларида яшайди. Тунда фаол. Асосан, ҳашаротлар, майда қурбақа, калтакесак; баъзан қушлар боласи ё-ки оғзичаланган (номи шундан). Оддий К. (танаси 5 см, қора) ва яна қушхўрлари (танаси 10 см ча, қизғиш-қўнғир) кўп тарқалган. Айрим турлари одам учун хавфли. Ўрта Осиё фаунасида К.дан немезия уруғининг вакиллари учрайди.

ҚУШҚЎНМАС, кафшa (Carduus L.) — мураккабгулдошлларга мансуб бир ва кўп йиллик ўтлар туркуми. Ўзбекистонда бир йиллик қ.қ., бир ёки икки йиллик шишкин К.и ёки туякўйруқ, икки ёки кўп йиллик бўялғич К. каби турлари учрайди. Пояси тик ўсади, юқори қисми сершох, сербарг. Барглари серэт, узунчоқ наштарсимон, четлари тикanли. Гулдори майда, найсимон, оч сариқ, савати тўпгўлга йиғилган. Меваси уруғи. Ўзидлаш тупроққа жуда чуқур киради. Июнь—июлда гуллайди, авг.—сентяб меваларайди. Уругидан кўпаяди. Уруғлари 16—25° да кўкаради. Лалми ва сугорилаиган дон экинлари орасида ўсади. Шунингдек, ташландиқ ерлар, йўл ёқалари, бог, токзор, арик бўйларида учрайди. Зарарқ.ининг ҳашаротлар ва ёсимлиқ биглларга макон.

Қушқўнмас.

Кураш чоралари: анизини хомашиш, шудгор қилиш; дон экинларига гербицидлар пуркаш.

ҚУЁН — атмосферада яшовчи келаётган кучли ушқма шамол. Диаметри бир неча 10 м дан бир неча 100 м, бал. 800—1500 м га етади. Ҳаво қатламларида т-ра бекдрор бўлганда, қаттиқ исиган ҳаво юқорига тез кўтарилиши натижасида, кўп ҳолларда момақалдироқни булутларда яшовчи келади. Енг ёки қарғум шаклида бўлиб, қуруқлик ёки денгиз бўйлаб асосан соат милн ҳаракатига тескари йўналишда спирал кўринишида юқорига ҳаракат қилади. Ер юзасидан чанг-тўзон, сув ва б. буюмларни кўтариб кетади. Устки қисми воронкасимон бўлиб, булутлар б-н туташади. Секундига 50—100 м тезлик б-н айланади. Ер юзаси бўйлаб секундига 10—20 м тезликда ҳаракат қилади ва 40—60 кн гача давом этади. Қ. АҚШда *торнадо* деб аталади.

ҚЎБИЗ, қил қўбиз, қобуз — 1) торли мусиқа чолғуси. Ўрта аср (Маҳмуд Қошғарий, Навоий, Бобур, Дарвишали Чангий ва б.) манбаларида К. туркий халқларнинг энг севимли торли-тарнама мусиқа чолғуси сифатида таърифланган. Бу шаклдаги К. (ҳоз. *ғижжак* ҳам) қирғизларда *қўбуз*, хакасларда хомис номи б-н сақланган. Ўзбек, қозоқ, қорақалпоқларда К. — торли-камончи чолғу сифатида машҳур. Ўзуми уз. 700 мм атрофида. Ўпма косаси (резонатори) ва ёйсимон букилган йўғон деталси бир бутун ёғочдан ясалган. Косасининг устунчик пастки қисми тери б-н қопланади. Отининг чийратилмаган қилидан ясалган 2 тори қварта (баъзан квинтага) созланади. Ёйсимон камон (600—700 мм атрофида) қилдан бармоқлар ёрдамида таранглаштирилади. *Ранглиларга қара. илк К.ни афсонавий*



Қўбиз.

Қўрқут (ўғуз бахшиларининг пири) асарни. Қорақалпоқ (18–я.га қадар қозоқ) *жирауларида*, шунингдек, баҳшиомонларда К. асосий чолғу ҳисобланган. Майин, ноталарга бой товушга эга К. Ўзбекистонда 1930-й.лардача. Бухороя мақом ансамбллари таркибида бўлган. 1940—50-й.ларда К.нинг реконструкция қилинган (прима, альт, бас ва б.) турлари халқ чолғулари оркестри таркибига киритилган; 2) турк-ман, татар, бошқирдларда темир *чанқобас* номи.

Қаламқош Қўбилов.

«ҚЎБЛОН» — қорақалпоқ ва қозоқ халқ қаҳрамонлик эпоси. Қўблонли ботир қабилаги бу эпосннинг қозоқча версияси ҳажмг ва мукаммаллиги жиҳатидан бошқа версияларидан фарқ қилади. Асар икки қ.га ва фарғалиқ Тоштарбай оғзаки.да эпосга кос гиперпатсий равишда қаҳрамонинг туғилиши, унинг вояга етиши, севги саргузаштлари ҳамда унинг уз юртини душманлардан ҳимоя этиши акс этган. Асарда халқчил ва демократик мотивлар кучли. Унда хотин-қизлар ҳам мақтиҳон она, шфқлор ер, ҳамдарт синглар сифатида тасвирланган. Эпос чуқур ватанпарварлик ва ҳалқпарвлик билан тўлган ғоялари б-н суғорилган. «К.» воқеалар ривожи ҳамда образлар тизимн жиҳатидан «Алпомиш»га ўхшаш. Эпоснинг ёзиб олинган бир қанча версиялари Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиали қўлёзмаларида сақланади. Қорақалпоқ версиясининг *академик нашри чоп этилган* (1974).

ҚЎЗИ, қўзичоқ — қўйнинг 4—5 ойлик боласи. Қ.лар жинсидан қатъи назар она қўйлар б-н бирга асралади (боқилади). Шу сабабли улар эмизиклиги (шириол ёшли сут б-н боқилаётган) қўзилар деб аталади. Қўзиларнинг мавсумда К. ўсишнинг тўри йўналтириш ва улар сонини тўла сақлаб қолиш мақсадида, ёшига ва ривожланишига қараб, кичик, ўрта ва катта сақмонлар (яъни гуруҳга ажратилади ва ёрдамчи сақмончилар (чўпонлар) ёрдамида қўзилар эмизиб турилади. Қ.лар 4—5 ойлик бўлгач оналаридан ажратилади ва алоҳида эркак (қ. *қўчқор*) ва урғочи (қ. *Тўқли*) қўзилар гуруҳи (сурувига бўлиб боқилади. Яни тузилган Қ.ларнинг тирик вазни майин жуни қўйларда 3,8—4,2, думбали қўйларда 4,5—5,5; қорақўл қўйларида 3,8—4,5 кг га тўғри келади, 4—5 ойлигида тирик вазни 35—40 кг га боради.

Қ. гўшти ҳрзон ва парҳез озиқ-овқат маҳсулоти, тери ва жуни енгил саноат учун қимматбаҳо хом ашё.

ҚЎЗИ — *Ҳамза* юлдуз туркумининг пакчиси номи.

ҚЎЗИБОЕВ Неъмат Мирзабоевич (1929.20.7, Фарғона — 2004.14.5, Тошкент) — рангтасвир устаси, Ўзбекистон БА акад. (1997), Ўзбекистон халқ рассоми (1970). Бонъков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1947) ва Ленинград рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик ин-ти (1953)ни тугатган. 1953 й.дан Республика рассомлик билим юртида, *1959 й.дан* Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (ҳоз. Миллий рассомлик ва дизайн ин-ти)да педагог, 1984 й.дан проф. (1985 й.дан Қ. устахонаси мавжуд бўлган). Қ. ижоди бадиий услубининг ифолаланиши 6-и даққати саъвлор: асарларида мазмунинг теранлиги, давр руҳи, кишилар қайфиятини ифолалашда маҳорати намоён бўлди: «Ўзбек ўғанлари», «Кидирувчилар», «Янги йўл», «Чўпонлар ҳузурида» каби машиҳ жанрга оид асарлар, «Юнус Ражабий», «Миршоҳид Мирқалонов», «Нодирабегим», «Абдулла Қодирий» «Ибн Сино», «Беруний», «Навоий ва Султон Ҳусайн», «Навоий портрети. Қуш тили» каби портретлар, «Баҳор», «Фарғона водийси», «Қўқон манзараси» каби тасвирлар ва б.





И. Қузибоев. «Бадр» (1977).

Қ. асарлари 6-н республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этган; асарлари республика ва чет эл музейлари ва хусусий тўпламларида сақланади. «Эл-юрт ҳурмати» ордени 6-н мукофотланган (1998).

Ад.: Нельмат Қузибоев (каталог). Олмаота, 2005.

ҚЎЗИБОЙ — кечиккан маҳаллий тарвуз нави. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илм. ишлаб чиқариш маҳаллий навларидан якка танлаш усули 6-н яратилган (А.Г.Никулина).



Қузибой тарвуз нави.

Меваси чўзиқ-шарсимон, юзаси силлиқ, пўсти қорамтир-яшил, қалини (2,5—3,5 см), нониқ чизиқлари бор, оғирлиги 8—18 кг. Эти пушти рангда, ўртачи толали, сersув, ширин. Таркибида қанд миқдори 8—9%. Уруғи йирик (1,6 см). Ниҳоли униб чиққанидан кейин биринчи ҳосили 96—110 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 400—500 ц/га. Жиззах., Самарқанд., Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида экиш учун р-лаштирилган.

ҚЎЗИЕВ Турсунали Каримович (1954.18.11, Сурхондарё вилояти Сурхон қишлоғи) — график рассом, кандакор, фото санъати устаси. Ўзбекистон БА академ. (1997), Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (1999). Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1976) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (1982)ни тугатган; бадиий кандакорликни уста О.Азизовдан ўрганган. Қ. ижодиятини Жарқўрғон ш. боғи рассоми сифатида бошлаган. Сурхондарё вилояти маданият бошқармаси раиси (1987—92), Республика рассомлик билим юрти директори (1993—95), Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими (1995—96), Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари (1996—97); 1997 йдан Ўзбекистон БА раиси, айни бир вақтда Ўзбекистон бадиий академияси уюшмаси раиси, 1998 йдан Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн ин-ти проф. Қ. асарларига бориндан пионерна талқин этиш, ранглар ёрқинлиги, нафислиги хос. «Жарқўрғонлик болбон», «Оғир юртим», «Олимлар», «Нақшбандийга бағишлов» унлиги (триптихи), «Тўлиной», «Кит портрети», «Мулоҳаза», «Шоир портрети» каби ранглавар, «Алишер Навоий» (икки), «Тиб қомусларн» (икки), «Афсона» каби қанжарлик асарларини яратган. График рассом сифатида Миртемир асарларига қизда ўзбек, рус, грузин эртакларни безаклар, «Ёлдиз қўшини» деворий расм (1979, қамқорликда, Жарқўрғон ш.да), «Турналар» ёдгорлиги (1982, Шеробод туманида) каби монументал асарлар яратган. Бадиий фото асарлари мавзу жиҳатидан ранг-баранг, уларда оғир юрт маҳзи, жаҳон маданий мероси, ўзига хос табиати, гармоний оҳангдалари, халқнинг миллий урф-одати поэтик талқинини топган. «Ўзбек фотографияси. 125 йил» антологияси, «Лаҳзалар», «Ижодимиз ҳақида газиреклар» альбомлари муаллифи.



Қ. Республика ва хорижий мамлакатлар (Хиндистон, Япония, Корея, Миср, Покистон, Франция, Италия, Германия ва б.) кўргазмаларида асарлари 6-н иштирок этган. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Бош таҳрир ҳайъати аъзоси (2000). «Дўстлик» ордени 6-н мукофотланган (2003).

Ас.: Нафосат мактаби. Т., 1995; Композиция асослари. Т., 2003; Рангтасвир ҳамқорликда). Т., 2004; Камолиддин Беҳзод ва тасвирий... Т., 2004.

ҚЎЗИҚОРИН (Morchella) — дискомицетлар уруғи аскомицетлар синфига мансуб замбуруғлар туркуми. Апотецийлари йирик, бал. 6—15 см, ҳужайрали 1,5—5 см, тик ва эгдор, пояча ва қалпоқчага бўлинган. Поячаси силиндрсимон, йўғонлиги 2—3 см, қўнғир тусли қалпоқчаси пояча ёпишган, конуссимон сирти учлари. Аскалари цилиндрик, узун (350 мкм гача). Споралари бир ҳужайрали қўнғир 6 тури бор. Шим. ярим шарнинг мўътадил минтақаларида, Австралия ареалда ҳам ёғочдарғи ўрмонларининг яланг жойларида, айниқса, ёнғин кетган қисмида. ўрмон четлари ва тозларда тарқалган. Тупроқ сапрофити. Эрта баҳорда учрайди. Пиширнб ейилади. Ўзбекистонда чўл Қ.и усади.



Қузиқорин.

ҚЎЗИҚУЛОҚ (Piomis L.) — *капалаклар оиласига* мансуб туркум. Ер ҳозида 100 га яқин тури бор. Ўзбекистонда 20 тури усали. Қ.га хос йириклик сертук ўт усимликлар киради. Пояси тик, бал. 120 см гача. Тўзлари, асосан, пойининг юқори қисмидаги барглар қўлтиқларида ялғиз цваклида ўрнашган бўлиб,



Т.К.Кузиев. «Нақшбандийга бағишлов» унлиги (1997).

қийшиқ, икки лабли. Косачабўлаклари тухум. Ўлтирадиғанчаларининг ўрнига қараб ҳар хил рангга бўялади. Барглариининг шакли ипакгарсимондан тухумсимонгача; қалин тукдар б-и қопланган. К., асосан, июнь—июлда гуллаб, мева тугади. Ўзбекистонимиз тоғли ҳудудларида турли экологик шароитда ўсади.

ҚЎЗҒАЛИШ (*физиологияда*) — *тирик ҳужайранинг бирор таъсирга жавоб реакцияси, тирик системанинг физиологик ишдай тинч ҳолатдан маълум тўқима ёки ҳужайра учун хос бўлган фаол ҳолатга ўтиши.* К., асосан, ихтисослашган структуралар, рецепторлар, нерв ва мускул ҳужайралари, нерв толаларининг учун хос. К. — физиологик, биокимёвий, энергетик ва *структуравий ўзгаришларни ўз ичига олади.* К. ҳужайра мембранаси ион ўтказувчанлигининг кескин мудатли ўзгаришни б-и бошлавади. Бу жараёнда ионларнинг кўчиши мембранадаги қўзғалишнинг ўзгаришига ва электр потенциали (электр токининг ҳосил бўлишига олиб келади (қ. *Биоэлектр потенциаллар*). К.да *аденозинтрифосфат кислота* (АТФ) парчаланади; ганглиотик ва оксидланиш жараёни кучаяди; оксид ва ионлар алмашинуви ўзгаради.

К. мақсадли (бир жойнинг ўзида) ёки ёйилувчи (тарқалувчан) бўлади. Мақсадли К. фақат таъсирланиш содир бўлган жойнинг ўзида, *яъни нейронинг бир қисмида, қабул қилиш* ёки периферик таъсирга ихтисослашган рецепторлар ёки синапсларда пайдо бўлади. Мақсадли К. таъсирланишдан сўнг тезда юзага чиқади, таъсир кучининг ошиши б-и кучайиб боради. Мақсадли К.да бир нерв ёки мускул ҳужайрасининг бошқа нерв ҳужайраси аксонлари б-и туташган жойи (*синапсдаги рецептор ва генератор потенциаллари муҳим аҳамиятга эга.* Мақсадли К. эмпулъсаси ва таъсир кучи, унинг давомийлиги, тезлигининг ортиши ёки камайишига қараб ўзгариб туради.


Ёйилувчи К. нерв ва мускул толалари учун хос. Нерв толалари бўйлаб тарқалганда К. *нерв импульси дейилади. Ёйилувчи К. ҳужайра мембранасининг* бирор қисми бўйлаб тарқалаётган ҳаракат потенциали б-и бир вақтда юзага чиқади ва ажратилган нерв толалари бўйлаб узоқ масофага тез ўтказилишни таъминлайди. Ҳаракат потенциали мускул ҳужайраларидаги миофибрилларнинг қисқаришида, нерв ҳужайралари аксонлари учидан тўқималарнинг қўзғалиши ёки тормозланишига таъсир қиладиган кимёвий моддалар ишлаб чиқарилишини фаоллаштиради.

К.да цитоплазмага Na^+ ва Ca^{2+} ионларининг ўтиши мембрананинг ҳар 2 томонида Na^+, K^+, Ca^{2+} ионларининг дастлабки тенг бўлмаган концентрацияли ҳолатини тикловчи ҳамда мембрана ва цитоплазманинг ингибланиш учун зарур бўлган оқсиллар ва фосфолипидларни синтезловчи ферментларни фаоллаштиради. К. ва у *б-и боғланган тормозланиш жараёни* нерв фаолиятининг асосини ташкил этади.

ҚЎЙ — қувушюхлилар оиласи қўйлар туркумига мансуб жуфт туёқли, кавш қайтарувчи уй ҳайвони. К. бундан 8 минг йил аввал хонакилаштирилган. Унинг *жадидаи аждоди қўйлар* (*муфлонлар, архар, аркаллар*) ҳисобланади. Маҳаллий халқ думли қўй зотлари муфлонлардан, узун думли қўй зотлари ва ёғли думли қорақўл қўйлари архарларидан, думбали (ҳисори, жайдари ва ш.к.) қўйлари аркаллардан келиб чиққан.

К. асрлар мобайнида инсон ҳаётида муҳим озиқ-овқат маҳсулоти (гўшти, *ёғи*), *кийим-кечак (тери, жуни)* ва б. сифатида катта роль ўйнаган. Танасининг бал. 55—100 см, уз. 60—100 см. Кўпгина зотларда кўчкорлари қўпол ранговаранг. бурама шохли, совлиқлари шохсиз ёки калта шохли. Тумшуғи тўғри, учи энгичакроқ, лаблари юпқа, сеткақорақат, курак тишлари ўткир, оёқлари бақувват. Вояга етган К.лларда 32 тиш бўлади. Туси оқ, қора, малла ва кўк. Майин жунли, ярим майин жунли ва дағал жунли (қ. *Дағал жунли қўйлар, Майин жунли қўйлар, калта думли* (10—12 умуртқали), узун думли (20—22 умуртқали), думли ва думбали К.ларга бўлинади (қ. *Думбали қўйлар, Думли қўйлар*). К.лар 14—15 й. яшайди. *Ҳўжаликда 6—8* йил фойдаланилади. 5—7 ойлигида жинсий етилади. 15—18 ойлигида қочиришга қўйилади. Бўғозлик даври 145—155 кун. Кўпгина К.лардан биттадан, айримларидан 2 тадан, романов зотли қўйлардан 5 ва ундан ортиқ *қўзи олинади.* Қўзилар 2—6 кг тугилади. 2—4 ойида ўсишдан тўхтайди. Майин жунли К.нинг жун қопламининг диаметри ўртача 18—25 мкм бўлган бир хилдаги тивит толаларидан, дағал жунли К.ларнинг жун қоплами диаметри 100—200 мкм бўлган аралаш дағал толалардан иборат. Майин жунли К.нинг жун толаси уз. 6—10 см дан узунрок, ярим майин жунли К.ларда 10—20 см ва дағал жунли К.ларда 10—15 см. Майин жунли К.дан йилига ўртача 5—6, ярим майин жунли К.дан 3—6 ва дағал жунли К.лардан 1—4 кг жун олинади. Майин жунли ва ярим майин жунли К.ларнинг жуни йилига бир марта, *дағал жунли К.ларники 2 марта — баҳорда ва кузда қирқилади.* Кўчқорларининг оғирлиги 60—180, совлиқларининки 35—110 кг. Сўйим чиқими 45—60%. К.лар табиий ва маҳаллий шароитларини ҳамда қ. зотларининг ўзига хос биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда айлонда (10—11 ой), айлонда-кузда, кузда-айлонда ва кузда боқилади.

Ўрта Осиё халқлари қалимдан К.ларни гўшти, ёғи, териси ва сути учун боқади. Узоқ асрлар мобайнида Ўзбекистонда халқ селекцияси*да умумий қўй зоти, қорақўл қўй зоти* ва олимлар ва чорвадорлар ҳамкорлигида олиб борилган селекция — наслчилик ишлари натижасида бу зотлонг бир қанча *ъ-д типлари яратилди.*



Қўй: *1* — майин жунли меринос; *2* — ўстинбоп м9ина бердиган романов зоти; *3* — қорақўл қўй зоти қўчқори; *4* — гўшти учун боқиладиган Тожикистон қўй зоти; *5* — ҳисори қўй зоти.

Дунёдаги барча мамлакатларда 250 дан ортиқ турли йўналишга мансуб қўй зотлари уруғитилиб қўпайтирилмоқда. Улардан — *асосини қўй зоти, бегерес қўйи, мериносдар, прекос, рамбуйе, романов қўй зоти, гаражи қўй зоти, Тожикистон қўй зоти, эдилбой қўй зоти* каби зотлар ғўшт, жун йўналишидаги энг сермаҳсул зотлар ҳисобланади. Ўзбекистонда, асосан, қоракўл қўй зоти, думбали қисғои қўй зоти ва думбали жайдари қўйлар боқилади. Қлар йилхода боқилганда кунига 8—10 кг ўт истеъмол қилади. Дағал озуқалар (пичан, силос) ва б.ни яхши ҳазм қилади. Ёзда чўл шароитида икки марта, қишда қунора суторилади (ҳна қ. *Қўйчилик*).

Абдусаттор Аминов.

ҚЎЙ ЙИЛИ — мучал йил ҳисобида саккизинчи йил (қ. *Мучал*).


•ҚЎЙ ПЕШОНАЛИ» — муз босган ўлкаларда туб тог жинсларининг музлик ҳаракати таъсирида силлиқланиб, текисланиши натижасида шакланган гумбазсимон тепа ва дўнгликлар. Муз келган томони ясси, силлиқ, тескари томони эса нотекис, тик бўлади. Қад. ва ҳоз. музлик тарқалган ўлкаларда кўп учрайди. Ўрта Осиёдаги тоғларда ҳам бор.

ҚЎЙБОШ-476 — кечпишар қовуз нави. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик н.т. институтида чиқарилган (*П.Н. Дудко, Е.И.Друкинина*). Шакли тухумсимон ва чўзинчоқ тухумсимон (уз. 25—30 см, оғирлиги 3—9 кг). Мевасининг сирти бироз бўғинли, тўри тўлиқ, банд томони қуюқ, уч томонида эса сийрак, гоҳида тўри фақат меваснинг ўртасигача давом этади. Меваснинг ранги банд олдида қўкиш-жигарранг, уч томони сарғиш-жигарранг. Сиртида тўлари йўқ. Пўсти қаттиқ, эти ўртача қалинликда, тўла пишмайди, ранги оқ, пўсти яқинида кўкиш, тигиз, ширин. Уруғлонлари уруғхонасининг ярмини эгаллайди. *Уруғи ўртача катталикда, кенг овалсимон, тўқ сариқ.* Тарқибида 7,6—10,4% қанд, 10,2—13,3% қуруқ модда бор. Уруғи унинг чиқишдан сўнг биринчи ҳосили 85—95 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 250—300 ц/га. Ташишга, сақлашга яроқли (90—100 кун), сўлиш касаллигига чидами ўртача. 1939 й.дан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида экиш учун давлат реестрига киритилган.



Қўйбош қовуғи нави.

ҚЎЙТИКАН (Xanthium) — мураккабгуллошларга мансуб бир йиллик ўсимликлар туркуми. Ер юзида 25 тури маълум. Ўзбекистонда *ғўза Қ.и ёки ғўзатикан* (X. strumarium L.) ва *оддий Қ.* (X. spinosum) турлари учрайди. Оддий Қ.нинг бўйи 20—90 см, тўлари бир уйли, айрим жинсли, уруғи сават-чаларнинг ўрама барглари бирикиб, меваснда илмоқли тиканларга айланган. Ғўза Қ.и бўйи 20—60 см, пояси шохланган. Тўпмевали чўзиқ-тухумсимон, ўсти бир- қанча илгакли тиканчалар б-н қопланган. Июнь — сент. ойларида гуллаб, уруғлайди. Ариқлар ва йўл бўйларида, сугориладиган экинлар орасида ўсади. *Йўқотиш қийинлиги* бўлган бегона ўт. Барча қисмида йод, уруғида алиф тайёр-лашда ишлатиладиган мой (40%) бор. Барг ва ядзисидан бўёқ (сариқ ва яшил) олиш мумкин. Меваснинг ўсти илмоқли майда тикан-чалар б-н қопланганлигидан қўйлар *жунига ёпишади* (номи ҳам шундан).



Ғўза қўйтикани.

ҚЎЙТОШ — Жизах вилояти *Галлаорол туманидаги* шаҳарча (1942 й.дан). Туман маркази ва яқин т.й. станцияси (Галлаорол ш.дан 35 км. Аҳолиси 5,5 минг киши (2005). 3 умумий таълим мактаби, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, авто-корхона, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Маданият уйи, кутубхона, стадион, касалхона, туғруқхона, поликлиника, дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. Қ. — Галлаорол йўналишида автобуслар ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҚЎЙТОШ ВОЛЬФРАМ-МОЛИБДЕН КОНИ — Жизах вилоятининг *Галлаорол туманидаги* кон. Жизах ш.дан 45 км шим.-шарқда, Нурота тоғларида жойлашган. Асосан, терриген, кямрок карбонат жинслардан таркиб топган. Конининг марказий қисмини гранитоид таркибли Қўйтош интрузиви бриб чиққан. Асосий руда қамровчи жинслар контактли метаморфизмга учраб, роговиклардир. Скарн-рудали жисмлар контактли, катламлараро ва кесишган морфологик типдаи ташкил топган. Скарн-рудали жисмларнинг қалинлиги 0,5—20 м (ўртача 1—1,5 м), йўналиши бўйича уз. 50—300 м гача, вольфрамнинг уч оксиди 0,4—0,65%. Йўл-йўлакай учрайдиган компонентлардан мис (0,077%) ва молибден (0,011%) мавжуд. Скарн-рудали жисмларнинг минерал таркиби гелеибергитли, волластонит б-н бирга гроссулар-гелеибергитли. Бошқа минераллардан кўпроқ учрайдиганлари кварц, шеелит, амфибол, кальцит ва улардан ташқари шеелит, молибденит, пирротин, пирит ва б. Руданинг асосий компонентлари вольфрам, молибден, мис ва висмут. Турли блокларда вольфрам 0,25 дан 0,4% гача, молибден 0,023%, мис 0,077%. Сульфидларда висмут (0,5—1%), таллий (1,25 г/т), селен ва теллур концентрацияда бўлади. *Ҳоз. вақтда конниг* асосий захираларн ўзлаштирилиб бўлинган ва 1998 й.дан фойдаланилмайди.

ҚЎЙТОШ ТОҒИ — Шимолий Нурота тоғларининг жан. -шарқий қисми. Шарқда Сангзор водийси, ғарбда Савурбел довони оралиғида. Жизах вилоятида. Уз. 65 км; эни 8—13 км, энг кенг жойи 25 км. Энг баланд жойи — Тунгизитог (1905 м). Жан.-ғарбдан Сангзор — Нурота, шим.-шарқдан Мирзачўл ботиқлари ўраб олган. Сувайирғич қисми ва ён бағирларида *текисланган юзалар кенг тарқалган.* Қ.т. қумтош, сланец, оҳактош, мармар, гранодиорит, гранитлан иборат. Қатламларнинг ётиш ҳолатлари тектоник ҳаракатлар натижасида кучли ўзгарган. Мармарлашган оҳактошлар юзага чиқиқан айрим жойларда соя ён бағирларни тик. Жинслар ишраш оқибатида қўй, тоғ, деворлан қалъа, турли хил жониворлар қиёфасини эслатувчи табиат ажойиботларини ҳосил қилган. Тогнинг шим. ён бағридаги тик қияларда тош уюмлари, сланецли ҳудудларда тошлоқли *бузуқ* ерлар кенг тарқалган. Шим. ён бағрида оқаётоқлар юзага чиқиб қолган. Тогнинг жан. ён бағридаги бир мунча текис юза Галлаорол ва Қўйтош ботиқлари томон пастлаша боради. Қ.т. ён бағирлари ассиметрик тузилишга эга. Шим. ён бағрида Устихонсой, Нураксой, Осмонсой, Илончисой; жан ён бағрида Чайнисой, Ингичксой, Савруксой, Сарманқсой, Норвонсой каби сойлар оқиб тушади. Бўлоқлар ҳам бор. Типик бўзтупроқ, тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган. Ўсимликлардан шим. ён бағрида қўнғирбош, ранг,

шувоқ, флемис, ялтирбош; жағ. ёп батқоқ турли ўтлар, шувоқ, ялтирбош, ровоч, чайир, кўзпакан, айрим жойларда ғалвирак, боломча учрайди. Тоғ тепаси ва ёп ботқоқлардан бахорги ёзги яйлов сифатида фойдаланилади. К.т. да Қўйчоғи вольфрам-молибден кони бор.

ҚЎЙХОНА — қўйлар асраладиган ва боқиладиган хона ёки бино. Умумий ва махсус К.лар бўлади. *Умумий К.* турли жинс ва ёшдаги, маҳсус К. эса бир жинс ва ёшдаги қўйларни боқиш учун мўлжалланган. Умумий К. 300—500 бошдан ортиқ қўйларга мўлжалланса қўрилади ва совлиқлар, кўзилар, қўчқорлар учун алоҳида бўлимлари бўлади. Маҳсус К. 800—1000 бош ёки 1000—1200 бош кўзи ёки аҳтага мўлжалланади. К. тўғри бурчакли, «Г» ва «П» шаклида қурилади. «П» шаклидаги кенг тарқалган. К. бир неча бўлимга бўлинади. К.нинг қишки қўтонларга мўлжалланган, яъни тунлаги қўзилари б-н совлиқларни боқишга ажратилган бўлимлари ишлатилади (иссиқхона) ва бу иссиқхоналарда насллар қўйлар учун алоҳида қўзилатиш бўлимлари ва профилактор-ўйлар ташкил қилинади. Катта К.лар-да *вентиляция қурилмаси ўрнатилади*. Қўйларни суғориш, озуқаларни тарқатиш ва гўнг йиғиштириш механизациялаштирилади. Баъзи иқлими юмшоқ жан. минтақаларда К.ларнинг 3 томони ўралади, томи бостирма қилиб ёпилади.

ҚЎЙЧИЛИК — *чорвачиликнинг* қўйларни урчитиш б-н шуғулланадиган тармоғи. Озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт, ёғ, сут) ва енгил саноатга қимматли хом ашё (жун, тери, мўйна) етказиб беради. Қўй жуни халқ ҳўжалиги учун муҳим аҳамият касб этади. Қўй жунидан газмол, трикотаж буюмлар, гилам ва ҳ.к., терисидан пўстин, мўйнасидан турли кийим-кечаклар тикилади, гўштн оқсил ва ёғга бой тўйимли маҳсулот, сутидан пишлоқ, бринза ва б. тайёрланади.

К. олинадиган маҳсулотга қараб гўшт-ёғ, гўшт-жун ва гўшт-жун-сут, улар ўз навбатида, майин жунли, ярим майин жунли, дағал жунли, ярим дағал жунли, мўйнали, пўстинбоп йўналишларга бўлинади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда *қоракўлчилик* ва гўшт-ёғ йўналишидаги К. ривожланган. Қўй хомашёларидан бошлаб одамлар ундан олинадиган хом ашё ва гўшт маҳсулотларидан фойдалана бошлаганлар. Инсон фаолияти натижасида қад. каммаҳсул дағал жунли қўйлар яхшиланган ва маҳсулдорлиги оширилган. Милоддан бир неча минг йил олдин Кичик Осиёда биринчи майин жунли қўйлар, Ўрта Осиёда эса қоракўл қўй зотлари пайдо бўлди. К. чорвачиликлари мустақил тармоқ сифатида, асосан, тўла да дашт, тоғли ҳудудларда қўйчи бойларнинг *хусусий хўжаликларида* олиб борилган.

20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб Ўзбекистонда К. ва ҳ.лардаги тармоқ сифатида эътибор берила бошланди. Йирик давлат ва жамоа К. хўжаликлари, кейинчалик ихтисослашган наслчилик йўналишидаги хўжаликлар (наслчилик з-длари) ташкил этилди. 30-й.лардан жамоа ва давлат хўжаликлари (колхоз-лар ва совхозларда К. фермалари ташкил этилди. Собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудларидан майин жунли қўй *(меринослар)* келтирилди. Майин жунли К.ни ривожлантириш, каммаҳсул қўйларни маҳсулдор қўй зотлари б-н чатиштириш, қўйларни сунъий уруғлантиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш ишлари олиб борилди, қўйларни боқиш ва асраш шароитлари яхшиланди. Ветеринария хизмати кўрсатиш тизими ташкил этилди. Натижада пода-ларнинг зот таркиби яхшиланди, қўй туёғи сони кўпайди, қўйларнинг маҳсулдорлиги ошди, К.да майин жунли ва ўртача майин жунли қўйлар салмоғи ортди, бош сони кўпайди. Республикада 1923 й.да барча зотдаги қўйлар бош сони 3,1 млн. бўлса, 80-й.лар бошига келиб, уларнинг сони 8,9 млн. бошга, шу жумладан, қоракўл қўйлари 5,3 млн. бошга етди.

Ўзбекистонда қўйлар, асосан, яйловда боқилади (об-ҳаво шароити ноқулай ҳолларда қўшимча озиқлантирилади). Гўштга топшириладиган қоракўл қўйларни яхши семиртириш учун кузда уларнинг сурувлари тузилади. Бўрдоқига *боқилаладиган* қўйларга шулпа, кунжара ёки *тўғ‘ри берилади*. 70—80 кунда қўйлар яхши семирадн ва гўштга топширилади.



Яйловдаги қўй отарлари.

90-й.лар бошидан Қ.да чуқур иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 й. 15 мартдаги «Республика чорвачилигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ *барча жамоа хўжалиги К. фермалари хусусийлаштирилди* ва фермер хўжаликлари барпо этилди. К.ка ихтисослашган лайлат хўжаликлари (з-длари) жамоа (ширкат) хўжаликларига айлантирилди. 1998 й. июнда қоракўлчиликда н.ч. ва савдо масалалари б-н шуғулланадиган ва республикада барча қоракўлчилик ширкат хўжаликларини ва ҳудудий вилоят бирлашмаларини ўз ичига олган «Ўзбек қоракўли» компанияси ташкил этилди.

Республика Қ.да дағал жун ва гўшт-ёғ берувчи ҳисори ва жайдари қўй зотлари асосий ўринни эгаллайди. Ҳисори қўйлар, асосан, тог ва тог олди минтақаларида (Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари) боқилади (қ. *Ҳисори қўй зоти*). Хонадон *хўжаликларида боқиладиган* жами қўйларнинг деярли ярмини жайдари қўйлар ташкил қилади. Бу зотлар Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида кўп тарқалган. Ярим дағал жун олинадиган саража, Олай ва Тожикистон қўй зотлари, асосан, Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги тог, тог олди қўйларига яхши мослашган.

Қ.ка оид н.т. ишлари *Чорвачилик институти, Қоракўлчилик ва ўзб. экологияси институтида* олиб борилади.

Қ. жаҳондаги кўпгина мамлакатларда ривожланган. Дунё бўйича 1068669 минг бош қўй боқилди, 497,6 млн. бош қўй сўйилди ва 7,4 млн.т қўй гўшти ишлаб чиқарилди (1999).

Жаҳон мамлакатларида ўрганилаётган қўйларнинг деярли ярми Австралия, Янги Зеландия, Ҳиндистон, Туркия, Жан. Африка Республикасига тўғри келади. Қўйларнинг бош сони бўйича (мил. бош) Хитой биринчи ўринда турали (127,1), Австралия (115,6), Ҳиндистон (57,6), Янги Зеландия (46,1), Судан (42,5), Покистон (31,3), Туркия (30,2), Афғонистон (14,3)да ҳам Қ. мамлакат қ.ҳ.да муҳим ўринни эгаллайди.

Фозил Жалилов.

ҚЎЙҚИРИЛГАН ҚАЛЪА — қад. оташпарастлар ибодатхонаси ва қишлоқ хоробаси (мил. ав. 4 — мил. 4-а.). Тўртбўл шаклли 22 км шим.-шарқда. Хоразм археологик-этнографик экспедицияси (раҳбари С.П.Толстов) рўй-хатга олган (1938). 1951—57 й.ларда қазишмалар натижасида қад. хоразмликларнинг меҳрабга-қасри ва мил. ав. 4—3-а.ларга оид доира шаклидаги икки қаватли марказий ибодатхона биноси (диаметри 44,4 м, бал. 9,5 м *га яқин*) қазиб ўрганилган. Ибодатхона атрофи 2 қатор пахса ва ҳом ғиштдан тикланган мудофаа девори б-н ўралган. Қалъа атрофида хандақ (эни 15 м, чуқ. 3 м) бўлиб, қадимда сув б-н тўлдирилган. Қ.қ. деворида Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ қалъалорлик даври шаҳарлар қурилишни услубига хос бўртиб чиқиб турган махсус буржлар бўлиб, уларда ўқ отиш учун нишон туйнуклари бор. Девор б-н марказий бино орасигида кўзалик иншоотлари жойлашган. Равоқлар учун трапеция шаклидаги махсус ғиштлар қўлланилган. Қалъанинг шарқий қисмида дарвозахи бўлиб, дарвоза олди хабирнинг шаклида қурилган. Қ.қ. марказидаги 2 қаватли бинога махсус эшикчаларда чиқилган. Унинг томи текис. 1-қаватда алоҳида-алоҳида 5 та гумбазли хоналар бўлиб, улар ичидан сополдан ясалган тобутлар, ялпитобоқлар, ҳар хил расмлар солинган ёғ идиш (хум ва кўзачалар, нақшинкор сувдонлар топилган. Топилмалар ичида мавъбудларнинг терракота ҳай-



Қўйқирилган қалъанинг умумий кўриниши (реконструкция).




Терракотадан ишланган от ва мавъбуда ҳайкалчалари.

калчалари, деворга ишланган рангли нақшлар, осмон жисмларини кузатишга мўлжалланган буюмлар бор. Остодонлар дафн маросимларидан, сополдаги ёзувлар эса қад. хоразмликларнинг тили ва ёзувлари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Ад.: Кой-Крылган-кала — шимолий культура древнего Хорезма IV в. до н.э. — IV в.н.э. (отв. ред. С.П.Толстов. Б.И.Вайнберг). М., *1967.*

ҚЎЙҚУЙРУҚ, қўйбуқа, мушкли қўйқуйруқ (Ovibos moschatus) — *қуйруқсимонлар* оиласига мансуб жуфт туёқли сут эмизувчи ҳайвон. Гренландия, Канада, Арктика *архипелагларида* оролларда тарқалган. Шимолгарбий Нунивак, Нельсон ороллари ва Аляс-



Қўйқуйруқ.

кага олиб келинган. Плейстоцен, қисман голоценда Европада ва Шим. Америкада ҳам кўп бўлган. Бўйи (яғринидан) 1,1 м га яқин, танасининг уз. 2,5 м га, оғирлиги 300 кг га. Гавдаси узун (60—90 см ли) қора қўнғир жун б-н қопланган. Бўйин қисқа ва йўғон. Шохининг асоси йўғон, учи қайрилган. 20—30 бош К. подя бўлиб яшайди. Август—сент.да урчийди. Бўғозлик даври 9 ой. 1-2 та бола туғади. Лишайник, мох ва ўтлар б-н озиқланади. Қ. сони камайиб кетган (25 минг ^ бошга яқин), муҳофаза қилинади. Россиянинг ҳим. ҳудудларига Канададан олиб келиб кўпайтирилмоқда.

ҚЎЛ, ғўл (туркийча — марказ, ўрта) — 1) Чингизхоннинг минг кишидан иборат шахсий хос кўриқчиси; 2) Темурийлар қўшинида аскарлит олий бош қўмондони томонидан бошқарилган, қўшинининг асосий жанговар бўлинмаларидан бирини ташкил қилган марказий қисм. Тарихий манбаларда ташқилланишича. Соҳибқирон*нинг 12* минг кишилик қўшини Қ.и амир ғул-умаро томонидан бошқарилган. Лашкар сони бир неча 10 мингдан ошиб бўлган пайтларда Қ. 40 бўлук (полк) дарға тақсимланган ва бевосита Амир Темурнинг кўмондонлигида бўлган. Ушбу бўлуқлар тажрибали ва сараланган жангчилардан ташкил қилинган; 12 бўлуқи сафнинг 1-қаторида, қолган 28 бўлуқи эса 2- ва 3-қаторларда жойлашган. Қ.дан истаган пайтда бошқа қўшин қисмларига мадад берилган. Эски Ўзбек адабий тили обидаларида, хусусан, Алишер Навоий, Бобур асарларида қўшиннинг «марказ» тушунчаси ғул қаторн арабча — қалб, арабча-форсча — қалбгоҳ истеълоҳлари б-н ифодаланган.

Ҳамидулла Дадабоев.

ҚЎЛ ПАНЖАСИ — ерда ишловчи умуртқали ҳайвонлар олдинги оёғи ва одам қўлининг тирсак ва билак суякларидан кейинги қисми. Одамнинг Қ.п. мураккаб ҳаракатларни бажаради; у кафт усти суякдари (8 та), кафт суякдари (5 та) ва ҳаракатчан бармоқлардан (3-та фалангадан ибо-



Одамнинг қўл панжаси скелети (кафт қисми): 1 — фалангалар; 2 — кафт суякдари; 3 — кафт усти суякдари; 4 — билак суяги; 5 — тирсак суяги.

рат, бош бармоқдан ташқари) ташкил топган.

ҚЎЛ ТЎПИ — қ. *Тапбол.*

ҚЎЛДОШЕВ Мурод (1900 — Қўқон — 1975) — актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1970). Қўқон театри (*1920—27; 1950* йдан), Ўзбек давлат драма труппа-



си (Самарқанд, 1927—28), Андижон (1928—40), *Янгийўл* (1941—50) театрларида ишлаган. Андижон театрини мустақиллашда фаол иштирок этган. Қаҳрамонлари кучли ғайрлатурлиги табиий ва ҳаяжонли ифода этиши, оҳанглар мутт, ҳаракат ранг-баранглиги, мусиқий ва сермаъноликка эришга олиш Қ. ижодига хос. Мажнун (Хуршид; Т.Содиқов, Н.Мироновнинг «Лайли ва Мажнун»); Неъмат (Ғ.Зафарий, «Ҳалима»), Тартальо (К.Гоцци, «Маликаи Турандот»), Аёқар (У.Ҳожибеков, «Аршин мол олон») ва б. ролларо ё-н тавсифлари.

ҚЎЗЁМА — 1) кенг маънода — қўлда ёзилган ёки ёзув машинкасида, компьютерда кўчирилган матн. Таниқли шоир ва ёзувчиларнинг ўзимизга ўзлари кўчириб ёзган асарлари дастхати (автографи); 2) қўлда ёзилган асар, ёзма ёдгорлик. 19-а. охири — 20-а. бошларигача ўрта Осиёда матбаа-нашриёт ишларининг суслиги сабабли Қ. ҳолида китоб тайёрлаш кенг тарқалган ва бу жараён *мактуб каттотлар томонидан амалга* оширилган (қ. *Каттотлик*). Қад. Қлар жуда қадимий, тарихий, илмий манбалар ҳисобланади ва улар *палеография* ўрганилади; 3) ноширлик ишида — муаллиф томонидан нашриётга тақдим этилган матн.

ҚЎЛТИҚ — *кўрфаз — океан, денгиз* ва қўллардаги қўруқлик ичкарисига кириб турган ва асосий қисми ёки ҳамалол суви атмосфера тушадиган қисми. Қнинг гидрологик ва гидрокимёвий ҳолати асосий сув ҳавзасининг ҳолати б-н бир хил бўлади. Айрим ҳолларда ҳидининг махсулий хусусияти ва материкдан боргани сув туфайли Қ. суви *ҳуд қисмининг гидрологик шароити* бирмунча фарқ қилиши мумкин. Баъзи океанларнинг денгизларга хос хусусиятлар (гидрологик режимига эга бўлган қисмлари ҳам Қ. дейилади (Москва, Гудзон, Форс, Қадифорния ва б.). Энг катта Қлар: Форс кўрфази, Аден, Алжеза, Бенгалия, Бискай, Катта Австралия, Гвинея ва б.

ҚЎЛТИҚТУМОР — эргаларнинг буюми; аёлларнинг елка оширибўлтик остидан ўтказиб тақиладиган тақинчоғи. Қ. тўртбурчак шаклда қопқоқли кутича ва унинг юқори қисмига уланган узун занжирдан иборат. Кутича юзаси ёпиткори, ғалтакори ва босма усулида нақшлар б-н безатилади, баъзан фируза кўзлар қадалади; қутичанинг таг қисми кумушлар б-н қопланган, кумушлар ва ўрта маржон, салаф мунчоқли шоҳилар осилади. Қ. ичига дуо, Қуръон оятлари битилган қоғоз солиб қўйилади. Республика музейларида Қ.нинг ҳашламдор безатилган нусхалари сақланади.



Қўлтиқтумор.

ҚЎЛҚАНОТЛИЛАР — қ. *Кўшпалаклар*.

ҚЎМИТА — 1) мақсуд тадбирларни ўтказиш ёки бирон-бир соҳага раҳбарликни амалга ошириш учун тузиладиган давлат органи. Ўзбекистон Республикасида *бундай орган Президентнинг* фармонига асосан ташкил этилади ва тугатилади ҳамда Олий Мажлис палаталари таслимига киритилади. Улар вазолатининг четариси фармонда ва шу органлар тўғрисида *Вазирлар Маҳкамаси* томонидан тасдиқланган низомда кўрсатилади. Ушбу органлар раҳбари этиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига асосан раис тайинланади. Қ.мита раҳбарларининг бўйруғига асосан қуйи органлар ташкил *қилиниши мумкин. Ўзбекистонда давлат қўмиталари* ва қўмиталар мавжуд. Қўмитадар. — Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қ.митаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қ.митаси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қ.митаси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қ.мита; 2) сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва б.да сайлаб қўшиладиган коллегиал раҳбар орган (партия марказий қ.митаси, касаба уюшма қ.митаси ва ш.к.).

ҚЎМИҚ ТИЛИ — туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб тил; РФнинг Дағистон, қисман Чеченистон, Ингушия, Шим. Осетия республикаларида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 282 минг кишидан ортиқ (ўттан асрнинг охирлари). К.т.да асосан 3 та: бўйноқ, қайтақ, хасавюрт лаҳжалари фарқланади. Ўзарда фонетик ва морфологик тафовутлар мавжуд. К.т. *қипчоқ* гуруҳига мансуб бўлса-да, унда ўғуз тилларига хос белгилар ҳам кузатилади.

Алибий К.т. 20-а. бошларида хасавюрт ва бўйноқ лаҳжалари асосида шаклланган (унинг оғзаки сўзлашув шакли қадимдан маълум). Ёзув 17-а. ўрталаридан 1928 йилга *араб графикаси*, 1929—38 йилларда лотин графикаси асосида бўлиб, 1939 йдан рус графикаси асосидаги ёзувга ўтилган. К.т.да газ., журнал чоп этилади, қўплаб нашрлар аралаш-сийсий ва бадиий адабиёт, бошқалигич ва ўрта мактаблар учун *дарсликлар нашр қилинмоқда*.

ҚЎМИҚЛАР — Дағистондаги халқ (232 минг киши). РФда жами 282 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Қўмиқ тилида сўзлашади. Диндорлари — суннийй мусулмонлар. Асосий машғулотлари деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, шунингдек, уй ҳунармандчилиги (гилам тўқиш, тери, ёғоч, металл, тош ва б.ни қайта ишлаш).

ҚЎМСАШ — ўз ватани, тутилган юрти, яқин кишиси (кишилари) ёки *нарсасидан умрбод ёки вақтинча* ажралган, узоқдаиган кишиларда рўй берадиган руҳий ҳолат. Қ. ғўдаклардада, ёш болаларда ота-онасига, ўрганган қолган яқин кишиларга нисбатан ҳ ч қ и ш ҳ ш ҳ ш ҳ ҳ ҳ

85–90 см. Майин товушга эга. Қ. қирғизларда энг севимли ва кенг тарқалган профессионал чолғуси бўлиб, унда халқ қўшиқларини оҳангларига асосланган «обон қўйлар» («Семетей қуу», «Қоракўз бўтам», «Назима», «Кермс тоо» ва б.), виртуоз характеристикаси, баъзан ўйин-кулги б-н боғлиқ «айтиш қўйлар» («Кўйбўи қуу», «Арманду чимчик») ҳамда йирик шаклдаги мумтоз қўйлар («Қамбаркан», «Ботой», «Кербек» ва б.) жаҳр этилади. Қ., шунингдек, қирғиз оқин ва яр (қўшиқ-ўйлар томошаси ҳўрозбоғи сиз сифатида ишлатилади; 2) қирғиз чалқўбиғимнинг номи (ёлғиз-қўшуз, темирқўмуз); 3) чечен ва ингушларда 19-аср. дарвишлар гармон номи.

ҚУНОНБОЕВ *Абай (Иброҳим)*, Абай [1845.10.8, Ettiқуз вилояти Чингистоғ (ҳоз. Абай) тумани — 1904.6.7] — қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси, маърифатпарвар шоир. Ettисувдаги Ахмад Ризо мадрасасида таҳсил олган. Шарқ мумтоз адабиётининг Фирдавсий, Саъдий, Навоий, Фузулий сиғнари намояндалари асарларини ўрганган. Бу шоирларнинг асарларидаги дунёвий ғоялар таъсирида талқин маърифатга ундовчи шеърлар ёза бошлаган. Қ. ижодкорлигининг шаклланишида Шарқ мумтоз шоирлари б-н бирга Ettисувга сургун қилинган рус демократлари ва улар орқали Крилов, Пушкин, Лермонтов, Толстой асарлари б-н танишиш муҳим омил бўлган. Унинг фикрича, қўмсоқчилик паронтида яшаб келаётган ва шу туфайли уруғ-уруғларга бўлиниб кетган қозоқ халқи маънавиятини ёлғиз қуролларни ишга солиш мумкин эмас. Шу мақсадда маърифат ва маданий тараққиётга эришиш мумкин эмас. Шу мақсадда маърифат ва маданиятни тарғиб этувчи, ахлоқ иисоний фазилатларни тарбияловчи дидактик йўналишдаги асарлар ёзишга катта эътибор берган. У қозоқ халқини маърифатга, маданиятга, инсонийликка ундовчи 44 та катта-кичик лавҳалардан иборат «Нақлия сўзлар» *фалсафий ҳикоялари* ёзган.

Қ. Чернишевский ва Добролюбов сиғнари рус демократларининг ғояларини, Арасту, Суқрот, Афлотун, ҳатто Гетенинг фалсафий-дидактик қарашларини б-н ҳам танишган. Унинг 200 дан зиёд шеър ва 4 достонидан иборат адабий меросида бу сиймолар таъсирида ёзилган асарлар ҳо эмас. Қ. «Исқандар» достонида мақолонимлик Александр образига мурожаат этиб, «Ажаддарим бўри эди» деган ҳикматни тарқоқ ҳолда ишлб келаётган ватанпарварлик шуурига қуймоқчи бўлган.



Қ.нинг адабий меросида «Масъуд», «Алим ривоят», «Вализ» сиғнари достонлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Қ. шахсан ўзи шеърий ижод б-н шуғулланибгина қолмай, фарзандларини ҳам адабиётга олиб кирди. Улардан бири — Магавияга «Менин Қосем», Окпебойга эса «Қиссаи Юсуф» достонларининг сюжетини «сонга қилиб, шу асарларнинг ёзилишига сабабчи бўлган. Қ. айни вақтда думбира чертиб, ўз шеърларига куйлар ҳам басталарган.

М.Ауезов ўз ижодий умрининг каттагина қисмини Қ.нинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишга сарфлаб, у ҳақда кўп жилдли «Абай йўли» эпопеясини яратган. Қ.нинг ахлоқ асарларини Ўзбекистонда Мирмемар ва б. шоир, ёзувчилар томонидан ўгирилган.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1961; Танланган асарлар, Т., 1995.

Ад.: Ауэзов М.О., Абай Кунанбаев. Статьи и исследования, Алма-Ата, 1967.

ҚУНОҚ (Setaria) — қўнғирбошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимликлар туркуми; галла ва ем-хашак экини. Ватани — Хитой ва Монголия. Россиянинг Волгабўйи р-нларида, Ўкраина, Қозоғистонда кенг тарқалган. Ўзбекистонда Қ. қадимдан экиб келинган. Ҳоз. даврда қисман озиқ-овқат сифатида ишлатилаётган дони ҳамда кўк поноси учун экилади. Илдизи попук илдиз. Пояси тик б-н қопланган, бўйи 70–150 (айниқса экилган ўсимликнинг бўйи 160–190) см, барглари 8–9 та. Тўпгули зич рўвак, донлари тарқоқликка нисбатан майда. 1000 дона уруғи вазни 1,5–2,5 г. Уруғи 10–12° да униб чиқади. Майсаси қисқа муддатли —1–2° совуққа чидайди. Ўсув даври 75–100 кун, қурғоқчилликка чидамли, ammo рўвак тортинча 2–3 марта *суғоришни*. Ер ости сувлари 1–1,5 м чуқурликда жойлашган тупроқларда



Қуноқ.

ҳам яхши ҳосил беради. Қ. донида 10,5%, кўк поясида 14,5% протеин бор. Дони ёрма тарзида овқатга ишлатилади, ҳандалонларда боқилаган сайроқи қушларга ем, сирт оғинда фойдаланилади, кўк пояси ва похони чорва учун тўйимли ем-хашак. Дони ҳосилдорлиги 40–60 ц/га, кўк поя ҳосилдорлиги 300–350 ц/га. Қ.ни, асосан такрорий экин сифатида ғанизга экиш яхши самара беради.

Дилором Ёқубова.

ҚЎНҒИЗЛАР, қаттиққанотлилар (Coleoptera) — ҳашаротлар туркуми. 140 оиласи, 300 минггдан ортиқ тури маълум. Қ.нинг тана уз. 0,25–180 мм. Юмшоқтанлилар оиласининг вакилларидан бошқаларида тана қопламн склеротланган. Бош, кўкрак, корин қисмлари бир-биридан аниқ чегараланган. Олдинги жуфт қанотлари қаттиқ, устқанот (элитра)ни *айланган бўлиб, корин ва экскимчи* — орқа жуфт парда қанотларини қисман қоплаи. Тўла ўзгариш б-н ривожланади (қ. *Ҳашаротлар*). Овалсимон тухумлари сидлиқ қобиқ б-н ўралган. Личинкалари 2 хил: камподеисимон — ҳаракатчан, оёқлари яхши ривожланган, йиртқич (мас., *сассиқ қўнғизлар*, юмшоқканглилар, битгўр қонқизғунлари ва б.) ва эруксимонлар — серэт, камҳаракат.

Қ.нинг қўпчилиги қ.х. экинлари, дарахт ва озиқ-овқат маҳсулотларининг зараркунандаси (яш қ. *Омбор зараркунандалари*). Етук қанотлари ҳамда улар личинкаларининг шикастлаш характерига қараб, Қ. барг кемирувчилар (мас., барггўзлар, узунтумшуқлар ва б.), пўстлоқ ости ёки ёғочда ривожланувчи ноа-тана кемирувчилар (тилла қўнғизлар, пўстлоққўрлар, узун мўйлов қўнғизлар ва б.), тупроқдаги илдиз кемирувчилар (асосан, май қўнғизи личинкалари, қора Қ., қирсилоқ Қ.), мева ва уруг зарарку-нандалари (ний уруғчилар, уруғқўрлар, дарахт ва б.), галла маҳсулотлари ва тери зарар-кунандаларига бўлинади. Суторма деҳқончилик минтақасида фойдали Қ. (қонизғи қўнғизлари, сассиқ *қўнғизлар*) ҳам яшайди. Тунгузўр Қ., ўлиматхўр Қ. каби турлари чиринди ва ўлиматлар б-н озиқланиб, табиатда санитар вазифасини ўтайди.

ҚЎНҒИР (*Podiceps cristatus*) — қўнғирсимонлар оиласига мансуб қуш. Шарқий ярим шарда кенг тарқалган. Тропик ҳудудларда ўтроқ яшайди. Европа ва Осиёнинг жанубида қиш-

зайди. Танасининг уз. 60—65 см, оғирлиги 800—1000 г. Гавдаси дукимон, тумшуғи тўғри, ўткир. Оёқлари жуда калта. Ўрғочи даврида ҳаёнинг бош қисми чиройли патлар б-н қопланиб, 2 та кокил ўсиб чиқади. Ўзининг сув устига, қамишларга ялаштириб ясайди. 3—5 та тухум босади. Асосан, балиқлар, *сувда яшовчилар*, қўшоёқлилар, моллюска ва б. билан озиқланади.


Қўнғир.

ҚЎНҒИР ЗАНГ — сулфи, бутдой, жавдар каби ғалла ўсимликларида паразитлик қилувчи замбуруғлар (Puccinia dispersa ва б.) қўзғатадиган касаллик (қ. *Занг касаллиги*).

ҚЎНҒИР ҚАНА — қ. *Каналар*.

ҚЎНҒИР ҚЎМИР — қўмирланиш даражаси энг паст бўлган қазилма қўмир, торфнинг тошқўмирга айланишдаги шакли. Қ.к. торфдан ўта зичлиги ва ажратиб турувчи қолдиқларининг камлиги б-н; тошқўмирдан эса қўнғир рангги б-н ажралиб туради. Қ.к. ҳавода майда бўлакларга бўлиниб кетади. Улар учун гумини кислотасининг кўплиги, юқори гигроскопиклик ва намлик хослиғи. Қ.к.нинг ёнув чи массасида углерод 55—78%, водород 4—6,5% ва ундан кўпроқ, кислород *15—30% бўлади; ёнувчи массанинг ёниш иссиқлиги 22,6—31,0* МЖ/кг (5400—7400 ккал/кг); бирламчи смоланинг чиқиши 5—20% ва ундан кўпроқ; қўмирнинг петрографик таркибига нисбатан ёнувчи моддаларнинг таркиби 65 дан 40% гача бўлади. Қ.к.нинг рангги оч сариқдан қорагача; зичлиги 1,2—1,5 г/см³. Юқори т-ра ва босимнинг узоқ муддатли таъсири натижасида Қ.к.лар *тошқўмирга*, улар эса *антрацитга* айланади. Генетик белгиларига кўра Қ.к. кмпюк, қаттиқ ва тупроқсимон турларга бўлинади. Қ.к.нинг катта конлари ва ҳавзалари *мезозой* ва *кайнозой* даврлари учун хос. Қ.клар кичик қатламлардан тортиб жуда катта қатламлар (100—120 м) ҳосил қилган. Дунё бўйича қазиб олинаётган қўмирнинг 20% Қ.к.ги тўғри келади. Унинг конлари хорижда РФ, Козогистон, Польша, Германия ва АҚШда мавжуд. Ўзбекистонда *Ангрен қўмир конида*, хорижда *Шўроб қўмир конида* қазиб олинади. Қ.к.лан энергетик ёқилғи ва кимёвий хом ашё сифатида фойдаланилади.

ҚЎНҒИР СУВЎТЛАР (Phaeophyta) — қўп ҳужайрали сувўтлар бўлими. Катталиги ва шакли ҳар хил. 240 туркуми (1500 тури)бор, шулар 3 таси чучук сувларда, қолганлари денгизларда тарқалган. Хроматофораисида хлорофилл *а* ва *с* каротин, ксантофилл, айниқса жигарранг фукоксантин кўп бўлгани учун ранги қўнғир ва қорамтир. Юкак Қ.с. (мас., *ламинариясимон сувўтлар*) ўтказувчи ва дифференцияланмаган тўқималарга эга. Ҳужайра деворида альгин кислота ва фукоидин бор, сиртдан пектин ва шилимшиқ модда б-н қопланган. Протопластида битта ядро ва пиреноидсиз хроматофори бор. Бачкларида пиреноид бўлади. Жинсий ва жинсиз, баъзан вегетатив қўпаяди. Зооспораси ва гаметалари икки хивчинли. Юкак Қ.сда спорофит ва гаметофит галланади. Қўпайиш органлари бир уялн ёки қўп уялн спорангий. Жинсий жараёни *изогамия*, гетерогамия ва оогамия. Қ.с. барча денгизларда, айниқса, совуқ денгизларда катта ўтлоқлар ҳосил қилади. Уларлан альгин кислота, унинг тузлари, ёд уни ва бальзи доривор моддалар олинади. Айрим Қ.с. истеъмол қилинади (қиз қ. *Сувўтлар*).

ҚЎНҒИР ХРОМАТОРОШ — темир рудаси, темир гидрооксидли (гётит, гидрогётит, зепидокрокит ва б.) нинг кремний ва алюминий оксидлари ва гидрооксидлари б-н бирикмаси. Қ.т. — минераллариинг кичқ дисперс аралашмаси, ранги тўқ жигарранглан оч сариққача. Говак, тупроқсимон масса, оолит, дуккакли, конкреция ва сталактитлар кўринишида бўлади. Кизлин таркибида пирит, марказит ва б. сульфидлар, темир таркибли карбонатлар ва оксидлар ҳамда қазилма организмлар қолдиқлари учрайди. Қ.т. — темир рудаларининг энг кўп тарқалган тури, таркибида 30% дан ортиқ темир бўлиб ва зарарли аралашмалар — олтингугурт, фосфор ва марганец кам бўлса саноат аҳамиятига эга бўлади. Қ.т.нинг ҳосил бўлиши Ер пўстининг юқори ҳонасидаги оксидланиш жараёни б-н боғлиқ. Уларлан металлургия саноатида кенг фойдаланилади. Қ.т.нинг энг йирик конлари: чўкинди (денгиз, дарё, кўл, ботқоқлик) ва ўта асосли тог жинсларининг нураш пўстида вужудга келади. *Одатдги Қ.т.ларининг дунё бўйича энг* йирик чўкинди конлари: РФ (Гарбий Сибирь ҳавзаси), *Франция* (Лотарингия)да бор. Хром-никелли чўян ва пўлатларни қуйиш учун хом ашё ҳисобланадиган ўта асосли тог жинсларининг (никель, хром ва кобальт аралашмаси б-н) табиий легирланган Қ.т. конлари АҚШ, РФ (Урал), Куба (Маяри) ва Янги Каледонияда мавжуд.



Ўта Осиёда тарқалган асосий қўнғиз турлари: 1 — Колорадо картошка қўнғизи (L. *eptinotarsa decemlineata*); 2 — Комаров арриопия (Peroxia komarovi); 3 — гўнг суварак (Sphaeridium scarabaeoides); 4 — қумлоқ сустакаш (Oprtrom bibulosum); 5 — сассиқ сувўта қўнғизи (Calosoma sycophanta); 6 — чўл типа қўнғизи (Jakobis viridicalcis); 7 — полиз тутмака қўнғизи (Epilachna chrysomelina); 8 — оқдёк бурга (Psylloides nemoum); 9 — кахарка (Rhynchites bacchus); 10 — олдиё мой қўнғизи (Meloe proscarabaeus); 11 — лавлаги узунбурни (Bothynoderes punctiventris); 12 — мулдор қўнғиз (Saprinus mundulus); 13 — терак барғхўри (Melasoma populi); 14 — малина қўнғизи (Byturus tomentosus); 15 — гул малажачаси (Mylabris bloralis); 16 — Ўрта Осиё узунтана қўнғизи (Eremotenus chan).

ҚЎҒИР ТУПРОҚЛАР, чўл ва дашт қўғир тупроқлари — тупроқ типи. Асосан, чала чўлларда, Каспий ва Орол денгизларининг шим. соҳилларн ҳамда Қозогистон паст тоғ-*ларининг жан. қисмида тарқалган.* К.т. ювилмайдиган суви режимига эга бўлган, тупроқда нам етарли бўлмаган, буғланиш ёғинлар миқдорига нисбатан 4—5 марта кўп, *мухтн ипкорий, энзимн кескин континентал* — ёзи иссиқ, қиши совуқ, йиллик ёғин миқдори 100—250 мм бўлган ҳудудларда шаклланади. Тупроқ ҳосил қилувчи жинслар, асосан, лёссимон қумоқлар ва турли даражада шўрланган аллювиал-кўл чўкиндиларидан иборат.

К.т. тарқибидаги гумус миқдорига қараб 2 типчага бўлинади: типик К.т. (гумус миқдори 1,5—2%) ва оч қўғир тусли К.т. (гумус миқдори 1—1,5%). Гумус миқдори механик *таркибига қўра юқори қатламларда* 1,5—2% гача, қумоқ ва қумли тупроқларда 0,4—1% атрофида. Умумий азот тупроқнинг юқори горизонтларида 0,11—0,18, фосфор 0,06—0,25%. К.т.лари, асосан, чорвачиликда қўйлар боқиш учун айвонлар сифатида фойдаланилади. Шамол эрозияси кучли ривожланганлиги сабабли унга қарши кураш тадбирларига алоҳида эътибор берилади. Айвонлар қолгани яхшиланда *лиман усулида суғо-рилган* фойдаланиш мумкин.

Ходимат Мамедов

ҚЎҒИРБОШ (Роза L.) — бошоқлилар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик *ўтсимон ўсимликлар турқуми: ем-*



Қўғирбош: *1* — типчоқ; *2* — бир йиллик; *3* — майсазор қўғирбоши турлари.

ишчи, экин. Асосан, совуқ ва ўртача иқлимли минтақаларда 300 га яқин тури маълум. Ўзбекистонда шўрли К. (*P. bulbosa* L.), бир йиллик К. (*P. annua* L.), ўзгарувчан К. (*P. diaphora* Trin.), қисқатиклчали К. (*P. hemoralis* L.), ўрмон К.и (*P. silvicola* Gusa.), оддий К. (*P. trivialis* L.), майсазор К.и (*P. pratensis* L.), ингичкабарг К. (*P. angustifolia* L.) каби турлари кўп тарқалган. Кўп йиллик майсазор К.и *мухим хўжалик аҳамиятига* эга. Бўйи 10—30 см, рўваги 30 см гача, ёйиқ. Бошоқларн 3,5—6 мм, гулдари 2—5 та. Май—августда гулдаб уруғланн. 100 кг кўк массасида (бошоқланиш даврида) 24—25 *озуқа бирлиги* ва 3,5 кг ҳазм бўладиган протеин бор. Чўғ, алвр ва тог зоналарида, ариқ ва дарё бўйларида, дарахтзор ва бутазорларда, ўтлоқларда ўсади. Экма маданий яйловлар ва газонлар барпо этишда фойдаланилади. Чорва молларн хуш кўриб ейди.

ҚЎҒИРОТ — Ўзбек халқи тарихий-та кирган қабилалардан бири. Илк ўрта асрларда Оътрон, Мўғулистоннинг шим. қисмида яшаганлар. Ўрта Осиёга турли кўчманчи туркий қабила ва уруғлар К.лар атрофида уюшиб, уларнинг қабилавий *номини қабул қилишган.* 14-а.да Хоразмда К. зодагонлари орасидан суфийлар сулоласи ҳокимнят тепасига келган. 16-а.да К.лар Ўзбек улусидаги туркий қабилалар таркибига кирган. Улус парчаланиши б-н К.лар Ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва б. халқлар таркибига кирган. 14—16-а.лар давомида К.ларнинг айрим гуруҳлари Ҳуросон, Шим. Афғонистон ва Ҳисор-Шеробод водийсига келиб ўрнашганлар. Хоразм ҳудудига ўтган К.лар кейинчалик Хоразмнинг ғарбий ҳудудларига фаол интирок этишган. 18-асрнинг 2-ярми — 19-а. бошларида Хива хонлигини ўзбеклар*нинг* К. сулоласи бошқарган. Бу сулола 1920 й. большевиклар томонидан тугатилган.

Этнограф Б.Х.Кармишева К.лар 5 та катта уруғдан: вахтамғали, қўштамғали, *конжиғали, ойнили* ва тортувли-дан иборат эканлигини кўрсатган. К.лар орасида энг катта гуруҳ вахтамғали бўлиб, у 18 та катта уруққа бўлинади: очмайли, боймоқли, тароқли, чанчиқли, *қозоқли, ўймечли, қайчили,* ипшқли, қийтовли, жилонтамғали, болғали, қорақўнғирот, бугажили, уюқли, хандақли, ярноқли, абоқли кесовли.

20-а. бошида Бухоро хонлигида К.ларнинг умумий сони 85 760 кишидан иборат бўлган. Улар, асосан, Бойсунларё ҳавзаси (3525 киши)да, Қоратогларё (13 100 киши), Шерободларё (18 383) ва Сурхондарё (9 375) ҳавзаларида ҳам Кофирниҳонда (1 245), Қарши воҳаси (7 175)да, Ғузордарёнинг қуйи қисми (8875)да, Амударё водийси ва Термиз атрофи (3525) да яшашган.

19-а. охири —20-а. бошларида К.ларнинг аксарияти ярим ўтроқ ҳолда яшаб, *ҳўжалигида чорвачилик эҳтимол* роль ўйнаган.

Лит.: Кармишева Б.Х., Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана, М., 1976.

ҚЎҒИРОТ (1969 й. *гача Железнодорожный шаҳарчаси*) — Қорақалпоғистон Республикаси *Қўғирот туманидаги* шаҳар. Амударё дельтасида, унинг чап соҳилида, Ҳўжайли — Бейнов автотрассаси бўйида жойлашган. *Нукус* — Бейнов т.й. ўтказилгандан кейин Г.Вамбери ва б. ёзиб қолдирганлар. К. Устюрт ҳудудидан ўтадиган эски гулар йўғи ва Буюк ипак йўли орқали қадимги Қозоғистон, Россия, Кавказ халқлари б-н маданий, савдо алоқаларини *ўрнатган. 1842 й.* да унтер-офицер хариташунос Зеленининг тушириш шаҳар планида К. 2 томондан Талпиқ ва Хонжон қанаплари, *шим.дан* уз. 2,5 км ли, жан.дан 745 м ли, энн 5—10 м ли қўрғон девори, девор ташқарисида қанаг, б-н ҳимоя қилинганлиги кўрсатилган. Ўша даврда шаҳар аҳолиси, асосан, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, балиқ овлаш ва шаҳар ташқарисида овчилик б-н шуғулланган.

К.да саноат корхоналаридан пахта тозалаш, ун з-длари, Устюрт қидирув партиялари бошқармаси, «Устюртгеология» шўъба корхонаси, «Ийгиликгаз» қўшма корхонаси филиали, *темир-бетон буюмлари з-ди, Бухоро — Урал* ва Ўрта Осиё — Марказ газ қувурлари магистралининг компрессор станциялари, «Ўзбекистон темир йўллари» локомотив ва вагон таъмирлаш депоси ва бир нечта тармоқ корхоналари, «Ургенчтранстаз» шўъба корхонасининг газ қувурлари тармоғи бошқармаси, технологик сув б-н таъминлаш бошқармаси, гидромашоотлар, 3 автокорхона, қурилиш корхонаси, Таҳиатош нефть маҳсулотлари б-н таъминлаш корхонаси туман филиали, «Қўғиротгаз» филиали, «Қорақалпоқ-ипкилаёни қора металл» туман бўлими, 3 қўшма корхона («Туз ЛТД», «Қа-



Темирйўлчилар санаторий-профилакторийси.

эҳтиётқарбид», «НОИЛ»), Қўнғирот т.й. вокзали бор.

Қ.да *18* умумий таълим мактаби, болалар спорт мактаби, саноат — транспорт, к.х. касб-ҳунар коллежлари, Қорақалпоғистон давлат уч-ти қошидаги «Бизнес мактаби» Қўнғирот филиали, тиллар ўрганиш маркази, 9 кутубхона, Қўнғирот туман тарихи, Қўнғирот т.й. тарихи музейлари фаолият кўрсатади. Темирйўлчилар маданият ва истироҳат боғида *2-жаҳон урушида* қурбон бўлганлар хотирасига бағишланган Хотира ёдгорлиги бор. Туман марказий касалхонаси, Темирйўлчилар саноатий-профилакторийси, болалар касалхонаси ва поликлиникаси, сил касаллиги, тери-таносил касалликлари диспансерлари, туғруқхона мавжуд. Қ.дан Нукус, Хўжайли ва б. шаҳарларга автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган. Шаҳарда қорақалпоқ адиблари *Бердақ, Ажинийлар* таваллуд топганлар.

ҚЎНҒИРОТ СОДА ЗАВОДИ — қозоқ саноатининг йирик корхонаси. Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот ш. ҳудудида жойлашган.



Қўнғирот сода заводи.

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибида. Устюрт-дан қазиб олинадиган ҳом ашё конлари негизида натрий карбонат (Na_2CO_3) — сода ишлаб чиқаради. Корхона қурилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *1995 йил 2 мартдаги қарорига мувофиқ* бошланган. 2001 йилан «Ўзкимёсаноат» компаниясининг шўъба корхонаси. 3-ини лойиҳалаш ва технологик қисмининг қурилиши бўйича асосий шерик Хитойнинг «CITIC» компанияси ҳисобланади. Лойиҳа бўйича йиллик қуввати 100 минг тонна (*енгил ва оғир турларидан 50%-ган*) сода ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Корхона 2005 й.нинг ноябрь ойида ишга туширилди.

ҚЎНҒИРОТ СУЛОЛАСИ — Хива хонлигини идора этган хонлар сулоласи (1770—1920). Асосчиси — *Муҳаммад Амин инок*. У ёмутлардан бўлган Хива хонларига қарши курашиб, қокимиятни эгаллаган. Муҳаммад Амин инок ва ўғли *Авез Муҳаммад инок* тахтга чингизий кўчирок хонларини ўтқазиб давлатни амалда ўзлари бошқарган. *Эътиборга 1804 й.* Абдуғозийхон V Едгорхон ўғли (1802—04)ни тахтдан тушириб ўзини хон деб эълон қилган.

Қ.с. вакиллари: Муҳаммад Амин инок *(1770—90)*, Авез Муҳаммад инок (1790—1804), Элтузархон (1804—06), Муҳаммад Раҳимхон (1806—25), Оллоқулихон (1828—42), Раҳимқулихон (1842—45), Муҳаммад Аминхон (1845—55), Абдуллахон (1855—56), Қутлуғмуродхон (1856), Саид Муҳаммадхон (1856—64), Муҳаммад Раҳимхон II *(1864—1910)*, Асфандиёрхон (1910—18), Саид Абдуллахон (1918—20). *Ёш хонликлар* қизил армия ёрдамида 1920 *й. 2 февр.да* Саид Абдуллахонни тахтдан тушириб Хива хонлигини тугатилганини эълон қилишган.

ҚЎНҒИРОТ ТУМАНИ — Қорақалпоғистон Республикасидаги туман. 1927 й. 3 июлда ташкил этилган. 1963 й. Хўжайли туманига қўшиб юборилган. 1964 й. 22 февр.дан қайта тузилган. Шим.-шарқдан Мўйноқ тумани, шарқдан Амударё оқими Бўзатов, жан.-шарқдан Қанликўл, Шуманай туманлари, жан.дан Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти, ғарб ва шим.дан Қозоғистон Республикасининг Атирау ва Оқтўбе вилоятлари б-н чегараланган. Майд. 74,49 минг км². Ҳудуди ажратилган Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ичида энг *каттаси. Аҳолиси 113,2 минг киши* (2005). Туманда 1 шаҳар (Қўнғирот), 6 шаҳарча (Жаслиқ, Олтинкўл, Оқмўйнақ, Элобод, Қорақалпоғистон, Кубла-Устюрт), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (*Ажинийлар*, Навруз, Орнес, Раушан, Суэлли, Устюрт, Хорасм, Қўнғирот). Маркази — Қўнғирот ш.

Табиати. Ер юзаси, асосан, Устюрт платосидан иборат. Ўртача бал. 150—200 м, энг баланд жойи 290 м (туманнинг ғарбий қисмидаги Қорабовур қирида). Марказий қисмида Борсакелмас, шарқида Қорақўмбет шўрхоклари, жан.да Асаканбобон ботиғи, Туркманистон б-н чегарадош ҳудудида Қоплонқир текислигининг ва *Сариқамиш қўлининг шим. қисми жойлашган*. Иқлими кескин континентал, қурғоқ. Ёзи иссиқ, қиши совуқ. Январнинг ўртача т-раси —4,2° дан —6° гача, июлники 26,2°. Баъзан 28°. Энг паст т-ра январда —24°, энг юқори т-ра июлда 41°. Йиллик ўртача ёғин 100 мм. Вегетация даври 155—165 кун. Суғориладиган зоналарда 183 кун. Туман ҳудудидан Суэлли магистрал канали, Раушан, Олтинкўл каналларидан сув олади, шунингдек, туман ҳудудида Машан кўли ва шим. қисмида *Суэлли қўлининг жан. чеккаси* туташ. Тупроқлари Устюрт платосида, асосан, чўл сур-қўнғир, суғориладиган шарқий қисмида ўтлоқи-бўз ва ўтлоқи тупроқлардан иборат. Шўрхок, тақир тупроқлар ва тақирлар ҳам учрайди. Табиий усимликлари, асосан, чўл ўсимликлари: шувоқ (жумладан, гузшувоқ), шўра, қирқбўғин, қора сақсовул ва б., Амударё бўйларида тўқайлар мавжуд. Ёввойи ҳайвонлардан сайғоқ, бўри, тулки, қумсичқон, илон, калтакесаклар; кемирувчилардан ондатра, каламушлар;

қушлардан қирғовул, қарға, ўрдак, балиқхўр, ўрдакбўғун, сувларида балиқлар бор.

Аҳолиси, асосан, қозоқлар, шунингдек, корейс, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 1,52 киши (2005). Аҳолининг 41% (44 минг киши) қишлоқларда, 59% (69,2 минг киши) шаҳарларда яшайди.

Хўжалиги. Саноат корхоналаридан пахта тозалаш, ун тортиш, сода, темир -бетон буюмлари ҳ-ллари, «Устюртгаз» унитар шўъба корхонаси, Устюрт қидирув-пармалаш бошқармаси, «Ўрганчтрансгаз» шўъба корхонасининг 5 газ қувурлари тармоғи бошқармаси, Қўнғирот технологик сув б-н таъминлаш бошқармаси, локомотив ва вагон таъмирлаш депоси, гидроизоляторлар, автокорхоналар, қурилиш ташкилотлари, «ТуэЛТД», «Қозқўнғироткарбид», «HOILT» қўшма корхоналари, «Йўлчиларга» қўшма корхонасининг филиали ва б. ишлаб турибди.

Туман ҳ.хлнинг асосий тармоғи — пахтачилик, галлачилик (шу жумладан, шоличилик), гўшт-сут чорвачилиги. Ширкат ва фермер хўжаликлари, 6 мукобиз МТП, «Қўнғирот» машина-трактор парки фаолият кўрсатади. Қ.т.да 40 минг га ер суғорилади. Шундан 4 минг га ерга пахта, 4 минг га ерга шоли, 5,6 минг га ерга буғдой, 500 га ерга бошқа қ.х. экинлари экилади. 170,9 минг гектарга яқин ер майдони — ўрмонзор (асосан, саксовул, туранғил ва б.дан иборат). Қолган ердар пичанзор ва яйлов. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларида 27,6 минтта яқин қорамол (шу жумладан, 12 минтта яқин сигир), 58,9 минтта яқин қўй ва эчки, 1,2 *минтта яқин йилқи боқилади. Мўйноқ* балиқ ҳ-дининг Қўнғирот филиали ишлаб турибди.

2004/05 ўқув йилида тумандаги 56 умумий таълим мактаби (26 мингдан *зиёд ўқувчи*), 2 *касб-ҳунар коллежи* (3,3 минг ўқувчи), бизнес мактаби филиали, «Прогресс» ўқув маркази бор. 21 кутубхона, туман тарихи музейи мавжуд. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона мавжуд, тери касалликлари, сил касалликлари диспансерлари, 3 поликлиника, 24 фельдшер-акушерлик пункти, 7 овул врачлик пункти, 2 қишлоқ врачлик амбулаторияси, қишлоқ касалхонаси ва б. тиббий муассасаларда 196 врач, 1084 ўрта тиббий ходим ишлайди. Тумандаги автомобиль йўлларининг умумий уз. 996 км, шундан 375,5 км автотрассаси, т.йлар уз. 340 км. Буюк ипак йўлидаги халқаро йўл қирғизистоннинг бир қисми туман ҳудудида олиб борилмоқда. 1944 й.дан «Қўнғирот ҳақиқат» туман газ. чоп этилади (олади 2300).

ҚЎҢҒИРОТ — БЕЙНОВ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ (4Р189) — халқаро магистраль автомобиль йўли. Қўнғиротни Устюрт орқали Қозогистон Республикасининг муҳим темир йўл чорраҳаси ҳисобланган Бейнов ш. б-н боғлайди. Умумий уз. 316 км. Ўзбекистон Республикасининг шим.-ғарбидан Қозогистон Республикаси орқали Европа, Россиянинг марказий, жан., Урал минтақаларига боғловчи, портлар, йирик транспорт йўналларига чиқишга имкон берадиган, транзит кириш-чиқишни таъминлайдиган стратегик муҳим транспорт артерияси. 1972 йили ишга туширилган Қўнғирот — Бейнов т.й. қурилиши б-н бир шақда барпо этилган. Транспорт ҳаракоти жадаллиги ўсиб борайтганлигини ҳисобга олиб, 4-даражали, қатнов қисмининг кенглиги 10 м бўлган қира тўшамали маҳкул йўлни 1-даражали асфальт-бетон тўшамали қилиб қайта таъмирлаш лойиҳаси 2002 й.да ишлаб чиқилган. Йўл шу лойиҳа асосида кенгайтирилиб, қурилиш ишлари давом этмоқда ва 2006 й.да тўлиқ фойдаланишга топширилади. Трасса турли даражада шўрланган қўнғир-қулранг тупроқли чўл занасидан ўтган, иқлими кескин континентал, энг иссиқ ҳарорат 46° (авг.), энг совуқ —40° дек. ва янв. да кузатилади. Қўнғирот ва Жалиқ ст-ларини ҳисобга олмаганда трасса йўналиши бўйлаб аҳоли яшамайди.



Қўнғирот туз конида туз қазиб олиш.

Тошпўлат Мирзаев.

ҚЎҢҒИРОҚ — 1) қад. мусиқа чолғуси, урма *идиофон*. Дарак бериш, шунингдек, ёвуз руҳлар, бало-офатларни қайдаш мақсадида кўпгина халқларда (жумладан, Ўрта Осиёда ҳам) қўлланган. Темирдан, ичи бўш, тагі кесилган нок шаклида ясалади. Узоқдан эшитилгандаги товуши ичида осилган тилчасининг асосий танасига уриш натижасида ҳосил бўлади. Европада 4—6-асрлари катта Қ.ларни в.ч. йўлга қўйилган. Энг йириклари Россияда (мас., Москвадаги 200 т.-ли «Шоҳ-Қ.»ғ чиқарилган. Қ.лар христианлик, буддизм ва б. диний маросимлар жараёнида қўлланади; 2) қўнғироқлар — *симфоник оркестр* таркибидаги урма мусиқа чолғуси. 2 м




Қўнғироқ.

Қўнғироқлар.



баландликдаги ромга осилган, турли узунликдаги 12—18 темир ўқоз, пўлат ва б.з трубкадан иборат. Уларни махсус болғачалар ёки уриб, содий Қ.дан фарқли ўлароқ, муайян баландликка эга, хроматик гаммада созланган товушлар (диапазони 1—1,5 октава) чиқаради; 3) қўнғироқчалар — симфоник мусиқа, опера ва балетларда қўлланилган мусиқа чолғуси. Кути ичида жойлашган 25—32 турли узунликдаги металл пластинкадан иборат. Диапазони 2—2,5 октава, хроматик товушқаторга эга.

ҚЎНҒИРОҚГУЛ (Campanula L.) — қўнғироқгуллдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми. Шим. ярим шарнинг ўрта кенгликларида, Европанинг жанубий ва Олд Осиёда 300 га яқин тури тарқалган. Баъзи турлари мансарали. Ўзбекистонда Қ.нинг 6 тури учрайди, шулардан Федченко Қ.и кенг тарқалган. Бўйи 10—25 см, кўп пояли, барглари кенг тухумсимон, кенг эллипссимон ёки ромалок. Гуллари тўпгул, баъзан бироз зигоморф, шаклн қўнғироқсимон, кўк, зангори, оқ, баъзан бинафша ранг, алоҳида жойлашган. Ўрмак, шиғил ва б. тўпгуллар ҳосил қилади. Июнь—июль ойларида гуллаб уруғлайди. Меваси кўсакча. Тобларда қоялариинг ёриқларида ўсади. Манзарали тури уруғидан, илдиз бачкиларидан ва тупини бўлиш орқали кўпайтирилади. Баланд бўйли Қ. гулдаста қилиш учун, паст бўйлилари эса гулзор четларини безаш учун экилади. Айрим турларининг илдиз ва барглари озиқага ишлатилади.


Қўнғироқгул

ҚЎНҒИРОҚГУЛДОШЛАР (Campanulaceae) — икки уруғпаллали ўсимликлар оиласи. Ўт, чала бута ва кичик дарахтлардан иборат. Қўпчилигининг сут шираси бор. Барглари бутун, навбатлашиб, баъзан қарама-қарши ёки доира бўлиб жойлашган. Гуллари тўпгул, баъзан зигоморф, икки жинсли. Гултожи қўнғироқсимон қўшилиб ўсган. Олдинги 5 та. Меваси кўп уруғли кўсак ва ёки резавор.

Шим. ярим шарнинг мўътадил минтақаларида ҳамда Жан. ярим шарнинг мўътадил ҳудудларида 70 туркуми (2000 тури) бор. Шунлан Ўзбекистонда 6 туркуми (13 тури) ўсади. Қ.дан қўнғироқгул ва доленки кенг тарқалган.

ҚЎНҒУРОВ Раҳматулла (1933.7.2, Жиззах вилояти Фориш тумани Нурак қишлоғи — 1994.8.12, Самарқанд ш.) — тилшунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989), филол. фанлари д-ри (1983), проф (1984). Жиззах пед. билим юртини (1951), СамДУ ўзбек филол. ф-тини (1956) тугатган. СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи (1956—58), доцент (1963—83), кафедра мудири (1971—94), ўзбек ва тожик филол. ф-ти декани (1985 йлан ўринбосарлик асосида). Қ.нинг асосий илмий ишлари адабий тили морфологияси, лексикологияси ва лексикографияси, стилистика ва топонимикаси, бадиий асарлар тили ҳамда нутқ маданияти масалаларин бағишланган («Ўзбек тилида тасвирий сўзлар», 1966; «Ўзбек тили стилистикасидан очерклар, 1974; «Бадиий матннинг лингвистик таҳлили», 1990; «Нутқ маданияти ва услубият асослари», ҳамкорликда, 1992 ва б.).

ҚЎПОРУВЧИЛИК — портлатиш, ўт қўйиш ёки бошқа усул б-н корхоналар, иншоотлар, йўллар, алоқа воситаларини ёқуд бошқа давлат, жамоат мулкини бузиш ёки шикастлантириш, ёппасига заҳарлаш ёки эпидемиялар ва эпизоотиялар тарқатиш (қайноналарга касаллик юқтириш) ва ҳ.к. Ўзбекистон жиноят кўкуқида — Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлардан бири. Қ. содир этилиши натижасида мамлакат халқ хўжалигининг муҳим объектлари йўқ қилиниши мумкин. Бу эса жиҳтисодиётга катта зиён етказади. Қ. натижасида одамлар ҳалок бўлади, уларнинг соғлиғига зарар етказилади, аҳолининг руҳий ҳолатига салбий таъсир этилади, саросимага тушиш ва б. салбий ҳодисалар юз бериши мумкин. Қ.нинг ҳайвонларни қириб, нобуд қилишга йўналтирилган турн ҳам бор, қўпорувчилар бу б-н халқ хўжалигини барбод этиш мақсадини кўзлайдилар. Қишлоқларни эҳқарлаш, юқумли касалликлар тарқатиш шакллдаги Қ. ҳаракатлари ҳам оғир жиноятлардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кўрс ҳамда органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки жиҳтисодиётига путур етказиш мақсадида одамларни қириб юборини, уларнинг соғлигига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар содир этган шахслар 10 йлдан 20 й.гача озодликдан маҳрум қилиш б-н жазоланади (161-модда).

ҚЎР — 1) майда тўғ ярлаш иосиқ кул; майда тўз. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий асарларида Қ. сўзи иосиқ кул ва милтиқ дори (порох) маъноларида ишлатилган; 2) тўплаб ва ғамлаб қўйилган керакли нарса; захира бойлик. Бу сўз кут-барака маъносида ҳам ишлатилган. Кўпини тўплаб, бир жойга дашкар тайламоқни қўр тўкмоқ дейилади.

ҚЎРБОШИ — тарихий ҳарбий атама; 1) ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликлари ва айрим Шарқ давлатларида дастлаб шаҳарни ташқи қўриқловчи миршаб; сўнгра қурол-ярог омбори (қўр) мутасаддиси ҳамда қурол-аслаҳа, турли яроқлар ва тўп ясаш корхоналари (қўрхона) бошлиғи. Қўқон хони Худоёрхон даврида Қ. қўрхона, миштиқхона, тўпхоналарга бошчилик қилиб, у хом ашё топиб келишдан то тайёр маҳсулот н.ч. ва уларни хон қарорига бинoан тарқатиш жараёнига бошчилик қилган; 2) Туркистон ўлкасида Октябрь тўнтаришигача бўлган даврда маҳаллий полиция бошлиғи. Мас., Қўқон ва Марғилонда 1917 й.да шаҳар миршабларининг бошлиғи Қ. деб аталган; 3) Туркистонда совет режимини қарши қўролли ҳаракат ҳарбий раҳбарларининг унвони. Қ. халқнинг турли табақаларни орасидан чиққан обрўли шахс ҳисобланган. Қ.лар орасида қатто аёллар ҳам бўлган.

ҚЎРИҚ ВА БЎЗ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ — қўриқ ва бўз ерларни қ.х. ишлаб чиқаришига киритиш жараёни. Ерларни ўзлаштиришда ўтказиладиган тадбирлар ва уларнинг кўлами табиий ва иқтисодий шароитларга, ер ҳолати, ундан фойдаланишдаги йўналишлар ва ихтисослашувга боғлиқ. Бунга мелиоратив ишлар (суғориш тармоқлари қуриш, сув бериш техникаси, дренаж, шўр ювиш ва б.); агротехник ишлар (ўғит ва кимёвий мелиорантлар сепиш, кротлаш, коваклаш) йўли б-н тупроқ аэрацияснни яхшилаш, ерни дарахт ва бута ўсимликларидан тозалаш ва б.); қурилиш ишлари (қ.х. ва унга яқин тармоқларнинг нормал ишлаши учун зарур н.ч. объектлари барпо этиш, турар жой посёлкалари, маданий-маиший ва коммунал объектлар қуриш ва ҳ.к.); ташкилий ишлар (ўзбекларлар ташкил этиш, уларнинг моливий ва хўжалик таъминоти, ерўзни кўчириб келтириш ишлари ва ҳ.к.) киради. Агар ерларни ўзлаштириш бўйича ишлар ягона режа асосида яти амалга оширнлса — комплекс ўзлаштириш усули, бошқа ҳолларда эса — босқичли усул дейилади. Собиқ

Иттифоқда 1954–60 йилларда фойдаланмай ётган ерларни экин майдонларига айлантириш мақсадида Қ. ва б.е.ғ. ауда катта миқёсда амалга оширилган. Қозоғистон, Волгабўйи, Шарқий ва Ғарбий Сибирь, Узоқ Шарқ р-нларида шу йилларда 41,8 млн.га қўриқ ва бўз ерлар ҳайдалиб (шу жумладан, Қозоғистонда 25,5 млн.га) дон (бугдой) етиштирадиган хўжаликлар барпо этилди ва 1960 й.да шу ерларнинг ўзидан 58,7 млн. т бугдой ҳосили олинди. Ўзбекистонда суғорилайтган ерларни комплекс ўзлаштириш-нинг биринчи объекти *Мирзачўл* бўлди. Ўзлаштириш ишларини мақсус тузилган бошқарма олиб борди. Бу ерда 400 минг га га яқин ер ўзлаштирилди. Ўзлаштиришнинг комплекс усули Қарши, Жиззах, Сурхон-Шеробод чўлларида, Қуйи Амударёда, Қорақум каналн зоналарида (Туркманистон) ва б. массивларда муваффақиятли қўлланмоқда. Ерларни ўзлаштириш жараёнида инсон ҳулқларининг табиий шароитларига фаол таъсир кўрсатади, шу сабабли бу тадбирнинг экологик оқибатларини ўрганиш зарур.

Ад.: Покровские Геологи стели, Т., 1960; Духовный В. А., Ирригационные комплексы на новых землях Серней Азии, Т., 1983; Тожиев Р., Мирзачўлни ўзлаштириш, Т., 1984.

ҚЎРИҚ ЕР — зарур даврномда экин экилмаган, табиий ўсимликлар б–н қопланган ер. Ҳайдалма ерларга инсбатан Қ.е. тупроғининг ялпиз ҳосили кам қавати кўп миқдорда гумус, азот ва ўсимликлар озиқланиши учун муҳим бўлган бошқа элементларга бой бўлади. Бегона ўтлар уруғи б–н кам инфосланган, биологик фаолиги паст ва ўзига хос сув режимига (қуртогчил р-нларда ўлар кучли қуруқ, нам ерларда кўпроқ намчил) эга. Қ.е.нинг бу хусусиятлари ҳар хил типлари Қ.е.ларда турли даражада намоён бўлади.

Қ.е.лар: чўл, дашт ва ярим чўл, дарёбўйи, ботқоқ, сувсиз водий ийдоналари ва ўтлоқлари каби асосий типларга бўлинади. Қ.е. деҳқончиликда ҳайдалма ер ресурсларини кўпайтиришнинг асосий манбаи (қ. *Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш*).

ҚЎРИҚХОНА — белгиланган қонунларга мувофиқ, давлат томонидан ажратилган, алоҳида ҳимоя ёки маданий аҳамиятга эга бўлган ғаройиб ёки нодир ландшафт, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, фойдали қазилмалар ва б.з, табиий объект жойлашган ер (ҳудуд) ёки сув ҳавзаларини; в. т. ва маданий-маърифий мақсадлар учун узоқ муддатга ажратилган ва ўзгалигича ҳўжалик ишларидан ҳали ташлаб мажмуа.

20-а.нинг 90-й.ларида БМТнинг «Миллий боғлар ва улар мақомидаги қўриқхоналар рўйхати»га 2618 алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар (ер майдони 4 млн. км² дан ортиқ ва Ер юзидаги қўриқхонинг 3% ини ташкил қилади) киритилган.

Қ. ҳудуди ва унинг атрофидаги белгиланган чегаралари муҳофаза қилинишлигини зоналарда Қ. табиий мажмуасига зарар етказадиган ёки табиий объектларга хавф тутдирадиган ҳар қандай фаолият (ов қилиш, балиқ тутиш, дарахт кесиш, фойдали қазилмаларни қазлаш, ўт ўриш, мол боқиш ва б.), шунингдек, Қ. фаолияти б–н боғлиқ бўлган саноат ва қ.х. объектлари қурилиши ҳам тақиқланади. Қ. ҳудудига мазмунвайронит рухсатисз бегона одамлар киритилмайди.

Ўзбекистонда Қ.ларнинг ташкил қилиниши, фаолияти, тақминотн ва муҳофазаси Ўзбекистон Республикасининг 2004 й. 3 декабрдаги «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуни б–н тартибга солинади. Қ.ларда режа асосида и.-т. ишлари олиб борилади, табиат йилномалари, илмий ҳисоботлар (биллик, беш йиллик) тузилади, тавсияномалар, Қ. ҳудуди ва миллий боғларда қўриқхона тартибига риоя қилиш талаб ва қоидалари ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг Ошчилик ҳўжаликлари, *қўриқхоналар ва миллий боғлар бошқармаси*, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси таъсарруфида 8 та давлат қўриқхонаси бор: *Зомин тог-ўрмон давлат қўриқхонаси, Бодайтоғлй давлат қўриқхонаси, Қизилқум давлат қўриқхонаси, Зарафшон давлат қўриқхонаси, Сурхон давлат қўриқхонаси, Хисор давлат қўриқхонаси, Чотқол давлат-сафсра қўриқхонаси, Китоб давлат геологня қўриқхонаси.* Ўзбекистонда, шунингдек, *миллий боғ ва биюртма қўриқхоналар* фаолият олиб боради.

ҚЎРҚЧИ — тарихий ҳарбий атама; 1) ўрта асрларда Туркистон ва айрим Шарқ давлатларида туркий қабилаларнинг эътиборли ва ишончли кишиларидан саройда тузилган махсус сарбозлар ҳарбий қисм жангчилари, ҳукмдор ва нуфузли ҳамда шахсий қўриқчилари; 2) Темурийларда экинзорларни қўриқловчи ҳарбий қисм жангчилари. Уларнинг бошлиғи қўрчи бошн, қурол-аслаҳаларн сақланадигани жой қўрқона дейилган; Шайбонийлар ва Ўрта Осиёда хонликлар даврида хон ўрдасини қўриқлаб турувчи махсус ҳарбий қисм жангчилари. Қ. юзирги пайтда замонавий гвардиячи атамасига тўғри келади.

ҚЎРҚИТИШ — жиноят ҳуқуқида бирон-бир шахсга ёки ижтимоий манфаатларга оғзаки, ёзма шаклда ёхуд бошқа усуллар б–н жисмоний, моддий ёки бошқа турдаги зиён етказиш ниятини ифода этиш; инсоннг руҳий азоб бериш турлари (қийнаш усулларидан бири. Ўзбекистон ЖКнинг 112-моддасида ўлдириш ёки ўрлик ишлатиш билан Қ жиноятн на унга белгиланган жазо баён этилган. Мазкур жиноят ўлдириш ниятн ёки ўрлик ишлатишга намоён бўлиб, бундай ҳаракатларни амалга оширнш учун етарли асослар мавжуд бўлса тугалланган ҳисобланади. Айбларнн жавобгарликка тортиш учун жабрланувчининг таҳдидларн амалга оширишлигин қўрқиш учун асос ҳисобланишлн мазкур ҳолатларнинг мавжуд бўлиши лозим. Қонунда бундай жиноят содир қилинган шахсга энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараварнгача миқдорда жаримадан тортиб 1 йилан 3 йилча ноозликлан маҳрум қилишгача жазо белгиланган.

ҚЎРҚУВ — инсонларн руҳий ҳолатларидан бири; нарса ва ҳодисаларнинг асл моҳиятн, кўринишн тўғрисида аниқ тасаввурнинг йўқлиги туфайли безовталанишн, ҳаяжонланиш, ташвишланиш кечинмаларнинг юзага келиши. Қ. кўпинча одамларда юрак уришининг ортиши, баданнинг тер б–н қопланишида ўз ифодасини топади. Қ. *инсонларда тасодифий, фавқулоддаги* вазиятларда, невротик ҳолатларда, руҳий шикастланишда учраб туради. Қ.дан одам ўзини ноҳуш, ноқулай ҳис этса-да, лекин кўпинча ўзини ўзи назорат қила олмайди. Онтогизнкнинг онгсизликдан устунлнги шундай ҳолатлн келтириб чиқаради. Чуқур ҳаяжонланиш оқибатлари инсоннн руҳий қатлиқ азобланди. Психологияда Қ.нинг ҳар хил турлари ўрганилган. Қ.нинг асосий кўринишлари: қисқа бўлиб қолишдан қўрқиш, кўтнлнклан нзза бўлишдан қўрқиш, қизариндан қўрқиш, ўзйи етгиз қолишдан қўрқиш; транспорт воситаларидан қўрқиш, шифокордан қўрқиш, нихолдан қўрқиш, мозордан қўрқиш, ҳайвонлардан қўрқиш, жимликдан қўрқиш; мўралан қўрқиш, ҳўкўз-тартибот ходимларидан қўрқиш ва б. Инсоннн табиат ва турмушдаги воқеликларни тўғри тушишига, идрок қилишга ўргатиш,

машқ қилдириш орқали Қ.ни камайтириш мумкин. Шахснинг сust, заиф асаб тизимини жонлантириш, таъна эзгуларини машқ қилдириш, иохуш хотираларни бартараф этиш орқали Қ.нинг ташқи ифодасини камайтириш бўлади. Психотерапевтик таъсир ўтказиш воситалари ёрдами билан Қ.ни аста-секин йўқотиш имконияти мавжуд.

ҚЎРҒОН — 1) қум, тупроқдан ҳосил қилинган сунъий тепа. К., кўпинча айлана, овал, тўғри тўртбурчак, квадрат тарзли, атрофи девор б-н ўралиб, ичини қум, тупроқ, шағал б-н тўлдириб суньий ҳосил қилинган. Қлар узоқ ўтмишда мудофаа мақсадлари учун хизмат қилган. Ўзбекистон ҳудудлари Телақўрғон, Чиқўрғон, Қумқўрғон, Тупроққўрғон, Ғиштқўрғон каби қишлоқ номлари шундан; 2) ўрта асрларда қалин ва баланд мудофаа девори б-н ўраб қурилган, асосан, бир дарвозали шаҳар қалъа. Табиий тепаликларда, баъзан балана супа ишланиб устида бунёд этилган; 3) баланд девор б-н ўралган қишлоқ, атрофи кўпинча экинзорлардан иборат бўлган; 4) қад. қабристон тури (*антропўғрон*), Жан.-Шарқий Осиёда жасадни куйдириш расм бўлган халқларда марҳумнинг кокп устига тупроқ ташланган, шу тарзда тупроқ ташланавериб, Қ. ҳосил бўлган. Америка, Европа, Шим. Осиёда ёғоч, тош, лойтупроқдан мақбуе иншоотлар қуриб дафн этилаётган жойлар тайёрланган, бу иншоотлар устига тупроқ ётқизилган, гох тумбоз б-н ёпилган. Қларнинг бал. 3–6 м, диаметри 3— 4м Ўзбекистоннинг Наманган вилоятидаги Туйтепа, Чирчик, Самарқанд вилоятидан қамда *Ливандан кабристонидан* топилган.

ҚЎРҒОН ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ — ўзбек фольклоршунослигида бахшилик санъати марказлаштирган. Қ.м.га мансуб бахшилар Манғишлоқ, Ўрпоқа тоғи, Оқтов этакларида, Миёнқалга қадар чўзилган кенг ҳудудда яшаганлар. Уларнинг қўпчилиги Қўрғон қишлоғида тарбия топган. *Эргаш Жуманбўлов* ўғлининг ота-боболари асос солган бу мактаб 17—20-асрларда яшаган Егғор Уста Қулай ўғли, Уста Лафас Егғор ўғли, Тилла мамин, Мулла Тош Уста Лафас ўғли, Мулла Холмурод Мулла Тош ўғли, Жолмон бахши, Суятон кампир, Қулсамад бахши, Жуманбўлбул, Жоссоқ, Мулла Холмурод ўғли, Ёрлақбой бахши, Эргаш Жуманбўлбул ўғли, Дарвеш бахши, Пудакан шоир, Оллоёрод бахши, Этамберди Оллоёрод ўғли, Уста Холқул, Абдумурод Бердиқул ўғли, Қурбонқул бахши, Марди шоир, Раҳматулла Юсуф ўғли каби ўнлаб достончиларни бирлаштирган. Бу бахшилар кўпроқ ишқий достонлар куйлашган. Ўзига хос чуқур лиризм, чиройли тасвирлар, нозиклик ва жимжимадорлик Қ.д.м. услубининг асосий белгиларидир. Бу қол Қ.д.м.нинг кўпроқ ёзма адабиётдан анъаналарига уйғунлашиб боғранлигини кўрсатади.



Қўрғонтепа шаҳрига кириш йули.

ҚЎРҒОНТЕПА — Андижон вилояти *Қўрғонтепа туманидаги* шаҳар (1976 йдан), туман маркази. Шаҳрихонсой ва Андижонсой ўртасида жойлашган. Т.й. станцияси (Савай). *Андижон* ш.дан 41 км. Қ. ҳудудидан республика аҳамиятидаги автомагистраль ўтган. Аҳолиси 28,3 минг кишн (2005). Қда пахта тозалаш з-ди, пайпоқ тўқиш ф-каси, ятгорлик ф-каси филиали, нон к-ти, Тошкент инструменталз-дининг филиали, автокорхоналар, МТП, деҳқон бозори, қурилиш ташкилотлари, кичик, ўрта бизнес корхоналари, «Элиҳозо» сервис қўшма корхонаси бор.

Умумий таълим, болалар мусиқа ва спорт мактаблари, 3 касб-ҳунар коллежи, туман марказий қутубхонаси ва унинг шоҳобчалари, клуб муассасалари, маданият саройи, маданият ва ижтимоият боғи, Хотира майдони мавжуд. Спорт мажмуаси, стадион ва б. спорт иншоотлари фаолият кўрсатади. Туман марказий касалхонаси, тутуруҳона мажмуаси, поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Қдан Тошкент, Андижон шаҳарига автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган.

ҚЎРҒОНТЕПА — Тожикистон Республикасидаги шаҳар. Хатлон вилояти маркази. Вахш водийсида, Вахш дарёсининг чап соҳилида, ўртача 428 м баландликда. Душанбе ш.дан 99 км жан. да жойлашган. Т.й. станцияси (Қ. орқали Термиз — Ёвон т.й. ўтган). Аҳолиси 60,5 минг кишилан зиёд (2001). Ёзма манбалар ва археологик топилмалар тасдиқлашича Қ. қушонлар даврида (1—4-а.лар) вужудга келган ва ўша пайтда Левакенд деб юритилган. Араблар истилосигача шаҳар обод бўлган, пул зарб қилинган. 7—8-а.ларда шаҳар халифалик таркибида, 13-а.дан мўғуллар, сўнг Темурийлар ва Шайбонийлар тасарруфида бўлган. 16-а.да шаҳар анча равнақ топди. Қ.нинг ҳоз. номи тарихий манбаларда илк бор 17-а.дан учрайди. Шаҳар ёнидаги баланд тепалик қушонлар даврилан қолган қўрғон қаробаси деб тахмин қилинади.

Трансформатор таъмирлаш, механика, пахта тозалаш, гиштз, сут, пиво, мева-сабзавот консерва, ёғ-мой з-длари, нон, гўшт, дон маҳсулотлари н.ч., машиий хизмат кўрсатиш к-тлари, «Тожиктабак» корхонаси, тикувчилик н.ч. бирлашмаси ишлаб турибди. Пед. университети, энергетика техникуми, ҳунар-техника билим юртлари, тиббиёт ва педагогика ўрта махсус билим юртлари, 12 умумий таълим, мусиқа мактаблари бор. Шаҳар марказида Исмоил Сомонийга ҳайкал ўрнатилган.

ҚЎРҒОНТЕПА СУВ ОМБОРИ — Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманн жан.да, Олтиариқ шаҳарчасидан 10 км узоқликда барпо этилган гидротехника иншоотн. Шоҳмардон дарёси ва Файзиободсой суванни мавсумий йиғади. 1-навбатни 1975—77, 2-навбати 1980—81 й.ларда қурилган. Сув омбори ёнма-ён жойлашган 2 омбордан иборат, табиий сойликларнинг олдини тўсиб ҳосил қилинган. Арабгепасойда қурилган 1-омборнинг тўлиқ ҳажми 24,0 млн. м³, тупроқли тўғони бал. 45 м, тўғони уз. 620 м, сув юзаси 2,4 км², максимал сув чиқариш имконияти 5 м/сек. Кемкўлсойдаги 2-омборнинг тўлиқ ҳажми 8,7 млн. м³, тўғони бал. 35 м, уз. 450 м, сув юзаси 1,3 км², сув ўтказиш имконияти 10 м³/сек. *Жанубий Фарғона каналига* ва Сўх-Шоҳмардон каналига сув беради. 11 минг га ер майдонини суғоради.

ҚЎРҒОНТЕПА ТУМАНИ — Андижон вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Шим.-ғарбда Жалолқудуқ, жан.-ғарбда Хўжаобод туманлари, шарқ, жан.-шарқ ва шим. да Қирғизистон б-н чегараланган. Майд. 0,48 минг км² га яқин. Аҳолиси 160,4 минг киши (2005). Туманда 2 шаҳар (Қўрғонтепа, Қорасув), 5 қишлоқ фуқаролари йиғини (Дарлоқ, Савай, Султонобод, Чимён, Кўрғонтепа) бор. Марказ и. — *Қўрғонтепа* ш.

Табиати. Қ.т. Андижон вилоятининг шим.-шарқида, Фарғона ва Олай тизмаларининг этак қисмида жойлашган. Ер юзаси шарқдан (бал. 1000 м гача) ғарбга (500 м гача) пасайиб борувчи тог олди қия текисликлардан ва Тошқўр, Сўлоқ адирларидан иборат. Иқлими континентал; ёзи иссиқ, қиши нисбатан совуқ, Ўртача т-ра янв. да —2° дан —3° гача, июлда 26—26,5°. Энг паст т-ра қишда —24°, энг юқори т-ра ёзда 41°. Йиллига 250—400 мм ёғин тушади, асосий қисми қиш ва баҳор ойларида ёғади. Вегетация даври 220 кун. Туман ҳудудидан Қорадарё ва унинг тармоқлари Шахрихонсой ва Қорағунон ариғи, жан. чегарасидаги Савай каналлари оқиб ўтади. Тупроқлари ўтлоқи, ўтлоқи бўз тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан шўра ва б., асосан, адирларда ва ҳайдалмаган ерларда ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан адирларда бўри, тулки, жайра, шунингдек, турли хил судралувчилар, кемирувчилар, қушлар, суваларида балиқлар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, тожик, рус, татар, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 334 киши. Шаҳар аҳолиси 57,5 минг киши, қишлоқ аҳолиси 102,9 минг киши (2005).

Хўжалиги. Туманда пахта тозалаш, енгил э-длари, дон маҳсулотлари, «САМО» ҳаҳидорлик жамияти, «Ал-Нур» масъулияти чекланган жамият, нон к-ти, мақсадли саноат газдама, ҳарторлик буюмлари, тикувчилик, пайпоқ тўқиш ф-калари, тўқимачилик корхоналари, автокорхона, МТП, қурилиш ташкилотлари, деҳқон бозори, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар, «Зи-жизот» қўшма корхонаси фаолият кўрсатади.



Қ.хнинг етакчи тармоқлари — пахтачилик ва галлачилик. Сабзавот, полиз экинлари, картошка етиштириш, токчилик ва боғдорчилик ҳам ривожланган. 12 жамоа ва ширкат хўжаликлари, 282 деҳқон ва фермер хўжаликлари ишлаб турибди. Тумандаги экин майдонларига пахта, галла, картошка экилади. Пичанзор ва яйловлар, мевазор ва токзорлар бор. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 42 минг.дан зиёд қорамол (шу жумладан 19,9 минг.дан ортиқ сигир), 55,8 минг.га яқин қўй ва эчки, 142,2 минг.га яқин парранда, 975 йилқи боқилади.

Туманда 55 умумий типдаги мактаби (36,5 минг ўқувчи), болалар мусиқа ва спорт мактаблари, 4 касбҳунар коллежи (2432 талаба), меҳнибонлик уйи фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 36 та тармоғи (371,1 минг.дан зиёд асар), ўлкашунослик музейи, клуб муассасалари, маданият уйлари, 2 маданият ва истироҳат боғи, Хотира майдони мажмуа. Стадион, спорт мажмуаси ва б. спорт иншоотлари бор. 6 касалхона (шу жумладан, туман марказий касалхонаси), поликлиника, туғруқхона, дорихоналар, 7 қишлоқ врачлик пунктн, 13 фельшер-акушерлик пунктн, 5 хусусий тиббий муассаса аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан т.й. ўтган. Туман марказидан Тошкент, Андижон ва б. шаҳарларга автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҚЎРҒОШИН (лот. Plumbum), Pb — Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 82, ат. м. 207,2. Табиий Қ. 5 та барқарор изотоп: ^{202}Pb (изқуд оз миқдорда), ^{204}Pb (1,5%), ^{206}Pb (23,6%), ^{207}Pb (22,6%) ва ^{208}Pb(52,3%) лардан иборат.

Қ. милоддан 6—7 минг йил аввал Миср, Месопотамия ва қад. дунёнинг бошқа мамлакатлари халқларига маълум бўлган. Улар Қ.дан ҳайкал, уй анжомлари ва б. буюмлар ясашган. Римликлар Қ.дан сув қувурлари сифатида фойдаланишган. Юнонистон ва Қад. Римда Қ. бирикмалари — Қ. кули PbO ва Қ. ли ок бўёқ 2PbCO$_3$·Pb(OH)$_2$ турли дори ва бўёқлар тайёрлаш учун ишлатилган.

Қ. Ер пўстининг масса жиҳатидан 1,6·10^{-3}% ини ташкил этади. Унинг 80 га яқин минерали маълум (булардан энг муҳими галенит PbS). Полиметалл рудаларнинг оксидланиш зоналарида Қ.нинг (90 га яқин) иккиламчи рудалари ҳосил бўлади; улар жумласига англезит $PbSO_4$, церуссит $PbCO_3$, крокоит $PbCrO_4$, пироморфит $Pb_5(PO_4)_3Cl$ киради. Қ. рангсиз



Қўрғонтепадаги кўкламзор.

Султонобод қишлоғидаги қарияларнинг йиғилиши.



актив элементларнинг емирилишдан ҳосил бўлган охирги маҳсулот сифатида уран, торий ва актиний қаторларида учрайди. Биосферада K_c оз миқдорда ва тарқоқ ҳолда бўлади (тирик организмда $5 \cdot 10^{-6}$%, денгиз сувида $3 \cdot 10^{-6}$%). Табиий сувлардаги K_c *ионлари лойга ютилиб, водород ионлари* таъсирида PbS ҳолида сув тубига чўкади, натижада денгиз балчигида K_c тўпланиб боради.

K_c ёқлари марказлашган куб шаклида кристалланади. K_cнинг аллотропик шакл ўзгариши йўқ; суюқланиш т-раси 327,4°, қайнаш т-раси 1725°, зичлиги 11,34 г/см³. K_cнинг ўз бирикмаларидаги оксидланиш даражалари +2 ва +4; кимёвий фаол элемент эмас. K_cнинг Pb_3O_4 PbO, PbO_2, Pb_2O_3 ва Pb_2O_3 таркибли оксидлари маълум. Кислородсиз шароитда сув K_cга таъсир этмайди. K_cнинг Pb $(OH)_2$ ва Pb$(OH)_4$ таркибли гидроксидлари амфотер. Водороли бирикмаси PbH_4 рангсиз газ, бекарор модда, у Pb ва H_2 га парчаланади. K_c галогенлар б–н бирга қиздирилса, PbX, таркибли, суюқ ва оғир ёлқин галогенидлар ҳосил қилади (бу ерда X—галоген).

Сувитда K_c PbS ва қисман K_cнинг кислородли бирикмаларидан олинади. Металл ҳолдаги K_c олиш учун PbS ни ҳаво иштирокида қуйдириб, ҳосил бўлган PbO ни кўмир таъсирида хомаки K_cга қадар қайтарилади. Қуйдириш жараёнида пайдо бўладиган $PbSiO_3$ ни қайтариш учун оҳак қўшилади. Хомаки K_cда 92—98% Pb бўлиб, қолган қисмини Cu, Ag (баъзан Au), Zn, Sn, As, Bi, Fe ташкил қилади.

K_c жуда кўп миқдорда K_c аккумуляторлари учун сарфланади. K_c γ- ва б. радиоактив нурларни ютиши сабабли K_cдан радиоактив моддалар сақланадиган идишлар, рентген хоналари учун қурилмалар тайёрланади. Электр кабелларин коррозиядан ва механик таъсирдан ҳимоя қилиш учун K_c б–н қопланади. K_c асосида жуда кўп қотишмалар ҳосил қилинади. K_c оксид PbO билурга оптик шишалар тайёрлашда ишлатилади. Унинг азали ва спифати (тринитроресорцинати) порлоқлик модда-лар учун тутатгичнинг спифатида ишлатилади. K_cнинг тетраэтилли эса антидетонатордир. H_2S нинг бор-йўқлигини аниқлаш учун K_c аспетатдан фойдаланилади. K_cнинг барқарор изотопи ^{208}Pb ва радиактив изотопи ^{212}Pb нишонли атомлар спифатида қўлланади. Қалин доғларда тери касалликларини даволашда фойдаланилади.

Ўсимликлар ўзи учун керакли K_cни гупроқдан, сувдан ва атмосфера ёғинларидан олади. Одам организмига 1 суткада овқат орқали 0,22 мг ча, сув орқали 0,1 мг ча, чанг орқали 0,08 мг K_c киради. K_c миқдори суткасига 0,2—2 мг дан ошмаслиги керак. Ортиқча K_c организмни заҳарлайди. Натижада жигар, юрак-томир системаси, ўпка ва б. *органлар касалланади. Бундай бемор*ларни даволашда махсус (комплексон ҳосил қилувчи) ва умуман согайтирувчи дорилар (глюкоза, турли витаминлар) ҳамда физиотерапия усулларидан қўлланади. K_cдан касталанишни бартараф қилишда профилактика катта аҳамиятга эга. Бу мақсадда K_c ўрнига бошқа металл (мас., рух) ишлатиш, K_cли ок бўёқ ўрнига титакли ок бўёқдан фойдаланиш, K_c ишлаб чиқарадиган автоматлаштириш ва механизациялаш, иш жойларини шамоллатиш, ишчиларни шахсий ҳимоя қилиш, парҳез сақлаш, вақт-вақти б-н тиббиёт кўригидан ўтказиб туриш катта аҳамиятга эга.

Ад.: Рахимов Х. Р., Аппаратник химия, Т., 1964; Касымова С. С., Биогенные элементы, Т., 1990.

Сотилов Қосимжон.

КЎРҒОШИН ОКСИДЛАРИ. Кўргошин кислород б–н 3 хил оксид PbO, PbO_2, Pb_3O_4 ҳамда ностехиометрик таркибли кўргошин оксидлари ҳосил қилади:

Кўргошин (II)-оксид, PbO — қизил тусли модда. 2 та модификацияси маълум: қуйи т-рали α-PbO (глёт) ва юқори т-рали β-PbO (массикот). α-PbO нинг зичлиги 9,35 г/см³. β-PbO — сариқ тусли, суюқланиш т-раси 886°, қайнаш т-раси 1470°, зичлиги 9,63 г/см³. Полиморф ўтиш т-раси 489°. PbO аккумуляторлар тайёрлашда, шиша, сир ва алифмой н.ч.да қўлланади.

Кўргошин (IV)-оксид, PbO_2 — қўнғир рангли кукун. 2 та шакл ўзгариши (α ва β) маълум. α-PbO_2 нинг зичлиги 9,33 г/см³, β-PbO_2ники 9,67 г/см³. PbO_2 — кучли оксидловчи, сувда, суюлтирилган кислоталарда эримайди, ишқорларда оз эрийди. Pb_3O_4 ни нитрат кислота б–н парчалаб, Pb^{+2} тузларини электрокимёвий оксидлаб кучли оксидловчилар (хлор, бром, гипохлорит ва б.) таъсир эттириб олинади. Аккумуляторлар тайёрлашда ва оксидловчи сифатида қўлланади.

Кўргошин қўш оксид (сурик), Pb_3O_4 — ортоплюмбат кислота H_4PbO_4 нинг кўргошинли тузи, қизғиш ранг кукун. Зичлиги 9,1 г/см³; кучли оксидловчи, 500° гача қиздирилса, термик диссоциацияга учрайди: $2Pb_3O_4 \rightarrow 6PbO + O_2$. Биллур, шиша ва сирлар н.ч.да қўлланади.

КЎРҒОШИН РУДАЛАРИ — асосий минераллари: галенит, церуссит, англезит; *полиметалл рудаларнинг* таркибий қисми, баъзан мустақил тўпламлар ҳосил қилади. Хорижда K_cр. қазиб чиқарувчи асосий давлатлар: АҚШ, Австралия, Канада, Перу, Мексика. Ўзбекистонда Чатқол, Қорамозор ва Қурама тоғларида топилган.

КЎРҒОШИН СУЛЬФИД, PbS — кўргошиннинг олтингугурт б–н бўлган бирикмаси. Қоратир-кулранг ялтироқ кристалл модда; суюқланиш т-раси 1114°, қайнаш т-раси 1281°, зичлиги 7,59 г/см³. K_c. — ярим ўтказгич. Сув, суюлтирилган HCl, H_2SO_4да, ишқорларда эримайди, суюлтирилган HNO_3да эрийди. K_c. суньий йўл б–н кўргошинга юқори т-рада олтингугурт таъсир эттириб ёки Pb^{2+} тузлари эритмаларидан водород сульфид ёрдамида чўктириш усулидан фойдаланиб олинади. Табиатда *галенит* минерали ҳолида учрайди. Фото қаршиликлар тайёрлашда қўлланади.

КЎРҒОШИН (IV)-ХЛОРИД, $PbCl_4$ — хлорид кислотанинг кўргошинли тузи, ниҳоятда бекарор суюқлик. Зичлиги 3,18 г/см³ (0°да), −15° да қотиб сариғиш кристалл моддага айланади. $PbCl_4$ ишқорий металлариинг хлоридлари б–н бирикиб барқарор комплекс бирикмалар (масК$_2$[$PbCl_6$]) ҳосил қилади.

КЎРҒОШИН ЯЛТИРОҒИ — қ. *Галенит.*

КЎРҒОШИН ҚОТИШМАЛАРИ — кўргошин (Pb) асосидаги қотишмалар. Кам ва кўп легирланган гуруҳдари бор. I-гуруҳга коррозиянга чидамлилиги ва сирпанувчанлиги яхши оширилган қўшилмалар (темир Fe, мис Cu, сурма Cb, қалай Su, кадмий Cd ёки кальций Ca) кам қўшилган K_c киради; 2-гуруҳга кўргошиннинг мустаҳкамлиги, қаттиқлиги ва антифрикцион хоссаларини ошадиган ҳамда унинг эриш т-расини пасайтирадиган элементлар кўп қўшилган K_c киради. Кўпгина K_cю (таркибида литий Li, натрий Na, магний Mg, калий K ёки натрий Na лар 0,1% дан ортиқ бўлган K_cю дан ташқари) кўргошин сингари, атмосферада, сувда, баъзи анорганик кислоталар эритмаларида коррозияга чидамлилиги юқори. Кам легирланган K_cю, таркибида кремний (Si) тузлари, карбонат ва сульфит кислоталари бўлган тупроқ таъсирига ҳужда турғун бўлади.

Кальций (Ca) ва теллур (Te) б–н легирланганда кўргошин пластик деформацияга чидамли бўлади. Бошқа элементлар б–н легирланган Pb рекристалланишга т-расини-

нинг пастлиги туфайли хона т-расида прокатлаш, чўзиш, пресслаш ва б. ишлов бериш жараёнларида чидамлилиги камайди. Қўшимчалар Pbнинг ёйилувчанлик чегарасини, кислотага чидамлилигини бирмунча оширади.

Теллур (0,03—0,06%), мис (0,04—0,08%), сурма (0,5—2,0%), қўшилган Қ. к. листлар, трубалар, яримфабрикатлар, ванналарни пардозлаш ва б. учун, кадмий (0,03—0,07%), теллур (0,04—0,06%), сурма (0,4—0,8%), қалай (1,0—2,0%) б-н легирланган Қ.қ. паст вольтли кобиқлар, кучланишни ўчириш учун; (0,5—1,%) рух (Zn) ёки қалай (Sn) б-н легирланган Қ.қ. *темир-уларобла қатлашмаларни* коррозиядан сақлаш ва пощинанинг яхлашлиларига қўйиш учун ишлатилади. Бўлардан ташқари, Қ.қ. қавшарларида, *полиграфия саноатида*, *типтра* ва ўқдар тайёрлашда ишлатилади.

ҚЎРҒОШИНОРГАНИК БИРИКМАЛАР — молекуласида углерод — қўрғошин (C—Pb) боғи бўлган бирикмалар. Қ.б.нинг асосий типлари: R_2Pb, R_4PbX, R_3PbX_2, R_2PbX_2, R_2PbO. RPb ва R_4Pb — PbR_4 (R — органик радикал, X — кислота қолдиғи). Қуйи алкил ҳосилали Қ.б. — суюқликлар; ароматик ҳосилали ва б. барча типдаги Қ.б. *қаттиқ моддалардир. Қ.б., асосан* Pb тузларини магний, литий ёки симоб органик бирикмаларига таъсир эттириб олинади. Қ.б. қиздирилганда металл ҳолдаги Pb ва эркин радикалларга парчаланади. Алифатик Қ.б. жуда заҳарли (яна қ. *Металлорганик бирикмалар*).

ҚЎРҒОШИН-РУХ РУДАЛАРИ — қ. *Полиметалл рудалар*.

ҚЎРҒОШИН-РУХ САНОАТИ — қ. *Рангли металлургия*.

ҚЎРҒОШИНЛАТА — қад. шаҳар заробаси (мил. 1—4-а.). Тўртқўл шлан 44 км *шим.-шарқда*. 1938 й.да С.П.*Толстов* ва Я.*Гуломов*лар томонидан рўйхатга олинган. Хоразм археология-этнография экспедицияси томонидан текширилган. Қнинг қум остида қолиб кетган, тўрт бурчакли девор қолдиқлари сақланган. Мудофаа деворида бўртиб чиқган 15 тача бурждар бор. Бурж ва деворлардан думманга ўқ отиш учун махсус ниёпон тўпчиқлари ва девордан жангчилар ҳаракати учун махсус йўлак қолдирилган. Қдан уй-ўзлар бўлмалари, ҳайвонлар расмли солинган сопол бўлакдари ва мис танга-лар топилган.

ҚЎСТАНАЙ (1893—95 й.ларда Николаевск) — Қозоғистон Республикасидаги шаҳар, *Қўстанай вилояти* маркази. Тобол дарёсининг тик соҳилида. Шаҳарни Абелсой жари иккита бўлиб туради. Т.й. чорраҳаси. Аҳолиси 207,1 минг кишн (2002). Шаҳарга 1883 й.да асос солинган. 1912—13 й.ларда т.й. орқали Челябинск шаҳри б-н боғланган. Ўтмишда Қ. саноати қ.х. маҳсулотларини қайта ишлайдиган ярим корхоналар турдаги кичик корхоналар (сўнчарм, пиво, мой эҳ-дирилган иборат бўлган. 1954 й. дан Шимолий Қозоғистонда кўрик ерларнни ўзлаштиришн, шунингдек, Тўргай ҳавзасидаги йирик конларнни ишга тушнрилиши натижасида янги саноат р-нининг ташкил топиши ва т.й. тармоқларининг кўрилиши шаҳарнинг тез ўсишига сабаб бўлди. Қда озиқ-овқат (ўсут ва уни қ-тдари) ва енгил саноатлари (камрол мовут қ-ти, тикувчилик ва пойабзал ф-кдари) ривожланган. Сўнгги тола эҳ-ди, металлсозлик (*автомобиль* ва қ.х. машиналарини таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар и ч.), қурилиш материалдари корхоналари (темир-бетон конструкциялар, девор блоклари, гишт эҳ-длари) бор. 2 олий ўқув юртн, драма театри, ўлкашунослик музейи, филармония фолиял кўрсатади.

ҚЎСТАНАЙ ВИЛОЯТИ — Қозоғистон Республикаси таркибидаги вилоят. 1936 й. 29 июлда ташкил этилган. Республиканинг шим. қисмида. Тобол дарёси ҳавзасида. Майд. 196 минг км². Аҳолиси 938 минг кишн (2002), асосан, қозоқлар, шунингдек, рус, украин, немис, белорус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 52%. Таркибида 4 *шаҳар* ва 12 *шаҳарча* бор, 13 туманга бўлинган. *Марказн — Қўстанай ш.*

Табиати. Вилоят Урал тоғларнинг шарқидаги дашт зонасида, катта қисми Тўргай ва Урал шарқи платоларида жойлашган. Қ.н. нинг шим.-гарбий қисмини Уралнинг тог олди текисликлари ва тармоқлари эгаллаган. Фойдали қазилмалардан темир рудаси, боксит, никель, титанга бой. Асбест, кўнғир кўмир ва қурилиш материаллари захираси ҳам катта. Иқлими кескин континентал. ёмғирсиз, қурғоқ, кишн совуқ, қор кам ёғади. Июлнинг ўртача т-расн шим.-да 18—19° ва жан.да 21—22°, янв.-нинн шим. да —19° ва жан.да —17°. Йиллик ёғин шим.да 300—350 мм, жан.да 240 —280 мм. Вегетатнив даври шим.да 150 —175 кун, жан.да 180 кун. Энг йирик дарёси — Тобол (Обь ҳавзаси); чап ирмоқлари — Синтасти, Ақт, Уй. ўнг ирмоғи — Убаган. Майда кўл кўп.

Қ. вилнг шим. қисмида қора тупроқ (ҳудудининг 40% дан ортиқроғи), жан. да эса каштан тупроқлари тарқалган. 143 минг га ер ўрмон. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, елик, бўрсиқ, оқ товушқон, малта товушқон: қушлардан тўртай, турна, қур, қизилишton, каклнклар учрайди.

Хўжалигида *залмнкор деҳқончилик* б-н бирга (асосан, бугдой), сугўўшт чорачилнги ва қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш етакчи ўринда. Энергетикаси ташқаридан келтириладнган кўмир, мазут ва газ б-н ишлайдн. Қ.в. галла, гўшт, темир рудаси, асбест ва боксит етказиб беради-ган йирик вилоятлар. Саноатининг асосий тармоғи — кон-руда саноати. Металлсозлик (автомобиль, мотор тақмирлаш, механика э-длари), кимё саноатлари, қурилиш материалдари н.ч. ва *яйнқча, енгил (тўқимачилик*, пойабзал и. ч., тикувчилик) ва озиқ-овқат саноати тармоқлари (ун, нон, гўшт, мой) ривожланган.

Қ.х. галлачилик, ва чорачилнкка ихтисослашган. Экнн майдонларига галла, сабзавот, полиз, техника ва озуқа экинлари, картошка экилади. Сут-гўшт етиштирадиган қорамолчилик, шунингдек, чўчқачилик, парранлачилик, қўй ва эчкичилик ривожланган. Кўчнклн гўшт ва жун етиштиришга ихтисослашган.

Т.й. узунлиги 835 км; автомобиль йўллари уз. 8,3 минг км, шу жумладан, қаттиқ қопламали йўллар 2,9 минг км². Асосий транспорт тутунлари: Қўстанай ва Тобол. Қўстанай ш. Москва, Остонн, Олмоота каби йирик шаҳарлар б-н ҳаво йўллари орқали боғланган. Қўстанай ш.да вел. пи-ти, Рудний ш.да Қозоғистон политехника ин-ти филиали бор. Ўлкашунослик музейи, драма театри, филармония мавжуд.

ҚЎТИР — инвазион тери касалларн; *қўтир канадар (қ. Қичима канаэар)* қўзғатади. Қўзғатувчилар оламта, асосан, беморлан ёки унинг буюмлари (мас., сочиқ, кийим-кечак, кўрпа-тўшак) орқали ўтади. Касаллик юқнишдан 7—10 кун кейин Қ. адоматлари қўзга тушланади. Қўтир канаплари, асосан, терининг юпқа ва нозик жойларини тешиб қирали. Кўз, оёқ бармоқлари орасидаги бўрмалар, қорин, бел ва кўкрак қафасининг икки ён томон тернси касалланади; *шу соҳа* терисида майда қизғиш тугунчалар пайдо бўлиб, сути қоратмир-қизил нўст б-н қопланали ёки учида пуфакча кўринниб туради; тугунчалар орасида теридан салгина бўртиб чиқкан, бир неча мм узунликдаги тўғри ёки эгри чизиқча — кана йўли ҳосил бўлади. Бе-

мор қаттиқ қичишади, бу ҳолат, айниқса, кечаси кучаяди (ҳўтир қанаси кечаси фаоллашади). Қичишганда тирнаган жойларга инфекция тушиши натижасида Қда қўпинча терининг йирингли касалликлари ривожланиши ҳам мумкин. Терининг ошқа ва ошиқ қисмида қорнининг аломатлари пайдо бўлиши 6-8 ҳафтал ярчга мурожаат этиш лозим. Қни даволаш учун ярич тавсия этган дори-дармонлар, шу жақт ичида тўхтатиш мумкин эмас. 7-куни чўмилиб, киймлар алмаштирилади. Бемор бошқаларни алоқида ёзиши ва ўзига алоқида сочиқ тутиши лозим. У ишлатган нарсалар тозаланиб, қўрга, ёстиқ жилди, ич киймларини яхшилаб қайнатиш ёки дезинфекцияловчи эритмасига 1 соат ботириб қўйиш керак. Устки кийим-кечакларни махсус дезокамерада дезинфекция қилиш, агар бунинг иложи бўлмаса, 5 кунгача офтобга ёйиш, совуқ кунларда эса кун бўйи ёпиб қўйиш, иссиқ ҳазмол 6-и дазиллаш лозим. Бемор ётган хона ва жиҳозларини ҳам датта 6-и артиб турши керак.

Қ-га тз вақтида даво қилинса, бемор тезда согайиб кетади. Қнинг олдини олишда шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш жуда муҳим.

ҚЎТИР КАНАЛАР — қ. *Қичима канаалар.*

ҚЎТИРБУЛОҚ МАКОНИ — 1) мустъе даврига оид қад. маданиятх (мил. ав. тахм. 35-минг йиллик). Самарқанд вилояти Қаттақўрғон ш.дан 20 км жанубда, Чарқин қишлоғи яқинидаги Қўтирбулоқ номли булоқ атрофида жойлашган.

Манзилгоҳ 1971 й.да Ю.Ф. *Буряк* бошчилигидаги археологлар гуруҳи томонидан аниқланган. Дастлаб 1971—90 й.лар давомида манзилгоҳда Н.Х.Тошкенбоев археологик қазув ишларини олиб борди. Кейинги йилларда манзилгоҳда Қ. Шимчак бошчилигидаги Ўзбекистон-Польша қўшма экспедицияси иш олиб борган.

Қ.да мустъе даврига оид 5-та маданий қатлам аниқланган; чақмоқтош, диорит, кварцит, кварц ва дарё тошларидан ясалган қиргичлар, ўткир учли пайконлар, тешгичлар, 2 томомита ишлов берилган баргсимон қирол, дарё тошларидан ясалган тош қўроллар топилган. Манзилгоҳ сопидан қирол ясаш учун кам ишлов берилган Зирабулок тоғлари ва Зарафшон дарёси қирғоқларидан олинган. Манзилгоҳдан, шунингдек, турли ҳайвон суяклари ҳам топилган. Бундан кўриниши-ки, қўтирбулоқликлар хўжалик қаётида овчилик катта аҳамият касб этган. Манзилгоҳ тош қуроллларини ўрганиш



Қўтирбулоқ маконн. Тош қуроллар.

Қўтирбулоқ маданиятининг палеолит даври манзилгоҳлари (Тешиктош, Обирахмат ва б.) маданияти б-н ўхшаш эканлигини кўрсатди; 2) Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Сазагон қишлоғида жойлашган булоқ. Сазагонсойнинг сўл қирғоғида тош қўрилмалари ибораг некрополь мавжуд; қабрлар устида 15—16-а.дарта оид қабртошлар қўйилган. Булоқ яқинида, шунингдек, илк ўрта асрларга оид Сартепа, илк антик даврга мансуб Бойсаритепа бор. 2003—05 й.ларда Бойсаритепада Ўзбекистон-Италия археология экспедицияси иш олиб борган.

ҚЎТОН — 1) бирга боғладиган катта қўй подаси, сурув; 2) қўй ёки мол қамаладиган катта қўра ёки девор б-н ўралган махсус бино; қўйхонанинг бир тури.

ҚЎТОС, хоназк қўтос (Box indus grunniens) — ҳўкизлар кенжа оиласига мансуб кавш қайтарувчи ҳайвон. Ватани — Тибет аосси тоғлари (ёвойи ҳолда фақат Тибетда сақланиб қолган). Ёвойи Қ.ларга қарағанда майдароқ (ёвойи Қ.нинг бўйи 2 м гача, оғирлиги 1 т гача). Қорамоллардан фарқ қиладиган белги-хусусиятларга эга. Буқалари вазни 400—450 кг, сигирлари вазни 200—250 кг. Боши оғир, пешонаси кенг, оёқлари бақувват, думи калта. Шохлари яхши ривожланган. Кўкраги, қорни ва оёқлари 20—30 см га етадиган қуюқ жун толалари б-н қопланган. Ёз фаслига яқин 2—9 кг жун қирқиб олинади, унинг 65—70% тивитлан иборат. Туси қўнғир, кўк ва қора-ола, ўркачсимон ирғини бал. 105—110 см. 18—24 ойлигида жинсий етилади. Бўғозлик даври 255—260 кун. Сигирлари йилига бир марта болалайди. Янги тугилган бузоқлари вазни 21—23 кг, 15 ойлигида 120—128 кг ва 24 ойлигида 134—139 кг. Сут маҳсулдорлиги йилига ўртача 300—350 кг, ёзоқлиги 6—9%, соғиш даври 4—5 ой. Гўшт маҳсулдорлиги паст. 2 ёшли новвослари 60—62 кг тоза гўшт беради, сўйим чиқими 42—46%. Баланд тог яйлими шароитига мослашган. Яил бўйи очиқ яйловда боқилади.

Қлар гўшти, сути, жуни ва яш хайвони сифатида ишлатилади (совуқ иқлим ва тог сўқмоқларида 140 кг гача юк бориламларини бемалол кўтара олади, РФ (Олтой), Хитой, Тибет, Монголия, Қирғизистон ва Тожикистонинг қатор хўжаликларида урчитилади. Монголияда 500 минг, Россияда 53 минг, Қирғизистонда 34 минг, Тожикистонда 14 минг бош Қ. боқилади (2004). Улар Тибет ва Помир ҳудудларидаги хўжаликларда соф зотда урчитиб купайтирилади. Герефорд, шортгорн, лимузин, швиц ва б. зотли қорамоллар б-н дурагай маҳсулдор авлодлар олинган. Қизил китобга киритилган.

Ад.: Карчкулов А.Б., Яковлетво Памиро, Душанбе, 1993.

Убайдулла Носиров.

ҚЎЧҚОР — совлиқларни уруглантиришда фойдаланиладиган эркак қўй. Зотли Қлар 1,5 ёшидан совлиқларни қочиришга қўйилади. Хужаликда 7 йил фойдаланилади. *Қўчқорликда* сунъий уруглантириш қўлланиши муносабати б-н Клар 2 тоифага — асосий наслдор Клар ва синовчи Клар гуруҳига ажратилади. Асосий наслдор Клардан совлиқларни уруглантиришда, синовчи Клардан сурув таркибидан куйиккан қўйларни аниқлаш ва ажратишда фойдаланилади. 120—180 бош кичик гуруҳ совлиқдар ячига 3 бош Қ. (60 совлиққа бир синовчи Қ. ҳисобидан) қўйилади. Қўчқорликда бир Қ. б-н 3000, қатто 5000 совлиқни сунъий уруглантириш мумкин. Одатда, етук ёшдаги Клардан олинган уруглар б-н бир мавсумда сунъий қочиришда ўртача 300—500 бош, эркин ва қўлда қочиришда (табиий ҳолда) эса 30—70 бош совлик уруглантирилади. Наел олиш учун қолдирилган Клар тугилган кунидан то 1,5 ёшга қадар доимий назорат остида бўлади ва алоҳида парваришга қолинади. Клар доналор ва аралаш ем, минерал моддалар ва витаминли ҳамда оқсилга бой озуқалар б-н боқилади.



Қўчқор.

Айрим шохлар Қ. *эотлари уришқоқлиги б-н ажралиб туради.* Ўзбекистонда оммавий халқ сайилларида Қ. уриштириш томошалари жуда қадимдан ўтказиб келинган.

ҚЎҚОР СОЙЛИГИ — Ички Тянь-шандаги тог оралиги сойлиги (Қирғизистон Республикаси Норин вилояти). Қирғиз тилидаги шарқий қисмининг жан.да., Иссиққўлдан гарбда, ўртача 1600—2000 м баландликда жойлашган. *Чу дарёсининг юқори оқими ва унинг* ирмоқлари суви б-н суғорилади. Уз. 50 км, эни 15 км. Қ.с.нинг маркази чала чўл, чекакалари тог даштидан иборат. Чу ва унинг ирмоқлари атрофлари экинзор. Дашгларидан йилов сифатида фойдаланилади. Шарқида Ўртатўқай суғ ом-борн (Чу дарёсида) қурилган. Қумир кони бор.

ҚЎҚОРОТА, Қўчқор мозор — Ўрта Осиёда кенг тарқалган зиёратгоҳ, *қадамжолар номи.* Ибтидоий ва антик даврларга оид баъзи урф-одатлар мусулмон дини қабул қилинганидан сўнг ҳам асрлар давомида сақланиб келган. Мас., исломдан аввал Ўрта Осиё халқларида, жумладан, Суғдиёнада қурбонликка туя, от ва қўй сўйилган. Бу хил одатлар, жумладан, қўйни қурбонликка сўйиш зардуштийлар орасида ҳам кенг тарқалган. Қўй, қўчқор Фарна худосининг (муқаддас қўчқор *ёғлуси соҳиби*) *рамзи ҳисобланган*; уни турли маросимларга атаб қурбонликка сўйганлар. Қўчқорни қурбонликка сўйиш исломда ҳам бор.

Ерли халқ қўчқорнинг ҳимоя ва турли офатлардан қайтарувчи кучига ишонган. Фарғона водийсида ва Ўзбекистоннинг бир қанча бошқа туманларида «Қўчқорота», «Қўчқор мозор»



Шайхонтоҳурдаги муқаддас Қўчқорота қалдирғоч (тарихий сурат, 1909 й.).

деб номланган мозорлар мавжуд бўлган. Одамлар бу мозорларга зиёратга келиб, қўчқор сўйиб қурбонликлар қилганлар. Уйнинг дарвоза кесакисига (тепа кесакисининг ўртасига ёки икки ён кесакисига) қўчқор шохларини қоқиб қўйиш одати айрим шаҳар ва қишлоқларда қозирғача сақланиб қолган. Халқ эътиқодига кўра, шохлар қовлиня ва ҳовли эгаларини ёмон кўздан ва турли офатлардан сақлар экан.

Ўтмишда Тошкентдаги Шайхонтоҳур мозори дарвозаси олдида муқаддас кекса қайроғоч бўлган. Унинг шохларига қўчқор, такаларининг шохлари ва латта-путталар осиб қўйилган. Ривоятларга кўра, Қ.нинг руҳи шу дарахтга жо бўлган экан. Зиёратчилар *қайроғоч ёнидаги кичик чироғхонада* қурбонлик шамини ёқишган.

Ад.: Шониёзов К., Кайс давлати ва қанслилар, Т., 1990.

ҚЎҚҚОРТОЕВ Иристой (1936.5.7, Сайрам тумани, Қозоғистон — 2000.20.12, Туркия; Тошкентда дафн этилган) — тилшунос олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). *Филол. фанлари д-ри* (1978), проф. (1981). Ўрта Осиё ун-тининг филол. ф-тини тугатган (1958). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида кичик илмий ходим (1958—60), *ТошДУда* аспирант (1960—63), ўқитувчи (1964—66), катта ўқитувчи (1966—68), доцент (1968—81), декан



ўринбосари (1981—82), ўзбек филологияси ф-ти декани (1987—95), турк филологияси *кафедраси мудири* (1997 й. дан). Туркия ун-тида ўзбек тилидан дарс берган.

Асосий илмий ишлари ўзбек тилида нутқ феълдари мавзуига бағишланган. Қ. Ўзбекистонда туркийшуносликнинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшган. Олий ўқув юртлари *учун «Туркий филологияга* кириш» (ҳамкорликда, 1984), «Тилшуносликка кириш» (ҳамкорликда, 1976) каби дарсликлар яратган. Унинг болаларга бағишланган «Бу ишинг яхшими» (1964), «Икки ва ўн бир» (1964), «Йилқова» (1965) каби ҳикоялар тўпламлари ҳам бор.

Ас.: Баланий сўз усгаси, Т., 1967; Баланий нутқ стансгикаси, Т., 1975; Ф. де Соссюрнинг лингвистик концепцияси, Т., 1976; Сўз маъноси ва унинг валентлиги, Т., 1977; Ўзбек тилида нутқ феълдари валент таҳлили, Т., 1977.


ҚЎШ — қарбий юришлар пайтида вақтинча қўниш жойи; вақтинчалик қароргоҳ.

ҚЎШ — омоч га қўшилган бир жуфт (баъзан битта) ҳўкиз ёки от. Ўрта Осиё хонликларида бир жуфт ҳўкиз ёрдамида ҳайдаб экиш мумкин бўлган ер майдони қам олатда Қ. дейилган. Буни да будой ёки арпа экиш учун ҳайдалган ер тахм. 6—7 га, пахта учун эса 2—3 гектарга тенг бўлган. Ҳар бир Қ. ердан олинган ер солиғи Қ. пули деб аталган. Мазкур солиқнинг ҳажми ва қайси шаклда ундирилиши ҳар ерда турлича бўлиб, у экилган экин нави, етиштирилган ҳосил ҳажми, ер сифати ва б. омилларга боғлиқ бўлган.

Туркистон АССР ва кейинчалик Ўрта Осиё республикаларида тузилган деҳқонларнинг оммавий ташкилоти эса «Қўшчи» уюшмаси (союзи) деб аталган.

ҚЎШ, муқобила (ҳарама-қарши, ўзаро мойанд) — мақолий меъморлик тарихида мажмуа яратиш услуби; 14-а.дан Ўрта Осиёда кенг қўлланилган. Қ. услубида бунёд этилаётган мажмуада 2 бино бош тарзларн б-н бирбирига рўбарў қурилади. Кўпни Урганжлари Нажмиддин Кубро ва Султон Али мақбаралари; Самарқанд *Регистонидаги* Улутбек ва Шердор мадрасалари ва б. Самарқанддаги Бибихоним улкан меъморий мажмуасилари Амир Темур жоме масжиди ва Бибихоним мадрасаси 1399—1404 й.ларда қурилган; Бухородаги Улутбек ва Абдулазизхон мадрасалари мос равишда 1417 ва 1652 й.ларда бунёд этилган ва б. Қ. услубида мажмуалар тузиш Ўрта Осиё меъморлиги (шаҳарсозлиги)да катта бадиий мукаммаллик аҳамиятига эга бўлган.

ҚЎШ БОҒ — молекулаларн 2 қўшин атом ўртасидаги 4 электронли ковалент боғ. Қ.б., одатда, 2 валентли штрих б-н белгиланади:



Бунда sp^2 ёки sp — гибридлашган орбиталн 1 жуфт электронлар σ-боғ ҳосил қилади. *Бу боғнинг* электрон зичлиги атомларарю ўқ бўйлаб жойлашган бўлади; σ-боғ одатй боғга ўхшаган. p-орбиталн бошқа электрон жуфти π-боғ ҳосил қилади, унинг электрон зичлиги атомлараро ўқдан ташқарида бўлади. Қ.б. ҳосил бўлишида даврий системанинг IV ёки V гуруҳ элементлари атомлари иштирок этаётган бўлса, у ҳолда шу атомлар

ва улар 6-н бевосита боғланган атомлар 1 текисликда ётади; валент бурчаклари 120° га тенг. K_2B_2 оддий боғта қарағанда қисқа ва ички айланишда *яқин энергетик тузилиш* сезиларли даражада ўзгаради. Шунга кўра қўш боғ орқали боғланган атомларга бириккан бошқа атомларнинг ҳолати эквивалент эмас, бу эса *геометрик изомерия* келиб чиқишига сабаб бўлади. K_2B_2 ли бирикмалар бирмуштарак реакцияларга мойил. Агар K_2B_2 электрон симметрик ҳолатда бўлса, у вақтда, реакция ҳам радикал, ҳам ион механизмлари бўйича бориши мумкин (яна қ. *Кимёвий боғ*).

ҚЎШ НИСБАТ, гармоник нисбат — тўрт чизиқдаги 4 та M_1, M_2, M_3, M_4 нуқталар

$$\frac{M_1M_3}{M_2M_3}:\frac{M_1M_4}{M_2M_4}$$

нисбати 6-н аниқланадиган сон. Агар M_1M_2 ва M_3M_4 кесмаларнинг ўрталари бир хил бўлса, $\frac{M_1M_3}{M_2M_3}$ нисбат, аксинча ҳолда маълум бўлади. Олдинги нуқталар тартиби ўзгарса, K_2n. ҳам ўзгаради. Дастлабки 4 та чизиқ (нур)нинг K_2n. қуйидагича аниқланади:

$$\frac{\sin(m_1m_3)}{\sin(m_2m_3)}:\frac{\sin(m_1m_4)}{\sin(m_2m_4)}$$

ва қуйидагича белгиланади (m_1, m_2, m_3, m_4). Бу ерда m_1, m_2, m_3, m_4 лардаги тўрти чизиқлар, (m_1, m_2) эса m_1 ва m_2 орасидаги бурчак. Агар M_1, M_2, M_3, M_4 нос равишда m_1, m_2, m_3, m_4 тўрт чизиқларда ётса, у ҳолда M_1, M_2, M_3, M_4 ри m_1, m_2, m_3, m_4 нуқталарнинг K_2n.и проектив геометриянинг қатор теоремаларини, жумладан, Чева ва Менелай теоремаларини асбот қилишда қўлланилади. Агар K_2n. = 1 га тенг бўлса, у *гармоник нисбат* дейилади. K_2n. проектив геометрияда муҳим аҳамиятга эга.

ҚЎШ УРУҒЛАНИШ — гулли ўсимликларга хос жинсий жараён хили. 1898 й.да рус олими С.Г.Навашин кашф этган. K_2y.да уруғнинг шаклланишида тухум ҳужайра 6-н бир қаторда муртак халтасининг марказий ядроси ҳам уруғланади. K_2y. натижасида зиготадан уруғ муртаги, марказий ҳужайра 6-н уруғланган марказий ядродан озиқ тўқима — *эндоспермнинг триплоид эндосперм ривожланади.* K_2y.да битта чанг найчаси спермелари иштирок этади; найча сувдонги спермелари эчидаги муртак халтасига ёки тухум ҳужайра 6-н марказий ҳужайра оралиғидаги тирқишга қуйилади. Спермит синергид орқали тухум ҳужайрага боради ва синергид уруғланишдан сўнг емирилиб кетади. K_2y. эндоспермик тўқималари барча гулли ўсимликлар учун хос. K_2y.нинг моҳияти — озиқлантирувчи тўқима — эндоспермнинг жуда тез шаклланишидир. K_2y. уруғ шаклланиши жараёнларини тезлаштириб юборади (яна қ. *Гулли ўсимликлар, Чангланиш*).

ҚЎШАЛОҚ ЮЛДУЗЛАР — торгишиш кучлари таъсирида компонентлари массаларининг умумий маркази атрофида эллиптик орбита бўйлаб ҳаракатланувчи, бир-бирига яқин жойлашган 2 та юлдуз; компонентлари динамик боғлиқ бўлган физик системани ташкил этади. K_2o.нинг визуал, спектрал, тўсиқловчан ва б. турлари мавжуд. Визуал K_2o. телескоп орқали кузатилганда компонентларини бир-биридан ажратиш мумкин ва *уларнинг ёрқинликларида ўзгаришлар* кам фарқ сезилмайди.

Спектрал K_2o.нинг компонентлари яқин бўлгани учун телескоплар орқали бир-биридан ажратиб бўлмайди. Уларнинг қўшалоқлигини спектрларидаги даврий ўзгаришлардан (даврий силжишлари ёки спектр чизиқларининг даврий иккита ажралишидан) билиш мумкин. Агар иккала компонент бир хил ёрқинликка эга ва, айниқса, иккаласи бир спектрал синфга мансуб бўлса, унда чизиқларнинг даврий ажралиши ва қўшилиши аниқ билинади. Агар фақат битта компонентнинг чизиқлари кўринса, унда улар даврий равишда қандайдир бир ўртача *вазият* атрофида тебраниб туради. Доплер қонуни чизиқларнинг силжиши ва иккита ажралиши компонентларни массаларининг умумий маркази атрофида орбитал ҳаракатидан келиб чиқади деб тушунтирали. Спектрдаги чизиқларнинг силжишини ўлчашдан компонентларининг нур тезликлари ўзгаришини аниқлаш мумкин.

Тўсилувчан K_2o.да унинг орбита текислиги кузатувчига қарай бўлган ён томонлан кўринганида юлдузлардан бири иккинчисини маълум вақтга тўсиб қўяди. Уларнинг даврлари бир неча соатдан бир неча йилгача боради. Ёрқинликларининг камайиш даражаси ва нисбийлиги юлдузларнинг ўлчамларига, уларнинг орасидаги масофага, ёрқинликларнинг фарқига ва орбиталарининг қиялигига боғлиқ.

Айрим ҳолда физик қўшалоқларнинг компонентлари бир-биридан анча *олисда жойлашган, лекин уларнинг* хусусий ҳаракатлари, параллакслари ва нур тезликлари яқин бўлади. Бундай юлдузлар кенг жуфтларни ташкил этади. Фазода уларнинг компонентларини минглаб, ҳатто ўн минглаб астрономик бирликлар ажратиб туради. Агар уларнинг компонентлари бир-бирининг атрофида ҳаракатланаётган бўлса, айланиш даврлари миллионлаб йилларга тенг бўлади. Шунингдек, компонентлари бир-бирига жуда яқин жойлашган зич қўшалоқ системалар мавжуд. Уларнинг даврлари, ярим ажралган ва контактли турлари кузатилади.

ҚЎШБЕГИ — тарихий атама; 1) *қўш, яъни ҳарбий қаторлоқ* ва лагернинг бошлиғи; 2) *Бухоро амирлигида маъмурлар* сулоласи даврида бош вазир, амирдан кейинги олий мансаб. K_2b. ҳарбий вилоятлар ва бекликларнинг ҳокимлари, беклари бўйсунган ҳамда амирнинг пойтахти бўлмаган пайтида у амирликнинг барча ишларини бошқарган. Шунингдек, К. Бухоро атрофидаги 11 та туманни (ҳоз. Бухоро вилоятини) амир номидан идора қилган.

Бухоро амирзигида K_2лар 2 та бўлиниб: «қўшбегиён бало» (юқори K_2) ва «қўшбегий поён» (қуйи K_2). Қўшбегийи бало арқда, яъни баланд қўрғонда яшаган ва сарой ишларида етакчи мавқени эгаллаган. У доимий равишда арқда амир б-н мулоқотда бўлиб турган. Қўшбегийи поён — бош закотчи эса арк қуйисидаги ҳовлиларда яшаган ва амирнинг пойтахти бўлмаган пайтида у амирликнинг ҳудудларидаги бутун солиқ ишларини назорат қилиб турган. Мамлакатда фавқулодда вазият юз берса ёки уруғлар бошланса ҳар 2 лавозим бирлаштирилиб, «қулли K_2» («қул» арабча сўз бўлиб, «барча» деган маънони билдирган) лавозими жорий қилинган. Кулли K_2 амирликда бутун ҳукумат ишларини ўз қўлида тўпларган ва шошилинч қарорлар қабул қилган.

Бухоро амирлигида Остонақул Қўшбеги, Насрулло қўшбеги каби катта нуфузга эга K_2лар ўтган.

Ад.: Воҳидов Ш., *Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар*, Т., 1996.

ҚЎШБУЛОҚ ОЛТИН КОНИ — Ангрен ш.дан 15 км жан.да, Қурама тизмасининг шим. ён бағирларги кон. 1959 й.да топилган. 1966 й.дан ўзлаштирилмоқда. Конининг майд. 10 км². Ўрта карбон даврига мансуб андезит-дацит

формацияла, қалинлиги 2,5 км тача бўлган вулканоген ётқизиқларга қопламидан тарқалб топган Қўшбулоқ кальдерасида ривожланган. Рудаланиш кварц-сульфидли томирларда ва кварцланиш зоналарида содир бўлган. Минерал таркиби бўйича олтин-сульфид-кварцли теллуридли формацияга тегишли. Рудаларнинг таркибида кўпроқ кварц ва камроқ миқдорда карбонат, серицитлараги ташқари, турли сульфидлар ва кам даражада сульфатузлар, теллуридлар, оксидлар, тугма элементлар мавжуд. Турли руда таналарида рудали минераллариинг миқдори ҳар хил (5 дан 15—20% гача). Конда олтин-сульфид-теллуридли ассоциация асосий олтин маҳсулотли ҳисобланади. Ертомир минераллари кварц, карбонат, серицитлардан ташкил топган. Асосий рудали минераллар пирит, хира рудалар, олтин ва кумушнинг теллуридлари, тугма олтинлардир. Баъзан қалай минерали (кассеритер) учрайди. Кон рудалари мажмуали: асосий компонентлари олтин (13,4 т/т), кумуш (112,4 г/т гача); йўл-йўлакчаили мис (0,29%), селен (0,0004%), теллур (101,6 г/т), висмут (0,01%). Рудалар 32 та йирик рудали структураларда мужассамлашган, ҳоз. вақтда 120 тача руда таналари аниқлаб ўрганилган. Конда руда таналарининг икки морфологик тури мавжуд. Биринчи турга уз. 632 м гача бўлган ва ўзгаручи қалинликка (0,1—10,2 м, ўртача 3,8 м) эга бўлган, руда нотекис тарқалган томирлар ва минераллашган зоналар киради. Улар тик ва қия қолда мувофиқ ётади. Иккинчи турга мураккаб геологик тузилишга эга бўлган тик ётувчи қувурсимон томирли таналар ёки нотўғри шаклли эксплозив брекчиидар таналари киради. Бурғилаш маълумотларига кўра рудаланиш кўлами 1500 м чуқ.гача



Қўшдарвоза (Дашти қалъанинг шимолий дарвозаси).

боради. Кондаи ҳоз. вақтда фойдаланилмоқда. Чуқур горизонтлари ва чекка қисмлари ҳали яхши ўрганилмаган.

ҚЎШДАРВОЗА — Хива шаҳари мезморий ёдгорлик (20-а. бошлари); *Дашти қалъанинг* шим. дарвозаси. Ўрганғча олиб борадиган серқатнов йўлда жойлашган. Дарвоза 2 (кўш) равоққа ўрнатилган (номи шундан). Қ.нинг умумий тарҳи тўртбурчак (25×17 м, бал. 9,45 м, йўлак равоғининг кенглиги 4,2 м). 4 та гумбаз б-н ёпилган. Унинг тарбига бир узун ва шарққа 2 ёрдамчи ҳорозиўлхона, боққона вазифаларини бажарган) хоналар (ясси томли) туташган; уларга алоҳида эшик орқали кирилади. Ишлатишга олд (шим.) ва орқа (жан.) тарафи бир хил меъморий ечимга эга. Равоқлар оралиги ва четларида 3 та миноранисмон бурждар мавжуд, уларга энли ва ингичка сиркори ҳалқа-белбоғлар ишланган; бурждар ўзаро кунгуралн равоқлар қатори б-н боғланган. Дарвозанинг энг юқорисп бурждарининг мовий гумбазчалари ва равоқларнинг кунгуралари б-н шуҳоланган. Дарвоза тарэларининг четки қисмлари содда, уларда ясси равоққар ва ёрдамчи хоналарнинг эшикларигина мавжуд.

ҚЎШДУМЛИЛАР — (Dipura) — тубан бирламчи қанотсиз ҳашаротлар туркуми. 200 га яқин турн маълум. Африка, Жан. Америка, Россиянинг Европа қисми ўрта минтақаси, Украина, Кавказ, Ўрта Осиё ва б. жойларда тарқалган. Танаси оқ, ёки сариғиш, бир неча мм дан 50 мм гача. Бошн юмалоқ, мўйловлари узун, кўзи йўқ, оғиз аппарати кемирувчи. Ўзиўғ олиш бор. Қ.нинг кейинги учида иккита айрисимон ўсимтаси (айримларида кўп бўғимли, узун, бпзларнинг омбирисимон) бўлади. Қ. нин тухумида ва чиқаётган ўсмлнк қолдиқлари орасида яшайди. Кўпгина-лиги йиртқич, баъзилари ҳайвон қолдиқлари ва б. билан озиқланади. Личинкаси метаморфозсиз ривожланали. Ўрта Осиё фаунасида Қ.нинг бир неча тури, жумладан, энг йирик Қ. — яшик дукс (уз. 40 м дан катторок) учрайди.



Одий қўшдумли.

ҚЎШЖОНОВ Матёқуб (1918.5.5, *Тошкувоз вилояти, Туркманистон* — 2005.16.8, Тошкент) — адабиётшунос олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1978), филол. фанлари д-ри (1972).



2-жаҳон урушн қатнашчиси (1942—45). Тошқувоз шаҳрндаги Ўқитувчилар ин-тини (1946), Ўрта Осиё ун-тининг филол. ф-тини (1950) тугатган. Ўзбекистон КП МК ла масъул ходим (1950—53), Ўрта Осиё ун-ти (Тошкўзда доцент (1957—60), Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим (1960—75), директор (1975—86), етакчи илмий ходим, илмий маслаҳатчи (1986 й.дан).

Қ.нинг асосий илмий ишлари 20-а. Ўзбек адабиётининг ривожланиш тамойилари, адабий таъқид ва адабиётшуносликнинг методологияси муаммолари, адабиёт назарияси ва ёзувчи маҳорати масалаларига бағишланган. Тадқиқотларида Қодирий, Қаҳҳор, Ойбек, П.Қодиров, О.Ёқубов, А.Орипов ва б. ёзувчи, шоирларнинг маҳорати ўрганилган ва бадиий асарнинг сюжет, композиция, характер ва конфликт масалалари таҳлил қилинган. Қ.нинг 90-й.дарда бўган «Ўзбекнинг ўзлиги» (1994), «Абдулла Орипов» (ҳамкорликда, 2000) ва б. асарларида машҳур ёзувчилар ҳақида фикр юритилган. Олимнинг «Тепки босилди» (1990), «Ахам» (1996), «Дағдаг» (1999), «Армон» (2004) каби бадиий-биографик асарлари ҳам бор. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотн лауреати (1977). «Эл-юрт ҳурмати» (1999), «Буюк ҳизматлари учун» (2003) орденлари б-н тақдирланган.

Ас.: Ҳаёт ва заҳрлат, Т., 1962; Ойбек маҳорати, Т., 1965; Ҳаёт ва нафосат, Т., 1970; Ижод сабоқлари, Т., 1973; Сайланма [1–2-ж.], Т., 1982–83; Дийдор, Т., 2004.

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ — и.ч. (ингл. *value added* «қўшатиш) жараёнида муайян бир фирма, корхонада янгидан яратилган, бевосита ўстирилган, маҳсулотнинг олдинги қийматига қўшилган қиймат. Фирма томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, товарлар, хизматларни сотишдан олган тушумлар б-н фирманинг бошқа фирмалардан ресурслар (материаллар, ярим фабрикатлар) сотиб олиш учун

қилган ҳаракатларни айримаса тарзида аниқланади. $К_{ҳ}$ — ишлаб чиқаришнинг пировард натижасидир. Мазмунан $К_{ҳ}$ ишлаб чиқарилган ёки яратилган товар ва хизматлар нархининг бир қисми сифатида гавдаланади.

Ҳоз. даврда яҳонн ва унинг бир қисми бўлган $К_{ҳ}$ни аниқлашда *неоклассик синтез нуқтаи назари кенг* тарқалган. Бунга кўра $К_{ҳ}$ни ифодалашда фақат классик қараш, яъни товарга сарфланган меҳнат (объективлик) нуқтаи назаридан эмас, балки товарнинг нафлилиги (субъективлик) ҳам ҳисобга олинади. Бозқиён н.ч. жараёнида $К_{ҳ}$ ҳар бир босқич бўйича алоҳида ҳисобланади. Мас., сотиб олинган хом ашё қиймати 60 пул бирлиги бўлса, у қайта ишланганидан кейин қиймати 100 пул бирлигига етказилади ($К_{ҳ}$=40). Улгуржи ва чакана савдо корхоналарида $К_{ҳ}$ 75 пул бирлигини ташкил этди (100+25=125; 125+50=175). Шундай қилиб, пировард натижада сотувнинг умумий қиймати 460 пул бирлигини, $К_{ҳ}$ 175 пул бирлигини ташкил этади. $К_{ҳ}$ *миқдори даражасини бозор ҳал қилади.* Нафлилиги юқори товарни бозор маъқуллаб, унинг қақини тўлаган-да, ҳаракат ўзгармаган тақдирда ҳам, $К_{ҳ}$ юқори бўлишни мумкин. Нафлилиги паст бўлганда бунинг акси юз беради. Қиймат ва қўшимча қўшилиши н.ч.да, энг аввал микро, яъни фирмалар даражасида юз беради, ьумо унинг нақдлар мақбуллигини бозор ҳал қилади. $К_{ҳ}$ нарх таркибига киради ва бунинг учун белгиланган солиқ (*қўшилган қиймат солиғи*)ни истеъмолчи тўлайди. $К_{ҳ}$нинг ер ёки кўп бўлишига қараб н.ч. *самаралорлигини аниқлаш* мумкин. Корхона ва секторлар доирасида $К_{ҳ}$ миқдори қанчалик юқори бўлса, пировард натижа ҳам шунчалик юқори бўлади. Ўзбекистонда $К_{ҳ}$ тушунчаси ва уни ҳисоблаш амалиёти 20-асрнинг 90-йиллари бошидан қўлланила бошлади.

Шуҳрат Тошматов.

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ — умумдавлат солиқ тури; н.ч. ва муомала жараёнларининг барча босқичларида яратилган *қўшилган қийматнинг* бир қисмини давлат бюджетига олиш шакли. Товар ва хизматлардан *олинадиган билвосита (эгри)* солиқлар тарқибига киради. Биринчи марта француз иқтисодчиси М.Лоре томонидан 1954 йда тавсиф қилинган, *1960* йда Кот-д-Ивуар Республикасида солиқ тизимига киритилган. Ўзбекистонда 1992 йдан бошлаб қўлланилади. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш ва импорт қилиш айланмаси $К_{ҳ}$с. солиққа тортиш объекти ҳисобланади. Солиқ бўйича $К_{ҳ}$с.га тортиладиган айланма сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати асосида, нархлар ва тарифларни, акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

$К_{ҳ}$с.га тортиладиган айланма маблағ солиқ объектининг турига қараб, ўзига хос усулда аниқланади. Мас., ишлаб чиқарилган товарлар ва/ёки жўнатиладиган қисмининг қиймати, амалга оширилган қурилиш, таъмирлаш, н.т., конструкторлик, технологик, қайта таъмирлаш ва б. шунга ўхшаш ишлар қиймати $К_{ҳ}$с.га тортилади. Хизматлар кўрсатилганда эса *транспорт воситалари ёрдамида бажарилган ишлар қиймати, ижара*, воситачилик ҳақи, инфратузилма, реклама ва б. хизматлар қиймати шу солиқ объекти бўлади. *Акцат* тўланадиган товарларни $К_{ҳ}$с.га тортишда унинг объекти жўнатилган айланмага акциз солиғининг қиймати қўшилган ҳолда аниқланади. Товарлар (хизматлар, ишларни сотишда $К_{ҳ}$с. қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$С_{тов} = С_{ишл} \cdot С_{ст} \cdot 100,$$

бу ерда, $С_{тов}$ — товар (хизмат, ишларни сотиб олувчидан ундириладиган $К_{ҳ}$с.; $С_{ишл}$ — сотилган (юклаб жўнатилган) товар (хизмат, ишл); $С_{ст}$ — солиқ ставкаси.

Ўзбекистон Республикасида $К_{ҳ}$с. асосан, 20,0% ли ставка бўйича ундирилади. Шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган айрим озиқ-овқат товарлари бўйича $К_{ҳ}$с. камайтирилган ставкаларда тўланиши мумкин. Ставкалар ва бундай товарларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

$К_{ҳ}$с. бўйича тўловлар солиқ тури бўйича ҳисобот тақдим этилган муддатдан сўнг 5 кун орасида давлат бюджетига ўтказилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун $К_{ҳ}$с.ни тўлашнинг бошқа муддатларини ҳам белгилаши мумкин. Импорт қилинаётган товарлар бўйича $К_{ҳ}$с. божхонада расмийлаштирилгунга қадар ёки расмийлаштириш пайтида тўланади.

$К_{ҳ}$с.ни ундириш ва тўлаш тартиб-қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси» (65—79-моддалари) б-н тартибга солинади.

Шуҳрат Тошматов, Муҳаммаджон Нигматов.

ҚЎШИЛИШ — археологик ёдгорлик. Мезолит даври (мил. ав. 12-минг йиллик)га оид ибтидоий одамлар манзилгоҳи. Бўзсув каналининг чап соҳили, Қўшилиш маҳалласи жойлашган. Археолог В.А.Захаревич топган (1966 й.). 1967 й. Ў. *Исломов* томонидан текширилган. Қдан тошдан ишланган меҳнат қуроллари, ибтидоий одамлар истеъмол қилган ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари топилган ва ўрганилган. Ҳамма меҳнат қуроллари (қирғичлар, ихсана, ўроқ, ранда, пичоқсимон қуроллар ва б.) майда тош парчалари, қисман пластинкалардан тайёрланган. Ихчам учбурчак меҳнат қуроллари ҳам учрайди. Қ.ни ўрганиш сунъий *планалит* давридан бошлаб Тошкент ҳудудида узлуксиз одам яшаганлигидан далолат беради.

ҚЎШИЛМАСЛИК ҲАРАКАТИ — ҳарбий-сиёсий блоклар ва гуруҳларда қатнашмасликни ўз ташқи сиёсатининг асосий яуи деб эълон қилган мамлакатларни бирлаштирувчи ҳаракат. 2-жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган ва қозирда 100 дан ортиқ давлатни бирлаштирган. Ушбу ҳаракатда мустамлакачилик асоратидан озод бўлган давлатларнинг кўпчилиги иштирок этади. Қ.ҳа қатнашувчи давлатлар 1961 йда «Қўшилмасликнинг беш тамойили»ни эълон қилганлар. Улар қуйидагилардан иборат: турли тузумдаги давлатлар б-н тинч-тотув яшаш; қўшилмаслик; халқларнинг мустамлакачиларга қарши қаратилган миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш; *буюк давлатлар* ўртасидаги низоларга тааллуқли ҳарбий иттифоқларда қатнашмаслик; ҳарбий келишувларда қатнашмаслик; ўз ҳудудида қорижий ҳарбий базаларни жойлаштирмаслик. 1990- й.лар бошларча қўшилмаган мамлакатларнинг қуйидаги конференцияларда бўлиб ўтган: Белград (Югославия, 1961 й. сент.; 25 давлат), Қоҳира (Миср, 1964 й. окт.; 47 давлат), Лусака (Замбия, 1970 й. сент.; 54 давлат), Жазоир (1973 й. сент.; 76 давлат), Коломбо (Шри Ланка, 1976 й. авг.; 86 давлат, шунингдек, 29 мамлакат, халқаро ташкилот ва миллий озодлик ҳаракатлари вакиллари кузатувчи ва меҳмонлар сифатида иштирок этган), Ҳавана (Куба, 1979 й. сент.; 95 давлат ва миллий озодлик ҳаракатлари, шунингдек, 39 мамлакат, халқаро ташкилотлар ва миллий озодлик ҳаракатлари вакиллари кузатувчи ва меҳмонлар сифатида иштирок этган), Деҳли (Ҳиндистон, 1983 й. дек.; 97

давлат ва миллий озодлик ҳаракатлари, шунингдек, 41 мамлакат, халқаро ташкилот ва миллий озодлик ҳаракатлари вакилларн қатнашган ва мехмондар сифатида иштирок этган), Хараре (Зимбабве, 1986 й. авг.-сент.; 100 давлат ва миллий озодлик ҳаракатлари), Белград (Югославия, 1989 й. сент.; 102 давлат), Жакарта (Индонезия, 1992 й. сент.; 108 давлат).

ҚЎШИМЧА — *к. Аффикс, Суффикс, Префикс.*

ҚЎШИМЧА НЕРВ (nervus accesorius) — *бош мия нервларининг* XI жуфти. Бу нервнинг номи уни дастлаб тавсифлаган (1664) инглиз врачи Т. Виллизий номи б-н виллизий нерви деб ҳам юритилади. Қ.н. узунлиги ва орқа миядан бошланиб, калла суяги бушлиғидан ташқарига тил-ҳалқум ва аллиған (сайёр) нерв б-н бирга бўйинтуруқ тешиги орқали чиқиб, 2 та тармоққа бўлинади. Унинг битта аллиған шохи *адашган нерв*га қўшилса, иккинчи шохи тўш-ўмров-сўрғичсимон мускул б-н трапециясимон мускулларга толалар беради, бўйин нерв чигалларига бориб қўшилади.

ҚЎШИН — уруш санъати тутилганда ёки ҳарбий юриш олдидан шақар, палоткалар тўпланган ҳарбий қисм, лашкар; кенг маънода — кўп сонли ҳарбий қисм (корпус, армия). 13—14-асрлардан эътиборан туркий тилларда, хусусан, ўзбек адабий тилида қ.ошун тарзида қўлланила бошлаган. Чингизийлар ҳарбий истилоҳдари тизимидан ҳарбий қисм, тузилма маъносида ўрин олган. Темурийлар даврида минг ёки ундан ортиқ жанчилардан иборат аскарий гуруҳ К. деб номланган. Низомиддин Шомийнинг таъкидлашича, бир ўринда Амир Темур 200 кишидан 4 та К. тузишни буюрган. Яна бир жойда 600 аскардан 7 та К. тузилганлиги айтиб ўтилган. Абдураззоқ Самарқандий «Матлаъ саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида 1405 й. воқеаларини тасвирлаганида Мироншоҳ Мирзонинг ўғли Умар Мирзо ҳар бири 500 отлиқдан ташкил топган 47 К.ни кўриклаш ўтказганини қайд этади. Кейинги даврларга келиб К. юқорида қайд этилган атамаларнинг деярли барчасини ҳарбий терминлар тизимидан сиқиб чиқарган ва армия маъносини ифодалаш учун ишлатилган.

«К.» атамаси замонавий қуролли кучлар турлари, Қ. турлари, махсус Қ.лар, шунингдек, оператив ва ҳудудий бирлашмаларнинг ҳарбий куч ва воситаларининг умумлашган номларини ифодалаш учун қўлланади.

ҚЎШИНЛАР ПАРАДИ, қўшинлар кўриги — расмий байрамларда қўшинларнинг жанговар техника б-н тантанали марш садолари остида майдондан саф тортиб ўтиши. Қ.п. Қадимги Миср, Эрон, Рим ва б. давларларда ҳам ўтказилган. Ўрта Осиё халқларида қўшинларни ҳарбий юриш ёхуд жанг олдидан кўриклаш ўтказиш қадимдан маълум. Мас., Амир Темур ва темурийлар даврида ҳарбий юришдан олдин тўпланган қўшин кўриклан ўтказилган; жангдан олдин лашкарни кўриклаш ўтказиб, унинг жанговар руҳи ва қолатини аниқлаш изчилликка айланган. Созиқбиронг *Бовзид I* б-н қал қилувчи жангдан аввал туркиялик элчилар кўз ўнгида Сивасда қўшин кўригини ўтказган. Амир Темур қўшинларн ҳар бир ҳарбий қисм жангчиларининг жуссаси, отларининг ранги, жавшан, совут-ларининг яроқлилиги, тутларининг бир-бирдан фарқ қилиб туриши элчиларга катта руҳий таъсир кўрсатган.

ҚЎШИШ — арифметик амаллардан бири. *а* ва *b* сонларни К. натижаси *a+b* сон бўлиб, *у а* ва *b* қўшилувчиларнинг йиғиндиси дейилади. Мат.да сонларни қўшишдан ташқари бошқа объектлар, қўнқаллар, тўпламлар, векторлар, матрицалар устида бажариладиган К. ҳам ўрганилади.

ҚЎШИҚ — кенг маънода шеърий-мусиқий жанр; *вокал мусиқа*нинг энг оммалашган, кўпроқ банд шаклига асосланган тури, шунингдек, куйлашга мўлжалланб тўқилган шеърий асарларнинг умумий ифодаси. *Халқ ижодига* мансуб, бастакор ва композиторлар яратган, *оммабоп мусиқа* йўналишидаги Қ.лар фарқланади. Келиб чиқиши, жанри ва мазмунига қараб *маросим қўшиқлари, оммавий қўшиқ*, шаҳар, деҳқон, болалар, маиший, ҳарбий, лирик, *рақс* ва бошқа Қ.лар ажратилади. Қ. куйи диапазони иччысдаги, мусиқа ривожи билд (ёки банд-нақарот) шаклига асосланганлиги, оҳанглар тизимида сўз ва куй *интонация*лари муштараклиги, шеърий матндаги ғоявий-эмоционал мазмун ривожининг умумий тарзда (бадиий якуни сифатида) ифодаланиши б-н ажралиб туради. Қ.нинг яна ўзига хос томони — шеърий матн ва куй шаклларининг ўзаро мутаносиблиги, бир хил ҳажмдаги тузилмалар (шеърда — *банд*, куйда — *дар*)га асосланганлигидан иборат. Қ.нинг шеърий матнлари аниқ *композиция*си, ҳар бир бандида муайян тугал фикр ифодаланганлиги б-н ажралиб туради. Шарқда халқ Қ.лари ўзига хос миллий хусусиятларга эга бўлиб, Ўрта Осиёда ҳар (*жир*), *терма, ўлан, лапар, алла* каби номлар б-н аталади. Булар негизида бастакорлар ижоли, 20-а.да замонавий Қ. шакллари ривожи топган. Европа профессионал мусиқа санъатида Ўрта асрлари шоир-хонандалар (Франциядa трувер ва трубадурлар, Германияда миннезингерлар ва б.)нинг асарлари, *мейстерзингерлар санъати* намуналари, *Уйғониш даври*да яратилган қўп овозли итальян canzonetta, немисча Lied, французча chanson, 17—18-асрлари оммавий тус олган *водевил*ь услубидаги Қ.лар, романтизм даврндаги композиторлар ижодидаги Қ., 20-а.да кенг ривожланган оммавий қўшиқ, *эстрада* Қ.лари ва б. профессионал Қ.нинг ривожланиш босқичларидир. Шоирлардан П.*Беранже*, Р.*Бёрнс*, Р.*Даниэлов*, В.*Высоцкий* ва б., Ўзбекистонда — Ҳамза, Ҳабибий, Собир Абдулла, Миртемир, Чустий, Т.Тўла, П.Мумин, Н.Нарзуллаев, Муҳаммад Юсуф, Э.Воҳидов, Ж.Аббосов ва б.нинг Қ. шеърлари ривожидаги хизматлари катта.

Тор маънода Қ. — ўзбек халқ ижодидаги жанр; қўш қофия б-н бошланувчи, асосан, 7—8 ҳижоли *бармоқ* вазнидаги тўртликлар б-н куйланадиган, банд шаклли айтим тури. Биринчи шеър тўртлиги қофиялари *аааа, аава, аавв* ёки *аавс* нисбатида бўлиши мумкин. Ўзбек Қ.ларида биринчи банди одатда 4 шеърий мисра ва уларни куйлашга асос бўлган нисбий тугал оҳанг тузилмалари уйғунлигидан ташкил топади. Қуй тузилмалари сони 2—4 бўлиб, уларнинг ўзаро нисбатлари эса асосий жумлани такрорлаш, тўлдириш ёки маълум даражада ривожланган янги жумла б-н якунлаш каби воситаларда намоён бўлади. Ўзбек Қ.лари, шулардан фарқли ўлароқ, кичик овоз доирасида (асосан, квинта — секста диапазонида) бўлиб, бастани доира жўрлигида ижро этилади. Куйчан оҳанги Қ.лар, асосан, лирик мавзудаги намуналарда учрайди. Бошқа Қ.ларда куйчанлик хусусиятига эга. чўзимли оҳанглар учраса-да, улар кўпроқ Қ.нинг якунланишга арафасида намоён бўлади. Қ.ларда махсус (алоҳида) нақарот-дар *деярли қўлланмаса-да, баъзан* кичик нақарот вазифасини касб этувчи такрор сўзлар келиши, шунинг-

дек, «жон», «ёр», «ҳой-ҳай» каби ундов-ундалма иборалар ишлатилиши кузатилади.

20-а. ўзбек бастакорлари ва, айниқса, композиторлари ижодига мансуб Қлар жанр нуқтаи назаридан ўзида бошқа жанрлар (лапар, ялла, ашула, терма) хусусиятларини мужассам қилиб, маълум ўзгаришларга юз тутган. Жумладан, уларда баҳс-мунозара тусидаги, жўрнавоз чолғулар, рақс ижросининг ҳам кўриши мумкин. Ўзбек бастакорларидан Ю.Ражабий, Ф.Жабборов, Фахриддин Содиқов, Т. Жалилов, Ғ.Токиматов, Н. Ҳасанов, М. Мирзаев, Б.Алиев, Р.Турсунов ва б., композиторлардан Т.Содиқов, М.Бурҳонов, М. Левиев, С.Юлдашов, А.Отажонов, Ф. Назаров, А. Назаров, Ф.Алимов, Қ.Комилов, болалар учун А. Мухамедов, Е.Шварц, Ил. Акбаров, Н. Норқўзиев, А.Эргашев, А.Мансуров, эстрада йўналишида Ш.Рамазонов, Ик. Акбаров, Э. Солиқов, Д.Омонуллаева, А.Расулов ва бошқалар Қ. жанрида салмоқли ижод қилган.

Ад.: Аҳмад М., Ўзбек халқ қўшиқлари, Т., 1959; Каромат Ф., Ўзбек халқ мелоди мероси, 1-китоб (қўшиқ), Т., 1978.

Одил Беков, Одил Ҳайруллаев.

ҚЎШКЎПИР — Хоразм вилояти *Қўшкўпир тумани*даги шаҳарча (1983 й. дан), туман маркази. Хоразм вилоятининг ғарбида, Гозоват канали бўйида жойлашган. Яқин т.й. станцияси — Урганч (27 км). Қдан Урганч шаҳри 27 км. Аҳолиси 16,9 минг киши (2005). Қда пахта тозалаш, силикат ғишт з-длари, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, дехқон бозори бор. Кичик, ўрта бизнес корхоналари ва микрофирмалар фаолият кўрсатади. Умумий таълим, болалар мусиқа ва спорт мактаблари, касб-ҳунар коллежи, туман марказий кутубхонаси, клуб муассасалари, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, стадион ва б. спорт иншоотлари бор. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона, поликлиника, дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатади. Қдан Урганч, Хива шаҳри ва б. туман марказларига автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.



Хамкашшоф боғи.

ҚЎШКЎПИР ТУМАНИ — *Хоразм вилоятидаги* туман. 1936 й. 17 апр.да ташкил этилган. 1962 й. 14 дек. да Хива туманига қўшиб юборилган. 1966 й. 9 янв.да қайта ташкил этилган. Шим. дан Шовот, шим.-шарқ ва шарқдан Урганч туманлари, жан.дан Хива тумани, ғарбдан Туркманистон 6-н чегарадош. Майд. 0,54 минг км². Аҳолиси 128,7 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Қўшкўпир), 12 қишлоқ фуқаролари йиғини (Кенагас, Оқдарбанд, Хонобод, Хосиён, Шихмашҳад, Янгиариқ, Ўзбекён, Ўртаён, Қатағон, Гозоват, Ҳадра, Ҳайробод) бор. Туман маркази — *Қўшкўпир* шаҳарчаси.

Табиати. Туман ҳудуди, асосан, текислик. Иқлими кескин континентал. Қишнинг энг совуқ ойи (янв.)да ўртача т-ра —5°, энг паст т-ра —32°. Ёзнинг энг иссиқ ойи июлнинг ўртача т-раси 33°, энг юқори т-ра 42°. Вегетация даври 192 кун. Йиллик ёғин 50—100 мм. Туман ҳудудини кесиб ўтган Каттақўл, Довдон, Довудқўл магистрал коллекторлари ва ундага туташган коллектор — дренаж шохобчалари ишлаб турибди. Тупроғи ўтлоқи тупроқ. Ёввойи ўсимликлардан жийда, турангил, қолуғ; ёввойи ҳайвонлардан чиябўри, қуён учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, эроний, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 239 киши. Шаҳар аҳолиси 16,9 минг киши (2005). Қишлоқ аҳолиси 111,8 минг киши.

Хўжалиги. Туманда пахта тозалаш, силикат ғишт з-длари, МТП, автокорхоналар, қурилиш ташкилотлари, тикувчилик ва гиламчилик цехлари ишлаб турибди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар ва б. фаолият кўрсатади.

Қх., асосан, пахтачилик ва галлачиликка ихтисослашган. Деҳқончилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, балиқчилик ҳам ривожланган. 1 ижара хўжалиги, фермер хўжаликлари, 1 ақциолерлик жамияти, «Қўшкўпир парранда», «Қўшкўпирпиллачилик» масъулияти чекланган жамиятлар, «Қўшкўпир-асаларичилик» жамоа корхонаси бор (2005). Жами 27,7 минг га экин майдонининг 13,3 минг гектарига пахта,



Қўшкўпир шаҳрисининг марказий кўчаси.

Оқдарбанд қишлоғидаги Октоитега меломорий ёдгорлиги (19-а.).





5,3 минг гектарига галла, 370 гектарига картошка, 800 гектарига сабзавот; шунингдек, полиз, озуқа экинлари ҳам экилади (2005). Мевазор, тутзорлар бор.

Қ.т.даги жамоа ва шахсий хўжаликларда 54,5 минг қорамол (шу жумладан, 22,9 минг сигир), 55,1 минг қўй ва эчки, 163 минг парранда боқилади (2005). Асаларичилик ва пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади.

Туманда 53 умумий таълим, болалар мусиқа ва спорт мактаблари, касб-ҳунар коллежлари бор. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 35 тармоғи, маданият уйлари, 15 маданият муассасаси, маданият ва истироҳат боғи (2005), стадион, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси (430 ўрин), поликлиника, туғруқхона, 4 тиш даволаш поликлиникаси пунктлари, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар да 216 врач аҳолига хизмат кўрсатади (2005). Қ.т. маркази Қўшқўтир шаҳрчасидан Хива, Урганч ва б. шаҳарларга автобус ва маршрутли так-

Қўшқўтир пахта тозалаш заводининг пахта пункти.

силар қатнови йўлга қўйилган. Меъморий ёдгорликлардан Иморат бобо мъморий мажмуаси (14—18-асрлар) сақланган. 1941 й.дан «Ҳаёт кўзгуси» туман газ. чоп этилади.

Комил Норжонов.

ҚЎШМА ГАП — тузилишига кўра содда гапга ўхшаш икки ва ундан ортиқ предикатив бирликнинг интонация ва мазмун жиҳатидан бир бутунлик ҳосил этиши б-н юзага келувчи гап; гапнинг структурал жиҳатдан алоҳида бир тури. Қ.г. тузилиши ва қўлланиш материалига кўра *содда гапдан* фарқ қилади. Содда гапнинг қурилиш материали сўз ёки сўз бирикмалари бўлса, Қ.г.нинг қурилиш материали содда гапларнинг. Содда гап битта предикатив асосдан, Қ.г. эса икки ва ундан ортиқ предикатив асосдан ташкил топади. Бир қанча туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида, Қ.г.лар қандай мазмун муносабатларини ифодаланиш, грамматик белгиларга, тузилиши ва интонацияларига кўра 3 асосий турга бўлинади: боғловчисиз Қ.г.; боғланган Қ.г.; эргаш-ган Қ.г.

Таркибидаги предикатив бирликлар ўзаро боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги сўз ёрдамида эмас, балки бошқа воситалар ёрдамида бириккан Қ. г. лар боғловчисиз Қ.г. ҳисобланиб, бундай Қ.г.ларда оҳанг муҳим роль ўйнайди. Боғловчисиз Қ.г.лар аксар ҳолларда боғланган ва эргашган Қ.г.лар б-н ўхшаш, муносабатдошлай кўринса-да, улар ана шу турлари гапларнинг боғловчисиз вариянти эмас, балки Қ.г.ларнинг алоҳида тури ҳисобланади: «Саодатхон эшикни очиб кўборди, уйга мудай кул ҳавоси кирди» (С.Зунунова). «Сухтонимуз ўзини четга олишга тиришди, халқ тузқини уни суриб кетди» (Ов6ек).



Таркибидаги предикатив бирликлар ўзаро тенг боғловчилар ёрдамида бириккан (тенг алоқали) Қ.лар боғланган Қ.г. лейлиб, унинг таркибий қисмлари шаклан мустақил кўринса-да, мазмунан ва тузилиш жиҳатдан бир бутунликни ташкил этади. Мас.: «Баҳор келди ва гуллар очилди». «Дилафрўз чиндан ҳам ўзгарган, аммо ўктам кулгуси, ҳаралай кўзларининг кибрини бокиши ўша-ўша эди» (Ў.Ҳошимов).

Таркибидаги предикатив бирликлар (содда гаплар) бош ва эргаш ҳолатида бўлиб, яъни бош ва эргаш гапларнинг тузилиб, эргатлигичун боғловчилар, бир қанча феъл шаклари, ҳокима ва кўмакчилар, нисбий сўзлар ва тобелланиш оҳанги ёрдамида бирикиб, бири иккинчисини аниқлаш, тўлдириш каби вазифаларни бажарадиган Қ.г. турн эргашган Қ.г. ёки эргаш гапли Қ.г. дейилади. Мас.: «Бир куни кўчада кетаётсам, Умри бир бош узум кўтариб келяпти» (А.Қаҳҳор) гапидаги, «бир куни кўчада кетаётсам» қисми эргаш гап бўлиб, у бош гапдаги (Умри бир бош узум кўтариб келяпти) иш-ҳаракатнинг амалга ошиш пайти (вақти)ни аниқлаб, уни тўлдирмоқда, предикатдаги шаклга кўра тобе ҳолатда турибди. Демак, бош гап эргашган Қ.г. таркибидаги ҳоким компонент, яъни эргаш гап томонидан ўзи ёки бирор бўлаги аниқланадиган, эргаш гап тобе бўладиган гапдир. Мас.: «Қайси киши эрталаб шундай маиш қилса, у дарага чалинмайди» гапи эга эргаш гапли Қ.г. бўлиб, ундаги «у дарага чалинмайди» қисми бош гап ҳисобланиб, бош гапнинг эгаси эргаш гап орқали изоҳланмоқда. Ёки «Шошиш керак эмас, чунки бу ёғи ишқи ҳавфи йўқ» гапида эса «Шошиш керак эмас» бош гап бўлиб, эргаш гап бош гапдан англашилган ҳаракатнинг сабабини кўрсатмоқда. Эргаш гапли Қ.г. таркибидаги тобе қисм эргаш гап ҳисобланади. Эргаш гап бош гапга эргашиб (тобелланиб), бу гапни ёки унинг бирор бўлагини қандайдир (пайт, ўрин, сабаб, натижа ва б.) жиҳатдан аниқлаб, белгилаб келади. Ўзбек тилига доир мажуд дарслик ва қўлланмаларда эргаш гаплар (эргаш гапли Қ.г.лар) мазмун ва вазифаларига кўра 14 турга ажратилади.

Қ.г. ва унинг турлари, Қ.г.ларнинг табиати масалалари рус ва европа тилшуносликлари қатори ўзбек тилшунослигида ҳам кенг, атрофлича ўрганилган. Бу соҳада, айниқса, акад. Ғ.Абдурахмонов ва М.Асқарованларнинг хизматларини алоҳида қайд этмоқ керак. Шуниндек, А. Ғуломов, Ҳ. Ғозиев, Ф. Камолов, А. Азизхва, Х. Рустамов, Э. Азларов, А. Кононов, Э. Грунина, Х. Абдурахмонов, А. Нурмонов, Н. Маҳмудов ва б. ҳам ўзбек тилида Қ.г. синтаксисини ўрганиш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлар. Кейинги йилларда (ўтган асрнинг 90-й.ларидан) ўзбек тилшунослигида Қ.г.ларни, умумий синтаксис доирасида, ўзига хос ёндашувлар асосида ўрганиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ўзбек тилидаги Қ.г.

ман синтактик ҳодисаларни янгича нуқтаи назар б-н системавий-структур усулда ўрганиш бошланган.

Ад.: Абдурахмонов Ғ., Қўшма гап синтаксиси асослари, Т., 1958; Асқарова М., Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар, Т., 1960; Абдурахмонов Ғ., Қўшма гап синтаксиси, Т., 1964; Ғуломов А., Асқарова М., Ҳозирги ўзбек адабий тили, Синтаксис, Т., 1965 ва 1987; Асқаров М., Ўзбек тилида эркинлик формалари ва эркин гаплар, Т., 1966; Ўзбек тили грамматикаси, 2-ж. (синтаксис), Т., 1976; Нурмонов А., Гап ҳақида синтактик назарлар, Т., 1988; Маҳмудов Н., Нурлиниш А., Ўзбек тилининг эгалик грамматикаси (синтаксис). Т., 1995.

Абдуҳалим Маҳмудов.

ҚЎШМА КОРХОНА — бошқа мамлакатлар фирмалари иштирокида бунёд қилинган, ташкилий жиҳатдан ягона юридик шахс сифатида расмийлаштирилган корхона. Қ.к. ўзаро манфаатдорлик негизида, ҳукуматлараро шартномалар асосида ташкил қилиниб, и.ч., илмий-и. ч., илмий-техника вазифаларини ечишга қаратилади. Таъсисчиларнинг ўз мулкларини бирлаштириш ва бадаллари ҳисобига Қ.к.нинг молиявий фонди яратилади. Қ. к. саноат, қ.х., қурилиш, транспорт, савдо, фан ва миллий истеъмолчиларни бошқа соҳаларда ташкил этилиши мумкин. Қ.к., асосан, чет эл техникаси, технологияси, инвестицияси асосида барпо этилиб, маҳаллий ком ашё ва ишчи кучи ҳисобига ишлайди, ўз мустақил балансига эга бўлади, тўлиқ хўжалик ҳисоби асосида фаолият олиб боради. Қ.к.нинг чет эллик таъсисчиси даромад ҳиссасини ўз мамлакатига олиб чиқиб кетиш (ўтказиш) ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистонда, асосан, мустақилликдан кейин Корея Республикаси, АҚШ, Ҳиндистон, Италия, Туркия, Покистон, Германия, Россия, Украина, Буюк Британия ва б. бир қатор давлатлар компаниялари ва фирмалари б-н қамкорликда Қ.к.лар ишга туширилди. Автомобилсозликда «Ўз ДЭУавто» Ўзбекистон-Корея (қ. *Асака автомобиль заводи*), «*СамКочавто*» Ўзбекистон-Туркия, олтин саноатида «*Зарафшон-Ньюмонт*» Ўзбекистон-Америка, «ЎзБАТ» Ўзбекистон-Буюк Британия (қ. «*Бритиш Американ Тобакко*»), «*Совластстал*» Ўзбекистон-Италия, телекомуникация корхоналари ва б. жуда кўп Қ.к. фаолият кўрсатмоқда.

2002 й.да чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар экспорти ҳажми Ўзбекистон Республикаси умумий экспорт ҳажмининг 19,8% ни (443,0 млн. АҚШ доллари) ва импорт республика умумий импорти ҳажмининг 26% ни (704,8 млн. АҚШ доллари) ташкил этган. Ўзбекистонда 2004 й. 1 янв. ҳолатига кўра чет эл инвестициялари иштирокидаги 3539 корхона рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 62,4% фаолият кўрсатган.

Дилфуза Саидова.

ҚЎШМА СЎЗЛАР — икки ёки ундан ортиқ ўзак морфеманинг қўшилишидан ҳосил бўлган ва ягона структур-семантик бирликни ташкил этган сўзлар. Мас.: қўлойиш, билагузук, умбручак, атиргул, бутакўз, момошомғул, медмонлуст, балиндпарвоз, эркасемир, жигарранг каби. Қ.с. ясалиши учун асос бўлган сўзлар ўзларининг дастлабки маъноларини қисман ёки бутунлай йўқотади: улар бирлашган тамоман янги луғавий маъно билдиради. Чунончи, ош ва қозон сўзлари алоҳида лексемалар сифатида ўз луғавий маъноларига эга. Лекин уларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган ошқозон сўзи мазкур сўзларнинг дастлабки маъноларидан фарқланувчи янги маънони — «инсон ва ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш аъзоси» маъносини англатади. Қўзикорин, итоғоз, оқсоч, оқсуяк, кампирпон сингари Қ.с. ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Қ.с. қисмлари орасидаги маъно муносабати ҳар хил. Улар ўхшатиш, қиёслаш (карнайгул, отқулоқ, тувакуш, шерорак, қўйкўз), хослик, бирор нарсага мўлжалланганлик (гулбутак, молхўра, олоккурак, тоққайчи, қийматакта), бирор ўрин-жойга мансублик (сувилон, тоғолча, чўлқанғо, қўқонарава), бирор белгига нисбат бериш (ингичкоғоз, олақарға, шўрданак, қизилитоп, Қизилтепа), миқдорга муносабат (бешбармоқ, минғоёқ, қирқоғайин, Бешариқ) ва б. маъноларни англатади. Қ.с. структурасига кўра синтактик алоқаларни эслатади, бошқача айтганда, Қ.с. эга-кесим муносабатида, бошқарув, мослашув, битишув алоқаларида бўлган сўз бирикмаларга асосида келга келтирилган. Мас., гўштқўйди, келинғушди каби Қ.с. эга ва кесим муносабатини эслатса, тўйбоши, томорқа, қўзойнак каби Қ.с. мослашувни, китобсевар, дунёқараш каби Қ.с. бошқарувни, замокалла, кўкқултон, ишкабтопар каби Қ.с. от-битишувни эслатади.

Қ.с. от, сифат, равиш ва қисман феъл туркумига тарқалган. Уларнинг компонентлари бир сўз туркумига ёки турли сўз туркумларига мансуб бўлиши мумкин. Мас., қўшма отлар от+от (белкурак), сифат+от (оққуш), сон+от (саккизоёқ), феъл+от (Ёрилтош), от+феъл (бўйқуш), феъл+феъл (Сотиб-олди, ишлаб-чиқарди) каби қолипларда бўлади. Бошқа сўз туркумларига оид Қ.с. ҳам ўзига хос қолиплар асосида ясалади.

Ўзбек тилшунослигида Қ.с.ни ўрганиш бўйича А.Ҳожиев, Б.Мадаминов, Н.Маматов ва б. томонидан анчагина изланишлар олиб борилган.

Ад.: Ҳожиев А., Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар, Т., 1963; Маллаев Б., Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар, Т., 1966; Маматов Н., Ўзбек тилида қўшма сўзлар, Т., 1982.

Насриддин Дониёр.

ҚЎШМАДРАСА — Бухородаги кўш (муқобила) усулидаги бунёд этилган меъморий ёдгорлик; қад. қўчанинг икки бетини эгаллаган *Абдуллахон мадрасаси* (1588—90) ва *Мадрасхон мадрасаси* (1566—1567)дан иборат мажмуа. Иккала бинонинг бош тарздаги бир мўжазгина ўқув бўлаб бир-бирига қаратиб қурилган; мажмуа учун ажратилган жойдан мақсадга мувофиқ фойдаланилган. Абдуллахон мадрасасининг тарҳи тўғбурчак бўлган ҳовли жан. томони қисман ичкарига кирган; тарбий ва шим. томонларида ташқи ҳужраларга тўғри чиққан бўрчак қисмлари ўртасида ҳовлига бўлиб, у 2 қаватли («ёрғучи») ва гумбазлилар (гумбаз



Қўшмадраса тарҳи.

«Абдуллахон фонуси» деб юритилади). Мозорихон мадрасасидан тўғри мўжазгина ўқув ва дарвозахонанинг орқасида синиқ даҳли ётади. Бу мадрасани қибла тарафга қаратиб қуриш зарурлиги келиб чиққан. Абдуллахон мадрасасидан ҳам мажид қиблага қаратиш зарурлиги мадрасанинг умумий тарҳига нисбатан бурчак остида қурилган. К. Ўрта Осиёнинг ноёб меъморий мажмуалари қаторига киради.


ҚЎШНАЙ — ўзбек, тожик ва б. Шарқ халқларида тарқалган пуфлама тилчали мусиқа чолғуси. Бир-бирига ўзаро боғланган иккита бир хил ғаров қамишдан ишланади. Найчаларнинг уз. 250—300 мм, диаметри 14—16 мм атрофида бўлади. Пуфлаш учун учининг тўсиқ қисмида тилча очилади. Тилчаларнинг тебранаётган қисмларини қисқартириш ва узайтириш учун ингдан халқаси ва унинг пастида 7—8 бармоқ тешиклари мавжуд. Диапазони 1,5—2 октавага етади. Кучли, ёқимли товушга эга. Ҳозирда анъанавий чолғу ижрочилигида асосан Фарғона-Тошкент ва Хоразм воҳаларида, шунингдек, халқ чолғулари оркестри таркибида қўлланилади.



Қўшнай.

Ахмаджон қўшнай Умурзоқов, Зиёмиддин Шокиров каби Қўқон ўтган. Ҳозирда М.Матёқубов, Й.Тожиев, Н.Рўзиев каби созандалар фаолият кўрсатади.

ҚЎШНИ БУРЧАКЛАР — бир томони умумий қолган томонларини тўғри чизиққача тўлдирувчи нурлардан ташкил топган бурчаклар. *K*,*б*. *вингидаги* 2 *d* га тенг. Бу ерда *d* тўғри бурчак. Қўшни бурчаклар учун қуйидаги хоссалар ўринли: 1) қўшнилари тенг



Қўшни бурчаклар.

бўлган бурчаклар ўзаро тенг; 2) қўшнисига тенг бўлган бурчак тўғри бурчакдир.

ҚЎШОЁҚЛАР, қўшоёқсимонлар (Dipodidae) — кемирғучилар турқумига мансуб сут эмизувчилар оиласи. 14 уруғи, 30 тури маълум. Европасиё, Шим. Африка ва Шим. Америкада тарқалган. Танасининг уз. 5—26 см; думи танасидан узун, учида бир тутам туки бор. Орқа оёқлари олдингисига нисбатан 3—4 марта узун, 1-ва 5-бармоқлари қисқарган ёки бутунлай йўқ. Кейинги 2 оёғида сакраб ҳаракат қилади. 3 м гача узунликка сакрайди. Илиқ ва иссиқ минтақалардаги дашт, чўл ва тоғ-чўлларда, тоғларнинг очиқ ландшафтларида яшайди. Йилда 2 марта 1—8 тадан болалайди. Ҳамма Қ. қишки уйқута кетади. Тунда ёки оқшомда фаол. Ўсимликнинг ер остки қисми, уруғлари, баъзан қанғарот ва уларнинг личинкаларини б-н озиқланади. Ўрта Осиёда митти Қ., катта Қ., северцов қўшоёғи, кмуранчик қўшоёқ, жуноёқли Қ., туркман қўшоёғи, тароқбармоқли Қ. ва б. тарқалган.

ҚЎШРАБОТ — Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги қишлоқ, туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Каттақўрғон (58 км). Қдан Самарқанд ш. гача 100 км. Аҳолиси 10 минг кишига яқин (2004). Қда пахта тозалаш, гишт з-лари, МТП, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, деҳқон бозори бор. Умумий таълим, болалар мусиқа, спорт мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, туман маркази кутубхонаси, маданият уйлари, стадион, спорт мажмуаларини ва б. спорт иншоотлари мавжуд. 6 касалхона (шу жумладан, туман марказий касалхонаси, поликлиника, туғруқхона ва б. тиббий муассасалар фаолият кўрсатади. Қдан Самарқанд ш. ва қўшни туман марказларига йўловчилар ташувчи автобуслар ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҚЎШРАБОТ БУЮРТМА КЎРИҚХОНАСИ — *Самарқанд вилоятининг* Қўшработ туманида жойлашган. 1991 й. 8 июлда ташкил этилган. Майд. 16300 га. Мавжуд ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва б. кўриқланади, нодир ўсимликлар, қайвонлар кўпайтирилади. Буюртмахонада оз қилиш, дарахт ва бутаҳарни кесиш, доривор ўсимликларни терши тақиқланган.

ҚЎШРАБОТ ТУМАНИ — Самарқанд вилоятидаги туман. 1978 й. 3 апр.да ташкил этилган. Шарқдан Пайариқ, жан.дан Иштихон, Каттақўрғон туманлари, ғарб ва шим.дан Нақош вилоятининг Нурота, жан.-ғарбдан Хатирчи туманлари, шим.-шарқдан Жиззах вилояти б-н чегараланд. Майд. 1,11 минг км². Аҳолиси 93,3 минг киши (2004). Туманда 7 та қишлоқ фуқаролари йиғини (Жўш, Зармитан, Охунбобоев номидаги, Оқтепа, Пангат, Урганджи, Қўшработ) бор. Марказ — Қўшработ қишлоғи.

Табиати. Ер юзаси Нурота тоғлари ва тог олди қисмларидан иборат. Шим.да Нурота тизмаси (энг баланд жойи — Ҳаётбоши чўққиси, 2165 м), жан.да Оқтог тизмасининг шарқий қисми жойлашган. Рельефи тизмалардан атрофга томон 500 м гача пасайиб боради. Тизмалар этаги меридионал йўналган водийлар б-н қирқилган. Йирик-ла тизма Нурота ботиғи орқали бир-бирилан ажралиб турали. Иқлими тог текислари ва ён бағирларида нисбатан салқин, тог этакларида ва ботиқларда ёз иссиқ ва қуруқ, қиши унчалик совуқ бўлмайди. Янв.нинг ўртача т-раси —1°, энг паст т-ра —29°, июлнинг 27—28°, энг юқори т-ра 43° Вегетация даври 200 кундан ортиқ. Йиллик ёғин 200—300 мм, тог ён бағирларида 600 мм гача, асосан, баҳор ва қишда ёғади. Ёғингарчилик фасилда тоғларда оқар-сувлар ҳосил бўлади. Ёзда сойларнинг кўпчилиги қуриб қолади. Йирик-рок сойлари — Оқсой, Сағанақ, Ғужумсой, Пиччатсой, Пангатсой ва б. Тоғли қисмларда булоқ кўп. Тупроқлари ботиқда очқўнғ, бўз, тог ён бағирларида тўқ бўз тупроқ, 1600 м дан баландда тог-жигарранг ва тог-ўтлоқ тупроқлари тарқалган. Ўсимликлари, асосан, чўл ва тог-чўл дашт-лиқларига хос. Тоғларнинг 1500—1700 м баландликкача бўлган қисмлари чала чўл ўсимликлари, яъни эфемер ва эфемероидлардан ташкил топган. Бу ерда бутазлардан бодом, учқат, наъматак, писта, дўлана ва б. ўсади. Тоғларнинг бешинч қисмида ора-сира арчалар учрайди. Тог олди қисмларида шувоқ, ширак, эфемерлар (ранг, қўғирбош ва б.) ўсади. Ёввойи қайвонларлан тулки, бўри, бўрсиқ, типратикан, юморнқозиқ, тошбақа, эчкемар, илонлар (жумлалан, заҳарли илонлар), қушлардан қаклик, қорабовур, бургут, қорақарға ва б. бор. Қазилма бойликлардан олтин, қурилиш материаллари қазиб олинади. Ҳудудида *Қўшработ буюртма қўриқхонаси* жойлашган.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, татар, рус ва б. миллат вакилларя ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 84 киши.



Хўжалиги, асосан, чорвачилик, галлачилик, қисман боғдорчилик ва тамаддихлик ихтисослашган. Чорвачиликнинг асосий тармоғи — қорақўйчилик. Тумандa йирик, ўрта, кичик корхоналар ва микрофермалар фаолият кўрсатади. Аҳолига машиний хизмат кўрсатувчи кичик корхоналар (пайпи тикиш, автомобиль таъмирлаш, телеаппаратуралар тузатиш ва ҳ.к.) ҳам бор.

Қ.т.да 60,2 минтта яқин қорамол, 207,5 минтдан зиёд йилқи боқилади. Қ.х. маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликларида етиштирилади. 5 ширкат, 1 жамоа, 1 насличилик, махсус, 388 фермер хўжалиги бор.

2004/2005 ўқув йилида 88 умумий таълим мактабида 25,8 минтта яқин ўқувчи, 2 касб-ҳунар коллежида 734 талаба таълим олди. 44 кутубхона (178,7 минг нусха китоб), 19 маданият уйи, стадион, спорт майдончалари мавжуд. 6 касалхона (320 ўрин), 34 фельдшер-акушерлик пункти, 18 қишлоқ врачлик амбулаторияси ва 6 тиббий муассасалар 125 ўрин, 710 ўрта ва кичик тиббий ходим ишлайди.

Тошбулат Жўлабоев.

ҚЎШТИРНОҚ — ўзбек тилида кенг қўлланадиган, кўп (тўрт) элементли, қўшалоқ ҳолда ишлатиладиган чегараловчи тиниш белгиси. Унинг умумий шакл-ҳисобланган график шакли „ " дан иборат бўлиб, нашрнёт ишларида « » шаклида ҳам қўлланади; илмий услубда якка тирноқ шаклида (, ') ишлатилади. Унинг биринчи қисми очилувчи Қ., иккинчиси эса ёпилувчи Қ. деб юритилади. Ушбу тиниш белгиси ўзбекча матнларда 1886 й.дан «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида қўллана бошлаган.

Қ. кўп вазифали тиниш белгиларидан бўлиб, муайян қисмини четаралаб кўрсатиш б-н бирга, унинг матн (Қ.да олинган қисм киритилган умумий матнга синтактик ва интонацион жиҳатдан маълум даражада боғланишини, унга муносабатлашувни ҳам кўрсатади. Қ. маълум қисмнинг ўзгалиги, муайян нутққа ётганлиги (четдан киритилганлиги), унинг одатдаги маънода қўлланмаганлигига ва б.ни ифодалаш учун хизмат қилади. Қ. такрорий, оддий ва мураккаб қолатда қўшалоқ ҳолда қўлланa олади. Бунда очилувчи ва ёпилувчи Қ.лар кетма-кет қўлланади; бунда улардан биринниг шакли ўзгартириб қўлланади.

Қўйидагилар Қ. ичига олинади: *а) сўз, сўз бирикмаси, иборa ва гап* шаклларида бўлган кўчирма (ўзга) нутқ (қ. *Кўчирма гап*); *б)* цитаталар; *в) кўчма маънода қўлланган, қўлланишин одат тусига кирмаган, эскирган ёки янги қўлланаётган;* кесатиқ, пичинг, киноя ва б. маъно учун қўлланган сўзлар; *г)* балний асар, газ., жур., мусиқа асарлари, спектакль ва б.нинг номлари; *д)* муассаса, ташкилот, корхона, жамоа ва ширкат хўжаликлари, завод, фабрика, меҳмонхона, турли (ер, сув, қазилган) транспорт воситаларининг шартли номлари; *е)* тарқатибда «орден», «медаль» сўзлари бўлган, аммо бу сўзлар *б-н синтактик алоқага* киришмаган орден ва медалдар номи; *ё)* маҳсулотларнинг, ўсимликларнинг турини, машина, самолёт, телевизор кабиларнинг маркасини биллирувчи номлар; *ж)* ички монолог (персонажларнинг уйи, ички кечинмаларини англатувчи сўз ва гаплар); *з) синфлар,* бўёрқлар, қирқларнинг айрим бандларига қўшилиб ёзиладиган ҳарфлар: IX «А» синф, 6- «А», синф, 135 - «В» сонли қарор, 10-модданинг «Б» банди; *и)* баҳо баллари («беш», «тўрт» ёки «пло», «яхши»); *й)* мати ичида келган мақоллар, қиқматли сўзлар, сарлавҳалар ва б.

ҚЎШТОР НЕФТЬ-КОНДЕНСАТ КОНИ — Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги кон. Жарқўрғон ш.дан 100 км шарқда. 1966 й. очилган. 1967 й.да фойдаланишга топширилган. Кон релъефи бир-бирига уланиб кетган тепаликлар тизими ва жарликлардан иборат. К.н.-к.к. шим.-шарқий йўналишда чўзилган тор антиклиналь структурада жойлашган. Жами 27 та қудуқ қазилган, бир, палеоген ва неоген давралари жинслари очилган. Саноат миқёсидаги нефть 2-, 3-, 4-горизонтларда мужассамлашган. 2-горизонт палеоген даври бухоро қатламининг юқори қисмидаги дарзли оҳактошлардан (1272—1258 м), 3-, 4-горизонтлар ўрта қисмидаги оҳактошлардан таркиб топган. 2-горизонтдаги нефть унумининг ўртачаси 6,2×0,5 км, нефтзилик майдони 290 га. Нефть таркибида олтингугурт — 5,58%, асфальтин — 0,97%, акциз смоласи — 80%, парафин — 5,95%. Қ.н.-к.к.нинг расига кўра кичик конлар тоифасига киради. Кондан ҳоз. кунда фойдаланилмоқда.

ҚЎШЧИ — қад. туркий қабилалардан бири. 6—7-а.ларда *Турк хоқонлиги* таркибида бўлган. *Мўғуллар истилоси даври*да Дашти Қипчоққа келиб жойлашган. 16-а. бошларида *Шайбонийлар* қўшинларн таркибида Мовароуннаҳрга келишган. Улар Шайбонийлар ва *Аштархонийлар давлатларининг* барқарор тизимида фаол иштирок этганлар. Бухоро эмирлиги даврида Қ.ларнинг аксилларн тахтга чиқариш мақсимида иштирок этишган. 19-а. охири 20-а. бошларида Қ.лар қуйидаги уруғларга бўлинган: қалтақлик, тўққиз-новча, ших-саёд, моли. Уларнинг катта қисми Самарқанд вилоятининг Ургут, Жомбой туманларн, шунингдек, Жиззах вилоятида ҳам яшаган. Қ.лар, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик *б-н* шуғулланиб, 16—17-а.лар давомида ўтроқлашиб кейинчалик ўзбек халқи таркибига сингиб кетган.

Қ.ларнинг айрим уруғлари туркман, қирғиз, қозоқ ва бошқирдлар таркибида *кнрган.*

«ҚЎШЧИНОР» — 1) мақом услубида яратилган йирик шаклдаги Бухоро ашулаларидан; 2) икки турли йўлдаги чолғу қўйлар номи. «Қ.-1» «Жаҳоннор» куйи асосида, «Қ.-2» озарбайжон халқ куйлари негизида яратилган.

ҚЎҚОН — Фарғона вилоятидаги шаҳар. Фарғона водийсининг гарбий қисмида, Сўх дарёси (*тармоғи*)нинг қуйи оқимида жойлашган. Т.ш. станцияси. Қ.жан.дан Катта Фарғона канали ўтади. Аҳолиси 211 минг кишн (2004, 1879 й.да 18,4 минг, 1926 й.да 68,4 минг, 1939 й.да 85 минг, 1959 й.да 105 минг, 1979 й.да 158 минг кишн).

Маҳаллий *тарихчи* ва археологлар орасида шаҳарнинг ёши 2 минг йилдан ортиқ деган тахмин мавжуд. Қ.га оид дастлабки маълумотлар 10-а. ёзма манбаларида учрайди. Этимологияси ҳақида турли *тахминлар бор* [мас., Истахрий ва Ибн Ҳавқал асарларида «Ҳавоканд» (Ҳўканд) шаклида, яъни



Қўқон темир йўл вокзали.



Қўқон шаҳар ҳокимияти биноси.

«тўзал», «ёқимли» ёки «шамол шаҳри» маъносида учрайди]. Кейинги асрларда «Ўққанди латиф» деган атама ҳам ишлатилган. Ундан ташқари «Белландликдаги шаҳар», «кулар шаҳри» (*гьани*, «ку (кх)» қабиласи — *элати шаҳри*») версиялари ҳам бор. Қад. Хитой қўлёзмаларида Қ. номи «Гуйшин», «Ухан» тарзида ифодаланган.

Қ.нинг 18-а.гача бўлган сиёсий тарихи ҳақида маълумотлар жуда оз. Қ. подшо Россияси қўшинлари томонидан забт этилгунда *Қўқон хонлиги* архивининг кўп қисми олиб кетилган. Қ. қалъида Ҳиндистон ва Хитойга боришлигини кироят йўлида жойлашган. 13-а.да мўғуллар томонидан бутунлай вайрон қилинган. Шундан кейин 18-а.гача Қ. кичик аҳоли гуруҳ жойи сифатида мавжуд бўлган. 1709 й. Қўқон хонлиги ташкил топгач, *1711* й. *Эски*қўрғон қалъаси ўрнида қоз. Қўқонг ш.га асос солинди, истеъқом ва қалъа барпо этилди. 1732 й. *Абдураҳимбий* бу ишни ниҳоясига етказди ва шаҳарни хонлик пойтахтига айлантирди. Шу даврдан бошлаб шаҳар Қ. деб атала бошлади. Шаҳарнинг мустаҳкам девори, 12 дарвозаси (Хўжанд, Ғозиёлик, Қулуқлиқ, Сармозор, Наманган, Чимён, Сўх, Марғилон, Ряштон, Муйимўборак, Қатағон, Исфара) бўлган. Қ. ҳудуди 12 маъмурий бўлак (даҳага)га тақсим қилинган. Шаҳарда 3 мингга яқин хонадонда 31 минг киши яшаган. Норб-ўтабий даврида (1766—98) равнақ топди. Шарқнинг савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик марказларидан бирига айланди. Олимхон ҳукмронлиги даврида (1801—1810) эса Қ.нинг сиёсий мавқеи кучайди. Умархон (1810—22) ва унинг ўғли Муҳаммад Алихон (1822—42) ҳукмронлиги даврида Қ. фан, маданият, адабиёт ва санъат марказига айланди. 1842 й. Қ. Бухоро амири *Насруллохон* томонидан босиб олинди. Қўқон хонлиги рус қўшинлари томонидан ишғол этилиб, Туркистон генерал-губернаторлигига қўшиб олингач (1876), Қ. янги ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилояти маъмурий маркази бўлади. Вилоят маркази Янги Марғилон (ҳоз. Фарғона ш.) га кўчирилгандан кейин (1877 й. 27 апр.). Фарғона вилояти уезд шаҳри, сўнг вилоятнинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлиб қолди. Қ. қалъидан ҳунармандчилик маркази бўлган. Қад. мисгарлик, заргарлик, ўймакорлик, қуроллчилик, кулолчилик, қоғозгарлик, балиқ тўқимачилик, дўппичилик, каштачилик, темирчилик, кўпчиксозлик кабилар ривож топган. *Қ. ғаznolлари Шарқда* ва Россияда машҳур бўлган. Айниқса, Қўқон қоғози ҳунармандчиликнинг илоҳида тармоғи сифатида ном қозонган. Рус табиатшуноси А.П. Федченконинг таъкидлашича (1871 й.да), Ўрта Осиёдаги энг сифатли қоғоз Қ.да ишлаб чиқарилган. Шаҳар ҳаётида савдо муҳим ўрин тутган ва ички ҳамда ташқи салтоза бўлимлари. Шаҳар рус *қўшинлари* томонидан забт этилган, подшо Россияси ҳукумати бу ерда Россия манфаати учун зарур бўлган пахтачилик саноатини ривожлантиришга аҳамият берди. 19-а. охири — 20-а. бошларига келиб шаҳар ва унинг атрофида 31 пахта тозалаш, 5 ёғ-мой, 7 пилла қуритиш ва 2 ипак қурти уруғи з-лари ишга туширилди. Ушбу корхоналарда 3000 кишига яқин одам ишлаган. Туркистон Умумроссия товар муомаласига тортилиши натижасида бир қанча шаҳарлар, жумладан, Қ.да ҳам пахта харид қилиш ва уни ташиш б-н шуғулланувчи рус ва чет эл ширкатлари («Андреев ширкати», «Россия жамияти», «Кавказ ва Меркурий», «Эрон савдо-саноат ширкати», «Шарқий жамият» ва б.) ташкил қилинган. 1913 й.да Қ.да 5 минг.дан ортиқ савдо дўконлари, 44 карвонсарой, 20 бозор, *10 банк*, касалхона, *туғруқхона* ва 2 дорихона ишлаб турган. Хонлик даврида Қ.да 52 мадраса фаолият кўрсатиб, уларнинг дастлабкиси «Мадрасаи хиштин» (1729) бўлса, сўнгги кўрсатгичи «Суффия» (1891) мадрасасидир. 20-а. бошида Қ.да 120 та эски мактаб, ўнлаи ортиқ жадид мактаби, 3 та рус-тузем мактаби, т.й. ва савдо-тижорат мактаблари ва б. ўқув масканлари бор эди. 20-а.нинг бошларида Қ.да «Садои Фарғона», «Янги Фарғона», «Қўқон садоси» газеталари чоп этила бошлади. 1917 й.нинг кузида Қ.да *«Туркистон мухторияти»* ъзоси қилинди. Аммо кўп вақт ўтмай бу ъзолик ҳаракатининг марказий Қ. большевиклар томонидан қонга ботирилди (1918 й. фев.). Тарихий маълумотлар бўйича бу қирғинда 10 мингдан зиёд киши қурбон бўлган. 1918 й.да Қ.да шўролар ҳокимияти ўрнатилди.

2-жаҳон уруши йилларида Қ. механизациялари фронтга кийим-кечак, *озиқ-овқат, дори-дармон жўнатиб* турилар. Шаҳар аҳолиси фронт учун 10,7 млн. сўм пул жамғариб берди. Қўқонлик жангчилардан *2 минг 682* таси совет Совет Иттифоқининг орден ва медаллари б-н мукофотланди. 12 таси Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Қ. Фарғона вилоятининг (Фарғона ш.дан кейин) 2- йириллаги саноат, *транспорт* ва маданий марказидир. Шаҳарда 22 п.ч. корхонаси мавжуд. Шулардан 2 пахта тозалаш з-ди, «Улуғбек», «Қўқонпилла», «Шоирлатлас тўқиш», «Қунчи», «Зилол», «Қўқонёғмой», «Қўқонмой», «Қўқонгўлф», «Қўқонспирт», «Мастона» корхоналари, ипак тайёрлаш, мармар, механика, «Электромаш» з-длари, машинасозлик, гилт, ч.ч., суперфосфат, «Қўқон» ч.ч., мебельсозлик, қурилиш материаллари корхоналари, ип йигирув, пайпоқ-тўқув, пойабзал, трикотаж-тикувчилик ф-калари ишлаб турибди.

Педагогика ин-ти (7 мингдан зиёд талаба), 14 касб-ҳунар коллежи (жум-



Тиббиёт касб-ҳунар коллежи.



«Пахтабанк» шаҳар бўлими биноси.

лидан Қодирхон Ҳайдаров номидаги тиббиёт ва амалий санъат колледжи, 1997), академик лицейлар, мусиқа ва санъат мактаблари, 44 умумий таълим мактаби фаолият кўрсатади. 12 касалхона, 2 диспансер, поликлиникалар, дорухоналар, 2 санаторий мавжуд.

19 кутубхона, 7 клуб муассасаси, 6 та музей (шу жумладан, ўлкашунослик музейи), драма театри, халқ театри ишлаб турибди. 4 болалар спорт мактаби, 3 стадион, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари бор. Қ. шонр. санъаткорлар шаҳри сифатида танилган. Қалинида «Қўқон адабий муҳити» вақтқур бўлган. Шаҳардан бир қанча адабиёт намояндалари: Амирий, Гулханий, Хон, Фозий, Маҳмур, Муфлис, Зорий, Муқимий, Қорий, Комий, Фурқат, Ҳазиний, Насимий Ҳўқандий ва б.; Хамза, Ибрoҳим Дарғом, Ашурали Зоҳирий, Мирзоли Ҳўқандий, Пўлатхон Қаюмий каби маърифатпарвар ижодкорлар етишиб чиққан; Нодира, Дилшод, Барно, Анбар отин, Лайли хоним, Моҳларо, Мушлиғий каби аёл ижодкорлар ҳам шу ерда камол топган. 20-а. ўзбек адабиётида Абдулла Қодир, Собир Абдулла, Усмон Носир, Амин Умарий ва б. ижодкорлар қалами ҳосил қилган. Қ. тарихига доир қўплаб тарихий асарлар мавжуд («Тарихи жаҳонкушо», «Шоҳнома Умархон», «Мунтахаб ут-таворих», «Ансоб ус- салотин ва таворих ул- ҳаковқин» ва б.). Қ. меъморлигининг шаклланиши 18-а.дан бошланади. Шу даврда шаҳарда мадраса, масжид, мақбара, корвонсарой-кўприк ва б. бинослар бунёд этилди. Монументал иншоотлар Ўрта Осиёнинг қад. шаҳарлари биноларининг тузилиш тарзида қурилди. Қ.даги йирик меъморий ёдгорликлардан халқ орасида Мадраса Мир номи б-н машҳур бўлган *Норбўтабий мадрасаси*дир (1798), ундан ташқари Даҳма шоҳон ансамбли (1825), Ҳудоёрхон ўрдаси (19-а.нинг 2-ярми), Жоме масжид (19-а. 1-чорак), Камол коми мадрасаси (1941) ва б. ҳам сақланган.

Мустақиллик йилларида шаҳарда янги бинослар қад кўтарди, ободонлаштирилиб, янги майдонлар барпо этилди. мактаб, гимназия, лицей, касб-ҳунар коллежлари қурилди. 2 телестудия, («Мулоқот», «Ёлқин») ишлайди, 4 газ. чоп этилади.

Қ.дан Фарғона ва вилоятнинг йирик шаҳарларига автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

Ад.: Бобобеков Х., Қўқон тарихи, Т., 1966; Қўқон асрлар силсиласида, Қўқон, 2004.

Ориф Жўраев.

«ҚЎҚОН ЁГ-МОЙ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — озиқ-овқат саноатининг йирик корхонаси. «Ёг-мой-тамаки саноати» уюшмаси таркибига киради. Оқланган пахта ёғи, дистилланган ёғ кислотаси, кунжара, шулха ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Ўзбекистонда пахта чигитидан мой олувчи гидравлик прессли биринчи з-д бўлган корхона 1884 й.да ишга туширилган. 1910 й.дан Вадьяевлар савдо уйи таркибига кирган. 1917 б.даги Октябрь тўнтаришига қадар йилига 6,5—7,5 минг т ёғ ишлаб чиқарган. 20-а.нинг 30-й.ларига бир неча марта реконструкция қилинаб, қайта қурилди. 1947 й.дан суткалик ёғ ич. қуввати 55—60 т га етказилди. 1955 й.да ёғ экстракция з-дининг ишга туширилиши б-н 1956 й.дан Қўқон ёғ-мой к-тига айлантирилди. К-тнинг суткалик ёғ ич. қуввати эса 125—130 т га етди. К-тда 1962 й.да соапсток ёғ кислоталарини дистиллаш, 1965 й.да доналор кунжара ич., 1968 й.да мицеллядан *госсипол* ажратиб олиш, сўнг тозалаш цехлари ишга туширилган. 1975 й.да к-т қўшида ўрик, шафтоли данагидан, узум, сон, анор, тарвуз, қовун, чакканда уруғидан ёғ ишлаб чиқарувчи з-д қурилди ва 80-й.лар охирига қадар мева-сабзавот данакларидан ва уруғлардан олинадиган кенг ассортиментдаги ёғлар ишлаб чиқарди. 1994 й.дан очиқ турдаги акциядорлик жамияти ва ҳоз. номда. 90-й.ларнинг 2-ярмидан замонавий чет эл технологик линияларни б-н жиҳозланди, чет эл инвестицияларни жалб қилинди. 2001 й.да корхона қуввати 850—950 т/сутка чигитни қайта ишлашга етказилди. Маҳсулотлари ички бозорда сотилади, қўшни давлатларга экспорт қилинади.

ҚЎҚОН ЖОМЕ МАСЖИДИ — Қўқондаги меъморий ёдгорлик (1819—22). Қўқон хони *Ўзодхон* номи б-н боғлиқ. Масжид ўлкан хонақоҳ ва уни уч томонидан ўраб олган 98 ёғоч устунли кенг айвон ҳамда миноралари иборат. *Бино деворлари ганчкори*, ижарлари часпак услубида, айвон шифти тўсинлари ислимий ва гирих нақшлар, устунлар калла мукарнислар, ўйма нақшлар б-н безатилган, тақчалар мармардан ишланган. Минора конуссимон шаклда, юқори қисми 6 қиррали қифаса тўпчук ва қуббача б-н тугалланган, балкисз. Минора юқорисига айланма зина орқали чиқилади.




Қўқон жоме масжиди минораси.



Қўқон жоме масжидининг ойнатандаги шифти.

ҚЎҚОН КАНДАКОРЛИК МАКТАБИ — *кандакорлик* санъатидаги ўзига хос йўналиш; 18—19-а.ларда шаклланган. Қ.к.м.нинг ўймаси саёз, аммо аниқлиги б-н ажралиб туради, нисбий ва гирих нақшлари жозибалор; усимликсимон нақшлари ажойиб гуллар қосил қилувчи майда қисмларга бой. 19-а. 2-ярмидан чекма безаклар, чизиқлар, катаклар ва б. бўртиқ шакллар кўп учрайди; нақш заминини бўяш кенг қўлланди. 19-а. охиридан нақш мужассаматларида меъморий обидалар (мас., Ҳудоёрхон ўрдаси, уста Фозил иши ва б.), афсонавий қайвонлар (Уста Лутфулла Фозилов иши ва б.) ва одамлар тасвирлана бошлади; буюмлар фероза, маржон ва б. кўлар қалаб безатилади. Қ.к.м. вакиллари баркаш, лаъзи, чой идишлари, коса ва б. анъанавий буюмларни, шунингдек, ф-кала ишлаб чиқарилган идишлар (мас., уста Сидиқ Отаўдаев безаган самовар ва б.)ни ҳам усимликсимон ва ҳандасий нақшлар б-н жозибадор безадилар. Қ.к.м. усталаридан Отаўлла Муҳаммад Ражаб, Мулла Холиқ, Фозил Отаўлаев, Лутфулла Фозилов ва б. таниқлан.



Қўқон кандакорлик мактаби ишлари намуна: дастгоҳ.

21-а. бошига келиб, Қ.к.м. услубида ижод қилаётган уста Мақсуд Маллиев ва унинг шогирдларининг кандакорликни ривожлантиришдаги хизматлари катта, улар ижодида Ўзбекистондаги турли кандакорлик мактабларининг анъаналари уйғунликда қўлланилиб, ажойиб санъат асарлари яратилмоқда.

«ҚЎҚОН МУХТОРИЯТИ» — қ. *Туркистон мухторияти*.

ҚЎҚОН ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, Муқимий номидаги Қўқон педагогика институти — педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1931 й. янв.да кечки пед. институти номи б-н ташкил этилган. 1939 й.дан Ўқитувчилар ин-ти, 1943 й.дан Хотин-қиз ўқитувчилар ин-ти деб аталган. 1954 й.дан ҳоз. номда. 1945 й. окт.да *Муқимий* номи берилган. Ин-тда 9 ф-т (мат. ва информатика, физика-техника, кимё-геогр., ўзбек тили ва адабиёти, чет тили, пед., жисмоний тарбия, тарих-ҳуқуқшунослик, мусиқа). 26 кафедра, 15 бўлим (мультимед ва маърифат; ўқув жараёни сифатини назорат қилиш; илмий; ўқув; ахборот технологиялари; таъминот; рекалацитирип; кадрлар; махсус; медиат муҳофазаси; техник; хўжалик; спиртқи), 25 ўқув ва 1 илмий лаб., кутубхона (220454 асар) ва ўқув зали бор (2005). Ин-т 16 таълим йўналиши (мат. ва информатика; физика ва астрономия; кимё ва экология; биол. ва инсон қаётий фаолияти ҳавфсизлиги; геогр. ва иқтисодий билим асослари; тарих; пед. ва психология; мусиқий таълим; ўзбек тили ва адабиёти; инглиз тили; рус тили ва адабиёти; миллий истиқлол ғояси ҳамда ҳуқуқ ва маънавият асослари; бошланғич таълим ва спорт тарбияви иш; мактабгача таълим ва болалар спорти; жисмоний тарбия ва жисмоний маданият; меҳнат таълими) бўйича бакалаврлар, 3 ихтисослик (мат., физика, ўзбек тили ва адабиёти) бўйича магистрлар тайёрлайди. Ин-тда 1998 й.дан аспирантура фаолият юритади. 2004/05 ўқув йили ин-тда 7086 талаба таълим олди, 444 проф.-ўқитувчи, жумладан, 11 фан д-ри ва проф., 88 фан номзоди ва доцент ишлади. Ин-т фаолияти И.Расулов, О.Бозоров, М.Муқаррамов, Ҳ.Бобобеков ва б. проф.-ўқитувчилар номи б-н боғлиқ. Ин-т ташкил этилгандан бери 30755 мутахассис тайёрлади (2005).

«ҚЎҚОНСПИРТ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — спирт саноатининг йирик корхонаси. «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси таркибида. Қўқон ш.дан 7 км узоқликдаги Муқимий шаҳарчасида жойлашган. Бугдойдан ликер-арақ, тиббиётда ишлатиладиган тозаланган «Экстра» ва юқори даражада тозаланган этил спирти, халқ хўжалигида ишлатиладиган бошқа ликларни маҳсулотлар ишлаб чиқаради. 1991 й.да ўғитлар ва сульфат кислота ишлаб чиқарадиган Янги Қўқон кимё з-ди (1983) негизида ташкил этилган «Қўқонспиртзавод» ишлаб чиқариш бирлашмаси асосида ташкил этилган «Қўқонспирт» корхонасининг ишлаб чиқариш қувватлари 1,8 млн. дал бўлиб, 1998 й.да 2-навбати (ликер-арақ ишлаб чиқариш қувватлари 0,9 млн.дал) ишга туширилди. 2000 й.дан очиқ турдаги акциядорлик жамияти (Ўстав фонди 101 млн. сўм; акциялар пакетининг 51% давлатга, 47% чет эл инвесторларига, меҳнат жамоасига тегишли). Мақсадлари «Ўзмеҳсабзавотузумсаноатхолдинг компанияси корхоналарига етказиб берилади, қўшни давлатларга экспорт қилинади. 2004 й.да 988,1 млн дал спиртли ишлаб чиқарилди.



Қўқон педагогика институ

Абдуқодир Ҳам

«ҚЎҚОН СУПЕРФОСФАТ ЗАВОДИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — қ. саноати корхонаси, оддий, аммонлашган суперфосфат ўғитлари, калций карбид, пайвандлаш электродлари ишлаб чиқаради. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибида. 1935 й. июль ойида ишга тушган. Уруғи йилларида мудофаа аҳамиятига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб қарган. 1941 й.да эвакуация қилинган Нева ва Воскресенск кимё з-дларининг қурилиши асосида суперфосфат цехи қурилиши бошланиб, унинг биринчи



«Қўқонспирт» корхонаси

чи навбати 1946 й. апр.да ишга туширилди. Шу йилдан «Қўқон суперфосфат з-ди» номини олди. 1947 йилда сульфат кислота и.ч. цехи қурилиб ишга туширилди, суперфосфат танқисини камайтириш мақсадида э-д Қоратов (Қозоғистон) фосфоритидан суперфосфат олишни ўзлаштирди. 1953 й.дан аммонийлашган суперфосфат ишлаб чиқарила бошланди. 1956 й.да сульфат кислота ишлаб чиқаришни цех реконструкция қилинди. 1958 й.да 100% да P_2O_5 бўйича йиллик қуввати 42 минг т бўлган, илғор техника б-н жиҳозланган иккинчи суперфосфат цехи, 1962 й.да йиллик лойиҳа қуввати 45,5 минг т аммонийлашган суперфосфат цехи фойдаланишга топширилди. 1964 й.да аммонийлашган суперфосфат олишнинг янги технологияси (аммиизациялаш — қуритиш — ёйиш — майдалаш) жорий қилинди. 1974 й.дан донадор аммонийлашган суперфосфат ишлаб чиқаришни ўзлаштирилди (ишлаб чиқаришдан мақсад ўғитларнинг 40%). 1998 й. апр. ойида *Қозоқдун фосфорит мажмуаси*да ишлаб чиқаришдан фосфорит ком ашёсидан фойдаланишга ўтди ва унинг йиллик ялп. қуввати 178,0 минг т суперфосфатга етказилди. 2003—2004 й.ларда аммонийлаш цех қайта жиҳозланди, ўғитни қадоқлаш автоматлари ўрнатилди. 1997 й.дан акциядорлик жамияти. 2002 й. фев.да корхона акциясларининг 60,2% чет эл инвесторларига сотилди ва Ўзбекистон—Россия чет эл инвестициясини иштирокидаги «Қўқон суперфосфат з-ди» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Маҳсулотлари чет эллларга экспорт қилинади (2004 й.да 600 т суперфосфат). 2004 й.да корхонада 164,1 минг т аммонийлашган суперфосфат, 101,9 млн. сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилган.

ҚЎҚОН ТЕАТРИ, Ҳамза номидаги Қўқон шаҳар мусиқали драма театри — Ўзбекистондаги кўчма театрлардан бири. 1919 й. Ҳамза ташаббуси б-н ташкил топган. 1920 й. округ театрига, 1924 й.дан давлат театрига айлантирилган. Репертуари, асосан, Ҳамза асарлари: «Бой ила хизматчи», «Тухтачилар жазоси», «Ким тўғри», «Заҳарли ҳаёт» ҳамда М.Уйғурнинг «Туркистон табиби», Н.Гоголнинг «Уйланиш» спектакларидан иборат бўлган. 1929 й. театрга Ҳамза номи берилган. 1931 й.дан театр қайта ташкил қилиниб, драма ва мусиқали спек-



«Бишар ҳалимжон» спектаклидан кўриниш.

такллар кўя бошлаган. «Зафар» (У.Носир), «Шоҳи сўзана», «Отрик тиллар» (А.Қаҳҳор), «Ревизор» (Н.Гоголь), «Икки бойга бир малай» (К.Гольдони), «Момақалдироқ» (А.Островский) каби драматик, «Лайли ва Мажнун» (Хуршид; Т.Содиқов, Н.Миронов мусиқаси), «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид; В.Успенский, Г.Мушелъ), «Нурхон» (К.Яшин; Т.Жалилов, Г.Собитов) сингари мусиқали асарлар б-н репертуари бойитилган. 1961 й.дан драма театри деб юритила бошлаган. 1978 й.дан ҳоз. номда. *Л.Саримсоқова, М.Ахмедов, С. Аҳмедов, С. Киримова, З. Мирзатов, М.Қўлдошев, О. Хасанбеглар* шу театр саҳнасида ижод қилганлар. Театр жамоаси *1987* й. янги замонавий бинога кўчиб ўтган.

«Холисхон» спектаклидан кўриниш.



Театр мустақиллик йилларида томошабин талабига мос, янгича талқинга бой, турфа мавзуларни ўз ичига олган спектакллар яратишда изланди. «Тоҳир ва Зуҳра» (С.Абдулла, Т.Жалилов), «Равшан ва Зулхумор» (К.Яшин, Т.Исломов), «Жонли тузоқ» (Г.Мдивани), «Уфқ» (С. Аҳмад), «Муҳаббат қасри», «Қўқоннинг ўн икки дарвозаси», «Бишар алломаси» (Н.Абдуллаев), «Ўғайсин» (Х.Абдухакимова), «Ҳасан Кайфий» (Ғ.Ғулом асари асосида М.Жўраев), «Бог» (Н.Абдосхон), «Берк кўча» (Ж.Маҳмудов) ва б. сўнгги йиллар яратилган энг яхши спектакллардир.

Театрнинг сўнгги йиллар ривожланишида драматург Нурилла Абдуллаев ҳамда актёр Рашидхон *Содиқов*ларнинг хизматлари катта. Шафоат *Раҳматуллаева*, Театрнинг ҳозирда хизмат кўрсатган артист Хурсаной Умарова, артистлардан Маҳмуджон Юсупов, Дилшод Аҳмедхўжаев, Равшан Ёқубхимов, Баҳромжон Раҳимов, Юнусали Халилов, Ҳалимжон Ортиқов, Сабоҳиддин Эргашев, Наргиза Ғозиева, Одинахон Бегматова ва б. театрнинг етакчи ижодкорларидир. Театрнинг бош режи.си ва бош рассоми Азимжон Ализов.

Жон Ёрмат.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ — ўзбек хонликларидан бири (*18—19-а.лар*). Пойтахти — Қўқон. *Минглар* уруғидан бўлган *Шоҳруҳбий* 1709 й.да асос солган. Бу давлат тарихида дастлаб Қўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар кирган. *Абдураҳимбий* даврида Бухоро хонлигига ҳарбий юриш қилиниб Самарқанд эгалланган (1732). *Абдулкаримбий* даврида 1746 й. *қипчоқлар* Фарғона водийсига ҳужум қилиб, Ўш, Андижон, Марғилон шаҳарини эгаллаб, Қўқонни қамал қилган. Қўқонликлар ёрдамга келган Уратепа *ҳокими Фозилбий қўшинлари* б-н биргаликда уларни Фарғона водийсидан қувиб чиқаришган. *Норбўтабий* даврида Чуст ва Наманган бекларининг мустақиллик учун кўтарган талаётлари бостирилган. Мамлакатда суғориш иншоотлари барпо қилинади, савдо ва ҳунармандчилик, қ.х. бирмунча ривож топади ва нисбатан ярончилик бўлади.

Норбўтабийнинг ўғли Олимбек ҳукмронлиги даврида Қўқоннинг сиёсий мавқеи янада кучайган, ҳарбий юришлар ўтказилган, Оҳангарон воҳаси, Тошкент, Чимкент ва Сайрам тобе этилган, ташқи савдога ҳам эътибор

кучайтирилган. 1805 й. давлат расмий Қ.х. деб эълон қилиниб, Олимбек «хон» унвонини олган. *Олимхоннинг* марказлашган кучли давлат тузиш борасида қилаётган ҳаракатлари айрим *мансабпарастларга* ёқмаганлиги *гуруҳлар* норозилик кайфиятларини вужудга келтиради. *Натижада* улар *Олимхоннинг* сафарларидан фойдаланиб 1810 й. Қўқонда «Олимхон Тошкентда ўлди», деган миш-миш тарқатишади ва унинг укаси Умарбекка тож кийгизадилар. Олимхон бундан хабар топиб, Қўқонга йўл олади, бироқ у Оғтикўш маҳалласида отиб ўлдирилган.

Умархон даврида хонлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш чоралари кўрилган. 1815 й. *Бухоро хонлигига* қарашли Туркистон, 1817 й. эса Ўратепа босиб олинган. Сирдарё бўйида бир қанча ҳарбий истеҳкомлар барпо этилган; суғориш иншоотларини кенгайтириш, каналлар қазиш, масжид ва мадрасалар қуришга эътибор берилган. Хусусан, Қўқон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам, Авлиёота (ҳоз. Жамбул)да масжид ва мадрасалар қурилган. Мозорлар тартибга солинган. Умархон ҳукмронлиги даврида Қ.х.да фан, адабиёт, санъат нисбатан юксалган. Бунда унинг севимли хотини — машҳур *ўзбек шоираси Нодирабегимнинг* хизмати катта бўлган. Умархоннинг ўзи ҳам «Амирий» *тахаллуси* б-н ўзбек ва тожик тилларида газаллар ёзган. *Умархон вафотидан сўнг* унинг 12 ёшли ўғли *Муҳаммад Алихон* тахтга ўтирган. Хон ёш бўлганлиги учун давлатни дастлабки даврда онаси Нодирабегим бошқарган. Нодирабегим маданият ва санъатни ривожлантиришга интилган.

1826 й. Шарқий Туркистонда хитойларга қарши бош кўтарган мусулмон аҳолига ёрдам бериш учун қўшин тортиб борилган. Натижада Хитой ҳукумати Шарқий Туркистоннинг 6 та шаҳри (Оқсув, Қашқар, Ёркент, Хўтан ва б.) ҳам солиқ олиш ҳуқуқини Қ.х.га беришга мажбур бўлган.

Муҳаммад Алихон хонлик ҳудудини кенгайтиришга интилиб, Жан. Олай тог этакларга Қоратегин, Дарвоз, Шуғнон, Рўшон, Вохон бекликларини бўйсундирган. *Бу даврда* хонликда суғориш ишлари янча йўлга қўйилган. Тошкент ҳақинида Хонарик канали қазилган. Ташқи ҳақисодий-савдо *алоқалари* ҳам янча кучайтирилган. Бухоро амири Насрулло (қ. *Насруллахон*) б-н юз берган уруша (1840 й.) Муҳаммад Алихон ғитилиб, Хўжанди амир Насруллога топширишга ва ўзини унинг нойби деб тан олишга мажбур бўлган. Амир Бухоро — Қўқон *муносабатлари* бундан кейин ҳам хескинлашган. Натижада 1841 й. нояб. ойида Муҳаммад Алихон ўз укаси Султон Маҳмуд фойдасига тахтдан воз кечган. Бу воқеадан хабар топган амир Насрулло Қўқонга бостириб келиб, уни талон-торож қилади. У шу юртдан-барот давомида Муҳаммад Алини, унинг укаси Султон Маҳмудхонни, онаси Нодирабегимни ва б. юқори мансабдорларни қатл эттирган. *Амир фармони* билан Қ.х. Бухоро нойби томонидан бошқарида боғланган. Амир нойби Қ.х. аҳолисига оғир солиқлар юклайди. Натижада 1842 й. ёзида Қўқонликлар қўзғолон кўтариб, амир Насруллога солиқ кашиларининг кўтчилигини ўлдиришлар ва Норбўтабийнинг укаси Жовбекнинг ўғли Шералихон хон қилиб кўтаришади. Буни эшитган Бухоро амири Қўқонга қўшин тортиб ўз ҳукмронлигини қайта ўрнатиш учун ани қамал қилади. Бироқ қамалнинг қирқинчи куни Хива хони *Оллақулихоннинг* Бухоро ҳудудига қилган ҳужуми ҳақидаги хабарни эшитиб, орқага қайтишга мажбур бўлган. Натижада қўлдан кетган қўпгина ҳудудлар (Хўжанд, Тошкент) яна Қ.х. ихтиёрида қолди.

Шералихоннинг (1842—45) тахтга ўтиришида кўмакчи ва хайрихоҳ бўлган қипчоқлардан *Мусулмонқул* минтобин қилиб тайинлаган. Мусулмонқул, асосан, ҳарбий ишлар б-н шуғулланган ва хон қўшинларининг таркибини кўпроқ қипчоқ ўғинтлари б-н тўлдирган. Мусулмонқул ўз мавқеидан фойдаланиб, Шералихонга ўз таъсирини ўтказишга интилган. Аммо хон бунга йўл қўймаслиққа интилади. Мусулмонқул хондан норози бўлиб, бошқаларнинг қўли б-н суиқасд уюштиришга ҳаракат қилган. 1845 й. Ўшда хоннинг солиқ сиёсатига қарши қўзғолон бошланади. Мусулмонқул қўзғолонни бостиришга кетганида, унинг шериклари Озимхоннинг ўғли Муродбекни Қўқонга таклиф қилиб тахтга ўтқазишлар. Шералихон ўлдирилган. Тахтни сақлаб қолиш учун *Муродхон* ўзини Бухоро *амирининг* нойби деб тан олишга мажбур бўлган. Мусулмонқулни минтобин лавозимида қолдиришни ҳақида фармон чиқарган ва унинг Қўқонга қайтишини талаб қилади. Мусулмонқул эса Ўшдан Наманганга келиб қизини Шералихоннинг ўғли Худоёрга турмушга бериши ва у б-н Қўқонга келиб, Муродхонни ўлдириб, ёш Худоёрни хон деб эълон қилади (қ. *Худоёрхон*). Мусулмонқул хонининг ёшлигидан фойдаланиб хонликни деярли мустақил равишда ўзи бошқаради, хатто лавозимлар қипчоқларга ўтиши бериларди. Мусулмонқулга қарши хонлик ҳудудида норозилик ҳаракати кучайди ва у минтобинликдан бўшатилади. Мусулмонқул ўз мавқеини тиклаш учун қўшин, руслар б-н алоқа ўрнатишга интилган ва рус элчиларининг вакили В.В. *Вельяминов-Зернов* б-н 1853 й. Бухорода махфий учрашади. Мусулмонқулнинг рус қўмондони вакили б-н учрашгани ва ҳокимиятни ўз қўлига олмоқчи бўлганлигидан хабар топган Ўзбек ва қирғиз зодагонлари (Муҳаммад Ниёз Қушбеги, Муҳаммад Ражаб Қўрбоши, Муҳаммад Ёқуббек қушбеги ва б.) қипчоқлардан қутулиш йўлини ахтариб Худоёрхонни ўзларн тарафла оғдиради. 1853 й. қипчоқлар қирғинини бошлаб юборишган. Мусулмонқул қирғинини асирга олиниб, қатл қилинган.

Бироқ Қ.х.да ўзаро тахт учун курашлар тинчимаган, юқоридаги ҳарбий амалдорлар Худоёрхонга қарши фитна тайёрлаганлар, бироқ у муваффақиятсиз чиққан (қ. *Ёқуббек*). Кисқа вақт ичида хонлар бир неча марта алмашган (1852—62 й.да Шералихоннинг ўғли *Маллахон*, 1862—63 й.да Шохмуродхон, 1863 й. май-июнда яна Худоёрхон, 1863 й. июль — 1865 й.гача Маллахоннинг ўғли Султон Сайидхон хон бўлган).

1865 й. Қўқонда қипчоқ ва қирғизлар Худойқулбекни тантаназор равишда хон деб эълон қилдилар. У атиги 14 кунгина хонлик қилди, сўнгра барча хазинани ва қимматбаҳо нарсаларни олиб, Қашқарга қочиб кетган. Худоёрхон ҳеч қандай қаршиликсиз Қўқон тахтини қайта эгаллаган (1865—75). Бундай беқарор ички вазиятдан фойдаланган Россия Қ.х.га қарши истилочилик ҳаракатларини бошлаб юборган. *Натижада* 1853—*65 й.лар* давомида Оқмачит, Тўқмоқ, Пишпак, Авлиёота, Туркистон, Чимкент, Тошкентни ва уларнинг атроф ҳудудларини босиб олади. 1867 й. 14 июлда император Александр II Туркистон ҳарбий округини ташкил этди ва Ўрта Осиёда босиб олинган ва салтанат таркибига киритилган ҳудудлар ҳисобидан *Туркистон генерал-губернаторлигини* ташкил қилди. Чоризм босқини тўфайли Қ.х. чегаралари янча қисқариб кетди. Хазинага тушадиган даромадлар кескин камайди. Хон хазинани тўлдириш учун янгидан қўшимча

солиқлар жорий этди. Халқ бундан норози бўлиб 1871 й. Сўқда талабчи кўтаради. Бу талабчи қўролни қўзғолонга айланиб кетди. Ўрта Осиё тарихида энг узоқ давом этган «*Пўлатхон» қўзғолони* бўлиб ўтади. Рус қўшинлари қўзғолончиларни енгилдир ва Пўлатхон асирга олинди. У 1876 й. 1 март ойида Мартилон ш.да дорга осилади. Чор қўшинлари Қ.х.ни босиб олиб, хонликни расман бекор қилдилар ва ўрнига Фарғона вилоятини тузиб этдилар.

Қ.х.да қуйидаги мансаблар мавжуд бўлган: *миробшоши, оталиқ, шайхулислом*, қози-калон, *кушбеги, меҳтар, парвончи, вакил, додхоҳ, эшик оғаси, инок, шаҳобчи, тўқсоба, мироҳур, қорақўбеги* ва б.

Қ.х.да мавжуд бўлган ҳарбий унвонлар қуйидагича бўлган: миятбоши — полкда, у вазирлик вазифасини бирга олиб борган. Кейин *пиёдабоши, юзбоши, элликбоши, ўнбоши*, замбаракчи ва б. бўлардан ташқари, бошқа ҳарбий мансаблар ҳам бўлган. Қўқонда яшаган сарбоз ва тўпчилар фақат алоҳида вазифадаги нонб, *додхоҳнинг* доимий тасарруфида бўлганлар. Уруш даврида нонб, додхоҳ ўз қисмига ҳарбийларга қўшинининг ҳамма сарбозларини қабул қилган, унга вақтичалик бошчилик қилишни мақсус тайинланган *амири лашкар* (бош қўмондон)га топширади.

19-а.нинг 1-ярмида Қ.х. тарихида қуйидаги ҳудудлар киради: Сирдарёнинг сўл соҳили б-н Қоратегин оралиғилари Қўқон вилояти; Сирдарёнинг ўнг соҳилидан то Олатовгача бўлган Наманган вилояти; Хўжанд шаҳри; Хўжанд б-н Тошкент оралиғилари Ўратепа вилояти. Хонликнинг *энг шим. вилояти* Туркистон, Бепақдала саҳросларга бориб тақаларди. Бундан ташқари, хонлик тарқибига Олай ҳудуди, Балхаш кўли б-н Сирдарёнинг юқори оқими оралиғидаги ерлар кирарди. Билдуртогининг ғарбий томонидаги Қоратегин, Дарбоз, Кўлоб, Шугнон сингари бир қатор тоғли туманлар ҳам Қ.х.га тегишли эди. Бу ерларни қўқонликлар 19-а.нинг 30-й.ларида бўйсундиришган бўлса-да, улар тез-тез қўлдан-кўлга, кўпроқ Бухоро амири ихтиёрига ўтиб турарди.

Қ.х. *аҳолиси*нинг сони 3 млн.га яқин эди. Чоризм қўшинлари унинг шим.-ғарбий вилоятларини босиб олгач, хонлик ҳудуди анча қисқарди, асосан, Фарғона водийси б-н чекланди ва аҳоли сони тахм. 2 млн.га тушиб қолади.

Қ.х.нинг аҳолиси, асосан, ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, уйғурлар, қорақалпоқлардан иборат эди. Қ.х.да ҳам ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш турли хил бўлган. Хонликка қарашли бўлган ерлар амлок ерлар, вақф ерлари, мулки хирож ва мулки ушрига тақсимланган. Деҳқонлар ўртасида якка деҳқон хўжалиги ҳам ривожланган. Ўз ерларидан ажралган камбағал деҳқонларнинг кўпчилиги йирик ер эгалари кўлида чоракорлик қилганлар. Ернинг баҳоси унинг унумдорлиги ва қанчалик сув б-н таъминланганлигига қараб белгиланган. Хонлар суғориш тармоқлари катта даромад манбаи бўлганлиги сабабли маълум даражада уларни сақлашга, суғориш иншоотларини янада кенгайтиришга *яхши эътибор* беришган. Қ.х.да қўплаб пахта ва полиз экинлари етиштирилган, боғдорчилик ҳамда пиллачилик тараққий этган. Ҳунарманд-косибчилик мазмунан бой ва серқирра бўлган. Булар: мисгарлик, заргарлик, ўймакорлик, ҳарбий қурол н.ч., сопол ва *кўзагарлик, қоғозгарлик, бадиий* тўқимачилик, дўппичилик, каштачилик, кўпчиксозлик, темирчилик ва ш.к.

Булардан ташқари, хонликда ер ости бойлиги ҳам маълум даражада қазиб олинган. Аммо уларни э.ч. солда ва кам эдики, улар эҳтиёжни қондира олмасди. Мас., хонликда *ишлаб чиқарилган* металл Россиядан олиб келинган металлдан қимматга тушарди. Қ.х.да ишлаб чиқилган маҳсулотлар эса чет эларга ҳам олиб чиқилар эди ва уларга талаб ҳам бор эди. Шунинг учун бу соҳа маълум даражада ривожлана борган.

Савдо-сотиқ Қ.х. ҳаётида катта ва муҳим ўрин эгалланган. У ички ва ташқи савдога бўлинган. Осиё хонликларида ички савдо, асосан, *қад.* даврдан бери ўзаро кўчманчи чорвадор, ўтроқ деҳқонлар ва шаҳар-қишлоқ ҳунармандлари маҳсулотларига асосланган эди. Аҳоли ўзининг эҳтиёжларини асосан ўз хонлигидаги маҳсулотлар б-н қондиришган.

Қ.х.нинг иқтисодий ҳаётида Бухоро, Хива, Қашқар, Хиндистон, Афғонистон, Эрон ва айниқса, Россия б-н бўлган ташқи савдо катта ўринни эгаллаган. Россия б-н олиб борилган савдо муносабатларни Қ.х. қишлоқ хўжалиги айрим тармоқларининг ривожланишига олиб келди ва рус маданиятининг баъзи жиҳатлари аҳоли турмуш тарзига кира бошлади. Қ.х. Россиянинг хом ашё базасига ва ташқи савдо бозорига айланиб борди. Россия саноати товарларининг олиб келиниши маҳаллий саноат корхоналарини ва айрим ҳунармандларнинг инқирозга учришига сабаб бўлди.

Қўқон, Мартилон ва Наманган ш.ларида ип ва ипак матолар (атлас, *шойи, бекасам*, адрас, чит, бўз ва б.) тўқилган. Шунингдек, бошқа ҳунармандчилик тармоқларида хўжалик асбоблари, деҳқончилик учун керакли ускуналар, қурол-яроқлар, заргарлик буюмлари, қоғоз ва б. мақсадлар ишлаб чиқарилган. Ер ости бойликларидан нефть, олтин, кумуш, мис, рух, темир, кўргошин ва б. ҳам маълум миқдорда қазиб олинган. Хонликда пахта ва полиз экинлари етиштирилган, боғдорчилик ва пиллачилик ҳам тараққий этган.



Қ.х.дан чет давлатларга қуритилган мевалар, жун, тери, ипак, гилам, тахта ва ипак матолар чиқарилган. Ташқи мамлакатлардан эса турли металл рулолари, металл буюмлар, қанд ва б. маҳсулотлар келтирилган.

Маданияти. Қ.х.нинг 18—19-а.лар 1-ярмида кечган маданий қаётида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар ва силжишлар юз бериб борганлиги *эҳтимол.* 19-а.да Қ.х.да *тарихнавислик* сезиларли равишда ўсиб борган. Ол*димлари ёзмаган бир неча* тарихий асарлар форс ва араб тилларидан ўзбек тилига таржима қилинди ва янги китоблар ёзилди. Бу янги асарларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор эди — уларнинг айримлари шеърий ёки қисман шеърий йўлда ёзилди. Бу эса ҳўқонлик тарихчиларнинг адабиётни яхши билибгина қолмай, ўзлари ҳам шеърнинг қалам тебратганликларини кўрсатади. Мас., «Тарихи жаҳоннамойи» (Ҳожалик Мулло Авазмуҳаммад Мулло Рузи Муҳаммад сўфи ўғли), «Шоҳнома» (Абдулкарим Фазлий Намангоний), «Шоҳномайи Умархоний» (Мирзо Қаландар Мушриф Исфарагий, у Фазлий Наманга*нийнинг «Зафарнома» асарини наср*ий қилиб ёзган). «Мунтахаб ат-таворих» (Хўжа Муҳаммад Ҳакимхонтўра бин Сайид Маъсумхон), «Тарихи Шоҳрухий» («Тарихи сайёҳи Худоёрхон», Мулло Ниёз Муҳаммад Хўқандий Ниёзий бин Музлю бин Ашур Муҳаммад Хўқандий), «Тарихи жадиди Тошканд» (Муҳаммад Солиҳхўжа ибн Қориҳўжа), «Шоҳнома» (Маҳзуна Зиёвуддин Хўқандий), «Жангномаи Худоёрхон» (Шавқий Намангоний) ва б.

19-а. бошларида шаклланган Қўқон *адабий муҳити* ҳам хонликнинг маданий ҳаётида катта ўрин тутган. Қўқон ҳукмдорларининг қатор намоёндалари темурийлар аждодларининг даъвоси эттириб, ўзлари ҳам илм-маърифат ё-ки шуҳратпараст, бу соҳани равнақ топдиришга катта саъй-ҳаракат қилганлар. *Айниқса,* бундай Қўқон хонларидан Умархон (1810—22) ва Муҳаммад Алихон (*1822—41*) даврлари яққол ажралиб туради.

Хусусан, Акмал (Мухлиснинг отаси), Амирий (Қўқон хони Умархон), Боқихонтўра, Муҳаммад Шариф, Гулханий, Махмур (Маҳмуд), Мунтазир, Низомий Хўқандий (асл номи Низомиддин Муҳаммаддаминхўжа ўғли), Нодир, Нозил Муҳаммад Аваз, Авазмуҳаммад Ермуҳаммад ўғли Писандий, Фазлий Намангоний, Гозий сингари шоирлар халқ ичида машҳур эдилар.

Қўқон адабий муҳитининг яна бир муҳим характерли жиҳати шундаки, бу даврда ўзбек ва форс-тожик тилида баб-баравар қалам тебратган бир қатор таниқли ва машҳур ўзбек шоирлари истеъдоли кенг ривож топди. Мас., *Дилшод отин, Зебуниссо, Зинатий,* Моҳзода Бегим, Маҳзуна, Муштарий, Нодира, Нозук Хоним, *Уналсийлар*нинг изоли айрича эътиборга моликдир.

Қўқон адабий муҳитининг самарали таъсири ўлароқ бу қортлан кейинчалик *Муқимий, Фурқат, Завқий* ва б. етук балиий сўз санъаткорлари етишиб чиқишлар ва ўз халқининг эрки, ҳурлиги ва озодлиги учун хизмат қилдилар.

Умуман олганда, 19-а.нинг ўрталарига келиб, Ўрта Осиё хонликларида адабиёт ва тарихшунослик б-н бир қ*атор*да мат., тибббиёт, геогр., астрономияга оид ҳамда диний асарлар яратилди. Бу хонликларда миниатюра ва хаттотлик санъати ҳам ўз ўрнига эга. Бу даврнинг маданий ҳаётида дорбозлик, аския, қўғирчоқ театри, маскарабозлик, айниқса, бастакорлик бирмунча ривожланди.

Қ.х.нинг барча бекликларида мадраса, мактаб ва қорихоналар мавжуд эди. Мадрасаларда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар бўйича танилган мударрислар, олимлар бор бўлганлиги учун ҳам бу ерга турли мамлакатлардан кўплаб талабалар келиб ўқишган.

Лит.: Бобобеков Х., Қўқон тарихи, Т., 1996.

Ҳамидхон Бобобеков.

ҚЎҚОН ШАМОЛИ — Ўрта Осиёдаги кучли шамоллардан бири. Фарғона водийсининг Фарғона йўлаги орқали водий томон ҳаракатланади. Тезлиги 32—35 м/сек., йилига ўртача 40 кун эсади (яна қ. *Бекобод шамоли*).

ҚЎҚОН ШАҲАР ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ — Қўқон шаҳри маданий-маърифий муассаса. *1925 й. Ҳудойқон* ўрдасида Фарғона округ ўлкани ўрганиш музейи номи б-н ташкил этилган; 1930—57 й.ларда Қўқон районлараро ўлкани ўрганиш музейи. 1958 й.дан ҳоз. номда. Музейда табиат, тарих, қад. давр тарихи, янги давр тарихи, санъат, оммавий ишлар бўлимлари, кутубхона (7 минг дона китоб) бор; фондида 37 минг дона экспонат сақланади (2004). Музей экспозицияси Қўқон ш. тарихи, Фарғона водийси табиати, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, маданиятини атрофлича акс эттиради. Музейнинг 4 бўлими фаолият кўрсатмоқда: Қозирхон *Ҳайдаров* уй-музейи, Жомс амалий санъат музейи, Муқимий уй-музейи, Ҳамза уй-музейи.

ҚЎҚОН ҚЎЗҒОЛОНИ — қ. *«Пулатхон» қўзғолони.*

ҚЎҚОНГУЛ, қашқаргул, астра — *мураккабгулдошлар оиласига* мансуб икки турқум ўсимликлар (Aster ва *Callistephus*нинг умумий номи. 200 тури маълум. Шим. ва Жан. Америкада, Африка, Осиё ва Европада кенг тарқалган. *Callistephus*нинг ягона тури — *хитой ёки бир йиллик Қ.* (*C. chinensis*) Хитой ва Японияда ёввойи ҳолда ўсади, гуллари йирик, сават*ча*га йиғилган, ранги бинафша, қизил, оқ, ниҳоли то кузгача очилади. Бир йиллик қат-қат гулли ва б. хилларн манзарали Қ.нинг уруғбошиси ҳисобланади. 4 минтл яқин маданий нави бор. Улар бир-биридан шакли, туси, бўйи ва гулларининг жойлашиши б-н фарқ қилади. Қ.нинг иккинчи Aster туркуми турларининг барглари одатда, кетма-кет жойлашган кўп йиллик ўтлардан ташкил топган. Гуллари саватча, тўпгулларга йиғилган. Тундрадан то ўрмон



Қўқонгул.

*зонасигача бўлган ҳудудларда, дашт*лар, тоғ зоналарида ўсади. Уруғидан *кўпайтирилади. Ҳовли, боғларда,* хиёбонларда манзарали ўсимлик сифатида *ўстирилади.*

ҚЎҚОН—ЖИЗЗАХ АВТОМОБИЛ ЙЎЛИ (А-376) — давлатлараро аҳамиятга эга бўлган магистрал йўл. Қўқон ш.дан бошланиб, Тожикистон Республикаси ҳудудида Конибодом ш., Қайроққум сув омборини ёнлаб Ҳўжанд ш., сўнгра Тошкент вилоятининг Бекобод тумани, Сирдарё вилоятининг Ховос, Жиззах вилоятининг Зомин туманидан ўтади ва Тошкент — Термиз (М-39) халқаро автомагистралини кесиб ўтиб Жиззах ш.га киради. Ҳалқ ҳаракати йўли б-н 1938—40 й.ларда қурилган. Кейинчи даврларда бир неча марта реконструкция қилинган ва кен-



гайтарилган. Умумий уз. 300 км. Йўлнинг 164 км қисми асфальт-бетон. 136 км қисми қора тўшамали. Йўлнинг 53 км — I даражали, 232 км — II даражали, 15 км — III даражали тоифа*га киради. Транспорт ҳаракати жадаллиги* 1585—3566 автомобиль/кунни ташкил қилади.

Тоғаржон Мирзоев.

ҚЎЙА, чакан (Tipha latifolia L.) — қўйашошларга мансуб кўп йиллик илдизпояли ўсимлик. Пояси тик ўсади, силиндрсимон йўғон, бўйи 2—3 м. Барглари кенг тасмасимон. Гуллари майда, айрим жинсли, гулқўрғонсиз, қўнғир тусли тўпгулга йиғилган. Эркак гуллари тўпгулининг юқори қисмида, урғочи гуллари эса ост қисмида жойлашган. Илдизпояси серкрахмал, ер бағридаб ўсади. Июнь-сент.да тупляди ва мевалайди. Меваси ёнғоқча. Уғмалк майда уруғлари шамол воситасида тарқалади.

Уруғидан ҳамда илдизпояларидан кўпаяди. Ўрта Осиёда тарқалган. Ботқоқ, жўлларда, сув омборлари, ариқлар ва ташлама каналларнинг қирғоқларида, тўқайзорларда ўсади. Шоли майдонларини ифлослайди.

Қўға.

Қураш чоралари: ер ишларини жойлашган чуқурликка ҳайдалади ва сўнгра ишлатиладиган йиғиштириб олинади. Суғориш системасидаги каналлар тозаланади.

ҚЎҒАДОШЛАР (Thurpiaceae Juss) — кўп йиллик ўтлар. 1 турқум (*қўға*) ва 15 турдан иборат. Европа ва Шим. Америкада кенг тарқалган. Ўзбекистонда 6 тури дарё, канал, ариқ бўйларида, кўллар атрофида ўсади. Поялари 30—200 см атрофида; силлиқ, бўғимларга ажралмаган. Барглари қалами, 2 қатор бўлиб ўрнашган. Гулларо 1 жинсли, гулқўрғонсиз. Чанғи гулларн тўпгулларининг юқори қисмида, урғочи гуллари эса пастки қисмида жойлашган. Июнь—авг.да гуллаб, мева беради.

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ — театр санъати тури. Чодир ичида ёки парда орти-да яширинган актёр-қўғирчоқбозлар томонидан ҳаракатга келтириб кўрсатиладиган қўғирчоқлар томошаси. Қўғирчоқларнинг тури (тўда, якка, шартли ёки натурал), бошқариш тизими (ип б-н бошқариладиган, қўлга кийиладиган, сояси туширилади-ган, симли ва механик) ва катта-кичиклиги (бир неча сантиметрдан тортиб одам бўйидан ҳам юқори қўғирчоқлар) б-н боғлиқ ҳолда хилма-хил шакллари юзага келган. Миллий анъаналар, шарт-шароит, драматургик ва саҳнавий мақсадлар ҳам Қ.т. томошаларининг шакли ва мазмунига таъсир кўрсатади. Инсон характери, жамият ҳаётини ёрқин ва умумлашма тарзда акс эттириш, мазмун, саҳнавий бўртирма Қ.т.да сатирик ҳамда қаҳрамонлик йўналишлар қарор топишини таъминлаган. Қ.т. табиатни изоҳлаштириш каби маросимларга бориб тақалади. Геродот, Ксенофонт, Аристотель, Горапий, Авреліий ва б.нинг маълумотлари бўйича 5—6-а.лардаёқ Қ.т. пайдо бўлган. Шарқда Қ.т.нинг барча шакллари мавжуд бўлган, бироқ шунлан сон театри (Ўзбекистон ҳудудида *«Фонус хаёл»* деб юритилган) кенг тарқалган. Индонезияда 11—12-а.ларда симлар б-н бошқариладиган қўғирчоқ томошалари бўлган. Шарқда ҳамон Қ.т.нинг анъанавий турлари ва шакллари яшаб келяпти. Ғарб мамлакатларида эса 19-а.нинг ўрталарилан бошлаб халқ Қ.т. инқирозга учраб, унинг ўрнида янги типдаги, ёпиқ драма асосида иш олиб борувчи ҳаваскорлик ва ярим профессионал труппалар майдонга кела бошлади. 20-а. бошида Россияяги халқ Қ.т. даврн талабларини жавоб берозмай қолди. Бироқ унинг анъаналари, тажрибаси янги шакллаги Қ.т.нинг яратилишида муҳим аҳамият касб этди. 1924 й. Е.С.Демменн раҳбарлигидаги Ленинград Қ.т., 1931 й.да С.В. *Образцов* раҳбарлигидаги Марказий Қ.т. ташкил қилинди.

Ўзбекистонда Қ.т. ўтмишда тараққий этган бўлиб, унинг *«чодир хаёл»*, *«чодир жомоз»*, *«фонус хаёл»* турлари фолиет кўрсатиб келган. Мустақлика ва совет даврида ҳам халқ қўғирчоқбозларининг 40 га яқин тўдаси (ҳар тўдала қўғирчоқбоз, корфармон, 2—3 созанда бўлган) иш олиб борган. Янги шаклдаги Қ.т. ҳаваскорлиги 20-а.нинг бошларидан бошланган. 1939 й. Тошкентда Республика қўғирчоқ театри, 1968 й. Андижонда «Лола» театри ташкил топди. Ўзбекистонда 10 та давлат театрлари қошидаги ва кўплаб ҳаваскор қўғирчоқ театрлари фаолият кўрсатади (2005).

Ад.: Гаврилов М.Ф., Кукольный театр Узбекистана, Т., 1928; Қолиров М., Халқ қўғирчоқ театри, Т., 1972; Узбекский традиционный театр кукол, Т., 1979; Смирнова Н.И., Искусство игравших кукол, М., 1983.

Муҳсин Қодиров.

F

F — ўзбек кирилл алифбосининг ўттиз тўртинчи ҳарфи. Чуқур тил орқа, шовқинли, сирғалувчи, жарангсиз ундош товушни ифодалайди. Қўлланишига кўра унча фаол эмас, лекин ҳар қандай ундош ва унли ё-ё ёнма-ён келади. Сўзнинг боши (галаба, тарб, гунча), ўртаси (оғиз, тўғма, тўғри) ва охирида (димоғ, ёғуғ, улуғ) қўлланиши мумкин. Баъзан охири *г* б-н туғаган сўзларга *г* б-н бошланадиган аффикслар қўшилганда, ҳар икки товуш ассимиляцияга учраб, қ тарзида талаффуз этилади ва шундай ёзилади: тоғ+га>тоққа, туғ+ган>туққан, тоғ+тага>тоққага. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи учун умумий бўлган девран барча ёзувларда ўзига хос белги-шакларга эга. Бундр қуйидаги жадвалда келтирилди.

Ёзув тури	*Белги*	*Сана*
Анатолия	𐰋	*Мил. ав. 6 — 4 - а*
Урхун - Енисей ёзуви	𐰋	*5 — 5 - а*
Туркий (уйғур) ёзуви	𐽆	*8 — 13 - а*
Суғд ёзуви	𐽆	*Мил. ав. 1 - милод. 8. охири — 13 - а*
Араб ёзуви	ف	*13 - а — 1929 й.*
Лотин ёзуви	G^1	*1929 — 1939 й.*
Кирилл ёзуви	Ғ	*1940 — 1995 й.*
Лотин ёзуви	G^2	*1995 й. дан*

ҒАВВОСЛИК — сув остида турли иш-т. ва амалий ишларни бажариш мақсадида одамлар (ғаввослар)ни махсус қийимларда сув остига тушириш б-н боғлиқ фаолият соҳаси. Қадимда (айрим жойларда ҳозир ҳам) одамлар сувга ҳеч қандай воситаларсиз, нафасини 1—2 мин. ичига ютиб, 20—30 м чуқурликкача шўнғинганлар. Кейинчалик нафас олиш учун қамиш най, ҳаво тўлдирилган меш, ҳаво ёстиғи ишлатиладиган бўлди. 18-а. охирларида ҳаво насоси ихтиро қилинганидан кейин Ғ. жиҳозлари қўлланила бошлади (қ. *Скафандр*).

Ғ. техникаси сув ичида турли ишларни бажариш учун мўлжалланган қийим-бош ва асбоб ускуналардан иборат. Нафас олинадиган газ аралашмаси б-н таъминлаш усулига кўра, Ғ. қийимни айрим ва бириктирилган, нафас олиш схемаси бўйича вентиляцияланувчи, газ аралашмасининг таркибига кўра, ҳаволи, кислородли, азот-кислородли, гели-кислородли ва б.га бўлинади. Ғ. қийимининг ҳаво ва сув ўтказмайдиган қобиқ ҳосил қилувчи ва ғаввосни ташқи муҳит таъсиридан сақловчи қисми *скафандр* дейилади. Бу қийимда ғаввос ишлаш орқали тепадан бериладиган сиқилган ҳаво б-н нафас олади, махсус клапан орқали нафас чиқаради. 100 м гача чуқурликка ҳаво-кислородли, 100—300 м ва ундан чуқурга гели-кислородли қийимда тушилади. 20-а. 30-й.лари бошида айрим кислородли нафас олиш аппаратлари ўрнатилган Ғ. қийими. 40-й.лар-да эса ҳаво-баллон аппаратли Ғ. қийими — *акваланг* пайдо бўлди, 60-й.лар-да ғаввосларнинг сув остида узоқ туришига имкон берадиган сув ости уй-лаб.лари ишлаб чиқилди. Кейинчалик Ғ. воситалари анча такомиллаштирилди.

Ғаввосни сувга тушириш, унинг сув тагида ишлаши ва уни юқорига чиқариб олиш учун Ғ. компрессори, ҳаво юборици қурилмаси, тушириш-чиқариб олиш қурилмаси, сигнализация, алоқа ва ёритиш воситаси, гидрокаторлар ишлатилади.

Вазифасига кўра, Ғ. ишлари аварияқутқариш, кемани кўтариш, кемани таъмирлаш ва сув ости техникаси каби ишларга бўлинади.

ҒАЗА — шаҳар-қалъа. Сирдарё бўйида жойлашган 7 шаҳар-қалъадан бири. *Александр* Суғдда Спитамен бошчилигида кўзғолон кўтарганидан хабар топгач, саркардаси Кратерни *Кирополга* жўнатиб, ўзи қароргоҳига яқин жойдаги шаҳар — Ғ.га қўшин тортган. Ғ.нинг пахсадан ишланган, унча баланд бўлмаган мудофаа девори бўлган. Македон қўшини Ғ.ни бир қамла б-н олиш ниятида девор атрофига шотуллар ўрнатган. Бироқ мудофаачилар уларни ағдариб ташлаган. Пиёдалар ҳужумга ташланган чоғда, камончилар ва сопқончилар девор тепасидаги шаҳар мудофаачиларини ўққа тутишган. Уларга қарши ўқ отувчи мосламалардан ҳам фойдаланишган. Ўқлар ёмғири остида қолган Ғ. мудофаачилари девор тепасидан пастга тушишга мажбур бўлишган. Шунда македонлар девор ғаз ишатуларини қўйиб девор тепасига чиққанлар. Ғ.лари барча эркак аҳоли Александрнинг буйруғига кўра қатл этилган; аёллар, болалар ва б. жанчиларга ўлжа сифатида берилган.

Манба: Арриан. Поход Александра. М.–Л., 1962.

ҒАЗАБ — одамда тез ва кучли пайдо бўлиб, шиддат б-н ўтадиган қисқа муддатли ҳиссий ҳолат (қ. *Аффект*).

ҒАЗАВОТ (араб.) — қ. *Жиҳод*.

ҒАЗАЛ (араб. — аёлни севиш, унга ошиқона муносабатда бўлиш) — 1) Шарқ адабиётида энг кенг тарқалган лирик жанр. «Ғ.» атамаси дастлаб 6—7-а.лардя араб шеъриятида пайдо бўлган. Сўнг Ўрта Осиё ва Шарқ халқлари адабиётларига ўтиб, 13—14-а.ларда тўла шаклланган. Ҳажми 3 байтдан 19 байтгача қилиб белгиланган. Лекин 21, ҳатто 27 байтли Ғ. намуналари ҳам учрайди. Аз, ба, ва, га, да ва ҳ.к. тарзда қофияланади, бошдан-охир бир хил вазнда ёзилади. Илк байти *матлаъ* ёки *мабдаъ*, охиргиси *мақтаъ* деб аталади. Агар иккинчи байтнинг мисралари ҳам ўзаро қофияланса, зеби матлаъ ёки ҳусни матлаъ дейилади. Ғ.нинг пайдо бўлиши ва ривожланиши мусиқа санъати б-н чамбарчас боғлиқ. Дастлаб Ғ.га тахаллус қўйилмаган, бу кейинчалик анъанага айланган.

Ғ. дастлаб ишқий мавзуда ёзилган бўлса-да, кейинчалик унинг мавзу доираси кенгайиб борди ҳамда ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, мавъзна (панд-насиҳат) ва ҳажвий Ғ.лар юзага келди. Ғ. тузилишига кўра 4 мустақил турга ажралади: мустақил байтлардан тузилган (пароканда) Ғ.; ихпора Ғ.; воқеабанд Ғ.; мусалсал Ғ. Мазмо жиҳатидан эса орифона, ошиқона ва ридона Ғ.ларга бўлинади.

Форс сўз санъатига Ғ. дастлаб *Рудакий* ижодида учраса-да, Саъдий

юкпикла у тўла шаклланиб, шеърият*нинг асосий жанрларидан бирига* айланди, кейин Ҳофиз уни юксак даражага кўтарди: у ўзигача тасаввуфлайнб ва дунёвий йўналишда ривожланиб келган газалчиликни ўзаро омухта қилди. Хусрав Деҳлавий, Камолиддин Исфаҳоний, Фариддиддин Аттор, *Жалолиддин Румий*, Хожу Кирмоний, Салмон Соважий, Абдурраҳмон Жомий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби шоирлар Ғ. тараққиётида катта роль ўйнаганлар. Ўзбек адабиётида Ғ.нинг илк намуналари *Рабғузийнинг* «Қисаси Рабғузий», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сида учрайди; кейинчалик Саййи Саройи, Ҳофиз Хоразмий, Юсуф Амирий, Сакконий, *Атоий*, *Гадоий*, *Лутфий*, Алишер Навоий, Бобур, Убайдий, Машраб, Мужрим-Обид, Амирий, Нотира, Увайсий, Мунис, Огаҳий, Мукимий, Фурқат, Аваз Ўтар ва б. ижодида ривожлантирилди.

Форс-тожик газалчилигида *арруз* вазнининг ҳазаж баҳри, туркий халқлар газалчилигида рамал баҳри кўп қўлланган. Мас., Навоийнинг 2600 Ғазли 1600 га яқини, Атоийнинг 260 Ғазли 109 таси, Ҳусайн Бойқаронинг эса барча Ғ.лари рамалда ёзилган. Арузда 21 та баҳр бўлиб, ўзбек газалнётган фақат Навоий ўларнинг кўпчилигини қўллаган. Ғ.да ишқий мавзу етакчилик қилишига қарамай, газалнавислар бу жанрнинг имкониятларидан юксак маънавий дунёсининг, шунингдек, табиат ва жамиятнинг барча мураккаб томонларини ифодалаш учун фойдаланганлар.

15-аср. Ғ. ўзбек шеъриятида ҳам асосий ва етакчи жанрга айланди. Навоий ўзбек тилида 2600 дан ортиқ Ғ. яратиб, бу жанрнинг гоявий-тематик доирасини кенгайтирди, Ғ.ни реалистик тамойилларни кучайтирди. Кейинчалик ўзбек шеъриятида Ҳамза, Чўлпон, Ҳушвақт, Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий, Чустий, Хожи, Восит Саъдулла, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, *Жамол Камол ва б. Ғ.ни янгича* вариантда давом эттирдилар ва унинг мавзу доирасини бойитдилар, шу б-н бирга, анъанавий ишқу ошиқлик мавзуида ҳам қўплаб бадиий барқамол Ғлар яратдилар (яна қ. *Шеър тузилиши*, *Шеършунослик*); 2) мусулмон Шарқ халқларининг кенг ўрни олган мумтоз мусиқа жанри. Дастлаб (мас., Абдулқодир Марогий қўрсатишича, 14–15-а.ларда) «навбат» деб аталувчи мураккаб шакллари жанрнинг иккинчи қисм сифатида, асосан, форс тилидаги шеърлар 6-н ижро этилиб, 2 *гарҳона* ва *бозғўйдан* иборат бўлган. Сўнгра Навоий, Кавкабий, Ноиний, Чиштий ва б.нинг асарларида Ғ. Ўрта Шарқ халқларида энг севимли мусиқа жанрларидан бири сифатида таърифланган. Ҳозирда, асосан, лирик-фалсафий (жумладан, тасаввуфий) мазмундаги газал намуналари, *якхонз хонанда ва чолғу ансамбли* томонидан ижро этиладиган, бирик шаклдаги мусиқа жанри сифатида Покистон, Шим. Ҳиндистон, Бангладеш, Эрон, Афғонистон ва айрим араб мамлакатларида тарқалган. Куйлар диапазони кенглиги, оҳанг ва *ритмик ривожининг мураккаблиги* б-н ажралиб туради. Ғ. *рага* сингари кичик чолғу-вокал муқаддимаси б-н бошланади, унда хонанда юқори пардаларда ижро этиладиган айланма тузилмалар, ганссандо (сирғанувчи оҳанглар) ва б. услублардан фойдаланиб, асарнинг асосий товушқатори, шунингдек, бадиий ўзига хослигини намоён этади. Чолғу ансамбли таркибида ситор, сарангн, банъори най, танпура, тавлалар жўрлигида ва табла (ёки фақат ситсармоння ва табла) чолғулари қўлланади. Ғ. урду, ҳинд, форс, пашкоб, ғужарот ва б. тилларда қўлланиб, унда Хусрав Деҳлавий, Кабир, Сурдас, Мирзо Ғолиб, Муҳаммад Иқбол, Файз Аҳмад Файз каби шоирларнинг шеърлари асосий ўрин тутади. 20-а.да Ғ.нинг замонавий шакллари *ринок тонлб, улар концерт залларн* (*Маҳдн Ҳасан*, Рошан Ара Бегим, Барс Ғулом Али Хон, Рамзан Хон ва б.), кино мусиқаси (*Лата Мангешкар, Муҳаммад Рафи* ва б.)да кенг ижро этилмоқда.

Ад.: Хайитметов А., Навоий лирикаси, Т., 1961; *Шайхзода М.*, Газал жанрининг султони, Асарлар, 4-ж., Т., 1972; Носиров О., Ўзбек адабиётида газал, Т., 1972; Орзибеков Р., Ўзбек лирик поэзиясида газал ва мусиқанат, Т., 1976; Носиров О., Жамолов С., Зийвиддинов М., Ўзбек классик шеърияти жанрлари, Т., 1979; Валихонов А., Газал нафосати, Т., 1985.

Эркин Очилов, Муҳиддин Носиров.

ҒАЗАЛИ — Қозоғистон Республикаси *Қизилўрда вилоятидаги* шаҳар (1897 й.дан). Ғазали т.й. станциясидан (Арал̆ск — Қизилўрда йўналиши) 12 км жан.да. Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги пристань. Аҳолиси 7 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Ғиият ва балиқ э-длари бор. 1853 й.да асос солинган.

ҒАЗАЛКЕНТ — Тошкент вилояти *Бўстонлиқ туманидаги* шаҳар (1964 й. дан), туман маркази. Т.й. станцияси. Чирчиқ дарёсининг чап соҳилида, Тошкент ш.дан 58 км шим.-шарқда, Оқсоқота сойининг Чирчиқ дарёсига қўйилиш жойида, *ўртача 700 м* баландликда, сейсмик зонада жойлашган (8—9 балл). Аҳолиси 20,7 минг киши (2004). Ғ. топоними проф. Ҳ. Ҳасанованинг фикрича, ғазол (оқуғ сўзидан тарқиб топган. Шаҳар 1932 й. да Чирчиқ ГЭС лар каскали бош иншоотн қурувчиларининг *шаҳарчаси сифатида* бунёд этилган. Ғ.да қандолатчилик ф-каси, мева-сабзавотни қайта ишлаш, мева шарбати ва ҳ.к. ишлаб чиқарувчи «Ғазалкент» озиқ-овқат корхонаси, вино к-ти, суғ-ёғ, ойна-шиша э-длари, йўлқурилиш ва соллаш корхоналари, металлсозлик, *қурилиш материаллари*, тошга ишлов бериш к-тлари, автокорхона, деҳқон бозори бор. «Комнит» ва «Комвин» қўшма корхоналари фаолият кўрсатади. Умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, касб-ҳунар коллежи, академик лицей, туман марказий *кутубхонаси*, *маданият уйи*, клуб муассасалари, «Ёшлар марказн», стадион ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона, поликлиника, сил касаллиги диспансери ва б. тиббий муассасалар, болалар ва кattалар санаторийлари, дам олиш уйлари аҳолига хизмат кўрсатади. Ғ. дан Тошкент, Чирчиқ ш.

Ғазалкент шаҳридаги қандолатчилик фабрикаси. *Вадги ишлаб чиқариш цехи.*

ларига автобус ва маршрутли таксилар қатнайди. Тошкент — Чорвоқ электрлаштирилган т-й. шаҳар ёнидан ўтади.

«ҒАЗАЛКЕНТ» АКЦИЯДОРЛИК ФИРМАСИ — озиқ-овқат саноатининг йирик корхонаси. «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компаниясига таркибида. Асосан, мева ва сабзавотлар асосида юқори сифатли болалар таомларини и.ч.га ишлаб чиқаради. Томат пастаси, узум шарбати, мева бўтқалари ва пектинли ичимликлар, турли консервалар, маринадланган сабзавотлар ишлаб чиқаради. З-д қурилиши 1942 й.да ишга туширилган. 1956—75 й.ларда Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати вазирлиги, 1975—91 й.ларда «Ўзмевасабзавотузумсаноат» агросаноат уюшмаси таркибида фаолият кўрсатган. 1991 й.дан ижара, 1994 й. да жамоа корхонасига айлантирилди. 1996 й.да Италиянинг «САСИБ ФУД» фирмаси б-н ҳамкорликда соатига 3 т помидорни қайта ишлайдиган томат пастаси линияси ўрнатилди ва экспортга мўлжалланган маҳсулот чиқара бошлади. 1998 й.дан «Болалар таомлари холдинг» компаниясининг шўъба корхонаси — оғиқ турдаги «Ғазалкент» акциядорлик фирмаси.

1998 й.дан Америкининг «Тексуна Интернешнл ЛТД» фирмаси б-н ҳамкорликда қиёмли ва мева бўтқали олма, шафтоли, ўрик бўлаклари консервларини ишлаб чиқарадиган, қуввати соатига 3 т бўлган янги цех ишга туширилди.

ҒАЗАЛКЕНТ ВИНО КОМБИНАТИ — вино саноатининг йирик корхонаси. Узум винолари, арақ, ликёр-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқаради. «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компаниясига таркибида. 1953 й. «Янги йўл» артели (1930) қошида вино э-дж сифатида ташкил қилинган. 1981 й.дан мустақил вино э-дж. (1956—81 й.ларда «Тошкентвино» комбинати филиали). 1986 й.да э-д Ғазалкент ижара-тажриба озиқ-овқат комбинатига айлантирилди. 1997 й.да к-т негизида «Конвин» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси ташкил топди. И.ч. жараёнида маркали оқ ва қизил винолар тайёрлашда янги икки босқичли бижғитиш технологиясидан фойдаланилади. Корхонида «Оқтош», «Сиззжак», «Ўзбекистон портвейни», «Наврўз», «Хумсон», «Кагор», «Алеатико» винолари, «Чатқол», «Чимён», «Принц», «Славиан», «Истоки Чаткала», «Голд Стар» арақлари ва «Ўзбекистон», «Хумор», «Арсенал», «Горняк», «Конвин», «Элегия» ликёр-арақ маҳсулотлари тайёрланади. 2004 й.да 1,3 минг дал вино ва 179,7 минг дал арақ-ликёр маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Маҳсулотлари чет элларга (Япония, АҚШ, Франция) экспорт қилинади.

ҒАЗАЛКЕНТ ГИДРОУЗЕЛИ — Чирчиқ дарёсидаги гидротехника иншооти. 1940 й.да қурилган. Тўғонининг умумий уз. 544 м. Тўғон остонаси дарё ўзанидан 1,5 м юқорида қурилган. Тўғон 115° бурчак остида қурилган тўсиқдан ва тупроқли қисмлан иборат. Тўсиқли қисмининг уз. 94 м; ҳар қайсисининг эни 14 м дан бўлган 5 дарвозадан иборат. Тўғон дарвозалари тўлиқ очилганда секундига 2300 м^3 сув ўтади. Унинг ўнг қисмида *Тавокий ГЭС* каналига сув чиқаргич — ростлагич қурилган. Ростлагичнинг максимал сув сарфи 260 м^3/сек. Каналга кетаётган сувдаги оқизиқларни ушлаб қолиш учун унинг *бош қисмига 125,8×130 м ўлчамли 6* камерали тиндиргич қурилган. Тўғон остонаси 2 погонали бўлиб, юқорига погона очилса, тиндиргичга қуйилади, пастки погона очилса, тиндиргичга йиғилиб қолган оқизиқ чўкиндилар *ўлчами 1,7×3,5* м ли 6 та махсус туйнук орқали уз. 300 м, эни 10 м, қиялиги 0,005 бўлган каналга чиқариб ташланади. Сувнинг тезлиги 7—9 м/сек. бўлганда туйнуклар секундига 280 м^3 сув ўтказади. Тўғонда дарёга сувсиб келадиган муз парчаларини ўтказиб юборини учун бал. 7 м ли дарвоза бор. Тупроқли тўғон тўсиқли тўғонининг давоми бўлиб, уз. 450 м. Тўғоннинг чап қисмида янги каналга сув чиқарувчи ростлагич қурилган. Ростлагичнинг максимал сув сарфи секундига 2,5 м^3. Дарёнинг чап қирғоғига дамба ва тўсиқлар қурилган (қ. *Ғазалкент ГЭС*).

ҒАЗАЛКЕНТ ГЭС — Тошкент вилояти Ғазалкент ш. яқинида Чирчиқ дарёсида қурилган. 1982 й.да ишга туширилган. ГЭСда ҳар бири 40 МВт қувватга эга бўлган 3 та агрегат ўрнатилган; умумий қуввати 120 МВт. Ст-я Ғазалкент, Чирчиқ шлюзи ва Бўстонлиқ туманидаги саноат корхоналари ва б. истеъмолчиларни электр энергияси б-н таъминлайди; Ўрта Осиё «Энергия» бирлашган энергетика тизимига уланган, электр энергияси 110, 200,500 кВ кучланишда узатилади. 2003 й.да 532,5 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

«ҒАЗАЛКЕНТ ТОШГА ИШЛОВ БЕРИШ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — табиий тошлардан қурилишда ишлатиладиган қоплама парвозлаш плиталари ишлаб чиқарадиган йирик корхона. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси таркибига киради. Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Ғазалкент ш.да жойлашган. 1946 й.да биринчи цех қурилиб, маҳсулот бера бошлаган.



Ғазалкент вино комбинати. Вино қуйиш цехи.





Ғазалкент ГЭС.



1970 й. 5 июлда замонавий к-т комплекси ишга туширилган. 1994 й.дан очиқ турдаги акциялорлик жамияти. Оқсоқота мармарини қазиб олади ва Севасий, Кўкларой, Ланғар, Мискинской гранити, Белояги таббросидан ва Оқсоқота мармаридан турли хил ўлчамдаги плиталар ишлаб чиқаради. Корхонанинг янгизик гранит плиталари в.ч. қувати 60 минг м². 1999 й.дан Италиянинг «Бретон» фирмаси дастгоҳлари б-н жиҳозланган. Корхонада ишлаб чиқарилган гранит плиталари Тошкент ш.да Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театри, Фарғона ш.да Фарғоний мақбараси, Самарқанд ш.да Амир Темур мажмуаси, Термиз ш.да ат-Термизий мажмуаси, Тошкент ш.да Олий Мажлис биноси, метрополитен қурилишларида ишлатилган. Корхонада ишлаб чиқарилган гранит маҳсулотлари Россия, Қозоғистон, Украинага экспорт қилинади. Москва ш.да корхонанинг савдо уйи очилган.

ФАЗЛА, Фазо — Ўрта денгизнинг шарқий соҳилидаги қад. шаҳар. Ўрта асрларда Арабистон халифалиги таркибига кирган. Кейинроқ мисрликлар қўл остига ўтган. 16-а. бошидан 1917 й.гача Усмонли турклар империяси, 1920—47 й.лар да инглизларнинг Фаластин мандати таркибида. БМТнинг 1947 й. 29 ноябрдаги қарорига мувофиқ Ғ. ва унинг атрофидаги ҳудудлар араб давлати таркибига киритилди. 1948—49 й.лардаги араб-исроил урушидан сўнг Ғ. сектори (майд. 258 км²) Миср бошқаруви остига ўтди. 1967 й. июнда Исроил қўшинлари томонидан босиб олинди. 1994 й.дан Фаластин мухторияти таркибида.

ФАЗЛОЛЛ, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Газзолий [1058 — Тус (Эрон) — 1111] — ислом илоҳиётчиси, файласуф. «Ғ.» тахаллуси ҳақида турли фикр бор. Баъзи олимлар газзол (ип йигирувчи) оиласида туғилган, шу сабабдан Газзолий тахаллусини олган деса, бошқалари эса Газзола (Тус яқинидаги қишлоқда туғилган, шунинг учун тахаллуси Газолий деб ҳисоблайдилар. Нишопур (Шарқий Эрон) ва Бағдодда таълим олган. «Низомия» мадрасаси (Бағдод)да ислом ҳуқуқшунослигидан дарс берган. Мударрислиқдан воз кечиб, 11 й. зоҳидликда ҳаёт кечирган, илм б-н машғул бўлган. 1105 й.да Нишопурга келиб, яна мадрасада мударрислик қилди, аммо бу ҳол узоққа чўзилмади. Туста кўчиб бориб 300 га яқин талабага хусусий тарзда дарс берди. Унинг фиқҳга доир «Босит», «Вожиз», «Восит», ақидага доир «Қавоид ал-Ақоид» («Ақидаларнинг қоидалари»), «ар-Рисолат ал-қудсия» («Қудсия рисоласи»), мутасаввифлар учун «Иҳёи улум ад-дин» («Диний илмларни тиргизиш»), «Мукошафат ул-қулуб» («Қалблар кашфиётчи») асарлари машҳур. Шунингдек, «Таҳофут ал-фалосифа» («Файласуфларни рад этиш»), «Кимё-и-саодат» («Саодат кимёси»), «Мақосид ал-фалосифа» («Файласуфларнинг мақсадлари») асарлари олим ижодидан муайян ўрин эгаллайди. Бу асарларда Форобий, Ибн Сино, Абу Ҳайён ат-Таваҳидий қарашларининг таъсирини кўриш мумкин.

Ғ. ўз асарларида ислом илоҳиётини фалсафий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилган. Ғ. ҳудони ақл орқали англаш мумкин эмас, уни маҳсус руҳий, жисмоний ҳаракатлар — сезгиниш ва ибодатлар орқали англаш мумкин деб ҳисоблади. Сунний-ашъарийларнинг тасаввуф идеалларини б-н бирга қўшиб талқин қилган. Ғ. фикрича, инсоннинг Аллоҳ буюрган амаллардан ўзига мақбулини танлаб олиши ўз ихтиёридадир, шу боис мазкур хатти-ҳаракатлари олдиндан белгилаб қўйилишига қарамай ундар учун айнан инсоннинг ўзи масъулдир. Ғ.га кўра, жон ҳузо сингари фазодан ташқарида, олам ҳудо томонидан яратилган. Ғ.нинг диний тизими тасаввуфни анъанавий ислом б-н бирлаштиради. Ғ. ғояларн ислом тафаккурига ва ўрта аср Европа фалсафасига таъсир кўрсатди. Ғ.ни замондошлари «Ҳужжат ул-ислом» («Ислом далили») деб улуғлашган.

Ас.: Мукошафат ул-қулуб, Т., 2002; Иҳёи улум ад-дин, Т., 2004; Қимёат ас сеодрат, Т., 2004.

ФАЗНА, Ғазна — Афғонистоннинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар, Ғазни ларёси ўлкаси, Кобул—Қандаҳор автомобиль йўлида жойлашган. Ғазни вилоятининг маъмурий маркази. Металлсозлигининг қад. марказларидан. Ҳунармандчиликда палос, пойабзал, ип газлама маҳсулари ва б. тайёрланади. Жун, мўйна б-н савдо қилинади.

Шаҳарнинг барпо бўлган даври маълум эмас. Ғ.га доир илк маълумотлар 7-а.га оид манбаларда учрайди. Ўрта асрларда Ўрта Шарқнинг муҳим маданий, савдо ва сиёсий марказларидан бири бўлган. 10—11-асрларда Газнавийлар давлати пойтахти. 12-а. ўрталарида Ғурийлар шаҳарни эгаллаб, катта қисмини вайрон қилганлар. 1215—21 й.ларда Ғ. Хоразмшоҳлар қўл остида бўлган. 1221 й.да шаҳарни мўғуллар босиб олган. 13-а.нинг 2-ярмидан Ғ. ҳукмдорлари Ҳиротдаги Қуртлар сулоласининг вассали бўлган. 14-а. охири 15-а. бошларида Темурийлар давлати, 16-а. бошларидан Бобурийлар салтанати таркибида. 1738 й.да шаҳарни Нодиршоҳ эгаллаган. Афғонистон давлати тузилгач (1747), Ғ. унинг таркибида. Меъморий ёдгорликлардан 12-а.да *барпо этилган* 2 та *миноранинг* қолдиқлари сақланган.

ҒАЗНАВИЙ — қ. *Маҳмуд Ғазнавий.*

ҒАЗНАВИЙЛАР — Хуросон, Шим. Ҳиндистон ҳамда қисман Мовароуннаҳр ва Хоразмда ҳукмронлик қилган туркий сулола (962—1186). *Ғазнавийлар давлатини* бошқарган. Сулолага *асосчилар* лашкарбошиси *Алптегин* асос солган. Сулола номи давлат пойтахти Ғазна ш.дан олинган.

Сомонийлар даврида мамлакатнинг сиёсий қайта ва ҳарбий қўшинда турк ғуломлари катта роль ўйнаган. Сомоний амирлари кўплаб турк ғуломларини салтанатга қилган хизматлари эвазига сийлаб, уларни турли вилоятларга ноиб қилиб тайинлашган. Ижтилорли лашкарбоши Алптегин Ғазна ва Кобул вилоятларини 962 й.дан мустақил бошқаришга интилган. Алптегиннинг ўлими (963)дан сўнг ўғли Исҳоқ ва ғуломи Балгатегин, шунингдек, Пиритегин ҳукмронлик қилган давр (963—977 й.лар)да Ғ. мулки кенгайиб турган. Алптегиннинг кўёви ва собиқ ғуломи *Сабуктегин* ҳукмронлиги даврида (977—997) эса Ғ. сулоласи мустақил сиёсий куч сифатида Сомонийлар томонидан эътироф этилган. Сулола шуҳратини Сабуктегиннинг ўғли *Маҳмуд Ғазнавий* энг юқори чўққига кўтарган. Сулола ҳукмдорлари аввал *амир,* сўнгра *султон* (Маҳмуд Ғазнавийдан бошлаб) ва *шоҳ* (Бахромшоҳдан бошлаб) деб аталганлар. Ғ. ҳукмдорлари қўйидагилардан иборат бўлган: Алптегин (962—963), Исҳоқ (963—966), Балгатегин (966—972), Пиритегин (972—977), Сабуктегин (977—997), Исмоил (997—998), Маҳмуд Ғазнавий (998—1030), Муҳаммад (1030), *Масъуд Ғазнавий* (1030—41), Мавдуд (1041—48), Масъуд II (1048), Али Абул Ҳасан (1048—49), Абдур Рашид (1049—53), Тўғрул (1053), Фаррухзод (1053—59), Иброҳим (1059—99), Масъуд III (1099—1114), Шерзод (1114—15), Арслон (1115—18), Баҳромшоҳ (1118—52), Хусравшоҳ (1152—60), Хусрав Малик (1160—86) (ноғ қ. *Ғазнавийлар давлати*).

Ад.: Босворт К.Э., Мусульманские династии, М., 1971; Сэгэлэн Лэи-Пуль, Мусульманские династии, М.-Т.-Бишкек, 1996.

ҒАЗНАВИЙЛАР ДАВЛАТИ — Хуросон, Шим. Ҳиндистон ҳамда қисман Мовароуннаҳр ва Хоразмда *ғазнавийлар* сулоласи бошқарган туркий давлат. Ғ.д.га Алптегиннинг ғуломи ва кўёви *Сабуктакин* асос солган. Давлат номи салтанатнинг пойтахти Ғазна ш. номидан олинган.

Туркий ғуломлар хизматлари эвазига сомонийлардан Хуросон ва Афғонистоннинг турли вилоятлари (Ғазна, Қобул ва б.) ни бошқариш қуқуқини олганлар. Сабуктегин Ғазна вилоятининг ноиби ва қўшин амири қилиб тайинланган (977), у бу мулкларни мустақил бошқаришга киришган. 994—995 й.ларда Хуросонда бўлиб ўтган 2 жангда сомонийлар амири Нуҳ ибн Мансур ва ноиб Сабуктегин бошчилигидаги *барлашган қўшин* ясён қўтарган турк саркардалари Абў Али Симжурий (*Абўҳасан Симжурийнинг* ўғли) ва Фойиқ қўшинларини тор-мор келтириш жараёнида Сабуктегинининг сиёсий нуфузи янада ортади.

Ғ.д.нинг энг қучайган даври амир Сабуктегин, айниқса, султон *Маҳмуд Ғазнавий* ҳукмронлиги йилларига тўғри келади. 11-а. бошларига келганда Мусулмон Шарқининг энг қудратли давлатларидан бирига айланган Ғ.д.нинг чегаралари ғарбда Рай ва Исфаҳон ш.лари, Каспий денгизи ҳамда шим.-ғарбда Хоразм ва Орол денгизигача чўзилган, шарқда эса Шим. Ҳиндистоннинг катгина қисмини ўз ичига олган ва жан.да Балужистонгача етган эди. Маҳмуд Ғазнавий сомонийлар сулоласи барҳам топгач, уларнинг Хуросондаги бутун ҳудудини, кейинчалик Хоразм давлатини (1017) ҳам ўз салтанати таркибига қўшиб олган. Бироқ Жан. Тохаристон (ҳоз. Шим. Афғонистон)дан ташқари Шим. Тохаристон (ҳоз. Суркондарё вилояти ва Жан. Тожикистон) ҳудудини ҳам эҳтиёж *туғуқ ғазнавийлар* кўриб боришганлиги ҳақида *қорахонийлар* б-н уларнинг манфаатлари ўзаро тўқнашди. Кескин курашлар натижасида *Чағониён* ва Термиз ғазнавийларга бўйсундирилган. Ғазнавийлар б-н Қорахонийлар давлати ўртасидаги чегара Амударё деб эътироф қилинган. 1024—25 й.ларда Маҳмуд Ғазнавий Термиз яқинида Амударёни кечиб ўтиб, Темир дарвоза (Темир қопқа) орқали Сўғдга ҳужум қилган ва Самарқандгача борган. Бу ҳарбий юришлар натижасида Омуз (Чоржуй)гача бўлган вилоятлар қорахонийлар ҳукмронлигидан чиқиб, ғазнавийлар таъсирига ўтган. Бу даврда Ғ.д. Шарқдаги йирик мусулмон давлатига айланган эди. Бироқ, Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли ва валиаҳди *Масъуд Ғазнавий* ҳукмронлиги даврида (1030—41) Ғ.д. ўз қўл остидаги ҳудудларни бирин-кетин қўлдан чиқариб, аста-секин таназзулга юз тута бошлади.

11-а. ўрталаридан бошлаб *ғазнавийларнинг асосий рақиби салжуқийлар* бўлди.

Ғ.д. таркибидаги 1-бўлиб Хоразм ажралиб чиқди. Ғазнавийларнинг Хоразмдаги нойби *Олинтош* вафот этгач (1032), унинг ўғли Ҳорун ғазнавийларга қарши исён кўтарди (1034). У салжуқийлар ва қорахонийлар б-н дўстона алоқа ўрнатиб, Хоразмни ғазнавийлардан мустақил деб эълон қилган. Бу пайтда қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасида *Чағониён, Хуттолон*, Термизни эгаллаш учун яна кескин кураш бошланган.

Марв яқинидаги *Данданақон жанги* (1040 й. майда Масъуд Ғазнавий қўшинни салжуқийлардан енгилгач, ғазнавийлар Хуросонни бутунлай қўлдан чиқаришди. Мағлубиятга учраган султон Масъуд Ғазнавий Ғазнага қочган ва кейинчалик фитначилар томонидан ўлдирилган (1041). Тахтга Масъуднинг укаси *Муҳаммад* ўтирган. Лекин Масъуднинг ўғли Мавдуд (ҳукмронлик даври: 1041—48) *амакиси* Муҳаммаднинг қўшинини енгиб, уни ўлдирган ва тахтга ўтирган. Султон Мавдуднинг Амударё юқори қисмидаги вилоятларни қайтариб олишдаги сай-ҳаракатлари натижасиз тугаган. Султон Фаррухзод (қисқароқлик даври: 1053—59)нинг ҳаракатлари бир мунча самарали бўлиб, у кетма-кет икки жангда салжуқийлар қўшинини мағлубиятга учратди. Лекин кейинчалик *Алп Арслон* ғазнавийларни енгишга муваффақ бўлди. Икки ўртада тузилган *битим* (1059)га мувофиқ, ғазнавийлар Мовароуннаҳр ва Тохаристонга бўлган ҳар қандай ҳуқуқларини йўқотдилар. Уларнинг ҳудуди Ғазна вилояти ва Шим. Ҳиндистоннинг бир қисми (Панжоб ва б.) б-н чекланиб қолди. Бу ҳудуд ҳам 12-а. бошларидан бошлаб аста-секин қисқариб борди. 12-а.нинг 60-й.ларида Ғурийлар давлати ғазнавийларни Шим. Ҳиндистонга бутунлай сиқиб чиқардилар, пойтахт Ғазнадан Лаҳорга кўчирилди (1161). Ғурийлар давлати ҳукмдори Ғиёсиддин Муҳаммад *қўшиси Лаҳорни* босиб олгач, Ғ.д. бутунлай тугатилди (1186).

Давлатни бошқариш. Ғ.д.да *бошқарув тизими ўзининг мураккаблиги* б-н диққатни жалб этади. Бошқарув тизимининг *марказида ғарнеъ* ва *девонлар* (вазирликлар) турган. Ғарнеъга олий ҳукмдор фаолияти б-н боғлиқ хизматлар ва амаллар кирган. Ғазнавийлар даврида *ғояибнк* хизматининг ўрни алоҳида эътиборга лойиқ. Ғарнеъ фаолиятида *сипоҳсолор* (сарой хизматчиси), *девондор* (олий ҳукмдорнинг ҳужжатларини юритувчи), *парвадор* (*маҳрам*; *ҳуфия ишларни бажарувчи*), мартабадор (*саройдаги ўрта амаллар*), *хазиначи*, жома хона ва фаррош каби мансаб ва хизматларнинг ўрни катта бўлган.

Девонлар ижрони идоралари бўлиб, ўша давр манбаларида 5 та девон номи учрайди. Улар вазир девони (бош вазир девони); ҳарбий ишлар девони; *заҳчилик* ва ё. расьий тадбирларни юритиш девони; молия девони; почта-ҳабар девони.

Вилоят бошлиғини волий легаллар ва уни олий ҳукмдор тайинлаган. Вилоятлардаги бошқарув ишларни амид олиб борган. Шаҳар бошлиғини ранс деб атаганлар. Шаҳар миқёсида шиҳна, кутвол (қалъа коменданти), *соҳиби девон* (маъмурий бошқарувчи) каби амалдорлар ҳам фаолият кўрсатганлар.

Ғ.д. қудратли ҳарбий қўшинга эга эди. Олий қўмондонлик ҳукмдорнинг ихтиёрида бўлган. Бош қўмондон — *сипоҳсолор* эса сулоланинг энг ишончли вакили ёхуд шу хонадон аъзоси ҳисобланган. Мас., Маҳмуд Ғазнавий сипоҳсолор мансабига укаси Муҳаммад Юсуфни лойиқ топган. Юқори даражалаги ҳарбий лашкарбошилар салор, ўрта даражадагилари *сарҳанг дейилган*. *Ҳарбийлар* ўз почта-ҳабар ва қозилик хизматларига эга бўлган. Ғазнавийлар қўшинида ҳарбий кемалар (дарё ва денгиз флоти) ҳам мавжуд эди.

Маданияти. Ғ.д.да илм-фан ва маданият, хусусан, адабиёт ривожланган. Маҳмуд Ғазнавий она тилини туркийдан ташқари форс, араб, ҳатто паҳлавий тилларини ҳам мукаммал билган ва ўзи шеърлар битган. Унинг саройида 400 дан ортиқ олим, шоир ва санъаткорлар тўпланиб, фаол ижод б-н шуғулланишган. Абў Райҳон *Беруний*, шунингдек, Фаррухий, Унсурий, Манучеҳрий каби шоирлар, *Йосир Хусрав, Утбий, Гардизий*, Байҳақий шулар жумласидан бўлиб, Ғазнага яшашган. Беруний ўзи-

нинг «Қонуни Масъудий» ва Байҳақий эсининг «Тарихи Масъудий» асарларини Масъуд Ғазнавийга бағишлашган. *Фирдавсий* машҳур «Шоҳнома» достонини Маҳмуд Ғазнавийга тақдим этган. Бироқ бунга табиб Абу Али ибн Сино Ғазнага — султон саройига боришдан воз кечган. Шим. Хиндистонни исломлаштириш ва туркилаштириш жараёни айнан Ғазнавийлар давридан бошланган.

Ғалла қурилиш ва меъморчиликка ҳам катта эътибор қаратилган. Ғазна, Балх, Нишопур, Лоҳур ва б. шаҳарларда кўплаб мадрасалар, масжидлар, хонақолар, саройлар ва боғлар қурилган, кутубхоналар фаолият кўрсатган. Хусусан, пойтахт Ғазна шу ғуллаб-яшнаган.

Манба: *Абу-л-фазл Байҳақи*, Истории Масъуди (1039–41), Т., 1962; 2-нашри, Т., 1969; *Беруний*, Ҳиндистон (Танланган асарлар, 2-к.), Т., 1965; *Беруний*, Қонуни Масъудий (Танланган асарлар, 1–2-китоблар), Т., 1973, 1976;

Ал. Ўзбекистон диллатчилиги тарихи очерклари, Т., 2001; *Эрон Тунгур*, Тарихда туркий давлатлар, Т., 2003.

Қаҳрамон Раҳимбек.

ҒАЙБУЛЛА ас-САЛОМ (тахаллуси; асл номи Саломов Ғайбулла Тожилдинович) (1932.11.12, Хатирчи тумани — 2003.31.1, Тошкент) — таржимашунос олим, публицист. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби (1993), филол. фанлари д-ри (1982), проф. (1984). СамДУ филол. ф-тини тугатган (1956), «Фан ва турмуш» журн. бўлим мудири, Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида аспирант, илмий ходим, директор ўринбосари (1956–67). Ўзбек совет энциклопедиясида Бош муҳаррир ўринбосари (1967–69). ТошДУ таржима назарияси кафедраси мудири (1969 й.дан). Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида проф. (1997–2000). Илмий фаолияти балиғий таржимашунослик, маънавият, маърифат ва маданият масалаларига бағишланган. «Мақол ва идиомалар таржимаси» (1961), «Тил ва таржима» (1966); «Таржима назарияси ҳақида» (1978); «Дустлик қўшиқлари» (1970, Н.Комилов б-н ҳамкорликда), «Адабий анъана ва бадиий таржима» (1980), «Таржима назарияси асослари» (1983) каби китоблар муаллифи.

Ас.: Эй, умри азиз, Т., 1996; Энгушёка чақлан, одамот, Т., 1997.

Ад.: *Умаров С.*, Соломлё оқдётган дарё, Т., 1992; Ғайбулло ас-Салом замондошлари хотирасида, Т., 2003.

Сайди Умаров.

ҒАЙРАТИЙ (тахаллуси; асл номи Абдурахим Абдуллаев) (1902.15.2 — Тошкент — 1976.17.1) — *Ўзбекистон халқ шоири* (1972). Дастлаб «Намуна» мактаби (1917–18) ва ўқитувчилар тайёрлаш 2 йиллик курсида (1918–19) ўқиган. Тошкентдаги тўлиқсиз ўрта мактабда ўқитувчилик (1919–23), бокуда бориб, ўқитувчилар семинариясида таҳсил олган (1926). Тошкент қ.х. машинасозлиги з-дида ишчи ва адабиёт тўгараги раҳбари (1928–31), Ўзбекистон давлат нашриётида муҳаррир (1931–35), Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида адабий эмакдош (1942), мактаб ўқувчилари саройида адабиёт тўгараги раҳбари (1946–76).



Илк шеърлар тўплами — «Эр тонғуши» (1927). Шундан сўнг Ғ.нинг «Яшаш тароналари» (1928), «Темп» (1931), «Олов таналар» (1932), «Танланган асарлар» (1934), «Севги» (1939), «Олтин ёшлик» (1940), «Аср садоси» (1972) каби шеърлар ва «Қутулиш» (1928), «Ҳашар» (1929), «Қора юраклар» (1931), «Ҳиқоялар» (1957) каби ҳикоялар тўпламлари, «Қизғин ҳукм» (1931), «Ўзоқдаги ёр» (1967), «Бахмал қирғоқ» (1971) қиссалари нашр этилган. Ғ. 30-й.лар адабий жараёнида фаол иштирок этиб, шу даврнинг ғоялари ифодаланган шеърлари, айниқса, уйғур халқининг мусибатли ўтмишини бағишланган «Онамга хат» (1935) ва «Жиноят» (1937) достонлари б-н машҳур бўлган. Ғ.нинг 2-жилдли уруш йилларида миллатчиликда айбланиб, Ёзувчилар уюшмасидан чиқарилиши унинг кейинги ижодий тақдирига салбий таъсир кўрсатган. У ўзини ғоявий жиҳатдан оқлаш мақсадида Ҳамза, Фурқат ва Завқийга бағишланган «Ўлмас қўшиқ», «Шоир» (1955), «Фурбатда Фурқат» (1959), «Бизнинг Ҳамза» (1966) каби достонлар ҳамда атеистик мавзуда ҳикоялар ёзган. Ғ. болаларга бағишлаб «Йўқолган бола» (1935), «Ўрмон мушуги», «Тошсоқа канали» (1940) достонларини, «Менинг ёшлигим» (1935), «Унутилмас кунлар» (1957), «Рустамнинг саргузашти» (1961) қиссаларини ёзган. Шунингдек, Ғ.нинг болалар ҳаётидан олинган «Омон», «Типратикн ўрмони», «Учрашув», «Ўрмонда», «Қанотли дўстлар», «Ала қичкина», «Тугмачугул» каби пьеса ва инсценировкалари мавжуд. Уларнинг аксари республика кўғирчоқ театрларида саҳналаштирилган.

Ғ. республика ўқувчилар саройида ги адабиёт тўгарагига раҳбарлик қилган. Бу тўгаракдаги шогирдлари орасидан кейинчалик Э.Воҳидов, Х.Салоҳ, Ю.Шомансур, Сайёр, А.Эшонов *сингари шоир ва ёзувчилар етишиб* чиққан.

Ас.: Танланган асарлар [2-ж.лик], 1–2-ж. Т., 1973–73; Тарихнома ва табассум [Шеърлар], Т., 1975; Қуёш меҳри [Шеърлар], Т., 1978; Қуёшга мулаббат, Т., 1980.

Ад.: *Шарипов М.*, Ғайратий [Адабий-танқидий очерк], Т., 1961; *Мамажонов С.*, Ғайратий [Адабий портрет], Т., 1972.

ҒАЙРИШУУРИЙЛИК — субъект онгида намоён бўлмайдиган психик жараёнлар мажмуи. Бир қанча психологик назарияларда руҳиятнинг сифат жиҳатидан онглан кеским фарқланувчи алоҳида соҳаси деб талқин қилинади. Немис файласуфи Э.Гартман (1842—1906)нинг ирратионализтик «*Ғ. фалсафаси*»да Ғ. борлиқнинг универсал асосидир. З.*Фрейд*нинг психоанализи ва б. психологик оқимлардаги асосий тушунчалардан бири. К.Г.Юнгнинг «Тахминий психология» асарида шахс ғайришуурийлиги б-н бир қаторда жамоа ғайришуурийлиги ҳам ажратиб кўрсатилган.

ҒАЛАБА ҲҮҚҚИСИ — Тинчлик тогларидаги энг баланд чўққи. Бал. 7439 м. Қақшалтоғ тизмасида, Хонтанғри чўққисидан 20 км жан.да. Ён бағирларида йирик музликлар бор. Ғ.га биринчи марта (1938 й.да) А.А. Летавет бошчилигидаги экспедиция чиққан. 1943 й.да П.Н.Рапасов бошчилигидаги экспедиция чўққининг қақшкай баландлигини аниқлаган ва унга Ғ.ч. деб ном берилди.

ҒАЛВИР — қ. *Ялов.*

ҒАЛЛА ПОЯ БУРҒАСИ — галла экинлари (арпа, бугдой, айниқса, баҳори экинлар) зараркунандаси. Бўйи 1,6–2,8 мм. Ранги қорамтир-бронза тусли, тухуми деп юз чўзинчоқ. Личинкасининг бўйи 5 мм га етади, ранги оқ, Тана бўғимлари майда хитин қалқончалар б-н қопланган. Зараркунанда қўғирчоқ даврида хазон ва бегона ўсимликлар қолдиқлари орасида қишлаб, март ойида қишловдан чиқади ва апр.нинг иккинчи ўн кунлигидан тухум қўйишга киришади. 5—7 кундан сўнг тухумдан чиққан личинкалар



Ғалла пок бургаси: *а* — қўғирчи; *б* — тухумлари; *в* — личинка; *г* — пок ичидаги личинка; *д* — зарарланган пок ва барглар.

экинлар поясини кемириб ичига киради ва унинг ички қисми эти б-н озиқланади. Битта личинка бир неча понни зиянкастлайди. Зарарланган ўсимлик барглари сарғайиб, қуриб қолади. Озиқланиб бўлган личинкалар тупроққа тушиб, гумбакка айланади.

Кураш чоралари: ғаллани эртароқ муддатларда экиш, каратэ (0,2л/га), цинк (0,2 л/га) ва б. кимёвий препаратлар эритмаларини пуркаш.

ҒАЛЛА ЭКИНЛАРИ — дони учун экиладиган бошоқли экинлар (бугдой, арпа, жавдар, шоли, оқ жўхори, сули ва б.). *Қ. Дон экинлари.*

«ҒАЛЛАБАНК» — Ўзбекистондаги йирик акциядорлик тижорат банки. 1994 й. авг.да ташкил этилган. Бошқаруви Тошкент ш.да. Банкнинг асосий йирик акциядорлари: «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси (32,5%), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (25,0%), Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (12,5%), «Пахтабанк» (12,5%), шунингдек, дон маҳсулотлари ҳудудий (вилоят) акциядорлик жамиятлари, саноат корхоналари ва б. Акциядорлари сони 5263 та, улардан 3 мингдан ортиғи жисмоний шахслар. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда 13 минтақавий (вилоят) филиали, 18 та туман филиаллари ва 68 та мини банки, 141 та жам-гарма шоҳобчалари мавжуд (2005). Банк фаолиятининг асосий йўналишлари — ғалла ва бошоқли дон маҳсулотлари етиштиришни ҳўжалик субъектларига, ун ва нон саноати корхоналарига банк хизматлари кўрсатиш, шу тармоқларга чет эл инвестицияларини, илғор технологияларини жалб қилиш, мамлакат дон ва ун маҳсулотлари экспортини

Ғаллаорол тумани Қоратол қишлоғидаги «Даврон ота» чойхонаси.



ривожлантиришга, республиканинг ғалла мустақиллигига эришишига ёрдам кўрсатиш ва б.дан иборат. Банк 1994 й. ноябрдан бошлаб чет эл валютасида банк амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга, 1996 й.дан қимматли қоғозлар бозорида иштирок этади. «Тошкент» фонд биржасида ўз брокерлик идорасини очган. 1999 й.дан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қузғунлари Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қ.х. маҳсулотлари қисоб-китоб жамғармасининг молиявий агенти сифатида фаолият олиб боради. Лойиҳаларни молиявий таъминлаш ва корпоратив мижозлар б-н бирга чакана мижозларга ҳам барча банк хизматларини кўрсатаётган универсал тижорат банки ҳисобланади. Аҳолига валюта айирбошлаш соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича 70 та шохобчага эга (шундан 20 таси Тошкент ш.да).

Банк *Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки*нинг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга оширишда фаол иштирок этади. Банк деҳқон ва фермер хўжаликларига менежериал технологиялар олиш учун молиявий лизинг хизматлари, халқаро молиявий ташкилотларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлар ажратиш, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар и.ч. бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва б. йўналишларда ҳам хизматлар кўрсатади.

2005 й.да турли мулкчилик шаклларидаги 58,0 мингдан ортиқ мижозларга хизмат кўрсатди (2001 й.да 23927 та мижозга хизмат кўрсатган). Банкнинг (млн. сўм) устав капитали — 4958,1 (1994 й.да 8,0 млн. сўм бўлган); *жами активлари — 100918,9*; жами капитали — 16258,2; жами кредит қўйилмалари — 56111,5; кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ажратилган кредитлар — 6225,4; соф фойда (баланс бўйича) — 2616,5 (2005, 1 янв.).

Исроилжон Ўринбоев.

ҒАЛЛАОРОЛ — Жиззах вилояти *Ғаллаорол туманида*ги шаҳар (1973 й. дан), туман маркази. Т.ий. станцияси. Вилоят маркази (Жиззах ш.) дан 30 км ғарбда. Тошкент — Самарқанд т.йи., Катта Ўзбекистон тракти ёқасида. Аҳолиси 23 минг киши (2005). Пахта тозалаш, гинт., қ.х. техникасини таъмирлаш, сутни қайта ишлаш э-длари, парранда-чилик ф-каси, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, деҳқон бозори, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Кичик, ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар, қўшма корхоналар фаолият кўрсатади.

Умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, туман марказий кутубхонаси, маданият уйи, клуб муассасалари, Хотира боғи бор. Стадион, спорт заллари, спорт майдончалари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, тугруқхона, дорихона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Ғдан Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва б. шаҳарларга автобус ва маршрутли таксилар қатнайди. Тошкент — Самарқанд электр поезди шаҳар ҳудудидан ўтади.

ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ — *Жиззах вилоятидаги* туман. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. 1931 й. гача Янгиқўрғон тумани деб аталган. Вилоятнинг ғарбий, жан.-ғарбий қисмида жойлашган. Шим. дан Фориш, шарқдан Жиззах, жан.дан Бахмал туманлари, жан.-ғарб ва ғарбдан Самарқанд вилояти б-н чегарадош. Майд. 2,0 минг км². Аҳолиси 128,1 минг киши (2005). 1 шаҳар (Ғаллаорол), 2 шаҳарча (Маржонбулоқ, Қўйтош), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Булоқбоши, Гулистон, Иптифоқ, Кўкбулоқ, Маданият, Мирзабулоқ, Мўътоб, Мўзқўш, Тозауруғ, Қипчоқсой, Рўбдин) бор. Маркази — Ғаллаорол ш.

Табиати. Туманнинг марказий ва ғарбий қисми текислик, шим. ва шим.-ғарбий қисми қир, баланд адир



ва тоғлардан иборат. Шим.дан Нурота тизмалари, шарқдан Молтўзор тоғи б-н ўралган. Туман ҳудудининг катта қисми ўзининг марказий қисмидан шим. га 350—400 м дан 1600—1900 м гача кўтарилиб борувчи текислик. Текислик Нурота тоғи этакларигача давом этади. Ғовдали қазилмаларидан қўрғошин, рух, олтин, вольфрам, мақсадли ахамиятга эга бўлган кум, шағал, гипс, гранит, оҳактош ва б. турли қурилиш материаллари мавжуд, шифобахш минерал сув манбаи бор. Иқлими кескин континентал, ёзи қуруқ, қиши совуқ. Январнинг ўртача т-раси —3°, июлнинг 32°. Йиллик ёғин 326 мм. Вегетация даври 240 кун. Тупроқлари сариқ тупроқ, лёсслардан иборат. Марказий ва шим. қисмилари адирларнинг тупроғи лёсс устида ҳосил бўлган бўз, оч бўз, типик бўз тупроқ. Сойлик, жар кўп. Туман ҳудудидан Сангзор дарёси оқиб ўтади. Ёввойи усимликлардан қўнғирбош, ранг, ялпиз, зира, лолақизғалдоқ, илоқ, қиёқ, шўра, шувоқ, янток, наъматак, зира, зирк ва б. ўсади. Ёввойи қайвонлардан бўри, тулки, қобон, чиябўри, ахрар, қуён; судралиб юрувчилардан тошбақа, заҳарли илонлар, эчкемар, калтакесаклар; кемирувчилардан каламуш; кемирқосимжа, дала сичқони; қушлардан бургут, тувалоқ, белана, қирғовул, каклик, қалтар ишайди; сув ҳавзаларида турли балиқлар учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² та 61,9 киши. *Шаҳар аҳолиси 32,2 минг киши, қишлоқ аҳолиси 91,6 минг киши.*

Хўжалиги. Ғ.т. да Марказқўлоқ ва Қўйтош вольфрам-молибден конлари, мева-консерва, шароб и.ч. корхонаси, паррандачилик акциядорлик бирлашмаси, автокорхона, МТП, сутни қайта ишлаш, қ.х. техникасини таъмирлаш, пахта тозалаш, гипт э-дари бор. 230 га якин фирма, ўрта бизнес, кичик корхона, микрофирмалар фаолият кўрсатади. «Ғалдаорол — Норлания», «Ғалдаорол — Турсин», «Ғалдаорол — Белогорск», «Волластонит» (Қўйтош) қўшма корхоналари ишлаб турибди.

Қ.х.да галлачилик, богдорчилик, токчилик, чорвачилик (шу жумладан, қоракўлчилик) ривожланган. Экин майдонларига дон, сабзавот, картошка, полиз ва озуқа экинлари экилади. Ширкат, фермер хўжаликлари, ўрмон хўжалиги илмий и.ч. бирлашмаси, ургучилик фирмаси ва б. бор. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, паррандя, йилқи боқилади. Туман ҳудудидаги каналлар уз. 76 км, зовурлар уз. 106,6 км.

90 га якин умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, туман марказий кутубхонаси ва унинг 33 та тармоги (244 минг нуска асар), 11 маданият уйи, 15 клуб муассасаси мавжуд. «Олтин бошоқ» ашула ва рақс, «Гаштак» фольклор-этнографик дастлари фаолият кўрсатади. Стадион, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари бор. Туман марказий касалхонаси (520 ўрин), 4 поликлиника, туғруққона, 55 фельдшер-акушерлик пункти, 10 қишлоқ-врачлик амбулаторияси, дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Катта Ўзбекистон тракти ва т.й. ўтган. Туман марказидан Тошкент, Самарқанд, Жиззах ш. лари, вилоятнинг Бахмал, Гагарин, Пахтакор, Дўстлик ш.ларига автобуслар қатнайди. Тезюрар Тошкент — Самарқанд электр поезди туман ҳудудидан ўтади.

Ғ.т.да Ойдинсой (мил. ав. 1-а.), Қўнғиртепа, Шахидтепа (1-а.), Алмантепа, Жалмантепа, Занжактепа, Парабкутепа, Нуҳкент каби тарихий археологик ёдгорликлар бор. «Ғалдаорол овози» туман газ. чоп этилади.

ҒАЛТАК НЕРВ (nervus ischialis) — *бош мия нервларининг* 4-жуфти; *ҳаракатлантирувчи нерв. Ғ.н.нинг бир жуфт* ядроси ўрта миянд қулранг модда марказида жойлашган, илдизи марказий қулранг модда орқали миянинг олд елкасида ўтиб, қарама-қарши томонидаги Ғ.н.нинг илдизи б-н кесишади, *мия оёқчасини эгиб, мия қаттиқ қобиғига,* сўнг кўз косасининг устки ёриғи орқали кўз косасига кириб, кўз соққасининг устки қийшиқ мускулига боради. Кўз косаси, говаксимон бўшлиқ, мия асоси касалликлари ва миячи ўсмасида Ғ.н. фаолияти бузилади. Ғ.н. фалажланганда кўз соққасининг пастга ва ташқарига ҳаракатланиши қийинлашиб, кўзда *галлайиш* ва нигохта қилиб кўриш — *диплопия* ва б. кузатилади.

ҒАЛТАКЧАЛАР (*Planorbidae*) — барча чучук сув ҳавзаларида ўтроқ яшайдиган кўзли моллюскалар оиласи. Чиғаноғи иссиклашган, баъзан спирал пайсимон (диаметри 1,5—40 см); камдан-кам ҳолда қалпоқсимон; чиғоз бураган. *50 та якин уруғи, бир неча юз* хил тури бор; барча қитъаларда тарқалган, лекин сув ҳавзаларининг тез оқадиган жойларида учрамайди. Детрит ва бактерия б-н озиқланади. Айрим турлари шистосоматоз касаллиги гельминтларини тарқатади.


Ғалдаорол бугдойи.


Қўйтош мизараси.

ФАНИЕВ Абдулла (1931.21.12 — Тошкент — 1999.8.10) — кимёгар олим. Ўзбекистон ФА академиги (1995), кимё фанлари д-ри (1974), проф. (1977). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1953). Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-тида лаб. мудири (1958 йилдан). Илмий ишлари ионитлар ва экстракцияни усулларини қўллаб нодир металларнинг микроконцентрациясини аниқлашга оид. Ғ. рақобатлашда активацион анализнинг радиокимёвий усулларини, платиноидлар, олтин ва кумушни желатина ҳосил қилувчи, жумладан тио- ва дитиофосфат кислоталар ҳамда маҳаллий хом ашёдан тайёрланган реагентлар ёрдамида экстракцион концентрлаш ва ажратиш усуллари ишлаб чиқилган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1982).



Ас.: Методы активационного анализа благородных и редких металлов. Т., 1977; Закономерность транслокации в комплексных соединениях кобальта, Т., 1998.

ФАНИЕВ Ҳабиб (1904 — Тошкент — 1953.29.10) — кинореж., Ўзбек киносининг асосчиларидан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944). Москвадаги Олий давлат бадиий-техник устахонасининг рабфакида ўқиган (1921—25). 1925 й. Тошкентда киностудия ишга туширилгач, Ғ. Тошкентга қайтади ва умрининг охиригача шу киностудияда ишлайди. Атрофига ижтидорли ёшларни тўплаб, уларга кино ҳақида кўпроқ маълумот бериш мақсадида «Кинооқтеп» ва «Киносценарий» китобларини ёзади, «Ўзбекистон кино дўстлари» жамиятини тузади, кинотехникум (ҳоз. Ғ. номида) очилишида фаоллик кўрсатади. Аввал актёр, консултант, реж. ёрдамчиси бўлган, асосий режиссёр фаолиятини 30-й.лар бошларан. Унинг «Юксалиш», «Рамазон», «Ингичга фильмлари ўзбек бадиий киносининг шаклланишида муайян босқич йўлини ўтади.

2-жаҳон уруши йиллари Ғ. «Биз енгамиз» фильми суратга олинишида қатнашди ва «Довюрак дўстлар» фильмини яратди. Кейинчалик унга катта шуҳрат келтирган ва ўзбек киносининг дурдоналаридан бўлган «Тоҳир ва Зуҳра» (1944), «Насриддиннинг саргузаштлари» (1947), «Фарғона қизи» (1948) каби фильмларни экранлаштиради. 1949—52 й.лар давомида яратган «Қорақалпоқ диёрида», «Фарғона водийси», «Канаш», «Ўзбек рақси устаалари» каби ҳужжатли фильмларида республика меҳнаткашлари ҳаёти, меҳнати, санъатини улуғлади.



Ғ. ижоди ўзбек кино санъати шаклланиши ва тараққий этишида катта роль ўйнади. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени 6-и мукофотланган (2001). Тошкент кўчаларидан бирига Ғ. номи берилган.

Ас.: Абдуқосимова Х., Ҳабиб Ғаниев, Т., 1967.

Хамзахўжа Абдуқосимова.

ҒАРБ — уфқнинг, дунёнинг 4 асосий томонларидан бири. Шим.га қараб турган кузатувчининг чап томонида. *Осмон сферасида* Ғ. деганда (осмон) экватори 6-и ҳақиқий уфқ чизиғи кесишган иккита нуқтадан бири. Ғ. ёки W (west) 6-и белгиланади. Ўрта асрларда Ғ. ўрнига мағриб атамаси ишлатилган. Африканинг шим.-ғарбий қисми, Тунис, Жазоир, Марокаш Мағриб деб, Атлантика океани, Ўрта денгиз Мағриб денгизи, Саҳрои Кабир, Судан чўллари Мағриб чўллари деб аталган. Мағрибдан машриққача деганда Африкадан Хитойгача бўлган ҳудуд тушунилган.

ҒАРБИЙ АВСТРАЛИЯ — Австралия штати. Майд. 2,53 минг км². Аҳолиси 1,9 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Перт ш. Ер юзасининг аксари қисми бад. 400—500 м ли чўллик платоси (Гибсон, Катта Қумли, Катта Виктория чўллари). Шўр кўл кўп. Шим.да саванналар бор. Ғарбий ва шим.-ғарбий қисмида тог тизмалари ва массивлар учрайди. Энг баланд жойи 1226 м (Хамерсли тоғи).

Ҳўжалигининг етакчи тармоғи — чорвачилик, асосан, жун учун қўй боқилади. Бугдой, арпа, сули экилади. Жан.-ғарбида токчилик ва боғдорчилик ривожланган. Шим.-ғарбий қисмида, Орд дарёси бўйида суғориб деҳқончилик қилинади: пахта, шоли, шакарқамиш экилади. Фойдали қазилмалардан олтин, темир рудаларининг йирик конлари бор. Никель, боксит, тошкўмир ва қўнғир кўмир қазиб олинади. Қора ва рангли металлургия саноатлари ривожланган. Машинасозлик, нефтни қайта ишлаш, кимё, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Йирик саноат марказлари: Фримантл, Куннана, Калгурли ва б.

ҒАРБИЙ АВСТРАЛИЯ ОҚИМИ — Ҳинд океанидаги совуқ иқа оқим. Ғарбий Шамолдар оқимининг Австралия ғарбий қирғоқлари яқинидаги шим. тармоғи. Жан.дан шимолга йўналган. Суви нинг т-раси қишда 15—19° дан ёзда 21—26° гача. Тезлиги ёз ойларида 0,9—1,8 км/соат, қишда секинланади. Жан. ярим шарнинг тропикларида Жан. пассат оқимига айланади.

ҒАРБИЙ БЕНГАЛИЯ — Ҳиндистоннинг шарқий қисмидаги штат. Бенгалия қўлтиғи соҳили, Ганг дарёси дельтасининг ғарбий қисмини эгаллайди. Майд. 887 минг км². Аҳолиси 80,2 млн. киши (2001). Маъмурий маркази — *Калькутта* ш. Ғ.Б. дунёда аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлардан. Релъефи алловнал пасттекислик. Ғарбий қисмида қирлар (бал. 300—400 м), шим.да Ҳимолай тоғи тизмаларн (энг баланд жойи 4000 м) бор. Иқлими муссонли, тропик сернам иқлим. Йиллик ёғин 1400—1800 мм, тоғларда 2500 мм дан зиёд. Дек. ойининг ўртача т-раси 19°, май ойининки 30° гача.

Ғ.Б. — Ҳиндистоннинг иқтисодиёти ривожланган штати, муҳим қ.х. районидир. Асосий экини — шоли. Шунингдек, сабзавот экинлари, чантал, рапс, дуккакли экинлар, тамаки, маккажўхори экилади. Асосий техника экини — жут ва каноп. Шим. қисмида чой плантацияларн бор. Қирғоққа яқин сувларда ва дарёда балиқ овланади.

Ғ.Б. — мамлакатда саноатнинг барча тармоқлари, хусусан, енгил, озиқ-овқат саноатлари энг ривожланган штат. Майда корхона кўп. Ранғинкор ҳавоси мамлакатда қазиб олинадиган кўмирнинг 1/3 қисмини беради. Металлосозлик ва машинасозлик корхоналарида саноат жиҳозлари, станоклар, электр жиҳозлар, кемалар, т.й. вагонлари, автомобиль ва мотоциклар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, кимё, ип газлама, ойна-шиша, кўн-пойабзал, полиграфия, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Саноат корхоналарининг аксари қисми Калькутта ва унинг атрофидаги шаҳарларда жойлашган.

ҒАРБИЙ БУГ — Украина, Белоруссия ва Польшалари дарё (кўн қисми Белоруссия ва Польша чегарасидан ўтади). *Висла* дарёсининг ўнг ирмоғи. Уз. 831 км, ҳавзаси майд. 73470 км². Украинанинг Львов вилоятидаги Подольск қирларидан бошланади. Люблин қирларининг шарқий чеккаси

бўйлаб ва Мазовеп — Подляся пастгекислигидан оқиб ўтади. Зегжин сув омборига қуйилади. Кузги ёмғирлардан тошқинлар содир бўлади. Энг серсув даври — март, апр., энг камсув даври — сентябрь ойи. Дек. — март ойларида музлайди. Припять ва Неман дарёлари б-н каналлар орқали боғланган.

Ўртача сув сарфи 160 $м^3$/сек. Бошланишидан 315 км давомида кема қатнайди. Ғ.Б. соҳилларида Брест, Сокаль, Червоноград, Каменка-Бугская, Буск шаҳри жойлашган.

ГАРБИЙ ВИРГИНИЯ — АҚШнинг шарқий қисмидаги штат. Майд. 62,7 минг $км^2$. Аҳолиси 1,8 млн. киши (2002). Маъмурий маркази — Чарлстон ш. Ер хозаси шарқдан (энг баланд жойи 1481 м) ғарбга. Оғайо дарёси водийсига пасайиб боруви-ча (250—300 м) платолари иборат. Иқлими мўътадил, илиқ ва сернам. Январнинг т-раси —1° дан 5° гача, июлники 23—25°. Йиллик ёғин 900—1250 мм. Йирик тошқинлар кенлари бор. Шунингдек, нефть, табиий газ, туз, қўрғошин материаллари қазиб олинади. Саноатининг етакчи тармоғи — қора металлургия, хокс кимёси. Алюминий саноати ривожланган. Кимёвий толалар, пластмасса, синтетик каучук ишлаб чиқарилади. Ғ.В.да ишлаб чиқариладиган электр энергияси бошқа штатларга ҳам узатилади. Қ.х., асосан, шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Қ.хнинг етакчи тармоғи — чорвачилик. Аппалачи водийсида боғлар барпо қилинган.

ГАРБИЙ ГАТ ТОҒЛАРИ, Гарбий Гҳота тоғлари, Саҳадри — Ҳиндистон я.о.даги тоғлар, Ҳиндистон ҳудудида. Декан яссатоғлигининг чекка ғарбий, баланд қисми. Уз. 1800 км чамасида. Энг баланд жойи 2698 м (Анайнуди чўққиси). Асосан, гнейс ва базальт жинсларидан тузилган. Ғарбий ён бағри Арабистон денгизига зинапоялар ҳосил қилиб тушган, шарқий ён бағри Декан яссатоғлиги томон пасайиб боруви қия текислик. Жанда Нилгири, Анаймалай, Кардамон тоғлари бор. Шим. қисми қирлардан иборат. Иқлими субэкваториал, муссонли. Шамолга рўпара ён бағирларга йилик ёғин 2000—5000 мм, шарқда 600—700 мм. Ғарбида доим яшил сернам ва барг тўкувчи тропик ўрмонлар, шарқида саванна ва сийрак ўрмонлар бор. Миллий боғлар ташкил этилган.

ГАРБИЙ ДВИНА — РФ, Белоруссия ва Латвиядаги дарё (Латвияда Даугава деб аталади). Уз. 1020 км, ҳавзаси майд. 87,9 минг $км^2$. Валдай қирларидан бошланиб, Волганинг бошланиш қисмидан ғарброқда. Болтиқ денгизининг Рига қўлтиғига қуйилади. Ирмоқлари: чапда — Межа, Каспля, Лучеса, Улла, Дисна; ўнгда — Торопа, Дрисса, Дубна, Айвиексте, Огре. Қор, грунт сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи қуйилиш жойида 678 $м^3$/сек. Дек.дан мартгача муз оқиб туради. Ғ.Д. да 3 та ГЭС (Кегум, Плявинь, Рига) бор. Дарёнинг айрим қисмларида кема қатнайди. Березина каналн орқали Днепр дарёси б-н боғланган. Дарё бўйида Витебск, Полоцк, Даугавпилс, Екабпилс, Гарбий Двина шаҳарлари, қуйилиш жойида Рига ш. ва денгиз порти жойлашган.

ГАРБИЙ КОРЕЯ ҚЎЛТИҒИ — Сариқ денгизидаги қўлтиқ, Корея ва Хитой қирғоқлари оралиғида. Чуқ. 50 м гача, қирғоққа яқин қисмларн саёз. Қонтоши ороллар бор. Сув кўтарилиши қар ярим суткада такрорланади (бал. 10 м гача). Асосий портлари: Намхоп, Синнйжу (ҚХДР), Даньдун, Дальян ва Люйшунь (Хитой).

ГАРБИЙ ОСИЁ, Олд Осиё — Осиё қитъасининг ғарбий ва жан.-ғарбий қисмида жойлашган ҳудудларнинг шартли номи. Ғ.О.га табиий жиҳатдан Кичик Осиё, Арабистон, Синай я.о.лари ва уларга ёндош орол ва ҳудудлар (Кипр, Кавказ бўйиси, Шарқий Таврнинг ва Эрон тоғлигининг катта қисми, Месопотамия пастгекислиги ҳамда Ўрта денгизнинг шарқий соҳилидаги ҳудудлар, хусусан, Левант ўлкалари) киритилади. Майд. 7,5 млн. $км^2$. Тектоник тузилишига кўра Арабистон ва Синай я.о.лари қад. Гондвана материгининг бўлакларн бўлиб, платформа тузилишига эга. Ғарбидан Катта Африка ер ёрилишнинг шим. қисми ўтган. Иордан дарёси водийси, Ўлик денгиз, Ақаба қўлтиғи, Қизил денгиз шу ёриқда жойлашган. Ғ.О.нинг катта қисми тоғлардан иборат. Кичик Осиё, Кавказ жан. ва Шарқий Таврнинг қисман чўллар, шим.да қўрқ. замтлар бор. Кичик Осиёнинг шим. қисмлари, Кавказ жан.-ғарбининг иқлими нам субтропик бўлиб, доим яшил ўрмон ва бутазорлар б-н қопланган. Ғ.О. нефть ва газга энг бой ўлкаларидан. Қад. маданият марказларидан. Сув бор жойлар қадимдан ўзлаштирилиб, воҳаларга айлантирилган. Йирик шаҳарлар бор. Христиан, яҳудий, ислом динларининг маркази.

Ғ.О.да Арманистон, Афғонистон, Бахрайн, БАА, Грузия, Иордания, Ирок, Исроил, Кипр, Кувайт, Ливан, Миср (Осиё қисми), Озарбайжон, Саудия Арабистони, Сурия, Туркия, Уммон, Фаластин, Эрон, Яман, Қатар давлатлари жойлашган.

ГАРБИЙ ПОНТИЯ ТОҒЛАРИ — Туркиядаги тоғлар, *Понтая тоғларининг* бир қисми. Қизилирмоқ дарёсидан ғарбда. Уз. 475 км. Энг баланд жойи 2600 м (Далатепа тоғи).

ГАРБИЙ САҲРОИ КАБИР — Африканинг шим.-ғарбий қисмидаги ҳудуд. *Саҳрои Кабир* тўлиқнинг ғарбий қисмида, Атлантика океани соҳилида жойлашган. Шим.да Марокаш, шим.-шарқдан Жазоир, жан. ва шарқдан Мавритания б-н чегарадош. Майд. 266 минг $км^2$. Ғ.С.К. икки қисм: Сагиет ал-Ҳамра (шим., 82 минг $км^2$) ва Рио-де-Оро (жан., 184 минг $км^2$) дан иборат. Аҳолиси 200 минг кишн (1992), асосан, мавралр. Асосий тили — араб тили, дини — ислом.

Рельефи текислик бўлиб, қад. Африка платформасининг Ал-Аёюн букилмасида жойлашган. Энг баланд жойи шим.-шарқида, Атлас тоғи этакларида. Ғ.С.К. табиат ресурсларига бой. Фойдали қазилмаларидан фосфорит, темир, мис рудалари, нефть, калий тузи, симоб, марганец, уран конлари бор. Иқлими қатта қисмида тропик чўл, соҳил қисмида биринчи ҳомшок денгизбўйи иқлими. Ўртача ойлик т-ра 17—20°дан 25—30° гача. Йиллик ёғин 50—200 мм. Дарёлари мавсумий. Ўсимликлари бута ва ўтлардан иборат. Воҳаларда акация, пальма, фикус ўсади. Ҳайвонлардан туёқлилар, судралувчи ва майда кемирувчи кўп. Йиртқичлардан гепард, чинбўри, сиртлон яшайди. Қирғоққа яқин сувлари балиққа бой. Аҳолн, асосан, чорвачилик б-н шуғулланади. Туя, қўй ва эчки боқилади. Арпа, бугдой, сабзавот экинлари экилади.

Қадимда Ғ.С.К.да Африка шим.-дан келган барбар қабилалари яшаган. 7-а.да ҳудудни арблар эгаллаган. 9—11-а.ларда Ғ.С.К. Гана империяси, 11—12-а.ларда Ал-Моравийлар давлати таркибида бўлган. Европаликлар ҳудудга илк бор 15-а. охирларида келиб ўрнаша бошлаганлар. 1887 й.да Испания Рио-де-Орони ўз таъсир доирасидаги ҳудуд деб эълон

қилди. 1904 ва 1912 йилардаги Франция—Испания битимларига кўра, Сагиет ал-Ҳамрани ҳам ўз мулкига қўшиб олди. 1959 йил Ғ.С.К. Испанининг «ленгиз орти провинцияси» деб эълон қилинди. Маҳаллий халқ озодлик учун фаол кураш олиб борди. 1970 йил Ал-Ақвоқда мустамлакачиларга қарши катта оммавий чиқишлар бўлди. 1973 йил Сагиет ал-Ҳамра ва Рио-де-Орони озод қилиш фронти — ПОЛИСАРИО ташкил топди (Бош котиби Муҳаммад Абдулазиз). Ғ.С.К.да мустамлакачилик тузумини бекор қилиш тўғрисидаги масала БМТда 1966 йилдан бошлаб бир неча бор муҳокама қилинди. 1975 йил 14 ноябрда Мадрида имзоланган Шартнома муносабати билан 1976 йил февр. ойида ўз мустамлакасини Марокаш ва Мавритания ихтиёрига ўтказишини эълон қилди. 1976 йил бошида Испания қўшинлари Ғ.С.К.дан чиқиб кетди. 1976 йил 27 февр.да ПОЛИСАРИО фронти Ғ.С.К.да Саҳрои Кабир Араб Демократик Республикаси (СКАДР) тузилганлигини эълон қилди. 1976 йил 26—30 авг.да СКАДР Конституцияси қабул қилинди. 1984 йил СКАДР Африка Бирлиги ташкилотига аъзо бўлди, уни 70 давлат тан олди. 1979 йил Мавритания Ғ.С.К.га нисбатан қўзғолиб даъвосидан воз кечди. Марокаш Мавритания назоратига остидаги ҳудудни ҳам эгаллаб олди. БМТ Бош Ассамблеяси ва Африка Бирлиги ташкилоти Ғ.С.К. муаммосини ҳал этиш мақсадида Марокаш ва ПОЛИСАРИО фронти ўртасида қуролли тўқнашувларни тўхтатиш бўйича битимлар тузиш ва Ғ.С.К.да ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласи бўйича референдум ўтказишни ташкил этишни ёқлаб чиқди. Бироқ Марокаш ҳукумати ПОЛИСАРИО фронти б-н бевосита келишиб олишга қарши. 1991 йил БМТнинг Хавфсизлик кенгаши Ғ.С.К.да референдум ўтказиш бўйича БМТ Миссияси тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Миссия халқни ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласи бўйича референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни назорат қилиши лозим. Бироқ томонларнинг келишмовчилиги туфайли референдум ўтказиш орта сурилмоқда. 1996 йил Марокаш б-н ПОЛИСАРИО ўртасида ўзаро алоқаларнинг яхшиланиши муносабати б-н БМТ Миссия мандатини чўзишга қарор қилди.

ҒАРБИЙ СИБИРЬ АРТЕЗИАН ҲАВЗАСИ — дунёдаги энг йирик артезиан ҳавзаларидан бири; Ғарбий Сибирь текислигида жойлашган. Майдони қарийб 3 млн. км². Ҳавзанинг суви максималари мезо-кайнозой чўкиндилари ётқизиқларининг қатламлари ва Ғарбий Сибирь плитасининг бурмаланган пойдевори жинслари б-н боғлиқ. Ғ.С. ғ.қ. кесмада 2 гидрогеологик қаватга бўлинади. Юқори қават — олигомея, неоген (ҳавзанинг жан. қисми) ва антропогеннинг суви максималардан ташкил топган. Ҳавзанинг марказий ва шим. қисмларидаги сув кўпроқ чучук (HCO_3—Ca, HCO_3—Na Ca таркибининг минераллашиши 1,0 г/л гача) сув таъминоти учун яроқли; ҳавзанинг жан. қисмида сув кўпинча 10—15 г/л гача минераллашган, кимёвий таркиби ҳам хилма-хил. Қуйи қават бўр ва юра даврларига ётқизиқларининг суви максимасини ва пойдеворнинг ер ости ғилла ёки бўлган қисмини ўз ичига олган. Суви қатламлар ҳавзининг фақат чеккасида, айниқса, ғарбий қисмида ер юзасига чиқади. Бу ерда ҳавза пастки қабатларга ер ости суларни ҳосирлаларининг кўпайиши кузатилади, сув таъминоти учун яроқли бўлган чучук сувлар пир неча 100 м айрим жойларда 1200 м гача ва ундан ҳам кўпроқ чуқурликкача бўлади. Ҳавзанинг ички қисмида қуйи қаватнинг ер ости сувлари 1000 м дан пастда жойлашган. Бургн қудуқлари б-н очилганда суғ отилиб ёки оқиб чиқади. Ер ости сувларининг минераллашганлиги 20—30 г/л ёки ундан ортиқ. Юра ётқизиқларида ва плита пойдевори ҳосилаларида 2500 м дан пастда 80 г/л гача қуруқ қолдиқли шўр сувлар очилган. Сувнинг таркиби: Cl—Na, Cl—Ca—Na ли. Ғ.С. ғ.қ. марказий қисмидаги ёқларни минерализацияли сувлар ва шўр сувлар учун бромнинг 150—200 мг/л ва йодниинг 30—40 мг/л ва ундан ортиқ таркиби хос. Ер ости сувларининг т-раси 2500—3000 м чуқурликда 100—150° га етади. Қуйи қаватнинг сувли максималари б-н йирик нефть ва газ захираларн боғлиқ. Ҳавза ер ости сувларини ўрганиш 19-а.нинг охирларидан бошланган.

ҒАРБИЙ СИБИРЬ НЕФТЬ-ГАЗЛИ ҲАВЗАСИ — Ғарбий Сибирь текислигида жойлашган, дунё бўйича энг йирик нефть-газли ҳавза. Майд. 3,5 млн. км². Тектоник жиҳатдан Ғ.С.н.-г.ҳ. Ғарбий Сибирь плитасида жойлашган, ғарбда Уралнинг ғарбий бурмаланишлари, шарқда Сибирь платформасининг қад. дўнгликлари, жан.да Қозоғистон, Олтой, Томь-Коливан, Олатов ва Ғарбий Саян бурмаланишларининг каледон ва герцин структуралари б-н чегараланган. 1953 йилдаги қудуқлари ёрдамида Обь дарёсининг қуйи қисмида дастлабки газ кони ва 6 йилдан сўнг Кошда дарёсида нефть кони топилган. 1971 йилнинг марг ойига келиб эса, 168 та нефть, газ ва газ-нефть конлари очилган. Ҳавза ҳудуми юра, бўр, палеоген, камрак даражада неоген даврларнинг терриген ётқизиқларидан ташкил топган. Ҳавзанинг нефть-газлилиги юра ва бўр даври ётқизиқлари б-н боғлиқ, асосида қумтошларининг 40 дан ортиқ маҳсулдор қатламн ажралиб турада. Нефтли ва нефть-газли уюмларнинг кўп қисми (80% дан ортиқ) 2000—3000 м чуқурликда; газли ва газ-конденсатли уюмлар (80% чамаси) 2000 м чуқурликда тўпланган. Ҳудуддаги нефть конлари каби газ конлари ҳам юқори дебитли (нефть 200 т/сут, газ 5 млн. м³/сут). Ғ.С.н.-г.ҳ. нефти кимё саноати учун қимматбаҳо ком ашёдир. Зичлиги 0,88 г/см³ дан ортиқ эмас, таркибида олтингугурт миқдори кам (1,1% гача), парафини 0,5% дан кам, бензини фракцияларининг таркиби юқори (40—60%). Юра ётқизиқларидаги нефть бўр ётқизиқларидагига қараганда анча енгил. Газ таркибида 90—98% метан, 1—4% оғир углеводородлар, 3—6% азот, 0,1—2% углерод икки оксиди мавжуд.

ҒАРБИЙ СИБИРЬ ТЕКИСЛИГИ (пасттекислиги) — Ер шаридаги йирик аккумулятив текисликларнинг бири. Қозоғистон паст тоғлари текислиги ва Олтой тоғларидан шим.да ва ғарбда Урал тоғлари, шарқда Ўрта Сибирь ясситеклиги орасида жойлашган. Шим. дан жанубга 2500 км, ғарбдан шарққа

Ғарбий Сибирь текислигининг ботқоқлик ландшафти



1000—1900 км га чўзилган, майд. 3 млн. км² га яқин. Ер юзаси текислик. Бал. 50—150 м дан (шим. ва марказий қисмида) 300 м гача (ғарби, жан. ва шарқида). Ер юзаси текислик. Ғ.С.т. ерлари бўрмаланиши даврида ҳосил бўлган. Замини палеозой ётқизиқларидан тузилган бўлиб, уларнинг усти денгиз ва қуруқлик мезозойпалеозой жинслари (гил, қумтош, мергель) б-н қопланган. Энг ёш, антропоген ётқизиқлари жан.да аллювиал ва кўл ётқизиқлари, шимол ва музлик, денгиз ва музлик-денгиз ётқизиқларидан иборат. Бўш қатламлардан чучук ва минераллашган ер ости сувлари (қумлоқли, намакобли), шунингдек, қайноқ сувлар (100—150° гача) бор. Фойдали қазилмалардан нефть ва табиий газнинг катта конлари топилган.

Иқлими континентал, совуқ, Ўртача йиллик т-ралар шим.да —10,5°, жан.да 1—2°, янв.нинг ўртача т-раси шим.да —28°, жан.да —16°, июлнинг шим.да 4°, жан.да 22°. Вегетация даври чекка жан.да 175—180 кун. Йиллик ёғин тундра ва дашт зоналарида 200—250 мм, ўрмон зонасида 500—600 мм. Текислик ҳудудидан унумий уз. 250 минг км дан ортиқ 2000 дарё оқиб ўтади. Энг йириклари — Обь, Енисей, Иртиш. Текисликнинг шим. тундра зонаси бўлиб, тундра арктика ва ғарбий тундра тупроқларида арктика ўсимликларидан йўсин ва лишайник ўсади, жан.ни эса бутазор тундра қопланган. Жан.рокда ўрмонли тундра минтақаси бўлиб, торф-глейли, глейли-подзол ва ботқоқ тупроқларда бутазор тундра, қорақарағай-тилоғоч ва ботқоқ ўсимликлари ўсади. Ғ.С.т.нинг қаттағина қисми ўрмон (ўрмон-ботқоқ) зонасига мансуб. Подзол тупроқларда қорақарағай, оққарағай, кедр, қарағай, сибирь тилоғочи ўсади. Қўнир айиқ, силовсин, росомаха, сувсар, кунгуз, колонок, соболь, лось, сибирь елиги, бурундуқ, оилатра яшайди.

ҒАРБИЙ ФУРОТ — Туркиядаги дарё. *Фурот дарёсининг* бош ирмоғи, асосий номи — *Қорасув*.

ҒАРБИЙ ШАМОЛЛАР ОҚИМИ — Жан. ярим шардаги юза оқим, ғарбдан шарққа йўналган. Тахм. 40° ва 55° жкл.лар оралиғида Атлантика, Ҳинд ва Тинч океанларни кесиб ўтиб, Ер шарини айланиб чиқади. Уз. 30 минг км, эни 1000 км чамасида. Суви-нинг т-раси шим. қисмида 12—15° дан жан.да 1—2° гача ўзгаради. Юза қатламидаги тезлиги 0,4—0,9 км/соат, чуқур қисмида 0,4 км/соатгача. Ғ.ш.о.дан Атлантика океанида Бенгалия оқими, Ҳинд океанида Ғарбий Австралия, Тинч океанда Перу оқимлари ажралиб чиқади. Ғ.ш.о. зонасида тез-тез кучли бўронлар бўлади.

ҒАРБИЙ ШПИЦБЕРГЕН — *Шпицберген* архипелагидаги энг катта орол, Норвегия қудуги. Майд. 39 минг км². Қирғоқлари фьордли. Ер юзининг катта қисми тоғлик. Энг баланд жойи 1712 м (Ньютон тоғи). Метаморфик ва чўкинди, қисман отқинди жинслардан тузилган. Сўнгги вулқонлар ва иссиқ булоқлар бор. Ҳудудининг ярмидан ортиғи музлик (21,2 минг км²). Иқлими арктика иқлими. Йиллик ёғин ғарбида 300—400 мм, марказий қисмида 200 мм. Асосан, қор шаклида ёғади. Ўсимлик кам. Тошкўмир қазиб олинади. Маъмурий марказ — Лонгъир. Резервватлар ташкил этилган.

ҒАРБИЙ ҲИНДИСТОН ТИЗМАСИ — Ҳинд океанидаги сув ости океан ўрталиқ тизмаси. Африка—Антарктика ва Марказий Ҳиндистон тизмалари оралиғида жойлашган. Уз. 3600 км, эни 700 км гача. Тизма ўстидаги *энг кам чуқурлик* 252 м. Тизмаларнинг нисбий тах. 1000—2000 м. Туб жинслар юзага чиқиб ётади. Ғ.Ҳ.т. ўқ қисмида рифт структураси аниқ кўриниб турали. Сейсмик фаол зона.

ҒАРИБ Фируз Юсупович (1946.19.8, Самарқанд) — иммунолог олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1998), тиббиёт фанлари д-ри (1978), проф. (1983), СамДУ давлаш ф-тини тугатган (1970), шу ин-тда ўрганувчи-талабкорчи, ассистент, иммунология бўлими мудири (1970—76), Самарқанд марказий илмий лаб. мудири (1976—80), ТошТИнинг микробиология, вирусология, иммунология кафедраси мудири (1980—95). «Соглом авлод учун» нодавлат халқаро хайрия жамғармаси директори ўринбосари (1995—97), Тошкент вилоятида ва зарафшон и.т. институти директори (1997—2003), айни вақтда «Иммуномед» фирмаси директори. Илмий фаолияти иммунология, вирусология ва микробиологияга оид. Унинг раҳбарлигида мамлакатимизда илк бор организмнинг иммун ҳолатини тикловчи «Иммуномодулин» препарати ишлаб чиқилди. Ўзбекистон иммунологлари илмий жамияти президенти (1983—90).

Ас.: Сердечно-сосудистые у детей, Т., 1995; Иммунозависимые болезни, Т., 1995.

ҒАРИБИЙ (15-а.) — қ. *Муҳаммад Али*.

ҒАРИБИЙ (тахаллуси; асл номи Мулла Умрзоқ Абдували ўғли) (1877, ҳоз. Фарғона ш. ўрнидаги Ёрмозор қишлоғи — 1961, Фарғона вилояти Чимён қишлоғи) — шоир. *Ҳумайдо* шажарасидан. Бухоро мадрасаларида ўқиган. Ҳиротлик Ислом шайх пири муршидан тариқатида бўлган. Ота касби гилхор — сувоқчилик б-н шуғулланган.

Ғ. асосан ўзбек тилида, қисман форс-тожик тилида ижод қилган. Адабий мероси 14000 мисра атрофида, шеърлари 1000 га яқин. Ўзидан 850 таси ғазал, 70 мухаммас, қолганлари мумтоз шеърият-нинг турли жанрларида ёзилган. 1911 й.да «Ғарибий» тахаллуси б-н ёзган шеърларини тўплаб, девон тузган. 1917—26 й.ларда «Мухбир», 1926 й.дан умрининг охиригача «Шуҳрат» тахаллусларида ижод қилган. Ғ. Муқимий, Фурқат, Рожий, Фироқий, Чархий каби шоирлар б-н адабий ҳамкорликда бўлган. Шеърларининг кўпчилиги фалсафий-дидактик, ижтимоий-ахлоқий мазмунда. Уларда одам, инсон ҳаётининг моҳияти, севги-муҳаббат, вафо-садоқат, ҳаё, иффат, қаноат, шукр кабилар ҳақида фикр юритган. Кибру ҳаво, таъма, баднафсликни қораланган, жамиятдаги ҳақсизликлардан шиқоят қилган. Асарлари турли баёз ва тўпламлардан ўрин олган, 20-й. ларда матбуотда эълон қилинган. 1951—54 й.ларда сиёсий қатағонига учраб қамалган. Шоирнинг «Девон»и, «Баёз»и, шеърий тўпламий зари қўлёзмалари Қўқон адабиёт музейида, шеърий тўпламининг дастхат нусхаси қўқонлик А.Маҳминовв қўлида сақланади.

Бекали Қосимов

ҒАРИСТОН, Ғаристон — илк ўрта асрларда Мурғоб дарёсининг юқори оқимида жойлашган тоғли вилоят. Араб манбаларига кўра, бу вилоят тоҳорлари «ҳараз банда» ёки «шор» унвони б-н юритилган. Шу туфайли бу вилоятни баъзан Ғаржаш-Шор деб ҳам аташган. «Ғ.» атамаси бактрийча «гар» — «тоғлар» ёки «тарқа» — яъни «тоғлик» маъносида, тоғликлар юрти, мамлакатини англатган.

20-а. бошида ҳам Ўрта Осиёнинг пастекисликлари аҳолиси Зарафшоннинг юқори оқими бўйлари ва Помирдаги тоғликларга нисбатан «талча» атамасини қўллаган.

«Шоҳнома»да Ғ. «Ғарғон» шаклида қайд этилган. Ривоятларга кўра, Эрон шоҳи Феруз (Перуз) Ғ. ҳокими ёрдамида биродари Ҳурмузд устидан ғалаба қозонган. К26—627 й.да Абдулазиз ибн Тоҳир ҳукмронлиги даврида Ғ. вилояти халифаликка 100 минг дирҳам ва 1 ёш.да 2 минг қўй миқдорида хирож тўлаган. 10-а.да Ғ. ҳокимлари Ғузғанон шоҳига тобе бўлишган. Улар сомонийларга хирож тўламай, фақат совға-салом юборганлар, холос. Ғ.да 10 та шаҳар, қишлоқ ва жоме масжидлари бўлган. Шаҳарда ҳоким саройлари, работлар Ғ.нинг бош шаҳри Обшин (ёки Баршин) Марварруд дарёси бўйида жойлашган. Ғ.да етиштирилган шоли Хуросон ва Балхнинг бошқа шаҳарларига чиқарилган. 10-а.да Ғ.да, шунингдек, каррамийлар мазҳаби тарафдорлари кент тарқалган. Аббосийлар халифалиги даврида Ғ.нинг ўз зарбхонаси бўлган. Ғ.ни кўп асрлар илоҳи этиб келган шоирлардан сулоласи 1030 й. султон *Маҳмуд Ғазнавий* томонидан тугатилган. 17-а.да Ғ. кенг, обод вилоят бўлиб, унда 50 та яқин қишлоқ, шунингдек, кўплаб тоғ қалъалари ва истеҳкомлари жойлашган.

Ад.: Камалиддинов Ш.С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начало XIII вв., Т., 1996.

ҒАССОНИЙЛАР ДАВЛАТИ — Яҳуд Шарқдаги илк ўрта аср давлати (5-а. охири — 7-а. боши). Жан. Сурия ва Иордания ҳудудларини қамраб олган. Арабларнинг ғассон қабиласидан чиққан ғассонийлар сулоласи томонидан асос солинган. Ғ.д. 6-а. ҳукмдори Византия Сурия ва Фаластинни Эронга тобе бўлган арабларга чопқинидан мудофаа этиши учун ғассонийлар ал-Ҳорис ибн Жабал (529—564) ни Сурия ва Фаластин арабларининг олий ҳукмдори деб тан олган ва унга патрикий унвонини берган. Ал-Ҳорис Византиянинг Эрон ё-б. бўлган урушларида иштирок этган. Ғ.д. ал-Ҳориснинг ўғли — ал-Мунзир даврида (569—581) янада кучайган. Бундан Византия ҳокимияти тушиб, 581 й. ал-Мунзирни хиёнатда айблаб, уни қўлга олган ва Сицилияга сургун қилган. 7-а. бошигача Ғассонийлар айрим воҳалар ва қабилалар устидан ҳукмронлик қилганлар, сўнг ғассонийлардан бири — Жабал ибн ал-Айҳам Ғ.д.ни тиклашга муваффақ бўлган. Ғ.да юксак деҳқончилик маданиятига эга бўлган воҳалар аҳолиси муҳим мавқега эга эди. Ғ.да монофисийлик диний ақлиқдан тарқалган. Ғ.д. 633—640 й.ларга қадар мавжуд бўлган.

ҒАФУР ҒУЛОМ (таҳаллуси; асл номи Ғуломов Ғафур) (1903.10.5 — Тошкент — 1966.10.7) — Ўзбекистон халқ шоири (1963). Ўзбекистон ФА акад. (1943). Тошкент ш.да Қўрғонтепа маҳалласидаги эски мактаб ва мадрасада, рус-тузем (1916) ва «Ҳаёт» мактабларида (1918) ўқиган. Мустақил ҳаёт йўлини эрта бошлаб, кўсибчилик, тунукасозлик, ҳарф терувчилик сингари турли касблар б-н машғул бўлган. Ўқитувчиларни тайёрлаш курсларини тугатиб, «Чўлпон» (1919), «Ҳаёт» (1924) мактабларида муаллим, болалар уйи (1926), «Ўрфон» мактабида мудир (1928). «Камбағал деҳқон» (1928 й.дан) ва «Шарқ ҳақиқати» газ.ларида (1929 й.дан) масъул котиб, «Муштум», «Ер юзи» журн.ари ва «Қизил Ўзбекистон» газ.да адабий ходим (1930—42), Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим (1943—66). 30-й. ларнинг бошларидан шоир, ҳикоянавис, драматург, таржимон сифатида ижод этиб, «Динамо», «Йигит», «Эгалари эгалланганда», «Хитойдан ҳандалар» (1931), «Тирик қўшиқлар» (1932), «Кўкан» (1934), «Сиз»а» (1935), «Чанма» (1939) шеърий тўплам ва достонлари, «Жўрабўта» ҳикоялар тўплами, «Нетай» (1932), «Тирилган мурда» (1935), «Едгор», «Шум бола» (1938) қиссалари ва «Мувбир суди» (1929) пьесасини нашр эттан. Бундан ташқари, В.Маяковскийнинг «Хайқирик» (1929), Ҳоди Тоқтошнинг «Муҳаббат тавбаси» (1931) достонини ўзбек тилига таржима қилган. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини нашрга тайёрлаган.

Ғ.Ғ.нинг ижодий таржима 3 даврдан иборат. 30-й.ларни ўз ичига олган 1-даврда Ғ.Ғ. қўплаб шеър, мақола ва очерклар ёзган. Ўзларнинг аксари даврнинг ўткинчи мавзуларига бағишланган. Ғ.Ғ. шу даврда яратган насрий асарларида халқ ҳаётини, тарихини, турли ижтимоий қатламларга мансуб кишиларнинг руҳий олами ва нутқини мукаммал ифода этган.



Ғафур Ғулом (1951).

Ғ.Ғ. «Нетай» ва «Едгор» қиссаларида тасвирланган ёш қаҳрамонлар образи орқали маънавий бузилиш, парқона ахлоқ меъёрларини оёқости қилиш катта фожиага олиб бориши мумкинлигини кўрсатган.

«Шум бола» қиссасининг бош қаҳрамони образида Ғ.Ғ. ҳаётнинг ҳар ҳандай мураккаб ва машаққатли синовларидан ўта биладиган, тегирмондан бутун чиқадиган шўх ва зукко бола образини катта маҳорат б-н тасвирлаган. Ёзувчи автобиографик характерга эга бўлган бу асари б-н ўзбек адабиётига янги бир типни олиб кирган. Мавлий бўёқлар б-н музайин бўлган бу асар айни пайтда умуминсоний гоя ва қарашлар б-н йўғрилган.

Ижодининг 2-даври — 2-жаҳон уруши йилларида Ғ.Ғ. халқ ва мамлакат ҳаётида кечаётган фожиавий воқеаларни фалсафий режада идрок ва тасвир этувчи асарларни яратган («Кузатиш»). Уруш йилларида отаонасиз қолиб, Ўзбекистонга кўчирib келтирилган болалар ҳақидаги «Сен етим эмассан» шеъри ижтимоий-сиёсий мавзуни инсонпарварлик гояси ва гуманизми б-н ажралиб туради. Ғ.Ғ.нинг «Согинаман», «Қиш», «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак» сингари шеърларида уруш мавзуи ўзининг барча қирраларини б-н акс этган. Ғ.Ғ.нинг урушдан кейинги дастлабки ойларда яратган «Вақт» шеъри алоҳида аҳамиятга эга. Ғ.Ғ. бу шеъри б-н ўзбек шеъриятидаги фалсафий-интеллектуал йўналишни янги босқичга олиб чиқди.

40-й.ларнинг 2-ярми — 50-й.ларни шоир ижодининг 3-даври бошланган. Ғ.Ғ.нинг шу даврда яратилган шеърларидаги лирик қаҳрамон энди уруш қаҳрамонлари маълум топган, тинчлик, дўстлик сингари қадриятларнинг қадрига етувчи кишилардир. Ана шу лирик қаҳрамоннинг руҳий олами *кечинмаларни Ғ.Ғ. шеърларига* ажиб бир ёрқинлик бағишлаган («Тошкент», «Сизга», «Онахонларга», «Мухаррам», «Бир дўст хотирасига» ва б.). Айниқса илк бор «Туркий йўлларида» шеърида кўзга ташланган тарих туйғуси шу даврда бошқа бир кўринишда, лирик қаҳрамоннинг ғурур ва сурур манбаини ифодалаган омил сифатида Ғ.Ғ. шеърларига кириб келган («Алишер», «Ўзбек элининг ғурури» ва б.). Шунингдек, шоирнинг «Янги кемалар», «Шеъларим» (1946), «Ўзбек элининг ғурури» (1949), «Шараф қўлёзмаси» (1950.) ва «Айлар» «Танланган асарлар» (1956—59) сингари тўпламлари шу йилларда нашр этилган.

Ғ.Ғ. 50—60-й.ларда кўпроқ шўро жамиятининг етакчи кучини шарафловчи, турли байрамларни олқишловчи, халқни пахтадан мўл ҳосил олишга чорловчи шеърларни ёзишга мажбур бўлган. Шунга қарамай, у шеъриятга ўзбек тилининг ширали, ранғин ва ғоят қизғалдоқни олиб киришга эришган.

Ғ.Ғ. болаларга бағишланган талайгина шеърлар ҳам ёзган («Тонготар қўшиғи», 1949; «Бари сенники», 1953; «Тўғри ва ўдлак», 1955; «Бир гунча очилгунича», 1958.). У туркий ва форсий тилда ёзилган шарқ шеъриятининг бизимонларидан ва замонавий адабий ҳаётнинг фаол кузатувчиларидан бири сифатида Навоий, Атоий, Машраб, Муқимий, Муҳаи, Фурқат, Аҳмад Ҳўқандий, Васлий, Айний, Ойбек, Ғайратий, Ҳ. Олимжон, С.Абдулла сингари ўзбек шоир ва ёзувчилари, қардош халқлар адабиётининг Низомий, Жомий, Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Шевченко, Маяковский, Абай, Тўғолоқ Мўлла, Абдулла Тўқай, Жоҳтий ва б. машҳур намояндаларини тўғрисида қўплаб адабий-танқидий мақолалар ёзган. Шунингдек, Ғ.Ғ. «Кулгичлик тўғрисида», «Юмор ва сатира», «Фольклорни ўрганайлик» сингари мақолалар ҳам ёзиб, ҳажвий адабиётнинг жанр хусусиятларига доир қарашларини ўртага ташлаган, ўзбек халқининг бой оғзаки ижодини ўрганиш масалаларига жамоатчилик эътиборини қаратган.

Ғ.Ғ.нинг адабий меросида болаларга ёзган шеърлари катта ўрин тутади. У юқорида тилга олинган таржима асарларидан ташқари, У.Шекспирнинг «Отелло», «Қирол Лир» трагедиялари, Ўрбудодининг «Беш сўмлик келин», Н.Хикматнинг «Бир севги афсонаси» пьесалари, М. Козимийнинг «Кўркинчли Техрон» романи, шунингдек, Пушкин, Лермонтов, Некрасов ва Т.Шевченко асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Тошкентдаги метро бекатларидан бири, маданият ва истироҳат боғи (2003 й.да ушбу боғга унга ҳайкал ўрнатилди, ҳайкалтарош Ж.Миртожиев), нашриёт-матбаа ижодий уйи, Кўқон адабиёт музейи, Гулистон давлат ун-ти Ғ.Ғ. номи б-н аталади. «Шум бола», «Нетай», «Менинг ўртигимга болам», «Афанди ўзмайдонни бўлди» асарлари асосида театр спектаклларн ва кинофильмлар яратилган. 2003 й.да шоир туғилган кунининг *100 йиллиги* кенг нишонланди. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» орденн б-н мукофотланган (2000).

Ас.: Мукаммал асарлар тўплами (12 жилд). 1—10-жилд., Т., 1983—90; Сайланма, Т., 2003.

Ад.: Мамажонов С., Шоир ва замонавийлик, Т., 1963; Мамажонов С., Ғафур Ғулом прозаси, Т., 1966; Ғафур Ғуломнинг лирик поэзиядаги маҳорати, Т., 1966; Мамажонов С., Услуб жилвалари, Т., 1972; Акбаров А., Ғафур Ғулом, Т., 1975; Каримов Н., Ғафур Ғулом поэзияси, Т., 2003; Назаров Б., Ғафур Ғулом оламн, Т., 2003; *Ғафур Ғулом замондошларн хотирасида*, Т., 2003; Сафаров О., Замонлашдар тонгининг чароқлари, Бухоро, 2003; Ғафур Ғулом Аилжонда, Андижон, 2003.

Наим Каримов.

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ — Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимига киради. Ўздавнашрнинг адабий-бадиий бўлимлари негизида 1957 й. Адабиёт ва санъат нашрларн номи б-н ташкил этилган. 1964—66 й.ларда ушбу нашриёт «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, 1966 й.дан эса Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти деб номланган. 2002 й. 10 апр.дан «Ёзувчи» нашриёти (1990 й.дан фаолият кўрсатган) ва Ранғли босма фабрика б-н бирлаштирилиб, Ғ.Ғ.н.н.-м.н.у. ташкил этилган. Асосий фаолият йўналиши мумтоз, қоз. замон ва жаҳон адабиёти намуналари, болалар адабиёти, оммабоп ва саньатга оид турли китоб ва альбомлар, рисолалар, варақлиқлар, буклет ва плакатлар чоп этишдан иборат. Нашриётда Алишер Навоийнинг 15 жил асарлари, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари, Машраб, Бедил, Бобур, Нодира, Увайсий, Фурқат каби ўзбек мумтоз шоирларининг, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби ёзувчи ва шоирларнинг асарлари чоп этилган.

Китоб графикаси мактабини яратган рассомлар: И.Кариакин, А.Бобров, А.Мамажонов, Д.Ширин, М.Катаров ва б. альбом, плакат, буклетлар ва турли адабиётларни бадиий томонидан безашда фаол қатнашган. Ғ.Ғ.н.м.-м.у. 2004 й.да 130 номда 2120 минг нусхада китоб нашр этган.

Назира Жўраева.

ҒАФУРБЕКОВ Тухтасин Ботировнч (1939.7.5, Фарғона) — мусиқашунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1989), санъатшунослик фанлари д-ри (1990), проф. (1989). Тошкент консерваториясини тугатган (1969). *Санъатшунослик институтида* илмий ходим (1967—73), директор (1992—98), бош илмий ходим (1998 й. дан), айни пайтда Ўзбекистон консерваториясида концертмейстер *(1961 —69), ўқитувчи* (1966 й.дан), кафедра мудири (1983—90 ва 2003 й.дан), проректор (1989—92). Илмий фаолияти ўзбек миллий мусиқа санъати ҳамда Ғарб композиторлик ижодиёти, жумладан, мусиқий ориентализм масалаларига бағишланган. *Тадқиқотлнк* назарисига катта ҳисса қўшган. Махсус дарслик (мас., «Ўзбек мусиқаси тарихи», Т., 1981 ва б.,), ўқув қўлланмалари, луғатларни нашрга тайёрлаган. Бир неча халқаро илмий анжуман қатнашчиси ва ташкилотчиларидан. Тадқиқотлари Европа ва Осиё мамлакатларида нашр этилган.



Ас.: Ўзбек профессионал мусиқа ижодиётининг фольклор оқимлари, Т., 1984; Миллий монолашнинг ижолий хазиналари... Т., 1987.

Ад.: Плутитав В., Галушченко И., Тухтасин Ғафурбеков, Т., 1998.

ҒАФУРЖОН ҚИЗИҚ Мамажусупов (1892, Учқурғон туманн Қайқи қишлоғи — 1965, Наманган) — халқ қизиқчиси. Отаси Мамажусуф Мамажонусов ашулачи ва аскиячи ўтган. 15 ёшидан Нормат оғир тўпланса қизиқчилик қилган. 1911–15 йлар Андижонда Рустам сурнайчи тўпласида, 1918—20-йлар бошқа турли тўдаларда фолшет қўшқаттан. 1923 й.дан Наманганда халқ комедияларида кулгили, ҳажвкор образлар яратган, баъзан жўлдар ролини ўйнаган, дор усгида ҳам қизиқчилик қилган. Чуст (1931—33), Наманган (1938—39) театрларида доирачи бўлган. Аъзам қизиқ, *Ориф гарнон, Иброхим қизиқ, Ака Бухор,* Тўра қизиқчилар 6-н ҳамкорликда ишлаган.

ҒАФУРОВ Ашир (1876—1941) — етнч ўйматори, нақшин. Ғ. ижодида ислимий нақш, чоки пардозни кенг қўллаган, заминни чекма усулида безаган; дизаля ўйиш эшик ва дарвозалар устаси сифатида танилган. Ўзбекистон халқ ҳўжалиги кўргазмаси (хоз. Бадиий кўргазмалар дирекцияси биносида 2 табақали эшикни тайёрлашда қатнашган, эшик дизаляри ва атрофидаги ҳошия нақшлари ишлаган (нақшлар орасида имзоси бор).

ҒАФУРОВ Вали Ғафуровнч (1913. 27.10. — Тошкент — 1987.27.5) — гидрогеолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1974). Геол.-минералогия фанлари д-ри (1964), проф. (1968). Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1936). Ўзбекистон ФА нинг геол. мудири (1940—43). Ўзбекистон ФАнинг геология ин-ти директори (1944—47). Ўрта Осиё унтининг доценти (1948—57). Ўзбек гидрогеология трести раҳбари (1957—64). «Гидроингео» ин-ти сел бўйича лаб. мудири (1964—1965), Андижон пахтачилик ин-ти гидрогеология кафедраси мудири (1965—67). Тошкент қ.х. институти тупроқшунослик кафедрасининг проф. (1967—75). Ўзбекистон ФАнинг сейсмология ин-ти катта илмий ходими (1975), мухандислик сейсмологияси лаб.нинг мудири (1976 дан). Илмий ишлари гидрогеология, мухандислик геол.си ва сейсмологияга бағишланган.

Ас.: Вопросы орошения осушных земель Голодной степи, Т., 1968.

ҒАФУРОВ Иброҳим (1937.27.12, Тошкент) — адабиётшунос олим, таржимон. Филол. фанлари номзоди (1973). Адабиёт ва санъат нашриётида мухаррир (1963), бўлим мудири, бош мухаррир ўринбосари (1970—82). «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газ.да бош мухаррир ўринбосари (1982—95). «Миллий тикланиш» демократик партияси раҳбарининг биринчи ўринбосари (1995), «Миллий тикланиш» газ. бош мухаррири (1995 й.дан), партия МК раиси (1996—2004). Ғ.нинг илмий фаолияти адабиётшунослик ва адабий танқиднинг муҳим масалаларига бағишланган. Асарларида балиняпга ҳаққонийлик, инсонийлик, эдолат, миллий ўзнги зослик ва холислик принципларининг намоён бўлиши қодисалари таҳлил қилинган.

Ф.М.Достоевский («Жиноят ва жазо», «Телба», «Қиморбоз»), Э.Хемингуэй («Чол ва денгиз», «Алвидо, қурол»), Ч.Айтматов («Қиёмат», «Чингизхоннинг оқ булути»). Ти де Мопассан («Қизимча»), Нозим Ҳикмат («Сурур») романларини, ҳинд илоҳий китоби «Панчатантра»ни, Конфуций ҳикматларини ва б. асарларни ўзбек тилига таржима қилган. «Ғафур Ғулом» (1983), «Мақсуд Шайхзода» (1987), «Зулфия» (1985), «Бобораҳим Машраб» (1984) ҳужжатли фильмлари сценарийсни муаллифи. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989). «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1995). 1-, 2- чақирик Ўзбекистон Олий Мажлис депутати.

Ас.: Гуманизмнинг олмос қирралари, Т., 1963; Жозиба, Т., 1970; Енар сўз, Т., 1973; Ям-яшил дарахт, Т., 1975; Президент шоири, Т., 1981; Лириканинг қирги, Т., 1983; Изтироб, Т., 1991; Дил ярмлари, Т., 1998.

ҒАФУРОВ Маҳмуджон (1917.20.10 — Тошкент — 2000.5.1) — хонанда (тенор), актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1950). 1939 й.дан Мукимий театрида актёр-хонанда, шунингдек, Навоий театри яккахон хонандаси (1951—53). Мукимий театрида сақналаштирилган мусиқали драмаларда Тоҳир (Т.Жалилов, «Тоҳир ва Зуҳра»), Алпомиш (Т.Жалилов, «Алпомиш»), Ҳайдар (Т.Жалилов, «Нурхон»), Субҳонқул (С.Бобоев, «Ватан ишқи»), Турсунали (М.Левиев, «Олтин кўл») каби бош қаҳрамонлар образлари Ғ. ижросида ўзининг ҳаётий талқинини топган. Навоий театрида Қодир (Т.Содиқов, Р.Глиэр, «Гулсара»), Фарҳод (Ғ.Мушель, Ю.Ражабий «Фарҳод ва Ширин»), Қайс (Т.Содиқов, Р.Глиэр, «Лайли ва Мажнун»), Тоҳир (Т.Жалилов, Б.Бровшин, «Тоҳир ва Зуҳра») ва б. партияларда муваффақият қозонган. Кент, тўла овоз соҳиби Ғ.нинг хонандалик услуби юқори драматик маҳорат, ҳис-туйғуларга бой, ёркин ижро, ахлит бадиий образлари б-н ажралиб туради. 1960—70 й.ларда Ғ. ижолининг бошқа янги қирралари Шайх (Г. Тўла; И.Акбаров, «Қайбулоқ»), Ҳотам Солиев (З.Фатхуллин; И.Акбаров, «Кумуш тўй») каби характерли ролларда намоён бўлди. Айни пайтда Ғ. оперетта устаси сифатида ҳам танилган: Петро (Н.Лисенко, «Полтавалик Наталка»), Ражжами (И.Кальман, «Баядера») ва б. Ғафуров Навоий, Машраб, Мукимий, Фурқат, Махтумқули ғазаллари б-н айтиладнган мумтоз қўшиқларнинг моҳир ижрочиси. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1998).

ҒАФУРОВ Шамсиддин (188Х — Самарқанд — 1963) — меъмор, ганчкор уста. Ҳунарни отаси уста Ғафур б-н бирга ишлаб ўрганган; уста Саидулла, уста Абдуқодирлар б-н бирга ишлаб малакасини оширган. Калонтарров уйи (1894), Боғи Баланд масжиди (1900), Хўжа Нисбатдор масжиди (1901), Шайбонийхон масжиди, Хушнақбой уйи (Самарқанд вилоятида) ва б.ни безашда қатнашган. Давлат ва хусусий уйлар қурилишида иштирок этиб, уларни ганч ўймакорлиги б-н





Маҳмуджон Ғафуров Алпомиш («Алпомиш», Ойбўрчин — Ф.Рахматова) ва Ҳайдар («Нурхон», Нурхон — Э.Жалилова) ролларида.



бўлади: Наводий номидаги адабиёт музейи бинокори (1940), Мукимий театри (1942–43), Наводий театри (1947) ва бошқалар. Ғ. *Шердор мадраса* тоқларининг тикланиш (1926), *Улуғбек мадрасаси*нинг шим.–шарқий минораси муқарнослари (1932), *Тиллакори мадраса*, *Шохизинда* ансамбли (1934—45), *Амир Темур мақбараси* (1943—45), Шаҳрисабздаги *Кўк гумбаз масжиди*, *Гумбази Сайидон* (1954—55) ва б. меъморий обидаларни таъмирлашда фаол иштирок этган. У яратган улуғ, ахта, андазалар ва ишларидан намуналар республика музейларида сақланади.

ҒАФУРОВА Дилбархон (1940.15.1, Марғилон ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фарғона пед. институтини тугатган (1969). *1960 й.дан Марғилон ш.даги* 12-, 1-мактабларда, 5-интернат мактабда бошланғич синф. 1964—99 й.ларда 1-мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

ҒИЁСИДДИН БОЛБОН, Улуғхон — *гуломлар* сулоласидан бўлган Дехли султони (1265—87). Дастлаб *Шамсиддин Элтутмишнинг* қули (уломи) бўлган, сўнгра иқтидорли саркарда даражасига кўтарилган. 1246—65 й.larda султон Носириддин Маҳмуд даврида амалда ҳокимиятни бошқарган. Аҳл. Бенгалия ва Панжоб вилоятлари устидан ғалаба қозониб Шим. Ҳиндистоннинг бутун ҳудудини ўз ҳукмронлиги остига олган. Қўшинлари жанговарлик салоҳиятини оширган. Ҳарбий хизмат мажбуриятини ўтамаган қўлларга заминдорларнинг мулкларини тортиб олган, *бу б-н* ердорлик давлат ихтиёрига ўтишини мустаҳкамлаган. Халқ ҳаракатларини бешафқат бостирган. 1286 й. Панжобга бостириб кирган мўғулларни қувиб юборган ва давлатнинг ғарбий чегараларини қўлай қалъалар қуришни йўли б-н мустаҳкамлаган.

ҒИЁСИДДИН ЖАМШИД — қ. *Коший*.

ҒИЁСИДДИН ПИРШОҲ (? — 1229) — *Муҳаммад* Хоразмшоҳнинг ўғли. *Жалолиддин Мангуберди*нинг укаси. 1217 й. Хоразмшоҳ Ғ.П.га Кермон, Кеш ва Макрон вилоятларини берган.

Ғ.П. давлати ҳудудига мўғуллар 10 минг отлиқ қўшин б-н ҳужум қилганда у қаршилик кўрсатмай Ироқни талон-тарож этишишга йўл қўйиб берган. Мўғуллар кетганидан сўнг, уларнинг ўрнига маҳаллий *туркий амирлар мажлисини тоғат* қила бошлаганлар. Ғ.П. уларни тинчитиш учун турли ҳарбий даражалар бера бошлаган: амирни малик, маликни эса хон даражасига кўтарган. Ғ.П. давлат ишларига лаёқатсиз бўлиб, бу иш б-н онаси Баклуё шуғулланган, шу сабабли у *Туркон хотун* каби Худованди Жаҳон лақабини олган. Ранат салтанатлари бебошлик, ядолатсизликдан норози эди. Жалолиддин Ҳиндистондан қайтгач, булар барҳам топган.

Ғ.П. Жалолиддиннинг Грузияга қилган юришида (1225) қатнашиб қўшиннинг сўл қанотини бошқарган.

1227 й. мўғулларнинг Байжу нўён, Тайнал нўён ва б. раҳбарлигидаги қўшини б-н Исфаҳон яқинида бўлган жангда Ғ.П. ғилдиракдаги равишда ўзига тегишли аскарлар ва Жалолиддиннинг Жаҳон Паҳлавон зачи бошчилигидаги ҳарбий қисми б-н жанг майдонини тарк этган. Ғ.П. Ҳузистонга йўл олиб, у ердаги халифага элчи юбориб *аксистон* тарк этгани, халифалика қўшини бўлиб ҳисмоқчилигини билдирган. Ҳузистондан Аламут, сўнг Кермонга Барок ҳожиб ҳузурига қочган. Барок *ғўрлик б-н Ғ.П.нинг онасига уйланган*, бир оздан кейин уларни ўзига нисбатан сунъқасд қилишда айблаб онасини, вазир Карим ал-Шарқ ва Жаҳон Паҳлавон элчини қатл эттирган. Ғ.П.ни эса, қалъага қамаб қўйган.

Фазлиддин Хатиров.

ҒИЁСИДДИН ТУҒЛОҚ — *Дехли султонлиги* ҳукмдори (1320—25). Туғлоқийлар сулоласи асосчиси. Хилжийлар сулоласи вакили. Аловиддин Хилжий ҳукмронлиги даври (1296—1316) да мўғуллар б-н мувaффақиятли кураш олиб борган. Сарой амалдорларининг суиқасдларини Носириддин Хисравшоҳга қарши фитнаси натижасида тахтга ўтирган. Мулкдорларни ўз томонига ағдариб олиш мақсадида Аловиддин томонидан тортиб олинган ерларни эгаларига қайтарган. Хилжийлар сулоласининг сўнгги вакилларининг зўравонлик усулларини натижасида *зиёфалиган давлат ҳокимиятини* мустаҳкамлаган, солиқларни йўлга қўйган. Суғориш иншоотлари барпо этиш билан қ.х.нинг ривожланишига имкон берган.

Ғиёсиддин туман ҳокимияти биноси.

ҒИЖДУВОН — Бухоро вилояти *Ғиждувон туманидаги* шаҳар (1972 й. дан), туман маркази. Бухоро ш.дан 49 км шим.–шарқда. Бухоро воҳасининг юқори қисмида жойлашган. Яқин т.й. станцияси — Қизилтепа (17 км). Аҳолиси 38,6 минг киши (2003). Ғ. тоғолди текислигининг қадимий ва ўрта асрлар маданий ҳаёти ўрасида турли ривоятлар мавжуд. Шулардан «Кичи тувон» («кичи» тожикча эски эквиви, «тувон» — маҳкил), яъни эски экадиган деҳқонлар маҳалли ёки «Ғиждуҳон» — кўп қишлоқлардан ташкил топган жой маъносида изоҳлайдилар. Шаҳар ҳудуди ва унинг атрофи қ.х.дан деҳқончилик ривожланган ҳудуд ҳисобланган.

Ғ. манбаларда қишлоқ сифатида 10-а.лардан бошлаб тилга олинади. 15—18-а.ларда Ғиждувон беклигининг маркази бўлган. Лекин Россияси мустамлакачилиги даврида ҳам Ғ. йирик иқтисодий-ижтимоий марказлардан ҳисобланган. 19-а. охири — 20-а. бошларида Ғ.да 15 та масжид, 55 ҳусусий мактаб ва мадраса, 3 та ҳаммом, 300 дан ортиқ савдо дўконлари, 24 ҳунарманд фаолият кўрсатган. Шаҳарда пахта тозалаш, мева-сабзавот консерва, гишт, пиво ва ҳона ичимликлар з-длари, «Бухоротекс» тўқимачилик корхонаси, МТП, автокорхоналар, қурилиш ташкилотлари, гилам тўқиш, пойабзал ф-каларн, миллий қўлқунчилик, қандолатчилик, қўлқунчилик, новвойхоналар, деҳқон бозори, маданий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Ғ. Буюк ипак йўли

ишининда жойлашганлигидан ҳунармандчилик қадимдан ривожланган. Шаҳар кулолчилик, темирчилик, заргарлик, кашталчилик буюмлари, ҳолвапазлик маҳсулотлари б-н машҳур.

Умумий таълим мактаблари, лицей, қизлинг ва гимбиёт касб-ҳунар коллежлари, туман марказий кутубхонаси, маданият уйлари, клуб муассасалари, маданият ва истироҳат боғи, музейлар бор. Стадион, спорт саройи ва б. спорт иншоотлари фаолият кўрсатади. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, аёллар консультацияси, дорихона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади.

Ғ. муҳим транспорт йўллари ёқасида жойлашган. Бухоро ва вилоятнинг бошқа йирик шаҳарларига автобус-лар қатнайди. Шаҳарда 10 дан зиёд тарихий меъморий обидалар бор. Шулардан Абдулхолиқ Ғиждувоний мақбараси ва мақбараси (12-а.), Улуғбек мадрасаси (1432—33), Тошмасжид ва Деҳқонобод хонақаси (15—16-а.лар), Хожа Сокғаре масжиди (17-а.), Чорсу масжиди ва б. машҳур.

Ирфон Пешқиев, Умар Раҳимов.

ҒИЖДУВОН ЖАНГИ — *Убайдуллахон, Бобур* ва Эрон қизилбошиларн қўшини ўртасида бўлган жанг (1512 й. 24 нояб.). *Кўли Малик жангиларн* галабадан кейин Убайдуллахон Бухоро ва Самарқандни эгаллайди. Бироқ, Эрон шоҳи Исмоил I Сафавий юборган Наҳ-ми Соний бошчилигидаги 60 минг қизилбош-лардан сафавийлар қўшинига сўнгида Бобур 1512 й. кузида Ғузор ва Қаршини эгаллайди (қ. *Қарши мудофааси*).

Наҳми Соний қўшини бу пайтда Ғиждувонни қамал қилишга киришади. Убайдуллахон ва Жонибек Султон Қарнинага, Кўчқунчихон ва Темур Султон Миёнқолга чекиниб, ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўришган. Туркистон ч.дан етиб келган Убайдуллахоннинг пири ва устози Мир Араб унга жанг олдидан кўрсатмалар бериб ва қўшинини руҳлантириб, Ғиждувон устига бошлайди. Султонлар қўшини етиб келмасдан олдин, Ғиждувонлаги оз сонли мудофаачилар қалъадан чиқиб, душман қўшини б-н аёвсиз жангга киришиб туришган. Бироқ ҳарбий режани пухта амалга оширган Убайдуллахон ўзининг оз сонли ҳарбий дастаси б-н ҳижрий 918 й. 3-рамазонида якшанба куни (1512 й. 24 нояб.) да Ғиждувон яқинидаги Заронғари қишлоғида Наҳми Соний қўшини устига тўсатдан ҳужум қилган. Ғ.ж.да Убайдуллахон бошчилигидаги қўшин Наҳми Соний ва Бобур рақибларидаги ҳарбий кучларни «тўлғама» усулида енгган. Наҳми Соний қатто қийинини қийишга ҳам улгурмай отга ўтириб қочаётганида Убайдуллахон жангчилари томонидан ўраб олинган ва ўлдирилган. Бобур эса Хуросонга кетишга мажбур бўлади. Кўп сонли қизилбошлилар қўшинидан (тахм. 60 минг киши) фақат оз сонли шиалар-гина Эронга қайтишган.


Манба: Ҳасанхожа Нисорий. Мусаххири аҳволи. Т., 1993. Ҳайриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., 2002. *Ад.:* История Узбекистана (XVI — первая половина XIX века). т.3, Т., 1993.

Қодиржон Раҳимов.

ҒИЖДУВОН ТУМАНИ — *Бухоро вилоятидаги* туман. Вилоятнинг шим.-шарқий чеккасида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган.; 1935—38 й.ларда Акмал Икромов тумани номи б-н юритилган. Шим., шарқ ва жан.-шарқдан Навоий вилоятининг Конимех, Кармана, жан.дан Вобкент, гарбдан Шофиркон туманлари б-н чегараланн. Майд. 3,94 минг км², Аҳолиси 239 минг кишн (2005). Туманда 1 шаҳар (Ғиждувон), 1 шаҳарча (Жафароболд), 14 қишлоқ, фуқаролари йиғини (Армечан, Бухтарой, Ғовшун, Зарантари, Қўқча, Позагари, Районобод, Сохтари, Сарвари, Сармижон, Улфатбиби, Файзулла Юнусов, Оқтошкент, Қорахонқ) бор. Маркази — *Ғиждувон* ш.

Табиати. Туман ҳудудининг ғарбидан ғарбга пасайиб борувчи текисликдан иборат. Шим. қисми қизилқум чўли эгалланган. Шим. ва шим.-шарқида Қоратог тизмасининг ғарбий чекқалари жойлашган. Шўр-кўл сув омбори атрофи тўлқинсимон текис, қирларлан, Зафаробод шаҳарчаси чекқаларн емирилган паст тоғлардан иборат. Энг баланд жойлари 485—505 м (Қўқча тогида). Ғиждувон ш. атрофида бал. 240—248 м.

Ғ.т. нинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган Оёқотитма берк ботиғининг нисбий чуқурлиги 133 м бўлиб, унинг марказий қисми ташлама сувлардан ҳосил



бўлган Оёқотитма кўлидан иборат. Иқлими субтроник белгиларга эга бўлган кескин континентал чўл иқлими. Январнинг ўртача т-раси 0°, —1°, июлники 26—28°. Энг паст т-ра —25° (1969, 1984), энг юқори т-ра 45° (Қумликлардаги очиқ жойларда 60—70°). Йиллиқ 130—150 мм ёғин тушади (асосан, қиш ва баҳор ойларида ёғади). Ёзи қуруқ ва узоқ давом этади. Вегетация даври 200—210 кун. Туман Зарафшон дарёсидан чиқарилган Султонобод, Жилвон, Қалқонруд, Пирмаст ариқлари, Ому-Бухоро машина канали системасидаги тармоқлар орқали сув б-н таъминланади. Шўркўл канали ўтказилиши туфайли Қуғчи, Жилвон мавзеларида янги ерлар ўзлаштирилди.

Тупроғи сугориладиган ерларда ўтлоқи-воҳа ва тақирли воҳа тупроқлар. Чўл зонасида эса сур-қўнғир, чўл-қумли, тақирсимон шўрюк тупроқлар тарқалган. Орасида тақир тупроқлар ва тақирлар ҳам учрайди. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси воҳа ва чўл зонасига хос. Чўлда илоқ, арпагон, ялтирбош, черкез, қаррак, оқдекак, шувоқ, селин, саксовулсимон, ялчиқмия, шўра, партак, сингрен, қўнғирбош, донашўр, оқ жангал, юл-



Ғиждувон туманн. Спорт саройи.



Фиждувон шаҳри. Абдулхолиқ Ғиждувоний мақбараси.

гул, қалдирғоч, қора сақсовул; сувда яшаш ерларда қамиш, қўға, бўйра қамиш (эрвантуш), қолуғ кўп. Ёввойи қайвонлардан жайрон, қирқоқ тулки, чиябўри, тозлай қуённи; ҳомронқозик ва б.; судралиб юрувчиларлан бўғма илон, қўлбоғ илон (гюрза), эчкемар, калтакесак, агама, тошбақа. Балиқ типратиканги; қушлардан қора каптар, тувалоқ, каклик, зарафшон қирғовули, бургут, қора бовур, оқ бовур, бизғалдоқ учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, қозоқ, украин, татар, бошқирд, туркман, арман, озарбайжон, белорус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 60,8 кишн. Шаҳар аҳолиси 43,6 минг кишн, қишлоқ аҳолиси 195,4 минг кишн (2005).

Хўжалиги. Туманда пахта тозлаш, ипак ва яхта ичимликлар, мева-сабзавот консерва з-длари, «Буюртмачи» тўқимачилик корхонаси, автокорхоналар, қурилиш ташкилотлари, МТП, гилам тўқиш, пойабзал ф-калари, мисгарлик буюмлари, қандолатчилик, нон цехлари, деҳқон бозори, маданий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Туманда ҳунармандчилик (бешиккосўлик, кулолчилик, темирчилик, каштачилик, зардозлик, кулчапаллик, хозпаллик ва б.) қадимдан ривожланган.

Қ.ж.да пахтачилик ва галлачилик асосий ўринн тутади, чорвачилик, сабзавотчилик тармоқлари ҳам мухимдир. Суғориладиган 22,1 минг га ерининг 10,8 минг гектарига пахта, 7,2 минг гектарига дон, 3,1 минг гектарига ем-хашак экилади, шунингдек, картошка, сабзавот ҳам экилади. Фиждувон ўрмон хўжалиги (майд. 28,5 минг га) ташкил қилинган (1980 й.дан). У Фиждувон, Мингчинор, Шўркўл, Ўртачўл бўлимларидан иборат. 2,2 минг гектари ўрмонзор, 27 гектари мевали боғ, бодомзор, 12 гектари токзор, 41 гектари плантация. Қолган ерлари — яйлов. Ширкат, деҳқон, фермер хўжаликлари бор. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 2,2 минг қорамол (шу жумладан, 741 сигир), 3,5 мингдан зиёд қўй ва эчки, 13,6 минг парранда боқилади (2004).

Ғ.т.да 66 умумий таълим мактаби, лицей, 5 касб-ҳунар коллежи ва ўқув муассасалари фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 55 та тармоғи (345,4 минг нусха асар), 21 клуб муассасаси, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, музейлар бор. 35 спорт иншоотн (шу жумладан, 5 стадион, 2 спорт саройи, теннис корти, спорт заллари спорт майдончалари ва б.) мавжуд. 3 касалхона, 2 поликлиника, стоматологик поликлиникаси, 4 ҳудудий поликлиника, қишлоқ врачлик амбулаториялари, 50 қишлоқ врачлик пункти, 15 фельдшер-акушерлик пункти, 2 диспансер, аёллар консультацияси, дорихоналар, 2 санэпидстанцияси масканн аҳолига хизмат кўрсатади.

Тошкент—Бухоро—Туркманобод халқаро автомобиль йўли, Бухоро—Тошкент т.й. туман ҳудудидан ўтган. Тумон марказидан Бухоро ва вилоятнинг бошқа шаҳарларига автобуслар қатнайди.

Ғ.т.да Абдулхолиқ Ғиждувоний масжиди ва мақбараси (12-а.), Улуғбек мадрасаси (1432—33), Тошмасжид ва Деҳконобод хонақоси (15—16-а.лар), Хожа Сокдари масжиди (17-а.), Чорсу масжиди ва б. қадимий меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган. 1931 й.дан «Фиждувон ҳаёти» газ. чоп этилади.

Нормат Назаров, Худойназар Тошев.

ФИЖДУВОНИЙ — қ. *Абдулхолиқ Ғиждувоний*.

ФИЖЖАК — торли-камончи мусиқа чолғуси. Ўзбек, тожик, уйғур, қорақалпоқ, туркманларда қамда камон, кемачча номи б-н озарбайжон, арман, грузин, эрон, турк ва б. Шарқ халқларида кенг тарқалган. Ўрта аср мусиқа рисолаларида баён этилган равоятларга кўра уни (ингичка номи б-н) Форобий яратган, Ибн Сино дастлабки 2 торини квартага созлаган, Қулмуҳаммад Удий эса Ғ.ка 3- торни қўшган. Унгача 2 симли Ғ.да ипакдан эшилган ёки симни ахс-садо берувчи торлар сони 8—11 тагача бўлган. Ғ.нинг ромлоқ чўмичсимон косаси олдин қовоқ, кокос ёнғоғидан, ҳозирда ёғоч (тут, ёнғоқ) ўлачасидан ўйиб асалаш ва косаси огзига тери ёки пўлак тортилади. Пардасиз дастасининг бир учига қулоқлар ўрнатилади, бир уни эса косахона устига жойлашада. Даста б-н косахонанинг умумий уз. 550—900 мм атрофида. Ҳозирда Ғ.нинг торлар сони 3—4 бўлиб, кварта-квинтага созланади. Улар дастанинг юқори қисмида жойлашган шайтон ҳарак ва косахона устидаги ҳаракка ўтқизилади. Умумий диапазони 4 октавадан ортиқ. Ғ.нинг инсон овозига яқин, нозик ва ларзали товуши, қўчирмаларга бой, чақакоий жарр услуби туфайли миллий мумтоз мусиқа ансамбларида асосий ўрин тутади. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида айтилишича, Ғ.ни чалиб билиш барча саройдозларга учун шарт бўлган. Ўрта асрда *Алижон Ғиждувоний*, Хожа Ўзбек Ғиждувоний каби санъаткорлар машҳур бўлган.

Ўзбекистонда Ғ. ижрочилигининг ўзига хос услублари, асосан, Андижон, Бухоро ва Хоразм анъаналарида мактаблари орқали намоён бўлган. Фарғона водийси ҳофизлик санъати ҳамда сурнай ижрочилик анъаналари таъсирида шаклланган *Андижон мактаби (Т.Жалилов, Ғ.Хожиқулов, Э.Рўзибоев, Ю.Юсупов ва б.)* майда ургу (акцент)лар, куй тузилмаларини узмаслан чалиш йўллари, сурнайга хос қочиримлар синдирилганлиги б-н ажралиб туради. К. Жабборов, Ғ.Тошматов, М.Ниёзов, М.Мухаммедов ижросида «Сурнай Ироқи», «Ўйин Ироқи», «Дугоҳи Ҳусайний» ҳамда «Кезирма» (Ғ.Тошматов), «Гул мавсуми» (К.Жабборов) каби Ғ. куйлари машҳур. Маҳаллий мусиқа анъаналари (айниқса, Шашмақом йўллари) негизида қарор топган *Бухоро мактабида* Ғ.нинг ҳудди титратётган камончи қоғозимб садоланиши, ҳар бир пардани ўзида тўлқинлатиб (тебранш) тезлашиши хос. *Бухоро Ғ.чилик мактаби* намо-



Ғиждак.

яндаларидан Ҳайдарқул Қоровулбеги (Бухоро амирлари саройларида хизмат қилган), 20-а.да Аминжон Исматов, Само Воҳидов, Ҳикмат Неъматов, Ўлмас Расуловлар ижросида «Сурнай Ироқи», «Бадри тавал», «Камон уфари», «Зулайҳо», «Нол» (Ў.Расулов) каби намуналари оммалашган. Хорazм мақтаб ижро услуби шиддат, камонни ўрту 6-й тортиш, айни пайтда юмшоқ тўлқинланиш 6-й ажралиб туради. Мазкур мактаб вакилларидан Патаҳгиждакчи (машҳур Усто-бахши дастасида фаолият кўрсатган, 19-а.), Абдулла Мижна, Матёқуб Харратов, Олланазар Ҳасанов, Ҳасанбой Атаевлар талқинида Хорazм мақомларининг чолғу йўллари, сурнай йўллари, шунингдек, «Аликамбар», «Қалабанди», «Харротий» (М.Харратов), «Геч полвон» сингари куйлар машҳур.

F. яккаанавоз чолғу, айни пайтда жўрнавоз соз сифатида ҳам кенг қўлланилмоқда. Туркман, қорақалпоқ, хоразм бахшилари (мас., Р.Муродов), Андижонда Т.Жалилов, Ғ.Ҳожиқулов, С.Тухтасиновлар ўзига хос жўрнавозлик йўлларини яратишган, 1970 й. лардан бошлаб F.ни яккаанавоз ва миллий чолғу ансамбли таркибида алоҳида кўрсатиш, унда ўзига хос куй тузилмаларини бадиҳа тарзида чалиш усуллари Абдуҳошим Исмоилов, А.Дадаев ва б. ижросида оммалашган, замонавий техника воситалари (пишқирақто, қисқа чўзимли тонушларни ишлатиш йўллари) кенг кириб келиб, полифония ва полимодаллик хусусиятларидан фойдаланилмоқда.

F.нинг косахонаси усулари тери совуқ, нам шароитда чўкиб кетиши, ингичка симларининг овози юқислиги туфайли Ўзбекистон (айниқса, Андижонда 19-а. охиридан F. ўрнига анъанавий ансамблар таркибида скрипка ишлатила бошлади. 1940-йилларда F.нинг ўзбек халқ мусиқаси оркестрида ишлатиладиган алт, бас ва контрабас турлари яратилди. Мазкур оркестрлар таркибида F.нлар гуруҳи худди симфоник оркестрдаги камончи созлар гуруҳи (скрипка, алт, виолончель, контрабас) каби етакчилик қилади. Ҳозир халқ чолғу оркестрида F.–бас ўрнига қўбиз-бас (ёки виолончель), F.–контрабас ўрнига — контрабаснинг ўзи ишлатилади.

Ад.: Кароматов Ф., Узбекская инструментальная музыка, Т., 1972; Вахтор Т., Музыкальные инструменты Средней Азии, М., 1980; Тошмуҳамедов М., Ғижжак дарслиги, Т., 2005.

Ўлмас Расулов.

ҒИЖЖАКДОШЛАР (Potamogetona ceae Dumort.) — ғижжакномолар қабиласига мансуб ўсимлик. Асосан, кўп йиллик илдизпояли ўтлардан иборат. Ер юзида 2 туркумга киритилган 100 га яқин тури тарқалган. Ўзбекистонда ғижжак (Potamogeton L.) туркумига кирувчи 11 тури ўсади. Поялари шохланган. Барглари ингичка, қалами, пастгарсимон, уз. 1,5 см дан 50 см гача. Гуллари майда, қўрғимсиз, 2 жинсли, гулқўрғони йўқ. Чангчи ва уруғчилари 4 талаи. Май—сент.да гуллаб мева беради. Меваси ёнғоқчасимон.

ҒИЖМАЛОС, гичмалос (Heliotropium ellipticum L.) — гозгабондошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Бўйи 10—40 см, шохланган пояси тукчалар 6-й қопланган. Барглари тухумсимон, уч қисми тўмтоқ ёки ўткир қирралн. Гуллари майда, гажак тўпгулга йиғилган, косачабарги 2 мм, тўгожиси оқиш, майда, тож найчаси 2—3 мм. Меваси 4 бўлакли ёнғоқча. Уруғи тухумсимон, усти илтирок, текис ёки сал ғалвир-будир. Май—июнда гуллаб, июнь—июлда уруғлайди. Ўзбекистонда, асосан, Бухоро ва Қорақалпоғистонда тарқалган. Тошлоқ жойларда ва тог сойларларида ўсади. Экинлар орасида бегона ўт сифатида ҳам учрайди. Таркибида гелиотрин, лазиокарбин ва б. алкалоидлар бор. Заҳарли.


Ғижмалос.

ҒИЗО, Ал-Ғизо, Ғизаҳ — Миср араби шаҳар, Нил дарёси соҳилида, Қоҳира ш. яқинида жойлашган. Ғизо муҳофазасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 2,2 млн. киши (1996). Транспорт йўлларининг йирик чорраҳаси. Мамлакатнинг муҳим савдо (асосан, талла савдоси) маркази. Тамаки, радиотехника ва машинасозлик саноати корхоналари мавжуд. Шаҳардан жанубгарбда дунёга машҳур қад. Миср эҳромлари — Хеопс (бал. 146,6 м), Хефрен, Микерин, шунингдек, Катта Сфинкс (ҳаммаси мил. ав. 3-минг йилликнинг 1-ярми) сақланган. Туризм ривожланган.

ҒИЗОЛЛАР, оҳулар (Gazella) — қуруқшоҳиллар оиласига мансуб сут эмизувчилар туркуми. Уз. 85—170 см, ингринидан бал. 50—110 см, шохи эркаги ва уруғчисида (жайранинг уруғчиси шохсиз) лирасимон, уз. 25—80 см. 12 (бошқа маълумотга қарганда 27 га яқин) тури бор. Африка, Гарбий Осиё, Марказий, Ўрта ва Жан. Осиёда тарқалган. Чўл, дашт, ўрмондашт, тексислик ва тоғли ҳудудларда (3,5 минг м баландликкача) яшайди.


Импала гизоли.

Ўзбекистонда 1 тур — жайран тарқалган. F. соғи камайиб кетган, бир қанча тури Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китобига киритилган.

ҒИЛАЙЛИК — кўзнинг норасо ҳолати, бунда бир кўз қорачиғи кўриладиган бошқа тўғри қараган, иккинчиси эса бурун томонга (акцинлашувчи F.) ёки чеккага (узоқлашувчи F.) оғган бўзади. Функционал F. ва фалажланиш гилайлиги фарқ қилинади. Функционал F.да кўз ташқи мускуллари, уларнинг оптик аппарати ёки кўз тўр пардасининг функционал бузилади. Кўпинча ёш болаларда учрайди. Болаларда икки кўзнинг ҳаракатлари нормал ишлаш фаолияти 2—3 ёшидан бошлаб ривожланади. Шу даврда бола қаттиқ кўрқса ёки қизиқиб, сканлатиш, дифтерия, грипп каби оғир юқумли касалликлар б-н касалланса ёки кўз нур синдиримн ёмонлаштирилса ривожланмаса, функционал F. пайдо бўлади. Уни дори-дармон, узоқ давом этадиган турли кўз машқлари ёки операция йўли б-н даволаш мумкин. Функционал F. да соғ кўз кўл б-н беркитилса, гилай кўз тўғри тури олади. Фалажланиш гилайлигида эса соғ кўз кўл б-н беркитилса,

тилий кўз шундайлигича туравераверади, тўғридан қарай олмайди. Чунки унинг тадқиқ мускулларн шиқастланган ёки яна қобини пардаларининг қалинлашиши натижасида бутунлай фалажланган бўлади. Бу Г.ни операция йўли б-н даволаш қийин. Ғилай кўз доим яхши кўрмайди, чунки нур унинг кўз ичи сариқ догида эмас, балки ўша қисмнинг кўз қорачиси ўнгарасидаги бошқа жуқпнга тушади. Шунинг учун Г.ни қанча тез даволаиса, шунча яхши. Биринчи навбатда, бола кўзини текширтириб, кўзойнак тақдаршш керак. Сўнгра унинг кўриш қобилиятини ўстириш учун сог кўз беркитиб қўйиб, ғилай кўзга турли машқлар буюрилади. Булар фойда бермаса, операция қилинади. Хоз. микрохирургик йўл б-н 2–3 шаар бопаларраги Г. тузатилмоқда.

ГИЛДИРАК — машина ва механизмларнинг айланма ҳаракатни узатиш ёки бошқа ҳаракатга ўзгартириб бериш учун хизмат қиладиган детали. Ғупчакка ўрнатилган диск ёки спицали чамбарак шаклига эга. Г. машина ёки механизм ўқида эркин айланиши ёки унга маҳкамлаб ўрнатиб қўйилиши (ўқ б-н бирга айланиши) мумкин.

Г. ишсиянтнинг илк кашфиётларидан бири. У тахм. мил. ав. 4 мингинча йиллар ўрталаридан олдин маълум (Месопотамия). Скандинавия халқларида Г. деб ғисобланган илк Г. доб ғисобланган. Дастлабки Г. тўғридан-тўғри ўққа ўрнатилган дискдан иборат бўлган. Мил. ав. 2 мингинчи йилларга келиб Г. ичи тақомлашган; аввал спицали, кейинчалик ғупчакли ва қайрилма тарзишли Г.лар яратилди, кейинчалик Г. мустаҳкамлигини оширши мақсадида темирдан ясалган тарзишлар қўллана бошланди. Дастлаб, Г. фақат пишиқ ёғочдан ясалган ва, асосан, арава, чаранглак; замбилғалтак (қ. *Замбил*) учун ишлатилган. Ўзбекистон ҳудудида Олтинтепа қад. шаҳар харобасидан топилган 4 Г.ли (тегирчисиз) сопол араванинг мил. ав. 4–2-аларга оидлиги аниқланган. Техника ривожланиб, *автомобиль*, *велосипед* ва *паровоз* пайдо бўлгач, шиналк ва темир Г.лар ишлатила бошлади. Г. фақат транспорт воситаларининг ҳам таянчи, ҳам ҳаракатлантирини воситасигина бўлмб қолмай, балки кўпгина машиналарда, тегирмонлар, турбиналар, станоклар ва б.да ҳаракатни бир турдан иккинчи турга айлантириш ёки тезлигини ўзгартириш учун ҳам қўлланади (қ. *Тишли ғилдирак*).

ҒИРА-ШИРА — эрта тонг ёки шомда нарсалар аниқ кўринмайдиган (*«ғира-шира. кўриналиган»*) пайт. Қуёш чиқишидан бир оз олдинроқ ёки қуёш ботишидан бир оз кейинроқ юз беради. Г.-ш. оптик ҳодиса ҳисобланали. Ҳаво очиқ пайтларда Г.-ш. пайтида осмон гумбази четида билинар билинмас *шафақ* пайдо бўлади ва кучсизлиги нур сочади. Г.-ш.нинг давомийлиги жойнинг географик кенглигига боғлиқ: экваторга яқинлашган сари Г.-ш. вақти қисқариб боради.

Амалий мақсадлар учун Г.-ш. 3 даврга бўлинган: фуқаро, навигация ва астрономия Г.-ш.лиги даврлари. Фуқаро Г.-ш.лиги пайтида қуёшнинг уфқдан пастлиги 7° дан ошмайди. Бундай пайтда чироқни ёқмасдан баъзи ишларни бажариш (мас., китоб ўқиш) мумкин. Навигация Г.-ш.лиги пайтида қуёшнинг уфқдан пастлиги 12° гача бўлади. Бундай пайтда чироқни ёқмасдан хеч нарса қилиб бўлмайди. Астрономия Г.-ш.лиги пайтида қуёшнинг уфқдан пастлиги 18° гачани ташкил қилади. Бундай пайтда ер юзида бутунлай қоронғилик тушиб, Г.-ш.лик хеч бизнинг турадиган Метеорлар ва юлдузлик ҳолисалар 6-н боғлиқ баъзи ўзгаришлар туфайли атмосферанинг юқори қатламларида юз бериб турилгани қиралашиш ёки ёруғланиш туфайли Г.-ш.нинг юқорида айтилган хусусиятлари бир оз ўзгариши мумкин.

ҒИРОТ, Ғирқўк — *«Ғўрўғли»* туркуми достонларидаги афсонавий от образи. Достонларда тасвирланишича, Ғўрўғлини эмизган байтал б-н Хуросон қўлидан чиқиб келган айғир «сув оти»дан уруғчи қулун туғилади. Ғўрўғли бу қулунни тарбиялаб вояга етказади ва уч шпар бўлгач, Райҳон арабининг тулпорларидан насл олади. Натижада Г. туғилади. У етти кунлик бўлганида, онаси ўзади. Ғўрўғли унга турли ҳайвонлар сутини бериб парвариплаб, тулпор қилиб етиштиради. Г. — фантастик услубда яратилган образ. У гапга тушунади, зарур пайтда қаҳрамон (Ғўрўғли)га йўл-йўриқ кўрсатали, эҳтиёт қилади, душманларни тинглаб, тепиб, қайтаради. Қаҳрамон бошига қулфат тушганда ачинали, йиғлайди; ярадор бўлиб, устида бехуш қолган эгасини бехатар ерга элтади, кўриқлайди, у асирга тушиб қолса, элига хабар беради ва ҳ.к.

ҒИРРОМ (спортда) — ўзбек кураши атамаларидан бири. Г. беллашув пайтида оқариш огоҳлантиришда ишлатилади. Катта ҳатога йўл қўйган ёки «дақки» жазосини олган ва кейин яна қўполликни амалга оширган) курашчига эълон қилинади ва бу унинг магълубиятини билдиради.

ГИШТ — қурилиш материали; тўғри бурчакли параллелепипед кўринишидаги сунъий тош. Табиий ва сунъий (минерал) материаллардан тайёрланади. Хом ва пишиқ турларга бўлинади. Хом Г. табиий шароитда қуритилали. Пишиқ Г.ни тайёрлашнинг «қўл» ва «ярим қуруқ» усуллари бор. Оддий пишиқ Г.ни «қўл» усулда тайёрлаш учун сотгупроқдан лой тайёрланади, яхшилаб пишитилади, қолипланали, қуритилади ва хумдонда пиширилади. «Ярим қуруқ» усулга кўра, 8–10% намликдаги тупроқ массаси 120–150 кг/см² босим остида пўлат қолипларда махсус прессларда прессланади, кейин 1000° та яқин т-рада айланма ёки тунелъ хумдонларда пиширилади. Бу усул Г.нинг ўлчамлари аниқ ва шакли тўғри бўлишини таъминлайди. Сиқилишга мустаҳкамлик чегараси бўйича Г.лар 5 маркага бўлинади: 150; 125; 100; 75; 50. «Ҳўл» усул бўйича тайёрланган Г.нинг ҳажмий оғирлиги ўртача 1700 кг/м³, «ярим қуруқ» усулда тайёрланган Г.ники эса 1900 кг/м³ ни ташкил этади. Ҳажмий оғирлиги 1400 кг/м³ дан кам бўлган енгил Г.лар ҳам бинокорликда кенг ишлатилади. Сиқилишга мустаҳкамлик чегараси 50–100 кг/см² ва ҳажмий оғирлиги 1000–1400 кг/м³ бўлган Г.лар иморатларнинг ички қўтарувчи деворларини тиклашда қўлланади. Сиқилишга мустаҳкамлик чегараси 35–50 кг/см² ва ҳажмий оғирлиги 700–1000 кг/м³ бўлган енгил Г.лар оддий деворларда, ясси ёпқичларда кенг ишлатилади. Сиқилишга мустаҳкамлик чегараси (бинокорлик материали) сифатида ҳамда синчли биноларда синчлар орасини тўлдиришда ишлатилади. Ҳажмий оғирлиги 500–700 кг/м³ ва мустаҳкамлик чегараси паст (6–15 кг/см²) бўлган Г.лар қозон, қувур ва печларга қопланш учун қўлланади.

Г.ларнинг ковакли, кўп тешикли, кислотага, ўтга чидамли махсус хилларн мавжуд. Силикат Г.лар ҳам ишлаб чиқарилади. Силикат Г. тайёр-

лаш учун қвари қуми (92—95%), оҳак (5—8%) ва сув аралашмасидан иборат масса юқори босим ва т-ра остида автоклавларда қотирилади. Силикат Ғ. сарғиш қуранг кўринишда бўлади. Унинг ҳажмий оғирлиги 1700—1900 кг/м³. Бундай Ғ.лар фуқаро ва саноат бинолари нинг юк кўтарувчи деворлари ва устунларини тиклашда ишлатилади. Силикат Ғ.лар намга, юқори т-ра (500° дан ортиқ) та унчи чидамли бўлмаган учун печь ва мўриларда, пойдевор ва шоколларда ишлатилмайди.

Қад. ўзбек миллий меъморлигида квадрат шаклидаги (24×24×5 см) «мусаллас» Ғ.лар кенг қам қам бўлган. Ўзбекистонда 19-а. 2-ярмидан тўғрбурчак шаклли (28×13×7 см ва 37×23×9 см ўлчамли) «николай» Ғ.лари ишлатилган. Ҳозир асосан 25×12×6,5 см ўлчамли ва бир қ ариматли (25×12×8,8 см) пишиқ Ғ. ишлатилади.

ҒИШТБАНД — 12-а. гидротехника иншооти — сув омборининг тош тўғони қолдиғи. Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги Жом қишлоғи яқинидан топиб текширилган. Бу иншоот аҳоли ўртасида Ғ. (ғиштдан қурилган тўғон) номи б-н юритилиб, Зарафшон тог тизмаларининг ғарбий этакларидан оқиб тушадиган Омонларасойда қурилган. У йўналган тог тошлари ва сувга чидамли махсус қурилиш қоришмаси б-н ишланган. Иншоот сойнинг энг тор жойига ўрнатилган бўлиб, тўғонининг бал. 9 м, устки қисмининг уз. 24,5 м, асоси 10 м; қалинлиги юқорисида 5,5 м, асосида 9 м. Ғ.нинг сув тўпланадиган ичқи томони тик, ташқариси зинапоя шаклида. Ғ. туфайли ўз вақтида Омонларасой ичида чуқ. 9 м., уз. 700 м, эни иншоот олдида 25 м ва юқори — шарқий томонида 100 м катталикдаги сув омбори ҳосил бўлган. Сойнинг қишки оқими ва баҳорги сел сувлари сув омборига тўпланиб, қарийб 300 минг куб метр ҳажмлаги сув жамғарилган. Ғ. иншооти туфайли Самарқанд ва Нахшаб (Қарши) оралигидан ўтган қад. карвон йўли ёқасида мустаҳкам қалъа қад кўтарган. Қалъанинг харобалари ҳоз. вақтда Каттатепа деб юритилади. У Ғ.дан 5 км ғарбда, Жом қишлоғи яқинида жойлашган. Жом қишлоғи атрофида 250—300 га ер майдони суғорилиб, обод эҳлдган. Сув омборини лойқа босиш, иншоот эса ишдан чиққан.

ҒИШТЛИ МАСЖИД — Қўқондаги меъморий ёдгорлик (20-а. боши). Хонақоҳ ва айвондан иборат бўлиб, мақаллий ўсталар томонидан пишиқ ғиштдан қурилган. Айвон шифти ясси-димий нақшлар б-н безатилган, қисиз ва яшил рангларда кўпроқ фойдаланилган. 12 та қирралар ёғоч устуни (2 қатор) юқориси ўзига хос турли шаклдаги нақшлар б-н безатилган.

ҒОВАКЛИК, тог жинсларининг говаклиги — тог жинслари ичидаги бўшлиқ (говаклар, ёриқлар йиғиндиси. Уларга суюқлик ва газлар жойлашади. Шаклига кўра ғовакдар тупиқсимон, каналсимон, ёриқсимон, шохсимон бўлади. Ғ.нинг умумий, очиқ, ёпиқ турлари мавжуд. Умумий Ғ. тог жинслари ичидаги ҳамма говаклар йиғиндисидир. Очиқ Ғ. — ўзаро туташган говаклар ҳажми. Ёпиқ Ғ. — ўзаро туташ бўлмаган, ёпиқ говаклар йиғиндисидир. Нефть геол.сида фойдали ва дизимик Ғ. фарқ қилинади. Фойдали Ғ. — суюқлик сизилаётган говаклар йиғиндиси. Дизимик Ғ. муайян босим ва т-рада тўйинтирадиган суюқлик ёки газлар тўпдиган Ғлар ҳажми, ҳар доим умумий Ғ.дан кичик бўлади. Ғ. ўлчами тог жинсларининг моддий таркиби б-н узвий боғланган бўлиб, бағчик, соф тупроқларда 80% гача; чўкинди тог жинслари (оҳактош, доломит, қумтошларда 1% дан 35% гача; вулқаногенчўкинди тог жинслари (туфқумтошлар, туффитларда 5—20% чамаси, магматик тог жинсларида 5% дан кўп эмас. Чуқурлик ортган сари тог жинслари (айниқса, чўкинди тог жинслари) Ғ.лиги, одатда, камая борали ва катта чуқурликларда кам ҳажмлиятга эга. Ғ. тог жинсларининг физик хусусиятлари: мустаҳкамлик, сиқилиш имконияти, электрик ва б. параметрларини аниқлайди. Пайдо бўлишига кўра бирламчи ва иккиламчи Ғ. фарқланади. Бирламчи Ғ. чўкиндиларнинг тўпланиш шароитига боғлиқ, чўкинди жинсларнинг ҳосил бўлиш жараёнида юзага келади ва ката-секин камайиб боради. Иккиламчи Ғ. эпигенетик жараёнлар таъсирида жинсларнан минераллардан эритиб ёки зарра ҳолида олиб чиқилишидан пайдо бўлган бўшлиқлар б-н боғлиқ. Карбонат жинсларнинг эришидан иккиламчи Ғ. таркиб топади, мас., карст ҳосил бўлиши мумкин. Тог жинси говакларини лабораториядаги турли тадқиқот усулларидан, қатламларнинг гидродинамик тадқиқотларидан ва кон геофизикаси усулларидан фойдаланиб аниқланади.


ҒОВАСОЙ, — Самарқанд вилоятидаги дарё. Чатқол тизмасининг жан. ёнбағридан бошланади. Уз. 96 км. Ҳавзасининг майд. 657 км². Оданғарон платосида чуқур дара ҳосил қилиб оқади. Ғова қишлоғи яқинида дарё суви ариқ-каналларга олинади, Сирдарёга етмасдан тог олди текисликларида тугайди. Дарё ҳавзасида (2600—2700 м баландликда) иккита кўл бўлиб, дарё сувининг бир қисми шу кўллардан чиқади. Ғ.нинг ўртача кўп йиллик сув сарфи 6,3 м³/сек. Қор ва музлик сувларидан тўйинади. Дарё сувининг 21% ни сизот сувлар ташкил қилади. Вегетация даврида йиллик сув оқимининг 87% оқиб ўтади. Март — авг. ойларида суви кўпаяди. Ғ. сувидан Наманган вилояти, Чуст ва Поп тумақлари экин майдонлари суғорилади.

ҒОЗ, хонаки ғоз — ўрдаксимонлар оиласига мансуб парранда тури. Европасиёнинг тундра ва ўрмон тундра зонасида яшовчи қуранг Ғ. (Anser



Ғиштли масжид ички безакидан парча.

ашиё). Ғларнинг ургубоши ҳисобланади. Ғ. парҳез ғўнги учун дехқон бирча миқдоридаги ғалладан бошқалади. Ғнинг типа тузилиши қайиқсимон, бўйини узун, оёқ бармоқлари сузувчи парда билан қўшилган. Тумшуғининг шакли чўзиқ, тўғри, қайрилган, тўққайган ва б. Айрим зотларининг тумшуғи устида думбоғи бор. Патларининг рангига оқ, қизғиш, кулранг, кўкиш, доғли ва б. Тумшуғи сариғ-қизил, қамалган қора. Пат қопламаси тиғиз, совуқдан яхши ҳимоя қилади. Ғ.лар бошқа зотлар парандаларга қараганда кечроқ (34—44 ҳафталигида) жинсий етилади. Ҳўкизлар 3—4 ой. фойдаланилади (тирик ҳолларда 5 й.). Тухлада 3—4 авлодгача 1 эркак Ғ. қолдирилади. Маҳсулдорлиги 265—350 кунлигида иқлим шароитларига қараб (қишда, баҳорда) тухумга киради. Бир маҳсулда 30—50 (100 тагача) дан кўп тухум қилади. Ҳўкизи 29—30 кунда тухумдан чиқади. Ғ.нинг хитой, кубань зотлари 1-йили фойдаланишда энг маҳсулдор ҳисобланади. Вояга етган эркак Ғ.ларнинг тирик вазни 5—8 (15), наслбўларининки 4—7 (12) кг гача. Ғўнги бошқалари Ғ.лар 9 ойлигида (3,5—4,5 кг) ғўнгга сўйилади. Асосан, ғўнги учун боқилади (ғўнги таркибида 16% оқсил, 35% га яқин ёғ бор). Ғўнг ишлаб чиқаришда учун йирик қушлар, кубань, холмогор, италия, рейн зотли Ғ.лар боқилади. Пати ва момиги саноат учун қимматли ҳом ашё (қайишқоқлати, сув ўтказмаслиги, иссиқлик ўтказувчанлиги, чидамлилиги ва б. туфайли). Ғ.лар махсус фермаларда боқилади. Ёш ҳўкизлари ғўнгга 9 ҳафталигида сўйилади. Наслчилик тўпларида катта ёшли Ғ.лар бир йилда 130 кг тўла қимматли араши ем б-н боқилади. Бир суткада бир бош Ғ. учун озуқа рациони (г): дон — 150—200, қуюқлиги ва ларот — 15—20, кўк ва ширали озуқалар — 400—500, ўт уни — 20—30, ачитқи ем — 7—10, минерал озуқалар.



Fоз: *1* — йирик кулранг; *2* — холмогор зотлари.

Айрим мамлакатларда (Венгрия, Польша, Франция ва б.) саноат парандачилигида данд, тулуза, итталия, рейн, венгер зотли Ғ.лар кўп боқилади.

ҒОЗИ ЮНУС (тахаллуси; асл номи Юнусов Ғози Маҳкамбой) (1889, Тошкент — 1942, Вологда, Россия) — драматург, танқидчи, журналист, таржимон. Бароқхон-Наврўз Аҳмад мадрасасида таҳсил олган. «Турон» труппасида иштирок этган. «Очларга ёрдам қўмитаси»да саркотиб (1917). 1918—20 й.ларда «Ишчилар дунёси» ва «Турк РОСТА»ла бўлим мудири ва масъул муҳаррир, «Меҳнаткашлар товуши» газ. таҳририятини ва масъул муҳаррири (1919). 1920—24 й.ларда «Иштирокиюн», «Қизилқ байроқ», «Туркистон» газ.ларида адабий ходим, масъул муҳаррир, бўлим мудири. 1923 й.да «*Муштум*» журн.ни ташкил этган. Шунингдек, 1918—20 й.ларда «Нашри Ғози Юнус» хусусий нашриётини ташкил қилган ва илмий-бадиий асарларни чоп этиб, тарқатган. 20-й.лар 2-ярмида матбуотда шўро ҳукумати сиёсатини фош этувчи мақола, репортаж, ҳажвиялар эълон қилгани учун фирқадан ўчирилиб, ишдан бўшатилган. 1926—37 й.ларда «Қизил Ўзбекистон» газ.да, «Ўзавтошқт»да, «Қишлоқ хўжалиги» журн.да мусаҳҳиҳ.

Ғ.Ю. миллий матбуотда фаол қатнашган. У «Гус», «Ғурт», «Қўрқоқ айёр», «Богбон», «Тўқмоқ», «Шапалоқ маҳдум» каби 30 дан ортиқ тахаллус қўллаган. У матбуотда миллий театр, драматургия, режиссура, ижрочилик санъатининг долзарб муаммоларини кўтарган. «Заҳҳоки Морон» (4 пардали драма, 1920), «Турмуш хотиралари ёхуд ҳақсизлик касофати» (шеърий достон, 1917) каби асарлар муаллифи. В.Бартольднинг «Ислом тарихи», Л.Толстойнинг «Болалик» ва б. асарларни ўзбек тилига таржима қилган.

1937 й.да қамоққа олиниб, Вологда вилоятига сургун қилинган. 1942 й.да оғирлиқдан вафот этган. 1957 й. 22 янв.да оқланган.

Сирожиддин Аҳмедов.

ҒОЗИЕВА Кимёхон (1949.6.5, Юнон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Наманган пед. институтини тугатган (1970). 1970 й.дан Юнон туманидаги 8-, 11-мактабларда; 1995 й.дан иқтисодли болалар интернат даргёҳида физика ўқитувчиси.

ҒОЗИЕВА Саодат (1945.10.3, Избосқан тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Андижон пед. институтини тугатган (1968). 1964 й.дан Избосқан туманидаги 11-, 1-мактабда мат. ўқитувчиси. 1983 й.дан Пойтўғ ш. халқ таълими бўлими методик кабинети мудири. 1987 й.дан Избосқан туманидаги 12-мактаб директори.

ҒОЗИЙ, Муҳаммадғозий (18-асрнинг 2-ярми — Қўқон — тахм. 1818) — шоир. Бухоро мадрасаларида ўқиган. Қўқондаги Мадрасан Мирда муаррис, муфти бўлган. *Аҳмад Ҳўжандийнинг* яқин дўсти. Ўзбек ва форс тилларида ижод қилган. Фузулийни ўзига устоз билган. Шеърларининг мазмуни б-н ҳам, дунёга, атроф-муҳитга муносабатини кўрсатишда, бадиий санъатларни фойдаланишда ҳам Фузулий йўли, услубини қўллаган, унинг газалларига мухаммаслар боғлаган. Кўпроқ лирик газаллар, таъриз-шеърлар ёзган, девон туган. Лирик шеърларида инсон қалбининг кечинмаларини, орзу-истакларини, қувонч ва қайғуларини куйлаган, чин инсоний муҳаббат, тўғрилик ва садоқат, инсонпарварлик ва адолатпарварликни улуғлаган.

Ғ. шеърлари 18-а.нинг 2-ярми — 19-а. бошларидаги ижтимоий ҳаётнинг ҳаққоний манзарасини кўрсатишга, адабий ҳаётда мавжуд бўлган турли йўналишларнинг моҳиятини тўлароқ ёритишга хизмат қилади. Ижтимоий лирикасида эса ўша даврда ҳукм сурган адолатсизликлар, ҳақсизликлар, бахтсиз тузумдан шикоят қилади («Букулли қамитим...», «Девонамен...» ва б.). Таъриз-шеърлари асосан рубоий тарзида ёзилган бўлиб, қўпчилиги шаҳар аъёнлари, йирик амалдорларининг вафотига бағишланган. Дидактик мазмундаги асарларида инсон фазилатларини юқори тутиш, ҳаётда камтар бўлиш, инсон қадрини ерга урмаслик, ўз қадр-қимматини сақлаш зарурлиги таъкидланган. Анъанавий «панду шакар» усулида мусаддас ва мустазод-тарҳеъбандлар ҳам ёзган; мустазодларининг айримлари оригинал усулда ёзилган.

Ғ. девонининг 4 қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган, улар Ўзбекис-

тон ФА Шарқшунослик ин-тида (инв. №121, 6117, 2296, 11) ва Россия ФА Шарқшунослик ин-ти Санкт-Петербург бўлими (инв. №109) да сақланади.

Ад.: Қаюмов А., Ғозий, Т., 1959; Ўзбек адабиёти тарихи [5 жилд], 4-жилд, Т., 1978; Қаюмов П., Танкрит Қайдемий, Т., 1998.

(Ботаник Қаюмов)

ҒОЗОЁК (Falcaria vulgaris Bernh.) — соябонгуллилар оиласига мансуб икки йиллик ўтсимон ўсимлик тури. Бўйи 40—60 см; пояси ўрта қисмидан *кенг ғўвасимон* шохланган. Япроқлари думалоқ-ўчбурчаксимон, уч бўлакли, бўлакчалари қалами-чатарсимон, гуллари кўп нурли соябонларга *йиғилган*, соябончалари *10—12* гулли. Гултожлари оқ, майиюнь ойларида гуллаб, уруғлайди. Партоп ерлар, ариқ, канал, дарё бўйларида ва бошлоқ, суғориладиган экинлар орасида ўсади.



Ғозоёк.

ҒОЗОНХОН (1271—1304) — *дулкувайлар сулоласидан бўлган Эрон ҳукмдори* (ҳокими) (1295—1304). Ўсмирлик чоғидаёқ Хуросон ноибларига тайинланган; 1295 й. элхон Байдуга қарши исёнқўтарибтахтни эгаллаган, Буддавийлик таълимини олган, лекин Эрон зодагонлари ва руҳонийлари, кўчманчи мўғул зодагонларининг кўмагига эришёк сезган Ғ. исломни қабул қилган ва уни қайтадан давлат динига айлантирган. 1299—1303 й.лар-да Ғ.Сурияга 3 марта ҳарбий юриш қилган.

Мўғуллар истилоси ва дастлабки элхонлар сиёсати натижасида вайрон бўлган мамлакат иқтисодини қайта тиклаш мақсадида Ғ. вазири *Рашиддиддин* ёрдамида бир қатор ислоҳотлар ўтказган (солиқ ислоҳоти — солиқлар миқдорини камайтириш, солиқ ундирилиши устидан назорат ўрнатиш; ягона ўлчов бирликларининг жорий қилиниши, суд ислоҳоти; ташландиқ ерларни обод қилиш учун имтиёзли шартлар б-н мулкдорларга бериш). Ғ. ҳарбий хизматга жалб этилган барча мўғулларга *маъво аҳратини* ҳақида фармон чиқарган (1303 й. ёрлиғи); деҳқонларни ерга бириктиришни ва б. ерга тўғинини ман этувчи мўғул хонлари томонидан жорий этилган фармонни тасдиқлаган. Ғ. даврида каналлар қазилган, Табриз яқинида расадхона ва касалхона қурилган. Ғ. олимларга ҳомийлик қилган.

ҒОЗПАНЖА (Potentilla L.) — раъногуллар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Ўзбекистонда шарқ Ғ.си (P. orientalis Juz.), пакана Ғ. (P. supina L.), кўп қирқилган Ғ. (P. multifida L.), жунғор Ғ.си (P. soongorica Bge.), чиройкесимон Ғ. (P. virgata Lehm.), ўрмадовчи Ғ. (P. reptans L.), осиё Ғ.си (P. asiatica Juz.) ва б. кўплаб турлари учрайди. Осиё Ғ.си ёки бешбарғнинг бўйи *15—75* см, барглари панжасимон, арра тишли, 5—7 барчали. Гуллари поя учидаги тўпгулга жойлашган, сариқ, диаметри 18—22 мм.



Ғозпанжа.

Тожбарглари қосачабарглариға нисбатан 2 марта узун. Май—авг. ойларида гуллаб, уруғлайди. Тоғ ёнбағирларида, дарё бўйларида, ташландиқ ерларда ва қисман бедазорларда бетонга ўт сифатида ўсади.

ҒОЗСИМОНЛАР (Anserifórmes) — қушлар туркуми. Паламеллеялар ва ўрдаксимонлар оиласига бўлинади. 150 тури маълум. Йирик ва ўртача катталикдаги сув экосистемаларида яшайди. Антарктидадан ташқари ҳамма қитъаларда тарқалган. Кўпчилиги моногам. Тухумларини, асосан, модаси босади. 2—3 йилда вояга етади. Кўчманчи турлари узоқ миграция қилади. Сувда яхши сузади ва шўнғийди. Тез учади. Бир неча тури ов объекти ҳисобланади. Сув ҳавзаларини интенсив фойдаланиш Ғ. сонининг камайишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда Ғ.нинг 36 тури учрайди. Випиллок ва *қийқирок оққуялар*, оқ пешонали қичқ тоз, қизилтомоқ гоз, мармар чўррак, олақаноат, оқбош ўрдак ва б. турлари Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

ҒОЗПРОК, тангаяпроқ (Alchimilla) — раъногуллилар оиласига мансуб кўп йиллик илдизпояли ўсимликлар туркуми. *Асосан, Европа*, Осиё, Африка ва Америкада *300* га яқин тури маълум. Ўзбекистонда Сибирь Ғ.и (alchimillaesi) (A. sibirica Zam.) тури ўсади. Бўйи 80 см гача. Барглариниг уз. 1,5—5 см, эни 2,5—6,5 см, буйраксимон ёки думалоқ буйраксимон, 7—9 бўлакчали. Косачаси 2 қатат, *ҳар қаватида 4 талан косачабарглари* бор. Гултожиси йўқ. Гуллари майда, яшил ёки сариғиш. Чангчилари 4 та, уруғчиси 1 та. Июль-авг.да гуллаб уруғлайди. Тоғ зонасидаги ҳар ерлар, дарё ва сой бўйларида ўсади.



Ғозпрок.

ҒОЗҚАНЖИР, сув товуғи (Gallinula chloropus) — тожқанжирлар уруғига мансуб қуш. Австралиядан бошқа ҳамма жойда тарқалган. Танаси 35 см га, вазни 200—350 г га яқин. *Обқлари узун, думи ва тумшуғи қисқа.* Усти қўнғир-сариғиш, ён қисми кўндаланг оқ йўлли, қорни кулранг, боши қора, пешонасида қизил доғи бор. Чучук сув ҳавзалари атрофидаги қамишзор, бутазор ва ўтлоқларда яшайди. Сувда яхши сузади. Ўлкани қамишлар орасига ёки бутазорга қуради. Йилда 2 марта 6—12 тадан тухум қўяди. Тухумларини 20—22 кун босади. Сув қанқатларга ёшларини ташлайди. Шим. минтақаларда яшайдиган Ғ. жанубий ўлкаларга қишлайди. Овчилик аҳамиятига эга эмас.



Ғозқанжир.

ФОЗҒОН — Навоий вилояти *Нурота тумонидаги* шаҳарча (1975 й.дан). Яқин т.й. станцияси — Навоий (76 км). Туман маркази Нурота ш.дан 17 км гарбда. Аҳолиси 5,9 минг киши (2004). Ғ.да қадимдан юқори сифатли мармар қазиб олинади. Ғ. мармари, маъмурий бинолар ва маданий обидаларни безашда ишлатилади. «Ғозғонмармар» корхонаси, мактаблар, касалхона ва б. тиббий муассасалар бор.

ФОЗҒОН МАРМАР КОНИ — Навоий вилояти Нурота туманидаги ноёб декоратив хусусиятли мармар олинадиган кон. Навоий ш.дан 65 км шим.да. Нурота тизмасининг гарбий чеккасидаги Ғозғонтог тизмасида жойлашган. Кон 1935—75 й.лар мобайнида ўрганилиб, 1970 й.дан бошлаб саноат миқёсида фойдаланилмоқда. Ғозғонтог тоғлари уз. 40 км, эни 1—6 км гача бўлган, шим.-гарбий йўналишда чўзилган кичик антиклиналь бурмадан иборат. Унинг ядроси Нурота битолитининг шим.-гарбий чеккасидан интрузив (гранитоид) жинсларидан, қопғлари эса палеозойнинг чўкинди-метаморфик жинсларидан таркиб топган. Кесимнинг асосида сланец-конгломератли қалин қатлам ётади ва бу қатлам пастдан юқорига қараб 6 та горизонтга бўлинади. Бу горизонтларнинг умумий қалинлиги 950—1100 м бўлиб, гранит-аплитли ва диабазли дайкалар ёриб чиққан турли рангдаги мармарлардан таркиб топган. 5-горизонт маҳсулдор ҳисобланади ва унинг қалинлиги 50—220 м, ётиш бурчаги 40°. Бу горизонт Каш-Каш-Янги майдонида жойлашган, у ерда саноат асосида мармар қазиб чиқарилган 1935 й.да бошланган. Кондa 5 та майдон разведка қилинган. Ғозғон мармарининг физик-механик хусусиятлари: зичлиги — 2,6 г/см³, говаклилиги 0,8%, сув сингдирилиши 0,3%, қисқишга мустаҳкамлик чегараси 110—160 МПа, емирилиши 0,28 г/см². Мармар майда донали, текис кристалли, зич, чиниқисимон (баъзан говаклик синиқ 6-ий), ўрта қатламлидан қалин ва йирик қатламлигача. Баъзи қатламлар 0,2—0,5 дан 1 м гача. Ёки ундан ҳам эртик. Мармар кальцит (85—90%), доломит (10—15%), кварц (2—3%) доналаридан таркиб топган. Аралашмалари — мусковит тангачалари, лейкоксен, пиритнинг майда доналаридан иборат. Қазиб олинган мармарнинг баъзи блокларн кўндалангига 0,5—1,0 дан 2 м гача, гоҳо ундан ортиқ бўлади. Ранги ҳар хил. тўқ кулранг ва тутун рангдан пуштигача, оч сариқ, яшил, баъзи оқ, жами 35 хилдан ортиқ рангга эга. Ранглар нотекис тақсимланган, йўл-йўл кўринишда. Асосий ранги 5 хил: оқ (12%), пушти (14,5%), сариқ (0,5%), тутун рангли (54%) ва йўл-йўл тўқ кулранг бўлади. Рангларининг даражасига кўра 2 типдаги мармар мавжуд: оч ва тўқ рангли мармар қатламлари орасида оч рангликлар 78% ни, кулранглари эса 22% ни ташкил қилади. Конда қатлам бўйича тик ва диагонадь дарзликлар системаси мавжуд. Мармарни арралаш табиий қатламлар бўйлаб амалга оширилади. Чиқиндисидан мармар майдаси, кўйма тош ва қум ишлаб чиқарилади. Ғозғон мармари нисбатан мўрт, яхши силлиқланади, ойнасимон акс беради, юқори даражада декоратив. Улардан биноларнинг ички ва ташқи томонларини қоплаш ҳамда электротехника маҳсулотлари ясалади. Ғозғон мармари қалдан маълум, Самарқанд ва Бухородаги масжид-биноларни қуриш ҳамда безишда ишлатилган. Ҳозирда Ғ.м.к.нинг мармари Москванинг 20 дан ортиқ метро станциясини, вокзалларини, Останкино телеминорасининг ички қисмини ҳамда Санкт-Петербург, Киев, Ульяновск, Боку, Новосибирск, Озмаота ш.ларидаги иншоотларни безаб турибди. Тошкентдаги Навоий номидаги катта театрнинг ички ва ташқи томонларини безашда ва 1966 й.дан эътиборан кейин қурилган деярли барча меъморлик иншоотларида Ғозғон мармаридан фойдаланилган.



Ғозғон мармар кони.

«ҒОЗҒОНМАРМАР» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — табиий тош (мармар)дан қурилишда ишлатиладиган қоплама-пардозлаш плиталари ишлаб чиқарадиган йирик корхона. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси таркибига киради. Навоий вилояти Нурота тумани Ғозғон шаҳарчасида жойлашган. 1969 й.да ташкил топган. Республикалари энг катта мармар конларидан бири бўлган Ғозғон мармар кони негизида ишлайди. Корхонанинг йиллик мармар плиталари н.ч. қуввати 60 минг м². 2000 й. дан мармар плиталари Италиянинг «Тема фруголи» фирмасидан келтирилган дастгоҳдан ўтказилда ишлаб чиқарилмоқда. 1994 й.дан очиқ турдаги акциядорлик жамияти. 2004 й.да 13,5 минг м³ мармар блоклари қазиб олинди (конниинг захираси 7576,0 минг м³). Ғозғон мармари жуда хилма-хил рангли кўринишга эга. Корхонада ишлаб чиқарилган мармар плиталари Тошкент, Москва, Санкт-Петербург, Киев ва б. шаҳарлар метрополитени, кўплаб мезморлик иншоотлари қурилишида ишлатилган. Корхонада ишлаб чиқарилган мармар маҳсулотлари ички бозорда сотилади, шунингдек, Россия, Афғонистон ва Қозоғистонга экспорт қилинади.

ҒОЙИБ Абдурақмон (1899, Марғилон — 1931, Москва) — маърифатпарвар педагог. Рус-тузем мактаби (1915), Оренбургдаги «Мадрасаи Ҳусайния» (1918), Тошкентдаги мориф ин-ти (1921) ни тугатган. Араб, форс, турк, рус тилларини билган. Ҳўқон ва Марғилон ш.ларидаги мактабларда (1919—20), Тошкентдаги ўқитувчилар тайёрлаш курсида (1921—23) ўқитувчи, 1-интернат мудири (1922—25), Фарғонада ўқитувчилар тайёрлаш курсида мудир (1925—26), Фарғона таълим-тарбия техникумида илмий мудир, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, округ халқ маориф бўлими, Ўзбекистон маориф халқ комиссарлигида методист (1926—30). 1931 й. имлоғини сифатида қамоққа олиниб, Москвага жўнатилган. «Елувимизни лотинга ўгказиш» (1930, Самарқанд), «Она тили ва адабиётдан ўқитиш йўллари» (1930, Самарқанд), «Китталарни қандай ўқитиш керак?» (1930, Тошкент-Боку) ўқув қўлланмалари муаллифи. «Фарғона халқ қўшиқлари»ни тўплаган.

ҒОЙИБНАЗАР МАДРАСАСИ — Нақшбандийлар мезморий ёдгорлик (19-а. охири); Кўқон хонлигидаги Тўрақўрғон қозиси Ғойиб Назар ўғли томонидан қурилган. Мадраса тўртбурчак тарҳли, атрофи ҳужралар 6-ий ўралган ҳовлидан иборат, шарқий томонидаги

ҳужралар 2 қаватли; бош тараф пештоқли, унинг икки томонидан 2-қават равоқлари кўзга ташланиб туради; бўрчакларига сирти гиштин нақшлар 6-н безатилган мезаналя миноралар ишланган. Бино бўрчакларидаги ҳужралардан дарсхона сифатида фойдаланилган, дарсхоналар гумбазн қопирган. Мадрасанинг кириш эшигининг юқори қисмига араб ёзувида бинонинг бунёд этилган вақти ва меъмори, таъмирлангани ҳақида [сана] «1311 (мил. 1893) амали Мулла Қиргиз, меъмор, 1384 (мил. 1964) таъмири сонай уста Ғозиз Наманто-ний»... деб битилган. Мулла Қирғиз мадрасаси қурилиши (1910) да қатнашган уста Ғозиз Неъматулла ўғли Наманганий ўтганлари ва шогирдлари б-н бинони таъмирлаган; ҳовли усти ёпилиб, сахна ва ҳаллар барпо қилинган.

ҒОЙИБОВ Жўра Ёмғирович (1942.16.12, Тожикистон Республикасининг Кўргонтепа вилояти) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Ленинобод пед. институтини тугатган (1970). 1970 й.дан Кўргонтепа вилоятининг Ҳўжамастон туманидаги 7-мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси. 1983 й.дан Қаҳқадарё вилоятининг Нишон туманидаги 4-мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси. «Қалб жаҳоҳири», «Мен сени куйлайман», «Таълимаркон бойчечаги», «Тўйтулар жилоси», «Армонли дунё» шеърий тўпламлари, «Ўзиб тирилган одам» ҳикоялар тўпламн муаллифи.

ҒОЛИБЛАР — Жиззах вилояти *Арнасой туманидаги қишлоқ*, туман маркази. Туманнинг жан.да. Яқин т.й. станцияси Дустлик (15 км). вилоят маркази (Жиззах ш.) дан 65 км шимолда. Аҳолиси 10 минг кишига яқин. Пахта тозалаш э-ги, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, кичик, ўрта бизнес корхоналари ва микрофирмалар, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатади. Умумий таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежи, туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, клуб муассасалари, маданият уйлари бор. Туман марказий касалхонаси ва унинг бўлимлари, поликлиника, доривохона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади.

ҒОР — Ер пўстининг юқори қатламларида вужудга келган бўшлиқлар. Ғ.нинг вужудга келиши учун муайян шароит бўлиши лозим. Сувда осон эрийдиган тог жинслари (оҳактош, доломит, гипс) ва тузларнинг эриши ва ювилиб кетиши ёки суффозия ва *абразия* оқибатида вужудга келади. Шунингдек, тектоник ёриқлар оқибатида, музликларнинг эриши ва б. ҳаракатлар натижасида ҳам ҳосил бўлади. Ғ. қатталиги ва чуқурлигига кўра хилма-хил. Ғ. горизонтал ва вертикал ҳолатда бўлиши, узунлиги ҳам бир неча м дан юлаб км га етиши мумкин. Баъзи кўп қаватли Ғ.лар ҳам учрайди. Энг йирик Ғ. *карст* горларидир. Ғ. мураккаб йўлаклар ва ҳаллардан иборат бўлиб, бир ёки бир неча оғзи бўлиши мумкин. Оҳактош оралиғи пайдо бўлган карет Ғ.да *сталактит* ва *сталагмитлар*, устунлар, тош парлалар бўлади. Ғ. тубида дарё ва кўллар учрайди. Ғ.нинг фаунаси ўзига хос. Дунёдаги энг йирик Ғ. — *Мамонт тори*, шузингдек, Франциядаги Пьер-Сен-Мартеи ва Берже, АҚШдаги *Карлсбад горлари*, *Постойска-Ямз* ва б. Тош даврида ва ундан олдин ҳам ибтидоий одамлар Ғ.да яшаган, улар учун турар жой бўлиб хизмат қилган, мас., *Тешиктош тори*. Ўзбекистон горларида оғзактошнинг мавжуд-



Самарқанд вилоятидаги Оҳиндўтон гори.



Молтузар тоғларидаги горнинг кириш қисми.

лиги Ғ. ҳосил бўлишига қулайлик яратади: Амир Темур, Озамтош горлари ҳам катта Ғ. ҳисобланади. Ғ.да ўша муҳитга мослашган турли ҳайвонлар (гор фаунаси) яшайди. Ғ.ни горшунослар (спелеологии фани мутахассислари) ўрганади.

ҒОЯ —инсон тафаккурида вужудга келадиган, жамият ва одамларни мақсад сари етаклайдиган фикр. Унда одамни билиш ва амалий ўзгартириш мақсадлари, уларга эришиш йўллари ва воситалари мужассам бўлади. Фалсафа тарихида Ғ. турли маънолярда қўлланган. *Демокрит* атомлари, *Платон* мсдиал бўлмлари, конкрет нарса ва ҳодисаларнан ташқарида бўлган идеал моҳиятни Ғ. деб ҳисобланган. Форобий «фозил жамият», Навоий «адолатли жамият» Ғ.ларини илгари сурганлар. 17—18-асрда Ғ. тушунчаси билиш назариясн б-н боғлаб изоҳланган. Шу асосда Ғ.ларнинг келиб чиқиши, билишнинг турли даражаларн, шакллари б-н алоқаси, умуман билиш жараёнида тутган ўрни масалалари таҳлил қилинган. Янги даврда И.*Кант* Ғ.ларни ақл тушунчалари сифатида асосланиш ҳаракат қилган. *Фихте* фикрича, Ғ. «мен» нинг мақсадидан иборат. *Гегель* фалсафасида Ғ. тараққиёт жараёнини ўзида тўла гавдалантирадиган моҳият сифатида талқин этилган.

Тажриба натижалари Ғ.да умумлашди ва шу маънода билим шаклига айланади. Ғ. нарса ва ҳодисаларнинг фақат мавжуд хусусиятларини эмас, балки уларнинг ривожланиш тенденцияларини, келажакдаги ҳолатларни ҳам ифода этади. Шу нуқтаи назардан қарағанда, Ғ. амалиётга жорий қилса бўладиган билимдан иборат. Демак, Ғ. билиш ва амалий фаолият ўртасида фаол боғловчи ҳисобланади ва у барча янги нарсаларнн яратишнинг асосидир. Фанда эса Ғ. мавжуд билимларни синтез қилиш, умумлаштириш ва қатъий

тартибга солиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу, аввало, ҳар қандай тахминдар, тамойилдар ва тасаввурларни бирлаштириб, яхлит тизим ҳолига келтиради ва кашф этилаётган қонунлар, илмий назарияларнинг ўзагини ташкил этади.

F. фалсафий тафаккур доирасида ҳаёмо-кал маъноларда талқин этилган тушунчаларан биридир. Бугунги кунда фалсафий тафаккур эришган натижаларга: тавиф, F.нинг моҳияти, гносеологик мақоми тўғрисида муайян умумий қулосаларга келинган.

Илмий факт, муаммо, фараз, назария каби воқеликни акс эттириш, илмий билишнинг ўзига хос шакли, янги билим ва парадигма (система) сифатида чиқадиган F.да воқелик бўлган кейин қай йўналишда ўрганилиши зарурлиги ҳақидаги кўрсатма, мақсад ботинний тарзда мужассамлашган бўлади ва шу туфайли у ўлкан йўналтирувчилик ролини ўтайди. Илмий F.га хос бўлган хусусиятлар қариб чиқилганда F.нинг тарихий тараққиётдаги ўрни янада ойдинлашади. Ҳар қандай F. каби илмий F. ҳам улкан йўналтирувчилик ролини ўтайди. Мас., атомларнинг мавжудлиги ҳақидаги F. асрлар давомида илмий изланишларни уни тошиш, хусусиятларини тадқиқ этиш, дунёнинг тузилишидаги ўрнини аниқлашга йўналтириб келди. Натижада атом қашф қилинди. Бу қашфиёт оламнинг тузилиши тўғрисидаги тасаввурларнинг бутунлай ўзгаришига олиб келди. Аммо илм-фан тараққиётида салбий из қолдиргани тайёрлилий F.лар ҳам бўлган. Мас., ўз даврида кибернетика ва генетиканинг «сохта фан»лигини асослашга қаратилган F.нинг устувор бўлгани бу фанлар ривожини бир неча йиллар орқага суриб юборди. Илмий F.лар тараққиёт омилига айланиши учун маълум шарт-шароит бўлиши керак, яъни жамиятнинг умумий билим даражаси юзага келган янги билимни қабул қилишга тайёр бўлиши ҳамда уни татбиқий кўриш, тасаввурлаш ёки инкор этиш имконияти — қуроллар, воситалар, мослаший ресурслар юзага эга бўлиши лозим. Акс ҳолда у маълум маданий-маърифий ҳодиса сифатида қолиб кетади. F.нинг воқеликка мос келиши муҳимдир.

Инстимонй F. илмий F.дан фарқ қилиб, одамларни ижтитрувчилик хусусиятига ҳам эга, шу б-н бирга у жамият ҳаётига бевосита таъсир ўтказа олади. Бунда F. ижобий ёки салбий роль ўйнаши мумкин. Ўзбекистонда мустақиллик даврида миллий истиқлол F.си концепцияси ишлаб чиқилди.

F. нинг, режа маъноларини ҳам англатади.

Қобил Назаров.

FOЯ, бадиий тоя — адабиёт ва санъат асарлари замирида ётган эмоционал образли фикр. Ҳаётда рўй берган ёки рўй бериши эҳтимол тутилган ҳар бир воқеа ва ҳодиса адабиёт ва санъат асарларида ўз ифодасини топиши мумкин. Ёзувчи ёки санъаткор томонидан тасвир этилган шундай воқеа ва ҳодиса бадиий F.нинг предмети ҳисобланади. Бадиий F.нинг эмоционал таъсир кучи, воқеа ва ҳодисанинг муҳимлиги ҳамда уни тасвирлаган ёзувчи ёки санъаткорнинг маҳорати б-н белгиланади. Бадиий F. тасвир этилган воқеа ва ҳодисанинг содда инъикоси ёки шу воқеа ва ҳодисадан ҳосил бўлувчи тасаввур, маъно ва мазмунгина эмас, балки шу ҳаётий воқеа ва ҳодисани муайян нуқтаи назардан идрок ва талқин этиш натижасида юзага келган эмоционал образли фикрдир.

Шўро даври адабиётшуносликги ва санъатшунослигида F. тушунчаси остида бадиий F. назарда тутилган бўлса-да, бу F.га ижтимоий-сиёсий тус бериларн, адабиёт ва санъат асарларидан шўро даври мафкураси талаблари б-н уйғун бўлган F.тина ахтариб келинган. Бундай F. топилмаган тақдирда, у ёки бу асар муаллифи маслаксизликда, гоксизликда айбланган. Вақолонки, F. бадиий тафаккур меваси ва шу тафаккурнинг у ёки бу асардаги воқеа тасвиридан келиб чиқувчи муайян эмоционал таъсир кучига эга бўлган образли кўринишидир.

Инсон бу дунёдаги мўъжизалардан бири Инсоннга шаклоланини кўриб, маълиё бўлиши, чўчиши ёки қайратга тушиши мумкин. Агар шу шаклланинг қайратомуз манзараси бадиий асарда муайян мақсадда тасвир этилган бўлса, ундан келиб чиқувчи эмоционал образли фикр ўқувчи ёки томошабинни фақат қайратга солибгина қолмай, унда бошқача фикрни, кайфиятни ҳам уйготади. У мазкур асарни ўқиб ёки кўриб, инсон табиат кучлари олдида ожиз бир мавжудотлар, деган фикрга келиши мумкин. Аксинча, у ана шу даҳшатли гўзаллик ҳам Инсон учун Аллоҳ томонидан яратилган, деган юксак бир фикрга келиши ҳам табиий. У қандай фикрга келган бўлмасин, бу фикр-хулоса шу воқеа тасвир этилган асар замирида ётган ва муаллифнинг инсон б-н бозлиқ бўлган бадиий F.дир.

Бадиий F. фақат муайян воқеа ва ҳодиса тасвирланган асар замирида ётади, дейиш тўғри эмас. Зеро, лирик шеърятда воқеа ва ҳодиса тасвири эмас, балки шоирда муайян воқеа (мас., камалак тараллиши, қуёш ботиши ёки бепоён денгиз б-н учрашув) туфайли туғилган ҳис-туйғу ва лирик кечинма тасвир этилади.

Сўнгги йилларда шўро мафкурасидан воз кечилгани ва шу мафкура талабларн асосида яратилган асарларга бўлган муносабат кескин ўзгарнши учун айрим адабиётшунос ва санъатшунослар F.нинг адабиёт ва санъат асарларидаги ўрни ва аҳамиятини рад этмоқчи бўладилар. Ҳолбуки, F.ни бадиий фикр сифатида инкор ёки рад этиш адабиёт ва санъатни маслаксизликка, маъносизликка олиб бориш мумкин. Шўро даври мафкурасининг бирор ҳам бўлмаган Шарқ адабиёти ва санъати (мас., қўшиқчилик ва рақс) да ҳам бадиий F. мавжуд эди. Шарқ адабиёти ва санъати узоқ асрлардан бери халқни яна шу бадиий F. асосида тарбиялаб келди ва ҳозир ҳам тарбиялаб келмоқда. Агар бир асар замирида ётган фикр бадиий F.ни ташкил этса, шу асар чансуф бўлган ёзувчи ниҳоли ёки адабий жараён замирида ётган фикрлар мажмуаси гоявийлик деб аталади. Шўро даври мафкураси гоявийликка ўта сиёсий руҳ бериб, уни гояпарастликка айлантириб юборди. Ҳолбуки, F. ҳам, гоявийлик ҳам китобхон ёки томошабин, ёхуд тингловчининг ғашига тегмаслиги, балки унинг қалбидаги соғлом фикр ва туйғуларнинг юзага чиқишига кўмак бериш, унда эзгу интилишларни уйготиш лозим, холос. Шунинг учун ҳам адабиёт ва санъат асарларидаги F. бадиий F. ҳисобланади.

Ад.: Бахтин М.М., Эстетика словесного творчества, М., 1979; Хализев В.Е., Теория литературы, М., 1999; Қурбонов Д., Адабиёт назарияси, Т., 2004; Иззат Султон, Адабиёт назарияси, Т., 2005.

Наим Каримов.

ГУБДИНТОF, Ҳабдунтоғ — Жанубий Нурота тоғларидаги (Самарқанд вилояти) тизма. Шимола Қўйтош ботиги орқали Нуротя тизмасидан ажи-

раліб турали, жан. да Зарафшон водийси б-н чегараланган. Ғарбдан шаркка 30 км га чўзилган. Ўртача бал. 700—1000 м. Энг баланд жойи 1672 м. Ён бағирлари сой, қуруқ ўзан ва жарликлар б-н кесилган. Ғ. палеозой даври сланец, кумтош, оҳактошларидан ташкил топган антиклиналь структурадир. Иқлими континентал, қуруқ, қиши нисбатан совуқ, ёзи иссиқ. Йиллик ёғин 500 мм гача. Янв.нинг ўртача т-раси —2°, июлники 20—25°. Ғ.нинг ён бағирларида типик ва тўқ бўз, сувайирғич қисмида чимли, жигарранг тупроқлар тарқалган. Даштга хос турли ўт ўсимликлари ва сойлар бўйида бутазор ўсади. Тог этакларида ва ён бағирларининг қуйи қисмлари боқоркор деҳончиликда ва яйлов сифатида фойдаланилади. Ғ.нинг шарқий қисмида Маржонбулоқ олтини кони бор.

ҒУЗЛАР — қ. *Ўзғир*.

ҒУЗОР — Қашқадарё вилояти *Ғузор туманидаги* шаҳар (1977 й. дан), туман марказии. Яқин т.й. станцияси Ғузор (3 км). Вилоят маркази (Қарши ш.) дан 58 км жан.-шарқда. Аҳолиси 22,3 минг киши (2005). Пахта тозалаш, қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш, таъмирлаш, қурилиш, «Шўртангаз» унитар шўъба, «Шўртангазкимё» саноат корхоналари, пон к-ти, автокорхона, МТП, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, автовокзал, автокемпинг, деҳқон бозори ва б. ишлаб турибди.

Умумий таълим мактаблари, лицейлар, касб-ҳунар коллежлари бор. Туман марказий кутубхонаси, клуб муассасалари, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Ғ. ёнидан Катта Ўзбекистон тракти ўтган. Ғ.дан Қарши, Самарқанд ва б. шаҳарларга автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган.

ҒУЗОР ТУМАНИ — *Қашқадарё вилоятидаги* туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Шим.дан Қамаши, Чироқчи, шарқдан Деҳқонобод, ғарбдан Қарши ва Нишон туманлари, жан.да 25 км масофада Туркманистон б-н чегарадош. Майд. 2.62 минг км². Аҳолиси 147 минг киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Ғузор), 12 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бўстон, Батоши, Гулшан, Халқобод, Шакарбулоқ, Қорабуз, Пачкамар, Зарбдор, Шералн, Мехмотобод, Қўштепа, Гулистон) бор. Маркази — *Ғузор ш.*


Ғузор шаҳри. «Ипак йўли» автокемпинги.

Т а б и а т и. Ғ.т. Қашқадарё вилоятининг жан.-шарқида, Қашқадарёнинг ўрта оқимида. Ғузордарёё ҳавзаси. Ғузор адирлари ва тог олди қия текисликларида жойлашган. Ҳисор тоғларининг энг чекка жан.-ғарбидаги тармоқлари бўлган Дангар — Қоразоз тоғларининг ўртача бал. 800—850 м. Пачкамар сув омбори сохилларидаги бу паст тоғлар шим.-шарқдан жан.-ғарбга йўналган, ён бағирлари ясси бўлиб, мутлақ бал. 430—750 м бўлган Ғузор адирларига туташиб кетган. Адирлар замини тўртламчи давр лёссимон жинслари б-н қопланган, ости шагал ва конгломерат қатламларидан ташкил топган.

Ғ.т. ва унга туташ Қамаши, Қарши ва Нишон туманлари доирасида катта захираси эга бўлган газли ва газ конденсатли ётқизиқлар Ўзбекистондаги 5 та нефть-газли регионнинг энг бой Ҳисор олди худудини ташкил этади.

Шўртан газ и.ч. ва «Шўртангазкимё» маҳмулларининг барпо этилиши б-н уларни сел хавфидан муҳофаза этиш мақсадида туманнинг жан.-ғарбида ихотазорлар, 10 минг га ерда «Шўртангазкимё» га қарашли махсус ўрмон хўжалиги ташкил қилинган. Иқлими континентал. Ўртача йиллик т-ра 16°. Янв.нинг ўртача т-раси 1,9°, энг паст т-ра —23°. Июлнинг ўртача т-раси 26,6°, энг юқори т-ра 46°. Ўртача йиллик ёғин 285 мм. Ёғинининг асосий қисми баҳор ва қиш фаслларида ёғади. Вегетация даври 272 кун. Тўпманинг шим. чеккасидан Қашқадарё оқиб ўтади. Шўрнинтлек, Ғузордарё ва унинг ирмоқлари — Катта Ўрадарё ва Кичик Ўрадарёдир. Туман ҳудудида Пачкамар сув омбори қурилган. Тупроқлари оч ва типик бўз тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан текисликларда, асосан, қорамашоқ, қўнғирбош, қорашўра, чалов, шўхатак, пстарап, коврак, ингок, кялгун, тоғли қисмида ялпатак, дўлана ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, бўри, қуён, кийик, чинбўри, паррандалардан чумчуқ, қарға, бедана, қалдирғоч, чил, калхат, бургут, кемирувчилардан сичқон, каламуш, судралиб юрувчилардан турли заҳарли ва заҳарсиз илонлар, ўчкемар, калтакесаклар, сув ҳавзаларида сазан, лаққа, қорабалиқлар учрайди.

А ҳ о л и с и, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 56 киши. Шаҳар аҳолиси 22,3 минг киши, қишлоқ аҳолиси 124,7 минг киши (2005).

Х ў ж а л и г и. Туманда 56 саноат, қурилиш корхонаси бор, шулардан йириклари: пахта тозалаш, таъмирлаш, қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш, таъмирлаш-қурилиш, «Шўртангаз» унитар-шўъба, «Шўртангазкимё» саноат корхоналаридир. Савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, автовокзал, автокемпинг, деҳқон бозори бор. Ғ.т.да 1500 га яқин фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Туман қ.х.: асосан, пахтачилик, галлачилик — ихтисослашган, кўйчилик (жумладан, қорақўл қўйлари), қорамолчилик, паррандачи-





Ғузор шаҳри автовок-залн.

зик ҳам ривожланган. Йилига қарийб 13 минг қорақўл тери тайёрланади. Туманлари экин майдонларининг 12,5 минг га ерига пахта, 26,7 минг га ерига дон, шунингдек, сабзавот, картошка, озуқа экинлари экилади. Туманлари жимоа ва шимоли ҳўкизларида 32,9 минг қорамол, 259 минг қўй ва эчки, 35 минг паррандa, 1,2 минг йилқи боқилади (2003).

77 умумий таълим мактаби (40 мингдан зиёд ўқувчи), 3 лицей ва 3 касб-ҳунар коллежи (жами 1700 ўқувчи) бор. 37 кутубхона, 12 клуб муассасаси, маданият ва истироҳат боғи ишлаб. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, дорихона, фельдшер-акушерлик, қишлоқ врачлик пунктлари ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон т.й. ўтказилмоқда. Қарши — Китоб т.й., унинг Шўртангача бўлгани 15 км га яқин тармоғи, Тошкент — Тер-

Ғузор шаҳридаги «Тонғи ва Зуҳро» хиёбони.



Ғузор шаҳридаги ўтказилмоқдаги музейи.

миз автомагистралининг бир қисми, Қарши — Ғузор, Шаҳрисабз — Қарши ва б. йўналишлар бўйича автомобиль йўллари ўтказилган. Ғузор ш.дан Қарши ш.га автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

Латиф Зуфаров, Абдулла Маматов.

ҒУЗОРДАРЁ — Қашқадарё вилоятидаги дарё. *Қашқадарёнинг* чап ирмоғи. Уз. 86 км. Ҳавзасининг майд. 3170 км². Сув йиғилиш майдонининг ўрпча баландлиги 1532 м. Ҳисор тизмасининг шим.-ғарбий ён бағридан бошланадиган Катта Ўрадарё ва Кичик Ўрадарёларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Тоғлардан оқиб чиққач, текисликлан оқиб Қашқадарёга қўйилади.

Ўртача йиллик сув сарфи 5,9 м³/сек. Энг кўп сув сарфи 15,9 м³/сек., энг кам сув сарфи 0,31 м³/сек. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Энг кўп сув сарфи апр.да (22,5%), энг кам сув сарфи сент.да (3,6%) кузатилади. Ғ.нинг юқори қисмида Пачкамар сув омбори барпо қилинган ҳамда дарёдан ирригацион каналлар чиқарилган. Суви, асосан, экин майдонларини суғоришга сарф бўлади.

ҒУЛ — 1) ўрта асрларда туркий халқлар ва мўғуллар қўшинининг марказида ва қанот (фланг)лар олдида, подшоҳ, хон ҳузурида турувчи махсус ҳарбий қисм. Арабча қалб дейилган. Марказда турувчи Ғ. ҳужг Ғ., қанотлардагиси эса кичик Ғ. деб аталган. Ҳарбий юриш вақтида қоровул олдида ҳам Ғ. қўйилган. Катта (улуг) Ғ.га хоннинг ўзи ёки тажрибали амирларидан бири қўмондонлик қилган; 2) бандларнинг оёқ ва бўйнига кийгизиб қўйиладиган жазолаш асбоби; кишан.

ҒУЛЖА, Қулжа, Инин — XIX асрнинг ўрта ва 2-ярмида Шимолий Тяньшаннинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Синьцзян-Уйғур мухтор р-нида, Или-Козоқ мухтор вилоятининг маркази. Или дарёси водийсидаги муҳим иқтисодий марказ. Аҳолиси 250 минг кишидан зиёд (1990-й.дан ўртаталари). Қ.х. районининг савдо маркази. Озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари, музей мавжуд. Чорвачилик маҳсулотлари қайта ишланади. Тилла тўқилади. Шаҳар яқинидаги конлардан уран, вольфрам ва б. рангли металл рудалари, асбест ва графит қазиб олинади. Шаҳар атрофида мевали боғлар барпо қилинган. Шаҳар янги ва эски қисмлардан иборат: янгиланаётган ҳовлилардан иборат ва кўчалари чиройли эканлиги билан ажралиб туради. Ғулжа шаҳрининг ҳозирги аҳолиси асосан ҳайвонот дунёсининг ўзига хос намуналарини ўзида мужассамлаштирган. Ҳайвонот дунёсининг ўзига хос намуналарини ўзида мужассамлаштирган.



Ғулжа шаҳридан топилган арқар қайкалчаси.

Шаҳар ўрнида қадимда дала ибодатхонаси бўлган. Ғ. топонимининг этимологияси ҳам шу ибодатхона номи *б-н боғлиқ. Бироқ маълум халқ* ўртасида сақланиб қолган маълумотларга кўра, Ғ. — арқар сўзининг қад. туркий номидир. Шаҳарда 2400—2500 б.э. мукаддам мисдан ясалган арқар қайкали топилган. Бу эса Ғ. топонимининг тарихи мил. ав. 5-а.га бориб тақалишини кўрсатмоқда. Ғ. ва унинг атрофида топилган 3 минг йиллик тарихга эга археологик буюмлар (олтин ва мисдан ясалган ҳайвон ва одамлар қайкалчалари, маиший буюмлар ва б.), 2400 йиллик тарихга эга мис коин шаҳар ичибатан ёш бўлса-да, бу ерда қадим-



дан ривожланган маданият маҳкуд бўлганини кўрсатади. Чингизхоннинг 2-ўғли Чиғатой ўқимдорлиги даврида шаҳарда қунармандчилик ривожланди. Жунғария хонлиги даврида (1635—1755) хон ўрдаси Ғ.ға яқин ерда жойлашган. Манчжурларнинг Ци империяси Ғ.да Шарқий Туркистонни бошқарган ўз ҳарбий қўмондони ва қўшинларини жойлаштирган. Ўша даврда Ғ. атрофида 6 қалъа қурилган. 18-а.да шаҳар, айниқса, ривожланди. 1933 й.ги «уч вилоят (Или, Тарбағатой, Олтой) инқилоби» даврида Ғ. ҳукумат маркази эди.

ҒУЛЖА ТЕКИСЛИГИ — ҲХРнинг тарбий қисмидаги текислик, Синьцзян-Уйғур мухтор р-нида. Или дарёсининг юқори оқимидаги водийси, Борохоро тоғи ва Кетмон тог олди текисликларини Ғ.т. тарқибида. Бал. 670—800 м. Йиллик ёғин 225 мм. Или дарёси водийси, асосан, дашт зандшағтғидан иборат. Тог олди текисликларида ҳар хил бошоқли ўтлар ўсади. Катта қисми ўзлаштирилиб, суғорий деҳқончилик қилинади. Аҳоли зич жойлашган. Мевали боғлар бор.

ҒУЛОМ ЗАФАРИЙ (1889 — Тошкент ш. — 1938.4.12) — шоир, актёр ва драматург. Миллий мусиқали драма жанри асосчиси. Ҳўжа Аҳмад ва Кўкалдош мадрасаларида таълим олган (1912). Ўш ш.да усули жадид мактабини очган (1912—14). «Турон» жамияти, 1916—21 йларда шу номли театрда актёр ва драматург (1914). «Ишчилар дунёси» журн.да бўлим мудири (1917—18). «Турон» труппаси таркибида Оқтўба фронтида бўлган, «Турк РОСТА» газ.да мудир (1920—21). Бухоро мусиқа техникумида директор (1921—23). Маориф комиссарлиги «Билим кенгаши»нинг саъноат шўросига раис (1923—24), «Учқун» мактабида муаллим, Ўзбек давлат киносида директор муовини, Тошкент мусиқа техникумида директор (1926). Термиз муаллимлар тайёрлаш курсида мудир (1927), Самарқанд мусиқа ва хореография санъати ин-ти директори муовини (1929—31). 1932 й.да ГПУ томонидан миллатчиликда гумон қилиниб, 3 й.га қамалиб, 1936 й.да қайтиб келган. 1937 й. 29 окт.да иккинчи бор қамоққа олиниб, 1937 й. дек.да (далилсиз) отишга ҳукм қилинган. 1957 й.да оқланган. 1913—26 й.лар давомида 10 дан ортиқ мусиқий саҳналарий асар яратиб («Эрк болалари», «Бинафша», «Ҳалима» ва б.), уларни «опера» ёки «опера-ча» деб атаган. Унинг «Баҳор», «Бинафша», «Қуёш», «Раҳимни шогирд», «Мозорликда», «Эрк болалари», «Тилак», «Татимбой ота» () пардали «кичик опералар»), «Хазима» (4 пардали мусиқали драма, 1918—21), «Бузуқлик армутони» (3 пардали драма — 1926), «Пахтахон», «Янги олам», «Сайил ва ўйин» (1936—37), «Тил билгон нарса», «Той» пьесалари бор. У «Гулёр» (1923), «Чин Темир ботир», «Кетмон чопти», «Қора қунлар» (1927), «Янги рўзғор эрлари» (1933—34), «Чин Темир» (1924), «Ёшлар энди берилмас» (1926), «Ванайча» достонларини ёзган. Ўзбек мусиқа маданияти тарихида у мусиқий саҳналий асарлар муаллифи, миллий мусиқа намуналари тўпловчиси ҳамда талқинотчиси сифатида танилган. Ғ.З. ва унинг сафдошлари (*Фитрат, В.Успенский, Айбек*) жонбозлиги туфайли ўқитиладиган илк мусиқий-фольклор экспедициялари натижасида мусиқа меросини тўплаш ва ўрганиш тизимига асос солинди: 1920-й.лар бошида Бухорода *Танбур чизиғининг* нусхаси топилди, 1923—24 й.ларда Бухоро *Шашмақоми*, 1925 й.да Ш.Шоумаровдан *Тошкент-Фарғона мақом йўллари* илк бор нотага ёзиб олинди. Ўзбек б-н Фарғонага ўюштирилган экспедиция натижалари асосида миллий мусиқий фольклорнинг биринчи (гарчанд нота ёзувисиз бажарилган бўлса-да) тизимли нашри — «Ашулалар» тўплами тайёрланди.

Сарвиқадди Ахметов, Сашо Красноуфимец.

ҒУЛОМҒАРДИШ — *ичкаридан ташқарини айириб турувчи тўсиқ*; ҳовли ёки кўрғоннинг дарвоза олдидаги усти берк йўлаксимон бостирма, *далон*. Қадимда қалъа ёки кўрғонларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қурилган, дарвоза олдидаги мураккаб мудофаа иншооти ҳисобланган. Қад. Юнонистон меъморлигида *либирнт* деб аталган. Кейинчалик ичкаридан ғуломлар нигоҳидан пана қилувчи воситага айланган.



«ҒУЛОМИЯ» — Октябрь тўнтаришигача Тошкентда тошбосма усулн б-н маҳаллий тилда китоб нашр этилган босмахона. 1889 й. Ғулом Ҳасан Ориф-жонов томонидан дастлаб муқовахона, 1908 й. тошбосмахона очилган. Ғ.Ҳ.Орифхонов ўзи ҳам ўзбек классиклари асарларини кенг ёйиш ва хаттотлик санъати анъаналарини тараққий эттириш тарафдори бўлган, хаттотлик қилган.

«Ғ.»да босилиб чиққан дастлабки китоблардан бири Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си бўлган («Шоҳномаи Фирдавсий»). Сўнг Навоий «Девон»и, Фузулий «Ғазалиёт»и, Муқимий «Баёз»и, шунингдек, «Хафтиак», «Сўфи Оллоёр», «Чор китоб», «Қирқ он», «Нодир уд-меърож», «Тасҳиз ул-имомий» каби турли мазмундаги китоблар ҳам босилиб чиққан. «Ғ.» нашрлари аралаш 2—3 минг нусха атрофида бўлган. Бу ерда жами юздан ортиқ китоб ва рисолалар чоп этилган. «Ғ.» Тошкентда тошбосма қалитрафаисининг ривожланишида муҳим роль ўйнаган.

ҒУЛОМЛАР (араб. — бола, йигит, қул) — 1) ўрта асрларда мусулмон мамлакатларидаги қуллар; 2) Аббосийлар халифалигида халифа Маъмун даври (813—833) да чет элларидан сотиб олинган ёш қуллар (асосан, туркларидан тузилган отлиқ гвардия (қ. *Мамлуклар*); 3) ўрта асрларда *Усмонли турк империясида* зодагонлар кўнгилини қўшининнинг аскарлари; 4) *Деҳли султонлигида* турк қул навкарлари ҳамда улар орасидан чиққан Деҳли султонлари (1206—90).

ҒУЛОМОВ Аёзбў Ғозомович (1914. 15.5 — Тошкент — 1986.30.5) — тилшунос олим, ўзбек илмий грамматикасининг асосчиларидан бири. Филол. фанлари д-ри (1958), проф. (*1959*). Тошкент педагогика ин-ти ўзбек тили ва адабиёти ф-тини тугатган (1936). Тошкентдаги ўрта мактаблар ва педагогика техникумларида ўқитувчи (1930—35), педагогика ин-тларида ўқитувчи, доцент, кафедра мудири (1936—57). Айни пайтда Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим (1940—46; 1967—69), сектор мудири (1946—49). Ўрта Осиё (Тошкент) ун-ти ўзбек тилшунослиги кафедрасида доцент (1942—46), кафедра мудири (1946—86).

Ғолиб илмий асарлари ўзбек тилшунослигининг фонетика ва грамматика, лексикология ва сўз ясалиши, ус-лубшунослик ва нутқ маданияти, этимология ва лексикография соҳалари, ўзбек тили тарихи ва диалектологияси

масалаларига бағишланган. Унинг «Ўзбек тилида келишиклар» (1941), «Ўзбек тилида кўплик категорияси» (1944), «Содда гап синтаксиси» (1948), «Ўзбек тили морфологиясига кириш» (1953), «Феъл» (1954), «Содда гап» (1955) каби асарлари ўзбек тили илмий грамматикасининг шакланишига асос бўлиб хизмат қилди. Ғ. Ўрта мактаблар-нинг 5–9-синфлари учун «Ўзбек тили дарслари» (ўттиз асрнинг 70—90-йй.ларида 20 мартага яқин нашр этилган) ва олий ўқув юртлари учун «Хозирги ўзбек адабий тили» (1961; 2-нашри — 1965) каби дарслик ва бир қанча қўлланмалар-нинг, 2-ж.ли «Ўзбек тили грамматикаси» (1975–76) нинг муаллифларидан биридир.

Ас.: Ўзбек тилида аниқловчилар, Т., 1940; Ўзбек тилида зарф, Т., 1947; Этимологик имлоларимиз, Т., 1975; Ўзбек тили морфем луғати, Т., 1977 (ҳаммуаллифи).

ҒУЛОМОВ Саидахрор Сиддиқмеҳлевич (1947.25.6, Тошкент) — иқтисодчи олим, Ўзбекистон ФА акад. (1995). Ўзбекистонда илмий кўрсатган фан арбоби (1991), иқтисод фанлари д-ри (1981), проф. (1984). Тошкент халқ ҳўжалиги ин-тини тугатган (1969). 1974 йдан бошлаб Тошкент халқ ҳўжалиги ин-ти иқтисодий кибернетика кафедрасида катта ўқитувчи, доцент (1974—78), иқтисодий кибернетика ф-ти деканн (1982—85), ўқув ишлари бўйи-ча проректор (1985—88), ин-т ректори (1988—98), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири (1998—2004). 2004 йдан Тошкент иқтисодиёт ун-ти ректори. *Илмий ишлари иқтисодий-математик усуллар ҳамда моделлаштириш, Ўзбекистон миинтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тизимли моделлаштириш, уларнинг табиий, ишлаб чиқариш ва интеллектуал потенциалидан самарали фойдаланишнинг методологик ва методик асослари-ни ишлаб чиқиш, бошқарувда компьютер тизимларидан фойдала-нишнинг информацион асборот таъминоти муаммолари, ўқув жараёни ва илмий тадқиқотлар учун янги педагогик ва асборот технологияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш масалаларига бағишланган.* Ғ.-чиқирик Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати (1992—96). «Дўстлик» ордени (1997) ва



«Шуҳрат» медали 6-н мукофотланган (2000).

Ас.: Иқтисодиёт тармоқлари моделлари, Т., 1991; *Экономико-математические методы в системном анализе*, Т., 1998; Макротаслеъыс модели экономики, Т., 1999; *Асборот тизимлари ва асборот технологиялари*, Т., 2000; Рыночная экономика и информатизация общества, Т., 2001.

ҒУЛОМОВ Улуғ Ғафуровнч (1933. 10.1 — Тошкент — 1990.15.3) — физик олим, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1973). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1983). Физика-мат. фанлари д-ри (1972). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1955). Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-тида илмий ходим (1959—62), директор ўринбосари (1962), Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-тида директор ўринбосари (1962—69), директор (1969—78; 1989—90), лаб. мудири (1978—90). Илмий ишлари, асосан, элементар зарралар физикаси, релятивистик ядролар физикаси, радиацион материалшунослик, ядровийлон таълиз ва радиоактив изотопларни фойдаланиш соҳаларига онд. Ядро эмульсияларида гиперфрагментларнинг ҳосил бўлиш механизмларини, ядро энергияси элементар заррачаларнинг мураккаб ядролар б-н ўзаро таъсирини, релятивистик ядроларнинг ядро б-н тўқнашиши механизмларини тадқиқ этган. Бериний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970). Тошкент ш. Улуғбек шаҳарчасидаги кўчалардан бири унинг номи б-н аталади.

ҒУЛОМОВ Яҳё Ғуломович (1908.1.5 — Тошкент — 1977.10.1) — тарих-чи-археолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1958), *тарих фанлари д-ри* (1950), проф. (1955). Тошкентдаги Ўзбекистон эрлар билим юрти (инпрос)ни (1926), Самарканддаги Ўзбекистон Пед. академиясини (1930) тугатган. Тошкент пед. техникумида ўқитувчи (1931—32). Илмий фаолияти 1933 йдан бошланган. Ўзбекистоннинг қад. ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш комитети (Ўзкомстарис)да илмий ходим, илмий котиб (*1933—40*). СССР ФА Ўзбекистон филиали, Тарих, тил ва адабиёт ин-ти археология бўлими мудири (1940—43). 1943 йдан Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти қад. ва ўрта асрлар тарихи бўлими мудири, айни вақтда ин-т директори вазифасини бажарувчи (1956—59). Шунингдек, у Тошкент педагогика ин-тида «Ўзбекистон тарихи ва археологияси»дан маърузалар ўқиган. 1936 йдан бир неча археологик экспедициялар (Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва б.) га раҳбарлик қилган. 1938 — 50 йларда *Хоразм археология-этнография экспедиция* бошлиғининг ўринбосари сифатида қатнашиб, Хоразмнинг сугорилиш, деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг шаклланиши ҳамда ривожланиш тарихи бўйича н.т. ишлари олиб борган. Ғ. Ўзбекистонда тарих ва археология соҳалари бўйича ўзига хос байналмилал илмий мактаб яратган. Унинг Зарафшон ва Фарғона водийларида, шунингдек, Тошкент воҳасида олиб борган н.т.ларн Ўзбекистонда, тош, энеолит ва жез даври, унинг моддий-маданият ёдгорликларини ўрганишга катта ҳисса бўлди. У, айниқса, Тошкент тарихи ва унинг ёдгорликларини тадқиқ этишга алоҳида аҳамият берган. Тошкент канали бўйлаб, Туйтепада махсус археологик тадқиқотлар ўтказган. 1966 йдаги Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатиш бўйича шаҳарда бошланган улкан қурилишлар муносабати б-н Тошкентнинг археологик обидаларини қайд этиш ва ўрганишга мақсадда махсус *Тошкент археология экспедициясини* ташкил этган. «Хива шаҳрининг ёдгорликлари» (рус тилида, 1941 й.), «Куйи Зарафшон водийсида ибтидоий маданият ва суғорма деҳқончиликнинг пайдо бўлиши» (рус тилида) каби асарлар ёзган. «Ўзбекистон тарихи» (4 ж.ли), «Самарқанд тарихи» (2 ж.ли), «Бухоро тарихи»нинг асосий муаллифларидан. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002). Республикада Ғ. хотирасига бағишланган «Акад. Я. Ғуломов ўқишлари»ни ўтказиш илмий анъанага айланган. Тошкентдаги кўчалардан бири ҳамда Ўзбекистон ФА Археология институти *Ғ. номи қўйилган.*

Ас.: Хоразмнинг сугориш тарихи, қадимги замонлардан хозиргача, Т., 1959; История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней, М., 1957.

Ад.: Яҳё Ғуломович Ғуломов, Т., 1979; Мухаммаджонов А., Яҳё Ғуломови хотирлай (Ўқувчиларга устозим ҳақида), Т., 2000.

ҒУЛОМОВ Қодир Ғафурович (1945. 15.2, Тошкент) — физик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1995), физика-мат. фанлари д-ри (1980). Москва ун-тини тугатган (1968). Айни пайтда *Дубналаги Бирлашган ядро тадқиқотлари ин-тида* ишлаган (1967—68). *Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-тида* кичик илмий ходим (1969—70), *Физика-техника ин-тида* кичик илмий ходим, катта илмий ходим, лаб. мудири (1971—88). *«Физика—Қуёш»* илмий и.ч. бирлашмаси Бош директор муовини (1988—89), Бош директори (1989—99), Ўзбекистон ФА Бош илмий котиби (1991—99), Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири (2000—2005).



Илмий ишлари юқори энергиялар физикаси, ядро физикаси, элементар зарралар физикаси, материалшунослик соҳаларига оид.

Унинг раҳбарлигида турли типдаги қуёш коллекторлари, фотобатареялар, анги абразив ускуналар, изоляторлар ва керамик буюмлар яратилди ҳамда уларни и.ч. йўлга қўйилди. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1983).

Ас.: Когерентная генерация частиц во взаимодействии ионов большой энергии с атомными ядрами (обзор) // Взаимодействие частиц высоких энергий с нуклонами и ядрами. Т., 1972 (в соавторстве); Инклюзивное рождение дейтронов в ^{6}Ор-соударениях при 3,25 ГэВ/с // Ядерная физика. Т., 2005 (в соавторстве).

Ад.: Қодир Ғафурович Ғуломов. Т., 2005.

ҒУМАЙ (Sorghum halepense Pers.) — бошоқдошлларга мансуб кўп йиллик бегона ўт. Поясн силлиқ, бўйи 2 м гача ўсади. Барглари чўзиқ-ланцетсимон, поя учида кўп бошоқли чўзинчоқ рўваксимон тўпгул ҳосил қилади. Июль-август гуллайди ва мевалайди. Бир тупи 2—4 минггача уруғ беради. Уруғи тангача қобиқли бўлиб, тупроқда 3—4 йилгача унувчанлик қобилиятини сақлайди. 30—35° оптимал т-рада яхши унади. Илдизпояси оқ ранг бўғимларга ажралган, шохланади, тарқалиб кетади, 20—50 см чуқурликгача киради. Ғ. иссиксевер, 0° дан паст т-рада нобуд бўлади. Илдизпояси ва уруғидан кўпаяди. Ўта Осиёнинг суғориладиган ерларида кенг тарқалган, Сабзавот ва мева экинзорларида, айниқса, тўқа орасида кўп учрайди. Шунингдек, суғориш шоҳобчалари бўйларида ва б. ерларда ўсади. Ғ. тарқалиш жойларда хосилдорлик 50% гача камаяди.

Курош чоралари: кетма-кет 2—3 агротехник ва кимёвий (далапон 6-н) тадбирларни биргаликда қўшиб олиб бориш; илдизларни қуритиш учун ёзда ерни кесаклп қилиб шудгорлаш; чуқур кузги шудгор; экинларни ўз вақтида чуқур культивация қилиш, ерга бела экиш; Ғ. илдизларини териб олиш.



Ғумай.

ҒУМБАК — ҳашаротларнинг тўлиқ ўзгариш б-н ривожланишидаги босқич. Ғ. озиқланмайди, одатда ҳаракатсиз, бироқ унинг ичида жуда чуқур ўзгаришлар юз бериши туфайли личинка органлари қайта шаклланиб, етук форма — имаго вужудга келади. Ғ.нинг 3 хили мавжуд: эркин (очиқ), ёпиқ, яширин (сохта пиллали). Эркин Ғ.нинг оёқ, мўйлов ва қанотлари танасига ёпишмаслан, фақат жилс йитилиб туради; вояга етган ҳашаротга ўхшайди (мас., қўнғизлар, парадқанотлилар, тўрқанотлилар ва баъзи иккиқанотлилар). Булоқчалар ва тунбўйинларнинг Ғ.лари фаол ҳаракатланади. Ёпиқ Ғ.да мўйлов, оёқ ва қанотлар гуллаш безлари ажратган суюқликдан вужудга келган умумий қоплам — тигиз қутикула туфайли танага ёпишиб туради (кўпгина капалаклар, баргхўр қўнғизлар ва иккиқанотлилар). Ўсаётган Ғ.лари эркин Ғ.ка нисбатан кам ҳаракат. Яширин Ғ.да озиқни тулаш териси ташланмайди ва ундан сохта пилла вужудга келиб, Ғ.ни қоплаб туради. Бу қопламдан личинка кўринмайди (кўпгина иккиқанотлилар). Личинканинг Ғ.ка айланиши одатда пана жойлар (тупроқ, ўрмон тўшамаси, пўстлоқ ости, ёғочдан, камдан-кам очиқ ерлар (пўстлоқ усти, барг ва б.)да юз беради.



Ғумбак: *а* — очиқ (яйдоқ личинкалардики); *б* — ёпиқ (капалакникига); *в* — яширин (пилла шаклидаги).

Ғ.лик даври кўпчилик зараркунандаларнинг қишловчи босқичидир. Профилактик қарши кураш тадбирларини ҳашаротларнинг қишловчи шаклп — Ғ.ни йўқ қилиш учун қўлланш яхши самара беради.

ҒУНАЖИН — 2 ёшдан ошган уруғочи қорамол. Тананинг ҳоти ва ўсишига қараб биринчи бор қочиришга қўйилади ва бўғозлик муддати 6 ойга еттанда Ғ. гуруҳига киритилади. Ғ.лар бўғозлик даврида тўйимли ва сифатли озуқалар, макро- ва микроэлементлар, минерал озуқали қўшимчалар б-н боқилади ва парваришланади. Қишки ёки ёзги рацион тўйимлилиги 8,5–9 озуқа бирлиги-га, қуруқ модда 8—10 кг, ҳазм бўладиган протеин 800—900 г га етказилади. Бундай парвариш Ғ.нинг соғлом ўсиши ва ҳомилянинг нормал ривожланишини таъминлайди. Туғишига 10 кун қолганда рациондаги ширали ва концентрп озуқалар миқдори 50% га камайтирилади, туғиш назоратга олинади ҳамда унинг бузоқлашида биринчи ёрдам кўрсатилади.

ҒУНЖАК ТОҒИ — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги тор. Туритогнинг Зарабузоқ — Зайнодин тоғлари жан. ён бағрида, 620 м балапдпкида жойлашган. Девон даврига оид оҳактошларда ҳосил бўлган. Ғорнинг кириш қисми Туритогнинг ён бағрида (қуюқ пакпзда, диаметри 1,5 м). Ғ.г. ичида, мармар оинесини қазиб олиш: мақсадида, ноғорлш ишлари натижасида вужудга келган (уз. 40 м ли) штольня мавжуд. Штольня орқали (уз. 11 м, эни 4–5 м, бал. 2–4 м) ғор хонасига кирилади. Хонадаи ғорнинг катта қисмини борлувчи бўлакча (уз. 6 м, эни 1–2 м, бал. 1,5 м) бошланади. Катта хона гумбаз шаклида бўлиб диаметри тахм. 20 м, бал. 15 м. Катта хонанинг шипида ер устпга чиқиладиган (уз. 4 м,

диаметр 2 м гача бўлган) бўшлиқ бор. Катта конала кальций ва арогонит минералларидан сталактит ва сталагмитлар ҳосил бўлиб, баъзи жойларда туташиб устунлар ҳосил қилган. Катта конадан пастга томон йўлаксимон тарқалган. Горнинг катта қисмларини т-ра 15°, нисбий намлик 40% (нам) ойда). Горнинг умумий уз. 90 м, майд. 404 м², ҳажми 3,6 минг м³ дан ошда.

ҒУПТ — Тожикистон Республикасидаги дарё. Панж дарёсининг ўнг ирмоғи. Уз. 296 км, ҳавзасининг майд. 13,7 минг км². Шарқий Помирдаги Жез. Аличур тизмасининг шим. ён бағридан бошланади. Музлайверксой ирмоғи қўшилгунгача Ғурумди, Бошгумбаз дарёси қўшилгунгача — Ирикёк, сўнгра Ямчиқўлгача Аличур деб аталади. Кўлдан оқиб чиққандан сўнг Е. деб ном олади ва Ғушон ҳамда Шуғнон тизмалари оралиғидан тор водийдан оқади. Ўртача йиллик сув сарфи қўйилиш жойида (Хоруғ ш.) 106 м³/сек. Ғ. бўйида Хоруғ ГЭС қурилган.

ҒУРЧА — ўсимликларнинг гул қуртаги, ёнғинчилар гуруҳи авлоди. Ғ. ўсимликларнинг одий барг қуртагидан йириклиги ва учининг тўмтоқлиги б-н фарқ қилади. Ғ.да гулнинг барча қисмлари шакланган. Барг қўлтиғидан ҳосил бўлган Ғ. (гул бўртмаси) ўсиб ривожланиб, то ғизилуна ўтган давр ғунчалаш даври деб аталади. Бу давр ўсимлик турига хос асосий белги ҳисобланади. Халқ орасида ишлатиб келинаётган (айрим ўсимликларга нисбатан) шона сўзи ҳам аслида ғунча мазмунини беради, шунинг учун ғунчалаш даври шоналаш даври деб ҳам юритилади.

«ҒУНЧА» — бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган журнал. Мусассиси: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати. 1958 й. январдан нашр этилади. *Ғофур Ғулом* таваллудси б-н «Ғ.» деб аталган. Журнал икки рангли бўлиб, унинг саҳифаларида болалар ижоди, талантли ва таниқли ёшлар ва кичкинтой спортчилар ҳаётидан ҳикоялар, ҳажвий болалар ўзувчилари ижодидан намуналар ҳам бериб борилади. Ўзбек ижодкорларининг кичкинтойларга аталган асарлари босилади. Бундан ташқари, «Ғ.» саҳифаларида болалар учун турли топшириқлар, бошқотирмалар бериб турилади, танловлар ўтказилади. Журн. муҳаррирлари: А.Ирисов, С.Юнусов, А.Бўриёев, Я.Саъдуллаева. 1999 й.дан Ё.Раҳимова. Ашаги 91031 (2005).

ҒУРАК, Гурек (7-а. охири — вкм. 737) — Суғд ихшиди (подшоси) (710–737) ва арабларга қарши кўтарилган қўзғолон раҳбари. *Тарихининг биродари. Кутайба ибн Муслим* раҳбарлигидаги араб қўшини б-н Каттақўрғон яқинидаги Арбиножон мавзеида шиддатли жанг қилган (712). Суғдийлар Самарқандга чекинишга мажбур бўлишган. Ғ. Шош подшоси, турклар хоқони ва Ғарғона ихшилари ёрдамида қўшинини қайта тўплаб, Самарқандни қамал қилган. Бир ойлик қамалдан сўнг Самарқанд таслим бўлган. Ғ. билан Кутайба ўртасида сулҳ тузилган. Унга кўра, Ғ. арабларга бир йўла 2 минг, йилига эса 200 минг дирҳам ҳисобида хирож тўлаши, 30 минг нафар одам бериши, шаҳарда бирорта ҳам аскар сақламаслик, ички шаҳарни бўшатиб, унда мисрлари б-н масжид бино қилиши, оташпарастлик ибодатхонасини бузиб, бутларини топшириш каби шартларни бажариши лозим бўлган. Буларнинг эвазига Кутайба Ғ.ни Самарқанд, Кеш ва Наҳшабга ҳоким этиб тайинлайди. Шундай қилиб, у арабларга муте ноиб бўлиб қолади. 720 й. Суғд ихшиси араб истилочиларига қарши кўзғолон кўтаргач, унга „Ғ. ва Панжикент ҳокими *Деватич* бошчилик қилган. Ғ. Хитой императорига хат ёзиб ҳарбий ёрдам сўраган, бироқ ёрдам келмаган. Хуросон нойби Салиҳ Харшний бош бўлган араблар қўшини кўзғолонни бостириш учун кўп куч сарфлаган. Салиҳ Харшнийнинг кўзғолончилар б-н олиб борган музокаралари натижасида Ғ. бошлиқ суғд зодагонларининг бир қисми араблар томонга ўтган. Кучлар бўлиниб кетгач, Ҳужандлари жанги кўзғолончилар енгилган. Сулҳ тузилгач, катта маблағ эвазига омон қолган. 400 савдогарлари ташқари, деярли барча кўзғолончилар хиёнаткорона қириб ташланган. Тахминларга кўра, Ғ. арабларга қарши юришларнинг бирида ҳалок бўлган.

Манба: История ат-Табари. Т., 1987.
Ад.: Самаркандская тарихи. 1-ж., Т., 1971.
Мадрура Аланова.

ҒУРБАТ (тахаллуси; асл номи Абдулла Маҳдум Каримберди ўғли) (1850/53 — Ғарғона вилояти Бешариқ тумани — 1918) — шоир. Қўқонда Муҳаммад Алихон мадрасасида ўқитган. Ўзбек ва тожик тилларида диний-тасаввуфий ва дунёвий мавзуларда ижод қилган. Асарларининг катта қисмини лирик ғазаллар ташкил этади. Уларда дунё нораслигизидан нола-фарёд қилган, илоҳий ва инсоний муҳаббатни, яхши хулқларни, илм-маърифатни улуғлаган, ярамас феъл-атворли кишиларни ҳажв қилган («Оҳким шод айламас...», «Кўлимда пора йўқ...», «Гўзо, овораи ҳар ду жаҳон қилдинг...» ва б.). Унинг Қўқон-Исмаилган-Андижон саёҳатлари ҳақидаги хотиралари машҳур. Ғ. шеърларидан девон (10 минг мисрага яқин) тузган. Унга 442 газал, 25 мухаммас, 12 рубоий, 7 мураббаъ, 3 марсия, 1 таърих ва 2 қўшиқ кирган. «Девони Ғурбат» қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланади (инв. №10067).

Ад.: Раҳматова Д., Муқимий изоҳлари (Ғурбат ва Рожий), Т., 1978; Қайюмов П., Танқидий матнлар, Т., 1996.

ҒУРИЙЛАР — Суриллар хонадонига мансуб Ғур султонлари сулоласи (1148–1206). Ака-ука Ғиёсиддин Муҳаммад (1162–1203) ва Шиҳобиддин (Муъизиддин ёхуд Муҳаммад Ғурий; 1203–06) даврида Ғ. ҳозирги Афғонистоннинг деярли барча ҳудудини, шунингдек, Ҳиндистоннинг Синд, Панжоб, Банорас ва б. вилоят ва шаҳарларини босиб олган. Ғ. давлатининг маркази Ғур вилояти, пойтахт шаҳарлари Фероузкўҳ ва *Ғазни* бўлган. *Хоразмшоҳлар* давлати б-н қўшинга киришган Ғ. тормор келтирилган, уларнинг давлати эса парчаланиб кетган (1206).

ҒУРРА ЯСАРЛАР, ёнғоқсарлар, пиндиқчилар (Cyniporidea) — *пардақанотлилар* отрядига мансуб кенжа туркум. Уз., одатда, 1–5 мм, шохдумлилар қуртлар паразитлик қиладиган йўлаги ҳосил қилган ғуррачининг уз. 25 мм гача. 1900 га яқин тури бор; асосан, Шим. ярим шарда тарқалган. Кўпчилик турлари икки қанотлилар қуртлари ва пупарийсида паразит, айримлари эфирдаги айдоқчаларининг иккиламчи паразити. Иккиламчи усимлиқхўр турлари эман, наъматак ва б. раъноцолларда қизиш рангли бўртмалар (ғурралар) ҳосил қилади (номи шундан). Ғурра ичида уларнинг қуртлари ривожланади.

ҒУРРАКЛАР — *хайтарсимонлар* туркумига мансуб бир неча тур қушларнинг умумий номи. Танаси 14—30 см. Ялтирамайдиган, томонида қора доғлар бор. Думи узун. Ер юзида кенг тарқалган. Ўзбекистонда бир ўрғитга мансуб 4 тури (*қизғи*, оддий ғуррак, тог ғуррати, *мусичa*) учрайди. Дарахт, бута ва бинолар пештоғига уя ясайди. Йилда 2—3 марта ва ундан ҳам кўп 2 талаи тухум қўяди. *Тухумларини нари* ва моласи навбат б-н 13—14 кун босади. Ғ., асосан, доғлар б-н озиқланади. Айрим турлари ов объекти ҳисобланади.

ҒУРУМСАРОЙ ЖАНГИ — Тошкент *ҳокими Юнусхўжа б-н Қўқон хони* Олимхон хўшиналари ўртасида бўлган жанг (1803). Юнусхўжа Фарғонани босиб олиш мақсадида ҳарбий кириш қилган. У Қўқон аҳолиси ва қўшинининг ёрдамига кўп таяна эди. Олимхоннинг бундан хабар олган, Хўжанд ҳокими Раҳаб қушбеги ўз қўшини б-н Сирдарёнинг ўнг соҳилига ўтган ва унда Самғар ва Қамишқўрғон орқали ўтиб эртаси куни Ғурумсаройга етиб келган. Бу ерга Юнусхўжа қўшини ловонни четлаб ўтиб Чодак йўли орқали келган, айни вақтда Сирдарёнинг сўл қирғоғида *Ғурумсаройнинг қаршисида* Олимхоннинг илғор ҳарбий қисми пайдо бўлган. Раҳаб қушбеги Қўқоннинг ов ҳловини кўтарган отлиқ тубғени атрофига 50 та ўқчини жойлаштириб, Юнусхўжа отлиқларининг яловга қилган ҳужумини қайтарган. Раҳаб қушбеги отлиқларининг қарши ҳужуми рақиб қўшини сафларини тўзитиб юборган, натижада Юнусхўжа жанг майдонини ташлаб қочган. Олимхон катта ўлжа ва қўплаб асирларни қўлга *киритган*.

ҒУСЛ (араб. — чўмилиш) — пок *бўлиш учун бутун баданни* махсус тартибда ювиш. Ғ. жинсий алоқа, ихтилом, ҳайздан кейин фарз бўлади. Ҳанафийлик мазҳабида Ғ.нинг шарти 3 та — оғизни чағғира қилиш, бурунни яхшилаб ювиш, баданнинг ҳамма жойини сув б-н поклаш. Бошқа мазҳабларда оғиз-бурун чайқш фарз эмас. Исломда бир ҳафтада 1 марта (жума куни), 2 ҳайит ва арафа кунлари Ғ. қилиш суннат саналади. Ғ. катта таҳорат деб ҳам аталади. Ғ. майитга нисбатан ҳам ишлатилиб, *бу ишни ғассол* (ювувчи) бажаради. Ғ. ҳақида Қуръонда зикр қилинган (5:6; 4:43).

ҒЎЗА (Gossypium L.) — гулкайридошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми; *пахта толаси* олиш учун экиладиган техника экини. 3 та кенжа туркум (Eugossypium, Karpas, Sturtia)ни ўз ичига олади. Булар бир йиллик ва кўп йиллик буталар, дарахтлар ҳамда тропик минтақа бута ва ўтларидир. Ғ.нинг 50 тури маълум. Ғ. туркумида хромосомалар сони диплоид (2 *n* = 26) ва тетраплоид (2 *n* = 52) бўлган турлари бор. Геномининг таркибига кўра улар 6 гуруҳга (A, B, Д, C, E, F) бўлинади. Тетраплоидларда геноми АД. Турлар гуруҳлар ичида осон, гуруҳлар ўртасида эса қийин чатишади ёки дурагайларнинг тўлиқ белгуплигини кузатилади. Тола олинадиган ўсимлик сифатида ҳинди-хитой, африка-осиё, мексика, перу ғўзалари ажилади (қ. *Ёввойи ғўзалар, Маданий ғўзалар*). Ғ. деҳқончилигидаги қад. эпиплардан бири. Ғ. пахтасидан олинадиган толадан фойдаланиш қадим замонлар — палеолит даврилан бошланган. Ғ. ватани Ҳиндистон ҳисобланади. Ҳинд водийсида мил. дан 3 минг йил илгари пахта етиштирилиб, ундан йигирилган ип тайёрланган. Шунингдек, Хитой, Эрон, Перу ва Мексикада Ғ. мил.дан бир неча аср илгари маълум бўлган. Археологик маълумотларга кўра, Ўрта Осиёда мил. ав. 6—5-а.дан бошлаб экилган. 10-а.дан Испанияга ва ундан бошқа Европа мамлакатларига тарқалган.

Жаҳонда Ғ. 80 дан ортиқ мамлакатда етиштирилади. Асосий пахта етиштирувчи мамлакатлар: Хитой (3,7 млн.га, 30,6 ц/га, 11,4 млн. т), АҚШ (5,4 млн. га, 17,5 ц/га, 9,5 млн.т), Ҳиндистон (9,0 млн.га, 6,9 ц/га, 6,2 млн.т), Покистон (2,9 млн.га, 15,3 ц/га, 4,4 млн.т). Шунингдек, Бразилия, Туркия, Мисрда ҳам катта майдонларни эгаллайди. 20-а. охирига келиб асосий пахта етиштирувчи мамлакатлардан Хитойда 3,8, АҚШда 3,6, Ҳиндистонда 2,0, Покистонда 1,5, Туркияда 0,8 млн.т; жаҳон бўйича 18,2 млн. т пахта толаси етиштирилди (1999). Ўзбекистон пахта толаси етиштириш бўйича жаҳонда 4-ўринда турали (ғўза экин майдони 1440,8 минг га, ҳосилдорлиги 24,5 ц/га, ялпи ҳосили3537,1 минг т; 2004).

Ботаник тавсифи. Илдиз тизими кучли ривожланган, ўқилдизли, кенг тармоқланади, ер бағрига 2,4—2,6 м кириб боради, илдизининг асосий қисми тупроқнинг ҳайдалаган қатламида жойлашади. Пояси тик ўсади, шохлайди, бўйи 70—150 см. Пастки барглариники қўлтиғидан тўғри, узун ўсув (моноподиал) шохлар ривожланади, улар бош поядан ўткир бурчак остида чиқади. Тузилиши жиҳатидан бош пояга ўхшайди, бирор сабаб б-н бош поя шикастланиб, новда бўлса, унинг ўрнини боса олади. Барглари бирин-кетин жойлашган, юпқа ёки қалин, кўпинча ишки. 3—7 *бўлмали, ёнбарглари*га эга. Биринчи чин барг нишон униб чиққанидан 7—10 кун, иккинчиси 4—5 кун кейин пайдо бўлади. *Кўсак*лар очилишин б-н янги барглар чиқиши секинлашади, қариган барглариниг тўкилиши тезлашади. Бош пояда шохланиш охиригача 20—25 ва ундан кўпроқ барг қолиси бўлади. Гули икки жинсли, йирик; гулбанди, гулёнбарглар, косача, гултож, чанғчи устунчаси ва уруғчилари иборат (қ. *Гул*). Ғ. — гулларини ўсимлик; шира беэлари гул ичида ва гул ташқарисида бўлади. Тутунча *ўрта толали ғўзаларда* 4—5, *ингичка толали ғўзаларда* 3—4 уялн. Ҳар бир уядa 5—9 ва ундан кўпроқ уруғқутпаларн бор. Меваси 3—5 чанокли кўсак, чанок, *мева банди, гулёнбарглар*, косача, мева қати, марказий уруғлон, *чағит* ва толалардан иборат. Ғ.нинг айрим турлари (жайдари ғўза)да кўсак ўнчалик очилмайди, айрим турларида эса чанокларн шу қадар кенг очилаяпки, ҳатто пахтаси ерга тўкилиб кетади. Чигити тухум ёки нокисимон шаклда, ўз. 0,6—1,5 см тача боради, ранги йўтоп қисмининг диаметри 0,5—0,8 см. Узун, асосан, оқ толалар ва қўпинча калта туклар б-н қопланган. Экиладиган Ғ.лар толаси ўз. 25—55 мм, осон йигирилади, чигит қобиғидан енгил ажралаи, тўкларн қалгта (4—6 мм), қалин, дағал, чигитдан ажратиш қийин. Пишиб етилган чигитнинг қобиғи тўқ жигарранг бўлади. Дастлабки ривожланиш даврида чигитда углеводлар кўп бўлади, пишиб етилган сайин юқори молекулали азотли бирикмалар ва ёғлар тўпланади. 1000 дона чигит массаси 80—160 г атрофида.

Биологик хусусиятлари. Чигитнинг ҳаёт фаолияти бошланиши учун минимал ҳарорат 10—12° ҳисобланади. Етарли намлик, аэрация,

ёруғлик бўлганда қарорат 13—14° да мўртак ўша бошлайди; чигит экилгандан 5—7—15 кун кейин ниҳолдар қийғос тўлиқ униб чиқади. Ниҳоллар униб чиққандан таъм. бир ой ўтгач, бўғинчи шохи ҳосил бўлади, яна 25—30 кундан кейин гул кўринади. Ғ.ўзидан чангланадиган ўсимликлар (четдан чанг-ланиш қамдан-кам кузатилади). Навнинг биологик хусусиятларига қараб, гуллагандан 50—60 кун кейин бўғинча кўсак пишиб очилади. Вегетация даври ўртача 110—145 кун давом этади. Вегетация даврида Ғ.га (ғўза нави ва ўстириш р-нига қараб) жами 3100°—4900° фаол (1700—2200° самарадор) ҳарорат зарур. —1—2° да ниҳоллари нобуд бўлади. Ўсиш, ривожланиш ва ҳосил тўпланг учун суткалик ўртача ҳарорат 25—30° оптимал ҳисобланади. Ғ. қисқа кун ўсимлиги, лекин 13—15 соатлик ёруғ кунда ҳам нормал ўсиб ривожланади. Гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида максимал сув талаб қилади. Сувга бўлган умумий талаб тахминга 8—10 минг м³ ни ташкил қилади. Ғ. сур, қумлоқ ва ўтлоқи-ботқоқи ва б. ҳар хил тупроқларда ўсиб ривожланиши мумкин, лекин соз жой, намни ёқтирмайди, қуёш шамолга, айниқса, гармсел-га чидамсиз. Шўрланган тупроқларда ўсмайди.


Ғўза.

Ҳужалик аҳамияти. Ғ. қимматли техника ўсимлиги; Ғ.дан олинадиган маҳсулотлардан тўқимачилик, тикувчилик, кимё, авиация, автомобиль, озиқ-овқат ва б. саноат тармоқларида кенг фойдаланилади. Пахта толасидан ипакгин-кечак ва техника газламалари тайёрланади. Чигитидан *линт, пахта мойи, кунжара, шелуха, шрот* олинади. Пахта мойи (чигит таркибида 22—29%) қимматли озиқ маҳсулоти бўлиб, глицерид, Е, А витаминлари ва Д провитамини ҳамда линолат кислотага бой. Пахта шулхаси ва шроти чорвачилик учун юқори сифатли тўйимли озуқа ҳисобланади. Пахта шротидан ажратиб олинган оқсилли озуқа ёш қайвоналарга сут ўрнида берилади. Ғўзапоядан целлюлоза, қоғоз, картон, мебеллар учун плита материаллари ва-ли фойдаланилади. Барглардан эфирли, олма кислоталари, ўсишга стимуляторлари олинади, *чаноқлари ксилит* ва.ч.га ярайди.

Етиштириш технологияси. Ғ. дламаллаб экиш далаларига экилади, улардан ғўза-беда ва ғўза-дон алмашиб экиш кенг тарқалган. Агротехника талабларни орасида кимёлаштириш муҳим ўрин эгаллайди. Минерал ўғитлар нормалари, уларнинг нисбати тупроқ-иқлим зоналарига, дала шароитига, нав ва унинг ҳосилдорлигига боғлиқ. Ўрта толали Ғ. 1 т пахта тўплаши учун тупроқдан 50—60 кг азот ва калий, 12—20 кг фосфор; ингичка толали Ғ. эса озиқ моддаларни бунга нисбатан 20—25% кўпроқ олади. Микроэлементлар (бор, марганец, рух, мис, молибден), органик ва маҳаллий ўғитлар ишлатилади. Чигит экиш тупроқ ҳароратн 10 кун давомида 12—14° бўлганда март охири—апр. бошларида бошланади. Экишда туксизлантирилган (чигитни аниқ экиш) ёки тукли чигитлардан фойдаланилади. Қўш қаторлаб, кенг қаторлаб (қатор оралари 60, 90 см) экилади. Кўчат қалинлиги тупроқ шароитлари ва навнинг биологик хусусиятларига қараб ҳар гектарда 110—170 мингга ниҳолни ташкил этади. Ўрта Осиёда Ғ. фақат суғориладиган зоналарда экилади.

Ҳосилни йиғиб олиш пахта териш машиналарига мўлжалланган далаларда *дефолиация* ёки *десикация* қилингандан кейин бошланади. Ғ. агротехникасининг барча комплекси, пахтани териб олиш, қисман суғориш ва б. баъзи агроусуллар механизациялаштирилган.

Навлари. 20-асрнинг 20-й.ларидан бошлаб Ўзбекистонда 800 дан ортиқ Ғ. навлари яратилди, шундан 130 га яқини р-нларштирилди (ўрта толали навлардан 80 та, ингичка толали навлардан 50 та). 90-й.дан бошлаб экилаётган асосий навлари: Ўрта толали ғўза навларидан С—4727, С—6524, 175—Ф, Ан—Боёвут 2, Наманган 77, Оқ олтин, АН-Ўзбекистон 3, Тошкент 6, Чимбой 3010, 138—Ф, Қарнзистон 3, Юздуз, Бухоро 6 ва б.; ингичка толали навлардан Термиз 24, Термиз 31, Сурхон 5, 6249-В, 9883-И, 9871-И,С-6037, 6465-В ва б.

Зараркунандалари: Ғ.га умуртқасиз ҳайвонларнинг 214 тури зарар етказади, булардан 207 таси бўғимоёқлилар, шу жумладан, 203 таси — ўргимчаккана, шира, қузғи тунлам, қарадрина, ғўза тунлами ва шу каби қанотлилар, (қ. *Ўсимлик зараркунандалари*). Зараркунандаларга қарши курашда агротехник, биологик, кимёвий, интеграл ҳимоя усулларидан фойдаланилади (қ. *Ўсимликларни ҳимоя қилиш*).

Касалликлари: вертициллёз ва фузариоз *илт, гоммоз, илдиз чиришн* ва б. Ғ. экиладиган майдонларда бегона ўтларнинг 74 тури, чунончи *ажрик, гумай, қўйпечак, саломалайкум, шўқ'ноқ, қора кўмак* ва б.лар кўп учрайди. Бегона ўтларга қарши механик ва кимёвий усуллар б-н кураш олиб борилади (қ. *Ўсимлик касалликлари*).

Ад.: Ғўза, 1—4-нашр, Т., 1957—61; Мальцев А.М., Ғўза, унинг турлари, тузилиши ва ривожланиши, Т., 1960; Ржевский Г.К., Ғўза, Т., 1951; Ғўзанинг физиологияси ва биохимияси, Т., 1961; Юлдашев С.Х., Регуляция роста хлопчатника с помощью ретардантов, Т., 1977; Абдуллаев А.А., Омельченко М.В., Ғўза турлари, Т., 1977; Погосян Ю., Раҳимбоев О., Ғўза ўстирашнинг янги усули, Т., 1977; Лифшиц Э.А., Мусаимов С.М., Ғўзани суғориш, Т., 1980; Влияние внутренних и внешних факторов на физиологическое и биохимические процессы хлопчатника, Т., 1981; Дариев А.С., Абдуллаев А.А., Хлопчатник: (Анатомия, морфология, происхождение), Т., 1985; Салимов А.С., Хлопчатник — чудо растение, М., 1985.

ҒЎЗА БИТИ, полиз бити (Aphis gossypi Glov.) — тенгқанотли хартумлилар туркуми ўсимлик битлари оиласига мансуб қанотлар. Барча пахта экиладиган мамлакатларда тарқалган. Тирик туғиб кўпаядиган қанотсиз уруғчисининг (эркаги бўлмайди) *тухум шаклидаги (овалсимон)* танаси 1,25—2,1 мм. Шира найчалари қора. Вояга етган битлар ва личинкаларининг ранги мавсум ва ўзи яшаётган ўсимлик рангига боғлиқ, ҳолда ўзгаради. Мўйловлари 6 бўғимли, сариқ, уч. танасининг 2/3 қисмигача; кўзи қора; оёқлари сариқ. Личинкаси вояга етган уруғчисидан кичиклиги ва танасининг

ёрқин ранги б-н фарқ қилади. Нимфаси оч қизғиш-қўнғир; қанотлари уруғчилар танаси чўзиқроқ (1,2–1,9 мм), бошқа ва кўкраги қора, қорни сариғи ёки тўқ яшил, қанотлари тиник; қанотсиз личинканинг яккинчи ёшида шаклана бошлайди. Ғ.б.нинг жинсий авлоди йўқолиши бўлиб, ривожланиш цикли тўлиқ эмас; партеногенез йўли б-н (қиз ҳолича, уруғланмасдан) кўпаяди, яъни уруғчилари 20–60 личинка тугади. Қанотсиз уруғчилар, баъзан эса личинка ҳолида совуққа чидамли бегона ўтлар (асосан гулхайриннинг илдиз бўғзи оқинидаги барглар)да қишлайди. Қишлов даврида уларнинг кўпчилиги нобуд бўлиб, баҳоргача жуда кам қолади. Апр.да Ғ.б. жуда жадал кўпайиб, улар ороқида қанотли илдизлар ҳам пайдо бўла бошлайди. Қанотлилари қир тарафга тарқалиб, бегона ўтларга ўтади ва ғўза ниҳолларини илк ривожланиш даврида зарарлайди. Мавсумда 20 та яқин авлод беради. Ғ.б. барг ширасини сўради ва улар бужмайиб, қуриб қолади. Кузда пахта тозаси ҳашарот ҳаракати модда туфайли бир-бирига ёпишиб ифлосланади ва шу ерда сапрофит замбуруғларнинг ривожланишига шароит яратилади. Натижада толя қорайиб, бузилади (қора шира).




Ғўза бити: *1*-қанотли, *2*-қанотсиз, *3*-ғўза бити билан зарарланган ғўза.

Кураш чоралари: бегона ўтларни йўқ қилиш, ўсимлик қолдиқларини йиғиб олиш, ғўзага инсектицидлар пуркаш.

ҒЎЗА ҒОММОЗИ — қ. *Гоммоз*.

ҒЎЗА ИЛДИЗ БИТИ (Tríphiadaphis phaseoli Pass.) — Aphididae оиласига мансуб қанотсиз ҳашарот. Ғўза ва б. экинлар зараркунандаси. Оқиш зарғалдоқ тусли, танаси деярли думалоқ, оғиз аппарати санчиб-сўрувчи, мўйловлари уч бўғимли. Шира найчалари ва думи йўқ. Танаси, оёғи ва мўйловларининг сути майда тукчалар б-н қопланган. Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Фарғона ҳамда Зарафшон водийларида экинларга жуда катта зарар етказади. Ғ.и.б. личинка ҳамда вояга етган ҳолида кенг барғли бегона ўтлар (шўра, итузум ва б.) илдизида қишлайди ва баҳорда ғўза майсаларига ўтади. Личинкалари ўсимлик илдизида кичик-кичик гала бўлиб яшайди. Ғўза гуллагунга қадар унинг илдизида ҳаёт кечиради, илдиз даялланганидан сўнг бошқа қ.х. экинларига ўтади. Илдизида бит бўлган ўсимлик рангсизланади, сўлийди ва кўпинча нобуд бўлади. Зарарланган ўсимлик атрофида тўпланган чумолилардан Ғ.и.б. борлигини аниқлаш мумкин.



Ғўза илдиз бити: *1*-нояга етгани; *2*-илдизлари билан.

Кураш чоралари: экинзорлар атрофидаги бегона ўтларни илдизи б-н суғуриб йўқ қилиш ва битлар тоқитган ертарини қишда суторин; тупроққа 10–15 см чуқурликда доналор фосфамид ёки базудин (40 кг/га) солиш.


ҒЎЗА КУЯСИ, пуштиранг қурт (Pectinophora gossypiella Saund.) — ўйнққанотли куялар оиласига мансуб капалак. Пахта экиладиган кўпгина мамлакатларда тарқалган; Ўзбекистонда ташқи карантин объекти ҳисобланади. Қанотлари ёйилганда 12–13 мм; олдинги қанотлари бир оз узунчоқ, қорамтир доғли оч жигарранг, юқори қисми тўқ қўнғир тусда бўлиб, очроқ тусли қўналанг ўзларидан бор; орқа қаноти кулранг, кенг ҳошияли. Тухуми чўзиқ-овалсимон, оппоқ, бўйлама йўллари ёки тўрсимон нақши бор. Уруғчиси 500 тача тухум қўяди. Қурти оч сариқ, 12–15 мм; боши ва кўкрак қалқони сариқ, кўкрак ва қорин бўғимларининг усти тўқ пушти рангда. Танасининг ички қисми пушти ранг. Ғумбаги қизғиш жигарранг бўлиб, туклар б-н қопланган. Ғ.к.нинг қуртлари 70 дан ортиқ турлари, асосан гулхайридошларга мансуб ўсимликларни зарарлайди. Қуртлари ғўзанинг шона, гул ва кўсакларини б-н озиқланади. Ғ.к. тушганда пахта ҳосили 60–80% камаяди.

Кураш чоралари: карантин.



Ғўза куяси: *1* — капалаги; *2* — қурти; *3* — ғумбаги; *4* — кўсакни тешиб чиқаётган қурти.

ҒЎЗА ПОЯ КУЯСИ (Platyedra vilella L.) — ўйнққанотли куялар оиласига мансуб тур. Капалакларининг қаноти ёйилганда 17 мм ча; олд қанотлари оч жигарранг, орқа қанотлари эса кўнғирроқ, кулранг бўлиб, узун ҳошияли. б-н ўралган. Қурти ҳира оқ рангда, уз. 11 мм ча, боши қорамтир, калқони бир-ричча бўғимда. Ғумбаги жигарранг, танасининг сохири қисмида учи қайрилган калта, бўғон тикани бор. Зарарланган ўсимлик новдасида қурт ҳолида қишлайди. Кеч экилиб, шифлашган ва ўсишдан орқада қолган ғўзаларда, ёввойи гулхайри чакалакларида учрайди. Зараркунанда Урта Осиёда 2 бўғин беради. Биринчи бўғин эрик бўйи ва дарё қирғоқларида ўсувчи гулхайри поясининг учки қисмида ривожланади. Иккинчи бўғинининг ривожланиши май–июль ойлари ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даврига тўғри келади. Уруғчиси ғўзанинг учки қисмларига битталаи тарқоқ ҳолда тухум қўяди. Тухумдан чиққан қуртлари поя-ни тешиб (5–9 см гача) киради. Ўсимликнинг зарарланган учки қисми қурийди ва у шохлаб кетади. Ку-



Ғўза поя куяси: *1* — капалаги; *2* — қурти; *3* — куя шикастлаган ғўза.

ялар, айниқса, ривожланишдан орқада қолган далаларга зарар етказади.

Қурақ чоралари: куқаларнинг биринчи бўғини ғумбакка айлангунга қадар атрофдаги гулхайрилардан ўриб, ёқиб юборилади; тунламларга қарши кўланлашган кимёвий воситалардан фойдаланиш.

ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ИНСТИТУТИ, Г.С.Зайцев номидаги Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси — Ўрта Осиёдаги йирик илмий муассаса. Тошкент вилояти Қибрай тумани Салор шаҳарчасида жойлашган. 1965 й.да мустақил ин-т сифатида ташкил этилган (1922 й.да Туркистон селекция ст-яси, 1930—60 й.ларда СоюзНИХИнинг Марказий селекция ст-яси, 1960—65 й.ларда Союз НИХИ филиали). 1965—91 й.ларда Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги ин-ти (1987 й.дан илмий-ишлаб бирлашмаси). 1992 й.дан ҳоз. номда. Ўзбекистонда ғўза селекцияси ва уруғчилиги бўйича илмий марказ ҳисобланади. Ин-т таркибида (2005): 3 бўлим — селекция назариясини ривожлантириш ва бошланғич материаллар тайёрлаш (коллекция ва бошланғич авлод; биокимё ва биотехнология; мутагенез; ўсимликлар иммунитети генетикаси; суний щдим наблари 6-н); селекция (интичка толали ғўза навлари селекцияси; 4-тип толали ғўза навлари селекцияси; 5-тип толали ғўза навлари селекцияси; тезпишар ва паст бўйли ғўза навлари селекцияси; беда селекцияси лаб.лари 6-н); уруғчилик (ноғи ғўза навларини синаш ва дастлабки кўпайтириш; уруғчилик; уруғшунослик; тола технологияси; патент ва маркетинг лаб.лари 6-н), шунингдек аспирантура бўлими, *фитотрон* бор. Ин-тда илмий кутубхона ва музей ишлайди. Ин-тнинг Тошкент вилояти Қибрай тумани Марказий тажриба ст-яси (экин майд. 30 га), Тошкент вилояти Оққўрғон тажриба (экин майд. 1000 га), Наманган вилояти Чуст тумани «Қизил Ravot» тажриба (экин майд. 300 га) ва Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани «Сурхон» тажриба участкалари (экин майд. 1000 га)да илмий-амалий ишлар олиб борилади (жами экин майд. 2330 га). Ин-тнинг асосий илмий йўналишлари: тезпишар, серҳосил, турли касаллик ва зараркунандаларга ҳамда экстремал шароитларга чидамли, тола сифати ва тола чиқиши юқори бўлган ўрта ва интичка толали ғўза ва таркибида протеин миқдори юқори бўлган беда навларини яратиш ҳамда уларнинг уруғчилиги.

Ин-да жаҳон ғўза коллекциясидаги минжуз ёввойи ва ярим ёввойи рудерал формаларни чатиштириш; тур ичида ва турлараро дурагайлаш асосида қимматли донорларни яратиш ва селекция жараёнига тавсия этиш; дунё коллекцияси тўғрисида банк маълумотларини йиғиш; тезпишар, ҳосилдор, касалик ва зараркунандаларга чидамли бўлган ғўза ва беда навларини яратиш; супералита ва элита уруғларини тайёрлашни илмий жиҳатдан таъминлаш, ғўза уруғларини экиш ва ҳосилдорлик сифатларини оширишни таъминлайдиган усулларни ишлаб чиқиш хаби тадқиқот ишлари олиб борилади.

Ин-т фаолияти Г.С. *Зайцев*, А.И. *Автономов*, Ф.М. *Мауер*, П.П.Баранов, А.И.Белов, А.М.Мальцев, С.С. *Каһан*, А.Д. *Дадабоев*, С.М. *Мирахмедов*, Я.Д.Нагибин, Б.П. *Страумал*, В.И. Кокуев, И.Г.Гриценко, М.Ғойибназаров, К.А.Висоцкий, Г.Х. Губанов, Ю.П. *Хуторной*, З.М.Пудовкина, А.Г. Арутюнова ва б. олимлар номи б-н боғлиқ.

Ҳоз. даврда институтда Ш. Ибрагимов, А.Э.Эгамбердиев, С.Раҳмонқулов, Ю.Ихромов, П.Ш.Иброҳимов, Ф.В.Войтенок, М.Миржўраев, П.В.Попов, М.И.Иксанов, Т.Р.Рашидов, Б.Аллақулов, Ҳ.Содиқов ва б. самарали илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Жумладан, ин-тда А.А.Автономов ва В.А.Автономовлар томонидан Ўзбекистонда биринчи бўлиб, Пунктатум рудерал намунаси интрокида яратилган ўрта толали ғўзанинг С-6524, Наманган-77, С-6530, С-6532, интичка толали ғўзанинг С-6029, Сурхон-9 навлари яратилди ва катта майдонларда экилмоқда. 2000 й.да Оққўрғон-2 (Т.Холҳўжаев, В.Ристаков, С.Раҳмонқулов, М.Миржўраев), 2002 й.да С-2609 ғўза нави (Л.Ш.Иброҳимов, Ф.В.Войтенок), 2004 й.да эса тола сифати II типга мансуб бўлган Сурхон-9 интичка толали ғўза нави (В.А.Автономов, П.Ш.Иброҳимов) р-нлаштирилди. А.Н.Белов томонидан республикада илгона бўлган беда селекцияси ва уруғчилиги лаб. ташкил этилди ва беданинг янги, юқори протеинли Тошкент-3192, Тошкент-1, Тошкент—1728, Тошкент—2009, Тошкент—2938 навлари яратилди.

Ин-т олимлари томонидан қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган 60 дан ортиқ ўрта ва 14 та интичка толали ғўза навлари яратилди ва ишлаб жорий этилди. Ғўза коллекцияси генофондида АҚШ, Миср, Мексика, Ҳиндистон, Австралия ва б. 22 давлатдан келтирилган 12 мингдан ортиқ намуналар мавжуд. Ушбу коллекция янги ғўза навларини яратишда республикада асосий генофонд ҳисобланади.

Ин-тда «Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари» номли илмий тўплам чоп этилади. (1924—2002 й.ларда 31 та тўплам нашр этилган). Ин-тда 178 илмий ва илмий-техник ходим, шу жумладан, 6 фан д-ри, 30 фан номзоли фаолият кўрсатади (2005).

Ин-т АҚШ, Греция, Болгария, Хитой, Ҳиндистон, Исроил, Миср давлатларидаги пахтачилика ихтисослашган илмий марказлар б-н илмий алоқалар олиб боради. *Паридин Иброҳимов.*

ҒЎЗА ТУНЛАМИ, кўсак қурти (Chloridea obsoleta F. ёки Heliothis armigera Hb.) — тунламлар оиласига мансуб капалак. Пакта экиладиган жанубий ҳудудларда тарқалган. Ғ.т.нинг қурти 120 дан ортиқ ўсимлик турини зарарлайди, айниқса, Тожикистон, Ўзбекистон ва Озарбайжонда катта зарар етказади. Қанотлари ёйилганда 30—40 мм; олдинги қаноти кулранг сариқ, буйраксимон, ҳилолок доғли, орқа қаноти сариғимтир-оқ, қўнғир ҳошияли, ўртасида тўқ рангли оймона доғлари бор. Эркаги уруғчисини писбатан очиқроқ рангда. Тухуми оч сариғш, ўзига хос радиал «қобиғлари» бор. Қуртининг ранги очдан ишлдан то қизғиш-қўнғирга, уз. 35—40 мм; боши сариқ, кўкрак қалқони мармарсимон нақшли. Ташаси бўялаб ўтга кепг ёрд ўтади, қорни оқиш. Ғумбаги қизишқонғирранг, уз. 15—20 мм. Ғ.т.нинг ғумбаги тупроқда 10—15 см чуқурликда қишлайди. Ҳаво қарорати ўртача 18—20° бўлганда ғумбаклан капалаклар ёппасига учиб чиқа бошлайди. Ўрта Осиёда биринчи авлод капалаклари нинг учиб чиқиши 1—1,5 ой (апр.-май) давом этади. Ғ.т. ғўзага шонадан бошланганда ўта бошлайди, унгача биринчи бўғин помидор, нўхат, маккажўхори ва бегона ўтлар (банғизлевона, ғўзорида ривожланади. Капалаклар ўсимлик барги ва ҳосил органларига

1—3 тадан тухум қўяди. Битта ургочи капалак ўртача 500, баъзан эса 1000 гача тухум қўйиши мумкин. Ёз ойларида бир авлоднинг ривожланиши учун 25—35 кун кифоя. Ўрта Осиёда 3—4 авлод беради. Ёш дарғлар, шона ва гунчаларни, ёш кўсакларни ейди (иккинчи ном ҳам шундан). Битта қурт 10—24 ҳосил элементига зарар етказиши мумкин.

Қураш чоралари: Агротехник қураш тадбирларидан чиқиш даврида чиқилган қисмни йиғиштириб, даладан ташқарига чиқариб ташлаш.



Ғўза тунлами.

зараланган маккажўхориларни силос учун сут — думбул даври бошларидаёқ, яъни қуртлар гумбакланиш учун тупроққа тушмасидан олдинроқ ўриб олиш. Биологик қураш тадбирлари: тухумларига қарши 5—6 кун оралатиб уч марта 60+80+60 минг дона/га ҳисобида *трихограмма* тарқатиш; қуртларига қарши 7—8 кун оралатиб габробракон кўзайин-паразитини 1:20; 1:10; 1:5 нисбатида қўллаш.

Кимёвий қураш: ғўзага инсектицидлар пуркаш.

ҒЎЗА УЗУНТУМШУҚ ҚЎНҒИЗИ, мексика ғўза узунбурруни (Anthonomus grandis Boh.) — қаттиққанотли (қўнғизлар туркумига мансуб қишарот. АҚШ ва Марказий Америкада тарқалган. Танасининг уз. 5,0—5,5 мм, ёш қўнғизлар сариғиш-қўнғирдан тўқ жигарранггача, ёши катталари эса асосан, қора тусда. Хартумчаси ингичка, ялтироқ, узун (узунлиги танасининг ярмигача), тухуми, личинкаси, гумбаги оқ. Ғўзанинг хавфли зараркунандаси. Ўзбекистонда *карантин* объекти ҳисобланади.

Қураш чоралари: карантин.

ҒЎЗА ЦИКАДАСИ — қ. *Сариқ жизғанак.*

ҒЎЗАРАК — қ. *Бўғитарок.*

ҒЎЗОР — қ. *Далаканоп.*

ҒЎССОЙ — Самарқанд вилояти Ургут туманидаги сой. Уз. 18 км. Зарафшон тизмасининг Чақилкалон тармоғидан Муринак довони яқинидан бошланади. Дарғом каналига бориб қўшиладиган Селхона (Мўминобод) сойига қуйилади. Қор, ёмғир, булоқ сувларидан тўйинади. Ғ. ён-атрофидаги Чилдухтарон ва Чақчакидон ғорлари археологик ёдгорлигига эга. Сой водийсида Ғўс, Сойғўс қишлоқлари жойлашган.

Ҳ

Ҳ — ўзбек кирилл алифбосининг ўттиз бешинчи ҳарфи. Бўғизда ҳосил бўлувчи, сиртлашувчи, жарангсиз ундошни ифодалайди. Қўлланишига кўра, унча фаол эмас, асосан, араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларда ёзилади. Сўзнинг боши (ҳавас, ҳимоя, ҳунар), ўртаси (аҳвол, моҳир, қаҳрамон) ва охири (гуҳор, олоҳ, сиҳр)да ҳар қандай товуш-ҳарф б-н ёнма-ён кела олади. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи учун умумий бўлган бир қанча ўзлашмаларда (авесто, суғд, араб, лотин каби) ўзига хос белги-шакларга эга. Бундан қуйидаги жадвалда келтирилди.

Ёзув тури	Белги	Сана
Авесто	𐬵	*Мил. ав. 6 — 4 - а*
Урхун - Енисей ёзуви	—	*5 — 8 - а*
Туркий (эски) ёзув	—	*8 — 13 - а*
Суғд ёзуви	𐼲	*Мил. ав. 1 - минг ё. охири — 13 - а*
Араб ёзуви	ح	*13 - а — 1929 й.*
Янги ёзув	Ҳ	*1929 — 1939 й.*
Кирилл ёзуви	Ҳ	*1940 — 1995 й.*
Лотин ёзуви	H	*1995 й. дан*

ҲАБАШИСТОН — *Эфиопиянинг Шарқда тарқалган иккинчи номи.*

ҲАБАШЛАР — *қ. Эфиоплар.*

ҲАББУЛ-МУЛУК, ҳаббул-малик (Croton) — сутламадошларга мансуб бир уйли бута ёки кичик дарахтлар туркуми. Иккала ярим шарининг тропик ва субтропик ўрмонларида, асосан, Америкада 700 га яқин тури тарқалган. Бўйи 4—6 м гача (айрим ҳолларда ўт), *барглари кетма-кет жойлашган*, тиниги, эгилган, кўпроқ қуралган-ишчи ёки ялтироқ. Гуллари яшилроқ, бошоқсага йиғилган, бир ёки икки жинсли. Меваси чаноқ. Жан. Шарқий Осиёда ўсадиган, Шри-Ланка, Филиппин ва б. тропик мамлакатларда экиладиган С. tiglium тури кичик дарахт ёки бута, уруғида 50% гача тиббиётда ишлатиладиган кротон ёғи бор. Уруғи заҳарли. Х-М.нинг C.eluteria ва C.cascarilla турлари пўстлоғида хинобўй, етчик доривор каскарилла моддаси мавжуд. Ундан ликер н.ч. ва тамакини ферментацияларида фойдаланилади. Кўпгина турларининг смолали шарбати заҳарли; айрим турларининг ширбатидан лок олинади.

ҲАБИБ Асадуллоҳ (*1941, Майманa ш.*) — афғон ёзувчиси, адабиётшунос. 70—80-йилар дари адабиётида ижодга келган «Янги шеър» оқимининг таниқли намояндаларидан. Қобул ун-тининг адабиёт ф-тини тугатган (1961). Дастлабки ҳикоялар тўплами — «Уч марджон» (1966). Асарларининг асосий мавзуси оддий меҳнаткашларнинг оғир ҳаёти ҳақида. Илмий ишлари мумтоз ва ҳоз. замон дари адабиёти тарихига бағишланган. «Оқбалан» (ёки «Ойдин», 1965), «Кишанларни парчаловчилар» (1975), «Тун ва қамчин» (1978), «Оқдюм ила дийдор» (1982), «Қизил мактуб» (*1983*), «Уроқлар ва қўллар» (1983—84), «Зулмат б-н ёруғлашув» (*1985*), «Сўнгги орзу» (*1986*) ва б. асарлар муаллифи.

Ас.: Ойдин. Т., 1982.


ҲАБИБ САЪДУЛЛА (*таҳаллуси; асл номи* Саъдуллаев Ҳабибулла) (*1942.5.4, Наманган*) — Ўзбекистон халқ шоири (1999). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (*1992*). Тошкент ун-тининг журналистика ф-тини тугатган (*1971*). «Муштум» журнали муҳаррири (1966—67), мактаб ўқувчилари газета адабий ходим (1967—68), «Наманган ҳақиқати» газ. да бўлим мудири, муҳаррир ўринбосари (1968—73), Наманган вилоят Ёзувчилар уюшмасида раис (1973—90), вилоят Маданият ишлари бошқармасида бошлиқ (1990—98). Дастлабки шеърлар тўплами — «Оқсаноат шабада» (Усмон Темур б-н ҳамкорликда, 1969). Шундан сўнг Ҳ.С.нинг «Баҳор билан суҳбат» (1975), «Мулоқот» (1979), «Яна остонангда» (1982), «Эҳтиром» (*1984*), «Боғлар юртини болаларимиз» (1988), «Тазарру», «Кўчамдан жонон ўтганда» (1992), «Косонсой қарвонлари» (1993), «Учқўрғоннинг уч хирмони» (1996), «Рамазон муножоти» (1997), «Нур қадри» (1998) шеърий китобларига нашр этилган. Ҳ.С. шеърларида ўзи мансуб бўлган авлоднинг ўзгариб бораётган вокеликлари олган таассуротлари ва шу вокеликка муносабати ўз ифодасини топган. *Шоирнинг уруш мавзусига бағишланган «Тугилган йилим», «Онажон» ва «Тирик қўрбоқлар» достонлари автобиографик хусусиятга эга.* Бундан ташқари, Ҳ.С.нинг «Усмон атлас», «Замин салоси», «Еттинчи қатъа», «Эътиқод», «Чуст ривояти», «Адиб тақдири», «Жароҳат» синглари достонларни ҳам ёзган. Ҳ.С.нинг «Юсуф ва Зулайхо» (1975), «Меҳр қўёши» (1985) драмалари ва «Рақиб, ишқинг» (1989) комедияси пилот театрида саҳналаштирилган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (*2003*).



Ас.: Танланган асарлар, 2 жлд., Т., 2002.

Ад.: Худойбердиев Э., Ҳабиб Саъдулла, Т., 2004.

ҲАБИБИЙ (таҳаллуси; асл номи Зокиржон Холмуҳаммад ўғли) (1890, Пахтабод тумани Кўкон қишлоғи — 1980.16.4, Тошкент) — Ўзбекистон халқ шоири (1974). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (*1970*). Кўкон ва Андижондаги мадрасаларда таҳсил кўрган. Навоий, Фузулий, Мукимий, Фурқат асарларини мутолаа қилиб, ҳеч вазнининг бадиий ажойибига ва бой имкониятларини қунт б-н ўрганган. Ҳ.нинг ғазалнавислик ижоди мазкур адабий муҳитда шаклланиб борган. Навоийнинг 500 йиллигига тайёргарлик ишлари бошланиши б-н Ҳ. сафдошлари Бокий, Миҳжурий, Аниский ва Сайфий б-н бирга Навоий комитети томонидан таклиф этилиб, Тошкентга кўчиб келган (1938). Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, С.Абдулла, С.Мирзаев, С.Муталлибов сингари ҳалқпарвар адиблар б-н бирга Навоий адабий меросини ўрганган. Ҳ. 1939 й.да Фарғона канали қурилишига шоир сифатида сафарбар этилган. Шу вақтдан бошлаб унинг ғазалдаги ресубликача даврий матбуотида эълон



қилиниб, маиҳур ҳофизлар томонидан жўр қилина бошлаган. Ўз ғазаллари ҳамда мумтоз адабиёт ва мусиқа соҳалари бисмни ўз-ўзидан ўрганган. 1940 йилга келиб ўзбек адабиёти ва мусиқа санъатининг ривожланишида ўзига хос ўрин эгаллаган ижодкорлардан бирига айланди. Ҳабибий ўзининг ижодий фаолиятини шоирлик билан бошлаган. Унинг ғазаллари, мухаммаслари, мусаддас, рубоий, туюқ, қитъа ва достон сингари жанрларида ёзилган 40 минг бандга яқин шеърий асарлари ўзбек адабиётининг олтин фондидан ўрин олган. Ҳабибий ижодида ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик ғоялари, ватан ва халқ озодлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳамда садоқат туйғулари устувор ўринга эга. Ҳ. Ҳабибий ўзбек адабиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшган ижодкор сифатида ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Ҳабибий ўзбек адабиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшган ижодкор сифатида ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди.

ҲАБИБИЙ (тахаллуси; асл номи Абдулхолиқ Охунзода ўғли) (1910, Қанлидор ш. — 1984, Қобул) — афғон адабиётшуноси. Афғон-пушту тили ва адабиётининг йирик тадқиқотчиси. Кобул ун-тида проф. Ҳ. пушту тили ва адабиётининг асл. даврларидан то 20-а. охирларигача бўлган тараққиёт босқичларини, қад. афғон ёзма ёдгорликлари, умуман пуштунларнинг маданияти, фольклори, тарихий тараққиёти, мумтоз ва ҳоз. замон адабиёти, уларга бадиий-услубий йўналишлар, шунингдек, Афғонистоннинг тарихига оид пушту, дари, урду ва араб тилларида ёзилган китоб, рисола ва мухаммолги масалаларга бағишланган мақолалар, дарслик ва ўқув қўлланмалари муаллифи. 40-й.лларда афғонистоносликда илк бор 2 жилд пушту адабиёти тарихининг 1-жилдини ёзган ва уни нашрга тайёрлаган. Кейинчалик Ҳ. 3 жилдли «Афғонистон адабиёти тарихи», 2 жилдли «Афғонистон тарихи» (дари тилида) китобини яратган. Пуштуларнинг қад. адабий-тарихий ёзма ёдгорлиги — «Яширин хазина» китобини топиб, илмий шарх ва тадқиқий материалларг б-н дари тилида нашр қилдирган. Ҳнинг тарихий ва ватанпарварлик мавзуидаги шеър, ҳикоя, қисса ва драматик асарлари ҳам бор («Физокорлик», «Тўрлэсэн» ва б.).

ҲАБИБОВ Муҳаи Азизович (1916 — Андижон — 1979.21.11) — дирижёр, бастакор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). Наманган мусиқа билим юртини тугатган (1936). 1934—52 й.лар Андижондаги турли театрларда дирижёр. 1952 й.дан Андижон театрида дирижёр. 1958—78 й.ларда бош дирижёр. «Бутунтиғи парвози» (И.Сўлтон), «Қасоскор она» (М.Бобоев) каби спектакллариға мусиқа бастаалаган, бир қанча қўшиқлар ёзган, мусиқали драма спектакларига дирижёрлик қилган.

ҲАБИБУЛЛАЕВ Пўлат Қиримбоевич (1936.14.10, Андижон) — физик олим ва жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА акад. (1984). СССР (1991 й.дан Россия) ФА мухбир аъзоси (1984). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1994), физика-мат. фанлари д-ри (1971), проф. (1972). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1960). Тошкент педагогика ин-тида кафедра мудири (1964—71). Андижон пахтачилик ин-ти ректори (1971—75). Ўзбекистон КП МК фан ва ўқув юртлари бўлими мудири (1975—78). Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-ти директори (1978—88). Ўзбекистон ФА Иссиқлик физикаси бўлими илмий раҳбари (1977 й.дан). Ўзбекистон ФА вице-президенти (1979—84), президенти (1984—88). Ўзбекистон Олий Совети раиси (1985—88). Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси (1988—89). Ўзбекистон Республикаси Фан ва технika даллат қўмитаси раиси (1994 й.дан). Вазирлар Маҳкамаси қузуридаги Фан ва технологиялар маркази директори (2002 й.дан). «Ўзбекистон физика журнали» бош муҳаррири (1995 й.дан). Илмий ишлари ядро физикаси, ядро физикаси ва радиацион материалшунослик, ночизиқли динамика ва хаос, изотоплар физикаси ва кимёси, лазер фотосинтези ва б. йўналишларга доир. Ҳ. критик ҳодисалар ва фазавий ўтишлар соҳасини ўз ичига олган конденсирланган муҳитлар ядро спектроскопияси асосчиларидан бири.



Ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари учун физикадан дарсликлар муаллифи. Покистон, Ҳиндистон ва б. бир қанча хорижий ФА аъзоси. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981). «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2000).

Ас.: Электростатический модель ёмких кластеров и термодинамические параметры реакций кластреообразования. Т., 1985; Физика мягких систем. Т., 1998.

ҲАБИБУЛЛАЕВ Ғулом (1938.20.5, Боёвут тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Лепинобод пед. институтини тугатган (1962), 1958 й.дан Боёвут туманидаги 5-сон. Оқсоқтин туманидаги 2-мактабларда она тили ва адабиёт ўқитувчиси, 1980—98 й.ларда Оқсоқтин туманидаги 2-мактабда ўқув бўлими мудири, директор, она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

ҲАБИБУЛЛО (тахм. 1872—1919.20.2, Жалолобод шаҳрида) — Афғонистон амири (1901 й.дан). Ҳокимиятнинг дастлабки даврида ватанпарвар кучлар *таъсирида исловотлар ўтказишга* (марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, дунёвий таълимни жорий қилиш ва б.), мамлакатни Англиядан қарамликдан озодлигини таъминлашга ҳаракат қилган. 1905 й. амир Абдураҳмон томонидан имзоланган инглиз-афғон битимини тан олган. Англия ва инқилобчи кучлар тазйиқи остида 1919 й. *ички ва ташқи ишларга* қаршн чиққан; уларнинг қўпчи-

лиги қамоқда олинган ва қатл этилган. 1-жаҳон уруши йилларида Германиянинг гиж-гижлашига қарамай Ҳ. бетарафлик сиёсатини тутди. Ҳаётининг охирида инқизинараст сиёсат юргизиб, Афғонистонда озодлик ҳаракатининг ўсишига тўғаноқ бўлган. Саройдаги фитна натижасида ўлдирилган.

ҲАВЗА — 1) бирон ларёға суви оқиб келадиган майдон, ҳудуд (қ. *Дарё ҳавзаси*); 2) чўкинди фойдали қазилмалар қатламларининг узлуксиз ёки деярли узлуксиз тарқалган берк майдонлари, улар тог жинсларининг маълум формацияларн б-н боғлиқ бўлади (қ. *Фойдали қазилмалар ҳавзаси*). Ер ости сувлари Ҳ.ларидан Сирдарё, Амударё, Тошкент артезиан Ҳ.лари мавжуд.

ҲАВО — газлар, асосан, Ер атмосферасини ташкил этувчи азот ва кислороднинг табиий аралашмаси. Ҳ. ва сув таъсирида Ер сиртида муҳим геологик жараёнлар содир бўлади, об-ҳаво ва иқлим шаклланади. Ҳ. деярли барча тирик организмларнинг яшаши учун зарур кислород манбаидир (қ. *Атмосфера*, *Нафас*). Ёқилғининг Ҳ.да ёнишидан одамлар ўз турмуш ва ш.ч. эҳтиёжлари учун зарур иссиқлик олишда қадимдан фойдаланиб келишади. Ўтмишда одимлар Ҳ.ни мавжудлигининг асосини ташкил этувчи элементлардан бири деб ҳисоблашган. Ҳ.ни мустақил модда деган тушунча 18-а. охиригача давом этиб келди. 1775—77 й. француз кимёгари А.Лавуазье Ҳ. таркибида азот ва кислород, 1894 й. инглиз олими У.*Рамзай* ва Ж.Релей аргон борлигини исботладн. Шундан кейин Ҳ. таркибида бошқа *инерт газлар* ҳам мавжудлиги аниқланди.

Ҳ. — муҳим кимёвий ҳом ашё манбаларидан биридир. Соф қуруқ Ҳ.нинг мол. м. 28.966, 0° да денгиз сатҳидаги босими 1013,25 ГПа; критик т-раси — 140,7°, критик босими 3,7 Мпа, ўзгармас босимдаги сиғишлиғлик иссиқлик сиғими Ср 10,045·10³ ж/(кг·К) (0—100° оралиқда), ўзгармас ҳажмда эса С·8,3710·10³ ж/ (кг·К) (0—1500° оралиқда); ёруғлик нурини синдириш кўрсаткичи 1,00029, диэлектрик сингдирувчанлиги 1,000059 (0°да). Сувда эрувчанлиги 0°да 0,036%, 25° да 0,22%. Атмосферанинг Ерга яқин қисми — тропосферада масса жиҳатдан 80% га яқин Ҳ. *тўпланган*. Ер юзидаги соф қуруқ ҳавонинг асосий компонентлари жалвада кўрсатилган.

Ҳаво таркиби

Газ	Миқдори, % ҳисобида	
	ҳажм жиҳатдан	масса жиҳатдан
Азот N_2	78,09	75,50
Кислород O_2	20,95	23,10
Аргон Ar	0,932	1,286
Карбонат ангидрид CO_2	0,032	0,046
Неон Ne	$1,8 \cdot 10^{-3}$	$1,3 \cdot 10^{-3}$
Гелий He	$4,6 \cdot 10^{-4}$	$7,2 \cdot 10^{-4}$
Криптон Kr	$1,1 \cdot 10^{-4}$	$2,9 \cdot 10^{-4}$
Азот (I)-оксид N_2O	$5 \cdot 10^{-4}$	$7,7 \cdot 10^{-4}$
Водород H_2	$5 \cdot 10^{-4}$	$7,6 \cdot 10^{-5}$
Озон O_3	$2 \cdot 10^{-7}$	$3,3 \cdot 10^{-6}$

Жадвалда келтирилган газлардан ташқари, Ҳ.да жуда оз миқдорда сув H_2O (масса жиҳатдан 0,02—4%), сульфид ангидрид SO_2, метан CH_4, аммиак NH_3, углерод (II)-оксид CO, углеводородлар, хлорид кислота HCl, фторид кислота HF, симоб буғлари, Hg, йод I, радон Rn, ксенон Xe, шунингдек, азот (II)-оксид ва кўпгина бошқа газлар бўлади. Тропосферада доимо маълум миқдорда тўзон ва бағзи гассдифий қўшимчалар учрайди. Ҳ.даги азот, кислород ва инерт газлар миқдори амалда ўзгармасдир. Тирик организмлар нафас олганда, ёқилғи ёнганда, металлар эритилганда ва б.да сарфланадиган кислород миқдори яшил ўсимликлар фотосинтези туфайли тикланиб туради.

Вулқонларнинг отилиши ва радиоактив элементларнинг парчаланиши — инерт газлар (аргон, гелий ва радон) манбаидир. Газларнинг энг енгили — гелий Не коинотга узлуксиз равишда тарқалиб туради. Водород ҳам гелий каби фазога тарқалади. Турли жараёнлар натижасида унинг Ҳ.даги миқдори сақланиб туради. Ҳ.даги карбонат ангидрид, сув буги ва тўзон миқдори турли шароитга қараб ўзгариши мумкин. Катта миқдордаги CO_2 фотосинтез жараёнларига сарф бўлади ва океан сувларига ютилади. Табиатда карбонат ангидрид ёғоч ва кўмирнинг ёниши, тирик организмларнинг нафас чиқариши, чиришн ва ҳ.к. натижасида ҳосил бўлади. У карбонатли тог жинсларининг парчаланиши, вулкан отилишидан ҳам юзага келади. Сўнгги 100 й.да атмосфера Ҳ.си таркибида CO_2 миқдори 10% га ортди. Унинг асосий қисми (360 млрд. т) ёқилғи ёқиш натижасида пайдо бўлди. Агар ёқилғи ёқиш суръатлари шу зайлда давом этса, яқин 50—60 й.да атмосферадаги CO_2 миқдори 2 баравар ортади ва об-ҳавонинг кескин ўзгаришига сабаб бўлиб, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ёқилғи ёқиш — Ҳ.ни ифлослантирувчи газлар (CO, NO, SO_2) нинг асосий манбаидир. Сульфид ангидрид Ҳ. кислороди таъсирида сульфат ангидрид (SO_3) гача оксидланади. SO_3 сув буғлари ва аммиак б-н реакцияга киришиб, сульфат кислота H_2SO_4 ва аммоний сульфат $(NH_4)_2SO_4$ ҳосил қилади. Бу бирикмалар атмосфера ёғинлари б-н бирга Ер юзасига тушади. *Ички ёнув двигателидан* фойдаланиш Ҳ.ни азот оксидлари, углеводородлар ва кўпгина бирикмалари б-н ифлослантиради. Саноат корхоналари, иссиқлик электр ст-ялари, автотранспорт, ўрмонлари ёнишлар, бўрон ва тўзонлар Ҳ.да қаттиқ зарралар (чанг, тутун) миқдорини шу даражада кўпайтирадики, натижада катта шаҳарларлари Ер сиртига тушадиган қуёш радиацияси анча (20—40%) камайиб кетади. Қаттиқ заррачаларнинг кўп миқдорда атмосферага кўтарилиши планетага иқлим ўзгаришига олиб келади.

Ҳ.нинг ифлосланиши шам, қайвон ва ўсимликларнинг яшаш шароитини ёмонлаштиради, алоҳида касалликларнинг кўпайиши ва баъзан ўлимга сабаб бўладиган даражага етиши мумкин. Ҳ.нинг радиоактив ифлосланиши айниқса хавфли (қ. *Радиоактив чиқиндилар*). Ҳ.ни ифлослантирадиган саноат корхоналари ва саноат газлари атмосферага чиқарилган аввал тозаланади (қ. *Газларни тозалаш*).

Одамнинг нормал қайт фаолияти учун Ҳ.нинг таркиби, кислород парчиал босими катта аҳамиятга эга. Ҳ.даги кислороднинг денгиз сатҳидан юқори парциал босими 213,32 ГПа ни ташкил этади; ҳозир у 186,65 ГПа гача пасайса, кишида кислород етишмаслиги сезилади, нафас олиши чуқурлашади, қон айланиши тезлашади, эритроцит миқдори кўпаяди ва ҳ.к. Парциал босим 146,65 ГПа гача тушганда гипоксия аломатлари юз беради, 66,66—89,93 ГПа да қайт хавф остида қолади.

Суюқ ҳаво энглиси 960 кг/м³ (— 192° т-ра ва нормал босимда) бўлган зангори рангли суюқлик. Унинг тар-

киби турғун эмас, чунки кислороднинг бугланиш т-раси (—183°) азотнинг бугланиш т-раси (—196°) дан юқори бўлганлиги, суюқ Ҳ.да кислород атмосфера Ҳ.сига қарағанда бирмунча кўп. Суюқ Ҳ. таркибида тахм. 54% кислород, 44% азот ва 2% инерт газлар бўлади. Суюқ Ҳ. сақланганда азот бугланади ва натижада кислороднинг нисбий миқдори янада кўпайиб кетади. Суюқ Ҳ.нинг фракцияли бугланишидан соф азот, кислород, аргон ва б. инерт газлар олишда фойдаланилади. Суюқ Ҳ. пўлат баллонларда 150 атм босимда сақланади, баллон қора рангга бўялиб, устига «Суюқ Ҳ.» деб ёзиб қўйилади.

Суюқ Ҳ. (аниқроғи нафас олишга яроқли газлар аралашмаси — *суюқ атмосфера*) дастлаб тиббиётда кислород танқислиги касаллиги б-н оғирган беморларни даволашда ишлатилган (40—60% кислороднинг оддий Ҳ. б-н аралашмаси ёки 95% кислород б-н 5% CO_2 аралашмаси). *Бундай суюқ газ аралашмасидан авиацияда, кончилик-қутқарув ишларида ва б.да фойдаланилади. Суюқ Ҳ. ғаввослик ишларида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳ. турли жараёнларда, чунончи ёқилғини ёндиришда, рудалардан металларни ажратиб олишда (домна ва мартен печларида), кўпгина кимёвий бирикмаларни олишда кимёвий агент сифатида ишлатилади. Ҳ. кислород, азот, инерт газлар олишда муҳим саноат хом ашёсидир. Ҳ.нинг физик хоссаларидан иссиқлик ва товуш ўтказмайдиган материаллар, электр изоляция қурилмаларида, эластиклик хоссасидан пневматик шиналарда фойдаланилади. Сиқилган Ҳ. механик ишларни бажаришда (пневматик машиналар, пуркаш ва тўзитиш қурилмалари, перфораторлар ва ҳ.к.) қўлланилади.*

Ад.: Мак-Ивен М., Филлипс Л., *Химия атмосферы, М., 1978;* Уорк К., Уорнер С., *Загрязнение воздуха. Источники и контроль*, пер. с англ., М., 1980.

Ғустан Мавроян.

ҲАВО АЙЛАНИШИ (ЦИРКУЛЯЦИЯСИ) — ер сиртида қалин (ўнларча км гача) *ҳаво* (*атмосфера*) қатламининг ўзига хос кўчиб юриши; тўхтовсиз юз бериб туради. Кўп йиллик шамол харитала ри да атмосфера босимларининг ўртача кўрсаткичлари бўйича Ҳ.а.нинг умумий қонуниятларини аниқлаш мумкин (қ. *Атмосфера циркуляцияси*).

ҲАВО БИЛАН ИСИТИШ — хоналарни қизиган ҳаво ёрдамида иситиш. Ҳаво қиздиргич, ҳаво айланадиган *қувурлар*, *ҳаво ҳайдовчи ва сўрувчи* қурилмалар, ҳавони очиб-ёпиш клапанларидан ташкил топган. Ҳаво иссиқ қув, бут, ёқилғи ва электр қуввати ёрдамида қиздирилади. Қизитил ҳаво полга, шипга ёки деворга ўрнатиладиган агрегатлар ёрдамида хоналарга юборилади.

Ҳ. б-н и.нинг рециркуляцион (фойдаланилган иссиқ ҳаводан ҳам фойдаланиладиган) ва вентиляция б-н қўшилган хиллари мавжуд. Биринчи усулда *қиздирилаётган* ҳаво *исти лаётган* хонанинг ўзидан олинади. Иккинчи усулда эса ҳавонинг бир қисми *ташқаридан*, *қолган қисми хонанинг* ўзидан олинади. Ташқи ва ички ҳавонинг ҳажмини истагган нисбатда ўзгартириш мумкин. Қизилранлаган ҳавони фақат ташқаридан оладиган тизимлар ҳам бор. Бундай тизимлар, мас., битта ҳаво қиздиргич б-н бир неча хонадонни иситишда қўлланилади (бундай холда циркуляция орқали ҳавонинг *бир* хонадондан иккинчи хонадонга ўтиши мақсадга мувофиқ эмас). Иш жараёнида зарарли газ ёки чанг чиқадиган саноат биноларида ҳам циркуляциядан фойдаланилмайди. Ҳ. б-н и. тизимларида ҳавонинг ҳаракати ҳаво *қиздиргичлари* олдинги



Ҳаво билан иситиш агрегатлари: *а)* полга ўрнатиладиган; *б)* деворлар, устунларга ўрнатиладиган; *1* — вентилятор; *2* — ҳаво қиздиргич (калорифер); *3* — ҳаво сўриш тешиги; *4* — ҳаво ҳайдаш тешиги.

ва кейинги т-ралар ҳамда ҳаво зичлиги фарқи эвазига табиий ҳолатда ёки механик ҳайдаш туфайли содир бўлади. Кейинги ҳолда электр вентиляторлардан фойдаланилади.

Ҳ. б-н и.нинг бошқа марказий иситиш тизимларидан афзаллиги шундаки, бунда металл кам сарфланади (чунки сув ёки бут б-н иситиш тизимларидаги сингари металл иситиш жиҳозлари ва қувурларидан фойдаланилмайди). Ҳ. б-н и. вентиляция б-н қўшилганда бир йўла хонадонга ҳавони мўътадиллаштириш (кондициялаш) имконияти туғилади. Саноат биноларн цехларида, жамоат биноларида, хоналари кўп бўлган биноларда (агар қурилиш конструкциялари бўшлиқларидан ҳаво каналн сифатида фойдаланишнинг имкони бўлса) Ҳ. б-н и. кўпроқ самара беради. Ҳ. б-н и., асосан, жамоат ва саноат биноларини иситишда қўлланили. Россия, АҚШ ва б. ривожланган давлатларда Ҳ. б-н и. тизими турар жой биноларида ҳам қўллана бошлаи.

ҲАВО ВА ҚУЁШ ВАННАЛАРИ — даво ва чиниқиш мақсадида ҳаво ҳамда қуёш нурининг шифобахш хоссасидан фойдаланиш. Ҳ. в. қ.в. санаторий ва курортларда даволанишнинг муҳим қисми ҳисобланаи, ундан кундалик шароитда ҳам (врачнинг тавсияси бўйича) фойдаланиш мумкин.

Ҳаво ваннаси турларидан бири — пешайвонда даволаниш; бунда даволанувчилар очиқ пешайвонда маълум вақт бўладилар; беморлар мавсумга мувофиқ кийинib олишлари лозим (совуқ пайтларда иссиқ адёл, ёпоқ қопплан фойдаланилади). *Ҳаво ванниси қабул қилаётганда эркин ҳаракатланаётган* ҳаво теридаги нерв учларини қўзғатиб, унинг нафас олишини *ва хонинг кислородга тўйинишини* тезлаштиради. Бунда оксидланиш жараёнлари ва моддалар алмашинуви *жадаллашади, мускул ва нерв системасининг қувват и ошади, организмдаги термо регуляция* системаси чиниқади, иштаҳа очилади, уйқу яхшиланади. Ҳавосининг таркибида кислород кўп бўлган жойларда ҳаво ваннаси айниқса, фойдали, бундай ҳаво денгиз тузлари, енгил аэроионларга бой бўлади.

Ҳаво ваннаси ва муолаганн врач белгилайди. Ҳаво ваннаси организмни, айниқса, болалар организмини чиниқтиришда, организмнинг ташқи муҳит таъсирларига қаршилигини кучайтиришда (қ. *Организмни чиниқтириш*), шунингдек, бир қатор касалликларда, жумладан, ўпка сили,

камқонлик, нерв системасининг функционал касалликларида, юрак-томир системаси касалликларида таъсир этилади. Ўткир иситма, ревматизм, *бўғимларнинг сурункали яллиғланиш*ида, неврит ва миозит касалликларида ҳаво ваннаси буюрилмайди.

Ҳаво ваннолари иссиқ (22° дан юқори), салқин (17—20°) ва совуқ (17° дан паст) бўлиши мумкин. Даво курси 20° дан юқори т-рада бошланади; биринчи куни *10—15* мин. қабул қилиб, кейин куи сайин 10—*15 мин. дан қўшиб* борилади ва *1,5—2* соатгача етказилади. Салқин ҳаво ваннаси бошланишда 3—7 мин. қабул қилинади, кейин куи сайин 3—5 мин.дан узайтириб борилб, *1* соатга етказилади. Ҳаво т-раси 17° дан паст бўлганда совқотмаслик мақсадида енгил жисмоний машқлар ҳам қилиш керак.

Совуқ ҳаво ваннолари чиниққан кишиларгагина буюрилади ва унинг *вақти 7—20 мин.дан оширилмайди*. Ҳаво ванналарини эт жунжиқиб, «бадан туклари тиккайдиган» даражагача қабул қилмаслик лозим.

Қуёш ваннолари. Қуёш нурининг таркиби ва одам организмига таъсири бир хил эмас. Қуёш нурлари кўзга кўринадиган (ёруғлик) ва кўзга кўринмайдиган инфрақизил ҳамда ультрабинафша нурлардан иборат. Инфрақизил нурлар организм тўқималаридан ўтаётганда иссиқлик эффекти ҳосил қилади ва теварнги нурлаётган қисми т-расини оширади.

Қуёш ваннолари кўрсатмасига мувофиқ бир қатор тери ва бўғим касалликларида, радикулит, неврит ва б. касалликларда қабул қилинади, ундан чиниқтарувчи муолажа сифатида грипп, ангина, юқори нафас йўллари катари каби касалликларни олдини олишда фойдаланилади. Айрим касалликларнинг ўткир даври, ўпка ва меъда-ичак касалликларида *қуёш ваннаси* таъсия этилмайди.

Қуёш ваннолари умумий (бутун баданни нурлантириш) ва маҳаллий (баданнинг бир қисмини нурлантириш) бўлиши мумкин. Баданни нурлантиришда қуёшнинг умумий радиациясидан фойдаланилади. Қуёш ваннасини кушеткада ётиб ёки ўтириб баданнинг ҳар томонини қуёшга тоблаб қабул қилинади. Қуёш ваннасидан аввал ҳаво ваннасини қабул қилган маъқул. Тўғри радиацияни қуёш ваннасини қабул қилишда бошни соябон ёки тўсиқ 6-н панд қилиб олиш, кўзга қора кўзойнак тақиш керак, уни нақорга, овқатланишдан олдин ва овқатланган захоти қабул қилиш таъсия этилмайди. Қуёш ваннаси сояда дам олиш б-н тугалланади, шундан кейин чўмилиш ёки душ қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Болаларнинг қуёш ваннаси қабул қилишларида алоҳида эҳтиёткорлик талаб этилади. Уларни дарров кланғич қилиб ечинтириб қўймаслик, бошига соябонли шляпа кийдириш лозим. Баданнинг жуда қизиб кетишига ва ультрабинафша нурларнинг ортиқча таъсир этишига йўл қўймаслик учун вақт-вақти б-н сояда дам олиб туриш зарур.

Ортиқча қуёш нури организмга ёмон таъсир этиб, терининг куйиши (баъзан некроз кузатилиши), *офтоб уриши*, яллиғланиш, чарчаш, бош оғриши, уйқусизлик, иситма кўтарилишига ва баъзи касалликларнинг зўрайиб кетишига олиб келиши мумкин.

Ҳ. ва қ.е. ёз фаслида плажларда, парклар, денгиз ва сув ҳавзалари *қирғоқларига* қурилган солярийлар, аэросолярийларда махсус айвонларда қабул қилинади.

ХАВО ВИНТИ, пропеллер — учиш аппарати (вертолёт, самолёт, вертолёт, аэрочана ва б.)да қурилган радиал жойлашган ҳаракатлантиргич. Айланганида ҳавони иргитиб ташлаши ҳисобига тортиш кучи ҳосил қилади. Двигатель валити жойлашган втулка, қулочи бўйича кўндаланг кесими турлича шаклда бўлган парракларлан иборат. Қуракдар ёғоч, дуралюминий, пўлат ва б. материаллардан тайёрланади. Учиш аппаратининг илгарилама ҳаракат тезлиги, айланишдаги чизиқли тезлик ва винтнинг айланишидан ҳосил бўладиган қўшимча ҳаво оқими тезликларининг қўшилишидан ҳосил бўлган куч таъ-



Ўқдош ҳаво винти (4 та паррак бир томонга, 4 та паррак иккинчи томонга айланади).

сирида қуракларга қандайдир *аэрокучи* остида ҳаво оқими келиб урилади. Шунда қуракларнинг барча кесимларидан ҳосил бўлувчи йигинди *аэродинамик* куч Ҳ.в.нинг тортиш кучини ва унинг айланишига қаршилик кучини иккдги келтиради. Двигатель қуввагига қараб, Ҳ.в. қуракларн сони турлича (2, 3, 4) ва қарамақарши томонга айланувчи ўқдош (қувватни тежаш учун) бўлиши мумкин (расмга қ.). Учиш вақтида двигателни максадлида тескари тортиш (фюгерли режим) ёки қўнши вақтида тормозлаш мақсадида тескари тортиш (реверсив режим) ҳосил қилиш учун учиш вақтида қаламнинг ўзгартирадиган Ҳ.в.дан фойдаланилади.

ХАВО ЕСТИҒИ — машина (мас., автомобиль, тепловоз ва б.)нинг асоси (таг сирти) б-н таянч сирт (мас., ер сирти, сув сирти) орасида, механизмларнинг кўзғалмас ва кўзғалувчан элементлари орасида ҳосил қилинадиган юқори босимли *ҳаво соҳаси*. Ўзаро туташувчи икки сирт орасидаги ишқаланиш кучини камайтириш ва тезликни ошириш учун қўлланади. Ҳ.е.ни ҳосил қилишнинг статик ва динамик усулдари мавжуд. Статик усулда Ҳ.е. вентилятор ёки компрессор ёрдамида, динамик усулда ҳаво оқимининг инсбий тезлиги ҳисобига ҳосил қилинади. Ҳ.е. ҳосил қилишнинг турли-туман схемалари яратилган. Шуларнинг ичида камерали, соплоли, тирқишли ва қаноатли схемалар кўпроқ ишлатилади (расмга қ.). Ҳ.е.ни кемалар, поездлар (мас., Японияда), *экранопланлар* ва б. яратилган, лекин ҳали кенг расм *бўлганича йўқ*.



Ҳаво ёстиғи схемалари: а — камерали; *б* — соплоли; *в* — тирқишли; *г* — қаноатли.



Қуёш ваннаси.

ХАВО ЖАНГИ — қирувчи авиацияниинг душман самолётлари ва учувчисиз ҳужум воситаларини ҳавода тормор қилишга қаратилган жанговар ҳаракатининг асосий тури. Ҳ.ж. ҳужумкорлик ва мудофаа, яъни ҳолга ва тўғри тарзда бўлади. Ҳужумкорлик тарзидаги Ҳ. ж.ни қирувчи самолётлар ва қисман қирувчи-бомбардимончи авиация олиб боради. Қирувчи самолётларининг Ҳ.ж. ҳаводаги нишонга яқинлашиш, бир ва бир қанча шиддаткор ҳужум ва маневрлардан иборат. Ҳужум қилиш Ҳ.ж.нинг ҳал қилувчи босқичидир. Ҳ.ж.да душман самолётларининг ҳужуми қайтарилибгина қолмасдан, улар уриб ҳам туширилади.

ХАВО ЙЎЛИ, авиалиния — қ. *Авиатрасса.*

ХАВО МАССАЛАРИ — атмосферанинг қуйи қатлами — *тропосфера*нинг тарқибий қисмлари. Бир-биридан *атмосфера фронтлари* деб аталадиган оралиқ зоналар б-н ажралади. Ҳ.м.нинг совуқ, илиқ ва мўътадил турлари бор. Т-раси юқорироқ ерларга боради. Ҳаво совуқ, ўз т-расига нисбатан совуқроқ ёпқаларга қарақатланаётган ҳаво илиқ, узоқ вақт бир жойда туриб қолган ҳаво мўътадил Ҳ.м. дейилади. Географик тропик ва қисман субтропик кенгликларда тарқиб топган тропик ҳаво, қуйи географик кенгликларда (экватор атрофида) тарқиб топган экватор Ҳ.м. Ҳар бир типнинг ўзи яна денгиз ва қуруқлик Ҳ.м.га ажратилади.

Ҳ.м.ни яна майда (мураккаб) тарқибий қисмларга ажратиш мумкин. Ер шарининг турли ҳудудлари учун Ҳ.м.нинг статистик маълумотлари аниқланган. Ҳ.м. тушунчаси иқлимшунослик ва синоптик *метеорология*нинг асосий тушунчаларидан ҳисобланади.

ХАВО НАВИГАЦИЯСИ — учиш аппаратлари (вертолёт, самолёт ва б.) парвозини ташкил қилиш., учириш ва учиш жараёнини бошқариш; шу б-н бирлик назарий ва амалий масалаларни талқин қилиш, назарий ва амалий усулларни ишлаб чиқиш б-н шуғулланадиган фан. Космик кемаларни бошқаришнинг назарий асослари ва амалий усулларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланадиган соҳа космик навигация деб аталади (қ. *Навигация*).

ХАВО НАМЛИГИ — ҳаводаги сув буғи миқдори. Об-ҳаво ва иқлимнинг асосий хусусиятларидан бири. Қуйидаги кўрсаткичлари б-н ифодаланади: 1) ҳаводаги сув буғлари эластиклиги *e* (парциал босим) *мм* ёки *мб* да ўлчанади; 2) мутлақ намлик; 1 г/см³ ҳажмдаги ҳавода мавжуд бўлган сув буғлари миқдори; г/м³ б-н ўлчанади; 3) нисбий намлик *r* — ҳаво тарқибидаги сув буғи эластиклигининг кудла шу т-радаги тўйинган сув буғи эластиклигига нисбатини ифодалайди, яъни $r = \frac{e}{E} \cdot 100\%$; % б-н ифодаланади; 4) намлик етишмовчилиги *d* — маълум т-радаги тўйинган сув буғи эластиклиги *E* б-н ҳаво тарқибидаги мавжуд сув буғи эластиклиги *e* айирмасига тенг, яъни $d = E - e$; 5) шудринг нуқтаси *τ* — ўзгармас босимда ҳаво тарқибидаги сув буғларининг тўйинғунига қадар совитиш учун лозим бўлган т-ра.

ХАВО ПУФАГИ, сузгич пуфак — балиқлар ичатининг олдинги қисмида пайдо бўладиган орган. Соин тоқ ёки жуфт; девори капилляр қон томирларга тўла б-н қопланган. Ҳ.п. ичидаги газ таркиби атмосфера ҳавоси таркибига ўхшаш ёки ундан бир оз фарқ қилади. *Икки хил пафас олувчилар*, кўп шуълалилар, суяқли ганоидларда Ҳ.п. қўшимча пафас олиш органи функциясини бажаради. Кўпчилик суяқли балиқларда (қ. *Суяқли балиқлар*) гидростатик орган ҳисобланади. Ҳ.п. кенгайиб ҳаво б-н тўлганда тана зичлиги камайиши туфайли балиқ сув юзасига кўтарилади; сузгич туфайдан ҳаво чиқарилганида аксинча тана зичлиги ортади ва балиқ сув тубига шўнгийди. Баъзи балиқларда Ҳ.п. ички қулоқ б-н туташиб, товуш тўлқинларини қабул қилади. Айрим балиқлар Ҳ.п. ёрдамида паст частотали товуш чиқаришн ҳам мумкин. Ҳ.п. фаолиятини марказий нерв системаси бошқариб туради. Ҳаракатланиш мускуллари кучли ривожланган йирик ва сув тубида яшовчи балиқлар (мас., акулалар, чўртанлар, скатлар, камбалаларда Ҳ.п. ривожланмаган.

ХАВО ТРАНСПОРТИ, авиация транспорти — йўловчилар, почта ва юкларни ҳаво йўллари орқали ташиш амалга оширадиган транспорт тури. Унинг афзалликги шундаки, юқори учиш тезлиги ҳисобига ташиш вақтини жуда тежайди, ер ва сув йўлларни йўлмаган жойларга ҳам йўловчи транспорт алоқасини йўлга қўйиш имкониятларини яратади.

Дастлабки Ҳ.т. 1-жаҳон урушидан кейин Европа ва Америка давлатларида вужудга келди. Германия ва Францияда транспорт тури сифатида 1920—21 йилларда ривожланди. Ўзбекистонда биринчи ҳаво йўли 1929 й. 12 майда очилди. Уз. 800 км бўлган Тошкент—Алтиёта (Тарноз) — Пишпек (Бишкек) — Олмаота маршрутида Россия кўнгилли ҳаво флоти жамияти («Добролёт»)нинг Ўрта Осиё бўлими (Когон ш.)га қарашли Германиядан сотиб олинган «Юнкерс—13» самолётларида дастлабки йўловчилар ташиш рейси амалга оширилди. Шу йили уз. 450 км бўлган Когон—Оқтўқай—Даргонота—Хива ҳамда Бухоро—Термиз—Душанба ҳаво йўллари очилди. 1924 йил Ҳ.т.да жами 1000 йўловчи, 200 кг почта жўнатмалари, 5 т юк ташилди. 1930-йилар бошидан Ўзбекистон ҳаво транспортида юк ва йўловчилар ташиш ошмай тус олди, 1930 йилдан Тошкент—Москва йўлида самолётлар муттасил қатнай бошлади. Тошкент (1932), Нукус ва Урганч (1939), Термиз (1940), Наманган (1941) шаҳарида аэропортлар қурилиб ишга туширилди.

2-жаҳон урушидан кейинги йилларда Ил—12, ИЛ—14, ЛИ—2 ва турли

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ҳаво лайнерлари парки.



модификациялари АН—2 самолётлари Ҳ.т. парклариға берилди. 1957—58 йилларда ҳаво йўлларида ТУ—104, ИЛ—18, АН—24, ЯК—40 самолётлари, МИ—1, МИ—2, КА—26 вертолётлари ўзлаштирилди, маҳаллий ҳаво йўлларида АН—24, ЯК—40 самолётлари қатнай бошлади. Айни вақтда далаларга минерал ўғитлар ва заҳарли-ликка ишлов берадиган препаратлар сепишда, ғўзани дефолиация қилиш ишларида авиациядан кенг фойдаланилди. Қўқон (1947), Самарқанд (1948), Қарши (1955), Бухоро (1963) ва Тошкент шаҳридаги Сергели (1961) да янги аэропортлар қурилди. 1974 й.дан ИЛ—62, 1977 й.дан ТУ—154 самолётлари, 1982 й. дек.дан ИЛ—86 аэробуслари республика ҳаво йўлларида уча бошлади.

1980 й.га келиб Ўзбекистон ҳаво транспорти ҳаво йўлларининг уз. 155 минг км дан ортиқ йўлдан (шу жумладан, маҳаллий ҳаво йўллари уз. 60,1 минг км ни ташкил этди).

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига мувофиқ, 1992 й. 28 июнда собиқ Иттифоқ Фуқаро авиацияси вазирлиги тасарруфида бўлган Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси негизида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилди.

Ҳ.т. Ўзбекистон иқтисодиётида етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади, мамлакатнинг ташқи дунё б-н халқаро, иқтисодий, дипломатик, маданий алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Тошкент, Нукус, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Қарши, Наманган, Андижон, Фарғона, Навоий ш.ларида замонавий жиҳозланган аэровокзал (аэропортлар нишлари. Тошкент аэропорти Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик халқаро аэропорт ҳисобланади. Бухоро, Самарқанд, Урганч аэропортлари ҳам халқаро аэропорт мақомига эга. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мунтазам ҳолда 20 та халқаро рейслари амалга оширади. Европа, Америка, Жанубий-Шарқий Осиё, МДҲ давлатлари шаҳарларидан унинг 44 та ваколатхоналари очилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ёрдамида авиация тармоғини 1 марта, 200 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилди ва ривожланган замонавий инфратузилма барпо этилди.

Барча халқаро рейслар «Боинг» 767/757, А—310, RJ—85 русумли самолётларда бажарилади. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Европадаги йирик «Эрбас Индастри», АҚШнинг «Боинг» компаниялари, Россиянинг «Илъюшин» конструкторлик бюроси, Германия, Франция фирмалари б-н турли соҳаларда ҳамкорлик қилади. Шунлай ҳамкорлик натижасида 1993 й.дан миллий авиакомпания сотиб олган «Эрбас» А—310—300 аэробуслари, «Боинг» лайнерлари халқаро рейслари йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. 2004 й.да «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси 3 та «Боинг 757» ва «Боинг 767» самолётларини сотиб олди ва Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган самолётлари сони 16 тага етди.

Республика Ҳ.т. учун учувчилар, техника хизмати таркиби, ерлаги хизмат ходимлари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг учиш ўқув-техника маркази (1943 й. 15 майда ташкил этилган). *Тошкент авиация институтида* тайёрланади. 2003 й.да Ўзбекистон Ҳ.т.да 0,8 млн. йўловчи, 5,9 минг т юк ташилди, йўловчи айланмаси 3956,5 млн йўловчи - км ни, юк айланмаси 95,3 минг т - км ни ташкил этди.

Чет мамлакатларда Ҳ.т. АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва б. давлатларда ривожланган. Бу мамлакатларда авиакомпаниялари 300 ва ундан ортиқ йўловчига мўлжалланган фуқаро самолётлари, оғир юк транспорт самолётлари кенг қўланилади.

ҲАВО ХАЛТАЛАРИ — умуртқалиларда нафас йўллари, оғиз бўшлиғи ёки халқум б-н боғланган ҳаво сақловчи бўшлиқ. Ҳ.х.да газ алмашинуви содир бўлмайди. Ҳ.х.га *думси сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг* овоз халтаси, судралиб юрувчиларнинг ўпка халтаси киради. Қушлар Ҳ.х.нинг ҳажми нафас олиш ва нафас чиқаришда ўзгариб туради; ўпка аэрацияси, организм терморегуляцияси, сузиш ёки шўнғишда тана зичлигини ўзгартириш вазифасини бажаради; Ҳ.х. ўсимталари пайсимон суяклар бўшлиғига ҳам ўтиб, суякдар пневматиксини таъминлайди. Сут эмизувчиларнинг Ҳ.х. бўғиз халталаридан, *Евстахий найи*нинг бўйин олдидаги қисмига тушиб турадиган халтасимон ўсимталари (тоқ тўқизлар, замбиллар), трахеядан (йўл-йўл тўлень эркагида) ёки қисилувчанлари (морждар эркагида) кетувчи халталардан иборат.

Ўсимликларда Ҳ.в. чанг зарраларидаги экзин қаватларининг бирбиридан ажралиши туфайли пайдо бўлади. Ҳ.х. шамол ёрдамида чангланадиган қўпчилик ўсимликлар, аксарият игнабарглилар учун хос.

ҲАВО ШАРИ — экзотик аэростатнинг ихтиро номи. Дастлабки аэростатлар шар шаклида бўлгани учун шундай аталган (қ. *Аэростат*).

ҲАВО ҲУЖУМИДАН МУДОФАА — душманнинг ҳаводан қилаётган ҳужумларини қайтариш ҳамда қўшинлар, саноат п-ялари, ҳаёмўтмий-сиёсий марказлар ва аҳолини ҳаводан бериладиган зарбалардан ҳимоя қилиш учун амалга оширилдиган тадбирлар мажмуи ва жангговар ҳаракатлар. Зенит ракета қўшинлари, зенит артиллериясн, қирувчи авиация ва б. куч ва воситалар ёрдамида амалга оширилади. Ҳ.х. м.нинг асосий вазифаси душман ҳаво ҳужуми бошланишини аниқлаш, у ҳақида огоҳлантиришдан ҳамда душманнинг зарбдор кучлари ва воситаларини ҳавода йўқ қилишдан иборат. Бундан ташқари, душманнинг ҳаво разведкаси воситаларига, ҳаво десантларига қарши парвоз чоғида қураш олиб боришга, ҳавода ўқ-ҳмронлкини қўлга киритишда қатнашишга қодир. Ана шу вазифаларни бажариш учун Ҳ.х.м. қўшинларни тинчлик даврида жанговар навбатчилнкда туради. Уруш даврида эса қуруқликдаги қўшинларнинг ҳаво ҳужумига қарши қўшинлари ва воситалари ҳамда харбий-ҳаво кучлари б-н биргаликда республика ва Қуролли Кучларнинг Ҳ.х. м. ягона тизимини ташкил этадилар (яна қ. *Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари*).

ҲАВОДА ПАРВОЗ ҚИЛИШ — учиш аппарати (вертолет, самолёт, ҳаво шари ва б.)да атмосфера (ҳавода учиш. Қўлланиш мақсадга қараб, спорт, ёрдамида ва харбий Ҳ.п.қ. фарқланади. Космик учиш аппаратлари (КК)да космик фазога учиш космик парвоз деб аталади. Космик парвоз қилиш учун космонавтлар тайёрлаш марказида махсус тайёргарликдан ўтишлари лозим.

ҲАВОНИ КОНДИЦИРЛАШ — ҳавони мўътадиллаш — махсус қурилмалар ва воситалар ёрдамида хоналарда оптимал т-ра, намлик ва соф ҳавони таъминлаш. Инсоннинг соғлиги ва қайфияти, саноат асарлари ва ашёлари нечи сақланишини таъминлаш, технологик жараёнлар, жиҳоз ва асбобларнинг ишини бошқаришда энг қулай шароит яратиб бериш учун қўлланади. Ҳ.қ.да автоматик бошқариладиган тизимлар мавжуд. Ҳар бир тизим қуйидагилардан ташкил топади: датчик (ўлчгич) буқоруви асбоб, ижрочи механизм, алоқа

воситаси. Датчик атроф муҳитдаги ўзгаришларни қайд этади ва бу ҳақда бошқарувчи асбобга ахборот узатади. Бошқарувчи асбоб, ўз навбатида, ижрочи механизмга импульс беради. Ижрочи механизм берилган импульс-га мувофиқ тегишли манбалар (сув, ҳаво ва б.) ни ҳаракатга келтиради.

Ҳ.к. тизимлари баъзан оқимли вентиляция вазифасини ҳам бажаради: иссиқ давралада ҳавони совитади ва қуритади, совуқ давралада эса иситади ва намлайди. Ҳ.к., кўпинча жамоат ва маиший биноларда, поезд, самолёт, автомобиль ҳамда кемаларда қулай шароит яратиш; саноат биноларида қулай иш шароити ташкил этиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш; уй-жойларда, кран, трактор, комбайн, экскаватор ва б. машиналар кабиналарида меҳнат шароитини енгиллаштириш; кутубхона, архив, музей ресм галереяларида — китоблар, ҳужжатлар ва санъат дурдоналарини авайлаб-асраш каби мақсадларда қўлланади.

Ҳ.к. дастлаб 19-а. охирида тўқимачилик саноатида технологик мақсадлар учун ишлатила бошланган. 1897 й.да АҚШда Ҳ.к.га патент олинган; 1906 й.да ҳаво намлигини ростлаш усули таклиф этилган. 1922 й.да биринчи марта кинотеатрларда ишлатилган. Ҳ.к. тизимлари учун кондиционер ва унга тегишли жиҳозлар 20-а. ўрталаридан э-ларда ишлаб чиқарила бошлаган.

Ҳ.к.нинг марказий ва маҳаллий тизимлари бор. Марказий тизимда бир неча бинони, маҳалликни битта бино ёки унинг бир қисмини ҳаво б-н таъминлайди. Марказий тизимлар ташқаридан келтириладиган иссиқнинг эътиборга олинган (иссиқ сув, буғ, газ ёки электр орқали) ва ҳайдаш насослари, вентиляторлар, компрессорларнинг дистангетелларини ҳарактеристиғини учун электр энергияси б-н таъминланади. Маҳаллий тизимларга хусусий совуқ б-н таъминлаш манбалари қўрилиши мумкин. Қуруқ ва иссиқ иқлимли ҳудудларда сувнинг буғланиши ҳисобига ҳаво совутқичлари ишлатилади. Вентиляторлар ҳосил қиладиган ҳаво оқими босимига кўра, паст (1 кН/м²), ўртача (1—3 кН/м²) ва юқори (3 кН/м² дан юқори) босимли тизимлар бўлади. Марказий ва маҳаллий тизимлар бир ва икки каналли бўлади. Бир каналли, паст босимли тизимга (расмга қ.) ҳаво тайёрлаш қурилмаси — кондиционер, кондиционлаштирган ҳавони қайлаш ҳамда ишлатган ҳавони чиқариб юбориш канали ва қурилмаси, автоматик ростлаш, узоқдан туриб назорат қилиш ҳамда бошқариш асбобларн киради.

Кўп қаватли маъмурий биноларда ва меҳмонхоналарда ўртача босимли, бир каналли тизим кенг тарқалган. Икки каналли тизимда бир каналдан совуқ, иҳчамчиларда иссиқ ҳаво келиб, ҳар қайси хонага ўрнатилган аралаштиргич уларни аралаштириб беради. Т.в. вагонлари, автобус, автомобиль, самолётларга бир каналли тизим, кемаларга бир ва икки каналли тизимлар ўрнатилади. Ҳ.к. қурилмалари биноларга қурилиши ва реконструкцияси ҳаражатларини оширади, лекин саноат биноларида бу ҳаражатлар меҳнат унумдорлигининг ортиши, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ва б. ҳисобига тезда қопланади. Кўпгина саноат корхоналари (мас., тўқимачилик, тамаки, аниқ асбоблар, фармацевтика ва б.) да Ҳ.к. тизимсиз ишлаш мумкин эмас. Ҳ.к. борган сари тарқалай этади. Ҳаво параметрларини муътазам ушлаб туришни талаб қиладиган н.ч.нинг янги соҳаларининг ривожланиб бориши; саноат корхоналарини, н.т. ва конструкторлик ташкилотларини тўғри ва тўхтовсиз ишлаши учун маълум т-ра ва намлик талаб қиладиган аниқ асбоблар, механизмлар ва компьютерлар б-н ҳамхоналиши; қўплаб одамлар узоқ вақт туриши (ўтириши) мумкин бўлган



Ҳавони кондициялаш тизими схемаси: *1* — ташқи ҳаво канали;даги ҳаво клапани; *2* — рециркуляциялайдиган ҳаво канали; *3* — ҳаво фильтри; *4* — ҳаво иситқичи; *5* — форсункa камераси; *6* — марказлаш қўйма насос; *7* — вентиляторнинг умумдорлигини ростлаш аппарати; *8* — электр двигатель; *9* — вентилятор; *10* — шовқин ўчиргич; *11* — ҳаво бериш клапан; *12* — маҳаллий ҳаво иситқичи; *13* — ишлатилган ҳаво канали; *14* — ўқсимон вентилятор; *15* — ишлатилган ҳавони чиқариб юборши шахтаси; *16* — ҳаво канали; *17* — совуқ ташгичини узатиш қувурлари канд.

катта жамоат бинолари ҳажмининг ортиб бориши ва улардан йил давомида самарали фойдаланиш зарурияти; биноларда катта юзага эга бўлган ойнабанд сиртларнинг қўлланиши; баъзи саноат биноларида дарёга ва фонарларнинг йўқлиги Ҳ.к. тизимининг янада кенгайишига олиб келади.

ХАВОНИ ТОЗАЛАШ — уй-жой, жамоат ва саноат биноларидаги ҳавони техник воситалар ёрдамида чанг ва б. зарарли моддалардан тозалаш; ҳаво вентиляция ва *ҳавони кондициялаш* тизимлари ёрдамида тозаланади. Саноат корхоналарида технологик жараёнлар вақтида аэрозоль чиқиндиларни инфлослангаи ҳаво атмосферага чиқаришдан олдини тозаланади.

Ҳ.т. воситалари ҳавонинг инфлослик даражасини ва тозалашга қўйиладиган талабга қараб танланади. Биноларга бериладиган ҳавони тозалашга қўплаб қўлланиладиган қурилмалардан бири — ҳаво фильтрларидир. Бундай қурилмалар вентиляция ва кондиционлаш тизимлари таркибига киради. Улар ёрдамида бинолардан атмосферага чиқариб юбориладиган (рециркуляцион) ҳавони ҳам тозалаш мумкин. Рециркуляцион ҳаво таркибида чанг кўп бўлса, у авval чанг ютқичларга тозаланади.

Саноат биноларида технологик жараёнлар натижасида инфлосланган ҳавони тозалаш ва зарарсизлантириш учун турли фильтрлар, чанг ва газ тутқичлар, чанг чўктирғич камералар, циклонлар ва б. ускуналар қўлланади. Инфлосланган ҳаво таркибидаги қаттиқ зарралар (мас., учувчи кулларнинг тутиш учун механик куп тутқичлар — циклонлар, мультициклонлар ҳамда нам куп тутқичлардан фойдаланилади. Циклонларнинг фойдали иш коэффициенти (ф.и.к.) 40—70%, қаршилиги 70—80 мм сув устунига тенг, тузилиши содда, ишлатиши қулай, бироқ бироз қўпопрок. Мультициклонлар анча ихчам, иши ҳам самарали. Нам куп тутқичлар ҳавони яхши тозалайди, аммо иш жараёнида кўп сув талаб қилади.

ХАВОНИНГ ТУРБУЛЕНТЛИГИ — *атмосфера*даги ҳавонинг тартибсиз, гирлоб тарзида ҳаракатланиши. Турли тезликда ҳаракат қилувчи ҳаво қатламлари орасидаги ички ишқаланиш туфайли вужудга келади. Атмосферада намлик ва иссиқликни вертикал ҳамда горизонтал бўйича текис тақсимлайди ва маълум қатламларда атмосфера тархибининг бир хил бўлишига олиб келади. Ҳаво қатламининг ҳаракат тезлиги ўртача 4 м/сек бўлади. Ҳ.т. эркин атмосферада (2--3 км) катта ўлчамдаги *циклон* ёки антициклон вужудга

келган вақтларда авж олади. Бунда, асосан, ҳаво ва унлаги сув буғи, ҳар хил қаттиқ ва суюқ заррачалар ҳаракатланади. Ҳ.т. интенсивлигини қор учқунларининг тарқалиш ҳаракатида, трубаларда ҳавонинг кўтарилаётган тутунларида, булут турларида, ҳудуднинг ишчи ва дам олиш кунларида қора булутларни ҳамда ўқчин-ўқсиз осиб турувчи кунли шамолларда кузатиш мумкин. Ҳ.т. ҳосил бўлишида, асосан, динамик ва термик омиллар муҳим роль ўйнайди.

Динамик турбулентлик — шар бўйлаша ҳаво оқими б-н ер юзаси орасидаги ҳамда ҳаво қатламлари орасидаги ички ишқаланиш сабаб бўлади. Тог тизмалари, қирлар, водийлар, ўрмонлар, ҳар хил иншоотлар устидаги Ҳ.т. динамик турбулентликка киради.

Термик турбулентликнинг пайдо бўлишида ер юзаси ва ҳавонинг айрим қисмларининг Қуёш нури таъсирида турлича исиши сабаб бўлади. Йилнинг илиқ фаслида, кундузи, ҳаво очиқ бўлган кунларда шундай бўлади. Ҳ.т.да ҳаво массаси жуда катта тезликка эга бўлади ва натижада ҳавода уюрмалар ҳосил бўлиб, ер юзасидаги чангларни ҳамда учириб чиқарган ва эркин атмосфералаги кучли оқимга қўшади. Шу йўл б-н ҳавонинг ифлосланиши рўй беради. Атмосферада содир бўлган динамик ва термик турбулентлик ер юзасига яқинлаш жараёнларини атмосферага ўтишида муҳим омил ҳисобланади.

ҲАВО-КОСМИК САМОЛЁТ — атмосфера (ҳаво) ва космик фазода учишга мўлжалланган, ҳам самолёт, ҳам космик учиш аппарати хусусиятларига эга бўлган реактив учиш аппарати. Ҳудди самолёт каби аэродромдан учиришиб, космик кема каби тезлиги орбитал тезликкача етказилиб, космик фазода парвоз қилиш ва яна аэродромга қўндириша мўлжалланган. Асосий вазифаси — узоқ муддат орбитала парвоз қилдириш эканлиги сабабли орбитал ст-лардан зарур ускуналар (озиқ-овқат, ускуналар) б-н таъминлаш ва экипажни алмаштириш. Ушбу ҳарбий *мақсадларда ҳам фойдаланиш* кўзда тутилган. Ҳ.-к.с.нинг экспериментал лойиҳалари (мас., АҚШ да «Астро», Англияда «Мустанг») яратилган, лекин бирор самара берманган.

ҲАВО-РЕАКТИВ ДВИГАТЕЛЬ — ёнилғини ўз олдириш учун атмосфера ҳавоси кислородидан фойдаланиладиган *реактив двигатель*. Тортиш кучи ёниш газларининг реактив соплодан отилиб чиқиши натижасида ҳосил бўлади. Газларнинг соплодан катта тезликда отилиб чиқиши учун Ҳ.-р.д.нинг ёниш камерасига келувчи ҳаво сиқилади. Ҳавони сиқиш усулига қараб, Ҳ.р.д. турбокомпрессорли (ТРД), пульсапияланувчи (Пу ВРД) ва тўғри оқимли (ПВРД) хилларга бўлинади. Ҳ.-р.д.лари учиш аппаратлари (самолёт, вертолёт, самолёт-снарядлари ҳаракатлантиришни учун фойдаланилади.

ҲАВОРИЙЛАР — *исломга кўра, Исо* Масиҳнинг энг яқин издошлари. Христианларда *апостоллар* деб аталиб, христиан динининг тарғиботчилари ҳисобланади. Янги аҳдда 12 апостол тилга олинади.

ҲАДИС (араб. — хабар, гап, янгилик) — Муҳаммад (сав) айтган сўзлари, қилган ишлари, инкорларни тўғрисидаги ривоят. Ислом динида Қуръондан кейин 2-манба ҳисобланади. Ҳ. 2 қисмдан иборат бўлади: матн ва *иснод*. Ҳ. 2 турга — Ҳ.и қудсий (маъноси Аллоҳ таолоники, айтилиши Расулуллоҳ томонидан бўлган Ҳ.лар) ва Ҳ.и набавийга бўлинади. Ҳ.лар эътиборга олиниши жиҳатидан 3 қисмга бўлинади: 1) саҳиҳ (ишончли); 2) ҳасан (яхши); 3) заиф.

Қуръондан барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар умумий тарзда баён этилган. Уларга *аниқлик киритиш ва* изоҳлаш учун Муҳаммад (сав) ўз Ҳ.ларини айтарди. Бу Ҳ.ларни пайғамбарларнинг сафдошлари ёдда сақлашга ҳаракат қиладилар. Пайғамбар вафотидан сўнг Ҳ.ларни нақл қилиш одат тусига кирди. Шу муносабат б-н бир гуруҳ мусулмонлар уни ёппа шаклда тўплай бошладилар. Биринчи Ҳ. китобини Ибн Шиҳоб аз-Зуҳрий ёзди. Ундан кейин бирин-кетин Ҳ. тўпламлари тасниф этила бошлади. Лекин бу тўпламлар муайян тартибга солинмаган, бобларга ажратилмаган бўлиб, уларда пайғамбар Ҳ.лари б-н саҳобалар ва тобеъинларнинг фатволари чалкаштириб юборилган эди.

Ҳижрий 3-а.да Ҳ. тақлиб этиш соҳасида «муснад», «саҳиҳ», «сунан» деб аталмиш турли йўналишлар вужудга келди. «Муснад» йўналишида тасниф этилган тўпламларда турли мавзудаги Ҳ.лар бир жойда келтирилиб, улар Ҳ. ривоят қилувчи саҳобаларнинг исломни динини қабул қилган вақтига кўра ёки алифбо тартибида жойлаштирилган. Абу Ҳанифа, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг Ҳ. китоблари шу йўналишга мансуб. «Саҳиҳ» йўналишига тўғри, ишончли Ҳ.лар киритилган. Бу йўналишга Имом *Бухорий* асос солган. «Сунан» йўналишидаги тўпламга эса, тўғри, ишончли Ҳ.лар билан бир қаторда «заиф» Ҳ.лар ҳам киритилган. Абу Довуд, Абу Исо ат-Термизий, Насоий, Ибн Мажа тўпламларни шу йўналишга мансубдир.

Моваронуннаҳрда биринчи бўлиб Имом Абдулхолиқ ибн Муборак ал-Марвазий Ҳ. тўпламини тақлиб этган. Бундан ташқари Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ ал-Марвазий, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, *Абу Бакр* Аҳмад *ибн* Муҳаммад ал-Барақотий, Иброҳим ибн Маъқул ан-Насафий ва бошқалар Ҳ. тўпламларини тасниф этишган. Кейинчалик, миллий-сиёсий ихтилофлар натижасида, пайғамбар номидан ёлғон Ҳ.лар тўқиш, фиқҳ ва калом илми соҳасидаги зиддиятлар, амир ва ҳокимларга хушомадгўйлик оқибатида қўплаб ишончсиз, тўқима Ҳ.лар юзага келган.

Давр тўлиш б-н Ҳ.лар таназзилга, муҳим деб ҳисобланганлари бир тизимга солина бошлади. 9—10-а. бошларида диндорлар орасида энг ишончли деб танилган Ҳ.иннг 6 та тўплами вужудга келган. Булар: «*Саҳиҳ Бухорий*», «Саҳиҳ Муслим» (қ. *Муслим ибн Ҳажжож*), «*Саҳиҳ Термизий*», «*Сунани Абу Довуд*», «*Сунани Ибн Можа*», «*Сунани Насоий*», «Саҳиҳи Бухорий» кўпроқ эълозланади. Бу 6 та Ҳ. тўпламини тузган муҳаддислардан 2 таси моваронуннаҳрлик, 4 таси эса хоросонлик бўлган. Ҳ.лар тўпламн *сунна* деб ном олган. Ҳ.лар айтувчи, шарҳловчи, тарғиб этувчи шахслар *муҳаддис* деб аталган.

Исломни қабул қилган халқлар маданий ва ғоявий меросининг кўп ҳисуплари исломга Ҳ. шаклида ўтган. Ҳ. йигиш ўрта аср мусулмон маданиятининг муҳим ҳусусияти бўлиб, билим изланишнинг асосий мазмуни ҳисобланган. Ҳ. қар қандай илмий асарни асослашнинг муҳим қисми бўлгани учун ундан ҳикматли сўз ва мақол сифатида ҳам фойдаланилган. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» асари ислом олами олий ўқув юртларининг шарт дарслигларида асосий ўқув қўлланмаси сифатида хизмат қилиб келмоқда. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» Ҳ.лар тўплами 4 жилдда (1-ж. — 1991, 2-ж. — 1996, 3-ж. — 1994, 4-ж. — 1992), 2-нашри эса 1997 йилда Тошкентда нашр этилди. Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг «Саҳиҳи Термизий» Ҳ.лар тўплами 1-жилдининг ўзбекча таржимаси 1999 й. Тошкентда чоп этилди. Бундан ташқари «Минг бир ҳадис» таржимаси, «Қудсий ҳадислар» таржимаси ҳам нашр этилди.

ХАДЯ (фуқаролик ҳуқуқида) — бир шахснинг ўз мулкини 2-шахсга бепул бериши ҳақидаги шартнома. Ўзбекистон Республикасида қонун бўйича бирон бир шахсга аноним ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни вақца қилиш (Ҳ. этишни вақца қилиш), агар вақца тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулкий ҳуқуқни текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, Ҳ. шартномаси деб тан олинади. Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкий мажбуриятдан озод қилиш шаклида Ҳ. нарсасини аниқ кўрсатмасдан ўзининг молмулкини ёки мол-мулкнинг бир қисмини Ҳ. этишни вақца қилиш ўз-ўзидан қақиқий эмас. Ҳ.ни қца олувчига Ҳ. қилувчининг вафотидан кейин топшириши назарда тутувчи шартнома ҳам қақиқий бўлмайди.

Ҳ. қилиш, айни пайтда Ҳ.ни қца олувчига топшириш (оддий соғца тарзида) огзаки ёки қуйидаги белгилайдиган ҳужжатларни тақдим этиш йўли б-н ёзма шаклда амалга оширилади. Кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларини Ҳ. қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Умумфойдали мақсадларда қилинган Ҳ. хайр-эҳсон ҳисобланади. Хайр-эҳсон фуқароларга, даволаш, тарбия, ижтимоий ҳимоя, хайрия, илмий ва ўқув муассасаларига, фондларга, музейлар ва б. маданият масканларига, жамоат бирлашмалари ва б. фуқаролик ҳуқуқи субъектларига қилиниши мумкин. Хайр-эҳсон қилувчи молмулкни фуқарога хайр-эҳсон қилганида бу мол-мулкдан маълум бир мақсадда фойдаланиши шарт қилиб қўйиши лозим. Ҳ. билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг ФКда белгиланган (502—511-моддалар).

ХАЁ — ахлоқшунослик тушунчаси. Муҳим ахлоқий меъёр, айни пайтда ҳулқий гўзалликнинг асосий белгиларидан бири. Ҳ. уят ҳисси б-н ўхшаш бўлса-да, аслида *андиша* ва ибога яқин фазилат тарзида намоён бўлади, у нафсоат б-н уйғунлашиб кетади. Уят ҳиссида инсоннинг ўзи содир этган ёки бошқалар воситасида амалга оширилган ахлоқийликка эид хатти-ҳаракатларидан иноқулай вазиятга тушиш, ўнгайсизланиш ҳолати пайдо бўлади, бу ҳолат хатти-ҳаракат содир этгандан сўнг ҳам давом этади ва кўп ҳолларда виждон азобини қўзғатади. Ҳ.да эса мазкур ҳолатлар соф маънавий характерга эга бўлиб, улар хатти-ҳаракат содир этилаётган пайтдаги ҳиссга чиқади.

Ҳ.нинг инсоний сифат тарзидаги мажудлиги қаёлилик бўлиб, кишининг маънавиятли, мазҳабий, ҳамда, очиқ кўнгилли эканини *англатади, унинг зидди — беҳаёлик* (қаёсизлик) эса, аксинча, маънавиятсизлик, нопокликка мойиллик, қалби қаттиқлик, виждонсизлик каби иллатлар б-н характерланади. Ҳоз. кунда турли цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари, баъзан эса омухталашув, урбанизация, модапарастлик сингари замонавий ижтимоий ҳодисалар Ҳ.ликка маълум маънода салбий таъсир кўрсатаётир, айниқса хотинқизлар ва ёшларнинг ўзини тутишида, муомаласида, кийинишида бу таъсирни яққол сезиш мумкин. Оилдаги ва мактабдаги тарбияда Ҳ.ли бўлишлик — ҳулқий гўзаллик, назокат экани, беҳаёлик — ҳулқий хунуклик ва қўполлик эканини уқтириш, шахс эркинлиги доимо ўзгалар олдидаги масъулият б-н боғлиқлигини тушунтириб бориш муҳим вазифалардан биридир.

Абдулла Шер.

ҲАЁТ, тириклик, тирик организмлар — материянинг энг юксак шакли. Замонавий қарашларга биноан Ҳ. ташқи муҳитдан олинадиган энергия ҳисобига ўз-ўзидан бошқариладиган ва ўз-ўзини бунёд этиш хоссасига эга бўлган ўзига хос структуралардан иборат. *Молекулар биология, биофизика,* бинокибернетика (қ. *Кибернетика*) ва б. фанлар соҳасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ҳ.нинг модда асослари *биополимерлар* эканлиги аниқланди. Улардан *оқсиллар* ва *нуклеин кислоталар* барча тирикликнинг дастлабки таркибини қисми ҳисобланади. Биополимерлар Ҳ. намоён бўлишининг молекулар жараёнларида нисбатан эркин. Ҳаётий жараёнларда оқсиллар*нинг* аҳамияти улар кимёвий тузилиши ва биологик функциясининг хилма-хиллиги б-н белгиланади. Ҳар қандай генетик информация оқсил молекуласида аминокислоталарнинг кетма-кет жойланиши орқали намоён бўлади. Генетик информацияни нуклеин кислоталар (ДНК ёки РНК) ўзида сақлайди ва ирсиятга ўтказади. Оқсиллар биосинтезида (қ. *Биосинтез*) бу информация ҳужайранинг генетик аппарати (*геном*)дан цитоплазмага ўтиб, оқсил молекуласига *аминокислоталар* қолдиқлари кетма-кетлигида иборат узун занжир шаклида ёзиб олинади. Оқсиллар синтезининг амалга оширилиши орқали нуклеин кислоталар ҳужайрада кечадиган моддалар алмашинуви таъсирини белгилаб беради. Моддалар алмашинуви эса ўзаро мувофиқлашган ва динамик боғланган *ассимиляция* (пластик алмашинув) ва *диссимиляция* (энергия алмашинуви) жараёнлари яхлит системасидан иборат. Бу жараёнар туфайли тирик организмлар ҳаётий функцияларининг бажарилиши учун зарур бўлган шарт-шароит вужуда келади, яъни ўзар таркибининг ўз-ўзидан янгиланиши содир бўлади ва бу таркибнинг нисбий тургунлиги сақланиб қолади.

Умумий маънода Ҳ. ўзига хос структураларнинг ташқи муҳитдан олинган энергия сарфи орқали ўз-ўзини бошқариш ва бунёд этишни тарқасига талқин қилинади. Бу таъсирдан моддалар ва энергия алмашинуви орқали организм б-н ташқи муҳит ўртасида доимий боғланиш бўлиб туриши тўғрисидаги тушунча келиб чиқади. Организмда моддалар алмашинуви *ассимиляция* жараёнлари мажмуидан иборат. Ассимиляция ҳужайра молекулар компонентларининг, жумладан тур учун хос бўлган моддалар (оқсил, нуклеин кислоталар) синтези ва *диссимиляция*сини, яъни ишлатиб бўлинган моддаларнинг парчаланиши ва организмдан чиқарилишини ўз ичига олади. Мазкур жараён энергиянинг қайта тақсимланиши орқали содир бўлади. Бу жараёнда аэротроф фотосинтезловчи организмлар (яшил ўсимликлар, фототроф бактериялар) қуёш энергиясини ўзлаштириб, ўнг кимёвий боғлар энергиясига айлантиради (мас., АТФ синтези, фосфорланиш). Хемосинтезловчи автотроф (темир ва олтингугурт бактериялари) кам оксидланган анорганик бирикмалар энергиясидан, гетеротрофлар (кўпчилик бактериялар, қайвонлар, замбуруғлар) эса автотрофлар ёки б. гетеротрофлар синтезлаган органик моддаларнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган энергиядан фойдаланади. Метаболизм ўзгаришлар давомида энергиянинг кўп қисми иссиқлик шаклида йўқотилиши натижасида организм — муҳит системаси энтропияси ошади.

Ҳ.га моддалар алмашинуви жараёни сифатида қараш ўз аҳамиятини йўқотмаган, лекин бу қарашлар янги маълумотлар б-н бойиб бормоқда.

Моддалар алмашинуви — ҳаёт учун зарур бўлган тузилмаларнинг сақланиб туриши ва ҳосил бўлишининг зарур шарти сифатида ҳар бир организм тури учун ўзига хос бўлади. Ҳ.нинг замонавий тавсифига кўра, унинг асосий хоссаларига ноқобил алмашинуви 6-н бир қаторда ўз-ўзини яратиш (репродукция), ирсийлашни ва ўзгарувчанлик намоён қилиш, ўсиш ва ривожланиш, таъсирланиш ва таъсирга жавоб бериш, ўз-ўзидан бошқарилиш, ритмлилик, энергияга муҳтожлиқ ва б. хусусиятлар ҳам киради. Муайян тузилган структураларнинг бузилиши б-н Ҳ. ҳам тўхтайди. Структураларнинг ўзига хос хусусиятлари матрица усулида кўпаядиган генетик программада мавжуд бўлган ахборот б-н боғлиқ. Матрица синтези жараёнида генетик программадан хато нусха олиниши (мутация) мумкин. Бунинг натижасида олинган программа нусхалар ўртасида фақ (конвариант репликация) пайдо бўлади. *Мутацияларнинг асосий қисми эволюциянинг дастлабки даврларида содир бўлаган* репарация механизмлари орқали йўқотилади, лекин сақланиб қолган ирсий ўзгаришларнинг ўзи организмларнинг хилма-хил бўлиши ва улар-да ташқи муҳит шароитига ҳар хил мосланишлар вужудга келиши учун етарли бўлади. Организмлар белгиларининг хилма-хиллиги табиий танланиш учун шарт-шароит яратади; бу эса, ўз навбатида, яшаш шароитига қараб организмларнинг мукаммаллашуви (прогресс) га ёки улар тузилишининг соддалашуви (регресс)га олиб келади. Шундай қилиб, Ҳ. ўз моҳиятига кўра ўз-ўзини яратадиган жараён сифатида эволюциянинг шарт-шароитларини белгилаб беради. Ер юзасида Ҳ. молекулар, ҳужайра, организм, популяция, тур, биогеоценоз (экосистема) ва биосфера даражаларида намоён бўлади. Биология фанларининг 20-а.да эришган ютуқлари асосида яшаб чиқилган Ҳ.нинг замонавий тавсифлари уни табиатан моддий эмаслиги тўғрисидаги ғайритабиий назарияларга ўрин қолдирмайди. Шунинг б-н бирга бу тавсифлар Ҳ.ни фақат физик-кимёвий қонуниятлар б-н боғлаб қўйишга имкон бермайди. Моддалар алмашинуви асосида амалга оширилдиган матрица синтези ва ундан келиб чиқадиган биологик эволюция нотирик табиат учун хос бўлмайди. Моҳиятига кўра Ҳ. нотирик табиатга нисбатан материя ҳаракатининг янги юксак даражадаги шакли ҳисобланади.

Ад.: Энгельгардт В.А., Познание явлений жизни. М., 1954; *Югай Г.А.* Общая теория жизни. М., 1985; *Гибор Г. Жизнь* с происхождении, пер. с венгерского. М., 1984; Умумий биология. Т., 2004; *Мавлонов О.*, Биология, Т., 2003.

Ориф Мавлонов.

ХАЁТ ФАЛСАФАСИ — ҳаётнинг мазмуни, мақсади, қадр-қимматини ҳақидаги муаммоларни тадқиқ ва талқин этувчи фалсафий оқим. *19-а. охири — 20-а. бошларида Германия ва Францияда пайдо бўлган.* Ҳ.ф.нинг ибтидочиси А.*Шопенгауэр* туради, асосчиси эса Ф.*Ницше* ҳисобланади. Оқим вакилларининг фикрича, ҳаёт — бирнчи ўринларги ноқелик, кейинчалик маънавият ва моддиятга, онг ва борлиққа бўлинадиган узвий яхлитлик. Ҳаёт Ҳ.ф.нинг асосий тушунчаси ҳисобланади. Ҳ.ф. ҳаётнинг моҳиятини унинг ўзидан англаб олишга интилади. У ҳис-туйғулар ва инстинктларни улуғлайди, ақлни танқид ва инкор қилади. Ҳ.ф. тарафдорларига кўра, ҳаёт тушунчаси мураккаб, кўп маъноли, ўзининг аниқ таърифига эга эмас. Шу сабабли уни табиий-биологик (Ф.Ницше, А.Бергсон, А.Клагес), маданий-тарихий (В.Дильтей, Г.Зиммель, О.Шпенглер, Х.Ортега-и-Гасет) тушунишга мажбур. Табиий-биологик талқинда ҳаёт биологик маънода тушунилиб, биологик ҳоссалар бутун ноқелликка татбиқ қилинади. Ҳаёт табиийлик б-н ҳисобланади ва ҳар қандай сунъийликка қарши қўйилади. Бу йўналиш тарафдорлари куч-қудратни улуғлайдилар, ҳар қандай тоннинг рўёбга чиқишини кишилар ёки ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари б-н боғлайдилар. А.*Бергсон* фикрича, ҳаёт — фазовий ҳаётий циклдат, у ластлаб яхона марказга тўпланиб, кўп жиҳатлардан бир-бирилан фарқланадиган қатор портлашлар, сифатли сакрашлар орқали параллель равишда ривожланиб боради. Унинг моҳияти ички кечинмалардан келиб чиқадиган, қалбдаги жараёнлар воситасида фаҳмлаб олинадиган онг ёки ақло онг. Дильтей, Зиммель ҳаётнинг моҳиятни ички руҳий кечинмалардан излайдн. Ортега-и-Гасет инсон ҳаётини табиатга қиёслаб ўрганишни интилган ақлнинг бундай тадқиқот усули заифлик қилишини тақидлайди. У ҳам инсон б-н олам яхлитлигини, инсон ҳаётининг ташқи таъсирлардан холи, ўз-ўзича ибтидога эга эканини ҳисобга олади-ган, ақлнинг нисбатан кенг маънодаги тушунчасини яшаб чиқишга уринади. Нуқтаи назардаги бундай фикрларга қарамай, уларда ҳаёт механик, тартибсиз тузилмаларга, барча қатъий белгилаб қўйилларга, қотиб қолишларга қарши турадиган ижодий шаклланишнинг узвий жараёни сифатида намоён бўлади.

Ижод, айниқса, бадиий ижод Ҳ.ф. учун инсоний моҳиятга, у ҳатто ҳаётнинг ўзи. Шу нуқтаи Ҳ.ф. иррационал интуитивизмга, унинг билиш назариясига яқинлашади. Чунончи ҳаёт динамикасини, нарса-ҳодисанинг индивидуал табиатини умумий тушунчаларда ифодалаб бўлмаслиги, уни бевосита фаҳмлаш, интушция орқали англаш мумкинлиги ҳар иккала оқимга хос. Ҳ.ф. фан б-н фалсафанинг оламга ёндашувидаги кескин фарқни кўрсатади. Фан оламни эгаллаш ва ўзига бўйсундиришга қаратилган бўлса, фалсафага эса мушоҳадакорлик хос, шу хусусияти б-н у санъатга яқин. Ақл ўз табиатига кўра ҳаётдан узилиб қолган; ақлий билиш ва унга асосланадиган фан нарсаларни эмас, нарсалар *ўртасидаги муносабатларнигина англаб* етиш мумкин. Рационал талқинга соф амалий манфаатдарни қондириш, фойда келтирадиган мақсадга мувофиқликка қаратилган. Илмий билишга иррационалистлар, интуитив, ҳаётни англаб етишнинг тимсолли-рамзий усулларн қарама-қарши қўйилади. Санъат асари, айниқса, шеърият, мусиқа ҳаётни англаш ва нисбатан айнан ифодалаш воситасидир.

Ҳ.ф. учун замон — ижод, тараққиёт ва ташқил топишнинг моҳияти сифатида мўҳим аҳамиятга эга. Тарих эса Ҳ.ф.да тутилишдан то ўлимгача бўлалиган биологик даврийликка ўхшаш жараёнларни бошдан кечирадиган ноёб ва такрорланмас «маданий организм»лар сифатида намоён бўлади. Тарихий жараён, сабабнинг қонуни ҳукмронлик қилган табиатдан фарқли ўлароқ, тақдирга бўйсунади. Тарих фақат табиат дунёсидагина ҳаракат қиладиган объектив қонуниятлар асканжасидан чиқиб кетади. Ҳ.ф. тарафдорлари (айниқса Ницше) тил муаммосига катта аҳамият беради. Уларнинг фикрича, тил реал ҳаётни изоҳлаб бериша оожизлик қилади, чунки тил истеъоралар ва тимсоллар шаклида асл, келиб чиқиш жараёнларн мазмунларини бўкотади; индивидуал иборалар умумий тушунчаларга айланади, бу тушунчалар орқали ифодаланган олам асл оламга мос келмайди. Ҳ.ф.да кейинчалик «омма жамияти» тушунчаси пайдо бўлди; у индивидни эркинликка, ижодий маҳрумликка, бегоналашувга олиб

келади. Бу қарашлар ўша пайтларда пайдо бўлаётган демократия, тенглаштирувчилик гояларидан «сари одамлар» маданиятини ҳимоя қилишга даъват сифатида ўзини кўрсатади. Шу сабаблар туфайли Ницше умум қабул қилинган қадриятларни, меъёрларни «табиий» ҳаёт нуқтаи назаридан қайта баҳолашга, асл «ҳаётий» қадриятларнинг инфодачиси бўлмиш комил одамга эришишга чорлайди. Шпенглер фалсафа, маданият гуллаб-яшнаган даврлари кейин, маданий организмларнинг аста-секин таназзулга учраши рўй беради, унда халқлар ўз хулқ-атвори ва фаолиятига кўра оммага айланади. Ҳ.ф. 20-а. бошида Бергсон, Зиммель, Дильтей, Кейзерлинг ва Клагес тимсолида ўзининг юксак чўққисига етди. Ҳ.ф.нинг айрим гояларини кейинчалик неопозитивизм, экзистенциализм, фалсафий антропология томонидан ўзлаштирилди.

Абдулла Шер

ҲАЁТИЙ ЦИКЛ, ривожланиш цикли — барча ривожланиш даврлари мажмуи. Ҳ.ц., одатда, энтогенездан бошланади ва ўзидан наслқолдириш қобилиятига эга бўлади. Ҳ.ц.нинг давомийлиги йил давомида ривожланадиган наслга (генерация) сони ёки бир Ҳ.ц. давом этадиган йиллар сони, шунингдек, Ҳ.ц. давомида содир бўладиган тиним, яъни диапауза даврининг давомийлигига боғлиқ.

Ҳайвонларда Ҳ.ц. одатий ва мураккаб бўлади: оддий Ҳ.ц. бевосита (ўзгаришсиз) ривожланадиган (мас., ўргимчаксимонлар, кам тухум чувалчанглар, қуруқликда яшовчи умурткасизлар), мураккаб Ҳ.ц. — метаморфоз орқали ривожланадиган (қўнғизлар, қисқичбақасимонлар, ясси чувалчанглар, денгиз ҳалқалилари ва моллюскалари) учун хос. Метаморфоз ривожланишида Ҳ.ц. 1 индивидининг ривожланиши б-н белгиланади (мас., капалакларда: тухум—қурт—ғумбак — вояга етган капалак; бақада: тухум—итбалиқ—вояга етган бақа). Наслланиш ривожланишида ёки наслланиб кўпайишида Ҳ.ц. ҳар хил авлодларга мансуб бир неча индивидларда дастлабки форма пайдо бўлгунча давом этади. Мас., спифоил медузалар (*бўшлиқичиларда*): тухум—планула—эфира—медуза; ўсимлик ширалари да: тухум—асос қўзғичи уруғчилар—миграитлар—жинс ҳосил қилувчилар—эркаклар ва туғиш қўзғичи уруғчилар. Шундай қилиб, Ҳ.ц. ни ўрганиш бирлиги битта онтогенез ёки бирин-кетин борадиган бир неча онтогенез бўлиши мумкин. Бир ҳужайрали ҳайвонлардан спорализлари (мас., қон спорализлари, кокцидиялар) Ҳ.ц.и айниқса мураккаб бўлади.

Ўсимликларда ёпиқ уруғлилар учун бир йиллик, 2 йиллик ва кўп йиллик Ҳ.ц. хос. Тубан ва спорали юксак ўсимликлар Ҳ.ц.ида гаметофит ва спорофит бўғинлари алмашиниб туради. Паразит замбуруғлар Ҳ.ц.и мураккаблиги жиҳатидан ҳужайин дармашинини орқали ривожланадиган паразит ясси чувалчанглариникига ўхшайди. Мас., занг замбуруғлар Ҳ.ц. да эпидиоспоралар, уредоспоралар, телейтоспоралар, шунингдек, базидиал босқич ҳосил қиладиган даврлари бўлади.

ҲАЁТИЙ ШАКЛ, ўсимликларда биоморфа — ўсимликларнинг муҳит шароитларига мослашишни акс эттирувчи ташқи қиёфаси (табитус). «Ҳ.ш.» атамасини фанга Даниш ботаниги Э.Варминг киритган (1884). Ҳ.ш. ўсимлик вегетатив танасининг ўсимлик уруғдан униб чиққандан то хазон бўлгунича ўтган яшаш даврида ташқи муҳитга мосланиши, ўсимликларнинг экологик таснифи бирлиги, яъни мосланувчанлик структураси бир-бирига ўхшаш ўсимликлар гуруҳи. Бу ўхшашлик қариндошликка боғлиқ бўлмай, кўпинча конвергент бўлиши мумкин (мас., ноёли суккулентлар Ҳ.ш.ини ҳосил қилувчи кактуслар ва баъзи бир сутламдошлар). Ҳ.ш., асосан, ўсимликларнинг ер ости ва ер устки вегетатив органлари структурасига боғлиқ, уларнинг ривожланиш ритмига ва узоқ яшашга қараб ўзгаради. Ҳ.ш. эволюция жараёнида турли иқлим, тупроқ ва биоценотик шароитларда *табиий танлаш* натижасида вужудга келади.

Ҳар бир ўсимлик (дарахт, бута, ўлакса ва б.)нинг конкрет Ҳ.ш.и улар онтогенезида ўзгаради. Айни бир тур ҳар хил шароитда турли Ҳ.ш.да бўлиши мумкин. Мас., ўрмон зонаси ва тог-ўрмон минтақасида балапд ўсадиган эман, қорақайин, қорақарағай, тилогоч ва б. шим. ва баландлик зоналарида бута шаклида ёки ер бағирлаб ўсади.

Ўсимликлар жой ландшафтини белгиловчи ташқи қиёфасига тегишли асосий шаклларининг биринчи физиономик таснифини немис табиатшуноси А.Гумбольдт шарҳлаб берган (1806). У ўсимликларнинг 19 хил Ҳ.ш.ини ажратган. Кейинчалик ўсимликларнинг ўзига хос мосланув эломатларига қараб таснифланиши пайдо бўлди. Даниялик ботаник К.Раункиер ўсимликларнинг қишлашга мосланиши ҳақидаги қўпчиликка маълум бўлган таснифида Ҳ.ш.ни 5 типга: фанерофитлар, камефитлар, терикриптофитлар, криптофитлар, терофитларга бўлган.

Бир қатор назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишда Ҳ.ш.ни ўрганишнинг аҳамияти муҳим. Мас., Ўзбекистон иқлим тавсифи учун у ёки бу ҳудуд флорасининг Ҳ.ш. процент таркибидан фойдаланган.

Ҳайвонларда Ҳ.ш. — муайян бир хил ҳаёт муҳитида яшайдиган, ўзаро қариндошлигидан қатъи назар ўхшаш мосланиш белгиларига эга бўлган ҳайвонлар гуруҳи. Битта Ҳ.ш.га ҳар хил, ҳатто турли хил систематик гуруҳларга мансуб турлар (мас., ерқазар ва кўрсичқон) кириши мумкин. *Метаморфоз* орқали ривожланадиган турлар онтогенезда Ҳ.ш.ини ҳам ўзгартиради (мас., қанотсизлар қурти, ғумбаги, вояга етган даври). Битта турнинг морфологик жиҳатдан кескин фарқ қиладиган ҳар хил индивидлар (мас., термитлар ва чумолиларнинг уруғчилари, ишчилари, навкарлари), шунингдек, кенжа турлар ва ирқлар (мас., дарё ва кўл мой балиғи)ни мустақил Ҳ.ш. дейиш мумкин.

Ҳайвонлар гуруҳини экологик таснифқилишда ҳар хил критерийлар (мас., ҳаракатланиш, озиқ топиш усуллари, озиқнинг хусусияти, фаоллик даражаси, муайян ландшафтга боғлиқлиги, онтогенез даврларидаги фарқ ва б.)дан фойдаланилади. Мас., денгиз ҳайвонларини озиқ топиш усули ва озиғи хилига биноан ўсимликхўрлар, йиртқичлар, ўлаксахўрлар, детритхўрлар (фильтрловчилар ва балчиқхўрлар)га; ҳаракатланиш хусусиятига биноан сузувчилар, ўрмаловчилар, ўтроқ яшовчилар Ҳ.ш.ги ажратиш мумкин. Морфоэкологик белгилар комплексига кўра Ҳ.ш.нинг иерархик системаси тузилган. Мас., сувқалампир усулига биноан визилдоқ қўнғизлар ҳар хил яруслар бўйича тақсимланадиган Ҳ.ш. — зоофаглар ва микрофитофаглар трофик гуруҳларига ажратилади.

Ҳ.ш.ни ўрганиш орқали яшаш муҳитининг ўзига хос хусусиятлари ва организмлар мосланишининг ўзгаришн тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Зоологияга «Ҳ.ш.» атамаси ботаникадан кириб келган бўлиб, фақат 20-а.дан қўлланила бошланди.

Ориф Мажонов.

ҲАЁТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ — тирик организмларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисидаги қарашлар мажмуи. Ҳаётнинг табиати (қ. *Ҳаёт*), унинг пайдо бўлиши тўғрисида қар хил фикрлар мавжуд. Илоҳий китобларда тирик жонзотларни муайян макон ва замонда маълум режа асосида олий Яратувчи томонидан яратилганлиги таъкидланади. Қуръонда дунё 6 кунда яратилгани ёзилган. Ирландиялик архиепископ Ашер дунё мил. ав. 4004 й. октябрда яратилганини ҳисоблаб чиққан. *Креационизм* таълимотига асосан ҳаёт ғайритабиий ҳодиса натижасида бир марта пайдо бўлган ва ўшандан бўён ўзгармасдан қолган. Қад. Хитой, Рим, Бобилда пайдо бўлган назарияларга биноан ҳаёт табиатда мавжуд бўлган нарсалардан ўз-ўзидан (спонтан) вужудга келган. Юнон файласуфи Эмпедокл (мил. ав. 490—430 й.) тирикликнинг ҳаво, тупроқ, олов ва сувдан; *Демокрит* (мил. ав. 460—370 й.) ҳаёт пайдан; Фалес (мил. ав. 625—547 й.) ўсимлик ва ҳайвонлар балчиқдан пайдо бўлган, деган фикр билдирган. *Аристотель фикрича, модданинг* муайян заррачаси «ҳаётий кучга эга; бу куч қулай муҳитда тирик организмни пайдо қилади: Ван Гельмонт (1577—1644) ифлос кийим, қоронғи шкаф ва бугдой донидан 3 ҳафта давомида сичқон пайдо бўлганлигини ёзади. Аммо Италия врачи ва биологи Франческо Реди сути ёпиқлари идишда сақланган гўштда пашшалар пайдо бўлмаслигини исбот қилади. Шу тариқа тириклик фақат тирикликдан пайдо бўлиши тўғрисидаги *биогенез* концепцияси вужудга келди. А.*Левенгуклнинг* микроскопик организмларни кашф этиши 6-н микроорганизмларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлиши тўғрисидаги қарашлар авж олди. Аммо италъян табиатшуноси Спалланцани (1765) олов да пишиб турган тўшт ва сабзавот қайнатмаси солинган, оғзи қавшарланган идишни бир неча вақт кузатали ва қайнатмада ҳеч қандай ҳаёт изини тополмайди. *Лекин ҳаётнинг ўз-ўзидан пайдо* бўлиши тарафдорлари оғзи қавшарланган идишга ҳаётий куч тушмаганлигини ҳам қайтиб кўрсатишади. Ҳаётнинг ўз-ўзидан пайдо бўлмаслигини исботлаш учун Л.*Пастер* (1860) тажрибала оғзига U бирикмала эгилган ний уланган колбала қайнатилган гўштнинг айнимаслигини исбот қилди. Лекин Л.Пастер тажрибаси Ҳ.п.б. муаммосини ҳал этиб бероламади; аксинча ҳаётнинг абадий мавжудлиги тўғрисидаги гояниг пайдо бўлишига олиб келди.

Ҳ.п.б. *тўғрисидаги панспермия* тарафдорлари фикрича, ҳаёт Галактика ёки коинотнинг турли қисмларида бир неча марта қайта пайдо бўлган; ерга эса метеоритлар ва космик заррачалар 6-н бирга келиб қолган. Бу назариянинг дастлаб немис олими Г.Рихтер (1865) таклиф этган, сўнгра С.А.*Аррениус* (1895) шакллантирган. Панспермия тарафдорлари ўз қарашларини исботлаш учун номаълум учар объектларнинг ерга кўп марта ташриф буюрганлиги, қояларга чизилган расмлар ва ўзга планеталиклар 6-н учрашувлар тўғрисида шов-шув қўтаришади. Бироқ космик кемаларда олиб борилган тадқиқотлар коинотда ҳаёт ниҳоси борлигини исботламади.

1924 й.да рус биокимёгари А.И. *Опарин*, кейинроқ ингдин биокимёгари ва генетики Ж.Холдейн (1929) томонидан табиатшуносликнинг фандари тўпланган далилларини умумлаштириш асосида Ҳ.п.б.ни углерод бирикмаларининг узоқ давом этган эволюцияси тариқасида талқин қиладиган гипотеза таклиф этилди. Бу гипотеза Ҳ.п.б. тўғрисидаги ҳоз. тасаввурларнинг асосини ташкил этади. Бу гипотезани биноан Ерда Ҳ.п.б. жараёнини шарт-ли равишда 4 даврга бўлиш мумкин: бирламчи атмосфера газлари ҳисобидан паст молекулали органик бирикмалар мономерларининг синтези; мономерлар полимерланиб, оқсил ва нуклеин кислоталар занжирини ҳосил қилиши; ташқи муҳитдан мембрана-дар 6-н ажралиб турадиган системаларнинг ҳосил бўлиши; тирикликка хос бўлган хусусиятлар, жумладан кимёвий на метаболитик хоссаларнинг келгуси насллара ўтказилиши ва-ларатта эга бўлган содда ҳужайранинг *пайдо бўлиши. Дастлабки 3 давр Ҳ.п.б.*даги кимёвий эволюция, охирги 4-давр эса биологик эволюция дейилади.

Ҳ.п.б.даги кимёвий эволюция даври. Моддаларнинг кимёвий эволюцияси-ни америка олимлари *С.Миллер* ва Г.Юри 1953 й.да моделли экспериментлар орқали тасдиқлаб беришди. Улар метан, аммиак ва сув буглари аралашмасидан иборат газга электр заряди таъсир эттириб, бир қанча оддий органик бирикмалар ҳосил қилишди. Улар бу 6-н Ернинг бирламчи атмосферасини имитация қиладиган системаларда органик молекулалар синтезланишини мумкинлигини кўрсатиб беришди.

Тахмин қилинишича Ернинг бирламчи атмосфераси таркибн сув буглари, эркин водород, карбонат ангидрид, қисман метан, водород сульфид, аммиак ва б. газлардан иборат бўлган. Атмосферанинг қайтарилиш хусусияти бирламчи органик бирикмаларнинг ибтоген синтезида катта аҳамиятга эга. Чунки қайтарилиш хоссасига эга бўлган бирикмалар ўзидан водородни чиқариб, кимёвий реакцияларга осон киришади. Қуёшдан келаётган ультрабинафша ва рентген нурлар, чақмоқнинг кучли электр заряди, чақмоқ чақишда, метеорит тушганда ва вулқон отилганда ҳосил бўладиган юқори ҳароратга тўғсиринда газларда бирмунча мураккаб бирикмалар синтезланган. Шу тариқа энергиник бирикмалар: углеводлар, аминокислоталар, изотоп асослар ва органик кислота (сирка, чумоли, сут) кислоталар ҳосил бўлган. Ер аста-секин совий бошлаши б-н атмосферадаги сув бугларн конденсацияланиб борган. Ер юзига тушмасдан ёқиш жала жуда катта сув ҳавзаларини ҳосил қилган. Сувда аммиак, углерод қўшқисид, метан ва атмосферада ҳосила бўлган органик бирикмалар эриган. Сув муҳитида органик моддалар конденсацияланиб, полимерлари, ҳудан шу йўл б-н аминокислоталар пептид боғлар орқали ўзаро бирикиб оқсидлари, нуклеотидлар полинуклеотидлари ҳосил қилган. Мураккаб полимерларнинг синтезланиши оддий моддаларга нисбатан осон кечишини қайд этиб ўтиш лозим. Мас., аминокислоталар 1000° да синтезланса, улардан полипептид занжири эса 160° да синтез бўлади. Конденсация реакциялари тасодифий тартибда жойлашган мономерларни иборат ҳар хил узунликдаги чизиқли полимерлар — полипептидлар ва полинуклеотидларнинг синтезланишига олиб келади. Полинуклеотидлар матрица вазифасини бажаришн ва шу тариқа янги полинуклеотидлар занжирида нуклеотидларнинг жойланиши тартибини белгилаб бериши мумкин. Полинуклеотидларнинг матрицалик хусусияти улар молекулаларидаги нуклеотидларнинг комплементарлик асосида жуфт-жуфт бўлиб (азотли қарнисида уралиш, тимин қарнисида цитозин) жойлашиши б-н боғлиқ. Матрицадан нусха олишнинг комплементарлик механизми биологик системалар орқали информация ўтказиш жараёнларида марказий ўрин тутади. Ҳар бир ҳужайранинг генетик информацияси нуклеотидларнинг кетма-кетлиги шак-

лида ҳосил қилган бўлиб, бу информация комплементарлик (жуфт-жуфт бўлиб жойлашиш) асосида наслдан-наслга ўтказилади. Лекин бу жараён ферментлар иштирокисиз секин боради. Тасодифан синтезланадиган полипептид тўғри сидаги ахборот нуклеин кислоталар молекуласида жойлашган. Информациянинг ДНК занжиридан РНК га ўтказилиши эса полипептид занжири синтезини енгиллаштиради. Табиий танланиш орқали нуклеотидлар триплети б-н аминокислоталар ўртасидаги мувофиқликни ифода этувчи генетик код, яъни «луғат» пайдо бўлган. Нуклеотидлар кетма-кетлиги полинуклеотид занжири функцияси ва унинг физик структурасини белгилаб беради. Ўз-ўзидан репликацияланган, ахборот сақланадиган ва функционал хоссага эга бўлган молекуланинг пайдо бўлиши ҳаётнинг бундан кейинги эволюцияси асоси ҳисобланади.

Абиоген йўл б-н пайдо бўлган полипептидлар каталик хоссага эга бўлиб, РНК молекуласидаи нусха олиш жараёнини аниқлаштиргани ва тезлаштиргани бўлиши мумкин. РНК га ўхшаш полинуклеотидлар вақт ўтиши б-н оқсил молекуласи синтезини бошқариш хусусиятига; оқсиллар эса, ўз навбатида, РНК нинг янги нусхаларни синтезланишини катализлаш хусусиятига эга бўлган. Эволюция жараёнида фақат муайян полипептидлар синтезини бошқарувчи полинуклеотидлар табиий танланиш таъсирида сақланиб қолган. Нуклеин кислоталар бошқариб борадиган оқсил биосинтезининг юзага келиши Ерда ҳаёт пайдо бўлишида энг муҳим ҳодиса ҳисобланади.

Ерда ҳаёт пайдо бўлишининг бир қанча жабҳаларини аниқ тасаввур қилиш мумкин бўлса-да, бундай эволюцион ўзгаришнинг мураккаб механизми қозиргача аниқланмаган. Тахмин қилинишича, нуклеин кислоталар б-н оқсиллар ўртасида аста-секин ўзаро ихтисослашув юз берган. Натижада оқсиллар янги нуклеин кислоталар, оқсиллар ва б. модлалар синтези реакцияларини, уларнинг, бошқа жараёнларни таъминлайдиган энергиянинг қайта тақсимланиши, яъни генетик информациянинг фенотик намоён бўлишини бошқарган; нуклеин кислоталар эса бу жараёнлари зарур ахборот б-н таъминлайдиган воситага айланган. Кейинчалик генетик ахборотни ташиш вазифаси РНКдан ДНК га ўтган. ДНК нинг қўш занжирдан тузилганлиги генетик ахборот турғун бўлишини ва репликация механизмининг амалга оширилишини таъминлайди. РНК эса ахборотни ДНК дан оқсилга олиб келишга ихтисослашган. Ҳоз. маҳлуқ бўлиш барча организмларда ахборот оқими худди шу йўналишда боради. А.И. Опарин ва С.Фокс тақрибаларида ҳар хил полимерлар суюқ аралаштирилганида, улар бирлашиб турли хил молекулалардан иборат мураккаб агрегатлар — коацерват томчилар ҳосил қилиши аниқланган. Органик молекулаларнинг бундай комплекси қозирги ҳужайраларга ўхшаш хоссаларга эга бўлиб, кўпинча липидлардан иборат сиртқи мембранани ҳосил қилади. Бу мембрана модлаларни атроф муҳитдан танлаб ўтказиш, ички муҳитнинг доимийлигини таъминлаш, айрим кимёвий реакцияларни катализлаш хусусиятига эга. Коацерватар муайян ўлчамга еттандан сўнг, майда қисмларга бўлиниб кетади. Бу тажрибалар ҳаётий жараёнларга ўхшаш қолдиқларнинг материининг физик-кимёвий хусусиятларга б-н боғлиқлигини кўрсатади. Лекин кўрсатиб ўтилган коацерват томчиларни тирик организмлар дейиш мумкин эмас. Коацерватлар тўхтовсиз ҳосил бўлиб ва парчаланиб турган. Бундай ҳар хил хусусиятларга эга бўлган модлекулаларда агрегатлардан иборат коацерватлар-нинг муҳит б-н ўзаро таъсири табиий танланиш учун шарт-шароит яратиб берган. Табиий танланиш туфайли энг қулай тузилишга эга бўлган ва парчаланишдан сўнг ҳам кўпайиш хусусиятини йўқотмайдиган агрегатлар сақланиб қолган.

Ҳ.п.б. тўғрисидаги юқорида баён этилган таъмимотни кўпчилик олимлар эътироф этган. Тирик организмларда ўз-ўзидан кўпайиш хусусиятининг пайдо бўлиши бу таъмимотнинг энг қийин, ноаниқлари тарзда тушунтирилмаган қисми ҳисобланади. Америкалик астроном Фред Хайл фикрича, ҳаётнинг юқорида кўрсатиб ўтилганидек молекулаларнинг ўзаро тасодифий таъсири туфайли пайдо бўлишини худди темир-терсаклар уюми устидан ўтган тўфондан сўнг, Боинг-747 самолётининг пайдо бўлиб қолишига ўхшатиш мумкин.

Ҳ.п.б.даги биологик эволюция даври. Коацерватларда уларни ташқи муҳитдан ажратиб турадиган парда — мембрананинг ва редупликация механизмининг пайдо бўлиши б-н модалар алмашинуви ва ўз-ўзидан кўпайиш учун қулай имконият яратилди. Пайдо бўлган бу содда организм пробионт деб аталади. Пробионтларнинг пайдо бўлиши б-н ҳаёт пайдо бўлишининг биологик эволюцияси бошланади. Пробионтлар гетеротроф бўлиб, озиқ модалар синтезламаган. Улар бирламчи океан суви дан органик бирикмаларни ўзлаштирган. Гетеротроф пробионтларнинг ҳоз. анаэроб прокариотларга ўхшанглиги тахмин қилинади. Гетеротроф организмлар бирламчи океан суви дан органик бирикмаларни ўзлаштирган. Гетеротроф организмларнинг кўпайиши б-н бирламчи океан суви дан органик модалар камайиб борган. Ана шундай шароитда анаэроб пробионтларда атмосферадаги карбонат ангидрид (CO_2) ва азот (N_2) ни кимёвий ва қуёш нури энергияси ёрдамида ўзлаштириш хусусияти пайдо бўлган. Ана шу тариқа хемосинтез ва фотосинтез қилувчи организмлар келиб чиққан. Дастлабки фотосинтетик организмлар цианобактериялар — кўк-яшил сувўтлар бўлган. Цианобактерияларнинг бу хусусияти туфайли ҳоз. ҳам атмосферадаги CO_2 ва N_2 газлари анча кўп миқдорда органик бирикмалар шаклида биосферага ўтади.

Эркин молекулар кислороднинг пайдо бўлиши атмосферанинг юқори қатламларида озон экранининг ҳосил бўлишига олиб келган. Озон экрани барча тириклик учун зарарли бўлган ультрабинафша нурларнинг Ер юзасига ўтишига йўл қўймайди. Атмосферада эркин кислороднинг пайдо бўлиши организмларнинг бундан кейинги эволюциясида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Аммо эркин кислород анаэроб прокариотларга жуда заҳарли таъсир кўрсатади. Прокариотларнинг бир қисми анаэроб муҳитда тупроқ ва сув қатламига, организм ва тўқималарга ўтиб сақланиб қолган; бошқаларга эса қисман оптикча кислородлан озиқ модлаларни оксидлашда фойдаланишга мослашган. Озиқ модаларнинг кислород ёрдамида оксидланиши анаэроб парчаланишга нисбатан жуда самарали бўлади ва кўп энергия ажратиб чиқаради. Бунинг натижасида тез ўсиб, тез кўпаядиган аэроб

прокариотлар пайдо бўлган. Оксидланиш жараёнида озиқни азмалашнув маҳсулотлари — сув ва карбонат ангидрид ҳосил бўлган; ҳужайраларда жуда кўп энергия АТФ ҳолида тўпланган. Бирламчи муҳитда озиқ моддаларнинг камайиб кетиши оқибатида прокариотлар ўртасида бир-бирини ейиш ҳусусияти — фагоцитознинг келиб чиқишига олиб келган. Ташқи қилинишича, фагоцитозда айрим анаэроб прокариотлар уларни ютган аэроб ҳужайралар б-н симбиоз ишашга мослашган. Ютилган ҳужайралар қазм бўлмасдан сақланиб қолиб, органик моддаларни ўзлаштиришга мослашган. Ана шу тариқа ҳужайра органоидлари шаклланган.

Эукариотларнинг келиб чиқиши, 19-а. охири ва 20-а. бошларида олимлар дастлаб хлоропластлар, кейинчалик митохондрияларнинг ҳужайра ичида мустақил кўпайишини кузатиш асосида бу органоидларни ҳужайра ичида яшашга ўтган бир ҳужайрали сувўтлар бўлиши мумкин, деган фикр билдиришган. Дастлаб буни ҳеч ким эътибор қилмаган. Фақат 20-а.нинг 50—60-й.ларида биокимёвий текширишлар натижасида хлоропласт ва митохондрияларга ДНК прокариотларникига ўхшаш халқасимон бўлиши аниқланди. Бундан ташқари, хлоропластлар ва прокариотлардаги рибосомалар ҳам ўхшаш бўлади. Митохондриялар ва хлоропластларни оқсиллар биосинтезининг айрим томонлари, улар мембранасида фосфолипид — кардиолипининг бўлиши б-н ҳам прокариотларга ўхшаб кетади. Аммо биокимё, молекулар ва ҳужайра биологияси соҳасида олиб борилган тадқиқотлар туфайли бу гипотезани инкор қилувчи бир қанча далиллар ҳам тўпланди. Бу далиллардан энг асосийларн митохондрия ва хлоропластларнинг ҳам автономлиги, уларда ўзларининг шакланиши ва функцияси учун зарур бўлган ферментларнинг фақат кичик бир қисми синтезланишидан иборат. Аммо америкалик олима Лин Маргелис эукариотлар хивичинлари ва цитоскелети тузилишининг спирохета-бактерияларга ўхшашлигига асосланиб, хивичинлар ҳамда цитоскелетнинг спираласимон прокариотлардан келиб чиққанлигини тахмин қилади. Яқинда ачитқилар вакуолаларидан ажратиб олинган АТФ ферментларнинг ўхшашлиги аниқланди. Ана шу асосда тўбан эукариотлар вакуоласи қад. прокариотлар бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади.

Эукариот ҳужайраларлаги органоидларнинг прокариотлардан келиб чиқ-қанлигига энг яқин далил сифатида америкалик биолог К.Вез ишини кўрсатиш мумкин. Олим ва унинг ходимлари ўсимлик хлоропластларидан олинган рибосомалар цитоплазмадагига ўхшашлиги аниқланган. Бундан ташқари, ҳар хил эукариотлар митохондрияларидан олинган рибосомалар РНК ҳам ҳужайра цитоплазмасидаги рибосомал РНК га эмас, балки айрим бактериялар рибосомал РНК сига жуда ўхшашлиги аниқланди. Энг қизиғи шундаки, бу бактерияларнинг нафас олиш ферментлари тўпламн ҳайвонларникига жуда ҳам ўхшайди. Эндосимбиоз ҳодисаси табиатда анча кенг тарқалган. Мас., анаэроб бактерияларнинг бир тури ҳужайраси ичида митохондрия функциясини бажарадиган аэроб симбионт бактерия бўлади. Айрим денгиз балиқлари, қордай полиплар, погонофоралар ва б. ҳайвонлар танасида ҳам симбионт бактериялар яшайди.

Юқорида келтирилган далиллар эукариот ҳужайраларнинг эндосимбиоз келиб чиққанлигини кўрсатади. Лекин у ҳолда ўзига прокариот ҳужайраларни сингдириб олган ҳужайни ҳужайра табиати қаронғу бўлиб қолади, чунки эукариотларда мембрана б-н ўралган ядро бўлади, прокариотларда бўлмайди. Маргелис бундай ҳужайра бактериялар аждоди ҳисобланган примитив микоплазмалар бўлганлигини тахмин қилади. Кейинги даврда япон олими Т.Ошима кўпчилик покариотлар ва эукариотлар рибосомал РНК сини ўрганиш асосида ҳужайни ҳужайра ҳақ. архейлар аждодларидан бири бўлганлигини тахмин қилади. Чунончи архейлар ва эукариотларнинг биокимёнй ва молекулар биологик хусусиятлари ўхшаш бўлади.

Ад.: Опарин А.И., Возникновение жизни на Земле, 3- изд., М., 1957; Грин Н., Стаут У., Тейлор Д., Биология в 3-х томах, перевод с английского, М., 1990; Фокс С., Дозе К., Молекулярная эволюция и возникновение жизни, пер. с английского, М., 1975; Ганты Тибор, Жизнь и ее происхождение, пер. с венгерского, М., 1984.

Очил Мавлонов.

ҲАЖ (араб. — зиёрат) — исломнинг 5 асосий рукнидан бири. Ҳ. қилиш эс-ҳуши бутун, соғлом, балоғат ёшига етган ва оиласи нафақасидан ташқари сафар ҳаражатларига кифоя қилгудек маблағи бўлган ҳар бир мусулмонга (умрида бир марта) фарз қилинган. Ҳ. қилувчи кишилар мийқот (ҳромни боғлаш учун ажратилган белгилаб қўйилган махсус жойдан бошлаб тозаланиб, соччарини олиб ёки қисқартириб Маккага борши учун ҳозирлик кўрадилар. Сўнгра ҳромга кириб 2 ракаат намоз ўқиладн. Ҳ.да Каъба 7 марта тавоф қилинади. Зиёратчилар ҳажар ал-асвад (*қора тош*)ни ўпиб, кейин Сафо ва Марва тепаликлари орасида 7 марта югурадилар; сўнгра *замзам* сувидан ичадилар. Арафа куни (зул-ҳижжа ойининг 9-куни) Ҳ.нинг асосий маросими — *Арафот* водийси ва тоғида туриш (вуқуф) бошланади. Зиёратчилар у ерда *хутба* эшитадилар, ибодат қиладилар ва намоз ўқийдилар. Бу турнш кун ботгунча давом этади. Сўнгра ҳожилар Мудалифа водийсига йўл оладилар. У ерда тонгга қадар ибодат б-н машғул бўлишади. Зул-ҳижжа ойининг 10-куни (қурбон ҳайити) дан бошлаб 3—4 кун Мино водийсида шайтонларга тош отишади ва жонлик сўйиб *қурбонлик* қилишади. Маданиаги бориб Муҳаммад (сав) қабрини зиёрат қилиш ҳам Ҳ. вақтида бажарилиши лозим деб айтилади. Бир киши бошқа одам учун Ҳ. арконларини ado этиши ҳам мумкин. Бу ҳаждан бадал деб аталади. Вафот этган одам ҳамда молдий тажминланган, аммо сабоқлагини ёки қарнлиги туфайли Ҳ. зиёратига боpa олмайдиганлар учун ҳаждан бадал қилиш мумкин бўлади.

Ҳаджга кўра, Ҳ. қилишнинг асосий қоидалари Муҳаммад (сав) томонидан 632 й. «Видолашув Ҳ.и» (Ҳаждат ал-вадоъ)да белгилаб берилган. Кейинчалик асосий ҳуқуқий маҳдб намоиндалари Ҳ. зиёрати қоидаларини ислом мамлакати асосида батафсил ишлаб чиққанлар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, юртимиз мусулмонларига Ҳ. амалини ado этиш учун имкониятлар яратиб берилди. 1991 йда Ҳ.га боpувчилар 1500 кишини ташкил этган бўлса, 2004 й.да бу рақам 4000 дан ортиқни ташкил этди. Мустақиллик даврида 53056 кишн Ҳ. ибодатини ado этди (2005).

ҲАЖАР АЛ-АСВАД — қ. *Қора тош*.

ҲАЖВИЯ — бадиий адабиёт турларидаги: *сатира* ва *юмор*. Ҳажвий асарлар таниқлиғ рухда бўлади. Тўлмишда Шарқ халқларн, шу жумладан, ўзбек адабиётида, асосан, шеърият ва фольклорда мустақил жанр сифатида ривожланган. Уларда жамият ҳаётининг, шунингдек, айрим гуруҳ ёки шахсларнинг аксарнят ёмои томонлари тасвирланади. Ҳ.да танқид қили-

нувчи объектга қаратилган кимовий *мақсадларни ёки фош этувчи кулги эсарнинг комвий муаллифмасини* ва бадиий воситаларини белгилайди. Ҳ. турли жанрларда ёзилиши мумкин. Мас., «Ўлик жонлар» (Н.В.Гоголь) ҳажвий роман шаклида, «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Сўнгги нусхалар» (А.Қаҳҳор) ҳажвий пьеса шаклида, «Ёвуз ниятли кишилар» (А.Чеков), «Судхўрининг ўлими» (С.Айний), «Қабрдан товуш» (А.Қаҳҳор) ҳажвий ҳикоя шаклида, «Тўйи Иқон бачча» (Муқимий), «Ҳажви янгчи эшон» (Завқий) ҳажвий шеър шаклида, «Комбинатор мулоҳазаларимиз» (А.Қаҳҳор) ҳажвий фельетон шаклида ёзилган.

Ҳажвий асарларда воқеани бўртириб тасвирлаш, муболаға ва фантазиядан кенг фойдаланиш характерли. Ҳ. жамият қайтадаги айрим иллатлардан ийбатини, камчиликларни тузатишга, ошдани ошнига хизмат қилади (яна қ. *Сатира*).

ҲАЖЖОЖ ибн ЮСУФ, ал-Ҳажжож ас-Сақафий (660, Тоиф — 714, Восит) — *умавийлар*нинг Ироқдаги (694 й.дан) нойби, ҳатиб. Тоифда дарс бериш б-н шуғулланган, сўнгра Дамашқда халифа Абдулмалик ибн Марвоннинг нойби Рух ибн Зинбонинг шахсий қўриқчилари бошлиғи. 691—692 й.ларда Маккала исён қўтарган Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрга қарши курашган умавийлар қўшини қўмондони. Халифа уни Ҳижоз, Яман, Ямома волийси этиб тайинлаган, кейинчалик унга Ироқдан ҳам берган. Умавийларнинг сиёсий мухолифларига нисбатан шафқатсизлиги *б-н шуҳрат қозонган. 700 й.да* молия ва солиқ ислоҳоти ўтказган. Восит ш.га асос солган, Фурот ва Дажла дарёларининг қуйи оқимя бўйларидаги ботқоқликларни қуритиб, қ.х. экинлари эктирган, суғориш каналларини қайта тиклаган. Бу тадбирлар натижасида Умавийлар ҳокимияти мустаҳкамланган, Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқда босқинчилик сиёсати олиб бориш имконияти тутилган. Босқинчилик юришлари Ҳ. ибн Ю. раҳбарлигя остида, унга тобе араб сарқардалари томонидан олиб борилган (қ. *Кутайба ибн Муслим*). Араб ёзувида нуқта ва ҳаракат белгилари қўйилишни жорий қилишишни Ҳ. ибн Ю. номи б-н боғлайдилар.

Шавқутжон Алимова.

ҲАЖМ (математикада) — *геометрик жисмларнинг сонга характеристикаларидан бири. У чизиқ соҳалари бирлик кубларга ажратиш мумкин бўлган жисмлар учун шу кубларнинг сонига тенг. Қадимда призма шаклли тўсинлар, цилиндр, тўлиқ ҳамда кесик пирамида ва б.нинг Ҳ.ларини ҳисоблашни билишган. Архимед* ихтиёрий юза ва Ҳ.ни аниқлаш мумкин бўлган умумий усулни топган. Архимед ғоялари *интеграл ҳисоб*нинг асосини ташкил этган. У ўзининг усуллари ёрдамида кўҳна математ.лар ўрганилган деярли ҳамма жисмларнинг юзаларя ва Ҳ.ларини аниқлаган. Жисм Ҳ.ига математик жиҳатдан таъриф бериш ва уни ҳисоблаш формулаларинг яратиш масаласи яссн фигура юзини доир муҳокамалардан фарқ қилади; ҳар қандай (ясси) фигурани тўғри чизиқлар кесиб, уни квадратчаларга ажратиш мумкин, аммо ихтиёрий кўп ёқлиқда бу усул б-н куб ҳосил қилиш мумкин эмас. *Евклид* уч ёқли пирамида Ҳ.ига таъриф бериш ва уни ҳисоблаш учун пирамидага чизсиз ички призмалар чизиш усулини қўллаган. Уч ўлчамли жисмлар Ҳ.и қуйидаги хоссаларга эга: 1) номанфий; 2) *аддитив*, яъни умумий нуқтага эга бўлмаган P ва Q жисмлар учун $V(P)$ ва $V(Q)$ ҳажмлар аниқланган бўлса, бу жисмлар бирлашмасининг ҳажми, Ҳ.лар йиғиндисига тенг: $V(P\cup Q)=V(P)+V(Q)$; 3) қаратта нисбатан инвариант: P ва Q жисмлар учун ҳажмлар аниқланган бўлиб, улар конгруэнт бўлса, $V(P)=V(Q)$ бўлади; 4) бирлик кубнинг ҳажми бирга тенг.

Юқоридаги хоссалардан Ҳ.нинг монотонлиги келиб чиқади: P ва Q жисмлар учун $P\subset Q$ бўлса, у ҳолда $V(P)\le V(Q)$ муносабат бажарилади. Ўхшаш жисмларнинг ҳажмлари нисбати ўхшашлик коэффициентининг кубига тенг.

Уч ўлчамли жисмнинг ҳажми тушунчаси ихтиёрий *n* ўлчамли евклид фазоси R^n нинг қисм тўпламя учун умумлаштирилади. *n* ўлчамли Ҳ.ни ҳисоблаш *n* карралн интеграли ҳисобланиб келтирилади. E тўпламелерпнед a_1, a_2, a_3,..., a_n векторлардан ясалган бўлса, унинг ҳажми $V(E)=\sqrt{\det\|a_i,a_j\|}$ формуласи топилади (бу ерда иккиз остидаги ифода Грам детерминантининг *мутлақ қийматига тенг*). Ўлчов тушунчаси Ҳ. тушунчасининг умумлашмасидир. Баъзи ҳолларда ҳажм ва ўлчов тушунчалари синоним сифатида *ишлатилади*.

Мисолдар: 1) асоси юзи S, баландлиги h бўлган пирамида ҳажми $\frac{1}{3}Sh$ га тенг; 2) $y=f(x)$ чизиқни Ox ўқи атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган жисм Ҳ.и $\pi\int_a^b f^2\,cxdx$ га тенг; бунда $a<x<b$, $f(x)\ge 0$ ва б.

ҲАЖМДОР ИП — табиий ва сунъий тўқимачилик толаларидан ҳажмийрок ва чўзилувчанлиги б-н фарқ қилади. *Ипларининг таркибы бўйича бир* жинсли (мас., пахта, жун, ипак, вискоза ва б.) ва аралаш (мас., энгир шетат-завсан, вискозни бураб йиришган) бўлиши мумкин. Ҳ.и.дан ҳавони кўши ўтказадиган, гигроскопикнини юқори, осонгина буклануви-чан газлама ва трикотажлар, пайпоқ, сунъий мўйна ва б. тайёрланади.

ҲАЖМИЙ АНАЛИЗ — аниқланаётган модда концентрацияси (миқдори)ни унинг ҳажмига қараб аниқлашга асосланган миқдорий анализ усулларя мажмуи. Даб. анализетида қўлланалиган титриметрик анализ (*қ. ҳам. анализ. Ҳ.а.га, шунингдек, газ анализининг кўпгина усулларини киритиш мумкин. Чўкма ҳажмини ўлчашга асосланган Ҳ.а. методи ҳам бор, мас., чўкиндни олтингугурт миқдорини градуслярга бўлинган центрифугаий пробиркада ҳосил бўлган барий сульфат ҳажмига қараб аниқлаш мумкин. Ультрамикроқимёий анализда ҳосил бўлган чўкма (торгиб қўйиш қийин ёки идожи бўлмаган жуда кичик миқдордаги модда) ҳажмига қараб аниқланади.

ҲАЗИНИЙ ҲУҚАНДИЙ (тахаллуси; асл номи Зиёвуддинхон Каттахожа ўғли Ҳазиний тўра) (1867 — Кўқон якинидаги Катта Кенагас қишлоғи — 1923) — шоир ва шайх. Кўқондаги Жомеъ мадрасасида таҳсил олган. Курьон, *тафсир*, ҳадис, фиқҳ, калом, адабиёт илмларини чуқур ўзлаштирган. Тасаввуф таълимоти б-н ирчиз шуғулланган. 30 ёшида муршидидан иршод (*тарбият раҳнамолигига рухсат*) олиб, «Ҳазинай тўра» ва «Эшонбува» номлари б-н халқ орасида эълоз-

лаган, ўз даврининг етук қолирив тариқати шайхи сифатида эътироф этилган ва «Мурвиди Фарғона» номига мушарраф — валий зот бўлиб танилган. Деҳқончилик б-н кун кечирган. Боғлар барпо қилган, бинолар қурдирган. Қабри ўз қишлоғида. Бу қабр — мақбара ва унинг атрофидаги обидалар мажмуаси ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган.

19-а. 2-ярми ва 20-а. бошларида кўчирилган қўналб қўзёмз боёзлар ва мажмуалардан Ҳ.Х. шеърлари ўрин олган. 1910—15 йларда Тошкентнинг Орифжонов, Порше ва Лахтин матбааларида «Баёзи Ҳазиний» тўпламлари бир неча бор нашр этилган.

Ҳ.Х. мумтоз шеърият жанрларидан ғазал, мураббаъ, мухаммас ва мусаддасларн ёзган. Адабий мероси 4.000 мисра атрофида. Шоир асарларини ғоявий мавзуи бой. Унинг тасаввуф руҳидаги асарларида соф сўфиёна маъно ва мазмун тараннум этилса, ахлоқий мавзуларн битикларида поклик, одамийлик, саҳоватпешалик каби юксак инсоний фазилатлар улуғланган.

Ҳ.Х.нинг ўндан ортиқ ғазалларига *мухаммас боғланган ва назираллар* қилинган.

«Баёзи Ҳазиний»нинг тошбосма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. № 12665, 14850, 15197). Фарғона ш.да уй-музейн ташкил қилинган, Ҳ.Х. номида жамоа хўжалиги, боғ, мактаб, *кутубхоналар* бор.

Ас.: Тиллахўжа, ё Расулхўжа [Шеърлар], Т., 1992; Девон, Т., 1999.

Ад.: Жўрабоев О.Р., Ҳазиний Хўқандий ҳаёти ва ижодий мероси, Т., 2003.

Отабек Жўрабоев

ХАЗИРА (араб.) — 1) атрофи ихоталанган жой; қабристонлари хилхона (бирор уруғ-авлод, оила, маҳалланинг ўзига тегишли одамни дафн этилиши учун махсус ажратиладиган жой); 2) бир неча одам кўмилган турбат таҳонаси. Мас.: *Амир Темур мақбарасидаги Ҳ.*

ХАЗОРАЛАР — Афғонистон (1,7 млн. киши, 1990-й.ар ўрталари) ва Эрон (220 минг кишн)лаги халқ. Эрон тилларн гуруҳнга мансуб тилда сўзлашади. Диндорлари — шиа мусулмонлари. Ҳ.нинг асосини мўғул тилида сўзлашувчи кўчманчилар ташкил қилган, лекин уларнинг этногенезида туркий ва эроний кўчманчилар ҳам иштирок этган. Ҳ. Чингизхон даврндан қолган мўғул аскарларнинг авлодлари бўлса керак. 19-а. охирида афғон амири Абдурахмон кўчманчи афғонлар (*пуштунлар*) ёрдамида Ҳазоражатни эгаллаб олган ва бу ерни уларга ёзги айлов қилиб берган. Асосий машғулоти — деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик.

ХАЗОРАСП — *Хазорасп туманидаги* шаҳарча, туман маркази. Хоразм вилоятининг шарқида, Тошкент — Урганч автомагистрали ва *т.й.* ёқасида жойлашган. Т.й. станцияси. Йирик маркази (Урганч ш.) дан 56 км жан.-шарқда. Аҳолиси 16,7 минг киши (2005). Ҳ. ҳудудидан ўтган Хазорасп, Ҳассаёп, Отаниқ, Сипоп канал ва ариқларидан сув олади.

Ҳ. *Хива* б-н бирга Хоразм воҳасининг *энг қад. қалъа ва аҳоли манзилгоҳлари* биридир. Ҳ. номининг келиб чиқиши тўғрисида турлича қарашлар мавжуд. Тарихчи, тилшунос ва тоқинчилар олимлар (Я. Гуломов, С.П.Толстов, Ф.Абдуллаев, О. Мадрахимов ва б.)нинг таъкидлашича, «Хазорасп» қад. хоразмий тилда минг от (ҳазор — минг, асп — от) ёки *минг отлиқ диёри* маъносини билдиради. Ўтмишда муаррихлар унн «Қалъаи Сулаймон» деб ҳам аталаган. Тарихчи олим М. Исҳоқов тахминига кўра, «Хазорасп» атамаси «Ахуразеспа» — «Муқаддас олов манзили», «Оташгоҳ» маъносини билдиради. Шаҳар топонимияси ҳақида мнқдлий ривоят ва афсоналар ҳам мавжуд. Баъзи тарихий маълумотларлан маълум бўлишича, Ҳ. Хоразмнинг чекканлари ҳимоя истеҳкоми бўлиб, бу ерда минтга яқин отлиқ қўшин Хоразмни шарқдан келиши эҳтимол тутилган лушманлан муҳофаза этган. Шаҳарда Рашилдуан Ватвот, Минглисулуғхоннн, Жаҳонгирий, Саккокнй, Ҳусайн Хоразмий, Жалфар Ҳазораспий, Ҳайлий, Умидий, Искандар Махмуд каби буюк сиймолар, шоир, олим ва табиблар етишиб чиққан.

Археологик қазишмалар натижасида Ҳ.*нинг* вужудга келиши илк антик даврларга оидлиги аниқланди.



Хазорасп шаҳрининг марказий қисми.

Кейинги даврда Ўзбекистон ФАнинг Самарқанд, Нукус ва Хоразм регионал археология бўлимларининг 1996—2005 йларда ўтказган қазиш ишлари натижасида шаҳарнинг 2700 й. аввал бунёд бўлганлиги тўғрисида материаллар топилди. Шаҳар тўғрисида илк ёзма маълумотлар 9—10-а. Эрон тарихчиси ва фнлологи *Табарий*, 10-а. тарихчи ва географлари *Истахрий* ва *Муқаддасий*ларнинг асарларида учрайди. Саёҳ географ, адиб ва тарихчи *Ёқут Ҳамавий*нинг ёзишича, Ҳ. мустаҳкам қалъали катта шаҳар бўлган. Шаҳар ер юзасига чиқиб қолган табиий тупроқ сувн қалъаси 6-н ўралган. Қалъага фақат биргина ғарб томонидаги махсус ўтл *олиб борган*. *Хондамир* ва *Мирхонд*, Абулғозий Баҳодирхон, Мунис, Отажўраллар асарларида Ҳ.нинг тарихига оид кўп маълумотлар берилган. Ҳ. тўғрисида сайёҳ, шарқшунос А.*Вамбери* ҳам қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган. 19-а. охирида шаҳарда 8 масжид, мадраса, мактабхоналар фаолият кўрсатган.

Ҳ.да 50 дан зиёд корхона ва ташкилот, шу жумладан, пахта тозалаш, гинт з-длари, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, таъмирлаш устахоналари, маҳаллий саноат корхоналари, тўқимачилик, палос ф-каллри бор. Ўзбекистон — Германия «Уника» қўшма корхонаси фаолият кўрсатади. Бутун Қўйи Амударё регионида машҳур бўлган «Қозоқбозор» деб аталувчи бозор мавжуд. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар ишлаб турибди. Шунингдек, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, деҳқон бозори бор. 4 умумий таълим мактаб, ихтисослаштирилган болалар лицейи, Кейинги даврда Ўзбекистон ФАнинг Самарқанд, Нукус ва Хоразм регионал археология бўлимларининг 1996—2005 йларда ўтказган қазиш ишлари натижасида шаҳарнинг 2700 й. аввал бунёд бўлганлиги тўғрисида материаллар топилди. Шаҳар тўғрисида илк ёзма маълумотлар 9—10-а. Эрон тарихчиси ва филологи *Табарий*, 10-а. тарихчи ва географлари *Истахрий* ва *Муқаддасий*ларнинг асарларида учрайди. Саёҳ географ, адиб ва тарихчи *Ёқут Ҳамавий*нинг ёзишича, Ҳ. мустаҳкам қалъали катта шаҳар бўлган. Шаҳар ер юзасига чиқиб қолган табиий тупроқ сувн қалъаси 6-н ўралган. Қалъага фақат биргина ғарб томонидаги махсус ўтл *олиб борган*. *Хондамир* ва *Мирхонд*, Абулғозий Баҳодирхон, Мунис, Отажўраллар асарларида Ҳ.нинг тарихига оид кўп маълумотлар берилган. Ҳ. тўғрисида сайёҳ, шарқшунос А.*Вамбери* ҳам қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган. 19-а. охирида шаҳарда 8 масжид, мадраса, мактабхоналар фаолият кўрсатган.

Ҳ.да 50 дан зиёд корхона ва ташкилот, шу жумладан, пахта тозалаш, гинт з-длари, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, таъмирлаш устахоналари, маҳаллий саноат корхоналари, тўқимачилик, палос ф-каллри бор. Ўзбекистон — Германия «Уника» қўшма корхонаси фаолият кўрсатади. Бутун Қўйи Амударё регионида машҳур бўлган «Қозоқбозор» деб аталувчи бозор мавжуд. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар ишлаб турибди. Шунингдек, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, деҳқон бозори бор. 4 умумий таълим мактаб, ихтисослаштирилган болалар лицейи,



Хазорасп туманн ҳокимияти биноси.

қх., иқтисодиёт, тиббиёт, пед. касб-ҳунар коллежлари ва б. ўқув муассасалари фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, маданият уйи, клуб муассасалари, хиёбонлар, маданият ва истироҳат боғи, «Истиқлол» стадиони, спорт заллари, футбол майдонлари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Карате ва таэквондо спорт клублари фаолият кўрсатади.

Туман марказий касалхонаси, кат-талар ва болалар поликлиникалари, шошилинч тиббий ёрдам бўлими, туғруқхона, хусусий поликлиника, касалхона, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади.

Ҳ.дан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Денов ва б. шаҳарларга, Хоразмнинг бошқа туманларига, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл, Беруний ш.ларига автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган. Шаҳарда тарихий ва меъморий ёдгорликлардан қалъа қолдиқлари (мил. ав. 7—6-а.лар), Жума масжиди (18-а.) ва б. сақланиб қолган.

Ал. Маньковская Л., Булатова В., Памятники зодчества Хорезма, Т., 1978; *Қурбонниёзов Р.*, Хоразм географияси, Урганч, 1996; *Нурмонов К.* ва бошқалар, Хазорасп тарихи, Урганч, 1998; «Древности Южного Хорезма» (ХАЭЭ–XVI), М., 1992.

ХАЗОРАСП ТУМАНИ — *Хоразм вилоятида*ги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Жан.дан Туркманистон, жан.-шарқдан Бухоро вилояти, шим.дан Қорақалпоғистон Республикаси, ғарбдан Боғот тумани б-н чегараланш. Майд. 2,06 минг км². Аҳолиси 188,5 минг кишн (2005). Туманда 1 шаҳар (Питнак), 1 шаҳарча (Хазорасп), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бешта, Бўстон, Карвак, Овшар, Пичоқчи, Саноат, Юқори Мулҳамон, Питнак, Саримой, Тупроққалъа, Янгибозор). Марказн — *Хазорасп* шаҳарчаси.

Табиати. Ҳ.т. Хоразм воҳасининг жан.-шарқи ва Қизилқум чўлида жойлашган. Ер юзаси пасттекислик, шарқдан ғарбга бир оз қия. Ўртача бал. 150—200 м. Туман ғарбий қисмининг шим. чеккаси ва шарқий қисмининг жанубн Амударё террасаларидан иборат. Жан. четларси Қоракум чўлига туташ. Бу ерларда чўл рельефига хос қум тепалари, қолдиқ қўдлар (Ҳажжалиқўл, Шўрқўл, Кепак, Узунқўл, Қурвашак ва б.) бор. Питнак атрофида қирлар жойлашган. Туманнинг шарқий қисмини Қизилқум чўли эгаллаган. Иқлими кескин континентал, янв.нинг ўртача т-раси –4,1°, энг паст т-ра –32°, июлнинг 27°, энг юқори т-ра 44°. Йиллик ёғин 100—110 мм. Вегетация даври тахм. 200—210 кун. Туманнинг шим. ва жан. дан Амударё оқиб ўтади. Туман экинзорлари Амударёдан сув олишдан Тошсоқа, Ҳазорасп каналлари ва бу каналлардан чиқарилган Питнакарна, Янгиён, Ҳассаён, Қартибчар, Овшарён, Муҳаммён ва б. ариқлардан суғорилади. Тупроқлари аллювиал ўтлоқи, ботқоқ ва шўрхокларлан иборат. Сизот сувлари 1—3 м чуқурликда, қиш ва баҳорда ер юзасига кўтарилади ва натижада тупроқ юза қатламида туз тўпланади. Қиш ва баҳорда тупроқ ювилиб оқава сувлар туманнинг жанубн ўтган Қипчақ коллекторига бориб тушади. Туман жан. да Амударёда Ўзбекистонда энг йирик *Ўзбекистон сув омбори* қурилган. Ёввойи ўсимликлардан саксовул, ўрлак, туранғил, тол, терак, жийда, бўғдойиқ, ажрик, шувоқ, семизўт, шўра, оқбош, юзғун, янтоқ, қамиш, қўға, ажан ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан чиябўри, қуён, тулки, бўрсиқ, нутрия, ҳамроннозиқ, ондатра, калтакесаклар, илонлар; қушлардан тустовуқ, бирқозон, ўрдак, ғоз ва б. учрайди. Туманнинг энг жан. да, Амударё бўйида Қизилқум давлат қўриқхонаси ташкил этилган.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, татар, қозоқ, корейс, рус, туркман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўртача аҳоли зичлиги 1 км² га 91,5 кишн. Шаҳар аҳолиси 32,9 минг кишн, қишлоқ аҳолиси 155,6 минг кишн.

Хўжалиги. Туман иқтисодиётида қ.х. етакчи ўринда. Пахтачилик, галлачилик (шу жумладан, шоличилик) ривожланган. Чорвачилик, пилачилик, боғдорчилик, полизчилик ҳам муҳим ўрин тутади. Ҳ.т.да деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Туманда жами экин майд. 26,3 минг гектарга яқин, шундан, 11,3 минг га ерга пахта, 11,7 минг га ерга дон, 71 га ерга картошка, 752 га ерга сабзавот, шунингдек, озуқа экинлари ҳам экилади (2004). Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларида 51,2 мингдан зиёд қорамол (шу жумладан, 23,8 мингдан зиёд сигир),





Ҳазорасп шаҳрчасидаги Ўзбекистон — Германия «Унихо» қўшма корхонаси.

39,5 минтта яқин ҳўй ва эчки, 100,8 минг парранда боқилади. Пахта тозалаш, енгил э-лдари, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, таъминлаш устаханалари, маҳаллий саноат корхоналари, тўқимачилик, пахс ф-калари ва б. бор. Бутун Хоразм воҳаси ва ундан ташқарида Ҳазорасп шаҳарчасидаги «Қозоқбозор» машҳурдир. Туманлараро фаолият кўрсатаётган жами 1200 дан зиёд корхона ва ташкилотдан 105 таси йирик, 14 таси ўрта, 76 таси кичик корхона, 1034 таси микрофирмадир. Қўшма корхоналардан Ўзбекистон — Германия «Унихо», Ўзбекистон — Туркия «Хоразмшакар» корхоналари фаолият кўрсатади. Туман ҳудудида Амударё устига халқаро аҳамиятдаги кўприк қурилган. Кўприкдан суткасига 14 поезд, 1000 та автомобиль ўтиши мўлжалланган.

49 умумий таълим, болалар мусиқа ва спорт мактаблари, Ҳазорасп тиб-



Ҳазорасп туманидаги «Метинсиро оға» ҳайкали.

биёт, қ.х., иқтисодиёт, пед. касб-ҳунар коллежлари, туман марказий кутубхонаси ва унинг 47 та тармоғи, 35 клуб муассасаси, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, 2 стадион, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари фаолият кўрсатади. 660 ўринли 4 касалхона (шу жумладан, туман марказий касалхонаси), поликлиника, дорихоналар, 1 участка касалхонаси, 5 қишлоқ амбулатория-си, 12 қишлоқ врачлик, 16 фельшер-акушерлик пунктлари, 14 тиш даволаш поликлиника пунктлари ва б. тиббий муассасаларда 421 врач (ҳар 10 минг кишига 22,6 врач), шунингдек, 1850 ўрта тиббий ходим аҳолига хизмат кўрсатади. Ҳ.т. ҳудудидан Урганч — Тошкент т.й. ва автомагистрали ўтади. Туман марказидан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Денов ва б. шаҳарларга, Урганч ш. ва Хоразм вилоятининг барча шаҳар ва туманларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл, Беруний ш.ларига автобус ва маршрутли таксилар қатнайди. Тарихий ва меъморий ёдгорликлардан Ҳазорасп қалъаси (мил. ав. 7—6- а.лар), Ҳумбутепа, «Сартарош», Учўчоқ, Донқалъа, Жума масжиди (18-а.), Шайх Ҳусайн бобо мақбараси (19-а.) ва б. сақланган. 1935 й. 21 майдан «Ҳазорасп» газ. чоп этилади.

Комил Норжонов.

ҲАЗОРАСПИЙ, Жалъфарўжа ибн Насриддинхўжа ал-Хусайний ал-Карвакий (18-а. охири — 19-а.нинг 1-ярми, Ҳазорасп ш.) — шифокор-табиб, олим. Ҳазорасп ш. яқинидаги Карвак қишлоғида табиб оиласида туғилган. Ҳазорасп, Хива ва Бухоро мадрасаларида ўқиб, мударрис бўлиб етишган. Ибн Сино, Абу Бакр ар-Розий, Ибн Хаммор, Абдулғозий Баҳодирхон асарларини ўрганиб, табиблик ни эгаллаган. «Атабобат ул-мажмуа» («Табобат масалалари тўплами») асари муаллифи. Асарнинг турли нусхаларда кўчирилган нусхалари Хива, Тошкент, Истанбул, Британия (Лондон) музей қўлёзмалар фондида сақланади. Асарда қон томирлари ва боғ ми тузилиши, ташхис қўйишнинг бир неча турлари, овқатланиш меъёри, парҳез, зориқор ўсимликлардан оқилона фойдаланиш йўллари баён этилган. Наслдан-наслга ўтувчи сурункали саратмас касалликлар, жигар ва оққозон ости безларининг яллиғланиш каби хасталикларни даволаш усуллари кўрсатиб берилган. У бепуштлик, жўлдар жинсий ъзоларидаги касалликларнинг пайдо бўлиши ва уларни даволаш усуллари тўғрисида ҳам батафсил маълумотлар беради. Ҳ. Ҳазорасп туманининг Карвак қишлоғидаги Шайх Ҳусайн бобо қабристонига дафн қилинган.

Ад.: Абдуллаев А., Очерки истории развития медицины в Средней Азии. Т., 1980; Дўсчанов Б., Ҳазорасп тарихи. Урганч, 1998.

ҲАЗОРБОҒ — Сурхондарё вилоятидаги канал. *Тўполонсойнинг* ўнг соҳилидан бошланади. 1929—38-й.ларда қурилган. Иларғичи уз. 36,5 км, сув ўтказиш имконияти 18 м³/с. Кейинги реконструкциялар (1953—1967) натижасида каналнинг сув ўтказиш имконияти 70 м³/с гача оширилди; уз. 56 км га етказилди. 3-км да бош гидроузел бор. Канал камсув Тўполонларё, Сингирдак, Ҳўжаипок дарёларини бирлаштиради. Ҳ. трассаси жан.-ғарбий йўналишда кўп майда ариқларни кесиб ўтади. Денов ва Шўрчи туманларидаги 40 минг га га яқин жин майдонларини суғоради. Ҳ. Дегрез сув омбори (сиғими 12,8 млн. м³)га сув беради.

ҲАЗРАТИ БАШИР ОТА МАСЖИДИ — Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорлик (15-а. 2-ярми); Улуғбекнинг дўсти олим Башир ота (Саид Аҳмад; вафоти 1461—62) номи б-н боғлиқ. Масжид катта ҳовлиқоқ ва мақбаралари ибодат, Башир ота қабри устидаги саганда сақланган. Сагана 2 поғонали асос устига ўрнатилган, ўйма нақшлар 6-н безатилган. 18-а.да унинг устига синчли, деворлари лой сувақли, 4 та ёғоч устунга ўрнатилган шифти ясси тоқили масжид қурилган.

ҲАЗРАТИ ИМОМ — қ. *Кафдаз Шоший*.

ҲАЗРАТИ ИМОМ МАЖМУАСИ, Ҳастимом — Тошкентдаги меъморий ёдгорлик (16—20-а.лар); мажмуа имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Исмоил ал-*Кафдаз Шоший* қабри атрофида шаклланган. Қабр ва унинг

атрофида вужудга келган қабристон ва меъморий ёдгорлик мажмуаси Ҳазрати Имом номи 6-н аталади. Дастлаб *Баронхон мадрасаси*, кейинроқ *Каффол Шоший мақбараси*, 16-а. охирларида Сувончиҳожахон ва момахум мақбара, 1579 й.да Абдуллахон II мақбараси қўш услубида Шайх Бободоғи мақбараси қурилган (сақланмаган). 16–а.да мажмуа таркибида сайроқ боғ барпо этилган, айвонлар қурилган, ҳовуз атрофи кўкаламзорлаштирилган, халқ сайилгоҳи ўтказилган. 19-а. ўрталарида Тошкент наманганлик Тиллашайх масжиди, Муйи Муборак мадрасаси, Жоме масжиди (сақланмаган) бунёд этилган. 20-а. бошларида Тиллашайх масжиди қайта қурилган. *Эшон Бобохон* ҳам шу жойда дафн этилган. Ҳ.и.м.да Ўзбекистон мусулмонлари идораси жойлашган.

ҲАЗРАТИ ИМОМ МАЙИН (МУИН) МАЖМУАСИ — Қашқадарёдаги меъморий ёдгорлик (11—19-а.лар). Ҳазрати Имом Майин мақбараси атрофида бунёд этилган. Мақбара олди айвонли, пақлинкор 6 устунга таянган. Мажмуа девор 6-н ўралган кичик (ташқи) ва катта ҳовлидаги турли даврларда қурилган бинолардан ташкил топган. 11—14-а.ларда мақбара (тарҳи 5×5 м), зиёратхона ва масжид (7×7 м) қурилган, мақбара ҳовлисида мураббо тарҳли (10×10 м) ҳовуз бор, ҳовузнинг шарқида қудуқ мавжуд. Мақбара 16 қиррали кўлоҳли гумбаз 6-н ёпилган, ёғоч сағана ўйма пақиллар 6-н зиёратхонага. Масжид гумбазли хонақоҳ ва 2 томонли айвондан иборат, айвон шифти ва устунлари *пақиллар 6-н безатилган*; масжид ёнида чиллахона жойлашган. 19—20-а.ларда хонақоҳга туташ 2 хона қурилган. 2004 й.да таъмирланган.

ҲАЗРАТИ ИМОМ МАҚБАРАСИ — Шахрисабзсадаги меъморий ёдгорлик (14-а.). *Дор ус-сиёдат* меъморий ёдгорлиги таркибидаги Жаҳонгир Мирзо мақбараси Ҳ.И.м. номи 6-н машҳур. Дастлаб сардоба, кейинроқ устига тўртбўрчак тарҳли зиёратхона тикланган, ташқи томонда кичик пештоқ ҳам бўлган. Ҳ.И.м. янги мадраса пештоғи бағрида қолиб кетган, мақбара қалдиғи ростлаш учун зиёратхона тепаси қўшимча девор орқали анча баланд кўтарилган ва устига янги куполсимон чўққи гумбаз ўрнатилган. Археологик тадқиқотлар мақтида мақбарадан 3 та жасад топилган. Шарафуддини али Яздий «Зафарнома»сида Кешда ишлаган Бухоро ва Самарқандлик машҳур имомлар орасида Ҳазрати Имом номи 6-н машҳур Абу Муҳаммад ал-Қаффолий-ни тилга олган. Амир Темур авлодлари хотираси ёқинида шу имомнинг қабри бўлган (лекин қабр сақланмаган). Ҳазрати Имом номи янги бунёд этилган олий мадраса — Дор ус-сиёдат қодинқларига кўчиб қолган.

ҲАЗРАТ СУЛТОН МАҚБАРАСИ — Қашқадарё вилоятидаги меъморий ёдгорлик (12—13-а.лар). Мақбарининг қад. қисми уюл гўрхона бўлиб, кенг равоқли йўлак орқали гумбазли зиёратхонага ўтилади. Зиёратхонага 3 та гўрхона туташ. Мақбара 16—18-а.ларда қайта тикланган.

ҲАЗРАТИ СУЛТОН ЧЎҚҚИСИ — Сурхондарё вилоятидаги чўққи, бал. 4688 м. Ҳисор тизмаси сувайрғич қисмининг жанубғарбида. *Кампир дарёси*нинг бошланиш қисмида жойлашган. Ўзбекистоннинг энг баланд нуқтаси. Атрофидаги қудудлардан тик қурумли қалдр ҳосил қилиб кўтарилган. Енидан оқиб ўтувчи ва шу қудудлан бошланувчи дарёлар қавзасида абадий қор ва музликлар мавжуд.

ҲАЗРАТИ ХИЗР МАСЖИДИ — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (19-а. ўрталари); афсонавий ўлмас шахс Ҳазрати Хизр номи 6-н боғлиқ. Бино *Шоҳинда* мажмуаси қаршисидаги тепаликда жойлашган қад. масжид пойдевори устига қурилган (меҳроб-



Ҳазрати Хизр масжиди.

даги ёзувга кўра 1855 й.). Масжид хонақоҳ, унинг 2 ёнида ҳужралар, қўшимча хоналар, омборхона, миноралари иборат; кейинчалик бинога қўшимча айвон (1899), дарвозахона (1919) қурилган. Бош тарҳдаги тик зинапоядан дарвозахонага чиқилади, ундан унча катта бўлмаган хонага киралади. Дарвоза пештоқ-гумбазли, пештоқининг 2 бурчагига қуббаси қовурғали гулдаста-миноралар ишланган; пештоқнинг чап томонида равоқли, ўймакорли безатилган 5 та ёғоч устунли пешайвон жозибадор накшлар 6-н сеҳрлиша безатилган, қирма усулидаги ганч безаклар мавзрат 6-н ишланган. Пешайвондан баланд гумбаз 6-н ёпилган хонақоҳга ўтилади. *Ташқарисн пилтавор гумбаз 8* қиррали пойгумбазга ўрнатилган, оралиги муқарнаслар 6-н зийнатланган. Пештоқ ҳамда қафсали минора кошинқори безатилган, пештоқ пойгумбазига равоқли дарчалар ишланган. Бино 20-а. 90-й.ларида қайта таъмирланди.

ҲАЗРАТИ ШАЙХ МАЖМУАСИ — қ. *Шамседдин кулол мақбараси*.

ҲАЗРАТИШОҲ — Тожикистон Республикаси жанубги тоғ тизмаси. Ҳатлон вилоятида, Дарвоз тизмасининг ғарбий қисмига ёндош. Уз. 55 км. Конгломератлардан ташкил топган. Энг баланд жойи 4088 м. Ён бағирларн дашт ўсимликлари ва ярим кўсрофил бутазорлар 6-н қопланган.

ҲАЗРАТҚУЛ БАХШИ (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳазратқул Ҳудойбердиев) (1920, Қамаши тумани Қорақўтон қишлоғи) — Қамай достончилик мактабининг вакили. Душанба пед. ин-



Шахрисабздаги Ҳазрати Имом мақбараси.

ти тарих-географик ф-тини тугатган (1958). Ешлигидан халқ достонларини қуйлашга қизиққан. Репертуарида «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғли ё-н Юнуспари», «Авазхон», «Авазнинг ярами», «Нурали ва Оймомор», «Алпомиш» каби достонлар бор. Ундан айрим сеҳрли фантастик эртаклар («Малҳам» номли), замонавий мавзуда достон ва термалар ҳам ёзиб олинган, трамплистмисага кўчирилган.

ҲАЗРАТҚУЛОВ Абдукарим (1895—1976) — шахрисабзлик кулол, қошинкор уста; устозлар Ҳунарни отаси уста Ҳазратқул ва амакиси уста Рустам Эгамбердиевдан ўрганган; ғиждувонлик уста Муродхон сопол буюмларга нақш ишлаш усулларини, меъморий конюлар тайёрлашни ўзлаштирган. Ҳ. Шахрисабз кулоллари анъаналарини ўз ижодида давом эттирди: ғиштга тузли хўппи б-н ўралган йирик (2—6 та) айланаларда «*оқ маҳаллари тун (дарахт)*» *яратади*; майин сариқ, оқ, яшил ранг тузлари б-н сополнинг табиий рангги уйғунлигида ўйқошни, айни пайтда нафис тасвирлар ишлайди. Ифодалилик ҳамда шаффоф енгил оқувчан бўёқлар устининг ўзига хос услубини белгилайди. Ҳ. ишларидан намуналар республика музейларида сақланади.

ҲАЗРАТҚУЛОВ Муртазоқул *(1943.17.7 — Жиззах тумани — 2002.2.12)* — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). Фарғона пед. институтини тугатган (1970). 1970 й.дан Жиззах туманидаги 10-мактаб, 1981—2002 й.лараа 16-мактабда кимё-биол. ўқитувчиси, мактаб ўқув бўлимы мудири.

ҲАЙБАР ДОВОНИ — Сафедкўҳ тизмасидаги довон; Афғонистон б-н Покистон чегарасида. Уз. 53 км, энн 15—130 м. Энг баланд жойи 1030 м. Т.ён. (Покистон ҳудудида) ва автомобиль йўли ўтган.

ҲАЙБАТСОҚИ (1846 — ҳоз. Тожикистон Республикаси Хатлон вилояти — 1906) — соқи. Ҳ. қўлбоғ достон.ларни тўплаган, қўшиқларини ёздан билган, ўзбекларга турли усулларда черта билган ва жаранглаб овоз соҳиби бўлган. Ҳ. машҳур *Қумдуғсоқа*нинг шогирди сифатида анъанавий лақаб соқичилик мактабига хос бўлган «Гўрўғли» туркумидаги достонларни «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғлининг Гуржистонга бориб, Авазхонни озиб келиши», «Ахмадинни Гўрўғлига даъвоси», «Гўрўғлининг қошига икки эличининг келиши», «Кўктемир саодагарнинг Авазхонга дори бериши», «Гўрўғлининг Райҳонвоб б-н уруши», «Гўрўғлининг Санам ва Гавҳар номли қизлари», «Авазхон ва Қорақўй», «Авазнинг Гирадой қўлига сафари», «Гулойимхари», «Нурали» каби достонлар ва халқ қўшиқларини ижро этиб, ўзига хос мактаб яратган. Ҳ.нинг ўғли Тўдасоқи (1886—1968) ҳам йирик гўрўғлихон сифатида монтакдда шуҳрат қозонган.

ҲАЙВОНЛАР, ҳайвонот дунёси (Animalia) — органик олам системасидаги йирик бўлимлардан бири. Ҳ.нинг *бунлан 1—1,5 млрд. йил* илгари океан сувида микроскопик, хлорофиллсиз амёбасимон хивчинлилар шаклида пайдо бўлганлиги тахмин қилинади. Ҳ.нинг энг қад. қазилма қолдиқлари ёши 0,8 млрд. йилдан ошмайди. Кўп ҳужайрали Ҳ. — *бўшлиқичилар, чувалчанглар,* тубан *бўғимоёқлиларнинг* дастлабки қолдиқлари сўнгги кембрий қатламларидан бошлаб (миллан 690—570 млн. йил ав.) учрайди. Кембрий даври бошларида (*миллан* 570—490 млн. йил ав.) ташқи *минерал скелетли (чиганоқли ёки* хитинли) денгиз умуртқасизларининг кўпчилик гуруҳлари (*трилобитлар, жабраоёқлилар, моллюскалар, археоциатлар*) ривожланган. Кембрийнинг охирида ташқи скелетга эга бўлган умуртқасизлар (*тўғарак оғизлиларнинг* қадимги ажддолари) келиб чиққан. Силурда (миллан 445—400 млн. йил ав.) Ҳ. ўсимликлар б-н бир вақтда қуруқлик юзасини эгаллай бошлайди. Силурнинг кейинги даврида, дастлабки чаёнлар, девон охиридан бошлаб (*миллан* 400—345 *млн. йил ав.*) дастлабки қуруқликда яшовчи умуртқалилар — сувда ҳамда қуруқликда яшовчилар ривожланган. Карбон даврида (миллан 345—280 млн. йил ав.) қуруқликда умуртқасизлардан ҳашаротлар, умуртқалилардан тубан тузилишга эга бўлган судралиб юрувчилар ва сувда ҳамда қуруқликда яшовчилар, Мезозойнинг триас юра ва бўр даврларида (миллан 230—66 млн. йил ав.) судралиб юрувчилар ҳукмронлик қилган. Триас бўғалларида (*миллан 230—195 млн. йил ав.*) динозаврлар, бу давр охирида сут эмизувчилар келиб чиққан. Қушлар юра даврининг охиридан (миллан 195—136 млн. йил ав.) маълум. Бўр даврининг охирига келиб (миллан 136—66 млн. йил ав.) кўпчилик денгиз умуртқасизлари, денгиз ва қуруқликда яшовчи судралиб юрувчилар, жумладан, динозаврлар қирилиб кетади; улар ўрнини қушлар ва сут эмизувчилар эгаллайди.

Ҳ. — гетеротроф организмлар, яъни улар тайёр органик моддалар б-н озиқланади. Ҳ.да метаболизм фаол кечиши туфайли уларнинг ўсиши чекланган. Эволюция жараёнида ҳар хил органлар функционал системаси: мускул, айириш, нафас олиш, қон айланиш, жинсий ва нерв системаларининг шаклланиши Ҳ. учун хос бўлган энг муҳим хусусиятлардан ҳисобланади. Ҳайвонлар ҳужайраси қаттиқ целлюлоза қобиқнинг бўлиши б-н ўсимликлардан фарқ қилади. Барча Ҳ. б-н *ўсимликлар ўртасидаги фарқ нисбий.* Мас., бир ҳужайрали ҳайвонларнинг мускул, нерв ва б. системалари бўлмайди; кўп ҳужайрали ҳайвонлар орасида ҳам ўтроқ яшайдиганларнинг кўп (мас., ғовакчалилар, бўшлиқичилар, мшанкалар, асцидиялар, кўп турли чувалчанглар). Айрим организмларни озиқланиш усули (фотосинтез) ва ҳаракатланишга биноан бир вақтнинг ўзида Ҳ.га ҳам, ўсимликларга ҳам киритиш мумкин (мас., эвгленасимонлар, водоскаллар ва б.). Ҳ. б-н *ўсимликлар ўртасида кескин чегара*нинг бўлмаслиги уларнинг келиб чиқишидаги умумийлик б-н боғлиқ. Ҳ. ва ўсимликларнинг ҳужайраларини тузилганлиги, улар таносида борадиган моддалар алмашинуви жараёнининг умумийлиги, ирсият ва ўзгарувчанлик қонуниятларининг ўхшашлиги ва б. яқ. шунлан далолат беради.

Ҳ. ҳужайраий тузилишга биноан бир ҳужайра ва кўп ҳужайралиларга ажратилади. Бир ҳужайралилардан битта ҳужайранинг ўзи тирик организм *учун хос бўлган деярли барча* хусусиятларга эга. Тубан кўп ҳужайралилар — пластинкасимонлар тинаси бир неча функциянн (ҳаракатланиш, қопланш, озиқланиш) бажарадиган, кам ихтисослашган ҳужайралардан иборат. Ғовакчалилар, бўшлиқичилар, тароқчилар тинаси 2 қават (эктодерма ва энтодерма) бўлиб жойлашган нисбатан ихтисослашган ҳужайралардан иборат, лекин тўқима ва ҳақиқий органлар шакланмаган; бирмунча мураккаб тузилган Ҳ. тўқима ва органлари онтогенезда *3 та муртак варақлари* (эктодерма, энлодерма ва мезодерма) ҳисобидан қосил бўлади. Мас., эктодермадан нерв системаси, сезги органлари, тери ва унинг ҳосилалари; энлодермадан ичак, нафас органлари, секреция безлари; мезодермадан сўяк, мускул, қон айланиш, айириш системаси органлари шаклланади.

3 қаватли Ҳ. бирламчи оғизлилар (одатдаи чувалчанглар, моллюскалар, бўғимоёқлилар) ва иккиламчи оғизлилар (игнатанлилар, хордалилар)га

ажратилади. Аньанага кўра барча Ҳ. умуртқасизлар (кўпчилик Ҳ.) ва умуртқалилар (хордалилар)га бўлинади. Тузилиши ва ўзаро филогенетик боғланишига биноан ҳайвонот дунёси кейинги дунё, тип, синф ва б. таксонларга ажратилади. Одатда, ҳайвонот дунёси 16—25 (баъзан 10—33 та) типга ажратилади. Айниқса тубан тузилган умуртқасизларни системага солишда кўп чалкашликлар мавжуд. Мас., 20-а.нинг 60-й.ларигача бир ҳужайралилар фақат битта тип сифатида ўрганилган бўлса, ҳоз. даврда бир неча (5—7 та) типга ажратилади. Барча кўп ҳужайрали типлари (қ. *Тип*) битта кўп ҳужайралилар кенжа дунёсини, бир ҳужайралилар эса бир ҳужайралилар кенжа дунёсига киритилади. Ҳ.нинг 1,5 млн. (бошқа маълумотларга кўра 3—4,5 млн.) тури маълум. Ер юзида Ҳ. яхши ўрганилмаган. Ҳар йили тўғрак чувалчанглар, ҳашаротлардан юзлаб янги турлар кўрсатиб берилмоқда. Аниқланган Ҳ.нинг $^2/_3$ қисмини ҳашаротлар ташкил этади.

Табиатда ва одам ҳаётида Ҳ. катта аҳамиятга эга. Ҳ. — барча экосистемаларда озиқланиш занжирининг асосий таркибий қисми. Ҳ. ўсимликлар б-н озиқланиб, ўзлаштирган моддаларининг кўп тупроққа қайтарилишига, бинобарин ўсимликларнинг ўсишига имкон беради. Ўсимлик ва Ҳ. қолдиқи б-н озиқланадиган Ҳ. Ер юзини органик қолдиқлардан тозалаб, табиий санитарлик вазифасини бажаради. Йиртқич Ҳ. табиатда зараркунанда Ҳ.нинг сонини чеклаб туришга ёрдам беради. Ҳ. одам ҳаётида ҳам катта аҳамиятга эга. Улардан бир қанча турлари овланади; уй ҳайвонлари гўшт, сут, жун, тери ва бошқа ҳ.к. маҳсулотлари олиш мақсадида ва транспорт воситаси сифатида боқилади. Ҳ. орасида қ. ҳ., одам ва Ҳ.ли энён келтирадиган паразит турлари ҳам кўп. Одам фаолиятининг табиатга таъсири тобора кучайиб бориши бир хил турлар сонининг кескин қисқаришга кетишига олиб келди. Айрим маълумотларга кўра ҳоз. даврда ҳар қуни Ҳ.нинг битта тури йўқолиб бормоқда. Ҳ.ни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш мақсадида дезрли барча мамлакатларда қонунлар қабул қилинган; махсус қўриқхоналар ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига 184 ҳайвон тури киритилган.

Ад.: Жизнь животных, т. 1—6, М., 1968—1971; Мавлонов О., Хурранов Ш., Умуртқасизлар зоологияси, Т., 1998.

Ориф Мавлонов.

ҲАЙВОНЛАР ЁҒИ — баъзи ҳайвонларнинг ёғ тўқималаридан ёки сутидан олинадиган маҳсулот. Мол, қўй ёғи ва б. Ҳ.ё. озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Мас., сигир сутидан олинадиган ёғдан сариёғ тайёрланади. Денгизларда яшайдиган сут эмизувчилар ва балиқлар ёғи тиббиётда, атир-упа саноатида, маргарин и.ч.да ва б. мақсадларда қўлланади (қ. *Ёғ*).

ҲАЙВОНЛАР МИГРАЦИЯСИ (лот. migration — кўчиш, кўчиб ўтиш) — бир-биридан узоқда жойлашган ва ўзаро кескин фарқ қиладиган яшаш муҳитларига ўртасида ҳайвонларнинг қонуний кўчиб юриши. Ҳ.м. яшаш жойида муҳит шароитининг ўзгариши ёки ривожланишнинг ҳар хил даврларида ҳайвонинг яшаш муҳити шароитига талабининг ўзгариши (онтогенетик миграция) б-н боғлиқ. Ҳайвон яшаётган жойда яшаш шароитининг ўзгариши таъсирида содир бўладиган Ҳ.м. даврий (маъсумий, сутканлик) ёки иродавий бўлиши мумкин. Ҳайвонлар, одатда, ажолозлари ўтган йўл орқали миграция қилади.

Даврий (циклик) миграция ҳар хил: вертикал (сут эмизувчилар, қушлар ва ҳашаротларнинг тогнинг вертикал минтақалари бўйича, умуртқасизларнинг тупроқ ва сув қатламлари бўйича миграцияси), анадром (ўткинчи балиқларнинг денгизлардан дарёларга ўтиши), катадром (ўткинчи балиқларнинг дарёлардан денгизларга ўтиши) хилларга ажратилади. Денгиз тошбақалари ва сут эмизувчиларнинг океанларда, туёқли, йиртқич ва кемирувчи сут эмизувчиларнинг қуруқликда, кўпчилик қушлар, кўпгина паллалар ва ҳашаротларнинг ҳаво орқали миграцияси ҳам даврий дейиш мумкин.

Даврий бўлмаган, яъни спорадик миграция — ўтроқ яшовчи ҳайвонлар (сомалонлар, лемминглар ва б.) яшаш муҳитининг ёмонлашуви (қурғоқчилик, ёнғин, тошқин ва б.), индивидлар сонининг ошиб кетиши натижасида содир бўладиган оммавий кўчиш. Бу хилдаги миграция тартибсиз содир бўлади ва кўп ҳолларда ҳайвонларнинг ялпи қирилиб кетишига олиб келади.

Онтогенетик миграция — ривожланишнинг ҳар хил даврларида ҳайвонларнинг яшаш муҳити шароитига талабининг ўзгариши б-н боғлиқ. Бундай миграция личинкалик (ўтроқ яшовчи ассцилиялар, коралл полиплар, говаскалилар, қалқондорлар ва б.) ёки жинсий воята етиш даврда содир бўлиши мумкин. Фаол миграция қилиш учун ҳайвонлар вақт ва ўзгаришни биологик сезиш қобилиятига эга бўлиши керак (қ. *Биотаксислар*). Миграция ҳайвонларни тамғалаш ва экспериментлар орқали ўрганилади.

ҲАЙВОНЛАР МОРФОЛОГИЯСИ (лот. morphe — шакл ва ...логия) — ҳайвонлар организми шакли ва тузилишининг ҳусусий (онтогенез) ва тарихий (*филогенез*) ривожланиши тўғрисидаги таълимот (қ. *Ҳайвонлар систематикаси анатомияси, Гистология, Цитология, Эмбриология*).

ҲАЙВОНЛАР ОРИЕНТАЦИЯСИ (франц. orentation — шарқ томонга йўналиш), биоориентация, мўлжал олиш — ҳайвонларнинг ўз макон ёки ўрнини фазода, ўз тури индивидларига ёки бошқа турлар ўртасида аниқлаш қобилияти. Ҳ.о. — тирик мухит тўғрисида рецептор системаси орқали ахборот олиш, уни марказий нерв системасида қайта ишлаш, солиштириш ва жавоб реакциясини шакллантиришни ўз ичига оладиган мураккаб жараён. Сигналларини қабул қилиш ва қайта ишлаш образини таниб олиш ва сигнал манбаи ҳолатини аниқлашни ифодаб. Ориентация усуллари — муайян экологик шароитга нисбатан морфофизиологик мослашиш натижаси. Оптик ориентация фоторецепторлар б-н боғлиқ. Кўпчилик ҳашаротлар қутбланган ёруғликни, айримлари ультрабинафша нурларни қабул қилади. Қушлар ва сут эмизувчилар ердаги объектларга, шунингдек, Қуёш, Ой ва юлдузлар ҳолатига қараб мўлжал олиш қобилиятига эга. «Ўй инстинкти» деганлар ҳусусиятларни ва *биотаксислар* механизмларни б-н боғлиқ. Кўпчилик қабилалар оғиқ қилдириш, ўз жуфтини топиш, *миграция* ва тарқалишда ҳид ёрдамида мўлжал олади. Айрим капалаклар (тунукуз), пилла ўровчилар) эркаги уруғчисини 10 км масофадан топади.

Акустик ориентация — кўриш чекланган сув муҳити ва қалин ўтлар ўсган биотоплар учун қулай. Кўпчилик йиртқичлар ўз ўлжасини товуш орқали топади. Бойўғли шитирлаган овоз ёрдамида ўз ўлжасининг ўрнини 15—20 м масофадан 1° аниқликгача билади (пассив локация). Кўршапалак ва дельфинлар эхолокациядан фойдаланади.

Терморецепция — иссиқ нурланишни қабул қилиш хусусияти инфрақизил нурларни кемирувчилари овлайдиган, тумшуғида ҳаво ҳароратининг минтақа бўйи градусини ўзгаришини сезадиган махсус ботиқ орган — терморецептор бўлган қалқонсимшуқ ва бўғма илонлар учун хос

Қўпчилик тубан умуртқасизлар (мас., планариялар), қаттақўрғон (папиллар, қўнғизлар, термитлар), эҳтимол қушлар ва сувда яшовчи сут эмизувчилар Ер магнит майдонига қараб мўлжал олади. Балиқлар ён чизиқлари ёрдамида сув оқимига қараб, электр органлари ёрдамида электр майдонига қараб мўлжал олади.

Ҳ.о. — ҳар хил алоқа воситалари орқали олинган ахборотларни солиштириш натижаси, яъни интеграл реакция. Бу жараёнда вазнига қараб у ёки бу рецептор система асосий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бундай механизм мўлжал олишнинг аниқлигини, унинг мослашувчанлик хусусиятини оширади. Ҳайвоннинг ориентацион хатти-ҳаракатига популяция, пода, гала ёки колонияни бошқа индивидлар томонидан тегишли тузатиш киритилади. Мисралида, қўпайиш ёки ён индивидларнинг ўсиши даврида ҳайвонларнинг гуруҳ бўлиб яшашининг афзалликлари ҳам ана шундан иборат.

ХАЙВОНЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ — *Зоопсихология.*

ХАЙВОНЛАР СИСТЕМАТИКАСИ — *систематикасининг бир бўлими.* Ҳ.с. ни илк бор Аристотель (мил. ав. 4–а.) ишлаб чиққан. У ҳайвонларнинг 252 формасини тавсиф бериб, уларни 2 та катта гуруҳ: қонлилар (хоз. умуртқалилар) ва қонсизлар (хоз. умуртқасизлар)га ва 8 та кичик гуруҳларга ажратган. Аристотелдан сўнг 2 минг йил давомида Ҳ.с.да деярли ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Фақат инглиз биологи Ж.Рей (1693) систематикасининг асосий бирлиги — тур тушунасини фанга киритгани.

Ҳайвонот дунёсининг замонавий систематик шакл натуралисти К.Линней (1707–78) ҳисобланади. У «Табиат системаси» (1735) асарида 4200 турдан ортиқроқ ҳайвонларни 1222 тур умуртқали ва 1936 тур умуртқасиз) ҳайвонларга тасниф этган. К.Линней ҳайвонларни ўзаро ўхшаш белгиларига кўра: тур, синф, туркум ва синфга бўлишни, шунингдек 2 ном: уруғ ва тур номи ёрдамида (бинар номенклатурани) таклиф этган. Лекин Линней ишлаб чиққан система мукаммал эмас эди. Мас., у ҳайвонлар, бутунлигичилар, умуртқасизларни иборат бир-бирдан ажралган ҳайвонлар зоофитлар — ҳайвонсимонлар гуруҳига бирлаштирган. Француз олимлари Ж.Кювье ва Ламарк К. Линней системасининг камчиликларини, Ж. Ламарк «Умуртқасизлар системаси» (1801) ва «Зоофилософия» (1809) асарларида

ҳайвонларни умуртқасизлар ва умуртқалиларга, умуртқасизларни инфузориялар, полиплар, нурлилар, чувалчанглар, қишқартлар, ўргимчаксимонлар, қисқичбақасимонлар, ҳалқалилар, мўйловоёқлилар ва моллюскалар синфларига ажратган. Ж.Кювье «Ҳайвонот дунёси ва унинг классификацияси» (1817) асарида ҳайвонларни 4 та асосий шохга ажратган. Кейинчалик бу шохларга француз зоологи А.Бленвиль (1825) тип (нурлилар, бўғимлилар, моллюскалар, умуртқалилар) номини берган.

Ж.Ламарк ва Ж. Кювье системасини инглиз зоологи Р.Грант (1826) янада такомиллаштириб, нурлилар типидаги ғовакланлилар типини ажратиб чиқарди. Немис зоологи К. Зибольд эса нурлилар типини 3 та мустақил тип сифатида ғовакланлилар, зоофитлар ва чувалчанглар типларига ажратган. У зоофитларга қўпчилик нурлиларни, чувалчанглар-га ҳалқалиларни киритган. Бошқа ҳалқалилар эса бўғимоёқлилар типига киритилди. Немис олими К.Фохт (1825) чувалчанглар типини иссиқ, тўғрак ва ҳалқали чувалчанглараға ажратган. Инглиз анатоми Э.Рей Ланкестер (1877) бу гуруҳларни тип ёмон 6-н аташни таклиф этади. Немис зоологи К.Клаус (1874) ҳайвонларни 9 синга бўлдан. Бу система анча узоқ вақт сақланиб қолди. Вақт ўтиши б-н олимларнинг фақат типлар сонига эмас, балки уларнинг таркибий қисмига нисбатан ҳам тушунчаси ўзгариб борди. Мас., умуртқалилар (кейинчалик хордалилар) типига қобиқлилар (19–а. охиригача моллюскаларнинг бир қисми сифатида қаралган) ва ичак б-н нафас олувчилар киритилган. Ҳайвонот дунёси ўрганилган сари фақат янги турлар, уруғлар, оилалар эмас, ҳатто анча юқори таксономик даражадаги гуруҳлар (туркум, синф, ҳатто тип)лар ҳам кашф этилди. Мас., 1955 й.да рус олими А.В.Иванов иогоморфлар типини кашф этди.

Ҳайвонот дунёси, одатда, 2 кенжа олам: бир ҳужайралилар ва кўп ҳужайралиларга; кўп ҳужайралилар эса паразоядар ва ҳақиқий кўп ҳужайралиларга ажратилади. Паразоядларга ғовакланлилар, қишқарт кўп ҳужайралилар ва бошқа барча типлар киритилган. Ҳақиқий кўп ҳужайралилар ўз навбатида нурлилар (бўғинлиқчилар, тароқлилар) ва икки томонлама (билатерал) симметриялилар ҳамда бирламчи оғизлилар (чувалчанглар, моллюскалар, эхиуридлар, бўғимоёқлилар, сипункулидлар, пайпаслагичлар) ва иккиламчи оғизлилар (чалахордалилар, игнатериялилар, хордалилар)га бўлинади. Айрим зоологлар паразоядар ва ҳақиқий кўп ҳужайралилар 6-н бирга уларга тенг мавқега эга бўлган фагоцителласимонлар турғуни энг тақлиф этишади. Охирги гуруҳ энг тубан тузилган кўп ҳужайралилар — пластинкасимонлар типини ўз ичига олади.

Ҳайвонот дунёсининг турли хил системасида таплар сони 10 дан 33 тагача, ҳатто ундан ҳам кўпроқ кўрсатилади. Кўпчилик зоологлар мавқеъга ларни ва ўқув адабиётларида келтирилади: қисмлар, микросоридлар, инфузориялар бўлинади. Қолган хайвонлар пластинкасимонлар, ғовакланлилар, бўшлиқчилилар, тароқлилар, ясси чувалчанглар, тўғрак чувалчанглар, немертиналар, тиканбошлилар, ҳалқали чувалчанглар, моллюскалар, бўғимоёқлилар, игнатерилилар, чалахордалилар, погонофораларлар ва хордалилар типларига бўлинади. Ҳайвонот дунёси ўрганилган сайин кўплаб янги турлар қашф қилинмоқда. Ер юзида ҳайвонларнинг 1,5 млн. (айрим маълумотларга кўра 3,0—3,5 млн.)га яқин тури маълум.

Ад.: Мавлонов О., Хурраматов Ш., Умуртқасизлар зоологияси, Т., 1998.

Ориф Мавлонов.

ХАЙВОНЛАР СОЛИШТИРМА АНАТОМИЯСИ, *солиштирма морфология — морфологиянинг орган ва улар системаларининг тузилиш қонуниятларини турли хил систематик гуруҳга мансуб ҳайвонларни солиштириш орқали ўрганадиган бир бўлими.* Органлар тузилишини улар функцияси б-н бирга солиштирмай ўрганиш организмларнинг яшаш муҳитига мослашишини, шунингдек, ҳар хил гуруҳларнинг келиб чиқиши ва эволюция йўлини тушуниб олишга ёрдам беради.

Ҳ.с.а.га Аристотель (мил. ав. 4–а.) асос солган. Лекин ўрганишнинг солиштирма анатомик методи фақат 18–а.да кенг қўлланила бошланди. 19–а.да Ж.Кювье бир қанча ҳайвонларнинг тузилишини батафсил ўрганиш ҳамда хоз. ва қазилма ҳайвонларнинг тузилишини таққослаш асосида бир тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиради; у ўзи ишлаб чиққан органлар корреляцияси асосланиб, ҳайвонларнинг алоқадошлигини аниқлашга «шохи» (тип) тўғрисида таълимот яратди. Э.Жоффруя Сент-Илер эса барча ҳайвонларнинг ягона тартибда тузилганлиги, уларга ташқи муҳит шароитининг таъсири тўғрисидаги тушунчани ривожланти-

риб, органлар гомологияси тўғрисидаги таълимотга асос солди. К.М.Бэр мутлақ ўхшашлиги қонунини яратди, Р.Оуэн архетип метафизик концепциясини ишлаб чиқди. Ҳ.с.а. соҳасида тўпланган катта материаллар Ч.Дарвин яратган эволюцион таълимот орқали ўз тасдиғини топди; бу фан эмбриология ва палеонтология б-н бир қаторда эволюцион таълимотнинг асосий таянчига айланди. Немис олимлари К.Гегенбаур аналогия ва гомология тушунчаларига эволюцион тамойилларни киритди, Ф. Мюллер (1864) ва Э.Геккель (1866) рекапитуляция ва асосий биогенетик қонунни асослаб берди. Рус олимлари А.О.Ковалевский, И.И.Мечников, А.Н.Северцов, И.И.Шмальгаузен, В.А.Догель, В.Н.Беклемишев ва б.нинг ишлари туфайли эволюциянинг морфологик қонуниятлари ишлаб чиқилди. А.Н. Северцов ва б. органлар ва улар функциясининг эволюцион ўзгариш усулларини таҳлил қилиб, прогрессив эволюция йўналишлари концепцияларини асослаб берди. И.И.Шмальгаузен эволюциянинг морфобиологик назариясини ривожлантирди. В.А.Догель гомологик органлар полимеризациясига ва олигомеризациясига принципларини яратди. В.Н.Беклемишев умуртқасиз ҳайвонлар солиштирма анатомиясини ишлаб чиқди.

Ҳ.с.а.нинг ҳоз. вазифаси — ҳайвонот дунёси типик системасини тузиш ҳамда анатомия, эмбриология ва палеонтология далилдари асосида эволюциянинг морфологик қонуниятларини аниқлаб беришдан иборат. Ҳайвонлар тузилишини, уларнинг яшаш муҳити ҳамда бажарадиган вазифасини ўрганиш б-н ҳайвонлар экологик морфологиясига ва ҳайвонларнинг функционал морфологиясига шуғулланади (яна қ. *Прогресс, Регресс, Идиоадаптация*).

ҲАЙВОНЛАРНИ ТАСВИРЛАШ УСЛУБИ — ибтидоий даврдан санъат намуналаридаги услуб. Осиё ва Европанинг қад. амалий безак санъатида кенг тарқалган. Айрим ҳайвонлар (бугу, от, эйиқ ва б.), уларнинг тана қисмлари (кўз, бош, шох ва б.) тасвири, шунингдек, бир неча ҳайвонлар тасвиридан иборат мураккаб композициялар яратиш санъати жез даврида юзага келган, темир даврида кенг тарқалган. Услубнинг келиб чиқиши ҳайвонларни муқаддаслаштириш б-н боғлиқ бўлиб (қ. *Тотемизм*), кейинчалик бу тасвирлар шартли безакларга айланган. Ибтидоий санъат намуналари —майда ва маҳобатли қайкаллар ушбу услубнинг илк намуналаридир. Ҳ.т.у. дастлаб қуроллар ва от абзалларн безагида, кейинчалик зарғарлик санъатида кўп учрайди. Энг қад. намуналари Месопотамия (мил.ав. 3-минг йиллик), Ғарбий Осиё (мил.ав. 2-минг йилликда маълум; Ўрта Осиёда мил.ав. 1-минг йилликда юзага кел-



Олтиндан ишланган қўхоз каллаги (Оғтепатепа, Туркманистон, мил.ав. 3-минг йиллик).

ган. Айрим талқиқотчилар фикрига кўра, энг ривожланган қолати *скиф-лар, саклар*, фрикиялилар ва б. санъатидир. Жумладан, Эрон ва Ғарбий Осиё санъати (Кора денгиз бўйларида яшн санъати) таъсирида шаклланган *скиф-мадданият* табиатни поэтик ҳис этиши, ҳайвон шакли ва ҳаракатларини аниқ бериш хос: уларда ўсимликсўрлар, ваҳший ҳайвонлар ва қушлар, афсонавий махлуқлар (грифонлар) тасвири кўп учрайди. Металларни ўйиб, қуйиб ишлаш, ёточ ва суяк ўймакорлиги, тери ва кигизлардаги *курок* (аппликация) қилиш усуллари қўлланилган. Мил. 1-минг йилликда ушбу услуб ўз даъмиятини йўқотиб борди, бунга айниқса Ғарбда христиан дини, Шарқда ислом динининг тарқалиши кўпи таъсир кўрсатди. Ўрта асрлар амалий санъатилагина ҳайвонларни тасвирлаш давом этди.

Ўзбекистон ҳудудида, айниқса амалий санъатда ушбу услуб таъсирини, зарғарлик ва қандакорлик буюмлари безакларида, рўзғор идишлари безакларн (айрим қисмларида ҳайвонлар шаклларн ишланганини кўриш мумкин (яна қ. *Анималистика*).

ҲАЙВОНЛАРНИ ЎРГАТИШ — *дрессировка* — ҳайвонларнинг маълум бир услуб ва мунтазам равишдаги машқлар натижасида ҳамда шартли рефлекс ёрдамида ўргатувчининг муайян сигналига жавобан ҳар хил ҳаракатлар бажаришига асосланган усул; цирк санъатининг қад. жанрларидан бири. Ўргатилган ҳайвонлар томошаси цирк майдони ёки саҳнала намойиш этилади.

Ҳ.ў. қадимдан маълум бўлиб, Хитой, Ҳиндистон, Қад. Миср, Юнонистон, Қад. Рим, Византияда кенг тарқалган. Мас., Қад. Римдаги «Колизей» синпри ирларда йиртқич ҳайвонлар иштирокида ўйинлар уюштирилган. Ўрта асрларда Европа мамлакатларида сайёҳ актёрлар — пистирион, жонглёр, буффон, скоморохлар ўргатилган ёввойи ва уй ҳайвонлари б-н ярмаркаларда майдонларда ҳамда кўчма томошахона — балаганларда ўйин кўрсатишган. 12-а.да аввал Италия, сўнг Европанинг бошқа мамлакатларида от ўргатиш мактаблари очилиб, чавандозлик ва от устида акробатика машқлари бажариш йўлга қўйилди.

18-а.нинг 2-ярмидан бошлаб йиртқич ҳайвонлар томошаси махсус кафе — вагонларда намойиш этиладиган бўлди. 19-а.нинг ўрталаридан ўргатилган ҳайвонлар цирк майдонидан ўрин олди, цирк санъатининг таркибий қисмига айланди. 20-а.нинг ўрталарндан ҳайвонлар ижросидаги томошалар кўчма зооцирклларда ҳам кўрсатила бошлади. Бу жанрнинг ривожланишига Ф.Астлей (Англия), Л. Франконн (Франция), К.Гагенбекн (Германия), Кни сулоласи (Швейцария), В. ва А.Дуровлар, Н.Гладильщиков, Н.Бутримова, В.Филатов (Россия), С.Исакян (Арманистон) ва б. салмоқли ҳисса қўшишган.

Ҳ.ў. бир неча усулга бўлинади. Оғриқ сезгиларнни акс эттирувчи усул цирклда йирик ҳайвон ва йиртқичларни ўргатишда қўлланади. Механик усулда оғриқ сезгиларини акс эттирмай, қўзғовчилардан фойдаланилади. Бу усул к.х. ҳайвонларига нисбатан қўлланади. Тажлил усули ёш ҳайвоннинг бошқа ҳайвонга тақлидидан, яъни инстинктга асосланади. Ҳ.ў.нинг рағбатлантирувчи усулида зарур малакалар (қўрқув натурал рефлекслар) рағбатлантириш (озиқ-овқат бериш, эркалаш, инстинктларни қондириш) б-н амалга оширилади. Ҳосил бўлган рефлекслари мустаҳкамлаш учун ўргатилган ҳайвонлар мунтазам равишда машқ қилдирнб турилади. Турли уй ҳайвонларидан тортиб ёввойи ҳайвонларгача ўргатилади.

Ҳ.ў. ўзбек цирклда ҳам қадимдан машҳур бўлган. Халқ сайёрлари ва байрамларида ўргатилган айиқ, маймун, эчки, илон ва б. ҳайвонлар ҳамда қушлар б-н томошалар кўрсатилган (қ. *Айиқ ўйин, Илон ўйин, От ўйин*).

Ёмма манбаларга кўра, Амир Темур саройида турли рангларга бўялган

фид. туя, отлар иштирокида томошалар кўрсатилган.

15-а.да туя, эчки ва қушлар б-н Бобо Жамол исмли ҳайвон ўргатувчи шуҳрат қозонган. 1828 й.да бухоролик ҳайвон ўргатувчи Шокир Москвада 11 туя ва 2 эшак иштирокида томоша кўрсатгани маълум. 19-а.нинг 2-ярмида бухоролик Ниъмо бобо ўргатилган айиқ ва 2 маймун б-н кўрсатган томошалари б-н шуҳрат қозонган.

20-а.да Ҳ.Ў. бўйича Раҳмонобод, Хўжаобвлар, Зарифобвлар сулолалари, Акром Юсупов, Роман Белдей, Алишер Тошканбоев ва б. танилган.

Ҳоз. кунда йиртқич ва экзотик ҳайвонлар б-н Фурқат Юнусов, Рустам Матчонов, Фарҳод Ражабов, Фозилжон Этамбердиев, Тўлқин Галимовлар чиқишлар қилмоқдалар. 2002 й. Тошкентдаги «Сафлидаги цирк» биринламчи қошида «Зоопирк» ўз фаолиятини бошлаи. Унда дунёнинг турли қитъаларидан келтирилган 20 дан ортиқ ҳайвон ва қушлар иштирокида театрлаштирилган томошалар намойиш этилмоқда. 2002 й. Тошкент цирки қошида 1-халқаро кичкилар театри фаолият кўрсата бошлаб, «Болушко» спектаклини саҳналаштирди.

Ўргатилган айиқ, маймун, илон ва б. ҳайвонлар иштирокидаги йирланар цирк гуруҳларининг дастурига ҳам киритилган.

Пўлат Томқобоев.

ҲАЙВОНОТ БОҒЛАРИ — илмий-маърифий муассаса. Намойиш қилиш, ўрганиш, купайтириш мақсадида ёввойи ҳайвонлар тутқунлик (қафас, вольер) ёки ярим тутқунлик (табиий яшаш шароитига ўхшаш майдонлар)да боқилган. Баъзи Ҳ.б.лар уй ҳайвонлари, айримларига ботаникага оид коллекциялар ҳам (мас., Париж, Қозон ва б. жойларлаги зооботаника боғларида) сақланади. Ҳ.б. да ҳайвонлар ўрганилади, табиий-илмий бизимлар, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш масалалари тарғиб қилинади, ҳайвонларнинг «Қизил китоб»га киргаи турлари сақланади ҳамда кўпайтирилади (мас., *дубр, пржевальский оти* ва б.), ҳайвонларни иқлимлаштириш, касалликларини ўрганиш, даволаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва б. устида иш олиб борилади. Ўқувчилар учун экскурсиялар, зоологияга оид маъзуларда лекция, биологик кўргазмалар уюштирилади ва б.

Ҳ.б. Миср.да мил.дан тақминан 1500 й. олдин мавжуд бўлган. Бутун дунёда 720 дан ортиқ Ҳ.б. бор. Ўзбекистонда *2* та *ҳайвонот боғи* (*қ. Тошкент ҳайвонот боғи, Термиз ҳайвонот боғи*) мавжуд.

ҲАЙДАЛМА ЕР, экин ер — муntазам ҳайдалаётган ва фойдаланилаётган, одатда турли экинлар экиладиган қ.х. ерлари (*қ. Ер фонди*). Суғорма деҳқончилик минтақасида Ҳ.е. доимий суғориладиган, шартли суғориладиган ва лалмикор ерларга бўлинади. Доимий суғориладиган Ҳ.е. да экиннинг сувга талаби вегетация мобайнида тўла таъминланади. Шартли суғориладиган Ҳ.е.да ўсимликларнинг сувга бўлган талаби қисман (70% гача) қондирилади. Лалмикор ерлар ёғинларларнинг тўпланишига, Ўзбекистонда сув таъминотининг ҳозирланиши ва ерларни ўзлаштириш ҳисобига суғориладиган Ҳ.е.лар майдони ортиб, шартли суғориладиганн ҳамда лалмикор ерлар майдони камайиб бормоқда. Суғориладиган Ҳ.е. нарток, фойдаланилмайдиган ва б. ерларни ўзлаштириш ҳисобига ҳам кўпайди. Турли мақсадлар, айниқса, қ.х.га бозтик бўлмаган эҳтиёжлар учун қ.х. ерларидан ер ажратиш Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси (1998, 30 апр.) б-н тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасида жами қ.х. ерлари 26753,6 минг га, шундан Ҳ.е. майдони 4056,6 минг га ни ташкил этади (2005). 2004 й.да барча тоифалари ҳўжаликларда қ.х. экинлари 33691,5 минг га майдонга экилди.

ҲАЙДАЛМА ҚАТЛАМ ОСТИ ГОРИЗОНТИ, тупроқнинг ҳайдалма қатлам ости горизонти — кўп йиллар давомида ерга ишлов бериш ва суғориш натижасида тупроқнинг *ҳайдалма қатлами остида ҳосил бўладиган* зич қават. У, асосан, қумоқ ва соз механик суғориладиган (баъзан лалмикор ерларда) тупроқларни кўп муддат (камида 15—20 йил) мобайнида бир хил чуқурликда *ҳайдаш оқибатида* шаклланади; унинг зичлиги ва қалинлиги ерни ўзлаштириш ҳамда суғориш муддатлари (даври)га боғлиқ ҳолда орта боради. Бу қават, одатда, ўта зичлашганлиги, йирик палахса кесакли тузилиши, жуда майда коллоид лойқали заррачалар миқдорининг кўплиги ва сувга чиламли агрегатларнинг деярли йўқлиги б-н тавсифланади. Баъзи уни тупроқ «плутгобони», «плут ости зич қатлами» деб нотўғри аташали. Ҳ.қ.о.г. «плутгобони» (12—15 см)га қарағанда анча қалин (18—25 см) бўлади. Тупроқ «плутгобони» Ҳ.қ.о.г.нинг энг устки қисми бўлиб, юқори ҳажмассаси (1,45–1,65 г/см³) ва кам умумий говакликкга (40–45%) эга. Айниқса чўл зонасидаги механик таркибли енгил ва шўртоб суғориладиган тупроқларнинг зичлиги юқори, бу қатлам сувнинг шимилиши ва сизиб ўтишини кескин камайтиради, экинлар илдизининг ўсиши ва ривожланишига, шунингдек шўрнинг юзаланишига салбий таъсир этади.

Ҳ.қ.о.г.нинг салбий таъсирини бартараф этиш учун ҳар 4—5 й.да бир марта шудгорлашда ерни чуқурроқ ҳайдаб, шу қатламни ҳам юмшатиб туриш ёки ҳайдалма қатлам қалинлигини аста-секин ошириб бориш зарур.

ҲАЙДАМАҚЛАР, гайдамаклар (туркийча — ҳайдамоқ) — Ўнг соҳил Украинада 18-а.даги халқ-озодлик ҳаракати қатнашчилари. Тарихий манбаларда 1717 й.дан Ҳ. ҳақида маълумотлар учрайди. Ҳ. поляк ва украин пляхтичлари (ҳодагонлари) мулкларини талон-тарож этишган. Ҳ. отрядлари украин деҳқонлари, Запорожье казакларининг энг камбағал қатлами, ёлланма батраклар, ҳунармандлардан тарқиб топган. Чор Россияси Ҳ. ҳаракатини бостиришда фаол қатнашган. 1734, 1750 ва 1768 й.ларда бу ҳаракат йирик халқ қўзғолонига айланган. Ҳ. ҳаракатининг энг юқори нуқтаси 1768 й.дан кўзғолон бўлган. Ўнг соҳил Украина Россия тарқибига киргач (1793), ўлкадаги қураш бошқача тус олган.

1918—20 й.лардаги Фуқаролар уруши даврида қизил армия б-н курашган украин кўзғолончилари ҳам ўзларини Ҳ. деб атаганлар.

ҲАЙДАР, Амир Ҳайдар, Амири Саййид (1778– Бухоро — 1826.6.10) — Бухоро амири (1800—26), *мангитлардан, Амир Шоҳмуроднинг* ўғли, *Доңгелбегнинг* отаолинғинг невараси. Унинг онаси *ақтатхонойлардан Абулғозихоннинг* қизи Бону Шамс бўлган. Бухоро мадрасаларида 10 й. таҳсил олиб, Қуръони карим шарҳи ва ҳадис илмларини пухта эгаллаган. Амир Шоҳмурод Ҳ.ни Қарши вилоятига ҳоким қилиб тайинлаган. Шоҳмурод вафот этгач, Бухоро амирлиги тахтига ўтирган ва «амир ал-мўминин» унвонини олган (1800.2.12). Бухоро амирлигида вужудга келган кескин сиёсий вазиятни юмшатишга ҳаракат қилган. Ҳ. айримчилик қайфиятларни намоён қилаётган Шаҳрисабз, Китоб, Ургут бекликларни, Миёнқол ва Самарқанд ҳокимларига қарши жанглар олиб боришга мажбур бўлган.

Ҳ. Хоросонга ҳам ҳарбий юришлар қилиб, Балх (1817), Балахшон, Кундуз ва Майманани Бухоро амирлигига қайтарган.

Маря ҳокими Дин Иосифбек (Ҳ.нинг укаси) Хива хони Элтузархон қўтқусига учиб, ақасига қарши

бош кўтаради (1804) ва мағлубиятга учрайди. Шу аснода Хива хони Элтузархон бир неча марта Бухорога ҳарбий бостирлик уюштиради. Ана шундай юришларнинг бирида Ниёзбек парвоначи бошчилигида 20 минг кишилик Бухоро қўшини хоразмликлар қўшинини мағлубиятга учратган. Элтузархон Амударёдан қочиб ўтаётганда дарёда ғарқ бўлиб ўлган. Элтузархоннинг 3 бирлари ва қўшиб хиваликлар асир тушишган. Амир Ҳ. Элтузархоннинг кичик биродари Қутлумуродхоннинг 400 асир 6-н озод қилиб, Урганчга жўнатган.

1821—25 йилларда амир Ҳ.нинг солиқ сиёсатига қарши хитой-қипчоқлар кўтарган *Мадади кўпланти* ҳам катта қийинчилик 6-н бостирилган.

Аҳмад Донишнинг ёзишича, Ҳ. ҳукмронлик қилган даврда Бухорода илм-фан, хусусан, тарих ва ислом илмлари ривожланган. Ҳ. мадрасаларда таҳсил олиб борини учун Истанбул, Кобул ва б. шаҳарлардан кўплаб кўлёзма китобларни олдирган. Унинг ўзи муътазам равишда сабоқ берган, мадрасаларда дарс ўтган. Ҳ. ал-Фаводжуд ал-алфиёа» номли фиққнинг ҳанафия мазҳабига оид асар ҳам ёзган.

У ҳукмронлиги даврида Бухорода *Чор минор* ва Халифа Ниёзқул мадрасаси (1807), масжидлар, хонақоҳлар, ҳаммомлар қурилган, *Халфа Ҳудойдод мажмуаси* қурилиши давом эттирилган. Бухорода Ҳ. онасига атаб махсус мадраса, қаршида Али мадрасаси ва Мир Муҳаммад мадрасасини ҳам қурдирган. Ҳ. Бухородаги Жўйбор мавзеидаги Эшони Имло қабристонида отаси Шохмурод ёнида дафн этилган.

Ад.: Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти, 1-қисм, Т., 2000.

Ҳазратқул Режабов.

ХАЙДАР АЛИ (1722—1782.7.12) — Ҳиндистондаги Майсур давлатининг ҳукмдори (1761 й.дан); инглиз босқинчиларига қарши ҳаракат ташкилотчиси. Дастлаб ғарбий ҳиндистон армияси қўмондони бўлган. Мулкдорлар ўртасидаги ўзаро урушлар (1758—60 й.лар)дан фойдаланиб ҳокимиятни эгаллаган. *Роҳа* номигагина ҳукумат бошлиғи ҳисобланган. Солиқларни кўпайтириш ҳисобига армияни қайтадан европача тузган, *жанг* тизимини бекор қилган, аскарларга маош белгилаган ҳамда артиллерияни кучайтирган. 1761—64 й.ларда Майсур ҳудудини қўшни давлатлар ҳисобига кенгайтирган.

1-инглиз-майсур уруши даври (1767-69)да инглизлар 6-н суд тузган. *Мароттлар* ва Ҳайдаробод султонлигининг ҳужумларини муваффақият 6-н қайтаргач, 1780 й.да улар 6-н Ҳиндистонда инглизлар ҳукмронлигига қарши курашиш мақсадида иттифоқ тузган. 2-майсур-инглиз уруши даври (1780.—84)да Ҳ.А. дастлаб бутун Карнатикини инглизлардан тозалаган, аммо иттифоқчиларининг хиёнати туфайли енгилган.

ХАЙДАР БОЙЧА ЎҒЛИ, Ҳайдар саннович (1882 — Янгикўрғон тумани Говсон қишлоғи — 1970) — ўзбек халқ бахшиси, эртакчи. Амакиваччаси Чўлибой Кушал ўғлига шогирд тушган. Ҳ.Б.ўғлон «Қундуз билан Юлдуз», «Аполмоқи», «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғлининг Авазни олиб келиши», «Авазнинг ярази», «Юсуф ва Аҳмад» каби достонлар, кўпгина халқ эртакдари ва *термалар* ёзиб олинган. «Бузоқ, эчки ва қўзи», «Эчкининг ўч олиши», «Тулки билан товуқ», «Ҳийлакор бедана», «Оч бўри», «Тулки билан бўри», «Илон пари» каби эртакдари «Ўзбек халқ эртаклари» тўпламида нашр этилган.

ХАЙДАР МИРЗО — қ. *Муҳаммад Ҳайдар.*

ХАЙДАР САБУҲИЙ (15-а. — Ҳирот — 1498) — шоир. *Алишер Навоийнинг* жияни, тоғаси Мир Саид Кобулийнинг ўғли. Тожу тахт учун курашда Ҳусайн Бойқаро томонида туриб урушгани сабабли Абусаид Мирзо отасини тутиб қатл эттач, унинг тарбиясн 6-н Навоий шуғулланган. «Сабуҳий» (тасаввуфий шоирда поклик, қаноқат нури) тахаллуси 6-н шеърлар ёзган. Навоий кўпинча уни ёнида олиб юрган. Астрободда ҳам у Навоийнинг хос мулозимларидан бўлган. Навоий уни баъзи расмий топшириқлар 6-н Ҳиротга юборганида, бир даврада Навоийга сунқасд қилингани, ошпаз унга заҳар қўшилган таом бермоқчи бўлгани, бундан хабар топгач шоир тезлик билан, Ҳусайн Бойқарога қарши исён кўтарибчи экандлигини айтган. Бу гап Ҳиротда овоза бўлиб кетади. Ҳусайн Бойқаро дарҳол Навоийга мактуб йўллаб, бу ишдан мутлақо хабари йўқлигини маълум қилади. Шу воқеадан кейин Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Ҳиротга қайтишига рухсат беради. Навоий ўз ҳамбоша бу гапни рад этади ва жияннинг хатосини кечиришини илтимос қилади. Ҳусайн Бойқаро тарчи кечирганлигини айтиб, дўстини хотиржам қилса-да, ўз хонадони шаънига қилинган бу туҳматни унутмайди. Ҳ.С. барча хизматлардан четлатилади. У Балахонига кетиб, бир неча йил ўша ерда ҳизмат қилади. 1498 й.да Балахонидан Ҳиротга элчи бўлиб келганида, Ҳусайн Бойқаро уни тутиб, қатл эттиради.

Ҳ.С. шеърларининг тақдири маълум эмас. «Мажолис ун-нафоис»да Навоий унинг бир байтини мисол тариқасида келтирган:

Май ист лисли ту ё шаҳри нов: аз ин ду қадом аст?
Хай аст бар рухи ту ё гузоб: аз ин ду қалом аст?

Маъноси: Лабли лабдан майми, ё тоза ариқми — бу икковидан қайси бирис? Юзингдаги терму ё гузобми: бу икковидан қайси бирис?

Ад.: Алишер Навоий, Мажолис унпафоис [МАТ, 13-а.], Т., 1997; Ўзбек адабиёти тарихи, 2-к., Т., 1977.

ХАЙДАР ХОРАЗМИЙ (14-а.нинг охири — Хоразм — 15-а.нинг 1-ярми) — шоир. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларидан бири. Ҳаёти ва ижоли ҳақида маълумот Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокамат ул-луғатайн» асарлари ҳамда ўзининг «Маҳзан ул-асрор» достонида берилган. Ҳ.Х. асосан Хоразмда яшагани ва огир ҳаёт кечиргани. Бирмунча вақт Ҳиротда темурийлардан Умаршайхнинг ўғли Султон Искандар (15-а.) саройида яшаган. Туркий ва форсийда шеърлар ёзган, девон тузган. *Низомий Ганжавий*нинг «Маҳзан ул-асрор» асарига «Гулшан ул-асрор» номи 6-н туркий тилда жавоб ёзиб (1409—14), Султон Искандарга бағишлаган. Асар сюжети ва гоявий йўналиши жиҳатидан ҳам Низомий достонига яқин, вазни ҳам бир хил — аруз.нинг серқ баҳрида ёзилган. Ҳажми 639 байт. Асар Низомийникидан фарқ қилиб, аввал қисқа, сўнг шу қисқадан келиб чиқадиган хулоса ва фикрларни умумлаштирувчи боб 6-н таъминланган. Ҳ.Х. бу асари 6-н ўзбек адабиётида шеърий ҳикоянн ривожлантирган. Кўпчилик ҳикояларида оддийгина инсоний фазилатлар тарғиб қилинган, меҳнат ва меҳнат аҳли улуғланган. Достонда маркалашган давлат ва одил ҳукмдор ғояси илгари сурилган; ахлоқ-одоб, меҳнатсеварлик, саҳоватпик, ростгўйлик тарғиб этилган.

«Гулшан ул-асрор» ўзбек эпик шеърияти тарихида муҳим ҳодиса ва туркий тилдаги ахлоқий-фалсафий достончиликнинг илк намунаси бўлиб, туркий тилнинг бойлиги, қудрати ва кўркини намойиш қилиш ҳамда ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари ривожи-

га муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Асарининг кўпгина нусхалари Лондон, Париж, Вена, Қозон кутубхоналарида, фотонусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

Ад.: Бертельс Е.Э., Низами и Физули, М., 1962; Ўзбек адабиёти тарихи [5 жилд], 1-ж., Т., 1977.

ҲАЙДАРАЛИЕВ Ҳамдам (аслида Тошхўжа Расулхўжаев) (1887, Наманган — 1922, *Шаҳрихон*) — ўзбек халқ профессионал артисти, раққос, ашулачи, чавандоз. Саҳнага катта ашула, рақс ё-ки лапар ижро этган. «От ўйин» томошасида отнинг бўйини ва қорнидан айланиш, эгар устида чарх уриш, от устида тик туриб отни чоптириш, 2 — 3 от устидан бир-бирига сакраб ўтиш, маймун ўйнатиш ва б. ўйинларни намойиш қилган. Рус, форс, араб, турк тилларини яхши билган, *шу тилларда ашула айтган, рақслар* ижро этган. «Кўп эрди», «Бир келиб кетсун», «Нома ёздинг» каби катта ашулаларни таҳсимга тутиб отаси ё-ки айтган. Ўзи ёзиб ижро этган «Ноз ўзгачаю, ситам бўлакча» ашуласи эл оғзида машҳур.

ҲАЙДАРҚОН СИМОБ КОНИ — Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятидаги кон. Олай тоғларининг шим. ён бағрилари Фарғона симоб-сурма минтақасининг шарқий қисмида. Фарғона вилояти Сўх ш.дан 19 км шим.-шарқда. Кон 1926 й.да топилган. *Геологик жиҳатдан Ишмстов тоғининг* марказида шакланган антиклиналь структурасининг гумбаз қисмида жойлашган. Унинг ядросидаги оҳактошлар антоктон ва аллоктон қўлтиқ-сланецли қатламлар ё-ки қопланган. Рудаларнинг асосий қисми оҳактошлар ва уларни қопловчи сланецларнинг четгара қисмларида ривожланган метасоматоз маҳсули бўлган кварц-карбонат таркибли жаспероидларда мужассамланган. *Кондаги рудалар* маҳмуали таркибга эга бўлиб, асосан, симобсурма-флюоритлардан иборат. Асосий *саноат минераллари* — киновар, бальзам антимонит, флюорит, халькопирит, марказит. Сурма, симоб, қўрғошин сульфатлари учрайди. Улардан ташқари реаллар ва аурипигмент ҳам бор. Норуда минераллардан кварц, кальцит, анкерит ва б. мавжуд. Конинг жан. қисмида (Жан. структура) 1500—4000 м² ли мувофиқ ётган майдонларда қалинлиги 2—11 м ли киноварли қатламсимон руда танаплари тарқалган. *Конинг шим. қисмида (Шим.* структура) тик ётган, кесишган ва қатламсимон мувофиқ ётувчи руда танаплари ривожланган, рудалар мавжуд. Рула тўпламлари қатламсимон, линза ва ўрасимон, кўзиқорин-устунсимон шаклларда. Линза, уяларнинг уз. 30 м, қалинлиги 2—11 м, ётиш бўйича уз. 10—100 м. Конда 24 та мустақил майдон разведка қилинган ва фойдаланишга тайёрланган. Симобнинг умумий захиралари ва бошоратли ресурслари металлнинг 0,165%ли таркибли б-н 20,9 минг т ни ташкил қилади. Сурманинг йиғинли захиралари ва бошоратли ресурслари 11,3 минг т та баҳоланади, *унда сурманинг ўртача* таркибли 1,728%, флюорит 13,26%ли таркибли б-н 1143 минг т. Кондан ҳоз. кунда фойдаланилмоқда.

ҲАЙДАРОБОД — Покистоннинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар. Аҳолиси 1,16 млн. киши (1998). Транспорт йўллари чорраҳаси. Ҳинд дарёси бўйидаги порт. Мамлакатнинг муҳим савдо-саноат марказларидан. Ип газлама, тикувчилик, цемент, кўн-пойабзал, *кимё, ойна-шиша, озиқ-овқат, тамаки* саноати корхоналари мавжуд. Машинасозлик ва металлсозлик корхоналари ишлаб турибди. Қ.х. ва электротехника буюмлари ишлаб чиқарилади. Ҳунармандчилик ривожланган: кўлда гилам, матолар тўқилади. Қимматбаҳо тошлардан зарғарлик буюмлари тайёрланади. Синдх ун-ти бор.

ҲАЙДАРОБОД — Ҳиндистондаги шаҳар, Декан ассотогларининг марказий қисмида, Муси ва Уси дарёлари қўшилган ерда жойлашган. Андҳра-Прадеш штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 3,04 млн. киши (2001). Ҳиндистон жан. қисмининг муҳим иқтисодий, тарихий ва маданий маркази. Тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё-фармацевтика, тамаки, қоғоз, ойнашиша саноати корхоналари мавжуд. Транспорт, энергетика, электротехника машинасозлиги ривожланган. Авиация жиҳозлари, қурол-яроғлар ишлаб чиқарилади. Ҳунармандчилик ривожланган, қўлда уй-рўзғор буюмлари, бадиий буюмлар тайёрланади, матолар тўқилади. Марказий геофизика бошқармаси, музейлар (археология, Европа ва Шарқ санъати) бор.

Шаҳарга 16-а. охирларида асос солинган. 1924—56 й.ларда Ҳайдаробод рожалигининг пойтахти, кейинчалик *Ҳайдаробод штати*, 1956 й.дан Андҳра-Прадеш штатининг маъмурий маркази. Меъморий ёдгорлик-



Ҳайдаробод шаҳри. Замонавий технологиялар маркази.

ларидан Чор-Минор Зафар арки (1591), Макка Масжиди (17-а.), Голконда қалъаси қолдиқлари (16—17-а.лар), Усмония ун-ти мажмуаси (20-а.) бор.

ҲАЙДАРОБОД СУЛТОНЛИГИ — Ҳиндистондаги султонлик (1724—1950). Унга телугу, маратха, каннара ва б. халқлар яшайдиган ҳудудлар кирган. Бобурийлар давлати таназзулга учраб, майда султонлик, князлик ва б.га *бўлиниб кетгач*, вужудга келган. *1724* й. Бобурийларнинг Бижопур ва Голкондалаги низомулмулк унвонига эга бўлган нозбн Асаф Жаҳ ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон этган ва Ҳ.с.га асос солган. Султонликнинг кейинги ҳукмдорлари ҳам низомулмулк деб аталган. Англиянинг Ост-Индия компанияси 1798 й. Ҳ.с.ни тўла ҳукмга бўлмаган шартнома тузишга мажбур этган. Натижада султонлик ўзини ҳимоя қилиш, мустақил дипломатик алоқалар олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Султонликка ички резиденти тайинланган. 1947 й. Ҳиндистонда мустақиллик эълон қилингач, низомулмулк Ҳ.с.нинг Ҳиндистон иттифоқига қўшилишига қаршилик кўрсатган, аммо султонлик аҳолисининг тазйиқи остида (*Телингана қўзғолони*) иттифоққа қўшилиш тўғрисидаги шартномага имзо чекқан. 1950 й.да Ҳ.с. штатга айлантирилган. Низомулмулк ҳокимияти чекланган; дамо у раҳнамуяқ (ижрония ҳокимият бошлиғи) сифатида штатни бошқарган. 1956 й.ги маъмурий ислоҳотдан сўнг Ҳайдаробод штати тугатилиб, унинг ҳудуди Андҳра-Прадеш, Майсур ва Бомбей (1960 й.дан Гужарот ва Маҳаращтра штатларига бўлинган) штатларига қўшилган. Низомулмулк қўлида фақат унга тегишли кўчмас мол-мулк, хазина қолган; унга нафақа тайинланган.

ХАЙДАРОВ Акбар, Акбарқори ҳофиз (1893.1.5, Маргилон — 1964.13.2, Тошкент) — хонанда ва созанда (танбур, дутор), Ўзбекистон халқ ҳофизи (1939). Дастлаб хонандалик йўлларини ҳамда дутор чертишни отаси Ҳайдар ҳофиздан ўрганган; қорихонада қироатини ўзлаштирган, кейинчалик катта ашула йўлларини *Ҳамроқулқоридан*, танбур чалиш сирларини Ризқи Раҳмабойдан ўрганган. 1922 й.дан Тошкентда яшаб, Тўйчи ҳофиз, Шорақим Шоумаров, Абдусоат Ваҳобов, Ризқи ва Юнус Раҳмабойлар ва б. б-н бирга «Шарқия» кечаларн, турли концертларда қатнашган. 1927 й.дан Ўзбекистон радиоқўмитасида ашулачи ва созанда. Москвада ўтказилган Ўзбек санъати декадаси қатнашчиси, Катта Фарғона канали, Фарҳод ГЭС, Чирчиқ, Ангрен шаҳарлари, Каттақўрғон сув омбори қурувчиларига, 2- жаҳон урушн даврида жангчиларга маданий хизмат қилган. 1930 й.дарда Қаюм Шобаратов б-н Тошкент Ўрдасида «Нафосат» чойхонасини ташкил қилиб, бу ерда машҳур ҳофиз, созанда ва қўшиқчиларнинг чиқишларини уюштирган.



Ҳ. кент диапазонли, баланд, нафис ва тиниқ «тенор» овозга, равон ижро услубига эга бўлиб, репертуаридан катта ашула («Бир келиб кетсун», «Ёввойи Ушшоқ», «Адашганман», «Эй, чеҳраси тобоним» ва б.), ашула («Е, ҳаёт ан-набй», «Сувора», «Гира», Фарғона-Тошкент мақом йўллари («Баёт», «Ушшоқ», «Фарғонача Шаҳноз») ва б. ўрин олган И.Икромов Ҳ. учун «Мунажот», «Чўли Ирок» каби ашула йўлларини яратган. У кўп йиллар давомида Турғун *Алиев*нинг б-н ҳамнафасликда қилган. 1919 й. Ҳ. ижросидаги «Поезднинг жилдирган» қўшиғи, 1930—50 й.ларда ашула ва ялларлари грампластинкага, 1940 й.ларда катта ашулалари В. Успенский томонидан *нотага* ёзиб олинган.

Баҳриддин Назриддинов.

ХАЙДАРОВ Аҳад Холиқович (1911.20.4, Самарқанд — 1971.11.11) — хирург. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1950). Тиббиёт фанлари д-ри (1960), проф. (1960). СамТИни тугатгач (1936), Бухоро вилояти Қизилтепа туман касалхонасида врач (1936—37), Самарқанд вилояти Ургут туман касалхонасида бош врач (1937—39), СамТИ оператив хирургия кафедрасида ассистент (1940—41), уруш қатнашчиси (1941—45), СамТИ госпитал хирургия кафедрасида ассистент (1946—50), умумий хирургия клиникасида доцент (1950—55), СамТИ госпиталь хирургия кафедраси мудири (1958—71). Илмий ишлари аортанинг коарктацияснга оид қуйиши операция йули б-н даволашга оид.

ХАЙДАРОВ Борий Аизович (1909.23.12 — Тошкент — 1986.21.5) — актёр, дублюр режи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969). Ленинград саҳна санъати ин-тини тугатган (1932). Филиппинни «Ўзбекистонда бошлаб (1928—29), сўнгра «Летфильм», «Ўзбекфильм», «Туркменфильм», «Тожикфильм» студияларн фильмларида актёр сифатида қатнашган. 1946 й.дан «Ўзбекфильм»да дублюр режи бўлган. «Менинг Ватаним», «Ер қони», «Ўмбар», «Волочаев кунлари», «Азамат», «Унинг номи Сухэ-Батор», «Ўлим қулони», «Жаррох», «Дўстлар қайта учрашдилар» каби фильмларда турли характерларни ролдар ижро этган. «Разведчнк жасорати», «Қишлоқ ўқитувчиси», «Бир йигитнинг тўққиз куни», «Тинч оқи Дон», «Она Ҳиндистон», «Очилган қўриқ» сингари 250 дан ортиқ фильмнинг дублюж режи бўлган.

ХАЙДАРОВ Нуриддин Усмонович (1957.1.8, Оққўрғон тумани — 2004.3.10, Тошкент) — эстрада хонаиаси. Ўзбекистон халқ артисти (2003). Ширали ва жозибадор овози сеҳрли. Фарғона педагогика ин-тини тугатган (1978). Фарғона вилояти (1980—1986) ва Ўзбек давлат дарё (1986—1993) филармонияларида ишклон хонанда. Тошкент Ҳарбий техник билим юрти қошидаги ансамблнинг бадиий раҳбари (1994—2002). Тошкент ш. Ички ишлар Бош бошқармасида Маънавият марказининг директори (2002—04).



Репертуаридан ўзбек мумтоз ва эстрада қўшиқлари («Юлдузим», «Насибам») ҳамда ўзи басталаран қўшиқлар («Ўзбекистон полвонлари», «Она», «Сенга», «Қизлар», «Сеҳрли бор» каби урин олган. «Дўлана», «Юр, муқаббат», «Давалгим» сингари қўшиқлари ҳам оммалашган. Ҳ. ижролари Ўзтелерадиокомпаниясининг фонотекасига ёзилган. Европа, Осиё ва Америка мамлакатларида гастролда бўлган. Ҳ. хотирасини бағишлаб «CD—Профи» компанияси «Айрончи қиз», «Дўлана», «Юр, муқаббит» аудио альбомлари ва «Куни кайфнт» видео альбомини чиқарган (2004).

ХАЙДАРОВ Холиқул Ҳайдарович (1933.16.3, Сариғоғи, Чимкент вилояти) — Ўзбекистон халқ рассоми (1977). Бенъаков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатган (1954). Тошкент вилояти Калинин (ҳоз. Зангиота) туманидаги *15-ўрта* мактабда расм ўқитувчиси (1954—60). Ўзбекистон КП МК Бирлашган нашриётининг босмахонасида рассом (1960—67). Тошкент чнони з-дида ишлаб бадиий лаб.да етакчи рассом (1967—93). Ҳ.газ. ва жур.larда асарлари б-н қатнашган. Ҳ. Тошкент чнини з-дида самарали ижод қилди: «Ўзбекистон», «Оқ олма», «Наманганнинг олмаси» каби чнниплар тўпламларини яратган; бирнячилардан бўлиб чнини буюмлар (асосан кўза, лаган ва б.)га тасвир (портретлар ишлашни бошлаб бергин. Бегуний, Улуғбек, Навоий каби мутафаккирлар, турли изм-фан, давлат арбоблари ижодларининг саймоларини чнинига ишлаган. Ҳайкалтарошлик асарлари ҳам яратли (жумладан, «Тўлебий», мис, 2002, Сариғоғи ш.па). «Хайдаров ҳаёти ва ижоди» номли ҳужжатли фильм ишлатган (1991). Ҳ. ишларидан намуналар республика ва чет эл кўргазмаларида намойиш этилади, музей ва хусусий тўпламларда сақланади.



Ҳ. Ҳайдаров ишн устида.

ХАЙДАРОВ Эшмат (1897, Қўқон — ?) — хонанда, Ўзбекистон халқ ҳофизи (1944). Кучли ва жозибали овоз сохиби. 12 ёшидан катта ашула йўлларини *Ҳамроқулқоридан* ўрганган. Кейинчалик Қўқон, Фарғона, Тошкент тўй-сайилларида қатнашган. 1927 й.дан Тошкентда. Ўзбек давлат филармонияси (1936—45), Ўзбек радиоси (1946 й.дан), Ўзбек давлат эстрадаси (1947—

53) да якканок командa. Репертуаридан Фарғона —Тошкент мақом йўллари, катта ашула, ашула ва айрим ялладар ўрни олган.

ХАЙДАРОВ Ўткирбек Абдужалилович (1974.25.1, Андижон ш.) — боксчи. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2000), «Ўзбекистон ифтихори» (1999). 75 ва 81 кг вазн тоифаларида Ўзбекистон (1996, 1998, 2000), Осиё (2002, Серембан), Осиё ўйинлари (2002, Пусан) ва Афро-Осиё ўйинлари (2003, Хайдаробод) чемпиони. Жаҳон чемпионатининг олтин (1999, Ҳьюстон), кумуш (2001, Белфаст) ва бронза (2005, Хитой) медали совриндори, Ёзги ўйинлар (2001, Брисбен) ва олимпиада ўйинлари (2004, Афинанинг бронза медали соҳиби. Англиядан ун-тини тугатган (2002). «Динамо» спорт жамиятида бокс бўйича ўқитувчи (1996—2000). 2000 йилда Андижон вилоят ички ишлар бошқармаси ходими. «Фидокорона хизматлари учун» ордения 6-н мукофотланган (2004).

ХАЙДАРОВ Қодиржон (1899, Қўқон — 1983.15.12) — ёғоч ўймакори, Қўқон ёғоч ўймакорлик мактабининг йирик вакили, устозоди. Ўзбекистон халқ рассоми (1963). Ўймакор уста Хайдар *Наҳшеддибнинг* ўғли. Ҳунарни отаси 6-н бирга ишлаб ўрганган. Отаси 6-н Қўқон ҳунармандлик мактабида дарс берган (1919—20-й.лар). 1923 й.да Москвадаги халқ хўжалиги кўргазмасида ишлаган; 1925—29 й.ларда Қўқондаги Нариманов номидаги интернатда, 1929—31 й.ларда Қўқон ш.даги ёш дурадгорлар тўгарақларига бошчилик қилди. 1931—33 й.ларда рабфакда ўқиди. «Янги маҳалла» артелида уста (1936—54), Қўқон музейида таъмирловчи уста (1954—57). Ҳ. устун, курси, стол, хонтахта, қути, эшик, панжара, каравот ва б. буюмларни жозибалор безаб шуҳрат қозонган. 1958 й.дан Тошкентдаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ва Ўзбекистон ДА Марказий кўргазмалар зали эшикларин, Тошкент цирки биноси учун *намойишлар ва б. кўпгина ўймакорли асарлар* яратди, анъаналарий нақш мужассамотларини янги оҳанглар 6-н бойитди. Ҳ.нинг Қўқон ёғоч ўймакорлиги мактабининг миллий анъаналарини сақлаб қолиш ва уни ривожлантиришда хизматлари катта; кўплаб шогирдлар (Х. Умаров, С. Эргашев, У. Умаров, А. *Абдуллаев* ва б.) тайёрлаган.



Қ. Хайдаров ўймакори безатган мантахта (1971).

Ҳ. асарларидан намуналар республика ва чет мамлакатлар музейлари ва хусусий тўпламларда сақланади. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970). Ўзбекистон ДА Қўқон тасвирий ва амалий санъат колледжига Ҳ. номи берилган.

Адаб.: Тоҳтоғул Р., Уста Қодиржон Хайдаров, Т., 2003.

ХАЙДАРОВА Умия Камоловна (1946.9.4, Фориш тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Сирдарё пед. институтини тугатган (1978). 1978 й.дан Нурота туманидаги 32-мактабда, 1983—2003 й.ларда Бекобод туманидаги 31-мактабда *она тили ва адабиёт ўқитувчиси.*

ХАЙДЕГГЕР (Heidegger) Мартин (1889.26.9 — Мескирх, Баден — 1976.26.5) — немис файласуфи-экзистенциалист. 1928—45 й.ларда Фрейбург, кейин Брейсгау ун-тларида проф. *Гуссерлнинг* шогирди ва илдизли бўлган бўлса-да, аста-секин ундан узоқлаша борди. Борлиқ ҳақидаги *таълимот («фундаментал онтология»)*ни ривожлантирди; бу таълимот асосида ҳақиқий маънодлик (экзистенция) 6-н кундалик, оддий дунёни қарама-қарши қўйиш ётали; Ҳ. фикрича, борлиқнинг маъносини англаб етиш инсон маънодлигининг бебақолигини фаҳмлаш 6-н боғлиқдир. Ҳ.га кўра, борлиқнинг инсон шаклининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у нафақат борлиқнинг бошқа кўринишларини, балки ўзини ўзи билишга ҳам қодир. Шунингдек, инсон борлиқнинг бошқа шаклдари ёки ўзлари тўғри муносабатлар ўрнатиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам бундай борлиқ, яъни инсон экзистенцияси — онтологиянинг пойдевори бўлмоғи керак. Ҳ. таълимоти ва у яратган ўзига хос атамалар ҳал. замон тафаккури, хусусан Европа фалсафаси учун кучли туртки бўлди.

Асосий асарлари: «*Борлиқ ва замон*» (1927), «Кант ва метафизика муаммоси» (1929), «Замон одам маънарасида» (1938), «Бурилиш» (1949), «Техника ҳақидаги масала» (1953), «Метафизика кириш» (1953).

ХАЙЗ, ҳайз цикли, ой кўриш; *менструация* — балоғатга етган қиз болада ва бола тугиш ёшидаги аёлларда ҳар 26—29 кунда, баъзан 21—24 кунда (қисқа цикл) содир бўладиган биологик жараён; Ҳ. циклида асосан тухумдон ва бачадонда ўзгариш рўй бериб, бачадондан маълум миқдорда қон кетади. Ҳ. кўриш марказий нерв системаси (бош мия ўсткоги, гипоталамус, гипофиз) томонидан бошқарилади.

Гипоталамус — бош миянинг асосий қисми, ички аъзолар ишини бошқариб, тартибга солиб туради, у ажратган нейрогормонлар гипофиз фаолиятини кучайтиради. Гипофиз ҳам, ўз навбатида, ички секреция безлари, хусусан жинсий безлар (тухумдон) функциясини кучайтиради ёки пасайтиради. Тухумдонда гипофиздан ажраладиган гормонлар таъсирида тухумҳужайрали фолликула (Грааф пуфакчаси) ўсади ва ривожланади. Фолликула етилаётганда бачадонга бевосита таъсир этадиган махсус жинсий гормонлар (эстрогенлар) ажралади. Фолликула етилган ёрилиб, ундан етилган тухумҳужайра чиқишига олиб келади. Ёрилган фолликула ўрнида сариқ тана — ички секреция бези ҳосил бўлади; сариқ танадан прогестерон ажралади.

Прогестерон ва эстрогенлар таъсирида бачадон шиллиқ қавати қалинлашади, унинг қон томирлари кенгаяди, қон б-н тўлади. Агар аёлнинг бўйида бўлмаса, сариқ тана побуд бўлади, бачадон шиллиқ қаватининг *функционал қисми парчаланиб кўчади* ва Ҳ. кўрилади. Кейинчалик шиллиқ қават юзаси аста-секин битиб, ани ҳолига келади. Шундай қилиб, тухумҳужайра етилиши даврий равишда



Қодиржон Хайдаров иш устида.

(қар 21—25 кун, қўпроқ 28 кунда) тақрорланиб туради.

Қиз боланинг биринчи Ҳ. кўриши, унда нажиласи жинсий белгилар (мас., кўкрак бези тўлишиб, қон усти ва қўлтиқ-да тук ўсиши ва б.) етилганидан кейин бошланади (қ. *Балоғатга етиш*). Биринчи Ҳ. кўриш муддати қиз боланинг соғлиғи ва турмуш тарзига, шунингдек, турар жойи ва иқлимга боғлиқ.

Қизларнинг Ҳ. кўриши кечикса (15—16 ёшгача), албатта, аёллар маслаҳатхонасига учрашиши ва тегишли маслаҳат олиши лозим. Ойлик қон келиши аёл организмининг (қиз боланинг) хусусиятларига боғлиқ. Ҳ. кўриш муддати бошида ўзгаришлар бўлиб, кейинчалик аниқ бир вақтга тўғри келади. Кўпчилик аёлларда Ҳ. маълум кунларда бошланиб, доим бир текис, оғриқсиз кечади, аёлнинг умумий аҳволи даврли ўзгармайди, улар одатдаги юмушларини бажаравершилари мумкин, аммо оғриқча толиқмасликлари, жисмонан ўпирилмасликлари, гигиена қоидаларига риоя қилишлари керак. Ҳ. кўриш вақтида баъзи аёлларнинг кайфияти бузилиб туради, бўшашади, сут безлари дағаллашади. Ҳ. кўриш циклининг ўзгариши организмда бирор-бир касаллик борлигидан даъволат беради. Шунинг учун ҳар бир аёл махсус ҳайз календари (ойномаси) тузиши ва унга Ҳ. куни, муддати ва б. маълумотларни муntазам қайд қилиб бориши лозим, шундай қилинса, Ҳ. кўриш циклининг бузилишини ўз вақтида аниқлаш мумкин. *Хомиладорлик* ва баъзан бола эмизиш даврида аёл Ҳ. кўрмайди. Аёлнинг бўйида бўлмаган даврда қон кўрмай қолиши (аменорея) ёки аёзда бир оз қон келиши (гипоменструал синдром), бир неча кун кўп қон келиши (меноррагия), унинг оғриқли бўлиши (альгоменорея), шунингдек, Ҳ. қонидан ташқари бачадонидан қон кетиши (метроррагия) бирор касалликдан дарак беради, уни ўз вақтида аниқлаш даволаш талаб этилади. Бундан ташқари, айрим аёлларда Ҳ. кўриш олди қолати кузатилади; бунда аёл бўшашади, кайфияти ўзгаради, сут безлари дағаллашади, бошни айланали, уйқуси бузилади, юраги ўйнайди, баъзан юрак соҳасида оғриқ пайдо бўлади. Аёл организмининг нормал функционал ҳолати турмуш тарзининг бекаму кўст бўлишига, қизларни ёшлигидан бошлаб тўғри тарбиялаш ва парвариш қилишга боғлиқ. Бу тигнена қоидаларига қатъий риоя қилиш, *организмни чиниқтириш*, яхши овқатланиш, меҳнат ва дам олишни тўғри йўлга қўйиш, жисмоний машқларни бажариш, инфекцион касалликлардан сақланиш, агар касаллик рўй берсудек бўлса, ўз вақтида даволатишдан иборат. Шуни назарда тутиш керакки, қиз бола организми Ҳ. кўрганча унга астасекин тайёрланиб боради, бунда организмнинг бир-бири б-н боғлиқ бўлган аъзо ва системалари (ички секреция безлари, юрак-томир, нерв системаси ва ҳ.к.) иштирок этади, бу мураккаб жараённинг ҳамма-си циклининг нормал кечишида муҳим роль ўйнайди. Қиз бола организми балоғатга етиш даврида ҳиссиётга тўла, турли ноҳуш омилларга нисбатан тез таъсирчан бўлади.

Асабий ва руҳий бузилишлар, турмушдаги ноҳушликлар, жисмоний ва ақлий жиҳатдан толиқиш, шунингдек, айрим инфекцион касалликлар Ҳ. циклининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун бу даврда қиз бола б-н ниҳоятда эҳтиёт бўлиб муомала қилиш, жаҳлаштирмаслик, тез толиқишга йўл қўймаслик зарур. Қизлар биринчи бор Ҳ. кўрганида (бу ҳақда тасаввурга эга бўлмаса) жуда ҳаяжонланади. Шунинг учун қиз болани Ҳ. кўришига олдиндан тайёрлаб бориш лозим. Ҳ. функциясининг бузилиши ва б. гинекологик касалликларнинг олдини олишда Ҳ. кўриш вақтидаги гигиена қоидаларига амал қилиш зарур. Ванна қилиш, чўмилиш тавсия этилмайди, гигиеник душ қабул қилиш мумкин. Жисмонан зўриқтирадиган машқлар б-н шуғулланмаслик керак.

ҲАЙИТ (араб. ийд — байрам) — мусулмонларнинг диний байрами. Ислом анъанасида иккита Ҳ. расман диний байрам сифатида нишонланади: катта Ҳ. ёки қурбон Ҳ.и (араб. ийд ал-кабир, ийд ал-адҳо) ва кичик Ҳ. ёки рўза Ҳ.и (араб. ийд ас-сағир, ийд ал-фитр). Қурбон Ҳ.и ҳаж маросими ва қурбонлик қилиш б-н, рўза Ҳ.и эса рамазон ойи ниҳоясида оғизга очиш б-н боғлиқ. Қурбон Ҳ.и ҳижрий зу-л-ҳижжа ойининг 10-кунида, рўза Ҳ.и эса шаввол ойининг 1-кунида байрам қилинади. Ҳ.ларни масжидда эрталаб Ҳ. намози ўқиш, рўза Ҳ.ида фитр-садақа бериш (Ҳ. намозидан олдин), қурбон Ҳ.ида эса қурбонлик қилиш ва ш.к. ислом б-н боғлиқ маросимлар юзага келган. Ҳ.лар бу маросимларга кўп жойларда халқларнинг маҳаллий одатлари — арафа куни ош улашиш, янги кийим кийиш, «ҳайитлик» бериш, сайил қилиш, яқин одамларини кўриш ва ҳ.к. ҳам қўшилиб кетган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қурбон Ҳ.и ҳам, рўза Ҳ.и ҳам умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

ҲАЙИТ ЗИЛЗИЛАСИ — 1949 й. 10 июлда Тожикистоннинг Ҳайит, Жиргатгод, Ғарм, Қалъаи-Дабиоб каби аҳоли пунктлари ва атрофдаги ҳудудларда содир бўлган. Зилзила ўнғои 16 км чуқурликда жойлашган, кучи 10 балл, магнитудаси 7,5 бўлган. Ҳисоб тог тизмасининг жан. этакларини ларзага келтирган бу зилзилда тўсатдан катта зарб б-н бошланган, натижада 150 дан ортиқ қишлоқ бир-зумда хароб бўлган. 9 балли эпицентр зонаси гарбдан-шарққа чўзилган бўлиб, уз. 60—65 км ва эни 6—10 км ли майдонни ўз ичига олган. Зилзила пайтидаги Чокурак тоғининг катта қисми Оби-Дара-Ҳовуз дарёси дарасига қулаб тушган. Тошу-тупроқ аралаш бўлган бу қатлам дарё суви б-н катта тезликда пастга қараб водий томон ҳаракат қилган. Натижада уюмлар бал. 700 м, уз. 5 км ва эни 1 км келадиган баҳайбат кўчки ҳосил қилиб, Ҳайит қишлоғини бутун аҳолиси б-н кўмиб юборган. Кўшни Сурхоб ва Ясман дарёлари ён атрофларида ҳам бир қанча катта, кичик кўчкилар ҳаракатга келган, баъзи жойларда ер ёриқлари пайдо бўлган. Бу ёриқлар бўйича тог жинслари қатламларининг бир-бирига нисбатан силжишлари кузатилган. Дастлабки асосий зилзиладан кейин бу жойларда тебранишлар яна бир неча марта такрорланиб кучи 8 балга етган. Зилзила натижасида жами 33 та қишлоқ тог жинсларидан қоқилб бўлган уюмлар остида қолган ва 12000 киши қазоқ бўлган.

ҲАЙИТМЕТОВ Абдуқодир Ҳожиметович (1926.27.5, Данғара туманн Қўғилиқум қишлоғи — 2005.7.5, Тошкент) — адабиётшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1978). Фалол. фанларил-ри (1965), проф. (1970). Ўрта Осиё уни-тининг шарқшунослик ф-тини тугатган (1949). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида кичик (1953—57), етакчи илмий ходим (1957—67), директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари ва бўлим мудири (1967—70; 1971—98), илмий маслаҳатчи (1998—2003), етакчи илмий ходим (2003 й.дан).



Ҳ.нинг адабий-илмий фаолияти 50-й.ларда ҳикоя ва мақолалар ёзиш б-н бошланган. Кейинчалик у *фақат и. т.* ишлари б-н шуғулланган ва унинг илмий фаолияти, асосан, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ижодини ўрганишга бағишлан-

ган. Ҳ. «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» (1959), «Навоий лирикаси» (1961), «Навоийнинг ижодий методи» (1963), «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан», «Навоий даҳоси» (1970), «Ҳайбатли чашма» (1974). «Навоийхонлик суҳбатлари» (1993) каби асарлари б-н навоийшунослик фанини янги босқичга кўтаради.

Ҳ. илмий фаолиятининг муҳим қисмини ўзбек мумтоз адабиёти тарихини яратиш б-н боғлиқ ишлар ташкил этади. Унинг илмий разбарларига ва бевосита иштирокида ўзбек тилида 5 жлд (1977—80), рус тилида 2 жлд (1991—92) «Ўзбек адабиёти тарихи» яратилган. Бундан ташқари, олим 4 жлд «Ўзбек адабиёти» мажмуаси, 3 жлд «Ўзбек поэзияси антологияси», Алишер Навоийнинг 15 ва 20 жлд асарлари тўпламларини тузишда фаол иштирок этган. Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» ҳамда «Фарҳод ва Ширин» достонларининг насрий вариантларини тайёрлаб нашр этган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967, 1992). «Буюк хизматлари учун» орденли б-н тақдирланган (2003).

Ас.: Табаррук излаш изидан, Т., 1979; Меҳр ва илҳос, Т., 1985; Навоийшунослик суҳбатлари, Т., 1993; Темурийлар даври ўзбек адабиёти, Т., 1996.

Ад.: Абдуқодир Хожиметович Ҳайитметов (биобиблиография), Т., 1986; Воҳидов Р., Навоий қалби-ла сирлашган инсон, Т., 1999.

ҲАЙТОВА Осмасхон (1940.6.3, Хонқа) — хонанда, Ўзбекистон халқ артисти (1993). Ашула айтишни дастлаб Ў.Саидов, кейинчалик К. *Отаниёзов*дан ўрганган. Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатган (1974). Аёллар оркестрида тор чалиб куйлашни расм қилганларидан бири. Янгийўл театри (1958—59), «Хоразм» (хоз. *«Лазги»*) ансамбли (1959 й.дан)да ижкаҳон хонанда. «Ўзбекнаво» бирлашмасининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари (1995—2003). Тошкент маданият ин-тида проф. (2003 й.дан). Ҳ. барча ҳалқаларда ҳаранглор, кучли ва кенг диапазонли овоз соҳибаси. Репертуаридан оммабоп қўшиқлар, мумтоз ашулалар («Феруз — I», «Тошкент Ирони» ва б.), Хоразм халқ достон қўшиқлари («Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам»дан «Озод қил», «Билолбиламан», «Хатингни» ва б.), бастакор ва композиторлар асарлари (Ҳожиабдулазизнинг «Гулузорим», «Самарқанд Ушшоғи», К. Отаниёзовнинг «Найзабийи», С. Ҳайитбоевнинг «Ўзбекистон гуллари» ва б.), шунингдек, туркман, озирбайжон халқ қўшиқлари ўрин олган. Ижролари Ўзбекистон радиоси фонотекасига (жами 250 дан *ортиқ*), *бир неча грампластинка* («Ўзбекистон гуллари». 1976 ва б.) ва аудиокассетага ёзилган. Ҳ. ижодига бағишланган «Олмахон Ҳайитова куйлайди» телефильми ишланган (1982). Бир қатор мамлакатларда гастролда бўлган.

ҲАЙКАЛ (араб. — катта, улуғ шакл) — 1) *тасвирий санъат* асари; *ҳайкалтарошликда* тош, ёғоч, суякни йўниб, ўймб, металл (асосан, бронза, заҳарлаймайдиган пўлат), бетон, гипсни қолипга қуйиб, қотириб, сопол, чинни ҳайкалчалар тайёрланда лойга шакл бериб, кейин қиздириб ишланади. Монументал (очиқ ҳавода), дастгоҳли (бино ичида), безак (меъморлик, боғ-паркда), жуда кичик ҳажмда ишланадиган (уй ичида безак вазифасини ўтовчи) хиллари бор; 2) заргарлик буюми; қоракалпоқ аёлларининг муракаб ҳажмда тақинчоғи. Ҳайкал деб ҳам аталади. *Зебигардоннинг энг қад. ва аниқ номи.* Ҳ. асосий турунж ва бўйинга осиладиган занжирли қисмлардан *иборат: юзаси босма нақшлар* б-н безатилган турунж қисми ҳажмдор бўлиб, йирик маржонли кўзлар қадалган ипаклк найча ва унинг устки ва остки томонига кунгуралар («она — маъбуда» тасвирини ифодаловчи) шакллар ишланган қисмлардан иборат; қуйи қисми япроқча, думалоқ қўббачалар, занжирлар осилган занжирли шокилалар б-н ҳошияланади. Қад.дан ҳосилдорлик ҳомийси (гумор) сифатида қадрланган. Ҳ.ни раққосалар миллий кийимнинг таркибий қисми сифатида тақадилар.



Ҳайкал — қоракалпоқ аёлларининг кўкрак тақинчоғи.

ҲАЙКАЛ Муҳаммад Ҳусайн (1888. 10.8, *Кафр-Ғаннам — 1956.8.12, Қоҳира*) — араб ёзувчиси, адабиётшунос ва *давлат арбоби (Миср). Қоҳира ҳуқуқшунослик* билим юртини тугатган (1909). *Франциядa сиёсий иқтисод* ва ҳуқуқ фанларини ўрганган (1909—12). Конституцион-либераллиглар партияси мусиси — «Сиёсат» жур.ни бошқарган (1922—33). 1943—52-*йилларда ҳу партия*нинг раиси. Мисрнф вазири (1937—44), *давлат вазири ва сенат раиси* (1945—50). Дастлабки «Зайнаб» (1914) романи б-н миср нақри ривожида янги босқични бошлаб берган. «Муҳаммаднинг ҳаёти» (1929), «Миср сиёсати ҳақида хотиралар» (1—2-ж., 1951—53), «У шундай яратилган» (1955) каби асарларида мамлакат тарихи, адабиётининг тараққиёти, сиёсий ҳаёт ва б. масъулларга мурожаат қилган.

ҲАЙКАЛТАРОШ (лот. *Sculptor*) — осмонннинг Жан. ярим шарилари ҳудуд туркуми. Энг ёрут юлдузи 4-юлдуз катталигида. Галактикамиз жанубий қутби ҳ.да жойлашган. Ўзбекистонда сентябрь, октябрь ойларида яхши кўринади.

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК — *тасвирий санъат* тури; борлиқни ҳажмли шаклларда, маконда уч ўлчамда тасвирлашга асосланади. Тасвир объекти, асосан, инсон; шунингдек, ҳайвонлар (*анималистика*), табиат (*манзара*) ва нарсалар (*натюрморт*). Ҳ.нинг 2 асосий кўриниши — айланиб кузатиш имконини берувчи думалоқ *ҳайкал* ҳамда фақат бир томондан кўришга мўлжалланган бўртма (қабариқ) тасвир *рельеф* тури фарқланади. Рельеф, ўз навбатида, юзага нисбатан бир оз бўртириб ишланадиган *баръельеф* ҳамда тасвир юзага нисбатан анча бўртириб ишланадиган *горельеф*га бўлинади; шунингдек *курсив* ўйинни ҳисобига тасвир кўзга ташланадиган текис юзага ишланадиган яна ўйма кўринишн мавжуд.

Ҳ. бажарилган вазифаси ва мазмунига кўра бир неча турларга бўлинади: *монументал ҳайкалтарошлик, безак ҳайкалтарошлиги*, дастгоҳ Ҳ. (*қ. Дастгоҳ санъати*), майда ҳайкалтарошлик турлари Ўзбекистонда ривожланиш ҳамда *Ўзбекистонда хос хусусиятларга эга.* Меъморлик санъати б-н боғлиқ бўлган монументал Ҳ.ка муҳим тарихий воқеалар, атоқли шахслар хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилган монумент, ёдгорликлар, Ҳ. ансамблари киради, улар ўзида катта мазмунни ифодалайди ҳамда муҳлқда аҳамиятга эга; бирок Ҳ.нинг бу тури бевосита мумт., меъморий иншоотлар ҳамда табиат б-н уйғун бўлиши лозим, бу унга янада узлуксиз ва таъсирчанлик бахш этади. Монументал Ҳ.ка хос бўлган хислатлардан бири қақра-



«Хаттот» (бўялган скриптор, тахм. мил. ав. 2490, Қад. Миср; хол. Луврда сақланади).

монларни кўтаринки руҳда тасвирлашдир. Монументал Ҳ. асарлари узоқдан кўришга мўлжалланганлиги сабабли, катта-катта яхлит шаклларлан кенг фойдаланилади; одам юзидаги майда унсурлар, киймлдаги букланишлар, майда қисмлар кўрсатилмаслиги мумкин.

Безак Ҳ.га истиҳоат боғлари, хиёбонлар, кўча ва боғлар, шунингдек, меъморий биноларнинг деворларини безаш учун ишланадиган турли безак ҳайкаллар киради; асарларида рамзий образлар, ҳайвонлар шакли кенг ишлатилади. Биноларнинг деворларига ишланадиган бўртма тасвирлар, амалий санъат буюмлари юзасига ишланаланган безаклар, фавворалар, панжара, бадиий дарвозалар ҳам шу Ҳ. нинг кўринишидир.

Дастгоҳ Ҳ.га мустақил мазмунга эга бўлган, санъатнинг бошқа турларига тобе бўлмаган асарлар киради; улар кўргазмалар, музей хоналарига ва уйларнинг интерьерига қўйиш учун мўлжалланади. Бу тур асарларда юксаклик ўзининг бутун борлиги ўз ифодасини топган. Ҳайкалтарошлик ўзининг янги ноёб ва ажойиб имкониятларини очиб берди. Дастгоҳ Ҳ. асарлари *бюст* (белгача бўлган портрет), торс, *ҳайкал* (одам гавдасининг натурал катталикда ишланган кўриниши), ҳайкалча (натурал катталигидан кичик бўлган ҳайкалар), колосс (ҳаддан ортиқ катталикда ишланган ҳайкаллар, мас., Родос колосси), жанрли ҳайкал (муайян муҳитда тасвирланган одам ёки одамлар гуруҳи) ва б. кўринишда бўлади. Кичик шакллар Ҳ.ги ўз характерига кўра амалий безак санъатига яқин туради. Бунга стол устига қўйиладиган сопол, чинни ва б. ҳом ашёлардан ишланадиган ҳайкалчалар киради. Энг кўп тарқалган турларидан бири *терракота; медаль ясаш санъати* ва *глиптика* ҳам шу турга мансуб.

Ҳ.да ижодкор нурсоз ўйинидан фойдаланиш орқали асарнинг таъсир кучини оширишга эришади (нур тушиши б-н ҳайкал жонланади, нур йўналишининг ўзгариши б-н ундаги нурсоя товланиши ҳам ўзгаради, натижада ундан томошабин олаётган таассурот ҳам ўзгариб боради). Бу айниқса монументал ва безак Ҳ. асарлари учун кўп келади, чунки майдон ёки хиёбонга ўрнатилган ҳайкалга эрталабки қуёш нурлари бир хозирба берса, кечки кун ботиш пайтидан қуёш нурлари бошқача бир файз киритади. Ҳ.да инсоннинг ташқи кўриниши, сокин ёки ҳаракатдаги ҳолатини акс эттириш б-н унинг имкониятли тугамайди, асарда кечинмалар, ҳаяжон, тамғинлик ва б. ҳам ўз ифодасини топади. Ҳайкалтарош маҳорати, тўғри топилган ҳаракат, ходдаги мимик ҳолат асарнинг таъсирли бўлишида муҳим ўрин тутади. Ҳ. асарлари учун тош, гранит, бронза, мармар, ёғоч, металл (олтин, кумуш, никель каби қимматбаҳо металлар), цемент, гипс каби турли материаллар ишлатилади. Ҳ.да танланган ҳом ашё



Рамсес II нинг ҳайкаллари (тахм. мил. ав. 1250, Абу Симбал ибодатхонаси).



Артемида (бронза, тахм. мил. ав. 340—330, тахм. Афина).

унинг рангини белгилайди. Халқ Ҳ.ларига ҳайкалларни бўяш ҳоллари учрайди. Ҳ. асарлари яратишда юмшоқ модаллар (мавсус лой, мум, пластилин ва б.), қаттиқ модаллар (турли хил тошлар, ёғоч ва б.дан кесиб (ўйиб) ёки ўймакорлик б-н кераксиз қисмларини олиб ташлаш йўли б-н яратилади; суюқ *ҳолатдан қаттиқ ҳолатга ўтиш хусусиятига* эга бўлган модаллар (турли металл, гипс, бетон ва б.)дан қолип ёрдамида қуйиб ишланади; керамика Ҳ. асарлари тайёрланда махсус лой навларидан фойдаланилади, шакл бўяма нақш ёки рангли сир б-н қопланади ва махсус печларда куйдирилади. Ҳ. асари гипсдаги (постамент ёки пьедесталга) ўрнатилади; баъзан ҳайкалтарош мақсадини юзага чиқаришда бир неча тагликка ўрнатилган ҳайкаллар, рельефлардан фойдаланиши мумкин.

Ҳ. қадимдан — ибтидоий жамиятда инсоннинг меҳнат фаолияти ва диний тушунчаларининг пайдо бўлиши б-н шаклланиб, ясаш жараёнида Ҳ.га хос услуб (йўниш, ишлов бериш, юмшоқ лойдан шакллар ясаш) б-н ўз ҳиссиёти, кечинмаларини тасвирлай бошлаган. Ҳайвонларнинг думалоқ, гор ёки тош юзасига ишланган бўртма ҳайкаллари ибтидоий кишилар ҳаракатларининг ифодасидир. Бўртма тасвирлар юмшоқ тош, суяк ва ёғоч юзасига ишланган, меҳнат ва ов қуролларини безашда ҳамда тумор сифатида ҳам фойдаланилган. Олтин ва б. қимматбаҳо материаллардан бўртма тасвирли амалий санъат буюмлари, лойдан ҳайкалчалар ясашда катта муваффақиятларга эришилди (*скифлар маданияти*; Африка қитъасининг Нок минтақасидаги сопол ҳайкаллар ва б.).

Қуйдорлик тузуми давридан Ҳ.да янги босқич бошланди, бу давр услуб ранг-баранглиги, мавзу ва турларининг кўлами б-н ажралиб туради. Бу жиҳатдан Ҳ.да Кал. Шарқининг ажоиб ва ўрни бор: илк бор маҳобатли ҳайкаллар, дастлаб портретлари, жўшқин, ҳаракатга тўла бўртма тасвирлар яратилди. Шумер ва Аккад, Бобил ва Оссурия ёдгорликлари, Мисрдаги маҳобатли ҳайкаллар, нафис бўртма тасвирлар шу даврнинг нодир ёдгорликларидир. Ўрта Шарқ жумладан, Ўзбекистон ҳудудида яратилган Хоразм, Суғд, Бақтрия ёдгорликлари, *Тупроққала*, *Варахша*, *Афросиёб*, Холчаён, Далварзинтепа, Қувонинг маҳобатли ҳайкал ва бўртма тасвирлари, майда ҳайкалчалар, амалий санъат буюмларини безашда ишланган турли бадиий шакллар даврнинг бой маданиятидан далолат беради.

Антик даврда воқеабанд рельеф, *портрет ўз ривожининг юқори босқичига кўтарилди*, одамнинг руҳий ҳолатини ифодалаш борасида катта ютуқларга эришилди. Юнонистон ва қисман қад. Римда яратилган Ҳ. асарларида инсоний туйғулар, унинг камолоти етакчи ўринни эгаллади, тасвирланила диққинфилик ҳукм сурди, жисмоний бақувват ва маънавий гўзал инсон образини яратиш юнон Ҳ.нинг бош мақсади бўлди (*Фидий* ва *Мирон*, *Поликлет* ва *Праксител*). Рим ҳайкалтарошлари портрет санъатида катта ютуқларга эришдилар, уларнинг асарларида нисбатнинг мураккаб кечишмалари кучли реализмда тасвирланди, шахснинг жисмоний ва маънавий ҳолати очиқ кўрсатилди; Римда илк бор отлиқ қўмондон ҳайкали ишланди, бўртма тасвирда ҳам катта ютуқларга эришилди: муҳим тарихий воқеаларга бағишлаб ўрнатилган устун ва зафар тоқидари воқеабанд бўртма тасвирлар б-н безатилди.

Ўрта асрлар Шарқ мамлакатларида Ҳ. ҳамма жойда бир хил ривожланмади. Жан., жан.-шарқий Осиё мамлакатлари (Ҳиндистон, Индонезия ва Ҳиндихитой мамлакатларида) маҳобатли, ишланишн нафис ажойиб ёдгорликлар яратилган бўлса, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида Ҳ. амалий безак санъатининг Ҳ. б-н чатишиб кетган тош ўймакорлиги, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, заргарлик ва кандакорлик асарларида ўз ифодасини топди, рўзғор буюмлари, тақинчоқлар тайёрланда, биноларр безати (намоён)да кенг қўлланди. Европа мамлакатларида христиан дини Ҳ.ни ривожлантиришда асосий куч бўлди: соборлар қошида Ҳ. устахоналари типлкя этилди, бу ерда бўлажак ҳайкалтарошлар тайёрланди, ибодатхоналар учун думалоқ ҳайкал ва рельефлар яратилиб, улар диний гояларни тарғиб қилишга хизмат қилди.

Ҳ. романа ва готика услубида қурилган биноларр композициясининг ажралмас қисмига айланди. 13-а. 2-ярми — 14-а. бошларида Европа реалистик Ҳ. асарларида инсоний туйғулар, унинг камолоти етакчи ўринни эгаллади, тасвирланила диққинфилик ҳукм сурди, жисмоний бақувват ва маънавий гўзал инсон образини яратиш юнон Ҳ.нинг бош мақсади бўлди (*Фидий* ва *Мирон*, *Поликлет* ва *Праксител*). Рим ҳайкалтарошлари портрет санъатида катта ютуқларга эришилди, уларнинг асарларида нисбатнинг мураккаб кечишмалари кучли реализмда тасвирланди, шахснинг жисмоний ва маънавий ҳолати очиқ кўрсатилди; Римда илк бор отлиқ қўмондон ҳайкали ишланди, бўртма тасвирда ҳам катта ютуқларга эришилди: муҳим тарихий воқеаларга бағишлаб ўрнатилган устун ва зафар тоқидари воқеабанд бўртма тасвирлар б-н безатилди.



Микеланжело. «Давид» (мармар, 1501—04, Флоренция).

Ўрта асрлар Шарқ мамлакатларида Ҳ. ҳамма жойда бир хил ривожланмади. Жан., жан.-шарқий Осиё мамлакатлари (Ҳиндистон, Индонезия ва Ҳиндихитой мамлакатларида) маҳобатли, ишланишн нафис ажойиб ёдгорликлар яратилган бўлса, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида Ҳ. амалий безак санъатининг Ҳ. б-н чатишиб кетган тош ўймакорлиги, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, заргарлик ва кандакорлик асарларида ўз ифодасини топди, рўзғор буюмлари, тақинчоқлар тайёрланда, биноларр безати (намоён)да кенг қўлланди. Европа мамлакатларида христиан дини Ҳ.ни ривожлантиришда асосий куч бўлди: соборлар қошида Ҳ. устахоналари типлкя этилди, бу ерда бўлажак ҳайкалтарошлар тайёрланди, ибодатхоналар учун думалоқ ҳайкал ва рельефлар яратилиб, улар диний гояларни тарғиб қилишга хизмат қилди.

Ҳ. романа ва готика услубида қурилган биноларр композициясининг ажралмас қисмига айланди. 13-а. 2-ярми — 14-а. бошларида Европа реалистик Ҳ. асарларида инсоний туйғулар, унинг камолоти етакчи ўринни эгаллади, тасвирланила диққинфилик ҳукм сурди, жисмоний бақувват ва маънавий гўзал инсон образини яратиш юнон Ҳ.нинг бош мақсади бўлди (*Фидий* ва *Мирон*, *Поликлет* ва *Праксител*). Рим ҳайкалтарошлари портрет санъатида катта ютуқларга эришилди, уларнинг асарларида нисбатнинг мураккаб кечишмалари кучли реализмда тасвирланди, шахснинг жисмоний ва маънавий ҳолати очиқ кўрсатилди; Римда илк бор отлиқ қўмондон ҳайкали ишланди, бўртма тасвирда ҳам



«Ёвуздан ҳадиси» (терракота, 7-а., Фирюза).



зидан чекининш мозага келди; бу даврда *импрессионизм*, *символизм* оқимлари ҳам Ҳ.да ўз ифодасини топди. 19-а. охири — 20-а. бошларн Ҳ. ривожида даврнинг янги оқимлари таъсир этди. Бу жараёнда француз ҳайкалтароши О.*Роден* ижоди муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг таъсирида нафақат француз, балки кўпгина замонавий европалик ва б. ҳайкалтарошлар ижоди шаклланди. 20-а. Ҳ. санъати қарама-қарши оқимларда асосланган. Бир томондан реалистик санъат йўналиши ўз бадиий кўламини кенгайтиришга, ифода воситаларнинг таъсирчанлигини оширишга интилган бўлса, иккинчи томондан *авангард* санъати ўз имкониятларини кенг намоён эта борди. 20-а. бадиий услублари (*кубизм* — П.Пикассо, А.Архипенко, А.Лоран; *конструктивизм* — А.Кольдер; *поп-арт* ва авангардининг бошқа шакллари) таъсирида Ҳ. янги қиррини ва имкониятини бўлмаган услуб ва материалдар б-н бойнди. 19-а. ўртасида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида Ҳ.да жонланиш бошланди. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда ҳам Ҳ. асарлари яратила бошлади, унинг думалоқ ва бўртма тасвир-рельеф турида асарлар пайдо бўлди. Фавволар ишга тушди, безак Ҳ. асарлари б-н ҳам олиш ва кордик чиқариш маскарлари, хиёбонларни безатиш одати кенгайди. Шу даврда ишланган қурбақа, кийик, ит, шер ва б. ҳайкалар бир қанча (Тошкент, Бухоро кабн) жойларни безаб турибди. Бухородаги Ситораи Моҳи Хосадаги мармардан ишланган шер ҳайкалдари, исломий, гирих нақшлар, чиройли ўймалар

«Безакдор» рельефи (8-а., Варахша).



Ш. Мўминова. «Полизан» (терракота, 1975).

б-н ўйиб жило берилган сув новлари диққатга сазовор. Тош ва мармар ўймакорлиги намуналари Хива меъморий ёдгорликларида кўп учрайди (жумладан, рельефли тош ва мармар пойустунлар).

20-а. бошларидан халқ анъанавий амалий санъати усуллари кенг қўлланиб ҳамда ривожлантирилди: Муқимий театри (1943) ҳамда Навоий театри (1948) биноси ва б. Ҳ.нинг бошқа турлари ҳам кенг ривожлана бошлади. Анъанавий майда ҳайкалтарошлик ҳам янги мазмун ва мавзулар б-н бойиди (*У.Жўрақулов, Ҳ.Раҳмонов, А.Мухторов* ва б.). Шу даврдан реалистик Ҳ.нинг ҳамма турларида дастлабки намуналари яратилди. Монументал ва безак Ҳ.ги бевосита меъморлик санъати б-н боғлиқ ҳолда ривож топди: Э.Руш, Я.Кучис, Я.Страздин, О.Коржинская асарлари шу санъатининг дастлабки намуналари эди. Дастлоқ Ҳ.гида портрет ва жанрли композициялар пайдо бўлди (А.Иванов, Ф.Гриненко ва б.). Ўзбек ҳайкалтарошлигининг янги босқичи 20-а.нинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бу даврга келиб ҳайкалтарошлар сафи кенгайди. Ҳ.да академик тизим шаклланди. А. *Бойматов*, А. Аҳмедов, Д.Рўзибоев, А. *Шоймуродов*, Э.Алиев, Ҳ.Хусниддинхўжаев, *Я.Шапиро, Л.Рибчев, Д. Рибачек* ва б. Ҳ.нинг барча тур ва жанрларида ижод қилиб, унинг равнақига ўз ҳиссаларини қўшдилар.



А.Бойматов. «Роз» (бронза, 1970).

Монументал ва монументал-безак Ҳ. борасида қатор асарлар яратишда тош, металл, шамот, сопол ва б. қ.т.тик материалларидан кенг фойдаланилди. Ўзбекистондаги ҳар бир меъморий мажмуа санъатлар синтези заминида шакллантирилиши Ҳ. ривожида муҳим ўрин эгаллади: Тошкент ш., вилоятлар ва туманлар марказларида бош майдон, йирик хиёбон, кўчалар ва б. марказларда майдонлар ташкил этилди, уларда давлат ва фан, маданият арбобларига ёдгорликлар ўрнатилди: Тошкентдаги Пушкин (М.Аникушин), Самарқандаги Алишер Навоий ва Жомий (Ҳ.Усенидинхўжаев ва В.Лунев) ҳамда Мирзо Улуғбек (М.Мусабоев) ва б. ҳайкаллар. Безак Ҳ.да эфсонавий ажлаҳо, кийик ва кўзиқоқлар ҳайкалларя яратилиб, маданий, маъмурий биноларнинг майдонларига ўрнатилди (Тошкентдаги Ўзбекистон ЁА Марказий кўргазмалар залп олдидаги ҳайкаллар ва б., Самарқанд музейи олдидаги ажлаҳо, Бухоро Интурист меҳмонхонаси учун ишланган рельеф ва ҳайкаллар), фавворалярда Ҳ. кўринишдаги ўз ифодасини топди.

Дастлоқ Ҳ.нинг портрет ва анималистика жанрларида А. Бойматов, А.Шоймуродов, А.Аҳмедов, ака-ука П. ва М.Ивановлар, Т. Қосимов, Д.Рўзибоев, кейинроқ *И.Жабборов*, Т.Тўлаҳўжаев ва б., қорақалпоқ Ҳ.да *Ж. Куттимуродов*, Тўрониёзов ва б. ижланишдари ўзига хослиги б-н ажралиб туради. 1960—80 й.ларда дастлоқ Ҳ.нинг портрет, жанрли ҳайкал ва майда пластики (ҳайкалтарошлик)да жонланиш сезилди, услуб ва йўналишлари кенгайди. А. Ҳотамов, Т.Эсонов, М. Абдуллаев, Ф. Аҳмединов, М.Анакин, М.Раҳмонбердиев, М.Бородина, Л. Нестерович, М. Поруб, Т.Ёркулов ва б. шу йўналишда ижод қилиб танила бошладилар.

Мустақиллик йилларида Ҳ.да йирик бадиий ёдгорлик ҳайкаллар барпо этилди, уларда аждодларнинг ёркин қиёфаларини яратишга эришилди. Бу давр-ла Ҳ.да яратилган асарнинг илк намуласи *Ўзбекистон жалилй боғининг* сўнмас ғўшасига ўрнатилган *Алишер Навоий* ҳайкали бўлиб (ҳайкалтарошлар Э.Алиев, И.Бандзеладзе, В.Дегтяров, 1991), у атроф-муҳит б-н уйғунликда; рамзий маънода барпо этилган меъморий қисм (айвон) шоирнинг маҳобатли ҳайёсини янада жозибалантиради. Монументал Ҳ.да сермаҳсул ижод қилаётган И.Жабборов, *Ж. Миртожиев* ва б. асарларида санъатлар синтезига асосланган асарлари юзага келди. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз да қад кўтарган Амир Темурнинг маҳобатли ҳайкалларида соҳибқирон образи гавдалантирилди; саркарда «Жалолиддин Мангуберди» (2000), буюк аллома «ал-Фарғоний» (1998, Фарғона ва Қува ш.) «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» (1993, Андижон ш.да), «Абдулла Қодирий» (1994, Тошкент ш.да), «Чўлпон» (1997, Андижон ш.да), «Она» (Жиззах ш.да) каби йирик ёдгорлик ансамбллари яратилди. Ҳ.да саркарда тарихий шахслар қиёфаси, «Алпомиш» рамзий ҳайкалида (1999, Термиз ш.да) халқ қаҳрамонининг бадиий талқини яратилди.

Дастлоқ Ҳ.да замонавий ва миллий анъаналар ўзаро уйғунликда ривожланмоқда, бунда бадиий тасвирийлик етакчи ўрин тутади. Ҳ.да ўзига хос ижодий услубга эга бўлган Т.Тожиҳўжаев («Алишер Навоий», «Улуғбек», «Машраб», «Фурқат» каби буюк сиймолар ҳамда «Курош», «Рақс», «Чавандоз» каби романтик асарлар), Д.Рўзибоев («Наврўз маликаси», 2000), Ж.Куттимуродов («Аёл», «Амударё», «Оққуш», «Авесто» туркуми ва б.), Ж. Миртожиев («Бобур — Ватан соғинчи», «Сайёҳ Бобур», «Темур Малик», «Бехзод») ва б. ҳайкалтарошлар самарали ижод қилмоқда. Майда Ҳ.да ҳам катта муваффақиятларга эришил-



Ж.Миртожиев. «Қўшиқ» (1999).

ди, сопол (терракота), шамот, чинни, фаянс, ёғон ва б.да асарлар ҳозга келди. Ш.*Мўминованинг чинни ва сопол шакллари нозик ҳамда тасаввурининг ранг-баранглиги б-н ажралиб туради, Н.Қодиров*, В. Шурков ва б.нинг сопол қайиқчалари ишланиши халқ ижодиётига яқинлиги, енгил юмори б-н диққатни ўзига тортади.

Ад.: Кепинов Г.М., Технология скульптуры, М., 1936; Глубкина А.С., Несколько слов о ремесле скульптора, М., 1963; Апуктин О.К., Таквирий санъат асослари, Т., 1967; Ўзбек санъати, Т., 2000.

Неъмат Абдуллаев.

«ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР» (*«Яхши кишиларнинг ҳайратланиши»*) — *Алишер Навоий* «Хамса»сининг биринчи достони (1483). Панд-насиҳат руҳидаги таълимий-ахлоқий, фалсафий достон. 3988 байтдан иборат бўлиб, 64 боб, 29 мақолатдан ташкил топган. Арузнинг *сарақ* бахрида ёзилган. Асар аньанавий муқаддима — ҳамд ва наът б-н бошланади. Навоийнинг дунё ҳақидаги қарашлари мана шу муқаддимада ўз аксини топган. Унинғча, дунёнинг боши ҳам, охири ҳам, яратувчи ҳам, кузатувчи ҳам Аллоҳдир:

Аввал ўзунг, мобайи ўзунг,
Барчаи кунг, борини айи ўзунг.

Асарда шоир Аллоҳ, борлиқ, инсон ҳақида шундай фикрлайди: бир вақтлар бу жаҳон пинҳон (ширин) эди. На ер, на кўк, на кун, на тун — ҳеч нарса йўқ эди. Сендан бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса йўқ эди. Нозир ҳам, мазур ҳам ўзинг эдинг. Ишқингдан маст, ҳушингдан мазрур эдинг, ҳуснинг жилвасига чеку чегара йўқ эди. Сенга кўзгу керак бўлди ва шу мақсад б-н дунё майдонга келди. Демак, дунё сенинг жамолингга ойнадир. Сен дунёни ғоят гўзал (латиф) қилиб яратдинг, лекин ҳаммасидан инсонни улуғ (шариф) айладинг. Бинобарин, Аллоҳ ҳар нарсадан улуғ ва яқин туттан инсон ҳам табиатнинг, ҳам жамиятнинг гултожидир. Навоий дунёни Аллоҳнинг намоён бўлишидир, деб билади. Инсон эса унинг марказий сиймоси.

2 боб устоздар тазрифига бағишланган, 2 боб сўз ва унлаги маъно ҳақида. Сўнг Ҳусайн Бойқарога, улуг пирлар: Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрорга бағишловлар келади. Иккоит, 22-боблдан мақолатлар бошланади. 1-мақолат *иймон*, 2-мақолат *ислом*, 3-мақолат шоҳлар ҳақида. Унда шоир бевосита шоҳга мурожаат қилади: «Эй, забардаси оламни тутган султон, сенга ҳақ ҳукмифармолик берди, қўлингни баланд қилиб, эл-халқни, не-не буюкларни қошингда паст этди. Лекин шуни билки, сен ҳам уларнинг кўпидан ожизроқ бир бандасан... Ҳақ сенга вазифа топширган. Биринчи вазифа — *берган неъматига шукр қилмоқ*, иккинчиси — халқни ҳурмат тутмоқ, ҳақини қилаб бермоқ, адрамоқ. Ў сенга омонат берилган. Агар сен элнинг бир синиқ ишасини тортай олсанг, олиғратда олмос ҳанжар бўлиб, бағрингга қадалади. Ингичка бир ип каби заҳар отказгани бўлсанг, уни сени қалоқ қилувчи илон деб билавер... Бсиёз Парвардигор, лекин яёз қиллигини, тавба қил. Адолатсизлик қилдингми, адолат қил». Шу тариқа ҳар бир мақолат бир мавзуга бағишланган. Шоир ниҳстзаб мавзу б-н тавшитиради. Унга муносабат билдиради, яъни таслиқ ё инкор этади, айни мавзуга муносиб бирор ибратли ҳикоя келтиради.

Навоий достонда умр, унинг мазмуни, табиат, жамият ва инсон муносабатларига доир савоплар қўяди ва кейинги достонларда муайян тақдирлар, воқеалар мисолида уларга даъвоб беради. Достонда ўша давр ижтимоий турмуши, халқ ҳаёти, урф-одатлари, дин-диёнат, ахлоқ-одоб қоидалари қаришлар ўз ифодасини топган (ина қ. *Алишер Навоий*).

Бегали Қосимов.

ҲАЙСАМ ибн ҚУДАЙБ ал-ШОШИЙ, Имом аш-Шоший (тўлиқ исми Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб ибн Сурайж (Шурайҳ) ибн Маъқил аш-Шоший ал-Бинкатий ат-Турқий ал-Ажлб) (? — 947) — йирик муҳаддис. Шош вилоятининг маркази *Бинкат*да туғилган. У 9-а.нинг 2-ярми — 10-а. бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳадис илми ривожланган *олтин давр*да яшаган. Илм-маърифат ўрганиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Термиз каби шаҳарларда бўлиб, буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ва б.дан сабоқ олган. Шунингдек, хорижий мамлакатларга ҳам сафар қилиб, Балхда Закариё ибн Яҳё ибн Асад ал-Марвазий, Исо ибн Аҳмад ал-Асқалоний, Багдодда Аббос ибн Муҳаммад ад-Дурий, Яҳё ибн Жаъфар аз-Забарқон каби машҳур олимлардан таълим олган ва кўплаб шогирдлар етиштирган. Аллома илмий фаолиятининг акгар қисми Бухоро ва Самарқандда кечган. Бинкатда вафот этган. Ҳадисларга оид «ал-Муснад» («ал-Мусноди ал-Кабир») асари бор. Мазкур асар 1992 й. доктор Мақфуз ар-Раҳмон Зайнуллох томонидан тадқиқ этилиб, бир неча жилди Маданида нашр этилган.

ҲАЙЪАТ (араб. — шакл, кўриниш) — 1) одамлар мажмуи, таркиби. Мас., мажлис, кенгаш ва ш.к.ни бошқариш учун сайланган кишилар гуруҳи (қ. *Президиум*); бирор пашрни тайёрлашга жамоа раҳбарлик қилувчи муассаса (*мас., Таҳрир ҳайъати*); 2) осмон ва ундаги жисмларнинг шакл ва қаракатни тўғрисидаги фан.

ҲАКАМ (*спортда*) — спорт мусобақасини жараён қилувчи, унинг бсланганлари қоидалар асосида ўтишини таъминловчи, қатнашчи спортчиларнинг натижаларини баҳоловчи, учрашув пайтида юзага келадиган низоларни бартараф этувчи, умуман мусобақанинг янги меъёрлар асосида ўтишига масъул шахс. Ҳлар спорт турлари мусобақаларида бажарадиган вазифаларига қараб қуйидагича номланади: комиссар, назоратчи Ҳ., бош Ҳ., катта Ҳ., иккинчи Ҳ., ёрдамчи Ҳ., дарвоза ортидаги Ҳ., учрашув соф вақтини ҳисоблоичи Ҳ., тўр олдидаги Ҳ., чизиқдаги Ҳ., котиб Ҳ. ва ҳ.к. Мусобақадан кейин тузилган Ҳлар қарори ташкилотчилар томонидан шкуний хулоса учун қабул қилинади. Баъзи ҳолларда Ҳлар қарорига аниқлик киритиш учун электрон усулда кўрсаткичлари, фотопасмир ва видеотўкшлардан фойдаланилади. Ҳлар халқаро, миллий (республика), I, II ва III тоифадарга бўлинади.

ҲАКАМ II, ал-Мустансир биллоҳ (? — 976) — *умавийлардан* бўлган *Қуртуба халифалиги* халифаси (961 й.дан). *Отаси Абдураҳмон III нинг сиёсатини* давом эттириб Испаниянинг христиан қироллиқлари — Леон ва Наварра б-н муваффақиятли курашқ олиб борган; 966 й. уларни халифалик учун манфаатли бўлган сулҳ шартномаси тузишга мажбур қилган. Шу йили Ҳ. II қўшини *марманлар* ҳукумини даф қилган. Ҳ. II мусулмон Испаниясн маданиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, бу йўлдаги саъй-ҳаракати б-н шуҳрат қозонган. Унинг ҳукмронлиги даврида Қуртуба Ғарбий Европанинг энг йирик маданий марказига айланган.

ҲАКАМЛАР СУДИ — фуқаролар б-н фуқаролар ва ташкилотлар б-н ташкилотлар ўртасида келиб чиққан баъзи фуқаролик ҳуқуқий характердаги низолардан учинчи шахс ёки шахслар (холислар) томонидан кўрилиши. Манфаатдор тарафларнинг фуқаролик *ҳуқуқларн фақат умуморизсликнмя* суди томонидангина эмас, балки Ҳ.с. томонидан ҳам ҳимоя қилинишн мумкин. Ҳ.с. низолашувчиларнинг ихтиёрига келишуви б-н бир ёки бир неча (тоқ сонли) шахслар таркибида фуқаролик ҳуқуқий характеридаги низони ҳал этиш учун ташкил қилинади.

Ўзбекистон Республикасида Ҳ.с. низоли ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларига ва низонинг предметига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

фуқаролар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун тузиладиган Ҳ.с.; ташкилотлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун тузиладиган Ҳ.с.; ташқи савдога оид низоларни кўрадиган ва денгиз ҳуқуқи б-н тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқан низоларни ҳал қилиш учун тузиладиган ҳакамлар судлари.

Фуқаролар ўртасидаги низолар ҳакамлар (хокимлар) суди томонидан Ҳ.с. тўғрисидаги Низомга мувофиқ ҳал қилинади. Бу ҳужжатнинг 1—20-моддаларида кўрсатилишича, фуқаролар (меҳнат ва оила муносабатларига доир низолардан ташқари) ўз ўрталарида келиб чиққан ҳар қандай низони Ҳ.с. нинг кўриши учун топшириларни мумкин. Ҳ.с. ҳар сафар низонинг ҳамма иштирокчиларининг алоҳида келишуви б-н ташкил этилади ва ҳар қайси тараф томонидан баравар миқдорда сайданган бир ёки бир неча судья таркибида тузилади. Ҳ.с.да ишлар жамоатчилик асосида, хизмат ҳақи олинмасдан кўрилади. Ҳ.с.нинг ҳал қилув ҳарори иктиёрий равишда ижро этилмаса, туман (шаҳар), туманлараро суди бераётган ижро варақасига асосан мажбурий тартибда ижро қилиниши мумкин.

Хўжалик ташкилотларининг айрим мураккаб ишлари бўйича бўлган низоларнинг Ҳ.с.да кўрилиши мақсадга мувофиқ деб топилган. Биргашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги хўжалик низолари ўзаро келишувга биноан ҳар бир конкрет иш бўйича сайланадиган Ҳ.с.га кўриш учун топширилиши мумкин. Ҳ.с.нинг ҳал қилув қарори чиқарилгандан сўнг 5 кун ичида иш кўрилган жойдаги хўжалик судига сақлаш учун топширилади. Биргашмалар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари Ҳ.с. томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун чоралар кўриша ва иш сақланиб турган хўжалик судига бу ҳақда 1 ой ичида маълумот беришга мажбурларлар. Ҳ.с.да кўрилаган ишлар бўйича давлат божи олинмайди.

Ташқи савдога оид битимлардан келиб чиқадиган низолари, жумладан хорижий фирмалар б-н Ўзбекистон Республикаси хўжалик ташкилотлари ўртасидаги низолари ҳал қилиш учун Савдо палатаси қошида ташқи савдо арбитраж комиссияси ташкил этилган. Бу комиссиянинг ваколати ташқи савдо арбитраж комиссияси тўғрисидаги Низом б-н белгиланган.

Денгиз ҳуқуқи б-н тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар Ўзбекистон Республикаси савдо палатаси қошидаги денгиз арбитраж комиссияси томонидан кўрилади. Бу комиссия Денгиз арбитраж комиссияси ҳақидаги Низомга мувофиқ иш олиб боради.

Шоҳсайд Шарафиддинов.

ҲАКИМ (985—1021) — *Фотимийлар* сулоласидан бўлган халифа (996 йдан). Ҳ. даврида *Фотимийлар халифалиги* ниҳоятда кучайган. Ҳ. ички сиёсатида фуқаролар (айниқса христиан ва яҳудийлар) оммавий равишда тазъиқ ва таъқиб, баъзан суний-мусулмонлар ҳам қувғин қилинган. Ҳ. ҳукмронлиги охирида саройда шаллақининг роли ошган, уларнинг таъсири остида Ҳ. (1017 ёхуд 1018 й.) ўзида Аллоҳ мужассам этилганини эълон қилган; буни эътироф этган қаримлар *друзлар* фирқасини ташкил этган. 1021 й. 13 фев. да Ҳ. сайёл қилиб юрган чоғида сирли равишда йўқолиб бўлган.

ҲАКИМ ат-ТЕРМИЗИЙ — қ. *Термизий.*

ҲАКИМ БУХОРИЙ — қ. *Сирожиддин Ҳаким.*

ҲАКИМ МУЛЛА МИР ХОНАҚОҲИ — Бухоро вилояти Ромитан туманидаги меъморий ёдгорлик (16-а.). Халқ орасида «Хазрати Эшон» номи б-н машҳур бўлган Шайхулислом Амир Ҳусайн мулла Мир томонидан қурдирилган; бош пештоқ олдидаги қабротошга унинг исми ва вафот этган сана (1587) ўйиб ёзилган. Хонақоҳ тўртбурчак тарҳли (17,5×21,5 м, бал. 20 м), пештоқ-гумбазли (3 томони пештоқли), марказий гумбазли жамоатхона (тарҳи 8,5×8,5 м) ҳамда бурчакларидаги хона (ҳужралардан иборат. Бино 2 қаватли, асосий тарзи улуғвор, 2 ёнига гулдасталар ишланган. Гумбаз 8 қиррали пойгумбазга ўрнатилган, пойгумбазда равоқли дарчалар бор; гумбаз ости равоқли баҳайбатли қирра ярим мустақил ҳужралар қосалари ҳангори, қизил ғиштлар б-н пардозланган. Гулдастадар ичидаги айланма зина орқали равоқни қафасага чиқилади (қафасалари бир очиқ равоқ орқали хонақоҳ томига ўтиш мумкин).


Ҳаким Мулла Мир хонақоҳи.

ҲАКИМ НАЗИР (Назаров Ҳаким Назировач) (1915.15.10, Тошкент) — болалар ёзувчиси. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1984).



Тошкент кечки пед. ин-ти (1941) ва Москвада Олий адабиёт курсини (1956) тугатган. Ёшлар газ. ва журналарида (1933—41), Ўзбекистон радио қўмитасида (1942—53), Бадиий адабиёт ва санъат нашриётида (1956—61) ишлаган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи (1953—54), адабий маслаҳатчи (1954—78). Ижодий тўпламлари — «Қишлоқдаги жияндарим» (1948)да қишлоқ болаларининг ҳаёти ва меҳнати тасвирланган. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва б. ижодидан маҳорат сирларини ўрганган. «Кўкқорол чироқлари» қиссаси (1954; қайта ишланган — «Сўнмас чироқлар», 1958)да меҳнат жараёнида ёшлар характерлари ижобий фазилатлар шакллашиши тасвирланган. «Сув гадоси...» (1962), «Ёнар дарё» (1963) қиссаларида чўлга обн-ҳаёт келтириш, газ конини очиш учун курашаётган ёшлар образи яратилган. «Ночни қанотлари» романида (1973) 2-жаҳон уруши даври воқеалари акс этган. «Кўктерак шабадаси» қиссаси (1968) китта ёшдагиларга бағишланган. «Кенжатой» қиссаси, «Чиранма гоз» ўйинлари ота пьесаси, очерклар, ҳикоя ва мақолалар муаллифи. А.Гайдар, П.Павленко, Л.Кассиль, В.Катаев ва б.нинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981).

Ас.: Танланган асарлар : [5 к.ли], Т., 1977—81; Ветры Кокчетава. Повесть и рассказы, М., 1961; Сабирджук. Назыре. Повесть, М., 1979.

Ад.: Норматов М., Ҳаким Назир. Ижодий йўли, Т., 1973.

ҲАКИМЖОНОВ Абдумажид (1904—Тошкент — 1990) — график рассом, Ўзбекистон халқ рассоми (1950). Ҳаваскор болалар тўгаракларида расм чизишни ўрганиб, Туркистон рассомлик техникумида ўқиган (1920—23). 1921 й.дан «Болалар дунёси» журнали саҳифаларида расмлари босилган. 1923—26 й.ларда Ленинградда кўп рангли матбаа бўёқча малака ошириб, Тошкентга қайтган, 1964 й.гача рангли матбаа соҳасида ишлаб, кўпгина шогирдлар етиштирган. Республика газета ва журналлари, айниқса «Муштум» саҳифаларида сатирик руҳдаги расмлари, плакатлари босилган.

ҲАКИМОВ Акбар Абдуллаевич (1949.9.8, Термиз ш.) — санъатшунос, Ўзбекистон БА акад. (1997), санъатшунослик фанлари д-ри (1993), проф. (1996). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1972). 1969 й.дан *Санъатшунослик* ин-тида катта лаборант, илмий ходим (1979—82), бўлим мудири (1982—92), директор ўринбосари (1992—97; 2000—05 й.лар-да директор вазифасини бажарувчи); 2005 й.дан етакчи илмий ходим. Айни пайтда Ўзбекистон БА бош илмий котиби (1997—2005). Ҳнинг илмий ишлари Ўрта Осиё бадиий ҳунармандлиги масалаларини ўрганишга бағишланган. Ҳ. бир қанча халқаро илмий анжуманлар катнашчиси, кўргазмалар жойиқси ва уларга тузилган каталоглар ҳаммуаллифи («Орол фожиаси», «Ўзбекистон — Амир Темур ватани» ва б.) «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2000).



Ж а л и л Ҳ а к и м о в нақш б-н безаган курси.

Ас.: Искусство Центральной Азии, Л., 1987; Современное декоративное искусство Центральной Азии, Т., 1988; Современная декоративная пластика республик Средней Азии, Т., 1999; Искусство пиний, М., 2000.

ҲАКИМОВ Жалил (1920. 16.5 — Тошкент — 1980.29.10) — нақшин. Тошкент нақшинлигининг йирик вакили; Ўзбекистон халқ рассоми (1969). Тошкент бадиий ўқув-ишлаб чиқариш к-тида Ғозиҳожи *Ҳакимжомидан* таълим олган (1935—38). 1948 й.гача умумий таълим мактабларида ўқитувчи, 1948 й.дан Островский номидаги пионерлар саройида тўгарак раҳбари, 1951 й.дан Бенъков номидаги Республика рассомлик билим юртида нақшинликдан дарс берган. Ҳ. қоғоз, ёғоч, ганчга бўяма нақш ишлаш санъати (айниқса ҳандасий нақшлар ечимси)ни пухта эгаллаган, усти ижодида гўзал гиромни кўп қўллаб ажойиб безакдар ишлаган; у яратган нақшлар, мужассамотлар аниқлиги, майда қисмларга бойлиги, ўзига хос ёркин ишлл ранги колорити, ранглар уйғунлиги ҳамда нафосати 6-и диққатга сазовор. Тошкентдаги «Мовий гумбазлар» чойхонаси (1970); Тошкент марказий университети (1971), Тошкент вокзали (1978) ва б. жамоат бинолларидаги нақшин безаклар устанинг маҳоратидан дарак беради. Ҳ., шунингдек, меморий обидалар (Амалий санъат музейи биноси ва б.)ни таъмирлашда қатнашган. Ҳ. бе-



гизан хонтахта, курси, кутича ва б. буюмлар республика ва чет мамлакатларди кўргазмаларда намойиш этилиб, юқори баҳоланган. Нақшлари намунаси республика музейларида сақланади. Ҳ. қўллаб шогирдлар (А. *Исҳоков*, К. *Каримов*, М.Тўраев ва б.) етиштирган.

ҲАКИМОВ Малик Ҳакимович (1921.25.10 — Тошкент — 1980.12.5) — ҳуқуқшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1972). Юридик фанлари д-ри (1965), проф. (1967). 2-жаҳон урушн қатнашчиси (1939—1942). Тошкент юридик институтини тугатган (1945). Бутуниттифоқ сиртқи юридик ин-ти Тошкент филиалининг директори (1949—50). Тошкент юридик ин-тида катта ўқитувчи (1950—53). ВЦСПСнинг Тошкент олий мактабида кафедра мудири ва директор ўринбосари (1953—56). Партия тарихи ин-тида сектор мудири (1956—57). 1958 й.дан умрининг охиригача Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти сектор мудири. Ҳ.нинг илмий ишлари давлат ҳуқуқи, ўзбек давлатчилиги тарихига бағишланган. Тошкент ш. Мирзо Улуғбек туманидаги кўчалардан бири унинг номи б-н аталади.

Ас.: Эътиқлиқ бағишланган умр, Т., 2001.

ҲАКИМОВ Неъматжон (1924 й., Андижон ш. — 1944.28.1, Возинь вилоятининг Маневичи тумани) — 2-жаҳон урушн қатнашчиси, катта сержант. 1943 й. сент.дан фронтда. 115-отдиқ аскарлар полки (1-Украина фронти 13-армия 6-гвардиячи отлиқ аскарлар корпусининг 8-гвардиячи отлиқ аскарлар дивизияси) взвод командири ёрдамчиси. 1944 й. 28 янв.да Козлиничи қишлоғи (Возинь вилояти, Маневичи тумани) яқинидаги Стирь дарёси ёнидаги жангда жасорат кўрсатиб ҳалок бўлган. Ўзимидан сўнг Қақрамон унвони берилган (1965 й. 6 май). Маневичи туманидаги балиқлиқ ёнида, Андижон ш.лари майдонда ва 32-,37-мактаблар олдида бюсти ўрнатилган. Возинь вилоятининг Луцк ш.дари кўчаларидан бирига унинг номи берилган.

ҲАКИМОВ Олим (1919.12.5 — Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоғи — 2003.20.11) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, майор. 1939 й.дан армияда. 1941 й. Ленинград ҳарбий сиёсий билим юртини тугатган. 487-ўқчи полки батальони (1-Белоруссия фронти 47-армиясининг 143-ўқчи дивизияси) офицери. 1945 й. 16 апр.да Полыщанинг хомиа аҳоли пункти ёнида Висла дарёсини кечиб ўтиб, плацдармда бўлган жангда кўрсатган жасорати учун Қақрамон унвони берилган (1945 й. 27 фев.). Урушдан сўнг турли раҳбар лавозимларда ишлаган.

ҲАКИМОВ Ҳожи Акбарович (1909.15.5 — Тошкент — 2001.23.11) — хирург, гематология ва трансфузиология хизмати ташкилотчиларидан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1944). Тиббиёт фанлари докторн номзоли (1959). Ўрта Осиё тиббиёт ин-тини тугатган (1933), шу ин-т хирургия клиникасида ординатор (1933—37), Оҳангарон туман шифохонаси бош врачи (1937—38), Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи (1938—39), Соғлиқни сақлаш халқ комиссари ўринбосари (1939—40), уруш қатнашчиси (1941—45), 1946 й.дан республика соғлиқни сақлаш вазири муовини. Ўзбекистон гематологня ва қон қуйиш н.т. институти директори (1961—84), 1985 й.дан илмий маслаҳатчи.

Илмий фаолияти гематология ва қон қуйиш масалаларига оид.

ҲАКИМХОНТЎРА, Хўжа Муҳаммад Ҳакимхонтўра ибн Саййид Маъсумхон (1802, Қўқон — ?) — тарихчи олим, маърифатпарвар. Ҳ. она томонидан Қўқон хони *Норбўтабийнинг* набираси, *Олимхоннинг* жияни; ота томонидан машҳур суфи шайхлардан Аҳмад Хожаги Косоний (*Махдуми Аъзам*) авлодидан бўлган. 1822 й.да Ҳ. Тўрақўрғонга, сўнгра Наманган ва Косонга қоким қилиб тайинланган. Кейинчалик хоннинг ғазабига дучор бўлиб хонликдан кетишга мажбур бўлган. 1824 й.да Ҳ. Оренбургда рус императори *Александр I* ҳ-н учрашган. У Россиядан кейин Туркия, Суриё, Фаластин, Миср орқали Макка ва Мадинага боргач, 7 й. Миср, Арабистон ва Эронда, 1830 — 31 й.лар Бухорода яшаган. Умрининг сўнгги йилларида Шаҳрисабзда яшаб, «Муътахаб ат-таворих» («Ўналномалар тўплами») номли тарихий асар ёзган. Бу асар Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги тарихига оид муҳим манбалардан ҳисобланади. Унда пайғамбарлар ҳақидаги ривоятлар, қад. Эрон, Араб халифалиги, сомонийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар, мўғуллар, темурийлар ва бобурийлар даври тарихидан қисқача маълумотлар берилган. Шунингдек, Бухоро ва Қўқон хонликларининг ташкил топишидан бошлаб 19-а.нинг 40-й.ларигача бўлган тарихи батафсил тасвирланган. Унда Россия, араб мамлакатлари ва Эронга қилган сафарлари натижасида олган таассуротлари ва шу жумладан, мазкур мамлакат халқларининг турмуши, урф-одатларига оид маълумотлар ҳам ўрин олган. Асарнинг ўзбек ва форс тилларидаги вариантлари мавжуд.

Ҳайдарбек Бобобеков.

ҲАКИМХЎЖА ҚОЗИКАЛОН (1802 — Тошкент — ?) — Тошкентнинг сўнгги қозикалони. 1865 й.да Россия қўшинлари Тошкентни қамал қилганида шаҳар мудофаси раҳбарларидан бири. Шаҳар рус қўшинлари томонидан эвакуацияга, Ҳ.ҳ. Абулқосим эшон, домла Салқбек оҳунд сингари нуфузли кишилар билан М.Г.*Черняев* қароргоҳига бориб Тошкент ш.ни идора этиш хусусида у ҳ-н музокара олиб борган (1865 й. 12 июль). Ҳ.ҳ. ҳамма масалада ўз халқи манфаатлари сақланган ҳолда амнистиона тузилишига сабабчи бўлган. 1866 й. Туркистон вилояти ҳарбий губернатори генерал Романовский номига лаганбардорлар муҳри босилган тавсифномата имзо чекматани туфайли генерал ҳ-н муносабати ёмонлашган.

1867 й.да фон *Кауфман* Тошкентга келганида Ҳ.ҳ. хусусидаги таъриф-ларни эшитиб, унинг уйига боради. У ҳ-н суҳбатлашиб муаммоли масалаларда унинг маслаҳатларига мухтож эканлигини билдирган. Кауфман уста дипломат бўлгани учун Ҳ.ҳ.дан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлади. Бу ҳийлани пайқаган қозикалон ўз аризасига биноан вазифасидан бўшатилади. Қозикалон мансаби бекор қилингач, Ҳ.ҳ.нинг ўғли *Муҳиддинхўжа қози* Себзор қозилигига сайланади ва 25 й.ла бу вазифани адо этади.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-ж. [Туркистон чоризм мустамлакачилиги даврида], Т., 2000.

Ҳамдам Содиқов.

ҲАККА — қ. *Заҳиротн.*

ҲАЛ (араб.) — эритилган олтин, қумуш ва б. металлар кукуни: 1) *заргарликда* бирор металл юзасига (кумушга олтинни, металлга эса кумушни) юқтиришни учун ишлатилади. ҳамда шундай эритмани бирор буюмга ёпиштани ҳам Ҳ. деб аталади; 2) *нақшлик* (жумладан, *мевлорлик*)да нақшни бўяшда кенг қўлланади. Бунда олтин, кумуш, бронза кукуни *лок*, алиф ёки елим ҳ-н аралаштирилиб бўёқ тайёрланади, шу бўёқда нақш бўялади, *зарҳалланади*. Баъзан безак юзасига лок суртиб устига Ҳ. ишқалб нарсаз берилади. Ҳ.га тухум (тилла сариғи, кумушга оқи) қўшилса, бўёқ ялтироқлик хусусиятини яхши сақлайди. Ўзбекистон ҳудудидаги меъморий обидалар Ҳ. аралашмали бўёқлар ҳ-н парлозланган (мас., *Амир Темур мақбараси, Тиллакори мадраса* ва б.).

ҲАЛАБ. Алеппо (қад. номи Беройи) — Суриянинг шим.-тарбий қисмидаги шаҳар. Ҳалаб муҳофазасининг маъмурий марказн. Аҳолиси 1,6 млн. киши (1994). Иқтисодий ва маданий аҳамияти бўйича мамлакатда Дамашқ ш.дан кейин 2-ўринда. Транспорт йўллари чорраҳаси. Ҳ.ҳ. (чорвачилик, дон, пахта, зайтун, узум) райониниг савдо маркази. Тўқимачилик, кўн-пойабзал, цемент, озиқ-овқат саноати корхоналари, трактор э-ди мажкул. Ҳунармандчилик ривожланган: тулки бадиий ва ул-рўзғор буюмлари тайёрланади. Гилам, шойи тўқилади. Ун-т, миллий музей бор. Шаҳар миллат. 20-д.дан маълум: Меъморий ёдгорликлардан 12—16-а.ларга оид бинолар (қалъа, шаҳар девори қолдиқлари, масжид-мадрасалар, бозор растаси-ри ва б.) сақланган.

ҲАЛИМ — буғдой ва мол тўшитдан тайёрланадиган қадимий таом. Ўзбек пазандалигида тансиқ таомлардан бири. Узоқ қайнатиб пиширилади. Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «қадиса» деб ҳам номланади. Ҳ. тайёрлаш учун қайроқи буғдой бир оз намланиб, ёғоч кели (тўтиргда тўйилиб, сочуқ сувда ювилади, сўнг 5—6 соат давомида илиқ сувда ивитилади.

Ўсимлик ёғи қиздирилган қозонда дўмпа-дўмпа тўгралган қўй ёки мол гўшти қизартунча қовурилади, сўнг тайёрлаб қўйилган буғдой солиниб, дарҳол сув қуйилади ва 2—3 (дошқозонларда 9—10) соат давомида миллиратиб қайнатилади. Таом тўхтовсиз коклаб турилиши лозим. Агар буғдой пишмай туриб сувн бутланиб кетса, оз-оздан қайноқ сув қуйиб турилади.

Ҳалаб шаҳрининг умумий кўриниши.



Ҳ.нинг бутлоғи эзилиб, гўшти эса қил-қил пишиб, бутлоғга толасимон бўлиб аралашиб кетгач тузи росланади ва олови пасайтирилиб, 2—3 соат давомида «дам берилади». Тайёр таом лаган, тақсимчаларда дастурхонга тортилади (айрим жойларда сузилган таомга долчин ёки шакар сепилади). Ҳ. кўпроқ Наврўз байрамида, маърака-маросимларда, қайиқ, улуғ ёшини пишонлаш ва б. да тайёрланади.

ХАЛИМОВ Олимжон (1912, Бухоро — 1984, Нукус) — композитор, созанда (ғижжак). Ўзбекистон (1957) ва Қорақалпоғистон (1982) халқ артисти, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1949). Ўзбекистон мусиқа меросини отаси *Домло Халим* Ибодовдан ўзлаштирган. Самарқандда Ўзбекистон мусиқа ва хореография ин-ти (1932), Москва Ўзбек опера студиясида (1941), Тошкент консерваториясида (1958)ни тугатган. Тошкент вилояти к-э-совхоз театри (1941), Фарғонада ашула ва рақс ансамбли (1942—43)да мусиқа раҳбари, Қорақалпоғистон мусиқали театрида дирижёр ва мусиқа раҳбари (1944—68). Нукус санъат билим юртида педагог (1960 й.дан). Ўзбекистон Композиторлари уюшмасининг Қорақалпоғистон бўлими раиси (1967 —77).



Х. 20 дан ортиқ мусиқали драма ва комедиялар, «Қирқ қиз» вокал-симфоник поэмаси, «Қорақалпоғистон» кантатаси, сюита, қорақалпоқ халқ куйлари асосида фортепиано учун «Рапсодия», хор ва б. асарлар муаллифи. Ижодида кўпинч жанри ҳам муҳим ўрин тутади. Қорақалпоқ халқ қўшиқлари, чолғу куйлари ва айрим бахшиларининг асарларини тўплаб, нотага олган («Ўзбек халқ мусиқаси», 8-жилд, Т., 1959).

ХАЛЛОЖ Ҳусайн ибн Мансур (858—922) — *тасаввуф*даги ўта сўз оқимининг йирик вакили. Ғоявий жиҳатдан *қарматлар*га яқин бўлган. Тур, Байзо, Басра, Багдод шаҳарида билим олган. Мусулмонларнинг айрим одатларига ва шариатнинг баъзи қоидаларига зид фикрлар айтган. Исломнинг Аллоҳ тўғрисидаги тавҳид ақидасига зид равишда худо инсонда намоён бўлади, инсон ва умуман мавжуд олам худонинг жилоланиши, «Мен ҳақ (худо) ман» («Ана-л-ҳаққ»), менинг ўзлигим — худонинг ўзлигидир, деган фикрни илгари сурган ва бу фикр б-н ваздати-вужуд таълимотига йўл очган. Ҳ. ўз тоғларини Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Ироқ ва б. мамлакатларда тарғиб қилган ва мухлислар орттирган. Шариат пешволари Ҳ.ни бидъатчиликда ва шаккоклиқда айблаб, қатл этишга ҳукм чиқарганлар.

ХАЛОВАРД — ўрта асрлардаги Вахш вилоятининг маркази. *Кофиркалъа* ш. харобаси ўрнида жойлашган. 10-а.да Ҳ. ўзбеклардан катта бўлган. Шаҳар атрофида кўплаб боғ-роғлар, ҳосилдор ерлар бўлиб, аҳоли деҳқончилик б-н шуғулланган. Шаҳар аҳолиси моҳир кămонбоз бўлишган. Ҳ. Вахш дарёсидан махсус чиқарилган (6—7-а.лар) Кофир каналидан сув ичган. Илк ўрта асрлари Ҳ. аркида будда саждагоҳи топилган, унда ҳоким ва унинг оила аъзолари ибодат қилишган. Саройда ўтказилган қазишмалар натижасида брахми ёзуви б-н битилган 50 га яқин қўлёзма парчалари топилган. Араблар истилоси натижасида (750 й.) Ҳ. вайрон бўлиб, шаҳар кичи ҳудудда, Кофиркалъадан 12 км шим.-ғарбда Вахш дарёси бўйида қайта барпо этилган. У ҳоз. Лаймон ш. харобасига тўғри келади. Унинг умумий майд. 100 га.ни ташкил этиб, мудофаа деворлари б-н ўралган; 4 та дарвозаси, кузатув миноралари бўлган. Шаҳар айрим ерларда 2 қатор мудофаа деворлари б-н ўралган. 10—13-в. бошларида работ топган. Шаҳардаги деярли барча турар жойлар пишиқ ғиштдан ишланган, кўча ва майдонларга тошлар ётқизилган. Ҳ.да Вахшнинг зарбхонаси жойлашган. Шаҳар мўғуллар истилоси натижасида вайрон бўлган.

Лит.: Камалиддинов Ш.С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

ХАЛҚ (спортда) — Ўзбек кураши атамаларидан бири. Ҳ. беллашув пайтида соф ғалабани билдиради. Курашчи усул ишлатиб рақибининг иккала курагини гиламга тегизса, иккита *«ёнбош»* баҳосини олса, «ёнбош» олган курашчининг рақибига «ланка» берилса, рақибининг қўпол ҳаракатлари «гирром» б-н жазоланса ёки рақиб 3 мин. давомида гиламга чиқмаса Ҳ. эълон қилинади.

ХАЛОЛ ВА ҲАРОМ — ижобий ёки салбий деб баҳоланишдаги диний, ахлоқий-ҳуқуқий нормалар. Ҳалол («юркан», «боғланмаган») — шариатда мусулмонлар учун рухсат этилган хатти-ҳаракатлар ва нишлар, тоза ва пок ҳисобланган озиқ-овқатлар. Қурбон ва қалувча кўра, сув, сут, нон, мева ва унинг шарбатлари, полиз экинлари, Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган ҳалол қайвонлар ва ҳалол қилинган таомлар, қийшиқ рухсат берилган қийинлар ҳалолдир. Ҳалол меҳнатдан топилган мулк, мерос, ҳалл қилинган нарса, икки томон розилиги б-н бўлган тижорат туфайли кўлга киритилган маблағ ҳалол бўлади. Шариатда ҳалол ҳисобланган нарсани ҳаром деган одам кофир ҳисобланади.

Ҳаром («ман қилинган», «тақиқланган») — шариатда мусулмонлар учун қатъий тақиқланган хатти-ҳаракатлар, нишлар, ейниш ман қилинган озиқ-овқатлар. Ҳалолнинг зидди. Ислом динига кўра, ноҳақ одам ўлдириш, ҳаром ва б. мост қилувчи ичимликлар ичиш, чўчқа гўшти ейиш, ўлимтик ҳайвонлар гўшти, Аллоҳнинг исми айтилмай сўйилган ҳайвонлар гўшти, қимор, ўғирлик, ёлғон гапириш, бировнинг ҳақини ейиш, одамларни ҳақорат қилиш, уларга ёмон ном қўйиш, орқасидан ғийбат қилиш, туҳмат, чақимчилик, фоҳишалик, зинокорлик, ўз сўзини, ичган қасамини бузиш, судхўрлик, порахўрлик, шариат ман қилган ёки йўл б-н қилинган савдо-сотиқдан топилган ҳар қандай мол-мулк ва ш.к. ҳаромдир. Фойдаланиш ҳаром этилган, истифода қилган кишига фақат зарар берадиган ўсимликларни экиш, парварниш қилиш ҳам ҳаромдир. Ҳаром ва ҳалолни фарқлаш ўзи фойдаланмаса ҳам) ҳалол бўлмайди. Шариатда ҳаром ишларга олатланган одам гуноҳкор бўлиш б-н бирга ҳаётда хорлик, шармандалик, қашшоқлик ва тузалмас оғир касалликка гирифтор бўлиши таъкидланади.

Кенг маънода — ахлоқшуносликнинг тушунчалари бўлиб, жамият аъзолари ниммасига юклатилган ахлоқий-ҳуқуқий талабларнинг инкор-донан бажарилишини ёхуд шаксий ёки гуруҳ манфаатларини кўзлаб оқибатларга ё ниҳоясига бузилишини англатади.

ХАЛҚА — заргарлик буюми; Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган *нозик* тури. Ҳ. олтин ёки кумуш симдан айлана шаклида ишланади. Ама-

дий безак санъатида кўпинча Ҳ.нинг кўйи қисми ранг-баранг қилиб безатилади, 2 тарафига зигирак ва найчалар ишланади. Энг олда Ҳ. пайжарали қисмб безатилади, баъзан панжарага зигирак, мураккабларида маржон, дурлар қадалади; бир хил ёки турли узунликдаги 3—5—7 оёқ (шоҳлалар б-н безатилади. Ҳ. ўрта Осиёда қадимдан кенг тарқалган (яна қ. *Болдон, Қашқарболдок*).



Халқаи муҳаммадий ясириси (19-а. охири — 20-а. боши, Бухоро).

ХАЛҚАЖАР — Сурхондарё вилоятидаги дарё (қ. *Хўжаигон*).

ХАЛҚАЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР (Annelida) — умуртқасиз ҳайвонлар типи. 8 минтга яқин тури маълум. Гавдаси бир неча мм дан 3 м гача (тропик ёмғир чувалчанги). Сегмент (халқаларга бўлинган танаси яхши томонламa симметрияли. Ҳар бир сегментда қилли ўсимта — параподиялар бор. Қон ўтказиш системаси ёпиқ. Тери, бизъизлари жабра орқали нафас олади. Чиқариш органи нефридиялардан иборат. Бош мия, халқум ости ганглияси ва қорин нерв занжирлари нерв системасини ташкил этади. Айрим жинсли ёки гермафродит (қ. *Гермафродитизм*). 4 синфи: *кўп туклн чувалчанглар, камтуклн халқалилар, зулуклар* ва *эхиуридлар* бор.

ХАЛҚУМ, ютқун — овқат бўлимлгини қизилўнгач б-н тутиштирувчи мешъа-ичак йўлининг олдинги қисми; шакли эгри найсимон; орқа юзасига қараб ассилантар, пастки қисмига қараб торайган бўлади. Ютиниш вазифасини бажаради ва нафас олишда иштирок этади. Ҳ. деворларидан ўтқа, шунингдек, айрисимон, қалқонсимон без, қалқонсимон без олди безлари ривожланади. Ҳ.нинг уз. 15 см ча. Ҳ. бурун ва оғиз бўшлиғининг давоми бўлиб, пастдан қизилўнг ва Евстахий найлари орқали ўрта қулоқдаги ноғора бўшлиги б-н туташади. Ҳ.нинг олд девори деярли йўқ. Ҳ.дан олдин бурун, оғиз бўшлиги ва *ҳиқилдоқ* жойлашади. Шунинг учун Ҳ.нинг юқориги — бурун ёки бурун-халқум қисми, ўрта — оғиз қисми ва пастки — ҳиқилдоқ қисми ажратилади. Бурун-халқум қисми бурун ва ўрта қулоқ бўшлиғи б-н; оғиз қисми томоқ тешиги орқали оғиз бўшлиги б-н; ҳиқилдоқ қисми эса ҳиқилдоқ б-н туташади. Ҳ.нинг ҳиқилдоқ қисми ҳиқилдоқнинг орқа томонида жойлашган, унинг олдинги ва орқа деворлари фақат овқат ёки суюқликни ютиш пайтида бир-биридан узоқлашади, бошқа вақтда эса бир-бирига тегиб туради. Ҳ. орқа девориннинг юқори қисмида, ўрта чизиқ бўйлаб лимфа тўқимасидан тузилган халқум муртаги жойлашган. Бурун-халқум қисмининг ҳаракатсиз ён деворларидан ўрта қулоққа олиб боручи эшитув найи бошланади. Шу жойда эшитув найи тешиги б-н юмшоқ танглай чодири оралиғининг ўнг ва чап томонида лимфа тўқимасидан тузилган най муртаги бор. Халқум муртаги, 2 та най муртак, 2 та танглай ва тил мурткклар бирлигида Ҳ.нинг кириш қисмида халққа ўхшаб жойлашади. Ҳ. деворининг хусусий пластинкаси сийрак бириктирувчи тўқималан иборат бўлиб, жуда кўп эластик толалар тутади. Бу пластинка калла суягининг ташқи асосига туташади, шу сабабли, Ҳ. бурун қисмининг орқа ва ён деворлари бир-бирига яқинлаша олмайди ва ҳаво бурундан бевосита Ҳ.нинг бурун қисми орқали ҳиқилдоққа ўтади.

ХАМАВАРОН — илк ўрта асрларда *Охарун* вилоятининг маркази (6—10-а.). Г.А.*Пугаченкованинг* фикрича, хитой манбаларида (Сюань Цзань) учрайдиган Хо-ру-мо мулки Ҳ. шаҳри б-н айнан бўлган ва у ҳоз. Шаҳринав шаҳар харобаси ўрнида жойлашган. 9—10-а.ларда Ҳ. шаҳри савдо маркази бўлиб, ундa қончилар ва металлургилар ўз маҳсулотларини шаҳарга келган карвонларидаги савдогарларга сотишган. 10-а.да қончилар ва металлургилар мансилгоҳларида қаёт сўнгганлиги боис шаҳар ўз аҳамиятини йўқотган. Ҳ. *қорахонийлар* даврида Қоратог деб номланган.

ХАМАДА — Шим. Африка (*Сахрои Кабир*)даги тошлоқ чўлларнинг арабча номи. Қад. кристаллп туб жинслар ер юзасига чиқиб қолган жойларда ҳароратнинг кескин ўзгарнши натижасида тог жинсларининг нурашидан ҳосил бўлади. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси жуда сийрак. Дунёнинг бошқа жойларида учрайдиган бундай тошлоқ чўллар ҳам Ҳ. деб юритилади.

ХАМАДОН — Эроннинг тарбий қисмидаги шаҳар. Ҳамадон остонининг маъмурий маркази. Аҳолиси 483,8 минг киши (2004). Автомобиль йўллари чорраҳаси. Мамлакат тарбий қисмининг муҳим савдо маркази. Озиқ-овқат, ёғочсозлик, тўқимачилик саноати корхоналари мавжуд. Ҳунармандчиликда гилам ва матолар тўқиладн, мис ва терилан турли буюмлар тайёрланади. Ун-т бор.

Шаҳар мил. ав. 11-а.дан маълум. Ҳ. номи дастлаб Оссурия миххатларида Аматтана, қад. форс тилида Ҳагматана, юн. Агбатана ёки Экбатана шаклида учрайди. Мил. ав. 7—6-а.ларда Мидия пойтахти, мил. ав. 550—549 й.лардан кейин Ахоманийларнинг ёзги қароргоҳи. Салавкийлар, парфиянликлар ва сосонийлар даврида Месопотамиядан Шарқнинг бошқа мамлакатларига ўтувчи савдо йўлининг муҳим марказларидан бири. 7-а.дан Араб халифалиги таркибида. 11-а.да шаҳарни ўғузлар эгалладилар. 1118—94 й.ларда Гарбий Эрондаги Салжуқийларга тобе бўлган Ироқ султонлигининг пойтахти. 1220 й.да Ҳ.ни мўғуллар босиб олиб, вайрон қилганлар. 16—18-а.да Сафавийлар давлати таркибида. Эрон—Туркия урушлари даврида (16—18-а.лар) бир неча бор турклар қўл остида ўтган.

ХАМАДОНИЙ Юсуф Абу Яъқуб (1048, Ҳамадоннинг Бузанжирд қишлоғи — 1141, Афғонистоннинг Бомиён ш.) — тасаввуфнинг йирик намоиндаси, олим. Балхода Абу Исҳоқ Шерозийдан таълим олган. Исфаҳон, Самарқанд, Бухородa билимини оширган. Тасаввуфни Абу Али Формадий, Абдуллоҳ Жувайний ва Ҳасан Симиноийдан ўрганган. Замонасининг етук алломалари Абдулқодир Гилоний, Ғаззолий, Ҳамидуддин Мустоний б-н мулоқотда бўлган. 30 марта ҳаж зиёратига борган.

Ҳ. Бухородa узоқ муддат яшаб, Ахмад *Ясавий* ва *Абдухолиқ Ғиждувоний* ва б. йирик машойихларга устозлик қилган. У кейинчалик хожагон-нақшбандия тариқатининг айрим қоидаларини ишлаб чиққан. Хожа Абдуллоҳ Барроқий Хоразмий, Хожа Ҳасан Андоқий Бухорий, Ахмад Ясавий, Абдухолиқ Ғиждувоний Ҳ.дан сўнг унинг халифалари сифатида мурвдларининг тарбиаси б-н шуғулланганлар. «Рутбат узқаёт» («Ҳаёт мезони»), «Кашф», «Рисола дар олоби тариқат», «Рисола дар ахлоқ ва муносабат» каби

асарлар ёзган. «Ҳаёт мезони» рисоласи ўзбек тилида нашр қилинган (Тошкент, 2003). Хоки Бомиёндан Марв ш.га олиб келиниб, қайта дафн этилган. Абдуқолиқ Ғиждувоний, Фариддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий асарларида Ҳ. ҳақида маълумотлар бор.

ҲАМАЛ (араб.) — Зодиак юлдуз туркумларидан бири. Белгиси ♈. *Баҳорги тенгкунлик* нуқтаси шу белги б-н белгиланади. Осмонининг Шим. ярим шарида *Персей*, *Увбурчак*, *Ҳут*, *Кит* юлдуз туркумлари оралиқда жойлашган. Ўзбекистонда ёз, куз ва қиш ойларида кўринади.

ҲАМД (араб. — улуғланиш, таърифлаш, мадҳ) — *бирор кимса шаънига мақтов шеър.* Шарқ мумтоз адабиётида Аллоҳни мадҳ этувчи Ҳ.лар кўп яратилган; улар одатда достон муқаддимасининг махсус боби бўлган. Мас., Алишер Навоий, Машраб, Мунис, Огаҳий ва б. шоирлар девонлари Ҳ., ғазаллар б-н бошланади. Ҳ. ғазаллар 2 хил бўлади: танҳо Ҳ.лар, муножот Ҳ.лар. Алишер Навоий ижодида эр икки кўринишдаги Ҳ. ғазаллар кўп учрайди. Айниқса унинг «Ҳамса» сидаги достонларда Ҳ.нинг гўзал намуналари бор. Ўтмишда насрий асарлар ҳам қисқача Ҳ. б-н бошланган. Шунингдек, қадимги туркий, араб ва форс адабиётида пайғамбарлар, шоҳлар ва б. шаънига ҳам Ҳ.лар битилган.

Ад.: Ғаффорова З., *Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари*, Т., 2001.

ҲАМДАМИЙ Баҳром (1910, Тошкент — 1942, фронтда ҳалок бўлган) — рассом, Ўзбекистон рассомлари уюшмасининг ташкилотчиларидан. Тошкент рассомлик техникумида А.*Волков*дан таълим олган (1930—36); Москва, Ленинградда ижодий сафарда бўлиб малакасини оширган. Ҳ. асарларида кунпинг долзарб воқеаларини, халқ ҳаётини тасвирлади: «Колхозчилар» (1933), «Колхозчойқонасида» (1936) — Шарқ мумтопортрет» (1939, 1941); «Иш тугали»



Б.Ҳамдамий. «Бобом — шоир Мушраб портрети» (1939 й.).

(«Ланғар канали қурувчилари», 1939), «Бобом—шоир Мушараб портрети» (1939) — Ўзбекистон санъат музейида. Наводий асарлари асосида «Фарҳод саҳрода» (1940), «Фарҳод Ҳусрав асирги» (1941) каби асарлар ҳам яратган. «ЎзТАГ ойнаси» плакатларини тайёрлашда қатнашган (1941—42). Р.*Ахмедов*, З. *Ибодуллаев* ва б.га дарс берган.

Ад.: Тақташ Р.Х., Баҳром Ҳамдами., Т., 1969.

ҲАМДАМОВ Эргаш Абдусаттарович (1948.6.3, Гулистон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). Тошкент чет тиллар пед. институтини тугатган (1969), 1969 й.дан Сирдарё пед. институтида, 1972 й.дан Гулистон туманидаги 22-мактабда инглиз тили ўқитувчиси.

ҲАМДОНИЙЛАР — Сурия ва Месопотамияда ҳукмронлик қилган араб сулоласи (905—1004). Асосчиси Ҳамдон халифаликка қарши қураш да *хорижийлар* б-н бирлашган. Унинг *Аббосийлар* хизматига кирган ўғилларидан бири Мосул ш.га ноиб этиб тайинланган (905). Носируддавла даври (929—969)да Суриягача бўлган ҳудудлар Ҳ. давлатига қўшиб олинган. Карвон савдоси йўлига жойлашган Ҳ. давлати анча ривож топган. 968 й. Ҳ. *бувайҳийлар* б-н бўлган жангда енгилдилар. 944 й. Ҳ.дан Сайфуддавла Суриядаги ихшидийлар сулоласи б-н урушиб, Ҳалаб, Ҳимс ва б. шаҳарларни эгаллади ва Сурияда Ҳ.нинг янги сулоласига асос солди (944). Унинг ўғли Саъдуддавла даври (967—991) да Ҳ. давлатига қўшни Византия давлати бир неча марта ҳужум қилиб, Ҳалаб, Ҳимс ш.ларини эгаллади. Ҳ. юнонларга тобе бўлиб қолди. Ҳ.нинг охирги шоҳи қатл этилган (1002), уларнинг давлати таназзулга учраган. 1004 й. *Фотимийлар* Суриядаги Ҳ. давлатини ўзларига тобе этдилар.

ҲАМДЎСТЛИК (1947 й.гача Британия миллатлар ҳамдўстлиги) — Буюк Британия ва унинг собиқ қўшилма доминионлари ҳамда мустамлакаларидан иборат бирлашма. Ҳ.нинг ҳуқуқий мақоми 1931 й. Вестминстер статути б-н белгилаб берилган (1947 й. аниқлик киритилган). Унда Ҳ.га аъзо давлатларнинг ўзаро ҳамда Британия б-н муносабатлари, уларнинг ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам мустақил ва тенгҳуқуқли давлат сифатида фаолият юритиши ўз ифодасини топган. 1971 й. Сингапурда имзоланган Ҳ. принциплари тўғрисидаги Декларация Ҳ. консенсус тамойиллари асосида иш олиб боруvчи ихтиёрий бирлашма эканлигини тасдиқлади. Ҳ. 30 республика ва 21 монархиядан ташкил топган. 16 монархия давлат бошлиғи сифатида Буюк Британия қиролини тан олади, бу мамлакатларда генерал-губернатор қирол номидан иш кўради; 5 монархия ўз қиролига эга. Буюк Британия монархи Ҳ. *бошлиғи* ва *унинг рамзи ҳисобланади*. Ҳ. мамлакатлари ҳар йили конференция ўтказадилар. Ҳ. Котибияти мавжуд. Буюк Британиядa ҳукумат таркибида Ҳ. ишлари бўйича вазир бор.

ҲАМЗА Ҳакимзода Ниёзий (1889.6.3, *Қўқон* — 1929. 18.8, *Фарғона* вилояти Шоҳимардон қишлоғи) — шоир, ёзувчи, педагог, театр арбоби. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1926). Солқишлоқ маҳалласидаги эски мактаб ва мадрасада (1896—1906), кейин қисқа муддат Наманган мадрасасида (1908) таҳсил кўрган. 1909 й.да Коғонда мактабда ишлаган. Сўнгра Тошкентга келиб, усули жадид мактабларининг ўқув дастури б-н танишган ва шундай мактаблари дастлаб Қашқарларвоза маҳалласида (1910), кейин *Қўқон ш.нинг Ҳожибек гузаридa* (1911) ва Марғилонда (1914) очган. Ҳ. кейинги ҳаёти ва фаолияти давомида қисқа муддат Қўқондаги рустузем мактабида ўқитувчи, «Шўрои ислом» ташкилотининг озуқа шўъбасида мирза, «Кенгаш» ва «Ҳуррият» жур.ларида муҳаррир (1917), Фарғона вилояти маданий-маориф бўлимида ходим (1918). Туркистон фронти сиёсий бошқармаси ихтиёридаги Ўлка мусулмон сиёсий труппасида режиссёр (1919). «Дор ушшафақа» мактабида мудир (1920), Бухоро вилояти маориф ва ҳарбий тарғибот-ташвиқот шўъбаси қошилдаги театр труппасида раҳбар (1921), Хоразм вилоятидаги қисаба союзларининг маданий-маърифий муассасалирида мудир (1921—24). Фарғона маориф қўмитаси қарамоғидаги онг-билим шўъбасида мудир ўринбосари (1924) сингари турли лавозимларда хизмат қилган. 1926 й.дан эркин ижод б-н шуғулланган. Аммо раҳбар идораларнинг топшириғи б-н 1928 й. авг.дан Шоҳимардонда тар-



тибот-ташаккул ҳаллари олиб борган ва сўнгги сафари чоғида халок бўлган.

Х.нинг адабий ижоди 1905—06 йилларда бошланган. Х. 1908 й. қўшин ўлкаларда ишдан этилган ишғол газлар ва уларни тараққийпарварлик гояларини ёйиш тарафдорларини таъқиб қилинган. Маърифатли кишилар таъсирида «миллий шеърлар» ёза бошлаган. Х. шу йилги «эски полвонлар турмушидан» олинган «Ҳақиқат кимда?» деган «роман» ҳам ёзган (бу асар ўша вақтдаёқ йўқолган). Х. 1905 й.дан мумтоз шоирларга эргашган ҳолда газаллар ёза бошлаган. 1914 й.да *тартиб берилган кўлёзма девонига шоирнинг 1905—14 йилларда «Ниҳоний» тахаллуси б-н ёзган 214 та* шеъри киритилган.

1906—10 й.ларда Х. адабий ва ижтимоий фаолиятини жадидчилик ҳаракати б-н узвий боғлаган. Х. янги усуллари мактаблар очиш ва бу мактабларда учун янги типдаги ўқув қўлланмалари яратиш йўли б-н халқни маърифатлаштириш мақсадида Қўқон ва Марғилонда очган мактаб ўқувчилари учун «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби» (1914) ва «Кироат китоби» (1915) ўқув қўлланмаларини тайёрлаган.

Х. катта ёшдаги кишилар учун «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» умумий номи остида «гул» тўпламларини эълон қилган (1915–19). Х. мазкур мажмуалари (8 бўлимдан иборат) б-н ўзбек шеъриятига янги мазмун ва янги гоялар олиб кирган ва, айниқса, жадид адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган.

Х. иккинчиси мазкур 2-даврида *пиеса* ва драматургия соҳасида *ҳам жиддий изланишлар олиб борган.* Унинг «Янги саодат» (1914, нашри – *1915*) асари ҳаёти олимлар томонидан ўзбек адабиётидаги роман жанрининг илк намунаси сифатида таъқин қилиниб келинган. Лекин бу асар аслида маърифатпарварлик гоялари б-н суғорилган ҳисса бўлиб, унда камбағал йигит (Олимжон)нинг илм туфайли оилавий бахт-саодатга эришганлиги мақорат б-н тасвир этилган.

Х. *1914—16 й.ларда «Уч» (1914), «Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари» (1915), «Илм ҳидояти», «Мулла Нормуҳаммад домланинг кубр хатоси», «Очлик қурбонлари» (1916), «Мухторият ёки автономия» (1917) сингари кичик сюжетли асарларини ёзган.*

Х. совет майкураси ҳукмронлик қилган даврда «Ўзбек совет адабиёти»нинг, театрининг асосчиси сифатида кўкка кўтарилган. Х. номи б-н боғланиб келинган Ўлка сайёр драма труппаси аслида Скобил (Фарғона) сайёр труппаси деб аталиб, унга Fафур Мусахонов раҳбар бўлган. Х. шу труппада драматург, режиссёр ва суфлёр бўлиб хизмат қилган. Шу вақтда у «Ким тўғри?», «Туҳматчилар жазоси», «Бой ила хизматчи», «Ишчилар ҳаётидан» (1918), «Лошмон фожиаси» (1916–18, 3 бўлимли), «Фарғона фожиаси» *(1918—20, 4 бўлимли),* «Қизил қон ичида ёш гўдаклар», «Маҳбус тўранинг ҳоли» *(1919)* сингари пьесаларни ёзган (бу асарларнинг аксари бизгача етиб келмаган). Агар Х. «Заҳарли ҳаёт» драмасида шу даврдаги томошабин дардини ижобатга олиб, ҳатто фожиали ҳолатлар тасвирида ҳам мелодрама ва сентиментализмдан кенг фойдаланган бўлса, «Туҳматчилар жазоси», айниқса, «Бой ила хизматчи» сингари пьесаларида реализм томон яқинлашган. Аъмо Х. кўп ўтмай, тарғибот ва ташвиқот йўналишидаги «Пастки шўролар сайлови муносабати ила ёзилган Чуғчалар», «Пастки шўролар тузмасида сайловга қизиқмаган бир эшон ўпқасига жавоби», «Бурунги сайловлар» (1926) сингари пьеса ва инсценировкаларни ёзишга катта эътибор берган. Ҳатто Совет давлатининг ҳаҳол инқилоби тўғрисидаги сохта тоғсиға шиониб, «Жаҳон сармоясининг энг охирги кунлари» (1927) пьесасини ёзган. Х. шу даврда жадидчилик гоялари ва жадид адабиёти меъзонларидан узоқлашиган сайин аввал эришган бадиият марралариии ҳам бой бера бошлаган. Бироқ *1926 й.* Х. ўзбек драматургиясида муайян из қолдирган 2 асари: «Майсарнинг иши» комедияси ва «Париждаи сирдаидан бир ланғи ёки Яллачилар иши» драмасини яратган.

Синфийлик ва партиявийлик адабий асарнинг қимматини белгиловчи асосий мезон ҳисобланган даврларда Х.нинг «Бой ила хизматчи» *пьесаси* бутунлай қайта ёзиб чиқилган. Социалистик реализм методи талабларн асосида «қайта тиклаиган» *бу асар узоқ йиллар давомида Х. драматургиясининг юксак намунаси сифатида тақдим этилиб келинган.*

Х. ҳақида достон (Ойбек асари, 1948), роман (К.Яшин асари, 1989), театр спектакли (К.Яшин ва А. Умарий асари, 1941), кинофильм (сценарий муаллифлари К.Яшин ва С.Муҳамедов, режиссёр З.Собитов, 1960), 16 серияли бадиий фильм (сценарий муаллифлари К.Яшин, Б.Привалов ва Ш.Аббосов, режиссёр Ш.Аббосов, 1975–84) ва ҳужжатли фильм (сценарий муаллифи Л.Қаюмов, режиссёр Н.Отахўлаева, 1960) дар яратилган. Тошкент ва Қўқон ш.ларн ҳамда Фарғона вилойатидаги театр, мактаб, кўча ва ширкат хўжаликларига, Тошкент ш.лари метро ст-ясига шоир номи берилган.

Ас.: Тўла асарлар тўпламн [5 жилд]. Т., 1988–89; Ҳамза ярими каталоги [2 жилд]. Т., 1990–91.

Ад.: Султонов Ю., Ҳамза. Т., 1973; Каюмов Л., Ҳамза. Т., 1973; Раҳмонов М., Ҳамза ва ўзбек театри. Т., 1959; Ҳамза замондошларн хотирасида. Т., 1979; Қаюмов Л., Ойдинлар. 1–2-к.лар. Т., 1983; Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. Т., 1988.

Ниъмон Қирғиев.

ХАМЗА (1963 й.гача Ванновский посёлкаси) — Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги шаҳар. Қўқон — Андижон т.й. дари станцияи (т.й. посёлка ёнидан 1890 й.да ўтказилган). Вилоят маркази (Фарғона ш.) гача 36 км, туман маркази (Олтиариқ шаҳарчаси) гача 7 км. Аҳолиси 13 минг кишини ташкил қилган (2005). Шаҳар ўртасидан Катта Фарғона канали оқиб ўтади. Ҳам нефтни қайта ишлаш, минерал сувни қалоқлаш з.-лари, нефть цистерналарини бўяб ювиш ст-яси, нефть *маҳсулотлари* таъминоти ва дон маҳсулотлари корхоналари, *МТП*, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. 3 умумий таълим мактаби, оқшомлари болалар гимназияси, касб-ҳунар колледжи, кутубхона, маданият уйи, стадион мавжуд. Шаҳарни Фарғона ҳамда Марғилон ш.лари б-н бирлаштирувчи республика аҳамиятидаги автомагистраль кесиб ўтади ва Қўқон ш. б-н боғланган. Ҳ.дан Фарғона, Марғилон, Қўқон ва б. шаҳарларга автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

ХАМЗА ал-ИСФАҲОНИЙ, *Абу Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан (тахм. 892—961 ва 971 йлар оралиғи)* — Эрон тарихчиси ва адиби. Араб тили-

да ижод қилган. 12 та асаридан 3 таси йиғинди давримизгача етиб келган. Олимнинг «Умумий тарих» асарида Эрон тарихига оид нодир фактик материаллар жамланган. Ҳ. аз-Ий. араб манбаларидан ташқари, бизгача етиб келмаган ўрта форс манбаси «Ҳудойнома»ни ва исломгача Эроннга оид бошқа ёзма ва оғзаки ривоятларни ўзбек китобхонларига айтганларидан ёзиб олганлиги ҳақидаги маълумотлардан фойдаланган. Асар 961 йилда вазирларга қамраб олган.

ҲАМЗА ТЕАТРИ — қ. *Ўзбек миллий театрини ташкил этилиши.*

ҲАМЗА ШИНВОРАЙ Абдумурод (1907–Пешовар ш. — 1994) — афғон шоири. Ижоди 1925 йилдан бошланган. Дирак газалнинг шоир сифатида танилишс ҳофизона ишқий ғазаллари б-н катта шуҳрат қозонган. Асарларида пуштун халқининг орзу-умидлари, ғам ва қарғишлари, озодлик учун курашларини юксак бадиий савияда куйлаган («Уйғонинг», 1352). Ҳ. Ш. 50-йилларда вилк бор шоир *Хушҳолхон Хаттак* (17-а.) шеъриятининг маъно ва бадиий олами ҳақида йирик тадқиқот ишларини олиб борган. 6 жилдли асарлар тўплами чоп этилган. Уларнинг асосий қисмини ғазал, рубоий, қитъалар ҳам ўз ёки бу муносабат б-н ёзилган маснавий, мухаммас, қасида ёки бошқа жанрлардаги шеърлар ташкил этади. Ҳ. Ш. шинг «Нидо», «Изм толибига», «Ўзлик», «Суфийга китоб», «Ёш афғон қўшиғи», «Пуштунга», «Дарё», «Ҳуқуқ», «Комил инсон», «Миллат бирлиги» ва б. шу каби шеърлари шоирнинг ватан ва миллат дардига ҳамдард инсонлиги ёркин намоналаридир.



ҲАМЗАТОВ Расул Ҳамзатович (1923. 8.9, Догистон Республикаси, Хунзах туманн Цада қишлоғи — 2003.3.11) — авар шоири. Догистон халқ шоири (1979). Шоир Ҳамзат Цадасининг ўғли. Бўйнок цадаги пед. билим юртини тугатган (1940). Сунг мактабда ўқитувчи, кўчма авар театрида режиссёр ёрдамчиси, республика газ. таҳририятн ва радио қўмитасида адабий ходим бўлиб ишлаган (1940—45). Москвадаги М.Горький номидаги Адабиёт ин-тда таҳсил кўрган (1945—50).

Илк шеърлар тўплами — «Илҳомбахш муҳаббат, оловли нафрат» (1943). «Бизнинг тоғлар» (1947), «Менинг юртим» (1948), «Тоғлик ўқлари», «Тўғилган йилим» (1950), «Катта ота шаънига» (1952), «Догистон бахори» (1955), «Қалбим менинг тоғларда» (1955), «Юксак қўлларлар» (1962), «Битиклар» (1963), «Юлдуз юлдуз билан сўзлашар» (1964), «Йиллар ортидан йиллар» (1968), «Ўчоқ бошида» (1969), «Чегара» (1972), «Муҳаббатнома» (1974), «Сўнгги нафх» (1976) ва б. шеърий китоблар муаллифи.

Ҳ. ижоди Шарқ ва Ғарб шеъриятн анъаналари ўзаро туташган нуқтада пайдо бўлган бетакрор ҳодисадир. Ҳ.нинг Шарқ таровати б-н йўғрилган ва тоғли ўлка кишиларининг ўзига хос руҳий оламини акс эттирган шеърлари 50-йиларда миллийлиги, самимийлиги, дирик ҳис ва туйғуларнинг бокирлиги б-н китобхонлар ва танқидчилар эътиборини қозонган. Ҳ. шеърларининг лирик қаҳрамони кишиларди юпи фазилатларни қадрлай билувчи, ўзи ҳам бошқаларга меҳр-муҳаббатини аямайдиган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, руҳий олами бой ва гўзал инсондир. Ҳ. шеърларида ана шу лирик қаҳрамон қалбининг тамаиноларн ёркин ифода этилган. Ҳ., ўз табиатига кўра, дирик шоир. Шунга қарамай, у достон жанрида ҳам ижод қилиб, «Отам билан суҳбат» (1953), «Тог қизи» (1958), «Оналарни асранг» (1978) каби барқамол достонларини яратган. Унинг ҳаёт ва адабиёт, онатан ва замондошлар ҳақидаги «Менинг Догистоним» (1—2-китоблар, 1967—71) лирик қиссаси 60-й.ларнинг 2-ярмида қарлош халқлар адабиётида сокга ватанпарварлик гоялари ўрнига миллий ғоя ва миллий ғурур туйғусининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Ҳ. нинг шеърий ва насрий асарлари, бошқа халқлар адабиёти қатори, шу давр ўзбек адабиётига ҳам таъсир ўтказган. Хусусан, Шукруллонинг «Жавоҳирлар *саодати*» *лирик қиссаси* Ҳ.нинг «Менинг Догистоним» асари таъсирида майдонга келган.

Ҳ. асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига, шу жумладан, ўзбек тилига таржима қилинган. Ҳ. Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Шукрулло, Абдулла Орипов сингари ўзбек шоирлари б-н ижодий алоқада бўлган.

Ас.: Юқдак ходуслар, Т., 1964; Мой Дагестан, М., 1977; Собрание сочинений, т. 1—5, М., 1980—82; Остров женщин. Новые стихи и поэмы, М., 1983; Суди меня по законсу любви, М., 2003.

Лит.: Дементьев В.В., Расул Гамзатов, М., 1984.

ҲАМИД ибн БАҚОХЎЖА, Ҳамид Бақоса (тахм. 1880 — Бухоро — тахм. 1935) — тарихчи озим, шоир. Икки тарихий асар: «Тангиз ал-амсал фи зикр байан ал-ажвол» («Ҳалтлар баёни эпкрилган мисоллар ифодаси»; қисқача: «Танзила, 1928) ва «Мунтахаби тарихи-и Амирон-и манинт» («Мангит амирларининг қисқача тарихи»; қисқача: «Мунтахаб»; 1931—32) муаллифи.

Ҳ. ибн Б.нинг «Танзила» асари 4 қисмдан иборат бўлиб, унинг дастлабки 3 қисми Бухороннинг мангитлар давридаги тарихини акс эттиради. Муаллиф дастлабки мангит амирлари тўғрисида қисқача маълумот бергач, асосий *эътиборни Самарқанд чор Россияси* томонидан босиб олингач, бу ерда юз *бергая сиёсий воқеаларга қаратади.* Вобкентлик саводхон Сайидбойнинг савдо-сотиқ ишлари б-н Россияда бўлиши, Бухоро амирлигидаги иқтисодий ва сиёсий қолоқлик сабаблари, амир Музаффарнинг рус боскинига қарши турнш учун ҳарбий ёрдам сўраб Усмонли турк султонлари, Франция ва Англияга мурожаат қилиши (мактублар юборилиш) асарда кенг ёритилган. Асарнинг 4-қисмида *Бухоро босқини* воқеаларн ва БХСР тарихи баён қилинган.

«Мунтахаб»да амир Музаффар даврндан бошлаб 20-а.нинг 1-чорагигача Бухоро амирлигида юз берган муҳим воқеалар тасвирланган. Бу асарларнинг кўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади.

ҲАМИД ОЛИМЖОН (Олимжонов Ҳамид) (1909.12.12, Жиззах — 1944.3.7, Тошкент; «Фидобий» қабристонига қайта дафн этилган) — шоир, *публицист, адабиётшунос ва жамоат* арбоби. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1943). Самарқандлаги билим юртида (1923—28), Педагогика академиясининг ижтимоий-иқтисодий фанлар ф-тида (1928—31) ўқиган ва айни пайтда «Зарафшон» газ.да бўлим мудири (1926—27). Ёшлар газ.да (1931), «Қурилиш» ва «Совет адабиёти» жур.ларида масъул котиб, Маданий қурилиш илмий тадқиқот ин-тида катта илмий ходим (1932—34). Тил ва ада-

биёт ин-ти (1934—37) ва Ўқув-педагогика нашриётида бўлим мудири (1938—39), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб (1939—44).

Ҳ.О.нинг сўз санъатига қизиқиши онаси Комила аининг эртаклари ҳамда бобоси Мулла Азим хонадонига келиб турувчи *Фозил Йўлдош Ўғлининг* достон ва термалари асосида шаклланган. Дастлабки асарлари — «Қўқлам» (шеърлар, 1929), «Тонг шабадаси» (қиссалар, 1930), «Олов сочлар» (1931), «Пойга», «Ўлим ёвга» (1932), «Дарё кечаси» (1936), «Шеърлар» (1937), «Ўлка», «Ойгул ва Бахтиёр» (1939), «Бахт» (1940), «Қўлингга қурол ол!», «Она ва ўғил» (1942), «Ишонч» (1943) шеърий тўпламлари муаллифи.

Ҳ.О. ижодининг 1-даврида қиссалар ёзган бўлса-да, унинг истеъдоди кўпроқ лирик шеърият табиати б-н уйғун бўлган. Дастлабки шеърларида янги адабиёт ва янги адабий шаклларни яратиш зовси ҳукмронлик қилган. 30-й.ларнинг ўрталарига келиб, ҳаётий ва ижодий тажрибаси ошиши б-н Ҳ.О. она-юрт табиатидан, жамият ва халқ ҳаётидан олган бой таассуротларини лирик шеър доирасида ёрқин бадиий ифодалаш санъатини эгаллай бошлаган («Куйчининг ҳаёли», «Офелиянинг ўлими», «Ҳолбуки, тун...», «Ишим бордир ўша оқуда» ва б.). 2-жаҳон урушигача бўлган ижодида 20-а. ўзбек лирикасининг яхши намуналари ҳисобланган «Ўрик тўлганда», «Севги десам...», «Тинимсиздир ёлғиз шабboда...», «Шодликни куйлаганимнинг сабаби», «Ўзбекистон» сингари лирик шеърларини ёзган. Бу шеърлар ғоявий мундарижаси, шакли, ўзгал тилга ва услуби б-н эътибор қозонган.

1916 й. Жиззах кўзғолонининг шафқатсизлик б-н бостирилганини кўрган шоир 30-й.ларда совет мамлакатида олиб борилган қурилишлар, рўй берган ижтисодий ва маданий ўзгаришларни кўриб, келажакка катта умид б-н қараган. Ҳ.О. қалби ва шуурини эгаллаган шундай некбин туйғу ва ҳаёллар унинг ижодида романтик тасвир методининг шаклланишига сабабчи бўлган. Шоир фақат лирик шеърларигагина эмас, балки шу даврда яратган «Икки қизнинг ҳикояси» (1937), айниқса, «Зайнаб ва Омон» (1938) достонларида ўзи ворелигини шу метод ёрдамида тасвир этишга интилган.



Ҳ.О. «Ойгул б-н Бахтиёр» (1937) ҳамда «Семурғ ёки Париҳод ва Бунёд» (1939) достонларини халқ эртакларн мотивлари асосида яратган. Бу асарлар эрксеварлик гоялари, ўз тақдирини халқ ва мамлакат тақдири б-н боғлаган қаҳрамонлари ҳамда бадиий жозибаси б-н китобхонлар эътиборини қозонган. 2-жаҳон урушининг дастлабки йилларида Ҳ.О. ўзбек фольклори учун характерли бўлган она ва ўғил образларидан, шунингдек, халқ оғзаки ижодига хос тасвир усули ва воситаларидан ина ҳам кенг фойдаланиб халқни курашга, мардлик ва жасоратга илҳомлантирувчи шеърлар ёзган («Қўлингга қурол ол!», «Шарқдан Гарбга кетаётган дўстга», «Ҳамал қилингган шаҳар тепасидаги ой» ва б.). Айни пайтда у романтик тасвир усулидан фойдаланган ҳолда «Севги», «Сен тугилган кун», «Жангчи Турсун», «Роксанининг кўз ёшлари» сингари шеър ва балладаларини яратган. Погодин, Уйгун ва Собир Абдулла б-н ҳамкорликда «Ўзбекистон қиличи» (1942) драмасини ёзган, фронт сафари (1943 й., фев.) таассуротлари асосида эса публицистик мақола ва очерклардан эълон қилган.

Ҳ.О.нинг «Муқанна» (1943) трагедияси ҳам уруш даврининг ижтимоий буюртмаси асосида майдонга келган. Ҳ.О. ушбу асарнинг марказий қаҳрамонлари — Муқанна, унинг севгилиси Гулобин ва б. қаҳрамонлар образлари орқали ҳар бир мамлакатнинг мустақиллиги масаласи халқ тақдири, шу халқнинг озодлиги, фаровонлиги ва келажаги б-н боғлиқ ғоят муҳим ижтимоий ва сиёсий масала эканлигини кўрсатиб берган.

Ҳ.О. адабий ижод б-н бирга и.т. ишлари б-н ҳам машғул бўлган. Аммо у шу даврда ёзган мақолаларида кулгар социологизм таъсиридан чиқиб кета олмай, айрим миллатпарвар ёзувчилар ижодини қоралаган. 30-й.ларнинг 2-ярмида эса Ҳ.О. «Аллоҳмиш» халқ эпосини нашрга тайёрлаш ва Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносабати б-н унинг адабий меросини ўрганиш жараёнида мумтоз ўзбек адабиёти ва халқ оғзаки ижодига катта меҳр б-н ёндашган ва маданий меросхўрликнинг бу олтин сақифаларини тўғри илмий позициядан туриб талқин этган. У Ижодий комитетининг масъул котиби сифатида улуг цонр меросини ўрганиш ва асарларини рус тилига таржима қилиш ишига катта қисса қўшган. Ҳ.О. томонидан нашрга тайёрланган «Аллоҳмиш» достони (Фозил Йўлдош ўғли) эса узоқ йиллар давомида халқ оғзаки ижоди асарларини ўрганиш ва илмий нашрини тайёрлаш ишида асос бўлиб хизмат қилган.

Ҳ.О. адабий ижодининг муҳим қисмини бадиий таржима ташкил этган. У А.С.Пушкининг «Кавказ асири» ва «Сув париси» достонлари, М.Ю.Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» қиссасидаги «Бэла» ва М.Горькийнинг «Челкаш» қиссаларн, Н.Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» романини, А.Корнейчукнинг «Ўрмон қизи Чечет» пьесаси, шунингдек, Байрон, Пушкин, Шевченко, П.Тычина, М.Безименский, М.Светлов, К.Симонов, В.Инбер каби шоирларнинг айрим шеърларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ҳ.О. 35 йилда автомобиль қалокати натижасида вафот этган. Тошкент метрополитени бекатларидан бири, Ёзувчилар уюшмасининг Адабиётчилар уйи, Самарқанддаги вилоят театрига Ҳ.О. номи берилган. Тошкент ш.да шоир номи б-н аталган мактабларда унга ҳайкал ўрнатилган (1990).

Ас.: Асарлар [5 ж.ли]. 1—5-ж.лар. Т., 1970—72; Муқаммал асарлар тўплами [10 ж.ли]. 1—10-ж.лар. Т., 1979—84.

Ад.: Азимов С., Ҳамид Олимжон ибдиати. Т., 1967; Сен элимнинг ёрагиқ ёшидан [Ҳ.Олимжон ҳақида хотиралар]. Т., 1973; Мамажонов С., Шоир дунёси. Т., 1974; Каримов Н., Ғузалликнинг олмос қиличлари [Ҳ.Олимжон лирикаси]. Т., 1979; Каримов Н., Ҳамид Олимжон. Шоир ҳаёти ва ижодидан лавҳалар. Т., 1979.

Нажм Каримов.

ҲАМИД ҒУЛОМ (Ғуломов Ҳамид Убайдуллаевич) (1919.25.4 — Тошкент — 2005.21.8) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1979), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969). Ўрта Осиё иқтисодиёт ин-тининг ишчилар (1933) ва тог ф-тла-рида (1935—37), Педагогика ин-тининг рус тили ва адабиёти ф-тида (1938—41), Москвадаги Олий адабиёт курсида ўқиган (1954—56). «Қизил Тожикистон» газ.да адабий ходим (1938—41), *Ўзбекистон давлат нашриётида* муҳаррир (1941—42), республика радио комитетида суханон ва муҳаррир (1943—44), «Қизил Ўзбекистон» газ.да бўлим мудири ва масъул котиб (1944—54), «Литературная газета»нинг Ўзбекистон бўйича махсус мухбири (1956—58), *Ўзбекистон* Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатида котиб (1958—65), «Шарқ юлдузи» жур.да бош муҳаррир (1965—71), Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида директор (1971—81).



Илк шеърлар тўплами — «Қасосим бор» (1942). «Ҳайкал» (1943), «Салют» (1945), «Ватан куйлари» (1949), «Янги бог» (1951), «Даламизга келинг» (1954), «Қитъалар уйғоқ» (1960), «Ошиқ қўнғироғи» (1974) сингари шеърий тўпламлар ҳамда «Ҳаёт ишқи», «Лола кўли», «Амазонка қўшиғи» сингари достонлар муаллифи. Ҳ.Ғ. шеъриятига хос асосий хусусият шундаки, *у лирик қаҳрамоннинг руҳий оламини* очиш, унинг туйғу ва кечинмаларидаги изтиробга ва ички қурашни тасвирлашга эмас, балки умумминосий фикр ва ғояларни куйлашга кўпроқ урғу беради. Кўпинча таъна-навор оҳанглар ёрдамида воқеликка бўлган муносабатини ифодаланган, китобхон б-н мулоқотда бўлишга интилган.

Ҳ.Ғ. «Олмос қиз»и (1956) илк қиссасидан кейин насрий жанрларда кўпроқ ижод қилган. 2 китобдан иборат «Машъал» (1958—61) романида ўтган асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда сотсиалистик тузумнинг барпо этилиши б-н боғлиқ воқеаларни акс эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Маззур романдаги бир неча қаҳрамонлар (Ботирали, Эльозоҳон ва б.) образи мақорат б-н тасвирланишга қарамай, мураккаб ва ҳатто фожиали тарихий давр унда ўзининг бир ёқлама ифодасини топган. Ёзувчи «*Сенга иштиламан*» (1963) романида 50-йиллар қўриқ ва ёзув сўзларнинг ўзлаштирилиши маҳсулига мурожаат этган, «Тошкентликлар» (1967) романида эса ҳамшаҳарларнинг 2-жаҳон урушидан аввалги ва уруш йилларидаги фидокорона меҳнатини тасвирлаш асосида Ўзбек халқига хос жасорат ва қаҳрамонликни бадиий мужассамлантиришга интилган. Ҳ.Ғ.нинг «Бинафша атри» (1976) романи ҳам Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши маҳсулида. Ҳ.Ғ. тарихий-инқилобий мавзудаги «Мангулик» (1978) романидан кейин мумтоз ўзбек адабиётининг машҳур намояндаси Машраб ҳаётига бағишланган навбатдаги романини яратган.

Ҳ.Ғ. мусиқали драма театри учун «Фарғона қиҳонси», «Ўғил уйлантириш» (1963), «Дил қўшуғи», «Тошболта ошиқ» (1965), «Ажаб савдолар» (1968) ва «Муҳаббат навоси» пьесалари ҳамда опера театри учун «Хоразм қўшиғи» (1964) либреттосини ёзган. Комик ролдар устаси С.Ҳўжаев ижро этган Тошболта ошиқ тўғрисидаги комедиянси Муқимий театрида саҳналаштирилган.

У.Шекспирнинг «Ўн иккинчи кеча», Лопе де Веганинг «Қўзи булоқ» пьесалари, Фирдавсий «Шоҳнома»сига кирган айрим достонлар, шунингдек, А.Пушкин, М.Лермонтов, Т.Шевченко, М.Горький ва б. ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

«Эл-юрт ҳурмати» (1988) ва «*Меҳнат шуҳрати*» (2004) *орденлари* б-н мукофотланган.

Ас.: Танланган асарлар [3 ж.лиг], 1—3-ж.лар, Т., 1962—72; Лола кўли, Т., 1973; Асарлар, 4 ж.ли, Т., 1978—79; Вафонинг узун йўли, Т., 1988.

Ад.: Владимирова Н., Султонова М., Қаҳрамоннинг шаклланиши, Т., 1968; Бойқобилов Б., Шермуҳамедов П., Ижоднинг юлдузи онлари, Т., 1979.

ҲАМИДОВ Абдусалом (1885—Бухоро—1940) — кандакор уста, *Бухоро кандакорлик мактабининг* йирик вакили. Ҳ. анъанавий нақш мужассаматига янги рамз ва оҳанглари олиб кирган: юлдуз, герб, бутдой бошоғи, гўза чаноғи, одам тасвирлари ва б. Ҳ. кўплаб шогирдлар тайёрлаган (шогирдлари орасида ўғли Салимжон *Ҳамидов* ҳам бор). Ҳ. ишларидан намуналар республика музейларида сақланади.



А.Ҳамидов иш устида.

ҲАМИДОВ Жаҳонгир Ҳакимович (1930.20.6, Тошкент) — молекуляр биол. ва ҳужайра биол.си соҳасидаги олим, Ўзбекистон ФА акад. (1987). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), биол. фанлари д-ри (1964), проф. (1967). ТошТИни тугатган (1953), 2-Москва тиббиёт ин-тида аспирант (1953—56), *ТошТИ* гистология кафедраси ассистенти (1956—60), Ўзбекистон ФА Ўлка тиббиёт и.т. институти патогистология лаб. да (1960—61), Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-ти радиацион цитология лаб.да (1961—65) катта илмий ходим, Ўзбекистон ФА Зоология ва паразитология ин-ти цитогистокимё (1965—67), Биокимё ин-ти цитокимё ва электрон микроскопия (1967—70; 1984—87) лаб. мудири, 1998 й.дан ҳужайра биол.си лабораториясида бош илмий ходим, шу ин-т директори (1970—79); Ўзбекистон ФА Президиуми биол. фанлари бўлими академик котиби (1979—84, 1987—89, 1991—97). Ўзбекистон КП МК котиби (1989—91). Илмий ишлари эндокрин системаси органларининг нурланиш касалл.игига бағишланган. Унинг радбарангида тиреоид гормонлар фаоллигини генетик бошқариш механизми ишлаб чиқилган; радиоактив нурларнинг кичик дозада ривожланаётган организмга қалқонсимон без функциясини ошириши аниқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати (1990—94). Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1992).



Ас.: Реакции эмбриональных тканей на действие гормонов, Т., 1976 (в соавторстве); Кровь и кроветворение позвоночных, Т., 1978 (в соавторстве); Электронно-микроскопический атлас элементов гемопоэза, Т., 1986; Умумий биологиядан амалий машғулотлар, Т., 1970 (қамқоронда); Тиббий биология ва генетика (дарслик), Т., 2005 (қамқоронда).

ХАМИДОВ Жума Хамидович (1931.15.1, Хатирчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). Тошкент пед. институтини тугатган (1959). 1959 й.дан Қармана туманидаги 3-мактабда, 1963—2000 й.ларда Навоий ш.даги 5-мактабда география ўқитувчиси. Дарсда мулоҳаза дарс, саёҳат дарслари усусларидан унумли фойдаланган.

ХАМИДОВ Рустам Муҳсинович (1949.15.7, Тошкент) — реж., Ўзбекистон халқ артисти (1992), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1985). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1972). 1972—93 й.лар Ҳамза театрида реж., бош реж., 1993—97 й.лар Байрамлар ўтказиш дирекцияси раҳбари, 1997—2005 й.лар Тошкент ш. маданият бошқармаси бошлиғи. «Кўрьайин боғдим тиконни» (И.Султон) спектакли унинг дастлабки ютуғи бўлди. «Қиёмат қарз», «Шошма, кўёв», «Кузнинг биринчи куни», «Аризасига қўра», «Қурол» (ҳаммаси Ў.Умарбековники), «Ўғрини қарокчи урди» (Шукрулло), «Кўёв» (С.Аҳмад), «Оловни ташлама, Прометей» (М.Карим), «Баланд қоялари аёллар» (Вуолийоки), «Ғийбат» (А.Салинский), «Алла» (Т.Микуллин), «Ҳазрати аёл» (О.Жаҳонова) каби спектакларни саҳнага қўйган. Андижон театрида қўйилган «Шоҳона ишрат» (В.Гюго) спектакли режиссинг жаҳон мумтоз драматургияси соҳасидаги дастлабки изланиши бўлди, 1984 й. Е.Симонова «Отелло» спектаклини қўйишда ҳамкорлик қилди ва 1988 й. мустақил «Кориолан» (У.Шекспир)ни саҳналаштирди. Ҳ. саҳналаштирган спектаклари романтик кўтаринкилиги, мавзулар хилма-хил ва долзарблиги, юморга бойлиги, ҳажвий ўткирлиги б-н ажралиб туради.

Ўзбекистонда театрлашган оммавий томошалар тури ривожланишида Ҳ.нинг ўрни алоҳида. 1992 й.дан буён ўтказилаётган «Мустақиллик», «Наврўз» каби байрамларнинг сценарий муаллифларидан бири, реж.и, бош реж.и. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989). «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1996).



ХАМИДОВ Салимжон Саломович (1920.29.12 — Бухоро — 1973.19.8) — кандакор, сулола давомчиси; Ўзбекистон халқ рассоми (1972). Ҳунарни отаси — кандакор уста Абдусалом *Хамидов*дан ўрганган. Ҳ. металл ва мармарга ўйиб накш ишлашни пухта эгаллаган; ёшлигидан отасининг шогирдлари қаторида мураккаб ўйма накшларни ишлай бошлаган; металл буюмлар безак мужассамотларини янги мавзулар б-н бойитди (мас., патинета ишланган «Ўзбекистоним» мужассамоти, 1969 ва б.), безакларда Бухоро меъморий ёдгорликларини акс эттирди. Металл ва мармарга ўйиб накш ишловчи қўплаб шогирдлар етиштириди, унинг ташаббуси б-н Бухорода кандакорлик мактаб-устахонаси ташкил этилган (ҳоз. қ. *Бухоро кандакорлик мактаби*).



С.Ҳамидов кандакори безатган лаъли (1960).

ХАМИДОВ Ҳалим (1937.22.8, Ғиждувон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУни тугатган (1959). 1959 й.дан Ғиждувон туманидаги мактабда тарих ўқитувчиси, 1962 й.дан Ғиждувон туманидаги 1-мактабда, 1965 й.дан 2-интернат мактаби директор ўринбосари. 1970 й.дан Ғиждувон туман халқ таълими бўлимида йўриқчи ва методик кабинет мудири, 1982 й.дан 3-мактаб, 1993—98 йилларда 6-гимназия директори.

ХАМИДОВ Хусниддин (1935.5.1, Чимбой тумани) — қорақалпоқ тилшуноси. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган арбоби (1993), филол. фанлари д-ри (1990). Қорақалпоғистон педагогика ин-ти рус тили ва адабиёти ф-тини тугатган (1955). Чимбой тумани мактабларида ўқитувчи (1955—59). Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлимининг Н. Довқораев номидаги Тил ва адабиёт ин-тида кичик, катта илмий ходим (1960—71; 1983—86), бўлим бошлиғи (Шарқ қўлёзмалари бўлими, 1971—83; Мумтоз қорақалпоқ адабиёти ва Шарқ қўлёзмалари бўлими, 1986—89; қорақалпоқ тили тарихи, диалектологияси ва қўлёзмалар бўлими, 1989 й.дан). Ҳ.нинг илмий ишлари асосан қорақалпоқ тилининг тарихига — унинг тарихий лексикологияси, грамматикаси, сўз ясалиши масалаларига бағишланган. Ҳ., шунингдек, Шарқ қўлёзмаларини тўплаш, изоҳлаш ва нашрга тайёрлаш ишлари б-н ҳам шуғулланиб келдин.

Ас.: Қорақалпоқ тили тарихидан очерклар, Нукус, 1974; Ески қорақалпоқ тилининг жаҳа ёзтелиқлери, Нукус, 1985; Қарақалпакский язык XIX — начала XX вв. по данным письменных памятников, Т., 1986; Руководство по изучению бирками, Нукус, 1995.

ХАМИДОВА Мавзура (1914.8.3 — Тошкент — 1998.4.10) — Ўзбекистон халқ артисти (1969). Дастлаб Тошкентдаги ишчи-ёшлар театри (1934—36), Термиз театри (1936—41), Муқимий театр (1941—43)ларида ишлаган. 1943 й.дан умрининг охиригача Ёш томошабинлар театрида актриса. Муқимий театрида ижро этган «Аршин мол олон» (У.Ҳожибековдаги Гулчеҳра, «Фарҳод ва Ширин» (Хуршиддаги Меҳринбону, «Номус ва муҳаббат» (К.Яшин) даги Ониҳон, «Гулсара» (К.Яшин)даги Ойсара каби ролларида унинг мусиқий қирралари намоён бўлди. Ёш томошабинлар театрида, асосан, оналар ролларига ихтисослашган. Оналар ва



Мавзура Ҳамидова она ролида («Гулчеҳра»).

ўлмаслар қалбини, меҳр-муҳаббатини чуқур очиб беради. Ўғлоқ психологик таҳлил, кучли драматизм, ишончли ва ҳаётий талқин ўлароқ ижодига хосдир. «Ёрилтош» (Ш.Саъдулла), «Сирли сандиқ» (О.Тоғлиев)да ўгай она, «Мадина Набиев» (Р.Раҳмат)да она, «Ким айбдор» (И.Аҳмедов)да бувижон, «Чипполино» (Родари)да Олчавой, «Қовоқбой ва Чаноқбой» (Н.Мўмин)да Қовоқ хола, «Оқ кема» (Ч.Айтматов)да Она бугу, «Ўз уйингдасан» (М.Бобоев)да Меҳри хола, «Зумрад ва Қиммат»да ўгай она синтари роллари б-н танилди.

Ўзбекистон телевидениесининг «Отадар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувининг доимий қатнашчиси бўлиб, муҳлиқ оналар тимсолини турли кўринишларда гавдалантирган. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1997).

ҲАМИДОВА Маънзура Ҳамидовна (1921.19.1., Тошкент) — терапевт, Ўзбекистонда клиникага қўрсатган фан арбоби (1982), тиббиёт фанлари д-ри (1965). ТошТИнинг даволаш ф-тини тугатган (1940), Тошкент вилояти Бука тумани Кероники қишлоқ врачлик участкаси мудири (1940—42), ТошТИ ф-т терапия клиникасида ординатор (1942—46), Ўрта Чирчиқ р-н касалхонасида бош врач (1946—49), ТошТИ ф-т терапия кафедрасида аспирант (1949—52), Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти терапия кафедрасида ассистент (1953—58), доцент (1958—65), проф. (1965—67), кафедра мудири (1967—92); 1-шифохр клиник касалхонаси ички касалликлар бўлимида проф.-консультант (1992—2000). Илмий ишлари жигар, юрак, ўпка касалликлари, ревматизмни даволаш ва диагностикаси ҳамда юрак-ўпка етишмовчилигининг ривожланиш механизмларини ўрганиш, даволаш ва б. масалаларга оид.

Ас.: Язвенная болезнь желудка и 12-ти перстной кишки, 1994; Жигар касалликлари, Т., 1987.

ҲАММОМ — чўмилиш, ювиниш ва покланиш учун қурилган махсус бино. Асосий хонасида иссиқ сув ва иссиқ ҳаво (турк, фин, Рим Ҳ.ларида), иссиқ сув ва буғ (рус, татар Ҳ.ларида) таъсирида терлаб, ювинилади. Инсон саломатлигида Ҳ.нинг аҳамияти катта.

Шарқ мамлакатларида ўзига хос меъморий Ҳ.лар қадимдан маълум. Елма манбалар, археология маълумотлари 10—12-а.ларда Ўрта Осиё (Бухоро, Тароз, Инсо ва б. шаҳарлар) да Ҳ.лар иссиқ.нинг сақлаш мақсадида ерни чуқур қазиб, деярли ер остида, ярим ер тўла тарзида қурилганини кўрсатади. Бухоро да 16-а.да қурилган Мисгарон, Саррофон Ҳ.лари сақланган. Архитектураси бир-бирига жуда ўхшаш бўлган бу Ҳ.ларнинг ечиниш хонаси, чой ичиб ҳордиқ чиқариладиган катта (ёғоч устунли) хона, ўртада асосий уқалаш хонаси, унинг атрофида ювинилади.ган хоналар бўлиб, улар катта ва кичик гумбазлар б-н епилган. Ғишт, тош териб ишланган қовузлоқ (бак) ларда иссиқ ва қайноқ сувлар, хоналар остидан қайноқ ҳаво б-н иситилган. Хоналардан хоналарга ўтишлари (хоналар ичкарига томон тобора исий борган). Оқава сувлар учун ариқчалар қазилган, хуш.бўй моддалар ва қул сув (ишқорли сув) учун мўлжалланган қовузчалар сирти сувга чидамли махсус қоришмалар («қир») б-н қопланган. Деворлар ғавч б-н сувалган, сирти сопол парчилари б-н безатилган. Шаҳрисабз, Қарши, Хива (Аччашон Ҳ.и) каби шаҳарларда қад. меъморий Ҳ.лар сақланиган. Туркияда 15—17-а.ларда қурилган улуғвор Ҳ.лар сақланган. Уларнинг қўпчилиги аёллар ва эркаклар учун икки қисмдан иборат симметрик қилиб қурилган. Боязид ҳаммоми (1501), меъмор *Ҳўжа Синон* лойиҳаси б-н қурилган Чиннили (1545), Ҳасеки (1556) Ҳ.лари муҳим ҳамоат бинолари қаторида серҳашамлиги б-н диққатни тортади.

Замонавий Ҳ.ларнинг турли-туман шакллари мавжуд; сузиш бассейнлари, дезинфекция камералари, физиотерапия тадбирлари учун хоналари, ваннали ва душли, алоҳида хоналари душлардан иборат ёғи павильонлари бўлган Ҳ.лар бор. Ҳ.ларнинг тарҳи уларнинг вазифасига қараб белгиланади.

Кишн Ҳ.да ювинганида унинг барча организми таъсирланади. Иссиқ.нома.да баданнинг иссиқ.ни чиқаришн қисман тўхтайди, унинг т-раси 38—39° гача кўтарилади. Организмда оксидланиш жараёни ва моддалар алмашинуви кучаяди. Бадандан кўплн тер чиқиши туфайли организмнинг моддалар алмашинувда ҳосил бўлаган маҳсулотларнинг чиқиб кетиши зўраяди, буйраклнинг иши енгиллашади. Иссиқ ҳаво таъсирида тери *капиллер қон томирлари кенгайиб, қон* айланиши яхшиланади. Юрак касаллиги, атеросклероз, аневризма, гипертония б-н оғриган кишилар, шунингдек, болаларнинг иссиқ.нома (бугхона)дан фойдаланишлари ярамайди.

ҲАММУАЛЛИФЛИК — адабиёт, илм-фан ёки санъат асарларига бўлган *муаллифлик* ҳуқуқининг ёхуд бирор-бир қашфиётга нисбатан муаллифлик ҳуқуқининг икки ёки ундан ортиқ шахсга баравар алоқадорлиги. Муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланиш ҳаммуаллифларнинг ўзаро келишувига биноан амалга оширилади. Мукофот берилиши ҳам шу келишув асосида ёки мақсад қонунчилик асосида кўриб чиқилади. Ўртадаги келишмовчилик ёки низоли муносабатлар суд орқали ҳал қилинади.

ҲАМО — Сурхоннинг гарбий қисмидаги шаҳар, Ал-Аси водийсида. Ҳамо муҳофазасининг мъмурий маркази. Аҳолиси 265 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Қ.х. (дон, пахта, мевалар) р-нининг савдо маркази. Тўқимачилик, озиқ-овқат, цемент, металлургия саноати корхоналари мавжуд.

ҲАМРАЕВ Шаҳоб Шамсиевич (1935. 10.5, Шофиркон тумани) — ортопед-травматолог олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1999), тиббиёт фанлари д-ри (1974), проф. (1976). ТошТИнинг педиатрия ф-тини ту-

Хива. Аппоқхон ҳаммоми.



Ас.: Язвенная болезнь желудка и 12-ти перстной кишки, 1994; Жигар касалликлари, Т., 1987.

тяттич (1958), Бухоро вилояти Жондор тумани марказий шифохонаси хирурги, бўлим мудири (1958—59). Травматология ва ортопедия и. т. институтида клиник ординатор (1959—61). Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида аспирант (1961—64), ассистент (1964—74). Шу ин-т хирургия ф-ти декани ва айни чоғда шу ин-т травматология ва ортопедия кафедраси мудири (1974—85). ТошТИ ўқув ишлари бўйича проректор (1985—87). Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари (1987—90), республика бош ортопед-травматологи (1975—87). 1990 й.дан Республика ихтисослаштирилган бўғим ва панжалар жарроҳлиги маркази директори. Илмий фаолияти қўл бармоғи жароҳати ва касалликлари, суғрунхали остеомиелит, сунъий бўғимлар ўрнатиш (эндопротезлаш), ревматоид артритларни ортопед-хирургик усулда даволаш, шунингдек, суяк, тоғай ва мускуллариниг пластик операциясига оид. 6. масалаларга оид.

Ас.: Проводниковое обезболивание нервных стволов и сплетений при операции на конечностях. Т., 1990; Кафт ва бармоқларнинг жароҳатлан кейинги контрактураларини аппаратжарроҳлик усулида даволаш, Т., 1996; Комплексное лечение ишемической контрактуры пальцев и кистей, Т., 2004.

ХАМРО ПОЛВОН Шодиев (1892, Ромитан туманидаги Работарвк қишлоғи — 1942.4.8, Бухоро) — *Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат* раҳбарларидан бири, полвон. Ёшлигидан бошлаб полвон сифатида ном чиқарган, бухороча қурашнинг моҳир устаси ҳисобланган. С. *Айний*нинг ёзишича, Ҳ.п. Бухорода ўтказилган Гули сурх сайли — Наврўз байрамида барча рақибларн курашини ерга теккизиб, Бухоро амирлигининг бош полвони деб топилган (1911 й. март). У кейинчалик *ҳужиш* унвонига сазовор бўлиб, Амир Саид *Олимхон* саройида хизмат қилган.

Бухоро боскинидан сўнг Ҳ.п. бошчилигидаги ҳарбий тўда Бухоро ва унинг атрофида қизил аскарларга қарши курашган (1920—23). Сўнгра у қуролли курашни тўхтатган ва тинч ҳаётга қайтган (1924).

20-а.нинг 20-й.лари ўрталаридан бошлаб Бухоро воҳасидаги *Жиззах* мавзесини ўзлаштиришга киришган. Совет режими томонидан у 3 марта қамоққа олинган. Бухороннинг Ғозиён мадрасасида махсус қамоқхонада очликдан вафот этган. 1992 й. 30 мартда оқланган. Хожа Шофиркон туманидаги Оқмозор қабристонига қайта дафн этилган (2004 й. май). Ҳ.п. фаолияти ҳақида ёзувчи Дилшод Ражаб «Жиззах ўғлони» тарихий эссесини ёзган (2001). Шофиркон тумани Жиззах мавзесидаги ўзи асос солган қишлоққа Ҳ.п. номи берилган. Ҳар йили бу ерда Ҳ.п. хотирасига атаб республика миқёсида ёш курашчилар мусобақаси мунтазам ўтказилмоқда.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб [Ўзбекистон совет иустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Р а ж а б о в К., Бухорога қизил аскарлар бостқини ва унга қарши қурош, Т., 2002.

Қаҳрамон Ражабов.

ХАМРОБОЕВ Иброҳим Ҳамробоевич (1920.05.05, хоз. Қирғизистон Республикасининг Ўш вилояти, Ўзган ш. — 2002.29.06, Тошкент) — геолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (1973), Ўзбекистонда (1970) ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980). Ўрта Осиё Давлат ун-ти геология ф-тини тугатган (1942). Чорух-Дайрон геол.-қидирув партияси ва Помир экспедициясида геолог (1942—1948); Ўзбекистон ФА Геол. ва геофизика ин-тида катта илмий ходим (1947—49), лаб. ва бўлим мудири (1949—2002), фан бўйича директор ўринбосари (1958—1959), шу ин-т директори (1960—1992) ва консультанти (1992—2002). Ўзбекистон ФА Ер ҳақидаги фанлар бўлими раиси (1994—1996). Илмий ишлари, асосан, Ўрта Осиё магматизми, айрим маъмуали формацияларнинг геокимёвий ва металлогеник хоссаларига бағишланган. 1950-й.ларда Ўрта Осиёда олтин 6-н маргимушнинг узвий парагенезисини аниқлади. Шу асосда янги олтин конлари (Чормитон, Мурунтов, Томдитов ва б.) топилди. Ҳ. олтинли руда конлари ҳосил бўлишида Ер ички тузилишининг аҳамияти ҳақидаги ғояни ривожлантирди, Ўзбекистонда олтин ва б. мухим рудаларни қазиб чиқариш саноатини ривожлантириш б-н шуғулланган. Гарбий Ўзбекистоннинг металлогеник харитасини тузган.



Халқаро геологик конгресслар (Дания — 1960, Хиндистон — 1964, Франция — 1959, Чехословакия — 1963, Норвегия — 1966, Италия — 1974) қатнашчиси. Ҳ. номига янги топилган минерал (*ҳамробоевит*) қўйилган. Геология ва геофизика ин-тида Ҳ.нинг хона музейи ташкил қилинган. Давлат мукофотлари (1960, 1966), Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотни лауреати (1989). «Шуҳрат» медали (1994). 6-н мукофотланган.

Ас.: Экспериментальное моделирование процессов магматогенного порого- и рудообразования, Т., 1976 (в соавторстве); Петрографня ассоциаи (дарслик), Т., 1964, 1984 (қаиа муаллифликда); Природа слоев и границ литосферы в Средней Азии, Т., 1989 (в соавторстве); Эволюция магматизма в Средней Азии, М., 1986 (в соавторстве); Магматические, метаморфические формации и связанные с ними оруденения, Т., 2005.

Лит.: К 85-летию академика Н.Х. Хамробаева. Воспоминания, Т., 2005.

ҲАМРОБОЕВИТ — титанонит V ва Fe аралашмаси ва б-н биргаликдаги табиий карбид. 1984 й.да топилган. Аралаш тогларидаги базальтли порфирлар ва Зарафшон тизмасидаги кварцлаштан гранитоидлар таркибида учрайди. Минерал И.Ҳ. *Ҳамробоев* шарафига Ҳ. деб аталган. Унинг эталлони намунаси Москвадаги А.Е.Ферсман номидаги минералар музейида сақланмоқда. Қаттиқлиги 9 дан ортиқ. Куб сингонияда кристалланади. Шаффоф эмас, металлдек ялтирайди. Ранги тўқ кулранг. Таркибида Ҳ. бўлган базальтли порфирлар қуйи пермь даврига мос бўлган трахиандезит-трахибазальтли формациянинг субвулканли жинсларига тааллуқли.

ҲАМРОЕВ Ғани Эргашевич (1937.19.5, Тошкент) — кинореж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969). Эргаш *Ҳамроевнинг* ўғли. Москва кинематография ин-ти (ВГИК)ни тугиган (1961). 1961 й.дан «Ўзбекфильм»да реж. «Болалар ҳақида кичик ҳикоялар» унинг биринчи фильми. «Ёр-ёр», биринчи ўзбек фильм-операси «Ляляром», «Лайлак келди, ёз бўлди», «Кизил қум», «Фавқулодда комиссар», «Шижоат», «Еттинчи ўқ», «Мулюк», «Инсон қушлар ортидан боради» (Давлат фестивалида «Энг яхши режиссура учун» совриниини олган, 1977), «Меъзорлик аёл» каби фильмлари б-н таниилган. Шунингдек, «Салом, Бухоро», «Туркистон», «Ўзбекистон», «Тошкент жасорати» ва б. ҳужжатли фильмларни ҳам реж.лик қилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1971).

ҲАМРОЕВ Жавлон Раззоқович (1934.10.7, Наманган — 1997.18.10, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1989). Раззоқ *Ҳамроевнинг* ўғли. Театр ва рассомлик санъати ин-тини тугиган (1966). 1962—97 й.лар «Ўзбекфильм»* қошидаги «Киноактёр студи-



Жаҳон Ҳамроси «Лайлак келди, ёз бўлди» филмида (чапдан биринчи).

ҲАМРОЕВ Комил Мўминович (1944.9.8, Жондор тумани) — *Ўзбекистон Республикаси* халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. институтини тугатган (1969). 1969 й.дан Жондор туманидаги 5-мактабда мат. ўқитувчиси, ўқув бўлими мудири, 1970–2004 й.ларда 6-мактабда ўқув бўлими мудири, мактаб директори, мат. ўқитувчиси.

ҲАМРОЕВ Муродбек Каримович (1936.1.1, Олмаота — 1983.14.2, Тошкент) — адабиётшунос олим, филол. фанлари д-ри (1964), проф. (1975). СССР Педагогика ФА мухбир аъзоси (1979). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1959). Қозогистон ФА Адабиёт ва санъат ин-тида, академиянинг уйғуршунослик бўлимида ишлаган (1961—74), Қозогистон ФА Педагогика фанлари н.т. институтида (1975—76), Ўзбекистон Педагогика фанлари н.т. институтида директор ўринбосари (1976), директор (1977—83). Асосий илмий иши туркий шеър тузилиши асосларн мавзуида. Асарлари туркий халқлар мумтоз ва ҳоз. замон шеъриятининг қиёсий таҳлилига, унинг умумий қонуниятлари ва асосий ҳусусиятларини кўрсатишга бағишланган. Ҳ. «Уйғурча-русча адабиётшунослик терминлари луғати» (1974), «Асарлар оша сўнмас сўз» (1969), «Асрлар садоси» (1972), «Навоий ва уйғур адабиёти» ва б. асарлар муаллифи.



Ас.: Основы тюркского стихосложения, Алма-Ата, 1963; История, теория, мастерство, Алма-Ата, 1964; Расцвет культуры уйгурского народа, Алма-Ата, 1967; Очерки теории тюркского стиха, Алма-Ата, 1969; Уйгурская литература (Учебник), 2 изд., Алма-Ата, 1977.

ҲАМРОЕВ Нажим Раҳимович (1933.10.1, ҳоз. Навоий вилояти Кармана ш.) — муҳандис гидротехник-мелиоратор олим, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси акад. (1991), ВАСХНИЛ (1983), 1991 й.дан Россия Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси мухбир аъзоси, техника фанлари д-ри (1983), проф. (1991). Меҳнат Қаҳрамони (1981), Ўзбекистонда (1983), Тожикистонда хизмат кўрсатган ирригатор (1979), Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қурувчи (1977). Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1957). «Ўзбекгидроэнергокурилиш» трестида муҳандис (1958), Хишров ГЭС қурилиши бош муҳандиси, қурилиш бошлиғи (1959—60), Ўзбекистон Министрлар Совети Ишлар бошқармаси қурилиш бўлимида катта референт (1960—62), Бухоро вилояти ижрони қўмитаси раисининг ўринбосари (1962—63), *Аму-Бухоро машина канали* қурилиши бошқармаси бошлиғи (1963—65), ЎзССР Министрлар Совети Сув қурилиши бош бошқармаси бошлиғи (1965—71), СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўрта Осиё ирригация ва совхозлар қурилиши бош бошқармаси («Главсредазирсовхозстрой») бошлиғи (1971—85); Ўзбекистон ФА ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш Кенгашида бўлим мудири (1985—90), Ўзбекистон Сув қурилиши давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари (1990—91). Ўзбекистон ФА Сув муаммолари ин-ти директори (1991—96), бош илмий ходим (1998—2002), *илмий маслаҳатчи (2002 й.дан)*, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги илмий-н.ч. маркази бош директори (1997—98).



Илмий ишлари чўл ва чала чўл минтақаларини суғориш ва комплекс ўзлаштириш, агросаноат мажмуаларини барпо этиш, сув ҳўжалиги ва мелиоратив системалар ва иншоотлар қурилишини ташкил этиш ҳамда уларни ишлатиш, йирик ер массивларини ўзлаштиришнинг илмий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларига бағишланган.

ҲАМРОЕВ Раззоқ (1910.30.11 — Шофиркон тумани, Тезгузар қишлоғи — 1981.5.5, Тошкент) — актёр, реж., педагог. Ўзбекистон халқ артисти (1951). Халқ артисти (1973). Тошкентдаги ўлка эрлар бизнм юртини (1930), Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1954). Наманган театри асос-чиларидан *(1931)*. *Наманган театрида* актёр, реж., бош реж., бадиий раҳбар (1931—45). 1946 й.дан Муқимий театрида актёр, реж., бош реж. (1959—76), 1977 й.дан реж. Айни вақтда, 1954 й.дан Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида дарс берган, проф. (1978 й.дан). «Тоҳир ва Зуҳра» (С. Абдулладаги Ноним, «Рустам» (У. Исмоилов)даги Рустамлар Ҳ.нинг сарнала



яратган илк образларидир. Ҳ. сахна ва экран навоийномасининг шаклланишига салмоқли ҳисса қўшган. Хуршиднинг Навоий достонлари асосида яратилган «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасида Хусрав, Ҳоқон роллари-нинг «Навоий» (Ойбек) драмасида Навоий ролини ижро этган. Шунингдек, унинг театр сахнасида яратган Фердинанд (Ф.Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Панталоне (К.Гоцци, «Маликаи Турондот»), Арслон (К.Яшин, «Тор-мор»), Муқимий (С.Абдулла, «Муқимий»), Ҳамза (К.Яшин, А.Умарий, «Ҳамза»), Труфальдино, Кавалер (К.Гольдони, «Икки бойга бир малай», «Мусофирхона бекаси»), Мальволио (У.Шекспир, «Ўн иккинчи кеча»), Мелиной (Ҳ. Ғулом, «Тошбўта ошиқ») каби образлари ҳам машҳур.

Ҳ. ўзбек киносида ҳам чуқур фалсафий, ҳаққий, мазмунли образлар яратди: Нозим («Тоҳир ва Зуҳра»), Навоий («Алишер Навоий»), Хўжа Насриддин («Насриддиннинг саргузаштлари»), Беруний («Абу Али ибн Сино»), Муқимий («Фурқат»), Мирзакарим қутидор («Ўтган кунлар»), Тога («Ёр-ёр»), Тоштемир дорбоз («Дорбозлар»), Ибн Ироқ («Абу Райҳон Беруний»), Жаъфарбек («Жайхун»), Раҳимжон миров («Мирзачўл»), Усмонбой («Хоразм афсонаси»), Номозов («Командирнинг қайтиши»), Гофир («Сени кутамиз, йигит») ва б. шулар жумласидан. Актёр экранда яратган Алишер Навоий образи санъаткор ижодида алоҳида ўрин тутади. Навоийни мутафаккир шоир, халқпарвар давлат арбоби, содиқ дўст сифатида ёркин гавдалантиради, унинг ички кечинмаларини томошабинга моҳирона етказади, давр қарама-қаршиликларини ифодалашда катта истеъдодини намойиш қилди. 1968 й. Муқимий театрида шоирнинг 525 йиллиги муносабат б-н Ҳ. «Навоий Астрободда» (И.Максимов; Ю.Ражабий, С.Жалил) мусиқали драмасини сахналаштириб, ўзи бош ролни ижро этди. Навоийнинг байту-ғазалларини ажойиб талаффузда маъноли, жарангдор, юксак маҳорат б-н ва ғайрат билан ўқиш б-н образнинг таъсир кучини янада оширди.

Ўзининг рең. сифатида айниқса, мусиқали драма жанри тараққиётида хизматлари алоҳида. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Олтин кўл», «Нурхон», «Макр ва муҳаббат», «Муқимий», «Гули сиёҳ», «Фартона тонг оттунча», «Тошбўта ошиқ» каби Ҳ. режиссёрлик қилган драма, комедия, мусиқали драма каби турли жанрдаги спектакллар чуқур ҳаётийлиги, юксак ижро санъати ва теран ғоявий мазмуни б-н ажралиб туради. У нафақат Муқимий театрида балки республикамизнинг вилоят театрларида ҳам қўпгина спектакллар сахналаштирган.

Давлат мукофоти (1948), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотлари (1964, 1970) лауреати. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофатланган (2003).

Мўмина Ашурова.

ҲАМРОЕВ Рашид Ҳамидович (1937.27.8, Бухоро — 1985.5.9, Тошкент) — композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1984). Тошкент консерваториясини тугатган (1961). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида кафедра мудири (1961—76), Тошкент мадания ин-ти доценти (1974 й.дан). Йирик мусиқий-сахнавий ва симфоник мусиқа жанрларида ижод қилиб, «Зулматдан зиё» (1965), «Тонг олдидан» (1972), «Шайх Санъон» (1980) опералари, 4 симфония (1965—85), фортепиано (1961), скрипка (1973) ва оркестр учун концертлар, «Абу Али ибн Сино» вокал-симфоник поэмаси, шунингдек, торли квартет, турли камер мусиқа асарлари, мусиқали драмалар каби миллий оҳанглар б-н суғорилган, драматик ва лирик жозибадор асарлар муаллифи. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1966).

ҲАМРОЕВ Эргаш (1909, Фарғона, Риштон қишлоғи — 1942.15.2, Смоленск) — миллий кино асосчиларидан, кинодраматург, актёр. Ленинград санъат техникумини тугатган (1930). «Юксалиш» (Йўлдош), «Ажойиб иш» (Эргаш), «Рамазон» (Темур), «Йигит» (Пўлат) каби биринчи ўзбек фильмларида бош ролларни ижро этган. Тоҳирнинг ҳанжари» номли пьеса, «Оталар», «Хизматчи» номли сценарийлар ёзган. 2-жаҳон урушида ҳалок бўлган.

ҲАМРОЕВА Бўритош (1950.9.7, Қаршн ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). Қаршн пед. институтини тугатган (1972). 1972 й.дан Қаршн ш.даги 4-, 1977—2002 й.ларда 5-мактабда кимё фани ўқитувчиси.

ҲАМРОЕВА Гуля Раззоқовна (1946.2.12, Тошкент) — балерина, балетмейстер, педагог. Ўзбекистон халқ артисти (1983). Раззоқ *Ҳамроев*нинг қизи. 1966 й. Тошкент хореография билим юртининг «балет артистқаси» ихтисослиги, 2001 й. Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактабининг «балетмейстер-режиссёр» ихтисослиги бўйича тугатган. 1966 й.дан Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида аввал балет раққосаси, 2000—2002 й.лар балет директори, 2002 й.дан педагог-репетитор. 2002 й.дан Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактабининг ректори. «Боқчасарой фаввораси» (Заремз), «Дон Кихот» (Китри), «Эсмеральда» (Эсмеральда),



Раззоқ Ҳамроев «Ўтган кунлар» ва «Насриддиннинг саргузаштлари» фильмларида.



«Спартак» (Эгина), «Севги тумори» (Чунадари), «Жизель» (Мирта), «Оққуш кўли» (Оққуш ва ислимпча рақс), «Золушка» (Ўгай она), «Испан миниатюралари» (Испан қиз), «Кармен» (Кармен), «Корсар» (Гулнора),



Гули Ҳамроева Кенжа розида «Икки дил достони».

«Ўйқудаги гўзал» (Фея Сирени), «Икки дил достони» (Конаэ), «Насриддини сарғузаштлари» (Насриддиннинг хотини), «Клеопатра» (Клеопатра), «Жонланган миниатюралар» (Канизак) каби спектаклларда асосий ролларни ижро этган. Лиризм, психологик теранлик, нафис ҳаракат, хореографик имо-ишора ва ҳаракатларда ў ноёб уйғунликка эришди. Рақсининг инсон ҳиссиётлари, ички кечинмаларини рақс ҳаракатларида мукаммал ифодалашда ўзига хос тақлидли кўзга ташланади. «Дилором» (Дилором), «Семург» (Паризод) каби фильмларда сурата тушган. Ҳ. ҳаёти ва ижодига бағишланган «Болеро» ҳужжатли фильми ишланган (1995).

ҲАМРОЕВА Ойдиннисо (1952.30.7, Каттақўрғон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУни тугатган (1978). 1972 й.дан Каттақўрғон туманидаги 35-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, 1995 й.дан мактаб директори фаолиятини олиб боради.

ҲАМРОҚУЛОВ Нуриддин (1946.18.6, Андижон) — хонанда, Ўзбекистон халқ артисти (1987). Жарангдор, лирик овоз соҳиби. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида таълим олган (1971—73). Ижодий фаолиятини *Андижон театрида* бошлаб (1967—73), Ҳайдар («Нурхон»), Равшан («Равшан ва Зулхумор») каби образларни яратган. Анъанавий ва замонавий хонандалик йўлларини *Ў.Нуғаев*дан, Турсунбой Қодироолдан ўрганган. Андижон вилояти филармониясида ишлаган (1973—74). Кейинчалик, асосан, концерт ижрочилиги б-н шуғулланган. Репертуаридаги мумтоз («Самарқанд Ушшоғи», «Тошкент Ироғи»), замонавий бастакорлар ашулалари («Талқинроз», «Ок қуш», Р.Юсупов ва б.) ҳамда ўзи басталаган («Оламни сақлаяпти», «Раъно», «Сой кўрдим», «Ширинлигинг», «Қулди баҳорим» каби) қўшиқлари таъсирчан ва ёқимли. Европа ва Осиё мамлакатларида гастролда бўлган. Ижролари Ўзбекистон радиоси фонотекаси, грампластинка (1968, 1971, 1972) ва компакт дискларга ёзилган.



ҲАМРОҚУЛҚОРИ Муҳаммадраҳим ўғли Тўрақулов (1872 — ҳоз. Бешариқ тумани Шеробод қишлоғи — 1943; 1967 й. Бешариққа қайта дафн этилган) — ҳофиз, созанда (дутор); Қўқон (Бешариқ) ҳофизлик мактабининг йирик вакили. Фарғона — Тошкент мумтоз мусиқа йўналишининг билимдони. Жаранглор, ўткир, кучли ва ширадор тенор овози сохиби. Дастлаб Тўрақул бобосидан дутор, отасидан доира чалиш кўникмаларини ўзлаштирган. Кейинчалик Холиққори (Холқори)дан қироат ҳамда хонандаликни, маргилонлик Матхожи қофиздан эса мумтоз ашула намуналарини ўзлаштирган. Фарғона водийси ва Тошкентда халқ сайилларн, «бозори шаб»ларда қатнашиб шуҳрат қозонган. Репертуаридан мумтоз ва замонавий ашулалар, айниқса, Наводий, Мискин, Хислат, Муқимий, Ҳазиний, Фурқат, Фазлий, Қорий, Камий, Хуршид, Чархий шеърларига, шунингдек ўзи тўқиган ғазалларга айтган катта ашула намуналари кенг ўрин олган («Инна фатаҳно», «Ё ҳаёт анвабн», «Бевафо дунё», «Ҳароб этма», «Сувора», «Чаман безанди», «Бу гулшан», «Ёввоий Ушшоқ», «Мунча қам», «Бир келсун», «Эй, дилбари жононим» ва б.). Айниқса, «Патнус Ушшоғи» б-н шуҳрат қозонган. 1900-йилларда «Пишуний Амур» (Рита) фирмаси томонидан Х. ижросидаги ашулаларни граммофон пластинкаларига ёзиб олинган.

Х. ижро анъаналарини *Б.Ражабов*, *Ж.Султонов*, *А.Ҳайдаров*, *М.Ўзоқов*, Б. Мирзаев, Р.Мамадалиев, Т. *Каримов*, *Ш.Бойқўзиев*, *М.Ахмедов* каби хонандалар давом эттиришган.

ҲАМШИРА — ўрта маълумотли тиббиёт ходими. Даволаш-профилактика муассасаларида Ҳ. врач ёрдамчиси бўлиб, у б-н ҳамкорликда иш олиб боради. Ҳ. беморларни парвариш қилиш, ҳароратни ўлчаш, дори тарқатиш, даволаш муолажалари (компресс, горчичник қўйиш ва ҳ.к.) ва б. вазифаларни бажаради. Ҳ.лар турли тиббиёт муассасалари (касалхона, поликлиника, диспансер, санаторий ва б.) да, шунингдек, яєли ва болалар боғчасида хизмат қилади. Ҳамшираликка тиббиёт коллежларида ўқитилади. Тошкент тиббиёт академиясида алоҳида ф-т мавжуд бўлиб, унда олий маълумотли Ҳ.лар тайёрланади.

«ҲАМШИРА» — ҳамширалар, фельдшерлар ва б. тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган илмий-амалий, тиббий-маърифий журнал. 1997 й. 10 фев. дан Тошкентда нашр этилади. 1 й.да 4 марта чиқди. Муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси МК, «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази. Жур.нинг вазифаси ўрта тиббиёт ходимлари билимини ҳамда маҳоратй ва маърифий савиясини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш; уларни шифобахш табиат ва тиббиёт тарихи б-н таништириш, шунингдек, касбга садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда инсон саломатлигига оид барча масалаларни кенг қўламда муттасим ёритиб боришдан иборат. Бундан ташқари жур.да соғлиқни сақлаш муассасаларида хизмат қилаётган ўрта тиббиёт модернизмнинг вазифаларн, ҳуқуқ ва жавобгарликлари, уларни жалб этиш усулларига оид фикрит-мулоҳазалари, унда республикамиз ўрта тиббиёт ходимларининг корхикй ҳамкасбларн б-н ҳамкорлиги ҳамда улар олдида турган энг долзарб муаммолама оид материаллар асосий ўринни эгаллайди. Адади 26000 (2005). Муҳаррири Фарҳод Оқилов (2000 й.дан).

ҲАНАФИЙЛИК — *суннийлик*даги диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Абу Ханифа Нуъмон ибн Собит (қ. *Имоми Аъзам*) асос солган. Ҳ. қоидалари Абу Юсуф Ёқуб (795 й. в.э.), Муҳаммад аш-Шайбоний (804 й. в.э.), Кудурий (1036 й. в.э.) ва б. асарларида ишлаб чиқилган. Бу мазҳаб тарафдорлари фиқҳнинг 4 асосий манбанини эътироф этиш б-н бирга бошқа мазҳаблар вакилларига нисбатан фақ қабул талабларига риоя этишнинг қаёс ва *истиҳсон* усулларидан кенгроқ фойдаланади. Бу

мазҳабнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: Қуръони каримдан ҳукм олишда оятларнинг носих ва мансухларини ободон аниқлаб олиш; ҳадиси шарифлардан ҳужжат сифатида фойдаланишнинг шартий ҳукмларга асос қилиб олишда ҳар бир ҳадиснинг саҳихлигига катта эътибор бериш ва уларнинг носих, мансухларини чуқур ишқалаш; саҳобаларнинг иттифоқлик ила чиқарган қарорлари (ижмоъ) ҳамда қиёс ва истиҳсон усулларига биноан ҳужҳатга ҳужжатларини ташқари истиқсон деб аталувчи қўшимча манбадан ҳам фойдаланиш.

Ҳ. мазҳаби одоб ҳужк (урф-одат)дан ҳам ҳужжатнинг кенг мустақил ёрдамчи манбаи сифатида фойдаланади, бу ҳол қаттиқ эҳтиёжларни ва маҳаллий одатларни ҳисобга олиб ҳужкий қарорлар қабул қилиш имкониини беради. Бу мазҳаб қоидалари мўътадиллиги, бирмунча юмшоқлиги, қулайлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли 11-а.дан бошлаб шимол ва шарққа кенг ёйилган. Кичик Осиё, Болқон, Шим. Кавказ, Қора денгиз, Волга бўйилари, Ўрта Осиё мамлакатлари, Афғонистон, Ҳиндистон ва Хитойнинг олис ҳудудларига тарқалган. Ҳоз. даврда дунё мусулмонларининг қарийб ярми, шу жумладан, юртимиз мусулмонлари Ҳ. мазҳабига амал қилган ҳолда мусулмончилик қонун-қоидаларини бажариб келмоқда.

Абдулвоҳид Мансур.

ХАНБАЛИЙЛИК — *сунний*лиқдаги диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. *Ибн Ҳанбал* асос солган. Ҳ. тизимга ўта тортилиги, қар қандай кўринишдаги «янгилик»ка, диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шариат аҳкомларига риоя этишда қаттий туришлиги б-н ажралиб туради. Ҳ. тарафдорлари Қуръон ва ҳадисларни эркин талқин этиш қилган қар қандай уринишларни қоралаганлар. Шунинг учун ҳам бу мазҳаб кенг тарқалмаган. Фақат 9-а.нинг 2-ярмида араб халифалигида *мутазилийлар*нинг ва илоҳиёт соҳасидаги ҳурфикрлиликнинг таъқиб остига олиниши туфайли Ҳ. таъсири бирмунча кенгайган ва 12-а.да мустақил мазҳабга айланган. 10-а.да Эронда, 11-а.дан 13-а.гача Сурия ва Фаластинда Ҳ. издошлари кўп бўлган. Ундан кейинги асрларда Ҳ. тарафдорлари яна камайиб кетган. Ҳозирда Ҳ. Саудия Арабистонда расман эътироф этилган, бошқа мамлакатларда кам учрайди.

ХАНГАРОНСОЙ — Сурхондарё вилоятидаги дарё. *Сурхондарё*нинг ўнг ирмоғи, уз. 82 км, ҳавзасининг майд. 55,8 км². Ҳисор тизмасининг жан. тармоқлари бўлган Кетмончўнти тизмасининг жан. этакларидаги булоқлардан бошланади. Бошланиш қисмида (Авлод қишлоғигача) Кўтғонзаро, кейинроқ Кофрун қишлоғигача — Ҳ. номи б-н маълум. Бойсун қишлоғидан қуйироқда дарё ўзани иккита бўлинади; ўнг ўзани Олақўтон (уз. 35 км) деб аталади. Ботмабўлоқ қишлоғи ёнида ероси грунт сувларининг кўплиги натижасида суви йилдан-йилга кўпайиб, Бандихон тангиси ёнида иккита ўзан яна бирлашиб дарё Кофрун номини олади. Қоракўл тоғтизмасидан қуйироқда дарё кўп сонли сойлар бўлиниб кетади. Улардан энг каттаси, қуруқ ўзанли Тақир дарёси қуйироқда Тақирқўлсой деб аталади. Дарёни сув б-н таъминлашда қор сувларидан ташқари, унга юқори қисмида қуйиладиган кўп сонли булоқлар катта аҳамиятга эга. Шу боис Ҳ.даги сув оқими йил давомида деярли бир текис тақсимланган. Дарёнинг ўртача кўп йиллик сув сарфи Бойсун қишлоғи ёнида 0,64 м³/сек. Ўртача йиллик сув сарфи 1,67 м³/сек. дан (кўп сувли йилда) 0,190 м³/сек. гача (кам сувли йилда) ўзгариб туради. Тўлинсув даври март — авг. ўрталарида бўлади. Энг кўп сутканлик сув сарфи апр. — июлда кузатилади. Йиллик энг кам сув сарфи окт.—февраль ойлари.

ҲАНДАЛАК (Melo chandalak) — қовоқдошлар оиласита мансуб энг эртапишар ковун тури. Ўзбекистонда Ҳ.нинг Кўчма Ҳ.-14 (П.Н.Дудко), сариқ Ҳ., Замча, Кўк Каллапўш, Бешариқ, Оби Новвот ва б. навлари кўп экилади. Кўчма Ҳ.-14 навининг шакли ялпоқ, кичик, оғирлиги 0,7—2,5 кг. Юзаси силлиқ ёки бирлашар-бирлашмас тилимли. Тўри тўлиқ, Тўни энли (1,5 см) қорамтир-яшил ҳамда кўпчиликда. Меваси пишиш арафасида яшил, пишганда сариқ рангда бўлади. Узоқ жойларга ташишга чидамсиз. 1946 й.дан Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экиш учун давлат реестрига киритилган. Сариқ Ҳ.нинг шакли бироз ялпоқ, ўртача катталикда, оғирлиги 1,2—2,3 кг. Юзаси қисман тилимли, тўри тўлиқ, мевада катаклари. Ранги сариқ. Пўсти ярим қаттиқ, эти сарғиш-оқ, қалинлиги 3,5—4 см, тиниз, ҳмшоқ, бироз ширинроқ, ҳиди. Тарқибида қанд миқдори 4—5% (1,5—2,4% сахароза), қуруқ модда 6,1—7,8%. Ниҳоли униб чиққанидан сўнг невани 60—65 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 200—230 ц/га. Ўзбекистоннинг жан. ғ.-ларида, айниқса Сирдарёда вилоятида кўп экилади.

Ад.: Ермокин В.Н., Каримов К.К., Ўзбекистон қовунлари, Т., 1969.

Абдулазиз Абдисат.



Ҳандалак: *1* — Сариқ ҳандалак; *2* — Замча нави; *3* — уруғпалласи.

ҲАНИФЛАР — ислом дини вужудга келмасдан илгари араблар орасида яккахудолик гоясини тарғиб қилган шахслар. Мусулмонлар ривоятига кўра, улар исломгача Арабистонда қабила худоларига сиғинишни рад этган, яккахудога эътиқод қилганлар, лекин христианликка ҳам, яҳудийликка ҳам қўшилмаган. Муҳаммад (сав) ҳам ўз тарғиботини Ҳ.лар бирламчи сифатида бошлаган. Қуръонда *Иброҳим* ҳам ҳанифлардан бўлгани, унинг чинакам яккахудолликка асосланган динини Муҳаммад (сав) тиклагани, деб ҳисобланган.

8—9-а.ларда бошлаб мусулмон адабиётида Ҳ. хўпининг «мусулмонлар», ислом ва «ханифлик динн» маъносида ишлатилган. Суфийлар ҳам ўзларини Ҳ. деб аташарди.

ҲАНСИРАШ, ҳарсиллаш — қ. *Нафас қисиши.*

ҲАРАКАТ — *барлиқ*нинг ажралмас хусусияти бўлган ўзгарувчанликни (қ. *Барқарорлик* ва *ўзгарувчанлик*) ифодловчи фалсафий категория. Ҳ. тушунчаси имконият/ларнинг воқелликка айланишини, рўй бераётган ҳодисаларни, оламнинг бетўхтов янгиланиб боришини акс эттиради. Оламдаги қар қандай жараён Ҳ. туфайли содир бўлади. Ҳар қандай ўзгариш — Ҳ.дир. Ўзгаришлар фақат моддий объектларга эмас, балки маънавий, гоявий объектларга ҳам хосдир. Қар қандай (моддий ёки гоявий) объектнинг маҳсулини ундаги Ҳ. ва ўзгаришлар туфайли намоён бўлади. Шу сабабли Ҳ. борлиқнинг асосий мавжудлик шаклидир. Фалсафий адабиётларда моддий борлиқнинг қуйидаги Ҳ. шакллари ажратиб кўрсатилади: 1) механик Ҳ. — жисмларнинг фазодаги ўрни вақт ўтиши б-н бошқа жисмлар-

та нисбатан ўзгаради. Барча жисмларнинг Ҳ. и нисбийдир, чунки Ҳ. Ерга нисбатан (кенг маънода) ва атрофлаги жисмларга (мас., йўл четидаги дарахтга) нисбатан қаралади. Кузатилаётган жисмнинг Ҳ. и қайси жисмга нисбатан ўрганилаётган бўлса, ўша жисм саноқ жисм деб аталади, агар Ҳ. Ерга нисбатан бўлса, у ҳолда Ер — саноқ жисм, агар Ернинг Қуёш атрофидаги Ҳ.и ҳақида гапирилса, Қуёш саноқ жисм бўлади. Ҳ.нинг айланма, илгарилама, илгарилама-қайтма (мас., поршенининг Ҳ.и), тўғри чизиқли, эгри чизиқли, уюрма, тўлқинсимон ва б. турлари фарқланади. 2) физик Ҳ. (элементар зарралар, атом ядроси ва атомининг Ҳ.дан тортиб, оламнинг *фундаментал кучлари, исенжизм*, электр ва майдон Ҳ.игача, ёруғлик-дан тортиб коинотнинг гравитация кучигача бўлган ҳар қандай Ҳ. шаклига мансублар); 3) кимёвий Ҳ. (бунга молекулаларнинг *ассоциацияси* ва *диссоциацияси*, ионлар Ҳ.и, модданинг музлаши ва кристалланиши жараёнлари, кимёвий реакциялар, кимёвий синтез ва парчаланиш, ёниш ва оксидланиш ва б. кимёвий жараёнлар киради); 4) биологик Ҳ. (ҳаётий жараёнлар). Айрим манбаларда кимёвий Ҳ.дан кейин моддий объектларнинг прогрессив ва регрессив йўналишда ривожланишга қараб, юксаклик — биологик Ҳ.га ва қуйи йўналишга, *инкорозиз қараб* — геологик Ҳ. ҳам кўрсатилади, чунки, ер юзида жонли организмларнинг ҳалок бўлиши оқибатида катта-катта материаллар, маржон ороллар вужудга келади. Улар геологининг тадқиқот объектига киради; 5) ижтимоий Ҳ. (*жамиятдаги ижтимоий жараёнлар*нинг номоён бўлиши). Бузарлан ташқари, инсон ақл-заковати ҳамда ахборот жараёнлари б-н боғлиқ бўлган тоғлий, маънавий кўринишдаги Ҳ. шакллари ҳам мавжуд. Тафаккур — фикрнинг Ҳ.и, информацион Ҳ., *тоғлнинг Ҳ.и, маънавий Ҳ.*, қайсий Ҳ. ва бошқалар шулар жумласига киради. Ҳ.нинг энг содда шакли механик Ҳ. бўлиб, унинг манбаи ташқи таъсирда, Ҳ. мураккаб шаклларнинг манбаи эса ички ҳодисотларидадир.

Қадимдан Ҳ. ва унинг манбалари ҳақида турли концепциялар илгари сурилган. Ҳ.ни оламнинг асосий моҳияти деб қараш *Ажстида* таъкидланган. Қад. Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон олимлари Ҳ.нинг моҳиятига оид махсус асарлар ёзишган. Улар Ҳ.нинг хусусиятлари, шакллари, манбаи ҳақидаги илк тоғлари ишлаб чиқишган. Айрим фалсафулар эса Ҳ.нинг мавжудлигини ҳам инкор этган. Элейлик Зенон Ҳ.нинг йўқлигини ўзининг «Ахилл ва тошбақа», «Дихатомия», «Учаётган камон ўқи» каби машҳур *апорияларида* исботлашга уринган.

Шарқ фалсафасида эса Форобийнинг фалсафий рисолаларида бу муаммо мукаммал асослаб берилган. Янги давр фалсафасида *Гегель* Ҳ.нинг моҳиятини формал мантиқ воситасида ифоолаш мумкин эмаслиги, уни фақатгина диалектик мантиқ доирасидагина изоҳлаш мумкинлигини таъкидлаган. Ҳ.ни тушунтиришда Ҳ.нинг моддий ташувчиси, манбаи ҳақидаги ғоялар муҳим аҳамиятга эга. Инглиз олими Ж. Толанд (1670—1722) Ҳ.ни материя б-н боғлаб тушунтирди. Унинг *фикрича*, Ҳ.сиз материя бўлмаганидек, материя ҳам Ҳ.сиз бўлиши мумкин эмас. Бу фикр материалистик фалсафанинг асосий тамойилига айланди.

Ҳ.нинг моддий ташувчиси тушунчаси Ҳ. ўз-ўзича мавжуд эмас, у ҳар доим «ниманиндир» Ҳ.и, «ниманиндир» ўзгариши деган маънони билдиради. Ўша «нима» Ҳ.нинг моддий *ташувчиси бўлади* (у Ҳ. *шаклларини* ажратиб кўрсатишда таъкидлаб ўтилди). Ғоявий шакллари Ҳ.лар тўғрисида ғап борганда «Ҳ.нинг моддий ташувчиси» тушунчаси ўз маъносини йўқотади. Ўзининг ўрнини «ҳаракатланувчи система» тушунчаси эгаллайди. Бундай система моддий ёки маънавий шаклда бўлиши мумкин. Инсон тафаккури, ахборотлар системаси, маънавий система, ғоявий система ва ш.к. маънавий шаклдаги ҳаракатланувчи *системага мисол бўлиши мумкин*. Ҳ.нинг манбаи ҳақида гапирганда муфаккирлар қадимдан *зиддиятлар*ни назарда тутишади. Ички зиддиятлар Ҳ.нинг ички манбаидир. Айрим олимлар ташқи тортишни ёки дастлабки тортишни Ҳ. манбаи деб билишади. Уларнинг фикрича, оламда абадий сокинлик ҳукмрон бўлиб, кейин дастлабки тортки туфайли у Ҳ.га келган. Аслида, воқелик Ҳ.сиз бўлиши мумкин эмас, у доимо Ҳ.да, ўзгаришда. Бу ўзгаришлар ички ва ташқи зиддиятлар туфайли амалга ошаоли. Ибн Сино жисм бир жойда ва бир пайтнинг ўзида Ҳ.да ҳам, сукунатда ҳам бўлмайди, Ҳ. зиддиятлидир ва унинг натижасидир, деб кўрсатган эди. Зиддиятлар жисмни Ҳ.га келтиради, ғоя маънола ҳар қандай Ҳ.нинг манбаи зиддиятлидир. Ҳ. шакллари борлиқдаги ўзаро алоқадорликларнинг намоён бўлишидир. Ўзаро алоқадорлик моддий ва маънавий шаклларда бўлади ва оламнинг ихтиёрлигини таъминлайди. Моддий дунёнинг асосида 4 хил — *гравитацион, электромагнит*, кучли ва кучсиз ядровий ўзаро алоқадорликлар ётади. Алоқадорликлар эса кўшилиб *фазо ва вақт* структурасини ташкил этади. Ҳ. ёки ҳаракатла*нувчи система* ҳоҳ моддий кўринишда, ҳоҳ маънавий кўринишда бўлишидан қатъи назар, оламнинг ўзгариши ва ривожланиши асосида ётади. Ҳ. — мавжудлик бўлса, ҳаракатсизлик-сокинлик — йўқлиққа мос келади. Шу сабабли Ҳ. борлиқнинг азалий ва мутлақ хусусияти, сокинлик эса ўткинчи ва нисбий хусусияти деб ҳисобланади. Қуйидан юқорига бўладиган Ҳ. *ривожланиш* дейилади, акси регрессив Ҳ.дир.

Ад.: Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик, Т., 2001; Ибн Сина. Избранные философские произведения. М., 1980; *Файзуллаев А.Ф., Принцип устойчивости в изменчивости в природе*, Т., 2000.

Баҳодир Тўраев.

ҲАРАКАТ МИҚДОРИ (механикада) — *қ. Импульс.*

ҲАРАКАТ НОМИ — феълнинг иш-ҳаракат номининг билдирувчи, замон, шахс-сон, майл каби маъноларга эга бўлмайдиган функционал шакли. Феълнинг бу шакли -(и)ш, -(у)в, -моқ аффикслари ёрдамида ҳосил бўлади; ўқиш, ёзув, айтмоқ *каби*.

Ҳ.и, шаклдори иш-ҳаракатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслигини ва улар б-н боғлиқ маъноларни билдирмайди, балки ҳаракат-ҳолатнинг ўзини атайди, яъни ҳаракат-ҳолатнинг атамаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар отга хос грамматик кўрсаткичларни қабул қила олади, гапда отнинг синтактик вазифаларини бажаради. У рус тилидаги феълнинг номин шакли ва ғарб тилларидаги инфинитив шаклига эквивалентдир. -ш/-иш ва -моқ кўрсаткичлари б-н ҳосил қилинувчи шакллар бирок бу алабий тил учун мезёрий ҳолат эмас. -в /-ув аффикси б-н ясалувчи шакл нисбатан кам қўлланади. У қўшилганда, феъл ўзагига муайян ўзгаришларга учрайди: ўқи—ўқув, ишла — ишлов. Бу шаклдаги қўшлаб ёқилувчи отга кўчган: сайлов, қистов, тинлов, ўқув.

Ҳ.нинг ҳар уч шакли ҳам феъл-ларнинг бўлимсизлик кўрсаткичи *-ма affiksini qabul qilmaydi*. Ҳ.нинг бўлимсиз шакли -маслик аффикси ёрдамида ҳосил қилинади: бормаслик, келмаслик, айтмаслик. Бўлимсизлик шаклининг ҳар учала кўрсаткич учун умумийлиги уларнинг маъноға кўра жиддий фарққа эга эмаслигини кўрсатади.

Иззатжон Мадрахимов.

ҲАРАКАТСИЗЛИК — шахснинг норматив ҳуҳжатларда бажариши шарт қилиб белгиланган мумайин ҳаракатлар-ни бажармаслика ифодаланган ижтимоий хавфли, онгли ва суст ҳулқ-атвори. Муайин тарзда ҳаракат қилиш лозимлигини бир қатор ҳолатларда кўра ҳолга келиши мумкин. Шахс бажариши шарт қилиб белгиланадиган ҳаракатлар аввало бевосита қонун ёки қонун асосида чиқарилган ҳужжатларда кўрсатилади. Мас., автотранспорт воситасини бошқараётган шахс йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши шарт. Шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятларни бажармаслик ҳам жиноий Ҳ.ни келтириб чиқариши мумкин. Мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун б-н қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, тегиши жазо белгиланади. Ўзбекистон ЖКда бу ҳилдаги жиноятлар учун жазо белгиланган (ЖК, 208, 301-моддалар).

ҲАРАМ (араб. — ман қилинган ҳудуд) — 1) мусулмонларда муқаддас деб ҳисобланадиган, қон тўкиш, қурол олиб юриш тақиқланадиган жой. Калъа атрофи; 2) мусулмон мамлакатларида ҳукмдор, амалдор ва бойлар хоналонининг айлар ишлайдиган қисми; мажозий маънода мазкур хоналон соҳибининг хотин ва канизлари. Ҳ.га хоналон соҳиби ва унинг ўғилларидан бошқа эркаклар-нинг кириши ман қилинган, уни «қарам оғалари» (бичилган қулдар) қўриқлаган. Аксарият мамлакатларда кўп хотинлилик-нинг амалдан қолиши, хотин-қизлар-нинг эркаклар б-н ижтимоий ҳуқуқда тенглаштирилиши, ҳ.тегдорлиги ва маданият тараққиёти, демократик ҳаракатлар-нинг ўсиши натижасида Ҳ.лар деярли барҳам топган.

ҲАРБИЙ АКАДЕМИЯ — Ўзбекистон Қуролли Кучлари учун юқори малакали командирлар тарбиялаш ва ҳарбий кадрларни тайёрлаб беруvчи олий *Ўқув юрти (қ. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясн).*

ҲАРБИЙ АСИРЛАР (халқаро ҳуқуқда) — урушаётган томон қуролли кучлари *(шу жумладан* кўнгилли партизан отрядлари, Қарши-лик кўрсатиш ҳаракати қатнашчилари ва б.)га маъсуд бўлиб, душман қўлга тушиб қолган кишилар. Ҳарбий мухбирлар, савдо флоти ва фуқаро авиацияси-нинг экипаж аъзолари ва б. ҳам Ҳ.а. бўлиши мумкин. Ҳарбий асирлик мақоми қуруқликда уруш олиб бориш қонун-қоидалари ҳақидаги Низом (1907 й.ги 4-Гаага конвенциясига илова) ва Ҳ.а. билан қилинадиган муомала тўғрисидаги Женева конвенцияси (1949)га биноан тартибга солиб турилади. Ушбу Конвенциянинг 4-моддасида кимлар Ҳ.а. бўлиши мумкинлиги ва уларнинг ҳуқуқий мақоми кўрсатилган. Ҳ.а.га нисбатан уруш-шаётган томонлар инсоний муносабатда бўлишлари лозим. Уларни ўлдириш, жисмоний зиён етказиш, улар устида илмий ёки тиббий тажриба ўтказиш ман этилади. Ҳ.я. вақтинча душман қўлида қисобланиб, душман томони уларнинг тақдирига тўлиқ жавоб беради. Ҳ.а. фақат ўзининг исм-шарифи, унвони, туғилган вақти ва шахсий рақамини айтишга мажбур, улар қандайдир маълумотлар олишга мажбур қилинмаслиги лозим. Ҳ.а. ўз меҳнатига ҳақ олиши, ҳаёт учун хавфли ва қадр-қимматни паст урувчи ишларга жалб қилинмаслиги керак. Ҳ.а. ўзлари учун махсус мўжалланган лагерларда жойлаштирилиши мумкин. Улар озиқ-овқат, кийим-кечак ва тиббий ёрдам б-н таъминланишлари лозим. Ҳ.а.га якка тартибда интизомий ва жиноий жазо қўлланиши, лекин фақат бир қилмиш ёки жиноят учун битта жазо белгиланиши мумкин. Ҳ.а.нинг қочиб кетиши жиноий латти-қдаракат эмас, агар у муваффақиятли амалга ошмаса, Ҳ.а. фақат интизомий жазога тортилади. Уруш тугаган-дан сўнг давлатлар барча Ҳ.ални махсус келишувлар асосида умумий *репатрияция* тартибида доимий яшаш жойларига қайтаришлари лозим. Қисман репатрияция уруш тугагунга қадар ҳам ўтказилиши мумкин.

«Халқаро қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли» (1949 й. 12 авг.) Женева конвенцияларига 1977 й. 8 июндаги I Қўшимча протоколга Ҳ.а. тушунчаси уруш олиб бориш усулларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилган (43-модда) ҳамда Ҳ.а. мақоми берилишининг *кафолатлари мустаҳкамланган* (44, 45 ва 77-модлалар).

Ўзбекистон Республикаси 1949 й.ги Женева конвенцияларига ва 1977 й.ги уларга қўшимча Протоколларга 1993 й.да қўшилган. Мамлакатимизнинг мазкур халқаро гуманитар ҳуқуқ қоидаларига риоя этиш, шунингдек, ана шу шартномаларга амал қилинишини таъминлаш масъулиятини юклайди.

Ад.: Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева конвенциялари тўплами, Т., 2002; Халқаро гуманитар ҳуқуқ. Инсонпарварлик ва хайрихоҳлик муассалари институти (масъул муҳаррир А.Х. Саидов), Т., 2000.

ҲАРБИЙ БАЗА — махсус жиҳозланган, стратегик жиҳатдан қулай ҳудуд; *ундаги жанговар ва қуролланиш фаолият* учун зарур қурол, ўқ-дорн, озиқ-овқат захиралари ва б. моддий воситалар б-н жойлаштан қўшинлар.

*Ҳ.б.*лар ракета, авиация, ҳарбий *денгиз* ва умумий мақсаддаги *базаларга* бўлинади. Бутунги кунда қўшинна бнрик давлатлар турли мамлакатларда ўз Ҳ.б.ларига эга.

ҲАРБИЙ БИЛЕТ — Ўзбекистон Республикасида. Мудофаа ишлари бошқармалари томонидан қақиқий ҳарбий хизматга чақирилган ёки захирага ўтказилган (истеъфога чиқарилган) фуқароларга бериладиган ҳужжат. Ҳ. б. ҳарбий хизматда бўлган оддий аскар, матрос, сержант ҳаясинн тасдиқловчи, чекланмаган муддатли ҳужжат ҳисобланади. Унда захирадаги фуқароларнинг ҳарбий хизматга алоқаси кўрсатилган. Ҳарбий хизматда бўлган офицерлар ва генералларга шахсий гувоҳнома берилади. Уларга захирага ўтказилганда ёхуд истеъфога чиқнлганда офицерлик (генерраллик) Ҳ. б.н берилади.

ҲАРБИЙ БЛОК — *давлатларнинг* умумий сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ташкилотлари ҳақ этиш учун бирлашган ҳарбий-сиёсий иттифоқи ёки шартномаси. Ҳ.б.лар тузиш жаҳонннг икки қутбга бўлинишн шароитида авж олганди. АҚШ ва унинг иттифоқчилари томонидан *Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти* (НАТО) тузилган бўлса, собиқ СССР ва унинг иттифоқчилари Варшава шартномаси ҳарбий блокини ташкил қилганлар (1955 й. 14 май). Бу ҳол ўша пайтда ҳар 2 қутб орасида зиддиятнинг кескинлашишига олиб келди. Социалистик тизим емирилиши б-н СССР, Албания, Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Румния ва Чехословакия давлатлари аъзо бўлган Варшава шартномаси ўз-ўзидан барҳам топди (1991 й. 1 июль). Жануби-шарқий Осиё дав-

латларининг бир қисмини бирлаштириш мақсадида 1954 й. Манила (Филиппин) ш.да АҚШ, Буюк Британия, Франция, Австралия, Янги Зеландия, Таиланд, Филиппин ва Покистон вакилларн томонидан имзоланган СЕАТО (Жанубн-шарқий Осиё шартномаси ташкилоти) ҳарбий блокини эса 1975 й. сент.да тарқатиб юборишга қарор қилинган. Яқин ва Ўрта Шарқдаги ҳарбий сиёсий ташкилот — СЕНТО (Марказий шартнома ташкилоти) тузилгада (1955) унга Буюк Британия, Туркия, Ироқ, Эрон ва Покистон аъзо бўлиб кирган эди. Бу ташкилот 1979 й. авг.да ўз фаолиятини тўхтатган.

ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЛАР — ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ҳарбий машқни ўташ даврида ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилинган жиноятлар. Бундай жиноятлар бўйсунмаслик, яъни буйруқни бажармасдан очиқдан-очиқ бош тортиш, шунингдек, буйруқни бошқа тарзда қасддан бажармаслик, бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш, бошлиқни кўркитиш, уни ҳақорат қилиш ёки бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақоратлаш, мародёрлик, ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик б-н ташлаб кетиш, дезертирлик, ҳарбий мулкни сақлаш ва ундан фойдаланиш тартибини бузиш каби шаклларда намоён бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг ЖКда ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятни содир қилганлик учун тегишли жазо белгиланган (279—302-моддалар).

ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛАР — халқаро ҳуқуқда ҳарбий жиноятларнинг тинчлик ва инсоният қарши қаратилган жиноятларнинг ташкилотчилари, воситачилари, рағбатлари, ижрочилари ва иштирокчилари. Бу жиноятларнинг турлари ва тарқиби қамда жазо чоралари халқаро ҳарбий трибуналларнинг уставларида белгилаб берилган. Ҳ.ж. учун индивидуал жиноий жавобгарлик бир қанча халқаро шартномалар ва битимлар б-н, ҳарбий жиноятларнинг барча турлари учун эса айрим мамлакатларнинг жиноят қонунлари б-н белгиланади. Ҳ.ж. учун жиноий жавобгарликка тортишнинг ҳеч қандай муддати қўлланилмайди, бошқача ҳукуқи ҳам берилмайди. Ҳ.ж. тутиб берилиши керак.

ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ — барча ҳарбий хизматчиларнинг қонун, ҳарбий низомлар, командирлар (бошлиқлар) буйруқлари б-н белгиланган тартиб ва қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этишни. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида Ҳ.и. ҳар бир ҳарбий хизматчининг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга бўлган ҳарбий бурчи ва шахсий масъулияти, ўз халқига мисли-сиз садоқатини ҳис қилишга асосланади. Ҳ.и. ҳарбий хизматчидан ҳарбий қасамёдга содиқ бўлишни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Конституциясига қатъиян бўйсунишни; ўз ҳарбий бурчини мардлик ва жасорат б-н бажаришни; ҳарбий ишни сидқидилдан ўрганишни; ҳарбий ва давлат мулкини асришни; ҳарбий хизмат қийинчиликларини мардонавор енгишни; ҳарбий бурчни бажарнш учун ўз жонини ҳам аямасликни; сергак бўлишни, ҳарбий ва давлат сирларини қатъий сақлашни; ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳарбий низомларда кўрсатиб берилган ўзаро муносабатларни қўллаб-қувватлашни, жанговар бирдамликни мустаҳкамлашни; командирларга (бошлиқларга) ва бир-бирига ҳурмат кўрсатиш, ҳарбий салом-алик ва хушфеълдик қоидаларига риоя қилишни; жамоат жойларида ўзини муносиб тутишни, номуносиб хатти-ҳаракатлардан ўзини ва б.лар тийиб қолишни ва фуқароларнинг ор ва номусини ҳимоя қилишни талаб этади.

Ҳ.и. ҳар бир ҳарбий хизматчининг хизмат вазифаларига онгли равишда муносабати, юксак ҳуқуқий маданият-ни асосида шаклланади. Ҳ.и.нинг умумий ва аниқ қонун-қоидалари 1996 й. 9 окт.да Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг интизом Низоми»-асосида белгиланб берилган. Низом талабларининг бажарилишини назорат қилиш командир (бошлиқлар) зиммасига юклатилган.

ҲАРБИЙ КИЙИМЛАР — ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий кийим формалари. Ҳ.к.га (белгиланган намуналарга кўра) одатда қуйидагилар киради: устки кийимлар (шинель, бушлат, плаш, мундир, китель, калта пахтали камзул, тужурка, шим ва б.); бош кийимлар (телпак, попок, сомбреки ва сомбреки формажак); устки кўйлак, пластуй, шарф, қўлқоп; пойабзал (этик, ботинка); камар, белаҳа-шнкомлар. Ҳарбий унвон белгилари ҳарбий кийим формаларининг мажбурий элементи ҳисобланади.

Ҳ.к. элементлари дастлаб қад. дунё (Миср, Ассурия, Эрон, Юнонистон) армияларида пайдо бўлган. Қад. Рим армияларида Ҳ.к. бирмунча такомиллашган. Ўрта асрларда Европада Ҳ.к. вужудга келмаган. 15—17-асрларда мунтазам армиялар вужудга келиши б-н бир хил рангдаги Ҳ.к. пайдо бўла бошлаган.

Ўрта Осиё халқларининг ҳарбий кийимлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар мил. ав. 6—5-а.ларга оид бўлиб, археологик, адабий (мас., Авесто) ва тасвирий санъат манбаларида учрайди. Ҳ.к. ўша даврда кундалик кийимлардан деярли фарқ қилмаслиги, асосан, тиззага тушадиган узун енгли кўйлак, чакмон, узун чодвор, камар (кўпинча металл қопламали) ва телпакдан иборат бўлган. Мил. ав. 4-а.гача Ўрта Осиё халқлари ўзларининг қўшинлари (сарматлар, юэчжи ва б.) каби форслар, скифлардан фарқ қилиб, металл қопламали кийимлардан кам фойдаланишган. Мил. аа. 3-а.ларда жанчилар тўғри бурчакли металл пластинкалардан қилинган узун сонут, думалоқ шаклда, кўз атрофи ёйсимон кесилган дубулға кийишган; отларга майда металл пластинкалар тикилган ёпинғичлар ёпилган.

Кушон подшолигининг енгил қуролланган қўшинларн жангга энсиз узун енгли, тиззага тушадиган кўйлак, кенг чодвор, чакмон, паст пошнали юмшоқ этик кийишган, камар тақиб, бошига боғич боғлаб олишган. Бу даврда узун сонутлар ва этиклар тўғрига металл пластинкалар тикиб тайёрланган. Кенгичалик тангасимон металл парчаларидан юмшоқ нарсага тикилган ёки ўзаро бирлаштирнб тайёрланган енгил сонут кенг тарқалган. Кушон дубулғалари бўлаклларга бўлиниши, сомбреки ва қулоққўшин б-н ўзаида ососнтирилган фарқ қилган.

Турк хоқонлари вужудга келгач (6-а.), Ҳ.к. кенг ёқали узун чопон, кенг қўнжли этик, тургак тақинчоқлар тақилган камар, камзул типидаги ёқали сонут, намат қалпоқлар пайдо бўлди. 6—8-а.ларда Ўрта Осиёда Ҳ.к.нинг ўзига хос комплекси: ёқаси белгисиз очилган узун кўйлак, енги тирсаккача бўлган энсиз узун чопон, чодвор, баланд пошнали этик, турли қуролар тақиладиган камар, енгларн кенг сонут ва бўйни, елка, бағлн юзи қам ёпиб турадиган сим тўрли, учи ўткир дубулға юзага келган.

Амир Темур даврида (14-а.нинг 2-ярми — 15-а. бошлари) Ҳ.к. ҳар жиҳатдан мукаммаллаштирилди: олд томони 2 қон ўртасидан бурчи устнига тушириладиган учи ўткир қулоқчинли дубулға, тирсакқача кийладиган қўл қалпоқлари, қавима чопон кенг расм бўлган. 15-а.да зуғумчали, олди очиқ калта енгли камзул Ҳ.к.нинг асосий турн бўлган. 16—17-а.ларда у қатталаштирилиб, камзул қолига келтирилган,



Ўрта Осиёда қадимги даврлардан 20-а. бошига қадар чақмоқ бўлган қуролий кийимлар:

1. Сўғд жангчиси (мил. ав. 6—5-а.лар); 2. Кушон подшолиги жангчиси (мил. 1-а.); 3. Хоразмдаги Ахеменидлар давлати жангчиси (мил. 4-а.); 4. Сўғд конфедерацияси жангчиси (7-а.); 5. Сомонийлар жангчиси (9—10-а.лар); 6. Турк пулими (11-а.); 7. Амир Темур қўшини жангчиси (14-а. иккинчи ярми); 8—9. Темурийлар даври жангчилари (15-а.); 10. Шайбонийлар хонадони бири (16-а. биринчи ярми); 11—12. Бухоро хонлиги жангчилари (16—17-а. бошлари); 13. Аштархонийлар давридаги жангчи (17-а. ўрталари); 14. Аслиддаларнинг чақдди жангчи (18-а. 1-ярми — 19-а.); 15. Ўратепа(Истаравшан) жангчи (19-а.); 16—17. Бухоро амирлиги жангчилари (19-а. иккинчи ярми — 20-а. бошлари); 18. Кўқон хонлиги жангчиси (19-а.нинг 70-й.лари); 19. Бухоро амирлиги ўқчиси (19-а.нинг 90-й.лари); 20. Бухоро амирлиги тўпчиси (19-а.нинг 80—90-й.лари); 21. Хива хонлиги жангчиси (19-а.нинг 80—90-й.лари); 22. Бухоро армияси Оққўй бош қўмондони (19-а.нинг 90-й.лари); 23. Бухоро амирлиги ўқчабоси (19-а. иккинчи 90-й.лари); 24. Бухоро амирлиги зобити (19-а.нинг 80-й.лари); 25. Бухоро амирлиги зобитга (19-а.нинг 90-й.лари); 26. Миршаблар бошлиғи (19-а. охири — 20-а. боши); 27. Хива хонлиги зобити (19-а.нинг 90-й.лари).

ранглор кенг чолвор, баланд пошнали қора этик кийилган. 18—19-а.ларг 1-ярмида ўзбек хонликларидаги аъёнларий Ҳ.ғ. ялпоқ чопон, қимматбаҳо матерпалдан тикилган чопон, салласи қалпоқ, хомпоч, телпак, турли металл тақинчоқлар тақилган камар, баланд пошнали этик ва б.дан иборат бўлган. Хива хонлигида қора чопон б-н чугурма ҳам кийилган. Буларлан ташқари, баъзан, безатилган совут, дубулға, тирсаккача кийладиган кўл қалпоқчаси, қилич ҳам кийишган. 19-а.нинг 50-й.ларидан Бухоро хонлигида мунтазам қўшинлар бир хил шаклда узун қайтарма енгли, жиякли калта қизил камзул, жевончлар оқ салласи қалпоқ кийишган. 19-а.нинг 80-й.ларида хонликларнинг эски аъёнавий ҳарбий кийимлари сақланиб қолган эди: шеҳда ўқчилар қайтарма енгли қизил чакмон, кенг ганғори чолвор, тўпчилар қизил ёқали ганғори мундир кийишган; барча қўшинларда салла қора телпак б-н алмаштирилган. Армияларни ҳарбий бошлиқлар (офицерлар) тиззага тушадиган жиякли чакмон, жиякли чолвор кийишган, қумушдан ясалган тақинчоқлари бўлган қимматбаҳо камар тақишган. Олий қўмондонлик таркибн қора дузоббдан қилинган камзуллар кийган. Камзул зар ип б-н тикилган.

Ўрта Осиё ҳудудининг янги қисми Россия империясига қўшилгач, Бухоро ва Хива хонликларида маҳаллий Ҳ.қ. элементлари бирмунча сақланган қола чор армияси ҳарбий кийимлари жорий қилинган. Бухоро амирлиги армиясида одий шеҳа аскарнинкидан тўқ сабонкўлгача бўлган Ҳ.қ. чор қўшинлари Ҳ.қ.ига ўхшаш бўлган. Олий қўмондонлик таркибнинг аъёнавий кўринишн (кенг чолвор, тилла рант безаклар тикилган духоба камзул, тизла, қимуш тақинчоқлар ва попуклар тақилган камарни сақлаб қолган бўлсада, камзулларнинг бичими чор армияси мундирига ўхшаш бўлган, погоналар, эполетлар тикилган, орденлар тақилган. Хива хонлигн чор армнясидан фақат погоналарнигина қабул қилган. Ҳ.қ. эса маҳаллийлигини сақлаб қолган.

Шўролар даврида (1917—91) Ҳ.қ. мафкуравий тамойилларга асосланган ҳолда бўлган. Мас., Қизил армия аскарлари қолдузчаи мовут шлем, шинель, япоқ рангли кўйлак кийишган. *1922 й. янвдан Совет қўроли кучлари* янги кийим формасига ўтган (солдат ва сержантларга парад-чиқиш Ҳ.қ.и — кўйлак ва галстук б-н очиқ мундир, шим ва ботинка); гимнастёрка ёпиқ дала кителн б-н алмаштирилган. Қуруқликдаги қўшинлар маршаллари, генераллари, офицер ва прапорщикларига тўқ зангори рангдаги агона аъёнавий Ҳ.қ. тасдиқланган. Ҳарбий-денгиз флоти офицерлари, мичманлари ва прапорщикларига ёпиқ оқ ва қора кўк кителъ ўрнига оқ кўйлак ва қора галстук б-н кийиладиган оқ тужурка ва кўк қурка белгиланган. 1972 й.дати ҳарбий парад иштирокчилари — ҳарбий хизматчиларга, шунингдек, фахрий қоровул рогаларн шаҳсий составига ва Москва гарнизони йиғма оркестрига аксельбантлар тақишга рухсат берилган.

ЎзР Қуроллн Кучлари шахсий таркиби қишки (пальто, плашч, этик, телпак), кундалик кийим (китель, тўғри бичимли шим, мош рангли кўйлак, галстук, фуражка, туфли), байрам кийими (китель, тўғри бичимли шим, оқ кўйлак, қора галстук, фуражка), дала кийимн (пахтали калта камзул, қурткa, шим, кепка, калта этик) б-н таъминланган.

ҲАРБИЙ КОМИССАРЛИК — шўролар даврида ҳарбий сафарбарлик ва умумий ҳарбий хизматга чақириш, захирадаги ҳарбийларни ҳисобга олиш ишлари б-н шуғулланувчи маҳаллий ҳарбий бошқарув органи. Ўзбекистон Республикасида Ҳ.к. ўрнига Мудофаа ишлари бошқармаси (низоят) ва бўлимлари (шаҳар ва туман) тузилиб, унинг асосий вазифаси: ҳарбий сафарбарликка тайёрлаш ва ўтказиш, аҳоли ва халқ хўжалиги ресурсларини ҳисобга олиш, ёшларни ҳарбий хизматни ўташга тайёрлаш ва б. мудофаа тадбирларини амалга оширишдан иборат. Унга Ўзбекистон Республикаси Қуроллн Кучлари Бош штаби ва ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлари раҳбарлик қилади.

ҲАРБИЙ МУСИҚА — *қўшинларнинг* ҳарбий маиш ва тарбия жараёнлари, тантаналн (парад, кўрик) ва б. тадбирларда қўлланадиган мусиқа асарлари. *Ҳарбий оркестр* ҳамда айрим ҳарбий созланда (асосан, *фанфара, труба, барабан* ижрочилар томонидан чалинади. Ўтмишда жанговар ҳаракатларда, қўшинларни бошқариш, сигнал бериш мақсадида ҳам қўлланган. Ўрта Осиёда карнай, сурнай, ногораларда зарбул-фатҳ (галаба усулида қуйлар, «Сарбозна», «Усмония», «Аскарий» каби чолғу куйлар чалинган. Асосий жанрлар таркибн — қўмондонларни қарши олиш, саф тортиш, юриш ва *мотам маршлари, соқинларни кўришдан* ўтказишга улуғ ва б. чолғу куйлар, шунингдек, ҳарбий (сафда айтиладигани) қўшиқ ва б.дан иборат.

Ҳ.м. — мусиқанинг қад. турн бўлиб, Қад. Миср, Оссурия, Бобил, Хитой, Юнонистонда кенг ривож топган. Ҳ.м. нинг замонавий турлари Европада 16—17-а.ларда мунтазам (ёлланма аскарлардан иборат) қўшинлар кенг ривож топиши муносабати б-н қарор топган. Ўзбекистонда Ҳ.м. намуналаридан П.Сайдакровнинг «Саф марши», «Ёш мусиқачилар марши», «Ватан марши», «Соқчиларни қўриқдан ўтказиш учун мусиқа»си (С.Юдаковнинг «Жон Ўзбекистон» қўшиғи асосида), Р.Абдуллаевнинг «Шодлик» марши, шунингдек, «Танкчилар марши» (С.Черненький), «Ғалаба» марши (Н.Иванов-Радкевич), «Юддуз марши» (Ж.Ф.Суза), «Танталнли марш» (П.Чайковский), «Шаҳрисабзнинг марши» (В.Рунов) каби асарлар мавжур. Саф қўшиқларидан Ш.Ладжановнинг «Қасамёд», «Ўзбекистон посбонлари», «Ўзбекистон Қуроллн кучлар қўшиғи» ва б., А.Назаровнинг «Сержант», П.Макаровнинг «Аскарлар қўшиғи», ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги асарлардан «Халқим», «Юртим» (Ш. Ландажев), «Туркистон фарзандимиз» (К.Разматов), «Йигитлар» (Л.Карпиев) каби қўшиқлар оммалашган.

ҲАРБИЙ НИЗОМ, *Ҳарбий Устав* — қуроллн кучлар ва қўшин турларининг қўшилиш, қисм ва бўлинмаларидан жанговар ҳаракатларда фойдаланиш тамойилларн, уларнинг мақсадлари, вазифа ва усуллларнн, ҳарбий хизматчиларнинг мажбуриятларини, улар орасидаги ўзаро муносабатларни, кундалик турмуш фаолиятини, ҳарбий хизматни ташкил этиш, ўташ йўлларқонунларни изга солувчи ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини ва ҳарбий низомнн мустаҳкамлаш асосини белгилаб берувчи расмий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат.

Ҳ.Н. жанговар ва умумҳарбий турлари*га бўлинади. Жанговар* Низомлар Қуроллн кучлар қисм ва бўлинмалари турларининг жанговар тайёргарлик асослари ҳамда жанговар ҳаракатларни олиб боришни белгилаб беради. Умумҳарбий Низомлар ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг умумий ва лавозимга оид мажбуриятлари, ҳуқуқлари, ички, гарнизон ва қоровуллик хизматларини ўташ тартиблари ва б.нн белгиловчи Қуроллн кучларнинг ҳамма турлари учун умумий мажбурий қоидалардир.

Ўзбекистон Республикаси Қуроллн Кучларининг Ички хизмат, интизом, гарнизон ва қоровуллик хизматлари *Низоми Ўзбекистон Республикаси* Президентининг 1996 й. 9 окт.даги фармони б-н, Саф низоми Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 1996 й. 14 окт.даги 238-сонли буйруғи б-н жорий этилган.

ҲАРБИЙ ОКРУГЛАР — оперативон йўналишларда мамлакатнинг хавфсизлиги ва ҳудуий яхлитлигини таъминловчи асосий ҳарбий-маъмурий бирлик ҳамда умумқўшин тезкор-стратегик ҳудуднй бирлашмаси. Ҳ.о. тарифи Ўзбекистон Республикасининг 2001 й. 11 майда қабул қилинган «Мудофаа тўғрисида»ги қонунининг 12-моддасида белгилаб берилган.

Ҳ.о. зиммаларига юкланган вазифаларни бажарадилар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ қарорлар қабул қилидилар. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 5 ҳарбий округ бўлиб, улар: Шим.-ғарбий Ҳ.о. (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ҳудуди), округ штаби Нукус ш.да; Жан.-ғарбий махсус Ҳ.о. (Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари), округ штаби Қарши ш.да; Марказий Ҳ.о. (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари), округ штаби Жиззах ш.да; Тошкент Ҳ.о. (Тошкент ш. ва Тошкент вилояти), округ штаби Тошкент ш.да; Шарқий Ҳ.о. (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари), округ штаби Марғилон ш.да жойлашган.

ҲАРБИЙ ОПЕРАЦИЯ, *ҳарбий амалиёт* — оператив(тезкор) ёки стратегик топшириқларни бажариш учун қўролли кучларнинг бир ёки бир неча турларидан тузилган оператив бирлашмалар томонидан атоиа режа асосида амалга оширадиган, мақсади, вақти ва амалга оширилдиган жойи келишиб олинган ўзаро боғлиқ зарбалар, жанглар мажмуи. Қуруқлик, денгиз, ҳаво ва ҳаво-десант операциялари (амалиётлари), ҳужум ва мудофаа операциялари, стратегик, фронт (армиялар гуруҳи), армия, флот, флотилия операциялари фарқланади.

ҲАРБИЙ ОРКЕСТР — ҳарбий қисмлардаги *пуфлама созлар оркестри*. Таркибининг асосини мис-пуфлама чолғулар (*корнет, альт, тенор, баритон* ва бошлар ташкил этади. Кенгайтирилган ҳолатда ёғоч-пуфлами, шунингдек, *валторна, тромбон, бас-геликон, барабанлар* ва б. чолғулар киритилади. Ўрта Осиёда ўтмишда карнай, сурнай, нотора, довул ва б.дан иборат Ҳ.о. бўлган. 19–а.нинг 2–ярмидан европача турдаги Ҳ.о. қўлланилмоқда. Ўзбекистонда Қўролли Кучлар, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати қўшинлари, ҳарбий ўқув юртлари ва штаблари қошида жами 30 га яқин Ҳ.о. фаолият кўрсатади. Улар фаолияти (репертуари ва б. масалалари)ни ЎзР Мудофаа вазирлиги Ҳарбий оркестрлар хизмати назорат қилади. Ҳ.о. репертуаридан *ҳарбий мусиқа* намуналари, айни пайтда, Ҳ.о. учун махсус яратилган турли жанрдаги асарлар (увертюра, симфония ва б.) ўрин олган. Ҳ.о. учун Ф. Ш. Госсек, Э.Метюль, Л. Керубини, Г.Берлиоз, Р.Вагнер, Н. Римский-Корсаков, 20–а.да Р.Глиэр, С.Василенко, Н.Иванов-Радкевич, К.Хачатурян, Ўзбекистонда В.Лейкек, П.Холяков, Ҳ.Ғ. Ражабов, П. Макаров ва б. композиторлар махсус асарлар яратишган.

ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА (ЎзРда) — Ўзбекистон Республикаси прокуратура тизимининг Қўролли Кучларда, бошқа ҳарбий тузилмалар, ҳарбий корхоналар, *ҳарбий ўқув* муассасалари, ҳарбийлаштирилган бўлинмаларда прокурор назоратини олиб боруви ихтисослашган органлари. Ҳ.п. ининг асосий вазифаларига давлат хавфсизлиги, ҳудудий дахлсизлик ва қўшинлардаги ҳарбий тайёргарлик бўйича қонун устуворлигини таъминлаш, ҳарбийларнинг ҳамда уларнинг оилалари ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, Қўролли Кучларнинг қонуний манфаатларини касбий ҳуқуқбузарликлардан *ҳимоя этиш* ва бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш киради. Ҳ.п. органлари қонунда белгиланган тартибда фуқароларнинг, ҳарбий хизматчиларнинг ва юридик шахсларнинг ариза ҳамда шикоятларини кўриб чиқадилар, уларнинг бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш юзасидан тегишли чораларни кўрадилар. Ўзбекистон Республикаси Ҳ.п.сига лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори фақфарик қилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорини республика Президенти лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

ҲАРБИЙ САНЪАТ — қуруқлик, денгиз, ҳавода жанрий ҳаракатлар олиб боришга тайёргарлик кўриш ва уни олиб бориш назарияси ва амалиёти; Ҳ.с. — *ҳарбий фаннинг* бир қисми. Замонавий Ҳ.с.нинг таркибий қисми ўзаро узвий боғлиқ бўлган *ҳарбий стратегия, оперативлик санъати* ва *тактикадан* иборат. Ҳ.с. *ишлаб чиқаришнинг* тараққиёт даражаси ва ижтимоий тузум характери ёки ва белгиланиб, мамлакатнинг ривожланиш тарихи хусусиятлари, миллий хусусиятлар ва анъаналар, географик шароит ва б. омилларга боғлиқ суратда ривожланади.

Қадимда қуллар меҳнатига асосланган *ижтисодий* шароитда бир неча ўн минг жанчидан иборат армия тузиш имкони бўлган. Аксарият мамлакатларда қўшинининг асосий тури*ни пиёда аскарлар* ташкил қилган. Қад. Шарқ давлатларида пиёда аскарлар ва отлиқ қўшинлари ташқари жанг аравалари, филлар ва туялардан жанг қилувчи қисмлардан ҳам фойдаланилган. Қўролли кучлар тарихи, уларнинг қуролярогн стратегия ва тактикасини белгилаган. Қад. Шарқ давлатлари, Ҳиндистон ва Хитойда стратегия дастлаб *пиёдалар қисқа масофаларга қисқа*нган қисқа муддатли ҳарбий юришлар б-н чекланган. Юнонистон ва Қад. Рима хос бўлган қўшинлар тазминоти яхшиланиши, забт этилган давлатларнинг моддий ресурсларидан фойдаланишни йўлга қўйиш б-н ҳарбий юришларнинг муддати узая бошлаган.

Антик давр стратегияси, асосан, урушга тайёргарлик кўриш, жанг майдони ва вақтини танлаш, асосий зарба бериладиган ерни белгилаш, қўшинларга раҳбарлик қилишда намоён бўлган. *Тактиканинг тараққиёти* жанговар тартибнинг энг содда шакл-



ЎзР Мудофаа вазирлигининг Аскарда намуналари кўргазмаси ҳарбий оркестри

зарадан қўшинларни жамлаш-жой тўқнашувигача, жанг майдонида қўшинларни мувақкат манёврларни амалга оширишдан б-н белгиланган. Юнонистон бошқа Қад. Шарқ мамлакатларига нисбатан озроқ қуролланган ва таълим олган қўшинга эга эди; юнонларнинг асосий ҳарбий кучини оғир қуролланган пиёдалар (*гоплитлар*) ташкил этган, улар шамшир, найза б-н қуролланиб, темир совутлар кийишган. Жангдан олдин қўшинлар фаланга бўлиб сафтортишлар (қ. *Марафон жанги*). Марказда оғир қуролланган пиёдалар тўғри тўртбурчак шаклида жипс бўлиб сафтортган, қанотларда отлиқлар, шунингдек қаторда бўлса ёйма сафбўлиб енгил пиёдалар жойлашган. Фалангизнинг бир қанча устунликлари бўлган. Унинг кучи сафнинг жипслигида бўлиб, қарши томондан унга дарзли шиқаст етказишнинг имкони бўлмаган. Шу б-н бир қаторда унга эришчилик етишмаган. У таъқиб этишга мутлақо яроқли бўлиб, зарба кучини оширган учун қўшимча кучи йўқ эди. Юнон фалангаси фақатгина Шарқ мамлакатларининг (мас. *Ахоминийлар давлати*) кўпсон, ёмон таълим олган қўшинлари б-н бўлган урушларидагина галаба қилган. Аммо уларга ўхшаш тўқнашувлар ранги ва кучи томонларини ўрганишнинг аҳамияти ва б.ни келтириб ўтган. Юнон тарихчилари *Фукидид, Ксенофонт* ва б. ўз асарларида урушнинг боришини баён қилиб, уни тактикага этибор қаратган. Қад. Рим давлатларида аста-секин ҳарбий назарияга йўналиш кела бошлаган. Чунончи, Ҳитой *саркардаси* ва мутафаккири Сунь Цзы «Ҳарбий санъат ҳақида рисола»сида *ҳарбий кучларни давлатнинг* мустаҳкамлигига боғлиқ эканлигини, ҳақ ва географик шароит оқилларнинг ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга таъсирга, саркардаларнинг роли, урушга пухта тайёргарлик кўриш ва рақибнинг заиф ва кучли

да уруш пайтида тўпланадиган ёлланма аскарлар ҳисобига тўлдирилардилар бўлган. 16-а.нинг 2-армидан мутлақ монархия давлатлари мунтазам ёлланма армияларга эга бўлишга интилдилар. Армияларни ўтсочар қуроллларга, жумладан, артиллерияга эга бўлиши туфайли жанг олиб боришнинг янги усули — линияли тактикани пайдо бўлишига олиб келди. Унда қўшинлар фронт бўйлаб бир текисда тақсимланиб, узун қаторларда саф тортиб урушганлар. Линиялардаги қаторлар (шеренга) миқдори милтиқларнинг тез отарлиги б-н белгиланган. Жангнинг тақдирини пиёдаларнинг ўқ отиш қувати ҳал қилган. 17-а.даги армияларнинг стратегияси хусусияти монархик давлатлар томонидан олиб борилаётган урушларнинг чекланган мақсадларини кўзлашида эди.

18-а. охири — 19-а. бошларидаги Буюк француз инқилоби ва миллий озодлик урушлари натижасида ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш усулларида чуқур ўзгаришлар рўй берган. 19-а.да Ғарбий Европанинг аксарият мамлакатларида армиялар таркиби умумий ҳарбий мажбурият асосида тўлдирила бошлади. Армияларнинг ташкилий тузилмаси ҳам жиддий ўзгаришларга учради: доимий қўшин бирлашмаларда — мураккаб жанговар вазифаларни мустақил ҳал эта оладиган дивизиялар ва корпуслар барпо этилган. Қуролли кучларнинг сони бир неча марта ошган. Уруш олиб бориш усуллари ва характерига қарашлар ҳам ўзгарган; жанговар ҳаракатларнинг асосий мақсади душман ҳужуди, алоқа йўллари ва қалъаларини босиб олиш эмас, балки унинг армиясини тор-мор келтириш бўлган. Чунки душманнинг асосий кучлари устидан қал қилувчи жангда галаба қозонши галаба қилган томонга ўзи учун манфаатли сулҳ тузиш имконини берган.

Тактикада ҳам туб ўзгаришлар бўлган. Жанговар тартибда батальонлар колоннаси ҳал қилувчи аҳамият касб этган, батальонлар олдида соча-ма саф тортган пиёдалар қисми (егерлар) борган. Пиёдалар ҳужумини артиллерия ва отлиқ қўшин қўллаб-қувватлаб турган. 18-а. охири — 19-а. бошидаги ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш усулларини такомиллаштиришда француз саркардаси *Наполеон I* ва рус саркардаси М.И. *Кутузов*ларнинг хизмати катта бўлган. Мас., Наполеон I артиллерия ва отлиқ қўшинини алоҳида қўллашни жорий этган ва жанг тақдирини ҳал этишда захирадардан моҳирона фойдаланган.

19-а.да темир йўллар қурилиши, электр телеграфи, тутунсиз порох, қирқма тўп, қирқма милтиқларнинг кашф этилиши ва бу воситаларни ҳарбий ишга кенг қўлланиши (19-а.нинг 2-ярми)- стратегия ва тактикада муҳим ўзгаришларга олиб келган. Қирқма қуролларнинг пайдо бўлиши ўт очиш тезлиги, узоқ масофадаги нишонни аниқ олиш имконини берган, бу қўшинларни катта талафотлар бераётган колонна бўлиб сафга тизишдан воз кечиб, пиёдаларни занжир сафга ҳаракат қилишга олиб келган. Бироқ,



Биринчи жаҳон урушигача занжир саф жуда қалин бўлиб, бу ҳолат оғир талафотларга сабабчи бўлган.

20-а. бошида армияларнинг сони кескин ошган, уларни катта миқдорлари тез отар тўп-замбараклар, пулеметлар, милтиқ

Мўғул отлиқ қўшинининг тартибсиз чекинаётган рақибларни таъқиб этиши (Берлин давлат кутубхонаси; 14-аср миниатюраси).

дар б-н қуроллантириш имкони туғилган. Қўшинларни бошқаришда техник воситалардан фойдаланила бошланган, алоқа йўллари ривожланган ва маневр қилиш имкониятлари кенгайган. Жанговар ҳаракатларнинг янги шакли — операция шакллана бошланган. Операция — қўмондонликнинг ягона мақсади йўлида бирлашган бир ёхуд бир неча армиялар томонидан олиб борилган жанглар мажмуи. Биринчи жаҳон уруши даврида ҳарбий операция тушунчаси амалий ва назарий жиҳатдан шаклланган. Янги стратегик бирлашмалар — фронтлар пайдо бўлди; фронт операциялари ўтказила бошланган. Артиллериянинг тез суръатлар б-н ривожланиши, авиация, танклар ва заҳарловчи моддаларнинг пайдо бўлиши натижасида тактика соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берган. Тактик вазифалар пиёдалар, артиллерия, танклар ва муҳандислик қўшинларининг биргаликда, умумий ҳаракатлари б-н ҳал этилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ҳ.с.ларда тараққий этган. Германия уруш бошида танк ва механизациялашган қўшинлардан умумли фойдаланган, уларни авиация қувватлаб турган; қўшинларни бошқариш яхши йўлга қўйилган, бу дастлабки даврда фашистлар армияларининг йирик талабаларга сабаб бўлган. Бироқ Москва остоналарида фашистлар совет қўшинларидан биринчи бор йирик маглубиятга учрағанлар.

Урушдан кейинги иқтисодий ривожланиш, фан ва техника ютуқлари ҳарбий техника соҳасида янги кашфиётларга олиб келди. 1953 й.дан ядро қуроллт ва ракеталар бир қанча мамлакатларнинг қуролли кучларига кенг жорий этила бошланди; қўшинлар электрон ва б. техника б-н жиҳозланадиган бўлди. Ҳарбий-десант кучлари янада ривожланди. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари қурол-аслаҳалари ва тизимлилиги тузилиши кескин ўзгарган. Ҳарбий-ҳаво кучларида поршенли самолётлар, реактив самолётлар б-н алмаштирилган. Бугар Ҳ.с.нинг барча соҳаларн: стратегия, оперативлик санъати ва тактикасида туб ўзгаришларга олиб келган. Ядро қуролидан фойдаланиш эҳтимоли уруш характерига қарашларни қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

Туркий қавмлар жаҳондаги энг қад. халқлардан саналиб, улар яшаган ҳудуд фақат ҳоз. Ўрта Осиёни қамраб олмасдан балки шарқда Тинч океани, ғарбда Днепр ва Дон дарёларига қадар бўлган улкан ҳудудни қамраб олган.

Улар ўзаро маданий, иқтисодий ва билан ҳарбий-сиёсий алоқада бўлганлар. Турон заминида яратилган кашфиётлар, жанг қилишнинг янги усуллари барча туркий халқлар томонидан тезда ўзлаштириб олинди, янги босқичга кўтарилган. Мил. ав. 3-минг йиллик охири — 2-минг йилликда Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Ғарбий Сибирь ҳудудларида бронза даврининг Андронов маданияти вужудга келди. Бу маданият ўзининг ривожланиш даврида Ўрта Осиёдаги Ҳинд-Эрон маданиятларига ҳам таъсир кўрсатган. Бу маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари ҳарбий техникада ҳам ўз аксини топган. Бронза даврининг Андронов маданияти ёдгорликларидан топилган ҳарбий қуроллар ва ҳарбий техника намуналари ўзининг мукаммаллиги билан ажралиб туради. Бу даврда ҳарбий қуроллар ва ҳарбий техника ишлаб чиқаришда металлургия ва металлга ишлов бериш соҳаларида катта ютуқларга эришилган. Бронза даврининг Андронов маданияти ёдгорликларидан топилган ҳарбий қуроллар ва ҳарбий техника намуналари ўзининг мукаммаллиги билан ажралиб туради. Бу даврда ҳарбий қуроллар ва ҳарбий техника ишлаб чиқаришда металлургия ва металлга ишлов бериш соҳаларида катта ютуқларга эришилган.

Жаҳон Ҳ. с.и тараққиётида туркий халқлар мумтоз ўрнини эгалладилар. Машҳур араб адиби Жоҳиз (775—868) нинг «Маноқиб ал-атрок» («Туркий халқларнинг хислатлари») асарида «Сосоний форслар барча халқлардан давлатни бошқариш санъатида, хитойликлар — қунарнамалликда, ҳиндлар — илм-фанда ва туркийлар ҳарбий ишда устундир», деб ёзади.

Қадимда сак жангчиларининг қалин кигиздан тикилган, чўққи қалпоқлари бўлган. Улар ўзлари тайёрлаган камон ва ханжар(акинак) б-н, шунингдек, оёбголталар (сагарислар) б-н қуролланганлар. Саклар моҳир тирандоз эдилар. Сак суворийларининг довруғи бутун Шарқда машҳур бўлган. Юнон-форс урушида, хусусан, *Марафон жангида* (мил. ав. 490 й.) *сак отлиқ жангчилари алоҳида жасорат* кўрсатганлар. Кўшинининг марказида форслар б-н ёнма-ён туриб урушган саклар афиналикларнинг қаторини ёриб ўтиб, уларни мамлакат ичкарисига қадар таъқиб этиб боришган. Бироқ форс қўшинининг қанотлари зайифлиги туфайли қуршовга тушиб қолиш хавфи туғилган. Шу сабабли оркага чекинилган. Сак суворийлари *жанг пайтида оркага ўгирилиб ҳам* бекато отар эдилар.

Мил.ав. 329—327 йилларда Спитамен Александр (Искандар)га қарши партизан усули тактикасини қўллаган.

Мил. ав. 3-а. охирида *ҳунлар* ўзбекдори *Моде хақон* ҳарбий ислоҳот ўтказган. У анъанавий енгил отлиқ қўшини оғир қуролланган отлиқ қўшинга айлантиради. *Геродот* массагетлар *қўшинидаги отлиқ жангчиларнинг* оғир қурол-аслаҳалари бўлганини қайд этган. Шунисн характерлики, кейинчалик бундай қуролланиш олати Орол бўйларидан сармат-аланлар оркали Шарқий Европага тарқалган. *Парфонлар* римликларга қарши Карри жангида уни илк бор кенг қўллашган (қ. *Катафрактлар*). Массагетлар юртидан Мўғулистон, Хитой ва Сибирь (Олтойдаги *оғир қуролланган суворийга* мўлжаллангап баланд бўйли ажойиб жанговар отлар тарқалган. Ҳунларнинг ҳарбий тартибига биноан ҳар бир минг кишидан иборат бўлган қўшинга минг-бошн, 100 кишидан иборат қўшинга юзбоши, 10 жангчига — ўнбоши бошчилик қилган. Қўшин, асосан, отлиқ аскарлардан иборат бўлган. Ҳунлар қўшини 4 қисмга бўлиниб, ҳар бир қисм *жангчилари* маълум рангдаги отларни минган суворийлардан иборат бўлган. Қўшиннинг ирғб томонида саф тортган суворийлар оқ от, шарқий қисмида — бўз от, шим.да — қора от ва жан.да сариқ (саман) от миниб сафда турганлар. Ҳунларнинг отлиқ қўшини, асосан, камон б-н қуролланган *учун ҳарбий тактика ва жанговарларни* усталик б-н олиб борган. Душманга ўзларини чекинаётган қилиб қўрсатиб, уларни алдаб, узоқ масофагача орқаларидан эргаштириб борганлар. Душман уларни таъқиб этиб чарчаган пайтда ҳунлар рақибларига кўққисдан ҳамла қилиб уларни тормор этганлар. Мабодо енгилиб қолсалар, ҳунлар ҳар томонга тарқалиб кетганлар. Ҳунларни таъқиб этувчилар қочаётганларнинг қайси бирини орқасидан қувишни билмай саросимага тушиб қолган пайтлар кўп бўлган. Айнан ҳунлар даврида Осиё ўғл минтақаларида Ҳ.с.нинг ҳарбий-техникавий ва ташкилий соҳаларида бир қатор муҳим янгиликлар тарқалган: суяк қопламли мураккаб тарқибли камон, ҳуштак товушини берувчи кўп паррали пайконлар, қўшни тузилишининг марказлашган тизими, масофа жангни олиб боришнинг самарали тактикаси, мудофаа иншоотлари (ҳарбий истеҳкомлар) қуриш анъаналари вужудга келди. Ўрта Осиёда *Кушон подшолиги* даврида салтанат саркдалларида мустаҳкам қалъалар (кумалан, Хоразмдаги Аёз қалъа, Тупроққалъа ва б.) қурилиши кент ривожланган. Шаҳарлар буржли қалин деворлар б-н ўраб олинган. *Кушк давлати* қўшинининг асосини енгил отлиқлар ташкил этган, қўшин сафарда экзилгида разведка *миқдорида* оллинга илғор қисм жўнатилган. Ўтмишда ҳар бир қабиланинг ўзига хос ўроои бўлган. Бир неча қабилалар бирлашиб, душманга қарши



Амир Темур Кичик Осиёдаги Сивриш шаҳрини забт этиши (миниатюра, 1467).

қуралшайтган пайтда қабила саркарадеси ўзига тегишли қабила жангчиларини чақирмоқни бўлса қабила уруғининг номини айтиб чақиртан. Ўрта асрларда уруғлардан жуда кенг фойдаланилган. *Ўғизлашлар* даврида жанг қилишнинг асосий усулларидан бири, кучли рақиб б-н лозма-юз жанг қилмасдан унинг 2 қаноти бетўхтов зарбалар бериш йўли б-н ўзи қолдан тойдириш бўлган.

Турк хоқонлиги даврида Ҳ.с, ямала ривожланган. Жанг тақдирини оғир қуролланган суворийларнинг ёйма қолда галаданиб қолган ҳужуми ҳал этган. Суворийлар орасидаги масофа шу қадар сезиларли бўлганки, амалда ҳар бир жангчи ўз қолига тошлаб қўйилган. Демак, жангнинг муваффақиятли бўлиши ҳар бир жангчининг шахсий тайёргарлигига боғлиқ. Яккама-якка олишув жангнинг муҳим қисми бўлган. Баҳодирлар қўшинининг зарбдор қисми бўлиб уларнинг ёлими олатда қўшин орасида саросималик тугдириб, мағлубиятга олиб келган. Бироқ жанг қилишнинг бундай содда усулларидан бошқа, машҳур қилиш — ёнбошдан айланиб ўтиш усули ҳам бўлган (мас., Тўнюқуқ бошчилигидаги қўшининнинг қирғизларга қарши пайза баландпарвозидаги қор қопларан тоғдан оқиб тўкатган қилган ҳужуми ва Қора Иртишдан ўтиб тургизлар ухлаб ётганда қўққисдан ҳужум қилиб уларнинг тор-мор қилинганлиги).

Турк саркардалари рақибни тафлатда қолдириш усулидан кенг фойдаланганлар. Араблар истилоси даврида Суғдга ёрламга келган туркаплар кичик уруш тактикасини қўллаганлар. Уларнинг енгил отлиқ қўшини араб гарнизонларини доимо ўта қушёр ҳолатда туришга мажбур қилган. Араблар ғиқат жанг б-н олишган шаҳарлар ва водийлардаги ҳимоячи қишлоқлар бўйсунган. Турк хоқонлигида қўшин зарбдор қисмлардан — камон б-н қуролланган енгил отлиқлар ва оғир қуролланган отлиқлардан, шунингдек, кўп сонли ёрламни қисмлардан: пиёдалар, утруқ, хизматкорлар, таъминот хизмати ва ҳоказолардан иборат эди.

Ибн Халдуннинг ёзишича, инсоният вужудга келгандан бери ер юзида урушлар 2 йўл б-н олиб борилган: ёнри — саф тортиб ҳужум қилиш (биз-мажф суффда), иккинчиси — ал-карр ва-л-фарр(айниқи, «ҳужум ва чекиниш») усули, яъни шиддатли ҳужум қилиш ва рақибнинг тузокқа тушириш мақсадида ёлғондакам чекиниш тактикаси. Бу усулларнинг биринчисига «соғонийлар усули», иккинчисига «турқийлар усули» деб ном берилган. Урушга туркий қабилалар тинчлик пайтида турли спорт ўйинлари ва айниқса ов қилиш кабиларни фойдаланиб тайёргарлик кўрганлар. *Табарийнинг* таъкидлашича, «хоқонга тегишли ўтлоқ ва тоғ кўруқлари бўлиб, уларга ҳеч ким ов қилишга журъат этмаган, ҳеч улар уруш қилиш учун қоля қолдирилган. Бу ўтлоқ ва ерлар ов қилиш учун ажратилган эди». Бирор мамлакатга бостириб киришда ва айниқса жанга тайёргарлик кўришда турқийлар айтоқчилик ва разведкага катта эътибор берганлар, бунинг учун жосуслар ёхуд турли миқдорда ги махсус қарбий қисмлар (талма) олдинга юборилган. Хоқон сафарда ўзининг шахсий қўриқчилари (шурта), бир хил қийимдаги гвардиячи (хариқ), туркий қабилалардан ташкил топган ялпоқлар, бундан ёлғизма қўшин б-н чиққан. Жанг бошланишидан олдин хоқон 2—3 саркарда б-н бирғаликда қўшиндан ажраб теварак-атрофни текширib чиққан, атрофда қўшмаларган ерни кўрса, ўша ерни ҳужум қилишни буюрган. Жанг пайтида хоқон тепаликка ўрнатилган олтин тахтга ўтириб жангни кузатган. Жангни рақиб жангчилари б-н якама-якка олишувни баҳодирлар бошлаб берган.

Туркийлар ўз шаҳар-қалъаларини ҳам тадбиркорлик б-н мудофаа этганлар. 722 ё. араблар Балонжар қалъасини қамал қилганида *хазарлар* 300 дан ортиқ аравя (а'жала) тўплаб, уларни бир-бирига боғлаб қалъаларнинг атрофида мудофаа халқини сафатида қўйиб чиқиб, бу б-н рақибнинг қалъага кириишга тўсқинлик қилганлар.

Туркий халқларда 9—10-а.ларда Ҳ.с. янада юқори босқичга кўтарилган. Жанонда бу даврда отлиқ қўшининг роли ошган. Яқин ва Ўрок Шарқ ҳукмдорлари туркийларни ўз хизматларига олишга ҳаракат қилишган. Улар орасида туркий гуломлар (қуллар) муҳим ўрин тутган. Туркийларнинг жанговарлик сифатлари Шарқда муносиб баҳоланган. Чунончи, 10-а. бошида Византия императорларининг ва Аббосий халифаларнинг шахсий гвардияси туркийлардан иборат бўлган.

Туркий халқларнинг Ҳ.с.н, айниқса, *Амир Темур* ва *темурийлар* даврида ўзининг юксак босқичига етган (қ. *Темурийлар харбий санъати*).

15—16-а.ларда эътиборан Европа мамлакатларидаги ижтимоий юксалиш, Буюк географик кашфиётлар, ўт сочар қуроллар, артиллериянинг кенг тарқалиши б-н Ҳ.с.да туб ўзгаришлар содир бўлган. Лекин шу б-н бирга Ўрта Осиё минтақасининг турли ижтимоий-сиёсий вазиятларга кўра карвон йўлларидан, Европа мамлакатларидан узилиб қолганлиги, ўзаро ички низолар Ҳ.с. тараққиётига салбий таъсир қилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, харбий соҳага алоҳида эътибор берилди. 1995 й. янг.да Ўзбекистон Республикасининг харбий доктринаси қабул қилинди, у мамлакатнинг харбий соҳалари сиёсатини белгилаб берди. Минтақадаги харбий сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда 2000 й. 3 фев.да Ўзбекистон Республ-



Амир Темур қўшинларининг жанговар тактикасидан бир кўриниш. Мил. миниатюра (1998; Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари Марказий музейи).

ликасининг Мудофаа доктринаси қабул қилинди.

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз олдидаги муҳим вазифалардан бири сон жиҳатидан унча катта бўлмаган, замонавий қурол-яроғ ва техника б-н қуроланган армияни, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг энг самарали усулларини эгаллаган ва ҳар қандай бекорчи кучларга қарши курашга ҳамда зарба беришга қодир бўлган тезкор ҳарбий қисмларни яратишдан иборат (қ. *Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари*).

Ад.: Каримов И., Миллий армиямиз — мустақилligимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир, Т., 2003; Каримов И., Армия — давлат тинчлиги ва тинчлик кафолати, Т., 2005; Розин Е.А., История военного искусства, т.1—3, М., 1955—61; Дельбрюк Г., История военного искусства, т.3, М., 1963; Военное дело древнего и средневекового населения Северной и Центральной Азии (Сб. науч. трудов), Новосибирск, 1990; Абулғозий, Шажарайи турк, Т., 1992; Далабоев Ҳ., Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати, Т., 1996.

Фахриддин Ҳасанов.

ҲАРБИЙ СИР — ошкор қилиниши мамлакат мудофаа қобилиятги, давлат хавфсизлиги ва қуролли кучлари учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳарбий йўсиндаги маълумотлар. Ҳ.с.ни ошкор қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жазо чоралари белгиланган.

ҲАРБИЙ СТРАТЕГИЯ — *ҳарбий санъатнинг* энг олий соҳаси. Мамлакат ва қуролли кучларни урушга тайёрлаш назарияси ва амалиёти, урушни режалаштириш ва олиб бориш масалаларини ўз ичига олади, уруш қонуниятларини таҳлил қилади, стратегик операцияларни тайёрлаш ва ўтказиш усуллари ҳамда шаклларини ишлаб чиқади, фронт, флот ва армияларнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб беради, кучларни ҳарбий ҳаракатлар майдонлари ва стратегик йўналишлар бўйича тақсимлайди. Ҳ.с. давлат сиёсати б-н узвий боғлиқ бўлиб, ҳарбий доктрина талабларидан келиб чиқади. Сиёсат Ҳ.с. олдига вазифалар қўяди. Ҳ.с. эса уларнинг бажарилишини таъминлайди. Ҳ.с. иқтисод б-н жамиятнинг ижтимоий тузуми, и.ч., фан ва техниканинг тараққиёт даражаси б-н боғлиқ. Ҳ.с. қуролли кучлар учун ягона қисобланиб, тавсияларини бажариш унинг барча турлари учун мажбурийдир. Ҳ.с. оперативлик (тезкорлик) санъати ва тактикага нисбатан дастурий роль ўйнайди ва айни вақтда уларнинг имкониятларини ҳисобга олади.

ҲАРБИЙ СУДЛАР (ЎзРда) — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида иш олиб борувчи ва Ўзбекистон-нинг суд ҳокимияти тизимига кирувчи умумий юрисдикциия судлари. 1992 й. 28 февҳа қабул қилинган «Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида»ги Президент фармони б-н республика қуролли кучларида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ҳудудида жойлаштирилган ҳарбий трибуналлар Ўзбекистон Республикаси номидан одил судловни барча ҳарбий қисмлар, бўлинмалар, стратегик ва умумий йўналишдаги бирлашмалар, ҳарбий-ўқув даргоҳлари, муассасалар ва б. ҳарбий тузилмаларда амалга ошириладиган бўлди. Мазкур фармон б-н бир вақтда собиқ Туркистон ҳарбий округининг Ҳарбий трибунали асосида Ҳ.с.лар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Ҳ.с.и тизими Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий Ҳ.с.-дан иборат. Ўзбекистон Республикаси Ҳ.с.и: республика Мудофаа вазирлигининг, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг, Миллий хавфсизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг ҳарбий хизматлари, шунингдек, ўқув йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўради. Шунингдек, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни; алоқида ҳолатларга кўра умумий юрисдикциия судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишларини; давлат сирларига тааллуқли ишларни; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишларни кўради.

Ҳ.с.нинг фаолияти устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди назорат қилади, Олий суд раиси Ҳ.с. ишларининг ташкил этилишига оид буйруқ ва фармойишлар чиқаради. Ҳ.с.нинг моддий-техник таъминоти, уларни молиялаштириш, транспорт ва алоқа воситалари б-н таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги зиммасидадир.

Зуҳрад Ишанхўжаева.

ҲАРБИЙ ТАРИХ — 1) ҳарбий ишнинг қад. замонлардан қозирга қадар бўлган ривожланиш жараёни; 2) ўтмишдаги урушлар ва қуролли кучларни ўрганувчи, уларнинг ривожланиш қонуниятларини очиб берувчи фан. Ҳ.т. тарих фанининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу б-н бирга ҳарбий фаннинг бир қисми бўлиб, ўтмишдаги урушларнинг стратегия ва тактикаси назариясини ўрганади.

Ҳ.т.нинг энг муҳим соҳалари: урушлар тарихи — конкрет урушларнинг мақсади, сабаблари ва ҳарактерини, уларнинг боришш, натижалари ва тарихий аҳамиятини очиб беради; қуролли кучларнинг қурилиш тарихи — қўшин турлари ва қуролларнинг ҳар хил турларининг яратилиши, тайёрланиши, тузилиши ва техник асосларни жараёнини ўрганади; ҳарбий санъат тарихи — ҳарбий ҳаракатларнинг бориш шакли ва усулларининг алмашиш ва ривожланишини текширади; ҳарбий тафаккур тарихи — уларнинг табиати ва ҳаракатерига қараб ҳарбий-назарий қарашлар ривожини, урушларни тайёрлаш ва уларни олиб бориш, ҳарбий қурилиш ва ҳарбий санъат масалаларини ҳал қилишни ўрганади. Ҳарбий тарихшунослик, ҳарбий манбашунослик ва ҳарбий археография ҳарбий тарихнинг махсус бўлимлари ҳисобланади.

Ҳ.т. мавзусида турли давлатларда олиб борилган ишларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш мақсадида 1938 й.да ҳарбий тарих бўйича халқаро комиссия (ICMH — International Commision of Military History) ташкил этилган ва у ҳарбий тарихчилар учун фикр алмашиш платформаси сифатида фаолият юритмоқда. ICMHга аъзо бўлган давлатларда миллий комиссиялар ташкил этилган бўлиб, ICMH қурултойлари 1980 й.га қадар ҳар 5 й.да бир марта, кейинги даврда эса ҳар йили ўтказиб келинган.

Ҳоз. даврда ICMHга Туркия, Германия, АҚШ, Албания, Аргентина, Австралия, Австрия, Белъгия, Бразилия, Болгария, Хитой, Чехия, Дания, Марокаш, Финляндия, Франция, ЖАР, Жан. Корея, Нидерландия, Буюк Британия, Ироннинг, Испания, Исроил, Швеция, Швейцария, Италия, Япония, Канада, Венгрия, Норвегия, Польша, Португалия, Руминия, Россия, Словакия ва Греция каби давлатлар аъзо бўлиб киргап.

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ — қуролли кучлар ва қўшин турлари учун кадрлар тайёрлаш, Ҳ.т.нинг пайдо бўлиши ва тараққиётига ҳарбий фан ва ҳарбий санъат тараққиётя б-н узвий боғлиқ. Мустақил таълим сифатида Европа мамлакатларида 17-а. охири — 18-а. бошида вужудга келган; бир қатор мамлакатларда махсус ҳарбий ўқув юртлари тузилган.

Ўзбекистон Республикасида Ҳ.т. Қуролли Кучлар қўшин турлари учун кадрлар тайёрлаш, аҳолига бошланғич таълим бериш тизими. Ҳ.т. 3 босқич (бошланғич, олий ва академик олий таълим)да амалга оширилади. Бошланғич Ҳ.т. умумтаълим мактабларида, ўрта махсус ва ўрта касб-ҳунар таълими муассасаларида, ҳарбий лицейларда, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасаларида амалга оширилади. Олий Ҳ.т. Мудофаа вазирлиги тизимидаги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль билим юрти, Чирчиқ олий темир ҳажмдом-муҳандислик билим юрти, Жиззах авиация олий ҳарбий билим юрти ҳамда Тошкент ахборот технологиялар университетининг махсус ф-тида амалга оширилса, Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти ҳамда Енгинган сақлаш олий техник мактабининг, Бинни хавфсизлиги олий техник мактабида, Олий Академик таълим *Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси* ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Ички ишлар академиясида амалга оширилади.

Ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштирган ва Давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширган курсантларга «лейтенант» офицерлик унвони ҳамда содасига мувофиқ олий маълумотни тасдиқловчи давлат намунасидаги диплом ва кўкрак нишони топширилади.

ҲАРБИЙ ТРАНСПОРТ АВИАЦИЯСИ — қуролли кучлар таркибига кирувчи ҳарбий ҳаво кучларининг бир тури. Ҳаво десантларини ташиш, қўшинларнинг ҳаводаги маневрини таъминлаш, тезкор қўшинлар ҳаракатини таъминлаш, разведка, ретрансляция, бомбардимон қилиш, қурол-аслаҳалар, ёқилғи, озиқ-овқат ва б. моддий воситаларни ташишга мўлжалланган.

ҲАРБИЙ УНВОНЛАР — қуролли кучларнинг ҳар бир ҳарбий хизматчиси ва захирадаги ҳарбий мажбуриятли шахси уларнинг хизмат мавқеи, ҳарбий ва махсус тайёргарлиги, ўтаган хизмати муддати, қайси қўшин ёки хизмат турига мансуб эканлигига, шунингдек, кўрсатган хизматларига кўра берилаланган унвон. Ҳ.у. ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатларидаги мавқеларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 й. 16 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар штат тузилишини такомиллаштириш ҳақидаги»ги фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қуйидаги ҳарбий унвонлар жорий этилади:

Қўшин ва кема турлари учун унвонлар:	тармаклари учун унвонлар:
I. Оддий аскарлар таркиби	
оддий аскар	матрос
II.Сержантлар ва старшиналар таркиби	
кичик сержант	2-даражали старшина
сержант	1-даражали старшина
катта сержант	бош старшина

III. Офицерлар таркиби

Кичик офицерлар таркиби

лейтенант	лейтенант
катта лейтенант	катта лейтенант
капитан	капитан лейтенант

Катта офицерлар таркиби

майор	3-даражали капитан
подполковник	2-даражали капитан
полковник	1-даражали капитан

Генераллар таркиби

генерал-майор
генерал-лейтенант
генерал-полковник
армия генерали

Қуролли Кучлардаги олий ҳарбий унвон армия генерали бўлиб, бу унвон (уруш даврида) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондонига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирига берилади.

Юридик ёки тиббий йўналишдаги ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликка эга бўлган ҳарбий хизматчи ва ҳарбий хизматга мажбурият ҳарбий унвонига тегишли «адлия» ёки «тиббий хизмат» сўзлари қўшилади.

Офицерлар Ҳ.у.ида мавжуд бўлган «кичик лейтенант», шартнома-контракт асосида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчиларда мавжуд бўлган «прапоршчик» унвонлари бекор қилинди.

ҲАРБИЙ ФАН — уруш тайёрланиш ва уруш олиб бориш ҳақидаги билимлар тизими. Ҳ.ф.нинг энг муҳим тармакибий қисмлари: *ҳарбий санъат* назарияси; қуролли кучлар қурилиши назарияси; қуролли кучлар ҳарбий иқтисодиёти ва фронт орти назарияси; ҳарбий таълим-тарбия назарияси ва бошқалар. Ҳ.ф. ижтимоий, табиий ва техникавий фанларнинг махсус соҳалари б-н боғлиқ.

Ҳ.ф. узоқ тарихий давр мобайнида ташкил топган ва ривожланган. Илк ҳарбий-назарий билимлар Қад. Миср, Эрон, Ҳиндистон ва Рим давлатлари пайдо бўлган; уруш тажрибалари умумлаштирилиб, ҳарбий-тарихий маълумотлар тўпланган. Ўрта асрларда профессионал армияларнинг пайдо бўлиши, янгича ўт қочар қуролларнинг жорий этилиши уруш олиб бориш усулларига ҳам ўзгартиришлар киритган. Бу эса, ўз навбатида, Ҳ.ф.га таъсир кўрсатади. Бу даврда яратилган асарлар ҳарбий-тарихий баён характерида бўлса ҳам Ҳ.ф.нинг келгуси тараққиёти учун катта аҳамиятга эга. 18-а. урушларида тўпланган ва умумлаштирилган амалий жанговар тажрибалар ҳарбий-назарий фикрнинг ривож топишига сабаб бўлди. Хусусан, Буюк француз инқилоби (18-а. охири) Ҳ.ф. асосларининг ташкил топишида муҳим роль ўйнади. 19-а.да Ғарбий Европала Ҳ.ф. янгича модлий-техника базиси асосида ривожланди. Қурол-ярог ва жанговар техника (айниқса артиллерия) такомиллашди, қўшинга мамлакатларда ҳарбий хизмат мажбурияти жорий этилди, армиянинг сони ўсди. Қуролли кучлар қурилиши, қўшин таълими ва тарбияси масалаларини ишлаб чиқишга киришилди. *Наполеон I* Франция қуролли кучларини қайта қуриб, уруш олиб боришнинг янгича шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш б-н Ҳ.ф. тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. 19-а.нинг 2-ярмида вужудга келган бош штаблар ҳарбий и. т.ларни ташкил этиш марказлаштиришга айланди.

Россияда ҳарбий ишнинг тубдан қайта тузилиши *Петр I* номи б-н боғлиқ. У стратегия ва тактикадинг ривожланишига катта ҳисса қўшди, қатор йирик ҳарбий ислоҳотлар қилди, ҳарбий таълимнинг самарадор усулларини ишлаб чиқди. Рус Ҳ.ф.нинг тараққиётига П.А.Румянцев, А.В.*Суворов*, М.И.*Кутузов*, Ф.Ф.Ушаков ва б. йирик сарқардалар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда фан-техника тараққиёти туфайли ҳарбий ишда туб ўзгаришлар рўй берди. Ракета-ядро қуроллари ва б. янгича уруш воситаларининг пайдо бўлиши ва ривож топиши қуролли кучлар тузилишида, мамлакатни эҳтимол тутилган урушга тайёрлашнинг характерида янги сифат ўзгаришларига олиб келди. Ҳ.ф.инг ҳулосалари ва *илмий асосланган тавсияларидан* жаҳоннинг етакчи давлатлари ўз мудофаа қудратларини янада оширишда ўзлари фойдаланмоқдалар.

Ўрта Осиё халқлари тарихида ҳам Ҳ.ф. муҳим ўрин тутган. Урхун-Енисей битиктошларн, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» каби асарларида ҳарбий ишга доир қатор *пандномаларни* учратиш мумкин. Улардa жангга тайёргарлик кўриш, жанггоҳни танлаш, қўшинни сафлаш, қўшин таъминоти ва б.га оид қўплаб маълумотларни учратиш мумкин. *Амир Темур* ва *темурийлар* даврида ҳарбий санъатнинг ривожиши б-н Ҳ.ф. соҳасида ҳам назарий асарлар пайдо бўлди. Улар орасида «Темур тузуклари» мумтоз ўринга эгаллайди. Асарда қўшин бошлиқларини танлаш, армиянинг тузилиши ва жанг олиб бориш қоидалари, сипоҳийларнинг маоши, қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, уларнинг ахлоқда ҳизматларини тақдирлаш ва б. қайд этилган. Бу асар кейинги давр ҳукмдорлари учун ҳам дастурламал бўлиб хизмат қилган. Ўзбекистонда Ҳ.ф. турли олий ва ўрта *ҳарбий билим юртларида ўқитилиб* келинмоқда (қ. *Ҳарбий таълим*).

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — фуқароларнинг қуролли кучлар ҳарбий қисмлари ва муассасаларида ҳарбий мажбуриятни бажаришдан иборат давлат хизмати тури (қ. *Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат*).

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МАЖБУРИЯТИ — *давлатнинг қонунга биноан ўз мамлакати қуролли кучлари сафида хизмат қилиш* (олтида 18 ёшдан) мажбурияти. Дастлаб 1798 й. Францияда жорий қилинган. 19-а.да бошқа давлатлар ҳам оммавий армиялар тузиш мақсадида Ҳ.х.м. тартибига ўтишган. Ўзбекистон Республикасида Ҳ.х.м. *Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат* тўғрисидаги ЎзР қонуни асосида амалга оширилади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТДАН БОШ ТОРТИШ (ЎзРда) — фуқароларнинг мамлакат конституциясида назарда тутилган ўз фуқаролик бурчини бажаришдан бош тортиши. Бу, аввало, *чақирилувчининг узрли сабабларсиз* чақириқ комиссиясига етиб келмаганлигида ифодаланади. Расмий ҳужжатлар б-н тасдиқланган турли ҳолатлар чақирик жойига келмасликнинг узрли сабаблари бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларга чақирилувчининг яқин қариндошларидан бирининг савоматлиги оғирлашган ёки вафот этган ҳолатлари, чақирилувчига боғлиқ бўлмаган тарзда унинг чақириқ комиссиясига боришига монелик қилган табиий ёки бошқа сабаблар киради. Чақириқ ёшидаги шахснинг конституцияда назарда тутилган ўз фуқаролик бурчини бажармаслик учун турли усуллардан фойдаланиши ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ҳисобланади. Бўйин товлаш узрли сабабларсиз, *ҳужжатларни қалбакилаштириш, алдаш ва б. йўллар* б-н чақириқ пунктига белгиланган вақтда етиб келмасликда ифодаланади. Бу усуллар*нинг* ҳаммаси Ҳ.Х. б.т.ни англатади ва «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1992 й. 3 июль)ни бузганлик учун жавобгарликни келтириб чиқаради.

ҲАРБИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ — қуролли кучларнинг барча турлари, қўшин турлари ва махсус қўшинлар учун кадрлар *тайёрловчи* ўқув муассасаси. Ўзбекистон Республикасида ҳарбий ўқув юртларига ҳарбий академия, олий ҳарбий билим юртлари, ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейлар, фуқаролик олий ўқув юртларининг ҳарбий ф-тлари киради. *Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси*, Ички ишлар вазирлигининг академияси, Тошкент олий умумқўшинлик қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий таноқ қўмондон-мухандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль билим юрти, Жиззах авиация олий ҳарбий билим юрти, Тошкент ҳаборот технологиялар ун-тининг махсус ф-ти, Тошкент техника билим юрти, Енгил ҳавқсизлиги олий техника мактаби, сержантлар тайёрлаш мактаблари ҳамда фуқаролик олий ўқув юртларининг ҳарбий ф-тлари фаолият кўрсатмоқда.

ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД — қуролли кучлар *сафига қирғётган* ҳар *бир* фуқаронинг Конституция ва қонун талабларига биноан Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас бурчни бажаришга бағишланган тантанали ваъдаси (қасами). Аксарият давлатлар қуролли кучларида қадимдан мавжуд. Хусусан, Ҳ.қ. қабул қилиш ўтмишда Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур армияларида ҳам бўлган. Ҳ.қ. мазмуни халқнинг урф-одатлари, анъаналари *б-н боғлиқ*.

Ҳ.қ. давлат нуқтаи назаридан Ватанни муносиб ҳимоя қилиш бўйича ҳарбий хизматчига қўйиладиган асосий талабларни мужассам этадиган ҳуқуқий ҳужжатдир. Ҳ.қ. қуролли кучларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, уюшқоқлик ва ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик туйғуларини ўйғотишда катта *роль ўйнайди*.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан Ҳ.қ. ҳарбий хизматчи асосий мажбуриятларининг қисқача, аниқ ифодаси. Бу — мустақил Ватанимиз, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қаҳрий жанговар ҳаракатлар жараёнида ёки тинчлик даврида турли шароитлардаги жанговар ўқувларда *аскар рухини, ватанпарварлик* ҳиссиёти, Ватан олдидаги бурчларининг ўзига хос жамланган ифодасидир. Интизомий-сиёсий нуқтаи назардан у жанчиларни Ватанга фидокорона хизмат қилишга, ҳарбий бурчга садоқатли бўлишга ўргатади ва *ўзида халқимизнинг энг олий фазилатларини*, юксак ватанпарварлик туйғуларини, буюк жадодлар анъаналари ҳамда васиятларига содиқликни мужассам этади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳ.қ. матни республика Олий Кенгашининг 1992 й. 3 июлдаги 12-чақириқ 10-сессиясида қабул қилинган. Ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар ҳарбий низомлар талабларн,



Ҳарбий қасамёд қабул қилиш.

қўрол-яроғлар б-н муомала қилиш тартиблари, Ҳ.қ., ҳарбий қисм байроғи ва ҳарбий интизомнинг аҳамиятини ўқув дастурлари орқали ўрганган, таптаналари вазиятда Ҳ.қ. қабул қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг 1-март ҳарбий хизматга қабул қилинган ёхуд ҳарбий хизматни ўтамаган ва 1-марта йиғинларга чақирилган фуқароси ҳарбий қисмининг жанговар байроғи олдида ҳарбий қасамёдни қабул қилади. Бунда қасамёд қабул қилувчи сафдан чиқиб матнни овоз чиқариб ўқийди ва мазкур рўйхатдаги фамилияси қаршисидаги бандга имзо чекади ва ўз ўрнига бориб туради. Қисм командири шахсий тартибини Ҳ.қ. қабул қилинишини б-н таборкалаган, оркестр Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини якро этади ва ҳарбий қисм таптанали марш б-н юриб ўтади.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий гувоҳномаси ва ҳисоб-китоб варақасида ҳарбий қисм штабининг бошлиғи томонидан Ҳ.қ. (кун, ой, йил) қабул қилгани қайд этиб қўйилади.

ҲАРБИЙ ҲОЛАТ — конституциявий ҳуқуқда фавқулодда вазиятларда ўрнатиладиган ва давлат мудофаси ёки жамоат тартиби, давлат хавфсизлигини таъминлаш учун фавқулодда чора-тадбирларни қўллаш б-н ажралиб турадиган алоҳида ҳуқуқий режим. Ҳ.ҳ. уни жорий этишга ваколатли давлат органининг қарори б-н алоҳида ҳолатларда (ҳарбий ҳаракатлар бошланганда, омманинг тартибсизликлар рўй берганда ва ҳ.к.) ўрнатилади. Ҳ.ҳ. айрим жойларда ҳам, бутун мамлакат ҳудудида ҳам эълон қилиниши мумкин. Ҳ.ҳ. пайтида ҳарбий идораларга маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат ва жамоат муассасалари ва ташкилотларига фармойишлар бериш ҳуқуқи берилади. Ҳарбий маъмурларнинг бўйруқ ва фармойишларига бўйсунмаганлик учун ҳарбий давр қонунлари бўйича қучайтирилган жавобгарлик белгиланади. Фуқароларнинг бир қанча ҳуқуқлари чекланиб турилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 18-бандига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини 3 кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади. Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни (1992 й. 3 июль) бўйича Олий Бош ҳўжайинининг вазифалари Ҳ.ҳ. эълон қилиниши билан,ўк Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юкланади. Унинг ҳузурида Мудофаа Кенгаши тузилади. Кенгаш ҳарбий даврда Қуролли Кучларга ва халқ ҳўжалигига раҳбарлик қилади. Ҳ.ҳ. тартиби қонунлар б-н белгиланади.

ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ, Ҳарбий-Денгиз Кучлари — океан ва денгизларга ҳарбий ҳаракатлар майдонида стратегик ва оператив вазифаларни бажаришга мўлжалланган қуролли кучлар тури. Ҳ.-Д.Ф. сув ости кемалари, Ҳ.-Д.Ф. авиацияси, сув усти кемалари, қирғоқ ракета-артиллерия қўшинлари ва денгиз пиёдалари кабн қисмлар тури (мас., Тинч океан флоти, Бозтиқ флоти, Каспий флотилияси ва б.)дан иборат. Ўзр Қуролли Кучларида чегара қўшинлари таркибида қирғовуи Амударё флотилияси мавжуд.

ҲАРБИЙ-ҲАВО КУЧЛАРИ — қуролли кучларнинг оператив-стратегик тоиширқларни ҳал этишда мустақил ёки қуролли кучларнинг бошқа турлари б-н ҳамкорликда ҳаракат қилиш учун мўлжалланган тури. Замонавий Ҳ.-Ҳ.К. жанговар имкониятларига кўра душман авиацияси, ракета қўшинлари, қуруқлик ва денгизлаги ҳарбий группировкаларга, муҳим ҳарбий объектларга ҳамдаётқин зарба беришга қодир. Ҳ.-Ҳ. К. қуруқликлаги қўшинлар ва ҳарбий-денгиз флотида ўтказиладиган жанговар операциялар, ҳаво разведкаси ва ҳаво десантини амалга ошириш, қўшинларнинг манёвр қилишига ва уларнинг таъминланишига қўмаклашади. Ҳ.-Ҳ. К. қуролли кучларнинг асосий турларидан бири бўлиб, муҳим хусусиятларн кенг миқёсда ва юқсак даражада манёвр қилиш, бир йўналиш ва бир объектлаги жанговар ҳаракатни ўздик б-н бошқасига кўчириш, шунингдек, душманнинг орқа томонига таъсир ўтказиш, уларнинг йирик стационар ва ҳаракатдаги объектларини ақсон этиш учун ҳавода туриб қўқдисдан зарба беришдан иборат.

Ўзбекистон Ҳ.-Ҳ.К. Қуролли Кучларининг энг юқори манёврлаигап кўшин турларидан бири ҳисобланади. Улар қуруқликлаги қўшинларни авиацион жиҳатлаи қўллаб-қувватлаш, ҳаво десантчиларини ташлаш, қўшин ва моддий жихатларни ҳаво орқали ташиш, ҳаво разведкасини ўтказиш, жанг майдонида бўлаётган йирик операцияларнинг бориши ва якунланишига таъсир қилиш, республика ҳаво чегараларини мустаҳкам қўриқлаш, каби имкониятга эга.

Ҳ.-Ҳ.К.га ҳавода туриб душманнинг авиация, қуруқликдаги қўшинларини ақсон қилиш, давлат ва ҳарбий бошқарув тизими, фронт ва ҳарбий-иқтисодий қудратига мелик объектлар, транспорт коммуникацияларига зарба бериш вазифаси юкталтлаи.

Ўзбекистон Республикаси Ҳ.-Ҳ.К бомбардимончи, қирувчи-бомбардимончи, қирувчи авиациядан, ҳужум, разведка ва транспорт авиациясидан, шунингдек, турли мақсадларга мўлжалланган вертолётчи қисмлардан иборат. Мавжлакгимиз Ҳ.-Ҳ.К. замонавий қурол-аслаҳалар, навигация воситалари, радиоэлектрон қурилмалар, жанговар самолётлар, вертолётлар б-н тьминланган.

ҲАРОМ — ҳ. *Ҳалоз ва ҳаром.*

ҲАРОМ ҚОРАВОЙ (Phalacrocorax carbo) — қорявойлар оиласига мансуб қуш. Ш а р қ и й Ирим шарнинг Шим.-Ш а р қ и й Европа ва Сибирдан б о ш қ а ҳамма жойларида кенг тарқалган. Оғирлиги 3 кг гача, қанети 33—38 см. Етук шахсларнинг ялпи-бинафша металлдек



Ҳаром қоравой.



Ҳарбий-Ҳаво Кучлари, Жанговар вертолёт.

ятирайди. Бошининг пастки қисмида ярим-ойисимон оқ доғи бор. Ўрнини даврида эмасилда узун ингичка таглар пайдо бўлади. Ҳ.к. — юнонлар куни. Колония бўлиб, сув ҳавзалари ҳирғоғида қоқдарса, қамишлар орасига ва дарахтларга уя қуради. 5—6 та тухум қўяди, нари ва модаси навбат б-н 28—30 кун босади. 12–13 ҳафталик сўнг ёш қушлар мустақил ҳаёт кечира бошлайди. Асосан, балиқлар б-н озиқланади. Балиқчилик хўжаликларига зиён етказади. Овчилик аҳамиятига эга эмас.

ҲАРФ — алифбо сирасида бўлган, ёзувда нутқ товушларини (фонемаларни), уларнинг вариантлари ва баъзи бир қўшимчаларини ифодалаш учун хизмат қиладиган босма ёки ёзма график белги. Одатда ҳар бир Ҳ. бир товуш (фонема)ни билдиради, лекин ёзилган сўзнинг Ҳ.ларга ажралиш ва тегишлича талаффуз этилуви сўзнинг фонемаларга ажралиши идеал ҳолатдагина ўзаро мос келади. Амалда бундай мослик деярли учрамайди: баъзи Ҳ.лар (графемалар) 2 товушни ифодалаши мумкин: ё (й+о), ю (й+у), я (й+а), ц (т+с) каби. Шунингдек, бир товуш (фонема) бирдан ортиқ Ҳ. б-н ҳам ифодаланади. Мас., ўзбек лотини алифбосидаги [ng] Ҳ.лари қўшилмаси 1 та бурун товушини, немис алифбосидаги [sch] Ҳ.лари қўшилмаси шовқинли сирғалувчи (ш) товушини билдиради. Баъзан немисча матнда бир Ҳ. (S) нинг ўзи, қаерда келишига қараб, 3 хил товушни (з, с, ш ундошларини) ифодалайди. Ўзбек алифбосидаги [o] ҳарфи эса ёзувда 4 та ҳар хил товушни: соф ўзбекча қисқа бир хил, рус ва европа тилларидан ўзлашган сўзлар да ургули ҳолатда яна бир хил, урғусиз ҳолатда эса *а, и* унлиларини билдиради.

Ҳ.лар ҳажм-шакл жиҳатдан 2 хил бўлади: бош Ҳ. ва кичик Ҳ. Бош Ҳ. — айримлари ҳажми б-н, айримлари эса шакли б-н ҳам кичик Ҳ.лардан фарқланадиган ва имло қоидалари асосида тегишли ўринларда ишлатиладиган Ҳ.: кичик Ҳ. — имло қоидаларига кўра бош Ҳ. ёзиладиган ҳолларда бошқа ҳар қандай ҳолатда қўлланадиган Ҳ. Бош ва кичик Ҳ.ларнинг расмий қўлёзма шакллари махсус ўқув қўлланмалари — «Хуснихат»ларда кўрсатилади; уларни қўллаш қоидалари имлода белгилаб берилади. Бош Ҳ. на унинг амалда қўлланиши кистабтан кейинги қолипга ҳисобланади. Мас., бош Ҳ.лар лотини ёзувида минолнинг дастлабки асрларида, рус-кирилл ёзувида эса 18—19-а.ларда барқарорлашган. Бош Ҳ. асосан юнон, лотин ва кирилл алифболарига ҳамда улар асосида шакллантан бошқа алифболарга хосдир. Араб, ҳинд алифболарида, иероглифик ёзувларда Ҳ.лар катта (бош) ва кичик хилларга ажралмайди [бирок араб алифбоси (ёзувида аксарият Ҳ.лар алоҳида, сўз бошида, ўртасида ва охирида турлишича қараб шаклан фарқланади). Шунингдек, услуб талабига кўра Ҳ.ларнинг қора (йўғон) ва курсив (қия ва ёзмачага ўхшаш) шакллари ҳам фарқланади.

Ад.: Истрин В.А., Развитие письма, М., 1961; Дерягин Д., Алфавит, пер. с англ., М., 1963; Шепкин В.Н., Русская палеография, М., 1967; Фридрих И., История письма, пер. с нем., М., 1979; Амирова Т.Д., Функциональная взаимосвязь письменного и звукового языка, М., 1985; Зиндер Л.Р., Очерк общей теории письма, Л., 1987.

Абдуқодир Мадалиев.

ҲАРФ ТЕРИШ МАШИНАЛАРИ — матбаа босма қолипи матн қисмини тайёрлаш учун мўлжалланган машиналар. Биринчи Ҳ.т.м. 19-а. бошларида яратилди ва матн сатрларини айрим литера (ҳарф) лардан териш ни механизациялашга имкон берди. 1822 й.да инглиз ихтирочиси У. Чёрч клавиатурали литера териш (литера-набор) машинасини ясади. 1866—67 й.ларда рус ихтирочиси П.П.Киягинский перфолентали дастур асосида бошқариладиган литера териш машинасини яратди. 19-а. охирида линотип ва монотип яратилганидан кейингина Ҳ.т.м. кенг қўлланила бошлади. Фотонабор машиналарининг яратилишидаги дастлабки қадамлар ҳам худди шу даврга тўғри келади.

Ҳ.т.м. асосан уч хилга: териш-қуйиш, териш-ёзиш ва фотонабор машиналарига бўлинади. Буларнинг ярим автомат ва автомат турлари бўлади. Ярим автомат машинада ҳарф терувчи ишчи ҳарфларни асосан клавиатура ёрдамида тераги. Автомат машина эса перфолента ёки бошқа бирор ахборот элтувчига ёзилган дастур асосида бошқарилади. Ҳозир қўлёзма матнлари ва расмлари асосан компьютерда терилиб ва сақифаланиб и.ч.га топширилади. У ерда контакт усулида плёнкага ўтказилиб, монтаж қилингач (саҳифалангач), металл қолипга кўчирилади ва босма машинага ўтказилади.

ҲАРФ-ТОВУШ ЁЗУВИ, ҳарфий ёзув — ҳар бир график белги (ҳарф) алоҳида бир товушни (фонемани) ёки унинг вариантини (аллофонини) ифодалайдиган ёзув тури; фонографик ёзув ривожидаги дастлабки силлобик (бўғинли) ёзув босқичидан кейинги ушбу ёзув баъзи манбаларда алифболи ёзув деб ҳам аталади.

Ҳ.-т.ё., ўз навбатида, маълум кетма-кетликдаги 2 хил кўринишга эга: 1) консонант, яъни ҳарфлар фақат ундош товушларни ифодалайдиган ёзув; 2) вокаллашган, яъни ҳарфлар ҳам ундош, ҳам унли товушларни ифодалайдиган ёзув. Консонант ёзув қад. сом (финикий) алифбосининг яратилиши б-н мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярмида; вокаллашган ёзув (ҳақиқий маънода-ги Ҳ.-т.ё.) эса юнонлар томонидан финикий ёзувининг ўзлаштирилиши ва унга унликларни ифодаловчи қўшимча белги (ҳарф)лар киритилиши б-н мил. ав. 1-минг йиллик-нинг бошларида пайдо бўлган. Ҳ.-т.ё. бошқа ёзув турларига қарағанда жуда кўп афзалликларга эга. Чунончи, бошқа ёзув турлари (мас., хитой иероглифик ёзуви, япон аралаш ёзуви) юзлаб, минглаб, ҳатто ўн минглаб белгилар б-н иш кўришни ҳолда Ҳ.-т.ё.га асосланган алифболар бир неча ўн белги (ҳарф)дан иборат бўлади. Айни пайтда бу ёзув тури саводга ўрганишда ҳам қатор афзалликларга, қулайликларга эга.

Ҳ.-т.ё. бошқа ёзув турларидан мутлақо ажралган, «соф» ҳолда мавжуд бўла олмайди. Унда маълум маънода идеографик-логографик, бўғинли ёзувларнинг ҳам баъзи унсурлари учрайди. Мас., *я* ҳарф-белгиси 2 товуш (й+а)ни ифодалаб, бўғинни ташкил этса, С ҳарф-белгиси калькаро миқёсда кимё, математика, физика соҳаларидаги алоҳида терминлар ва тушунчаларнинг рамзи бўлиб хизмат қилади.

Ад.: Фридрих И., История письма, пер. с нем., М., 1979; Реформатский А.А., Введение в языкознание, М., 1998.

ҲАСАЙНИ — залк селекциясида чиқарилган маҳаллий кўрақи узум нави. Морфологик ва биологик хусусиятларига кўра *Хусайнаки* ажратиб туради. Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига киради. Тупи кучли ўсади. Барглари қисман кертикли, 3—5 бўлакли, йирик (18×20 см), тўқ-яшил, ялтироқ, туксиз. Гули 2 жинс-

ли. Узум боши ўртача, оғирлиги 380—500 г. Меваси йирик (ўртача 5—6 г), чўзинчоқ, цилиндрсимон, тўлиқ пишганда оч сариқ. Таркибида 22—25% қанд бор, нордонлиги 4—3 г/л, эти зич, қарсиллайди. Ҳосилдорлиги ниҳоятда паст (90—100 ц/га). Куз кечаллигига чидами суст. Уруғи юқори қадрланади. Янгилигида истеъмол қилинади, юқори сифатли майиз тайёрланади. Фарғона водийсида кўп экилади.



Ҳасаннинг узум новда.

ҲАСАН ибн Али (625—669) — *Али* ибн Абу Толибнинг (*Фотимадан* туғилган) ўғли, Муҳаммад (сав)нинг набираси, 2-имо имоми. 661 й.да Али ўлдирилгандан кейин унинг тарафдорлари Ҳ.ни Ироқда халифа деб эълон қилган ва *Муовия I* ҳокимиятига қарши курашни янгитдан бошлашга даъват этган. Лекин, Ҳ. Муовия I б-н музокаралар олиб бориб, у б-н келишган, ўзига ҳеч нарсани сўрамаган ва мақлат ҳисобига ҳокимиятга даъво қилишдан воз кечиб, Мадинага кўчиб кетган ва у ерда вафот этган (шаналиқ ривоятларга кўйинса заҳарлаб ўлдирилган).

ҲАСАН БАСРИЙ, Абу Саид Абул Ҳасан Йасор (642—728) — илк исломнинг йирик илоҳиёт олими. Мадинада туғилган, 657 й.дан Басра ш.да ишлаб, шу ерда вафот этган. 663—665 й.ларда ҳоз. Афғонистон ҳудудидаги ҳарбий юришда қатнашган. Халифа Умар ибн Абдулазиз (681—720) даврида Басрада қозилик қилган. Ҳ.Б. атрофида илоҳиёт олимлари тўпланиб, улар ғоявийлар даврлати маъмуриятини белгилаган. Ҳ.Б.-нинг ақлий суянч намоялларини ҳам, *мўътазилийлар* ҳам, суфийлар ҳам ўз устози ҳисобланган. Ҳ.Б. қарашлари ҳақида маълумотлар жуда оз. Уларга кўра, Ҳ.Б. ирода эркинлиги (ихтиёрийлик) масаласида *қадарийлар* нуқтаи назарида турган ва инсон бу дунёдаги қилмишлари учун ўзи масъул эканлигини таъкидлаган. Ҳ.Б. мўътазил сифат қарашларга мос мавқеда турган; умма бирлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, мусулмонлар ўртасидаги ҳарбий можароларни қоралаган.

ҲАСАН ДЕҲЛАВИЙ, Амир (1253, Бадаюн, Шим. Ҳиндистон — 1327, ҳоз. Ҳиндистонинг Ҳайдаробод штати Давлатобод ш.) — ҳиндистонлик форсийўй шоир. 1280—85 й.ларда Мўлтон ш.даги адабий тўгарак аъзоси бўлган, сўнг дўсти Амир *Хусрав Деҳлавий* б-н бирга Деҳлига келган. Ҳ.Д. бу ерда илвал ҳур фикрли шеърлар ёзган бўлса-да, кейинчалик суфийликнинг Низомиддин Авлиё (1236—1325) бошчилигидаги чиштия тариқати хизматига кирган. Мутасаввиф лирик шоир бўлган Ҳ.Д. асарларида *Соёдийнинг* кучли таъсири сезилади. Ҳ.Д. ижодида лирик шеърлар девони, «Ишқнома» достони ва «Фавойид ул-фуод» («Самимий фойдалар») насрий асари муҳим ўрин эгаллайди. «Фавойид ул-фуод» шайх Низомиддин Авлиёнинг ҳикматлар мажмунини қамраб олган бўлиб, чиштия тариқати мафкурасини ўрганишда ишончли манбалардан ҳисобланади. Шоирга унинг газалларни кўпроқ шуҳрат келтирган ҳамда кейинги даврлари Эрон ва Ўрта Осиё шоирлари ижодига сезиларли таъсир кўрсатган.

ҲАСАН ИБН СОҲИБ аш-Шоший (Абу Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид ал-Ҳофиз ал-Шоший) (? — 986) — муҳаддис, ҳофиз. Шошда туғилиб ўсган. Илм талабида Хуросон, Ироқ, Шом, Ҳарамайн (Макка ва Мадина), Яман, Миср(даги алломалардан ҳадислар эшитган. «Тарихи Бағдод» асарида Ҳ. ибн С. Хуросон шаҳарлари, Ироқ, Ҳижоз, Шом ҳақида маълумотлар ёзганлиги қайд этилган. 983 й. Бағдодга келиб Али ибн Ҳашрам, Исҳоқ ибн Мансур, Абу Зуръа ар-Розий, Амир ибн Абдуллоҳ ал-Удий, Муҳаммад ибн Авф ал-Химсий, Абдо ибн Сулаймон ал-Басрий, Исо ибн Ғийлон, Ҳубайра ибн ал-Ҳасан ал-Ҳолқий, Муҳаммад ибн Абдулазиз ад-Дайнурий ва б.дан ҳадис ривоят қилган. Ўз навбатида Ҳ. ибн С.дан Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Жўъабий, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Варроқ, Абу Бакр Қаффол аш-Шоший, Абу али ал-Ҳофиз, Муҳаммад ибн ал-Музаффар ва б. ҳадис ривоят қилишган. «Тарихи Бағдод» («Бағдод тарихи»), «Табақот ал-ҳуффоз» («Ҳофизлар табақалари»), «Тазкират ал-ҳуффоз» («Ҳофизлар тазкираси»), «ал-Ансоб» («Насабнома»), «Сийар аълом ан-Нубалё» («Олиқаноб алломалар сийратлари»), «ал-Иршод» («Тўғри йўл») каби араб манбаларида Ҳ. ибн С. «Ҳофиз» деб ҳурмат б-н тилга олиниб, ишончли муҳаддис сифатида эътироф этилган.

ҲАСАН ПЎЛАТ (Пўлатов Ҳасан; 1911, Самара вилояти Бариш тумани — 1942.7.9, Тошкент) — шоир. Дастлаб Тошкент ва Қўқондаги мактабларда ўқиган. Намангандаги болалар уйида тарбияланган ва у мактаб таҳсилини Наманганда давом эттирган. Сўнг 1929 й.да болалар уйида тарбияланаётган Ҳ.Пўлатнинг машқ шеърлари б-н танишиб, унинг 1930 й.да Самарқанддаги педагогика институтига киришда ўқишга ва дастлабки шеърларининг ўзи муҳаррирлик қилган «Аланга» журн.да эълон этилишига кўмаклашган. Ҳ.Пўлатнинг «Кулолар қулганда» (1931), «Зарбачи қиз» (1932), «Тоза нафас» (1933) шеърий тўпламлари талабалик йилларида нашр этилган. Ҳ.П., шунингдек, «Постда» (1934), «Юрак садоси» (1942) шеърий тўпламлари, «Полвон» (1934), «Қобил», «Донгдор пахтакор» (1936), «Меҳрибонлар» (1939) достонлари муаллифи. Ҳ.П. шеърий ижодининг энг ёрқин даври уни бошлаган вақтда фожиали равишда ҳалок бўлган. Вафотидан кейин «Танланган шеърлар» (1950) ва «Танланган асарлари» (1956) *Ойбек*нинг сўзбошиси б-н нашр этилган.

ҲАСАН ҲУДОЙБЕРДИ ЎҒЛИ (1890 — Наманган — 1938) — ўзбек халқ эртакчиси. Ёшлигида отаси вафот этиб, бойлар эшигида қароллик қилган. Наманганлик уста Эсондан эртакларни ўрганиб, халқ орасида айтиб юрган. 1917 й.дан Наманган т.ё. бошқармасида ишчи бўлиб ишлаган. Ҳ.Ҳ.дан «Булбулигўё», «Маликаи Ҳуснобод», «Камбағал қиз», «Камбағал қашшоқ», «Уч ёлғонда қирқ ёлғон», «Озода чеҳра» ва б. машҳур эртаклар ёзиб олинган ва нашр этилган. Ҳ.Ҳ.ў. айтиш усули, маҳорати, эртакларининг ижтимоий ва бадиий-эстетик аҳамияти жиҳатидан мумтоз эртакчилар қаторида туради.

ҲАСАН ҚАЙҒИ, Асан Қайғи (тўлиқ исми Ҳасан Собит улы) (тахм. 1370—1465, Сарнарқа (Улитов)) — қозоқ шоири, уста жиров. Ижоди Ҳоразм ўзбеклари, қорақалпоқ ва қозоқлари орасида кенг тарқалган.

Олтин Ўрда хонларидан Улуғ Муҳаммад саройида хизмат қилган. Улуғ Муҳаммад вафотидан сўнг Дашти Қипчоққа қайтган. Ҳ.Қ.нинг шеърўгузовлари хозиргача халқ орасида машҳур. Уларнинг аксарияти сўнгги даврларда ёзиб олиниб, баъзи бирлари эълон қилинган («Кўлда кирган кўнгир роз, кир қадрини не билсин», «Оқ билагинг бўлмаса, билагузук солмоқ не фойда» ва б.). Асарларида шоир халқ тақдири, аҳволи ҳақида кўп ўйлаб, қайғуриб, тез чеккан (Қайғу — «Қайғи» тахаллуси ҳам шундан). *Шеърлари фалсафий-дидактик* мазмунда бўлиб, турли тўпламлар, антология, баёзларга кирган. Дастлаб Тўғалоқ Молда унинг шеърларини «Ҳасан Қайғи сўзи» номи б-н нашр эттирган (1938). Халқ орасида «Ҳасан Ҳофиз» номи б-н машҳур.

ХАСАНБЕК РЎМЛУ *(1530/31 — ?)* — тарихчи олим. Кўп ҳам тутилган. Румлу қабиласига мансуб бўлган. *Сафавийлардан Тахмасп I* ва Муҳаммад Худобанда (1577—87) саройида хизмат қилган. Умумий тарихга оид «Аҳсан ат-таворих» («Тарихларнинг аълоси») асари муаллифи. Асар 12 жилддан иборат бўлиб, 1572—77 йиллар орасида ёзилган, бизгача сўнгги 2 жилди сақланиб қолган. Уларда Эрон, шунингдек, унга қўшни мамлакатлар: Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Туркия, Озарбайжон ва Грузиянинг *1404—1577* йиллари оид тарихи йилма-йил баён этилган. Сўнгги, 12-жилдда сафавийлар давлатининг ташқи сиёсатида рўй берган асосий воқеалар ёритилган. Асар Ўрта Осиё хонликлари б-н Эрон ўртасидаги сиёсий алоқалар тарихини ўрганишда муҳим манбадир. «Аҳсан ат-таворих» қўлёзмалари Санкт-Петербург, шунингдек, Англия, Туркия ва Эронлдаги кутубхоналарда сақланади.

ХАСАНМУРОД ҚУШБЕГИ МАСЖИДИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (18—19-а. бошлари); *Ичан қалъа* таркибида. Амир тўра мадрасаси қаршисида. Масжид *тўрар жой* биноларига хос кичик, мураббо тарҳли, бир устунли айвон, икки устунли хонақоҳ ва шим.дан унга туташ қўшимча хоналардан иборат, шим.-шарқий бурчагига минора ишланган. Безаклари оддий. Бино тарзлари ғиштлардан терилган, безаксиз; бино ичи ва текис шифти қизил, *қора, мовий* ва оқ рангларда нақшланган.

ХАСАНОВ Абдурашид (1950.14.3, Ғиждувон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчи (1995). Тошкент чет тиллар пед. институтини тугатган (1972). 1972 й.дан Ғиждувон туманидаги (8-, 27-, 4-мактабларда, 1996 й.дан 62-мактабдаги болалар интернат мактабида француз тилэи ўқитувчиси, 2002 й.дан 4-мактаб ҳузуридаги ихтидорли болалар интернат мактабида директор ўринбосари, 2004 й.дан 63-ихтисослаштирилган болалар интернат мактаби директори.

ХАСАНОВ Боқи (1937.1.7 — Китоб *тумани — 2001.10.9)* — *Ўзбекистон* Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). Қарши пед. институтини тугатган (1962). 1962 й.дан Китоб туманидаги 29-, 54-мактабларда бошлангич синф ўқитувчиси. 1972—2000 й.ларда 54-мактабда қимё-биол. ўқитувчиси.

ХАСАНОВ Мўйдин Юнусович (1917.9.10 — Фарғона вилояти, Қува тумани — 1947.4.10) — 2-жаҳон урушн қатнашчиси, сержант. 1939 й.дан армияда. 1941 й. июлдан фронтда. 195-Новороссийск тог-миномёт полки 4-батареяси (*Шим. Кавказ фронти 18-армия*нинг 318-тог-ўқчи дивизияси) минометчиси. 1943 й. 1 ноябрда Керчь ш. ёнидаги Эльтиген шаҳарчаси (ҳоз. Героевское)ни озод қилишда кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1943 й. 17 нояб.). Фарғона ва Қува ш.лари кўчаларига ва Қува туманидаги мактабга номи берилган ҳамда Тошкент-ауз қишлоғидаги мактаб олдида бюсти ўрнатилган.

ХАСАНОВ Набижон Азимович (1913, Самарқанд — *1972.28.8*, Тошкент) — *бастакор, созанда (ғижжак), Ўзбекистон* халқ артисти (1967). Дастлаб, Т. Содиқовдан най ва ғижжак чалишни, Т. Жалиловдан мусиқий мерос намуналарини ўрганган. Кейинчалик Самарқандда Ўзбекистон мусиқа ва хореография ин-ти (1930—32), Тошкент консерваторияси (1948—51) да таълим олган. Андижон театрида созанда (1927—29), Самарқанд театрида созанда (1930—32), мусиқа раҳбари (1932—35, 1938—39) ва бош дирижёр (1945—47), Ўзбек давлат мусиқали театри (1936—37), Навоий театри халқ чолғу асбоблари ансамбли (1939—44)да мусиқа раҳбари. Ўзбекистон радио-



кўмитаси халқ чолғу асбоблари оркестрида концертмейстер (1947—52, 1957—72), Ўзбекистон давлат эстрадаси ашула ва рақс ансамблида созанда ва бадиий раҳбар (1952—55). Ҳ. «Ғунчалар» (Т.Содиқов б-н), «Ўзбекистон қалбчи» (М.Бурқонов, Т. Жалилов ва б. б-н) каби асарларнинг муаллифларидан. Бастакорнинг истеъдоди кўпроқ ашула ва қўшиқларда намоён бўлди. Айниқса унинг «Садламно», «Кўрдим», «Айланай», «Жафо қилма» ашулалари, «Жонажон ўлкам», «Она Самарқанд», «Гилос» каби оммавий ва «Интизор», «Гулчеҳралар», «Ҳарос» каби лирик қўшиқлари, ялла намуналари («Бахт ялласи», «Яйра, тўзал» ва ҳ.к.) машҳур. Айрим («Садламно» ва б.) асарлари «Нола» каби эстрада гуруҳлари томонидан янгича талқин топган.

ХАСАНОВ *Обид (1902, Марғилон — 1976.25.8,* Тошкент) — актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1973). 1919—25 йларда Қўқон драма труппасида, 1925—27 йлар Самарқанд мусиқали театрида актёр. 1927—44 йлар Ҳамза театрида, 1945—46 йлар Тошкент ёш томошабинлар театрида, 1946—56 йларда Қўқон театрида, 1958 йлан Ҳамза *номидаги* академик драма театрида ишлаган. Ҳ. кичик, эпизодик ролларнинг моҳир ижрочиси сифатида танилган, Эшон (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Амир Музаффар (Уйғун, И.Султон, «Алишер Навоий»), деҳқон чол (С.Азимов, «Замон драмаси»), жарчи (М.Шайхзода, «Мирзо Улуғбек») ва б. ролларни шулар жумласидан. Бир қанча фильмларда ҳам суратга тушган.

ХАСАНОВ Пулат Фаттоҳович (1937.15.12, Тошкент вилояти) — назарий электротехника соҳасидаги олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган *фан арбоби (1989), техника фанлари* д-ри (1975), проф. (1977). Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1960). Шу ин-тда *заборант, лаб. мудири* (1960—64), катта ўқитувчи (1965—72), кафедра мудири (1972—95). Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлим, кейин бошқарма бошлиғи (1996—99). Давлат Тест марказн директори маслаҳатчиси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига қарашли Фан-техника *ва маркетинг тадқиқотлари* марказида илмий маслаҳатчи (1999 й.дан). Илмий

ишлари ахборот-ўлчов техникаси, электрон занжирлар назарияси, роботлар техникаси, ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот завфсизлиги ва масофавий таълим тизимига доир.

Ас.: Фигурно-точечные модели и дискретные аппроксимации матриц, Т., 1975; Преобразования схем электрических и электронных цепей, Т., 1978; Робот техникасининг формал моделлари, Т., 1994.

ХАСАНОВ Ўринбой Ҳасанович (1928.27.11., Ўш) — биолог олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1990), биол. фанлари д-ри (1971), проф. (1983). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1954). Ўзбекистон ФА Ботаника ин-тида аспирант (1954—57), кичик (1958—60) ва катта илмий ходим (1960—65), лаб. мудири (1965—93), 1993 й.дан Ўсимликлар экологияси лаб.да етакчи илмий ходим. Илмий тадқиқотлари Марказий Осиё қўзидуларида тарқалган озуқабоп ёввойи бедалар ва 10 дан зиёд бошқа ёввойи ўсимликларни ўрганишга бағишланган. Ҳ. беданинг 22 ёввойи, 11 ксенжа тури ва 68 экологик шаклларини аниқлади.

Ас.: Дикорастущие люцерны Средней Азии, Т., 1972; Биология и экология растений внутривидовых в культуре и дальней зоне (в соавторстве), Т., 1973; Эффективность использования азарных земель (в соавторстве), Т., 1979; Адаптация кормовых растений к условиям орошаемой зоны Узбекистана (в соавторстве), Т., 1983; Мадания ўсимликларнинг келиб чиқиши, Т., 1986.

ХАСАНОВ Ҳамидулла (1919.19.01 — Тошкент — 1985.22.05) — географ олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), геогр. фанлари док-тори (1968), проф. (1970). Ўрта Осиё давлат ун-ти геол.-тупроқшунослик-географик ф-тининг геогр. бўлимини тугатган (1941). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—46). «Қизил Ўзбекистон» газ.да адабий ходим (1946—47), Ўзбекистон Пед. фанлари илмий тадқиқот ин-тида географ-методист (1948—50). 1954 й.дан ТошДУ география ф-ти доценти, 1968—70 й.ларда ф-т декани, 1970 й.дан табиий геогр. кафедраси проф., 1983—85 й.ларда табиий геогр. кафедраси мудири. Илмий ишлари «Ўрта Осиё олимларининг географик мероси», Ўрта Осиё топонимияси, геогр. тарихи, трансқрипция, терминология, дунё табиий геогр.си, геогр. ўқитиш методикаси, илмий асарлар таржимасига бағишланган. Қўпгина мамлакатлар (Афғонистон, Ҳиндистон, Миср, Япония, АҚШ, Европа мамлакатлари ва б.)га саёҳат қилган. Тошкентдаги кўча ва мактаблардан бири Ҳ. номи б-н аталади.

Ас.: Маҳмуд Қошғарий, Т., 1963; Географик номлар имлоси, Т., 1964; Географик терминлар луғати, Т., 1964; Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар, Т., 1964; Ўрта Осиё жой номлари тарихидан, Т., 1965; Ҳозирдидин Муҳаммад Бобир, Т., 1966; Ер-тилло, Т., 1977; Сайёҳ олимлар, Т., 1979; Географик номлар сири, Т., 1985.


ХАСАНОВА Робия (1949.20.8, Жиззах ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Сирдарё пед. институтини тугатган (1970). 1968 й.дан Зомин туманидаги 25-, 50-, 56-, 15-, 39-, Жиззах туманидаги 16-мактабларда, 1992 й.дан Зомин туманидаги 65-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

ХАСАНОВА Шамсирўй (1917 — Тошкент — 1956) — илк ўзбек жёз рассоми. Тошкент рассомлик техникумида таълим олган (1933—38). А.Волков, П.Ган ва б.дан тасвирий санъат асосларини ўрганган. Ўзбекистон давлат санъат музейида дастлаб экскурсовод, 1945 й.дан директор бўлиб ишлаган. Ҳ. ижоди давомида Шарқ ва Ғарб санъати услубларининг уйғунлигига интилган. Ўрта Осиё *миниатюра* мактаблари ва маҳобатли рассомлиги анъаналарини Европа реализми санъати анъаналари б-н уйғунлаштириб ўзига хос янги пластик ечимга эришган. Ҳ. портрет жанрида асарлар яратган: «Боғбон қиз», «Скрипкачи қиз», «Автопортрет» ва б.; ўзбек тасвирий санъатида биринчиларлардан *натюрморт* жанрини бошлаб берган. «Конток гул», «Хитой чинниси», «Мевалар» ва б. Алишер Навоийнинг 500 йиллигига тайёргарлик даврида турмуш ўртоғи Чингиз Ахмаров б-н Навоий театри биносининг фойеси учун ишланган расмлар-да иштирок этган. Айниқса тарихий портретлари («Зебуннисо бегим», «Нодирабегим», «Ўвайсий», «Мутриба» ва б.)да унинг нозик шарқона услуби ўз ифодасини топган. Ҳ. асарлари республика ва чет мамлакатларидаги кўргазмаларда намойиш этилган; асарлари республика музейларида сақланади.



ХАСАНХЎЖА — «Гўрўғли» туркумидаги достонлардан бири. Гўрўғлидан кейинги иккинчи авлод ҳисобланган. Ҳасанхон тўғрисида яратилган мустақил асар. Эл-юрт мудофаачи, мамлакатлар ўртасида тинчлик-осойишталик ўрнатиш, мардлик ва дўстлик достонининг асосий гоясини ташкил этади. Унда Ҳасанхоннинг Чамбил (халқ поэтик ижодида афсонавий юрт номи; халқ афсоналарида Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Туркманистон, Ўзбекистон ҳудудларида бўлган дейилади)га олиб кетилишига оид воқеалар тасвирланган. Достон кўпчилик достонлар репертуаридан ўрин олиб, Пўлкан шоир (1968, 1976) ва Зокир Қўчқор ўғли (1967) дан ёзиб олинган вариантлари нашр қилинган.

ХАСБИ ҲОЛ (араб. — аҳвол баёни, ҳол-аҳвол тасвири) — шоир ёки ёзувчи томонидан муайян вазиятдаги ҳал-ахвоси баёнига бағишлаб ёзилган асар. Ҳ.ҳ. кўпинча *маснавий* шаклида ёзилиб, бирор шамоа (ҳукмдор ёки яқин кишисига) қаратилган мактуб тарзида (мас., Алишер Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашер номига ёзган мактубидан шикоят, норозилиги баёнидан иборат бўлиши мумкин (Мужрим Обидиннинг «Ҳасби ҳол»и, Шукурий маснавийлари ва б.). Ҳ.ҳ. ёзувчи биографиясини, у яшаган даврни ўрганиш учун қимматли манба ҳисобланади.



Ш.Ҳасанова. «Қашқар шоираси Мутриба» (1947).

ХАСИП — сўйилган қўй ёки қорамолнинг тозаланган ичагига қийма тўшт ва гуруч солиб, сувда қайнатиб пиширилган таом. Ичакни ағдариб олиқ сувда тоз ишқаб бир неча бор ювилади, бир неча соат қатиқ, зардоб ёки лаҳ ярроғи қайнатилган

та (2 соат) бостириб қўйилади. Ивитилган ичак яна бир неча бор яхшилаб ювилади, бир учи ипда боғланади ва ичига тайёр қийма солинади. Ҳ. учун лаҳм гўшт, ёпка (талоқ) гўшт қиймалагичдан ўтказилади, унга майда чопилган пиёз, ювилган гуруч, туз ва мурч сепиб, сув қўйиб, яхшилаб аралаштирилиб суюқ қийма тайёрланади. Ичакнинг очиқ томонига воронка қўйиб, суюқ қийма ичакка қуйилади, тўлгач учи боғланиб, қозондаги совуқ сувга солинади, паст оловда қайнатилади. Қайнаб чиқиши билан Ҳ.нинг бир неча жойига игна урилади (ахс ҳолда ёрилиб кетиши мумкин) ва 1 соатча қайнатилади. Тайёр Ҳ.ни совитиб, эни 2—3 см парракларга, ўткир пичоқ билан бўзса сал узунроқ (6—8 см ли) бўлакларга бўлиб лаганда ёки лаконларда шираланган пиёз ёки ширали ачитқонда тортилади.

ҲАФИЗОВ Иброҳим (1870—1940) — бухоролик мезмор. Ҳунарни отаси 6-ж биргп ишлаб, уста Халила шогирд тушиб (1880—88) ўрганган. 1888 й.дан мустақил уста. Ҳ. мақраёзли шарафа ва намоёнларга ҳандасий ва исломий услубида нақш ишлаш санъатини пухта эгаллаган. Қўшмадраса ҳовлисдаги Қози Бақохон уйи, Кармондаги Абдулаҳадхон саройи, Сарим Султон, Хайробод, Чорбог Чармгарон, Чорбоғдаги саройлари ва уйларини қуришда қатнашган. Хон саройида пойдеворк қилган. Арк саройини қайта тиклашда, Бухоро шаҳри Ситораи Моҳи Хосагача бўлган йўлга тош ётқизишда, ф-ка қуришда (1928—34) ва 6-ж иштирок этган. Ҳ.нинг 100 дан ортиқ лойиҳалари Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланади.

ҲАФИЗОВ Наби (Ҳаси Наби Ҳафизов, 1893— Бухоро — 1959).— наққош ва мусаввир, биринчи ўзбек плакатчиси. Бухородаги биноларни нақшлар 6-ж безаган. Ҳ. рассомлик 6-ж ҳам шуғулланган, замонавий мавзуларни тасвирлашда *миниатюра* санъати анъаналарини кенг қўллаган. Мазбутда фоиз иштирок этди, плакатлар яратди. Тошбосма усулида чоп этилган плакатларида гоя ва мазмун содда, тушунарли ҳамда оммабоп қилиб ифодаланган. Ҳ. плакатларидан намуналар Бухоро вилоят ўлкашунослик музейида сақланади.

ҲАФИЗОВА Флюра (1948.4.1, Чуст ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Наманган пед. институтини тугатган (1970), 1970 й.дан Чуст ш.даги 1-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

ҲАФТА (форс.-тож.) — вақт ўлчов бирлиги. Етти сутка (душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба, якшанба) дан иборат. Ҳ. лезярли барча халқларда қадимдан мавжуд. Етти кунлик Ҳ. дастлаб Шарқда қўлланган, мил. 1-а.дан Римда ишлатилган. Қадимда халқлар назарида 7 рақами тайри табиий «мукаддас» сон ҳисобланган. Астрономик жиҳатдан эса Ҳ. ой фазаларига қараб белгиланган. Мас., қадимги бобилликлар ой фазасининг тахм. 29,5 кунда ўзгариб туришини аниқлаганларидан сўнг ой деб аталган вақт ўлчови бирлиги бўлганлиги учун 1 ойнинг қар бири 7 кунга тенг чоракка бўлинган. Баъзи халқларда беш кунлик ва ўн кунликлари иборат Ҳ. бўлинишлари бўлган; мас., ўн кунлик Ҳ. (декада) қадимги миср халқларда, кейинчалик ўрасиуз буржуа инқилоби календарида мавжуд бўлган (қ. *Календарь*).

ҲАФТИЯК (форс. — еттидан бир) — Қуръони карим нинг еттидан бир қисми битилган китоб. Ёш қориларга қулай бўлсин учун Қуръон сураларидан бир нечтаси (13—14 та) танланиб, қироат китоби шаклига келтирилган. Ўтмишда Туркистонидаги *мактаб*ларда хрестоматия вазифасини ўтаган биринчи қўлланма ҳисобланади. Болалар араб алифбосини ўзлаштиргандан сўнг ўргатилган. Одатда, Ҳ. 1—2 й. ўқитилган. Ҳ.дан сўнг Қуръони каримни ўқишга ўтилган. Ёш талаба кичик сураларни мазмун миқдорда ёд олгандан кейин Ҳ.ни ўқишга киришиш маросимини ўтказиш одатга айланган. Кейинги пайтда Ҳ. ўрнига бир йўла Қуръони каримнинг тўлиқ нусхасини ўқиш ва ўқитиш расм бўлган.

ҲАФТОН — 1) найза, ўқ ва тиғ зарбидан муҳофаза қиладиган зирҳли махсус ҳарбий кийим. Ҳ одатда, совут остидан кийилган. Ҳ. аксарият пахталан тикилган; 2) зодагон шахслар томонидан устдан кийиладиган зарбоф тўн.

ҲАШАР — ўзбеклар, айрим бошқа туркий халқлар орасида удумга айланган ижтимоий ҳамкорлик ва беғараз ёрдам шаклларидан бири. Асосан, тезкорлик 6-ж бажариш зарур бўлган ишлар (қосилни уддлаш 6-ж йиғиб олиш) ва катта меҳнат талаб ишлатотларни бунёд этиш (канал қазиш, йўл ва кўприклар қуришда қўлланган. Ҳ. ариқ қазиш, иморат қуриш каби ишларда бир неча кун ҳам давом этган. Мас., Ўзбекистонидаги *Катта Фарғона канали* умумхалқ Ҳ. воситасида бунёд этилган. 1966 й. 26 апр.да Тошкентда рўй берган зилзила оқибатлари ҳам умумхалқ Ҳ. орқали тугатилган. Ўзбекистон истиқлолидан сўнг Ҳ. янгича мазмун касб этиб, Рўза ва Қурбон ҳайитлари, Наврўз, Мустақиллик байрамлари ёки муҳим саналар олдидан умумхалқ хайрия Ҳ.и ўтказиш анъанага айланди.

ҲАШАРОТЛАР (Insecta) — бўғимоёқли умуртқасиз ҳайвонлар синфи. Ер шарида 1,5 млн.га яқин тури маълум. Турларининг кўплиги ва шаклларининг хилма-хиллиги жиҳатидан биосферада 1-ўринни эгаллайди. Ҳ. синфи *обқанотлилар, сўқирмўйлар, қўнғизлар, тулбўйинлар, тўғриқанотлилар, капалаклар, бургалар, термитлар, қандалалар* каби 34 туркумга бўлинади. Танасининг узунлиги 0,2 мм — 33 см, одатда ташқи скелетини ташкил қилувчи энч қутикула 6-ж қопланган. Танаси бош, кўкрак ва қорин қисмларидан иборат. Бошида бир жуфт мураккаб кўз ва кўчмалари, бир жуфт мўйловлари (ҳид туйиш ва сезги органи) ҳамда оғиз аппарати жойлашган. Оғиз аппарати юқори лаб, юқори ва пастки жуфт жағлардан ташкил топган. Кемирувчи оғиз аппарати барча тўғриқанотлилар, қўнғизлар, чумолилар ва б.га хос. Сўрувчи Ҳ.да эса хартум бор. Гуштхўр 6-ж озиқланувчи *асаларилар* хартумида кемирувчиларнинг асосий белгилари сақланган, капалакларда хартум спиралсимон бураладиган найдни иборат; пашшаларда у фақат сўришга эмас, балки қаттиқ озуқани қиришга ҳам мослашган. Қандалалар, *ёсмиклар битлари*, трипслар, *кокцидлар*, қон сўрувчи чивинлар ва б. санчиб сўрувчи оғиз аппарати ёрдамида ўсимликларнинг ҳужайра шираси ҳамда қайвон қонини сўриб озиқланади. Кўкрак қисми олд, ўрта ва орқа кўкракларга бўлинади. Ҳар бир скелет қалқон етка (устидан), кўкрак (пастки томондан), плевралардан (бирлашган) ташкил топган. Кўкракнинг ҳар бир бўғими (сегментида бир жуфт оёқлари жойлашган. Оёқлар тоғсз, кўст, сон, болдир ва 2 тирноқли бўғимларга бўлинган панжаларлан тузилган; қанотли Ҳ.нинг ўрта ва орқа кўкракларида бир жуфтдан қанотлари бор. Ўрғочиси қорнининг учида 11 бўғимдан иборат тухум қўйғич, эркакларида эса бир жуфт ўсимталар мавжуд. Овқат ҳазм қилиш йўли озуқани ме-

хаёт қамда кимёвий қайта ишлайдиган ичакларидан ташқил топган. Ҳ.нинг индивидуал ривожланиши бир неча босқичли (фазали) тўлиқ ёки чала ўзгариш (метаморфоз) 6-н кечали. Чала ўзгариш 6-н ривожланиш 3 фаза (босқичда: тухум, личинка (имагога ўхшаш) ва вояга етган қанот-рот — имаго орқали амалга оширилади. Тўлиқ ўзгариш 6-н ривожланишда эса личинка (олатда чувалчангсимон) 6-н имаго оралиғида *гумбакли* даври ҳам кузатилади. Ҳ.нинг ҳаёт цикли бўғин (*авлод*)лар сони, *мавсумий динамика* (ўзгариш)нинг ўзига хослиги ва диапауза хусусиятлари 6-н белгиланади.

Табиатда Ҳ. турли-туман ва катта аҳамиятга эга. Улар бутун қуруқликни эгалланган; айниқса, сернам субтропик ерларда кўп тарқалган. Кўпчилиги ерда, қатор турлари сувда яшайди, баъзиларининг ҳаёти тупроқ 6-н боғлиқ, Ҳ. хилма-хил маҳсулотлар 6-н озиқланиб, табиатда модаллар алмашинувида иштирок этади. Ҳ.нинг жуда кўп турлари *ёшликлар зараркунандалари*; уйбоқлар ва озиқларга зарар келтиради. Ўсимликларни чанглатиш, зараркунанда ҳашарот ва бегона ўтларни йўқотишда ҳам Ҳ.нинг роли катта (қ. *Энтомофаглар*); фойдали ҳашаротлардан асалари, ипак қурт-лар, лак бермуш червецлар қимматбаҳо маҳсулот беради; айримлари овланадиган ҳайвонлар учун озуқа манбаи. Ҳ. хилма-хиллиги ва уларнинг олимини *энтомология* фани, фойдали Ҳ.дан амалиётда фойдаланиш ва *зараркунанда Ҳ.лар*га *қарши курош* усулларини *қишлоқ хўжалиги энтомологияси* фани ўрганади.

Ад.: Вредные и полезные насекомые хлопчатника и других сельскохозяйственных культур Узбекистана. Т., 1977; Сельскохозяйственная энтомология. М., 1983; Мухродов С.А., Умумий энтомология курси, Т., 1986.

ҲАШАРОТЛАР ИНТРОДУКЦИЯСИ

— ҳашаротларни ўзи яшаб турган жойдан бошқа, янги ҳудудларга келтириб агробиоценоз энтомофаунасини сунъий бойитиш. *Муҳим хўжалик аҳамиятига эга.* Ўсимликларни *биологик* ҳимоя усулида Ҳ.дан кенг фойдаланилади. Одатда, *бир тур зараркунанда* ҳисобига ҳашарот ихтисослашган энтомофаг ва акарифаглар интродукцияси яхши самара беради. Ўзбекистонда 24 тур энтомофаг ва акарифаг интродукция қилинган бўлиб, шундан 11 тури яхши иқлимлашган; улар *зараркунанда ҳашаротлар* миқдорини хўжалик учун сезилмайдиган даражада сақлаб туради. Жумладан, *қовун дит* паразити афелинус (1931), *кометок қурт* паразити псевдафикус (1945) яхши иқлимлашди. Иқлимлашмаган турлардан эса мавсумий далага қўйиш усулида фойдаланилади. Ўзбекистонда 1967 й.дан иқлимлаштирилган *трихограмма* тўзи қамда *габзарот экинлари* зараркунандаларидан — *тунламлар*га қарши муваффақиятли қўлланмоқда. Иссиқконалардаги ўргимчаккана-ларга қарши йиртқич кана — фитосейулюсни (Ўзбекистонга 1969 й.да олиб келинган) кўплаш яхши самара бермоқда.

ҲАШАРОТХЎР ЎСИМЛИКЛАР — озиқланиш ҳашаротлар (*баъзан майда жонивор*лар)ни тутиб еб қўшимча озиқ манбаи сифатида фойдаланадиган кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар гуруҳи. Ер шарининг барча қисмида учрайди. 500 га яқин тури (7 оиласи) маълум. Чучук сув ҳавзаларида, ботқоқ ўтлоқ-ларда, ботқоқликларда, асосан, азотли бириктмалар, калий, фосфор камчил тупроқларда ўсади. Шу сабабли ҳашаротлар *6-н озиқланади*. Ҳ.ўсл ҳашаротларни тутиш учун махсус мослаалар бор.

Баъзи бир Ҳ.ўсл.нинг барглари ёпишқоқ суюқлик ажратувчи кўп сонли безчалар 6-н қопланган. Бошқаларининг ҳашаротларни тутувчи қутичa (пепентес, дарлингтония) ёки тез ҳаракатланувчи (тутувчи) қопқоқлардан (дионея, альдрованда) иборат. Тушган *ҳашаротлар барг безчалари ажратган* махсус суюқликда эриб, ҳазм бўлади.

ҲАШАРОТХЎРЛАР (Insectovora) — сут эмизувчилар туркуми. Энг қад. ва тубан тузилган *йўлдошлилар*. Бўр даврида пайдо бўлган. Ҳ. барча йўлдошлиларнинг аждодлари бўлиши қам мумкин. Кўпчилик Ҳ. беш бармоқ-ла, товонда юради. Тишлари ҳаёти *ихтисослашмаган, бош миясининг* ҳиддлоя бўлакларн кучли ривожланган. 6 оиласи: типратиканлар, тепреклар, тилда кротлар, *ерқуртсимонлар*, ерқаларлар, сақровчилар мавжуд. Айрим зоологлар вихухолсимонлар, видрасимон ерқаларлар, тупайясимонларни қам ана шу туркумга киритишади. Австралия, Жан. Америкаининг кўп қисми, Антарктида ва Гренландиядан ташқари барча қитъаларда тарқалган. Ўзбекистонда *типратиканлар* ва ерқаларлар оилаларига мансуб 6 тури: қора игнали типратикан,



Ҳашаротхўрлар: 1 — ёрқуртсимон; *2* — тепрек; *3* — вихухол.

қулоқдор типратикан, митти оқтиш, ола путарак, кичик оқтиш, оқ қорин оқтиш тарқалган. Кўпчилик Ҳ. шомда фаоллашади. Ҳ. ўрмон хўжалигига зиён келтирадиган умуртқасиз ҳайвонларнк қириб фойда келтиради. Айрим турлари овланади. 8 тури Халқаро Қизил китобга киритилган.

ҲАШШОШИЙЛАР (араб. — қашиш чекувчилар, гиёҳвандлар) — *исмоилийлар* ичидаги ашаршн террорчилик 6-н шуғулланган фирқа тарафдорлари. 11-а. охирида Эронда исмоилийлар ҳаракатининг бўлиниб кетиши натижасида пайдо бўлган. Асосчиси — Ҳасан ибн Саббоҳ (1124 й.в.э.). Эронининг шим.-ғарбидаги тоғлар орасида жойлашган Аламўт қалъаси Ҳ. жамоасининг маркази бўлган. Ҳ. ҳаракати Сурия ва Ливанда, кейинчалик Ўрта Осиёда, Яқин ва Ўрта Шарқ *мамлакатларида*ги *қарматлар* ҳаракати 6-н узвий боғлиқ. Ҳ. халифалик ва салжуқийларга қарши курашган. Ҳ.нинг раҳбарлари ўз душманларини ўлдиришни сиёсий курашнинг асосий воситаси деб билган. Ҳ. гоят ашаршн қолда иш кўрадиган ва тармоқланган террорчилик ташкилотини вужудга келтирган. Ўз мақсадларини амалга ошириш (ҳукмдорлар, полвонлар, қирол-лар ва йирик намоядаларни ўлдиришда фидойилар (қашшоқ деҳқон ва шаҳарлик ёшлар)дан фойдаланган. Террорчи (фидойи)ларга гиёҳванд моддаларни истеъмол қилдириб, ўлса шубҳасиз жаннатга тушишига ишонтирган. Бирмунча давр Ҳ. кўп ҳукмдорларга даҳшат солиб турган, улардан қўплари (жумладан айрим Европа мамлакатлари императорлари ва қироллари ҳам) *ғи жонини сақлаш учун* Ҳ.га тўлов тўлаб турган. 1256 й. мўғул истилочилари Аламутни босиб олиб, Эронда Ҳ. жамоасига барҳам берган.

1273 й.да мамлуклар қўшини Сурия ва Ливиядаги Ҳ.нинг юқори таъқиқлаларини тугатган.

ҲАҚБЕРДИЕВ Абдураҳимбек Асқабек ўғли [1870.16(28).5, Шуша — 1933. 12.12., Боку] — озарбайжон ёзувчиси. *Озарбайжонда хасмат кўрсатган* сиёсат арбоби (1928). Петербург ун-тини тугатган (1899). 1906 й.дан «Мулла Насриддин» жур.ида ишлаган. Илк асари — *«Бузилган хонумон»* (*1896*). «Бахтсиз йигит» трагедияси (1900) ва «Ота Муҳаммад шоҳ Қажар» (1907) тарихий драмасида 18-а.даги Эрон ҳукмдорининг *фожиали орқали* адолатсиз тузумнинг ҳалокати тасвирланган. «Мамади Мўъталибекнинг саёҳати», «Дўзахдан мактублар», «Менинг мароллярим», *«Дарахт соясида»*, «Хотин-қизлар байрами», «Подшоҳнинг муҳаббати» ва б. асарлар мухлифи. «Озарбайжон театри тарихидан» (1924) очерки ва «М.Ф.Ахундовнинг ҳаёти ва ижоди» (1918) монографияси (1918) ҳам бор. «Бузилган хонумон», «Бахтсиз йигит» каби пьесалари Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон театрларида ҳам қўйилган. Ҳ. ижоди ўзбек драматургиясининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

ҲАҚБЕРДИЕВ Ҳулойберди (1949.1.6, Самарқанд) — кулол, Ўзбекистон БА акад. (1997). Уста *Умаркул Жўрақловга* шогирд тушиб ҳунар ўрганган. 1968 й.дан мустақил уста: Бадиий фонд устахонасида; *1978 й.дан «Уста»* бирлашмасида. Ҳ. ижоди миллий, тарихий анъаналар ўз-ўзини боғлиқ асарларида ўзига хос мавзуи мужассамотларида нафис дид ғоясига эришган: «Ажаҳарҳо» (1972), «Босим» (1990), «Сўғдиёна» (1991–92), «Ўғуз—Самарқанд» *(1991—92)*, «Саратон» (1996), «Самарқанд» (2002), «Буюк ипак йўли» (2004) ва б.

Ҳ. 1967 й.дан амалий ва б-я республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этади. Жумладан, 2002 й.дан Голландия шаҳарларида йилига 2



Ҳулойберди Ҳақбердиев. «Ажаҳарҳо» (1972).

марта уюштириладиган кулоллар ассоциацияси кўргазмаси қатнашчиси. Асарлари республика ва хорижий давлатлар музейлари ва тўпламларда сақланади.

ҲАҚИРИЙ — қ. *Баситқон Зоҳидхон ўғли.*

ҲАҚИҚ, аҳиқ — заргарлик буюми, аёллар тақинчоғи. Йирик ҳажмдаги Ҳ. ва б. қимматбаҳо тошларга Бухородаги ҳинд, эронлик усталар ҳеч нарсага б-н араб ёзувида матнлар (мухр, Қуръон оятлари)ни ўйиб биттаплар. Йирик ҳажмдаги тошлар сайқаллашган, турли мураккаб шаклдаги (*масалан*, майдон — туруниж, ҳошия ва б.) қисил қилиб ўймакори безатилган ҳамда мегалл (кумуш ва б.) гардишларга ўрнатилган; *гардиш атрофи* кунгурадор бўлиб, юқорисига илгак ишланган, куйи қисми биргак, марказини шокилдор б-н безатилган. *Баъзан тайёр безатилган* Ҳ.лар келтирилиб, Бухорода гардишга ўрнатилган. Ҳ. асосан кўкрак, қорак ва б. жойларга осилиб, одатда *тумор* вазифасини бажарган.



Ҳақиқ.

ҲАҚИҚАТ — воқеликнинг қишги онгида тўғри акс этиши, билимларимизнинг объектив реалликка мос келиши. *Ҳ. инсоннинг* борлиқни билишдаги асосий мақсадларидан бири. У асосан инсон билимлари б-н борликлари нарса ва ҳодисалар ўртасидаги мувофақат масаласини ўз ичига олади. *Антик давр мутафаккирлари* (Эпикур, Демокрит, Лукреций) Ҳ.ни билимларимизнинг нарса ва ҳодисалар моҳиятини ифодалашга мос келиши сифатида тушунганлар. Бундай тушунчи янги давр файласуфларига (Ф.Бэкон, Б.Спиноза, К.Гельвеций, Д.Дидро, П.Гольбах, М.В.Ломоносов, Л.Фейербах) ҳам хослир.

Ҳ.нинг объектив, мутлақ, нисбий шакллари бор. Амалиёт таслиқларн ҳар қандай билим объектив Ҳ.дир. Бунда олмдаги нарса ва ҳодисалар моҳияти инсон онгига боғлиқ эмас (Ҳ. мазмунан объектив, лекин шаклан *инсон тафаккури фаолиятининг* натижаси сифатида субъективдир). Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тўлиқ, аниқ, мукаммал билимлар *мутлақ Ҳ.лар. Нисбий* Ҳ. объектни Ҳ.нинг баъзи томонини, бўлагини, қисмини акс эттирувчи билимдир, у объектни тўла, мукаммал акс эттира олмайди. Билиш нисбий Ҳ.лардан мутлақ Ҳ.лар томон ривожланиб боради. Ҳар қандай мутлақ Ҳ. нисбий Ҳ.ларнинг чексиз ривожланиб боришидан вужудга келади, ҳар бир нисбий Ҳ.да эса мутлақ Ҳ.нинг зарраси мавжуд бўлади. Илм-фан тараққиётида ҳар бир янги босқич нисбий Ҳ.лар сифатида мутлақ Ҳ.нинг мазмунига *янги-янги зарралар* қўшиб боради. Борлиқ бепоён ва чексиз бўлгани каби, инсоннинг уни билиши ҳам чексиз давом этади. Ҳ. ҳамиша *конкретдир, мавҳум* Ҳ. йўқ. Ҳар бир билимнинг ҳақиқатлиги маълум жойга, вақт ва вазиятга, кишн билишининг имкониятига ва даражасига боғлиқ.

Билиш жараёнида нисбий ва мутлақ Ҳ.лар нисбатини тўғри тушунмаслик, Ҳ.нинг конкретлигини ҳисобга олмаслик билиш назарясида 2 та янглиш қараш — *догматизм* ва *релятивизм*га олиб келади.

Ҳ. тушунчаси фақат гносеологик масала эмас, балки аксиологик жиҳатга эга. У «адолат», «яхшилик», «гўзаллик» тушунчалари каби умуминсоний қадрият ҳисобланали.

Абдулла Аипов.

ҲАҚИҚИЙ СОНЛАР — ҳар қандай мусбат, манфий сон ёки ноль. Ҳ. с. *тўплами рационал сонлар ва иррационал сонлар* тўпламининг бирлашмасидан иборат. Ҳ.с. тўплами б-н тўғри чизиқ нуқталари ўртасида, тартибланганликни сақлаган ҳолда, ўзаро бир қийматли мослик ўрнатиш мумкин. Ҳ.с. тўпламининг муҳим хусусиятларидан бири унинг узлуксизлигидир. Узлуксизлик принципи турли шакл-

ларда баён қилиниши мумкин. Ҳ.с. назарияси мат.нинг муҳим масалаларидан бири бўлиб, бу назария 19-а.нинг 2-ярмида Вейерштрасс, Р.Дедекинд, Г.Кантор томонидан яратилган. Барча физик катталикларни ўлчаш натижалари Ҳ.с. б-н ифодаланади.

ҲАҚИҚИЙ ТАСВИР — қ. *Оптик тасвир*.

ҲАҚНАЗАРОВА Ханифа (1944.11.6, Шахрисабз тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Қарши пед. институтини тугатган (1969). 1969 й.дан Шахрисабз туманидаги 32-мактабда она тили ва адабиёт, 1970—94 й.ларда бошланғич синф ўқитувчиси.

ҲАҚНАЗАРХОН, Ҳақназар Султон т (?—1580) — қозоқлар хони (1538 й.дан). Отаси *Қосимхон* каби қокимиятини мустаҳкамлаш, хонлик ҳудудини кенгайтиришга ҳаракат қилган. Нўғай ўрдасидаги ўзаро ички низолардан фойдаланиб ўрдаги тобе қозоқ уруғларининг бир қисмини ўзига бўйсундирган. *Мўғулистон* хонлари б-н узоқ муддат қураш олиб борган. 50-й.ларнинг охирида Ҳ. Сирдарё бўйидаги савдо-ҳунармандчилик марказларини ва Тошкентни босиб олиш учун шайбонийлардан Бобо султон ва *Абдуллахон II* б-н курашган. 1573 й. рус ҳукумати Ҳ. б-н ўзаро алоқа боғлашга уринган. Ривоятларга кўра, қозоқларнинг 3 та жузга ажралиши Ҳ. номи б-н боғлиқ бўлган.

Ад.: Материалы по истории казахских ханств XV—XVIII веков, Алма-Ата, 1969.

ҲАҚОРАТ (жиноят ҳуқуқида) — шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик б-н қасдан таҳқирлаш. Беодоб муомалада бўлиш турли хилдаги хатти-ҳаракатларда, чунончи ҳақоратли сўз ва ибораларни айтиш, бино, деворлар ва фотосуратларга ҳақоратловчи ёзувлар ёзиш, беодоб қилиқлар қилиш, юзига тарсаки уриш, тупуриш ва ҳ.к.да намоён бўлади.

Ҳ. қилиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида *фуқаролар*нинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилдиган ҳуқуқбузарлик сирасига киритилган. Ушбу кодекснинг 41-моддасига кўра, Ҳ. қилиш энг кам иш ҳақининг 20 бараваридан 40 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Биринчи марта Ҳ. қилган шахслар, агар уларнинг қилмишлари жиноий жавобгарликка тортилишга тегишли бўлмаса, маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ҳ. қилиш, бошқати, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари б-н жазоланади. Нашр қилиш ёки бошқача усулда *кўпайтирилган матнда*, ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали Ҳ. қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима ёки 1 йилдан 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари б-н жазоланади. Ҳ. қилиш жабрланувчи ўз хизмат ёки фуқаровик бурчини бажариши муносабати б-н боғлиқ ҳолда; хавфли рецидивист томонидан ёки тухмат қилганлиги учун иллари судланган шахс томонидан содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг 400 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ б-н жазоланади (Ўзбекистон Республикаси ЖК, 140-модда).

Ҳ. қилиш ҳар доим муайян бир шахсга қаратилган бўлади. Муайян бир шахсга қаратилмаслан айтилган уятсиз-беодоб сўзлар ва ш.к. хатти-ҳаракатлар *беозорлик* деб баҳоланиши мумкин.

ҲАҚҚУЛОБОД — Наманган вилояти *Норин тумани*даги шаҳар (1974 й.дан), туман маркази. Вилоятнинг шарқида. Т.й. станцияси. Вилоят маркази (Наманган ш.) гача 40 км. Аҳолиси 27,5 минг кишидан зиёд (2005). «Норинтола» пахта тозалаш з-ди, нон маҳсулотлари н.ч. корхоналари, йиғирув-тўқув, тикувчилик ф-калари, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, кичик, ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Тўқимачилик ва ихтисослашган Ўзбекистон—Литва «Клайпеда-Текстил», «Ҳаққулобод-ПИК» қўшма корхоналари ишлаб турибди. Миллий ҳунармандчиликнинг косибчилик, зардўзлик ва б. соҳалари ривожланган.



Ҳаққулобод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи.

6 умумий таълим мактаби, ягона фанлар ва инглиз тилига ихтисослашган интернат мактаби, 2 касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 4 шохобчаси, болалар кутубхонаси, клуб муассасалари, «Шодлик» стадиони мавжуд. Туман марказий касалхонаси, болалар касалхонаси, катталар ва болалар поликлиникалари, ўсмирлар стоматология поликлиникаси, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига кизмат кўрсатади. Шаҳар ҳудудидан Андижон — Тошкент т.й. ўтади. Ҳ.дан Наманган, Андижон, Марғилон, Учқўрғон ва вилоятнинг б. йирик шаҳарларига автобус ва маршрутли таксилар қатнайди.

ҲАҚҚУШ (Nycticoraxnycticoraxx) — қарқарадар оиласига мансуб қуш. Жан. Европа, Осиё, Африка, Шим. ва Жан. Америкада тарқалган. Ўзбекистоннинг Амударё ва Сирдарё воҳаларида учрайди. *Танасининг уз. 60 см* га яқин. Қаноти 26—30 см; қора-оқиш ёки кулранг, металлдек ялтирайди. Етук Ҳ.нинг бошида 3—4 та узун, ингичка патлан иборат кокили бор. Дарё, кўл ва б. сув ҳавзаларининг қирғогида яшайди. Асосан, тунда фаол; колонияларга уя қуради. 4—5 та тухумини нари ва модаси навбатлашиб 21—22 кун босади. Балиқ, бақа, майда умуртқасиз ҳайвонлар б-н озиқланади.

Ҳаққуш.



ҲЕЗЛИК, *ҳезлалик* — эркаклар*инг эндокрин касаллиги (қ. Енгунчаликдир).*

ҲЕРИРУД — *Тожик* дарёсининг Афғонистон ва Эрон ҳудудидан оқувчи қисми.

ҲЕЧ НАРСА, *ҳеч нима* — ҳар қандай сифатнинг, муайян объектнинг ва умуман бор бўлган нарсаларнинг йўқлигини, мавжуд эмаслигини ифодаловчи фалсафий тушунча. У мавжудлик, борлиқ, нимадир деган тушунчаларнинг қарама-қаршиси. У — йўқликдир. Йўқлик — Ҳ.н.дир. Борлиқ тушунчаси *нималиклар* мавжудлигини ифодаласа, йўқлик тушунчаси эса ўша жойда нималикларнинг мавжуд эмаслигини англатиб, нималикнинг акси бўлган Ҳ.н.ни ифодалайди. Йўқлик деб *ўтмишдаги ва келажакдаги ҳодисаларнинг ҳоз. замонда (айнан шу вақтда) йўқ эканлигига қўлланг мумкин. Бугунги ҳодиса кеча йўқ эди, аммо потенциал (имкониятдаги) борлиқ сифатида мавжуд эди. Эртанги ҳодиса ҳам ҳозирча йўқлик, аммо потенциал борлиқдир. Биз ўтмишни бугунги кунда қоллирган изига қараб, келажакни эса бугунги ҳодисалардаги ўзгариш суръатига ва тенденцияларига қараб фараз қиламиз. Бугунги воқелик эртага эса йўқликка айланади, бугун тирик бўлган кўпгина жониворлар эртага *ўлик бўлади. Мутлақ йўқликнинг ўзи йўқдир. Ҳ.н.* ни гносеологик жиҳатдан ҳам тушуниш мумкин. Биз йўқ деб ҳисобланган объектлар ҳозирча бизнинг фикр доирамиздан (билиш чегарасидан) четда қолган бўлиши ҳам мумкин. Ўтган асрларда электромагнит майдонининг, кўпгина элементар зарраларнинг мавжудлиги ҳақидаги тасаввурлар йўқ эди. Аниқроғи, биз уларнинг мавжудлигини билмас эдик. Улар биз учун «йўқлик» ҳисобланар эди.

Ҳ.н. тушунчаси ҳақида қаламдан мутафаккирлар фикр юритиб келишган. Демокрит ҳаракат ва ўзгаришлар бўлиши учун борлиқ (атомлар) ва бўшлиқ (Ҳ.н.) бўлиши лозим, деб таъкидлаган. Софист Горгий Ҳ.н. борлиқнинг тескари томонидир дейди. Платон ва Аристотель фикрича, Ҳ.н. ўз-ўзича имконият, пассив борлиқдик бўлиб, бу сифатлар ҳар бир конкрет нарсала *мужассамлашган бўлади.* Плотин фалсафасида Ҳ.н., яъни йўқлик ёмонлик б-н айнанлаштирилади. Шарқ фалсафасида, халом таълимотида, Форобий ва Ибн Сино асарларида Ҳ.н. азалий борлиқдан ташқаридаги ирода сифатида талқин этилган ва у *қамма* нарсанинг ибтидоси ва интиҳосидир деб таъкидланади. *Ҳадет фалсафасида* ҳамма балолар йўқликдан келиб чиқади, дейилади.

Гегель «Мантиқ фани» асарида Ҳ.н. соф борлиқнинг қарама-қаршиси, категориялар ҳаракатининг дастлабки босқичидир деб ҳисобланган. 19-а. охири — 20-а. бошларига келиб анъанавий *метафизика таълимотининг* сусайиши туфайли Шопенгауэр, Ницше, Бергсон томонидан Ҳ.н. мавҳумга тушунча сифатида фалсафий истеъмолдан чиқариб ташланди. Аммо, замонавий *космологик* концепцияда ҳамма нарса ўша Ҳ.н.дан вужудга келган дейилади. Шундай экан, Ҳ.н. аслида ҳамма нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси, асоси ва давомчиси, сабабчиси ва оқибати, яратувчиси ва йўқотувчисидир.

Ад.: Аль-Фараби, Философские трактаты. Алма-Ата, 1970; Тураев Б.О., Содержание пространства и времени в прошлом и настоящем, в кн. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация. Т., 2000; Подольный Р., Ҳеч ниманинг ўзи нима?. Т., 1987; Тураев Б.О., Кариков Б.Р., Ҳозирги замон фанларида имконият муаммолари, Т., 1993.

ҲИД БИЛИШ — одам ва ҳайвонлар бурун бўшлиғининг юқори қисмида жойлашган махсус сезги *аъзолари* (ҳид билиш рецепторлари) орқали ҳидларни сезиш. Ҳайвонскарда Ҳ.б. оқат қидириш, йўл топиш, аниқ жойни белгилаш, қарама-қаршн жинсни излаш, шуниндек, билиш воситаларидан бири ҳисобланади ва ҳ.к. Одамларда Ҳ.б.нинг аҳамияти ҳайвонлардагига қараганда камроқ, бироқ Ҳ.б.нинг йўқолиши одам учун азоб ҳисобланади (қаттиқ *тумов* бўлганда оқатнинг қанчалик бемаза туйилишини эслаб кўрайлик). Ҳид *билмайдиган одамлар кўпинча* овқатдан завқланишни мумкин, чунки бирор овқатнинг сифатлилигини ҳидидан билиб олмайди. Ҳар бир одамда кўпгина ҳиссиётлар ҳидни сезишга боғлиқ бўлади. Ёмон ҳид кайфиятни бузишн, яхшиси кўтаришн мумкин.

Ҳидларни бурунининг юқлиқ пардасида жойлашган махсус рецепторлар сезади (қ. *Бурун*), у ерда бор-йўғи 5—10 см² жойда тахм. 50 млн ҳидларда ҳид сезувчи рецепторлар бўлади. Бунда ҳар бир рецептор юзаси ниҳоятда майда ўсимталар ҳисобига кўп марта ортади. Шиллиқ парда юзасида жойлашган Ҳ.б. *рецепторлари шу қужайралар* ажратадиган шиллиқ модда б-н доимо намланиб туради. Ҳидли моддалар ҳаво б-н бирун бўшлиғига тушади, шиллиқда эрийди ва рецепторларни таъсирлайди, у ердан ҳид ҳақидаги ахборот *ҳид билиш нерви* орқали бош мияга ўтказилади. Бош мияда ҳса бизнинг ҳид қидидаги (ушни ўткирлиги, сифати ва б.) таассуротимиз *шакллнади.* Ҳ.б. анализаторлари хилма-хил ҳидли моддалар турларини фарқлай олади. Ижукар ит, мас., ҳидга қараб кўпчилик одамлар ичидан маълум биттасини топа олади, *яъни ҳар бир одам, ҳар бир ҳайвон* фақат ўзига хос ҳидга эга. Ҳ.б. хусусан бахорда ва ёзда, айниқса иссиқ нам ҳавода, шуниндек, ёруғликда қоронғидагига қараганда ўткир бўлади. *Рецепторларнинг* ҳидли моддалар б-н узоқ вақт таъсирланиб турнши шу ҳидга ўрганиб қолишга олиб келади, кейин одам бу ҳидни сезмайдиган бўлиб қолади. Бир ҳидга бошқаси таъсир қилгандан кейин ҳидлар аралашиб, ўзгача ҳидга айланиши натижасида одам ҳидга ортиқча сезгир бўлиб қолиши мумкин.

Ёш ўтиши б-н Ҳ.б. ҳам сусаяли. Ҳ.б. нинг бузилиши — ҳид билмаслик (*аносмия*), турли ҳидларга сезувчанликнинг ортиши (*гиперосмия*), бурун шиллиқ пардалари касалликларн (туҳоб), бош мия айрим бўлаклари*нинг ўсмаси ва шикастланиши* баъзи бир психик касалликларда учрайди (бунлай ҳолларда Ҳ.б.га одатда ҳидларни сезиш галлюцинацияси қўшилади). Баъзи ҳомиладор аёлларда ҳам ҳид *билмаслик* ҳолати кузатилади.

Ҳ.б. пасайганда ёки йўқолганда дарҳол врачга мурожаат қилиш ва сабабини аниқлаш зарур.

ҲИД БИЛИШ АЪЗОЛАРИ — одам ва ҳайвонларнинг ҳид сезиш аъзолари. *Одамда бурун бўшлиғининг юқори* — орқа қисмида жойлашган. Талайгина сут эмизувчилар бурнидаги ҳид билиш қисми бурун бўшлиғи суяк деворининг кўшимча чиганоғи ҳисобига кенгайган. Судралиб юрувчилар, баъзан сут эмизувчилар бурун тўсиғида Ҳ.б.а.лан бошқа якобсон аъзоси ҳам бор. Балиқларда Ҳ.б.а. жуфт бурун ўйиғи ёки қопчиқларидан иборат бўлиб, бошида — оғиз тешиги ёнида жойлашган. Ҳашаротлар ўзидаги антен-

нларидаги сенсилллалар б-н сезади. Ҳ.б.а.нинг специфик функциясини уларлаги уручқисимон ҳужайра — рецепторлар таъминлайди. Ҳар бир ҳужайрала 2 ўсимта бор: ўсимтанинг узун ва ингичка марказ ни *ҳид билиш нерви* таркибига киради; иккинчи ўсимта — периферик қисмдир [периферик қисм умуртқали ҳайвонларда ҳид билув эпителийси юзасила тўпланчисимон йўпонлашиб тузилди; булар- та бир тутам ингичка (0,25—0,3 мкм) туклар (узунлиги бир неча ўн мкм) бўлади]. Қўрқоқликда, сувда яшовчи умуртқалилар ва ҳашаротларнинг ҳид билув туклари без ҳужайрадари ажратган шилимшиқ модда б-н қопланган. Ҳидли моддалар молекуласи дастлаб сув ёки ҳаводан шу модда — оралиқ муҳитга тушади. Шу тукларда ҳужайранинг ҳидли моддалар молекуласи б-н бирламчи ўзаро таъсири амалга ошади.

ҲИД БИЛИШ НЕРВИ [nervus olfactorius] — *бош мия нервларининг* 1-жуфти. Ҳидлов рецептор ҳужайраларининг ўсимталари (аксонлар)дан ҳосил бўлади (қ. *Ҳид билиш аппарати*). Бу ўсимталар ўта юзаки нерв толаларига киради. Сўт эмизувчиларда (бошқа умуртқалилардан фарқли) Ҳ.б.н. иккит бир тутам бўлмай бир нечта ҳидлов ипчаларини ҳосил қилади. Бу толалар гадиврсимон суяк кўзалланг (илма-тешик) пластинкасининг тешикларидан ўтиб, бурун бўшлиғига киради ва шохлиқ қаватга тарқалади. Ҳ.б.н.нинг ҳид қабул қилувчи рецепторлари бурунининг шохлиқ қаватида жойлашган.

«ҲИДОЯ» (араб. — йўлланма; тўла номи «Ҳидоя фи фуруъ ал-фиқҳ» — «Фиқҳ соҳалари бўйича йўлланма») — *ҳанафийлик*ка кенг тарқалган шариат қўлланмаси (колекси). Уни *Бурҳониддин Марғиноний* 13 й. давомида ёзган. Қўлланмани яратишда Қуръон оятларига, дастлабки 4 халифа, саҳобалар ва тобеъинларнинг ривоятлари, ҳалислар, суннийликдаги 4 мазҳаб асосчиларининг асарларига таянган. «Ҳ.» 4 жилд, 57 китоб, 165 боб, 152 фаслдан таркиб топган. «Ҳ.»нинг 1-жилди 5 китобдан иборат бўлиб тахорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га бағишланган. 2-жилдга никоҳ, талоқ, қулни озод қилиш, топиб олинган болаларнинг насабини аниқлаш, бедарак йўқолганлар, шерикчилик, вақф ҳуқуқи каби масалалар киритилган. 3-жилдда олди-сотди, пул муомолари, кафолат, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, ваколат, даъво, суд, қарз бериш, совға, ижара, воилийлик (патронат), ҳомийлик каби масалалар ўрин олган. 4-жилдда мероснн тақсимлаш, васият, шартнома, овчилик, гаронга бериш, жиноятлар хусусида, уни ҳақи тўлаш каби масалалар ёритилган. Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳ.» асари ёзилиш услуби бўйича ажралиб туради. Унда ҳуқуқий муаммоларнинг ечими дастлаввал машҳур фақиҳларнинг фикр-хулосаларини баён қилиш ва унга бошқа фиқҳ олимларининг эътирозлари ва қўшилишларини изҳор қилиш йўли б-н берилган. Худди шундай умумэътироф этган обрўли фақиҳлар нуқтаи назарилан келиб чиққан ҳолда муайян ҳуқуқий муаммонинг энг маъқул ечимини танлаб олиш мумкин бўлган. Шу йўл б-н «Ҳ.»да шариат қоидаларининг айнан ўзигина эмас, балки уларнинг мукаммал асос ва далиллари ҳам аса равишда берилган. «Ҳ.» бир неча аср давомида кўп мусулмон мамлакатларида ҳуқуқшуносник бўйича асосий манба ҳисобланган. «Ҳ.» судлов бўйича қўлланма сифатида Ўзбекистонда 20-а.нинг 20-й.ларигача — қозилар суди бекор қилиниб, шўролар суд тизими жорий қилингунча амалда бўлди. У баъзи мусулмон мамлакатларн олий ўқув юртларида ўқитилади. «Ҳ.» бир неча тилга таржима қилинган. «Ҳ.»нинг 1-жилди ўзбек тилида Тошкентда 2001 й.да чоп этилди.

ҲИДОЯТ (араб. — тўғри йўл) — ҳақиқий эътиқод йўлидан юриш. Ҳ.нинг қарама-қаршиси залолат (тўғри йўлдан озишдир. Қ. Аллоҳ ўз бандалари учун кўрсатган энг тўғри йўл ҳисобланади. Қуръонининг Ҳ. тўғрисидаги оятларда таъкидланишича, Аллоҳ таоло Ҳ. йўлига ҳаммани ҳам бошламайди, балки ўзи хоҳлаган, таналган кишиларигина бу неъмата мушарраф этади. Алоҳ Муҳаммад (сав) га хитоб қилиб: «Сен хоҳлаган кишингни Ҳ.га эриштира олмайсан, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаганига Ҳ. ато қилур» — деган мазмунда оят нозил қилган. Ҳ. ҳақида бир неча ҳадис ҳам ривоят қилинган.

«ҲИДОЯТ» — ойлик диний-ижтимоий, илмий-адабий жур. Мусассиси — Ўзбекистон мусулмонлари идорасн. 1999 й. авг.да ташкил этилган. Аввал «Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари» (1946—1968), «Совет Шарқи мусулмонлари» (1968—91), «Movaroyounnakr muslmonlari» (1991—95), «Ўзбекистон мусулмонлари» (1995—99) номларида нашр этилган. Жур.да Қуръон оятларининг тафсирлари, ҳадиси шариф шарҳлари, ибодат ва қунделик турмушга оид турли масалалар, илм эгаллаш, оила ва фарзандлар тарбнси, масжид ва мадрасалар ҳақнда, маъзинй мерос ва тарихий қадриятларни ўрганишга оид мавзулар, дунё мусулмонлари ҳаётидаги янгиликлар, хабарлар ёритилган. «Ақида», «Фиқҳ», «Амри маъруф», «Наҳйи мункар», «Тафсир», «Ҳадис илмн», «Олимларга саёҳат», «Имом-ларимиз», «Илм масканларида», «Тиббиёт бурчаги» каби рукнлари бор. Жур. 2001 й.дан «Ҳидоят кутубхонаси» силсиласида китоблар ҳам нашр этмоқда.

ҲИДОЯТОВ Аброр (1900.31.12 — Тошкент — 1958.3.10) — Ўзбекистон халқ артисти (1937). Дастлаб эски мактабда ўқнган. 1919 й.дан Маннон *Ўйғур* бошчилик қилган «Турон» труппасида ишлаган. 1920—24 й.лар Неъмат (Ғ.Зафирий, «Ҳалима»), Аскар (У.Ҳожибеков, «Аршин мол олон»), Мажнун (Хуршид, «Лайли ва Мажнун»), Вурм (Ф.Шиллер, «Макр ва муҳаббат») каби ўйнаган ролларн билан театрнинг энг ёрқин актёрларидан бири сифатида шуҳрат қозонди. 1924—27 й.лар Москва ўзбек драма студиясида ўқийди. Студияда яратилган Гарпагон (Ж.Мольер, «Хасис»), Боб (Бизль-Белоцерковский, «Акс садо»), Насриддин (Чўлпон, «Яна ўйланамаи»), шаҳар ҳокими (Н.Гоголь, «Ревизор»), Калаф (К.Гоцци, «Малика Турандот»), Ҳ. камолотида муҳим роль ўйнади. 1927—35 й.лара мидлий ва таржима асарларда бир туркум образлар яратди: Саримсоқ (К.Яшин, «Ёндирамиз»), Рустам (У.Исмоилов, «Рустам»), Шопур (Хуршид, «Фарҳод ва Ширин»), Фронцдсо (Лопе де Вега, «Қўзибулоқ қиздлотн») ва б. Ижобий қаҳрамонлар образларини яратар экан, асосан қаҳрамонни романтик асоситаларни ишга солди. Салбий ролларда ҳам эътиборли ижолий ютуқларга эришди: Кукушбей (Д.Фурманов, С.Поливанов, «Исён»), Орипов (Э.Сайд, Н.Сафаров, «Тариҳ тилга кирди») ва б.



Ҳ.нинг актёрлик маҳорати Ҳамлет (У.Шекспир, «Ҳамлет», 1935), Ғофур (Ҳамза, «Бой ила хизматчи», 1939) ва Отелло (У.Шекспир, «Отелло», 1945) образларида ёрқин намоён бўлди.

Ҳ.нинг ўзбек тарихий драмаларида яратган Муқанна (Ҳ.Олимжон, «Муқанна»), Темур Малиқ (М. Шайхзода, «Жалолиддин»), Навоий (Ўйғун, И.Султон, «Алишер Навоий») образлари ҳам етукдир.

Ҳ. номи Ўзбек давлат драма театрига (1991) ҳамда Тошкент кўчаларидан бирига (1986) берилган. Ҳ. ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильм ишланган (реж. Бобо Ҳўжаев, 1967). Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2000).

Ад.: Дзёч А., Абдар Хидоятов, М.-Л., 1948; Алдеева Л., Абдар Хидоятов, Т., 1960; Кодиров М., Сахнамиз донишмандлари, Т., 1986; Рахмонов М., Ҳамза Ўзбек Давлат академик драма театри тарихи, Т., 2001.

Муҳсин Қодиров.

ҲИДОЯТОВА Замира (1909.5.1 — Тошкент — 1998.28.2) — Ўзбекистон халқ артисти (1944). Москва ўзбек драма студиясида ўқиган (1924—27). 1927 й.дан ишчи-сайёр труппаси, 1932 й.дан Ҳамза номидаги театрда ишлаган. Образлари серқирралиги, ёрқинлиги, туйғулар ва ички кечинмаларнинг кучли таъқини, ҳаққонийлиги ва халқчиллиги б-н ажралиб туради. Ерқиной (Ўйғун, «Ерқиной»), Ортиқова (З.Фатхуллин, «Инқоб йиртилди»), Мизьфордхоним (Ф.Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Меланья (М.Горький, «Егор Булычёв ва бошқалар»), Кабаниха (А.Островский, «Момақалдироқ»), Гулсум (Ойбек, «Кутлуғ қон»), Ҳамробиби (А.Қаҳҳор, «Шоҳи сўзана»), Ҳожи она (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Халича (Ўйғун, «Навбаҳор»), Хосият (К.Яшин, А.Умарий, «Ҳамза»), Риволат (И.Султон, «Имон») каби турфа роллари б-н ўзбек театри санъати ривожига муносиб ҳисса қўшди. Шунингдек, Ҳ. телевизион спектакллар («Ғалати одамлар»да Зеби хола, «Тариқдан бир мезон»да А. Қодирийнинг онаси, «Ёлғон»да она ва б.) ҳамда кинода («Асал», «Шоҳи сўзана», «Ўн уч терак кўчаси», «Комнат горинши сири», «Бой ила хизматчи», «Пахта шуҳратлари» ва б.) ҳам образлар яратган. Радиопостановкалар, дубляжнинг энг фаол иштирокчиларидан бўлган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1979). «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1994).



Замира Ҳидоятова Ҳазина розида (ўртада, «Бой ила хизматчи»).

ҲИЁ (Physo-chiaina alaica Korog) — томатдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик тури. Фарғона водийси, Олой тизма тоғининг шим. ён бағирлари, Сўх ва Шоҳимардон дарёлари ҳавзаларида тарқалган. Бўйи 50 см; илдизи 200 см гача чуқурликда жойлашган. Барглари кенг, тухумсимон, уз. 6—10 см, эни 4—7 см. Гуллари тўғузларга йиғилган.



Ҳиё.

Меваси кўсакча. Апр.-май ойларида гуллаб, июнда уруғлайди. 2200—2500 м баландликдаги арчазорларда, қоялар тагидаги сернам жойларда, баъзан очиқ ландшафтларда ўсади. Заҳарли. Таркибида гиосциамин, скополамин, белладонни ва тиббиётда қўлланиладиган алколоидлар бор.

ҲИЖО (араб. — бўғин) — шеърий нутқнинг ритмик бирлиги, яъни сўзнинг бир нафас зарби б-н айтиладиган қисми. Ҳ. кўпинча, тилшуносликдаги бўғин тушунчасига тўғри келади, баъзан бўғиндан фарқли ўлароқ ундош товушнинг ўзидан ҳам тузилиши мумкин. Мас.,

Васл боғи / ичра сендек / шоҳи золим/
кўрмадим,
Ишқ қуйи/да ўзимдек/ нотавон тополмон.
(Алишер Навоий)

байтидаги васл, ишқ сўзларидаги л ва қ унлошлари мустақил Ҳ.ни ташкил этади. Ҳ. талаффузига кетган вақт ва тузилишига кўра иккига бўлинади: чўзиқ (—) ва қисқа (v) Ҳ. Чўзиқ Ҳ. унли б-н тугаса, қисқасига нисбатан чўзиқроқ талаффуз қилинади ёки ундош б-н тугайди (чуноничи, юқоридаги: Вас-л боғи қаби).

Ҳ.лар рукнларни ташкил этади (юқоридаги байтда 8 та рукн бор). Аруз вазнидаги шеърлар учун қисқа ва чўзиқ Ҳ.ларнинг муайян бир тартиб — нисбатла келиши ва бундан ҳосил бўладиган рукнлар асос бўлса, бармоқ вазнидаги шеърлар ритмида бўғинларнинг сони ва тўроқлар асос бўлади (яна қ. *Бармоқ тизими, Шеър тузилиши, Шеършунослик*).

ҲИЖОЗ — Саудия Арабистонининг Шим.-Ғарбида жойлашган тарихий вилоят. Ҳ.нинг асосий шаҳри — Макка жоҳилият даврида ҳам Арабистоннинг савдо ва маданий маркази бўлган. 7-а.нинг бошларида Ҳ.да Муҳаммад (сав) янги дин — исломни тарғиб этиб, мусулмон жамоасига асос солди. Халифаликнинг пойтахти Мадина, Макка ш. қаторида Ҳ. мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳ жойига айланган. Халифалик пойтахти Сурияга, сўнгра Ироққа кўчирса ҳам, Ҳ. муқаддас шаҳарлар туфайли ўзининг мумтоз диний аҳамиятини сақлаб қолган. Халифалик парчалангач, Ҳ. турли мусулмон давлатлари (Фотимийлар, Айюбийлар, Мамлуклар) таркибига кирган. 1517 й. Миср турклар босиб олгандан кейин Ҳ. муқаддас шаҳарлари б-н бирга Усмонийлар империясига қўшиб олинган. 1811—18 й.да Муҳаммад Али пошо бошчилигидаги Миср қўшинлари Ҳ.ни эгаллаб олган.

1840 й.дан уни турк губернатори бошқарган. 1916 й.да Ҳ.да турк ҳукмронлигига қарши (Макка шарифи

Ҳусайн ибн Али бошчилигида кўзғолон бошланган. 1912—25 й.ларда Ҳ. номигагина мустақил қироллик бўлган. 1925 й.да Нажд ҳокими Ибн Сауд Ҳ.ни эгаллаб олган. 1932 й.дан Ҳ. Саудия Арабистонининг қирол пойблари бошқарилган вилоятларидан бирига айланган.

ҲИЖРА, ҳижрат (араб. — кўчиб ўтиш) — *Муҳаммад* (сав) ва тарафдорларининг Маккадан Мадинага кўчиши. Ўз диний тарғиботини Маккада бошлаган Муҳаммад (сав) қурайш мушрикларининг унга нисбатан душманлиги кучайиши, вазиятнинг оғирлашиши натижасида 622 й. сафлошлари б-н Мадинага кўчишга мажбур бўлди. Кўчиш бир неча ой давом этган, 638 й.да халифа *Умар* буйруғи б-н мусулмонлар ўртасида Ҳ. билан боғлиқ тақвим амалга киритилган, яъни 622 й. мусулмон йил ҳисобининг боши деб эълон қилинган (қ. *Ҳижрий йил ҳисоби*).

ҲИЖРИЙ АШРАФХОН (1634, Пешовар вилояти Акурай қишлоғи — 1697, Ҳиндистон) — афғон-пушту мумтоз адабиётининг таниқли вакиллари*дан Хушҳолхон Хаттаknинг* ўғли. 12 ёшидаёқ отаси ва амакиларя б-н ўзаро қабиладий урушларда иштирок этган. Тасаввуф шеъриятини яхши билган. 1664 й. отаси Хушҳолхон Хаттак ҳибса олингач, қабиласининг мустақиллиги учун жангларга бошчилик қилган. Аммо Ҳ.А. 1683 й. Пешоварда сотқин укаси Байрамхоннинг қурсатмаси б-н ҳибса олинган ва умрининг охиригача асирликда яшаган.

Ҳ.А. «Ҳижрий», «Руҳий», «Акрам» тахаллуслари б-н шеърлар ёзган. Асарларини қамлаб яратган. Ҳ.А. шеърлари «Девони Ҳижрий»да тўпланган бўлиб, бу девон Пешоварда бир неча бор чоп этилган. Девон 2 дафтардан иборат: 1-дафтарга шоирнинг пушту тилидаги қасида, газал, рубоий, қитъа ва мухаммаслари жамланган. 2-дафтарда эса шоирнинг форс-дарий тилида ижод қилган шеърлари жой олган. Шоир шеърларида Хушҳолхон Хаттакнинг бевосита таъсири сезилади. Ҳ.А.нинг газаллари ва б. турлаги шеърларида суфийна ишқ, маҳсоий тимсоллар, ҳар хил рамзий истиоралар кўплаб учрайди. Лирикасида анъанавий ишқи илоҳийнинг йўналишлари, кўринишлари устун. Ҳ.А.нинг тасаввурида илоҳий ишқдан бўлак ҳақиқий ишқ йўқ. Дунёвий ишқ мавзуидаги шеърлари ҳам бор.

ҲИЖРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ — мусулмонлар йил ҳисоби. *Муҳаммад* (сав) нинг Маккадан Мадинага кўчиши (қ. *Ҳижра*) б-н боғлиқ, Қамарий (ҳижрий-қамарий йил) ва шамсия (ҳижрий-шамсий йил)га бўлинади.

Қамарий бўйича йил ҳисоби 622 й.нинг 16 июли жума кунидан бошланиб, Ойнинг кетма-кет келган икки бир ҳил фазаси оралиқ ўтган вақт — синодик ой (29,530588 кун) даврига асосланган. 12 ойдан иборат бир қамарий йил 354,3671 кундан иборат. Қамарий йилда 1, 3, 5, 7, 9 ва 11-ойлар 30 кундан, қолганлари 29 кундан бутун қилиб олинган. Ойлар тартиби б-н муқаррам, сафар, рабиул аввал, рабиул охир, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввал, зулқода ва зулҳижа деб аталади. Қамарий йил *тўртик йиллан* 10—12 кун қисқа. Қамарий йилнинг баъзи*лари* кабиса йил бўлишига сабаб йилнинг каср қисми (0,3671 кун) ҳар 30 й.да 11,013 кунни ташкил этишидир. Унинг 19 йили оддий (354 кунлик), 11 йили кабиса (355 кунлик). 38-йлик арабча цикликнинг 2, 5, 7, 10, 13, 16, 18, 21, 24, 26 ва 29-й.лари кабиса деб қабул қилинган. Қамария ҳисоби Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўп давлатлари ва б. баъзи давлатларда қўлланади.

Шамсия 622 й.нинг *баҳорги тенг кунлик* куни — 21 мартдан бошлаб ҳисобланади; қейинги йил бошлари эса 20, 21 ёки 22 мартга тўғри келади. Давомийлиги *Григорий календари*дагари каби 365 ёки 366 кундан иборат. Шамсия бўйича ойларнинг номлари ҳут, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сумбула, мезон, ақраб, қавс, жадди ва далв бўлиб, бу ойлар доимо йилнинг маълум бир вақтларида келади.

Ўрта Осиёда янги услуб янги оммавийлашгунга қадар қамария ҳисоби ҳам, шамсия ҳисоби ҳам ишлатилиб келинган; Шамсия ҳисоби бўйича йилнинг дастлабки кунларида *Наврўз байрами* ўтказилган.

Ҳ.й.нинг саналарини янги услуб (Григорий календари)га айлантиришда махсус формулалар ва жадвалдар қўлланади. Мас., Григорий календарининг 1980 й. қамариянинг 1399/1400 й.ларига ва Шамсиянинг 1359/1360 й.ларига тўғри келади (яна қ. *Буржлар, Календарь*).

«ҲИЗБУТ ТАҲРИР» (тўдиқ номи «Ҳизб ат-таҳрир ал-исломий» — «Ислом озодлик партияси») — сиёсийлашган диний ташкилот (оқим). Фаластинда Тақиюддин Набҳоний (1909—1979) асос солган. У «*Мусулмон биродарлар*» гуруҳининг Фаластин бўлинмасида фаолият юритиб, 1953 й. маслакдошлари б-н мазкур бўлимга аъзоларини янги диний-сиёсий партия — «Ҳ.т.»га бирлаштирган.

«Ҳ.т.» таълимоти Тақиюддин Набҳоний ва унинг издоши Абдул Қадим Заллумнинг «Ислом низоми», «Ислом давлати», «Халифалик», «Ислом ақлига қайноқ ишдолар», «Ҳизбут таҳрирнинг тушунчалари», «Демократия — куфр низоми» ва «Сиёсий онг» каби китобларида баён этилган. Уларда дунёвий давлат тамойиллари қораланган, демократия, конституция, сайлов каби сиёсий тартиб-қоидалар инкор қилинган ҳамда диний мутассаббиклик гояларини тарғиб қилиш, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш ва халифаликка асосланган тузумни ўрнатиш йўллари ифода этилган.

«Ҳ.т.» мафкураси 3 босқичдан иборат амалиёт орқали сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олишни назарда тутади: 1. Марҳалатут-тасқиф — тушунтириш ишлари. Сиёсий ва маънавий оғир заиф шаҳарлари ўз томонига оғдириш орқали ташкилотнинг ишлари бўлинмаларини тузиш. 2. Марҳалатут-тафоул — ушмат-ни шакллантириш. 3. Марҳалатут-талабун — нусрат (талаба, қокимият) талаб қилиш. Мавзуда «Уммат» кучи б-н давлат тўнтаришини амалга ошириш ва сиёсий ҳокимиятни эгаллаш.

Ташкилот пирамида шаклидаги тузилишга эга. Унинг куйи погонасини 5 кишилик «халқа» (тўгарак)ларга бирлашган «ларис» (дарс олувчи)лар ташкил этади. Халқага «мушриф» (дарс берувчи) раҳбарлик қилиб, 4—5 мушрифдан иборат «маҳаллий жўҳо» (тизминот бошқармаси) «нақиб» (нойиб) га, нақиблар вилоят даражасида «мусоид» (ёрдамчи)га бўйсунадилар. Мусоидлар фаолияти минтақавий раҳбар — «мутамад» (ишончли) томонидан бошқарилади. Ташкилот раҳбари — «ал-Амирул-аъзам» (бош бошқарувчи) ташкилотнинг олий бўғини — «Қиёлат» (бошқарув раёсати) орқали муътамадларнинг фаолият йўналишини белгилаб туради. Бундай тузилиш ташкилот фаолиятини мумкин қадар яширин олиб бориш имконини беради.

«Ҳ.т.» ўз раҳбарияти, қарорлари ва нозик маълумотларга қатъий сир тутади. Маълумотларга кўра, Набҳонийнинг вафотидан сўнг, 1979–2003 йиллар ташкилотга фаластинлик Абдул Қодим Заллум (1922—2003) раҳбарлик қилган. 2003 йилдан бошлаб эса «Ҳ.т.» ги Иордания фуқароси Алӣ Абу Рушта («Абу Ёсин») етакчилик қилади. У ўз мамлакатида экстремистик фаолияти учун бир неча марта қамоқ жазосини ўтаган.

Набҳоний дастлабки мақсад сифатида Фаластинда ишғолга асосланган давлат қурилишни эълон қилган. Кейинчалик эса у партиянинг асосий мақсади — мусулмон дунёсини бирлаштирувчи ягона халифалик давлатини қуриш, деб эълон қилди. «Ҳ.т.» фаолияти 1950—60 йилларда Яқин Шарқда, 1970—80 йилларда Жан. Осиёда, 1990-йилларда Марказий Осиёда ва МДҲга эъзо бўлган баъзи мамлакатларга тарқалди. Ташкилот ғарбий Европаларги бир неча мамлакатларда ҳам ўз бўлинмаларига эга. Маълумотларга кўра, ташкилотнинг Буюк Британияда жойлашган бўлинмаси мувофиқлаштирувчи марказ вазифасини бажаради.

«Ҳ.т.» ташкилоти сиёсий гарзлларини Қуръон ва ҳадисларни нотўғри талқин қилиш орқали оқлашга уринади. Шунинг учун ислом дунёсининг таниқли диний намояндалари, жумладан, Саудия Арабистонининг собиқ бош муфтийси, марҳум шайх Ибн Боз, Юсуф Қарзовий (Қатар) «Ҳ.т.» ни «исломни бузувчи» ташкилот сифатида баҳолаганлар. Марказий Осиёнинг етук уламолари Абдулҳаз Мансур, Алоуддин Мансур, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ва б. ўз чиқишларида «Ҳ.т.» идеологияни рад этганлар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг 1999 й. 16 июндаги «Дин ниқоби остидаги динбузарлик ҳақида»ги фатвосида «Ҳ.т.» ва бошқа бузғунчи гоҳфалар фаолиятига қатъий қораланган.

«Ҳ.т.» раҳбарлари ўз чиқишларида гўёки фақат тинч қураш усулларидан фойдаланишларини эълон қиладилар. Бироқ, ташкилот мафкурасини ифодаловчи ҳужжатлар, шунингдек, «Ҳ.т.» аъзоларининг қатор мусулмон давлатларида амалга оширган террорчилик ҳаракатлари бунинг аксини кўрсатади.

1989 й. АҚШнинг Миссури штатида «Мусулмон талабаларнинг байналмилал алоқалари» номи остида ўтган анжуманида «Ҳ.т.» вакили «мусулмон бўлмаган ҳукуматларга қуролли жиҳод эълон қилиш зарур», деган мазмунда маъруза қилган. Шу маъруза бир неча тилларда «Ҳ.т.» аъзоларига тарқатилган. Ташкилотнинг «ал-Ваъй» («Онг») жур.да ҳам диний мутаассиблик ва экстремизм руҳидаги мақолалар мунтазам бериб борилади. Хусусан, жур.нинг 2001 й. июнь, 170-сонида халифалик қуриш йўлида барча воситаларни қўллаш, жумладан, қотиллик қилиш оқланган ҳамда бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлувчи террорчи-ҳужқуш (камикадзе)лар «шаҳидлар» қаторига киритилган.

«Ҳ.т.» аъзолари қатор мусулмон мамлакатларида қуролли қуруқларни амалга оширганлар. Буқолй амалиёт 1960—70 йиллара Иорданияда, 1974 й. Мисрда, 1999 й. Ливанда кузатилган. 2000 й. Сурия ҳукуқини муҳофаза қилиш идоралари ҳукуматга қарши қуролли галаён кўтаришга ҳозирлик кўраш 800 нафар «Ҳ.т.» аъзосини қўлга олган. 2002 й. Филиппинда қўлга олинган «Ҳ.т.»га мансуб шахслардан кўп миқдорда портловчи моддалар ва ўқотар қуроллар топилган. 2003 й. апр. ойида Исроилнинг Тель-Авив шаҳри кафеларнинг бирида «Ҳ.т.»нинг Буюк Британиядаги бўлимаси аъзоси Умар Шариф ва «ал-Муҳожир» экстремистик гуруҳ вакили Осиф Ҳанифнинг портлатиб юборишлари натижасида қўплаб бегуноҳ инсонлар ҳаётдан кўз юмган. «Ҳ.т.» вакилларининг 2004 й. март-апр. ойларида Тошкент ва Бухорода, июль ойида Тошкентда амалга оширилган террорчилик хуружига иштирок этганлиги суд жараёнларида ўз тасдиғини топди.

«Ҳ.т.» раҳбарияти ҳар сафар қуролли амалиёт муваффақиятсизликка учраган заҳоти гўёки ушбу ҳаракатлар ташкилотнинг «ажралиб» чиққан қисми томонидан амалга оширилди, деган даъво б-н айбни бўйнидан соқит қилишга интилиб келган.

«Ҳ.т.» бошқа терроризм гуруҳлар учун жангчилар тайёрлаб берувчи «конвейер»га айланган. Ўшанг «ал-Қоидачинг Ироқдаги бўлими деб, қўлаб бегуноҳ ироқликларнинг ҳаётига зомин бўлаётган террорчи гуруҳнинг раҳбари Абу Мусо Зарковий дастлабки «Ҳ.т.» аъзоси бўлган. 2005 й.нинг 13 май куни Андижонда қатор қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширган «акромийлик» оқимининг асосчиси Акром Йўлдошев ҳам ўз фаолиятини «Ҳ.т.»да бошлаган.

Экстремистик моҳияти фош бўлган «Ҳ.т.» деярли барча мусулмон мамлакатларида, шунингдек, Россия, Германия ва б. давлатларда террорчи ташкилот сифатида тақиқланган.

«Ҳ.т.» ўзининг фаолиятини аҳолисига тарқибида йирик мусулмон жамоалари мавжуд бўлган МДҲ мамлакатларида кенгайтиришга интилмоқда. Ушбу ҳудудда «Ҳ.т.» аъзолари ўз гоялари ифодаланган варақаларини маҳаллий тилларга таржима қилиб, ишонч босмахоналарда чоп этмоқдалар. Ташкилот аъзоларининг жангарилик амалиёти учун зарур ашёларни тўплаш уларнинг қўпорувчилик фаолиятини амалга оширишга ҳозирлик кўраётганидан далолат беради. 2004 й. Татаристонда қўлга олинган «Ҳ.т.» аъзоларидан ўқотар қурол ва портловчи модда яклланган нимча, Бошқирдистонда ушланган «Ҳ.т.» аъзоларидан эса граналлар, ўқ-дори ҳамда Уфа шаҳари ҳукумат идораларини белгиланган харита олинган. Ҳибста олинганларнинг баъзилари Афғонистонда жанговар тайёргарлик ўтаб келган. 2009-й.лардан буён «Ҳ.т.» фаолиятида ўз тарафига давлат бошқарувн, ҳукуқни сақлаш идоралари ходимларини жалб қилиш ва стратегик объектларга суқилиб киришга ҳаракат қилиш ҳамда аҳоли ичида тарафдорларнинг сонини кўпайтириш учун ҳайрия ишларини фаоллаштириш каби қолатлар кузатилмоқда.

«Ҳ.т.» ташкилоти Марказий Осиё минтақасидаги давлатларда сиёсий гараз мақсадлари сари амалга оширизаётган зўравонлик ҳаракатлари маибалардан бирига айланди. Ушбу ташкилотнинг фаоллашувини совгом сиёсат юритаётган дунёвий давлатларга нисбатан халқаро терроризм томонидан олиб борилаётган «жиҳод»нинг бир унсури сифатида баҳолаш лозим.

Ислом тарихида ўтган ва муайян вақтдан сўнг барҳам топган турли бузғунчи оқимлар каби «Ҳ.т.»нинг идеалари ташқи кўринишдан гўёки, исломни қайта тиклаш, динни тозалаш, ҳақиқий мусулмонликни қарор топтириш бўлса-да, бу ташкилотнинг пайдо бўлганидан то ҳозирги кунга қадар олиб борган фаолияти, унинг асл мақсади содда, ишончсизлик, ак-

сарият дандан бехабар ёшларни ўз гоясига эргаштириш, оламлар оросига фитна солиш йўли б-н сиёсий ҳокимиятни эгаллаш эканини яққол кўрсатди.

Ад.: Абдуллажонов О., Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши, Т., 2005; Ақидада адашмаслик [Нашрга тайёрловчи: Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши], Т., 2005; Гулярли А., Хизб ут-Тахрир аль-ислами: мифы и реальность, Т., 2005; Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари, Т., 2005; Зокирлаев А., Фикрлар курраши, Т., 2000; Ислом маърифати, Т., 2004; Каримов А., Дунёпарастлик дарёлари эмас ёхуд «Ҳизбут-таҳрир»нинг дельталари хусусида мулоҳазалар, Т., 2005; Лукманов А., Халифалик нима? Наманган, 1999; Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Дин насиҳатлар, Т., 2004; Ражапова М., Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари, Т., 2004; Раҳматов О., Огоҳлик – муҳаддас бурч, Т., 2000; Юнусов А., Динимиз душманлари, Т., 2000; Хусниддинов З.М., Ислом: ёнғинлилар, мазҳаблар, оқимлар, Т., 2000.

ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР, афоризмлар — тугал фикрни англатувчи, ўткир мазмунли қисқа ва ўзида ибора, байт, жумла. Халқ мақолларидан фарқли равишда Ҳ.с. келиб чиқиши жиҳатидан маълум бир шахс (ёзувчи, шоир, публицист, файласуф, олим, давлат арбоби ва б.)га мансуб бўлиб, индивидуалликни сақлаб қолади. Ҳ.с.нинг мустақил жанр шаклидаги намуналари б-н бирга илмий, фалсафий, тарихий ҳамда бадиий асарлар таркибида учрайдиганлари ҳам бўлади. Баъзан асар бошдан-оёқ Ҳ.с.дан иборат бўлиши ҳам мумкин (Форобий ва б.). Алишер Навоийнинг айрим асарлари Ҳ.с.га бой («Назм ул-жавоҳир», «Арабаин», «Мақбул ул-қулуб» ва б.). Шарқ халқлари адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида Ҳ.с.нинг кўп қисми панднасиҳат, ўгит, танбеҳ шаклларида бўлади. Мас.:

Дўстлик, садоқатга бизнинг боғла,
Гина, маломатдан тилингни бекла.
(Соҳиб Шерғозий)

Халқ жонли тилига, мақолларга яқин Ҳ.с. ҳам кўп учрайди. Мас., «Ўқсиз солдат — қиличсиз қин» (Ойбек), «Тиши чиққан болага чайнаб берган ош бўлмас» (А.Қаҳҳор). Баъзи Ҳ.с. шаклан қуйма ҳолга келиб, оммавий қўлланишга ўтгач, мақолга айланиб қолади.
Мас.:

Билмаганим сўраб ўрганган олим,
Ўргалиб сўрамаган ўзига золим.
(Алишер Навоий)

Ўзбек ёзувчиларидан Ҳамза, А.Қодирий, Ғ.Ғулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, Шайхзода каби санъаткорлар ўз асарларида Ҳ.с.нинг замонавий намуналарини яратиб, ўзбек адабий тилининг ривожига самарали ҳисса қўшдилар.

Ад.: Хакимов М., Ёзувчи ва халқ тили, Т., 1971; Хакимов М., Ҳадисий ҳикматларнинг ўзбек халқ донишмандлигини бойитишдаги роли, Т., 1977.

Нашр: Навоий, Афоризмлар, Т., 1941, 1947, 1948, 1961, 1968; Минг бир ҳикмат [Тузувчи Ш.Шомуҳамедов], Т., 1965; Хикматлар гулдастаси [Тузловчи М.Аминов], Т., 1982; Шомақсудов Ш., Шорахмедов Ш., Мақоллар мақсади [Нашрга тайёрловчилар Д. Шорахмедов, М. Аминов], Т., 2001.

ҲИКМАТОВ Омон (1929.1.5, Тошкент) — ижтимоий олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000), ижтимоий фанлари д-ри (1970), проф. (1971). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтисослик (1979). Меҳнат фаолиятини Тошкент ш.даги 1-босмахонада ишчи бўлиб ишлашдан бошлаган (1945–46). Ўрта Осиё политехника ин-ти тоғкон ф-тини тугатган (1953). Ўрта Осиёнинг қатор тог-геология, кончилик корхоналарида муҳандис бўлиб ишлаган (1953–61). Ўзбекистон ФА Иқтисодиёт ин-тида илмий ходим (1959–61). Ўрта Осиё Давлат режа қўмитасининг бош муҳандиси (1963–66). Ўзбекистон Давлат режа қўмитаси (Госплан) бўлим бошлиғи (1966–68), шу қўмита қузурилаги Иқтисодиёт и. т. институтида бўлим мудири (1968–74), директор (1974–75). Ўзбекистон ФА Иқтисодиёт ин-тида директор (1975–2004). 2004 й. дан шу ин-тда илмий маслаҳатчи. Илмий ишлари инвестициялар (капитал қўйилмалар) ва янги техника самарадорлигини ошириш, шаҳарларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш ва б. масалаларга бағишланган.



Ад.: Материалы к биобиблиографии ученых Узбекистана. Аман Хикматович Хикматов, Т., 1989.

ҲИКОЯ — бадиий адабиётда кичик эпик жанр, ҳаёт ҳодисалари ихчам ифода этиладиган насрий асар. Жаҳон адабиётида Ҳ. қадим анъаналарга эга. Ўтмишда Ҳ. фольклор асарлари таркибида баён унсури бўлиб иштирок этган. Мустақил жанр сифатида фақат ёзма адабиётда шаклланган. Европа адабиётида Ҳ.чиликнинг ривожланишига итальян ёзувчиси Боккаччо «Декамерон» асари 6-н катта ҳисса қўшган. Асарда 7 қиз ва 3 йигитнинг 10 кун давомида айтган 100 та ҳикояси берилган. Ги де Мопассан (Франция), О.Генри (Америка), А.П.Чехов (рус), А.Қодирий, Ғ.Ғулом (Ўзбек) Ҳ. жанрининг асосчилари ҳисобланади. Европа адабиётида Ҳ. новелла деб ҳам аталади.

Ўзбек адабиётида Ҳ. жуда қадимдан бошланган. Илк ёзма адабий ёдгорликлар — Култегин ва Тўнюқуқ битиктошларида баён қилинган воқеалар ихтиярок этувчилар томонидан ҳикоя қилинган. Носириддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарида ҳам ахлоқий характердаги Ҳ.нинг янги намуналари бор. Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонининг 5-мақолотидаги «Ҳотами Той ҳикояти», 20-мақолатидаги «Ул ҳул ҳикояти», «Сабъан саййёр» достонидаги еттита мусофир Ҳ.лари ҳам бу жанрнинг илк намуналари ҳисобланади. 16-аср кратиглари Пошшоҳоннинг «Гулзор» ва «Мифтоҳ ул-адл» асарлари Ўзбек Ҳ. чилигининг ривожланишига асос бўлган.

Ўзбек адабиётида реалистик Ҳ. жанри 20-а. бошларида шаклланди (Чўлпон, «Қурбони ҳаҳолат», «Дўхтур Муҳаммалёр, 1914; А.Қодирий, «Улоқда», 1915 ва б.). 20-й.ларда Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Ойдин ва б. бу жанрда баракали ижод қилдилар. 30-й.ларда А.Қаҳҳор Ҳ. устаси сифатида танилди. 50–60-й.ларда С.Аҳмад, 60–70-й.ларда Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаевлар бу жанр тараққиётига салмоқли ҳисса қўшдилар.

«Ҳ.» атамаси кенгроқ маънода бирор воқеани гапириб беришни ҳам англатади. Суҳлаб берилган бундай воқелик ўз қамровли, ҳажми, ранг-баранглиги б-н ҳисса ёки романга хос бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда бу атама жанр маъносида тушунилмайди. Мас., Ў.Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романи 9 персонажининг 49 та ҳикоясидан ташкил топган. Ш.Холмирзаев «Олабўжи» асарини «романдан катта ҳикоя» деб аташди. Ҳоз. Ўзбек Ҳ.чилиги О.Мухтор, Н.Аминов, С.Сиёев, Ф.Мусажонов, Х.Султонов, Э.Аъзамов, Н.Эшонқулов, Ш. Бўтаев ва б. ёзувчилар б-н бойиди.

Ҳ. инсон ҳаётида юз берган ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга муносабатини ўзида ифодалашга мўлжалланган. Унда шу воқеага қилган шахс ёки персонаж ҳаётида нима бўлгани, қандай рўй бергани, ким б-н — бутун тўғрисида маълумот бериш шарт эмас. Жуда зарур бўлса, айрим деталлар орқали ишора қилиниши мумкин. Мас., А.Қаҳҳорнинг «Ўғри» Ҳ.сида Кобил бобонинг ҳаётидан ўғрилик ҳақида маълумот берилмайди, деб хабар беради, холос. Ғ.Ғулом эса «Менинг ўғригина болам» Ҳ.сидаги ўғриннинг кечаги кунининг ўзида деталлар орқали тўлдиради. Уйдан бирон нарса олмай чиқиб кетган йигитнинг эртаги куни ҳақида ҳеч қанақа маълумот бермайди.

Ихчамлик Ҳ.нинг муҳим белгиси, лекин унда персонаж ҳаётидан бир-гина лавҳа, узоқ даврдаги воқеалар, персонажларнинг бутун умр йўли, бир эмас, бир неча одамлар тақдири, характерининг шакланиши жараёни, руҳий ҳолатларининг ҳамма-сининг тураши, муҳим фазилат бўлиб қолиши мумкин. Бироқ ҳар қандай кўринишда ҳам тасвир сиқиқ тарзда берилади.

Ҳ. мазмунига кўра лирик, психологик, фалсафий, илмий-фантастик, сатирик, юмористик йўналишларда бўлиши мумкин. Шунингдек, очерк-ка яқин воқеий Ҳ.лар (Н.Фозилнинг «Устозлар даврасида») *ҳам бўлади*. Ўзбек адабиётида бир мавзу, битта қаҳрамон ҳаёти б-н боғлиқ бир неча ёзувчи томонидан ёзилган «ҳаёлар Ҳ.лар» ҳам учрайди.

Ад.: Владимирова Н., Султонова М., Узбекский рассказ, Т., 1966; Норматов Ў., Жанр имкониятлари, Т., 1970; Адабиёт назарияси, 2 жл., Т., 1978—79; Адабиёт назарияси [Дарслик], Т., 1986; Адабий турлар ва жанрлар, 3 жл., Т., 1991—92.

Йўлдош Солмонов

ҲИКОЯТ ~ Шарқ ва Жан.-Шарқий Осиё халқларидаги адабий термин. *Ҳар қандай шеърий ва насрий асарни*, кўпинча воқеабанд асарни англатади. Тор маънода муаллифи йўқ ёзма насрий эпос.

ҲИЛМАНД — Афғонистондаги дарё, қуйи қисми Эронда. Уз. 1150 км. Ҳавзасининг майд. 500 минг км² (катта қисми чўл). Ҳиндукуш тоғларидан бошланиб, Дашти Марго ва Регистон текисликларида оқади. Дельта ҳосил қилиб, Систон ботиғидаги Ҳомун кўлига қуйилади. Бош ирмоғи — Аргандоб. Ўртача сув сарфи 400—500 м³/сек. Суви баҳор ва ёз ойларида кўпаяди. Сувидан суғоришда фойдаланилади. Ҳ. тармоқларида тўғонлар қурилган (энг каттаси Систон).

ҲИЛОЛ, кечки *ҳилол* [*Juncellus* serotinus (Roth.) Clarke.] — ҳилолтошларга мансуб кўп йиллик ўт тури. Пояси якка, ўткир, уч қиррали. Бўйи 30—100 см. Барглари ясси, тўпгули соябонсимон, узаро тенг бўлмаган *нурлардан* ташкил топган, кўпгулли, тўпгулининг остида кенг гулолди барглари бор. Июнь-июлда гуллаб, авг.да уруғлайди. Чўл ва адирлардаги нам ва ботқоқ *ерлар*, *ларё* ва-дийлари, ариқ бўйлари, шолипоялар ва *суғориладиган экинлар* орасида ўсади.


Ҳилол.

ҲИЛОЛДОШЛАР (Cyperaceae), *барлидошлар* — кўп йиллик, баъзан бир йиллик бир уруғпалли ўсимликлар оиласи, асосан ўтлар. 85 туркум 3500 дан ортиқ тури ўз ичига олади. Ер шарининг ҳамма минтақаларида учрайди. Кўпроқ Шим. яримшарининг мўътадил ва совуқ минтақаларида тарқалган. Асосан, зах, ботқоқ ерларда, ариқдар *бўйида*, *бир қанча* тури чўл, адир, тог ва ялпоқларда ўсади. Ҳ.га *барда*, *қамиш*, *папирус*, *саломалайқон* ва б. киради.

ҲИЛОЛИЙ (тахаллуси; тўлиқ исм-шарифи Мавлоно Бадриддин Ҳилолий Чиғатоий) (таҳм. 15-а. 70-й.лари, Астробод — 1529, Ҳирот) — форс шоири. 1491 й. Ҳиротга келиб, Жомий ва Навоий ҳомийлигида илму ижод б-н шуғулланган. «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Навоий унинг келиб чиқиши туркий қавмга мансублигини қайд этади. «Туҳфаи Сомий» («Сомий туҳфаси») асарида Соммирзо ҳам унинг ажлоллари чиғатой туркларидан бўлиб, Астрободга бориб муқим бўлиб қолганлиги ҳақида маълумот беради. Дастлаб Ҳилолий ўқиш — янги ой) тахаллуси б-н ижод қилган, унинг шеърий салоҳиятни юксаклигини кўрган Навоий унга Бадрий (бадр — тўлин ой) тахаллусини таклиф қилган. Шундан кейин у ҳар иккала тахаллусда ижод қилиб, Бадриддин Ҳилолий номи б-н машҳур бўлган. Шеърларида ҳақиқий ва мажозий маъноларни маҳорат б-н омухта қилгани, *илоҳий ва дунёвий ишқни ҳассослик* б-н куйлагани учун 9з даврининг Ҳофизи Шерозийси деб ном чиқарган. *Ўзбодулахон* Ҳиротни босиб олганида, халққа, илму адаб аҳлига жабру зулм ўтказганини кўриб Ҳ. унга қарши 2 та ҳажвий рубоий ёзган. Бундан хабар топган хон уни қатл эттирган.

Ҳ.нинг *бизга*ча шеърий девони, 3 достони ва қофия илмига оид рисоласи етиб келган. Девонидан шоирнинг 421 газал, 4 қасида, 11 қитъа, 32 рубоий, биттадан мухаммас, чистон ва соқийномаси ўрин олган. «Шоҳ ва дарвеш» достонида мажозий ишқ боскичлари ранг-барғ тимсолдар воситасида талқин этилган. Лекин шоҳни — маъшуқ, дарвешни — ошиқ сифатида тасвирлагани учун бобур бу асарни «Бобурнома»да танқид қилган. «Сифоти ул-ошиқин» («Ошиқлик сифатлари») достони ахлоқий-таълимий мазмунда бўлиб, «Ҳамса»нарининг илк достонлари — Низомийнинг «Маҳзан ул-асрор», Дехлавийнинг «Матлаъ ул-анвор», Жомийнинг «Туҳфат ул-аҳрор», Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонларига татаббуъ тарзида ёзилган ва ўқи салаффари асарлари каби 20 боб-дан иборат. «Лайли ва Мажнун» достони *ҳам шу ҳамсанависларнинг* шу номли достонларига татаббуъ ҳисобланади.

Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин Ҳиротда анъанавий ёмонлашув, тожу тахт тадқиқлари, шаҳарнинг *сафавийлар* ва *шайбонийлар* томонидан истило қилиниши, вайронгарчиликлар, халқ бошига тушган оғир кулфатлар, илму ҳунар эгаларининг тўрт томонга тарқаб кетиши шоир шеъларида чарху фалакдан, тақдирдан, замондан, *оламлардан шикоят*, *нороз*лик кўринишида ўз аксини топган. Шеърлари анъанавий мавзуларда бўлиб, уларда ишқу муҳаббат акс парталарда тараннум этилган, инсоний камолот масалалари бадиий талқинини топган. Ҳ. Шарқ шеъриятида мавжуд бадиий санъатлардан маҳорат б-н фойдаланиб, шеърларининг бадиий тўзал ва таъсирчан бўлишини таъминлаган.

50 дан ортиқ газаллари «Шашмақом» таркибидан жой олган. *Оташ*

унинг «Шоҳ ва дарвеш» достонини ўзбек тилига таржима қилган.

Ад.: Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис [Муқаммал асарлар тўплами]. 13-ж., Т., 1997; Ҳомидий Ҳ., Кўҳи Шарқ дарёлари, Т., 1999.

Эргаш Омонов.

ҲИМОЛАЙ (санскритча ҳималая — қорлар макони) — Ер шаридаги энг баланд тог системаси, Ҳиндистон, Хитой, Непал, Бутан ва Покистон ҳудудларида, шимда Тибет тоғлари б-н жан.да Ҳинд-Ганг текислиги оралиғида жойлашган. Уз. 2400 км дан зиёд, эни 350 км гача. Тизмаларининг ўртача бал. 6000 м, энг баланд жойи 8848 м (қ. *Жомолунгма* чўққиси). 11 та чўққисининг бал. 8000 м дан зиёд. Ҳ. аниқ морфологик ва табиий географик чегараларга эга: шим.да Ҳинд ва Цанг-по (Брахмапутра) дарёлари юқори оқимларининг қўндаланг тектоник водийлари, шим.-ғарбида Ҳиндукуш тизмаси, шарқида Брахмапутра дарёси дараси. Ҳ. — Марказий Осиё чўллари ва Жан. Осиё тропик ландшафтлари ўртасидаги йирик орографик, иқлим ва флора тўсиғи ҳисобланади.

Ҳ. Ҳинд-Ганг текислигидан 3 йирик поғона шаклида тик кўтарилган. 1-поғона дарёлар дараларн б-н кучли парчаланиб юборилган *Сивалик* (Олд Ҳ., ўртача бал. 900—1200 м) тизмасидан иборат. 2-погонадаги алоҳида тог массивларн ва тизмалардан иборат Кичик (Паст) Ҳ. тоғлари 3-погонадаги Катта (Баланд) ёки Бош Ҳ. тизмасидан тог оралиғи ботиқлари ва қад. музлик сойликлари (Катманду, Сринагар ва б.) б-н ажралган. У ҳам ўз навбатида Ассом, Непал, Панжоб тизмаларига ажралади. Музлик кўп (майд. 33 минг км²). Ҳ. алпп орогенези даврида шаклланган бўлиб, жан. тоғолди қисми қумтош ва конгломератлардан, туб ён бағир ва ўқ қисми гнейс, кристаллн сланец ва метаморфик жинслардан тузилган. *Фойдали қазилмаларлан Кичик ва* Катта Ҳ.да магматик ва метаморфик жинслар мажмуи б-н боғлиқ равишда мис, олтин, хромит, сапфир конлари бор. Ҳ. тоғолди бўшлиқларида нефть ва газ конлари аниқланган.

Ҳ. Ҳиндистоннинг экваториал муссонлари б-н Марказий Осиёнинг континентал ўлкаси ўртасидаги кескин иқлим четгарасидир. Ҳ. ғарбий сектори иқлимига т-рининг кескин тебранишн, кучли шамоллар хос. Қишн совуқ, янв.нинг ўртача т-раси —10°, —18°, 2500 м дан баландда қор бўронлари бўлади. Ёзи илиқ, июлнинг ўртача т-раси 18° атрофида, қуруқ. Ёғин миқдори шимлоларга боғлиқ бўлиб (йиллга тахм. 1000 мм), водий ва сойликларда тог ён бағирларига нисбатан 3—4 марта кам ёғади.

Ҳ. ғарбида 1800—2200 м баландликда Ҳиндистоннинг кўплаб иқлим курортлари жойлашган. Шарқий қисми муссон режимли нисбатан иссиқ ва нам иқлимли. Ёзда 1500 м дан баланд ён бағирларда т-ра 35°, водийларда 45° гача кўтарилади. Ёмғир деярли тўхтамай ёғади. Жан. ён бағирларнинг ғарбида 2500 мм дан шарқида 5500 мм гача, ячки р-нларда 1000 мм чамасида ёғин тушади. Ҳ.нинг шим. ён бағирларига совуқ тог-ўй иқлими хос. Т-раннинг суткалик амплитудаси 45° гача, йиллик ёғин 100 мм чамасида.

Дарё ва сойлар, асосан, Ҳ.нинг жан. ён бағирларида кўп бўлиб, юқори қисмида қор ва музликлардан, қуйи қисмида ёмғир сувларидан тўйинади. Водийлари чуқур ва тор, шаршара ва остона кўп. Тектоник ботиқларда ёки пастқам жойларда музликларнинг эришидан ҳосил бўлган кўллар, асосан, Ҳ.нинг ғарбий қисмида жойлашган. Энг узун музликлар Жомолунгма ва Қанченжангала. Музликларнинг қуйи чегараси Кашмирда 2500 м, марказий қисмида 4000 м.

Ҳ.нинг ландшафти турли-туман. Баландлик минтақаси аниқ кўринади. Тог этакларн ботқоқлашган чангалзор — тераилардан, 1000—1200 м баландликкача шамолга рўпара ён бағирларда ва дарё водийларида доим яшил сернам тропик ўрмонлар, 1200—1500 м да доим яшил кенг барглн ўрмонлар минтақаси, 2200 м дан юқорида мўътадил минтақанинг барг тўкувчи ва игна барглн ўрмонзори, 2700—3600 м да игна барглн ўрмонлар, 3600—5000 м, баъзи жойларда 6000 м гача субалпп ва алпп ўтлоқлари минтақалари мавжуд. Ғарбий ён бағирларида сийрак ксерофит ўрмонлар ва бутазорлар, барг тўкувчи муссон ўрмонлари, 1200—1500 м дан Ўрта денгиз бўйига хос субтропик турлар





Ҳимолай тоғларининг қорли чўққилари.

тарқалган. Шим. ён бағирларни тог-чўл ландшафтлари — сийрак қуруқ ўт ва бутаплар, дарё водийларида тераклар ўсади. 5000 м дан юқорини глящиал-нивал минтақа. Тупроқларни қорабалчиқли ботқоқ, қизил-қўнғир, ўрмон-кўнғир, қўнғир-чала подзол ва тог ўтлоқи тупроқлар. Тог ён бағирларининг қуйи қисмида, тераклардан йирик сут эмизувчи ҳайвонлар — фил, каркидон, буйвол, ҳобон, энтилопа; йиртқичлардан йўлбарс, қоплон; маймунлар яшайди. Қуш турларига бой. Шим. ён бағирларида тибет фаунаси — ҳимолай айиги, ёввойи эчки, арҳар, қўтос ва кемирувчи кўп. Ён бағирларида 2500 м гача деҳқончилик қилинади. Плантация хўжалиги ривожланган. Суторизлардан террасалар шоли экилади. Шим. Ҳ.да 4500 м баландликкача арпа экилади. Альпинизм (асосан, Непалда) тараққий этган.

ҲИМОЛАЙ ОЛДИ ТОҒЛАРИ — қ. *Сивалик.*

ҲИМОЛАЙ ТИЛЛАРИ — Непалда ва Ҳиндистоннинг унга қўшни ҳудудларида тарқалган, ягона гуруҳ бўлиб ташкил топмаган бир қанча тиллар-нинг умумлашма номи. Ҳ.т.да 3,4 млн.дан ортиқроқ киши сўзлашади. Непалнинг жан.-гарбидаги деярли ўлик тилга айланган кусунда тилининг бирор тил оиласига қариндошлиги аниқланмаган, қолган. Ҳ.т. эса хитой-тибет тиллари оиласининг тибет-бирма тармоғига мансуб (қ. *Хитой-тибет тиллари. Тибет-бирма тиллари*).

Ҳ.т. гарбий ҳимолай ва шарқий ҳимолай гуруҳларига ажралади. Ҳиндистонда, Непал чегарасидан гарброқда, 60 минггап ортиқроқ киши гарбий ҳимолай гуруҳига кирувчи кинаури, канаши, лаҳўли, манчати, бунан, ранғкас тилларида сўзлашади. Непал (15 минг киши) ва ҳам (45 минг киши) тиллари алоҳида гуруҳчани. Непалнинг марказий қисмидаги гурўнг (500 мингга яқин киши) ва таманг (570 мингга яқин киши) тиллари тибет гуруҳидаги айрим гуруҳчани ташкил этади. Катмандудан жан.рокда Непалда ўз ёзуви *ва эдабиётига эга бўлган Ҳ.т.дан невар тили* (1 млн.га яқин киши) тарқалган.

Непал шарқидаги кўплаб тилларда 800 мингга яқин киши сўзлашади ва бу тиллар шарқий ҳимолай гуруҳини ташкил этади. Бу гуруҳ, ўз навбатида, бир-биридан жиддий фарқ қилувчи 2 гуруҳчага ажралади: уларнинг бирида лимбу (260 минг киши), якҳо, кҳамбу тиллари, иккинчисида эса сунвар (25—27 минг киши), бахинг, раи тиллари кенгроқ қўлланади. Ҳиндистоннинг Секким штатида ронг (лепча) тили (35—40 минг киши) асосий тил ҳисобланиб, у 17-а. охирида кратилган ўзига хос ёзувга эга. Ялпида жан.рокда ҳинмал тили тарқалган.

Аксарият Ҳ.т.нинг асосий типологик белгиларидан бири — кучсиз ломошлик белгисига эга *бўлган суффикс*ларининг, баъзан префикслариинг *феъл*га *қўшилиб келиб*, *ҳаракат* субъектининг шахси ва сонини ифодалашидир. *Аффикслар нафақат* субъектни, балки объектни ҳам кўрсатиши мумкин. Бу тилларда, шунингдек, от туркумидаги сўзлар жинси ва жонсизликни билдирувчи шакллар б-н фарқланади. Ҳ.т.нинг *мумтоз тилла*рига алоқадорлиги бор, деган тахминлар учрайди.

ҲИМОЯ АСЛАҲАЛАРИ — жангчилар жангда фойдаланадиган ҳимоя воситалари. Қалқимда чарм кўркқопқи, дубулга, *қалқон, совут, зирҳ, жавшан, жубба, ҳафтон, баҳтар ва бошқалар* Ҳ.а. ҳисобланган. Оғир устига мақсус ёпинч — *барқутлон* ёпилган. Оғир Ҳ.а. 16—17-а.ларгача қўлланган. 18—19-а.ларда Европа армияларида енгил Ҳ.а. (каскалар; кирасалар ва б.) удум бўлган. 1-жаҳон урушидан бошлаб пўлат каска ва шлёмлар, коллектив ҳимоя воситаси сифатида тўп қалқони, танк бронилари ва б. қўлланилган бўлди. Баъзи замонавий армияларда пўлат, нейлон ва б. кўкрак «жилет»лари маълум.

ҲИМОЯ ҚОПЛАМАСИ — радиоактив (кишиларнинг соғлиги учун хавфли) моддаларни вақтинчалик сақлаш ёки ташишда ҳизмат кўрсатувчи коллизилар-ни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида ҳосил қилиниладиган қатлам. Мас., оммавий қирғин қуролларининг чиқиндиларини вақтинчалик сақлашда қалин бетон қопламалар — сарқофаглар қилинади. Атом бомбаси портлаганида аҳолини ҳимоя қилиш учун қалин (бир неча м гача) *деворли бомбапаналар* қурилади. Радиоактив моддаларни вақтинчалик *сақлаш ва ташиш учун пўлат* Ҳ.қли қўрғошин камера ёки пўлат камералардан фойдаланилади. Радиоактив модда нурланганда қўрғошинда ажраладиган иссиқликни ютиш учун сув ёки ҳаво б-н совитиш тизими кўзда тутилади. Кейт маънода — кишилар, жиҳозлар ва маҳсулотларни атроф-муҳитнинг заҳарли таъсирларидан, т-ра ўзгаришлари туфайли пайдо бўладиган нохуш омиллардан асраш учун қилинадиган муҳофаза конструкциялари — қалин бетон деворлар, керамзит томлар ва б. Барча Ҳ.қ.лари вақтинчалик муҳофаза *қилиш хусусиятига эга бўлиб*, радиоактив моддаларнинг заҳарли таъсирларидан бутунлай муҳофаза қилолмайди. Ишончли ва узоқ муддатли Ҳ.қ.лари ва воситалари яратиш инсоният олдида турган муҳим кимуцлардан бири ҳисобланади.

ҲИМС — Суриянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Ҳимс муҳофазасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 558 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари чорраҳаси. Ҳ. орқали Ироқ ва Сурияннинг нефть конларидан Тартус ва Баниёс портларига қувурлар, Дамашқ, Ҳалаб ва Латакияга озиқ-овқат қувурлари ўтказилган. Нефтни қайта ишлаш, кимё, пўлат прокати, цемент, шакар-канд, тўқимачилик ва б. саноат корхоналари мавжуд. Қ.х. (ғўза мева, дон, чорвачилик) р-нининг савдо маркази. Ўрта асрларда қурилган

девор қолдиқлари. Нуридини масжиди (12-а.) ва б. меъморий ёдгорликлар сақланган.

ҲИМЪЯРИЙЛАР ПОДШОЛИГИ — Жан. Арабистондаги давлат. Мил. ав. 1-а.да вужудга келган. Мил. 1-а.дан Жан. Арабистонда ҳукмронлик мавқеига эга бўлиш учун Саба б-н курашга киришган. 4-а. бошида Жан. Арабистоннинг бутун ҳудудини бўйсундирган. 6-а. бошида эфиоплар (ҳабашлар), 6–а.нинг 70-й.ларида *Сасонийлар* томонидан босиб олинган.

ҲИНД (санскритча Синдху, пушту тилида Абба-Син — дарёлар отаси) — Хитой, Ҳиндистон ва Покистон-даги дарё. Уз. 3180 км, ҳавзасининг майд. 980 минг км². Кайлас тизмаси (Тибет тоғлиги)дан, 5300 м баландликдан бошланади. Юқори оқимида чуқур тектоник водийда қояли дарадар ҳосил қилиб, ўрта ва қуйи қисмида Ҳинд-Ганг текислигининг ғарбий қисмидаги кенг водийда ирмоқларга бўлиниб оқади ва Арабистон денгизига дельта (майд. 8 минг км²) ҳосил қилиб қуйилади. Асосий ирмоқлари: Гиндан — Гилгит ва Кобул, чапдан — Сатлаж. Ҳ. тоғларда эриган қормуздлик суваларидан, қолган қисмида муссон ёмғирларидан тўйинади. Баҳор ва ёзги тўлинсув даврида сув сатҳи тоғларда 10—15 м, текисликларда 5—7 м гача кўтарилади. Сув тошқинларидан ҳимоя қилиш мақсадида дарё ўзани катта масофада мармалар б-н ўралган. Ҳайдаробод ш. яқинида сув сарфи 3850 м³/сек., энг юқорися 30 минг м³/сек. дан ошёд. Куйи оқимида суғоришга кўп сув сарфланиши ва бўланиши натижасида суви камаяди. Кўргошқин йилдан қуйи оқимида Арабистон денгизигача етиб боролмай, баъзан қуриб қолади. Дарё йилига 450 млн. т оқизиқ келтиради, Ҳ. дарёсида 11 млн. т ер суғорилади. Кўплаб тўғон ва б. ирригацион иншоотлари қурилган. Кобул дарёси қуйилган жойдан бошлаб вақт-вақти б-н кема қатнайди. Ҳ. бўйида Ҳайдаробод, Суккур ш.ларида, дельтаси яқинида Карочи денгиз порти жойлашган.

ҲИНД АДАБИЁТИ, ҳиндий адабиёти — Ҳиндистондаги ҳинд тили (ҳиндий) ва унинг лаҳжаларида яратилган адабиёт. Ҳ.а. санскрит тилида яратилган қад. адабиёт асосида мил. 1-минг йилликлар охиридан ривожлана бошлаган. Дастлаб диний-фалсафий мазмундаги адабиёт бўлиб, вишнуизм, шиваизм, буддизм ва жайнизм мазҳаблари ғояларини баён этган. 10—14-а.ларда ҳиндий лаҳжаларда қаҳрамонлиқини мадҳ этувчи наъзм тараққий этди. Сарой шоирлари ўз ҳомийларининг қаҳрамонликларини улуғлаб, достонлар ёзадилар [Чанд Бардайининг «Притхвираж расо», «Кўуман расо» (12-а); Нарпати Наллхинг «Бисалдев расо» (тахм. 13-а.) достонлари ва б.]. 15—17-а.ларда Шим. Ҳиндистонда бҳактий диний-ислоҳотчилик ҳаракати авж олди. Бу ҳаракат табақаланишга қарши норозилик кураши бўлиб, Ҳ.а.га ижтимоий тенглик, демократик ғояларни олиб кирди. Бҳактий ҳаракати халқ оммасини бир томондан динга, иккинчи томондан эса адабиётга яқинлаштирди ва адабиётда янги адабий шаклларни юзага келтирди. Бу даврнинг шоирлари: Кабир (1440—1518), Нанак (1469—1539), Сурдас (1483—1563), Мирабаи (1499—1547), Тулсидас (1532—1624), Дадудаял (1544—1603), Сундардас (1596—1689), Расхан (16—17-а.), Аштачҳап (Саккиз шоир иттифоқи, 16—17-а.лар) ва б. шоирлар наъмда асосан дўҳай (иккилик), чаупаи (тўртлик), винаи (қофиясиз) каби жанрларда ижод этдилар. Мазмунан эса улар қад. 2 эпосни маҳаллий ҳинд тилларида (бҳактий ғояси б-н суғорилган ҳолда) наъмда яна қайта яратдилар (Сурдас бошчилигидаги «Аштачҳап» шоирлари «Маҳабҳарата»ни браж лаҳжасида, Тулсидас эса «Рамаяна» эпосини авадҳий лаҳжасида). Айнан шу даврда тасаввуф адабиёти ҳам ривожланди. Суфий шоир шоҳ Муҳаммад Банданавознинг «Мираж ул-ашиқин» (14-а.), Бурҳониддин Жаҳонимнинг «Калимат ул-Ҳақойиқ» (14-а.), Мавлоно Доулининг «Чандаян» (14-а.), Қутубханинг «Мригавати» (16-а.), Малик Муҳаммад Жаисийнинг «Падмават» (16-а.), Манжъанининг «Мадҳумалти» (16-а.) каби асарларида форс ва ҳинд ирриқаси анъаналари ўзаро чатишиб кетди. Бу даврнинг бҳактий ва суфий шоирлари ижодида ҳаётий масалалар фольклор ёки эпос қаҳрамонлари образи воситасида акс эттирилди. 17-а. ўрталаридан Ҳ.а.даги диний-мистик ғоялар ҳам, демократик руҳ ҳам сусайиб, у аристократларнинг дидя ва талабига мослаша борди. Асарларнинг асосий мавзуси кўпроқ инсон муаммосига, айлар ғўзаллигини тараннум этишга қаратилди.

19-а.нинг 1-ярмида қ.ҳари бўлиб диалектида наср ва асарлар юзага кела бошлади. Санскрит ва инглиз тилидан диний ва дунёвий адабиёт намуналари таржима қилинди, ҳинд тилида матбуот пайдо бўлди. Таниқли маърифатпарвар Бҳаратендру Ҳариишандра (1850—85) публицистикаси ва пьесаларида халқ миллий онгининг ўсиши, мустақилликка интилиш ғоялари акс этди. Унинг ижоди ҳоз. замон Ҳ.а. тараққиёти учун замин бўлди. 19-а.нинг 2-ярмида Ҳ.а.да оригинал қисса ва романлар яратилди, кейинроқ ижтимоий-сиёсий ва адабий танқид ва адабиётшунослик ривож топди.

20-а. бошларида миллий озодлик ҳаракати таъсирида Ҳ.а.да ватанпарварлик, ватан озодлиги учун кураш ғоялари тобора ёрқин акс эта борди (Майтҳилишаран Гупта, 1886—1964; Мақҳанлал Чатурведий, 1889—1968; Балкришна Шарма Навин, 1897—1960; Рамдҳари Синҳ Динкар, 1908 ва б. шеърлари). 20–30-й.лардаги Ҳ.а.да романтик йўналиш таъсири кучли бўлди (Сумитранандан Пант, 1900; Жайшанкир Прасад, 1889—1937 ва б.). 30-й.ларда Ҳиндистонда миллий озодлик ҳаракатининг ва чет эл тараққийпарвар адабиёти таъсирининг кенг ёйилиши натижасида Ҳ.а.нинг барча жанрларида долзарб ижтимоий мавзу томон бурилиш кўзга ташланди. 1936 й.да *Премчанд* иштирокида Ҳиндистон тараққийпарвар ёзувчилар ассоциацияси ташкил этилди. Ҳиндистон халқлари миллий адабиёти кейинчалик ана шу ассоциация таъсирида тараққий этди. 40-й.ларнинг охирида *фрейдизм*нинг ҳамда Гарбдаги субъективистик назияларнинг таъсирида Ҳ.а.да экзистенциализм таркиб топди. Мозерингизма юз бўлган ёки кайфиятдар 50—70-й.лар ҳиндий насри ва назмида ҳам ўз таъсирини сақлаб қолди (Илачандра Жўший, 1902; Жайнендра Кумар, 1905 ва б. ижоди). Кейинчалик Сумитранандан Пант, Вриндаванлал Варма (1889—1969), Мамўҳан Гупта (1908), Ҳҳишам Сахний (1915), Амритлал Нагар (1916) ва б. ижодида реалистик анъаналар ривожланди, инсонпарварлик ғоялари, ҳинд халқининг ижтимоий ва маъвавий тараққиётини ишончи туйғулари акс эттирилди. Ҳ.а. вакилларидан *Премчанд*, *Яшпал* ва б.нинг айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ад.: Баранников А.П., Индийская филология. Литературоведение, М., 1959; Серебряков И.Д., Древнеиндийская литература, М., 1963; Чезлышев Е.П., Литература хинди, М., 1968.

Ҳабиттон Мўъминов.

ҲИНД ЁЗУВИ — Жан. ва Жан.-Шарқий Осиёда тарқалган, келиб чиқишидаги умумийлик ва алифболари тузилишидаги ягона (фонетик) тамойил-

га кўра ўзаро боғлиқ кўплаб ёзувлар гуруҳи. Ҳ.ё.нинг асосан Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Непал ва Шри Ланканинг ўзидан ташқари уларга қўшни ҳудудларда — Тибет ва Марказий Осиёда, Бирмада, Ҳиндихитой ярим оролн ҳамда Индонезияда ҳам тарқалган. Ҳ.ё.нинг асосан мил. 1-минг йилликда Ҳиндистонга чегарадош мамлакатларга кириб келиши бу ҳудудларга будда дини ва адабиётининг тарқалиши б-н боғлиқ. Ҳ.ё.нинг кўпгина-лари сони 20—30 та оралигида бўлиб, жадвалда уларнинг баъзи муҳимларигина кўрсатилди.

Ҳиндистонда ёзув камида 5 минг йиллик тарихга эга. Дастлаб ўқилган ёдгорликлар (мил. ав. 3-а.га мансуб) кейинги ёзувлар учун асос бўлган бўтинли *брахми* ёзувида битилган бўлиб, бу ёзув чапдан ўнгга қараб ёзилган. Ҳиндистоннинг шим.-ғарбида мил. ав. 3-а.дан мил. 5-а.гача брахми б-н бир қаторда қ а р у ш т ҳ и ёзуви ҳам мавжуд бўлган, лекин кейинчалик секин-аста брахми томонидан сиқиб чиқарилган. Брахми ёзувининг илк ёдгорликларидаёқ унинг маҳаллий кўринишлари ажрала бошлайди. Кейинчалик улар асосида Ҳ.ё.нинг 3 асосий; шим., жан. ва жан.-шарқий тармоғи шаклланади.

Алифбо ҳарфлари қатъий вертикал ва горизонтал чизиқлардан бурчак ҳосил қилиб ёзилади-ган шим. тармоққа қуйидаги ёзувлар киради: 1) 6—10-а.ларда Марказий Осиёда санскрит, сак ва б. тилларда-ги матнларни ёзиш учун қўлланган г у п т а ёзуви; 2) 7-а.дан ҳоз. гача бир неча кўринишда ишлатилган т и б е т ёзуви; 3) 7—8-а.ларда шаклланган ва 10—11-а.ларда-ги қўлёзмаларда қайд этилган н а г а р и ёзуви; унинг кейинги давраси шакли — *деванагари* Шим. Ҳиндистонда-ги асосий ёзувга айланади, ҳиндий, маратҳий ва б. тилларда, санскритча матнларни ёзиш ва нашр этишда қўлланади; 4) 8-а.дан Кашмирда ишлатилаган ш а р а д а ёзуви; 5) 12-а.дан Непалда қўлланган ва ҳоз. кунларда деванагари томонидан сиқиб чиқарилаётган н е в а р и ёзуви; 6) 15-а.да шаклланган ва бенгал, ассом, санскрит тилларида қўлланадиган б е н г а л ёзуви; 7) бошқа алифболардан ҳарфлар устилари горизонтал чизиқ ўрнига ёй шакли қўлланиши б-н фарқ қиладиган о р и я ёзуви; 8) шаркнинг курсив шаклидан келиб чиққан ва ҳарфлар устида чизиқининг йўқлиги б-н ажралиб турадиган г у ж а р о т ёзуви; 9) 16-а.да сиҳҳлар томонидан жорий этилган панжоб ёзуви — г у р м у ҳ ҳ и. Булардан ташқари, турли ёшималарда, сандо ва ишшуритиш соҳаларида ишлатиладиган *к а й т ҳ и (хиндий тили тарқалган жойларда)*, м а ҳ а ж а н и й (Рожастҳан штатида ва шу ердан чиққан савдогарлар орасида); л а н д а (Синд ва Панжобда), м ў л и й (Маҳараштрада) ва б. ёзув турлари мавжуд.

Ҳ.ё.нинг жан. тармоғига 5—6-а.дан *шаклланган, бирок қўлёзмаларда* 16-а.дан бошлаб қайд этилган г р а н т ҳ а ёзуви (санскритча матнларни ёзиш учун қўлланган) ҳамда жан. Ҳиндистонлаги замонавий 4 адабий тил — каннада, телугу, малаялам ва тамил тилларидаги матнларни ёзишда *қўлланадиган алифболар киради.* Бу тармоқдаги ёзувлар ҳарфларнинг думалоқ шакла ёзилиши б-н ажралиб туради.

Ҳ.ё.нинг жан.-шарқий тармоғи Ҳиндистондан ташқарида ва асосан қ а д и м п а л и ёзуви асосида шаклланган *сингал, кхмер, лаос, тай ёзувларини*, шунингдек, Ҳиндихитой ва Индонезиядаги эски ёзувларни қамраб олади.

	Девнагари	Гужарати	Бенгали	Ория	Малаялам
a	अ	અ	অ	ଅ	അ
ā	आ	આ	আ	ଆ	ആ
kā	का	કા	কা	କା	കാ
i	ि	િ	ি	ି	ി
ī	ी	ી	ী	ୀ	ീ
u	ु	ુ	ু	ୁ	ു
ū	ू	ૂ	ূ	ୂ	ൂ
kṛ	कृ	કૃ	কৃ	କୃ	കൃ
e	े	ે	ে	େ	െ
ke	के	કે	কে	କେ	കെ
ai	ै	ૈ	ৈ	ୈ	ൈ
kai	कै	કૈ	কৈ	କୈ	കൈ
o	ो	ો	ো	ୋ	ോ
ko	को	કો	কো	କୋ	കോ
au	ौ	ૌ	ৌ	ୌ	ൌ
kau	कौ	કૌ	কৌ	କୌ	കൌ
ka	क	ક	ক	କ	ക
kha	ख	ખ	খ	ଖ	ഖ
ga	ग	ગ	গ	ଗ	ഗ
gha	घ	ઘ	ঘ	ଘ	ഘ
ṅa	ङ	ઙ	ঙ	ଙ	ങ
ca	च	ચ	চ	ଚ	ച

	Девнагари	Гужарати	Бенгали	Ория	Малаялам
cha	छ	છ	ছ	ଛ	ഛ
ja	ज	જ	জ	ଜ	ജ
jha	झ	ઝ	ঝ	ଝ	ഝ
ña	ञ	ઞ	ঞ	ଞ	ഞ
ṭa	ट	ટ	ট	ଟ	ട
ṭha	ठ	ઠ	ঠ	ଠ	ഠ
ḍa	ड	ડ	ড	ଡ	ഡ
ḍha	ढ	ઢ	ঢ	ଢ	ഢ
ṇa	ण	ણ	ণ	ଣ	ണ
ta	त	ત	ত	ତ	ത
tha	थ	થ	থ	ଥ	ഥ
da	द	દ	দ	ଦ	ദ
dha	ध	ધ	ধ	ଧ	ധ
na	न	ન	ন	ନ	ന
pa	प	પ	প	ପ	പ
pha	फ	ફ	ফ	ଫ	ഫ
ba	ब	બ	ব	ବ	ബ
bha	भ	ભ	ভ	ଭ	ഭ
ma	म	મ	ম	ମ	മ
ya	य	ય	য	ଯ	യ
ra	र	ર	র	ର	ര
la	ल	લ	ল	ଲ	ല
va	व	વ	ব	ୱ	വ
śa	श	શ	শ	ଶ	ശ
ṣa	ष	ષ	ষ	ଷ	ഷ
sa	स	સ	স	ସ	സ
ha	ह	હ	হ	ହ	ഹ
ḷa	ळ	ળ	ळ	ଳ	ള
ṭa					ഩ
ṟa					റ
ṉa					ൻ

Ҳинд ёзувидан намуналар.

Мазкур ёзувларнинг шакли шамойилидаги ўхшашлик улар қўлланилган тилларнинг фонологик жиҳатдан ўхшашлигини англатмайди. Мас., девизлари ёзуви ҳиндий тилига нисбатан *харф-тоғуш ёзуви* ҳисобланса-да, бошқа кўпчилик тилларда фонема ва графема ўртасидаги нисбатнинг у ёки бу даражада биргалигини кузатилади.

ҲИНД ОКЕАНИ — Дунё океанининг бир қисми. Шим. тропик чизиғидан janubga бутунлай жан.да. Океаннинг табиатига унинг атрофини ўраб олган барча материклар, айниқса, Евросиё материги катта таъсир кўрсатади, Жан. қисмида Ҳ.о. Атлантика ва Тинч океанлари б-н катта масофада туташиб туради. Атлантика океани б-н чегараси шартли равишда Африка жан.даги Игна бурни меридиани (20° шк.у.). Тинч океан б-н чегараси Тасмания о.даги Жанубий бурун меридиани (147° шк.у.) орқали ўтказилади. Ҳ.о.нинг шим.-шарқда Тинч океан б-н чегараси муракkаб: Малакка я.о.дан Суматра о. шимолий қисмига ўтади, сўнгра Суматранинг жан.-ғарбий, Ява, Сумбава, Тимор о.ларининг жан. қирғоқлари бўйлаб ўтиб, Янги Гвинеянинг ғарбий қирғоғига боргач, ороллинг жан. қирғоғи бўйлаб ўтиб, Австралиянинг Йорк бурни меридианига, кейин шу меридиан бўйлаб Австралияга боради. Сўнгра Австралиянинг шим., ғарбий ва жан. қирғоқлари бўйлаб ўтиб, Тасмания о.га боради. Шим.дан Осиё, ғарбдан Африка ва жан.дан Антарктида ўраб туради. Ҳ.о. Тинч океанидан фарқ қилиб Ер пўстининг барқарор материк тузилишига эга бўлган палеозоларнинг — Гондвана материги бўлакларя б-н ўралган. Фақат шим.-шарқда ёш, тектоник геосинклиналь минтақа б-н чегараланган. Бу ерда тектоник ҳаракатлар кучли, ер қимирлашлар тез-тез бўлиб туради.

Ҳ.о. майд. 76,17 млн. км², катталиги жиҳатдан 3-ўринда. Сув ҳажми 282,7 млн. км³, ўртача чуқ. 3711 м, энг чуқур жойи 7729 м (Зонд новн). Қирғоқ чизиғи анча текис, фақат шим. ва шим.-шарқда эгри-бўғри жойлар бор. Бу ерда кўплаб (Адан, Уммон, Форс, Бенгалия ва б.) ва денгиз (Қизил, Андаман, Тимор, Арафура ва б.) кўп. Ҳ.о.да орол кам. Энг катта оролларн — Мадагаскар, Шри Ланка, Сокотра, Тасмания. Океаннинг ўрта қисмида вулкан ороллар: Маскарен, Қамар, Андаман, Никобар, Кергелен ва б. бор. Тропик минтақалардаги сув ости вулкан тоғларида маржон ороллар кўтарилиб туради: Мальдив, Лаккодив, Чагос оролдари ва б.

Ҳ.о. жуда катта масофада Антарктида б-н туташиб туради, бошқа океанларга нисбатан анча илиқ. Чунки жан. тропик чизиғи океаннинг деярли ўрта қисмидан кесиб ўтади.


Рельефи ва геологик тузилиши. Ҳ.о. ботиғи анча ёш бўлиб, мезозой эрасида қад. Гондвана материги (қуруқлигининг парчаланиши, қуруқлик палахсаларини силжий кетиши, қад. Тетис ва Тинч океанлари Ер пўстининг парчаланиши натижасида 70—65 млн. йиллар аввал хоз. шакли-ни олган. Ботиқнинг тараққиёт тарихи ҳоз. сув ости рельефида ўз аксини топган. Материкларнинг сув остидаги давоми океан майдонининг 30% та жқисини ташкил этади. Африканинг сув остидаги давоми шельфнинг торлиги экаилигига қарамай, Агулас саёзлиги, Мозамбик, Мадагаскар сув ости тоғлари ҳисобига анча кенг майдонни эгаллаган. Мадагаскар сув ости дунёлигн ва Мадагаскар оли қичик континент дейиш мумкин. Замбези дарёси қуйилиш жойидан Сомали я.о.гача бўлган материк саёзлигида маржон қурилмаси кўп. Евросиё шельфи анча кенг майдонни эгаллаган. Арабистон денгизи ва Бенгалия қўлтиғидаги материк саёзлиги, асосан, дарё чўкиндиларидан ҳосил бўлган. Ҳ.о.да ороли́қ минтақа (материклан океанга тектоник ўтиш зонаси) унинг шим.-шарқий қисмида нисбатан кичик масофада ифодаланган. Унга Андаман денгизи, Зонд о.лари ёйи (Суматра, Ява, Кичик Зонд о.лари), Ява, Тимор, Кай ботиқларн киради. Бу ерда 30 дан ортиқ вулкан мавжуд, кучли зилзилалар бўлиб туради.

Ҳ.о.да океан ўрталиқ тизмалари майд. 17% ни ташкил этади. Улар океан ўртасидан 3 йўналишда давом этади. Арабистон, Ғарбий Ҳинд, Африка—Антарктика, Арабистон—Ҳиндистон, Марказий Ҳинд, Австралия—Антарктика кўтарилмалари Арабистон, Сомали, Мадагаскар, Мозамбик, Агулас, Крозе, Африка—Антарктика, Марказий, Жан. Австралия, Австралия—Антарктика сойликларини бир-биридан ажратиб туради. Океаннинг энг чуқур жойи Ява ботиғидаги Зонд новн, 7729 м.

Океан ости ётқизиқлари орасида фораминифера гили кўп. Сойликларнинг чуқур қисмларида чуқур сув қизил гиллари, экваториал минтақада радиоларий гиллари тарқалган. Ҳ.о.да фойдали қазилмалардан Марказий сойликда темир-марганец конкрецияларн, Африка жан. ва Арабистон я.о. яқинида фосфорит кўп. Материк саёзлиги қумларидан ильменит, рутил, цирконий, монацит, магнетит ажратиб олинади. Каситеритнинг сочма конлари бор. Қирғоқларда қурилиш материаллари: чиғаноқли оҳактош, шағал, қум, глауконит, доломит, олтингугурт олинади. Ҳ.о. ҳавзаси, айниқса, Жан.-Ғарбий Осиё нефть ва газга бой. Океан шельф зонасида ҳам нефть ва газ конлари топилган.

Гидрологик режими. Ҳ.о. жанубий ярмидаги оқимлар Атлантика ва Тинч океанларидагига ўхшаш. Субтропик юқори босим таъсирида соат милларн ҳаракатига тескари йўналишда айланма оқимлар тизими юзага келади: Жан. пассат, Мадагаскар, Мозамбик, Агулас., Ғарбий Австралия оқимлари. Океан шим.даги оқимларга муссон шамолларн катта таъсир кўрсатади. Қишда муссон оқимининг энг катта тезлиги 2,1—2,9 км/соатдан ошмайди, ўртача йиллик тезлиги 3,6 км/соатга тенг. Африканинг шим.-шарқий қирғоғи яқинида Сомали оқими вужудга келади. Сув қалқиши ярим суткалик ва моғутри суткалик хусусиятга эга. Энг катта сув қалқиши Камбей қўлтиғида (бал. 12 м) юзага келади. Ҳ.о.нинг шим.-шарқий чекаларн кучли сейсмик зона бўлганлиган ҳолда кўп кузатилади.

Ҳ.о.да Жанубий Ҳинд юқори босим маркази, Экваториал паст босим маркази, Осиё материгидаги фасиий ўзгарувчан босим маркази ҳаво ҳаракатларини белгиловчи омиллар. Қишда ҳаво босими Евросиёдан океан марказига томон пасайиб боради. Океаннинг шим. қисмида қишки муссон шамоллари эсади. Езда Жан. Осиё минимуми маркази таркиб топади, Жанубий Ҳ.о. максимуми кучаяди. Натижада жан.дан шимолга шамол эсади. Ёзнинг ўз ўқи атрофида айланиши натижасида бу шамол шим.-шарққа бурилиб, ёзги муссонни ташкил этади. Шамол тезлиги 8—9 м/сек. Жанубий Ҳ.о. юқори босими 30° дан жан.даги кенгликларда бўлади. Антарктика ённ паст босимли марказга йил давомида тезлиги 5 м/сек. бўлган доимий тарбий шамоллар эсади. Баъзан шамол тезлиги кучайиб, довулга айланади. Кергелен о. ва унинг ён атрофи дунёда довул энг кўп бўладиган жой ҳисобланади. Океанда сув ҳарорати ҳаво ҳарорати ўзгаришига боғлиқ равишда ўзгаради. Сувнинг т-раси юза қисмида 20°, энг жан.да 0° дан паст. Энг юқори т-ра Қизил денгиз


ҲИНД ОКЕАНИ
1:54 000 000
АРАБИСТОН ДЕНГИЗИ
ЧУҚУРЛИКЛАР ШКАЛАСИ М ҲИСОБИДА
0 200 1000 2000 4000 5000 8000 ундан чуқур

ва Форс қўлтиғида кузатилади: 30—32°. Шўрлиги шим.-ғарбий қисмида 35,5—36‰, Ҳинд денгиз ва Форс қўлтиғида 40—41‰, энг кам шўрлик Бенгалия қўлтиғи ва Мадайн о-лари атрофида бўлиб, 30 — 34‰.

Ҳ.о.да музлар ҳосил бўлиши Антарктида яқинида кузатилади ва шимол ҳамда оқимлар таъсирида авг.да 55° ж.к. ва февда 65—68° ж.к.ларгача етиб боради. Айсберг 40 ва 80° шк.у.-лар да айниқса кўп.

Ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси. Ҳ.о. 2 та биогеографик областга киради. Ҳинд—Тинч океан тропик области ва Антарктика области. Ҳинд—Тинч океан области планктонга бой. Фитопланктон, асосан, диатомея ва перидиней, цианобактерия, ҳаворанг-яшил сувўтлардан иборат. Радиоларий, фораминифера, амфиподалар айниқса кўп. Мўътадил ва антарктика минтақаларида энг кўп тарқалган планктонлар зиатомеялардир. Фитобентослардан тропик минтақада сирғаладиган, турбинариялар тарқалган. Одатдаги сувўтлар маржонлар б-н бирга маржон қурилмаларини ҳосил қилади. Ҳ.о.нинг сузиб юрувчи жониворлари ҳам жуда хилма-хил. Балиқлардан сардинеллалар, анчоус, ставрида, майда тунецлар, кефал, денгиз лаққа балиқлари бор. Тошбақа, денгиз илонлари яшайди. Сут эмизувчилардан кит, каналот, дельфин, тюлень, денгиз филлари маълум. Қушлардан чайка, бақлан, альбатрос, жан.да пингвинлар яшайди. Эндемик қайвон кўп: игнатерилилар, моллюскалар, маржонларнинг кўп оилалари, балиқнинг 20 та оиласи эндемикдир. Антарктика ўлкасидаги 90% балиқ эндемик ҳисобланади.

Иқтисодий географик очерк. Ҳ.о.нинг биологик маҳсулдорлиги турли қисмларида турлича. Океаннинг қирғоқбўйи қисмлари, айниқса, шим. қирғоқбўйи маҳсулдор бўлиб, суткасига 250—300 мг/м² га тенг. Энг юқори биологик маҳсулдорлик Арабистон денгизида, суткасига 600 мг/м². Ҳ.о.нинг биологик бойликлари Атлантика ва Тинч океанларникидан кам эмас. Бироқ тўлиқ фойдаланилмайди. Жаҳонда овланадиган балиқнинг 3—5%, яъни 3 млн. т си Ҳ.о.га, унинг 1,5 млн. т си Ҳиндистонга тўғри келади. Яқин ва Ўрта Шарқ шельф зонасида нефть ва газнинг йирик конлари топилган. Ҳиндистон, Шарқий Африка, Ғарбий Австралия шельф зоналари истиқболли ҳисобланади. Ҳиндистон, Шри Ланка, Ғарбий Австралиянинг соҳил қисмидаги қумлар ильменит, циркон, рутил ва монацит сочилмаларига бой. Океаннинг марказий чуқур қисмидаги темир-марганец конкрецияслар жалаб равишда қазиб олинмоқда.

Ҳ.о.нинг транспорт аҳамияти катта. Ҳ.о.дан ўтган трассит йўллар Атлантика ва Тинч океан портларини туташ. Асосий денгиз йўллари океаннинг шим. қисмида кенглик бўйлаб, Форс қўлтиғидан Африка қирғоқлари орқали Атлантика океанига ўтади. Суэцдан канали орқали ўтган сув йўли ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳ.о. қирғоқларида Рас-Танурра (Саудия Арабистони), Харк (Эрон) ва б. махсус нефть портлари, Адан, Мумбай, Кальькутта, Карочи, Янгон ва б. универсал портлар жойлашган.

Ҳ.о.нинг асосий экологик муаммоларидан бири океан сувининг турли чиқиндилар б-н ифлосланиб бораётганлигини. Бунда нефть ва унинг маҳсулотлари б-н ифлосланиш 1-ўринда. Саноат чиқиндилари б-н бирга сувга кўп миқдорда мис, рух, маргимуш, сурма, висмут тушади. Улар муҳитнинг физик-кимёвий қолатига таъсир кўрсатади. Океан сувини, хусусан, Форс қўлтиғи сувини чиқиндилар б-н ифлосланишига қарши курашиш учун 1978 й.да Кувайт протоколи имзоланди. 1981 й.да шунга шартнома қабул денгиз ва Адан қўлтиғи ҳақида ҳам тузилган. 1983 й.да Веллингтонда Антарктика флораси ва фаунасини муҳофаза қилиш тўғрисида конвенция имзоланди. 1984 й.да Шарқий Африка қирғоқлари яқинидаги сув муҳитини муҳофаза қилиш режаси тузилди. Буларга мувофиқ океаннинг турли қисмларида табиат, ҳайвон ва ўсимликларни муҳофаза қилиш мақсадида резерватлар ташкил этилган.

Ўрганилиш тарихи. Ҳ.о. ҳақидаги дастлабки тасаввурларга унинг соҳилларида яшаган халқлар эга бўлганлар. Улар савдо ва ҳарбий мақсадларда Ҳ.о.нинг турли қисмларида сузишган. Мил. ав. 5—4- минг йилликларда Месопотамияда яшаган шумерлар Форс қўлтиғи ва Арабистон денгизида сузганлар. Финикияликлар эса мил. ав. 4-а.да Қизил денгиздан чиқиб, Африканинг шарқий ва жан. қирғоқлари бўйлаб айланиб чиққанлар. Ўрта денгиз бўйида яшаган халқлар океанда муссон шамолларидан фойдаланиб сузишган. Юнон ва римликлар Бенгалия қўлтиғи орқали Жан.-Шарқий Осиё ва Хитой б-н алоқалар ўрнатганлар. Араблар 7—8-а.ларда океан тўғрисида жуда кўп маълумот тўплашган. 1441 й.да Абдураззоқ Самарқандий Ҳиндистонга денгиз орқали сафар қилган. Ҳ.о. ва унинг соҳиллари ва Ҳиндистон тўғрисида тўпланган маълумотларини «Икки саодатли ходжанинг боғлашиш асарининг 2 бобида баён этган. Ундан 27 й. кейин Ҳ.о.га Афанасий *Никитин*, 56—57 й.дан сўнг португалиялик сайёҳ Васко да *Гама* борган. *Ибн Можид* ҳам ўз асарларида Қизил денгиз, Форс қўлтиғи, Ҳ.о.да кемаларнинг сузиш йўналишларини тавсифлаб берган.

Ҳ.о. қирғоқларини аниқлаш, географиясини ўрганишга бағишланган денгиз экспедицияларидан 18-а. охирларидан бошланди. 1772—75 й.ларда Ж.Кук, 1803—06 й.ларда И.Ф.Крузенштерн ва Ю.Ф.Лисянский, 1815—16 ва 1823—26 й.ларда О.Е.Коцебу тадқиқот ишлари олиб боришди. 19—20-а. бошларида Ҳ.о.ни ўрганиш ишлари кенгайди. 1857—69 й.ларда Арабистон денгизи ва Бенгалия қўлтиғида сув оқи челтграф кабелларини ўтказишда мақсадида океан туби ўрганилди. 1898—99 й.ларда Германия ташкил этган чуқур сув остини ўрганиш экспедицияси Шарқий Ҳиндистон ва Арабистон—Ҳиндистон сув оқи тоғларини кашф этди. 1906 й.да ина бир немис кемасида олиб борилган ўлчаш ишлари натижасида Ява ботғини кашф этилди. 20-а.да Ҳ.о.ни Халқаро геофизика йили дастури асосида «Обь», «Лена» кемаларида ташкил этилган экспедиция ўрганди. 1959—60 й.ларда АҚШ океаншунослари Ғарбий Ҳинд сув оқи тизма тоғларини кашф этдилар. 1960—65 й.ларда Ҳ.о.да Халқаро экспедиция бўлиб, унинг дастурига океанни ҳар томонлама тўлиқ ўрганиш киритилган, унда 20 та яқин мамлакат олимлари иштирок этди. Экспедиция 2000 дан ортиқ океанологик ст-я ташкил қилди. Ҳоз. вақтда сув оқи аппаратлари ёрдамида ҳам кузатиш ишлари олиб борилмоқда. 2004 й. дек.да рўй берган зилзилалар ва цунамидан кейин океанни ўрганиш ина ҳам кучайтирилди.

ҲИНД ПЛАТФОРМАСИ, Ҳиндистон платформаси — Ҳиндистон я.о., Ҳинд, Ганг ва Брахмапутра дарёлари ҳавзаси ва Шри Ланка о.ни қамраб олган токембрий даврига мансуб платформа. Чўкинди қопламларида турли ётқизиқлари мавжуд. Платформа пойдеворида кўп конлар — темир рудалари (Бийар, Орисса, Майсур ва б.), хромит, марганец ва мис рудалари (Синғхбхум), олтин (Колар кони), юқори сифатли слюдалар, камёб ва қимматбаҳо тошлар; Винлия сериями конгломератларида олмос мавжуд. Гондвана сериями ёш йирик тошкўмир конлари; кайнозой даври нураш пўсти б-н кўп соҳли боксит конлари боғлиқ. Улардан ташқари нефть ва газ конлари ҳам бор.

ҲИНД ТИЛИ, ҳиндий — *ҳинд тиллари*дан бири; Ҳиндистоннинг расмий тили ва Ҳиндистонда тарқалган асосий алифбо тиллардан бири. Уттар-Прадеш, Мадҳя-Прадеш, Ҳарийана, Бихар, Раҷастҳан, Ҳимачал-Прадеш штатларида ҳамда Деҳли иттифоқий ҳудудида тарқалган. Унда 250 млн.га яқин киши сўзлашади (ўттан асрнинг охирлари). Ҳ. лаҳжалари структура жиҳатидан фарқланувчи 2 гуруҳга ажралади: кидри бўли, ҳарийани, бриж, канаужи, бундели лаҳжаларидан иборат ғарбий гуруҳ ва авадҳи, багъели, чҳаттисгарҳи лаҳжаларидан иборат шарқий гуруҳ.

Яқини қариндош тиллар орасида Ҳ.т. ҳам географик, ҳам типологик жиҳатдан марказий ўринни эгаллайди; *ғарбдаги жойлашган тилларга қараганда* Ҳ.тда эски флектив шакллар камроқ, айни пайтда унда агглютинация шарқий (мас., *бенгал тили*) тилларгадек ривожланмаган. Фонетикасида тиллардаги чўзиқ/қисқа ва бўғинлашув (назализация)ни маъно фарқлаш хусусиятига эга. Ўзидан олдинги, аксари ҳинд-ориё тилларидаги каби, 5 ловқа қатор бўғинга тақсимланади. Морфологиясида отларнинг қўмақчилар ёрдамида ясаладиган ва феълларнинг ёрдамчи феъллар ёрдамида ҳосил қилинадиган аналитик шакллари қўпдай учрайди. Ҳ.тда санскрит тилининг луғавий ва сўз ясовчи воситалари кенг қўлланади. Шу жиҳати б-н арабча ва *форсча луғавий ва б. ўзлаштирилган қўлланиладиган урду*дан фарқ қилади.

Қадри бўли (ҳиндистоний) лаҳжаси асосланган ҳ.т. Х.т. 19-а.дан шакллана бошлайди. Ҳ.т.даги замонавий *ёзувнинг асосчиси Бҳаратенду Ҳариш*чандра (1850—85) ҳисобланади; шеърият ҳам 19-а. охирида шаклланган Ҳ.т. *деванагари* ёзувидан фойдаланади.

Ад.: Катенина Т.Е., Язык хинди, М., 1960; Черницев В.А., Диалекты и литературный хинди, М., 1969; Хиндийча-ўзбекча луғат (О.Шомаров ва б.), Деҳли, 2003.

Ахсорийдин Иброҳимов.

ҲИНД ТИЛЛАРИ, ҳинд-ориё тиллари — *ҳинд-европа тиллари* оиласига мансуб, қад. ҳинд тилидан келиб чиққан генетик қариндош тиллар гуруҳи; дарз тиллари ва *эроний тиллар* б-н бирга*ликда* мазкур оила тармоғини ташкил этади. Ҳозл. лаҳжа Ҳ. т. Ҳиндистоннинг шим. ва марказий ҳудудларида (ҳиндий, урду, бенгал, панжоби, маратҳий, гужарот, ория, асосан, синдҳи ва б. тиллар), Покистонда (урду, панжоби, синдҳи ва б.), Бангладешда (бенгал), Шри Ланка (сингал) ва Мальдив Республикасида (мальдив) тарқалган. *Ушбу минтақадан ташқарида тарқалган дил тили* ҳам Ҳ. т. гуруҳига мансубдир. Умуман, 90 дан ортиқ жонли тил ва лаҳжаларда 800 млн.га яқин киши сўзлашади (ўттан асрнинг 90-йлари ўрталари).

Ҳ. т. тарихи асосан 3 даврга бўлинади: энг қад. (тахм. мил. ав. 12-а.дан бошланади), ўрта (мил. ав. 1-минг йилликнинг ўрталаридан) ва янги давр (мил. 10-а.дан кейин бошланган). Ушбу давр лар Ҳ. т.нинг дастлабки синтетик-флектив хоналаридан *аста-секин фонетик-морфологик ўзгаришлар натижасида* аналитик воситаларнинг, агглютинатив тизимнинг пайдо бўлиши б-н фарқланиб турали.

Замонавий Ҳ. т. 20 дан ортиқ йирик тилларни ва баъзан бир-биридан жиддий фарқ қилувчи кўплаб лаҳжаларни қамраб олади. Бу тилларнинг дастлабки ташкилий 19-а.нинг 80-й.ларида немис олими А.Ф.Р.Хёрнле таклиф этган ва 20-а.нинг 20-й.ларида инглиз-ирланд олими Ж.А.Гриерсон лингвистик нуқтаи назардан ишлаб чиққан. Унга кўра, Ҳ. т. «ташқи», «ички» ва оралиқ тилларга фарқланади. Ҳинд тилшунослари кўпинча ҳинд олими С.К.Чаттержий ташкифига риоя қиладилар. Ушбу ташкифа Ҳ. т., Ж. А.Гриерсон ташкифидан моҳиятан фарқ қилмагани ҳолда, шим., ғарбий, марказий, шарқий, жан. гуруҳларга бўлинади. *Ҳиндистондан ташқарида* бўлган дўли, пария (Тожикистондаги лаҳжа), сингал, мальдив ва б. тилларга мансубий тилларнинг бирмунча таъсири сезилади.

Ҳ. т. лексикасида 3 қатлам: санскритга оўслар; санскритча бўлмаган, маҳаллий сўзлар ва араб, форс, инглиз ва б. тиллардан ўзлашган сўзлар қатлами фарқланади.

Ҳ. т. тарихан *брахми* асосида шаклланган кўплаб алифболардан (мас., *деванагари*, гурмукҳи ва б.) фойдаланади (қ. *Ҳинд ёзуви*). Ҳиндистоннинг шим. ва шим.-ғарбидаги айрим тиллар (урду, синдҳи) уларга мослаштирилган араб-форс графикасидан фойдаланади. Ҳиндий, урду, бенгал, маратҳий, панжоби, сингал каби Ҳ. т.да бой адабиёт яратилган. Ҳ. т.нинг ўрганишда кўплаб рус ва европа олимлари қатори О.Н. Шоматов, Т.Х.Холмирзаев, А.*Иброҳимов* ва б. ўзбек олимлари ҳам самарали тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Тошкент давлат шарқшунослик ин-ти мазкур тиллардан ўрганувчи асосий марказлардан бирига айланган.

Ад.: Зограф Г.А., Языки Индии, Пакистана, Цейлона и Непала, М., 1960; Чаттерджи С.К., Введение в индоарийское языкознание, пер. с англ., М., 1977; Зограф Г.А., Языки Южной Азии, М., 1990; Шоматов О.Н., *Жанубий Осиё тилларига кириш*, 1—3-қисмлар, Т., 2002—04.

Озод Шоматов.

ҲИНД ҚОРА ЗИРАСИ, зирак кармоний — *тареғиллар* (соябонгуллдошлар) нинг ҳўтон туркумига мансуб бир йиллик зиравор ўсимлик. Илдизи тутунакли. Ватани — Ҳиндистон. Шим. ва Шарқий Африка, Эрон, Афғонистон, Кичик Осиёда, шунингдек, Ўрта Осиёда ўстирилади. Мевасидаги эфир мойида 50% гача тимол *бор*.

ҲИНД-ГАНГ ТЕКИСЛИГИ — Шим. да Ҳимолай тоғлари б-н жан.да Деккан ясситоғлари оралиғидаги алловиал текислик. Ҳиндистон, Покистон ва *Бангладеш ҳудудида*. Арабистон денгизидан Бенгалия қўлтиғигача 3000 км га чўзилган. Кенглиги 250—350 км. Ҳ.-Г.т. дан тоғ оқими буқимаси бўлиб, уст қад. ва ҳоз. аллювий жинслар б-н тўлган. Ер юзаси текис, сувайирғич қисмидан (бад. 270 м) Ҳинд ва Ганг дарёлари делталари томон пасайиб боради. Ҳ.-Г.т.ни баъзи ерларда жарлик ва дарё террасалари парчаланган. Иқлими шарқида субэкваториал муссонли, ғарбий қисмида *тропик. Ўртача* т-ралар январда 12—20°, июлда 30—36°. Йиллик ёғин жан.-шарқида 1500 мм дан жан.-ғарбида 100—150 мм гача камайиб боради. Ёғин, асосан, ёз ойларида ёғади. *Дарё системаси энг ва серсув, айниқса* шарқида. Асосий дарёлари: Ҳинд ва Ганг ҳамда уларнинг ирмоқлари. Ёзги муссонлар ва қорнинг эриши натижасида сув оқими кўпаяди. Механик таркибли аллювиал тупроқ кенг тарқалган. Шарқий қисмида, Ганг ва Браҳмапутра дарёлари делталарида мангрозорлар ва доим яшил ўрмонлар энг жойлашган. Текисликнинг мар*казий қисмида барг тўкувчи ўрмон* ва саванналар бор. Ғарбида шўрхок ва қумли чўл ландшафти устун. Ҳудудининг катта қисми экинзорлардан иборат. Шоли, бугдой, чакка ва б. экинлар экилади. Ҳ.-Г.т. *жадал ривожланаётган* қад. марказлардан: Лаҳор шаҳри ҳам Деҳли, Калькутта (Ҳиндистон), Карочи, Лаҳор (Покистон) жойлашган.

ҲИНД-ЕВРОПА ТИЛЛАРИ — Европасийда маъруф бўлган, кейинги беш аср мобайнида эса Шим. ва Жан. Америка, Австралия, қисман Африкада ҳам тарқалган йирик тил оилаларидан бири. *Қиёсий-тарихий метод*, шунга мувo-

фиқ равишда қиёсий-тарихий тилшунослик ҳам кейинчалик ҳинд-европа тиллари деб аталган бир қанча тилларни ўрганиш асосида пайдо бўлган. Шу сабабли ҳам Ҳ.-е.т. генетик алоқадорлиқа кўра тилларнинг алоҳида бирлашиш шакли сифатида фараз қилинган дастлабки тил оиласи ҳисобланади. Одатда фанда бошқа тил оилаларини ажратиш, белгилаш белиснига ёки билвосита Ҳ.-е.т.ни ўрганиш тажрибасига таянади. Шунингдек, бошқа тил гуруҳлари учун қиёсий-тарихий грамматика ва (этимологик) луғатлар тузишда ҳам Ҳ.-е.т. учун тузилган ана шундай ишлар тажрибаси фойдага олинади.

Ҳ.-е.т.нинг тарқалиш қуйидагилардан иборат: 1) хетт-лувий ёки анатолий гуруҳи (Кичик Осиёда) 2 хилма-хил хронологик даврга мансуб бир қанча тилларни қамраб олади. Булар: мил.ав 18—13-а.лардаги *маҳсалли* хетт ёки несит (икки ёдгорлиги — хетт подшоси Аниттасининг битиклари, кейинроқ — диний маросим, мифологик, тарихий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, эпик ва б. мазмундаги матнлар), миххатли лувий, палай тиллари; оралиқ давр деб ҳисобланувчи мил. ав. 9—8-а.лардаги иероглифик хетт тили; мил.ав. 7—3-а.ларда (митик даврда) мавжуд бўлган ликий, лидий, карий, сидет ва б. қад. тиллардир. 19-а. охиридаги ва 20-а.да хетт-лувий тиллари материалларининг ўрганилиши қадимги Ҳ.-е.т.нинг тили ҳақидаги тасаввурларга ҳам, ҳинд-европа бобо тилининг қурилиши ҳақидаги бўлғалиғини ҳақиқатга тушунчага ҳам жуда катта ўзгаришлар киритди; 2) ҳинд ёки ҳинд-ориё гуруҳи (Ҳиндистон ярим оролининг шим. қисми, Шри Ланка ороли) 3 даврга мансуб тилларни иборат. Булар: қад. давр*лари веда тили* (мил.ав. 2-минг йиллик охири — 1-минг йиллик бошларида яратилган «Ригведа» гимнлар тўпламн), мумтоз, эпик ва будда ватанпарварига ега бўлган *санскрит тили*; ўрта даврга мансуб пракритлар — ўрта ҳинд тиллари: *пали*, пайшачи, магадҳи, апабҳраншa ва б. тиллар; янги даврга мансуб ҳиндий, бенгал, бенгал, ассом, ория, маратҳий, синғал, синдҳи, ленда, панжобн, раджастҳани, гужарот, кҳандеши, пахари, пегаз, парни (ноқинда Ўрта Осиёда аниқланган), ўзбекистонининг ўзида бир неча шеваларга эга ҳамда жаҳон бўйлаб бир қанча вариантларга тарқалиб кетган) тиллари; 3) эроний гуруҳдаги тиллар ҳам 3 даврга мансуб бўлиб, булар қуйидагилардир: қад. даврдаги авесто (муқаддас матнлар тўпламн «Авесто» ёдгорлиги тили), қад. форс (ахоманийлар даврндаги, мил.ав. 6—4-а.ларга мансуб миххат ёзувлари тили), мидий, скиф тиллари; ўрта эроний давр (мил.ав. 4—3-а.лар — мил. 8—9-а.ларга мансуб ўрта форс (ёки паҳлавий), парфия, суғд, хоразмий, бақтрия, алан тиллари; янги эроний давр тиллари эса форс (форсий, форсий дари), тожик, пуштў (пашту, афғон), ёзувга эга бўлмаган лурий ва бахтиёрий лаҳжалари, балуж (балучи), тот, толиш, гилон ва мозандарон, Марказий ва Ғарбий Эрон лаҳжалари, парачи, ормури, қумзорн, мунжон, ягноб, осетин тиллари, шунингдек, кўплаб *вотор тиллари*; 4) тохар гуруҳи «тохар А» (шарқий тохар ёки турфон) ва «тохар Б» (ғарбий тохар ёки кучан) тилларидан иборат; 5) *арман тили*ни қад. мил. 5—11-а.лар), ўрта (12—16-а.лар) ва янги (17-а.дан) арман тили ўзаро фарқланади; 6) *фригий тили* (Кичик Осиёнинг ғарбий қисми) мил.ав. 8—3-а.ларга мансуб қад. фригий битикларидан маълум ўлик тил; 7) *фракий тили* (Болқонниинг шарқий қисми ва Кичик Осиёнинг шим.-ғарбида) — мил.ав. 6—5-а.ларга мансуб бир қанча битикларидан маълум ўлик тил; 8) иллирий гуруҳи (Болқонниинг ғарбий қисми ва қисман Италиянинг жан.-шарқида) мил.ав. 6—1-а.ларга мансуб, бир қанча луғавий бирликлар, шахс ва жой номини билдирувчи сўзлардан сақланиб қолган ўлик иллирий ва мессин тилларидан иборат; 9) *албан тили* мил. 15-а.га мансуб ёзма ёдгорликлардан бошлаб маълум; 10) *венет тили* (Италиянинг шим.-шарқида) мил.ав. 6—1-а.ларга мансуб 250 дан ортиқ битиклар орқали маълум бўлган ўлик тил; 11) юнон (грек) гуруҳи аҳл юнон (қад. грек. — мил.ав. 15—11-а.лар), Гомер достонлари тили (мил.ав. 10—9-а.лар), ўрта грек тили (мил. 1—15-а.лар) каби ўлик тилларни ҳамда янги, замонавий грек тилини қамраб олади; 12) италий гуруҳи (Апеннин ярим оролида) қад. даврдаги *лотин тилини* (дастлаб Рим шеваси мақомида бўлиб, кейинчалик бутун Италияга, Европанинг катта қисмига, Шим. Африкага тарқалган, мил.ав. 6-а.га мансуб битиклардан маълум ўлик тил), оск, фалиск, умбр, *сикул* тилларини ҳамда янги даврдаги *роман тилларини* қамраб олади; роман гуруҳи (француз, окситан (провансаль), испан, каталан, галисия), португал, итальян, сард, ретороман, румин, молдован, арумин (аромун) ва 19-а.дан ўлик ҳисобланиб қолган далматин тилларидан иборат. Роман тиллари асосида *эсперанто* каби ҳалқаро сунъий тиллар пайдо бўлган; 13) келт гуруҳи (Ғарбий Европанинг чекка қисми — Ирландия ва Шотландиядан Пиреней ярим оролигача бўлган ҳудудда) 3 гуруҳчага (галл, бритт, гойдель) бўлинади. Бу гуруҳга талл (ўлик), уэльс, бретон, корн (ўлик), ирланд, шотланд (гэл), келт, кельтибер, мэн (ўлик) ва б. тиллар киради; 14) герман гуруҳи ўз навбатида 3 гуруҳчага бўлинади: шарқий герман (ўлик тиллар — гот (мил. 4-а.дан маълум), вандал, бургунд ва б.), ғарбий герман (юқорн немис, немис, идиш (янги яҳудий), қуйи немис, индерланд (голланд), фламанд, африкаанс (бур), қад. англиз (ўлик), инглиз, фриз тиллари) ва шим. герман (исланд, дан (дат), швед, норвег (бир-бирндан фарқланувчи 2 адабий шакли бор), фарер тиллари) гуруҳчалари; 15) болтиқ гуруҳи озатда ғарбий болтиқ [прус, ятвяж (судав), галинд (голяд), шаблав каби ўлик тиллар] ва шарқий болтиқ (литва, латиш — ҳозирги тиллар, курш, селон — ўлик тиллар) гуруҳчаларига ажралади; 16) славян гуруҳи ҳам ўз навбатида 3 гуруҳчага бўлинади: жан. славян [эски славян (10—11-а. ёдгорликларидан маълум ўлик тил) ва жонли тиллар: болгар, македон, сербхорват, словен тиллари], ғарбий славян (чех, словак, поляк, кашуб каби жонли тиллар ҳамда ўлик полаб тили ва б. бир қанча лаҳжалар) ва шарқий славян (рус, украин, белорус тиллари) гуруҳчаларн.

Шубҳасиз, юқоридагилардан бошқа Ҳ.-е.т. ҳам мавжуд бўлган. Уларнинг белгилари изсиз йўқолиб, «ўлик» кетганлар, баъзиларн эса у ёки бу даражада топонимика материалларида ҳамда *субстрат* сўзларда сақланиб қолган. Яна бошқа бир тилларнинг (мас. этруск тили) эса Ҳ.-е.т.га мансублиги масаласи ҳанузгача ҳал этилмаган.

Ҳ.-е.т.нинг дарр ва макон қамрови жуда улкан: дарр нуқтаи назаридан Ҳ.-е.т. мавжудлиги мил.ав. 2-минг йиллик аввалидан бошланса, макон нуқтаи назаридан эса гарбда Атлантика океани қирғоқларидан шарқда Марказий Осиёгача, шим.да Скандинавиядан жан.да Ўрта денгизгача бўлган улкан ҳудудда мавжуд бўлган; кейинги 500 йил ичида инглиз, испан, француз, португал, индерланд, рус каби янги Ҳ.-е.т.нинг кенг тарқалишн, ёйилиши бу тилларнинг барча қитъаларда пайдо бўлишига, асосий ёки иккинчи, ёрдамчи тил сифатида қўлланабошланишга сабаб бўлди. Ҳ.-е.т.нинг

тарқалишида табиий-тарихий тарзда ёки мустамлакачилик сиёсати туфайли рўй берган аҳоли (халқлар, элатлар) миграцияси ҳам катта роль ўйнаган.

Ҳ.-е.т. тармоғининг диалектал бўлиниши хусусиятларидан бири сифатида ҳинд-орий тиллари б-н эроний тилларининг, болтиқ тиллари б-н славян тилларининг жуда яқинлигини, италий ва келт тилларининг эса бир қадар яқинлигини кўрсатиш мумкин. Бундай яқинлик ва ўхшашликлар бошқа тил гуруҳларида ҳам кузатилади.

Ҳинд-европа тилшунослиги тарихининг бир ярим асрдан кўпроқ даври мобайнида Ҳ.-е.т.нинг таркиби ҳақидаги тушунча олатда тилларнинг кўпайиб боришн томон ўзгаргани каби (мас., Ҳ.-е.т.нинг дастлабки ядроси, ўрганилиш объекти санскрит, юнон, лотин, герман тиллари бўлган бўлса, кейинчалик бу доира келт, болтиқ, славян тиллари, албан ва арман тиллари, 20-а.да эса хетт-лувий ва тохар тиллари ҳисобига кенгайди), бу тушунча ҳозир ҳам унчалик барқарор эмас, чунки ҳали чуқур ўрганилмаган, тўла ўқиш имкони бўлмаган тиллар анчагина. Рус олимлари В.М.Илинч-Свитич томонидан Ҳ.-е.тнинг ялта қадимийлик *қатламлари* алоқадори ҳақидаги назарияни олгари суришган. Унга кўра, Ҳ.-е.т.нинг «ностратик» деб аталувчи ва сем-ҳом (афроосиё), урал, олтой, дравид ва картвел синғари йирик тил оилаларини қамраб олувчи улкан оила б-н қариндошлик алоқадори бор қатор фонетик ва қисман морфологик мослик (ўхшашлик)ларда б-н исботланган. Ҳ.-е.тни ўрганиш, биринчилан, *қиёсий-тарихий методининг* кейи чиқишига ва *қиёсий-тарихий тилшуносликнинг пайдо бўлишига, иккинчидан, бу соҳанинг* қиёсий-тарихий тилшуносликлари алоҳида бир бўлим — ҳиндевропашуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Ад.: Мейе А., Введение в сравнительное изучение индоевропейских языков, пер. с англ., М.-Л., 1938; Порциг В., Членение индоевропейской языковой области, пер. с нем., М., 1964; Иванов В.В., Общеиндоевропейская, праславянская и энеолитическая языковые синтезы, М., 1965; Илинч-Свитыч В.М., Опыт сравнения ностратических языков. Сравнительный словарь [т. 1—3], М., 1971—84; Языки Азии и Африки, т. 1—2. Индоевропейские языки, М., 1976—78; Гамкрелидзе Т.В., Иванов В.В., Индоевропейский язык и индоевропейцы. Реконструкция и историко-типологический анализ праязыка и протокультуры, кн. 1—2, Тбилиси, 1984; Сравнительное языкознание и история языков, Л., 1984.

Абдуваҳоб Маҳкамов, Исҳоқ Мадраҳимов, Ўзбек Дадаев

ҲИНД-МАЛАЙ ЗООГЕОГРАФИЯ ОБЛАСТИ, Шарқий область — қуруқлик зоогеографик области, Осиёнинг жан. қисми, Осиё б-н Австралия оралиғидаги кўпчилик оролларни ўз ичига олади. Кўп қисми тропик ўрмон, шим. қисми тоғлик, фақат кичик бир қисми чўл ва саванналардан иборат. Фаунаси нисбатан қад., асосан, дарахтларда яшовчи қайвонлардан иборат. Қайвонот дунёси ҳинд-малай бўлишига қарамасдан, йирик систематик гуруҳи мансуб эндемиклар кам. Сутэмизувчиларнинг 4 оиласи: *узунтовонлилар*, жунқанотлилар, *тупайлар* ва *гиббонлар* эндемик. Ўзига хос *ҳашаротхўрлар* (мас., *типратикан*), бир неча тур йиртқичлар: шунгуклар, веверралар, айиқлар; туёқлилар: тапирлар, каркидонлар (3 тур), буғизлар, буйволлар (ҳинд ва карлик буйволи, гаур, бантенг, курраки ўҳкиз), антилопалар (нилғау, 4 шохли ва бурама шох антилопа), фил, маймунларнинг бир неча тури (жумладан, орангутан) бор. Кўршапалаклар ва кемирувчилар айниқса хилма-хил. Кўршапалаклар орасида ўсимликхўрлари (учар итлар) ҳам кенг тарқалган. Айрим дарёларда дарё дельфинлари яшайди.

Қушлар айниқса жуда хилма-хил, эндемик турлари кокилли узунқанотлилар, шохтумшуқлилар оилаларида кўп учрайди. Судралиб юрувчилардан гекконлар, эҳкемарлар, агамалар, скиноклар, илонлар, тошбақалар (жумладан, катта бошли тошбақа), тимсоҳларнинг бир неча тури (жумладан, гавиаллар, алигатор) кент тарқалган. Сувда ҳамда қуруқликда яшовчилар турлари кўп эмас; думсиллар учрамайди; думсизларнн қурбақалар (жумладан, учар бақа, кўриллоқ бақалар) яшайди. Балиқлар фаунаси ҳам хилма-хил: карисимонлар, лаққанинг бир неча тури кўп учрайди; йирик дарёларда акулалар бўлади.

Ҳ.-м.з.о. фаунаси тарихан эфиопия зоогеографня области фаунасига яқин. Каркидонлар, филлар, торбўрунли ва оламсимон маймунлар, катталасслар, айрим лемурлар, туёқлиларнинг айрим урғулари (мас., бугуслар, буйволлар), тошбақалар, узун бурун қушлар, судралиб юрувчиларлан ҳамгеоонлар, эҳкемарлар ва агамалар ҳар икки областда ҳам учрайди. Ҳ.-м.з.о.нинг турли қисмида қайвонот дунёси кескин фарқ қилади. Бу ҳол область ҳудудининг асосий қисми оролларлан иборатлигига тўғайди қайвонлар ареалининг ажралиб қолганлиги б-н боғлиқ. Ҳ.-м.з.о. Ҳиндистон-Ҳиндихитой ва Малай кичик областларига бўлинади.

Ҳ.-м.з.о. ҳудудида қад. маданият ўчоғи бўлган мамлакатлар жойлашган. Бу мамлакатларда қ.х. қайвонларининг бир қисми туғилган: бўйволи, гаур, бантенг, чўчқа, товуқ, товус, ҳиндистон ярим конжаклиттарнинг.

ҲИНД-ЭРОНИЙ ТИЛЛАР, *орий тиллар — ҳинд-европа тиллари* оиласининг бир тармоғи; *ҳинд тиллари* ва *эроний тилларидан* иборат. Унинг таркибига, шунингдек, *дард тиллари* (Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон шимлари) гоҳи тўғалларда тарқалган кашмирий, шина, пэдарура, кэувар, гавар, ламели, пошойи каби 20 дан ортиқ тиллар — 4 млн.дан ортиқ киши сўзлашади) ва *нуристон тиллари* (Афғонистоннинг Нуристон вилоятида тарқалган 10 та яқин тил — 150 мингдан ортиқ киши сўзлашади) ҳам киради. Шундай қилиб, Ҳ.-э.т. тармоғи 150 та яқин жонли ва 20 та яқин ўлик тилларни қамраб олади ва уларда тахм. 900 млн.га яқин киши сўзлашади (ўтган асрнинг охирлари).

Ҳ.-э.т.нинг қад. вакиллари бўлган орийларнинг келиб чиқиши ва асл ватани ҳақида 2 хил фикр мавжуд. *Биринчи фикрга кўра, орийлар* дастлаб ягона қабила, элат сифатида Ўрта Осиёда яшаб, кейинчалик уларнинг бир қисми Ҳиндистон тогларн орқали Ҳиндистонга, бир қисми Эронга бориб тўпроқлашган. Иккинчи тахминга кўра, орийлар ватани жан.рус дашт-ликлари бўлиб, улар Кавказ орқали Эрон ва Ҳиндистонга кўчиб ўтганлар. Қиёсий-тарихий грамматика ушбу тилларда умумий фонемалар тизими, умумий луғавий таркиб, умумий морфологня ва сўз ясалиш тизими ва ҳатто умумий синтактик белгилар бўлганлигини тасдиқлайди. Орийлар номини биздирувчи «ария» атамаси ҳам умумий бўлиб, жуда кўп ҳиндий ва эроний этник терминларда ўз аксини топган (ушбу сўз ҳиндларда ҳоз. Эрон давлатининг номи келиб чиққан). Қад. ҳинд ва эрон обидалари «Ригведа» ва «Авесто» ҳам бахли жиҳатлари б-н ўзаро шунчалик яқинки, уларни бир асос манбанинг 2 варианти деб ўйлаш мумкин. Олимлар орий қабилаларнинг 2 қисмга (ҳинд-орий ва эроний шохобчаларга) ажралиши милад. 2-минг йиллигининг бошларида рўй берган деб ҳисоблайдилар. Ушбу тармоққа мансуб қад. (ўлик) тиллардан *ҳинд-орий* гуруҳидаги веда тили, санскрит, пали тилларини, эроний гуруҳлаги авесто тили, қад. форс, ўрта форс (пазанвий), парфин, суғд, хоразмий, сак тилларини ва б.ни кўрсатиш мумкин. Ҳинд-

орий гуруҳидаги тиллар эроний тилларга нисбатан бирмунча консерватив (ўзгармас) бўлиб, уларда ҳинд-европа, ҳинд-эроний даврларининг баъзи архаизмлари ижоли сақланиб қолган, айни пайтда эроний гуруҳдаги тиллар фонетика ва морфологик соҳасида бир қанча жиддий ўзгаришларга учраган.

Ҳоз. Ҳ.-э.т. Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Эрон, Непал, Шри-Ланка, Афғонистон, Туркия, Ироқ, Тожикистон, Шим. ва Жан. Осетия, Грузия ва б. жойларда тарқалган. Бу гуруҳдаги тиллар мазкур 2 гуруҳ тилларни тараққиётининг умумий типологиясини кўрсатувчи бир қанча умумий тамойиллар б-н ажралиб туради. Дард тиллари Ҳ.-э.т. тармоғидаги 2 асосий гуруҳ ўртасида алоҳида оралиқ гуруҳни ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу тилларнинг аниқ ўрни ҳақида ягона фикр йўқ: инглиз олимлари Р.Б.Шоу, Ж.А.Гиршон ва норвег тилшуноси С.Коновлар дард тилларини кўпроқ эроний тилларга яқин деб ҳисобласалар, инглиз олими Р.Л.Тернер ва норвег олими Г.Моргенстерные уларни бутунлай ҳинд-орий тилларига мансуб деб топадилар. Гиршон (сўнгги ишларида) ва россиялик тилшунос Ж.И.Эдельманлар эса дард тилларини ҳинд-орий ва эроний тиллар ўртасидаги оралиқ ўринга эга бўлган мустақил гуруҳ деб ҳисоблайдилар.

Ад.: Эдельман Д.И., Дардские языки, М., 1965; Грюнберг А.Л., Опыт лингвистической карты Нуристана. «Страны и народы Востока», №., 1971; Эдельман Д.И., Сравнительная грамматика восточноиранских языков. Фонология, М., 1986.

Автор: Исмоилов, Абдуқодир Мадалиевич.

ҲИНДАУР, Ҳиндаур — Ҳиндистоннинг марказий қисмидаги шаҳар. Мадҳя-Прадеш штатида. Аҳолиси 1,5 млн. киши (2001). Транспорт йўллари чорраҳаси. Муҳим савдо маркази. Ип газлама саноати ривожланган. Қимё, машинасозлик ва металлсозлик, озиқ-овқат (ёғ-мой, ун тортиш) саноати корхоналари мавжуд.

ҲИНДИСТОН (ҳиндча Бҳарат), Ҳиндистон Республикаси — Жан. Осиёдаги давлат. Ҳудуди шим.дан жан.га 3214 км, гарбдан шарққа 2933 км га чўзилган. Шим.да Ҳимолай тоғлари, гарбда Арабистон денгизи, шарқда Бенгалия қўлтиғи б-н ўралган. Ҳ. тарқибига Арабистон денгизидаги Лаккадив ва Аминдив оллари, Бенгалия қўлтиғидаги Андаман ва Никобар оллари ҳам киради. Майд. 3,3 млн. км². Аҳолиси 1 млрд. 49,5 млн. киши (2002). Пойтахти — *Деҳли* ш. Маъмурий жиҳатдан 28 штат (state) ва 7 иттифоқ ҳудуд (territory)га бўлинади.



Ҳиндистон герби.

Давлат тузуми. Ҳ. — федератив республика. Буюк Британия бошчилигидаги *Ҳамдўстлик* таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1950 й. 26 янв.дан кучга кирган; кейинчалик ўзгартишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (2002 й.дан А.П.Ж. Абдул Калам). У парламентнинг икки палатаси ва штатларнинг қонун чиқарувчи органлари аъзоларидан иборат сайловчилар ҳайъати томонидан 5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни президент ва икки палата — Штатлар кенгаши (Ражя сабха) ҳамда Халқ палатаси (Лог сабха)дан иборат парламент, ижроия ҳокимиятни президент ва бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Ҳ. қирғоқлари кам парчаланган, паст, қумли. Асосан, Ҳиндистон я.о. ва Ҳинд-Ганг текислигида жойлашган; Ҳимолай ва Қорақўрум тоғларининг бир қисмини ўз ичига олади. Ҳ. ҳудудининг 3/4 қисми текислик ва ассиотлик. Ҳиндистон я.о.нинг деярли ҳаммасини *Декан ассиотлиги* эгаллаган (шарққа томон 900 м дан 300 м гача пасайиб боради). Ҳиндистон я.о. шимолида адлювиал *Ҳинд-Ганг текислиги* жойлашган. Ер шарларга энг баланд тоғ тизмаси — *Ҳимолай* (Ҳ.да баландлиги 8126 м, Нангапарбат тоғи) ва *Қорақўрум* тоғлари Ҳ.ни шим.дан тўсиб туради. Ҳ.да фойдали қазилмалардан тошкўмир, темир рудаси, титан, олтин, табиий газ, марганец, хромит, боксит, олмос, ҳимматбаҳо тошлар, мис, нефть, елкида, қўрғошин конлари бор. Иқлими, асосан, тропик иқлим, шим.да тропик муссонли иқлим. Июнь — окт.да иссиқ ва нам, нояб.—фев.да қуруқ, салқин, март — майда жуда иссиқ ва қуруқ иқлим. Ҳам миқсумда йиллик ёғиннинг 70—90% ёғади. Йиллик ёғин Гарбий Ғат ва Ҳимолай тоғларининг шамолга рўпара ёнбағирларида 5000—6000 мм, Шиллонг платосида 12000 мм (Ер юзидаги энг серёғин жой), Ҳинд-Ганг текислигида 100 мм. Ҳиндистон я.о.нинг марказий қисмида 300—500 мм. Янв.нинг ўртача т-раси текисликларда 15° (шим.да), 27° (жан.да), май ойининг ҳамма жойда 28—35°, айрим вақтларда 48°. Тоғларда ўртача т-ра янв.да — 1°, —8°, июлда 18—23°. Асосий дарёлари: *Ганг*, ирмоғи *Жамна*, *Ҳинд* (юқори оқими), *Брахмапутра* (қуйи оқими), Нармада, *Годавари*, Кришна. Дарёлари ёзда серсув (муссон ёмғирлари даврида тошади), суғоришда кенг фойдаланилади, айримларида кема қатнайди. Тупроқлари Ҳ. ҳудудининг аксари қисмида қизил, Деккан ассиотлигида қора, Ҳинд-Ганг текислиги ва денгиз бўйи пасттекисликларида жигарранг тупроқ, Ҳимолай тоғлари ён бағрида тоғ-жигар ранг, сариқ, тоғ кўнғир-ўрмон, подзол, тоғ-ўтлоқи тупроқлар пастлан юқорига алмашиниб боради. Ўсимликларидан акация, бамбук, кокос ва хурмо пальмаси кенг тарқалган. Мамлакатнинг 25% ўрмон. Ҳимолай тоғларининг қуйи ён бағирларида терак, юқорида тик, сандал, ҳимолай кедри, қорақарағай, оққарағай ўсали. Ғарбий Ғат тоғлари ён бағри, Ганг ва Брахмапутра дельталари, Шарқий Ҳимолай тоғ оёди доим яшил ўрмонларидан иборат. Ҳ.да ўсимликларнинг 21 минг тури тарқалган. Унда Ер юзида мавжуд бўлган барча ўсимликнинг ярмидан кўпини учратиш мумкин.

Ҳайвонот дунёси хилма-хил. Сут эмизувчи ҳайвонларнинг 350 тури, қушларнинг 1600 дан зиёд тури бор. Ҳ. ҳудудида фил, маймун, каркидон, шер, қоплон, йўлбарс, мангуст ва б. ҳайвонлар яшайди, илонининг деярли барча тури мавжуд. Мамлакатда 75 миллий бог ва 420 дан ортиқ қўриқхона мавжуд. Йирик миллий боғлари: Казиранга, Манас, Дачигам, Далва, «Гуллар водийси» (Уттар-Прадеш), Сариска ва б.


Аҳолиси. Ҳ. — дунёда энг кўпмиллатли мамлакатлардан бири. Ҳ.да турли тилларда сўзлашувчи бир неча юз миллат, элат ва қабила яшайди. Аҳолисининг 72% *ҳинд-европа миллатларининг* ҳинд-орий тиллари гуруҳида сўзлашувчи халқлар — ҳиндустонийлар, маратҳлар, бенгаллар, бихарлар, гужаротлар, ориялар, ражастонцилар, панжобилар ташкил этади. Кашмири-



Ҳиндистон байроғи.

лар дари тил гуруҳига мансуб. Ҳ. жанубида, асосан, дравид тилларида, шим. ва шим.-шарқида тибет-бирма тилларида сўзлашувчи халқлар яшайди. Шаҳар аҳолиси 30%. Расмий тиллар — ҳинд ва инглиз тиллари. Аҳолининг кўпчилиги (83%) ҳиндуийлик динига эътиқод қилади; ислом (10%), *христиан (2%), сиқҳизм (2,5%) ва б.* динларга эътиқод қилувчилар ҳам бор. Йирик шаҳарлари: Калькутта, Бомбай, Деҳли, Ченнай, Бангалор, Аҳмадобод, Ҳайдаробод, Пуна, Канпур, Нагпур, Жайпур, Лакнау.

Тарихи. *Археологик топилмалар* Ҳ.да одамлар тош давридаёқ, яшатишлигидан далолат беради. Мил. ав. 3-минг йилликнинг 2-ярми — 2-минг йилликнинг 1-ярмида Ҳинд дарёси водийсида *жуда юксак даражада ривожланган* шаҳар маданияти вужудга келган (қ. *Хараппа маданияти*). Мил. ав. 2-минг йиллигининг 2-ярмида шим.-ғарбдан Ҳ.га *ориёлар* кириб келиб, аввал Панжоб, кейинчалик Ганг дарёси водийсида жойлашдилар. Мил. ав. 6-а.да Шимолий Ҳ.нинг *шарқий қисмида, Ганг* ва Жамна дарёлари ҳавзаларида *Магадҳа* давлати бўлган. Мил. ав. 6—4-а.ларда иқтисодий тараққиёт кад. Ҳинд жамиятида турмуш шароитларини ҳича ўзгартирди. Қуллар ва ёлланма ишчиларнинг меҳнатидан деҳқончилик, ҳунармандчилик ва кончилик ишларида фойдаланилди. Ижтимоий зиддиятларнинг кучайиши диний-сектантлик ҳаракатини пайдо қилди, оқибатда *буддизм* ва *жайинизм* динлари вужудга келди. Мил. ав. 4-а. ўрталарида Ниандалар суло ласи даврида қарийб бутун Ҳинд дарёсининг водийси Магадҳа давлати таъсирўруфида бўлган. *Магадҳа давлати равнақ топган даврда* Ҳинд дарёси ҳавзасининг бир қисмини *Ахаманийлар* босиб олди. Мил. ав. 327—325 й.ларда Ҳ.га Искандар Мақдуний бостириб кирди. Магадҳа давлатининг босқинчилик урушлари Маурийлар ныперияси даврида ҳам давом этди. Подшо Ашока ҳукмронлигида қарийб бутун Ҳ. ва ҳоз. Афғонистоннинг бир ҳисми Маурийларга қарашли эди. Мил. 1-а.да Ҳ. шим.нинг катта қисми кушонлар қўл остига ўтди (қ. *Кушон подшолиги*). Кушонлар давлати емирилгач, 4-а.да Ҳ. шим.да яна Магадҳа давлати равнақ топди. Кейинчалик Гуптлар сулоласи даврида Шимолий Ҳ.нинг *талайгина қисми* — шарқда Бенгалия қўлтиғидан ғарбда Панжоб ва Катхиявар я.о.гача бўлган ҳудуд Магадҳа давлати таркибига кирди. Ҳудди шу даврда Деканда Вакатака, Паллавлар, Ванга каби давлатлар мавжуд бўлган. 2—4-а.ларда бу ерда қулдорлик тузуми емирила бошлаган. 6—12-а.ларда Ҳ.да бир неча давлат мавжуд бўлган. 7-а.нинг 1-ярмида маҳаллий подшолардан бири Ҳарша Ҳ.шим. даги бир неча давлатларни забт этиб, Ҳарша империясига асос солди. Бу империя *30 й.* ҳукм сурди. 8-а. бошларида ҳарблар Синдни босиб олдилар. 11-а. бошларида *Маҳмуд Ғазнавий* Ҳ. шим.га бир неча марта ҳужум қилиб, Панжобнинг бир қисмини ўз давлати таркибига қўшиб олган. 12-а. охири — 13-а. бошларида Ҳ. шим.ни Ғурийлар давлати ҳукмдори Муҳаммад Ғурий забт этди. Унинг ўлимидан сўнг Ғурий нойибларидан бири Қутбиддин Ойбак *Деҳли султонлигига* асос солди. 14—15-а.ларда ҳинд рожаларининг ҳокимияти сақланган Раҳастана (қ. *Рожастон*) дан ташқари Ҳ. шим.да мустақил Жаунпур, Бенгалия, Гужарот, Малва ҳамда Деканнинг шим.да Бахманий султонлиги пайдо бўлди. Афғонларнинг *Лудийлар* сулоласи ҳукмронлиги даври (1451—1526)да Ганг дарёси водийсининг талайгина қисми султонликка қўшиб олинди. 15-а. охирида Ҳ.га дастлабки *европалик мустамлакачилар — португалларнинг* кириб келди ва 16-а.нинг 1-ярмида улар *денгиз соҳилга жойлашиб олдилар.* 1526 й. апр.да Заҳириддин Муҳаммад *Бобур* Панжобдаги жангда Иброҳим Лудийни енгиб, Деҳли султонлигини эгаллади ва Ҳ.да *Бобурийлар давлатига* асос солди (бу давлат 1858 й.гача мавжуд бўлди). 17-а. бошларида Ҳ.га Англия ва Голландиянинг Ост-Индия компаниялари суқулиб кирди ва португалларни Ҳ. б-н олиб бораётган денгиз савдосидан маҳрум қилиб, мамлакатда қатор фактория (савдо-сотиқ пунктлари) очи бошлади. 1664 й. французларнинг Ост-Индия компанияси ҳам





Ганг дарёси.

тошкил этилди. Бобурийлар ургасидаги ўзаро ички кураш инглиз ва француз-ларнинг Ост-Индия компаниялариға Ҳ.да ҳарбий экспансия уюштириш имконини берди. Ҳ.да устунликка эришиш учун бу икки компания ўртасида Жанубий Ҳ.да бўлиб ўтган жанглар (1756—63) натижасида Англиянинг Ост-Индия компанияси голиб чиқиб, Бенгалияни забт этди, Карнатик ва Ауд хонликларини ўз вассалларига айлантирди. 1803 й. Деҳли босиб олингач, бобурий подшолар инглизлар Ост-Индия компаниясига мутлақ қарам бўлиб қолди. 1833 й. Ост-Индия компанияси савдо ташкилоти сифатида тугатилиб, унга Ҳ.ни мустамлакачилик асосида бошқариш вазифаси юклатилди. Ҳ. секин-аста Буюк Британияга қ.х. хом ашёси етказиб берадиган базага айланиб қолди. 19-а. ўрталарида мустамлакачиларга қарши халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди. 1857—59 й.ларда бўлиб ўтган машҳур сипоҳийлар қўзғолони (қ. *Хиндистон халқ қўзғолони*) Ҳ.нинг келгусидаги тараққиётига таъсир кўрсатди. 1858 й. Ост-Индия компанияси тугатилиб, Ҳ.ни бевосита Буюк Британия идора қила бошлади. 19-а.нинг 80-й.лардан мамлакатда халқнинг норозилик намойишлари, митинглар, иш ташламлар авж олди. 1885 й. қатор миллий ташкилотлар бирлашиб, *Хиндистон миллий конгресси* (ҲМК)га уюшди. 20-а. бошлари унда Б. *Тилак* бошчилигида сўл демократик оқим шаклланди. 1905—08 й.лар-да миллий озодлик ҳаракати янада авж олди. Айниқса, 1908 й.ги Бомбай иш ташлашн муҳим аҳамиятга эга бўлди. Буюк Британия ҳукумати миллий озодлик ҳаракатини диний жамоа белгилари бўйича бўлиб ташлашга ҳаракат қилди ва 1906 й. Мусулмонлар лигаси партиясининг пайдо бўлишига кўмаклашди. Унга қарши ҳиндуларнинг Ҳинду махсабха (ҳиндуларнинг буюк иттифоқи) сиёсий ташкилоти тузилди. 1-жаҳон уруши даври (1914—18)да Ҳ. метрополия томонида урушда қатнашди. 1918 й.дан мустамлакачиликка қарши кураш янада авж олди. Бу даврда ҲМК раҳбарларидан бири бўлган М.К. *Ганди* мустамлакачиларга қарши қўпорувчи *сатьяграха* (куч ишлатмасдан қаршилик кўрсатиш) шаклини тарғиб қилди. Ганди таълимоти — *гандизм* ҲМК партиясининг расмий мафкурасига айланди. Инглиз мустамлакачиларининг *Амритсар қирғини* (1919 й. апр.)дан сўнг ган-дек.да ҲМК итоат қилмаслик кампаниясини авж олдирди. 1918—22 й.ларда ҳинчилар ҳаракати кучайди. 1920 й. Бутун Ҳиндистон касаба уюшмалари конгресси ташкил этилди. 1923—27 й.ларда миллий озодлик ҳаракати шиддатга суслайди. 1927 й. ҲМКда антиимпериалистик кураш фаолиятини тарафдорларини бирлаштирган сўл қанот вужудга келди. Унга Ж. *Неру* ва С.Ч.Бос раҳбарлик қилдилар. 1929—30 й.лардаги жаҳон иқтисодий бўҳрони антиимпериалистик ҳаракатни янги босқичга кўтарди. 1930 й. ҲМК М.Гандн раҳбарлигида яна бўйсунмаслик кампаниясини бошлаб юборди. 1931 й. мартда ҲМК раҳбарлари мустамлакачи ҳукумрон доиралар б-н музокара бошлади. Ҳар икки томон келишув эҳтимол, бўйсунмаслик кампанияси давом эттирилди (1934 й.гача). 1935 й. Англия парламенти Ҳ.ни бошқариш тўғрисида ҳужжат (конун) қабул қилди. Бунга кўра, вилоятларнинг мухтор ҳукуқлари бир оз кенгайтирилди, уларда маҳаллий ҳукумат тузилди, лекин ҳокимият нагаригилдек инглиз мустамлакачиларя қўлида қолаверди. Мамлакатда бу реакцион ҳужжатга қарши намойишлар бўлиб ўтди. 1936 й. ҲМК империалистик кучларга қарши ягона фронт тузиш вазифасини илгари сурди. 2-жаҳон уруши (1939—45) даврида Х. антифашистик коалиция томонида бўлди. Уруш сўнгида Х. билан Англия империализми ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар кескин кучайди. 1946 й. бошида армия, флот ва авиацияда инглизларга қарши оммавий чиқишлар бўлиб ўтди. 1946 й. 18—23 фев.да Бомбайдаги ҳарбий денгизчилар қўзғолони инқилобий ҳаракатнинг юқори чўққиси бўлди. Англия ҳукумати миллий ҳаракат раҳбарлари б-н музокара бошлаб, 1946 й. баҳорда Ҳ.га *доминион* мақомини беришга қарор қилганлигини эълон қилди. 1946 й. авг.да Ж. *Неру* бошчилигида муваққат ҳукумат тузилди. Миллий озодлик ҳаракатининг янги олиб кетишя натижасида инглиз мустамлакачилари Ҳ.дан чиқиб кетишга мажбур бўлди. 1947 й. 15 авг.да Ҳ. ҳулулида икки мустақил давлат — Х. (асосан, ҳиндулардан иборат) ва *Пакистан* (асосан, мусулмонлардан иборат) доминионлари вужудга келди. Ҳ.нинг биринчи бош вазири ҲМК етакчиси Ж. Неру бўлди. 1950 й. 26 янв.да Ҳ. суверен республика деб эълон қилинди. Мамлакатда ғоят мураккаб ўтказилди. Саноатда давлат секторини кенгайтириш, қ.х.да заминдорлик ер эгалигини тугатиш вазифалари белгиланди. 1964 й. майда Ж. Неру вафотидан сўнг ҲМК партиясининг аҳволи оғирлашди. 1965 й. кузда Х. — Покистон можароси юз берди. 1966 й. *Тошкент учрашуви*да имзоланган Тошкент декларациясн икки мамлакат ўртасидаги низоларни ҳал қилишнинг асос бўлди. 1966 й. янв.да Л.Б. *Шастри* вафотидан сўнг Ж.Нерунинг қизи — И.*Ганди* Ҳ. Бош вазири бўлди. 1977 й. мартда парламентга ўтказилган сайловда Жаната партн (партияси) голиб чиқди. Бу ҲМКнинг кейинги 30 й. (1947—77) мобайнидаги биринчи йирик мағлубияти эди. Жаната партн етакчиси М.Десаи Ҳ. Республикасининг тўртинчи Бош вазири бўлди. 1977 й. мартдаги маглубиятдан кейин ҲМК партнеси инқироз даврини бошидан кечирди. Партиянинг бир қанча кўзга кўрнинли раҳбарлари Жаната партнга ўтиб кетди. 1978 й. янв.да собиқ Бош вазир И.Ганди ва унинг бир қанча тарафдорла-



Ҳимолай тоғи.



Ҳиндчанлик динига эътиқод қилувчилар.

рк ХМК дан чиқиб, янги партия — ХМК(И)ни тузишлар. 1980—89, 1991—96 йилар ва 2004 йилдан ХМК (1978 йилги ХМК (И) ҳокимият тепасида. Х — 1945 йилги БМТ эълоси. 1991 й. 26 дек.да ЎзР суверенитетини тан олган ва 1992 й. 18 мартда дипломатик муносабатлари ўрнатган. Миллий байрамлари: 26 янв. — Республика куни (1950) ва 15 авг. — Мустақиллик куни (1947).

Асосий сиёсий партия ва касаба уюшмалари. Х. миллий конгресс партияси, ХМК (1885 й. 28 дек.да ташкил этилган)дани бўлинишдан кейин 1978 й. янв.да тузилган; Бхаратия жаната парти, Жаната парти (1977 й. тузилган)нинг бўлиниши натижасида 1980 й. апр.да ташкил этилган; Жаната дал партияси, 1988 й. 11 окт.да тузилган; Х. Коммунистик партияси, 1925 й. 26 дек.да асос солинган; Х. Коммунистик партияси (марксистик), 1964 й. нояб.да тузилган. Умуммиллион касаба уюшмалари конгресси, 1920 й. тузилган; Х. касаба уюшмалари миллий конгресси, 1947 й. асос солинган; Ҳинд касаба уюшмалари маркази, 1970 й. ташкил этилган.

Ҳўжалиги. Х. — аграр-индустриал мамлакат. *Саноат* ялп. ички маҳсулотда кейинги ярим асрнинг ҳажми жиҳатидан дунёдаги ривожланган ўнта давлат қаторига киради. Ялпи ички маҳсулотда қ.х. ўрнини хўжалиги ва балиқ овлаш 25%, саноат 30%, хизмат кўрсатиш тармоғи 45% ни ташкил этади. Иқтисодиёти кўп уқладли. *Ялпи миллий маҳсулотининг* 28% ни ташкил этувчи давлат сектори ҳарбий саноат тармоқлари, атом энергетикаси, транспорт ва алоқада етакчи ўрин эгаллайди.

Қишлоқ хўжалиги майда деҳқон хўжаликлари устунлик қилади. Мамлакатда 8 млн.дан ортиқ фермер хўжалиги бор. Ишлаладиган ерлар (165 млн. гектар) мамлакат *худудининг* 2/3 қисмини ташкил этади; шундан 141 млн. гектари фақат экинзор (35 млн. гектаридан йилига икки марта ҳосил олинади). Қ.х. майдонининг 20% сугорилади. Мамлакатда аҳоли сони кўп бўлишига қарамай, унинг қ.х. маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилибгина қолмай, кўп қисмини экспорт ҳам қилади. Қ.х. деҳқончиликкa ихтисослашган. Асосий экинлари — шоли, бугдой, тариқ, дуккакли дон экинлари ва мойли ўсимликлар. *Х. шакарқамиш, ер ёнғоқ,* чой, жут, канакунжут, пахта етиштириш бўйича дунёда олдинги ўринларда туради. Шунингдек, каучук, кофе, макkажўхори, тамаки, қалампир, зираворлар (мурч, кардамон, мушк, долчин ва ҳ.к.) етиштирилади. Ҳ.да кокос пальмаси, банан, цитрус ва б. мевали дарахтлар ҳам ўстирилади. Чорвачилигида қорамол, қўй, эчки, чўчқа, йилқи, туя, парранда боқилади. Пилачилик ривожланган. Балиқ ва денгиз ҳайвонлари овланади. Ўрмон хўжалигида қимматбаҳо ёғоч тайёрланади.

Саноатида марганец, слюда (дунёда олдинги ўринлардан бирида), тошкўмир, титан, темир рудаси, олтин, табиий газ, ҳромит, нефть, боксит ва б. қазиб олинади. Йилига ўртача 380 млрд. кВт·соат электр энергияси ҳосил қилинади (унинг 4/5 қисми иссиқлик электр ст-яларида, 1/7 қисми ГЭСларда); АЭСлар ҳам бор. Етакчи саноат тармоқлари: тўқимачилик (*асосан, жут ва ип-газлама*), *озиқ-овқат* (қанд-шакар, тамаки), тери-пойабзал саноати. Нефтни қайта ишлаш, цемент, қоғоз, шиша-ойна и.ч. корхоналари мавжуд. Қора ва рангли металлургия, кимё саноати, машинасозлик ривожланган. Дунёдаги юборот технологиклари йўналишидаги корхоналарнинг ярмидан кўпи Х.да жойлашган. *Ягровий технологиялар* ва *коннотни* забт этиш бўйича етакчи ўринда. Ҳ.да ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 40% га яқинини майда ва ҳунармандчилик корхоналари беради.

Транспортида т.ён. транспорти муҳим роль ўйнайди. Т.йлар узунлиги 75 минг км (15% электрлаштирилган). Автомобиль йўллари уз. 3 млн. км дан ортиқ. 1984 й. Калькутта ш.да метрополитен ишга тушган. Мамлакатда кемалар қатнайдиган дарё йўллари сони 14 та. Мамлакат ташқи савдо айланмасининг 90% денгиз йўллари орқали амалга оширилади. Денгиз савдо *флотининг тоннажи 10366 минг т* дедвейт. Йирик денгиз портлари: Бомбай, Калькутта, Кочин, Вишакҳапатнам, Ченнай. Ҳ.нинг кўп шаҳарлари жаҳондаги йирик шаҳарлар 6-н ҳаво йўлларн орқали боғланган. Асосий аэропортлари Бомбай, Деҳли, Калькутта, Бангалор, Ченнай, Блубанешвар, Мадурай ш.ларида жойлашган. Мамлакат ичкарисида хизмат қиладиган 90 та аэропорт мавжуд.

Ташқи савдоси. Ҳ. четга машина ва жиҳозлар, кийим-кечак, тери ва ундан тайёрланган буюмлар, химёвий товарлар, ип-газлама матолар, жут дан тайёрланган буюмлар, темир руда си, чой, кофе, зираворлар, консерва, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, бриллиант, қимматбаҳо тошлар чиқаради. Четдан нефть ва нефть маҳсулотлари, и.ч. воситалари, истеъмол моллари ва б. олади. Ташқи савдода *АҚШ, Япония, Буюк Британия,* Германия, БАА, Бельгия, Италия, Россия, Франция, Саудия Арабистони ва б. давлатлар 6-н ҳамкорлик қилади. Пул бирлиги — Ҳиндистон рупияси.

Тиббий хизмати. Мамлакатда соғлиқни сақлаш амалиётида халқ табобати ҳам кенг қўлланилади. Тиббиёт ходимлари *100 дан ортиқ тиббиёт олий ўқув* юртларида, 16 тиш врачлари коллежларида *ва 12 бошқа тиббиёт билим*

Деҳли шаҳридаги бозор.





Лакҳнов шаҳридаги университет биноси.

юртларида, ўрта тиббиёт ходимлари 480 тиббиёт мактабида тайёрланади. Мамлакатда кўплаб тиббиёт марказлари, замонавий шифохона ва амбулатория тармоқлари мавжуд. Асосий курорт масканлари: Гужарот штатидаги Титкал, Уттрат, Диу, Даман, Маҳараштра штатидаги Мадҳа, Марв, Карнатакалаги Удпал, Удипи, Мангалур ва б.

Маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. Ҳ. мустақилликка эришган пайтда мамлакат аҳолисининг 96% саводсиз бўлган. 1949 й.да қабул қилинган конституция бўйича 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун бепул мажбурий таълим жорий этилди. 2005 й.да саводхонлик даражаси 52% га етди. Мамлакатда катта ёшлаги аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш мақсадида махсус мактаблар очилган бўлиб, уларда 120 млн. киши шуғулланади. Ҳ.да халқ таълими тизими мактабгача таълим муассасалари, бошланғич ва кичик асосий мактаб, тўлиқсиз ўрта ва тўлиқ ўрта мактабдан иборат. Малакали ишчилар ҳунар билим юртларида тайёрланади. Олий ўқув юртларида ўқиш муддати 5—6 й. ва ўқиш пулли. Давлат ўқув юртлари 6-и бирга хусусий ўқув юртлари ҳам мавжуд. Мамлакатда 219 ун-т ва ин-т ҳамда 7 мингдан зиёд коллеж бор. Йирик ва қад. олий ўқув юртлари: Бомбай ун-ти, Калькутта ун-ти, Ченнай ун-ти ва б. Асосий кутубхоналари: Калькуттадаги миллий кутубхона (1902 й. ташкил этилган), Деҳлидаги оммавий кутубхона (1951), Ченнайдаги оммавий марказий кутубхона (1896) ва б. Мамлакатда 460 дан ортиқ музей фаолият юритади. Йирикlари: Ченнайдаги давлат музейи (1851 й. ташкил этилган), Деҳлидаги ҳоз. замон санъати миллий галереяси (1954), Янги Деҳли (Нью-Делидаги Миллий музей, Варанаси ш.даги Санъат музейи, Калькуттадаги Ҳиндистон музейи (1814), Бирла Технология музейи, Бомбайдаги Фарбий Ҳиндистон музейи, Деҳлидаги Ж.Неру (1964), М.Ганди (1948) мемориал музейлари.

Ҳ.да илмий тадқиқотлар ун-т ва махсус марказларда, илмий жамият ва ассоциацияларда, фанлар академияларида олиб борилади. *Ҳиндистон миллий фанлар академияси* энг йирик илмий муассаса ҳисобланади. И.т.ларга Илмий ва саноат тадқиқотлари кенгаши, Атом энергияси бўйича комиссия, Қ.х. тадқиқотлари бўйича Ҳ. кенгаши, Ун-тларни маблағ б-н таъминлаш комиссияси, Мудофаа тадқиқотлари ташкилоти раҳбарлик қилади. Ҳиндистон илмий конгресси ассоциацияси Ҳ.нинг энг оммавий илмий жамоятидир. Ҳ.да 130 махсус и.т. муассасаси, 700 дан ортиқ ихтисослашган лаборатория и.т.лар олиб боради. Мамлакатда и.т. бихан 2,5 млн. киши шуғулланади.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Ҳ.да 84 тилда умумий адади 51 млн. нусхадан иборат 19 минг газ., 35 мин. нусхадан иборат 18 минг жур. нашр этилади. Йирикlари: «Индиан экспресс» («Ҳинд экспресси», инглиз тилидаги кундалик газ., 1932 й.дан), «Ҳиндустан таймс» («Ҳиндистон вақти», инглиз тилидаги кундалик газ., 1923 й.дан), «Таймс оф Индиа» («Ҳиндистон вақти», инглиз тилидаги кундалик газ., 1838 й.дан), «Стейтсмен» («Давлат арбоби», инглиз тилидаги кундалик газ., 1875 й.дан), «Ҳиндu геральд» («Миллий хабарчи», инглиз тилидаги кундалик газ., 1938 й.дан), «Нав бҳарат таймс» («Янги Ҳиндистон вақти», ҳинд тилидаги кундалик газ., 1947 й.дан), «Ная патх» («Янги йўл», ойлик адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий жур., 1954 й.дан), «Форин афферс рипортс» («Халқаро муносабатлар хабарчиси», инглиз тилидаги ойлик жур., 1952 й.дан), «Ҳаёт» (урду тилидаги ҳафтаномa, 1963 й.дан), «Ҳинду» (инглиз тилидаги кундалик газ., 1878 й.дан), «Ҳиндустан» (ҳинд тилидаги кундалик газ., 1933 й.дан), «Блитц» («Чақмоқ», инглиз. урду, ҳинд, маратҳий тилларидаги ҳафталик жур., 1941 й.дан). Пресс Траст оф Индия, Ҳ.даги энг йирик ахборот агентлиги (ПТИ), 1947 й. ташкил этилган; Юнайтед Ньюс оф Индия (ЮНИ). Ҳ. матбуот ахборот агентлиги, 1961 й. тузилган. Умумҳиндистон радиоси 1936 й.дан, Умумҳиндистон телевидениеси 1976 й.дан ишлайди. Радиоэшиттиришлар 1927 й.дан, телекўрсатувлар 1959 й.дан бошланган.

Адабиёти. Ҳинд адабиётининг 3 минг йилдан кўпроқ давомида *ведалар* — санскрит тилидаги диний гимнлардан бошланади. Мил. ав. 10—4-а.ларда халқ оғзаки ижодида йирик эпик достонлар — *«Маҳабҳарата»* ва *«Рамаяна»* шаклланди. Қад. ҳинд адабиёти ёдгорликлари — нуранлар мукаддас матнлари бу достонлар матнларига яқин. Қад. ҳинд эртаклари тўпламларидан *«Панчатантра»*, «Хитопадеша», «Веталапанчавиншати», «Шуқсаптати» машҳур. Муаллифлик адабиёти мил. 1-а. бошларида пайдо бўлди. Санскрит адабиётининг буюк шоири ва драматурги *Калидасдир*. Бизга (3—4-а.) ва Шудрака (5—6-а.) ҳам машҳур драматург бўлишган. Санскрит адабиётида Бхобавбути (8-а.) ҳам сезиларли из қолдирди. Дандин (7-а.)нинг «Ўн шаҳзода саргузашти» романи санскрит бадиий насрининг чўққиси ҳисобланади. Миллиий дастлабки асрларидан дравид тиллари (қ. *Дравидлар*)да, жумладан, *тамил тилидаги* адабиёт (қ. *Тамил адабиёти*) ривожланди. Тахм. 7-а.дан ўрта асрлар адабиётининг тарихи бошланади. Санскрит ва тамил тилидаги адабиёт 6-и бир қатордa бошқа тилларда ҳам адабиёт вужудга келди. Янги ҳинд адабиёти дравид ва янги ҳинд-ория тилла-



Байрамда безатилган филлар.

рила 1-ниҥ йиллик охиридан ривожлана бошлади. Кейинроқ эса қаламкор ва *санъат адабиёти*, шуниҥдек пушту тилидаги адабиёт шаклларда бошлади. Мусулмон давлатларининг пайдо бўлиши ва ислом динининг кеҥ тарқалиши натижасида Ҳиндистон форс тилидаги адабиёти юзага келди (*Дусрат Деҳлавий*, Мирзо *Бедил* ва б.). Шоирлардан Вали (17—18-а.), *Мир Тақий*, *Мирзо Голиб* ва б. урду шеърияти-ниҥ энг яхши намуналарини яратдилар. 19-а.ниҥ 2-ярмида миллий озодлик ҳаракатининг ривожланиши натижасида адабиётда қанд маърифатпарварлик даври бошланди. Бу давр адабиётида Динбандху Миттро, Премчанд Миттро, Бонкимчиндро Чоллопадхай ва Бенгалияниҥ бошқа ёзувчилари самарали ижод қилдилар. Айни вақтда инглиз тилида ижод қилган дастлабки шоирлар (Г.Л.В.Дерозио, К.Гҳош, Т.Датт)ниҥ шеърларида инглиз романтизмининг таъсири сезилади. 20-а.ниҥ 20-й.ларида мустақиллик учун кураш ҳинд адабиётиниҥ марказий мавзуси бўлиб қолди. *Бу даврниҥ* буюк ёзувчиси Бенгалиялик Р. *Тагор* бўлди. Форс ва урду тилларида ижод қилган шоир М.*Иқбол* ўз асарларида юксак бадиийликка эришди. 1930-й.ларниҥ ўрталарида тараққийпарвар ёзувчиларниҥ ҳаракати вужудга келди. 20-а.ниҥ 30-й.ларида Ҳинд инглиз тилидаги насри пайдо бўлди (М.Р.Ананд, Н.К.Нараян, Ҳ.Чаттопадҳая ва б.). *1936 й. Премчанд*, М. Р. Ананд ва Саккжад Зоҳирдар ташаббуси б-н Ҳиндистон тараққийпарвар *ёзувчилар ассотсиацияси* тузилди. *Гандиҳм* адабиётга чуқур таъсир кўрсатди. Инқилобий романтик оқим шаклзана бошлади (Ж.Ш. Мазиқободий). Шеърият шакллари янгиланди, наср тез ривожлана бошлади. Айни вақтда декадентлик оқимлари ҳам пайдо бўлди (И.Жўши, М.Варма). Ҳиниҥ мустақилликка эришиши (1947) ҳотир адабиётиниҥ ривожланишига ёрдам берди. Мустамлакачилик қолдиқларини йўқотиш учун кураш ва иқтисодиётнинг юксалиши илгари қолоқ, бўлган бир қатор адабиётларниҥ ривожланишига ҳамда янги адабиётларниҥ шаклланишига имконият туғдирди. Ҳиниҥ милли тилларидаги адабиётлар 0-н бир қаторда инглиз тилидаги адабиёт ҳам ривожланган. 1940—60 й.ларда Ҳинд ҳинд прогрессив адабиёт намояндалари А.С.Жафри, С.К.Чоухан, *Ҳўжа Аҳмад Аббос*, Ғ.шпал, А.Н. Касми, А.Нагар ва б. ўз асарларида мамлакатдаги иқтимоий-иқтисодий муаммоларни кўтариб чиқиб, жамиятдаги



Ҳайдаробод шаҳри. Чорминор минораси

энг долзарб масалаларни ҳал этишга даъват этдилар. Миллий адабиёт вакилларидан Б.Бхаттачория, М.Р.Ананд, М.Бондопадҳай, Т.Бондопадҳай, Г.Сингх, Р.В. Десаи, Р.Кришнамурти, Р.А.Маҳадеван, Ваддатхол ва б. ўз асарларида мамлакатда иқтисодий истиқлолга эришиш, қашшоқликни бартараф этиш, саводсизликни тугатиш, халқниҥ маънавий даражасини оширин каби муаммоларни кўтариб чиқдилар. Прогрессив ёзувчилар Ш.Чоухан, Ҳ.Давидниҥ ғоявий эстетик қарашлари мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳодиса ва жараёнлар б-н чамбарчас боғланган. Ёзувчи И.Жўши ҳинд адабиётида «психологик адабиёт» вакили сифатида намоён бўлди. Ёзувчи ва драматург В.Прабхакара ўз асарларида мустақил Ҳ.ниҥ ижтимоий муаммоларини ҳалқоний тарзда тасвирлади. 1980—90-й.ларда М.Ракеш, Камлешвар, Б. Сахни, Ж.Кумар, Дургал, А.Приталь, К.Азми, Сакксена, Вимал ва б. адиблар самарали ижод қилдилар (*яна қ. Ҳинд адабиёти*).

Меъморлиги. Ҳ.да мил. ав. 3—1-ниҥ йилликларидаёқ мулофаа, хўжалик ва турар жой бинолари, боғ ва сув ҳавзалари бўлган йирик шаҳарлар (Саиғҳол, Лотҳал, Матҳура, Паталипутра) қурилган. Мил. ав. 4—2-а.ларда ўлкан қалъа, саройлар (Паталипутрадаги подшо Ашока саройи), диний ансамбл-ларга мўлжалланган иншоот — *ступалар*, меморий устун (ставмба)лар, ғор ибодатхоналари (Карлида, мил. ав. 1-а.; *Ажанта*да, мил. ав. 2-а. — мил. 7-а.) ва монастирлар, эҳромлар яратилган. Милод бошларида бутун ибодатхоналарининг янги турлари (Сангида ер устига қурилган тўрт колоннали пешайвондан иборат куб шаклидаги ибодатхона, 5-а.; Эллорда яхлит қоятошни ўйиб ишланган ибодатхона, 8-а.) пайдо бўлди. 6—7-а.ларда ибодатхоналарниҥ силлиқ минора шаклидаги шиҳ. (Мадьяя-Прадеш штатида жойлашган Кхаджурахо ибодатхоналар мажмуасидаги Кандарья Маҳалео ва Бхубанешвар шлари Муктешвара ибодатхоналари) ва эпизасимон минора шаклидаги жан. (Маҳабалипурамдаги Дхармараджаратха ибодатхонаси) турлари шаклланди. Шу даврда Банорас шлда ҳиндулар ибодатхоналари қурилди; шаҳарда 1500 га яқин ибодатхона бор. 13-а.дан Деҳли султонлиги даврида *йирик сарой ансамбллари*, масжид, тумбасимон мақбара, миноралар (Деҳлидаги *Қутб Минор* деб аталган минорали Қувват ул-Ислом масжиди, 1193 й.дан қурила бошланган) ҳамда мустаҳкам қалъа деворлари б-н ўралган шаҳарлар (Сири, Жаҳонпаноҳ, Туғлақобод, Фероузобод; ҳаммаси 14-а.да ҳоз. Деҳли ҳудудида) қурилди. *Бобурийлар давлати* ташкил бўлгач, Ҳ. меъморлиги юксак чўққиларга эришди: шаҳар ва қалъа қурилиши санъатиниҥ ажойиб намуналари яратилди (Агра, Ажмер, Ғалиорбодаги қалъалар, «Фатеҳпур-Сикри» шаҳар-қалъаси, 1569—84), қуббасимон мақбаралар (Деҳлидаги Ҳумоюн мақбараси, 1565; Агра ш. яқинидаги *Тожмаҳал*) қурилди. Қурилишда мармар энг кўп ишла-



Патнада шаҳридаги Моти Бағ саройи (ҳозир Спорт институти жойлашган).

тиладиган қурилиш материалига айланди. Айни пайтда Ҳиннг айрим ҳудудларида меъморликда мақалий колорит сақланиб қолди (Асарлардаги Дада-Гарир булоқ павильони, 16-а.лар., Датиклари Бир Сингх Део саройи, 17-а. боши). 16-а.да яратилган Ҳайдарободдаги Чор Минор Зафар арки, унинг яқинидаги Мекка масжиди, Ахмадободдаги чайқалиб турадиган миноралар улкан тарихий обидалардир. 17-а.да «Марварид» номи 6-н аталган масжид, Жаҳонгирнинг мармардан қурилган мақбараси, Деҳлидаги Ранг Маҳал саройи, дурлар 6-н безатилган масжид, сикқаларнинг Акбаритсардаги саҳлатгоҳи — Олтин ибодатхона бунёд этилди. Бароми (Рожастҳон), Канарак (Орисса), Кажурахо (Мальҳя-Прадеш)лари ибодатхоналар ҳинд меъморлигининг бебаҳо ёдгорликларига айланди. 19-а.да эски шаҳарлар (Калькутта, Мадрас, Бомбай) ривожланди ва Европа меъморлиги услубидаги иншоотлар бунёд этилди. Мустақилликка эришган, мамлакатни индустриаллаштириш 6-н боғлиқ бўлган қурилишлар авж олди. Янги шаҳарлар қурилди (Чандигарх, 1951—56, *Ле Корбюзье* бошчилигидаги меъморлар гуруҳи; Бхилан, 1963 й.дан қурила бошланган, ҳинд меъморлари гуруҳи). Замонавий бинолардан йириклари: Калькуттадаги банк (1969, меъмор А.Гупта), М.Ганди музейи (1960—63, меъмор Ч.Корреа), Канпур шлаги Технология ин-ти (1963, меъмор А.Капвилле), Бомбайдаги «Тожмаҳал» мехмонхонаси (1973).

Тасвирий санъати. Ҳ. жанубида тош даврига оид горларгаги расмлар, қизилрангли пойдан тайёрланган буюмлар, ғорлардан безакларни сақлантан. Моҳенжодаро, Хараппа ва Ҳинд дарёси ҳавзасининг марказларида мил. ав. 3—2-минг йилликда идк синфий жамият санъати ривожланди (ҳайвон ва мифологик образлар тасвирланган бўрма муҳр-туморлар, ҳайкалча ва б.). Мил. ав. 4—2-а.ларда тошдан ёғочдан ишланган мазбудалар ҳайкали, Сарнатхдаги топилган «Шерли капитель». Мил. 1—5-а.ларда *Кушон подшолиги* даврида Гандхара бадиий мактабига мансуб будда ва бодхисаттва ҳайкаллар ясаш ривожланди. 5—7-а.ларда *девориий рассомлик* гулдаб яшнади (*Ажанталдаги* ғор ибодатхоналар). 10—12-а.ларда бронза ҳайкалтарошлиги кенг тарқалди (рақс тушаётган Шива (Натараджан) ҳайкалчаси). 13-а.дан Деҳли султонлиги ва кейинчалик Бобурийлар давлати даврида амалий безак санъати ва китоб миниатюраси тараққий этди. Ўрта асрларда Ҳ.да миниатюра санъати ривожланди. Дастлабки ҳинд миниатюра мактабларидан ғужарот мактаби машҳур бўлган. 16-а.да миниатюра санъатининг бобурийлар мактаби вужудга келди. Бу мактаб вакилдари тасвирнинг ҳаққонийлигига интилиш; тарихий рисолаларга безаклар яратиш, портрет ва анималистик жанрлар кенг тарқалди. Мустамлакачилик даврида Ҳ. профессионал санъати деярли ривожланмади, халқ ҳунармандчилиги (гилам тўқиш, каштачилик, тўқима, фил суяги ва ёғоч ўймакорлиги, қалама нақш, танга зарб қилиш ва б.) тараққий этди. 19-а. охиридан замонавий рассомлик вужудга келди (Р.Р.Варма). 20-а. бошларида, «Бенгалия уйғониш даври»да кўп рассомлар миллий анъаналарни сақлаб қолдилар (рангтасвирчилар А.Тагор, Н.Бос, С.Укил; ҳайкалтарош В.П.Кармаркар ва б.). Ҳ. тасвирий санъатида турли оқим ва мактаблар, жумладан модернистик оқим ривожланган. Рассомлар Д.П.Р.Чоудхури, Б.Н.Жижа, С.Н.Банержи, ҳайкалтарошлар К.Сен, Ч.Кар, П.Д.Гупта, графиклар Х.Дас ва б. миллий санъат анъаналарида асарлар яратдилар. Ҳ.да амалий безак санъати ҳам ривожланган.

Халқ рақси ижрочилари.

Росса ороли.



Мусиқаси 4 минг йиллик тарихга эга бўлиб, дунёда энг қад. ва ўзига хос шаклларини ташкил топган. Унинг илдизлари халқ байрам ва диний маросимлари, *Хараппа маданияти* (айниқса, Моҳенжодаро тараққиёт даври) б-н бевосита боғлиқ. Ҳиннг қад. ёзма ёдгорликлари («*Ведалар*» — «Ригведа», «Самаведа», «Атҳарваведа» ва «Яжурведа»; мил. ав. 2—1 минг йилликларга оид диний мадҳиялар ўз аксини топган. Мусиқашунослар Ҳ.да мумтоз мусиқининг юзага келишини бевосита «Самавела» 6-н боғлашади. Унинг фалсафий-эстетик ва назарий мезонлари Бҳаратанинг санскрит тилида ёзилган «Натьяшастра» рисоласида асослаб берилган (тахм. мил. 3—4-а.лар). Матнларнинг «Бриҳадешн» рисоласида (5—7-а.лар) ҳинд мумтоз мусиқаси ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Шарангалевнинг «Сангитаратнакар» 7 жилдли тўпламида (13-а.) ҳинд *рогалари*, уларнинг парда ва ритмик тузилиши, миллий мусиқа-созлари ва б. масалалар ўрганилган. Рамаматьянинг «Сварамелакалanидҳи» (16-а.) ҳамда ҳинд оламларининг бошқа рисолаларида мусиқий товушлар (тҳот) тизими ва қонинот қувватли сифатида юзага келган товуш (нада)лар ҳамда одам тараққиётя мақсули бўлмиш усуллар бирлашуви маъносида талқин этилади. Космологик тасаввурлар асосида Қуёш тизимининг 7 та сайёрасига нисбат берилган 7 та асосий парда, улар негизида 22 ярим тондан кам бўлган интервал (шрутилар) тизими юзага келган.

13-а.дан бошлаб Шим. Ҳ. мусиқа маданияти Марказий ва Ўрта Осиё халқларининг бадиий анъаналари, мусулмон санъати таъсирида ривожланиб боради. Бунинг натижасида ҳинд мумтоз мусиқасида 2 асосий услуб

қарор топди: шим. («ҳиндустани») ва жан. («карнатак»). Жан. Ҳ. мусиқа услуби (карнатак) асосан анъанавий хонандалик санъати 6-и ажралиб турали, унда раҳлар негизида диний қўшиқчилик жанрлари — киртан, пада (бхактхорлар Пурандараласа, 15—16-а.лар; Кшетрайн, 17-а.), крити (мумтоз анъаналнинг асосий тури; Шьям Шастри, Муттусвами Диккшитар, Тьягаража жамлта раванд, тиллан, 18—19-а.лар), *лигаз мумтоз мусиқа жанрлари — тиллана* (18-а.), жавалли (19-а.) ва б. кенг ўрин олган.

Шим. Ҳ. *мумтоз мусиқасида энг му*ҳим лирик жанрлардан «дхрупад» (Сьяма Ҳариdас, Мийян Тансен, 16—17-а.лар), хонандаликда, сўнгги созандаликда ҳам ишқий ва ширин кайфиятни акс эттируvчи, вирtуозли «хайал» (вайбҳдхра унинг асосчиси Амир Хусрав Дехлавий ҳисобланади) жанрлари кенг ўрин олган. Мумтоз мусиқа сода*сида «тҳумри», «газал», «қавалли»*, сўнгида «калам», шунингдек, «ладри», «тппа», «тарана»дар ҳам машҳуд.

Ҳинд мумтоз мусиқаси, мусиқий фольклор, рақс санъати шакллари асосида анъанавий мусиқий театр турлари — жатра, яккагана, тамаша ва б. ташкил топган. Мумтоз рақс турлари*ги бҳарат натьям, катҳакали, катҳак*, манипури, одисса ва б. санъат.

Ҳинд халқ мусиқа ижоди турлари*нинг бойиши ва ранг-баранглиги* Ҳ.да турли миллат вакилларининг истиқомат қилиши, улар кўп тилларда сўзлашуви 6-и белгиланади. Халқ мусиқа чолғуларидан урма ҳҳол, ҳҳолак, данаву, дудукка, пуфлама комбу, синғ, тиручинпам, карнай, мурали, нодҳр, нагасар, торли-чертма эктара, дутара, тунтуне, жантар, торли-камонли камайча, банам, саринда ва б. кенг ўрин олган. Профессионал мусиқа созларидан *вина, ситор*, сарод, тампура, *сарнаи*, най, баянсурси, сурнай, *шаҳнай*, нагасварам, *фисгармони*, пиҳховаж, *табла*, мриданга, ғҳатам ва б. ommalашган.

Ҳиндистонда миллий озодлик ҳара*кати ва мустамлакачиликка қарши ку*рашнинг кучайиши (19-а.нинг 1-ярми ва 20-а.нинг ўрталари) миллий мусиқа *маданиятининг ривожланишида* муҳим аҳамият касб этди. Рабиндранат Тагорнинг ижоди ёркин саҳифа бўлиб қолди. Фақат шеърлар орасида миллий мусиқа меросини ўрганишга қизиқиш кучайди. Янги ўқув юртлари очилди, жамоа ташкилотлари ташкил этилди: Мадрас (ҳоз. Ченнай)да Мусиқа академияси (1928), Керала санъат маркази (1930), Халқ санъатини сақлаш Бенгалия жамияти (1932). Дехлидаги Ганднҳрва Махавидьялай мусиқа институти (1939) ва б. Вишну Нарайяна Бҳатҳханде, Вишну Дигамбар Падускар, Чинчавами Мудалъяр, Суббарама Диккшитар каби мусиқашунос олимлар ҳинд мусиқа маданиятини ривожлантиришда ўз ҳиссий ҳсарлари 6-и катта ҳисса қўшдилар.

Ҳиндистон мустақиллигини қўлга киритгач (1947), ҳинд мусиқасининг ривожланишида янги давр бошланди. Театрларда янги мусиқали спектакллар қўйилди (Шиза Вятсинг «Қоттан ер», Ғулом Ҳайдарнинг «Бўйсунмас Панжоб», С.Шанкарнинг «Поезд», Г.Д.Мадгулькарнинг «Рам ҳақида қисса» ва б.). Кино мусиқаси композиторлик ижодини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб қолди, унда миллий *ва Ғарбий Европа мактабларининг* услубий омиллари уйғунлашган. Натижада композиторлар томонидан кино учун халққа маъзур куй ва қўшиқлар яратилди. 1960—90 й.ларда А.Вишвас, Ҳ.Кумар, С.Чоудхури, Р.Барман, Рави, Наушад, Хайём, Мадан Моҳан каби композиторлар киномусиқа жанрида ижод қилишган, ҳозирги кунда Шанкар ва Жайкишан, Лакшмикант Пьярелал, С.Д. Барман, *Ангу Малик каби композиторлар бу* соҳада фаол ижод қиламоқда. Улар басталаган куй ва қўшиқларни Талъат Маҳмуд, Гита Датт, Шамшод Бегум, Манна Дей, *Лата Мангешкар, Муҳаммад Рафи*, Мукеш, Аша Бҳонсле, Уша Мангешкар, шунингдек, Кумар



Тожмаҳал.

Сану, Алка, Ягник, Анурадҳа Паудвал, Сону Нигам, Удит Нарайян, Б.Субраманиам, Кавита Кришна Мурти, Ар Раҳмон Ҳариҳаран, Аднан Сами ва б. ижро этишган.

Мумтоз мусиқа ижрочилигида Рави Шанкар (сетор), *Бисмиллоҳ Хон*, Али Акбар Хон, Амжат Али (сарод), Ҳариprасад *Чаурасия* (най), Пандит Рам Нарайян (саранги), Пандит С.Р.Вьяс ва Маликаржун Мансур (хонанда-рага), Суббулакшми, Кишори Амонкар, Сандҳя Мукержи (хонанда-рага), Мукеш Шарма (сарод), Иршад Хан (сетор ва сурбаҳор). Устад Зокир Ҳусейн ва Измас Ҳусейн Хон (*табла*), Жагжит Синғх (хонанда-газал), Ғулом Али (хонанда-газал), Ғулфам Аҳмад (сарод ва раба) ва б. машҳур.

Ҳиндистонда мусиқа мактабларн ва коллежлари, уч-тларда мусиқа ф-тларн мавжуд. Мусиқа санъати соҳасидаги илм. ишлари, санъатқорларнинг ижрочилик фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар, мусиқа санъатига оид конференсиялар, форум, фестивалларни ташкил этувчи идоралар фаолият кўрсатмоқда; булар орасида — Деҳли мусиқа, рақс ва драма академияси (*Сангит Натак Академи*). Бомбай ижрочилик санъати миллий маркази, Ченнай мусиқа академиясн машҳур. Миллий мусиқа маданиятининг турли хил шаклларини тарғибот этишда Умумҳиндистон радиоси бош вазифани бажармоқда.



Жодхпурдаги Умед Бовон саройи.

ёзувчиси Р.*Тагор* номи б–н боғлиқ. 20-а.нинг 40–й.лари профессионал

Театр. Ҳ.да халқ театр томошалари қадим замонлардаёқ пайдо бўлган. Улар қабилаларнинг турли урф-одатлари, ўйин ва рақслари асосида вужудга келган. Халқ театрининг асосий шакллари ҳозиргача етиб келган. Аксарият театр томошаларининг асосини қад. ҳинд эпик достонлар — *«Рамаяна»* ва *«Маҳабҳарата»*дан олиб ўйналадиган саҳналар ташкил қилган. Унинг энг кўп тарқалган сюжети достонлар қаҳрамонлари — Рама ва Кришна ҳаётидан олинган лавҳалардан иборат. Анъанавий театрларнинг ёрқин ва таъсирли воситаларидан бири рақснинг бҳаратнатьям, катҳакалий, катҳак, манипурий каби турларидир. Жанубий Ҳ.даги кўп театрларнинг хореографик асосини бҳарат-натьям ва катҳакалий, Шимолий Ҳ.даги театрлар хореографик асосини катҳак ва манипурий ташкил қилади. Гарбий Бенгалия ва Орисада ҳатра лирик драмаси машҳур. Бунда томошалар очиқ жойда ўтказилган, саҳна ва декорациялар бўлмаган. Халқ театрлари Ҳ.нинг бошқа р-ялари — Маҳараштра (томоша), Кашмир (жоший), Рожастҳон (сванги) да ҳам бўлган. Ҳинд мумтоз театри тараққиётида халқ театрларининг таъсири кучли бўлди. Унинг гуллаган даври Бхаса, *Калидаса* ва Шудрака ижоди б–н боғлиқ. 12–13–а.ларда Ҳ. мумтоз драмаси таназзулга учради. 16–а.да *Малабар* соҳилларида спектакллар тунда байрамларда қўйиладиган диний маъзулари театр пайдо бўлди. Бу театрнинг содда тури — тулаль 18–а.чи саҳналди. 19–а.нинг 2–ярмида миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши, миллий онгнинг ўсиши Европа типидаги театрни вужудга келтирди. Бенгал, ҳинд, маратҳ тилларида драматургия яратилди. 1872 й. бенгал драматурги Г.Гҳош Миллий театрга асос солди. У ҳинд театр санъати тараққиётига катта таъсир кўрсатди. 19–а.нинг 2–ярми — 20–а.нинг 1–ярмида ҳинд театрида янги шаклларнинг пайдо бўлиши ҳинд ва ҳаваскор театр жамоалари вужудга келди; улар Халқ театрлари ассоциацияси (1943 й. асос солинган)га бирлашдилар. Мустамлакачилик тузумининг сўнгги йиллари мустамлакачиликни қораловчи театр томошаларининг турли шаклдари пайдо бўлди. Ҳ. мустақилликка эришгач, миллий маданият, жумладан, театр санъати ривож топди. 1953 й.да Мусиқа, рақс ва драма академиясининг очилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Калькуттада «Бохрупий», «Стар», «Рангмаҳал», «Минерва», Театр маркази, «Тарун опера», Деҳлида «Янги театр», Бомбайда «Драматик Винт» театрлари машҳур. Шунингдек, Оллоҳобод, Ченнай, Банорас, Пуна ва б. шаҳарларда ҳам доимий театрлар мавжуд. Кўпгина театрия ҳам театр томошаларининг энг қад. турларидан биридир. Соя театри кент тарқалган.

Кинос. Ҳ.да биринчи фильм 1912 й.да яшаган («Рожа Харишчандра», реж. Д.Г.Пхалке). Дастлабки овозли кино 1931 й. экранга чиқди («Дунё нури», реж. А.Ираний). 1930–й.ларда, миллий озодлик ҳаракати авж олган даврда илғор ижтимоий гоялар б–н суғорилган «Девдас» (1935; реж. П.С. Баруат), «Кутмаган эдилар» (1936), «Кўшинлар» (1939, икккласининг реж. В.Шантарам) каби фильмлар яратилди. 1947 й. Ҳиборот ва радиошиттириш вазирлиги ҳузурида кинематография бўлими ташкил этилди. Халқ ҳаётини ҳаққоний акс эттирган фильмлар пайдо бўлди («Ер фарзандлари», 1946, реж. Хўжа Аҳмад Аббос; «Мазлумлар», 1949, реж. И.Гҳош). 1950–й.ларда замонавий муҳим ижтимоий масалаларга бағишланган «Дайди» (1951, реж. Р.Капур), «Икки бигда ер» (1953, реж. Б.Рой), «Жулюш» (1953, реж. Х.А.Аббос) яратилди. Реж. *С.Рей*нинг «Йўлдаги қўшиқ» (1955), «Енгилмаганлар» (1957), «Апулинир дунёси» (1959)дан иборат кинотрилогияси жаҳон кино санъатида муҳим воқеа бўлди. Ўша даврда реж. Г.Датт «Қоғоз гуллар», «Чанқоқликлар», «Ой нури» фильмларини яратди. 1960–й.ларда кўпгина чиқ мусиқали фильмлар яратилган Бомбай студиясидан фарқли ўлароқ реал воқеликни акс эттирувчи фильмлар тайёрлайдиган Калькутта кино мактаби вужудга келди («Хор», 1975; «Парашурам», 1978, иккаласининг реж. М.Сен; «Рақиб», 1970; «Узоқ момақалдироқ» 1973, иккаласининг реж. С.Рей; «Мантхан», 1977, реж. Ш.Бенегал). 1970–й.ларда реж. Я.Чопранинг «Шўъла», «Қасрдаги қичонлар», продюсер Р.Капурнинг «Бобби», реж. Р.Редпнинг «Дафн маросими» фильмлари экранга чиқди. 1980–й.ларда реж. М.Кумарнинг «Инқилоб», реж. Б.Р.Чопранинг «Ёнаётган поезд», реж. А.Гопалакришнанинг «Юзма-юз», реж. Г.Аравиндонинг «Орнида» фильмлари шуҳрат қозонди. 1990–й.ларда реж. А.Чопранинг «Девона дил», продюсер М.Кумарнинг «Бетоб», «Ярадор» каби ватанпарварлик гоялари б–н суғорилган фильмлари экранга чиқди. Кино актёрларидан Б.Сахни, Д.Ананд, Д.Кумар, М.Кумари, Раж, Риши ва Кармпма Капурлар (*қ. Капурлар оиласи*), Д.*Неруг*и, А.*Баччан*, Амирхон, Шохруххон, Салмонхон, Р.Мукержи, А.Патель, М.Дяксид ва б. машҳур. Ҳда ҳужжатли фильмлар ҳам чиқарилади. 1960 й. Пуна шда Кинематография ин-ти очилган. 1954 й.дан Бомбайда ҳар йили Бутун Ҳиндистон кинофестивали ўтказилади. Ҳинд кино санъати вакиллари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкентдаги кинофестивалларида

Бухоронишар шаҳридаги Мукташир ибодатхонасининг кириш қисми.



фаол қатнашиб, қўплаб мукофотлар-ни қўлга киритганлар. Ҳ.да йилига 1000 дан ортиқ фильм яратилади ва у жа-ҳонда яратилаётган фильмларнинг 14% ни ташкил этади.

Ўзбекистон — Ҳ. муносабатлари. *Ўзбекистон б-н Ҳ. ўртасидаги* муноса-батлар бир неча минг йиллик тарихга эга. 1991 й. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Ҳ. Ўзбекис-тон мустақиллигини тан олиб, 1992 й. дипломатик муносабатлари ўрнатди ва икки мамлакат ўртасида тенг ҳуқуқли алоқалар йўлга қўйилди. ЎзР билан Ҳ. ўртасида муносабатларнинг ҳуқуқий асосини турли соҳалардаги икки то-монлама ҳамкорликни тартибга солиб турувчи давлат, ҳукумат ва муассса-лараро ҳужжатлар ташкил этади. 2005 йилга икки давлат ўртасида 60 га яқин расмий ҳужжат имзоланди. 1992 й. Тош-кентда Ҳиндистон Бош консулхонаси (1988 й. ташкил этилган), 1994 й. Дех-лида ЎзР консулхонаси (1992 й. таш-кил этилган) элчихонага айлантирил-ди. Шу даво мобайнида ЎзР Прези-денти И.Каримов 4 марта (1991, 1994, 2000, 2005) расмий ташриф б-н Ҳ.да бўлди. 1993 й. расмий ташриф б-н Ҳ. *Бош вазири Нарасимҳо Рао ЎзР*га кел-ган. Икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар икки томонлама шартномавий-ҳуқуқий асослар-ни ташкил қилган бир қатор иқтисо-дий битим ва ҳужжатлар, жумладан, «Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғри-сидаги битим», «Инвестицияни ўза-ро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битим», «Икки томонли-ма солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битим» б-н мувофиқлаш-тирилади. 1993 й.да икки мамлакат ўртасида тузилган савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия дои-мий фаолият кўрсатиб келмоқда. 1993—2003 й.ларда бу комиссиянинг 3 йи-ғилиши бўлиб ўтди. 2003 й. 24—26 мар-тда Тошкентда Ҳиндистон савдо кўргазмаси бўлиб ўтди; унда Ҳ.нинг йирик корхона ва компаниялари иш-тирок этди. ЎзР Президенти И.Кари-мовнинг *2005 й. апр.да*ги Ҳ.га ташриф-ига тегишли Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик, Таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Му-зофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги б-н Ҳиндистон давлат савдо корпорацияси ўртасида англашув меморандуми, «Ўзбекуруғлик» миллий компанияси



Ужайн шаҳридаги Маҳакалешвар ибодатхонаси.

б-н Ҳиндистон саноат вазирлиги корпорацияси ўртасида англашув протоколи, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси б-н Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерацияси ҳамда Ҳ. экспорт ташкилотлари федерацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки б-н Ҳиндистон давлат банки ҳамда Ҳ. экс-порт-импорт банки ўртасида ҳамкор-лик меморандумлари, «Ўзсаноатқу-*рилишхизмат давлат акциядорлик ташқи* савдо компанияси б-н Ҳиндистоннинг «Компетенту» компаниялари туруғи ўртасида Савдо уйи ташкил этиш тўғрисида меморандум, Жаҳон иқти-содиёти ва дипломатия ун-ти билан Ж.Неру ун-ти ҳамда Тошкент шарқ-шунослик ин-ти билан Мирзо Ғолиб ин-ти ўртасида англашув меморан-думлари имзоланди. 2004 й. мамлакат-лар ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 160 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ҳ.дан Ўзбекистонга қоғоз ва картон, дори-дармон, ускуна, орга-ник ва кимёвий бирикмалар келти-рилади. Ўзбекистон Ҳ.га рангли ме-таллар ва улардан ясалган буюмлар, айрим хизмат турлари, полиз маҳсу-лотлари, ипак ва кимёвий толаларни юборади. Айни вақтда Ўзбекистонда Ҳ. сармояси иштирокида тузилган 40 га яқин қўшма корхона ҳамда Ҳ.даги 4 компаниянинг ваколатхонаси фаоли-ят кўрсатмоқда.

Икки мамлакат ўртасида ижтимоий-технологиялари, кон саноати, маданият, *фан, техника ва таълим соҳасида* ҳам-корлик ривожланмоқда. Икки мамла-кат олимлари иштирокида илмий сим-позиум, семинар ва анжуманлар ўтка-зиш одат тусига кирган. Мамлакатлар тарихи, мусиқа, адабиёт, археология, меъморлик, тиббиёт, биол., космик фазони ўрганиш, геол. ва б. қўплаб соҳаларда ҳамкорлик йўлга қўйилган. 1991 й. Ҳиндистонда буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 550 йил-лигига бағишланган Ўзбекистон ма-даниати ва санъати кунлари ўтказила-ди. 1992 й. окт.да Ўзбекистон муста-қиллигининг бир йиллигига бағишлаб Деҳли ш.да ўзбек маданияти ва санъа-ти фестивали бўлиб ўтди. Шу йил нояб. ойида ўзбекистонлик таниқли рассом Акмал Нуриддиновнинг *кўргазмаси намойиш этилди*. 1993 й. Заҳириддин Муҳаммад Бобур тавал-лудининг 510 йиллиги Ҳ. ва Ўзбекис-тонда кенг нишонланди. Икки мам-лакат ўртасидаги илмий-маданий ҳам-корликнинг ривожланишида 1994 й. Ҳиндистонинг Ўзбекистон Республи-касидаги элчихонаси қузурида фа-олиятини бошлаган Ҳ. маданий мар-казининг ҳиссаси катта.

Тожир Рафеев.

«ХИНДИСТОН», *«Таққиқ мо-дия хинд мин маъкула мақ-була фи-л-ақл ав марзуза»* («Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби») — *Беруний*нинг тарихий асари. 1030 й.да Ҳиндистон халқлари та-рихининг турли соҳалари (аниқ фан-лар, адабиёт, фалсафа, эллиносизлик, геогр., этн., қонун ва урф-одатлар, дин, диний ривоятлар, ҳинд ёзуви-нинг *турлари ва б.*)га *бағишлаб араб* тилида ёзилган. Асар 80 боблан иборат. Беруний ўз асарида бизарча етиб кел-маган санскритда ёзилган кўпгина ман-балардан фойдаланган. Бу асар Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан кисқак ба-ҳоланган. «Ҳ.нинг» арабча матни 1887 й.да, унинг инглизча таржимаси 1888 й.да немис олими Э.Захау томонидан Лондонда нашр этилган. 1958 й. «Ҳ.нинг» арабча матни Ҳайдарободда, 1963 й.да рус тилида, 1965 й. ўзбек ти-лидаги таржимаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида нашр этилган. Асар ҳинд маданияти тарихини ёри-тишда муҳим манба ҳисобланади (қа-ранг *Беруний*).

Ад.: Абу Райҳон Беруний, Ҳиндис-тон, Т., 1965.

ҲИНДИСТОН МИЛЛИЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — Ҳиндистондаги жамоат илмий муассасаси. 1970 й. Ҳиндистон Фанлар миллий ин-ти (1935 й. ташкил этилган) негизида ташкил этилган. Деҳли ш.да жойлашган. Мамлакатдаги илмий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради. Академия ўз тадқиқот марказларига эга эмас. Илмий асар ва монографиялар эълон қилади. Бюллетень, йилномалар, Ҳиндистонда фан тарихи, фундаментал ва амалий мат. бўйича журналар нашр этади. 650 дан ортиқ аъзоси, 80 фахрий аъзоси бор.

ҲИНДИСТОН МИНИАТЮРА МАКТАБЛАРИ — ўрта асрларда Ҳиндистон *миниатюра* санъатида шаклланган ноёлий йўналишлар. Монументал санъат (жумладан, деворий рассомлик) тушкунликка учрагач, мамлакатнинг турли ҳудудларида ривож топган (11—19-а.лар). Булар *Бобурийлар даври* миниатюра мактаби, Гужарот, Рожастон ёки Раҳпут, Деккан, Паҳари ва б. мактаблар. Дастлаб палма дарахти барглари-га ёзилган китобларга диний мавзулардаги расмлар ишланган, Кришна, Рам, Шива, Дурга каби маъбудалар тасвири туширилган. Шарқий Ҳиндистон миниатюра (1050—1550) мактаби мамлакатнинг Гужарот ва Рожастон ҳудудларида тараққий этган. Гужарот миниатюра мактаби вакиллари (11—16-а.лар) авval палма (1050—1400), 1350 йдан қоғозга битилган китобларни диний мавзулардаги тасвирлар б-н безэтганлар. Матн «нагари» ёки «кайи нагари» ёзувида бўлиб, чандан ўнгга қараб ёзилган; матннинг муқаддаслигини ифодаловчи ўсимлик ва гирих услубидаги нақшлар, рамзлар тасвирланган, содда композициялар анча мураккаблашган, замнида меъморий обидалар, инсон қиёфасида унинг физиологик хусусиятлари акс этган. Гужарот шоҳлари даври (1396—1572) миниатюраларида тасвир жонлилиги, ранглар тиниқлиги, безак унсурларининг кўпайганлиги кўзга ташланади. «Калпасутра» ёки «Калакачарикатха», «Гита Говинда» каби диний мавзудаги асарлар расмлар 6-н зийнатланди. Шарқий ҳинд миниатюра мактаби анъаналари Ражпут миниатюраларида ўз аксини топган (*қ.ш. Ражпут мактаби*).

Бобурийлар миниатюра мактаби (16-а. 2-ярми — 18-а.лар) Бобурийлар саройида шаклланган, асосан, сарой ҳаёти ва подшоҳларнинг шахсий қизиқишлари натижасида ривожланган. Бу мактаб Европада Мўғул миниатюра мактаби номи б-н машҳурдир. Марказий Осиё миниатюралари маҳаллий анъаналар б-н уйғунлаштирилган, европалик рассомларнинг Ҳиндистонга олиб келинган асарларининг айрим хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиргани б-н ажралиб туради. *Ҳумоюн* саройи (Кобул)да тўпланган асли термизлик *Мир Сайид Али* бошчилигидаги рассомлар гуруҳи 1555 й. Ҳиндистонга келиб янги миниатюра мактабига асос солдилар. Бу мактаб вакиллари Агра, Деҳли, Лоҳур каби пойтахт шаҳарларда яшаб ижод қилган. *Акбар* шоҳ даври (1556—1605)да шаклланган, Жаҳонгир (1605—1627) ҳамда Шоҳ Жаҳон (1628—58) даврларида ва ундан кейин тараққий этиб, юксак даражага кўтарилган. «Қиссаи Амир Ҳамза» (1557—72, 56 х 71 см, ўзгармаган) матога 1400 та расмлар ишланган), *«Бобурнома»*, *«Маҳабҳарата»*, *«Рамаяна»*, «Жоме ут-таворих», *«Акбарнома»*, шоирлар Ниҳомий, Амир Хусрав Деҳлавий ҳамда Алишер Навоийнинг «Хамса» асарларига қўплаб мўъжаз расмлар ишланган. Абдусамад Шерозий («Ширин қалам»), Дасвантҳ, Басован, Фарруҳбек, Абул Ҳасан («Нодир уз-замон»), Устод Мансур («Нодир ул-аср») ва б. шу даврларда ижод этган. Портрет санъати ривожланди, инсон, унинг ҳоз ялиқ тасвирлана бошланди, асарларда жонли ўткир характерлар ўз аксини топди. Миниатюра санъати *дастгоҳ санъатига* ақланиши, алоҳида мустақил мавзуларда асарлар яратилди, юксак даражаларги мукаммал давралар ва портретлар *юзага келди*, *ўсимлик*, *ҳайвонот* ва қушлар акс этган тасвирларда Устоз Мансурнинг юксак маҳорати намоён бўлди. 17-а. охири — 18-а. бошларда асарлар мавзуда асосан севги саҳналари, ўғрашувлар алоҳида ўрин тутди; халқчил, турли ижтимоий гуруҳлар ҳаёти ва манфаати ўз ифодасини топди. 18-а.дан бошлаб бу мактаб Ҳиндистоннинг турли ҳудудларида ривожланди, шу ердаги бошқа маҳаллий миниатюра мактаблари (Деккан, Паҳари ва б.) равонига катта таъсир кўрсатди.

Деккан мактаби (16—17-а.лар) Ҳиндистоннинг жан.даги маданият марказларида қад. деворий рассомлик анъаналари Марказий Осиё, Эрон ва турк миниатюралари б-н узаро уйғунлаштирилиши натижасида вужудга келган. Асосан Аҳмаднагар, Бижапур, Бханда каби йирик шаҳарларда тараққий этган, расмларда шу ҳудуд ҳукмдорлари ва йирик шахслари ҳаёти ўз аксини топган, уларда Бобурийлар миниатюра мактаби анъаналари ўзига хос тарзда давом эттирилган.

Паҳари мактаби («паҳари» — айнан «тоғли ҳудуд»). Гарбий Ҳимолайдаги Басоли ва б. марказларда юзага келган. Дастлаб Ражпут мактаби услубига эргашилди. Илк даврларида қўлёзма китобларнинг мазмунига асосланилган, тарихий шахсларни реал акс эттириш, воқеаларни ҳаққоний ифодалашга аҳамият берилган. Воқеалар, кўп шаклли композициялар шартли манзара заминида ифодаланган. Аста-секин бадиий асарларга алоқаси бўлмаган, мустақил расмлар, айниқса, портретлар ишланди, анималистика ривожланди. Кетма-кет «Рагамала», «Кришналил», «Рамаяна»га лавҳалар яратилди, бу ҳаракатнинг чўққи-



«Бекром сариқ қирда» (Низомнинг «Ҳафт пайкар» асарига ишланган миниатюра, 17-а.).



«Қиссаи Амир Ҳамза» асарига ишланган миниатюра.

си Радха ва Кришна муҳаббати ва изтиробларига бағишланган «Гита Говинда» туркуми бўлди. Манку, Найнсукх, Сансар Чанд ва б. шу мактаб вакилларидир. Расмларда ифодаларнинг ёрқинлиги борди, аммо портретлар заминдаги манзараларга сингиб кетади.

Ҳ.м.м. ўзининг тараққиёти давомида мавзу ва услубларининг мўллиги б-н ажралиб туради, мактаб намояндалари муҳим аҳамиятларини илгаб олиб, уни абадийга муҳрлай олганлар.

Абдужалил Мадраҳимов, Ромазон Ғаниқулов.

ҲИНДИСТОН ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНИ, *сипоҳийлар қўзғолони* — ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши озодлик ҳаракати (1857—59). Қўзғолоннинг асосий қарбий ядроси армия бўлгани боис уни сипоҳийлар қўзғолони деб ҳам аташади. Унда мамлакатнинг турли табақаларига *мансуб аҳоли — деҳқонлар*, ҳунармандлар ва зодагонлар иштирок этган. Инглиз мустамлакачилари Ҳиндистонни забт этгач, унда маҳкам ўрнашиб олиш учун армияга маҳаллий аҳолини жалб қила бошлаганлар. Сипоҳийлар деб аталмиш ҳинд аскарлари таркибида ҳиндулар, мусулмонлар ва сикҳлар миқёсида эди. Сипоҳийлар армиясининг асосий вазифаси мустамлакачиларнинг манфаатларини кўриқлаш, шунингдек, халқ ҳаракатини бостиришдан иборат эди. Инглизлар сипоҳийлардан қўшин мамлакатларга қарши юришларда фойдаланганлар, бу юришларда кўп ҳинд аскарлари ҳалок бўлган. Инглизлар сипоҳийларни иккилий, маъмавий жиҳатдан камситганлар. Уларнинг маоши инглиз аскарларникидан анча кам бўлган, арзимаган баҳога б-н уларни қатлга жалолаганлар. Шу сабабларга кўра, сипоҳийларнинг сабр косаси тўла бошлаган. Ҳиндулар сигирни муқаддас деб билиб, унинг тўшини истеъмол қилмас, мусулмонлар учун чўчқа ҳаром ҳисобланган. Сипоҳийлар ишлатаётган милтиқ ўқлари сигир ва чўчқа ёғи б-н мойланган, бу ҳол кўзғолон чиқишининг асосий сабабларидан бири бўлган. Ҳинд халқининг деярли барча табақаларида 19-а. урталарида *инглизларга қарши норозилик* кучайган. Сипоҳийларнинг дастлабки чиқиши 1857 й. 10 майда Мирут ш.да бошланган. Бенгалия ва Панжоб ўртасидаги ҳудуд кўзғолоннинг маркази бўлган.

Уларнинг 3 полки аҳоли ва маҳаллий сипоҳийлар ёрдамида Деҳли қалъасини эгаллаган. Кўзғолончилар бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги тикланганлигини эълон этган ва Баҳодиршоҳ II ни Ҳиндистоннинг ҳукмдори сифатида мамлакатни озод *қилиш учун кураш чақиригига қўл* қўйишга мажбур қилган. 2 ҳафта ичида бутун Шим. Ҳиндистон кўзғолончилар қўлига ўтган. Канпур ва Лакҳнауда кўзғолончилар катта қўшини йиғилган. Бу 3 кўзғолон марказида алоҳида-алоҳида мустақил ҳукуматлар тузилган. Деҳлида Баҳодиршоҳ II ҳукуматидан ташқари сипоҳийлар ва шаҳарликлардан иборат олий маъмурий кенгаш — жалса тузилган. Деҳлидаги қўшинларга жалса аъзоси Бахтхон қўмондонлик қилган. Лекин Деҳли ва Лакҳнаудаги саройий амалдорларидан тузилган ҳукумат аъзоларининг бир-бири *б-н келишa олмаслиги туфайли*, кўзғолончилар ўртасида низолар бўлиб турган. Канпурдаги ҳукумат бошқарув аппаратини тузган, қўшин ва аҳолини озиқ-овқат б-н таъминлаш чораларини кўрган.

Инглизлар Бенгалия ва Панжобни ўз қўлларида сақлаб қолган. Бу ҳудуддаги кўзғолонларни, Деҳлидаги сипоҳийларнинг чиқишларини тезда бостиришга, Мадрас ва Бомбейдаги сипоҳийлар қўшинларини ўз тобеликларида сақлаб қолган. Калькутгада йирик қўшин тўпланган босқинчилар 1857 й. май охирида Ганг дарёси бўйлаб ҳужумга ўтган; июнда Банорас ва Оллоҳободни эгаллаган. Канпурдаги *Нана Соҳиб* қўшинига 15—16 июлда қаттиқ зарба берган. 4 октябрь қамалдан кейин 19 сент. да Деҳлини қўлга киритган. Баҳодиршоҳ II ни Рангунга сургун қилган. Лакҳнау ҳам 1858 й. 19 мартда тасарруф бўлган.

Шундан сўнг партизанлик ҳаракати бошланган. *Тонтиа Топи* Жанжи ҳокимияти *Лакшми Бои* б-н бирга Калпи, Канпур ва Гвалиор атрофларида уруш *олиб борган*. Англия ҳукуматчаси Викторияниинг кўзғолонда иштирок этган барча зодагонларни афв этганлиги тўғрисидаги манифести эълон этилган (1858.1.11). Натижада зодагонлар кўзғолондан четланган. Партизанлар ҳаракати 1859 й. апр.да бостирилган. Кўзғолончилар ваҳшийча қатлга етказилган.

Ҳ.х.ҳ.да инглиз мустамлакачиларининг ҳар томонлама кўли баланд келган. *Улар иқтисодий, сиёсий-ижтимоий* ва ҳарбий жиҳатдан ҳинд қўшинларидан устунлигини сабабли кўзғолончилар мағлубиятга учрган. Кўзғолон енгилса-да, инглизлар Ҳиндистонлаги сиёсатларини ўзгартиришга мажбур бўлган. Ост-Индия компаниясига тугатилган, Ҳиндистон бевосита Англия ҳукуматининг назоратига ўтган.

Ал.: Осипов А. М... Великое восстание в Индии, 1857—1859, М., 1957; *Гиёсов Т. Ғ.*.. Ҳиндистоннинг янги тарихи, Т., 1999.

Тожир Ғафуров.

ҲИНДИСТОН ЯРИМ ОРОЛИ — Жан. Осиёдаги ярим орол, асосан, Ҳиндистонда. Майдони қарийб 2 млн. км². Ғарбда Арабистон денгизи, шарқда Ҳинд океанининг Бенгалия кўлтиғи б-н чегаралони. Шим. чегараси шарли равишда Ҳинд дарёси дельтаси б-н Ганг дарёси дельтаси оралиғидан ўтказилган. Қирғоқлари паст, кам парчаланган. Соҳил қисми камбар ҳдлюваал текислик. Китта майдонни Декан асситоглиги эгаллайди. Унинг гарбий баландлик қисми — Ғарбий Гат тоғлари Арабистон денгизига тик тушган. Шарқида Шарқий Гат тоғларини ташкил этган алоҳида массивлар учрайди. Ярим оролнинг энг баланд қисми унинг жан. ларги Анаймуди тоғи, 2698 м.



Ҳиндистон ярим оролидаги муссонли ўрмонлар.



Ҳиндистон ярим оролидаги тог манзараси.

Тошкўмир, темир ва марганец рудалари конлари бор. Иқлими тропик, субэкваториал иқлимга ўтиб боради. Шим.да тропик муссонли, ёзи сернам иқлим. Ўртача т-ралар янв.да 21—29°, майда 30—40°. Йиллик ёғин ички р-нларида 500—700 мм, шамолги рўпара тог ён бағирларида 3000 мм гача. Асосий дарёлари — Нармада, Тапти, Маҳанади, Годавари, Кришна ва б., ёмғирдан тўйинади, ёз—куз ойларида тўлиб оқади, тез-тез тошади. Сувидан, асосан, суғоришда фойдаланилади. Ғарбий ва Шарқий Гат тизмаларининг денгизга қаратган ён бағирларида доим яшил сернам ва муссонли барг тўкувчи ўрмонлар, ички ҳудудларда саванна типидаги ўсимликлар ўсади, дарёлар дельтасида мангра ўрмонлари бор. Миллий боғлар ташкил этилган. *Катта майдонларни маданий ландшафтлар* — экин майдонлари (шоли, бутдой, пахтазорлар) ва мевали боғлар эгаллаган.

ҲИНДИСТОНИЙ, ҳиндавий — ўрта асрларда Деҳли, Агра, Маратҳи ҳудудларида мавжуд бўлган ҳ.ҳари бўли («соф», тоза шева») лаҳжалари асосида шаклланган халқ-сўзлашув тили. Бутун Шим. ва қисман Марказий ва Жан. Ҳиндистонда миллатлараро алоқа тили сифатида ривожланган. Ҳ.да сўзлашувчилар 250 млн. кишига яқин (ўттан асрнинг охири). Жан. Ҳиндистонда бу тил «лаҳҳиний» ёки «жан. Ҳ.» деб аталади. Ҳ., ўзи адабий тил сифатида шаклланмаган бўлса-да, 2 ёзма адабий тилга — *урду* ва *ҳиндий* (адабий ҳиндига асос бўлган.

Ҳ.нинг фонетик ва грамматик қурилиши урду ва ҳиндий тиллариникига ўхшаш; луғат таркиби урдудан эроний ва арабий ўзлашмаларининг камлиги, ҳиндийдан эса санскритча ўзлашмаларнинг йўқлиги б-н фарқланиб, асл ҳиндийча сўзлар (ёки «тадбҳава»), шунингдек, илк эроний ўзлашмалардан ташкил топган.

Ад.: Географ Г.А., Хиндустан на рубеже XVIII—XIX вв., М., 1961; Шаматов А.Н., Классический дакхини (Южный хиндустани XVIII в.), М., 1974.

ҲИНДИХИТОЙ — Осиёнинг жан.-шарқий қисмидаги ярим орол. Майд. 2 млн. км². Ғарбда Бенгалия қўлтиғи, Андаман денгизи ва Малакка бўғози, жан. ва шарқда Жан. Хитой денгизи ва унинг Сиам ва Бакбо қўлтиқлари б-н чегараланган. Шим. чегараси шартли равишда Ганг ва Брахмапутра дарёлари дельталари б-н Хонгха дарёси дельтасидан ўтказилган. Жан. учи Кра бўйинидан жан.га чўзилган Малакка п.о.дан иборат. Шарқий қирғоқлари кам парчаланган, ғарбида қўлтиқ, орол кўп. Ер юзаси, асосан, тоғли, меридиан бўйлаб чўзилган тизмалардан иборат. Ғарбий қисмидаги Аракли тоғлари (энг баланд жойи 3053 м, Виктория чўққиси), марказидаги Шан тоғлари ва шарқидаги Аннам тоғлари кенг пасттекислик (Иравади, Менам, Камбоджа) ва платолар (Корат) б-н бўлинган. Карст кенг тарқалган. Пасттекисликлар, асосан, аллювиал ва кўл ётқизиқларидан тузилган. Фойдали қазилмаларидан қалай ва волъфрамнинг йирик конлари топилган. Иқлими субэкваториал муссонли, Малакка п.о.да экваториал иқлим. Ўртача т-ра текисликларда 20° дан пастга тушмайди, баҳор ва ёз ойларида 27—30°гача кўтарилади, тоғларда 15° гача. Шамолга рўпарa ғарбий ён бағирларида йиллик ёғин 2500—3000 мм, асосан, ёзда ёғади. Ички р-ларда 1000 мм гача, шарқий соҳилда 2000 мм гача (асосан, қишда ёғади). Шим.даги тог тепаларида қор ёғади. Дарёлари серсув, ёзда тўлиб оқади. Энг йириклари: Меҳонг, Иравади, Салуин, Менам-Чао-Прая. Сувидан суғоришда кенг фойдаланилади. Ғарбий ва Шарқий Гат тизмаларининг ён бағирларида доим яшил сернам ва муссонли барг тўкувчи ўрмонлар, ички ҳудудларда саванна типидаги ўсимликлар ўсади, дарёлар дельтасида мангра ўрмонлари бор. Миллий боғлар ташкил этилган. *Катта майдонларни маданий ландшафтлар* — экин майдонлари (шоли, бутдой, пахтазорлар) ва мевали боғлар эгаллаган.



Ҳиндихитой ярим оролининг табиати.



Хиндистонтой ярим оролдаги Будда ибодатхонаси.



Миллий либосдаги хинд қизи.

далиналар. Энг катта қўли — Тонлесап. Ҳинг сернам тоғли ҳудудларида доим ишлаб тропик ўрмонлар, денгиз соҳилларн ва дельталарда мангра ўрмонлари, ички р-ларда барг тўкувчи тропик ўрмонлар ва бутазорлар бор. Тепаликн қисмн экинзорларга айлантирилган. Асосий экини — шоли. Маълакка я.о.да каучукли Усимликлар плантацияларн барпо қилинган.

ХИНДИХИТОЙ ЎЗБАСИ, дарахт ўзба (Gossypium arboreum L.) — маданий ўзпа тури. Геноми A_2, хромосомалар сони 2n=26. Ҳ.ғ.нинг ёввойи шаклари Декан (Хиндистон ярим о.да тарқалган. Асосан, Хиндистонда, қисман Афғонистон, Бангладеш, Покистон, Бирма, Вьетнам, Хитой, Корея, Японияда экилади. Ҳ.г. кичикроқ дарахт ёки бута бўлиб, тук (камдан-кам тукси) ва қора смолали бегчалар б-н қопланган. Тукдари сийрак қавзлар ҳосил қилади (бирнчиси- калта ва қалин, иккинчиси— узун).Поэси ишлл, гурли интенсивликда — тўқ сариқдан антоцнн ранг олади. Мадания навларининг ўсув шохлари суст ривожланади, ҳосил шохлари узунлиги ўртача, 4—6 бўғимли. Барглари ўртача, қисман ёки жуда кертикли, 3—5—7 бўлмали (кенг ёки тор наштарсимон). Гулларнда майда, тўкилиб кетади. Гуллари ўртача; тулбарги оқ, оч сариқ, лимонранг, пушти, қизил, асосида йирик антоцнан доғлари бор, баъзан ташқи томони қорайиб кўринади. Гул ташқарисида кўпинча шира бези бўлмайди, гул коса остидаги шира бези қизил, учбурчак шаклида. Қўсакдари тухумсимон, думалоқ, калта учли, 4—5, баъзан 3 чаноқли. Бигта қўсакдаги пахта вазни 2 г дан 6 г гача. Ҳар бир чаноғида 3—8 та чигит бор. Чигити тукдари оқ, яшил ёки қўнғир. Толаси оқ, малла ёки қўнғир, дагал, камдан-кам майин. Ҳ.г. ҳиндистон, бенгалия, бирма, нанкин ва б. бир қанча географик хилларга бўлинади. Ҳ.г.нинг тропик шаклдари фотодавр ўзгаришларига жуда таъсирчан. Кўпчилик шаклдари бактериозга чидамли (қ. *Бактериал касалликлар*), шира ва ўргимчаккана б-н кам зарарланади. Ҳ.г. мустаҳкам, «жунсимон» толали ўзпа навлари қратнидза генетик фонд бўлиб ҳизмат қилади.

Абдумалик Абдуллаев.

ХИНДЛАР, ҳиндустонийлар — 1) ҳиндлар —миллати, дини, ирқий ва табақавий тафовутларидан қатъи назар Хиндистонининг барча аҳолиси, шунингдек, бошқа мамлакатларда яшовчи ҳиндистонзикларни англатувчи атама; 2) ҳиндустонийлар — этник гуруҳ, Хиндустон тарихий вилоятининг асосий аҳолиси (245 млн.дан зиёд, 1990-й.лар ўрталари).656 мингдан ортиги Хиндистондан ташқарида яшайди. Кўпгина маҳаллий гуруҳлардан иборат. *Хинд тилида* сўзлашади. Диндорлари, асосан, ҳиндуизмга эътиқод қилади. Асосий машғулоти — деҳқончилик (бўғдой, шоли, шакарқамиш, пахта етиштириш), бир қисми саноат корхоналарида банд, ҳунармандчилик ривожланган.

ХИНДОЛ МИРЗО (1518 — Кобул — 1551) — *бобурийлардан. Бобурнинг* 4-ўғли. Онаси Дилдор бегим. Бобурнинг Хиндистонни фатҳ қилишга киришган (Бахрани олиш) даврида шу фарзанди туғилган, шунинг учун «Ҳиндни олғ» рамзий маъносида Хиндол деб исм қўйган. Бобур ҳаётлигида у Балахшон ҳукмдори эди (1526—30). *Хумоюн* тахтга ўтиргач, укаси Ҳ. М.га Меват ва Олур вилоятларининг ҳукмронлигини берган (1530—38). 1538 й. бобурийлар ўртасидаги ички низоларни фойдаланган *Шершоҳ* Бихар, Жунпур ва Канаужгача бўлган ерларни босиб олган. Шу асносда Ҳ.М. Хумоюншоҳга қарши бош кўтарган ва Агра ш.ни босиб олган ҳамда ўзини подшоҳ деб эълон қилган. Бироқ *Комрон* Мирзо ўз қўшини б-н келиб, Аграни Ҳ.М. дан тортиб олган. Аммо тез фурсатда Шершоҳ Агра ва б. шаҳарларни бирин-кетин босиб олгач, Комрон Мирзо билан Ҳ. М.Кобулга қочишган. 1544 й.да Хумоюн Эронлан қайтиб келгач, бошқа укаларя қатори Ҳ.М.нинг ҳам гуноҳини кечирган. Ҳ.М. умрининг охиригача Хумоюншоҳга содиқ қолган.

Ҳ.М. шеърятга қизиққан, туркий ва форсий тилларда ғазаллар ёзган.

1551 й.даги «хандак жанги»да Ҳ.М. Комрон Мирзо одамлари томонидан ярапланаля ва ўша куни оламдан ўтади. Ҳ.М.нинг жасаля Кобулда отаси Бобурнинг мақбараси ёнига дафн этилган. 1607 й.да Жаҳонгиршоҳ фармонига биноан Ҳ.М.нинг қабрига лавҳа ўрнатилган.

Ад.: Файзиев Т., Темурийлар шажараси, Т., 1995.



Хиндихитой ўзаси: *1* — поя; *2* — барг; *3* — гул; *4* — кўк қўсақ; *5* — очилган қўсақ; *6* — чаноқ.

ҲИНДУЙЛИК, ҳиндуизм — дунёда кенг тарқалган динлардан бири. Ҳ.га эътиқод қилувчилар асосан Ҳиндистонда (95% та яқини) яшайди, Покистон, Бангладеш, Непал, Шри Ланкада, шунингдек, Жан. Африкада, Жан.-шарқий Осиёда ҳам учрайди. Ҳ.ка 780 млн. кишн эътиқод қилади (2003). Милодининг 1-минг йиллигида шаклланган. Ҳ. *веда дини* ва *брахманизм* ривожланиши ва уига кейинчалик халқ эътиқоди, урф-одатлари, маросимлари сингиб кетиши жараёнида пайдо бўлган. Ўрта асрларда ҳукмрон мафкурага айланган.

Ҳ.нинг асосида жонинг янги шаклга кириши (сансара) ҳақидаги таълимот ётади. Унга кўра, киши ўлганидан кейин жони (руҳи) янги ўсимлик, ҳайвон ёки инсон танасига кириб олади ва қайта туғилади. Янги руҳнинг қай даражада бўлиши карма қонунига, яъни кишининг ҳаёт давридаги хулқ-атвори, хатти-ҳаракатига боғлиқ. Ҳ.нинг асосий мақсади — инсоннн мана шу қайта туғилиш занжиридан, азоб-уқубатидан халос қилиш, яъни мокшага эришиш. Ҳ.даги турли диний-фалсафий таълимотлар мокшага *эришишнинг йўллари ва воситаларини* ишлаб чиқадилар. Хусусан, *веданта* Ҳ.ка фалсафий асос бўлиб хизмат қилади. Ҳ.ка эътиқод қилувчилар қайси кастага мансублигига қараб диний расм-русумларни бажаришда фарқланади. Улар вафот этганларнда ерга кўмилмайди, балки оловда куйдирилади. Ҳ.га кўра шундай қилинса марҳум покланади, гуноҳлари бу дунёда қолади. Олов у дунёга гуноҳлардан холи бўлган жонинг ўзини олиб кетади. Бу динннинг ақидаларига кўра, одамзот ўратилишидаёқ ижтимоий жиҳатдан тенгсиз яратилган. Шунинг учун бу тенгсизликни реал ҳаётда тугатишнинг иложи йўқ. Чунки унга таъсир этишга қодир бўлган кучнинг ўзи йўқ. Ҳ.да ажралиш руҳига топиниш алоҳида ўрин тутади. Вафот этган аждод ҳудога тенглантирилади. Аждодлар руҳи бу дунёда яшаётган қариндош-уруғларини қўриқлайди, уларнинг оиласи ва ҳаётини муҳофаза қилади.

Ҳ.нинг *муқаддас китоби ведолар*, «Маҳобҳарата» (айниқса унинг «Бҳагавадгита» ва «Рамаяна» қисмлари) ва б. Ҳ.да асосий ҳудолар — *Шива, Вишну, Брахма*га сиғинилади. Уларнинг кўриниши сифатида кўплаб маҳаллий худолар эътироф этилади. Ҳ.да тоғлар, дарёлар (хусусан, Ганг), ўсимлик (мас., илгўфар), ҳайвонлар (маймун, фил, илон ва айниқса, сигир) муқаддас саналади ва уларга топинилади. Турли гайритабиий ҳодисалар ҳам сиғинини объекти ҳисобланади. Диний маросимлар ибодатхоналарда, уйлардаги мехроблар ёнида, муқаддас жойларда адо этилади. Ҳозирги Ҳ. 2 оқим — *вишнуизм* ва *шивaизм* шаклида мавжуд.

ҲИНДУКУШ (форс. Ҳиндукӯҳ — ҳинд тоғи) — Осиёдаги тог системаси, асосан, Афғонистон, шунингдек, Покистон ҳудудида (жан.-шарқий чеккаси). Уз. 800 км чамасида, эни 350 км гача. Энг баланд жойи 7690 м (Тиричмир тоғи). Марказий ва шарқий қисмларининг ўртача бал. 4000 м. Ҳ. жан.-ғарбдан шим.-шарққа чўзилган ёйсимон шаклда. Шим.-ғарбда Ҳиндукушнинг жанубий ёнбағрида Ҳирот ва Ҳилманд дарёлари ҳавзаларн ўртасида сувайиргич вазифасини, яъни ландшафт чегарасини бажаради. Асосий тизмалари — Бобо, Паймон ва б. Тоғлар альп бурмаланиши даврида вужудга келган. Замини қад. метаморфик жинслар (слонец, гранит, оҳактош ва б.)дан, шунингдек, мезокайнозойнинг чўкинди қатламларидан таркиб топган. Сейсмик фаол зона. Иқлими қуруқ, континентал. Йиллик ёғин 300—800 мм, жан.-шарқи ёзги муссонлар таъсирида бўлади. Иқлими ва ландшафти баландлик минтақалари бўйича ўзгариб боради. Дарёлари қор ва музлар тўйинади, баҳор ва ёзда тўлиб оқади. Шим. ва жан. ён бағирларн ландшафти бир-биридан фарқ қилади. Пастдан юқорига шим. қисмидаги бўз тупроқларда кўп йиллик баланд бўйли ўтлар, шувоқ, ялпиз, тог жингранг ва қизил тупроқларда ксерофит буталар, арча, кам чариндили тог чўл тупроқларида тог қуруқ дашт ёки чўл ўсимликлари ўсади. Нисбатан сернам жан.-шарқий ён бағирларидаги субтропик жингранг тупроқларда барг тўкувчи қуруқ ўрмонлар ва буталар, 2500 м гача баландликда ҳинд-ҳимолай типидаги кенг баргли ўрмонлар, 2500—3300 м да игна баргли ва аралаш ўрмонлар, 3300—3700 м ва ундан баланди субальп ва альп ўтлоқлари тарқалган.

Ҳиндукуш тог тизмалари.

ҲИНДШУНОСЛИК — Ҳиндистон халқлари тарихи, маданий мероси, гоявий қарашлари, адабиёти, санъати ва тилларини, шунингдек, *ҳиндларда Ҳиндистоннинг ижтимоий*, ижтимоий ва сиёсий масалаларини ўрганувчи фанлар мажмуи. Ҳ. 19-а. бошида Европада шаклланган, аммо *европаликларнинг* Ҳиндистонга бўлган қизиқиши антик даврдан бошланган эди.

Абу Райҳон Беруний Ҳиндистонга сафар қилган чоғида санскритни, ўлканинг геогр.си, маданияти, адабиёти, тарихи, фалсафаси, қонунлари, динлари, урф-одатларини атрофлича ўрганган ва ўз билимларини «Ҳиндистон» асарида баён этган. 1442—44 йиларда Абдураззоқ Самарқандий Шоҳрух саройининг элчиси сифатида Ҳиндистон жан.даги Каликут, Ҳинавар, Мангалур, Билур, Бокинур ва Вижаянагар рожаликларида дипломатик миссияни бажарган. Кейинчалик Хива ва Бухоро хонликларининг элчилари ҳам Ҳиндистонда хизмат сафарларида бўлиб, унга оид маълумотларни келтирганлар. Европада Х. 15-а. охирларида Ҳиндистонга очилган денгиз йўли туфайли юзага келган. Авваллга Шим. Ҳиндистонни тадқиқ этишга эътибор берилган. 18-а. ўрталарида эса Ост-Индия компаниясининг мазкур ҳудудлардаги келиши туфайли бутун ўлкадаги тиллар ва уларнинг грамматикасини ўрганишга эътибор кучайган. Европалик олимлар У.Керри, Жилкройт, У.Жонс, Колбрук ва б. қнпду тили ва б. маҳаллий тиллар грамматикасини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшган. Ҳиндистоннинг жаҳон цивилизация-

сига қўшган ҳиссаси, буюк маънавий ва тарихий қадриятлари, адабиётига бўлган зўр қизиқиш Европа давлатларида қатор шарқшунослик марказларининг шаклланишига туртки бўлди. 19-а. бошида илк бор Парижда санскрит ва қад. Ҳиндистон тилларини ўргатишучун Ҳ. кафедраси очилди. 19-а.нинг 2-чорагидан бошлаб Англия, Франция, Германия, Скандинавия давлатлари, *кейинроқ эса Россия ва АҚШда* Ҳ. сезиларли даражада ривож топа бошлаган. 19-а.да буддизм ва классик филологияни ўрганишда турли мамлакат олимлари Р.Роттт, М.Мюллер, А.Вебер, А.Бергеи, А.Людовик ва б. самарали фаолият кўрсатганлар. Россияда Ҳ.ка бўлган қизиқиш рус сайёҳи Афанасий *Никитиннинг* 15-а.да Ҳиндистонга қилган саёҳати туфайли кучайди. У ўз саёҳати тўғрисида «Уч денгиз оша» асарида талайгина қизиқарли маълумотлар берган. *Кейинги* асрларда юзлаб рус саёҳлари ва саёҳатчилари Ҳиндистонга кўплаб сафарлар қилганлар, секин-аста дипломатик муносабатлар ривожлана бошлаган. 1724 й.да Петербургда Россия ФА ташкил этилиб, Ҳ. борасида ҳам фундаментал тадқиқотлар бошлаб юборилди. 20-а.нинг бошларида Ҳ. борасида тадқиқотлар олиб бориш жонлина бошлади, айниқса 2-жаҳон урушидан сўнг Россия шарқшунослигида шакланган йирик йўналиш сифатида илмий ва *сиёсий* доираларда талайгина ютуқдари б-н ўз мавқеига эга бўлди. Россия ФА Шарқшунослик ин-ти, М.Ломоносов номидаги Москва давлат ун-ти қошидаги *Осиё ва Африка ин-ти*, Москва давлат халқаро муносабатлар ин-ти, Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар ин-ти, Дипломатик академия, Миср тадқиқотлари маркази, Халқлар дўстлиги ун-ти, Ижтимоий фанлар бўйича илмий дэборотлар ин-ти, *Хорижий тиллар ҳарбий ин-ти*, Плеханов номидаги Иқтисодиёт ун-ти, Санкт-Петербург давлат ун-ти ва б. ўнлаб илмий, олий таълим муассасалари, академиялар ва ҳарбий академияларда Ҳиндистон бўйича кенг қамровли ил. ишлари олиб борилди, улар юзлаб *юзлаб рисолалар, илмий* монографиялар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар, маълумотномалар чоп этилди. Таниқли рус ҳиндшунос олимлари Г.М.Бонгард-Левин ва Г.Ф.Ильин томонидан «Қадимги Ҳиндистон» (1969), Ю.П.Насенконинг «Жавоҳарлал *Неру ва Ҳиндистон ташқи сиёсати*» (1975), В.К.Плеваковнинг «Ҳиндистонда демократия: мақоллий ўз-ўзини бошқаруv» (1992) китобларида Ҳ.нинг долзарб масалалари ёритиб берилди.

Москвада мунтазам равишда чоп этиладиган «Азия и Африка сегодня», «Восток», «Наука и религия», «Мировая экономика и международные отношения», «Индия» ойлик жур. ва «Вестник МГУ» илмий тўпламида Ҳ.ка тааллуқли тақлилий материаллар чоп этиб келинмоқда. МДҲ мафсеида Душанба ун-ти, Олмаота ун-ти, Боку ун-ти, Киев ун-ти, Қозотистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар ин-ти ва б. илмий, ўқув муассасаларида Ҳ. бар мавомда ривожланиб бормоқда. Ҳозирда Париж ун-ти ва унинг тасарруфидаги и.т. институтлари ва марказларида буддда дини, Ҳ.нинг ички ва ташқи сиёсати, *давлат тузуми, фалсафаси* ўқитилмоқда ва и.т.лар олиб боришмоқда. Буюк Британиянинг (Лондон ун-ти, Кембриж ун-ти, Сафикс ун-ти ва Оксфора ун-тлари), Германиянинг *(Гейдельберг Жам. Осиё ин-ти*, Тюбинген ун-ти, Мюнстер ун-ти, Берлин ун-ти ва Гамбург ун-ти), Италиянинг (Милан ун-ти) ун-тларида қад. Ҳиндистон, Венеция ун-тида эса ҳоз. Ҳиндистоннинг долзарб муаммолари юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Ж., шунингдек, Австриядаги Вена ун-тида, Болгариядаги София ун-тида, Польшадаги Краков ун-тларида, Норвегия, Руминия ва Испаниянинг олий таълим даргоҳларида ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳ. бўйича АҚШнинг Колумбия ун-ти, Беркли ун-ти, Чикаго ун-тларида, Японияннинг Токио ва Осака ун-тларида ҳам ривожланмоқда. Х., шунингдек, Миср нинг *Қоҳира* ун-ти, *Ливаннинг* Бенгози ун-ти, Триполи ун-ти, ЖАРнинг Йоханнесбург ун-ти, Австралиянинг Сидней ун-ти, Туркиянинг Истанбул ун-тида малакали ҳиндшунос мутахассислар тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ўзбекистонда илмий Ҳ.нинг шакллана бошлаганига унча кўп вақт бўлгани йўқ, 1947 й. Тошкент Давлат ун-ти Шарқ факультетида ҳинд филологияси кафедраси очилди. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида 1950 й. қорижий шарқ мамлакатлари тарихи бўлими, 1957 й.да Ҳиндистон ва Покистон тарихи, иқтисоди ва маданияти сектори ташкил топди. Ўзбек шарқшунос-ҳиндшунос олимларидан А. Ўринбоев («Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси»), С.Азимқонова («Кобул ва Ҳиндистонда Бобур давлати», «Хумоюннома»), И. Низомиддинов («Урта Осиё ва Ҳиндистон маданий алоқалари тарихидан»), И.Ҳошимов («Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи салтанати») ва б. Ҳиндистон тарихига оид бирин-кетин тадқиқотлари амалга оширилди.

Ўзбек олимлари мобайинида ҳиндшунос олимларимиз томонидан 50 дан ортиқ илмий монография ва рисолалар чоп қилинди. Ушбу асарларни ёзишда олимларимизнинг фан докторлари акад. С.Азимжонова, А.Ўринбоев, И.Низомиддинов, И.Ҳошимов, М.Кутина; фан номзодларидан А.Косимов, У.Орипов, С.Таниқбоева, Н.Муҳаммадий, Л.Еремин, С.Ермакова, Д.Бекасва, Б.Обидов, М. Тошмуҳамедов, А.Саидбоев ва б. тайёрлаб нашр этдилар. Бу тадқиқотлар Ҳиндистон тарихи, ички ва ташқи сиёсати, маданияти, адабиёти, Ўзбекистон — Ҳиндистон алоқалари ва ҳ.к. масалаларга бағишланган бўлиб, Ҳиндистоннинг ўтмиши ва ҳоз. ҳаёти ҳақида муфасса маълумотлар беради. Ўзбекистонда ҳинд ва урду тилларини ўргатиш яхши йўлга қўйилган, 1990 й.дан алоқида ин-т бўлиб ташкил топган Тошкент *шарқшунослик ин-ти Жам. Осиё* халқлари тиллари кафедрасида етук ҳиндшунос мутахассислар талабаларга ҳинд, урду, панжоби, бенгал тилларидан сабоқ бермоқдалар. Шарқ мамлакатлари тарихи, адабиёти кафедраларида Ҳиндистон тарихи, адабиёти фанларидан ўқитилади. Ушбу ин-тда фан докторларидан Т.Ғиёсов (тарих), О.Шомитов (фиолог), фан номзодлари С. Ағзамова, Х. Бегзиода, У.Муҳибова, Т.А.Хужаева, А.Иброҳимов, С.Ўғлидиев каби мутахассислар дарс бериш б-н бирга и.т. дар ҳам олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон ҳиндшуносларининг номлари халқаро ва сиёсий доираларда яхши танилган ва улар Ҳиндистоннинг тарихи, ички ва ташқи сиёсати, сиёсий партиялари, дипломатияси, хотин-қизлар ҳаракати, фалсафаси, миллий-озодлик курашн, адабиёти, тиллари масалалари, Ўзбекистон — Ҳиндистон алоқалари, маданияти ва б. муҳим жиҳатларини чуқур тадқиқ этиб келмоқдалар. Т.Ғ.Ғиёсовнинг «Қадимги Ҳиндистон тарихи» (2000), И.М.Ҳошимов ва М.М.Кутинанинг «Ҳиндистон Миллий Конгресси ва Ҳиндистондаги миллатлараро ҳамжат ташкилотларининг фаолияти» (1980), И.Ғ. Низомиддиновнинг «Бобурийлар давлати» (1983), С.М.Азгамова, Б.Оби-

довнинг «Ҳозирги Ҳиндистон» (1991), О.Н.Шоматовнинг «Жанубий Осиё: тилларига кириш» (2003) каби асарларга чоп этилди.

Ўзбекистонда Ҳ.ни ривожлантиришда, асосан, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти, Тошкент шарқшунослик ин-ти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар ин-ти олимлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатда чоп этилаётган «Шарқшунослик», «Шарқ машъали», «Востоковедение», «Маяк Востока» илмий жур.ларида Ҳиндистоннинг турли жиҳатларини ёритувчи мақолалар бериб борилмоқда. Тошкентда «Ўзбекистонда — Ҳиндистон дўстлик жамияти» фаолият кўрсатмоқда. Тагор, Премчанд, Кришан Чандр, Жафрий, Аҳмад Аббос ва б. ҳинд ёзувчи ва шоирларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилиши ҳам республикада Ҳ.ни ривожлантиришга ҳисса бўлиб қўшилади.

Ад.: Библиография Индии. М., 1976.

Бобир Раҳсон.

ҲИРОВУЛ (мўғулча — яккаламоқ, узоқдашмоқдан) — илғор қисм, авангард. Амир Темур юришларига оид форсийда битилган тарихий манбаларда қайд этилган. Эски ўзбек тили манбаларида Ҳ.нинг ировул (эравул) фонетик варианти ҳам мавжуд бўлиб, у «Бобурнома» ва Абулғозийнинг «Шажарайи турк»ида ишлатилган. Ҳ.нинг қатор обидаларида бошқа бир мўғулча *манглай* (манглий) атамаси б-н алмашинган. Жанговар тартибга биноан Ҳ. лашкарнинг пешқараи (авангарди) *қоровулдан кейин, ўнғи марказ тулғалан* олдин, ўнг қанот (барангар) ва чап қанот (жувангар) оралиғида ҳаракат қилган. Ҳ.га жанглардa суяги қотган, тажрибали, баҳодир жангчилар жалб этилган, атоқли сарқардалар қўмондонлик қилган. Сохиблқирон кўпчилида асосий, бош Ҳ. қатори ўнг қўл ва сўл қўлнинг ҳам Ҳ.и мавжуд бўлган.

ҲИРОТ — Афғонистоннинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар, Ҳерируд дарёсидан суғориладиган воҳада жойлашган. Аҳолиси 167 минг киши (2003). Автомобиль йўллари чорраҳаси. Мамлакат ғарбий қисмидаги муҳим иқтисодий марказ. Пахта тозалаш, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ҳунармандчилик ривожланган, кўпда турли матолар, гилам тўқилади. Қоракўл тери ва б. кишлоқ хўжалик маҳсулотлари б-н савдо қилинади.

Шаҳар номи мил. ав. ҳам маълум бўлган. Сосонийлар даврида йирик шаҳарга айланган. 7-а.дан араблар қўлга остида. Бу даврда Ҳ. янада ривожланди. Сомонийлар даврида эса Хуросоннинг асосий шаҳри. 10-а. бошларида Ғурийлар давлати таркибига кирди. 1020 й.дан Ҳ.ни Ғазнавийлар нойби султон Маъсуд бошқарган. 1221 й.да шаҳарни Чингизхоннинг ўғли Тулуй қўшинлари эгаллаб, уни вайрон қилган. 1234 й.да шаҳар Ўқтойхон томонидан қайта тикланган. Мўғуллар босқинчилиги давридаги вайронагарчиликлар натижасида қарвон йўллари Ўрта Осиёдан Ҳиндистон ва Хитойга Ҳ. орқали ўтган. Қуртлар ҳукмронлиги вақтида шаҳар Хуросоннинг асосий шаҳри сифатида тез ўсди. 1383 й.дан Ҳ. Амир Темур давлати таркибига кирди. Дастлаб Мироншоҳ (1366—1408), кейинчалик Шоҳрух (1377—1447), Абу Саъид (1424—69), Султон Ҳусайн Мирзо (1438—1506) ва б. темурийлар давлатининг пойтахти бўлган. Ўша даврда Ҳ. ҳудуд тараққий этган. Ўрта Шарқнинг йирик савдо, ҳунармандчилик ва маданий марказига айланган. Ҳиндистон, Хитой ва Европа б-н кенг савдо ва маданий алоқалар олиб борилган. Ҳ. ва унинг атрофида йирик мадраса, масжид, кўприклар ва б. жамоат бинолари қурилган. 16-а.дан Ҳ. Сафавийлар давлати таркибига киритилди. 1716 й.да мустақил Ҳирот ҳокимлиги тузилган. 1732 й.да шаҳарни Эрон шоҳи — Нодиршоҳ эгаллаган. 1747 й.дан Дурроний-лар давлати таркибида. 19-а. бошларида қрим беклик маркази бўлиб қолган. 1863 й.дан Афғонистон давлати таркибида.

Ҳ.да *Алишер Навоий, Жомий, Ходжа-зи Абру, Мирхонд, Бехзод* каби олим ва фузалолар яшаб, ижод қилганлар. Ҳ. — ўрта аср миниатюра ва амалий безак санъатининг маркази (қ. *Ҳирот миниатюра мактаби*).

Меъморий ёдгорликлардан қалъа (15-а.), Жоме масжиди (13—14-а.лар), Мусалло ансамбли таркибидаги Гавҳаршодбегим масжиди минораларн, Абдулло Ансорий мақбараси (15-а.) ва б. сақланган.

ҲИРОТ АМИРЛИГИ (1716—32) — *Ҳирот қўзғолони* натижасида барпо этилган давлат. Ҳ.ани қабила зодагонлари томонидан сайланган амир ва зодагонлар кенгаши бошқарган. Ҳирот амирининг ҳокимияти Мурғоб, Бодғиз, Қусувин, Ғурйён ва Фарах туманларига тарқалган. *Сафавийлар*нинг, кейинчалик эса Нодир Қулибекнинг (қ. *Нодиршоҳ*) Ҳ.а.ни бўйсундириш учун бир неча йиллар давомида олиб борган уринишлари самарасиз бўлган. Фақат 1732 й.га келиб Нодиршоҳ амирликни босиб олишга эришган. Абдаллариинг бир неча минг оиласи илтижтан балариа қилинган, Нодиршоҳ сарқардаларидан бири Ҳирот ҳокими этиб тайинланган. Ҳ.а.нинг барпо этилиши афғон давлатчилигининг шаклланиш жараёнида муҳим босқич бўлган.

ҲИРОТ ЖОМЕ МАСЖИДИ — Афғонистонидаги меъморий ёдгорлик (1200—14-а.лар). Шоҳ Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Сом ҳукмронлиги даври (1193—1202)да қурила бошланган, ўғли ва вориси томонидан ниҳоясига етказилган. Масжид мозаётга ва кўпгина жиҳатдан *Бибихоним жоме масжидидан* ҳам улуғвор бўлган. Масжид ҳовлиси (тарҳи 95×75 м) равоқли галерея б-н ўралган; масжиднинг ўзига хос томони ҳовли кўламидан келиб чиқиб ён равоқлари 2 қаватли қилиб кўтарилган. Ҳовлининг шим. томонила Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Сомнинг гумбаз б-н ёпилган дахмаси (зиёратхона) жойлашган; зиёратхона ганчкори нақшлар б-н безатилган. Зилзиладан зарарланган масжид биноси



Ҳирот жоме масжиди.

1498—1500 й.ларда *Алишер Навоий* раҳбарлигида унинг маблағига қайта тикланган. 1936—44 й.ларда таъмирланган, шу даврда ёнида миноралари бўлган янги пештоқ қурилган.

ҲИРОТ МИНИАТЮРА МАКТАБИ — 15-а.да Ҳиротда шаклланган тасвирий санъат (*миниатюра*)даги услуб. 20—30-й.ларда Шоҳрух саройида қўлёзма китоблар тайёрланадиган устахонаси бўлган китобхона юзага келгач, у ерда адабий ва тарихий мазмундаги қўлёзмаларни безовчи мусаввирлар, хаттотлар, нақшин, мусаҳҳиф ва б. тўп-



«Ёйлаюлар» (Алишер Навоийнинг газалига ишланган, 16-я. ўрталари).

ланди. Уларга шоҳзода *Бойсунғур* Мирзо ҳомийлик қилган. *15-а. 1*-ярмида яратилган миниатюра асарлари бадиий-тасвирий усулининг нафислиги, бой колорити, тинимсиз изланувчанлиги ва оқибат натижада тугуни композициялар ва тасвирий қоидаларининг пухта ишланганлиги 6-н ажралиб туради. Аньанавий мавзулар орасида мажлис, жанг, ов, севишганлар учрашуви, донолар суҳбати, қаҳрамонлар жасорати ва б. етакчи ўринни тутади. Мир Халил, Бекмирод (Хитойдаги эрчинонада ишлаган), Ҳўжа Мусаввир ва б. усталар томонидан яратилган асарлар орасида «Шоҳнома» (1429/30, Теҳрондаги Гулистон кутубхонасида), «Калила ва Димна» (1429, 1430, Истанбулдаги Тўпқопу сарой кутубхонасида), Низомийнинг «Хамса» (1431, Эрмитажда; 1445, Тўпқопу сарой кутубхонасида) асарлар қўлёзмалари машҳур. *15-а.* 2-ярмида Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳомийлиги туфайли Ҳ.м.м. ўз тараққиётининг юқори чўққисига кўтарилди. Бу даврда расм ва ранглар уйғунлиги тузилишининг моҳир усталари бўлган *Мирак Наққош*, Ҳўжа Муҳаммад наққош, Ҳўжа Али ал-мусаввир, *Шоҳ Музаффар* каби ижод қилди; ижодий камолот чўққисига Камолиддин *Бехзод* бўлди. Унинг ижодида бу мактабнинг жўшқин, ҳаракат ва детал ларга бой композициялардан ҳис-туйғуларни ифодалаш усулига, шунингдек, портрет жанрига ўтишдек тараққиёт йўли ўз ифодасини топди. Унинг ҳар бир яратган асари, шоҳ асар эди; замондошлари унинг асарларини балиий мукаммаллиги, ўта ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги учун қадрлаш. Бехзод раҳбарлигида шогирдларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди: *Дарвеш Муҳаммад*, Мақсуд, Мулла Юсуф, оригинал композициялари, маҳорати 6-н устозидан қолишмайдиган *Қосим Али* ва б. томонидан Навоийнинг «Сабъаи сайёр» (1485, Оксфордлаги Бодли кутубхонасида), Саъдийнинг «Гулистон» (1486, Парижлаги Ротшильд мажмуасида), Низомийнинг «Хамса» (1494/95, Британия музейида), Деҳлавийнинг «Ҳашт биҳишт» (1496/97, Тўпқопу сарой кутубхонасида) ва б. бир қатор қўлёзмалар безатилди, алоҳида миниатюралар (Султон Ҳусайн, Шайбонийхон, Жомий, Хатифий ва б. портретлар) яратилди.

Ҳ.м.м.нинг ўзига хослиги — қўлёзмаларни безаш учун ажратилган саҳналар иштирокчиларининг танлаб олинишн 6-н боглиқ. Композицияда иштирокчилар доира шаклида жойлаштирилиши ҳам айнан ушбу мактабга хос аньана. Ҳ.м.м. вакилари геометрия, фалсафа, адабиёт ва б. соҳалардан ҳам хабардор бўлиб, миниатюраларидаги меъморлик кошинлари,



«Меҳроб» (Амир Хусрав ва Хасан Деҳлавийнинг терма «Девон»ига ишланган, 1531).

гидам, кандакорлик, кулолчилик, либосларга ишланган нақшлар аниқ ва ишончли қилиб тасвирланган. Мазкур мактабнинг яна бир ҳусусияти — Хитой тасвирий санъатининг баъзи ифодавий унсурларидан ижодий фойдаланинган иборат (Хитой ипакларида, миниатюра ва лакланган қутичаларга ишланган «жимжимадор булут» тасвири Ҳирот миниатюраларида кўп учрайди ва ҳ.к.). Рангларни танлаш борасида ҳам бу мактаб К.Бехзод бошлаб берган анъаналарига эга. Ҳиротлик мусаввирлар рангларни рамзий ва ифодавий талқин этилишида кўпроқ шоир изидан боришга ҳаракат қиладилар.

Ҳ.м.м. бошқа балиий марказлар (жумладан, *Бухоро миниатюра мактаби*, *Самарқанд миниатюра мактаби*, *Табриз миниатюра мактаби* ва б.)нинг ривожи (жумладан, уларнинг мусаввирлари ижоди)га катта таъсир этди. Бу мактаб вакиларн яратган асарлар жаҳон балиий меросига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди.

Равшан Фатхуллоев.

ҲИРОТ ҚЎЗҒОЛОНИ (1716) — *Сафавийлар* ҳукмронлигига қарши Ҳирот ва унинг вилоятида кўтарилган қўзғолони. Вилоят аҳолисининг бир қисми афғонларнинг абдал қабиласидан иборат эди. Миллий зулм ва маҳаллий аҳолини сафавий ҳокимлари томонидан диний таъқиб этилиши, шунингдек, йирик афғон қабила бошлиқларининг чет элликлар ҳукмронлигидан халос бўлишга интилишлари Ҳ.қ.та сабаб бўлган. Қўзғолоннинг асосий ҳаракатлантирувчи кучини абдал қабиласи ташкил этган; қабила бошлиқлари ва эдагонлари раҳбарлик қилган. Ҳирот ва вилоятнинг афғон бўлмаган аҳолиси қўзғолончиларга катта ёрдам кўрсатганлар, озиқ-овқат, ем-хашак б-н таъминлаб турган, ҳарбий қисмлар ташкил қилган. Шоҳ қўшинларининг қўзғолонни бостириш учун қилган уринишлари зое кетган. Ҳ.қ. натижасида Ҳирот амирлиги барпо этилган.

ҲИСОБ — сонларни ифодалаш ва бажариш усули. Ҳ. тизимларида п та бирлик (мас., ўн) 2-разряднинг бир бирлигига (ўнликка) бирлашади. 2-разрядли шунча сон 3-разряднинг бир бирлигига (юзликка) бирлашади ва ҳ.к. п сони Ҳ. тизимининг асоси, ҳар бир разрядлаги бирликларнинг сонини ифодаловчи белгилар рақамлар дейилади. Энг кўп қўлланиладиган Ҳ. тизими ўнлик тизим бўлиб, унда 0, 1, 2,

3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 рақамлари ишлатилади (қ. *Ўнли саноқ тизими*). Баъзи халқлар Ҳ.ининг бешлик тизимидан фойдаланишган. Қад. Бобилда олтмишлик тизим мавжуд бўлиб, бу тизим соат ва градусларнинг 60 мин.га, минутнинг 60 сек.га бўлинишида хозиргача сақланиб қолган.

ХИСОБ СТАВКАСИ, ҳисоб фоизи ставкаси, қайта молиялаштириш ставкаси — марказий банкларнинг тижорат банкларни резервларини тўлдириш ва уларнинг ўз маблағларига банк хизматлари кўрсатиш учун берадиган кредитларига белгилайдиган фоиз ставкаси; тижорат банклари Марказий банкдан олган кредит ресурслари учун тўлайдиган ҳақ. Ҳ.с. бозор механизмидаги гоят муҳим иқтисодий восита, давлатнинг пул сиёсатида қўлланиладиган кучли иқтисодий дастак. Ҳ.с. пул бозоридаги талабга таъсир кўрсатишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Иқтисодиётда ўсишни тезлатиш мақсадларида Ҳ.с. пасайтирилади ёки аксинча иқтисодиётда ўсиш жадалланиб, товарларни сотиш қийинлашганда ўсишни секинлаштириш учун Ҳ.с. оширилади. Ҳ.с.га пул бозоридаги талабдан ташқари қўпикланган инфляция даражаси ҳам таъсир кўрсатади. Инфляциядан кўрикланган йўқотиш Ҳ.с.ни оширишга орқали қопланади. Мас., мен'ёрдаги Ҳ.с. 4% бўлиб, инфляция 3% даражасида кутилса, амалдаги Ҳ.с. 7% ни ташкил этади. Марказий банкнинг Ҳ.с. қанча юқори бўлса тижорат банклари ўзлари тақдим этадиган кредитлар учун олаётган фоизи шу қадар юқори бўлади. 2004 й.да Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ҳ.с. йилда 20% дан 18% гача, дек.да 18% дан 16% гача пасайтирилди ва қайта молиялашнинг йиллик ставкаси 18,8% ни ташкил этди (2003 й.да 27,1%, 2002 й.да 34,5%).

Аллитр Бесобов.

ХИСОБ ФОИЗИ — 1) банклар *вексель, купон, акция, облигация*, бошқа турдаги қимматли қоғозларни ва қарз мажбуриятларини уларнинг тўлов муддатлари келишига қадар ёки амал қилиш муддатлари тамом бўлишига қадар сотиб олиш (ҳисобга олиш)да авансларни пул маблағлари учун сотувчиларга ундирадиган тўлов. Ҳ.ф. *вексель* (ёки бошқа қарз мажбуриятлари) номинали б-н банк сотиб олган нарх ўртасидаги фарққа тенг бўлади; 2) банк томонидан банклараро кредит бериш да олинадиган ссуда, кредит фоизи.

ХИСОБЛАШ МАТЕМАТИКАСИ — *математиканинг* турли масалаларнинг (шиқ ёки тақрибий) ечимини соғли натижага олиб келадиган усулларни ўрганиш б-н шуғулланадиган бўлими. *Иррационал сонларни* ҳисоблаш қоидасининг яратилишини Ҳ.м. бошқ деб қабул қилиш мумкин. Ҳ.м. тараққиёти, умуман, мат. ва *электрон ҳисоблаш* машинаси (ЭҲМ) тараққиёти б-н узвий боғлиқ. Кенг маънода Ҳ.м. деганда мат.нинг ЭҲМ дан фойдаланиш б-н боғлиқ, бўлиш масалаларини ўз ичига олган бўлими тушунилади. Ҳ.м.да рақамли усуллар муҳим ўринни эгаллайди. Типик математик масалалар деб қўйидагиларни айтиш мумкин: 1) татбиқларда кенг қўлланадиган алгебра масалалари: чизиқли алгебраик тенгламалар тизими (жумладан, тартиби катта тизимлар) ни ечиш, *матрицанинг* тескарисини топиш, матрицаларнинг хос сонлари ва хос векторларини топиш (дастлабки бир нечтасини қийматини топиш — хос сонларнинг хусусий миқдорси, барчасининг қийматини топиш — хос сонларнинг тўлиқ миқдорси) усуллари; 2) *трансцендент функция*лар (бир аргументли ва кўп аргументлиларнинг қийматларини ҳисоблаш ва уларни бошқа соддарок функциялар (мас., кўпҳадлар) б-н яқинлаштириш усуллари; 3) бир аргументли ва кўп аргументли функцияларни соғли дифференциалаш ва интеграллаш усуллари; 4) оддий дифференциал, интеграл, интегро-дифференциал ва ҳусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларни соғли ечиш усуллари.

Ҳ.м.да тез ривожланаётган соҳалардан бири — оптималлаштириш-нинг соғли усуллари. Оптималлаштириш масаласи мураккаб тузилишли тўпламлар устида аниқланган функционалларнинг оптимал қийматларини ўрганишдан иборат. Бу ерда, биринчи навбатда, иктисодий масалалар ва уларга келтириладиган математик (жумладан, чизиқли ва динамик) дастурлаш усуллари кўрилади. Амалларни тежашнинг ва ўйинлар назариясига масалаларини ечишга келиб чиқадиган минимакс масалалар ҳам оптималлаштириш масалаларига киради.

Ҳ.м.нинг кўп бўлимларида, хусусан, қатта ҳажмдаги масалаларда (мас., ўзгарувчиларнинг соғи кўп бўлганда) ечиш усулларини оптималлаш масалалари катта аҳамиятга эга.

ХИСОБЛАШ МАШИНАСИ — ахборотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш (ҳисоблаш) масалаларини механизациялаш ва автоматлаштириш учун мўлжалланган қурилма ёки қурилмалар мажмуи. Асосан 3 синфга бўлинади: *аналог ҳисоблаш машинаси, рақамли ҳисоблаш машинаси* ва *гибрид ҳисоблаш машинаси*. Ҳозир асосан рақамли Ҳ.м. кенгроқ қўлланади (яна қ. *Кибернетика, Компьютер, Электрон ҳисоблаш машиналари, Ҳисоблаш техникаси*).

ХИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ — ҳисоблаш жараёнларини, ахборотларни тўплаш, сақлаш ва узатиш масалаларини ҳал қилишни механизациялаштириш ва автоматлаштириш воситалари мажмуи; *техникасининг* ҳисоблаш машиналари ва қурилмаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва ишлатиш б-н шуғулланадиган тармоғи. Вақтни ҳисоблаш, ер майдонларнинг сатҳини аниқлаш, савдо-сотиқ ҳисобларни ва б. юмушлар б-н боғлиқ масалалар қадимдан маълум. Ҳисоблашларни механизациялаштиришга дастлабки соғда қурилмалар — *абак*, хитой чўти ва оддий ҳисоблаш масалаларини ечиш қоидалари мил. ав. вужудга келган. Непер шкаласи, логарифмик линейка, Б.Паскалнинг (Франция) арифметик машиналарига ўхшаш ҳисоблаш қурилмалари 17-а.дан маълум ҳам. 18—19-а.ларда саноат инқилоби Ҳ.т. ривожланишига туртки бўлди. 1833 й.да инглиз олими Ч.Беббиж арифметик ва хотира қурилмали дастурли бошқариладиган катта арифмометр — «аналитик машина» лойиҳасини ишлаб чиқди, лекин унинг лойиҳаси 100 й. дан кейингина муҳандислар диққатини ўзига жалб қилди. 1944 й. АҚШ да электромагнит релела ишлайдиган «МАРК-1» дастурли бошқариладиган *рақамли ҳисоблаш машинаси* (РҲМ) қурилди. 20-а. 40-йилларда дастурли бошқариладиган электрон РҲМнинг яратилиши Ҳ.т. тараққиётида кескин бурилиш ясади. Кейинчалик РҲМнинг техник параметрлари такомиллаштирилиб борилди, уларнинг ишлаш тезлиги ва хотира ҳажми бир неча марта орттирилди. 1950 й.да Украина ФА акад. С.А.Лебедев раҳбарлигида биринчи электрон РҲМ «МЭСМ» (кичик электрон ҳисоблаш машинаси) қурилди. 1953 й.да С.А.Лебедев раҳбарлигида Аниқ механика ва ҳисоблаш техникаси ин-тида «БЭСМ» (тез ишлайдиган электрон ҳисоблаш машинаси) яратилди. Электрон техникасининг ривожланиши Ҳ.т. нинг тез такомиллашишига сабаб бўлди. Дастлабки ЭҲМ лари лампали бўлган, кейинчалик улар яримўтказгичлардан тайёрлана бошлади. Бунлай ЭҲМлярнинг бир

неча даҳоди яратилди. Ҳозир асосан *компьютерлар* ишлатилади (қ. *Кибернетика*).

Ахборотларни қайта ишлаш тизимларида, кемалар, самолётлар, космик объектлар ва б.нинг координаталарини тез ва аниқ белгилашда, қутубхоналардаги жараёнларни ва библиографик ишларни механизациялашда, банк, омонат кассалар ва б. молия муассасаларининг ишларни марказлаштиришда Ҳ.дан кенг фойдаланилади.

Ўзбекистонда Ҳ.га доир н.т. ишлари *Кибернетика институти*, Ўзбекистон миллий ун-ти, *Тошкент техника* ун-тида олиб борилади.

ҲИСОБОТ — корхоналар, ташкилотлар, компаниялар томонидан ўз фаолияти тўғрисида даврий (ой, чорак, йил) ва белгиланган шаклда тузиладиган, давлат, статистика ва молия *органларига тақдим этиладиган* ахборот, маълумотлар, ҳисоб-китоб ҳужжатлари. Баланс Ҳ., молиявий Ҳ. ва статистик Ҳ., кўзланиш юритувчи субъектлар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Баланс Ҳ.и — компания бухгалтерия ҳисоботининг асосий шакли бўлиб, муайян сана учун капиталнинг шакллантириш манбалари ва капитал қўйилмалар йўналишини тавсифлайди. Икки томонлама жадвал шаклида тузилади: унинг чап қисми (*актив*)да *капитал таркиби ва унинг жойлаштирилиши* тўғрисида маълумотлар, ўнг қисми (*пассив*)да капитал манбалари кўрсатилади. Активда асосий ва айланма капитал кўрсаткичлари, пассивда ўзиники бўлган ва жалб этилган капитал тузилмаси ва *манбаларга бериладиган*. Жуда батафсил тузиладиган ички баланс компания бошқарув тизимидан компания фаолиятини режалаштириш ва бошқаришда, филиаллар ишини назорат қилишда фойдаланилади. Ташқи баланс ташқи ҳисоботнинг бошқа шаклари б-н бирга компания фаолияти тўғрисида тўлиқ ва очиқ ахборот ҳисобланади. Давлат солиқ ва юқори раҳбарлик органларига, фонд биржаларига тақдим этилади, акциялорлар ўртасида *тарқатилади*, махсус маълумотномаларда эълон қилинади. Тижорат-савдо сирини сақлаш мақсадларида компаниялар балансида расмий рухсат этилган модда (банд)ларни гуруҳлаш ва умумлаштиришлари кенг фойдаланилади (қисқа баланс). Компанияларнинг молиявий Ҳ.и ҳисобот топшириш-нинг мажбурий шакли. Унга қуйидагилар киради: компаниянинг умумий балansи; солиқ ва қўриларга зарар тўғрисида ҳисобот; пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот ва компания раҳбарлигининг умумий мажлисида кўриб *чиқиш ва тасдиқлаш учун* компания пайчиларга ёки акциядорлари эътиборига ҳавола этиладиган йиллик докладлар.

Корхоналарнинг статистик ҳисоботи иқтисодиётдаги айрим бўғинларнинг иш кўрсаткичларини жамлаш орқали тармоқлар, минтақалар ва мамлакат иқтисодий фаолиятининг статистик кўрсаткичларини аниқлашга имконият яратади.

Дилдора Сайдова.

ҲИСОР (араб. — ўраб олмоқ, чегарламоқ) — Ўрта Осиё хонликларида қалъа девори, девор б-н ўралган шаҳар, тоғли ҳудудлардаги мудофаа иншоотларини, тепаликлар.


ҲИСОР ВОДИЙСИ — Тожикистон Республикасининг ғарбидаги тоғлараро ботиқ. Ҳисор тизмасининг жан. чекқаси ва Боботог б-н Қоратоғнинг шим. чекқалари орасида. Уз. *115 км*. *Энг кенг* жойи 20 км. Бал. 700—1000 м. Жан. дан Афғон — Тожикистон ботиғидан дарёли мериллан йўналиш бўйлаб чўзилган тизмалар б-н ўралган. Ер юзаси водийдан оқиб ўтувчи Кофарниҳон, Варзоб, Душанбе, Ховаза, Илок ва б. *дарё террасалари* ва ёйилма конуслардан иборат. Водий тектоник ботиқда жойлашгани бўлиб, мезокайнозой даври чўкиндн тут жинслари б-н тўлган. Ҳ.в. атрофи тоғлар б-н ўралганлиги сабабли иқлими анча континк. Ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши қисқа ва аниқ. Янв.нинг ўртача т-раси —0,7°, Г., июлиники 28°. Йиллик ёғин 500—600 мм. Водийда, асосан, тўқ бўз тупроқлар тарқалган; чўл, чалчўл ва дашт ўсимликлари, дарё бўйларида турли *дарахтлар ўсади*. Ҳ.в. *ҳудуди дарёли* ўзлаштирилган ва бу ерда маданий ландшафтлар кенг тарқалган. Дарёларнинг қуйи қисмларидаги ботқоқли тўқайзорлар ҳам қуритилиб, экинзорларга айлантирилган. Водий ер *ресурсларидан* умумий фойдаланиш *мақсадида Катта Ҳисор канали* қурилган. Пахта, қунғоқут, ғалла, полиз экинлари



Ҳисор водийси.

етиштирилади, мевали боғлар барпо қилинган, тог ён бағирларининг 1200—2000 *м* баландликлари субтропик дашт-ларда иборат. Бутазорлар, дарахтзорлар бор. Ўзлаштирилган ерларда галла экинлари экилади, мевали дарахтлар ўстирилади, ундан баландда субалп ва алп ўтлоқлари учрайди. Ҳ.в.да Тожикистон Республикаси пойтахти — Душанбе, шунингдек, Турсунзода, Вахдат (собиқ Оржоникидзе) ш.лари жойлашган.

ҲИСОР МАДАНИЯТИ — *мил. ав. 6—3-минг йилликларга оид неолит даври* археологик мажмуаси. Асосий ёдгорликлари Тожикистоннинг Евосту, Вахш, Қизилсув, Кофарниҳон дарёлари ҳавзаларида қайд этилган. Ҳ.м.ни 1948 й. А.П.*Окладников* кашф этган; *асосий ёдгорликлари* Тутковул, Саёд, Қоя Бердон ва б. Бу маданият даврий жиҳатдан Тожикистондаги Қалтаминор ва Туркманистондаги Жойтун



Ҳисор маданияти. Тош қуролдан намуналар.

археологик маданиятлари б-н бир шаҳта тўғри келади. Топилмалари тош ва суякдан ясалган қуроллар, ҳар хил

маиший ўтлоқлардан иборат. Тош қуроллар ясашда оҳактош, кварцит, серпантин, яшма каби материаллардан фойдаланилган. Ҳозиргача Ҳ.м. ёдгорликларида сопол буюм намуналарини учрамаслиги тадқиқотчилар учун ечилмаган муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, *Каттаминор мадэнияти* даврида — ўрта Осиёда сопол идиш тайёрланиши маълум эди. Ҳ.м. соҳибларини ҳўжалик жиҳатдан энликгина ўтроқлашаётган оғилар, деримчилик б-н тирикчилик қилувчилар ташкил этарли деб ҳисоблаш мумкин. Деҳқончиликнинг илк белгилари фақат Ҳ.м. нинг сўнгги даврида пайдо бўлган.

ХИСОР ТИЗМАСИ — Ўрта Осиёдаги тог тизмаси. Помир-Олай тоғларининг ғарбий қисмида (Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаларида). Зарафшон, Қашқадарё ва Амударё ҳавзаларининг сувайиргичи. Уз. 200 км. Ўртача бал. 3600 м. Энг баланд жойи 4643 м (Дукдон тоғи). Асосан, палеозой ва мезозой даври гранит интрузияларн ёриб чиққан кристаллн жинслар, гранодиорит, сланец ва қумтошлар, гипс, конгломерат, доломит ва б.дан ташкил топган.

Ҳ.т.нинг марказий қисмида (2195 м баландликда) хушмансара *Искандаркўл* жойлашган. Шим. ён бағри анча тик ва қояли, жан. ён бағри эса қия бўлиб, кенг платолар ва унумлор водийлар бор. Ҳ.т.нинг тузилиши жуда мураккаб бўлиб, унда бир қанча баланд тог массивлари, довонлар мавжуд.

Рельефи мураккаб, қояли, кўп жойлари парчаланган. Сувайиргич қисми ва ён бағирларида текисланган юзалар тарқалган, зич ва дара шаклидаги дарёлар б-н чуқур кесилган. Типс ва оҳактошлар тарқалган жойларида карст рельеф шакллари (карлаар, карст воронкалари, ботиқлари, қудуқлари, ғорлари) учрайди. Бундай жойларни маҳаллий аҳоли «минг чуқур» деб аталади. Оҳактошларда тик ва қояли кузталар ҳосил бўлган. Ҳ.т.нинг шим. ва ғарбий ён бағирларини Зарафшон, Қашқадарё, жан. ён бағрини Яхши, Сарбог, Кофарниҳон, Варзоб, Хонака, Любач, Қоратоғдарё, Ширкент, Туполондарё ва б. дарёлар чуқур дарлар ҳосил қилиб кесиб ўтади. Ҳ.т. да келиб чиқиши ҳар хил (морена, тўғон, карст) кўллар (Искандаркул, Ҳазорчашма, Қўлиқалон, Аловуддин, Зиёрат ва б.) мавжуд. 180 га яқин музлик бўлиб, майд. 148,4 км² дан ортиқ. Ҳ.т.да сурма, вольфрам, симоб, қалай, флюорит, доломит конлари ва иссиқ булоқлар бор. Ёзи салқин, қишқа қиши совуқ, сернам, 2000 м баландликда июлнинг ўртача т-раси 20° бўлса, 3600 м баландликда 0° га тушиб қолади. Йил.нинг ўртача т-раси 3300 м баландликда —15°. Йиллик ёғин жан.-ғарбий ён бағрида 600—1200 мм, шим.-шарқий ён бағрида 300—400 мм. 1200 м баландликдаги типик ва тўқ бўз тупроқлар тарқалган. Баҳорда эфемер ва эфемероидлар, бутлойиқ, шувоқ ўсади. Бутлардан яччиқбеллм, қарагат, дўлана ва б. учрайди. Ййлоқларда чорва боқилади. 1200—2500 м баландликлар орасидаги тог жинсранг, тоғ-ўрмон-қора тупроқлар, тог -ўрмон-кўнгир тупроқларда арчазорлар бор. 2500 м дан юқорида алпи ўтлоқлари бошланади.

Ёввойи сут эмизувчи ҳайвонлардан тог ячкиси, тог кўйи, айиқ, тулки, сувсар, бўрсиқ, қор қоплони, силовсин, қизил сугур, қуларидан тог қуркаси (улар), тасқара, каклик ва б. яшайди. Тизма ҳудудидаги ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар ҳамда ноёб геологик ёдгорликларни ўрганиш ва уларни муҳофаза қилиш мақсадида Хисор, Кўҳитанг, Китоб палеонтологик-стратиграфик қўриқхоналари ташкил этилган.

Мурод Маматқулов.



Хисор тоғлари.

ХИСОР ҚЎРИҚХОНАСИ — Қашқадарё вилоятида, Хисор тог тизмалари ғарбида (Яккабог ва Шаҳрисабз туманлари тоғли ҳудудларида) жойлашган давлат қўриқхонаси. Қизилсув (1975) ва Мироқи (1976) қўриқхоналари негизида ташкил қилинган (1983). Майд. 80986,1 га, шундан 12203 га ўрмонзорлар, 2745 га ўтлоқзор, 171 га сув ҳавзаларидан иборат. Табиий ландшафт мажмуаларн ва Хисор тог тизмаси экотизимларини сақлаш мақсадларида ташкил этилган.

Қўриқхона ўсимликларининг 870 (Ўзбекистон Қизил китобига киритилган доривор ўсимликларнинг тўқлн қаррақ, эгри тикан қаррақ, Бутков астрагали, оқ парпи, Ошанин пиёзи, анзур пиёз қабн 35 дан ортиқ), қушлар ва ҳайвонларнинг 140 дан ортиқ (қора қопқол, турккстон силовсини, қўнғир айиқ, бўрсиқ, оқ бошли қумий, ипсагн, қора лайлак ва б.) турн мавжуд.

ХИСОР-ОЛАЙ ТОҒЛАРИ — Ўрта Осиёдаги тог системаси. Шим.да Фарғона ботиғи, жан.да Помир тоғлари ва Афтоп-Тожикистон ботиғи, ғарбда Қизилқум чўли, шарқда эса Фарғона ва Қашқаа тизмаларининг жан.-шарқий қисми б-н чегараланн. Таркибига *Олай тизмаси, Туркистон тизмаси, Нурота тоғлари, Зарафшон тизмаси* ва *Хисор тизмаси* киради. Улар бир-биридан кичик тектоник ботиқлар ва дарё водийлари б-н ажралаи ва бир қанча тармоқлардан ташкил топган. Ҳ.-О.т.нинг шарқий қисми Қирғизистон, ўрта қисми Тожикистон ва ғарбий қисми Ўзбекистон Республикаларн ҳудудида жойлашган. Барча тизмалар деярли кенглик бўйлаб 900 км дан зиёд масофага чўзилган. Ҳ.-О.т. шарқда Олай тизмаси б-н боғланади. Тизма шим.дан Фарғона ботиғи, жан.дан Олай ботиғи б-н чегараланган ва Сирдарё ва Амударёларнинг сувайиргичидир. Ушбу дарёларнинг қўпгина ирмоқлари (Вахш, Кофарниҳон, Сурхондарё, Оқбура, Исфайрам, Ҳўжабақирғон, Шоҳимардон ва б.) Олай тизмасидан бошланади.

Ҳ.-О.т. гсрёни бурмаланиши даврида шаклланган ва ҳоз. баландлигига кнги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилган. Тизмалар, асосан, палеозой даври чўкинди, метаморфик ва отқинди тог жинсларидан (сланец, қумтош, конгломерат, оҳактош, доломит, граинт, гранодиорит ва б.) ташкил топган. Тизмаларни бир-биридан ажратиб турган ботиқлар, дарё водийлари ҳамда Хисорнинг жан.-ғарбий тармоқлари юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр чўкинди тог жинсларидан тузилган.

Тектоник жиҳатдан Ҳ.-О.т. ахлит ёйрик антиклинорийни ташкил қилса, ҳалқада тизмалар антиклинорийга мос келади.

Ҳ.-О.т. тоғли ўлка бўлганлиги сабабли, тизмалар ён бағирларида баландлик *иқлим минтақалари ифодаланган*. Тизмалар этакларидан юқорига томон иқлим минтақалари алмашиниб боради. Бироқ, улар ҳар қайси тизмада ва уларнинг ён бағирлари экспозицияларида ҳар хил баландликларда жойлашган. Тизмаларнинг 350—450 м баландликкача бўлган қисмлари (тог этаклари), асосан, чўл ва чалачўл иқлим минтақасига мос келади. Бу минтақада ҳаво т-расининг суткалик ва йиллик амплитудаси катта, ёғингарчилик миқдори, нисбий намлик ва булутли кунлар кам. Қиш қисқа, совуқ эмас. Ёз узоқ вақт давом этади. Тизмаларнинг 1500 м баландликкача бўлган қисмида дашт иқлим минтақаси ўрин олган.


Иқлимнинг ўртача т-раси 20—25°, энг юқори т-ра 35—40°. Тоғларнинг ғарбида т-ра шарқий қисмига нисбатан юқорироқ. Январнинг ўртача т-раси —5°, —7°, энг паст т-ра —25°, —30°. Йиллик ёғин 700 мм. Ўртача 1500 м дан 3500 м гача баландликларда типик тоғ иқлим қуқм суради. Бу минтақада иқлим анча совуқ ва нам. Йиллик ёғин тизмаларнинг ғарб ва шим.-ғарбга қараган қисмларида 1000 мм дан зиёд. Ундан юқори қисмида *нивалпзация* минтақа жойлашган.

Ҳ.-О.т.дан бошланадиган барча дарё *ва сойлар Сирдарё*, Амударё, Зарафшон дарёлари ҳавзасига мансуб. Олай, Туркистон, Нурота тизмаларининг шим. ён бағирларидан бошланадиган ҳамма дарёлар (Қуршаб, Оқбура, Аравон, Исфайрам, Шоҳимардон, Сўҳ, Исфара, Хўжабақирғон, Оқсув, Зомин сув, Сангзор ва б.) Сирдарё ҳавзасига қарайди. Олай, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор тизмаларининг жан. ён бағирларидан бошланувчи дарёлар (Вахш, Кофарниҳон, Сурхондарё, Қашқадарё ва б.) Амударё ҳавзасига мансуб. Ҳ.-О.т.дан бошланувчи дарёлар ҳавзасининг юқори қисмларида кўплаб музликлар ва доимий қор қопламлари мавжуд. Дарёлар ёмғир ва максимий қорлар эришидан ҳамда ер ости сувларидан тўйинади.

Ҳ.-О.т.да келиб чиқиши ва катта-кичиклиги турлича бўлган кўллар (Искандаркўл, Маргузор, Яшилкўл, Қўкқўл, Кучинди, Шалактамо кўл, Оқтол, Шахшибайтқўл, Ўртадовон, Бақалоқ, Суйчиқти, Азарчашма, Қўлқалон, Гушор, Чалдара, Бунинкўл, Нежиган, Нофин, Ҳурдак, Ҳазарчашма ва б.) бор.

Тупроқ ва ўсимликлар баландлик минтақалари бўйлаб тарқалган. Уларнинг тарқалишига тизмалар ён бағирларининг кунгай ёки терскайлигининг ҳам катта таъсири бор. Тизмалар этакларида ҳарорат анча баландлиги ва кам ёғин тушганлиги туфайли чўл ва чалачўл, даштларга хос тупроқ ва ўсимликлар тарқалган. Тизмаларнинг ўртача баланд қисмларида тупроғи кулранг ва жигарранг тупроқлар. Бу *тупроқларда кенг барглн ўрмонлар* ўсади. Олай ва Туркистон тизмаларининг шим. ён бағирларида 1900—2000 м дан 3000 м гача баландликларда жигарранг, қўнғир тупроқларда арчаэор тарқалган. Арчалар остида бетага, юган ва б. дашт ўсимликлари ўсади.

Денгиз сатҳидан 2800—3000 м баландликларда субальп баланд тоғли минтақаси жойлашган бўлиб, у ерларда тог-ўтлоқ-дашт тупроқлари тарқалган. *Бу минтақада даштларга* хос ўсимликлар 6-ж бирга бирлик соябонгуллилардан иган, камол, севчек, баъзи бир жойларда бўларга оқ сўхта, қўнғирбошлар аралашиб ўсади. 3000 м дан баланда алып минтақаси жой-




лашган. Минтақада тог-ўтлоқ-дашт ярим торфли тупроқлар учрайди. Усимлик қоплами паст бўйли криофит даштлидир. Ундан юқорида субнивал минтақа жойлашган бўлиб, тупроқ, ўсимликлар баъзи ерларгагина учрайди. 3600—4000 м баландликлар нивал-глянцнал минтақалан иборат. Минтақа катта қисмлари ялпи қор, тошлоқ, қор, музликлар б-н қопланган.

Мурод Маматқулов.

ҲИСОРАК СУВ ОМБОРИ — йирик гидротехника иншоотн. Қашқадарё вилоятидаги Қашқадарёнинг ирмоғи бўлган Оқсув дарёси ўзанида барпо этилган. Шаҳрисабз туманн Мироқи шаҳрчасидан 1,5 км узоқликда жойлашган, 1983—88 й.ларда қурилган. Умумий ҳажми 170 млн. м³, фойдали ҳажми 161,6 млн. м³. Тош-тупроқли тўғони уз. 666 м, бал. 138 м, сув юзаси 4,2 км², сув чиқарувчи иншоотнинг сув ўтказиш имконияти 200 м³/с. сув ташлама иншоотники 130 м³/с. Ҳ.с.о. тўғон, сув чиқариш, сув ташлама иншоотлари, сув келтирувчи ва сув чиқарувчи каналлар, дренаж тармоқлари б-н жиҳозланган.

ҲИСОРИ ҚЎЙ ЗОТИ — гўшт-ёғ йўналишидаги думбали, дағал жунли қўй зоти. Тожикистоннинг Ҳисор тоғи этакларида халқ селекцияси йўли б-н чиқарилган қад. қўй зотларидан бири. Ҳ.к.д. танасининг уз. ва кенглиги, йирик думбаси, тог шаронтига ва ийлоқлаш-яйловга кўчишга мослашганлиги, тез етилиши, кенг кўкрак қафаси, бақувват оёқлари б-н бошқа думбали қўйлардан фарқ қилади. Кўчқор ва совлиқлари тўқол. Туси малла, қўнғир, қора, камдан-кам оқ. Кўчқорларининг қарчиғай баландлиги ўртача 87 см, уз. 85 см, совлиқларининки 79 ва 75 см. Кўчқорларининг тирик вазни 110—120 кг (160—180 кг), совлиқларининки 80—90 кг (110—115 кг)гача, думбаси ўртача 15—20 кг (30 кг гача), 4,5—5 ойлик эркак кўзиларнинг тирик вазни 50—54 кг, семпуштлиги 110—120%. Ҳ.к.д. серсут қўйлар ҳисобланади ва совлиқ сути кўзиларнинг парвариш.ашга сарфланади. Жун сифати паст. Кўчқорларидан 1,3—1,5 кг, совлиқларидан 1—1,2 кг жун қирқиб олинади. Жуни фақат намат (кигиз) тайёрлашда ишлатилади. Соф ҳолда Тожикистон ва Ўзбекистон («Бойсун» ва «Ҳисор» наслчилик ширкат хўжаликларида)да кўпайтирилади. Йил бўйи яйловда боқилади.



Ҳисори қўй зоти кўчқори.

Ҳисори қўйлардан бошқа думбали қўйларнинг зот хусусиятларини яхшилашда, янги зотлар чиқаришда фойдаланилади. Ҳ.к.д. иштирокида *Тожикистон қўй зоти* чиқарилган.

Ад.: Фарсухонов С.Н., Гиссарская порода овец, Душанбе, 1981.

Абдусаттор Аминов.

ҲИССИЁТ — шахснинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга ҳамда ўз-ўзига бўлган муносабатларидан келиб чиқадиган кечималари. Шахс тирик мавжудот бўлиши б-н бирга жамият аъзоси ҳамдир; шунингдек, якка инсон сифатида теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларга муносабатини холисона акс эттиради. Инсон муносабатлари унинг моясида тирик, совлиқларининки 80—90 кг (110—115 кг)гача, думбаси ўртача 15—20 кг (30 кг гача), 4,5—5 ойлик эркак кўзиларнинг тирик вазни 50—54 кг, семпуштлиги 110—120%. Ҳ.к.д. серсут қўйлар ҳисобланади ва совлиқ сути кўзиларнинг парвариш.ашга сарфланади. Жун сифати паст. Кўчқорларидан 1,3—1,5 кг, совлиқларидан 1—1,2 кг жун қирқиб олинади. Жуни фақат намат (кигиз) тайёрлашда ишлатилади. Соф ҳолда Тожикистон ва Ўзбекистон («Бойсун» ва «Ҳисор» наслчилик ширкат хўжаликларида)да кўпайтирилади. Йил бўйи яйловда боқилади.

Ҳисори қўй зоти кўчқори.

Ҳисори қўйлардан бошқа думбали қўйларнинг зот хусусиятларини яхшилашда, янги зотлар чиқаришда фойдаланилади. Ҳ.к.д. иштирокида *Тожикистон қўй зоти* чиқарилган.

Ад.: Фарсухонов С.Н., Гиссарская порода овец, Душанбе, 1981.

Абдусаттор Аминов.

ҲИССИЁТ — шахснинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга ҳамда ўз-ўзига бўлган муносабатларидан келиб чиқадиган кечималари. Шахс тирик мавжудот бўлиши б-н бирга жамият аъзоси ҳамдир; шунингдек, якка инсон сифатида теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларга муносабатини холисона акс эттиради. Инсон муносабатлари унинг моясида ҳис-туйғулар, эмоционал ҳолатлар, юксак ички кечинмалар тарзида акс этиши Ҳ.ни кучга келтиради. Ҳ. тушунчаси кундалик турмушда ва илмий манбаларда қар хил маънолар да қўлланади. Кундалик турмушда Ҳ. тушунчаси ўринга сезгилар, англанмаган майллар, ҳожишлар, тилаклар, талаблар, мақсадлар атамаларидан фойдаланилади. Илмий манбаларда эса, шахснинг эҳтиёжини қондирувчи ва унга мойлик қилувчи нарсаларга, кишиларга нисбатан ўз муносабатини миқсида акс эттириш маъносида қўлланади. Ҳ. билан эмоция бир хил маънода ишлатилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Киши тана аъзоларида ранглариниг ўзгариши, лабларнинг титраши, кулги, йиғи, гамгинлик, иккиланиш ва б. эмоция ифодаси ҳисобланиб, ватанпарварлик, жавобгарлик, масъулият, виждон, севги кабн юксак ҳислатларни эмоция таркибига киритиш тайратлий ҳодиса ҳисобланар эди. Ушбу ҳиссий кечинмалар ўзининг моҳияти, куч-қуввати, давомийлиги, таъсирчанлиги, йўналганлиги б-н бир-биридан кескин фарқ қилади. Шу боис уларнинг муҳим фарқи шундаки, биринчиси (Ҳ.) ижтимоий, иккинчиси (эмоция) ҳусусий ҳодимат касб этади. Шахснинг фаолияти, хулқ-атвори, муомаласи ҳамда жамият учун аҳамиятли ҳисобланган нарса ва ҳодисаларни акс эттирувчи муносабати Ҳ.да мужассамлашади. Эмоция фақат инсонларга эмас, мавжудотларга ҳам тааллуқли руҳий ҳолатдир. Ҳ. ижтимоий мҳитдаги кишилар томонидан ўзлаштирилган гоялар, меъёрлар, қонун-қоидалар, низомлар, қадриятларни акс эттирувчи англанилган ҳис-туйғуни, мураккаб кечималарнинг вужудга келиши жараёнидир. Ҳ.да юксак ҳис-туйғулар онгли ҳаракатларни бажарилишнинг мазмуни б-н уйғунлашган шахс ҳолатининг мураккаб таркибида кечади. Мас., меҳнатдан лаззатланиш ҳислари, ижодий, ақлий, нафосат туйғулари Ҳ.нинг ўзаги бўлиб ҳисобланади. Жониворлар эса бундай имкониятларга эга эмас. Ҳ.нинг физиологик асоси бош мия катта ярим шарлари пўстида ва пўстлоқ ости қисмида юзага келадиган нерв жараёнларидир.

Эргаш Ғозиев.

ҲИШМАТ (тахаллуси; исм-шарифи Мир Муҳаммад Сиддиқ ибн Музаффар) (1854 — тахм. 1927) — тарихчи ва талқинчинавис олим, шоир, хаттот. Амир *Музаффар*нинг ўғли. Укаси *Абдулаҳад* тахтга ўтиргач, 35 й. умрини уй қамоқида ўтказган. БХСР тузилгач, амир *Олимхон*нинг талаби б-н Кобулга юборилган (1923 й. июль). Ҳ. турли жанрларда 30 га яқин асар ёзган. Жумладан, «Девони Ҳишмат», илми нужумга оид «Маъмуаи Зоиқа аҳкоми нужум» («Юлдузлар ҳолати асосида тоденомалар мажмуи») ва б. Ҳ.нинг



«Тазкират ас-Салотин» («Шоҳлар китоби») тарихий тазкираси 15—20-аларда шеърлар битган ҳукмдорларга бағишланган. Ҳ. антобиографик характерга эга «Дуррат ат-тож», «Тазкират аш-шуаро» («Шоҳлар тазкираси») тазкираларини ҳам ёзган. Ҳ. асарлари қўлёзмалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади.

ХИҚИЛДОҚ (Larynx) — нафас йўлининг бурун бўшлиғидан кейинги қисми бўлиб, овоз ҳосил қилиш вазифасини ҳам бажаради. Ҳ. ҳавонинг трахеяга ўтишини таъминлайди ва унга қаттиқ, суюқ моддалар тушишига тўсқинлик қилади. Ҳаво бурун бўшлиғидан ўтганда исийди, тозаланади, намланади, аввал қалқумнинг бурун-қалқум қисмига, кейин овоз қисмига ва ниҳоят, Ҳ.ка етиб боради. Лекин овоз б-н нафас олганда ҳам ҳаво овоз бўшлиғидан Ҳ.ка етиб боради, бунда ҳаво исимайди ва тозаланмайди, шунинг учун бурундан нафас олиш тўғри ва фойдали.

Ҳ. бўйинининг олд томонида жойлашганидан Ҳ. дўнги айниқса озғин эркакларда яхши кўриниб туради, уни кекирдак олмаси дейилади.



Ҳиқилдоқ бўшлиғи: 1 — ҳиқилдоқ даҳлизи; 2 — овоз бурмаси; 3 — ҳиқилдоқ даҳлизи бўкилмоғи; 4 — ҳиқилдоқ бўшлиғи.

Одам гапирганда, йўталганда, ашула айтганда Ҳ. осон ҳаракатланади. Ҳ. тоқ (узуксимон, қалқонсимон) ва жуфт (чўмичсимон, шохсимон) тоғайларининг бойламлар, мускуллар ёрдамида ўзаро бирикишидан вужудга келади.

Ҳ.да овоз бойламлари жойлашган бўлиб, улар нафас олганда қаттиқ ёки секин гапирганда муайян ҳолатни эгаллайди, бунда овоз ёриғи тоқ кенгайиб, тоқ тораяди. Ҳ.нинг жинсий фарқи жуда барвақт маълум бўлади; 3—7 яшар қизларининг қиқилдоғи шу ёшдаги ўғил болаларникига қарағанда кичик ва калта, бу фарқ айниқса балоғат ёшига етганда яққол кўзга ташланади. Ҳ.нинг шакли ва тузилиши ички секреция безларининг фаолияти таъсирида ўзгаради.

ҲИҚИЧОҚ ТУТИШИ — одам нафас олганда, диафрагма рефлектор қисқариб нафас йўлидан ўзига хос товуш чиқиши, бу диафрагманинг тортишиб қисқариши натижасида рўй беради. Ҳ.т. мутлақо соғлом кишиларда ҳеч қандай сабабсиз пайдо бўлиб, одатда, безарар ва тез ўтиб кетади. Чуқур нафас олганда, бир оз вақт нафас олмай турганда, бир-икки қултум совуқ сув ичганда Ҳ.т. бирмунча енгиллашади ёки тўхтайди. Ҳ.т. айрим касалликлар белгиси бўлиши ҳам мумкин.

Замонавий тиббиёт бу касалликнинг келиб чиқишини қорин бўшлиғидаги баъзи бир касалликлар, хусусан аллиғланиш, шунингдек, бош ва орқа миянинг шикастланиши, асабнинг бузилиши б-н боғлайди. Шарқ халқ табобати Ҳ.т.нинг асосида шамоллаш ётади деб тахминлайди. Табиатан бу дарз ҳўл-совуқ мизожли одамларда пайдо бўлади. Ҳ.т.нинг нафас йўллари, қизилўнгач, меъда деворларининг шамоллаши б-н боғлиқлиги бор, унинг келиб чиқишига шамоллашдан ташқари, пала-партиш овқатланиш, узоқ вақт ҳаммомга тушмаслик ва ҳ.к. ҳам сабаб бўлади. Ҳ.т., айниқса, унинг қуруқ юракка, меъдага нохуш таъсир қилади, бу бошқа ички аъзоларнинг ўзаро мутаносиб иш фаолиятини издан чиқаради. Ҳ.т. тўхтамаслан узоқ давом этса, унинг сабабини аниқлаш учун врачга мурожаат этиш ва зарур бўлганда тегишли даволанши курсини олиш керак. Даво Ҳ.т.га сабаб бўлган омилни бартараф этишдан иборат; оғтобда тобланиш, ҳаммомга тушиб терлаш, ҳар куни ётишдан олдин оёқ тагига аёал туғриш (оёққа аёал суркалгач целлофан ёпиштириб, устидан оддий пайпоқ кийиб ётиш), ширик жой қилиш каби халқ табобати усулларини қўллаш яхши наф беради.



Ситораи Моҳи Хоса саройи олдидаги ҳовуз (Бухоро).

ҲОВЛИ — меъморликда атрофи девор б-н ўралган уй-жойли саҳн, майдон; оила яшайдиган уй, шу уйга қарашли саҳн ва майдон ҳам Ҳ. деб аталади. *Турар жойнинг* таркибий қисмини ташкил этади. Жумладан, мусулмонлар дунёсида Ҳ. ички (*ичкари*) ва ташқи (*ташқари*) қисмлардан иборат; айрим хонадонларга тандирхонали, утинхонали, молхонали ораға Ҳ.лар ҳам бўлади.

ҲОВЛИ ТЎЙИ — хонадонинг янги турар жойга кўчиб ўтишини нишонлаш маросими. Қадимий анъаналардан ҳисобланган. Ҳ.т. оилангинг уйли-жойли бўлиши, янги кўчи-кўпиларда б-н яқинлари таништиш шарафига ташкил қилинади. Ҳ.т.га қариндошлар, дўстлар ва маҳалла аҳли (баъзан имом-ят қўрган устаҳар ҳам) таклиф этилади. Меҳмонларга зиёфат берилади.

ҲОВОНЧА — рўзғор буюми. Асосан, қуруқ озиқ-овқат маҳсулотлари, доривор ва ҳ.к.ни майдалаш, толқон қилиш учун ишлатилади. Кўпинча чўян, алюминий ва жездан ясалган.

ҲОВУЗ — сув йиғиш ва сақлаш учун қазилган чуқур жой; инчиклик суви сақланадиган сунъий *сув ҳавзаси*. Ҳ.нинг тўртбурчак, айлана, кўп (6—8) қиррали кўринишга эга турлари мавжуд. Ўрта Осиё ва Яқин Шарқнинг айрим мамлакатларида кент тарқалган; асосан масжидлар ёнида шаҳар-лар майдонлари, боғлар, чорбоғлар, сарой ҳовлиси ва б.да бунёд этилган; атрофи тошлар б-н қопланб ёки дарахтлар экиб мустаҳкамланган. Ҳ.лар *фавворалар* б-н боғлиқ бўлган. Ҳ.нинг қадимдан меъморликда аҳамияти катта бўлган. Қад. Миср ва Ўрта Осиё тўғри тўртбурчак шаклидаги Ҳ. йўлкининг 2 томонида бунёд этилган. Кейинчалик меъморий мажмуалар мужассамотида

Ҳдан унумли фойдаланила бошланган; Аградаги Тоҳмҳад, Бухородаги Сиғорак Мояк Хоса, Лабиховуз, Болоҳовуз ва б. шулар жумласидан. 18-а.га оид ёзма манбаларда қайд этилишича, Тошкентнинг марказий майдони — Регистон ва Шайхонтоҳура энг катта Ҳлар бўлган, унинг атрофида тут, чинор дарахтлари ўсган, қўлёзмаларга ишланган миниатюраларда ҳам Ҳ. ўз ифодасини топган. Туркия мемориалигила уй деворларга тақаб ярим айлана шаклида бунёд этилган Ҳлар ҳам учрайди. Мармар қопланб ишланган Ҳ. бежирим кўринишга эга бўлган, сиртлари равоқлар, гулдасталар, жез панжаралар б-н безатилган.

Бухоро шаҳрида 300 дан ортиқ Ҳ. бўлганлиги 19-а. дужжатларида қайд қилинган. 20-а.да эса санитария талаблари баҳонаси б-н аксари Ҳлар қуритиб ўрнига бинолар қурилган. Ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида табиий шароитларни ҳисобга олган ҳолда Ҳ. (сув ҳавзалар) бунёд этилади, улар фаворалар б-н уйғунликда ажойиб манзара, ўзлим маскалар ҳосил қилади. Шунингдек, сузишга мўлжалланган Ҳнинг сути очиқ ва ёпиқ турлари кўплаб қурилади.

ҲОВУЗ БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ — балиқларни ҳовузларда (сунъий ҳавзаларда) урчитиш, боқиш, табиий сув ҳавзалари учун балиқ чавоқлари ҳамда халқ истеъмоли учун товар балиқ етказиб бериш б-н шуғулланадиган хўжалик (қ. *балиқчилик*).

ҲОВУЗАК, *ҳавзак* — хона, айвон шифтидаги чуқурча; меъморий шакл. Ўзбек меъморлигида 19-а. охири — 20-а. бошларидан кенг қўллана бошланган. Бино шифти бўлак (кессон)лларга бўлиниб Ҳ. ишланган. Ҳ. айлана, тўртбурчак, юлдуз ва қўп қиррали шаклларда бўлиб, бўяма нақшлар б-н, баъзан мармарлаш б-н зийнатланган. Ҳ. *васса, шарафа, тўсин, устун, бошлар* б-н бирга шифтнинг юзасидаги кўринишини ҳосил қилади. Тошкент (ҳоз. Амалий санъат музейи ва б.), Фарғона (Қўқонлари *Худоёрхон ўрдаси* ва б.), Бухоро (Болоҳовуз меъморий мажмуи ва б.)нинг меъморий ёдгорликларида Ҳ. кенг қўлланган. 20-а. — 21-а. бошлари ўзбек меъморлигида усталар жамоат ва турар жой бинолари (айниқса, фанерли шифтлар)да Ҳ.ларни қўллаб биноларнинг ички кўркамлигини бойитмоқда. Жумладан, Самарқанддаги Имом *ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида* уста А.*Абдуқаюм* ишлаган Ҳ.лар бинога янада кўрк бағишлаган.

ҲОДИ ТОҚТОШ (тахаллуси; асл номи Тоқтошев Ҳоди Хайруллаевич) (1900.20.12, Тамбов губернияси Спасское қишлоғи — 1931.8.12, Қозон)— татар шоири. Тиркичилик ташвишти б-н 1915 й.да Бухорога кўчиб келиб, 1917 й. воқеаларига қадар шу ерда яшаган. 1921 й. Туркистон қўшинлари таркибида Тошкентда хизмат қилган, айни пайтда қисқа муддат Коммунистик ун-тда татар тили ва адабиётидан дарс берган. 1922 й.да Оренбургга бориб, «Йўқсиллар сўзи» газ.да ишлаган. Сўнгра Қозонга кўчиб борган ва қизғин адабий фаолият б-н машғул бўлган.

Ижоли 1918 й.да бошланган. У Шарқ романтик шеърияти анъаналари руҳида «Азроиллар» (1916), «Ўлдирилган пайғамбар» (1918), «Унутилган қасам» (1921) сингари шеърлар, «Ер ўғлонлари» (1922) шеърий трагедиясини ёзган. Ҳ.Т.нинг «Сирқида овули», «Довудлан сўнг» (1924), «Муқамай» (1929) достонларини, «Тонг шабадаси» (1928—29) туғалланмаган романи ва б. асарларида 20-й.лардаги инқилобий воқеалар ўз аксини топган. Шоирнинг «Муҳаббат тавбаси» (1927), «Алсу» (1929) достоинлари ва «Йўқолган ғўзаллик» (1928) драмасида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси б-н боғлиқ масалалар кўтарилган. Татаристонида жамоалаштириш кампаниясининг ўтказилиши маъзусига бағишланган «Комил» (1930) драмаси ўз даврида татар драматургиясининг тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

Ҳ.Т. татар шеъриятига янги мавзулар б-н бирга янги оҳанглар олиб кирган, қофия имкониятларини кенгайтириб, татар адабиётини янги шеърий шаклар б-н бойитган.

Ҳ.Т. Ғафур Ғулом, Ғайратий, Амин Умарий, Шокир Сулаймон ва б. ўзбек шоирлари б-н ижодий алоқада бўлган. Унинг «Келажакка хатлар» (1931) достони ва бир неча шеърлари ўзбек тилига таржима қилинган.

ҲОДИ ФАЙЗИ (1895, Авлиёота — 1937) — мазрифатпарвар. Бошланғич таълимни қишлоқ мактабида олган, сўнгра Уфадаги Ғолия янги усул мадрасасида ўқиган. 1910 й. Туркистонга келиб мазрифатпарварлик фаолияти б-н шуғулланган. Туркистон ўлкаси қишлоқ ва шаҳарларида ўқитувчилар тайёрлаш курсларини очган. 1917 й.га ча «Ожиз» газ. муҳаррири. Маҳаллий миллат вакилларидан ўқитувчилар тайёрлайдиган Кўқон халқ ун-тини ташкил этишда қатнашган (1918), шу ун-т ўқитувчиси. «Халқ газетаси» муҳаррири. Скобелев (Фарғона) ш.да вилоят ўқитувчилар курсларини ташкил этган, мат.дан дарс берган (1919). Мазориф ин-тида мат. ўқитувчиси (1920). 1921—22 й.ларда партия ишларида. Москвадаги ўзбек талабалари ўқийдиган «Бухоро маориф уйи» директори. Ҳ.Ф. Ўзбекистонда напрнёт иши тараққиётида фаол қатнашган. 1937 й. деқ.да қатағон қилинган. Ижтисодиёт назарияси ва тарихи оид асарлар ёзган. 1956 й. оқланган. Самарқанд.даги кўчалардан бирига номи берилган.

ҲОДИЕВ Сайфуддин (1950.4.8, Қитоб тумани) — спортчи, самбо бўйича 2 карра жаҳон чемпиони (1974, Улан-Батор; 1975, Минск), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий (1983), Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (1992). Ҳ. самбонинг 48 ва 52 кг вазн тоифаларида бир неча марта Ўзбекистон чемпиони (1968—72), шунингдек, эркин кураш бўйича спорт устаси (1968), Ўзбекистон чемпиони (1968—72), дзюдо бўйича спорт устаси (1973), халқаро мусобақа ғолиби (1983, Олмалиқ). Ҳ. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-ти (1972), Тошкент ун-тининг юридик ф-тини (1983) тугатган. Ҳ. Қитоб туманида спорт мураббийси (1972—73), ҳарбий хизматчи (1973—80), Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида бош мураббий (1980—89), Тошкент ш. адвокатурасида адвокат (1994 й.дан).

ҲОДИСА — қ. *Моҳият ва ҳодиса.*

ҲОЖИ — ҳаж маросимларини тўлатўкис бажарган шахснинг унвони. Ҳажга борган кишилар номига Ҳ. сўзини қўшиб айтиш одат бўлган (мас., Аҳмад ҳожи, ҳожи бува, ҳожи ота, ҳожи она ҳ.к.). Айрим ҳолларда Ҳ. сўзи исм олдидан айтилади. Ҳ. — бир-роқ имтиёз берадиган мансаб ёки лавозим эмас. У кишига жамоада камтарин, тақводор, ҳусни хулқ бўлиб юриш масъулиятини юклайди. Яна қ. *Ҳаж.*

ҲОЖИ БАРЛОС (? — 1361) — Соҳибқирон *Амир Темур*нинг амакиси. Моваройуннаҳрнинг нуфузли ва йирик бек(амирлар)идан. Амир Қазағоннинг ўғли амир Абдуллоҳ ўз қароргоҳини Самарқандга кўчирмоқчи бўлганда норози беклар томонидан ўлдирилган, амир Боён Сулдуз ва амир Ҳ. Б. мамлакатни ўз қўлларига олиб, илгора этиш ва халқ осойишталигини таъ-

ниқошга ҳаракат қилдилар. Кеш ш. ҳтларидан Содиқбиров ва амир Ҳ.Б. ақлодлари таъқиб бўлган. Ҳ.Б. умўли балиқ бек бўлишига қарамай комбаин журъатсиз ва қўрқоқ шахс эди. 1360 й. у Жет сипоҳининг бостириб кпганидан қўрқувга тушган ва қадим қ ргани ғтлиборсиз қолдириб, Хуросон томон хдланди. Хуросондан қайтган Ҳ.Б. амир Бозанд б-н яттифоқ тузиб Амир Темурга қарши Оқўр мавзеида жангга кирди ва мағлубиятга учраб, Самарқандга қочди. Маълум мддатдан сўнг Ҳ.Б. Сохибқирон б-н ярашди ва улар амир Хизр устига қўшин қилиб, ғалаба қозонишдали. 1361 й. Жете цқомлари Тўғлуқ Темурхон вафоти бор Моварауннаҳрга чериқ тортиб келганда Ҳ.Б. ваҳима ва қўрқувга тушиб Кеш томонга, у ер-дан Жайҳунни кечиб ўтишга жазм қилади. Сабзавор вилоятининг Жўян туманидаги Хўроша қишлоғига етган чоғида шу жойнинг бир тўда исёнкорлари уни бирдаари Идику б-н тутиб олиб, қатл этадилар.

Ал. Ниёзмаддани Шоҳна, Зафарнома, Т. 1996; Шарафуддин Али Яздий, Зафарнома, Т., 1997.

ҲОЖИ ГАЗ-КОНДЕНСАТ КОНИ — Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги кон. Газли ш.дан 50 км жан.да 1969 й. топилган ва ишга туширилган. Кон Чоржўй тектоник погонасидаги Чоржўй қатламсимон шим. қисмида жойлашган, гарбий қисмида 4 та кичик қуббасимон структура мавжуд. Ҳ.г-к.қ.да палеозой эраси, юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр жинсларида жами 14 та бурғи қудуғи қазилган. Саноат миқёсидаги газланган юқори юра даврининг карбонат жинсларидаги горизонтларда аниқланган.

15–1-горизонтнинг ўрта қисмида жқсулаган қат жойлашган бўлиб, *2151–2177* м чуқурликда очилган, карбонат, тиз ва ангидритлардан таркиб топган. Газ ўюминнинг ўлчами *8×6,5* км, бал. 30 м. 15–2-горизонт 2175–2203 чуқурликда очилган, карбонат ётқизиқларининг қуйи қисмида жойлашган. Газ ўюмининг ўлчами *7×6* км, бал. 26 м.

Газ уюмлари типи қатламли, гумбазли. Иккала горизонтдаги газларнинг кимёвий таркиби бир-бирига ўхшаш. Газ зичлиги 0,630 г/см³, қуруқ, ўртача конденсатли, юқори олтингугуртли, кам азотли. Конденсат зичр (0,82 г/см³), олтингугуртли, кам ивиши. Ҳоз. қудуқ қон саноат миқёсида фойдаланишга тайёрланган.

ҲОЖИ ГАРАЙ, Давлат Ҳожи Гарай (? — 1466, Боқчасарой) — *Қрим хонлари ва ғарайлар* сулоласи асосчиси. Дастлаб *Олтин Ўрда*да тоҳе бўлган Қрим хонлигини бошқарган (1428 й.дан). Ўзаро урушлар натижасида тахтдан айрилган. Сўнгра Қримга қайтиб (1432), генуяликларнинг қўшинини тор-мор қилган ва тахтини қайта эгаллаган (1434). Бироқ *Қозон хонлиги* асосчиси *Улуғ Муҳаммад* қўшини томонидан мағлубиятга учраб, Литвага қочган ва князь Сигизмунд Кейстутовичдан Лиду ш.ни мулк сифатида олган (1435). Кейинчалик Ҳ. Г. Буюк Литва князи Казимир IV ердамида Қрим хони деб эълон қилинган (1443). У Усмонли турк султонидаги б-н қарбий иттифоқ тузиб (1454), генуяликларга қарши муваффақиятли уруш қаракатларини олиб борган. 1461 й.да *Аҳмад* б-н биргаликда Саид Аҳмадга қарши курашган. 1465 й.да Олтин Ўрда қўшинига ҳужум қилиб, уларнинг Москвага қилмоқчи бўлган ҳарбий юришини халақит берган.

Ҳ.Г. вафотидан сўнг унинг тўнғич фарзандлари Нур Девлат ва Ҳайдар б-н кичик ўғли *Менгли Гарай* ўртасида ҳокимият учун кураш бошланган ва бу курашда Менгли Гарай голиб чиққан.

Ад.: Тунмани, Крымское ханство (Перевод с немецкого), Симферополь, 1991; Греков Б.Д., Якубовский А.Ю., Золотая Орда и ее упадок, Т., 1964.

ҲОЖИ МУИН Шукрулло ўғли (1883.15.3, Самарқанд — 1942.27.7, Россия, Пермь вилояти Соликамск ш.) — маърифатпарвар, шоир. 1901 й.да ҳаж сафаридан қайтгач, мактаб очиб, болаларни ўқитган. Аввал эски усулда, 1903—16 й.лар янги усулда муаллимлик қилган. Изгор жадид муаллими сифатида танилган. «Раҳнамон савол» алифбе дарсларини ёзган (1908). «Самарқанд» газ. ва «Ойна» жур.ида ишлаган (1913—15). Россияда мардикорликда бўлган (1916—17). Самарқандга қайтгач, «Ҳуррият» (1917—18), «Меҳнаткашлар ўқи», «Меҳнаткашлар товуши» (1918—22), «Зарафшон» (1922—26), «Овози тожик» (1926—29) газ.ларн, «Таёқ» (1919), «Машраб» (1922—26). «Мушфиқий» (1926—29) жур.ларида ишлаган. 1929 й.нинг 29 сент.дан 3 йил Сибирда сургунда бўлган. Сургундан қайтгач, Ўзбекистон давлат нашриётининг тожик бўлимида адабий ходим (1932—34). «Қизил Ўзбекистон» газ. муҳбири (1934—37). 1938 й. 24 янв.да ноҳақ қибста олиниб, НКВД қошидаги учлик ҳукми б-н 10 йилга қамалган. Ҳукмни ўташ чоғида ҳалок бўлган.

Ҳ.М.нинг ижоди 1900 й.лардан шеърлар ёзиш б-н бошланган. «Нажиф» (Ожиз), «Мехрий» тахаллуслари б-н анъанавий мавзуларда шеърлар ёзган. 1908 й.да ижодий қарашларида кескин бурилиш бўлиб, М.Беҳбудий тақлидида маърифатпарварлик руҳида шеърлар ва публицистик мақолалар ёза бошлаган. «Гулдастаи адабиёт» (1914), «Янги адабиёт» (1915) шеърий тўпламларини чоп эттирган. Фитратнинг «Мунозара» асарини ўзбек тилига таржима қилган (1913). Туркистон мавзусида публицистик мақолалари б-н фаол қатнашган. 1914 й.да Нусратулло Қурратулло ўғли б-н «Тўй» пьесасини ёзган ва чоп эттирган. «Тўй» М.Беҳбудийнинг «Падаркушндан кейин саҳналаштирилган 2-ўзбек пьесасидир. «Эски мактаб — янги мактаб», «Кўконор», «Мазлума хотин» пьесаларини ёзиб, уларни алоҳида китоб ҳолида чоп эттирган (1915).

Ас.: Танланган асарлар, Т., 2005.

Ад.: Зиё Саид, Ўзбек ижтимоий матбуот тарихига материаллар [Танланган асарлар], Т., *1974*.

Рустам Тожибоев.

ҲОЖИ ТАМ-ТАМ (аслида Ҳомидов Ҳожи Қурбон, *1888* — Самарқанд — 1964.24.1) — халқ қизиқчиси. Эски мактабда саводҳ чиқарган. Ёшлигидан халқ сайилларида ҳофизлар, машшоқлар, назм ахли орасида бўлиб, ашула йўлларини, муқаддима қилишни ўрганади. Машҳур хонанда *Ҳожимбдулхаят* Абдурасулов б-н ҳамқорлик қилган. Ҳ.т-т.асини тури — ширинкорлиқнинг, шунингдек, доира чалиш, чўп ва қайроқ б-н ижро этиладиган ўйинларнинг устаси бўлган. Одатга у қўшиқ айтганда, ўзига ўзи соз б-н эмас, балки «тамтам» деб рубобнинг жарангига қилинадиган тақлидий оҳанги б-н жўр бўлган. Шу боис халқ уни Ҳ.т-т. деб аттан. 1937 й. Москвага ўтган ўзбек санъати декадасида, Каттақўрғон сув омбори ва Катта Фарғона канали қурилишларида қатнашган. Самарқандлари Ёш томошабинлар театри (1942—43), Мусиқали драма ва комедия театрида (1943—47) ишлаган. Унинг репертуарида ўзбек, тожик, озарбайжон, ўйғур, рус халқ қўшиқлари, лапар ва латифалари, муқаллидлари катта



ўрин тутган. Ҳ.Т.-т. айтган «Карима кўйлак киядн», «Колхозга кирдим», «Ялла-ялла», «Бор-бора бормайман», «Омон-омон», «Энё яхо», «Меравам», «Ука, чилим чекманг», «Ёхал из вярмарки ухаря» каби қўшиқлар оммалашган. *Шунингдек, у Хожибабуловлар*, Лели Бобохонов, Домла Халим Ибодов ва б.га тақлид-пародия ҳам қилган. Дони Зокиров, Набижон Ҳасанов, Шариф Акромов каби бастакорлар ундан қўшиқлар ўрганишган. **ХОЖИ ХАЛИФА** — қ. *Котиб Чолабий*.

ХОЖИ ЮСУФ ҲАЙЪАТИЙ (Хожи Юсуф Марифаъ ўғли) (1842 — Ҳўжанд — 1924) — маърифатчи, саёҳ. Диний мактабда ўқиган бўлса-да, астрономия, табиият, геогр. фанларига қизиққан. Арабистон ва Европа мамлакатларига саёҳат қилган. Ўша мамлакатлар тўғрисида маълумотлар тўплаган. Ҳ.Ю.Ҳ. 11 та катта-кичик *глобус* ясаган. 19-а.нинг 80-й.ларида ясаган энг катта глобуси (бўйи 117 см, шарининг айланаси 160 см, масштаби 1 см да 250 км) Самарқанддаги *Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейида* сақланади. Глобуста белбоғ тарзида 12 бурж доираси ўрнатилган, қариб 6 мингга жой номи ёзилган. Сайёҳнинг Қуръон ҳаритасини чизгани, «Фалакиёт» асарини ёзгани маълум.

ХОЖИАБДУЛАЗИЗ Абдурасулов (Расулов; 1852 — Самарқанд — 1936) — хонанда, созанда (танбур, дутор), бастакор, Ўзбекистон халқ артисти (1932). Танбур ижрочилиги ва *Шашмақом*нинг чолғу йўлларини Хожи Раҳимбердидан, дафиздик санъати сирларини ҳамда *Наср* шўъбаларини самарқандлик Бобур ҳофиз, кейинчалик *Ота Жалолдан* ўрганган. Ҳофизларини қилиб (1887—88 ва 1907—08). Эрон, Арабистон, Ҳиндистон, Афғонистон халқлари мусиқа маданияти, ижрочилик услублари б-н танишган, ўз санъатини ҳам намойиш этган. 1920- й.лари концерт гуруҳларида қатнашган, мусиқа тўгаракларини ташкил этган. Самарқандда Мусиқа ва хореография ин-тида ҳ.ишгувчи (1928—31); М.Ашрафий, Т.Содиқов, Ю. ва Р.Ражабийлар, И.Икромов, М.Бурҳонов, Д.Зокиров, М.Левиев, Н.Ҳасанов каби санъаткорлар Ҳ.дан таълим олишган.

Ҳ. мураккаб ашула йўлларини ўз овозига мослаб, ижодий ёндошган ҳолда ўзбек ва тожик тилларида мақомат б-н айтган. У «*Гулзоримон*»га турк, «*Бозургоний*»га Зебо пари, «*Бебокна*» ва «*Ушшоқ*» йўлларига Намуди Уззол, «*Абдураҳмонбеги*»га Назмуди Наво авазларини боғлаб, уларнинг таъсирчанлик ва ёқимлилик кучини оргтирган. «Ушшоқ» шу туфайли ҳам «Ушшоқи Хожи» ва «Самарқанд Ушшоғи» номлари



б-н машҳур. Хонанда репертуарида 200 дан ортиқ халқ ашулалари ва мақом йўллари бўлиб, улар ичида мумтоз мусиқа асарлари асосий ўрин тутади. Жумладан, «Ушшоқ», унинг тароналари, қашқарчаси ва уфари, «Рости Панжгоҳ», «Ирок» ва «Наво» мақомлари йўли, «Абдураҳмонбеги-I», унинг уфари, «Наср»лойи», «Ирок»нинг қашқарчаси ва уфари, «Гулёр», «Ораз Гулёр», «Уфтар», «Арзимни айтай», «Қурбон ўлам» ва ҳ.к. куй ва ашула йўллари алоҳида ажралиб туради. Уларни Ҳ. Шарқ мумтоз шоирлари — Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Зебунисо, Амирий, Фазлий кабиларнинг газаллари б-н айтган. Ҳ. мақом созида сифатида ҳам танилган бўлиб, мақом йўлларини танбур ва дутордa ижро этган. Ижросидаги қўпгина ашулалар 1909 йилдан бошлаб граммпластинка ва фонографларга ёзиб олинган. Самарқанд мусиқа колледжига Ҳ. номи берилган. 1997 й.дан Самарқандда Ҳ. номидаги конандалар танловн ўтказилмоқда. Ҳ. вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» орденн б-н мукофотланган (2001).

ХОЖИБ (араб. — хизматкор) — 1) Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар каби ўрта аср салтанатларида ҳукмдор қабулхонаси бошлиғи, эшик оға. Сарой котиблари, хазиначи ва б. унга бевосита бўйсунганлар. Хорижий юртлардан келган элчилар ҳукмдор қабулига киришдан олдин Ҳ. б-н учрашган. Ҳ.дан давлат ишларида ҳушёр бўлиш, сир сақлаш, мамлакат ганимлари, мухолифлари б-н мулоқаралар юрита олиш қобилияти талаб қилинган. Салтанат, ҳукмдор олдидаги садоқати хизмати эвазига Ҳ.га хос Ҳ. ёки улуғ Ҳ. унвонлари берилган. Манбалар зарурат тутилганда Ҳ.нинг ҳарбий ҳаракатларда ҳам иштирок этганлигидан шаҳодат беради. Мўғуллар давридан эътиборан Ҳ. вазифасини ўтаганларни шахс «нинг Ғавв.л» атамаси б-н аталган.

Абулфазл Байҳақийнинг «Тарихи Масъудий» асарида ёзилишича, Ҳ.лар улуғ Ҳ., сарой Ҳ., навбатчи Ҳ. Ҳ.-жомалар каби турли даражадаги мансабларни эгаллашган. Расмий маросимларда улуғ Ҳ. олий ҳукмдорга энг якин жойни эгаллаган. Жанглларда улуғ Ҳ. қўшинининг маслаҳатлари қисмларидан бири — чап қанотга қўмондонлик қилган. Ҳ.лар одатда қора чакмон *ва 2 учли қулоқ кийиб юрганлар. 2)* Ўрта Осиё хонликларида дарвозабон.

ХОЖИБЕКОВ Узинр Абдул Ҳусайн ўғли (1885.17.9, Тогли-Қорабоғдаги Шуша ш. жамоатчи Агажабеди қишлоғи — 1948.23.11, Боку) — озарбайжон композитори, драматург, мусиқашунос, педагог, жамоат арбоби. Халқ артисти (1938), Озарбайжон ФА акад. (1945). Озарбайжонда замонавий профессионал мусиқа санъати ва таълимнй асосчиси. Москвада мусиқа курси (1911) ва Петербург консерваторияси (1914)да



ўқиган. Озарбайжонда мусиқа мактаби (1922), консерватория (1938—48 й.лар проф. ва директори; 1949 йилдан Ҳ. номида), Озарбайжон халқ театр ассобаларн оркестри (1931), Озарбайжон Давлат хори (1936) ташкилотчиси; 1945 йилдан Озарбайжон ФАнинг Озарбайжон Санъати ин-ти директори. Биринчи миллий операси — «Лайли ва Мажнун» (1907) б-н озарбайжон мусиқасида *янгиlik* асосланган жанр йўналишини бошлаб берган. У жами 7 опера - «Рустам ва Сухроб» (1910), «Асли ва Кэрам» (1912) ва б., 3 мусиқали комедия [энг машҳури «Аршин мол олон» (1913; фильми мусиқаси учун Давлат мукофоти, 1946) ва б.], 2 фантазия, кантата, оммавий қўшиқ, романслар, Озарбайжон Давлат гимни (1945), шунингдек, ллабий асарлар, «Озарбайжон халқ мусиқаси асослари» (1945) ва б. китоблар муаллифи. «Кўр ўғли» қаҳрамонлик операси (1937; Давлат мукофоти, 1941) ижодининг чўққиси ҳисобланади. Ҳ. асарлари ҳаётийлиги, халқчиллиги, кўлларга бойлиги, ёрқин миллийлиги, мусиқий воситалар ифодавийлиги б-н ажралиб туради.

Ижоди ўзбек мусиқали театрининг юзага келиши ва ривожига жиддий таъсир кўрсатган. Ўзбекистонда озарбайжон санъаткорлари гастролларида «У бўлмаса, бу бўлсин», «Лайли ва Мажнун», «Аршин мол олон» каби асарлари намойиш қилинган. «Аршин мол олон» ва «Лайли ва Мажнун» асарлари 1920 й.лардан бошлаб дастлаб Тошкент («Турон», «Шарқ сайқали», «Колизей» ва б.) театрларида, кейинчалик кўпгина ўзбек мусиқали театр-

лариға қўйилди (жумладан, Ўзбек давлат мусиқали театри, 1929, 1937); «Кўр ўғли» операси Навоий театрида *саҳналаштирилган (1950—56). Ҳинг*ин-уй-муғейлара Боку (1975 й.дан) ва Шуша (1965) да ғолиблит кўрсатади.

Ас.: Основы азербайджанской народной музыки. 3-изд., Баку, 1985.

ҲОЖИЕВ Азим (1933.18.12, Тошкент шаҳри Тошкент тумани) — тилшунос. Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (2000), филол. фанлари д-ри (1968), проф. (1977). Ўрта Осиё ун-тининг филол. ф-тини тугатган (1956). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида кичик, катта илмий ходим (1959—69), бўлим мудири (1969—90), директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари (1969—73; 1985—90), бош илмий ходим (1998 й.дан). Ўзбекистон ФА Тилшунослик ин-тининг директори (1991—98), айни пайтда «Ўзбек тили ва адабиёти» жур.нинг бош муҳаррири. Ҳ.нинг илмий ишлари ўзбек тили графикаси ва имлоси, морфологияси (хусусан феъл туркуми) ва сўз ясалиши, лексикологияси ва лексикографияси, терминологиясига, ҳоз. ўзбек тилининг шаклланиш ва ривожланиш тарихига бағишланган. Ўзбек тилшунослигини тарихида алоҳида ўрин тутадиган «Ўзбек тили грамматикаси» (1—2 жлар, 1975—76), «Хозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм» (1980), 2 ж.ли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (1981), «Ўзбек тили лексикологияси» (1981) ва б. илмий асар, дарслик, луғатлар Ҳ. интирокида тайёрланган. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги, «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунларини амалга оширишда мақолада янги алифбо асосида яратилган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» ва «Ўзбек тилининг имло луғати» (1995) қам Ҳ. раҳбарлиги ва иштирокида тузилган. Ҳ. ҳоз. кунда пашрга тайёрланаётган 4 ж.ли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг асосий тузувчиларидан.



Ас.: Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар, Т., 1961; Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати, Т., 1963; Ўзбек тилида кўмакчи феъллар, Т., 1966; Тўлиқсиз феъл, Т., 1970; Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати, Т., 1974; Хозирги ўзбек тилида форма ясалиши, Т., 1979; Ўзбек тилида сўз ясалиши, Т., 1989; Термин тавлили масалалари, Т., 1996; Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати, Т., 2002.

ҲОЖИЕВ Жовват (1938.4.7, Тошкент) — математик олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1990), физика-мат. фанлари д-ри (1977), *проф. (1979).* Москва ун-тининг механика-математика ф-тини (1962) ва аспирантурасини (1965) тугатган. 1965 й.дан Тошкент ун-тида ассистент (1965—67), катта ўқитувчи (1967—69), доцент (1969—78), проф. (1978—98), мат. ф-ти декани (1971—85), алгебра ва сонлар назарияси кафедраси мудири (1985—98). Илмий ишлари инвариантлар назариясига ва унинг татбиқлари (хусусан эгри чизиқлар ва сиртлар дифференциал геометрияси)га, *l*-группоидлар назариясига ва уларнинг татбиқлари (хусусан, қатор алгебраик системаларнинг туб радикалининг хоссаларини ўрганиш)ига қамда функционал анализ топологик аримм майдонлар назариясига, локал-компакт группаларнинг локал *қабариқ фазоларда*гити *тасвирлар* назариларига оид. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1995).



Ас.: Теория инвариантов бинарных форм, Т., 1978; Приложение теории инвариантов к дифференциальной геометрии кривых, Т., 1986; Алгебра ва сонлар назарияси курси (дарслик) (ҳаммуаллифлар), Т., 2001.

ҲОЖИЕВ Расул (1934.10.1, Ховос тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2005). Қ.ҳ. фанлари номзоди (1981). Тошкент пед. институтини тугатган (1965). 1965 й.дан Янгиер ш.даги 1-мактабда кимё-биол. ўқитувчиси, 1966 й.дан Янгиер гидромелиорация техникумида кимё-биол. ўқитувчиси ва сиртқи бўлим мудири, 1968 й.дан директор тўриибосари, 1971—80 ва 1984—92 й.ларда Гулистон коммунал ҳ.нинг техникуми, 1980 й.дан Жиззах политехника техникуми, 1992 й.дан Янгиер қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежи директори. Ҳ. раҳбарлиги даврида коллежнинг информатика, электротехника, кимё, физика, астрономия ва б. ҳоналари хаб. жиҳозлари ва ҳаракатланувчи макетлар б-н жиҳозланди. Қурилиш касб-ҳунар коллежлари учун «Кимё» дарслиги ва бир қанча илмий мақолалар муаллифи.

ҲОЖИЕВА Ойдин (1942.22.4, Бухоро (ҳоз. Навоий) вилояти Қизилтепа тумани Бўстон қишлоғи) — Ўзбекистон халқ шоири (1992). ТошДУнинг филология ф-тини тугатган (1965). «Шарқ юлдузи» жур.да илмий ходим (1965), бўлим бошлиғи (1971—76), «Саодат» жур.да бўлим мудири (1976—85), «Гулхан» жур. бош муҳаррири (1985—94), «Милий тикланиш» ижтимоий-сиёсий ҳаракатининг Бухоро вилояти Кенгашининг раиси (1993—95). «Саодат» жур. ва унинг иловаси «Гулистонлар» газ.да бош муҳаррир (1994 й.дан).



Ижоди китоби — «Шабнам» (1970), «Манзиллар» (1971), «Мен севган қўшиқ» (1972), «Орзу гули» (1974), «Тароват» (1978), «Достойлар» (1980), «Ҳушдафтар» (1983), «Муҳаббат оҳанги» (1983), «Чашмаларни излайман» (1986), «Тамал тоши» (1988), «Ишонч юлдузлари» (1989), «Кўзимнинг оқу қораси» (1996), «Паноҳим» (1998) каби шеърий тўпламлар муаллифи. Ижодида инсон қалби кечинмалари халқона оҳангларда ўзига хос талқинини топган («Наво», 1977). Ватанга муҳаббат, маънавий поклик, тил б-н дил ростлиги, ҳаётнинг абадий ва унутилмас орзу-армонлари, инсон маънавати, халқнинг бекиёс ғўзал, оламшумул ишларини куйлаш, одамларга мунис, меҳрибон дарахан бўлмоқ истатги Ҳ. ижодининг бош мавзуси ҳисобланади. Ҳ. 90-й.ларда қам ватанпарварлик ва *халқчил ғоялар* ёзди («Дард», «Озод сўз ёлқинлари», «Зиёрат» ва б.). Бадиий ижодии ижтимоий фаолият б-н қўшиб олиб борган шоиранинг «Ўзликимизга ёнгин тушмасин», «Менга ишироқга солар бу ўйлар», «Миллатнинг қайғуси нима?» каби публицистик асарларида тил масалалари, ўзбек хотин-қизларининг оғир дала меҳнати муаммолари акс этди. Ш.Петефи, А.Мицкевич, Р.Казакова, М.Дилбозий, Гудрухсор, М.Абдулқосимова, Ф.Ўнғарсинова ва б. шоирларнинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган. Шеърлари рус, украин, қозоқ, қирғиз, тожик, белорус, француз, инглиз ва ўрду тилларида нашр этилган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н тақдирланган (1999).

Ас.: Кўзимнинг оқу қораси [Шеърлар], Т., 1996; Паноҳим [Шеърлар, ҳикоялар], Т., 1998.

ХОЖИМУРОД (18-а. охири — 1852.23.4) — Кавказ халқларининг подшо Россиясига қарши кўтарган миллий озодлик ҳаракати раҳбарларидан бири, *Шомилнинг* нойиби.


Аварр хонлариға яқин хонадонда туғилган ва тарбияланган. Имом Ҳамзатбекка қарши чиқиш томонидан уюштирилган суиқасдда фаол қатнашган (1834). Ҳамзатбекнинг ўлимидан сўнг, чор Россиясининг ишончли одами Ахмадхон Мехтулин 6-н бирлигида *Аварр хонлиги*ни бошқарган. А. Мехтулин қўборай турган маълумотларга асосан, Ҳ. мақбул равишда Шомил 6-н алоқа боғланганлигида айбланган ва рус мамлакатлари томонидан қамоққа олинган (1836). У қамоқдан қочиб, Цельмес овулига ўтнашган. Тоғликларнинг озодлик кураши (қ. *Кавказ урушлари*)га қўшилиб, Шомилнинг энг яқин сафдошлари ва нойибларидан бирига айланган. Жасур ва қатъиятли шахс сифатида подшо қўшинларига қарши кўплаб жангларда қатнашиб, шуҳрат қозонган ва партизан урушида Узунинг бутун ҳарбий қобилиятини намойиш қилган. *Имомлик* ичидаги баъзи тартиблар, русларга қарши уруш тактикаси ва стратегияси масалаларидаги ихтилофлар, шунингдек, Ҳ. характерида мавжуд такаббурлик ва маманлик натижасида у 6-н Шомил ўртасидаги муносабатлар бузилган. 1851 й. 23 ноябрда Ҳ. руслар томонига ўтган, бироқ 1852 й. апр.да улардан қочиб, тоққа кетган ва Нуха шаҳари атрофларида пайтида ўлдирилган. Ҳ.нинг фожиали ўлими рус ёзувчиси Л.Н. *Толстой*нинг «Ҳожимурод» (1896—1904) қиссасида ўз аксини топган.

Ад.: Дегаев В.В., Имон Шамилъ: пророк, властитель, воин, М., 2001; Казиев Ш., Имам Шамиль, М., 2001.

ХОЖИМУҚОН (асл исм-шарифи Муқон Мунғайтпасов) (1871, ҳоз. Оқмўла вилояти Қорасетлей қишлоғи — 1948.12.8, Жан. Қозоғистон вилояти Арис қишлоғи) — қозоқ полвони, юпон-рим кураши бўйича профессионал курашчилар ўртасида жаҳон чемпиони (1909, Рига; 1911, Варшава). Тўй курашларида чиниққан Ҳ. 1901 й.да Омск циркида илк бор профессионал курашчи 6-н беллашган. Петербургга таклиф этилган. 2 й. давомида юпон-рим кураши устаплари 6-н бирга шуғулланган. 1904 й. Парижда ўтказилган халқаро мусобақада голиб чиқиб, халқаро майдонда таниқлган. У Европа мамлакатларида асосан «Қора Иван» (ўша даврнинг енгилмас полвонлари Иван Поддубний, Иван Заикин, Иван Шемякин 6-н енг деган маънода), Осиё мамлакатларида «Ямғата Муҳунур» (енгилмас самурай маъносида) лақабларн 6-н кураш гилмига чиққан. 1911 й. Истанбулдаги халқаро мусобақада ишлатган усуллари 6-н шуҳрат қозонган ва турклар 6-н ҳож лақабига таклиф қилинган. Жаллада у 25 нафар осиёлик полвон иштирокидаги мусобақанинг голиби бўлади (1911) ва унга Ҳ. номи берилади. Кураш фаолияти давомида Ҳ. Венгрия, Германия, Польша, Франция, Афғонистон, Хитой каби мамлакатларда ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, 48 та медални қўлга киритган. Ҳ. Ўзбекистонда ҳам бўлган, 1926 й. Тошкентда рус полвони К.Бульони енгган. Ҳ. «Қозоқ ўлкасининг қаҳрамони» фахрий унвонини олган (1927). 2-жаҳон уруши даврида Ҳ. шаҳар-қишлоқларда полвонлик томошалари кўрсатиб тўпланган маблағини қарбий самолёт асаш учун топширган. Ўрдабони туманн марказида Ҳ. музейи бор (2001 й. очилган).



ХОЖИНОВА Мақсуда Аъзамовна (1912.8.7 — Тошкент — 1981.4.11) — механика соҳасидаги олима, Ўзбекистон ФА акад. (1966), техника фанлари д-ри (1958), проф. (1959). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1964).



Тошкент иқтисодсаноат техникумини тугатган (1929), Г.В.Плеханов номидаги Халқ хўжалиги ин-тини (Москва) тугатган (1936). Ўзбекистон саноат вазирлигида ишлаган (1936—37). Тошкент тўқимачилик ин-тида ўқитувчи (1944—52), шу ин-т ректори (1957—73). Айни вақтда тўқимачилик материаллунослиги кафедраси мудири (1957 й.дан). Илмий ишлари пахта, каноп (энгир) толаларининг механик хоссаларини ўрганишга оид. Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Ҳ. қалта каноп толасидан тўқимачилик ипи олиш технологиясини ишлаб чиқди ва саноатга татбиқ этди. Ҳ. пахтага пухталигини ва ипакнинг сабағали усулини яратди. У пахта толаларининг шикастланишини микроскопик усулда аниқлаш ва уни баҳолаш, тутун газларида пахта толасини қуритишнинг унинг структураси, пухталиги ва эластиклик хусусиятига таъсирини, қўёш нурининг каноп толасига таъсирини ўрганган, ипларни н.ч. жараёнида пахта толасининг биологик шикастланишини текшириш, пиллакашлик жараёнида кимёвий тозалашдан аралаш ип олишга оид илмий ишлар муаллифи.

Ас.: Влияние повреждения хлопковых волокон в качестве текстильного сырья, Т., 1963.

Ад.: Юнусов О., Путь в науку, Т., 1947.

ХОЖИКУЛОВ Ғуломжон (1928.6.2, Булоқбоши) — созанда (ғижжак), хоманда, бастакор. Ўзбекистон халқ артисти (1988). Андижон ғижжакчилик мактабининг йирик вакили. Илк мусиқа сабоқларини тоғаси Эргаш Абдурақмоновдан, миллий мумтоз мусиқа намуналарни ва созандалик санъатини Ю.Ражабий, К.Жабборов, С.Калонов-дадан ўрганган. *Янгийўл театри*да созанда (1942—45). Андижонда чолғу ансамбли (1946—49), *Андижон театри* (1949—90) да созанда ва мусиқа раҳбари, бош дирижёр (1990—2003). 1995 й.дан ўғли Равшанбек Ҳ. б-н «Мерос» мақом ансамбли раҳбари. 1998 й.дан Андижон уч-тида педагог, фахрий проф. (2001). Чолғу куйлар, ашулалар («Жабо қилма», Саххоким ҳазали; «Хиром этгил», Дилафкор; «Лола сайли», Э.Воҳидов; «Нозима», «Гул узатсам», П.Мўмин; «Кўз қорайгузча», Ҳофиз ва б.), спектакллар (М.Бобосвнинг «Ватан мадди», А.Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» ва б.)га мусиқа басталаран. Нозик таъб созида Ҳ. репертуаридан «Мискин», «Ажам», «Насрулдойи 1–4», «Наври Сегоҳ 1–3», «Сарпарда», «Рок», «Қурбон қайтарма» каби чолғу куй (туркумлар ўрин олган. Ҳ. ўзига хос, жозибали овозида «Ушшоқ», «Гирй 1–2», «Ажам дарё», «Баёт», «Дугоҳ» каби мумтоз ашула ва мақом йўлларини талқин этган. Ҳ. А.*Исмоилов*, Ҳ.*Олимова*, К.*Раҳимов*, Н.*Ҳамроқулов*, А.Далаев, Ў.*Нуралиев*дарга устозлик қилган. Ижролари Ўзбекистон радиоси фонотекасида ёзилган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1999).



ХОЖИҚУРБОНОВ *Турдали* (1940.10.6, Олтиариқ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси (1998). Фарғона пед. институтини тугатган (1965). 1965 й.дан Олтиариқ туманидаги 16-мактабда ўқув бўлими мудири, биол. ўқитувчиси, 32-мактабда ўқув бўлими мудири, 19-мактабда директор ўринбосари, 1977–2002 й.ларда директор. Мактабга раҳбарлик қилган йиллари мактаб моддий-техника базаси мустаҳкамланди, вилоятда биринчилардан бўлиб табақалаштирилган таълимни ташкил этган.

ҲОЗИҚ (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳожиҳужжо Исломшайх ўғли) (18-аср охири, Ҳирот — 1843, Шаҳрисабз) — шоир, таржимон. 19-а. Ўзбек адабиёти намояндаларидан бири. 1793—1800 й.ларда Бухорога келган ва мадрасада таҳсил кўрган, тиб илмини ўрганган; шеърлар машқ қилган. «Ҳозиқ» тахаллусини ҳам шу ерда олган. Мадрасани тугатгач, шу мадрасада имомлик қилган ва Амир Ҳайдар саройига жойлашган. 1818 й. сарой аёнлари б-н келишиб олмай, *Кўқонга кетган*. Умархон ўни яхши кутиб олган, Ҳ. Бухорода бошлаган «Юсуф ва Зулайхо» достонини тугаллаб, унга тортиқ қилган. Бу ерда ҳам ён атрофидаги сарой аҳли б-н келиша олмай, 1825 й.да Бухорога қайтган; сўнг Хоразмга борган ва *Мунис, Огаҳий* бошчилигидаги адабий гуруҳ таъсирида бўлган. Умрининг охирги йилларини Олтиариқ (1825—42) тонг шаҳрини б-н «Ракаат ус-сафо» асарининг 1-жилди таржимасини ниҳоясига етказган. Сўнг яна Кўқонга қайтган. *Насрулло*нинг 1842 й. Кўқонни босиб олгач, Ҳ. унинг таъқибидан Шаҳрисабзга қочган ва у ерда амирнинг элчилари одамлари томонидан ўлдирилган.

Ҳ. ўзбек ва форс тилларида ижод қилган. Навоий, Фузулий, Бедил, Зебуннисо шеърларига мухаммаслар боғлаган. Лирикаси мавзуи ранг-баранг, унда замон нораснликлари, жоҳил ва очкўз ҳукмдорлар ҳақида мулоҳазалар билдирилган, севги ва муҳаббат тараннуми этилган. Шеърларида замонасидаги ҳукмдорларни адолатга ундаган.

«Юсуф ва Зулайхо» достонида ўзининг ижтимоий-фалсафий мулоҳазаларини, замон ва ҳукмдор ҳақидаги фикрларини баён этган. «Вожеати Исломий» ва «Анвалдар шажараси» рисолалари тарихий-биографик характерда. Маҳмуд Чағминий (14-а.нинг тиббиётга оид араб тилида ёзган «Қонунча» асарини форс тилида «Таҳфаҳ ул-қавоид» («Табобат асарларини ўрганишга», 1822) номли шарҳ ёзган.

Ҳ.нинг ўзбекча ва форсча шеърларидан тузилган девони Россия ФА Шарқшунослик ин-ти Санкт-Петербург бўлимида, «Юсуф ва Зулайхо» нинг 7 қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида, 2 девони Хўжанда, Қоноибодом ш.дан топилган қўлёзма эса хўжандлик адабиётшунос Э. Шодиев қўлида, айрим шеърлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тидаги қўлёзма баёз ва мажмуаларда сақланади.

Ад.: Қаюмов А., Ҳозиқ, Т., 1937; Ирисов А., Носиров А., Низомиддинов И., Ўрта осиёлик қаҳрамон, Т., 1961; Ўзбек адабиёти тарихи [5 жилд], 4-ж., Т., 1978; Қаюмов П., Тазкираи Қайюмий [3 жилд], 2-ж., Т., 1998.

Баҳодир Қосимов

ҲОКИМ (ўзРда) — вилоят, туман, шаҳарда олий мансабдор шахс. Ў маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи. Ҳ. давлошимизнинг жорий этилиши ўзбек миллий давлатчилиги анъаналари ва тарихий тажрибаларга асосланганлиги. Искандар Мақдуний замонида Мовароуннаҳр аҳоли вакилларидан Артабоз — Бақтриада, Оксиарт ва Хориен — Суғдиёна ҳудудларида Ҳ.лик қилганлар. Амир Темур ва темурийлар даврида давлат бошқаруви олий даражадаги амалдорлардан ташкил топган марказий бошқарув ва вилоят Ҳ.лари қўлидаги маҳаллий бошқарувдан иборат бўлган. Ҳ.лар мамлакатнинг амалдаги ҳақиқий эгалари эдилар. Ўрта Осиё хонликларида муайян бир шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлар устидан раҳбарликни амалга ошириш учун белгилаб қўйилган амалдорлар Ҳ. деб аталган.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини кучайтириш мақсадида Ҳ. лавозими тўлиқ этилди. «Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида» Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган қонун (1992 й. 4 янв.) Ҳ. ва ҳокимлик тузилмасининг асосий вазифаларини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига биноан, «Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар тар-

кибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар». Халқ депутатлари Кенгашлари ва Ҳ.ларнинг ваколат муддати — 5 йил. Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлигича қараб вилоят, туман ва шаҳар Ҳ.лари бошқаради. Вилоятлар Ҳ.лари ва Тошкент шаҳри Ҳ.и Ўзбекистон Республикаси Президенти тавсиномаси тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлараги туманларнинг Ҳ.лари тегишли шаҳар Ҳ.и томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг Ҳ.лари туман Ҳ.и томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади. Ҳ.лар яккабошчилик принципида иш олиб боради ва уларнинг чиқарган ҳужжатлари шу ҳудудда бажарилиши шарт. Ҳ. ўзининг қарорларигина эмас, ўзи раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун ҳам шахсан жавобгарлар. Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади.

Ҳ.ларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доираси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1993 й. 2 сент.)да белгиланган.

ҲОКИМИЯТ ЁКИ МАНСАБ ВАКОЛАТИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ — қ. *Мансабдорлик жиноятлари, Ҳизмат мансабини суиистеъмол қилиш*.

ҲОКИМЛИК, ҳокимият — Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ижроия органи (қ. *Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари*).

ҲОЛ (тилшуносликда) — тапшинг инкунчи даражали бўлаклардан бири бўлиб, иш-ҳаракатнинг белги-сифатини, унинг бажарилиш усулини, шу бажарилиш б-н боғлиқ бўлган ўрин, пайт, сабаб, мақсад, шарт-шароит, миқдор-даража каби хусусиятларини

кўрсатади. Ҳ. равиш, феъл, от, сифат, сон, олмош каби сўз туркумлари *б-н, шуниндек, тақлидий сўзлар б-н ифодаланади: Олис уларнидан* қизариб кетди (Обёк); Сулаймонов тантанали равишда кнопкани босди (Абдулла Қаҳҳор); Етти ўғлиб, бир кес (Мақол). Равишнинг барча турлари Ҳ. вазифасида келе олади. Феълнинг равишдош, сифатдош шаклдари Ҳ. вазифасида келади. Мас., Саида кулиб сўзлади. Анвар жилмайган ҳолда кириб келди. Ўзбек тилида Ҳ. маъмури жиҳатдан 8 хил бўлади: Тарз Ҳ. — иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати, усули ва сифатини билдиради, одатда феълга боғланади: Улар жуда секин юришди (Обёк). Миқдор-даража Ҳ.и — иш-ҳаракатнинг бажарилиш даражасини, шу бажарилиш б-н бирга боғлиқ бўлган миқдорни билдиради: Кўп ўйла, оз сўзла (Мақол). Сабаб Ҳ.и — ҳаракат, ҳолат ёки белгининг рўй бериш сабабини билдиради. Бундай Ҳ.лар феъл б-н ифодаланган бўлакка ҳам, от б-н (кенг маънода) ифодаланган бўлакка ҳам боғлана олади: Қолаверса, кенжа укамизга жонимиз куйганидан келдик (О.Ёқубов). Ўша окдом мен андак шароб ичгани учун кайфиятим яхши эди (Р.Тагор). Мақсад Ҳ.и — ҳаракат, ҳолат ёки белгининг рўй беришидаги мақсадни англатади: Сизни деб бу ерга келдим, Йўлчи ака (Обёк). Шарт Ҳ.и — ҳаракат, ҳолатнинг бирор шарт асосида рўй беришини билдиради: Иззат-ла, тинглайди. Тўсиқсизлик Ҳ.и — ҳаракат, ҳолатнинг рўй беришига тўсиқ бўла олмаган шартни билдиради: У кўрса ҳам ўзини кўрмасликка солади. Ўрин Ҳ.и — ҳаракат ва ҳолатнинг рўй бериши, бошланиш, йўналиш ўрнини ва бу йўналишдаги сўнгги нуқтани билдиради: Станциядан темирйўлчилар, шаҳардан қишлоқлар етиб келди (А.Мухтор). Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу (Мақол). Пайт Ҳ.и — ҳаракат, ҳолатнинг рўй бериш вақтини англатади: Эрта-индин бу ерлар ҳам чаманзек яшнайди (Ш.Рашидов).


Сўнгги йилларда Ҳ. бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижалари Ҳ.нинг мазмун турларини кенгайиб, ўзига хос категорияси, Т., 1971; Узбек тили грамматикаси, 2-ж., Синтаксис, Т., 1976.

Абдуазиз Абдурахмонов

ХОЛАТ ДИАГРАММАСИ, мувозанат диаграммаси, фазавий диаграмма — физик-кимёвий системанинг таркиби ва ҳолат параметрлари орасидаги муносабатнинг геометрик ифодаси. Ҳолат параметрлари — термодинамик система ҳолатини ифодалайдиган физик катталиклар (т-ра, босим, солиштирма ҳажм, магнитланганлик, электр қутблашиш ва ҳ.к.). Ҳ.д. бир ёки кўп компонентли модданинг мувозанат ҳолатини геометрик тарзда ифодалайди. Бу ҳолат бир фазали, икки фазали ва кўп фазали бўлади. Фазалар газсимон, суюқ, қаттиқ, ўта ўтказувчан, сегнетоэлектрик ва б. бўлиши мумкин.

Агар система битта компонентдан иборат бўлса (энг содда ҳол), Ҳ.д. тўғри бурчакли уч координата ўқига (бу ўқлар бўйича т-ра T, босим P ва мольҳажм V қўйилади) қурилган 3 ўлчовли фазовий шакл кўринишини олади.

Икки фазали мувозанат ҳолат эгри чизиқлар, 3 фазалиси эса нуқта ёки текисликлардан иборат. Ҳар қандай модда қаттиқ, суюқ ва газсимон фазасининг мувозанатига мос келувчи 0 нуқта *учлама нуқта* дейилади. Кўп компонентли системаларнинг Ҳ.д. мураккаб бўлади. Ҳ.д.ни экспериментал қуришда физик-кимёвий, термик ва рентгенографик анализ, оптик ва электрон микроскопия, дилатометрия ва б. усуллардан фойдаланилади. Ҳ.д. амалда, металлшуносликда, металлургия ва кимёнинг турли соҳаларида кенг қўлланади. Қотишмаларнинг эриш соҳаси, т-раси термик ишлов режимлари Ҳ.д.га кўра аниқланади.



Ҳолат диаграммаси. Қўрғошин Pb — сурьма Sb системасининг ҳолат диаграммаси.

ХОЛАТ ТЕНГЛАМАСИ — системанинг мувозанатли ҳолатини ифодалочи параметрларнинг ўзаро боғланишини кўрсатувчи математик тенглик. Мас., аниқ m массага эга бўлган идеал газнинг мувозанатли ҳолати P босим, V ҳажм, T т-радан иборат макроскопик параметрлар орқали тўла ифодаланади. Параметрлардан бири, мас., ҳажмнинг ўзгариши, албатта босим ва т-ра ёки улардан бирининг ўзгаришига олиб келади. Ҳ.т.га мисол тарзида идеал газ учун Клапейрон — Менделеев тенгламасини келтириш мумкин:

$$PV = \frac{m}{M}RT;$$

бунда M — газнинг молар массаси, R — газ доимийси.

Суюқликлар ва қаттиқ жисмлар Ҳ.ларини олиш учун уларни ташқи этувчи молекулаларнинг илгарилама, айланма ва тебранма ҳаракатлари ҳамда молекулалар орасидаги ўзаро таъсирларни тўла ўрганилган бўлиши керак. *Ҳар қандай газсимон модданинг* т-ра ва босимга боғлиқлиги қаттиқ жисмлар учун Ҳ.т. ҳисобланади.

ХОЛВА — ширинлик тури. Қанд ёки асалдан қайнатилган қиёмга ёғ, кунжут, ёнғоқ магзи, бодом магзи, ун ҳамда бошқа масаллиқлар солиб тайёрланади. Таъмини яхшилаш учун Ҳ.га какао ва какао кукуни, майиз, цукатлар, ванилин, лимон кислота ва б. қўшилади. Солинадиган масаллиққа кўра, Ҳ.нинг бодроқ Ҳ., магиз Ҳ., ёнғоқ Ҳ. кунгабоқар Ҳ., кунжут Ҳ., ерёнғоқ Ҳ., пашмак Ҳ. каби турлари маъжуд. Ҳар бир Ҳ. тури ўз навбатида қўшилган ёрдамчи масаллиғига қараб ванилин, шоколадли, витаминлаштирилган ва б. номлар б-н аталади. Шарқ мамлакатларида, жумладан Ўрта Осиёда қадимдан қотвпаштлик (қотволчилик) касби маъжуд бўлган. Йирик шаҳарларда қолваланлар ишлаб чиқаришда ўзум ёки тут шинниси, ун, ёғ, кунжут, урик ва б.дан, кейинчалик шакар ва қандлан

бойлаганий турли-туман Х.ларни тайёрлашга шароитлаштирилди.

Болрок Х. тайёрлаш учун болрок б-н қозиқчалар ёнғоқ магзи тўлтирилиб, *халволашган ўтказилади (ёғсиз янчилади)*. Маҳсулот ёпилгани патнисага солинади, устидан эритилган асал ёки қанд қуйиб, аввалдай аралаштирилади, сўнг 1 см қалинликда ёйиб пресслаб, тортбурчак ёки ромб шаклида кесилади.

Магиз Х. тайёрлаш учун ёрик ёки бехи, писта, ёнғоқнинг магзи қовурилиб, ёг сурилгач ғаз патнисага 1 см қалинликда ёйиб терилади. Қозонга шакар солиб, меъёридан ўтказиб қанд пиширилади. Қиём патнисадаги қовурилган магизлар устига бир текисда қилиб қуйилади. Маҳсулот совигач, ўткир пичоқ ёрдамида катталиги 4×10 см келадиган бўлакчаларга бўлинади.

Айрим Х.лар таркибида ёғ кўп (30%) бўлгани сабабли тез бузилиши мумкин, намлиги 4%. «Лазз» ва «Тўп», «Сеғлик» каби Х. турларига қўй ва ҳомлик ёғи, ун, шакар қиём, қўшимчаларгани тухум оқи ва совунак илдизи қайнатмаси қўшилади (яна қ. *Қандолатчилик*).

Умид Ашуров.

ҲОЛВАЙТАР — шириндик тури. Х. учун қозонга ёғ ҳошилаб долчанади ва бир оз совутилгач, ун солиб аралаштирилади. Сўнг қозонни оловга қўйиб, ун жигарранг тусга киргунча қовурилади. Бошқа бир идишга қайнатилган сувда шакардан шарбат тайёрланади. Тайёрланган шарбат қозонлаги қовурилган ун устига қуйилади. Аралашма қайнагач, олов пасайтирилиб, 20—25 мин. давомда кошлаб-кошлаб пиширилади. Х. тўқ қизил тусга киргач, қозон оловдан олинади. Тайёр Х. лақозчаларга солинади ва *совитилган* сўнг пастгурухита пон б-н тортилади. Х.нинг таъмини ҳошилаш учун шакар ёки қанднн эритаётганда озроқ ванилин қўшиш мумкин. Х., асосан нотаъм ва диний маросимларда, шунингдек, айрим оилаларда «арвоҳлар ёғланалиган» пайшанба кунлари тайёрланади.

ҲОМИДОВ Абдураим (1943.20.10, Тўрақўрғон тумани Шадиқ қишлоғи) — эпик ақиқон, Ўзбекистон Қаҳрамони (2004). Меҳнат фаолиятини 1960 йил Тўрақўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида механизатор-лиқдан бошлаган. 1974 й.дан шу хўжаликда бригада бошлиғи, бош пудратчи. Х. пахтачиликда кейг культивация, чуқур эгат олиш, ўғитлаш сонини кўпайтириш каби янги агротехнологияларни яратди ва қўллади, галлалан 67,6, пахтадан 45 ц/га (2003) ҳосил етиштиришга, шартномавий режаларни муттасам ошириб бажаришга эришган. Кўплаб шогирдлар етиштирган. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2001).



ҲОМИДХОНОВ Музаффар Зоқидхонович (1916.26.7 — Тошкент — 1972.25.6) — энергетика соҳасидаги олим, Ўзбекистон ФА акад. (1968). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1966), техника фанлари д-ри (1961), проф. (1962). Ўрта Осиё индустриал ин-тини тугатган (1940), шу ин-тда ўқитувчи, аспирант, Чирчиқ электрокимё комбинатида синовчи-муҳандис (1941—45), Тошкент политехника ин-ти (ТошПИ) да доцент, кафедра мудири (1946—62), Ўзбекистон ФА Энергетика ва автоматика ин-ти директори (1956—62), Ўзбекистон ФА Президиуми Бош илмий котиби (1962—70), ТошПИ ректори (1971—72). «Фан ва турмуш» журн. бош муҳаррири (1972).



Асосий илмий ишлари янги самарали автоматлаштирилган ўзгарувчан ва ўзгармас ток электр асбоблари назариясини, ҳисоблаш усулларн ва рационал схемаларини ишлаб чиқишга, ток ва кучланиш ўзгартиргичларн, уларни бошқариш ва ҳимоялаш қурилмаларини татбиқ этишга бағишланган. Вентилли ўзгартиргичлар орқали *таъминланадиган ва автоматик* тарзда бошқариладиган частотали созловчи электр юритмаларни ишлаб чиқан. Илмий ишланмалари бир неча корхона (мас., Чирчиқ электрокимё комбинати, Чирчиқ—Бўзсув ГЭС лари каскади, «Тошкентхўжмаш» з-ди) га татбиқ қилинган. Берунний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотн лауреати (1970). *Тошкент техника университети* биносига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган. Тошкент ш. кўчаларидан бири Х. номи б-н аталган.

Ас.: Частотное управление асинхронным электроприводом, Т., 1959; Электрика юритмо ва уни бошқариш асослари (дарслик), Т., 1970 (ҳаммуаллифлик); Компенсационные выпрямители, Т., 1973 (в соавторстве).

ҲОМИЙЛИК — фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий шакли. Х. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади. Соғлигининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомала лаёқати чекланган нисбатан Х. шу шахсларнинг ижтимоий *сигна биноан белгиланиши мумкин.* Хомийнинг асосий вазифаси Х.ка олинувчининг шахси ва мулки юзасидан ғамхўрлик қилишдан, Х.ка олинувчининг манфаатларини қўриқлашдан иборат. Бинобарин, Х.ка олувчи ўзига ишончсизлик туғдирган ўзи учун ҳеч қандай фойда олмаслиги лозим. У Х.ка олинган шахсни асраш ва унинг мулкини ишора этиш ҳаракатларига умдирилиши ҳақли. Умумий қоида бўйича Х. иши текин бажарилади. Хомийлар ўз ҳимоясидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар б-н муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам мақсус ваколатсиз ҳимоя қилишлар. Х. органи қуйидагилардир: ёш болаларга нисбатан — халқ таълими бўлимлари; руҳий касал ва ақли заифларга нисбатан — соғлиқни сақлаш бўлимлари; ижтимоий ҳаш таъминланган фуқароларга нисбатан — ижтимоий таъминот бўлимлари. *Вояга етмаган болаларга* Х. уларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари бўлмаган, ота-онаси суд томонидан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган тақдирда, шунингдек, бевақт тортилаб фуқаролар бошқа сабабларга кўра ота-она ҳимоясидан маҳрум бўлиб қолган, хусусан, ота-она уларни тарбиялашдан ёхуд уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган *ҳолларда белгиланади.* Х. ҳомий сайлашга муҳтож бўлган шахс ишётган жойда, туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори б-н белгиланади. Қонунчиликка кўра, қуйидагилар ҳомий қилиб тайинланиши мумкин эмас: ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар; қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар; собиқ фир-

зандликка олувчилар ўз эммаларига юкламаган мажбуриятларни бажармаган бўйин товарларни ёки уларни лозим даражада бажармайтганлиги, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётганлиги, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик б-н муомалада бўлаётганлиги, ички ишлар б-лигига ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганлиги туфайли фарзандликка олиш бекор қилинган бўлса; руҳий ёки наркологик муассасаларда ўрўзатда тургизилар; қасдан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар. Ҳ. билан боғлиқ барча ҳуқуқий жиҳатлар Ўзбекистон Республикасининг ФК, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 12 апрелдаги 171-сонли қарори б-н тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом»ga ўз ифодасини топган.

Маҳаддиз Баратов.

ХОМИЛА — она қорнида 2-ойнинг охиридан (9-ҳафта) бошлаб тугилиш вақтигача (40-ҳафта) ривожланаётган пушт (эмбрион). 9-ҳафтада Ҳ. инсон қиёфасига киради (бу даврда Ҳ.нинг боши, кўзи, бурни, оғзи, таноси, қўл-оёқлари аниқ бўлади). *Бир ақшер* ойи (28-кунида хомила тухумдан пушт ва унинг параси ривожланиб, Ҳ. шаклига бошланди. 2-ойнинг охирида Ҳ. бўйи 3,5 см, вазни 4 г; 3-ойнинг сўнгида Ҳ. бўйи 8—9 см, вазни 40 г ча бўлиб, бош катталашади, жинси шаклланади, қўл-оёқ ҳаракатлари сust бўлади. 4-ой охирига келиб Ҳ. бўйи 16 см, вазни 120 г га етади, қўл-оёқ ҳаракатлари фаоллашади (*лекин қали она сезилмайди*), жинси аниқланади. Ҳ. 5 ойлик бўлганида бўйи 24—26 см, вазни 280—300 г, териси мозик, қип-қизил бадани майин туклар б-н қопланади; ҳаракатлари онага сезила бошлайди. Она қорнига қулоқ тутилганда Ҳ. ҳораси ураётгани билинади. 6-ойнинг охирида Ҳ. серҳаракат бўлиб, бўйи 30 см, вазни 600—700 г га етади. 7-ойнинг сўнгида Ҳ. бўйи 35 см, вазни 1000—1200 г га етади (*расм*); бу даврда Ҳ. тирик тугилиши мумкин, лекин чала ҳисобланади, бироқ махсус парваришқилинса, яшаб кетади (қ. *Чала туғилган бола*); 8-ойликда Ҳ.нинг бўйи 40 см, вазни 1500—1600 г га келади. 9-ойнинг охирида Ҳ. бўйи 45 см, вазни 2400—2500 г га етади, тери ости ёғ ҳажми кўпаяди, баданидаги туклар камаяди, териси силлиқланиб, пушти рангга киради, сочлари узаяди. 10-ой охирида (9 календарь ойига



7-ойлик хомила.

тўғри келади) Ҳ. етилиб тугилади; бўйи 50 см, вазни 3200—3500 г бўлади. Ҳ. тараққиётининг ўзига хослиги унинг она қорнида бўлиши б-н ифодаланади; унда беш мия пустлоғи тўла-тўкис тараққий этмаган бўлиб, асосий ҳаётий функциялар (юрак-қон томири, нафас олиш, ажратиш) *плацента* б-н узвий боғланган орқа мия орқали бошқарилади; плацента Ҳ. б-н ҳеч қандай ўзаро

ри ниманга кўпаяди. Аёл чуқурроқ нафас олишга бўлиб қолади, бу — қонинг кислород б-н кўпроқ тўйинишини таъминлайди. Юракнинг қисқариш хусусияти сезиларли даражада кучаяди, натижада кислород б-н тўйинган қон аёлнинг қаёт учун муҳим аъзоларга, жумладан бачадонга тезроқ етказиб берилади. Буйраклар ҳам ўз ишини бажаради, она организмидаги зарарли моддаларни тезроқ чиқаришга ҳаракат қилади. Шу боис ҳомиладор организмидаги ало ва системаларнинг нормал ишлаб туришини таъминлаш ҳамда ҳомила ривожланаётган қулай шароит вужудга келтириш учун озиқ моддалар ва кислород кўп бўлиши керак. Ҳомиладорнинг авзоли ва ўзини қандай тутиши кўп жиҳатдан Ҳ.нинг нормал кечиши, ҳомиланинг кейин қандай ривожланиб бориши ва бўлғуси боланинг соғлиғи билгилаб беради. Ҳомиладор аёлнинг бирор касаллик (грипп, сил, ревматизм, эпилепсия, қандли диабет, камқонлик, жигар, буйрак, юрак касалликлари ва б.) б-н оғриши, нотўғри овқатланиш, куч тартибини бузиши, врач буюмаган дориларни ичиши ҳомила тараққиётига ёмон таъсир қилиши мумкин.

Ҳ. чоғида туғруқ ҳоратлар бўлмасдан уруғ муҳим қадар бирвақт (ҳайз тўхташ б-н) аёлда ҳомиладорлик содир бўлиб, тахминидан ўтиш ва керакли маслаҳатлар, зарур бўлса, текширилдан ўтиш ва керакли маслаҳатлар, зарур бўлса, текширилдан ўтиш лозим. Ҳ. даврида аёл ўз ҳаённи ва кийим-кечаклари тозалигига алоҳида эътибор бериши керак.

Ҳ. нормал ўтаётган бўлса, аёл олатдаги турмуш тарзини ўзгартиришни шарт эмас, у ўз юмушларини дам олиб-дам олиб бажаравериши мумкин. Фақат оғир нарса кўтармаслик, қаттиқ, кескин ҳаракатлар қилмаслик мақсадга мувофиқ.

Тинимсиз уҳлашнинг аҳамияти бор, аёл камида 8 соат уҳлаши, кечқурун ётишдан олдин очиқ ҳавода бир оз сайр қилиши ва хонани шамоллатиш тавсия этилади. Соғлом ҳомиладорларнинг врач тавсиясига кўра *дам ва кун давомида* қабул қилишига рухсат этилади. Ҳ. нормал ўтаётган бўлсагина аёл дарё ва анҳорларда чўмилиши мумкин. Ҳ.нинг биринчи ярмларидан бошлаб очиқ ҳавода ямкони борича кўпроқ бўлишга ҳаракат қилиш лозим, чунки одам уй ичида ўтираверса кислородга ёлчимай қолиши, натижада қар хил асоратлар юз бериши мумкин.

Ҳ.нинг экон-омон ўтиши ва ҳомиланинг ҳосил ривожланиб боришн учун асосий шартлардан бири яхши овқатланишдир; овқат тўйимли, хилма-хил, оқсиллар ва витаминлар (айниқса С витамини) га бой бўлиши керак. Ҳ.нинг охирги ойларида ёғлиқ ва ҳамир овқатларни кўп тановул қилиш ярамайди, чунки бундай овқат ҳомиланинг анча катталашиб кетишн ва тугишнинг қийинлашиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Соғлиқ ўзгарган баъзи ҳолларда, мас., баланга шиш келганида врач одатда тузсиз парҳез буюради. Ҳомиладор аёл енгил бадан тарбия машқларини қилиб туриши лозим. Ҳ. давомларига қараб махсус гимнастика машқлари комплекси тавсия этилади (бунн фақат врач буюради). Мунтазам бадан тарбия машқларини қилиб туриши аёлларнинг тез ва экон-омон кўзи ёришда.

ХОМИЛАДОРЛИК ТОКСИКОЗЛАРИ — ҳомиладорлик даврида учрайдиган касаллик ҳолати; нерв, юрак-томир, эндокрин системалар ва моддалар алмашинувининг ўзгариши туфайли келиб чиқиб, туғруқдан сўнг ўтиб кетади. Ҳ.т.га ҳомиладор аёл организмида маъюд хасталиклар сабаб бўлади. *Шунинг учун бўйида бўлган* аёл эртарок (2 ойгача) аёлдор маслаҳатхонасига бориб, врач маслаҳатларидан фойдаланиши керак. Маълумки, ҳомиладорлик бошланишида кўпчилик аёллар бошқоронги бўлади (қ. *Бошқоронгилик*).

Бу ҳолатлар баъзи аёлларда эртарок, баъзиларида эса кечрок бошланиб, ўтиб кетади. Аммо баъзи ҳомиладор аёлларда бу аломатлар йўқолмай, йўрайиб боради, натижада Ҳ.т. пайдо бўлади. Ҳомиладорликнинг биринчи (ҳайз) ва иккинчи ярми (кеч) токсикозлари фарқ қилинади. Илк токсикозлар ҳомиладорликнинг дастлабки 12 ҳафтасида рўй беради. Аёлнинг умумий аҳволи ўзгаради, дилгир бўлиб қолади, кўнгли айнийди, сўлаги оқади (кўп), қусаги. Баъзан аёл қалеб қайт қилаверади, дармонсизланади, оёқ бошлайди, уйқучан ва сержаҳл бўлиб қолади. Лекин Ҳ.т.га ўзгатиладиган тўхтовсиз (суткасига 20 мартагача) қусиш организмнинг суюқсизланиши ва аёлнинг қолсизланишига олиб келади. Унинг қон босими пасаяди, гавда т-раси кўтарилади, пульси тезлашади, териси қуруқшайди, оғзидан нотўғ ҳид келади. Бундай ҳолларда даволаш тадбирлари ёрдам бермаса, баъзан аборт қилиб, ҳомилани олиб ташлашга тўғри келади. Илк токсикозларда ҳомиладор аёл маслаҳатхонага қатнаб даволаниши мумкин; ҳаддан ташқари кўп қусиш аёлни касалхонага ётқизишни талаб этади.

Кеч токсикозлар ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида, кўпинча сўнгги ойларида вужуга келади. Буларга ҳомиладорлар истисқоси, *нефропатия*, *преэклампсия* ва *эклампсия* киради. Кеч токсикозларнинг барчаси кетма-кет келиб, касаллик босқичмабосқич кечади. Ҳомиладорлар истисқосида шиш пайдо бўлади. Одатда, у тўпиқдан бошланиб, тизза, сон, қорин ва ташқи жинсий аъзоларга ўтади, сўнгра аста-секин бутун танага тарқалади. Аёлнинг вазни кўпчийди. Шиш аёл гавдасининг қамма қисмига тарқалган бўлса ҳам унинг умумий аҳволи унчалик ўзгармайди, нормал ҳолатда вазни ортади (ҳомиладорлик даврида 10 кг ортади). Аёл оғирлигини тарозида тортиб турши йўли б-н ҳам шишни аниқлаш мумкин. Ҳомиладор истисқосида мунтазам даволаниш зарур. Ҳомиладор аёл ойда икки марта маслаҳатхонага бориши, шунингдек, врач кўрсатмаларига ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши, қафтада бир марта тарозида тортиб турши лозим. Суюқлик (*суткада 1 л гача рухсат этилади*) ва тузни чеклаш, сервитамин ошқатлар, сабзиотлар, хўл мевалар, творог, кефир истеъмол қилиш тавсия этилади. Аёл ўз вақтида даволаниб истисқонинг олдини олмаса, парҳезга, дам олиш ва меҳнат режимига риоя қилмаса, истисқо нефропатияга ўтиб кетади. Ҳомиладорлар нефропатияси одатда истисқодан кейин вужуга келади. Нефропатиянинг асосий белгиси шиш ва сийдикда оқсил бўлишидан иборат. Нефропатияда ҳомиланинг ривожланиши бузилади, у чала ёки ўлик туғилиши мумкин. Нефропатияда аёл касалхонада даволанади; аёлни олинмаса, у асоснлик ва преэклампсияга ўтиб кетади. Преэклампсияда ҳам нефропатиядаги каби шиш, қон босимининг ошиши, сийдикда оқсил бўлиши б-н бирга беморнинг боши қаттиқ оғрийди, кўзи ҳираланади, кўз олдида чивин учаётганга ўхшаб кўринади; кўкрак остида оғриқ пайдо бўлади. Бош оғриб, кўз ҳираланиши ниқда қон айланишининг жиддий бузилганлигидан дало.ат беради. Бемор вақтида даволанмаса, преэклампсия ҳолда оғирроқ касаллик — эклампсияга айланиб кетади.

Ҳ.т.га касалликнинг шаклига қараб даво қилинади. Олдини олиш учун хомиладорлик даврида гигиената риоя қилиш (тўғри дам олиш ва меҳнат қилиш, бекаму кўст овқатланиш), аёллар маслаҳатхонаси назоратида бўлиш, Ҳ.т.га олиб келадиган касалликни ўз вақтида даволатиш лозим.

ХОМИЛАДОРЛИКДАН САҚЛАНИШ, бўйида бўлишдан сақланиш — истаймаган хомиладорликка йўл қўймаслик чора-тадбирлари. Ҳ.с.нинг табиий ва сунъий усуллари мавжуд.

Лактацион аменорея усули (ЛАУ) — бу хомиладорликни олишни олдиндан табиий усули, уни аёллар туғруқдан сўнг дастлабки 6 ой ичида фақат кўкрак сути б-н эмизиш даврида қўлашлари мумкин.

Симптотермал усул — бунда аёл ўзини ҳайз кунларини назорат қилиши ва хомиладор бўлиб қолиш эҳтимоли бор, яъни «хавфли» кунларда жинсий алоқада бўлмаслиги керак.

Контрацептив воситалар: таблеткалар, презерватив, бачадон ичи спирали ва б. Таблеткалар таркибида эстроген ва тестален гормонлари бўлиб, уларнинг миқдори жуда кам ва организм учун зарарсиз (логест, марвелон, диане—35, новинет, фемоден), шу сабабли жигарга салбий таъсири йўқ. Ҳайз даврида оғриқ ва қон кўп кетишини камайтиради. Жинсий аъзоларнинг ўткир яллиғланиши, қин, бачадон ва тухумдон ракининг айрим турларини олдини олади, эркин жинсий йўл б-н юқадиган касалликлардан сақламайди. Аёл ўзи истаган пайтда таблетка ичишни тўхтатиб, хомиладор бўлиши мумкин.

Презерватив — бу юпқа резинадан тайёрланган жуда самарали восита бўлиб, ОИТС (СПИД), захм (сифилис), сўзак (гонорея) ва б. жинсий алоқа орқали юқадиган касалликлардан сақлайди.

БИВ (бачадон ичи воситаси) — пластмассадан тайёрланган кичкина мослама, унинг атрофи ингичка мис ип б-н ўралган, пастки учида 2 та кичкина ипчари бор. БИВ юқори самарадор ва олдиндан муолажа бўлиб, уни махсус ўргатилган мутахассис-шифокор бажаради.

ДМПА (депо—медроксипрогестерон ацетат ёки Депо-Провера) инъекция ёрдамида юборилаганган контрацептив модда; сунъий гормондан таркиб топган бўлиб, табиий гормон — прогестерон хусусиятига эга, у тухумхужайранинг етилишига тўсқинлик қилади. Ҳар 3 ойда бир марта юборилаадиган инъекция хомиладорликдан сақланишни таъминлайди.

Хомиладорликдан сақланиш воситаларининг ўта афзаллиқлари б-н бир қаторда, уларни мумкин бўлган салбий оқибатлари ҳам бор. Ҳар бир аёл организми ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бир организм учун фойдали нарса бошқасига зарарли бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун Ҳ.с.ни аёл қилган аёл ўзига белиён контрацептив воситалардан фойдаланиши ва бунинг учун албатта доимий тиббий кўригида бўладиган ўз шифокори б-н маслаҳатлашиб олиши керак. Ҳоз. контрацепция воситалари аввал мавжуд бўлган усуллардан хавфсиз ва юқори самарали, уларни қўллаш тезтез эзоғи қилларидан кўра афзалрок. Ҳ.с. усулларини қўллаш — хомилалор бўлиш қобилиятини йўқотмаган холда, аёл саломатлигини сақлаб қолишда энг мақбул йўл ҳисобланади.

ҲОМУЗА, эснаш — рефлектор акт; организм толиққанда, юрак-томир системаси фаолиятя ёмонлашганда, жисмоний қаракат қилинмаганда, дим, кўп тамаки чекилган хоналарда бўлганда ва мудроқ босганда рўй беради. Ҳ. оғиз, томоқ, овоз йўли кенг очилган ҳолда чуқур ва узоқ нафас олиш ҳамда нисбатан тез нафас чиқариш ва ўзига хос товуш б-н ифолаланади. Эснаётган кишига тақлид қилинганда у жуда осон содир бўлади. Ҳ.нинг муайян касалликларни аниқланиш клиник аҳамияти катта эмас. Узоқ давом этадиган Ҳ. миянда қисқорат етишмаслиги ва тибиий ёрдам кўрсатилишини талаб қилувчи баъзи касалликлар белгиси бўлиши ҳам мумкин.

ҲОР, *Ал-Ҳор, Ғор* — Ғарбий Осиёдаги тектоник ботиқ. Иордан, Сурия ва Иордания ҳудудларида. Шимда Бакаа тоғабени билан жанубда ал-Араба водийси оралиғида жойлашган. Узунлиги (шимдан жанубга) 300 км га яқин, сербар жойи 25 км. Тоглар (бал. 1000—1400 м) б-н ўралган берк ҳавза. Ҳда Иордан дарёси, Ҳўло, Табария кўллари ва Ўлик денгиз (Ер юзидаги энг паст жой, —395 м) жойлашган. Иқлими қуруқ ва иссиқ. Чала чўл ўсимликлари ўсади.

ҲОРИС ибн СУРАЙЖ (? — 746.21.4) — араб саркардаси, Мовароуннаҳрда умавийларга қарши халқ ҳаракати раҳбари. Хуросонлари хорижийлар раҳнамоси. Мовароуннаҳрни арабларр томонидан босиб олинишида фаол қатнашган. Ҳ. ибн С. умавийларни тангид қилиб, Қуръон оятларига риоя қилмаётганликлари ва пайгамбар сунъати бўйича иш тутмаётганликлари учун уларни қоралади. У эммиийлар б-н тузилган шартномага риоя қилиши, мусулмонларни (ну жумладан, мусулмонликни қабул қилганларни) чирок солмаслиюни talaб қилди. Хорис Мовароуннаҳрда жойлашган мусулмон гарнизонларини ўз тарафига оғдириб, Тохаристонда (Балх вилояти) ўрнашиб олган эди. Самарқанд шоҳи Ғурак, деҳқонлар ва Турк хоқони Абу Мусаҳҳам Ҳ. ибн С.ни Хуросонни эгаллаш учун юборганлар. 734—735 йилларда у бу ерда кўзголон кўтарган, бироқ Хуросон нойби *Асад ибн Абдуллоҳ* томонидан қўзголон бостирилган. Хорис Самарқандга қайтиб келган. 739 й. Хуросоннинг янги нойби *Наср ибн Сайёр* бошлиқ умавийлар кўшини Самарқандга юриш қилган, бироқ у муваффақиятсиз чиққан. Наср солиқ тизимини ўзгартиришга қарор қилган. У юқори табақа вакилларини ўз томонига оғдириб олган тақдирдагина қўзголонни бостириш мумкин деб ҳисобларди. Бунинг учун у мусломни қабул қилган мавқелий аҳолиан араблар б-н тенглаштирган, уларни жузъядан озод қилган. Наср 739 й. Самарқандга юриш бошлаган. Ҳ. ибн С. ўз хорижийлари б-н шу ерда жойлашган эди. Наср шаҳар аҳолисини сувдан маҳрум қилиб, уни таслим қилишга ўргнди, Самарқанд золотон деҳқонларининг бир қисмини ўз томонига ағдириб, ўларни Ҳ. ибн С.га бошлаиа берган. Шошга ҳужум қилишни талаб қилгани учун катта кўшин (20 минг) б-н Шошга юриш қилади. Турк хоқони амаклашувчи Қурсул Ҳ. ибн С. ва Шош қалъасини Қолир ибн Бадғиз қувватлаб 15 минг кишилик ёллама кўшин б-н Сирдарё бўйида Наърминг ҳузурини тўсади ва тунда мусулмонлар қаторгоҳига тезтез ҳужум қилиб турди. Ана шундай ҳужумлардан бирида Қурсул асир олиниб, ўтда куйдирилади. Шош ҳокими ва Ҳ. ибн С. Шош қалъасини қочадилар. Наср ивадг Фарғонага, сўнг Шошга ҳужум қилади. Ҳориснинг ўзи мансуб бўлган тамим қабиласи Наср томонида туриб уруш қила, шу туфайли Ҳорис тамимлардан қаршн урушган бош тортади. Шош ҳокими Наърга сулҳ таклиф этади. Ўша кўпа, Ҳ. ибн С. Шошни тарк этали, Форёб қишлоғига жўнаби. Марвдаги жангда қилок бўлган, ҳочга тортилган.

Мадрузи Азимова.

ҲОРУН — Қўрғонда зикри келган шайхлардандир. Мусонинг акаси. *Аллоҳ Мусонинг қайғусини этиб, унга Фиръавнини ҳидоятга даъват қилиш масъулиятини юклайди.* Фиръавнга рўбарў бўлиб уни имонга, тўғри йўлга даъват этиш кишидан шикоят ва кўпи ирода талаб қилар эди. Мусо бироз тезроқ ва дудуқланиб гапирар эди. Шу боис, Мусо Парвардигордан бу масъулиятни ва оғир вазифани ака этишда ўзига *акаси Ҳорун ёрдамчи* қилиб беришни сўради. Қўрғонда ёзилишича, ниҳоятда фасоҳатли ва таъсирли сўзлаш қобилиятига эга бўлган Ҳорун Мусога ёрдамчи қилиб берилади (Тоҳа сураси, 25–36-оятлар). Ака-ука Фиръавнни қилоат йўлига даъват этадилар. Аммо Фиръавн Аллоҳнинг бирлиги ва борлигини эътироф қилмай, залолатдан қайтмайди. Ўзини худо деб билган Фиръавнни Аллоҳ сувга ғарқ этиб, қалоқ қилади.

ҲОРУН ар-РАШИД (763 ёхуд 766–809.24.3) — *аббосийлар* сулоласидан бўлган халифа (786 й.дан). Эрон зодагонлари манфаатини ифода этувчи *бармакийлар монологидан чиққан* вазирлар ёрдамида ҳокимиятни идора қилган. 803 й. бармакийларни қирғин қилган, давлатни якка ўзи бошқарган. Ҳ. ар-Р. даврида мамлакатда қ.х., ҳунармандчилик, савдо ва маданият (асосан, адабиёт) анча ривожланган. Лекин шу б-н бирга давлатнинг ташқарига *юз тутгандлигининг белгилари* ҳам намоён бўла бошлаган (Дарбанд, Сурия ва б. вилоятлардаги кўзғолонлар). Ҳ. ар-Р. Византия б-н ўтмишдошлари бошлаган урушни давом эттирган. Ҳ. ар-Рашид шахси ҳақида кўплаб ривоятлар, бадиий асарлар яратилган. «Минг бир кеча» эртакларида у олижаноб, адолатли ҳукмдор сифатида тасвирланган. Мовароуннаҳрдаги *Рофи ибн Лайс кўзғолонини* бостириш учун ҳарбий сафарга чиққанда вафот этган.

Ал. Бертольд В.В., Карл Великий и Харун-ар-Рашид, Сочинения, т.6, М., 1966; *Мец А.*, Мусульманский Ренессанс, М., 1972.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ — қ.х. ходимларининг анъанавий байрами (Ўзбекистонда 1972 й.дача «Пахта байрами» деб аталган). Ҳўкликлар, туманлар, вилоятлар миқёсида ўтказилади. Кўпгина жойларда Ҳ.б. кеч кузда қ.х. экинларн ҳосили йиғим-теримни тамомлашнига қараб *нишонланади. Байрам* кунлари кўргазмалар, қ.х. маҳсулотлари ярмаркалари уюштирилади; баҳай ва спорт ўйинлари, от спорти мусобақалари, оммавий сайиллар ўтказилади. *Меҳнат илғорларига* мукофотлар *топширилади*. Ҳ.б.да қ.х. ходимлари б-н бирга шаҳар аҳолиси, кенг жамоатчилик ҳам иштирок этади.

ҲОСИЛА — дифференциал ҳисобнинг асосий тушунчаси. У функция ўзгаришн тезлигини ифодалайди. x_0 нуқтанинг атрофида берилган $f(x)$ нуқта учун

$$\lim_{x \to x_0} \frac{f(x)-f(x_0)}{x-x_0} \approx f'(x_0)$$

мавжуд бўлса, у функциянинг x_0 нуқтадаги ҳосиласи дейилади ва $f'(x_0)$ каби белгиланади. Ушбу

$$\lim_{x \to x_0+0} \frac{f(x)-f(x_0)}{x-x_0},$$

$$\lim_{x \to x_0-0} \frac{f(x)-f(x_0)}{x-x_0}$$

миқдорлар функциянинг x_0 нуқтадаги ўнг ва чап ҳосилалари дейилади ва $f'(x+0)$, $f'(x-0)$ каби белгиланади. Мас., $f(x)=|x|$ функциянинг $x_0=0$ нуқтадаги ўнг ва чап ҳосилалари мос равишда $f'(+0)=1$, $f'(-0)=-1$ бўлади.

$f(x)$ функция x_0 нуқтада ҳосилага эга бўлиши учун $f'(x_0+0)$ ва $f'(x_0-0)$ функциялар мавжуд бўлиб, улар ўзаро тенг бўлиши зарур ва етарли. Комплекс ўзгарувчили функцияларда ҳам ҳосила тушунчаси шунга ўхшаш киритилади (*яна қ. Дифференциал ҳисоб*).

«ҲОСИЛДОР» — эртапишар, мазалий хўраки олма нави. Халқ селекцияси йўли б-н чиқарилган. Дарахти ўртача бўйли, шох-шаббаси бақувват, шарсимон, бал. 4,9 м. Тули ўртача, икки жинсли, ўзидан чангланади, шунингдек, Тошкент боровинкаси, Самарқанд эрта олмаси навлари чанглатувчи ҳисобланади. Ҳосилдорлиги ўртача, йилига 15 ц дан 25 ц гача. Меваси ўртача, йирик, оғирлиги 150–160 г, ўртача 260 кг гача мева беради. Меваси июнь охири — июль бошларида пишади. Меваснинг ортиқчаси 130–160 г, думалоқ, учи тўмтоқроқ. Пусти ўртача қалинликда, *сарғимтир оч-яшил, қизғиш йўллари бор.* Этн оқ, ўртача тигиз, ўртача сершув, ширинроқ-нордон. Кўчати ўтказилгандан сўнг 2–3 йили ҳосилга киради, 5–6-йили тўлиқ ҳосил бера бошлайди. *Яхлитлигича сўйилади*, қоқи олинади, консерва қилинади, узоқ жойларга юборишга яроқли. Ўзбекистонининг барча вилоятларн, Туркманистон ва Жан. Қозоғистонда р-нларга тарқатилган.



ҲОСИЛДОРЛИК — экин майдони бирлигидан олинадиган деҳқончилик *маҳсулоти миқдори; ц/га б-н ҳисобланади.* Ҳ. бир неча турга бўлинади: потенциал Ҳ., режали Ҳ., кутилаётган Ҳ., тупшри Ҳ., 1 га дан олинган ҳақиқий Ҳ. Потенциал Ҳ. — экин навида мавжуд ҳосил бериш имкониятларнинг юзага чиқарилиш зарур бўлган барча шарт-шароитлар таъминланганда 1 га экинзордан олиниши мумкин бўлган *маҳсулотнинг* максимал миқдори. Уни и.т. муассасалари (нав оригинаторлари), давлат нав синаш тармоғи, кятор ширкат, фермер хўжаликлари мутахассислари идеал ҳамда одатдаги агрофонга тегишли ҳисоблаб чиқадилар. Бу эса навлар таркиби ҳамда *хўжалик, вилоят, минтақа* ва ҳ.к.лари деҳқончилик тармоқларининг тузилмасини белгилашга ёрдам беради. Режали Ҳ. — хўжалик шароитларида 1 га ердан олинишн мумкин бўлган маҳсулот миқдори; Ҳ.да эришилган даража тупроқ унумдорлиги, техника воситалари, ўғитлар ва ҳ.к. б-н таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда экин экилгунга қадар белгиланади. Кутилаётган Ҳ. (ҳосилга қараб мўлжалланлиги Ҳ.) — 1 га ердан олинишн мўлжалланаётган маҳсулот. Экинзорларнинг умумий ҳолатини баҳолаш асосида хўжаликлар томонидан *ҳисобланади.* Кутилаётган ҳосил кўрсаткичлари шароитга қараб ўзгариши мумкин. Кўтилаётган Ҳ. ҳар 1 га дан и ҳисобида ёки тахминий ҳисобда (ҳақорга, ўрта, паст, ўтган йилги даражада) аниқланади. Тупшри Ҳ. (вноз Ҳ.) — ўз вақтида бошланадиган йиғим-терим ошлидан далада *етилган тайёр маҳсулот миқдори.* Ҳақиқий Ҳ. — 1 га дан олинган ҳақиқий ҳосил (омбор Ҳ.) — йиғилган ва кирим қилинган маҳсулот. Турли усулларда: дастлабки кирим ёки ҳар 1 га экин, бақорги маҳсулотор майдон *ҳисобига тўғри келадиган соф* масса ва б. б-н қайд этилади.

Ҳ. даражаси *иқлим*, географик, тупроқ, *микробиологик, биологик*, агротехник, ташкилий-иқтисодий ва б. шароитлар б-н белгиланади. Деҳқончиликнинг интенсив системаларини жорий қилиш б-н экинлар Ҳ.и, асосан и.ч.ни интенсивлаш омилари ҳисобига ортиб боради.

Ҳалдора Сандова.

ХОТАМИ ТОЙ (тўзиқ номи Абу Сафона Ҳотам ибни Абдулҳоқ ибни Саъди Тойи) (тахм. 6-а. охири — ямани — 7-а. боши) — сахийлиги ва олижаноблиги б-н Шарқ мамлакатларида донг таратган шахс. Ямандаги Той қабиласининг бошлиғи, машҳур лашкарбоши ва шоир бўлган. Адабу эҳсофи, сахийлиги ва ишшилиги б-н дастлаб атрофдаги қабилалар, кейин бутун Арабистон ва Шарқ халқлари орасида Ҳотами Той — Той қабиласидан бўлган Ҳотам номи б-н шуҳрат қозонган. Унинг саховат ва ҳимматига қойил қолган Муҳаммад пайғамбар (сав) ҳам Той шарофатидан унинг авлодини эъзозда тутишни буюрган.


Шарқ халқлари оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида Ҳ.Т. ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар, қисса ва достонлар, ҳатто «Ҳотамнома» китоби яратилган. «Ҳотамнома» дастлаб араб тилида яратилиб, кейин форсча нусхаси Ўрта Осиё халқлари ўртасида кенг тарқалган. Ўрта асрларда ёзилган китоб ҳолида тарқалган бу асар 18—19-а.ларда ҳинд, урду, ўзбек, туркман, инглиз ва қисман рус тилларига таржима қилинган. 19-а.да Оқсувда Мухаммадхасан Ozим форсчадан туркийга таржима қилган ва у 1900 й.да Тошкентда «Ҳотаминомаи туркий» номи б-н чоп этилган. Мазкур қўлёзма ва тошбосма асосида проф. А.Маттосиев 1988 й.да уни ҳоз. ёзувда нашр эттирган.

Ҳ. Т. шоир сифатида ҳам машҳур. Сақланиб қолган шеърлари араб адиби ва хаттот Ризқуллоҳ Ҳассун томонидан 1872 й.да Лондонда чоп қилинган.

Шарқ халқлари тилларида Ҳотам, Ҳотамтой номлари «сахий», «кўли очиқ» мазмунларини ифодалайдиган сифатга айланиб кетган. И.В. *Гёте* «Ғарбу Шарқ девони»да ўзини Ҳотам, мазкур қасрини Зулайхога нисбат бериб, қатор шеърлар яратган.

Ад.: Хотиномма, Т., 1988.

ХОТАМОВ Орифхон (1927.10.10, Жиззах — 2002.25.9, Тошкент) — хонанда, созанда (танбур, гижжак), бастакор. Ўзбекистон халқ ҳофизи (1993). Миллий мумтоз мусиқа (мақом, ашула, катта ашула, бастакорлик) санъатининг йирик вакили. Тошкент мусиқа билим юртини гижжак ихтисослиги бўйича тугатган (1954). Ҳофизлик ва танбур чалиш йўлларини устози Ж.Султонмовдан ўзлаштирган. Муқимий театри (1944), Ўзбек давлат филармонияси (1945—59), Ўзбек радиосининг халқ чолғулари оркестри (1956—59), этнографик ансамбли (1959—76), «*Мақом*» *ансамбли* (1976—89)да созанда, айни пайтда М.Уйғур номидаги Санъат ин-ти (1989—99), Тошкент консерваториясида (1999 й.дан)да педагог. Репертуаридан катта ашула («Оҳким», «Дайди Танавор», «Бўлмиш» ва б.), мумтоз ашула («Фироз», «Абдурахмонбеги», «Ҳануз», «Кўпчинор», «Сувора» ва б.) ва мақом йўлдари («Дугоҳ Ҳусайн», «Баёт» каби), 20-а. бастакорлари («Содирхон Ушшоғи», С.Бобошарипов; «Ул кун жонон», Ж.Султонов; «Дўстлар», К.Отаниёзов ва б.) ҳамда ўзбек мумтоз ва замонавий шоирлар ғазалларига ўзи басталарган («Найлайин», «Қўнги ёсинму лойин», «Кора бўлибдур», Навоий; «Сенсан севарим», Лутфий; «Ер ўғлими», С.Зуниунова; «Ҳолимни сўрмайсан», Садоий; «Оҳиста-оҳиста», Т.Тўла; «Субҳидам», П.Мўмин; «Ватандир», «Пайдо бўлибдур», Чустий ва б.) асарлари ўрин олган. Ҳ. кучли, кўлами кенг, ширалар ва дарали овоз соҳиби. Ҳ.нинг ўзига хос ижро ва ижодий услуби нозик дид, теран мазмундорлиги б-н ажралиб туради. Кўп йиллар давомида Ҳакимжон Файзиев, кейинчалик ўғиллари Ахрорхон ва Исмоилхонлар б-н ҳамнафаслик қилиб, овозлар равонлиги ва мутаносиблиги, танбур-дуторнинг дилкаш мулокотига асосланган жўровоз бўлида ижод қилган. Ижролари ва бастакорлик асарлари Ўзтелерадиокомпаниясн фонотекасида, бир неча грампластинка ва компакт дискга ёзилган. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1997).



Ад.: Бегматов С., Орифхон Ҳотамов. Т., 2000.

Рустам Абдуллаев.

ХОТАМОВ Ҳамиджон Озимжонович (1959.20.6, Наваҳоҳон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. институтини тугатган (1985). 1985 й.дан Навбаҳор туманидаги 14-мактабда таърих ўқитувчиси. 1996 й.дан «Ўқитувчи» нафис санъат лицейи директори. 2000 й.дан тарих-ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси.

ХОТАМОВА Ерқиной (1941.23.2, Фарғона ш.) — актриса, хонанда (лирик сопрано). Ўзбекистон халқ артисти (1991). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1970). 1958—60 й.лар Фарғона театрида, 1960—70 й.лар Ўш театрида, 1971 й.дан яна Фарғона театрида актриса. Фарғона ун-тининг доценти (2001 й.дан). Зулхумор («Равшан ва Зулхумор») унинг саҳнада яратган биринчи образидир. Кейинчалик Зуҳра («Тоҳир ва Зуҳра»), Кумуш («Ўттан кунлар»), Дездемона («Отелло»), Рағбо («Мехробдан чақи»), Алимаи («Момо ер»), Ойхон («Майсарининг иши»), Кимё («Нурхон»), Ойпарча («Нодира»), Барчиной («Ajпомиш»), Қумри («Темир хотин»), Момо («Чимилдиқ»), Дилором («Дилором»), Холпошша («Кўш каптар»), Зумрад («Танбур ноласи») каби роллларни ижро этди. Ҳ. ижоди кўпроқ драматик образлар яратишга мойиллиги, қаҳрамонлари характерининг зиддиятли ва психологик асосларини чуқур очиб бериши, уларни руҳий гўзаллик ва эҳтёжи руҳ ила тасвирлаши б-н аж-



Ерқиной Ҳотамова Ўзлаш ona ролида («Бог» телесериали).

ралиб туради. Ҳ. фильмларда ҳам суратга тушган (Ўзлаш ona «Бог» телесериали, Меҳринисо момо «Уайсий» телесериали ва б.). Ҳ. ижросидаги «Ёлғон хатинг қўлимда», «Фарғонадан қайтмаи», «Сен кетдинг, фироқ қолди», «Тонг шамоли», «Суҳбаса», «Замонам менинг», «Самарқанд ушшоғи» ва б. қўшиқлари машҳур.

ХОТАМОВА Масуда Турдибоевна (1947.19.5, Уйчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Наманган пед. институтини тугатган (1972). 1968—2000 й.ларда Уйчи туманидаги 38-мактабда бошлангич синф ўқитувчиси. 1985—90 й.ларда Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати.

ХОФИЗ (араб. — ёддан билувчи, сақловчи) — 7-аср арабларда Қуръон сураларини ёддан қироат б-н ўқувчи киши, қори. 11-аср мусулмон Шарқ мамлакатлари (жумладан, Ўрта Осиё ва Хуросонда мумтоз газал ва достонларни ёддан айтган кишилар, шунингдек, ўзи ҳам ижодкорлик қобилиятига эга, куй-оҳангларни эсда сақлаш қуввати (хофизаси) ўткир бўлган, юқори малакали шоулалч, хонанда (мас., *Ғуҳи ҳофиз, Левичка хофиз, Мадумар хофиз* ва б.). Айни пайтда, ўз газалларини оҳангли ўқиган ҳассос шоирларга ҳам Ҳ. даражаси нисбат берилган (*Хофиз Шерозий, Хофиз Хоразмий* ва б.). Халқ орасида «Ҳ.и мажнун» (ном ҳазонгаи Ҳ.), «Ҳ.и нусрат» (талаба қизиқарли, ҳофизлар беллашувида ютиб чиққан Ҳ.), «Ҳ.и мехробхон» (Қуръон сураларини, «Мълъ» каби диний айтимларни ўта ёқимли овоз б-н ўқийдиган Ҳ.; мас., Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида тилга олинган Хофиз Жалолиддин Маҳмуд ва б.), «Ҳ.и Қуръон» (бутун Қуръонни ёд билган қори) каби атамалар ҳам қўлланган.

Ўрта Осиёда Ҳ. ва ҳофизлик санъати «жарчи», «оқин», «гирчи», «гиранъ» деб аталган ўзига хос хонандалик анъаналари негизида ривож топган (қ. *Бирбад, Жарчи*). Ўзбекистонда 1920-йларда «Туркистон Республикаси халқ ҳофизи» унвони М.*Кориёқубов*, Тўйчи ҳофизларга берилган. 1940—60-йилларда эса 1990 йилдан «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвони жорий этилган.

Бахромжон Назриддинов.

ХОФИЗ, Хожа Ҳофиз Шерозий (тахаллуслари; асл исм-шарифи Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад) (1326 — Шероз — 1389) — форс шоири. Отаси бевакт оламдан ўтгач, Ҳ. тирикчилик учун новвойлик б-н шуғулланган. Зеҳни ўткир бўлганлиги-дан тез орада фиқҳ, ҳадис, араб тили ва адабиёти, Қуръони карим ва унинг тафсирини мукаммал ўзлаштирган. У, ҳусусан, Қуръон қироатида юксак маҳоратга эришиб, уни 14 усулда тиловат қилган. Маърака-йиғинларда Қуръонни, қассасхонлик келажакда халқ китобларини ёқимли овозда ўқий бериб, рўзғор тебратган. Шундан учун ҳам уни *ҳофиз* деб улуғлашган ва бу ном кейинчалик шоирнинг адабий тахаллусига айланиб кетган. Яхши хаттот ҳам бўлган. Турли китобларни кўчирган, Қуръонни китобат қилган [Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳамса»сидан Ҳ. кўчирган 2—4-достонининг қўлёзма нусхалари (1355) ҳоз.



Хофиз Шерозий (ўз даврида яшаётган миниатюра).

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти (инв. №2179) сақланади]. Ҳ. вақт-вақти б-н шоҳлар саройида хизмат қилган. Шоҳ Шужоъ Музаффарийнинг (1358—84) тахтга чиқишини қутлаган, Шоҳ Мансурни (1388—92) улуғлаб, унга 6 газал, 1 қасида ҳамда қонқайнома бағишлаган, лекин ҳаётн ҳамиша йўқчиликда ўтган. Баъзи асарларида ўзининг қувинга учраганини ёзган.

Адабий мероси битта лирик шеърлар девонидан иборат. «Девон»ни шеърлар адабиётшунос Муҳаммад Гуландом (14-а. охири — 15-а. бошлари) тузган ва у 19-аср Европаси нашр этилгач бошқа нусхалар учун асос бўлган.

Ҳ. бир умр Шеродза яшаган. 14-а.нинг 70-йиллари бошида қисқа муддат Исфаҳон ва Ядда бўлган. Шоирнинг шеърлари Шероздан ташқарида ҳам машҳур бўлганлигидан Бангола ҳукмдори Султон Ғиёсиддин, Дакан подшоҳи Шоҳ Маҳмуд Баҳманийлар Ҳ.ни ўз саройларига даъват қилиб, совға-саломлар юборганлар. Султон Аҳмад б-н Увайс Жалойирий уни Багдодга ҳам таклиф қилишган, лекин у бу таклифни рад этган. У *асосан мехнаткаш* ва ўқувсиз халқ томонида туриб, унинг қувончу ташвишларн, дарду аламларини оташин мисраларда куйлаган учун яқорн табақаларга унчалик ёқмаган. Ҳ. комил мусулмон бўлиб, ижодн Қуръони карим ва Ҳадиси шариф ташвисидан сув ичган.

Ҳ. мўғуллар ҳукмронлиги инқирозга учраб, майда хонликлар ўртасидаги ўзаро тожу тахт талашлари авж олган, бундан халқнинг аҳволи ғоят ночор бўлган бир даврда яшаб ижод этган. Унинг даврида Шероз 5 марта ана шундай жанглар гирдобига тортилиб, ўзи вайрон, халқи қатлиом қилинган. Маърифатпарвар ва шеърият мухлиси бўлган шайх Абуиҳоқ Инжу (1342—53) Ҳ.ни қўллаб, унга ҳомийлик қилган. Маълумки тазриф-тавсиф, висол лаззатлари ҳижрон ҳасратини тараннум этиш воситаси бўлган газалга у ихтиромй маълумот, фалсафий фикр-мулоҳазаларни омухта қилган. Ўз даврининг сиёсий манзараларини, мальлавий қиёфасини ҳиқоний гавдалантирган. У ишқ мавзунга олам ва одам дардини, жамият муаммоларини олиб кирган. Шоир инсоннинг орзу-интилишлари, қувончу қайғуси, дарду ташвишлари, муҳаббати, фикру ўйларини аж ирдаларда куйлаш б-н адабиётнинг асосий объекти инсон эканлигини амалда исботлаган.

Ҳ. газаллари, аввало, жозибали ва ёқимли оҳанги б-н ҳар қандай ўқувчини ўзига тортган: ҳассос ва нознкор руҳи б-н унинг қалбини тўлқинлантиради; ранг-баранг тимсолу ташбеҳлари, юксак бадиияти, кенг ва чуқур маъноларн б-н ақлини банд этади. Қават-қават рамзу тимсолдар пардасига ўралган шеърлари бир неча маъно қирраларига эга бўлганлиги учун ҳам ҳар бир томфа уни ўзича талқин этади, ўз мақсадига хизмат қилдиради. Чунончи, тасаввуф олимлари Ҳ. ижодини илоҳий ишқ куйчиси сифатида ўргансалар, Ғарб ва шўро адабиётшуносларн дунёнй нуқтаи назардан таҳлил этганлар. Аслида шоир ижодида илоҳийлик ва дунёвийлик ажойиб бир тарзда уйғунлашиб кетган. У еру кўкнинг яратувчиси бўлмиш Аллоҳни тарифу-тавсиф этиш, унга бўлган ҳассос муҳаббатини куйлаш б-н бирга, инсон ҳақида ҳам фикр юритади. Ҳ. девони мадрасаларда мақсус дарсликлар қаторида ўқитилган. Ҳ. шеърлари табиийлиги, самимийлиги ва юксак бадиияти йўтирилгани, мазмунан теранлиги ва серқатламлиги, фалсафасининг қуюқлиги, нозик ишоралари бойлиги, услубининг Мураккаблиги учун ҳам унга «инсон ул-ғайб» — «ғойибнинг тили» сифатини берганлар. Фирдавсий — маснавийни, Умар Хайём — рубоийни қанчалик такомилга етказган бўлсалар, Ҳ. ҳам газални шунчалик юксак маҳорга кўтарган.

Ўз ижодида мой ва у б-н боғлиқ тимсолардан кўп фойдаланган учун Ҳ. ринд ва майпараст сифатида ҳам машҳур. Тасаввуф адабиётида суфиё-

на истилоҳ-тимсолларни энг кўп қўллаган ва уларга энг кўп маъно юклаган ҳам Ҳ. ҳисобланади.

Ҳ. ўзбек адабиётига ҳам кучли таъсир ўтказган. Сайфи Саройи, Ҳофиз Хоразмий, Саккокий, Атоий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Мойил, Амирий, Мунис, Огаҳий каби барча давр шоирлари Ҳ.ни ўзларига устоз билганлар, ундан таъсирланиб, шеърлар битганлар. Навоий «Девони Фоний»да Ҳ. ғазаллари тахминан 220 дан ортиқ назира битган.

18-а. охири — 19-а. бошларида эътиборан Ҳ. Ғарб дунёсини ҳам ўзига қаратди. 1812 й.да Йозеф фон Ҳаммер шоир девонини тўлалигича таржима қилиб, немис тилида нашр эттирган. Шундан сўнг Германияда Ҳ.га эргашиб ёзилган шеърлар кўпайган, ҳатто немис адабиётида шарқона шаклдаги шеърлар, ғазаллар пайдо бўлган. И. Гёте «Ғарбу Шарқ девони»ни яратган, Ҳ.ни «юксак услуб даҳоси», «муқаддас Ҳофиз», «Шарқнинг Вольтери» деб улуғлаганган. Умуман, Ғарбда Ҳ.ни Гейне, Гёте, Шелли, Вольтер, Байрон каби улуғ ёзувчилар қаторида тилга олишган. Рус адабиётида ҳам Ҳ. катта шуҳрат қозонган. А.Фет, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, В.Жуковский, С.Есенин, П.Гиедич, В.Брюсов каби рус шоирлари Ҳ. таъсирида шеърлар ёзганлар, унинг ижодини юксак баҳолаганлар.

Ҳ. ўзи севган Мусалло богида дафн этилган ва унинг гирофати ён-атрофи ёлғиз чалик бу боғ «Ҳофизия» номини олиб, жаҳон илму адаб аҳлининг зиёратгоҳига айланган. Темурийлардан Абулқосим Бобур шоир қабрини обод қилдирган. Сўнг Эрон ҳукмдорларидан Каримхон Занд ҳоз. сағанани қурдирган (1811).

Ас.: Ғазаллар, Т., 1958; Қулиёт, Душанбе, 1983; Ҳофиз Шерозий ишқномалари, Т., 1985; Ишқ дафтари, Т., 2000.

Ад.: Шомуҳамедов Ш., Ҳофиз Шерозий, Т., 1965; Навоий ва адабий таъсир масалалари, Т., 1968; Брагинский И.С., Из истории персидско-таджикской литературы, М., 1972; Садомов Ғ., Комилов Н., Дўстлик кўприклари, Т., 1979.

Эргаш Очилов.

ҲОФИЗ КЎҲАКИЙ — қ. *Кўҳакий.*

ҲОФИЗ КЎҲАКИЙ МАҲМУЯСИ — Тошкентнинг Сайбон кўчасидаги меъморий ёдгорлик (16-а.). Ҳофиз *Кўҳакий* маблағига унинг раҳбарлигида қурилган. Қалимда бу мажмуа салобатли ва жозибадор иляи масканн бўлган. Аҳломиннинг ўзи мадраса илми тобиблараға, мақалла ёшларига дарс берган. Бинонинг меъморий ечими, ташқи кўринниши, қурилиш хом ашёлари унинг 16-а.га мансублигини кўрсатади. Мажмуа тўғри тўртбурчак тарҳли, бош тарзи пештоқли, 1 қаватли; ёғи масжид, мадраса, дарвозахона орқали ичкари (кенг ҳовлиҳа кирилади. Кенг ҳовли ўртасида ҳовуз бўлиб, атрофи чинорлар экиб сўлим масканга айлантирилган. Ғарбий қисмида меҳманли баланд минора, шиф-



Ҳофиз Кўҳакий мажмуасидаги сақланиб қолган ёғоч масжид.

ти ингаланаий нақшлар б-н безатилган кўп устунли айвон (ёзги масжид). кўп гумбазли хонақоҳ (қишки масжид), равоқли қатор ҳужралар бўлган.

Мажмуадан ёзги масжид, хонақоҳнинг тенг ярми, ҳовлининг бир қисми, бир неча ҳужрагина сақланиб қолган.

ҲОФИЗ ТАНИШ БУХОРИЙ ибн Мир Муҳаммад Бухорий, Мавлоно Нахлий (тахм. 1540 — Бухоро — 1589) — тарихчи олим ва шоир. Отаси Мир Муҳаммад Бухорий *Убайдуллахонинг* энг яқин кишиларидан саналган. Ҳ.Т.Б. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган.

Қулбобо Кўкалдошнинг тавсияси б-н Ҳ.Т.Б. *Абдуллахон II* саройига хизматга қабул қилинган ва хонининг шахсий воқеанависи (тарихчиси) қилиб тайинланган (1570 й.дан). У умрининг охиригача шу лавозимда хизмат қилган.

Ҳ.Т.Б. ўз даврининг етук шоири бўлиб, у «Мавлоно Нахлий» тахаллуси б-н шеърлар ёзган. 1560 й.да у *Искандархон* тахтга ўтиришида унга қасида бағишлаган. Унинг шеърлари кўплаб тазкиралар ва баёзларда учрайди.

Ҳ.Т.Б. ўзининг шоҳ китоби — «Абдуллахона» («Шарафномаи шоҳий») асари б-н танилган. Асар шайбонийлардан Абдуллахон II га бағишланган бўлиб, 1584—88 й.ларда Бухорода форс тилида ёзилган. Муаллифнинг режасига кўра, асар муқаддима, 2 қисм (мақола) ва хотимадан иборат бўлиши мўлжалланган. Бироқ асарни ёзиш жараёнида режа ўзгарган. І-ва 2-мақолалар қўшиб ёзилган, хотима эса муаллифнинг вафоти туфайли ёзилмай қолган. Мутрибийнинг гувоҳлик беришича, «Абдуллахона» асарининг охирги қисмини Абдуллахон II нинг топшириғи б-н қози Повинда Зоминий (1602 й.в.э.) ёзган.

«Абдуллахона» асари шарқшунос олим Содиқ Мирзаев томонидан ўзбек тилига тўлиқ таржима қилинган. Бу асар Б.*Ахмедов* сўз бошиси ва изоҳлари б-н биргаликда 2 марта нашр этилган. Асарнинг рус тилидаги таржимаси М. Салоҳиддинова томонидан амалга оширилб, унинг фақат І—ІІ қисмлари факсимилеси б-н чиқарилган. Асарнинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондларида сақланади (инв. №2207, 3781). Санкт-Петербургда асарнинг учта қўлёзмаси мавжуд.

Ас.: Абдуллахона, 1-ж., Т., 1968; 2-ж., Т., 1969; Абдуллахона (тўлиқ нашри), 1-китоб, Т., 1999; 2-китоб, Т., 2000; Шарафнома-йи шаҳи, часть 1, М., 1983; часть 2, М., 1989.

Ад.: Аҳмедов Б., Муниров К., Ҳофиз Таниш Бухорий, Т., 1963; Ҳасанов Ҳ., Саййд олимлар, Т., 1981; Аҳмедов Б., Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари, Т., 2003.

Ҳасанхон Рожабов.

ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ (тахаллуси; исми Абдураҳим) (14-а.нинг 2-ярми, Хоразм — 15-а.нинг 30—40-й.лари, Шероз) — шоир. Эски ўзбек тили ривожига катта ҳисса қўшган. Ёшлиги Хоразмда кечган. Бу



Ҳофиз Хоразмий девонига ишланган миниатюралардан.


ерлари иотинчиликлар туфайли 14-а. охирларида ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлган. *Самарқанд*, Бухоро, Ўзганд, Ироқ, Кирмон, *Исфаҳон*, *Табризда бўлиб*, Шероздa тўхтаи ялаб қолган. Иброҳим Султон саройига яқин бўлган. *Ҳофиз* Шерозий ижодига ҳурмат б-н қараб, унинг анъаналарини ўзбек шеъриятига *олиб кирган*, *ўзбек халқини* Шерозийники каби етук ишқий-фалсафий шеъриятдан бохраманд қилиш ниятида «Ҳофиз» тахаллусини танлаган.

Ҳофизни кўриш ушбу замон турк тилида, Гар кадди эса форсда уз Ҳофизи Шероз.

ХХ, ҳам ўз замонасининг инсонпарвар, маърифатпарвар вакили сифатида Ҳофиз Шерозий, Жомий, Навоийлар сингари диний-тасаввуфий дунёқараш вакилидир. Шеърларида Мансур Ҳаллождни чуқур ҳурмат б-н тилга олган.

ХХ. туркий тилда бой адабий мерос қолдирган. Шеърларидан девон тутган. Девонида 1052 ғазал, 9 қасида ва қатор мухаммас, таржеъбанд, таркибанд, рубоий, қитъалардан иборат *37264 мисра шеър бор. Уларда* инсон бахт-саодати, эркинлиги, дунёвий севги-муҳаббат мадҳ этилган, замонасидаги турли ижтимоий адолатлар асарлар («Зайли Зафарнома» Шомий», «Зайли Жомиъ ут-таворих», «Тарихи Ҳофизи Абру», «Мажмуа ат-таворихи султония», «Зубдат ут-таворихи Бойсунқурий») муаллифи. «Зайли Зафарнома» Шомий» асари *Низомиддин Шомий*нинг «Зафарнома»сига илова бўлиб, асардаги тарихий воқеалар баёнини 1403 йилча давом эттирган. «Зайли Жомиъ ут-таворих» *Рашидиддин* Фазлуллоҳнинг «Жомиъ ут-таворих» асарининг давоми бўлиб, унда Эроннинг 1304—70 йилардаги тарихи акс эттирилган(1417). «Тарихи Ҳофизи Абру» номи б-н машҳур тарихий-географик асарида дунёнинг доира шаклидаги картаси ва 6. харитлар берилган. Бу хаританинг муҳим томонларидан бири — градус *тўри чизилганлиги*, *уни географлар* Ҳ.Аҳмад шох асари деб ҳисоблайдилар. Бу асарда ер юзидаги сувлар, тоғ-тошлар, мамлакатлар ва уларлаги шаҳар-қишлоқлар, шунингдек, Форс, *Кермон*, *Хуросоннинг* батафсил географияси ва тарихи, Моваройнаҳр геогр. си баён этилган. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб, Термиз каби шаҳарлар ҳамда Жайхун, Сайхун, Мурғоб ва б. дарёлар, мамлакатлар, вилоятларнинг кенглик ва узунликлари кўрсатиб ўтилган ва масофалар ҳамда майдонларни изоҳловчи (форсанг, ойлиқ йўл, кунлик йўл) *анчагина* сатрлар бор. 1423—27 йилларда ёзилган «Мажмуа»(«Тўплам») асари Шоҳрух салтанати тарихини 1417 йилги воқеалар б-н тугатади. Унинг 4-

ҲОФИЗИ АБРУ, Шаҳобуддин Абдуллоҳ ибн Лутфиллоҳ ибн Абдуррашид ал-Ҳавофий (1361/62, Хирот — 1430, Зайжон) — тарихчи ва географ. *Амир Темур* ва *Шоҳрух* саройларида тарихнавис бўлган. Тарихий ва тарихий-географик



Ҳофизи Абру тузган дунё харитаси.

жилди «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий»да тарихий воқеалар 1417 й.га қадар етказилган. Ҳ. А.нинг асарларида ижтимоий-иқтисодий маълумотлар, бизгача етиб келмаган асарлардан парчалар ва муаллифнинг ўз даврига оид хабарлари кенг ўрин олган. Ҳ. А. асарларининг қўлёзмалари Санкт-Петербург, Оксфорд ва Тошкентда сақланади.

Ад.: Бартольд В.В., Сочинения, т.3, М., 1973; Ҳасанов Ҳ., Саййд олимлар, Т.,1981.

ҲОШИМЖОН, баҳу ҳошим — Ғ. Муҳаммад (сав) бобокалонлари Ҳошим ибн Абдуманноф авлодлари; Расулуллоҳ (сав) мансуб бўлган уруғкоиадон. Ҳ. Муҳаммад (сав) қадрларида, ул зот вафотидан сўнг эса арабмусулмон тарихида муҳим роль ўйнаган; 2) Ҳ. бир қанча мусулмон ҳукмдорлари сулолаларин шакллантиришган. Чунончи, 10-а.дан 1924 й.гача Макка шарифлари, унинг авлодлари. Бу сулола вакиллари (ал-Ҳавошим-Ҳошимийлар) 20-а. бошида Ҳижозда (1908—25) ва Иракда (1921—58) давлатни идора этишган. 1921 й.дан Иордания Ҳошимийлар қироллигида, Ҳ.нинг бошқа бир тармоғи эса Марокаш Қироллигида (10-а.дан) ҳокимиятни бошқариб келмоқда.

ҲОШИМОВ Абдулла Ҳошимович (1908.20.9, Тошкент — 1976.21.6) — физиолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1963), тиббиёт фанлари д-ри (1956), проф. (1957). Ўрта Осиё тиббиёт институтини тамомлаш ф-тини тугатгач (1933), нормал физиология кафедрасида катта лаборант, аспирант (1933—35), ассистент (1935—38), доцент (1938—41). Уруш қатнашчиси (1941—45). ТошТИ нормал физиология кафедрасида доцент (1945—56), айни вақтда Рига тиббиёт ин-ти нормал физиология кафедрасида докторант (1953—56). 1957 й.дан ТошТИнинг нормал физиология кафедрасида проф. ва Тошкент фармацевтика ин-ти физиология кафедраси мудири (1956—73). Илмий ишлари, асосан, соғлом организмда ҳамда ташқи муҳитнинг организмга таъсири натижасида қон айланишининг ўзгаришига оид.

Ас.: Влияние кофы больших полушарий на теплорегуляцию (Условные рефлексы), Т., 1940; Кровообращение при пищеварении, Т., 1958.

ҲОШИМОВ Насим (1920.12.3, Самарқанд — 2000.4.11, Тошкент) — ашулачи, опера хонандаси (лирик баритон), педагог. Ўзбекистон халқ артисти (1959). Москва ўзбек опера студияси (1941) ва Тошкент консерваторияси (1961)ни тугатган. Миллий ижро услубларини ўзлаштиришда Ҳожихудулазиз, Тўйчи ҳофизлар таъсир кўрсатган. Самарқанд театрида хормейстер ва артист (1941—44), 1944 й.дан Навоий театрининг яккахон, 1959 й.дан Тошкент консерваториясида педагог, проф. (1979), 1972—77 й.лар хонандалик кафедраси мудири. Ўзбек операларида Бўрон (С.Василенко, М.Ашрафий, «Бўрон»), Иброҳим (Т.Содиқов, Р.Глиэр, «Гулсара»), Нуъмон (М.Ашрафий, «Дилором»), чет эл классик операларида Эскамильо (Ж.Бизе, «Кармен»), Онегин, Елецкий (П.Чайковский, «Евгений Онегин», «Қарға моткаси»), Фигаро (Ж.Россини, «Севилья сартароши») каби бош роллярни ижро этган. Концерт репертуаридан, асосан, Ҳамза қўшиқлари ҳамда бошқа ўзбек бастакор ва композиторларининг асарларн (М.Левиевнинг «Қадрамон қизлар», Т.Содиқовнинг «Жонон кўринур», М.Бурҳоновнинг «Табассум қилмадинг ҳеч») ўрин олган.



ҲОШИМОВ Ўткир (1941.5.8, Тошкент) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991). ТошДУ нинг филол, ф-ти журналистика бўлимини тугатган (1964). «Қизил Ўзбекистон» (1959—62), «Тошкент ҳақиқати» (1963—66), «Тошкент оқшоми» (1966—82) газ.ларида адабий ходим, бўлим мудири. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир (1982—85). «Шарқ юлдузи» (1985—95), «Театр» (2005 й.дан) жур.ларида бош муҳаррир.

Илк китоби — «Пўлат чавандоз» (1962, очерклар тўплами). Биринчи йирик насрий асари — «Чўл ҳавоси» (1963). «Одамлар нима деркин» (1965), «Шамол эсаверади» (1966), «Қалбингга қулоқ сол» (1973) қиссалари эълон қилинган. «Баҳор қайтмайди» (1970), «Дунёнинг ишлари» (1982) қиссалари ёзувчига шуҳрат келтирган. «Баҳор қайтмайди» қиссасида истеъдодли бир йигитнинг шуҳрат илинжида хазон бўлган умри, руҳий-маънавий инқирози санъаткорона ифодаланган. Ҳаёт ва нурли тўйғулар ёзувчи 6-ю йўғрилган автобиографик характерлари «Дунёнинг ишлари» асарида муаллиф ўз онаси тимсолида ўзбек аёлларига хос улкан меҳр-мурувватни тараннум этган. Ёзувчининг «Муҳаббат», «Деҳқоннинг бир куни», «Уруғнинг сўнгги қурбонн», «Ўзбек аёли» каби новеллалари ўзбек ҳикоячилигида муҳим ҳодиса бўлди. Илк романи «Нур борки, соя бор» (1976) да Ҳ. ўзига замонлош-тенгдош журналист Шерзоднинг кечинмалари орқали ҳаяжонли маънавий-ахлоқий масалалар 6-н бирга ўткир ижтимоий муаммоларни кўтарган. «Икки эшик ораси» (1986), «Тушла кечган умрлар» (1994) романларида Ҳ. замондош-авлодн одамлар тақдирнни 20-а.нинг энг кескин фожиавий ходисалари — 2-жаҳон уруши ҳамда мустабид тузумларнинг жинояткорона сиёсати оқибатлари 6-н боғлиқ ҳолда таҳлил ва талқин этиш йўлидан борган. «Икки эшик ораси»даги деярли барча персонажлар уруш даврида уруш ҳафсини чеккан одамлардир. Асар персонажлари тимсолида ўзбек халқи табиатига, миллат менталитетига хос бағрикенглик, бардош ва матонат каби фазилатлар очиб берилган. «Тушда кечган умрлар» романидаги Рустамнинг фожиавий қисмати орқали Ҳ. эҳтон урушининг маъносиз моҳиятини тераи ва таъсирчан ифода этган. Бутун умри давомида тоталитар режим сиёсатининг қалқони ва қиличи сифатида иш кўрган, неча мингдаб қалол одамдаг дилини жароҳатлаган, ёстиғини қуритган Комиссар ҳам ўзига хос фожиавий образ. Бу кимсанинг фожиаси шундаки, у ўзи олиб борган қора ишларни ҳақ деб билган.

Ҳ.нинг бир қанча асарлари экранлаштирилган. «Хазон бўлган баҳор», «Инсон садоқати» (1975), «Виждон дорисн», «Тўйлар муборак» (1979), «Қатғон» каби драма, комедия, бир қатор киносценарийлар муаллифи. «Дафтар қошнисидаги битиклар» (2001) китоби ижтимоий-маънавий қаётда муайян из қолдирган. Асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

1-, 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати. Олий

Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси (1995—2004). Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1986). «Меҳнат шуҳрати» (1996), «Буюк хизматлари учун» (2001) орденлари б-н мукофотланган.

Ас.: Сайланма [2 жилд], Т., 1993.

Ад.: Шарафиддинов О., Ўткир Ҳошимов [«ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи» китоби ичида], Т., 1999; Норматов У., Руҳият манзиллари, Т., 2001; Расулов А., Адолатга элиб, Т., 2001.

Умарали Норматов.

ҲОШИМОВ Ҳокимжон (1915.23.3, Тошкент ш.) — Халқ ўқитувчиси (1991), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1959). Тошкент пед. институтини тугатган (1939). 1936 й.дан «Ўқитувчилар газетаси»да адабий ходим, масъул котиб, 1947 й.дан Тошкент ш. Собир Раҳимов туманидаги 22-мактабда *она тили ва адабиёт* ўқитувчиси, 1948—2001 й.ларда мактаб директори.Ҳ. ҳақида Ўзбекистон телевидениеси томонидан «Умр мазмуни» ҳужжатли филми тавсияланган. «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1994).

ҲОШИЯ — нақл мужассимотида асосий ҳисмлардан; бирор нарсанинг асосий ҳисмидан ажралиб турадиган чети, *атрофи, эҳъа. Амалий безак санъати*да нақш мужассимоти тузилишидаги муҳим ҳисм, бўлак; марказий майдон ва ўни ўраб турадиган Ҳ. нақшлар иборат мужассамот кенг тарқалган; баъзан безак фақат Ҳ. нақшлари иборат бўлади. *Безатилаётган майдон (перспектива, шеъбатларга қараб Ҳ. турлича (оғизча, йўғон каби) кенгликда бўлади; баъзан 2 параллел чизиқлар орасига ҳам нақшлар ишланади. Ҳ. нақшларни бир-биридан ажратиб туриш учун уларнинг орасига чизилади*ган пирасса тўғри чизиқдан бошлаб то мураккаб нақшларгача тарқиб топади.

ҲУБАЛ — қад. араб мифологиясида қурайш қабилаларининг ҳудоси. Авлод-аждодлар, *ой ёки оқсоқол ҳудоси*, қабиланинг ҳомийси ҳисобланган. Ҳ. Каъбанинг бош ҳудоси деб эътироф этилган, у ўнг қўли олтиндан, қолган аъзолари тошдан қилингани одам қиёфасидаги ҳайкал шаклида тасвирланган. Ислом пайдо бўлганидан кейин мушриклар Ҳ.ни Макканинг бош ҳудоси сифатида *Аллоҳга* қарши қўйишган. Макка фатҳидан сўнг Ҳ. саноми Каъбадан чиқарилиб, парча-лаб ташланган.

ҲУВАЙДО (тахаллуси; асл номи Ҳўжаназар Ғойибназар ўғли) (? — Ўш ш. — 1780/81; Фарғона вилояти *Чимён қишлоғи*) — шоир, тасаввуф шеъриятининг йирик вакили. Кўқон малрасаларида ўқиган. Қишлоғида мактаб очиб, узоқ вақт мактабдорлик қилган; косиблик б-н ҳам шуғулланган. Отаси Ғойибназар сўфи Қанқардати Офоқхўжа эшонининг мурид-ларидан бўлган, Чимёнда масжид ва хонақолар қурдириб, эшонлик қилган. Ҳ. девонида келтирилган бир парчага кўра, Ҳ.га «Ҳўжаназар» исмининг *қўйилиши ҳам Офоқхўжа б-н боғлиқ*, Ҳ. мустақил шеъриятининг *девони* барча жанрларида ижод қилган. Шеърлари халқ орасида жуда машҳур бўлган. Ҳ. ахлоқий-дидактик йўналишдаги мазмунан теран, услубий гўзал асарлари *б-н адабий мактаб ярата олган шоир*дир. Ҳ. ижоди ва дунёқарашининг шаклланишида Яссавий, Навоий, Сўфи Оллоёр, Машрабларнинг таъсирлифий, фалсафий фикрлари ва асар-*ларининг таъсири катта бўлган*. Ҳ. мазмуний ва ғоявий шеърларидан танқид-ли золимлик ва мазлумлик, камолот ва ахлоқий тубанлик ҳақидаги шеърларида ҳам мазкур шоирлар *an'ana*ларини давом эттирган ва янги фикрлар б-н бойитган.

Ҳ. шеърлари вафотидан сўнг набиралари томонидан девон ҳолига келтирилган. *Унга шоирнинг* 351 газал, 28 рубоий, 41 тўртлик, 3 мухаммас, 1 мусаддас, 1 мусамман, 1 мустазод, 3 маснавий ҳамда ахлоқий-дидактик мазмундаги «*Рисолаи дил*» *манзумаси* кирган. Девондаги илк шеърларида рўза, намоз, закот, ҳаж, жиҳод ва дўзах б-н боғлиқ мавзулар ёритилган, ғурур, маммалиқни танқид қилувчи, тавозеъ, қаноатлик ва *тўғрисўзлик*ни улуғловчи ҳикматларга кенг ўрин берилган («Дарвиш, ҳайф, одам...», «Куйғай», «Кимга бориб дод этай...» ва б.). Ҳ.*нинг* шеърларида тасаввуфий унсурлар — нафсни жиловлаш ва дунёдан ўзини узоқ тутиш бош ғоялардан бири. Дунё лаззатининг инсонни бахтли эта олмаслигига ишонган шоир Аллоҳга, абадий бахтга эришмоқ учун инсон ўзлигидан кечмоғи кераклигини англайди (мас.: «Анго», «Қилдинг» радифли шеърлари ва б.). *Шоирнинг «Рисолаи дил» ахлоқий манзумаси* панднома турининг гўзал намуналидир. Унда очқўллик, тазаллирлик, вафо, боқийлик, фо-*нийлик, ахлиллигининг фойдаси*, ёмонликнинг зарари, гўзаллик ва меҳнатсеварлик, моддий ва маънавий поклик каби хилма-хил ахлоқий мавзуларлари ибратли ҳикоялар келтирилган. Ҳ. диний-ахлоқий мазмунлари «Иброҳим Адҳам» номли шеърий достон ҳам ёзган. Ҳ. вафотига бағишлаб ўзининг шогирдлари, мухлислари томонидан марсиялар, таъзиялар ёзилган. У ҳақда ибратомуз ривоятлар, ёдномалар пайдо бўлган. Шоирнинг отаси Ғойибназар Эшон шажараси ҳақ-маси ҳозир ҳам зиёратгоҳ жойлардан ҳисобланади.

«Девони Ҳувайдо»нинг бир қанча қўлёзма нусхалари ва литографик нашрлари бўлиб, улардан чевараси Салоҳиддин Соқиб (1838—1910) ва Мирза Ҳаким ибн Мирза Умид Мартилонийлар кўчирган нусхаси СамДУ кутубхонасида сақланади (инв. №3903).

Ҳ.нинг набираси Сирожий (1877 й. в. э.), чевараларн Самарбону (1837—1891), Салоҳиддин Соқиб, *Ғариби*й девон тузган шоирлар бўлиб, Ҳ. анъаналарини давом эттирганлар. Ҳ. номида кўча, маҳалла ва мактаблар бор.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1960; Рохати дил, Т., 1993; Иброҳим Адҳам, Самарқанд, 1995.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи [5 жилд], 3-к., Т., 1978; Қаюмов П., Тазкираи Қайюмий, Т., 1999.

Белгиз Қосимов

ҲУД — Қуръонда зикр қилинган пайғамбарлардан бири. Қуръонга кўра, у *Од қавмидан бўлиб*, ўз қавмини ҳидоятга бошлаш учун пайғамбар қилиб юборилган. Бу қавм ғаолли, жисмонан бақувват кишилар бўлиб, Яман ва Уммон ўртасидаги Аҳқоф деган жойда яшаган. Улар бутларга сиғинган, *ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга* даъват этган Ҳ.ни таҳқирлаб, *ёлғончи* ва ақли заиф деб аташган. Ҳ. ўз қавмини ягона ёлғиз Аллоҳга ибодат қилмасалар аввалги ўтган қавмлар каби-ларга бўлгани каби, буларга ҳам *Аллоҳнинг* азоби нозил бўлишидан огоҳлантирган. Амво Ўз қавми барн бир ўз залолатида давом этаверди ва Ҳ.га итоат этмади. Шундан сўнг Аллоҳ 3 й. ёмғир ёғдирмай, қурғоқчиликка гирифтор этса ҳам, бу қавм тавба-тазарру қилмаган. Ўз қавмининг имон келтиришидан умидини узган Ҳ. ўзига имон келтирган мўминлар б-н Маккага кетиб ўша ерда вафот этган. *Ҳидоятга кирмаган қавм устига эса*

Аллоҳ кучли бўрон юборди, ҳаммаларини ҳалок қилди («Ал-ҳоққа» сураси, 6—7-оятлар).

ҲУДАЙДА — Яман Араб Республикасидаги шаҳар. Аҳолиси 360 минг киши (1990-й.лар ўртаси). Мамлакатнинг Қизил денгиз бўйидаги муҳим порти: четга кофе, қуруқ мевалар, тери, пахта чиқарилади. *Аэропорти халқаро* ҳисобланган эга. Механика устахоналари, пахта тозалаш, озиқ-овқат, тамаки, ёғ-чойсозлик корхоналари, ип газлама ф-каси мавжуд. Меъморий ёдгорликлардан Ҳ.нинг эски шаҳар қисмида Боб ал-Мушриф дарвозаси, Катта масжид сақланган.

ҲУДАЙЧИ, *удайчи* (араб. — *бошқармоқ, йўл кўрсатмоқ*) — Ўрта Осиёда амир ёки хон саройидаги мансаб. Ҳ. 2 даражага бўлинган: «ҳудайчийи дасти рост» («ўнг қўл ҳудайчи») ва «ҳудайчийи дасти чап» («чап қўл ҳудайчи»). Улар олий ҳукмдорнинг ўнг ва чап ёнида туриб, саройда ўтказиладиган турли маросим ва тантаналарни бошқарган. 1-синнинг ҳақ-ҳуқуқлари 2-синникидан бир оз кенгроқ бўлган. Ҳар иккиси ҳам бошқа амалдорлардан фарқ қилиш учун қизил ҳасса (асо) юритган.

«ҲУДУД ул-ОЛАМ» («Олам чегаралари»), «Китоби ҳудуд ал-олам минаш машриқ илал мағриб» — тарихий-географик асар. Номаълум *муаллиф* томонидан форс тилида 982—83 й.ларда Жўзжон вилоятида ёзилган бўлиб, шу вилоят ҳокими амир Абул Хорис Муҳаммад ибн Ахмадга бағишланган. Бу асар ўз *замонасини ҳам, 19-а. охиригача ҳам* шу ном б-н ҳеч қайси манбада қайд этилмаган; 1258 й. қайта кўчирилган. Асар бошқа ном б-н машҳур бўлганлиги тахмин этилади. Асар жами 60 боб (мақолалар иборат бўлиб, муқаддимадан кейин қуруқликларнинг чегаралари, денгиз ва кўлтиқлар, оролар, тоғлар, конлар, дарёлар, чўллар ва кумлар, сўнгра жаҳондаги вилоятлар таърифи берилган, шунингдек кўплаб этнографик ва иқтисодий маълумотлар келтирилган. Муаллиф ернинг обод қисмини 51 вилоятга бўлган ва унинг 45 таси экватордан шимол 1 таси экватор устида, 5 таси экватордан жан.да деган. У қитъалар ҳақида фикр юритиб юнонлар замонидаёқ дунё 3 қисмга: Осиёи Акбар (Катта Осиё), Либия (Африка) ва Уруп (Европа)га бўлинганини айтиб, ҳар бирининг чегарасини кўрсатиб берган. Асарда Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонга доир географик, этн. маълумотлар кўплаб учрайди. Хусусан, Бухоро, Пойкенд, Сутд, Тавовис, Кармана, Кушония, Самарқанд, Кеш, Термиз, Кот, Фарғона, Шош ва б. шаҳар ва вилоятлар таърифи келтирилган.

Асарнинг ягона қўл ёзма нусхасини Абдулфозил Гулюйтоний 1892 й. Бухородан топган. 1893 й.дан шарқшунос А.Г.Туманскийнинг нашрий кутубхонасида сақланиб, 1924 й. Осиё музейи фондига берилган. В.В.Бартольд «Ҳ.ул-О.» матнини сўзбоши ва изоҳлар б-н рус тилида (1930), В.Ф.Миноркий инглиз тилида (1937) нашр эттирган.

Ад.: Хасанов Ҳ., Сайёҳ олимлар, Т., 1981.

ҲУДУДИЙ БЮДЖЕТ — қ. *Маҳаллий бюджетлар.*

ҲУЖАЙРА (лот. cellula, cytus — *катакча*) — *барча тирик организмларнинг* тузилишини ва функционал бирлиги, элементар тирик система. Алоҳида организм сифатида ҳаёт кечиришга (бактериялар, энг содда *ҳайвонлар, айрим сувўтлар ва замбуруғлар*) ёки кўп ҳужайрали организмлар тўқималари таркибига киришга мумкин. Генетик аппарат эукариотларда *цитоплазмадан* мембрана б-н ажралган *ядрода; прокариотларда* эса нуклеоидда жойлашган. Жинсий Ҳ. *мейоз* натижасида ҳосил бўлади.

Ҳ. ўлчами 0,1—0,25 *мкм дан (айрим* бактериялар) 155 мм гача (туяқуш тухуми). Ҳ.нинг хилма-хил функциясини ихтисослашган ички *структуралар — органоидлар* бажаради. Ҳ.нинг универсал органоидлари: *ядро — хромосомалар, цитоплазмада — рибосомалар, митохондриялар,* эндоплазматик тўр, *Голжи комплекси, лизосомалар.* Айрим майбалларда Ҳ. мембранаси ҳам органоидлар қаторига киритилади. Кўпчилик Ҳ.да бўладиган мембрана структуралари — микронайчалар, микрофибриллалар Ҳ. шаклининг; Ҳ. киритмалари Ҳ. таркибининг доимийлигини таъминлаш вазифасини бажаради.

Ҳ. *ичида ва организмнинг ички* суюқ муҳитида бўладиган оқсиллар, жумладан, ферментлар ҳам Ҳ.да синтезланади. Ҳ.нинг ҳар қайси органоиди фақат унга хос вазифани бажаради. Мас., эукариотларда Ҳ.нинг нафас олиши фақат митохондриялар мембраналарида, оқсил синтези — рибосомаларда кечади. Ферментларнинг концентрацияланиши ва уларнинг Ҳ. структурасида муайян тартибда жойлашуви кимёвий реакцияларни тезлаштириб, кетма-кет бориши (*конвейер принципи*)ни таъминлайди. Ҳ.га хос микрогетерогенлик хусусияти бир хилдаги компонентдан бир вақтнинг ўзида ҳар хил молекулалар жуда оз миқдор (микроҳажм)да синтезлаш имконини беради. Иччалик принципи айниқса ДНК структураси учун хос. Мас., одам тухумҳужайрасининг $6 \cdot 10^{-12}$ *г келадиган ДНК си организм* учун хос бўлган барча оқсилларни кодлайди. Ҳ. ичида иондарнинг муайян концентрациясини сақланади. Ҳ. муҳитдан йирик молекулалар, жумладан, оқсидлар, қатто вируслари *ютишлатоз,* айрим майда ҳужайралар ва улар фрагментларини *фагоцитоз* орқали ютиш хусусиятига эга.

Усимлик Ҳ.си ҳужайра мембранаси сиртидан қалтиқ қобиқ б-н қопланган (қобиқ жинсий Ҳ.да бўлмайди). Ҳ. қобиғида тешиклар бор. Бу тешикчалардан ўтадиган цитоплазма ўсимталари орқали қўшни Ҳ. ўзаро боғланган. Ўсишдан тўхтаган Ҳ. қобиғига лигнин, кремнезем ёки б. моддалар шимилиши натижасида анча пишиқ ва қаттиқ бўлиб қолади. Ўсимлик ёғочининг пишиқлиги ана шу моддаларга *боғлиқ. Айрим* ўсимликлар тўқимаси Ҳ.лари айниқса жуда пишиқ Ҳ. деворига эга бўлиб, Ҳ. қалин бўлганлиги сўнг ҳам ўзининг тананч скелетлик функциясини сақлаб қолади. Ихтисослашган ўсимлик Ҳ.сининг бир неча ёки битта маркази вакуолаи бор; уларда ҳар хил тузлар эритмаси, углеводлар, органик кислоталар, алкалоидлар, ёшинокислоталар, оқсидлар, қатто захира сув бўлади. Ўсимлик Ҳ.лари цитоплазмасида махсус органоидлар — пластидалар бор; Голжи комплекси эса цитоплазмада тарқалган диктиосомаларан иборат.

Барча эукариотлар Ҳ.си бир хилдаги органоидлар ва метаболизмни бошқариш механизмларига эга. Улар прокариотлар сингари метаболизмни бошқариш, энергияни жамғариш ва сақлаш, оқсил синтезида генетик коддан фойдаланиш хусусиятига эга. Барча Ҳ. мембранасининг функцияси ҳам ўхшаш. Ҳ. тузилиши ва функциясининг ўхшашлиги улар келиб чиқишидаги умумийликдан далолат беради. Бироқ *органоидлари* Ҳ. *ўлчами* ва шакли, у ёки бу органоидлари сони, ферментлар мажмуи б-н бир-биридан

фарқ қилади. Бу фарқ организмдаги Ҳ.нинг ўзаро кооперацияси ва уларнинг функционал ихтисослашуви б-н боғлиқ. Бир ҳужайралилар Ҳ.сининг тузилиши ва функцияси ўртасидаги тафовутни кўп жиҳатдан уларнинг яшаш муҳитига мослашиши б-н тушунтирилади. Генетик аппарат тузилишидаги ўхшашлик прокариот ва эукариотлар келиб чиқишидаги умумийликни тушунтириш учун далил бўлади. Аммо бир ҳужайралиларнинг ажоиби ҳар хил прокариотлар бўлишига ҳам мумкин. Симбиогенез назариясига биноан бир хил прокариотлар кўшайин Ҳ. митохондрияларга, бошқалари — хлоропластларга айланган ва органоид тарзида ўз-ўзидан кўпая бошлаган. Бошқа назарияга биноан эса прокариот Ҳ.нинг структуралари аста-секин ривожланиб, эукариотга айланган.

Бир организмнинг барча Ҳ.лари геноми потенциал ахборот ҳажми жиҳатдан ҳар хил. Ҳужайра генезидан фарқ қилмайди. Ихтисослашган Ҳ. ядросини ядроси олиб ташланган Ҳ.га кўчириб ўтказилганда нормал организм ривожланиши бузилиб кетади. Кўп ҳужайрали организмда Ҳ. хоссалари ўртасидаги фарқ генлар фаоллигининг бир хил бўлмаслиги туфайли келиб чиқади. Ҳ.нинг ҳар хил ихтисослашуви натижасида бир хил Ҳ.лар (нерв) қўзғалувчанлик; бошқалари (мускул) миофибриллалар ҳосил қилувчи оқсилларга эга бўлиши туфайли қисқариш; учинчи хиллари (безли Ҳ.) ҳазм қилиш ферментлари ва гормонларни синтезлаш хусусиятига эга бўлади. Кўпчилик Ҳ. кўп функцияли, мас., жигар Ҳ.си қон плазмаси ва ўт суюқлиги оқсилларини синтезлайди; глюкоген тўпланади ва уни глюкозага айлантиради; ёт моддалар (жумладан, дориларни парчалайди. Барча Ҳ.ла умумий функцияга эга бўлган генлар фаол бўлади. Шундай қилиб, ҳар хил Ҳ.лар ўртасидаги ўхшашлик белгиларни уларни бир-биридан фарқ қилувчи белгиларга нисбатан кўпроқ бўлиб, келиб чиқиши ва функциясига кўра ўхшаш Ҳ. тўқималарни ҳосил қилади (қ. *Тўқима*).


Метаболитлар ва ионлар — Ҳ.даги жараёнларни бошқарувчи омиллар. Улар генларга таъсир этиш орқали ферментлар синтезини ёки бевосита ферментларнинг ўзига таъсир кўрсатиб, улар фаоллигини ўзгартириши мумкин. Бундай ўз-ўзини бошқариш механизмлари туфайли Ҳ.да қаёт учун муҳим бўлган кўп жараёнлар оптимал (энг қулай) ҳолда сақланиб туради.

Ҳ.ларнинг ўзаро таъсири, нерв ва гормонларнинг Ҳ. фаоллигини ўзгаришга олиб келадиган хусусиятлари ташқаридан бошқаралиган омилларга киради. Бундай омиллар Ҳ.нинг ўзига хос хусусиятларини сақлаб туриш учун зарур. Ҳ. культурасига хос сунъий шароитда Ҳ.нинг ўзига хос кўпгина хусусиятлари йўқолади.

Эукариот Ҳ. митоз орқали ўз-ўзидан кўпаяди. Одам организмидаги Ҳ. сони 10^{14}. Айрим тўқималарда Ҳ. сони қаёт давомида доимий бўлиб қолади; фақат кам ихтисослашган Ҳ. бўлинади. Мас., одам организмида сутка давомида 70 млрд. та янги ичак эпителийси Ҳ.си, 2 млрд. эритроцит побуд бўлиб туради. Бир қанча тўқималарда Ҳ. тўлиқ ихтисослашган ҳолда Ҳ. циклига қиради. Бундай ҳолларда митоз Ҳ. бўлинмасдан хромосомаларнинг 2 ҳисса ортиши б-н тугайди (қ. *Полиплоидия*) ёки митоз бошланмасдан хроматидлар сони 2 ҳисса ошади. Айрим ихтисослашган Ҳ. ядроси умуман Ҳ. циклига киришмайди (мас., нейронлар, скелет мускуллари толаси). Бундай ҳолларда Ҳ. қаёти организм умрининг узоқлигига тенг бўлади. Одам Ҳ.си ўртача 1—2 кун (ичак эпителийси) яшайди. Барча Ҳ.ларда моддалар ва структура элементлари фаол янгиланиб туради. Тўқималарни ҳосил қилувчи бекиёс кўп сонли Ҳ.лардаги метаболитик ва бошқарув жараёнларининг ўзаро боғланганлиги, улар таркибининг доимо янгиланиб туриши кўп ҳужайрали организм органларининг нуқсонсиз ишлаб туришини таъминлайди. Ҳ.ни *цитология* фани ўрганади. Яна қ. *Ҳужайра назарияси, Ҳужайра цикли.*

Лит.: Захаров В.Б., Маматов С.Г., Сонин Н.И., Общая биология, М., 2002; Чебышов Ю.С., Общая цитология, М., 1984; *Грин Н., Стаут У., Тейлор Д.*, Биология, т. 1—3, М., 1990; Мавлонов О., Биология [Маълумотнома], Т., 2003.

Қўчқор Нишонбоев, Очил Мавлонов.



Эукариот ҳужайрасининг тузилиш схемаси: А — ҳайвон ҳужайраси, Б — ўсимлик ҳужайраси, 1 — ядро, 2 — цитоплазматик мембрана, 3 — ҳужайра девори, 4 — плазмодесма, 5, 6 — эндоплазматик тўр, 7 — пиноситоз пакунчалар, 8 — Голжи аппарати, 9 — лизосомалар, 10 — ёг киритмалари, 11 — сферосомалар, 12 — митохондриялар, 13 — пероксисомалар, 14 — пакунчалар, 15 — хлоропластлар.

ҲУЖАЙРА ДЕВОРИ, ўсимлик-лар ҳужайраси пўсти (membrana cellulae) — ҳужайра мембранаси сиртидаги тузилма; ҳужайрани мустаҳкам қилиб туради; унга шакл беради; протопластни ҳимоя қилади. Кўпчилик ўсимликларнинг Ҳ.д. ёғочланиб, таянч функциясини бажарадиган ўзига хос ўсимлик скелетини ҳосил қилади. Юқори молекулали углеводлар — целлюлоза молекулалари Ҳ.д.нинг асосини ташкил этади. Бу молекулалар мураккаб бойлам (фибриллалар)га тўпланиб, Ҳ.д. учун синч вазифасини бажаради. Ҳ.д. таркибида гемицеллюлоза, пектин бўлади. Тўқиманинг хилига қараб, унинг ҳужайраси девори таркибида *бошқа органик элитлар*, кутин, суберин, мум оқсил) ва анорганик моддалар (калъций тузлари, қум) бўлиши мумкин. Ҳ.д.нинг барча моддалари, одатда, протопластда синтез қилинади. Углеводлардан, асосан, Голжи аппарати синтезлайди. Ҳ.д. бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бирламчи Ҳ.д. юпқа, гемицеллюлоза ва пектинга бой бўлиб, меристема ва ўсаётган, баъзан доимий ҳужайралар учун хос. Бирламчи Ҳ.д. матрицида целлюлоза фибриллари тартибсиз ўрнашган. Бирламчи Ҳ.д.нинг айрим қисмлари жуда юпқа бўлиб, уларда пайчалар жойлашган. Пайчалар орқали плазмодесмалар (кўшни ҳужайралар протопластларини туташтириб турувчи цитоплазматик ипчалар) ўтади.

Иккиламчи Ҳ.д., одатда, ҳужайранинг ўсиши даври охирида ҳосил бўлади ва қават-қават бўлиб протопласт томондан бирламчи Ҳ.д. устида такланиб туради. Иккиламчи Ҳ.да целлюлоза кўп; унинг фибриллалари қаттиқ ва бир-бирмунча параллел жойлашади. Ҳар бир қаватда фибриллаларнинг тури йўналишда жойлашганлиги Ҳ.д. мустаҳкамлигини оширади. Иккиламчи Ҳ.да поралар деб аталадиган туташ бўлмаган жойлар бўлади.

Бир ҳужайрали ва кўп ҳужайрали ҳайвонлар ҳужайраларида Ҳ.д. бўлмаслиги мумкин. Ҳайвонлар Ҳ.д. хилмахил бўлиб, ташқи ҳужайра скелети (бир ҳужайралилар пелликуласи, бўшмоёқлилардаги хитин кутикуласи), ҳимоя (тухумқобиғининг кўп қаватли пўсти, циста қобиғи) вазифасини бажаради. Ҳайвонлар Ҳ.д., асосан, углеводлар ва уларнинг оқсиллар б-н бириккансидан, шунингдек, липидлар ва анорганик моддалардан иборат.

ҲУЖАЙРА ИНЖЕНЕРИЯСИ — озуқали муҳитда ҳужайра ўстириш (ҳужайра культураси); дурагайни ва реконструкциясига асосланиб, янги ҳужайра типини яратиш усули. Ҳ.и. ягона ҳужайра ва тўқималарни махсус суюқ озуқали муҳитда ўстириш б-н боғлиқ. Ўсимлик ҳужайра культураси мураккаб тажриба йўли б-н ташкил қилинган биологик система — қайта дифференциацияланган соматик ҳужайра бўлиб, айрим шароитларда ўсимликни қайта тўлиқ тиклаш қобилиятига эга. Ҳ.и. ёрдамида ҳар хил тур га (ҳатто ҳар хил типларга) мансуб геномларни бирлаштириш мумкин. Ҳ.и. биол., шунингдек, биотехнология, мас., дурагайлар ёрдамида тиббиёт ва фанининг бошқа соҳалари ҳамда ж.х.да фойдаланилади.ган моноклонал (бир хил хусусиятга эга) антителолар олишнинг кўпгина назарий муаммоларини ҳал қилишда қўлланади. Тор маънода «Ҳ.и.» деганда протопластлар (ҳужайра қобиғи йўқ ўсимлик ҳужайраси)ни қўшиш тушунилади. Ҳ.и.да дурагайлаш учун ота-она жинсий ҳужайралари (гаметалар) эмас, балки ўсимликнинг тана (соматик) ҳужайралари олинади ва in vitro шароитларини (организмдан ташқари)да қўшилади. Бунинг учун махсус ферментлар ёрдамида ҳужайранинг қаттиқ полисахарид пўстлоғи ажратилади ва ҳосил бўлган «очиқ» ҳужайралар (протопластлар) электр майдони таъсирида ёки ёпиштирувчи юқори молекулали полисахаридлар ёрдамида бириктирилади.

Протопластларни бириктириб соматик дурагайлар олишда ўсимлик ҳужайралари ва тўқималарини суюқ шароитда, шунингдек, алоҳида протопластларни ўстириш усулларидан фойдаланилади. Биринчи усул юксак ўсимликлардан ажратиб олинган ҳужайра ёки ҳужайралараро маълум шароит ҳамда махсус озуқали муҳитда қайта дифференциацияланиб (тўқимага хос хусусиятларини йўқотиб) бир ҳужайрали организм каби яшаб, кўпайишига асосланган. Мана шундай in vitro шароитида, уюшган ҳолда ўсиш ва кўпайиш бир неча ўн йилдаб давом этиши мумкин. Бироқ ўстириш шароитини ўзгартириш б-н, мас., озуқали муҳитлари фитогормонлар миқдорини ўзгартириб, ҳужайраларнинг уюшган ҳолда ўсишига эришиш ва улардан етук ўсимлик олиш мумкин. Бу усулларнинг афзаллиги шундаки, пробиркада муайян организмдан олинган кўп миллионлаб ҳужайрадан б-н бир вақтнинг ўзида и.т. ишлаб олиб борилади. Муаммони ҳал қилишда ҳужайра ўрнида ўсимликдан фойдаланиш эса узоқ муддат, кўп ишчи кучи ва катта майдон талаб қилади. Кейинги йилларда алоҳида протопластлар ўстириш усули кенг ривожланмоқда. Бунда ферментатив гидролиз йўли б-н ҳужайра қобиғи ажратилади ва жуда кўп миқдорда ўсимликнинг «очиқ» ҳужайралари олинади. Юқори молекулар массага эга генлар ҳамда вектор молекулалар (ҳужайни ҳужайрада мустаҳкам қайта тиклана олиш хусусиятига эга ДНК молекуласи) осонгина ҳужайрани аста-секин «очиқ» ҳужайра ичига шимилади ва протопластлар ёт генларга эга бўлади. Протопластларни маълум шароитда ўстириб, ҳужайра қобиғини қайта тиклаш ва in vitro шароитида ўсаётган ҳужайралар синтиги ўстириб, кўпайтириб колониялар, шунингдек, етук ўсимлик ҳосил қилинади.

Ҳ.и.нинг асосий усуллари: соматик дурагайлаш ёрдамида табиатда жинсий чатишмайдиган, филогенетик жиҳатдан бир-биридан узоқ ўсимлик турларини чатиштириш; бир ота ёки онага тааллуқли бутун генлар тўплами ҳамда бошқа ота ёки онадан ўтган бир нечта хромосомага эга ассиметрик дурагайлар олиш; бир пайтнинг ўзида уч ва ундан кўп ота-она ҳужайраларини қўшиб, дурагайлаш системасини тузиш; генетик жиҳатдан ота-онанинг жами идиотипларига эга дурагайлар олиш; ядродан ташқарида, яъни цитоплазмада жойлашган генлар бўйича гетерозигот дурагайлар олиш; генератив системадаги биологик номувофиқликни бартараф қилиш; ота-оналардаги морфогенетик ва гаметогенетик аномалия туфайли чатишмайдиган формаларни чатиштириш; ҳар хил эпигенетик программата эга ҳужайраларни дурагайлаш ва б. Протопластларни қўшиб, кейин дурагай ҳужайраларни регенерациялаш б-н етук ўсимликлар олиш мумкинлиги исботланди. Мас., биринчи марта (1972) тамаки ўсимлигининг соматик ҳужайралари чатиштирилган; шундан бери бошқа ўсимликларда ҳам соматик дурагайлаш (ҳамжаси бўлиб 70 дан ошёз) ишлари жадал оширилди. Соматик дурагайлашда бошланғич ота-она материали сифатида барг мезофилл ҳужайралари протопласти ёки ўсимликнинг in vitro шароитида ўстирилаётган каллус тўқималаридан олинган протопластлари фойдаланилади. Мақ-

сида мувофиқ комбинацияларни олдиндан кўпайтиришга йўли б-н олиш жуда мураккаб бўлган ҳолда сомонк. дурагайлаш б-н юксак ўсимликлар ота-она генларининг янги комбинацияларини амалга оширишга имкониятларни кенг.


Ін-тлп шароитида суюқ озуқали муҳитда ўсаётган ҳужайраларни суспензион ҳужайралар деб қараш ва уларни морфологик, физиологик, биокимёвий ва генетик жиҳатдан таҳсилаш мумкин. Суспензион ҳужайралар культураси қимматбаҳо биологик фаол моддалар олиш учун манба ҳисобланади.

Ҳужайралар культураси қишлоқ ўзбекистонда биотехнологиянинг кенг фойдаланилади. Ўзбекистонда Ҳ.н. бўйича Ўзбекистон ФА *Ўсимликлар генетикаси ва эксперимент биологияси институтининг* молекулар генетика ва биотехнология бўлимида илмий тадқиқотлар олиб борилади.

Ад.: Сидоров В.А., Биотехнология растений. Клеточная селекция, Киев, 1990; Рапопорт И.Р., Колумбаева С.К., Джобкобаева С.А., Культура клеток и клеточная инженерия растений, Алма-ата, 1992; Зуева Л.А., Биотехнология высших растений, СПб, 2003.

Сиполлс Жетаев.

ҲУЖАЙРА МАРКАЗИ, центриол (лот. centrum, юн. kentron — ўрта нукта, марказ) — ҳайвонлар ва айрим ўсимликлар ҳужайраси органоиди. Асосий вазифаси бўлинаётган ҳужайра қутбларини белгилаш. Ҳ.м. цилиндр шаклидаги 2 та кичик бўлакчадан ташкил топган; бири иккинчисига тик бўлиб тўғри бурчак ҳосил қилиб жойлашган. Ҳ.м. ҳар бири 3 та микронайчадан иборат 9 та ботдамни ўз ичига олади. Ҳ.м. — цитоплазманинг ўзидан кўпаладиган органоиди. *Кўпайиши* оддий кичик бўлакчаларнинг ўзининг янгиси жараёни орқали амалга ошади. Ҳ.м. ҳужайранинг бўлинишида муҳим аҳамиятга эга. Ундан бўлинши дуклари ўса бошлайди.



Ҳужайра маркази: 1 — цитоплазма; 2 — ядро; 3 — ҳужайра маркази.

Организмнинг ривожланиш жараёнида Ҳ.м.нинг жойлашиши ва шакли ўзгариб туради. Ҳужайранинг бўлинишн тамом бўлгач ҳосил бўлган ҳар бир янги ҳужайра бир жуфтлаи Ҳ.м.га эга бўлади. *Ҳ.м.нинг нотўғри бўлинишлари* патологик ҳолатга сабаб бўлади. Ҳ.м. гулли ўсимликларда бўлмайди.

ҲУЖАЙРА МЕМБРАНАСИ — қ. *Плазматик мембрана.*

ҲУЖАЙРА НАЗАРИЯСИ — барча организмларнинг тузилиши, ривожланиши ва келиб чиқишидаги умумийликни кўрсатувчи йирик биологик назариялардан бири. Ҳ.н.га биноан ҳужайра бактериялар, замбуруғлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг энг кичик тузилиш бирлиги. Ҳ.н. тирик-лик оламининг бирлиги ва унинг тарихий ривожланиши ҳақидаги эволюцион тасаввурни тасдиқлайди. Ҳ.н. Ч.Дарвиннинг эволюцион таълимоти ва энергиянинг ўзгариши қонуни б-н бир қаторда 19-а.да табиатшунослик соҳасида қилинган 3 буюк кашфиётдан биридир.

Ҳужайраларнинг кашф этилиши ва ҳужайра назариясининг яралишини *тарихан бир даврга тўғри келтайди.* Ўсимлик ҳужайраси тузилишини дастлаб тирик ўсимлик пояси ва пўкакларидан тайёрланган кесмада инглиз олими Роберт Гук ўзи ясаган микроскоп орқали кузатган ва талқинот хулосаларини «Микрография» номли асарида баён этган (1665). Инглиз ботаниги Н.Грю ҳужайра қобиғи ҳудда мито (газлама)га ўхшаш толалардан ташкил топганлигини тахмин қилган.

18-а. файласфий гоялар таъсирида фанда тирик табиатнинг бирлиги ҳақидаги фикрлар пайдо бўла бошлади. К.*Вольф* ўсимлик ва ҳайвонларнинг тузилишидаги қандайдир умумийликни аниқлашга ҳаракат қилди. Унинг «ҳужайра», «доначалар» ва «пуфакчалар» *кабн тушунчалари,* шунингдек, немис олими Л.Океннинг организмлар «пуфакчалар» ёки «инфузориялар» дан ташкил топган, деган фикрлари фанда ҳужайра назарияси *тўғрисидаги дастлабки* тушунчалар бўлган.

19-а. бошларида ўсимликларни микроскоп ёрдамида ўрганиш борасида эришилган ютуқлар туфайли ҳужайра — ўсимлик моддалари умумий массасининг бўлиниқ қисми эмас, балки ўз қобиғига эга бўлган ва бир-бирндан ажралиб турадиган структурявий тузилма эканлиги аниқланди. 19-а.нинг 30-йл.лари охирида ўсимликларнинг деярли барча органлари ҳужайравий тузилишга эга эканлиги аниқланди ва немис олими Ф.Мсйенинг «Ботаника» (1830) китобида ҳужайра ўсимлик тўқималарининг умумий тузилиш бирлиги сифатида эътироф этилди. Лекин шундан кейин ҳам ҳужайра бу бир *бўшлиқ, асосий қисмини қобиқ* ташкил қилади; унинг ичидаги ирисалар эса ижинчи даражали аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги тушунча узоқ вақт сақланиб қолди. Ўсимлик ҳужайраси ядроси инглиз олими Р.Браун томонидан кашф этилган (1831), аммо немис олими М.Шлейден ядроня ҳужайрани ҳосил қилувчи, яъни цитобласт деб ҳисобланган. Шлейден таъбирича донадор суспензияларн ядроча ҳосил бўлиб, унинг атрофида эса ҳужайра вужудга келади; кейинчалик ҳужайранинг ҳосил бўлиши жараёнида ядро йўқ бўлиб кетади. 19-а.нинг 2-чораги бошларида чех олими Я.Пуркинье мактабининг тадқиқотлари ҳайвон организми тўқималарининг микроскопик тузилишн бўйича жуда кўп маълумотлар берди. Лекин Я.Пуркинье Унинг «доначалар назарияси»да «доначалар» (у ҳужайрани шундай деб атаган эди), ядро ва б. қисмлардан ташкил *топганлигини* ёзди. Ҳужайра назариясини расмийлаштиришда Т.Шванн (1839) хизматлари жуда катта. У ўзи олган маълумотлар, Шлейден ва Я. Пуркине мактаби ва б. олимларнинг тадқиқотларига асосланиб, ҳужайра назариясини яратди; ўсимлик ва ҳайвон тўқималари тузилишини таққослаб улар учун умумий ҳисобланган ҳужайравий тузилиш тамойилларини кўрсатиб берди. Аммо Шванн ҳам худди Шлейден сингари ҳужайранинг асосий қисми унинг пўсти ва ҳужайра структурасини шаклга ҳосил бўлади, деб ҳисобларди. Ҳужайра назариясининг бундан кейинги ривожланиши протоплазма ва ҳужайра бўлинишининг кашф этилиши б-н *боғлиқ. Немис олими Р.Вирхов* (1958) «Ҳужайра патологиясн» асарида ҳужайра назариясини патологик ҳодисаларга татбиқ этиб, ядро ҳужайрада этакчи аҳамиятга эга *эканлигига эътибор қаратди* ва ҳужайранинг бўлиниш йўли б-н кўпайиши тамойилини (ҳар бир ҳужайра ҳужайрадан ҳосил бўлади) асослаб берди. 19-а.нинг 70—80-йл.ларида барча ҳужайравий тузилишга эга бўлган организмлар учун универсал ҳисобланган ҳужайранинг бўлиниш усули, яъни митоз, аср охирида эса ҳужайра органоидлари кашф этилади; ҳужайра протоплазмасинг оддий йитиндиси эмаслиги тан олинади.

Ҳужайравий тузилиш ҳақидаги тушунчалар ривожланишининг дастлабки даврлариданоқ ҳужайра б-н организмнинг бир бутунлиги ҳақидаги муаммо пайдо бўлган. Бу муаммонинг ечими 2 йналишда ривожланди. Механистик тушунчаларга кўра индивидуалнинг хаёт фаолияти ўз вазифасини бажарувчи ҳужайралар йиғиндисидан иборат. Виталистик концепция нуқтаи назаридан эса организмнинг мақсадга мувофиқ ишаши сифат жиҳатидан ўзгача («яхлитлик қисмларнинг йиғиндисига тенг эмас») ва «ҳаётий куч» ға боғлиқ деб тушунтирилган.

Ҳужайранинг митотик бўлинишини, ҳужайра органоидларининг кашф этилиши, кейинчалик эса биокимё ва молекуляр биол.нинг ривожланиши туфайли ҳужайранинг структураси ва функцияси тирик табиат нерархиясида ҳужайравий погонанинг мавқеидаги ҳақидаги тушунчаларнинг шакланишига олиб келди. Замонавий Ҳ.н. кўп ҳужайрали организмларни муайян вазифани бажарадиган ва бир-бирига таъсир кўрсатиб турадиган ҳужайралардан ташкил топган мураккаб, интеграцияланган *система сифатида эътироф этади.*

Организм қанчи мураккаб тузилган бўлса, унинг бир бутунлиги шунча аниқ намоён бўлади. Ҳужайранинг асосий структуравий элементлари шакланган ядрога эга бўлган эукариот организмлар ҳамда ядросиз прокариотлар учун ҳам тегишли. Мустақил ҳаёт кечиришга мослашмаган ҳужайра паразитлари ҳисобланган вируслар нинг мавжудлиги тирик организмларнинг ҳужайравий тузилиши универсал эканлигини кўрсатади. Тирик организмлар ҳужайравий тузилишининг *муштараклиги ҳужайраларнинг кимёвий* таркиби ва метаболитик жараёнларининг ўхшашлиги б-н ҳам тасдиқланади. Нуклеин кислоталар ва оқсиллар кабн муҳим ҳаётий компонентлар, уларнинг ҳосил бўлиши ва алмашиниб туриши барча . тирик организмлар ҳужайраларн учун универсал характерга эга.

Кейинги 150 й.дан ортиқроқ давр мобайнида ҳужайрани ўрганиш жадал чуқурлашиб борди. Ҳужайрадаги барча асосий органоидларнинг маълум вазифани бажаришга мослашганлиги аниқланди; электрон микроскоп ёрдамида ҳужайранинг янада нозикроқ бўлган ультраструктуралари ўрганилди; уларнинг молекуляр тузилиши очиб берилди.

Абдуқодир Зокиров.

ХУЖАЙРА ПОПУЛЯЦИЯСИ — муайян хусусиятларга кўра бир хил бўлган ҳужайралар гуруҳи. Мас., янгиланиш қобилиятига биноан Ҳ.п. 3 типга ажратилади. **Тўғруи** Ҳ.п. янгиланиш қобилиятига эга бўлмайди (мас., сут эмизувчилар нейронлари). Бундай тўқималарда ҳужайралар сони улар ихтисослашуви бошланишидаёқ доимий бўлиб қолади ва бўлиниш қобилиятини йўқотади. Организм ҳаётининг охирида эса ҳужайралар сони бирмунча камайган бўлади. **Ўсувчи** Ҳ.п. янгиланиш ва ўсиш; ҳужайралар сонининг ортиши ва улар полиплоидизацияси (мас., жигар ва *айрим бошқа безлар ҳужайрасида)* ҳисобидан тўқима массасини ошириш хусусиятига эга. **Янгиланадиган** Ҳ.п. эскириб ўлган ҳужайралар ўрнига *кам ихтисослашган ўзак ҳужайралар*нинг бўлиниши ва ихтисослашуви натижасида янги ҳужайралар ҳосил қилиб туриш хусусиятига эга (мас., ичак эпителийси, қон ҳужайралари). Ҳ.п.ни функциясига кўра ҳам тасниф қилиш мумкин.

ХУЖАЙРА ЦИКЛИ, ҳужайранинг ҳаётий цикли — ҳужайранинг бўлиниши кўнг яна бўлингунча ёки ўлгунча ўтган ҳаёт даври. Бир ҳужайралилар Ҳ.ц. узарнинг ҳаёт даврига тўғри келади. Тўхтовсиз бўлиниган ҳужайралар Ҳ.ц. *митоз* цикли га тўғри келиб, кетма-кет алмашиниб *турадиган 4 давр: постмитоз ёки синтездан* олдинги (G, инглизча grow — ўсиш, йириклашиш), синтез (S_1 инглизча synthesis — синтез), митоздан олдинги ёки синтездан кейинги (G_2) ва митоз (М) дан иборат. G_1 даврда транскрипция содир бўлади; синтезланган оқсиллар тўпланади; ДНК синтезига тайёргарлик кўрилади. S даврда ДНК репликацияланади, хромосомалар материали 2 ҳисса ортади. G_2 даврда ҳужайралар бўлинишга тайёрланади; бўлиниш дукини ҳосил қиладиган оқсиллар синтезланади. Митоз — Ҳ.ц.нинг якуний даври бўлиб, унда *редуплицацияланган* хромосомалар ҳужайранинг ҳар хил қутбларига тарқалади.

Ҳ.ц. ва унинг даврларининг давомийлиги кўпгина *ҳужайраларнинг* хили. ёши, организмдаги гормонлар балансига боғлиқ. Вақтга нисбатан G_1 ва G_2 даврлари ўзгарувчан бўлади; тиним даврлари бўлган Ҳ.ц. айрим ҳужайраларда узоқ давом этади. Бундай ҳолларда G_0 ёки тиним даври (инглизча gap — оралиқ, интервал) алоҳида ажратилади. Агар тиним даври ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда Ҳ.ц. ҳафталаб, ҳатто ойлаб давом этиши мумкин (мас., жигар ҳужайралари). Нейроилларда Ҳ.ц. организм умрига тенг бўлади.

ХУЖАЙРА ШИРАСИ — ўсимликнинг тирик ҳужайрасидаги питоплазма ажратадиган суюқлик; *вакуолалар* ичида бўлади. Ҳ.ш. сув ва коллоид эритма кўринишидаги турли моддалардан иборат. Ҳ.ш.нинг ёпишқоқлиги суюлишдан 2 мартача ортиқ. Ўсимликнинг умкаётган уруг ва спораларидаги Ҳ.ш. сувсиз, уна бошланганда эса у яна сувга тўйинади. Ёш ҳужайраларда Ҳ.ш. кам. Таркиби ўсимлик турининг ўсиш шароити, ёши ва ҳужайралари хилига боғлиқ. Ҳ.ш.да углеводлар, оқсилли моддалар, аминокислоталар, органик ҳамда анорганик кислоталар ва б. бор. Ҳ.ш. ҳужайранинг осмотик босими ва *тургор ҳолатига* шароит яратади.

ХУЖАКАТ — кенг маънода — маълумотлар қайд этилган моддий буюмлар (қоғоз, кинопленка, фотопленка, магнитофон лентаси, перфокарта ва б.). Ҳ. матн, тасвир, товуш ва б.дан иборат бўлиши мумкин.

Маъмурнига кўра, Ҳ. *илмий-техника* Ҳ.лари (мақолалар, китоблар, патентлар, чизмалар, жадвалар ва ҳ.к.), ҳужжатий Ҳ.лар (қарорлар, фармонлар, шартномалар ва ҳ.к.), бошқарув Ҳ.лари (буйруқлар, кўрсатмалар, қарорлар ва ҳ.к.)га бўлинади. Шаклланиш манбаига кўра, бирламчи ва иккиламчи (рефератлар, аннотациялар ва ҳ.к.) Ҳ.лар фарқланади. Идора Ҳ.лари тўлдириш, одатда, киришда, чиқиш ва ички (хизматга фойдаланиш учун) Ҳ.ларига бўлинади. Мас., банк муассасаси Ҳ.лари ичидаги мижозлар банкка тақдим этадиган ҳужжатлар: тўлов топшириқномалари, чек ва б. киришҲ.лари; банк ишгирокида тузилишлатириладиган ва мижозларга бериладнган Ҳ.лар чиқиш Ҳ.лари ҳисобланади.

Ҳужук фанида Ҳ. деганда, одатда, қонунда белгиланган шаклда тузилган ва қоридик аҳамиятга эга бўлган (*шаклнинг тузилганлиги,* маълумот олганлик, никоҳдан ўтганлик, меҳнат стажи каби) фактларни тасдиқловчи, ёзма ақтлар тушунилади. Ҳ. суд ишларини юритишда фактларни аниқлаш воситаси сифатида катта аҳамиятга эга. Ҳ.ларни қалбакилаштиришни жиноят ҳисобланади (қ. *Ҳужжатларни қалбакилаштириш*).

ҲУЖЖАТ ал-ИСЛОМ (араб. — ислом ҳужжати, ислом далили) — ўрта асрларда баъзи йирик илоҳиётчиларга берилган диний унвон. Суннийларда

айниқсалик қўлланилмай кетган, лекин ана уламолари ўртасида расмий типон сифатида баъзи мамлакатлар (Эрон, Ироқда сақланиб келмоқда. Бу унвон шоҳларга унвонидан кўра мавқеда туради. Унга илк бор имом *Газзолий* сазовор бўлган. Сафавийлар даврида Эронда Ҳ. ал-и. унвонини энг машҳур мужтаҳидлар олган: Ҳ. ал-и. соҳибларга олатда шикорларнинг муқаддас шаҳарлари (Карбало, Нажаф ва б.)да яшаган.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ — муайян ҳуқуқ берадиган ёки мойнки мажбуриятлардан озод этадиган расмий ҳужжатлар, штамп, муҳр, бланкалар тайёрлаш ва фойдаланиш б-н боғлиқ жиноят. Асл ҳужжатларнинг шакли ва мазмунини ўзгартириш ҳам Ҳ.қ. ҳисобланади. Қонунда бу қилдаги ҳаракатлар учун жиноий ҳуқуқий жавобгарлик белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 228-моддасида ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни қалбакилаштириш, сотиш ёки уларни фойдаланиш б-н боғлиқ жиноят содир этган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд 6 ойгача қамоқ б-н жазоланиши кўрсатилган. Бундай ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса ҳаво янада кучайтирилади.

Ўзбекистон Республикасида ғоллиги исбот бўлмаган ҳужжатлар ноқасидан қонунлар қабул қилинмоқда. Булар жумласига «Ҳаворлаштиришга тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири (2003 й. 11 дек.), «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун (2003 й. 11 дек.), «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги (2004 й. 29 апр.) қонунлар киради. Бу қонунларда ҳам Ҳ.қ. га алоқадор жавобгарлик кўрсатиб ўтилган.

Ғайрат Эргашев.

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ — кино санъати тури. Унда ҳақиқий воқеалар ёки ижодий материал бўлиб хизмат қилади. *1-ҳужжатли кинофильмларни* ака-ука Люмьерлар 1895 й. (Франция)да олишган. Ўзбекистонда 1-Ҳ.ф.ни Ҳамидбек Ғозибеглар *Девонаи сурати олган*. Овозсиз кино даврида машҳур Ҳ.ф.ларда асосан тасвир ҳал этувчи роль ўйнаган, воқеалар мазмуни тиғ (ёзувларда изоҳланган, ноёиб ўйнашларда воқеа образи қувватлик қилган. Овозли кинога ўтилгач, фильм воқеалари диктор лар томонидан шарҳланган (яна қ. *Ўзбекисто Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси*).

ҲУЖРА — анъанавий ўзбек меъморлигидаги энг кичик хона; бир ёки бир неча кишига мўлжалланган ётоқхона. Жамоат бинолари (мадраса, масжид, мақбара ва б. зиёратгоҳларда, турар *жойларнинг ташқари қисмида* қурилган. Йирик иншоотлар (мадраса ва б.)да бош пештоқ — ён томонларидан бошлаб қовлиниб ўраб қурилганлиги мужассамот кенг тарқалган; бундай иншоотларда Ҳ.лар қўпинча бир хил ҳажмда бўлади; баъзан *бурчак Ҳ.лар бир* мунча каттароқ бўлиб, улардан дарсхона сифатида фойдаланилган.

ҲУКМ, муҳокама (мантиқда) — предметга маълум бир белги (хосса, муносабат) хослиги ёки хос эмаслигини ифодаловчи тафаккур шакли. Ҳ. нисбатан тугал фикр бўлиб, унда предмет б-н унинг аниқ белгиси ҳақидаги билим ифодаланади. Ҳ.лар тўғри (чин) ёки хато (ёлғон) ёҳуд ноаниқ (тахминий) бўлиши мумкин. Ҳ.лар объектив воқеликка мос келса тўғри (чин), мос келмаса хато (ёлғон) *ҳисобланади. Айни вақтда чинлигини* ҳам, хатолигини ҳам аниқлаб бўлмайдиган Ҳ.лар ноаниқ Ҳ.лар дейилади. *Ҳ.лар асосан дарак гап оркали ифода*ланади. Ҳ.лар тузилишига кўра оддий ва мураккаб бўлади. Оддий Ҳ. деб таркибидан яна *бир Ҳ.ни ажратиб* бўлмайдиган мулоҳазага айтилади. Оддий Ҳ. таркиби 3 бўлак: мантиқий эга — субъект (S), мантиқий кесим — предикат (P) ва мантиқий боғловчи-дан иборат. Мантиқий эга фикр қилинаётган предмет ва ҳодисани, мантиқий кесим предметга хос хусусиятни билдиради. Мантиқий боғловчи («...дир», «эмас») предметдаги хусусиятни тасдиқлайди ёки инкор этади. Оддий қатъий Ҳ.нинг формуласи: S—P (эмас). Оддий Ҳ.лар сифатига кўра тасдиқловчи ва инкор этувчи, ҳажмига кўра якка, умумий ва жузъий Ҳ.ларга бўлинади. Оддий қатъий Ҳ.лар сифати ва ҳажмига кўра 4 турга бўлинади: *1)* умумий тасдиқ Ҳ. (А) «ҳамма S—P дир»; 2) умумий инкор Ҳ. (Е) «ҳеч бир S—P эмас»; 3) жузъий тасдиқ Ҳ. (I) «баъзи S—P дир»; 4) жузъий инкор Ҳ. (О) «баъзи S—P эмас» формуласи орқали ифодаланади. Предикатнинг мазмунига кўра атрибутив, маҳсулдик ва муносабат Ҳ.лари фарқланади. Мураккаб Ҳ. деб таркибида 2 ёки ундан ортиқ оддий Ҳ. бўлган мулоҳазаларга айтилади. Мураккаб Ҳ.лар «ва», «ёки», «агар... унда» каби мантиқий боғловчилар, инкор қилиш ва модал терминларни ҳўллаш орқали 2 ва ундан ортиқ оддий Ҳ.ларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади. Мантиқий боғловчининг мазмунига кўра мураккаб Ҳ.ларнинг қуйидаги асосий турларини фарқ қилиш мумкин: 1) бирлаштирувчи (конъюнктив) Ҳ. — а ∧ b. Мас., ўз тилини ва маданиятини йўқотган миллат ўзлигидан жудо бўлади: 2) айирувчи (дизъюнктив) Ҳ. — a ∨ b. Мас., ўсимликлар бир йиллик ёки кўп йиллик бўлади; 3) шартли (импликатив) Ҳ. — a → b. Мас., агар инсон мақсад сари интилса, у албатта мақсадига эришади; 4) эквивалентлик Ҳ.и — a⇔b. Мас., агар бу геометрик фигура учбурчак бўлса, унда унинг бурчакларининг йиғиндиси 180 бўлади.

Ҳ.лар модалликига кўра аletик (зарурий), эпистемик (ишончли билим), деонтик (мажбурийлик), аксиологик (баҳолаш) ва вақт модаллигини ифодаловчи турларга бўлинади. Ҳ. тафаккур шакли сифатида *ҳулоса чиқаришнинг* таркибий қисми бўлиб хизмат қилади.

Дилбар Файзиллаева.

ҲУКМ (ҳуқуқда) — жиноят процесида судланувчининг айбдорлиги ёки айблов эмаслиги ҳақида судининг чиқарган қарори. Ўзбекистон Республикаси судлари Ҳ.ни Ўзбекистон Республикаси номидан чиқаради. Ҳ. қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт. Суд Ҳ.ни фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар б-н асослайди. Суднинг Ҳ.да ифодаланган барча хулосалари асослантирилган бўлиши лозим. Ҳ. фақат маслаҳатхонада якка судья ёки ҳайъат томонидан қабул қилинади ва барча ҳолатда ҳам ошкора эълон этилади. Ҳ.нинг 2 тури мавжуд: айблов Ҳ.и ва оқлов Ҳ.и. Айблов Ҳ.и ўз навбатида, 3 турга бўлинади: жазо белгилайдиган, жазо белгиламайдиган, жазодан озод қиладиган айблов Ҳ.и. Жазо белгилайдиган *айблов* Ҳ.и судланувчининг жиноятни содир этишдаги айби суд муҳокамаси давомида *исботчи далиллар б-н исбот* қилингани тақдирдагина чиқарилади. Фақат айблов Ҳ.и билан судланувчи айблов деб топилади ва жазога тортилади. Суд қуйидаги ҳолларда жазо белгиламайди ёки жазо тайинламасдан айблов Ҳ.и чиқаради: ноқасм содир этган жинояти учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилингани бўлса; мазкур жиноят учун айбланувчи тарихидаги ишда иштирок этишга жазо қилиш муддати ўтиб кетган бўлса; Ҳ. чиқари-

дадитан вақтга келиб, қилмиш ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотса; маҳкумнинг тузалишига жамоат биргалашарлари ва жамоалар пафсир чораларини ёки маъмурий жазо чораларини қўллаши б-н эришиш мумкин бўлса; Ҳ. чиқариш вақтигача судланганлиги афсот этган бўлса. Жамоат озод қилдирган айблов Ҳ.ини чиқариш учун қўйидагилар асос бўлади: судланувчини жазодан озод қилувчи амнистия акти эълон қилинган; шахснинг Ҳ. чиққунга қадар қамоқда бўлган вақти тайинланган жазо чорасига тенг ёки бу чорадан ортиқ бўлса. Оқлов Ҳ.и: жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса; судланувчи томонидан содир этилган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса; жиноятни содир этишда судланувчининг иштироки исботланмаса чиқарилади.

Судда иш қайси тилда кўрилган бўлса, Ҳ. шу тилда, аниқ ва тушунарли ибораларда *бадан қилинади ва 3 қисмдан:* кириш; тавсиф ва қарор қисмларидан иборат бўлади. Айблов Ҳ.и 10 кун муддат ичида, оқлов Ҳ.и эълон қилингач вақтдан бошлаб кучга киради. Ҳ. устидан апелляция, кассация, назорат тартибида шикоят ва протест келтирилиши мумкин.

Зокиров Ишонжонович.

ҲУКУМАТ — давлатнинг олий коллегиал ижроия органи. Ҳ. турли мамлакатларда турлича: ном б-н аталади: *Вазирлар Кенгаши (Франция, Италия, Польша), Вазирлар Маҳкамаси* (Буюк Британия, Ўзбекистон), Давлат кенгаши (ХХР) ва ҳ.к. Ҳ. партиясиз, бир партияли ва кўппартияли бўлиши мумкин. Ҳ. тузиш тартиби бошқарув шаклига боғлиқ бўлади. *Парламентар* мамлакатларда Ҳ.ни давлат бошлиғининг тавсияларига кўра бир палатали парламентда ёки икки палатали парламентнинг қуйи палатасида кўпчилик ўринга эга бўлган партиянинг етакчиси (коалицион Ҳ.да — партиялар етакчиларидан бири) — тобомидан шакллантирилади. Президентлик республикаларида Ҳ. президент томонидан шакллантирилади, бунда бир қатор мамлакатларда (Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон ва б.) президент томонидан тайинланган Ҳ. аъзоларининг ҳар бири парламент томонидан тасдиқланиши керак. Ҳ. аъзолари (вазирлар, давлат котиблари ва б.) давлат бошқарувининг муайян маҳсилий идораларига бошчилик қиладилар. Парламентар мамлакатларда улар, одатда, парламент аъзолари бўлиши керак, президентлик республикаларида ва қолганга кўра, ярим президентлик республикаларида ҳам вазирлик лавозими ва депутатлик мандатини бирга қўшиб олиб бориш мумкин эмаслиги қондаси амал қилади. Парламентар давлатларда Ҳ. парламент олдида (икки палатали парламентда — қуйи палата олдида) коллегиал тарзда жавобгар бўлади. Парламентлари кўпчилик тарқатиб кетганда (мас., ҳукумат коалицияси бўлганда) Ҳ. истеъфога кетиши керак ёки парламент тарқатиб юборилиб, муддатидан илгари сайловлар ўтказиш лозим бўлади. Федератив давлатларда марказий Ҳ. ва федерация таркибига кирувчи давлат тузилмалари (штатлар, вилоятлар) Ҳ.и мавжуд бўлади. Ҳ.й тўлиқ таркибда йиғилиш мумкин, ёки Ҳ. бошлиғи бир мунча тор коллегия (Буюк Британия, Хиндистон ва б. мамлакатларда — кабинет) — тузади. Ҳ. ўз таркибидан ёрдамчи ҳукумат қўмиталари танкил этиши мумкин. *Ҳ. қарорлари* сиёсий директивалар тусида эъм, норматив ҳужжатлар ёки қонун лойиҳалари кўринишида ҳам расмийлаштирилади (одатда алоҳида вазирликлар томонидан ишлаб чиқилади), кейин парламент тасдиғига киритилади.

Ўзбекистонда Ҳ. Вазирлар Маҳкамаси деб номланади. У ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига раҳбарлик қилади. Ҳ. таркиби Президент томонидан шакллантирилади (яна қ. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси*).

ҲУЛБУК — Хутталон вилоятининг ўрта асрлардаги марказий шаҳри (6—16-а.лар). Юнон-Бақтрия манбаларида Хулбисса, Хитой манбаларида («Таншу») «Ко-ло-кан» номи б-н қайд этилган. Қизилсув дарёсининг сўл соҳили (Тожикистонда жойлашган. Мирзатепа ўрнида бўлган деган тахминлар мавжуд. 10-а.да Ҳ. тавқум шаҳар бўлиб, кўплаб рустақларга эга эди. Ҳ.да Хутталон ҳокими қарорғоҳи бўлса-да у Сағоннён марказидан кичик эди. Шаҳарлари турар жойлар пахсадан қурилган. Жоме масжиди шаҳар ўртасида жойлашган. Ҳ.да 9—12-а.ларда кумуш дирҳамлар чиқарадиган зарбхона бўлган. 16-а.да Хутталон Кўлоб деб аталган, Ҳ. ўрнида эса Қўлъаи Замм жойлашган.

Ад.: Камалиддинов Ш.С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

ҲУЛКАР — *Саир* юлдуз туркумида жойлашган тарқоқ юлдуз тўдаси. Оддий кўз б-н 6—9 та энг ёруғ юлдузини кўриш мумкин. Тўлдага таҳм. 540 та юлдуз бор. Энг ёруғ юлдуз — Альмиона ёки Саврининг η си. В спектрал синфга кирувчи қайноқ юлдузлар. Равшанлиги 2,9. Бутун тўдани қоплаб олган чанғи туманлик мавжуд. Ҳ.нинг диаметри 15 *парсек* (~49 ёруғлик йили). Барча юлдузлари фазода деярли бир томонга параллел ҳаракат қилади. 19-а. охирларидаёқ Тошкент расадхонаси Ҳ.нинг ноёб фотосуратларни олишган эди.

ҲУЛОКУ, Хулагу, Хулокухон, Халокухон (1217, Мўғулистон — 1265.8.2, Марога, Эрон) — *Хулокуийлар давлати* ва сулоласи асосчиси. *Чингизхоннинг* набираси, *Тулихоннинг* 4-ўғли. Мўғулистонда туғилган. Ёшлигидан ҳарбий юришларда қатнашган. Ҳ. Улуғ қурултойининг қарори б-н Амударёдан кечиб ўтиб (1256), қисқа вақт ичида ҳоз. Афғонистоннинг бир қисмини, Эрон, Ироқ, Закавказье, Кичик Осиё ерларини босиб олган (1256—58). 1256 й. ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилган; Ҳ. номигагина улуғ қоонга бўйсунган, ундан алоҳи унвонини олган. Ҳ. шомонийликка эътиқод қилса-да, бошқа динларни таъқиб этмаган. *Исмоилийлар давлатини* (1256) ва Аббосийлар халифалигини (1258) бутунлай тормор қилган. Сўнгги халифа — Мустасимни қатл этган. 1260 й. мўғул қўшинлари Сурияга бостириб кирган, лекин Фаластинда бўлган жангда Миср қўшинлари (мамлуклар) тарафидан енгилган. 1262 й. *Оқтин Ўрда* б-н уруш олиб борган.

ҲУЛОКУЙЛАР, халокуийлар — *Эрон ва Ироққа Хулокуйлар давлатини* бошқарган сулола. Суюқларнинг энг йирик намояндалари: *Хулоку* (1256—65), Абақахон (1265—82), Тўқудор Аҳмад (1282—84), *Аргун* (1284—91), Кайхотухон (1291—95), Бойдухон (1295), *Ғозонхон* (1271—1304), Ўлжойтухон (1304—17), *Абу Саид* (1216—35).

ҲУЛОКУЙЛАР ДАВЛАТИ, Элхонлар давлати — Яқин ва Ўрта Шарқда *Мўғуллар давлати* таназзулга учраётган пайтда тузилган давлат (1256—1353). Асосчиси *Чингизхоннинг* невараси *Хулоку*. Ҳ.да Эрон, Афғонистон ва Туркманистоннинг кўп қисми, Закавказьенинг ярмидан кўпи, Ироқ ва Кичик Осиёнинг шарқий қисми (Кизил Ирмоқ дарёсигача) кирган. Ҳ.д. ҳукмдорлари элхон унвонига эга бўлишган. Грузия, *Трапезунд империяси, Қилиқия султонлиги*, Қилиқия арман подшолиги, Кипр қироллиги, *Қўрмлар давлати* Ҳ.д.нинг вассали ҳисобланган. Пойтахти дастлаб *Марога*, сўнг *Табриз*, кейинчалик *Султония* бўлган. Ҳ.д. *Чиғатой улуси*, *Оқтин Ўрда, мамлуклар* ва салибчилар б-н уруш олиб борган. Ҳ.д. Рим папаси, Генуя,

Франция ва Англия қироллари б-н иттифоқ тузиб Миср ва Сирия қарши урушган, лекин мағлубиятга учраган.

Ҳ.д.да мўғул ва турк қўчманчи қабила зодагонлари ҳукмрон сиёсий куч бўлган. Дастлабки элхонлар бутпараст бўлишган. Ҳ.д.га қарши мамлакатлар иқтисодий мўтаалар таъсирида бутунлай барбод бўлган.

Ҳ.д. ҳукмдорларидан *Ғозонхон* даврида мамлакат аҳволини яхшилаш мақсадида маъмурий ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказилган. Ғозонхон ислоҳотлари Ҳ.д. ҳужалигини бирмунча яхшилаган, лекин мамлакатда товар ва пул муносабатлари, шаҳарларнинг тикланиб ўсиши ва жуда катта ижтимоий ерга эга бўлган зодагонларнинг солиқлардан озодлиги, мустақил ҳарбатларга эгалик қилиши марказий ҳукумат кучсизлашган. *Абу Саид* вафотидан сўнг Ҳ.д.да ягона ҳукмдор қолмаган. Турли вилоятларда алоҳида-алоҳида элхонлар ҳукмронлик қилган. Улар ўртасидаги кураш, сарбадорлар қўзғолонлари натижасида Ҳ.д. бир неча мустақил давлатлар (Музаффарийлар, Жалойирийлар ва б.)га бўлиниб кетган. Ҳ.д.нинг ўз ўрдаси б-н Ўртатоғь кўчиб юрган сўнгги элхони сарбадорлар ҳукумига дуч келиб қолоқ бўлган (1353 й. дек.).

ҲУМАЙНИЙ Рухулло Мусавий (1900, бошқа маълумотларга кўра 1898 ёки 1903—1989) — дин ва давлат арбоби. Эронинг Арок ш. яқинидаги Ҳумайн қишлоғида руҳоний оилада туғилган. Аввал Арокда, кейин Қум ш.да ўқиган, ўша ерда мадрасада дарс берган. 50-й.лар охирида *оятуллоҳ* деб атала бошлаган. Эронда шоҳ ҳокимиятига қарши кураш олиб боргани учун шоҳ жандармерияси томонидан 1963 йил қамалган, 1964 й.да Туркияга бадарға қилинган. 1965 й.да Ироққа бориб, шиаларнинг муқаддас маркази ҳисобланган Нажафда мадрасада дарс берган. Шоҳ ҳукуматининг талаби б-н 1978 й.да Ироқдан ҳам бадарға қилинган. Кувайт ҳукумати унга мамлакатга келишга изжозат бермагандан кейин, Парижда жойлашган. У ердан туриб, шоҳ ҳокимиятига қарши курашни ва Эронда бошланган инқилобий ҳаракатга йўлланма беришни давом эттирган. Шоҳ ҳокимияти ағдарилгандан сўнг 1979 й. фев.да Эронга қайтиб келган. Эрон Ислом Республикаси ташкил этилгандан кейин Ҳ. расман давлат раҳбари (*вилояти фақиҳ*) деб конституцияда *эътироф этилган*. Диний раҳбамо сифатида у «марҳаи тақлид» ҳисобланиб, *имом* деб юритилган.

ҲУМО — афсонавий қуш; бахт-саодат, давлат рамзи. Ўзбекистон ҳудудидаги меъморий ёдгорликларда, амалий безак санъати буюмларида Ҳ. тасвири кадимдан кўп учрайди. Ўзбекистон Республикаси гербида ҳам Ҳ. тасвири тушириган (қ. *Семург*).

ҲУМОЮН (1508.6.3 — 1556.27.1) — *бобурийлар давлати* ҳукмдори (1530—40, 1555—56). 1530 й. Ҳ. отаси Бобурнинг Ҳиндистонлаги мулкларига эга бўлган. Секин-аста Гужарот, Ражпутан, Малвани ўз давлатига қўшиб олган. Лекин ўсиб боравётган ички низолар ва укалари Мирзо *Комрон*, Мирзо Феруз, *Аскарий Мирзо* ва *Хиндал Мирзо*ларнинг мустақилликка интилишлари давлатни заифлаштирган. Бундан фойдаланган афғонларнинг сурийлар сулоласидан *Шершоҳ* Сурий Чауса ш. (1539) ва Қаноджж ш. (1540) яқинида Ҳ. қўшинини енгиб, Деҳлини эгаллаган. Ҳ. Эронга қочиб ўтган. *Эрониннг қорбий ёрдами б-н* Афғонистонни ўз тасарруфига олган. 1541 й. укаси Ҳиндолнинг пири бўлмиш Мир Али Акбар Жомийнинг қизи Ҳамида Бонуга уйланган. 1542 й. *Акбар* туғилган. Шершоҳ ўлимидан кейин (1545) Шим. Ҳиндистонда бошланган *низолар* мамлакатни сиёсий жиҳатдан парчалаб ташлаган. Шароитдан фойдаланиб Ҳ. Ҳиндистонга юриш бошлаган ва 1555 й. 27 май куни Сирҳиндда бўлиб ўтган шиддатли жангда афғонлар енгилганлар. Бу галаба Шим. Ҳиндистонда 2-марта бобурийлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилишини таъминлаган. Ҳ. ўз кутубхонаси зинасидан тушиб кетаётганда вафот этган. Ҳ. Ҳиндистонда бир неча маъмурий ислоҳотлар ўтказган. Унинг даврида Мир Сайид Али бошчилигида миниатюра мактаби юзага келган. Ҳ. форс ва туркий тилларда шеърлар ёзган. Ақбар томонидан Деҳли ш.да Ҳ. мақбараси қурилган. *Гулбадан бегим* Бобур ва акаси Ҳ. ҳақида «Хумоюнинома» асарини ёзган.

Ад.: Гулбадан бегим, Хумоюнома, Т., 1959; 1977; 1997.

ҲУМОЮН МАҚБАРАСИ — Ҳиндистондаги меъморий ёдгорлик (16-а. 2-ярми); Деҳли ш.да *Хумоюннинг* ўғли *Акбар*шоҳ томонидан қурилган. Мақбара мураббо тарҳли (47×47 м; умумий бал. 37,5 м), қизил қумтош ва оқ мармардан бунёд этилган; 2 қаватли, пастки қавати (пойдевори, бал. 7 м)га равоқлар қатори ишланган. 2-қавати — асосий бино 3 қисмдан иборат бўлиб, бош тарзи пештоқ-равоқли, марказий хона қўш гумбазли, *унинг ёнидаги ғонча-кўшк* шаклидаги хоналар тепасига гумбазли қафасалар ишланган. Мақбарининг ўзи атрофи девор б-н ўралган *мақбарининг* марказида жойлашган; чорбоғ ҳудуди ариқлар б-н бўлакларга бўлинган чорчамонлар, кўкаламзорлардан ташкил топган. *Мақбара чорбоғ кенглиги* б-н ўзаро уйғун; аниқ ва ўзгал ечимини топганлиги б-н диққатга сазовор. Мақбарининг марказий гумбазли мужассамотида Ўрта Осиё ва Эрон меъморлигининг таъсири сезилади. Ҳ.м. кейинчалик бунёд этилган *Тожмаҳал* учун намуна вазифасини ўтаган.

«ХУМОЮННОМА» — *Гулбадан бегимнинг Хумоюн* ҳақида форс тилида ёзган асари.

ҲУНАРМАНД — 1) *ҳунар устаси*; бинокор, дурадгор ва б.; уйида ёки ўз дўконида бирор маҳсулот и.ч. б-н шуғулланувчи уста, косиб; 2) бир ишни осон ва тез уддалай оладиган талабкор; ўз ишининг устаси.



Хумоюн мақбараси (16-а. 2-ярми. Деҳли).

ҲУНАРМАНДЧИЛИК, ҳунармандлик — миллий-анъанавий майда товар ишлаб чиқариш, оддий меҳнат қуроллари ёрдамида якка тартибда ва қўл меҳнатига асосланган саноат тури; шундай маҳсулотлар тайёрланадиган касбларнинг умумий номи. Йирик саноат ив.ч.и вужудга келишига қадар кенг тарқалган, айрим соҳалари кейин ҳам сақланган. Кам ривожланган мамлакатларнинг халқ хўжалигида ҳозир ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳ. инсоннинг и.ч. фаолияти б-н вужудга келиб, жамият ривожланиши давомида аста-секин *деҳқончилик* ва *чорвачилик*дан ажралиб чиқди, турли ижтимоий-тарихий даврлар донрасида техника ривожи б-н алоқадор ҳолда такомиллашиб борди, турли ихтисосликлар (кулолчик, дурадгорлик, темирчилик, мисгарлик, бинокорлик, тоштарошлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кўнчилик, тикувчилик, тўқувчилик, заргарлик, дегрезлик, рихтагарлик, зардўзлик, бўёқчилик, кемасозлик, тунукасозлик ва б.)га ажралди. Ҳ. қандай табиий ресурсларнинг мавжудлигига қараб, мас., пахта ва пилла бор ерда тўқимачилик, сифатли хом ашё бор ерда (мас., Риштонда) кулолчилик, жун ва тери кўп ерда тўқимачилик ва кўнчилик, шунга қараб косибчилик, ўрмонлар кўп ерда ёғочсозлик, маъданларга бой ерларда металл и.ч. ва темирчилик, денгиз ва дарё бўйларида кемасозлик ва б. ривож топган. Жамият тараққиёти босқичлари, меҳнат тақсимоти б-н алоқадор ҳолда Ҳ.нинг 3 тури шаклланган: 1) уй ҳунармандчилиги; 2) буюртма б-н маҳсулот тайёрлайдиган Ҳ.; 3) бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган Ҳ.

Ҳунармандлар растаси. Тошкент шаҳри.



Уй ҳунармандчилиги капитализмга қадар бўлган даврларда Ҳ.нинг энг кўп тарқалган тури бўлди. Ҳ.нинг бу тури натурал хўжаликнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шаҳарлар ривожи буюртма б-н Ҳ. маҳсулотлари тайёрлаш ва бозорга Ҳ. маҳсулотлари и.ч.нинг жадал ўсиши б-н узвий боғлиқ. Натижада Ҳ. маҳсулотлари товарга айланди, товар айирбошлаш учун ишлаб чиқарилди. Давр тақозоси б-н Ҳ. нинг янги-янги турлари вужудга келди. Ҳунармандлар ҳам турли маҳсулотлар тайёрлаш бўйича ихтисослаша бордилар. Шаҳарлардаги маҳаллалар ҳунармандларнинг касб-корига қараб шаклланган (мас., 20-а.нинг бошларида Тошкентда кўнчилар, кулоллар, эгарчилар, бешикчилар, ўқчилар, косиблар маҳаллалари бўлган). Айрим маҳалла, кварталь, шҳар, ўлкалар Ҳ.нинг маълум маҳсулотлари б-н шуҳрат қозона бошладилар.

Ҳ. товар — пул муносабатларига кенгроқ ва чуқурроқ тортилганлиги сари табақаланди. Ўзбекўрон ва серҳаракат ҳунармандлар бойиб дастлабки капитал жамғарилиши туфайли капитал соҳибига айланди ва уларнинг устахоналари негизида кичик з-д ва ф-калар вужудга келди, бу корхоналарда камбағаллашган ҳунармандлар ёлланиб ишлай бошлади. Натижада Ҳ.нинг ривожи бозор иқтисодиётининг капиталистик шаклини юзага



Шаҳрисабз кашталилари.

келтирди. Ҳ. Европа шаҳарларида *саноат* ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшди (тўқин дастгоҳлари такомиллашди, 14-а. ўрталарида Германияда домна печларининг пайдо бўлиши *металлургия*да жиддий ўзгаришларга олиб келди. 14—15-а.ларда ўқ отар қуроллар ишлаб чиқарила бошланди). Капиталистик и.ч. муносабатлари Ҳ.нинг кейинги тараққиётига зарба берди, Ҳ.нинг кўпгина соҳалари тушкунликка учради. *Саноат тўнтариши* оқибатида тез ва арзон оммавий ишлаб чиқарила бошлаган ф-ка, з-д маҳсулотлари Ҳ. маҳсулотларини бозордан сиқиб чиқарди.

Ривожланган мамлакатларда якка буюртмалар ва қимматбаҳо бадиий *буюмлар тайёрлайдиган Ҳ. соҳаларигина* (тикувчилик, этикдўзлик, гиламчилик, заргарлик, ўймакорлик ва б.) сақланиб қолди.

20-а. бошларида эса маниналаштан и.ч. кенг йўлга қўйилиши б-н Ҳ. маҳсулотларининг тур таркиби ва и.ч. ҳажми кескин камайди. 20-а. давомида ва 21-а. бошларига келиб йирик индустриал и.ч. қарор топган бўлса-да, Ҳ.нинг мавқеи сақланиб қолди. Ҳ.нинг бозорда сегменти кичик бўлганидан йирик и.ч. эгаллай олмайдиган, талаб индивидуаллашган ўз ўрни бор. Мини технологияянинг пайдо бўлиши Ҳ.да товарларни якка тартибда ва сифатли и.ч. имконини беради. Бунга миллий уст-бошлар, миллий чолғу асбоблари, майда асбоб-ускуналар, турли ёдгорлик буюмлари и.ч. ва хизмат кўрсатишни киритиш мумкин. Ҳозирги Ҳ. ки-

ган бизнес тармоқларидаги ишқа меҳнат фаолияти ва оилавий корхоналардан иборат.

Ўзбекистон ҳудудида неолит даврларёқ Ҳиндистон дастгоҳи муҳим тармоғи ҳисобланган сопол буюмлар ишлаб чиқариш ва тўқимачилик вужудга келди (Хоразм воҳасидаги *Калтаминор маданияти*, Сурхондарёдаги *Сопалитепа* ва б). Мил. ав. 2-асрдан бошлаб Ҳ. маҳсулотлари савдосида *буюк ипак йўли* муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (Араб халифалигида пўлат, Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда шойи, чинни, қоғоз) Европа бозорларида қадрланди. Ҳиндистонда пахтадан нафис мато, Хитойда ипак мато тўқийдиган дастгоҳлар вужудга келди, Хитой ва Ўрта Осиёда шиша тайёрлаш технологияси такомиллаша борди.

9–10-асрда Ўрта Осиёда йирик Ҳ. марказлари пайдо бўлди. Ип мато, гилам (Урганч, Шош), шойи (Марв), мис ва темирдан ярог-аслаҳа, пичоқ, тайёрлаш (*Фарғона*), *шойи матолар*, шиша маҳсулотлари тайёрлаш (Бухоро) авж олди. 13-аср мўғуллар босқини Ҳ. ривожига зарба берди. Темурийлар даврларининг вужудга келиши Ҳ. ривожига жуда катта ижобий таъсир кўрсатди.

Ўрта Осиёда Ҳ.нинг барча турлари 20-а.нинг 20-й.ларигача сақланди. Бухоро, Самарқанд, Кўқон, Хива, Тошкент ҳоби шаҳарларнинг и.ч. муносабатларида ҳунармандлик катта роль ўйнади (мас., 19-а.нинг 60-й.ларида Хивада Ҳ.нинг 27 тури ривож топган, шаҳарларга бозорларда ҳунармандларнинг 556 дўкони бўлган, 80-й.ларда шаҳарда 2528 ҳужалик Ҳ. б-н шуғулланган).

Ўзбекистонлаги Ҳ. чуқур ихтисослашган бўлиб, ўзида ҳилма-ҳил касб-корларни бирлаштирган. Мас., терини қайта ишлаш соҳасида кўнчилар, этикдўзлар, махсиядўзлар, ковушчилар, эгар-жабдуқчилар, телпакчилар, пўстинчилар, камарчилар; тўқимачилик соҳасида бўзчилар, атласкчилар, *гиламчилар, шолча ва наматчилар*; металлни ишлаш соҳасида темирчилар, тақачилар, мистарлар, чилангарлар, *заргарлар каби касблар бўлган*. Булар Ҳ.нинг тармоқ структурасини белгилаган.

Шарқдаги мусулмон устахоналарида бўлгани каби Ўзбекистонда чеварлик, каштачилик б-н ёйлар ўйма ўтириб шуғулланишган (қ. *Касаначилик*). Ҳ.нинг ижтимоий структурасида уста, халфа ва шогирд каби ижтимоий тоифалар мавжуд бўлган. Ҳ.нинг ички тартиб ва қоидаларини унинг низоми сифатидаги «Расолалар» белгилаб берган. Ҳар бир касбнинг ўз раҳномаси, *яъни пири* ва «Расоласи» бўлган, авлодлан-авлодга ўтувчи одатлари ва удумларига риоя этилган. Мас., иш бошлашдан олдин уста ўз *пирини* ёдга олиб ундан мадад сўраш, шогирдлига фотиҳа бериш каби одатларга амал қилинган.

Ўзбекистон Россия мустамлакасига айлангач, Ҳ. метрополия саноатининг рақобатига дуч келиб, ўзининг илгариги мавқеини йўқотган бўлишига қарамай, унинг кўп тармоқлари сақланиб қолди, чунки у миллий эҳтиёжни қондирадиган товарларни, чунончи, кийим-кечак, идиш-товоқ, турли уй-рўзғор буюмлари, майда механ қуролларини арзатиб, уларни маҳаллий бозорга етказиб берди. Ҳ.нинг яшовчанлигини таъминлашда чет элдан келтирилган хом ашё, материаллар, кичик ускуналар муҳим роль ўйнади. Мас., АҚШдан келтирилган тери бўёғидан фойдаланиб кўнчилар амиркон деб номланган юпқа чарм ишлаб чиқара бошлади. Шу муносабат б-н амиркон этик, маҳси ва ковушлар пайдо бўлди. Германиядан «Зингер» фирмасининг тикув машина-



Гилам тўқувчилар.

лари келтирилиши б-н тикувчилик (*чеварлик*) кенг ёйилди.

20-а.нинг 20-й.ларида шўролар ҳокимияти қарор топиши б-н *ҳунармандларнинг асосий қисми дастлаб артелларга, кейинчалик, э-д, ф-каларга, бадиий буюмлар корхоналарига жалб қилинди. Уларга хом ашё*, материал, асбоб-ускуналар давлат томонидан етказиб бериладиган, яратилган маҳсулотлар дўконлар ва матлубот кооперацияси орқали сотиладиган бўлди. Истеъдодли ҳунармандлар ижодий ташкилотларга қабул қилинди, амалий безак санъати ривожлантирилди (мас., 30-й.ларда Тошкентда ўқув- и.ч. комбинати ташкил этилиб, ёш ҳунармандлар унда таълим олдилар, 1968 й.да Бухорода кандакорлар мактаб устахонаси, 1978 й.да Кўқонда ёғоч ўймакорлиги мактаб устахонаси ташкил топди).

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг Ҳ. ривожида янги *давр бошланди*, халқ ҳунармандчилиги бозор қоидалари замирида қайтадан тикланди. Ўзбекистонда *маҳаллий саноат корхоналарининг биринчилар*



Ёғоч ўймакори.



Сандиқчилар.



Кузнец уста.

қатори хусусийлаштирилиши натижасида майда давлат корхоналари ҳунармандларнинг хусусий корхоналарига айлантирилди, янги Х. корхоналари очилди. Х. фақат ички бозорга эмас, балки экспортга ҳам ишлай бошлади. Х.нинг ташқилий шакли ҳам ўзгарди: кичик оилавий корхона, якка тартибдаги меҳнат фаолияти шаклида ривожлана боради. 1995 й. 24—25 окт.да Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси б-н амалий ҳамкорликда Ўзбекистон халқ усталари ва ҳунармандлари 1-Республика ярмаркаси ўтказилди. 1997 й.да республика халқ амалий санъати ва ҳунармандлари усталарининг «Усто» ижодий и.ч. бирлашмаси ташкил топди. Республика Президентининг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат ёрдами б-н қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

Дуторчи уста.

фармони ва бошқа тадбирлар Ўзбекистонда Х.нинг тикланиши ва янада ривожланишида, унинг унутилган баъзи турларини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳунармандлар дастлаб Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар палатасига, сўнгра Савдо-саноат палатасига киришди. Улар махсус ташкилот — «Ҳунарманд» Республика уюшмасига бирлаштирилди. Х. субъектлари Ўзбекистонда тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермер хўжаликларининг ҳар йили ўтказиладиган «Ташаббус» республика кўрик-танловида иштирок этадилар. 1996—2005 й.лар мобайнида 10 нафар ҳунарманд халқ Х.ида эришган ютуқлари учун «Ташаббус» танловининг голиби деб топилди.

Ад.: Гаврилов М.Ф., Рисола сартовских ремесленников, Т., 1912; Разводовский В.Н., Опыт исследования кустарных промыслов в Туркестанском крае, Т., 1916; Турсунов Н.О., Из истории торгового ремесла Северного Таджикистана, Душанбе, 1974; Кастельская З.Д., Из истории Туркестанского края (1865—1917), М., 1980; Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати, Т., 1991; Аскаров А., Ўзбекистон тарихи (энг қадимги даврлардан 5-а.гача), Т., 1994; Жабборов И., Антик маданият ва мозаикачилик хазинаси, Т., 1999.

Асқаджон Ўзоқов, Нуриддин Мусаев, Ойбек Остонов.

ХУНЛАР, *хуннулар — қадимда* Марказий Осиёда шаклланган кўчманчи халқ. Х. бундан 4 минг йил муқаддам мавжуд бўлган давлат таркибига кирган. Хитой манбаларида Х. турли даврларда 32 хил номда (келб, куй, куйфан, куйрунт, куйпи, ку, шюнюн, скопу ва б.) келтирилган. Баъзан улар бэйди (шим. турк) деб ҳам аталган. Олимлар ўртасида Х. этнонимн кун (қўён) сўзидан келиб чиққан, деган фикр мавжуд. Япония олимларининг фикрича, «шюнну» — «кун» сўзининг хитойча транскрипцияси бўлиб, у тангри фарзанди, қунга (қўёнга) тотинган одам, халқ каби маъноларга эга бўлган. Аммо хитойлар шюнну атамасини ёзишда «даҳшатли қул» маъносини англатадиган 2 иероглифни қўллашган. Хитой манбаларида Ҳун хоқолиги ҳам Шюнну деб номланади. Х. салар (қад. хитойлар) нинг шим.даги ғарбий қўшнилари бўлиб, мил. ав. 2—1-минг йилликка хос. Хэси ўлкаги, Ордос ярим оролларида яшаганлар. Мил. ав. 3-а. охирида Х. *Модэ хоқон* бошчилигида дунёу, юечжи, ганьгун (қирғиз), усунларни тор-мор қилиб Хитойга бостириб кирганлар ва империатор Лю Баонн ўлпон тўлашга мажбур қилганлар.

Мил. ав. 1-а.да Х. орасида ўзаро низолар келиб чиққан, натижада тобе эттирилган барча қабилалар улардан ажраб чиққан ва Хуханье тангриқут Хитойга номига вассал бўлиб қолган (мил. ав. 51 й.). Мил. 1-а. бошида Хитойнинг заифлашуви Х.га мустақилликни қайтариб олиш имконини берган, аммо 48 й. саккизта ҳун урулари қайтадан Хитойга тобе бўлиб қолган; Жанубий Х. уларнинг тарқалган. Шимолий Х. 87—93 й.лара хитойлар, сяньбилар ва динлинлар иттифоқидан мағлубиятга учрагандан, лекин 93 й.дан кейин ҳам уларнинг бир қисми Мўғулистон чўлларида кўчманчилик қилиб юришган. Шимолий Х.нинг бошқа қисми Ғарбга чекиниб, маҳаллий халқлар б-н чатишиб Европада *гуннлар* номини олган янги халққа асос солган. Шимолий Х.нинг яна бир қисми Юбаньга (Жанубий Хитой) Европа *гуннлар* номини олган янги халққа асос солган. Шимолий Х.нинг яна бир қисми Юбаньга (Яйпан) номи б-н Еттисув ва Тарбағатайда ўтроқлашган. Уларнинг давлати 5-а. охирида теле қабилаларн томонидан вайрон этилган. Ўрта Осиё Х.нинг қолдиқлари — чуюе, чуми, чумугуи ва чубалиар 6-а.да Ғарбий турк хоқонлиги туркийларига тобе бўлишган. Чуюе ва чумиларнинг тармоғи — шато қабиласининг тарихий тақдири алоҳида кечган. Мил. 3-а. бошида сафларини ўз қабиладошлари б-н тўлдирган Жанубий Х. 304 й. қўзғолон кўтариб Лю-хань империясига (304—318) асос солганлар; бу давлат Катта Чжао ва Кичик Чжаога парчаланиб кетган. Кичик Чжао 329 й. Катта Чжаони тобе этиб, бутун Шим. Хитойни ўзига бўйсунлирган, бироқ ёшлигида Х. хоқони томонидан ўлдирилган. Кейинги олинган хитойлик Жань Минь ҳокимиятни эгаллаб олиб, Кичик Чжао салтанатидаги барча Х.ни қатлиом этишга буйруқ берган. Фақат Ордос ва Наньшань тоғ ён бағирларида (ҳоз. Ганьсу вилояти) яшаётган Х. омон қолишган. Ордослик ҳун Хэлян Бобо Си подшолигига асос солган (401—431), наньшаньлик қабила сардори Мэн Сунь — Бэй Лян хонлигини тузган (397—439). Бу ҳар икки давлат табғач (тоба) халқи томонидан тузтатилган. Х.нинг қолдиқлари Турфон-



га чекиниб, у ерда 460 й.ларга, яъни жужанлар томонидан тор-мор этилмагунларигача яшаганлар.

Х. европоидлар ирқида мансуб бўлиб, тарихчилар орасида Х.нинг тили мўғул тили гуруҳига кирди деган фикр ҳам мавжуд. Хитой манбаларидаги маълумотлар бундай фикрнинг нотўғрилигини кўрсатади. Х. терига кат ёзиб китоб қилишган. Х.нинг урф-одатларига кўра, бир урт доирасида қиз олиш ва қиз бериш қатъиян ман этилган. Уларнинг қиз келин қилган уруғнинг аъзоси ҳисобланиши б-н бирга, у мерос-ҳуқуқ ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Шунинг учун маблағ келини беш қолган, у қайнота ва қайнона урғага лойиқ саналган чиқиб, бошқа уруққа келин бўла олмаган. Мерос бўлиб қолган келинни урт доирасида сақлаб қолиш зарурлиги бундай бевалар маҳрум эр-нинг ака-укаларига хотин бўлишни одатга кирган. Одатда улар ўзаро ва ўғиллар б-н бўлган келинларини оғзи-ки битим қилишган ва бериган вақ-лата *кейинг қилинтирган. Улкинг сар-қофига солиб тепаликка дафн этиш-ган.* Қисқан оғир ўлдирганларга ўлим жазоси берилган, майда ўғирлик қил-ганларни қўлини кесишган, катта ўғирлик қилганларни ўлимга маҳкум этишган. Қимоқ жалоси 10 кундан ортмаган. Х. *тиббиётчилик* эътибор қил-ганлар. *Табиблик* ҳақ-ақ бўлганлар. *Вазага вафо қилишмаганлар* Тангрининг қаҳрига учрайди деб билишган. Тангрининг неъмати сифатида қуёш ва ойга сажда қилганлар. Х. қўшиқ айтиш ва ўйинга тушишни яхши кўришган. Чолғу асбоблари ичида най, сурнай, қубуз, пипа (гитара ўхшаган), чанг кабилар бўлган. Рассомчилик ва ҳайкалтарошлик санъати ҳам Х.да яхши ривожланган. Нефрит, олтин, темир ва мисдан ҳайвонларнинг ҳайкалларини ҳамда турли ялпи-тепаликлар ясаш санъати *кенг ривожланган. Энг-жабдуқ асош* ва уларга ноқил бериш санъати юксак даражада бўлган. Пулатдан ясалган қилич ва ханжарлар Хитойга элтиб сотилган. Х. ҳаётида чорвачилик б-н бирга деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдогарлик муҳим ўрин эгаллай-ди. Ҳунармандчилик соҳасида темир-чилик, мисгарлик, зарғарлик, кўн-чилик, кулолчилик, дурадгорлик, тўқимачилик, айниқса, гилам тўқиш умумий и-ч.нинг муҳим йўналишла-ри бўлган. Ишлаб чиқарилган маҳ-сулотлар хорижий мамлакатларга, жумладан, Хитойга ҳам олиб кетилган.

Ад.: Гумилев Л.Н., Хунну, М., 1960; Руденко С.И., Культура хуннов и ноинулинские курганы, М.-Л., 1962.

Абдулҳақ Ҳужаев.

ХУН ХОҚОНЛИГИ, Улуғ хун хоқонлиги, Хунлар давлати — Марказий Мўғулистон, Байкалорти, Хэси вилояти, Шим. Хитойда қадимда мавжуд бўлган давлат (мил. ав. 240 — мил. 216). Хитой манбаларида «шюнню» номи б-н қайд этилган. Мил. ав. 3-а. охирида (214 й.) биринчи Хитой империяси — Цинь (Чин) давла-ти ҳунларга ҳужум қилиб, уларга те-гишли бўлган ҳудудларни босиб олган. Шундан сўнг, улар ўртасида узоқ муд-датли уруш бошланган. Цинь импери-яси мудофаа девори қуриб ҳунларнинг отлиқ қўшинлари ҳужумига қарши тўсиқ яратишга киришган (қ. *Буюк Хитой девори*). Шунга қарамай, мил. ав. 209 й. янги ташкил этилган Ғарбий Ханьнинг дастлабки даврида ҳунлар илгари ўзқотган ҳудудларни қайтариб олишга эришганлар. Мил. ав. 209 й. Модэ Ғунин давлатидаги тўқнашликлари қотиб қутулиб отасидан қолганларни тортиб олган. У чорак аср давомида атрофдаги барча туркий қабилаларни тобе этиб, *мустақил Х.нни ташкил этган. Мил.* ав. 177—176 й.ларда ҳунлар ғарб томон-га юриш қилиб, Шарқий Туркистон ва унинг ғарбидаги 26 давлатни, жум-ладан, Кучонга, Усун, Ҳужис (Ўтуз) каби конфедерацияларни бўйсундиришди. *Ҳанг* (Қанғюя, Қанғюй) *давлати* ҳам ҳун-лар хоқонига тобелик изҳор этиб, у *б-н қўшилашган. Хитой б-н Х.нг ўртасидаги четгара Буюк Хитой девори*дан ўтган. Ғарб б-н Хитойни боғлаб турувчи ва барча савдо йўллари Х.н назоратига ўтган. Хитой ҳукмдорлари Х.н. б-н қуда-андачлик қилиш ва уларга ўлпон тариқасида совға-саломлар юборий тури-ши эвазига ўзларини ҳимоя қилишга мажбур бўлишган. Ҳунлар тобе мам-лакатларда давлатлари идора этиш усу-лини сақлаб қолишган. Шу туфайли айрим олимлар Х.н ни конфедерация тузумига қиёслашади.

Х.н.нинг олий ҳукмдори «Тангри-қут» (Хитой манбаларида танйи, шан-йюй, шаньюй) деб аталган бўлиб, у «Тангри фарзанди» деган маънони англатган. Ундан кейинги ўринда сўл қўл хони ва ўнг қўл хони каби ки-чик хонлар давозими жорий этилган. Ҳарбий ишлар бўйича сўл қўл қўмондон ва ўнг қўл қўмондон каби 2 бош қўмондонлик лавозимлари таъ-сис этилган. Х.н.га тобе ўлкаларни Марказий ҳокимият томонидан қўйилган 14 та кичик хон бошқарган. Мамлакат ҳудуди қар бири 10 минг оиладан иборат туманларга бўлинган. Туман бошлиқлари кичик хонлар на-зоратида бўлган. Мил. ав. 2-а.нинг 2-ярмида Ғарбий Ханьнинг ҳарбий ва ҳокимият ҳисоб

ички сиёсий ва ижтимоий вазият кескинлашган, натижада Ғарбий Хань сулоласи қулаган. Шундан сўнг Ҳ.х. яна кучайган.

Мил. 25 й. Шарқий Хань империяси ташкил топган, хитойлар б-н ҳунлар ўртасидаги кураш яна авж олган. *Натижада* мил. 48 й. Ҳ.х. жанубий ва шим. қисмга ажралиб кетган. Жан. ҳунлар хитойлар б-н тил топишиб, ўзаро тинчлик муносабатларни ўрнатишга мажбур бўлганлар. Шарқий Хань давлати бундан фойдаланиб, Шим. ҳунларга қарши курашиш давом эттирган. 89—134 й.лардаги уруш хитойликларга галаба келтирган. Тарим воҳасидаги асосий шаҳарлар ҳунлардан тортиб олинган. Ҳунлар Қанг *давлати ҳудудига чекиниб*, 2 а.га яқин мазкур давлат елларида яшаганлар. 5-а.нинг бошида Иссиққўлнинг ғарбида ҳунлар *Юбаньҳ* (Яйпан) давлатини ташкил этган. Бу давлат кейинчалик Или водийси ва унинг жан. даги ерларни ўз назорати остига олган.

Шим. ҳунларнинг бошқа қисми Ғарбга чекиниб, у ерлаги маҳаллий халқлар б-н аралашиб кетган ва Европада *гуннлар* номи б-н машҳур бўлган янги халққа асос солишган.

Абдуллоҳ Ҳожиев

ҲУРЛАР (араб. — шаҳло кўз) — ислом анъанаси ва Қуръонга кўра, тақводорлар б-н биргаликда жаннатда яшайдиган қизлар. Қуръон (2: 23; 3:13; 4:60)да улар жисмоний ва маънавий камчиликлардан холи бўлган, одам ҳам, жин ҳам тегмаган (55:56, 74), бир-бирига тенг, бокира, гўзал қизлар деб тасвирланади.

ҲУРДИМОН (1861 — Муёноқ тумани Қозоқдарё овули — 1906) — қорақалпоқ шоира-бахшиси, халқ орасида «бахши қиз» лақаби б-н машҳур бўлган. *Бердақнинг* қизи. Адабиёт ва санъатга ёшлигидан қизиққан. Отасидан қўплаб қўшиқ ва достонлар ўрганган. Навоий, Машрутмқули ва б.нинг асарларини мутолаа қилиб, уларга эргашиб, шеърлар ёзган. Ҳ. «Бозирғон», «Ошиқ Наисиб», «Давлатбўбек» каби достонларни Хоразм воҳасида куйлаб юрган. «Бет очар», «Ёр-ёр» каби мароким қўшиқларини маҳорат б-н ижро этган. Ҳнинг қўшиқ ва достонлари қорақалпоқлар ва Хоразм аҳолиси орасида кенг тарқалган. Унинг ижоди Қ.Аймбетов ва Қ.Мақсетов томонидан тадқиқ қилинган.

«ҲУРЛИҚО ВА ҲАМРО» — туркий халқлар орасида кенг тарқалган ишқий-романтик достон; муаллифи номаълум. Форс халқ эртаги «Ҳурлиқо» ва унинг *Саййалий* томонидан ўзбек тилида шеърга солинган «Қиссаи Ҳамроҳ ва Ҳурлиқо» вариантн асосида яратилган, деб тахмин қилинади. Достон ўзбек (1908), туркман (1971, 1978) тилларида нашр этилган. Буларда Ҳамро ва унинг акалари бошидан кечирган турли саргузаштлар ҳикоя қилинади; соф севги, дўстлик, ватанпарварлик ғоялари таранмум этилади. Достон воқеалари «Булбулгўё», «Чўлоқ бўри» *каби ўзбек халқ эртакларидаги* мазмунга мос келади. «Ҳ. ва «Ҳ.» ҳоз. мангитлик Турсун бахши репертуарида мавжуд.

ҲУРМУЗД — *зардуштийликдаги* олий ҳудо. Ўзида эзгуликни мужассимлаштирган (қ. *Ахурамазда*).

«ҲУРРИЯТ» — 1917 й. 16 апр.дан Самарқанд жадидлари томонидан нашр қилина бошлаган газета. Газ. ҳақиқий, ижтисодий-сиёсий йўналишда бўлиб, ҳафтада 2 марта чиқиб турган. Ҳ.ҳга Аҳмад Шомансуров, Марзонқул Шомуҳаммедов, Абдураҳўр Фитрат, Ҳожи Муин Шукрулло *муҳаррирлик қилишган. Самарқанд* жадидлари томонидан ташкил этилган «Зарафшон» ширкати қутубхонасининг асосий сармояси шу газ.га сарф қилинган. «Ҳ.» 1917—18-й.ларда Туркистон ўлкасидаги, жумладан Тошкент, Самарқанд ва б. шаҳарлардаги сиёсий жараёнларни ёритишда асосий манбалардан бири ҳисобланган. «Ҳ.»да Маҳмудхўжа Беҳбудий («Бухоро воқеалари», «Иттифоқ қарақ» ва б.), Абдураҳуф Фитрат («Юрт қайғуси», «Мусулмонлар тафлатда қолмиш» ва б.), Ҳожи Муин («Шўрои Исломия ва сайлов», «Ердам керак»), Саидризо Ализода, Саидаҳмад Сиддиқий, Ҳўқандоб Адашхўжа ўғли ва б. зиёлилар ўз мақолалари б-н мунтазам қатнашиб турганлар.

Газ. миллий ишлар комиссарлиги томонидан 1918 й. апр.да ўтказилиб, *унинг ўрнига «Меҳнаткашлар ҳақи»* номли большевиклар мафкурасига мос янги газ. нашр қилина бошлаган. Сиёсий кураш ва большевиклар ғояларини тарғиб этадиган бу газ. кейинчалик (1918—21) «Меҳнаткашлар товуши», «Камбағаллар товуши» номларида чоп этилган.

«ҲУРРИЯТ» — ижтимоий-сиёсий ва ўқувчи йўналишдаги мустақил газета. 1997 й. янв.дан Тошкент ш.да ҳафтада 1 марта чоп этилади. Муассиси: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. Газ.нинг «Журналист текширувн», «Текширув», «Ҳимоя», «Ўқувчи», «Фикр», «Мулоҳаза», «Муносабат», «Жавоб», «Тафаккур», «Маърифат» каби рукнларида энг сара ва ўқнили мақолалар бериб борилади. Ижтимоий-сиёсий мавзуларда В.Алимасов, З.Исомиддинов, Ҳ.Дўстмуҳаммад, Ў.Хайитов, ўқувчи мавзуда Ҳ.Олимжонов, А.Жонузоқов; маънавий-маърифий мавзуда О.Жўрабоев, Н.Ҳасанов, И.Убайдуллаевалар қизиқарли мақолалар б-н мунтазам қатнашиб келмоқда. Адади 5000 нусха (2005).

ҲУРРИЯТ — Сурхондарё вилояти *Кумқўрғон туманидаги* шаҳарча (1992 й.дан). Яқин т.й. станцияси — Эльбаён (7 км). Туман маркази (Кумқўрғон ш.дан 6 км. Аҳолиси 4 минг кишидан зиёд (2004). Ҳ.да умумий таълим мактаби, кутубхона, маданият уйи, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шокобчалари, алоқа бўлими, поликлиника, тиббий муассасалар ва б. бор.

ҲУРУФИЙЛАР — 14—15-а.ларда Эронда вужудга келган ислом таълимотидан йироқлашиб кетган шиа фирқаларидан бирининг тарафдорлари. Фирқага Фазлуллоҳ Астрободий (тахм. 1340—таҳм. 1401) асос солган. 1386—87 й.ларда у ўз таълимотини тарғиб қилиб чиққан. У араб ҳарфлари сирли мазмунга эга деган таълимотини илгари сургани учун ал-Ҳуруфий (лотинй маъноси «ҳарфчи») тахаллусини олган, фирқанинг номи шундан келиб чиққан. Тарихий маълумотлар бўйича, уни Амир Темур Ширвонга бадарға қилган, шу сабабли Ҳ.Эронда ва унга ҳонадонидан бўлган ҳукмдорларга нафрат б-н қараган. Темурнинг Эрон ва Озарбайжон ерларида ҳукмрон бўлган ўғли Мироншоҳни улар ёшлигидан деб таърифлаган. Ҳ. тез вақт ичида Эрон, Озарбайжон, Туркия ва Сурияда тарқалган. Ҳ. олам абадий, инсонда ҳудонинг қиёфаси акс этган, олам тараққиётининг ҳар бир босқичида худо қиёфаси инсонда мужассамланиб намоён бўлади, ана шунда инсонининг ўзи худо бўлади, оқибати пайғамбар — Муҳаммад, авлиёларнинг биринчиси Али, ўн биринчи имом Ҳасан ал-Аскарий эса имомларнинг охиргиси, Фазлуллоҳ Астрободий — худо мужассамланган биринчи инсон, деган таълимотни илгари сурали. Тез орада ерга

Мадад келиб, иккови аюлат ўрнатади, барчани тенг қилади, инсоннинг инсонга зулм қилишни тугайди, деб кутади. Улар мажлуд ҳокимиятга қарши қироллик қуриш тарафдори бўлган. 1426—27 й.ларда Ҳиротда темурийлардан бўлган ҳукмдор Шоҳрухга қарши суиқаст уюштириб, уни ярадор қилди, лекин у тирик қолди. Қўлга олинган Ҳ. махфий ташкилотининг аъзолари *беаёв жазоланди* ва жасадлари олиниб ёндирилди. Ҳ. қаттиқ таъқиб *остига олинди* ва *кейинчалик Эронда* тутиб кетди.

ҲУСАЙН АЛИ *(18-асрнинг 2-чорак — 19-а. бошлари)* — тарихчи олим. *Дурровийларнинг Темуршоҳ (1777—93), Замоншоҳ (1793—1801), Маҳмуд (1801—03, 1809—18) даврларида ёзиб, ижод этган.* Замоншоҳнинг ижози шарҳида Хумоюн ҳузурида хизмат қилган. Х.А.нинг «Зеби тарихҳо» («Тарихлар безаги») асари (1803) *Дурровийлар давлатининг* сиёсий тарихига оид. Асарда Афғонистондаги тарқоқлик, ички низолар, Балх ҳокимлари Кубод ўзбек ва Ҳудоёрхон ўзбек бошчилигида дурровийларга қарши кўтарилган қўзғолонлар ва б. батафсил ёритилган. Асар шарқшунос Г.А.Волошина томонидан рус тилига таржима қилиниб, Тошкентда нашр этилган (1965). Асар қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида (Инв. №1626) сақланади.

ҲУСАЙН БИРЖОНИЙ — *қ. Биржоний.*

ҲУСАЙН БОЙҚАРО. Ҳусайний *(тўлиқ номи Ҳусайн ибн Мирзо Мансур бинни Мирзо Бойқаро) (1438—Ҳирот — 1506) — Ҳирасон ҳукмдори* (1469—1506), шоир. 15-а. ўзбек мумтоз адабиётининг намоёнларидан. Темурийзодан Умаршайх мирзонинг эварси. Онаси Фарғонасиёсий темурийлардан Мирошшоҳнинг набираси. Ҳ.Б., Бобур таъриҳлагандек, икки томонлама улуғ («карам ут-тарафайн») бўлган.

14 ёшда Абулқосим Бобур саройига хизматга кирган. 1454 й. Абулқосим Бобурнинг Самарқандга — *Абу Саид Мирзога* қарши юришида қатнашган. *Абулқосим Бобур* енгилгач, сулҳ тузиб, Ҳиротга қайтган. Ҳ.Б. эса онасининг тавсияси б-н Абу Саид Мирзо саройида қолган. Кўп ўтмай, қамоққа олинган. Фарузбегим уни тортиқлаб, Ҳиротга олиб келган. Шоҳ вафот этган, Ҳ.Б. Мирзо ҳукмдори Султон Санжар хизматига юрган ва унинг қизи Бека Султонбегимга уйланган. Султон Санжар Ҳ.Б.ни ўз ўрнига қўйиб, Машҳадга юриш қилган. Бу орада Марвда Ҳ.Б.га қарши фитна уюштирилиб, у овга чиққанда, шаҳар дарвозалари беркитиб олинган. Ҳ.Б. 1457 й. қишини *Марв б-н Хива оралиғидаги биёбонда* ўтказган. 1458 й.да 300 кишилик қўшин б-н Султон Санжарнинг акаларидан Бобо Ҳасан қўшинини енгиб, Нисо вилояти, сўнг Астрободни эгаллаган. 1459 й.да Ҳ.Б. ҳузурига Абдураззоқ Самарқандий элчи бўлиб келган. 1460 й.да вазият тақозоси б-н Ҳ.Б. Астрободни ташлаб чиқишга мажбур бўлган. Аммо 1461 й. шаҳарни қайтариб олган. Шу йил ёз охирларида Ҳиротга юриш қилган. Бироқ Абу Саид Мирзога бас келолмай, орқага чекинган, бунинг устига, Астрободдан ҳам маҳрум бўлган. Амалдорё орқали Хоразмга ўтиб, Вазир ш.га — Мустафохон ҳузурига элчи юборяб, Абу Саидга қарши биргаликда курашишга даъват этган. Лекин элчи келгунча, *унинг* онаси Пир Булот *б-н келишиб*, Мустафохонга қарши юриш қилишган, *лекин Вазир ш.ни ололмай*, битим тузганлар. Ҳ.Б. Алоққа бориб, 1461 й. охирларигача ўша ерда қолган. Алоққа туриб, Астробод, Гургон ва Эроннинг бошқа туманларига ҳужумлар уюштирган, мағлубиятга учрагандан, шу ерда паноҳ топган. Мустафо зулмига қарши кўтарилган исёнбан фойдаланиб, аввал Вазирни, 1462 й.да Урганч ва Хивани қўлга киритган. Орадан 1 йил ўтмай, Абу Саид уни Хоразмдан *суриб чиқарган. 1463—64 й.ларда Урганч, Хива, Ҳазорасп*, Тирсакни қўлга киритган. Шу ерда кун тўплаб, яна Хуросонга ҳужум қилган. Аммо Абу Саид қўшинлари Хивани эгаллайди. Ҳ.Б. уни қайтариб олади. 1467 й.да яна Урганчни эгаллайди. Шу йили у ўзбеклар хони Абулхайрхонлан ёрдам сўраб, Дашти Қипчоққа борали. Хон ёрдам вала қилади, лекин бетоб бўлиб қолганлиги туфайли, бу вала амалга ошмайди. 1469 й. мартигача Хоразм ва Бухоро ўртасида сарсон-саргардон юрган Ҳ.Б., Абу Саид вафот этгач, Ҳиротни эгаллаб, Самарқандлан дўсти *Аҳмад Наводийни* махсус ёрлиқ б-н чақириб олали ва мухрдорлик вазифасига тайинлайди. Навоий дўстнинг тахт-га чиқиши б-н қутлаб, унга «Ҳилолия» қасидасини тақдим этган.

1469—70 й.лар Шоҳрух мирзонинг авлодларидан Ёлгор Муҳаммад Мирзо ва Абу Саид Мирзонинг ўғли Султон Маҳмуд Мирзо тахт талабгорлари сифатида майдонга чиқишлар. Ёлгор Мирзонинг тарафдорлари, хусусан, онаси Поянда Султонбегим Ҳирот ичкарисида зимдан иш олиб борган. 1470 й.нинг июлида Ҳ.Б. қўшин б-н душманга қарши жангга кетганда, пойтахтда сотқин бек ва амалдорлар Ёлгор Мирзо номига хутба ўқитганлар. Ҳ.Б. 1 ойдан сўнг Навоийнинг тадбиркорлиги б-н Ёлгор Мирзони қўлга олиб, тахтни қайта эгаллагач ва унинг онасини охиратга ҳукмдорлик қилган. Салтанатнинг Ҳирасм, Сейистон, Қандаҳор, Балх, Ғазнадан Домғонгача бўлган ерлар кирган. Юрак хасталигидан вафот этган Ҳ.Б. ўзи қурдирган мадраса ичидаги мақбарага дафн этилган. Ҳозир мақбара вайрон бўлган, қабр ва унинг устига ўрнатилган «Санги қабр қалам» сақланиб қолган.



Султон Ҳусайн Бойқаро (Бекзод ишлаган миниатюра).

Ҳ.Б. темурийлар орасида анча ишжоатли ва маърифатли, шаънитта қитъий амал қилган ҳукмдор бўлган. Ҳ.Б. Хуросонда ҳокимиятни эгаллагач, асосий эътиборни мамлакатда тинчлик, осойишталикни қарор тоштиришга, ички ҳудудий низолар, зиддиятларни бартараф этишга ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга қаратган. У ўлкада маданий-маърифий ва ободончилик ишларини ривожлантиришга алоҳида рағбат кўрсатган: иқтисодий ҳаёт юксалиб, савдо-со-

тик ривожланган, юлаб карвонсаройлар, работ, кўприк, мактаб, мадраса, масжид, хонақо, ҳаммом, табобатхона, етимхона, сув ҳавзалари қурилган, каналлар қазилган, боғлар барпо этилган.

Ҳ.Б. даврида Ҳирот Шарқнинг фан, маданият, ҳунармандчилик ривожланган йирик марказига айланган: турли мамлакатлардан истеъдод соҳиблари Ҳиротга паноҳ ахтариб келганлар. Тил, адабиёт, тарих, тасвирий санъат, хаттотлик, китобат санъати, табобат, қироат, мусиқа, қоғоз тайёрлаш, томошa санъати ва б. соҳалар ривожланган. Ҳирот, Машҳад, Марв, Нишопур сингари шаҳарларда кўплаб нодир обидалар барпо этилган. Маҳаллий ҳунармандлар яшлаб чиқарган маҳсулотлар Хуросондан ташқарида ҳам машҳур бўлган. Ҳ.Б.- Навоий ва Жомий қўплаб истеъдодларни модий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлар; ўз даврининг забардаст шоир, олим, мураббий, мусиқачи, хаттот, наққошларни ҳудди шу замонда етишиб чиққанлар ва фаол ижод қилганлар.

Ҳ.Б. туркий тилда ёзишни рағбатлантиргани ва шунга лаёқат қилган. Ўзи ҳам бадиий ижод б-н шуғулланиб, «Иблис» тахаллуси б-н шеърлар ёзган, шеърият мажлисларн ташкил этиб, шоирларга раҳнамолик қилган. Ундан бизгача шеърлар девони ва Навоийга бағишланган «Рисола» асари етиб келган. «Рисола» асари 1945 й.да турк олимн Исмоил Ҳикмат томонидан топилиб, илмий муомалага киритилган. Шоҳ шоирнинг ҳозирга ча 202 газал, Навоий газалига боғланган 3 мухаммас, 6 рубоий, шунингдек, форс-тожикча 2 газал, 1 рубоий ва бир неча байтлари маълум. Газалларининг барчаси рамал бақрида. Лекин улар Ҳ.Б.нинг табъи балаид, дидн нозик шоир бўлганлигини кўрсатади. Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг 8-мажлисини тўлиқ Ҳ.Б. ижодида бағишлаб, унинг девонидаги 164 газалнинг матлаьини келтирада ва у қўплаган бадиий тимсоллар, шеърий санъатлар, нозик маъно ва оҳорли ташбеҳлар хусусида фикр юритади. Ҳ.Б. газалдари тилининг мусиқийлиги ва жаранғдорлиги б-н ажралиб туради.

Ҳ.Б.дан 14 ўғил, 11 қиз қолган. Бадиуззамон Мирзо, Шоҳрабў Мирзо, Муҳаммад Ҳусайн, Иброҳим Ҳусайн каби ўғиллари бадиий ижод б-н ҳам шуғулланишган. Кейинчалик узаро ички урушлар, Ҳ.Б. ва сарой амалдорларининг маишатга берилиб кетиши оқибатида Хуросон давлати заифлашган. Унинг вафотидан сўнг Ҳирот шаҳобчилар томонидан забт этилган (1507).

Ас.: Девон [Рисола], Т., 1968; Ҳусайн Бойқаро [Рисола], Т., 1991; Жомийнинг кўнгил равшани [Шеърлар], Т., 1991; Девон, Т., 1995.

Ад.: Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис [Мукаммал асарлар тўплами], 13-ж., Т., 1998; Зақириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома, Т., 1989; Ўзбек адабиёти тарихи, 2-ж., Т., 1977; Ахмедов Б., Тарих сабоқлари, Т., 1994; Буюк сиймолар, алломалар, 2-китоб, Т., 1996; Ҳомидий Х., Кўҳна Шарқ дарғалари, Т., 1999.

Бекали Қосимов

ХУСАЙН ЖОВИД (тахаллуси; асл номи Ҳусайн Расвизода) (1884.24.10, Наҳичевон — 1944) — озарбайжон шоири, драматург. Озарбайжон романтизмининг йирик вакили ва асосчиларидан бири. Истанбул ун-тида ўқиган (1905—09). «Ўтган кунлар» (1913), «Баҳор шабнамлари» (1917) шеърий тўпламлари ва «Шайдо» драмаси (1917)да халқнинг адолатсизлик, зулмга қарши исёни акс этган. «Она» (1910), «Мараз» (1912), «Шайх Санъон» (1912—14) драмаларида ва «Иблис» трагедиясн (1918)да гуманизм ва инсонпарварлик ғоялари илгари сурилган. «Пайғамбар» (1922), «Тўпол Темур» (1926), «Князь» (1929), «Сиёвуш» (1933), «Хайём» (1936), «Иблиснинг интиқоми» (1936) каби тарихий ва фалсафий драмалар ёзган. «Мараз», «Иблис», «Шайх Санъон», «Тўпол Темур» 20-й.ларда *Хуршид* томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. «Шайх Санъон» драмаси Ҳамза номидаги Ўзбек академик драма театрида саҳналаштирилган.

ХУСАЙН ибн Али (626—680) — Али ибн Абу Толибнинг (Фотимадан туғилган) кичик ўғли, Муҳаммад (сав) нинг набираси, 3-имо имоми. 669 й.да *Ҳасан* вафот этгандан кейин Али тарафдорлари уни ўз раҳбари деб эълон қилган. 680 й. халифа Муовия ўлгандан кейин Ироқда умавийларга қарши ҳаракат фаоллашган. Ҳ. Язидга байъат қилишдан бош тортган. Куфи шиалари Ҳ.ни ўзларининг имоми деб тан олиб, Куфага таклиф этган ва заифа Язидга қарши кўзғолонга бош бўлишни сўраган. Ҳ.Маккадан Куфага жўнайди. 70 жангчиси б-н Куфага яқин Карбало даштига етиб келганида 4 минг кишилик халифа Язид қўшинлари унга қарши чиққан. 680 й. 10 окт. куни Ҳ. жангда шаҳид бўлган, жасади ўша ерга дафн этилган. Шу муносабат б-н Карбало шиаларнинг асосий муқаддас зиёратгоҳига айланган. Ҳ. қалок бўлган сана шиаларда мотам куни сифатида нишонланади (қ. *Ашуро*).

ХУСАЙН ибн МУСАЗЛАБ, Амир Ҳусайн (? — 1370) — *Амир Қазағоннинг* набираси. Балх, Ҳисори Шодмон ва Бадахшон вилоятлари ҳукмдори. Аждодлари ҳукмронлик қилган Мовароуннаҳр тахтига даъвогарлик қилган. Аввалига *Амир Темур* б-н иттифоқ тузган ва синглиси Ўлжой Турқон оғоним *Сохибқиронга* никоҳлаб берган. Ҳ. ибн М. ва Амир Темур 1363—64 й. *Ийдеғанча* бошлиқ Жете лашкарини Қамаши туманидаги Тошқўрғон қишлоғи яқинида бўлган жангда мағлуб этали. Аммо 1365 й. Тошкент ва Чиноз оралиғида Жете лашкари б-н бўлган *Жанги лойлаги* мувaффақиятсизликдан сўнг Ҳ. ибн М. ва Сохибқирон ўртасида муносабат бузилади. 1370 й.га қадар Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни марказлаштиришган давлатга айлантириш йўлидаги саъй ҳаракатларида асосий тўсиқ бўлган. 1370 й. Балх ш. бўсағасида бўлган жангда Сохибқирон Ҳ. ибн М.нинг кўпчинсн тор-мор этди ва уни асирга олиб қатл этади. Ҳ. ибн М.Балх ш.нинг жанубий томонидаги Хожа Укоша қабристонига дафн қилинган.

Ад.: Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1996; Шарафиддин Али Яздий, Зафарнома, Т., 1997.

ХУСАЙН КОШИФИЙ — қ. *Кошифий.*

ХУСАЙН САРАХСИЙ (16—17-а.лар) — тарихчи, мутасаввиф. *Жўйбор хожаларининг* муриди бўлган. Ҳ.С.нинг форсча «Маноқиби Саъдия» («Хожа Муҳаммад Саъднинг манокибларн») асари Жўйбор хожаларига бағишланган бўлиб, 7 боблан иборат. Унда Муҳаммад *Шайбонийхон* вафотидан сўнг Мовароуннаҳрдаги ички вазият, қизилбошлнларнинг хуружи, шайбоний хонлари *Убайдуллахон, Абдуллахон II* б-н шиолт ҳокимлари ўртасидаги муносабатлар, *Хожа Муҳаммад Исломнинг* салтанатлари мавзеи кенг акс этган. Асар шарқшунос Х.Тўраев томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Маноқиби Саъдия, Бухоро, 1997.

Ад: Ахмедов Б., Ўзбекистоннинг янги тарихшунос олимлари, Т., 2003.

ХУСАЙН ТОҲА (1889.14.11, Юқори Миср, Матага ш. яқинидаги Килу қишлоғи — 1973.28.10, Қоҳира) — араб ёзувчиси, адабиётшунос ва тарихчи (Миср), проф. (1919). Қоҳирадаги Араб тили академияси президенти (1965 й.дан). «Вафд» партиясига аъзо (1932). Искандария ун-ти ректори (1943—46). Маориф вазири (1950—52). 1956 й.дан Миср Ёзувчилари иттифоқи раиси. Тург ёшида кўр бўлиб қолган. Араб шоири ва файласуфи Абул-Ало ал-Мааррий ижоди бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган. «Кулзар» (1—2-китоб, 1929—39; 3-китоб, 1972), «Кадимги инидоси» (1934), «Адиб» (1935), «Бахтсизлик дарахти» (1944), «Ёр захматкашлари» (1948) ва б. асарлар муаллифи. Х.Т.нинг адабиётшуносликка оид «Шеърият ва наср ҳақида суҳбатлар» (1936), «Қозирги замон адабиётшунослиги» (1958) каби асарлари ҳам машҳур. «Мемуарлар»и 1967 й. нашр этилган. Миср Давлат мукофоти (1959) ва «Нилуфар» жур. мукофоти (1971) лауреати.

Ас.: Хазидов А.Б., Художественная проза Таха Хусейна, Л., 1954; Кощеев И.К., Писатели Египта, XX век, М., 1975.

ХУСАЙНИ — халқ селекциясида етиштирилган ўрталашар кўраки узум нави. Ватани Ўрта Осиё. Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига киради. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Россиянинг Ставрополь ўлкаси ва б. жойларда тарқалган. Ғужумларининг шаклига қараб бир неча хилларга бўлинади. Мўрчамйён Х., келинбармоқ Х., қизил Х., ўрдак Х. (қалу Х.) хиллари, айниқса кўп тарқалган. Тупи кучли ўсади. Барги ўртача, тўғрак, 3—5 бўлакли. Ўртача кўсакли, усти силлиқ, майин. Тўзи икки жинсли. Узуми авг.-сент.да пишади. Узум боши йирик, конуссимон, сершингил, ҳавол, оғирлиги ўртача 300—350 г (айримлари 1 кг гача). Ғужуми ўртача ва йирик, туғумсимон ёки цилиндрсимон, пўсти яшил, сарғиш-яшил, қисқаллайли, серсирра. Таркибида 18—20% қанд бор, нордонлиги 2—3%. Ўсув даври 153 кун. Ҳосилдорлиги 170—180 ц/га. Совуққа ва қурғоқчиликка чидамсизроқ. Янгилангида ёйилади. *майиз солинади.* Сақлашга, узоқ жойларга юборишга чидамли. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида р-ларштирилган.

ХУСАЙНИЙ, Атоуллоҳ (тўлиқ исми Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний Нишопурий) (тахм. 13-а.нинг 40-й.лари, Нишопур — 1313, Машҳад) — форс адабиётшуноси, шоир. Х. Шарқ шеърияти масалаларн б-н шуғулланиб, «адабиёт билимдони» сифатида танилган, мумтоз санъатида ўз даврининг йирик устози эканлиги Ҳиротнинг машҳур Ихлосия, Султония ва б. мадрасаларида дарс берган. Илми ёлғиз бўйича кенг ва чуқур билимга эгалиги туфайли Алишер Навоий ўзларидан сал кичик бўлган. Навоий ўша давлат ҳақидаги маълумотларни, ўз қўлларига чоплаб, адабиётшуносликнинг масалаларн бўйича суҳбатлар қурган, бадиий санъатларга доир асар ёзишга даъват қилган. «Бадойиъ ус-саноъиъ» («Бадиий санъатлар») асари ана шу даъватлар натижасида вужудга келган (1493) ва Алишер Навоийга бағишланган. Шунингдек, унинг «Рисолаи қофия» («Қофия ҳақида рисола») асари ҳам машҳур. Бу асарларда ўзигача ўтган адабиётшуносларнинг фикрларини умумлаштирган ва ривожлантирган. «Ато», «Атоий», «Атоуллоҳ» тахаллуслари б-н шеърлар ёзган.

Навоийнинг ҳам, бошқа замона фозилларининг ҳам эътиқоди олқишига сазовор бўлган «Бадоиъ ус-саноиъ»и асари б-н Х. Шарқ мумтоз поэтикаси ривожига улкан ҳисса қўшган. Бу асар дебоча, муқаддима, 3 санъат турн ва хотимадан иборат: дебоча китобнинг ёзилиш сабаби, муқаддима ҳруз назни ва ҳиҳфларя ҳусусида бўлиб, 1-бобда 60 та лафзий санъат, 2-бобда 63 та маънавий санъат, 3-бобда 23 та лафзию маънавий санъат тўғрисида маълумот берилган. Хотима 2 қисмдан иборат: биринчисида шеърнинг мазмун б-н боғлиқ иллатлари ҳақида фикр юритилиб, 2-бобда 15 та этамлга изоҳ берилган. Ҳ. санъатларни лафзий, маънавий ва лафзию маънавийга ажратадики, бу олдинги адабиётшунослар китобларида учрамайди.



Хусайни: *1* — Оддий Хусайни; — Қизил Хусайни; *3* — Келинбармоқ Хусайни.

Бадиий санъатларга мисол қилиб 50 та ийнн шоир ижодидан намуналар берилган, ўз ижодидан эса тахм. 700 байт шеър келтирилган. Ҳ. китобида 147 та санъат берилган ва шулардан 32 таснни олимнинг ўзи кашф этган. У турли муносабат б-н асарда Навоий номини тез-тез тилга олган, унга атаб ёзган шеърларини илова қилган.

«Бадоиъ ус-саноиъ»нни ўзбек тилига Алибек Рустамов аслиятига моҳ ҳолда мукаммал таржима қилиб, шарҳу изоҳлар б-н нашр эттирган.

Ас.: Бадоиъ ус-саноиъ, Т., 1981.

Ад.: Алишер Навоий, Мажолис ун-нафоис (Мукаммал асарлар тўплами) 13-ж., Т., 1998; Хондамир, Макорим ул-ахлоқ, Т., 1967; Зайниддин Восифий, Бадоеъ ул-вақоеъ, Т., 1979; Олимов С., Навоийнинг шеърнятнос шогирди, Т., 1990; Хайитметов А., Алишер мероснинг тўпланиши, Т., 1997; Хомидий Х., Кўҳна Шарқ зиёгарлари, Т., 1999.

Эргаш Очилов.

ХУСАЙНИЙ — *Ўз ичка мақом* тизимидаги мақом. Унинг тарихида Ҳусайнийи *Ажам номли мураккаброқ* ҳам *бўлган. Шашмақомда Наво мақомининг* Мушкилот бўлимида Муҳаммаси Ҳусайний, Наво ва Дугоҳ мақомларининг Наср шўъбаларида Ҳусайнийи Наво ва Ҳусайнийи Дугоҳ, Фарғона—*Тошкент мақом йўлларида Дугоҳ Ҳусайний 7 қисмли* туркуми мавжуд. Уларнинг куй мавзулари бир хил бўлиб, муайян мақом парадаларига мослаштирилган. Шунингдек, Дугоҳ Ҳ. асосида авж ва намуалар тарқиби деярли ўзгармаган 3 қисмдан иборат суғпай йўллари яратилган.

ХУСАЙНИЙ НИЁЗИЙ (тахаллуси; асл фамилияси Ниёзов) (1895, Андижон — 1947.29.4, Магадан) — ўқитувчи, рационализатор, шоир. Эски мактаб ва мадрасада таҳсил олган (1905—17). Физикага қизиқиб, сирка, мис ва рух пластинкаларидан гальваник батареялар ясаб, электр қўнғироқларн ва чироқларнни ишга солган. Гальваник элементлар *тузиш* ва мушакдар ясаб, олов б-н ўйнаш ҳақида унинг амалий кимё б-н ҳам шуғулланишига сабабчи бўлган. 1916 й.дан Андижондаги мактаблар ва қисқа муддатли тиклимтарбия курсларида физика ва табиият фанларидан дарс берган (1917—23). 1923 й. охирида Тошкентга кўчиб келиб, Марказий табиият лаб.нинг физика кабинети раҳбари (1924—35), музофот пед. техникуми (1925—26), ўзка хотин-қизлар билим юрти (1926—30), Наримонов номидаги таълим ва

тарбия техникуми *(1928)* ҳамда саноат педагогика техникумида (1930—32) физика ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Тошкент хотин-қизлар пед. техникуми, кечки таълим-тарбия ин-ти ва Покровский номидаги кечки шичилар ф-тининг асос гуруҳларида физика ва кимё фанларидан дарс берган (1932—36). «Ҳикмат ва кимё дарслари» (1922), «Кимё дарслиги» (1926), «Физикадан бошланғич мусодабалар» *(1927)*, «Кимё» *(1929)*, «*Физика* терминлари» *(1931)* дарслик ва ўқув қўлланмалари *муаллифи («Туркистон* ва ўғит», «Физика луғати» китоблари қўлёзма ҳолида бўлиб, эълон қилинмай қолган).

Ҳ.Н. Ўзбек мумтоз шоирларига эргашиб, ғазаллар ёзган. Унинг эркс-варлик ва ватанпарварлик руҳидаги ашуласи Андижонлаги «миллий иттиҳодчилар»нинг мадҳияси бўлган.

Ҳ.Н. 1919 й.да Андижонда туғилган «Миллий иттиҳод» ташкилотига ҳам *бўлиб кирган*, кейин эса ташкилотга раҳбар бўлиб қолган. Ташкилот 1922 й.да тор-мор этилгач, Ҳ.Н. ташкилотнинг бошқа фаоллари б-н бирга 1923 й.да қамоққа олинган ва совет давлатига қарши амалий ҳаракат олиб бормаганлиги сабабли 10 ойдан кейин озод этилган. Аммо Ҳ.Н. 1938 й. 8 авг. да ўша «айблар»и учун яна қамоққа олиниб, олий жазога ҳукм қилинган. Махбуснинг ўлим камерасидан афв сўраб ёзган аризасига 1942 й. 31 январда рад жавоби берилган. Бироқ, кейинчалик маҳбус жазо муддатини ўташ учун Магаданлаги лагерлардан бирига юборилган ва ўша ерда вафот этган.

Ад.: Хусайнхон Ниёзий — халқ профессори, Т., 2001; Шамсутдинов Р., Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар, Т., 2001.

Нозим Каримов.

ХУСАМ ОТА МАЖМУАСИ — Қашқадарёдаги меъморий ёдгорлик (11—19-а.лар); Косон туманидаги Пудина қишлоқида. Мажмуа мақбара, масжид, зиёратхона, таҳоратхона, 3 дарвозахона, катта-кичик бир неча мақбарадан иборат (умумий тарқи 60×60 м). Мажмуа марказида Ҳусам ота мақбараси (11—12-а.лар, бир неча марта қайта тикланган), зиёратхона (6,5×6,5 м) ва 2 кичик дахма (бу дахмаларда Ҳусам отанинг ўғиллари дафн этилган), унинг шим. томонида 9 гумбазли *масжид жойлашган (16—17-а.лар*, 20-а. бошида таъмирланган). Масжид ёнидаги тор йўлак орқали мажмуанинг энг қад. биноси — Исҳоқ ота мақбараси (5,5×6 м)га ўтилади (11-а.); мақбара

Ҳусам ота мажмуаси.



пешток-гумбазли, бурчакларига гулдасталар ишланган. Исҳоқ ота мақбарасининг бир томонида 1 хонали дахма (ривоятларга кўра Исҳоқ отанинг қизи дафн этилган, 12-а.), *бошқа томонида Мансур Муҳаммад* деган кимсанинг 2 хонали мақбараси жойлашган. Ҳовли ўртасида ҳовуз бўлиб, атрофи кўкаламзорлаштирилган. Иккала гуруҳ бинолар асимметрик бўлиб атона кўп гумбазли, тор ҳовлини мужассамотни ташкил қилган. 19—20-а. бошларида қад. пойдевор устига устунли айвон, гумбазли масжид қурилган.

ХУСАНОВ Зиямат Усмонович (1921. 9.5, *Чимкент вилояти, Сайрам — 1986.18.1*) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, сержант. 1942 й.дан фронтда. 228-гвардиячи ўқчи полки (*Жанубий фронт* 57-армиясининг 78-гвардиячи ўқчи дивизиясининг пулемёт расчёти командири. 1943 й. июлда Белгород вилоятининг Дальние Пески аҳоли пунктида бўлган жангда қўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1944.22.2). Сайрам қишлоғидаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Белгород шининг фахрий фуқароси.

ХУСАНОВ Маманазар (1943.20.12, Хатирчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1992). Бухоро пед. институтини тугатган (1969). 1963 й.дан Хатирчи туманидаги 9-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

ХУСАНОВ Шерзод Азимович (1980. 27.1, *Фарғона ш.*) — боксчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган *спортчи (2001), «Ўзбекистон ифтихори»* (2002). Ҳ. 69 кг вазн тоифасида *Ўзбекистон чемпиони* (2000, 2001, 2065). Осиё чемпионатининг кумуш, (2004, Пузэрта-Принсеса) ва бронза (2002, Серембан), Осиё ўйинларининг бронза (2002, Пусан), жаҳон чемпионатининг кумуш (2003, Бангкок) ва бронза (2001, Белфаст) медалдори совриндори. Ҳ. Фарғона унтини тугатган (2005). 2000 й.дан Марказий ҳарбий спорт клубида бокс бўйича йўриқчи.

ХУСНБЎЗАР — ёғ безлари фаолиятининг бузилиши натижасида терига турли хил тошмалар тошиши. Бир неча хил Ҳ. бор. Олдий Ҳ. (йирғит тули) *кўпинча йигит-қизлар балоғатга етиш даврида юз, кўкрак ва энса терисида* пайдо бўлади. Бу даврда ёғ безлари зўр бериб ишлайди. Юз, кўкрак ва елкаларда ётган себорея аломатлари кузатилиб, тери ялтираб туради, ундаги майда тешиклар кенгайиб, кўзга ташланадиган бўлиб қолади, баъзи ерларда тери апельсин пўстига ўхшаб қўпланади. *Шу тешикларга* ва соч халтачаларига ёғ йиғилиб қолиши натижасида қора нуқталар пайдо бўлади, улар ситилса, йиғилиб қолган ёғ чувалчанга ўхшаб буралиб чиқади. Агар шу ётта йиринг пайдо қилувчи микроблар тушса, яллиғланиш жараёни ривожланади. Тери қизариб шишади ва сизлогич пайдо бўлиб, қаттиланиши, оғрийди, ўртасидан соч чиқиб туради, модда бойлайди, кейинчалик у ёрилиб, ичидан йиринг чиқади. Бора-бора ўрнида қорамтир доғ қолдириб, йўқолиб кетади.

Баъзан терининг чуқур қаватида ёғ йиғилиб, шиш пайдо бўлади ва йиринг бойлайди, кейинчалик пишиб ёрилади, ичири чиндик ҳосил қилиб, битиб кетади. Эркакларда кўпинча йиғилган Ҳ. учрайди ва узоқ вақт туради, яллиғланиш аломатлари унча кучли бўлмайди. У бир ерда битиб, бошқа ердан чиқаверади; 30—35 ёшда анча камаяди.

Ёғ безидан кўплаб ажралиб чиқаётган ёғ тери юзасига чиқиб кетолмай, безнинг бирон ерида йиғилиб қолади. Шу без яқинидаги тери мутоғ қаватининг ҳужайралари ҳам кўшилиб, ёғ бези йўлини бутунлай беркитиб қўяди ва *мошдек*, баъзан эса ундан каттароқ оқ тугунча ҳосил қилади, бу оқ Ҳ. деб *аталади.*

Оқ Ҳ., одатда, яллиғланмайди, кишига жиб бермайди, фақат ҳо ҳуснини бузади; у кўпинча пешанда учрайди. Нефть маҳсулотлари ва ёнил-

ликар б-н ишловчи ишчилар тирсагида, бикин терминг бошқа очиқ жойда ёғ безларининг ковакларни очилганлари текширилгач нефть, ёнилғи, кўмир чанглари йиғилиб, ёғ безлари йўлини бекитиб қўяди ва Х. пайдо қилади. Бу касбга алоқадор Ҳлар.

Нерв системаси, ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши, сил, мелда-ичак касалликлари туфайли ҳам Х. пашшаи жуда кўпаяди.

Одатда Х. қишда совуқда кўп топилади; бунга совуқда ёғ қотиб қолиб, ёғ безлари ковакларидан равон чиқиб кетмаслиги сабаб бўлиши мумкин.

Бизни Х. тошишга қизи, сут гўшт, тухлиган балиқ, икра, шоколад ейиш, шунингдек, қабзият сабаб бўлади. Х. тошишига мойил кишилар мумкин қадар шу таомлардан парҳез қилишлари зарур. Врач маслаҳати б-н қўён юрида тобланиш, денгизда чўмилиш, спорт б-н шуғулланиш, очиқ ҳавода сайр қилиш, организмни чиниқтириш Х. тошишининг олдини олади.

Терини тўғри парваришқилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ялпилангач тошмаларга қора нуқталарни ситиш яраларга, яъни ҳолда дард улғайиб кетади. Врач рухсатисиз ҳар хил кремлар суртмаслик керак.

ХУСНИХАТ (чиройли ёзув) — чиройли ёзиш санъати. Араб ҳати турлари (куфий, наск, сулс, настаълиқ ва б.) мусулмон Шарқининг йирик маданий марказларида кенг тарқалди ҳамда тараққий этди. Ҳати ўрганиш асосида 2 — «надзарий» (машқур хаттотларнинг *ёзувларидан нусха кўчириш*) ҳамда «*қоъида*» (турли ёзувларни ўрганиш ва қоъдаларга) услуби ётади. Хаттотнинг асосий иш қуроллари — қора ва рангли сиёқ, қоғоз, қамишқалам, мистар, давот (қалламдон), жуғир ва қаламнинг учини текислаш учун пичоқ. Хаттотлар мотн б-н бирга мъморий ёдгорликлар (китобалар), қоғоз, мато ва ҳ.қ.ларга безаклар ҳам яратганлар. 19-а. охирларига келиб *ижтимоий-иқтисодий пайдо бўлиши б-н* Ҳнинг аҳамияти пасая бошлади. 20-а. 2-ярмидан *китобат санъатини* қайта тиклашга уринишлар Ҳнинг қайта жонланишини таъминлади (яна қ. *Хаттотлик*).

ХУТ (лот. Rosex) — *Зодиак* қолуз туркумларидан бири: балиқ лар ҳам Х. дейилган. Энг ёрқ қолузлари 3, 6; 3,7 ва 3,8 қолуз каттталиғда. Ҳда баҳорги тенгкунлик нуқтаси ҳ жойлашган. Ўзбекистонда сент. — октябрь ойларида ҳуда яхши кўринади.

ХУФУФ, *ал-Хуфуф* — Саудия Арабистонининг шим.-шарқий қисмидаги шаҳр. Аҳолиси *100* минг кишидан зиёд. Транспорт йўлларининг муҳим чорраҳаси: Жидда — Ар-Риёд — Рас-Таннура автомагистраль йўлидаги транспорт маркази. Т.й. станцияси. Цемент з-ди бор. Хурмога ишлов берилади. *Ҳунармандчилик ривожланган:* ҳажга борувчилар учун махсус кийим-бош (ихрам кийими) тикилади, мовут тўқилади, кумуш ва олтин буюмлар тайёрланади. Ҳнинг ғарбида йирик Гавар нефть конлари бор (мамлакатда қазиб олинадиган нефтнинг *1/2 қисмини* беради).

ХУШСИЗЛИК, ҳушдан кетиш — миянинг қон б-н таъминланишн бузилиши натижасида қисқа муддат рўй берадиган ҳолат. Рудий изтироб (кўриқиш, ҳаяжонланиш), оғриқ (бўйрак, жигар оғриғи), ичак спичаги, офтоб уриши таъсирида, бағлама горизонтал ҳолатдан тик ҳолатга ўтганда ва б.да учрайди. Кўпинча ўта толиққан, оч қолган, инфекцион касалликлар б-н оғриган кишиларда кузатилади. Қ. марказий нерв системаси ёки юрак фаолияти бузилганлиги белгиси бўлиши мумкин. Қ. одпидан бемориинг боши айланади, бўшашади, кўзи тинади, қулоғи шанғилайди, кўл-оёқлари увушади; баъзан Х. ҳолати шу белгилар б-н ўтиб кетиши, бемор ҳушини бутунлай йўқотмаслиги ҳам мумкин. Ҳда бемориинг нафас олиши сустлашиб, кўз қорачиғи торайи, сўнг кенгаяди ва ёруғликдан таъсирланмайди, пульси заифлашади, танасини музлек тер босади, ранги оқариб, тўсатдан йиқилади. Қ. бир неча сек. дан 1—2 мин. гача, баъзан ундан кўпроқ давом этиши мумкин. Юрак-томир системасида жиддий ўзгаришлар бўлмаса, Қ. тезда ўтиб кетади; бемориинг ж-ҳуши, ранги ўзига келиб, пульси ва нафас олиши нормаллашгани б-н бош оғриги, *кувватсизлик*, қоғрилиқ аломатлари анчагина давом этиб туради. Ҳда *бемории қушига келтириш* учун у ётган хона соф ҳаво б-н шамоллатилади, сиқиб турадиган кийимлари бўшатилади, бош томонини пастроқ қилиб ётқизилади; юзи ва кўкрагига совуқ сув пуркалади ёки сочиқ хўллаб босилади; нашатир спирти ҳидлатилади ва чаккасига суртилади (сирка ёки одеколон суртса ҳам бўлади), оёғига иссиқ грелка қўйилади ёки дағалроқ нарса б-н ишқаланади. Бемор ҳушига келгач иссиқ ширин чой ёки кофе ичирилади. Қ. рўй берганда, аёлларга, врач чақирши керак.

ХУҚНА, *клизма* — *тўғри ичакка* юборилган махсус дозаб ёрдамида суюқлик (кўпинча сув) юборишдан иборат тиббий муолажа. Тозаловчи Х. (ичакдаги парчаларни чиқариб ташлаш учун қўлланади), дори Х. ва озиқ Х. фарқ қилади. Х. фақат врач кўрсатмасига мувофиқ қилинади, чунки баъзи ҳолларда (аппендицит, ичак буралиб қолиши ва ҳ.к.) у ўгир оқибатларга олиб келиши мумкин. Х. учун махсус *покизмон резина баллон* (баъзан махсус қаттиқ учлиги қисқичи ёки жўмрати ҳамда учлиги бор резина пайчали воронка) қўлланади, шунингдек, Эсмарх кружкасидан фойдаланилади, унга суюқлик бир метргача баримп учун жўмракча, бириктириш пайчасига эса учлик ўрнатилган.

Тозаловчи Х. *қабиятда*, озиқ-овқатдан заҳарланганда, мелда-ичак йўлини ва кичик чаноқ аъзоларини *рентгенологик текширишдан, операциядан*, тутилдан, дори ва озиқ Ҳдан олдин қўлланади. Баъзи бир дпо Х.си айни вақтда тозаловчи Х. функциясини ҳам ўтайди (мас., мойчечак-ли, гипертоник, ётли ва б.). Х.нинг таъсири суюқлик миқдорига, унинг тезлик б-н босим остида юборилишига боғлиқ. Катта ёшдаглар учун ўртача *1 л* га яқин тоза илиқ сув кераК бўлади. Сув юбориб қилинадиган тозаловчи Х. қабиятда ичак шиллиқ пардасини таъсирлаб, ичакнинг тўлқинсимон қисқаришини (перистальтикасини) кучайтиради, натижада бемориинг ичи келади. Агар бемориинг қимирлашп мумкин бўлмаса уни чалқанча ётқизиб Х. қилинади, бемор*нинг остига тувак қўйилади. Қорин* мускуллари ҳаддан ташқари таранг бўлса, Х. *қилинаётганда бемор* тизза ва тирсакларига таяниб туриши керак. Х. қилишдан олдин учликка вазелин ёки глицерин суртилади. Бемории клеёнка солинган ўрин четига чап ёнбошп б-н ётқизилади. Чап қўлининг бирининчи ва иккинчи бармоқлари ёрдамида думба кериилб, ўнг қўл ёрдамида учлик айланма ҳаракат *б-н* тўғри ичакка *10—12 см* киргизилади. Ҳдан сўнг мумкин қадар 5—10 мин. ҳожатга чиқмай турган маъқул.

Ёғли Х. учун ўсимлик мойини 200 мл (болаларга 30—50 мл) ҳажмида кечқурун юборилади. Бунда ножимон резина баллон ишлатилади.

Дорп Х. дори моддаларининг ичак шиллиқ пардасига таъсир этишп ва дорининг организмга ичак орқали

сўрилиши мақсадида қўлланади. Дори моддалари 10 мл ва ундан оз миқдорда юборилганда яхши сўрилади. Дори Ҳ. қонишдан олдин аввалига тозалоғи Ҳ. ўтказиш керак.

Озиқ Ҳ. — сунъий овқатлантиришнинг бир тури. У организмнинг сувқолликка, оқсутига ва оз миқдорда бўлса-да, озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қўлланади. Озиқ Ҳ. учун ош тузининг физиологик (изотоник) эритмаси, 5% ли глюкоза эритмаси ва аминокислоталар эритмаларидан фойдаланилади. Бундай Ҳ. тозаловчи Ҳ.дан кейин қилинади. Озиқ Ҳ. фақат врач кўрсатмасига биноан даволаш муассасаларида қўлланади.

ҲУҚУҚ — давлат томонидан белгиланган ёки тасдиқланган умумий мажбурий ижтимоий нормалар тизими. У *ҳуқуқий муносабатлар* ва фуқаронинг давлат томонидан мустаҳкамланадиган, кафолатланадиган ва муҳофаза этиладиган асосий ҳуқуқларини ўз ичига олади. Ҳ. давлат бўлиб ўюшган жамиятда пайдо бўлади ва мулкчилик муносабатларини, ҳўжалик алоқалари механизмини мустаҳкамлайди, меҳнат ва унинг маҳсулотларини жамият аъзолари ўртасида муайян ўлчов ва шакллар да тақсимлаб турувчи вазифасини ўтайди (фуқаролик Ҳ.и, меҳнат Ҳ.и); ваколатли органлар, давлат бошқаруви органлари шакллашиши, тартиби, фаолиятини белгилаб беради, низоларни қай йўсинда ҳал қилиш кераклигини, мавжуд ижтимоий муносабатларни бузишга қарши кураш чораларини (жиноят Ҳ.и, процессуал Ҳ.) белгилайди, шахслар ўртасидаги *муносабатларнинг хилма-хил шаклларига* таъсир кўрсатади (оилавий Ҳ.). Ҳ. нормалари бошқа ижтимоий тартибга солувчи нормалар (дин, ахлоқ, одат ва б.)дан ўзининг мажбурийлиги б-н ажралиб туради.

Ҳ.нинг 2 ёки ундан ортиқ давлатларнинг хоҳиш-иродаси, истаклари б-н вужудга келтириладиган *халқаро ҳуқуқ* ҳамда фақат бир давлат доирасида бўлган миллий Ҳ. кўринишлари бор. Фанда Ҳ.ни «географик» жиҳатдан бўлиб талқин қилиш ҳам мавжуд. Унга кўра қуйидаги ҳуқуқий тизимлар («ҳуқуқ оилалари») фарқланади: континентал (ёки роман-герман), англосаксон (ёки инглиз-америка), *индейс, мусулмон ҳуқуқи*. Қисобий ҳуқуқшуносликмамонидаларни «социалистик давлат»лар деб аталган давлатлар Ҳ.ини ҳам алоҳида тизимга киритишни таклиф этадилар. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи континентал Ҳ. тизимига мансуб.

Ҳ.нинг ўзига хос умумий ва махсус белгилари мавжуд. Ҳ.нинг жтимойлиги, норматив кўрсатмалардан иборатлиги, адолат ва эркинлик ғояларини ифодалаши, умуммажбурий ва иродавий хусусиятлари, қонуний аниқлиги, расман белгиланганлиги, тизимлиги ва жўшқинлиги, давлат томонидан муҳофаза этилиши шулар жумласидандир. Ҳ. тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш бўйича 3 асосий ёндашув бор: а) Ҳ.га мутлақ юридик нормалар тизими сифатида қаровчи нормативи ёндашув (буни Ҳ.ни тор маънода тушуниш ҳам дейилади); б) Ҳ.ни у тартибга солувчи ижтимой муносабатлар б-н тенглаштирувчи социологик ёндашув; в) Ҳ.ни эркинлик ва адолат мезони б-н боғловчи фалсафий ёндашув (кейинги икки ёндашувни Ҳ.ни кенг маънода тушуниш ҳам дейилади). Шу б-н бирга *ҳуқуқшунослик* фанида қад. ҳисобланган ва пухта ишлаб чиқилган Ҳ.нинг *табиий ҳуқуқ* ва позитив ҳуқуққа бўлиниш ғояси мавжуд. Позитив Ҳ. давлат ҳуқуқий ижодкорлик фаолиятининг натижаси, мақсули ҳисобланади. У давлат қабул қилган нормаларда, яъни қонунчиликда, шунингдек, бошқа ҳуқуқий манбаларда ифодаланган Ҳ.дир. Юриспруденцияда Ҳ. тизими 2 та ажратилади: ҳусусий Ҳ. ва оммавий Ҳ. Фуқаролик Ҳ.и (ашё Ҳ.и, мажбурият Ҳ.и, савдо Ҳ.и, оила Ҳ.и, мерос Ҳ.и, тижорат Ҳ.и) хусусий Ҳ.қа тегишлидир. Оммавий Ҳ.қа эса давлат, молия, жиноят, процессуал ва халқаро Ҳ. киритилади.

Ҳ. жамият ҳаётининг турли соҳаларини — иқтисодиёт, сиёсат, ижтимой соҳага, маданий-маънавий муносабатларга таъсир этади ва шу тариқа иқтисодий, сиёсий ва тарбиявий функцияларни бажаради. Юридик нуқтаи назардан бу функцияларни 2 турга: регуляция (тартибга солувчи) ва негатив (қўриқловчи) функцияларга ажратиш мумкин. Ҳ.нинг регуляция функцияси жамият аъзолари юриш-туришни ва хулқ-атворининг ижобий, барчага мақбул қоидаларини ўрнатишдан, ижтимой муносабатларни ҳуқуқий асосга қўйишдан, инсонлар ўртасидаги ижтимой алоқаларни уйғунлаштириш ва барқарорлаштиришдан иборат. Ҳ.нинг негатив функцияси унинг ижтимой вазифаси б-н белгиланган ҳуқуқий таъсир этиш йўналиши бўлиб, у умумий аҳамиятга молик иқтисодий, сиёсий, маънавий ва б. ижтимой муносабатларни муҳофаза этишга, уларнинг ларзасизлигини таъминлашга ва шу б-н бирга, жамиятга зиёт, зарарли муносабатларни сиқиб чиқаришга қаратилади. Ҳ.нинг бу функциясига хос хусусиятлар уни давлатнинг Ҳ.ни мухофаза этиш фаолияти б-н қиёслаганда аниқ намоён бўлади. Тегишли давлат идоралари Ҳ. соҳиблари томонидан қонун талабларига қатъий бажарилишини таъминлайди, жамиятда қонунийлик муҳитини вужудга келтиради. Бу иш Ҳ. бузилишлари фактини аниқлаш, уларни тергов қилиш ва айбдорларни юридик жавобгарликка тортиш б-н таъминланади.

Ҳ.нинг назарий масалаларини Ғарбда, жумладан, Европада ижтимой фан соҳа олимлари, айниқса ҳуқуқшунослари теран ва изчил ёритиб келмоқдалар. Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда ҳам бу борадаги ўринишлар ва сиъй-ҳаракатлар, изланиш ва тадқиқот ишлари бирмунча кучайди. Ўзбек ҳуқуқшунослик фани вужудга келди. Бу фан намоиндалари миллий давлатчилик тарихини, ҳуқуқ ва давлат умумназарий масалаларини ўрганиш борасида миллий қадриятларни, илмий меросни замонавий умуминсоний қадриятлар б-н уйғунлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу соҳага миллий истиқлолни мустаҳкамлаш ишининг бир қисми сифатида қарамоқдалар.

Баҳодир Тўраев.

ҲУҚУҚ ЛАЁҚАТИ — ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг маълум ҳуқуқларга эга бўлиш ва шунга яраша мажбуриятлар (бурч) ола билиш лаёқати. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш фуқаролик Ҳ.л. деганлик. Барча фуқаролар, шунингдек, юридик шахслар Ҳ.л.да тенгдирлар.

Ҳ.л. ҳуқуқнинг фуқаролик ҳуқуқи соҳасида кўп учрайди. Фуқаронинг Ҳ.л. одатда, у туғилганида вужудга келади ва вафот этиши б-н тугайди. Баъзан Ҳ.л. боли туғилмасдан ҳам вужудга келади. Мерос ҳуқуқига кўра, очилажак меросда ҳомиланинг ҳам Ҳ.л. ётади. Фуқаролик қонунчилиги бўйича, фуқароларнинг Ҳ.л. муяк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлиш; мулкни мерос қилиб олиш ва васият қилиб қолдириш; банкда жамғармага эга бўлиш; тадбиркорлик, деҳқон, фермер ҳўжалиги б-н ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият б-н шуғулланиш; ёдланма меҳнатдан фойдаланиш; мустақил равишда ёки бошқа фуқаролар ва юридик шахслар б-н

биргаликда юридик шахслар ташки этиш; қонунинг зид бўлмаган ҳар қандай битимлар тузиш ва мажбуриятларда қатнашиш; бошқа шахслар томонидан етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилиш; маҳкамада турлича ва яхши жойини танлаш; фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтироларининг, қонун б-н қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишдан ўз ифодасини топади.

Юридик шахслар ўз таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолият мақсадларига мувофиқ Ҳ.л.га эга бўладилар. Юридик шахснинг Ҳ.л. у тузилиб, дивлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва у тугатилиш пайтдан эътиборан тамом бўлади. Юридик шахснинг мақсус Ҳ.л. унинг ўз устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

Мирзаев Баҳром.

ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ — ҳуқуқий нормаларнинг ифода этилиш шакллари. Ҳуқуқнинг бирламчи манбаи халқдир. Ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва қоидалари қисобланади. Буларни БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948) ва б. кирали.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқнинг асосий манбалари қаторига киради. *Ўзбекистон Республикасида* норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари; Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари; Ўзбекистон Республикаси *Президентининг фармон ва қарорлари*; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳуқуқий ҳужжатлари; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ҳуқуқнинг энг қад. манбаларидан бири ҳуқуқий одатлар. Ҳуқуқий одат узоқ давр мобайнида амалда бўлиши натижасида шакллангани, жамиятда *ижтимоий муносабатларни тартибга* солишда муҳим аҳамиятга эга бўлгина давлат томонидан умумжаҳурий қоида сифатида тан олинган ҳулқ-атвор қоидаси.

Ҳуқуқий прецедент ҳам ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Ҳуқуқий прецедент суд ёки ноҳумрий органнинг ёхуд ёхуд оғзаки қарори бўлиб, бу қарор келгусида барча шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун асос бўладиган намуна нормадир. Ҳуқуқий прецедентнинг суд ва маъмурий прецедент шаклари мавжуд. Суд прецеденти АҚШ, Австралия, Буюк Британия, Канада ва Янги Зеландия каби умумий ҳуқуқ амалда бўлган давлатларда ҳуқуқнинг манбаи сифатида кенг қўлланади.

Норматив шартномалар ҳам ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Икки ёки ундан ортиқ мустақил ҳуқуқ субъектлари ўртасида тузиладиган ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини *ўрнатадиган, ўзгартиришган* ёки бекор қиладиган битимларга норматив шартномалар дейилади. Норматив шартномалар айниқса халқаро ҳуқуқда катта аҳамиятга эга. Норматив шартномалар қаторига кирувчи халқаро шартномалар субъектларига кўра — икки томонлама ва кўп томонлама, хусусиятига кўра — норма ўрнатувчи ва таъсис этувчи шартномаларга бўлинади.

Ҳуқуқнинг *тарихий ривожланиш* даврида ҳуқуқий онгда ва ғоялар ҳуқуқнинг манбаи ҳисобланган. *Муқадмас* ҳақида Қуръон, суннa, ижмо ва қиёс ҳуқуқнинг асосий манбаини ташкил этади.

Олим Хусанбоев.

ҲУҚУҚ НОРМАСИ — давлат томонидан белгиланадиган, муайян шаклда ифодаланадиган, иктимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий юриш-туриш қоидаси. Ҳ.н. тегишли *норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар*, шунингдек, ҳуқуқ манбаининг бошқа турлари шаклида намоён бўлади. Ҳуқуқ тармоқларига бўлиш ҳолда маъмурий-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий ҳуқуқ нормалари, меҳнат, экология, халқаро, конституциявий, ҳўжалиқ ва ҳуқуқнинг бошқа тармоқларига оид ҳуқуқ нормалари фарқланади. Амал қилиш вақтига кўра, доимий (расмий бекор қилингунга қадар амал қиладиган) ва вақтинчалик (фақат муайян вақт оралиғида амалда бўлувчи) Ҳ.н. бўлади. Ҳ.н. амал қилиш ҳудудига қараб, умумий ва маҳаллий нормаларга бўлинади, бунда биринчиси бутун мамлакат ҳудудида амал қилса, иккинчисига кирадиган нормалар маълум ҳудудларда амал қилиши мумкин. Ҳ.н. субъектларига қараб, умумий ва махсус нормаларга ажралади, бунда биринчиси ҳамма ҳуқуқ субъектлари учун, иккинчиси эса, аҳолининг муайян гуруҳи ёки аниқ белгиланган доирадаги субъектлар (пенсионерлар, ногиронлар, ички ишлар ходимлари ва ш.к.) учун тавсияқин бўлади. Буларлан ташқари, Ҳ.н.ни бошқа қатор мезонлар асосида *таснифлашлар* ҳам мавжуд.

Ҳ.н. ўз ички тузилишига эга бўлиб, 3 қисмдан иборатдир: гипотеза, диспозиция, санкция. Гипотеза Ҳ.н.да белгиланадиган қоида *қандай шароит*да ва қолатда ким томонидан амалга оширилиши кўрсатилади. Диспозицияда гипотеза кўрсатилган қоллардаги муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ифодаланади. Санкция диспозицияда кўрсатилган *қоидани* бузган шахсга нисбатан давлат органи қўлланиши мумкин бўлган таъсир чорасини белгилайди. Конституциявий нормалар 3 қисмдан эмас, асосан гипотеза ва диспозициядан иборат бўлади. Жиноий на маъмурий жавобгарликни кўзда тутувчи нормалар эса — асосан диспозиция ва санкциядан иборат бўлади (мас., Жиноят ва маъмурий жавобгарлик *тўғрисидаги кодексларнинг* махсус қисми нормалари).

Маҳкам Ниғматов.

ҲУҚУҚ ОБЪЕКТИ — ҳуқуқий муносабатда иштирок этаётган субъектларнинг диққат-эътибори, манфаати, хатти-ҳаракати қаратилган тайни неъмат, нарса, жараённар. Мас., уй-жой олди-сотди шартномавий муносабатининг объектини уй-жой ташкил этади; одам жонига қасд қилиш жиноятининг объекти — инсоннинг ҳаёти на ш.к. Ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳаёт ҳолисалари, ижтимоий воқеликлар кабн турли-тумандир. Уларни асосан қуйидагича таснифлаш мумкин: буюмлар, ашёлар, моддий олам неъматлари; маънавий ижод маҳсулотлари; инсон фаолияти, ҳулқ-атвори; шахсий номулкий неъматлар. Табиат неъматлари ва одамнинг меҳнат фаолияти жараёнида яратилган нарсалар юридик маънода буюм (ашё) *лар бўлиб, улар асосида* ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқади. Моддий олам неъматлари объект бўлувчи ҳуқуқий муносабатларга олди-сотди, маҳсулот айирбошлаш, ҳадя, мерос каби муносабатлар киритилади. Интеллектуалақлий фаолият натижаси маънавий ижод маҳсулотлари бўлиб, улар юзасидан ҳам турли ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқали. Инсон фаолияти, ҳулқ-атвори ҳам ҳуқуқий муносабатлар воситасида тартибга солинувчи объект сифатида кўрилади. Ҳуқуқий муносабатнинг шахсий номулкий объекти деганда инсоннинг бевосита шахсини б-н боғлиқ нарсалар — унинг ҳаёти, қадр-қиммати, шаъни, соғлиги кабилар тушунилали. Булар жиноят қонуни, фуқаролик, маъмурий, никоҳ ва оила ҳамда бошқа қонунчилик соҳалари *томонидан* муҳофаза этилади.

ҲУҚУҚ СУБЪЕКТИ — қонунга биноан ҳуқуққа эга бўлиш ва эммасига юридик жавобгарлиқни олиш лаёқатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Ҳ.с. ҳуқуқнинг барча соҳаларида *ҳуқуқий муносабатларнинг* зарурий белгиси бўлиб, уларнинг ҳар бирида субъектларнинг мавқеи муайян ўзига хосликка эга. Мас., фуқаровий ҳуқуқий муносабатларда фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқароликка эга бўлмаган шахслар жисмоний шахс сифатида; тижорат ва нотижорат ташкилотлари юридик шахс сифатида қатнашадилар; фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг учинчи турини давлатнинг ўзи, давлат ва маҳаллий *тузилмалар ташкил этади. Маъмурий* ҳуқуқий муносабатларда асосан давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқа*ролар ва айрим ҳудудларнинг ташкилотлар* (юридик шахслар) Ҳ.с. бўла олади. Қонун бирор шахс ёки тузилмани Ҳ.с. сифатида тан олар экан, унинг лаялат, давлат ташкилотлари, бошқа шахсларга нисбатан тутган ўрнини тавсифловчи ҳуқуқий мақомни белгилаб беради.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК — ҳуқуқ ва мажбурият доирасига эга субъект томонидан содир этиладиган, ҳуқуқ нормаларини талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмиш. Ўз ҳуқуқларига кўра, Ҳ. *жиноят*, *ноҳўя* ҳаракат, интизомий бузуш шаклида бўлади. Кўп ҳолларда Ҳ. қонунбузарлик сўзи 6-ж бир хилда ишлатилади. Фуқаровий Ҳ. (шахсга, *фуқаро ёки ташкилотнинг мулкига* зиён етказиш), маъмурий Ҳ. (мас., майда безорилик, йўл ҳаракати қоида*сини бузиш*), интизомий Ҳ. (*ноҳўя* ҳаракат, мас., ишга кечикслик, кеч қолиш) фарқланади. Ҳ.нинг энг хавфли кўриниши жиноятдир. Ҳ. учун қонунда тегишлича фуқаровий, маъмурий, интизомий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.

ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИК — ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир шахсдан бошқа шахсга ўтиши. Ҳ.в.нинг умумий (универсал) ва хусусий (сингуляр) тури бор. Умумий Ҳ.в.да вориса барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўтади (мас., мерос қолдиришда, ёки бир неча ташкилотлар, яъни юридик шахслар қўшилганда). Хусусий (шахсий) Ҳ.в.да бирон-бир алоҳида ҳуқуқ бир шахсдан бошқасига ўтади (мас., дастлабки кредитор ҳуқуқининг бошқа шахсга ҳуқуқ *ўтиш пайтидаги ҳажмда ва шартларда* берилиши). Шу б-н бирга бошқа шахсларга ўтиши мумкин бўлмайдиган ҳуқуқлар ҳам мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ФК алимент талаб қилиш, ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтишига йўл қўймайди.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ — давлат тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуққа асосланганлиги. Ҳ.д. тамойил сифатида илк марта кирилар илгари сурган эдилар. И.*Кант* эса унга илмий-фалсафий таъриф берган. Ҳ.д.да давлатнинг қуйидаги принциплар асосида фаолият юргизиши ва амал қилиши шарт ҳисобланади: халқ суверенитети; *шахснинг ҳуқуқ ва эр*кинликларининг ҳеч ким, шу жумладан, давлат томонидан ҳам ҳар қандай ҳолда бузилмаслиги; *Конституция* ва қонунининг устунлиги; ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилига амал қилиш; *судларнинг мустақиллиги*, халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ нормаларидан устун бўлиши.

Ҳ.д.да энг олий қадрият инсон ҳисобланади. Давлат фақат ҳуқуқ нормаларини яратиб қолмай, ўзи ҳам уларга амал қилиши Ҳ.д.нинг энг муҳим хусусиятидир. Ҳ.д. *демократия*нинг ажралмас бирлиги. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халқи инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб ўзининг мустақил вакилдари сийносида давлатимизнинг асосий қонунини қабул қилиши таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистонинг мустақил давлатчилигини даврида конституция ва қонунларнинг устунлиги гояси халқ ижтимой онгининг таркибий қисмига айланди. *Қонунни четлаб* ўтиш эмас, аксинча, қонун талаблари асосида, унга мос ва мувофиқ равишда яшаш лозимлиги кишилар онгига тобора сингиб бормоқда. Давлат инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашнинг изчил ҳуқуқий механизмини яратиш тадбирларини амалга оширди (ана қ. *Қонун устуворлиги*).

ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга, ташкилотларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлашга кўмаклашиш. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланганлиги, фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилган. *Ушбу конституциявий норманинг* моҳияти шундан иборатки, фуқаролар ҳамда ташкилотлар ўзлари амалга ошираётган хатти-ҳаракатлар тўғрисида тўлиқ ва етарли маълумотга эга бўлгандагина фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла равишда амалга оширилади, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятида эса қонунийлик таъминланади. Аввалларн Ҳ.ё. асосан *ҳуқуқий маслаҳатчилар* ҳамда адвокатлар томонидан амалга оширилари. Бозор муносабатлари шароитида фуқаролар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжи инобатга олинган ҳолда ушбу ёрдам уларга турли давлат бошқаруви органлари (мас., *аллиги* органлари), нодавлат нотижорат ташкилотлари (Савдо-саноат палатаси), *жамоат бирлашмалари* ва ҳатто турли тижоратчи ташкилотлар томонидан ҳам кўрсатилмоқда.

Ҳ.ё. ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бериш; ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва б. ҳужжатларни тузиш; судда ва б. давлат органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг вакили сифатида иштирок этиш; жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш орқали амалга оширилади. Ҳ.ё. ҳақ эвазига ёки текинга амалга оширилиши мумкин. *Давлат органла*ри, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда турли жамоат бирлашмалари *асосан текинга юридик ёрдам кўрса*тишади. Адвокатнинг ҳуқуқий ёрдами учун ҳақ тўлаш адвокат б-н мижоз ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган битим (шартнома) асосида амалга оширилади. Шахс тўловга қобилиятсизлиги сабабли кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлашдан озод этилганда, жиноий иши кўриб чиқилда қатнашишга тайинланган адвокатнинг юридик ёрдами учун давлат ҳисобидан ҳақ тўланади.

ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК, юридик жавобгарлик — ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш. Бу чоралар шахсий (озодликдан маҳрум этиш), мулкий (жарима), типизлий (муайян ҳуқуқлар маҳрум қилиш, ишдан бўшатиш) тусда бўлиши мумкин. Ҳ.ж. ўз хусусиятига кўра, сиёсий, *иҳлоқий ва б. жавобгарликлардан фарқ* қилади. Ҳ.ж. *ҳуқуқбузарлик*нинг турларига мувофиқ қуйидагиларга бўлина-

да: жиноий-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий, интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик. Ҳ.ж.да адолатлилик, инсонпарварлик, қонунийлик асосларигиларилик, ҳуқуқ бузилган ҳолда жавобгарликнинг муқаррарлиги, индивидуаллик (фақат айбдор шахснинг ўзига нисбатан жавобгарлик), мақсага мувофиқлик каби тамойиллар амал қилинади. Зарурий мудофаа (шахс, жамият, давлат манфаатлари ҳимоясидан келиб чиқиб, зарар етказувчига нисбатан зарурий мудофаа доирасида қаршилик кўрсатиш ёки зарар етказиш); ғоят зарурат (шахс жамият, давлат манфаатларига хавф тугдирилиши ҳолатларда, бу хавфнинг олдини олишга қаратилган ҳаракат зиёнкасдаги ҳаракатлардан ўзгача бўлиш, бўлган асосли тавакkалчилик; мумкалга лақаётсизлик; казус (тасодифан) ва ш.к. ҳуқуқий жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар ҳисобланади. Юридик жавобгарликни эмалга оширишда учун ваколатли органнинг ҳуқуқни қўллаш акти зарур бўлади. Бунай актлар сулиниг қарори, маъмурият буйруқ бўлиши мумкин.

Нурият Сайдов, Шохид Саидуллаев.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ — адвокатнинг ёки юридик маслаҳатчининг жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлари ва тушунтиришлари. Ҳ.м. оғзаки ёки ёзма шаклда, ҳақ эвазига ёки тегишига берилиши мумкин (*қ. Ҳуқуқий ёрдам, Ҳуқуқий маслаҳатчи*).

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЧИ, юридик маслаҳатчи (ЎзРда) — ташкилотнинг ҳуқуқий хизмат ходими. У давлат ҳокимияти ва бошқарувн олий органларининг, республика ҳамда маҳаллий давлат ва хўжалик бошқарув органларининг, прокуратура, ички ишлар органларининг, ҳарбий ва туман ҳокимликларининг, шунингдек жамоатчилик, мудссасалар ва ташкилотларнинг юридик (ҳуқуқий) хизматини амалга оширади. Ҳ.м. зиммасига маъмурият томонидан чиқариладнган буйруқ, фармойишларнинг ҳамда бошқа ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатларнинг *қонунийлигини назорат* қилиш; бошқа ҳужалик юритувчи субъектлар б-н шартнома ва битимлар тузишда иштирок этиш; ходимлар ҳамда жамоатчилара амалдаги қонунчилик тўғрисида ахборот бериш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; судларга даъволар ёки жавобгар сифатида иштирок этаётган ташкилот (муассаса)ларнинг ишини юритиш; ташкилот (муассаса) ходими судланувчи ёки жабрланувчи тарафсизлик жалб қилинган ҳолларда дастлабки тергов ва судда жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этиш кўзланилган. Олий юридик маълумотга эга бўлган шахс бошқарув органларида ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда юридик маслаҳатчи бўлиб ишлаши мумкин. Вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва республикаининг бошқа бошқарув органи юридик бўлинмасининг бошлиғи ёки юридик маслаҳатчиси лавозимини эгаллаш учун камида *5 йиллик юридик маслаҳатчи иш* тажрибасига эга бўлиш зарур. Юридик маслаҳатчилар 5 йилда 1 марта Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент ш. *адлия бошқармаларида* қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтадилар. Ёш мутахассислар ва ҳомиладор аёллар аттестациядан ўтказилмайди. Ҳ.м. аттестациядан ўта олмаса, у 6 ой муддатдан сўнг ина қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтиш учун юборилиши мумкин. Юридик маслаҳатчига ҳуқуқий ишларга тааллуқли бўлмаган бошқа ишларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди. Мансабдор шахслар томонидан юридик маслаҳатчини юклатилган вазифаларни бажаришга ва унга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишга қаршилик кўрсатилса ва бу қонунчиликнинг бузилишига ҳамда фуқаролар*нинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига зарар етказилишига олиб келса*, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг органлари тақдимномаси бўйича айбдор мансабдор шахслар юридик жавобгарликка тортиладилар.

ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР — ҳуқуқ нормалари б-н тартибга солинадиган иктимоий муносабатлар. Бундай муносабатлар иштирокчилари тегишли юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга *бўладилар. Мас., ишга кириш б-н боғ*лиқ ҳуқуқий муносабатда ишга қабул қилинган ходимда муайян меҳнат фаолиятини амалга ошириш мажбурияти, корхона маъмуриятида эса тегишли иш ҳақи тўлаш мажбурияти пайдо *бўлади. Айни пайтда*, ижкала *томон ҳам* қонунда белгиланган қатор ҳуқуқлардан фойдаланади. Ҳ.м. юзага келиши учун моддий асослар (томонларнинг хоҳиш-истаги, манфаати) ва юридик *асослар (шу иктимоий муносабатни* тартибга соладиган тегишли *ҳуқуқ нормасининг* мавжудлиги, томонларнинг ҳуқуқ ва муомала лақаётга эга бўлишлиги, юридик фактнинг мавжудлиги) бўлиши лозим.

Ҳ.м.нинг мазмунини ташкил этувчи, уларнинг вужудга келиши учун *зарур бўлган* таркибий қисмлари бор. Булар *Ҳ.м.нинг субъекти, объекти, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлардир (қ. Ҳуқуқ субъекти, Ҳуқуқ объекти*). Субъектив ҳуқуқ ҳуқуқлар шахснинг ҳуқуқ нормалари *хомрасида ҳамда конкрет юридик фактлар* асосида вужудга келувчи таттиқ-ҳаракати, феъл-атворининг меъёридир. Субъектив ҳуқуқ ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тегишли ҳуқуқ нормасига асосан унда кўзда тутилган ҳаракатни содир қилишга ҳақли эканликларини ёки маълум ҳаракатларни амалга оширилишини талаб қилиш ваколатига эга эканликларини билдиради. Юридик мажбурият — ҳуқуқий *муносабат иштирокчиларининг* тегишли ҳуқуқий нормага асосан ўзларининг бурчи (мажбурияти) бўлган ҳаракатни амалга оширишларн ёки муайян ҳаракатни содир этишдан ўзларини тийишларидир. Юридик мажбуриятни бажармаслик юридик жавобгарликка олиб келади. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият ўзаро боғлиқдир. Ҳуқуқ мажбуриятсиз мавжуд бўлмайди. Айтайлик, иш ваҳтидан *ташқари ишлатилиг*ан туфайли оширилган ҳақ тўлаш — маъмурият учун мажбурият, ходим учун — ҳуқуқдир.

Ҳ.м. ҳуқуқ тармоқларига кўра конституциявий, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий, меҳнат, оилавий ва б. турларга бўлинади. Унинг вазифаси, мазмунига кўра, умумий тартибга солувчи (регулятив) ва қўриқловчи (негатив) Ҳ.м.га ажратилади. Ҳ.м. умумий ва конкрет, мутлақ *ва нисбий турларга ҳам бўлинади.*

Умумий Ҳ.м. деганда, аввало, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларини мустаҳкамловчи конституциявий нормалар асосида вужудга келувчи муносабатлар тушунилади. *Фуқаролар қонунда назарда тутилган* ваколатларга эга бўлган, барча ҳуқуқ субъектлари б-н ҳуқуқий алоқадорликка ҳисобланадилар. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилса конкрет Ҳ.м. вужудга келади. *Мутлақ Ҳ.м.да бир тараф аниқ маълум* бўлади — бу субъектив ҳуқуқ эгасилар. Қолган барча субъектлар мажбурият ўтовчи мақомида бўладилар. Бундай Ҳ.м.га мисол тарзида мулкчилик *муносабатларини қўриқлашни* мумкин. Нисбий Ҳ.м.да барча иштирокчилар аниқ, белгиланади, яъни ҳуқуқ эгаси ҳам, мажбурият ўтовчи томон ҳам (мас., сотувчи ва харидор, буюртмачи ва пудратчи, корхона раҳбари ва ходим) маълум бўлади.

Маҳкам Ҳакимов.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ — ижтимоий онг шакли; жамият аъзоларининг мавжуд ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқни тушуниши; ҳуқуқ-тартибот ҳақидаги тасаввурида ўз аксини топади. Ҳ.о. нафақат амалдаги ҳуқуқ, балки унинг тарихи, шунингдек бошқа жамиятлардаги воқеликларни билишни ҳам ўз ичига олади. Алоҳида шахс, гуруҳ ва жамиятнинг Ҳ.о.и ажратиб кўрсатилади. Ҳ.о. ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий психологиядан ташкил топган. Ҳуқуқий мафкура — ҳар хил ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги нуқтаи назар, тушунча, гоя ва қарашларнинг илмий умумлаштирилган тизимидан иборат. Ҳ.о.нинг ҳуқуқий мафкура қисмида аксини топган ҳуқуқий ҳодисалар ҳуқуққа бағишланган махсус назарий изланишларда ўз ривожини топиб, илмий даражада англаб етилади. Бундай илмий асарларнинг мазмуни одамлар маънавий мулкига айланиб, уларнинг онгига янги ҳуқуқий билимларни, мулоҳазаларни, эътиқод ва қайғиятни олиб киради. Ҳуқуқий мафкура — шахснинг Ҳ.о.нинг илмий асосда шакллантира бориб, ҳуқуққа, одамнинг ҳуқуққа бўлган муносабатига ҳал қилувчи таъсир қилади. Ҳуқуқий психология — ҳуқуқий ҳодисаларни ҳиссиёт б-н англашдир. Одам ижтимоий ҳодисаларни, жумладан, ҳуқуқий муносабатларни нафақат ақл б-н, балки сезги б-н ҳам тушуниб етади.

Ҳ.о. даражаси жамият аъзоларининг ҳуқуқий маълумотларга ҳам боғлиқдир. Шунга кўра, фуқароларнинг ҳуқуқий маданият даражасини кўтаришга кўмак берадиган ҳуқуқий ахборот тизимини ташкил қилишнинг аҳамияти катта. Ҳуқуқий маданиятнинг даражасига қараб, Ҳ.о. 3 турга ажратилади: одатий, илмий ва касбий. Одатий Ҳ.о., одатда, ўз-ўзидан вужудга келади ва одамнинг шахсий тажрибаси, ҳуқуқий ҳодисалар б-н боғлиқ бўлган ҳаётий вазиятлар ҳақидаги тушунчаси б-н белгиланади. Бунга одамнинг ишга жойлашувидаги ёки олий ўқув юртига кириш қоидалари ё бўлмаса йўл қоидасини бузганлиги учун жавобгарлиги ҳақидаги билимлар мисол бўла олади. Ҳ.о. барлиқ ҳақидаги одилй тушунчалар четгарасида қолиб кетмайди, доимо ривожлана бориб, назарий, илмий тушунчага айланади. Илмий Ҳ.о. ижтимоий ҳуқуқий ҳақиқатни у ё бу даражада тўғри акс эттирувчи билимлар тизимини ўз ичига олади. Касбий Ҳ.о. эса юридик олий ўқув юртларида ўқиш натижасида шаклланади, сўнгра, ҳуқуқий амалиёт жараёнида сайқалланади. Ҳуқуқий фикрлар вакиллари, ҳуқуқшунос амалиётчилар унинг субъектлари ҳисобланади.

Ҳ.о. жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий шароитлари, унинг маданий-ҳуқуқий, демократик ёки авторитар анъаналари б-н белгиланади.

Нуриа Жалилов.

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ — қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш, жиноятчилик ва б. ҳуқуқбузарликларга қарши кураш б-н шуғулланувчи идоралар. Ўзбекистонда уларнинг фаолияти тегишли қонунлар асосида тартибга солинган («Ўзбекистон Республикасининг Конституцион суди тўғрисида»ги қонун, «Судлар тўғрисида»ги қонун, «Прокуратура тўғрисида»ги қонун ва ш.к.). Ўзбекистон Республикасида Ҳ.м.қ.о.га қуйидагилар киради: судлар (Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди, Олий судга бўйсунувчи умумий юрисдикциядаги судлар, хўжалик судлари); судларнинг фаолиятини ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашни амалга оширадиган органлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси; Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш; судлар фаолиятини модилй, техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти); прокуратура; жиноятларни фош этиш ва терговни қилишга жалб қилинган органлар (суриштирув ва дастлабки тергов органлари); нотариал фаолиятни амалга оширувчи органлар (нотариат ва б.); адвокатура.

ҲУҚУҚШУНОСЛИК. юриспруденция — ҳуқуқни ижтимоий нормаларнинг алоҳида тизими сифатида, ҳуқуқнинг алоҳида тармоқларини, давлат ва ҳуқуқ тарихини, давлат ва умуман сиёсий тизимнинг фаолиятини ўрганувчи фан. Ҳ. — энг қад. ижтимоий фанлардан бири. Унинг тарихан вужудга келиши ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши б-н боғлиқдир. Юнон фалсафасидаёқ Ҳ.нинг энг муҳим назарий муаммолари ўртага ташланган, рим ҳуқуқшунослари эса ҳуқуқий тушунча ва тузилмаларини ишлаб чиққан эдилар, бу тушунча ва тузилмалар ҳоз. даврда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Ҳуқуқ муаммолари ҳоз. демократик жамиятда ва ҳуқуқий давлатда гоят муҳим аҳамият касб этади, Ҳ. тузилиш жиҳатдан бир қанча тармоқларга бўлинган: *давлат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ*, давлат ва ҳуқуқ тарихи, сиёсий биринчлар тарихи. Давлат ва ҳуқуқ моҳиятини, Ҳ.нинг бошқа умумий масалаларини ўрганувчи умумий давлат ва ҳуқуқ назарияси фани алоҳида ўринга туради.

Ҳ. умумий назарий фангина бўлиб қолмай, шу б-н бирга амалий фан ҳам ҳисобланади. Суд тиббиёти, суд психиатрияси, криминалистика, криминология, юридик психология ва б. юриспруденциянинг амалий тури ҳисобланади.

Ҳ. фани инсон дунёқарашини, унинг ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги тасаввури, тушунча ва билимларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Ҳ.нинг юзвий таъсири инсонларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришга, ҳуқуқ талабларини қадрлаб, унга риоя этишига ёрдам қилади. Бу б-н жамиятда ҳуқуқий ҳолок ва ҳуқуқ-тартибот қарор топишига имкон яратади.

Галия Тинибекова.

ҲЎКИЗ — ит қайвони; 2 ёшдан ошган, қўнға яралдиган бичилган эркак қорамол. Мустақкам ва дағал конституцияли новвослар бир ёшдан ошганда ихталаниб, ит қайвони сифатида 18—24 ойлигидан бошлаб турли хўжалик ишларини бажаришда фойдаланилган. Омоч б-н ер ҳайдаш, талла яғнаш (ҳўш), аравакаш қўшиб юк ташиш ишларида асосий улов бўлган. Осиё, Африканинг айрим мамлакатларида Ҳ.лар асосий иш ва миниладиган (транспорт) ҳайвон сифатида ҳозир ҳам кўп ишлатилади. Ўзбекистонда Ҳ.лардан хўжалик ишларида 20-а.нинг 50-йил. бошига қадар фойдаланилган.

ҲЎКИЗБОҚАР (лот. Bootes) — осмоннинг Шим. ярим шаридаги юлдуз туркуми. Энг ёруғ юлдузи — Арктур (0,1 визуал юлдуз катталигида). Апрель — май ойларида кеҳш кўринади. Ўзбекистон ҳудудида ҳам кузатиш мумкин.

ҲЎППОЗ — қ. *Карбюратор.*

ҲЎРМУЗ БЎҒОЗИ (қад. номи Ҳармиз бўғози) — Хинд океанининг шим.-тарбий қисмидаги бўғоз, Арабистон денгизининг Форс ва Уммон қўлтиқларини бирлаштириб туради. Уз. 195 км, энг камбар жойининг эни 54 км, чуқурлиги фарватерида 27,5 м. Банлар-Аббос порти бор.

ҚЎШИМЧА

Ўзбекистон миллий энциклопедияси (ЎзМЭ)ни нашр этиш даврида (2000–2005) рўй берган айрим ўзгаришлар: Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Ўзбекистон Республикаси фан арбоблари, санъат арбоблари, Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчилари, халқ шоирлари, халқ рассомлари, халқ усталари, Ўзбекистон Республикаси халқ артистлари, халқ ҳофизлари, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчилари, «Ўзбекистон ифтихори» унвонига сазовор бўлган машҳур спортчилар ва бошқа шахслар, шунингдек, маъмурий-ҳудудий бирликлар, айрим тушунчалар ва ш.к. ҳақида қўшимча мақолалар берилди. Мезон бўйича берилиши керак бўлган, лекин муайян сабабларга кўра ЎзМЭ жилдларига кирмай қолган айрим шахслар, турли тушунчалар ҳақидаги мақолалар ҳам ушбу қисмдан ўрин олди.

A

АБАТАЙХОН (1534—86) — мўғул хони; Тўшитўхонлар сулоласи асосчиси. Ойротлар 6-н қуриш олиб бориб, 1577 й. уларни бўйсундиради. Шу йили А. ўғлини ойрот хони деб эълон қилган. А. вафотидан сўнг ойротлар қўзғолон кўтариб, хонни ўлдиради қарамликдаги халос бўлишган. А. ламаизм динининг ашаддий ислоҳмандларидан ва гарғибоғчиларидан бўлиб, бу динни қабул қилиш учун 1577 й. Хух-Хотога бориб далай лама 6-н учрашган. 1585 й. ламаистларнинг Халхадаги биринчи монастири *Эрдэни-дзуни* қуришни бошлаган. 20-а. бошларига қадар Мўғулистонда А. шаҳси муқаддас саналиб сажда қилинган.

АБАҚА Абакахон (1234.3, Мўғулистон — 1282.1.4, Шаҳу) — эҳсон, ҳулокуийлардан бўлган Эрон ҳукмдори (1265–82). Эронга 1256 й. отаси *Ҳулоқу* 6-н бирга келган. Отаси вафотидан сўнг эҳсон этиб сайланган, лекин улус қоон Хубилай томонидан фақат 5 йилдан сўнггина тасдиқланган. Миср мамлуклари 6-н олиб боришган урушни бесамара давом эттиради. 1266 й. А. Шимолдаги Дашти Қипчоқдан бўладиган ҳужумни қайтариш мақсадида Кура дарёсининг шим. қирғоғида мудофаа девори бунёд этишга буюрган; Кавказ халқлари унинг вазири Шамсиддин томонидан 1278 й. тобе этдирилган. Умумий душманни бартараф қилиш учун А. мамлукларнинг душманлари бўлган европалик христианлар 6-н алоқа боғлашга уринган; унинг элчилари 1274 й. Лионда, 1277 й. Римда бўлган. Европада бу сафи-қаватлар хурсандчилик 6-н қабул қилинган. А. Англия қироли Эдуард I (1274) ва папалар Клемент IV (1267), Григорий X (1274) ва Николай III (1277) лардан нома олган. А. 1265 й. юнон маликасига уйланган. Бироқ, Мисрга қарши умумий юриш амалга ошмаган. Мамлуклар Кичик Осиёнинг бир қисмини қисқа муддатга босиб олишга эришганлар (1277) ва Эдбистон ёнидаги жангда мўғул қўшинини тор-мор қилганлар. 1280 й. мўғуллар Суриянга босиб кириб Ҳалабни вайрон этишган. Бироқ, 1281 й. А.нинг укаси Мангу Темур Хама ва Химс оралигида мамлуклардан қаттиқ зарбага учрагач, А. қўшинлари Шарқда аксинча муваффақиятли қураш олиб боришган. 1270 й. мамлакатга бостириб кирган *Барақ* бошчилигидаги Чиғатой улуси қўшинларини Ҳирот яқинида тор-мор этишган. Бундай босқинларга барҳам бериш учун А. 1273 й. Моваронуннаҳрдаги тартибсизликлардан фойдаланиб Бухоро ш.ни вайрон қилишни буюрган.

Ад.: Бартольд В.В., Абака, Сочинения, т.7, М., 1971.

АББОС Маҳмуд (1935, Фалластининг Сафад ш.) — Фалластин давлат арбоби. Дамашқ ун-тини тугатган. Дастлаб Қатар Давлатининг маъмурий тизимида хизмат қилган. Сиёсий фаолиятини Қатардаги фалластинликлар гуруҳларини ташкил этиш ва бирлаштиришдан бошлаган. А. Фалластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) асосчиларидан бири, унинг марказий қўмитаси аъзоси бўлган. 1980 й.дан ФОТнинг миллий ва халқаро алоқалар департаменти раҳбари. 1988 й.дан ФОТ Ижроия қўмитаси аъзоси, 1996 й.дан қўмитанинг бош котиби. 1996 й. янв.да Фалластин миллий кенгаши (парламенти)га сайловлар ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссияси раҳбари, 2003 й. Фалластин бош вазири, 2004 й.дан ФОТ Бош котиби ҳамда мазкур ташкилот департаментлари ФАТҲ (Фалластин Озодлик ҳаракати) раҳбари, 2005 й. янв.дан Фалластин Мухторияти раиси, ФОТ Ижроия қўмитаси раиси.

АБДУЛЛАЕВ Ёркул (1942.18.3, Самарқанд вилояти Ғозғон қишлоғи) — иқтисодчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1992), иқтисод фанлари д-ри, проф. (1990). Тошкент халқ хўжалиги ин-тини тугатган (1968). Шу институтда ассистент (1968—72), статистика кафедрасида катта ўқитувчи (1972—74), доцент (1980), ҳисоб-иқтисод ф-ти декани (1985—91), 1991 й.дан Тошкент молия ин-тида проректор. Иқтисод ишлари миллий статистика масалаларига бағишланган.

Ас.: Макроиқтисодий статистика, Т., 1996; Бозор иқтисодиёти назариясига кириш, Т., 1999; Менежмент, Т., 2001; Статистика, Т., 2002.

АБДУЛЛАЕВ Рамазон (1945.11.9, Бойсун тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2004). Қарши пед. институтини тугатган (1973). 1967 й.дан Бойсун туманидаги мактабларда бошланғич синф ўқитувчиси, мактаб директори. Фидойилик даромада ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан 180 ўринли мактаб биносини қуриб фойдаланишга топширган.

АБДУЛЛАЕВ Рустамбек Самигович (1947.13.12, Тошкент) — мусиқашунос, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (2002). Санъатшунослик фанлари д-ри (1997), проф. (2001). Санъат *Абдулазизнинг* ўғли. Тошкент консерваториясини тугатган (1970), шу ерда педагог (1969 й.дан). Санъатшунослик ин-тида илмий ходим (1975 й.дан), бўлим мудири (1993 й.дан). Тошкент театр ва рассомлик санъати институти проректори (1985–87), «Бойсун баҳори» очиқ фольклор фестивали директори (2002). Илмий ишлари *катта ашула*, ўзбек ва Ўрта Осиё халқлари мусиқа фольклори, замонавий мусиқа маданияти масалаларига бағишланган («Марказий Осиё мақоми мусиқаси», Т., 1994, рус тилида; «Бойсун мусиқа маданияти», Т., 2005 ва б.). «Ўзбек мусиқаси тарихи хрестоматияси» (Т.Соломоновна б-н биргаликда; М., 1981; 1983, рус ва ўзбек тилларида) каби ўқув қўлланмалар муаллифи. Халқаро илмий анжуманлар қатнашчиси.

АБДУЛЛАХОН I, Абдулла Султон (15-а. охири — 1540.14.9, Самарқанд) — Моваронуннаҳр хони (1540 й. март—сент.). *Абдулқайюмхоннинг* невараси, *Қўчқунчихоннинг* ўғли.

А.I кўп йиллар давомида Яссев (Туркистонда ҳозирлик қилган (тахм. 1514—40 й. март). Убайдуллахон вафот этгач (1540 й. март), Бухоро хонлиги қисқа муддат 3 қисмга бўлинган даврда Самарқандни ҳукмронлик қилган. А.I Самарқандда Регистон яқинидаги Чиҳил (Чил) Духтарон қабристонида дафн этилган. Унинг вафотидан сўнг Самарқандлари шайбонийлар тахтига ўқсаш Абдуллатифхон ўтирган.

Ад.: История Узбекистана, т.3 (XVI — первая половина XIX века), Т., 1993.

АБДУЛЛОҲ ибн АББОС (619 й., Ҳижоз, Саудия Арабистонидаги ват.-Шиб — 686, ат-Тоиф, Ўша ерда) — ислом таълимотини шарҳловчиларидан, фақиҳ, Муҳаммад (саллаҳу алайҳи васаллам)нинг амакисиларидан. Мусулмон ривоятларига кўра, А. ибн А.Расулуллоҳ тўғилар қошларининг қилган ишлари, айтган сўзлари ҳақиқатлари қисмларини тўплаш (ҳадислар) мақсадлари ниҳи изк бор ишлари сурган. А. ибн А. ишларга ишлари бўлганлиги туфайли «Ҳабр ал-умма» («Жамоа донишмандлари») лақабига сазовор бўлган. А. ибн А. *Қуръонни тафсир қилувчи*, фиқҳга оид масалаларни шарҳловчи (чуққи) доир масалалар бўйича унинг ўзи хулоса чиқарган), жоҳилият даври тарихи, Муҳаммад(саллаҳу) газотларига оид ҳикоятлари ётказувчи сифатида машҳур бўлган.

АБДУЛЛОҲ ибн аз-ЗУБАЙР (624—692) — ислом давригали машҳур цивсий арбобларидан бири. 680 й. умавийлар халифаси Язид ибн Муовия *қаттиш чиққан. 683 й. Язид вафотидан* сўнг А. ибн З. Ирок, Жан. Арабистон, Миср ва Суриянинг катта қисмида халифа деб эълон қилинган. 687 й. А. ибн З. қўшини ал-Мухтор бошчилигидаги исёнчи шиалар устидан ғалаба қозонган. Ушанлилар ҳокимияти мустаҳкамланган, халифа *Абдулмалик*нинг *Ҳажжож ибн Юсуф* қўмондонлиги остидаги қўшини А. ибн З. тарафдорларини Маккани мукаррамада қамал қилган. А. ибн З. жанда ҳалоқ бўлган.

АБДУЛЛОҲ ибн ЮСАЙН (1882, Макка — 1951.20.7., Қудус) — Трансиордания *амири (1921—46) ва қироли* (1946—50). Иордания қироли (1950 й.дан). 1916—18 й.лардаги Ҳижоз қўзғолонида қатнашган. 1921 й. инглиз мандатли бошқарувдаги Трансиордания мустор амирлиги амири деб эълон қилинган. 1946—48 й.ларда Фаластиннинг араб қисмига дахолгарлик қилган. Иорданиянинг 1948—49 й.лардаги араб-исроил урушига жалб қилган (қ. *Араб-Исроил урушлари*). Иордан дарёсининг ғарбий соҳилини зўрлик б-н қўшиб олган. *Террорчи томонидан* ўлдирилган.

АБДУЛМЎМИНХОН (1738— Бухоро — 1751) — Бухоро хони (1747—*51*). *Антарчинийлар* сулоласидан. *Абулфайзхонийлар* ўғли.

Абулфайзхон сарой фитнаси натижасида ўлдирилгач (1747), *Муҳаммад Раҳим* отаниқининг буйруғи б-н А. тахтга ўтқазилган. Бухорода тўрғай Эрон шоҳи *Нодиршоҳ*нинг укаси Аликулихон бошчилигидаги қўшини ўз юртига жўнатиб юборилган. Муҳаммад Раҳим ёш «хон»га қизини бериб, уни ўзига қуёв қилиб олган ва амалда 1747 й.дан бошлаб Бухоро хонлигини ўзи бошқаришга киришган. Бироқ орадан 4 йил ўтгач, Муҳаммад Раҳим қуёви А.ни ҳам ўлдиртириб, тахта Абулфайзхоннинг кичик ўғли *Убайдуллахон III* ни ўтқазади.

Ас.: Мирто Салимбек, Кашўлои Салимий. Тавориҳи мутлақдимии ва мутаахирин, Бухоро, 2003.

АБДУЛҚАЮМ Маъмун (1937, Мальдив Республикаси, Мале ш.) — Мальдив даолат арбоби. Қоҳираларги Ал-Азҳар ун-ти ва Америка ун-тини тугитган. *1967 й.дан Қоҳираларги* Америка ун-тида, 1969 й.дан Нигериядаги Аҳмад Белло ун-тида лектор, 1971 й.дан Мальдив Республикасида мактаб ўқитувчиси, 1972 й.дан Мальдив ҳукуматида бошқарма бошлиғи, 1974 й.дан телекоммуникация бўлими котиби, сўнг директори. 1975 й.дан Мальдив Республикаси. Бош вазири идорасида вазирнинг махсус ўринбосари, Мальдив Республикасининг *Шри Ланкалаги Фавқулодда ва Мухтор* элчиси, БМТларги доимий вакили, ташқи ишлар вазири ўринбосари, *1977 й.дан* Мальдив транспорт вазири, 1978 й. нояб.дан Мальдив Республикаси президенти.

АБДУЛҚОДИР (1308.6.9, Гетна, Жазоир — 1883.26.5, Дамашқ) — Жазоир ҳарбий ва дин арбоби, араб-исломий маданиятининг билимдони. 1831 й.дан француз мустамлакачиларига қарши қураш раҳбари. Мустақил Жазоир давлати асосчиси (1832—47). Иқтидорли лашкарбоши бўлган А. мустамлака маъмурларини ўзи б-н сулҳ тузишга мажбур қилган (1834, 1837). 1847—52 й.ларда Франциядa тутқунликда бўлган, 1853—55 й.ларда Туркияда, сўнгра Суриядa яшаган, у ерда адабиёт ва илоҳиёт б-н шуғулланган. 1860 й. Дамашқда диний қирғин пайтида минглаб христианларни қутқариб қолган.

АБДУЛҒАФФОРХОН (1890—1988) — пушту(лар мустақиллик ҳаракатининг *раҳбари*. 1919 й. «*Аскумани ислоҳи ат-Афғоний*» миллатчилик ташкилотини, 1930 й. эса «Пушту жирга» партиясини бошқарган. Бу партия Ҳиндистон миллий конгресси ва «қизил кўйлакилар» отрядлари б-н бир қаторда турган. 1947 й. бошқа пушту миллатчилари б-н бирга пуштунлар яшайдиган туманларнинг ўзини-ўзи идора этиши ва Пушту(нистони тузиш ҳақидаги миллатчилик руҳидаги шиорларни илгари сурган. Покистон барпо этилиши б-н ҳукуматга қарши мухолифатда туриб Халқ партияси *(1948 й. барпо этилган)*, сўнгра Покистон Миллий халқ партияси ташкилотчиларидан ва раҳбарларидан бири бўлган.

АБДУЛҒОЗОҚОВ Абдурахмон (1952. 6.8, Бекобод) — Ўзбекистон Қаҳрамони (2003). Меҳнат фаолиятини 1969 й.дан Ўзбекистон металлургия з-дн таъминлаш ҳўжалиги цехида оддий ишчиликдан бошлаган. Мартен цехида пўлат қуювчи (1970—77), 1977 й. дан электрда пўлат эритиш цехи оператори. Корхонада жадон талабларига мос келадиган пўлат эритиш технологиясини жорий этишда меҳнат унумдорлигини оширди, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича рационализаторлик таклифларини киритган, натижада цехда ҳар ойда 30 минг т *ўрнига 40 минг т.дан ортиқ металл* эритма олишишга эришилди. А. ўз меҳнат фаолияти давомида қўплаб шогирдлар етиштирди.



АБДУРАЗЗОҚОВ Абдуғани (1930.8.1, Тошкент вилояти Қибрай шаҳарчаси) — кимёгар олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (2001), тарих фанлари д-ри (1993), проф. (2003). Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1956). Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-тида даб. *мудири (1966—71)*, директор ўринбосари (1972—79), айни вақтда бўлим мудири (1971—98), бош мутахассис (1998 й.дан). Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн ин-тида проф. (1997—98), кафедра мудири (1998 й.дан). Илмий ишлари тарихий ёдгорликларни археологик, мъморий, санъат асарларини кимёвий-технологик усуллар ёрдамида таҳлил қилиш орқали қад. *давр ҳунармандчилигининг бошқариш*, ёғлари ва сир-асбобларини тиклашга оид. А. раҳбарлигида Ўрта Осиёнинг шимоли-ғарбий, металлургия, керамика, қурилиш материаллари, минерал бўёқлар тарихи ўрганилган, лой-тупроқдан ясалган қад. ер ости иншоотларини қотириш ва сақлашнинг янги кимёвий усуллари топилди.

Ас.: Стеклоделие Средней Азии в древности и средневековье, Т., *1963 (в соавторстве)*; Средневековые стекла Сердней Азии, Т., 1966 (в соавторстве); Реставрация настенных росписей Афрасиаба, Т., *1973 (в соавторстве)*.

АБДУРАҲМОНОВ Маҳмуд Раҳматуллаевич (1961.1.7, Тошкент) — гаичкор уста, Ўзбекистон халқ устаси (2004). Ганч ўймакорлигини уста З.Юсупов ва У. *Тошпўлатлардан ўрганган*. 1978 й.дан «Уста» республика бадиий ч-ч, уюшмасида уста. А. республика ва чет мамлакатларлари йирик меъморий иншоотлар: «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида гумбазнчи ганч ўймакорлиги, Олий Мажлис, Аэропорт, Ташқи ишлар вазирлиги қабулхонаси, Оқсарой ва б. биноларнинг гаичкори безакларини маҳорат б-н бажарган.

АБДУРАҲМОНОВ Нзби Қаюмович (1958.7.11, Тошкент) — реж., Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (2005). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1994). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1980). «Еш гвардия» театрида реж. (1980—88). 1988 й. «Дарз» театр-студиясини ташкил қилди. 1991 й.дан *Ўзбекистон Ёшлар театри* бадиий раҳбари ва бош реж.и. А. театрда чуқур рамзийлик ва айни вақтда мантиқийликка йўтрилган ўзига хос спектаклар саҳналаштирди: «Зўраки табиб» (Мольер), «Маликан Турандот» (К.Гоцци), «Иблис ақл» (П.Мериме), «Эквус» (Шеффер), «Тугурт тутган қизча» (Андерсен), «Тевье сутчи» (Ш.Алейхем), «Умар Хайём юлдузлари» (Т.Зулфиқаров, 1998, «Яхлитнинг энг яхши спектакли» деб баҳоланган), «Холстомер» (Л.Толстой), «Ато этилган муҳаббат тариқати» (Навоийнинг «Лисон-ут-тайр» достони асосида; «Ўйлаймиз энг яхши режиссёрлик иши» номинацияси бўйича «Офарин» мукофотини олган) ва б.

АБУ БАКР ШОШИЙ, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Умар ал-Имом ал-Кабир, Фахр ул-ислом (1038, Шош — 1114, Багдод) — фиқҳшунос. Фиқҳ илмини Багдодда Муҳаммад ибн Баён ал-Казаруний, Қози Абу Мансур ат-Тусий, Шайх Абу Муҳаммад ал-Жувайний, Абу Наср ас-Сиббағлардан ўрганган. Шайх Абу Исҳоқ Шерозийнинг яқин шогирди бўлган, кейинчалик улуг имом (ал-Имом ал-Кабир) даражасига етган ва Ислом фахри (Фахр ул-ислом) сифатида эл-юрт орасида шуҳрат қозонган. А.Б.Ш. Багдоддаги «Низомия» мадрасасида мударрислик қилиб, кўп шогирдлар етиштирган. Фиқҳ илмига оид «Ҳилят ал-уламо фи масоҳида ал-фуқаҳо» («Фақиҳлар мазҳабларида олимлар лайнати») асари машҳур. Асар халифа Мустаъзҳирга бағишланган. Олим ушбу китобига шарҳ сифатида «ал-Муътамад» («Ишончли») асарини ёзган. Шунингдек, алломанинг фиқҳшунослика оид яна бир йирик асари «аш-Шофий» («Шифо берувчи») бўлиб, у араб олими ад-Музаний (791—878)нинг «ал-Мухтасар» («Қисқича») асари шарҳига оид. Ушбу шарҳ 20 жилддан иборат бўлиб, А.Б.Ш. уни 5 й. давомида ёзиб тугатган. Алломанинг «Аш-Шофия шаҳобчасининг устуни», «Талоққа оид масала» каби асарлари ҳам бўлган. А.Б.Ш. араб адабиёти, грамматикаси, шеърияти ва тилшунослиги ҳамда Қуръон, ҳадис илмларини ҳам пухта эгаллаган. Багдоддаги «Боб ал-Шеро» мақбарасига дафн этилган.

АБУ БАКР ҲОМИД ШОШИЙ, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид Шоший (1007, Шош — 1092, Ҳирот) — имом, аллома, шофиъийлик шайхи. Ўз юртида фиқҳ илмини Абу Бакр ас-Саижийдан ўрганган. Тариҳчи Абу Саъд Самъонийнинг ёзишича, А.Б.-Ҳ.Ш. унинг бобоси Имом Абулмузаффар Самъонийнинг Марвдаги асҳобларидан бўлган, тақводор, зоҳид, доимо илм б-н машғул бўлган. Фиқҳ илмида «имом» даражасига етишган. Ғазна султони уни саройга таклиф этган. Бу ерда олим оила қуриб, болачақали бўлган ҳамда асарлар ёзган. Сўнгра *Нишопурдаги* уни Ҳиротга чорлаган. Ҳиротдаги «Низомия» мадрасасида мударрислик қилган. Шу ерда у Мансур ал-Қогазий, юртдоши Ҳайсам ибн Кулайб Шошийдан ҳадис илмини ўрганган.

АБУЛҒОЗИХОН, Абулғози Муҳаммад Баҳодирхон (18-а.) — *мангитлар* сулоласи даврида Бухоронинг расмий хони (1758—85). Мангитлар сулоласининг асосчиси *Муҳаммад Раҳимхон* тўсатдан вафот этгач (1758 й. 24 март), марҳум хонниг тўнғич фарзандлари бўлмаганлиги учун Бухоро хонлиги тахтига даставл униинг балоғат ёшига етмаган невараси Фозил тўра ўтқазилган. Муҳаммад Раҳимхоннинг амакиси Муҳаммад *Дониёлбий* эса янги хонга оталиқ қилиб тайинланган. Бироқ Фозилхон тез орада тахтдан туширилиб, унинг ўрнига А.Бухоро хони деб эълон қилинган.

А. ўзининг хонлик даврида даставл ишларига мутлақо аралашмаган. У фақат расмий ҳужжатларга ўз муҳрини босиш ва ўз номидан танга чиқариш б-н чекланган.

Ад.: Мирзо Салимбек, Қашқўни Салимий, Таворихи мутлақдимий ва мутааххирин, Бухоро, 2003.

АВАЗОВ Баҳром Бекназарович (1970.3.1, Гузор тумани) — курашчи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (1998). «Ўзбекистон ифтихори» (2003). А. *курашининг 81, 90 кг ва мутлақ* вазн тоифаларида Ўзбекистон (1991—2001), Осиё (2001, Тошкент) ва жаҳон (2000, Анталия; 2001, Будапешт) чемпиони. Мутлақ вазн тоифасида халқаро мусобақалар (1996, Шаҳрисабз; 1998; Хива) ва Алпомиш ўйинлари (1998, Термиз) голиби. А.Қарши педагогика ин-тини тугатган (1991), шу ин-тда катта ўқитувчи (1991—2003), Ўзбекистон Боялар спортини ривожлантириш жамғармаси *Қашқадарё* вилояти филиали директори (2003 й.дан).

АВАЗОВА Шукурия Авазовна (1939. 16.5, Урганч ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Хоразм пед. институтини тугатган (1968). 1962 й.дан Урганч ш.даги 5-интернат мактабида тарбиячи, 1966 й.дан 5-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

АДИЛОВ Аитай (1941.10.2, Тахтакўпир тумани) — қишлоқ хўжалиги *ишлаб чиқаришни новатори*, *уста деҳқони*, Ўзбекистон Қаҳрамони (2005). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими (1992), Қорақалпогистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатори (1976). Тошкент халқ хўжалиги ин-тини тугатган (1970). Меҳнат фаолиятини 1960 й.да Тахтакўпир тумани «Дўқўрғон» давлат хўжалигида хўсобчиликдан бошлаган. Тахтакўпир тумани «Қўғирлитўқўз» давлат хўжалигида бош ҳисобчи (1970—76). «Тахтакўпир» давлат хўжалиги директори (1977—93), 1993 й.дан «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги раиси. А. раҳбарлик қилган йилларда хўжалик республикада рентабеллиги юқори, иқтисодий баҳўнинг хўжаликлардан бирига айланди, хўжалигнинг машина-трактор парки энг замонавий техника б-н таъминланди, шоли, буғдой, пахтадан юқори ҳосил етиштириши эришди, ижтимоий-маданий марказлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ун, гуруч цехлари, гишт з-ди ва б. қурилди. А. 12-чақириқ Ўзбекис-



лик Республикаси Олий Кенгаши (1990–94), 1-чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати. 2005 й.дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, 3-чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати. «Шуҳрат» медали (1998), «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (2003).

АҚШАҚАМАР ҒОРИ — Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги ғор. Ҳисор тизмасининг жан.-ғарбий тармоғи бўлган Етмишсоинг ғарбий ён бағрида. 1241 м баландликда. Ғор юқорги юра даври оҳактошларида ҳосил бўлган. Кириш қисми равоқ шаклида, эни 3,5 м, бал. 4 м. Ғор ичида юқоридан эҳтимол қуюқ тушган бал. 1,5 м ли харсит маҳсули. Кириш қисмидан ичкарига томон ҳар кенглиги, уз. 19 м, бал. 16 м гача бўлган бўшлиқдан иборат. Шипи гумбаз шаклида. Сақлида диаметри 2–3 м ли тош бўлаклари бор. Биринчи зонанинг ичкарида ғор тарафи, шу жойдан иккинчи зонага ўтилади. Унинг уз. 20 м, эни 3—10 м, бал. 7 м гача. Бу зона атрофи мармар конкрециялар ташкил топган ҳосилалар (сталактит ва сталагмитлар) иборат. Сув томчилари қуятилади. Ғор ҳавосининг ҳарорати 16°, кириш қисмида 28°. Ғорнинг умумий уз. 48 м, майд. 339 м², ҳажми 1585 м³.

АЛИЗОВ Маннон Ализович (1913.1.5 — Тошкент — 1987.17.10) — кимёгар олим. Ўзбекистонда кигнат қўрсатган фан арбоби (1964). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи (1961). Кимё фанлари д-ри (1968), проф. (1960). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1937). Тошкент фармацевтика ин-тида асистент (1937 —44), кафедра мудири (1944–57), ректор (1957–70), лаб. раҳбари (1970–78). Асосий илмий ишлари биоактив координацион бирикмалар кимёсига оид. А. раҳбарлигида микроэлементларнинг турли биоактив модалар б-н бирга ликдаги 300 га яқин комплекс бирикмаси синтез қилинган. Кломид, феромид, кобальт 30 ва кулор препаратлари тиббиёт амалиётига жорий этилган. Тошкент фармацевтика ин-тида Маннон Ализов номидаги стипендия таъсис этилган.

Ас.: О комплексных соединениях биологически активных веществ с микроэлементами, Т., 1958; О комплексных соединениях некоторых антибиотиков с биактивными веществами, Т., 1969.

АЙИМБЕТОВ Қалли (1908.20.3; Қорақалпоғистон, Чимбой тумани — 1973.9.4, Нукус) — қорақалпоқ адабиётшуноси. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат (*1957*) ва фан (*1968*) арбоби. Филол. фанлари д-ри (1965), проф. (1968). Тўрткўл пед. техникумини (1929) ва Олмаота пед. ин-тини (1933) тугатган. 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—47). Илкнот халқ маорифи бўлими ходими (1924—29), и.т. институтида катта илмий ходим (1933—35). Ўқувпеддавнашрда қорақалпоқча дарсликлар тахририяти мудири (Москва, 1935—36), Қорақалпоғистон маориф халқ комиссари (1938), Тил ва адабиёт ин-ти директорининг ўринбосари (1947—48), бўлим бошлиғи (1951—53), пед. ин-тида кафедра мудири (1950—51; 1953—55), Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим (1955—65). Айни пайтда 1956 йдан Нукус педагогика ин-ти қорақалпоқ адабиёти кафедраси мудири. А. қорақалпоқ адабиётини ўрганиш, қорақалпоқ фольклорини тўплаш ва оммалаштириш, нашр этиш б-н шуғулланган. У ўзи ёзиб олган «Едига» (1937), «Алпамис» (1937) достонларини, «Қорақалпоқ мақоллари ва маталлари»ни (1956) нашр эттирган. А. 20-а.нинг 20—40-й.ларида қорақалпоқ тили, адабиёти ва фольклори бўйича бир қанча қўлланмалар яратган, тўпламлар нашр эттиргач, Мольер, К.Симонов, А.Островский ва б.нинг драмаларини қорақалпоқ тилига таржима қилган.

Ас.: Қорақалпоқ драматургияси тарихи очерклари, Т., 1963; Қорақалпоқ халқ шоирбахшилари, Т., 1965; Халқ достонлари, Т., 1968; Қорақалпоқ фольклори, Т., 1977; Ўтган кунларни эслаб, Т., 1972.

Тўра Мирзаев.

АЙИМБЕТОВА Гулхатша Аймановна (1961.24.12, Тахтакўпир тумани) — хонанда, Қорақалпоғистон (1999) ва Ўзбекистон (2000) халқ артисти. Ж.Шомуротов номидаги Нукус давлат санъат билим юртини тугатган (1983). 1980—81 й.лар Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат филармонияси қошидаги «Ойқулоч» ансамбли, 1981 й.дан «Ану тўлқини» ансамбли хонанда. Қариндош, кенг диапазонли, майин овозга эга. Репертуаридан қорақалпоқ халқ қўшиқлари («Муса сен ёри», «Ноллининг», «Жақсипақ», «Не билсин» ва б.), қорақалпоқ композитор ва бастакорлари асарлари («Кенг



дала», «Ота макон» Н.Муҳаммединнов; «Ватан», «Она тупроғим», «Ўзбекистон», К.Халалов ва б.) ўрин олган. А.нинг аксарият қўшиқлари Қорақалпоқ радиоси фонотекаси ва грампластинкаси («Гулхатша Аймбетова қуйлайди», 1982 ва б.)га ёзиб олинган.

АЙН ЖОЛУТ — Фаластиндаги тарихий қўлқоқ мўғуллар ва Миср мамлукларн қўшини ўртасида жанг бўлган (1260.3.9). *Ҳулокухоннинг* асосий қўшинлари Эронга чекинтач, мамлуклар амир Қутуз бошчилигида сон жиҳатдан устун бўлганлари ва бунинг устига салибчилардан кўмак олганлари туфайли мўғулларнинг Қутбўғо бошчилигидаги қўшини устидан зафар қозонишган. А.Ж.даги *жангдан сўнг Сурия мамлукут* ихтиёрига ўтган, мўғулларнинг Яқин Шарқдаги ҳарбий ҳаракатлари тўхтатилган.

АКА-УКА ГРИММЛАР, Якоб (1785. 4.1, Ханау ш. — 1863.20.9, Берлин) Вильгельм (1786.24. 2, Ханау ш. — 1859.16.12, Берлин) — немис филолог олимлари. Марбургда юридик маълумот олишган. А.-у.Г.нинг илмий-педагогик фаолияти Гёттингтен ун-тида бошланган. 1837 й.да конституция қонунларига риоя қилмагани учун Ганновер қиролига қасамёд қилишдан бош тортишган ва ун-т профессори лавозимларидан четлатилган. 1841 й.дан Берлин ун-т профессорлари ва Пруссия ФА аъзолари сифатида фаолият олиб боришган. А.-у.Г. немис романтикларининг Гейдельберг гуруҳига мансуб бўлиб, ўрта асрлар немис ёзма маданиятн намуналарини эълон қилишган ва шу даврда яшаган минтезингер ва мейстерзингерлар ижодиётни ўрганишган. А.-у.Г. немис фольклоршунослигида мифологик мактабга асос солганлар, халқ ижолнни, тилшунослнкка оид ишларида бўлганидек, қиёсий метод асосида ўрганганлар. «Немис мифологияси» (1835) китоби ва ҳайвонот эпосининг пайдо бўлиши ҳақидаги назарияси нафақат немис фольклори, балки турли халқлар мифологиясини ўрганишда муҳим

роль ўйнаган. Ҳар бири 2 жилд иборат немис халқ эртак ва ривоятлари («Болалар ва оила эртаклари», «Немис ривоятлари»)нинг нашр этилиши А.-у.Гримнинг энг катта хизмати ҳисобланади. Улар эртак ва ривоятларни ёзиб олишда халқ тили ва фантазиясининг ўзига хослигини тўла сақлаб қолишга *фольклоршуносликнинг асосий талаби*, деб биздилар ва ҳар бир эртакка берган изоҳларида шу эртакларнинг Европа халқлари фольклоридаги бирча нусхаларини қайд этишга интилдилар. Уларнинг фикрича кўра, эртаклар оламилари муштараклик «тўпмиф»нинг мавжудлиги ва унинг ягона ажлодининг мероси сифатида туғи халқлар ўртасида тарқалганлиги б-н изоҳланади. Бу мифологик назария узоқ йиллар мобайнида ҳукм сурганига қарамай, кейинги вақтда ўз таслимини топмади. А.-у. Г. филолог олимлар сифатида 2 жли «Немис тили тарихи» (1848) ва 4 жли «Немис грамматикаси» (1819—37) тадқиқотларини ҳам яратганлар. А.-у.Гнинг эртаклари жаҳон халқларининг кўплаб тилларига таржима қилинган ва бу эртаклар асосида театр, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари яратилган.

АКБАРОВ Озодбек (1946.19.4, Чимкент вилояти) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1994). Тошкент чет тиллар пед. институтини тугатган (1970). 1972 й.дан Тошкентдаги Ҳамза номидаги билим юрти (кейинчалик касб-ҳунар коллежида ўқитувчи, ўқув бўлими мудири, директор ўринбосари. 1979—2004 й.ларда директор.

АКИНО (Aquino) Корасон (1933.25.1, Тарлак вилояти) — Филиппин тариxчиси (*«Ер-президент (1986—92)*: Обрзи Кокуанко оилаcидан. Мамлакатни Ф. Маркоснинг авторитар тузумига қарши курашган Б. Акинонинг бевеси. 1986 й. февида Маниладаги оммавий намойишлар натижасида Ф. Маркос диктатураси тугатилгач, ҳокимият тепасига келган. 1987 й. январида ҳам амалда бўлган демократик конституция қабул қилинган. А. ҳокимиятни бошқарган дастлабки даврда «диктатура қурбони ва демократия халоскори» сифатида жуда машҳур бўлган. Иқтисодиётни модернизациялашга ҳаракат қилган.Қашшоқлик ва коррупцияга қарши курашган. Ўзукрон доиралар орасидаги ички зиддиятлар ва мухолифатнинг фаолланиши натижасида А. сиёсати самарасиз бўлган. Бироқ А. ҳокимиятни конституцияда белгилаб қўйилган муддат тугагунча идора этиб ҳокимиятни янги президентга демократик асосда топширишга эришган.

АЛ-БАРАДЕЙ, Муҳаммад ал-Барадей (1942, Қоҳира) — миср лик ҳуқуқшунос. Халқаро ҳуқуқ д-ри (1974). Қоҳира ун-тини тугатган (1962). Қоҳирадаги дипломатия хизмати ходими (1964 й.дан), Миср ташқи ишлар вазирининг махсус ёрдамчиси (1974—78), БМТ қошидаги Ўқув ва *илмий тадқиқот ин-тида халқаро ҳуқуқ* дастури бўйича катта аспирант (1980 й.дан), Нью-Йорк ун-тида халқаро ҳуқуқ ассотант-проф. (1981—87). Атом энергияси бўйича Халқаро агентлиги (МАГАТЭ)нинг Бош директори (1997 й.дан).

Атом энергиясидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш ва уидан энг самарали усуллар б-н фойдаланиш учун курашган. Нобель мукофоти лауреати (2005, ҳамкорликда).

АЛБУКЕРКИ (Albuquerque) Афонсу д' (1453, Александрия, Лиссабон яқинида — 1515.15.12, Арабистон денгизи, Гоа яқинида) — португалиялик истилочи. Ҳиндистон вице-қироли (1510—15). Осг-Индиядаги Португалия мустамлака империяси асосчиси. 1503 й. Кочин шд.да португал флотилиясига қўмондон бўлиб, форт қурган. 1506 й. Тристан да Кунъянинг экспедициясида қатнашган, унинг ихтиёрида экспедициядаги 16 кемадан 5 таси бўлган. 1507 й. Форс қўлтиғидаги Ҳўрмузни босиб олган, бироқ уни қўлда тутиб тура олмаган. 1510 й. Гоани эгаллаб олиб, уни португалияликларнинг Шарқдаги истилоларининг тайч пунктига айлантирган. Денгиз савдо йўлларини назорат қилиш учун 1511 й. Малаккани босиб олган. А. португалияликларнинг Малабар соҳилари, Цейлон о., Жан.-Шарқий Осиё мамлакатларига қилган дастлабки экспедицияларига раҳбарлик қилган. 1513 й. Аденни эгаллашга уринган, 1515 й. Ҳўрмузни 2-марта босиб олган.

АЛЕСКЕРОВ Юрий Николаевич (1913.2.3, Махачкала — 1982.24.7, Самарқанд) — таърихчи олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975), тарих фанлари доктори (1941), доцент (1949), проф. (1973). Фарғона давлат пед. институтини тугатган (1936), Фарғона ва Самарқанддаги ўрта махсус билим юртларида ўқитувчи. Ўзбекистон давлат ун-тининг аспиранти (1938—41). 2-жаҳон урушн қатнашчиси. 1948 й.дан СамДУда *илмий-педагогик фаолиятни* давом эттирган, ун-т тарих ф-ти кафедра мудири (1956—82). Илмий ишлари Самарқанд тарихи, фуқаролар урушн қабн мавзуларга бағишланган. 100 дан зиёд китоб, рисола ва илмий мақолалар муаллифи.

АЛИБЕКОВ Ислом Майбасович (1945.15.4, Чигучак, ХХР) — театр рассоми, Ўзбекистон халқ рассоми (2001). Н.В.Гоголь номидаги Озмаота рассомлик билим юртини тугатган (1969). Қорақалпоқ ёш томошабинлар театрида рассом (1969—73), 1975 й.дан Қорақалпогистон давлат мусиқали драма театрида рассом, бош рассом. А. ўз ижоди б-н театр декорацион санъати ривожига сезиларли ҳисса қўшди. «Қашқа қиз», «Берунний», «Сени топаман», «Жумгул», «Суймаганга суйканим», «Бердақ», «Оналар» каби спектакллар учун саҳна безаклари ҳамда дизайнер эскизларини яратди; у, шунингдек, ҳайкалтарошлик асарлари («Шаршара», шамот, 1981; «Автопортрет», шамот, 1982 ва б.), пантасвирда портретлар («К. Совков портрети», «Шоир С.Нурмўъминов портрети», «Актёр портрети» ва б.) ҳамда миниатюралар («Ойдин кечалар», «Қишлоқ манзараси», «Тог манзараси», «Емтиҳдан сўнг» ва б.) ҳам яратди, бадиий асарлар (Т. Қаипбергановнинг «Қорақалпоқ қизи» асари ш б.)га безаклар ишлади.

АЛИМОВА Ҳабиба Турсуновна (1942.23.2, Тошкент ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). ТошДУни тугатган (1967). 1962



И.Алибеков. «Берунний» спектаклига вилоятлари ишлаган эскизлари.

йдан Мирзо Улуғбек туманидаги 171-, 1973 йдан 241-мактаба бошлангич синф ўқитувчиси.

АЛИҚУЛОВ Алишер Маҳмудович (1966.20.11, Тошкент) — рингтошор устаси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (2003), П. Бенъков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1987) ва Бекжа номидаги Миллий рассомлик ва дизайн ин-ти (1995)ни тугатган. А. монументал ранг-тасвирда самарали ижод қилади. Асарлари мавзуи, асосан, Ўзбекистон тарихига бағишланган. Тарихий воқеалар, шахслар, анъаналар ва маросимларни реализм асосида акс эттиради: «Қад. Бақтрияда спорт ўйинлари» (1996, Олимпия шоншуҳрати музейида), «Дунё халқлари эртакларн» (1997, Ёш томошабинлар театрида), «Ўзбекистоннинг буюк сиймолари» (1998, Тошкент ш. Қаҳатао қўрғонн бош бошқармасида), Тошкент ш. қайвонот боғидаги бир неча диорамалар (1997—98), «Халқ қўғирчоқлари ва қалпчилик ҳаракатлари» (2000) ва «Амир Темур жаҳон тарихида» (2002, иккаласи ҳам Ўзбекистон тарихи музейида) ва б. монументал асарлар; «Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан ғалабаси» ва «Самарқанд бозори» (1996, Темурийлар тарихи давлат музейида), «Амир Темур мақбараси», «Байроқ ўчун жанг» (1996) ва «Қаҳрнинг забт этилиши» (1998, иккаласи ҳам Марказий офисларда ўйлда), «Совға» (2003) ва б. пастел асарлари.



А.Алишов. «Қаҳрнинг забт этилиши».

А. республика ва хорижий мамлакатлар (Озарбайжон, Туркия, Миср, Македония, АҚШ ва б.) даги кўргазмаларда асарлари б-н қатнашган. «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1996). Ўзбекистон БА Олтин медали б-н тақдирланган (2001).

АЛЛАМУРАТОВ Ёмғирт Тоҳамуратович (1960.1.3, Кегейли тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2005). ТошДУни тугатган (1982). 1986 йдан Кегейли туманидаги 8-, 1987 йдан 4-мактабда геогр. ўқитувчиси. Геогр. фани ўқув режаси асосида ўқувчиларни Тошкент, Самарқанд, Хива ш.лари, Сулton Увайс тоғига олиб бориб, сайқат дарс ўтади. 8-синф ўқувчилари учун «Қорақалпоқистон географияси» дарслиги муаллифларидан бири.

АЛОУДДИН ХАЛЖИ, Алоуддин Муҳаммадшоҳ I — Деҳли султонлиги ҳукмдори (1296— 1316). Амакиси Жалолиддин Халжини хиёнаткорона ўлдириб тахтни эгаллаган. Салтанатни мустаҳкамлаб, ҳудудини кенгайтирган. Ягона маъмурий тизимни жорий қилган, солиқларни тартибга солган. Мусулмон руҳонийларининг давлат ишларига аралашувига чек қўйган. Иқтисодчилар ва мусулмон-диний муассасаларни (иноомлар ва вақфлар) давлат хазинаси фойдасига мусодара қилинган, ерлардан олинадиган солиқ миқдори анча оширилган. А.Х. даврида деққонлардан олинадиган натурал солиқдан миқдори ҳосилнинг ярмигача оширилган. А.Х. улкан қўшин тузган, мўғуллар саҳтакатнинг шим.-ғарбий чегараларига қилган босқинларини бир неча марта (1303—08) қайтарган. Ўз навбатида Жан. Ҳиндистонда зафарли урушлар олиб борган (1306—13 й.лардаги Деқан юришлари). А.Х. Ашока даврилан сўнг биринчи бўлиб бутун Ҳиндистон ҳудудини ўз ичига олган ягона давлат тузишга эришган.

АМИНОВ Маҳмуд Усмонович (1908.9.6, Коғон тумани — 1992.8.6, Самарқанд) — тарихчи олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1977), тарих фанлари номзоди (1947), доцент (1953). Ўзбекистон пед. академиясини тугатган (1933). СамДУда ассистент, тарих ф-ти ўқитувчиси ва декан ўринбосари (1937—41). Самарқанд вилояти халқ таълими пед. кабинети мудири (1941—44), 12-билим юрти директори ва ўқитувчилар малакасини ошириш ин-ти ўқитувчиси. Пед. ин-т директор ўринбосари (1953—55). СамДУнинг тарих ф-ти декани (1944—53; 1956—74). Ўзбекистон халқлари тарихи кафедраси мудири (1967—71), кафедра доценти (1974—92), ўқув ишлари бўйича проректор (1977—78).

АМИРОВ Фикрет Мешоди Жамил ўғли (1922.22.11, Ганжа — 1984, Боку) — озарбайжон композитори. Халқ артисти (1965), Меҳнат Қаҳрамони (1982). Озарбайжон ФА акад. (1980). Озарбайжон опера ва балет театри директори (1956—59), Озарбайжон (1958 й.дан), Бутуниттифоқ (1971) композиторлар уюшмаси котиби. «Севинч» операси (1953), «Юрак ўғрилари» мусиқали комедияси (1943), «Минг бир кеча» балети (1979) маш.-дур. «Шур», «Кюрд овшари» (1948), «Баяти-Шираз» (1971) симфоник мугомлари б-н «мақом симфонизми»га асос солган. Озарбайжон ва б. Шарқ мамлакатлари (жумладан, Ўзбекистон) композиторларининг симфоник ижодига таъсир қилган.

АНДРЕЕВ Леонид Владимирович (1983.6.10, Тошкент) — енгил атлетикачи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (2002), «Ўзбекистон ифтихори» (2002). Ўспиринлар ўртасида Ўзбекистон (2002), лангарчўп б-н сакраш бўйича Осиё (2002, Бангкок), ўн кураш бўйича жаҳон (2002, Кингстон) чемпиони. Эркаклар ўртасида лангарчўп б-н сакраш бўйича Ўзбекистон чемпионати голиби (2003). А. Тошкентдаги республика олимпия захиралари коллежини тугатган (2002), Тошкент аграр ун-тида ўқийди (2005).

АНРИ (1955.16.4, Богдорффъ) — Люксембург давлат арбоби, Люксембург Буюк Герцоги Жан ва Герцогиня Жозефин Шарлоттанинг ўғли. Же-

нева уи-тини тугатган. Сэндэрст (Буюк Британия)даги Қироллик ҳарбий академиясида ўқиган (1974—75). *1980—2000 йилларда Люксембург* Давлат кенгаши аъзоси, Люксембург Буюк Герцоги вакиллик вазифаларининг бир қисмини бажарувчи; айни вақтда Люксембург Олимпия қўмитаси президенти (1998—2000). 2000 й. 7 окт.дан Люксембург Буюк Герцоги.

АРАБ МУСИҚАСИ — *араблар* мусиқа маданияти. Тарихий илдизлари *бадавий* қабилаларининг маданий анъаналари б-н боғлиқ. Қабила шоири ўз шеърларини қўшиқ шаклида, мусиқий оҳангларда ижро қилган. Кўп мусиқавий- шеърий жанрлар кундалик ҳаётий-маиший шароит, оилавий ва диний маросимлар б-н боғлиқ ҳолда шаклланган: мотам қўшиқлари — нава, марсия, ҳажвий — ҳижв, насиҳат — ҳикма, диний маросим қўшиқлари — саж. из-зар ва б. А.м.нинг мазкур энг олдий турлари асосида б-а. оҳирги — 7-а. бошларида шаклан мураккаброқ, мавзу жиҳатидан *бойроқ айтим жанрлари — насб, синад*, ҳазаж, ҳанафи, ҳимари, рукбани, ҳамринг ва б. вужудга келган.

Исломгача бўлган (Жоҳилия даври) А.м., асосан, «қийдан» деб аталмиш профессионал қўшиқчи ёлланма ижодида ривожланди. Бунда араб бўлмаган (ажам) халқларан чиққан қўшиқчиларнинг ҳиссаси катта. 7-а. бошларида Сосонийлар давлатининг сиёсий ва маданий таъсири кучайиши б-н Арабистон ў.о.да Марказий Осиё ва Эрон мусиқий анъаналари кенг тарқалган. Мусиқа ижрочилигида Арабистон, Марказий Осиё, Эрон халқларининг ўзаро мусиқа асбобларни —мазҳар, барбат, муваттар, танбур, ванн, рубоб, қирон, чанг (санж), пуфланма созлари — най, сурнай, мизмар, урма чолғулар — табла, даллб, дафф, дарабукка кенг тарқалган.

7-а.да араб қабилаларининг бирлашуви, ислом динининг қабул қилиниши ва илк араб давлати (халифалик) юзага *келиши араб маданиятининг ўсишига* сабаб бўлган. Ахли айтиш ва Қуръонни тиловат қилиш усулларн ажам мусиқа ижро йўлларини бойитган ва, шунингдек, бу давр А.м. ислом фатҳ этган мамлакатлар халқларининг юксак санъатини ижодий ўзлаштириш асосида ривожланган. Профессионал вокал жанри — «ғина ал-мутқан» асосчилари Соиб Хосир (? — 683), Ношит Форси (8-а). Тувайс (? — 710), Ибн Мисжах (? — 715), Ибн Сурайж (630—726), Жамила (? — 720) ва б. аслида Марказий Осиё ва эронлик бўлиб, А.м. *та ўз халқлари мусиқа санъати* ўзгаларини одиб киришган.

9—11-а.лар араб маданияти, хусусан, мусиқа юксак даражага эришди. Марказий Осиё ва Эрон халқлари амалий мусиқани ва қад. юнон мусиқа назариясини танқидий ўрганиш асосида буюк мутафаккирлар Киндий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, «Соф биродарлар» («Ихвон ус-сафо» олимлар уюшмаси) ва б. араб тилида мусиқа илмининг юксак намуналарини яратишган. А.м. фани ва эстетикасининг равнақ топишида 9-а. ўрталарида Багдодда таъсис этилган «Байт ул-ҳикма» («Ҳикмат уйи») олимларининг таржимонлик фаолияти ҳам катта роль ўйнади.

Хуросонлик буюк мусиқачилар — Мансур *Залзал* (? — 791), ота-бола Иброҳим (742—804) ва Исҳоқ (767—850) Мавсилн, сўгдлик Аллавейҳ (9-а.), Зиреб (10-а.) араб мусиқасига *муҳим ҳисса қўшган*. А.м. *янги созлар* 6-и бойитган. Самарқандлик Хулайс бин Ахвас ихтиро этган шоҳруд, Мусо бин Шокир қурган гидравлик орган (араб. «арган румий»), шоҳин, сурнай мусиқа ўқаларётида кенг қўлланилган. Профессионал жанрларни ижро этишда ва илмий тажрибалар ўтказишда *уд* асосий чолғу асбоб бўлиб хизмат қилган.

12-а. охири — 13-а. бошларида А.м. *ўн икки мақом* тизими доирасида ривожлана бошлади. Кейинги даврда мусулмон *диний мусиқасининг* қўшиқ жанрлари — *зикр*, мадх ан-набавия ва б. пайдо бўлган. 19-а. иккинчи ярми — 20-а.да араб мусиқачилари миллий *мусиқа анъаналарини қайта тиклаш* ни мақсад қилиб қўйди. Шу даврда «тахта» ансамбль-ижрочилик анъаналари кенг тарқалди. Кўп қисмли чолғу жанрлар — башраф (*ёки пешраф*), тақсим, самоий, тахмила, донга, вокал-чолғу туркумлар — нуба, дор, *мувашшах*, лирик қўшиқ жанрлари — дубайт, айдали, мавзвал янгича дунёвий *маъно касб этди*.

20-а. бошларида Европа симфоник ва опера мусиқасининг ифодавий воситаларини ижодий ўзлаштиришга интилиш кучайди. Бу йўналишда айниқса, мисрлик композиторлар Сайд Дарвеш (1892—1923), Юсуф Грейз (1899—1961) катта муваффақиятга эришди. Симфоник мусиқа усталари Рифат Гарви (1924 й.т.) ва Ҳалим ад-Даба (1921 й.т.) асарлари жаҳоилати кўп концерт залларида ижро этилади. Мисрлик машҳур яшулачи Умм *Кулсум* ижодида *замонавий араб қўшиқчилиги юксак* погонага кўтарилди. Деярли барча араб мамлакатларида ўрта ва олий мусиқа ўқув юртлари дастурларига ҳам миллий, ҳам Европа мусиқа санъатини ўргатиш мақсад қилиб қўйилган. А.м. масалалари (унинг *анъаналарини сақлаш* ва *ривожлантириш* вазифаларини белгилаганн қатор халқаро илмий конгресслар ўтказилган (Қоҳира, 1932, 1969, Бағдод, 1975).

Ад.: Эль Сайд Моҳамед Авад Хавас, Современная арабская народная песня, М., 1970; *Болин Н.*, Очерки арабской музыки, М., 1977.

Абдуманнон Иззатов

АРАБОВА Карима (12.20.9, Денов тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Самарқанд пед. билим юртини тугатган (1949). 1950 й. дан Денов туманидаги 3-, 1956 й.дан Пастлаттком туманидаги 25-, 1969 й.дан Кизирик туманидаги 28-, 1984 й.дан 32-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

АРМРЕСТЛИНГ (инг. arm — қўл, wrestling — кураш) — спорт тури, икки *киши* (спортчининг махсус столда тирсагини таянчдан узмасдан бир-бири-



Армрестлинг мусобақаси.

нинг қўлини қайириб мушти сиртини спорга тегизиш учун курашди. Агар ўнг (чап) қўл 6-и мусобақаланилса, чап (ўнг) қўл 6-и столдаги махсус тутқичдан ушланади. Мусобақада вақт чекланмайди. Эркаклар 50, 55, 60, 65, 70, 75, 80, 90, 100, 110 кг ва 110 кг дан зиёд, аёллар 45, 50, 55, 60, 65, 70, 80 кг ва 80 кг дан зиёд вазн тоифаларида мусобақалашадилар.

А. қолимий қув синашиш турларидан *бири бўлишига қарамасдан 20-а.ининг* 50-йилларга келибгина АҚШлаги олис мафлис қитъасини яшовчилар қайтадан ўрганида спорт тури сифатида шаклланди. 1962 й.да Жахон армрестлинг федерацияси (WAF)га асос солинди, ушa 95 давлат (Ўзбекистон 1996 й.дан) аъзо (2005). А. бўйича илк жаҳон чемпионати 1962 й.да Осиё чемпионати 2000 й.да) ўтказилди. Шундан буён ҳар йили эркаклар, аёллар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатлари ташкил қилинади. А. АҚШ, Грузия, Россия, Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон каби давлатларда кенг ривожланган.

Ўзбекистонда А. 20-а.нинг 90-й.ларида спорт турлари қаторидан ўрин олди. 1991 й.да Ўзбекистон А. федерацияси тузилди ва *Ўзбекистон* чемпионатлари (эркаклар ва аёллар ўртасида) уюштирилди. Хоз. вақтда мамлакатда А. бўйича 10 дан зиёд турли тоифалари мусобақалар ташкил этилди. Ўзбекистон А. чилари 1995 й.дан халқаро мусобақаларда қатнаша бошлаган. А. *бўйича ўз ваqти тоифаларда* Умаржон Ахмедов 6 карра (1998—2000, 2002, 2003, 2005), Юсуф Қодиров 2 карра (2000, 2002), Фарид Усмонов 2 карра (икки турда, 2005), *Мирзохид Шарапов (2001,* Сарвиноз Тангатова 2 карра (икки турда, 2005), Руслан Мухторов (2005) жаҳон чемпиони бўлишди. Шунингдек, Аъзбек Асалов, Жасур Алиакбаров, Елена Шафронова, Амир Ўроқов каби А.чилар жаҳон чемпионати совриндорлари ва Осиё чемпионларидир. Республикадаги 67 та А. бўлими ва тўгаракларида Фикрат Керимов, Қурбон Қонишев, Игорь Шишков, Павел Докучаев каби 29 нафар мураббий қўл остида 809 киши (45 нафари аёл) шу спорт тури б-н мунтазам шуғулланади (2005).

АРМСТРОНГ (Armstrong) Луи Даниэл (1900.4.7, Нью-Орлеан — 1971.6.7, Нью-Йорк) — афроамерикалик созанда (труба), қонандa, актёр, жаз санъати асосчиларидан. Илк жаз ансамбларининг ташкилотчиси ва иштирокчиси. Чикаго ва Нью-Йорк жаз-оркестрларида қатнашган. 1947 й. «Луи Армстронгнинг барча жалдузлари» ансамблини ташкил қилиб, у б-н бирга Европа, Африка, Шим. ва Жан. Америкада гастролда бўлган. Ўзига хос эҳтиросли ва бадиийгўй ижро услубини яратган. Бир неча блюз ва қўшиқлар муаллифи. Мохир труба *ижрочиси сифатида кўпгина тайлов*ларда олий мукофотлар б-н тақдирланган. 1938 й.дан кинода суратга тушган.

АРТЕМЕНКО Любовь Владимировна (*1946.8.11, Қирғизистоннинг* Аламадин тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Қирғизистон ун-тини тугатган (1969), 1969 й.дан Фрунзе (ҳоз. Бишкек) ш.даги 4-, *1971 й.дан Зарафшон ш.даги 2-мак*табда мат. ўқитувчиси, ўқув бўлими мудири (1973—84, 1987—90), 3-мактаб директори (1984—86 ва 2002 й.дан), 1986 й.дан 8-мактабда мат. ўқитувчи*си, директор.*

АСАД Башар (1965.11.9, Дамашқ ш.) — Сурия давлат арбоби. Дамашқ университетини тугатган (1988). Ҳафиз *Асаднинг* ўғли. Дивизия генерали. 1992 й.дан кўз касаллиқлари врачи *сифатида Лондон*да малакасини оширган. 1994—2000 й.ларда армия сафида. 2000 й. июлдан Сурия Араб Республикаси (САР) президенти. Айни вақтда САР қуролли кучлари бош қўмондони, Араб социалистик уйғониш партиясининг бош котиби.

АСТУРИАС (Asturias) Мигель Анхель (1899.19.10 — Гватемала — 1974.9.6) *— гватемалалик журналист, ёзувчи* ва дипломат. *1925*—33 й.лар Европада эмиграцияда бўлган. «Гватемала афсоналари» (1930) китобида майя қабиласи мифологиясини шеърий йўлда акс эттирган. «*Сеньор президент*» (*1946*) романида зулмга асосланган режим ва фош қилган. А.нинг дунёга танитган романи-трилогияси 20-а. Гватемала халқининг озодликка эришиш йўлидаги кураши ғоялари б-н суғорилган («Кучли шамол», 1950; «Яшил Папа», 1954; «Дафн этилганлар кўзи», 1960). «Жўхори одамлар» (1949), «Мулат аёлнинг ўзгинаси» (1964), «Лид Соль кўзгуси» (1967) романлари ҳам бор. А. ижодига Гватемаладаги маҳаллий аҳоли (майялар) урф-одатлари, фольклори сезиларли таъсир кўрсатган. Нобель мукофоти лауреати (1967).

АФРИКААНС, бур тили — ҳинд-европа тиллари оиласидаги герман тиллари*дан бири (гарбий герман гуруҳ*часи). ЖАРнинг расмий тили (инглиз тили б-н бирга). Асосан, ЖАРнинг Трансвааль, Оранж, Кап вилоятларда, шунингдек, Намибия, Замбияда ва б. қўшни мамлакатларда тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 6 *млн. кишига яқин (1980-й.лар охири;* 1990-й.лар охирида бу миқдор бирмунча камайган).

А. 17-а.да ниderланд тилининг баъзи лаҳжалари б-н немис ва инглиз тилларининг ҳамда готтентот, бушмен, банту каби маҳаллий тилларнинг ўзаро аралашуви ва аралашиб кетиши жараёнида юзага келган. А.нинг муҳим белгиси унинг ҳудудий лаҳжаларга бўлинмаганлигидир. Ўзига хос *хусусиятлари 17-а. охирларида Кап* вилояти давлида шаклланган. 18-а.да ва 19-а.нинг 1-ярмида фақат озгина сўзлашув тили сифатида сақланган. Ҳ.да ёзилган дастлабки асарлар 19-а.нинг 70-й.ларидагина пайдо бўлган. А. 1925 й.дагина расмий тил мақомига эга бўлган — Жан. Африка Иттифоқининг давлат тили деб эътироф этилган.

Фонетик тизими ва лексикаси асосан ниderланд тили таъсирида шаклланган; маҳаллий африка тилларидан ўзлашган сўзлар оғзаки нутқда ташқил этади.

Ад.: Миронова С.А., Язык африкаанс, М., 1969.

АҲМЕД Наждудин (*1931.1.2,* Мунширанж) — Бангладеш давлат арбоби. Дакка ун-ти (1954), АҚШда Висконсин ун-ти (1958)ни тугатган. Тупроқшунослик фанлари ф-ри. 1963 й.дан Дакка ун-тининг тупроқшунослик *ф-ти проф. ёрдамчиси, 1964 й.дан проф. ўринбосари, 1973 й.дан проф.* 1968—69 ва 1976—79 й.ларда Дакка ун-ти тупроқшунослик факультети департаменти раиси, 1989—91 й.ларда ун-т биология ф-ти декани. 1991 й.дан Бангладеш муваққат ҳукумати маслаҳатчиси. Иқтисодий ислоҳотлар комиссияси раиси, 1995 й.дан Ун-т грантлари комиссияси раиси, 1999 й.дан Бангла*деш ун-ти ректори.* 2003-й. фев.дан Бангладеш Халқ Республикаси президенти. Бир қанча хорижий ун-тлар фахрий проф.

АҲМЕДОВ Рустам (1947.8.9, Нурота ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Тошкент пед. институтини тугатган (1972). 1971 й.дан Нурота туманидаги 7-, 2-мактабларда *геогр. ўқитувчиси,* 2-мактабда директор ўринбосари, 1998 й.дан директор, 2001 й.дан геогр. ўқитувчиси.

Б

БАЙТ (инг. byte) — стандарт *ёиттлар* сони (одатда 8) дан тузилган тўплам; шу тўпламни ЭҲМ да узатишда, сақлашда ва ўзгартиришда ахборотлар сони бирлиги сифатида фойдаланилади. Баъзи *компьютерлар*да Б.лар адреси ҳар икки узунликда бўлиши мумкин.

БАРАКАТ — Туркманистоннинг Болкон вилояти Баракат туманидаги шаҳар. Туман марказли. Кўрсатгич тизмасининг этагида, Қорақум каналининг қуйилиш қисмида жойлашган. Ашхободдан 292 км шим.-ғарбда. Ашхобод — Туркманбошш йўналишидаги т.ў.т. станцияси. Аҳолиси 20 минг кишига яқин (2005). Шаҳар ўтмишда Қарағанжик (1881 й.гача шу номдаги қишлоқ), кейинчалик Қизилжиқ (1895 й.дан) деб аталган. Т.ф. қирғизларидан кейин қишлоқ яқинида ст-я вужудга келган. Бу номлар маҳаллий бўлоқларнинг тузлилиги шаклига қараб халқ томонидан берилган. 1939 й. Қизилжиқ қишлоғи шаҳар мақомини олди, 1999 й.дан Баракат деб юритилади. Б.да т.ф. транспорти корхоналари, тилаҳчилик ф-каси, қурилиш материаллари з-ди фаолият кўрсатади. 4 умумий таълим мактаби, кутубхона, касалхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

БАРАНГИ, Баранжи — илк ўрта асрларда Ўзбекистоннинг жанубида мавжуд бўлган шаҳар. «Б.» номи қад. эроний ва «бара» — девор, қалъа ёхуд шаҳар маъносини англатади. Шўрчи ш.дан 8 км шим.-ғарбда жойлашган. 10—11-а.ларда бу ерда металл ж-я. ривожланган. Айрим тадқиқотчилар (Ш. Камолиддинов)нинг фикрича, Б. *Шўрчи ш. ўрнида бўлган. Шўрчи* атрофидан 11—12-а.ларда қурилган кўп устунли намозгоҳ масжиди қолдиқлари чиққан (1970 й. Ф. Ҳасанов). Масжид 6—8-а.ларгани иншоот ўрнида қад кўтарган.

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ — Ўзбекистоннинг касбҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган оммавий спорт мусобақалари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарори (2001 й. 19 янв.) асосида ташкил этилган ҳамда «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги (2003 й. 3 июнь) қарорига биноан республика фанлараро босқичлари 3 йилда бир марта ўтказилиши белгиланган. Мақсади — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасаларидаги ўқувчи ёшларни жисмоан етук, ахлоқан барқамол ва ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, иқтидорли спортчи ёшларни иқтидорли спортчи ёшларни иқтидорли мусобақаларга тайёрлаш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммавийлаштириш. «Б.а.» с.ў.да бадиий гимнастика, баскетбол, бокс, волейбол, гандбол, енгил атлетика, стол тенниси, сузиш, теннис, футбол каби олимпиада ўйинлари дастурига кирган ва шахмат, белбоғли кураш, кураш синглари оммалашган спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Саралаш мусобақалари ўқув юртн, туман, шаҳар ва вилоятларда, республика финал босқичи битта ҳудудда тантанали равишда ташкил этилади. Республика финал босқичлари ялт бор Жизах (2001), сўнгра Андижон (2003) ва учинчиси Тошкент (2005) вилоятларида бўлиб ўтди. Учинчи «Б.а.» с.ў. спартакиади мусобақаларида 645 минглан зиёд, унинг финал босқичида 2170 нафар ўқувчи қатнашди (2005).

БАРРЕЛЬ (инг. barrel, асосий маъноси — бочка) — инглиз ўлчовлар тизимидан фойдаланилаётган АҚШ, Буюк Британия ва б. мамлакатларда қўлланилаётган сигим ва ҳажм ўлчови. АҚШ да қуруқ Б. (115,628 дм³) ва нефть Б. (158,988 дм³) қўлланилган. Буюк Британияда сочилувчан моддла учун қўлланилгани Б. 163,65 дм³ га тенг.

БАСЕСКУ Траян (1951.4.11, Констанца уездининг Бессараби ш.) — Румыния давлат арбоби. Фуқаролик денгиз кемачилиги ин-ти (1976) ва Денгиз транспорти академияси (Норвегия) (1995)ни тугатган. 1976 й.дан Румыния денгиз флоти зобити, 1981 й.дан денгиз савдо кемаси капитани, 1987 й.дан Антверпен (Бельгия)даги Румыния денгиз пароходчилигининг «Навром» савдо агентлиги бошлиғи, 1989 й.дан Румыния транспорт вазирлигида фуқаро авиацияси бўйича денгиз кемачилиги ин-ти (1976) ва Денгиз транспорти академияси (Норвегия) (1995)ни тугатган. 1976 й.дан Руминия денгиз флоти зобити, 1981 й.дан денгиз савдо кемаси капитани, 1987 й.дан Антверпен (Бельгия)даги Руминия денгиз пароходчилигининг «Навром» савдо агентлиги бошлиғи, 1989 й.дан Руминия транспорт вазирлигида фуқаро авиацияси бўйича денгиз кемачилиги ин-ти директори, 1990 й.дан Руминия транспорт вазирлигида денгиз транспорти бошқармаси бошлиғи, 1991—92 ва 1996—2000 й.ларда Руминия транспорт вазири, 1992 й.дан Руминия Депутатлар палатаси (парламент) аъзоси, саноат ва хизмат кўрсатиш масалалари бўйича парламент комиссиаси раиси ўринбосари, 2000 й. июлдан Бухарест ш. мэри, 2004 й. 12 декдан Руминия президенти. 2001 й. майдан Руминия демократик партиясн раиси, 2004 й. ноябрдан «Адолат ва ҳақиқат» ўнг центристик либерал-демократик альянс ҳамраиси.

БАЧЕЛЕТ Мишель Жонин (1951, Сантьяго ш.) — Чили давлат арбоби. 1979 й. Чили ун-тининг тиббиёт ф-тини ўқишга киргач, 1973 й. 11 сент.даги ҳарбий тўнтаришдан сўнг, Австралия ва Германия Демократик Республикасида яшаган; Берлиндаги Гумбольт ун-тида тиббиёт бўйича ўқишни давом эттирган. Ватанига қайтиб келгач, 1982 й. ўқишни тугатган. Чили социалистик партияси аъзоси бўлган. Чили сотлиқчи сақлаш вазири лавозимида ишлаган. 2002 й.дан мамлакат ҳарбий муассасасининг бошқарган. 2006 й.дан Чили Республикаси президенти.

БАШШАР ибн БУРД (714, Басра — 783, Багдод) — араб шоири. Асли форс бўлиб, ёшлигидан кўзи кўр бўлган. Басра ва Багдодда яшаб, араб ва форс тилларида ижод қилган. Мумтоз лирикасининг устаси, мақтов-мадҳия ва ҳажвий мазмундаги шеърлар муаллифи. Араб шеъриятидаги янгиланиш ҳодисаларни бузиб, «янгича услуб»нинг асосчиси бўлган. Оғирқасида зардуштийлик ғоялари ҳамда тарғиб қилганлиги, бинобарин, «заҳоқсизлиги» учун 744 й.дан оқа шаҳридан қувилиб қилинган. Ироқ бўйлаб сарсон-саргардон бўлиб юриб, 762 й.да Басрага қайтиб келган. Халифа ал-Маҳдийнинг сарой (мадоҳ) шоири бўлишга ҳаракат қилган. Вазир Яъқуб ибн Довуд ҳақидаги заҳарханда ҳажвлари учун халифа умрига кўра қалтаклаб ўлдирилган. Б. ибн Б. ҳақида қўплаб латифалар тўқилган; улар *Абулфараж Исфаҳонийнинг* 20 ж.ли «Ал-агоний ул-кабир» («Қўшиқлар катта китоби»да сақланиб қолган.

БЕЙСИК (BASIC, инглизча Beginners — бошловчилар учун, All-purpose — универсал, Symbolic — рамзий, Instruction — ўқув, Code — код сўзларнинг бош ҳарфларидан тузилган) — программалаш мутахассис бўлмаган фойдаланувчилар (муҳандислар, олимлар, талабалар) учун тахминий *программали тил*, 1960 йилларда АҚШ да ишлаб чиқилган. Асосан шахсий ЭҲМ лари фойдаланилади.

БЕККЕТ (Beckett) Сэмюэль (1906.13.4, Дублин — 1989.22.12, Париж) — ирландиялик шоир, драматург ва романнавис; *модернизм* вакили. Ижодини ва француз тилларида ижод қилган. Дублиндаги Тринитикоплежни тугатган. 1937 й.дан Франциядя яшаган. «Тепишдан кўра санчиш кўпроқ» (1934) ҳикоялар тўпламн, «Қайроқлар садоси» (1936) шеърий тўпламн ҳамда «Мёрфи» (1938) романини нашр эттирган. «Годони кутиб

(1952), «Ўйин интиҳоси» (1957) ва «Магистрлонинг охирги тасмаси» (1959) каби социалистик пьесаларида айрим фожиасимон тонлий услубий хусусиятлари акс этган. Улар қаҳрамонлари ҳаётнинг бемаъни, тутуриксизлигини ҳис қилиб яшовчи ва инсонийликнинг ҳақиқатий келажагини ҳалқатли қидирган ўзлари туфайли захматга тўлиб қолган, ҳам маънавий, ҳам жисмоний мажруҳ кишилардир. «Мозорлар» (1951), «Малол ўлгитти» (1951), «Номсиз» (1953) романларида «оғир онгни» ташвишга (Ғарбий Европа адабиётида 20-а. бошидаги инсоний тамойил — руҳий-маънавий ҳаёт жараёнларини бевосита, муаллиф иштирокисиз акс эттириш) интилишлари намоён бўлган. «Ҳалокат» (1982) пьесасида синаткор эрки қидирган фикр изтироб сурилган. Нобель мукофоти лауреати (1965).

БЕНЕДИКТ XVI (1927.16.4, Маркткен-Инн, Германия) — Рим папаси, Рим католик черкови ва Ватикан давлати бошлиғи. Фуқаролик номи — Йозеф Ратцингер. Мюнхен ун-ти ҳузуридаги Илоҳиёт ин-тини тугатган, 1951 й. руҳоний рутбасини қабул қилди. 1952—77 й.ларда Германиядаги олий ўқув юртларида ўқитувчи. 1977 й.да Мюнхен ва Фрайзинг архепископи, шунингдек, кардинал. 1981—2005 й.ларда диний таълимотлар бўйича конгрегация (бошқарув органи) префекти; айни вақтда Ватикан кардиналлари коллегияси деканн (2002—2005). 2005 й. 19 апр.да Рим папаси ва Рим католик черкови бошлиғи этиб сайланн қилда Бенедикт XVI номини олди.

БЕРДИЕВ *Икром Нуғмонович* (1974.23.1, Шахрисабз) — боксчи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (2002). «Ўзбекистон ифтихори» (2002). 81 кг вазн тоифасида Ўзбекистон (2000, 2001), Осиё (2002, Серембан) ва Осиё ўйинлари (2002, Пусан) чемпиони, Афри-Осиё ўйинлари бронза медали совриндори (2003, Хайдарабод). Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини тугатган (1997), Чирчиқ ш. ички ишлар бўлимининг инспектори (1997 й.дан).

БЕШЁЧОҚ, Бешоточ — ўтмишда Тошкентдаги тўрт даҳалан бири. «Тарихи жадиди Тошканд» асарида (19-а.) Занғиота даҳаси номи б-н қайд этилган. *Даҳа номи баъзан олимлар (Х.Ҳасанов) фикрича, қад. турқий узунлик, масофа ўлчови — оғоч*дан олинган (1 оғоч — 7—8 км). Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадиди Тошканд» асарида даҳа номи бешёғоч қавми, тоифаси номидан олингани айтилган. С. Қораевнинг маълумотига кўра, ўзбек қўнғиротлари таркибида бешоғоч уруғи бор. Тошкентнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур даҳалари б-н туташ бўлган. Б.нинг чегараси шим.-ғарбдан Қуйи Бўзсув бўйлаб (ҳоз. Уйғур ва Самарқанд дарвоза кўчалари оралиғидан), шарқ тарафдан Бешёғоч — Хадра йўналиши бўйлаб (ҳоз. Фурқат кўчасидан) ўтган. Даҳанинг жан. томонида боғ-роғлар жойлашган. Б. қудудидан Чуқуркўприк ва Заҳарик жарлик-сойлари ўтган. Б.даги меъморий ёдгорликлардан Абубақрхон шайх мадрасаси машҳур. Даҳада шаҳарнинг 3 дарвозаси (Самарқанд, Кямолон, Бешёғоч). 75 масжид, 3 мадраса (Абубақрхомхон, Хожа Ахрор, Кўкалдош), қўплаб хумдонлар бўлган. Н.Маевнинг маълумотига кўра, 1876 й. Б.да 1400 хонадон *(12450 киши)* яшаган. Б. *ўзининг боғлари*, мистарлик буюмлари б-н шуҳрат қозонган. Б.нинг Самарқанд дарвозасидан бир фарсах (6—7 км) нарида Занғиота (Чўпонота мозори) жойлашган. 19-а. ўрталарида бу ерда Б.ликлар ҳар йили қовун сайли ўтказишган. *20-а. бошларида Б.да 75 та* маҳалла бўлган. Бўзсув даҳани 2 қисмга ажратган, сўл қирғоғининг айрим қисмларини Кўкча даҳасига тегишли бўлиб, унда кўпчилик э-даги ва боғлар жойлашган. Б. даҳаси Ахрордан сув оладиган бир қанча ариқлардан сув ичган: *Жартегирмон* — Лаҳанинг Чорсу, Қўйбозор, Мирлар, Сузукота маҳаллаларидан оқиб ўтиб, Сузукотада ариқ ном б-н Кичик Бўзсув аталиб, шим.га Самарқанд дарвоза томон оқиб, девор тагида чуқур жарлик ҳосил қилган, кейинчалик Тошкентнинг энг кушманзара жойларидан оқиб ўтиб Бўзсувга қуйилган; Катта Танишар — Чуқуркўприк, Дархон ва Чақар маҳалларини суғориб Бўзсувга қуйилган. Бу 2 ариқ оралиғида Ахрордан чиқарилган Кичик Танишар ариқ Ўқчи, Эскиўрда, Қорятош, Кўкмасжид, Сарфароз, Жирлик масжидлан оқиб ўтиб Сузукота маҳалласида изи йўқолган; Арпалоғ— Арпалоғ ва Терс маҳаллаларидан ўтиб Катта Танишарга қуйилган; *Кубурарик* шаҳар дарвозасидан ташқарида Ахрордан бошланиб Самарқанд дарвозаси ёнидан шаҳар ичига кирган ва Янги, Кямолон, Чақар ва Эшонтузар маҳалламларини суғорган, сўнгра Катта Танишарга қуйилган; Аламдор — шу номдаги аланг қабри ёнидан бошланиб шаҳарга Кямолон ва Самарқанд дарвозалари ўртасидан ўтиб, Эшонтузар ва Самарқанд маҳаллаларини суғориб, Катта Танишарга қуйилган. Бу ариқ даҳалари кўчаларан ўтган кичик ариқчаларнинг асоси ҳисобланган. Б. даҳасининг боғ ва экинзорлари Бўржар (Ахрорнинг жан. тармоғи) ва Заҳариқлардан сув ичган, улар Бўзсувга қуйилган. Б. даҳасида 3 та карвонсарой ҳамда Кичик Танишар ариғи бўйида жойлашган 13 та тегирмон бўлган. Даҳа аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик, боғдорчилик, ғишт ва ч., ҳунармандчилик (тўқимачилик, бўёқчилик, темирчилик, чилангарлик) ва бақачиликдан иборат бўлган. Даҳада 8 та бозор бўлиб, улар Баланд масжид, Зевак, Терсариқ, Сарфароз, Янги, Эшонтузар маҳаллаларида, шунингдек, 2 таси Чорсуда жойлашган. Чорсуда 2 бозор, қўй бозор ва туя бозор бўлиб, Эшонхон мадрасасининг вақф ерларини ташкил этган. Б.дағи мадрасаларнинг ҳар бирида 60 талаи 100 тагача мулламавча ўқитган. Бундан ташқари даҳала 16 та уй мактаби, шунингдек, ҳар бир масжид қошида биттадан мактаб мавжуд бўлган. Ҳар бир 15 хонадонга 1 та мактаб тўғри келган.

Чор Россияси қўшинлари шаҳар деворини Кямолон дарвозаси олдидан ёриб кириб (1865 й.), Кямолон тепалиги ва Кямолон кўчаси бўйлаб шаҳарга ҳужум қилганлар.

Мустақиллик даврида Б. тубдан реконструкция қилиниб, ободонлаштирилган.

Ал.: Маев Н., Ташкент, Спб, 1876; Мисальский В.И., Туркестанский край, Россия, т. 19, Спб, 1913; Малинин Н.Г., Тошкент шаҳрига ва маҳаллари, Т., 1995.

Мансур Шарипов.

БЕШКЕНТ — Қашқадарё вилояти *Қарши туманидаги шаҳар* (1977 й.дан). Туман маркази (1964 й.дан). 1926 й.дан Бешкент туманн маркази бўлган. Б. туманининг шим.-шарқий қисмида жойлашган. Вилоят маркази ва якин т.й. станцияси — Қаршигача 7 км. Аҳолиси 15,8 минг киши (2005). Ҳўжаликлари ва аҳолиси Бешкент каналидан сув олади.

Шаҳарда пахта тозалаш з-ди, нон к-ти, 5 қўшма корхона (шу жумладан, Ўзбекистон — Россия, Ўзбекистон — Покистон қўшма корхоналари) фаолият кўрсатади. Шунингдек, Қарши чўлини ўзлаштириш б-н шуғулланувчи бир қанча корхона ва муассаса бор. 4 умумий таълим мактаби (3,9 минг ўқувчи), 1 лицей (237 ўқувчи), 1 касб-ҳунар коллежи (627 ўқувчи) мавжуд. 11 спорт иншоотн, 32 жисмоний тарбия ва спорт жамоалари фаолият кўрсатади. 2 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, касалхона, 3 поликлиника ҳозирга хизмат кўрсатади.

БИТ (инг. bit, binary — иккилик ва digit — белги, рақам сўзларидан) — 1) иккилик саноқ тизимидаги рақам; 2) ахборотлар сонининг ўлчов бирлиги; сон жиҳатидан «ҳа» — «йўқ» турдаги маълумотдан (иккилик коддаги «0» — «1») иборат бўлган ахборотга ҳажмона тенг. Маълумотлар узатиш тезлиги бит/сек да ҳисобланади. Ҳисоблаш техникасидаги энг кичик ўлчов бирлиги.

БОБОЕВ Бобо (1949, Касби тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Қарши пед. институтини тугатган (1974). 1979 й.дан Касби туманидаги 2-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

БОБОЖОНОВ Ислом Алимович (1957.9.4, Хонқа тумани) — ишлаб чиқариш ташкилотчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони (2002). Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти (1979) ва Тошкент давлат иқтисодиёт уи-ти магистратурасини тугатган (2000). Меҳнат фаолиятини Хонқа пахта тозалаш з-дида смена бошлиғи вазифасида бошлаган, шу корхонада техника хавфсизлиги муҳандиси (1979–84), Хоразм вилояти пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш бирлашмаси катта муҳандиси (1984–85), Хонқа пахта тозалаш з-ди бош муҳандиси (1985–86), шу корхона раҳбари (1986–96), Хонқа тумани ҳокими (1996–97), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари (1997–98), вазир (1998–99), 1999 й. март ойидан бошлаб Хоразм вилояти ҳокими.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси (2005), «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1999).

БОБОХОНОВ Саломат (1930.18.3, Шўрчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Бухоро ўқитувчилар ин-тини тугатган (1954). Б. Шўрчи туманидаги 10-мактабда она тили ва адабиётн ўқитувчиси (1954—57; 1963—86 й.ларда ўқув бўлими мудири), 28-мактабда ўқув бўлими мудири (1957–60), 52-мактабда она тили ва адабиётн ўқитувчиси (1960—63). 1986—2003 й.ларда Шўрчи туманидаги 42-мактабда она тили ва адабиётн ўқитувчиси.

БОЙХОНОВА Зулайхо Маҳаматхоновна (1964.28.4, Наманган вилояти Уйчи тумани) — актриса; хонанда (лирик сопрано). Ўзбекистон халқ артисти (2003). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1986). 1987 й.дан Мукимий театрида актриса. Нурхон (К.Яшин, Т.Жалилов, «Нурхон») унинг саҳналда яратган илк образидир. Кейинчалик Б. театрда саҳналаштирилган деярли барча спектакларда бош р о л л а р н и ижро этиб танилди: Зулайхо (Р.Бобожонов, Ф.Олимов, «Юсуф ва Зулайхо»), Нодирабегим (Т.Тўла, Ф.Олимов, «Нодирабегим»), Барчиной (У.Аним, Б.Лутфуллаев, «Қўдуқ тубидаги фарёд»), Ойжамол (Р.Маъмаев, Б.Лутфуллаев, «Тақдир»), Умида (Р.Маъмаев, Ф.Олимов, «Девона»), Ширин (Хуршид, Ю.Ражабий, «Фарҳод ва Ширин») ва б. Б. хонанда сифатида «Самарқанд Ушшоғи», «Фарғона тонг отгунча», «Гар соғинсам», «Бойландилар», «Ўзга ёр йўқдир», «Кечалар», «Умутма», «Оворамн», «Ҳолат», «Тушимда кўрсам эди», «Соғинди», «Ё раб», «Эй дўст», «Саломатник керак», «Эй қўнғил», «Алла», «Эҳтиёж», «Шаҳлога тушди», «Бойқонинм», «Ҳануз» каби ашула ва қўшиқларни ижро этган. Б., шунингдек, теленовелла («Изҳор»да Зулайхо), видеофильм («Юсуф ва Зулайхо»да Зулайхо, «Қўнғил кўчалари»да Унсин, «Қирқ тоғорангинг қирқ ноғораси»да Бону ва б.)ларда ҳам сурата тушган.



Зулайхо Бойхонова Ойбарчин ролида («Алпомиш»).

БОЙҚОБИЛ ҒОРИ — Қашқадарё вилояти *Қамаши туманидаги* ғор. Қорасирт тоғи (Ҳисор тизмасининг жан.-ғарбий тармоғи)нинг шим.-ғарбий ён бағрида. Ўрадарё водийсила жойлашган. 1930 м баландликда. Юқори юра даврига мансуб гипс қатламларида ҳосил бўлган.

Ғорнинг кириш қисми шим. томонга қараган, доира шаклида, диаметри 4 м га яқин. Ғор эни-бўғри бўлиб бошланган, эни 1,5 м дан 9 м гача, бал. 0,5 м дан 15 м гача. Саҳни ичкарисига томон бир оз кўтарилган. Ғорда ҳавонинг т-раси кириш қисмида 22°, ичкарисида 9°. Нисбий намлик 97% (сент.). Умумий уз. 240 м, майд. 1210 м², ҳажми 1440 м³.

БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ УЙИ — болаларнинг мактабдан ташқи оммавий таълим-тарбиявий ишларини ташкил қилиш, ёш авлодни билим даражаси, қизиқишлари, ижодий қобилиятини устириш, касб танлашга ёрдам бериш, улар тайёрлаган маҳсулотни чет элда тартиб қилишга қаратилган марказий ижодиёт уйи. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги тизимига қарайди. Б.и.у.да радиоэлектрон, ёғоч ўймакорлиги, бичиш ва тикиш, видеостудия, тасвирий санъат, адабиёт, лак миниатюраси тўгаракларк, шахмат клуби, эстрада-вокал студияси, компьютер синфи ва б. бор. Ижодиёт уйи Ўзбекистон БА билан ҳамкорлик қилади.



Болалар ижодиёти уйи

Б.н.у.нинг биноси Тошкентнинг Эски жува майдонида 2005 й.да қурилди. Бино 2 қаватли бўлиб, спираль йўлдан юқорига чиқиладиган занжир шакллари ўзига хос меморий сиймога эга. Бино бал. 18,0 м, эни 42,9 м. 1-қаватда ижодиёт уйининг тўгаракларн, шунингдек, конференция залн, маъмурият, 2-қаватдан кўргазма галереа (майд.–440,0 кв.м), томошаларни кўрсатиш (16,8 кв.м) ўрни олган. Марказий қисмдаги мухтасшам кўргазма залн 12 метрлн гумбаз б-н ёпилган. Мазкур гумбаз Самарқандлдаги Тиллакори мадрасаси гумбазидан андоза олинган безаклар б-н нарпозланган. Миллий удумдаги безакларни «Уста» уюшмасининг Тошкент ва Самарқанд корхоналарининг моҳир ганчкор, наққош усталаридан А.Ихлонов, А.Каримов, Х.Жаполовлар шогирдлари б-н бажаришган.

Гулжахон Кобулова. Ўзбекистон Совғаси.

БОЛИЕВ Асра (1940.16.12., Нурота тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Бухоро пед. институтини тугатган (1967). 1967 й.дан Нурота туманидаги 17-мактабда кимёбиол. ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари, 1975 й.дан Қўшработ туманидаги 17-мактаб директори, 1989 й.дан Қўшработ туман халқ таълими бўлимида методика кабинети мудири, 2000—2003 й.лларда Қўшработ туманидаги 27-мактабда биол. ўқитувчиси.

БОЛХОНОБОД (2000 й.гача Небитдаг) — Туркманистонзаги шаҳар (1946 й.дан). Болхон вилояти маркази (қ. *Небитдаг*).

БОРИЙ (лот. Borium), Bh — Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб сунъий радиоактив кимёвий элемент. Тартиб рақами 107. Барқарор нуклидлари йўқ, масса сони 261 ва 262 га тенг бўлган 2 та изотопи маълум. Энг узоқ мавжуд бўлувчи нуклиди $^{262}Bh(T_{1/2}=11,8$ мк сек, бошқа маълумотларга кўра (1—2)·10^{-2} сек). Оксидининг даражаси +3 дан +7 гача; бақдланиши маълумотларга кўра Bh^{3+} ионининг радиуси 0,083 нм. Оғирлик миқдорида олинмаган, унинг хоссалари ғрнноксмаган. Кимёвий хоссалари рўя кўра Б. Ие (рений)нинг аналоги бўлиши керак (назарий ҳисоблар). Bh^{6+}/Bh^{3+} нинг стандарт электрон потенциали —0,18 (ноаниқ топилган). Б. изотоплари Bi (висмут) изотопларини ^{52}Cr (хром) ионлари б-н циклотронда нурлантириш (бомбардировка қилиш) йўли б-н синтез қилинади. Б.нн олиш борасидаги илк тажрибалар 1976 й.да СССРда Ю.Ц.Оганесян раҳбарлигида ўтказилган: ^{262}Bh ва ^{261}Bh нинг қдровий хоссалари тўғрисидаги биринчи ишончли маълумотлар тегишлича 1981 ва 1989 й.ларда Германияда олинган. 1997 й.да ИЮПАК элементни б о р и й (Н.Бор шарафига) деб тасдиқлади.

БОТИРОВА Назира (1948.4.9, Шовот тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Хоразм пед. институтини тугатган (1970). Биол. ва қишлоқ хўжалиги ил.ч. асослари фани ўқитувчиси. 1970 й.дан Шовот туманидаги 5-, 1973—83 ва 1991—93 й.ларда 32-мактабда мактаб директори ўринбосари, 1983—87 й.ларда ва 1993 й.дан 32-мактаб, 1987 й.дан 42-мактаб директори.

БОТКЕНТ ВОРИ — Фарғона вилояти Сўх туманидаги гор. Сўх дарёсининг чап соҳилида жойлашган. 1400 м баландликда, дарё ўзанидан бал. 110 м. Ўрта девон даврига мансуб оҳактошларда ҳосил бўлган. Гор оғзи равоқ шаклида, эни 10 м, бал. 13 м. Бир хонадан иборат. Уз. 36 м, эни 2–13 м, бал. 6—18 м. Хона гумбаз шаклида. Сақин қалинлиги 2 м гача бўлган ғуво ва қисман гил б-н қопланган. Ғорда кўршапалак галаси яшайди. Т-раси кирши жойида 25°, ичкарида 16°, намлиги 58% (июль). Умумий уз. 72 м, майд. 4040 м².

БОРБЕКОВ *Хайитмат* (1953.27.6, Хива тумани) — ёғоч ўймакори. Ўзбекистон халқ устаси (2001). Хива ҳунартехника билим юртини ёғоч ўймакорлиги бўйича тугатган (1977). 1977 й.дан



Хайитмат Борбековнинг Тошкент шаҳри «Хотира» ва қадрлаш майдони»даги устунга ишлаган ўймакорлик иши.

«Уста» уюшмасида уста. Б. Хива ва Хоразм ёғоч ўймакорлиги санъатини тиклаш ва тараққий эттиришга катта ҳисса қўшди. 1969 й.дан отаси уста Сафо *Боғбеков* б-н биргаликда ишлади: Қора ленгзи флотининг «Ўзбекистон» кемаси учун наққошкор эшик, дарвоза, *устунлар* ва б. тайёрлаи. Б. *меъморий* ёдгорликларнинг ёғоч ўймакорлиги б-н таъмирлашда, замонавий биноларни шарқона безашда самарали ижод қилмоқда; Туркманистондаги жамоа хўжаликларидаги маданият саройлари (1979), Юрмала шаҳри «Ўзбекистон» ресторани (1983), Хоразм ёғоч ўймакорлиги намуналари (1983, Москвалаги Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг совғини б-н мукофотланган), Тошкент ш.даги фахрийлар чойхонаси (1991), Қорақалпоғистондаги Бердақ кинотеатри (1993) ва б.ларга ёғоч ўймакорлиги ишларини юксак дид б-н бажарди. Тошкент ш.даги *Хотира ва қадрлаш майдони* миллий айвонининг 12 устуни ҳамда шифти учун 1000 дона вассани ислимий ва гирих шаклдар б-н безаб, табақа пардоз ва зўла пардоз усулида *эйнаталаш раҳбарлик қилди*; Урганчдаги Хотира майдони айвонларини фарзандлари ва шогирдлари б-н тикланда Б.нинг истеъдоди ёркин намоён бўлди. Б. кўплаб шогирдлар тайёрлаи.

БУШУЙ Анатолий Михайлович (1939.18.4, Севастополь) — тилшунос. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (2001). Самарқанд ун-ти чет тиллар ф-ти немис тили бўлимини тугатган (1963). Шу ун-тда катта ўқитувчи, доцент, проф., кафедра мудири. Тилшунослик назарияси, роман-герман, славян ва туркий тилшунослик, фольклоршунослик, лингвистик информатика, лингводидактика ва тиллар ўқитиш методикаси бўйича и.т. олиб борган. Мазкур соҳалар бўйича бир неча асарлар муаллифи: «Фразеографиянинг лексикографик тавсифи» (1982), «Фразеология назарияси асослари» (1987), «Фразеологик луғат асослари» (1993), «Тил ва жамият» (2002), «Умумий ва герман фразеологияси асослари» (2003), «Тизнинг умумий тилшунослик муаммоси сифатидаги моҳияти» (2004) ва б.

БЎРОНОВ Жамолиддин (1933.10.9, Шарҳихон тумани) — тилшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989). Филол. фанлари д-ри (1981), проф. (1983). Андижон пед. билим юртини (1952),

Тошкент чет тиллар пед. ин-тини (1956) тугатган. *Шу ин-тда ўқитувчи (1956—57), катта ўқитувчи, декан* ўринбосари (1961—62), доцент, кафедра мудири (1962—68; 1970—84), ректори (1984—1992 й. 15 май). 1992—2002 йилар Ўзбекистон халқи тиллари *ун-ти ректори. 2002 йилан шу ун-тнинг* тиллар типологияси, германистика ва инглиз тили тарихи кафедраси мудири. Б.нинг асосий илмий ишлари герман тиллари типологиясининг диахроник ҳамда синхроник ривожидаги ўзига хосликларини типологик таҳлил қилишга, герман ва туркий тиллар лексикографияси масалаларига бағишланган. «Дўстлик» ордени 6-н мукофотланган (1997).

Ас.: Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси (*Назарий курс*). Т., 1973 (*ҳаммуал.*); Программа по курсу сравнительной типологии английского и узбекского языков (для ин-тов и ф-тов иностранных языков). Т., 1978; Инглиз тили грамматикаси. Т., 1974 (*ҳаммуал.*); Сравнительная типология английского и тюркских языков. М., 1979.

B

ВАД (Wade) Абдуллай (1926.29.5, Сенегалнинг Сен-Луи ш.) — Сенегал давлат арбоби. Сенегалдаги Себикотан ш.часида федерал мактабни тугатган (1947). Франциядаги Безансон, Дижон, Гренобль ун-тларида олий таълим олган. Ижтисодиёт ва давлат ҳуқуқи ў-ри, 1955—57 йилар Безансон адвокатлар коллегиясида ҳажрий қа ортирган. 1960 йилан Дакар ун-тида доцент, 1967 йилан Бостон (АҚШ) ун-тида тажриба ортирган, сўнг Франция олий ўқув юртларида, жумладан Сорбонна ун-ти ўқитувчиси, 1970 йилан Дакар *ун-тида ф-т декани, 1974 йилан* Сенегал парламенти депутати, Сенегал Демократик партияси таъсисчиси, Бош котиби, Халқаро *Либерал партия* (Буюк Британия, Лондон) вице-президенти. 1991 йилан Сенегал Республикаси давлат вазири, 1995 йилан Сенегал Республикаси президенти ҳузурида давлат вазири, 2000 йилан Сенегал Республикаси президенти. Ижтисодиёт ва ҳуқуқ бўйича бир қанча илмий асарлар муаллифи.

ВАЛВАЛИЗ, Валвалиж, Валиж — илк ўрта асрларда Тохаристон шаҳарларидан бири. Хитой сайёҳи Сюань Цзаннинг асарида «Ху», «Таншу»да эса А-хуан шаклида қайд этилиб, ҳоз. Қундуз атрофида жойлашгани айтилган. *Сюань Цзаннинг маълумотига* кўра, Ху мулки Уху, яъни Амударёнинг жан. қирғоғида жойлашган. Ушбу мулкнинг ҳокими Тун эбгуянинг ўғли Тарду шад бўлиб, унга Темир қалъидан жан.даги барча майда мулклар тобе *бўлган. Ахэминнинг бир қисми* бундай, бир қисми аждодлар руҳига эътиқод қилган. В.да 10 га яқин Будда монастири ва *100 га яқин* роҳиблар бўлган. «Таншу»га кўра, 656—666 й.ларда А-хуан, яъни В.да «шина» унвонига эга бўлган Тохаристон ҳокими турган. 9-а.да В. шаҳрини араблардан Мулаҳҳаб ибн Бистом ишора этган. Шаҳарда жоме масжиди бўлган. 10-а.да В. Тохаристонда Толиқондан кейинги 2-йирик шаҳар ҳисобланган «*Ҳудуд ул-олам*»ги кўра, В. маълум муддат «қасаба», яъни Тохаристоннинг бош шаҳри бўлган. 10-а.да шаҳар гуллаб-яшнаган, обод бўлган. В.дан кумуш ва унинг мойи, ёнғоқ, бодом, писта, шоли, мош ва, шунингдек, ҳайвон шоклари, тулки териси ва б. четга чиқарилган. 11-а.да газнавийлар даврида В. да зарбхона жойлашган. 12-а.дан В. Қундуз деб атала бошланган. 12-а.да салжуқийлар, сўнгра хоразмшоҳлар даврида В.да зарб этилган тангаларда Қундуз номи кўрсатилган.

Ад.: Камалиддинов Ш.С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-начало XIII вв., Т., 1996.

ВАЛЬЯНО Елена Дмитриевна (1934.7.3, РФнинг Грозний ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Шим. Осетия ун-тини тугатган (1959). 1966 йилан Termez Davlat Pedagogika Instituti ш.даги 5-, 1972—2003 й.лар*да Жанубий Шарқ 5-мактабда* тарих ўқитувчиси.

ВАРХУМАН — Сўғд ҳукмдори (655—690). Иккита *унвонга* эга бўлган В.Шишпирдан кейин тахтга чиққан. Унинг даврида Сўғд ижтисодий, маданияти ва санъати юксак даражада ривожланди. В. Самарқандда деворий расмлар 6-н безатилган қаҳшаматли саройга қурган. Ушбу жойнинг машҳур бўлган расмларини биринда В.нинг ўғли ҳаспир этилган. В. даврида пул ислоҳоти ўтказилиб, Тан империяларини тангаларига ўхшаш жездан тангалар зарб қилина бошланган. Уларнинг бир томонида *2* та тамға тасвир этилган бўлса, 2-томонида ҳукмдорнинг исми ва унвони ёзилган.

Ад.: Смирнова О.И., Очерки из истории Согда, М., 1970.

«ВАТАНПАРВАР» — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг *марказий матбуот* нашри. 1992 й. 24 июндан чиқа бошлаган. Ҳафтала 1 марта ўзбек ва рус тилларида чиқади. Саҳифаларида Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсати, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, тарих, маънавият, маданият, фан-техника, корҳож ҳуқуқий кучларга оид кенг қамровли маълумотлар мунтазам ёритилиб борилади. Алади 22000 *(2005).*

ВАШГИРД, Вашжирд — илк ўрта асрларда Шим. Тохаристондаги шаҳар ва вилоят. *Дастлаб Авестода Висагирд*, сўнгра Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Афросиёб пошшолиги давридаги воқеалар *бағнида Виса, Висагирд* шаклида қайд этилган. Афросиёбнинг вазири Пирон Виса номи б-н боғлиқ бўлиши *ёзуд «Вахш» ва «Кард»* — «маъбуд Вахш томонидан яратилган» маънони англатган бўлиши ҳам эҳтимол. 19-а.да Ўрта Осиёда «вашгирд» *сўзи* дарё қирғоқлари олтинни ажратиб олиш учун ишлатиладиган асбобни англатган. 7-а.нинг 1-ярмида Хутталон вилояти рустоқларидан бирининг марказ ҳам бўлган. Хитой йилномаси «Таншу»га кўра, У-ше-ке, яъни Вашгирд Хутталонга тегишли Кумед рустоғининг маъмурий маркази бўлган. 9-а.да В. мусулмонларнинг энг йирик четга шаҳри ҳисобланган, унинг атрофида 700 га яқин мустақим истеҳкомлар («қиссе») бўлган. 826—827 йилларда В. вилояти халифаликка 1000 дирҳам солиқ тўлаган. В. шаҳри тоғлар орасида жойлашган. 10-а.да В. шаҳри Шумандан катта ва Термиз б-н деярли баробар бўлган. 12-а.да В.да машҳур работлар, ҳолом дини кириб келишидан аввалги алифбода битилган ажойиб ёзма ёдгорликлар бўлган. В.га турли хорижий ўлкалардан сайёҳлар келишган.

В.В.Бартольд В.ни ҳоз. Файзобод ўрнида бўлган деб ҳисоблайди. Бирок А.М. Беленицкийнинг фикрича, В.Файзободдан бироз узоқликдаги Сари Мозор қишлоғи четида жойлашган Талли Возэджр ш. харобаси (80 га майдонга эга) ўрнида бўлган. Шаҳар харобаси яқинидаги *қабристонда* 9-а.дан Балхда яшаган машҳур суфий аълиё Хожа Абу Абдуроҳман Хотим ибн Унвон ал-Асомм мозори бор. Хотим ал-Асомм мақбараси 17-а. манбаларида қайд этилган. У Балхнинг машҳур суфий Шақиқ Балхийнинг шогирди (851 йил Балхда вафот этган) бўлган. Шақиқ Балхий мо-

зоҳи ҳол III-д.ни маълум бўлиш. Кейинчалик у Балхга қайта лафзи ўзгаган.

Ас. Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда на Токаристан по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

ВАҲОБОВА Оғуз (1936.5.8, Тошкент ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Тошкент чет тиллар пед. институтини тугатган (1961). 1964 й.дан Юнусобод туманидаги 51-мактабда француз тили ўқитувчиси.

ВИДЕОКАРТА (*ког.* video — кўринаман ва ит. (нагіз — варақ) — *компьютерда*ги мос келувчи кўрилма бошқарувда монитор ишини бошқарувчи микросхема. В.нидаги хотираси видеохотира дейилади. Видеохотирининг 2 тури мавжуд: ички (компьютер тезкор хотирасига ўрнатилган видеохотира) ва ташқи (тезкор хотирининг ташқарисида жойлашган хотира). Ташқи турдаги видеохотира мукаммалроқ ҳисобланади.

ВИНЧЕСТЕР (инг. Hard disk — қаттиқ диск) — компьютерлари барча дастур ва маълумотлар сақланадиган хотира қурилмаси. «В». термини синчиси 16 Мбайт (IBM, 1973) бўлган қаттиқ диск ишини моделининг жартонли номидан келиб чиққан. У ҳар бири 30 та сектор ва 30 та йўлкага эга бўлиб, «Винчестер» ов милтиғининг «30/30» калибри 6-и айнан мос келади. В. ихтиросига бир нечта қаттиқ дисклардан иборат бўлиб, герметик ёпиқ корпусдаги магнит қаллаги блокига жойлаштирилади.

Г

ГАШПАРОВИЧ Иван (1941.27.3, Полтар) — Словакия давлат арбоби. Братислава ун-тини тугатган. 1968 й.дан Братислава ун-тида ишлаган. 1989 й.дан Чехословакии Мустақил юристлар ассоциацияси раиси. 1990 й. Братислава ун-ти проректори. 1990 й.дан Чехословакия Федератив Республикаси бош прокурори. 1992 й.дан ва 1998—2002 й.ларда Словакия Республикаси *Миллий кенгаши (парламент) депутати*. 1994—98 й.ларда раиси. 1992—2002 й.ларда Демократик Словакия учун ҳаракат партияси аъзоси, 2002 й.дан Демократия учун ҳаракат партияси ўзгаришчи ва раиси. 2002—2004 й.ларда Братислава ун-тида ишлаган. 2004 й. 15 июндан Словакия Республикаси президенти.

ГЕОИҚТИСОДИЁТ — давлатнинг халқаро майдонда иқтисодий *стратегия* ва *тактикасини шакллантиришга*нга амалий фаолиятини ўрганадиган фан тармоғи. Г. *геосиёсат* б-н узвий боғлиқ. Г. аниқ бир шароитларда сиёсий, географик, иқтисодий, ҳарбий, экологик ва б. омиллар уйғунлигини тақлил қилиш орқали халқнинг турмуш даражаси, мамлакатнинг и.ч. потенциали, стратегик захиралар, бошқа давлатлар б-н иқтисодий алоқалар каби иқтисодий омилларни устивор ўрганади. Шунингдек, демографик ва экологик омиллар ҳаёти таркиби ва зичлиги, унинг ўсиш суръатлари, ер сайёрасининг чекланган ресурсларига демографик босим, ком ашё захираларининг камайиши ва б.лар тадқиқ этиш ҳам Г. фани предметига киради. Бу жами омилларнинг амал қилиши ва таъсири мамлакатнинг географик ҳолати, унинг табиий ресурслари ва иқтим шароитлари б-н боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Мамлакат тараққиёти эҳтиёжлари ва миллий-давлат манфаатларига жавоб берадиган *стратегияни ишлаб чиқиш*да геосиёсий ва геоиқтисодий омиллар ҳисобга олинади. Геоиқтисодий сиёсатдаги асосий масала жаҳон бозорларида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини оширишга имкон берадиган шароитлар яратишдан давлатнинг манфаатдорлиги ҳисобланади.

«Г.» атамаси биринчи марта АҚШда 1980-й.лар охирида илмий муомалага киритилди. Бу тушунчанинг «геосиёсий иқтисодиёт», «халқаро *сиёсий* иқтисод», «сиёсий-иқтисодий география» ва б. таърифлари ҳам бор.

Биринчи геоиқтисодий тадқиқотлар 1920—30 й.да Япония ва Германияда пайдо бўлди ва бу тадқиқотлар шу мамлакатларнинг ҳукмрон доираларн томонидан ўз ҳаётий мақсинни кенгайтиришга ва жаҳонга ҳукмронлик даъвогарини асосланга хизмат қилди. 1970-й.ларда буюк икки давлат — СССР ва АҚШ ўртасидаги ўзаро зиддиятларнинг кучайиши Г.нинг кейинги ривожланишида янги босқич очди. *Бу даврда Г.* сидо уруғлари, бозорлар учун кураш; капитал ва кишиларнинг мамлакатлараро кўчиши б-н боғлиқ бўлган тўсиқлар; ҳарбий сарф-харажатлар юкининг ўсиши; бюджет тақчиллиги; инфлянна ва б. муаммолар б-н шуғулланди. Г. ўрганадиган муаммолар доираси ривожланиш ва ривожланаётган мамлакатлар, маркез ва чекка ҳудудлар ўртасидаги зиддиятларни ҳам қамради. Мустамлакачиликдан озод *бўлган давлатлар янги жаҳон иқтисо*дий тартибини шакллантиришга ҳаракат қилдилар. Улар ривожланган мамлакатлар б-н ўз *манфаатларига* тўғ ўзгаришларни амалга ошириш тўғрисида кўплаб-кўп таклифлар б-н чиқдилар. Бу таклифларда ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишини жадаллаштириш ва ресурсларни жаҳон ҳўжалигининг чекка ҳудудлари фойдасига қайта тақсимлаш масалалари кўп тартибига қўйилди.

«Совуқ уруш»нинг тугаши, собиқ Иттифоқнинг инқирози б-н 1990-й.лар бошларида геосиёсий ва геоиқтисодий кучлар нисбатлари ва жойлашуви тубдан ўзгарди, жаҳонда икки қутблилик-дан кўп қутбли дунё сари ҳаракат бошланди. Ҳозирги даврда АҚШ ҳамон энг қудратли давлат бўлиб қолаётган шароитларда жаҳон иқтисодий ривожланишининг асосий йўналиши кўпдан-кўп иқтисодий марказларнинг юзага келишидан, *жаҳон иқтисодий тизимининг* полицентризмга ўтишидан ва айни пайтда янги геоиқтисодий зиддиятлар*нинг юзага келишидан (мас., Каспий* денгизи нефти масаласида Озарбайжон, Қозоғистон, Эрон, АҚШ, Туркия манфаатлари тўқнашуви) иборат. Экспертларнинг маълумотлари бўйича 21-а.да жаҳон иқтисодий тизими 6 асосий марказ — АҚШ, Европа, Хитой, Япония, Россия, Ҳиндистон, шунингдек, кўпгина ўрта ва кичик давлатлардан ташкил топади.

Жаҳон иқтисодиётидаги бу йўналишга таъсир кўрсатаётган муҳим геоиқтисодий омил — глобаллашув жараёнларидир. Миллий иқтисодиёт*лар ўртасида ўзаро алоқаларнинг* ва боғлиқликнинг кучайиши, ҳўжалик интеграцияси иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида қўплаб давлатлар ва минтақаларни турли даражадаги жадалликда цивилизация тараққиётининг умумий оқимига тортади. Уларнинг сони тобора ортиб боради. Кўпгина мамлакатларда иқтисодий ва сиёсий ҳаётда юз берастган эркинликлар ягона жаҳон иқтисодий, ахборот, коммуникацион ва малайий макенинг шакллашиши имконниятларини очади.

Ғда *ҳукумат*лар б-н бир қаторда, *трансмиллий корпорация* (ТМК) ва трансмиллий банклар (ТМБ), халқаро молиявий ташкилотлар фаолияти ҳам муҳим роль ўйнайди. ТМК ва ТМБ — бир томондан улгор технологиялар, бошқарув, и.ч.ни ташкил қилишнинг янги шаклларининг қарор топишига, мамлакат иқтисодий ривожланиши суръатлари ва даражасини кўтаришга ёрдам беради. Иккинчи томондан, улар кўпинча *бу мамлакатларнинг ривож-*

лашишда номутаносибликни кучайтирали, чунки улар биринчи навбатда, асосан, чет эл капитали ва ташқи бозорга мўлжалланган йирик тармоқлар ва корхоналарни ривожлантиришга ёрдам кўрсатади.

21-а. бошида Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш стратегиясини шакллантириш унинг геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатларига асосланади. Геоиқтисодий муаммоларни ҳал қилишда қўшни мамлакатлар б-н мустаҳкам иқтисодий интеграция биринчи даражали аҳамият касб этади. Шунингдек, Европа ва Осиёлаги мамлакатлар б-н ташқи иқтисодий ва ташқи савдо алоқаларини янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг тўла ҳуқуқли ялпо сифатида *Жаҳон савдо ташкилоти* га ялпо бўлиб кириши ҳам муҳим ўринда туради (яна қ. *Марказий Осиё хамкорлиги ташкилоти*, *Европанинг иктисодий хамкамияти*).

Ад.: Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997.

Шарафиддинов Ҳабиллар.

ГЕРМАН Анна (1936.14.2., Ургенч — 1982.26.8, Варшава) — эстрада хонанда-си, актриса. Дастлабки мусиқа сабоқларини Хоразмда олган. 1946 й.дан Польшада яшаган. Вроцлав политехника ин-тини тугатган (1961). Шу даврдан бошлаб эстрада ансамбллари да хонанда сифатида қатнашиб, дастлаб Польша (Сопот, 1963—65; Ополе, 1964), кейинчалик Вена (1965) ва Сорренто (1967) халқаро эстрада танловлари лауреати унвонига сазовор бўлди. Хонанда лирик-драматик ҳамда қизиқарно қўшиқларни ўта самимийлик ва ўзига хос тарзда талқин этган. Репертуаридан замонавий композиторлар (К.Гертнер, «Рақсга тушувчи эврилиқалар»; А. Пахмутова, «Умид»; Е.Птичкининг «Сенги садоси»), куйларини ўзи яратган («Инсон тақдири», «Бўлиши мумкин»), шунингдек, поляк, рус, итальян қўшиқлари ўрин олган. Европа, Америка, Австралия ва Осиё (хусусан, Марказий Осиё, 1979) мамлакатларида гастролда бўлган. Ижодига бағишланган «Анна Герман б-н учрашув» *фильми яратилган* (1976). Ургенчда кўчаларидан бири, Зеленаградаги концерт залн ҳамда мактеб шаҳарда ўтказилган эстрада фестивалига (1988 й.) Г. номи берилган.

Ад.: Жигарёв А., Анна Герман, М., 1988.

ГЕССЕ (Hesse), Хессе Герман (1877.2.7, Кальв, Вюртемберг — 1962.9.8, Монтаньола, Швейцария) — немис ёзувчиси; 1912 й.да Швейцарияда яшаган. Ижодини шеър ёзишдан бошлаган, кичик ҳикоялар, насрий шеърлар ёзган. Дастлабки романи — «Марҳум Герман Лаузер иншолари ва шеърлари». «Петер Каменцинд» (1904) романида мартаба ва бойлик орттириш истагида бўлганлар дунёсидаги инсонкорнинг оғир қисматини тасвирлаган ва шу асари б-н танилган. Шундан сўнг Х. «Гертруда» (1910) романи, «Хмелистон сафари» очерк ва шеърлар тўплами, «Роскалъде» (1917), «Демиан» (1919), «Чўл бўриси» (1927) каби романларини ёзган. «Маржон ўйини» (1943) роман-утопиясини Г. мазкурий аср-нинг изтиробларининг якуни деса бўлади. Ёзувчи бу асарида инсонкор гарчи воқеликни аслича қабул қилмасада, уни инкор этмаслиги, ундан узоқлашмаслиги керак, деган ғояни илгари суради. Нобель мукофоти лауреати (1946).

«ГРАНД МИР ХОУТЕЛ» (инг.л. «Grand Mir hotel» — «Катта Мир меҳмонхонаси») — Тошкент ш.даги меҳмонхона. 1964 й.да қурилган «Россия» меҳмонхонаси (меъмор В.Муратов)нинг таъмирлаш лойиҳаси «Тошгипрогор» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқилган (2003—04). 2004 й.дан ҳоз. номда. Меҳмонхона 7 қаватли ҳамда 2 қаватли блоклардан ташкил топган. 7 қаватли турар жой блокининг ер ости қисмини техник хоналар, ошхона, ёрдамчи хоналар ва айрим офислар эгаллаган. 1-қаватда вестибюль, сартарошхона, 50 ва 100 ўринли барлар, савдо дўконлари, 2—7-қаватда 126 хона, булардан 6 та люкс, 11 та ярим люкс, 18 та 1 ўринли, 85 та 2 ўринли хоналар жойланган. 2 қаватли блокда ресторан, ошхона, холлар, 1-қаватда 250 ўринли экспресс-енгил овқатланиш жойлари мавжуд. 2 блок ўзаро 1-қаватдаги холл орқали боғланган. Таъмир чоғида горизонтал зералзалар қатори пайдо бўлди, бинонинг олд тарэи ярим қўркам тус олди. Хоналар кенгайтирилиб, бино пардозида мармар, гранит ва б. замонавий материаллардан фойдаланилди, витраж ва енгил панеллар, алюкопандар қўланди.



«Грапд Мир хоутел» меҳмонхонаси.

ГРАФИКА (юн. graphike, grapho — ёзаман, чизаман) (тилшуносликда) — 1) у ёки бу ёзувнинг графемаларни, тиниш белгилари, урғу белгиси ва б.ни ўз ичига олган чизма воситалари йиғиндиси; фонематик ёзувда графемалар ва фонемалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими; 2) *тилшуносликнинг* ҳарфлар ва товушлар (графемалар ва фонемалар) ўртасидаги ўзаро муносабатни ўрганувчи бўлими.

«Г.» тушунчаси одатда фонематик ёзув (ҳарф-товуш ёзуви)га нисбатан қўлланади. Бу ёзувда 3 жиҳат фарқланади: алифбо, Г. ва имло. Бугунги кунда лотин алифбоси, араб ёзуви ва кирилл ёзуви асосида тузилган миллий ёзув тизимлари кўпроқ тарқалган. Муқаммал Г. қоида ҳамда мавжуд бўлган тасаввур (фонемалар ва графемалар ўртасида аниқ мувофиқлик бўлдирган, ҳар бир графема бир фонемани билдирадиган, ҳар бир фонема эса бир графема орқали ифодаланадиган ҳолат) бирон бир ёзувда тўлиқ ўз аксини топмаган. Бундай тасаввур фақат мийян товуш тили б-н ёзув тизими ўртасидаги мувофиқликни баҳолашда бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади.

Лотин алифбоси асосида тузилган ҳоз. кўплаб ёзув тизимларида графемалар ва фонемалар сони ўртасидаги тафовутлар ушбу алифбони тубдан ўзгартирмади (ёки умуман ўзгартирмаган) ҳолда қабул қилган тилларга унинг тарихий мослаштирилиши б-н изоҳланади. Лотин ёзувидаги 25 та ҳарф ҳоз. тилларининг аксариятидаги нисбатан кўп (36—46) фонемани акс эттира олмаган. Вақт ўтиши б-н ҳамда тилларнинг ўзидаги муқаррар фонетик ўзгаришлар ҳисобига (агар бу тилларнинг маълоси анъанавийлигича қолган бўлса) графемалар ва фонемалар нисбатидаги тафовут ортиб борган. Бу ҳолат янглиз ёзувида кўпроқ намоён бўлган; 46 фоне-

нинг ифодаси учун инглиз алифбосида 26 та белги мавжуд. Инглиз ёзувида *ҳарфий бирикмалар (мураккаб графемалар)* кенг қўлланади: дитграф-лар (икки ҳарф қўшилмаси) —ck [k]; тригрaфлар (уч ҳарф қўшилмаси) — ough [o:], политрафлар (учдан ортиқ ҳарф қўшилмаси) — ough [o:], ea 6. Баъзилар ҳарфий бирикмалар инглиз ёзувининг фонемаларни ифодалашнинг қўшимча воситаси сифатида қўшилган. Мураккаб графемалар бошқа тилларнинг ёзувларида, мас., немис, поляк, француз, ўзбек ёзувларида ҳам қўлланади. Ўзбек кирилл ёзувидаги ғи ёки ўзбек лотин ёзувидаги ng, ch, sh ҳарфий бирикмалари мураккаб графемалар ҳисобланади. *Айрим график тизимларда* алифбога махсус киритилган ҳарфлар учрайди. Мас., ўзбек лотин ёзувидаги o', g' ҳарфлари ёки француз ёзувидаги ç ҳарфи ва б.

Кирилл ёзувига асосланган ёзувнинг график тизимлари графемалар ва фонемаларнинг миқдорий нисбатига кўра ҳам фарқланади. Чунки кириллицага асос бўлган юнон алифбоси эгалиги сабаб грамматик фонемаларни ёзишда ҳам ҳисобга олган ҳолда махсус ишлаб чиқилган. Кириллица, бинобарин, рус графикаси асосида яратилган бошқа ёзувларда ҳам графемалар ва фонемалар ўртасида миқдорий тафовут кам бўлишига эътибор қаратилган. Мас., ўзбек кирилл алифбосидаги ў, қ, ғ, ҳ ҳарфлари, ҳоз. қирилл алифбосидаги і, ѳ, у ҳарфлари ва б.

Ад.: Балинская В. И., Графика современного английского языка, М., 1964; Волошин З. М., Молошная Т. Н., Янкелевич Т., М., Опыт описания русского языка и его письменной формы, М., 1964; Макарова Р. В., Позиции графики и графем, в кн.: Система и уровни языка, М., 1969; Амирова Т. А., К истории и теории графемики, М., 1977; Амирова Т. А., Функционально-комплексный письменного и звукового языка, М., 1985; Зиндер Л. Р., Очерк общей теории письма, Л., 1987; Хозиев Ўзбек адабий тили, 1-кисм, Т., 1980.

Абдулҳай Мадвалиев.

Д

ДЕВКАМАР ҒОРИ — Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги ғор. Сариқмаконнинг жан. ён бағрида, 1315 м баландликда, тог этагидан *нисбий бал.* 160 м. Юра даврига мансуб оҳактошларда ҳосил бўлган. Кириш қисми равоқ шаклида, эни 20 м, бал. 13 м гача. Ғор бир неча йўлак ва хоналардан иборат бўлиб, *умумий эни 5—10 м, бал.* 2—3 м. Сизот даврги текис, ғувоқ-ғувоқ ва ғовак. Ғорда кўплаб сталактит ва сталагмитлар учрайди. Ғорнинг умумий узунлиги 46 м, *майдони* 423 м², *ҳажми* 2682 м³.

«ДЕДИМАН СИЛК РОУД ТАШКЕНТ» (инг.л. «Dedeman Silk Road Tashkent» — «Дедиман Ипак йўли Тошкент») — 4 юлдузли меҳмонхона; Тошкент ш.да жойлашган. 1970 й.да «Дўстлик» меҳмонхонаси номи б-н ишга тушган (воронежлик қурувчилар бунёд этган). Таъмирлаш лойиҳасини «ТАМАХ» фирмаси, қурилишини эса «Апекс» фирмаси бажарди (2003). 2004 й.дан ҳоз. номда. Таъмир вақтида меҳмонхонанинг ички қиёфаси ўзгартирилди, хоналар кенгайтирилди, замонавий ускуналар б-н жиҳозланди, меҳмонлар учун барча қулайликлар яратилди, бино қиёфаси маҳобати, замонавий кўринишга эга бўлди. Меҳмонхона 9 қаватли, 206 та хонадан иборат; 1 ўринли 36 та, 2 ўринли 48 та, 2 ўринли (люкс) 63 та, 2 ўринли (супер люкс) 45 та, 2 ўринли (апартаментли) 14 та замонавий хоналар мавжуд. Меҳмонхона ер ости қаватида гараж, техник хоналар, 1-қаватда вестибюль, соғломлаштириш мажмуаси (очиқ ва ёпиқ бассейнлар билан), офис, маъмурий хоналар ва дўконлар бор. 2-қаватда турар жой хоналари қисман ресторан ва холлар, 3—8-қаватда турар жой ва холлар, 10-қаватда очиқ қаҳвахона жойлаштан.

ДИВАЙРОМ ҒОРИ — Фарғона вилояти Сўх туманидаги ғор. Сўх дарёси чап соҳилида, 1685 м баландликда, дарё ўзанидан 655 м юқорида. Тектоник ҳаракатлар натижасида кучли дарз кетган қуйи тошқўмир даврига мансуб оҳактошларда ҳосил бўлган. Ғорнинг оғзи (эни ва бал. 1,2 м) шарқ томонга қараган. Ғор тузилиши мураккаб бўлиб, тор йўлаклар (эни ва бал. 2—4 м), хоналардан (эни 3 м, бал. 10—20 м) ташкил топган. Охиридa торайиб тугайди. Умумий *уз.* 62 м, *майд.* 1708 м². Ғорда кўршапалак ва ёввойи қантарлар яшайди.


«Дедиман силк роуд Ташкент» меҳмонхонаси.

ДИФТОНГ (юн. diphthongos — қўш товушли, қўш овозли) — бир бўғин ҳосил қилувчи 2 фонетик унсур (унлидан ташқил топган мураккаб унли; шу жиҳати б-н *монофтонглар*дан фарқ қилади, унсурларнинг бири бевосита бўғин ҳосил қилади, иккинчиси эса унга эргашиб келади ва бўғин ҳосил қилувчи ҳисобланмайди. Пасаювчи (биринчи унли бўғин ҳосил қилади) ва кўтарилувчи (иккинчи унли бўғин ҳосил қилади) Д.лар ўзаро фарқланади. Д. кўпинча немис, инглиз, испан, француз, хитой каби тилларда учрайди. Туркий тилларда, хусусан, ўзбек адабий тилида бундай унлилар йўқ, фақат ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаларида (мас., Ғаллароил лаҳжасида) Э. унлисининг Д.лашуви кузатилади.

Ад.: Решетов В. В., Шлайдурахмонов Ш., Ўзбек диалектологияси, Т., 1978; Реформатский А. А., Введение в языковедение, М., 1998.

ДОКТУРИШВИЛИ Александр (1980.22.5, Тбилиси) — спортчи, юнон-рим кураши бўйича олимпиада ўйинлари чемпиони (2004, Афина), «Ўзбекистон ифтихори» (2004). Д. юнон-рим курашининг 74 кг вазн тоифасида Ўзбекистон (2004) ва Осиё (2004, Олмаота) чемпиони. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятида юнон-рим кураши бўйича спорт ўстирувчиси (2003 й.дан).

ДОЛГАН ТИЛИ — *туркий тилларнинг* шарқий тармоғига мансуб тиллардан бири. РФда Таймир (Долган-Ненец) мухтор округида, шунингдек, *Саха Республикасида тарқалган*. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 5 минг кишидан ортиқроқ (1990-й.лар ўрталари).

Д.т. алохида ривожланиши ва *умеч тилининг* таъсири остида қайта қурилиши жараёнида мустақил тил сифатида *саха тили*дан ажралиб чиққан. Ўз навбатида норил, пясин, авам, қатанг ва пюнгай шеваларидан ташкил топган. Бир қанча фонетик, морфологик жиҳатлари б-н бошқа туркий тиллардан, хусусан, саха тилидан фарқ қилади.

Долган матбаларига мослаштирилган алифбе 1933 й.да саха тилида нашр этилган. 1973 й.да Д.т.даги биринчи китоб — Огдо Аксёнованинг шеърий тўплами, 1984 й.да эса Д.т. алифбеси нашр қилинади. Баъзи олимлар (мас., Н.А.Баскаков) Д.т.ни саха тилининг бир лаҳжаси деб ҳисоблайдилар.

Ад.: Баскаков Н., Введение в изучение тюркских языков, 2 изд., М. 1969.

ДОНИЁРОВ Тулашбой Ангуралиевич (1981.30.3, Избосқан тумани) — боксчи, «Ўзбекистон ифтихори» (2002). 48 ва 51 кг вазн тоифаларида Ўзбекистон чемпиони (1999—2003, 2005). Осиё чемпионати бронза медаллари совриндори (2002, Серембан; 2004, Пўэрто-Принсеса). Наманган ун-тини тугатган (2004). Наманган ш. олий спорт мактабида бокс бўйича мураббий (2000 й.дан).

ДРАВИД ТИЛЛАРИ — Ҳиндистон ярим ороли ва унга қўшни ҳудудлардаги тиллар оиласи. Асосан Ҳиндистоннинг жан. штатларида, шунингдек, Покистон, Жан. Афғонистон, Шарқий Эрон (брахуи тилида, қисман Шри Ланка, Жан.-Шарқий Осиё мамлакатлари, Ҳинд ва Тинч океанлар ороллари да ва Жан. Африкада тарқалган. Ўзлашувчиларнинг умумий сони 210 млн. кишидан ортиқ бўлиб (ўттан аср охирлари), уларнинг 95%и атиги 4 тилда гаплашади [*телугу* (ёки андҳра) тилида 75 млн.дан, *тамил* тилида 65 млн.дан ортиқ, *малаялам* тилида 40 млн.га яқин, *каннада* (ёки каннара) тилида 35 млн.дан ортиқроқ киши]. Ушбу тиллар тегишли равишда Андҳра-Прадеш, Тамилнад (Мадрас), Керала, Майсур штатларининг расмий тилларидир. Д.т.нинг бошқа тил оилалари б-н генетик алоқалари аниқ эмас. Ингилиз олими Р. Колдуэлл тахминига кўра, бу тилларнинг *урал тиллари* б-н яқин қариндошлиги бор.

Д.т.нинг генетик таснифи тўлиқ ишлаб чиқилмаган. 19-а. — 20-а. нинг 1-ярмида Р.Колдуэлл ва норвег олими С.Коновлар таснифи бўйича Д.т. 3 та: жан., марказий ва шим. гуруҳларга, ҳинд олими Б. Кришнамурти таснифига кўра 2 гуруҳга ажратилади. Рус олими М.С.Андронов эса Д.т.ни кўпи дагги 7 гуруҳга ажратади: шим.-ғарбий (Ҳиндистон ҳудудидан ташқарида тарқалган брахуи -ёки братуи тили), шим.-шарқий (гуруҳ, малто), марказий (колами, паржи, найки, гадаба), гондвана (гонди, конда, пенго, манда, куи, куви), жан.-ғарбий (телугу), жан.-ғарбий (тулу, корага, белларди) ва жан. (тамил, малаялам, каннада, тода, котя, кодагу ва б.).

Д.т. фонетик тизимида қисқа ва чўзиқ унзилар (5 жуфт) фарқланади, турли сифатларга эга бўлган 18 ундош мавжуд; сўз боши ва охирида одатда унзилар ва баъзи ундошларгина кела олади, сўз ўртасидаги нокуплй товуш қўшилмалари элизия, ассимиляция каби фонетик ҳодисалар, зифомик товуш на бўғинлар ёрдамида бартирафланилади; фонематик луғат мажмуи эмас. Морфологияга соҳасида суффиксал агглютинация устуворлик қилади; асл дравидий ўзакларнинг бир бўғинлилиги; морфемалар занжирида ўртача 3—4 тадан максимал 9—10 тагача морфема *бўлиши мумкин*. Отларда *сон* (бирлик ва кўплик), келишик (турли тилларда 4—5 тадан 10—11 тагача ажалга эга), жинс (баъзи тилларда 2 та, баъзиларда 3 та) категорияларига эга. Сифатлар аксар ҳолларда ўзгармас шаклни бўлиб, улардаги белги лараклари синтактик усулда ифодаланали. Феъллларда ўтимли ва ўтимсиз, бўлишли ва бўлишсиз шакллар фарқланади; замон, майл, шакс ва сон категорияларининг ўзига хос сўз ўзгартирувчи кўшимчалари бор, инкорлаш фарқланмайди. Ёрдамчи сўзлар генетик жиҳатдан мустақил сўзлар б-н ўзаро алоқадорлиги. Асосий сўз ясаш усулларн суффиксация ва сўз қўшишлар. Д.т. синтаксиси уларга ўхшаш қурилишга эга бўлган бошқа тиллар (туркий тиллар, мўғул тиллари ва б.) синтаксиси б-н кўплаб умумий типологик белгиларга эга.

Д.т.дан телугу, тамил, малаялам, каннада ва тулу тиллари ёзувининг жан. шаклари асосида, брахуи тили эса араб графикаси асосида яратилган ёзувдан фойдаланади, бошқа Д.т. ўз ёзувига эга эмас.

Ад.: Зограф Г.А., Языки Индии, Пакистана, Цейлона и Непала, М., 1960; Андронов М.С., Дравидийские языки, М., 1965; Андронов М.С., Сравнительная грамматика дравидийских языков, М., 1978.

Абдуғаффор Маҳкамов

ДРНОВШЕК Янез (1950.17.5, Целе) — Словения давлат арбоби. Любляна ун-тини тугатган. 1974 й.дан қ.х. кооперативида ишлаган, сўнг Любляна банкининг Тўрговецдаги бўлими директори; 1982 й.дан Югославия Социалистик Федератив Республикаси (ЮСФР) нинг Мисрдаги элчихонасида маслаҳатчи ёрдамчиси, 1984—89 й.ларда ЮСФР Скупчинаси (парламенти) депутати, 1989—90 й.ларда ЮСФР президиуми раиси, 1992 й. мартдаги Словения Либерал-демократик партияси (1994 й.дан Словения Либерал-демократия партияси) раиси, 1992 й. дек. — 2000 й. апр. ва 2000 й. ноябрь — 2002 й. дек.да Словения Республикаси бош вазири, 2002 й. декдан Словения Республикаси президенти. Бостон, Иллинойс ун-тлари, Европа фан ва санъат академиясининг фахрий а-ри.

ДУБНИЙ (лот. Dubnium), Db — Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб сунъий радиоактив кимёвий элемент. Тартиб рақами 105. Барқарор изотоплари йўқ, масса сони 255, 257, 259—262 га тенг бўлган 6 та изотопи маълум. Энг узоқ яшовчи бўлувчи изотопи ^{262}Db ($T_{1/2}$=40 сек). Оксидланиш даражаси +5. Оғирлик миқдорида олинмаган, унинг хоссалари фақат якка атомларидаги фойдаланиб аниқланган. Д. изотоплари Am, Bk ва Cf нишонларни ^{22}Ne, ^{18}O, ^{15}O ёки ^{15}N нинг тезкор ионлари б-н нурлантириб ҳосил қилинади. Илк бор ^{262}Db изотопини 1970 й.да америкалик физик ва кимёгар А.Гиорсо ^{249}Cf га ^{15}N ионларини таъсир эттириб олган. Кейинроқ у энг узоқ яшовчи бўлувчи ^{262}Db изотопини ҳам олишга муваффақ бўлган. ^{261}Db изотопини рус физиги ва кимёгари Г.Н. Флёров ўз шогирдлари б-н бирга 1970 й. да олган.

ДЎСТМУРОДОВ Бекназар (1957.15.6, Янгабоғ тумани) — Ўзбекистон халқ ҳофизи (2001). Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1980). *Мўъжиз театр*да актёр ва хонанда (Г.Ҳўтаев ва Х.Плиевларнинг «Хотинимнинг эри» спектаклида Пулат образи ва б.), «*Мақом*» ансамблида хонанда (1988 й.дан). Мумтоз ашула, катта ашула ва мақом йўлларини О.Хотамов, Ф.Мамадалиев, О.Отахонов, А.Исмоиловларда ўзлаштирган. Репертуаридан Шашмақом ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларн («Сарахбори Наво», «Сарахбори Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Ушшоқ» ва б.), мумтоз ва замонавий бастакорлар ашулалари («Фироқингизда», «*Гулузорим*», «Сенсиз», «Ватан ишқидир» ва б.), катта ашуладлар («Ёвғойи Чоргоҳ», «Дилёри



Ўзбекистон», «Ўзбекистон маҳалласи», «Муборак ўйин халқим» ва б.) ўрин олган. М.Дадабоев, М. Ҳасанова 6-н қамнафасида О.Ҳўшмов бастаган «Кўзинг не ёзо қаро йўлибдур», «Саркомат» каби ноёб овозли (дуэт) ашулаларни яккз эган. Д. кенг диапазонли, ширали ва баланд овоз соҳиби; унинг ижроси барча тарадаларда равон ва текис. Д. қанифаларни С.Ниёзов ва А.Ибрагимовлар б-н Республика катта ашула жамоаларининг кўрик-танловларидан (бош совриндан, Андижон, 2001). Д. иккинчи бартиллигини 2 видеофильм яратган («Ўзбекгелефильм» студияси, 1994, 2001). Д. АҚШ, Англия, Франция, Германия, Жанубий Корея, Саудия Арабистони каби мамлакатларда гастролда бўлган.

ДЎСТМУРОДОВ Мирзабек (1925.25.12, Тошкент вилояти) — нейрохирург, ортопед-травматолог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1988). Тиббиёт фанлари д-ри (1971), проф. (1973). Уруш қатнашчиси (1941—45). Душанбе тиббиёт ин-тини тугатгач (1952), шу ин-тда клиник ординатор (1952—55), Н.Н.Бурденко номидаги нейрохирургия ин-тида аспирант (1955—59). Андижон тиббиёт ин-тида ассистент (1960—63), доцент (1964—69), кафедра мудири (1969—80). Ўзбекистон травматологияга ва ортопедия н.т. институти директори (1980—86). Ўзбекистон миллий реабилитация маркази директори (1986—96). 1996 й.дан проф.-консультант. Илмий ишлари кўкрак остеохондрози диагностикаси ва давоси, шунингдек, травматология ва ортопедия, нейрохирургия ҳамда ногиронларни тиббий реабилитацияси масалаларига оид.

Ас.: Врожденная синово-мозговая грыжа, Т., 1981; Ортопедия аномалии развития нижних конечностей, Т., 2000.

Е, Ё

ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ — давлатлараро (халқаро) иқтисодий ташкилот. 2000 й. 10 октда Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон президентлари Остона ш.да имзолаган шартнома асосида таъсис этилган (мазкур давлатлар томонидан 1995 й.да ташкил этилган Божхона Иттифоқининг ҳуқуқий вориси). 2002 й. май ойидан Украина, Молдова, 2003 й.дан Арманистон кузатувчи мақомига эга. 2005 й. 6—7 окт.да Санкт-Петербург (Россия)да *Марказий Осиё давлатларини ташкилоти (МОҲТ)*га ҳам давлатлар бошлиқлари кенгаши мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таклифи б-н давлатларро иқтисодий интеграцияни янада ривожлантириш мақсадларида МОҲТ Е. и.ҳ. б-н қўшилиши *ҳақида қарор қабул қилинди. Е.и.ҳ.*га ҳам мамлакатлар Давлатларро кенгашининг Санкт-Петербург саммитида Ўзбекистон мазкур ташкилотга расмий аъзо бўлди (2006 й. 25 янв.). Ҳамжамиятнинг асосий мақсадлари: давлатлараро интеграциянинг энг юқори даражасини таъминлаган ҳолда узаро савдо-сотиқда боскичма-боскич тариф ва нотариф тўсиқларни бекор қилиш йўли б-н эркин савдо зоналарини; транспорт хизматлари умумий бозорини *ва ягона транспорт системасини*; умумий энергетика бозорини; ягона божхона иттифоқини; н.ч. омилларнинг эркин ҳаракати таъминланадиган эркин бозорни ва ўйғунлашган иқтисодий сиёсат амал қиладиган иқтисодий *ва валюта иттифоқини барпо* этиш ва б. Ҳамжамият доирасида имзоланган битим ва шартномалар савдо-иқтисодий, молия, божхона, тарифлар ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик масалаларини тартибга солади.

Ҳамжамиятнинг олий органи — аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқлари кирадиган Давлатлараро кенгаш ҳисобланади (бир йилда камида 3 марта — бир марта президентлар даражасида, 2 марта бош вазирлар даражасида мажлислар ўтказади). Ҳамжамиятнинг ижроия органи — Интеграция кўмитаси (унинг таркибига ҳукумат бошлиқларининг иқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосарлари киради). Интеграция кўмитаси мажлислари оралиғидаги даврда Ҳамжамиятнинг жорий ишларини Ҳамжамият ҳузуридаги Доимий вакиллар комиссияси (вакилларини давлат бошлиқлари тайинлайди) бошқаради. Интеграция кўмитаси қошида доимий ишлайдиган ва 9 департаментдан иборат Секретариат бор. Уни Давлатлараро кенгаш қарори б-н 3 йил муддатга тайинланадиган Бош котиб бошқаради. Бундан ташқари Ҳамжамият ҳузурида ёрдамчи органлар тармоғи 13 тармоқ кенгашлари ва 4 комиссия фаолият кўрсатади. Аъзо мамлакатларнинг парламентлари вакилларидан иборат Ҳамжамиятнинг Парламентлараро ассамблеяси доирасида давлатларнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятлари ўртасидаги ҳамкорлик амалга оширилади (томонларнинг миллий қонунчилигини ўзаро уйғунлаштириш ва уни ҳамжамият доирасида тузилган шартномаларга мувофиқлаштириш масалаларини кўриб чиқади).

Ҳамжамият сиёсий (ҳар бир давлатдан 2 талаи вакил) ҳамжамият доирасида амал қиладиган шартномалар ва органлар қарорларини аъзо давлатлар томонидан бир хилда қўллашни таъминлайди. Интеграция кўмитаси секретариати Москва ва Олмата ш.ларида, Парламентлараро ассамблея Санкт-Петербург ш.да, ҳамжамият суди Минск ш.да жойлашган. Ҳамжамият 2003 й.дан БМТ Бош ассамблеясида кузатувчи мақомига эга. Европа Иттифоқи, Жаҳон савдо ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки б-н ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Фарҳод Ҳакимов.

ЕТИМКАЛОС ҒОРИ — Сурхонларё вилояти Бойсун туманидаги ғор. Етимкалос тоғи (Бойсун тизмаси)нинг шимғарбий ён бағрида, туман марказидан 25 км жан.-ғарбда, 880 м баландликда жойлашган. Ҳар даврига мансуб типс қатламларида ҳосил бўлган. Ғор ости жинсўба қатлами, эни 3,5 м, бал. 1,7 м. Ички тузилиши мураккаб: бир қанча хоналар ва ҳар томонги йўналган турли катталикдаги йўлаклардан иборат. Йўлакларнинг деярли ҳаммаси охиригача торайиб тугаган. Уларнинг эни 1—3 м дан 7—9 м гача, бал. 1—2 м дан 5 м гача. Сақлаш ғор деворлари ва шипидан қулаб тушган тош парчалари мавжуд. Ғорнинг умумий уз. 182 м, майд. 360 м², ҳажми 700 м³ дан зиёд.

ЕФИМОВ Афанасий Семёнович (1913.5.5, Бошқирдистоннинг Месели қишлоғи — 1993, Самарқанд) — тарихчи олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1973), проф. (1963). Бошқирдистон пед. ин-тини тугатган. Унинг 1939 й.дан кейинги фаолияти Сам.ДУ б-н боғлиқ, СамДУ пед. кафедрасида ўқитувчи, проф. ва мудир. 1950—55 й.ларда илмий ишлар ва ўқув ишлари бўйича проректор.

ЁҚУБЖОНОВ Фарзиддин (1945.18. 10, Самарқанд) — дирижёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1992). Тошкент консерваториясини ҳор дирижёрлиги (1971) ҳамда опера-симфоник дирижёрлиги (1976) ихтисосликлари бўйича тугатган. Самарқанд опера ва балет (ҳоз. мусиқали драма) театрида дирижёр (1974—79 ва 1981), бош дирижёр (1982—2002), Киев академик опера ва балет театрида дирижёр-стажёр (1979—81). Навоий театрида бош дирижёр (2002 й.дан). Репертуаридан «Тоҳир ва Зуҳра» (Б. Бровкин, Т. Жалилов), «Фарҳод ва Ширин» (В. Успенский, Г.Мушель), «Зафар» (Ҳ. Раҳмон) каби ўзбек

шунингдек, мумтоз («Севилья сартарошиш», «Фауст», «Паяцлар», «Чио-чио-сан») опералар ўрин олган.

Самарқанд театрида М.Юсуповнинг «Гулсанам», С.Юдаковнинг «Майсаранинг иши», Р.Абдуллаевнинг «Садоқат», М.Ашрафийнинг «Шоир қалби», «Дилором», С.Бобоевнинг «Ҳамза» ва б. операларини, Навоий театрида Г.Мушелянинг «Самарқанд афсонаси» балети, В.Моцартнинг «Театр директори» операсини саҳналаштирган.

ЁКУБОВ Қосимжон (1945.10.9, Бекобод тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). СамДУни тугатган (1972). 1963 й.дан Бекобод туманидаги 11-мактабда тарих ўқитувчиси.

Ж, З

ЖАББОРОВ Аҳмад Ҳамидович (1925.8.8, Наманган) — мусиқашунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990), проф. (1994). Тошкент консерваториясини тугатган (1960). 2-жаҳон урушн қатнашчиси (1943—45). Мусиқа ўқув юрти (1950—54), Тошкент консерваторияси (1959—74)да ўқитувчи, Тошкент маданият институтида доцент, кафедра мудири (1974—87), Ўзбекистон консерваториясида проф. (1994 й.дан). Айни пайтда, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси (1965—75 ва 1987—92), ЎзР Маданият ишлари вазирлигининг Санъат бош бошқармаси бошлиғи (1975—85). Илмий ишлари ўзбек мусиқаси театри, ўзбек бастакор ва композиторларининг ижоди масалаларига бағишланган. Ўзбек ва рус тилларида «Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари» (Т., 1975; Т., 2004) тўпламларни муаллифи. Бир неча илмий анжуманлар (Москва, 1971; Тунис, 1972; Олмаота, 1973; Самарқанд, 1978, 1983, 1987 ва б.) иштирокчиси. «Эл-юрт ҳурмати» ордени (1999), «Жасорат» медали (1995). 6-н мукофотланган.

Ас.: Маҳас Левиев. Т., 1986; Мусиқали драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодида. Т., 2000.

ЖАМАЛЛУДДИЛ Туанку Санд Сирожиддин бин ал-Марҳум Туанку Санд Путра (1943.17.5, Малайзия, Перлис штатидаги Арау ш.) — Малайзия давлат арбоби. Англиянинг Веллингборо ш.даги умумий таълим колледжини (1963), Кароллик қирбий академиянинг Сандҳёрт ш.даги зобит кадетлар курсини (1965) тугатган. 1965 й.дан Малайзия қуролли кучлари сафида, сўнг Перлис футбол ассоциацияси президенти (1977—95), Туанку Санд Путра жамғармаси раиси (1986—2001), 2001 й. 7 майдан раёман Перлис штати рожаси (ҳукмдори). 2001 й. 12 декдан Малайзиянинг Олий ҳукмдори (подшоси).

ЖАНУБИЙ КЕМАЧИ НЕФТЬ-ГАЗ-КОНДЕНСАТ КОНИ — Бухоро вилоятидаги кон. Қоровулбозор т.й. станциясидан 35 км шим.-шарқда. 1979 й.да очилган, 1993 й.да фойдаланишга топширилган. Кон рельефи текисликдан иборат бўлиб, шим.-шарқдан жан.-ғарб томонга қияланган, ер юзаси эол қумлари б-н қопланган. 236—274 м баландликда жойлашган.

Кон майдони Чорақўл тектоник поғонасидаги Испанак-Чандир кўтарилмасининг шарқий қисмидир. Структураси Кемачи-Зекри брахиантиклинали-нинг жан. қисмида мужассамлашган, 1970 й. сейсмик разведка ишлари натижасида аниқланган. Ўлчами 25×15 км. Кейинчалик қазилган параметрик қудуқ ҳам саноат миқёсида нефть ва газ борлигини тасдиқлади. 1979—1983 й.ларда қазилган жами 22 қудуқ юра, бўр, палеоген ва тўртламчи давр жинсларини очган. Карбонат жинсли коллектор-қатламнинг умумий қалинлиги 336—407 м бўлиб, у горизонтларга ажратилган.

Саноат миқёсидаги нефть-газлилик юқори юра даврининг карбонат ётқизиқлари б-н боғлиқ, 15-Р горизонтдан (2186—2308 м чуқурликда очилган) олинган газнинг дебити 452—588 минг м³/сутка. Газ-нефть туташ юза «—2061 м» сатҳда белгиланган. Уюм массивли, ўлчами 11,5×4,1 км, бал. 130 м. Говаклилик коэффициенти 0,16; газга тўйинганлик коэффициенти 0,78. Газ қуруқ, метан миқдори 78,96—92,22%, азот кам (5,28%), карбонат кислотали (3,16), кам олтингугуртли (0,03%). Қатлам газида этан 44 г/м³, пропан 15 г/м³, изобутан 3 г/м³, бутан 4г/м³, гелий 0,003%.

Нефть уюми 15-НР ва 15-Р горизонтлари б-н боғлиқ бўлиб, 2309—2347 м чуқурликда очилган. Уюм массивли, ўлчами 11,5×3,9 км, бал. 10,0 м. Сув-нефть туташ юзаси «—2071 м» сатҳда белгиланган. Говаклилик коэффициенти 0,15, нефтга тўйинганлик — 0,69. Нефть зичлиги 0,884 г/см³. Нефть бера олишлик коэффициенти — 0,16. Нефть ўртача ва оғир, олтингугуртли, смолали, парафинли, бензин фракцияси кам. Нефть таркибида (%да): олтингугурт — 1,98, асфальтеплар — 1,77, смола — 9,6, парафин —5,75, бензин фракциялари — 8,56.

Конденсатлар ўртача ва оғир, зичлиги 0,774 г/см³, олтингугуртли, 300° гача 90—95% фракциялар қайнайди. Улардан 75% бензин фракцияларига тўғри келади. Бензин фракцияларнинг керосин фракцияларга нисбатан жажлиги 2,5 маротаба кўп. Конденсатлардаги метан углеводородларининг миқдори 44,4—54,2%. Барқарор конденсатнинг газдаги миқдори 43 г/м³.

Юра даври ётқизиқларидаги қатлам сувлари хлорид-кальций типли, метаморфлашган намакоблардан иборат. Сув зичлиги 1,07—1,08 г/см³, минераллаштанлиги 90—100 г/л. Сув таркибида саноат миқёсидаги йод (ўртача 54,0 мг/л) ва бром (ўртача 400,0 мг/л) учрайди. Шунингдек, саноат миқёсида тўпланган литий, рубидий, стронций ва нодир элементлари мавжуд. Ж.к. кони нефть ва газ захирасига кўра ўртача йирикликдаги конлар тоифасига киради.

ЗОКИРОВ Лазиз Мамажонович (1976.3.9, Жиззах тумани) — боксчи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (1997), «Ўзбекистон ифтихори» (1998). 91 кг дан энгил вазнда Ўзбекистон чемпиони (1997, 1998). Осиё чемпионати (1997, Куала-Лумпур) ва Осиё Ўйинлари (1998, Бангкок) бронза медали совриндори, жаҳон кубоги голиби (1998, Чонг-Гинг). Жиззах педагогика ин-тини тугатган (1996), Жиззах ш. болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий (1995—2005), директор (2005 й.дан).

И, Й

ИБРОҲИМОВ Тўлқин Йўлчибоевич (1952.04.6, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри) — илғор транспорт ходими, Ўзбекистон Қаҳрамони (2005). Меҳнат фаолиятини 1973 й.дан Тошкент тепловоз депосида машинист ёрдамчиси сифатида бошлаган. Тошкент тепловоз депоси тепловоз машинисти ёрдамчиси (1973—75), машинисти (1977—88), 1988 й.дан «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг «Ўзбекистон» локомотив депосида 1-класс тепловоз машинисти. Ил. меҳнат фаолияти давомида тепловозларнинг жорий таъмир даврини узайтириш, ёқилғини тежаш, ҳаракат



хайфсизлигини таъминлаш, юк ташиш тошбирикдиларни бенуқсон ошириб *бажаришга муҳим хотуқларга* эришди.

ИВОЛГА — ўчмдаги мансуб шаҳар харобаси (мил. ав. 3—1-а.лар). Ўлан-Удэдан 16 км жан.-ғарбда жойлашган. Дастлаб Г.П.Сосновский (1928), сўнгра В.П.Шилов ва А.В.Давидова (1949—50). Буратия комплекс ин-ти экспедициялари (рахбари А.В.Давидова, 1955—62) тадқиқ этган. Умумий майд. 7,5 га, атрофи қалин тупроқ тепалар (4 та тепа) ва 3 та *хандак, б-н ўраб* олинган. Шаҳар харобасининг бутун ҳудуди деч турар жой ва ҳўжалик бинолари б-н банд. 52 та ярим ертўла типидаги турар жой очилган, уларнинг девори хом гиштдан терилган ва ички томонидан тик қилиб ёғоч қопалар б-н мустаҳкамланган. Томи 2 томонга нишаб қилиб, синч ва шох-шаббалардан қурилган, усти лўмбоз б-н ёпилган. Уйларнинг ички тузилиши бир хилда. Биноларнинг ўртача катталиги 4×6 м. Катта хона (12×14 м) ҳокимга тегишли бўлса керак. Уйлар оралиғида ҳўжалик бинолари жойлашган. Уйлар ва унинг атрофидан дон, тариқ, арпа, бугдой тўлдирилган ўралар топилган. Деҳончилик қуролларидан омоч тишлари, белкурак учлари, ўроқлар, суяк-дан ишланган сўқалар ва тош ўғир-гич, қўлдаб, қайроқ сувалари чиққан. Бу топилмалар И. ахборот деҳончилик ва чорвачилик б-н машғул бўлганлиги далолат беради. И.даги қирғинли жанжалларни *учун аҳоли балки*чилик б-н қам шуғулланган. И. хунармандчилик марказн бўлган; темир эритиш, темир ва жез буюмлар ясаш, и.ч., кулолчилик, чарм-тери, тўқимачилик тараққий этган. И.мил. ав. 2—1-а.лага мансуб бўлган, сўнгра Ҳунлар давлати таназзулга учраган даврда қўшни қабилалар ҳукуми натижасида вайрон бўлган.

И. ҳунларга мансуб ҳар тарафлама тўлиқ ўрганилган агона ёдгорлик ҳисобланади.

Ад.: Древняя Сибирь (Путеводитель по выставке), Л., 1976.

ИКРОМОВ Алишер Карямович (1969, 9.6, Тошкент) — композитор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (2005). *Москва консерваториясини* тугатган (1983). Ўзтелерадиокомпаниянинг мусиқали кўрсатувлар бош таҳририятида мударрир ва бўлим мудири (1985—1989), Эстрада-симфоник оркестрида пианиночи-концертмейстер (1990—95), дирижёр (1995), бадиий раҳбар ва бош дирижёр (1996 йдан). «Садо» *ансамблида мусиқа раҳбари* (1989—90). Ўзбекистон консерваторияси (2004 йдан) ва Санъат ин-ти (2005 йданда педагог. И. академик ва эстрада ҳўналиларида ижоз қилиб «Буюк Темур» операси, «Умар Хайём» моноопераси, «Темурий маликалар» телебалети, 2 оперетта, театр спектакллари (40 дан ортиқ) ва кинофильмлар учун мусиқалар, симфоник ва камер мусиқа асарларн (жумладан, вокал-тўркумлари, фортепиано учун 24 прелюдия ва б.), шунингдек, 250 дан ортиқ эстрада қўшиқларн, эстрада аранжировкаларнни яратган.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ (лот. interpretatio — воситачилик) — алгоритмик тилларда ёзилган дастурларни машина *тилига таржима қилиш усулларидан* бири. Бу усулда дастурнинг айрим қисмлари (мас., буйруқлар) таржима қилинишн биланоқ бажарилаги ва дастурнинг бошқа қисмлари б-н ҳам шу жараён такрорланади. Бу усулда дастурнинг таржима қилинадиган ва бажарилаётган қисмлари кўп маротаба бажарилиши мумкин. Бу жараённи бажарувчи дастур интерпретатор деб аталади. И. усулида интерпретатор — дастур алгоритмнинг бажарилиши (масалаларнинг ечилиши) *давомида тезкор хотирада сақланади* (И. усулининг камчилиги), лекин алгоритмнинг *бажарилмайдиган* буйруқлари (мас., тармоқланувчи буйруқларнинг бажарилмайдиган қисмлари) таржима қилинмайди (И. усулининг ютуғи).

ИНТЕРФЕЙС (инг. interface) — техник ва *программалаш* воситалари мажмуи; *ҳисоблаш, бошқариш ёки ўлчаш* тизимлари (мас., ЭҲМ нинг оператив ва ташқи хотира қурилмасиғлаги турли функционал қурилмаларнинг ўзаро таъсирини таъминлайди. И. ускуналаётган ахборотларни коллаш ва синхронлашга нисбатан белгиланган қоида ҳамда келишувга мувофиқ тайёр модуллардан системани, қурилмаларнинг механик ва *электр бирикмаларини* сигнал кўринишида (ахборотлар ва б. шаклда) тўпланга имкон беради.

ИРИСБЕКОВ Ортиқбой (1948.20.1, Гулистон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2004). ТошДУни тугатган (1971). 1971 йдан Сирдарё пед. институтида, 1977 йдан Мирзаобод туманидаги 11-, Гулистон туманидаги 24-мактабда, 1996 йдан Гулистон туманидаги «Умидли ёшлар» иктисослашган интернат мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

ИСАЕВ Жаббор (1935.5.1, Сирдарё тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). СамДУни тугатган (1957). 1957 йдан Сирдарё туманидаги 25-мактабда тарих ўқитувчиси, 1965—2004 йларда мактаб директори.

ИСКАНДАРОВ Қувондиқ (1930.10.9 — *Ҳазорасп тумани* — 2004.20.7) — Ўзбекистон халқ ҳофизи (1998). Ҳожихон *Болтаев* мактаби давомчиси. Ашулачилик сирларини дастлаб Озод Жабборовдан, кейинчалик устозона ёшлаларин Ҳожихон ва Нурмуҳаммад Болтаевлардан ўрганган. Ўзбек давлат филармонияси («Хоразм», «Лазги» ансамбллари)да яккахон хонанда (1958—85). Тошкент мусиқа коллежи ва Ўзбекистон консерваториясида педагог (1999 йдан). Репертуаридан Хоразм («Фарруҳ 1,2» сюитлари б-н, «Сегоҳ»,



«Дугоҳ», «Ораззибон», «Катта Сувора», «Чапандози Сувора» ва б.), Фаргона-Тошкент («Тамавор 1», «Гиря 1,2», «Таманно» ва б.) мумтоз йўллари, куйини ўзи басталанган асарлар («Суҳбатлашайлик», «Учрадим», «Узоқласан», «Инкимиз», «Кайдасан», «Индамас Сувора» ва б.),



1



2

Иволга топилмалари: 1. Сопол идишлар. 2. Йўлбарслининг олдирғи б-н ишланган тасвирланган жез пластика.

шуниингдек, туркман ва озарбайжон халқ қўшиқлари ўрин олган. И. сўлим, ёқимли, барча регистрларда жаранглор ва жозибали овоз соҳиби. У ўзбек мумтоз ашулачилик анъаналарига таяниб ўзига хос ижро йўлини яратган. Услуби шижоат ва жўшқинлиги б-н ажралиб туради. И. Ф.*Давлатов*, М.Дадабоева, Р.Қурбонов, А.Дадаев, Ў.Оллабергенов, Г.Ғоибова, Ш.Матёқубов каби хонандаларга устозлик қилган. Осиё давлатларида гастролда бўлган. Ижролари грампластинка ва Ўзбекистон радиоси фонотекасига ёзилган.

ИСМОИЛОВА Дилбар Обидовна (1938.11.8, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (2003). Зайнаб *Садриевани*нг қизи. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1961). 1958—87 йлар Ҳамза театрида, 1987 йлдан Ўзбек давлат драма театрида актриса. «Холисхон» (Ҳамза) спектаклидаги Зуҳра унинг сахнада яратган илк образидир. Ўз ижоди давомида лирик, драматик характерларга тўла образлар яратди: Қамарабону (Б.Авазов, «Фурқат»), Камола, (Р.Тагор, «Ганг дарёсининг қизи»), Гули (Ўйғун, И.Султон, «Алишер Навоий»), Нури (Ойбек, «Қутлуғ қон»), Маргарита (А.Дюма, «Ажал минораси»), Ойимхаҳон (К.Яшин, «Бухоро»), Лутфи (С. Аҳмад, «Келинлар кўзғолони»), Анвара, Рисолат (Ў.Умарбеков, «Қиёмат қарз», «Шошма, қуёш»), Увайсий (Т. Тўла, «Нодирабегим»), Хонзода (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Байла (П.Кодиров, «Юдузсиз тунлар»), Мастура сипанг (Ҳамза, «Паранжи сирлари»), Гонерилья (У.Шекспир, «Қирол Лир») ва б. И. дубляж санъати устаталаридан. У «Ганга ва Жамна», «Ҳур қизлар», «Анна Каренина», «Морена Клара», «Муҳаббат қаҳрамони», «Гадалутно» ва б. фильмларда бир неча қаҳрамонга овоз берган. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1998).



Дилбар Исмоилова Шафақ ролида («Ой тутилган тунда»).

ИТТИФОҚ — Наманган вилоятидаги шаҳарча (1989 й.дан). Наманган шаҳрининг шим.-ғарбида. Яқин т.й. станцияси ва вилоят маркази (Наманган ш.идан 25 км. Аҳолиси 3,5 минг киши (2004). Наманган парранда чилик ф-каси қурилиши муносабати б-н 1973—76 й.ларда ишчи-хизматчилар шаҳарчаси сифатида бунёд этилган. И.да Наманган парранда чилик ф-каси асосий саноат корхонаси ҳисобланади. Шунингдек, умумий таълим мактаби, бозорча, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кутубхона, дорихона, тиббий пункт фаолият кўрсатади.

ИҚБОЛ МИРЗО (тахаллуси; аск номи Мирзаалиев Иқболжон) (1967.1.5, Баглод тумани Қўштегирмон қишлоғи) — Ўзбекистон халқ шоири (2005). Фарғона пед. ин-тининг ўзбек тили ва адабиёти ф-тини тугатган (1991). «Ўзбекистон табиати» (1991), «Ватан» газ.да ўқувчи бошлиги (1992), масъул котиб (1993—94), Ўзтелерадиокомпаниядa катта муҳаррир (1996), директор ўринбосари (1997), «Ассалом, Ўзбекистон!» студиясининг бош муҳаррири (1998 й.дан). Дастлабки шеърий тўплами — «Юракнинг шаклн» (1993). Кейинчалик «Қунғил» (1993), «Сени соғинаман» (1994), «Мени эслайсанми» (2000), «Танланган шеърлар» (2002), «Қўшиқларим» (2004) каби шеърий асарлари нашр этилган. Шеърлари ўзига хос ноёнк туйғулар, миллий ўзбеклар, ўзбекона оҳанг ва фалсафа б-н йўғрилган. Кўплаб шеърлари таниқли хонандалар томонидан куйланган. «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1999).



ЙЕТС, Йетс (Yeats) Уильям Батлер (1865.13.6, Дублин — 1939. 28.1, Рокбрюн) — ирланд шоири, драматург. *Сиднейлик* номинацин. 19-а. 90-й.ларидаги «Ирланд уйғонниш даври» маданий ҳаракатининг ташаббускори. Дастлабки шеърий тўпламн — «Оссиан саёҳатлари» (1889). Ушбу китобда шу номли достон асосий ўрин эгаллайди. У ирланд халқ афсоналарига, халқнинг поэтик ижодига асосланган. Фуқаролик лирикаси руҳидаги «Кельт оқшомлари» (1893), «Масъулият» шеърий тўпламлари (1916), ватанпарварлик руҳидаги «Хулиан қиш — Кетлин» пьесаси (1902) ва япон театри (ноо) анъаналари асосида ёзилган пьесалари бор. Нобель мукофоти лауреати (1923).

ЙОНСОН, Юнсон (Johnson) Эйвинд (1900.29.7 — Боден шаҳри яқинида — 1976.25.8) — швед ёзувчиси. Дастлабки новеллалар тўплами — «Тўрт ажнабий» (1924). «Хотираларэр» (1928) романида Пруст ва Фрейд йўлидан боради. «Юдузнинг қулаши» (1929) романи Швеция адабиётида биринчи бўлиб Ж.Жойснинг «фикрлар оқими» услубида ёзилган. «Пилет б-н хайрлашув» (1930), «Бобинак» (1932), «Тонгдаги ёмғир» (1933) романлари бор. 1934—37 й.ларда ёзилган 4 ж.ли «Улуф ҳақида роман» асари ўсмирларга бағишланган бўлиб, Швеция адабиётининг мумтоз асари ҳисобланади. «Крилон» роман-трилогияси (1941—43), «Қирғоқ тўлқини» (1946) романлари ҳам Йзи машҳур қилган. «Метаноит устида булутлар» (1957) романидан сўнг Швеция академиясига аъзо этиб сайланган. «Порлоқ зотнинг кунлари» (1960) ва «Қамалганлар ҳақида роман» (1973) асарларида қад. дунё вакилларини ҳоз. замонда ўзини маданий ҳисоблайдиган кишилар б-н қиёсланган. Нобель мукофоти лауреати (1974).

K

КАЛАМ Аиул Пакир Жайнулобидинн Абдул (1931.15.10, Рамешварам) — Ҳиндистон давлат арбоби. Мадрас технология ин-тини тугатган (1957). 1958 й.дан Ҳиндистон мудофаа вазирлигига қарашли ит. ташкилотида катта илмий ёрдамчи. 1962 й.дан Ҳиндистон Космик тадқиқотлар қўмитасида турли лавозимларда ишлади. 1982 й.дан *Ҳиндистон мудофаа саноатининг Ҳайдарободдаги* тадқиқотлар ташкилоти директори, 1998 й.дан Технологик ахборот, бошқарн ва бахолаш бўйича кенгаш раиси, Ҳиндистон ҳукуматининг ядро масалалари бўйича бош илмий маслаҳатчиси. 2002 й. 25 июлдан Ҳиндистон Республикаси президенти. К. космик тадқиқотлар, ядро ва ракета дастурлари бўйича олим ва мутахассис. Ҳиндистон Миллий ФА ва Аэрокосмос жамияти аъзоси. Мудофаа саноати бўюртмаси бўйича бажарилган бнр асосий лойиҳа муаллифи.

КАРЗАЙ Хомед (1957, Қандаҳор ш. яқинидаги Карз қишлоғи) — Афғонистон давлат арбоби. Кобулдаги «Хабибия» билим юрти (1976), Ҳиндистоннинг Симла ш.даги Ҳимачал Прадеш ун-ти (1982)ни тугатган. СССРнинг Афғонистондаги қўшинларига қарши

уруғида иштирок этган. 1982 й.дан Афғонистонни озод этиш миллий фронти тезкор бошқармаси бошлиғи, 1985 й.дан ақворот департаменти раиси, сиёсий департамент бошлиғи ўринбосари, 1989 й.дан Пешоварда жойлашган С. Муҳаддадий раҳбарлигидаги Афғонистон муваққат ҳукуматида ташқи алоқалар департаменти бош директори, 1992 й.дан Б.Раббоний бошчилигидаги муваққат ҳукуматда ташқи ишлар вазири ўринбосари. 1994 й. «Тожбон» ҳаракатига қўшилган, аммо 1995 й. охирига келиб, бу ҳаракат мояктасиз инглаб етган, уюш тарк этган. 1997 й. Покистоннинг Кветта ш.да Афғонистонда Лоя жиргани ўтказишга ёрдам кўрсатиш бўйича бўлимга мъёис этган. 1999 й. Лоя жиргани ташкил этиш бўйича Зоҳир Шоҳ бошчилигидаги Рим гуруҳи ижроия қўмитаси аъзоси. 2001 й. дек.да Бонн ш.да бўлиб ўтган Афғонистон муваққат ҳукуматини таъсис этишга бағишланган конференциясида муваққат ҳукумат раиси этиб сайланган. 2002 й. майдан Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати раиси, 2004 й. окт.дан Афғонистон Ислом Республикаси президенти.

КАРИМОВ *Абдуғани Набиевич* (1954.24.4, Тошкент) — наққош, *Ўзбекистон халқ устаси (2005).* Бенқов номидаги Республика рассомлик билим юртини (1973) ва Тошкент педагогика ин-тини (1979) тугатган. Ўрта мактабда ўқитувчи (1979–83), «Рассом» комбинатида бадиъий рассом (1984–92), «Устоз» биргалигмасида наққошлик бригадаси бошлиғи (1992–94). *«Туркистон» концерт залн (1994),* Темурийлар тарихи давлат музейи (1996), Олий Мажлис биноси (1997), Оқсарой (1999), Ҳиндистондаги Ўзбекистон элчихонаси (2000), Ўзбекистон миллий театри (2001), Тошкентдаги «Шаҳриддор хотираси» музейи ва *б. йирик иншоотларнинг бадиий безагини* ишлашда иштирок этган.

КАРИМОВ *Тўхтахожа Солиевич* (1944, Бағдод тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2004). Фарғона пед. институтини тугатган (1970). 1970 й.дан Сирдарё вилоятининг Сардоба туманидаги 5-мактабда мат. ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари, ўқув бўлими мудири, 1973 й.дан Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 22-мактабда (1987–89 й.лар 41-мактабда) мат. ўқитувчиси. «Математикадан чорaклик тестлар» рисоласи муаллифи. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1995).

КАРМАНА — Навоий вилояти *Кармана туманидаги* шаҳар (1979 й.дан), туман маркази. Вилоят марказидан ва яқин т.й. станцияси (Навоий ш.дан 8 км, 1958 й.дан Навоий тумани (1958 й.гача Кармана тумани) маркази. 1968 й. 21 ноябрдан шаҳар посёлкаси. 1982 й.гача Бухоро вилояти, 1992 й. дан Навоий вилояти таркибида. 1999 й.дан Навоий ш.нинг Кармана тумани таркибида. 2003 й.дек.дан Кармана тумани маркази. Аҳолиси 20816 киши (2004).

К. ва туман ҳокимияти биноси, пиллакўрти уруғи з-ди, туман корхона ва ташкилотлари, автовокзал, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатган. 4 умумий таълим, интернат, санъат мактаблари, 2 касб-ҳунар коллежи (пед. ва қ.х.) бор. Туман марказий кутубхонаси, маданият саройи, «Ёшлик» маданият ва истироҳат боғи, спорт мажмуаси мавжуд. Шаҳар марказида Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилган.

К. темир йўл ва автомобиль йўллари орқали Нукус, Урганч, Бухоро, Самарқанд ва б. шаҳарлар б-н боғланган (Кармана ш. тарихи тўғрисида ЎзМЭнинг 4-жилдидаги *Кармана* мақоласига қ.).



Абдулла Қаҳҳорнинг Мақлайиндаги мақсад гимназияси ишлаш пайти (1996).

КАРМАНА ТУМАНИ — Навоий вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Зарафшон *дарёсининг қуйи қисми* соҳасида жойлашган. 1962 й.дан Навоий тумани деб юритилган. 1980 й.да Навоий туманидан Навбаҳор тумани ажралиб чиққан. 1988 й.да қайта *қўшилган.* 1992 *й.дан* яна алоҳида туман бўлган. 1999 й. Кармана ш. ҳудуди Навоий ш. таркибига (Кармана тумани сифатида) киритилди. 2003 й.



Кармана шаҳридаги Алишер Навоий ҳайкали.

дек.да Навоий тумани номи К.т. деб ўзгартирилди ва Кармана ш. туман маркази сифатида белгиланди.

Туман шим.дан Навбаҳор, Конимех, тарбдан Қизилтепа туманлари, шарқ ва жан.дан Самарқанд вилояти б-н чегарадош. К.т. ҳудуди Навоий ш. атрофини ҳамма томондан ўраб олган. Туманда 1 шаҳар (Кармана), 1 шаҳарча (Маликработ), 6 қишлоқ фуқаролари йиғини (Дўрмон, Жалойир, Нарпай, Уйрат, Янгиариқ, Ҳазора) бор. Майд. 0,95 *минг км*². Аҳолиси 94473 киши (2005). Маркази — *Кармана ш. (2003 й. дек.дан).*

Табиати. К.т. ҳудуди Зарафшон *дарёси водийсининг ўрта қисмида,* литологияси жан.-шарқида жойлашган. Туман ер юзаси, асосан, пасттекисликдан иборат. Зарафшон дарёси водийсига яқин ерларда қад. қуруқ дарё ўзанлари ва адирлар орасидаги қатламларда чучук сув захиралари бор. Туман сейсмик зонада жойлашган. Ер юзаси Зарафшон дарёси ва гарбга томон қия. Иқлими кескин континентал. Ёзи қуруқ, иссиқ, қиши совуқ. Йиллик ўртача т-ра 15°. Янв.ди ўртача т-ра 0,4°, июлда 28,9°. Йиллик ёғин 100—200 мм. Вегетация даври 212 кун. Тумандаги суғориладиган ерлар, асосан, Зарафшон дарёси ва қисман Аму — Бухоро машинa каналининг Навоий канали шохобчасидан суғорилади. Қасаба, Хопим, Нарпай каналлари сувидан ҳам фойдаланилади. Кармана гидроузели қурилган (1973). Тупроқлари, асосан, маданийлашган, ўтлоқи, суғ.-кўнғир, шўртоб, тупроқлар ўзлаштирилган

зонада автоморф ва ярим гидроморф типроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан жийда, тол, оқ ва қора сақсовул, яйноқ, қалғун, шувоқ, ясирик, жузғун, черкез, қўнғирпоя, сегиз, илоқ қамиш, шўра, етмак, жингил ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, чиябўри, юмронқозиқ, қўшоёқ, ўргимчаклар, тошбақа, типратикан, калтакесак, турли ҳил илонлар; қушлардан кўзакавлогар, ўрдак, лойхўрак, майна, қарға, ҳакка, мусичча, чумчуқ ва б. бор. Ялпоқларида қоракўл қўйлари боқилади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам *яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги* 1 км² га 100 кишн. Шаҳар аҳолиси 28216 кишн, қишлоқ аҳолиси 66237 кишн.

Хўжалиги. Туман хўжалиги, асосан, қ.ҳ.га ихтисослашган. Чорвачилик (шу жумладан, қоракўлчилик), пиллачилик, саблавотчилик, полизчилик б-н ҳам шуғулланилади. «Ильк қўрғон ўрғин», «Навоийнинда» корхоналари, пахта тозалаш з-дн, «Сариобгаз-ранда» ф-каси, «Агроуниверсал» корхонаси бор. «Навоий — Урал» Ўзбекистон — Россия, «Грантекстил» Америка — Ўзбекистон — Афғонистон қўшма корхоналари ишлаб турибди. 1,6 мингдан зиёд ўрта ва кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатади.

Қ.ҳ.да суғориладиган ерлар 22 минг га, экинзорлар 17657 га, шу жумладан, 7770 га ерга пахта, 7585 га ерга дон, 563 га ерга сабзавот, 119 га ерга полиз экинлари, 180 га ерга картошка, 1440 га ерга ем-хашак экинлари экилади (2004). Токзор, тутзор, боғлар, ялпоқлар, ўрмон хўжалиги майдони. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 31283 қорамол (шундан, 15207 сигир), 54346 қўй ва эчки, 338065 парранда, 292 йилқи боқилади. Шунингдек, фермер хўжаликлари, агрофирмаларда, фермер хўжаликлари уюшмалари фаолият кўрсатади.

Асосий транспорт воситаси — автомобиль транспорти. Навоий — Ўчқудуқ т.й. туман ҳудудини кесиб ўтади. К.т.да Навоий ш. аэропорти жойлашган. Туманда 28 умумий таълим мактаби (21953 ўқувчи), интернат мактаби, санъат мактаби, 3 касб-ҳунар коллежи (3410 ўқувчи), 1 марказий, 28 жамоат, 1 болалар кутубхоналари, маданият саройи, 8 клуб муассасаси, «Ёшлик» маданият ва истироҳат боғи бор. Спорт мажмуси, стадион, теннис корти ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, 19 амбулатория — поликлиника, 20 ҳорихона ва б. тиббий муассасаларда 133 врач, 603 ўрта тиббий ходим ишлайди. *Меъморий ёдгорликлардан Мир Саид Бағрон мақбараси* (11-а.), *Қосим Шайх хонақоси* (16-а.), Работи Малик карвонсарой ва сардобаси (11-а.) сақланган. «Кармана овози» туман газ. чиқарилади (ҳажми 1000).

Нотиқ Алиёров.

ҚАЧИНЬСКИЙ *Лех (1949.18.6, Варшава)* — Польша давлат арбоби. Юридик фанлари д-ри. Варшава ун-тини тугатган (1971). Гданьск ун-ти ихтиё жодими (1971—90), «Мехатрашкларни ҳимоя қилиш қўмитаси» ишлари ташкилоти фаоли (1977—80). Гданьск кемасозлик з-ли иш ташлаш қўмитасини маслаҳатчи (1980—81), «Бирдамлик» касаба иттифоқи ҳаракати фаоли (1982—90), унинг ҳузуридаги «Фуқаролик қўмитаси» аъзоси (1988—89), Польша парламенти ҳақорни палатаси — сенат аъзоси (1989—91). «Бирдамлик» касаба иттифоқи раҳбарнинг биринчи ўринбосари (1990—91). Польша парламенти қуйи палатаси — сейм депутати (1991—95). Польша Республикаси президенти ҳузуридаги миллий хавфсизлик бюроси директори (1991), Польша олий ҳазорат палатаси директори (1992—95), «Марказий келишув» партияси раиси (1995—2000), Польша адлия вазири — бош прокурори (2000—2001), «Ҳуқуқ ва адолат» партиясининг фахрий раиси (2001 й.дан). Варшава ш. мэри (2002—2005). 2005 й. 23 окт.да Польша Республикаси президенти этиб сайланган. 2005 й. 23 дек. дастрасман Польша Республикаси президенти.



Карвонсарой туманидаги автостанция.

КЕЛЕР Хорст (1943.22.2, Польшанинг Скирбишон ш.) — Германия давлат арбоби. Тюбинген ун-тида иқтисодий фанларни ўрганган. 1969 й.дан Амалий иқтисодий тадқиқотлар институтида илмий ассистент, 1976 й.дан ГФР иқтисодиёт ва молия федерал вазирлигида ишлаган. Христиан-демократик иттифоқ аъзоси (1981 й.дан). 1981 й.дан Шлезвиг-Голштейн федерал ери бош вазири ёрдамчиси, 1982 й.дан федерал молия вазирлигида турли лавозимларда. 1990 й.дан федерал молия вазирининг статс-котиби, 1993 й.дан Германия жамғарма кассаси ва банклари президенти, 1998 й.дан Европа реконструкция ва тараққиёт банки президенти, 2000 й.дан Халқаро валюта фондининг бошқарувчи-директори. 2004 й. 23 майдан Германия Федератив Республикаси президенти.

КИКБОКСИНГ (инг. kik — тепмоқ, boxing — бокс) — спорт тури, икки спортчининг зарурий ҳимоя воситаларини таққан (кийган) ҳолда белгиланган қоидалар асосида *бокс* ринглари ёки ўлчами 6×6 м майдон (татами)да голиблик учун курашн. К. мусобақаларн зарба бериш б-н фарқланадиган 9 йўналишда ўтказилади. Рингда ўтадиган мусобақаларда эркаклар 55,5, 56,5, 60, 64,5 67, 70, 72,5, 76, 82, 88,5 кг дан зиёд, аёллар 53,5, 58, 64,5 кг ва 64,5 кг дан зиёд, татамида ўтказиладиган мусобақаларда эркаклар 60, 65, 70, 75, 80, 85 кг ва 85 кг дан зиёд, аёллар 50, 55, 60, 65, 70 кг ва 70 кг дан зиёд вазн тоифаларида куч синашадилар. Мусобақа 2 мин.дан 3 бўлим (раунд) давом этади (танаффус 1 мин. дан). Рақиба берилган зарбалар 1, 2 ва 3 очко б-н баҳоланади. Қ.да ҳам ҳакамлар томонидан *нокдаун* ва *нокаут* қайд қилинади. Голиб ўтказган очколарига қараб аниқланади. Ҳисоб тенглиги ҳолатида оёқ б-н кўпроқ зарба берган голиб саналади. Агар бу зарбаларнинг сони ҳам тенг бўлса, унда оёқ б-н муваккаб зарба берган спортчи голиб ҳисобланади.

Замонавий К. машқлари қалимлаш ҳарбий машғулотларнинг таркибий қисми бўлиб келган. Қад. олимпиада ўйинларида ҳам К.га ўхшаш мусобақалар (мил. ав. 688 й.дан кўл жанги, мил. ав. 648 й.дан панкратион) бўлган. Европанинг айрим мамлакатларида, хусусан Буюк Британияда 18-а.нинг 2-ярмига келиб яккакураш мусобақалари қоидаларига ўзгартиришн киритилиб («Куинсбери қоидалари», 1872), оёқ б-н бериладиган зарбалар бутунлай тақиқланган. 20-а.нинг 50-й.ларидан

Шарқ яккакурашларининг Европа ва Америкада оммалашиши К.ни спорт тури сифатида шакллантирди. 1974 й.да Европа ва АҚШ Шарқ яккакураши усталари ўртасида илк К. мусобақаси ташкил этилди ва ўша йили Лос-Анжелесда ярмаркалар ўртасида 1-жаҳон чемпионати ўтказилди (айлар ўртасида 1985 й.да).

1977 й.да жаҳон К. ташкилотлари ассоциацияси (WAKO) тузилди, шу ассоциация заминида 2004 й.да Жаҳон К. федерацияси (WKF) ташкил топди, унга 50 дан зиёд давлат (Ўзбекистон 2004 й.дан) аъзо (2005). К.нинг рингсиз турлари *Брюс Ли*, Чак Норрис, Билл Уоллес, Доменик Валера, Дон Вилсон, Бенни Уркидес каби кино ва спорт жулдузлари катта ҳаваскорларини ўзига жалб этди. Франция, АҚШ, Голландия, Россия, Украина, Хорватия, Эрон, Ўзбекистон каби давлатларда кенг ривожланган.

Ўзбекистонда К. 20-а.нинг 90-й.ларида оммалашди. 1994 й.да Тошкентда илк К. клуби очилди. 1998 й.да *Ўзбекистон К. федерацияси* ташкил этилди. 1999 й.дан эркаклар (2003 й.дан аёллар) ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилмоқда. Шокир Зокиров, Ботир Зокиров, Сардор Тоштўхтаев, Аҳдам Ҳакимов, Рамазон Гафоров, Дилшод Қодиров каби мураббийлар қўл остида шуғулланган Олимов Юсупов, Алишер Абдуллаев, Дилноза Арзикатова, Сунит Ибрсов, Темур Муҳаммаджонов, Мамат Тўхтамишов, Шавкат Ўроқов жаҳон чемпиони бўлишди, кўп спортчилар жаҳон ва Осиё чемпионатларида совриндор ҳамда призёр эгаллашди. Рустам Сайдиҳметов, Азиз Тўхтамишов, Хушёр Эрназаров каби ҳакамлар халқаро мусобақаларни бошқаришмоқда. Ҳоз. кунда мамлакатда 100 дан зиёд мураббийга К. машғулотларини олиб бориш учун лицензия берилган, 136 та К. клуби рўйхатга олинган, уларда 30 мингдан зиёд киши (1000 та яқинни аёл) шуғулланади (2005).

Асрор Мўминов.

КИМЁГАРЛАР — Самарқанд вилоятидаги шаҳарча (1952 й.дан). Самарқанд шаҳар ҳокимиятига бўйсунади. Т.й. станцияси (Суперфосфат). Самарқанд ш.гача 12 км. Аҳолиси 15 минг кишидан зиёд (2005).

К.да кимё, керамзит, асфальт э.-длари, саноат бирикмаси корхонаси, тамаки ферментациялаш ҳамда сабзавот маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган «Самарқанд—Алекс» Ўзбекистон —Россия қўшма корхонаси мавжуд. Шунингдек, темир-бетон конструкциялари и.ч. корхонаси, газ таъминоти автокорхонаси, автомобиль таъмирлаш устахоналари фаолият кўрсатади. Савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, бозор бор. 2 умумий таълим, интернат мактаби, болалар мусиқа мактаби, Боғишамол касб-ҳунар мактаби, республика ҳарбий лицейи мавжуд. Кутубхона, «*Кимёгарлар саройи*», *маданият уйи, стадион*, спорт зали бор. Касалхона-поликлиника-лардан тишкит топган шаҳар тиббиёт бирлашмаси, вилоят рудий касалликлар маркази аҳолига хизмат кўрсатади.

КИНГСТАУН — шаҳар, Сент-Винсент ва Гренадина пойтахти. Сент-Винсент вулқон о.нинг жан.-шарқида, денгиз бўйида жойлашган. Аҳолиси 19,2 минг киши (2001). Мамлакатнинг асосий денгиз порти. Аэропорт бор. К. порти орқали четга банан, арроурут (крахмал уни), шакар хом ашёси, копра ва б. товарлар чиқарилади. Озиқ-овқат, совун ишлаб чиқарувчи корхоналар бор. Туристлар кўп боради.

КЛАУС Видлав (*1941.19.4, Прага ш.*) — Чехия давлат арбоби. Прагалаги Иқтисодиёт ин-тини тугатган (1963). Италиянинг Неаполь ш.даги Иқтисодиёт ун-ти (1963—66). АҚШнинг Корнелл ун-ти (1966—69)да ўқиган. 1969 й.дан Чехословакия ФА Иқтисодиёт ин-ти ходими, 1971 й.дан Чехословакия давлат банкида турли лавозимларда, 1986 й.дан Чехословакия ФАнинг Башорат қилиш ин-ти бошқарувчи аъзоси, 1989 й.дан Чехословакия федерал молия вазири, 1991 й.дан Чехословакия федерал ҳукумати бош вазири ўринбосари, 1992 й.дан Чехия Республикаси бош вазири, 2003 й. февралдан Чехия Республикаси президенти.



Кикбоксинг мусобақаси.

КЛИП (франц. — *думалоқ, роликча*) — *телекўп саньатнинг* бадиий (аудиовизуал) шаклларидан бири. Унда кино ва мусиканинг ифода воситалари, шунингдек, *лазер технологиялари мужассам* бўлади. К. 20-а.нинг 80-й.ларида (Ўзбекистонда 90-й.ларда) ривож топиб, ҳозирда ўз таъсирчанлиги, оммавийлиги туфайли жаҳон томоша индустриясида муҳим ўрин тутади. К.нинг асосий 3 тури мавжуд: мусиқали, ижтимоий мавзудаги ва реклама К.лари. Мусиқали К.ла тасвирий ҳаттлам, образлар тизими, сюжет ривожи ва монтаж, ритм каби унсурлар воситасида маълум мусиқа асари ёки бадиий талқин этилади. Дастлаб мусиқали К.ларда тасвирий ҳаттлам кўпинқа инсбатан иллюстрация вазифасини ўтаган, кўп ҳолларда хоналанишнинг ўзи К. қаҳрамони сифатида гавдаланган («Шаҳзод», «Байрам» гуруҳларининг К.лари ва б.). Кейинчалик К.ларда машҳур («Ўтган кунлар» каби) *кинофильмлардан иқтибос олиш* (мас., «Нола» ва б. гуруҳлар К.лари), компьютер графикаси, виртуал анимациянинг махсус эффектларидан фойдаланиш кенг қўлланган. К.ларни яратиш соҳасида Б.Йўлдошев, У.Ҳамроев, Ф.Давлетшин, С.Абдуллаев, Ж.Файзиев, Р.Сагдиев ва б. реж. ҳамда клипмейкер таниқлиқ: «*Zamin STS*», «*Alex*», «Байрам», «Бешёғоч» каби махсус студия ва продюсер марказлари фаолият кўрсатмоқда. К. мадинятини оммалаштиришни телевидениеда уларни тарқатувчи махсус каналларни ташкил этиш тақозо этмоқда. Масалан, «MTV», «MuzTB», «Musik box», Тошкентда «ТВ Марказ» ва 30-каналлар ва б.).


Нигора Каримова.

КРУШЕВСКИЙ Сергей Александрович (1976.19.5, Тошкент) — велопойгачи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (2002), «Ўзбекистон ифтихори» (2003). Ўзбекистон (2002—2003) ва Осиё ўйинлари (2002, Пусан) чемпиони, бир қанча халқаро мусобақалар голиби. Тошкентдаги Республика олимпия захиралари билим юртини тугатган (1995), Марказий ҳарбий спорт клуби ҳарбий хизматчиси (1995 й.дан).

КУРСОР (лот. *cursor — югурган*) — *дисплей* экранида позицияни (иш нуқтасини) кўрсатувчи кўчиб юрадиган ёруғ белги (чизиқча, тўғри тўртбурчак,

стрелка); шу белги орқали кейинги операция бажарилади ёки эркинлик навбатдаги белги (символ) нинг чиқиш жойини кўрсатади.

КЎКЭЛ ҚАБРИСТОНИ — *ҳудудларга оид археологик ёдгорлик* (мил. ав. I-мил. 2-а.дар). Тува Республикаси (РФ)даги Хемчик дарёси ҳавзасида, Ишкин-Арази тоғи ён бағрида жойлашган. Л.П.Потапов (1959—66) тадқиқ этган. 500 та яқин қабр тепкиларидан. Дафн иншоотлари турлича кўтон-қабристонлар шаклида бўлган. Мозорқўрғонининг тагида баъзан 100 дан зиёд қабр жойлашган, шуниндек тошдан бунёд этилган кўргонлар, оддий қабрлар ва б. топилган. Дафн маросимларида ҳам ўзгаришлар юз берган: ўтмиш даврига хос бўлган ёғоч деворли қабрлар ўрнига энди ликда ёғоч тобутлар пайдо бўлган, маййитлар букчайтириб эмас, чалқанча, бошн, асосан, шимгарбга қилиб ётқизилган. Дафн маросимларининг турлича лиги аҳолининг этник таркиби мураккаб бўлганини кўрсатади. Бунга қабрлардан топилган одам шаклидаги ёғоч ҳайкалчалар — сакмлар мисол бўлади. Булар турли жисмо-



Кўкэл қабристони. Ёғоч мажуд ҳайкалча.

ний қиёфага — ҳам европеоид, ҳам монголоид, баъзи аралаш ирққа мансуб бўлишган. К.қ.дан жуда кўп қуроласлаҳа, манший ва безак буюмлари ҳам топилган.

КЎП ТИЛЛИЛИК, полилингвизм (юн. poli — кўп ва лот. lingua — тил) — муайян ижтимоий бирлик (энг аввало давлат) доирасида бир неча тилнинг қўлланиши; яъни шахс (кишилар гуруҳининг бир пайтнинг ўзида бир неча тилдан фойдаланиши. Бунда фойдаланиладиган тилларнинг ҳар бири аниқ коммуникатив вазифага қараб танлаб олинади. Ҳар иккала ҳолат бир-бирига боғлиқ бўлади (алоқа-аралашув эҳтиёжлари кўп тилли ушбу вакилларининг муайян қисмида К.т.ни келтириб чиқаради), лекин уларнинг ўзаро боғлиқлиги қатъий эмас: жамиятда бир тиллиликнинг устунлиги унинг маълум вакилларн кўп тилли бўлишини инкор этмайди ва, аксинча, давлатнинг К.т.ги муайян тил жамоалари доирасида бир тилда сўзлашувчи кўпчилик аҳоли б-н муносабатларни ташкил этишни мумкин (мас., Швейцарияда). Шу сабабли «индивидуал» К.т. б-н «миллий» К.т.ни фарқлаш зарур бўлади. Янада катта миқёсларда К.т. кўп миллатли давлатлар (Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Нигерия ва б.) учун хос хусусиятдир.

К.т. шароитида ўзаро алоқа қилиш шакл-лари (тиллар, лаҳжалар, шевалар, ижтимоий ва профессионал жаргонлар каби) функционал жиҳатдан иерархия (погонали)ни ташкил этади, мас.: 1) турғунларро алоқанинг четларалатган воситалари («оналик» тиллар); 2) турмушдаги турғунларро алоқа-аралашувнинг муайян жойга хос воситалари (Осиё ва Африкадаги кўп қабилали қишлоқ жамоаларидаги «бозор» тили); 3) маъмурий (ёки миллий) ишонч тили; 4) кўп миллатли минтақа тили; 5) умумлашган тили («лашгидан устун» ёки қадқаро тил бўлиши ҳам мумкин). Агар дастлабки икки босқич тиллари асосан норасмий оғзаки алоқа учун хизмат қилса, келгуси босқичлагилари учун, мазкур вазифаларан ташқари, яна оммавий ва расмий (кўпинча ёзма) алоқа хизматлари ҳам қўшилиб, улар таълим, ахборот воситалари, адабиёт, маданият, фан тизимларига айланади.

К.т. аксар ҳолларда *икки тиллилик* (билингвизм) шаклида амалга ошади. Уч ёки ундан ортиқ тилни оммавий равишда эгаллаш (билинг) ниҳоятан кам учрайди. К.т. (билингвизм) учун амалда қўлланувчи тилларнинг функционал мақоми ва уларнинг (генетик ёки типологик) яқинлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. К.т. негизида тилларнинг ўзаро таъсирланиши ва яқинлашуви рўй беради, тиллар иттифоқи ҳосил бўлади.

Ад.: Новое о лингвистике. Вып. 6. Языковые контакты. М., 1972; Швейцер А.Д., Современная социолингвистика. Теория, проблемы, методы. М., 1976.

Ўрок Ларлаев.

ҚҲАРОШТҲИ — қад. қанд. ёзувларидан бири (мил. ав. 5-а. — мил. 5-а.); бақтрия, қанд-бақтрия, шим.-ғарбий қанд, кобуд ёзуви деб ҳам номланади. К.да битилган энг қад. ёдгорлик — қонга ўйиб ёзилган Ашока фармойиши мил. ав. 251-й.га мансуб бўлиб, 1836 й.да Шаҳбозгарҳи (Покистон)дан топилган. Кейинги давр-ларга мансуб ёдгорликлар, кўлёзмалар Ҳиндистоннинг шимғарбий, Покистон шим.-идан ва ўзарга қўшни ҳудудлар (Афғонистон, Синьцзян, Ўрта Осиё)дан топилган. К. — бўғинли (силлабик) ёзув, асосий белгилари унлошларни ифодалайди, уларан кейин келадиган ундошлар («а» дан ташқари) эса асосий белгиларнинг остн ёки устига қўйилаштан қўшимча белгилар б-н ифодаланади. К. ўнгдан чапга қараб, кейинги давр ёдгорликларида эса чапдан ўнгга қараб ўқилган. К. *оромий ёзу*видан келиб чиқиш ва унга қад. ҳинд ёзуви ёрлари катта таъсир кўрсатган.



Лайлаккўнди масжиди.

Л

ЛАЙЛАККЎНДИ МАСЖИДИ. Охунгузар 1 масжиди — Тошкент шнинг Эски шаҳар маҳалласи (Зарқайнар кўча бошидаги мъморий ёдгорлик. Кўкон хони Норбўтабий фармонига кўра 1775 й.да тошкентлик устаалар томонидан қурилган. Бозорга яқин бўлганлиги учун фақат масжид эмас, карвонсарой сифатида ҳам хизмат қилган. Масжид пойдевори Мирзо Улуғбек даврндаги қурилиш услубида пишиқ гиштдан 1,5—1,75 м қалинликда тикланган. Деворларнинг қалинлиги 1,0 м ни, ташқи деворлар бал. 5,8 м ни ташкил қилади. Таъмирлаш-тиклаш ишлари жараёнида ўтказилган қазишлар натижасида 17—19-а.ларга оид сопол буюмлар — нақшлар б-н безалган хоса, лаган парчалари, уз. 36,5 см, ички диаметри ўлчамлари 12,5 ва 15 см бўлган сув ўтказиш қувури топилди.

Шўролар даврида Л.м.дан жамғарма кассн ва омборхона сифатида фойдаланилган. Од томоннни тўсиб турши мақсадида ҳужалик моллари дўконн қурилган. 2005 й.нинг июнь-сент. ойларида масжид биноси қайта тикланди. Таъмирлаш ишларига Самарқанд ва Тошкентнинг мавзирага усталари жалб қилинди. Масжид биноси ёнига 8 устунли ўймакор ёғоч айвон қурилди. Ариқни ободонлаштирилди. Масжид биноси янги қурилган *Ўзбек либослари дизайнери* ва *Билимдон ижодиёти уйи* биноларн б-н уйғунлашиб, Эски жўвага ўзгача ҳусн берди.

«Ле Гранд Плаза» (франц. «Le Grande Plaza» — «Катта Плаза») — 4 қаватли меҳмонхона; Тошкент ш.да жойлашган. «Бахри инвестинго» компанияси томонидан замонавий меъморий услубда (темир-бетон синчли) қурилган (1995, бош меъмори Р.Тухтаганов). Меҳмонхона «Тата прожекте лимитед» (1995 й.дан), «Ле Мериджиан» (1996 й.дан), 2001 й.дан «Буми Тошкент» деб аталган. 2005 й.дан ҳол. номда. Меҳмонхона таянч кўринишли поғонасимон пирамида шаклида; 14 қаватли, 190 хонаси бор. Шундан 13 таси 1 хонали люкс; 5 таси 2 хонали люкс, 3 таси 3 хонали люкс, 1 та президент апартаменти хоналари мавжуд. Беш ностийкали ва қаватларида дам оладиган жой (залдлар, 2 та ресторан, 1 та банкет зали (400 ўринли) ва 2 та конференция зали (400 ўринли). Бизнес маркази, соломолаштириш мажмуаси, мазмундор хоналари, дўкон ва офислар, кечки клуб, қадрхона мавжуд.

ЛЕВИНА Татьяна Борисовна (1965.4.9; Андижон) — байдаркачи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (1985), «Ўзбекистон ифтихори» (2003). Байдаркининг яккалик, жуфтлик ва тўртталик мусобақаларида Ўзбекистон чемпиони (1981, 1983—1986, 1992, 1993, 1995—1999), спартакиада чемпиони (1983, 1986, Москва), Осиё чемпиони (1997, Сеҳчоу), Осиё ўйинлари кумуш (1994, Хиросима) ва бронза (1998, Бангкок) медалларни совриндори, жаҳон кубоги голиби (2003, Загреб). Д. Андижон педагогика ин-тини тугатган (1989), «Буревестник» спорт жамияти йўриқчиси (1983—1988), Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятида мураббий-ўқитувчи (1988—1993), Марказий ҳарбий спорт клубида ҳарбий хизматчи (1993—2004). **ДИОНГ** Чан Дик (1937.5.5, Вьетнам, Куанг Нгай провинцияси) — Вьетнам Социалистик Республикаси (ВСР) давлат арбоби. Ханой ғеол. қидирув институтини (1969), СССР халқ хўжалиги академиясини (1981) тугатган. 1955 й.дан геол. қидирув партияларида техник, Вьетнам геологлари касаба уюшмаси ижроия қўмитаси аъзоси, Вьетнам геологлари касаба уюшмаси раиси ўринбосари, 1970 й.дан Геол. хариталари бошқармасида бошлиқ ўринбосари ва партия қўмитаси доимий аъзоси, 1976 й.дан Нгуен Ай Куок номидаги Олий партия мактаби тингловчиси, 1977 й.дан Геол. хариталари бирлашмаси бошлиғи ўринбосари, бошлиғи, 1979 й.дан Геол. бош бошқармаси бош директори, партия қўмитаси котиби, 1987 й.дан Вьетнам Вазирлар кенгаши раиси ўринбосари, Миллий мажлис депутати, ВСРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили, 1992 й.дан ВСР бош вазири ўринбосари, 1996 й. Вьетнам КП МК Сиёсий бюроси аъзоси. 1997 й. 24 сент.дан ВСР президенти. Вьетнам КП 5—9-съездларида МК аъзоси.

ЛИРО-ЭПИК ЖАНРЛАР — воқеликни бадиий мужассамлаштиришда ҳам лирик, ҳам эпик тасвир воситалари фойдаланилган шеърий асарлар. Бу жумлалаги асарларга хос асосий хусусият сюжетлилик б-н лирик ҳис-туйғу ва кечинмаларнинг ўзаро уйғунлашишидир. Лиро-эпик шеъриятнинг шеърий роман, достон, лирик қисса, баллада, шеърий эртак, қасида, масал сингари жанрларида яратилган асарлар, насрий асарлар сингари, сюжет оқимига эга бўлсада, уларлан лирик ҳис-туйғу ва кечинмалар тасвирига катта ўрин ажратилганлиги б-н фарқланади. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ёки Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романларида ҳам қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари ва табиат манзаралари тасвирига алоҳида эътибор берилган. Ҳатто «Қутлуғ қон»даги ижозинчи даражали қаҳрамонларлан бири Ёрмаҳинг Салимбойвачаини ўлдирганлан кейинги ички монологида унинг ўша кезлардаги ўта дардчил ва изтиробли кечинмалари ёзувчи томонидан катта маҳорат б-н тасвир этилган. Аммо Ёрмаҳинг ярали кўнглидан отилиб чиққан бу сўзлар ёзувчининг лирик кечинмалари эмас, балки Ёрмаҳинг ўз фарёлию тарба-тазарруқидир. «Ўтган кунлар» ва «Қутлуғ қон» романларидаги табиат тасвирида эса, муаллифларнинг табиат манзараларидан олган таассуротлари, яъни ҳис-туйғулари ўз ифодасини топган. Аммо насрий тилда ифодаланган бу манзаралар эшиш тасвирлари ҳам (худди Ёрмаҳ монологизаси) шеърият ҳодисаси эмас.

Л.-э.ж.да кечинма ва ҳис-ҳаяжон тасвири воқеа ва ҳодисалар тасвири б-н омухта ҳолда келади. Л.-э.жининг пайдо бўлиш тарихи халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Ўзбек халқ достонларининг авлоддан авлодга ўтиб, бизга қадар етиб келган намуналарида насрий матнлар б-н шеърий матнлар ўзаро уйғун ҳолда келган. Бахшилар ижозет тасвирида асосан насрий тилдан фойдаланган бўлсалар, қаҳрамонларнинг турли хатти-ҳаракатларига муносибат (мамнунлик, кинов, изтироб каби) билдиришда шеърий нутққа мурожаат этганлар. Бундай ҳолат ўзбек ёзма адабиётининг илк намуналаридан бири — «Қисаси Рабғузий»да ҳам кўзга ташланади, бу ҳам фольклор таъсири сифатида изоҳланади. Кейинчалик адабий тур ва жанрларнинг синкретик ҳолатдан ажралиб чиқиши натижасида Л.-э.ж. пайдо бўлган.

20-а.нинг 60-йилларида ўзбек адабиётида янги ижодий юксалиш палласи бошланиши б-н ўзбек адабиётига шеърий роман, шеърий қисса сингари янги жанрлар кириб келди; достон жанрининг лирик достон, драматик достон, портрет-достон сингари янги кўринишлари кашф этилди; баллада жанрининг табиатида эса халқ оғзаки ижодига хос хусусиятлар устуворлик қила бошлади. Ўзбек шеъриятидаги мазкур янгиланиш жараёни Л.-э.ж. табиатида ҳам ўз аксини топди. Айниқса, лирик достоннинг шу давр адабиётида катта мавқе касб этиши Л.-э.жининг янги тараққиёт босқичига эришганидан дарак берди. Ўзбек шеъриятидаги худди шу жараённинг таъсири сифатида насрда ҳам лирик қиссалар майдонга кела бошлади.

Нозим Каримов.



«Ле Гранд Плаза» меҳмонхонаси.

ЛОЖУВАРД ЙЎЛИ — Ўрта Осиёнинг Қад. Шарқ мамлакатлари б-н сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларида муҳим ўрин тутган қад. транзит алоқа-савдо йўли. Турли рамзий номлар (Олтин йўл, Илак йўли, Кумуш йўли, Нефрит йўли ва б.) б-н аталувчи алоқа-савдо йўллари ичида даврий жиҳатдан энг қад.ги ҳисобланади. *Буюк ипак йўли* шакланишидан 3 минг йилча олдинроқ мавжуд бўлган.

Тарихий-геологик тадқиқотларнинг далолат беришича, *ложуварднинг* қад. Шарқ дунёсидаги энг машҳур конлари Помир тоғларида, Тоғли Бадахшонда жойлашган. Ўрта Осиёнинг *энеолит* ва *эски даврига* мансуб маконларидан — Жан. Туркманистонлари Ой-тинделя, Зарафшон дарёсининг юқори ва қуйи оқимларидаги Саразм ва Заманбобо маконларидан ложувардан ясалган турли буюмларнинг топилиши Л.В. нинг маълумотларига қараганда, қия металл фермалари б-н ёпилган. Йўлак ва зал шоён матога катталаштириб ишланган. Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиё миниатюралари б-н безалган. Биноинг 1-қават хоналари вестибюллари яқинларидан равоқлар орқали очилган. Вестибюлнинг 2 томонига мансарали расмлар чизилган. Шимол вестибюлдан тепага кўтарилган лифт шаҳар манзарасини очиб беради. Лифтдан олдиндаги майдончалари 2 томонга коридорлар кетган. Шуниндек, меҳмонхонада фавворалар, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, сауна, теннис корти, кафе-бар ва ресторан бор.

«Марказий меҳмонхона».



МАРОВИЧ Светозар (1955.31.3, Котор) — Сербия ва Черногория давлат арбоби. Подгорицадаги ун-тин тугатган. 1990 й.гача Черногория социалистик ёшлар иттифоқи раиси бўлиб ишлаган, Черногория коммунистлар иттифоқи МК президиуми таркибида бўлган; Черногория мустақиллигини ёқлаб чиққан Черногория социалистларининг демократик партияси асосчиларидан бири. 1990 й. Черногория парламентига сайланган. 1994—2001 й.ларда уч марта Черногория парламенти спикери этиб сайланган. 1999—2003 й.ларда Черногория парламентида ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар қўмитаси раиси, 2003 й. 7 мартдан Сербия ва Черногория президенти.

МАРТЕН дю ГАР (Martin du Gard) Роже (1881.23.3, Нёйи-сюр-Сен — 1958.23.8, Беллем) — француз ёзувчиси, драматург. Дастлабки асари — «Шакланишда» ўз тарихи — ёзувчиликни англаб, ҳаётнинг бир нима ёзолмаган одам тарихи тасвирланган. Кейинги «Жан Баруа» (1913) романи М. дю.Г.га шуҳрат келтирган. Асар ўша вақтлар учун янги бўлган диалог ва тарихий ҳужжатларни чоғиштириш усулида ёзилган. Энг йирик асари — «Тибо оиласи» (1922—40, 8 ж.ли) ўзининг тафсилотлари, бош персонажларининг ранг-баранглиги б-н ажралиб туради. Асар оилавий солнома (оила тарихи) тарзида бошланиб, кейин 20-а. бошларидаги Франция ҳаётининг кенг ҳажмдаги манзараси тасвирланган сиёсий романга айланиб кетган. М. дю Г. бу асари б-н оилавий солнома жанрини бошлаб берган («Кулранг дафтар», 1922; «Ахлоқ тузатиш колонияси», 1922; «Туш пайти», 1923; «Шифокорлар куни», 1928; «Сингилчам», 1928; «Отамнинг ўлими», 1929; «1914 йил ёзи», 1936; «Хотима», 1940). М.дю Г. 1940 й.дан кейин «Полковник Момора» эпопеяси устида ишлаган, лекин асар якунламай қолган. Нобель мукофоти лауреати (1937).

МАТВИЕВСКАЯ Галина Павловна (1930.13.7, Днепропетровск) — математик олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), физика-мат. фанлари д-ри (1968), Ленинград ун-тини тугатган (1954). Ўзбекистон ФА Романовский номидаги Математика ин-тида катта илмий ходим (1959 й.дан). 2001 й.дан Оренбург педагогика ун-тида кафедра мудири. Илмий ишлари асосан Якин ва Ўрта Шарқдаги ўрта аср фанлари тарихига бағишланган. М. ўз асарларида Якин ва Ўрта Шарқ, жумладан, Ўрта Осиё

М

МАЖУРО — Марказл Ороллари Республикасининг пойтахти. Ороллар гуруҳининг жан.-шарқидаги шу номли ороллда жойлашган. Аҳолиси 23,7 минг киши (1999). М. порти орқали четга кокос мойи, копра, балиқ маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари ҳамда фосфат чиқарилади.

МАНСАБ — дарёларнинг бошқа дарё, кўл (сув омбори), денгизга қуйилиш жойи. М.нинг оқими (ўзанининг тармоқларга ажралмаган), дельта, эстуарий, лиманли, тог дарёлари учун хос оқма турлари фарқ қилинади. Агар дарё суви денгиз, кўл ёки бошқа дарёга етиб бормаса, у ҳолда берк М. дейилади. Катта дарёларнинг М. рельефи учун манбаволди марзалари хос. М. гидрологик режимида оқим тезлиги мураккаб ўзгаришлари бўлиб, сув қалқишига, тўлинсув даврида сув сарфининг кўпайиши ва б.га боғлиқ (яна қ. *Мансаб*).

«МАРКАЗИЙ МЕҲМОНХОНА» — Ўзбекистонлаги 5 қаватли меҳмонхоналардан бири; Тошкент шлнинг Амир Темур ва Навоий шоҳкўчалари чорраҳасида жойлашган. 1999 й.да «Тошкент — Шератон» номи б-н очилган, 2004 й.дан қ.ъз. номида. 16 қаватли, 251 ўринли, қирқирисимон оқ-кулранг бетондан қўрилмада. 172 та 1-ўринли, 50 та 2-ўринли, 18 та ярим люкс, 7 та люкс, 1 та президент апартаментли, 3 та ногиронлар учун хоналар мавжуд. Меҳмонхона вестибюли ойна б-н қопланган, қия металл фермалари б-н ёпилган. Йўлак ва зал шоён матога катталаштириб ишланган Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиё миниатюралари б-н безалган. Биноинг 1-қават хоналари вестибюллари яқинларидан равоқлар орқали очилган. Вестибюлнинг 2 томонига манзарали расмлар чизилган. Шимол вестибюлдан тепага кўтарилган лифт шаҳар манзарасини очиб беради. Лифтдан олдиндаги майдончалари 2 томонга коридорлар кетган. Шуниндек, меҳмонхонада фавворалар, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, сауна, теннис корти, кафе-бар ва ресторан бор.

МАРОВИЧ Светозар (1955.31.3, Котор) — Сербия ва Черногория давлат арбоби. Подгорицадаги ун-тин тугатган. 1990 й.гача Черногория социалистик ёшлар иттифоқи раиси бўлиб ишлаган, Черногория коммунистлар иттифоқи МК президиуми таркибида бўлган; Черногория мустақиллигини ёқлаб чиққан Черногория социалистларининг демократик партияси асосчиларидан бири. 1990 й. Черногория парламентига сайланган. 1994—2001 й.ларда уч марта Черногория парламенти спикери этиб сайланган. 1999—2003 й.ларда Черногория парламентида ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар қўмитаси раиси, 2003 й. 7 мартдан Сербия ва Черногория президенти.

МАРТЕН дю ГАР (Martin du Gard) Роже (1881.23.3, Нёйи-сюр-Сен — 1958.23.8, Беллем) — француз ёзувчиси, драматург. Дастлабки асари — «Шакланишда» ўз тарихи — ёзувчиликни англаб, ҳаётнинг бир нима ёзолмаган одам тарихи тасвирланган. Кейинги «Жан Баруа» (1913) романи М. дю.Г.га шуҳрат келтирган. Асар ўша вақтлар учун янги бўлган диалог ва тарихий ҳужжатларни чоғиштириш усулида ёзилган. Энг йирик асари — «Тибо оиласи» (1922—40, 8 ж.ли) ўзининг тафсилотлари, бош персонажларининг ранг-баранглиги б-н ажралиб туради. Асар оилавий солнома (оила тарихи) тарзида бошланиб, кейин 20-а. бошларидаги Франция ҳаётининг кенг ҳажмдаги манзараси тасвирланган сиёсий романга айланиб кетган. М. дю Г. бу асари б-н оилавий солнома жанрини бошлаб берган («Кулранг дафтар», 1922; «Ахлоқ тузатиш колонияси», 1922; «Туш пайти», 1923; «Шифокорлар куни», 1928; «Сингилчам», 1928; «Отамнинг ўлими», 1929; «1914 йил ёзи», 1936; «Хотима», 1940). М.дю Г. 1940 й.дан кейин «Полковник Момора» эпопеяси устида ишлаган, лекин асар якунламай қолган. Нобель мукофоти лауреати (1937).

МАТВИЕВСКАЯ Галина Павловна (1930.13.7, Днепропетровск) — математик олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), физика-мат. фанлари д-ри (1968), Ленинград ун-тини тугатган (1954). Ўзбекистон ФА Романовский номидаги Математика ин-тида катта илмий ходим (1959 й.дан). 2001 й.дан Оренбург педагогика ун-тида кафедра мудири. Илмий ишлари асосан Якин ва Ўрта Шарқдаги ўрта аср фанлари тарихига бағишланган. М. ўз асарларида Якин ва Ўрта Шарқ, жумладан, Ўрта Осиё

олимларининг Европада мат.лияту равоҳланиши ва ҳоз. замон мат.сиёнинг вужуда келишидаги ролини аниқлаб берди. Бегуноҳ номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотни лауреати (1974).



Ас.: К истории математики Средней Азии IX–XV веков, Т., 1962; Учение о числе на средневековом Ближнем и Среднем Востоке, Т., 1967; Развитие учения о числе в Европе до XVII в., Т., 1971.

МАҚСЕТОВ *Қобул (1929.16.1, Қўнғирот тумани — 2002.17.2, Нукус)* — қорақалпоқ фольклоршуноси. Ўзбекистонда (1979) ва Қорақалпоғистонда (1973) хизмат кўрсатган фан арбоби, филол. фанлари д-ри (1966), проф. (1968). Ҳунарли пед. билим юртини (1949) ва Қорақалпоқ пед. ин-тини (1953) тугатган. Аввал мактабда ўқитувчи (1949—53), кейинчалик мактаб ин-ти қорақалпоқ адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи, мудир (1953—57). Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиалининг Тарих, тил ва адабиёт ин-ти катта илмий ходими, бўлим мудири (1959—62), директори (1963—92). Илмий асарлари қорақалпоқ фольклорига, қорақалпоқ қаҳрамонлик эпосига бағишланган. Унинг қорақалпоқ тилидаги «Қорақалпоқ қаҳрамонлик эпоси «Қирқ қиз» (Нукус, 1962), «Қорақалпоқ қаҳрамонлик достонлари поэтикаси» (Т., 1965), «Қорақалпоқ фольклори эстетикаси» (Нукус, 1971), «Қорақалпоқ эпоси. Қурбонбой Тожибоев репертуаридаги достонларнинг баъзи хусусиятларига доир» (рус тилида, 1976) асарлари қорақалпоқ фольклоршунослиги равожида муҳим роль ўйнади. «Фольклор ва адабиёт» («Нукус, 1975) мақолалар тўплами ҳам қорақалпоқ адабиёти муаммоларига бағишланган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1976).

МАҲКАМОВ Руфат Ғуломович (1930.16.10, Тошкент) — машинасозлик соҳасидаги олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1982), техника фанлари д-ри (1978), проф. (1979). Бауман номидаги Москва олий техника билим юртини тугатган (1954). Машинасозлик технологияси ва ял. ва-тала кичик илмий ходим (1954—56), Ўзбекистон ФА нинг Техника фанлари бўлими илмий котиби (1960—61), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-тида катта ўқитувчи, доцент, декан, кафедра мудири, проф. (1962 й.дан). Илмий фаолияти тола сифатини ошириш мақсадида пахта толаларини машиналарда ишлаш параметрларини оптималлаштиришга бағишланган.



Ас.: Основы процесса взаимодействия поверхностей твёрдых тел с волокнистой массой, Т., 1979; Повышение технологической надёжности хлопкоочистительных машин, работающих в ударном режиме, Т., 1989.

МАҲМУДОВА Анор Маҳаммиевна (1942.2.5, Ғурлан тумани) — иллор ўқитувчи, Ўзбекистон Қаҳрамони (2004). Хоразм пед. институтини тугатган (1964). 1964 й.дан Ғурлан туманидаги 1-мактабда мат. ўқитувчиси, 1972 й.дан 35-ҳунар билим юрти директори, 1984 й.дан Ғурлан ш. халқ таълими бўлими мудири. 1986 й.дан Ғурлан туманидаги 5-мактаб директори. М. халқ таълими соҳасида муҳим ва долзарб масалаларни мустақил ҳал этишга ғаёқатли раҳбар сифатида таниилган. Кейинги йилларда мактабда мат., физика, она тили фанлари бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилди, махсус синфлар сони ошди. Мактабда М. раҳбарлигида бюджетдан ташқари маблағ топиш, маркетинг хизмати намуналари яратилган. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1999).



МЕЙСЕЛЬ Леонид Генрихович (1908. 28.9, Ленинград — ?) — реж., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). 1928—50 ва 1954—64 й.лар Новосибирск, Горький, Ленинград, Ростов, Красноярск, Челябинск ва б. театрларда ишлаган. 1950—52 й.лар Муқимий театрида, 1952—54 й.лар Еш томошабинлар театрида, 1964—71 й. лар Самарқанд опера ва балет театрида бош реж. «Момақалдироқ» (А.Островский), «Пигмалион» (Б.Шоу), «Фигаронинг уйланиши» (В.Моцарт) ва б. спектакларини, «Дилором», «Шоир қалби» (М.Ашрафий), «Майсаранинг иши» (С.Юдаков), «Чио-чио-сан» (Ж.Пуччини), «Трубадур» (Ж.Верди) каби операларини саҳналаштирган.

МЕЛЬНИКОВ *Евгений Павлович* (1928.7.10, Оренбург вилояти) — Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми (2005). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1960), шу ин-тда педагог (1960—88), айни пайтда «Рассом» комбинатида рассом. Портрет, манзара, натюрморт, анималистика жанрларида ижод қилиб, «Ўлоқ», «Санъатшунос Р.Тоқтош», «Автопортрет», шунингдек, «Сўқоқ», «Чуст», «Иссиққўл» туркум манзараларини яратган. М. тасвирий санъатдаги реализм анъаналарига таянган, асарлари композицион пухталиги, ранглар уйғунлиги б-н ажралиб туради. М. истеъдодли шоир сифатида ҳам танилган бўлиб, шеърларн ўтмишда яшаган рассомлар ижоли ва ҳаёти, оддий инсонлар ҳис-туйғулари мавзуларига бағишланган.

М.нинг тасвирий асарлари Америка, Европа ва Осиё, шунингдек, Ўзбекистон (Бухоро ва Нукус) музейларидан жой олган. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1998).

МЕРКЕЛЬ Ангела (1954.17.7, Гамбург ш.) — Германия давлат арбоби. Физика фанлари д-ри (1986). Лейпциг университи тугатган, 1978 й.дан Германия Демократик Республикаси ФА нинг физик кимё маркази ин-ти илмий хо-



Е.Мельников асари. «Гулли дарё» (1994).

дими, 1990 й. Германия Демократик Республикаси демократик ҳукуматининг мазбуят котиби Эринбосари, *бирлашган Германия федерал ҳукуматининг мазбуят ва ижобот вазирлари референти*, 1990 й.дан Христиан-демократик иттифоқ ва ГФР бундестаги аъзоси, 1991 й.дан Германия хотин-қизлар ва ёшлар ишлари бўйича, 1994 й.дан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ядро реакторлари хавфсизлиги масалалари бўйича федерал вазир, 1998 й.дан Христиан-демократик иттифоқ бош котиби, 2000 й. апр.дан раиси, 2002 й. сент.дан ГФР бундестагида Христиан-социал иттифоқининг бирлашган фракцияси раиси, 2005 й. 22 нояб. *дан ГФР федерал канцлери.*

МИРИШКОР ТУМАНИ — Қашқадарё вилоятидаги туман. 2003 й. 6 янв. да Усмон Юсупов ва Бадорастон туманларининг бирлаштирилиши натижасида ташкил этилган. М.т. Қашқадарё вилоятининг жан.-ғарбида жойлашган. Туман шим.дан Муборак, шарқдан Касби, Қарши, Яккабоғ туманлари, ғарбдан Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманлари, жан.дан Туркманистоннинг Дебаит вилояти б-н чегарадош. М.т.да 12 фуқаролар йиғини (Авазчўл, Вори, Гулистон, Гулшанбог, Жўйнок, Миришкор, Навбоғор, Обод, Помуқ, Чаманзор, Чандир, Янгиобод) бор. Майд. 3,1 минг км². Аҳолиси 87,2 минг киши (2005). Марказ — *Янги Миришкор* қишлоғи.

Табиати. Туман ҳудуди қарши чўли зонасида жойлашган. Рельефи, асосан, текисликлардан иборат бўлиб, шарқдан жан.-ғарб томон бироз пасайиб боради (Қорабулоқ ботиғида 280 м гача пасаяди). М.т. ҳудудидаги қирлардан чорва учун яйлов сифатида фойдаланилади.

Туманнинг ғарбий ва жан. ҳудуди ярим мустақкамланган қумли майдонлар б-н банд. Кўчма қум барханлари, эол-аккумулятив, яъни шамол ётқизиқлари қумтепа-жўякли рельеф шаклларини, гил ётқизиқли ясси юзали текисликлар бор. Тўртламчи даврнинг чўкинди ётқизиқлари тагида неоген ва палеоген даврининг гилтош, қумтош, оҳактош, гипс-ангидритли денгиз ётқизиқлари, бўр ва юра даврларининг ясоси ва сернам шароитли денгиз ётқизиқлари учрайди. М.т.да бир қанча берк ботиқлар: *Қорабулоқ, Денгизкўл, Хўжам Сайт, Кирчманак ва б. бор. Улардa шўрбодғил баттиқлар, туз қатламлари ҳосил бўлган.*

Туман ҳудудида Аланг, Помуқ, Култепе, *Қўқалоқ, Ўртабулоқ, Зевалин, Денгизкўл* каби нефть, газ ва конденсатга бой конлар мавжуд.

Иқлими кескин континентал. Янв.нинг ўртача т-раси 2°, июлиники 28°—29,5°. Ёз иссиқ, қуруқ, давомли. Энг паст т-ра —28°, *энг* юқори т-ра 47°. Ёзда гармсел шамоли таъсирида ўтўзлаглар қуриб қолади. Вегетация даври 242 кун. Йиллик ёғин 130—200 мм. Тупроқлари гил, шўрхок, ўтлоқ, одаий бўз тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан жузғун, илоқ, селин, шайтонковуш, қарроқ, қизил қандим, етмак, саксовул, шувоқ, шўра, туяқорин, янтоқ, қўнғирбош, лозакиэталлок, қамиш, ялпиз, исириқ, читир, чучмома, зира ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, чия-бўри, жайрон, сичқон, каламуш, типратикан, юмронқозиқ, судралувчилардан эчкемар, калтакесак, қар илонлар; қушлардан тустовуқ, қалтар, чумчуқ, бургут, турна, лайлак, қалдирғоч, мусичa, сассиқпопишак ва б. бор. Туман ерлари Амударёдан сув олдириган Миришкор каналидан суғорилади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, тожик, араб, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳоли зичлиги 1км² га ўртача 28,1 киши (2005).

Хўжалиги. Туманда 2300 га яқин қорхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон — Испания «Эрнаб» қўшма корхонаси ишлаб турибди. 250 дан зиёд маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд. 1500 фермер хўжалиги фаолият юритади. 2177 кичик корхона бор. Пахтачиликка 2 та, қоракўлчиликка 2 та ширкат хўжалиги ихтисослашган.

Қ.хнинг асосий соҳалари пахтачилик, дончилик ва чорвачилик. Тумандаги умумий ер майд. 312,5 минг га, шунингдек, 53,9 минг га ер ҳайдалади, шу жумладан, 23 минг га ер пахта, 24,7 минг га ер галла б-н банд. Шунингдек, сабзавот, полиз, картошка, мева, узум, сут, тўшт, пилла, қоракўл тери ва б. маҳсулотлар етиштирилади.

М.т.даги хусусий ва жамоа хўжаликларида 30,5 минтта *яқин* ҳорамол, 170 минг дан зиёд қўй ва эчки, 39,2 минг парранда, 310 йилқи бор (2004).

Туманда 38 умумий таълим мактаби, 3 лицей ва ихтисослаштирилган мактабларда 22,4 минг ўқувчи таълим олади. 3 касб-ҳунар колледжи (2 минтта яқин ўқувчи), болалар мусиқа мактаби фаолият кўрсатади. 9 клуб муассасаси, 2 маданият ва истироҳат боғи, 26 кутубхона (144 минг нусха асар) бор.

Корхона ва ташкилотларда 50 жисмоний тарбия ва спорт жамоалари ташкил этилган. Спорт б-н доимий равишда қарийб 11 минг киши шуғулланади.

4 касалхона, амбулатория, 9 қишлоқ врачлик пункти ва б. тиббий муассасалари аҳолига хизмат қилади. Тиббий муассасаларда жами 358 даволаш *ўрни мавжуд (ҳар 10 минг кишига 117* ўрин). 1978 й. 1 апр.дан «Миришкор машъали» туман газ. нашр этилади (олади 745 нусха, 2005 й.).

Литер. Эркинов, Обид Жўраҳузиев, Маҳмуд Саидбеков.

МИСТРАЛЬ (Mistral) Фредерик (1830. 8.9 — Мейан — 1914.25.3) — провансал шоири. Экс-ан-Прованс ш.да ҳуқуқшуносник ф-тини тугатган (1851). 1854 й.да пансионатлари ўқитувчиси Ж.Руманил ва бир неча дўстлари б-н уюшиб, провансал тилининг 12—13-асрларги юксак маъқомни тиклашга интилган. Бу уюшма аъзолари «Фелибрлар» («Илҳом парисининг шогирдлари») деб аталган. М.нинг «Мирейо» достони (1859) фелибрлар ҳаракатига қатгик туртки бўлган. Достон марказида севгилисига етолмай ҳалок бўлган қиз

Миришкор туманидаги манзаралар ва истироҳат боғи.



тўғри бўлса-да, ислр Прованс вилоятининг табиатини, *халқининг характерини* акс эттиради, унда фольклорга бой провансал тилининг барча тўзалликлари мақорат б-н ифодаланган. «Олтин ороллар» (1876), «Зайтун тўрмоқи» (1912) шеърий тўпламларида ҳам фольклор оҳанглари ёрқин акс этган. М.ининг ўзидан асари — «Фелибрик хлиникн» провансалча-французча луғати 1880–86 йиларда бир неча жилдда босилган. Луғат ўзига хос энциклопедия бўлган. Нобель мукофоти лауреати (1904).

МОДУЛЯЦИЯ (мусиқада) — 1) Ўрта аср Европа мусиқа назариясида ўйғунлик, тартиб; бадиий-илмий *ҳодиса сифатида баҳоланган мусиқанинг* мақсадлари; 2) *классицизм* даврида бошлаб *мажор-минор* тизимида *тоналликни* ўзгартириш. Турли тоналликларда *умумий тон* ва *аккордлар* мавжудлигига асосланади.

МОММЗЕН (Mommsen) Теодор (1817.30.11, Гарднинг — 1903.1.1, Шарлоттенбург) — немис тарихчиси, Петербург Фанинг хорижий фахрий аъзоси (1893). Лейпцит (1848 й.дан), Цюрих (1852 й.дан), Бреслау (Вроцлав) (1854 й.дан), Берлин (1858—1903) ун-тлари проф. 1848—49 й.лардаги инқилоб даврида немис буржуазиясининг суд қонунида бўлиб, Шлезвигни Пруссияга қўшилиши тарафдори бўлган, Шлезвит-Гольштейн мутақкат ҳукуматининг напирий органига мухаррирлик қилган. Прогрессистлар партиясидан прус ландтати ва Германия рейхстагига депутат қилиб сайланган (1863—66 ва 1873—79 й.ларда ландтат депутати, 1881—84 й.ларда рейхстат депутати). Қад. Рим ва Рим ҳуқуқига оид 1500 дан зиёд тарихий асарлар муаллифи. Асосий асари «Рим тарихи»да, асосан, Римнинг мил. ав. 46 й.гача бўлган қарбий-сиёсий тарихини ёритган ва Рим провинциялари тарихини баён қилган. Нобель мукофоти лауреати (1902).

МОРОНИ — Қамар Ороллари пойтахти, Нгазиджа о.ла, вулкан этагида жойлашган. Аҳолиси 25 минг кишидан зиёд. Денгиз порти. Автомобиль йўлларн чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Президент қарорғоҳи, ҳукумат ва маъмурий бинолар жойлашган. Қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари мавжуд. Ваниль, какао, копра б-н савдо қилинади. Меъморий бинолардан масжидлар (миноралари б-н) араб меъморлиги услубида қурилган.

МУЛЬТИМЕДИА (лот. multum — кўп ва *mediatus* — воситачи бўлмоқ) — *компьютернинг* матн, график, товушли ва видеомаълумотлар б-н ишлашга имкон берувчи қурилмаси. Ана шундай қурилма ўрнатилган компьютер М. компьютер дейилади. Ҳозирда деярли барча компьютерлар М. қурилмалар б-н таъминланган. Бугларга *CD-ROM, CD-RW компакт* дискларини ўқийдиган диск юритувчи қурилмалар, товуш платалари, видеокарталар ва б. киради. Кейинги *вақтларда* М. *қурилмалар стандартига* 3D-график тезлаттичлар ва DVD (Digital Video Disk) катта ҳажмли универсал компакт дисклар ҳам қўшилди.

МУРТАЗОЕВ Мухторжон (1909.5.5 — Қўқон — 1994.2.3) — хонанда, созанда (гижжак, дутор, танбур), бастакор. Фаргона водийси замонавий *бастакорлик* мактабининг асосчиларидан. Анъанавий мусиқа йўлларини Мақраи ҳофиз ва гижжакчи Қодирхон Ҳамдамовлардан ўрганган. Қўқон ш. Темирйўлчилар маданият саройида мусиқа раҳбари (1929—33), Қўқон театрида созанда (1933—41) ва мусиқа раҳбари (1957 й.дан), Янгийўл театри (1942—45), Муқимий театри (1945—57)да гижжакчи-концертмейстер, Қўқонда мақомчилар ансамблининг бадиий раҳбари (1957 й.дан). Мумтоз ва замонавий шоирларнинг шеърларига яратган қўшиқ ва ашулалари («Ўртама», «Туллор макони», «Соғиниш», «Жоним ила жоним», «Бир ишва бидан», «Эй кўнгил», «Жафо ҳам қилмадинг» ва б.) М.*Аҳмедов*, О.*Ниёмхўжаев*, К.*Мўминов* ва б. қофиялар репертуаридан ўрин олган. Айниқса, Т.*Қодиров* талқинидаги «Фаргона тонг отгунча», «Бизни ташлаб» каби бадиий стук асарлари оммавийлашган. «Дўстлар» (Ўйғун пьесаси), «Кумрининг муроди» (Ж.Машрабий), Д.Жалилов б-н биргаликда «Ишқобоз» (С.Абдулла), «Холисхон» (Ҳамза) каби спектакларга мусиқа басталанган.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ — Тошкент ш.даги *Мустақиллик майдонида* Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов ғояси б-н бунёд этилган меъморий-бадиий мажмуа. Ўзбекистон истиқлолининг дастлабки йилларн. (1992)да майдонда ўрнатилган обида Мустақиллик монументи деб аталган. Рамзий равишдаги Ер шарида Ўзбекистон Республикаси ҳаритаси акс эттан ушбу обида жаҳон ҳаритасида мустақил Ўзбекистон мамлакати мустақам ўрин олганини ифодалайди. 2005 й. 28 декда ушбу монумент олдида фарзандлари бағрига босиб турган мунис ўзбек аёли сиймоси — Бахтиёр она қайкали ўрнатилди (қайкаллароқ. И.Жабборов). Мустақиллик монументи ва Бахтиёр она қайкали Эзгулик арқаси, оқ поёздоз шаклидаги кенг йўлак б-н бирга яхлит ансамблни ташкил қилади. Мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини рамзий тарзда ўйғун ифодалаган ушбу ёдгорлик М. ва э.м. деб аталди.

2004—2005 й.ларда Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудда кенг кўламлари қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси биноси тубдан қайта таъмирланди, Сенат биноси, Эзгулик арқаси, Тасвирий санъат галереяси каби мухташам меъморий иншоотлар, яшил майдон ва ҳиёбонлар барпо этилди. Айни вақтда янги Маъмурий бино, Бизнес маркази қурилиш нихоясига етмоқда. Бундай катта бунёдкорлик ишлари туфайли майдоннинг фақат қиёфаси эмас, унинг вазифаси-

Мустақиллик ва эзгулик монументи.



даги мазмун-моҳияти ҳам ўзгарди. Мустақиллик майдонининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган муҳим ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига истиқлол ғояларини, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 й. 3 фев.да «Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида» қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётида муносабати б-н М. ва э.м. пойига тунчамбар қўйиш расмий маросимини белгиловчи тартибда имзога ошириш хорий этилди ва б. тадбирлар белгиланди.

МУҲАМЕДОВ Давлат (1955.13.5, Тўрдан тумани) — ганчкор уста, Ўзбекистон халқ устаси (2004). Тошкент политехника ин-тининг меъморлик ф-тини тугатган (1977). Хоразм вилояти халқ амалий санъати бўлимида уста (1980—99); 1999 й.дан «Усто» республика бадиий ижод уюшмасида уста. М. яратган ганчкори нақшлар нафислиги ҳамда замонавий бинолар б-н уйғунлиги диққатга сазовор. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси



Давлат Муҳамедов. Берунийнинг рамзий ёдгорлиги (Урганч ш.) шифтига ишланган нақш.

мажлислар залн, Бекобод, Тошкент ва Урганч шаҳрн ҳокимиятлари, «Туркистон» саройи ва б. йирик иншоотларнинг ганчкорлик ишида иштирок этган.

МЎМИНОВ Каримжон (1938.19.6, Балиқчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Андижон пед. институтини тугатган (1963). 1956 й.дан Балиқчи туманидаги мактабларда бошланғич синф ўқитувчиси, 1963 й.дан 8-интернат мактабда кимё, 1969 й.дан 29-мактабда кимёбиол. ўқитувчиси.

H

НЕАПОЛЬ ОПЕРА МАКТАБИ — 17—18-а.ларда Неаполда шаклланган ижодий мактаб, композиторлар гуруҳи. Илк йирик намояндаси — Ф.Провенале (тахм. 1627—1704), бошлиғи — А.Скарлатти (қ. *Скарлаттилар*). Н.о.м. вакиллари (композиторлар Л.Винчи, Н.Порпора, Л.Лео, Н.Йомелли, Т.Траэтта ва б., *либретто* муаллифлари А.Дзено, П.Метастазио) *оперининг* жилдий (опера-сериа) ва ҳажвий *(буффа опера)* турлари, шунингдек, *ария, увертюра, ре-читативнинг* тугал кўринишини белгилаб беришган. Улар тарихий-афсонавий, антик сюжетларда асарлар яратиб, Шарқ (ҳинд, араб, форс) мавзуларига ҳам мурожаат қилишган, хусусан, Сохибқирон Амир Темур қиёфасини ўз операларида гиперболлаштиришган. Н.о.м. намояндаларн Г.*Гендель*, Й.Хассе ва б. Европа опера устахлари ижодига ижобий таъсир кўрсатган.

НОСИРОВ Мансур Маҳмудович (1936.12.6, Самарқанд вилояти, Оҳунбобоев қишлоғи) — кулол. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (1998). Самарқанд ун-тида тиълим олган (1957—58). Иш фаолиятини (уста Умаржол Жўрақулов раҳбарлигида) шоҳар саноат к-тида бошлаган (1944—50). «Кизил Шарқ» артелидаги саноқсизлик пемоа белгуруҳи рассом (1951—53), Самарқанд бадиий фондининг кулолчилик цехида (1963—93), Умаржол Жўрақулов номидаги «Усто» биринашмасида (1993 й.дан) кулол-уста. «Бибихоним», «Гури Амир», «Шоҳизинда» каби сувенирлар, «Ажлархў», «Кўрк ва шамлоп» каби безакли буюмлар, «Афросиёб» нақшли шоҳса ва чашкалар, миллий услубда безалган ўйинчоқлар, кўзалар, офтоба, безак-



М.Носиров нишпон безак буюми: «Кўрк ва шамлоп» (ўпма терракота, 1980).

дор рельеф, гул тувакчалар, лаганлар ва б. яратган. «Самарқанд» ресторани интерьерини безашда қатнашган. Асарлари б-н республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этган.

НУРИДДИНОВ Муҳаммадхон Нуриддинович (1948.6.1, Наманган) — рангтасвир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми (2004). Бенқок номидаги Республика рассомлик билим юрти (1968) ва Репин номидаги Ленинград рассомлик ҳайкалтарошлик ва меъморлик ин-ти (1976)ни тугатган. 1976 й.дан ҳоз. Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн ин-тида педагог, 1998 й.дан доцент. Н. асарларн услубида ижод қилади, реалистик санъат анъаналарини замон руҳи б-н бойитишга интилади. «Наманган оқшомлари», «Кунлаги таассуротлар», «Катта Фарғона канали», «Режиссёр О.Абдураззоқов», жилдлар портретлари туркуми, «Абу Али ибн Сино» портрети, «Сайид Барака Амир Темурга бойрок топширмоқда», «Баҳор сувлари» ва б. асарларида рассомнинг ижодий изланишлари намоён бўлди. Н. республика ва хорижлаги кўргазмаларда иштирок этган. Ўзбекистон БА Одтин медали б-н тақдирланган (2003).

НУРИЛЛАЕВ Баҳтиёр Авазович (1975.20.1, Нукус) — оғир атлетикачи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (1998), «Ўзбекистон ифтихори» (2003). 85 кг вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони (1995, 1996, 1998—2003), Осиё ўйинлари бронза (1998, Бангкок; 2002, Пусан) ва талабалар ўртасида жаҳон чемпионати кумуш (2002, Измир) медалларн совриндори. Н.Қорақалпоқ уптини тугатган (2004), Тахиатош болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий (1994 й.дан).

НУРМЕТОВ Содиқ (1900, Кетейли тумани — 1972, Нукус) — Қорақалпоғистон халқ шоири (1942), Ўзбекистон халқ ҳофизи (1957). Мақаллий мактабда, мадрасада ўқиган. Ўттан асрнинг 20-й.лари ўрталарида шоир сифатида шуҳрат қозонган. Қорақалпоқ ҳажвинсини, хусусан масал жанрини ривожлантиришда Н.нинг хизматлари катта. Болалар учун ҳам қўплаб шеърлар яратган. «Бизнинг Ватан» (1940), «Халқ енгилмайди» (1942), «Озга, ботирлар» (1944), «Тулкича» (1956), «Фарҳод» (1958, 1974), «Пиллакор Жанна» (1961), «Янги давр оқшомлари» (1962), «Оғаниялар» (1968) каби шеър ва достонлар тўпламлари нашр этилган. Унинг «Баҳтиёр» (1950), «Денгизда» (1957—58), «Пиллакор Жанна» (1961), «Зариятнинг ҳажвини» (1958) достонлари уларда тилга олинган ижтимоий масалаларнинг долзарблиги б-н ажралиб туради.



М.Мұрадханов әсәрі. «Сайыд Барака Әмір Темірге бәйғе тоқшырмоқда».

«Бердақ» (1950) ва «Ога-инилар» (1968) достонлари ўзининг бадиий пишиқ қиёфаси билан ажралиб турган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1971).

НУРУЛЛАЕВ Алексей Файзуллаевич (1953.28.11, Пешқу тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2004). Луганск пед. институтини тугатган (1976). 1976 й.дан Жондор туманидаги 2-мактабда тарих ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари ва мактаб директори, 1992 й.дан тарих ўқитувчиси ва Жондор туман тарих-ўлкашунослик музейи директори.

ОБИДОВ Усмонхон (1931.20.1, Тўрақўрғон тумани) — Халқ ўқитувчиси (1991). Фарғона пед. институтини тугатган (1957). 1954–95 й.ларда Тўрақўрғон туманидаги 1-мактабда физика ўқитувчиси. Туманда биринчи бўлиб физика кабинетини ташкил этган ва уни замон талаби даражасида жиҳозлаган. «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1994).

ОВМИНЗАТОВ — Марҳалй Қизилқумдаги паст тоғлардан бири. Навоий вилояти ҳудудида тарбдан шарққа 30 км чўзилган. Ўртача бал. 300—500 м, энг баланд жойи 694 м (шарқий қисмида). Шим.-ғарбий қисмидан гумбазсимон Шакэтов тармоғи ажралиб чиқади. О. тектоник жиҳатдан горст-антиклиналь бўлиб, Турон плитаси пойдеворининг ер юзига чиқиб қолган қисмидир. Унинг баланд жойлари палеозой даври метаморфик, отқиндан ва чўкинди тог жинслари (сланец, конгломерат, қумтош, гранит, гранодиорит, диорит ва б.)дан ташкил топган. Ён бағирларининг қуйи қисми ва этакларида бўр, палеоген,неоген ва тўртламчи даврларга мансуб чўкинди тог жинслари (конгломерат, қумтош, гравелит, алевролит, гил, мергель, қумлар) тарқалган. Чўл иқлими шароитида булар нураш жараёнлар таъсирида кучли емирилган эловий ва делювий ётқизиқларни ҳосил қилган.

О. асимметрик тузилишга эга. Шим. ён бағри тикроқ, жан. ён бағри эса қияроқ, қуруқ сойлар ва жарликлар б-н кесилган. Қуруқ сойларнинг қуйи қисмларида кичик ёйилма конуслар вужудга келган, улар бир-бири б-н туташиб пролювиал шлейфларни ҳосил қилган. Шлейфлар юзасида ҳар хил шакллаги қум уюмлари тарқалган.

О.нинг этакларида қўнғир-бўз, қумли чўл тупроқлар тарқалган. Уларда шувоқ, боялич, арпағон, саксовул, қуруқ сойлар бўйларида қизғун ва б. ўсади. Ҳайвонлардан қўшоёқ, тулки, бўри, юморнқозиқ, калтакесак, турли илонлар ва б. учрайди. Тог этакларидаги ерлардан яйлов сифатида фойдаланилади.

«ОВОЗИ ТОҲИК» («Тоҳик овози») — Тошкент ш.да тоҳик тилида қафтада 2 марта чиқадиган газета. Муассислари: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. 1-сони 1924 й. 25 авг.да Самарқанд ш.да «Овози тоҳики камбағал» номида нашр этилган. Кейинчалик «Овози тоҳик» (1925—31), «Ҳақиқати Ўзбекистон» (1931—40; 1964—91), «Ўзбекистони Сурх» («Қизил Ўзбекистон», 1950—64) номларда чиққан. 1992 й. 1 янв.дан ҳоз. номда. Саҳифаларида дўстлик ва биродарлик шиори остида Ўзбекистонда юз бераётган улкан ўзгаришлар, жумладан, халқ хўжалигининг турли тармоқларида эришилаётган ютуқлар ёритиб борилади. Иқтисодиёт, мактаб ва маориф, фан ва маданият, адабиёт ва санъат, ахборот ва спорт бўлимлари бор. Газета турли йилларда Абдулқайюм Қурбий, Муҳаммаджон Ҳасаний, Шаҳобиддин Садриддин, Қамариддин Мирзоев, Муборак Фозилов, Абдулла Ҳакимов, Шавкат Ниёзов, Эҳсон Турдиқулов ва б. муҳаррирлик қилишган. 2003 й.дан муҳаррири Шерғулот Вакилов. Адади 3000 (2005).

ОГЛАХТИ ҚАБРИСТОНИ — Енисей дарёси бўйларида тарқалган *Тоштик маданиятига* доир археологик ёдгорлик (мил. ав. I-а. — мил. 5-а.лар). Енисейнинг сўл соҳилида, Минусинск ўпкасидаги Оглахти тоғларида жойлашган. Дастлаб сибирлик археолог А.В. Адрианов томонидан (1903 й.) текширилган. 1969 й. москвалик археолог Л.Р.Кизласов бу ердан нодб мақбара топган. Ёғочдан ишланган қабрдан эркак ва аёл жасадлари чиққан. Улар қишки либосда, юзлари гипслан ишланган бўяма никоблар тутиб олган ҳолда дафн этилган. Уларнинг оёқлари тагидан тўдакининг суяклари топилган. Дафн этганлардинг орасида одам бўйи келадиган қўғирчоқ ётган. Яна бир қўғирчоқ аёл тагида жойлашган. Жасадлар бошқа тагига гўзалар, қўғирчоқларнинг чарм ёстиқлар қўйилган. 3 та ғоданинг кичик моделлари, атрофи ёруглиқлар нерглиқ битилган хитой ипакдан тикилган жунли садоқ топилган.



Оглахти қабристони. Бўяма никоб б-н ишланган аёл никоби.

Садоқда камон ва ўқлари қора ва қизил бўёққа бўялган 5 та ўқ модели бўлган. Ўқлардан пайконлар олиб қўйилганлиги Тоштиқ маданиятига хосдир. Қабрдан, шунингдек, гўштли таом қолдиқлари, сигир ва қўй суяклари топилган.

Дафн қўғирчоқларини тайёрлаш Тоштиқ маданияти қабилаларининг ўзига хос хусусияти бўлган. Қўғирчоқ чарм-теридан тикилиб, ичи ўт-ўлан б-н тўлдирилган, одамларга ўхшаб жун либослар кийдирилган. Уларнинг ичига куйдирилган одам суяклари кичик халтага солиб қўшиб тикилган. Афтидан, қўғирчоқлар гулханда ёндирилган одамнинг ўрнини босиши ва унинг қиёфасини сақлаши лозим бўлган.

ОЕҚОҢТМА БОТИҒИ — Қизил-қумдаги ботиқ. Қуллиқтовининг жан. этаги б-и Зарафшон дарёси водийси орасида. Юқори бўр ва палеоген даврларининг қумтош ва гилларидан тузилган. Нисбий чуқ. 130 м дан ортиқ. Жан.-шарқдан шим.-ғарбга тимон 38 км масофага чўзилган. О.б. нинг туби ясси, эол қумлари, тақирлар ва шўрхоклар б-н қопланган. Ботиқнинг тектоник ёриқларидан мезозой ва кайнозой ётқизиқларининг қатламларидан ер ости шўр сувлари чиқиб туради. *Бу сувларнинг бузланиши натижасида* шўрхоклар вужудга келган. Чучук ер ости сувлари ҳам мавжуд. Ботиқ ҳудудида *Оёқоғитма кўли* жойлашган.

О.б. да бурган, қўнғирбош, ранг, саксовул, шўрхокларда саксаван, қорабарок, қоғоп ўсади. Ареазини сувлари ҳисобига кичик майдонларда деҳқончилик қилинади.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» — ижтимоий газета. 1991 й. 1 сентябрдан Тошкент шаҳрида 1 марта чиқади. Муассислари: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Болалар жамғармаси.

Илм-фан, маданият, санъат, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, қ.х. соҳаларида ўрнак кўрсатиб келаётган хотин-қизларнинг тажрибалари, оилаларда тиббий маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш газ.да чоп этилаётган мақолаларнинг асосий мавзулари ҳисобланади. Газ.да Турсуной Салоҳова, Санъат Маҳмудова, Басира Сайдазизова, Лола Аҳмедова, Санобар Фахриддинова каби журналистлар фаол қатнашади. Газ.га турли йилларда Қулжон Очилов, Абдуқодир Иригбоев, Абдукарим Раҳимбердиев, Муҳаммад Исмоилар муҳаррирлик қилишган. 1998 й.дан муҳаррири Дилбар Саидова. Адади 15000 (2005).

ОМАНН Роберт (1930, Германия — исроилник иқтисодчи (1938 й. Америкага кўчиб ўтган; 1956 й. дан Қуддусда. АҚШ ва Исроил фуқаролигига эга). Массачусетс технологик ин-тида докторлик илмий даражасини олган. Қудус (Исроил) яҳудий ун-ти профессори. 20-а. нинг 90-й.лари бошидан Исроил математиклар иттифоқи президенти. Яҳудий мат. жамияти журнали муҳаррири. «Талмуддаги ўйинлар назарияси» асари машҳур. Илмий ишлари ўйинлар назариясига асосида ижтимоий муаммолар, жумладан тўқинишларда ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган, нарҳлар ва савдо урушлари каби иқтисодий ихтилофларнинг келиб чиқиши табиати очиб берилган. Нобель мукофоти лауреати (2005; Т. *Шеллинг* б-н бирга).

ОНА СУТИ, кўкрак сути — эмизикли аёлнинг сут безлари ишлаб чиқарадиган суюқлик (секрет). О.с. *сўдак* учун энг яхши озиқа ҳисобланади, *чунки бу даврда у таркибан ва озиқ моддалар* нисбатига кўра гўдакнинг овқат ҳазм қилиш ва моддалар алмашинуви хусусиятларига мос келади. Она б-н бола ўртасида ҳомиладорликнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ «Она—ўғлдон—ҳомила» тарзида ўзаро мустаҳкам алоқа боғланади, бола дунёга келгач эса бу муносабат «Она — кўкрак сути — бола» тарзидаги давом этади. Шу узвийлик туфайли бола онадан керакли озиқ ва биологик фаол моддаларни олади, шунингдек, она б-н бола ўртасида меҳр ришталари боғланади.

О.с. қақидаги дастлабки маълумотлар Ибн Сино қўлёзмаларида ҳам қайд этилган. У О.с.ни қўёш нурига қиёс қилган, чунки ер юзидаги барча тирик мавжудот (ўсимликлар дунёси) учун қўёш нури қанчалик зарур бўлса, гўдактган мурғак учун ҳам О.с. шунчалик зарур.

Бола туғилганлан сўнг дастлабки 2—3 кунда онанинг сут бези сариғимтир рангли суюқлик — *ғеоз сути* ажратади. У энди янги дунёга келган мурғакка энг зарур озиқа; унда оқсил, туз, шунингдек, ёғ томчилари бўлади. Янги туғилган чақалоқ она кўкрагига қанча эрта тутилса, шунча кўп оғиз сутидан баҳраманд бўлади. Шунинг учун ҳам онанинг кўзи ёриши б-н дастлабки 20—30 дақиқада чақалоқни онасининг кўксига ётқизиб, ҳар икки кўкракдан эмизишга ёрдам лашиш мақсадга мувофиқ. Илк соатдаги бир лақлаги «болани-болдан» жисмий яқинлик она б-н мурғак ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлайди. Тутруқдан кейинги биринчи ҳафта охиридан ёлларга бой бўлган ўтказичи сут, 2—4 ҳафталан кейин доимий сифатга ўта пайдо бўлади. Етилган О.с. таркибида барча зарур озиқ моддалар ва витаминлар бор; улар тўлиқ ҳазм бўлиш ва сингиш хусусиятига эга.

О.с. енгил ҳазм бўладиган, тўйимли, турли микроблардан холи, пишиниш ва истиъмол талаб қилмайдиган тайёр озиқ. Унда 100 дан ортиқ керакли моддалар бўлиб, у фақат миқдор жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам боланинг ёшига, соғлигига мос келади. О.с.даги оқсил, ёғ, углеводлар таркиби янги туғилган бола организмидаги худди шундай моддалар таркибига яқин туради. О.с.да оқсил, ёғ углеводлар 1:3:6 нисбатда бўлади ва бола эҳтиёжини тўла қондиради. *Сут оқсилидаги жуда тўйимли* ва чақалоқ ичагида енгил ҳазм бўлади. Ёғлар ҳам эмульсия ҳолида бўлгани учун тўла-тўкис сўрилиб кетади. О.с. таркибидаги углеводлар озиқни хусусиятидан ташқари, ичакларда микроблар нинг ўсишига тўсқинлик қилади ва шу тариқа овқат ҳазм бўлишини осонлаштиради. О.с.да зарур миқдорда тузлар, айниқса кальций ва фосфор тузлари бўлади, улар бола скелетининг тўғри шаклланиши ва ривожланиши учун гоят муҳим. О.с.даги минерал моддалар ва витаминлар ўсаётган бола эҳтиёжига мос келади ва организмда яхши сингияди б-н сигир сутидаги шундай моддалардан фарқ қилади.

О.с.даги темир моддасининг аҳамияти ниҳоятда катта, унинг ўзлаштирилиши О.с.да олатда 70%ни ташкил этса, сигир сутида 30%, аралашмаларда эса 10%ни ташкил этади. Соғлом онадан туғилган соғлом болаларда темир захирасининг етишмаган қисми О.с. ҳисобига тўлдирилади, лекин бола она сутидан сигир сути ёки аралашмага ўтказилса унда камқонлик ривожланиши мумкин.

О.с.да витаминлар миқдори тез ўзгарувчан бўлишига қарамай бола эҳтиёжини дастлабки ойларида тўлиқ қондайди. О.с.да «D» витамини унча кўп эмас, шунинг учун эмизикли чақалоқни ўз вақтида тоза ҳавога, қуёш нурига олиб чиқиб туриш.са, боланинг «D» витаминга бўлган эҳтиёжи тўлатўкис қондирилади.

О.с. турли касаллик вируслари ва микроблардан қарши моддалар — антителолардан ҳоли бўлади. Болани эмизганда иложи борича кўкракда ёнгилган ҳамма сутни бола бир эмганда тугатишига ҳаракат қилиш лозим, акс ҳолда, бола ўзига керакли сутнинг юқори калорияли қисмини ололмайди, гўдакни эмизиб бўлгач, кўкракда қолган сутни, ҳатто у кам бўлса-да, охирги томчисигача сғиб олиш лозим, бу сут кўпайишига ёрдам беради.

Кўкрикла сут кам ёки кўп бўлишига қарамай, уни албатта эмизиш зарур, чунки оналнинг эгзнида сути ҳам болани ичиниқтиради. Она сути 6-ж кагта бўлиш болалар ўз тенгқурлари орасида ақлнинг ва ақлий жиҳатдан ажралиб турада. Камқонлик, рахит, гипотрофия касалликлари кўпроқ О.с.га тўғмаган болаларда ўртасида учраши бежиз эмас. О.с. таркибида боланинг яши ўсишига имкон берадиган омиллар етарли, унинг ажойиб хусусиятларидан ана бери болалнинг асаб системаси шакллашишига ижобий таъсир кўрсатишдир.

Таркибларнинг кўрсатишича О.с. болани рак касалликларидан сақлайди, унинг бу жиҳатини ўрганган олимлар, ракка қарши дори и.ч. да бундан фойдаланиш мумкинлигини айтишмоқда.

Бола она сутидан ажратилса ва ситир-сути ёки сути ярмаҳамалар 6-ж бошлса, у мухим ҳимоя омилларидан маҳрум бўлади, бу болининг ичи кетиши, оқат ҳази қилиш системасининг бузилиши сингари иохушликларга тоб келади. О.с. оналнинг ўзини ҳам турли касалликлардан сақлайди; жумлан, сут безларн рак, гинекологик касалликлар болани кўкрагн 6-н эмизилган вақтларда 20—25 баробар кўп учрайди. Болани кўкрак сути бериб бокдан оналарда камқонлик кам кузатилади.

Кузатувларга кўра, О.с.га она организмига тушадиган ҳамма моддалар ўзлаш, шунга кўра эмизилган аёл ўз оқатига катта эътибор бериши, у тўри ва тўйимли овқатланиши, етарли миқдорда суюқлик, мева шарбатлари ичиб туриши, соф ҳавонан бахраманд бўлиши, тинчиқиб ухлаши лозим.

Шуҳрат Турсунов.

ОРИЕНТАЛИЗМ (лот. oriens — шарқ) — *Европа санъатида шарқ* тоган бадиий усул, ижодий тамойил; Шарқ халқлари маданиятига хос мавзу ва образларга мурожаат этишдн, шунингдек, Шарқ санъати ифодавий воситалари, бадиий шакллларининг қўлланиши билан белгиланади. Келиб чиқиши Юнонистон (мил.ав. 8—7-асрлар), кдд. Рим (мил. 1-а., «мисрпашган 3-услуб»). Помпеядаги «Орфей уйи» ва б.) санъати 6-н боғлиқ. Ўрта аср даврида О.нинг жиҳатлари *Кордоба халифалиги* (мас., 8-10- ларда қурилган ва кейинчалик черковга айлантирилган *Кордова катта масжиди*), Гранада (13-14-а.-ларда бунёд этилган ал-Ҳамро саройи ва б.) *меъморлигида тақасимон равоқлар*, ўзига хос декоратив ва жимжималар ишлаш усуллари намоён бўлган. Кейинчалик ҳам Испаниянинг жанубий шарқона услуб «Мудехар» номи б-н давом этди (15-а.га мансуб Сарагосса вилоятн Утебодаги черков қўнғироқхонаси — «Кўзгулар минораси» ва б). Франция меъморлигида О. Наполеон даври (*ампир услуби*)да ҳам намоён бўлган. Безаклар қаторида *сфинкс* тасвирлари ва майда нақшлар («арабеска») кўлланган. *Булар Лувр*, Фонтебло, Малмезон саройларини қайта қуришдан Персье (Персье) ва Фонтен ижодларида яққол сезиклди. Россия меъморлигидаги О.га 18-а. охирида Чор селоси (Царское село) нинг Хитой қишлоғида бунёд этилган иморатлар мисол бўла олади. Тасвирий санъатда А.*Матисс* япон миниатюраси (*«Балиқлар»*, *«Япон вазаси бўлган натюрморт»* ва б.), П.*Гоген* Океания халқлари амалий безак санъати («Кўрол хотини», *«Таити пасторалдари»* ва б.), П.*Пикассо* негрлар ниқоблари («Елпигичли аёл», «3 мусиқачи») дан илҳомланиб асарлар яратишган.

Ўзбекистонда О. 19-а. 2-ярми — 20-а. бошида европалик меъморлар ижодида яққол кўринади (Тошкентдаги *Романов саройи*, ҳозирда бузилиб кетган «Хива» кинотеатри, Когонлаги ва Шербўлдидаги амир саройлари, Хивадаги алоқа бўлими ва касалхона). Тошкентдаги А.Полозовнинг уйи (ҳоз. Амалий санъат музейи) асосан халқ меъморлиги анъаналарида барпо этилган бўлиб, унда Европа ҳажолари (чўнқичи, печ) ҳам ўзбек анъанавий нақшлари б-н безатилган. 20-а.нинг 30—70 йилларда ҳам Ўзбекистон меъморлари О. анъаналаридан фойдаланишган (Тошкентдаги ФА биноси ва б.). Айрим биноларда миллий шаклларга кенг ўрин берилди (Москвадаги қд. кўргазмасининг Ўзбекистон павильони ва б.).

Мусиқада О.нинг мисолларн Г.Перселл (Англия), *Ф. Рамо* (Франция) каби композиторларнинг умумшарқона жанрлари, *Вены классик мактаби* намоиндаларига хос «турқча» намуналарида ҳозга келган. Том маънолари бадиий етук намуналарини 19-аднн бошлаб Франция (Ф.Давид, Ж.*Бизе*, К. *Сен-Санс* ва б.), Россия (*«Кудрятзи тудо»* вакиллари), 20-а.да Польша (К.*Шимановский*), Австрия (Г.*Малер*, А.*Шёнберг*), Франция (М.*Равел*), О.*Мессиан*) композиторлари яратишган. Баъзан айрим композитор (Н.*Римский-Корсаков*, С. *Рахманинов* ва б.)ларнинг бу борадаги изланишлари тўлақонли шарқона асарлар яратишга олиб келган. Бу эса *Шарқ* (хусусан, Ўзбекистон)да композиторлик мактаби шакллашишга ижобий ябрат вазифасини ўтаган.

Нозимн Абдуллаев, Хайрулла Ёқубов, Ўктамжон Қодиров.

ОРИФХОНОВА Маъпура (1917. 25.10, Чимкент ш. — 1977.9.7, Тошкент) — метеоролог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1967). Геогр. фанлари доктори (1966), проф. (1966). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1940), 1944—46 йларда шу ун-тда, 1946 йдан Тошкент политехника ин-тида ишлаган, олий мат. кафедраси мудири (1967 й.дан). Илмий ишлари жан. циклонларнинг Ўрта Осиё об-ҳавоси шакллашишга таъсири масаласига багишланган. Дастлабки-лардан бўлиб «Ручка-Ўзбекча метеорологик луғат» тузган (Т., 1956). Олий техника ўқув юртлари қошидаги тайёрлов курслари учун «Математика» қўлланмаси тузувчиларидан (Т., 1974).

Ас.: Пояс метра циклонов над Средней Азией при прорывах южных циклонов. Т., 1974.

ОТАЖОНОВ Ортиқ (1947.30.1, Боғот тумани) — хонанда, Ўзбекистон (1991), Туркманистон ва Қорақалпоғистон (1993) халқ артисти. Урганч мусиқа билим юртини (ўтбоб синфи бўйича, 1967) ва Тошкент маданият ин-ти (1980)ни тугатган. Миллий ашулачилик йўлларини К.Отпнёзов, шунингдек, А.Отажонов, М.Мирзаев, Г.Раҳимова, О.Ибрагимов ва С.Собировлардан ўрганган. Ўзбек давлат филармонияси, «Лазги» ансамблида хонанда (1968—81), «Лазги» ансамблининг бадиий раҳбари (1982—88). Ретертуарндан Ҳорazм мумтоз ашулалари («Феруз I, II» асарлари б-н, «Чапандози Суворе», «Каждинг Суворе», «Хорazм Дутоҳи» ва б.), куйини ўзи басталаган асарлар («Зеболаниб келибсиз», «Она диёрим», «Хорazм фарзандиман», «Ороl дарди», «Сени кулишларинг», «Ибний», «Бошқача» ва б.), шунингдек, афтон, туркман, озарбайжон, рус, араб қўшиқларя ўрин олган. Иккидан 2 грампластинка, Ўзбекистон радноси фонотекасида ёзилган. Ўзбекистон телевидениесида «Ортиқ Отажонов» фильм-концерти яратилган. О. Осиё, Европа, Америка, Австралия мамлакатларида гастролда бўлган.



ОТАМИРЗАЕВ Юсуфжон (1949.1.4, Минтўлоқ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Наманган пед. институтини тугатган (1970). 1970 й.дан Минтўлоқ туманидаги 6-, 1972 й.дан 7-мактабда мат. ўқитувчиси.

ОХУНЖОНОВ Босит Алиевич (1923. 19.7, Тошкент — 2000.7.2) — хирург. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1991), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1990). Тиббиёт фанлари д-ри (1979), проф. (1981). ТошТИ ни тугатгач (1949), аспирант (1949—52), ТошТИ педиатрия ф-ти госпитал хирургия кафедрасида ассистент (1953—61). Травматология ва ортопедия илмий тадқиқот ин-ти директори (1961—63), ТошТИ педиатрия ф-ти хирургия кафедрасида доцент (1964—72), Тошкент тиббиёт педиатрия янги хирургия кафедраси мудири (1972—91), шу кафедрада проф.-консультант (1991—2000). Илмий ишлари ўткир ичак тутилиши масалаларига ва жигар циррозини унинг фаолиятини кучайтирувчи омиллардан фойдаланган ҳолда жарроҳлик йўли ён-а даволашга оид.

ОХУНОВА Мелихон Охуновна (1928.28.12, Учқўрғон ш. — 1987.12.10, Тошкент) — тарихчи олима, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1979). Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1979), тарих фанлари д-ри (1972). ЎзДУнинг тарих ф-тини тугатган (1949), шу йилдан Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-тининг аспиранти, илмий ходим (1953—61), директор ўринбосари (1961—65), директор (1965—86), бўлим бошлиғи (1986—87). Илмий ишлари Ўзбекистон ишчилар синфи тарихи муаммолари ва Ўзбекистоннинг социализм давридаги тарихига бағишланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967).

ОЭ Кензабуро (1935.31.1, Эхиме префектураси, Япония) — япон ёзувчиси. Токио ун-тининг француз адабиёти бўлимини тугатган (1959). Рафле ижодини нуқта ўрганган. 50-й.лардан адабиётга кириб келган. «Мол боқиш» ҳикояси (1958) О.га шуҳрат келтирган ва *Акутагава* номидаги мукофотга сазовор бўлган (1959). О.нинг «Кечикkан ёшлар» (1962) романида ёш авлод тақдири, ёшлиги туфайли урушга кечикkан ва урушдан кейин маънавий-ахлоқий азобга дучор бўлган ёш фуқаронинг фожиаси акс этган. «Ҳайқирик» (1963), «Шаҳватпараст одам» (1963) асарларида бирон-бир ахлоқий мажбурият ё-и боғланмаган киши таъкирланган. «Шахсий тажриба» (1964) романида ҳоз. ёшларнинг жамият ошдилаги бурчи, уларнинг ахлоқий изланишлари муаммоси кўрсатилган. Хиросима фожиаси, инсоният тақдиридан хавотирланиш туйғулари «Хиросима хотиралари»да (1966), «1860-йил футболи» (1967), «Сувлар мени руҳимгача бағрига олди» (1—2-қисм, 1973), «Халоскорнинг эслаткилари» (1976) романларида акс эттирилган. «Тенгқурлар ўйини» (1979) ижтимоий романи Япониянинг ўтмиши ва келажаги ҳақида. Нобель мукофоти лауреати (1994).

П

ПАПАДОПУЛОС Тассос (1934.7.1, Никосия) — Кипр давлат арбоби. Лондонда юриспруденцияни ўрганган. 1972—76 й.ларда Макариос музокараларда грек-кипр томони вакилининг маслаҳатчиси, 1976—78 й.ларда вакили. 1976 й. апр.—майда Кипр парламенти раиси. Кейинчалик 12 й. давомида навбатма-навбат Кипр ички ишлар, молия, меҳнат ва ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, к.х. ва табиат ресурслари вазири. 1970, 1976, 1991, 1996 й.ларда Кипр парламенти депутатлигига сайланган. 2000 й.дан Кипр Демократик партияси бошлиғи, 2003 й. 28 фев.дан Кипр Республикаси президенти.

ПАПУЛИАС Каролос (1929.6.4, Грециянинг Янина ш.) — Греция давлат арбоби. Юридик фанлари д-ри. Афина, Милан ва Кёльн ун-тларида ўқиган. Миллий озодлик ҳаракатига қатнашган (1941—44). 1974 й.дан «Умумгрек социалистик ҳаракати» аъзоси (1975—85 й.ларда ҳаракатнинг халқаро алоқалар бўйича қўмитаси котиби), 1981 й.дан Греция ташқи ишлар вазири ўринбосари, 1985—89 ва 1993—96 й.ларда Ташқи ишлар вазири, 1989—90 й.ларда Греция миллий мудофаа вазири вазифасини бажарувчи. 2005 й. 8 фев.дан Греция Республикаси президенти.

ПЕРРО Шарль (1628.12.1, Париж — 1703.16.5) — француз шоири ва танқидчиси. Франция академияси аъзоси (1671). 19-а. француз адабиётида авж олган «қадимгилар ва янгилар баҳси»да иштирок этиб, замондош ёзувчиларнинг қад. ёзувчилардан афзаллигини ёқлаб чиққан ва шу ё-и шуҳрат қозонган. Ижк пародияли достони — «Троя девори» (1653). Шундан кейин унинг «Буюк Людовик асри» (1687) достони ҳамда 4 жл.ли «Санъат ва фан масаласида қадимгилар ё-и янгилар ўртасидаги қиёслар» (1688—89) диалог шаклида ёзилган асари, «Аёлларнинг таърифу тавсифи» (1694) сатирик шеъри эълон қилинган. П. сўнгги 2 асарида *Буало* синтари замондошлари ё-и бадиҳ-муносара қоритган. П.нинг адабиётнинг маърифий аҳамияти ҳамда адабий тараққиётнинг фан ва тамаддунга боғлиқлиги масалаларини қарашлари француз маърифатпарварлари томонидан ривожлантирилган. Аммо П.нинг француз адабиётидаги катта ўрни «Онагимам Гусина бонунинг эртаклари ёки Ўтган замонларнинг ибратли воқеа ва эртаклари» тўплами ё-и белгиланади. Мазкур тўплам П. нинг ўғли Дармамкур жомоланон эълон қилинган. У дастлаб 8 та эртаклан ташкил топган бўлиб, кейинчалик яна 3 та шеърий эртак ҳисобига бойиган. Француз адабиётидаги антик маданият анъаналарига қарши курашган П. халқ эртакларига хос «ҳиссадан қисса» чиқариш тамойилини самарали, деб ҳисобларан. У эртакка ҳазил-мутойибадан ёрдамлар чинакам халқ ижодига хос латофат ва жозибани олиб кирди. П. «Эртаклар»и француз адабиётида халқчиллигининг ошиши ва эртакнинг адабий жанр сифатида ривожланишига катта таъсир кўрсатган. П.нинг эртаканависдик анъаналари ака-ука Гриммлар, Л.Тик, Х.К.Андерсен сингари ёзувчилар томонидан давом эттирилди. П.нинг «Золушка», «Этмк кийган мушук», «Кўк соқол» сингари эртаклари асосида опера ва балет спектакллари, мультфильмлар яратилган. П.нинг айрим эртаклари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Волшебные сказки, М., 1984.

ПЕТРОВ Рево Марковић (1943.21.3, Олтой вилояти) — ҳарбий дирижёр, композитор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1977). 1951—53 й.лар Мудофаа вазирлигининг ҳалқида намунали кўргазмали ҳарбий оркестрида хизмат қилган (Москва). Москва ҳарбий дирижёрлар тайёрлаш институтида таълим олган (1953—1957). Гер-

маниядаги Совет қўшинлари оркестрида (1957–62). Туркистон ҳарбий округининг турли ҳарбий оркестрларида (1963—1976)да ҳарбий дирижёр. 1976–1987 йиллар Туркистон ҳарбий округи оркестр хизмати бошлиғи. 1987 йилда Ҳамза номидаги Республика мусиқа коллежида ўқитувчи, оркестр чолғулари кафедраси мудири.

Пуфлама созлар оркестри учун «Эстрада миниатюраси», «Наврўз», «Салом», «Тошкент» маршлари, «Интермеццо» каби асарлар яратган, қатор куйларни оркестрга мослаштирган. «Дамли чолғулар оркестри жамоаси учун дарслик» муаллифи (2004).

ПИЧОҚ — 1) бир томони чархлаб ўткирланган, пластинкасимон узунчоқ кескир асбоб. П. асосан тиғ ва даста (сап) дан иборат. Тиғ П.нинг кесадиган қисми қасоблашдан. Дастаси (сопи) ёғоч, суяк, пластмасса ва баъзан темирдан ишланади. Ўзлар суқма, ёрма ва ямалдор бўлади. Даста мустаҳкам тирқиш учун мис шайбалар — гулбанд қўйилади. Тузилишига кўра, П. тўғри, қайиқ, болончи; ўтмасига кўра — ўткирлиги, текислик, болаличоқ, чалабўлар, мардона; безатилишига кўра — содда, гулдор, чилмихгулли, рифта, салафон, дандон сопли ва б.; кесиш усулига кўра, чуст (тус) П., пойгур П., қўқон П., қорасув П., шаҳрисабз П., хива П. хилларга бўлинади. Ишлатилишига қараб, П.лар ўткир уни ва тўмтоқ уни қилиб асосланиб; буқалама (шакки); тўғмача ва пружинали (тўғмачаси босилганда тиғи ирғиб очиладиган) бўлиши мумкин. П.ни ишқалаганимиздан сақлаш учун мақсус мослама — қинга солиб қўйилади. Қин газлама, металл, темир, чарм, ёғоч ва б.дан ясалиб, унга турли балиғий ўрма нақшлар қилинади.

Ўзбекистонда ишлаб П. асосан темирчилик дўконларида тайёрланган, қолар мақсалий саноат корхоналарида ҳамда хусусий кичик корхоналар (оилаларда ишлаб чиқарилади. П.лар уй-рўзғор ва ҳўжалиқда, боғдорчилик, косибчилик, пичилик ва б.да қўлланилади (қ. Пичоқчилик); 2) машина ва механизмларнинг кесувчи, қирқувчи ва ўювчи қисмлари. Етмоссозлик саноати, ёғоч ўймакорлиги, озиқ-овқат саноати, қ.х. машиналарида, тахта тилиш, фанер ўювиш, ёғоч ўйиш, силос ва сомон майдалаш, қарам қирқиш ва б. ишларни бажариш учун мўлжалланган П.лар бўлади. Ўзлар фреза, диск, ўткир ўқли пластина ва б. кўринишда ясалди; 3) электротехникада рубильниклар ва штепсельларни қисқичлар ҳам П. деб аталади.

ПИЧОҚЧИЛИК, пичоқсозлик — *пичоқ*, устара, ханжар ва б. кесгир асбоблар ясаш касби; ҳунармандчиликнинг қад. тармоқларидан бири. Илк палеолит давридан маълум. Дастлабки кесгир қурол тошдан ясалган. Жез даврида мис ва жездан П.лар ясаш бошланган. Темирнинг кашф этилиши П. санъати тараққиётида катта бурилиш бўлди. Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ўрта Осиёда П. жуда қадимдан ривожланган. Кейинчалик Европа мамлакатларида расм бўлган. Темир пичоқлар ҳақидаги маълумотлар қад. юнон эпик шоирлари Гомер ва Гесиод асарларида учрайди. 14–а.да Германия, Англия, Австрия, Франциядa П.ни касб сифатида тақиқлаб, пичоқни оиланаларда ишлатишган. Ўзбекистон ҳудудида (Афросиёб, Болаликтепа, Вараҳша ва б.да) олиб борилган арх. қазишмалар натижасида мил. ав. 2-минг йилликка оид пичоқ намунаси топилган. Деворларга чизилган расмлардан пичоқдан кўҳалик ва овчиликдан ташқари ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланилганлигини билиш мумкин. 6—12–а.ларда пичоқ асаси ривожланиб, уни безаш технологиялари ўзгарган. 15—17–а.ларда ёнга осиб юриладиган пичоқ турлари пайдо бўлди. Буни Навоий, Бобур асарларида ишлатган миниатюралардан кўриш мумкин.

Кейинчалик П.нинг ўзига хос мактаблари пайдо бўлди. Фарғона водийси, Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида қалимдан 20 га яқин П. мактаблари бўлиб, улар ўзининг ишлаш технологияси, шакли, нччамлиги ва безаклари б-н фарқ қилган. Бу мактабларга Чуст, Шаҳрихон, Қорасув, Қўқон, Хива, Тошкент ва б. П. мактаблари киради.



Чуст пичоқлари.

Пичоқ Ўрта Осиёда эркакларнинг энг зарур иш қуроли, безаги тариқасида фойдаланилган. Шунинг учун Ўзбекистондаги пичоқсозлар пичоқни санъат даражасига кўтарганлар. Қадимда ҳунармандлар бир-бири б-н бирикиб бир маҳаллада яшашган ва маҳалла шу ном б-н аталган. Мас., Тошкент шаҳ.да Пичоқчилик маҳалласи сақланиб қолган.

Ўзбекистонда дастлаб ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида вилоятларда артеллар ва ҳунармандлар тайёрлайдиган ўқув юртлари очилди. Чуст ш.да «Қизил куч» артели (1932), кейин пичоқ ш.ч. заводи қурилди (1970), ишлаб чиқариш комбинати ташкил этилди (1978). Ишлаш пичоқларни катта дўконда уста босқинчи дамғир б-н биргаликда ясашган. Унинг дастаси эса суяк, мутуз ёки ёғочдан тайёрланган. П.да темирчиликдаги каби ўчоқ, дам, сандон, болғон, эгов, болға ва б. ишлатилади. Пичоққа ажратилган темир кесилиб, металл бўлакчаси ўтда қизанрилади, сандонга қўйиб, болға б-н уриб тиғ чиқарилади, сувга тиқиб олиб кескирлиги оширилади. Бу жараённи сув бериш дейилади. Пичоқ пўлатининг қаттиқлигини қараб сув берилади. Сўнгра уни гирага қистириб, катта эгов б-н эговланади, тиғи чархланади, ҳоҳа қирраси бўйлаб ишқалаб, тиғ юзига сой (кома) очилади. Пичоқ қорамтир туста киритиш учун зоқ (суяк, модда) га ботириб олинади.Сўнгра даста ўрнатилади. 3-да эса махсус пеклар бўлиб, ҳар қайси пех ўзига тегишли операциями бажарий йитгилади. 3-доинг чарм-талантерея цехида пичоқлар учун қин тайёрланади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган пичоқлар фақат уй-рўзғор ва ҳўжалик буюмигина бўлиб қолмай, балки миллий санъат асари даражасига кўтарилади, шу туфайли чет эл сайёҳлари учун совға сифатида қим қадрланади.

ПОДГОРИЦА (1952—1992 йиллар Титоград) — Черногория Республикаси пойтахти. Скадар кўли соҳилида жойлашган. Аҳолиси 118,1 минг киши (1998). Транспорт йўлларининг йирик чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Алюминий к-ти, металлсозлик, мебель, тўқимачилик, тамаки, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Черногория фан ва санъат академияси, ун-т бор.

Қ.ал.да П. ўрнида римликларнинг Виразиминум қишлоғи бўлган. 7-а.да Черногорияни славян қабилалари эгаллагач, қишлоқ Рибница деб аталди. 12-а. 80-й.лари — 1360 й.да П. деб номланган. 1427 й.дан П. Зет князлиги марказий. 15–а.нинг охирларидан Усмонли турк империяси тарқибида, 1878 й.да Черногорияга қайтарилган.

П.да мелиорий ёлғортиқларидан турқлар қўрғон қалъа қолликлари (15-а.), 17—19-а.ларда қурилган бинолар ҳамда шаҳар яқинида антик Доклей ш. харобалари, черков ва б. сақланган.

ПОЁНОВ Абдуғаффор (1949, Қизирирқ тумани) — Ўзбекистон халқ бахшиси (2003). *Шеробод достончилик мактаби* вакили. Термиз педагогика ин-тини тугатган (1973). Қизирирқ тумани умумтаълим мактабн ўқитувчиси (1973 й. дан). Достончилик анъаналарини Марзонакўл бахши, Умир бахшилардан ўзлаштирган. Репертуаридан «Алпомиш», «Малика айёр», «Широли» ва б. достонлар, ҳўмбира куйлари, шунингдек, халқ («Ўмбирам», «Нима айтай» ва б.) ҳамда Ватанга муҳаббат, садоқат, халқ қаҳрн мавзуларида ўзи ижод қилган термалар ўрин олган. Халқаро (Қозоғистон, 1997; Термиз, 1999) ва республика бахши-шоирлар танловлари лауреати.

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти — и.т. муассасаси. 1981 йда Ўзбекистон ФА тармоқбидаги полимерлар кимёси бўлими (1979) негизида ташкил этилган. Институт асосий фундаментал илмий йўналиши талаб этиладиган хоссаларга эга бўлган полимерлар ва композицион полимер материалларнинг янги турларини синтез қилишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, уларни қайта ишлаш ва н.ч. технологиясини ташкил этишдан иборат. Ин-тда олиб борилган и.тлар натижасида қ.х. ва тиббиёт учун зарур биологик фаол полимерлар синтези йўлга қўйилди, ўсимлик бошқарувчи, бактерицид, фунгицид ва иммунномодуллаш хусусиятига эга бўлган полимер тизимларининг янги турларини синтез қилишга синергетик ёндошиш жорий этилди, кимёвий модуллаш усули б-н фармацевтикада кенг қўлланишни мумкин бўлган экологик тоза полисоҳаридлар синтези ҳар тарафлама ўрганилди. Пахта момиғидан турли мақсадларга мўлжалланган пахта целлюлозаси олинди, уни карбоксиметиллаш, ацетиллаш мумкинлиги аниқланди, кукун ва монокристалл ҳолатдаги целлюлоза олиш технологиялари ишлаб чиқилди ва улар асосида дори-дармонлар, тиббиёт учун зарур модуллозалар олинди. Ўсимликларнинг кимёвий ҳимоя воситалари сифатида сувда эрувчан, кам заҳарли полимер дорилар шакли, биологик фаол компонентлар сақлаш радорлигини ошируви, пахта, шоли, қанд лавлаги, маккажўхори ва бугдой уруғларини капсулалашнинг экологик хавфсиз технологиялари ишлаб чиқилди. Ўсимликларни кимёвий ҳимоялашга йўналтирилган, фунгицид ва ўсишни бошқарувчи ҳамда қ.х. маҳсулотларни уруғини капсулаши воситаси — «Ўзотин», фунгицид хоссали оксадексил кимёвий воситанинг уруғлик чигитни капсулалашда қўлланиладиган полимер шакли — «Полиданд», қайта ишлашга яроқли Пахта целлюлозаси» қоғози «Новилон», «Катоцел», «Нитроэцилерин», «Лимонли пектин», «Микроцел» каби дорилор моддалар олинди ва амалиётга тавсия этилди. Полимерлар кимёси ва физикасининг истиқболли келажаги — ноноолимерларнинг янги турларини синтез қилиш, полимер тизимларида нноструктураларнинг шаклланиш механизмларини текшириш, уларни барқарорлаштиришга борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Ин-тда 8 та лаб. бўлиб, ўларда 120 дан ортиқ ходим ишлайди, шулардан Ўзбекистон ФА 1 акад. (С.Ш.*Рашидова*), 8 фан доктори, 24 фан номзоди фаолият кўрсатади (2005).

ПОЛИМОНОДИЯ (*поли... ва монодия*) — мусиқий-ижодий тамойил, монодик баёнининг *полифония* унсурлари ёрдамида бойитишга асосланади. Ўзбек анъанавий мусиқада 20-а. ўрталаридан *бастакорлик*нинг тараққиёти, хусусан, услубий қамровларн кенгайиши жараёнида шаклланган. Дастлаб ғинний ҳоламаларни Ф.*Содиқов* (ўзбек созларн ансамбли учун «Ўзбекча вальс»), М.Мирзаев (қадимдан рубобн ва ансамбль учун «Дилдор 1—2», «Янги Таннавр» ва б.), Н.*Ҳасанов* ва К.*Жабборов* (иккаласининг оммабоп куй ва қўшиқларидан ижодида намоён бўлди. Кейинчалик Н.Кулабдуллаев (тижжак ва рубоб учун «Ўйламан» ва б. чолғу асарлар), айниқса, А.*Исмоилов* (тижжак ва ансамбль учун «Холим сўрма», «Уфқ ошуп», тижжак, қонун ва най учун «Фавора», «Тўёна» ва б.), Ў.*Раҳимов* (тижжак ва ансамбль учун «Ҳаёл», «Сени эслаб» ва б.)лар П. имкониятларини теран ифода воситаси даражасига кўтаришган.

Ўзбек (шунингдек, озарбайжон, турк, тожик) анъанавий ижрочилигида созанда ва хонанда (Т.Қозиров — «Дўстим», «Таннавр», К.Раҳимов — «Наргиз»)лар ҳам П. унсурларидан унумли фойдаланишган.

Ўзбекистон Ғафуровлари.

ПОНТОППИДАН (Pontoppidan) Хенрик (1857.24.7, Фредерисия — 1943.21.8, Копенгаген) — даниялик ёзувчи. Копенгаген политехника институтини тугатган (1874—77). Таниқли таърихчи ва мунаққид Георг Брандеснинг кўп нарса ўрганган ва уни энг яхши романи — «Жаннатмонанд ер» (1891—95)даги бош қаҳрамон прототипи қилиб олган. 1881 й. «Ҳаёт тугали» ҳикояси ҳафтаномада, «Қирқлиган қанотлар» новеллалар тўпламн эса алоҳида китоб ҳолида чиққан. Кейинроқ «Қишлоқ ҳаёти манзаралари» (1883), «Қулбалар ичида» (1887) ҳикоялар тўпламларини эълон қилган. Шуҳратнинг кейинги йирик асари — 8 жли «Омалли Пьер» 1898—1904 йларда нашр этилган. Плнинг 5 жли сўнгги романи «Ўликлар салтанати» (1912—16)да бош қаҳрамон йўқ, унда персонажлар кўп, кенг эҳтимолий панорама тасвирланган, асар марказида тўпланган радикал сиёсатчи уйғудаги халқни уйғотишга ургинган. «Ўзликка олиб келадиган йўлда» (1943) автобиографик очерклар тўпламн ҳам бор. Нобель мукофоти лауреати (1977).

ПРИШТИНА — Сербия ва Черногорияларн шаҳар, Косово ва Метохия ўлкасн пойтахти. Аҳолиси 108 минг киши (1990-йлар ўрталари). Қ.х. райониннг савдо-саноат марказн. Тўқимачилик, озиқ-овқат, керамика, машинасозлик саноатн корхоналари мавжуд. Ҳунармандчилик ривожланган; гилам тўқилади, рангли металлардан турли буюмлар тайёрланади. Ун-т бор. П. яқинида кўпгир қўпгир, қўргошин-рух конлари топилган. Йирик энергетика-кимё к-ти ишлаб турибди.

ПРЕСКОТТ (Prescott) Эдварда (1940 АҚШ, Нью-Йорк) — америкалик ицтисодчи. 1967 й. Карнеги-Мелон университида докторлик илмий даражасини олди. Пенсильвания (1967—1971), Карнеги-Мелон (1971—1980), Миннесота (1980—2003) ун-тларида ишлади. 2003 йдан бошлаб Аризона давлат ун-тида проф. ва Миннеаполис (Миннесота штати) Федерал резерв банкининг талққотчиси. Илмий ишлари динамик макроиқтисодиёт, иқтисодий сиёсат ва циклни тебранишлар, иқтисодий сиёсат стратегиясида қисқа қанда узоқ муддатли мақсадлар муаммоларига бағишланган. Нобель мукофоти лауреати (2004; Ф.Кидланд б-н бирга).

ПРОСКОРЯКОВ Евгений Иванович (1895, Саратов — 1965, Самарқанд) — биолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1957), биол. фанлари д-ри (1953), проф. (1954), Саратов қ.х. институтини тугатган (1920). Саратов вилоятидаги қ.х. станцияларда лаборант (1921—25), Воронеж қ.х. институти ботаника кафедрасида ассистент (1925—30), доцент (1930), Белоруссия ФА Марказий ботаника богида гербарий бўлими мудири (1934—37), Ўзбекистон давлат ун-ти ботаника кафедраси проф., мудири (1937—39; 1942 й.дан). Ўзлуқнинг педагогика ин-ти проф. ва директор ўринбосари (1939—42). Илмий фаолияти буғдойдошлари ва ҳўлодлонлар оилалари, Зарафшон воҳаси флораси ресурсларини ўрганиш ва ундан оқилона фойдаланишга бағишланган.

Ас.: Бир йиллик эфемералларнинг келиб чиқиши, Самарқанд, 1950.


Р

РАВШАНОВА *Тузнора* Ҳасановна (1946.26.5, Термиз ш.) — Ўзбекистон халқ артисти (2004). Термиз давлат педагогика ин-тини тугатган (1975). Ҳалима *Бобохонимлининг* қизи. 1963 й.дан Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида актриса. Р. ўз ижоди давомида лирик, драматик, комик каби турли характердаги образлар яратди: Майсара (Ойқиз. «Майсараниинг иши»), Нурхон (К.Яшин, «Нурхон»), Леди Мильфорд (Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Саодат (Ғ.Воҳидов, «Истанбул фожиаси»), Сотти (С.Ахмад. «Келинлар қўзғолони»), Б а ҳ о и (Ш.Парфи, «Осмонцизи уй»), Тўлғой (Ч.Айтматов, «Момо ер»), Бийкиним ва Она турк (Қ.Абдуназбиев, «Амир Темур ва Йилдирим Боязид»), Кунтуғмишбека (У.Азим, «Алпомишнинг қайтиши»), Малика (Ҳ.Хурсанлов, «Ўзбек аёл бўлдим») ва б.



Гулнора Равшанова Она турк ролида («Амир Темур ва Йилдирим Боязид»)

РАМАЗОНОВА Ширин (1941.4.2, *Урганч*) — Ўзбекистон халқ артисти (2005). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1980). «Равшан ва Зулхумор» спектаклидаги Зулхумор унинг сиймода яратган илк образлари: *Лайли* («Лайли ва Мажнун»), Шоҳсанам («Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам»), Зуҳра («Тоҳир ва Зуҳра»), Нурхон («Нурхон»), Холисхон («Холисхон»), Ойхон («Майсаранинг иши»), *Офелия* («Ҳамлет»), Аминахон («Қароқчилар»), Кароматхон («Тошболта оғанги»), Наҳоят («Парвона»), Офат («Қайғусиз») ва б. Р. саҳнада яратган энг ёзиқ образларидир. Хатти-ҳаракатларидаги табиийлик, ички кечинмаларни ифодалаш маромн, нутқнинг аниқ, равон ва таъсирчанлиги Р. ижодига хосдир. «Феруз-1», «Мунажот», «Севги», «Юрак», «Айриқлик менинг», «Байҳор келди» каби ашулалари 6-н хонанда сифатида ҳам танилган.



Ширин Рамазонова Она ролида («Бола «Парвона»)

РАСУЛОВ Ўлмас Мамасодиқович (1951.12.1, Денов тумани) — созанда (тақажак, мантур), хонанда, бастакор. Ўзбекистон халқ артисти (2005). Тошкент консерваториясини тугатган (1976). Бухоро мусиқа билим юрти (1976—77), Тошкент консерваторияси (*1987—94*), *Ҳамза номидаги Республика* мусиқа коллежи (2002 й.дан)да педагог, Бухоро давлат ун-тида доцент (1995—2002) ва кафедра мудири (1995—2000). Айни пайтда «*Зарафшон*» *ансамбли*да созанда (*1987—94*), «Ўзбекнаво»нинг Бухоро вилояти бўлимида бадиий раҳбар (1997—2002), «*Дутор чи қизлар*» *ансамбли*да маслаҳатчи (2002 й.дан). Созанда репертуаридан *Шашмақом* ва *Фарғона — Тошкент мақом йўллари*, ўзбек халқ («Азим дарё», «Энде сендек», «Ҳаҳолн Эрон» ва б.) ва мумтоз («Сурнай Мискини», «Хароботи Мискин» каби) куйлари ўрин олган. Хонанда сифатида «Содиқон Ўшиоғи», «Сигмадим» (Мапирб газали), «Ор йиғлайди» (Ҳ.Ҳусайбердиева) каби ашулалар, Бухоро йўлларидан «Забоний», Жавоний», «Гул рези» вокал туркумларини мақорат б-н ижро этган.



«Ойдалак», «Тирноқ», «Учаётган табассум», «Само» каби чолғу куй, «Сурмайсан» (Ҳ.Ахмедова шеъри), «Ширушакар», «Карашма» (Навоий, Фузулий, Насимий), «Магар Навруз ила байрам» (Навоий), «Нозик Муҳаммас» (Нозим Биби Ҳўқандий) ва б. ашула ҳамда туркумлар, шунингдек, «Бобур», «Кеча ва кундуз» видеофильмлари, «Имом Бухорий» бадиий фильмига мусиқа басталган. Европа мамлакатларида гастролда бўлган. Ижролари «Ўлмас Расулов чалади» грампластинка (1984) ҳамда Ўтелерадиокомпанияси фонотекасига ёзилган. I-Республика мақом ижрочилари танлови *ғолиби* (1983).

РАҲМАТОВА Мартия Ахмедовна (1955. 8.3, Бухоро тумани Арабхона қишлоғи) — илғор ишчи, Ўзбекистон Қаҳрамони (1999). Меҳнат фаолиятини 1973 й.да Бухоро ёғигруч-тўқув ф-каси (ҳоз. «*Бухоротекс*» *ижтимоий жамияти*)да оддий ип йигируччиликдан бошлаган. 1994 й.дан ҳоз.гача шу корхона 1-йигирув цехида йигирувчи. Р. меҳнат фаолияти давомида ишлаб технологиларга тезлик ҳолда 3—4 та дастгоҳда ишлашни ўзлаштирди, дастгоҳларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаб, иш норматсини оширнб бажаришга эришди, ишлаб чиқариладиган калава ипининг юқори сифатли бўлишини таъминлади. Кўплаб шогирдлар етиштирди. «*Меҳнат шуҳрати*» *ордени* б-н мукофотланган (1996).



РАШИДОВ Ғудомқодир Рашидович (1926.6.7, Тошкент) — тарихчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989), фан фанлари доктори (1966), проф. (1973). Ўрта Осиё ун-тининг тарих ф-тини тугатган (1948). Шу ун-тда катта ўқитувчи (1951—54), Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг директори (1952—60, 1986—92), Ўзбекистон ФА тарих *ва археология ин-тида катта илмий ходим* (1960—67), Ўзбекистон шаҳарлари тарихи экспедициясининг мудири (1967—86), Ўзбекистон ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи директорининг *илмий ишлар бўйича ўринбосари* (1992—97). Р.нинг илмий ишлари Ўзбекистонинг 20-а. 1-ярмидаги тарихи, шаҳарлар тарихи, шу жумладан, Тошкентнинг замонавий тарихига бағишланган.

Ас.: Қалиний ва навқирон шаҳар, Т., 1995.

РЕЗАКСОЙ СУВ ОМБОРИ — Қуриқ тог тизмаларидан оқиб тушадиган Резакой дарёсида қурилаётган гидротехника иншоати. Наманган вилоятидаги Чуст шаҳри 5 км узоқликда жойлашган. Қ.к. жинсларини суғ б-н таъминлаш мақсадларига хизмат қилади. Сув омбори қурилиши 2003 й.да бошланган (қурилиш давом этмоқда, 2005). Ўзанли типда. Резакой суванн максимал тартибга солади. Лойиҳага кўра тўғони уз. 3200 м, бал. 80 м, тўлиқ сиғими 200 млн. м³. Р.с.о. тармоқида тош-тупроқли тўғон, Сирдарёга ва Шим. Фарғона каналига 40 м³/с дан сув бериш имкониятига эга бўлган 2 иншоот ҳамда сув ташлама иншоотлар бор. Сувн Наманган вилояти *ерларини суғоришга* фойдаланилади.

РЕЙМОНТ (Reymont) Владислав Станислав (1867.7.5, Кобеле-Велькс — 1925.5.12, Варшава) — полек ёзувчиси. Дастлабки романи — «Луттибоз аёл» (1896) автобиографик мотивларда ёзилган. «Жанатмонцка ер» (1—2 ж., 1899) романида натурализтик ва символистик усуллардан воз кечиб, реалистик усулни қўллаган. «Мужиклар» (1—4 ж., 1904—09) миллий эпос романи муаллифи. Рухи ва колорити б-н соф полякча бўлган бу асар бир оз мавзум, композицияси ва тилида нуқсонлар бўлишига қарамай, ёзувчига халқаро шуҳрат келтирган. «Ўчирашув» (1897), «Тонг олдида» (1902), «Одиллик билан» (1899), «Газлаё» (1897) каби асарларида қишлоқ ҳаёти асл ҳолича ёркин тасвирланган. «1794 йил» (1913—18) тарихий трилогиясида Польшадаги ички сиёсий аҳвол акс этган. Нобель мукофоти лауреати (1924).

РЕСПУБЛИКА ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗИ (РПМ) — она қорнида ривожланётган *ҳомила* ва янги туғилган чақалоқларга интенсив-лаган тиббий ёрдам кўрсатаётган ил.т. ва даволаш муассасаси. 2002 й. 1 июлда Тошкент ш.да Халқаро бозорлари ҳомиси қисмаи кўми мунасабати б-н ўз фаолиятини бошлаган. Марказ Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти клиникаси ҳудудида жойлашган, у тузи кун тартибида ишлайди. Марказда ҳомиладорларга, туғруқ ва чилла давридаги аёлларга юқори малакали шошилинч ва режали тиббий хизмат кўрсатилади республиканинг барча вилоятларидан чақалоқлар, аёллар ва беморлар қабул қилинади.

Марказда 9 клиник бўлим: қабул бўлими, 2 та акушерлик бўлими, шунингдек, ҳомиладорларни туғруққа тайёрлаш, гинекология (қайтариладиган аборт; жарроҳлик усулида даволаш; асоратланган акушерлик анамнези бўлган аёллар реабилитацияси, бепуштлик), катталар реанимацияси ва интенсив даволаш (ҳар хил этиологияли ўткир гемодинамик ўзгаришлар; қаёт учун муҳим аъзо ва системалар функциясининг ўткир бузилиши; жарроҳликдан кейинги ўткир метаболик бузилишлар; шок ва клиник ўлимдан кейин тикланиш даври, оғир даражали пневмопатия), чақалоқлар патологияси (иммунологик аниқлаш—конфликт; ҳомила ички гипотрофияси; моддалар алмашинуви патологияси; оғир туғма жароҳат ва асфиксиядан сўнг), неонатал жарроҳлик, чақалоқлар реанимацияси ва интенсив даволаш (йирингли септик касалликлар ривожланиш чақалоқларнинг мураккаб шакли) каби бўлимлар, 125 ўринли касалхона мавжуд турибди.


«Ўзбекистон» меҳмонхонаси.

Ҳоз. марказлар илмий изланишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ёш-лар ва технология маркази томонидан тасдиқланган грант мавзуси (янги туғилган чақалоқлар ривожланишининг узоқ муддатли прогнози ва унинг бузилишларини олдини олиш; ҳомиладорларда гепатоз қолатлари; чақалоқлар миясининг гипоксия натижасида бузилишлари; сийдик пуфагининг туғма аномалиялари; тухумдон эпителиал хистомасида аёлларнинг иммунологик статуси; ҳомиладорларда фетоплацентар етишмовчилик) асосида олиб борилади.

РПМ да 300 та янги тиббиёт ходими хизмат қилади (2005). Марказ Тиббиёт академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти студентлари, магистрлари ва клиник ординаторлари учун тайёрлов ҳамда республика неонатолог (янги туғилган чақалоқ врачларидан учун асосий илмий ўқув маркази ҳисобланади. Марказ илмий тўплам, монография ва методик қўлланмалар нашр этади.

РОМАНОВА Хуржон Қодировна (1946. 13.5, Беруний тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси. (2004). Хоразм пед. институтини тугатган (1975). 1968 й.дан Беруний туманидаги 11-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, 1970 й.дан 66-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

«РЭДИСОН САС ХОУТЕЛ ТАШКЕНТ» (инг. «Radisson SAS hotel Tashkent» — «Радисон САС Тошкент меҳмонхонаси») — 4 юлдузли меҳмонхона; Тошкент ш.ларо Амир Темур кўчаси («Болонсор» метро станцияси ёнида) 2003 й. бунёд этилган (бош меъмори А.Тўхтаев; «Айсель» фирмаси); Меҳмонхонада барча қулайликларга эга 110 хона мавжуд; 85 та «бизнес-класс», 18 та 2 ўринли ярим люкс ва 7 та люкс. 6 қаватли бино замонавий ва табиий қурилиш материалларидан қурилган, ўзига хос баланд меъморий ечимга эга. Ҳовлисида фавворалар ва сув ҳавзаси мавжуд. Меҳмонхонада 50—400 ўринли 3 хил қурилишдаги конференц зали, «Босфор» ресторани ва 3 та («Пивхо», «Аква» ва коктейл) бар, бизнес-марказ, соғломлаштириш маркази (сауна ва очиқ бассейн б-н), кўп функцияли холл, шунингдек, офис ва хизмат хоналари мавжуд.

C

САГИТОВ Абдулла Киямович (1918, Узынкөл вилояти) — биолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1977), биол. фанлари д-ри (1966), проф. (1968). Ўзбекистон Давлат ун-ти (СамДУни тугатган (1941), уруш қатнашчиси (1941—45). СамДУ биология ф-ти зоология кафедрасида ассистент (1948—50), доцент (1950—68), проф. (1968), мудир, ф-т декани (1945—2001). Умуртқали ҳайвонларни муҳофаза қилиш, қушларнинг нерв системаси ва эндитин органларининг солиштирма анатомияси устида илмий иш олиб борган. 4 жилди «Ўзбекистон қушлари» ва «Ўзбекистоннинг Қизил китоби» бош муҳаррири. Ўзбекистон орнитологлар жамияти президенти (1951—92).

САИДХЎЖАЕВ Саидхўжа Саидхонович (1894.5.1, — Тошкент —1968.10.12). — биринчи ўзбек энергетик мутахассиси. Техника фанлари номзоди (1943). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи (1964). Тошкентдаги рус тузем мактабида ўқиган (1904—06). Москвадаги Плеханов номидаги Халқ хўжалиги ин-тини тугатган (1927). Ўрта Осиёни электрлаштиришга катта ҳисса қўшган. *Бўғоз* ва *Остона* ГЭСлари қурилишига бошчилик қилган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини ишлаган (1951 й.дан).

САМАТОВ Сами Саматович (1949, Самарқанд ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2004). Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими (1998). Сиржарё пед. институтини тугатган (1973). 1973 й.дан Сирдарё пед. институтида физика ўқитувчиси, 1975 й.дан физика ф-ти декани ўринбосари (1985—90 й.ларда декан), техника воситалари кафедраси мудири, 1991 й.дан Ғулистон ун-ти қошидаги Янгиер ш. интернат лицей, 1999 й.дан Ғулистон академик лицейи директори.

САНОҚ ТИЗИМИ — сонларни махсус белгилар (рақамлар) тўплами ёрдамида ёзиш усули. С.т.нинг позицион ва нопозицион кўринишлари мавжуд. Нопозицион С.т. рим рақамлари б-н, позицион С.т. эса биз ўрганган ва араб *рақамлари (аслида ҳинд рақамлари)* деб аталадиган белгилар б-н ёзилади. Позицион С.т.да ўринга қараб рақамнинг қиймати ўзгариб боради. Мас., 34 сони 4 та бирлик ва 3 та ўнликни билдиради. Агар уларнинг ўрни алмаштирилса 43 сони ҳосил бўлади. Бу сонда 3 та бирлик ва 4 та ўнлик мавжуд, пан 3 нинг қиймати 10 марта камайди ва иккинчи 4 нинг қиймати 10 баробар ошди. Бундай ўнлик С.т.даги сонларнинг рақамлари уни 10 лик асос даражалари йиғиндисида тасвирланиш коэффициентлари ҳисобланади.

Ҳисоблаш машиналарида, олатда, Г.В.*Лейбниц* таклиф қилган 2 лик С.т. ишлатилади. Бундай сонларни тасвирлаш учун 2 та — 0 ва 1 рақамларидан фойдаланилади. 2 лик С.т.нинг ишлатилиши ЭҲМлар қурилаётган элементларнинг фақат 2 та турғун ҳолати ҳолатда бўлиши б-н боғлиқ. Бу элементлар калитларга ўхшаш бўлиб, улар ёпиқ ёки ўтказилган ҳолатларда бўлади. Ўчирган ҳолат йўқ. Бу ҳолатларнинг бирига 1, 2-сига 0 мос қўйилса, бундай элементларнинг кетма-кетлиги 2 лик С.т.даги сонга мос келади.

«САНШАЙН — ТУРОН» *(ингл. «Sunshine — Turon» — «Турон — Қуёш ёғдуси») — 3 қаватли меҳмонхона; Тошкент ш.даги Абдулла Қодирий ва* Усмон Юсупов кўчалари кесишган чорраҳада жойлашган. 1977 й.да қурилган. 1977–92 й.лар «Ленинград» меҳмонхонаси, 1992–2005-й.лар «Турон» меҳмонхонаси деб аталган. Қайта таъмирлангандан сўнг — 2005 й.дан ҳоз. номида. Таъмирлаш лойиҳасини «ТАМАХ» шахсий фирмаси бажарган (2003–04). Таъмирда янги қўшимча блок қурилди, хоналар кенгайтирилди. Бинонинг ер ости қавати «А» ва «Б» блокларда иборат бўлиб, холлар, қозонхона-бар, ошхона, сузиш ҳавзаси, қўшимча хоналар жойлашган. 1-қаватда вестибюль, хизмат кўрсатиш мажмуалари, фойе, холл, ресторан, савдо дўконлари, сартарошхона, бар, соғломлаштириш мажмуаси, офислар, қозонхона, *музокара* хоналари ва б. *ёрдамчи* хоналар бор. 3–9-қаватларда турар жой хоналари жойлашган: 2 ўринли 106 та люкс, 2 ўринли 54 та ярим люкс хона, 2 ўринли 14 та апартаментли хоналар барчаси кенг, қулайликларга эга. Бинонинг ташқи қиёфаси шарқона услубда кўркам, салобатлидир.

САРДОБА ТУМАНИ — Сирдарё вилоятидаги туман. 1964 й. 30 апр.да ташкил этилган. 1992 й.дан Шароф Рашидов тумани, 2004 й. 24 майдан С.т. деб аталди. Туман шимолан Оқолтин, шарқдан Ховос туманлари, ғарбдан Жиззах вилоятининг Пахтакор, жан.дан Зарбдор туманлари б-н чегарадош. С.т.да 1 шаҳарча (Пахтобод), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини (Гулзор, Гулистон, Пахтобод, Янгиобод, Янгиқишлоқ, Чўлқувар, Қўрғонтепа) бор. Майд. 0,52 минг км². Аҳолиси 51,9 минг киши (2004). Маркази — *Пахтобод* шаҳарчаси.

Табиати. Туман рельефи пасттекислик. Иқлими кескин континентал. *Ёзи иссиқ, қиши совуқ. Янв.нинг* ўртача т-раси —13°, июлники 30°. Йиллик ёғин 297 мм асосини, баҳор ва қиш ойларида ёғади. Вегетация даври 261 кун. Тупроқлари қумоқ ва ўртача қумоқ. Бўз тупроқлар. Шўрни ювиш ва қиш ойларида ёғадиган, вегетация даврида эса суғориш учун 154,9 км узунликда очиқ зовурлар, 457 км узунликда ички хўжалик зовурлари ва 3310 км узунликда ёпиқ ер ости зовурлари қазилган. С.т. ерлари Жанубий Мирзачўл каналидан суғорилади. Ёвойи ўсимликлардан қўнғирбош, ранг, илоқ, қиёқ, шўра, шувоқ, ҳитоқ, қамиш, пахтатикан, ғурғин, итузум, ғумай, ажриқ, юлғун, жийда, тол, терак; қайрағоч ёсади. Ёвойи қайвонлардан туяки, бўрсиқ, чиябўри, бўри, типратикан, тошбақа, калтакесак, илон, *каламуш, жирғанжозик, сичқон;* қушлардан чўл бургути, ёвойи ўрдак, тустовуқ, лайлак бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, тожик, қозоқ, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 99 кишн. Шаҳар аҳолиси 13,2 минг кишн, қишлоқ аҳолиси 38,7 кишн (2004).

Хўжалиги асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Чорвачилик, паллачилик, саббатчилик ҳам ривожланган. Мева, полиз экинлари, картошка етиштирилади. Қорамол, қўй ва ечки, паррандa боқилади. Туманда жами *ер майдони 51,6 минг га* бўлиб, шундан 35,5 минг га экинзор. 16,5 минг га ерга пахта, 11,3 минг га ерга ғалла экилади. *660 га яқин деҳқон фермер* хўжалиги фаолият кўрсатади.

Пахта тозалаш, ғишт з-длари, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, кичик, ўрта бизнес ва йирик корхоналар ишлаб турибти. Деҳқон бозори, 53 савдо, 22 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси бор.

Туманда 21 умумий таълим мактаби (11,3 минг ўқувчи), 3 касб-ҳунар коллежи ишлаб турибди. Туман марказий кутубхонаси ва унинг шохобчалари, маданият муассасалари фаолият кўрсатади. *Стадион, спорт заллар,* волейбол, баскетбол, кўл тўпи майдончалари мавжуд. Туман марказий саломатлик комбинати, поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари, фельдшер-акушерлик пунктлари, амбулаториялар аҳолига хизмат кўрсатади.

1959 й. 5 майдан «Шарафли йўл» газетаси чоп этилади.

Қосим Ёқубов.



«Саншайн—Турон» меҳмонхонаси.

САРМИНЖОН, Жарминкон, Чармангон — ўрта асрларда Термиз вилоятидаги йирик шаҳар. Термиздан Сағонаёнга борган йўлда (бир манзил масофада) жойлашган. 12-а.да у Термиз вилоятидаги аҳолиҳа ноҳия маркази бўлиб, Балх вилояти ноҳиялари б-н чегарадош бўлган. *«Ҳудуд ул-олам»*да кўра, 10-а.да Чармангон атрофида кўплаб экинзорлар ва оқар сувлар бўлган. 10-а.да С. чиройли шаҳар

бўлиб, унда Абул Ҳасан ибн Ҳасан Моҳ деган кишига тегишли ажойиб работ қурилган. Бу работ катта даромад келтирган ва унда ҳар куни камбағалларга хайрия қилинган.

*С. Жарқўрғонда*н 4–5 км жан.-ғарбда жойлашган. Минор қишлоғи яқинидаги Култепа ўрнида бўлганлиги тахмин этилади. Ўрта асрларда бу ерда катта шаҳар мавжуд бўлган, ҳоз. атиги 2,5 га майдонгина қолган. Салжуқийлар даврида 1108/9 й.да қурилган минора сақланган (қ. *Жарқўрғон минораси*). *Унинг жанд*а 20-а. бошида *эски* масжид харобалари қад. кўтарib турган; бу ерда яна атрофи пишиқ ғиштдан ишланган қозуллар ва б. иншоотлар жойлашган.

Ад.: Камалиддинов Ш.С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX–начала XIII вв., Т., 1996.

Шамсиддин Камалиддинов.

СЕЛА (Села) Камило Хосе (1916.11.5, Ла-Корунья вилояти, Падрон шаҳарчаси) — испан ёзувчиси, акад. (1957). Мадридда ва Англияда ҳуқуқ илмини тугатган. Жами 70 га яқин китоб ёзган. Романлари ва ҳикоялариниг бош мавзуи — ҳоз. жамиятдаги одамнинг ноюнлиги, фожиавий юқоли. Энг яхши романлари — «Пасқуал Дуартенинг оиласи» (1942) ва «Асалари уяси» (1951)да қаҳшнинг ночорлиги, тутруқсизлиги мавзуи тилга олиниб, Испаниянинг Франко дияридаги ҳаёти мисолида ёритилган. «Қаҳшонлага саёҳат» (1948), «Бекор кидсар гоцдирган» (1957) очерклар тўпламларида халқ ҳаёти, унда ўз ўрнини топа олмаган инсон фожиаси ҳужжат-далиллар асосида холисдик б-н таснирланган. «Торчмслик. Ласарильонинг янги саргузаштлари ва мусибатлари» (1944) асари б-н макр-ҳила мазмунидаги роман жанрини қайта тиклаштиришга уринган. Ҳалдан ташқари мувболагага бой ҳикоялари «Испания қишлоқлари. Қўрлар ва тентаклар» (1957) тўпламида жамланган. П.Пикассо б-н биргаликда «Севгисиз латифалар тўплами» (1962)ни нашр этиргган.

«1936 йил Мадрида авлиё Камило куни арафаси, байрами ва байрамдан кейинги ҳафта» (1969) романида Испаниядаги фуқаролар уруши (1936—39) қурбонларига чуқур ҳамдардлик акс этган. Нобель мукофоти лауреати (1989).

СЕРКЕБОЕВ Ермек Бекмуҳамедович (1926.4.7, Петропавловск) — қозоқ хонандаси (дирик баритон). Халқ артисти (1959). Меҳнат Қаҳрамони (1986). Олмаота консерваториясини тугатган (*1951*). 1947 *й.дан Қозоқ давлат опера ва балет театрида яккахон* хонанда, 1973 й.дан Олмаота консерваториясида ўқитувчи, проф. (1982 й.дан). Ёқимли, майин овоз соҳиби. С. қозоқ ва мумтоз операларда асосий партияларни ижро этган: Омонгелди (Тулебоев, «Омонгелди»), Эр Таргин, Артём (Е.Брусиловский, «Эр Таргин», «Дударай»), Ҳалимис (Е.Рахмадиев, «Алламис»), Евгений Онегин, Елецкий, Мазепа, Роберт (П.Чайковский, «Евгений Онегин», «Мазепа», «Иоланта») ва б. Репертуаридан шунингдек, камер ва эстрада асарлари ўрин олган. Европа, Осиё ва Америка мамлакатларида гастролда бўлган. Қозогистон Давлат мукофоти лауреати (1972).

СИБОРГИЙ (лот. Siborgium), Sg — Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб сунъий радиоактив кимёвий элемент. Тартиб рақами 106. Барқарор изотоплари йўқ, масса сони 259—261; 263, 265, 266 га тенг бўлган 6 та изотопи маълум. Энг узоқ мавжуд бўлувчи нуклиди ^{263}Sg ($T_{1/2}$=21 сек, α-нурланувчи). Оксидланиш даражаси +4 ва +6; баъзиларнинг маълумотларга кўра Sg^{6+} ионнинг радиуси 0,086 нм. Оғирлик миқдорида олинмаган, унинг хоссалари ўрганилмаган. Кимёний хоссаларига кўра (ҳазирий ҳисоблар) С. W ва Mo нинг аналоги бўлиши керак. Sg^0/Sg^{6+} нинг стандарт электрод потенциали 0,6 В (ҳисоб-китобларга кўра). С. изотоплари Pb, Cf ёки Cm ни ^{54}Cr, ^{50}O ёки ^{52}Ne ионлари *б-н циклотронда* нурлантириш (бомбардировка қилиш) йўли б-н синтез қилинади. Илк бор С (^{263}Sg)ни 1974 й.да америкалик физик ва радиокимёгар Г.Сиборг ўз ходимлари б-н биргаликда синтез қилган. Дезран бир вақтда рус физиги ва кимёгари Г.Н.Флёров ходимлари б-н биргаликда ^{207}Pb ва ^{208}Pb нишонларини ^{54}Cr нинг тезкор ионлари б-н нурлантириб олган. 1997 й.да элементни **ИЮПАК** *сиборгий* (Г.Сиборг шарафига) деб таклиқлади.

СИЁМ, Сом, Санам — илк ўрта асрларда *Кеш* вилоятидаги мустаҳкам тоғ қалъаси. 8–а.нинг 2-чорида Муқанна шу ерган туриб кўзголонга бошчилик қилган. *Наршахийнинг* ёзишича, «Сом тоғи тепасида тоғда мустаҳкам бир қисор бўлиб, унда оҳар сув, даҳахтлар ва экин ерлар бор эди. Бу қисор ичида ундан ҳам мустаҳкамроқ яна бир қисор бор эди. Муқанна уни тузатишга буюрди ва уни тузатдилар. Муқанна у ерга кўп чоп ва бехисоб озиқ-овқат йиғди. Сокинлар тайинлади». Араблар С.ни қамал қилиган пайтда қалъадан 30 *минг киши чиқиб келган ва яна* 2 минг кишн ичкарида қолган. Ичкари қалъанинг бир дарвозаси бўлиб, атрофи ҳандақ б-н ўралган. Унда Муқанна хотинлари ва болалари б-н яшаган. тарихчи Ибн Шиҳаннинг ёзишича С.ни Муқанпанинг ўзи қурдирган. Таърихчи Ш.Камолиддиновнинг фикрича, С. қалъаси Сангтарлак дарёси водийсида, Шаҳрисабздан шарқдаги Майдонак деган жойда бўлган. 2 минг метр баландликдаги тог тепасида 7—9-а.ларга оид улкан қалъа харобалари аниқланган.

Ад.: Камалиддинов Ш.С., Исторически географи Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

СИНГХ *Манмохан (1932.26.9, Покистонининг Гах ш.таси)* — Ҳиндистон давлат арбоби. Панжоб ун-тини тугатиб, 1952 й. бакалавр, 1954 й. магистрлик даражасига эга бўлган. Кембрик университида ўқиган. 1957 й.дан Панжоб ун-тида ўқитувчи, 1966 й.дан БМТнинг Женевадаги савдо ва тараққиёт конференцияси котибиятида консультант, 1969 й.дан Деҳли ун-ти проф., 1972 й.дан Ҳиндистон молия вазирлигида иқтисодиёт бўйича маслаҳатчи, 1976 й.дан шу вазирликда иқтисодий масалалар бўйича департамент раҳбари — вазир ўринбосари, 1982 й.дан Ҳиндистон резерв банки *бошқарувчиси, айни* вақтда 1985—84 й.ларда Ҳиндистон бош вазири хузуридаги иқтисодий кенгаш аъзоси, 1985 й. Ҳиндистон иқтисодий ассоциацияси президенти, *1985* й.дан Ҳиндистон режа комиссияси раиси — вазир, 1990 й. дек.дан Ҳиндистон бош вазири маслаҳатчиси, 1991 й. Миллий ун-т комиссияси раҳбари. 1991 ва 1995 й. парламентнинг юқори палатасига сайланган. 1991 й. июндан Ҳиндистон молия вазири, 1996—2004 й.ларда вазирлик хузуридаги Консультатив кўмита аъзоси. 1996 й. авг.дан парламентда савдо кўмитаси раиси. 1996 й. март — 2004 й. парламент юқори палатасида мухолифат етакчиси. 2000 й.дан Ҳиндистон парламент гуруҳи ижроия кўмитаси аъзоси. 2004 й. 22 майдан Ҳиндистон Республикаси бош вазири. Иқтисодиёт бўйича илмий асарлар муаллифи. Ҳиндистон ва хорижлик бир қанча унларнинг фахрий даражалари сохиби.

СОБИРОВ Маҳаммаджон Собирович (1907, Туркистон ш. — 1985, Самарқанд) — математик олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968). Физика-мат. фанлари номзоди, доцент. Самарқанд пед. академиясининг табиий-математика ф-тини тугатган (1932). Ўзбекистон давлат ун-ти (СамДУ) да

ассистент, ўқитувчи, катта ўқитувчи, ф-т декани, кафедра мудири, илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида ишлаган (1933—77). Илмий ишларга асосан соғлиқ назариясига оид.

СОДИРХОН ХОФИЗ Бобошарифов (1847 — Ўзканд — 1931) — ҳофиз, созанда, бастакор. Пошпо Охун ҳамда Сайд Бузуруқхўжалар қўлида тарбияланиб, хонандалик, созандалик ҳамда мақом сирларини ўзлаштирган. 20 ёшида кокандлик ҳофиз мақомига мувассар бўлган. Фарғона водийси, хусусан Қўқон хонликларида фаолият кўрсатган. *Ҳижозу, Мифтоҳ Ҳофиз*, созандалар — Қаримқулбегга, Исмоил пайчи, *Дамла Ҳаким* ва *Хожибобоҳожилар* б-н яқиндан ижодий ҳамкорлик қилган. С.ҳ. «Сарнаҳанг», «Маснавийхон» сифатида ҳам танилган. Шашмақом замонидаги ўзига хос *мақом йўлларн тақлиди ва унга асосланган* бастакорлик ҳақтабини яратган; 20 дан ортиқ асарлар ижод қилган: «Ушшоқи Содирхон», «Талқинчан — Қашқарчаи Ушшоқи Содирхон», «Сегоҳ» 1–V турлуми, «Савти Чоргоҳ Муножоти», «Шаҳноз», «Синаҳуруш» ва б.

СОКОЛОВА Евгения Ивановна (1910.31.5, Харьков — ?) — Ўзбекистон халқ артисти (1979). Кубиншев драма театри қошидаги студиянн тугатган (1930). Уруш қатнашчиси. 1946—86 йлар Самарқанд рус драма театрида актриса. Юқори актёрлик техникаси, сахна маданияти, чуқур психологик кечинмада ифодалаш ва кучли эҳтирос С. ижодига хос. «Ирқутск воқеаси» (А.Арбузовда Лариса, «Терезанинг тунгаги кун» (Т.Мдивани)да Тереза, «Қонлиқор уйин» (Л.Шейнин)да Марфа, «Ўғай она» (О.Бальзак) да Гертруда, «Ваня тога» (А.Чехов)да Марина каби образлар яратган. **СУБАХ** —ярк ҳуга асардлрда Ўзбекистоннинг кенгда мажуд бўлган шаҳар. Нафақат ё фарқ масофада, Кеш ва Термитга боралган карвон йўли кесишувда жойлашган. 8–а.да С. *Мухтано кўзлови* б-н боғлиқ воқеалар марказига келган. С. аҳолиси деҳқон Умар Субаҳий (ёхуд Амр) боқимиларида арабларнинг ғалаёнга тайёрлиги Муканнага биринчи бўлиб қўшилганлар ва очиқ равишда исён этган ўзлари ҳақида ёлғон хабар тарқатганлар. Аркадаги мамлакатдаги қарама-қаршилик, С. Карши йўлида жойлашган ҳол. Ўзликтенда шаҳар карвонсаи ўрнида бўлган. Шаҳар *3 қисмдан — арк, шаҳристон* ва *рабодан* ташкил топган. С.даги ҳаёт *мўғуллар истилосидаги* давом этган. Кейинги даг манбаларида С. ҳақда эпшмаган.

Ал. Камалиддинов Ш.С., Историческая топография Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XII вв. Т., 1996.

СУСУПЕ — шаҳар, Шим. Марказ Ирландиянинг пойтахти. Марказ б.лади Ирландиялги Сайпан о.да жойлашган. Иқлими тропик, пассат, *ўртача йиллик* ёғин 1800 мм. Аҳолиси 47,8 минг кишн (1995). Қ.х. маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар мавжуд. Туризм ривожланган.

Т, У

ТАЙМАЗОВ Артур Борисович (1979.20.7, Владикавказ) — спортчи, эркин кураш бўйича олимпиада ўйинлари чемпиони (2004, Афина). Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2002), «Ўзбекистон ифтихори» (2004). Т. эркин курашнинг 120 кг вазн тоифасида олимпиада ўйинлари (2000, Сидней) ва жаҳон чемпионати (2001, Варна) кумуш медали совриндори, жаҳон чемпиони (2003, Нью-Йорк), «Мустақиллик кубоги» халқаро мусобақаси голиби (2003, Тошкент). Т. Владикавказ ун-тини тугатган (2002). Ўзбекистон Республикаси «Динамо» кўнгилли спорт жамиятида эркин кураш бўйича спорт ўқувчиси (1999 й.дан).

ТАЙМЕР (*инг. timer, time — вақтни белгилаш*) — *компьютерга* ўрнатилган электрон соат; ҳақиқий вақт ва вақт оралиғини кўрсатади, берилган вақт оралиғидан сўнг машинани автоматик ишга туширади (тўхтатади), ёқуд уни ишга тушириш (тўхтатиш) учун сигнал беради. Программа-қурилмалар воситалари б-н амалга оширилади.

ТАКИНА ХОТУН, Тегина бегим, Тегина Мохбегим (тахм. 1318, Бухоро — 1353, ҳоз. Шаҳрисабз) — *Амир Темурнинг* онаси. Амир Муҳаммад Тарағайнинг хотини.

Ўрта аср манбаларн, хусусан, Фасиҳ Ҳавофийнинг «Мужмали Фасиҳий» асарида келтирилишича, Т.х. Бухоро уламоларининг пешвоси *маълано Садр ал-Шариъа Убайдуллоҳ ал-Бухорий* ибн Тож ал-Шариъа Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубий ал-Бухорийнинг қизи бўлган. Т.х.нинг бобоси «Тож ал-Шариъа» («Шариат тожи»), отаси «Садр ал-Шариъа» («Шариат улуғи»), амакиси Маҳмуд «Бурҳон ал-Шариъа» («Шариат ҳужжати») каби мўътабар унвонларга сазовор бўлган.

Т.х. 16 ёшида Кеш амири Муҳаммад Тарағайбекка узатилган (1334). Кейинчалик яратилган «Қиссаи Темур» («Малфузоти Темурий»), «Темур қиссаси» ва Тошкентлик тарихчи Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» (1908) асарларида Т.х. ҳақида оид яримч маълумотлар мавжуд. «Темурнома»да бўлажак сохибқирон Амир Темурнинг таваллуд топиши (1336 й. 9 апрель) тафсилотлари тақдирнинг илоҳий қуввн сифатида тасвирланган. Амир Темурнинг келажакда *буюк инсон бўлиб етишувида* онасининг ҳиссаси катта бўлган. Т.х. эрнинг вафоти (1360)дан ярим аввал қазо қилган (1353).

Соғлиқдан Амир Темур кейинчалик онаси ва отаси дафн этилган Кешдаги оилавий мажмуа устида мукаммал мақбара қурдиради. Амир Темур катта ўғли Жаҳонгир Мирзо 20 ёшида вафот этгач (1376), уни ота-онасининг қабри ёнида дафн этган. Соғлиқдан онаси хотирасига атаб, Кешда машҳур Оқсаройни бунёд этмирган ва Бухородаги Чашмаи Айюб мақбарасини таъмирлатган.

Ал. Фасиҳ Хавофи. Мужмал-и Фасиҳи. Т., 1980; Темурнома (Амир Темур Кўрагон жиҳонномаси). Т., 1999; Шарафиддин Али Йаздий. Зафарнома. Т., 1997; Амир Темур Кўрагон. Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). Т., 2000.

ТАРТИБ, режим — ЭҲМ нинг фаолият ҳолатини кўрсатиш, маълум бир дастурлар (алгоритмик тил, амалий дастур ва б.) нинг ишлаш усулби. Мас., ЭҲМ *нинг ишлаш Т.лари: пакет тартиби* — бутун пакет унга киритилган барча масалалар ва уларнинг устма-ворлиги ҳақидаги маълумотлар б-н таъминлайдиган усул. Бу Т.да масалаларни мустақил ечиш ўрнига барча дастурлар ЭҲМ котирасига киритилиб, ҳалқида *вазифалар* сифатида масалаларни ечишдан иборат пакет (илан) тузилади. Пакет Т.ни бир дастурни ва кўп дастурни бўлади. Вақтни бўлиш тартиби — ЭҲМ га бир пайтда терминал дей аталувчи, маълумот киритиш-чиқарувчи қурилмалардан улиш усули. Терминаллар бошқа бинолар, корхоналар ёки шаҳарларда жойлашган бўлиши мумкин. Реал вақт тартиби — бошқаришувчи объектдаги ўзгариш ҳолатлари содир бўлганда бажарилаган ишчи дастурларнинг юқори устувор.ликка эга бўлиш усули.

Баъзи алгоритмик тилларда (мас., турбо паскаль) компилация қилиш усулиларн, таржима қилинган дастурларни сақлаш, уларни бажариш ва б. ишларда ҳам ҳар хил Т. яратилиши мумкин.

Амалий дастурларда (мас., MS Office ва б.) ҳам, ҳужжатларни сақлаш, кўриш, чоп этиш ва б. ҳолатларда ҳам маълум Т.лар яратилади.

«ТАШКЕНТ ПЭЛИС ХОУТЕЛ» («Tashkent palace hotel» — «Тошкент сарой меҳмонхонаси») — 4 қаватли меҳмонхона; Тошкент ш.нинг Буюк Турон кўчаси (Навоий театри рўпарасида)да жойлашган. 1958 й.да «Тошкент» меҳмонхонаси (меъмор М.Булатов, *Л.Караш*) номи б-н бунёд этилган.



«Тошкент иссиқ хоутел» меҳмонхонаси.

Бино тарҳи II асаклида; марказий корпуси 5 қаватли, ён қанотлари 4 қаватли. 2003 й.да тьмирланди (тъмирлаш лойиҳаси муаллифи А.З.Тухтаев; қурилишни «Абсель» фирмаси бажарган). 2003—04 й.ларда «Le Meridien Tashlent palase hotel», 2005 й.дан ҳоз. номда. Тьмирдан сўнг 232 та хонадан иборат бўлди; 149 та 1 ўринли люкс, 39 та 2 ўринли люкс, 29 та 1 хонали суперлюкс, 13 та 2 хонали, 1 та 3 хонали апартаментли ва 1 та президент апартаментли хоналари бор. Бинонинг ер ости қисмида ёрдамчи хоналар, устахона ва техник хоналар жойлашган. Ичкари ҳовлида қовуз, 1-қаватда вестибюль, бизнес-марказ ва конференция зали, сартарошхона, дўкон, 210 ўринли ресторан, 34 ўринли қаҳвахона, соғломлаштириш маркази фаолият кўрсатади. 2—5-қаватларда турар жой хоналари жойлашган. Улар замонавий мебель ва б. керакли ускуналар б-н жиҳозланган. 6-қаватда шинамгина айвонли қаҳвахона мавжуд.

Бинонинг меъморий ечими аввалги кўринишда сақланган, фақат унинг гранитдан қилинган қисми қайта тикланган. Ёғоч деразалар алюминий деразалар (шишапенат) б-н алмаштирилган. Бино янада тўлалашган.

ТЕМИРОВ Ботир Даминович (1948.9.5, Фарғона тумани) — илғор саноат ходими, механик муҳандис, Ўзбекистон Қаҳрамони (2005). Фарғона политехника ин-тини тугатган (1989). Меҳнат фаолиятини 1966 йда Қувасой тумани Ҳамид Олимжон номидаги жамоа хўжалигида колхозчиликдан бошлаган. Фарғона нефтни қайта ишлаш з-дида набатчи чилангар (1971—75), конденсат ўнғиш ва буг тъминоти участкаси устаси (1975—77), з-дининг 1-цехи ЛЧ-35/11-600 қурилмаси машинисти (1977—91), 5-цех механиги (2002 й.дан). Т. юқори октанли автомобиль бензини ишлаб чиқаришдаги ЛЧ-35/11-600 қурилмасининг ишга туширилишига катта ҳисса қўшди. Ускуналарнинг бенуқсон ва тўла қувват б-н ишлашида, ускуналардан фойдаланиш муддатларини узайтиришда ўзига хос тажриба мактабини яратди. Т.нинг катта босимда ишлайдиган ускуналар кландларини тъмирлаш учун майдончa яратиш бўйича киритган рационализаторлик таклифи катта миқдорда электр энергияси, иссиқлик энергиясини тежаш имкониятини яратди.




ТЕПСЕЙ ҚАБРИСТОНИ — *тошлик майдонотъта* мансуб археологик ёдгорлик (мил. 3—5-а.лар). Минусинск ш. (РФ)дан ҳам *ю.* Енисей дарёсининг ўнг соҳилида, Тепсей тоғи ён бағрида жойлашган. Ер ости сағаналарининг умумий майд. 40—50 м², ён томонидан кириш жойи бўлган, ички ва ташқи деворлари, усти қалин ёғочлан ишланган. Сағаналардан қуйидаги одамларнинг қолдиқлари ва турли буюмлар топилган. Сағаналарнинг биридан 100 дан ортиқ кишининг қолдиқлари чиққан. Сағаналар дафн этиш тўхтатилгач, уни ёқиб юборишган. Ер остида кислород етишмаганлиги туфайли олов секин ёнган, шу туфайли кўп буюмлар ёнмай, қорайиб қолган, ёғочдан ишланган буюмлар бизгача сақланиб келган. Булар турли хил идиш, қалақ, тоғоралар, бутуз, қўйларнинг ҳайкалчалари, жезлар ишланган куфт от боши, камар тўқалари, гипс инсонбошлар, от жиловқолдиқлари, шунингдек, қўлда ҳайкалларнинг суякларидир.

1968 й. Т.к.даги дафнлар топилган суратли узун тахталар муҳим бадиий-тарихий ҳужжат ҳисобланади. Уларнинг бир томонида турли ҳолатда акс этган ҳайвонлар (буғулар, айиқ, бўри, учаётган қуш), бошқа томонида жанг манзараси акс этган. Тасвирлар ичок учида нозик чизиқлар б-н туширилган. Жанг манзараси қад.да уч қабила ёки халқлар ўртасида бўлган реал воқеликни акс этган.

Ад.: Древняя Сибирь (Путеводитель по выставке). Л., 1976.

ТИББИЙ МЕҲНАТ ЭКСПЕРТИЗА КОМИССИЯСИ (ТМЭК) (Ўзбекистонда) — ногиронлик, унинг сабабларн ва даражасини, доимий ёки узоқ муддат меҳнат қобилиятини йўқотганлигини ҳамда касаллик, анатомик нуқсон ва б. натижасида меҳнат қобилияти *ишлаётганлигини аниқлайдиган комиссия.*



Тепсей қабристони. 1. Отлар тасвирланган ёғоч парчаси. 2. Қўйган ёғочдан ишланган қўчқор қайқасчаси. 3. Қуйган тахталарга туширилган тасвирлар.

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида тиббий-меҳнат экспертиза инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш. Марказий тиббий-меҳнат экспертизи комиссиялари, туман, тумантлараро, шаҳар ва ихтисослаштирилган бошқарувчи ТМЭК бўлимларидан ташкил топган. ТМЭК фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 24 январдаги 37-сонли қарори 6-ж тасдиқланган Низомга мувофиқ, бошқарилиб турилади.

Фуқароларни ТМЭК нинг кўригидан ўтказиш тегишли даволаш муассасасининг йўлланмаси бўйича ишлаш жойида ёки бириктирилган даволашпрофилактика муассасасида амалга оширилади. Тиббий текширишга 16 ва ундан катта ёшдаги фуқаролар, уларга паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, даволаш муассасасининг йўлланмаси (88-шакл), касаллик тарихидан кўчирма, меҳнат тури ва шароитлари ҳақидаги маълумотлар йўлхат тақдимда қабул қилинади.

ТМЭК вақтинчалик 6 ойдан бир, нафақа ҳолларда икки йилда бир марта қайта кўрикдан ўтказади. ТМЭК кўрикдан ўтказаётган шахсларнинг касаллик тарихини аниқлаш ва одомотазининг тиклаш учун уларни даволаш муассасаларига юборади, расмийлаштирилган ҳужжатлар шўъба тузувчисида мавлиди олиш мақсадида Ўзбекистон ногиронлари тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соломолаштириш миллий марказига юборади ҳисобига эга. Шунингдек, ишга жойлаштиришнинг ТМЭК томонидамларига муофиқлигини ҳам текширади. ТМЭК хулосаси асосида ногиронлиги аниқланган кишиларга давлат қонунига мувофиқ нафақа тайинланади.

Ўзбекистонда 115 бошланғич, 27 марказий ва 38 та ихтисослаштирилган ТМЭК мавжуд (2005).

Нозир Мухаммаджонов.

ТОВАРЛАРНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ АСОСИДА ТАСНИФЛАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ — кимё фанлари тармоғида янги фан. Биринчи марта проф. Н.Р.Аскаров ва Т.Т.Рискиев томонидан таснф этилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК да мильклаштирилган. Ўзбекистон Фан ва техника Давлат қомитасининг 1997 й. 15 июндаги 14-сонли қарори асосида 02.00.22-шифр б-ж дуё кимё фанлари ҳотирдаги жой олган. Ушбу янги ихтисослик бўйича илмий берилган н.ч.даража техника ва кимё фанлари бўйича номзодлик ва д-рлик илмий даражалари ҳамда катта илмий ходим, доцент, проф. илмий унвонлари берилади. Энди барча товарларни таснифлаш ва уларга сертификатлар берилишда ҳар бир товарнинг кимёвий таркиби тўғрисидаги маълумотларга эътибор қаратилади. Халқаро ишгирокдаги муносабатларда *товарларга халқаро код рақамлари* берилиши ҳамда товарларга гигиеник, фитосанитар, карантин, ветеринар, мувофиқлик ва бошқа сертификатлар берилида тегадиган кимёвий таркибга асос қилиб олинади кўзда тутилади.

ТОИРОВ Мадиқул (1952.31.8, Тошкент *вилояти Паркент тумани*) — Ўзбекистон халқ шоири (2005). Тошкент уи-тининг филол. ф-тини тугатган (1977). Республика радиосининг болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар бош тахририятида адабий ходим (1978–84). «*Паркент тонги*» газ.да мухбир (1984 й.дан), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлимининг масъул котиби (1999 й.дан). Дастлабки шеърий тўпламн — «Айт энди, юрагим» (1991). Шундан кейин Т.нинг «Биз нечун учрашдик» (1992), «Муҳаббат шевси» (1995), «Оқиб кетган армонлар» (1996), «Бармоқлар боласи» (1998), «Ҳақни танла» (1999), «Юз тўртлик» (2002) каби асарлари нашр этилган. Т. лирикаси услуб изкори. Шеърларида оддий инсоний туйғулар, юрт ишқи ва муҳаббат мавзулари акс этган. Кўплаб шеърлари таниқли хонандалар томонидан куйланади. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2001).



Ас.: Сайланма, Т., 2002.

ТОМАЛАР, тама — ўзбек халқи тарқибига кирган 92 қабила-уруғдан бири. Дастлаб *Рашидуддиннинг* «Жоме ут-таворих» асарида (14-а.) қайд этилган. Т. Дашти Қипчоқдаги *Кўзи хомалак, Йўнғи Ўрдаси* сиёсий қаётида муҳим роль ўйнаганлар. 16–17-а.ларда бошқа кўчманчи этник гуруҳлар б-н бирга Мовароуннаҳр ҳудудига келиб, Тошкент, Нурота воҳаларида ўтроқлашган. В.В.*Радлов*нинг маълумотига кўра, Т. *Кичик жуз* таркибидаги 7 уруғ (жетиру) уюшмасига (*жалайир, катта ва Т., тобоқ, керайит, тезлов, ромалов*) кирган. Нурота тог этакларида яшовчи Т. сарик, кўса, кал, кур-ра, чўмичли, олтибек каби кичик уруғларга бўлинади. 1924 й.ги Ўрта Осиё ни районлаштириш комиссиясн материалларида Зарафшон воҳасида 1185 Т. рўйхатга олинган ва улар 3 уруғ уюшмасига киргзи. Хорезм вилоятида 500 Т. қайд этилган. Асосан, чорвачилик ва деҳқончилик б-н шуғулланишган.

Тоғи Баҳодир Ғозий ўғли.

ТОШГУЗАР—БОЙСУН—ҚУМҚЎРҒОН ТЕМИР ЙЎЛИ — Ўзбекистоннинг жан. ҳудудида барпо этилаётган йирик темир йўл магистрали. Йўлнинг умумий уз. 220 км; т.ён. ўтган ҳудудлари 6 та *темир йўл ст-яси (Тошгузар, Деҳқонобод, Обқозон, Дарбанд, Бойсун, Қумқўрғон*), 10 та раъзеда (Кайирма, Бўзаъзр, Жарқудуқ, Қорадарё, Чашмон Хофизон, Оқолазор, Шўрқ, Пулдасан, Тангимули, Оқжар), 44 та кўприк, 508 та сунъий иншоотлар барпо этиш режалаштирилган. *Темир йўлнинг қурилиши* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 17 авг.даги «Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон» янги темир йўл линиясини лойиҳалаш ва қурии масалалари тўғрисида»ги қарори асосида бошланган. Мазкур йўл мамлакатнинг янги мустақил т.й. тармоғини яратишда ва унинг жан. вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, табиий ер ости бойликларини ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Т.й. линияси тўла ишга тушгандан б-н ик ташиш масофасининг қисқаришн натижасида миллий иқтисодиётда транспорт секторн ишга самаралироқ ишлаш имконини беради. Йўл ҳудудларида табиий газ (Зевардза, Алан, Ўртабўлоқ, Шўрган, Муборак, Ладмонор ва б.), газ конденсати ва нефть (Кўктумшуқ, Шинг. Ўртабўлоқ), тошкўмир (Бойсун, Шаргун), полиметалл (Кандиза) конларини ўзлаштириш, тоғкон саноати ва қ.х. соҳаларида ривожлантириш ҳисобига маҳсулотларнинг ич. ҳудудларини оширишга эришилади. Т.й.нинг бош бухгалтерияси «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси. Узоқ лойиҳани компаниянинг «Бошгранслойиҳа» ва «Тошгемйўллойиҳа» ин-тлари томонидан ишлаб чиқилган. Т.й. линияси қурилиши лойиҳасининг умумий қиймати 447,3 млрд. сўм ни ташкил этади (2004). *Лойиҳани амалга оширии учун Япония Халқаро ҳамкорлик банкининг* 151,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредити ажлб қилинган. 2004 й. 30 авг. да магистралнинг 1-босқичи — Тошгузар — Деҳқонобод участкаси (56,8 км) қуриб битказилди ва янги поездлари ҳаракати ташкил этилди. 2005 й. 5 майда магистралнинг 2-босқичи — Қумқўрғон — Бойсун участкаси (59,1 км) қурилиши якунланди ва поездларнинг янги ҳаракати очилди. 2005 й. охирига қадар «Деҳқонобод» ст-яси-нинг узвий давоми бўлган 26,5 км ли т.й. қурилиши якунланади. Йўл ресурсликлари жуда кўп қурилиш-монтаж компаниялари ва ташкилотлари иштирокида қурилмоқда.

Сунатулл Рустамов.

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ — республикага юқори малакали тиббиёт кадрларн тайёрлайдиган етакчи олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 й. 29 июлдаги 178-қарори б-н Тошкент ш.да 1- ва 2- Тошкент давлат тиббиёт ин-тлари негизида (қ. *Тошкент биринчи тиббиёт институти, Тошкент иккинчи тиббиёт институти*) ташкил этилган. Академия юқори малакали тиббиёт кадрларни тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва сифатини ошириш, ўқиш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган зарур ўқув ва моддий техника базасини яратиш, илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида янги мазмун б-н бойитиш, бўлғуси мутахассисларнинг таълими улар томонидан аниқ давлати амалиёти малакаларини эгаллаш б-н чамбарчас боғлаб олиб боришнини таъминлаш мақсадида тузилган. Академияда 5 ўқув ф-ти (даволаш, тиббий-педагогика, стоматология, тиббий профилактика ҳамда олий ҳамширалик иши), 58 кафедра, аспирантура, марказий л.т. ва марказий клиник лаб., 2200 ўринли клиника, илмий тиббий ахборот бўлими, музей, акад. лицей, кутубхона (800 минглан зиёд асар), нашриёт ва босмахони бор. Ҳоз. 7000 га яқин талаба, шунингдек, магистратура бўлимида 40 мутахассислик бўйича 280 дан зиёд резидент таълим олади (2005). Т.т.а. Тошкент ш.даги йирик касалхоналарда қўшимча клиник базаларга эга. Академияда 1100 ўқитувчи, шулардан 10 га яқини Ўзбекистон ФА ва халқаро академиклар акад., 200 дан зиёд фан д-ри, проф., 600 дан зиёд фан номзоди ва доцентлар фаолият кўрсатади.

Т.т.а. қузурида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича 6 та ихтисослашган кенгаш ишлайди. Академия илмий тўплам, монография ва методик қўлланмалар нашр этади.

ТОШМАСЖИД МАЖМУАСИ — Наволи вилояти Қизилтепа тумани Вангозн қишлоғидаги ёдгорлик (16-а.) Кўп устунли йирик хонадан иборат ягона жоме масжидир. 2 та йирик ва 16 та бир хилдаги майда гумбазлар б-н ёпилган. Турли катталикдаги гумбазлардан ташқил топган устун-гумбазли конструкциялари ўзига хос. Бош тарзи шарққа қараган масжид олдида қад кўтарган минора (бдз. 24 м) Ўрта Осиёда сақланиб қолган 16-а.га оид шу турдаги иншоотларнинг энг баланд ва нафиси саналади. Бино (24×40 м) жан. ва ғарбий томонидан Г шаклида қурилган қатор иморатлардан иборат. Ғарб



Тошмасжид мажмуасининг олд кўриниши.

қисмида Тошмасжид, мадраса, таҳоратхона ва ҳаммом жойлашган. Т.м. баланд (тахм. 70 см) супа устига қурилган ва олд томони тўзиб кетган мақбаратли биноднр. Марказий қисмидаги баланд безакдор пешток ва йирик мовий гумбаз ажралиб туради.

ТУГКОВУД — Жан. Тожикистондаги (Нурек ш.дан жан.да) қад. манзилгоҳ, қароваси. Майд. тахм. 1 га. 1963—69 йилларда қазиш ишлари олиб борилган. Мезолит (мил. ав. 10—9-минг йиллик) ва неолит (мил. ав. 7 — 5-минг йиллик) даврларига оид қатламлар аниқланган. Тошдан ясалган ярим айлана ўчоқлар, тош парчаларидан териб ишланган «турар жой майдончалари» чиққан. Сопол буюмлар учрамаган. Неолит даври қатламлари остидан эҳл ва 3 гулакнинг бош суякларн топилган, уларнинг барчаси сапропелга ирққа хос. Т. аҳолиси неолит даврида ибтидоий чорвачилик б-н шуғулланган.

ТУЭКТА ҚЎРҒОНЛАРИ — Поэнрик маданиятига хос қад. мозорқўрғон (мил. ав. 6—5-а.лар). Олтой ўлкасидаги Урсул дарёси сўл соҳилида. Туэкта қишлоғи ёнида жойлашган. 1954 й. С.И.Руденко қазишма ишлари ўтказган. 2 та мозорқўрғон талқин қилинган. 1-Туэкта қўрғони катта ўлиб диаметри 68 м, бал. 4 м ни ташкил этган; уни ўнлаб этнигта тахм. 6 минг м³ тош сарфланган. Қўрғонлаи топилган саркофа тилоғоу дарахтидан қилинган ёйдиб, уз. 4,25 м ни ташкил этган.

Саркофа қопқогига йўлбарслар тасвирн ва вертуал, учбурчак кўринишидаги нақшлар туширилган. Қўрғон қад. замонларлдаёқ талангап, олтин ва кумуш буюмлар ўғирланган. Саркофадаги эркак жасадидан қатто кийимини ҳам ечиб олишган. Топилмалар ичида пайконлар, қилич ва ханжар, қалқон парчалари дикқатга сазовор. Майнит б-н 8 та от қўшиб кўмилган. Уларнинг эгар-жабдуқлари бутулар, зослар, йўлбарслар, грифонларнн тасвирлончи нақшинкор ёғоч тақинчоқлар б-н безатилган. 2-Туэкта қўрғони диаметри 32 м, бал. 2,6 м. У ҳам қад.да талангап. Қабрда аёл дафн этилган саркофа қолдиқлари сақланган. Саркофадаа кийимларнинг нақшинкор тасвири, аёл кийими парчалари, 8 та отнинг ёғочдан ишланган безакларн сақланган.

Лит.: Древняя Сибирь, Л., 1976.

ТЎПОЛОН СУВ ОМБОРИ — Сурхондарёнинг ўнг ирмоғи — *Тўполондарёда* қурилаётган йирик гидротехника иншоотн. Сурхондарё вилояти Узун қишлоғидан 1,5 км узоқликда жойлашган. Сув омбори қурилиши 1983 й.да бошланган. Суғорнш ва гид-



Туэкта қўрғонлари. 1. Грифон шаклида ишланган нақшинкор ёғоч ҳкзи. 2. Ёнидан ишланган грифонлар тасвирланган от пешонабони.



Тўдали сув омбори тўғони қурилиши (2005).

розигерлика мақсадларига хизмат қилади. Дарё суворн ўзанли типда. Тарқибида тоғ-тўғрокли тўғон, сув чиқариш (300 м³/сек) ва сув ташлама (120 м³/сек) иншоотлари, ГЭС (қувват 175 МВт) бор. Лойиҳага кўра тўғони уз. 410 м, бал. 180 м, тўлиқ сиғими 500 млн. м³, фойдали сиғими 470 млн. м³. Сурхондарё вилоятининг Денов, Шўрчи, Қумқўрғон туманларидаги жамоаларни ичимлик сувидан таъминлаш, бир қатор қишлоқларга сув бериш, ГЭС қувват вилоятнинг жанубий ҳудудларида электр энергияси тақчиллигини яхшилайди.

УЙДЎПЕТЛА, Олейтепа — қад. шаҳар харобаси (мил. ав. I-минг йиллик — мил. I2-а.). Амударё бўйидаги Фороб т.ҳ. станциясидан 30 км шим.да жойлашган. Умумий майд. 23 га. Унинг энг қад. маданий қатламлари ило темир даврига оид бўлиб, сўнгра ҳеч 9—12-асрларга қадар бетўхтов давом этган. Шаҳар думалоқ шаклда бўлиб 3 қисмдан ташкил топган, ҳар бир қисм қалин мудофаа девори б-н ўраб олинган. Тарихий манбаларда (9-а.) қайд этилган Умм Жалфар қалъаси У. ўрнида бўлган деб тахмин қилинади. Қалъа яқинида арабларг истеъмол даврида араблар б-н туркий-лар ўртасида 2 жанг содир бўлган (730 й.). Қалъанинг Фороб вилояти четдаги ягона жойлашган муҳим стратегик аҳамият касб этган. «Умм Жалфар» атамаси арабларг томонидан қўлланган бўлиб, аёл киши номидан олинган. Исломдан аввал у бошқача ном б-н Хуканжа ёки Хоқонжа деб аталган. 9-а.да арабча Умм Жалфар деб номланган. Кейинчалик қалъа ва унинг атрофидаги мавзе эски номи б-н юритила бошланган.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ — Ўзбекистоннинг умумий ўрта таълим ва болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган оммавий спорт мусобақалари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги (2001 й. 19 янв.) қарори асосида ташкил этилган ҳамда «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги (2003 й. 3 июнь) қарорига биноан бу ўйинларнинг республика финал босқичлари 3 йилда бир марта ўтказилиши белгиланган. Мақсада — умумий ўрта таълим ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларн ўқувчиларини жисмонан етук, ахлоқан баркамол ҳамда ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, иқтидорли спортчи ёшларни нуфузли мусобақаларга тайёрлаш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оналя оммалаштириш. «У.и.» с.ў.да бадиий гимнастика, баскетбол, волейбол, гандбол, енгил атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, теннис, футбол каби олимпиада ўйинлари дастурига кирган ва шахмат, белбоғни кураш, кураш сингари оммалашган спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Саралаш мусобақалари умумий ўрта таълим ва болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, туман, шаҳар ва вилоятларда, республика финал босқичи бинта ҳудудда тантанали равишда ташкил этилади. Биринчи «У.и.» с.ў.нинг республика финал босқичи Фарғона (2002), иккинчиси Хоразм (2003) вилоятларида бўлиб ўтди. Иккинчи «У.и.» с.ў. саралаш мусобақаларида 4 млн.дан зиёд, унинг финал босқичида 2114 нафар ўқувчи қатнашди (2003).

УОЛКОТТ (Walcott) Дерек, Волкотт (1930, Тринидад ороли, Сент-Люсия ш.) — тринидадлик шоир, драматург. Инглиз тилида ижод қилади. Маданий белги — рамзларга бой мажозий ва айни пайтда мазмуни аниқ сезилиб турадиган шеърларида («Кема халокатига учраган» (1965), «Денгиз томчилари» (1976), «Ёз ўртаси» (1984) шеърий тўпламлари) бош қаҳрамон — янги Одам Ато (мустамлака қуллигидан 4 аср кейин) қол. цивилизация завол топаётган бир даврда яна қайта ўзлигини топишга уринади («Улкан уй харобалари» шеъри). Ҳоз. замонни янгича *эпик (улуғвор ҳолда) ҳис этиш* ва шу орқали уйдаги буюк ва ўтиб кетган маданиятлар қатламларини ўзаро фарқлаш У. шеърларининг ўзига хос хусусиятидир [«Ўзга ҳаёт» (1973) автобиографик достони, «Одамси йўловчи» (1982) тўпламн]. У.нинг кўп йиллик ижодий изланишларини умумлаштируви «Янги Омер» достони (1990)ни маданий тараққиётнинг ўзига хос лирик таҳлили дейиш мумкин. «Нотаралар ва байроқлар» (1958), «Майкунгдаги туш» (1968) ва б. тьесалар муаллифи. Тарихий мавзуларни шеърий асарларга уруғи Нобель мукофотига сазовор бўлган (1992).

Ф, Х

ФАРЗИНХОН ҲОФИЗ, Фарзинбек (1840 — Тошкент — 20-а.нинг боши.да) — хонанда, созанда (ҳутор, танбур). Дастлаб Тошкент ўғи-томошаларида, «Шарқия» кечаларида иштирок этиб, кейинчалик Исфара, Ўш, Туркистон ва б. жойларда бўлиб ўтказилган сайилларда; қўшиқ беллашувларида қатнашган, ўзининг кенг диапазони, ёқимли ва ширадор овози, ҳардам, ҳис-туйғуларга бой ижро услуби б-н шуҳрат қозонган. Муқимий унга ҳофизларнинг «беки» сифатида нисбат берган, Фурқат Ф.ҳ. вомини ўз шеърларида тилга олган:

«Кўрарсан анда Фарзинхон деганни.
Менга бир ошноки меҳрибонни...»

Ф.ҳ. репертуаридан Фарҳоний — Тошкент мақом йўллари («Тошкент ироқи», «Ушшоқ», «Баёт»), катта ашулалар («Патнус Ушшоқи» ва б.) ва ўзи бастакорлик ашулалар («Бу на сандо қарори», Наволй ва б.) ўрин эгаллаган. У, шунингдек, Хазиний, Виждий, Яссавий ва б.нинг шеърларига айтилаётган диний ашулалар б-н довруг тарқатган. «Назғучи» тарифига сазовор бўлган. Ф.ҳ. ижросидаги ашулалар 20-а. бошида граммофон пластинкасига ёзиб олинган. Унинг ижро анъаналари кўпгина ҳофизлар (жумладан, Ҳамроқулқори, Тўйчи ҳофиз ва б.) ижодига таъсир этган.

Бақридинов Нозирбинов.

ФИШЕР Хайнц (1938.9.10, Грац) — Австрия давлат арбоби, юридик ва сиёсий фанлар д-ри. Вена ун-тини тугатган. 1961 йдан Австрия суд органларида ишлаган. 1963 йдан Австрия социал-демократик партияси (АСП) парламент клуби котиби, 1975 йдан бошқарувчиси (айни вақтда 1979 йдан АСП раиси ўринбосари), 1983 йдан Австрия фан ва тадқиқотлар федерал вазири, 1987 йдан АСП парламент клуби раҳбари. 1990 йдан Миллий кенгаш (парламентнинг қуйи палатаси) ишларини бошқариш бўйича қўмита раҳбари, АСПнинг ташқи сиёсат масалалари бўйича мувофиқлаштириш қўмитаси раиси, 1992 й.дан Европа социал-демократик партияси раиси ўринбосари, 1992—99 й.ларда Европа демократия ва бирдамлик форуми раиси, Австрия Миллий кенгаши раиси (1990—2002), ўринбосари (2002—2004). 2004 й. 25 апр.дан Австрия Республикаси Федерал президенти.

ФОЛЬКЛОР-ЭТНОГРАФИК АНСАМБЛИ — ҳаваскор ижодий жамоа. *Халқ ижодининг қўшиқ, рақс, ўйин, оғзаки драма каби шаклларини маҳаллий (миллий) урф-одат ва маросимларга боғлаб сақланиб қолишини намойиш қилади. Фольклор-этнографик ансамбли репертуари (ашула ва рақс ансамблари фарқли ўлароқ) муайян вилоят (туман, қишлоқ) билиний анъаналарига асосланади, чиқишлари эса кўпинча маълум халқ маросими ёки байрам жараёнини ифодалайди («Бешик», «Суннат», «Мушак», «Никоҳ» туйлари, «Наврўз» байрами, «Деҳқон йили», «Шарқ бозори» каби саҳналари ва б.).*

1980 й.лардан бошлаб Ф.-э.а.ларнинг туман, вилоят ва республика кўрик-танловлари (1987, 1991, 1994, Тошкент; 1989, Наманган ва б.), 2002 й.дан Бойсунда ЮНЕСКО дастури асосида «Бойсун баҳори» очиқ фольклор фестивали ўтказилади. «Чодир жамоа» («Мармилон»), «Бешқарсак» (Ургут), «Чироқчи чироқлар» (Чироқчи), «Момогул» (Қарши), «Гавҳар» (Бектемир), «Гап-гаштак» (Фориш тумани), «Бойсун», «Шалола» (Бойсун), «Оразибон» (Хива), «Анор» (Сариосиё), «Жилли халак» (Кегейли), «Дилхушоп навозари» (Хўжабод), «Чавқи» (Булунғур), «Мардони» (Вобкент) ва бошқа Ф.-э.а.лари машҳур. Улар халқ сайилларн, миллий байрам ва б. тадбирларда фаол қатнашади. Кўплари Америка, Европа, Осиё мамлакатларида ўтказилган танлов ва фестивалларда лауреат унвонига сазовор бўлган. 1980—90 й.ларнинг бошлари Ф.-э.а.лари ҳам фаолият кўрсатмоқда («Қуралай», «Гул-гунча», Сурхондарё вилояти; «Дилрабо», Сирдарё вилояти ва б.).

Ўктамбек Абдуллаев.

ХАЛИФА (Ол Халифа) шайх Ҳамад бин Исо (1950.28.1, Ал-Риф ш.) — Баҳрайн давлат арбоби. Баҳрайн амири оиласида туғилган. Ўзбд диний таълим олгач, Кембриджда ўрта мактабни тугатган. 1964 й. расмий тахт вориси этиб эълон қилинган. Буюк Британиядa эгаллаб бўлган юртини тугатгач (1968), ватанига қайтиб Баҳрайн қироллн қўшинини ташкил қилди ва қироллн қўлдаи бош қўмондони этиб тайинланди. 1971 й.дан мудофаа вазири, 1999 й. 6 мартда отаси вафотидан сўнг Баҳрайн амири. 2002 й. 14 февда Баҳрайнни подшоҳлик, ўзини подшоҳ деб эълон қилди.

ХАРАЛЬД V (туғилк исмн Харальд Глюксбург) (1937.27.2, Осло якинн) — Норвегия давлат арбоби. Норвегия қироли Улаф V нинг ўғли. Ослодаги кафедрал мактаб (1955), эсбоп кавалеристлар мактаби (1957), ҳарбий академия (1959); Оксфорд (Буюк Британия)даги колледж (1962)ни тугатган. 1957 й. 21 сент.дан тахт вориси. 1991 й. 17 янв.дан Норвегия Қироллиги қироли.

ХИДИРОВ Нусратулла (1953.22.4, Пахтачи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2005). Бухоро пед. институтини тугатган (1975). 1975—78 ва 1980—86 й.ларда Пахтачи туманидаги 21-, 1978 й.дан 22-, 1986 й.дан 25-мактабда физика ўқитувчиси.

ХОНАДОН ХЎЖАЛИГИ — ўз истеъмолини биргаликда қондириш йўлида пул даромадлари ва моддий маблағларни истеъмол равишда бирлаштирган, уй рўзғори умумий бўлган кишилар гуруҳи. Х.х. оила асосида ташкил топади. Бироқ, у оила аъзоси бўлмаган кишилари, чунончи оиласи йўқлари, зонадонлари ишончи хизматчилар, эмаклар, мураббийлар, уй ўқитувчилари ва тарбиячиларни ҳам ўз ичига олади. Бир ўзи мустақил яшайдиган сўққабош (оиласиз) кишилар ҳам Х.х.ни ташкил этади. Х.х.нинг асосий белгилари хонадон аъзолари бюджетининг умумийлиги (тўлиқ ёки қисман), рў юрганнинг бир бўлиши, доимий бирга яшаш ва овқатланиши. Х.х. халқаро статистикада қабул қилинган муҳим статистик бирлик ҳисобланади.

Х.х. турли мезонларга қараб гуруҳларштирилади. Иқтисодий-демографик мезонга кўра — сўққабошлар хонадони, бир оилали хонадон, оила аъзоларидан ташқари бегоналарни ҳам бирлаштирувчи хонадонлар; иқтисодий аҳволи мезонига кўра — ишчи, хизматчи, деҳқон, тадбиркор ва пенсионерлар хонадонларнга; даромади миқдори мезонига кўра — ўта камбағаллар, камбағаллар, ўрта ҳоллар, бойлар ва ўта бойлар хонадонларига бўлинади.

Х.х. фирмаларга бозор орқали турли ресурсларни, чунончи меҳнат ресурсларни, молия ресурсларни ва капитал ресурсларни етказиб беради, фирмалардан эса товар ва хизматларни сотиб олади, давлат қурсатадиган ижтимоий, яъни бепул хизматлардан фойдаланади.

Х.х. иқтисодиётда солиқ тўлаш, истеъмолчи бўлиш ва жамғарма ҳосил этишдек вазифаларни бажаради. Буларнн асосийси истеъмолчи бўлишдир. Хонадон аҳли даваига тўғри ва эгри солиқларни тўлайди, ўз эса бюджет учун асосий даромад манбаи ҳисобланади. Қўпчилик маҳсулотларнинг яратилган ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпи Х.х.да истеъмол этилади (2003 й. Ўзбекистонда Х.х. истеъмолига ялпи ички маҳсулотнинг 58,6% тўғри келди).

Ўзбекистонда Х.х. даромад манбалари ва механизми ва мол-мулкдан, тадбиркорликдан олинган ва давлат трансфертларидан, томорқа даромадлари иборат. Булар амалиётда иш қақи, фойда, фоиз, дивиденд, ижара қақи, томорқадан тушум, пенсия, нафақа ва стипендия каби қисмлардан иборат бўлади. Даромадларнинг асосий қисми истеъмолга йўналтирилади. 2003 й.да Ўзбекистонда бир ўртача хонадонга қарадиган истеъмол сарфи 1,1 млн. сўмни ташкил этди.

Бироқ Х.х. истеъмолининг бир қисми натурал (моддий) шаклга эга бўлади, яъни хонадонлар ўзи ишлаб чиқарган озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлари истеъмол этадилар. Натурал истеъмол кўпинча деҳқонлар ва фермерлар хонадонига хос бўлади. Ўзбекистон хонадонлари натурал истеъмол ҳиссасининг қатталиги 6-и тавсифланади (20—25%). Х.х. истеъмолининг ҳажми унинг топган пул даромадига, натурал тушумлар миқдорига, хонадонлари ишловчилар (даромадига эга бўлганлар) ва боқимандалар (қарамоқдаги)нинг сонига боғлиқ.

Хонадонинг истеъмол ҳаражатлари демографик таркибдан ташқари унинг даромад манбаларига, қайси тоифага мансублигига ҳам боғлиқ. Истеъмолнинг миқдори ва таркиби жиҳатдан Х.х. қуйидагича тартибланади: тадбиркорлар, хизматчилар, ишчилар, деҳқонлар ва пенсионерлар хонадонлари.

Х.х. истеъмолининг таркибан фарқланиш даражаси иқтисодий салоҳиятга қарай даромадларнинг фарқланн-

ши, кеб-кор, яшаш шароити ва турмуш тарзининг қар хил бўлишга ҳам боғлиқ. Х.х. истеъмоли бозор ҳажмини белгиловчи асосий омил ҳисобланади, унинг товар бозорилари талаби жами талабнинг 50—60% ни ташкил этади. Истеъмол учун Х.х. харадининг ортиб бориши иқтисодиёт учун ижобий ҳолат ҳисобланади.

Х.х. истеъмоли 2 хил таксифга эга. Бири истеъмолнинг мутлақ ҳажми, яъни истеъмолга ҳаммаси бўлиб қанча пул кетиши. Иккинчиси, истеъмолнинг нисбий жиҳати, яъни истеъмол сарфи даромаднинг қандай қисмига тенг бўлиши (истеъмолга мойллик коэффициентини — Ик). Буни аниқлаш учун жами истеъмол сарфлари (Ис) даромад (Д) ёки ялпи



ланади (Ик = $\frac{Ис}{Д}$). Агар хонадон даромади 1 млн. бўлиб, шундан 800 минги истеъмолга сарфланса, истеъмолга мойллик Ик = $\frac{800\ минг}{1\ млн}$ = 0,8 бўлади. Бу коэффициент қар доим 1 дан кичик бўлади, чунки хонадон ҳамма даромадини истеъмолга сарфлаб қўймайди, унинг бир қисмини жамғариб боради.

Х.х.нинг даромади унинг истеъмол сарфларидан ортиб қолган тақдирда жамғарма ҳосил бўлади. Шу сабабли жамғарма кўпинча ўзига тўқ хонадонларга хос. Жамғаришга мойллик коэффициент (Ҳж) ёки ўлчамали



(Ҳж = $\frac{Ж}{Д}$). Бу жамғарма (Ж) даромаднинг (Д) қандай қисмига тенглигини билдиради. *Жамғармага* мойллик ҳам қарама-қарши қўрсаткич 0,1 дан кўп, агар аксинча бўлса у 0,1 дан кам бўлади.

Ўзбекистонда Х.х.ларининг жамғармага мойллик коэффициенти 2001 й. 0,53 бўлиб, 2004 й. келиб 0,153 етди. Х.х. жамғармаси 2 қисмга ажралади: *инвестицияларга ва инвестицион-нимас жамғарма.* Х.х. инвестицион модели ва молиявий активлар ҳосил этишга йўналтирилади. Биринчи ҳолда хонадон бизнесга маълум капитал ҳосил этилади, яъни имкониятлар қўрилади ёки жараёнга олинади, асбоб-ускуна, турли воситалар харид қилинади. Деҳқон хонадонида бу маҳсулдор ҳайвонларни кўпайтириш, кўчалик объектларини қуришга пул сарфлашдан иборат бўлиб, иккинчисида тавсифидаги қарашларни изга келтиради. Иккинчи ҳолда хонадон пули банкда жамғарилади, акция ва облигация олишга сарфланади. 2003 й.да Ўзбекистондаги Х.х.ларидан чиққан акция эгалари 1,2 млн. нафар бўлиб, хонадон аҳолининг 4% ни ташкил этди. Инвестицион фаоллик ошган ерда Х.х. қўлидаги умуман активлар ҳосил этмайдиган пул қолдиғи қисқариб боради. Ўзбекистонда бундай пуллар 2001 й.да Х.х. даромадининг 3% ни, 2004 й.га келиб 1% ни ташкил этди.

Х.х.нинг инвестиция фаоллиги мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти даражасига ва инвестицияларга муқобил танловнинг борлигига боғлиқ. *Шу сабабли* иқтисодиёт ривожланган жойда Х.х.нинг жами инвестициялардаги ҳиссаси ортиб боради. Айни пайтда Х.х. истеъмоли ҳажми *катта бўганлиги* бу миллий бозорни кенгайтириб, иқтисодий ўсиш учун қулай шароит ҳозирлайди.

Ҳожиматов Ҳамдамжон.

ХЎЖАЕВ *Фахриддин (1915.12.2; Тошкент вилояти Паркент қишлоғи — 1975.27.4, Тошкент)* — техникаи-муҳандис. Саноат академиясига ва Тошкент *тўқимачилик* енг-тила ўқиган (1937—41). Техника фанлари номзоди (1967). 2-жаҳон урушн қатнашчиси (1941—45). Тошкент ш. партия қўмитасн котиби (1946—47), биринчи котиби (1950—52, 1958—60), Тошкент вилояти ижроия қўмитаси раиси (1956—57). Х.нинг фаолияти Ўзбекистонда пахтачилик ва енгил саноатни ривожлантириш б-н боғланган эди. У Ўзбекистон ССР тўқимачилик саноати (1957—58), пахта тозалаш саноати (1965—68), енгил саноат (1968—75) вазири лавозимларида, халқ хўжалигн кенгаши тизимларида ишлагаи. Тошкент ш. кўчаларидан бири унинг номи б-н аталади.

ХЎЖАЕВ Шавкат Ҳўжаевич (1924.2.5, Тошкент) — инфекционист олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1977). Қорақалпогистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1965). Ўзбекистонда *хизмат кўрсатган* врач (1964). Тиббиёт фанлари д-ри (1960), проф. (1961). ТошТИнинг даволаш ф-тини тугатган (1946), Нукусдаги Республика *касалликларида ички касалликлар бўлими* мудири (1946). СССР Тиббиёт ФАнинг Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ин-ти (Москва)да аспирант (1946—50), кичик илмий ходим (1950—51). Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти юқумли касалликлар кафедрасида ассистент (1951—53), доцент (1953—56). СССР Тиббиёт ФА Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ин-тида докторант (1956—60), Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти юқумли касалликлар кафедрасида проф. (1960—64), 1964 й.дан мудир, айни вақтда ўқув ишлари бўйича проректор; *вирусология институти* ташкилотчиси ва директори (1979—2004). Ўзбекистон мехр-шафқат ва саломатлик фонди раиси (1989 й.дан). «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1998).

Ас.: Менингококковая инфекция [Руководство для врачей]. Т., 1986. Вирусные гепатиты. Т., 1985. Дифтерия [Руководство для врачей]. Т., 1994.

Ш, Э

ШЕЛЛИНГ (Schelling) Томас (1921, АҚШ, Мэриленд) — америкалик иқтисодчи. 1945 й.дан АҚШ федерал бюджет бюросида ишлаган, Гарвард ун-тида доктурлик илмий даражасини олган. Мэриленд ун-ти профессори. 1999 й. Америка иқтисодий ассоцияси президенти, шу ташкилотнинг фахрий аъзоси. Ш. самолашиш назариясига катта ҳисса қўшган. Илмий ишлари қарбий стратегия, агрроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати, ядроий ўғирлаш, терроризм, уюшган жиноятчилик, зарарли маиллатларга ўрдам ва халқаро савдо, истеъмолдар ва самолашиш муаммоларига бағишланган.

1981 й. «Курролланиш стратегияси ва назорат», 1984 й. «Танлов ва унинг оқибатлари» китоблари нашр этилган. Нобель мукофоти лауреати (2005, Р.Ўмann б-н бирга).

ШОДИЕВ Рустам Ҳамидович (1938.15.5, Тошкент) — иқтисодчи олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1988), иқтисод фанлари д-ри (1981) проф. (1983). Москва иқтисодиёт ин-тини тамомлаган (1960). Ўзбекистон ФА Иқтисодиёт ин-тида кичик (1960—67), катта (1968—71) илмий ходим, бўлим мудири (1971—79), директор ўринбосари (1990—91). БМТ маслаҳатчиларини тайёрлаш курсида ўқитган (1979—80), БМТнинг Сурия Араб Республикаси Молия вазирлиги б-ж камералистика амалга ошириш лойиҳалари раҳбари (1980—82; 1984—85). Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири ўринбосари (1992—94), Ташқи ишлар вазирлигида бошқарма бошлиғи (1993—97), *банк-молия академияси* илмий марказн раҳбари (1997—2000), Жаҳон иқтисодиёти *ва дипломатия* ун-тида *кафедра* мудири (2000—2005), Илмий ишлари жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар, хизмат кўрсатиш, аҳоли турмуш даражаси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, демография, меҳнат ва молия тизимини ривожлантириш масалаларига бағишланган. Олий мактаблар учун дарслик яратган. *Осиё тараққиёт банкининг* Ўзбекистонда агрсектор инфратузилмаларини ривожлантириш лойиҳаларида иштирок этган.

Ас.: Сфера обслуживания и уровень жизни населения. Т., 1984; *Развитие сферы обслуживания населения (политико-экономический анализ).* Т., 1993; *Жаҳон иқтисодиёти* [Олий ўқув юртлари учун дарслик] Т., 2005.

ЭЛОВ Болта (1949.19.7, Ғижduвон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2005). Бухоро пед. институтини тугатган (1971), 1971 й.дан Ғижduвон туманидаги 8-мактабда мат. ва информатика ўқитувчиси. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1998).

ЭНГЛ (Engle) Роберт (1942; Сиракузи, Нью-Йорк штати) — америкалик иқтисодчи. Корнелл ун-тида физика бўйича магистр (1966). 1969 й. иқтисодиёт назариясига (эконометрика) бўйича д-рлик илмий даражасини олди. 1969 й.дан Массачусетс технология ин-тида, 1975 й.дан Сан-Диегодаги Калифорния ун-тида иқтисодиёт проф. 1999 й.дан Нью-Йорк ун-тида молиявий хизматлар менежменти проф.

Илмий ишлари турли иқтисодий кўрсаткичларнинг узоқ муддатли ўзгаришлари қонуниятларини ўрганишга бағишланган. У прогнозлашда муайян ўзгаришларни анча ишончлироқ аниқлаш йўли (ARCH моделини) яратди, бу эса илгн ички маҳсулот, истеъмол нархлари, фонд ставкалари, биржа курслари ва б. иқтисодий кўрсаткичларни бир неча кун ёки ҳафта, ҳатто бир йил олдин башорат қилиш имконини беради. Э. моделини қўллаш натижасида АҚШ ва Буюк Британиянинг тарихий-иқтисодий статистикасини таҳлил қилишда катта аниқликдаги прогнозлар ўз исботини топди. Иқтисодий кўрсаткичларнинг кутилаётган тебранишларини аниқлаш усули катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Эконометрика бўйича 100 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи. Нобель мукофоти лауреати (2003; К.Гренжер б-н биргаликда).

ЭНХБАЯР Намбарин (1958.1.6, Улан-Батор ш.) — Монголия давлат арбоби. Москва адабиёт ин-тини тугатган (1980). 1980 й.дан таржимон, муҳаррир, Монголия ёзувчилари ассоциацияси департаменти бошлиғи, сўнг котиби, Монголия таржимонлар уюшмаси вице-президенти, 1990 й.дан Монголия ҳукумати ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш кўмитаси раиси ўринбосари, 1992 й.дан Монголия маданият вазири, Авалокитешвар Будхисатва ёлғонлигини тиклаш ҳукумат комиссияси бошлиғи, 1996 й.дан Монголия Халқ инқилоб партияси бош котиби, раиси, 1997 й.дан Монголия Буюк Давлат Хурали (парламент) аъзоси, озчилик етакчиси, 2000 й.дан Монголия бош вазири, 2005 й. майдан Монголия президенти.

Ю, Ў

ЮДХОЁНО Сусило Бамбанг (1949.9.9, Индонезия, Шарқий Ява провинциясидаги Пачитан ш.) — Индонезия давлат арбоби. Армия генерали. Индонезия Республикаси қўролли кучлари академиясини тугатган (1973). Кўруқликдаги қўшинлар ва ҳарбий ҳаво кучлари командирлари курсида, АҚШ, Панама, Бельгия ва Германиядаги ҳарбий курсларда ўқиган. 1976—77, 1979—80 ва 1986—88 й.ларда Индонезиянинг собиқ Шарқий Тимор провинциясидаги ҳарбий ҳаракатларда *иштирок этган.* Ю.БМТнинг Босния ва Герцеговинадаги Тинчликпарвар кучлари ҳузурида бош ҳарбий кузатувчи (1995—96). Индонезия армияси ҳудудий штаби бошлиғи (1998—99). Индонезия энергетика ва кон саноати вазири (1999—2000), сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи вазир (2000—04). 2004 й. 20 окт.дан Индонезия Республикаси президенти.

ЎЗБЕК ЛИБОСЛАРИ ГАЛЕРЕЯСИ — миллий либослар намойиш этиладиган уй. Кийимларни моделлаш ва лойиҳалаш, уларни миллий мато колоритида намойиш қилиш, миллий кийимларни тарғиб қилиш, янгиларини ўйлаб топиш, модлар кўрсатувини ташкил қилиш, халқаро учрашувлар (алоқаларни, миллий либос санъатини ривожлантириш, контрактлар тузиш б-н шуғулланади.

Тошкентнинг Эски жўва майдонида 2005 й.да қурилди (меъмори Ю.Мирошниченко). «Модерн» услубида қурилган бино (86,0×36,0, ён томонлари 24,0×30,0 м, марказий қисми 36,0×36,0) баланд мовий гумбаз б-н ёпилиб, ички ва ташқи томонлари меъморий-бадиий жиҳатдан қад. ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида безатилган. Бино бал. 25,90 м, 4 қаватли [пастки (ер остидаги) қават ҳисобга олганда], 1-қаватда вестибюль, модлар галереяси, ателье, савдо жойи, кафе-бар ва б., 2-қаватда кийимлар намойиш залн, коллекциялар жойи, матолар ва тайёр кийимлар дўкони ва б., 3-қаватда томоша майдони, буфет, хизматчилар ва техник ходимлар жойлашган. Ўзига хос меъморий ечимга эга бўлган баланд пештоқли кириш қисми орқали серқатим кўргазмалар залига ўтилади. Либослар тайёрлайдиган устахоналар, савдо шаҳобчалари, умумовқатланиш корхонаси ҳам бинонинг қаватларига жойлаштирилган. Ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик намуналари б-н безатилган бино лойиҳаси Тошкент бош режа лойиҳалаш ин-ти томонидан ишлаб чиқилган. Бинони безатишда халқ усталаридан М.Султонов, Х. Одилов, А.Каримов, А.Абдуллаевлар шогирдлари б-н қатнашдилар.

Ғуломий Қодирий, Раҳматилла Соқиев.



Ўзбек либослари галереяси.

ИЛОВА

1-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЙИЛНОМАСИ

1991 йил

31 авг. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 6-сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилиниб, Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгашнинг Баёноти қабул қилинди. Тегишли қарор 6-н Ўзбекистон ССР Ўзбекистон Республикаси деб аталди. 1 сент. Мустақиллик куни деб белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида қонун қабул қилинди.

1 сент. Ўзбекистоп Республикасининг Мустақиллик куни — умумхалқ байрами.
Тошкентдаги Марказий майдони Мустақиллик майдони деб аташ ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.
«Совет Ўзбекистони» газ. «Ўзбекистон овози» номи 6-н чоп этила бошлади.
«Оила ва жамият» газ.нинг 1-сони нашрдан чиқди.

6 сент. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди.

7 сент. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди.

14 сент. Тошкентда Ўзбекистон коммунистик партиясининг охирги фавқулодда 23-съезди бўлиб, унда КПСС таркибидан чиқиш ва сифат жиҳатидан янги сиёсий ташкилот — Ўзбекистон Халқ демократик партияси (Ўзбекистон ХДП) ни тузиш ҳақидаги Баёнот қабул қилинди.

26 сент. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тузилди.

26 сент. Тошкентда Жаҳон ўзбеклари (туркистонликлар)нинг халқаро анжумани ўтказилди.

28 сент. Тошкентдаги Ўзбекистон Миллий боғида Алишер Навоий ҳайкали ва унинг номи 6-н аталадиган катта боғнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

30 сент. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 7-сессиясида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонунга конституциявийлик мақомини бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида Декларация ратификация этилди.

сент. Тошкент ш.да «Ўзбек савдо уйи» ташкил топди.

24 окт. Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси тузилди.

окт. Португалиянинг Порту ш.да ўтказилган пианиночиларнинг халқаро танловида Ўзбекистон Республикаси биринчи марта мустақил давлат сифатида иштирок этди. Ўзбекистонлик ёш мусиқачи Улуғбек Полвонов ушбу кўрик совриндори бўлди.

1 ноябрь Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 1-таъсис қурултойи бўлиб ўтди (15 нояб. да рўйхатга олинган).

18 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 8-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

29 ноябрь Тошкентда Ўзбекистон халқ артисти Сулаймон Юдаков мемориал музейи очилди.

25 дек. Ўзбекистон Республикаси Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлди.

29 дек. Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисида умумхалқ референдуми ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқи республика Олий Кенгаши эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллади. Биринчи марта яширин овоз бериш йўли б-н ўтказилган тўғридан-тўғри умумий ва альтернатив асосдаги сайловда И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1991 Тошкент кимё-технология ин-ти ташкил этилди;

Тошкент юридик ин-ти ташкил этилди;

Судочье давлат орнитология буюртма қўриқхонаси ташкил этилди;

Имом Бухорийнинг 4 жилдли ҳадислари тўплами – «Саҳиҳи Бухорий» («Ишончли тўплам») ўзбек тилига таржима қилиниб, ҳоз. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти томонидан 1-жилди илк бор нашр этилди (2-жилди – 1996, 3-жилди – 1994, 4-жилди – 1992 й.да чиқди; 2-нашри 1997 й.да чоп этилди);

«Сўғдиёна» ўзбек халқ чолғулари камер оркестри ташкил этилди;

Қуръони карим илк бор ўзбек тилида (Алоуддин Мансур таржимаси) нашр этилди (Абдулазиз Мансур таржимаси – 2001 й., илмий-тарихий изоҳлари б-н Муталлиб Усмон ва б. таржимаси – 2004 й.);

Сайғоқларни ва улар кўпаядиган ҳудудларни муҳофаза қилиш мақсадида «Сайғоқди» давлат буюртма қўриқхонаси ташкил этилди.

«Ёш гвардия» театри Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри номи б-н аталди;

Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги Қоратов тоғида Сармич давлат буюртма қўриқхонаси ташкил этилди.

1992 йил

1 янв. «Туркистон» ижтимоий-сиёсий газ.нинг 1-сони нашрдан чиқди.

2 янв. Ўзбекистон Республикаси ХҲР билан дипломатик алоқа ўрнатди.

8 янв. Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттиришлар давлат комитети Ўзбекистон давлат

телерадиоэшиттиришлар компаниясига айлантирилди;
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тузилди. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрири асосида (2001 й. 29 авг.) Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига айлантирилди.

13 янв. Тошкентда Республика байналмилал маданият маркази ташкил қилинди.

14 янв. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистоннинг ўз Қуролли Кучлари ташкил этилди. Ҳарбий қўшилмалар, бирлашмалар, ҳарбий ўқув юртлари, муассасалар, ташкилотлар, республика ҳудудида жойлашган бошқа ҳарбий қисмлар Ўзбекистон Республикаси назоратига олинди.
1994 йдан шу сана Ватан ҳимоячилари куни сифатида байрам қилинади (Вазирлар Маҳкамасининг 1993 й. 29 дек. қарорига кўра).

16 янв. «Нархларни либераллаштириш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

21 янв. Тошкентда Ўзбекистон Миллий олимпиада қўмитаси ташкил топди.

26 янв. Қорақалпоқ ун-тига Бердақ номи берилди;
Ўзбекистон Япония б-н дипломатик алоқа ўрнатди.

27 янв. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Ўзбекистон Республикаси таркибида Навоий вилоятини тиклаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

28 янв. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига кўра «Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси» ташкил этилди.

30 янв. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташкил қилинди;
Ўзбекистон Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ)-га қабул қилинди.

6 фев. Ўзбекистон Республикаси дон маҳсулотлари давлат концерни («Ўздонмаҳсулот») ташкил этилди;
Ўзбекистонда етакчи информацион агентлик Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) га айлантирилди.

10 фев. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси (Давлат мулки қўмитаси) ташкил этилди (2005 й. 4 майдан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси деб аталди).

12 фев. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий қўмитасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

14 фев. Ўзбекистон Қуролли кучлари таркибида Мамлакатни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари тузилди.

19 фев. Ўзбекистон АҚШ б-н дипломатик алоқа ўрнатди.

21 фев. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди.

28 фев. Андижон вилоятининг Куйганёр шаҳарчасида Андижон пахтачилик ин-ти негизида Андижон қишлоқ хўжалиги ин-ти ташкил этилди.

фев. «Зарафшон-Ньомонт» Ўзбекистон – АҚШ қўшма корхонасини ташкил қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

2 март Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) аъзолигига қабул қилинди.

6 март Ўзбекистон ГФР билан дипломатик алоқа ўрнатди.

15 март Хоразм педагогика ин-ти негизида Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат ун-ти ташкил этилди;
Андижон педагогика ин-ти негизида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат ун-ти ташкил этилди;
Бухоро педагогика ин-ти негизида Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро давлат ун-ти ташкил этилди;
Тошкент педагогика ин-тининг Навоий филиали негизида Навоий педагогика ин-ти ташкил этилди;
Термиз педагогика ин-ти негизида Термиз давлат ун-ти ташкил этилди;
Наманган муҳандислик-иқтисодиёт ин-ти ташкил этилди;
Қарши педагогика ин-ти негизида Қарши давлат ун-ти ташкил этилди;
Жиззах политехника ин-ти ташкил этилди.

16 март Тошкентда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси очилди.

18 март Ўзбекистон Ҳиндистон б-н дипломатик алоқа ўрнатди.

20 март Ўзбекистон Россия Федерацияси б-н дипломатик алоқа ўрнатди.

22 март Ўзбекистон Халқаро Олимпиада қўмитасига аъзо бўлди.

24 март Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари тузилди.

27 март Ўзбекистон Республикаси Президентининг Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити 1-кунларини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисидаги фармони эълон қилинди.

31 март Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тузилди.

март «Осиё континентал» халқаро савдо уйи ташкил топди;
Ўзбекистон Халқаро стандартлаштириш ташкилотига аъзо бўлди.

27 апр. Ўзбекистон Халқаро валюта фондига аъзо бўлди.

28 апр. Тошкентда Туркия Республикаси элчихонаси очилди.

30 апр. Ўзбекистон Республикаси Европа Тикланиш ва тараққиёт банкига аъзо бўлди.

апр. Самарқандда «Интеросиё–92» Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда қарийб 30 давлат вакилларининг қўшма ҳамда хусусий корхона ва фирмалари ўз маҳсулотларини намойиш этдилар.

5 май Республика савдо вазирлиги «Ўзбексавдо» Ўзбекистон давлат акциядорлик ассоциациясига айлантирилди.

7 май	Тошкентда Ўзбекистон биринчи почта маркасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.
11—14 май	Тошкентда «Ўрта Осиё ва жаҳон цивилизацияси» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.
15 май	Тошкент чет тиллар педагогика ин-ти ва Республика рус тили ва адабиёти институти негизида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ун-ти ташкил этилди.
23 май	Шоир ва мутафаккир Машраб таваллудининг 350 йиллиги муносабати б-н Наманганда Бобораҳим Машраб музейи ва ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлди; «Наврўз» ҳайрия жамғармасини тузиш тўғрисида» Президент фармони чиқди.
май	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Адолат» нашриёти ташкил этилди.
9—10 июнь	Тошкентда Ўзбекистон Республикаси минерал ресурсларини ўзлаштириш масалалари бўйича Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.
22 июнь	«Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.
28 июнь	Тошкентда Покистон Ислом Республикаси элчихонаси очилди.
2—3 июль	Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 10-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тўғрисида», «Байрам кунлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.
3 июль	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.
13 июль	Ўзбекистон Республикаси Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)га қабул қилинди.
5 авг.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси (Ўзистиқболстат) ташкил этилди.
7 авг.	Тошкент авиация и. ч. бирлашмасида ИЛ-114 самолётининг биринчи синов парвози бўлди.
10 авг.	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ташкил этилди.
авг.	Шаҳрисабзда Амир Темур хотирасига бағишланган ўзбек миллий қураши бўйича биринчи халқаро мусобақалар бўлиб ўтди.
4 сент.	Ўзбекистон Халқаро геология иттифоқига қабул қилинди.
23 сент.	Тошкентда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти ташкил этилди.
8—15 окт.	Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг 11-Халқаро кинофестивали бўлиб ўтди.
15 окт.	Тошкентда Хитой элчихонаси очилди.
окт.	Ўзбекистон Республикаси Парламентлараро иттифоқининг аъзоси бўлди.
окт.	Тошкентда космик алоқа халқаро телефон ст-яси ишга тушди, у «Интелсат» алоқа йўлдоши орқали Ер юзининг исталган нуқта-

си билан боғланиш имконини беради.

5 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Сельхозмаш» концерни ва «ДЭУкорпорейшн» корпорацияси б-н ҳамкорликда автомобиллар ишлаб чиқарувчи «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

16 ноябрь Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти б-н Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида Ўзбекистонда БМТ ваколатхонасини очиш тўғрисида Битим имзоланди (1993 й. 24 авг.да расман очилди).

23—26 нояб. Тошкентда эркин кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси биринчи чемпионати бўлиб ўтди.

ноябрь Ўзбекистон журналистлар уюшмаси Халқаро журналистлар ташкилотига қабул қилинди;
Бухорода темирчилик маҳорати музейи очилди.

8 дек. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди (2002 й. 27 янв.да ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 й. 24 апр.-даги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилди). 8 дек. — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

10 дек. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини тасдиқлади.

12 дек. *Нукус шаҳрининг 60 йиллиги нишонланди.*

14 дек. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи тасдиқланди.

23 дек. Ўзбекистон Республикаси Жаҳон метеорология ташкилотига аъзо бўлди;
«Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси ташкил этилди.

28 дек. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси тузилди.

1992 «Ўзбекистон маркаси» нашриёт маркази ташкил этилди;
Андижон ш.да Бобур миллий боғи — «Боғи Бобур» ёдгорлик мажмуи барпо қилинди;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Гидрометеорология Бош бошқармаси — «Бошгидромет» ташкил этилди;
«Коинот» и. ч. бирлашмаси ташкил этилди;
Ўзбекистон кураш федерацияси ташкил этилди;
Навоий вилоят ўлкашунослик музейи ташкил этилди;
«Ўздунробита» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси ишга тушди;
Ўзбекистон теннис федерацияси тузилди ва ITF га аъзо бўлди;
Халқ банки ташкил этилди (1995 й. 28. 04.да ҳукуматнинг махсус қарори б-н Ўзбекистон Республикаси давлат тижорат халқ банки деб номланди).

1993 йил

8 янв. Ўзбекистон автомобиль транспорти («Ўзавтотранс») Давлат акциядорлик корпорацияси ташкил этилди.

5 фев. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари учун абитуриентларни тест усулида танлаб олиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

10 фев. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Халқаро почтамти тузилди.

11 фев. Китоб баландтоғ расадхонаси мажмуаси ташкил этилди.

2 март Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз — умумхалқ байрами» қарори қабул қилинди.

4 апр. Жиззах вилоятида Ўзбекистонда биринчи йирик темир рудаси кони очилди.

9 апр. Нукусда Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг 12-сессиясида Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, Давлат герби қабул қилинди.

20 апр. Тошкентда 30 мамлакатнинг миллий фирма, банк ва компаниялари раҳбарлари иштирокида Бутунжаҳон Иқтисодий анжумани бўлиб ўтди.

23 апр. «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси тузилди;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилда буюк олим Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисида қарори қабул қилинди.

28 апр. «Ўздеҳқонсаноатбанк» негизида «Тадбиркорбанк» йирик акциядорлик банки ташкил этилди.

30 апр. Тошкентда Германия элчихонаси очилди.

апр. Фарғона шаҳрида Ўзбекистон талабаларининг биринчи фестивали бўлиб ўтди. Унда 54 олий ўқув юрти вакиллари иштирок этди;
«ЕвроЎз» Ўзбекистон – Германия қўшма мебель корхонаси ташкил этилди.

6 май «Сугурта тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

7 май I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди.

13—14 май Тошкентда «Бозор иқтисодиётининг ривожланиш тамойиллари» мавзуида биринчи Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

27 май Тошкентда Б.Зокиров номидаги жаз-оркестрининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

май Тошкентда Ўзбекистонда биринчи марта шоли мойи чиқиндисидан кир совун ишлаб чиқарувчи «Тэдоган» ўзбек-корейс қўшма корхонаси;
Нукусда Туркиянинг «Язекс» корпорацияси ёрдамида бунёд этилган «Катэкс» тўқимачилик мажмуи ишга тушди;

Тошкентда Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича дастлабки Халқаро тадқиқотлар лойиҳаси имзоланди.

11 июнь Чатқол давлат табиий биосфера қўриқхонаси ЮНЕСКО муҳофазасига олинди.

27 июнь «Тараққий» газ. 1-сони чиққан 27 июнь (1906) санаси Ўзбекистонда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни сифатида нишонланадиган бўлди.

июнь Самарқандда Ўзбекистон ФАнинг бўлими очилди.

30 июль Ўзбекистон Республикаси Президенти «Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллигини нишонлаш тўғрисида» фармон чиқарди.

июль Тошкентда Ўзбекистон Геология миллий қўмитаси ташкил этилди.

13 авг. Абдулла Қодирий жамғармаси рўйхатдан ўтди.

17 авг. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтди.

31 авг. Тошкентда Амир Темур ҳайкали очилди.

авг. Уч юз километрли Дамхўжа—Навоий—Бухоро сув йўли қуриб битказилди;
Тошкентда «Таълим, бандлик ва инсон ресурсларини ривожлантириш» шиори остида ЮНЕСКОнинг Халқаро семинари бўлиб ўтди.

1 сент. Тошкентда Улуғбек ҳайкали очилди.

2—3 сент. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 13-сессиясида «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» қонун қабул қилинди (1995 й. май ойидаги Олий Мажлисининг 2-сессиясида мазкур қонунга ўзгартиришлар киритилди).

4 сент. Тошкентда «Туркистон» саройининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

3—5 сент. Тошкентда Осиё ва Тинч океан регионн мамлакатларининг таэквондо бўйича биринчи чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистон жамоаси базавий техникани намойиш қилиш бўйича мусобақаларда биринчи ўринни эгаллади.

9 сент. Алишер Навоий жамғармаси рўйхатдан ўтди.

10 сент. Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида Мукаррама Турғунбоева музейи очилди.

16 сент. Бухорода буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланди.

20 сент. «Экосан» халқаро Ўзбекистон экология ва саломатлик жамғармаси рўйхатдан ўтди.

26—28 сент. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

сент. Тошкентда Халқаро валюта фондининг доимий ваколатхонаси очилди;

Ўзбекистон Халқаро молия корпорацияси (ХМК) аъзолигига қабул қилинди;
Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпиада қўмитаси Халқаро олимпиада қўмитаси томонидан тан олинди (1995 й. апр.дан тенг ҳуқуқли аъзоси).

26 окт. ЮНЕСКО нинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКО га аъзоликка қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

30 окт. Тошкентда тасаввуфнинг машҳур намояндаларидан бири, шоир Хожа Аҳмад Яссавий меросига бағишланган халқаро илмий-маърифий конференция очилди.

окт. Ўзбекистон Илмий уюшмалар халқаро кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

4 ноябрь Тошкентда Ўзбекистон ФА ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

22 ноябрь «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмининг Жанговар байроғи тўғрисида»ги фармон имзоланиб, Қуролли Кучлар Жанговар байроғининг ягона намунаси тасдиқланди.

23 ноябрь Тошкентдаги республика Ўқитувчилар уйи қошида Ўзбекистон Халқ таълими тарихи музейи очилди;
Қорақалпоғистоннинг биринчи пойтахти – Тўрткўлла шаҳарнинг 120 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

4 дек. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мадҳияси тасдиқланди.

18 дек. Андижонда буюк саркарда ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги нишонланди ва унга ҳайкал ўрнатилди;
Халқаро ФИФА ташкилотининг Лас-Вегас ш.да бўлиб ўтган конференциясида Ўзбекистон Миллий футбол федерацияси ушбу футбол ассоциацияси аъзолигига қабул қилинди.

23 дек. Бобур номидаги халқаро жамғарма рўйхатдан ўтди.

1993 Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг Марказий ҳарбий спорт клуби ташкил этилди;
Фарғона вилоят давлат қўғирчоқ театри ташкил этилди;
Хоразм вилоят давлат қўғирчоқ театри ташкил этилди;
«Фарминдустрия» концерни (ҳоз. «Ўзфармсаноат» давлат концерни) ташкил этилди;
Ўзбекистон Жаҳон туристик ташкилоти (WTO) га аъзо бўлди.

1994 йил

6 янв. Муборак газни қайта ишлаш з-дида янги 14-блок ишга туширилди;
«Тошкент—Жиззах» электр поезди қатнови йўлга қўйилди.

25 янв. Тошкентда Европа ва Осиё мамлакатлари саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси кенгашининг йиғилиши иш бошлади.

4 фев. Ўзбекистон Автомобиль транспорти халқаро уюшмасига аъзо бўлди.

11 фев. Нукусда Орол муаммосига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

24 фев. Норвегиянинг Лиллихаммер стадионида 17-қишки Олимпиадада қаҳрамонимиз Лина Черязова фристайл бўйича олимпиада чемпиони бўлди.

15 март Қашқадарё вилоят давлат қўғирчоқ театри ташкил этилди.

19 март Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан 1994 й. «Мирзо Улуғбек йили» деб эълон қилинди.

март Бухоро вилоятининг Когон ш.да графит-гипс к-тининг биринчи навбати ишга туширилди.

8 апр. «Тошкент» Республика фонд биржаси ташкил этилди (биржа 1995 й.дан «Евросиё» фонд биржалари федерациясига, 2001 й.дан МДҲ биржалари ассоциациясига аъзо);
Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси ташкил этилди.

13 апр. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси ташкил этилди.

23 апр. Ўзбекистон Республикаси Президенти «Республика Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил қилиш тўғрисида» фармон чиқарди.

апр. Ўзбекистон Республикаси Жаҳон почта иттифоқига аъзо бўлди;
Узунлиги 94 км бўлган Газли – Нукус таз қувурининг биринчи навбати ишга туширилди.

5 май Ўзбекистоннинг олий даражадаги унвони – «Ўзбекистон Қаҳрамони» таъсис этилди;
«Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари, «Жасорат», «Шуҳрат» медаллари таъсис этилди.

12 май «Савдогарбанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

24 май Тошкентда Қозоғистон Республикаси элчихонаси очилди.

30 май Тошкентда биринчи марта «Президент кубоги» учун халқаро теннис мусобақаси бўлиб ўтди.

май «Андижонирмаш» заводи негизида ташкил этилган «ЎзЭКС» Ўзбекистон–Россия қўшма корхонаси дастлабки беш экскаваторни тайёрлади;
Нукусда Ўзбекистон ФАнинг Қорақалпоғистон бўлими таркибида Биоэкология и.т. институти очилди.

8 июнь Ўзбекистонда биринчи «Вақт» миллий депозитарийси – очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилди.

21 июнь «Трастбанк» акциядорлик биржа банки ташкил этилди.

1 июль Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўм муомалага киритилди.

18 июль Тошкентда Конрад Аденауэр фонди тақдимоти бўлиб ўтди.

2 авг. Тошкентда «Юнусобод» спорт мажмуи очилди (1-навбати –1994 й.,

2-навбати 1997 й., сув ҳавзаси 2001 й.да қуриб битказилган). Ҳоз. «Ўзбекистон» спорт мажмуи номи б-н аталади.

авг. Қўнғирот туманида карбид ишлаб чиқарувчи з-д, Наманган вилоятининг Уйчи туманида асфальт з-ди ишга туширилди; Тошкентда «Тафаккур» журналининг 1-сони нашрдан чиқди; «Ғаллабанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

2 сент. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ташкил этилди.

8 сент. Қатар давлатининг пойтахти Дўҳада бўлиб ўтган ўсмирлар Осиё чемпионатида тошкентлик шахматчи Рустам Қосимжонов олтин медални қўлга киритди.

22—23 сент. Тошкентда 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 16-сессиясида «Ер ости бойликлари тўғрисида» қонун қабул қилинди.

22 сент. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Жиноят процессуал кодекси қабул қилинди; Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида Конституциявий Қонун қабул қилинди.

24—25 сент. Хоразмда давлат арбоби ва шоир Феруз таваллудининг 150 йиллиги нишонланди.

сент. Тошкентда Европа ҳамжамиятининг ТАСИС дастури доирасида ишбилармонлик алоқалари Маркази очилди; Жиззах ш.да «Ўзбекмебель» давлат-акциядорлик бирлашмаси тизимида Жиззах мебель ф-каси ташкил этилди.

3 окт. Тошкентда Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Ипак йўли» халқаро конференцияси очилди. «Ипак йўли бўйлаб сайёҳлик бўйича Самарқанд декларацияси» қабул қилинди.

6 окт. Нукусда буюк олим, машҳур астроном Мирзо Улуғбек ҳайкали очилди.

12 окт. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг галереясини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорига биноан Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясига асос солинди (2004 й.да махсус қурилган бинога жойлаштирилди).

13—15 окт. Тошкент ва Самарқандда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилейи тантаналари бўлиб ўтди. Тошкентда «Мирзо Улуғбек ва унинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилди.

14 окт. Жиноят-қидирув полицияси (Интерпол) Бош ассамблеясининг 63-сессиясида Ўзбекистон Интерполнинг Халқаро ташкилотига қабул қилинди.

16 окт. Японияниинг Хиросима ш.да футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 12-Осиё ўйинлари чемпиони бўлди.

7 ноябрь «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ташкил этилди.

8 ноябрь — Самарқанд давлат чет тиллар ин-ти ташкил этилди.

ноябрь — Элликқалъада «Элтекс» тўқимачилик к-ти ишга туширилди.

6 дек. — Тошкентда буюк адиб Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

19 дек. — *Тошкентда Ўзбекистоннинг Халқаро болалар жамғармаси* (ЮНИСЕФ)га аъзо бўлиб кириши тўғрисидаги битим имзоланди.

20 дек. — Бухорода бинокорлик учун мармар плиталар ишлаб чиқарадиган з-д ишга туширилди.

23 дек. — Тошкент молия-қурилиш корпорацияси ташкил этилди.

25 дек. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига *сайловларнинг 1-тури* бўлиб ўтди.

29 дек. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди;
Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси ташкил этилди.

дек. — «Нукус—Москва» йўналиши бўйича тезюрар поездларнинг мунтазам қатнови бошланди.

1994 — Тошкентда Ўзбекистон — Буюк Британия «ЎзБАТ» қўшма корхонаси ташкил этилди;
Самарқанд ш.да 4 қолдузли «Афросиёб» меҳмонхонаси қуриб битказилди;
«Ёғду» киностудияси ташкил этилди.

1995 й.

янв. — Тошкентда Халқаро Қизил хоч қўмитасининг Марказий Осиё мамлакатлари учун доимий ваколатхонаси очилди.

8 ва 22 янв. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларнинг 2-, 3-тури бўлиб ўтди.

18 фев. — Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг биринчи таъсис съезди бўлиб ўтди. Партиянинг Низом ва дастури тасдиқланди.

22 фев. — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг «Адолат» газ. чиқа бошлади.

28 фев. — Ўзбекистон халқаро хусусийлаштириш ва инвестиция банки — «Ўзприватбанк» ўз фаолиятини бошлади.

26 март — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 й.дан 2000 й.гача узайтиришга бағишланган референдум бўлиб ўтди.

март — «Тошқишлоқмаш» заводида пичан йиғувчи комбайнлар сериялаб ишлаб чиқарила бошланди;
Тошкентда «Атроф-муҳитни сақлаш қолиш — Ўрта Осиё давлатлари учун келажак вазифаси» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

19 апр. — Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва

	жамият қурилиш академиясини ташкил қилиш тўғрисида» фармон чиқарди.
апр.	Тошкентда Республикада биринчи хусусийлаштириш ва инвестициялар бўйича Ўзбекистон халқаро банки («Ўзхусусийбанк») очилди.
19 май	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Исломни тадқиқ қилиш бўйича Халқаро марказ ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.
31 май	Тошкент авиация ин-ти ташкил этилди.
25 май	Мурунтовда «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.
3 июнь	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди.
5 июнь	Андижон муҳандислик иқтисодиёт ун-ти ташкил этилди.
10 июнь	«Миллий тикланиш» газ.нинг 1-сони нашрдан чиқди.
14–20 июнь	Тошкентда биринчи савдо-саноат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 85 дан зиёд давлат, акциядорлик, хусусий ва қўшма корхоналар иштирок этди.
июнь	«Халқ бирлиги» ҳаракати фаолият бошлади.
7 июль	«Қизилқумнодирметаллотгин» давлат концерни (2004 й. 19 майдан Навоий кон-металлургия к-ти) қошида Навоий давлат кончилик ин-ти ташкил этилди.
	Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди — «Бизнес-фонд» нодавлат тузилмаси, очиқ турдаги акциядорлик жамияти тузилди.
27 июль	Ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат банки — «Пахтабанк» ташкил этилди.
28 июль	Ўзбекистон банклари ассоциацияси ташкил этилди.
июль	Боғот туманида Буюк Британия б-н ҳамкорликда тиббиёт момиғи ишлаб чиқарадиган корхона ишга тушди; Марғилондаги «Ипакчилик» акциядорлик жамиятида пилла чиқиндиларидан қимматбаҳо ип ишлаб чиқарадиган «Спиннинг-Силк» Ўзбекистон–Италия қўшма корхонаси иш бошлади.
17 авг.	Қўқонда спирт з-ди ишга тушди.
24 авг.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари тўғрисида»ги қарори чиқди.
26 авг.	Тошкентда Ўзбекистон ҳукумати б-н ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди.
30 авг.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 3-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонун қабул қилинди; «Меҳнат шуҳрати», I ва II даражали «Шон-шараф» орденлари таъсис этилди.
31 авг.	Ўзбекистон Республикаси Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлди.

авг. Ўзбекистон Республикасининг Харбий доктринаси қабул қилинди.

2 сент. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг очилиш маросими бўлиб ўтди (Академияни ташкил этиш ҳақидаги қарор 1994 й. 15 авг.да қабул қилинган);
Тошкентда 1-Марказий Осиё *ўйинларининг тантанали очилиш* маросими бўлиб ўтди.

7 сент. Ўзбекистон альпинизми тарихида *биринчи марта Республика Давлат* спорт қўмитаси альпинистлари гуруҳи иккита баланд чўққи — Хонтангри (6995 м) ва Ғалаба (7439 м) чўққиларини забт этишди;
Тошкент ш.да «Замин» ихтисослаштирилган давлат-акциядорлик *ипотека банки ташкил этилди.*

14 сент. Тошкент давлат ун-тига Мирзо Улуғбек номи берилди (2000 й. 28 *янв.дан Ўзбекистон миллий ун-ти).*

15–16 сент. Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари *бўйича Халқаро семинар-кенгаш* бўлиб ўтди. Унда БМТ, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгаши, Ислом конференцияси ташкилоти, БМТ Хавфсизлик Кенгашида иштирок этувчи мамлакатлар, МДҲга аъзо бўлган мамлакатлар *делегациялари, Ўрта Осиё давлатлари* ва уларга қўшни бўлган давлатлар вакиллари иштирок этди.

18 сент. Нукусда БМТ раҳнамолигида Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларнинг барқарор ривожланиши масалаларига бағишланган халқаро конференция иш бошлади.

21 сент. Қорақалпоғистондаги Ўрғин газ кони фойдаланишга топширилди.

23 сент. *Тошкент вилоятининг Зангиота* туманида вино ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон–Италия «Фаритал» қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

10 окт. Тошкентда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё давлатлари б-н алоқалар бўйича регионал бюроси очилди.

20 окт. «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиқди.

24–25 окт. Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси б-н амалий ҳамкорликда Ўзбекистон халқ усталари ва ҳунармандлари 1-Республика ярмаркаси ўтказилди.

7 ноябрь Ихтисослаштирилган «Асака» давлат- акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

8 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг «Жаҳон» ахборот агентлиги тузилди.

ноябрь Тошкентда Ўзбекистон ФА да Хоразмда туғилиб ўсган *тилшунос*, адиб ва қадимшунос олим Абулқосим Замахшарийнинг 920 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

1 дек. Тошкентдаги Санъатшунослик илмий тадқиқот ин-тида буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 540 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

5 дек. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик танловини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

12 дек. Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» қонуни эълон қилинди.

21—22 дек. Тошкентда I-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 4-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси», «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди.

1995

Улуғ шайх, тасаввуфнинг таниқли вакилларидан бири Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги кенг нишонланди;
Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1941—45 йилларда урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги фармони асосида (1994 й. 16 мартдаги) Ўзбекистон нашриётлари 33 жилдли «Хотира» китоби (кейинчалик унга қўшимча тарзда 2 жилд чиқди) ва Ўзбекистон халқининг уруш йилларидаги, уруш ортидаги жасоратлари баён қилинган умумлашма махсус жилд (русча, ўзбекча) нашр этилди.

1996 йил

3 янв. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида» ва «Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

9 янв. Ўзбекистонда маълумотларни узатиш Республика компьютер тармоғи «Ўзпак» фойдаланишга топширилди.

янв. Тошкентда Алишер Навоий таваллудининг 555 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон мустақиллиги ва навоийшунослик истиқболлари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлди;
Тошкентда Ўзбекистон боксчиларининг биринчи республика спартакиадаси бўлиб ўтди;
«Инсон ва қонун» — Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий, ижтимоий-оммабоп газ.нинг 1-сони нашрдан чиқди (1998 й. январдан мустақил ҳафталик нашрга айлантирилди);
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг «Маҳалла» ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий газ.нинг 1-сони нашрдан чиқди.

6 фев. Лозанна ш.да Халқаро Олимпиада қўмитаси қароргоҳида Олимпиада ҳаракатини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовга Олимпиада олтин ордени топширилди.

9 фев. Бухоро вилоятининг Зафаробод шаҳарчасида Навоий кон-металлургия комбинати б-н россиялик шериклар ҳамкорлигида бензин тозаловчи смола ишлаб чиқарадиган янги кимё-технология корхонаси фойдаланишга топширилди.

фев. Осиё—Европа кабелли алоқа магистралининг Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган қисмининг қурилиши бошланди. Умумий уз. 19 минг км ли ушбу магистралнинг 885 км Ўзбекистон бўйлаб ўтган (қурилиш 1997 й.да якунланди).

4 март Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди.

15 март Парижда «Амир Темур ва темурийлар тўғрисида илмий асарлар библиографияси» китоби чоп этилди.

25 март Андижон вилоятининг Асака ш.да «Дамас» микроавтобусларини и.ч. линияси ишга туширилди.

март «Андижонирмаш» ирригация машинасозлиги з-ди негизида енгил автомобиллар учун ўриндиқлар ишлаб чиқарадиган «Ўзтонг хонг компани» Ўзбекистон—Корея қўшма корхонаси ташкил этилди.

3 апр. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Давлат акциялорлиқ уй-жой жамғарма банки — «Ўзуйжойжамғармабанк» рўйхатга олинди (2005 й. фев.ойидан Ипотека банк).

5 апр. Тошкентда республикада биринчи «Ўзинвестлойиҳа» инжинирнинг компанияси фаолият кўрсата бошлади;
«Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси (2001 й.дан «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси) ташкил этилди.

9 апр. Тошкент, Самарқанд ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО раҳбарлигида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди.

16 апр. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг биринчи таъсис қурултойи бўлиб ўтди.

16 апр. Германиянинг Гамбург ш.да профессионал бокс тарихида биринчи бор Ўзбекистон вакили — тошкентлик спортчи Артур Григорян жаҳон чемпиони бўлди.

17 апр. «Камолот» жамғармаси таъсис этилди.

20—26 апр. ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида илмий конференция ва кўргазма бўлиб ўтди.

23 апр. Тошкентда ЕХҲТнинг «Марказий Осиё: ЕХҲТ доирасида кенг қамровли хавфсизлик ва минтақавий можаролар» мавзуидаги симпозиуми бўлиб ўтди.

25—26 апр. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 5-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Банк-

	лар ва банк фаолияти тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди.
26 апр.	Амир Темур ордени таъсис этилди.
26 апр.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори б-н Ўзбекистон Республикаси Фахрий унвонлари таъсис этилди; Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил этилди.
29 апр.	«Ўзбеккино» Давлат-акциядорлик компанияси (ҳоз. «Ўзбеккино» миллий агентлиги) тузилди.
апр.	Бухорода сув сифатини бошқариш бўйича халқаро кенгаш бўлиб ўтди; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Қонун ҳимоясида» журналининг 1-сони нашрдан чиқди.
2 май	Ўзбекистон Республикаси Банкмолия академиясиҳ ташкил этилди.
13 май	«Тажан—Сарахс» трансосиё т. й. магистрали очилди.
15 май	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ташкил қилинди (2005 й. 2 майдан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси).
22 май	Тошкентда жаҳондаги компьютер техникасининг етакчиси — IBM компанияси ваколатхонаси очилди.
май	Самарқандда «Сунам» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди; «Шарқирихон—Хонобод» йўналиши бўйича поездлар қатнай бошлади; Тошкентда Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати музейи очилди.
25 июнь	«ЎзДЭУавто» Ўзбекистон—Жан. Корея қўшма корхонасида «Тико» ва «Нексия» автомобиллари ишлаб чиқарадиган линиялар ишга туширилди.
июнь	Ангрен «Саноатқартонсавдо» акциядорлик жамиятида дастлабки целлюлоза ишлаб чиқарилди.
15—21 июль	Ўзбекистонда биринчи марта оммавий спорт ҳафталиги ўтказилди.
15 июль	Фан ва маданият халқаро жамғармаси тузилди.
19 июль	Андижон вилоятининг Асака шаҳрида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Жан. Корея қўшма корхонасининг халқаро тақдимот маросими бўлиб ўтди.
19 июль — 4 авг.	АҚШнинг Атланта шаҳрида бўлиб ўтган 24-ёзги Олимпиада ўйинларида ҳамюртларимиз биттадан кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди.
14 авг.	Нукусда мармар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ишга туширилди.

27 авг. Янгийўл ш.да биокимё з-дининг янги корхонасини ишга тушириш муносабати б-н тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

28 авг. Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларини *Амир Темур ордени* б-н мукофотлаш тўғрисида фармон чиқди;
«Мискин—Тўрткўл» темир йўли қурилиши тугалланди.

29 авг. «Буюк хизматлари учун» ордени таъсис этилди;
Ўзбекистон Республикаси Консуллик устави қабул қилинди.

29—30 авг. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 6-сессиясида «Ноширлик фаолияти тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

30 авг. Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

1 сент. Тошкент ш.да Халқаро Олимпия шон-шуҳрати музейи очилди. Унда Халқаро Олимпиада қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч иштирок этди.

9 сент. Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» кенгашининг «Маънавият» нашриёти ташкил этилди.

20 сент. Самарқандда қадимий Афросиёб шаҳар харобасида қазиш ишлари олиб борган француз археологлари топилмалари кўргазмаси очилди.

27 сент. Ўзбекистон Болалар жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

сент. Фарғона нефтни қайта ишлаш з-дида замонавий ферсол ва фердит пластик мойи ишлаб чиқарадиган *қурилма ишга туширилди*;
Бухорода Ҳиндистоннинг «Ларсен ТурбоЛТД» фирмаси қурган 430 ўринга мўлжалланган тўрт юлдузли меҳмонхона очилди;
Андижонда полиэтилен плёнка ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонаси тақдимоти бўлди;
«Тошкент трактор заводи» ишлаб *чиқариш бирлашмаси конвейер*идан ТТЗ-130 русумли дастлабки тракторлар чиқди;
Асака ш.да «Федеречи-Асака-Макарони» Ўзбекистон—Италия қўшма корхонаси ишга тушди;
Бухоро вилояти Жондор туманида 13-а.да яшаб ўтган халқ қаҳрамони, саркарда Маҳмуд Торобийга ҳайкал ўрнатилди.

2 окт. Ўзбекистон Республикаси Ислом конференцияси ташкилотига аъзо *бўлди*.

8 окт. Ўзбекистон Банклар ассоциацияси республикада биринчи «*Банк-информрейтинг*» мустақил рейтинг компаниясини таъсис этди.

18 окт. Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи тантанали равишда очилди;
Самарқанд ва Шаҳрисабз ш.ларида Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали очилди. Ҳар икки шаҳарга «Амир Темур» ордени топширилди;

Тошкентда «Биржа ва улгуржи савдо» янги ҳафталик газ. тақдимоти бўлиб ўтди.

21 окт. Тошкент ш.да Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Туркия ҳамда Ўзбекистон раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди ва унда Тошкент Декларацияси имзоланди.

24 окт. Ширин ичимликлар ва маъданли сув ишлаб чиқарувчи «Самарқанд-Прага» қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотларини чиқарди;
Тошкент ш.да «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

31 окт. Тошкентда «Ёзувчи» газ.нинг 1-сони нашрдан чиқди;
Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази тузилди.

окт. Тошкентда беш қолдузли «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг 1-навбати фойдаланишга топширилди;
Ўзбекистон—Италия «Совпластитал» қўшма корхонаси Парижда «Сифат учун Европа Олтин мукофоти»га сазовор бўлди. Бу қўшма корхона сазовор бўлган саккизинчи халқаро мукофотдир;
Тошкентда «Бозор, пул ва кредит» илмий-амалий журналининг 1-сони, шунингдек, Орол денгизи ҳавзаси муаммоларини ёритиш бўйича «Вестник Арала» («Орол ахборотномаси») илмий журналининг илк сони босмадан чиқди.

28 ноябрь Хивада туркман шоири ва мутафаккири Маҳтумқули ҳайкали очилди.

30 ноябрь Тошкент вилоятининг Тўйтепа ш.да «Қабул-Тўйтепа текстиль» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

ноябрь Тошкентда «Техноинвест» Ўзбекистон—Швейцария қўшма корхонаси ташкил этилди.

3 дек. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги ин-ти ташкил этилди.

8 дек. Гулистонда «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «Нексия» автомобилларини сотиш бўйича Ўзбекистонда биринчи кимошди савдоси бўлиб ўтди.

13 дек. «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни нашрга тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

20 дек. Ўзбекистон ФА да Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва илмий конференция бўлиб ўтди.

26—27 дек. Тошкентда 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 7-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида», «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида» қонунлари қабул қилинди.

29 дек. Тошкент ш.нинг янги герби тасдиқланди.

30 дек. Қашқадарё вилоятидаги Алан конида йилига 5 млрд. куб метр газ ва 200 минг тонна конденсат чиқарадиган қувватлар фойдаланишга топширилди.

дек. Ўзбекистон Фахрийлар кенгаши Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасига айлантирилди;
Нукусда Қорақалпоғистонда биринчи бизнес маркази очилди;
Бухоро вилоятида мармарга ишлов берадиган янги з-д ишга туширилди;
Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий йўналишдаги «Ҳуррият» мустақил газетаси чиқа бошлади;
Тошкент давлат юридик ин-ти қошида Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази очилди.

1996 «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази ташкил этилди;
«BUZTEL GSM» («Бакри Ўзбекистон телеком») компанияси таъсис этилди.

1997 йил «Инсон манфаатлари йили»

3 янв. 1 октябрь «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» деб белгиланди.

4 янв. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони таъсис этилди.

7 янв. Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Умид» жамғармаси ташкил этилди.

17 янв. «Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси» халқаро жамоат ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси тузилди.

23 янв. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.
Ушбу фармонга кўра халқ ҳунармандчилиги, тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги энг яхши асарлар учун Камолиддин Беҳзод номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилди.

10 фев. Ҳамширалар ва тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган «Ҳамшира» журналининг 1-сони нашрдан чиқди.

21 фев. «Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилинди.
Муқаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси ташкил этилди.

25 фев. «Ўзагросуғурта» Давлат суғурта компанияси ташкил этилди.

27 фев. «Жаҳон адабиёти» журнали ташкил этилди.

12 март Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди.

14 март «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси ташкил топди.

20 март Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида» қарор чиқарди;
Тошкент зарбхонаси ишга туширилди.

март Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида ташкил этилган «ЎзДЭУ

тўқимачилик» қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотини берди;
Тошкентда ёш олимлар ва талабаларнинг 3-Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

3 апр. Тошкентда «Пахтакор» футбол жамоаси ташкил этилгани ва шу ном б-н аталган стадион ишга тушганлигининг 40 йиллигига бағишланган спорт байрами бўлиб ўтди.

24–25 апр. Тошкентда 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 8-сессиясида «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари вакили (Омбудсман) тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунлар; Солиқ кодекси, Жиноят-ижроия кодекси қабул қилинди.

8 май Тошкентда «Давлат, оила ва тарбия муаммолари» мавзуида республика конференцияси бўлиб ўтди.

15 май Тошкентда халқаро акциядорлик-тижорат «ЎзДЭУбанк» очилди;
Ўзбекистон хорижий мамлакатлар б-н дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти кенгаши таъсис этилди.

21–23 май Тошкентда «Нефть ва газ–97» биринчи Ўзбекистон халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 30 дан зиёд мамлакат вакиллари қатнашди.

10 июнь Тошкентда Ўзбекистон Миллий реабилитация маркази очилди.

13 июнь Чирчиқда «Кибо – болалар пойабзали» Ўзбекистон – Германия корхонасининг очилиш маросими бўлди.

18 июнь Оролни қутқариш халқаро жамғармаси тузилди.

19 июнь Тошкентда Озарбайжон элчихонаси очилди.

26 июнь Тошкент вилоятининг Қибрай туманида «Ташфарм Американ Интернейшнл» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси ишга тушди.

27 июнь «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тузилди.

июнь Тошкентда «Ҳунарманд» халқ ҳунармандлари уюшмаси ташкил этилди;
Қарши шаҳрида «Қашқадарётелеком» Ўзбекистон – Индонезия қўшма корхонаси фаолият бошлади.

14 июль Қашқадарё «Кўкдумалоқ» компрессор ст-яси фойдаланишга топширилди.

22 июль «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони таъсис этилди (2003 й. 4 авг. да унинг Низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди).

23 июль Ўзбекистонда футболни ривожлантириш жамғармаси тузилди.

июль Жиззахда акрил толаси ишлаб чиқарадиган фабрика ишга туширилди.

26 авг. – 1 сент. Самарқандда 1-халқаро «Шарқ тароналари» фестивали бўлиб ўтди.

Унда 30 дан ортиқ давлат вакиллари қатнашди.

22 авг. Қоровулбозорда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг 1-навбати ишга туширилди.

27 авг. «Ҳуқуқ» газ.нинг 1-сони нашрдан чиқди.

29 авг. Тошкентда 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

8 сент. Самарқандда музқаймоқ, пиццлоқ, сариёғ, қаймоқ ишлаб чиқарадиган «Браво-сут» янги қўшма корхона ишга тушди.

10 сент. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

12 сент. Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси ташкил этилди.

15–16 сент. Тошкентда «Марказий Осиё – ядро қуролларидан холи зона» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

17 сент. Тошкентда «Амир Темур ва Темурийлар даврида Марказий Осиё ва Европа» мавзуидаги халқаро илмий конференция очилди. Ушбу конференция Шарқ ва Ғарб халқларининг ўзаро ишини давом эттирди.

сент. Тошкентдаги «Фотон» акциядорлик бирлашмасида «SONY» рангли телевизорлари ишлаб чиқарила бошланди.

15 окт. Ўзбекистон ҲА махсус жамғармаси тузилди.

19–20 окт. Бухоро ва Хивани 2500 йиллиги кенг нишонланди.

окт. Андижонда «Тожметалл» акциядорлик жамияти ташкил этилди;
Тошкентда Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг шўъба банки очилди.

4 ноябрь «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» эълон қилинди;
Ўзбекистон ЮНЕСКО Ижроия кенгаши аъзоси этиб сайланди.

11 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайталаш ташкил этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

27 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

28 ноябрь Атоқли шоир, озодлик куйчиси Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги нишонланди.

23 дек. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

25–26 дек. 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 10-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилинди.

дек. Ангрендаги «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси Сифат ва мукаммаллик бўйича

халқаро жамғармасининг «Олтин юлдузи» мукофотига сазовор бўлди;
Тошкентда Ўзбекистон ФАнинг биринчи президенти Т.Н.Қори-Ниёзий туғилган куниниинг 100 йиллигига бағишланган илмий сессия бўлди;
Тошкентда академик Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

1997
Юқори сифатли сурков мойлари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон–АҚШ «Ўз-Тексако» қўшма корхонаси ташкил этилди;
Ўзбекистон адвокатлар уюшмаси (ассоциацияси) таъсис этилди;
Ўзбекистон ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий тадқиқот ин-ти ташкил этилди;
«COSCOM» Ўзбекистон–Америка қўшма корхонаси, Кореянинг «Daewoo Unitel» қўшма корхонаси ишга тушди;
Хоразм вилоятидаги Гурлан ш.да енгил саноат корхонаси – «Гурлантекс» акциядорлик жамияти ишга тушди;
Миллий рассомлик ва дизайн институти ташкил этилди;
Ўзбекистон амалий санъат асарлари доимий кўргазмаси (1960–97) Ўзбекистон Республикаси амалий санъат музейи деб аталди (музей сифатида дастлаб 1937 й. ташкил этилган);
«Файз» холдинг компанияси ташкил этилди.

1998 йил
«Оила йили»

13 янв.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

26 янв.
Толибжон Содиқов номидаги халқаро мусиқий хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

27 янв.
Онла манфаатларини таъминлаш борасида 1998 й.да амалга оширилади ган тадбирлар давлат дастури эълон қилинди.

янв.
Гулистонда «Лечива фармсаноат» Ўзбекистон – Чехия қўшма корхонаси ишга тушди.

2 фев.
Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилди.

4 фев.
Вазирлар Маҳкамасининг 1997 й. 30 дек.қарорига мувофиқ «Устоз» Республика жамғармаси тузилди.

19 фев.
Ўзбекистон, Қирғизистон, Хитой ҳукуматлари ўртасида Тошкент–Андижон–Ўш–Қашқар автомобиль йўлида халқаро автомобиль транспорти қатнови тўғрисида битим имзоланиб, йўл қурилиши бошланди.

24 фев.
«Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» қарор чиқди;
Тошкент педагогика ин-тига университет мақоми берилди.

фев.
«Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятида 22 ва 32 от кучига эга бўлган икки турдаги мини тракторлар ва уларга ускуналар комплектларини ишлаб чиқарадиган Хитой б-н қўшма корхона ташкил этилди.

4 март — Тошкентда Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув маркази ташкил этилди.

26 март — «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошида театр ижодкорлари уюшмаси ташкил этилди.

март — Қўқон электр машинасозлик заводида Асакадаги «ЎзДЭУавто» корхонасида тайёрланалиган автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди;
Тошкентда ўзбек ва рус тилларида «Ҳуқуқ» — «Право» илмий-назарий юридик журналининг 1-сони чиқди;
Тошкент ва Фарғона шаҳарида Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди;
Ўзбекистон «Олимпия шон-шуҳрати» музейига Халқаро Олимпиада қўмитасининг «Олимпия шон-шуҳрати» музейи филиали мақоми берилди.

3 апр. — Урганчда Хоразмий ва Беруний номларидаги боғларга асос солишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

9 апр. — «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиқди.

21 апр. — Ўзбекистон Республикасидаги умумтаълим мактаби ва б. ўқув муассасаларининг «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти тузилди.

23 апр. — «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиқди.

30 апр. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11-сессиясида «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Вижлон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» (янги таҳрирда) қонунлар қабул қилинди; Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси тасдиқланди.

апр. — Ўзбекистон Республикаси деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ташкил этилди.

4 май — Музейларни қўллаб-қувватлаш республика «Ўзбек музей» жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

12 май — «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони таъсис этилди.

22 май — Ўзбек альпинистларидан биринчи бўлиб Рустам Ражабов Жомолунгма (Эверест) чўққисини забт этиб, Ўзбекистон байрогини ўрнатди.

май — Навоий вилоятида Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбати ишга тушди;
Тошкентда Халқаро хусусий сугурта компанияси очилди;

Тошкент рус ёш томошабинлар театри Ўзбекистон ёшлар театрига айлантирилди.

24 июль Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ташкил этилди.

июль Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида велосипед ишлаб чиқарадиган «Санлайт» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

25 авг. «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони таъсис этилди.

28—29 авг. 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 12-сессиясида «Давлат ер кадастри тўғрисида», «Маданий бойликларни четга олиб чиқиш ва олиб келиш тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

28 авг. «Эл-юрт ҳурмати» ордени таъсис этилди.

29 авг. Тошкентда «Куч — адолатда» Ўзбекистон Республикаси Олий суди газ.нинг 1-сони чиқди.

авг. Ўзбек учувчи-астронавти С.Шарипов америкалик ва россиялик 7 кишилик экипаж таркибида «Эндевер» космик кемасида космосга парвоз қилди.

6 сент. Халқаро кураш ассоциацияси тузилди.

16 сент. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Улуғбек номидаги Астрономия ин-тига асос солинганлигининг 125 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

24 сент. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

25 сент. «Туркистон-Пресс» нодавлат ахборот агентлиги ташкил этилди.

28 сент. Тошкентда Осиё Тараққиёт банкининг доимий ваколатхонаси очилди.

30 сент. Ҳазораспдаги Ўзбекистон—Туркия Хоразм қанд з-ди қўшма корхонасида дастлабки қанд маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

23 окт. Самарқандда ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 40 мамлакатидан меҳмонлар иштирок этди. Шу куни Хартанг қишлоғида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди.

24 окт. Фарғона вилоятида Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 *йиллигига бағишланган тантанали* маросимлар бўлиб ўтди. Фарғона ш.да Аҳмад ал-Фарғоний номи б-н аталадиган истироҳат боғи очилди. Қува ш.да Аҳмад ал-Фарғонийга ҳайкал ўрнатилди.

6 ноябрь Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор бошчилигидаги гуруҳ Тошкент давлат университетида Мирзо Улуғбек номидаги ЮНЕСКО кафедраси очилиши маросимида иштирок этди.

13–14 ноябрь Термиз ш.да биринчи «Алпомиш ўйинлари» фестивали ўтказилди.

17 ноябрь Тошкентда «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ноҳукумат ташкилотларининг роли» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

ноябрь Ўзбекистоннинг «Фармед» хусусий фирмасига халқаро мукофот — «Сифат олтин калдуги» топширилди; Тошкентда синхрон сузиш бўйича «Сув париси» 1-халқаро турнир бўлиб ўтди.

11 дек. «Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати миллий корпорацияси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига айлантирилди.

22 дек. Бангкокда ўтказилган 13-Осиё ўйинларида иштирок этган ўзбекистонлик спортчилар спортнинг 23 тури бўйича 42 мамлакат спортчилари б-н беллашиб, ўнта энг кучли жамоа сафига кирди ва 40 та медаль — 6 та олтин, 22 та кумуш ва 12 та бронза медални қўлга киритди.

24–25 дек. 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 13-сессиясида «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» қонун қабул қилинди.

1998 Наманган саноат-технология институти Наманган муҳандислик-педагогика институти деб қайта номланди;
«Пахтасаноатилм» илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди;
Сурхондарё вилояти археология музейи ташкил этилди;
Тошкентда «Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси» ташкил этилди.

1999 йил «Аёллар йили»

13 янв. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ташкил этилди.

янв. «Ўзбекистон тарихи» жур.нинг 1-сони чиқди.

янв. Наманган вилоятининг Косонсой ш.да «Косонсой-Тёкмен» Ўзбекистон — Туркия тўқимачилик қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.

янв. Хоразм вилоятида шоир ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмуднинг 750 йиллиги кенг нишонланди.

4 фев. «Фидокор» газетаси чоп этила бошлади.

6 фев. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

16 фев. Тошкент ш.да террорчи кучлар сиёсий ва диний экстремистлар томонидан уюштирилган террорчилик ҳаракати оқибатида 16 нафар бегуноҳ инсон ўлдирилди, 120 киши тан жароҳати олди.

18 фев. «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларни ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари» давлат дастури ишлаб чиқилди.

26 фев.	Президент фармони б-н «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.
фев.	Тошкентда Ўзбекистон тарихчилари жамияти ташкил этилди.
2 март	9 май Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинди.
15 март	Иби Сино халқаро жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.
21 март	Самарқанд ш.да рус ва ўзбек тилларидаги ҳафталик «Даракчи» газ.нинг 1-сони нашрдан чиқди.
30 март	«Интерконтинентал» меҳмонхонаси ҳар йили ўтказиладиган Европа «Интерконтинентал» отеллари кўрик танловида биринчиликни олди.
март	«СамКочАвто» қўшма корхонасида шаҳарлараро ва шаҳар ичида қатнашга мўлжалланган дастлабки автобуслар ишлаб чиқарилди; «Театр» ойлик адабий-бадиий, ахборот-реклама журналининг 1-сони нашрдан чиқди.
7 апр.	Тошкент Ислом университети ташкил этилди.
14—15 апр.	1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 15-сессиясида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (янги таҳрирда), «Ўрмон тўғрисида», «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.
23 апр.	Тошкентда Маърифатчилар жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жамият Низоми тасдиқланди.
апр.	Брисбен (Австралия)да ўтказилган Халқаро «Гран при» турнирида ўзбек каратэчилари 25 та медални қўлга киритдилар, улардан 14 таси олтин медаллардир.
1—2 май	Тошкентда қураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 48 та мамлакатидан спортчилар қатнашди.
9 май	Ўзбекистон Республикасида биринчи бор 9 май Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланди. Тошкентда Ватан озодлиги учун жон фидо этган халқимизнинг фарзандлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Хотира ва қадрлаш майдони» барпо этилди.
17 май	Тошкент—Самарқанд йўналишида электропоезд қатнови йўлга қўйилди; Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишида уни умумий темир йўл тармоғи б-н улайдиган узунлиги 20 км бўлган Жийрон—Шўртан темир йўл тармоғи фойдаланишга топширилди.
27 май	Навоий вилояти Навоий ш. таркибида Кармана тумани ташкил этилди.
май	Навоий вилоятида Навбаҳор газ-роузели фойдаланишга топширилди.
10 июнь	Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.
июнь	Навоий ш.да ўт ўчирувчи машиналарни йиғиш бўйича Ўзбекис-

тон–Украина қўшма корхонаси ишга тушди.

1 июль — Ўзбекистон 6-н Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ратификация қилинди.

19–20 июль — Тошкентда Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича «6+2» гуруҳининг БМТ ҳомийлигидаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда тарихий Тошкент декларацияси қабул қилинди.

июль — Андижон вилоятининг Марҳамат туманида Ўзбекистон—Россия «Экомевалар» қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади;
Республикамизда ишлаб чиқарилаётган «ИЛ–114» самолёти Тошкент — Нукус, Тошкент—Фарғона йўналишлари бўйича доимий парвозларни амалга ошира бошлади.

7 авг. — Тошкентда Маънавият ва маърифат республика кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

18 авг. — Вазирлар Маҳкамасининг Европа — Осиё трансконтинентал автомагистралини лойиҳалаш ишлари бўйича қарори чиқди.

19–20 авг. — 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 15-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида», «Туризм тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

26 авг. — Самарқандда «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали очилди.

авг. — Фарғона туманида пиллани қайта ишлайдиган Водил пиллакашлик ф-касининг биринчи навбати ишга тушди.

20–21 сент. — Тошкентда «Буюк ипак йўли»ни тиклаш бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Ўрта Осиё мамлакатларидан ташқари Хитой, Туркия, Грузия, Озарбайжон, Сурия ва б. давлатлар ҳамда халқаро ташкилот вакиллари қатнашдилар.

21 сент. — Шаҳидлар хотираси хайрия жамғармаси тузилди.

27 сент. — Тошкентда Америкaнинг «Моторола» компанияси ваколатхонаси ва радиостанциялар ишлаб чиқарадиган «Ўзбекистон—Моторола—Телеком—Радио» қўшма корхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

12 окт. — «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилди.

23–30 окт. — Тошкентда бокс бўйича 20-Осиё чемпионати ўтказилди. Унда 20 мамлакатдан 210 спортчи қатнашди.

26 окт. — «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамғармаси тузилди.

окт. — Самарқанддаги «СамКочАвто» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган автобусларининг дастлабки туркуми экспортга жўнатилди;
Тошкентда Республика «Тошкент» фонд биржаси 6-н Франкфурт фонд биржаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик меморандумини имзолаш маросими бўлиб ўтди;
Нукусда Онкология илмий маркази очилди;

	Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида «Антекс» очиқ турдаги акциядорлик жамияти тўқимачилик корхонаси ишга туширилди; «Кураш» журналининг 1-сони нашрдан чиқди.
5 ноябрь	Хоразмда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди.
6 ноябрь	Термиз ш.да «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.
1 дек.	Тошкентда «Кабул—Ўзбек К°» Ўзбекистон—Корея тўқимачилик қўшма корхонаси ишлаб чиқариш мажмуининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.
5 ва 19 дек.	Барча вилоят, туман ва шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига эркин демократик сайловлар бўлиб ўтди.
17 дек.	Қорақалпоғистонда 115 км узунликдаги Мискин — Султон Увайс магистралида темир йўл изларини туташтириш ишлари ниҳоясига етказилди; Хоразмда ўзбек шоири, тарихчи Огаҳийнинг 190 йиллиги нишонланди.
18 дек.	Нукусда Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 175 йиллиги нишонланди.
29 дек.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори чиқди.
1999	Тошкентда «Тошкент-плаза» халқаро савдо кўргазма мажмуаси бунёд этилди; Ўзбекистон истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси тузилди.
2000 йил	«Соғлом авлод йили»
9 янв.	Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланди.
13 янв.	Тошкент ш.да «Ижод дунёси» нашриёт уйи ташкил этилди.
28 янв.	Тошкент давлат университетига Ўзбекистон миллий университети мақоми берилди.
3 фев.	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси қабул қилинди.
9 фев.	Тошкентда Германия машинасозлик корхоналари иттифоқи /VDMA/ Ўрта Осиёдаги бюросининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.
15 фев.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисида» қарор қабул қилди.
21 фев.	«Миннатдор хотира» халқаро хайрия жамғармаси тузилди.
24 фев.	Афғон уруши ногиронлари республика хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.
20 март	Банклар ассоциациясининг янги Банклараро молиявий хизмат маркази биноси, «Хобас-ТАПО» Ўзбекистон—Швейцария—Германия қўшма корхонаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг

	янги биноси фойдаланишга топширилди.
24 март	Ороли*нинг жан. соҳилида ишлаётган Қорақалпоғистон — Австралия археология экспедицияси қум остида қолиб кетган қадимий шаҳар (Оқшаҳан қалъа)ни аниқлаганлиги расмий маълум этилди.
31 март	Тошкентда Халқаро бизнес-марказ иш бошлади.
март	«Совпластитал» Ўзбекистон—Италия қўшма корхонаси халқаро савдо «Лидерлар клуби» томонидан юксак мукофот — «Энг яхши савдо маркази — янги минг йиллик совриниг» олтин совриғ б-н тақдирланди.
6 апр.	Навоий вилояти ҳудудида бентонит гил кони топилди.
14 апр.	«Урганч» аэропортининг аэровокзал мажмуаси фойдаланишга топширилди.
20—21 апр.	Тошкентда Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти давлатлараро кенгаши бўлиб ўтди. Тўрт давлат бошлиқлари «Терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисида шартнома»ни имзоладилар.
апр.	Андижон вилоятида «Асака—АСК» Ўзбекистон ~ Россия қўшма корхонаси ташкил этилди.
12 май	Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди.
19 май	Ўзбекистон ФА да Республика ФА фаолиятини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш масалалари юзасидан умумий йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда ФАнинг янги таҳрирдаги Низоми қабул қилинди.
25—26 май	2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-сессиясида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолати тўғрисида» қонун қабул қилинди.
май	Тошкент тепловоз таъмирлаш з-дининг 100 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари бўлиб ўтди.
9 июнь	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси халқаро мукофот — «Евромаркет—2000» совриниг сазовор бўлди.
23 июнь	Бутунжаҳон қурашни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.
27 июнь	«Соғлом авлод» газ.нинг 1-сони нашрдан чиқди.
18 июль	Ўзбекистон кўзи ожиз ва заиф болаларни ҳамда ёшларни реабилитация қилиш бўйича «Паноҳ шўъласи» жамғармаси тузилди.
25 июль	Тошкентда «Фидокорлар» миллий-демократик партиясининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди.
25 авг.	Иқтидорли ёшлар учун «Ниҳол» мукофоти таъсис этилди.
29 авг.	Пойтахтни Фарғона водийси билан туташтирувчи Камчиқ довонидан ўтказилган янги автомобиль йўлининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

30 авг. «Жалолиддин Мангуберди» ордени таъсис этилди.

30–31 авг. Тошкентда 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 3-сессиясида «Почта алоқаси тўғрисида», «Психиатрия ёрдами тўғрисида», «Радиация хавфсизлиги тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

14 сент. Тошкентда ЮНЕСКО ҳомийлигида диналараро мулоқот бўйича «Дунё динлари: жаҳон маданияти йўлида» мавзуида халқаро конгресс очилди. Унда жаҳоннинг 30 га яқин давлат вакиллари иштирок этдилар.

сент. Орол денгизининг қуриб қолган ўзанида ўрмон барпо этишга оид Ўзбекистон—Германия қўшма лойиҳасини амалга оширишга киришилди;
Ўзбекистонда Аудиторлар палатаси иш бошлади;
Фуқароларни қизиқтирган барча масалалар бўйича маслаҳат берадиган «Тошкент ахборот хизмати» очилди.

1 окт. Ўзбекистонлик боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев бокс бўйича 27-ёзги Олимпиада чемпиони бўлди.

4 окт. Оқсаройда Сиднейдаги Олимпиада ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалини қўлга киритган олимпиадачиларни табриклаш маросими бўлиб ўтди.

16 окт. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига айлантирилди.

19 окт. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг А–310 русумли замонавий ҳаво кемаси 9 соатда Японияниинг Миязаки префектурасидан йўлга чиққан 170 нафар сайёҳни Бухорога олиб келди.

21 окт. Фарғона вилоятида буюк олим ва мутафаккир Аҳмад ал-Фарғоний хотирасига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

29 окт. Ўзбекистон Республикаси боксни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди.

31 окт. Тошкентда барпо этилган «Азимут» корхонасида ишлаб чиқарила бошлаган «ARABIK CLASSIK» янги маркадаги табиий кофе тақдимоти бўлиб ўтди.

октябрь Тошкентда Ўрта Осиё мамлакатлари сув хўжалиги ходимлари малакасини оширадиган минтақа тренинг маркази очилди.
Нукусда шаҳарларараро иккинчи «Жануб» автобекати ишга туширилди.
Тошкентда Ўзбекистон—Корея «Амако-боулинг» қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

16 ноябрь Марғилонда буюк фиқҳ олими, имом Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги нишонланди. Шу муносабат б-н Марғилон ш. марказида Бурҳониддин Марғиноний ёдгорлик мажмуи бунёд этилиб, шу ерда унинг рамзий мақбараси ўрнатилди.

17 ноябрь Самарқандда буюк фиқҳ олими, имом, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси Имом Абу

Мансур Мотуридийнинг 1130 *йиллик юбилейи нишонланди;* Самарқандда Мотуридий ёдгорлик мажмуи очилди. Тошкент ва Самарқандда Мотуридий таълимоти ва унинг ислом оламида тутган мавқеига бағишланган халқаро илмий анжуманлар ўтказилди.

24 ноябрь — Ўзбекистон «Офарин» жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

29 ноябрь — Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида қад. Кўктепа ш. хароба-лари ўрнида бадавлат аёл («Саклар малликаси»)нинг ҳаҳмаси топилди.

ноябрь — ЮНЕСКО меъморий-тарихий ёдгорликлар Жаҳон мероси қўмитасининг Австралияда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистоннинг Шаҳрисабз, Бухоро ш.лари тарихий марказлари Жаҳон мероси рўйхатига *киритилди.*

дек. — Тошкент ва Самарқанд ш.ларида Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланди.

2000 — Ўзбекистон давлат филармонияси негизида Муҳиддин Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалар дирекцияси ташкил топди.

2001 йил

3 янв. — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг «Фуқаро муҳофазаси» — «Гражданская защита» журналининг илк сони нашрдан чиқди.

4 янв. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»*ги фармойиши эълон* қилинди.

9 янв. — Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммити бўлиб ўтди.

19 янв. — «Умид ниҳоллари» ўйинлари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

24 янв. — Тошкентда Марказий Осиё давлатлари иштирок этган «Сув — келажак захираси» шиори остида семинар тренинг ўтказилди.

25 янв. — «Тошкент—Москва—Тошкент» йўналиши бўйича йўловчи поезди қатнай бошлади.

2 фев. — Чирчиқ ш.да газ ҳайдаш компрессорларини қайта таъмирлашга ихтисослашган «US-DR сервис маркази» Ўзбекистон — Голландия қўшма корхонаси ишга тушди.

6 фев. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оналар ва болалар» давлат дастури тўғрисида»*ги қарори эълон қилинди.*

15 март — Тошкентда «Интернет. UZ» 1-миллий интернет-фестивали ўтказилди.

15 март — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш э-ди ишга тушди.

17 март — «Мискин—Учқудуқ» темир йўли (224 км) қурилиши якунланди.

20 март — Ўрта Осиёда ягона Қизилқум фосфорит к-тининг 1-навбати тўла қувват б-н ишлай бошлади.

21 март	Нукус туманида «Қорақалпоқтомат» корхонаси ишга тушди.
24 март	Фарғонада йирик фуран бирикмалари кимё корхонасида целлюлоза ишлаб чиқариш иншоотни ишга тушди.
25 апр.	Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди.
28—29 апр.	Тошкентнинг «Юнусобод» спорт мажмуида ўзбек кураши бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.
30 апр.	Жиззах ш.да илк бор ўтказилаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди; Наманганда «Аснам текстил» қўшма корхонаси ишга тушди.
1 май	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди; Тошкентда Ўзбекистон шошилинч тиббий ёрдам маркази фаолият бошлади.
9 май	Хотира ва қадрлаш куни муносабати б-н Хоразм вилоятининг Боғот, Жиззах вилоятининг Зафаробод, Мирзачўл, Дўстлик туманларида, Навоий вилоятининг Хатирчи туманида, Гулистон ш.да Хотира хиёбонлари барпо этилди.
18 май	Шаҳрисабздаги Амир Темур номидаги маданият музейида рамзий Тинчлик устунининг ўрнатилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.
май	Андижон ш.даги Бобосаддин маҳалласидан қад. мис тангалар топилди. Бу тангалар 1428—29 йларга оид бўлиб, Мирзо Улуғбек даврига тўғри келади; «Ватанпарвар» ташкилоти ҳузурида «Шонли Ватан тарихи» музейи очилди.
23 май	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2001—2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет»нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.
14—15 июнь	Хитойнинг Шанхай ш.да Ўзбекистоннинг «Шанхай форуми»га тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисидаги баёнот имзоланди. Ўзбекистон Президенти таклифи б-н «Шанхай форуми» номи «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти—ШХТ» деб ўзгартирилди.
22 июнь	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш тўғрисида»ги, «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.
июнь	Тошкентда мамлакатимизда ягона «SOS — Болалар маҳалласи» очилди.
6 июль	АҚШда фахрийлар ўртасида ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Фар-

ҳод Отаев чемпион унвонига сазовор бўлди;
Чирчиқда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг барча қўшин турлари учун сержантлар тайёрлайдиган мактаб очилди.

9 июль «Ўзкўргазмасавто» марказида эркин ва юнон-рум кураши бўйича 9-жаҳон чемпионати бошланди.

авг. Тошкентнинг Юнусобод туманида сув спорти саройи қурилди.

17 авг. «Матиз» русумли автомобилнинг халқаро тақдимот маросими бўлиб ўтди.

17 авг.–1 сент. Тошкентда теннис бўйича «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти» (UN Cup) халқаро ўсмирлар турнири бўлиб ўтди.

авг. Фарғона ш.да Жан. Корея ҳамда Япония б-н ҳамкорликда «Кабул—Фарғона компани» тўқимачилик қўшма корхонаси ишга тушди.

18 июль «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишони таъсис этилди.

26 авг. «Шарқ тароналари» учинчи халқаро мусиқа фестивали очилди.

30 авг. Тошкент ш.да академик драма театри янги биносининг очилиш маросими бўлди.

авг. Навоий ш.да «Алишер Навоий ёдгорлик мажмуи» очилди.

11 сент. Тошкентда теннис бўйича «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» халқаро турнири бўлди.

сент. Тошкент вилоятининг Чиноз туманида «Чиноз тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон—Туркия—Япония қўшма корхонаси ишга тушди;
«Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари атласи» босмадан чиқди.

21 сент. Ҳамза номидаги театр номи ўзгартирилиб «Ўзбек миллий академик драма театри» деб атала бошлади;
«Мерос» илмий-амалий экспедиция халқаро хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

22 окт. Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси рўйхатдан ўтди.

23 окт. Ўзбекистон болалар кутубхоналарини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашувчи хайрия жамғармаси расмий рўйхатдан ўтди.

3 ноябрь Урганчда «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишлаб юбилей ўтказилди ва ёдгорлик мажмуи бунёд этилди.

21 ноябрь Р.Р.Шрелер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот ин-ти ташкил этилганининг 100 йиллиги нишонланди.

26 ноябрь Сурхондарё давлат қўғирчоқ театри ташкил этилди.

6 дек. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 7-сессиясида «Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Қарорда 2002 й. 27 янв.да Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказиш, унда келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламентини икки па-

латали қилиб сайлашга, иккинчи масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга розилик масаласи қўйилди.

7 дек. Матбуотда Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига мурожаати эълон қилинди. Унда халқаро терроризм хавфига қарши мамлакатимиз аҳолиси огоҳликка чақирилди.

8 дек. Тошкентда «Қитоб дунёси» ахборот-маълумот газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

21 дек. Шўртан газ-кимё мажмуи ишга тушди.

28 дек. Академик Ҳабиб Абдуллаев номидаги халқаро жамғарма расмий рўйхатдан ўтди.

дек. Жиззах ш.да «Ўзэксайд» Ўзбекистон—АҚШ қўшма корхонаси ишга туширилди.

2001 Тошкентда Халқаро кураш ин-ти фаолият бошлади;
ЮНЕСКОнинг Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида Самарқандниинг тарихий маркази меъморий-тарихий ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили»

16 янв. Тошкент ш.да Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида фармон чиқди.

24 янв. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида қарор қабул қилди.

27 янв. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент тузиш масаласида референдум ўтказилди. Референдумда иштирок этган фуқароларнинг 93,65% икки палатали парламент тузишни ёқлаб овоз берди.

28 янв. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 10 йиллиги нишонланди.

13 март Адабиёт жамғармаси рўйхатдан ўтди.

19 март Тошкентнинг «Туркистон» саройида «Ташаббус—2002» кўрик танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

22 март Тошкент давлат консерваториясининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

март АҚШда ўтказилган «Атланта кубоги» халқаро турнири баҳсларида ўзбекистонлик каратэчилар 14 та медаль (6 та олтин, 4 та кумуш, 4 та бронза)ни қўлга киритдилар;
ЮНЕСКО Бош директорининг қарорига кўра «Шаҳарлар — тинчлик учун» танловида жаҳоннинг ўнта шаҳри ғолиб деб топилди. Улар орасида Бухоро ш. ҳам бор;
Наманган ш.да «Нестле» Ўзбекистон—Швейцария қўшма корхонаси иш бошлади.

2 апр. Термиз ш.нинг 2500 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

4 апр. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 8-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилиши-

нинг асосий принциплари тўғрисида» *Конституциявий қонуни* қабул қилинди.

10 апр. Шаҳрисабзда «Оқсарой тўқимачи ЛТД» Туркия ва Япония б-н ҳамкорликдаги қўшма корхонанинг очилиш маросими бўлди.

16 апр. «Семург» хайрия жамғармаси тузилди;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг *«Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида»*ги фармони эълон қилинди.

24 апр. Фарғонада «Умид ниҳоллари» Республика мактаб ўқувчиларининг спорт мусобақалари тантанали равишда очилди.

7 май *Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси эълон қилинди.*

24 май «Бойсун баҳори» 1-халқаро очиқ фольклор фестивалининг очилиш маросими бўлди.

25 май Бухоро ш.да «Универсиада – 2002» спорт ўйинлари бошланди.

4 июнь «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Италиянинг «Al-Italia» авиакомпанияси ўртасида «Код-шер» битими имзоланди. Унга мувофиқ Тошкент—Рим—Тошкент йўналиши бўйлаб парвозлар амалга оширилади.

5 июнь Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» мавзуида халқаро илмий-назарий анжуман очилди.

24 июнь Тошкентда мактаб, академик лицей ва коллежлар битирувчиларининг «Истиқлол умидлари — 2002» фестивали бўлиб ўтди.

24 июнь Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг Рус православ черкови «Благовест» халқаро хайрия жамғармаси тузилди.

3 июль «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил қилинди.

20 июль Ўзбекистон Республикаси ФА «Замонавий информацион технологиялар» илмий-техник марказида «Кўзсиз кўриш» халқаро лойиҳаси доирасида янги қурилма яратилди. У кўзи ожиз кишиларга атроф-муҳитни аниқ тасаввур этишга ёрдам беради.

июль Таиландда ўтказилган оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида мамлакатимиз вакиллари 4 та олтин, 5 та кумуш, 3 та бронза медаль соҳиби бўлдилар.

12—13 авг. *Темурийлар тарихи давлат музейида «Марказий Осиё тарих кўзгусида: энг қадимдан ҳозиргача» мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда 10 дан ортиқ хорижий мамлакатлардан таниқли олимлар иштирок этишди.*

15 авг. Шўртан газ-кимё мажмуасида биринчи полиэтилен олинди.

17–18 авг.	Фарғонада белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси учун 1-халқаро турнир ўтказилди.
31 авг.	Тошкентнинг «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи очилди.
авг.	«Навоий—Учқудуқ—Мискин—Султон Увайс—Нукус» темир йўли қурилиши битказилиб ишга туширилди; «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида «Нексия» енгил автомобилининг янги, такомиллашган моделини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу модел 16 клапанли «Дойч» двигатели б-н жиҳозланган.
10 сент.	«Ўзбекистон» спорт мажмуида теннис бўйича Президент кубоги халқаро турнирининг очилиш маросими бўлди.
15 сент.	Тошкентнинг «Туркистон» саройида биринчи марта эстрада санъатининг барча йўналишлари бўйича қўшиқ ва куйлар тақдимот фестивали — «Олтин ҳумо» ўтказилди.
19 сент.	Тошкент трактор з-дининг 60 йиллиги нишонланди.
сент.	Тошкент метросининг «Юнусобод» линиясидаги 6 бекат фойлаланишга топширилди.
14 окт.	Тошкентда теннис бўйича Осиё чемпионати бошланди.
1 ноябрь	Шаҳрисабз ш.нинг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлди.
4 дек.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.
12 – 13 дек.	2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 10-сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» Конституциявий қонунлар, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги (янги таҳрирда), «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.
29 дек.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 й. 24 окт.даги «Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармойига мувофиқ Тошкентда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси таъсис этилди.
дек.	Тошкентда Ўзбекистон БА «Маданият қарвон саройи»нинг тантанали очилиш маросими бўлди; Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида «Чорвоқ оромгоҳи» соғломлаштириш марказининг тантанали очилиш маросими бўлди.
24 дек.	Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ташкил этилди.
25 дек.	Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари ҳамда талабаларининг «Талаба» спорт уюшмаси тузилди.
2002	И.А.Каримовнинг 10 жилдли асарлари нашр этилди (1992–2002 йй.);

Ўзбекистон Бадиий Академияси таркибида «Тошкент фото уйи» ташкил этилди;
Ўзбек давлат оммавий кутубхонаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат миллий кутубхонаси деб номланди;
«Хива—Карпет» Ўзбекистон—Германия қўшма корхонаси ташкил этилди.

2003 йил

«Обод маҳалла йили»

янв. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида «Металлург» дам олиш масканининг очилиш маросими бўлди.

7 фев. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Обод маҳалла йили» дастурини қабул қилди.

14 март Тошкент ш.да деҳқон ва фермерларнинг 2- Республика қурултойи бўлиб ўтди.

март Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида «Ўзбекистон Қизил китоби» 2-жилдининг ва Ўзбекистонда атроф муҳитни муҳофаза қилиш миллий дастурининг тақдимоти ўтказилди;
Самарқанд вилоятининг Ургут ш.да гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси фаолият бошлади.

24–25 апр. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11-сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди, унда икки палатали парламент тузилишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

апр. Тошкент ш.нинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Тинчлик қўнғироғи» мажмуининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

4–5 май Тошкентдаги «Туркистон» саройида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 12-йиллик мажлиси ўтказилди. Анжуманга 59 давлатдан 61 делегация аъзолари ташриф буюрди.

10 май Таниқли ўзбек шоири Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати б-н Тошкент ш. Чилонзор туманидаги маданият ва истироҳат боғига Ғафур Ғулом номи берилди ва боғда шоир ҳайкали очилди.

14–20 май Хоразмда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

5–11 июнь Андижон вилоятида «Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

июль Наманган вилоятининг Чуст туманида Ўзбекистон—Швейцария «Голден Фрут» қўшма корхонаси, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида АҚШ—Ўзбекистон «Каттақўрғонмева» қўшма корхонаси ишга тушди;
Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Кампиртепа қишлоғида ноёб хазина — қад. китоблар топилди;
Тошкент фотосуратлар уйи Халқаро бадиий фото федерацияси (FJAP) га аъзо бўлди.

авг. Наманган ш.да «Ёшлар» спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

авг.	Сирдарё вилоятининг Мирзачўл туманида ер қаъридан тиббиётда ноёб, ўта шифобахш ҳисобланган радонли сув чиқди.
авг.	Нукус ш.да халқ истеъмоли моллари минтақавий марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.
25—30 авг.	Самарқанд ш.да «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Унда 40 га яқин мамлакат вакиллари қатнашди.
29—30 авг.	2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 12-сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.
29 авг.	«Фидокорона хизматлари учун» ордени таъсис этилди.
авг.	Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида «Бештекс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси ишга туширилди.
12 сент.	Нукусда ш.нинг 70 йиллиги нишонланди ва шаҳар «Дўстлик» ордени б-н мукофотланди.
окт.	Тошкентдаги «Obiyo granit» корхонаси ҳудудида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи Австрия — Ўзбекистон қўшма корхонаси ишга тушди.
15 ноябрь	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг таъсис съезди бўлиб ўтди. Унда партия устави ва дастури тасдиқланди. Партиянинг «XXI аср» ҳафталик газетаси таъсис этилди.
ноябрь	Термиз ш.да «Термиз—Хайратон» кўприги олдида «Айритом» божхона мажмуи ишга туширилди.
27 ноябрь	Бухоро ш.да тасаввуф илмининг йирик намояндаси Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги кенг нишонланди.
3 дек.	Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди ордени топширилди; Андижон вилоятига Амир Темур орденини топшириш маросими бўлиб ўтди.
2004 йил	«Меҳр ва мурувват йили»
1 янв.	Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ)нинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси фаолият кўрсата бошлади.
27 янв.	«Меҳр ва мурувват йили» давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.
12 март	Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида Амударё устида бунёд этилган кўприк фойдаланишга топширилди.
18 март	Тошкент вилоятининг Янгийўл ш.да Ўзбекистон —Туркия «ЯДЕМ текстил» қўшма корхонасининг тантанали очилиш маросими бўлди.
23 март	Тошкентда буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавий ҳайкалининг очилиш маросими бўлди.

25 март — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Хожа Аҳрор таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ҳақида» қарор қабул қилди.

26 март — Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ташкил топди.

27 март — Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин-ти ташкил этилди.

30 март — Тошкент ирригация ва қ.х.ни механизациялаш муҳандислари ин-ти асосида Тошкент ирригация ва мелиорация ин-ти ташкил этилди.

3 апр. — Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этишга қарор қилинди.

5 апр. — Тошкентда «Таълим – келажакка йўналтирилган сармоя» мавзуида минтақавий конференция бўлиб ўтди. Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари таълим вазирликлари раҳбарлари иштирок этдилар.

29–30 апр. — 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

21 май — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

17 июнь — Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди.

7 июль — Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ташкил этилди.

13 июль — Ливия пойтахти Триполи ш.да якунланган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ўзбек шахматчиси, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

авг. — Хоразм вилоятида «Боготекстиль» ва «Шоботтекс» қўшма корхонаси ишга туширилди.

26 авг. — Афинадаги Олимпиада мусобақаларида ўзбекистонлик курашчи Александр Доктуришвили юнон-рум кураши бўйича, Артур Таймазов эса (28 авг.да) эркин кураш бўйича 28-Олимпиада ўйинлари чемпиони бўлди, Магомед Ибрагимов (29 авг.да) кумуш медаль б-н тақдирланди.

31 авг. — Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси фойдаланишга топширилди.

27 сент. — Маданият ишлари вазирлиги ва Давлат спорт қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил этилди.

11 окт. — Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси ташкил этилди.

15 окт. — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ташкил қилинди.

25 окт. Самарқанд ш.да Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Буюк ипак йўли» деб номланувчи ваколатхонаси очилди.

28 окт. Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

26 дек. (ва 2005 й. 9 янв.) *Ўзбекистон Республикаси Олий* Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловлар бўлиб ўтди.

2004 «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ташкил этилди.

2005 йил «Соҳт-саломатлик йили»

17—20 янв. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайловлар бўлиб ўтди.

25 янв. «Соҳт-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

март Тошкент вилоятида «Бурсель—Тошкент текстиль» қўшма корхонаси ишга туширилди.

12—13 май Андижон ш.да бир гуруҳ ақидапараст ва экстремистлар томонидан қуролли экстремистик хуружлар содир этилди.

май «Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон» темир йўл магистралининг иккинчи босқичи — «Қумқўрғон—Бойсун» йўналиши ишга туширилди; Чирчиқ ш.да «Баркамол авлод» спорт ўйинлари бўлиб ўтди; Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди.

29 июль 1- ва 2-ТошТИ негизида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди.

1 авг. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

30 авг. Тошкент ш.нинг Эски шаҳар ҳудудида Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи қайта очилди. Ўзбек либослари галереяси, Болалар ижодиёти уйи фойлаланишга топширилди.

авг. Тошкентдаги Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида «Ил»нинг янги авлоди — «Ил—76 ТД90 ВД» самолёти чиқарила бошланди.

1 сент. *Мустақиллик майдонидаги Эзгулик арқаси қуриб битказилди.*

5 сент. Тошкент — Бухоро йўналишида тезюрар йўловчи ташувчи электр-поезди қатнай бошлади.

9 сент. Ўзбекистон Республикаси б-н ХХР ўртасида «Дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисида»ги Шартнома (Пекин, 2005 й. 25 май) ратификация қилинди.

11—12 сент. *Ўзбекистон Тупроқшунослар* ва агрокимёгарлар жамиятининг 4-қурултойи бўлиб ўтди.

5—6 ноябрь Тошкентнинг «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи — «Шарқ гўзали—2005» халқаро турнири бўлиб ўтди.

9 ноябрь	«Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.
14 ноябрь	Москва ш.да Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ва Россия Президенти В.Путин Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.
26–27 ноябрь	Тошкент ш.даги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида кураш бўйича 5-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.
29 ноябрь	Тошкент ш.да Кураш халқаро ассоциациясининг 6-конгресси бўлиб ўтди.
ноябрь	Мўйноқ туманида янги «Шарқий Бердақ» газ кони очилди; Фарғона ш. аэропортидан «Фарғона — Москва — Фарғона» йўналиши бўйича самолётлар қатнови йўлга қўйилди; Тошкент ш.да «Юпнакий» ёшлар спорт мажмуаси очилди.
28 дек.	Тошкентнинг Мустақиллик майдонида Бахтиёр она қайкали очилди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 й. 3 февралдаги қарори б-н Мустақиллик обидаси ва Бахтиёр она қайкали Мустақиллик ва эзгулик монументи деб номланди).
2006 йил	«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

2-ИЛОВА

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

ФИЗИКА БЎЙИЧА		
1901	Рентген В.К.(Германия)	"Х"-нурлари (рентген нурлар)ни кашф этган
1902	Зееман П., Лоренц Х.А. (Нидерландия)	Нурланиш жараёнига магнетизм таъсири устида тадқиқот олиб боришган
1903	Беккерель А.А.(Франция)	Табиий радиоактивлик ҳодисасини кашф этган
	Кюри П., Склодовская-Кюри М.(Франция)	А.А.Беккерель томонидан кашф қилинган радиоактивлик ҳодисаси устида тадқиқот олиб боришган
1904	Стретт [(лорд Р.Рэлей (Рейли)] Ж. У.(Буюк Британия)	Энг кенг тарқалган газлар зичлигини ўрганган ва аргонни кашф этган
1905	Ленард Ф.Э.А.(Германия)	Катод нурлари устида тадқиқот олиб борган
1906	Томсон Ж. Ж. (Буюк Британия)	Газларнинг электр ўтказувчанлигини ўрганган
1907	Майкельсон А.А.(АҚШ)	Юқори аниқликдаги оптик асбоблар яратган; спектроскопик ва метрологик тадқиқотлар олиб борган
1908	Липман Г.(Франция).	Рангли фотография усулини кашф этган
1909	Браун К.Ф.(Германия), Маркони Г.(Италия)	Симсиз телеграф яратиш бўйича тадқиқот олиб боришган
1910	Ваальс (Ван-дер-Ваальс) Я.Д. (Нидерландия)	Газлар ва суюқликлар ҳолатини тенглаштиришни ўрганган
1911	Вин В.(Германия)	Иссиқлик нурланиши қонунини кашф этган
1912	Дален Н.Г.(Швеция)	Маёқларни ва ёритилувчи қалқовучларни автоматик ёқиш ва ўчириш қурилмасини ихтиро этган
1913	Камерлинг-Оннес Х. (Нидерландия)	Паст т-раларда модда хоссаларини тадқиқ этган ва суюқ гелийлар олган
1914	Лауэ М.фон (Германия)	Кристалларда рентген нурлари дифракциясини ўрганган
1915	Брэгг У.Г., Брэгг У.Л. (Буюк Британия)	Рентген нурлари ёрдамида кристаллар тузилиши устида тадқиқотлар ўтказишган

Жадвалнинг давоми

1916	Берилмаган	
1917	Баркла Ч.(Буюк Британия)	Рентген нурларининг қутбланувчалигини, характерли рентген нурланишини кашф қилган
1918	Планк М.К.(Германия)	Нурланиш энергияси дискретлиги (квант таъсири)ни кашф этган
1919	Штарк Й.(Германия)	Канал нурларида Доплер эффекти ва электр майдонда спектрал чизиқларнинг ажралишини кашф қилган
1920	Гильом (Гийом) Ш.Э. (Швейцария)	Метрологик мақсадлар учун темир-никель қотишмаларини яратган
1921	Эйнштейн А.(Германия)	Назарий физиканинг ривожланишига ҳисса қўшган, хусусан фотоэлектр эффекти қонунини кашф қилган
1922	Бор Н.Х.Д.(Дания)	Атом тузилиши ва унинг нур тарқатишини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борган
1923	Милликен Р.Э.(АҚШ)	Элементар электр зарядни аниқлаган ва фотоэлектр эффекти бўйича ишлар олиб борган
1924	Сигбан К. М.Г.(Швеция)	Рентген спектроскопияси соҳасида тадқиқотлар олиб борган
1925	*Герц Г., Франк Ж.(Германия)*	*Электронларнинг атомлар б-н тўқнашув* қонунини кашф этишган
1926	Перреи Ж.Б.(Франция)	Моддаларнинг дискрет табиати бўйича ишлар олиб борган, хусусан, седиментацион мувозанатни кашф қилган
1927	Вильсон Ч.Т.Р.(Буюк Британия)	Бугни конденсациялаш ёрдамида электрик зарядланган зарралар траекториясини визуал кузатиш усулини яратган
	Комптон А.Х.(АҚШ)	Эркин электронларда рентген нурларининг тўлқин узунлиги ортган ҳолда сочилиши (Комптон эффекти)ни кашф этган
1928	Ричардсон О.У. (Буюк Британия)	Термоэлектрон эмиссия ва эмиссион токнинг т-рага боғлиқлигини аниқлаган (Ричардсон формуласи)
1929	Бройль Л.Де (Франция)	Электроннинг тўлқин табиатини кашф қилган
1930	Раман Ч.В. (Ҳиндистон)	Ёруғликнинг сочилишини ўрганган ва ёруғликнинг *комбинацион сочилиши (Раман эффекти)*ни кашф этган

Жадвалнинг давоми

1931	Берилмаган	
1932	Гейзенберг В.К.(Германия)	Матрица шаклидаги квант механикасини яратиб, уни водород молекуласининг икки ҳолати (орто- ва параводород)нинг башоратига тадбиқ қилган
1933	Дирак П.А.М.(Буюк Британия), Шрёдингер Э. (Австрия)	Атом назариясининг янги самарали шакли — квант (тўлқин) механикасини яратишган
1934	Берилмаган	
1935	Чедвик Ж.(Буюк Британия)	Нейтрон кашфиёти
1936	Андерсон К.Ж.(АҚШ),	Космик нурлардаги позитрон кашфиёти
	Гесе В.Ф.(Австрия)	Космик нурлар кашфиёти
1937	Дэвиссон К.Ж.(АҚШ), Томсон Ж.П.(Буюк Британия)	Кристалларда электронлар дифракциясини кашф этишган
1938	Ферми Э.(Италия)	Секин нейтронлар б-н бомбардимон қилиш натижасида ҳосил бўлган сунъий радиактивлик кашфиёти
1939	Лоуренс Э.О.(АҚШ)	Циклотрон ва унинг ёрдамида сунъий радиоактив элементлар олишни ихтиро қилган
1940—42	Берилмаган	
1943	Штерн О.(АҚШ)	Водород молекуласида протон магнит моментини аниқлаган
1944	Раби И.А.(АҚШ)	Атом ядролари магнит хоссаларини ўлчашнинг резонанс усулини ишлаб чиққан
1945	Паули В.(Швейцария)	Тақиқлаш принципи (Паули принципи)ни кашф этган
1946	Биржмен П.У.(АҚШ)	Юқори босимлар физикаси соҳасидаги кашфиётлари
1947	Эплтон Э.В.(Буюк Британия)	Атмосфера юқори қатламлари физикасида тадқиқотлар олиб бориб, радиотўлқинларни қайтарувчи атмосфера қатлами (Эплтон қатлами)ни кашф этган
1948	Блэкетт П.М.С.(Буюк Британия)	Вильсон камерасини такомиллаштирган ва шу муносабат б-н ядро физикаси ва космик нурлар физикаси соҳасида кашфиёт қилган
1949	Юкава Х. (Япония)	Мезонлар мавжудлигини башорат қилган

Жадвалнинг давоми

1950	Пауэлл С.Ф.(Буюк Британия)	Ядро жараёнлари тадқиқотининг фотографик усулини ишлаб чиққан ва шу усул асосида мезонларни кашф этган
1951	Кокрофт Ж.Д., Уолтон Э.Т.С. (Буюк Британия)	Сунъий тезлаштирилган зарралар ёрламида атом ядролари ўзгариши устида тадқиқотлар олиб боришган
1952	Блох Ф., Пёрселл Э.М. (АҚШ)	Ядро магнит резонансини кашф этишган
1953	Цернике Ф.(Нидерландия)	Фаза-контраст усулини яратган, фаза-контрастли микроскопни ихтиро қилган
1954	Борн М.(Германия)	Квант механикаси тўлқин функциясининг статистик интерпретацияси устида фундаментал тадқиқотлар олиб борган
	Боте В.(Германия)	Мос тушувлар, унинг космик нурлар физикаси ва ядро физикасида қўллаш усулини ишлаб чиққан
1955	Куш П.(АҚШ)	Электроннинг магнит моментини тўғри аниқлаган
	Лэмб У.Ю.(АҚШ)	Водород спектрларининг юпқа тузилиши соҳасида кашфиёт қилган
1956	Бардин Ж., Браттейн У., Шокли У.Б.(АҚШ)	Яримўтказгичлар устида тадқиқотлар олиб бориб, транзистор эффектини кашф этишган
1957	Ли (Ли Цзундао), Янг (Ян Чжэньнин) (АҚШ)	Кучсиз ўзаро таъсирларда жуфтлик сақланмаслигини кашф этишган. Бу элементар зарралар физикасида муҳим кашфиётларга олиб келди
1958	Тамм И.Е., Франк И.М., Черенков П.А. (Россия)	Черенков-Вавилов эффекти назариясини яратишган
1959	Сегре Э., Чемберлен О.(АҚШ)	Антипротонни кашф қилишган
1960	Глазер Д.А.(АҚШ)	Пуфак камерасини ихтиро қилган
1961	Мёссбауэр Р.Л.(Германия)	Қаттиқ жисмларда гамма-нурланиш резонанс ютилиши (Мёссбауэр эффекти)ни кашф этган
	Хофстедтер Р.(АҚШ)	Атом ядроларидан электронлар сочилиши устида тадқиқотлар олиб борган ва улар б-н боғлиқ нуклонлар тузилиши соҳасида кашфиётлар қилган
1962	Ландау Л.Д.(Россия)	Конденсацияланган модда, хусусан суюқ гелий олиш назарияси бўйича энг биринчи тадқиқотларни бошлаб берган

Жадвалнинг давоми

1963	Вигнер Ю.П.(АҚШ)	Атом ядроси ва симметриянинг фундаментал принципларини қўллаш б-н боғлиқ элементар зарралар назариясига катта ҳисса қўшган
	Гёпперт-Майер М.(АҚШ), Йенсен Й.Х.Д.(Германия)	Атом ядросининг қобиқли моделини ихтиро қилишган
1964	Басов Н.Г., Прохоров А.М. (Россия), Таунс Ч.Х.(АҚШ)	Янги турдаги генераторлар ва кучайтиргичлар – мазерлар ва лазерлар яратилишига олиб келган квант электротехникаси соҳасида ишлар қилишган
1965	Томонага С.(Япония), Фейнман Р.Ф., Швингер Ж. (АҚШ)	Элементар зарралар физикаси учун муҳим талқиқотга эга бўлган Квант электродинамикаси бўйича фундаментал ишлар олиб боришган
1966	Кастлер А.(Франция)	Оптик уйғотиш усулларини ишлаб чиққан ва унинг ёрдамида радиочастоталар соҳасида магнит резонанс ҳодисасини аниқлаган
1967	Бете Х.А.(АҚШ)	Ядро реакцияси назариясига ҳисса қўшган, хусусан, юлдузлар энергияси манбаларига тегишли кашфиётлар қилган
1968	Альварес Л.У.(АҚШ)	Элементар зарралар физикасига қўшган ҳиссаси, шу б-н бирга водородли пуфак камера ёрдамида кўпгина резонанслар кашфиёти
1969	Гель-Ман М.(АҚШ)	Элементар зарралар классификацияси ва уларнинг ўзаро таъсири б-н боғлиқ бўлган кашфиёти (кварклар гипотезаси)
1970	Альвен (Альфвен) Х.(Швеция)	*Магнит гидродинамикаси кашфиётлари ва* уларни физиканинг турли соҳаларига талбиқи бўйича ишлари
	Неел А.Э.Ф.(Франция)	Антиферромагнетизм ва ферромагнетизм соҳасида кашфиётлар қилган, уларни қаттиқ жисм физикасига талбиқ этган
1971	Габор Д.(Буюк Британия)	Голографни кашф этиб ривожлантирган
1972	Бардин Ж., Купер Л., Шриффер Ж.Р.(АҚШ)	Ўта ўтказувчанлик назариясини яратишган
1973	Жайевер А., Эсаки Л.(АҚШ)	Яримўтказгичлар ва ўта ўтказгичларда туннель эффекти устида талқиқотлар олиб боришган
	Жозерсон Б.(Буюк Британия)	Токнинг туннель тўсиқ орқали ўтганда квант эффектларини олдиндан айтган (Жозерсон эффекти)

Жадвалнинг давоми

1974	Райл М., Хьюиш Ж.(Буюк Британия)	Радиоастрофизика бўйича новаторлик ишлари (апертуравий синтез усули, пульсарлар кашфиёти)
1975	Бор О., Моттельсон Б. (Дания), Рейнуотер Ж.(АҚШ)	Атом ядросининг бойитилган ядросини ишлаб чиқишган
1976	Рихтер Б., Тингс С.(АҚШ)	Янги турдаги оғир элементар зарралар (пси-зарра)ни кашф этишган
1977	Андерсон Ф., Ван Флек Ж.Х. (АҚШ), Мотт Н.(Буюк Британия)	Магнитли электрон тузилмалар ва тартибланмаган тизимлар соҳасида тадқиқотлар олиб боришган
1978	Вильсон Р.В., Пензиас А.А. (АҚШ)	Микротўлқинли реликтив космик нурланишлари кашфиёти
	Капица П.Л.(Россия)	Паст т-ралар физикаси соҳасидаги кашфиётлар
1979	Вайнберг С., (Уэйнберг), Глешоу Ш.(АҚШ), Салам А.(Покистон)	Кучсиз ва электромагнитли ўзаро таъсирлар (кучсиз нейтрал токларнинг ўзаро таъсирлари)нинг қўшма назариясини яратишган
1980	Кронин Ж.У., Фитч В.Л. (АҚШ)	Нейтрал К-мезонлар емирилганда симметриянинг фундаментал принципларининг бузилишини кашф этишган
1981	Бломберген Н., Шавлов А.Л. (АҚШ)	Лазер спектроскопиясини ривожлантиришган
	Сигбан К.М.Б. (Швеция)	Юқори имкониятли электрон спектроскопияни ривожлантирган
1982	Вильсон К.(АҚШ)	Фаза ўтишларда критик ҳодисалар назариясини ишлаб чиққан
1983	Фаулер У.А. (АҚШ)	Коинотдаги кимёвий элементларнинг юлдузларда содир бўлган ядро реакцияси натижасида ҳосил бўлиш назариясини ишлаб чиққан
	Чандрасекар С.(АҚШ)	Юлдузлар тузилиши ва эволюцияси соҳасида тадқиқотлар олиб борган
1984	Мер (Ван Дер Мер) С. (Нидерландия), Руббиа К. (Италия)	Юқори энергиялар физикаси соҳасидаги илмий тадқиқотларга ва элементар зарралар назариясига қўшган ҳиссалари (оралиқ векторли бозонлар кашфиёти)
1985	Клитцинг К.фон (Германия)	Холл квант эффектини кашф этган

Жадвалнинг давоми

1986	Биннинг Г.(Германия),Рорер Г. (Швейцария) Руска Э. (Германия)	Тасвир кўчирувчи туннелли микроскоп яратишган Электрон оптика бўйича ишлар қилган ва электрон микроскоп яратган
1987	Беднорц Й.Г.(Германия), Мюллер К.А.(Швецария)	Юқори т-раларда ўта ўтказувчанликни кашф этишган
1988	Ледерман Л.М., Стейнбергер Ж., Шварц М.(АҚШ)	Икки турдаги нейтронларнинг мавжудлигини исботлашган
1989	Демельт Х.Ж.(АҚШ), Пауль В. (Германия)	Юқори имкониятли прецизион спектроскопияда фойдаланиладиган ядка ионни тузоққа тутиб туриш усулини ривожлантиришган
	Рамзей Н.Ф.(АҚШ)	Фазовий бўлинган осциляцияланувчи майдонлар усулини ишлаб чиққан, натижада цезийли атом соатлари ва водородли мазер яратилган
1990	Кендал Г.(АҚШ), Тейлор Р. (Канада), Фридман Ж.А. (АҚШ)	Кварк моделининг ривожи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар олиб боришган
1991	Жен П.Ж.де (Франция)	Мураккаб конденсирланадиган тизимларда, айниқса суюқ кристаллар ва полимерларда молекуляр тартиблашни текширган
1992	Шарпак Ж.(Франция)	Элементар зарралар детекторлари ривожига ҳисса қўшган
1993	Тейлор Ж.(Кичиги), Халс Р. (АҚШ)	Қўшалоқ пульсарларни кашф этган
1994	Брокгауз Б.(Канада)	Нейтрон спектроскопияни ривожлантирган
	Шалл К.(АҚШ)	Нейтронлар дифракцияси усулини ривожлантирган
1995	Перл М.	Тау-лептонни кашф этган
	Ранс Ф.(АҚШ)	Нейтринони топган
1996	Ли Д., Ошеров Д., Ричардсон Р.(АҚШ)	Гелий-3 нинг ўта оқувчанлигини кашф этишган
1997	Чу С.(АҚШ), Коэн-Таннуджи К.(Франция), Филлипс У. (Буюк Британия)	Атомларни лазер нурлари б-н совитиш ва тутиб туриш бўйича тадқиқотлар олиб боришган
1998	Лафлин Р., Цуи Д., Штёрмер Х. (АҚШ)	Квант суюқликда эффектив майда заряд б-н уйғотишни кашф этишган

Жадвалнинг давоми

1999	Вельтман М., Хоуфт Ж. (Нидерландия)	Кучсиз электрик таъсирлашувлар квант тузилмасини асослашган
2000	Алфёров Ж.И.(Россия), Кремер Г., Килби Ж.(АҚШ)	Ахборот ва коммуникация технологияларини ишлаб чиқишган, ўта тез ишлайдиган компьютерлар ва оптоэлектроникада фойдаланиладиган яримўтказгичли элементлар ишлаб чиқиш соҳаларида фундаментал тадқиқотлар қилишган
2001	Корнелл Э., Виман К.(АҚШ), Кеттерле В.(Германия)	Моддани ўта совитиш соҳасида муҳим тадқиқотлар олиб боришган
2002	Дэвис Р.(АҚШ), Косиба М. (Япония)	Астрофизикага ҳисса қўшишган ва космик нейтринони топишган
2003	Абрикосов А.А., Леггетт Э.Ж. (АҚШ), Гинзбург В.Л. (Россия)	Ўта ўтказувчанлик ва ўта оқувчанлик назариясига буюк ҳисса қўшишган
2004	Гроос Д., Политзер Д., Вилзек Ф.(АҚШ)	Моддаларнинг ўзаро таъсири соҳасида ихтиро қилишган
2005	Холл Ж., Глобер Р.(АҚШ), Хэнш Т. (Германия)	Лазер спектроскопияси ва оптик когерентлик-нинг квант назариясини ривожлантиришга ҳисса қўшишган
	КИМЁ БЎЙИЧА	
1901	Вант-Гофф Я.Х. (Нидерландия)	Кимёвий кинетика ва осмотик босим соҳасидаги қонуниятларни кашф қилган
1902	Фишер Э.Г.(Германия)	Қанд ва пуринларни синтез қилиш устида иш олиб борган
1903	Аррениус С.А.(Швеция)	Электролитик диссоциация назариясини яратган
1904	Рамзай (Рэмзи)У.(Буюк Британия)	Нодир (инерт) газларни кашф қилган ва уларнинг даврий системалаги ўрнини аниқлаган
1905	Байер А.фон (Германия)	Органик бўёқлар ва гидроароматик бирикмаларни синтез қилган
1906	Муассан А. (Франция)	Кимёвий жиҳатдан соф фтор элементини олган, ўзининг номи б-н аталган электр ёйли печларни яратган

Жадвалнинг давоми

1907	Бухнер Э.(Германия)	Замбуругли экстрактларда спиртли бижғишни кашф қилган, яхлитсиз ҳужайралар иштирокисиз ферментатив реакциялар бориши мумкинлигини аниқлаган
1908	Резерфорд Э.(Буюк Британия)	Элементларнинг радиоактив парчаланиши ва радиоактив моддалар кимёсини тадқиқ қилган
1909	Оствальд В.(Германия)	Кимёвий мувозанатлар ва реакциялар тезлигини бошқариш принципларини тадқиқ қилган
1910	Валлах О.(Германия)	Органик кимё (алициклик бирикмалар) ва кимё *саноатини ривожлантириш соҳасидаги ютуқлар* учун
1911	Склодовская-Кюри М. (Франция)	Радий ва полонийни кашф қилган, соф радийни олган ва унинг бирикмаларини тадқиқ қилган. Триньяр реактивини кашф қилган, унинг қўлланиши органик кимёнинг ривожланишига имкон берди
1912	Гриньяр В.(Франция)	Радий ва полонийни кашф этган, соф радийни олган ва унинг бирикмаларини тадқиқ қилган
	Сабатье П.(Франция)	Таркибида катализатор сифатида майдаланган металлар бўлган органик бирикмаларни гидрогенлаш усулини кашф қилган
1913	Вернер А.(Швейцария)	Координацион (комплекс) бирикмалар соҳасида муҳим ишлар қилган
1914	Ричардс Т.У.(АҚШ)	Бир қанча кимёвий элементларнинг аниқ атом массасини аниқлаган
1915	Вильштеттер Р.М.(Германия)	Ўсимлик пигментларини тадқиқ қилган, хлорофилл формуласини аниқлаган
1916	Берилмаган	
1917	Берилмаган	
1918	Габер (Хабер) Ф.(Германия)	Аммиак элементини ташкил қилувчилардан аммиакни синтез қилган
1919	Берилмаган	
1920	Нернст В.(Германия)	Термодинамика устида иш олиб борган; у таклиф этган принциплар баъзан термодинамиканинг 3-қонуни деб юритилади

Жадвалнинг давоми

1921	Содди Ф.(Буюк Британия)	Радиоактив моддалар кимёсини ривожлантирган ва изотоплар табиатини тадқиқ қилган
1922	Астон Ф.У.(Буюк Британия)	Ўзи яратган масс-спектрограф қурилмаси ёрдамида кўплаб норадиоактив элементлар изотопларини кашф этган ва бутун сонлар қоидасини яратган
1923	Прегль Ф.(Австрия)	Органик бирикмалар микроанализи усулини ишлаб чиққан
1924	Берилмаган	
1925	Зигмонди Р.(Австрия)	Коллоид эритмаларнинг гетероген табиатини аниқлаган
1926	Сведберг Т.(Швеция)	Дисперс системаларни ўрганиш бўйича иш олиб борган
1927	Виланд Г.(Германия)	*Ўт кислотанинг тузилишини тадқиқ қилган*
1928	Виндаус А.(Германия)	Стеринларнинг тузилиши ва уларнинг витаминлар б-н боғланишини ўрганган
1929	Гарден А.(Буюк Британия), Эйлер-Хельпин Х.фон (Швеция)	Қандларнинг ферментланиши, шунингдек, бу жараёнда иштирок этадиган ферментларни тадқиқ қилишган
1930	Фишер Х.Э.(Германия)	Гемоглобин ва хлорофилл молекулаларининг тузилишини ўрганган ва геминни синтез қилган
1931	Бергиус Ф., Бош К. (Германия)	Кимёда юқори босим усулларини яратган ва амалиётда қўллаган
1932	Ленгмюр И.(АҚШ)	Кимёда сирт ҳодисаларини кашф қилган ва текширган
1933	Берилмаган	
1934	Юри Г.К.(АҚШ)	Оғир водород (дейтерий)ни кашф қилган
1935	*Жолио-Кюри И., Жолио-Кюри Ф.(Франция)*	*Янги радиоактив элементларни синтез қилишган*
1936	Дебай П.(Нидерландия)	Рентген нурлари дифракцияси ва газларда электрон ҳамда молекуляр тузилмаларда дипол ҳодисаларини тадқиқ қилган
1937	*Каррер П.(Швейцария)*	*Каротиноидлар ва флавинлар ҳамда А ва B_2 витаминларни тадқиқ қилган*
	Хоуорс (Хеуорс)У.Н.(Буюк Британия)	Углеводлар ва С витаминни тадқиқ қилган

Жадвалнинг давоми

1938	Кун Р.(Германия)	Каротиноидлар ва витаминларни ўрганган
1939	Бутенандт А.(Германия)	Жинсий гормонлар бўйича иш олиб борган
	Режичка Л. (Швейцария)	Полиметиленлар ва юқори терпенлар бўйича иш олиб борган
1940—42	Берилмаган	
1943	Хевеши Д.(Швеция)	Изотоп индикаторлар усулини таклиф қилган. Илк бор биол.да радиоактив индикаторлар (радий D)ни қўллаб ўсимликларда қўрғошиннинг тақсимланишини ўрганган
1944	Ган (Хан) О.(Германия)	Оғир атомлар ядроларининг бўлинишини кашф қилган
1945	Виртанен А.И.(Финляндия)	Озуқа моддаларни консервалаш усулларини ихтиро қилган
1946	Самнер Ж.Б.(АҚШ)	Фермент (уреаза)ни биринчи бўлиб кристалл ҳолатда олган ва унинг оқсилли табиатини исботлаб берган
	Стэнли У.М., Нортроп Ж. (АҚШ)	Бир қанча ферментлар ва вирусларни кристалл ҳолда олган
1947	Робинсон Р.(Буюк Британия)	Ўсимлик алкалоидлари ва бошқа биологик муҳим табиий моддаларни тадқиқ қилган
1948	Тиселиус А.(Швеция)	Электрофорез ва адсорбцион-хроматографик анализ усуллари ва уларни зардобли оқсилларни ажратишда қўллашни ишлаб чиққан
1949	Жиок У.Ф.(АҚШ)	Кимёвий термодинамиканинг ривожланишига ҳисса қўшган, жумладан жуда паст т-рада моддалар хоссаларини ўрганган
1950	Альдер К., Дилс О. (Германия)	Диенли синтез усулини кашф қилишган ва уни ривожлантиришган
1951	Макмиллан Э.М., Сиборг Г.Т. (АҚШ)	Трансуран элементларни кашф қилишган ва ўрганишган
1952	Мартин А.Ж.П., Синг Р.Л.М. (Буюк Британия)	Тарқатувчи хроматография усулини кашф этишган, хроматография жараёнлари назариясини ишлаб чиқишган
1953	Штаудингер Г.(Германия)	Юқори молекуляр моддалар кимёси соҳасида иш олиб борган
1954	Полинг Л.К.(АҚШ)	Кимёвий боғлар табиатини тадқиқ қилган
1955	Дю Винью В. (АҚШ)	Полипептид гормонларни биринчи бўлиб синтез қилган

Жадвалнинг давоми

1956	Семёнов Н.Н.(СССР), Хиншелвуд С.Н.(Буюк Британия)	Кимёвий реакциялар (занжир реакциялар) механизмини тадқиқ қилишган
1957	Тодд А.(Буюк Британия)	Нуклеотидлар ва нуклеотид коферментларни синтез қилган
1958	Сенгер Ф.(Буюк Британия)	*Инсулин молекулалари тузилишини аниқлаган*
1959	Гейровский Я.(ЧССР)	Полярографик анализ усулини кашф қилган ва ривожлантирган
1960	Либби У.Ф.(АҚШ)	Археология, геология ва б. соҳаларда углероднинг радиоактив изотопи ёрдамида топилмалар ёшини аниқлаш усулини ишлаб чиққан
1961	Калвин М.(АҚШ)	Ўсимликларнинг углерод қўшоксидни ўзлаштириш пайтида содир бўладиган биокимёвий жараёнлар босқичларини кашф этган
1962	Кендрю Ж.К., Перуц М.Ф. (Буюк Британия)	Глобуляр оқсиллар (миоглобин, гемоглобин) тузилишини рентген структур анализ усулида аниқлашган
1963	Натта Ж.(Италия), Циглер К.(Германия)	Полимерлар кимёси ва технологияси соҳасида кашфиёт қилишган
1964	Кроуфут-Хожкин Д.(Буюк Британия)	Биологик фаол моддалар (B_{12} витамин ва б.) тузилишини рентген структур анализ усулида аниқлаган
1965	Вудворд Р.Б.(АҚШ)	Органик синтез (стероидлар, хлорофилл ва б. табиий моддалар синтези)ни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган
1966	Малликен Р.С.(АҚШ)	Молекулаларнинг кимёвий боғланиши ва электрон тузилишини молекуляр орбитал усулида ўрганган
1967	Норриш Р.Ж.Р., Портер Ж. (Буюк Британия), Эйген М. (Германия)	Ўта тез юз берадиган кимёвий реакцияларни импульс усулларида ўрганишган
1968	Онсагер Л.(АҚШ)	Қайтмас жараёнлар термодинамикасига катта ҳисса қўшган
1969	Бартон Д.Х.Р.(Буюк Британия), Хассель О.(Норвегия)	Конформацион анализнинг ривожланиши ва унинг органик кимёда қўлланишига катта ҳисса қўшишган

Жадвалнинг давоми

1970	Лелуар Л.Ф.(Аргентина)	Углеводлар биосинтезида нуклеоидлар ролини кашф қилган
1971	Херцберг (Герцберг) Г. (Канада)	Молекулалар, айниқса, эркин радикалларнинг электрон структураси ва тузилишини талқиқ қилган
1972	Анфинсен К.Б., Мур С., Стайн У.Х.(АҚШ)	Рибонуклеазалар ферментининг молекуляр тузилиши ва унинг каталитик фаоллик б-н боғланишини ўрганишган
1973	Фишер Э.О.(Германия), Уилкинсон Ж.(Буюк Британия)	Металлорганик бирикмалар кимёси бўйича иш олиб боришган
1974	Флори П.Ж.(АҚШ)	Макромолекулаларнинг назарий ва эксперимент физик-кимёси соҳасида ютуқларга эришган
1975	Корнфорт Ж.У.(Буюк Британия) Прелог В.(Швейцария)	Холестеринни биосинтез қилиш йўлларини аниқлаш устида иш олиб борган Органик бирикмалар стереокимёси бўйича иш олиб борган
1976	Липском (Липискомб) У.Н. (АҚШ)	Борводородлар тузилишини ишлаб чиққан ва кимёвий боғланишлар табиатини ўрганишга ҳисса қўшган
1977	Пригожин И.Р.(Бельгия)	Қайтмас жараёнлар термодинамикасига ҳисса қўшган
1978	Митчелл П.(Буюк Британия)	Ҳужайраларда энергия кўчиши жараёнларини талқиқ қилган ва хемиосмотик назариясини ишлаб чиққан
1979	Браун Г.(АҚШ), Виттиг Г. (Германия)	Таркибида бор ва фосфор бўлган органик бирикмаларни синтез қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқишган
1980	Берг П.(АҚШ)	Нуклеин кислоталар, айниқса, рекомбинант ДНКнинг биокимёвий хоссаларини талқиқ қилган
1981	Фукуи К.(Япония), Хофман Р. (АҚШ)	Кимёвий реакцияларнинг бориши назариясини ривожлантиришган
1982	Клуг А.(Буюк Британия)	Кристалларни электрон микроскопия қилиш ва нуклеопротеин комплекслар тузилишини аниқлаш устида иш олиб борган

Жадвалнинг давоми

1983	Таубе Г.(АҚШ)	Реакцияларда металлар комплекслари иштирокида электроннинг кўчиш механизмини ўрганган
1984	Меррифилд Б.Р.(АҚШ)	Қаттиқ фазали кимёвий синтез усулини яратган
1985	Карле Ж., Хауптман Х.А. (АҚШ)	Кристаллар тузилишини аниқлаш усулларини ривожлантиришга ҳисса қўшишган
1986	Полани Ж.(Канада), Ли Ян, Херщбах Д.(АҚШ)	Кимёвий реакциялар механизми ва кинетикасини тадқиқ қилишга ҳисса қўшишган
1987	Крам Д., Передсен Ч.(АҚШ), Лен Ж.М.(Франция)	Макрогетероциклик бирикмалар кимёсини ривожлантиришган
1988	Дайзенхофер И., Михель Х., Хубер Р.(Германия)	Пурпур бактериялар фотосинтетик реакция марказининг уч ўлчовли тузилишини аниқлашган
1989	Олтмен С., Чек Т.Р.(АҚШ)	Рибонуклеин кислоталарнинг ферментатив фаоллигини кашф қилишган
1990	Кори Э.Ж. (АҚШ)	Органик синтез назариялари ва усулларини ривожлантирган
1991	Эрнст Р.(Швейцария)	Юқори имкониятли ядровий магнит резонансини спектроскопия қилишнинг янги усулларини ишлаб чиққан
1992	Маркус Р.(АҚШ)	Кимёвий системаларда электроннинг кўчишини тадқиқ қилган
1993	Маллис К.(АҚШ)	Полимераз занжир реакцияларни — ДНК-полимеразалар ферменти ёрдамида ДНКнинг янги молекулаларини олиш усулини кашф қилган
	Смит М.(Канада)	Йўналтирилган мутагенез усули ва уни оқсиллар тузилишини аниқлашда қўллашни ишлаб чиққан
1994	Ола Ж.(АҚШ)	Карбкатионлар кимёсини ривожлантирган
1995	Крутцен П.(Германия), Молина М., Роуленд Ш. (АҚШ)	Атмосфера кимёси устида иш олиб боришган, айниқса, озоннинг ҳосил бўлиши ва парчаланишини тадқиқ қилишган
1996	Кёрл Р., Смолли Р.(АҚШ), Крото Х.(Буюк Британия)	Углероднинг янги шакллари — фуллеренларни кашф этишган
1997	Скоу Е.Х.(Дания)	Натрий, калий боғлиқ аденозинтрифосфатаза *(натрий—калийли насос)* ферментини ўрганган
	Бойер П., Уокер Ж.(АҚШ)	Протон ташувчи аденозинтрифосфатаза ферменти тузилиши ва таъсир механизмини ўрганган

Жадвалнинг давоми

1998	Кон У.(АҚШ), Попл (Поупл) Ж.(Буюк Британия)	Зичлик функционали назарияси ва квант механикасини ҳисоблаш усулларини ривожлантирган
1999	Зевайл А. (Миср—АҚШ)	Фемтосекунд спектроскопия ёрдамида кимёвий реакцияларнинг боришини ўрганган
2000	Хигер А., Макдайрмид А. (АҚШ), Ширакава Х.(Япония)	Кондуктив полимерларни кашф этишган ва уларни ўрганишган
2001	Ноулз У., Шарплесс Б. (АҚШ), Нойори Р.(Япония)	Хирал оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини тадқиқ қилишган
2002	Фенн Ж.(АҚШ), Танака К. (Япония), Вюрих К.(Швейцария)	Оқсиллар ва бошқа биологик макромолекулаларнинг структур анализ усулларини ишлаб чиқишган
2003	Эйгр П., Маккиннон Р. (АҚШ)	Ҳужайралар мембраналарининг каналларини тадқиқ қилишган
2004	Цихановер А., Гершко А. (Исроил), Роуз И.(АҚШ)	Оқсилларнинг парчаланишини кашф этишган
2005	Шовен И.(Франция), Граббс Р., Шрок Р.(АҚШ)	Органик синтез қилишда метатезис усулини ривожлантиришга ҳисса қўшишган
	ФИЗИОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТ БЎЙИЧА	
1901	Беринг Э.А.(Германия)	Қон зардобининг шифобахш хусусиятларини аниқлаб, уни бўғма касаллигини даволашда қўллашни тавсия қилган
1902	Росс Р.(Буюк Британия)	Безгакни "анофелес" уруғига мансуб чивинлар тарқатишини аниқлаган
1903	Финзен Н.Р.(Дания)	Тери касалликлари (асосан волчанка)ни ёруғлик нури б-н даволашни кашф қилган
1904	Павлов И.П.(Россия)	Овқат ҳазм қилиш физиологияси устида иш олиб борган
1905	Кох Р.(Германия)	Силнинг қўзғатувчиси "Кох таёқчаси"ни аниқлаган
1906	Рамон-и-Кахаль С.(Испания), Гольжи К.(Италия)	Нерв системасининг гистологияси ва морфологиясини тадқиқ этишган
1907	Лаверан Ш.Л.А.(Франция)	Протозой касалликларнинг этиологияси ва профилактикасини ўрганган
1908	Мечников И.И.(Россия), Эрлих П.(Германия)	Иммунитет механизмларини тадқиқ этишган
1909	Кохер Т.(Швейцария)	Қалқонсимон без физиологияси, патологияси ва хирургиясини ўрганган
1910	Коссель А.(Германия)	Ядро оқсиллари, нуклеин кислоталар ва нуклеопротеидлар кимёсига оид тадқиқотлар ўтказган

Жадвалнинг давоми

1911	Гульстранд А.(Швеция)	Кўз оптикасини ўрганган
1912	Каррель А.(Франция)	Аъзо ва қон томирларни кўчириб ўтказиш ва томирларни улаш усулини кашф этган
1913	Рише Ш.(Франция)	Организмнинг ёт оқсилларга бўлган аллергик реакцияси— анафилаксияни тадқиқ этган
1914	Барани Р.(Австрия)	Вестибуляр аппаратнинг физиологияси ва патологиясини ўрганган
1919	Борде Ж. (Бельгия)	Қўқиўтал қўзғатувчисини аниқлаб, унинг олдини олиш учун эмлаш усулини ишлаб чиққан
1920	Крог А.(Дания)	Капилляр қон айланиш механизмини ишлаб чиққан
1922	Мейергоф О. (Германия)	Ишлаётган ва тинч турган мускулларда углеводларнинг анаэроб парчаланиши б-н аэроб синтези ўртасидаги боғланишни таърифлаб берган
	Хилл А.В.(Буюк Британия)	Мускуллар фаолияти термодинамикаси ва мускуллар қисқариш механизми устида иш олиб борган
1923	Бантинг Ф.Г., Маклеод Ж.Ж.Р.(Канада)	Инсулин препаратини кашф қилишган
1924	Эйнтховен В.(Нидерландия)	Электрокардиографияни тиббиётда қўллашни таклиф этган
1926	Фибигер Й.(Дания)	Экспериментал онкология, хусусан канцероген моддаларни тадқиқ этган
1927	Вагнер-Яурегг Ю. (Австрия)	Авжланиб борадиган фалажни даволашда пиротерапияни асослаб берган ва амалиётда тадбиқ этган
1928	Николь Ш.(Франция)	Кийим бити тошмали терлама тарқатувчиси эканлигини кашф этган
1929	Хопкинс Ф.Г.(Буюк Британия), Эйкман Х. (Нидерландия)	Бўй ўстирувчи витаминларни кашф қилишган
1930	Ландштейнер К.(АҚШ)	Одам қон группаларини аниқлаган
1931	Варбург О.Г.(Германия)	Нафас ферментларининг табиати ва функциясини тадқиқ этган
1932	Шеррингтон Ч.С., Эдриан Э.Д.(Буюк Британия)	Нейронлар функциясини тадқиқ этишган

Жадвалнинг давоми

1933	Морган Т.Х.(АҚШ)	Ирсиятнинг хромосома назариясини асослаб берган
1934	Майнот Ж.Р., Мерфи У.П., Уипл Ж.Х.(АҚШ)	Камқонликни жигар препаратлари б-н даволашни кашф этишган
1935	Шпеман Х.(Германия)	Ривожланаётган эмбрион қисмларининг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этган
1936	Дейл Г.Х.(Буюк Британия), Лёви О.(Германия)	Нерв импульсининг синапслар орқали ўтиши кимёвий табиатини ва бунда ацетилхолиннинг ролини тадқиқ қилишган
1937	Сент Дьёрдьи А.(АҚШ)	Биологик оксидланиш ва С витаминининг кристалл ҳолда ажралишини ўрганган
1938	Хейманс (Гейманс) К. (Бельгия)	Нафас ва қон айланишининг бошқарилишида каротид синуслар ва аорта хеморецепторлари аҳамиятини кашф этган
1939	Домагк Г. (Германия)	Бактерияларга қарши препарат — протонзилни илк бор кашф қилган
1943	Дам Х.(Дания), Дойзи Э.А. (АҚШ)	К витаминини қон ивишида ролини аниқлашган.Уни ажратиб олиш, тозалаш ва тиббиёт амалиётида қўллаш усулларини кўрсатиб беришган
1944	Гассер Г.С., Эрлангер Ж. (АҚШ)	Нерв толаларидаги биоэлектр потенциалларини электрон осциллограф ёрдамида тадқиқ қилишган
1945	Флеминг А., Флори Х.У., Чейн Э.Б.(Буюк Британия)	Пенициллинни кашф қилиб, юқумли касалликларда унинг терапевтик таъсирини изоҳлаб беришган
1946	Мёллер (Маддер) Г.Ж.(Буюк Британия))	Рентген нури таъсирида сунъий мутациялар пайдо қилиш мумкинлигини исботлаган. Ирсиятнинг хромосома назарияси кашфиётчиларидан
1947	Кори К.Ф., Кори Г.Т.(АҚШ), Усай Б.А.(Аргентина)	Гипофиз гормонларининг углевод алмашинувидаги ролини аниқлашган
1948	Мюллер П.(Швейцария)	ДДТ ни синтез қилган ва унинг пестицид хусусиятини кашф қилган
1949	Хесс (Гесс) В.Р. (Швейцария), Мониш А.К. (Португалия)	Оралиқ миянинг функционал бирлигини ўрганишган. Айрим руҳий касалликларни хирургик йўл б-н даволаш усулини кашф этишган

Жадвалнинг давоми

1950	Кендалл Э., Хенч Ф.(АҚШ), Рейхштейн Т.(Швейцария)	Буйрак усти бези пўстлоғи гормонларининг тузилишини ва уларни биологик ҳамда терапевтик таъсирини тадқиқ қилишган
1951	Тейлер М.(ЖАР)	Сариқ иситма қўзғатувчисини аниқлаган ва унга қарши вакцина яратган
1952	Ваксман З.(АҚШ)	Стрептомицинни кашф қилган
1953	Кребс Х.А.(Буюк Британия)	Трикарбон кислоталар цикли (Кребс цикли)ни кашф этган
	Липман Ф.А.(АҚШ)	А коферментини кашф қилган ва унинг моддалар алмашинувидаги биологик ролини аниқлаган
1954	Роббинс Ф.Ч., Уэллер Т.Х., Эндерс Ж.(АҚШ)	Полиомиелит вирусини тўқимада ундириш техникасини ишлаб чиқишган
1955	Теоредль А.Х.Т.(Швеция)	Оксидланиш-қайтарилиш ферментларининг таъсир механизмини тадқиқ этган
1956	Курнан А.Ф., Ричард Д.(АҚШ), Форсман В.(Германия)	Юракни катетерлаш усулини кашф қилишган
1957	Бове Д.(Италия)	Кураресимон таъсир этадиган синтетик бирикмаларни кашф этган
1958	Билл Ж.У., Тейтем Э., Ледерберг Ж.(АҚШ)	Бактерияларда генетик рекомбинация ҳодисасини кашф этишган
1959	Очоа С., Корнберг А.(АҚШ)	Нуклеин кислоталарнинг биосинтез механизмини тадқиқ этишган
1960	Бернет Ф.(Австралия), Медавар П.Б.(Буюк Британия)	Орттирилган иммунологик толерантлик ҳодисасини кашф этишган
1961	Бекеши Д.(АҚШ)	Ички қулоқ функциясини тадқиқ этган
1962	Крик Ф.Х.К., Уилкинс М.(Буюк Британия), Уотсон Ж.Д.(АҚШ)	ДНК молекулаларидан нусха олиш механизмини ва уларнинг ирсий ахборотни ўтказишдаги аҳамиятини тадқиқ этишган
1963	Хаксли А.Ф., Хожкин А.Л.(Буюк Британия) Экле Ж.К.(Австралия)	Нерв ҳужайраларида қўзғалиш ва тормозланишнинг ион механизмларини тадқиқ этишган
1964	Блох К.Э.(АҚШ), Линен Ф.(Германия)	Холестерин ва ёғ кислоталари алмашинувининг бошқарилиш механизмини кашф этишган

Жадвалнинг давоми

1965	Жакоб Ф., Львов А.М., Моно Ж.Л.(Франция)	Бактерия ҳужайраларида генетик ахборотнинг ташилиши ва оқсил синтезининг бошқарилишини; ферментлар ва вируслар синтезини ирсий назорат қилишни кашф этишган
1966	Роус Ф.(АҚШ)	Онкоген вирусларни кашф қилган
1966	Хаггинс Ч.Б.(АҚШ)	Простата бези ракини гормонлар б-н даволашга, яъни гормонотерапияга асос солган
1967	Гранит Р.(Швеция), Уолд Ж., Хартлайн Х.(АҚШ)	Кўришнинг физиологик ва кимёвий механизмини кашф этишган
1968	Корана Х.Г., Ниренберг М.У., Холли Р.У.(АҚШ)	Нуклеин кислоталар тузилишини, генетик коднинг моҳиятини аниқлашган
1969	Дельбрюк М., Лурия С.Э., Херши А.Д.(АҚШ)	Бактериофаглардаги рекомбинация, бактерия ҳамда вирусларнинг кўпайиш ва генетикасини тадқиқ этишган
1970	Аксельрод Ж.(АҚШ), Кац Б. (Буюк Британия), Эйлер (Эйлер-Хельпик) У.Фон (Швеция)	Нерв ҳужайраларидан мускул ҳужайраларига импульсларнинг узатилиш механизмларини аниқлашган, простагландинларни кашф этишган
1971	Сазерленд Э.У.(АҚШ)	Гормонларнинг таъсир механизмини аниқлаган
1972	Портер Р.Р.(Буюк Британия), Эдельман Ж. М.(АҚШ)	Антителоларнинг кимёвий тузилишини тадқиқ этишган
1973	Лоренц К.(Австрия), Тинберген Н.(Нидерландия), Фриш К.Фон (Австрия)	Ҳайвонларнинг инстинктив хулқ-атвори ва унинг онто- ва филогенезда ривожланиши тўғрисидаги таълимотни ишлаб чиқишган
1974	Де Дюв К.Р.(АҚШ), Клод А. (Бельгия), Палade Ж.Э. (АҚШ)	Субҳужайравий структураларни тадқиқ этишда дифференциал центрифугалаш усулини қўллашган; ҳужайранинг функционал ва структур бирлигини тадқиқ этишган
1975	Балтимор Д., Дульбекко Р., Темин Х.М.(АҚШ)	Транскрипцияни таъминловчи тескари транскриптаза ферментини кашф қилишган; ҳужайра ирсий ашёсининг ўсма вируслари б-н таъсирлашуви — провирус назариясини яратишган
1976	Бламберг Б., Гайдузек Д.К. (АҚШ)	Инфекцион касалликлар (зардобли гепатит, суст вирусли инфекциялар) келиб чиқиши ва тарқалишининг янги механизмини тадқиқ этишган
1977	Гиймен (Гиллемен) Р., Шалли Э.В.(АҚШ)	Гипоталамик рилизинг-гормонларни ўрганиб, уни амалиётга тадбиқ этишган

Жадвалнинг давоми

1977	*Ялоу Р.С.(АҚШ)*	*Пептид гормонларни радионммунологик усулда* аниқлашни кашф этган
1978	Арбер В.(Швейцария), Натанс Д., Смит Х.(АҚШ)	Бактерияларда рестриктаза — ҳужайрага тушиб қолган бегона ДНК молекуласининг ўзига хос парчаловчи ферментларини кашф этишган
1979	Кормак А.М.(АҚШ), Хаунсфильд Г.Н.(Буюк Британия)	Рентген тасвирни тиклашнинг компьютер усулини; компьютер рентген томограф аппаратини кашф этишган
1980	Бенасерраф Б.(АҚШ),Доссе Ж.(Франция), Снелл Ж.Д. (АҚШ)	Ҳужайра сиртида жойлашган ва иммун реакцияларни бошқарадиган генетик структураларни кашф этишган
1981	Визель (Висель) Т.Н. (Швеция), Хьюбель Д.Х., Сперри Р.У.(АҚШ)	Кўриш нейрофизиологиясини тадқиқ этишган Бош мия яримшарларининг функционал ихтисослашувини кашф этишган
1982	Бёргстрён С.(Швеция), Вейн Ж.Р.(Буюк Британия), Самуэльсон Б.(Швеция)	Простагландинлар ва унга ўхшаш биологик фаол моддаларни тадқиқ этишган
1983	Мак-Клинток Б.(АҚШ)	Кўчиб юрадиган генетик элементлар (транспозонлар)ни кашф қилган
1984	Ерне Н.К.(Буюк Британия)	Иммунитетнинг клональ-селекцион назариясини яратган
	Кёллер Г.(Германия), Мильштейн С.(Аргентина)	Моноклон антителоларни "гибрид ҳужайралар" ёрдамида олиш усулини ишлаб чиқишган
1985	Браун М.С., Голдстайн Ж.Л. (АҚШ)	Организмда холестерин алмашинувининг бошқарилиш механизмини тадқиқ этишган
1986	*Коэн С.(АҚШ), Леви-*Монтальчини Р.(Италия)	*Аъзо ва ҳужайралар ўсиш омилини кашф* этишган
1987	Тонегава С.(Япония)	Иммуногенетика соҳасида Т-лимфоцит рецептор генлари тузилишини тадқиқ этган
1988	Блэк Ж.У.(Буюк Британия), Хитчингс Ж.Х., Элайон Г.Б. (АҚШ)	Ўсма ва вирусларга қарши янги препаратлар яратишган ва уни амалиётга тадбиқ этишган
1989	Бишоп Ж.М., Вармус Х.(АҚШ)	"Онкогенез"нинг ҳужайра механизмини кашф этишган
1990	Марри (Муррей) Ж.Э., Томас Э.Д.(АҚШ)	Аъзо ва тўқималар кўчириб ўтказилганда кўчиб кетишининг олдини олиш усули (иммунодепрессия дастури)ни таклиф этишган

Жадвалнинг давоми

1991	Закман Б., Неэр (Нейер) Э. (Германия)	Ҳужайра мембранасида ион каналлар функциясини тадқиқ этишган
1992	Фишер Э., Кребс Э.Ж.(АҚШ)	Оқсиллар фосфорилланишининг ҳужайра метаболизмини бошқарилиш механизмидаги аҳамиятини кашф этишган
1993	*Роберте Р., Шарп Ф.(АҚШ)*	*Геннинг экзон-интрон структурасини кашф этишган*
1994	Гильман А., Родбелл М. (АҚШ)	Ҳужайра ичида ва ҳужайралараро сигнал узатишда иштирок этадиган воситачи оқсиллар (G-оқсиллар)ни кашф этишган
1995	Вишаус Э.Ф., Льюис Э.Б. (АҚШ), Нюсслайн-Фолхард Х. (Германия)	Илк эмбрионал ривожланишнинг генетик бошқарилишини тадқиқ этишган
1996	Дохерти (Доэрти) П. (Австралия), Цинкернагель Р. (Швейцария)	Иммун система ёт ҳужайраларни аниқлаши механизмини кашф этишган
1997	Прузинер С.(АҚШ)	Инфекцион касалликларнинг янги қўзғатувчилари —прионларни аниқлаган
1998	Ферготт Р., Игнарро Л., Мьюрад Ф.(АҚШ)	Юрак-томир системасида азот оксиди сигнал молекуласидек аҳамиятли эканлигини кашф этишган
1999	Гюнтер Блобел (АҚШ)	Тирик ҳужайралар учун зарур оқсилларни ўз ўрнига етказиб берилиши механизмини кашф этган
2000	Аренд Карлссон, Пол Грингард, Эрик Кэндел	Нерв системасида сигналларни кучайтириш механизмини кашф этишган
2001	*Лиланд Хартвелл, Тимоти Хант, Пол Нёрс (Буюк Британия)*	*Ҳужайра циклининг калитли бошқарувини тадқиқ этишган*
2002	Сидни Б., Жон С. (Буюк Британия), Роберт Х.(АҚШ)	Аъзо ва тўқималар шаклланишининг генетик механизмини кашф этишган
2003	Пол Л.(АҚШ), Питер М. (Буюк Британия)	Магнит-резонанс томографияни кашф этишган
2004	Ричард А., Линда Б. (АҚШ)	Ҳид билиш аъзолари системаси ва ҳид билиш рецепторларининг тузилишини тадқиқ этишган
2005	Барри М., Робинн У. (Австралия)	Ошқозон, ичак яллиғланиши ва ярасига "хелиобактер пилори" бактерияси сабаб бўлишини аниқлашган

Жадвалнинг давоми

АДАБИЁТ БЎЙИЧА	
1901	Сюлли-Прюдом Р.А. (Франция)
1902	Моммзен Т.(Германия)
1903	Бьёрнсон Б.М.(Норвегия)
1904	Мистрал Ф.(Франция), Эчегарай-и-Эйсагирре Х. (Испания)
1905	Сенкевич Г.(Польша)
1906	Кардуччи Ж.(Италия)
1907	Киплинг Ж.Р.(Буюк Британия)
1908	Эйкен Р.(Германия)
1909	Лагерлёф С.(Швеция)
1910	Хейзе (Гейзе) П.(Германия)
1911	Метерлинк М.(Бельгия)
1912	Гауптман Г.(Германия)
1913	Тагор Р.(Ҳиндистон)
1914	Берилмаган
1915	Роллан Р.(Франция)
1916	Хейденстам К.Г.В.фон (Швеция)
1917	Гьеллеруп К.(Дания) Понтоппидан Х.(Дания)
1918	Берилмаган
1919	Шпиттелер К.А.(Швейцария)
1920	Гамсун (Ҳамсун) К.(Норвегия)
1921	Франс А.(Франция)
1922	Бенавенте-и-Мартинес Х. (Испания)
1923	Йитс (Йетс, Ейтс) У.Б. (Ирландия)
1924	Реймонт В.С.(Польша)
1925	Шоу Ж.Б.(Буюк Британия)
1926	Деледда Г.(Италия)
1927	Бергсон А.(Франция)
1928	Унсет С.(Норвегия)
1929	Манн Т.(Германия)
1930	Льюис С.(АҚШ)
1931	Карлфельдт Э.А.(Швеция)
1932	Голсуорси Ж.(Буюк Британия)
1933	Бунин И.А.(Россия)
1934	Пиранделло Л.(Италия)
1935	Берилмаган
1936	О'Нил Ю.(АҚШ)
1937	Мартен дю Гар Р.(Франция)
1938	Бак П.(АҚШ)
1939	Силланпя Ф.Э.(Финляндия)
1940—43	Берилмаган
1944	Йенсен Й.В.(Дания)
1945	Мистрал Г.(Чили)
1946	Гессе (Хессе) Г.(Швейцария)
1947	Жид А.(Франция)
1948	Элиот Т.С.(АҚШ)
1949	Фолкнер У.(АҚШ)
1950	Рассел Б.(Буюк Британия)
1951	Лагерквист П.Ф.(Швеция)
1952	Мориак Ф.(Франция)
1953	Черчилл У.Л.С.(Буюк Британия)
1954	Хемингуэй Э.М.(АҚШ)
1955	Лакснесс Х.К.(Исландия)
1956	Хименес Х.Р.(Испания)

Жадвалнинг давоми

1957	Камю А.(Франция)
1958	Пастернак Б.Л. (СССР)
1959	Квазимодо С.(Италия)
1960	Сен-Жон-Перс (Франция)
1961	Андрич И.(Югославия)
1962	Стейнбек Ж.Э.(АҚШ)
1963	Сеферис Г.(Греция)
1964	Сартр Ж.П.(Франция)
1965	Шолохов М.А.(СССР)
1966	Агнон Ш.Й.(Исроил), Закс Н.(Германия)
1967	Астуриас М.А.(Гватемала)
1968	Кавабата Я.(Япония)
1969	Беккет С.(Ирландия)
1970	Солженицин А.И.(СССР)
1971	Неруда П.(Чили)
1972	Бёлль Г.(Германия)
1973	Уайт П.В. М. (Австралия)
1974	Мартинсон Х.Э.(Швеция), Юнсон (Йонсон) Э.(Швеция)
1975	Монтале Э.(Италия)
1976	Беллоу С.(АҚШ)
1977	Алейксандре В.(Испания)
1978	Зингер А.Б.(АҚШ)
1979	Элитис О.(Греция)
1980	Милош Ч.(Польша)
1981	Канетти Э. (Австрия)
1982	Гарсия Маркес Г.(Колумбия)
1983	Голдинг У.(Буюк Британия)
1984	Сейферт Я.(Чехия)
1985	Симон К.(Франция)
1986	Шойинка В.(Нигерия)
1987	Бродский И.А.(АҚШ)
1988	Маҳфуз Н.(Миср)
1989	Села К.Х.(Испания)
1990	Пас О.(Мексика)
1991	Гордимер Н.(ЖАР)
1992	Уолкотт (Валкотт) Д.(Тринидад ва Тобаго)
1993	Моррисон Т.(АҚШ)
1994	Оэ К.(Япония)
1995	Хини С.(Ирландия)
1996	Шимборская В.(Польша)
1997	Фо Д.(Италия)
1998	Сарамагу Ж.(Португалия)
1999	Грасс Г.(Германия)
2000	Синжуан Г.(Хитой-Франция)
2001	Найпол В.С.(Тринидад ва Тобаго)
2002	Кертес И.(Венгрия)
2003	Кутцие Ж.(ЖАР)
2004	Елинек Э.(Австрия)
2005	Пинтер Г.(Буюк Британия)

ТИНЧЛИК СОҲАСИДА

1901	Дюнан А.Ж.(Швейцария), Пасси Ф.(Франция)
1902	Гоба А.(Швейцария), Дюккоммён Э.(Швейцария)
1903	Кример У. (Буюк Британия)
1904	Халқаро ҳуқуқ институти (халқаро ташкилот)
1905	Зутнер Б.фон (Австрия)

Жадвалнинг давоми

1906	Рузвельт Т.(АҚШ)
1907	Монета Э. (Италия), Рено Л. (Франция)
1908	Арнольдсон К.(Швеция), Байер Ф.(Дания)
1909	Беенар О.(Бельгия), Д'Эстурнелльде Констан П.Б.(Франция)
1910	Халқаро тинчлик бюроси
1911	Ассер Т.М.(Нидерландия), Фрид А.Г.(Австрия)
1912	Рут Э.(АҚШ)
1913	Лафонтен А.(Бельгия)
1914—16	Берилмаган
1917	Халқаро Қизил Хоч қўмитаси
1918	Берилмаган
1919	Вильсон Т.В.(АҚШ)
1920	Буржуа Л.(Франция)
1921	Брантинг К.Я.(Швеция), Ланге К.Л.(Норвегия)
1922	Нансен Ф.(Норвегия)
1923—24	Берилмаган
1925	Дауэс Ч.Г.(АҚШ), Чемберлен Ж. (Буюк Британия)
1926	Бриан А.(Франция), Штреземан Г.(Германия)
1927	Бюиссон Ф.(Франция), Квидде Л. (Германия)
1928	Берилмаган
1929	Келлог Ф.Б.(АҚШ)
1930	Сёдерблом Н.(Швеция)
1931	Адламс Ж., Батлер Н.М. (АҚШ)
1932	Берилмаган
1933	Энджелл Н.(Буюк Британия)
1934	Гендерсон А.(Буюк Британия)
1935	Осцкий К.фон (Германия)
1936	Сааведра Ламас К.(Аргентина)
1937	Сесил Р.(Буюк Британия)
1938	Қочоқлар ишлари бўйича Нансен халқаро ташкилоти
1939—43	Берилмаган
1944	Халқаро Қизил Хоч қўмитаси
1945	Халл К. (АҚШ)
1946	Болч Э.Г., Мотт Д.Р.(АҚШ)
1947	Жамият хизматидаги Америка дўстлар қўмитаси, Жамият хизматидаги дўстлар кенгаши
1948	Берилмаган
1949	Бойд-Орр Д.(Буюк Британия)
1950	Банч Р.(АҚШ)
1951	Жуо Л.(Франция)
1952	Швейцер А. (Франция)
1953	Маршалл Ж.К.(АҚШ)
1954	БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари хизмати
1955—56	Берилмаган
1957	Пирсон Л.Б.(Канада)
1958	Пир Ж.(Бельгия)
1959	Ноэль-Бейкер Ф.(Буюк Британия)
1960	Лутули А.Ж.(ЖАР)
1961	Хаммаршельд Д.Я.(Швеция)
1962	Полинг Л.К.(АҚШ)
1963	Қизил Хоч жамиятлари лигаси, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси
1964	Кинг М.Л.(АҚШ)
1965	БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ)

Жадвалнинг давоми

1966—67	Берилмаган
1968	Кассен Р.(Франция)
1969	Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)
1970	Борлоуг Н.Э. (АҚШ)
1971	Брандт В.(ГФР)
1972	Берилмаган
1973	Киссинжер Г.А.(АҚШ), Ле Дик Тхо (Вьетнам)
1974	Макбрайд Ш.(Ирландия), Сато Э.(Япония)
1975	Сахаров А.Д.(СССР)
1976	Корриган М., Уильямс Б. (Шим.Ирландия)
1977	"Халқаро амнистия"
1978	Бегин М.(Исроил), Садат А.(Миср)
1979	Тереза (Тереза она — Агнес Гонжа Бояжиу) (Ҳиндистон)
1980	Перес Эскивель А.(Аргентина)
1981	БМТ нинг қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари хизмати
1982	Гарсия Роблес А.(Мексика), Мюрдаль А.(Швеция)
1983	Валенса Л.(Польша)
1984	Туту Д.(ЖАР)
1985	"Жаҳон врачлари ядро урушини олдини олиш учун" халқаро жамоат ташкилоти
1986	Визель Э.(АҚШ)
1987	Ариас Санчес О.(Коста-Рика)
1988	БМТнинг тинчликни сақлаш бўйича халқаро кучлари
1989	Гьятсо Т., далай-лама (Хитой)
1990	Горбачёв М.С.(СССР)
1991	Аун Сан Су Чжи (Мьянма)
1992	Менчу Р.(Гватемала)
1993	Клерк Ф.де Мандела Н.(ЖАР)
1994	Арофат Ё. (Фаластин), Перес Ш., Рабин И.(Исроил)
1995	Ротблат Ж.(Буюк Британия), Фан ва халқаро муносабатлар бўйича Пагуош конференциялари
1996	Шименш Белу (Хименес Бело) К.Ф., Рамуш-Орта (Рамос-Орта) Ж.(Шарқий Тимор)
1997	"Пиёда қўшинларга қарши миналарни тақиқлаш учун халқаро ҳаракат"
1998	Тримбл Д., Хьюм Ж.(Шим. Ирландия)
1999	"Чегара билмас врачлар"
2000	Ким Де Жунг (Корея Республикаси)
2001	Аннан К.(Гана)
2002	Картер Ж.(АҚШ)
2003	Ибодий Ш.(Эрон)
2004	Маатаи В.(Кения)
2005	ал-Барадей М.(Миср), МАГАТЭ (Атом энергияси бўйича халқаро агентлик)

Жадвалнинг давоми

1983	Дебрё Ж.(Франция)	Иқтисодий назарияга янги таҳлил усулларини киритган ва умумий мувозанат назариясига ҳисса қўшган
1984	Стоун Р.(Буюк Британия)	Миллий ҳисоблар ва истеъмол харажатлари тизимларини яратган
1987	Солоу Р.(АҚШ)	Иқтисодий ўсиш назарияси соҳасида фундаментал тадқиқотлар олиб борган
1988	Алле М.(Франция)	Бозорлар ва молдий ресурслардан самарали фойдаланиш назариясига ҳисса қўшган
1989	Ховельмо Т.(Норвегия)	Эконометрия ва иқтисодий тузилмаларни таҳлил қилган
1990	Марковиц Х., Шарп У., Миллер М.(АҚШ)	Молия бозорлари назариясини ишлаб чиқишга ҳисса қўшишган
1991	Коуз Р.(АҚШ)	Трансакцион харажатлар ва институционал тузилмаларнинг мулкчилик ҳуқуқи соҳасидаги кашфиётлари ва тадқиқотлари
1992	Беккер Г.(АҚШ)	Микроиқтисодий таҳлилни кенгайтирган, уни кишиларнинг хулқи ва ўзаро муносабатлари соҳаларига татбиқ этган
1993	Норт Д.С., Фоужел Р.У.(АҚШ)	Тарихий воқеаларни ўрганишда иқтисодий назария ва миқдорий усулларни қўллашган
1994	Зельтен Р.(Германия), Неш Ж.(АҚШ), Харсани Ж.(Венгрия)	Нокооператив ўйинлар назариясида мувозанат муаммоларини таҳлил қилишган
1995	Лукас Р.(АҚШ)	Рационал кутилмалар гипотезасини ривожлантирган ва уни қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб борган
1996	Викри У.С.(АҚШ), Мирлис Ж.А.(Шотландия)	Ассиметрик ахборотлар шароитларида иқтисодий рағбатлар назариясига ҳисса қўшган
1997	Мертон Р., Скоулс З.М.(АҚШ)	Акциялар опциони қийматларини аниқлашнинг янги усулини яратишган
1998	Сен А.(Ҳиндистон)	Жаҳон мамлакатларида камбағаллик сабабларни ва ижтимоий ёрдам натижаларини тадқиқ этган
1999	Манделл Р.(Канада)	Пул ва бюджет сиёсати, халқаро валюта ва халқаро капитал бозорларининг ривожланиши йўналишлари соҳасида тадқиқотлар олиб борган

3-ИЛОВА

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ

ЕВРОПА						
Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Австрия	83,8	8150	Вена	президентлик парламентар федератив республика	немис тили	католицизм
Албания	28,7	3510	Тирана	президентлик парламентар республика	албан тили	ислом, христианлик
Андорра	0,465	67	Андорра-ла-Велья	парламентар князлик	каталон, испан, француз тиллари	католицизм
Белоруссия	207,6	10035	Минск	президентлик парламентар республика	белорус тили	православие
Бельгия	30,5	10260	Брюссель	конституцияли парламентар монархия	нидерланд (фламанд), француз, немис тиллари	католицизм
Болгария	111,0	8152	София	президентлик парламентар республика	болгар тили	православие
Босния ва Герцеговина	51,1	3920	Сараево	президентлик парламентар республика	хорват тили	ислом, христианлик
Буюк Британия	244,9	59750	Лондон	парламентар монархия	инглиз тили	протестантизм, католицизм
Ватикан	0,0044	1000	—	теократик монархия	лотин, итальян тиллари	католицизм

Жадвалнинг давоми

Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Мальта	0,316	390	Валлетта	президентлик парламентар республика	мальта, инглиз тиллари	католицизм
Молдавия	33,7	4430	Кишинёв	президентлик парламентар республика	молдован тили	православие
Монако	0,002	34	Монако	конституцияли монархия	француз тили	католицизм
Нидерландия	3397	15921	Амстердам	конституцияли монархия	нидерланд тили	католицизм, протестантизм
Норвегия	324,2	4500	Осло	конституцияли монархия	норвег тили	лютерчилик
Польша	312,683	38648	Варшава	президентлик парламентар республика	польяк тили	католицизм
Португалия	92,0	10060	Лиссабон	президентлик парламентар республика	португал тили	католицизм
Россия	17075,4	145470	Москва	президентлик парламентар федератив республика	рус тили	православие
Руминия	237,5	22432	Бухарест	президентлик парламентар республика	румин тили	православие
Сан-Марино	0,061	27	Сан-Марино	президентлик парламентар республика	итальян тили	католицизм
Сербия ва Черногория	102,2	10662	Белград	президентлик парламентар республика	серб тили	православие, ислом
Словакия	49,0	5430	Братислава	президентлик парламентар республика	словак тили	католицизм

Жадвалнинг давоми

Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Словения	20,251	1968	Любляна	президентлик парламентар республика	словен тили	католицизм
Украина	603,7	49509	Киев	президентлик парламентар республика	украин тили	православие
Финляндия	377,0	5177	Хельсинки	президентлик парламентар республика	фин, швед тиллари	лютерчилик
Франция	551,6	59550	Париж	президентлик парламентар республика	француз тили	католицизм
Хорватия	56,538	4600	Загреб	президентлик парламентар республика	хорват тили	католицизм, православие
Чехия	78,864	10275	Прага	президентлик парламентар республика	чех тили	католицизм
Швейцария	41,3	7280	Берн	федератив парламентар республика	немис, француз, итальян, ретороман тиллари	католицизм, протестантизм
Швеция	449,8	8870	Стокгольм	конституцияли монархия	швед тили	лютерчилик
Эстония	45,1	1433	Таллин	президентлик парламентар республика	эстон тили	католицизм

Жадвалнинг давоми

ОСИЁ						
Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Арманистон	30	3800	Ереван	президентлик парламентар республика	арман тили	христианлик
Афғонистон	653	26800	Кобул		пушти, дари тиллари	ислом
Бангладеш	144	133500	Дакка	президентлик парламентар республика	бенгал тили	ислом
Баҳрайн	0,7	720	Манама	конституцияли монархия	араб тили	ислом
БАА	84	3300	Абу-Даби	амирликлар-дан иборат федерация	араб тили	ислом
Бруней	6	350	Бандар-Сери-Бегаван	конституцияли монархия	малайя, инглиз тиллари	ислом
Бутан	47	900	Тҳимпҳу	конституцияли монархия	бхотия (дзонг-кэ) тили	буддизм
Вьетнам	332	78700	Ханой	президентлик парламентар социалистик республика	вьетнам тили	буддизм, католицизм
Грузия	70	5500	Тбилиси	президентлик парламентар республика	грузин тили	православие
Индонезия	1907	206100	Жакарта	президентлик парламентар республика	индонез тили	ислом
Иордания	89	5200	Аммон	конституцияли монархия	араб тили	ислом
Ироқ	439	23600	Бағдод	президентлик республикаси	араб тили	ислом
Исроил	21	6400	Тель-Авив	президентлик парламентар республика	иврит, араб тиллари	иудаизм

Жадвалнинг давоми

Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Камбоджа	181	13100	Пномпень	конституцияли монархия	кхмер тили	буддизм
Кипр	9	8800	Никосия	президентлик республикаси	грек, турк тиллари	православие, ислом
Корея Республикаси	99,0	48800	Сеул	президентлик парламентар республика	корейс тили	буддизм, конфуций-лик
КХДР	121	22000	Пхеньян	социалистик республика	корейс тили	буддизм, конфуций-лик
Кувайт	18	2300	Кувайт	конституцияли монархия	араб тили	ислом
Лаос	237	5400	Вьентьян	халқ демократик республикаси	лаос тили	буддизм
Ливан	10	4300	Байрут	президентлик парламентар республика	араб тили	ислом, христианлик
Малайзия	330	22700	Куала-Лумпур	конституцияли монархия	малайзия тили	ислом, буддизм
Мальдив	0,3	290	Мале	президентлик парламентар республика	мальдив тили	ислом
Монголия	1568,0	2400	Улан-Батор	президентлик парламентар республика	монгол тили	ламаизм
Мьянма	677	47800	Янгон	республика	мьянма тили	буддизм
Непал	147	23500	Катманду	конституцияли монархия	непал тили	ҳиндуийлик
Озарбайжон	87	8100	Боку	президентлик парламентар республика	озарбайжон тили	ислом

Жадвалнинг давоми

Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Покистон	797	145000	Ислом-обод	парламентар федератив республика	урду тили	ислом
Саудия Арабистони	2152	21100	Ар-Риёд	мутлақ теократик монархия	араб тили	ислом
Сингапур	0,6	4100	Сингапур	президентлик парламентар республика	хитой, инглиз, малайя, тамил тиллари	буддизм, ислом, христианлик, ҳиндуийлик, конфуцийлик
Сурия	185	17100	Дамашқ	президентлик парламентар республика	араб тили	ислом
Таиланд	514	62400	Бангкок	конституцияли монархия	тай тили	буддизм
Тожикистон	143	6200	Душанба	президентлик республикаси	тожик тили	ислом
Туркия	776	66300	Анқара	президентлик парламентар республика	турк тили	ислом
Туркманистон	489	5500	Ашхобод	президентлик республикаси	туркман тили	ислом
Уммон	213	2400	Маскат	мутлақ монархия	араб тили	ислом
Фаластин	6	3300	Қуддус		араб тили	ислом
Филиппин	300	77200	Манила	президентлик республикаси	тагал, инглиз тиллари	христианлик, ислом
Хитой	9584	1273300	Пекин	социалистик республика	хитой тили	конфуцийлик, даосизм, буддизм
Шарқий Тимор	15	770	Дили		португал, индонез тиллари	ислом

Жадвалнинг давоми

Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Шри Ланка	66	19500	Коломбо	президентлик парламентар республика	сингал, тамил, инглиз тиллари	буддизм, ҳиндуийлик
Эрон	1635	66,1	Теҳрон	теократик президентлик республикаси	форс тили	ислом
Яман	529	18000	Адан	президентлик парламентар республика	араб тили	ислом
Япония	378,0	127100	Токио	конституцияли монархия	япон тили	синтоизм, буддизм
Ўзбекистон	448,4	26021,3 (2005 й.)	Тошкент	президентлик республикаси	ўзбек тили	ислом
Қатар	11	590	Дўҳа	мутлақ монархия	араб тили	ислом
Қирғизистон	199	5000	Бишкек	президентлик парламентар республика	қирғиз, рус тиллари	ислом
Қозоғистон	2720	14,8	Остона	президентлик парламентар республика	қозоқ тили	ислом
Ҳиндистон	3291	1032000 (2000 й.)	Деҳли	президентлик парламентар федератив республика	ҳинд, инглиз тиллари	ҳиндуийлик

Жадвалнинг давоми

АФРИКА						
Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Ангола	1246,7	10360	Луанда	республика	португал тили	католицизм, протестантизм
Бенин	111,6	6590	Порто-Ново	президентлик республикаси	француз тили	маҳаллий анъанавий динлар
Ботсвана	581,5	1580	Габороне	президентлик республикаси	сетсвана, инглиз тиллари	протестантизм
Буркина-Фасо	274,0	12270	Уагадугу	республика	француз тили	анъанавий динлар
Бурунди	26,8	6220	Бужумбура	республика	кирунди, француз тиллари	католицизм, анъанавий динлар
Габон	258,7	1235	Либревил	президентлик парламентар республика	француз тили	христианлик
Гамбия	10,3	1410	Банжул	президентлик парламентар республика	инглиз тили	ислом
Гана	230,5	19890	Аккра	президентлик парламентар республика	инглиз тили	анъанавий динлар
Гвинея	245,8	7610	Конакри	президентлик республикаси	француз тили	ислом
Гвинея-Бисау	28,1	1310	Бисау	парламентар республика	португал тили	анъанавий динлар, ислом
Жазоир	2381,0	26880	Жазоир	республика	араб тили	ислом
ЖАР	1221,0	43580	Претория	президентлик парламентар республика	инглиз, африкаанс тиллари	христианлик, анъанавий динлар
Жибути	23,0	460	Жибути	президентлик республикаси	араб, француз тиллари	ислом

Жадвалнинг давоми

Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Замбия	743,6	9770	Лусака	президентлик парламентар республика	инглиз тили	христианлик, маҳаллий динлар
Зимбабве	387,0	11360	Хараре	президентлик республикаси	инглиз тили	христианлик, анъанавий динлар
Кабо-Верде	4,033	398	Прая	президентлик парламентар республика	португал тили	католицизм
Камерун	475,0	15800	Яунде	президентлик парламентар республика	француз, инглиз тиллари	христианлик, ислом
Кения	569,6	30760	Найроби	президентлик парламентар республика	инглиз, суахили тиллари	христианлик, анъанавий динлар
Конго	341,0	2890	Браззавиль	президентлик парламентар республика	француз тили	христианлик, анъанавий динлар
Конго Демократик Республикаси	2267,4	53620	Киншаса	президентлик республикаси	француз тили	католицизм, протестантизм
Кот-д'Ивуар	322,4	16320	Ямусукро	президентлик парламентар республика	француз тили	анъанавий динлар, христианлик
Лесото	30,3	2700	Масеру	конституцияли монархия	инглиз, сесото тиллари	христианлик
Либерия	96,4	3200	Монровия	республика	инглиз тили	анъанавий динлар, ислом,христианлик
Ливия	1759,5	5240	Триполи	тўғридан-тўғри халқ ҳокимияти	араб тили	ислом

Жадвалнинг давоми

Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Маврикий	2,0	1180	Порт-Луи	президентлик парламентар республика	инглиз тили	ҳиндуий-лик, христиан-лик
Мавритания	1025,0	2740	Нуакшот	президентлик парламентар республика	араб тили	ислом
Малагаскар	581,0	15980	Антанана-риву	президентлик парламентар республика	малагаси тили	анъанавий динлар, христиан-лик
Малави	194,0	10540	Лилонгве	президентлик парламентар республика	малави, инглиз тиллари	христиан-лик, ислом, ҳиндуийлик
Мали	1220	11000	Бамако	президентлик парламентар республика	француз тили	ислом
Марокаш	446,5	30640	Рабат	конституцияли монархия	араб тили	ислом
Марказий Африка Республикаси	623,0	3570	Баиги	президентлик республикаси	француз тили	анъанавий динлар
Миср	1001,4	69530	Қоҳира	президентлик парламентар республика	араб тили	ислом
Мозамбик	784,0	19380	Мапуту	президентлик парламентар республика	португал тили	анъанавий динлар, ислом
Намибия	824,3	1790	Виндхук	президентлик парламентар республика	инглиз тили	христианлик, анъанавий динлар
Нигер	1266,0	10350	Ниамей	президентлик парламентар республика	француз тили	ислом
Нигерия	910,8	126630	Абужа	федератив республика	инглиз тили	ислом, христианлик
Руанда	26,4	7310	Кигали	президентлик парламентар республика	киньяруанда, француз, инглиз тиллари	христианлик

Жадвалнинг давоми

Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг кищи (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Сан-Томе ва Принсипи	0,9	165	Сан-Томе	президентлик парламентар республика	португал тили	католицизм
Свазиленд	17,4	1100	Мбабане	конституция-ли монархия	инглиз, свази тиллари	христианлик, анъанавий динлар
Сейшель Оролларн	0,5	79	Виктория	президентлик парламентар республика	инглиз, француз, креол тиллари	католицизм
Сенегал	192,2	10280	Дакар	президентлик парламентар республика	француз тили	ислом
Сомали	627,6	7480	Могади-шо	президентлик республикаси	араб, сомали тиллари	ислом
Судан	2375,0	36800	Хартум	ҳарбий режим	араб тили	ислом
Сьерра-Леоне	72,3	5420	Фритаун	республика	инглиз тили	ислом
Танзания	886,1	36230	Дорусса-лом	федератив республика	инглиз, суахили тиллари	христианлик, ислом
Того	54,6	5150	Ломе	президентлик парламентар республика	француз тили	анъанавий динлар
Тунис	155,0	9700	Тунис	президентлик парламентар республика	араб тили	ислом
Уганда	199,1	23980	Кампала	президентлик парламентар республика	инглиз тили	христианлик
Чад	1259,0	8700	Нжамена	президентлик республикаси	француз, араб тиллари	ислом, христианлик
Экваториал Гвинея	28,0	480	Малабо	президентлик парламентар республика	испан тили	католицизм
Эритрея	125,0	4460	Асмэра	президентлик давлати	тигран, араб тиллари	христианлик, ислом
Эфиопия	976,0	65890	Аддис-Абеба	федератив республика	амхара тили	ислом, христианлик
Қамар Оролларн	2,2	596	Морони	мутлақ монархия	қамар, француз, араб тиллари	ислом

Жадвалнинг давоми

ШИМОЛИЙ ВА МАРКАЗИЙ АМЕРИКА						
Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Антигуа ва Барбуда	0,441	70	Сент-Жонс	парламентар монархия	инглиз тили	протестантизм
АҚШ	9373	272630	Вашингтон	президентлик парламентар федератив республика	инглиз тили	протестантизм, католицизм
Багама Ороллари	14,0	280	Нассау	парламентар монархия	инглиз тили	протестантизм, католицизм
Барбадос	0,430	275	Бриджтаун	парламентар монархия	инглиз тили	протестантизм
Белиз	230	235	Бельмопан	парламентар монархия	инглиз тили	католицизм
Гаити	27,8	6960	Порт-о-Пренс	президентлик парламентар республика	гаити, креол, француз тиллари	католицизм
Гватемала	108,9	12970	Гватемала	президентлик парламентар республика	испан тили	католицизм
Гондурас	112,1	6400	Тегусигальпа	президентлик парламентар республика	испан тили	католицизм
Гренада	0,344	110	Сент-Жоржес	парламентар монархия	инглиз тили	католицизм, протестантизм
Доминика	0,750	75	Розо	парламентар республика	инглиз тили	католицизм
Доминикана	48,4	8580	Санто-Доминго	президентлик парламентар республика	испан тили	католицизм
Канада	9971	31600	Оттава	провинциялардан иборат федерация	инглиз, француз тиллари	католицизм, протестантизм

Жадвалнинг давоми

Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Коста-Рика	51,1	3770	Сан-Хосе	президентлик *парламентар* республика	испан тили	католицизм, *протестантизм*
Куба	110,8	11180	Гавана	социалистик республика	испан тили	католицизм
Мексика	1960	101870	Мехико	президентлик парламентар федератив республика	испан тили	католицизм
Никарагуа	130,0	4910	Манагуа	*президентлик* парламентар республика	*испан тили*	*католицизм*
Панама	76	2840	Панама	президентлик парламентар республика	испан тили	католицизм
Пуэрто-Рико	8,9	3800	Сан-Хуан	АҚШга "эркин қўшилган давлат"	испан, инглиз тиллари	католицизм
Сальвадор	21,3	6230	Сан-Сальвадор	президентлик *парламентар* республика	испан тили	католицизм
Сент-Винсент ва Гренадина	0,389	150	Кингстаун	парламентар монархия	инглиз тили	протестантизм
Сент-Китс ва Невис	0,261	38	Бастер	конституцияли монархия	инглиз тили	протестантизм
Сент-Люсия	0,616	160	Кастри	конституцияли монархия	инглиз тили	католицизм
Тринидад ва Тобаго	5,1	1160	Порт-оф-Спейн	президентлик *парламентар* республика	инглиз тили	католицизм, *ҳиндуийлик*
Ямайка	11,1	2600	Кингстон	Ҳамдўстлик таркибидаги мустақил давлат	инглиз тили	протестантизм

Жадвалнинг давоми

ЖАНУБИЙ АМЕРИКА						
Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг кишн (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Аргентина	2766,8	37380	Буэнос-Айрес	федератив парламентар республика	испан тили	католицизм
Боливия	1098,6	8300	Ла-Пас	унитар республика	испан тили	католицизм
Бразилия	8512	174460	Бразилия	президентлик федератив республика	португал тили	католицизм
Венесуэла	912,1	21900	Каракас	федератив президентлик парламентар республика	испан тили	католицизм
Гайана	215	810	Жоржтаун	президентлик парламентар республика	инглиз тили	христианлик, ҳиндуийлик
Колумбия	1138,9	40340	Богота	президентлик парламентар республика	испан тили	католицизм
Парагвай	496,8	5730	Асунсьон	президентлик парламентар республика	испан тили	католицизм
Перу	1285,2	27480	Лима	президентлик парламентар республика	испан, кечуа тиллари	католицизм
Суринам	163,3	405	Парамарибо	президентлик парламентар республика	нидерланд тили	католицизм, ҳиндуийлик
Уругвай	176,2	3360	Монтевидео	президентлик парламентар республика	испан тили	католицизм
Чили	756,9	15320	Сантъяго	президентлик парламентар республика	испан тили	католицизм
Эквадор	283,6	13100	Кито	президентлик парламентар республика	испан тили	католицизм

Жадвалнинг давоми

АВСТРАЛИЯ ВА ОКЕАНИЯ						
Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Австралия	7713,3	19350	Канберра	парламентар монархия	инглиз тили	христианлик
Вануату	12,22	190	Порт-Вила	президентлик парламентар республика	бислама, инглиз, француз тиллари	протестантизм
Кирибати	0,81	94	Баирики	парламентар монархия	инглиз тили	протестантизм, католицизм
Маршалл Ороллари (АҚШ б-н эркин уюшган)	0,181	50,8	Мажуро	республика	маршалл, инглиз тиллари	протестантизм
Микронезия (АҚШ б-н эркин уюшган)	0,7	133,1	Паликир	штатлардан иборат федерация	инглиз тили	христианлик
Науру	0,021	11,8	—	Ҳамдўстлик таркибидаги республика	науру, инглиз тиллари	протестантизм, католицизм
Палау (АҚШ б-н эркин уюшган)	0,508	18,7	Корор	республика	белау (палау), инглиз тиллари	католицизм
Папуа—Янги Гвинея	462,8	5040	Порт-Морсби	парламентар монархия	инглиз тили	протестантизм, католицизм
Самоа	2,8	179	Апиа	конституцияли монархия	самоа, инглиз тиллари	протестантизм, католицизм
Соломон Ороллари	27,6	480	Хониара	Ҳамдўстлик таркибидаги давлат	инглиз тили	христианлик

Жадвалнинг давоми

Давлатлар	Майд. (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2001 й.)	Пойтахти	Давлат тузуми	Расмий тили	Дини
Тонга	0,748	104	Нукуалофа	конституцияли монархия	тонга, инглиз тиллари	протестантизм
Тувалу	0,026	10,8	Фунафути	Ҳамдўстлик таркибидаги давлат	инглиз, тувалу тиллари	протестантизм
Фижи Ороллари	18,4	840	Сува	президентлик парламентар республика	инглиз тили	христианлик, ҳиндуийлик
Шимолий Мариана Ороллари (АҚШ б-н эркин бирлашган)	0,477	77	Сусупе		инглиз тили	католицизм
Янги Зеландия	270,5	3860	Веллингтон	парламентар монархия	инглиз тили	христианлик

4-ИЛОВА

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ПУЛ БИРЛИКЛАРИ

(2006 й. 1 янв.)

Мамлакат	*Миллий валютаси*
Австралия	Австралия доллари
Австрия	евро* (шиллинг)
Албания	лек
Америка Қўшма Штатлари	АҚШ доллари
Ангола	квазна
Андорра	евро* (француз франки, испан песетоси)
Антигуа ва Барбуда	Шарқий Кариб доллари
Антил ороллари	Антиль гульдени
Аргентина	песо
Арманистон	драм
Аруба	Аруба флорини
Афғонистон	*афғони*
Багама ороллари	Багама доллари
Бангладеш	така
Барбадос	Барбадос доллари
Баҳрайн	Баҳрайн динори
Белиз	Белиз доллари
Белоруссия	белорус рубли
Бельгия	евро* (Бельгия франки)
Бенин	Ғарбий Африка франки**
Бермуда ороллари	Бермуда доллари
Бирлашган Араб Амирликлари	дирҳам
Болгария	лев
Боливия	боливиано
Ботсвана	*пула*
Бразилия	Бразилия реали
Бруней	Бруней доллари
Буркина-Фасо	Ғарбий Африка франки**
Бурунди	Бурунди франки

Жадвалнинг давоми

Мамлакат	Миллий валютаси
Бутан	нгултрум
Буюк Британия	фунт-стерлинг
Вануату	вату
Ватикан	Ватикан лираси, евро*(итальян лираси)
Венгрия	форинт
Венесузла	боливар
Виржиния ороллари (Буюк Британия)	Шарқий Кариб доллари, АҚШ доллари
Виржиния ороллари (АҚШ)	АҚШ доллари
Вьетнам	донг
Габон	Марказий Африка франки***
Гаити	гурд
Гайана	Гайана доллари
Гамбия	даласи
Гана	седи
Гваделупа	Гваделупа франки
Гватемала	кетсал
Гвиана	Гвиана франки
Гвинея	Гвинея франки
Гвинея-Бисау	Ғарбий Африка франки**
Германия Федератив Республикаси	евро* (марка)
Гибралтар	Гибралтар фунти
Гондурас	лемпира
Гренада	Шарқий Кариб доллари
Греция	евро* (драхма)
Грузия	лари
Гуам	АҚШ доллари
Дания	крона
Доминика	Шарқий Кариб доллари
Доминикана Республикаси	Доминикана песоси
Жазоир	динор
Жанубий Африка Республикаси	рэнд
Жибути	Жибути франки

Жадвалнинг давоми

Мамлакат	Миллий валютаси
Замбия	квачо
Зимбабве	Зимбабве доллари
Индонезия	Индонезия рупияси
Иордания	Иордания динори
Ироқ	Ироқ динори
Ирландия	евро* (фунт)
Исландия	Исландия кронаси
Испания	евро* (песето)
Италия	евро* (лира)
Кабо-Верде	Кабо-Верде эскудоси
Кайман	Кайман ороллари доллари
Камбоджа	риель
Камерун	Марказий Африка франки***
Канада	Канада доллари
Кения	*Кения шиллинги*
Кипр	Кипр фунти
Кирибати	Австралия доллари
Колумбия	Колумбия песоси
Конго (Конго Республикаси)	Марказий Африка франки***
Конго (Конго Демократик Республикаси)	*заир*
Корея Халқ Демократик Республикаси	вона
Корея Республикаси	вона
Коста-Рика	колон
Кот-д'Ивуар	Ғарбий Африка франки**
Куба	Куба песоси
Лаос	кип
Латвия	лат
Лесото	малути
Либерия	Либерия доллари, АҚШ доллари
Ливан	Ливан фунти
Ливия	Ливия динори
Литва	лит

Жадвалнинг давоми

Мамлакат	Миллий валютаси
Лихтенштейн	Швейцария франки
Люксембург	евро* (Люксембург франки)
Маврикий	Маврикий рупияси
Мавритания	угия
Мадагаскар	малагаси франки
Македония	динор
Малави	квача
Малайзия	рингтит
Мали	Ғарбий Африка франки**
Мальдив	Мальдив рупийси
Мальта	Мальта лираси
Марказий Африка Республикаси	Марказий Африка франки***
Марокаш	Марокаш дирҳами
Мартиника	Мартиника франки
Маршалл ороллари	АҚШ доллари
Мексика	Мексика песоси
Миср	Миср фунти
Мозамбик	метикал
Молдавия	лей (лея)
Монако	француз франки
Монголия	тугрик
Монтсеррат	Шарқий Кариб доллари
Мьянма	кьят
Намибия	Жанубий Африка Республикаси рэнди
Науру	Австралия доллари
Непал	Непал рупияси
Нигер	Ғарбий Африка франки**
Нигерия	найра
Нидерландия	евро* (голланд гульдени)
Никарагуа	кордоба
Норвегия	норвег кронаси
Озарбайжон	манат
Панама	бальбоа, АҚШ доллари

Жадвалнинг давоми

Мамлакат	Миллий валютаси
Папуа—Янги Гвинея	кина
Парагвай	гуарани
Перу	соль
Питкэри	Янги Зеландия доллари
Покистон	Покистон рупияси
Польша	злотий
Португалия	евро* (эскудо)
Пуэрто-Рико	АҚШ доллари
Реюньон	француз франки
Россия Федерацияси	рубль
Руанда	Руанда франки
Руминия	лей (лея)
Сальвадор	колон
Сан-Марино	итальян лираси
Сан-Томе ва Принсипи	добра
Саудия Арабистони	Саудия Арабистони риёли
Свазиленд	лилангени
Сейшель оролари	Сейшель рупийси
Сенегал	Ғарбий Африка франки**
Сен-Пьер ва Микелон	француз франки
Сент-Винсент ва Гренадина	Шарқий Кариб доллари
Сент-Кристофер ва Невис	Шарқий Кариб доллари
Сент-Люсия	Шарқий Кариб доллари
Сербия	динор
Сингапур	Сингапур доллари
Словакия	крона
Словения	толар
Соломон оролари	Соломон оролари доллари
Сомали	Сомали шиллинги
Судан	Судан динори
Суринам	Суринам гульдени
Сурия	Сурия фунти

Жадвалнинг давоми

Мамлакат	Миллий валютаси
Сьерра-Леоне	леоне
Таиланд	тай бати
Тайвань	Янги Тайвань доллари
Танзания	Танзания шиллинги
Того	Ғарбий Африка франки**
Тожикистон	сомоний
Тонга	паанга
Тринидад ва Тобаго	Тринидад ва Тобаго доллари
Тувалу	Австралия доллари
Тунис	тунис динори
Туркманистон	манат
Туркия	турк лираси
Украина	гривна
Уганда	Янги Уганда шиллинги
Уммон	Уммон риёли
Уругвай	Уругвай песоси
Фижи	Фижи доллари
Филиппин	Филиппин песоси
Финляндия	евро* (фин маркаси)
Фолкленд ороллари	Фолкленд фунти
Франция	евро* (француз франки)
Хитой	юань
Хорватия	куна
Чад	Марказий Африка франки***
Чехия	крона
Черногория	евро*
Чили	Чили песоси
Швейцария	франк
Швеция	швед кронаси
Шри-Ланка	Шри-Ланка рупияси
Эквадор	сукре
Экваториал Гвинея	Марказий Африка франки***

Жадвалнинг давоми

Мамлакат	Миллий валютаси
Эритрея	Эфиопия бирри
Эрон	риёл
Эстония	Эстон кронаси
Эфиопия	бирр
Ямайка	Ямайка доллари
Яман	Яман риёли
Янги Зеландия	Янги Зеландия доллари
Япония	иена
Ўзбекистон	сўм
Қамар ороллари	Қамар франки
Қатар	Қатар риёли
Қирғизистон	сом
Қозоғистон	тенге
Қувайт	Қувайт динори
Ғарбий Самоа	тала
Ҳиндистон	ҳинд рупияси

* *Евро* — Европа Иттифоқи давлатларида 2002 й. 1 январдан муомалага киритилган.

** Ғарбий Африка франки (Ғарбий Африка давлатлари Марказий банки франки).

*** Марказий Африка франки (Марказий Африка давлатлари Марказий банки франки).

5-ИЛОВА

МУҲИМ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАР

1-жадвал

ЙИРИК АРХИПЕЛАГ ВА ОРОЛЛАР		
	Майдони, минг км²	Жойлашган ўрни
Австралия ва Океания		
Янги Гвинея	829,0	Тинч океан
Янги Зеландия, жумладан:	268,7	Тинч океан
Жан.Янги Зеландия	150,6	
Шим.Янги Зеландия	114,7	
Тасмания	68,4	Тинч ва Ҳинд океанлар
Бисмарк архипелаги, жумладан:	50,5	Тинч океан
Янги Британия	36,6	
Янги Ирландия	8,6	
Соломон Ороллари, жумладан:	40,4	Тинч океан
Бугенвиль	10,0	
Гуадалканал	5,3	
Янги Каледония	19,0	Тинч океан
Фижи, жумладан:	18,3	Тинч океан
Вити-Леву	10,5	
Вануа-Леву	5,5	
Гавайи ороллари	16,7	Тинч океан
Янги Гебрид	14,8	Тинч океан
Шимолий ва Марказий Америка		
Гренландия	2176,0	Шим.Муз ва Атлантика океанлари
Канада Арктика архипелаги, жумладан:	1335,5	Шим.Муз океани
Баффин Ери	476,0	
Виктория	213,8	
Элсмир	203,0	
Банкс	60,2	
Девон	54,0	
Мелвилл	41,8	
Аксель-Хейберг	40,9	
Шарлотта Уэлс	33,3	
Сомерсет	24,3	
Принс-Патрик	15,8	

1-жадвалнинг давоми

	Майдони, минг км²	Жойлашган ўрни
Катта Антиль ороллари, жумладан:	209,0	Атлантика океани ва Кариб денгизи
Куба	105,0	
Гаити	77,0	
Ямайка	11,5	
Пуэрто-Рико	8,6	
Ньюфаундленд	111,0	Атлантика океани
Саутхемптон	44,1	Гудзон кўлтиги
Алеут ороллари	37,8	Тинч океан
Александр	36,8	Тинч океан
Ванкувер	32,2	Тинч океан
Кадьяк	16,1	Тинч океан
Кичик Антиль ороллари	14,0	Тинч океан
Багама ороллари	13,9	Атлантика океани
Кейп-Бретон	10,3	Атлантика океани
Қиролича Шарлотта о.лари	10,3	Тинч океан
Жанубий Америка		
Оловли Ер	72,0	Атлантика ва Тинч океанлари
Фолькленд (Мальвин) о.лари	12,2	Атлантика океани
Чилоэ	8,4	Тинч океан
Галапагос	7,8	Тинч океан
Антарктика		
Кергелен	7,0	Ҳинд океани
Жан.Георгия	4,2	Атлантика океани
Жан.Шетленд о.лари	4,3	Атлантика океани
Африка		
Мадагаскар	590,0	Ҳинд океани
Канар ороллари	7,3	Атлантика океани
Яшил Бурун ороллари	4,0	Атлантика океани
Маскарен о.лари, жумладан:	4,5	Ҳинд океани
Реюньон	2,5	
Маврикий	1,9	

1-жадвалнинг давоми

	Майдони,минг км²	Жойлашган ўрни
Европа		
Британия о.лари, жумладан:	325,0	Атлантика океани ва Шим.денгиз
Буюк Британия	230,0	
Ирландия	84,0	
Новая Земля, жумладан:	82,6	Баренц ва Кара денгизлари
Шимолий	48,9	
Жанубий	33,3	
Исландия	103,0	Атлантика океани
Шпицберген	62,0	Шим.Муз океани
Франц Иосиф Ери	16,1	Шим.Муз океани
Осиё		
Катта Зонд о.лари, жумладан:	1500,0	Ҳинд океани
Калимантан	734,0	
Суматра	435,0	
Сулавеси	170,0	
Ява	126,5	
Япон ороллари, жумладан:	370,0	Тинч океан
Хонсю	230,4	
Хоккайдо	77,7	
Кюсю	42,0	
Сикоку	17,8	
Филиппин о.лари, жумладан:	300,0	Тинч океан
Лусон	105,6	
Минданао	94,6	
Самар	13,4	
Палаван	11,8	
Кичик Зонд ороллари, жумладан:	128,0	Ҳинд океани
Тимор	34,0	
Флорес	15,6	
Сумбава	13,3	
Сумба	11,2	
Молукка о.лари, жумладан:	83,7	Тинч океан
Серам	17,1	
Хальмахера	18,0	
Сахалин	76,4	Тинч океан
Шри Ланка	65,6	Ҳинд океани
Новосибирск ороллари	38,4	Шим.Муз океани

1-жадвалнинг давоми

	Майдони, минг км²	Жойлашган ўрни
Северная Земля	37,6	Шим.Муз океани
Тайвань	36,0	Шарқий Хитой денгизи
Хайнань	34,0	Жан.Хитой денгизи
Курил ороллари	15,6	Тинч океан
Кипр	9,6	Ўрта денгиз
Врангель	7,3	Шим.Муз океани

2-жадвал

ЙИРИК ЯРИМ ОРОЛЛАР		
	Майдони, минг км²	Жойлашган ўрни
Арабистон	2730	Осиё
Ғарбий Антарктида	2690	Антарктида
Ҳиндихитой	2088	Осиё
Ҳиндистон	2000	Осиё
Лабрадор	1600	Шим.Америка
Скандинавия	800	Европа
Сомали	750	Африка
Пиреней	582	Европа
Болқон	505	Европа
Таймир	400	Осиё
Кичик Осиё	400	Осиё
Камчатка	370	Осиё
Кейп-Йорк	300	Австралия

3-жадвал

МУҲИМ ДЕНГИЗЛАР		
	Майдони, минг км²	Энг чуқур жойи, м
Атлантика океани		
Азов	39	15
Болтиқ	419	470

3-жадвалнинг давоми

	Майдони, минг км²	Энг чуқур жойи, м
Атлантика океани		
Ирландия	47	197
Кариб	2777	7090
Мармар	12	1273
Шимолий денгиз	565	725
Ўрта денгиз, жумладан:	2505	5121
Адриатика	144	1230
Ионий	169	5121
Лигури	15	2546
Тиррен	214	3830
Эгей	191	2561
Уэделл	2910	6820
Қора денгиз	422	2210
Тинч океани		
Амундсен	98	585
Банда	714	7440
Беллинсгаузен	487	4115
Беринг	2315	5500
Ички Япон	18	74
Шарқий Хитой	836	2719
Сариқ денгиз	416	106
Маржон	4068	9174
Охота	1603	3521
Росс	440	2972
Серам	161	5319
Сулавеси	453	5914
Сулу	335	5576
Тасман	3336	6015
Ява	552	1272
Япон	1062	3720
Шимолий Муз океани		
Баренц	1424	600
Баффин	530	2414

3-жадвалнинг давоми

	Майдони, минг км²	Энг чуқур жойи, м
Оқ денгиз	90	350
Бофорт	481	3749
Шарқий Сибирь	913	915
Гренландия	1195	5527
Кара	883	600
Лаптевлар	662	3385
Норвегия	1340	3970
Чукотка	595	1256
Ҳинд океани		
Андаман	605	4507
Арабистон	4832	5803
Арафура	1017	3680
Дейвис	21	1369
Қизил денгиз	460	3039
Тимор	432	3310

4-жадвал

МУҲИМ БЎҒОЗЛАР			
	Узунлиги, км	Энг камбар жойининг кенглиги, км	Энг кам чуқурлиги фарватерида, м
Катта Бельт	120	11	11,3
Босфор	30	0,7	20
Гибралтар	59	14	53
Дарданелл	120	1,3	29
Дания	530	287	120
Дейвис	1170	360	104
Дрейк	460	818	276
Каттегат	270	60	17
Керчь	41	4	5
Ла-Манш	578	32	23,6
Па-де-Кале	37	32	21

4-жадвалнинг давоми

	Узунлиги, км	Энг камбар жойининг кенглиги, км	Энг кам чуқурлиги фарватерида, м
Кичик Бельт	130	0,5	11,9
Мессина	33	3	72
Скагеррак	225	60	53
Флорида	651	80	150
Эресунн (Зунд)	102	3,4	8
Юкатан	55	200	1269
Тинч океан			
Беринг	96	86	36
Зонд	130	26	28
Корея	324	180	73
Кук	107	22	97
Лаперуз	94	43	27
Магеллан	575	2,2	19,8
Макасар	710	120	930
Малакка	937	15	12
Сингапур	114	12	22
Тайвань	398	139	8,6
Татар	663	40	8
Торрес	74	150	7,4
Цугару (Сангар)	96	18	110
Шимолий Муз океани			
Вилькицкий	104	55	32
Гудзон	806	115	141
Дмитрий Лаптев	115	50	11
Карские Ворота	33	45	52
Лонг	128	146	36
Маточкин Шар	98	0,6	12
Санников	238	55	14
Шокальский	106	19	55
Югорский Шар	40	2,8	13

4-жадвалнинг давоми

	Узунлиги, км	Энг камбар жойининг кенглиги, км	Энг кам чуқурлиги фарватерида, м
Ҳинд океани			
Боб ул-Мандаб	109	26	31
Басса	490	213	51
Мозамбик	1760	422	117
Ҳўрмуз	195	54	27,5

5-жадвал

ЧУҚУР СУВ ОСТИ НОВЛАРИ			
	Энг чуқур жойи, м	Узунлиги, км	Ўртача кенглиги, км
Атлантика океани			
Пуэрто-Рико	8742	1070	87
Жан.Сандвич	8264	1380	68
Романш	7856	230	9
Кайман	7090	790	54
Геллен	5121	343	12
Тинч океан			
Марина	11021	1340	59
Тонга	10882	860	78
Филиппин	10265	1330	65
Кармаденк	10047	1270	88
Изду-Бонин	9810	1030	82
Курил-Камчатка	9717	2170	59
Санта-Крус	9174	292	31
Волкано	9157	820	109
Бугенвиль	9103	330	39
Яп	8850	460	72
Сан-Кристобаль	8487	605	28
Япон	8412	680	59
Чили	8180	2690	64
Палау	8138	350	86

5-жадвалнинг давоми

	Энг чуқур жойи, м	Узунлиги, км	Ўртача кенглиги, км
Алеут	7855	3570	64
Рюкю (Нансей)	7790	603	38
Янги Гебрид	7633	870	29
Вебер (Банда)	7440	430	126
Ғарбий Меланезия	7030	—	—
Адмиралтейство	6887	930	41
Перу	6601	1340	61
Марказий Америка	6639	2530	34
Витязь	6150	870	11
Янги Гвинея	5310	700	36
Ҳинд океани			
Зонд (Ява)	7729	2900	49
Шарқий Ҳиндистон	6335	1244	27
Оби	5880	560	18
Амирант	5477	630	119
Чагос	5431	510	25

6-жадвал

ҚУРУҚЛИКДАГИ ЙИРИК БОТИҚЛАР		
	Денгиз сатҳидан чуқурлиги, м	Жойлашган ўрни
Ҳор	—395	Исроил, Иордания, Сурия
Турфон сойлиги	—154	Хитой
Афор	— 153	Жибути
Каттара	— 133	Миср
Ажал Водийси	— 132	Қозоғистон
Оқчақоя	—81	Туркманистон
Қуйи Калифорния	—72	АҚШ

7-жадвал

ЙИРИК КЎЛЛАР				
	Юзасининг майдони, минг км²	Сув сатҳининг баландлиги, м	Энг чуқур жойи, м	Жойлашган ўрни
Каспий денгизи	376	—28	1025	Европа, Осиё
Юқори	82,4	183	393	Шим.Америка
Виктория	68	1134	80	Шарқий Африка
Гурон	59,6	177	208	Шим.Америка
Мичиган	58	177	281	Шим.Америка
Танганьика	34	773	1470	Шарқий Африка
Байкал	31,5	456	1620	Сибирь
Ньяса	30,8	472	706	Шарқий Африка
Катта Айиқли	30,2	157	137	Шим.Америка
Катта Кўллар	28,6	156	150	Шим.Америка
Чад	26—10	281	11	Марказий Африка
Эри	25,7	174	64	Шим.Америка
Виннипег	24,3	217	28	Шим.Америка
Балхаш	22—17	342	26	Ўрта Осиё
Онтарио	19,5	75	236	Шим.Америка
Ладога	17,7	5	230	Шим. Европа
Маракайбо	16,3	0	250	Жан.Америка
Орол денгизи	16,2	30,0	69	Ўрта Осиё
Бангвеулу	15—4	1067	5	Марказий Африка
Эйр	15 гача	—12	20	Жан.Австралия
Дунтинху	12—4	11	8	Шарқий Осиё
Тонлесап	10—2,5	12	14	Жан.-Шарқий Осиё
Онега	9,7	33	127	Шим.Европа
Рудольф	8,5	375	73	Шарқий Африка
Никарагуа	8,4	32	70	Марказий Америка
Титикака	8,3	3812	304	Жан.Америка
Атабаска	7,9	213	60	Шим.Америка
Иссиққўл	6,2	1608	668	Ўрта Осиё
Катта Шўр	6—2,5	1282	15	Шим.Америка

7-жадвалнинг давоми

	Юзасининг майдони, минг км²	Сув сатҳининг баландлиги, м	Энг чуқур жойи, м	Жойлашган ўрни
Урмия	5,8 гача	1275	15	Ғарбий Осиё
Торренс	5,7	34	8	Жан.Австралия
Альберт	5,6	619	58	Шарқий Африка
Венерн	5,5	44	100	Шим. Европа
Виннипегосис	5,4	252	12	Шим.Америка
Мверу	5,2	917	15	Марказий Африка
Манитоба	4,7	248	28	Шим.Америка
Таймир	4,6	6	26	Шим.Сибирь
Кукунор	4,2	3205	38	Марказий Осиё
Ван	3,7	1720	145	Ғарбий Осиё
Чуд-Псков	3,5	30	15	Европа
Тана	3,6—3,1	1830	70	Шарқий Африка
Убсу-Нур	3,3	753	—	Марказий Осиё
Поопо	3—2,5	3690	3	Жан. Америка
Поянху	2,7—5	18	20	Шарқий Осиё
Чани	2,3—1,7	106	10	Ғарбий Сибирь

8-жадвал

ЙИРИК ДАРЁЛАР

	Узунлиги, км	Ҳавзасининг майдони, минг км²	Ўртача сув сарфи, м³/сек.
Австралия			
Муррей	2570	1057	330
Дарлинг	2740	650	42
Маррамбиджи	2172	165	77
Африка			
Нил (Кагера б-н бирга)	6671	2870	2600
Конго (Луалаба б-н)	4320	3691	46000
Нигер	4160	2092	9300
Замбези	2660	1330	16000

8-жадвалнинг давоми

	Узунлиги, км	Ҳавзасининг майдони, минг км²	Ўртача сув сарфи, м³/сек.
Шим. Америка			
Миссисипи (Миссури б-н)	6420	3268	19000
Миссисипи	3950		
Миссури	4740	1370	2600
Макензи (Пис-Ривер б-н)	4250	1804	11000
Юкон	3700	855	6500
Сан-Лаврентий	3350	1290	14000
Рио-Гранде	2870	570	15—20
Колорадо	2750	635	508
Нельсон (Саскачеван б-н)	2568	1072	2700
Колумбия	2250	670	8740
Жан. Америка			
Амазонка (Мараньон ирмоғидан)	6400	7180	220000
Журуа	3280	224	9000
Пурус	3200	365	12600
Токантис	2850	770	16300
Риу-Негру	2300	691	29300
Тапажос	2200	487	15500
Парана	4380	2663	17500
Парагвай	2500	1150	4000
Ориноко	2730	1086	29000
Сан-Франциску	*2800*	*600*	3300
Евросиё			
Янцзи	5800	1808	34000
Обь (Иртиш дарёси қуйилишидан)	5410	2990	12700
Обь	3650		
Иртиш	4248	1643	2830
Ишим	2450	177	56,3
Тобол	1591	426	805
Хуанхэ	4845	771	2000
Меконг	4500	810	13200
Амур (Аргунь б-н)	4440	1855	10900
Аргунь	1620	164	340
Шилка	1592	206	550

8-жадвалнинг давоми

	Узунлиги, км	Ҳавзасининг майдони, минг км²	Ўртача сув сарфи, м³/сек.
Лена	4440	2490	17000
Вилюй	2650	454	1480
Алдан	2273	729	5110
Витим	1837	225	2200
Енисей	4201	2580	19800
Қуйи Тунгуска	2989	473	3680
Тошлоқ Тунгуска	1865	240	1750
Ангара	1779	1040	5100
Волга	3530	1360	7710
Кама	1805	507	3500
Ока	1500	245	1300
Салуин	3200	325	6700
Ҳинд	3180	980	3850
Фурот (Мурот б-н)	3065	673	840
Брахмапутра	2900	506	12000
Дунай	2850	817	6430
Ганг	2700	1120	13000
Урал	2428	237	400
Оленёк	2292	200	1210
Сирдарё	2250	219	595
Днепр	2201	504	1700
Иравади	2150	430	13000
Сицзян	2130	437	8000
Колима	2129	643	3900
Тарим	2030	1000	167
Дон	1870	422	935
Печора	1809	322	4100
Индигирка	1726	360	1850
Хатанга	1636	364	3320
Амударё	1480	309	1960

9-жадвал

ЭНГ БАЛАНД ТОҒ ЧЎҚҚИЛАРИ ВА ҲАРАКАТДАГИ ВУЛКАНЛАР		
	Баландлиги, м	Жойлашган ўрни
Австралия ва Океания		
Тоғ чўққилари		
Жая	50	Янги Гвинея о.
Мауна-Кеа	4205	Гавайи о.лари
Кук	3764	Янги Зеландия, Жан.орол
Косцюшко	2230	Австралия Алп тоғлари
Ҳаракатдаги вулканлар		
Мауна-Лоа	4170	Гавайи о.лари
Руапеху	2796	Австралия Алп тоғлари
Антарктида		
Тоғ чўққилари		
Винсон	5140	Элсуорт тоғлари
Керкпатрик	4530	Виктория Ери
Жэксон	4191	Антарктида о.
Ҳаракатдаги вулкан		
Эребус	3794	Росс о.
Африка		
Тоғ чўққилари		
Килиманжаро	5895	Шарқий Африка
Кения	5199	Шарқий Африка
Маргерита чўққиси	5109	Рувензори массиви
Рас-Дашан	4623	Эфиопия тоғлиги
Карисимби	4507	Вирунга тоғлари
Тубкаль	4165	Катта атлас
Табана-Нтленьяна	3482	Дракон тоғлари
Эми-Куси	3415	Тибести тоғлиги
Марра	3088	Дарфур платоси
Тахат	3003	Ахаггар тоғлиги
Марумукутру	2876	Мадагаскар

9-жадвалнинг давоми

	Баландлиги, м	Жойлашган ўрни
Ҳаракатдаги вулканлар		
Камерун	4070	Камерун массиви
Тейде	3718	Канар о.лари
Шим. ва Марказий Америка		
Тоғ чўққилари		
Мак-Кинли	6193	Аляска тизмаси
Логан	6050	Кордильера тоғлари
Блэкберн	4996	Кордильера тоғлари
Уитни	4418	Сьерра-Невада тизмаси
Элберт	4399	Қояли тоғлар
Пенья-Невада	4054	Шарқий Сьерра-Мадре т.
Робсон	3954	Қояли тоғлар
Гунбьёрн	3700	Гренландия о.
Дуарте	3175	Гаити о.
Митчелл	2037	Аппалачи тоғлари
Туркино	1972	Куба о.
Ҳаракатдаги вулканлар		
Орисаба	5700	Мексика тоғлиги
Попокатепетль	5452	Мексика тоғлиги
Рейнир	4392	Каскад тоғлари
Тахумулько	4217	Марказий Америка
Лассен-Пик	3187	Каскад тоғлари
Катмай	2047	Аляска, Алеут тизмаси
Монтань-Пеле	1397	Мартиника о.
Жан. Америка		
Тоғ чўққилари		
Аконкагуа	6960	Анд тоғлари
Охо-дель-Саладо	6880	Анд тоғлари
Тупунгато	6800	Марказий Анд тоғлари
Уаскаран	6768	Марказий Анд тоғлари
Анкоума	6550	Марказий Анд тоғлари

9-жадвалнинг давоми

	Баландлиги, м	Жойлашган ўрни
Сахама	6520	Марказий Анд тоғлари
Коропуна	6425	Марказий Анд тоғлари
Чимборасо	6267	Экваториал Анд тоғлари
Боливар	5007	Шим.Ғарбий Анд т.лари
Сан-Валентин	4058	Жан.Анд тоғлари
Неблина	3014	Гвиана ясситоғлиги
Бандейра	2890	Бразилия ясситоғлиги
Ҳаракатдаги вулканлар		
Льюльяйльяко	6723	Анд тоғлари
Сан-Педро	6159	Марказий Анд тоғлари
Котопахи	5897	Экваториал Анд тоғлари
Мисти	5821	Марказий Анд тоғлари
Сангай	5230	Экваториал Анд тоғлари
Толима	5215	Шим.-Ғарбий Анд тоғлари
Льяйма	3060	Жан.Анд тоғлари
Европа		
Тоғ чўққилари		
Монблан	4807	Алп тоғлари
Дюфур	4637	Алп тоғлари
Маттерхори	4477	Алп тоғлари
Финстераархори	4274	Алп тоғлари
Юнгфрау	4158	Алп тоғлари
Гросглокнер	3797	Алп тоғлари
Муласен	3478	Пиреней я.о.
Ането	3404	Пиреней я.о.
Мусала	2925	Болқон я.о.
Олимп	2917	Болқон я.о.
Корно	2914	Апеннин тоғлари
Езерца	2692	Динара тоғлиги
Герлаховски-Штит	2655	Ғарбий Карпат тоғлари
Молдовяну	2543	Жан.Карпат тоғлари

9-жадвалнинг давоми

	Баландлиги, м	Жойлашган ўрни
Гальхёпитен	2469	Скандинавия тоғлари
Парнас	2457	Болқон я.о.
Ботев	2376	Стара-Планина тоғлари
Кебнекайсе	2123	Скандинавия тоғлари
Хваннадальсхнукюр	2119	Исландия о.
Говерла	2061	Украина Карпат тоғлари
Снежка	1602	Судет тоғлари
Роман-Кош	1545	Қрим тоғлари
Бен-Невис	1343	Буюк Британия о.
Часначорр	1191	Хибин тоғлари
Ҳаракатдаги вулқонлар		
Этна	3340	Сицилия о.
Гекла	1491	Исландия о.
Везувий	1277	Апеннин я.о.
Стромболи	926	Липар о.лари
Осиё		
Тоғ чўққилари		
Жомолунгма	8848	Ҳимолай тоғлари
Чогори	8611	Қорақурум
Канченжанга	8585	Ҳимолай тоғлари
Макалу	8470	Ҳимолай тоғлари
Дхаулагири	8221	Ҳимолай тоғлари
Чо-Ойю	8189	Ҳимолай тоғлари
Кутанг	8126	Ҳимолай тоғлари
Нангапарбат	8126	Ҳимолай тоғлари
Аннапурна	8078	Ҳимолай тоғлари
Улуғмузтоғ	7723	Куньлун
Тиричмир	7690	Ҳиндукуш
Гунгашань	7590	Сино-Тибет тоғлари
Сомониён чўққиси	7495	Помир
Ғалаба чўққиси	7439	Тяньшан

9-жадвалнинг давоми

	Баландлиги, м	*Жойлашган ўрни*
Алинг-Гангри	7315	Тибет тоғлиги
Хонтангри	6995	Тяньшан
Гармо чўққиси	6595	Помир
Эльбрус	5642	Катта Кавказ
Дихтау	5203	Катта Кавказ
Катта Арарат	5165	Арманистон тоғлиги
Казбек	5033	Катта Кавказ
Ҳазрати Султон	4688	Ҳисор тизмаси
Зардкўҳ	4548	Эрон тоғлиги
Белуха	4506	Олтой
Кинабалу	4101	Калимантан о.
Арагац	4090	Арманистон тоғлиги
Качкар	3937	Понтия тоғлари
Пидуруталагала	2524	Шри Ланка о.
Хуанганшань	2034	Катта Хинган
Ҳаракатдаги вулканлар		
Ключи Сопкаси	4750	Камчатка я.о.
Эржиёс	3916	Анадолу ясситоғлиги
Керинчи	3805	Суматра о.
Фудзияма	3776	Хонсю о.
Семеру	3676	Ява о.
Ичин Сопкаси	3621	Камчатка я.о.
Шивелуч	3283	Камчатка я.о.
Апо	2954	Минданао о.
Авачи Сопкаси	2741	Камчатка я.о.
Пэктусан	2750	Манчжурия-Корея тоғлари
Алаид	2339	Курил о.лари
Тятя	1819	Курил о.лари
Кракатау	813	Катта Зонд о.лари

10-жадвал

ЭНГ БАЛАНД ТОҒ ТИЗМАЛАРИ			
	Узунлиги, км	Энг баланд жойи, м	Жойлашган ўрни
Ҳимолай	2400	8848 (Жомолунгма)	Жан.ва Марказий Осиё
Қоракурум	500	8611 (Чогори)	Марказий Осиё
Куньлун	2700	7723 (Улуғмузтоғ)	Марказий Осиё
Ҳиндукуш	800	7690 (Тиричмир)	Жан.ва Марказий Осиё
Помир	—	7495 (Сомониён)	Ўрта ва Марказий Осиё
Тяньшан	2500	7439 (Ғалаба)	Ўрта ва Марказий Осиё
Анд тоғлари	9000	6960 (Аконкагуа)	Жан.Америка
Кордильера	7000	6193 (Мак-Кинли)	Шим.Америка
Килиманжаро массиви	—	5895 (Килиманжаро)	Шарқий Африка
Катта Кавказ	1100	5642 (Эльбрус)	Осиё
Элсуорт	700	5140 (Винсон)	Антарктида
Альп тоғлари	1200	4807 (Монблан)	Европа
Трансарктика тоғлари	4000	4530 (Керкпатрик)	Антарктида
Олтой	—	4506 (Белуха)	Жан.Сибирь ва Марказий Осиё
Қояли тоғлар	3200	4399 (Элберт)	Шим.Америка
Атлас	2000	4165 (Тубкаль)	Шим.Африка
Саян тоғлари	1100	3491 (Мунку-Сардиқ)	Жан.Сибирь
Дракон тоғлари	1200	3482 (Табана-Нтленьяна)	Жан.Африка
Черский тизмаси	1600	3147 (Ғалаба)	Шим.-Шарқий Сибирь
Карпат тоғлари	1500	2655 (Герлаховски-Штит)	Европа
Катта Сувайирғич тизма	4000	2230 (Косцюшко)	Шарқий Австралия
Аппалачи	2600	2037 (Митчелл)	Шим.Америка
Урал	2100	1895 (Народная)	Европа, Осиё

11-жадвал

ЙИРИК ВА МАШҲУР ШАРШАРАЛАР		
	Баландлиги, м	Жойлашган ўрни
Австралия ва Океания		
Сатерленд (каскад)	580	Артур дарёси (Янги Зеландия)
Уолломомоби (каскад)	519	Макдей дарёси
Шим. Америка		
Йосемит (каскад)	727	Йосемит-Крик дарёси
Риббон	484	Мерсель дарёси
Аппер-Йосемити	435	Йосемит-Крик дарёси
Такакко	366	Йохо дарёси
Силвер-Странд	351	Мерсед дарёси
Невада	178	Мерсед дарёси
Йеллоустон (каскад)	93	Йеллоустон дарёси
Шошони	59	Снейк дарёси
Ниагара	51	Ниагара дарёси
Жан. Америка		
Анхель (каскад)	1054	Чуруи дарёси
Кукенан	610	Кукенан дарёси
Рорайма	457	Потаро дарёси
Кайетур	225	Потаро дарёси
Такендама	137	Богота дарёси
Паулу-Афонсу (каскад)	84	Сан-Франциску дарёси
Игуасу (каскад)	72	Игуасу дарёси
Африка		
Тугела (каскад)	933	Тугела дарёси
Каламбо (каскад)	427	Каламбо дарёси
Ауграбис (каскад)	146	Оранж дарёси
Виктория	120	Замбези дарёси
Кабарега	40	Виктория-Нил дарёси
Бойома (каскад)	40	Конго дарёси

11-жадвалнинг давоми

	Баландлиги, м	Жойлашган ўрни
Евросиё		
Утигард	610	Норвегия
Киле	561	Норвегия
Гаварни (каскад)	422	Гав-де-По дарёси
Кримль (каскад)	380	Кримлер-Ахе дарёси
Серио	315	Серио дарёси
Гисбах (каскад)	300	Гисбах дарёси
Катта ва Кичик (каскад)	300	Арслонбоб дарёси
Штауббах	298	Вайсе-Лючине дарёси
Рюканфосс (каскад)	271	Моне-Эльв дарёси
Веттифосс	260	Утла дарёси
Герсоппа (каскад)	252	Шаравати дарёси
Фишт (каскад)	200	Пшеха дарёси
Илья Муромец	141	Итуруп дарёси
Кон	21	Меконг дарёси
Кивач	11	Суна дарёси

12-жадвал

ЭНГ УЗУН КАРСТ ҒОРЛАРИ (50 км дан зиёд)		
	Умумий узунлиги, км	Жойлашган ўрни
Флинт-Мамонт	500,0	АҚШ (Кентукки)
Оптимистик	157,0	Украина
Хёллох	133,0	Швейцария
Жуэл	118,0	Швейцария
Озёрная	105,0	Украина
Охо-Гуаренья	83,0	Испания
Тромба система	80,0	Франция

12-жадвалнинг давоми

	Умумий узунлиги, км	Жойлашган ўрни
Золушка	76,0	Украина
Фрейс-Хоуд	65,0	АҚШ
Зибенэнгсте	65,0	Швейцария
Орган	59,6	АҚШ
Уинд	56,3	АҚШ
Мамо-Кэнэнда	52,0	Янги Гвинея

13-жадвал

ЙИРИК ЧЎЛЛАР			
	Майдони, минг км²	Термик типи	Жойлашган ўрни
Австралия			
Катта Қумли	360	тропик	Шим.-Ғарбий Австралия
Катта Виктория чўли	350	тропик	Жан.Австралия
Симпсон	300	тропик	Марказий Австралия
Шим. Америка			
Мохаве	30	субтропик	Жан.-Ғарбий АҚШ
Сонора	355	тропик	*Мексиканинг шим.-ғарби*
Жан. Америка			
Атакама	90	тропик	Тинч океан соҳили бўйлаб
Африка			
Саҳрои Кабир, жумладан:	7000	тропик	Шим. Африка
Ливия	1934		
Нубия	1240		
Арабистон	200		
Намиб	150	тропик	Жан.ва Жан.Ғарбий Африка
Карру	70	тропик	Жан. Африка

13-жадвалнинг давоми

	Майдони, минг км²	Термик типи	Жойлашган ўрни
Осиё			
Қорақурум	350	мўътадил	Ўрта Осиё
Қизилқум	300	мўътадил	Ўрта Осиё ва Қозоғистон
Устюрт ва Манғишлоқ	200	мўътадил	Қозоғистон
Мўйинқум	40	мўътадил	Қозоғистон
Гоби	1000 дан зиёд	мўътадил	Марказий Осиё
Алашань	170	мўътадил	Марказий Осиё
Такла-Макон	271	мўътадил субтропикка ўтувчи	Марказий Осиё
Жунғария	500	мўътадил	Марказий Осиё
Дашти Кавир	55	субтропик	Эрон тоғлиги
Дашти Лут	80	субтропик	Эрон тоғлиги
Дашти Марғо	150	субтропик	Эрон тоғлиги
Регистон	40	субтропик	Эрон тоғлиги
Катта Нефуд	80	тропик	Арабистон я.о.
Руб ул-Холий	600	тропик	Арабистон я.о.
Тихама	70	тропик	Арабистон я.о.
Сурия	101	субтропик	Ғарбий Осиё
Тар	300	тропик	Жан. Осиё
Гармсер	80	тропик	Арабистон денгизи соҳили

* Қутб саҳролари рўйхатга киритилмаган.

6-ИЛОВА

ЖАҲОН БЎЙИЧА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛАЛАР

Йил	Қаерда бўлгани	Курбонлар сони ва бошқа талафотлар
1138	Сурия, Ҳалаб	230 минг киши
1556	Ганьсу ва Шэньси, Хитой	800 минг киши
1667	Шемаха, Озарбайжон	80 минг киши
1692	Ямайка	Порт-Рояль ш. вайрон бўлган
1737	Калькутта, Ҳиндистон	300 минг киши
1755	Лиссабон, Португалия	32 — 60 минг киши, шаҳар буткул вайрон бўлди
1783	Калабрия, Италия	30 — 60 минг киши
1811	Нью-Мадрид, Миссури штати, АҚШ	Шаҳар вайронага айланди, 500 км² майдонни сув босди
1896	Сарику, Япония (эпицентри денгиз остида)	Кучли тўлқин 27 минг киши ва 10,6 минг бинони оқизиб кетди
1897	Ассом, Ҳиндистон	23 минг км² майдон таниб бўлмас даражада вайрон бўлди
1902	Андижон, Ўзбекистон	4,5 минг киши
1908	Сицилия, Италия	83 минг киши, Мессина ш. вайрон бўлди
1920	Ганьсу, Хитой	20 минг киши
1923	Сагами бухтаси, Токио ва Йокогама, Япония	140 минг киши
1927	Хитой, Синин	200 минг киши
1932	Хитой, Ганьсу	70 минг киши
1933	Япон ботиғи, Тинч океан	—
1935	Покистон, Кветта	60 минг киши
1935	Марокаш, Агадир	33 минг киши
1939	Қиргоқбўйи Кордильераси, Чили	28 минг киши
1939	Ички Тавр чўли, Туркия	33 минг киши
1948	Ашхобод	Шаҳарнинг катта қисми вайрон бўлган
1949	Эквадор	10 минг киши
1950	Ҳимолай	—
1960	Чили	10 минг киши, бир нечта шаҳар вайрон бўлган
1960	Ҳиндистон	50 минг киши

Жадвалнинг давоми

Йил	Қаерда бўлгани	Қурбонлар сони ва бошқа талофотлар
1963	Скопле, Македония	2 минг киши, шаҳарнинг катта қисми вайрон бўлган
1964	Анкориж, Аляска	—
1966	Тошкент	Шаҳар марказида катта вайронагарчилик бўлган
1970	Перу	40—70 минг киши
1972	Манагуа, Никарагуа	5 минг киши
1976	Тяншань, Шим.-Шарқий Хитой	600 минг киши
1976	Филиппин	7—8 минг киши
1976	Гватемала	28 минг киши
1978	Шим.Эрон	25 минг киши
1981	Сицилия.Этна вулкани	Бир нечта аҳоли турар жойлари вайрон бўлган
1984	Газли, Ўзбекистон	Шаҳарнинг бир қисми вайрон бўлган
1985	Мехико, Мексика	4 минг киши
1985	Қайроққум, Тожикистон	Шаҳарнинг бир қисми вайрон бўлган
1988	Спитак, Арманистон	10 минг киши, шаҳар буткул вайрон бўлган
1989	Ҳисор, Тожикистон	Бир минг киши атрофида
1990	Шим.Эрон	50 минг киши
1993	Ҳиндистон, Латур	10 минг киши
1995	Япония	6 минг киши
1997	Туркия	170 минг киши
1998	Афғонистон	5 минг киши
1999	Ғарбий Туркия	17 минг киши
2001	Ҳиндистон	20 минг киши
2003	Жан.Эрон	41 минг киши
2004	Ҳинд океани	200 минг кишидан зиёд
2005	Покистон	50 минг кишидан зиёд

7-ИЛОВА

1-жадвал

ХАЛҚАРО БИРЛИКЛАР СИСТЕМАСИ (СИ)НИНГ АСОСИЙ, ҚЎШИМЧА ВА ҲОСИЛАВИЙ БИРЛИКЛАРИ

Ўлчов номи	Ўлчамлиги	Бирлик номи	Белгиланиши		Таърифи
			ўзбекча	халқаро	
АСОСИЙ БИРЛИКЛАР					
Узунлик	L	метр	м	m	Метр — ясси электромагнит тўлқиннинг секундниг 1/299792458 улушида босиб ўтган йўли узунлигига тенг [XVII Ўлчовлар ва тарозилар Бош конференцияси (ЎТБК)нинг 1-резолюцияси, 1983 й.].
Масса	M	килограмм	кг	kg	Килограмм — халқаро қабул қилинган килограмм эталонининг массасига тенг (1- ва 3- ЎТБК нинг резолюциялари, 1889 ва 1901 й.).
Вақт	T	секунд, сония	с	s	Секунд — цезий-133 атоми асосий ҳолатининг икки ўта нозик энергетик сатҳлар орасидаги ўтишга мос келадиган нурланишнинг 9192631770 та тебраниш даврига тенг вақт оралиғи (XIII ЎТБК нинг I-резолюцияси, 1937 й.).
Электр ток кучи	I	ампер	А	A	Ампер шундай ўзгармас токнинг кучига тенгки, вакуумда бир-биридан 1 м масофада жойлашган жуда кичик кўндаланг кесим юзига ва чексиз узунликка эга бўлган параллел тўғри чизиқли ўтказгичлардан оқиб, улар орасида ўтказгичнинг ҳар бир метр узунликдаги қисмига $2 \cdot 10^{-7}$ Н га тенг бўлган таъсир кучини ҳосил қилади (Халқаро ўлчовлар ва тарозилар бўйича конференциянинг 2-резолюцияси, 1946 й.).
Термодинамик температура	θ	кельвин	К	K	Кельвин —сувнинг учлама нуқтаси термодинамик т-расининг 1/273,16 улушига тенг (XIII ЎТБК нинг 4-резолюцияси, 1967 й.).

1-жадвалнинг давоми

Ўлчов номи	Ўлчамлиги	Бирлик номи	Белгиланиши		Таърифи
			ўзбекча	халқаро	
Модда миқдори	N	моль	моль	mol	Моль — модданинг шундай миқдорига тенгки, массаси 0,012 кг бўлган ^{12}C изотопининг таркибидаги атомлар сонига тенг бўлган таркибий элементлардан ташкил топган модда миқдори. Таркибий элементлар вазифасини атомлар, молекулалар, ионлар, электронлар ва б.бир хилдаги зарралар ўйнаши мумкин (XIV ЎТБК нинг 3-резолюцияси 1971 й.).
Ёруғлик кучи	J	кандела	кд	kd	Кандела — $540 \cdot 10^{12}$ Гц частотали монохроматик нурланиш тарқатаётган манбанинг берилган йўналишдаги ёруғлик кучига тенгки, бу манба ёруғлигининг энергетик кучи берилган йўналишда 1/683 Вт/ср ташкил этиши керак (XVI ЎТБК нинг 3-резолюцияси, 1979 й.).
ҚЎШИМЧА БИРЛИКЛАР					
Ясси бурчак	ўлчамсиз	радиан	рад	rad	Радиан — айлананинг шундай икки радиуси орасидаги бурчакки, бу радиуслар орасидаги ёй узунлиги радиусга тенг.
Фазовий бурчак	ўлчамсиз	стерадиан	ср	sr	Стерадиан — шундай фазовий бурчакка тенгки, бу бурчакнинг учи сфера марказида жойлашган ва шу сфера сиртидан томонлари радиусга тенг бўлган квадрат юзига тенг юзли сиртни ажратади.

1-жадвалнинг давоми

ҚОСИЛАВИЙ БИРЛИКЛАР Механика				
Ўлчов номи	Ўлчамлиги	Бирлик номи	Белгиланиши	
			ўзбекча	халқаро
Юз	L^2	метр квадрат	$м^2$	m^2
Ҳажм	L^3	метр куб	$м^3$	m^3
Эгрилик	L^{-1}	метр минус биринчи даражада (бир тақсим метр)	$м^{-1}$	m^{-1}
Частота	T^{-1}	герц	Гц	Hц
Бурчак частота Бурчак тезлик	T^{-1}	радиан тақсим секунд	рад/с	rad/s
Бурчак тезланиш	T^{-2}	радиан тақсим секунд квадрат	$рад/с^2$	rad/s^2
Тезлик	LT^{-1}	метр тақсим секунд	м/с	m/s
Тезлик градиенти	T^{-1}	секунд минус биринчи даражада	$с^{-1}$	s^{-1}
Тезланиш	LT^{-2}	метр тақсим секунд квадрат	$м/с^2$	m/s^2
Куч, оғирлик	LMT^{-2}	ньютон	Н	N
Солиштирма оғирлик	$L^{-2}MT^{-2}$	ньютон тақсим метр куб	$Н/м^3$	N/m^3
Куч моменти	$L^{-2}MT^{-2}$	ньютон·метр	Н·м	N·m
Босим механик кучланиш таранглик (эластиклик) модули	$L^{-1}MT^{-2}$	паскаль	Па	Pa
Сирт таранглиги	MT^{-2}	ньютон тақсим метр	Н/м	N/m
Қаттиқлик	MT^{-2}	ньютон тақсим метр	Н/м	N/m
Импульс	LMT^{-1}	ньютон·секунд	Н·с	N·s
Импульс моменти	L^2MT^{-1}	жоуль·секунд	Ж·с	J·c
Энергия, иш	L^2MT^{-2}	жоуль	Ж	J
Энергиянинг ҳажмий зичлиги	$L^{-1}MT^{-2}$	жоуль тақсим метр куб	$Ж/м^3$	J/m^3
Қувват,				
Энергия оқими	L^2MT^{-3}	ватт	Вт	W
Энергия оқимининг зичлиги	MT^{-3}	ватт тақсим метр квадрат	$Вт/м^2$	W/m^2
Куч	L^2MT^{-1}	жоуль·секунд	Ж·с	J·s
Зичлик	$L^{-3}M$	килограмм тақсим метр куб	$кг/м^3$	kg/m^3

1-жадвалнинг давоми

Ўлчов номи	Ўлчамлиги	Бирлик номи	Белгиланиши	
			ўзбекча	халқаро
Зичлик градиенти	$L^{-4}M$	килограмм тақсим метр тўртинчи даражада	кг/м⁴	kg/m⁴
Солиштирма ҳажм	L^3M^{-1}	метр куб тақсим килограмм	м³/кг	m³/kg
Ҳажм сарфи	L^3T^{-1}	метр куб тақсим секунд	м³/с	m³/c
Масса сарфи	$MT—1$	килограмм тақсим секунд	кг/с	kg/s
Инерция моменти	L^2M	килограмм · метр квадрат	кг·м²	kg·m²
Думалаб ишқаланиш коэффициенти	L	метр	м	m
Динамик қовушоқлик (ёпишқоқлик)	$L^{-1}MT^{-1}$	паскаль·секунд	Па·с	Pa·s
Кинематик қовушқоқлик	L^2T^{-1}	метр квадрат тақсим секунд	м²/с	m²/s
Гравитацион майдон кучланиши	LT^{-2}	ньютон тақсим килограмм	Н/кг	N/ru
Гравитацион майдон потенциали	L^2T^{-2}	жоуль тақсим килограмм	Ж/кг	J/kg
Диффузия коэффициенти	L^2T^{-1}	метр квадрат тақсим секунд	м²/с	m²/s
Электр ва магнетизм бирликлари				
Электр токининг зичлиги	$L^{-2}I$	ампер тақсим метр квадрат	А/м²	A/m²
Электр заряди	TI	кулон	Кл	C
Зарядниинг чизиқли зичлиги	$L^{-1}TI$	кулон тақсим метр	Кл/м	C/m
Зараядниинг сиртий зичлиги	$L^{-2}TI$	кулон тақсим метр квадрат	Кл/м²	C/m²
Зарядниинг ҳажмий зичлиги	$L^{-3}TI$	кулон тақсим метр куб	Кл/м³	C/m³
Электр кучланиши потенциал / электр юритувчи куч	$L^2MT^{-3}I^{-1}$	вольт	В	V
Электр майдон кучланганлиги	$LMT^{-3}I^{-1}$	вольт тақсим метр	В/м	V/m
Электр қаршилиги	$L^2MT^{-3}I^{-2}$	ом	Ом	Om
Солиштирма электр қаршилик		ом·метр	Ом·м	Om·m
Электр ўтказувчанлик	$L^{-2}M^{-1}T^3I^2$	сименс	См	S
Солиштирма электр ўтказувчанлик	$L^{-3}M^{-1}T^3I^2$	сименс тақсим метр	См/м	S/m
Электр сиғими	$L^{-2}M^{-1}T^4I^2$	фарад	Ф	F

1-жадвалнинг давоми

Ўлчов номи	Ўлчамлиги	Бирлик номи	Белгиланиши	
			ўзбекча	халқаро
Электр силжиши (индукцияси)	$L^{-2}TI$	кулон тақсим метр квадрат	Кл/м²	C/m²
Электр силжиши оқими	TI	кулон	Кл	C
Мутлақ диэлектрик киритувчанлик	$L^{-3}M^{-1}T^{4}I^{2}$	фарад тақсим метр	Ф/м	F/m
Электр дипол моменти	LTI	кулон·метр	Кл·м	C·m
Қутбланганлик	$L^{-2}TI$	кулон тақсим метр квадрат	Кл/м²	C/m²
Мутлақ диэлектрик қутбланганлик	$MT^{-2}I^{-1}$	фарад тақсим метр	Ф/м	C/m
Магнит индукцияси	$L^{-3}M^{-1}T^{4}I^{2}$	тесла	Тл	T
Магнит оқими	$MT^{-2}I^{-1}$	вебер	Вб	Wb
Индуктивлик, ўзаро индуктивлик	$L^{2}MT^{-2}I^{-2}$	генри	Гн	H
Магнит майдон кучланганлиги	$L^{-1}I$	ампер тақсим метр	А/м	A/m
Мутлақ магнит киритувчанлик	$LMT^{-2}I^{-2}$	генри тақсим метр	Гн/м	H/m
Магнит юритувчи куч	I	ампер	А	A
Магнит қаршилиги	$L^{-2}M^{-1}T^{2}I^{2}$	ампер тақсим вебер	А/Вб	A/wb
Магнит ўтказувчанлик	$L^{2}MT^{-2}I^{-2}$	вебер тақсим ампер	Вб/а	Wb/A
Токли контурнинг магнит моменти (амперона)	$L^{2}I$	ампер· метр квадрат	А·м²	A·m²
Магнит дипол моменти (Кулон бўйича)		вебер·метр	Вб·м	Wb·m
Магнит қабулчанлик		—		ўлчов-сиз
Гиромагнит нисбат	$M^{-1}TI$	кулон тақсим килограмм	Кл/кг	C/kg
Иссиқлик ва молекуляр бирликлари				
Температура градиенти	$L^{-1}\theta$	кельвин тақсим метр	К/м	K/m
Иссиқлик миқдори, термодинамик потенциаллар	$L^{2}MT^{-2}$	жоуль	Ж	J

1-жадвалнинг давоми

Ўлчов номи	Ўлчамлиги	Бирлик номи	Белгиланиши	
			ўзбекча	халқаро
Солиштирма иссиқлик миқдори	L^2T^{-2}	жоуль тақсим килограмм	Ж/кг	J/kg
Иссиқлик миқдорининг ҳажмий зичлиги	$L^{-1}MT^{-2}$	жоуль тақсим метр куб	Ж/м³	J/m³
Иссиқлик сиғими, энтропия	$L^2MT^{-2}\theta^{-1}$	жоуль тақсим кельвин	Ж/К	J/K
Солиштирма иссиқлик сиғими, Солиштирма энтропия	$L^2T^{-2}\theta^{-1}$	жоуль тақсим килограмм·кельвин	Ж/(кг·К)	J/(kg·K)
Ҳажмий иссиқлик сиғими Ҳажмий энтропия	$L^{-1}MT^{-2}\theta^{-1}$	жоуль тақсим метр куб·кельвин	Ж/(м³·К)	J/(m³·K)
Иссиқлик оқими	L^2MT^{-3}	ватт	Вт	W
Иссиқлик оқимининг зичлиги	MT^{-3}	ватт тақсим метр квадрат	Вт/м²	W/m²
Иссиқлик ўтказувчанлик	$LMT^{-3}\theta^{-1}$	ватт тақсим метр·кельвин	Вт/(м·К)	W/(m·K)
Иссиқлик алмашув коэффициенти	$MT^{-3}\theta^{-1}$	ватт тақсим метр квадрат кельвин	Вт/(м²К)	W/(m²·K)
Температура ўтказувчанлик	L^2T^{-1}	метр квадрат тақсим секунд	м²/с	m²/s
Температура коэффициентлари: чизиқли кенгайиш ҳажмий кенгайиш (босим бўйича)	θ^{-1}	кельвин минус биринчи даражада	$К^{-1}$	K^{-1}
Моляр концентрация	$L^{-3}N$	моль тақсим метр куб	моль/м³	mol/m³
Моляр ички энергия	$L^2MT^{-2}N^{-1}$	жоуль тақсим мол	Ж/моль	J/mol
Моляр иссиқлик сиғими, моляр энтропия, универсал газ доимийси	$L^2MT^{-2}\theta^{-1}N^{-1}$	жоуль тақсим моль·кельвин	Ж/(моль·К)	J/mol·K
Моляр масса	MN^{-1}	килограмм тақсим моль	кг/моль	kg/mol
Солиштирма газ доимийси	$L^2T^{-2}\theta^{-1}$	жоуль тақсим килограмм-кельвин	Ж/(кг·К)	J/(kg·K)
Адсорбция	$L^{-2}N$	моль тақсим метр квадрат	моль/м²	mol/m²
Адсорбатнинг сиртқи фаоллиги		ньютон метр квадрат тақсим килограмм	Н·м²/кг	N·m/kg
Акустика бирликлари				
Товуш босими	$L^{-1}MT^{-2}$	паскаль	Па	Pa
Товушнинг ҳажмий тезлиги	L^3T^{-1}	метр куб тақсим секунд	м³/с	m³/s

1-жадвалнинг давоми

Ўлчов номи	Ўлчамлиги	Бирлик номи	Белгиланиши	
			ўзбекча	халқаро
Акустик қаршилик	$L^{-4}MT^{-1}$	паскаль-секунд тақсим метр куб	Па·с/м³	Pa·s/m³
Акустик системанинг механик қаршилиги	MT^{-1}	ньютон-секунд тақсим метр	Н·с/м	N·s/m
Солиштирма акустик қаршилик	$L^{-2}MT^{-1}$	паскал-секунд тақсим метр	Па·с/м	Pa·s/m
Товуш энергияси	$L^{2}MT^{-2}$	жоуль	Ж	J
Товуш энергиясининг зичлиги	$L^{-1}MT^{-2}$	жоуль тақсим метр куб	Ж/м³	J/m³
Товуш энергиясининг оқими	$L^{2}MT^{-3}$	ватт	Вт	W
Товуш интенсивлиги, товуш энергияси оқимининг зичлиги	MT^{-3}	ватт тақсим метр квадрат	Вт/м²	W/m²
Ёруғлик бирликлари				
Равшанлик	$L^{-2}J$	қандела тақсим метр квадрат	кд/м²	cd/m²
Ёруғлик оқими	J	люмен	лм	lm
Ёруғлик энергияси	TJ	люмен-секунд	лм·с	lm·s
Ёритувчанлик	$L^{-2}J$	люмен тақсим метр квадрат	лм/м²	lm/m²
Ёритилганлик	$L^{-2}J$	люкс	лк	lx
Ёруғлик экспозицияси	$L^{-2}TJ$	люкс-секунд	лк·с	lx·s
Нурланиш энергияси	$L^{2}MT^{-2}$	жоуль	Ж	J
Нурланиш оқими	$L^{2}MT^{-3}$	ватт	Вт	W
Нурланишнинг энергетик кучи	$L^{2}MT^{-3}$	ватт тақсим стерадиан	Вт/ср	W/sr
Нурланиш энергиясининг зичлиги	$L^{-1}MT^{-2}$	жоуль тақсим метр куб	Ж/м³	J/m³
Энергетик ёритувчанлик	MT^{-3}	ватт тақсим стерадиан- метр квадрат	Вт(ср·м²)	W/sr·m²)
Нурланиш оқимининг зичлиги (нурланиш жадаллиги)	MT^{-3}	ватт тақсим метр квадрат	Вт/м²	W/m²
Энергетик ёритувчанлик (нурланувчанлик) Энергетик ёритилганлик (нурланганлик)	MT^{-3}	ватт тақсим метр квадрат	Вт/м²	W/m²

1-жадвалнинг давоми

Ўлчов номи	Ўлчамлиги	Бирлик номи	Белгиланиши	
			ўзбекча	халқаро
Энергетик экспозиция (нурий экспозиция)	MT^{-2}	жоуль тақсим метр квадрат	Ж/м²	J/m²
Ёруғликнинг спектрал самарадорлиги (нурланишнинг кўринувчанлиги)	$L^{-2}M^{-1}T^{3}J$	люмен тақсим ватт	лм/Вт	lm/W
Оптик куч	L^{-1}	метр минус биринчи даражада	$м^{-1}$	m^{-1}
Қутбланиш текислигининг айланиш доимийси	L^{-1}	радиан тақсим метр	рад/м	rad/m
Қутбланиш текислигининг солиштирма айланиш доимийси	$L^{2}M^{-1}$	радиан-метр квадрат тақсим килограмм	рад·м²/кг	rad·m²/kg
Атом физикаси ва ионлаштирувчи нурланиш бирликлари				
Ярим емирилиш даври	T	секунд	с	s
Радиоактив емирилиш доимийси	T^{-1}	секунд минус биринчи даражада	$с^{-1}$	s^{-1}
Масса дефекти	M	килограмм	кг	kg
Алоқа энергияси	$L^{2}MT^{-2}$	жоуль	Ж	J
Радиоактив манбадаги нуклид фаоллиги	T^{-1}	беккерель	Бк	Bq
Солиштирма фаоллик	$M^{-1}T^{-1}$	беккерель тақсим килограмм	Бк/кг	Bq/kg
Ҳажмий фаоллик	$L^{-3}T^{-1}$	беккерель тақсим метр куб	Бк/м³	Bq/m³
Ионлаштирувчи заррачалар оқими	T^{-1}	секунд минус биринчи даражада	$с^{-1}$	s^{-1}
Ионлаштирувчи заррачалар оқимининг зичлиги	$L^{-2}T^{-1}$	секунд минус биринчи даражада-метр минус иккинчи даражада	$с^{-1}·м^{-2}$	$s^{-1}·m^{-2}$
Ионлаштирувчи нурланиш энергияси	$L^{2}MT^{-2}$	жоуль	Ж	J
Ионлаштирувчи нурланиш энергиясининг оқими	$L^{2}MT^{-3}$	ватт	Вт	W
Ионлаштирувчи нурланиш жадаллиги (оқимининг зичлиги)	MT^{-3}	ватт тақсим метр квадрат	Вт/м²	W/m²

1-жадвалнинг давоми

Ўлчов номи	Ўлчамлиги	Бирлик номи	Белгиланиши	
			ўзбекча	халқаро
Ионлаштирувчи нурланишнинг ютилиш дозаси, керма	L^2T^{-2}	грей	Гр	Gy
Ютилган дозанинг қуватти, керманинг қуввати	L^2T^{-3}	грей тақсим секунд	Гр/с	Gy/s
Нурланишнинг тенг кучли дозаси	L^2T^{-2}	зиверт	Зв	Sv
Тенг кучли дозанинг қуввати	L^2T^{-3}	зиверт тақсим секунд	Зв/с	Sv/s
Фотон (рентген, гамма) нурланишнинг экспозицион дозаси	$M^{-1}TI$	*кулон тақсим килограмм*	Кл/кг	C/kg
Фотон нурланиши экспозицион дозасининг қуввати	$M^{-1}I$	ампер тақсим килограмм	А/кг	A/kg

2-жадвал

ХАЛҚАРО БИРЛИКЛАР СИСТЕМАСИДА РУХСАТ ЭТИЛГАН КАРРАЛИ ВА УЛУШЛИ ОЛД ҚЎШИМЧАЛАРИ

Олд қўшимча	Белгиси		Карра кўрсаткичи	Мисол
	халқаро	ўзбекча		
дека	da	да	10	декаметр дам
гекто	h	г	10^2	гектопаскаль ГПа
кило	к	к	10^3	килобайт кбайт
мега	M	М	10^6	мегаом МОм
гига	G	Г	10^9	гигавольт ГВ
деци	d	д	10^{-1}	дециграм дг
санти	c	с	10^{-2}	сантиметр см
милли	m	м	10^{-3}	миллиампер мА
микро	μ	мк	10^{-6}	микросекунд мкс
нано	n	н	10^{-9}	нанометр нм

2-жадвалнинг давоми

Олд қўшимча	Белгиси		Карра кўрсаткичи	Мисол
	халқаро	ўзбекча		
тера	T	Т	10^{12}	тераҗуоль ТЖ
пета	P	П	10^{15}	петаграмм Пг
экса	E	Э	10^{18}	эксаметр Эм
пико	p	п	10^{-12}	пикофарад пФ
фемто	f	ф	10^{-15}	фемтометр Фм
атто	a	а	10^{-18}	аттоватт аВт

3-жадвал

ХАЛҚАРО БИРЛИКЛАР СИСТЕМАСИ ҚАТОРИДА ҚЎЛЛАНИШИ ЖОИЗ БИРЛИКЛАР

Номи	Вазифаси	Белгиси		Халқаро бирликлар системасидаги қиймати
		ўзбекча	халқаро	
Астрономик бирлик	Ер билан Қуёш орасидаги ўртача масофа (узунлик)	а.б.	(ua)	1 а.б.=1,49598·10^{11}м= =149 598 000 км
Массанинг атом бирлиги	Углерод изотопи атоми массасининг 1/12 улушига тенг масса	м.а.б.	(u)	1 м.а.б.=1,6654·10^{-27} кг
Парсек, параллакс-секунд	Ер орбитасининг катта ярим ўқи бир бурчак секундига тенг бурчак остида кўринадиган масофа	пк	(pc)	1 пк=3,0857·10^{16} м
Ёруғлик йили	ёруғлик нури вакуумда бир тропик йили давомида босиб ўтадиган масофа	ёр.й.	(ly)	1 ёр.й.=9,4605·10^{15} м
Гектар	юз бирлиги, 100 м×100 м майдон юзаси	га	(ha)	1 га=10 000м²= = (100 ар, сўтих)
Диоптрия	оптик куч бирлиги	дптр	(dptr)	1 дптр=1 $м^{-1}$
Литр	ҳажм бирлиги	л	(l, L)	1 л=1 $дм^3$=10^{-3} $м^3$

3-жадвалнинг давоми

Номи	Вазифаси	Белгиси		Халқаро бирликлар системасидаги қиймати
		ўзбекча	халқаро	
Тонна	масса бирлиги	т	(t)	1 т=10^3 кг
Минут	вақт бирлиги	мин	(min)	1 мин=60 с
Соат	вақт бирлиги	соат	(h)	1 соат =3600 с
Кун (сутка)	вақт бирлиги	кун	(d)	1 кун = 86 400 с
Йил (тропик йил)	вақт бирлиги	йил	(year)	1 тропик йил ≈31556926 с
Секунд	текис (ясси) бурчак бирлиги	...″		1″=(1/60′)=1,745329·10^{-2} рад
Минут	Текис (ясси) бурчак бирлиги	...′		1′=(1/60)°=2,908882 10^{-4} рад
Градус	текис (ясси) бурчак бирлиги	...°		1°=360°/2p рад= =4,848137 10^{-6} рад

4-жадвал

ХАЛҚАРО БИРЛИКЛАР СИСТЕМАСИГА КИРМАГАН БИРЛИКЛАР

Бирлик номи	Вазифаси	Белгиси		Халқаро бирликлар системасидаги қиймати
		ўзбекча	халқаро	
Аком (акустик ом)	акустик қаршилик бирлиги (СГС)	аком	—	1 аком= =10^5 Па·с/$м^3$
Ангстрем	узунлик бирлиги, водород атомининг диаметри	Å	Å	1Å=10^{-10}м=0,1 нм
Ар	юза бирлиги, 10м×10м ўлчовли майдон юзига тенг (халқ тилида сўтих)	ар	a	1 ар=100 $м^2$
Бар	босим бирлиги (СГС)	бар	bar	1 бар=10^5 Па
Бария	босим бирлиги	бария	—	1 бария=0,1 Па
Барн	юз бирлиги (атом физикасида)	б	b	1 б=10^{-28} $м^2$
Био	Ток кучи бирлиги	Био	Bio	1 Био=10 А
Бэр	эквивалент нурланиш дозасининг бирлиги (рентгеннинг биологик эквиваленти)	бэр	rem	1 бэр=0,01 Эв
Гал	тезланиш бирлиги (СГС)	Гал	Gal	1 Гал=1 $см/с^2$= =0,01 $м/с^2$
Гамма	масса бирлиги	γ	γ	1 γ= микрограмм= =10^{-9} кг
Гаусс	магнит индукцияси бирлиги	Гс	Gs	1 Гс=10^{-4} Тл
Дина	куч бирлиги (СГС)	дин	dyn	1 дин=10^{-5} Н

4-жадвалнинг давоми

Бирлик номи	Вазифаси	Белгиси		Халқаро бирликлар системасидаги қиймати
		ўзбекча	халқаро	
Кейзер	тўлқин сони бирлиги (СГС)	Кз	Ks	1 Кз=10 $см^{-1}$= =100 $м^{-1}$
Ламбда	ҳажм бирлиги	лмб	λ	1 лмб=1мкл= =10^{-9} $м^3$
Максвелл	магнит оқими бирлиги	Мкс	Мх	1 Мкс=10^{-8} Вб
Микрон	узунлик бирлиги	мк	μ	1 мк=10^{-6} м= =1мкм
Нит	ёрқинлик бирлиги	нт	nt	1 нт=1кд/$м^2$
Секундига айланиш	бурчак тезлик (айланиш частотаси) бирлиги	айл/с	r/s	1 айл/с=1 $с^{-1}$
Пуаз	динамик ёпишқоқлик (қовушоқлик) бирлиги (СГС)	П	P	1 П=1дин·с/$см^2$= =0,1 Па с
Пьеза	босим бирлиги	пз	pz	1 пз=10^3 Па
Рад	ютилган радиация дозаси бирлиги	рад	rad, rd	1 рад=0,01 Гр
Резерфорд	радиоактив манбада нуклиднинг фаоллиги бирлиги	Рд	Rd	1 Рд=10^6 Бк
Стен, стэн	куч бирлиги	сн	sn	1 сн=10^3 Н
Стильб	ёрқинлик бирлиги	сб	sb	1 сб=1кд/$см^2$= =10^4 кд/$м^2$
Стокс	кинематик қовушоқлик (ёпишқоқлик) бирлиги (СГС)	Ст	st	1 Ст=1$см^2$/с= =10^{-4} $м^2$/с
Текс	чизиқли зичлик ёки ипнинг йўғонлиги бирлиги	текс	tex	1 текс=10^{-6}кг/м= =1 мг/м
Ферми	узунлик бирлиги	Фм	Fm	1 Фм=10^{-15} м=1фм (фемтометр)
Фот	ёритилганлик бирлиги (СГС)	фот	phot	1 фот=1 кд·ср/$см^2$= =10^4 лк
Центнер	масса бирлиги	ц	q	1 ц=100 кг
Эрг	энергия бирлиги (СГС)	эрг	erg	1 эрг=10^{-7} Ж
Этвеш	тезланиш градиенти бирлиги (геофизикада)	Э	E	1 Э=10^{-9} $с^{-2}$

8-ИЛОВА

ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИДА ҚЎЛЛАНГАН МУҲИМ ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

1 ағри	= 1/320 ботмон	= 62,5 г	Хоразм, Бухоро, 19-а.
І арпа	= Iжов =I/100 мисқол	—0,045 г	Хоразм, 19-а, Бухоро, 16—19-а.лар.
І ғарибоқ	=I/2048 ботмон	= 128 г	Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Ўратепа, 16-а.дан
І ғитча	=I/1024 ботмон	= 168 г	Тошкент, 19-а.
Ідонг	I/6 мисқол	= 0,76 г	Хоразм, Бухоро, 16—19-а
І дирҳам	7/10 мисқол	= 3,36 — 3,5 г	Бухоро, 18-а. Хоразм, 10-а
І дунимсир	(2,5 сир)	— турли катталикда	
І илча	=I/512 ботмон	=336 г	Тошкент, 19-а.
І истар	=4,5 мисқол	= 2,16 г	Бухоро, 18—19-а.лар
І есирак	=1/1024 ботмон	= 256 г	Самарқанд, Шаҳрисабз, Ўратепа, 16—17-а.лар
І етимак	=I/512 ботмон	= 256 г	Жиззах, 19-а
		= 10,144 г	Қоратегин, 19-а
І йўҳча	=I/256 ботмон	=4,095 кг	Тошкент, 19-а,
І қадоқ	=I фунт	= 409,512 г	Тошкент, 19-а.
І қоп	= 4 пуд	= 65—66 кг	19-а.
І ботмон	=5120 мисқол	=25,6 кг	Бухоро, 17-а,
	=25 600 мисқол	=128 кг	Бухоро, 19-а.
Іккичик ботмон	*=8 пуд*	*=131,044 кг*	*16—17-а.лар*
І катта ботмон	=16 пуд		
	=4000 мисқол	20 кг	Бухоро, 1794
Ішариат ботмони	=180 мисқол	= 864 г	Мовароуннаҳр, 14-а.
І мани тоқи	= 5 шариат ботмони	= 4,32 кг	" " "

Жадвалнинг давоми

1 ботмон	= 41088 мисқол	= 175—205 кг	Миёнқалъа, 19-а.
	= 4000 мисқол	= 20 кг	Самарқанд, 16-а.
	=54 784 мисқол	= 262,088 кг	Самарқанд, 19-а
	= 8 пуд	= 131,044 кг	Жиззах, 19-а.
	=12 пуд	= 196,56 кг	" " "
	=4 пуд	= 65,52 кг	Зомин, 19-а.
	=15 пуд	= 260,859 кг	Ўратепа, 19-а.
	=12 пуд	= 196,56 кг	Хўжанд, 19-а.
	= 8 пуд	= 131,044 кг	Фарғона водийси, 19-а.
	= 10 пуд	= 163,8 кг	Тошкент, 19-а.
	= 374 фунт	= 169,77 кг	Тошкент, 1876
	= 10,5 пуд	= 172 кг	Чимкент, 19-а,
	= 12 пуд	= 196,56 кг	Авлиёота, 19-а.
	=16 пуд	= 262,088 кг	Кўлоб, 1905—05
	= 4 пуд	= 65,52 кг	Қоратегин
1 мисқол		= 4,55 г	Хоразм, 14-а
		= 4,53 г	Хоразм, 19-а
	= 100 арпа (жов)	= 5 г	Бухоро, 18—19-а.лар
		= 4,46 г	Сўғдиёна, 6—8-а.лар
	= 100 арпа	= 4,55 г	Қўқон хонлиги
1 иўхот	= 1/24 мисқол	= 0,2 г	Бухоро, 16—19-а.лар
1 нимхурд	= 1/4 чорак = 1/256 ботмон	= 1,024 кг	Сирдарё, Зарафшон, 19-а.
	= 1/4 чакса = 1/64 чорак	= 256 г	Хўжанд, 19-а.
1 нимча	= 1/256 ботмон	78 г	Бухоро, Самарқанд, 15-а.
	= 2,5 фунт	=1,024 кг	Самарқанд, 19-а.
		84 г	Тошкент, 19-а.
	= 2 пуд	= 32,76 кг	Кўлоб, 1904—05
1 пайса	= 1/40 чакса	= 25,6 г	Фарғона водийси, 19-а.
	= 5 мисқол (олтин)	= 22,5 г	Фарғона водийси 19-а.
	7 мисқол	= 31,85 г	Косонсой, 19-а.
	1/80 чорак	= 31,85 г	Тошкент, 19-а.

Жадвалнинг давоми

1 пуд		= 16,38 кг	16—17-а.лар
1 ратл	= 330 дирҳам	= 1,03125 кг	Хоразм, 14-а. (В.Хинц бўйича)
		= 458,64 г	Хоразм, 14-а. (Г.А. Федоров—Давидов бўйича)
	90 мисқол	= 432 г	Бухоро, 18-а.
1 саъ	= 8 ратл	= 3,456 кг	" "
1 тош (санг)	= 1/1024 ботмон	= 125 г	Бухоро, 19-а.
1 сир	= 1/40 ботмон	(кам қўлланган)	
1 тассуж	1/24 мисқол	= 0,2 г	Хоразм, 14-а.
1 товоқ	1/32 ботмон	= 4,9 кг	Қоратегин, 1905
1 ўнсир	=10 сир = 1/4 ботмон	= 5 кг	Хоразм, 19-а.
1 учнимхўрд	= 150 пайса	= 3,48 кг	Фарғона водийси, 19-а.
	= 3/4 чорак	= 3,071 кг	Ўратепа, 19-а
1 харвор (эшак юки)	= 100 ратл	= 103,125 кг	Хоразм, 14-а.
		= 17—175 кг	Хоразм, 17—19-а.лар
1 шутурвор (туя юки)	=1 1/2 харвор = 16 пуд	=262 кг	Хоразм, 17-а.
	= 10 ботмон	= 256 кг	Бухоро, 17—19-а.лар
1 чакса	= 1/16 чорак	= 4,594 кг	Қўқон, Сирларё, 19-а.
	= 1/16 катта чорак	= 5,105 кг	" " "
	= 13 фунт	= 5,324 кг	Наманган, 19-а.
	=1/16 чорак	= 5,46 кг	Косонсой, 19-а.
1 катта чорак	= 1/64 ботмон= 16 пуд	= 4,1088 кг	Бухоро, Самарқанд, 19-а.
1 кичик чорак	= 1/64=8 пуд	= 2,0544 кг	" " "
1 чорак		= 2,687 кг	Тошкент, 19-а
		= 4,1088 кг	Ўратепа, 19-а
		= 3,082 кг	Миёнқалъа, 1830
	= 2 пуд	= 32,76 кг	Фарғона водийси, 1830
	= 4 пуд	= 65,52 кг	Фарғона водийси, 1841
		= 73,71 кг	
	= 5 пуд	= 81,90 кг = 87,36 кг	Турли жойларда

Жадвалнинг давоми

1 олчин	= 1 аршин	= 65— 112 см	18-а.
1 бармоқ	=6 арпа дони	=2,18—2,28 см	18-а.
1 газ	бармоқ учидан елкагача	= тирсак	
	= 24 бармоқ= 1/2 рус сажени	= 1,0668 м	Хоразм, 19-а.
	= 28 бармоқ	= 61,04 см	Хоразм, 1876
		=78,74 см	Бухоро, 16—17-а.лар
	= 40 дюйм	= 101,6 см	Бухоро, 1740
1 гази шоҳона	=49 бармоқ	= 106,68 см	Самарқанд, 1824
	=1,25 аршин	= 88,9 см	Самарқанд, 19-а.охири
1 хон гази	=1,5 аршин	= 106,68 см	Самарқанд, 19-а.ўртаси
1 газ	=14 рус вершоки	= 62,195 см	Фарғона, 19-а.ўртаси
	= 31 бармоқ	= 68,85 см	Фарғона, 1897
		=110 см	Косонсой, 1928
		= 68 см	Андижон, Марғилон, Хўжанд
		= 63 см	Фарғонанинг айрим жойларида
1 гириҳ	= 1/10 газ	= 6,625—6,69 см	Хоразм, Бухоро, 19-а.
1 арпа дони (жов)	= 6 ёл (от қили)		
1 илик	=6 арпа дони=1 бармоқ		"Бобурнома"
1 қабза – таёқ тутган мушт эни			
1 қадам – ўртача қадам катталиги			
1 қари	= 6 тутам	= 24 илик	"Бобурнома"
1 қари		=148,94 см	Хоразм, 19-а.
1 қулоч қари		= 164,45 см	Фарғона водийси, 1877
1 калта қари		= 58 см	" " "
1 бозор қари		= 177,8 см	Тошкент, 19-а.
1 қари	= 1 қулоч		Андижон, 20-а.боши

5-жадвалнинг давоми

I қулоч	= 2,5 аршин	= 177—178 см	18—19-а.лар
	= 56 дюйм	= 142,24 см	Бухоро, 1838
	= 2,5 газ	= 166—170 см	Фарғона, 19-а.
I қарич	бош бармоқ б-н чинчилоқ учлари ораси	=18 см	Фарғона
I суям	бош бармоқ б-н кўрсаткич бармоқ ораси	= 18 см	Фарғона
I тош (фарсах, фарсанг, ёғоч)	= 12000 қадам	=8,5 км	19-а.
	= Самарқанд— Бухоро йўлининг 1/27 қисми	=9,5 км	
	= Самарқанд—Бухоро йўлининг 1/25 қисми		"Бобурнома"
	=9000 қадам	=5,6 км	Бухоро амирлиги
I таноб (жариб)	=60×60=3600 кв.газ	= 4037 — 4097 м²	Хоразм, 19-а,
		= 4097,025 м²	Бухоро, Самарқанд, 1824
		= 1820,9 м²	Самарқанд, 1872
		= 2731,35 м²	Зарафшон, 1927
		= 2845,1562 м²	19-а.охири
		= 1820,9 м²	Андижон, Марғилон, Конибодом
		= 2845,156 м²	Хўжанд
		= 1820,83 м²	Сирдарё, 1870
		= 3277,62 м²	Шаҳрисабз
		= 2731,35 м²	Косон, Ғузор, Сурхондарё

9-ИЛОВА

1-жадвал

ВАҚТ ҲИСОБИ

Вақт бирлиги	Қиймати
Секунд	*Цезий—133 атомининг 9192631 марта нурланиш даври*
Минут	60 с
Соат	60 мин = 3600 с
Кун (ўртача қуёш куни)	24 соат=86 4000 с
Синодик ой	29,5306 кун = 2551443.8 с
Тропик йил	365,2422 кун=31556926 с

2-жадвал

КАЛЕНДАРЛАР

Халқ (мамлакат) ёки дин б-н боғлиқ номлар	Асоси	Қўлланиши
Юнонистон	4 тропик йил — олимпиадалар ўтказилиши	мил.ав.776 й.дан мил. 394 й.гача (Рим императори Феодосий 1 томонидан таъқиқланишигача)
Қадимги Рим	10 синодик ой — қишлоқ хўжалик ишлари даври	Рим ш.асос солинган йилдан
	12 синодик ой— йил бошланиши баҳорги тенг кунлик	Мил. ав. 7-а.боши (Қадимги Рим подшоҳи Помпилий Нума томонидан *икки ой қўшилиши*)
	тропик йил, уч йил 365 кун, бир йил кабиса —366 кун (Юлий календари)	Математик ва астроном Созиген таклифи б-н Юлий Цезарь ислоҳоти, мил. ав. 46 йил
Қадимги Сурия	янги йил — баҳорги биринчи *янги ой чиқиши (пасех)*	
Яҳудийлар	олдий йиллар = 12 ой, ҳар 19 йилдан 7 таси кабиса — 13 ой	мил.ав.3761 йил — "олам яратилиши"
Христиан-лар	Юлий календари	Иусус Христос (Исо) туғилиши (Рим роҳиби Кичик Дионисий Диоклетиан эрасининг 248 йилини Иусус Христос (Исо)нинг туғилган куни деб ҳисоблаган)

2-жадвалнинг давоми

Халқ (мамлакат) ёки дин б-н боғлиқ номлар	Асоси	Қўлланиши
	Григорий календари: оддий йиллар — 365 кун, 4 га бўлинадиган йиллар кабиса —366 кун.Охирги икки рақами 00 бўлган йиллардан 400 га бўлинадиганлари — кабиса, бошқалари — оддий	1582 йил 24 февраль — Рим папаси Григорий XIII томонидан астрономлар Л.Лилио ва Х.Клавдий ишлаб чиққан календарь жорий қилиниши
Япония	тропик йилларнинг 60 йиллик даври	Афсонавий хоқон Дзимму тахтга чиқиши — мил.ав.660 йил
Хитой	76 тропик йилнинг 940 синодик ойга тенглигига асосланган 19 йиллик давр	—
Араблар ва мусулмон халқлари	1 йил 12 синодик ой, ҳар 30 йилдан 11 таси кабиса —355 кун	Муҳаммад пайғамбар (сав)нинг Маккадан Мадинага кўчиши пайтида чиққан янги Ой (622 йил 16 июль; 638 йилда халифа Умар томонидан жорий қилинган)

3-жадвал

ГРИГОРИЙ КАЛЕНДАРИ ҚЎЛЛАНИЛА БОШЛАГАН ЙИЛЛАР

Давлатлар	Сўнгги Юлий календари куни	Григорий календарига мос 1-кун
Италия Испания Польша Португалия	1582.4.10.	1582.15.10.
Франция	1582.9.12	1582.20.12
Германия:		
(католиклар)	1583.2.11	1583.13.11.
(протестантлар)	1700.18.2	1700.1.3.
Англия	1752. 2. 9	1752 14.9
Япония	—	1753.1.1
Хитой	—	1911.20.11
Россия	1918.31.1	1918.14.2
Ўзбекистон (умуман Ўрта Осиё)	1918.31.1	1918.14.12
Туркия	1925.18.12	1926.1.1
Миср	1928.17.9	1928.1.10.

4-жадвал

ҲАФТА КУНЛАРИ

Ўзбекча (форсча)	Арабча	Русча	Инглизча
Якшанба	Йаум ал-аҳад	Воскресенье	Sunday
Душанба	Йаум ал-иснои	Понедельник	Monday
Сешанба	Йаум ас-салоса	Вторник	Tuesday
Чоршанба	Йаум ал-арбаъ	Среда	Vednesday
Пайшанба	Йаум ал-хамис	Четверг	Thyrsday
Жума	Йаум ал-жумъа	Пятница	Friday
Шанба	Йаум ас-сабт	Суббота	Saturday

5-жадвал

ОЙЛАР НОМЛАРИ

Дастлабки номи	Келиб чиқиши	Кейинги номи	Келиб чиқиши
Примидилис	прима — бир	январь	Рим маъбуди Янус
Дуодилис	дуода — икки	февраль	
Тридилис	трида — уч	март	Рим маъбуди Марс
Квартидилис	кварта — тўрт	апрель	"илитилган" "гуллаган"
Квинтидилис	квинта — беш	май	Рим маъбудаси Майя
Секстилис	секста — олти	июнь	Рим маъбудаси Юнона
Септембер	септима — етти	июль	Рим хоқони Юлий Цазарь
Октобер	окта — саккиз	август	Рим хоқони Октавиан Август
Новембер	нона — тўққиз	сентябрь	
Десембер	деци — ўн	октябрь	
		ноябрь	
		декабрь	

6-жадвал

ҲИЖРИЙ ЙИЛ

Муҳаррам	Ашур	30 кун
Сафар	Сафар	29 кун
Рабиулаввал	Мавлуд	30 кун
Рабиуссони	"	29 кун
Жумодилаввал	"	30 кун
Жумодилохир	"	29 кун
Ражаб	Ражаб	30 кун
Шаъбон	Борот	29 кун
Рамазон	Рузи	30 кун
Шаввол	Ҳайит	29 кун
Зулқаъда	Ора	30 кун
Зулҳижжа	Қурбон	29 кун
(Кабиса йиллари зулҳижжа 30 кун)		

7-жадвал

МУЧАЛЛАР

	Ўзбекча	Форсча	Йиллар (1924—2031)								
1	Сичқон	Муш	1924	1936	1948	1960	1972	1984	1996	2008	2020
2	Сигир (ҳўкиз)	Бақар	1925	1937	1949	1961	1973	1985	1997	2009	2021
3	Йўлбарс	Паланг	1926	1938	1950	1962	1974	1986	1998	2010	2022
4	Қуён	Харғўш	1927	1939	1951	1963	1975	1987	1999	2011	2023
5	Балиқ (аждар)	Наҳанг	1928	1940	1952	1964	1976	1988	2000	2012	2024
6	Илон	Мор	1929	1941	1953	1965	1977	1989	2001	2013	2025
7	От	Асп	1930	1942	1954	1966	1978	1990	2002	2014	2026
8	Қўй (қўчқор)	гўсфанд	1931	1943	1955	1967	1979	1991	2003	2015	2027
9	Маймун	ҳамдуна	1932	1944	1956	1968	1980	1992	2004	2016	2028
10	Товуқ (хўроз)	мурғ	1933	1945	1957	1969	1981	1993	2005	2017	2029
11	Ит	сак	1934	1946	1958	1970	1982	1994	2006	2018	2030
12	Тўнғиз	хўк	1935	1947	1959	1971	1983	1995	2007	2019	2031

Изоҳ: Мучал йили — 21 мартдан келгуси йилнинг 20-мартигача

8-жадвал

БУРЖЛАР ВА ШАМСИЙ ЙИЛ ОЙЛАРИ

Арабча	Лотинча	Эски ўзбек тилида	Ҳозирги ўзбек тилида	Рус тилида	Зодиак белгиси	Милодийдаги даври	Ўзбек мақоллари
Ҳамал	Aries	Кўзи	Қўй	Овен	♈	21 март —19 апрель	Ҳамал кирди — амал кирди.
Савр	Taurus	Уд	Сигир	Телец	♉	20 апрель — 20 май	Саврнинг саноғида қишнинг ёғини бор.
Жавзо	Gemini	Эрандиз	Эгизак қиз	Близнецы	♊	21 май —21 июнь	Савр — экинга давр. Жавзонинг ярмида сув тагида арпа пишар
Саратон	Cancer	Кучиқ	Қисқичбақа	Рак	♋	22 июнь —22 июль	Саратонда сув қўй, асадда тек қўй.
Асад	Leo	Арслон	Арслон	Лев	♌	23 июль — 23 август	Асад — экинингни ясат. Асадда оралаб е,
Сунбула	Virgo	Буғдой боши	Бошоқ	Дева	♍	24 август — 22 сентябрь	сунбулада — саралаб. Сунбулада сув совир, мезонда — кун.
Мезон	Libra	Улғу	Тарозу	Весы	♎	23 сентябрь —22 октябрь	Ҳамалдан сўнг қиш қутма, мезондан сўнг —ёз.
Ақраб	Scorpius	Чазан	Чаён	Скорпион	♏	23 октябрь —21 ноябрь	Ақраб келар ҳайқириб, аёзини чақириб.
Қавс	Sagittarius	Ёй	Ёй	Стрелец	♐	22 ноябрь —21 декабрь	Қавсда эккунча, қовурмоч қил.
Жадий	Capricornus	Ўғлақ	Тоғ эчкиси	Козерог	♑	22 декабрь — 19 январь	Жадийда йилингни чўт қил, Янги режангни бут қил.
Далв	Aquarius	Кўнак	Қовға	Водолей	♒	20 январь — 18 февраль	Далв келди — деҳқонга гал келди.
Ҳут	Pisces	Балиқ	Балиқ	Рыбы	♓	19 февраль — 20 март	Яхши келса ҳут, ҳурма-хурма сут. Ёмон келса ҳут, керагада пут.

10-ИЛОВА
1-жадвал

ЮЛДУЗ ТУРКУМЛАРИ

Лотинча номи	Шарқ илмий адабиётидаги номи	*Ўзбекча номи*	Русча номи
Andromeda	ал-Мусалсала	Андромеда	Андромеда
Antlia			Насос
Apus		Жаннат қуши	Райская птица
Aquarius	Сақиб ал-Маъ(Далв)	Қовға, Далв	Водолей
Aquila	ал-Уқаб	Бургут	Орёл
Ara	ал-Мижмара	Қурбонгоҳ	Жертвенник
Aries	ал-Ҳамал	Қўзичоқ, Ҳамал	Овен
Auriqa	Мумсик ал-Инан	Жиловдор	Возничий
Bootes	ал-Авва, Саъиҳ	Ҳўкизбоқар	Волопас
Caelum		Тиғ	Резец
Canelopardalis		Жирафа (Туябўйин)	Жираф
Cancer	ас-Саратон	Қисқичбақа, Саратон	Рак
Canec Venatici		Този итлар	Гончие Псы
Canus Major	ал-Қалб ал-Акбар	Катта Ит	Большой Пес
Canus Minor	ал-Қалб ас Асғар	Кичик Ит	Малый Пес
Capricornus	Қалб ал-муқаддам ал-Жадий	Тоғ эчкиси (Жадий)	Козерог
Carina	ас-Сафина	Кома тумшуғи	Киль
Cassiopeia	Зот ал-Курси	Кассиопея	Кассиопея
Centaurus	ал-Қантурус	Кентавр, Центавр	Центавр
Cepheus	ал-Қифаус.	Кефей, Цефей	Цефей
Cetus	ал-Мустаҳаб ал-Қайтус	Кит	Кит
Chanaeleon		Буқаламун	Хамалеон
Circinus		Паргар	Циркуль
Columba		Каптар	Голубь
ComaBerenices		Вероника сочлари	Волосы Вероники
CoronaAustralis	ал-Иқлил ал-Жанубий	Жанубий тож	Южная Корона
CoronaBorealis	ал-Иқлил (ал-Факка)	Шимолий тож	Северная корона
Corvus	ал-Ғураб	Қарға	Ворон
Crater	Батия	Коса	Чаша
Crux		Жанубий салиб	Южный крест
Cygnys	ад-Дажажа	Оққуш	Лебедь
Delphinus	ад-Дульфин	Дельфин	Дельфин
Dorado		Олтин Балиқ	Золотая Рыба

1-жадвалнинг давоми

Лотинча номи	Шарқ илмий адабиётидаги номи	Ўзбекча номи	Русча номи
Draco	ат-Тиннин	Аждар	Дракон
Equuleus	Қитъа ал-Фарас	Кичик От	Малый Конь
Eridanus	ан-Наҳр	Эридан, Анҳор	Эридан
Fornax		Ўчоқ	Печь
Gemini	ат-Тавъаман (Жауза)	Эгизак Қиз, Жавзо	Близнецы
Grus		Турна	Журавль
Hercules	ал-Жаси Ала Рукбатихи	Геркулес	Геркулес
Horoloqium		Соат	Часы
Hydra	аш-Шужаъ	Ҳидра	Гидра
Hydrus		Жанубий Ҳидра	Южная Гидра
Indus		Ҳунди	Индеец
Lacerta		Калтакесак	Ящерица
Leo	ал-Асад	Арслон, Асад	Лев
Leo Minor	ал-Асад	Кичик Арслон	Малый Лев
Lepus	ал-Арнаб	Қуён	Заяц
Libra	ал-Мизон	Тарози, Мезон	Весы
Lupus	Асбаъ	Бўри	Волк
Lynx		Силовсин	Рысь
Lyra	ас-Санж, Аурас	Лирақуш, Чанг	Лира
Meusa		Тоғитахт	Столовая Гора
Mecroscopium		Микроскоп	Микроскоп
Monoceros		Якқашоҳ	Единорог
Musca		Пашша	Муха
Norma		Гўния	Наугольник
Octans		Нимчораклик	Октант
Ophiuchus	ал-Ҳавва	Морбоз	Змееносец
Orion	ал-Жаббор	Орион	Орион
Pavo		Товус	Павлин
Pegasus	Ал-Фарас ал-Аъзам	Пегас	Пегас
Perseus	ал-Буршаус	Персей	Персей
Phoenix		Самандар	Феникс
Pictor		Мусаввир	Живописец
Pisces	ас-Самакатан (Ҳут)	Балиқ, Ҳут	Рыбы
Piscus Austrinus	ал-Ҳут ал-Жанубий	Жанубий балиқ	Южная рыба
Puppus	ас-Сафина	Кема Қуйруғи	Корма
Pyxis	ас-Сафина	Компас	Компас
Reticulum		Тўр	Сетка

1-жадвалнинг давоми

Лотинча номи	Шарқ илмий адабиётидаги номи	Ўзбекча номи	Русча номи
Saqitta	ас-Сахм	Ўқ	Стрела
Saqittarius	ар-Рами, ал-Қавс	Ўқчи, Қавс	Стрелец
Scorpius	ал-Ақраб	Чаён, Ақраб	Скорпион
Sculptor		Ҳайкалтарош	Скульптор
Scutum		Қалқон	Щит
Serpens	ал-Ҳайя	Илон	Змея
Sextans		Секстант	Секстант
Taurus	ас-Саур	Буқа, Савр	Телец
Telescopium		Телескоп	Телескоп
Trianqulum	ал-Мусаллас	Учбурчак	Треугольник
Trianqulum		Жанубий Учбурчак	Южный Треугольник
Australe		Тукан	Тукан
Tucana	ад-Дуб ал-Акбар	Катта Айиқ, Етти Қароқчи	Большая Медведица
Ursa Major			
Ursa Minor	ад-Дуб ал-Асғар	Кичик Айиқ	Малая Медведица
Vela	ас-Сафина	Елкан	Парус
Virqo	ал-Азра (Сунбула)	Бошоқ, Сунбула	Дева
Volan		Учарбалиқ	Летучая Рыба
Vulpecula		Тулкича	Лисичка

2-жадвал

ЭНГ ЁРУҒ ЮЛДУЗЛАР

I — ўта улкан юлдузлар, II — улкан юлдузлар, V — митти юлдузлар

Ҳозирги номи	Шарқ илмий адабиётидаги номи	Қайси юлдуз туркумига тегишлилиги	Спектрал синфи	Кўринма юлдуз каттталиги	Қуёш системасидан масофаси (парсек)	Қўшалоқлиги
Қуёш	Шамс		G 2V	—26,8	—	
Сириус	аш-Шиъра ал-Ямани	Катта Ит	AOI	—1,46	8,6	2
Канопус	Суҳайл	Кема тумшуғи	FOI	—0,73	181	
Арктур	ас-Симак ар-Рамиҳ	Ҳўкизбоқар	K2III	—0,06	36	
Центавр α си	ал-Қантурус	Центавр	G2V	—0,01	4,3	3
Вега	ан-Наср ал-Вақи	Лирақуш	AOV	0,03	26,3	

2-жадвалнинг давоми

Ҳозирги номи	Шарқ илмий адабиётидаги номи	Қайси юллуз туркумига тегишлилиги	Спектрал синфи	Кўринма юлдуз катталиги	Қуёш системасидан масофаси (парсек)	Қўшалоқлиги
Капелла	Саъва	Жиловдор	G8III	0,08	46	2
Ригель	ар-Ижл	Орион	B8I	0,11	820	3
Процион	аш-Шиъра ас Сурияи	Кичик Ит	F 5 I	0,37	11,5	2
Ахернар	Ахир ан-Наҳр	Анҳор (Эридан)	B5 I	0,48	127	2
Центавр β си	ал-Қантурус	Кентавр	B1 II	0,60	400	2
Альтаир	ан-Ниср ат-Таъйр	Бургут	A7 V	0,77	16,5	
Беталь-гейзе	Бит ал-Жауза	Орион	M2 I	0,8	650	2
Альдебаран	Сурайё, ад-Дабаран	Савр	K 5 III	0,85	70	4
Акрукс		Жанубий салиб	B2 V	0,90	260	4
Спика	ас-Симак ал-Аъзал	Сунбула	B1 V	0,96	260	2
Антарес	Қалб ал-Асад	Акраб	MI I	1,0	425	2
Поллукс	аз-Зираъ	Жавзо	KO III	1,15	36	
Фомальгаут	Фим ал-Ҳут	Жанубий балиқ	A3 V	1,16	21,9	
Денеб	аз-Занаб	Оққуш	A2 I	1,25	1600	
Жанубий салиб β си		Жанубий салиб	BO III	1,26	490	2
Регул	ал-Жабҳа, Малакий	Асад	B7 V	1,35	85	3
Адара	ал-Абур	Катта Ит	B2 II	1,50	650	2
Кастор	аз-Зираъ	Жавзо	AI V	1,58	46	6
Беллатрикс		Орион	B2 III	1,63	300	

2-жадвалнинг давоми

Ҳозирги номи	Шарқ илмий адабиётидаги номи	Қайси юлдуз туркумига тегишлилиги	Спектрал синфи	Кўринма юлдуз катталиги	Қуёш системасидан масофаси (парсек)	Қўшалоқлиги
Мицар	Мизра	Катта Айиқ (Етти Қароқчи)	A2 V	2,09	88	2
Қутб юлдузи (Олтин Қозиқ)	Жадий	Кичик Айиқ	F8 I	2,3	780	3

11-ИЛОВА

ЎНЛИ САНОҚ СИСТЕМАСИ

1=10^0бир
10=10^1 ўн
100=10^2 юз
1000=10^3 минг
10000=10^4 ўн минг, туман
100000=10^5 юз минг, лак
1000000=10^6 миллион
10000000=10^7 ўн миллион
100000000=10^8 юз миллион
1000000000=10^9 миллиард (айрим ғарб мамлакатларида — биллион)
1000000000000=10^{12} триллион
1000000000000000=10^{15} квадриллион
1000000000000000000=10^{18} квинтиллион
1000000000000000000000=10^{21} секстиллион
1000000000000000000000000= 10^{24} септиллион
1000000000000000000000000000= 10^{27} октиллион
1000000000000000000000000000000=10^{30} нониллион
1000000000000000000000000000000000=10^{33} дециллион

ЎЗМЭ 11-ЖИЛДИ МАҚОЛАЛАРИНИНГ АСОСИЙ МУАЛЛИФЛАРИ РЎЙХАТИ*

Биология ва кимё илмий тармоқлари

Абдуллаев Магди
Аминов Собиржон
Аскаров Иброҳимжон
Ахмеров Қудрат
Ахмедов Мадамин
Бақоев Савриддин
Ботиров Бешим
Ваҳобов Абдурасул
Зикирёев Абдукарим
Зокиров Ҳошим
Исабоев Зикрилла
Лаханов Жаббор
Мавлонов Очил
Маликов Азим
Маърупов Рустам
Миркомилова Муҳаббат
Мўминов Боқижон
Нишонбоев Кураш
Пратов Ўктам
Раҳматиллаев Алимардон
Саримсоқов Абдушукур
Сулаймонов Эргаш
Тўйчиев Сайфулло
Тўрабеков Шарифжон
Хурраммов Шукур
Шакарбоев Эркинжон
Шерназаров Элмурод
Эргашев Норқўзи
Эшова Холниса
Қодирова Муҳаррам
Қосимова Сталина
Ҳакимов Наҳмиддин

География, геология ва геофизика илмий тармоқлари

Абдураҳимов Абдуқаюм
Абидов Асрор
Айтбоев Даулетбой
Аллаёров Ихтиёр
Жумабоев Тошпўлат
Жўрабоев Отабек
Иброҳимов Рашод
Иванов Юрий
Исаҳожиев Бахтиёр
Мажидова Нафиса
Маманазаров Насриддин
Маматов Абдулла
Маматқулов Мурод
Мирақмалов Мирали
Назаров Исроил
Назаров Маҳаматқодир
Носиров Ўрол
Нуржонов Комил
Охунжонов Раҳмат
Рашидов Умар
Реимов Валижон
Рўзиева Машҳура
Тошев Худойназар
Турсунов Жовли
Эргашев Йўлдошбой
Эрдонов Латиф
Юнусов Камолиддин
Қамбаров Қурбонали
Қувондиқов Қолдибек
Кўчқоров Абдувоҳоб
Ғуломов Пўтиқкамол
Ҳикматов Фазлиддин
Ҳотамова Ҳамрохон

Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги илмий тармоқлари

Абдуллаев Ҳамидулла
Аббосов Абдулазиз
Азимбоев Собиржон
Азимов Ботир
Акмалхонов Талъат
Акрамов Эркин
Алимуҳамедов Султон
Амиров Абдусаттор
Артукметов Зиёмиддин
Аҳроров Умид
Ваҳобов Алишер
Ёрматова Дилором
Ёқубов Рисқибой
Жавакянц Юрий
Жўраев Рихсибой
Жатаев Сотволди
Жақсимов Фаёз
Махсудов Ҳодимат
Мирзаев Тоҳиржон
Мусаев Нуриддин
Нигматов Муҳаммаджон
Норматов Баҳодир
Носиров Убайдулла
Нурматов Ҳошим
Орипов Суръат
Остонов Ойбек
Отабоева Ҳалима
Раззоқов Абдухалил
Саидова Дилдора
Сирожиддинов Азимиддин
Салимов Садир
Тошматов Шуҳрат
Тўхлиев Нурислом
Умаров Абдукарим
Усмонов Асадулла
Файзиев Жамолиддин
Холматов Неъмат
Холназаров Султон
Хоназаров Абдушукур
Шодмонов Шерқул
Шредер Елена
Эрматов Шоназар
Эгамбердиев Одилбек
Юсупов Қодиржон
Ўлмасов Аҳмаджон
Ҳамроқулов Рўзимат

Комплекс мақолалар ва педагогика илмий тармоқлари

Абдуллаев Йўлдош
Алиев Парвиз
Ахмедов Сирожиддин
Мавлонов Иброҳим
Мажидов Абдурашид
Мирзалиев Санжар
Неъматов Илҳом
Эшонов Ойбек
Юсупов Қодиржон
Ўрмонов Абдукул
Ўтегенёзов Қуанишбой

Маданият ва санъат илмий тармоқлари

Абдуллаев Неъмат
Абдуллаев Рустамбек
Абулқосимова Ханжара
Алиева Сурайё
Аширова Моҳина
Бабаназарова Маринника
Баяндиев Тешабой
Беков Олим
Булатов Саидахбор
Валихўжаев Нодир
Галушченко Ирина
Гуль Эльмира
Ёқубхўжаев Анвар
Жабборов Аҳмад
Жўрақулов Обод
Зоҳидов Пўлат
Иброҳимов Оҳиллхон
Исломов Бурҳон
Мадраимов Абдумажид
Макаров Павел
Маматмусаев Тоҳир
Маннопов Султонали
Матёқубов Ботир
Маҳкамова Наргиза
Маҳмудов Жўра
Маҳмудов Мирали
Насриддинов Баҳриддин
Насуллаев Зиёдулла
Нодиров Турди
Носиров Муҳиддин
Нурабдуллаева Светлана
Ойбек Вейсаль ўғли
Пўлатов Ҳайрулла
Расулов Ўлмас
Расултоев Жасур
Рўҳмонова Гавҳар
Саматов Шомат
Солиҳова Муҳаббат
Тожибоева Олтинхон
Тошканбоев Пўлат
Тоқтош Рафаил
Турдиалиев Абдуллатиф
Турдиев Абдураззоқ
Турсунбоев Сотимбой
Турсунова Гулшан
Тўлаҳўжаева Муҳаббат
Фатхуллаев Равшан
Хожаметова Перуза
Холиқова Зухра
Ҳўжаназаров Муқиддин
Юнусов Равшан
Яҳёев Абдужаббор
Ўринов Эсон
Қодиров Муҳсин
Қосимхўжаева Саида
Қурбонов Қалмирза
Ғафурбеков Тўхтасин

*Муаллифлар номи «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти илмий тармоқлари бўйича (фақат бир жойда) кўрсатилди.

Тарих, миллий мерос ва қадриятлар илмий тадқиқоти

Айтбоев Абдулхолиқ
Алимов Ўткир
Алимова Маҳфуза
Аскаров Аҳмаллари
Аширов Аҳмажон
Аширов Сервер
Бобобеков Ҳайдарбек
Бобоёров Ғайбулла
Бўриев Омонулла
Бўриев Очил
Далабоев Ҳамидулла
Жамолхожи Идҳомжон
Жуманазаров Худойназар
Зиёев Ҳамид
Иноятов Ислом
Исломов Ўткир
Исқоқов Мирсолиқ
Камолиддинов Шамсуддин
Камолов Собир
Мавлонов Ўктам
Мадаминов Комилжон
Маликов Азим
Матбобоев Боқижон
Муҳмудов Бехзод
Муҳамедов Неъматулло
Муҳаммаджонов Абдулҳақ
Мухтидинов Алишер
Нишонова Озода
Обидов Бахтиёр
Отамуродов Саъдулла
Охунжонов Собиржон
Пидаев Шокиржон
Полвонов Неъмат
Ражабов Қаҳрамон
Ражапова Раъно
Раҳимов Муҳаммаджон
Ртвеладзе Эдвард
Сабурова Севара
Содиқов Ҳамлам
Султонова Гулчеҳра
Тома Баҳодир Розиқўғли
Турсунов Жовли
Турсунов Сайфулло
Ҳўжаев Абдулаҳад
Шамсутдинов Рустамбек
Шарипова Машҳура
Шигабудинов Ринат
Эргашев Фатхулла
Қаюмов Асрор
Қорабоев Усмон
Ғиёсов Бобур
Ғиёсов Темур
Ҳасанов Фахриддин
Очилов Эргаш
Пардаев Абдуқаюм
Пўлатов Исроил
Ражабов Дилшод
Расулов Абдуғафур
Садиров Мейли
Саидов Азиз
Саримсоқов Баҳодир
Сидиқов Мўмин
Солижонов Йўлдош
Тожибоев Рустам
Умаров Эргаш
Худоёров Исмат
Шоматов Озод
Қосимов Бегали
Қурбонова Диллора
Ҳожиев Азим

Фалсафа ва ҳуқуқ илмий тадқиқоти

Абдулла Шер
Абдуқодиров Ғайрат
Аликулов Хайдар
Аминов Муроджон
Аюпов Абдулла
Аҳмадшоева Мавлуда
Баратов Миродил
Беков Ихтиёр
Жавлиев Нурали
Жўжоний Абдулҳаким
Жўраев Сайфиддин
Иноғомжонова Зумрад
Исломов Зайниддин
Лутфуллаев Ҳамидулло
Мансуров Абдулазиз
Маткаримова Гулчеҳра
Мусаев Соат
Мўминов Асрор
Нажимов Маҳмуд
Назаров Насриддин
Назаров Қиём
Ниёзова Саломат
Отахонов Нурилло
Отахонов Фозилжон
Раҳимжонов Дурбек
Рустамбоев Мирзаюсуф
Сабуров Нурмат
Саидов Акмал
Сайдуллаев Шаҳзод
Тансиқбоева Галия
Тўраев Бахтиёр
Тўраев Баҳодир
Утемуратов Маҳмуд
Файзиҳўжаева Дилбар
Хидиров Садриддин
Шорахмедов Даврон
Шораҳметов Шоакбар
Эргашев Ибродулла
Эргашева Дамира
Эрматов Ғайрат
Эшонова Шоирахон
Янгибоев Норқувват
Ғозиев Эргаш
Ҳасанов Аҳаджон
Ҳусанбоев Олим
Ҳусниддинов Зуҳриддин

Тиббиёт илмий тадқиқоти

Аҳбаров Зоирхўжа
Арифов Саидқосим
Бахромов Саидкалод
Жалилов Ҳабибулла
Жўраев Ёри
Зокиров Муҳсим
Зокиров Ўзуб
Зуннунов Зокир
Ибрагимова Салтанат
Исмоилов Саидгани
Комилов Холиджон
Мажидов Наби
Муталова Зулхумор
Нарчаев Жамшид
Пирназаров Маҳмуд
Саидқориев Бердимурод
Соатов Тўлаган
Убайдуллаев Абдулла
Усмонхўжаев Абдукарим
Халилов Миркобил
Шоваҳобов Шоносир
Шомирзаев Нажиулла
Эшбоев Эгамберди
Қосимов Эркин

Тил ва адабиёт илмий тадқиқоти

Абдуназар Ҳабиб
Алимбеков Аҳадамбек
Аҳмедов Сирожиддин
Баракаев Раҳматулла
Жўраева Назира
Жўрабоев Отабек
Иброҳимов Ансориддин
Имомов Комилжон
Исмоилов Анвар
Исомиддинов Зуҳриддин
Каримов Баҳодир
Каримов Наим
Лафасов Ўроқ
Мадвалиев Абдуваҳоб
Мадраҳимов Идҳомжон
Манионов Абдураҳим
Маҳкамов Неъмат
Мингноров Абдухолиқ
Мирзаев Ибродулла
Мирзаев Тўра
Муҳибова Улфатхон
Назаров Насриддин
Норматов Умарали
Орипов Абдулла
Охунов Носиржон
Очилов Норали
Раҳимов Муҳаммаджон
Сайдуллаев Шаҳзод
Самиев Зоир
Шарипов Анвар
Шоимқулов Баҳодир
Эгамбердиев Одил
Қорабоев Восил
Қосимов Эркин
Ғоипов Суннат
Ҳайдаров Абдуғаффор
Ҳакимов Рихситилла
Ҳобилов Ботир

ТУЗАТИШ

(ЎзМЭ 2- ва 3-жилдларидаги тузатиш такрорланмади)

Бет	Устун	Қатор	Босилган	Ўқилиши керак
		1-жилдда		
42	3	Юқоридан 2	—(1931.1.15, Тошкент) — адабиётшунос,	—(1931.1.5—Тошкент—2005.17.6)— адабиётшунос,
148	3	Юқоридан 24	асборбент	адсорбент
185	3	Пастдан 23	Ч.Лаелнинг	Ч.Лайелнинг
283	3	Юқоридан 3	"Амир Темур" ордени	Амир Темур ордени
284	1	Юқоридан 7—8	тақдирланди (1996 й.18 окт.).	мукофотланди (1996 й.28 авг.)
514	2	Пастдан 14	Порт-Луис	Порт-Луи
		3-жилдда		
28	2	Юқоридан 23	Нитрий бензой	Натрий бензоат
28	2	Пастдан 23	2300 км/м³	2300 кг/м³
111	3	Юқоридан 2 (сурат ости, ёзувида)	2-илонбарг	2-шонабарг
506	1	Юқоридан 6 (жадвалда)	лаурин $C_{12}P_{24}O_2$	лаурин $C_{12}H_{24}O_2$
538	3	Юқоридан 1	"Жалолиддин Мангуберди" ордени	Жалолиддин Мангуберди ордени
597	2	Юқоридан 23	орттан ерни	ортиқ ерни
		4-жилдда		
7	2	Юқоридан 1	**ЗЕЛЕНСКИЙ**	**ЗЕЛИНСКИЙ**
14	2	Пастдан 9	халқ қўшиқлари	халқ ва композитор
93	3	Пастдан 25	каби опера	каби балет ва опера
188	1	Пастдан 13	*полисахаридтар*	*полисахаридлар*
395	1	Юқоридан 3	(KCL)	(KCl)
458	3	Юқоридан 29		
568	3	Юқоридан 20	$Mg[So_4]\cdot H_2O$	$Mg[SO_4]\cdot H_2O$
685	2	Пастдан 24	($CaCO_3$)ҳосил бўлади.	($CaCO_3$)ҳосил бўлади.
		5-жилдда		
27	2	Юқоридан 13	NH_3 (аммин)	NH_4 (аммин)
58	1	Юқоридан 11	"реликт" қашф қилган.	"реликт" нурланишни қашф қилган.
120	2	Юқоридан 29	**КУЙ** (қад.туркча кўч,)	**КУЙ** (қад.туркча кўг,)
242	2	Пастдан 23—25	Л.нинг "Суҳайл ва Меҳри" (М.Бурҳонов, Ик.Акбаров б-н ҳамкорликда, 1958), "Маҳаллада дув-дув гап"	Л."Суҳайл ва Меҳри" (1958), "Маҳаллада дув-дув гап" (М.Бурҳонов, Ик. Акбаров б-н ҳамкорликда, 1961).
276	1	Пастдан 17	$= \int_{-\infty}^{x} e^{x^2/2}\,du =$	$= \frac{1}{\sqrt{2\pi}} = \int_{-\infty}^{x} e^{x^2/2}\,du =$

Бет	Устун	Қатор	Босилган	Ўқилиши керак
281	3	Пастдан 24	$H(CH_2)COOH$	$(CH_3)_3COOH$
329	1	Пастдан 33	6500 сўз	65000 сўз
424	1	Пастдан 27	бастакорлар	композиторлар
580	2	Юқоридан 20	1300 млн.дан ортади.	1 млн.300 мингдан ортади.
617	2	Пастдан 1	Миникольи-центр	Линкольн-центр
			6-жилдда	
93	1	Пастдан 20 — 21	П.Чайковскийнинг концерт зали	П.Чайковский номидаги концерт зали
130	3	Юқоридан 10	$p_i=2^{2i}+1$ эса кўринишдаги ҳар хил	$p_i=2^{2i}+1$ ҳар хил
143	2	Юқоридан 22	"Шоир қалби" (1967)	"Лайли ва Мажнун" (1967)
150	1	Пастдан 12	муҳаррир Ғ.Ғафурбеков	муҳаррир Т.Ғафурбеков
152	2	Юқоридан 28—29	мусиқий танқид ва журналистика	2003 й.дан мусиқий танқил ва журналистика
195	3	Юқоридан 11	1551, Қашқар	1551, Сринагар, Кашмир
195	3	Пастдан 9—11	1541 й.да Қошқар забт этилгач, М.Ҳ.бобурийлар номидан Қошқарда ҳукмронлик қилади.	1541 й.дан Кашмир забт этилгач, М.Ҳ.бобурийлар номидан Кашмирда ҳукмронлик қилади.
278	1	Пастдан 20	**НАСР ибн АҲМАД**, Наср I ибн Асад	**НАСР ибн АҲМАД**, Наср I ибн Ахмад
489	2	Юқоридан 20	Памшир	Паликир
			7-жилдда	
8	1	Юқоридан 1—3	Ўзбекистон Республикаси фуқаросига республикадан ташқарига чиқиб кетиш чоғида дипломатик П.берилади	Дипломатик П.рўйхати ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган мансабдор шахсларга, шунингдек, чет элга доимий яш жойига кетаётган дипломатик П.га эга бўлган шахсларнинг эрлари (хотинлари)га ва уларнинг қарамоғида бўлган болаларга берилади.
288	3	Пастдан 6 (формулада)	$(y_{i1}+y_{i2}+y_{in})$	$(y_{i1}+y_{i2}+...+y_{in})$
			8-жилдда	
161	2	Юқоридан 12 (муаллиф номи)	*Самад Шоматов.*	*Шомат Саматов.*
528 —529	қари-тада		Билиолмасой	Қизилуолмасой
593	2	Юқоридан 16	$cos\ \alpha = \frac{a}{\sqrt{a^2+b^2}}$	$cos\ \alpha = \frac{b}{\sqrt{a^2+b^2}}$
593	2	Юқоридан 17	$= \frac{a}{\sqrt{a^2+b^2}}$	$= \frac{c}{\sqrt{a^2+b^2}}$
			9-жилдда	
53	3	Пастдан 21	Массачусет	Массачусетс
205	3	Юқоридан 36	"Чавандоз"	"Чапандоз"
			10-жилдда	
190	1	Пастдан 19 (формулада)	$q = q_0 sin\ (\omega t + \omega_0)$	$q = q_0 sin\ (\omega t + \varphi_0)$
240	2	Юқоридан 18	$=2{,}78^{-14}$ кВт·соат	$=2{,}78\cdot10^{-14}$ кВт·соат
632	2	Пастдан 27	(1926.19.16, Кўқон)	(1926.19.1, Кўқон)
			11-жилдда	
256	3	Юқоридан 20—21	1929 й.12 майда очилди.	1924 й.12 майда очилди.

Ў-28

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд. Қизилқумит — Ҳўрмуз. Таҳрир ҳайъати А. Азизхўжаев, Б. Алимов, М. Аминов ва б. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005.—608 б.
ББК 92

№ 252—2005
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ
11-ЖИЛД

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.
Тошкент — 2005.
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй)

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.

З.Т. Исажонов (директор), К.Т.Мансуров, Р.Мусаев, Ж.Ж.Ишмуҳамедов, Ш.Усмонов, Ф.Чанишева, М. Ибодова, А.Маҳамедов, М.Усмонова, Б.Тўёқов, С. Аҳмедова, Т.Ҳамидов, В. Панфилов.
Манзил: Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Фотографлар: Б.И.Дьякин, А.Е.Зуев, А.Д.Михайлов, А.Сулаймонов, В.П.Телегин, Ҳ.Шорахмедов, Р.З.Яруллин.
Соҳа харита муаллифлари: Р.Х.Галиулина, С.Салоҳиддинова, А.Эгамбердиев.
Харита чизувчи: М.М.Мирзиев.

ЎзМЭ 11-жилди 2005 йил 15 августда теришга берилди.
2005 йил 20 декабрда босишга рухсат этилди.

Қоғоз бичими 84×108$^{1}/_{16}$. Офсет қоғозда босилди. 90,1 нашриёт-ҳисоб табоғи. 63,84 шартли босма табоқ. Адади 10000 (1-гал босилиши 5000). Баҳоси шартнома асосида. А-242-буюртма.